– تَأَخُّرٌ 1) кечикиш; بِدُونِ ~ имилламасдан, орқага судрамасдан, сусткашлик қилмасдан, кечиктирмай, жуда тез; 2) қолоқлик; 3) орқага кетиш, регресс

– تَأْخِيرٌ ушлаб қолиш, секинлатиш, кечиктириш, кейинга қолдириш, кейинга суриш

– تَأْخِيرَةٌ қисқа вақт ушлаб қолиш, озгина кечикиб қолиш, бироз кечикиш, бироз тутилиб қолиш

– مُؤْخِرٌ: الْعَيْنِ ~ кўзнинг чакка томонидаги чети; الرَّحْلِ ~ ةُ эгарнинг орқа томони (суянадиган томони)

– مُؤَخَّرٌ кечиктирилган; охирига қолдирилган; الصَّدَاقِ ~ сепнинг қолдиғи, қолгани; ~ا яқингинада

– مُؤَخِّرَةٌ *кўп.* ـاتٌ — 1) (*бирор н.нинг*) орқа томони, орқаси; الْبُنْدُقِيَّةِ ~ милтиқ қўндоғи; الْجَيْشِ ~ *харб.* арьергард (*ҳарбий юришда ёки чекиниш маҳалида асосий кучларнинг кетидан борадиган ва уларни душмандан ҳимоя қиладиган аскарий қисм ёки флот қисми*); السَّفِينَةِ ~ кеманинг қуйруқ қисми, қуйруғи; السَّيَّارَةِ ~ автомобиль кузови, автомобилнинг юк ортиш қисми; *харб.* фронт орти (орқаси)

– مُتَأَخِّرٌ 1) кечикаётган; مَبَالِغُ ~ ةٌ ўз вақтида тўланмаган пул; 2) орқада қолган, қолоқ; 3) кечки, жуда кечки; ~ا кеч; ◊ ضَرَائِبُ ~ ةٌ боқимонда, ўз вақтида тўланмай қолган солиқ, йиғим

– مُتَأَخِّرَاتٌ *кўп.* боқимондалар

أُخْطُبُوطٌ *кўп.* ـاتٌ — саккизоёқ (*сўрғичли саккизта пайпаслагичлари бўлган денгиз ҳайвони*), осьминог

(أخو) III آخَى биродарлашмоқ, дўстона муносабатда бўлмоқ, дўстона муносабат ўрнатмоқ; V تَأَخَّى 1) биродарлашмоқ, дўстона муносабатда бўлмоқ; 2) (*бирор н.ни*) мақсад қилмоқ; (*н.гадир*) интилмоқ; (*бирор н.га*) эргашмоқ, амал қилмоқ; *сол.* تَوَخَّى *қар* وَخَى

VI تَآخَى биродарлашмоқ, дўстона муносабатлар ўрнатмоқ

– أَخٌ[1] *кўп.* إِخْوَةٌ ака, ука, бирадар; أَخُوهُ *бош.к.да:* унинг биродари; أَخِيهِ *қар.к.да:* унинг биродарининг; أَخَاهُ *туш.к.да:* унинг биродарини; شَقِيقٌ ~ туғишган биродар; فِي الرَّضَاعَةِ ~ эмишган биродар, кўкалдош; مِنَ الْأَبِ (مِنَ الْأُمِّ) ~ ўгай биродар; وَ الزَّوْجِ ~ қайноға, қайни (*эрнинг акаси ёки укаси*); وَ الزَّوْجَةِ ~ қайноға, қайни (*хотиннинг акаси ёки укаси*); 2. худди шундай

– أَخٌ[2] *кўп.* إِخْوَانٌ 1) мурид (*диний жамоаларда*); 2) дўст, ўртоқ; ◊ أَخُو النَّوْمِ ўлим

– إِخَاءٌ ,إِخَاوَةٌ дўстлик, биродарлик, қардошлик

– أُخْتٌ *кўп.* أَخَوَاتٌ 1.сингил; فِي الرَّضَاعَةِ ~ эмишган (кўкалдош) сингил; الزَّوْجِ ~ қайинсингил (*эрнинг синглиси*); الزَّوْجَةِ ~ қайинсингил (*хотиннинг опаси ёки синглиси*); 2. у (*мн*) ҳам шундай, шунақа; أَخَذَ السِّجَارَةَ وَ أَعْطَانِي ~هَا у ўзига сигарет олди ва шундайини менга берди

– إِخْوَانٌ 1) биродарлик; الـ ~ الْمُسْلِمُونَ биродар мусулмонлар, мусулмон биродарлар (*Миср ва айрим араб мамлакатларидаги сиёсий-диний ташкилот номи*); 2) ихвон (*ваҳҳобийлар уюшмаси*)

– إِخْوَانِيٌّ биродарликка оид

– أُخُوَّةٌ биродарлик, қардошлик

– أَخَوِيٌّ биродарликка, қардошликка оид

– أَخَوِيَّةٌ биродарлик, қардошлик

– أَخِيَّةٌ ,آخِيَةٌ *кўп.* أَوَاخِيُّ ,أَوَاخٍ ,أَخَايَا 1) (*бирор н.ни боғлаб қўйиладиган*) арқон, занжир, қайиш; бош, бошлиқ; ҳалқали болт; 3) алоқа, иплар (*мас., дўстлик иплари*); ўз эркича ҳаракат қилишдан маҳрум этиш (*мас., гайка ва шайбадек*); صَدَاقَةٌ مَتِينَةُ الْأَوَاخِي мустаҳкам дўстлик; 4) *тех.* чиғир ғалтак (*Сурияда*)

– تَآخٍ биродарлашиш, дўстлашиш, дўстона муносабатлар

– خُوَّةٌ 1) *халқ.*биродарлик, дўстлик, қардошлик; 2) дўстона муносабатлар учун тўлов (*бадавийларда*)

– خُوَيٌّ ука, укажон

– مُؤَاخَاةٌ биродарлашув, биродарлик, қардошлик, дўстлик

– مُتَآخٍ *мн.* مُتَآخِيَةٌ биродарлашган, биродарлик муносабатларига киришган; عَائِلَةُ شُعُوبٍ ~ ةٍ қардош халқлар оиласи

– مُتَآخِيَةٌ *қар* مُتَآخٍ

أَذَّ I (*а/у*) أَذٌّ хафа қилмоқ, ранжитмоқ; ташвишга солмоқ, азоб

бермоқ, азобламоқ

– إِدٌّ 1) одатдан ташқари, фавқулодда, мисли кўрилмаган нарса; 2) бало, офат, бахтсизлик

أَدَاةٌ кўп أَدَوَاتٌ 1) нарса, буюм; 2) асбоб, ашё, жиҳоз; қисм: أَدَوَاتُ الْعِيَارِ эҳтиёт қисмлар, 3) қурол, асбоб-ускуна, أَدَوَاتُ الْعَمَلِ меҳнат қуроллари, أَدَوَاتُ الْقِيَاسِ ўлчов асбоблари, أَدَوَاتُ الْكِتَابَةِ ёзув-чизув қуроллари أَدَوَاتُ الْمَطْبَخِ ошхона анжомлари, الْأَدَوَاتُ الْمَنْزِلِيَّةُ уй-рўзғор жиҳозлари, буюмлари; اِسْتَخْدَمَهُ ~ لِـ... бирор нимадан учун қурол сифатида фойдаланмоқ; 4) *грам* юклама. ~ التَّعْرِيفِ аниқлик юкламаси, ~ التَّنْكِيرِ ноаниқлик юкламаси; ~ التَّصْدِيرِ префикс, ~ الْاِنْتِهَاءِ қўшимча (аффикс)

I أَدَبَ (أَدْبٌ) أَدُبَ (у) أَدْبٌ одобли бўлмоқ, тарбияли бўлмоқ, хушхулқ бўлмоқ; أَدِبَ (и) مَأْدُبَةٌ *шунингдек:* مَأْدَبَةٌ ~ зиёфат (банкет) уюштирмоқ; II أَدَّبَ 1) тарбияламоқ; тўғриламоқ; 2) жазоламоқ; V تَأَدَّبَ 1) тарбияли бўлиб қолмоқ, одобли бўлиб қолмоқ, хушфеъл бўлиб қолмоқ, одоб сақламоқ; 2) (*бирор н.га*) мос ҳаракат қилмоқ (بـ), بِأَدَبِهِمْ ~ улардан ўрнак олмоқ, 3) жазо олмоқ, жазоланмоқ; X اِسْتَأْدَبَ = V

– أَدَبٌ кўп. *шунингдек:* آدَابٌ ~ الْـ адабиёт; كُلِّيَّةُ الْـ ~ адабиёт куллиёти (факультети); ◊ السُّلُوكِ ~ одоб, этикет; الْبَدْوِ ~ бадавийлар одоби, хулқ-атвори тартиби

– آدِبٌ кўп. أَدَبَةٌ 1) хушчақчақ мезбон; 2) банкет уюштирувчи киши

– آدِبَةٌ уй бекаси

– أَدَبٌ кўп آدَابٌ 1) адабиёт; الْـ ~ الْمُعَاصِرُ ҳозирги замон адабиёти; الْـ ~ الْعَبَّاسِيُّ Аббосийлар даври адабиёти, 2) тарбия, тарбиялилик; хушмуомалалик, хушхулқлилик; яхши одоблилик; فِي ~ ёки بِـ ~ хушмуомалалик билан, одоб билан; فِي غَيْرِ ~ одобсизлик билан, беодобона,тарбиясизларча; قَلِيلُ الْـ ~ а) қўпол, тарбиясиз; б) виждонсиз; بُولِيسُ الْـ ~ ахлоқни назорат қилувчи полиция; 3) ахлоқ, ахлоқ этикаси

– أَدَبَاتِيٌّ кўп أَدَبَاتِيَّةٌ кўча бахшиси, дайдиб юрувчи бахши

– أَدَبْخَانَةٌ кўп. اتٌ — ҳожатхона, таҳоратхона, туалет

– أَدَبِيٌّ 1) адабий, адабиётга оид; الْمُؤَرِّخُ الْـ ~ адабиёт тарихчиси; 2) адабли, хушмуомала, 3) маданиятли; الْعَلَاقَاتُ الْـ ~ ةُ маданий алоқалар, 4) ахлоқий. وَاجِبٌ ~ ахлоқий бурч; الْفَلْسَفَةُ الْـ ~ ةُ этика, ахлоқ ҳақидаги таълимот, ~ ا ахлоқан

– أَدَبِيَّاتٌ кўп آدَابٌ

– أَدِيبٌ 1) тарбияланган, тарбия кўрган, ахлоқли, адабли; 2) маърифатли, ўқимишли; 3) кўп أُدَبَاءُ ёзувчи, адабиётшунос, адабиётчи

– أَدِيبَةٌ кўп. اتٌ — ёзувчи аёл, адиба

– تَأَدُّبٌ тарбия кўрганлик, боодоблик; ҳурмат, эҳтиром, иззат кўрсатиш; بِـ ~ хушмуомалалик билан

– تَأْدِيبٌ 1) тарбия, 2) жазо; хизмат юзасидан бериладиган интизомий жазо, مَجْلِسُ الْـ ~ интизомий суд; 3) интизом, тартиб

– تَأْدِيبِيٌّ интизомга солишга оид, ахлоқ тузатишга оид

– مَأْدُبَةٌ, مَأْدَبَةٌ кўп. مَآدِبُ зиёфат, базм, банкет

– مُؤَدَّبٌ тарбияланган, одобли, хушхулқ, хушфеъл

– مُؤَدِّبٌ тарбиячи, ўқитувчи

– مُتَأَدِّبٌ 1) маърифатли, 2) хушмуомалали, пок, одобли

آدَرُ, مَأْدُورٌ дабба касалига чалинган киши

– أُدْرَةٌ, أَدَرَةٌ дабба

هَدْرَجٌ = أَدْرَجٌ

هِيدْرُوجِينٌ = إِدْرُوجِينٌ

إِدْرِيسُ *ат от., мз.* Идрис

– إِدْرِيسِيٌّ 1) идрисий, Идриснинг издоши, идрисийлар тариқатидаги киши; 2) идрисийлар шажараси вакили

أَدْرِيَّةٌ *қар* دري

إِدَّلْعَدِي *халқ.* демак, шундай қилиб

I أَدَمَ (и) أَدْمٌ зирвак ташламоқ, қўшмоқ, الْخُبْزَ بِاللَّحْمِ ~ нонга гўшт қўшиб емоқ; أَدَمَ (у) أَدْمٌ яраштирмоқ, аҳил қилмоқ; اللّٰهُ بَيْنَهُمَا ~ Оллоҳ у иккаловини ўзаро аҳил қилсин!; IV آدَمَ = أَدَمَ (у), VIII اِئْتَدَمَ нонни зиравор ёки бирор нарсага қўшиб емоқ

– آدَمُ *мн* أُدْمٌ, أُدْمَانٌ кўп أُدَمَاءُ қора танли, буғдойранг

– آدَمُ[2] Одам, ато; ~ ابْنُ одам; ~ بَنُو одамлар, одам зоти (авлоди); وَحَوَّاءُ ~ Одам ва Ҳавво; كُلُّ ~ يَجِدُ حَوَّاءَ *мтл* ҳар бир киши ўз жуфтини топади (*сўзма-сўз:* Ҳар бир Одам ўз Ҳаввосини топади)

– آدَمُ[3] *мн* أُدْمَاءُ тиниқ оқ туя (*шунингдек:* ~ بَعِيرٌ)

– آدَمِيٌّ 1) одамий; 2) инсонпарвар, одампарвар, одамларга меҳрибон, 3) жонли хилқат, одам; نَاسٌ أَوَادِمُ авомуннос, оддий кишилар, омма

– آدَمِيَّةٌ 1) одам (инсон) табиати; 2) одам қадр-қиймати, одамлик қадри (шаъни); 3) инсоният, башарият; 4) инсонийлик, одамийлик; мурувватли, маданиятли

– إِدَامٌ кўп. أُدُمٌ, إِدَامٌ, أَدَامٌ нонхўрак, (нонга) қўшиб ейиладиган нарса; أَكْلُ الْعَيْشِ بِلَا ~ нонниниг ўзини емоқ

– أَدَّامٌ 1) кўнчи; 2) тери билан савдо қилувчи киши, терифуруш

– أَدَمٌ аҳиллик, иттифоқлик

– أَدَمَةٌ, أَدَمٌ тери, терининг устки қатлами

– أُدْمَةٌ терининг қора рангли бўлиши, қорачадан келганлик,

буғдой ранглилик

– أَدْمَ кўп أُدْمَ 1) кунжутли ёки седанали нон; 2) тери; ◊ ~ الغَبْرَاء ёки ~ الأرْض ер пўстлоғи, қобиғи, устки қатлами; тупроқ; ~ السَّمَاء осмон, само; ~ الصُّورَة сувратнинг туб ранги (фон)

– إِدَاوَة кўп. أَدَاوَى теридан ишланган сув идиши (таҳорат қилиш учун)

أَدَاة қар أَدو

أَدُون хўжайин

(أدى) II أَدَّى 1) ҳақ (пул) тўламоқ, ҳисоб-китоб қилмоқ; ~ الدَّيْن қарзни узмоқ, қарзни тўламоқ; 2) бажармоқ; амалга оширмоқ, қилмоқ; ~ الامْتِحَان имтиҳон топширмоқ; ~ حِسَابًا عَن ... ҳақида ҳисоб бермоқ; ~ رِسَالَتَهُ ўз ваколатини бермоқ; ~ الخِدْمَة хизмат кўрсатмоқ; ~ الخِدْمَة العَسْكَرِيَّة армия хизматини (аскарий хизматни) ўтамоқ; ~ الدَّوْر роль бажармоқ (ижро этмоқ); ~ السَّلَام ёки ~ التَّعْظِيم салом бермоқ; ҳарб. честь бермоқ; ~ الشَّهَادَة гувоҳлик бермоқ; ~ فَرِيضَة الصُّبْح эрталабки фарз намозини ўқимоқ; ~ فَرِيضَة الحَجّ ҳаж фарзини адо этмоқ; ~ وَاجِبَهُ ўз бурчини бажармоқ; ~ اليَمِين онт (қасам) ичмоқ, қасамёд қилмоқ; 3) (маъно-мазмунни) баён қилмоқ, билдирмоқ; 4) (қаергадир, н.нингдир) олдига бошлаб бормоқ (إِلَى); ~ إِلَى عَوَاقِب وَخِيمَة таҳликали (хавфли) оқибатларга олиб келмоқ; V تَأَدَّى (н.гадир) етиб бормоқ (إِلَى); ~ إِلَى الفَنَاء у ўлим ёқасига бориб қолди; ~ إِلَى السَّمْع қулоққа етиб келмоқ (товуш ва ҳ.к.лар ҳақида); X اِسْتَأْدَى талаб қилмоқ

– أَدَاء тўлов, тўланадиган сумма; ~ الضَّرَائِب солиқ тўлаш; 2) бажариш, амалга ошириш; ~ حُسْنُ الـ яхши бажариш; ~ الأَصْل матн (текст) мазмунини айтиб бериш; ~ القَسَم қасамёд қилиш

– تَأْدِيَة амалга ошириш, бажариш, ~ الخِدْمَة العَسْكَرِيَّة شَهَادَة ҳарбий хизматни ўтаганлиги ҳақида шаҳодатнома

– مُؤَدًّى маъно, мазмун, моҳият; ... وَصَلَنَا خَبَر مُؤَدَّاهُ أَنّ биз шундай ахборот олдикки, унинг асосий маъноси ...дир

إِذْ шундай экан; ундай бўлганда; тўсатдан; إِذْ ذَاكَ ўшанда, ўша вақтда; إِذْ أَنّ чунки

إِذَا ...ганда; ...ми; ...са; (шунингдек: ~ مَا); سَأَلَنِي ~ كَانَ هُنَالِكَ خَطَر у мендан бу ишда бирор хатар йўқми эканлигини сўради; إِلَّا ~ ... шу холосми; ~ مَا қачонки; ~ بِـ ... هُوَ бирдан у ... олдида, тўсатдан у

إِذًا ёки إِذَنْ хуллас, демак, хулоса қилиб айтганда, ундай пайтда; ундай вақтда; у ҳолда; ~ وَ мана ...

آذَار март

أَذْرَة = ذُرَة

I (أذن) أَذِنَ [1] (а) (إِلَى) н.нидир) эшитмоқ (إِلَى); أَذِنَ [2] (а) (бирор н.ни) (к.гадир) изн бермоқ, рухсат бермоқ (لِـ); أَذِنَ [3] (а) билмоқ (بِـ); II أَذَّنَ азон айтмоқ (чақирмоқ), намозга таклиф этмоқ; ~ أَذَان الفَجْر (الصُّبْح) эрталабки (бомдод) намозига чақирмоқ; (н. билан)дир) сигнал (хабар) бермоқ (بِـ); ~ بِالرَّحِيل жўнаш ҳақида сигнал (ишора) бермоқ; ◊ ~ فِي مَالْطَة фойдасиз, бефойда иш қилмоқ; IV آذَنَ 1) (н.ҳақдадир) маълумот бермоқ, хабар қилмоқ; дарак бермоқ, (н.нидир) эълон қилмоқ (بِـ); 2) азон айтиб намозга чақирмоқ; V تَأَذَّنَ (н.ҳақдадир) ҳаммани хабардор қилмоқ (بِـ); X اِسْتَأْذَنَ (н.нидир) қилмоққа розилик, рухсат сўрамоқ (فِي); (к.дандир) киришга рухсат сўрамоқ (عَلَى); (к.дандир) кетишга рухсат сўрамоқ (مِن)

– آذَن 1) сигнал; 2) семафор

– أَذَان азон, намоз ўқишга чақириш

– إِذْن кўп. أُذُون 1) изн, рухсат, розилик; ~ اللّٰه بِـ Оллоҳ изн берса, Оллоҳ рози бўлса, Оллоҳ хоҳласа; 2) ордер; бона (вақтинча пул вазифасини бажарувчи қоғоз); лицензия (товар олиш ёки сотиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома); ~ بَرِيد почта орқали жўнатилган пул

– أُذُن мн. кўп آذَان 1) қулоқ; ~ الـوُسْطَى ўрта қулоқ; 2) қулоқ, даста (мас., кўзанинг); банд; ◊ آذَان الفَأْر бўтакўз; آذَان الدُّبّ бот. айиқ қулоқ; إِنَّهُمْ آذَان مُصْغِيَة улар диққат билан қулоқ солишга тайёрдирлар; ... أَعَار ~ صَاغِيَة ; سَدَّ ~ هُ عَن أَن يَسْمَع қар لَمْ يَجِد (н.гадир) қулоқ солмоқ, диққат қилмоқ, (н нидир) эшитмоқ; ~ هُ أَحَدًا وَاعِيَة фَتَح унга ҳеч ким қулоқ солмади; ~ هُ бировнинг гапига қулоқ солмоқ, маслаҳатига кирмоқ; نَامَ عَلَى ~ هِ ухламоқ; ҳеч нарса билан шуғулланмаслик; اِسْتَغْرَقَ فِي النَّوْم إِلَى ~ هِ донг қотиб ухламоқ

– أُذُن [2] кўп أُذْن ҳаммага қулоқ солаверадиган, رَجُل ~ ҳаммага қулоқ солаверадиган одам

– أُذُنِيّ, أُذْنِيّ қулоққа оид, қулоққа тегишли

– أُذُونِيّ катта қулоқли, шалпангқулоқ

– إِذْن кўп. أُذُونَات دан, қар. أُذُون 1) банк буйруқлари; 2) ордерлар, боналар, лицензиялар; (الاسْتِيرَاد) أُذُونَات التَّصْدِير экспорт (импорт) лицензиялари

– أُذَيْن анат юрак бўлмаси

– أُذَيْنَة кичик қулоқ, қулоқча

– إِيذَان хабар (хабардор) қилиш, билдириш, эълон қилиш; ~ (н.ҳақдадир) эълон қилиб (بِـ)

– مِئْذَنَة кўп مَآذِن мезана, азон айтиш жойи

— مَأْذُونٌ 1) қози вакили; никоҳлаш ва уни бекор қилиш ваколатини олган шахс; 2) лиценциат

— مَأْذُونِيَّةٌ 1) рухсат, ижозат, изн; 2) йўл қўймоқлик, ижозат берилмоқлик; 3) қози фаолияти доираси, ҳудуди, чегараси; 4) мустақиллик; 5) таътил

— مُؤَذِّنٌ 1) намозга чақирувчи, ундовчи, таклиф қилувчи, даъват қилувчи; 2) муаззин

— مِئْذَنَةٌ *кўп* مَآذِنُ = مَأْذَنَةٌ

— مُسْتَأْذِنٌ рухсат (изн) сўровчи; ◊ ~؟ кетишга рухсат (изн) берасизми? (*хайрлашув пайтида айтилади*)

أَذِيَ (а) أَذًى I 1) алам, азоб чекмоқ; 2) зарар кўрмоқ; IV آذَى азобламоқ, азоб бермоқ, қийнатмоқ, азият чектирмоқ, хафа қилмоқ; V تَأَذَّى алам, азоб чекмоқ; 2) зарар кўрмоқ; 3) (*н.дандир*) хафа бўлмоқ, норози бўлмоқ (بـــ)

— أَذًى، أَذِيَّةٌ 1) оғриқ, дард, алам, азоб, уқубат, кулфат, заҳмат, жафо, азият; хафагарчилик, дилсиёҳлик; 2) нохушлик; 3) зарар, зиён

— إِيذَاءٌ азоб (жафо, уқубат, озор) бериш, жабр-жафо қилиш

— مُؤْذٍ *мн.* مُؤْذِيَةٌ зарарли, зиён келтирувчи, غَيْرُ الـــ~ِي зиёнсиз, заҳматсиз

أَرَاجُوزٌ = قَرَهْ كُوزٌ

آرَامِيٌّ оромийларга оид; اللُّغَةُ الـــ~ةُ *ёки* الـــ~ةُ оромий тили

أَرَاوِلَةٌ хризантема (*декоратив маданий ўсимлик ва унинг гули*)

أَرَاوِلَةٌ = أَرَاوِيَةٌ

أَرِبَ (а) أَرَبٌ (أرب) I 1) фаҳмли бўлмоқ, идрокли бўлмоқ, зийрак бўлмоқ; 2) уста, чаққон бўлмоқ; أَرَبَ (и) أَرْبٌ тугун боғламоқ; III آرَبَ ўзаро эпчил бўлмоқ, ўзаро чаққон бўлмоқ; V تَأَرَّبَ 1) тугулмоқ, боғланмоқ; 2) мураккаблашмоқ; ~تْ عُقْدَةُ الْحَبْلِ *мaж.* масала (иш) мураккаблашди, чигаллашди; 3) овруполашмоқ, овруполаштирилмоқ

— أَرَبٌ *кўп.* آرَابٌ 1) мақсад, хоҳиш; 2) эҳтиёж, истак

— إِرْبٌ[1] эпчиллик, малака, уқув, маҳорат

— إِرْبٌ[2] *кўп.* آرَابٌ бадан аъзоси, қисми; قَطَّعَهُ ~اً ~اً бирор нарсани майда-майда бўлакларга ажратиб ташламоқ; مَزَّقَهُ ~اً ~اً бирор нарсани майдалаб ташламоқ

— إِرْبٌ[3] = أَرَبٌ

— أُرْبَةٌ *кўп.* أُرَبٌ 1) тугун; 2) бўйинбоғ, галстук

— أُرْبِيَّةٌ чот, чов, бут

— أَرِيبٌ 1) қобилиятли, истеъдодли, зеҳни баланд, фаросатли, фаҳмли, идрокли, зийрак; 2) эпчил, чаққон; 3) ақлли, оқил

— مَأْرَبٌ *кўп.* مَآرِبُ мақсад, хоҳиш, истак, майл, интилиш, иштиёқ, ният

— مَأْرُبَةٌ، مَأْرَبَةٌ، مَأْرِبَةٌ мақсад, орзу, истак

— عُرْبُونٌ = أُرْبُونٌ *кўп.* أَرَابِينُ

أَرْبِيَانٌ، إِرْبِيَانٌ креветка (*денгизда яшайдиган майда қисқичбақанинг бир тури*)

أَرْتُوَازِيٌّ: بِئْرٌ ~ةٌ артезиан қудуғи

أَرْتِيسْتٌ артист

أَرَثَ II (أرث) ёқмоқ (*мас., ўтни, душманлик оловини*); V تَأَرَّثَ алангаланмоқ, оловланмоқ, ёниб кетмоқ

— إِرْثٌ *қар.* ورث

— إِرْثِيٌّ *қар.* ورث

أُرْثُوذُكْسِيٌّ 1. 1) православиега оид; الـــ~ةُ православие; 2) ортодоксал (*мустаҳкам эътиқодга оид*); 2. 1) ортодокс (*мустаҳкам эътиқод*); 2) ортодоксия (*мустаҳкам эътиқодлилик*)

أَرِجَ (а) أَرَجٌ، أَرِيجٌ I муаттар бўй таратмоқ, ёқимли бўй таратмоқ; V تَأَرَّجَ = I

— أَرِجٌ хушбўй, муаттар

— أَرِيجٌ *кўп.* أَرَائِجُ ёқимли бўй, муаттар ҳид

أَرْجَحَ тебратмоқ; تَأَرْجَحَ 1) тебранмоқ, омонат ҳолда турмоқ; ~ عَلَى حَافَةِ الْحَرْبِ уруш ҳолатига яқинлашиб турмоқ; 2) жасоратли бўлолмаслик; 3) ўзгармоқ (*фикр ҳақида*)

أُرْجُوَانٌ 1) тўқ қизил ранг, тўқ қизил рангли бўёқ; 2) *бот.* арғувон

— أُرْجُوَانِيٌّ тўқ қизил рангга оид, арғувоний; صَخْرٌ ~ *мин.* порфир (*қурилиш материали сифатида ишлатиладиган тоғ жинси*)

أَرَّخَ II (أرخ) 1) число (ой, кун) қўймоқ; 2) тарих ёзмоқ; ~ لِحَيَاتِهِ (*к.нингдир*) таржимаи ҳолини ёзмоқ

— تَأْرِيخٌ، تَارِيخٌ *кўп.* تَوَارِيخُ 1) число, ой-кун; بِلَا ~ числосиз; ~ بِحَسَبِ حُدُوثِهَا хронологик тартибда; 2) вақт, давр; эра; 3) тарих; الـــ~ُ الْحَدِيثُ янги тарих; الـــ~ُ الْقَدِيمُ қадимий тарих; ~ُ الْأَدَبِ адабиёт тарихи; مَا قَبْلَ الـــ~ِ тарихгача бўлган давр; жуда қадимий; يُعِيدُ الـــ~ُ نَفْسَهُ тарих такрорланади; يَبْقَى هَذَا مَعَ الـــ~ِ бу тарихда қолади, бу тарихга кириб қолади; 4) хроника, солнома; ҳикоя; ~ُ الْحَيَاةِ биография, таржимаи ҳол

— تَارِيخِيٌّ тарихий

— تَارِيخِيَّةٌ тарихийлик

— مُؤَرَّخٌ числоланган, ой-куни кўрсатилган; الْبُرُوتُوكُولُ الـــ~ُ فِي ... куни ёзилган протокол

— مُؤَرِّخٌ тарихчи, солномачи

أَرْخَبِيلٌ архипелаг (*бир-бирига яқин турган ороллар тизими*)

إِرْدَبٌّ، أَرْدَبٌّ *кўп.* أَرَادِبُ، أَرَادِيبُ ардибб (6 وَيْبَةٌ *ёки* 197.75 *литрга тенг бўлган Миср ўлчов бирлиги*)

أُرْدُنِيٌّ 1. Иорданияга оид; *тар.* Трансиорданияга оид; 2. Иордания кишиси, иорданиялик; *тар.* трансиорданиялик

أَرْدُوَازٌ шифер; аспидли сланец (*қатлам-қатлам қора рангли минерал тоғ жинси*); لَوْحٌ ~ тоштахта, тошлавҳа; قَلَمٌ ~ грифель, тошқалам (*тоштахтага ёзадиган қалам*)

أُرْدِيٌّ урду, اللُّغَةُ الـ~ـةُ *ёки* الـ~ـةُ урду тили

أَرَزَ I (у. и) أُرُوزٌ, أَرْزٌ қайтмоқ, аслига қайтмоқ; إِنَّ الْإِسْلَامَ لَيَأْرِزُ إِلَى الْمَدِينَةِ كَمَا تَأْرِزُ الْحَيَّةُ إِلَى جُحْرِهَا *ҳад.* илон ўз инига қайтганидек, ислом дини ҳам Мадинаи мунавварага қайтади

– أَرْزٌ *жам.* кедр (*нина баргли дарахт*); الـ~ـُ السَّرْمَدُ доим кўкариб турувчи кедр; ~ لُبْنَانَ Ливан кедри; الـ~ـُ اخْضَرَّ гуллаш, яшнаш

– أَرْزَةٌ кедр (*дарахт*)

– أَرْزِيَّةٌ тилоғоч (*нина барглилар туркумига мансуб дарахт*)

– أَرُزٌ гуруч; مُفَلْفَل بِالشَّعْرِيَّة ~ қалампир (гармдори), мурч солинган гуруч ва вермишелдан тайёрланган овқат; الـ~ـُ الْأَبْيَض оқланган гуруч; الـ~ـُ الشَّعِير шоли, янчилмаган шоли

– أَرُزَّةٌ *кўп.* ات — оқушоқ (*гуручнинг майдалари, ушоқлари*)

أَرَسَ (и) أَرْسٌ ғаллакорлик билан шуғулланмоқ

– أَرِيسٌ *эск.*, ғаллакор (деҳқон)

أَرِسْطَالِس Арасту

أَرِسْطُقْرَاطِيٌّ 1) аристократияга, оқсуякларга, аслзодаларга, зодагонларга оид; 2) аристократ, оқсуяк, аслзода, зодагон

– أَرِسْطُقْرَاطِيَّةٌ 1) аристократияга оид; 2) аристократлар

أَرَشَ (أرش) II أَرَّشَ 1) (*ўт*) ёқмоқ, ёндирмоқ; 2) (*к.ларнидир орасига*) нифоқ солмоқ (بَيْنَ)

– أَرْشٌ хун, ўлдирилган одам учун тўланган товон, бадал

أَرْشِمَنْدْرِيتٌ *кўп.* أَرْشِمَنْدْرِيتِيَّةٌ архимандрит (*монастир руҳонийларининг олий унвони*)

أَرْشِيفٌ архив, кўҳна ҳужжатлар сақланадиган махсус муассаса, бирор идора бўлими

أَرِضَ I (а) أَرَضٌ (*бирор н.ни*) қурт емоқ; أُرِضَتِ الْخَشَبَةُ ёғочни қурт еди, ёғочга қурт тушди; II أَرَّضَ *эл.* ерга уламоқ, ерга туташтирмоқ

– أَرْضٌ *мн. кўп.* أَرَضُونَ, أَرَاضٍ 1) ер, қуруқлик; تَحْتَ الـ~ـِ а) ер остида; б) ер остига оид; عَذْرَاءُ ~ *ёки* بِكْرٌ ~ қўриқ; ҳеч ким яшамайдиган ер сатҳи, бўш жой, бўшлиқ; الـ~ـُ الْمُقَدَّسَةُ Фаластин; ~ الْمِيعَادِ жаннатосо (бориб кўриш орзу қилинадиган) жой; رُقْعَةُ الـ~ـِ الْخَضْرَاءِ 1) экиладиган ер майдони; 2) ер курраси; 3) майдон, территория; 4) мамлакат; 5) тупроқ; ~ الْوَطَنِ ватан; 6) тупроқ (*шунингдек: кўч.м.*); ~ خَصْبَةٌ لِـ... ... учун яхши шароит; 7) пол (*мас., хонадаги*); 8) *спорт.* майдон, майдонча; ~ُ مَلْعَبٍ цирк майдони

– أَرَضَةٌ *кўп.* أَرَضٌ *зоол.* 1) термит, кир чумоли, оқ чумоли (*иссиқ мамлакатларда яшовчи зарарли ҳашарот*); 2) қурт, чувалчанг

– أَرْضِيٌّ 1) ерга оид; الْكُرَةُ الـ~ـَةُ ер курраси; الْمَاءُ الـ~ـُ тупроқости, ерости суви, сизот сувлар; 2) дунёвий (одам); 3) ерда битадиган; شَوْكِيٌّ ~ *бот.*овқат учун ишлатиладиган резавор ўсимлик; 4) ер устидаги; ~ دَوْرٌ пастки қават

– أَرْضِيَّاتٌ *кўп.* 1) дунё неъматлари; 2) дунёвий фикр, ўй, хаёл

– أَرْضِيَّةٌ 1) ер, пол; 2) сақлов учун тўланган ҳақ; 3) (*расм, сурат*) фони; 4) ўриш (*матодаги*)

– أَرِيضٌ 1) кенг; 2) ўсимликка бой

– مَأْرُوضٌ қурт еган, қурт тушган; خَشَبَةٌ ~ـَةٌ қурт еган ёғоч, қурт тушган ёғоч

أُورْطَةٌ = أُرْطَةٌ

أَرْغُنٌ *кўп* أَرَاغِنُ *муз.* арғунун, орган

أَرْغُونٌ *кимё.* орган (*газ ҳолидаги мазасиз ва ҳидсиз кимёвий элемент*)

أَرِقَ (а) أَرَقٌ 1) бедор бўлмоқ, ухламаслик; бедорликдан, уйқусизликдан қийналмоқ; 2) сариқ касали билан оғримоқ, касалланмоқ; II أَرَّقَ бедорликка, уйқусизликка олиб келмоқ, сабаб бўлмоқ; ухлатмаслик, ухлашга қўймаслик, уйқу бермаслик; IV آرَقَ = II

– أَرَقٌ бедорлик, уйқусизлик; دَفْعُ الـ~ـِ уйқусизликни даф қилмоқ

– أَرِقٌ 1) бедорликдан, уйқусизликдан қийналувчи (азоб чекувчи); 2) уйқусиз

– أَرَقَانٌ 1) *мед.* сариқ касаллиги; 2) (*ўсимликка тушадиган*) шира

– أَرَقَةٌ *жам.* أَرَقٌ шира, ўсимлик бити

– يَرَقَةٌ = أَرَقَةٌ

– مَأْرُوقٌ сариқ касали билан оғрувчи

أَرَاكٌ арок (*туялар ейдиган янтоққа ўхшаш бута*)

نَرْجِيلَةٌ = أَرَاكِيلُ *кўп.* أَرْكِيلَةٌ

أَرِيكَةٌ *кўп.* أَرَائِكُ 1) тахт; 2) диван, супа, кат; ~ الْخَلْفِ орқа ўриндиқ (*автомашинада*); 3) чимилдиқ

إِرْلَانْدِيٌّ 1. Ирландияга оид; 2. ирландиялик

أَرَمَ I (и) أَرْمٌ тишламоқ, емоқ, еб қўймоқ, еб олмоқ

– إِرَمٌ *кўп.* آرَامٌ йўл ва кўча ёқасидаги тош

– أُرْمٌ *кўп.* أُرَّمٌ озиқ тиш; ◊ حَرَقَ الْأُرَّمَ عَلَى ... ...га тиш қайрамоқ; حَرَقَ الْأُرَّمَ مِنْ شِدَّةِ الْغَيْظِ ғазабдан тиш ғижирлатмоқ, ғирчиллатмоқ

– أَرْمَةٌ *кўп.* أَرْمَاتٌ лавҳа, вивеска (*идора, корхона ёки дўконнинг номи ёзилиб, осиб қўйиладиган ёзув*)

– أُرُومَةٌ, أَرُومَةٌ, أَرُومٌ 1) илдиз; тўнка; 2) келиб чиқиш, насаб, насл-насаб; بِلَا فَرْقٍ فِي الـ~ـِ келиб чиқишидан қатъий назар

أَرْمَنٌ *жам.* арман

– أَرْمَنِيٌّ 1. Арманистонга оид, арманга оид; الـ~ـَةُ арман тили; 2. арман

أَرِنَ (а) أَرَنٌ, إِرَانٌ қизғин, жўшқин, хушчақчақ бўлмоқ

– إِرَانٌ[1] қизғинлик, жўшқинлик, хушчақчақлик

– إِرَانٌ[2] *кўп* أُرُنٌ замбил, катафалк(а) *(дафн маросимида тобут қўйиладиган замбарак араваси: б) черковда тобут ўрнатиладиган супа)*

– أُرْنَة сузма, творог

أَرْنَاوُوطٌ، أَرْنَاؤُوطٌ *жам* албанлар, албанияликлар

– أَرْنَاؤُوطِيٌّ 1) Албанияга оид, албанларга оид; 2) *кўп.* أَرْنَاؤُطَة албанлар

أَرْنَبٌ *кўп.* أَرَانِبُ: أَهْلِيٌّ ~ қуён; بَرِّيٌّ ~ қуён; رُومِيٌّ ~ *ёки* هِنْدِيٌّ ~ денгиз чўчқаси; أَجْبَنُ مِنْ ~ қуёндан ҳам қўрқоқроқ, қуёнюрак; أُذُنُ الـــ ~ *бот* қуёнқулоқ; б) сомизоқ, қуён карами

– أَرْنَبَة урғочи қуён; ◊ الْأَنْف ~ бурун учи; لَا يَرَى أَبْعَدَ مِنْ ~ أَنْفِهِ у бурнидан нарини кўролмайди

أُورُنْيَك = أُرْنِيك

أُرُوبِيٌّ 1) Оврупога оид; 2) овруполик

أَرْيٌ асал, бол

آرِيٌّ[1] 1) орийларга оид; ҳинд-оврупо тиллари гуруҳига оид; اللُّغَات الـــ ~ ـة ҳинд-оврупо тиллари; 2) орийлар; ҳинд-оврупога оид

– آرِيٌّ[2] *кўп* أَوَارِ от ва шунга ўхшаш ҳайвонларни қамайдиган жой

أَرْيَال антенна; تِلِفِزْيُون ~ телевизион антенна, телевизор антеннаси

أَرْيَحِيَّة *қар* رَوَح

أَرِسْتُقْرَاطِيٌّ 1) аристократияга, аристократларга, оқсуякларга оид; 2) аристократ, оқсуяк, аслзода, зодагон

أَرِسْتُقْرَاطِيَّة 1) аристократия, аслзодалар, зодагонлар; 2) аристократлик, оқсуяклик, аслзодалик, зодагонлик

أَزَّ أَزَّ *(а/а, и)* أَزِيز вишилламоқ, вашилламоқ; хуштак чалмоқ; шовқинламоқ

– أَزٌّ ҳаяжонга солиш, ҳаяжонлантириш, ҳавасни келтириш, қизиқтириш

– أَزِيز виш-виш қилиш, вашиллаш, вишиллаш; хуштак, шовқин *(мас., мотор шовқини)*; момоқалдироқ овози; қозондаги сувнинг қайнагандаги овози

إِزَاءَ 1) қаршисида, рўпарасида, олдида; олдин; بِإِزَائِهِ а) унинг қаршисида (рўпарасида, олдида); б) унга нисбатан

إِزَّايْ، إِزَّيْ *халқ* қандай?, қандай қилиб?, қанақа?

أَزَبَ *(и)* أَزْب оқмоқ, оқиб (сизиб) чиқмоқ (тушмоқ)

– إِزْبٌ йўғон, миқти, бақалоқ; калтабақай

– مِئْزَاب *кўп* مَآزِيبُ *ёки* مِيزَاب *кўп* مَيَازِيبُ сувнинг пастга қараб оқиши; нов, тарнов

أَزْبِسْتُوس асбест, тоштахта *(оқ қалин қоғозга ўхшаш иссиқлик ўтказмайдиган ва ўзи куймайдиган минерал)*; тоғ зиғири

أُزْبَك *жам* ўзбеклар

– أُزْبَكِيٌّ 1) ўзбекка оид; الـــ ~ ـة ўзбек тили; 2) ўзбек

أَزَجَ II أَزَّجَ (أَزَّجَ) гумбазли, тоқли, равоқли (уй) қурмоқ

– أَزَجٌ *кўп* آزَاجٌ гумбаз, равоқ, қубба

أَزْدَرَخْت форс сирени *(гул)*

I أَزَرَ *(и)* أَزْرٌ 1) *(н.нидир)* ўраб олмоқ (بـــ); 2) қўлламоқ, қўллаб-қувватламоқ, ёрдамлашмоқ; II أَزَّرَ кучайтирмоқ, кувватлантирмоқ; 2) *(ёпинчиқ билан)* ёпмоқ; III آزَرَ ёрдамлашиб турмоқ, ёрдамлашмоқ, қўллаб-қувватламоқ; V تَأَزَّرَ = VIII; VI تَآزَرَ бир-бирига ёрдамлашмоқ; VIII اِتَّزَرَ، اِئْتَزَرَ эни (тахи) бузилмаган матога ўралиб олмоқ; *(бирор н.билан)* ёпиниб олмоқ (بـــ); إِزَارًا ~ изор киймоқ *(қар.* إِزَار[2]*)*

– إِزَارٌ *(кўпинча мз.)* *кўп.* أُزُرٌ، إِزْرٌ 1) *(тахи бузилмаган)* мато, чойшаб; 2) изор *(турсикка ўхшаш кийим)*

– أَزْرٌ 1) куч, қувват; شَدَّ ~ ـهُ қимгадир ёрдам қилмоқ; 2) орқа, елка

– تَآزُرٌ ўзаро ёрдам, бир-бирига ёрдам этиш

– مُؤَازَرَةٌ ёрдам, кўмак, ёрдамлашиш, кўмаклашиш; ёрдам (мадад, кўмак) бериш, ёрдам (мадад) кўрсатиш, ёқлаш, қўллаш; қувватлаш

– مِئْزَرٌ *кўп.* مَآزِرُ фартук, олдга тутиб олинадиган этак, пешбанд; 2) чойшаб; أَبْيَض ~ касалхона кийими; оқ халат

I أَزِفَ *(а)* أُزُوفٌ яқинлашмоқ, яқин келмоқ, етиб кела бошламоқ, кирмоқ; бошланмоқ *(вақт ҳақида)*

– آزِفٌ кириб келаётган, яқинлашаётган *(вақт ҳақида)*. الـــ ~ ـة а) *дин.* маҳшар, қиёмат, қиёмат-қойим, ялпи (ҳаммага тааллуқли) фалокат

I أَزِقَ *(и)* أَزَقٌ тор бўлмоқ, тангу тор бўлмоқ

– مَأْزِقٌ *кўп* مَآزِق 1) оғир аҳвол, қийин ҳолат; وَقَعَ فِي ~ оғир (қийин) аҳволга дучор бўлмоқ, оғир аҳволда қолмоқ, боши берк кўчага кириб қолмоқ; 2) берк кўча, тупик; أَخْرَجَ الْبِلَادَ مِنْ ~ ـهَا мамлакатни оғир аҳволдан (берк кўчадан) чиқармоқ; وَضَعَهُ فِي ~ *(к нидир)* қийин (чорасиз) аҳволга солиб қўймоқ

أَزَلٌ *кўп* آزَالٌ абадийлик, поёнсизлик, азалийлик; مِنَ الـــ ~ азалдан, бурундан; مُنْذُ الـــ ~ азалдан

– أَزَلِيٌّ азалий, қадимул-айёмдан

– أَزَلِيَّة азалийлик

I أَزَمَ *(и)* أَزْمٌ *(бирор н.дан)* ўзни тиймоқ (عَنْ); *(бирор н.дан)* воз кечмоқ, бош тортмоқ (عَنْ); II أَزَّمَ танглик туғдирмоқ, танглик келтириб чиқармоқ; V تَأَزَّمَ 1) кескинлашмоқ, тангликка тушиб қолмоқ; الْمَوْقِفُ ~ вазият кескинлашиб қолди; 2) кескинлик (танглик) ни бошдан кечирмоқ

– أَزْمٌ 1) ўзини тийиш, воз кечиш, бош тортиш; 2) парҳез

– أَزْمَةٌ[1] *кўп.* أَزَمَاتٌ، أَزَمٌ، إِزَمٌ 1) кескин, танг аҳвол; 2) танглик,

кескинлик. ~ اقتصادية иқтисодий танглик. кескинлик; ~ سياسية сиёсий танглик (кескинлик); ~ وزارية ҳукумат танглиги; 3) хуруж, тутқаноқ; ~ قلبية юрак касали хуружи (тутиб қолиши)

– أزمة[2] = قزمة

– مأزم 1) икки тоғ ўртасидаги тор йўл. 2) уруш майдони

– مأزوم тангликка, кескинликка учраган, тангликка тушиб қолган

إزميل *кўп* أزاميل кесувчи, қирқувчи (*асбоб*)

أزوت *киме* азот; ~ أكسيد الـ азот оксиди; ~ ثاني أكسيد الـ азот двуоксиди

– أزوتات *кўп киме.* нитратлар, азот кислотаси тузлари

– أزوتي азотга оид; азотли; ~ أسمدة азотли ўғитлар

– أزوتيك азотга оид; азот; ~ حامض الـ азот кислотаси

أزون азон

(أزى) III آزى 1) ўзаро рўпарама-рўпара турмоқ; бир-бирига тенг турмоқ

(أس) II أسس 1) асос солмоқ; 2) ўрнатмоқ, асосламоқ; V تأسس 1) асосланган бўлмоқ, ўрнатилган бўлмоқ; 2) (*н.гадир*). асосланмоқ, таянмоқ (على)

– أس *кўп* آساس، إساس 1) пойдевор, асос; 2) негиз, асос, база; 3) *кўч м* манбаъ, 4) *мат* даража, даража кўрсаткичи

– أساس *кўп.* أسس، أساسات 1) асос; 2) негиз, база, таянч, هو ~ الأسس бу асослар асосидир; ~ًا асосан, асосида; على ~ أن ... шу асосдаки. ...; لا ~ له асоссиз, асосланмаган; على ~ التكافؤ тенглик асосида, тенг ҳуқуқлилик асосида; على ~ من المساواة و الاحترام المتبادل тенглик ва ўзаро ҳурмат асосида; على ~ مبدئي принципиал асосда (равишда); على ~ مقابلة المثل بالمثل ўзаро келишилганлик асосида, ўзаро келишиб; عمل على ~ القطعة ишбай ҳақ олишга келишилган иш; أعاد النظر في ... من الـ~ бирор нарсани асос эътибори билан қайта кўриб чиқмоқ; أخذه ~ًا للبحث муҳокама учун бирор нарсани асос қилиб олмоқ; خلق ~ًا متينا لـ... учун мустаҳкам асос яратмоқ; 3) манбаъ; 4) асосий қоида; من حيث الـ~ асосан; асос эътибори билан; *муз* асосий овоз (тон)

– أساسي асосий, бош, муҳим; ~ قانون асосий қонун, конституция; وضع الحجر الـ~ пойдеворга тош қўймоқ (*қурилишда*); 5) (*бирор н.ни*) бошлаб бермоқ

– أسيسة инфраструктура (*саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига хизмат қилувчи тармоқлар тизими*)

– تأسيس 1) тузиш, яратиш, барпо қилиш; яратилиш, ташкил этилиш; 2) қофиядаги чўзиқлик алифи

– تأسيسة *кўп.* ات — муассаса, корхона

– تأسيسي таъсисий, таъсисга оид

– مؤسس таъсис этилган, тузилган, яратилган, барпо этилган, ташкил этилган

– مؤسس таъсис этувчи, тузувчи, яратувчи, барпо этувчи, ташкил этувчи

– مؤسسة *кўп* ات — муассаса, ташкилот, корхона, идора, институт

آس[1] *алиф б қ*

آس[2] *алиф б қ*

أسانسير лифт

إسباتي *карт* чиллик

إسبارتي 1) Спартага оид; 2) Спарта фуқароси

سبانخ = إسباناخ، إسبانخ

(أسبن) تأسبن испанияликка ўхшаб қолмоқ, испанияликларнинг урф-одатини қабул қилмоқ

– إسبان *жам* испанлар, испанияликлар

– إسباني 1) Испания ва испанларга оид; الـ~ة испан тили; 2) испаниялик, испан

إسباهي *кўп.* إسباهية *мз.* сипоҳий, жангчи, солдат (*Ҳиндистонда*)

إسبتالية *кўп.* ات — госпитал (*ҳарбий касалхона*)

إسبرتو спирт; ~ مخلوط тозаланмаган спирт

إسبيداج белила (оқ-бўёқ); ~ الرصاص қўрғошинли белила (қўрғошинли оқ бўёқ)

إست *мн кўп* إستات = ستة

إستاتيكا *физ* статика (*механиканинг жисмлар мувозанати ҳақидаги бўлими*); الـ~ المائية гидростатика (*мувозанатдаги суюқликнинг идиш деворига ёки суюқликка туширилган жисмларга таъсирини ўрганувчи фан*)

– إستاتيكي статикага оид; الكهرباء الـ~ة статик электр

إستاد *кўп.* ات — стадион, спорт майдони; مدرج الـ~ стадион (*спорт ўйинлари ва намойишлар бўладиган пайтларда томошабинлар ўтирадиган жой*)

أستاذ *кўп* أساتذة 1) ўқитувчи; муаллим; мураббий, тарбиячи; устоз, устод; 2) профессор; ~ مساعد профессор ассистенти, кичик илмий ходим; الـ~ الأكبر Қоҳирадаги Ал-Азҳар университетининг ректори. 3) мастер, уста, ~ الرياضة спорт мастери (устаси); ~ الشطرنج шахмат устаси; الـ~ الكبير гроссмейстер; 4) устод (*ҳар қандай кишига мурожаат вақтида айтилади*); ◊ ~ دفتر الـ *қар.* دفتر

– أستاذية 1) профессорлик унвони; 2) профессорлик фаолияти; 3) маҳорат

إستبرق кимхоб, кундал, зарбоф, парча

إستديو *кўп* إستديوهات *мн.* студия; ателье (*мас.. фотоателье*)

إِسْتِرَاتِيجِيٌّ 1) стратегияга оид; 2) стратег

— إِسْتِرَاتِيجِيَّةٌ стратегия

أُسْتِرَالِيٌّ 1) Австралияга оид; 2) австралиялик

إِسْتِرْلِينِيٌّ стерлинг (*Англияда пул бирлиги*); ~ جُنَيْهٌ *қар.* جُنَيْهٌ; مِنْطَقَةُ الـــ~ стерлинг минтақаси, доираси, зонаси

إِسْتِقْرَاطِيَّةٌ аристократия, зодагонлар, оқсуяклар

إِسْتِمَارَةٌ *кўп* ـــَاتٌ бланк, форма (*расмий иш қоғози варақаси*); ~ الْمَصْرُوفَاتِ счёт, ҳисоб-китоб варақаси

إِسْتِنْجَةٌ токоприёмник (*электровоз, трамвай, троллейбус кабиларнинг двигателига осилган электр симларидан ток олиб берувчи асбоб*); бугель (*темир чамбар, кема мачталарининг тепасига, кўприк қозиқлари бошига ва ш.к.ларга қиздириб кийдириладиган темир чамбар*)

إِسْتُدْيُو = إِسْتُودْيُو *кўп.* إِسْتُودْيُوهَاتٌ

أُسْتِيقٌ резина; каучук

أُسْتِيكٌ резина, каучук, резинка; الــ~ الْمَبْرُومُ эшилган, буралган резина; الــ~ الْمُبَطَّطُ лентали резина

أُسْتِيكَةٌ кий (*бильярд таёғи*)

أُسْتِيلِينٌ ацетилен (*рангсиз, ҳидсиз ёнувчи газ, автоген сваркасида ишлатилади*)

I أَسِدَ (а) أَسَدٌ 1) йўлбарсни кўриб, қўрқинчдан даҳшатга тушмоқ; 2) йўлбарс хулқли бўлмоқ, хулқан йўлбарсга ўхшамоқ; X اِسْتَأْسَدَ 1) йўлбарсдай кучли, қувватли бўлмоқ; 2) *маж.* ўзини йўлбарс деб ўйламоқ; ботирлик қилмоқ

— أَسَدٌ *кўп.* آسَادٌ, أُسْدٌ, أُسُودٌ арслон; الــ~ الْهِنْدِيُّ йўлбарс; ~ الْكُهُوفِ ғор арслони; ~ بُرْجُ الــ *астр.* Асад юлдузлар туркуми (буржи); ~ الْبَحْرِ *зоол.* денгиз арслони, катта қулоқли тюлень, шалпангқулоқ тюлень; ◊ ~ الْعَدَسِ *бот.* шумғия; دَاءُ الــ~ *мед.* мохов

— أَسَدِيٌّ арслонга, йўлбарсга оид

أَسِيدٌ *кимё.* кислота

I أَسَرَ[1] (и) أَسْرٌ 1) асир қилиб олмоқ, асир туширмоқ, асир қилмоқ, жазб этмоқ; юракдан урмоқ; 2) арқон билан боғламоқ, арқонга боғлаб қўймоқ; أَسَرَ[2] (и) أَسْرٌ яратмоқ, йўқдан бор қилмоқ, вужудга келтирмоқ; ~ هُ اللّٰهُ Оллоҳ уни йўқдан бор қилди, яратди; X اِسْتَأْسَرَ 1) асирга тушмоқ, (*бирор к.нинг*) асири бўлиб қолмоқ

— آسِرٌ 1) боғлаб қўювчи, кишанлаб олувчи; 2) асир қилувчи; *кўч.м.*дилбар, дилрабо, гўзал, кишини мафтун (шайдо, асир) қиладиган, жазб этадиган, юракдан урадиган

— إِسَارٌ[1] 1) асир қилиб олиш, асир тушириш; 2) асир тушиш, асир

— إِسَارٌ[2] *кўп.* камар, тасма, қайиш; арқон

— أَسْرٌ[1] = إِسَارٌ[1]

— أَسْرٌ[2] *кўп.* آسَارٌ камар, тасма, қайиш; арқон; بَاعَ الْجَمَلَ بِـــ~ هِ туяни нўхтаси билан сотди; ◊ بِـــ~ هِ тамоман, буткул, бутунлай; بِـــ~ هِ الْعَالَمُ бутун дунё

— أُسْرٌ[3] уремия (*буйракнинг касалланиши орқасида организмда тўпланиб қолган моддалар таъсири билан заҳарланиш*)

— أُسْرٌ *мед.* пешобнинг тутилиши

— أُسْرَةٌ *кўп* أُسَرٌ, أُسْرَاتٌ 1) оила, фамилия, сулола; الــ~ الْعَلَوِيَّةُ *тар.* Алавийлар (*Муҳаммад Алининг сулоласи, авлодлари*); 2) қариндошлар, қариндош-уруғлар; ~ التِّلْفِيزْيُونِ телевидение ходимлари

— أُسْرِيٌّ оила билан боғланган, оилали, бола-чақали, уй-жойли; ~ حَيَاةٌ оилавий турмуш, оилавий ҳаёт

— أَسِيرٌ *кўп.* أَسْرَى, أُسَرَاءُ 1) асирга олинган, асирга тушган, асир қилиб олинган; 2) асир, тутқин; 3) арқон билан боғланган, арқонга боғлаб қўйилган; 4) шайдойи, мафтун; مُبَادَلَةُ الْأَسْرَى асир алмаштириш, асир айрибошлаш; ~ الْحَرْبِ ҳарбий асирлик; وَقَعَ ~ ا لَهُ (*к.гадир. н.гадир*) асир бўлиб қолмоқ

— مَأْسُورٌ асир, тутқин; шайдойи, мафтун бўлиб қолган одам

— مَأْسُورَةٌ *кўп.* مَوَاسِيرُ 1) труба, най, найча; (*ўқ отувчи курол*) стволи

إِسْرَائِيلُ *ат.от., мз.* Исроил; بَنُو ~ *кўп.* яҳудийлар, яҳудий халқи

— إِسْرَائِيلِيٌّ 1) Исроилга, яҳудийларга оид; 2) исроиллик, яҳудий

— إِسْرَائِيلِيَّاتٌ *кўп.*яҳудий тилидан кирган сўзлар

إِسْرَافِيلُ Исрофил (*даҳшатли овоз билан сур чалиб, қиёмат-қойим бўлгани ҳақида хабар берувчи фаришта*)

أُسْرُبٌ, أُسْرُبٌ *кўп.* графит; *эск.* қўрғошин

إِسْرِنْجٌ қўрғошинли қизғиш заргалдоқ ёки қизғиш-жигарранг бўёқ (қўрғошинли сурик)

أُسْطُبَّةٌ *мн. кўп йўқ.* каноп лоси, зиғирпоянинг дағал толаси; ~ الْقُطْنِ пахта толаси

إِسْطَبْلٌ *кўп* ـــَاتٌ отхона

أَسْطُرْلَابٌ *кўп.* ـــَاتٌ устурлоб, астролябия (*юлдузларнинг вазиятини белгилаш учун қўлланиб келинган бурчак ўлчаш асбоби, кейинчалик ер ўлчаш ишларида ҳам қўлланган*)

أُسْطُوَانَةٌ *кўп.* أَسَاطِينُ, أُسْطُوَانَاتٌ 1) *архит.* устун, колонна; 2) валик; ролик, цилиндр (*двигателники ҳам*); ~ الْأُكْسِيجِينِ кислородли баллон; ◊ أَسَاطِينُ الْأَدَبِ буюк адиблар, ёзувчилар; أَسَاطِينُ الْعِلْمِ илм устунлари, яъни жуда катта олимлар (уламолар); أَسَاطِينُ الْاِحْتِكَارِ монополия корчалонлари, хўжайинлари

— أُسْطُوَانَاتٌ *кўп.* овоз ёзувчи аппарат - фонограф валиги; патефон пластинкаси (товоғи)

— أُسْطُوَانِيٌّ цилиндрга оид; цилиндрик, цилиндрсимон, цилиндр шаклидаги

أُسْطُورَةٌ *қар.* سطر

– أُسْطُورِيٌّ қар. سطر

أُسْطُولٌ кўп أَسَاطِيلُ флот; الـ~ الْبَحْرِيُّ денгиз флоти; الـ~ النَّهْرِيُّ дарё флоти; الـ~ الْجَوِّيُّ ҳаво флоти; الـ~ التِّجَارِيُّ савдо флоти; ~ الصَّيْد балиқ овлаш флоти

أُسْطَى кўп أُسْطَوَاتٌ 1) уста; бошлиқ; ~ الْوَابُور паровоз ҳайдовчиси; 2) ошпаз, пазанда

I أَسِفَ[1] (а) أَسَفٌ қайғурмоқ, ғам емоқ, хафа бўлмоқ, ачинмоқ, (н.дандир) афсусланмоқ (عَلَى), ... وَ مِمَّا يُؤْسَفُ لَهُ أَنَّ ... шуниси ачинарлики, ...; IV آسَفَ ачинтирмоқ, хафа қилмоқ, қайғуга солмоқ, қайғуртирмоқ; ... يُؤْسِفُنِي أَنْ мен учун жуда ачинарли нарса шуки, ...; أَسِفَ[2] (а) أَسَفٌ (бирор к.дан) жаҳлланмоқ, ғазабланмоқ (عَلَى); IV آسَفَ жаҳлини келтирмоқ, ғазабга қўймоқ, ғазаблантирмоқ; V تَأَسَّفَ қайғурмоқ, ҳасрат чекмоқ, (н.дандир) афсусланмоқ (عَلَى)

– آسِفٌ, أَسِفٌ қайғирувчи, афсус чекувчи; ғам чекувчи; қайғули, ҳасратли

– أَسَفٌ ғам-ғусса, андуҳ; таассуф, ачиниш, афсус чекиш; بِـ~ ачиниш билан; афсус билан, афсусланган ҳолда; بِالـ~ ёки لِلْـ~ ёки مَعَ الـ~ афсуски, ...; بِكُلِّ ~ ёки مَعَ شَدِيدِ الـ~ минг афсуски, ...; عَبَّرَ عَنْ ~ه ўз афсусини (таассуфини) билдирмоқ; ◊ يَا ~اهُ ёки وَا ~اهُ афсус!, эсизгина!

– أَسِيفٌ 1) ачинувчи, қайғирувчи, ҳасрат чекувчи; 2) ғамли, қайғули; 3) ачинарли, афсусланишга (таассуфга) лойиқ

– تَأَسُّفٌ = أَسَفٌ

– مَأْسُوفٌ عَلَيْهِ ~ ачинарли; афсусланишга (таассуфга) лойиқ

– مُؤْسِفٌ хафа (дилни сиёҳ) қилувчи, ранжитувчи, дилни оғритадиган; ... وَ مِنَ الـ~ أَنَّ ... шуниси хафа қиладики, ...; шуниси ранжитадики, ...

إِسْفَانَاخ, إِسْفَانَخ, إِسْفَنَاخ исмалоқ (ўсимлик)

أَسْفِكْسِيَا мед асфикция, бўғилиш, нафас тиқилиб қолиш, нафас қисиш

أَسْفَلْت мз асфальт; بَسَطَ بِالـ~ асфальтламоқ, асфальт ётқизмоқ

إِسْفَنْج жам. зоол.булут (сув жонивори)

– إِسْفَنْجَةٌ кўп. ـاتٌ — зоол. булут

– إِسْفَنْجِيٌّ булутсимон, тешик-тешик, ғовак

إِسْفَنْدَانٌ заранг (дарахт)

إِسْفِيدَاج = إِسْبِيدَاج

إِسْفِين қар. سفن

أُسْقَرْبُوطٌ, إِسْقَرْبُوطٌ мед. искарбут, зангла, зангла касали

أُسْقُفٌ кўп. أَسَاقِفَةٌ черк. епископ (насроний черковларида юқори лавозимли руҳоний); رَئِيسُ الْأَسَاقِفَة архиепископ - епископлар бошлиғи

– أُسْقُفِيَّةٌ 1) епископлик мансаби, епископлик даражаси; епископлик мансабида ишлаш даври; 2) епархия (насронийларда - архиерей тасарруфидаги маъмурий черков округи)

أُسْقُمْرِيٌّ скумбрия, макрель (денгиз балиғи)

إِسْقَنْقُورٌ калтакесак

إِسْكَتَّان қар. إِسْكَةٌ

– إِسْكَةٌ, إِسْكَتَّانِ дан. ик.с анат. аёллар аврати лаблари

إِسْكِتْشٌ кўп. ـاتٌ — мз скетч (эстрадада кўрсатиладиган ҳажвий ёки кулгили пьеса)

إِسْكُتْلَانْدِيٌّ 1. Шотландияга оид; 2.шотландиялик

إِسْكِلَةٌ кўп. أَسَاكِل кема келиб тўхтайдиган ва боғлаб қўйиладиган жой; денгиз бўйидаги шаҳар

إِسْكِمْلَةٌ кўп. ـاتٌ — кўча, боғ каби жойларга қўйилган ўтирғич, эшак, скамейка

إِسْكَنْدَر ат.от , мз. Искандар

– إِسْكَنْدَرَانِيٌّ 1.Искандарияга оид; 2.искандариялик

إِسْكَنْدِيُوم кимё.скандий (элемент)

إِسْكُوَاش теннисга ўхшаш тўп ўйини

إِسْكِي чанғи

إِسْكِيف мз ялик (икки ёки тўрт эшкакли қайиқ); спорт. скиф (пойга қайиқларининг бир тури)

إِسْكِيمُو жам. эскимослар (халқ)

– إِسْكِيمَاوِيٌّ 1. эскимосга оид; 2.эскимос кишиси

I أَسُلَ (у) أَسَالَةٌ мулойим бўлмоқ; силлиқ бўлмоқ; чўзиқ бўлмоқ; II أَسَّلَ чархламоқ, қайрамоқ, юпқалаштирмоқ, юпқа қилмоқ

– أَسَلٌ 1) қамиш; 2) найза

– أَسَلَةٌ 1) тикан, тиканак; 2) найза, ўткир уч, уч; тил учи

– أَسَلِيٌّ фон. апикалга оид, апикал (тил усти билан юқори тиш ўртасида ҳосил бўладиган нутқ товушлари); الْحُرُوفُ الـ~ة апикал ундошлар (ص, س, ز)

– أَسِيلٌ 1) текис, силлиқ; 2) чўзиқ, узун

– تَأَسُّلٌ атавизм (ҳайвон ёки кишиларнинг аждодларида бўлган, сўнг йўқолиб кетиб, кейинчалик яна пайдо бўлган жиҳатлар)

– مُؤَسَّلٌ ўткир қилинган, ўткирлашган, ўткирлаштирилган; учи ўткир

أُسْلُوبٌ кўп. أَسَالِيبُ 1) услуб, усул, йўсин, йўл, равиш, тариқа, тарз; ~ الْحُكْم бошқариш усули; 2) услуб (адабий); 3) усул, шакл

– أُسْلُوبِيٌّ 1) услубий, услубга оид; 2) стилистик; 3) стилист (услуби жуда яхши муаллиф)

أُسَامَةٌ йўлбарс

اِسْمٌ қар. سمو

إِسْمَاعِيلُ ат.от. мз. Исмоил

– إِسْمَاعِيلِيٌّ дин. 1) исмоилий; 2) исмоилийликка мансуб киши

أَسْمَانْجُونِيٌّ ҳаворанг

أَسْمَنْتٌ, إِسْمَنْتٌ цемент; арматурали бетон; الـ ~ الْمُسَلَّحُ темир-бетон

I أَسَنَ (у,и) أُسُونٌ бузилмоқ, ишдан чиқмоқ, чиримоқ; туриб бузилиб қолмоқ (*сув ҳақида*); V تَأَسَّنَ бир ерда узоқ туриб қолмоқ (*сув ҳақида*)

– آسِنٌ туриб (оқмай) қолган; ~ مَاءٌ кўлмак сув

أَسْنَوِيٌّ Асна шаҳрида яшовчи киши, асналик

I (أسو) أَسَا (у) أَسْوٌ 1) юпатмоқ, овутмоқ, овутиб қўймоқ, тинчитмоқ, тасалли (таскин, далда) бермоқ; 2) даволамоқ; 3) (*ярани, жароҳатни*) боғламоқ; II أَسَّى = I; III آسَى 1) ёрдамлашмоқ, кўмаклашмоқ, мадад бермоқ; 2) овутмоқ, юпатмоқ, ҳамдардлик билдирмоқ; V تَأَسَّى 1) (*н.биландир*) юпатилмоқ; 2) (*н.гадир*) тақлид қилмоқ; (*н.нидир*) ўрнак деб билмоқ (بِـ), овунмоқ; 3) (*н.нидир*) сабот билан ўтказмоқ; VI تَآسَى ўзаро бир-бирини юпатмоқ, овутмоқ, бир-бирига таскин бермоқ

– آسٍ[1] мн. آسِيَةٌ юпатувчи, овутувчи, тасалли (таскин) берувчи; овутадиган, юпатадиган, тасалли (таскин) берадиган; *шунингдек*: қар. أسى

– آسٍ[2] 1) даволовчи шифокор; 2) кўп. أُسَاةٌ доктор, врач

– إِسَاءٌ даво, илож

– مَأْسُوٌّ = أَسِيٌّ

– أَسًى 1) ғам, ташвиш; 2) даволаниш, муолажа

– آسِيَةٌ мн. кўп. أَوَاسٍ 1) даволовчи аёл; 2) аёл врач, аёл доктор, аёл табиб

– أَسْوَانُ ғамгин, ғамли, қайғули, хафа

– أُسْوَةٌ мисол, намуна; ... بِـ ~ ...нинг ўхшаши

– تَأْسِيَةٌ 1) юпатиш, таскин бериш; 2) даволаш

– مَأْسُوٌّ даволанган, даволанувчи

– مُوَاسَاةٌ 1) ёрдам; хайр-саховат, хайрия, саховатлилик; 2) таъзия, ҳамдардлик билдириш; юпатиш, таскин бериш

– مُؤَسٍّ мн. مُؤَسِّيَةٌ тузатувчи, шифоли, даво бўладиган

أَسْوَارٌ, إِسْوَارٌ кўп. أَسَاوِرُ, أَسَاوِرَةٌ (сол. سُوَارٌ қар. سور) 1) билакузук; 2) қадама енг, қайтарма енг

أَسْوَانُ: ~ حَجَرُ мин. сиенит (*магматик тоғ жинсларининг бинокорлик материали сифатида ишлатиладиган бир тури*)

– أَسْوَانِيٌّ 1) Асвонга оид; 2) Асвонда яшовчи, асвонлик; ◊ حَجَرٌ ~ мин. сиенит

أَسُوجِيٌّ 1. Швецияга оид; шведларга оид; الـ ~ ةُ швед тили; 2) швед, швециялик

I أَسِيَ (а) أَسًى қайғурмоқ, ҳасрат чекмоқ, ғам емоқ, куймоқ, бўзламоқ; VIII اِئْتَسَى 1) сабр-тоқат қилмоқ, чидамоқ; 2) (*бирор к.нинг*) орқасидан эргашмоқ (بِـ); (*бирор к.га*) иқтидо қилмоқ (بِـ); (*бирор к.нинг*) орқасида турмоқ (بِـ)

– آسٍ мн. آسِيَةٌ ғамга (қайғуга) соладиган, жуда қайғули; قِصَّةٌ آسِيَةٌ ғамгин, аламли қисса; *шунингдек*: қар. أسو

– أَسًى ғам, алам; доғ; يَحُزُّ الـ ~ فِي نُفُوسِنَا алам жонимизни ўртамоқда

– أُسًى сабр, сабр-тоқат, таҳаммул

– مَأْسَاةٌ кўп. 1) ғам, алам, изтироб; 2) драма; трагедия (фожиа)

– مَأْسَوِيٌّ фожиали, фожиона

أَسْيَوِيٌّ, أَسْيَاوِيٌّ 1. Осиёга оид; 2. осиёлик

أَسْيُوطِيٌّ кўп. أَسَايِطَةٌ Асютда яшовчи киши

أَشَائِرُ кўп. байроқлар (қар. شور)

أَشَاشٌ 1) фаоллик; 2) ҳордиғи чиққанлик

(أشب) II أَشَّبَ 1) ўрмоқ, тўқимоқ (*мас., сават*); аралаш-қуралаш қилиб юбормоқ; 2) (*бирор н.ни*) тушуниб бўлмайдиган қилмоқ; 3) (*металларни*) эритмоқ; V تَأَشَّبَ 1) ўрилмоқ, тўқилмоқ, аралаш-қуралаш бўлиб кетмоқ;. 2) ҳар тарафдан келиб йиғилмоқ (тўпланмоқ); 3) эримоқ (*металл ҳақида*)

– أُشَابَةٌ кўп. أُشَابَاتٌ, أَشَائِبُ 1) турли-туман оломон, қаланғи-қасанғилар; 2) қотишма; أُشَابَاتٌ فِلِزِّيَّةٌ металл қотишмалари

– أَشَبٌ ўрмоннинг қалин жойи, чакалакзор, чангалзор

– أَشِبٌ қалин, дарахтлар билан қопланган (*жой*)

– مُؤَشَّبٌ эгаллаб бўлмайдиган; мустаҳкамланган, мустаҳкам

– إِشْبِينٌ кўп. أَشَابِينُ 1) чўқинтирган ота; 2) куёвжўра (*бутхонада никоҳлаш пайтида куёв ёки келин боши устида гулчамбар тутиб турадиган киши*)

I أَشِرَ (а) أَشَرٌ такаббурлик қилмоқ, кибрланмоқ, кеккаймоқ, гердаймоқ; أَشَرَ (и) أَشْرٌ арраламоқ; II أَشَّرَ (*н.гадир*) имзо чекмоқ, виза қўймоқ (عَلَى); عَلَى الطَّلَبَةِ ~ аризага рухсат этиб қўл қўймоқ; ~ الأَسْنَانَ тишларнинг атрофини қириб ўткирламоқ; V تَأَشَّرَ 1) қайд қилдирмоқ; 2) виза қўйилмоқ

– آشِرٌ гердайган, кибрланган, такаббур

– أَشِرٌ = أَشَارَى кўп. أَشْرَانُ

– تَأْشِيرٌ 1) ҳужжат устига виза қўйиш; 2) виза

– تَأْشِيرَةٌ кўп. ـَاتٌ — рухсатнома, виза; (مُرُور) اِجْتِيَاز ~ транзит визаси; دُخُول ~ бирор мамлакатга келишга рухсат берувчи виза, ҳужжат; الْعَوْدَة ~ қайтиб кетиш ҳақида виза, ҳужжат

– مُؤَشِّرٌ контролёр; индикатор; (*счётчик ва.ҳ.к.*) кўрсаткичи

إِشْعَيَاءُ ат.от., *мз.* Ишъаё

إِشْفَى *кўп.* أَشَافٍ бигиз

أَشْكِينٌ йўрға

أَشْمُونِيٌّ ашмуний (*пахта нави*)

أُشْنَانٌ ишқор

أُشْنَةٌ мох, йўсин (*зах ерларда, тош, дарахт устида ўсадиган илдизсиз ўсимлик*)

أَشُورِيٌّ 1. ассурийларга оид; الـ~ـةُ ассурий тили; 2. ассуриялик

أَصٌّ *кўп.* أَصَاصٌ асос, илдиз, негиз, замин

– أُصَيْصٌ *кўп.* أُصُصٌ гулдон, гултувак

I أَصَدَ (*у*) أَصْدٌ (*эшикни*) ёпмоқ; IV آصَدَ = I

I أَصَرَ (*и*) أَصْرٌ ҳибсга олмоқ, қамамоқ

– آصِرَةٌ *кўп.* أَوَاصِرُ алоқа, муносабат; أَوَاصِرُ الْأُلْفَةِ وَ الْمَحَبَّةِ дўстлик ва севги муносабатлари (алоқалари)

– إِصْرٌ *кўп.* آصَارٌ 1) оғир юк, вазифа; ташвиш, ғам; 2) мажбурият, берилган ваъда

– مَأْصِرٌ *кўп.* مَآصِرُ 1) ғов, тўсиқ; 2) шлагбаум; застава

إِسْطَبْلٌ = إِصْطَبْلٌ

أُسْطُبَةٌ = أُصْطُبَةٌ

أَسْطُرْلَابٌ = أَصْطُرْلَابٌ

I أَصُلَ (*у*) أَصَالَةٌ 1) ўрнашиб олмоқ, томир (илдиз) ёймоқ; 2) насл-насабли аслзодалардан бўлмоқ; 3) зотли (зоти яхши) бўлмоқ; 4) оригинал, асл бўлмоқ; II أَصَّلَ 1) асл зотини (келиб чиқишини, насл-насабини) аниқламоқ; аждодларини кўрсатмоқ; 2) ... ~ أُصُولاً لِـ (*н.ғадир*) пойдевор, асос солмоқ; IV آصَلَ аср намозидан шомгача бўлган пайтда кирмоқ *ёки* келмоқ; V تَأَصَّلَ 1) илдиз отмоқ, томир ёймоқ, ўрнашиб олмоқ; 2) (*к.нингдир*) насабидан келиб чиққан бўлмоқ (مِنْ); X اسْتَأْصَلَ 1) илдизи билан суғуриб олмоқ, олиб (юлиб) ташламоқ, кўчириб ташламоқ; 2) бутунлай йўқ қилмоқ; ~ شَأْفَتَهُ *қар.* شَأْفَةٌ

– اسْتِئْصَالٌ 1) таг-томири билан йўқ қилиш; илдизини (тухумини) қуритиш, битириш, барҳам бериш; 2) олиб ташлаш; جِرَاحَةُ ~ الزَّائِدَةِ الدُّودِيَّةِ аппендэктомия; жарроҳлик йўли билан кўр ичакни (аппендиксни) кесиб олиб ташлаш

– أَصَالَةٌ 1) келиб чиқиш; 2) аслзодалик; 3) ўзига хослик; асллик, оригиналлик; أَهْلُ الـ~ асл одамлар, бетакрор (ўзига хос) одамлар; 4) мустақиллик; 5) қатъийлик, мустаҳкам иродалилик, собитлик; ~ الرَّأْيِ тафаккурнинг соғломлиги; 6) *грам.* ўзакка алоқадорлилик (*ундош товуш ҳақида*); تَوَهُّمُ ~ التَّاءِ فِي الْفِعْلِ اتَّقَى "اتَّقَى" – غَلَطٌ فَاحِشٌ феълидаги ت ўзакка алоқадор деб ўйлаш қўпол хатодир; ~ وَ بِوَكَالَةٍ عَنْ ... шахсан ва ... нинг топшириғига биноан; ... بِالـ~ عَنْ نَفْسِي وَ بِالنِّيَابَةِ عَنْهُ أَرْجُو шахсан ўзим ва унинг номидан сўрайманки, ...

– أَصْلٌ *кўп.* أُصُولٌ 1) илдиз; ~ وَ فَصْلٌ илдиз ва решалар; لَا ~ لَهُ وَ لَا فَصْلَ *маж.* у аслзодалардан эмас; 2) асос, замин, моҳият; لَيْسَ لِهَذَا ~ مِنَ الْمَوْضُوعِ бунинг масала моҳиятига алоқаси йўқ; أُصُولٌ وَ فُرُوعٌ асосий ва иккинчи даражали қисмлар (бўлаклар); الـ~ وَ الْفَوَائِدُ асосий капитал ва фойда (процент) лар; 3) бошланиш; فِي الـ~ а) дастлаб; б) асосан; аслини олганда; كُلُّ شَيْءٍ يَعُودُ (يَرْجِعُ) إِلَى ~ـهِ ҳамма нарса ўз аслига қайтади; 4) принцип; 5) келиб чиқиш, шарифُ الـ~ аслзода, зодагон; هُوَ جَزَائِرِيُّ الـ~ у асли жазоирликдир; نَبَاتِيُّ الـ~ ўсимликдан олинган, келиб чиққан, пайдо қилинган; حَيَوَانِيُّ الـ~ ҳайвондан олинган, келиб чиққан, пайдо қилинган; ~ـهُ а) асли (*қаердандир*); عَرَبِيٌّ ~ـهُ асли араблардан; б) мутлақо, бутунлай (*бўлишсиз маънодаги феъл билан келганда*): مَا فَعَلَهُ ~ у буни мутлақо (бутунлай) қилмаган; لَنْ يَفْعَلَهُ ~ у буни мутлақо қилмайди; 6) жинс; 7) сабаб, 8) асл нусха, оригинал; 9) умумий миқдор, жамъ, сумма; 13 مِنْ ~ 40 умумий миқдор бўлган 40 дан 13; 10) *химё.* асос

– أَصَلَةٌ *кўп.* ~اتٌ бўғма илон, питон

– أَصْلِيٌّ 1) туб жойли; ерли; سَاكِنٌ ~ абориген, туб жой аҳолиси; 2) асосий; الْجِهَاتُ الـ~ـةُ дунё мамлакатлари; عَدَدٌ ~ санoқ сон; عُضْوٌ ~ (*қандайдир жамиятнинг*) ҳақиқий аъзоси; 3) дастлабки, 4) асосий; اللُّغَةُ الـ~ـةُ она тили; الْبِلَادُ الـ~ـةُ она ватан; 5) оригинал, асл (нусха), حَرِيرٌ ~ табиий ипак, асл ҳарир

– أَصْلِيَّةٌ аслига тўғрилик, аслига мослик, асл нусхага мувофиқлик

– أُصُولٌ *кўп.* усуллар, асосий қоидалар, тартиблар; қонун-қоидалар, жорий тартиб; دَعَا إِلَى اتِّبَاعِ الـ~ тартиб-қоидага риоя қилишга чақирмоқ; طِبْقًا لِلـ~ *ёки* حَسَبَ الـ~ қоидага мувофиқ, тартибга кўра; عَلَى الـ~ ҳамма қоида бўйича; أُصُولُ التَّعْلِيمِ таълим методикаси, услубияти; عِلْمُ أُصُولِ الدِّينِ дин асослари ҳақидаги фан; ислом теологияси; ~ الْفِقْهِ мусулмон қонуншунослиги; фиқҳ илми; الـ~ هُنَا أَنْ... а) гап (масала) шундаки, ...; б) бу ерда одат (қоида) шундайки, ...; 2) *ҳис.* актив (*балансининг кирим, даромад ва моддий бойликлар ёзиладиган қисми*); ~ وَ خُصُومٌ актив ва пассив (*корхонанинг қарз ёки мажбуриятлари мажмуи*)

– أُصُولِيٌّ 1) қонун-қоида билан келишилган, рози бўлган; қонуний; لَمْ يُحَلْ بَعْدُ إِلَى الْمُحَاكَمَةِ الـ~ـةِ у ҳали судга берилмаган; 2) *мол.* моддий актив билан боғлиқ (алоқадор);

مُسْتَنَدَاتٌ ~ــِيَّةٌ мол-мулкка, активга доир ҳужжатлар

– أَصِيلٌ[1] кўп أُصَلاءُ، أَصَائِلُ 1) аслзода, насл-насаблик; оқсуяк, зодагон. 2) зотдор, зотли; 3) асл, ҳақиқий; 4) табиий, туғма; عَيْبٌ ~ туғма айб (нуқсон); النُّزْعَةِ ~ асл нусха, кўчирилган эмас; 5) шу жойда туғилган; аслида шу ерлик; 6) ҳимоячига ўз ваколатини топширган даъвогар. الرَّأْيِ ~ фикри қатъий, қатъий фикрли

– أَصِيلٌ[2] кўп أُصُلٌ، أَصَائِلُ، آصَالٌ оқшом, ғира-шира пайт, аср намозидан шомгача бўлган пайт

– أَصِيلَةٌ мол-мулк, актив

– تَأْصِيلٌ (мас., сўзнинг) келиб чиқишини аниқлаш; عِلْمُ الــ~ этимология (лингв. 1) тилшуносликнинг сўзларнинг келиб чиқишини текширадиган бўлими; 2) сўзнинг келиб чиқиши)

– تَأْصِيلَةٌ келиб чиқиш; насаб, насл-насаб, шажара

– مُؤَصَّلٌ наслдор, зотдор, зотли

– مُتَأَصِّلٌ 1) илдиз отиб (сингиб) кетган; 2) суякка (қонга) сингиб кетган; عَدَاوَةٌ ~ــَةٌ суякка сингиб кетган адоват (душманлик, ёвлик)

أَطَّ I (а/и) أَطِيطٌ 1) мунгли (ҳазин) овоз чиқармоқ (*туя ҳақида*); 2) ғижирлатмоқ; 3) қулдирамоқ, қулдур-қулдур қилмоқ (*қорин ҳақида*)

أَطَرَ I (у, и) أَطْرٌ эгмоқ, букмоқ; қайирмоқ; II أَطَّرَ 1) эгмоқ; 2) рамка ичига солмоқ (олмоқ) (*Сурияда*)

– إِطَارٌ кўп. إِطَارَاتٌ، أُطُرٌ 1) ром, гардиш; 2) тўғин; чамбарак, ҳалқа; الْبِرْمِيلِ ~ чамбарак; الْعَجَلَةِ ~ тўғин, ғилдирак тўғини; ~ مَطَّاطٌ каучук (резина) шина; 3) бош кийим гардиши, жияги, кизаги; ◊ فِي ~ التَّعَاوُنِ الْاِقْتِصَادِيِّ иқтисодий ҳамкорлик доирасида

– إِطَارَاتٌ кўп. кадрлар (*Шим. Африкада*)

أُطْرُغُلَّةٌ кўп اتٌ — ғуррак, кумри, мусича

إِطْرِيَّةٌ қар. طرو

أَطْلَسٌ[1] атлас (*мато*)

أَطْلَسٌ[2] кўп. أَطَالِسُ атлас (*карта, сурат, расм, жадваллар тўплами*)

– أَطْلَسِيٌّ атлантик, Атлантикага оид; الْحِلْفُ الــ~ الشَّمَالِيُّ Шимолий Атлантика блоки

أُطَامٌ мед сийдик тутилиши

– أُطُمٌ кўп. آطَامٌ минора; қаср, сарой; истеҳком

– أَطُومٌ зоол. дюгон (*сувда яшашга мослашган сут эмизувчи ҳайвон*)

أَغَا кўп أَغَوَاتٌ 1) ого (*феодал, ер эгасига бериладиган унвон*); жаноб; 2) ҳарам оғаси, ҳарам ходими (*бичилган қул*)

إِغْرِيقِيٌّ 1. Грецияга, грекларга оид; الــ~ــَةُ грек тили; 2. грек

أُغُسْطُسُ август

أَغُورٌ огур (*қадимги яҳудийлар тангасининг номи*)

(أف) ١٠ تَأَفَّفَ 1) афсусланмоқ, пушаймонлик ҳис қилмоқ; 2) нафрат, жирканиш ҳис этмоқ; (*н дандир*) ҳазар қилмоқ (ب)

– أُفٌّ ~ الْأُذُنِ қулоқ кири (*қулоқ ичидаги олтингугурт*)

– أُفٍّ ундов сўз. туф-туф-э! (*жирканиш*) لَكَ ~ туф сенга!

– تَأَفُّفٌ нафратланиш; жирканиш; норозилик туйғуси, ҳисси

أَفَارِيَةٌ қар фود

I أَنِفَ (а) أَنَفٌ (*н.дандир*) жирканмоқ, ҳазар қилмоқ (مِنْ); أَنَفَ[2]: أَنَفَ (а) أَنْفٌ бурни оғримоқ; VIII اِئْتَنَفَ бошланмоқ; X اِسْتَأْنَفَ қайтадан бошланмоқ, янгиланмоқ, янгидан бошланмоқ; ~ الْحُكْمَ (الدَّعْوَى) апелляция - шикоят аризаси бериб, ҳукмдан норозиликни билдирмоқ

— أَنِفٌ бурни оғриган, бурни оғриқ

— آنِفٌ: ~ الذِّكْرِ мазкур, юқорида зикр этилган, юқорида айтилган, юқорида тилга олинган; ~ الْبَيَانِ юқорида тавсифланган; ~اً ...дан олдин, ҳозиргина

— اِسْتِئْنَافٌ 1) янгиланиш, қўзғалиш; 2) апелляция - шикоят аризаси бериш; مَحْكَمَةُ الـ~ ҳукмдан норози бўлиб берилган ариза юзасидан суд; قَدَّمَ ~اً ҳукмдан норозилик аризаси бермоқ

— اِسْتِئْنَافِيٌّ апелляцияга оид; ~اً апелляция сифатида

— أَنْفٌ *кўп.* أُنُوفٌ, آنَافٌ бурун; لَا يَرَى أَبْعَدَ مِنْ ~ـهِ у ўз бурнидан нарини кўрмайди; ~ الْعِجْلِ *бот.* шероғиз (*ўсимлик*); ◊ ~ الْجَبَلِ а) тоғнинг туртиб чиқиб турган жойи; б) бурун (*қуруқликнинг денгизга учли бўлиб кирган жойи*); رَغْمَ ~ـهِ унинг хоҳишига қарши; رَغْمَ أُنُوفِنَا бизнинг хоҳишимизга қарши; تَكَلَّمَ مَعَهُ مِنْ وَرَاءِ ~ـهِ ким биландир беписанд, назарга илмай гаплашмоқ; بَلَغَتِ الرُّوحُ ~ـهُ чарчаб, хориб ўлмоқ; كَسَرَ ~ـهُ (*к.нингдир*) попугини пасайтириб қўймоқ, димоғдан туширмоқ, танобини тортиб қўймоқ; شَمَخَ بِـ~ـهِ *кар.* شَمَخَ; مَاتَ حَتْفَ ~ـهِ *кар.* حَتْفٌ

— أُنُفٌ: رَوْضَةٌ ~ қаровсиз қолган боғ; غَابَةٌ ~ теша тегмаган ўрмон; كَأْسٌ ~ ҳали тутилмаган (ишлатилмаган) қадаҳ

— أَنَفَةٌ ифтихор, фахр; фахрланиш; такаббурлик; ўз қадрини билиш

— أَنْفِيٌّ бурунга оид (*шунингдек фон.*)

— أَنُوفٌ димоғи (кибр-ҳавоси) баланд, димоғдор; такаббур, кеккайган, гердайган

— تَأَنُّفٌ нафратланиш, жирканиш

— مُؤْتَنَفٌ бошланиш

— مُتَأَنِّفٌ мағрур

— مُسْتَأْنَفٌ янгиланаётган, қайталанаётган, қўзғалаётган; عَلَيْهِ ~ *ёки* ضِدَّهُ ~ жавобгар; айбланаётган, айбланувчи; عَنْهُ ~ апелляция (норозилик) учун асос (замин) бўлган нарса

— مُسْتَأْنِفٌ устидан шикоят қилинувчи; ~ الدَّعْوَى шикоятчи

إِنْفْلُونْزَا *шунингдек:* مَرَضُ الـ~ тумов, грипп; الـ~ الْآسِيَوِيَّةُ Осиё тумови (гриппи)

I أَنِقَ (а) أَنَاقَةٌ чиройли бўлмоқ, гўзал (нафис, нафосатли, нозик, келишган) бўлмоқ; IV آنَقَ завқлантирмоқ, қувонтирмоқ, қойил қолдирмоқ; V تَأَنَّقَ 1) (*н.дандир*) ҳушёр бўлмоқ, сезгир бўлмоқ; (*кийиниш, ейиш, ичиш ва ҳ.к.ларда*) нозиктаб, дидли бўлмоқ

— أَنَاقَةٌ нафислик, нозиклик, нафосат, кўркамлик

— أَنُوقٌ калхат; қорақуш, ўлимтик

— أَنِيقٌ нафис, нафосатли, назокатли, келишган, гўзал, кўркам

— تَأَنُّقٌ назокат, нозиклик, латофат, латифлик; شَدِيدُ الـ~ فِي مَلْبَسِهِ ораста кийинувчи, башанг кийинувчи, юксак дид билан кийинувчи

— مُونِقٌ чиройли, нафис, гўзал

— أَنِيقٌ = مُتَأَنِّقٌ

أَنْكِلِيزٌ = أَنْقَلِيسٌ

أَنْكٌ *алиф.б.к.*

إِنْكِشَارِيٌّ *тар.* 1. яничарларга оид; ваҳшийликка оид; جِهَازُ قَمْعٍ ~ халқни бостириб турадиган даҳшатли куч; 2. яничарлар (*18-19-асрларда Туркиядаги пиёда аскарлар*)

إِنْكِلُوفِيلٌ англофил (*инглизларни севувчи киши*)

إِنْكِلِيزِيٌّ *кўп.* إِنْكِلِيزٌ 1. Англияга, инглизларга оид; الـ~ـةُ инглиз тили; 2. инглиз

إِنْكِلِيسٌ *зоол.* илон балиқ

أُنْمُوذَجٌ *кўп.* نَمَاذِجُ *кар.* نَمُوذَجٌ

أَنَّهُ *алиф.б.к.*

أَنَّى 1) қандай?; қаерда?; қачон?; 2) ундоқ эмас, қўйсангиз-чи!;

қаердан, қандай қилиб; لَهُ أَنْ يَعْلَمَ هٰذَا ~ у буни қаердан ҳам билсин!; لَهُ أَنْ يَكُونَ كَاتِبًا ~ у ҳеч қачон ёзувчи бўлолмайди; 3) қаерда бўлмасин; қачон бўлмасин

I أَنَى (и) أَنًى, إِنًى, إِنَاءٌ 1) кириб келмоқ, яқинлашмоқ (вақт ҳақида); 2) вақти келмоқ, етилмоқ; II أَنَّى қолдирмоқ, кечиктирмоқ, секинлатмоқ, сусайтирмоқ; V تَأَنَّى 1) секинламоқ; 2) пухта ўйлаб қилмоқ, киришмоқ; مَنْ ~ نَالَ مَا تَمَنَّى мтл. шошган қиз эрга ялчимас (сўзма-сўз: ўйлаб иш қилган муродига етади), 3) (н.дадир) сабрли, чидамли бўлмоқ (عَلَى) ; X اسْتَأْنَى 1) кутиб турмоқ; 2) шошилмаслик; 3) (н.нидир) кечиктиришни, орқага суришни илтимос қилмоқ

– إِنَاءٌ кўп. آنِيَةٌ, أَوَانٍ лаган, товоқ; أَوَانٍ идишлар, идиш-товоқ; صَبَّ فِي ~ بِغَيْرِ قَاعٍ тагсиз бочкага сув қуйгандек, беҳуда меҳнат қилмоқ

– أَنَاةٌ 1) чидам, бардош, тоқат; бардош беришлик; ўзини тута билиш; طُولُ الـ~ узоқ чидаш, сербардошлилик; لَا ~ بِي мен чидай олмайман; 2) кутиб туриш, кутиб туравериш

– إِنًى, أَنًى кўп. آنَاءٌ вақт; آنَاءَ اللَّيْلِ وَ أَطْرَافَ النَّهَارِ тўхтовсиз, тинимсиз; кечаю-кундуз

– تَأَنٍّ 1) секинаклик, имиллаш, шошилмаслик; مِنْ غَيْرِ ~ жуда тез, вақтни ғанимат билиб; 2) эҳтиёткорлик, ҳушёрлик; بِـ~ وَتُؤَدَةٍ эътибор ва осойишталик билан

– مُتَأَنٍّ мн. مُتَأَنِّيَةٌ 1) шошмайдиган, чидам билан қиладиган; 2) эҳтиёткор; مُتَأَنِّيًا эҳтиёткорлик билан; 3) чидамли, сабрли, тоқатли

– مُسْتَأْنٍ мн. مُسْتَأْنِيَةٌ 1) кутиб турувчи; 2) шошилмайдиган; مُسْتَأْنِيًا аста-секин; ҳовлиқмай, шошмай, шошилмай

~ آنِيسُونٌ, أَنِيسُونٌ, أَنِيسٌ бот. бодиён; بَرِّيٌّ ~ نَجْمِيٌّ ёки арпабодиён

– أَنِيلِينٌ кимё. анилин

– أَنِيمِيَا, أَنِيمِيَّةٌ мед. анемия, камқонлик; الـ~ الْخَبِيثَةُ ҳалокатли, хатарли (пернициоз) анемия (камқонлик)

I أَهَّ (a/у) أَهَّةٌ оғриқдан войвойламоқ

– ! أَهْ ёки أَهًا оҳ!; вой!

اهـ қиск. انْتَهَى дан. тамом, охири (иқтибос-цитата охирига ёзилади)

– آهِ ... وَا афсус, эсизгина, қандай даҳшат! (афсусланишни билдириш учун айтилади); ! وَاحَسْرَتَاهْ қандай хижолатчилик!

(أهب) II أَهَّبَ шайланмоқ, тайёрланмоқ; V تَأَهَّبَ (н.гадир) шайланмоқ, тайёрланмоқ (لِـ)

– إِهَابٌ кўп. أُهُبٌ тери; ◊ فِي غَضَاضَةِ الـ~ ёшликда; غَضُّ الـ~ ёшлик; 2) ошланмаган тери

– أُهْبَةٌ 1) тайёргарлик; 2) шай туриш; عَلَى ~ (н.нингдир) арафасида турган; (н.гадир) тайёр турган; هُوَ عَلَى ~ السَّفَرِ у сафарга тайёр; كَانَ عَلَى ~ الْاسْتِعْدَادِ (н.гадир) тайёр турмоқ (لِـ); أَخَذَ ~تَهُ (н.нидир) олишга тайёрланмоқ; 3) тайёрлаб қўйилган юк, жиҳоз

– مُتَأَهِّبٌ тайёрланаётган, шай бўлган

I أَهَلَ (у) أُهُولٌ, أَهْلٌ, أَهَلَ) 1) халқ (аҳоли) яшайдиган бўлмоқ, 2) уйланмоқ, турмуш қурмоқ; أَهَلَ (а) أَهْلٌ (к.билан дир) яқин бўлмоқ (بِ); أَهِلَ аҳоли яшаётган бўлмоқ; II أَهَّلَ 1) (н.гадир) ярокли, қобилиятли бўлмоқ (لِـ); (бирор касбга) тайёрламоқ; ~ مَكْفُوفًا мِهْنِيًّا кўрни (кўзи ожизни) бирор касбга ўргатмоқ; 2) имконият, ҳуқуқ бермоқ; 3) уйлатмоқ (хотин олиб бермоқ); 4) "أَهْلًا وَ سَهْلًا" сўзлари билан кутиб олмоқ; ~ عَلَيْنَا بِمَقْدَمِنَا у бизни етиб келганимиз билан табриклади; 5) национализация қилмоқ; V تَأَهَّلَ 1) (н.гадир) ярокли бўлмоқ (لِـ); 2) уйланган бўлмоқ; уйланмоқ; X اسْتَأْهَلَ сазовор, лойиқ бўлмоқ; (н. гадир) лойиқ, муносиб бўлмоқ

– إِهَالَةٌ думба ёғи

– آهِلٌ аҳоли яшайдиган бўлган; أَمَاكِنُ ~ةٌ بِالسُّكَّانِ аҳоли яшайдиган жой

– أَهْلٌ[1] кўп. أَهَالٍ, أَهْلُونَ 1) қариндошлар, туғишганлар; оила; хотин; 2) аҳоли, яшовчилар; الْبَيْتِ ~ а) уйда яшовчилар; б) тар. Муҳаммад алайҳиссаломнинг оила аъзолари; الْبَادِيَةِ ~ бадавийлар; 3) одамлар, кишилар; الْأَدَبِ وَ الْفَنِّ ~ адабиёт ва санъат арбоблари; الْأَغْرَاضِ ~ ғаразли (ёмон мақсадли) одамлар; الْأَمْرِ ~ бошлиқлар; الْجَنَّةِ ~ жаннатийлар; الْحَدِيثِ ~ муҳаддислар; الْأَسْفَارِ ~ саёҳатчилар; الرَّأْيِ ~ ҳурматли кишилар; زَمَانِهِ ~ кимнингдир замондошлари; السَّلْبِ وَ النَّهْبِ ~ қароқчилар, босқинчилар, таловчилар; الضَّادِ ~ соф араб тилида гапирувчилар; араблар; الْعِلْمِ ~ олимлар; الْوَجَاهَةِ وَ الْحَيْثِيَّةِ ~ юқори мартабали, баланд даражали кишилар; الْوِلَايَةِ ~ авлиёлар, валийлар; ◊ ! أَهْلًا وَ سَهْلًا وَ مَرْحَبًا ёки بِكَ ~ًا хуш келибсиз!

– أَهْلٌ[2] (н.гадир) муносиб бўлган (لِـ); (н.гадир) қобилиятли бўлган (لِـ); هُوَ ~ لِذٰلِكَ у бунга муносиб

– أَهْلِيٌّ 1) хонаки, уйдаги; оилавий; الْحَيَوَانَاتُ الـ~ةُ уй ҳайвони; 2) маҳаллий, ўз юртида қилинган; 3) халққа оид; миллий; фуқароларга оид; بَنْكٌ ~ миллий банк; حَرْبٌ ~ةٌ фуқаролар уруши; جَعَلَهُ مُلْكًا ~ًا لِلشَّعْبِ умумхалқ мулкига айлантирмоқ; национализация қилмоқ

– أَهْلِيَّةٌ 1) қобилият, яроқлилик; ذُو ~ қобилиятли, қобилият эгаси; عَدِيمُ الـ~ қобилиятсиз; 2) ҳуқуқдор, қонунан балоғатга етган; 3) қариндош-уруғлар

– تَأْهِيلٌ ўқитиш, ўргатиш

آهِلٌ = مَأْهُولٌ –

– مُؤَهَّلٌ диплом, аттестат ва бошқа ҳужжатга эга бўлган; малакали; ~ عَامِلٌ малакали ишчи

– مُؤَهَّلٌ ~ دِرَاسِيٌّ ўқув юртини тамомлагани ҳақида аттестат, диплом; маълумоти ҳақида ҳужжат

– مُؤَهِّلَاتٌ кўп. 1) қобилият, истеъдод; 2) малака; талаб қилинадиган асослар (белгилар); ◊ ~ النَّاخِبِينَ сайлов цензи

– مُسْتَأْهِلٌ 1) (н.гадир) муносиб бўлган; 2) думба ёғи олувчи ёки еювчи

إِهْلِيلَجٌ кўп. هَلَالِجُ мат. эллипс

– إِهْلِيلَجِيٌّ эллипсга оид, эллиптик (тухумсимон) шакл; ~ جِسْمٌ эллипсоид

أَوْ 1) ёки; 2) ҳозирча ...мас; ...гани йўқ

أَوَامْ (сол. قَوَامْ) халқ. тез; шошилинч, зудлик билан

أَوَانْطَة халқ. алдаш, фириб бериш; панд бериш

– أَوَانْطَجِيٌّ кўп. أَوَانْطَجِيَّةٌ ўғри, товламачи; 2) муттаҳам, қаллоб, фирибгар

I (أوب) آبَ (у) أَوْبٌ, إِيَابٌ қайтмоқ, қайтиб келмоқ; ~ إِلَى رُشْدِهِ эс-ҳушини йиғиб олмоқ; ~ بِالْخُسْرَانِ муваффақиятсиз тугамоқ; II أَوَّبَ = I; VIII ائْتَابَ = I

– أَوَّابٌ тавба-тазарру қилувчи, афсусланувчи

– أَوْبٌ, أَوْبَةٌ қайтиш, қайтиб келиш; ◊ ~ مِنْ كُلِّ (وَ صَوْبٍ) атрофдан, ҳар ёқдан, ҳамма ердан, ҳар томондан, бутун атрофдан, атроф-жавонибдан

– إِيَابٌ қайтиш, қайтиб келиш; қайтиб келиш йўли; ~ ذِهَابًا وَ ~ у ёққа ва бу ёққа (ортга)

– مَآبٌ[1] қайтиш

– مَآبٌ[2] кўп. مَآوِبُ қайтиб келинадиган жой; 2) паноҳ, бошпана

أُوبِرَا кўп. اتٌ — опера; ~ دَارُ الْـ опера театри

أُوبِرِيتٌ оперетта

أُوتُومَاتِيكِيٌّ автоматикага оид, автоматик

– أُوتُومَاتِيكِيَّةٌ 1) автоматизм; 2) автоматика; 3) ўз-ўзидан ҳаракатга келиш, ғайриихтиёрий ҳаракатга келиш

أُوتُوبِيسٌ, أُوتُوبُوسٌ кўп. اتٌ — автобус

أُوتُوسْتْرَادٌ кўп. اتٌ — автострада (*автомашиналар қатнайдиган катта йўл*)

أُوتُومَاتِيٌّ автоматикага оид, автоматик

– أُوتُومَاتِيَّةٌ 1) автоматизм; 2) автоматика

– أُوتُومَاتِيكِيٌّ автоматикага оид

– أُوتُومَاتِيكِيَّةٌ 1) автоматизм; 2) автоматика

أُوتُومُوبِيلٌ кўп. اتٌ — автомобиль

أَوْجٌ шунингдек: ~ الْـأَعْلَى 1) авж, олий нуқта, чўққи, апогей; 2) *астр.* апогей (*бирор осмоний жисмнинг энг баланд нуқтада бўлиши*)

وُجَاقٌ = أُوجَاقٌ

آخ алиф.б.қ.

I (أود) آدَ[1] (у) أَوْدٌ малол келтирмоқ, оғир келтирмоқ; безовта қилмоқ; آدَ[2] (у) أَوْدٌ 1) қайтмоқ, қайтиб келмоқ, қайтарилмоқ; 2) тегишли бўлмоқ, берилиши лозим бўлмоқ; тегмоқ; V تَأَوَّدَ 1) қийшанғламоқ; эгилиб букилмоқ; 2) эгилмоқ; 3) қилиқ қилмоқ, ғайритабиий ҳаракат қилмоқ; 4) малол келмоқ

– أَوْدٌ 1) қилиқ, қийшанглаш, эгилиш, букилиш; 2) ночор аҳвол; ◊ ~ـهُ (أَقَامَ) قَوَّمَ а) ўз ишини ўнглаб олмоқ; б) яшаш, кун кечириш учун маблағ бермоқ; нима учундир маблағ бермоқ

– أَوْدَةٌ, أَوْدٌ оғир юк, оғирлик, ташвиш

– أُودَةٌ кўп. أُوَدٌ хона, комната

أُوَارٌ кўп. أُوَرٌ 1) ўт, олов, аланга; ёлқин; ~ أَشْعَلَ الْحَرْبِ уруш оловини ёқмоқ; 2) ташналик, чанқоқлик, чанқаш, сувсаш, чўллаш

أُورَانُوسٌ астр. Уран

أُورَانِيُومٌ кимё. уран

أُورُبِّيٌّ 1.Оврупога оид; 2. оврупалик

أُورْدُو ҳарб. отряд (бўлинма); корпус (қисм)

أُورْدِيٌّ: الـ~ـةُ урду тили

أُورْطَةٌ кўп. أُوَرَطٌ ҳарб. батальон; эскадрон; ~ بِيَادَةٍ пиёдалар батальони

أُورْطَى анат. аорта, шотомир (*юракдаги энг катта қон томири*)

أُورْكِسْتْرَا, أُورْكِسْتْرَةٌ оркестр; الـ~ الْوَتَرِيَّةُ торли асбоблар оркестри

– أُورْكِسْتْرَالِيٌّ, أُورْكِسْتْرِيٌّ оркестрга оид; الـ~ التَّوْزِيعُ оркестрлаштириш, музика асбобларига мослаш

أُورْنِيكٌ кўп. أَرَانِيكُ 1) иш қоғози, бланк, форма; 2) ўрнак, намуна

أُورُبِّيٌّ = أُورُوبَاوِيٌّ

I (أوز) II أَوَّزَ (*к.нингдир устидан*) ҳазил (мутойиба) қилмоқ (عَلَى)

إِوَزٌّ жам. ғозлар; ◊ ~ رِجْلُ الْـ шўра, олабута

– إِوَزَّةٌ ғоз; ~ ذَكَرٌ эркак ғоз; ~ أُنْثَى урғочи ғоз; ~ فَرْخُ الْـ ғоз боласи; ~ الْعِرَاقِ оққуш

– إِوَزِّيٌّ ғозга оид

أُوزُونٌ кимё. озон

قُوزِيٌّ = أُوزِيٌّ

أُوزِيرِسٌ миф. Озирис (*Осирис - қадимги мисрликлар илоҳларидан бири*)

أُوضَةٌ кўп. أُوَضٌ қар. أُودَةٌ

أُوفْسِتٌ полигр. офсет; ~ طَبْعٌ بِالْـ офсет босма усули

I (أوف) إِيفَ الزَّرْعُ ~ экинга офат тушди

آفَةٌ *кўп.* اتٌ — офат, бало, фалокат; кушанда; жароҳат; 2) занг касали (*ўсимликдаги*)

– مَؤُوفٌ занг билан касалланган (*ўсимлик*)

I (أوق) آقَ (у) أَوْقٌ бало келтирмоқ, бахтсизлик олиб келмоқ; II أَوَّقَ 1) оғир вазифа юклаб қийнамоқ, малол келтирмоқ; 2) бахтсизлик аломати бўлмоқ, бахтсизлик даракчиси бўлмоқ

– أُوقَةٌ *кўп.* اتٌ — уққа (*400 дирҳамга (қар.* دِرْهَمٌ*) ёки 1.248 кг. (сол.* آقَةٌ*) га тенг оғирлик ўлчови*)

– أُوقِيَةٌ *кўп.* أَوَاقٍ *ёки* أُوقِيَّةٌ *кўп.* أَوَاقِيٌّ укия (*12 драҳмга (қар.* دِرْهَمٌ*) ёки 37, 44 гр.га тенг оғирлик ўлчови*)

قُوَيْقٌ = أُوَيْقٌ

أُوقِيَانُوسٌ *кўп.* اتٌ — океан

– أُقْيَانُوسِيٌّ океанга оид, океанга тегишли

أُوكَازِيُونٌ *кўп.* أُوكَازِيُونَاتٌ сотиб тугатиш (*молларни арзон нархда сотиладиган мавсумий савдо*)

أُوكْسِجِينٌ = أُكْسِجِينٌ

أُكْسِيدٌ = أُوكْسِيدٌ

I (أول) آلَ (у) أَوْلٌ, مَآلٌ, أَيْلُولَةٌ 1) қайтмоқ, қайтиб келмоқ; 2) (*н.гадир*) бориб етмоқ (إِلَى); (*н.гадир*) яқинлашмоқ (لِـ); 3) (*к.нидир, н.гадир*) етаклаб, бошлаб бормоқ (بِ, إِلَى); 4) (*к.гадир*) ўтмоқ (إِلَى) (*мас., мерос*); 5) (*н.гадир*) айланмоқ (إِلَى); آلَ (у) сиёсат юргизмоқ, сиёсат ўтказмоқ; II أَوَّلَ изоҳламоқ, шарҳламоқ, тушунтириб бермоқ; V تَأَوَّلَ тушунтирилмоқ, тушунтириб берилмоқ, шарҳ қилинмоқ, изоҳланмоқ

– آلٌ 1) оила, авлод; сулола; 2) сароб

– آلاتِيٌّ *кўп.* آلاتِيَّةٌ чалғувчи

– آلَةٌ[1] *кўп.* اتٌ — 1) қурол, асбоб, машина; станок; аппарат; ~ التَّصْوِيرِ расм олиш аппарати; ~ لِلتَّسْجِيلِ магнитофон; ~ جَهَنَّمِيَّةٌ бомба, мина; ~ حَاسِبَةٌ ҳисоблаш машинаси; ~ الرَّادِيُو радиоприёмник; ~ رَافِعَةٌ юк кўтариш машинаси; ~ الطِّبَاعَةِ (الطَّبْعِ) матбаа машинаси; ~ كَاتِبَةٌ ёзув машинкаси; ~ مُكَبِّرَةٌ لِلصَّوْتِ қаттиқ овоз чиқарувчи радио карнайи; ~ الطَّرَبِ *ёки* ~ مُوسِيقِيَّةٌ музика асбоби; 2) идора аппарати; ◊ ~ صَمَّاءُ (*к.нингдир қўлида*) қурол бўлиб қолиш (فِي يَدِهِ)

– آلَةٌ[2] жаноза, дафн маросими

– آلِيٌّ 1) машинага оид; механикага оид; ~ًّا машина ёрдамида, машина билан; 2) асбобга оид; асбоб ишлаб чиқарадиган; 3) ғайриихтиёрий, ихтиёрсиз; ~ةٌ بِحَرَكَةٍ ғайриихтиёрий, бехостан; 4) الْقُوَّاتُ الـ~ةُ *ҳарб.* моторлаштирилган қўшин; 5) *кимё.* органик

– آلِيَّةٌ *кўп.* اتٌ — машина (механизм); машина техникаси; ~ ذَاتِيَّةُ الْحَرَكَةِ автоматика; ўзи ҳаракатга келувчи (юрувчи) ускуналар; إِدْخَالُ الـ~ машиналаштириш

– آيِلٌ (*н.гадир*) яқинлашиб келаётган (لِـ); بَيْتٌ ~ لِلسُّقُوطِ ағдарилиб тушай деб турган *ёки* бузилиб кетай деб турган уй

– أَيِّلٌ ёввойи эчкининг эркаги

– أَوَّلُ[1] *кўп.* أَوَائِلُ бошланиш, ҳар нарсанинг бошланиши; أَوَائِلُ الْجَيْشِ *ҳарб.* авангард, илғор, етакчи, олдинда борувчи; олдинда борувчи бўлинма; مِنَ الـ~ аввал бошдан; ~ الْأَمْرِ فِي *ёки* ~ًا бошидан, биринчи бўлиб; مِنْ ~هِ إِلَى آخِرِهِ бошидан охиригача; ~ كُلِّ شَيْءٍ энг аввало; ~ًا بِـ~ тартиб билан, бир бошдан; ~ًا فَـ~ًا кетма-кет, бирин-кетин, орқама-орқа; изчил; ~ًا وَ أَخِيرًا бошдан охиригача, бошдан-оёқ

– أَوَّلُ[2] *мн.* أُولَى *кўп.* أَوَّلُونَ *ёки* أُوَلُ биринчи; لِـ~ مَرَّةٍ *ёки* الأُولَى لِلْمَرَّةِ биринчи марта; ~ًا биринчидан; ~ الْبَارِحَةِ аввалги кун, бундан уч кун бурун

أَلَا = أُولَا –

– أُولَاءِ булар; أُولَئِكُمْ *ёки* أُولَئِكَ улар, анавилар

– أَوَّلُونَ *кўп.* الـ~ қадимий халқлар, аждодлар

– أَوْلَوِيَّةٌ *қар.* ولى

أُولَى *мн. кўп.* аввалги, биринчи

– أَوَّلِيٌّ 1) аввалги, биринчи, дастлабки; энг бошдаги, илгариги; бошланғич, ибтидоий; ~ تَعْلِيمٌ бошланғич таълим; الْمَوَادُّ الـ~ةُ хомашё; ~ عَدَدٌ *мат.* оддий сон, содда сон; 2) асосий, бош, биринчи зарурат; مَطَالِبُ ~ةٌ зарурий эҳтиёжлар

– أَوَّلِيَّةٌ *кўп.* اتٌ — 1) биринчилик, устунлик; 2) оддий (ибтидоий) қоида; аниқ-ойдин; равшан, муқаррар, шубҳасиз, маълум, оддий ҳақиқат, аксиома

– إِيَالَةٌ[1] *кўп.* اتٌ — вилоят, маъмурий ҳудуд

– إِيَالَةٌ[2] сиёсат

– أَيْلُولَةٌ *юр.* 1) (*эгаликка, тасарруфга*) ўтиш (*мол-мулк ҳақида*); ~ الْمِيرَاثِ (*к.гадир*) мерос бўлиб ўтиш (لِـ, إِلَى); ~ الْعَيْنِ мол-мулкнинг ўтиши (*н.ларнинг бошқа киши тасарруфига ўтиши*); رَسْمُ الـ~ эгалик ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтказилгани учун олинадиган солиқ; 2) эгалик ҳуқуқи ҳақидаги ҳужжат

– تَأْوِيلٌ *кўп.* تَآوِيلُ изоҳ, шарҳ

– مَآلٌ 1) натижа, оқибат, якун; 2) маъно, мазмун

أُولِمْبِيٌّ олимпияга оид; олимпиадага оид; الْأَلْعَابُ الـ~ةُ олимпиада ўйинлари

– أُولِمْبِيَادٌ олимпиада

أُولُو *кўп. мн.* أُولَاتٌ (*қар.к.* أُولِي *туш.к.* أُولِي) эгалик қилувчилар, соҳиблар; ~ الْأَمْرِ ҳокимият, бошлиқлар; ~ الرَّأْيِ донишманд,

ақлли одамлар; الشَّأْن ~ ҳурматли, обрўли, эътиборли кишилар

أُوْلَى *қар.* ولى

أُوَامٌ кучли ташналик, чанқоқлик

أُومْبَاشِيٌّ *кўп.* أُومْبَاشِيَّةٌ *ҳарб.* ўнбоши (*унвон*), капрал

I (أون) آنَ (*у*) أَوْنٌ кириб келмоқ, келмоқ, етмоқ (*вақт ҳақида*); ~ الْأَوَانُ вақт етди, фурсат келди

– آنٌ он, вақт, фурсат, кез; الْـ~َ энди, эндиликда, ҳозир, ҳозирги вақтда; آنَئِذٍ ўша вақтда; آنَذَاكَ ўшанда; ~اً *ёки* ~اً بَعْدَ آخَرَ ~ بَعْدَ вақти-вақти билан, баъзи-баъзида; ~اً وَ ~اً أُخْرَ ~ .... гоҳ, ... гоҳ ...; الْـ~َ بَعْدَ шу кундан бошлаб, шу кундан эътиборан, ҳозирдан, бундан буён, бундан кейин; ~ٍ وَ ~ٍ بَيْنَ *ёки* بَيْنَ ~ٍ وَ آخَرَ вақти-вақти билан; حَتَّى الْـ~ِ *ёки* لِلْـ~ِ *ёки* لِغَايَةِ الْـ~ِ ҳозиргача, ҳанузгача, шу пайтгача, шу дамгача; فِي ~ٍ وَاحِدٍ бир вақтнинг ўзида, айни бир пайтда; فِي كُلِّ ~ٍ وَ مَكَانٍ ҳамма он ва маконда; مِنْ ~ٍ لِـ~ٍ *ёки* مِنْ ~ٍ لِآخَرَ вақти-вақти билан, дамба-дам; مِنَ الْـ~ِ فَصَاعِدًا бугун ва бундан кейин

– آنِيٌّ оний, шу ондаги, ҳозирги, ҳозирги пайтга тегишли; шу кун учун аҳамиятли, зарурий; مِزَاجُهَا الْـ~ُ унинг (*мн.*) ҳозирги кайфияти

– أَوَانٌ *кўп.* آوِنَةٌ вақт, мавсум (*мас., бирор н.нинг етилган мавсуми*); قَبْلَ الْـ~ِ вақтидан илгари; فِي ~ِهِ ўз вақтида; فِي غَيْرِ ~ِهِ ўз вақтида эмас; فِي الْآوِنَةِ الْأَخِيرَةِ кейинги вақтда; بَيْنَ آوِنَةٍ وَ أُخْرَى вақти-вақти билан, ҳар замон-ҳар замонда, онда-сонда, гоҳ-гоҳ, ора-сира, баъзан, аҳён-аҳёнда; كَانَ قَدْ فَاتَ الْـ~ُ аммо кеч бўлиб қолган эди

إِوَانٌ *кўп.* أُونٌ супа, ўтирадиган жой; зал, сарой (*шунингдек: қар.* إِيوَانٌ)

أُونْبَاشِيٌّ *кўп.* أُونْبَاشِيَّةٌ *эск. ҳарб.* ўнбоши

(أوه) II أَوَّهَ войламоқ, вой-войламоқ, оҳламоқ, оҳ урмоқ, нолимоқ; V تَأَوَّهَ оҳ тортмоқ, оҳ урмоқ, оҳ-воҳ қилмоқ, зорланмоқ, нолимоқ; хўрсинмоқ

– آهَةٌ *кўп.* ~اتٌ хурсиниш, оҳ тортиш, уҳ тортиш; آهٍ *ёки* آهًا оҳ-воҳ

– أَوَّ = أَوْهِ

– أَوَّتَاهْ = أَوْهِ

– أَوْهِ вой; ~ مِنْ كَذَا ...нинг дастидан вой

– آوَّهْ = أَوْهِ

– أَوَّهْ = أَوْهِ

– تَأَوُّهٌ оҳ-воҳ қилишлар

I أَوَى (*и*) أُوِيٌّ, إِوَاءٌ 1) пана жой, бошпана ахтармоқ, бошпана изламоқ; (*қаергадир*) яширмоқ (إِلَى); 2) (*н.нидир*) ишга солмоқ; таянмоқ; ◊ ~ إِلَى فِرَاشِهِ ухлашга кетди; أَوَى (*и*) أَوْيَةٌ, إِيَّةٌ (*бирор к.га*) раҳм қилмоқ, ачинмоқ, ҳамдардлик билдирмоқ; II أَوَّى бошпана бермоқ; IV آوَى бошпана бермоқ, бошпана билан таъминламоқ, кўчириб бориб жойлаштирмоқ, яширмоқ; ~ فِي مَلْجَأٍ бошпанага жойлаштирмоқ

– ابْنُ ~: آوَى (*кўп.* بَنُو ~) чиябўри, шоқол

– آيٌ *жам.* 1) Қуръони карим оятлари; ~ الذِّكْرِ الْحَكِيمِ Қуръони карим; 2) аломат, башорат

– آيَةٌ *кўп.* ~اتٌ 1) белги, нишон; آيَاتُ الشُّكْرِ وَ الْوَلَاءِ миннатдорлик ва дўстлик нишоналари; 2) муъжиза, каромат; ~ مِنْ آيَاتِ الْفَنِّ санъат муъжизаси; 3) Қуръони карим ояти; ◊ آيَاتُ الْغَدْرِ ўта сотқинлик; الْـ~ُ انْقَلَبَتِ (انْعَكَسَتِ) иш ўзгарди, бошқача бўлди; خَرَجَ الْقَوْمُ بِـ~ِهِمْ одамлар жамоа бўлиб чиқдилар

– إِيوَاءٌ бошпана, жой бериш

– مَأْوًى *кўп.* مَآوٍ пана жой; яширинадиган жой; турар жой, гўша, яшаш жойи; етимхона; ~ الْمَجَانِينِ ақлдан озганлар уйи, жиннихона

أَيْ[1] яъни

أَيْ[2] *мурожаат юкламаси*: ҳой!

إِيْ *қасамдан олдин келадиган юклама*: إِيْ وَ اللهِ Оллоҳ ҳаққи!, худо ҳаққи!

أَيٌّ *мн.* أَيَّةٌ 1) қандай экан-а! қойил-э!; 2) қандай бўлмасин; ким бўлмасин; ҳамма-ҳаммаси; ~ُ مَنْ كَانَ *ёки* ~اً كَانَ ким бўлмасин; ~ُ وَاحِدٍ кимдир, бирор киши (кимса); ~ُمَا *мн.* أَيَّتُمَا қандай, қандай бўлмасин; عَلَى ~ِ حَالٍ нима бўлса ҳам, нима бўлганда ҳам; هُوَ رَجُلٌ أَيُّ رَجُلٍ у қандай яхши одам-а; ! ~َمَا فَرِحَ بِهَذَا فَفَرِحَ у бунга шундай севиндики; ◊ أَيُّهَا (يَا) *мн.* يَا أَيَّتُهَا чақириш, нидо қилиш юкламаси: эй!, ҳей!, ё! (*мас., ё Зайд!*)

إِيَّا *феълдан ажратиб ёзиладиган ва туш.к.гидаги бирикма олмош олдидан ишлатиладиган юклама*; *мас.,* إِيَّايَ менга; حُبُّهَا إِيَّايَ унинг менга муҳаббати; ~َكَ أَرْجُو сендан ўтинаман; сўрайман; ~َكُمْ وَهَذَا الْأَمْرَ ! буни қилишдан ўзингни сақла!; бу ишни қилма; ~َكُمْ وَ أَخْلَاقَ الْوَعْدِ! қўйинг, ваъдани бузманг!, ваъдани бузмасликни билиб қўйинг; ~َكَ أَنْ تَفْعَلَ هَذَا ! билиб қўй, бу ишни асло қилма!

أَيَّارُ май (*ой*)

إِيَالَةٌ *қар.* أول

أَيَّانَ 1) қачон?; 2) қаерга?

أَبْرَشِيَّةٌ = إِيبَارْشِيَّةٌ

إِجِبْتُولُوجِيَا египтология, мисршунослик

إِيْحَاءٌ *қар.* وحى

I آدَ (и) أَيْدٌ, آدٌ кучаймоқ, кучли бўлмоқ; II أَيَّدَ 1) қўллаб-қувватламоқ; мустаҳкамламоқ, мададкор бўлмоқ; мадад бермоқ; 2) тасдиқламоқ; III آيَدَ кучайтирмоқ, мустаҳкамламоқ; V تَأَيَّدَ қўллаб-қувватланмоқ; мустаҳкамланмоқ, кучайтирилмоқ; зўрайтирилмоқ

– أَيْدٌ = آدٌ

– أَيْدٌ куч, қувват

– تَأْيِيدٌ 1) қўллаб-қувватлаш; تَمَتَّعَ بِـ~ـهِ (*к.нингдир*) қувватлашидан фойдаланмоқ; 2) тасдиқлаш, кучайтириш

– مُؤَيِّدٌ қўллаб-қувватловчи; (*қандайдир, қайсидир*) партияга хайрихоҳ, тарафдор бўлувчи

إِيدْرُوجِينٌ водород

– إِيدْرُوجِينِيٌّ водородга оид; قُنْبُلَةٌ ~ـةٌ водород бомбаси

إِيدِيُولُوجِيَّةٌ, إِيدِيُولُوجِيَا идеология

– إِيدِيُولُوجِيٌّ идеологияга оид, идеологик

أَيْرٌ *кўп.* أُيُورٌ *анат.* аъзо (*одам аъзоси*)

إِيرَانِيٌّ 1. Эронга оид, эронликларга оид; 2. эронлик, форс

إِيرْلَنْدِيٌّ 1. Ирландияга оид, ирландларга оид; 2. ирландиялик

إِيرِيَالٌ антенна

إِيزِيسٌ *миф.* Изида (*Исида - қадимги Миср илоҳаларидан бири*)

I أَيِسَ (а) إِيَاسٌ умидсизланмоқ, тушкунликка тушмоқ; II أَيَّسَ умидсизликка олиб келмоқ; IV آيَسَ *ёки* أَيْأَسَ умидсизликка олиб келмоқ

– إِيَاسٌ умидсизлик, чорасизлик

أَيْشْ (اَىُّ + شَىْءٍ): *халқ.* нима?, бу нимаси?

إِيشَارْبٌ, إِيشَارْفٌ *кўп.* ~َاتٌ — шарф

I آضَ (и) أَيْضٌ қайтмоқ; إِلَى أَهْلِهِ ~ аҳли аёли олдига қайтмоқ; 2) бўлмоқ, айланмоқ

– أَيْضًا шунингдек, яна, тағин

إِيطَالِيٌّ, إِيطَالِيَانِيٌّ 1. Италияга оид; الـ~ـةُ италян тили; 2. италиялик

إِيقُونَةٌ *кўп.* ~َاتٌ — икона (*христианларда: худо ёки авлиёнинг сурати*)

أَيْكٌ *жам.* чакалак, дарахтзор

– أَيْكَةٌ *кўп.* ~َاتٌ — ўрмон; (الْخَرْنُوبِ) الْخَرُّوبِ ~ узунчоқ мевали ўрмон дарахти

أَيِّلٌ, أَيْلٌ *кўп.* أَيَائِلُ буғу, кийик

إِيلَاءٌ *қар.* ولى

أَيْلُولُ сентябрь

I آمَ (أيم) (и) أُيُومٌ (*хотини ўлиб*) тул (бева) қолмоқ; مِنْ زَوْجَتِهِ ~у (хотинидан) тул қолди; ~َتْ مِنْ زَوْجِهَا у (эридан) бева қолди

– أَيِّمٌ *мз.* ва *мн.* أَيَامَى тул қолган эрга оид; тул қолган аёлга оид; бева эркак; бева аёл

– أَيْمَةٌ бевалик, туллик

أَيْمُ: الْحَقِّ ~ дарҳақиқат, худди шундай; اللهِ ~ Оллоҳга қасамки, Оллоҳ номидан қасам ичаман

أَيْمٌ² *кўп.* أُيُومٌ катта илон; чипор илон

(أين) II أَيَّنَ ионлаштирмоқ; V تَأَيَّنَ ионизация қилинмоқ

– إِيُونٌ *кўп.* ~َاتٌ — ион

– إِيُونِيٌّ ионга оид; الْغِلَافُ الـ~ (*ернинг*) ион қобиғи; ионосфера

– تَأْيِينٌ ионланиш

– مُتَأَيِّنٌ ионлаштирилган

أَيْنَ қаерда?; إِلَى ~ қаерга?; مِنْ ~ қаердан?; مَا ~ қаерда бўлмасин ...; қаерга бўлмасин ...; أَنَا مِنْهُمْ ! ~ улар олдида менга йўл бўлсин!

آيِينٌ 1) *мз.* расм-русум, одат, урф-одат, таомил; ойин; 2) феъл-атвор, хулқ-атвор, турқ, қилиқ; ахлоқлилик; 3) адаб, муомала қоидалари, этикет

إِيْهٍ *ундов сўз:* хўш!, қани!; қани, сўзингда давом эт-чи!

أَيْه *халқ.* нима?

أَيْوَا *ёки* أَيْوَه *тасдиқ юкламаси, халқ.* ҳа

إِيوَانٌ *кўп.* إِيوَانَاتٌ 1) *мз.* зал, сарой, қаср; 2) устунли пешайвон

أَيُّوبُ *ат.от., мз.* Айюб; ◊ صَبْرُ ~ сабрли, қаноатли, чидамли; жуда, ғоят сабрли (*сўзма-сўз:* Айюбдай сабрли)

– أَيُّوبِيٌّ айюбий, айюбийларга оид

– الْأَيُّوبِيُّونَ *тар.* Айюбийлар, Айюбийлар сулоласи

ب

ب (بَاءٌ) бо (*араб алифбосидаги иккинчи ҳарф; абжадда - 2*)

ب 1) *қисқ.* رَجَبٌ дан (*ҳижрий-қамарий тақвимнинг 7-ойи*); 2) жонли тилдаги *ҳозирги замон.* олд қўшимчаси; أَنَا بَاكْتُبْ мен ёзяпман; أَنَا بَارُوحْ мен боряпман

بِ 1) -да; بِالْمَدِينَةِ шаҳарда; بِشَارِعِ نَوَائِي Навоий кўчасида; بِاللُّغَةِ الْعَرَبِيَّةِ араб тилида; 2) ёрдамида, воситасида, орқали; بِالتِّلِفُونِ телефон орқали; بِالسِّكِّينِ пичоқ ёрдамида, пичоқда; يَكْتُبُ بِالْقَلَمِ у қаламда (қалам *билан*) ёзяпти; 3) билан; جَاءَ بِهِ у билан келди, уни олиб келди; ذَهَبَ بِهِ уни олиб кетди, у билан кетди; بِاللَّيْلِ وَ النَّهَارِ туну кун; وَصَلَ اللَّيْلَ بِالنَّهَارِ *маж.* туну кун ишламоқ; 4) яқинида, ёнидан; қошида, ҳузурида; مَرَّتْ بِهِ унинг ёнидан ўтди; الْإِدَارَةُ الشَّرْعِيَّةُ بِالْحَقَّانِيَّةِ юстиция вазирлиги ҳузуридаги шариат бошқармаси; 5) -га; يَعْمَلُ بِأَرْبَعِ أَرْوَاحٍ у тўрт киши ўрнига ишлаяпти; عَيْنٌ بِعَيْنٍ қонга-қон, жонга-жон (*сўзма-сўз:* кўзга-кўз); بِخَمْسَةِ قُرُوشٍ беш қиршга (пиастрга), арзон нарх (баҳо) га; 6) ҳақида, тўғрисида, борасида; أَخْبَرَهُمْ بِأَنْ ... у ... тўғрисида уларга хабар қилди; أَمَرَ بِنَفْيِهِ уни ҳайдаш тўғрисида амр (буйруқ) қилди; 7) кейин, сўнг; بِأُسْبُوعٍ بَعْدَ ذَلِكَ бир ҳафтадан кейин (сўнг); 8) *қасам юкламаси:* بِاللهِ! худо ҳаққи!, Оллоҳ ҳаққи!; 9) *ортиқча* ب *предлоги, бирор маънони билдирмайдиган* ب *предлоги* (بَاءٌ زَائِدَةٌ); كَفَى بِاللهِ شَهِيدًا Оллоҳ шоҳид сифатида кифоя қилади; ◊ بِالْمِرْصَادِ сергак, ҳушёр; بِالْعَرَبِي арабча; بِسُرْعَةٍ тез, зудлик билан; بِوُضُوحٍ аниқ, равшан; لَيْسَ هُوَ بِرَجُلٍ طَيِّبٍ у яхши одам эмас; قَامَ بِوَعْدِهِ у ўз ваъдасини бажарди; بِأَبِي أَنْتَ *қар.* أَبٌ; بِإِذْنِ اللهِ *дин.* Оллоҳнинг изни (иродаси) билан; خَرَجْتُ وَ إِذَا بِهِ بِالْبَابِ мен чиққач, кутилмаганда уни эшик олдида кўриб қолдим

بَائِيٌّ 1) "Б" витамини; 2) бета; أَشِعَّةٌ ~َةٌ бета нурлари

بَابَا *кўп.* بَابَاوَاتٌ بَابَوَاتٌ 1) дада, ота; ~ وَ مَامَا ота ва она; ~ مِيلَادٍ *ёки* ~ نُوئِيلٍ қорбобо; 2) Рим папаси

بَابَاوِيٌّ – папага оид

بَابَاوِيَّةٌ, بَابَوِيَّةٌ – папалик, папа ҳокимияти (ҳукмронлиги)

بَابِلُ Бобил, Вавилон; ~ بُرْجُ Бобил минораси

بَابِلِيٌّ – 1. Бобилга оид; الْـ~َةُ бобил тили; السَّبْيُ الْـ~ لِلْيَهُودِ *тар.* яҳудийларнинг Бобилдаги асирлиги; 2. Бобилда яшовчи, бобиллик

بَابَةٌ бобиҳ (*қибт тақвимининг иккинчи ойи*)

بَابُوجٌ *кўп.* بَوَابِيجُ оёқ кийими, туфли

بَابُورٌ *кўп.* ~اتٌ — буғ машинаси; ~ الْبَحْرِ пароход; ~ سِكَّةِ الْحَدِيدِ паровоз; ~ الْجَازِ примус, чироқ

بَابُونَجٌ 1) мойчечак; 2) мойчечак гулидан тайёрланган дори; الْـ~ الْكَبِيرُ хризантема (*чаман бўлиб очиладиган ўсимлик ва унинг гули*)

بَاتٌ *шахм.* пот

بَاتِنْجَانٌ *жам.* бақлажон

بَاتِنْجَانَةٌ *кўп.* ~اتٌ — бақлажон

بَاتِيسْتَةٌ батист (*мато*)

بَاثُولُوجِيَا патология (*организмдаги касаллик жараёнларини ва организмнинг табиий ҳолатдан чиқиш сабабларини ўрганувчи фан*)

بَاثُولُوجِيٌّ – патологияга оид

بَادِشَاهٌ *кўп.* ~اتٌ — подшоҳ

بَاذِنْجَانٌ = بَاتِنْجَانٌ

بَادِيَانٌ *бот.* бодён (*муаттар гулли, доимо кўкариб турадиган бута*)

بَاذِنْجَانٌ = بَانْجَانٌ

بَارٌ *кўп.* ~اتٌ — бар, қаҳвахона

بَارَاشُوتٌ парашют

بَارَافَانٌ *кўп.* ~اتٌ — парда (йиғиладиган)

بَارَاكُودَا барракуда (*балиқ*)

بَارِجَةٌ *кўп.* بَوَارِجُ ҳарбий кема

بَارْكٌ парк, истироҳат боғи

بَارْنَامَجٌ *кўп.* بَرَامِجُ = بَرْنَامَجٌ

بَارَةٌ *кўп.* ~اتٌ — бора (пора) (*1/40 қирш-пиастрга тенг пул бирлиги*)

بَارُودٌ порох (милтиқдори); إِطْلَاقُ الْـ~ отишма, отишиш, отиш; مَخْزَنُ ~ 1) ўқ-дори сақланадиган ертўла; 2) *кўч.м.* уруш ўчоғи

بَارُودَةٌ *кўп.* بَوَارِيدُ – қурол, милтиқ

بَارُوقٌ қўрғошинли белила

بَارُومِتْرٌ *кўп.* ~اتٌ — барометр

بَارُونٌ *кўп.* ~اتٌ — барон (*дворянларнинг графдан қуйи унвони ва шу унвон эгаси*)

بَارِيسِيٌّ Парижга оид; 2. парижлик

بَارِيُومٌ *кимё.* барий

بَازٌ *кўп.* بَازَاتٌ, بِيزَانٌ, أَبْوَازٌ лочин, боз

بَازَارٌ 1) бозор; 2) савдо-сотиқ

بَازْدَارٌ *кўп* بَزَادِرَةٌ лочинбоқар

بَازُوكَا, بَازُوكَةٌ (*шунингдек:* مِدْفَعُ ~) *ҳарб.* базука, танкка қарши қўйиладиган реактив қурол

بَازِيٌّ *кўп.* بُزَاةٌ = بَازٌ

بَازْيَارٌ *кўп.* بَيَازِرَةٌ = بَازْدَارٌ

بَازِيلاً нўхат (*кўклигида териб олингани*); الـــ ~ الْمُعَطَّرَةُ нўхатгул, янчилмаган мурч

بَاسْبُورْطٌ, بَاسَابُورْتٌ *кўп.* ـاتٌ — паспорт

بَاسْتِيلْيَا қиём

بَاسُورٌ *қар.* بسر

بَاشْ бош, катта; ~ تِمَرْجِيٌّ бош санитар; ~ جَاوِيشٌ катта унтер-офицер; сержант (*полицияда*); фельдфебел; ~ كَاتِبٌ бош (биринчи) котиб; ~ مُحْضِرٌ инқилобдан олдинги Россияда суд ижрочиси; ~ مُعَاوِنٌ бош ёрдамчи (*судда*); ~ مُهَنْدِسٌ бош муҳандис (*инженер*)

– بَاشٌ *кўп.* ـاتٌ — *картада*: король, малик, қирол

– بَاشَا *кўп.* بَاشَاوَاتٌ, بَاشَوَاتٌ пошо (*Турк султонлигида ва Мисрда генераллар ва аъёнларнинг олий унвони ва унвон эгаси*)

– بَاشَاوِيَّةٌ, بَاشَوِيَّةٌ пошолик мансаби ёки унвони

بَاشْتُو: الـــ ~ пушту тили

بَاشَرُوشٌ *зоол.* фламинго, қизилғоз (*бўйни ва оёқлари узун оч пуштиранг сув қуши*)

بَاشَقٌ, بَاشِقٌ *кўп.* بَوَاشِقُ қирғий, қарчиғай

بَاشْكِيرٌ *кўп.* بَاشَاكِيرُ = بَشْكِيرٌ

بَاشِلُوشٌ бацилла (*таёқча шаклидаги бактерия*)

بَاشُورَةٌ *қар.* بشر

بَاصٌ *кўп.* ـاتٌ — автобус

بَاطِسٌ патак

بَاطُونٌ бетон; الـــ ~ الْمُسَلَّحُ арматурали бетон, темир бетон

بَاطِيَةٌ *кўп.* بَوَاطٍ кувача; жом; қадаҳ; коса; кўза

بَاظٌ *кўп.* ـاتٌ — ўтхона панжараси; ораси очиқ сўри

بَاغَةٌ пластмасса, целлуоид (*ва бошқа даста, қабзалар учун ишлатиладиган материаллар*)

بَاقِلَّى, بَاقِلاَءٌ *жам.* Миср ловияси (*ўсимлиги ва дони*)

– بَاقِلاَّةٌ ловия

بَاقَةٌ *кўп.* ـاتٌ — 1) гулдаста; ~ الزُّهُورِ бир даста гул; ~ الْوُرُودِ бир даста атир гул; 2) боғлам, тутам, тарам, даста

بَاكُو *кўп.* بَاكَتَاتٌ қути (*мас. чой, сигарет учун*)

بَالٌ[1] кит; الـــ ~ (فَكُّ) عَظْمُ кит мўйлови

بَالٌ[2] 1) ўй, фикр, хаёл; ... فَمَا ~كَ وَ ... ганда сен нимани ҳам ўйлашинг мумкин; مَا ~كَ احْتَمَلْتَ هَذَا ؟ нима учун сен чидаб турдинг? (*рози бўлдинг?*); 2) хотира, эс, ёд; وَ لا يَغِيبُ عَنِ الْبَالِ بِأَنْ ... шуни эсдан чиқармаслик керакки, ...; 3) кўнгил, ақл-идрок; الـــ ~ مُنْشَغِلُ ташвишли, ташвишга тушган; هَادِئُ الـــ ~ тинч, беташвиш, хотиржам, беозор, вазмин; طَوِيلُ الـــ ~ сабр-қаноатли; طَوَّلَ ~ـهُ сабр-қаноат қилмоқ; رَاحَةُ الـــ ~ сукунат, хотиржамлик, осойишталик; خَطَرَ بِـــ ~ِي менинг эсим (ақлим) га келди; وَقَعَ مِنْهُ ~ بِـــ унинг калласига (эсига) келди; لَنْ يَطْمَئِنَّ لَهُمْ ~ улар ҳеч тинчлана олмаяптилар; لَنْ يَهْدَأَ لَنَا ~ إِلاَّ بَعْدَ ... бизлар фақатгина ...да тинчланамиз; ◊ ذُو ~ муҳим; مَا ~كَ ؟ сенга нима бўлди?; ! ~كَ эҳтиёт бўл!; أَخَذَ ~ـهُ مِنْ ... а) ...га яхшилаб қарамоқ, ...ни яхшилаб кузатмоқ; б) (*н. нидир*) дилга жо қилиб (*қулоққа қуйиб*) олмоқ; أَلْقَى ~ لِـــ ... ёки أَعْطَى ~ـهُ إِلَى ... ...га эътиборни қаратмоқ

بَالِسْتِيكٌ баллистика (*ўқ, снаряднинг ҳаракат қонунлари ҳақидаги фан соҳаси*)

– بَالِسْتِيكِيٌّ баллистикага оид, баллистик

بَالِصَةٌ *кўп* بَوَالِصُ полис (*суғурта қилдирганлик тўғрисидаги ҳужжат*); ~ التَّأْمِينِ суғурта полиси

بَالْطُو *кўп.* بَالْطُوَاتٌ, بَلاَطِي пальто; ~ مُشَمَّعٌ (*резина аралашган*) пальто, резина плашч (*ёмғирпўш*)

بَالَةٌ[1] кичкина шиша (флакон)

بَالَةٌ[2] *кўп.* ـاتٌ — тугун, бўхча, той, боғлам, тахлам, тўп

بَالُو бал, рақс кечаси

بَالُوتَاجٌ овозга қўйиш (*ўз номзодини, бирор масалани*)

بَالُوظَةٌ 1) мева суви, шакар ва желатиндан тайёрланган ширин дирилдоқ овқат; 2) елимшак; ◊ مَنْشُورَاتٌ بِالـــ ~ қўлда ёки машинкада ёзилган текстдан кўп нусхада кўпайтирилган ва ҳаммага маълум қилиш ва ташвиқот учун тарқатиладиган варақа

بَالُونٌ *кўп.* ـاتٌ — 1) ҳаво шари, аэростат; 2) баллон

– بَالُونَةٌ ҳаво шари (*болалар ўйинчоғи*), пуфак

بَالِينَةٌ кит мўйлови

بَالِيه балет; قِطَعُ الـــ ~ концертда алоҳида ижро этиладиган балет рақслари

بَامِيَةٌ, بَامِيَا *бот.* тугмачагул, тугмагул

بَانٌ 1) Миср толи; 2) ўрмон ёнғоғи (*ўсимлиги*) حَبُّ الـــ ~ ёки زَيْتُ حَبِّ الـــ ~ ўрмон ёнғоғи меваси; فُسْتُقُ الـــ ~ ўрмон ёнғоғи ёғи; 3) *кўч.м.* баланд, келишган қомат

بَانِسَةٌ *бот.* капалакгул

بَائَةٌ бигизтумшуқ (*чумчуқсимонларга кирувчи сайроқи қуш*)

بَانْيُو ванна (*чўмилиш ёки даволаниш учун белгиланган катта тос*)

بَاوُنْدٌ фунт стерлинг (*пул бирлиги*)

بَاىٌ *кўп.* اتٌ — бей, бой (*мансаб, унвон*)

بَأْبَأَ 1) "ота", "дада" сўзини (*бола томонидан*) талаффуз қилмоқ; 2) بِأَبِي أَنْتَ сўзини талаффуз қилмоқ; *қар.* أَبٌ; 3) тезлашмоқ, шошилмоқ

– بُؤْبُؤٌ ўрта, марказ; ~ الْعَيْنِ кўз қорачиғи; هُوَ أَعَزُّ عَلَيَّ مِنْ ~ الْعَيْنِ у менинг учун дунёда ҳамма нарсадан азизроқдир

I بَأَرَ (а) بَأْرٌ қудуқ қазимоқ, ковламоқ

– بِئْرٌ *мн. кўп.* آبَارٌ қудуқ; шахта, кон; أَرْتُوَازِيَّةٌ ~ артезиан қудуғи (*суви ўз босими билан отилиб чиқиб турадиган*); الْبِتْرُولِ ~ нефть қудуғи; السُّلَّمِ ~ зина суянчиқлари (панжаралари) оралиғидаги бўш жой (*кўп қаватли биноларда*)

– بُؤْرَةٌ *кўп.* بُؤَرٌ марказ, фокус (*нурларнинг кесишган нуқтаси*); زَوْجِيُّ الــ~ икки фокусли, бифокал; 2) манба; ўчоқ (*мас. юқумли касалликлар, инфекция ўчоғи*); التَّوَتُّرِ ~ кескинлик, нотинчлик ўчоғи

– بُؤْرِيٌّ фокусга оид; الْبُعْدُ الــ~ фокус масофаси

بَأْزٌ = بَازٌ

I بَأُسَ (у) بُؤْسٌ (بأس) кучли (қувватли, қудратли) бўлмоқ, жасур (ботир, қўрқмас) бўлмоқ

بَئِسَ *қиск.* بِئْسَ (а) بُؤْسٌ бахтсиз, ночор, ожиз, фақир; ярамас, жирканч бўлмоқ; بِئْسَ هٰذَا الْإِنْسَانُ бу қандай ярамас одам!; بِئْسَ مَا أَشَرْتُمْ بِهِ! сиз маслаҳат берган нарса нақадар ёмон (жирканчли)!;

VIII اِبْتَأَسَ хафа (ғамгин, маъюс) бўлмоқ; қайғурмоқ, ҳасрат (ғам, андух) чекмоқ, маъюсланмоқ

– بَائِسٌ *кўп.* بُؤْسٌ бахтсиз, бечора, ожиз, фақир

– بَأْسٌ 1) қувват, куч-қудрат; 2) жасорат, ботирлик; ذُو ~ а) кучли, қудратли; б) жасур, жасоратли; 3) ёмонлик, ёвузлик, зарар келтириш, кулфат, мусибат, офат, бало; لَا ~ بِهِ а) ёмон бўлмаган (яхши); б) яхши, яхшигина, дуруст; لَهَا صَوْتٌ لَا ~ بِهِ унинг яхшигина овози бор;

لَا ~ هُنَا بِبَعْضِ الْإِيضَاحِ бу ерда бир нечта изоҳлар (тушунтиришлар) бериш зарар қилмайди; لَا يَرَى فِيهِ ~ًا бунда у ҳеч қандай фойдасиз нарсани кўрмаяпти; 4) қўрқинчли жой; وَ لَا ~ًا! ҳечқиси йўқ!, зарари йўқ!;

لَا ~ عَلَيْكَ! сен айтсанг, ҳеч гап бўлмайди!; لَا ~ مِنْ أَنْ تَقُولَ қўрқма!

– بَأْسَاءُ 1) қийинчилик, бахтсизлик, ғам, кулфат; الْحَيَاةِ ~ وَ ضَرَّاءَهَا شَارَكَهَا ҳаёт қийинчиликларини у билан бирга баҳам кўрди; 2) муҳтожлик, камбағаллик, фақирлик

– بُؤْسٌ камбағаллик, бахтсизлик, фақирлик; أَهْلُ الـــ~ фақир кишилар

– بُؤْسٌ: بَنَاتُ ~ бахтсизликлар, мусибатлар, фалокатлар, офат-балолар, фожиалар

– بَئِيسٌ *кўп.* بُؤَسَاءُ бахти қора, шўрпешона, толеи паст; 2) жафокаш, заҳматкаш, заҳмат чекувчи одам

I بَأَهَ (а) بَأْهٌ (*н. ғадир*) эътиборни қаратмоқ

بَؤُونَةٌ бауна (*қибт тақвимининг 10-ойи*)

بَبْرٌ *кўп.* بُبُورٌ йўлбарс

– بَبْرِيٌّ йўлбарсга оид

بَبَّغَاءُ *кўп.* بَبَّغَاوَاتٌ тўти; كَالــ~ كَرَّرَ (رَدَّدَ) الْكَلَامَ тўтига ўхшаб такрорламоқ

– بَبَّاغَوِيٌّ، بَبَّغَائِيٌّ 1) тўтига ўхшаш, тўтисимон; тўтига оид; بِشَكْلٍ ~ тўтидек, тўтига ўхшаб; 2) ўзгалар сўзини тўтидек такрорловчи

– بَبَّغَائِيَّةٌ калака қилиш, тақлид қилиш

– بَبَّغَانٌ *кўп.* اتٌ — = بَبَّغَاءُ

بِبْلِيُوجْرَافِيٌّ библиографияга оид; 2) библиограф, библиография мутахассиси

– بِبْلِيُوجْرَافِيَا библиография (*китоб ва бошқа нашрларнинг системали илмий тавсифи ва шу ҳақдаги фан; китоблар, асарлар рўйхати, кўрсаткичи*)

I بَتَّ (а/у; и) بَتٌّ 1) кесмоқ; ажратмоқ, бўлмоқ, айирмоқ; 2) қарор қилмоқ, ҳал қилмоқ, муҳокамага қўймоқ; ... بِرَأْيٍ فِي ~ ... ҳақида қарор чиқармоқ; 3), қатъий ният қилмоқ; لَا صِيَامَ لِمَنْ لَمْ يَبِتَّ الصِّيَامَ مِنَ اللَّيْلِ *ҳад.* тунда рўзага қатъий ният қилмаган кишида рўза бўлмайди (*фуқаҳолар фикрича, ният пешингача ҳам қилиниши мумкин*); II بَتَّتَ кўп қирқиб ташламоқ; VII اِنْبَتَّ 1) бўлинмоқ, ажралмоқ; қирқилмоқ; 2) ҳал бўлмоқ, ечилмоқ, муҳокамага қўйилмоқ

– بَاتٌّ 1) қатъий, узил-кесил; 2) ҳал қилувчи, муҳим

– بَتٌّ 1) кесиш, ажратиш, бўлиш; 2) ҳал қилиш, ечиш, муҳокамага қўйиш; ◊ ~ًا ўнгдан чапга, соат милига тескари равишда

– بَتَاتٌ уй анжомлари; لَا يُؤْخَذُ مِنْكُمْ عُشْرُ الــ~ *ҳад.* сизларнинг уй анжомларингиздан ушр олинмайди; ~ًا узил-кесил, қатъий, қатъиян, бутунлай, мутлақо

– بَتَّةٌ қарор, хулоса, фикр, тўхтам; الــ~ узил-кесил, қатъий равишда, қатъий, батамом; ~ мутлақо қатъий

– بَتِّيٌّ мутлақ, тугал, қатъий

– مُنْبَتٌّ 1) ажралган, якка қолган; узоқлашган; إِنَّ الــ~ لَا أَرْضًا قَطَعَ وَ لَا ظَهْرًا أَبْقَى *мкл.* (карвондан) кечиккан киши (туя) белини аямаса ҳам, керакли масофани босиб ўтолмайди; эрта айтмаганга оқшом йўқ;2) ҳал бўлган; ҳал қилинган

بَتَّاوٌ *жам.* зоғора нон

– بَتَّاوَةٌ *кўп.* اتٌ — думалоқ зоғора нон

– بَتِّيَّةٌ, بَتِّيَّةٌ *кўп.* اتٌ —, بَتَاتِيُّ кичкина бочка, бочкача

I بَتَرَ (у) بَتْرٌ 1) ажратмоқ, кесмоқ, бўлмоқ; 2) кесиб ташламоқ, қирқиб ташламоқ; V تَبَتَّرَ олди олинмоқ, тўхтатмоқ; VII اِنْبَتَرَ бўлинмоқ, кесилмоқ, узилмоқ

– أَبْتَرُ[1] *мн.* بَتْرَاءُ *кўп.* بُتْرٌ 1) чўлтоқ, думи калта; 2) бефарзанд, боласиз

– أَبْتَرُ[2] охири яхшиликка олиб келмайдиган иш

– بَاتِرٌ *кўп.* بَوَاتِرُ ўткир, кескир; السَّيْفُ الـ~ ўткир (кескир) қилич

– بَاتِرٌ = بَتَّارٌ

– بَتْرٌ 1) ажратиш, алоқани узиб қўйиш; 2) кесиб ташлаш

– مَبْتُورٌ 1) ажратилган, узилган, бўлинган; 2) кесиб ташланган; الْيَدِ (السَّاقِ) ~ қўли (оёғи) кесилган; 3) узуқ-юлуқ, бир-бирига боғланмаган, чала-чулпа, тумтароқ; ◊ حَيَاةٌ ~ةٌ барбод бўлган ҳаёт

بِتْرُولٌ, بَتْرُولٌ нефть; خَامٌ ~ хом (қайта ишланмаган) нефть; آبَارُ الـ~ нефть қудуқлари; مَنَابِعُ الـ~ нефть манбалари (булоқлари, қудуқлари); صِنَاعَةُ الـ~ нефть саноати

– بِتْرُولِيٌّ, بَتْرُولِيٌّ 1) нефтга оид; الْمُنْتُوجَاتُ الـ~ـةُ нефть маҳсулотлари; 2) нефтли, нефтга бой, нефть берувчи

– بِتْرُوكِيمَاوِيَّاتٌ: صِنَاعَةُ ~ нефть-кимё саноати; нефтни қайта ишлаш саноати

أَبْتَعُ *мн.* بَتْعَاءُ *кўп.* بُتْعٌ (أَجْمَعُ): *сўздан кейин маънони кучайтириш мақсадида келтирилади*) барча, бутун, ҳамма, жами

– بَاتِعٌ: سِرُّهُ الـ~ унинг ички (ич-ичидаги, яширин) сири

– بَتَاعٌ 1) (*к. гадир, н. гадир қарашли*) мол-мулк, ашё; 2) بَتَاعٌ *мн.* بَتَاعَة *кўп.* بُتُوعٌ (*жонли тилда тегишлиликни, қарашлиликни англатади*) *мас.* الثَّوْرُ ~هُ унинг буқаси; بَقَرَةٌ بِتَاعَتْهَا унинг сигири; الدَّفَاتِرُ بُتُوعُ أُخْتِهِ синглисининг дафтарлари

– بَتْعٌ куч, қудрат

– بِتْعٌ асалдан тайёрланган шароб

بَتَافُورَةٌ *кўп.* اتٌ — *денг.* қайиқ

I بَتَكَ (у, и) بَتْكٌ 1) кесмоқ, қирқмоқ, ажратмоқ; 2) қазимоқ, кавламоқ, қазиб олмоқ; II بَتَّكَ кўплаб кесмоқ, кесиб ташламоқ

I بَتَلَ (у, и) بَتْلٌ 1) ажратмоқ, айирмоқ, бўлмоқ; 2) қирқмоқ, кесмоқ; II بَتَّلَ = I; V تَبَتَّلَ 1) ажралмоқ, бўлинмоқ, кўчиб кетмоқ; 2) узоқлашмоқ, бегона бўлмоқ, нари кетмоқ; алоҳида (бўлак) бўлмоқ; рўзғорни бошқа қилмоқ; وَ تَبَتَّلْ إِلَيْهِ تَبْتِيلاً *қур.* бу дунё ташвишидан вақт ажратиб унга (*Оллоҳга*) юз тут; 2) тарки дунё қилмоқ; ~ اللهِ ўзини Оллоҳга бағишламоқ

– بَتُولٌ қиз, иффатли қиз, маъсума; الـ~ Биби Марям (*сўзма-сўз:* бокира)

– بَتُولاً, بَتُولَةٌ қайин

– بَتُولِيٌّ 1) қизлик давридаги, қизларга хос бўлган; 2) иффатли, пок, киши тегмаган, бокира, иффати бутун, ўзига нуқс етмаган

– بَتُولِيَّةٌ иффатлилик, софлик, бокиралик

– تَبَتُّلٌ 1) тарки дунёчилик; 2) тақводорлик билан ҳаёт кечириш

– مُتَبَتِّلٌ зоҳид, тарки дунё қилган киши

I بَثَّ (а/у) بَثٌّ 1) сочмоқ, тарқатмоқ, сочиб ташламоқ; жойларга тарқатмоқ, юбормоқ; الْأَلْغَامَ ~ мина қўймоқ; الْعُيُونَ ~ жосуслар юбормоқ; الْخَوْفَ وَ الرُّعْبَ فِي قُلُوبِ (نُفُوسِ) النَّاسِ ~ одамларнинг кўнглига ваҳима солмоқ; 2) (*радио ва телевизор орқали*) эшиттирмоқ; 3) эълон (маълум) қилмоқ, ҳаммага билдирмоқ; 4) (*н. гадир*) иқрор бўлмоқ, (*н. нидир*) бўйинга олмоқ; ростини, очиғини айтмоқ; IV أَبَثَّ ошкор қилмоқ, фош қилмоқ; VI تَبَاثَّ 1) айтмоқ, билдирмоқ, бир-бирига хабар қилмоқ; 2) ошкор қилмоқ (*сирни, ҳис-туйғулар ва ш.к. ларни*); бир-бирига билдирмоқ; VII اِنْبَثَّ ҳамма ёққа тарқалиб кетмоқ, таралмоқ, ҳаммага маълум бўлмоқ; ~وا يَبْحَثُونَ улар қидира бошладилар

– بَثٌّ[1] 1) сочиш, тарқатиш, кенгайтириш; 2) (*радио, телевизор орқали*) эшиттириш; 3) эълон (маълум) қилиш; 4) иқрор бўлиш

– بَثٌّ[2] *кўп.* بُثُوثٌ қайғу, ғам-алам, мотам

I بَثَرَ (у) بُثُورٌ ёки بَثِرَ (а) بَثَرٌ серҳуснбузар бўлмоқ (*юз, тери*); II بَثَّرَ ёки بَثُرَ жуда кўп ҳуснбузар тошмоқ; V تَبَثَّرَ ҳуснбузар (ғудда, бўжама) тошмоқ, ҳуснбузар (ғудда, бўжама) билан қопланмоқ

– بَثْرٌ *жам. кўп.* بُثُورٌ ҳуснбузар, ғудда, бўжама

– بَثِرٌ ҳуснбузар (ғудда, бўжама) билан қопланган, бир оз ҳуснбузар чиққан

– بَثْرَةٌ *кўп.* بَثَرَاتٌ ҳуснбузар

– بَثِرٌ = بَثِيرٌ

– بَثِرٌ = مُبَثَّرٌ

I بَثَقَ (у) بَثْقٌ уриб кетмоқ, тешиб ўтмоқ, ўймоқ, йиртиб юбормоқ; ювиб кетмоқ, бузмоқ; ёриб ўтмоқ (*тўсиқ, тўғон ва ш.к. ларни бузиб*); الْمِيَاهُ ~ сувни чиқармоқ; VII اِنْبَثَقَ 1) тешилмоқ, ўйилмоқ, йиртилмоқ; 2) ёрилмоқ, синмоқ, дарз кетмоқ, бузилмоқ; 3) (*н. дандир*) оқмоқ, оқиб кетмоқ, оқиб чиқмоқ (مِنْ); ◊ الْفَجْرُ ~ тонг ёришди, тонг отди

بُثْنِيَّةٌ Шом ўлкасида етиштириладиган буғдой нави

بَجَّةٌ бут, санам

I بَجَحَ (а) بَجْحٌ ёки بَجِحَ (а) بَجَحٌ (*н. гадир*) хурсанд бўлмоқ, (*н. дандир*) мамнун (хурсанд) бўлмоқ (بِ); II بَجَّحَ 1) уяти (юзи) йўқ бўлмоқ, сурбет (безбет, беҳаё) бўлмоқ; 2) хурсанд қилмоқ, шод қилмоқ; V تَبَجَّحَ (*н. биландир*) мақтанмоқ, керилмоқ, чиранмоқ (بِ)

– تَبَجُّحٌ мақтанчоқлик, манманлик, чираниш, керилиш

I بَجَدَ (у) بُجُودٌ бирор жойда ёки ҳолатда бўлмоқ, турмоқ; (*қаердадир*) яшамоқ, яшаб турмоқ

– بِجَادٌ *кўп.* بُجُدٌ бижод (*ўйл-ўйл газламадан тикилган кийим*)

– بَجْدَةٌ 1) боши, манбаи; 2) ер, тупроқ; هُوَ ابْنُ ~ النِّيلِ у Нил тупроғининг фарзандидир; 3) моҳият, туб маъно, мазмун; ◊ هُوَ ابْنُ عِنْدَهُ ~ ـــــ а) у бу ерда ўз уйидагидек; б) у ўз ишини билади; ذٰلِكَ у бу ҳақда билади

بِجَادِيّ *мин.* ёқут

I بَجَرَ (بجر) (*a*) بَجْرٌ катта қоринли бўлмоқ; بَجَرَ (*y*) بَجْرٌ ичак-чавоғини очиб ташламоқ

أَبْجَرُ *мн.* بُجْرَاءُ *кўп.* بُجْرٌ қорни катта, қориндор

– بُجْرَةٌ *кўп.* بُجَرٌ киндик; ◊ عُجَرٌ وَ بُجَرٌ хатолар ва янглишишлар, камчилик ва нуқсонлар

I بَجَسَ (*y*) بَجْسٌ қуймоқ, тўкмоқ, оқизмоқ, ағдармоқ; II بَجَّسَ =I; V تَبَجَّسَ қуйилмоқ, тўкилмоқ, оқмоқ, томмоқ; VII انبَجَسَ оқиб кетмоқ, оқиб чиқмоқ, тўкилмоқ, отилиб (қайнаб) чиқмоқ (*сув ҳақида*)

– بَجِيسٌ қирғоқлардан тошувчи, тўлиб-тошиб оқувчи

– بَجْعٌ *жам. зоол.* сақоқуш, бирқозон (*тумшуғи остида халтаси бўлган йирик сув қуши*)

– بَجَعَةٌ *кўп.* اتٌ — сақоқуш, бирқозон

II بَجَّلَ (بجل) 1) мақтамоқ, шуҳратини ёймоқ, кўкларга кўтармоқ; таъриф-тавсиф қилмоқ; 2) иззат (ҳурмат) билан эсламоқ V تَبَجَّلَ 1) шуҳрат қозонмоқ, мақталмоқ; 2) қадрланмоқ, иззат-ҳурмат билан эсланмоқ

– بَجَلْ *тасд.юк.* ҳа

– بَجِيلٌ, مُبَجَّلٌ ҳурматли, муҳтарам

I بَجَمَ (*u*) بَجْمٌ, بُجُومٌ (*қўрқишдан, ҳайратдан*) жим бўлмоқ, жимиб қолмоқ, тек қолмоқ

– بَجَمٌ 1. тентакнамо, аҳмоқ; эси паст, мияси йўқ; 2. анқов, меров

– بِجَامَةٌ *кўп.* اتٌ — пижама (*куртка ва шимдан иборат уй кийими*)

II بَجَّنَ (بجن) 1) қоқмоқ, қоқиб киргизмоқ; 2) (*н. нидир*) парчинламоқ, бириктирмоқ, уламоқ, маҳкамламоқ

– بَجَّانٌ парчинловчи (*одам*)

I بَحَّ (*u/a*) بُحُوحَةٌ, بَحَحٌ, بَحَاحٌ хириллламоқ; II بَحَّحَ хириллатмоқ, хириллашга мажбур қилмоқ; IV أَبَحَّ =II

– أَبَحُّ *мн.* بَحَّاءُ *кўп.* بُحٌّ хирилловчи, хириллайдиган

– بُحَّةٌ, بَحَاحٌ хириллаш

– أَبَحُّ = مَبْحُوحٌ

بَحْبَحَ бадавлат (тўқ) яшамоқ, фаровонликда яшамоқ; фаровон турмуш кечирмоқ; بَحْبَحَ = تَبَحْبَحَ

– بَحْبَحَةٌ 1) тўқлик, таъминланганлик; фаровон ҳаёт; 2) бичими кенг (*кийим*)

– بَحْبُوحٌ 1. 1) таъминланган; ташвишсиз яшовчи; 2) вақти (кайфи, димоғи) чоғ; 2. хушчақчақ, (хуштабиат) одам; ҳазилкаш

– بُحْبُوحَةٌ *кўп.* بَحَابِحُ 1) кенглик, эркинлик, дориломонлик; ~ الْحُرِّيَّةِ (*фаолиятда*) тўла эркин бўлиш; 2) фаровонлик, ҳамма нарсанинг етарли бўлиши, комфорт (маиший қулайлик); 3) ўртачалик, мўътадил йўл

– مُبَحْبَحٌ кенг, ҳилпиллаган, катта (*кийим ҳақида*); қулай; 2) бадавлат, тўқ яшовчи

بَحْتٌ соф, ҳақиқий, чинакам, қалбаки бўлмаган; الرِّيَاضِيَّةُ الـ~ـةُ соф математика; الْمَسَائِلُ السِّيَاسِيَّةُ الـ~ـةُ чинакам сиёсий масалалар; الْمُصَادَفَةُ الـ~ـةُ мутлақ тасодиф; عَرَبِيٌّ ~ соф қонли араб

بَحْتَرَ 1) сепмоқ, сочмоқ, ёймоқ; 2) совурмоқ, нест-нобуд қилмоқ сол; (بَحْثَرَ); تَبَحْتَرَ тўкилган, сочилган бўлмоқ

– بُحْتُرٌ *кўп.* بَحَاتِرُ паст бўйли, пакана; чорпахил; калтабақай, миқти, бақалоқ

– بَحْتَرَةٌ 1) сепиш, сочиш, ёйиш; 2) исрофгарчилик, совуриш, нест-нобуд қилиш

بُحْتُرِيٌّ *қар.* بُحْتُرٌ

I بَحَثَ (*a*) بَحْثٌ 1) (*н. нидир*) муҳокама қилмоқ, кўтариб чиқмоқ (فِي);2) (*н. нидир*) ўрганмоқ, тадқиқ қилмоқ; текшириб (ўрганиб) чиқмоқ; 3) қидирмоқ; изламоқ (عَنْ); 4) (*к. билан*) суҳбатлашмоқ, гурунглашмоқ (مَعَ); III بَاحَثَ 1) биргаликда муҳокама қилмоқ, мубоҳаса қилмоқ; 2) музокара олиб бормоқ; VI تَبَاحَثَ 1) ҳамкорликда ўрганмоқ, тадқиқ қилмоқ; 2) (*н. нидир*) биргаликда муҳокама қилмоқ, текширмоқ (فِي); VIII ابْتَحَثَ текширмоқ, қидирмоқ; титкиламоқ, кавлаштирмоқ

– بَاحِثٌ тадқиқотчи; олим

– بَحَّاثٌ, بَحَّاثَةٌ тадқиқотчи; текширувчи (олим)

– بَحْثٌ *кўп.* بُحُوثٌ, أَبْحَاثٌ 1) баҳс, мубоҳаса, муҳокама; ўрганиш, тадқиқот, текшириш; الْأَبْحَاثُ النَّوَوِيَّةُ атом ядросини ўрганиш, тадқиқ этиш; 3) илмий текшириш, диссертация; ~ لِلدُّكْتُورَاهْ докторлик диссертацияси, ~ لِلْمَاجِسْتِير магистрлик диссертацияси; 4) (*н. нидир*) қидириш, ахтариш (عَنْ)

– تَبَاحُثٌ 1) биргаликда ўрганиш; тадқиқ этиш; 2) биргаликда муҳокама қилиш; ~ فِي مُخْتَلَفِ الْقَضَايَا турли хил масалаларни биргаликда муҳокама қилиш

– مُبَاحَثَةٌ *кўп.* اتٌ — 1) муҳокама, мунозара; баҳс, мубоҳаса, тортишув, мунозара; 2) музокара

– مُبَاحِثِيٌّ махфий полиция айғоқчиси

– مَبْحَثٌ *кўп.* مَبَاحِثُ 1) қидирув, тадқиқот; قَلَمُ الْمَبَاحِثِ الْجِنَائِيَّةِ а) жиноят қидирув бўлими; б) қидирув бўлими; رِجَالُ الْمَبَاحِثِ махфий полиция, қидирув бўлими айғоқчилари;2) тадқиқот объекти; 3) илмий мақола

بَحْثَرَ 1) сепмоқ, сочмоқ, ёймоқ; 2) (*пулни, мол-дунёни*) совурмоқ,

исроф қилмоқ, беҳудага сарф қилмоқ; تَبَحْثَرَ сепилмоқ, сочилмоқ, ёйилмоқ, турли томонга тарқалган (сочилган) бўлмоқ

– بَحْثَرَةٌ 1) сепиш, сочиш, ёйиш; сепилган, сочилган, ёйилган;2) (*пулни, мол-дунёни*) совуриш

مُبَحْثِرٌ 1. 1) сочувчи, сепувчи, (*ёйиб, сочиб*) ташловчи; 2) (*пулни, мол-дунёни*) исроф қилувчи; 3) исрофгар

I بَحِرَ (а) بَحَرٌ ҳайрон қолмоқ; чўчимоқ, ҳуркмоқ; II بَحَّرَ шимолга отланмоқ; Қуйи Мисрга жўнамоқ (الوَجْهُ البَحْرِي); IV أَبْحَرَ 1) сузиб кетмоқ, денгизга чиқмоқ; 2) денгиз томон кетмоқ (*қуруқлик орқали*); الْمَاءُ ~ сув шўрланди; الرَّجُلُ ~ отга минмоқ; V تَبَحَّرَ (*н. нингдир ичига*) чуқур кирмоқ; (*н. нидир*) мукаммал ўрганмоқ (فِى)

– بَحَّارٌ кўп. بَحَّارَةٌ денгизчи; كَوْنِيٌّ ~ космонавт; بَحَّارَةُ السَّفِينَةِ кема экипажи, кема командаси

– بُحَارٌ денгиз касаллиги (*кемада юрганда қайт қилиш касаллиги*)

– بَحْرٌ кўп. بِحَارٌ، بُحُورٌ، أَبْحُرٌ، أَبْحَارٌ 1) денгиз; عُرْضُ الـ~ а)очиқ денгиз; б) рейд (*портга кириш олдида кемалар тўхтаб турадиган қулай жой*); الـ~ الإِقْلِيمِيُّ (الأَرْضِيُّ) территориал сувлар (*денгизнинг бирор давлат қирғогига туташган қисми*); الـ~ الدَّاخِلِيُّ ички сувлар; تُوتِيَا الـ~ денгиз типратикани; حَمُولُ الـ~ ёки حَشِيشُ الـ~ ёки عُشْبُ الـ~ сув ўтлари (ўсимликлари); نَجْمُ الـ~ денгиз чуқурлиги; 2) катта дарё; 3) Нил дарёси; 4) *ад* баҳр, вазн, ўлчов; 5) катта қадам оладиган от; 6) ~ مَاءٌ шўр сув, денгиз суви; ◊ بِنْتُ الـ~ сув париси (қизи); حِصَانُ (فَرَسُ) الـ~ бегемот; عِجْلُ الـ~ тюлень (*денгиз ҳайвони*); كَلْبُ الـ~ акула, наҳанг; فِى ~ السَّنَةِ йил бўйи, йил давомида

بُحْرَانٌ кўп. بَحَارِينُ 1) *мед.* кризис (*беморнинг у ёқлик ёки бу ёқлик бўлишига олиб борадиган оғир ҳолати*); 2) алаҳлаш, босинқираш

– بَحْرَانِيٌّ 1) Баҳрайнга оид; 2) Баҳрайн оролларида яшовчи; *кўп.* الْبَحَارِنَةُ баҳрайнликлар

– بَحْرَاوِيٌّ кўп. بَحَارْوَةٌ Қуйи Мисрда яшовчи, Қуйи Мисрлик

– بَحْرَايَةٌ кўп. اتٌ — ҳовуз, ҳавза; унча катта бўлмаган кўл

– بَحْرَةٌ кўп. بِحَارٌ، بُحَرٌ ҳовуз, ҳавза

– بَحْرِيٌّ 1. 1) денгизга оид; денгиз бўйидаги (қирғоғидаги); تَيَّارَاتٌ ~ـةٌ денгиз оқимлари; الْقُوَّاتُ الـ~ـةُ ҳарбий денгиз кучлари; 2) денгизда юришга (сузишга) оид, денгизчиликка оид; 4) Нилга оид; 5) Қуйи Мисрга тааллуқли; 2. *кўп.* = بَحَّارٌ؛ مَاهِرٌ ~ بَحْرِيَّةٌ бош матрос

– بَحْرِيَّةٌ 1) денгизчилик касби; 2) денгиз флоти; وِزَارَةُ الْبَحْرِيَّةِ денгиз флоти вазирлиги; سِلَاحُ الـ~ денгиз кучлари; مُشَاةُ الـ~ денгиз пиёда аскарлари (пиёдалари)

– بَحِيرَةٌ озод (чўри бўлмаган) аёлнинг қизи

– بُحَيْرَةٌ кўп. اتٌ — кўл; شَاطِئِيَّةٌ ~ кўлтиқ (*денгиздан ажралиб ҳосил бўлган саёз кўл, кўрфаз*)

– بُحَيْرِيٌّ 1) кўлга оид; кўлда бўладиган; кўли кўп, серкўл; 2) Буҳайра вилоятида туғилган; Буҳайра вилоятида яшовчи, буҳайралик

– تَبَحُّرٌ 1) чуқурлаштирилганлик, жиддийлик; 2) чуқурлик, теранлик; 3) билимдонлик, билимлилик, ўқимишлилик; 3) олимлик

– مُتَبَحِّرٌ 1. чуқур ўрганувчи; 2. олим

بَحْلَقَ кўзни бақрайтирмоқ, (*к. гадир. н. гадир*) тикилиб қолмоқ, қарамоқ (فِى); (*к. нингдир, н. нингдир олдида*) кўзни жовдиратмоқ; анқайиб (кўзни лўқ қилиб, безрайиб) қараб турмоқ (فِى)

– بَحْلَقَةٌ кўзни бақрайтириш

I بَخَّ (а/у) بَخٌّ 1) хуррак отмоқ, пишқирмоқ (*ҳайвонлар ҳақида*); 2) (*н. нидир*) сочмоқ, сепмоқ, сачратмоқ, пуркамоқ, пуркаб сепмоқ

– بَخْ : بَخٍ بَخٍ ёки بَخْ بَخْ аъло!, балли!, баракалла!, қандингни ур!, яша!

– بَخَّاخٌ ، بَخَّاخَةٌ кўп. بَخَّاخَاتٌ 1) пульверизатор, пуркагич (*суюқ ёки кукун моддаларни пуркайдиган, чангитиб сепадиган асбоб*); 2) *тех.* форсунка (*суюқ ёхуд кукун моддаларни пуркаб берувчи асбоб*)

– بُخَيْخَةٌ кўп اتٌ — шприц (*1. Баданга дори юборадиган асбоб; 2. машина қисмларини мойлайдиган асбоб*)

بَخْتٌ кўп. بُخُوتٌ، أَبْخَاتٌ бахт, омад; سُوءُ الـ~ бахтсизлик, омадсизлик; مِنْ سُوءِ ~ى бахтимга қарши ...; قَلِيلُ الـ~ бахтсиз, омадсиз; فَاتِحَةُ الـ~ фолбин аёл, ромчи аёл; فَتْحُ (قَرْأُ) الـ~ фол кўрмоқ, ром очмоқ

– بُخْتِيٌّ *мн.* بُخْتِيَّةٌ кўп. بَخَاتِيُّ туя

– بَخِيتٌ، مُبَخَّتٌ، مَبْخُوتٌ бахтли, омадли

بَخْتَرَ، تَبَخْتَرَ виқор билан, кеккайиб юрмоқ; ўзини катта тутмоқ, кибрланмоқ, кеккаймоқ

– بَخْتَرَةٌ، تَبَخْتُرٌ виқор билан юриш; гердайиш

– بَخْتَرِيٌّ ғурурли, виқорли мутакаббир

– بَخْتَرِيٌّ = مُتَبَخْتِرٌ

– بَطْنٌ кўп. بُطُونٌ 1) қорин; ошқозон, меъда; أَخَذَهُ ~ُهُ унинг қорни оғриди; وَلَدَتْ اثْنَيْنِ فِي ~ٍ وَاحِدٍ у иккита (эгизак) туғди; 2) ич, ички томон; ўрталик, ора, ўрта; فِي بُطُونِهِ ниманингдир ичида; بُطُونُ الْمُؤَلَّفَاتِ الْقَدِيمَةِ қадимий битикларнинг турли жойларида; 3) туб, қаър, ост, таг; ~ الْأَرْضِ ер қаъри; ер ости; 4) уруғ, насл, зот; 5) (қошиқни ва б. ни) чуқурроқ ботириш; ◊ اِبْنُ ~ِهِ еб тўймас, мечкай, очофат; юхо; ~ الْقَدَمِ оёқнинг таги, товон; ~ الْمَرْكَبِ трюм (кеманинг юк ортиладиган остки қисми); قَلَبَ ~ًا لِظَهْرٍ ағдар-тўнтар, остин-устун қилмоқ

– بَطِنٌ қорнинигина ўйлайдиган одам

– بُطْنَانُ: الْجَنَّةِ ~ жаннатнинг ўртаси

– بِطْنَةٌ қориннинг ортиқ даражада тўйиши; очофатлик; еб тўймаслик, баднафслик, мечкайлик, юхолик

– بَطْنِيٌّ қоринга оид; التَّكَلُّمُ الْـ~ лабини (оғзини) қимирлатмай гапириш

– بَطِينٌ1 . қорни катта; 2. қориннинг (нафснинг) сўзига кирадиган

– بَطِينٌ2 узоқ, узоқ масофали; ~ شَأْوٌ узоқдаги мақсад

– بُطَيْنٌ (юрак) қоринчаси

– مِبْطَانٌ 1. қорни катта, қориндор, қорни йўғон; 2. очофат, еб тўймас, мечкай, юхо

– مُبْطَنٌ яширин, сирли; بِشَكْلٍ ~ сирли равишда, яширин, махфий, хуфёна

– مُبَطَّنٌ 1) астар қопланган, астарлаб тикилган; 2) уринган, кўп тутилган, тўзиган (мато билан астарланган); 3) бирор нарса билан тўшалган (уя, ин ҳақида)

– مُبَطَّنَةٌ кўп. ~اتٌ — мубаттана (устки кийим тури)

– مَبْطُونٌ қорни касал, касал қоринли

– مُسْتَبْطَنٌ : الْكَلَامِ ~ сўзнинг яширин маъноси

بَاطِيَةٌ алиф.б.қ.

بَظَّ I (а/у) بَظٌّ қуйилмоқ, тўкилмоқ, оқмоқ; тўкилиб кетмоқ; II بَظَّظَ тўкмоқ, тўкиб ташламоқ, ағдармоқ; қуймоқ; ◊ ~ عَيْنَهُ кимнингдир кўзини уриб чиқармоқ

بَظْرٌ кўп. بُظُورٌ анат. клитор (аёллар жинсий аъзосида)

بَظْرَمَةٌ халқ. бекорчи гап, сафсата; ~! بَلَاشْ бекорчи сафсатани бас қил!

بَظْرَمِيطٌ дурагай, чатишма

بَعْبُوصٌ кўп. بَعَابِيصُ халқ. бош бармоқни икки бармоқ орасидан чиқариб кўрсатиш; диндак

بَعْبَعَ 1) гапирмоқ, вайсамоқ, валдирамоқ, алжирамоқ; гапириб қўймоқ, сафсата сотмоқ, беҳуда гаплар гапирмоқ; 2) (к. нидир) қўрқитмоқ, чўчитмоқ, ҳуркитмоқ (عَلَى), 3) халқ. шивир-шивир, минғир-минғир қилмоқ, аллақандай товуш чиқармоқ

– بُعْبُعٌ кўп. بَعَابِعُ қўрқичй; бўжи, олабўжи (болаларни қўрқитиш учун ишлатиладиган сўз)

– بَعْبَعَةٌ 1) бекорчи гап, сафсата; 2) чўчитиш, қўрқитиш; 3) гулдураш, шовиллаш, шовур-шувур, шилдир-шилдир

I بَعَثَ (а) بَعْثٌ 1) (н. нидир) юбормоқ, жўнатмоқ, (к. нидир) командировка қилмоқ (хизмат вазифаси билан бирор жойга юбормоқ (ب ёки туш.к.); 2) (бирор иш қилишга) ундамоқ, мажбур этмоқ, ғиж-ғижламоқ; ғаламислик қилмоқ (عَلَى); бирор ҳис туғдирмоқ, уйғотмоқ, пайдо қилмоқ, ҳосил қилмоқ (فِي, ب); هَذَا الْوَضْعُ يَبْعَثُ عَلَى الْقَلَقِ (الْخَوْفِ) бу ҳолат хавф-хатар (қўрқинч) соляпти; 3) чиқармоқ, таратмоқ, тарқатмоқ (товуш, ҳид ва ш.к.лар ҳақида); ~ مِنْ فَمِهِ صَفِيرًا ҳуштак чалмоқ; 4) қўзғатмоқ, пайдо қилмоқ, тикламоқ, жонлантирмоқ, уйғотмоқ, ғайрат бағишламоқ; тирилтирмоқ, жон киргизмоқ; ҳаётга қайтармоқ; ~ مِنَ الْمَوْتِ ўликни тирилтирмоқ; ~ مِنْ نَوْمِهِ кимнидир уйқудан уйғотмоқ; ~ النَّظَرَاتِ (к. гадир) назар солмоқ (إِلَى); VI تَبَاعَثَ 1) (бирор иш қилишга) бир-бирини мажбур қилмоқ, ундамоқ; 2) (қаердандир) биргаликда пайдо бўлмоқ (مِنْ); VII انْبَعَثَ 1) юборилган бўлмоқ; 2) қайтадан вужудга келган, тикланган бўлмоқ; тирилган, ҳаётга қайтган бўлмоқ; жонланмоқ; 3) (қаердандир) вужудга келмоқ, пайдо бўлмоқ (مِنْ); тарқалмоқ, (н. дандир) келиб чиқмоқ, чиқмоқ,

тараламоқ (*хиҳ ҳақида* مِنْ); 4) шошилмоқ, ҳовлиқмоқ; 5) бошламоқ; يَبْكِي ~ у йиғлай бошлади; VIII اِنْبَعَثَ 1) қандай бўлса, шундай эсга туширмоқ, тикламоқ, тирилтирмоқ, жонлантирмоқ; қайтадан юзага келтирмоқ, қўзғамоқ; 2) юбормоқ, жўнатмоқ

– اِنْبِعَاثٌ 1) тиклаш; тикланиш; уйғониш; 2) пайдо бўлиш, туғилиш, рўй бериш, 3) ўтиш, тугаш, битиш (*муддат, вақт ҳақида*)

– بَاعِثٌ *кўп.* بَوَاعِثُ боис, сабаб; асос

– بَعْثٌ *кўп.* بُعُوثٌ 1) юборилган нарса; юбориш, жўнатиш; 2) вазифа, бурч, миссия; 3) тикланиш, жонланиш, тирилиш; уйғониш; حِزْبُ الـ~ Баъс ҳизби (партияси); يَوْمُ الـ~ *дин.* ўлганлар қайта тириладиган кун (*қиёмат*); عَصْرُ الـ~ Уйғониш даври; 4) экспедицион (*махсус мақсад билан тузилган*) гуруҳ

– بَعْثَةٌ *кўп.* بَعَثَاتٌ 1) жўнатилган, юборилган нарса; командировка; 2) экспедиция; қидирув гуруҳи; 3) вазифа, бурч, миссия; делегация (*вакиллар*); سِيَاسِيَّةٌ (دِبْلُومَاسِيَّةٌ) ~ дипломатик миссия; تَعْلِيمِيَّةٌ ~ чет элга ўқиш учун юборилган талабалар гуруҳи; الـ~ *дин.* Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламнинг Оллоҳ томонидан юкланган ўз бурчларини адо этишлари; عَهْدُ الـ~ Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳақ динга даъват этган даврлари

– مَبْعَثٌ 1) жўнатиш вақти ёки жойи; الـ~ Муҳаммад алайҳиссаломнинг адо этишлари лозим бўлган зиммаларидаги бурчлари (*одамларни якка Оллоҳга ибодат этишга даъват қилиш, залолат ва жаҳолатдан ҳидоятга бошлаш ва б.*); 2) пайдо бўлган, рўй берган, дунёга келган жой; манба; الْوَحْيِ ~ илҳом манбаи; 3) боис, сабаб, асос

– مَبْعُوثٌ 1) юборилган, жўнатилган, йўлланган; 2) чопар, вакил; ноиб (*депутат*); делегат; مَجْلِسُ الـ~ينَ التُّرْكِيُّ *тар.* ноиблар (депутатлар) палатаси (*илгариги Туркияда*)

بَعْثَرَ 1) сочмоқ, ёймоқ, тарқатмоқ; 2) (*пулни*) совурмоқ, беҳуда кетказмоқ; 3) тўнтармоқ, ағдармоқ, қулатмоқ, йиқитмоқ; 4) بُعْثِرَ чиқарилмоқ; إِذَا بُعْثِرَ مَا فِي الْقُبُورِ қабрлардаги (*жасадлар ер юзасига*) чиқарилганда ...; تَبَعْثَرَ 1) паришонхотир, фикри тарқоқ бўлмоқ; ҳамма ёққа тарқалиб, сочилиб кетмоқ; 2) йўқолмоқ, кўздан ғойиб бўлмоқ

– بَعْثَرَةٌ 1) тарқалиш, сочилиш; сочиш, тарқатиш; 2) ағдариш, тўнтариш, қулатиш; 3) совуриш; الثَّرْوَةِ ~ бойликни совуриш

مُبَعْثَرٌ 1) паришонхотир; сочилган, ёйиқ, уюшмаган, тарқоқ; ағдарилган, тўнкарилган

I بَعَجَ (а) بَعْجٌ 1) очмоқ, сўкмоқ, тилмоқ, ёрмоқ; 2) (*металл буюмларни*) эзмоқ, пачоқламоқ; VII اِنْبَعَجَ 1) эзилган, пачоқланган бўлмоқ (*металл буюмлар ҳақида*);2) сиқилган, қисилган бўлмоқ, ялпоқ (япасқи) бўлмоқ; 3) эзилмоқ, букилмоқ

– بَعْجَةٌ *кўп.* بَعَجَاتٌ эзилган, пачоқланган жой; ўйиқ; заха

– بَعِيجٌ қорни ёрилган (*пичоқ билан*)

I بَعُدَ (у) بُعْدٌ 1) узоқ бўлмоқ, ортда қолмоқ; (*н. дандир*) маълум масофада (узоқликда) турмоқ (مِنْ); أَبْعُدْ عَنِّي йўқол! الشَّرُّ عَنْكَ! ~ фалокатинг арисин!; 2) ақлга тўғри келмайдиган, номумкин, эҳтимолдан узоқ бўлмоқ; لَا يَبْعُدُ أَنْ ... шуниси эҳтимолдан узоқ эмаски, ...: بَعِدَ (а) بَعَدٌ ҳалок бўлмоқ, ўлмоқ, вафот этмоқ; II بَعَّدَ узоқлаштирмоқ, йироқлаштирмоқ; III بَاعَدَ 1) (*к. биландир*) айрилиқда, жудоликда бўлмоқ, (*к. дандир*) йироқда, олисда, анча нарида бўлмоқ; 2) бир-биридан ажратмоқ; (*к. ларнидир*) бир-биридан жудо қилмоқ, айирмоқ (بَيْنَهُ وَ بَيْنَ ...); بَيْنَ خُطَاهُ ~ катта-катта қадам қўймоқ, ташламоқ; IV أَبْعَدَ 1) ажратмоқ, узоқлаштирмоқ; 2) айирмоқ, бошқалардан ажратиб (яккалаб) қўймоқ; 3) (*қаердандир*) чиқариб, ҳайдаб юбормоқ, бадарға (сургун) қилмоқ; (مِنْ); 4) (*н. дандир*) бўшатмоқ, четлаштирмоқ, ҳайдамоқ (عَنْ); узоқлатмоқ, кетказмоқ, йўқотмоқ; чиқариб ташламоқ, бўшатмоқ, ҳайдамоқ; VI تَبَاعَدَ 1) аста-секин бир-биридан узоқлаштирмоқ; (*н. дандир*) бора-бора нари кетмоқ, чиқмоқ; 2) бир-биридан узоқда бўлмоқ (турмоқ);3) ажралиб турмоқ, фарқ қилмоқ; تَ~ طَرَائِقُنَا فِي الْحَيَاةِ бизлар турли хил (бир-биридан фарқ қилувчи) тарзда яшаяпмиз; VIII اِبْتَعَدَ (*н. дандир*) узоқлашмоқ (عَنْ); кетмоқ, ташлаб кетмоқ, тарк этмоқ; X اِسْتَبْعَدَ 1) узоқ деб ҳисобламоқ, 2) мумкин эмас, эҳтимолдан йироқ деб ҳисобламоқ; 3; (*қаердандир*) узоқлашмоқ, йўқолмоқ (عَنْ); 4) кетказмоқ, йўқотмоқ, чиқариб ташламоқ, истисно қилмоқ; ~ الْمَوْضُوعَ مِنْ جَدْوَلِ الْأَعْمَالِ масалани кун тартибидан чиқариб ташламоқ

إِبْعَادٌ 1) бартараф этиш (йўқотиш); чиқариш, чиқариб юбориш, узоқлаштириш; 2) яккаланиш, яккалаш, ажратиб қўйиш; 3) сургун, бадарға

– أَبْعَادِيَّةٌ *кўп.* أَبَاعِدُ, أَبْعَادِيَاتٌ ферма (*хусусий деҳқончилик ва чорвачилик хўжалиги*), кичик қишлоқ

– أَبْعَدُ[1] энг узоқ, олис масофадаги; 2) мен, сен, у (*исмини айтиш ўрнига киноя, шама қилиб айтилади*)

أَبْعَدُ[2] хоин, хиёнаткор, хиёнатчи: 2) қўрқоқ

– بِعَادٌ айрилиқ, ҳижрон

– بَعَدٌ ҳалокат, ўлим

– بُعْدٌ[1] 1) олислик, йироқлик, узоқлик; هُوَ بَعِيدٌ عَنْ ... بُعْدَ السَّمَاءِ عَنِ الْأَرْضِ ердан осмон қанчалик йироқ бўлса, у ҳам ... дан шунчалик йироқ; 2) узоқ жой, олис; عَلَى الـ~ узоқда; عَنْ (مِنْ) الـ~ узоқдан, олисдан; النَّظَرِ ~ узоқни кўра билиш; ٥ الْكُلِّيُّ الـ~ *муз.* октава; لَهُ ا~ ер ютсин уни!; ... ا لـ~ йўқолсин! битсин!

– بُعْدٌ[2] *кўп.* أَبْعَادٌ 1) масофа, оралиқ; عَلَى ~ ثَلَاثَةِ أَمْيَالٍ уч мил масофада; ... هُوَ عَلَى ~ حَجَرٍ مِنْ *маж.* у ...га анча яқин масофададир (*сўзма-сўз:* у ...дан отилган тош масофасидадир); 2) ўлчам, размер; أَبْعَادٌ أَحْدَاثِيَّةٌ *мат.* координаталар; أَبْعَادُ الْبَالَةِ той (тугун) нинг ҳажми (бўйи, баландлиги, эни); اِتَّخَذَ أَبْعَادًا خَطِرَةً хатарли кўлам (*даража*) га етмоқ

– بَعْدُ сўнг, кейин; яна, ҳали; لَمْ يَبْلُغْ ~ الثَّمَانِيَةَ عَشَرَ у (мз.) ҳали ўн саккизга ҳам тўлмаган (кирмаган); أَمَّا ~ сўнгра; ундан кейин;

فِيمَا ~ натижада, оқибатда, кечроқ, келгусида; مِنْ قَبْلُ وَ مِنْ بَعْدُ …гача ва …дан сўнг

بَعْدَ сўнг, кейин; بُكْرَةِ ~ эртадан кейин, индинга; الظُّهْرِ ~ тушдан сўнг; قَلِيلٍ مِنَ الزَّمَانِ ~ ёки ذَلِكَ بِقَلِيلٍ ~ бир қанча вақтдан кейин; يَوْمًا ~ يَوْمٍ кундан кунга; وَاحِدًا ~ الآخَرِ биттама-битта, орқама-орқа; مَا ~ ёки … أَنْ ~ ёки … مِنْ ~ أَنْ …гандан сўнг, кейин; وُقُوعِ الأَمْرِ ~ ўтган (ўтиб кетган) число билан; воқеа содир бўлиб ўтгандан кейин; кейинга; اللَّتَيَّا ؛ اللَّتَيَّا وَ اللَّتِي ~ қар. جَمَاقَةٌ لَيْسَ ~هَا حَمَاقَةٌ! ўта аҳмоқлик!; هُوَ فِي حِرْمَانٍ مَا ~ هُ حِرْمَانٌ у тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада муҳтождир; ئِذٍ ~ ўшандан кейин, сўнгра, оқибатда; ◊ … أَنْ تَبَيَّنَ وَ ~ أَخْذٍ وَ رَدٍّ وَ سِينٍ وَ جِيمٍ турли ҳил савол ва жавоблардан сўнг маълум бўлдики, …

– بَعْدَيْنِ халқ. сўнг, кейин

– بُعَيْدَ …дан кўп ўтмай, тез орада, дарров; عِيدِ الأَضْحَى ~ қурбон ҳайитидан кейин кўп ўтмай

– بَعِيدٌ кўп. بُعَدَاءُ 1) узоқ, олис, йироқ, узоқдаги, йироқдаги; غَيْرُ ~ узоқ бўлмаган, яқин; … كُلَّ البُعْدِ عَنْ ~ …дан анча узоқда бўлган; الشُّقَّةِ ~ жуда узоқ, олис; النَّظَرِ ~ узоқни кўра биладиган, ўйлаб иш тутадиган, мулоҳазали; الأَثَرِ ~ жуда таъсирли, фойдали; المَنَالِ ~ етиш (эришиш, қозониш) қийин бўлган; مِنْ ~ йироқдан, узоқдан; 2) бурунги, қадимги, эски; узоқ муддатли, давомли (*муддат ҳақида*); مُنْذُ عَهْدٍ ~ қадимдан бери, азалдан; 3) мумкин бўлмаган, эҳтимолдан узоқ; … وَ غَيْرُ ~ أَنْ ва эҳтимолки, …; 4) бегона, номаҳрам

– تَبَاعُدٌ бир-биридан узоқлашиш; фироқ, ажралиш, айрилиқ; شُقَّةُ الـ~ катта фарқ

– مُبْعَدٌ йироқлашган, узоқлаштирилган; сургун (бадарға) қилинган, чиқариб юборилган

– مَبْعَدَةٌ узоқлашиш, йироқлашиш; … وَقَفَ عَلَى ~ مِنْ …дан йироқлашиб турмоқ; يُوجَدُ عَلَى ~ كِيلُومِتْرَيْنِ у икки километрлик масофададир

– مُسْتَبْعَدٌ ақлга тўғри келмайдиган, эҳтимолдан йироқ

– مُسْتَبْعَدَاتٌ кўп. (*ишлов беришга*) нобоп, ноқулай ерлар

(بعر) I بَعَرَ (а) بَعْرٌ тезакламоқ (*қўй ёки туя ҳақида*); II بَعَّرَ ахлат (*тезак*) қолдирмоқ (*чорва ҳақида*)

– بَعْرٌ жам. кўп. أَبْعَارٌ тезак, қумалоқ, ахлат, қил, гўнг

– بَعِيرٌ кўп. أَبْعِرَةٌ, أَبَاعِرُ, بُعْرَانٌ 1) беш ва ундан катта ёшдаги туя (*эркаги ва урғочиси*); 2) қозиқ тиши чиққан туя; أَهْلُ الـ~ бадавийлар

– مَبْعَرٌ анат. орқа чиқариш [illegible]

بَعْزَقَ 1) сочмоқ, еймоқ, тарқатмоқ; 2) совурмоқ, беҳуда кетказмоқ (сарфламоқ)

– بَعْزَقَةٌ 1) сочиш, тарқатиш; 2) совуриш, беҳуда кетказиш (сарфлаш)

– مُبَعْزِقٌ исрофгар

(بعض) II بَعَّضَ бўлакларга ажратмоқ; V تَبَعَّضَ бўлинмоқ

– بَعْضٌ кўп. أَبْعَاضٌ 1. қисм, бўлак; مُنْذُ سَنَةٍ وَ ~ السَّنَةِ бир йилдан кўпроқ, бундан аввал; 2. …лардан бирор киши, …дан бири, …дан баъзилари, биров, қандайдир бир киши; النَّاسِ ~ а) баъзи одамлар; б) қандайдир бир киши, аллаким; ~ لِـ ~ бир-бирига; ~هُمْ ~ًا бир-бирларини; ◊ فِي ~ الأَيَّامِ баъзи кунлари; ~ الأَوْقَاتِ баъзи вақтларда, гоҳо; الشَّيْءِ ~ маълум даражагача; озми-кўпми; وَ فَهِمَهُ ~ الفَهْمِ ниманидир чала-чулпа (озми-кўпми) фаҳмламоқ; у أَصَابَ ~ النَّجَاحِ فِي … у бир оз хижолат бўлди; عَرَاهُ ~ الخَجَلِ …да баъзи бир муваффақиятларга эришди; زَيِّ بَعْضُهْ халқ. барибир!, фарқи йўқ!, аҳамияти йўқ!

– بَعُوضٌ кўп. чивинлар; искабтопарлар

– بَعُوضَةٌ кўп. ـاتٌ — чивин; искабтопар

(بعق) II بَعَّقَ ёрмоқ, ёриб ташламоқ, чавақламоқ (*ҳайвонни*); VII انْبَعَقَ : فِي الكَلَامِ ~ меъёрдан ортиқ гапирмоқ

انْبِعَاقٌ : فِي الكَلَامِ ~ الـ меъёрдан ортиқ гапириш; إِنَّ اللهَ تَعَالَى يَكْرَهُ الـ~ فِي الكَلَامِ فَرَحِمَ اللهُ عَبْدًا أَوْجَزَ فِي كَلَامِهِ ҳад. Оллоҳ таоло меъёридан ортиқ гапирганни ёмон кўради, сўзини қисқа қиладиган бандага марҳамат қилади

بَعْلٌ кўп بُعُولٌ 1) эр (*хотиннинг эри*); 2) хўжайин; 3) Ваал (*қадимги сомийларда тупроқ ва ҳосил ҳомийси*); 4) лалмикор (баҳорикор) ерлар; 5) البَعْلُ Илёс алайҳиссалом даврларидаги бутнинг номи

– بَعْلَةٌ хотин, рафиқа

– بَعْلِيٌّ табиий суғориладиган, лалмикор; الأَرْضُ الـ~ةُ лалмикор ерлар; زِرَاعَةٌ ~ةٌ лалмикор деҳқончилик

بَعْلَزْبُولُ дин. шайтон, иблис

بَبْغَانٌ кўп. ـاتٌ — тўти, тўтиқуш

I بَغَتَ (а) بَغْتٌ 1) тасодифан (кутилмаганда) рўй бермоқ, содир бўлмоқ; 2) ҳайратда (ҳайрон, лол) қолдирмоқ; III بَاغَتَ 1) (*н. нидир*) кутилмаганда (тўсатдан) қилмоқ (بِـ); 2) кўққисдан ҳужум қилмоқ, бехосдан бостириб келиб қолмоқ; VII انْبَغَتَ 1) бехосдан бостирилган бўлмоқ; 2) ҳайрон бўлиб қолмоқ, лол қолмоқ, қойил қолмоқ

– بَاغِتٌ тўсатдан (кўққисдан, бехосдан) рўй берган, ногаҳоний, кутилмаган, тасодифий

– بَغْتَةً тўсатдан рўй бериш; кутилмаган воқеа; тасодифийлик; ~ кутилмаганда, тасодифан

– بَغْتِيٌّ = بَاغِتٌ

– مُبَاغِتٌ тасодифий, ногаҳоний

– مُبَاغَتَةٌ 1) кўққисдан ҳужум қилиш; 2) кутилмаганлик, тасодифийлик; сюрприз (*кутилмаган янгилик, совға*)

بُغَاثٌ *жам. кўп.* بِغْثَانٌ қушчалар, қуш болалари; الطُّيُور ~ кичкина қушчалар; ~ الــ يَسْتَنْسِرُ هُنَاكَ у ерда пашшадан фил ясайди (*сўзма-сўз:* у ерда қушчалар бургутга айланадилар)

– بُغَاثَةٌ қушча, қуш боласи

بُغَادَةٌ ишқорий сув

(بغدد) تَبَغْدَدَ ўзини катта тутмоқ, гердаймоқ, кеккаймоқ; кўз-кўз қилмоқ, рўкач қилмоқ, мақтанмоқ, ноз-карашма қилмоқ, ғамза (ишва) қилмоқ, сузилмоқ, қичиқ қилмоқ

– بَغْدَادِيٌّ 1. бағдодий, Бағдодга оид; 2. бағдодлик; ~ خَشَبٌ юпқа тахтача

– تَبَغْدُدٌ гердайиш, кеккайиш, кўз-кўз қилиш, рўкач қилиш; таннозлик, ишвагарлик

بُغَازٌ *кўп.* بَوَاغِيزُ бўғоз

– بُغَازِيٌّ *кўп.* بُغَازِيَّةٌ лоцман (*кемаларга йўл кўрсатувчи мутахассис*)

I بَغَشَ (*а*) بَغْشٌ майдалаб (томчилаб, эзиб) ёғмоқ; بَغَشَتِ السَّمَاءُ الْأَرْضَ майдалаб ёмғир ёғмоқ

– بَغَاشَةٌ *кўп.* اتٌ — буғоша (*гўштли сомса*)

– بَغْشَةٌ майдалаб ёғаётган ёмғир

I بَغَضَ (*у*) بَغَاضَةٌ ёки بَغِضَ (*а*) بُغْضٌ манфур, жирканч, нафратни келтирадиган бўлмоқ; II بَغَّضَ нафратни кўзғамоқ, нафратлантирмоқ; III بَاغَضَ бир-бирини ёмон кўрмоқ; IV أَبْغَضَ жуда ёмон кўрмоқ, нафрат билан қарамоқ; VI تَبَاغَضَ бир-бирини ёмон кўрмоқ

– بَغَاضَةٌ кучли нафрат, ўта ёмон кўриш

– بُغْضٌ, بِغْضَةٌ, بَغْضَاءُ нафрат, жирканиш

– بَغِيضٌ манфур, жирканч, нафратни келтирадиган; жуда хунук, жуда ёмон, қабиҳ, ёқимсиз

– تَبَاغُضٌ бир-бирини ёмон кўриш

– بَغِيضٌ = مُبْغَضٌ

– بَغِيضٌ = مَبْغُوضٌ

I بَغُلَ (*у*) بُغُولَةٌ 1) ақли ноқис, мияси йўқ, эси паст, калтафаҳм бўлмоқ, аҳмоқ, тентак бўлмоқ; 2) наслсиз, зурриёт қолдирмайдиган, бепушт бўлмоқ (*урғочи жониворлар ва аёллар ҳақида*); II بَغَّلَ *биол.* чатиштирмоқ, уламоқ

– تَبْغِيلٌ чатиштириш, улаш (*ҳайвон ва ўсимликлар ҳақида*), дурагайлаш

– بَغَّالٌ хачирларни ҳайдаб борувчи одам ёки хачирларнинг эгаси

بَغْلٌ *кўп.* بِغَالٌ 1) хачир; 2) эси паст, калтафаҳм, аҳмоқ, тентак

– بَغْلَةٌ урғочи хачир; الْقَنْطَرَةِ ~ кўприк тиргаги

I بَغَمَ (*а*) بُغَامٌ мунгли, ҳазин товушлар чиқармоқ (*оҳу ҳақида*)

I بَغَى (*и*) بُغْيَةٌ, بُغَاءٌ, بَغْيٌ 1) тиламоқ, истамоқ, кўярда-кўймай (хиралик билан). талаб қилмоқ (сўрамоқ), хиралик билан кўлга киритишга интилмоқ; 2) ўйлаб кўрмоқ, ният (қасд ёки мўлжал) қилмоқ, кўнгилга тугмоқ; 3) (*н. гадир*) қасд қилмоқ (عَلَى); 4) эзмоқ, сиқмоқ, жабрламоқ, зулм қилмоқ, (*к. нидир*) хафа қилмоқ (عَلَى); 5) бузуқлик (ахлоқсизлик) қилмоқ, саёқ юрмоқ фаҳшга берилмоқ; фоҳишалик қилмоқ; IV أَبْغَى 1) (*н. нидир*) топишга, қўлга киритишга ёрдам бермоқ; 2) бермоқ; тортмоқ, сузмоқ (*таомни*); V تَبَغَّى хоҳламоқ, истамоқ; VI تَبَاغَى ўзаро хоҳлашмоқ, бир-бирларини исташмоқ, тусашмоқ; VII اِنْبَغَى: ... يَنْبَغِي أَنْ шуни қилиш зарурки, ... у мажбурки, ...; يَنْبَغِي عَلَيْهِ أَنْ ... бизлар يَنْبَغِي أَلاَّ نَنْسَى أَنْ эсдан чиқармаслигимиз кераккки, ...; كَمَا يَنْبَغِي керак (лозим) бўлганидай; VIII اِبْتَغَى хоҳламоқ, тиламоқ, истамоқ

– اِبْتِغَاءٌ тилак, истак, хоҳиш; ~ тилаб, хоҳлаб, ...га интилиб

– بَاغٍ *мн.* بَاغِيَةٌ *кўп.* بُغَاةٌ 1. жабр-зулм қилувчи; адолатсизлик қилувчи; 2. золим, шафқатсиз одам

– بُغَاءٌ тилак, истак

– بِغَاءٌ бузуқлик, ахлоқсизлик; фоҳишабозлик; ~ دَارُ الــ фоҳишахона

– بَغْيٌ 1) адолатсизлик, шафқатсизлик; 2) ахлоқсизлик; фоҳишабозлик

– بَغِيٌّ *кўп.* بَغَايَا суюқоёқ, ахлоқсиз (*аёл*); фоҳиша

– بُغْيَةٌ тилак, истак, мақсад; التَّدَخُّلِ ~ аралашиш мақсадида

– مُبْتَغًى *кўп.* مُبْتَغَيَاتٌ кутилган, кўнгилдаги, орзу қилинган мақсад

بَفْتٌ, بَفْتَةٌ коленкор (*қалин сурп*); чит

I بَقَّ (*а/у*) بَقٌّ 1) куймоқ, тўкмоқ, оқизмоқ; 2) шариллаб отилмоқ; сачратмоқ, пуркамоқ, сепмоқ; 3) вайсамоқ, сафсата сотмоқ; II بَقَّقَ қандалага (канага) тўла бўлмоқ (*уй-жой ҳақида*); IV أَبَقَّ сергап бўлмоқ, майдагап бўлмоқ, кўп гапирмоқ

– بَقَاقٌ, بَقَاقَةٌ = بَقَّاقٌ

– بَقَّاقٌ 1. сергап, эзма, вайсақи; 2. оғзи бўш, ичида гап ётмайдиган одам

– بُقٌّ оғиз

– بَقٌّ *жам.* тахтакана, жўлак, қандала; دَقِيقِيٌّ ~ ун митаси

– بَقَّةٌ *кўп.* اتٌ — тахтакана, жўлак, қандала, мита; ~ شَجَرَةُ الــ *бот.* қайрағоч, бужун

بَقْبَقَ 1) кўпирмоқ, кўпикланмоқ, қулт-қулт қилмоқ (*сув ҳақида*); 2) вайсамоқ, беҳуда гапларни гапирмоқ, бидир-бидир қилмоқ; 3) ғурра, пўрсилдоқ, қавариқ билан қопланмоқ

– بَقَاقٌ = بَقْبَاقٌ

– بَقْبَقَةٌ 1) қултиллитиш; 2) сафсата; 3) ғурра, қавариқ пайдо бўлиши

– بَقْبُوقَةٌ *кўп.* بَقَابِيقُ ғурра, пўрсилдоқ, қавариқ, шиш

بُقْجَةٌ *кўп.* بُقَجٌ, بُقْجَاتٌ 1) бўғча; тугунча, ўралган нарса, ўрам; боғлам, боғ, даста, шода; пачка, бир қути; пакет, қоғозга ўралган нарса, қоғозхалта; 2) газлама (*бирор н. ни ўраш учун*)

بَقْدُونِسٌ, بَقْدُونَسٌ *бот.* петрушка (*кашничсимон кўкат*)

I بَقَرَ (*а*) بَقْرٌ очмоқ, кесмоқ, ёрмоқ, тилмоқ, тилимламоқ, қиймоқ; сўкмоқ; V تَبَقَّرَ билими ёки давлати кўпаймоқ

– بَاقِرٌ йирик шохли чорва подаси

– بَاقُورَةٌ сигир, буқа, ҳўкиз (*Яманда*); فِي ثَلَاثِينَ بَاقُورَةً بَقَرَةٌ *ҳад.* ўттизта ҳўкиздан битта

بَقَّارٌ *кўп.* بَقَّارَةٌ чўпон, подачи; йирик қорамол эгаси; чорвадор

– بَقَرٌ *жам. кўп.* أَبْقَارٌ (йирик) қорамол; мол; ~ُ الْمَاءِ *ёки* ~ُ الْبَحْرِ *зоол.* денгиз сигири (*йўқ бўлиб кетган денгиз ҳайвони*); ~ُ الْوَحْشِ ёввойи сигир; ◊ أَبُو ~ а) қўтон, қарқара; б) қизқуш (*балиқчилар туркумига оид қуш*)

– بَقَرَةٌ *кўп.* ~اتٌ сигир, буқа; سُورَةُ الْـ~ *қур.* бақара сураси; ~ُ الْبَحْرِ *зоол.* дюгонь (*денгиз буқаси*); ~ وَحْشِيَّةٌ антилопа, кийик, оху

– بَقَرِيٌّ сигирга оид; ~ لَبَنٌ сигир сути; ~ لَحْمٌ мол гўшти

بَقْسٌ *бот.* шамшод

بُقْسُمَاطٌ *жам.* тўрғаб қотирилган нонлар, сухари, бисквит

– بُقْسُمَاطَةٌ *кўп.* ~اتٌ бисквит

بَقْشَشَ (*к. ғадир*) чой пули бермоқ

– بَقْشَشَةٌ чой пули бериш; тортиқ қилиш, совға бериш

– بُقْشَةٌ *кўп.* بُقَشٌ букша (*Яманда қиймати 1/40 риёлга тенг пул бирлиги*)

– بَقْشِيشٌ *кўп.* بَقَاشِيشُ бақшиш, хайр-садақа; чой пули; ҳадя

I بَقِعَ (*а*) بَقَعٌ хол-хол, олачипор, доғли бўлмоқ; чавкари бўлмоқ; II بَقَّعَ доғ қолдирмоқ, доғ қилмоқ; булғамоқ, кир (ифлос) қилмоқ; V تَبَقَّعَ 1) доғ бўлмоқ, булғанмоқ, кир (ифлос) бўлмоқ; 2) хол-хол бўлмоқ; 3) баъзи жойлари ҳўл бўлмоқ

– أَبْقَعُ *мн.* بَقْعَاءُ *кўп.* بُقْعٌ хол-хол, доғли, олачипор; ~ غُرَابٌ *зоол.* ола қарға

– بَاقِعَةٌ *мз. кўп.* بَوَاقِعُ ўта ақлли киши, доно, донишманд киши

– بُقْعَةٌ[1] *кўп.* بُقَعٌ доғ; хол-хол

– بُقْعَةٌ[2] *кўп.* بِقَاعٌ 1) жой, ер, макон, ўрин; 2) ер бўлаги (участкаси)

– بَقِيعٌ турли хил тўнка ва илдизлар кўп бўлган ер, жой; ~ُ الْغَرْقَدِ Мадинаи мунаввaрадаги қабристон номи

– مُبَقَّعٌ хол-хол, доғли; олачипор

I بَقَلَ (*у*) بَقْلٌ 1) ўсмоқ, унмоқ, кўкариб чиқмоқ, ниш урмоқ (*ўт-ўлан ҳақида*); 2) соқоли чиқмоқ, соқол пайдо бўлмоқ; ~ وَجْهُ الْغُلَامِ ўспириннинг соқоли чиқиб қолди; IV أَبْقَلَ : أَبْقَلَتِ الْأَرْضُ ердан ўт-ўланлар чиқди; V تَبَقَّلَ термоқ, юлмоқ, узмоқ (*мас. полиз* экинларини)

– بَاقِلٌ *ат.от. мз.* Боқил (*гапини эплаб гапира олмайдиган одам исми*) ~ أَعْيَا مِنْ *маж.* мутлақо гапини эплаб гапира олмайдиган, ўта ношуд (*сўзма-сўз:* Боқилдан ҳам дудуқроқ)

– بَاقِلَّى, بَاقِلَاءُ *алиф.б.қ.*

بَاقِلَانِيٌّ баққоллик дўкони эгаси

– بَكَّلَا = بَقَالَا

– بَقَّالٌ 1) баққол; 2) кўкат ва полиз экинлари билан савдо қилувчи киши, резаворфуруш, ҳўлфуруш

– بِقَالَةٌ баққоллик; ~ دُكَّانُ الْـ баққоллик дўкони

– بَقْلٌ *жам. кўп.* بُقُولٌ 1) овқатга ишлатиладиган ўтлар; 2) ўт-алафлар, кўкатлар; 3) полиз экинлари

– بَقْلَةٌ полиз экини; ~ بَارِدَةٌ а) Миср ловияси; б) печак, чирмовиқ; الْـ~ُ الْحَمْقَاءِ семизўт, гулбеор; ~ُ الْخَطَاطِيفِ қончўп; الْـ~ُ الْعَرَبِيَّةُ (الْيَمَانِيَّةُ) ола бута, шўра; الْـ~ُ الذَّهَبِيَّةُ қизил амарант; الْـ~ُ الْمُبَارَكَةُ эндевий, боғда ўсадиган цикорий (*озиқ-овқатга ишлатиладиган ўтсимон ўсимлик*); ~ُ الْمَلِكِ бақлатул-малик (*жанубда ўсадиган кўп йиллик бута*)

– بَقَّلَةٌ треска (*балиқ тури*)

– بُقُولِيٌّ доривор ўтларга оид

– مَبْقَلَةٌ *кўп.* مَبَاقِلُ полиз; полиз экинлари, сабзавот экилган жой; ~ مَسْقُوفَةٌ بِالزُّجَاجِ парник, иссиқхона

– بَقْلَاوَةٌ бақлова, пахлава (*ширинлик тури*)

بَقْلُولَةٌ пуфак; қўпик; қаварик, бўртиқ

بَقَّمٌ 1) *бот.* сандал дарахти

بُقُوطِيٌّ унча катта бўлмаган сават, корзинка

I بَقِيَ (*а*) بَقَاءٌ 1) қолмоқ, сақланмоқ; қолгани, ортгани бўлмоқ; يَبْقَى بِالْبُوسْتَةِ йўқлаб олинадиган; لَمْ تَبْقَ طِفْلاً! сен энди ёш бола эмассан!; ... وَ لَمْ يَبْقَ أَحَدٌ مِنْهُمْ إِلَّا شَارَكَ فِي уларнинг орасида ...да иштирок этмаган ҳеч ким қолмади; 2) бирор жойда ёки ҳолатда бўлмоқ, турмоқ; 3) бирор кимсанинг бўйнида (зиммасида) қолмоқ (*қарз тўғрисида* - عَلَى); I بَقَى (*и*) кутмоқ, интизор бўлмоқ; بَقَيْنَا رَسُولَ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَ سَلَّمَ *ҳад.* биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламни кутдик; II بَقَّى қолдирмоқ; IV أَبْقَى 1) қолдирмоқ, сақламоқ; ~ اللهُ حَيَاتَكَ! Оллоҳ сенга узоқ умр берсин!; 2) (*к. ғадир*) раҳм-шафқат қилмоқ (عَلَى); V تَبَقَّى қолмоқ; қолдиқ, қолган, ортган бўлиб чиқмоқ; X اِسْتَبْقَى 1) сақлашга ҳаракат қилмоқ; 2) бутун қолдирмоқ, сақланмоқ, эҳтиёт қилмоқ; 3) (*ўзида*) тўхтатиб қолмоқ, ушлаб қолмоқ, олиб қолмоқ; асрамоқ; 4) қолишни сўрамоқ (илтимос қилмоқ)

– إِبْقَاءٌ 1) қолдириш, сақлаш; 2) (*к. ғадир*) раҳм қилиш (عَلَى)

– أَبْقَى жуда мустаҳкам, бут, бехато, яхши ҳолда, бузилмаган,

кафолатли; ... لو ~ و كان خيرًا لكم агарда ... бўлганда эди, сизлар учун ҳаммасидан яхшироқ ва ишончлироқ бўлур эди

– اسْتِبْقَاء 1) сақлаш; 2) (*ўзида*) тўхтатиб қолиш, ушлаб қолиш, асраш

– بَاقٍ *ми.* بَاقِيَة 1. 1) боқий, қолган; بَاقِي الوَرَقَة المَالِيَة қайтим;2) қолгани, бошқа, ортиғи; 3) бут, яхши ҳолда, бузилмаган; 4) чўзилган; абадий; الحَيُّ البَاقِي Боқий (*Оллоҳнинг сифатларидан бири*); فَارَقَ الدَّارَ الفَانِيَة إلى الدَّار البَاقِيَة у вафот этди (*сўзма-сўз:* у фоний дунёдан боқий дунёга кетди); الحَيَاةُ البَاقِيَة нариги дунёдаги ҳаёт; 2. *кўп.* بَاقِيَات қолдиқ, қолгани, ортгани; البَاقِيَاتُ الصَّالِحَاتُ хайрли ишлар

– بَاقِيَة *кўп.* بَوَاقٍ қирққулоқ (*Сурияда*)

– بَقَاء 1) давомлилик; давом этиш вақти; 2) абадийлик, узоққа, кўпга чидаш; طَوِيلُ الـ~ кўпга чидайдиган, пишиқ-пухта; узоқ давом этадиган, узоқ вақтга мўлжалланган; 3) бутлик, яхши сақланганлик, жойидалик; قَانُون ~ الطَّاقَة *физ.* энергия (қувват)-нинг сақланиш қонуни; 4) бирор жойда ёки ҳолатда бўлиш, туриш, ҳаёт кечириш; تَنَازُعُ الـ~ *ёки* نِزَاعُ الـ~ *биол.* яшаш учун кураш; ~ الأَصْلَح *ёки* ~ الأَنْسَب *биол.* шароитга мослашганларнинг яшаб қолиши; ◊ دَارُ الـ~ дорулбақо, у дунёдаги ҳаёт

– بَقَا، بَقَى *халқ.* у ҳолда, демак, бинобарин, шундай экан

– بَقِيَّة *кўп.* بَقَايَا 1) қолгани, ортиғи, қолдиқ; بَقَايَا المَاضِي эскилик сарқити; ~ بَاقِيَة арзимаган (*озгина*) сарқитлар; 2) давоми; لَهُ ~ давоми бор; الـ~ عَلَى الصَّفْحَة الرَّابِعَة давоми тўртинчи саҳифада; ◊ ... يَا الـ~ في حَيَاتِك (худо) қолганларнинг умрини узоқ қилсин! (*яқин кишисининг вафот этганлиги тўғрисида хабар берилаётган пайтда айтилади*)

– مُبْقًى : ~ عَلَيْه қолдирилган

بَك *кўп.* بَكَوَات бек, бей

– بَكَوِيَّة беклик (бейлик) мартабаси (унвони)

I بَكَّ (*у*) بَكٌّ сиқмоқ, қисмоқ, эзмоқ; عُنُقَه ~ (*бирор к. га*) жабр қилмоқ, зулм ўтказмоқ, зулм қилмоқ

بَكِّي : بَعْلَبَك *сўзидан нисбий сифат*; баълабаклик киши

بَكَّة Маккаи мукарраманинг маркази

I بَكَأَ (*а*) بُكُوء، بَكَاءَة، بَكَاء، بَكْء сути камаймоқ, қисир бўлмоқ (*туя ёки қўй ҳақида*)

– بَكِيء *кўп.* بِكَاء камгап, гапи оғзидан суғуриб олинадиган

– بَكِيئَة сути камайган, қисир бўлган (*туя ёки қўй ҳақида*)

بَكَابُورت туйнук, тешик, люк

بَكَارَا баккора (*карта ўйинининг бир тури*)

بَكَاشِين، بَكَاسِين балиқчи (*қуш*); лойхўрак (*қуш*)

بَكَالُورِيَا бакалаврлик даражаси; حَامِل ~ في العُلُوم المَالِيَّة التِّجَارِيَّة молия-савдо фанлари бўйича бакалавр

– بَكَلُورِيُوس = بَكَالُورِيُوس

بَكْبَاشِي *кўп.* بَكْبَاشِيَّة *эск.* бекбоши; подполковник

I بَكَتَ (*у*) بَكْت 1) урмоқ, калтакламоқ, саваламоқ; 2) енгмоқ, енгиб чиқмоқ, ўзиб кетмоқ, (*баҳс-мунозарада*) ғолиб келмоқ; II بَكَّتَ 1) сўкмоқ, уришмоқ, коймоқ; танбеҳ бермоқ; гина қилмоқ, ўпкаламоқ, таъна қилмоқ, айбламоқ; 2) بِالحُجَّة ~ ғолиб келмоқ, ғолиб бўлмоқ, ғалаба қилмоқ, енгмоқ

– تَبْكِيت танбеҳ бериш, таъна, гина қилиш; الضَّمِير ~ виждон азоби

بَكْتِيرِيَا бактериялар

I بَكَرَ (*у*) بُكُور 1) эрта (барвақт) турмоқ; 2) (*қаерадир*) барвақт отланмоқ, жўнамоқ (إلى); 3) (*н. нидир*) эрта тонгда қилмоқ (ب); 4) (*н. нидир*) эрта, вақтидан илгари қилмоқ; في النَّوْم ~ эрта ётмоқ (ухламоқ); II بَكَّرَ 1) =I; 2) шошилмоқ, тез бажармоқ, олдин бажармоқ; III بَاكَرَ (*к. нингдир ҳузурига*) барвақт келмоқ; VIII ابْتَكَرَ 1) ихтиро қилмоқ, ўйлаб топмоқ; ижод этмоқ; 2) ташаббус кўрсатмоқ; 3) биринчи ҳосилни узмоқ; 4) қизлигидан маҳрум қилмоқ; 5) бошқаларга ўхшамайдиган, бетакрор бўлмоқ

– ابْتِكَار *кўп.* ـات 1) ихтиро қилиш, яратиш; ижод; 2) ташаббус; 3) бетакрорлик, бошқаларга ўхшамаслик

– بَاكِر эрта, эртанги, илк, эрта бошланган, барвақт, муддатидан олдин; ~ إنَّ الوَقْت ҳали эрта; مَوْت ~ бевақт ўлим; ~ ا эрта, барвақт

– بَاكِرَة *кўп.* بَوَاكِر бокира; биринчи ҳосил; биринчи белги, илк нишона

– بَاكُور эртапишар, тезпишар, чиллаки, эртаги

– بَاكُورَة *кўп.* ـات, بَوَاكِير биринчи ҳосил; (*қандайдир ишда*) биринчи қадам; тўнғич, энг биринчи; الصُّبْح ~ эрта тонг; أَعْمَالِه ~ меҳнатларининг биринчи меваси; 2) *кўп.* биринчи белгилар, нишоналар, дарақчилар

– بَكَارَة қизлик, бокиралик, маъсумалик; غِشَاء الـ~ қизлик пардаси

– بَكْر *кўп.* أَبْكُر, بِكَار 1) кичкина туяча, бўталоқ; 2) *ат. от. мз.* Бакр

بِكْر[1] *кўп.* أَبْكَار : ~ ضَرْبَة ҳал қилувчи зарба; كَانَتْ ضَرَبَاتُ عَلِيٍّ أَبْكَارًا *ҳад.* Али каррамаллоҳу важҳанинг зарбалари ҳал қилувчи эди

– بِكْر[2] 1. бокира, пок, иффатли, тоза; الأَرَاضِي الـ~ бўз (қўриқ) ерлар; البِلَاد الـ~ киши қадами етмаган мамлакат, жой; ◊ دَهْشَة ~ ا у таърифлаб бўлмайдиган даражада ҳайратда қолди; 2. *кўп.* أَبْكَار 1) тўнғич, энг биринчи; биринчи насл; 2) иффатли қиз, маъсума, бокира; 3) биринчи марта кўзи ёриган аёл

– بَكَر *жам.* 1) *тех.* блоклар (*бир бутун ҳолда ишланган қисмлар бирикмаси*); 2) ғалтаклар

– بَكَرَة, بَكْرَة *кўп.* ـات 1) *тех.* блок; 2) ғалтак, найча, ғалтак

(*тикув ва йигирув машиналаридаги*); خَيْطٌ أَسْوَدُ (أَبْيَضُ) ~ қора (оқ) ип ғалтаги; ◊ إِنَّهُمْ (عن) عَلَى ~ أَبِيهِمْ احْتَفُوهُ улар ҳаммаси биргаликда уни тантанали равишда кутиб олдилар

– بَكْرَةٌ[2] ёш урғочи туя боласи, урғочи бўталоқча; ◊ جَاؤُوا عَلَى أَبِيهِمْ ~ уларнинг ҳаммалари келишди

– بُكْرَةٌ эрта тонг, тонг саҳар; فِي ~ النَّهَارِ эрта тонгда; ~ а) эрта тонгда; б) эртага; ~ بَعْدَ индинга, эртадан кейин

– بِكْرِيٌّ биринчи туғилган, тўнғич ўғил

– بِكْرِيَّةٌ 1) биринчи туғилган, тўнғич қиз; 2) биринчи маротаба туғаётган аёл

– بَاكُورٌ = بَكُورٌ

– بُكُورِيَّةٌ، بُكُورَةٌ тўнғичлик, биринчилик

– بَكِيرٌ эртаги, эртапишар, тезпишар, чиллаки

– مُبْتَكَرٌ бошқаларга ўхшамайдиган, бетакрор, оригинал

– مُبْتَكَرَاتٌ *кўп.* ихтиролар, тадқиқотлар

– مُبْكَارٌ эртаги

– مُبَكِّرٌ эртаги, эртапишар, тезпишар

بَكْرَجٌ *кўп.* بَكَارِجُ чойнак; кофейник (*қаҳва пишириладиган идиш*)

مُبَاكَسَةٌ бокс

بَكَلَ I بَكْلٌ (у) тугнамоқ, тугмаламоқ, тугмаларни қадамоқ; II = I

– بَكْلَةٌ *кўп.* بِكَلٌ илгак, тўқа

بَكَلَا треска (*шимолий денгиздаги балиқнинг бир тури*)

– بَكْلَاه = بَكَلَا

بَكْلُورِيَا = بَكَلُورِيَةٌ

بَكَلُورِيُوسٌ бакалавр; غُلُومٍ ~ фан бакалаври; فُنُونٍ ~ санъат бакалаври; دَرَجَةُ الـ~ бакалаврлик даражаси

بَكَامَةٌ I (بكم) тўқ ранг (а) بَكِمَ соқов, гунг, тилсиз бўлмоқ; بَكَمَ (у) жим бўлмоқ, овозни чиқармаслик, ҳеч нарса гапирмаслик; IV أَبْكَمَ соқов, гунг, тилсиз қилмоқ; V تَبَكَّمَ тилдан қолмоқ; қотиб, серрайиб қолмоқ, жим бўлмоқ, гапира олмай қолмоқ, сўзлай олиш қобилиятини йўқотмоқ

– أَبْكَمُ *мн.* بُكَمَاءُ *кўп.*, بُكْمٌ соқов, гунг

– بَكَمٌ соқовлик, тилсизлик, гунглик

– بَكِيمٌ *кўп.* أَبْكَامٌ соқов

بَكَى I (и) بُكَاءٌ йиғламоқ, хўнграмоқ; (*к. гадир*) аза тутиб йиғламоқ (*туш.к. ёки* عَلَى); II بَكَّى 1) кўп йиғламоқ; йиғлашга мажбур қилмоқ; IV أَبْكَى йиғлатмоқ, кўз ёшигача олиб бормоқ; кўз ёшини оқиздирмоқ; VI تَبَاكَى 1) ўзини йиғлаганга солмоқ, (*н. гадир*) ёлғон йиғи қилмоқ (عَلَى); 2) бошқалар билан биргаликда йиғламоқ; X اسْتَبْكَى йиғлашга мажбур қилмоқ, кўз ёшини оқиздирмоқ

– بَاكٍ *кўп.* بُكَاةٌ йиғлаётган, кўз ёши тўкаётган; аза тутаётган

– بَاكِيَةٌ *кўп.* بَوَاكٍ 1. йиғлаётган, кўз ёши тўкаётган; аза тутаётган (*аёл*); 2. 1) йиғичи, гуянда (*аза қўшиқларини айтувчи аёл*); 2) *архит.* гумбаз, қубба; арка, тоқ, равоқ

– بَكَّاءٌ йиғлоқи (*одам*)

– بُكًى، بُكَاءٌ йиғи, йиғлаш, хўнграш; аза тутиш

– بَكِيٌّ йиғлоқи, кўп йиғлайдиган

– مُبْكٍ *мн.* مُبْكِيَةٌ кўз ёшини оқизувчи, йиғлатувчи; ўта ачинарли, қайғули, ҳасратли

– مَبْكًى *кўп.* مَبَاكٍ (*к. гадир*) йиғланадиган, аза тутиладиган жой; ~ الْيَهُودِ ёки ~ حَائِطُ الـ "йиғи девори" (*Қуддуси шариф ш. да*)

– مَبْكِيٌّ: ~ عَلَيْهِ йиғланадиган

بَلْ балки; аксинча, билъакс; лекин, ҳаттоки; эса, бўлса; бироқ; ...дан кўра, кўпроқ, афзалроқ; لَيْسَ هُوَ كَاتِبًا ~ طَبِيبٌ у ёзувчи эмас, балки табибдир; مَا قَالَ هٰذَا عُمَرُ ~ زَيْدٌ буни Умар эмас, аксинча Зайд айтди; يُخْطِئُ ~ وَ يُصِرُّ عَلَى الْخَطَأِ у хато қиляпти, ҳаттоки хатони қаттиқ туриб маъқуллаяпти

بَلَّ I (بلّ) بَلٌّ (а/у) 1) хўлламоқ, намламоқ, ивитмоқ, хўллаб олмоқ; суғормоқ; сув (нам) бермоқ; ~ الظَّمَأَ томоқни хўлламоқ; ~ ظَمَأَهُ чанқоқни босмоқ, бостирмоқ; هٰذَا لَا يَبُلُّ الرِّيقَ *маж.* бу мутлақо етарли эмас; 2) бермоқ, тақдим этмоқ, адо этмоқ; بُلُّوا أَرْحَامَكُمْ وَ لَوْ بِالسَّلَامِ *ҳад.* қариндошларингизни ҳеч бўлмаганда салом билан сийлангизлар; بَلٌّ (а/и) بُلُولٌ، بَلَلٌ (*н. дандир кейин*) соғаймоқ, тузалмоқ; (*н. дандир*) тузалмоқ, ўзига келмоқ, кучга кирмоқ, тикланмоқ, оёққа туриб олмоқ (مِنْ); بَلَّ مِنْ مَرَضِهِ у касалликдан тузалди; II بَلَّلَ (*н. биландир*) кўп хўлламоқ, ивитмоқ (بِ); اللّٰهُ ثَرَاهُ ~ Оллоҳ унинг қабрини обод қилсин!; الْفَقِيدَةَ بِدُمُوعِهِ ~ марҳумга аччиқ йиғламоқ; IV أَبَلَّ = II; V تَبَلَّلَ суғорилмоқ, намланмоқ, ивимоқ, бўкмоқ, хўл бўлиб кетмоқ; بِالْعَرَقِ ~ терлаб-пишиб кетмоқ; VIII ابْتَلَّ ивилмоқ, бўкмоқ, хўл бўлмоқ, хўлланмоқ; X اسْتَبَلَّ = IV

– بَلٌّ хўллаш

– بِلٌّ[1] соғайиш, тузалиш

– بِلٌّ[2] *жам.* ёввойи маржон дарахтининг меваси

– بِلٌّ[3] рухсат берилган, ман этилмаган; لَا أُحِلُّهَا لِمُغْتَسِلٍ وَ هِيَ لِشَارِبٍ حِلٌّ وَ ~ чўмилишга мен рухсат этмайман, уни ичиш эса ҳалол ва рухсат берилгандир (*замзам суви ҳақида*)

– بِلَالٌ: ~ بْنُ حَمَامَةَ Муҳаммад алайҳиссалом муаззинларининг исми

– بُلَالَةٌ намлик, хўллик

– بَلَّانٌ ҳаммом хизматчиси, ҳаммомчи

– بَلَّانَةٌ *кўп.* اتٌ — 1) ҳаммом ходимаси, ҳаммомда ишлайдиган аёл; 2) уй бекасининг оқсочи (*бой хонадонларда*)

– بِلَّةٌ намлик, ҳўллик, захлик; ~ زَادَ فِي الطِّينِ оловга ёғ сепмоқ, авж олдирмоқ; гижгижламоқ

– بَلِيلٌ 1. нам, ҳўл, зах; 2. муздаккина (ёқимли) шабада

– بَلِيلَةٌ буғдой ёки маккажўхоридан бир оз ширин қилиб тайёрланган бўтқа

– مَبْلُولٌ، مُبَلَّلٌ، مُبْتَلٌّ ҳўл

بِلَا (بـ + لَا) ...сиз; бе ...., но...; حَائِطٌ ~ صُورَةٍ كَغُرْفَةٍ ~ نَافِذَةٍ *мтл.* суратсиз девор деразасиз хонага ўхшайди

بَلَاتُونٌ *кўп.* اتٌ — *ҳарб.* взвод, кичик қисм; (*қар.* قُولٌ)

بَلَاتِينٌ платина

بَلَاجٌ *кўп.* اتٌ — пляж, чўмилиб ҳордиқ чиқарадиган жой

بَلَاجْرَا *мед.* пелагра

بَلَازْمَةٌ плазма (*қоннинг суюқ қисми*)

بَلَاسْتِيكٌ пластмасса

بَلَاشْ (بِلَا شَيْءٍ) *халқ.* бекорга, текинга; يَا ~! нақадар арзон!, арзимаган нарса!

بَلَانْكٌ *кўп.* اتٌ — бирор нарса ишлаб чиқариш учун тайёрлаб қўйилган ярим маҳсулот; ғўла

بَلْبَصَ ишқаламоқ; суртмоқ; артмоқ; полювғич билан супурмоқ (артмоқ)

– بُلْبَاصٌ *кўп.* بَلَابِيصُ пол ювадиган латта, полювғич

بَلْبَطَ чайқалмоқ; шапилламоқ, урилиб сачрамоқ, сочилмоқ, сепилмоқ, сепишмоқ, сочишмоқ

– بَلْبَطَةٌ чайқалиш, сачраш; сепишиш

بَلْبُوعَةٌ *кўп.* بَلَابِيعُ ҳапдори; юмалоқ дори

بَلْبَلَ 1) безовта қилмоқ, уринтирмоқ, оромини бузмоқ; ташвишга (хавотирга) солмоқ; 2) чигаллаштирмоқ, чалкаштирмоқ, айқаш-уйқаш қилмоқ; жойини, (ўрнини) ўзгартирмоқ, чалғитмоқ, адаштирмоқ; تَبَلْبَلَ 1) безовта (ороми бузилган, ташвишланган, хавотирда қолган) бўлмоқ; 2) чалкаш, айқаш-уйқаш бўлмоқ, аралашмоқ, қоришмоқ; аралаш-қуралаш бўлиб кетмоқ

– بَلْبَالٌ[1] *кўп.* بَلَابِلُ безовта бўлиш, хавотирланиш

بَلْبَالٌ[2] *бутанинг номи*

– بُلْبُلٌ *кўп.* بَلَابِلُ булбул; ~ الشَّعِيرِ *зоол.* деҳқончумчуқ

– بَلْبَلَةٌ *кўп.* بَلَابِلُ 1) нотинчлик, хавотирлик, безовталик, ташвиш; قَرَّتْ بَلَابِلُهُ у хавотирланмай (ташвишланмай) қўйди; تَضَاعَفَتْ بَلَابِلُهُ унинг ташвиши ортди (кўпайди); 2) чалкашлик, тартибсизлик, парокандалик, тўс-тўполон, югур-югур, қий-чув, бесаржонлик, беҳаловатлик; аралаш-қуралашлик;3) *кўп.* ғам-ташвишлар, ҳадиклар, хавфсирашлар, чўчишлар

– بُلْبُلَةٌ *кўп.* اتٌ — 1) (*чойнакнинг*) жўмраги; 2) кран

– بُلْبُولٌ суқсур, ёввойи ўрдак

تَبَلْبُلٌ чалкашиш, айқаш-уйқаш бўлиш, қоришиш, тартибсизлик, чатоқлик; қий-чув, тўс-тўполон; ~ الْأَلْسِنَةِ тилларни аралаштириб (қориштириб) юбориш

مُبَلْبَلٌ 1) хавотирланган, ташвишга тушган; 2) аралаш-қуралаш бўлиб кетган, чалкаш

I (بلج) بَلَجَ (у) بُلُوجٌ 1) порламоқ, нур сочмоқ, ярқирамоқ; 2) ёришмоқ; بَلِجَ (а) بَلَجٌ нур сочмоқ, чақнамоқ, ёритмоқ; ял-ял ёнмоқ, балқиб турмоқ (*юз ҳақида*); хурсанд бўлмоқ, севинмоқ; IV أَبْلَجَ 1) порламоқ, ёрқин нур сочмоқ; 2) очмоқ, фош қилмоқ, аниқламоқ; ошкор (маълум) қилмоқ; الْحَقُّ ~ وَ الْبَاطِلُ تَلَجْلَجَ *мтл.* ҳақиқат аниқ-равшан қилади, ёлғон эса чалкаштиради (*сол.* أَبْلَجَ); V تَبَلَّجَ 1) нур сочмоқ, порламоқ, чарақлаб турмоқ; 2) тонг отмоқ, ёришмоқ; 3) қувонмоқ, севинмоқ, шод бўлмоқ. VII انْبَلَجَ 1) ёришмоқ; 2) кўринмоқ, чиқмоқ, пайдо бўлмоқ; ёриб ўтмоқ, ўзига йўл очмоқ (*нур ҳақида*)

– أَبْلَجُ *мн.* بَلْجَاءُ *кўп.* بُلْجٌ 1) ялтироқ, порлоқ, ёрқин; 2) шод, хурсанд, қувноқ; 3) аниқ, равшан; ойдин, соф, тоза; الْحَقُّ ~ وَ الْبَاطِلُ لَجْلَجٌ ҳақиқат аниқ, ёлғон эса ноаниқ (*дудмал*) сўзлайди

– انْبِلَاجٌ 1) *шунингдек.* ~ الْفَجْرِ тонг пайти, тонг ёришган пайт, тонготар пайт; 2) илк давр, боши, бошлари; ~ الْقَرْنِ الْعِشْرِينَ йигирманчи аср бошлари

– تَبَلُّجٌ ялтираш, ярқираш, чақнаш; нур, жилва, шуъла; нур сочиш, порлаш

بَلْجِيكِيٌّ 1. Бельгияга оид; 2. бельгиялик

بُلْجَةٌ *ёки* بَلْجَةٌ икки қошнинг ўртаси

(بلح) IV: أَبْلَحَ النَّخْلُ хурмонинг меваси пишди, хурмо пишиб етилди

– بَلَحٌ хурмолар (тоза, янги); ~ الْبَحْرِ *зоол.* денгиз чиғаноғи

– بَلَحَةٌ *кўп.* اتٌ — хурмо

I (بلد) بَلَدَ (у) بُلُودٌ (*қаердадир*) яшамоқ (بـ); (*н. нидир*) турар жой деб танламоқ (بـ); بَلُدَ (у) بَلَادَةٌ аҳмоқ, тентак, бефаҳм, эси паст, бефаросат бўлмоқ; II بَلَّدَ 1) тентак, аҳмоқ бўлмоқ; 2) янги иқлимга, шароитга ўргатмоқ, кўниктирмоқ; V تَبَلَّدَ 1) эсини йўқотмоқ, ақлини еб қўймоқ, аҳмоқлигини билдирмоқ, намоён қилмоқ, ўзини аҳмоқона тутмоқ; 2) сусаймоқ, заифлашмоқ; ~تْ حَاسِيَّتُهُ унинг ҳиссиётлари сусайди; 3) янги шароитга ўрганмоқ, кўникмоқ; VI تَبَالَدَ ўзини аҳмоқликка солмоқ

– بِلَادٌ мамлакат (*қар.* بَلَدٌ)

– بَلَادَةٌ аҳмоқлик, тентаклик, бефаҳмлик

– بَلَدٌ *кўп.* بِلَادٌ، بُلْدَانٌ 1) мамлакат; 2) вилоят, область; 3) шаҳар, жой, макон; ابْنُ ~ а) шаҳарлик; б) *халқ.* олифта, башанг, посон

– بُلْدَانِيٌّ топонимика билан шуғулланувчи олим

– بُلْدَانِيَّةٌ топонимика (*жуғрофий номларни ўрганувчи*

тилшунослик соҳаси)

– بَلْدَةٌ *кўп.* بِلَادٌ 1) шаҳар; 2) аҳоли истиқомат қиладиган жой

– بَلَدِيٌّ 1. 1) шаҳарга оид; 2) маҳаллий, шу ерлик; 3) муниципиалитетга оид, муниципиал; ~ مَجْلِسٌ муниципиалитет мажлиси; 2. ҳамшаҳар, ватандош

– بَلَدِيَّةٌ *кўп.* ـَاتٌ шаҳар бошқармаси, муниципиалитет (*баъзи мамлакатларда маҳаллий ўз-ўзини идора қилиш органи*); رَئِيسُ الـ~ шаҳар бошлиғи, ҳокими, мери; دَارُ الـ~ шаҳар бошлиғи (ҳокими, мери) идораси

– بَلِيدٌ *кўп.* بُلَدَاءُ ривожланмаган, ақли ноқис, эси паст, аҳмоқ; ~ الذِّهْنِ зеҳни (*эси*) паст; 2. тентак, аҳмоқ

– تَبَلُّدٌ аҳмоқлик, тентаклик; миясн айниш, гангиш, меровлик

تَبْلِيدٌ янги иқлимга ўргатиш, кўниктириш

– مُتَبَلِّدٌ ақли ноқис, калтафаҳм, тентак, бефаросат, гўл, ғўр

بُلْدُوزِرٌ *кўп.* ـَاتٌ бульдозер

بَلَدِيُومٌ *кимё.* палладий

(بلس) IV أَبْلَسَ 1) : ~ مِنْ رَحْمَةِ اللهِ Оллоҳ раҳматидан умид узмоқ, умидсизланмоқ, ноумид бўлмоқ; 2) زَيْدٌ ~ Зайд ғамгин ҳолда сукут сақлади

– إِبْلَاسٌ мағлубият; ғамгинлик

– بَلَسٌ 1) анжир дарахти (*Ficus palmata*); 2) анжир меваси; анжир қоқи (*Яманда*)

بَلَسَانٌ 1) бальзамли дарахт; 2) маржон дарахти; صَغِيرٌ ~ қора маржон

بَالَسْتِيكٌ = بَلَسْتِيكٌ

بَالَسْتِيكِيٌّ = بَلَسْتِيكِيٌّ

بَلْسَمٌ *кўп.* بَلَاسِمُ бальзам (*баъзи ўсимликлардан олинадиган хушбўй эфир мойи*); شَافٍ ~ *маж.* шифобахш, доривор бальзам

– بَلْسَمِيٌّ бальзамли, хушбўй, доривор, шифобахш

(بلش) II بَلَّشَ бошламоқ (*Сурияда*)

بَلْشَفَ большевик қилмоқ, большевиклаштирмоқ; تَبَلْشَفَ большевик бўлмоқ, большевиклашмоқ

– بَلْشَفَةٌ 1) большевиклаштириш; 2) большевизм

– بَلْشَفِيٌّ *кўп.* بَلَاشِفَةٌ 1) большевизм ва большевикларга оид; 2) большевик

– بُلْشَفِيكٌ *жам.* большевиклар

– بَلْشَفَةٌ = بَلْشَفِيَّةٌ

بَلَشُونٌ кўтон, қарқара; كُلٌّ بِرِكَةٍ وَ لَهَا ~ *мтл* бош бўлса, дўппи топилади; ош бўлса, ейдиган топилади (*сўзма-сўз: ҳар бир ҳовузнинг ўз кўтони бор*)

I بَلَصَ (*у*) بَلْصٌ қўрқитиб (*ёки дўқ-пўписа ва бошқа йўллар билан* алдаб) ундирмоқ, олмоқ, товламоқ, юлмоқ; II بَلَّصَ = I; VII انْبَلَصَ алданган бўлмоқ

– بَلَّاصٌ *кўп.* بَلَالِيصُ лойдан ясалган кўза

– بَلَّاصٌ = بَلَاصِيٌّ

– بَلْصٌ 1) қўрқитиб олиш, товламачилик, юлғичлик; олиб қўйиш, тортиб олиш

– بَلْصَةٌ алдаш, фириб (панд) бериш, муттаҳамлик, қаллоблик, товламачилик

(بلط) II بَلَّطَ 1) тош ётқизмоқ, тош термоқ; 2) силласи қуримоқ, ҳолдан тоймоқ, сулаймоқ; ◊ وَجْهَهُ ~ уятсиз бўлмоқ; V تَبَلَّطَ 1) тош терилмоқ (ётқизилмоқ); 2) *маж.* сандироқлаб юрмоқ, санқимоқ

– بَلَاطٌ[1] *жам.* йўлга тўшаладиган (*ётқизиладиган*) тош, плита (тоштахта), йирик тош; قَاشَانِيٌّ ~ кошин, кафель; إِسْمَنْتٌ ~ цемент кошин

– بَلَاطٌ[2] сарой (*шоҳларники*)

– بَلَاطَةٌ *кўп.* ـَاتٌ тош, тоштахта (плита); مُلَوَّنَةٌ ~ кошин, кафель; الضَّرِيحِ ~ қабр устига қўйиладиган тош, сағана

– بَلْطَةٌ *кўп.* بَلْطٌ болта (*кўпроқ жангларда ишлатиладигани*)

– بُلْطِيٌّ *жам.* Нил олабуғалари (*балиқ*)

– بُلْطِيَّةٌ *кўп.* ـَاتٌ Нил олабуғаси

– بَلُّوطٌ 1) болут, дуб, эман; 2) *шунингдек,* ثَمَرَةُ الـ~ чўчқа ёнғоқ (*эман дарахти меваси*); شَاهُ ~ *бот.* каштан дарахти

– تَبْلِيطٌ тош ётқизиш, тўшаш, териш

– مُبَلَّطٌ тош терилган, тўшалган, ётқизилган

بَلْطَجَ 1) ўзганинг ҳисобига яшамоқ; қўрқитиб (дўқ билан) товламоқ

– بَلْطَجَةٌ шантаж, қўрқитиб товлаш

– بَلْطَجِيٌّ *кўп.* بَلْطَجِيَّةٌ 1) *ҳарб.* сапёр;2) товламачи

– بَلْطَجِيَّةٌ товламачилик қилиш

بَالْطُو = بَلَاطِي, بَلْطُوَاتٌ *кўп.* بَلْطُو

بَالُوظَةٌ *алиф.б.к.*

I بَلَعَ, بَلِعَ (*а*) بَلْعٌ ютмоқ, ютинмоқ, ютиб юбормоқ; ◊ رِيقَهُ ~ нафасини ростлаб олмоқ, дам олмоқ; II بَلَّعَ юттирмоқ, ютишга мажбур қилмоқ; ◊ رِيقَهُ ~ дам бермоқ; الطَّعَامَ بِالْمَاءِ ~ таом устидан (сўнгида) сув ичмоқ; IV أَبْلَعَ = I; VII انْبَلَعَ ютилган, ютиб юборилган бўлмоқ; VIII ابْتَلَعَ ютмоқ, ютиб юбормоқ, ютинмоқ

– ابْتِلَاعٌ ютиш, ютиниш, ютиб юбориш

– بَالُوعَةٌ *кўп.* بَوَالِيعُ ахлат ўра; оқова сувларни табиий сув омборларига ўтказадиган қувурлар; нов, тарнов, қувур; مَجَارٍ ~ канализация қудуғи

– بَلَّاعَةٌ *кўп.* ـَاتٌ 1) раковина, чаноқ (*ошхонадаги*); 2) сув оқиб тушадиган қувур; ахлат, ювинди ўраси

– بَلْعَةٌ *кўп.* بَلَعَاتٌ бир ютум; ҳўплам, култум

– بَلُّوعَةٌ кўп. بَلاَلِيعُ = بَلاَّعَةٌ

– بَلْعَمٌ серовқат, овқатхўр

– بُلْعُمٌ кўп. بَلاَعِمُ томоқ, ҳалқум, бўғиз, ҳиқилдоқ, қизилўнгач

– بَلْعَمَةٌ кўп. اتٌ — биол. фагоцит (*ёт зарралар ва бактерияларни ютиш ҳамда ҳазм қилиш хусусиятига эга бўлган ҳужайра*)

– بُلْعُومٌ кўп. بَلاَعِيمُ = بُلْعُمٌ ؛ الْتِهَابُ الـ~ мед. фарингит (*томоқ шиллиқ пардасининг яллиғланиши*); الْتِهَابُ الـ~ِ الْحَنْجَرِيّ мед. фаринголарингит; مِنْظَرُ الـ~ фарингоскоп (*томоқ ва бўғизни махсус текширувчи асбоб*)

– بُلْعُومِيٌّ томоққа, бўғизга оид

I بَلَغَ (بلغ) (у) بُلُوغٌ 1) (*н. гадир*) етмоқ, эришмоқ, етиб бормоқ, кўтарилмоқ; ~هُ هَذَا الْخَبَرُ бу хабар унга етиб борди; 2) (*к. нидир, н. нидир қаергадир*) олиб бориб қўймоқ, етказмоқ, элтмоқ, олиб бормоқ (إِلَى, بِ); 3) балоғат ёшига етмоқ; катта ёшли, бўйи етган, вояга етган бўлмоқ; 4) юқори (олий) даражага етмоқ, эришмоқ; ~ الْفَيَضَانُ ذُرْوَتَهُ тошқин энг юқори нуқтага етди; 5) (*к. гадир*) таъсир қилмоқ (*гам, сўз, гап ва б.*) (مِنْ); ~ مِنْهُ الْغَيْظُ أَشُدَّ (كُلَّ) مَبْلَغٍ унинг жуда жаҳли чиқди; ~ رِضَاهُ (*кимнингдир хайрихоҳлиги (илтифотига) эришмоқ*; بَلُغَ (у) بَلاَغَةٌ гапга чечан, сўзамол, нотиқ бўлмоқ; II بَلَّغَ 1) етказмоқ, элтмоқ; ~هُ التَّحِيَّةَ ёки ~ لَهُ التَّحِيَّةَ кимгадир салом айтмоқ; 2) маълум қилмоқ, хабардор қилмоқ; 3) (*ким ҳақдадир*) маълумот бермоқ, хабар қилмоқ, огоҳ қилиб қўймоқ (عَنْ); III بَالَغَ муболаға қилмоқ, орттириб (бўрттириб) юбормоқ; IV أَبْلَغَ 1) етказмоқ; ~ إِلَى مَلْيُونٍ миллионга етказмоқ; 2) маълум қилмоқ, хабардор қилмоқ, билдирмоқ, етказмоқ; V تَبَلَّغَ (*н. биландир*) кифояланмоқ, қаноатланмоқ, чекланмоқ, қониқмоқ (بِ); VI تَبَالَغَ сўзамоллик қиламан деб беҳуда уринмоқ, чиранмоқ

– بَالِغٌ 1) болиғ, балоғат ёшига етган, ёши катта, вояга етган; 2) катта; улкан; кўриниб, очилиб турган (*жароҳат ҳақида*): ~ُ الْأَهَمِّيَّةِ ўта муҳим, улкан аҳамиятга эга; ~ُ الْخُطُورَةِ ҳаддан ташқари жиддий, муҳим; ~ُ الصُّعُوبَةِ жуда қийин; ~ُ الدِّقَّةِ ғоят аниқ, ғоят тўғри

– بَلاَغٌ[1] кўп. اتٌ — 1) билдириш, билдирув, хабар қилиш; эълон қилиш, эълон; 2) мурожаатнома, хитобнома; 3) баённома, баёнот; ~ مُشْتَرَكٌ қўшма баёнот; ~ أَخِيرٌ وَ نِهَائِيٌّ ультиматум, қатъий (кескин) талаб

– بَلاَغٌ[2] етарлилик

– بَلاَغَةٌ 1) нотиқлик, сўзамоллик; عِلْمُ الـ~ риторика (*нотиқлик санъати назарияси*); بِـ~ гапни ўринлатиб, усталик (чечанлик) билан; 2) баллетристика (*насрий бадиий асарлар*)

– بَلاَغِيٌّ 1. 1) нотиқликка, сўзамолликка оид; 2) риторикага оид; 2. нотиқ

– بَلْغَةٌ кўп. بَلْغٌ сариқ чармдан тикилган бошмоқ, этик

– بُلْغَةٌ етарлилик

– بُلُوغٌ 1) (*н. гадир*) эришиш; 2) вояга етиш, балоғат, камолот

– بَلِيغٌ кўп. بُلَغَاءُ 1) нотиқ, сўзамол; 2) катта, улкан; муҳим

– تَبْلِيغٌ кўп. اتٌ — билдириш, хабар қилиш; дип. тақдим этиш, топшириш; ~ جُمْرُكِيٌّ божхона декларацияси

– مُبَالَغٌ : ~ فِيهِ бўрттирилган, муболаға қилинган

– مُبَالَغَةٌ 1) муболаға; ҳаддан ташқарилик; وَ لاَ ~ أَبَدًا فِي الْقَوْلِ إِنَّ ... ҳеч қандай муболағасиз айтиш мумкинки, ...; 2) ад. муболаға

– مَبْلَغٌ кўп. مَبَالِغُ 1) маблағ; 2) миқёс, кўлам; 3) даража; ~ الْحَاجَةِ (*н. гадир*) талаб, эҳтиёж даражаси (إِلَى); 4) ҳад, чегара; بَلَغَ فِي ~ الْبُخْلِ ўта хасис бўлмоқ; بَلَغَ ~ الرِّجَالِ эркак бўлмоқ, балоғат ёшида бўлмоқ; بَلَغَ هَذَا الْأَمْرُ ~ الْجِدِّ бу иш жиддий тус олди

– مُبَلَّغٌ : ~ عَنْهُ маълум қилинган, эълон қилинган

– مُبَلِّغٌ 1) хабарчи, даракчи; 2) чақимчи

بُلْغَارٌ жам. булғорлар

– بُلْغَارِيٌّ 1. булғорларга оид; الـ~ةُ булғор тили; 2. булғориялик

– بَلْغَمٌ 1) балғам, намлик; шилимшиқ, шиллиқ; 2) бегамлик, совуққонлик, лоқайдлик

– بَلْغَمِيٌّ флегматик; тепса тебранмайдиган, пинагини бузмайдиган; ~ الْمِزَاجِ флегматик (бўшанг, оғир) мизож

I بَلَفَ (у) بَلْفٌ аҳмоқ қилмоқ, лақиллатмоқ, алдамоқ

– بَلْفٌ[1] ёлғон-яшиқ, алдаш, лақиллатиш

– بَلْفٌ[2] қопқоқ (*клапан*); ~ الْأَمْنِ сақловчи (эҳтиёт қиладиган) қопқоқ

I بَلِقَ (а) بَلَقٌ чавкар, ола-була бўлмоқ; بَلَقَ (у) بَلْقٌ катта очмоқ; ~ الْبَابَ эшикни ланг очмоқ; IV أَبْلَقَ = بَلَقَ (у); VII انْبَلَقَ катта очилмоқ, ланг очилмоқ; IX ابْلَقَّ ола-була рангга кирмоқ

– أَبْلَقُ мн. بَلْقَاءُ кўп. بُلْقٌ чавкар, ола-була

– بَلَقٌ слюда (*шаффоф минерал*)

بَلْقَانِيٌّ болқонларга оид

بَلْقَعٌ, بَلْقَعَةٌ кўп. بَلاَقِعُ саҳро

بِلْقِيسُ тар. Балқис (*Саба маликасининг исми*)

بُلُكٌ кўп. اتٌ — ҳарб. рота

بُلْكَةٌ кўп. بُلُكَاتٌ кофта, аёлларнинг қисқа пальтоси

بَلْكِي халқ. балки, балким

بَلْكُونٌ кўп. اتٌ — балкон

بَلَمٌ[1] *кўп.* أَبْلاَمٌ таги ясси узун қайиқ (*Ироқда*)

بَلَمٌ[2] *кўп.* بِلاَمٌ *жам.* анчоус, ҳамса (*майда денгиз балиқлари*)

بَلَمَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — анчоус, ҳамса (*балиқ*)

بَلَنْجَ، بَلَنْجَةٌ *кўп.* بَلَنْجَاتٌ бириктиргич, бириктирувчи планка, тахтача; *т.й.* уловчи қисм, мослама

I بَلَهَ (а) بَلَهٌ аҳмоқ, тентак, ақли ноқис бўлмоқ; V تَبَلَّهَ = I; VI تَبَالَهَ ўзини тентакликка солмоқ

– أَبْلَهُ *мн.* بَلْهَاءُ *кўп.* بُلْهٌ، بُلْهَاءُ 1. аблаҳ; тентак; содда; гўл;2. бақлан, қоравой, қорабузов (*қуш*)

– بَلاَهَةٌ аҳмоқлик, эсипастлик; овсарлик

– بَلَهٌ овсарлик, анқовлик, эсипастлик, ақли ноқислик

– بَلْهَ угина эмас, ҳатто ...ни гапирмаганда ҳам; ҳатто; ҳаттоки; қолаверса, айниқса, бунинг устига, مَا أَعْيَاهُ عَنْ أَنْ يَخُطَّ حَرْفًا ~ كَلِمَةً! у шу қадар ожизки, сўз у ёқда турсин, ҳатто ҳарф ҳам ёза олмайди!

بَلْهَارْسِيَةٌ، بَلْهَارْسِيَا *мед.* билгарциоз

بُلَهْنِيَةٌ фаровонлик, мўл-кўллик, бадавлатлик, тўқлик, таъминланганлик; ~ الْعَيْشِ а) эркин, доруломон ҳаёт; б) фаровон ҳаёт

I بَلاَ (бло) (у) بَلاَءٌ، بَلْوٌ 1) синовдан ўтказмоқ, бошдан кечириб билмоқ; 2) оғритмоқ, ғам, кулфат солмоқ; بَلِيَ (а) بِلًى 1) эскирмоқ, ейилмоқ, тўзмоқ, йиртилмоқ, путурдан кетмоқ, омонат бўлиб қолмоқ; 2) чиримоқ, чириб кетмоқ, иримоқ, сасимоқ, айнимоқ, ичдан бузилмоқ; 3) *мажҳ.* (*н. гадир*) қайғурмоқ, куймоқ, алам чекмоқ, руҳан қийналмоқ, азоб тортмоқ, эзилмоқ (بِ); II بَلَّى 1) кўп кийилавериб эскирмоқ, тўзғиб кетмоқ; 2) қаттиқ чарчатмоқ, тинка-мадорини қуритмоқ, ҳолдан тойдирмоқ; III بَالَى (*н. гадир*) эътиборни қаратмоқ, қизиқмоқ; (*н. ҳақдадир*) қайғурмоқ, ташвишланмоқ, жон куйдирмоқ (بِ); لاَ أُبَالِي! менга барибир!; IV أَبْلَى 1) кияверив эскитмоқ, тўзитмоқ; охиригача ишлатмоқ, фойдаланмоқ; 2) (*н. дадир*) бор кучини кўрсатмоқ, намоён қилмоқ (فِي); ~ بَلاَءً حَسَنًا فِي الْقِتَالِ عُذْرًا мардона жанг қилмоқ; (فِي) ~ بَلاَءً (*н. дадир*) яхши ишламоқ, кўп нарсани амалга оширмоқ (فِي); ~ بَلاَءً حَسَنًا فِي الْقِتَالِ мардона, ўзини аямасдан жанг қилмоқ; V تَبَلَّى (*к. гадир қарши*) уйдирма (*иғво*) тўқимоқ (عَلَى); VIII اِبْتَلَى 1) синовдан ўтказмоқ, бошдан кечирмоқ; 2) *мажҳ.* (*н. гадир*) қайғурмоқ, ташвишланмоқ, азоб тортмоқ, қийналмоқ (بِ); (*н. биландир*) қизиқмоқ, фикри-зикри банд бўлмоқ (بِ); шикастланган, зарарланган бўлмоқ (بِ); اُبْتُلِيَتِ الْبِلاَدُ بِالْجَفَافِ мамлакат қурғоқчиликка юз тутди (дучор бўлди)

– مُبَالِيَةٌ *қар.* لاَ مُبَالِيَةٌ = لاَ ~: أَبَالِيَةٌ

– اِبْتِلاَءٌ 1) бошдан ўтказиш (кечириш), кулфат, руҳий азоб-уқубат; 2) (*н. биландир*) жазолаш (بِ)

– بَالٍ *мн.* بَالِيَةٌ 1) путурдан кетган, эскирган, кийилган; яроқсиз;2) чирик, ириган, сасиган, айниган, ичидан бузилган

– بَلاَءٌ 1) бало, кўргилик, мусибат; حُسْنُ الـــ ~ барқарорлик, ўзгармаслик, мустаҳкамлик, кучлилик, қатъийлик; 2) бахтсизлик, кулфат; هُوَ ~ لاَ يُدْفَعُ! Бу даф қилиб бўлмайдиган бало (кулфат); 3) меҳнат, иш; بَلاَؤُهُ فِي هَذَا الْبَحْثِ كَبِيرٌ бу тадқиқотда унинг ҳиссаси кўпдир; أَحْسَنَ الـــ ~ катта муваффақият билан ҳаракат қилмоқ; 4) *мед.* мохов; 5) ҳуснбузар, иссиқлик (*тошма*)

– بَلْوَى *кўп.* بَلاَوَى кулфат, мусибат, бахтсизлик; عَمَّتِ الـــ ~ بِهِ бу умум эҳтиёжи бўлиб қолди

– بِلًى эскириш, путурдан кетиш, тўзиш

– بَلَى (*инкор саволга жавобда*) ҳа, албатта;, أَمَا كَتَبَ مَكْتُوبًا ؟ ~ у хат ёзмаганмиди? Ҳа (*ёзганди*)

– بَلِيٌّ кўп кийилавериб эскиган, тўзиган; чириган, ириган

– بُلَيَّةٌ *кўп.* بُلَيٌّ، بِلِيٌّ шарча, кичик шар; كُرْسِيٌّ بِلِّي шарикли подшипник

– بَلِيَّةٌ *кўп.* بَلاَيَا = بَلْوَى

– تَبْلِيَةٌ яширинча (атайлаб, ғараз билан) қилинган, ёлғон, туҳмат

– مُبَالٍ *мн.* مُبَالِيَةٌ (*н. гадир*) эътиборни қаратувчи; (*н. ҳақдадир*) ташвиш қилувчи, жон куйдирувчи (بِ); غَيْرُ ~ بِـــ... ...га эътибор қилмовчи

– مُبَالاَةٌ эътиборни қаратиш; эътибор, ташвиш; қизиқиш; اللاَّ ~ эътиборсизлик, бефарқлик, беғамлик; عَدَمُ ~ эътиборсизлик, бефарқлик, лоқайдлик, қизиқмаслик, парвои фалаклик; فِي غَيْرِ ~ ёки بِلاَ ~ эътиборсизлик билан, аҳамият бермай

– مُبَالِيَةٌ : لاَ ~ бефарқлик, лоқайдлик

– مُبْتَلًى (*н. дандир*) қайғурувчи,куювчи (بِ); ҳайратда қолган (بِ)

بُلُوتُونِيُومٌ *кимё.* плутоний

بَلْوَرَ кристалламоқ, кристалга (*биллурга*) айлантирмоқ; ~ قَضِيَّةً муаммони таърифламоқ, ифодаламоқ; تَبَلْوَرَ кристаллашмоқ, кристал ҳолига келмоқ, биллурга айланмоқ

– بِلَّوْرٌ، بَلُّورٌ *жам.* 1) кристаллар; 2) биллур, хрустал; ~ صَخْرِيٌّ тоғ биллури (хрустали)

– بِلَّوْرَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — 1) кристал, биллур; 2) кристал, биллур парчаси

– بَلْوَرَةٌ кристаллашиш, биллур ҳолига келиш

– بِلَّوْرِيٌّ 1) кристалга оид; 2) биллурий, биллурга, хрусталга оид

– بِلَّوْرِيَّاتٌ *кўп.* биллурдан, кристалдан ясалган нарсалар

– بَائِنٌ 1) аниқ, равшан, очиқдан-очиқ; очиқ-ойдин кўриниб турган; 2) кўзга кўринарли; 3) узил-кесил (*ажралиш ҳақида*)

– بَائِنَةٌ сеп

– بَيَانٌ *кўп.* اتٌ – 1) аниқлик, равшанлик, очиқ-ойдинлик; 2) тушунтириш, аниқлаш, баён қилиш, шарҳлаш; وَغَنِيٌّ عَنِ الْــ ~ أَنَّ . . . тушунтириш ортиқчаки, ...; 3) баённома, билдириш, эълон, хабарнома; ~ رَسْمِيٌّ расмий баённома; 4) баёнот; ~ وِزَارِيٌّ вазирлик баёноти; 5) мурожаатнома, хитоб, чақириқ, манифест; 6) баён қилиш, сўзлаш латофати; ~ أَهْلُ الْــ нотиқ, сухандон, сўзамол кишилар; ~ حُسْنُ الْــ гапга чечанлик, сўзамоллик, нотиқлик; ~ عِلْمُ الْــ стилистика (*адабиёт назариясининг тил ва бадиий асар услуби ҳақидаги бўлими*) ~ الْــ الْمُعْجِزُ тенги йўқ, таққослаб бўлмайдиган нотиқлик; ~ عَطْفُ الْــ *грам.* изоҳловчи; 7) хабар, билдирув, маъруза, маълумот; 3) программа (*бирор сиёсий арбоб ёки ташкилотнинг мақсадини ифодалайдиган баёнот*); 9) жадвал, рўйхат

– بَيَانُو، بِيَانٌ *алиф.б.к.*

– بَيَانِيٌّ 1. 1) баёний, тушунтириб берадиган, изоҳлайдиган, шарҳлайдиган; ~ رَسْمٌ диаграмма; 2) стилистик, услубий; 2) стилист (*адабий услубни яхши эгаллаган ёзувчи*)

– بَيْنٌ[1] 1) ажралиш, айрилиш, жудо бўлиш; ҳижрон, жудолик; ذَاتُ الْـ~ душмонлик, адоват, хусумат, ёвгарчилик; жанжал, келишмовчилик, низо; 2) ора, оралиқ, ўрта

– بَيْنٌ[2] : ◊ غُرَابُ الْـ~ тумшуғи ва оёқлари қизил қарға

– بَيْنَ ўрта, ора ◊ ~ يَدَيْهِ а) унинг олдида, унинг иштирокида; б) унинг қўлларида ... бор, унда ... бор; إِنَّ مَصِيرَكُمْ هُوَ ~ أَيْدِيكُمْ тақдирингиз ўз қўлларингиздадир; ~ أَيْدِيهِمْ ثَرَوَاتٌ كَبِيرَةٌ уларнинг қўлларида катта бойлик тўплангандир; ~ سَاعَةٍ وَ أُخْرَى ёки ~ وَقْتٍ وَ آخَرَ вақт ўтган сари, соатма-соат; فِيمَا ~ ذَلِكَ шу орада, шу вақт ичида; ... بَيْنَ وَ ~هُ حَالَ кимгадир (н. дадир) халал бермоқ, қаршилик қилмоқ; كَانَ ~ الْغَافِي وَ الْوَاعِي у гоҳ мудрар, гоҳ сергак бўларди; ~كَ وَ ~ي وَ ўзаро айтганда, гап ўз орамизда қолсин; ~ي وَ ~ نَفْسِي كُنْتُ أُعْجَبُ بِهِمْ мен ичимда (ўзимча) уларга таҳсин ўқидим; رَاجَعَ سُؤَالَهُ ~هُ وَ ~ نَفْسِهِ у ўзига (ичида) саволни такрорлади; بَيْنَ بَيْنَ ўз ҳолига яраша, ўртача; مِنْ ~ а) ўртаси, ораси; ... مَا قَالَ إِنَّ ~ مِنْ дарвоқе, у айтдики, ... б) дан; تَخَلَّصَ مِنْ ~ ذِرَاعَيْهِ у унинг қучоғидан чиқиб кетди; مَا ~ а) тўсиқ, ғов; оралиқ, ўрта; مَا ~ الشَّوْطَيْنِ икки тайм ўртасидаги танаффус; б) фарқ, тафовут; с) нияти бузуқ сарой аъёнлари; مَا ~ ёки ~ا ўша вақтда, шу аснода; ... ~ وَ ~ مَا ёки ... ~ وَ ... ~ مَا-дай, шундай қилиб, ҳам ..., ҳам ...,

– بَيِّنٌ аниқ, равшан, очиқ, ойдин

بَيْنٌ = بَيْنُونَةٌ

– بَيِّنَةٌ кўп. ـَاتٌ аниқ ҳужжат; кўрсатма, далил, исбот; كَانَ عَلَى ~ مِنْ ... ҳақида яхши билмоқ, ... ҳақда хабардор бўлмоқ; حَرَامِيٌّ بِلَا ~ سُلْطَانٌ мқл. қўлга тушмадими ўғри эмас

– تَبَايُنٌ 1) фарқ, тафовут, кўзга ташланадиган қарама-қаршилик; фарқлаш, табақалаштириш; 2) зиддият, тескарилик, терслик

– تِبْيَانٌ баён қилиш, ифодалаш, тушунтириш

– تَبْيِينٌ тушунтириш, англатиш; изоҳ; намойиш қилиш

– تَبَايُنٌ = مُبَايَنَةٌ

– مُبَيَّنٌ тушунтирилган; кўрсатилган, ифодаланган; ~ أَعْلَاهُ юқорида кўрсатилган, зикр этилган

– مُبَيِّنٌ 1. кўрсатувчи; 2. кўрсаткич

– مُبِينٌ аниқ, равшан; очиқ-ойдин, шубҳасиз

– مُتَبَايِنٌ бир-биридан фарқ қилувчи; турли хил

بَيْكٌ = بَيْه

– بُيُورُلْدِي тар. фармон

بُيُورِيه пюре (сабзавот ёки мевадан тайёрланадиган бўтқасимон таом)

بِيُولُوجِيَا биология

– بِيُولُوجِيٌّ 1. биологияга оид; биологик; 2. биолог

بَيَّا II (بي) мартабани улуғ қилмоқ; حَيَّاكَ اللّٰهُ وَ ~ كَ Оллоҳ умрингни зиёда, мартабангни улуғ қилсин!

ت

ت[1] (تَاءٌ) то (араб алифбосидаги учинчи ҳарф, абжадда - 400); التَّاءُ الْمَرْبُوطَةُ грам. тойи марбута (ة ҳарфи); التَّاءُ الْمَمْدُودَةُ грам. тойи мамдуда (ت ҳарфи)

ت[2] 1) қисқ. سَاعَاتٌ соатлар; 2) қисқа تِلْفُونٌ телефон

ت қасам юкламаси; تَاللّٰهِ Оллоҳ номи билан қасам ичаман!

تَا, تِي (мн. ذَا дан) ик. с. تَانِ кўп. أُولَاءِ бу, шу, ушбу, мана бу, мана шу (мн.); تَاكَ ик. с. تَانِكَ анави, ўша (мн.)

تَابْلُو кўп. تَابْلُوهَاتٌ расм, сурат, табло

تَابُوتٌ кўп. تَوَابِيتُ 1) сандиқ, қути; ~ الْعَهْدِ библ. икона қутиси ёки рамкаси; 3) тобут; саркофаг (қадимги тош тобут); ~ السَّاقِيَةِ суғориш чархпалаги (челаксиз); ~ رَفْعِ الْمِيَاهِ Архимед винти (суғоришда ишлатиладиган қурилма)

تَابُورٌ кўп. تَوَابِيرُ отряд; саф; батальон

تَابِيرٌ кўп. تَوَابِيرُ зоол. тапир (қисқа хартумли сут эмизувчи ҳайвон)

تَارِجِيٌّ кўп. تَوَارِيجُ 1. туареглар (Саҳрои Кабирнинг марказий қисмида яшовчи, барбар гуруппасига мансуб халқ) га оид; 2. туарег

– تَوَارِجُ туареглар

تَارَةً ~ базан, баъзида, гоҳо; ... ~ ... ~ ёки ... ~ وَ أُخْرَى ёки ... ~ وَ طَوْرًا ... ~ ... гоҳ ..., гоҳ ...

تَارِيعٌ 1) Кадастр (бирор нарса ҳақидаги маълумотлар тўплами; бирор нарсанинг рўйхати);2) марза олиш, (ҳайдалган ерларни) пайкаллаш; 3) геол. съёмка, планга олиш

تَازَه, تَازِجٌ, تَازَجٌ янги, ўринмаган, бузилмаган, айнимаган; тоза; янги, шу бугунги

تَاسُومَةٌ *кўп.* تَوَاسِيمُ туфли (*оёқ кийими*); шиппак

تَاكْسِيٌّ *кўп.* اتٌ — такси

تَالِيُومٌ *кимё.* таллий (*кўкимтир юмшоқ кимёвий модда*)

تَامُولٌ *бот.* бетел (*Pipier belle, мурчдошлар оиласига мансуб, барглари хушбўй бута ўсимлиги*)

تَانُّورِيٌّ (*газламани*) бўёвчи

تَايُورٌ, تَايِّرٌ *кўп.* اتٌ — аёллар кийими

تَاوِيٌّ: قَصِيدَةٌ ~ـَةٌ қофиядош сўзлари ت билан тугайдиган қасида

تَأْتَأَ "ت" ҳарфини талаффуз этишда тутилиб қолмоқ

– تَأْتَاءٌ "ت" товушини айтолмай дудуқланувчи

– تَأْتَأَةٌ "ت" ҳарфини талаффуз этишда тутулиб қолиш

تُؤَدَةٌ *қар.* وَأَدَ

تَبِقَ жаҳли (аччиғи, зардаси) тез, забти тор, қизиққон, жиззаки, жиртаки, тез аччиқланадиган, дарров ғазабланиб кетадиган, сержаҳл, серзарда

أَتْأَمَ IV (تأم) эгизак туғмоқ

– تَوْأَمٌ *ик. с.* تَوْأَمَانِ *кўп.* تَوَائِمُ эгизак; ثَلَاثَةُ تَوَائِمَ учтали эгизак, уч эгизак (*бир йўла туғилган уч бола*); التَّوْأَمَانِ *астр.* Жавзо (*ўн икки бурждан бири*)

تُؤَامِيَّةٌ *кўп.* اتٌ — марварид донаси, дур

I تَبَّ (*a/y*) تَبٌّ ҳалок бўлмоқ, ўлмоқ, ажал топмоқ; X اِسْتَتَبَّ нормаллашмоқ, меъёрга келмоқ, нормал ҳолга келмоқ; ўрнашмоқ, ўрнатилмоқ, қарор топмоқ, бошланмоқ; النِّظَامُ ~ тартиб ўрнатилди

– تَبٌّ ҳалок бўлиш, йўқ бўлиш, емирилиш, ҳалокат, ўлим, йўқолиш; битиш, завол топиш; вафот (қазо) қилиш, жон бериш, ажал, жон узилиши; ... لَكَ ~ا ер ютсин сени!, ер юткур!, қуриб кет!, қуриб кеткур!

– تَبَابٌ 1) кучсизлик, заифлик, нимжонлик, кучи (қуввати, мадори) йўқлик; ожизлик, бемажоллик, бемадорлик; сустлик; 2) ҳалок бўлиш, йўқ бўлиш; емирилиш, ҳалокат, ўлим, йўқолиш, битиш, завол топиш

تَبِّيَةٌ орлеан (*ярим ипакли мато номи*)

I تَبَرَ (تبر) (*u*) تَبْرٌ синдирмоқ, синдириб қўймоқ, чилпарчин қилмоқ, ҳалок қилмоқ, нобуд қилмоқ, ўлдирмоқ; йўқ қилмоқ, битирмоқ, тугатмоқ, йўқотмоқ, қириб ташламоқ; تَبِرَ (*a*) تَبْرٌ ҳалок бўлмоқ, ўлмоқ, ажал топмоқ; II تَبَّرَ синдирмоқ; ҳалок этмоқ

– تَبَارٌ ҳалок бўлиш, йўқ бўлиш; йўқотиш, йўқ қилиб (қириб) ташлаш, тугатиш, битириш; қирилиб кетиш, йўқ қилиниш, йўқолиб (тугаб) кетиш

– تِبْرٌ руда; олтин рудаси; الذَّهَبِ ~ олтин қум

I تَبِعَ (*a*) تَبَعٌ, تَبَاعَةٌ 1) бирор киши ёки нарсанинг изидан бормоқ; бормоқ, келмоқ, ўтмоқ; йўл олмоқ; юрмоқ, кетмоқ, ҳаракат қилмоқ; خُطَاهُ ~ a) бирор кишининг изидан бормоқ; б) кимгадир тақлид қилмоқ, ўхшамоқ; эргашмоқ; يَتْبَعُ *мажҳ.* давоми бор; 2) бўйсунмоқ, бўйин эгмоқ, итоат этмоқ; тобе бўлмоқ; 3) кетидан юрмоқ, таъқиб қилмоқ, изига тушмоқ, ортидан қувмоқ, бирор кишининг изидан бормоқ; اللِّصَّ ~ ўғрининг изидан бормоқ; II تَبَّعَ (*бирор н. ни к. нингдир*) ихтиёрига бермоқ (لـ); III تَابَعَ 1) (*бирор н. га*) риоя қилмоқ, амал қилмоқ, йўлидан бормоқ; эргашмоқ; ушлаб (тираниб, таяниб) турмоқ; ушлаб бормоқ, ушлаб қолмоқ; 2) (*н. нидир*) кузатмоқ, кузатиб бормоқ (турмоқ), қараб (томошо қилиб) турмоқ; (*н. нингдир*) изига тушмоқ, ортидан пойлаб бормоқ, таъқиб қилмоқ 3) давом эттирмоқ; (*мавзуни*) чуқурлаштирмоқ, кенгайтирмоқ; узоқ тўхталмоқ (*бирор н. устида*); IV أَتْبَعَ 1) изидан (орқасидан) жўнатмоқ; 2) бўйсундирмоқ, забт этмоқ, ишғол қилмоқ, итоат эттирмоқ, тобе қилмоқ; 3) жуфт сўз бирикмасини ишлатмоқ (*қар.* إِتْبَاعٌ); V تَتَبَّعَ 1) изига (пайига) тушмоқ, орқасидан пойлаб бормоқ, таъқиб қилмоқ; кузатмоқ (*мас., воқеаларни*); кузатиб бормоқ, хабардор бўлиб турмоқ; қизиқмоқ; 2) текширмоқ; ўрганмоқ, тадқиқ қилмоқ, текшириб (ўрганиб) чиқмоқ; кўздан кечирмоқ; VI تَتَابَعَ изма-из кетмоқ; бирин-кетин содир бўлмоқ (*воқеалар ҳақида*); VIII اِتَّبَعَ 1) (*к. нингдир ёки н. нингдир*) изидан бормоқ; ҳаракат қилмоқ; юрмоқ; سِيَاسَةً ~ сиёсат ўтказмоқ; 2) (*н. гадир*) риоя (амал) қилмоқ; (*н. нидир*) асос қилиб олмоқ, асосланмоқ; амал қилмоқ, таянмоқ, қўлланма (дастур) қилиб олмоқ, риоя қилмоқ, амал қилмоқ, бажармоқ; الْقُرْآنَ ~ Қуръони каримни дастурул амал қилиб олмоқ; الصِّدْقَ ~ ростгўйликка амал қилмоқ, ҳақиқатни ҳимоя қилмоқ, ҳақиқатгўй бўлмоқ, ҳақиқатга риоя қилмоқ; 3) таъқиб қилмоқ; X اِسْتَتْبَعَ 1) ўз ортидан юришни талаб қилмоқ (*мас., маҳбусни*); 2) сабаб бўлмоқ; ...га олиб бормоқ (*келмоқ*); ضَرُورَةً ~ заруратни юзага келтирмоқ; 3) изидан пойлаб бормоқ, таъқиб қилмоқ

– إِتْبَاعٌ 1) изидан жўнатиш; 2) *грам.* маънони кучайтириш учун биринчи ундошни ب га алмаштириш орқали жуфт сўз бирикмасини ясаш (*мас.*, حَيَّاكَ اللهُ وَ بَيَّاكَ, كَثِيرٌ- بَثِيرٌ, حَسَنٌ- بَسَنٌ)

– اِتِّبَاعٌ 1) (*н. гадир*) риоя (амал) қилиш; эргашиш, тақлид қилиш; (*н. гадир*) эргашиш (لـ); 2) (*сиёсатни*) амалга ошириш; 3) тақлидчилик, эпигонлик

– إِتِّبَاعِيٌّ тақлидчиликка, эпигонликка оид; тақлидий

– إِتِّبَاعِيَّةٌ 1) классицизм (*17-18 аср охирларидаги адабиёт ва санъатда юнон ва лотин адабиёти ва санъати намуналарига тақлид қилувчи оқим; юнон ва лотин тилларини ва маданиятини ўрганишга асосланган ўқитиш системаси*); 2) классик намуналарга амал қилиш

– تَابِعٌ 1. 1) тобе, издош, изма-из борувчи, эргашувчи; مَا قَبْلَهُ ~ ҳикоянинг давоми; لَهُ ~ давоми бор; 2) (*к. гадир, н. гадир*) тегишли (қарашли) бўлган (لـ); (*бирор н. нинг*) таркибига кирувчи; مَجْلِسُ الْأَمْنِ الـ ~ لِمُنَظَّمَةِ الْأُمَمِ الْمُتَّحِدَةِ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик кенгаши; 3) қарам, тобе, эрки (*изни*) бировнинг қўлида бўлган; وَ مَتْبُوعٌ ~ ходим ва бошлиқ; الْبُلْدَانُ الـ ~ـةُ тобе мамлакатлар; 2. *кўп.* تَوَابِعُ, أَتْبَاعٌ, تُبَّاعٌ, تَبَعَةٌ 1) издош, мухлис, давомчи; шогирд; 2) фуқаро; 3) хизматкор, қарол, малай; вассал; 4) *грам.* изоҳловчи; 5) *астр.* йўлдош, сателлит; 6) *дин.* руҳ (*эркак кишига ўхшаган*)

– تَابِعَةٌ[1] *кўп.* تَوَابِعُ 1) фуқаро (*мн.*); 2) оқсоч, карол (*мн.*); малай (*мн.*);3) *дин.* руҳ (*аёл кишига ўхшагани*)

– تَابِعَةٌ[2] 1) натижа, оқибат; 2) жавобгарлик, масъулият; أَلْقَى الـ~ عَلَى عَاتِقِهِ *маж.* бирор кишига жавобгарликни (масъулиятни) юкламоқ

– تَابِعِيٌّ, تَابِعٌ, *кўп.* تَابِعُونَ Муҳаммад, саллаллоҳу алайҳи васаллам сафдошларининг замондоши

– تَابِعِيَّةٌ 1) асбоб; буюм, жиҳоз; ашё, нарса; 2) мансублик, алоқадорлик; 3) қарамлик, тобелик, боғлиқлик;4) фуқаролик, гражданлик

– تِبَاعًا кетма-кет, бирин-кетин; пайдар-пай, қаторасига, бир йўли, бир варакайига; қисман, бўлак-бўлак

– تَبِعَةٌ = تَبَاعَةٌ

– تَبَعٌ[1] риоя (амал) қилиш; эргашиш; بِالـ~ навбатма-навбат, кетма-кет, бирин-кетин; ~لِ ...га мувофиқ, ...га яраша, ...га биноан (لِـ)

– تَبَعٌ[2] 1. (*к. ёки н. ғадир*) хос бўлган, мансуб бўлган, эга бўлган, тегишли бўлган; (*бирор к. ёки н. биландир*) боғлиқ бўлган, алоқадор бўлган; 2. *кўп.* أَتْبَاعٌ издош, эргашувчи, мухлис; давомчи, давом эттирувчи; كَانَ لَهُ ~ا бирор киши орқасидан изма-из бормоқ, бирор киши изидан бормоқ

– تُبَّعٌ *кўп.* تَبَابِعَةٌ *қадимги Яман подшоҳларининг унвони*

– تَبَعَةٌ *кўп.* ـَاتٌ 1) мансублик; қарамлик; 2) қарамлик, тобелик; боғлиқлик; 3) миллат, бир миллатга мансублик; фуқаролик; табаалик; гражданлик; 4) оқибат, натижа; 5) жавобгарлик, масъулият

– تَبَعِيَّةٌ 1) бўйсундирилганлик; қарамлилик, тобелик; вассаллик; 2) фуқаролик, табаалик

– تَبِيعٌ[1] *кўп.* تِبَاعٌ издош, эргашувчи, мухлис; давомчи, давом эттирувчи; ёрдамчи, ёрдам кўрсатувчи

– تَبِيعٌ[2] мн. تَبِيعَةٌ *кўп.* تِبَاعٌ бир ёшли бузоқ

– تَتَابُعٌ (*изма-из*) бориш, келиш, юриш; изчиллик, кетма-кетлик, бирин-кетинлик; узлуксизлик, давомийлик, тўхтовсизлик, муттасиллик; сурункалилик; بِالـ~ бирин-кетин, изма-из, кетма-кет, пайдар-пай, қаторасига, тўхтамасдан; навбат билан, тартиб билан; 2) *спорт.* эстафета (*югуриш, сузиш ва бошқа мусобақаларнинг бир тури*), эстафета югуриши; ~ لِلرِّجَالِ (لِلسَّيِّدَاتِ) ٤×١٠٠ 4x100 метрга эркаклар (аёллар) эстафета югуриши

– تَتَبُّعٌ изига (пайига, кетига) тушиш, орқасидан пойлаб бориш, таъқиб қилиш

– تَوَابِعُ *кўп.* асбоблар, буюмлар, жиҳозлар, зарурий қисмлар; 2) *астр.* йўлдошлар, сателлитлар; الشُّمُوسُ وَ ~هَا Қуёшлар ва уларнинг йўлдошлари; 3) *дин.* руҳлар (*эркак кишига ўхшагани*); أَصْحَابُ الـ~ وَ الْعَرَّافُونَ фолбинлар, ромчилар

– مُتَابَعَةٌ 1) эргашиш, изма-из бориш; риоя (амал) қилиш; 2) кузатиш; 3) давом эттириш; бирор нарсанинг давоми

– مُتَّبَعٌ 1. қабул қилинган, одат тусига кирган, ҳамма қабул қилган, ҳаммага маъқул бўлган; расм бўлиб қолган; 2. эргашиладиган (одат бўлиб қолган) нарса

– مُتَّبِعٌ 1) (*к. нингдир*) орқасидан эргашувчи; 2) давомчи, давом эттирувчи, издош

– مَتْبُوعٌ 1. орқасидан эргаштирувчи киши; бошлиқ, раҳбар, сардор; доҳий; 2. *грам.* аниқланмиш

– مُتَتَابِعٌ (*к. нингдир, н. нингдир*) ортидан изма-из борувчи, кетидан борувчи; навбатма-навбат, кетма-кет бўладиган; узлуксиз, тўхтовсиз, муттасил, доимий, сурункали бўладиган

تَبْغٌ, تِبْغٌ *кўп.* تُبُوغٌ тамаки

I تَبَلَ (*у*) تَبْلٌ қаттиқ чарчатмоқ, куч-қувватни олмоқ, тинка-мадорни қуритмоқ, ҳолдан тойдирмоқ, беҳол (бемажол) қилмоқ; бўшаштирмоқ (*касаллик ҳақида*); қасалликкача олиб бормоқ (*севги ҳақида*); II تَبَّلَ бир нарса қўшиб хуштаъм (хушхўр) қилмоқ; зиравор, доривор, қайла *ва ш. к.* ларни қўшмоқ; V تَتَبَّلَ бирор нарса қўшилиб, хуштаъм (хушхўр) бўлмоқ, зиравор, доривор, қайла *ва ш. к.* ларнинг қўшилмоғи

– تَابِلٌ *кўп.* تَوَابِلُ зиравор, доривор, қайла, овқатни хушхўр қиладиган нарсалар; маза бериш ва хушбўй қилиш учун овқатга солинадиган зиравор, доривор

– تَبَّالٌ зиравор, доривор нарсалар сотувчи киши

– تَبُّولَةٌ таббула (*майдаланган буғдой, петрушка (кашнийчсимон кўкат) ва зайтун мойи қўшиб тайёрланган овқат*)

– مُتَبَّلٌ зираворланган, дориворланган, хуштаъм қилинган

– مُتَبَّلَاتٌ *кўп.* ўткир таъмли таомлар

I تَبَنَ (*и*) تَبْنٌ уй ҳайвонларига сомон едирмоқ; II تَبَّنَ тикилиб қарамоқ

– تُبَّانٌ *кўп.* تَبَابِينُ калта шим, шорт (*турсиксимон калта шим*)

– تَبَّانٌ *кўп.* تَبَّانَةٌ сомон, похол сотувчи

– تَبَّانَةٌ *кўп.* ـَاتٌ сомон, пичан (беда) сотадиган дўкон; دَرْبُ الـ~ (سِكَّةُ الـ~) *астр.* Сомон йўли

تِبْنٌ сомон, похол; ~ حُمَّى الـ~ безгак тури (*кўпроқ тоқ туёқли ҳайвонларда*)

– تِبْنَةٌ сомон, похол донаси

– تِبْنِيٌّ 1. сомон, похолга оид; 2. сомон ранг (оч сариқ, малла)

– مَتْبَنٌ *кўп.* مَتَابِنُ сомонхона

تَتَرٌ *жам.* татарлар

– تَتَرِيٌّ 1. татарларга оид; الـ~ـةُ татар тили; 2. татар

تَتْكٌ тепки (*милтиқда*)

تُتُنٌ тамаки

تَتَانُوسٌ, تِتَنُوسٌ *мед.* қоқшол (*одамни тириштириб, қотириб қўядиган юқумли касаллик*)

تُجَاهَ *қар.* وجه

I تَجَرَ (*у*) تِجَارَةٌ (*н. биландир*) савдо қилмоқ (فِي); III تَاجَرَ = I; IV أَتْجَرَ = I; VIII اِتَّجَرَ = I

– تَاجِرٌ *кўп.* تَجْرٌ, تِجَارٌ, تُجَّارٌ савдогар, тожир; ~ الْجُمْلَةِ

кўтарафуруш, кўтарачи; кўтара (улгуржи) савдо қилувчи савдогар; بِالْعَمُولَةِ ~ чакана савдо қилувчи савдогар; الْمُفَرَّقِ ~ воситачи савдогар; بِضَاعَةٌ ~ةٌ бозорғир (бозори чаққон) мол, товар

– تِجَارَةٌ 1) тижорат, савдо-сотиқ, коммерция; الـ~ُ الدَّاخِلِيَّةُ ички савдо; الـ~ُ الْخَارِجِيَّةُ ташқи савдо; الـ~ُ الدُّوَلِيَّةُ халқаро савдо; الـ~ُ الْجُمْلَةِ улгуржи савдо; ~ُ التَّجْزِئَةِ ёки ~ُ الْمُفَرَّقِ чакана савдо; ~ُ الْمُرُورِ кўчма савдо, транзит савдо; أَعْمَالُ الـ~ِ الْخَاصَّةِ хусусий савдо; الـ~ُ وَ الْإِجَارَةِ савдо ва ижара; أَرْبَابُ الـ~ِ тижорат арбоблари, савдогарлар, тожирлар, коммерсантлар; 2) мол, товар (савдодаги)

– تِجَارِيٌّ савдо-сотиққа, тижоратга, коммерцияга оид; الاتِّفَاقِيَّةُ الـ~ةُ савдо шартномаси; بَيْتٌ ~ а) савдо уйи, савдо фирмаси; б) савдо агентлиги (муассаса); التَّبَادُلُ الـ~ُ айрибошлаш (бартер) савдоси; الرَّأْسَمَالُ الـ~ُ савдо капитали; شَرِكَةٌ ~ةٌ савдо ширкати (компанияси); غُرْفَةٌ ~ةٌ савдо палатаси

– مَتْجَرٌ[1] савдо-сотиқ, тижорат, коммерция

– مَتْجَرٌ[2] кўп. مَتَاجِرُ 1) савдо қилиш жойи; дўкон, магазин; 2) товар, мол (савдодаги)

– مَتْجَرِيٌّ савдо-сотиққа, тижоратга, коммерцияга оид

تَحْتٌ (бирор н. нинг) остки қисми, ост

– تَحْتَ остида, тагида; остидан, тагидан; пастроқда; ~ الْأَرْضِ а) ер остида; б) ерости (сиф.) السِّكَّةُ الْحَدِيدِيَّةُ ~ الْأَرْضِ метро; لِـ~ пастга; مِنْ ~ остидан, тагидан; مِنْ ~ الْوِسَادَةِ ёстиқ тагидан; ~ الصِّفْرِ нолдан паст; ~ عُنْوَانِ ... ... сарлавҳаси остида (номли); ~ الطَّبْعِ босмахонада турган; ~ زِعَامَةِ ... ... раҳбарлиги остида; ~ يَدِهِ унинг қўл остида; ~ تَصَرُّفِهِ унинг ихтиёрида (тасарруфида); بَقِيَ ~ السِّلَاحِ ҳарбий ҳолатда турмоқ; ~ عَيْنِ رِجَالِ الْبُولِيسِ полиция кўз олдида (кўз ўнгида); ~ طَيِّ الْخَفَاءِ сирли, яширин, пинҳоний; أَمْرِكَ ~ (أَنَا) (мен) хизматингга тайёрман!; مِنْ ~ لِـ~ яширинча, пинҳона; يَجْرِي هٰذَا مِنْ ~ إِلَى ~ пинҳоний (яширинча) амалга ошади; تَحْتُ пастда, қуйида, тубанда

تَحْتَانِيٌّ пастки, ички; مَلَابِسُ ~ةٌ ички кийимлар

– تَحْتَرْضِيٌّ ер остидаги; مَمَرٌّ ~ ерости йўли

– تَحْتِيٌّ 1) пастки, қуйидаги; 2) қуйидан амалга ошадиган

(تحف) IV أَتْحَفَ (н. нидир) тортиқ қилмоқ, совға қилмоқ, туҳфа қилмоқ, (н. нидир) совға қилиб улашмоқ (ب); (н. билан дир) хурсанд қилмоқ (ب)

– تُحْفَةٌ кўп. تُحَفٌ 1) туҳфа, ҳадя, совға; 2) қимматли, ноёб нарса, ажиб (ғалати) нарса; 3) бадиий асар, расм, сурат; دَارُ التُّحَفِ музей

– تُحَفْجِيٌّ кўп. تُحَفْجِيَّةٌ наркотик моддалар сотувчи

– مَتْحَفٌ кўп. مَتَاحِفُ музей; ~ الْحَضَارَاتِ الشَّرْقِيَّةِ шарқ маданияти музейи

I تَخَّ (تخ) (у) تُخُوخَةٌ ачиб қолмоқ, ачимоқ; IV أَتَخَّ (хамирни) кўпиртирмоқ, кўпчитмоқ

– تَخٌّ кўпган хамир, кўпчиган хамир

(تخت) II تَخَّتَ мебеллар билан жиҳозламоқ, жиҳозлатмоқ

– تَخْتٌ кўп. تُخُوتٌ 1) курси; скамейка; 2) минбар, трибуна; 3) суянчиғи йўқ, пастак, кенг тахта каравот, кат; 4) каравот; 5) тахт; 6) (цитра, уд, най, ғижжак асбоблари иштирокидаги) оркестр; ~ الثِّيَابِ кийим жавони, гардероб; ~ الْغِنَاءِ саҳна, эстрада; ~ الْمَمْلَكَةِ пойтахт

– تَخْتَةٌ 1) тахта; синф доскаси; 2) стол, парта

تَخْتَخَ ачимоқ, ачиб қолмоқ; чиримоқ; илма-тешик қилиб юбормоқ (қуртлар)

– تَخْتَخَةٌ ачиб қолиш, айниш; чириш; бузилиш (бирор н. нинг сифати)

تَخْتَرَوَانٌ кўп. ـَاتٌ — тахтиравон

I تَخِذَ (а) تَخْذٌ олмоқ, тутмоқ

I (تخم) تَخَمَ[1] (и) تَخْمٌ чекламоқ, чегараламоқ, (бирор н. ни) чегаралаб қўймоқ; تَخَمَ[2] (у) تَخْمٌ овқатни ҳазм қила олмасликни келтириб чиқармоқ; تَخِمَ (а) تُخْمَةٌ овқатни ҳазм қила олмаслик касали билан оғримоқ (сол. (وَخِمَ)) ; III تَاخَمَ чегарадош бўлмоқ, ёндош бўлмоқ; IV أَتْخَمَ 1) овқатни ҳазм қила олмасликни келтириб чиқармоқ; 2) бўкиб қолмоқ; VIII اِتَّخَمَ 1) овқатни ҳазм қила олмаслик касали билан оғримоқ; 2) бўкиб қолмоқ

– تَخْمٌ кўп. تُخُومٌ чегара, чек, ҳад

– تُخْمَةٌ овқатни ҳазм қила олмаслик

– مُتَاخِمٌ 1) чегарадош, қўшни, бир-бирига яқин, чегарага оид; 2) лимит (чегара) ланган, лимити (чегараси) белгиланган

– مُتَّخَمٌ бўкиб қолган

– مَتْخُومٌ 1) овқатни ҳазм қила олмаслик касали билан оғриган киши; 2) касал, бемор

I تَخُنَ (а) تُخْنٌ семирмоқ, тўлишмоқ

– تُخْنٌ 1) йўғонлик, тўлалик (бадан); 2) катта ўлчам (размер) (сол. ثِخَنٌ)

– تَخِينٌ = ثَخِينٌ

تَرَابِيزَةٌ кўп. ـَاتٌ — (зиёфат) дастурхони (столи)

ورث تُرَاثٌ қар.

تْرَاجِيدِيَا трагедия, фожиа; фалокат, даҳшат

تْرَاخُومَا мед. трахома, шиллиқлик

تِرَامٌ трамвай

– تِرَامْوَايٌ кўп. اتٌ — трамвай

تِرَانْزِيتٌ транзит

تِرَانْزِيتٌ = تِرَانْسِيتٌ

تَرِبَ[1] (а) تَرَبٌ чангли (ғуборли) бўлмоқ; 1) تَرِبَ[2] (а) камбағаллашмоқ, фақир бўлмоқ; تَرِبَتْ يَدَاهُ ~ яхшилик кўрмасин (сўзма-сўз: икки қўли фақирликка юз тутсин!); II تَرَّبَ чангимоқ, чангитмоқ, чанг билан қопламоқ; III تَارَبَ тенгдош бўлмоқ, бир курам бўлмоқ; IV أَتْرَبَ 1) чанг билан қопламоқ; 2) бойимоқ, бадавлат бўлмоқ, давлатманд бўлмоқ; V تَتَرَّبَ чанг билан қопланмоқ, чангланмоқ

– تُرَابٌ кўп. أَتْرِبَةٌ 1) тупроқ, чанг, тўзон, ғубор; ذَرَّةُ ~ чанг зарраси; 2) чанг, тўзон; хок; тупроқ; ~ الْوَطَنِ она ер; она тупроқ, ватан; ~ الْحَدِيدِ темир рудаси; مَعْدَنِيٌّ ~ руда; نِفْطِيٌّ ~ мин. озокерит, тоғ муми,

– تُرَابَةٌ цемент (Сурияда)

– تُرَابِيٌّ 1) чангга оид, ғуборли; 2) ерга оид, тупроқдан қилинган; الْأَعْمَالُ الـ~ةُ тупроқ ишлари; 3) бўзарган, оқарган, кулранг

– تَرِبٌ чанг босган, чангланган; чангли, ғуборли

– تِرْبٌ кўп. أَتْرَابٌ тенгдош; бир қурам; ўртоқ

– تُرْبَةٌ кўп. تُرَبٌ 1) ер, замин; тупроқ; سَوْدَاءُ ~ қора тупроқ; ~ صَفْرَاءُ ёки نَبَاتِيَّةٌ ~ сариқ тупроқ, соғ тупроқ; 2) қабр, лаҳад, гўр

– تُرَابِيٌّ кўп. تُرَابِيَّةٌ гўрков

– تَرِيبَةٌ кўп. تَرَائِبُ кўкрак, кўкс, сийна

– مُتْرَبٌ чанг билан қопланган, чанг босган, чангланган

– مَتْرَبَةٌ фақирлик, камбағаллик, бечоралик

تَرَابِيزَةٌ = تَرَبَيزَةٌ

تَرْبَسَ 1) зулфинни суриб беркитмоқ; 2) тўсмоқ, тўсиб қўймоқ, бирор нарсалар билан тўсиқ пайдо қилмоқ; цеп (баррикада) қурмоқ

– تِرْبَاسٌ кўп. تَرَابِيسُ 1) қулф; занжир, зулфин, тиргак; сурма зулфин, лўкидон; 2) бир тахта тунука; брус (чорқирра ёки бошқа шаклдаги ёғоч, темир в ҳ. к.); 3) затвор (очиб-ёпувчи механизм - тўпда, милтиқда)

– تُرْبُسٌ зараркунанда (ғўзадаги)

– تَرْبَسَةٌ 1) зулфинни суриб беркитиш; 2) баррикадалар (цеп) қўйиш

تَرْبَنَ мед. трепанация қилмоқ (суякни пармалаб, ҳасал жойини очмоқ ёки аниқламоқ ва даволамоқ)

– تِرْبَانٌ мед. трепан (даволаш мақсадида суякни пармалаб тешадиган аабоб)

– تَرْبَنَةٌ мед. трепанация

تَرْبَنْتِينٌ трепантин (нинабаргли дарахтлар танасидан олинадиган қуюқ шира)

تُورِينٌ = تُرْبِينٌ

تَرْتَرَ ҳаракатга келтирмоқ, қимиолатмоқ, жилдирмоқ

– تَرْتَرٌ жам. ялтироқ тангачалар

– تَرْتَرَةٌ кўп. اتٌ — ялтироқ тангача

تِرِتْيُومٌ киме. тритий (водороднинг радиоактив изотопи - термоядровий реакциялар учун ишлатилади)

تَرِجَ (а) تَرَجٌ (бирор к. дан) яширинмоқ, бекинмоқ

تَرْجَمَ 1) таржима қилмоқ (бир тилдан бошқасига. مِنْ لُغَةٍ إِلَى أُخْرَى); 2) изоҳламоқ, шарҳламоқ, тушунтириб бермоқ, талқин қилмоқ, очмоқ; 3) ифодаламоқ, ифода қилмоқ, айтмоқ, билдирмоқ, баён қилмоқ, кўрсатмоқ; ~ عَنْ شُعُورِهِ ўз ҳис-туйғусини ифода этмоқ; 4) (к. нингдир) таржимаи ҳолини ёзмоқ (لِـ)

– تُرْجُمَانٌ кўп. تَرَاجِمَةٌ таржимон, тилмоч, драгоман (Шарқ мамлакатларидаги Оврупо элчихоналарида)

– تَرْجَمَةٌ кўп. تَرْجَمَاتٌ, تَرَاجِمُ 1) (бир тилдан иккинчи бир тилга) таржима; изоҳлаш, шарҳлаш, тушунтириб бериш, талқин қилиш, очиш; 3) таржимаи ҳол; ~ الْحَيَاةِ таржимаи ҳол; ذَاتِيَّةٌ ~ автобиография, бирор шахснинг ўзи ёзган биографияси, таржимаи ҳоли

– مُتَرْجَمٌ 1. (бир тилдан иккинчи бир тилга) таржима қилинадиган; 2. таржимаи ҳоли ёзилаётган киши

– مُتَرْجِمٌ 1. (бир тилдан иккинчи бир тилга). таржима қиладиган; 2. 1) таржимон; 2) биограф (машҳур шахсларнинг биографиясини тузувчи, таржимаи ҳолини ўрганувчи киши)

I تَرِحَ (а) تَرَحٌ хафа бўлмоқ, қайғурмоқ, ранжимоқ; II تَرَّحَ хафа қилмоқ, қайғуга солмоқ, қайғуртирмоқ; IV أَتْرَحَ = II; V تَتَرَّحَ хафа бўлмоқ, қайғурмоқ, дили оғримоқ, ранжимоқ

– تَرَحٌ кўп. أَتْرَاحٌ қайғу, ҳасрат, ғам-ғусса; андуҳ; дард-алам; хафалик, хафагарчилик, дилсиёҳлик

– تَرِحٌ хафа бўлган, ранжиган, дили сиёҳ бўлган

I تَرِزَ (а) تَرَزٌ 1) куримоқ; суви қочмоқ; 2) қаттиқ бўлмоқ, қотиб қолмоқ

– تَارِزٌ 1) қуриб қолган, қовжираган, суви қочган, қуруқ, қуриган; 2) қаттиқ, қотган

– تَرْزِيٌّ кўп. تَرْزِيَّةٌ кийим тикувчи, чевар, машиначи; ~ إِفْرَنْجِيٌّ оврупоча кийимлар тикувчи

(ترس) II تَرَّسَ 1) қалқон билан тўсмоқ; 2) тўсмоқ, тўсиб қўймоқ, ғов солмоқ, баррикадалар (цеплар) қурмоқ; V تَتَرَّسَ 1) қалқон билан ҳимояланмоқ; (бирор н. ни) қалқон қилиб ҳимояланмоқ; 2) (бирор жойда) баррикада (цеплар) қуриб ҳимояланмоқ (паналанмоқ) (فِي)

– تَارِسٌ қалқон билан қуролланган; لَا يَسْتَوِي الرَّاجِلُ وَ الْفَارِسُ وَ الـ~ الْأَكْشَفُ вَ мтл. пиёда отлиққа тенг келмайди, қалқони йўқ – қалқони борга

– تَرَّاسٌ кўп. تَرَّاسَةٌ 1) қалқон ясайдиган уста; 2) юк ташийдиган ҳайвонларни ҳайдаб юрувчи киши

— تِرَاسَةٌ қалқон тайёрлаш (ясаш)

— تَرِسٌ бузуқ одам, ахлоқсиз одам, суюқоёқ, саёқ одам; қўшмачи, далла

— تُرْسٌ *кўп.* أَتْرَاسٌ, تُرُوسٌ қалқон; سَمَكُ الـ~ палтус (*балиқ, камбаласимонлар тури*)

— تِرْسٌ *кўп.* تُرُوسٌ (*бирор н. нинг*) тиши; ~ عَجَلَةُ тишли ғилдирак; صُنْدُوقُ التُّرُوسِ *тех.* узатмалар қутиси

— تَرْسَانَةٌ, تَرْسَخَانَةٌ *кўп.* ـَاتٌ 1) арсенал, аслаҳахона, қуролхона, қурол-яроғ омбори; 2) док (*кемалар тузатадиган корхона*), верф (*кемалар қуриладиган ёки таъмир қилинадиган корхона*)

— تِرْسَةٌ *кўп.* ـَاتٌ тошбақа

— مِتْرَسٌ *кўп.* مَتَارِسُ *ёки* مِتْرَاسٌ *кўп.* مَتَارِيسُ 1) тупроқ девор; тупроқ тўкиб ясалган баландлик, тепалик; уюм; бруствер (*окоп тепасига уюлган тупроқ, окоп олдидаги ясама дўнглик*); 2) тўсиқ, цеп (баррикада); أَقَامَ مَتَارِيسَ цеп (баррикада) лар қурмоқ; 3) сурма зулфин, лўкидон

— مِتْرَسَةٌ 1) қалқон; 2) сурма зулфин, лўкидон; 3) тупроқ девор, уюм, кўтарма; бруствер; 4) окоп

تَرْسِينَةٌ *кўп.* ـَاتٌ айвон, пешайвон; балкон

I تَرِعَ (а) تَرَعٌ тўла бўлмоқ, тўлдирилмоқ; IV أَتْرَعَ қирғоғигача тўлдирмоқ, лиммо-лим қилмоқ

— تَرِعٌ тўла, лиммо-лим, лим тўла; ~ حَوْضٌ тўлиб турган ҳовуз

— تُرْعَةٌ *кўп.* تُرَعٌ 1) канал; إِيرَادٍ ~ киритиш канали; تَصْرِيفٍ ~ чиқариш канали; عُمُومِيَّةٌ ~ асосий (бош) канал; فَرْعِيَّةٌ ~ канал тармоғи: канал шаҳобчаси; 2) эшик; إِنَّ مِنْبَرِي هٰذَا عَلَى ~ مِنْ تُرَعِ الْجَنَّةِ *ҳад.* менинг бу минбарим жаннат эшикларидан бири устидадир; 3) боғ, кўкаламзор, чаманзор

— مُتْرَعٌ қирғоғигача тўлдирилган, лиммо-лим қилинган

تُرْغُلَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ғуррак, қумри

I تَرِفَ (а) تَرَفٌ бадавлат, тўқ яшамоқ, фаровонликда яшамоқ, фаровон турмуш кечирмоқ; IV أَتْرَفَ 1) бадавлат, тўқ яшашни таъмин этмоқ; суймоқ, эркаламоқ; 2) эркаланмоқ; севилмоқ; бадавлат, тўқ яшашга ўрганган бўлмоқ; V تَتَرَّفَ бадавлат, тўқ яшамоқ, фаровон турмуш кечирмоқ

— تَرَفٌ, تُرْفَةٌ 1) дабдаба, ҳашамат, ҳашам; тўқлик, фаровонлик; 2) табиати нозиклик, нозик табиатлилик

— مُتْرَفٌ 1) фаровонликда яшовчи, бекаму кўст яшовчи; 2) эрка, эркатой, тантиқ, инжиқ, талтайган; дабдабага берилган, ҳашаматли ҳаётга ўрганган

تِرْفَاسٌ трюфель (*қўзиқориннинг бир тури*)

تَرْقُوَةٌ *кўп.* تَرَاقٍ ўмров; ◊ بَلَغَتْ رُوحُهُ التَّرَاقِيَ ўлим арафасида турмоқ (бўлмоқ)

I تَرَكَ (у) تَرْكٌ 1) тарк этмоқ, ташлаб кетмоқ; ~ هُ وَشَأْنَهُ (*бирор к. ни*) тинч қўймоқ, ўз ҳолига қўймоқ; ~ أَثَرًا а) из қолдирмоқ; б) (*к. дадир*) таассурот қолдирмоқ, кучли таассурот қолдирмоқ (عَلَى); 2) ўзидан сўнг мерос қилиб қолдирмоқ; 3) ташламоқ, отмоқ; 4) тонмоқ, воз кечмоқ, рад қилмоқ; 5) тақдим қилмоқ, бермоқ, имкон бермоқ, ҳавола қилмоқ, рухсат бермоқ; ~ هُ يُهَاجِرُ у унинг кочиб кетишига имкон берди; II تَرَّكَ турклаштирмоқ; III تَارَكَ 1) (*бирор к. ни*) ўз ҳолига қўймоқ; 2) вақтинча яраш аҳди тузмоқ; V تَتَرَّكَ турклашмоқ

— تَتْرِيكٌ турклашиш

— تَرْكٌ қолдириш, ташлаш; (*бирор н. дан*) воз кечиш, кечиш, тарк қилиш

— تُرْكٌ *жам. кўп.* أَتْرَاكٌ турклар

— تُرْكُمَانٌ *жам.* туркманлар

— تُرْكُمَانِيٌّ 1. туркманларга оид, туркманча; الـ~ةُ туркман тили; 2. туркман

— تَرِكَةٌ *кўп.* ـَاتٌ мерос

— تُرْكِيٌّ 1. туркларга оид, туркча; دَخَلَتِ الْعِبَارَةُ عَلَيْهِ بِالـ~ *қар.* دَخَلَ; الـ~ةُ турк тили; 2. турк

— تُرْكِيَّةٌ 1) туркий, насл-насаби турк; 2) *лингв.* туркизм (*келиб чиқиши туркча, туркий бўлган сўзлар*)

— تَرِيكَةٌ *кўп.* تَرَائِكُ қари қиз, бўроз

— مُتَارَكَةٌ (*шунингдек:* السِّلَاحِ ~) яраш, вақтинчали, мувақкат сулҳ

— مَتْرُوكٌ ташлаб кетилган, ўз ҳолига қолдирилган

— مَتْرُوكَاتٌ *кўп.* мерос қилиб қолдирилган мол-мулк; الرُّكَّابِ ~ йўловчилар унутиб қолдирган нарсалар

— مُسْتَتْرِكٌ туркшунос, турколог

تِرَّاكُوتَّا терракота (*куйдирилган қизғиш-жигарранг гил, балчиқ*)

طُرُمْبَةٌ=تُرُمْبَةٌ

تُرُمْبِيطَةٌ *кўп.* ـَاتٌ труба (*карнайсимон мусиқа асбоби*)

— تُرُمْبِيطْجِيَّةٌ *кўп.* تُرُمْبِيطْجِيٌّ трубачи, сигналчи

تُرْمُسٌ *жам. бот.* люпин, бўрилўккак (*ўтсимон ўсимлик*)

— تُرْمُوسَةٌ *кўп.* ـَاتٌ *бот.* бўрилўккак

تِرْمُوسٌ, تِرْمُسٌ термос

تِرْمُومِتْرٌ *кўп.* ـَاتٌ термометр; فَارَنْهَيْتَ ~ Фаренгейт термометри; مِئَوِيٌّ ~ Цельсий термометри

تُرُنْجٌ *жам.* лимонлар, турунж

— تُرُنْجَانُ *бот.* лимонўт

— تُرُنْجَةٌ *кўп.* ـَاتٌ лимон, турунж

I تَرِهَ (а) تَرَهٌ беҳуда, майда-чуйда, арзимас ишлар билан шуғулланмоқ

— تُرَّهَةٌ *кўп.* ـَاتٌ 1) арзимаган нарса, майда нарса; аҳамиятсиз нарса; 2) уйдирма, ёлғон-яшиқ, бўҳтон, тўқилган гап; тўқима; бемаъни нарса (иш); аҳмоқлик; 3) энг қисқа йўл; تُرَّهَاتُ الْأَمَانِيِّ беҳуда, алдоқчи умидлар

وَتَرٌ تِرَةٌ *қар.*

تُرُوبٌ *кўп.* ـاتٌ — ҳарб. взвод (*аскарий бўлинма*); ~ سُوَارِيٌّ отлиқ аскарлар (суворийлар) взводи

تُرُوسْتٌ *кўп.* ـاتٌ — трест (*бир соҳадаги корхоналар идораси*)

تُرُلِّي ... 1) вагонетка; дрезина (*темир йўлда юрадиган моторли ёки моторсиз арава, вагон*); 2) *эл.* контактли ролик (*электр шнурини илиш учун ишлатиладиган чинни ғалтак*); 3) шуниндек: ~ بَاسٌ троллейбус; ~ سَائِقُ الـ троллейбус ҳайдовчиси

تِرْيَاقٌ заҳарга қарши дори, тарёқ; ~ أَبْيَضُ *бот.* кучала (ҳолли); ~ فَارُوقٌ *ёки* فَارُوقِيٌّ *қар.* فَارُوقٌ; ~ كَانَ هَذَا خَيْرَ : бу энг яхши дори бўлади; مَتَى يَجِيئُونَ بِالـ~ مِنَ الْعِرَاقِ يَكُونُ الْمَرِيضُ قَدْ مَاتَ *мтл.* Ироқдан заҳарга қарши дори келгунча, касал ўлиб бўлади (*талқон тиқилганда, сувга буюриш дегандек*)

– تَرِيقَةٌ танбеҳ, танбеҳ бериш; ... أَشْبَعَهُ ~ وَ تَقْرِيعًا عَلَى ... учун бирор кишига яхшигина танбеҳ бермоқ

تِرِيكُو 1) трико, тринка (*баданга ёпишиб турадиган кийим*); тўқима мато; 2) трикотаж, трикотаж моллари

تَرْجَةٌ *кўп.* تَرَجَاتٌ, تُرَجٌ дастгоҳ; поя (*баланд стол*)

تَرْكَةٌ *кўп.* تَرَكَاتٌ, تُرَكٌ = تُرْكَةٌ

I تَسَعَ (*а*) تَسْعٌ тўққизинчи бўлмоқ; IV أَتْسَعَ: ~ الْقَوْمُ жамоат тўққизта бўлди

– تَاسِعٌ тўққизинчи

– تَاسُوعَاءُ, تَاسُوعَةٌ тосуа (*муҳаррам ойининг тўққизинчи куни*)

– تُسَاعَ тўққизтадан

– تُسَاعِيٌّ тўққизтадан иборат

- تُسْعٌ *кўп.* أَتْسَاعٌ тўққиздан бир

– تِسْعَةٌ, تِسْعٌ тўққиз; تِسْعَةَ عَشَرَ *ёки* تِسْعَ عَشْرَةَ ўн тўққиз

– تِسْعَةٌ *кўп.* ـاتٌ — *карт.* тўққизлик

– تِسْعُونَ тўқсон

– تِسْعِينَاتٌ *кўп.* тўқсонинчи йиллар

تِشْرِينُ: ~ الْأَوَّلُ октябрь; ~ الثَّانِي ноябрь

تَشِكِيَّةٌ *мн.* تَشِكِيٌّ чех

– تَشِيكٌ *жам.* чехлар

– تَشِيكِيٌّ чехларга оид, чехча; ~ةُ الـ чех тили

تَعْ *халқ.* = تَعَالَ (*қар.* علو)

I تَعِبَ (*а*) تَعَبٌ 1) чарчамоқ, ҳормоқ, толмоқ, чарчаб қолмоқ; зерикмоқ, зерикиб кетмоқ; لَا يُتْعَبُ *мажҳ.* чарчамас, толмас, ҳормас-толмас, тинмайдиган, толиқмайдиган, серғайрат; 2) меҳнат қилмоқ, ишламоқ; ~ مِنْ هَذَا бу унинг жонига тегди; IV أَتْعَبَ 1) толиқтирмоқ, чарчатмоқ; қийнаб қўймоқ, қийин аҳволга солиб қўймоқ, уринтирмоқ, овора қилмоқ; ташвишга солмоқ; ~ نَفْسَهُ ... (*бирор н. билан*) ўзини уринтирмоқ, ўзини ташвишга солмоқ; 2) зериктирмоқ, жонга тегмоқ, безор қилмоқ; овора қилмоқ, безовта қилмоқ; уринтирмоқ

– أَتْعَابٌ *кўп.* иш ҳақи; музд, мукофот; гонорар, қалам ҳақи; مُقَدَّمُ ~ бай пули, заколат

– تَعَبٌ *кўп.* أَتْعَابٌ 1) чарчаганлик, ҳорганлик, толиққанлик, чарчаш, ҳориш; 2) зўр ғайрат, диққат-эътибор; меҳнат, иш; 3) қийналиш, сиқилиш; мушкуллик, жонсараклик, безовталик

– تَعِبٌ, تَعْبَانُ чарчаган, ҳорган, толиққан

– مُتْعَبٌ ҳорган, толиққан, зериккан

– مُتْعِبٌ чарчатадиган, зериктирадиган, душвор, қийин, мушкул, оғир, танг; безовталик (ташвиш) келтирувчи, таҳликага солувчи; қийин, оғир, машаққатли

– مَتْعَبَةٌ *кўп.* مَتَاعِبُ қийинчилик, мушкуллик, танглик; *кўп.* ишлар, меҳнатлар, ҳаракатлар

– مَتْعُوبٌ = تَعِبٌ ; ~ عَلَيْهِ зўрлаб (ўзини қийнаб) топилган, қўлдан келса-келмаса уриниб қилинган; зўрма-зўраки (*мас., баҳона*)

تَعْتَعَ 1) қимирлатмоқ, қўзғатмоқ, жилдирмоқ, юргизмоқ; 2) шунингдек: ~ فِي كَلَامِهِ сўзида тутилиб-тутилиб қолмоқ, тили гапга келмай қолмоқ

– تَعْتَعَةٌ 1) ўзгариш, силжиш, юриб кетиш, олға босиш; 2) дудуқлик, соқовлик

I تَعِسَ (تعس) (*а*) تَعْسٌ бахтсиз бўлмоқ; чор-ночор аҳволда бўлмоқ; تَعَسَ (*а*) تَعْسٌ бахтсиз қилмоқ, ҳалок қилмоқ; фақир ҳолатга келтирмоқ; IV أَتْعَسَ = تَعَسَ

– تَعْسٌ, تَعَاسَةٌ бахтсизлик, камбағаллик, бечоралик, фақирлик, бечораҳоллик

– تَعِسٌ бахтсиз, бахти қора, толеи паст, шўрпешона; аянчли, ачинарли; ночор, ожиз

– تَعِيسٌ *кўп.* تُعَسَاءُ = تَعِسٌ

I تَفَّ (تف) (*а/у*) تَفٌّ тупурмоқ; II تَفَّفَ 1) ўз нафратини "суф-е!" сўзи билан ифода этмоқ (تُفًّا لـ...); 2) оёқни тозаламоқ, тирноқни кирлардан тозаламоқ

– تُفٌّ тирноқ орасидаги кир

– تُفًّا туф, туф-е, тфу-а!

– تُفَافٌ сўлак

– تَفَافٌ *бот.* сутлама, ихрож (*заҳарли оқ шира чиқарадиган ўт*)

– تَفَّةٌ *кўп.* ـاتٌ — тупук, тупурик

تَفْتَا, تَفْتَةٌ тафта (*газлама нави*)

I تَفِيَ (*а*) تَفًا ғазабланмоқ, жаҳлланмоқ, жаҳли чиқмоқ

تَفْتَةٌ *химё.* анилин (*бўёқ ва дори тайёрлашда ишлатиладиган мойсимон заҳарли рангсиз модда*); مِلْحُ ~ анилин тузи

تُفَّاحٌ *жам.* олмалар; ~ الـ فَارِسِيُّ шафтолилар; شَرَابُ الـ~ сидр, олма виноси (*олма шарбатидан тайёрланадиган шароб*)

– تُفَّاحَةٌ *кўп.* ـاتٌ — 1) олма; 2) олма дарахти; ◊ ~ آدَمَ кекирдак

– تُفَّاحِيٌّ уруғхўр сайроқи қуш

– تَنْغِيحَة уругхўр сайроқи қуш; ~ حَمْرَاء зяблик (*сайроқи қуш*)

I تَفَلَ (у, и) تَفْل тупурмоқ

– تُفَال тупук; тупуриш, тупурик

– تَفَّال кўп тупурадиган одам

– تَفَل ёқимсиз ҳид (*оғиздаги*)

– تَفِل (*оғзида*) ёқимсиз ҳиди бор (*одам*)

– تُفَّى оз миқдорда, озгина

– مُتْفَلَة кўп. مَتَافِل тупдон

تُفَنْكَة милтиқ, тўфанг

I تَفِهَ (а) تَفَهٌ, تَفَاهَةٌ 1) аҳамиятсиз бўлмоқ, арзимас бўлмоқ; оз миқдорда бўлмоқ, озгина бўлмоқ; 2) бемаза бўлмоқ, таъмсиз бўлмоқ (*овқат ҳақида*)

أَتْفَهُ 1) жуда ҳам оз миқдорда, энг арзимас; ~ غَضِبَ لِـ арзимас нарсаға ҳам аччиқланмоқ; 2) энг бемаза, энг таъмсиз; 3) энг оддий, энг сийқаси чиққан; ҳар куни бўлиб турадиган; одатдаги, чайналган, одми

– تَافِهَةٌ кўп. تَوَافِهُ жуда арзимас нарса, майда-чуйда нарса, майда нарса, арзимайдиган нарса

– تَفَاهَةٌ кўп. ـــَاتٌ 1) унча катта бўлмаган ўлчам, миқдор; арзимаган (аҳамиятсиз) нарса, майда-чуйдалик; 2) мазасизлик, таъмсизлик (*овқат ҳақида*)

– تَفَهٌ аҳамиятсизлик, арзимаслик, салмоқсизлик

– تَافِهٌ = تَفِهٌ

– تُفَةٌ, تُفَّةٌ кўп. ـــَاتٌ силовсин; қора қулоқ (*йиртқич сут эмизувчи ҳайвон*)

– تُفَةٌ = تُفُوَةٌ

تَقَالَةٌ (ثَقَال дан) 1) вазн, оғирлик; 2) босма, пресс-папье; қоғоз бостириб қўйиладиган жиҳоз

تَقَاوِي қар. قَوِيٌّ

I تَقِنَ (у) تَقْنٌ моҳирона қилмоқ; IV أَتْقَنَ (н. нидир) аъло даражада қилмоқ; мукаммал ўрганиб олмоқ; маҳорат, санъат кўрсатмоқ; ~ التَّكَلُّمَ بِاللُّغَةِ الْعَرَبِيَّةِ араб тилида эркин гапирмоқ; (اِتَّصَافَهُ) كَفَاءَتَهُ ~ ўз малакасини (маҳоратини) оширмоқ

– إِتْقَانٌ балоғат, бекам-кўстлик, маҳорат, санъаткорлик, усталик; моҳирлик; бенуқсонлик, бежиримлик; ~ بِـ мукаммаллик билан, аъло даражада; ~ عَدَمُ 1) мукаммал (баркамол, етук) эмаслик, такомиллашмаганлик, чалалик; 2) аниқлик

– إِتْقَانٌ = تَقَانَةٌ

– تَقِنٌ уста, моҳир, ишбилармон, омилкор, уқувли

– مُتْقَنٌ моҳирона қилинган

– مُتْقُونٌ мукаммал, камолотга етган, баркамол, аъло, ғоят яхши

تِقْنِيٌّ техникага оид, техник

– تِقْنِيَّةٌ техника

تَقِيَ (и) تُقًى (وَقِيَ дан) 1) сақланмоқ, эҳтиёт бўлмоқ, ўзини эҳтиёт қилмоқ; 2) (*худодан*) қўрқмоқ

– تُقًى . تَقْوَى тақво, диёнат, диндорлик, тақводорлик, художўйлик, мўминлик

– تَقِيٌّ кўп. أَتْقِيَاءُ تُقَاةٌ диндор, тақводор, художўй, мўмин

I تَكَّ (а/у) تَكٌّ 1) (оёқ билан) [illegible] 2) [illegible] (*мой ҳақида*); 3) (*овоз*) чиқармоқ, таратмоқ, тарқатмоқ; чиқилламоқ (*соат ҳақида*); II تَكَّكَ иштонбоғ ўтказмоқ; VIII اِتَّكَّ = II

– سَاجُ *бот.* тик (*иссиқ мамлакатларда ўсадиган кемабоп қаттиқ дарахт*)

– تَكَّةٌ[1] кўп. ـــَاتٌ чиқиллаш, чиқ-чиқ қилиш, тақиллаш, тиқ-тиқ қилиш

– تَكَّةٌ[2] кўп. تِكَكٌ скамейка, эшак, курси

– تِكَّةٌ[3] кўп. تِكَكٌ ип, боғич; иштонбоғ

تُكَأَ қар. وَكَأَ

تَكْتَكَ 1) оёқ қўймоқ, депсанмоқ, босмоқ, топтамоқ, оёқости қилмоқ; 2) чиқилламоқ; 3) қайнамоқ, қулқулламоқ; вишилламоқ, вижилламоқ

– تَكْتَكَةٌ 1) депсаш, оёқ билан босиш, оёқости қилиш; 2) чиқиллаш; 3) қайнаш, қулқуллаш; вишиллаш, вижиллаш

تَكْتِيكٌ тактика

(تَكْسٌ) II تَكَّسَ такса (баҳо) белгиламоқ

– مُتَكَّسٌ белгиланган нарх (такса) бўйича ҳақ тўлаш; ~ رِسَالَةٌ буюртмали (заказ қилинган) хат

تَكْسِيٌّ кўп. ـــَاتٌ такси

تُكَلَةٌ қар. وُكْلَةٌ

تِكْنُولُوجِيَا технология

– تِكْنُولُوجِيٌّ технологияга оид, технологик

تِكْنِيكٌ техника

تَكِيَّةٌ кўп. تَكَايَا такия, бошпана, турар жой, манзил, мусофирхона, мискинлар уйи, ғарибхона

I تَلَّ (у) ~ هُ لِلْجَبِينِ (*бирор н. ни*) йиқитмоқ

– تَلٌّ, تَلَّةٌ кўп. تِلَالٌ, تُلُولٌ тепалик, дўнглик, баландлик, тепа; қўрғон

– تَلِّيٌّ баландликлар билан қопланган; паст-баланд

– تَلِيلٌ бўйин

– تُلَيْلٌ кичик тепалик, дўнглик, баландлик

تُلٌّ 1) тюль (*нафис тўр тўқима*); 2) чивинлардан ҳимояланиш тўри

تِلِبَاثِيٌّ телепатия (*узоқдан туриб фикр ва туйғуларни бошқа кишига билдира олиш қобилияти*)

تَلْتَلَ 1) тўлдирмоқ, тўлғазмоқ; 2) силкитмоқ, тебратмоқ; 3) безовта бўлмоқ, хавотирга қўймоқ

– تَلْتَلَةٌ[1] тўлдириш, тўлғазиш

– تَلْتَلَةٌ[2] *кўп.* تَلَاتِلُ қийинчилик, кўнгилсизлик, кулфат, ғам-алам, бало, офат

(تلج) تَلَجَ = تَلِجَ II

وَلَجَ *қар.* تُلُجٌ

تُلْدٌ, تَالِدٌ *кўп.* تَوَالِدُ авлоддан авлодга ўтиб келган, ирсий, суяк сурган, наслдан наслга ўтган

– مُتْلَدٌ, تِلَادٌ, تَلِيدٌ, تُلْدٌ авлоддан авлодга ўтиб келган, наслдан наслга ўтган, ирсий, суяк сурган; الطَّارِفُ وَ التِّلَادُ меросга қолган ва янгидан ва янгидан қўлга киритилган (*мол-мулк*); مَجْدٌ تَلِيدٌ собиқ ёки ўтмишдаги шон-шуҳрат

– تَلِيدٌ Ажамда туғилиб, ислом ўлкасида вояга етган

تِلِسْكُوبٌ *кўп.* اتٌ — телескоп

– تِلِسْكُوبِيٌّ 1) телескопга оид; 2) телескопик

(تلع) تَلَعَ (*a*) تَلْعٌ кўтармоқ; رَأْسَهُ ~ бошни кўтармоқ; تَلِعَ (*a*) узун бўлмоқ (*бўйин ҳақида*)

– أَتْلَعُ узун (*бўйин ҳақида*)

– تَلْعَةٌ *кўп.* تِلَاعٌ, تَلَعَاتٌ 1) баландлик, тепалик; кўтаринкилик, юксаклик; бўюклик; 2) талвег (*водийнинг энг паст жойи*)

تِلِغْرَافٌ *кўп.* اتٌ — 1) телеграф (*алоқа тури ва аппарати*); لَا ~ سِلْكِيٌّ симсиз телеграф, радиотелеграф; شَمْسِيٌّ ~ гелиограф (1. Астр. *Қуёшни суратга олувчи фотоаппаратли телескоп;* 2. *метеор. Қуёшнинг нур сочиш вақтини автоматик равишда ёзиб борадиган асбоб*); 3) *ҳарб.* узоқ масофаларга ёруғлик сигнали берувчи асбоб); عَامُودُ الـ~ телеграф устуни; 2) телеграмма

– تِلِغْرَافْجِيٌّ *кўп.* تِلِغْرَافْجِيَّةٌ телеграфчи

– تِلِغْرَافِيٌّ телеграфга оид; ~ًا телеграф орқали

– تَلْغَفَ телеграф бермоқ

– تَلْغَافٌ телеграф

(تلف) تَلِفَ (*a*) تَلَفٌ ҳалок бўлмоқ, нобуд бўлмоқ, ўлмоқ, йўқолмоқ; IV. أَتْلَفَ 1) зиён (зарар) етказмоқ, бузмоқ, синдирмоқ, шикастламоқ, яроқсиз ҳолга келтирмоқ; 2) йўқ қилмоқ, ҳалок этмоқ; 3) кўп сарф этмоқ, исроф қилмоқ, совурмоқ, беҳуда кетказмоқ, нест-нобуд қилмоқ

– إِتْلَافٌ 1) яроқсиз ҳолга келтириш; синдириш, шикастлантириш; 2) нобуд қилиш, йўқ қилиш, яксон қилиш

– تَالِفٌ *кўп.* تَوَالِفُ бузилган, шикастланган; яроқсиз ҳолга келган; سِنَّةٌ ~ةٌ шикастланган тиш; تَوَالِفُ الْأَطْيَانِ харобаликка айланган мулклар (*қ. ғадир қарашли боғ, чорбоғ, қишлоқ ва ҳ.*)

– تَلَفٌ 1) зарар, талафот, нобудгарчилик; шикастланиш, бузилиш, ишдан чиқиш; تَعَرَّضَ لِلـ~ бузилишга олиб келинмоқ 2) ҳалок бўлиш, нобуд бўлиш

– تَلْفَانُ бузилган, яроқсиз; яроқсиз ҳолга келган

– تَلَفِيَّاتٌ *кўп.* талафотлар; зарарлар

– مِتْلَافٌ 1. 1) кўп сарф қиладиган; وَقْتٍ ~ вақтнинг қадрига етмайдиган; 2) зарар келтирувчи; 2. 1) исрофгар, исроф қилувчи; 2) зараркунанда; бузғунчи

– مَتْلَفٌ, مَتْلَفَةٌ *кўп.* مَتَالِفُ 1) ҳалокат юз берган жой; 2) чўл, дашт, саҳро, биёбон; 3) ҳалокат сабаби

– مُتْلَفٌ бузилган, шикастланган, зарарланган

– مُتْلِفٌ 1) бузувчи, шикастлантирувчи, нобуд қилувчи; 2) ҳалокатли; зарарли

– مُتْلَفٌ = مَتْلُوفٌ

تِلْفَازٌ *кўп.* تَلَافِيزُ телевизор

– تَلْفَزَةٌ телевидение

– تِلِفِزْيُونٌ, تِلِفِزْيُونٌ 1) телевидение; 2) шунингдек: جِهَازُ الـ~ *кўп.* اتٌ — телевизор

– تِلِفِزْيُونِيٌّ, تِلِفِزْيُونِيٌّ 1. телевидениега оид, телевизион, теле = (*мас., телефильм, телестудия*); 2. телевидение ходими

تَلْفَنَ телефонда гаплашмоқ, телефон қилмоқ

– تَلْفَنَةٌ телефонда гаплашиш

تِلِفُونٌ, تِلِيفُونٌ *кўп.* اتٌ — телефон; جِهَازُ الـ~ телефон аппарати; خَاطَبَ بِالـ~ телефонда гаплашмоқ

– تِلِيفُونِيٌّ, تِلِفُونِيٌّ телефонга оид; آلَةٌ ~ةٌ телефон аппарати; ~ًا телефонда

لِقَي *қар.* تِلْقَائِيٌّ, تِلْقَاءَ

ذَا *қар.* تِلْكَ ўша;

(تلم) تَلِمَ (*a*) تَلَامَةٌ уятсиз (беҳаё, сурбет) бўлмоқ, қўпол (қўрс) бўлмоқ; تَلَمَ (*u*) تَلْمٌ бадном қилмоқ, шарманда қилмоқ

– تَلَامَةٌ уятсизлик, беҳаёлик, сурбетлик, қўполлик; қўрслик

– تَلْمٌ *кўп.* أَتْلَامٌ эгат, жўяк

– تَلِمٌ сурбет; қўпол, қўрс

تِلِمِتْرِيٌّ телеметрияга оид, телеметрик

– تِلِمِتْرِيَّةٌ телеметрия

تَلْمَذَ (*к. нидир*) ўқувчиликка олмоқ, (*к. нингдир*) ўқувчиси бўлмоқ

تَتَلْمَذَ (لَهُ; عَلَى يَدِهِ, عَلَى) ўқувчи бўлмоқ, (*к. нингдир қўлида*) ўқимоқ (عَلَى يَدِ, (

– تَلْمَذَةٌ 1) ўқиш; 2) ўқиш даври

– تِلْمِيذٌ *кўп.* تَلَامِيذُ, تَلَامِذَةٌ ўқувчи, тарбияланувчи; тингловчи; студент; مَدْرَسَةٍ حَرْبِيَّةٍ ~ ҳарбий билим юрти курсанти; خَارِجِيٌّ ~ қатнаб ўқийдиган ўқувчи; دَاخِلِيٌّ ~ интернатда яшаб ўқийдиган ўқувчи

تَلْمُودُ шунингдек: الـ~ Талмуд (*яҳудийларнинг муқаддас китоби*)

(تله) تَلِهَ (*a*) تَلَهٌ 1) шошиб қолмоқ, ўзини йўқотиб қўймоқ; 2) эс-ҳушини йўқотмоқ, ақлдан озмоқ

– تَالِهٌ *кўп.* تُلَّهٌ шошиб қолган, ўзини йўқотиб қўйган; الْعَقْلِ ~ ақлсиз, ақлдан озган

I (تلو) تَلاَ (у) تُلُوٌّ، تَلْوٌ 1) изидан (ортидан) бормоқ, юрмоқ; 2) келиб чиқмоқ, (*бирор н. нинг*) оқибати бўлмоқ; تَلاَ (у) تِلاَوَةٌ (*овоз чиқариб*) тиловат қилмоқ, ўқимоқ; (*нутқни*) ўқиб бермоқ; تُلِيَ بَعْضُ آيَاتِ الْقُرْآنِ мажҳ. Қуръони каримнинг бир неча оятлари қироат билан ўқилди; IV أَتْلَى ўз ортидан (изидан) боришга мажбур қилмоқ; VI تَتَالَى алмашинмоқ, изма-из бормоқ; X اِسْتَتْلَى 1) ўз ортидан (изидан) боришини талаб қилмоқ; 2) давом эттирмоқ (*мас. нутқни*)

– تَالٍ мн. تَالِيَةٌ изма-из борувчи, кейинги, сўнгги, яқиндаги; وَبِالتَّالِي бас, шундай экан, ...; ва, демак ...

– تَتَالٍ бир-бирининг изидан бориш; кетма-кетлик; بِالتَّتَالِي бирданига, бир йўла

– تِلاَوَةٌ ўқиб бериш, тиловат қилиш (*овоз чиқариб*); ўқиш

– تِلْوٌ бориш, кетиш; келиш; риоя қилиш; ~ النَّاقَةِ туянинг боласи, бўталоқ

– تِلْوَ кетидан, орқасидан; -дан; الْوَاحِدُ ~ الآخَرِ бирин-кетин, бири ортидан бири; جَامٌ ~ جَامٍ қадаҳ кетидан қадаҳ

– تَلِيٌّ ялтироқ тангачалар

– مُتَتَالٍ мн. مُتَتَالِيَةٌ навбатма-навбат келувчи, изчил, тадрижий

تَلِيسٌ кўп. تَلاَلِيسُ қоп; ◊ لاَ تَجِدُ هٰذَا وَ لَوْ بَذَلْتَ فِيهِ تَلاَلِيسَ مِنَ الْمَالِ бутун мол-дунёингни сарфласанг ҳам, буни топа олмайсан

تِلِفِزْيُونٌ қар. تِلِيفِزْيُونٌ

تِلِفُونٌ қар. تِلِيفُونٌ

I تَمَّ (а/и) تَمَامَةٌ، تَمَامٌ، تَمٌّ 1) том даражага кўтарилмоқ, тўла-тўкис бўлмоқ, мукаммал бўлмоқ, баркамол бўлмоқ; 2) амалга ошмоқ, юзага чиқмоқ, бажарилмоқ, ижро этилмоқ; تَمَّ فَوْقَ الْوَرَقِ فَقَطْ фақат қоғозда қолмоқ; II تَمَّمَ 1) тугатмоқ, ниҳоясига етказмоқ; бажармоқ; 2) тўлдирмоқ; IV أَتَمَّ тугатмоқ, охирига етказмоқ, тамомламоқ; ~ دَرْسَهُ ўқишни тамомламоқ; ◊ أَتَمَّتِ الْحُبْلَى ой-куни етди, ой-куни тўлди (*ҳомила ҳақида*); X اِسْتَتَمَّ 1) ниҳоясига етказмоқ, тугатмоқ; 2) бир оз жун сўрамоқ

– إِتْمَامٌ тугаш, ниҳоя, охир

– تَامٌّ том, тўла, бутун; мукаммал; тугалланган, охирига етган

– تَتِمَّةٌ 1) тугатиш, тамомлаш, хотима ясаш; 2) тўлдириш, мукаммаллаштириш, қўшимча қилиш

– تَتِمَّةٌ = تَتْمِيمٌ

– تَمٌّ жам. تَمٌّ، تَمٌّ оққушлар

– تُمٌّ халқ. оғиз, даҳан

– تَمَامٌ 1. тўла; мукаммал, бекаму кўст; ~ قَمَرٌ (сол. بَدْرٌ) тўлин ой;2. 1) тўлиқлик; мукаммаллик, тўла-тўкислик; ~ بِالـ *ёки* ~ا тамоман, тамомила, батамом, бутунлай, узил-кесил; бутунлайича, тўлалигича, мутлақо; عَلَى الـ~ тўлиқ, батамом; فِي ~ِ السَّاعَةِ الرَّابِعَةِ *ёки* ~ا فِي السَّاعَةِ الرَّابِعَةِ роппа-роса соат тўртда; هُمْ عَالِمُونَ ~ الْعِلْمِ بِوَاجِبَاتِهِمْ улар ўз вазифаларини жуда яхши биладилар; اِسْتَعَدَّ ~ الاِسْتِعْدَادِ тўла-тўкис тайёрланмоқ; ... كَ ~ا худди айтгандай, айнан, ...га ўхшаб; ◊ وَلَدَتْ لِتَمَامٍ وَ تِمَامٍ роппа-роса ою-кунида кўзи ёриди; 2) охир, интиҳо, хотима; جَيْبُ ~ الزَّاوِيَةِ мат. косинус; ظِلُّ ~ الزَّاوِيَةِ мат. котангенс; لَيْلُ الـ~ йилнинг энг узун туни

– تِمَامٌ 1) тўлин ой; 2) охирига (поёнига, ниҳоясига) етказиш, туғаллаш, тамомлаш, битириш

– تَمَامَةٌ қўшимча, илова; тўлдириш

– تَمَامِيَّةٌ туғаллик, мукаммаллик, туғалланганлик

– تُمَّةٌ бир оз миқдордаги жун

– تَمِيمٌ тўлиқ, мукаммал, такомиллашган, камолотга етган

– تَمِيمَةٌ кўп. تَمَائِمُ тумор, тумор ўрнида тақиб юриладиган нарса

– مُتَمِّمٌ 1) қўшимча қилувчи, қўшимча бўлувчи; 2) қўшимча, қўшиб қўйиладиган

تُمْبَاكٌ тамаки (*чилим учун*)

تَمْتَمَ минғилламоқ, ғулдурамоқ, тушуниб бўлмайдиган тарзда сўзламоқ

– تَمْتَامٌ "т" товушини тўғри талаффуз қила олмайдиган

– تَمْتَمَةٌ ғулдураш

(تمر) IV أَتْمَرَ кўп хурмога эга бўлмоқ, хурмоси кўпаймоқ

– تَامِرٌ хурмоси бор, хурмоли

– تَمْرٌ жам. кўп. تُمُورٌ қуритилган хурмолар; حِنَّا ~ хина ранги; б) шунингдек: حِنَّا ~ إِفْرَنْكِيَّةٌ бот. резеда, саёқгул, оромгул, қалампиргул; ~ هِنْدِيٌّ бот. тамари ҳиндий, ҳинд хурмоси

– تَمَّارٌ хурмо сотувчи, хурмофуруш

– تَمْرَةٌ кўп. تَمَرَاتٌ، تَمْرَاتٌ хурмо

– تَمَرْجِيٌّ кўп. تَمُورْجِيٌّ، تَمَرْجِيَّةٌ кичик тиббиёт ходими, санитар, фельдшер

– تَمَرْجِيَّةٌ кўп. اتٌ — (тиббий) ҳамшира

– تَمْرِيٌّ хурмони яхши кўрувчи, севувчи

– مُتَمُورٌ хурмо билан таъминланган, хурмолик

تِمْسَاحٌ кўп. تَمَاسِيحُ тимсоҳ; أَمِيرْكِيٌّ ~ аллигатор (*Америка ва Шарқий Осиё тимсоҳи*); ◊ ذَرَفَ دُمُوعَ الـ~ ёлғон кўз ёши қилмоқ

تَمْغَةٌ тамға, белги; وَرَقُ الـ~ тамғали қоғоз, гербли қоғоз; رَسْمُ الـ~ давлат йиғими, марка солиғи, тамға (*муҳр*) ҳақи

تَمَلِّي халқ. ҳар доим, доим, доимий

تُمْنٌ халқ. 1) саккиздан бир қисм; 2) шаҳар ноҳияси; 3) полиция

бўлими

تَمُوزُ июль

تَنَّ *халқ.* تَنَّكْ تَاْكُلِي (*мн.* تَنَّكْ تَاْكُلِى) сен еяверяпсан-еяверяпсан; تَنُّو مَاشِي (*мн.* تَنَّهَا مَاشِيَه) у ўзича кетяпти-кетяпти

تَنٌّ тун (*олабуғалар оиласига мансуб йирик йиртқич балиқ*)

I تَنَأَ (а) تُنُوءٌ (*бошқа жойда*) яшамоқ, истиқомат қилмоқ

– تَانِئٌ *кўп.* تِنَاءٌ яшовчи, истиқомат қилувчи

تُمْبَاكٌ = تُنْبَاكٌ, تُنْبَاكٌ

تُنْبَاكْجِيٌّ *кўп.* تُنْبَاكْجِيَّةٌ тамаки сотувчи, тамакифуруш

تَنْبَلَ танбал бўлмоқ, дангасалик қилмоқ, эринмоқ

– تَنْبَلٌ *кўп.* تَنَابِلَةٌ 1. танбалга оид; 2. танбал, дангаса

– تَنْبَلَةٌ танбаллик, дангасалик, ишёқмаслик, эринчоқлик

تُنْبَةٌ катта (амалдор) киши

تُنْجِسْتَنٌ *кимё.* вольфрам

– تَنْدَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — танда, айвон, соябон; пана жой

تُنْدُورَا тундра

تَنِسٌ теннис; مَضْرِبُ الـــِ~ ракетка (*теннис ўйини жиҳози*) : مَلْعَبُ (صَاعَةُ) الـــِ~ теннис ўйналадиган майдон, корт; ~ الْمَائِدَةِ *ёки* ~ الطَّاوِلَةِ пинг-понг, стол тенниси

تَنَكٌ 1) тунука; 2) тунукасозлик маҳсулотлари

– تَنَكْجِيٌّ *кўп.* تَنَكْجِيَّةٌ тунукасоз, металл оқартирувчи

– تَنَكَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — тунука, тунука банка; бидон; кичкина қозон, декча; ~ قَهْوَةٍ қаҳва қайнатиладиган идиш

تِنْكَارٌ *кимё.* бура, танкор (*рангсиз, баъзан оқ, кулранг ёки сариқ минерал*)

– تَنْكَجِيٌّ = تِنْكَارِيٌّ

تَنُّوبٌ *жам.* қора қарағайлар

– تَنُّوبَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — (*бир дона*) қора қарағай

تَنُّورٌ *кўп.* تَنَانِيرُ тандир, печ, печка

– تَنُّورَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — (*ички*) юбка (*хотин-қизлар*), ~ فَوْقَانِيَّةٌ (*ташқи*) юбка

تَنُوفَةٌ *кўп.* تَنَائِفُ чўл, биёбон, саҳро

تُنُوطٌ ,تُنَّوطٌ *жам.* тўқувчи-қушлар

– تُنُوطَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — тўқувчи-қуш

تَنِّسٌ=تَنِّيسٌ

تَنِينٌ танин (*техника ва тиббиётда ишлатиладиган, тишни қамаштирадиган модда*)

– تِنِّينٌ *кўп.* تَنَانِينُ *миф.* аждаҳо, аждар; *астр.* Аждар юлдузлар туркуми; ~ بَرِّيٌّ *ёки* ~ الْبَرِّ питон (*тропик мамлакатларда* бўладиган йирик бўғма илон); ~ النَّامُوسِ ниначи, сўзанак

تَهْتَهَ дудуқланмоқ, дудуқланиб гапирмоқ; минғирламоқ, ғудурламоқ

– تَهْتَهَةٌ ғудурланиш, дудуқланиб гапириш; минғиллаш, ғудурлаш

I تَهِمَ (а) تَهَمٌ (تَهْمٌ) бузилмоқ ва ёмон ҳидли бўлиб қолмоқ, ачимоқ, айнимоқ; تَهَمَ айбламоқ (*сол.* وهم); IV أَتْهَمَ 1) шубҳаланмоқ; айбламоқ (*сол.* وهم); 2) Тиҳомага жўнамоқ; VII اِنْتَهَمَ (*бирор н. да*) айбланган бўлмоқ

– تِهَامِيٌّ 1. Тиҳомага оид; 2. Тиҳома фуқароси

– تَهَمٌ жазирама иссиқ, кун қизиғи

– تَهِمٌ ёқимсиз ҳидли

– تَهَمَةٌ ёмон (ёқимсиз) ҳид

– تُهْمَةٌ *кўп.* تُهَمٌ шубҳа; айблов, айблаш

– تَهِيمٌ *қар.* وهم

تَوٌّ : عَلَى الـــ~ *ёки* لِـــ~ إِنَّا مُسَافِرُونَ فِى الـــ~ биз дарҳол жўнаймиз; дарҳол, ҳозир, ҳозироқ, шу онда, шу заҳоти, бетўхтов; وَ قَدْ مَاتَ لِـــ~هِ у тўсатдан вафот этди; اِنْصَرَفَ لِـــ~هِ у дарҳол узоқлашди (кетди); أُجْبِرَ عَلَى أَنْ يُغَادِرَ الْبِلَادَ فِى الـــ~ وَ الْحَالِ у мамлакатни дарҳол тарк этишга мажбур бўлди

تُوَالِيتٌ туалет

I تَابَ (تَوْبٌ) (у) تَوْبٌ 1) тавба қилмоқ; 2) (*н. нидир*) қилишни бас этмоқ (عَنْ); II تَوَّبَ тавба қилишга мажбур этмоқ; VI تَتَاوَبَ эснамоқ, ҳомуза тортмоқ; (*сол.* ثَأَبَ); X اِسْتَتَابَ = II

– تَائِبٌ 1) тавба қилувчи; 2) кечирувчи, афв этувчи

– تَوَّابٌ 1) тавба қилувчи; 2) кечирувчи, афв этувчи, гуноҳидан ўтувчи; гуноҳларни кечирувчи, тавбани қабул қилувчи, таввоб (*Оллоҳнинг сифатларидан бири*)

– تَوْبَةٌ 1) тавба қилиш, айбга иқрор бўлиш; 2) тўғрилаш, тузатиш

– تَوْبَةٌ = مَتَابٌ

تُوبَالٌ шлак, тошқол (*1. металл эритилганда қолган қотишма; 2. қаттиқ ёнилғиларнинг кулга айланмаган қолдиғи*)

تَوْبَلَ (*овқатга*) зиравор қўшмоқ (*сол.* تبل)

– تَوْبَلَةٌ (*овқатга*) зиравор қўшиш

تُوبُوغْرَافِيَا топография (*1. геодезиянинг ер сатҳини ўлчаш ҳамда уни план ва хариталарда ифодалаш ишлари билан шуғулланувчи бўлими; 2. ернинг сатҳи ва ундаги пунктларнинг қай тарзда жойлашганлиги*)

تُوتٌ[1] *миф.* Тот

تُوتٌ[2] тут (*қибт тақвимининг биринчи ойи*)

تُوتٌ[3] (~ أَبْيَضُ, ~ أَحْمَرُ, ~ أَسْوَدُ) *жам.* 1) тут дарахтлари; 2) тут мевалари; (إِفْرَنْجِيٌّ) ~ فَرَنْجِيٌّ *ёки* ~ الْأَرْضِ қулупнай; ~ أَرْضِيٌّ

ертут, ер тути; شَوْكِيٌّ ~ ёки الْعُلَيْقِ ~ малина, хўжағат (*ўсимлиги ва меваси*) : وَحْشِيٌّ ~ маймунжон, пармачак (*меваси ва бутаси*); ~ شَامِيٌّ қора тут; مِصْرِيٌّ ~ оқ тут; الثَّعْلَب ~ *бот.* қон ичар (*ўсимлик*); ◊ ~الـ وَرَقَةُ ҳаё пардаси; авратпўш (*ҳайкал ёки сувратларда яланғоч одамнинг олатини ёпиб турадиган барг тасвири; сўзма-сўз: анжир барги*)

– تُوتَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ 1) тут дарахти; 2) тут меваси; وَ ~ فَرْغَتِ الْحَدُّوتَةُ *халқ.* миллий эртакларнинг анъанавий тугаш қисми ("*ва муроду мақсадига етибди*" *каби*)

تُوتِيَا руҳ; حَمْرَاءُ ~ қўрғошин купороси; زَرْقَاءُ ~ мис купороси; ~الـ حَجَرُ *мин.* каламин; الْبَحْرِ ~ *зоол.* денгиз типратикони

(توج) II تَوَّجَ тож кийдирмоқ, тахтга ўтқазмоқ; (*н. биландир*) якунламоқ (بـ); V تَتَوَّجَ тож киймоқ, тахтга ўтирмоқ; (*н. биландир*) якунланмоқ

– تَاجٌ *кўп.* تِيجَانٌ тож; الْأُسْقُفِ ~ митра (*христиан ва католикларда руҳонийларнинг ибодат вақтида киядиган бош кийими*); ◊ السِّنِّ ~ тиш қопламаси (қоплама тиш); الْأُذُنِ ~ қулоқ чаноғи (супраси); الْعَرَبِ ~ салла; الْعَمُودِ ~ ёки الْعَقْدِ ~ *архит.* устун қоши - устуннинг шипга туташган юқори қисми; ~الـ حُرُوفُ катта (бош) ҳарфлар

– تَاجِيٌّ 1) тожга оид; 2) *мед.* юрак томирлари; ~ شَرَايِينُ ـَةٌ *анат.* юрак томирлари; لِلْقَلْبِ ~ صِمَامٌ юракнинг қон йўлини тўсувчи клапани; ~الـ الْاِنْسِدَادُ инфаркт (*бирор органнинг маълум қисмига қон етарли келмаслиги натижасида шу жойдаги тўқималарнинг ўлиши*)

– تَتْوِيجٌ тож кийдириш, тахтга ўтқазиш; الْعَقْدِ ~ *архит.* гумбаз (қубба) нинг юқори айланаси

– تُوَيْجٌ *бот.* гултож, гулкоса; ◊ الْبِنَاءِ ~ *архит.* чорчўп (*ёғоч уйларнинг энг юқори қисми*)

– مُتَوَّجٌ тождор, соҳиби тож, тож кийган, тахтга ўтирган; (*н. биландир*) якунланган (بـ)

I (توح) تَاحَ (у) تَوْحٌ тайёр бўлмоқ, тайёрланмоқ, ҳозир бўлмоқ

– مُتَاحٌ ҳамманинг қўлидан келадиган, ҳаммабоп; мавжуд бўлиш, борлиқ, мавжудлик; ~الـ ـَةُ الْأَرْقَامُ рақамли маълумотлари бор (мавжуд) бўлган

تَوْرٌ[1] *кўп.* أَتْوَارٌ *биол.* гормон (*ички секреция безларидан ажралиб, қонга қўшиладиган модда*);

تَوْرٌ[2] суюқлик қуйиладиган идишча

تَوْرَاةٌ *кўп.* تَوْرَهَاتٌ Таврот; Библия, Бешкитоб (*яҳудий ва христиан динининг муқаддас китоблари йиғиндиси*); ~الـ أَهْلُ яҳудийлар

تُورْبِيدُو *кўп.* تُورْبِيدَاتٌ торпедо

تُورْبِينٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ турбина; مَائِيٌّ ~ сув турбинаси

تُورْمَلِينٌ *мин.* турмалин (*мураккаб таркибли, чиройли, қимматбаҳо тош*)

تُورِيُومٌ *кимё.* торий (*элемент*)

تُوفَكْجِيٌّ *кўп.* تُوفَكْجِيَّةٌ қуролсоз, қурол-аслаҳа ясовчи уста, тўфанчи

I (توق) تَاقَ (у) تَوْقٌ (*н. нидир*) астойдил хоҳламоқ (إِلَى); (*бирор н. га*) интилмоқ (إِلَى)

– تَائِقٌ астойдил хоҳловчи

– تَوَّاقٌ жуда-жуда хоҳловчи; (*бирор н. га*) астойдил интилувчи (إِلَى)

– تَوْقٌ, تَوَقَانٌ астойдил хоҳлаш; интилиш

تُوكَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ илгак, илма, тугма

I (تول) تَالَ (у) تَوْلٌ мафтун қилмоқ; сеҳрлаб қўймоқ, жоду қилмоқ

– تُوَلَةٌ, تِوَلَةٌ мафтун қилиш; сеҳрлаб қўйиш, жоду қилиш

– تُولَةٌ, تُولَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ бахтсизлик

– تُولَةٌ *11, 232 гр.га тенг бўлган оғирлик ўлчови*

– مَتْوُولٌ сеҳрлаб қўйилган; мафтун қилинган, жоду қилинган

تَوَلَّجَ *қар.* وَلَجَ

تُولُوِينٌ *кимё.* толуол (*суюқ, хушбўй углеводород, кимё саноатида ишлатилади*)

تُومَانٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ туман (*Эрон тангаси*)

تَمَرْجِيٌّ = تُومَرْجِيٌّ

تُنٌّ = تُونَةٌ, تُونٌ

تُونْدْرَةٌ тундра

تَوَنَّسَ тунисликка айлантирмоқ

– تَوْنَسَةٌ тунисликка айлантириш, туниславштириш

– تُونِسِيٌّ 1. Тунисга оид; 2. Тунис аҳолиси

تُونِيكٌ туника (*қадимги Римда енгсиз узун кийим*)

I (توه) تَاهَ (у) تَوْهٌ 1) дайдимоқ; адашмоқ, йўлдан озмоқ; 2) ҳалок бўлмоқ, ўлмоқ; II تَوَّهَ йўлдан адаштирмоқ

– تَوَهَانٌ адашиш, йўлдан озиш; дайдиш

(توى) III تَاوَى яширмоқ, беркитмоқ; تَاوَاهُمُ التُّرَابُ уларни ер (тупроқ) яширди

تِيَاتْرُو *кўп.* تِيَاتْرَاتٌ театр; ~الـ مَسْرَحُ театр саҳнаси

– تِيَاتْرِيٌّ театрга оид

تِيتَانُوسٌ *мед.* тетанус, қоқшол (*одамни тириштириб, қотириб қўядиган касаллик*)

تِيتَانِيُومٌ *кимё.* титан (*кумушранг қаттиқ элемент, металл*)

تِيتَلٌ = تِيَاتِلُ кўп تِيتَلٌ

تَيْجَةٌ тайга

I (تيح) تَاحَ (и) تَيْحٌ (бирор н. га) маҳкум бўлмоқ (لِـ); (н. гадир) мўлжалланган, белгиланган бўлмоқ; (н. учундир) олдиндан белгилаб қўйилмоқ (لِـ); ... ~تْ لَهُ فُرْصَةٌ ... унга қулай фурсат келди; IV أَتَاحَ атамоқ, мўлжалламоқ; бирон кишига имкон бермоқ; рухсат этмоқ; ...لِـ الْفُرْصَةَ ~ ... учун қулай фурсатдан фойдаланиш имконини яратмоқ, бермоқ; أُتِيحَ لَهُ التَّوْفِيقُ мажҳ. унга бахт кулиб боқди

– إِتَاحَةٌ (н. нидир) бериш; ~ الْفُرْصَةِ қулай фурсатнинг берилиши

– تَيَّاحٌ бировлар (ўзгалар) ишига аралашувчи, қизиқувчи, тумшуғини тиқувчи

– تَيَّاحٌ = تَيْحَانٌ

– مُتَاحٌ аталган, кўзда тутилган, олдиндан белгилаб қўйилган

– مُتَاحٌ = مِتْيَاحٌ

تَيَّارٌ кўп. ـَاتٌ 1) оқим; йўналиш; الـ~ُ الْاِسْتِوَائِيُّ экваториал оқим; الـ~ُ الْبَحْرِيُّ денгиз оқими; ~ هَوَاءٍ ҳаво оқими, елвизак; ~ هَوَائِيٌّ ҳаво оқими; ضِدَّ الـ~ِ оқимга қарши; مَعَ الـ~ِ оқим бўйлаб;2) оқим, йўналиш (мас. сиёсатда, фанда ва б.); 3) эл. ток, электр токи; ~ بِالتَّأْثِيرِ индукцион (индукцияланган) ток; ~ طَرْدِيٌّ тўғри ток; ~ عَكْسِيٌّ қарама-қарши (қаршидан келаётган) ток; ~ مُتَذَبْذِبٌ ёки مُتَنَاوِبٌ ~ ёки مُتَقَطِّعٌ ~ ўзгарувчан ток; ~ مُسْتَمِرٌّ ёки مُبَاشِرٌ ўзгармас ток; ~ عَالِي (وَاطِئُ) الْجُهْدِ юқори (паст) кучланишли ток

تِيرِكُوَازٌ 1. феруза; 2. феруза (мовий) ранг

تَيْسٌ кўп. تُيُوسٌ 1) эчки; ~ جَبَلِيٌّ тоғ эчкиси; тоғ кийиги; 2) кўч. м. аҳмоқ, тентак

– تَيَاسَةٌ аҳмоқлик

تِيعَةٌ қирқта совлиқ қўй; شَاةٌ فِي الـ~ِ ҳад. қирқ совлиққа бир қўчқор

تِيفُوئِيدٌ, تِيفُودٌ мед. қорин терламаси, ич терлама; ~ بَارَا паратиф (ич терламага ўхшаш юқумли касаллик)

تِيفُوسٌ шунингдек: ~ قَمْلِيٌّ мед. тепкили терлама

تِيكٌ бот. тик (иссиқ мамлакатларда ўсадиган кемабоп қаттиқ дарахт)

ذَا تِيكَ = ذَاكَ қар.

تِيلٌ 1) наша ўсимлиги; 2) каноптола; 3) полотно (газламанинг қалинроқ бир тури)

– تِيلَةٌ[1] кўп. ـَاتٌ 1) шиплинт, дарра; 2) қамчи, гаврон

– تِيلَةٌ[2] кўп. ـَاتٌ тола; الـ~ُ الْقُطْنِ пахта толаси; طَوِيلُ الـ~ِ узун толали; قَصِيرُ الـ~ِ қисқа толали

– تِيلِيٌّ 1) каноптолали; 2) полотнога оид

تِيلِيَا жўка дарахти

I (تيم) تَامَ (и) تَيْمٌ севги қули (асири) бўлмоқ, жуда кучли (қаттиқ) севмоқ, севги туфайли ақлдан озмоқ; II تَيَّمَ ақлдан оздирмоқ (севги ҳақида)

– تَيْمٌ севги қули (асири)

– تِيمٌ спорт команда (жамоа)

– تِيمَةٌ уйда (яйловда эмас) боқиладиган ва соғиладиган қўй

– تَيْمَاءُ 1) саҳро; 2) Тайма (жой номи)

– مُتَيَّمٌ 1. хуштор; ошиқ, жуда кучли севиб қолган; 2. севги қули (асири)

تِينٌ жам. 1) анжирлар (дарахтлари); ~ شَوْكِيٌّ кактуслар; 2) анжир қоқлари, анжир; الـ~ُ الْمَشْغُولُ пресланган анжир қоқлари; وَرَقَةُ الـ~ِ ҳаё пардаси; авратпўш (ҳайкал ёки суратларда яланғоч одамнинг олатини ёпиб турадиган барг тасвири - сўзма-сўз: анжир барги)

– تِينَةٌ кўп. ـَاتٌ 1) анжир (дарахти); 2) анжир қоқи

I (تيه) تَاهَ[1] (и) تَيْهٌ, تَيَهَانٌ 1) сарсон-саргардон юрмоқ; адашмоқ, йўлдан озмоқ; дарбадар кезмоқ, саргардон бўлмоқ; оламни кезмоқ, саёҳат қилмоқ; 2) йўқолмоқ, кўздан ғойиб бўлмоқ; адашиб қолмоқ; хароб бўлмоқ; ~ فِي الْحِسَابِ وَضَاعَ ҳисобдан бутунлай адашмоқ; تَاهَ[2] (и) تِيهٌ фахрланмоқ, кибрланмоқ, гердаймоқ, мақтанмоқ, керилмоқ, мақтаниб гапирмоқ; II تَيَّهَ 1) йўлдан адаштирмоқ; 2) хижолат қилмоқ, уялтириб қўймоқ, чалғитмоқ, алаҳситмоқ; IV أَتَاهَ ёки أَتْيَهَ ёки أَتْوَهَ = II; V تَتَيَّهَ сарсон-саргардон юрмоқ, адашмоқ; дарбадар кезмоқ

– تَائِهٌ 1) сарсон-саргардон юрувчи; дарбадар кезувчи; адашиб қолган киши; ~ الْفِكْرِ паришонхотир, фикри тарқоқ; الْعَصَبُ الـ~ُ анат. адашган асаб; ~ةٌ كُلْوَةٌ мед. кўчиб юрувчи буйрак; 2) мағрур, керик; манман, димоғдор, калондимоғ

– تَيَّاهٌ мағрур, керик, манман, димоғдор, калондимоғ, : виқорли, ғурурли

– تَيْهٌ сарсон-саргардон юриш, дарбадар кезиш, адашиш; дарбадарлик

تِيهٌ кўп. أَتْيَاهٌ 1) ғурур, ифтихор, фахрланиш, мағрурланиш; 2) саҳро, чўл, биёбон; 3) лабиринт (қадимги Юнонистон ва Мисрда: хоналари чалкаш йўллар билан боғланган катта қаср); 3) анат. лабиринт, қулоқнинг чиғаноқсимон ички қисми

– تَيْهَاءُ саҳро, чўл, биёбон

– تَيْهَانٌ адашиб юрадиган, дарбадар; саргардон кезувчи; кезиб юрадиган, сайёр

تَيَهَانٌ адашиб юриш; саргардон кезиш

– تَيَّهَانٌ мағрур, фахрланувчи; димоғдор, такаббур

– مَتَاهٌ, مَتَاهَةٌ кўп. ـَاتٌ 1) саҳро; чўл, биёбон; 2) лабиринт; ◊ غَزَا مُغْلَقَاتُ النَّفْسِ وَ مَتَاهَاتُهَا юракнинг энг чуқур қаъри; дил тўри; مَتَاهَاتُ الْمَجْهُولِ энг номаълум сирларни очиш

تِيُودُولِيتٌ теодолит (бурчакларни ўлчайдиган асбоб)

ث

(ثَاءٌ) ث се (*араб алифбосининг 4-ҳарфи, абжадда - 500*)

ث ثَانِيَةٌ секунд *сўзининг қисқаргани*

ثَالِيُومٌ *кимё.* таллий (*кўкимтир юмшоқ металл*)

I ثَئِبَ (а) ثَأَبٌ эснамоқ, эснок тортмоқ; VI تَثَاءَبَ = I

– أَثْأَبٌ *жам.* дарахт

– أَثْأَبَةٌ битта дарахт

– ثَأْبٌ تَثَاؤُبٌ *кўп.*

– تَثَاؤُبَةٌ = ثَأْبٌ — ـاتٌ эснок, эснаш

– ثُؤَبَاءُ, ثَأْبٌ эснаш, эснок тортиш

ثَأْثَأَ ҳимоя қилмоқ (عَنْ); تَثَأْثَأَ (*к. нингдир*) сири босмоқ (مِنْ)

ثَأْدٌ зах ер

I ثَأَرَ (а) ثَأْرٌ қасос (интиқом, ўч) олмоқ, (*к. нингдир*) қилмишига яраша иш қилмоқ (لِـ), (*н. нингдир*) ўчини олмоқ (بِ, مِنْ); IV أَثْأَرَ = I; VI تَثَاءَرَ бир-биридан ўч олмоқ

– إِثْآرٌ ўч олиш, қасос олиш

– ثَائِرٌ[1] 1. ўч олувчи; 2. қасоскор

ثَائِرٌ[2] ثُورٌ қар

– ثَأْرٌ *кўп.* أَثْآرٌ, آثَارٌ, ثَأْرَاتٌ қасос, ўч, ҳақ, жазо, ажр; أَخَذَ بِالـ~ (الـ~) مِنْهُ ундан қасосини олди; у реванш олди, қаримта қайтарди

– ثَأْرِيٌّ 1) қасосчи, ўч (интиқом) олувчи; 2) реваншистлик сиёсатига асосланган; الْمُبَارَاةُ الـ~ةُ матч-реванш; الْأَعْمَالُ الـ~ةُ реваншистик хатти-ҳаракатлар

– ثُؤْرَةٌ = ثَأْرٌ

ثُؤْلُولٌ, ثُؤْلُولَةٌ *кўп.* ثَآلِيلُ сўгал, ортиқ (*аъзо*)

I (ثبت) ثَبَتَ (у) ثُبُوتٌ, ثَبَاتٌ 1) ҳаракатсиз бўлмоқ, жим бўлмоқ, турғун бўлмоқ; 2) (*бирор н. да*) қаттиқ турмоқ, маҳкам турмоқ, собит турмоқ; 3) аниқланмоқ, исбот қилинмоқ, тасдиқланмоқ (*факт*); 4) бардош бермоқ, чидамоқ, ўзини тутиб турмоқ; ثَبُتَ (у) ثَبَاتَةٌ жасур бўлмоқ, дадилланмоқ, довюрак бўлмоқ; II ثَبَّتَ 1) мустаҳкамламоқ, барқарор қилмоқ; ~ قَدَمَهُ فِي الْبَحْرِ сувликда ўз хукмронлигини ўрнатмоқ; 2) (*бирор н. га*) маҳкамламоқ (عَلَى); ўрнатмоқ (*мас. асбобни*); 3) (*лавозимга*) тасдиқламоқ; 4) тасдиқлаб бермоқ, исботламоқ, аниқламоқ; ~ الذَّاتِيَّةَ (الشَّخْصِيَّةَ) шахсни аниқламоқ; ~ الْوَاقِعَ фактни аниқламоқ; 5) барқарорлаштирмоқ, стабиллаштирмоқ (*мас. пул қадрини*); 6) *фото.* фиксаж билан ишлов бермоқ, фотоқоғоз ёки плёнкага олинган расмни махсус эритмада фиксажда ишлаб мустаҳкамламоқ; IV أَثْبَتَ 1) тасдиқламоқ; 2) тасдиқ қилмоқ, исбот қилмоқ, аниқламоқ; ~ الذَّنْبَ عَلَيْهِ بِالْحُجَّةِ (*бирор н. ни*) асосламоқ; ~ (*к. нингдир*) айбини исботламоқ; 3) қайд этмоқ, ёзмоқ, мустаҳкамламоқ; ~ فِي الْمَحْضَرِ протоколга киритмоқ; 4) ўрнашиб олмоқ; ~هُ السُّقْمُ унга касаллик ёпишиб олди; V تَثَبَّتَ 1) мустаҳкамланмоқ; 2) тасдиқланмоқ; 3) (*бирор н. га*) ишонмоқ, ишонч ҳосил қилмоқ (فِي, مِنْ); 4) (*бирор н. да*) эҳтиёткорлик билан иш кўрмоқ; X اسْتَثْبَتَ 1) исбот талаб қилмоқ; 2) шошмасдан, эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилмоқ; 3) мустаҳкамламоқ

– إِثْبَاتٌ 1) ўрнатиш (*мас. асбобни*); 2) тасдиқлаш, исботлаш, аниқлаш; ~ الشَّخْصِيَّةِ *ёки* ~ الذَّاتِيَّةِ *ёки* ~ الْهُوِيَّةِ шахсни аниқлаш; 3) исбот; ~ قَانُونِيٌّ юридик исбот; ◊ شُهُودُ الـ~ айбловчи томоннинг гувоҳлари

– إِثْبَاتِيٌّ тасдиқловчи, исбот қилувчи; маъқуллаб айтилган, тасдиқлайдиган

– تَثَبُّتٌ ишонч, дадиллик; ~ عَنْ ишонч билан

– تَثْبِيتٌ 1) маҳкамлаш, мустаҳкамлаш, стабиллаш, ўрнатиш; 2) *фото.* фиксация (*фотоқоғоз ёки плёнкага олинган расмни фиксажда ишлаш*)

– ثَابِتٌ 1) мустаҳкам, собит, барқарор; ~ الْجَأْشِ мард, жасур, вазмин, мустаҳкам; ~ الْعَزْمِ қатъий қарорли, қарори қатъий; ~ الْقَدَمِ а) собитқадам; б) ишончли; ~ُ الْقَلْبِ собит, барқарор; 2) қўзғалмайдиган, қимирламайдиган, турғун; 3) шубҳасиз, равшан, ишончли; 4) доимий, субутли, турғун; 5) *юр.* кўчмайдиган, кўчмас

– ثَابِتَةٌ *кўп.* ثَوَابِتُ 1) ثَابِتٌ *сўзининг мн. си*; 2) *астр.* турғун юлдуз; النُّجُومُ الثَّوَابِتُ турғун юлдузлар

– ثَبَاتٌ 1) мустаҳкамлик, собитлик, барқарорлик; сабот, матонат, қунт; ~ الْجَأْشِ мардлик, жасурлик, вазминлик; 2) қўзғалмаслик, турғунлик; 3) барқарорлик, стабиллик, доимийлик; عَدَمُ ~ омонатлик, тутуриқсизлик, саботсизлик, беқарорлик

– ثَبْتٌ собит, барқарор

– ثَبَتٌ *кўп.* أَثْبَاتٌ 1) исбот; 2) қатъий қилиб тузилган рўйхат; 3) сабот, матонат

– ثَبْتٌ, ثَبِيتٌ 1) мустаҳкам, собит, барқарор; 2) шубҳасиз, ишончли

– ثُبُوتٌ 1) мустаҳкамлик, собитлик, барқарорлик, сабот; 2) маҳкамлик, чидамлилик, бардошлилик; عَدَمُ الـ~ беқарорлик, тутуриқсизлик, саботсизлик; 3) қўзғалмаслик, турғунлик, чидамлик; 4) чинлик, тўғрилик, ростлик; ~ رَمَضَانَ рамазон ойининг кириш

вақтини қайд қилиш; ~ فِي тўғри, бехато

– ثُبُوتِيٌّ мустаҳкам, ишончли, асосли, ишонарли (*мас. далил*)

– ثَبِيتٌ ақли барқарор, барқарор ақл эгаси

– مُثْبَتٌ 1) тасдиқланган, исботланган; белгиланган; 2) мустаҳкамланган

– مُثْبِتٌ 1. 1) тасдиқловчи; исботловчи; 2) мустаҳкамловчи; 2. 1) фиксаж (*фото. олинган суратни ўчмайдиган қилувчи модда*); фиксатив (*сан. қаламда чизилган расмларга ранги ўчиб кетмаслиги учун суртиладиган рангсиз эритма*); 2) стабилизатор

I ثَبَجَ (у) ثُبُوجٌ, ثَبْجٌ 1) ўқиб (таниб) бўлмайдиган қилиб ёзмоқ, ажи-бужи қилиб ёзмоқ; 2) тушуниб бўлмайдиган қилиб гапирмоқ; II ثَبَّجَ = I

– أَثْبَجُ кўкраги кенг, яғрини кенг, яғриндор (*кич.* أُثَيْبِجٌ)

– ثَبَجٌ[1] 1) таниб (ўқиб) бўлмайдиган хат, ажи-бужи хат; 2) тушуниб (англаб) бўлмайдиган нутқ

– ثَبَجٌ[2] *кўп.* أَثْبَاجٌ 1) ора, ич; ~ الْبَحْرِ *ёки* أَثْبَاجُ الْبَحْرِ денгиз қаъри; 2) тананинг елкадан белгача бўлган қисми

– ثَبَجٌ[3] *кўп.* ثِبْجَانٌ бойқуш, бойўғли

I ثَبَرَ[1] (ثبر) (у) ثَبْرٌ ҳайдамоқ, қувмоқ, қувиб чиқармоқ, қувғин қилмоқ; ثَبَرَ[2] (у) ثُبُورٌ ҳалок бўлмоқ, нобуд бўлмоқ; III ثَابَرَ (*бирор н. да*) қатъият кўрсатмоқ, матонат кўрсатмоқ, ҳафсала қилмоқ (عَلَى)

– ثُبُورٌ ҳалокат, завол; ◊ نَادَى بِالْوَيْلِ وَ الـــ ~ *ёки* نَادَى وَيْلاً وَ ~اً وَ عَظَائِمَ الْأُمُورِ шовқин кўтармоқ, тўполон, жанжал кўтармоқ (қилмоқ)

– ثَبِيرٌ Маккаи мукаррамадаги тоғ номи

– مُثَابِرٌ қатъиятли, матонатли; тиришқоқ, ҳафсалали

– مُثَابَرَةٌ қатъият, матонат; ҳафсала, иштиёқ, серҳаракатлик

I ثَبَطَ (у) ثَبْطٌ (*н. дандир*) тўхтатиб қолмоқ (عَنْ); (*н. гадир*) халал бермоқ, тўсқинлик қилмоқ (عَنْ, مِنْ); II ثَبَّطَ (*н. дандир*) ушлаб қолмоқ, тўхтатмоқ, тўхтатиб қолмоқ (عَنْ); (*бирор н. га*) халал бермоқ, тўсқинлик қилмоқ (مِنْ, عَنْ); 2) чекламоқ, чек қўймоқ; ◊ ~ الْعَزْمَ ҳафсалани қайтармоқ, пир қилмоқ

ثُبْنٌ *кўп.* ثِبَانٌ этак, бар

– ثُبْنَةٌ *кўп.* ثِبَانٌ = ثُبْنٌ

– مَثْبَنَةٌ *кўп.* مَثَابِنُ аёллар сумкаси

ثُبَةٌ *кўп.* ـــاتٌ оломон, йиғин, тўда; отряд

I ثَجَّ (а/у) ثُجُوجٌ тўлиб қолмоқ, тошиб қуйилмоқ; ثَجَّ (а/u) ثَجَاجٌ тирқираб оқмоқ (*қон*)

– ثَجٌّ сўйилган жонликдан қоннинг тирқираб оқиши

– ثَجَّاجٌ серсув, кўп сувли, суви кўп; битмас-туганмас (*манба*)

ثَجِيرٌ сиқиб ёки эзиб суви олингандан кейин қолган тилп (қолдиқ)

I ثَخُنَ (у) ثِخَنٌ, ثُخُونَةٌ, ثَخَانَةٌ 1) йўғонлашмоқ, семирмоқ; 2) қуюқланмоқ, қалинлашмоқ, зичлашмоқ; 3) қўполлашмоқ, дағаллашмоқ; IV أَثْخَنَ 1) (*н. нидир*) катта миқдорда бажармоқ; ~ هُ ضَرْبًا بِالسَّوْطِ (*к. нидир*) қамчи билан роса саваламоқ; 2) бўшаштирмоқ; заифлаштирмоқ, заифлантирмоқ; кучсизлантирмоқ; ~ تْهُ الْجِرَاحُ у яралардан бўшашиб кетди (*сўзма-сўз: яралар уни бўшаштириб юборди*)

– ثُخُونَةٌ, ثِخَنٌ, ثَخَانَةٌ 1) йўғонлик, семизлик; 2) қалинлик, қуюқлик; 3) дағаллик

– ثَخِينٌ *кўп* ثِخَانٌ, ثُخَنَاءُ 1) қалин, йўғон, семиз; 2) қуюқ, зич; 3) дағал

مُثْدَنٌ : ~ الْيَدِ чала туғилган, муддатидан эрта дунёга келган (*одам*)

ثَدْيٌ *кўп* أَثْدٌ, أَثْدَاءٌ кўкрак, эмчак учи, тугмачаси (*одамда*); эмчак (*ҳайвонларда*); ~ الْحَيَوَانِ елин; ذَوَاتُ الـــ ~ сут эмизувчилар

– ثَدْيِيٌّ кўкракка оид, эмчак учига оид

– ثَدْيِيَّاتٌ *кўп.* сут эмизувчилар

ثَرٌّ 1) сергап, маҳмадона; 2) тўла, тўлиқ; ~ ةُ الـــ الْعَيْنِ ёшга тўлган кўз

I ثَرَبَ (и) ثَرْبٌ сўкмоқ, коймоқ, айбситмоқ, гина қилмоқ, ўпкаламоқ (عَلَى) II ثَرَّبَ қаттиқ сўкмоқ, ҳақоратламоқ (عَلَى)

– ثَرْبٌ *кўп.* ثُرُوبٌ *анат.* қориннинг ёғ боғлаган қисми

– يَثْرِبُ Мадинаи мунавваранинг аввалги номи

ثَرْثَرَ кўп гапирмоқ, маҳмаданалик қилмоқ, беҳуда гаплар гапирмоқ

– ثَرْثَارٌ 1) сергап, маҳмадана, эзма; 2) ичида гап ётмайдиган, оғзи бўш

– ثَرْثَرَةٌ бемаъни гап, сафсата; الـــ ~ الْفَارِغَةُ қуруқ сафсата

I ثَرَدَ (у) ثَرْدٌ (*нонни*) майдаламоқ, бурдаламоқ, уватмоқ

– ثَرِيدٌ *кўп.* ثُرُودٌ оби ёвғон, ёвғон шўрва; бўктирилган нон; сутга, қатиққа тўғралган нон

– ثَرِيدٌ = مَثْرُودٌ

ثُرْقُبِيَّةٌ Миср зиғирпояси матосидан тикилган оқ кийим

أَثْرَمُ *мн.* ثَرْمَاءُ *кўп.* ثُرْمٌ синиқ тишли, тиши синиқ

I ثَرَا (ثرو) (у) ثَرَاءٌ кўпаймоқ, ортмоқ, ошмоқ, ўсмоқ (*бойлик*)

ثَرِيَ (а) ثَرًى = ثَرَا; IV أَثْرَى 1) боймоқ, бой бўлмоқ; 2) (*бирор н. билан*) боймоқ (بِ)

– إِثْرَاءٌ бойиш; الـــ ~ عَلَى حِسَابِ الْآخَرِ бошқалар ҳисобига бойиш; حُبُّ الـــ ~ очкўзлик билан бойликка интилиш

– ثَرَاءٌ бойлик, катта бойлик; ◊ حَدِيثُ الـــ ~ (*кўп.* حَدِيثُ الـــ ~) ҳарбий таъминот ҳисобидан бойиган киши, нувориш (*уруш вақтида ва урушдан кейин чайқовчилик билан бойиган киши*)

– ثَرْوَةٌ *кўп.* ثَرَوَاتٌ = ثَرَاءٌ؛ أَهْلُ الـــ ~ бадавлат одамлар; ~ قَوْمِيَّةٌ халқ бойлиги

– ثَرَاءٌ = ثَرًى

– ثَرِيٌّ *кўп.* أَثْرِيَاءُ 1) давлатманд; 2) бадавлат одам

– ثُرَيَّا[1] الـ~ *астр.* Сурайё (*Савр юлдузлар туркумидаги етти юлдуз*)

– ثُرَيَّا[2] *кўп.* ـات — люстра, қандил, чилчироқ

– مُثْرٍ *мн.* مُثْرِيَةٌ 1) давлатманд; 2) бадавлат одам, миллионер

I ثَرِيَ (а) ثَرًى нам бўлмоқ, ҳўл бўлмоқ

– ثَرًى[1] 1) намлик, захкашлик, рутубат; 2) зах ер; طَيَّبَ اللّٰهُ ثَرَاهُ ётган жойи обод бўлсин! (*сўзма-сўз:* ётган жойини Оллоҳ яхши қилсин!);

كَالفَرْقِ بَيْنَ الـ~ وَ الثُرَيَّا ер билан осмонча фарқ

– ثَرًى[2] = ثَرْوٌ ثَرَاءٌ *қар*

ثَعَّ (а/и) ثَعٌّ қайт қилмоқ, қусмоқ

أَثَطُّ *кўп.* ثُطٌّ эчки соқол; رَجُلٌ ~ эчки соқол одам

– ثَطٌّ *кўп.* ثِطَاطٌ = أَثَطُّ

I ثَطِيَ (а) ثَطًا аҳмоқ бўлмоқ, тентак бўлмоқ

I ثَعَبَ (а) ثَعْبٌ оқизмоқ; الْمَاءَ ~ сувни оқизиб юбормоқ

– ثَعْبٌ *кўп.* ثُعْبَانٌ водийдаги жилға

ثُعْبَانٌ *кўп.* ثَعَابِينُ илон, қора илон; الْبَحْرِيُّ ~ الـ *ёки* الْبَحْرِ *зоол.* денгиз ит балиғи; الْمَاءِ ~ *ёки* السَّمَكُ ~ *зоол.* илон балиқ

– ثُعْبَانِيٌّ илонга тегишли, илонга ўхшаш, илон шаклли

– مَثْعَبٌ *кўп.* مَثَاعِبُ 1) ифлос сув оқиб тушиши учун қилинган зовур, обрез; مَاءُ الْمَثَاعِبِ оқизиб юбориладиган сув, 2) сифон (*суюқликни юқоридаги идишдан пастроқдаги идишга ўтказиш учун хизмат қиладиган букик найча*)

ثُعَالَةُ тулки

– تَثَعْلَبَ тулкидек ҳаракат қилмоқ, айёрлик қилмоқ

– ثَعْلَبٌ *кўп.* ثَعَالِبُ тулки; тулки мўйнаси; الْمَاءِ ~ *зоол.* сувсар; كَفُّ الـ~ *бот.* дигиталис (*газак гуллилар оиласига мансуб ўсимлик*); ◊ دَاءُ الـ~ соч тўкилиши, соч тушиш, сийқабош бўлиш; بَنُو ~ араб қабилаларидан бирининг номи

– ثُعْلُبَانٌ эркак тулки

– ثَعْلَبَةٌ 1) урғочи тулки; 2) айёрлик, маккорлик; بَنُو ~ араб қабилаларидан бирининг номи; فَمَا مِنْ وَادٍ إِلَّا وَ لِبَنِى ثَعْلَبَةَ أَثَرٌ فِيهِ *ёки* بِكُلِّ وَادٍ أَثَرٌ مِنْ بَنِى ~ *мтл.* бундан қочиб қутулиб бўлмайди (*сўзма-сўз:*ҳар бир водийда بَنُو ثَعْلَبَةَ қабиласининг изи бор)

– ثَعْلَبِيٌّ тулкисифат, тулкига ўхшаш; тулкига оид

– مُثَعْلَبٌ : أَرْضٌ ~ـةٌ тулкилар кўп учрайдиган ер

I ثَغَرَ (а) ثَغْرٌ тешмоқ, тешик очмоқ; VII اِنْثَغَرَ йиртилиб битмоқ, тўзиб битмоқ, илма-тешик бўлиб кетмоқ (*меш ҳақида*); VIII اِثَّغَرَ ёриб чиқмоқ, чиқа бошламоқ (*тиш ҳақида*); الطِّفْلُ ~ боланинг тиши чиқа бошлади

– ثَغْرٌ *кўп.* ثُغُورٌ 1) олд қатор тишлар; 2) оғиз; 3) дара, дефиле (*икки тоғ оралиғидаги тор йўл*); 4) [illegible] чегара; 5) порт, гаван

– ثُغْرَةٌ *кўп.* ثُغَرٌ، ثُغُرَاتٌ 1) тешик, ёриқ; кириш йўли; فِى ~ سَدَّ . . . (*н. нинг*) ёриғини тўлғазмоқ, 2) йўл, оралиқ (*мас., қаторлар ораси*); 3) чуқурлашиш, чуқурроқ қилиш; ◊ ثُغْرَاتُ الرِّيبَةِ шубҳа туғдирадиган сабаблар

ثَغَامٌ، ثُغَامٌ *жам. бот.* (Atractylis gummifera) (*оқ гулли ўсимлик*)

– ثَغَامَةٌ *кўп.* ثَغَامٌ، ـاتٌ — *сўзидан, д. с.*; ◊ وَكَانَ الشَّيْبُ بِشَعْرِهِ ~ унинг соч-соқоли оқарди

I ثَغَا (у) ثُغَاءٌ (ثغو) маърамоқ, VI تَثَاغَى кўплашиб маърашмоқ

– ثَاغٍ мн ثَاغِيَةٌ маърайётган; مَا لَهُ ~ وَ لَا رَاغٍ *мтл.* унинг ҳеч вақоси йўқ (*сўзма-сўз:* унинг на маърайдиган (қўйи), на ўкирадиган (туяси) бор)

ثُفَّاءٌ *жам. бот.* хантал (горчица)

– ثُفَّاءَةٌ 1) *бот.* бир дона хантал (горчица) меваси; 2) *бот.* кресс салат (*барги ейиладиган бир йиллик ўсимлик*)

(ثفر) IV أَثْفَرَ қуюшқон солмоқ; X اِسْتَثْفَرَ : بِثَرِبِهِ ~ этакни қайириб, икки оёқ орасидан ўтказиб белга боғламоқ

– ثَفَرٌ *кўп.* أَثْفَارٌ қуюшқон

ثُفَالٌ секинюрар (*мас. туя*)

– ثُفْلٌ қуйқа, қуйқум, лойқа, чўкма; қолдиқ

(ثفن) III ثَافَنَ 1) (*к. биландир*) яқин муносабатда бўлмоқ; 2) (*бирор к. билан*) бирга бўлмоқ, бирга ўтиришмоқ

(ثفى) II ثَفَّى : الْقِدْرَ ~ қозонни ўчоққа осмоқ; IV أَثْفَى الْقِدْرَ ~ қозонга қараб ўчоқ қурмоқ

أُثْفِيَّةٌ *кўп.* أَثَافٍ 1) уч оёқли темир ўчоқ; 2) тошдан қилинган ўчоқ; ثَالِثَةُ الْأَثَافِي هِيَ . . . ёмонлар ичидаги энг ёмони бу . . .

I ثَقَبَ (у) ثَقْبٌ 1) тешмоқ, тешик қилмоқ, ўймоқ, санчиб тешмоқ, санчмоқ, суқмоқ, пармалаб тешмоқ, кавламоқ; *тех.* бурғиламоқ, тоғпарма билан пармаламоқ; 2) ёнмоқ, илашмоқ (*олов ҳақида*); II ثَقَّبَ : النَّارَ ~ алангa олдирмоқ; IV أَثْقَبَ ёнмоқ, ёндирмоқ, туташтирмоқ, ўт олдирмоқ; V تَثَقَّبَ тешилмоқ, пармаланиб тешилмоқ, кавланмоқ; VII اِنْثَقَبَ тешилмоқ, тешик қилиб ўйилмоқ, пармаланмоқ; бурғиланмоқ

– اِنْثِقَابٌ *мед.* тешилиш, ёрилиш; الْأَمْعَاءُ ~ *ёки* فِى الْأَمْعَاءِ ~ ичак тешилиши

– ثَاقِبٌ 1) тешувчи, санчувчи, суқувчи; ◊ الْفِكْرِ ~ зеҳни ўткир; الْأُذُنِ ~ ... النَّظَرِ ~ ўткир кўзли; узоқни, узоқ келажакни кўра оладиган; *зоол.* уховёртка (*тўғри қанотлилар туркумига кирувчи ҳашарот*); ثَاقِبَاتُ الذُّرَةِ *кўп.* маккажўхори заракунандалари, 2) ёритувчи, нур сочувчи; شِهَابٌ ~ ёритувчи юлдуз

– ثِقَابٌ *кўп.* ثُقُبٌ гугурт

– ثُقْبٌ *кўп.* أَثْقَابٌ, ثُقُوبٌ тешик, ёриқ, туйнук; санчилиб тешилган жой; тутатқи, ўтқич

– ثُقُوبٌ ёниш, куйиш; шуъла; ёғду, шафақ; الذِّهْنِ ~ зеҳннинг ўткирлиги

– مِثْقَابٌ *кўп.* مَثَاقِيبُ пармалаш асбоби; дрель (*ёғочда ёки металда майда тешиклар тешиш учун кичкина пармаларни айлантирадиган асбоб*): қўл парма, пармадаста; الْحَفْرِ ~ *тех.* бурғи, тоғпарма; الْحَفْرِ التُّورْبِينِيُّ ~ *кон.* турббобур (*пармалаб кавлайдиган асбоб*)

– مِثْقَبٌ *кўп.* مَثَاقِبُ 1) парма; 2) дрель

– مِثْقَبَةٌ *кўп.* مَثَاقِبُ пармалаш дастгоҳи (*станоги*)

– مَثْقُوبٌ тешилган, йиртиқ, тешик; тешик (*идиш*)

I (ثقف) (ثقف) ثَقُفَ (*у*) ثَقَافَةٌ ўткир ақл эгаси бўлмоқ, зеҳни ўткир бўлмоқ, зийрак бўлмоқ; ثَقِفَ[1] (*а*) ثَقَفٌ = ثَقِفَ ثَقَفَ[2] (*а*) ثَقْفٌ топмоқ; II ثَقَّفَ 1) текисламоқ, баравварламоқ, ростламоқ, тўғриламоқ; 2) тарбияламоқ, таълим бермоқ; маълумотли қилмоқ; маданиятни кўтармоқ; 3) ингичкаламоқ, юпқалаштирмоқ; чархламоқ, ўткир қилмоқ; 4) кучайтирмоқ, юксалтирмоқ, такомиллаштирмоқ; III ثَاقَفَ بِالسِّلَاحِ ~ қиличбозлик (найзабозлик) қилмоқ, V تَثَقَّفَ ўзини ақлан (маънан) ўстирмоқ; маълумот олмоқ; тарбияли бўлмоқ, таълим олмоқ

– تَثْقِيفٌ тарбиялаш; ривожлантириш, таълим бериш

– ثِقَافٌ найза ўткирлайдиган, созлайдиган асбоб

– ثَقَافَةٌ 1) тушуниш; 2) маданият; маълумотлилик; таълим; ривожлантириш даражаси; الْبَدَنِيَّةُ الـ~ бадан-тарбия, физкультура

– ثَقَافِيٌّ маданий; التَّبَادُلُ الـ~ маданият соҳасидаги алмашиниш (ҳамкорлик); الْقِيَمُ الـ~ة маданий қадриятлар; الْعَلَاقَاتُ الـ~ة маданий алоқалар; جَمْعِيَّةُ الصَّدَاقَةِ وَ الْعَلَاقَاتِ الـ~ة дўстлик ва маданий алоқалар жамияти

– ثَقِيفٌ жуда ўткир; خَلٌّ ~ жуда ўткир сирка

– مُثَاقَفَةٌ қиличбозлик, найзабозлик

– مُثَقَّفٌ маълумотли, маърифатли, маданиятли; ◊ الذَّوْقِ ~ баланд дидли, диди баланд

– مُثَقَّفُونَ *кўп.* зиёлилар, интеллигенция

I ثَقُلَ (*у*) ثِقَلٌ, ثِقْلٌ 1) оғир бўлмоқ, вазмин бўлмоқ, тош босмоқ, тарози босмоқ; 2) (*к. дандир*) малолат сезмоқ, оғирлик олмоқ, машаққат чекмоқ (عَلَى), 3) (*бирор н. билан*) қийнамоқ, ташвишга солмоқ, малол келтирмоқ (بِ); 4) бепарво бўлмоқ, хотиржам бўлмоқ (عَنْ); ثَقِلَ (*а*) ثَقَلٌ оғир касалга учрамоқ, оғир дардга мубтало бўлмоқ; سَمْعُهُ ~ унинг қулоғи оғир, у гаранг; II ثَقَّلَ 1) қийинлаштирмоқ, вазминлаштирмоқ; машаққатга солмоқ; رِجْلَهُ ~ секин юрмоқ, шошилмай қадам ташламоқ; 2) (*к. нидир*) безор қилмоқ; 3) *грам* ундош товушни иккилантирмоқ; IV أَثْقَلَ (*бирор н. билан*) оғирлаштирмоқ, машаққатга солмоқ (بِ); بِالْحَدِيدِ ~ه (*к. нидир*) занжирламоқ; كَاهِلَهُ ~ (*н. билан*дир) бирор кишини машаққатга қўймоқ (بِ); ~ت الْمَرْأَةُ катта бўлмоқ (*аёл ҳомиладор ҳақида*); VI تَثَاقَلَ 1) семирмоқ, шалвирамоқ, лапашанг бўлмоқ; вазминламоқ; 2) секинламоқ; 3) (*бирор н. қилишга*) эринмоқ, дангасалик қилмоқ, (عَنْ), 4) жонга тегмоқ, (*к. нидир*) безор қилмоқ (عَلَى); X اسْتَثْقَلَ 1) оғир ҳисобланмоқ; 2) номаъқул деб билмоқ, машаққатли ҳисобламоқ, 3) вазминлашмоқ, тош босмоқ

– أَثْقَلُ оғирроқ, вазминроқ, مِنَ الْهَمِّ عَلَى الْقَلْبِ ~ *маж.* бу жуда оғир (*сўзма-сўз: юрак учун ғамдан ҳам оғир*)

– تَثَاقُلٌ 1) оғирлик, вазминлик; 2) секинлик, сустлик; فِي ~ а) вазминлик билан, секин; б) истар-истамас, хоҳламай; فِي شَيْءٍ مِنَ الـ~ бир оз сусткашлик билан; истар-истамас

– ثَقَالَةٌ 1) вазмин нарса, юк; الْأَرْضِيَّةُ الـ~ *физ.* ернинг тортиш кучи; 2) сустлик, эпасанглик

– ثَقَلٌ *кўп.* أَثْقَالٌ 1) қимматбаҳо нарса; 2) мусофирнинг юк тақи ва у билан келган яқинлари

– ثِقْلٌ *кўп.* أَثْقَالٌ 1) вазмин нарса, юк (*шунингдек: кўч. м.*); ~ الْبِلَادِ الدُّوَلِيُّ мамлакатнинг халқаро миқёсдаги обрўси; ~ الرَّأْسِ бошнинг оғирлиги; أَثْقَالُ الْأَرْضِ *маж.* ерости бойликлари; أَثْقَالٌ الرِّيَاضَةِ *спорт.* спорт тоши, гиря; штанга; رِيَاضَةُ رَفْعِ الْأَثْقَالِ *спорт.* оғир атлетика; نَوْعِيٌّ ~ салмоқ тутган ўрин; 2) юк, оғирлик, оғир юк; ◊ وَ أَخْرَجَتِ الْأَرْضُ أَثْقَالَهَا *қур.* замин ўзидаги инсонлар жасадини юзага чиқарганида, ... (*сўзма-сўз: замин ўзидаги юкларни чиқарганида, ...*)

– ثِقْلٌ вазмин нарса, юк

– ثَقَلَانِ: الـ~ *ик. с.* шайтонлар ва одамлар

– ثِقْلَةٌ, ثَقْلَةٌ 1) вазмин нарса; 2) қийинчилик; 3) багаж

– ثِقْلِيٌّ *физ.* ернинг тортиш кучига оид

– ثَقِيلٌ *кўп.* ثُقَلَاءُ, ثِقَالٌ 1) оғир, вазмин; 2) қийин, ташвишли, вазмин; 3) жонга теккан, зерикарли, ёқимсиз; ярамас; مِزَاجٌ ~ хунук, ножўя ҳазил; 4) аччиқ (*чой*); الدَّمِ ~ ёқимсиз, ярамас, кишини ўзига тортмайдиган; الرُّوحِ ~ зерикарли, жонга тегадиган, жирканч, манфур; السَّمْعِ ~ қулоғи вазмин; الظِّلِّ ~ зерикарли, жонга тегадиган; الْفَهْمِ ~ бефаҳм, калтафаҳм, ҳафтафаҳм

– مُتَثَاقِلٌ оғир, вазмин, секин, суст; ~! бироз сусткашлик билан, истар-истамас

– مِثْقَالٌ *кўп.* مَثَاقِيلُ мисқол (*24 қирот ёки 4, 68 г. га тенг бўлган оғирлик ўлчови*); الشَّيْءِ ~ бирор нарсанинг мезони (меъёри)

– مُثْقِلٌ ҳомиласи вазминлашган аёл

– مُثْقَلٌ 1) оғир, вазмин; 2) (бирор н. билан) оғирлаштирилган, ташвишга солинган (بِ)

– مُثْقَلاتٌ кўп. гиря, спорт тоши

– مُسْتَثْقَلٌ 1) юмилиб қолган (мас. қовоқ); 2) тошдек қаттиқ, уйғотиб бўлмайдиган (уйқу ҳақида)

ثِقَةٌ қар. وثق

I ثَكِلَ (а) ثُكْلٌ, ثَكَلٌ фарзандини ёки маҳбубини йўқотмоқ (аёл ҳақида); IV أَثْكَلَ (онадан) фарзандни тортиб олмоқ; V تَثَكَّلَ = I

– ثَاكِلٌ[1] кўп. ثَاكِلاتٌ, ثَوَاكِلُ, ثَكْلَى фарзандини ёки маҳбубини йўқотган (аёл)

– ثَاكِلٌ[2] кўп. ثَكْلَانُ, ثَاكِلُونَ, ثَكَالَى мз. фарзандини йўқотган

ثُكْنَةٌ кўп. ثُكُنَاتٌ, ثُكَنٌ казарма (ҳарб. ҳарбий қисмлар жойлашган махсус бино)

I ثَلَّ (а/у) ثَلٌّ, ثَلَلٌ 1) бузмоқ, вайрон қилмоқ, йўқ қилмоқ, 2) тахтдан туширмоқ, ағдариб ташламоқ, йиқитмоқ, қулатмоқ (ҳукмдорни); VII إِنْثَلَّ 1) бузилмоқ, вайрон бўлмоқ, қуламоқ, бузилмоқ; 2) тахтдан туширилмоқ

– ثَلَلٌ вайронлик, йўқ қилиш, тугатиш, қириб ташлаш

– ثُلَّةٌ кўп. ثُلَلٌ 1) тумонат, йиғин; тўпланган одамлар; компания, группа, гуруҳ; 2) ҳарб. команда, отряд, бўлинма, ҳарбий бўлинма

– ثَلَلٌ = ثُلَّةٌ

I ثَلَبَ (и) ثَلْبٌ бўҳтон қилмоқ, туҳмат қилмоқ, ғийбат қилмоқ, қораламоқ, ёмонламоқ, бадном қилмоқ; шарманда қилмоқ, иснод келтирмоқ, юзини ерга қаратмоқ, номини булғамоқ

– ثَالِبٌ туҳмат қилиб айтилган ёлғон, бўҳтон

– مَثْلَبَةٌ кўп. مَثَالِبُ 1) сўкишга қолган, ҳақоратланган; 2) нуқсон, айб, камчилик; 3) туҳмат, бўҳтон

I ثَلَثَ (у) ثَلْثٌ (ثُلْث) учдан бир қисмини олмоқ; ثَلِثَ (а) учинчи бўлмоқ; II ثَلَّثَ 1) уч ҳисса оширмоқ, уч баравар орттирмоқ, уч марта кўпайтмоқ; 2) уч қисмга бўлмоқ, уч баравар оширмоқ; ~ الْفَرَسُ соврин устунига учинчи бўлиб келмоқ (от ҳақида); 3) геол. триангуляцияни (геодезия ишларида қўлланиладиган аниқ ўлчаш усули) амалга оширмоқ; 4) грам. (ҳарфнинг усти ёки остига) уч нуқта қўйилмоқ; IV أَثْلَثَ учтадан иборат бўлмоқ

– تَثْلِيثٌ 1) уч ҳисса ошириш; 2) уч қисмга бўлиш; 3) геод. триангуляция

– تَثْلِيثِيٌّ тригонометрик, тригонометрияга оид

– ثَالِثٌ 1. учинчи; ... هِيَ ~ةُ الْأَثَافِي қар. أُثْفِيَّةٌ ; ~اً учинчидан; 2. муз. терция (диатоник гамманинг учинчи босқичи ва биринчи билан учинчи босқич гаммалар ўртасидаги оралиқ)

– ثَالُوثٌ 1) триада (бўлинмас уч қисмдан иборат бўлган бир бутун яхлит нарса); ~ يَعْبَثُ بِهِ : الْفَقْرُ وَ الْجَهْلُ وَ الْمَرَضُ у уч нарсадан: қашшоқликдан, жаҳолатдан ва хасталикдан азоб чекарди; 2) (шунингдек: الـ~ الْمُقَدَّسُ) дин. троица (христианлик эътиқодига кўра, ота худо, ўғил худо ва муқаддас руҳ худодан иборат учлик); ◊ زَهْرَةُ الـ~ бот. капалакгул, фаранг гунафша

– ثَلاثٌ, ثَلاثَةٌ уч; ~ةَ عَشَرَ ёки ~ عَشْرَةَ ўн уч; ~اً уч марта; الثَّلاثَةُ трио; دُونَ أَنْ يَقُولَ ثَلْثَ الـ~ ҳеч нарса сўрамасдан

– ثُلاثَ учтадан, уч марта, уч карра

– ثُلاثَاءُ : الـ~ ёки يَوْمُ الـ~ сешанба

– ثَلاثُونَ ўттиз

– ثُلاثِيٌّ 1) уч хил, уч турли, уч маъноли, уч томонлама; учлик, уч қисмдан иборат бўлган; ~ الْأَرْجُلِ уч оёқли; ~ الْأَلْوَانِ уч ранли; ~ الْحُدُودِ мат. уч ҳадли; ~ الزَّوَايَا уч бурчакли; ~ السُّطُوحِ уч қиррали, уч ёқли; ~ الْفُصُوصِ бот. уч уруғли; ~ الْوَرَقَاتِ уч баргли; الْهَرَمُ الـ~ мат. уч бурчакли пирамида; 2) геол. учламчи (геологик давр); 3) грам. уч ҳарфли, уч ундошли (феъл); 4) грам. уч нуқтали (ҳарф); 5) учлик; 6) муз. трио; 7) радио. триод (овозни кучайтириш учун радиоприёмникларга ўрнатиладиган уч электронли лампа)

– ثَلاثِينَاتٌ кўп. ўттизинчи йиллар

– ثُلاثِينَاتٌ = ثَلاثِينِيَّاتٌ кўп.

ثُلاثِيَّةٌ ад. трилогия (умумий мазмуни бир-бирига боғланган, аммо учта мустақил асардан иборат бўлган адабий асар)

– ثِلْثٌ уч кунлик давр; حُمَّى الـ~ мед. ҳар уч кунда (уч кун оралатиб) тутадиган безгак

– ثُلْثٌ кўп. أَثْلاثٌ[1] учдан бир

– ثُلُثٌ, ثُلْثٌ[2] сулс, сулус (араб ёзувидаги хат турларидан бири)

– ثُلُثِيٌّ, ثُلْثِيٌّ сулсий, сулусий (хат турларидан бири)

– ثُلاثَ = مَثْلَثَ

– مُثَلَّثٌ[1] 1) уч хил, уч турли, уч маъноли; учлик: الْعَلَمُ الـ~ الْأَلْوَانِ уч рангли байроқ; 2) грам. уч нуқтали (ҳарф)

– مُثَلَّثٌ[2] кўп. ~اتٌ мат. учбурчак; قَائِمُ الزَّاوِيَةِ ~ тўғри бурчакли учбурчак; الـ~ الْحَادُّ ўткир бурчакли учбурчак; ~ مُتَسَاوِي الْأَضْلَاعِ тенг ёнли учбурчак; ~ مُخْتَلِفُ الْأَضْلَاعِ турли томонли учбурчак; الْمُثَلَّثَاتُ الْمُتَشَابِهَةُ ўхшаш учбурчаклар; عِلْمُ الْمُثَلَّثَاتِ ёки حِسَابُ الْمُثَلَّثَاتِ тригонометрия; الْمُثَلَّثَاتُ الْكُرَوِيَّةُ сферик тригонометрия; الْمُثَلَّثَاتُ الْمُسْتَوِيَةُ тўғри чизиқли тригонометрия; الْحَضَارَةُ الْقَدِيمَةُ ~ тар. қадимги цивилизация учбурчаги (Яман ва Ҳадрамавт - учбурчакнинг юқори қисми, Нил водийси ва Месопатамия - унинг ён томонлари)

– مُثَلَّثٌ[3] мусаллас (шаробнинг бир тури, бундай аталишига сабаб уни тайёрлаш жараёнида хом ашёнинг учдан бири қолишидир)

– مَثْلَثٌ кўп. مَثَالِثُ уч нарсадан ташкил топган, уч қисмдан иборат

– مُثَلَّثِيٌّ тригонометрик; النِّسْبَةُ الـ~ةُ тригонометрик функция

– مَثْلُوثٌ уч қисмдан иборат; حَبْلٌ ~ уч қаватли арқон, чилвир

I (ثلج) (ثلج) ثَلَجَ[1] (у) ثَلْجٌ ёғмоқ (*қор ҳақида*); تَثْلُجُ السَّمَاءُ қор ёғяпти;

ثَلَجَ[2] (у) ثُلُوجٌ (*бирор н. дан*) хотиржам бўлмоқ, қониқиш ҳосил қилмоқ (إِلَى, بِ); ثَلِجَ (а) ثَلَجٌ 1) янгиланмоқ, ором олмоқ; 2) хурсанд бўлмоқ, шод бўлмоқ; баҳра олмоқ, баҳри дили очилмоқ; II ثَلَّجَ музлатмоқ, совутмоқ, тўнгдирмоқ; IV أَثْلَجَ ёғмоқ (*қор ҳақида*); تُثْلِجُ السَّمَاءُ қор ёғяпти; 2) совутмоқ; 3) хурсанд қилмоқ, баҳри дилини очмоқ; (الْقُلُوبَ) الصُّدُورَ ~ (*кўнгилларни*) шод қилмоқ

– تَثْلِيجٌ музлатиш, тўнглатиш, совутиш

– ثَلَّاجٌ муз сотувчи, музфуруш

– ثَلَّاجَةٌ *кўп.* اتٌ — 1) музхона, музшкаф; холодильник, музлатгич; كَهْرَبَائِيَّةٌ ~ рефрижератор; электр холодильник; 2) музлик; музтоғ, муз-харсанг, айсберг

– ثَلِجٌ совуқ, салқин

– ثَلْجٌ *кўп.* ثُلُوجٌ қор, муз; أَبْرَدُ مِنَ الـــِ ~ а) унинг нафаси совуқ; б) у одамни зериктириб юборади; نُدْفَةُ الـــِ ~ қор учқуни; زَهْرَةُ الـــِ ~ *бот.* бойчечак; سَيِّدَةُ الثُّلُوجِ қор қиз

– ثَلْجِيٌّ қорга, музга оид, муздан иборат, музли, қорли; عَاصِفَةٌ ~ةٌ қор аралаш бўрон; الْعَصْرُ الـــِ ~ музлик даври

– ثَلِيجٌ 1) музлатилган, яхлатилган; 2) муздан иборат, совуқ

– مَثْلُوجٌ, مُثَلَّجٌ 1) музлатилган, яхлатилган; لُحُومٌ ~ةٌ музлатилган гўшт; دَجَاجٌ ~ музлатилган товуқ гўшти; 2) совутилган; муздек, совуқ, жуда совуқ

– مُثَلَّجَاتٌ *кўп.* яхна ичимликлар

– مَثْلَجَةٌ *кўп.* مَثَالِجُ музхона, музшкаф; холодильник, совутгич, музлатгич

– مَثْلُوجٌ музлатилган, яхлатилган; ◊ حَلِيبٌ ~ музқаймоқ

I ثَلَطَ (и) ثَلْطٌ орқасидан юмшоқ тезак (ахлат) чиқармоқ (*туя ҳақида*)

I ثَلَمَ (и) ثَلْمٌ 1) тешмоқ, ёрмоқ, тешик ҳосил қилмоқ; 2) ўтмас, мертик қилиб қўймоқ, дамини қайтармоқ (*мас. пичоқнинг*); 3) таҳқирламоқ, ҳақорат қилмоқ; қораламоқ, ёмонламоқ; шарманда қилмоқ, обрўсини тўкмоқ; II ثَلَّمَ 1) кўпгина тешик ҳосил қилмоқ, кўп нарсани тешиб ташламоқ; 2) жуда ўтмас қилмоқ; IV أَثْلَمَ ўтмас, мертик қилиб қўймоқ, дамини қайтармоқ (*мас. пичоқнинг*); حِدَّةَ ~ الْمَشَاعِرِ *маж.* ҳиссиётни хиралаштирмоқ, сустлаштирмоқ, пасайтирмоқ; V تَثَلَّمَ ўтмас бўлмоқ, дами қайтмоқ (*мас. пичоқнинг*); VII اِنْثَلَمَ 1) дами қайтмоқ, ўтмаслашмоқ; 2) булғанмоқ, доғ тегмоқ

– ثَلْمٌ (идишнинг) учган жойи; فِي السَّيْفِ ~ қиличнинг тиғи синган;

فِي الْإِنَاءِ ~ идишнинг лаби учган

– ثُلْمَةٌ *кўп.* ثُلَمٌ 1) ёриқ, тешик; سَدَّ ~ ёриқни тўлғазмоқ, йўқотмоқ; 2) кертик, мертик, ўтмаслик

– مَثْلُومٌ қораланган, доғ тушган; الْعِرْضِ ~ таҳқирланган, жароҳатланган

ثَمَّ *ёки* ثَمَّةَ 1) у ерда; 2) бор, мавжуд; ◊ مِنْ ~ шунинг учун, шу сабабдан, шунинг натижасида, шунинг орқасида

ثُمَّ *ёки* ثُمَّتَ сўнг, ундан кейин

ثُمَامٌ *жам. бот.* Panicum satigerun; ◊ هٰذَا عَلَى رَأْسِ الْبَنَانِ وَ طَرَفِ ~ *мтл.* бу ҳаммага маълум нарса; бу иш ҳамма учун осон

– ثُمَامَةٌ, ثُمَامٌ *сўзидан, д. с.*; الْغَرِيقُ يَتَشَبَّثُ بِـــ ~ *мтл.* чўкаётган чўпга ёпишар (*сўзма-сўз:* чўкаётган ثُمَامَةٌ ~ гулига ёпишар)

I ثَمَأَ (а) ثَمْءٌ тўйдирмоқ, овқатлантирмоқ; رَأْسَهُ ~ унга шикаст етказмоқ, майиб қилмоқ; الْخُبْزَ ~ нонни майдаламоқ

إِثْمِدٌ сурматош

– ثَمْدٌ, ثَمَدٌ мазаси йўқ, оз миқдордаги бемаза сув

– ثَمُودُ, ثَمُودٌ *қур.* самуд (*ножўя хатти-ҳаракатлари учун Оллоҳ томонидан йўқ қилиб юборилган халқлардан бири*)

I ثَمَرَ (у) ثُمُورٌ мева бермоқ, ҳосил бермоқ; самара бермоқ, натижа бермоқ; II ثَمَّرَ 1) мева, ҳосил беришга мажбурламоқ; 2) ишлатмоқ, фойдаланмоқ, истифода қилмоқ, ишга солмоқ; 3) сарф қилмоқ, харажат қилмоқ (*пул ҳақида*); (*бирор ишга*) капитал қўймоқ (فِي); IV أَثْمَرَ 1) фойда келтирмоқ, ҳосил бермоқ; 2) бойитмоқ, мол-мулки кўпаймоқ; X اِسْتَثْمَرَ 1) ишлатмоқ, фойдаланмоқ, истифода қилмоқ; 2) эксплуатация қилмоқ, ишлатмоқ, фойдаланмоқ; 3) сарф қилмоқ, харажат қилмоқ (*пул ҳақида*); (*бирор ишга*) капитал қўймоқ

– اِسْتِثْمَارٌ 1) эксплуатация; الْإِنْسَانِ لِلْإِنْسَانِ ~ одамнинг одам томонидан эксплуатация қилиниши; الْقُوَّةِ الْعَامِلَةِ ~ ишчи кучини эксплуатация қилиш; مَصَارِيفُ الـــِ ~ эксплуатация харажатлари, чиқимлари; 2) инвестиция (*бирор ишга, корхонага капитал қўйиш, капитал киргизиб қатнашиш, шерик бўлиш*)

– اِسْتِثْمَارَةٌ *кўп.* اتٌ — хўжалик, мулк, ер-мулк

– اِسْتِثْمَارِيٌّ 1) эксплуататорликка оид; 2) эксплуатацияга оид

– ثَامِرٌ мевали; شَجَرٌ ~ меваси пишган дарахт

– ثَمَارَةٌ *қ. х.* помология (*мевали дарахтлар ва буталарнинг навлари ҳақидаги назария*)

– ثَمَرٌ *жам. кўп.* أَثْمَارٌ, ثِمَارٌ 1) мевалар (*шунингдек: кўч. м.*); كَانَتْ لَهُ ثِمَارٌ مُبَارَكَةٌ унинг баракатли самараси бор эди; 2) маҳсулот; 3) фойда, наф, манфаат, ютуқ; 4) натижа; السِّيَاطِ ~ қамчи учидаги тугунлар

– ثُمُرٌ бойлик, мол-мулк

– ثَمْرَاءُ: شَجَرَةٌ ~ мевали дарахт

– ثَمَرَةٌ *кўп.* اتٌ — мева

– مُثْمِرٌ 1) мева берадиган, ҳосил берадиган; أَشْجَارٌ ~ةٌ мевали дарахтлар; 2) серҳосил, ҳосилдор, унумдор; 3) серунум, самарали; 4) ўнгғай, қулай, манфаатли, даромадли, сердаромад, серфойда

I ثَمِلَ (а) ثُمُولٌ, ثَمَلٌ маст бўлмоқ, кайфи ошмоқ; IV أَثْمَلَ маст қилмоқ

– ثُمَالَةٌ кўп. ثُمَالٌ 1) қуйқа, қуйқум, лойқа, чўкма; қолдиқ; 2) кўплик

– ثَمَلٌ мастлик, сархушлик

– ثَمِلٌ 1) маст, маст-аласт; 2) (бирор н. га) берилиб кетган, қизиқиб қолган, мафтун бўлган (إِلَى)

I ثَمَنَ (у) ثَمْنٌ (ثُمْن) саккиздан бирини олмоқ (мас. ҳосилнинг); ثَمِنَ (а) ثَمْنٌ саккизинчи бўлмоқ; ثَمُنَ (у) ثَمَانَةٌ қимматбаҳо бўлмоқ, қимматлашмоқ; II ثَمَّنَ 1) баҳоламоқ, нархини аниқламоқ; нарх қўймоқ, нарх белгиламоқ; لاَ يُثَمَّنُ а) бебаҳо, баҳоси йўқ, қимматбаҳо, қадрли; б) баҳолашга арзимайдиган, икки пуллик; 2) саккиз қисмдан, саккиз бурчакдан иборат қилмоқ; IV أَثْمَنَ 1) саккизта бўлмоқ; الْقَوْمُ ~ жамоат саккизта эди; 2) нарх белгиламоқ; الْمَتَاعَ ~ товарга нарх қўймоқ

– تَثْمِينٌ баҳолаш, нарх қўйиш

– ثَامِنٌ саккизинчи; ~ًا саккизинчидан

– ثَمَانٍ, ثَمَانِيَةٌ саккиз; ثَمَانِيَةَ عَشَرَ ёки ثَمَانِي عَشْرَةَ ўн саккиз

– ثُمَانَ саккизтадан

– ثَمَانُونَ саксон

– ثُمَانِيٌّ 1. саккиздан, саккиз қисмдан иборат (н.); 2. муз. октет (саккиз чолғу асбоби ёки саккиз овоз учун ёзилган мусиқа асари)

– ثَمَانِيَةٌ кўп. ـاتٌ — карт. саккизлик

– ثَمَانِينَاتٌ кўп. саксонинчи йиллар

– ثَمَنٌ кўп. أَثْمَانٌ нарх, баҳо; қиймат; بِالـ~ الْأَسَاسِيِّ номинал баҳо билан, ўз баҳоси билан; بِالـ~ الْأَصْلِيِّ таннархи билан; أَثْمَانُ التَّجْزِئَةِ чакана нархлар; أَثْمَانُ الْجُمْلَةِ улгуржи нархлар

– ثُمْنٌ кўп. أَثْمَانٌ саккиздан бир

– ثُمُنٌ = ثُمْنٌ

– ثُمْنَةٌ сумуна (1/8 قَدَحٌ ёки 0. 26 л. га тенг бўлган ҳажм ўлчови бирлиги)

– ثَمِينٌ қимматбаҳо

– مَثْمَنَ саккизтадан

– مُثَمَّنٌ 1) баҳоланган, нархи қўйилган; қимматбаҳо; 2) саккизтадан иборат; ~ الزَّوَايَا а) саккиз бурчакли; б) саккизбурчак; ~ السُّطُوحِ саккизоёқли, октаедр (саккизта тўғри бурчакликдан иборат бўлган ва ҳамма бурчаклари тўғри саккизёқлик)

– مُثَمِّنٌ нарх белгиловчи, нарх қўювчи; 2. таксатор (такса қўювчи, баҳо кесувчи); ~ الْجُمْرُكِ божхона нарх белгиловчиси

ثُنَّةٌ кўп. ثُنَنٌ отнинг тўпиғидаги попуги

ثُنْدُوَةٌ кўп. ثَنَادٍ кўкрак (эркаклардаги)

I ثَنَى (и) ثَنْيٌ 1) букмоқ, эгмоқ, қайирмоқ, ўгирмоқ, бурмоқ; икки букламоқ; 2) икки ҳисса оширмоқ, икки марта кўпайтирмоқ; 3) (бирор н. дан) тиймоқ, босмоқ, ушлаб қолмоқ, қайтармоқ, айнитмоқ (عَنْ); ~ عَزْمَهُ عَنْ ... ниятидан қайтмоқ; II ثَنَّى 1) эгмоқ, қайирмоқ, букмоқ; ўгирмоқ; 2) иккилантирмоқ, икки ҳисса оширмоқ, икки марта кўпайтирмоқ; грам. а) (бирор сўзнинг) ик. с. нини ҳосил қилмоқ, б) (ҳарф остига ёки устига) икки нуқта қўймоқ; 3) (бирор ишни) икки марта бажармоқ, қайтармоқ, такрорламоқ (بِ); (бирор ишни) иккинчи навбатда бажармоқ (بِ); ثُمَّ ~ بِالسَّيِّدِ فُلاَنٍ сўнгра иккинчи марта фалон жанобни чақирди; 4) бурма қилмоқ, плиссировка қилмоқ (дазмол уриб узунасига қат-қат бурма солмоқ); 5) (бирор к. ни) мақтамоқ, мадҳ қилмоқ (عَلَى); (бирор к. га) ташаккур билдирмоқ, раҳмат айтмоқ (عَلَى); 2) (бирор н. дан) қайтармоқ, айнитмоқ (عَنْ); 3) олдинги тиши тушмоқ; V تَثَنَّى 1) икки ҳисса оширмоқ; икки букламоқ; 2) такрорланмоқ; 3) эгилмоқ, букилмоқ, қайтарилмоқ; 4) ишва билан юрмоқ, нозу карашма билан юрмоқ, саллона-саллона юрмоқ; VII اِنْثَنَى 1) эгилмоқ, букилмоқ, қайирилмоқ; 2) бурилмоқ, орқага қайрилмоқ; 3) қайтмоқ, қайтиб келмоқ; 4) (йўлдан) бурилмоқ; 5) ўгирилмоқ, тескари бурилмоқ, тескари қарамоқ; 6) фикрдан қайтмоқ, йўлдан қайтмоқ, (бирор н. дан) бош тортмоқ, воз кечмоқ; баҳридан ўтмоқ (عَنْ); 7) бошламоқ; ~ يَسْأَلُ сўрай бошламоқ; ◊ ~ أَمَامَ الْمَصَاعِبِ қийинчиликлар олдида тўхтаб қолмоқ; X اِسْتَثْنَى 1) ўгирмоқ, чиқармоқ, чиқариб ташламоқ; истисно қилмоқ

– أَثْنَاءٌ кўп. ثِنْيٌ сўзидан; أَثْنَاءَ (бирор н.) вақтида, давомида, асносида; أَثْنَاءَ التَّحْقِيقِ тергов вақтида; فِي أَثْنَاءِ ذَلِكَ ўша пайтда; فِي هَذِهِ الْأَثْنَاءِ шу пайтда

– اِثْنَانِ мн. اِثْنَتَانِ, ثِنْتَانِ икки; жуфт; اِثْنَا عَشَرَ ёки اِثْنَتَا عَشْرَةَ ўн икки; الاِثْنَا عَشَرِيُّ анат. ўн икки бармоқли ичак; (يَوْمُ) الاِثْنَيْنِ душанба; ◊ لاَ يَخْتَلِفُ (لاَ يُنَاقِشُ) ~ فِي هَذَا الْأَمْرِ бу мутлақо шубҳасиз (сўзма-соз: бу масалада иккиси мунозара қилиб ўтирмайди); نَحْنُ بَيْنَ اِثْنَتَيْنِ ... إِمَّا ... бизнинг олдимизда икки йўл бор: ё ..., ёки ...

– اِثْنَيْنِيَّةٌ фалс. дуализм (дунёнинг негизида бир-бирига боғлиқ бўлмаган икки мустақил нарса модда ва руҳ бор деб ҳисобловчи фалсафий таълимот)

– اِسْتِثْنَاءٌ истисно, мустаснолик; حَالَةُ الـ~ фавқулодда ҳолат; مِنْ غَيْرِ ~ ёки بِغَيْرِ ~ ёки بِدُونِ ~ истисносиз, беистисно

– اِسْتِثْنَائِيٌّ айрим, алоҳида, махсус; фавқулодда, камдан-кам бўладиган, ҳаддан ташқари; بِصُورَةٍ ~ةٍ истисно тариқасида; جَلْسَةٌ ~ةٌ фавқулодда йиғилиш; حَالَةٌ ~ةٌ фавқулодда ҳолат, фавқулодда вазият; ~ًا ниҳоятда, қўшмасдан, саноққа киргизмасдан; мутлақо

– اِنْثِنَاءٌ 1) эгилган, букилган жой; бурилиш, қайрилиш, муюлиш; 2) эгилувчанлик, букилувчанлик

– تَثْنِيَةٌ 1) эгиш, буклаш, қатлаш; 2) иккига кўпайтириш; такрорлаш; ~ الاِشْتِرَاعِ библ. Второзаконие (христианликнинг ақоидлар тўплами); 3) грам. иккилик сон (ик. с.)

– ثَانٍ мн ثَانِيَةٌ иккинчи, бошқа; ثَانِيَ عَشَرَ ўн иккинчи; ثَانِيًا а) иккинчидан; б) иккинчи марта, такроран, қайтадан; ثَانِيَةً иккинчи дафъа, такроран, қайтадан; ثَانِيَ اثْنَيْنِ жуфтнинг тоқи; ثَانِيَ أُكْسِيد *кимё* двуоксид (*кислороднинг икки атомига бошқа элементнинг бир атоми қўшилган кимёвий бирикма*); بِالثَّانِي яна, тағин, қайтадан; إِنَّ الْجَوَابَ عَلَى هَذَا السُّؤَالِ وَاحِدٌ لاَ ثَانِيَ لَهُ бу саволнинг жавоби фақат битта

– ثَانَوِيٌّ 1) қайталанадиган, такрорланадиган, қайтадан бўладиган; 2) иккинчи босқичга тегишли, ўрта; مَدْرَسَةٌ ~ةٌ иккинчи босқич (ўрта) мактаб, ўрта мактаб; 3) иккинчи даражали

– ثَانَوِيَّةٌ *кўп.* اتٌ — иккинчи босқич (ўрта) мактабни тугатганлик ҳақидаги шаҳодатнома (аттестат); حَامِلُ الـ~ иккинчи босқич (ўрта) мактабни тугатганлик ҳақида шаҳодатнома (аттестат) олган шахс

– ثَانِيَةٌ *кўп.* ثَوَانٍ сония, секунд

– ثَنَاءٌ *кўп.* ثَنَاءَاتٌ, أَثْنِيَةٌ 1) олқиш, табрик; 2) мақтов, мақташ, мадҳ қилиш; ҳамд-сано ўқиш; الـ~ عَلَى النَّفْسِ ўз-ўзини мақташ, мақтаниш; 3) миннатдорлик, ташаккур

– ثُنَاءَ иккитадан; ثُنَاءَ ثُنَاءَ жуфт-жуфт

– ثَنَائِيٌّ мақтаб айтилган, мақтаб ёзилган

– ثُنَائِيٌّ 1. 1) қўш, қўшалоқ; икки тарафлама, икки ёқлама; икки томонга мойил бўлган; الْاتِّفَاقُ الـ~ икки ёқлама битим; الْمُرَاقَبَةُ الـ~ةُ икки тарафлама назорат; الْحُكْمُ الـ~ *сиё.* икки ёки бир неча давлатнинг бирор территориядан ўртада фойдаланиши; 2) *геол.* қайталанадиган, такрорланадиган, қайтадан бўладиган; иккинчи, иккиламчи; 3) *грам.* икки ундошли, икки ҳарфли (*ўзак*); 2. *муз.* дуэт (*қўшовоз бўлиб куйлаш ёки чалиш*)

– ثُنَائِيَّةٌ 1) қўшалоқ, икки тарафламалик, иккиланиш; 2) *грам.* икки ҳарфлилик, икки ундошлилик (*ўзакларда*); الْجِذْرِيَّةُ الـ~ икки ундошли ўзак; 3) *спорт.* дубл (*бирор команда ёки ўйинчининг мусобақаларда алмаштириш учун ҳозирланган захирадаги команда ёки ўйинчи*)

– ثِنْتَانِ *қар.* اثْنَانِ

– ثَنَوِيٌّ дуалист, дуализм тарафдори, дуализм маслагидаги киши

– ثَنَوِيَّةٌ дуализм (*қар.* اثْنَيْنِيَّةٌ)

– ثَنَى 1) тахлаш, тахлаб қўйиш, ўраш, ўраб қўйиш; 2) ўзгариш, бурилиш; 3) (*бирор ишдан*) тийиш, ушлаб қолиш, қайтариш, айнитиш (عَنْ); ◊ ~ مَرَّةً إِثْرَ أُخْرَى ; وَ ~ بَعْدَ ~ا баъзи-баъзида, гоҳ-гоҳ, ора-сира, баъзан

– ثَنِيٌّ *мн.* ثَنِيَّةٌ *кўп.* ثُنْيَانٌ, ثِنَاءٌ олдинги тиши тушган (*бу айри туёқли ҳайвонларда уч ёшда, туяларда олти ёшда содир бўлади*)

– ثَنْيٌ *кўп.* أَثْنَاءٌ 1) бурилиш, қайрилиш, муюлиш; 2) букиш, эгиш, қайириш; бурма, қат-қат, тах

– ثِنًى икки марта такрорланган иш; لاَ ~ فِي الصَّدَقَةِ *ҳад.* бир йилда закот икки марта олинмайди

– ثَنْيَةٌ *кўп.* ثَنَيَاتٌ букиш, эгиш, қайириш; бурама, қат-қат, тах

– ثَنِيَّةٌ *кўп.* ثَنِيَّاتٌ, ثَنَايَا 1) резец, кесиш асбоби, кескич; олдинги тиш, курак тиш; 2) бурама, тах; فِي ثَنَايَاهُ (*бирор н. нинг*) тахларида; فِي ثَنَايَا الْكُتُبِ *маж.* китоб саҳифаларида; ثَنَايَا الْفُؤَادِ *маж.* қалбнинг тўр-тўри, қаъри; 3) ёнбағирлик (*тоғдаги*); 4) довон, тоғни ошиб ўтадиган йўл, дара; 5) тешик, ёриқ, туйнук

– مَثْنَاةٌ *кўп.* مَثَانٍ мақтовга арзийдиган сифат, мақташга сазовор фазилат, хислат; الْمَثَانِي وَ الْمَثَالِبُ фазилатлар ва нуқсонлар

– الْمَثْنَاةُ Мусо алайҳиссаломдан кейин роҳиблар ва руҳонийларнинг Оллоҳ китоби ўрнига ёзишган китоб; مِنْ أَشْرَاطِ السَّاعَةِ أَنْ تُوضَعَ الْأَخْيَارُ وَ تُرْفَعَ الْأَشْرَارُ وَ تُقْرَأَ الْمَثْنَاةُ *ҳад.* қиёматнинг нишоналаридан бири шуки, яхши кишилар хор бўладилар, ёмонлар мартабага кўтариладилар ва الْمَثْنَاةُ қироат қилинади

– مَثْنَوِيٌّ 1. қўш, қўшалоқ; икки тарафлама, икки ёқлама; 2. маснавий (*ҳар икки мисраси ўзаро қофиялашган шеър*)

– مَثْنَى = ثُنَاءَ

– مَثْنًى *кўп.* مَثَانٍ байт, икки мисра; الْمَثَانِي Қуръон оятлари; السَّبْعُ الْمَثَانِي Қуръоннинг الْفَاتِحَةُ сураси

– مُثَنًّى 1. иккиланган; 2. *грам.* 1) иккилик сон; 2) икки нуқтали ҳарф

– مَثْنِيٌّ 1) икки букланган, икки тахланган; ўралган; 2) *грам.* иккилик (*феъл*)

– مُسْتَثْنًى 1) мустасно, истисно қилинган; 2) *грам.* истисно қилинган (*сўз*)

ثَابَ[1] (ثوب) I (*у*) ثَوْبٌ қайтмоқ; ~ إِلَى رُشْدِهِ (صَوَابِهِ) ақл кирмоқ, эсҳушли бўлмоқ; ўзига келмоқ, эс-ҳуши ўзига келмоқ; ~تْ إِلَيْهِ نَفْسُهُ у ўзига келди, ҳушига келди; ~ إِلَى اللهِ пушаймон бўлмоқ, тавба қилмоқ; ~ إِلَى نَفْسِهِ ҳушига келмоқ, ўзига келмоқ; ~ إِلَى الْهُدُوءِ босилмоқ, тинчиб қолмоқ, жим-жит бўлмоқ, ором олмоқ, хотиржам бўлиб қолмоқ; ثَابَ[2] (*у*) ثُؤُوبٌ тўпланмоқ, йиғилмоқ, бирби-рига қўшилмоқ, оқиб келиб қуйилмоқ; ثَابَ[3] (*у*) ثَوَبَانٌ соғаймоқ, тузалмоқ, семирмоқ, тўлишмоқ; II ثَوَّبَ 1) мукофотламоқ; هَلْ ثُوِّبَ الْكُفَّارُ *қур.* кофирлар қилмишларига яраша жазо оладиларми? (*келажакда иш-ҳаракатнинг амалга ошиши муқаррар, қатъий бўлганлигини ифодалаш учун феъл ўтган замон шаклида келган. Бу Қуръони каримнинг ўзига хос баён услубидир*); 2) қайтармоқ; қилмишига яраша иш қилмоқ, жавоб қилмоқ; IV أَثَابَ 1) қайтармоқ, қайтариб бермоқ; қайтариб юбормоқ; ~ـهُ إِلَى نَفْسِهِ ҳушига келтирмоқ, ўзига келтирмоқ; 2) тузалмоқ, соғаймоқ; 3) тақдирламоқ, иззатини бажо келтирмоқ; X اسْتَثَابَ мукофотни (инъом-эҳсонни) қўлга киритмоқ

– إِثَابَةٌ 1) қайтариш, қайтариб бериш; 2) тақдирлаш, иззатини бажо келтириш, мукофот, инъом-эҳсон

– تَثْوِيبٌ бомдод намози азонига қўшилган الصَّلاَةُ خَيْرٌ مِنَ النَّوْمِ "намоз уйқудан яхшироқдир" деган қисми

– ثَوَابٌ 1) мукофот, инъом-эҳсон; 2) савоб; хайрли, савобли иш

– ثَوْبٌ кўп. ثِيَابٌ, أَثْوَابٌ 1) кўйлак; кийим, кийим-бош; ~ الْحِدَادِ мотам либоси; ~ تَنَكُّرِيٌّ маскарад костюми (*маскарадда кийиладиган кийим*); أَخَذَ ~هُ فِي أَسْنَانِهِ *маж.* чопиб кетмоқ (*сўзма-сўз: кийимини тишлари орасига олмоқ*); 2) *кўч. м.* ниқоб; сохта қиёфа (кўриниш); لَخَّصَ تَوْصِيَاتِهِ فِي ~ مَكْتُوبٍ ўз тавсияларини ёзма равишда қисқа баён қилмоқ; يَتَظَاهَرُ بِـ~ الصِّدِّيقِ у ўзини дўст қилиб кўрсатаётир; ◊ دَخَلَ الْجَنَّةَ بِثِيَابِهِ *маж.* тўғридан-тўғри жаннатга тушиб қолмоқ (*сўзма-сўз:* жаннатга ўз кийимлари билан тушиб қолмоқ)

– مَثَابٌ тўпланиш жойи

– مَثَابَةٌ кўп. مَثَابٌ 1) тўпланиш, учрашиш, йиғилиш, йиғин жойи; 2) муқим жой (*мас. гадоники*); 3) қайтиш жойи, қайтиладиган жой; 4) манзил, макон, туриш жойи, турар (турадиган) жой; 5) даража, нав, разряд; ... بِـ~ ... сифатида, ... тариқасида, ... ўрнида; худди, гўё, ўхшаш, каби, сингари, янглиғ

– مَثُوبَةٌ мукофот, инъом-эҳсон

I ثَاخَ (ثوخ) (у) сувга чўкиб ғойиб бўлмоқ

I ثَارَ (ثور) (у) ثَوْرٌ, ثَوَرَانٌ 1) ҳаяжонланмоқ, ҳаяжонга келмоқ, ҳовлиқмоқ, безовта бўлмоқ; қаттиқ тўлқинланмоқ, мавж урмоқ; тўс-тўполон кўтармоқ; ~تْ نَفْسُهُ ғазабланмоқ, нафратланмоқ, аччиқланмоқ; туғён, ғалаён кўтармоқ; ~ ثَائِرُهُ у аччиқланди, унинг жаҳли чиқди; унинг ғазаби қайнаб тошди; 2) бош кўтармоқ, қўзғолон кўтармоқ; 3) пайдо бўлмоқ, бошланмоқ, вужудга келмоқ; هُنَا يَثُورُ سُؤَالٌ آخَرُ бу ерда бошқа савол туғилади; 4) отилиб чиқмоқ, тошиб чиқмоқ, қайнаб чиқмоқ (*мас. ёнартоғ-вулқон*); 5) бирданига бошланиб кетмоқ, кўтарилмоқ (*мас. уруш*); II ثَوَّرَ 1) революционлаштирмоқ, революция ғояларини тарқатмоқ; 2) қўзғамоқ; ◊ ~ الْقُرْآنَ Қуръони каримга оид фанни ўрганмоқ; IV أَثَارَ 1) ҳаяжонга солмоқ (келтирмоқ); ҳовлиқтирмоқ, безовта қилмоқ; ~ غَضَبَهُ ёки ~ سُخْطَهُ ёки ~ غَيْظَهُ ғазабини қўзғатмоқ, жаҳлини чиқармоқ, зардасини келтирмоқ; ~ فُضُولَهُ қизиқтирмоқ, мароқлантирмоқ; ҳавасини келтирмоқ; ~ أَعْصَابَهُ ғашига (асабига) тегмоқ, аччиқлантирмоқ, ғижинтирмоқ, жаҳлини чиқармоқ, қонини қайнатмоқ; ~ فِتْنَةً ғулғула солмоқ, ғалаён қилмоқ, низо солмоқ; ~ الْأَتْرِبَةَ чангитмоқ; ~ ثَائِرَهُ аччиғини келтирмоқ, жаҳлини чиқармоқ; 2) кўтармоқ, кўтариб чиқмоқ (*мас. бирор масалани*); VI تَثَاوَرَ бир-бирига қарши кўтарилмоқ, кўтарилиб чиқмоқ; X اِسْتَثَارَ 1) қўзғатмоқ; ~ اهْتِمَامًا عَالَمِيًّا бутун дунё эътиборини ўзига тортмоқ, бутун дунё диққатини жалб қилмоқ; 3) қўзғамоқ, ташвиқот қилмоқ, ташвиқот юргизмоқ; 3) бош кўтармоқ, қўзғолон кўтармоқ

– إِثَارَةٌ 1) ҳаяжонга солиш, безовта қилиш; 2) қўзғаш, қўзғатиш; уйғотиш

– ثَائِرٌ кўп. ثُوَّارٌ 1. 1) қўзғалган, бош кўтарган; 2) ғазабланган, дарғазаб, аччиғи келган; 3) кучли, шиддатли, жўшқин, тошқин; 2. 1) революционер; 2) қўзғолончи, ғалаёнчи; ~ بُرْكَانٌ ҳаракатдаги (ёниб турган) вулқон; *қар.* ~هُ ثَارَ : ثَارَ ~هَا وَإِذَا بِالْعَاصِفَةِ тўсатдан бўрон бошланди

– ثَائِرَةٌ 1) ҳаяжон, тўлқин; 2) тўлиб тошган ғазаб, ғазаб пўртанаси

– ثَوَّارٌ 1) чўпон, подачи; 2) тореадор (*Испанияда: буқа билан жанг қилувчи*)

– جِرَاحَةٌ[1] *кўп.* جِرَاحَاتٌ, جِرَاحٌ жароҳат, яра.

– جِرَاحَةٌ[2] жарроҳлик (хирурглик) касби, хирургия, жарроҳлик; ~ التَّجْمِيلِ пластик жарроҳлик, қайта тиклаш жарроҳлиги; ~ غُرْفَةُ الـ жарроҳлик (операция) хонаси; ~ مَائِدَةُ الـ жарроҳлик (операция) столи

– جِرَاحِىٌّ 1. жарроҳликка оид; ~ عَمَلِيَّةٌ ـــةٌ жарроҳлик операцияси; 2. жарроҳ, хирург

– جُرْحٌ *кўп.* جُرُوحٌ, جِرَاحٌ жароҳат, яра; кесилган, (тилинган) жой

– جَرِيحٌ *кўп.* جَرْحَى ярадор, жароҳатланган, яраланган

– مَجْرُوحٌ *кўп.* مَجَارِيحُ мажруҳ, ярадор

I جَرَدَ (у) جَرْدٌ (جرد) 1) яланғочламоқ, ечинтирмоқ; 2) тозаламоқ, кеткизмоқ, пўстини шилмоқ; 3) (*н. дандир*) маҳрум қилмоқ (مِنْ); 4) ҳисоб-китоб қилмоқ; рўйхат тузмоқ; инвентаризация (*бор н. ларнинг рўйхатини*) қилмоқ; جَرِدَ (а) جَرَدٌ 1) яланғоч бўлмоқ, бийдала бўлмоқ; 2) пўст ташламоқ; тулламоқ; ранги ўчмоқ; II جَرَّدَ 1) яланғочламоқ, ечинтирмоқ; ~ السَّيْفَ қиличини яланғочламоқ; 2) пўстини (терисини) шилмоқ, арчмоқ; 3) (*н. дандир*) маҳрум қилмоқ (مِنْ); ~ هُ مِنَ الْجِنْسِيَّةِ бирор кишини фуқароликдан (гражданликдан) маҳрум қилмоқ; ~ هُ مِنَ الْحُقُوقِ бирор кишини ҳуқуқлардан маҳрум қилмоқ; ~ هُ مِنَ الرُّتْبَةِ бирор кишини унвонидан (мавқеидан) маҳрум қилмоқ; ~ هُ مِنَ السِّلَاحِ бирор кишини қуролсизлантирмоқ; ~ مِنَ الْمُلْكِ мулкдан (мулкчилик ҳуқуқидан) маҳрум қилмоқ; ~ نَفْسَهُ الْمُعِدَّاتِ демонтаж қилмоқ, бузмоқ, қисмларга ажратмоқ; ... مِنْ (*бирор н. дан*) ўзини халос (озод) этмоқ; (*бирор н. дан*) бош тортмоқ, бўйин товламоқ; 4) экспедицияни ташкил этмоқ, топшириқ билан юбормоқ, жўнатмоқ, юриш уюштирмоқ; (*н. учун ёки бирор к. га қарши*) сафарга тайёрламоқ (لِـ, عَلَى); 5) абстрактлаштирмоқ, мавҳумлаштирмоқ; V تَجَرَّدَ 1) яланғочланмоқ, ечинмоқ; 2) (*бирор н. дан*) халос (озод) бўлмоқ (مِنْ, عَنْ); эга бўлмаслик, (*н. дандир*) маҳрум бўлмоқ (عَنْ); 3) (*н. гадир*) бутун борлиғини бахш этмоқ (لِـ); 4) абстракцияланмоқ (*н., воқеа, ҳодисаларнинг муҳим томонларини аниқлаш учун уларнинг жузъий томонларини фикран бир чеккага қўйиб туриб қаралмоқ*); (عَنْ); VII انْجَرَدَ 1) ўт-ўлансиз бўлиб қолмоқ, ечинтирилган, яланғочланган бўлмоқ (*н. дир ҳақида*); 2) тулламоқ (*ҳайвонлар тўғрисида*); 3) тўзимоқ, эскирмоқ (*кийим ҳақида*)

– أَجْرَدُ *мн.* جَرْدَاءُ *кўп.* جُرْدٌ 1) яланғоч, қип-яланғоч; баргсиз, ўт-ўлансиз; 2) ўсимликдан маҳрум бўлган; الْجَرْدَاءُ унумсиз ер, орић ер; 3) сочсиз, туксиз, кал

– أَجْرُودٌ *халқ.* соқол-мўйловсиз (*юз ҳақида*)

– تَجَرُّدٌ манфаатдор бўлмаслик, холислик; бетарафлик; яланғочлик

– تَجْرِيدٌ 1) яланғочлаш; 2) пўстни, пўстлоқни шилиш; 3) (*н. дандир*) маҳрум бўлиш, ажралиш (مِنْ); ~ مِنَ السِّلَاحِ қуролсизланиш; демилитаризация, қуролсизлантириш, қуролли куч ва ҳарбий саноатдан маҳрум этиш; 4) экспедицияни жўнатиш, юбориш; сафарга тайёрлаш; 5) абстрактлаштириш, мавҳумлаштириш; абстракция; ~ مَذْهَبُ الـ абстракционизм (*тасвирий санъатда: реал н. ларни мавҳум шакллар билан тасвирлаш тарафдори бўлган формалистик оқим*); 6) демонтаж, бузиш, қисмларга ажратиш; 7) беғаразлик, холислик

– تَجْرِيدَةٌ *кўп.* ـاتٌ ҳарбий отряд (гуруҳ)

– تَجْرِيدِىٌّ абстрактликка оид; абстракт, мавҳум; абстракционист (*абстракционизм тарафдори бўлган рассом*); ~ الرَّسْمُ الـ абстракт расм; ~ الْفَنُّ الـ абстракт санъат; ~ لَوْحَةٌ ـــةٌ абстракт сурват

– تَجْرِيدِيَّةٌ абстракционизм

– جَرَادٌ *жам.* чигирткалар; نَطَّاطٌ ~ сакровчи чигирткалар; ~ الْبَحْرِ амарлар (*катта денгиз тошбақалари*)

– جَرَادَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — чигиртка

– جُرَادَةٌ ёғочнинг (дарахтнинг) пўстлоғи

– جَرْدٌ[1] 1) ҳисоб-китоб; тафтиш, текшириш; الـ~ السَّنَوِيُّ йиллик ҳисоб-китоб (*савдо моллари ҳақида*); قَائِمَةُ الـ~ инвентарлар рўйхати; 2) рўйхат, реестр

– جَرْدٌ[2] *кўп.* جُرُودٌ эски қалин жун рўмол (*тиззага ёпиб қўйилади*)

– جَرَدٌ *кўп.* أَجَارِدُ яланғоч, ўсимлигидан маҳрум бўлган ер, бий дала

– جَرِدٌ 1) яланғоч; 2) соқол-мўйловсиз; бий

– جَرِيدٌ *жам.* яланғоч, баргсиз хурмо шохлари

– جَرِيدَةٌ[1] *кўп.* ـَاتٌ — хурмонинг баргсиз шохи

– جَرِيدَةٌ[2] *кўп.* جَرَائِدُ 1) жарида, газета; الـ~ الرَّسْمِيَّةُ ярим расмий орган (*расман ҳукумат органи бўлмаса ҳам, амалда унинг фикрини тарқатувчи матбуот органи*); الـ~ الشَّبِيهَةُ بِالرَّسْمِيَّةِ ярим расмий газета; الـ~ الْيَوْمِيَّةُ кундалик жарида, газета; 2) рўйхат

– مِجْرَدٌ *кўп.* مَجَارِدُ чўтка; ~ الأَسْنَانِ тиш чўткаси

– مُجَرَّدٌ 1) яланғоч; ~ شَاهٌ (مَلِكٌ) *шахм.* ёлғиз қолган шох; 2) оддий, содда; ~ـَةٌ بِعَيْنٍ оддий кўз билан; ~ التَّشَابُهِ фақат ўхшашликнинггина борлиги; 3) (н. *дандир*) маҳрум бўлган, айрилган (مِنْ); مِنْطَقَةٌ ~ـَةٌ مِنَ السِّلَاحِ демилитаризация қилинган (*қуролли куч ва ҳарбий саноатдан маҳрум бўлган*) минтақа; 4) реал воқеликдан йироқ бўлган, мавҳум, абстракт; بِصُورَةٍ ~ـَةٍ абстракт равишда; 5) *грам.* бошланғич, дастлабки; فِعْلٌ ~ феълнинг биринчи боби; ◊ بِـ~ ... а) шунга мувофиқ ..., фақат шугина, ...; б) шу заҳоти, ...дан кейиноқ; بِـ~ عَوْدَتِهِ қайтиб келганидан кейиноқ; هَذَا ~ وَهْمٍ бу фақат хом хаёл, алданиш

– مُجَرَّدَاتٌ *кўп.* мавҳумот, мавҳумликлар

جَرْدَقٌ *кўп.* جَرَادِقُ жардақ (*юмалоқ нон*)

جَرْدَلٌ *кўп.* جَرَادِلُ челак, пақир

جُرَذٌ, جُرْذُونٌ *кўп.* جُرْذَانٌ каламуш

جَرَزٌ *ёки* جُرُزٌ ўт чиқмайдиган ёки ўти еб тугатилган ер

– جُرُزٌ ўсимлик ўсмайдиган, битмайдиган; أَرْضٌ ~ـَةٌ ҳеч нарса битмайдиган ер

– جُرْزَةٌ боғ, боғлам, даста; ~ الْحَطَبِ ўтин боғлами (боғи, дастаси)

I جَرَسَ (и) جَرْسٌ 1) янграмоқ, жарангламоқ, жирингламоқ; II جَرَّسَ 1) (к., *нидир*) бадном қилмоқ, шарманда қилмоқ (بِ); (к. *биландир*) жанжал кўтармоқ (بِ); 2) тажрибали қилмоқ, синовдан ўтган қилмоқ; IV أَجْرَسَ الطَّائِرُ: ~ қушнинг овози эшитилди; V تَجَرَّسَ бадном қилинган бўлмоқ, шарманда қилинган бўлмоқ

– جَرْسٌ 1) садо, янграш; овоз; عَذْبُ الـ~ *ёки* سَلِيمُ الـ~ ёқимли, хушовоз; ~ الْمَاءِ сувнинг шилдираши; 2) жаранг, жиринг

– جَرَسٌ *кўп.* أَجْرَاسٌ қўнғироқ; жом; ~ الْخَطَرِ бонг садоси; ~ كَهْرَبَائِيٌّ электр қўнғироғи; ~ يَدٍ қўл қўнғироғи; دَقَّ الـ~ қўнғироқ чалмоқ; أَفْعَى ذَاتُ الأَجْرَاسِ шақилдоқ илон (*тропикларда яшайдиган заҳарли илон*); عَلَّقَ الـ~ عَلَى رَقَبَةِ الْقِطِّ қўлга ўргатиб олмоқ (*ҳайвон ва қушлар ҳақида*)

– جُرْسَةٌ *кўп.* جُرَسٌ жанжал; بَلَاشْ ~! *халқ.* жанжаллашма!

– جُرْسِيٌّ *кўп.* جُرْسِيَّةٌ жанжалкаш

– جُرَيْسَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — *бот.* қўнғироқ гул

جَرْسُونٌ *кўп.* ـَاتٌ — жарсун (гарсун), официант

I جَرَشَ (у) جَرْشٌ туймоқ, янчмоқ; тортмоқ (*тегирмонда унни*); майдаламоқ; ёрма қилиб майдаламоқ

– جَارُوشَةٌ *кўп.* جَوَارِيشُ тош тегирмон (*дон-дунни майдалаш, тортиш учун*)

– جَرْشٌ *кўп.* أَجْرَاشٌ ғарч-ғурч, ғижирлаш; шақир-шуқур, шақирлаш

– جَرِيشٌ 1. талқон қилинган; 2. ёрма, крупа

– مِجْرَشَةٌ *кўп.* مَجَارِشُ майдалагич, майдалаш асбоби, ёрма тортадиган жувоз; жувозхона

– مَجْرُوشٌ майдаланган; талқон қилинган

I جَرَضَ (у) جَرْضٌ (جرض) جَرِضَ (а) جَرَضٌ (н. *дандир*) нафас қисилмоқ (بِ); (н. *биландир*) бўғилмоқ, бўғилиб қолмоқ (بِ); ~ بِرِيقِهِ *маж.* қаттиқ ҳаяжонланган бўлмоқ (*сўзма-сўз:* сўлакайдан бўғилмоқ); IV أَجْرَضَ бўғмоқ

– جَرِيضٌ томоққа бир нарса туриб қолгандаги бўғилиш; حَالَ الـ~ دُونَ الْقَرِيضِ *мқл.* мен куяман десам, у куламан дейди

I جَرِعَ (а) جَرْعٌ *ёки* جَرَعَ (а) جَرْعٌ ичмоқ, ютмоқ; батамом, охиригача ичмоқ, бир кўтаришда ичмоқ, сипқармоқ; II جَرَّعَ ичдирмоқ, юттирмоқ; V تَجَرَّعَ қултумлаб, ҳўплаб ичмоқ; ~ غُصَصَ الْغَيْظِ ғазабини ичига ютмоқ; VIII اجْتَرَعَ = I

– أَجْرَعُ *кўп.* أَجَارِعُ яланғоч, бий қумли ер

– جُرْعَةٌ, جَرْعَةٌ *кўп.* جُرَعٌ 1) қултум, ҳўплам; 2) дори дозаси, ўлчови, миқдори; تَقْدِيرُ الـ~ ўлчаш, миқдорини белгилаш, дозага ажратиш

I جَرَفَ (у) جَرْفٌ 1) кураб ташламоқ; 2) бузиб кетмоқ, олиб кетмоқ (*сув, сел ҳақида*), ювиб кетмоқ; II جَرَّفَ ўзи билан олиб кетмоқ, ювиб кетмоқ, уриб кетмоқ (*сел ҳақида*); VII انْجَرَفَ бузиб

кетиладиган бўлмоқ, олиб кетиладиган бўлмоқ; VIII اجْتَرَفَ = I

– جَارُوفٌ *кўп.* جَوَارِيفُ 1) белкурак, курак, бел; куракча (*ахлат учун*), хокандоз; 2; ковш, чўмич (*экскаватордаги*)

– جَرَّافَةٌ *кўп.* اتٌ — 1) сихмола; 2) хаскаш; 3) балчиқолғич (*сув ҳавзаларини чуқурлаштириб, лойқа-балчиқларни чиқариб ташлайдиган машина*)

– جُرْفٌ *кўп.* جُرُوفٌ, أَجْرُفٌ тик қоя; тик нишоблик; тик қирғоқ; чет; қирғоқ; الْـ ~ الْقَارِّيُّ континентал шельф (*денгизнинг қуруқликка яқин нисбатан саёз қисми*)

– جُرُفٌ сел олиб (ювиб) кетган жой

– جَارُوفٌ = جَرُوفٌ

– مِجْرَفَةٌ *кўп.* مَجَارِفُ 1) белкурак, курак, бел; куракча, хокандоз; 2) хаскаш

I جَرَمَ (*и*) جَرْمٌ 1) гуноҳ қилмоқ, гуноҳкор бўлмоқ; жиноят содир этмоқ; 2) эга бўлмоқ, ишлаб топмоқ, ҳосил қилмоқ; II جَرَّمَ 1) жиноят содир этишда айбламоқ; жиноятчи деб эълон қилмоқ; жиноятчи деб ҳисобламоқ; 2; жарима солмоқ (*сўл.* غَرَّمَ); IV أَجْرَمَ жиноят содир этмоқ; жиноятчи бўлмоқ; V تَجَرَّمَ (к. *нидир*) жиноятда айбламоқ (عَلَى); VIII اجْتَرَمَ жиноят содир этмоқ

– إِجْرَامٌ жиноий фаолият; жиноят; أَسْلِحَةُ الْـ ~ жиноят содир этилган қурол; عِلْمُ الْـ ~ криминалистика (*жиноий ишларни текшириш усули, тактикаси ва техникаси ҳақидаги юридик фан*)

– إِجْرَامِيٌّ жиноятга оид, жиноий, криминал; الأَعْمَالُ الْـ ~ ـة жиноий ҳаракатлар

– تَجْرِيمٌ жиноятда айблаш; قَرَارُ الْـ ~ айблов қарори; жиноят содир этишда айблаш

– جَرْمٌ *кўп.* جُرُومٌ 1) кема; қайиқ; барка (*юк ташийдиган ясси дарё кемаси*); 2) ҳажм, миқёс, ўлчов

– جُرْمٌ, جَرِمٌ *кўп.* أَجْرَامٌ гуноҳ; жиноят; وَلَا ~ أَنَّ ... ҳеч нарса эмаски, ҳеч қиси йўқки ...; ◊ لَا ~ ... албатта, шак-шубҳасиз

– جِرْمٌ *кўп.* أَجْرَامٌ жисм; الأَجْرَامُ السَّمَاوِيَّةُ (الْفَلَكِيَّةُ) осмон жисмлари

– جُرْمِيٌّ жиноятга оид; жиноий; أَدَوَاتٌ ~ ـة далиллар, исботлар, жиноят аломатлари

– جُرُومٌ *кўп.* иссиқ ўлкалар

– جَرِيمٌ 1). жуссаси катта одам; 2) бичими катта, баҳайбат; 3) айбдор, айбли; жиноий, жинояткорона

– جَرِيمَةٌ *кўп.* جَرَائِمُ жиноят; الْـ ~ السِّيَاسِيَّةُ сиёсий жиноят; ~ ضِدَّ الإِنْسَانِيَّةِ инсониятга қарши жиноят; ~ كُبْرَى (عُظْمَى) қаттиқ жиноят

– مُجْرِمٌ 1. жиноятга оид, жиноий; 2. жиноятчи; ~ الْحَرْبِ ҳарбий жиноятчи; تَسْلِيمُ الْمُجْرِمِينَ жиноятчиларни топшириш (бериш)

جَرْمَانُ *жам.* германлар (*марказий, ғарбий ва ғарби-жанубий Оврупода яшаган қадимий элатларнинг умумий номи*); Германия аҳолиси, немислар

– جَرْمَانِيٌّ 1. Германияга оид; немисларга оид; اللُّغَةُ الْـ ~ ـة немис тили; 2. немис, герман

جُرْمُوزٌ *кўп.* جَرَامِيزُ саккизоёқнинг пайпаслагичлари (*қўллари ёки оёқлари*)

جَيْرُونُ Дамашқ дарвозаларидан бирининг номи

جُرْمُوقٌ оёқ кийими

(جرن) II جَرَّنَ бир тўп қилиб йиғмоқ

– جِرَانٌ *кўп.* أَجْرِنَةٌ (*туянинг*) кўкраги, сийнаси; ◊ أَلْقَى عَلَيْهِ ~ ـهُ а) бирор нимага кўникмоқ; б) бирор нарса устига ташланмоқ; ~ ضَرَبَ мустаҳкамланмоқ, маҳкам бўлиб олмоқ

– جُرْنٌ *кўп.* أَجْرَانٌ 1) резервуар (*суюқлик ёки газ сақланадиган катта идиш*); бассейн, сунъий ҳовуз; кўл; 2) ҳовонча; 3) хирмон, омбор; усти берк хирмон

– جُرْنَةٌ *кўп.* جُرَنٌ (*Сурияда*) ёрон гул, атиршоҳ

– جَرِينٌ хирмон, омбор; усти берк хирмон

جُرْنَالٌ *кўп.* جُرْنَالَاتٌ, جَرَانِيلُ журнал; газета

جِرْوٌ, جَرْوٌ, جُرْوٌ *кўп.* جِرَاءٌ, أَجْرٍ, أَجْرِيَةٌ ёки кучук, итнинг боласи; ҳайвонларнинг янги туғилган, онасидан ажралмаган боласи

– جِرْوٌ ёки جِرْوَةٌ тарранинг кичкинаси

جَرُوتٌ жарут (*кулолчиликда ишлатиладиган асбоб*)

I جَرَى (*и*) جَرْيٌ, جَرَيَانٌ 1) югурмоқ; ~ عَلَى أَرْبَعٍ тўрт оёқлаб югурмоқ; 2) эсмоқ; لَا تَجْرِي الرِّيَاحُ كَمَا تَشْتَهِي السُّفُنُ *мқл.* мен қиламан ўттиз, тангрим қилади тўққиз (*сўзма-сўз:* шамол ҳеч кемалар хоҳлагандай эсмайди); 3) оқмоқ; 4) содир бўлмоқ, бўлиб ўтмоқ; كَمَا تَجْرِي الْعَادَةُ بِذَلِكَ бу одатдагидай бўлиб ўтмоқда; 5) муомалада бўлмоқ; يَجْرِي هَذَا الْمَثَلُ عَلَى أَلْسِنَةِ النَّاسِ бу мақол ҳамманинг оғзида; 6) (н. *нидир*) қидирмоқ, қўлга киритмоқ (عَلَى); 7) (к. *ҳақдадир*) қайғурмоқ, ғамхўрлик қилмоқ (عَلَى); ~ عَلَى عَائِلَتِهِ оила ҳақида ғамхўрлик қилмоқ; II جَرَّى 1) югуртирмоқ, югуришга мажбур қилмоқ; 2) оқизмоқ, оқтирмоқ, оқишга мажбур қилмоқ; ~ رِيقَهُ جَرْيًا унинг сўлаклари оқиб кетди; 3) вакил қилиб белгиламоқ, элчи қилиб жўнатмоқ; III جَارَى 1) тенпа-тенг, бир вақтда кетмоқ (*бирор к. билан*) тенглашмоқ; 2) тақлид қилмоқ, ўхшамоқ; 3) рақобат қилмоқ, мусобақалашмоқ; 4) (н. *биландир*) келишмоқ (فِي); IV أَجْرَى 1) югуртирмоқ, югуришга мажбур қилмоқ; ~ الْقَلَمَ فِي وَرَقَةٍ *маж.* варақ устига ёзмоқ; 2) оқизмоқ, оқтирмоқ, оқишга мажбур қилмоқ; 3) амалга оширмоқ, ижро этмоқ; бажармоқ, ишлаб чиқармоқ; ўтказмоқ; ~ الْمُحَادَثَاتِ مَعَ ... бирор ким билан музокаралар олиб бормоқ; ~ التَّجْرِبَةَ тажриба ўтказмоқ; ~ التَّحْقِيقَ فِي ... терговни ... бўйича олиб бормоқ; ~ عَمَلِيَّةً جِرَاحِيَّةً жарроҳлик ишини бажармоқ, операция қилмоқ; ~ عَلَيْهِ قِصَاصًا бирор кимни жазоламоқ; 4) (к. *ғадир жазо*) белгиламоқ, тайинламоқ (عَلَى); (к. *ғадир*) (зарар) етказмоқ, зиён келтирмоқ

(عَلَى) VI تَجَارَى ўзаро рақобат қилмоқ, кимўзди ўйнамоқ; X اسْتَجْرَى вакил қилиб белгиламоқ, элчи қилиб жўнатмоқ

– إِجْرَاءٌ *кўп.* إِجْرَاءَاتٌ 1) ижро этиш, бажариш; ~ الْوَظِيفَةِ ўз вазифасини бажариш; 2) процедура, бажариладиган иш тартиби; расмий маросим; 3) *кўп.* а) чоралар; тадбир; اتَّخَذَ إِجْرَاءَاتٍ чоралар кўрмоқ; б) расмиятчиликлар; قَامَ بِالْإِجْرَاءَاتِ расмиятчиликларни бажармоқ; اتَّخَذَ الْإِجْرَاءَاتِ الْقَانُونِيَّةَ жиноятни очиш ва айбдорни фош қилиш юзасидан қонунда кўрсатилган ҳаракатлар мажмуини бошламоқ

– إِجْرَائِيٌّ 1) ижрочи, ижро этувчи, амалга оширувчи, бажарувчи; السُّلْطَةُ الـ~ـةُ ижро этувчи ҳокимият; 2) турли процедураларга оид; процессга (суд ишига) оид; процессуал

– جَارٍ *мн.* جَارِيَةٌ 1) югурувчи, югураётган; 2) жорий; السَّنَةُ الْجَارِيَةُ жорий йил; الشَّهْرُ الْجَارِي жорий (ҳозирги) ой, الْحِسَابُ الْجَارِي жорий ҳисоб; كَجَارِي الْعَادَةِ худди одатдагидек, одатдагидек

– جَارِيَةٌ[1] *кўп.* جَوَارٍ 1) жория, асира, тутқин, қул аёл, чўри; 2) хизматкор аёл, оқсоч; أَبْنَاءُ السِّتِّ وَ أَبْنَاءُ الْجَارِيَةِ *маж.* аслзодалар ва оддий халқ (*сўзма-сўз: бек ойим болалари ва хизматкор аёл болалари*); 3) қиз; 4) қуёш

– جَارِيَةٌ[2] *кўп.* جَوَارٍ, جَارِيَاتٌ кема; بِالرِّيحِ ~ елканли кема

– جِرَايَةٌ = جِرَاءٌ *ёки* جِرَاءٌ

جَرَّاءٌ: مِنْ جَرَّاءِ ذَلِكَ бунинг натижасида, бунинг оқибатида, шу сабабли, шунинг учун; ... مِنْ جَرَّاءِ أَنَّ ... бўлганлиги сабабли; *сол.* جَرَّاءٌ қар. جر

– جَرَّاءٌ чопувчи, югурувчи

– جِرَايَةٌ[1] *кўп.* ~ ـاتٌ тегиш, паёк (*маълум вақтга белгили миқдорда бериладиган озиқ-овқат*); натура (*пул ўрнига тўланадиган мол, маҳсулот*) ҳақи; عَيْشُ ~ паст навли нон; نِظَامُ الْجِرَايَاتِ عَلَى الْخُبْزِ нон олиш учун жорий қилинган карточка системаси (тизими)

– جِرَايَةٌ[2] ёшлик, йигитлик, ўспиринлик

– جَرْيٌ 1) чопиш, югуриш; ذَهَبَ ~ًا إِلَى ... (*бирор ёққа*) югуриб кетмоқ; عَادَ ~ًا إِلَى ... югуриб қайтмоқ; 2) жараён; ~ عَلَى مَا ... шунга мувофиқ, ...га кўра

– جَرِيٌّ вакил, элчи

– جَرِيٌّ кўп جَرَارِيُّ денгиз илонбалиғи

– جَرَيَاتٌ *кўп.* воқеалар, ҳодисалар

– جَرَيَانٌ жараён, оқим; سَرِيعُ الـ~ шиддатли, тез, илдам, жадал (*оқим, жараён ва б. лар ҳақида*); ~ الْبَطْنِ *мед.* ич кетиши, ичбуруғ, дизентерия

– جِرْيَةٌ 1) ҳаракат (оқим) усули (тури); سَرِيعُ الـ~ шиддатли, тез, илдам, жадал (*оқим, жараён ва б. ҳақида*); 2) отнинг бирор хил юриши (*мас.. йўрғалаш, лўкиллаш ёки чопиш ва б. лар*)

– جَرَيَاتٌ *кўп.* = مَاجَرَيَاتٌ

– مُجَارَاةٌ 1) тақлид қилиш; 2) (*югуриш ва б. ларда*) мусобақалашиш; ... ~لِـ ... билан мос ҳолда; ...га мувофиқ

– مَجْرًى *кўп.* مَجَارٍ 1) ўзан, дарё йўли; йўл; оқим (*сув ҳақида*); йўналиш (*шамол ҳақида*); ~ الْهَوَاءِ дудбура кучи; елвизак; مَجَارِي الْمَاءِ дренаж қувури; الْمَجَارِي الْبَوْلِيَّةُ сийдик йўллари; مَجَارِي التَّنَفُّسِ нафас йўллари; شَبَكَةُ مَجَارٍ канализация (*ахлат, чиқинди ва ёгин сувлари оқизиладиган қувурлар тизими*); الْمَجَارِي канализация тармоғи; 2) бориш, ривожланиш (*воқеалар ҳақида*); ◊ وَمَا يَجْرِي هَذَا الـ~ ва шу кабилар; جَرَتْ مَجْرَاهُ қиз ҳам худди ўша йигитдай иш тутди

– مَجْرَيَاتٌ *кўп.* = جَرَيَاتٌ; الْأَحْدَاثِ ~ воқеаларнинг бориши (ривожланиши)

جِرْيَالٌ май, шароб, вино; ~ الْخَمْرِ майнинг ранги; ~ الذَّهَبِ олтиннинг қизил ранги

I جَزَّ (*a/y*) جَزٌّ 1) қирқмоқ, кесмоқ; 2) сочини (жунини) олмоқ; 3) ўрмоқ (*буғдойни*); IV أَجَزَّ: الْبُرُّ ~ буғдой ўриш вақти бўлди; النَّخْلُ ~ хурмони буташ вақти бўлди; الْغَنَمُ ~ қўйнинг жунини олиш вақти бўлди; VIII اجْتَزَّ = I

– جَزَازٌ (*қўйнинг*) жунини олиш

– جَزَّازٌ жун (юнг) олувчи, юнгтарош, гўспантарош

– جُزَازَةٌ *кўп.* جُزَازَاتٌ, جُزَازٌ (*газетадан*) қирқиб олинган нарса; карточка (*мас., кутубхонадаги*); ўрилган буғдойнинг тушиб қолгани, териб олинадиган бошоқ

– جَزَّةٌ *кўп.* جُزَزٌ (*қўй*) жунини олиш; ~ مِنَ الصُّوفِ қирқиб олинган жун

– مِجَزٌّ *кўп.* مَجَازُّ жун (юнг) олиш қайчиси

– مَجْزُوزٌ 1) жуни олинган; 2) кесилган, қирқилган

I جَزَأَ (*a*) جَزْءٌ 1) бир қисмини ажратмоқ, жузвламоқ; бўлмоқ; 2) кифояланмоқ, қаноатланмоқ, (н. *биландир*) қониқмоқ (ب); II جَزَّأَ бўлиб-бўлиб юбормоқ, жузвларга, бўлакларга ажратиб юбормоқ; майдаламоқ, парчаламоқ, майда бўлакларга ажратиб юбормоқ; дозаламоқ, дозаларга бўлмоқ; لَا يُمْكِنُ أَنْ يُجَزَّأَ бўлинмас, ажралмас; V تَجَزَّأَ 1) бўлиниб-бўлиниб кетмоқ, майдаланмоқ, майда бўлакларга ажралмоқ; لَا يَتَجَزَّأُ бўлинмас, ажралмас; وَحْدَةٌ لَا تَتَجَزَّأُ ажралмас бирлик; 2) (*бирор н. билан*) кифояланмоқ (ب); VII إِنْجَزَأَ бўлинган (ажралган) бўлмоқ; қисмларга, бўлакларга ажралмоқ; VIII اجْتَزَأَ 1) (*бир бутундан*) бир қисмини олмоқ, ажратмоқ; 2) (н. *дандир*) қисман ўзлаштирмоқ (مِنْ); 3) (н. *биландир*) кифояланмоқ, қаноатланмоқ, қониқмоқ (ب)

– أَجْزَائِيٌّ аптекачи; фармацевт (дори тайёрловчи, доришунос)

– أَجْزَاخَانَةٌ = أَجْزَائِيَّةٌ

– أَجْزَائِيٌّ = أَجْزَاجِيَّةٌ кўп. أَجْزَاجِيٌّ

– أَجْزَاخَانَةٌ кўп. اتٌ — дорихона

– تَجْزِئَةٌ бўлиш, ажратиш, бўлиб-бўлиб юбориш

– تَجْزِئَةٌ бўлиш, ажратиш; майдалаш, қисмларга ажратиш; قَابِلُ الـ~ бўлинадиган, ажраладиган; غَيْرُ قَابِلِ الـ~ бўлинмас, ажралмас; قَابِلِيَّةُ الـ~ бўлиниш, ажралиш қобилияти; عَدَمِ خَاصِّيَّةُ الـ~ бўлинмаслик; بَيْعٌ بِالـ~ қисмларга бўлиб сотиш; تَاجِرُ الـ~ чакана савдогар

– جُزْءٌ кўп. أَجْزَاءٌ жузв, бўлак, қисм; لاَ يَنْفَصِلُ عَنْهُ ~ ёки لاَ ~ يَتَجَزَّأُ 1) (н. дандир) ажралмас (бўлинмас) қисм (مِنْ); 2) Қуръони карим жузви (ўттиздан бир қисми)

– جُزْئِيٌّ 1) бир оз; ~اً қисман; 2) майда, озгина, арзимас; مَوَادُّ ~ةٌ юр. майда иш; مَحْكَمَةٌ ~ةٌ майда ишларни кўрадиган суд (маҳкама)

– جُزْئِيَّاتٌ кўп. 1) жузъий жиҳатлар; майда-чуйдалар; 2) иккинчи даражали тафсилотлар

– جُزْئِيَّةٌ жузъий томон (жиҳат)

– جُزَيْءٌ кўп. جُزَيْئَاتٌ заррача; физ. молекула

– مُجْزِأٌ алмаштириш, алмаштириб қўйиш

– جِزْدَانٌ кўп. اتٌ — جُزْدَانٌ, جزدان жуздон, ҳамён, кармон

I جَزَرَ (у, и) جَزْرٌ 1) сўймоқ, ўлдирмоқ, (ҳайвонни) сўймоқ; 2) камаймоқ, озаймоқ, пасаймоқ (сув тўғрисида); الْبَحْرُ ~ денгизда сув орқага қайта бошлади; VII انْجَزَرَ 1) сўйилган бўлмоқ, ўлдирилган бўлмоқ (ҳайвонлар ҳақида): 2) пасаймоқ, озаймоқ (сув тўғрисида); الْبَحْرُ ~ денгизда сув орқага қайта бошлади; VIII اجْتَزَرَ сўймоқ; терисини шилмоқ, ажратмоқ

– جَازِرَةٌ сув чархпалаги

– جَزَائِرِيٌّ 1. 1) оролга оид; 2) Жазоир ва жазоирликларга оид; 2. 1) ороллик, оролда яшайдиган киши; 2) жазоирлик эркак, жазоирлик

– جَزَّارٌ қассоб

– جِزَارَةٌ қассоблик касби; қассоблик; 2) (ҳайвонни) сўйиш, бўғизлаш

– جَزْرٌ (ҳайвонни) сўйиш, бўғизлаш; 2) (денгизда) сувнинг орқага қайтиши; оз, озгина сув

– جَزَرٌ жам. 1) сабзи; أَبْيَضُ ~ ёки رُومِيٌّ ~ пастернак (ширин илдизли хушбўй ўт); 2) гўшт; السِّبَاعِ ~ йиртқич ҳайвонлар ейдиган гўшт

– جَزَرَةٌ[1] кўп. اتٌ — сабзи илдизи (ўзаги)

– جَزَرَةٌ[2] жўмрак, жўмак, кран (кичик бочкадаги)

– جَزَرَةٌ курбонликка аталган ҳайвон; курбонликка аталган қўй

– جَزَرِيٌّ 1. оролга оид; 2. орол кишиси, ороллик

– جَزُورٌ кўп. جُزُرٌ сўйишга мўлжалланган ҳайвон

– جَزِيرَةٌ кўп. جَزَائِرُ, جُزُرٌ орол; شِبْهُ ~ ярим орол

– جُزَيْرَةٌ кўп. اتٌ — оролча, кичик (майда) орол

– مَجْزَرٌ кўп. مَجَازِرُ кушхона, қассобхона

– مَجْزَرَةٌ, مَجْزِرَةٌ кўп. مَجَازِرُ, اتٌ — кушхона, қассобхона; қирғин, хунрезлик; қонли жанг, қирғин уруш; بَارْثِلِيمِيّ ~ Варфоломей кечаси (1572 йил 24 августга ўтар кечаси Парижда католиклар томонидан гугенотларга қарши уюштирилган қирғин)

I جَزِعَ (а) جَزَعٌ, جُزُوعٌ 1) бетоқат бўлмоқ, сабрсиз бўлмоқ; 2) (н. дандир) ташвишланмоқ, хавотирланмоқ; қўрқмоқ, хавфсирамоқ (مِنْ); 3) (к. нингдир) ғамини чекмоқ (عَلَى); نَفْسُهُ ~تْ кўнгил айнимоқ (қусиб юборгудай бўлмоқ); جَزَعَ (а) جَزْعٌ кесиб ўтмоқ, кўндаланг қилиб кесмоқ; II جَزَّعَ кесиб бўлмоқ, кесиб қисмларга ажратмоқ; кесиб бўлакламоқ; V تَجَزَّعَ синмоқ, синиб кетмоқ; узилиб кетмоқ (арқон, арғамчи ҳақида)

– جَازِعٌ 1) бетоқат, сабрсиз; 2) безовта бўлган, ҳаяжонланган; ташвишланган; 3) қайғу-аламли, ғамгин, ғам (алам) чекаётган

– جَزْعٌ маржон ёки мунчоқ донаси

– جَزَعٌ сабрсизлик; бетоқатлик; 2) безовталик; ташвишланганлик; 3) қўрқиш, хавфсираш; чўчиш; ваҳима; 4) қайғу, ҳасрат, ғам-ғусса, дард-алам

– جَزِعٌ 1) сабрсиз, бетоқат, тиниб-тинчимаган, жонсарак; 2) безовта бўлган, ҳаяжонланган; ташвишга тушган, ташвишланган; 3) қўрқоқ, юраксиз; 4) ғам-ғусса чекувчи, дарду аламли

– جَزْعٌ кўп. أَجْزَاعٌ мин. аникс (ақиқнинг йўл-йўл, тарам-тарам тури)

– جُزْعٌ ўқ; الْعَجَلَةِ ~ ғилдирак ўқи

– جَزْعٌ қиялик, нишаблик

– جَزُوعٌ сабрсиз, бетоқат; тиниб-тинчимаган, жонсарак

– مُجَزَّعٌ 1) ҳар хил бўлаклардан, парчалардан ташкил топган; мозаикага оид, қадама, қошинкор; мозаик; رُخَامٌ ~ мармар мозаика; 2) гулдор, ранг-баранг, рангли; وَرَقٌ ~ мармар қоғоз

I جَزَفَ (у) جَزْفٌ 1) кўтарасига (улгуржи) сотиб олмоқ; 2) ўйламасдан ҳаракат қилмоқ; таваккал қилмоқ, хавфли (қалтис) иш қилмоқ; III جَازَفَ 1) таваккал қилмоқ, хавфли (қалтис) иш қилмоқ (н. нидир) хавф остида қолдирмоқ (بِ); بِنَفْسِهِ ~ ўз ҳаётини хавф остида қолдирмоқ; 2) ўйламасдан қилмоқ, таваккал қилмоқ; فِي ~ كَلاَمِهِ ўйламасдан гапирмоқ

– جُزَافاً 1) бекор (га), беҳуда, ўринсиз, зоеъ, бефойда; 2) ўйламасдан, андиша қилиб ўтирмай, пала-партиш; تَكَلَّمَ ~ ўйламасдан гапирмоқ, палапартиш гапирмоқ; 3) тўғри келганича, таваккалига, ўйлаб-нетиб ўтирмай, оғизга келганини бўғизга ютмай

– جُزَافِيٌّ ўйланмаган, таваккалига қилинган; ўйламасдан иш тутадиган, енгилтак; ўзбошимчалик билан қилинган

– مُجَازِفٌ 1. ўйламасдан иш тутадиган, енгилтак; таваккал қилишга тайёр, хавфли (қалтис) иш қилишга тайёр; 2. авантюрачи, таваккалчи

– مُجَازَفَةٌ 1) ўйламасдан иш тутиш, таваккал қилиш; хавфлилик, таҳликалик; ноумидлик кайфияти, руҳий тушкунлик; 2) хавф-хатар, таҳлика; авантюра, таваккалчилик

I جَزُلَ (у) جَزَالَةٌ 1) мўл-кўл бўлмоқ, сероб бўлмоқ; 2) катта бўлмоқ; гапга чечан (уста) бўлмоқ, нотиқ бўлмоқ; IV أَجْزَلَ (к. гадир) қизғанмасдан, саҳийлик билан бермоқ (لِـ); ~ لَهُ التَّحِيَّةَ бирор кишини қизғин қутламоқ; ~ لَهُ الْعَطَاءَ кимгадир саҳийлик билан бермоқ

– جَزَالَةٌ 1) мўл-кўллик, сероблик, серобчилик, тўкин-сочинлик; 2) шунингдек ~ الْقَوْلِ сўзамоллик, гапга чечанлик; 3) буюклик, катталик, улканлик, улуғлик; чексизлик

– جَزْلٌ кўп. جِزَالٌ 1) мўл-кўл, сероб, тўкин-сочин; 2) катта; аллақанча, жуда кўп; 3) гапга чечан; сўзамол

– جَزْلَةٌ кўп. جُزَلٌ бўлак, парча

– جَزِيلٌ кўп. جِزَالٌ = جَزْلٌ; ~ الِاحْتِرَامِ катта ҳурматга сазовор; ҳурматли, муҳтарам; ~ خَيْرٌ катта эзгулик; ~ا شُكْرًا катта раҳмат!; ~ا شُكْرًا أَشْكُرُكُمْ сизга катта раҳмат!, сиздан жуда миннатдорман!

– جُزْلَانٌ кўп. ـاتٌ ҳамён, кармон

I جَزَمَ (и) جَزْمٌ 1) кесмоқ, шартта кесиб қўймоқ, ажратиб (узиб, кесиб) қўймоқ, ажратмоқ, ажратиб турмоқ; 2) (н. нидир) ҳал қилмоқ, (н. ҳақдадир) қарор қабул қилмоқ (туш.к.); (н. гадир) жазм қилмоқ (عَلَى); 3) (бирор к. га) юкламоқ, топширмоқ (عَلَى); 4) (н. гадир) ишонч ҳосил қилмоқ, ишонмоқ (بِ); 5) грам. феълни шарт майлига қўймоқ

– جَازِمٌ 1. 1) ҳал қилувчи; қатъий, қатъиятли; 2) (н. гадир) ишонган (بِ); 2. кўп. جَوَازِمُ грам. шарт майли талаб қилувчи юклама

– جَزْمٌ 1) кесиш, қисқартириш; 2) қарор, тўхтам; 3) жазм, жазм қилиш; 4) грам. феълни шарт майлига қўйиш; ~ عَلَامَةُ الْـ ёки ~ـةٌ сукун белгиси

– جِزَمَاتِيٌّ кўп. جِزَمَاتِيَّةٌ этикдўз

– جَزْمَجِيٌّ кўп. جَزْمَجِيَّةٌ = جِزَمَاتِيٌّ

– جَزْمَةٌ кўп. جِزَمٌ, جَزَمَاتٌ ботинка; этик; ~ بِرِبَاطٍ ипли ботинка; ~ مَكْشُوفٌ қўнжсиз ботинка; ~ رِبَاطُ الْـ ип, шнур (ботинканики)

– مَجْزُومٌ 1) ҳал қилинган (بِهِ ёки فِيهِ); 2) грам. а) сукун билан ҳаракатланган (ҳарф тўғрисида); б) шарт майлидаги (феъл)

جَزُونٌ газон

I جَزَى (и) جَزَاءٌ 1) қондирмоқ, қониқтирмоқ; 2) (н. нидир) тўламоқ, ўрнини тўлдирмоқ, қопламоқ (عَلَى); 3) (н. биландир) мукофотламоқ (بِ); 4) ундириб олмоқ, тўлатмоқ, (н. учундир) жазоламоқ (عَلَى, بِ); 5) (к. нингдир) ўрнини босмоқ, ўринбосарлик қилмоқ (عَنْ); III جَازَى 1) тўламоқ, ўрнини тўлдирмоқ, қопламоқ; 2) мукофотламоқ, тақдирламоқ; 3) жазоламоқ; ҳайфсан бермоқ, жарима солмоқ; IV أَجْزَى 1) етарли бўлмоқ, қониқтирмоқ; 2) қулай бўлмоқ, фойдали бўлмоқ; (к. нидир) алмаштирмоқ (عَنْ); VI تَجَازَى: ~ دَيْنًا қарзни талаб қилмоқ

– جَزَاءٌ кўп. جَزَاءَاتٌ 1) жазо, ўч, қасос; هٰذَا جَزَاؤُهُ ажаб бўпти-хўб бўпти! (сўзма-сўз; бу унинг жазоси!); 2) мукофот; 3) таъзир; ~ نَقْدِيٌّ жарима; ~ قَانُونُ الْـ жиноят қонуни, кодекси; ~ مِنْطَقَةُ الْـ спорт. жарима майдончаси; 4) санкция, розилик, рухсат; 5) ~ شَرْطٌ وَ грам. шарт эргаш гапли қўшма гапдаги бош ва эргаш гап (сўзма-сўз: шарт ва жавоб)

– جَزَائِيٌّ жазога, жазолашга оид; жиноий

– جِزْيَةٌ кўп. جِزًى, جِزَاءٌ жон бошидан олинадиган солиқ; ўлпон, ер солиғи

– مُجَازَاةٌ 1) жазо; қасос, ўч; ~ بِالْمِثْلِ дип. репрессалия (бир мамлакатнинг ғайриқонуний ҳаракати учун бошқа давлат томонидан ўтказиладиган таъсир чоралари); 2) товон, бадал

– مُجْزٍ мн. مُجْزِيَةٌ 1) етарли; қониқарли, тўла мувофиқ (муносиб); ~ بِسِعْرٍ арзон баҳода; 2) фойда берувчи (келтирувчи), фойдали

I جَسَّ (а/у) جَسٌّ пайпасламоқ; ушлаб кўрмоқ; ~ النَّبْضَ томирни ушлаб кўрмоқ; 2) билишга ҳаракат қилмоқ; текшириб кўрмоқ, зонд билан текширмоқ; V تَجَسَّسَ дараклаб билмоқ, суриштириб билмоқ; қидириш (қидирув) билан шуғулланмоқ; жосуслик маълумотларини тўпламоқ, жосуслик қилмоқ, айғоқчилик қилмоқ; VIII اِجْتَسَّ - I

– تَجَسُّسٌ жосуслик, айғоқчилик; ~ الْـ لِحِسَابِ دَوْلَةٍ أَجْنَبِيَّةٍ ажнабий давлат фойдасига жосуслик қилиш

– تَجَسُّسِيٌّ жосус (айғоқчи) га оид; 4. ~ـةٌ شَبَكَةٌ жосуслик (айғоқчилик) тармоғи

– جَاسُوسٌ кўп. جَوَاسِيسُ жосус, айғоқчи; махфий агент

– جَاسُوسِيَّةٌ жосуслик, айғоқчилик; излаш, қидириш, қидирув; ~ قَضِيَّةُ الْـ юр. айғоқчилик ҳақидаги суд иши

– مِجَسٌّ кўп. مَجَاسُّ, مِجَسَّاتٌ 1) зонд (ички аъзоларни текшириш ёки даволаш учун ишлатиладиган найсимон асбоб, найча); шчуп (ер остидаги баъзи нарсаларни қидириш, топиш, синаш каби ишларда қўлланиладиган турли хил асбоблар); 2) зоол. пайпаслагич, қисқич (баъзи ҳашорот ва ҳайвонларнинг мўйловсимон қўллари ва оёқлари)

– مَجَسٌّ, مَجَسَّةٌ кўп. ـاتٌ, مَجَاسُّ (мас., томир, юрак уришини) текшириш (синаб кўриш) жойи

I جَسَأَ (а) جُسُوءٌ, جَسْءٌ қўпол бўлиб қолмоқ, қаттиқ бўлиб қолмоқ, дағал бўлиб қолмоқ

– جَاسِئٌ қаттиқ, дағал, қўпол

– جَسَاءَةٌ, جُسْأَةٌ дағаллик, қаттиқлик, қўполлик

(جسد) II جَسَّدَ 1) мужассамлантирмоқ, маълум бир шакл бермоқ; 2) бўртма шакл бермоқ; 3) нота белгилари билан ёзмоқ; 4) заъфарон ранг билан бўямоқ; V تَجَسَّدَ мужассамлашмоқ, гавдаланмоқ, маълум бир шаклга кирмоқ

– تَجَسُّدٌ мужассамланиш, гавдаланиш

– تَجْسِيدٌ 1) мужассамлантириш, гавдалантириш; маълум бир шакл бериш; 2) бўртма шакл бериш; 3) нота белгилари билан ёзиш; الـ~ الْمُوسِيقِي нота ёзуви; 4) заъфарон рангга бўяш

– جَسَدٌ *кўп.* أَجْسَادٌ 1) жасад, тана, тан; бадан, андом; 2) *бот.* заъфарон; заъфарон рангли нарса

– جَسَدَانِيٌّ жисмга, жасадга оид

– جَسَدِيٌّ 1) жасадга оид; танага оид; 2) жисмоний; الْقُوَّةُ الـ~ـةُ жисмоний куч; ~اً жисмонан

– مُتَجَسِّدٌ мужассамлаштирилган, гавдалантирилган, мужассамлашган; гавдаланган

– مِجْسَادٌ *кўп.* مَجَاسِيدُ стереоскоп (*иккита ясси тасвирни бир-бирига қўшиб бўрттириб кўрсатадиган оптик асбоб*)

– مُجَسَّدٌ мужассамлашган, гавдаланган

– مُجَسَّدَةٌ *кўп.* ~اتٌ *муз.* нота (*товушнинг график белгиси ва товуш*); нота (*шундай белгилар билан ёзилган мусиқий асар матни ва уларнинг тўплами*); حَامِلُ الـ~ـنِ пюпитр (*нота ва китоб қўядиган қия мослама*)

– مُجَسَّدَةٌ *муз.* нота; حَامِلُ الـ~ـنِ пюпитр

– مِجْسَدٌ *кўп.* مَجَاسِدُ кўйлак

I (جسر) جَسَرَ[1] (у) جَسَارَةٌ 1) жасур бўлмоқ, довюрак бўлмоқ; 2) (*н. ғадир*) журъат қилмоқ (عَلَى); 3) ўтмоқ, кесиб ўтмоқ (*мас., саҳрони*); جَسَرَ[2] (у) جَسْرٌ ғов (тўсиқ) қилмоқ; тўғон, кўприк қурмоқ; II جَسَّرَ 1) жасурлик бахш этмоқ, далда бермоқ, 2) ғов (тўсиқ) қилмоқ; тўғон, кўприк қурмоқ; VI تَجَاسَرَ журъат этмоқ, (*н. дир қилиш учун*) жасорат қилмоқ, юрак қилмоқ, довюрак бўлмоқ (عَلَى); VIII اِجْتَسَرَ ўтмоқ, кесиб ўтмоқ (*мас., саҳрони*)

– تَجَاسُرٌ жасорат, жасурлик, довюраклик, ботирлик

– جَسَارَةٌ жасорат, жасурлик, довюраклик, ботирлик, мардлик

– جَسَّارِيَّةٌ *кўп.* ~اتٌ кўприкни вақтинча сувда кўтариб турувчи таги ясси қайиқ ёки кема

– جِسْرٌ *кўп.* جُسُورٌ 1) кўтарма, уйиб ясалган баландлик, дамба; тўғон; ғов; 2) (*шунингдек стоматологияда*) кўприк (сунъий милк); тўшама йўл (*шох-шабба, хода ётқизиб очилган йўл*); ~ سِكَّةِ الْحَدِيدِ темир йўл кўприги; ~ عَائِمٌ сузиб юрувчи кўприк; ~ مُتَحَرِّكٌ кўтарма кўприк; ~ مُعَلَّقٌ осма кўприк; 3) тўсин, балка; том; бостирма; جُسُورٌ حَدِيدِيَّةٌ тунука том; جُسُورٌ خَشَبِيَّةٌ ёғоч том

– جَسُورٌ *кўп.* جُسُرٌ жасур, ботир, довюрак; кўрс, дағал, қўпол

– مُتَجَاسِرٌ қўрқмас, довюрак; кўрс, дағал, қўпол

تَجَسْطَنَ (*қаердадир*) эркин, ўлан тўшак қилиб ётмоқ (فِي)

I جَسُمَ (у) جَسَامَةٌ катта бўлмоқ, баҳайбат бўлмоқ, савлатли (салобатли) бўлмоқ, II جَسَّمَ 1) гавдалантирмоқ, мужассамлантирмоқ; ~ـهُ بِالْجِصِّ бирор кимнинг қиёфасини гипсда гавдалантирмоқ; 2) шакллантирмоқ, шаклга солмоқ; 3) катта қилмоқ, катталаштирмоқ; 4) орттириб (бўрттириб) юбормоқ, ошириб кўрсатмоқ; 5) бўрттирма қилмоқ; V تَجَسَّمَ 1) шаклланмоқ, шаклга (қолипга) тушмоқ; 2) мужассамлашмоқ, гавдаланмоқ; 3) катта қилинмоқ, катталаштирилмоқ; 4) орттирилган (бўрттирилган) бўлмоқ, ошириб кўрсатилмоқ; 5) бўрттирма (рельефли) бўлмоқ

– تَجْسِيمٌ 1) мужассамлантириш, гавдалантириш; 2) катталашиш, кўпайиш

– جَاسِمٌ[1] катта, улкан, баҳайбат

– جَاسِمٌ[2] Шом ўлкасидаги бир қишлоқнинг номи

– جَسَامَةٌ 1) катта ўлчам; катталик, улканлик; салобатлилик, барвасталик; 2) муҳимлик, жиддийлик

– جِسْمٌ *кўп.* أَجْسَامٌ, جُسُومٌ 1) жисм, бадан, тана, гавда, организм; الأَجْسَامُ الْحَيَّةُ тирик организмлар; 2) корпус, тана; синч, қобирға; фюзеляж (самолёт корпуси, гавдаси); 3) масса (*механиканинг асосий катталикларидан бири - жисмдаги модда миқдорини ва унинг инерциясини белгилайди*) модда; ~ مُوَصِّلٌ *эл.* ўтказгич; ~ عَازِلٌ *эл.* диэлектрик (*электр ўтказмайдиган модда*); 4) шакл, форма

– جُسْمَانٌ тана, бадан, гавда, масса

– جُسْمَانِيٌّ 1) жисмга оид; 2) жисмоний; الْعَمَلُ الـ~ жисмоний меҳнат; ~ أَوْ مَعْنَوِيًّا жисмоний ёки маънавий; 3) моддага оид, моддий

– جِسْمِيٌّ 1) жисмга оид; 2) жисмоний, 3) моддий, моддага оид

– جَسِيمٌ *кўп.* جِسَامٌ 1) катта, улкан; 2) тўладан келган, жуссали; салобатли; 3) эътиборли

– جُسَيْمٌ *кўп.* ~اتٌ кичкина тана (гавда); заррача

– جُسَيْمَةٌ *кўп.* ~اتٌ кичкина тана (гавда); *физ.* майда заррача, корпускула (*модда заррачаси*); الْجُسَيْمَاتُ الشَّمْسِيَّةُ қуёш корпускулалари; الْجُسَيْمَاتُ الْمُضَادَّةُ لِلْمَرَضِ *мед.* антижисмлар (*организмда антигенлар пайдо бўлиши билан юзага келадиган ва уларнинг таъсирини йўқотадиган моддалар*)

– مُجَسَّمٌ 1. 1) мужассам; катта, улкан; 2) орттириб юборилган; 3) қавариқ, бўртиб турадиган; الْخَرِيطَةُ الـ~ـةُ қабариқ харита; 2. *мат.* уч ўлчовли геометрик жисм; ~ الْقَطْعِ الزَّائِدِ гиперболоид (*гиперболанинг айланишидан ҳосил бўладиган эгри сирт*)

I (جسو) جَسَا (у) جُسُوٌّ қаттиқ бўлмоқ, дағал бўлмоқ, қўпол бўлмоқ

– جَسَاوَةٌ қаттиқлик, қўполлик, дағаллик, кўрслик

I جَشَّ (а/у) جَشٌّ босмоқ, эзмоқ, майдаламоқ, парчаламоқ, синдирмоқ, майдаламоқ; йирик қилиб янчмоқ; ~ الْبُرَّ буғдойни

тегирмонга солмоқ

– أَجَشُّ *мн.* جُشَّاءُ *кўп.* جُشٌّ хирилдоқ, дағал (*овоз ҳақида*), паст

– جُشَّةٌ, جَشَّةٌ хириллаш, бўғилиш

– جَشِيشٌ майдаланган; эзилган, парчаланган; талқон қилинган; йирик қилиб майдаланган, йирик тортилган ун

– مِجَشٌّ, مِجَشَّةٌ *кўп.* مَجَاشُّ қўл тегирмони

– جَشِيشٌ = مَجْشُوشٌ

(جشأ) II جَشَّأَ кекирмоқ, ўқчимоқ, ўқчиб қайтариб чиқармоқ; V تَجَشَّأَ = II

– جُشَاءٌ, جُشْأَةٌ кекириш, ўқчиш; ўқчиб қайтариб чиқариш

I جَشُبَ (*у*) جُشُوبَةٌ, جَشَابَةٌ кам (озгина) бўлмоқ, етарли бўлмаслик (*овқат ҳақида*)

I جَشِرَ (*а*) جَشَرٌ хириллаган бўлмоқ, овози бўғилган бўлмоқ; جَشَرَ (*у*) جَشْرٌ ўтлатиш учун яйловга олиб чиқмоқ (*чорва ҳақида*); II جَشَّرَ ўтлатиш учун яйловга олиб чиқмоқ (*чорва ҳақида*)

– أَجْشَرُ *мн.* جَشْرَاءُ *кўп.* جُشْرٌ хириллаган, овози бўғилган

– جَشَرٌ яйловда боқилган (*ҳайвон ҳақида*)

– مُجَشَّرٌ яйловда боқилган; خَيْلٌ ~ةٌ яйловда катта бўлган от

I جَشِعَ (*а*) جَشَعٌ очкўзланмоқ, очкўз бўлмоқ; V تَجَشَّعَ = I

– جَشَعٌ очкўзлик, ҳирс, курумсоқлик, зиқналик

– جَشِعٌ очкўз, ҳирс қўйган, курумсоқ, бахил, зиқна

I جَشِمَ (*а*) جَشْمٌ 1) ўзига оғир иш олиб қийнамоқ, ўзига меҳнат орттирмоқ; чидамоқ, бардош бермоқ; ~ الْمَشَقَّةَ машаққатларга чидамоқ; II جَشَّمَ (*бирор к. га*) оғирликни (меҳнат-машаққатни) юкламоқ; ташвиш орттирмоқ; IV أَجْشَمَ оғир юк юкламоқ, оғир иш билан қийнамоқ, машаққатга қўймоқ; V تَجَشَّمَ 1) (*бирор н. нинг*) оғирлигини ўз елкасига олмоқ, ўзига оғирликни олмоқ; 2) (*хатарга*) рўбарў бўлмоқ, дучор бўлмоқ; 3) (*талафот*) кўрмоқ

(جشى) V تَجَشَّى = تَجَشَّأَ *қар.* جشأ

(جص) II جَصَّصَ гипс билан қопламоқ, гипсламоқ, сувамоқ

– جِصٌّ *мин.* гипс (*минерал ва ундан тайёрланган қурилиш материали*)

– جَصَّاصَةٌ *кўп.* اتٌ — гипс пишириш учун қилинган печ

تَجَحْشَنَ = تَحَضْطَنَ

حِظٌّ улкан одам, гавдали одам

جَعَانٌ *қар.* جوع

(جعب) II جَعَّبَ 1) ағдармоқ; авра-астарини ағдармоқ; остин-устун қилмоқ; 2) ерга ташламоқ

– جَعْبَةٌ *кўп.* جِعَابٌ ўқдон, тирдон, садоқ; халта, тўрва, сумка; патронташ, патрон сумкаси; إِنَّ ~ى قَدْ خَوَتْ *кўч.м.* менда ҳеч вақо йўқ, мулло Миркуруқман; نَفَضَ لَهُ ~ الأَخْبَارِ *маж.* ҳамма янгиликни тўкиб солмоқ; فَرَغَتِ الْجِعَابُ *маж.* ҳамма янгиликлар тугади; ◊ ~ الأَخْبَارِ плеяда (*атоқли арбоблар гуруҳи*)

جَعْجَعَ 1) шовқин солмоқ (қилмоқ), авжига олмоқ, қутурмоқ; қарсилламоқ; гулдирамоқ, гумбурламоқ; 2) бўкирмоқ, ўкирмоқ (*туя ҳақида*); ғул-ғул қилмоқ (*ғулғул товуқ - курка ҳақида*), 3) жаврамоқ, вайсамоқ; тушуниб бўлмайдиган қилиб гапирмоқ, ғудурламоқ

– جَعْجَاعٌ шовқинли, сершовқин; бақироқ

– جَعْجَعَةٌ бўкириш; гумбурлаш, қасирлаш, шовқин; қичқириқ, қасир-қусур қилиш; ~ بِلَا طَحْنٍ *қисқ. мқл. дан:* أَسْمَعُ ~ وَلَا أَرَى طِحْنًا шовқини кўпу, фойдаси кам (*сўзма-сўз:* (тегирмон) овозини эшитяпману, аммо унни кўрмаяпман)

I جَعُدَ (*у*) جَعَادَةٌ, جُعُودَةٌ 1) жингалак соч бўлмоқ, жингалак бўлмоқ (*соч ҳақида*); 2) ажин тушган, буришган бўлмоқ (*тери ҳақида*); II جَعَّدَ 1) жингалак қилмоқ; 2) ажин пайдо қилмоқ, буришиқ ҳосил қилмоқ; V تَجَعَّدَ 1) жингалакланмоқ, фатила-фатила бўлмоқ, ҳалқа-ҳалқа бўлмоқ (*соч ҳақида*); 2) ажин тушган, буришган бўлмоқ

– أَجْعَدُ *мн.* جَعْدَاءُ *кўп.* جُعْدٌ жингалак сочли

– تَجَعُّدَاتٌ *кўп.* ажинлар, буришиқлар

– تَجْعِيدٌ *кўп.* تَجَاعِيدُ ажин, буришиқ

– جَاعِدٌ тўшалган нарса, тўшама, тўшак

– جَعْدٌ[1] *кўп.* جِعَادٌ жингалак, фатила-фатила

– جَعْدٌ[2] *кўп.* جِعَادٌ (*шунингдек:* ~ الْيَدَيْنِ, ~ الْيَدِ *ёки* ~ الأَنَامِلِ) бахил, хасис, зиқна, курумсоқ, бахил, очкўз

– جَعْدَةٌ *кўп.* اتٌ — 1) жингалак соч, зулф, гажак; 2) ажин, буришиқ

– جَعْدِيٌّ жингалак бўлиб турган

– جُعَيْدِيٌّ *кўп.* جُعَيْدِيَّةٌ қўрс одам; безори, хулиган

– مُتَجَعِّدٌ 1) чирмашадиган, жингалак; 2) ажин босган, буришган

– مُجَعَّدٌ = مُتَجَعِّدٌ

I جَعَرَ[1] (جعر) (*а*) جَعْرٌ ёзилмоқ, ичини бўшатмоқ (*ҳайвонлар ҳақида*); جَعَرَ[2] (*а*) جُعَيْرٌ бўкирмоқ, ўкирмоқ (*ҳайвонлар ҳақида*); II جَعَّرَ = جَعَرَ[2]

– جَعَارَةٌ бақириқ-чақириқ, шовқин-сурон

– جُعْرَانٌ *кўп.* جَعَارِينُ қўнғиз; иссиқ мамлакатларда бўладиган гўнг қўнғизи; *қадимги мисрликларда:* қўнғизнинг расми солинган тош танга

– جِعِرِيٌّ икки киши қўлларидан ҳосил бўлган ўриндиқ (*одамни кўтариш учун*)

– مُجَعْوَرٌ *халқ.* тешик, йиртилган, илма-тешик, йиртиқ-ямоқ

جَعْسٌ ахлат, чиқинди, одам ахлати

(جعص) VII انْجَعَصَ ўтирғич суянчиғига суянган ҳолда виқор билан ўтирмоқ

جَعْفَرٌ *кўп.* جَعَافِرُ сой, анҳор, ариқ, жилға; кичикроқ дарё, дарёча

جَعْفَرٌ *ат.от, мз.* Жаъфар

جَعْفِيلٌ *бот.* шумғия, шумгиёҳ

I جَعَلَ (а) جَعْلٌ қилмоқ, тайёрламоқ; 2) уюштирмоқ, ташкил қилмоқ, ўрнатмоқ; 3) жойлаштирмоқ, қўймоқ; 4) мажбурламоқ, зўрламоқ; ـــهُ يَقْرَأُ ~ бирор кимни ўқишга мажбурламоқ; 5) (*бирор н. га*) айлантирмоқ, бошқа ҳолга келтирмоқ; 6) тайинламоқ, (*к. гадир*) тайин қилмоқ, белгиламоқ (لِـ); لَهُ قِيمَةً كَبِيرَةً ~ бирор нарсага юксак баҳо бермоқ; 7) (*бирор к. га, бирор н. га*) ўхшатмоқ, деб ҳисобламоқ; ◊ يَقْرَأُ ~ ўқий бошламоқ; عَالِيَهُ سَافِلَهُ ~ оёғини осмондан қилиб ағдармоқ; III جَاعَلَ пора бериб сотиб олмоқ, ўз томонига оғдирмоқ; VII اِنْجَعَلَ қўйилган бўлмоқ, тайинланган бўлмоқ; VIII اجْتَعَلَ = I

– جُعَالَةٌ *кўп.* جَعَائِلُ иш ҳақи, музд; мукофот

– جُعْلٌ *кўп.* أَجْعَالٌ, جُعُولٌ иш ҳақи, музд; мукофот; воситачилик ёки даллоллик ҳақи, ширинкома

– جُعَلٌ *кўп.* جِعْلَانٌ қўнғиз; иссиқ мамлакатларда бўладиган гўнг қўнғизи; *қадимги мисрликларда*: қўнғиз расми солинган тош танга

– جُعَيْلَةٌ = جُعَالَةٌ

– مَجْعُولٌ 1. қўйилган, тайинланган; 2. иш ҳақи, музд; мукофот

جَعْلَفَ *қуйидаги гапни айтмоқ*: جُعِلْتُ فِدَاءَكَ! *сўзма-сўз*: мен сенинг фидойинг бўлай!

– جَعْلَفَةٌ *қуйидаги гапни айтиш*: جُعِلْتُ فِدَاءَكَ! *сўзма-сўз*: мен сенинг фидойинг бўлай!

جُعْمُوسٌ *кўп.* جَعَامِيسُ ахлат, чиқинди, одам ахлати; رَمَى بِجَعَامِيسِ الْبَطْنِ ични бўшатмоқ, ахлат чиқармоқ

جَعَانٌ *қар.* جوع

جِعَةٌ пиво

جُغْرَافِيَا, جُغْرَافِيَّةٌ жўғрофия, география; الـ~ الاِقْتِصَادِيَّةُ иқтисодий жўғрофия; الـ~ الطَّبِيعِيَّةُ табиий жўғрофия

– جُغْرَافِيٌّ жўғрофий, географик; жўғрофияга оид

I جَفَّ (а/и) جُفُوفٌ, جَفَافٌ қуримоқ, сергимоқ, суви қочмоқ; қақраб (ковжираб) кетмоқ; حَلْقُهُ ~ унинг томоғи қуриб қолди; ~ رِيقُهُ مِنَ الْجَرْيِ югурганидан оғзи қуриб қолди; I جَفَّ (а/у) جَفٌّ йиғмоқ, тўпламоқ, жамламоқ; II جَفَّفَ 1) қуритмоқ, сергитмоқ, сувини қочирмоқ; 2) артмоқ (*мас., юзни*); عَرَقَهُ ~ терни артмоқ; ~ دُمُوعَهُ عَيْنَيْهِ *ёки* ~ кўз ёшларини артмоқ; يَدَيْهِ بِالْمِنْشَفَةِ ~ қўлини сочиқ билан артмоқ; 3) *кимё.* сувсизлантирмоқ; V تَجَفَّفَ қуримоқ, сергимоқ, суви қочмоқ; VIII اِجْتَفَّ охиригача ичмоқ, ичиб битирмоқ

تَجْفَافٌ 1) қуритиш, сергитиш, намини қочириш; 2) артиш; 3) *кимё.* сувсизлантириш

– تَجْفَافٌ *кўп.* تَجَافِيفُ совут

– تَجْفَافٌ = تَجْفِيفٌ

– جَافٌّ қуриган, қуритилган, қуруқ

– جَفَافٌ 1) қуруқлик, қуриганлик; 2) қурғоқчилик

– جُفَّةٌ 1) бир тўда одамлар; 2) кўп сонли, кўпгина; جَاءَ الْقَوْمُ ~ одамларнинг ҳаммаси келди

– مُجَفَّفٌ 1) қуритилган, қуруқ; حَلِيبٌ ~ сут уни (қуритилган сут); 2) қоқи қилинган, қоқланган, қуритилган

– مُجَفَّفَاتٌ *кўп.* қуруқ мевалар

I جَفَأَ (а) جَفْءٌ 1) (*чиқинди, синган, парча-бурон н. ларни*) қирғоққа чиқариб ташламоқ (*сел, оқим ҳақида*); 2) энгаштирмоқ, тўнтармоқ; الْقِدْرَ ~ қозонни энгаштириб бўшатмоқ

جُفَاءٌ 1) кўпик, сердак; 2) (*сел, оқим қирғоққа чиқариб ташлайдиган*) чиқинди, ахлат, синган, парчаланган нарсалар; ◊ ~اً беҳудага, бекорга; ذَهَبَ ~ беҳуда кетмоқ, бекорга кетмоқ

– جُفْتٌ *кўп.* جُفُوتٌ 1) кичик омбур; кичкина қисқич; мўйчинак; пинцет, искак; исканжа; 2) *шунингдек*: صَيْدٍ ~ қўшоғиз милтиқ

جَفْتَشِي филигран, жуда нафис ишланган заргарлик буюми; хитой қоғози, сув қоғоз

جِفْتِلِكٌ мол-мулк; ферма (*чорва ёки паррандачилик хўжалиги*)

I جَفَرَ (у) جَفْرٌ: جَنْبَاهُ ~ катта бўлиб, онасидан ажрамоқ (*уй ҳайвонлари ҳақида*)

– جَفْرٌ 1 (*ҳарфлар билан*) фол очиш, ром очиш

– جَفْرٌ 2 *мн.* جِفَرَةٌ тўрт ойлик эчки боласи

– جَفْرَةٌ (*яширинча, махфий ёзишмалар учун*) шифр (*шартли белгилар, рақамлар ва б. лар воситаси билан ёзилган хат ва ш.к. лар*) حَلَّ كِتَابَةَ الـ~ шифрни очмоқ (ўқимоқ)

– جَفِيرٌ *кўп.* ـاتٌ қин, ғилоф

جِفْصِينٌ гипс (*минерал ва ундан тайёрланган қурилиш материали*)

I جَفَلَ (у) جَفْلٌ, جُفُولٌ 1) сесканиб кетмоқ, чўчиб тушмоқ, қўрқиб кетмоқ; 2) чопиб (югуриб) кетмоқ, (*қўрқинчдан*) ўзини бирор ёққа урмоқ; II جَفَّلَ қўрқитмоқ, ҳуркитмоқ, чўчитмоқ; IV أَجْفَلَ 1) = I; 2) қўрқитмоқ, ҳуркитмоқ, чўчитмоқ

– جَفْلٌ қўрқиш, ҳуркиш, чўчиш; ваҳима; ташвиш, хавотирлик

– جَفْلٌ = جُفُولٌ

جِفْتِلِكٌ = جِفْلِكٌ

جَفْنٌ *кўп.* أَجْفَانٌ, جُفُونٌ 1) қовоқ (*кўздаги*); نَامَ مِلْءَ الْجُفُونِ қаттиқ ухламоқ; ~ دُونَ أَنْ يَطْرِفَ لَهُ бақрайиб туриб, кўзини лўқ қилганича; 2) қиличнинг қини

– جَفْنَةٌ *кўп.* جِفَانٌ 1) товоқ, лаган, катта чуқур тарелка; коса; 2) ток новдаси; 3) шароб, май

I جَفَا (у) جَفَاءٌ (جَفْوٌ) 1) дағал бўлмоқ, қаттиқ бўлмоқ, қотган бўлмоқ; 2) қаттиққўл, шафқатсиз бўлмоқ; 3) ўзини четга олмоқ,

ётсирамоқ, бегонасирамоқ; 4) тарк этмоқ, ташлаб кетмоқ, қолдирмоқ; II جَفَّى ўзидан итармоқ, бегоналатмоқ, четлатмоқ; III جَافَى 1) қўпол (қуруқ, қаттиқ) муомалада бўлмоқ; 2) узоқлашмоқ, йироқлашмоқ, бегоналашмоқ; бегона бўлмоқ; 3) (н. *ғадир*) қарши бормоқ (لِـ); муносиб бўлмаслик, мос келмаслик, тўғри келмаслик; هَذَا يُجَافِى الصَّوَابَ бу ҳақиқатга тўғри келмайди; VI تَجَافَى 1) бир-биридан узоқлашмоқ; бир-бирига нисбатан совуққонлик ҳис этмоқ; 2) ўзини тиймоқ, (н. *дандир*) бош тортмоқ, воз кечмоқ (عَنْ); X اسْتَجْفَى қўпол, қаттиққўл деб билмоқ

– تَجَافٍ 1) қуруқлик, қуриганлик; шафқатсизлик, баджаҳллик, қўполлик, дағаллик; 2) тартибсизлик, ноиттифоқлик, (*алоқаларда*) совуққонлик

– جَافٍ *мн.* جَافِيَةٌ *кўп.* جُفَاةٌ 1) қўпол, қаттиқ; الأُمُّ الْجَافِيَةُ *анат.* қаттиқ мия пўстлоғи; 2) қаттиққўл, баджаҳл, шафқатсиз

– جَفَاءٌ 1) қўполлик, дағаллик; қаттиқлик; 2) қуруқлик, қуриганлик; шафқатсизлик, бераҳмлик, баджаҳллик; بِـ~ илтифотсизлик билан; 3) (*алоқаларда*) ноиттифоқлик, совуққонлик

– جَفَاءَةٌ қўполлик, дағаллик, қотганлик, суви қочганлик

– جَفْوٌ 1) қўполлик, дағаллик; қотганлик, суви қочганлик; 2) (*алоқаларда*) узоқлашиб кетганлик, совуқлик; 3) қаттиққўллик; қўпол муомала, жиддий муомала; ноҳақлик, адолатсизлик

– جَفْوٌ = جَفْوَةٌ –

– جَفِيَّةٌ сақлаш панжараси, ҳимоя қилиб турадиган панжара

I جَلَّ (*а/и*) جَلاَلٌ 1) буюк бўлмоқ, улуғвор бўлмоқ, ҳамма нарсага қодир бўлмоқ, шуҳратли бўлмоқ; اللهُ عَزَّ وَ~ (*Оллоҳу таоло сифатларидан*) Оллоҳу азза ва жалла (*Оллоҳ ҳамма нарсага қодир ва буюкдир*); مَنْ لاَ يَسْهُو وَلاَ يُخْطِئُ ~ адашмайдиган ва хато қилмайдиган одам энг бахтиёр одамдир!; 2) (н. *дандир*) юқори бўлмоқ (عَنْ); هَذَا يَجِلُّ عَنِ الْوَصْفِ бу таърифлашга сиғмайди, бу таърифдан ташқари; ◊ الشَّيْءُ ~ (н. *нингдир*) катта ёки асосий қисмини олмоқ; جَلَّ (*а/у*) جَلٌّ термоқ, йиғмоқ; الْبَعْرَ ~ тезак термоқ; II جَلَّلَ 1) қопламоқ; الشَّيْبُ رَأْسَهُ ~ унинг сочини оқ қоплади; ~ـهُ بِالْعَارِ бирор кишини шармандаю шармисор қилмоқ; بِالسَّوَادِ ~ қора ҳошия билан айлантириб чиқмоқ; (*мотам белгиси сифатида*) қора ҳошия боғламоқ (тақмоқ); 2) ҳурматламоқ, иззат қилмоқ; IV أَجَلَّ 1) (к. *нидир*) ҳурмат қилмоқ; эҳтиром кўрсатмоқ, чуқур миннатдорчилик билдирмоқ (*туш.к.*); 2) (н. *нидир*) афзал кўрмоқ, юқори қўймоқ (عَنْ); V تَجَلَّلَ (н. *биландир*) қопланмоқ (بِـ); بِالْعَارِ ~ шармандаю шармисор бўлмоқ; VI تَجَالَّ улуғланмоқ; (н. *дандир*) афзал, юқори бўлмоқ (عَنْ)

– إِجْلاَلٌ ҳурматлаш, қадрлаш; чуқур миннатдорчилик, ҳурмат, иззат; ортиқ даражадаги ҳурмат; эҳтиром, иззат-икром; ~اً لَهُ бирор кимга ҳурмат тариқасида, бирор кимнинг шарафига; فِى ~ ҳурмат юзасидан

– تَجِلَّةٌ ҳурмат, иззат-икром, эҳтиром

– جُلٌّ[1] атир гул, қизил гул

– جُلٌّ[2] 1) катта булоқ; 2) энг асосийси

– جُلٌّ[3] *кўп.* أَجْلاَلٌ, جِلاَلٌ ёпқич (*от ва баъзи бошқа уй ҳайвонларининг ёпқичи*), жул

– جِلٌّ 1) улкан, буюк; 2) семиз, йўғон

– جَلاَلٌ улуғворлик, буюклик; кўркамлик, ҳашамат; ◊ فَعَلْتُ ذَلِكَ مِنْ ~كَ буни мен сенинг учун (сени деб) қилдим

– جَلاَلَةٌ 1) улуғворлик, буюклик; муҳташамлик, муаззамлик; ذُو الْـ~ (*Оллоҳ сифатларидан бири*) зулжалол (буюклик соҳиби); 2; аъло ҳазратлари, ҳазрати олийлари (*шоҳларга, қиролларга нисбатан*); صَاحِبُ الْـ~ ҳазрати олийлари; 3) катта аҳамият, аҳамият; муҳим ўрин тутиш; ◊ أَخَذَتْهُ الْـ~ унинг жазаваси тутиб қолди

– جَلاَّلَةٌ кўчадаги гўнгни йиғиштирадиган қиз; 2) тезак кетидан юрадиган ҳўкиз; 3) тезак ейдиган ҳўкиз

– جَلَلٌ 1) улкан, буюк; 2) катта, йўғон; муҳим; أَمْرٌ ~ муҳим иш

– جُلَّةٌ[1] *кўп.* جُلَلٌ сават, корзина; 2) граната; бомба; 3) *спорт.* ядро (чўян шар); رَمَى (قَذَفَ) الْـ~ ядро ирғитмоқ

– جُلَّةٌ[2], جِلَّةٌ[1] тезак, ахлат, қий, гўнг; таппи, чалма

– جِلَّةٌ[2] оқсуяклар, зодагонлар, аслзодалар, аъёнлар, киборлар

– جَلْوَى *халқ.* гўнг йиғадиган одам

– جُلَّى *кўп.* جُلَلٌ (энг) муҳим иш

– جَلِيلٌ *кўп.* أَجِلاَّءُ, جِلَّةٌ, أَجِلَّةٌ 1) катта, буюк; муҳим; 2) улкан, улуғвор, шавкатли; ажойиб, шаввоз; 3) машҳур; ҳурматли, эътиборли; صَاحِبُ الْمَقَامِ الْـ~ *кар.* مَقَامٌ

– جَلِيلَةٌ *кўп.* جَلاَئِلُ буюк иш, муҳим иш

– مَجَلَّةٌ *кўп.* مَجَالٌّ, ـَاتٌ 1) журнал, мажалла; вақтли нашрлар; شَهْرِيَّةٌ ~ ойлик журнал; 2) *юр.* қонунлар мажмуи, кодекс

I جَلَبَ (*и, у*) جَلْبٌ 1) етказиб бермоқ; олиб келмоқ; ташиб келтирмоқ, импорт қилмоқ, четдан мол келтирмоқ; 2) ўзига жалб қилмоқ; гирифтор қилмоқ; النَّظَرَ ~ диққатни ўзига тортмоқ; الضَّرَرَ ~ (к. *ғадир*) зарар келтирмоқ (عَلَى), 3) (к. *учундир*) топмоқ, излаб (ахтариб) қўлга киритмоқ, сотиб олмоқ, олмоқ (لِـ); 4) шовқин солмоқ, шовқин кўтармоқ, шовқин-сурон қилмоқ; 5) битмоқ (*яра ҳақида*); қуйилиб қолмоқ (*қон ҳақида*); جَلِبَ (*у*) جَلَبٌ; عَلَى ~ الْفَرَسَ отни орқасидан чуҳлаб, ўзиб кетишга ундамоқ; IV أَجْلَبَ 1) топмоқ, излаб (ахтариб) қўлга киритмоқ, олмоқ, эга бўлмоқ, бирор ердаги нарсани топмоқ (олмоқ); 2) шовқин солмоқ; 3) қуйилиб қолмоқ (*қон ҳақида*); тўпланмоқ, йиғилмоқ, жамланмоқ; VII انْجَلَبَ қўлга киритиладиган бўлмоқ, олинадиган бўлмоқ, олиб кириладиган бўлмоқ, транспорт билан келтириладиган (олиб келинадиган) бўлмоқ, импорт қилинадиган бўлмоқ; VIII اجْتَلَبَ 1) ташқаридан (четдан) олиб кирмоқ; 2) топмоқ, қўлга киритмоқ, олмоқ, эга бўлмоқ, бирор ердаги нарсани топмоқ (олмоқ); X

اسْتَجْلَبَ 1) (*транспорт воситасида*) келтирмоқ; ташиб келтирмоқ, импорт қилмоқ, четдан мол келтирмоқ; 2) (*қаердандир, қаергадир*) мол чиқармоқ (مِنْ, إِلَى); 3) жалб қилмоқ, (*бошқа тарафдан*) таклиф қилмоқ

– اجْتِلَابٌ 1) олиб келиш, ташиб келтириш, олиб бориб бериш, етказиб бериш; 2) *кўч.м.* қулоғидан (сочидан) тортиш

– اسْتِجْلَابٌ 1) ташиб келтирилган, импорт қилинган (*мол*); 2) жалб қилиш, (*бошқа тарафдан*) таклиф қилиш

– جَالِبٌ 1. (*транспорт воситасида*) олиб келувчи, олиб (етказиб) берувчи; 2. импортчи

– جَلَّابٌ *кўп.* جَلَّابَةٌ 1) сотувчи; 2) *шунингдек.* الْعَبِيدِ ~ қул сотувчи

– جُلَّابٌ, جُلَّابٌ 1) гулоб, атир гул суви; 2) ширин микстура, ширин суюқ дори

– جَلَّابِيَّةٌ *кўп.* جَلَّابِيَّاتٌ, جَلَالِيبُ жаллобийя (*эркакларнинг узун кўйлаги*)

– جَلْبٌ 1) олиб келинган нарса, олиб (етказиб) берилган нарса; 2) гирифтор қилиш; орттириш; зарар етказиш (келтириш); 3) етказиб бериш; топиш, излаш; ўлжа, қўлга киритилган нарса; 4) импорт, чет элдан келтирилган мол

– جَلَبٌ[1] *кўп.* أَجْلَابٌ 1) олиб келинадиган (келтириладиган) маҳсулот; 2) *тар.* қуллар (*савдо-сотиқ предмети сифатида*)

– جَلَبٌ[2] шовқин-сурон; овоз, садо

– جَلَبَا *бот.* ялапа (*бутасимон ўсимлик*).

– جُلُبَّانٌ, جُلْبَانٌ *жам. бот.* ёввойи бурчоқ, маданий бурчоқ

– جَلَبَةٌ[1] = جَلَبَا

– جَلَبَةٌ[2] шовқин-сурон; овоз, садо; ضَوْضَاء ~ шовқин-сурон, қийчув; بِدُونِ ~ وَضَوْضَاء тинч, шовқин-суронсиз

– جُلْبَةٌ *кўп.* جُلَبٌ чандиқ, ямоқ (*битган яранинг ўрни*)

– جِلْبَةٌ *кўп.* جِلَبٌ, جِلْبَاتٌ втулка; шайба; чамбарак, ҳалқа, гардиш; *тех.* цилиндр, цилиндр гильзаси

– جَلُوبَةٌ *кўп.* جَلَائِبُ = جَلِيبَةٌ

– جَلِيبٌ[1] *кўп.* جُلَبَاءُ, جَلْبَى *тар.* қуллар (*савдо-сотиқ предмети сифатида*)

– جَلِيبٌ[2], جَلِيبَةٌ *кўп.* جَلَائِبُ олиб келинган товар (маҳсулот)

– مَجْلَبَةٌ *кўп.* مَجَالِبُ сабаб, боис; важ, далил

جَلْبَبَ (*бирор к. га*) жилбоб кийдирмоқ; تَجَلْبَبَ жилбоб киймоқ; ~ بِالْبُرْقُعِ а) ёпинчиқ билан бекинмоқ; б) ниқобланмоқ, паналанмоқ; ◊ بِجِلْبَابِ الرَّحْمَةِ ~ ўзини беозор, қўй оғзидан чўп олмаган киши қилиб кўрсатмоқ

– جِلْبَابٌ *кўп.* جَلَابِيبُ жилбоб (*узун этакли эркаклар кўйлаги*); *шунингдек.* ёпинчиққа ўхшатиб тикилган аёллар кўйлаги; узун кўйлак, узун халат; أَفْرَنْجِيٌّ ~ овруποча кийим

– جَلْبَبَةٌ (*бирор к. га*) жилбоб кийдириш

جُلْجُثَةٌ: الـ ~ *ёки* جَبَلُ الـ ~ Жулжуса (Голгофа) тоғи (*христианликда: Исо алайҳиссалом ўлдирилган тоғ*)

جَلْجَلَ 1) жарангламоқ; гумбурламоқ, қарсилламоқ; 2) шовқин билан жилдирмоқ (силжитмоқ)

– جُلْجُلٌ *кўп.* جَلَاجِلُ 1) қўнғироқча, шиқилдоқча; 2) (*кўзга чиқадиган*) говмижжа

– جُلْجُلَانٌ кашнич уруғи

– جَلْجَلَةٌ жаранглаш; гумбурлаш, қасирлаш, тақиллаш

– جُلْجُلَةٌ, جَلْجَلَةٌ: الـ ~ *ёки* جَبَلُ الـ ~ Жулжула (Голгофа) (*Исо алайҳиссалом ўлдирилган тоғ*)

– مُجَلْجِلٌ жаранглайдиган; жарангдор, чинқироқ; صَوْتٌ ~ жарангдор овоз

I جَلِحَ (а) جَلَحٌ кал (ялтирбош, тоз) бўлмоқ

– أَجْلَحُ *мн.* جَلْحَاءُ *кўп.* جُلْحٌ кал, ялтирбош, тоз

– جَالِحَةٌ: بَيْضَاءُ ~ оқ кўтон

I جَلَخَ (а) جَلْخٌ 1) чархламоқ; силлиқламоқ; (*устарани*) ўткирламоқ; 2) ёймоқ, ясси қилмоқ, жўвалаб ёймоқ, ўқловлаб ёймоқ; II جَلَّخَ = I

– تَجْلِيخٌ 1) чархлаш, ўткирлаш; силлиқлаш; 2) ёйиш; عَجَلَاتُ الـ ~ ёйиш (яссилаш) ғилдираклари, жўвалар

– جِلَاخَةٌ яссилаш; чиғирлаб ёйиш, жўвалаш, вальцовка

– جَلْخٌ 1) жўвалаш, чиғирлаб ёйиш; أُسْطُوَانَاتُ الـ ~ чиғирлаб ёйиш ғилдираклари; *шунингдек.* حَجَرُ الـ ~ қайроқ тош, қайроқ; 3) (*устарани ўткирлаш учун ишлатиладиган*) қайиш; ◊ الْفُرْنِ ~ шлак, тошқол (*металл эритилганда қолган қотишма*)

– مُجَلَّخٌ 1) силлиқланган; 2) ёйилган, яссиланган

– تَحْبِيذٌ маъқуллаш, маъқул кўриш; тақдирлаш; розилик, ризолик

– حَبَّذَا қандай яхши!, қандай ажойиб!; ~ الرَّجُلُ бу одам қандай ажойиб!; ~ الْمَرْأَةُ бу аёл қандай яхши!; لَوْ ~ . . . агар ...са, қандай яхши бўларди!

I (ـُ ~) حَبَرَ (у) حَبْرٌ، حَبْرَةٌ 1) безамоқ, безатмоқ, ясатмоқ, зеб бермоқ, зийнатламоқ, оро бермоқ; 2) хурсанд (мамнун) қилмоқ, севинтирмоқ, қувонтирмоқ, овутмоқ; حَبِرَ (а) حُبُورٌ хурсанд бўлмоқ, шод-хуррам бўлмоқ, шодланмоқ, қувонмоқ, завқланмоқ; II حَبَّرَ 1) безамоқ, безатмоқ, ясатмоқ; ясатиб юбормоқ, бежамаламоқ; пардоз бермоқ; гул солиб безатмоқ, нақшламоқ; 2) ёзмоқ; ~ الْمُسَوَّدَةَ қораламани (қора нусхани) ёзиб тугатмоқ; 3) сиёҳ, туш билан чизмоқ; қорайтирмоқ, қорага бўямоқ; IV أَحْبَرَ хурсанд қилмоқ, мамнун қилмоқ; V تَحَبَّرَ сиёҳ *ёки* тушга бўялмоқ (ботирилмоқ)

– حِبَارٌ *кўп.* ـاتٌ — حُبُرٌ из, белги, асар; ~ الضَّرْبِ калтак изи, кўк доғ, баданнинг кўкарган жойи; яра ўрни, ямоқ, чандиқ

– حُبَارَى *кўп.* حُبَارَيَاتٌ *зоол.* тувдоғ, тўхтатувалоқ (*турна туркумидан бўлган улкан қанотли чўл қуши*)

– حَبْرٌ 1 *кўп.* حُبُورٌ، أَحْبَارٌ حِبْرٌ 1) олим киши; سِفْرُ الْأَحْبَارِ *библ.* Левит; 2) попларнинг бошлиғи; юқори даражали руҳоний шахс; епископ; папа (*Римдаги*); الْـ~ُ الْأَعْظَمُ а) олий коҳин; б) папа (*Римдаги*)

– حَبْرٌ 2 = حُبُورٌ

– حِبْرٌ *кўп.* أَحْبَارٌ، حُبُورٌ 1)сиёҳ, бўёқ; ~ سِرِّيٌّ сирли (симпатик) сиёҳ (*қиздиргандан ёки махсус модда билан ҳўллангандан кейингина кўзга кўринадиган рангсиз сиёҳ*); قَلَمُ ~ авторучка; ~ صِينِيٌّ *ёки* ~ الشِّينِ Хитой туши; ~ مَطْبَعِيٌّ *ёки* ~ طِبَاعَةِ الصُّحُفِ босмахона бўёғи; 2) ранг, тус; ~ فَوْقَ الْوَرَقِ *маж.* бир парча қоғоз (*мас., шартнома ҳақида*); لَمْ يَكُنِ الْـ~ قَدْ جَفَّ بَعْدُ ... حَتَّى ҳали сиёҳи қуримасданоқ ...; أُمُّ الْـ~ *зоол.* уммул-ҳибр (*денгиз молюскаларининг бир тури*)

– حِبَرٌ йўл-йўл газлама

– حَبَرَةٌ *кўп.* اتٌ – َ — чойшаб, ёпинчиқ; мантиля (*испан аёллари ёпинадиган катта тўр рўмол*)

– حَبَرَةٌ *кўп.* حِبَرَاتٌ, حِبَرٌ йўл-йўл устки кийим

– حِبْرِيٌّ = حَبْرَوِيٌّ

– حَبْرِيٌّ, حِبْرِيٌّ 1) папага оид; 2) епископга оид

– حَبْرِيَّةٌ *кўп.* اتٌ – َ — риза (*христианларда: руҳонийларнинг ибодат вақтида кийдиган либоси*)

– حُبُورٌ хурсандлик, шодлик, қувонч, завқ

– مَحْبَرَةٌ *кўп.* مَحَابِرُ сиёҳдон

– يَحْبُورٌ хурсанд, шод, қувноқ, дилхуш, хушчақчақ; мамнун

I حَبَسَ (и) حَبْسٌ 1) ҳибсга олмоқ, қамамоқ, қамоққа олмоқ; 2) бекитмоқ, танбаламоқ, маҳкамлаб бекитмоқ; 3) сақламоқ, асрамоқ, қўриқламоқ; 4) тўхтатиб (тутиб) қолмоқ, тўсиб қўймоқ, халал бермоқ; وَ ~ نِي الْمَرَضُ الْمُفَاجِئُ عَنْ أَنْ أَزُورَكُمْ тўсатдан келган касаллик сизни зиёрат қилишимга монеълик қилди; ~ أَنْفَاسَهُ нафасини ичига ютиб турмоқ; 5) (*ҳиссиётни*) босиб турмоқ, ўзини тиймоқ; 6) (*бирор к. ёки н. олдига*) киришни тўхтатмоқ (عَنْ); 7) (*бирор н. борасида*) васият қилмоқ (عَلَى); бағишламоқ; II حَبَّسَ 1) қамоқларга солмоқ, қамоқларга тиқиб ташламоқ; 2) (*бирор н. ни*) вақф сифатида васият қилмоқ (عَلَى); IV أَحْبَسَ бахшида қилмоқ, бағишламоқ; ~ فَرَسًا فِي سَبِيلِ اللهِ Оллоҳ таоло йўлида от атамоқ; вақф қилмоқ; V تَحَبَّسَ бирор нарсага ўзини бағишламоқ, бахшида қилмоқ (عَلَى); VII انْحَبَسَ 1) маҳбус бўлмоқ, қамалмоқ, банди бўлмоқ; 2) тўхтатиб (тутиб) қолинмоқ, ушланиб қолмоқ; нафас олиши қийинлашмоқ; صَرَخْتُ وَلَكِنَّ الصَّرْخَةَ ~ تْ فِي حَلْقِي арзу додимни ҳеч ким эшитмайди (*сўзма-сўз: мен дод солдим, лекин додим оғзимда қолди*); VIII احْتَبَسَ 1) ҳибсга олинмоқ, қамоққа ташланмоқ; 2) ёпилмоқ, танбаланмоқ, маҳкам беркитилмоқ; 3) тўхтатиб (тутиб) қолинмоқ, ушланиб қолмоқ; нафас олиши қийинлашмоқ; ~ تْ أَنْفَاسُهُ унинг нафаси қисилди; ~ الصَّوْتُ فِي حَلْقِهِ овози бўғзида қолди

– احْتِبَاسٌ тўхталиш, тўхтаб қолиш; ~ الْبَوْلِ *мед.* бавл (сийдик)нинг тутилиши

– انْحِبَاسٌ тўхтаб қолиш, ушланиб қолиш; ~ فِي الْهَوَاءِ ҳавонинг димлиги, дамлиги; ~ الْمَطَرِ (الأَمْطَارِ) қурғоқчилик

– حَبْسٌ[1] ҳибсга олиш, қамаш; ~ احْتِيَاطِيٌّ эҳтиёт чораси сифатида (*суддан олдин*) ҳибсга олиш; ~ انْفِرَادِيٌّ танҳо кишини алоҳида камерага қамаш

– حَبْسٌ[2] *кўп.* حُبُوسٌ қамоқ, турма, қамоқхона; зиндон

– حُبْسٌ *кўп.* أَحْبَاسٌ хайрия мақсадларида васият қилиб қолдирилган мулк; вақф қилинган (*диний муассасаларга иона қилинган*)мулк; ~ كَانَ ~ عَلَى... (*бирор н. га ёки к. га*) тўлалигича тегишли бўлмоқ

– حِبْسٌ *кўп.* أَحْبَاسٌ 1) тўғон; дамба (*дарё четига ва умуман сув ҳавзалари атрофига тупроқ, шағал ва ҳ.к. лардан қурилган кўтарма*); 2) чойшаб

– حَبْسَخَانَةٌ *кўп.* اتٌ – َ — ҳибсхона, қамоқ, турма

– حَبْسَةٌ пул тўлаб ажратиб олиш, қутқариб олиш; гаровга қўйилган нарсани пул тўлаб қайтариб олиш; тўлов, ҳақ, бадал

– حُبْسَةٌ *мед.* сўзлаш, гапириш қобилиятини йўқотиш касаллиги

– حَبِيسٌ[1] 1. 1) маҳбус; қулфланган, танбаланган; қамал қилинган, қамал ичида қолган; 2) қисилган (*нафас ҳақида*); 2. *кўп.* حُبَسَاءُ 1) маҳбус, банди, қамалган киши; 2) тарки дунё қилган одам, дарвиш

– حُبْسٌ = حَبِيسٌ[2]

– مَحْبِسٌ *кўп.* مَحَابِسُ 1)қамоқ, турма; 2) (*бирор н. ни*) сақлайдиган жой; 3) резервуар (*суюқлик ёки газ сақланадиган катта идиш*); 4) тарки дунё қилган кишининг кулбаси

– مَحْبِسٌ бекитгич жўмрак

– مُحَبَّسٌ ~ عَلَيْهِ: вақф тайин қилинган шахс ёки муассаса

– مُحَبِّسٌ вақф тайин қилувчи шахс

– مَحْبِسَةٌ *кўп.* مَحَابِسُ тарки дунё қилган киши мавжуд (*бор*) бўлган жой (*макон*)

– مَحْبُوسٌ 1. маҳбус, қамалган; 2. банди, банди қилинган

(حبش) II حَبَّشَ 1) (*мас., пахта билан*) тиқиб тўлдирмоқ; 2) овқатга зираворсолмоқ

– تَحْبِيشَةٌ *кўп.* تَحَابِيشُ 1) бирор нарсага тўлдирилган (*бирор нарса*) тиқилган нарса; 2) зийнат, безак, пардоз, сайқал; 3) петрушка, қуриган ялпиз, пиёз, саримсоқдан иборат қайла

– حَبَشٌ: الْـ~ *жам.* ҳабашлар; ~ دُجَاجُ الْـ цесарка, қора товуқ (*ҳабаш товуғи*)

– حَبَشَةٌ: الْـ~ Ҳабашистон (Эфиопия)

– حَبَشِيٌّ *кўп.* حُبْشَانٌ, أَحْبَاشٌ 1. ҳабашга оид; الْـ~ـةُ ҳабаш (эфиоп) тили; 2. ҳабашистонлик, эфиоп

– حَبَشِيَّةٌ келиб чиқиши ҳабаш бўлган (*мас.,* сўз)

– حُبَيْشٌ *жам.* цесаркалар, ҳабаший товуқлар

– حُبَيْشَةٌ *кўп.* اتٌ – َ — цесарка, ҳабаший товуқ

– مُسْتَحْبِشٌ Ҳабашистон (Эфиопия) га оид фан (ҳабашунослик) билан шуғулланувчи олим, ҳабашунос

I حَبِطَ (а) حُبُوطٌ муваффақиятсиз чиқмоқ, муваффақиятсизликка учрамоқ, омади кетмоқ, омади юрмай қолмоқ; IV أَحْبَطَ бузмоқ, барбод қилмоқ; пучга чиқармоқ (*мас., тузилган режани*)

– حَبَطٌ[1] кўк доғ, баданнинг кўкарган жойи; яра ўрни, ямоқ, чандиқ

– حَبَطٌ[2] кўп беда еганидан туя қорнининг дамланиши

– حُبُوطٌ омаднинг кетиши, ишнинг орқага кетиши, муваффақиятсизлик, омадсизлик

(حبظ) II حَبَّظَ ҳазил қилмоқ, ҳазилкашлик қилмоқ, ҳазиллашмоқ; ҳазиллашиб вақтихушлик қилмоқ, хурсандчилик қилмоқ; енгилтаклик (бачканалик) қилмоқ

حَبَقٌ *бот.* гулбанд, сувялпиз; ~ الْبَقَرِ *бот.* мойчечак

– حُبَيْقٌ *кич.* хурмонинг энг сифатсиз нави

I حَبَكَ (у,и) 1) қалин (зич) қилиб тўқимоқ; пайпоқ тўқимоқ; арқон эшмоқ (ўрмоқ, чийрамоқ); тўқимоқ; الدَّسَائِسَ ~ фитна тўқимоқ, иғво қилмоқ; الْمُؤَامَرَةَ ~ суиқасд, фитна уюштирмоқ; السُّوءَ ~ (*бирор к. га қарши*) ёмон ният қилмоқ, қасд қилмоқ, ёмон нарсани ўйлаб қўймоқ (ضِدَّ); 2) тикмоқ, бириктириб маҳкамлаб улаб қўймоқ; полиг. (*китоб ва ш.к. ларни*) жуз-жуз қилиб тахламоқ *ёки* тикмоқ; қўшиб ўрмоқ; 3) (*бирор н. ни*) пухта, пишиқ қилмоқ; II حَبَّكَ бириктириб маҳкамлаб улаб қўймоқ; мустаҳкамламоқ, пишиқ қилмоқ; VIII احْتَبَكَ 1) чирмашиб (ўралашиб) кетмоқ, тўқилиб кетмоқ, чатишиб (чигаллашиб) кетмоқ; 2) маҳкамламоқ, яхшилаб жипс қилмоқ

– حَبَّاكٌ тўқувчи

– حِبَاكٌ *кўп.* حُبُكٌ қумлоқ *ёки* шунга ўхшаш жойдаги йўл

– حِبَاكَةٌ тўқимачилик

– حُبْكَةٌ *кўп.* حُبَكٌ 1) камар, белбоғ, бел; 2) *ад.* экспозиция (*воқеаларнинг бошланмаси*)

– حَبِيكَةٌ 1) *кўп.* حُبُكٌ (*осмон ёритгичининг*) ҳаракат йўли; 2) *кўп.* حِبَاكٌ = حَبَائِكُ

– مَحْبُوكٌ пишиқ қилиб тўқилган, яхшилаб (пухта) амалга оширилган; зўр, аъло даражадаги

I (حبل) حَبَلَ (у) حَبْلٌ 1) арқон *ёки* чилвир билан маҳкамламоқ; 2) тузоқ ёрдамида ушлаб олмоқ; тутмоқ, овламоқ; حَبِلَ (а) حَبَلٌ 1) ҳомиладор (иккиқат) бўлмоқ; 2) (*бирор н. га*) тўла бўлмоқ (مِنْ); II حَبَّلَ ҳомиладор қилмоқ; уруғлантирмоқ; IV أَحْبَلَ = II; VIII احْتَبَلَ тузоқ ёрдамида ушлаб олмоқ, тутмоқ, овламоқ

– أُحْبُولَةٌ *кўп.* أَحَابِيلُ, ـَـاتٌ ҳалқа, илмоқ, илгак, сиртмоқ; 2) тузоқ, қопқон

– حَابِلٌ 1) тузоқ қўювчи; овчи, сайёд; 2) ўриш (*ип*). ~ اخْتَلَطَ الْـ بِالنَّابِلِ ҳамма нарса аралаш-қуралаш бўлиб кетди (*сўзма-сўз: тузоқ қўювчи ёй отувчи билан аралашиб кетди*)

– حَابُولٌ хурмо дарахтига чиқишда ишлатиладиган арқон

– حَبَّالٌ *кўп.* حَبَّالَةٌ арқон эшувчи, арқон тўқувчи

– حِبَالَةٌ *кўп.* حَبَائِلُ тўр; тузоқ, қопқон

– حَبْلٌ *кўп.* حِبَالٌ, أَحْبَالٌ 1) арқон, чилвир, йўғон арқон; الْجَرِّ ~ (*шатакка олишда ишлатиладиган*) темир арқон (трос); الْغَسِيلِ ~ кир ёйиладиган дор; غَلِيظٌ ~ кабель; الْمِرْسَاةِ ~ кема лангари занжири; اللهِ ~ Оллоҳ таолонинг таноби (*ислом дини*); اعْتَصَمَ بِـ ~ اللهِ Оллоҳ таолонинг танобига ёпишмоқ (*исломга эътиқод қилмоқ*); وَضَعَ ~ ًا فِي عُنُقِهِ бирор кишининг бўйнига сиртмоқ солмоқ; ~ لُعْبَةُ شَدِّ الْـ тортишмачоқ (*ўйин*); لَعِبَ عَلَى ~ يْنِ *маж.* мунофиқлик қилмоқ, ҳийла-найранг ишлатмоқ (*сўзма-сўз: икки арқон устида ўйнамоқ*); 2) боғлама; (أَحْبَالُ) الصَّوْتِ ~ *анат.* овоз пайчалари; 3) *анат.* вена, кўктомир; الْوَرِيدِ ~ бўйиндаги кўктомир; 4) оқим, жараён; ◊ سُرِّيٌّ ~ *анат.* киндик ичакчаси, кесилмаган киндик; شَوْكِيٌّ ~ орқа мия, الْمَسَاكِينِ ~ *бот.* печакка, чирмовиққа ўхшаб ўсадиган ўсимлик; مَنَوِيٌّ ~ *анат.* уруғ оқиб келадиган томир; النَّطِّ ~ арғимчоқ (скакалка); اضْطَرَبَ ~ الْأَمْنِ жамоат тартиби бузилди; أَلْقَى الْـ ~ عَلَى الْغَارِبِ жиловини бўш қўймоқ; ҳаракат эркинлиги бермоқ; *маж.* тақдир иродасига бўйсунмоқ; أَلْقَى ~ الْأُمُورِ عَلَى غَارِبِهِ ўзича бирор ишга бел боғламаслик, нофаол бўлмоқ, сустлик қилмоқ; النَّجَاةِ ~ مَدَّ إِلَيْهِ бирор кишига ёрдам қўлини чўзмоқ; طَالَ ~ الْمُشَاجَرَةِ жанжал чўзилиб кетди; ~ انْقَطَعَ الْمَوَدَّةِ بَيْنَهُمَا *маж.* у иккови ўртасидаги муҳаббат ришталари узилди; الْـ ~ بَيْنَهُمْ مَبْتُوتٌ улар ўртасидаги муносабатлар узилди; قَطَعَ ~ الصَّمْتِ сукунатни бузмоқ

– حَبَلٌ ҳомиладор бўлиш, бўйида бўлиш; ҳомиладорлик; ~ الْحَبَلَةِ эмбрион, она қорнидаги ҳомила

– حُبْلَةٌ олхўрига ўхшаш бута ўсимлиги меваси

– حُبْلَى *кўп.* حُبَالَى, حُبْلَيَاتٌ ҳомиладор, иккиқат; الْحَالَةُ الْـ ~ بِأَوْخَمِ الْعَوَاقِبِ *маж.* хавфли оқибатларга олиб келувчи вазият

I حَبِنَ (у) حَبَنٌ *шунингдек. мажҳ. мед.* бадандаги бўшлиқларга сариқ сув тўпланиш (истисқо) касали билан оғримоқ

– أَحْبَنُ *мн.* حَبْنَاءُ *кўп.* حُبْنٌ 1) баданга сариқ сув тўпланиш (истисқо) касали билан оғриган; 2) оёғининг кафти гўштли бўлган одам

– حَبَنٌ бадандаги бўшлиқларга сариқ сув тўпланиш (истисқо) касали

حَبَّهَانٌ кардамон (*занжабилгуллилар оиласига мансуб ўсимлик*)нинг хушбўй уруғи

I حبو حَبَا (у) حَبْوٌ 1) ўрмаламоқ, судралиб юрмоқ, судралмоқ, эмакламоқ; عَلَى يَدَيْهِ وَرُكْبَتَيْهِ ~ тўрт оёқлаб эмакламоқ; 2) ҳадя этмоқ, совға қилмоқ, тортиқ қилиб бермоқ, (*бирор н. ли қилиб*) яратмоқ (بِ); 3) яқинлашмоқ, яқин келмоқ; إِلَى الْعَاشِرَةِ مِنَ الْعُمْرِ ~ у ўн ёшга кирай деб қолди; III حَابَى 1) эҳтиёткор бўлмоқ; 2) ғаразгўйлик билан қарамоқ; бирор кишининг (нарсанинг) тарафини олмоқ

– حِبَاءٌ *кўп.* أَحْبِيَةٌ ҳадя, совға, тортиқ

– حَبْوٌ эмаклаш, судралиш, ўрмалаш

– حُبْوَةٌ, حِبْوَةٌ, حَبْوَةٌ *кўп.* حُبًى, حِبًى = حِبَاءٌ

– حَبْوِيَّةٌ истеъдодлилик, қобилиятлилик, истеъдод, лаёқат

– مُحَابٍ *мн.* مُحَابِيَةٌ ғаразли, ғаразгўй, тарафкаш, ноҳақ, холис бўлмаган, нохолис

– مُحَابَاةٌ 1) эҳтиёткорлик; 2) ғараз, ғаразгўйлик; юз-хотир қилиш, юзидан ўтолмаслик; عَدَمُ الْـ ~ бетарафлик, одиллик, холислик, ҳаққоният; بِلَا ~ холисона, беғараз, ҳаққоният билан, одилона; юз-

хотир қилмасдан

I حَتَّ (а/у) حَتٌّ 1) ювмоқ; қириб (қиртишлаб) олмоқ, қириб (қиртишлаб) ташламоқ, артмоқ, арчимоқ, тозаламоқ, артиб ташламоқ; 2) ўймоқ, кемирмоқ, ичдан бузмоқ; секин-аста емирмоқ, бузмоқ; ювиб кетмоқ, ўпириб кетмоқ, оқизиб кетмоқ; VI تَحَاتَّ 1) ейилмоқ, сийқаланиб кетмоқ, ейилиб кетмоқ (*мас., чақа, танга*); 2) қуламоқ, қулаб тушмоқ; нурамоқ, емирилмоқ; (*вақт ўтиши билан*) ишдан чиқмоқ, яроқсиз ҳолга келмоқ; майдаланмоқ, ушалмоқ, увала нмоқ, увалмоқ (*мас., тиш*)

– تَحَاتٌّ 1) ейилиш; сийқаланиш, ейилиб кетиш; 2) қулаш, нураш, емирилиш, эрозия (*мас., тупроқ эрозияси, емирилиши*)

– حُتَاتٌ майда бўлаклар, бурдалар, увоқлар, урвоқлар

– حَتَتٌ (*касалликдан*) дарахт баргларининг тўкилиши

– حَتَّةٌ *кўп.* حِتَتٌ 1) бўлак, бурда; оз миқдор; парча, синиқ; 2) танга; 3) квартал (*шаҳарнинг бир неча кўча билан чегараланган қисми, маҳалла*)

I حَتَدَ (а) حَتْدٌ 1) аслзодалардан бўлмоқ, аслзода бўлмоқ, оқсуяк бўлмоқ; 2) зотли бўлмоқ, наслдор бўлмоқ

– مَحْتِدٌ келиб чиқиш, насаб, насл-насаб; зот, насл; كَرِيمُ الـ~ аслзодалардан келиб чиққан, келиб чиқиши оқсуяклардан, зодагонлардан

حِتَارٌ *кўп.* حُتُرٌ қирғоқ, лаб, чет; ён, қирра; ҳошия, жияк, зиқ, милк, мағиз

– حُتْرَةٌ 1) кичкина бўлак, увоқ, ушоқ; 2) арзимаган, бекорчи нарса; қадр-қимматсиз, беҳуда нарса

حَتْفٌ *кўп.* حُتُوفٌ ўлим, ҳалокат; لَقِيَ ~ـهُ مِنَ الرَّصَاصَةِ у ўқдан ҳалок бўлди; قَضَى ~ـهُ ўлмоқ, вафот этмоқ; ◊ مَاتَ حَتْفَ أَنْفِهِ *ёки* مَاتَ ~ فِيهِ ўз ажали билан ўлмоқ

I حَتَمَ (и) حَتْمٌ 1) устига юкламоқ, вазифа топширмоқ; талаб қилмоқ; 2) узил-кесил ҳал қилмоқ; (*бирор н. ҳақида*) ҳукнимга келмоқ, қарор қилмоқ بِ; II حَتَّمَ (*бирор к. устига*) юкламоқ, вазифа қилиб қўймоқ (عَلَى); (*бирор к. дан*) талаб қилмоқ; (*бирор к.*) устига қўймоқ, юкламоқ (عَلَى); V تَحَتَّمَ устига юкланмоқ, вазифа қилиб қўйилмоқ; (*бирор к. учун*) муқаррар бўлмоқ, албатта юз бермоқ, шак-шубҳасиз амалга ошмоқ (عَلَى)

– حَاتِمٌ[1] *ат.от.* Ҳотам; أَجْوَدُ مِنْ ~ жуда сахий (*сўзма-сўз: Ҳотамдан ҳам сахий*)

– حَاتِمٌ[2] ҳоким; қози, судя; қора қарға

– حَاتِمِيٌّ: السَّخَاءُ الـ~ـُ ҳотамий саховат, жуда катта саховат; الضِّيَافَةُ الـ~ـَةُ ҳотамий меҳмондорчилик, қуюқ зиёфат

– حَتَّامَ = حَتَّى+مَا *қар.* حَتَّى.

– حُتَامَةٌ сарқит, қолдиқ; увоқ-сувоқ, увоқ-ушоқ, бурда-сурда

– حَتْمٌ[1] *кўп.* حُتُومٌ қатъий қарор; қарор, фармон; ~اً қатъиян, қатъият билан; муқаррар, шубҳасиз, иложи йўқ; узил-кесил, тамомила, тўппа-тўғри, сўзсиз

– حَتْمٌ[2] *кўп.* حُتُومٌ ҳокимлик, қозилик

– حَتْمِيٌّ 1) мажбурий, муқаррар, албатта юз берадиган; 2) қатъий, узил-кесил, кескин; муҳим, ҳал қилувчи

– حَتْمِيَّةٌ 1) муқаррарлик, узил-кесиллик, иложи йўқлик; 2) келишилганлик, шартлашилганлик, писанда қилинганлик

– مُحَتَّمٌ олдиндан ҳал қилинган, олдиндан белгилаб қўйилган, муқаррар, албатта юз берадиган

– مُحَتَّمٌ = مَحْتُومٌ

حَتَّى[1] ...гача; ~ الصُّبْحِ эрталабгача; ~ يَوْمِنَا هَذَا шу кунимизгача; حَتَّامَ؟ (~+مَا) қачонгача?; ~ الآنَ ҳозиргача, ҳали ҳам; لَعَلَّكَ لَمْ تَرَهُ ~ الآنَ؟ эҳтимол сиз уни ҳалигача кўрмагандирсиз?; 2. 1) ҳатто; 2) ...гача ...гунча, то; ...масдан; 3. учун, токи, тоинки; ~ أَنْ ...гунча; ◊ ~ مَا (لَمْ) ... ...иш биланоқ; ~ وَمَا انْتَهَيْتُ مِنْ كَلِمَاتِي ابْتَسَمَ гапимни тугатишим биланоқ, у кулиб юборди

حَاتٍ *мн.* حَاتِيَةٌ овқат пиширувчи, овқат тайёрловчи, ошпаз; حَاتِي كَبَاب кабоб пиширадиган одам, кабобпаз

I حَثَّ (а/у) حَثٌّ 1) ундамоқ, кўнгилга солмоқ, сабаб бўлмоқ; мажбур этмоқ; қўзғатмоқ, истак туғдирмоқ, рағбатлантирмоқ; (*бирор н. га*) қизиқтирмоқ, ҳавасини келтирмоқ (عَلَى); 2) қадамини илдамлатмоқ, тезроқ ҳайдамоқ, ишни жадаллаштирмоқ; ~ خُطَاهُ қадамини тезлатмоқ; II حَثَّثَ = I; VI تَحَاثَّ ўзаро бир-бирини рағбатлантирмоқ; (*бирор н. га*) кўпчилик бўлиб ундамоқ; VIII احْتَثَّ ундамоқ, кўнгилга солмоқ; X اسْتَحَثَّ = I

– حَثِيثٌ *кўп.* حِثَاثٌ тез, тез бўладиган, жадал, тез юрар; ~اً тезлик, зудлик билан, шошилиб

حَثْحَثَ = حَثَّ

حُثَالَةٌ сарқит, қолдиқ; чиқит, чиқинди; қуйқа; тўппа (*сиқиб суви ёки шираси олинган н.*)

I حَثَا (حثو) (у) حَثْوٌ (*бирор н. га*) чангитмоқ, чанг сочмоқ (عَلَى)

I حَجَّ (а/у) حَجٌّ 1) ҳаж қилиш ниятида муқаддас қадамжоларга отланмоқ, ҳаж фарзини адо этмоқ; ~ الْبَيْتَ الْحَرَامَ Маккаи мукаррамадаги Каъбатуллоҳга бориб, ҳаж қилмоқ; 2) далилларни ишга солиб, ғолиб келмоқ; ишонтирмоқ, кўндирмоқ; II حَجَّجَ ҳаж маросимига жўнатмоқ; III حَاجَّ баҳслашмоқ; ишонтиришга, кўндиришга уринмоқ; IV أَحَجَّ ҳаж қилишга жўнатмоқ; V تَحَجَّجَ (*бирор н. билан*) ўзини оқламоқ (بِ); далилларни, ҳужжатларни келтирмоқ (بِ); баҳоналар топиб қутулмоқ, бекорчи важлар кўрсатиб, бирор ишдан қутулмоқ; VI تَحَاجَّ бир-бири билан баҳслашмоқ, мунозара қилишмоқ, тортишмоқ; VIII احْتَجَّ 1)далил, исбот, ҳужжат келтирмоқ, баҳона топиб қочмоқ, (*бирор н. билан*) ўзини оқламоқ; 2) (*бирор н. га қарши*) эътироз билдирмоқ, норозилик билдирмоқ, қарши чиқмоқ (عَلَى)

– احْتِجَاجٌ *кўп.* ـاتٌ 1) эътироз, норозилик, қаршилик; دِينُ الـ~ протестантизм (*XVI асрдаги реформация оқибатида католикликдан ажралиб чиққан христианликнинг умумий номи*)

يُ الْعَقِيدَة ~ протестант, протестантликка мансуб киши; 2) далил келтириш; баҳона, важ, узр

– تَحَاجٌّ жанжаллашиш, баҳслашиш

– حَاجٌّ кўп. حُجَّاجٌ, حَجِيجٌ ҳожи, ҳаж ибодатини бажарган киши; أَخْمَدُ الْـــ~ ошқовоқ (*Ироқда*)

– حَجٌّ, حِجٌّ ҳаж, ҳаж зиёрати, муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш; الْأَكْبَرُ الْـــ~ ҳажжи акбар (*энг катта ҳаж - зулҳижжа ойининг 9-си жума кунига тўғри келган ҳаж*)

– حَجَاجٌ кўп. أَحِجَّةٌ кўз соққаси атрофидаги суяк; الْعَيْنِ ~ а) кўз косаси; б) қош

– حِجَاجٌ мунозара, жанжал, тортишув, баҳс, музокара

– حُجَّةٌ кўп. حُجَجٌ 1) ҳужжат, исбот, далил, дастак; баҳона, важ, рўкач; بِـــ~ ... ...баҳонаси билан, ...ни рўкач қилиб; 2) *юр.* (*бирор н. га*) эгалик қилиш ҳуқуқини берадиган ҳужжат; ◊ هُوَ ~ فِي ... у ...да обрў-эътиборли мутахассисдир

– حِجَّةٌ 1) ҳаж, ҳаж зиёрати, муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш; ذُو الْـــ~ зулҳижжа (*ҳижрий-қамарий тақвимнинг 12-ойи, 29 кундан иборат*); 2) йил; ◊ قَبْلَ ~ الشَّمْسِ қуёш ботмасидан бурун, қуёш ботиши олдида (арафасида)

– حُجِّيَّةٌ асосли, ишонарли исбот қила олувчи куч

– مُحَاجَّةٌ 1) далил келтириш, асослаш; далилий ҳужжатлар, далиллар билан исбот қилиш; исбот қилиш усули; 2) *юр.* даъво, дов, даъволашиш, талашиш

– مَحَجٌّ кўп. مَحَاجُّ ҳаж қилинадиган, ибодат қилинадиган жой

– مِحْجَاجٌ жанжалкаш; баҳсни (талашишни, тортишишни) яхши кўрадиган одам, баҳсчи

– مَحَجَّةٌ кўп. مَحَاجُّ 1) катта йўл (*хусусан ҳаж зиёратига олиб борадиган*); 2) ҳаж қилинадиган, ибодат қилинадиган жой; الْعِلْمِ ~ *маж.* ўзига тортувчи илмий марказ; 3) ўрта; الطَّرِيقِ ~ йўлнинг ўртаси

I حَجَبَ (*у*) حَجْبٌ, حِجَابٌ 1) парда (ниқоб) билан ёпмоқ, бекитмоқ, тўсмоқ; 2) яширмоқ, беркитмоқ; 3) (*бирор жойга*) киритмаслик, ман этмоқ; بَيْنَهُ وَبَيْنَهَا ~ уни ундан (*мз.*) айирмоқ, жудо қилмоқ; الْقَوْمَ عَنْ طَرِيقِ التَّقَدُّمِ ~ халқни тараққиёт йўлидан адаштирмоқ, чалғитмоқ, алаҳситмоқ; 4) киришни ман қилмоқ; II حَجَّبَ 1) ёпмоқ, бекитмоқ, тўсмоқ, (*бирор н. билан*) назардан (кўздан) яширмоқ (بِ); 2) ёпинчиқ (ҳижоб, парда, ниқоб) ўратмоқ, ёпинтирмоқ; 3) тумор, кўзмунчоқ тақдирмоқ; V تَحَجَّبَ 1) ҳижоб, парда ёки ёпинчиққа яширинмоқ; ҳижоб, парда ёки ёпинчиқ ёпинмоқ; 2) (*бирор н. ни*)ёмон кўздан асрасин деб ўзи билан олиб юрмоқ (بِ) (*мас.,* بِالْمُصْحَفِ *Қуръонни*); VII انْحَجَبَ яширинмоқ, беркинмоқ; VIII احْتَجَبَ 1) парда ёки ёпинчиққа ўранмоқ; 2) яширин бўлмоқ, яширинмоқ; 3) ўзини хилватга олмоқ, узлатга чекинмоқ, (*бирор к. дан*) беркинмоқ (عَنْ); 4) *кўч.м.*(*бирор к. ни*) ниқобламоқ, хаспўшламоқ (وَرَاءَ); 5) чиқмасдан тўхтаб қолмоқ (*мас., газета*); чиқмай қўймоқ (*мас., артист*); (*касаллик сабабли*) кўринмай қолмоқ

– حَاجِبٌ[1] кўп. حُجَّابٌ, حَجَبَةٌ хизматкор, дарвоза олдида турувчи қоровул; швейцар, камергер (*подшо саройидагиларга бериладиган фахрий унвон эгаси*); الْمَحْكَمَةِ ~ суд ижрочиси; ◊ ~ الضَّوْءِ *фото.* ёруғлик ёки тасвирни тўсадиган қисм

– حَاجِبٌ[2] кўп. حَوَاجِبُ 1) шунингдек: الْعَيْنِ ~ қош; 2) (*бирор н. нинг*) учи, боши, охири, чети

– حِجَابٌ[1] кўп. حُجُبٌ 1) ҳижоб, ниқоб, парда, ёпинчиқ; لَمْ يَضَعْ هٰذَا عَلَى عَيْنَيْهِ ~ دُونَ ... бу нарса ...ни кўришига халал бермади (*сўзма-сўз: бу нарса кўзи олдига тўсиқ қўймади*); 2) пардадевор, тўсиқ, ғов; حَاجِزٌ ~ а) *анат.* диафрагма (*кўкрак-қорин пардаси*); б) *фото.* диафрагма (*объектив линзалари орасига қўйиладиган думалоқ тешикли пластинка*)

– حِجَابٌ[2] кўп. أَحْجِبَةٌ тумор, кўзмунчоқ

– حِجَابَةٌ қоровуллик, швейцарлик, камергерлик мансаби

– مُحَجَّبٌ 1) ҳижоб (ниқоб, ёпинчиқ) ёпинган; 2) тумор, кўзмунчоқ таққан

– مَحْجُوبٌ 1) ёпиқ, берк; عَنِ الْاسْتِغْلَالِ ~ фойдаланишдан, ишлатилишдан тўхтатилган; 2) кўр, кўзи ожиз

I حَجَرَ (*у*) حَجْرٌ 1) тўсқинлик қилмоқ, ғов солмоқ, қаршилик кўрсатмоқ; ман қилмоқ, таъқиқламоқ, тиймоқ; ушлаб (тутиб, тўхтатиб) қолмоқ; мол-мулкни хатга олмоқ, хатламоқ; 2) васийлик белгиламоқ; ◊ حُجِرَ عَلَيْهِ кимнидир ақлдан озган (савдойи) деб ҳисобламоқ; II حَجَّرَ 1) тошга айлантирмоқ; 2) тошдек қаттиқ қилмоқ; 3) ман қилмоқ, таъқиқламоқ, тиймоқ; V تَحَجَّرَ 1) тошга айланмоқ, тошга айланиб қолмоқ, тош бўлмоқ; 2) тошдек қаттиқ бўлмоқ, тошдек қотмоқ; 3) (*мас., музокараларда*) олдинга силжимай, ўрнида туриб қолмоқ; VIII احْتَجَرَ хонага эгалик қилмоқ, хонани ўзиники қилмоқ; X اسْتَحْجَرَ тошга айланмоқ, тошга айланиб қолмоқ

– تَحَجُّرٌ тошга айланиш, тошдай қотганлик; عِلْمُ الْـــ~ палеонтология (*қадимги даврларда яшаган ҳайвонлар ва ўсимликларни уларнинг қолдиқлари асосида ўрганувчи фан*)

– تَحْجِيرٌ 1) тошга айлантириш; 2) ман қилиш, таъқиқлаш

– حَاجِرٌ[1] йўлда ҳожиларнинг дам олиши учун белгиланган уй

– حَاجِرٌ[2]: الْعَيْنِ ~ кўз косаси

– حَجَّارٌ тоштарош, сангтарош, тош йўнувчи

– حَجْرٌ 1) таъқиқлаш, ман қилиш; الصِّحِّيُّ الْـــ~ карантин; الْـــ~ الصِّحِّيُّ الْوِقَائِيُّ профилактик карантин; مُدَّةُ الْـــ~ الصِّحِّيِّ карантин муддати; رَفْعُ الْـــ~ عَنْ бирор нарсани таъқиқлашни бекор қилмоқ; 2) васийлик, ғамхўрлик қилиш, қараб туриш; هِيَ فِي ~ أَخِيهَا у (*мн.*) акасининг васийлигида (қарамоғида) дир; 3) гражданлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш

– حَجَرٌ кўп. أَحْجَارٌ, حِجَارَةٌ 1) тош; أَسْوَدُ ~ вулқонлардан чиққан қаттиқ шишасимон тоғ жинси; الْأَسْوَدُ الْـــ~ Каъбатуллоҳ ичидаги

қора тош; ~ الْبَلَاطِ тахта-тахта бўлиб ётадиган тоғ жинси; ~ جَهَنَّمَ кимё. ляпис (азот кислотали кумуш); ~ جَوِّيٌّ метеорит; ~ جِيرِيٌّ ёки ~ كِلْسِيٌّ оҳактош; ~ الْخُفَّانِ ёки ~ خُفَافٌ кўпиктош, иўнғиртош; ~ الْحَيَّةِ тўқяшил ёки зангор минерал, илон терисига ўхшаш гули бор тош; ~ الدَّبْشِ қурилишда ишлатиладиган майдаланган тош; ~ الدَّمِ қизил темиртош; ~ الرَّشِيدِ Рашидий тош (тутбарггул шаклидаги безак учун ишлатиладиган тош); ~ الرَّصْفِ йўлга ёткизиш учун ишлатиладиган тош; ~ الرَّمْلِيُّ кумтош; ~ السَّكَاكِينِ қайроқтош; ~ صَوَّانِيٌّ оқтош, чақмоқтош, кварц; ~ الطَّاحُونِ тегирмон тоши; ~ طِبَاعَةُ الْـ - тошбосма; ~ الْقَمَرِ селенит (сарғиш пуштиранг гипс); ~ الْكِتَابَةِ графит (қора қалам олиш учун ишлатиладиган кўмирнинг кристалли тури); ~ الْكُحْلِ кимё. сурма; ~ كَرِيمٌ қимматбаҳо тош; ~ لَامِعٌ мин. слюда (қат-қат ялтироқ минерал тош); ~ مُشَقَّقٌ ёки ~ الْأَلْوَاحِ сланец (қат-қат тузилган тоғ жинси); ~ الْمَغْنَاطِيسِ табиий магнит, магнит темиртош; ~ النَّارِ пирит (олтингугурт ва темир бирикмасидан иборат минерал); ~ الْهَدْمِ қурилишда ишлатиладиган майдаланган тош; ~ لَوْحٌ тоштахта; وَضَعَ الْـ ~ الْأَسَاسِيَّ (бирор н. га)асос солмоқ (لِـ); (бирор н. ни)бошлаб бермоқ, бошламоқ (لِـ); 2) шахм. дона, шашка донаси; ◊ الْحَجَرَانِ ик.с. олтин ва кумуш; ~ الْحِكْمَةِ ёки ~ الْفَلَاسِفَةِ иксир (алхимиклар фикрича, ҳар қандай маъданни олтинга айлантира оладиган афсонавий тош); ~ الزَّاوِيَةِ (الْأُسُسِ) асос, туб, негиз; асосий фикр; моҳият; ~ عَثْرَةٍ қийин (қийнайдиган, халақит берадиган) масала; қийинчилик, тўсқинлик; لَمْ يَتْرُكْ فِيهِ ~ًا عَلَى آخَرَ ёки لَمْ يَبْقَ مِنْهُ ~ًا عَلَى ~ (бирор н. ни) зер-забар қилмоқ, ер билан яксон қилмоқ, ном-нишон қолдирмаслик

– حِجْرٌ[1] кўп. حُجُورٌ 1) ман қилинган; таъқиқланган (н.); ~ مَحْجُورٌ мутлақо ман қилинган, таъқиқланган; الْـ ~ Алҳижр (Маккаи мукаррамадаги ҳарами шарифнинг Каъбатуллоҳ шимоли-ғарбий тарафидаги маълум қисми); 2) тиз, тизза; қўйин, қучоқ, бағир; 3) этак, бар; 4) жинсий олат; 5) ақл; 6) Шом ўлкасидаги Водил-Қурога жойлашган Самуд манзиллари

– حِجْرٌ[2] кўп. حُجُورٌ бия, байтал, урғочи от

– حَجْرَةٌ кўп. حَجَرَاتٌ, حَجْرٌ томон, тараф

– حُجْرَةٌ кўп. حُجُرَاتٌ, حُجَرٌ 1) ҳужра, хона, бўлма; каюта (кемада айрим хона, бўлма); ~ الزُّوَّارِ ёки ~ الاسْتِقْبَالِ меҳмонхона; ~ السَّطْحِ одам яшайдиган шипи қия болахона; ~ الطَّيَّارِ учувчи бўлмаси (кабинаси); ~ النَّوْمِ хобхона, ухлаш хонаси; ~ الاحْتِرَاقِ тех. ёниш камераси; كُلُّ ~ لَهَا أُجْرَةٌ мтл. ҳар нарсанинг ўз баҳоси бор (сўзма-сўз: ҳар бир хонанинг ўз ижара ҳақи бор); 2) туя боқиладиган қўра

– حَجَرِيٌّ 1) тошли, тошлоқ, сертош; 2) тошга оид; الْعَصْرُ الْـ ~ тош асри; الْعَصْرُ الْـ ~ الْقَدِيمُ палеолит (даври); الْعَصْرُ الْـ ~ الْحَدِيثُ неолит (даври)

– حُجَيْرَةٌ кўп. ـَاتٌ — 1) кичкина хона, камера; 2) ин, уя, хонача катак, ячейка, ташкилот, гуруҳ, группа; биол. ҳужайра

– مُتَحَجِّرٌ тошга айланган; ~ حَيَوَانٌ (نَبَاتٌ) ер остидан қазиб олинган ҳайвонлар (ўсимликлар) қолдиғи

– مُتَحَجِّرَاتٌ кўп. 1) тошга айланган ҳайвон ёки ўсимликлар; 2) шуларнинг қазиб олинганлари

– مَحْجَرٌ, مَحْجِرٌ кўп. مَحَاجِرُ тош кони; ~ الْعَيْنِ кўз косаси; الْـ ~ الصِّحِّيُّ карантин; الْـ ~ الصِّحِّيُّ الْبَيْطَرِيُّ чорва карантини

– مَحْجُورٌ 1) (карантинда) сақланган; 2) васийликдаги, васийлик остидаги; ◊ ~ عَلَيْهِ ақлдан озган (савдойи) деб ҳисобланган

I حَجَزَ (и, у) حَجْزٌ 1) (бирор н. дан) тўхтатмоқ, тўхтатиб қолмоқ, ушлаб қолмоқ, тутиб қолмоқ (عَنْ); чиқармай ушлаб турмоқ; 2) тўпламоқ, йиғмоқ, жамламоқ, тўлғазмоқ (сув ҳақида); 3) девор олмоқ; ғов тўсмоқ, иҳота қилмоқ; тўсмоқ, тўсиб қўймоқ; ажратиб қўймоқ, ажратмоқ, яккаламоқ, бошқалардан ажратиб қўймоқ; ~ بَيْنَهُمَا бир-биридан айирмоқ; ~ الطَّرِيقَ йўлни тўсмоқ, йўлга ғов солмоқ; ~ النَّهْرَ (тўғон қуриш мақсадида) дарёни тўсмоқ; 4) (мол-мулкни) хатламоқ, хатга солмоқ; (бирор н. дан) фойдаланиш ҳуқуқидан вақтинча маҳрум этмоқ, (бирор н. ни) мусодара қилмоқ (عَلَى); 5) (жойни) атаб, банд қилиб қўймоқ, махсус ажратиб қўймоқ (бронлаштирмоқ); IV أَحْجَزَ Ҳижозга йўл олмоқ; VII انْحَجَزَ 1) ушланиб қолмоқ, ушланмоқ, тутилиб қолмоқ; 2) хатланмоқ, хатга тушмоқ, мусодара қилинмоқ (мол-мулк ҳақида); 3) Ҳижозга келмоқ, Ҳижозга етиб келмоқ; VIII احْتَجَزَ 1) ўзи билан ўзи овора бўлиб қолмоқ; 2) (бирор н. ни) ўзида сақлаб қолмоқ, ўзи учун ушлаб қолмоқ; чиқармай ушлаб турмоқ; ~ هُ فِي نَفْسِهِ (бирор н. ни) яширмоқ, пинҳон тутмоқ; 3) Ҳижозга етиб келмоқ

– حَاجِزٌ[1] кўп. حَجَزَةٌ 1) тўсувчи, девор олувчи, ўраб олувчи; 2) хатловчи, хатга солувчи; 3) золим

– حَاجِزٌ[2] кўп. حَوَاجِزُ 1) тўсиқ, ғов, тўсқин, тўсқинлик, тўғонок; 2) шлагбаум; иҳота, тўсиқ, қўра, девор; барьер, кўтарма, тупроқдан уйиб ясалган тепалик; пардадевор; парда (экран); ҳарб. ўқ тегмаслиги учун окоп тепасига уйилган тупроқ; тупроққўрғон; ~ السُّلَّمِ зина (пиллапоя), кўприк панжараси, ~ لِلْأَمْوَاجِ ёки ~ الْمَوْجِ ёки الرَّصِيفِ тўлқинтўсар; حَوَاجِزُ جُمْرُكِيَّةٌ (كُمْرُكِيَّةٌ) божхона хирожлари; دَوْلَةٌ ~ةٌ бир-бирига душман икки давлат ўртасида қалқон бўлиб қолган давлат; ~ الصَّوْتِ шовқинни ўтказмайдиган тўсиқ; اجْتَازَ الْحَوَاجِزَ тўсиқлардан сакраб ўтмоқ (от ҳақида)

– حِجَازٌ баландлик, тепалик, баланд жой; ◊ هَذَا ~ يَصْعُبُ التَّغَلُّبُ عَلَيْهِ бу ўтиш қийин бўлган тўсиқдир

– حِجَازِيٌّ 1. Ҳижозга оид; 2. ҳижозлик киши; ◊ ~ سَنَا бот. Ҳижоз саноси (санои ҳижозий)

– حَجْزٌ 1) ушлаб қолиш, тутиб қолиш; чиқармай ушлаб туриш; хатлаш, хатга солиш; الأَمْوَال ~ мол-мулкни хатлаш, мол-мулкни мусодара қилиш; الـ~ التَّحَفُّظِي даъвони ҳал этиш учун мол-мулкни олдиндан хатлаш; الـ~ التَّنْفِيذِي сотиш учун мол-мулкни хатга солиш, хатлаш; 2) тўсқинлик, тўсқин

– حُجْزَةٌ кўп. حُجَزٌ, حُجُزَاتٌ камар, белбоғ; شَدِيدُ الـ~ сабрли, сабр бардошли; ... أَخَذَ بِـ~ бирор кишидан ёрдам сўрамоқ, ёрдам сўраб мурожаат қилмоқ; الإِزَارِ ~ изор (калта иштон) нинг бойлайдиган қисми; السَّرَاوِيلِ ~ шалворнинг иштонбоғ ўтказиладиган қисми

– مُحَاجَزَةٌ тўсқинлик қилиш, йўл қўймаслик, халал, халақит, тўсқинлик

– مَحْجُوزٌ 1) ушлаб қолинган, тутиб қолинган; 2) банд қилинган, махсус ажратиб қўйилган; عَلَيْهِ ~ а) хатланган, хатга тушган; б) вақтинча таъқиқ қилиб қўйилган

حَجَفَةٌ кўп. حَجَفٌ ёғоч ишлатмасдан терининг ўзидан ясалган қалқон

I حَجَلَ (и, у) حَجَلٌ, حَجَلَانٌ 1) сакрамоқ, ҳаккаламоқ, сакраб-сакраб юрмоқ (мас., қарға); 2) сакраб-сакраб юрмоқ; 3) олдинги икки оёғини кўтариб турмоқ (от ҳақида); II حَجَّلَ оёқларида оқ ҳалқачалари бор бўлмоқ (от ҳақида)

– تَحْجِيلٌ отнинг оёғидаги оқ ҳалқалар (гўзаллик рамзи сифатида); فَلَمَّا رَأَيْتُ الْبَلَقَةَ هَانَ عَلَيَّ الـ~ мқл. отнинг чавкар (ола) рангини кўргач, менинг учун унинг оёғидаги оқ ҳалқачалару пешонасидаги оқ қашқаси ўз қийматини йўқотди

– حِجْلٌ, حَجْلٌ кўп. حِجَالٌ, حُجُولٌ, أَحْجَالٌ оёққа тақилган ҳалқа (халхол); ◊ رَبَّاتُ الْحِجَالِ (الْحُجُولِ) аёллар

– حَجَلٌ жам. какликлар

– حَجَلَة 1 кўп. حَجَلَى, حِجْلَانٌ, حَجَلٌ, ـــ اتٌ каклик

– حَجَلَة 2 кўп. حِجَالٌ келинчакнинг безатилган уйи (хонаси)

– مُحَجَّلٌ 1) оёғига халхол таққан (аёл); оёқларида оқ ҳалқачалари бўлган (от)

I حَجَمَ (и, у) حَجْمٌ, حِجَامَةٌ (банкачалар ёки зулук ёрдамида) қон олмоқ; حَجَمَ (у, и) حَجْمٌ: الْبَعِيرَ ~ тишламаслиги учун туянинг оғзига бирор нарсани кийгизмоқ; IV أَحْجَمَ 1) (бирор н. дан) воз кечмоқ, бош тортмоқ, тонмоқ, тийилмоқ, нафсини тиймоқ, сақланмоқ (عَنْ); 2) кетмоқ, кетиб қолмоқ, жўнаб кетмоқ; чекинмоқ, орқага қайтмоқ; VIII اِحْتَجَمَ қон чиқариб ташлашни илтимос, талаб қилмоқ

– إِحْجَامٌ 1) кетиш, жўнаб кетиш; чекиниш, орқага қайтиш; 2) (н. дандир) воз кечиш, бош тортиш; (н. дандир) нафсни тийиш, сақланиш (عَنْ)

– حَجَّامٌ сартарош

– حِجَامٌ тишламаслиги учун туянинг оғзига кийдириладиган нарса

– حِجَامَةٌ қон олиш маҳорати; мед. (зулук ёрдамида) қон олиш

– حَجْمٌ 1 кўп. حُجُومٌ ҳажм, ўлчам; формат; كَبِيرُ الـ~ баҳайбат, бесўнақай, катта, беўхшов

– حَجْمٌ 2 дўнг жой; الشَّيْءِ ~ бирор нарсанинг дўнг жойи

– مِحْجَمٌ, مِحْجَمَةٌ кўп. مَحَاجِمُ 1) зулук; 2) мед. банка

– مَحْجُومٌ тишламаслиги учун оғзига бирор нарса кийгизилган

I حَجَنَ (и) حَجْنٌ букмоқ, эгмоқ, қайирмоқ; VIII اِحْتَجَنَ (тўловни) кечиктирмоқ, тўхтатиб турмоқ

– أَحْجَنُ мн. حَجْنَاءُ кўп. حُجْنٌ эгри, букилган, қайрилган; қийшиқ, эгри-бугри; أَنْفٌ ~ қийғир бурун

– حَجُونُ: الـ~ Ал-Ҳажун (Маккаи мукаррамадаги тоғ номи)

– مِحْجَنٌ кўп. مَحَاجِنُ 1) илмоқ, илгак, чангак, чангал; букик дастали асо (ҳасса); 2) гарпун (денгизда, катта сув ҳайвонларини овлаш учун арқонга боғлаб отиладиган найза)

I حَجَا (у) (حجو) حَجْوٌ фараз қилмоқ, тахмин қилмоқ, гумон қилмоқ, ҳисобламоқ, билмоқ, мўлжалламоқ; بِهِ خَيْرًا ~ бирор кишида яхши нарсани сезиб қолмоқ; III حَاجَى топишмоқ (жумбоқ) айтмоқ, имо-ишорали (жумбоқли) қилиб гапирмоқ; VI تَحَاجَى ўзаро топишмоқ айтишмоқ

– أَحْجَى ақлга кўпроқ тўғри келадиган, асослироқ, бамаънироқ; қулайроқ, лойиқроқ, муносиброқ, мувофиқроқ, бопроқ; كَانَ ~ بِهِ ... أَنْ унинг учун энг яхшиси шу бўлардики,....

– أُحْجِيَّةٌ кўп. أَحَاجٍ топишмоқ; жумбоқ, муаммо, бошқотирма

– حِجًا кўп. أَحْجَاءُ ақл, фаҳм, идрок, зеҳн, фаросат

– حِجًا = حِجَى

حَدْ халқ. бир

I حَدَّ 1 (а/у) (حد) حَدٌّ 1) чекламоқ, чегараламоқ, чек қўймоқ; مِنْ ~ бирор кишининг эркини чеклаб қўймоқ; مِنْ سُرْعَةِ الْحَرَكَةِ ~ тезликни камайтирмоқ; 2) чархламоқ, ўткирламоқ, қайрамоқ, қайраб ўткир қилмоқ; حَدَّ 2 (а/и) حِدَادٌ мотам тутмоқ, азадор бўлмоқ, аза тутмоқ; حَدَّ 3 (а/и) حِدَّةٌ қизишмоқ, бирданига аччиқланмоқ (бирор к. дан) жаҳли чиқмоқ (عَلَى); II حَدَّدَ 1) чекламоқ, чегараламоқ; 2) (нарх)таъйин қилмоқ, қўймоқ, белгиламоқ; 3) чархламоқ, ўткирламоқ, қайрамоқ; 4) темирчилик қилмоқ; III حَادَّ 1) душманлик (хусумат) қилмоқ; қаршилик қилмоқ (кўрсатмоқ); 2) умумий чегарага эга бўлмоқ; қўшни (ёнма-ён, чегарадош, ёндош) бўлмоқ; IV أَحَدَّ 1) (бирор к. га) мотам тутмоқ, аза очмоқ (عَلَى); 2) أَحَدَّتْ эрининг вафотидан сўнг ўзини зебзийнат ва пардоздан тиймоқ; 3) ўткирламоқ, учини чиқармоқ, (устарани) қайрамоқ; ◊ ~

النَّظَرَ (*бирор к. га*) тикилиб қарамоқ (إِلَى); V تَحَدَّدَ 1) чекланмоқ; 2) таъйинланмоқ, белгиланмоқ; таъйин бўлмоқ, аниқланмоқ, аниқ бўлмоқ, маълум бўлмоқ; VIII اِحْتَدَّ 1) (*бирор к. дан*) аччиқланмоқ, жаҳли чиқмоқ, хафа бўлмоқ (عَلَى); 2) зўраймоқ, кучаймоқ (*ҳис-туйғу ҳақида*); X اِسْتَحَدَّ 1) ўткирламоқ; учини чиқармоқ, (*устарани*) қайрамоқ; 2) бадандаги жунларни қирмоқ

تَحْدِيدٌ – 1) чеклаш; ~ النَّسْلِ туғишни чеклаш; 2) чегарани белгилаш; таъйинлаш; ~ الأَرَاضِي шартнома асосида чегарани аниқлаш, белгилаш; بِالـ~ ёки عَلَى الـ~ (وَجْه) аниқ, аниқ қилиб; роппа-роса, тўппа-тўғри

حَادٌّ – 1) ўткир, кескир; ~ الْبَصَرِ ўткир кўзли; ~ الذِّهْنِ зийрак, ҳушёр; زَاوِيَةٌ ~ةٌ *мат.* ўткир бурчак; 2) шиддатли, кескин; сержаҳл, жаҳли тез, жиззаки; ~ الطِّبَاعِ жаҳли тез; 3) (*бирор к. га*) азада (мотамда) бўлган (عَلَى)

حَدٌّ – *кўп.* حُدُودٌ 1) ҳад, ҳудуд, чек, чегера; чет, қирғоқ, қирра, лаб, этак; الـ~ الأَدْنَى минимум; الـ~ الأَقْصَى максимум; الـ~ الْفَاصِلُ بَيْنَ... бўлиниш чизиғи; сув айирғич (*икки дарёни бир-биридан ажратиб турувчи баландлик*); إِلَى ~ بَعِيدٍ ёки إِلَى ~ كَبِيرٍ хийла, анча, кўп даражада; إِلَى ~ مَا бир қадар, озми-кўпми; إِلَى غَيْرِ ~ مَا энг охиригача; إِلَى أَقْصَى ~ مَعْلُومٍ маълум даражада; عَلَى ~ سَوَاءٍ бир хил даражада; барибир; لاَ ~ لَهُ чексиз, бениҳоя, беҳисоб, ҳад-ҳисобсиз; لِـ~ الآنَ ҳозиргача, шу кунгача; مُتَفَائِلٌ إِلَى أَبْعَدِ حُدُودٍ ортиқ даражада некбин; مُوَلَّعٌ بِهِ لِـ~ الْهَوَسِ ўзини унутиш даражасида бирор нарсага қизиққан (берилган); بِـ~ (فِي ~) ذَاتِهِ ўзича, аслини олганда; عَلَى ~ قَوْلِهِ унинг гапига кўра (қараганда); أَلْزَمَهُ حُدُودَهُ ёки وَقَّفَهُ عِنْدَ ~هِ бирор кишини ҳадди даражасида ушлаб турмоқ; فِي حُدُودِ الْقَانُونِ қонун доирасида (чегарасида); وَقَفَ عِنْدَ ~ тўхтамоқ, бирор жойда турмоқ; 2) чегара; تَعْيِينُ الْحُدُودِ чегарани аниқлаш; تَخَطَّى حُدُودَ اللِّيَاقَةِ адаб чегарасидан (доирасидан) чиқмоқ; ثِقَةٌ بِغَيْرِ حُدُودٍ чексиз ишонч; 3) тиғ, бирор нарсанинг ўткир (кескир) томони; بِـ~ السَّيْفِ қилич билан; سِلَاحٌ ذُو ~َيْنِ икки томони ўткир қурол; سِكِّينَةٌ بِـ~َيْنِ дудама, икки томони ўткир (дудама) пичоқ; 4) ҳукмлар; қарор; *дин.* шариат ҳукмлари; шариатнинг жазо берувчи моддаси; 5) *мат.* ҳад; ثُنَائِي الـ~ икки ҳад, бином; 6) *фалс.*, *мант.* асос, далил

حِدَادٌ – мотам, аза; ثَوْبُ الـ~ мотам либоси; شَرِيطُ الـ~ мотам лентаси; وَقَفَ ~اً عَلَى... бирор кишининг хотирасини ўрнидан туриш билан ҳурматламоқ

حَدَّادٌ[1] – темирчи

حَدَّادٌ[2] – дарвозабон; қамоқхона ходими

حِدَادَةٌ – темирчилик касби, темирчилик

حَدَدٌ – ман этилган нарса; ~اً أَنْ (أَنَّ)... ...дан худо сақласин

حِدَةٌ – *қар.* وحد

حِدَّةٌ – 1) қизиққонлик, аччиғи тезлик, жиззакилик, тажанглик, ғазаб; بِـ~ ёки فِي ~ ғазаб билан, аччиғидан, аччиқланиб; 2) рашк; 3) ғайрат, иштиёқ, жаҳду жадал, жўшқинлик; 4) ўткирлик; ~ الْبَصَرِ кўзнинг ўткирлиги; ўткир кўз; ~ التَّوَتُّرِ الدُّوَلِي халқаро вазиятнинг кескинлашуви; 5) хушёрлик, закийлик, зийраклик

حُدُودِيٌّ – ҳудудий, худудга, чегарага оид, чегара ёнидаги, чегарага ёпишган; чегарадош; الْمِنْطَقَةُ الـ~ةُ чегара минтақаси

حَدِيدٌ[1] – *кўп.* حِدَادٌ 1) ўткир, ўткир тиғли; 2) *шунингдек* ~ الْقَلْبِ қизиққон, жаҳли тез

حَدِيدٌ[2] – 1) темир; صُلْبٌ ~ пўлат, ~ الصَّبِّ ёки ~ الظَّهْرِ чўян; ~ الْخُرْدَةِ ёки قُرَاضَةُ الـ~ темир-терсак; ~ مَشْغُولٌ чўкичланувчан (*болғалаганда турли шаклга кирувчи*) темир; ~ مُرَقَّقٌ عَلَى شَكْلِ زَاوِيَةٍ ёки ~ مُزَوًّى бурчак темир (уголник); ~ مَبْرُومٌ ўрама темир; ~ مَطْرُوقٌ чўкичланган темир, прокат; ~ خَامٌ ёки ~ غُفْلٌ темир рудаси; سِكَّةُ الـ~ темир йўл; مَصْنَعُ الـ~ темирни қайта ишлаш ёки металлургия заводи; بِالـ~ وَالنَّارِ *маж.* шафқатсиз суратда, қиличнинг зўри билан; تَضْرِبُ فِي ~ بَارِدٍ *мтл.* ўғирда сув туймоқ, беҳуда иш билан овора бўлмоқ (*сўзма-сўз:* сен совуқ темирни чўкичлаяпсан); لاَ يَفُلُّ الـ~ إِلاَّ الـ~ *қар.* فَلَّ; 2) *спорт.* штанга

حَدِيدَةٌ – *кўп.* حَدَائِدُ 1) темир парчаси; 2) темирдан ишланган маҳсулот; صِنَاعَةُ الْحَدَائِدِ темирни қайта ишлаш (темир маҳсулотлари ишлаб чиқариш) саноати; ~ الْمِحْرَاثِ омочнинг тиши; ~ اللِّجَامِ юган сувлиғи; ◊ هُوَ عَلَى الـ~ у пул масаласида қийналяпти; أَصْبَحَ عَلَى الـ~ бир тийинсиз қолмоқ

حَدِيدِيٌّ – 1) темирдан ясалган; темирга оид; سِكَّةٌ ~ةٌ темир йўл; 2) қора (металл); لاَ ~ ёки غَيْرُ ~ рангли (металл); ◊ السِّتَارُ الـ~ темир панжара

مُحْتَدٌّ – аччиқланган, жаҳли чиққан; ~ اللَّهْجَةِ дарғазаб оҳангда, ғазабли тусда; ~اً жаҳл билан, тажанг бўлиб, дарғазаб

مِحَدَّةٌ – устахона

مَحْدُودٌ – 1) маҳдуд, чекланган, чек қўйилган, чегараланган; لاَ ~ чекланмаган, чексиз, чеки йўқ; ~ الدَّخْلِ даромади чекланган, кам даромадли; 2) аниқ, таъйин; 3) чекли, чеки (пироварди, ниҳояси) бор бўлган

مَحْدُودِيَّةٌ – чекланганлик, чегараланганлик; кичик (ўлчов, *размер*)

حَدَأَةٌ кўп. حَدَأٌ, حِدَاءٌ чўкич (кирка), метин; тар. теша

— حِدَأَةٌ кўп. حِدْآنٌ калхат

حِدَأَةٌ кўп. حِدَايَاتٌ = حِدَايَةٌ

I حَدِبَ (а) حَدَبٌ 1) букри бўлмоқ, эгри бўлмоқ, букик бўлмоқ, қавариқ бўлмоқ; 3) (бирор к. нина) тарафида турмоқ, (бирор к.) томонига энгашмоқ, оғмоқ; (бирор к. ни) қўллаб-қувватламоқ (عَلَى); II حَدَّبَ 1)букри қилиб қўймоқ; 2) эгмоқ, букмоқ, қавариқ қилмоқ; IV أَحْدَبَ букри қилиб қўймоқ; V تَحَدَّبَ 1)букчаймоқ, қаддини букмоқ; 2) эгилмоқ, қайрилмоқ, майишмоқ; 3) (бирор н. нинг) устига энгашмоқ (عَلَى); XII احْدَوْدَبَ букчаймоқ, қаддини букмоқ; эгилмоқ

– أَحْدَبُ мн. حَدْبَاءُ кўп. حُدْبٌ 1) букри, букур; 2) эгик (қилич, найза); 3) қавариқ, дўнг; الْحَدْبَاءُ Мосул шаҳрининг иккинчи номи

– إِحْدِيدَابٌ эгилганлик, букчайганлик

– تَحَدُّبٌ қавариқлик, дўмсалик дўнг, бўртиб турган жой

– حَدَبٌ кўп. حِدَابٌ 1) нишаб, қиялик, ёнбағир; 2) майл, ҳавас, иштиёқ, яхши кўриш, муҳаббат; ◊ مِنْ كُلِّ ~ وَصَوْبٍ ҳамма тарафдан, ҳар томондан, ҳамма жойдан

– حَدِبٌ 1) букри, букик; 2); эгри, қийшиқ; 3; қавариқ, дўнг; 4) (бирор к. га) хайрихоҳ, мойил, илтифотли (عَلَى)

– حَدَبَةٌ 1) букур; 2; дўнг, туртиб чиққан жой, дўмса; 3) баландлик, тепалик, баланд жой

– حَدُوبٌ фарзандларига меҳрибон (она)

– مُحَدَّبٌ 1)букур, букри; الأَنْفُ الـ~ қирғий бурун; 2) қавариқ, дўнг, дўмса

– مَحْدُوبٌ букри, букик

– مُحْدَوْدِبٌ қар. أَحْدَبُ

حُدُّوتَه кўп. حَوَادِيت халқ. ҳикоя; масал

I حَدَثَ (у) حُدُوثٌ (حدث) воқеъ бўлмоқ, содир бўлмоқ, юз бермоқ, рўй бермоқ, пайдо бўлмоқ, вужудга келмоқ; حَدُثَ (у) حَدَاثَةٌ янги бўлмоқ, яқин ўтмишда бўлиб ўтмоқ; кечагина бўлиб ўтмоқ; II حَدَّثَ 1) ҳикоя қилмоқ, гапириб бермоқ, сўзлаб бермоқ, таърифлаб бермоқ; ифодаламоқ, баён қилмоқ, айтиб бермоқ; أَمَّا كَرَمُهُ فَحَدِّثْ عَنْهُ مِنَ الْيَوْمِ إِلَى الْغَدِ маж. унинг сахийлигига келсак, у ҳаммага маълум (сўзма-сўз: унинг сахийлигига келсак, уни бугундан эртагача таърифла); ~ نَفْسَهُ ўзи билан ўзи гаплашмоқ; ~ قَلْبُهُ ёки ~ـتْ نَفْسُهُ унинг кўнглига келди (ки, بِ); 2) замонавий қилмоқ, янгиламоқ, янги қилмоқ, замонавийлаштирмоқ; 3) шар. (бирор к. дан) ҳадисларни ўрганмоқ (عَنْ); III حَادَثَ 1) (бирор к. билан) суҳбат қилмоқ, гаплашмоқ; 2) интервью олмоқ, суҳбат олиб бормоқ; 3) музокара олиб бормоқ; IV أَحْدَثَ 1) яратмоқ, барпо қилмоқ, бунёдга келтирмоқ, уюштирмоқ, ташкил қилмоқ, тузмоқ; ишламоқ, бажармоқ; сабаб бўлмоқ, қилмоқ, қўзғатмоқ, туғдирмоқ; ~ ضَجَّةً шовқин қилмоқ, шовқин кўтармоқ; ~ تَأْثِيرًا عَلَى ... (бирор н. ҳақида) таассурот қолдирмоқ; 2) (бирор) янгилик киритмоқ, ихтиро қилмоқ; (бирор н. ни) биринчи бўлиб олиб кирмоқ (فِي); 3) ёзилмоқ, ичини бўшатмоқ; V تَحَدَّثَ нутқ сўзламоқ, гапирмоқ; гаплашмоқ, (бирор н. ҳақида) суҳбатлашмоқ (بِ); (бирор к. га) гапириб бермоқ (إِلَى), (бирор н. ҳақида) гапириб бермоқ (عَنْ); ~ بِهِ الرُّكْبَانُ унинг ҳақида ҳамма гапирарди; у ҳаммага таниқли эди (сўзма-сўз: унинг ҳақида отлиқлар гапирардилар); VI تَحَادَثَ суҳбатлашмоқ, ўзаро гаплашиб ўтирмоқ; X اسْتَحْدَثَ 1) сабаб бўлмоқ, қилмоқ, қўзғатмоқ, туғдирмоқ; ~ هَذَا انْقِلَابَاتٍ كَبِيرَةً бу катта ўзгаришларга сабаб бўлди (فِي); 2. биринчи бўлиб (янги) наслни яратмоқ; янгидан ташкил этмоқ; янгиламоқ

– إِحْدَاثِيٌّ кўп. ~اتٌ мат. координата; أَبْعَادٌ ~ـةٌ координаталар; الـ~ السِّينِيُّ ёки أُفُقِيٌّ "x"(икс) ўқи, абсцисса; الـ~ الصَّادِيُّ ёки رَأْسِيٌّ (عَمُودِيٌّ) "у" (игрек) ўқи, ордината; الـ~ الْعَيْنِيُّ "z" (зет) ўқи; نِظَامُ الإِحْدَاثِيَّاتِ координаталар системаси; إِحْدَاثِيَّاتٌ جُغْرَافِيَّةٌ жўғрофий координатлар

– أُحْدُوثَةٌ кўп. أَحَادِيثُ суҳбат мавзуи; янгилик, ҳикоя, эртак, масал; أَحَادِيثُ جَدَّتِي бувим эртаклари; صَارَ هَذَا ~ تُرْوَى бу ҳамма ёқда дув-дув гап бўлиб кетди, бу ҳамманинг оғзида миш-миш гап бўлиб кетди

– حَادِثٌ 1 яқинда бўлиб ўтган; янги

– حَادِثٌ 2, حَادِثَةٌ кўп. حَوَادِثُ 1) ҳодиса, воқеа, жанжал (инцидент); бахтсиз ҳодиса, фалокат; كَثِيرُ الْحَوَادِثِ воқеаларга бой; حَوَادِثُ مَحَلِّيَّةٌ маҳаллий воқеалар (газетадаги рубрика); حَادِثَةٌ عَرَضِيَّةٌ кутилмаган ҳодиса; مَكَانُ الـ~ воқеа содир бўлган жой; 2; физ. ҳодиса; 3) театр. парда, саҳна, кўриниш; 4) ад. фабула (асарда тасвирланган воқеа, ҳодиса)

– حَدَاثَةٌ 1) янгилик; 2). воқеаларнинг яқинлиги, яқинлашаётганлиги; 3) ёшлик; янгилик (айнимаганлик, чиримаганлик, сасимаганлик); бикрлик; ~ السِّنِّ ёки ~ الْعَهْدِ ўсмирлик, ёшлик

– حَدَثٌ 1 кўп. أَحْدَاثٌ ёш йигит, ўсмир

– حَدَثٌ 2 кўп. أَحْدَاثٌ 1) воқеа, ҳодиса; янгилик, янги хабар; 2) кутилмаганлик, тасодиф, тасодифий ҳол; ўзгартириш, алмаштириш, ўзгариш; أَحْدَاثُ الدَّهْرِ тақдир бевафоликлари; 3) янги ҳодиса, янги воқеа; 4) шар. ҳаромилик, мурдорлик; 5) нажас, нажосат, ахлат

– حَدَثَانٌ ёки ~ الدَّهْرِ: дунё бевафоликлари

– حُدُوثٌ келиб чиқиш; воқеа, ҳодиса; بَعْدَ ~ الأَمْرِ бирор иш (ҳол, воқеа) содир бўлиб ўтгандан кейин

– حَدِيثٌ 1 1. янги, энг янги, яқинда бўлиб ўтган; ~ الاسْتِقْلَالِ яқинда истиқлолга эришган; ~ التَّحَرُّرِ яқинда озод бўлган; ~ًا яқин ўтган кунларда; ~ السِّنِّ ёки ~ الْعَهْدِ ўсмир, ёш; ~ а) яқинда содир

бўлган; б) ёш, ғўр; в) (*бирор н. билан*) яқинда танишган (بـ); 2. мансабга асоссиз интилувчи *ёки* ўрнашиб олган киши, ўзини кўрсатишга уринувчи

– حَدِيثٌ² *кўп.* أَحَادِيثُ 1) гап, сўз, суҳбат; وَلَا ~ لَهُمْ إِلَّا عَنْ... ...тўғрисида уларда гапдан бошқа нарса йўқ; ~ السَّاعَةِ шу куннинг мавзуи; كَانَ ~ النَّاسِ ҳамма ёқда дув-дув гап бўлмоқ, ҳамманинг оғзида миш-миш бўлмоқ; 2) интервью; أَدْلَى بِـ~ интервью бермоқ; 3) ҳикоя, ривоят; 4) *шунингдек*. الـ~ الشَّرِيفُ ҳадиси шариф (*Муҳаммад алайҳиссаломнинг айтган ва қилган аъмоллари ҳақидаги хабар*); ~ خُرَافَةٍ ; شُجُونٌ ذُو شُجُونٍ الـ~ *қар.* беҳуда гап, сафсата

– مُتَحَدِّثٌ 1. суҳбатлашувчи, суҳбатни олиб борувчи; ~ بِاسْمِ ....номидан сўзловчи; ~ رَسْمِيٌّ расмий вакил; ~ بِلِسَانِ الْوِزَارَةِ вазирлик вакили; 2. суҳбатдош, ҳамсуҳбат.

– مُحَادَثَةٌ *кўп.* ـاتٌ — 1) суҳбат, гап; ўзаро суҳбат; 2) музокаралар; أَجْرَى مُحَادَثَاتٍ (*бирор к. билан*) музокаралар олиб бормоқ (مَعَ)

– مُحَدِّثٌ софдил ва ростгўй одам

– مُحَدِّثٌ 1) ҳикоя қилувчи, суҳбатдош, ҳамсуҳбат; 2) ҳадис илми билан шуғулланувчи олим, муҳаддис

– مُحْدَثٌ 1. 1) янги; энг янги; 2) яқиндагина бойиб кетган; 2. мансабга асоссиз интилувчи *ёки* ўрнашиб олган киши, ўзини кўрсатишга уринувчи

– مُحْدَثَاتٌ *кўп.* янгиликлар, янги тартиблар (одатлар)

– مُحْدَثُونَ *кўп.* модернистлар (*замонга мослаштирувчилар*)

– مُسْتَحْدَثٌ янги, замонавий

I حَدَجَ (и) حَدْجٌ (*шунингдек.* ~ بِنَظَرِهِ) қарамоқ, назар солмоқ, разм солмоқ; II حَدَّجَ тикилиб қарамоқ, кўз билан тешиб юбормоқ

– حِدَاجَةٌ *кўп.* حَدَائِجُ туя устига ўрнатиладиган тахти равон, маофа

– حِدْجٌ *кўп.* أَحْدَاجٌ юк, оғирлик, оғир юк

– حُدَيْجٌ: ~ أَبُو *зоол* лайлак

I (حدر) حَدَرَ¹ (*у, и*) حُدُورٌ, حَدْرٌ 1) туширмоқ, тушириб қўймоқ; етаклаб тушмоқ; 2) тушмоқ; юмалаб тушмоқ, ғилдираб тушмоқ; сирғаниб тушмоқ; حَدَرَ² (*у*) حَدْرٌ семиз бўлмоқ, йўғон бўлмоқ, тўлишмоқ; II حَدَّرَ 1) нишаб қилмоқ, қия қилмоқ; 2) туширмоқ, тушириб қўймоқ; V تَحَدَّرَ 1) тушмоқ; юмалаб тушмоқ, ғилдираб тушмоқ; сирғалиб тушмоқ; 2) (*бирор н.* дан) келиб чиқмоқ (مِنْ); 3) (*бирор к. дан*) туғилмоқ, тарқамоқ (مِنْ); VII اِنْحَدَرَ 1) тушмоқ; юмалаб тушмоқ, ғилдираб тушмоқ; сирғаниб тушмоқ; пастламоқ, пасаймоқ; камаймоқ, тушмоқ; 2) (*бирор жойдан*) тарқамоқ, келиб чиқмоқ (مِنْ); 3) (*бирор к. га*) мерос бўлиб ўтмоқ (إِلَى); 4) етмоқ, бориб етмоқ; етишмоқ, муяссар бўлмоқ, эришмоқ (إِلَى)

– أُحْدُورٌ қиялик, нишаблик

– اِنْحِدَارٌ 1) ёнбағир, нишаблик, қиялик, қиялама жой; 2) (*руҳий*) тушкунлик

– تَحَدُّرٌ *кўп.* ـاتٌ — ёнбағир, нишаблик, қиялик, оғиш, оғишлик

– حَادِرٌ семиз, тўла, думалоқ, юмалоқ шаклли

– حَدَارٌ шиш, қавариқ, ғурра

– حُدْرَةٌ 1) оломон, халойиқ, йиғин, тўда, тумонат; 2) (*туялар*) подаси, галаси

– حَدُورٌ тик қиялик, қиямалик, қияма тоғ

– حُدُورٌ тушиш, тушириш

– حَيْدَرٌ *зоол.* арслон, шер

– تَحَدُّرٌ = مُنْحَدَرٌ *кўп.* ـاتٌ —

I حَدَسَ (*у*) حَدْسٌ ўйламоқ, тахмин қилмоқ, чамаламоқ; гумон (фараз) қилмоқ,

– حَدْسٌ 1) сезгирлик, зийраклик, фаросатлилик; 2) тахмин, фараз, гумон; عَلَى الـ~ таваккалига, чамалаб, тусмоллаб, тахминан; الـ~ النَّفْسِيُّ *ёки* الـ~ интуиция, фаросат; зийраклик; сезги, туйғу

– حَدْسِيٌّ интуитив, интуицияга (туйғуга) асосланган

– حَدْسِيَّةٌ *фалс.* интуитивизм (*фалсафий оқимлардан бири*)

I حَذَفَ¹ (*у*) حَذْفٌ оёқни орқага кўтариб юрмоқ (*туя ҳақида*);

حَدَفَ² (*и*) حَدْفٌ *қар.* خَذَفَ

– حَدَّافَةٌ *кўп.* ـاتٌ — *тех.* маховик (*ўз салмоғи билан валнинг бир текис айланишини таъминлайдиган ғилдирак*)

I حَدَقَ (*и*) حَدْقٌ 1) (*бирор к. ни*) ўраб олмоқ, қуршаб олмоқ, ўртага олмоқ (بـ); 2) тикилиб қарамоқ, кўз тикмоқ; ~ النَّظَرَ فِي ...га тикилиб қолмоқ; II حَدَّقَ (*бирор жойга*) тикилиб қарамоқ (فِي *ёки* إِلَى); бирор нима билан ўраб олмоқ; ◊ ~ الطَّعَامَ овқатдан олдин шўр *ёки* нордон нарсалардан хўрак қилмоқ; IV أَحْدَقَ (*бирор к. ни*) ўраб олмоқ, қуршаб олмоқ, ўртага олмоқ (بـ)

– حَادِقٌ 1) шўр, нордон (*овқат*); 2) моҳир, эпчил, уста; ажойиб қилиб ишланган

حَادِقَةٌ = حَذَاقَةٌ

– حَدَقَةٌ *кўп.* حَدَقٌ, حَدَقَاتٌ, أَحْدَاقٌ кўз қорачиғи; ~ حِفْظُهُ حِفْظَ الْعَيْنِ *қар.*

– أَحْدَقِيٌّ кўзлари чақчайган, чақчайма кўз, олакўз, укки кўз

– حَدِيقَةٌ *кўп.* حَدَائِقُ боғ, парк; девор билан ўралган боғ, парк; ~ الْحَيَوَانَاتِ зоопарк, ҳайвонот боғи

– مُحْدِقٌ атрофни ўраб турган, иҳота қилиб турган; ~ خَطَرٌ қутулиб бўлмайдиган хавф, бўлиши муқаррар хатар

I (حدل) حَدَلَ¹ *и*) حَدْلٌ *ёки* حَدَلٌ (*а*) حَدَلٌ (*бирор к. га нисбатан*)

2 حَدَلَ (и) حَدَالَةٌ адолатсизлик қилмоқ, адолатсиз иш тутмоқ (عَلَى); бостириб текисламоқ, ғалтак билан текисламоқ; теп текис қилиб қўймоқ; силлиқламоқ, силлиқ қилмоқ, бир текис қилмоқ

– حَادِلَةٌ кўп. اتٌ — бульдозер

– مِحْدَلَةٌ кўп. مَحَادِلُ *тех* каток (*ер текислайдиган ва тигизлайдиган ғалтак машина*)

(حدم) VIII اِحْتَدَمَ 1) ёнмоқ, куймоқ, ловулламоқ, алангаланиб ёнмоқ; 2) қизишмоқ, бирданига аччиқланмоқ, жаҳли чиқмоқ; ~ غَيْظًا ғазабдан ловуллаб ёнмоқ; 3) авжга чиқмоқ, қизимоқ (*кураш ҳақида*)

– مُحْتَدِمٌ тутоққан, жаҳли (аччиғи) чиққан, қутурган

حِدَةٌ қар. وحد

(حدو) I حَدَا (у) حَدْوٌ, حِدَاءٌ, حُدَاءٌ 1) (*туяни*) хирғойи қилиб ҳайдаб бормоқ; 2) (*бирор к. ни*) ундамоқ, мажбур қилмоқ, рағбатлантирмоқ (ب) (*бирор н. га*) ундамоқ, мажбур этмоқ, рағбатлантирмоқ (إِلَى); ~ رَغْبَةٌ فِي ... ...да (*бирор*) мақсадни кўзламоқ, ...га интилмоқ

– أُحْدُوَّةٌ, أُحْدِيَّةٌ туякашларнинг хиргойиси

– حَادٍ кўп. حُدَاةٌ туякаш

– حِدَاءٌ, حُدَاءٌ 1) туяларни тетиклантирувчи хиргойи; 2; *маж.* ундайдиган сабаб, бирор ишни кўнгилга солган нарса; истак, ният

– حَدَّاءٌ туякаш

– حِدْوَةٌ кўп. حَدَاوٍ, حِدْوَاتٌ 1) тақа; 2) нағал

I. حَدِيَ (а) حَدًى (*бирор жойда*) қолмоқ (ب); V تَحَدَّى 1) чақирмоқ, чақириб келтирмоқ; 2) уятсизлик қилмоқ, беадаблик қилмоқ; 3) (*бирор н. га*) даъвогар бўлмоқ, илинжи бор бўлмоқ (ب); (*бирор н. ни*) тортишмоқ, олишмоқ (ب); рақобат қилмоқ, кимўзди ўйнамоқ; 4) ушламоқ, тутмоқ, ушлаб бормоқ

– تَحَدٍّ кўп. تَحَدِّيَاتٌ уятсизлик, беадаблик; чақириш; ~ فِي уятсизларча, беадаблик билан

– حِدَايَةٌ = حِدَأَةٌ

I حَذِرَ (а) حَذَرٌ (*бирор н. дан*) эҳтиёт бўлмоқ, сақланмоқ (مِنْ); II حَذَّرَ огоҳлантирмоқ; ~تُكَ النَّظَرَ إِلَى الْبَابِ эшикка қарамагин деб сени огоҳлантирган эдим; III حَاذَرَ (*бирор н. дан*) эҳтиёт бўлмоқ, сақланмоқ; хавфсирамоқ, хавотирланмоқ, ҳадиксирамоқ; V تَحَذَّرَ = I; VIII اِحْتَذَرَ эҳтиёт чораларини кўрмоқ; ўзини эҳтиёт қилмоқ

– تَحْذِيرٌ огоҳлантириш

– حَاذِرٌ эҳтиёткор, эҳтиётли

– حَذَارِ: ~ مِنْ هَذَا бундан эҳтиёт бўлинг; ~! эҳтиёт бўлинг!; ~ أَنْ تَفْعَلَ هَذَا! эҳтиёт бўлинг, бу ишни қила кўрманг!

– حِذَارٌ эҳтиётлик, эҳтиёткорлик, хавотирланиш, хавфсираш

– حَذِرٌ, حَذُرٌ эҳтиёткор, эҳтиётли, ўйлаб иш қиладиган

– حَذَرٌ, حِذْرٌ эҳтиётлик, эҳтиёткорлик, ҳушёрлик; хавфсираш; كَانَ عَلَى ~ ҳушёр бўлмоқ, ҳушёр бўлиб турмоқ; أَخَذَ ~هُ эҳтиёт чораларини кўрмоқ, эҳтиёт бўлмоқ

– مَحْذُورٌ кўп. مَحْذُورَاتٌ, مَحَاذِيرُ 1) қўрқиладиган нарса, хавф-хатар; 2) кўнгилсиз воқеа; фалокат, бало, офат; 3) бахтсиз ҳодиса

I حَذَفَ (и) حَذْفٌ 1) тушириб қолдирмоқ, чиқариб ташламоқ, ўчирмоқ; 2) (*бирор н. ни*) ирғитмоқ, улоқтирмоқ, ташламоқ, отмоқ (ب); 3) *мат.* айирмоқ; II حَذَّفَ тартибга солмоқ (келтирмоқ); чиройли шакл (кўриниш) бермоқ; VII اِنْحَذَفَ тушиб қолмоқ, чиқариб ташланмоқ, ўчирилмоқ

– حَذْفٌ 1) тушириб қолдириш, чиқариб ташлаш, узоқлаштириш; ўчириш; 2) ирғитиш, отиш

– 1حَذَفٌ *жам.* Ҳижозда яшайдиган қора рангли кичкина қўй

– 2حَذَفٌ *жам.* ёввойи ўрдаклар

– حَذَفَةٌ кўп. اتٌ — ёввойи ўрдак

حُذْفُورٌ кўп. حَذَافِيرُ томон, тараф, ён; ◊ أَخَذَهُ بِحَذَافِيرِهِ ҳаммасини тўлалигича (ҳеч нарса қолдирмай)олмоқ

(حذق) I حَذَقَ (а) حَذْقٌ, حِذَاقَةٌ (*бирор н. га*) уста бўлмоқ, моҳир бўлмоқ; حَذَقَ (и) حُذُوقٌ нордон (шўр, аччиқ) бўлмоқ

– حَاذِقٌ кўп. حُذَّاقٌ 1) моҳир, эпчил; билимдон, юқори малакали; عَامِلٌ ~ юқори малакали ишчи; 2) нордон, шўр, аччиқ

– حَذَاقَةٌ маҳорат, эпчиллик; қобилият, иқтидор; юқори малака

– حِذَاقَةٌ = حِذْقٌ

حُذُلٌ ички кийимнинг резинка, ип ўтказадиган қисми, липа

I حَذْلَقَ 1) ўзини билимдон қилиб кўрсатмоқ; 2) синчков бўлмоқ, майдакаш бўлмоқ; икир-чикир расмий талабларни бажаришга зўр бермоқ; II تَحَذْلَقَ = حَذْلَقَ

– تَحَذْلُقٌ синчковлик, майдакашлик; икир-чикир расмий талабларни бажаришга зўр беришлик

– حِذْلَاقٌ 1. ўзини билимдон қилиб кўрсатувчи; 2. синчков, майдакаш одам; икир-чикир расмий талабларни бажаришга зўр берувчи одам

– حَذْلَقَةٌ синчковлик, майдакашлик; икир-чикир расмий талабларни бажаришга зўр беришлик; ўта аниқлик, пухталик

– حِذْلَاقٌ = مُتَحَذْلِقٌ

I حَذَمَ (и) шошилмоқ, тез бажармоқ

حَذَامِ Ҳазоми (*ғайритабиий ўткир кўз соҳибаси бўлган араб аёлининг исми*)

(حذو) I حَذَا[1] (у) حَذْوٌ, حِذَاءٌ тақлид қилмоқ, бировдан ўрнак олиб, унга эргашмоқ; ~ حَذْوَهُ бирор кишининг изидан бормоқ; حَذَا[2] (у) рўпарада ўлтирмоқ; III حَاذَى 1) (*бирор н нинг*) рўпарасида (қаршисида) бўлмоқ, ётмоқ; 2) параллел (ёнма-ён) юрмоқ; IV أَحْذَى бермоқ, ҳадя этмоқ, совға қилмоқ; VI تَحَاذَى 1) параллел бўлмоқ; 2) бир-бирининг рўпарасида (қаршисида) турмоқ, ётмоқ;

VIII اِحْتَذَى 1) оёқ кийими киймоқ; 2) тақлид қилмоқ; مِثَالَهُ ~ бирор кишига, тақлид қилмоқ, бировдан ўрнак олиб, унга эргашмоқ

– اِحْتِذَاءٌ тақлид қилиш, ўхшатиш

– تَحَاذٍ параллеллик, *ҳарб.* сафни тўғрилаш, сафнинг тўғрилиги; مِنَ الْيَمِينِ ~! "ўнг томонга қараб саф тўғрилансин" маъносидаги амр (команда)

– حِذَاءٌ[1] *кўп.* أَحْذِيَةٌ этик; шиппак; оёқ кийими; أَحْذِيَةٌ بِسَاقٍ طَوِيلٍ *ёки* أَحْذِيَةٌ طَوِيلَةٌ этик; قَصِيرٌ ~ қўнжсиз ботинка; اللِّبَادِ ~ пийма, кигиз этик

– حِذَاءٌ[2]: حِذَاءَهُ *ёки* بِحِذَائِه унинг рўпарасида, қаршисида

– حَذَّاءٌ этикдўз

– حَذْوٌ тақлид қилиш, ўхшатиш; ◊ حَذْوَهُ бирор нарсанинг рўпарасида, қаршисида

– حَذِيَّةٌ совға, ҳадя

– مُحَاذٍ *мн.* مُحَاذِيَةٌ рўпарада, қаршида турган; (*бирор н.* га) параллел (لِـ); (*бирор н.* га) қарама-қарши

– مُحَاذَاةٌ рўпара, қарши томон, тараф; параллеллик; بِـ~ـهِ *ёки* فِي ~ـهِ *ёки* عَلَى ~ـهِ унинг рўпарасида, қаршисида; унга параллел ҳолда

I حَرَّ[1] (*и/а, у*) حَرَارَةٌ иссиқ бўлмоқ, қайноқ бўлмоқ; حَرَّ[2] (*а*) حَرَارٌ озод бўлмоқ, эркин бўлмоқ, эркинликка чиқмоқ; حَرَّ[3] (*а*) حَرَّةٌ чанқамоқ, ташна бўлмоқ; II حَرَّرَ 1) озод қилмоқ, озодлик бермоқ, ҳурриятга эриштирмоқ; эркинликка чиқармоқ, қутқармоқ (مِنْ); 2; таҳрир қилмоқ; текширмоқ, текшириб кўрмоқ; 3) ёзмоқ, тузмоқ, ташкил этмоқ; 4) йўлламоқ, тўғриламоқ, зарур томонга йўналтирмоқ, қаратмоқ, (*тўпни*) мўлжалга тўғриламоқ; 5) бағишламоқ; V تَحَرَّرَ озод бўлмоқ, ҳурриятга эришмоқ, эркинликка чиқмоқ, қутулмоқ; 2) ёзиб чиқилмоқ, тизилмоқ, ташкил этилмоқ; VIII اِحْتَرَّ исимоқ, қизимоқ, қайноқ бўлмоқ; X اِسْتَحَرَّ қизимоқ, қизиб кетмоқ (*мас., баҳс, тортишув*)

– أَحَرُّ энг иссиқ, энг қайноқ; ◊ عَلَى ~ مِنَ الْجَمْرِ типирчилаб, бетоқат бўлиб, сабрсизлик билан (*сўзма-сўз:* чўғдан ҳам иссиқ нарсанинг устида)

– أَحْرَارِيٌّ либерал, келишувчан, муросасоз, йўл қўювчи, эрк берувчи

– تَحَرُّرٌ озод бўлиш, эркинликка чиқиш, озодлик, эркинлик; حَرَكَةُ الـ~ الْوَطَنِيُّ миллий озодлик ҳаракати

– تَحَرُّرِيٌّ озодликка оид; حَرَكَةٌ ~ـةٌ озодлик ҳаракати

– تَحْرِيرٌ *кўп.* تَحَارِيرُ, ـاتٌ 1) озод қилиш, эркинликка чиқариш; 2) таҳрир қилиш; 3) таҳририят; إِدَارَةُ الـ~ (*газета ёки журнал*) таҳририяти; صَاحِبُ الـ~ муҳаррир; رَئِيسُ الـ~ бош муҳаррир; 4) ёзиш, тузиш, ташкил этиш; 5) хат; расмий ҳужжат; وَقَدْ يُعْرَفُ الـ~ مِنْ عُنْوَانِهِ *мқл.* сарлавҳага қараб мазмунга баҳо берилади

– تَحْرِيرِيٌّ 1) таҳририятга оид; 2) ёзма, ёзма шаклдаги; اً~ ёзма равишда; 3) озод қиладиган, озодлик келтирадиган; حَرَكَةٌ ~ـةٌ озодлик ҳаракати

– حَارٌّ 1) қайноқ, иссиқ, қизғин, оташин, жўшқин; 2) жонкуяр, ғайратли, тиришқоқ; 3) ўткир таъмли (*овқат*)

– حَرٌّ *кўп.* حُرُورٌ иссиқ, ҳарорат; илиқлик; الدُّنْيَا ~ ҳаво иссиқ; مِنْطَقَةُ ~ةٌ иссиқ (тропик) минтақа

– حُرٌّ *кўп.* أَحْرَارٌ 1. 1) озод, ҳур, эркин; мустақил; مَدِينَةٌ ~ةٌ эркин шаҳар; مَدْرَسَةٌ ~ةٌ хусусий мактаб; 2) нақд, бор, мавжуд; الْمَالُ الـ~ нақд пул; 3) эрксевар, ҳурриятпарвар; 4) олижаноб, яхши фазилатли; 5) соф, тоза, аралашмасиз (*мас., металл*); ذَهَبٌ ~ соф олтин; 2. 1)эркин одам; 2) олижаноб киши; 3) либерал, келишувчан, муросасоз; ◊ الْوَجْهِ ~ лунж, бет, яноқ

– حَرَارٌ = حَرَائِرِيٌّ

– حَرَّارٌ шойи тўқувчи, ҳарир тўқувчи

– حَرَارَةٌ 1)ҳарорат, иссиқ; 2; температура; مُسَجِّلُ الـ~ термограф; مِيزَانُ الـ~ термометр; فِي الظِّلِّ كَانَتِ الـ~ 43 دَرَجَةً ҳарорат сояда 43 даража эди; 3) қизғинлик, жўшқинлик, ҳовур, тиришиш; حَيَّاهُ بِـ~ бирор кишини қизғин табрикламоқ; أَيَّدَهُ بِـ~ бирор кишини қизғин қўллаб-қувватламоқ; 4) иссиқлик, тошма, майда ҳуснбузар; 5) (*терининг*)ловуллаши, ачишиши; (*овқатнинг*) ўткир таъмлиги

– حَرَارِيٌّ иссиқликка оид; مَحَطَّةُ الْكَهْرَبَاءِ الـ~ـةُ иссиқлик электростанцияси; نَوَوِيٌّ ~ термоядровий; وَحْدَةٌ ~ـةٌ калория

– حَرَّانُ *мн.* حَرَّى *кўп.* حَرَارَى 1) қизишиб кетган; бадани қизиб кетган; 2) қайноқ; 3) чанқоқ, сувсаган, чўллаган, ташна

– حَرَّةٌ *кўп.* حِرَارٌ, ـاتٌ вулқон ўчгандан кейин ҳосил бўлган тошлоқ жой

– حُرَّةٌ *кўп.* حَرَائِرُ *тар.* озод (чўри эмас) аёл

– حَرُورٌ гармсел

– حَرِيرٌ *кўп.* حَرَائِرُ 1) ипак; مُشَاقَةٌ ~ ипак (*ҳомашё*); 2) ипак газлама, ҳарир; اِصْطِنَاعِيٌّ (صِنَاعِيٌّ) ~ сунъий ипак; طَبِيعِيٌّ ~ табиий ипак; 3) ипакдан ишланган маҳсулот; 4) сут қўшиб пишириладиган ун овқат; ◊ صَخْرِيٌّ ~ асбест

– حُرَيْرَةٌ *кўп.* ـاتٌ *физ.* калория

– حَرِيرِيٌّ 1. ипакли, ипакка оид, ипакдан ясалган; 2) ипакфуруш, ипак билан савдо қилувчи

– حُرِّيَّةٌ ҳуррият, эрк, озодлик, эркинлик; الاِجْتِمَاعِ ~ йиғин ўтказиш эркинлиги; الاِخْتِيَارِ ~ танлаш эркинлиги; الأَدْيَانِ ~ *ёки* الْعِبَادَةِ ~ эътиқод эркинлиги, виждон эркинлиги; التِّجَارَةِ ~ савдо эркинлиги; التَّعْلِيمِ ~ ўқитиш (таълим) эркинлиги; تَنْظِيمِ الإِضْرَابِ ~ иш ташлашни ташкил этиш эркинлиги; الشَّخْصِيَّةِ ~ шахс эркинлиги; الْكِتَابَةِ ~ *ёки* النَّشْرِ ~ *ёки* الصَّحَافَةِ ~ матбуот

эркинлиги; الْعَمَلِ ~ ҳаракат эркинлиги; الْفِكْرِ ~ фикр (тафаккур) эркинлиги; الْكَلَامِ ~ ёки الْقَوْلِ ~ ёки إِبْدَاءِ الرَّأْيِ ~ сўз эркинлиги; النَّقْدِ ~ танқид қилиш эркинлиги

– مِحْرَارٌ термометр, ҳарорат ўлчайдиган асбоб

– مُحَرِّرٌ 1. озод қилувчи; 2. 1) халоскор; 2) ёзувчи; журналист; мухбир; سِيَاسِيٌّ ~ сиёсий шарҳловчи; 3) муҳаррир, редактор

– مُحَرَّرَاتٌ кўп. расмий ёзишмалар, алоқа қоғозлари; ёзма ҳужжатлар, хабарлар, маълумотлар

– مَحْرُورٌ 1) қизишиб кетган; бадани қизиб кетган; 2) юқори ҳароратли; 3) аччиқланган, жаҳли чиққан; ғазабланган, тутоққан

I (حرب) حَرِبَ (а) حَرَبٌ ғазабга тўлмоқ, жаҳли чиқмоқ; حَرَبَ (у) حَرْبٌ, حَرَبٌ талон-торож қилмоқ, тортиб олмоқ; III حَارَبَ урушмоқ, уруш қилмоқ, урушга қатнашмоқ, олишмоқ; жанг қилмоқ, курашмоқ; VI تَحَارَبَ 1)ўзаро (бир-бири билан) урушишмоқ; 2) биргаликда уруш қилмоқ, биргалашиб курашмоқ; VIII = VI

– حَرْبٌ мн. кўп. حُرُوبٌ уруш; ҳарбий юриш, кампания; кураш, жанг; الْـ~ الْأَهْلِيَّةُ биринчи жаҳон уруши; الْـ~ الْكُبْرَى الْأُولَى гражданлар (фуқаролар) уруши; الْـ~ الْعَالَمِيَّةُ الثَّانِيَةُ иккинчи жаҳон уруши; الْـ~ الْوَطَنِيَّةُ الْكُبْرَى Улуғ Ватан уруши; عَادِلَةٌ ~ адолатли уруш; جَائِرَةٌ ~ адолатсиз уруш; قَذِرَةٌ ~ ифлос уруш; بَارِدَةٌ ~ совуқ уруш; حَامِيَةٌ ~ уруш; عُدْوَانِيَّةٌ ~ агрессив уруш; نَوَوِيَّةٌ ~ термоядро уруши; كُلِّيَّةٌ ~ ялпи уруш; الْإِبَادَةِ ~ қирғин уруш; حُرُوبُ الاغْتِصَابِ босқинчилик урушлари, жанглари; غَيْرُ مُعْلَنَةٍ ~ эълон қилинмаган уруш; مُشْعِلُو نِيرَانِ الْـ~ уруш оловини ёқувчилар; مَا بَعْدَ الْـ~ урушдан кейинги; أَرْكَانُ الْـ~ бош штаб (*мамлакат қуролли кучларининг марказий штаби*); فِي حَالَةِ الْـ~ уруш ҳолатида; أَعْلَنَ الْـ~ ёки أَشْهَرَ الْـ~ уруш эълон қилмоқ, уруш очмоқ; ◊ دَارُ الْـ~ қар. دَارٌ

– حَرَبٌ қайғу, ҳасрат, ғам, доғ, фалокат; وَا ~ اهُ оҳ-воҳ, вовайло, воҳасрато

– حِرْبَاءُ кўп. حَرَابِيُّ, حِرْبَاوَاتٌ зоол. буқаламун, хамелеон

– حَرْبَجِيٌّ кўп. حَرْبَجِيَّةٌ милитарист, урушқоқ, уруш тарафдори

– حَرْبَةٌ кўп. حِرَابٌ найза, учи ўткирланган темирдан ясалган уруш қуроли; похол, пичан тушириш учун ишлатиладиган паншаҳага ўхшаш асбоб

– حَرْبِيٌّ 1) ҳарбий; مَجْلِسٌ ~ ҳарбий кенгаш; مَدْرَسَةٌ ~ ـَةٌ ҳарбий мактаб; وِزَارَةُ الْـ~ ـَةِ ҳарбий вазирлик; 2) жанговар, урушқоқ; 3) *шар.* мусулмон бўлмаган мамлакатнинг фуқароси ёки ўша мамлакатда яшовчи

– حَرِيبٌ таланган, талон-торож қилинган, талаб кетилган

– مُتَحَارِبٌ бошқалар билан бирга урушувчи, урушда иштирок этувчи

– مُحَارِبٌ жанг қилувчи, урушувчи; 2. 1; урушувчи томон; حُقُوقُ الْـ~ урушувчи томоннинг ҳақ-ҳуқуқлари; 2) жангчи; قَدِيمٌ ~ уруш ветерани (фахрийси)

– مُحَارَبَةٌ уруш; жанг, кураш

– مِحْرَابٌ кўп. مَحَارِيبُ ибодатхона; الْمَسْجِدِ ~ масжид меҳроби, масжиднинг қибла томонида имом учун ажратилган қисм; йиғиннинг олдинги қатори; الْكَنِيسَةِ ~ бутхонанинг асосий қисми, саждагоҳи

حَرْقَقَ жаранғламоқ, жаранглатмоқ, шалдиратмоқ

– حَرْقَقَةٌ кўп. ـَاتٌ 1) жаранг-журунг, шарақ-шуруқ, жаранглаш; الْقُيُودِ ~ кишанларнинг шарақ-шуруғи; 2) *маж.* маҳмадоналик, сергаплик, эзмалик

I حَرَثَ (у) حَرْثٌ 1) чопмоқ, ҳайдамоқ (*ер*); чопиқ қилмоқ; 2) касб-кор қилмоқ, касб-кор билан тирикчилик қилмоқ; 3) ўрганмоқ, ўрганиб чиқмоқ; اُحْرُثِ الْقُرْآنَ Қуръонни ўрган; VII اِنْحَرَثَ чопиқ бўлмоқ, ҳайдалмоқ, шудгор қилинмоқ; VIII اِحْتَرَثَ ер ҳайдамоқ, шудгор қилмоқ

– حَارِثٌ кўп. حُرَّاثٌ қўшчи, ер ҳайдовчи, қўш ҳайдовчи, деҳқон; ◊ أَبُو الْـ~ арслон, шер

– حَرَّاثٌ 1. ер ҳайдовчи, қўш ҳайдовчи; 2) ғаллакор (деҳқон), деҳқон

– حَرَّاثَةٌ зоол. бузоқбоши

– حِرَاثَةٌ 1) ер ҳайдаш, шудгор қилиш; 2) ғаллакорлик, деҳқончилик

– حَرْثٌ 1) ҳайдаш (*ерни*); آلَةُ الْـ~ омоч, плуг; 2) ишланадиган, чопиқ қилинадиган ер; шудгор; 3) деҳқончилик маҳсулотлари

– حَرْثَةٌ кўп. حَرَثَاتٌ ер ҳайдаш, шудгор қилиш, чопиш

– مِحْرَاثٌ кўп. مَحَارِيثُ омоч; плуг; سِلَاحُ الْـ~ тиш, омоч тиши

I حَرِجَ (а) حَرَجٌ сиқилмоқ, қисилмоқ, тор бўлмоқ; оғир аҳволда қолмоқ; صَدْرُهُ ~ хавотирланмоқ, нохушам бўлмоқ; ташвишланмоқ, тинчсизланмоқ; 2) (*бирор к. га*) ман этилмоқ, таъқиқланмоқ (عَلَى); 3) гуноҳ қилмоқ, ёмон иш қилмоқ, ножўя иш қилмоқ; II حَرَّجَ 1) сиқмоқ, қисмоқ, қийин ҳолатга солмоқ; (*бирор н. га*) мажбур қилмоқ, мажбурламоқ (فِي); 2) (*бирор к ни*) ман қилмоқ, таъқиқламоқ (عَلَى); 3) (*вазиятни*) мураккаблаштирмоқ; 4) дарахт ўтқазмоқ, дарахтзор барпо этмоқ; IV أَحْرَجَ сиқмоқ, қисмоқ, қийин ҳолатга солмоқ; оғир аҳволга солиб қўймоқ; боши берк кўчага олиб кириб қўймоқ; 3) (*бирор к. га*) ман қилмоқ, таъқиқламоқ (عَلَى); V تَحَرَّجَ 1) қисилиб-қимтинмоқ; ўзини ноқулай сезмоқ; 2) оғирлашмоқ, қийинлашмоқ, мураккаблашмоқ (*вазият*); 3) гуноҳ қилишдан, хато қилишдан, адашишдан ўзини тиймоқ (олиб қочмоқ)

– أَحْرَجُ энг қийин, энг хатарли, энг мураккаб

– تَحَرُّجٌ 1) уялиш, тортиниш, хижолат бўлиш, хижолат тортиш; 2) жиддий мураккаблашув (*мас., вазият*)

– تَحْرِيجٌ 1) сиқиш, қийин ҳолатга солиш, қийнаш, қийинлаштириш; 2) (*вазиятни*) мураккаблаштириш, чалкаштириш;

3) дарахт ўтқазиш, дарахтзор барпо этиш; ~ الأَرْضِ кўчат ўтқазиш

– حَرَّاجٌ очиқ савдо, кимошди савдоси, аукцион

– حَرَّاجَةٌ қийинчилик, мушкуллик, танглик, оғир вазият

– حَرَاجِيٌّ ўрмонга оид; ثَرْوَةٌ ~ـَةٌ ўрмон бойлиги

– حَرَجٌ[1] 1) сиқилганлик, сиқиқлик, танглик, қийинчилик, мушкуллик; оғир вазият; أَوْقَعَهُ فِي ~ бирор кимни қийин ҳолатга солмоқ; 2) таъқиқлаш, таъқиқ, ман, қатағон; 3) нотўғри иш, ножўя иш, гуноҳ; ◊ فَهَلْ مِنْ ~ عَلَيْنَا ... наҳотки ... бизга ноқулай бўлса; وَلَمْ نَجِدْ ~اً فِي أَنْ ... биз ...ни уят деб билмаймиз; لاَ ~ عَلَيْكَ! сенга ҳеч нарса қилмайди!; فَحَدِّثْ عَنْهُ وَلاَ ~ мтл. хоҳлаганингни гапир, ишонавераман! (сўзма-сўз: у тўғрида гапиравер, ҳеч бир ноқулай жойи йўқ; (тўла ишонч ифодаси)

– حَرَجٌ[2] кўп. حِرَاجٌ, أَحْرَاجٌ ўрмон, чакалакзор, чангалзор, дарахтзор

– حَرَجٌ[3] замбил, замбар

– حَرِجٌ 1) сиқиқ, тор; 2) қийин, машаққатли, мушкул; دَرَجَةُ الْحَرَارَةِ الـ~ـَةُ ўта хавфли температура; الضَّغْطُ الـ~ ўта хавфли босим; النُّقْطَةُ الـ~ـَةُ энг кескин (қийин) нуқта; السِّنُّ الـ~ـَةُ балоғатга ета бошлаган давр

– حَرَجَةٌ кўп. اتٌ = حَرَجٌ[2]

– حَرَجِيٌّ ўрмонга оид; الثَّرْوَةُ الـ~ـَةُ ўрмон бойлиги

– مُحْرِجٌ 1) сиқувчи, қисувчи; 2) кескинлаштирувчи; 3) ман этувчи, таъқиқловчи

– مُحْرِجَاتٌ шунингдек ~ الأَيْمَانِ кўп. қасамхўрнинг ҳолини танг қиладиган қасамлар

حَرْجَلَ у ёқ-бу ёққа югурмоқ

حَرْجَمَ 1) (бирор н. ни қидириб) кезмоқ, юрмоқ (عَلَى); 2) (подани) ҳовлига (қўрага) ҳайдамоқ

– حَرْجَمَةٌ (бирор н. ни қидириб) кезиш, юриш

حِرْحٌ кўп. أَحْرَاحٌ анат. мойлиқ (аёллар жинсий аъзосининг ичи)

I حَرَدَ (у) حُرُودٌ узоқлашмоқ, четлашмоқ, ўзини четга тортмоқ, четга чиқмоқ; حَرِدَ (а) حَرَدٌ (бирор к. дан) ғазабланмоқ, жаҳли чиқмоқ, аччиғи келмоқ (عَلَى); II حَرَّدَ гумбаз қурмоқ; гумбазли қилиб қурмоқ (иморатни)

– حَرِدٌ, حَارِدٌ аччиғи чиққан, аччиқланган, жаҳлдор

– حَرَدٌ ғазаб, жаҳл

– حَارِدٌ = حَرْدَانٌ

حِرْذَوْنٌ кўп. حَرَاذِينُ калтакесак; калтакесакнинг эркаги

I حَرَزَ (у) حَرْزٌ сақламоқ, асрамоқ, эҳтиётламоқ, эҳтиёт қилмоқ; حَرُزَ (у) حَرَازَةٌ мустаҳкам бўлмоқ, мустаҳкамланмоқ, етиб бўлмайдиган бўлмоқ; IV أَحْرَزَ эгалламоқ, қўлга киритмоқ, олмоқ, етмоқ, етишмоқ; ... الأَوْلَوِيَّةَ فِي ... ~ спорт. ... бўйича биринчиликни қўлга киритмоқ; ~ الْهَدَفَ гол урмоқ, гол (тўп) киритмоқ; ~ فَوْزًا ғалаба қилмоқ, енгмоқ; ~ نَجَاحًا ютуққа эришмоқ; ~ قَصَبَ السَّبْقِ ютиб чиқмоқ, биринчи бўлмоқ; V تَحَرَّزَ (бирор н. дан) эҳтиёт бўлмоқ, (бирор н. дан) ўзини асрамоқ, сақланмоқ, ўзини эҳтиёт қилмоқ (مِنْ); VIII احْتَرَزَ = V

– احْتِرَازٌ эҳтиёткорлик, ўзини эҳтиёт қилиш

– احْتِرَازِيٌّ сақлайдиган, эҳтиёт қиладиган; تَدَابِيرُ ~ـَةٌ эҳтиёт чоралари

– حَارِزَةٌ эл. сақлагич (предохранитель)

– حِرْزٌ кўп. حُرُوزٌ, أَحْرَازٌ ҳимоя, ҳимоя қилиш, қўриқлаш, сақлаш, мудофаа; 2) қалъа, қўрғон, истеҳком; ~ حَرِيزٌ ёв ололмайдиган қалъа; 3) юр. ашёвий далил; 4) тумор; كَانَ فِي ~ حَرِيزٍ а) ҳушёр бўлиб турмоқ; б) қўл етолмайдиган, муяссар бўлолмайдиган бўлмоқ

– حَرَزَةٌ (бирор н. нинг) энг яхши қисми; асл нарса, қимматбаҳо нарса

– حَرِيزٌ кучли, бақувват; олиб бўлмайдиган (мас., қалъа); 2) эришиб бўлмайдиган, муяссар бўлмайдиган

I حَرَسَ (у) حِرَاسَةٌ, حَرْسٌ қўриқламоқ, қўримоқ, эҳтиёт қилмоқ, сақламоқ; ҳимоя қилмоқ; V تَحَرَّسَ (бирор к. дан ёки н. дан) эҳтиёт бўлмоқ, сақланмоқ, ўзини эҳтиёт қилмоқ (مِنْ); VIII احْتَرَسَ (бирор к. дан ёки н. дан) эҳтиёт бўлмоқ, сақланмоқ (مِنْ)

– احْتِرَاسٌ эҳтиёткорлик, эҳтиёт чораси, эҳтиёт; بِـ~ эҳтиёткорлик билан, эҳтиёткорона

– حَارِسٌ 1. 1) пойлоқчи, қўриқловчи; الْمَلَكُ الـ~ дин қўриқловчи фаришта (малоика); 2) ҳушёр; 2. кўп. حَرَسَةٌ, حُرَّاسٌ 1) ходим; васий, ҳомий; қоровул, соқчи; қўриқчи; ~ الْحُدُودِ чегарачи; 2) шунингдек ~ الْمَرْمَى спорт. дарвозабон

– حَرَّاسٌ ходим; қоровул, соқчи

– حِرَاسَةٌ сақлаш, қўриқлаш, мудофаа қилиш; назорат, назорат қилиш; қоровуллик хизмати; ~ الْحُدُودِ чегарани қўриқлаш, чегара ҳимояси; юр. давлат фойдасига бирор мулкни хатлаш, мулкдан фойдаланишни таъқиқлаш, секвестр; وَضَعَ تَحْتَ الـ~ а) ҳимояга олмоқ, васийликка олмоқ, васийлик белгиламоқ; б) бирор мулкни давлат фойдасига хатламоқ, мулкдан фойдаланишни таъқиқламоқ, секвестр қўймоқ

– حَرَسٌ соқчилар, посбонлар, қоровул; қўриқлаб борувчи соқчилар гуруҳи, конвой; гвардия; ~ الشَّرَفِ фахрий қоровул; الـ~ الْوَطَنِيُّ миллий гвардия

– حَرَسِيٌّ кўп. حُرَّاسٌ подшоҳ ёки давлат бошлиғининг шахсий қўриқчиси, гвардия

– مُحْتَرِسٌ эҳтиёткор; ҳушёр

– مَحْرُوسٌ 1. қўриқланадиган, пойланадиган; الـ~ـة қўриқланган, қўриқланиб турган (*Қоҳира шаҳри унвонларидан бири*); 2. ўғил, бола, фарзанд; المَحْرُوسُون оила аъзолари.

I حَرَشَ (и) حَرْشٌ 1) тирнамоқ, тимдаламоқ, таталамоқ; 2) (калтакесак) овламоқ; II حَرَّشَ 1) (*бирор к. га қарши*) гижгижламоқ, қўймоқ (إلى); (*бирор к. орасига*) низо солмоқ, нифоқ солмоқ (بَيْنَ); 2) дарахтзор барпо қилмоқ; дарахт ўтқазмоқ; ◊ ~ الأَرْضَ (*бирор н. билан*) тупроқ ҳосилдорлигини оширмоқ (بـ); III حَارَشَ тегишмоқ, сўз отмоқ, тегажоғлик қилмоқ; V تَحَرَّشَ жиғига тегмоқ, аччиғини келтирмоқ, иғвогарона иш тутмоқ; (*бирор к. га*) тегишмоқ, тегажоғлик қилмоқ (بـ); (*бирор к. билан*) тўқнашмоқ (بـ); (*бирор к. га*) ташланмоқ, ҳужум қилмоқ (بـ, عَلَى); ~ بِهِ لِلْخِصَامِ бирор ким билан жанжал ахтармоқ

– أَحْرَشُ *мн.* حَرْشَاءُ *кўп.* حُرْشٌ дағал, ғадир-будур, дағаллашган, ғудурлашган

– تَحَرُّشٌ 1) жиғига тегиш, иғвогарлик ҳатти-ҳаракати; 2) тегишиш, тегажоғлик қилиш

– تَحْرِيشٌ 1) гижгижлаш, ғусғуслаш, низо чиқариш; 2) дарахтзор қилиш;
~ الأَرْضِ дарахт ўтқазиш

– حَرَّاشٌ *жам.* пишмаган, хом қовун, ҳамаклар

– حَرَّاشَةٌ *кўп.* ـاتٌ — пишмаган, хом қовун, ҳамак

– حَرَاشَةٌ қаттиқлик; ғадир-будурлик, дағаллик

– حَرِشٌ қаттиқ, дағал; ғадир-будур; ғудурлашган

– حَرْشٌ *кўп.* أَحْرَاشٌ ўрмон

– حُرْشٌ = حَرْشٌ

– حَرَاشَةٌ = حُرْشَةٌ

– حَرِيشٌ *кўп.* حُرْشٌ 1) қирқоёқ, минғоёқ; 2) каркидон

حَرْشَفٌ *кўп.* حَرَاشِفُ тангача (балиқдаги)

حَرْشَفَةٌ танга-танга бўлиб қолишлик (*мас.*, тери); ~ الجِلْدِ *мед* баданнинг териси қуриб, шўрлашиш натижасида балиқ терисига ўхшаб танга-танга бўлиб қолиши, ихтиоз

– حَرْشَفِيٌّ танга-танга, тангачали; тангачасимон

I حَرَصَ (и) حِرْصٌ 1) (*бирор н. ни*) ҳаддан зиёд хоҳламоқ, (*бирор н. га*) интилмоқ,(*бирор н. ни*) олишга зўр бериб интилмоқ, зўр бериб талаб қилмоқ (عَلَى); 2) (*бирор н. ни*) сақламоқ, авайламоқ, эҳтиёт қилмоқ (عَلَى); ~ عَلَى شَيْءٍ حِرْصَ المَرْءِ عَلَى حَدَقَةِ عَيْنِهِ бирор нимани кўз қорачиғидай асрамоқ; 3) эҳтиёт бўлмоқ, ҳушёр турмоқ, ҳушёр бўлмоқ, диққат-эътибор билан қарамоқ, II حَرَّصَ қўзғатмоқ, уйғотмоқ; безовта қилмоқ

– حَارِصَةٌ яра, чақа

– حَرْصٌ ёриш, ёриб чиқиш

– حَارِصَةٌ = حَرْصَةٌ

– حِرْصٌ кучли орзу, катта иштиёқ, зўр ҳавас, кучли интилиш; الـ~ عَلَى الثَّأْرِ қасос олиш ҳирси, қасос иштиёқи; 2) очкўзлик, таъмагирлик; ҳирс, ишқибозлик; 3) сақлаш, асраш, авайлаш; 4) эҳтиётлик, эҳтиёт бўлиш

– حَرِيصٌ 1) орзуманд, иштиёқманд, ҳаддан зиёда хоҳловчи; 2) (*бирор н. нинг*) қадрига етувчи, (*бирор н. ни*) ардоқловчи (عَلَى); 3) очкўз, тамаъгир; ишқибоз, ҳарис; 4) исроф қилмайдиган, пишиқ, тежамкор; 5) эҳтиёткор

I حَرَضَ (а) حَرَضٌ туролмай ётиб қолмоқ; II حَرَّضَ 1) иғво қилмоқ, фитна солмоқ, ғаламислик қилмоқ; қизиқтирмоқ, қўзғамоқ, ҳавасини келтирмоқ; (*бирор к. га қарши*) ишга етакламоқ, йўлга солмоқ, кўндирмоқ (عَلَى); 2) *эл.* магнит майдони таъсирида электр энергияси ҳосил қилмоқ; IV أَحْرَضَ йиқитмоқ, ётқизмоқ; ~ـهُ الحُبُّ муҳаббат уни хароб қилди; V تَحَرَّضَ 1) иғвога учрамоқ, фитнага йўлиқмоқ; 2) *эл.* магнит майдони таъсирида электр энергияси ҳосил бўлмоқ

– تَحْرِيضٌ 1) иғвогарлик, ғаламислик, фитна солиш; 2) магнит майдони таъсирида ток ҳосил бўлиш, индукция; الـ~ الذَّاتِيُّ ўз-ўзидан индукцияланиш

– تَحْرِيضِيٌّ 1) иғвогарона, ғаламисона; 2) *эл.* индукцияга оид

– حَرَضٌ[1] *кўп.* أَحْرَاضٌ 1) ўзгариш, ёмонлашиш, оғирлашиш; 2) оғир касаллик; الأَحْرَاضُ الفَيْرُوسِيَّةُ вирус билан боғлиқ бўлган касалликлар; 3) таназзул, ёмонлаша бориш, наслнинг айниши, наслнинг бузилиши

– حَرَضٌ[2] касал, бемор; юқумли касалга гирифтор

– حُرُضٌ ишқор, овқатдан сўнг қўл ювишда ишлатиладиган модда

– حُرُضٌ = حُرْضٌ

– مُحَرِّضٌ 1)иғвогар, ғаламис, фитначи; 2) *эл.* индуктор, магнит майдони таъсирида ток ҳосил қилувчи

I حَرَفَ (у) حَرْفٌ 1) ўзгартирмоқ; 2) (*бирор н. дан*) қайтармоқ, рад қилмоқ, тойдирмоқ, оғиштирмоқ (عَنْ); ~ عَنِ الخَطِّ (الاتِّجَاهِ) الصَّحِيحِ тўғри йўлдан чиқармоқ, тўғри йўлдан оздирмоқ; 3) бурмоқ, бурамоқ, қайирмоқ (*мас.*, *отни*); II حَرَّفَ 1) бузиб кўрсатмоқ, нотўғри талқин қилмоқ, нотўғри изоҳ бермоқ, сохталаштирмоқ; 2) (ҳарфларнинг) ўрнини алмаштирмоқ; III حَارَفَ яхши ёки ёмон қилмишига яраша тақдирламоқ; ~ كَسْبُهُ حُورِفَ унинг яшаши қийинлашди; V تَحَرَّفَ 1) бузиб кўрсатилмоқ, нотўғри талқин бўлмоқ, нотўғри изоҳланмоқ; 2) (*бирор н. дан*) оғишмоқ, тоймоқ, четга чиқмоқ (عَنْ); VII انْحَرَفَ 1) (*бирор н. дан*) оғишмоқ, тоймоқ, четга чиқмоқ (عَنْ); бурилмоқ, қайрилмоқ; ~ عَنِ الاتِّجَاهِ الصَّحِيحِ тўғри йўлдан чиқмоқ, тўғри йўлдан озмоқ; ~ـتْ صِحَّتُهُ бўшашиб турмоқ, лоҳас бўлмоқ, бетоб бўлмоқ; 2; ғилай бўлмоқ (*кўз*); VIII احْتَرَفَ бирор касб-ҳунар қилмоқ, бирор касб-ҳунар билан шуғулланмоқ, (*бирор н. ни*) ҳунар

(*касб*) қилмоқ; амалда қўлламоқ; الْمُحَامَاةَ ~ адвокатлик билан шуғулланмоқ; XII احْرَوْرَفَ = VII

– احْتِرَافٌ бирор касб-ҳунарни танлаш; ҳунар билан шуғулланиш; касбҳунарни амалиётда қўллаш

– انْحِرَافٌ *кўп.* اتٌ — 1) оғишиш, тойилиш, четга чиқиш; *физ.* бурилиш, оғиш; *астр.* оғиш; *сиёс.* оғмачилик; 2) бир томонга қийшайиш, бир томонга оғиш; الْمِزَاجِ ~ *ёки* ~ الصِّحَّةِ лоҳас бўлиш, бетоб бўлиш, лоҳаслик, бетоблик; زَاوِيَةُ ~الـ *мат.* оғиш бурчаги

– تَحْرِيفٌ 1) бузиб кўрсатиш, нотўғри талқин қилиш; 2) (*сўзни*) бузиш, бузиб талаффуз этиш; *сўздаги ҳарфларнинг*) ўрнини алмаштириш

– تَحْرِيفِيٌّ 1. ревизионизмга асосланган; 2. ревизионист

– تَحْرِيفِيَّةٌ ревизионизм

– حَرَافَةٌ (овқат мазасининг) аччиқлиги, ўткирлиги

– حَرْفٌ[1] *кўп.* حِرَفٌ четка, қирғоқ, қирра, ёқа; чет, ён; тиғ; лезвия (*олмос*)

– حَرْفٌ[2] *кўп.* أَحْرُفٌ, حُرُوفٌ 1) ҳарф; ундош товуш; سَاكِنٌ ~ *ёки* صَامِتٌ ~ ундош товуш; صَوْتِيٌّ ~ *ёки* مُصَوِّتٌ ~ *ёки* مُتَحَرِّكٌ ~ унли товуш; حُرُوفُ الْعِلَّةِ *грам.* ҳарфи иллатлар (ا, و, ى); الْحُرُوفُ الْأَبْجَدِيَّةُ *ёки* الْحُرُوفُ الْمَبَانِي *ёки* حُرُوفُ الْهِجَاءِ *ёки* الْحُرُوفُ الْهِجَائِيَّةُ алифбо, алфавит; بِالْـ~ *ёки* بِالْـ~ الْوَاحِدِ сўзма-сўз, ҳарфма-ҳарф, айнан; بِـ~ـهِ نَشَرَ тўлалигича нашр қилмоқ; لَمْ يَنْطِقْ بِـ~ у ҳеч нарса демади, у лом-мим демади; كَتَبَ الْأَرْقَامَ بِالْحُرُوفِ рақамларни ҳарфлар билан ёзмоқ; وَقَّعَ بِالْـ~ الْأَوَّلِ مِنَ الْاسْمِ исмнинг биринчи ҳарфи билан қўл қўймоқ; инициалини қўймоқ; (шартномани)тасдиқлаш учун исм ва фамилиянинг биринчи ҳарфини қўйиб, ўз розилигини билдирмоқ; 2) *грам.* юклама; ~ التَّعْرِيفِ *грам.* аниқлик артикли; ~ الْجَرِّ предлог, олд қўшимчаси; ~ الْعَطْفِ *грам.* боғловчи; ~ الاسْتِفْهَامِ сўроқ юкламаси; ~ النِّدَاءِ ундалмада ишлатиладиган ундов сўз; حُرُوفُ الْقَسَمِ қасамни ифодаловчи юкламалар; 3) сўз; وَضَعَ النُّقَطَ عَلَى الْحُرُوفِ ҳеч бир ноаниқ ерини қолдирмай изоҳламоқ; яна масалага қайтмайдиган қилиб охирига етказмоқ (*сўзма-сўз: ҳарфларнинг устига нуқталарни қўймоқ*)

– حُرْفٌ[1] *бот.* бўлтириқ, чачирак; чиртилқоқ (ўсимлик)

– حُرْفٌ[2] давлати кўпаймаслик, бойимаслик

– حِرْفَةٌ[1] *кўп* حِرَفٌ машғулот; касб, касб-ҳунар; صَاحِبُ ~ ҳунарманд, косиб; الْـ~ أَرْبَابُ (أَصْحَابُ) ҳунармандлар, косиблар; يَدَوِيَّةٌ ~ қўлда бажариладиган ҳунар, қўлҳунар

– حِرْفَةٌ[2] = حُرْفٌ[2]

– حِرَفِيٌّ 1. касб-ҳунарга оид; 2. косиб, ҳунарманд

– حَرْفِيٌّ 1) ҳарфий, ҳарф билан; 2) сўзма-сўз, ай нан, ҳарфма-ҳарф

– حَرْفِيَّةٌ 1) сўзма-сўз маъно; сўзма-сўзлилик; 2) *грам.* сўзнинг юклама сифатидаги маъноси

– حَرِيفٌ *кўп.* حُرَفَاءُ 1) ўртоқ, дўст; 2) бирга ўйновчи (*мас.*, *шахматда*), шерик, жўра, улфат; 3) мижоз, клиент

– حِرِّيفٌ 1) аччиқ *ёки* ўткир (*таом ҳақида*); 2) билағон, моҳир, уста

– مُحَارَفٌ беризқ, бенасиб, насибаси кам

– مُحْتَرَفٌ *кўп.* اتٌ — устахона, ижодхона (*рассомники*)

– مُحْتَرِفٌ 1. муайян бир касб билан, иш билан шуғулланувчи; 2. бирор ҳунарни ўзига касб қилиб олган ва шу касб билан шуғулланувчи, профессионал; طَبِيبٌ ~ профессионал врач (*табиб*)

– مِحْرَافٌ *кўп.* مَحَارِيفُ *ёки* مِحْرَفٌ *кўп.* مَحَارِفُ *мед.* ичга юбориладиган резинка ичак

– مُحَرَّفٌ бузиб кўрсатилган, нотўғри талқин қилинган

– مُنْحَرِفٌ 1) оғувчи, тоювчи, четга бурилувчи; الْمِزَاجِ ~ бемор, хаста; 2) ғилай, эгри, қийшиқ; خَطٌّ ~ эгри чизиқ; مُرَبَّعٌ (مُعَيَّنٌ) ~ *мат.* трапеция; شِبْهُ ~ *мат.* трапецоид

– حَرْفَشٌ *кўп.* حَرَافِشُ резавор ўсимлик

I حَرَقَ (*у*) حَرْقٌ 1) ёқмоқ, ёндирмоқ, куйдирмоқ, ёқиб (*куйдириб*) юбормоқ; ловуллатмоқ, ачиштирмоқ (*аччиқ таом ва ҳ.к.*); 2) (*ғиштни*) пиширмоқ; 3) (олов билан) зарар келтирмоқ, шикаст етказмоқ, ишдан чиқармоқ; بِالْمَاءِ الْحَارِّ ~ қайноқ сув билан куйдириб олмоқ; 4) қийнамоқ, азоб бермоқ (*очлик ҳақида*); 5) эговламоқ, ишқаламоқ; أَمَامَهُ بَخُورَ الْمَدِيحِ ~ *кар.* بَخُورٌ ~ الْأَسْنَانَ؛ тишларни ғижирлатмоқ; II حَرَّقَ 1) қаттиқ куйдирмоқ; (*урушда*) ҳаммани куйдириб йўқ қилмоқ; 2) пасаймоқ, паст бўлмоқ (*сув сатҳи ҳақида*); оз бўлмоқ, кичик бўлмоқ (*тошқин ҳақида*); ◊ ~ الْأَسْنَانَ тишларни ғижирлатмоқ; IV أَحْرَقَ куйдирмоқ, ёндирмоқ; йўқ қилмоқ (*ёнгин ҳақида*) قَلْبَهُ ~ *маж.* бирор кишининг ичини (*юрагини*) ёндирмоқ, бирор кишини катта ғамга қўймоқ; V تَحَرَّقَ ёнмоқ, куймоқ, куйиб кетмоқ, ёниб тамом бўлмоқ; شَوْقًا إِلَى ... ~ ...нинг ишқи билан (*ишқида*) ёнмоқ; VII انْحَرَقَ 1) куйдирилмоқ, ёндирилмоқ; 2) сув миқдори оз бўлмоқ (*Нил ҳақида*); VIII احْتَرَقَ алангаланмоқ, ўт илашиб кетмоқ, ёнмоқ, куймоқ

– احْتِرَاقٌ ёниш, куйиш; قَابِلُ الْـ~ ёнадиган, ёнувчан; ~ تِلْقَائِيٌّ ўз-ўзидан ёниш; مُحَرِّكٌ بِالْـ~ الدَّاخِلِيِّ ичдан ёнар двигатель

– إِحْرَاقٌ ёндириш, куйдириш

– انْحِرَاقٌ сув миқдорининг оз бўлиши (*Нилда тошқин пайтида*)

– تَحَارِيقُ *кўп.* 1) сувнинг энг паст сатҳи (*Нил дарёсида*); 2) (*Нилда сувнинг озойиши билан боғлиқ бўлган*) қурғоқчилик

– تَحَرُّقٌ 1) ёниш, куйиш; 2) кучли хоҳиш, истак

– حَارِقٌ 1. ўт ёқувчи, ўт қўйиб юборувчи; 2. олов ёқувчи

– حُرَاقٌ чақмоқ учқунидан ўт илаштирадиган пилик

– حُرَّاقٌ 1) ёқиб юборувчи, куйдирувчи; 2) ёндирувчи; قُنْبُلَةٌ ~ـَةٌ ёндирувчи бомба; 3) ўткир, аччиқ; زَيٌّ الْفُلْفُل ~ халқ. қалампир каби аччиқ

– حُرَاقَةٌ = حُرَاقٌ

– حَرَّاقَةٌ кўп. ~ـَاتٌ — минноносец, ўзиюрар миналар – торпедолар билан қуролланган ҳарбий кема; душман кемаларини ёндириш учун ёнувчи моддалар билан тўлғазилган махсус кема.

– حُرَّيْقَةٌ кўп. حَرَارِيقُ гурра, пўрсилдоқ, қаварик

– حَرْقٌ[1] 1) ёниш, куйиш; عَمْدِيٌّ ~ ўт қўйиш, ёндириш, қасддан ўт қўйиш; أَجْسَادِ الْمَوْتَى ~ кремация, жасадларни куйдириш; 2) куйдириб юбориш

– حَرْقٌ[2], حُرُوقٌ (шунингдек. اللَّهَب ~) куйиш, куюк

– حَرَقٌ 1) ёниш, куйиш; 2) чўғ, лахча чўғ

– حَرَقَانٌ шунингдек. الْقَلْب ~ зарда, жиғилдон қайнаш

– حُرْقَةٌ, حُرَقَةٌ 1) ёниш, куйиш; ёндириш, куйдириш; қизиқиш, ҳавас; шиддат, қизғинлик; الْقَلْب ~ зарда, жиғилдон қайнаш; 2) ғазаб, қаҳр, жаҳл, зарда; شَتَمَهُ بـِـ~ оғзига бўди кириб, шоди чиқмоқ, оғзига келганни қайтармай сўкмоқ; بَكَى بـِـ~ аччиқ-аччиқ йиғламоқ

– حَرِيقٌ 1. ёнувчи, ёнувчан; 2. 1) ёқилғи, ёнилғи; 2) ёнғин; ўт қўйиш, ёндириш, қасддан ўт қўйиш; بَابُ الـ~ ёнғин бўлганда ёки бошқа заруратда очиладиган эшик

– حَرِيقَةٌ кўп. حَرَائِقُ 1) гулхан; 2) ёнғин

– مُحْتَرَقٌ физ. фокус, нурларнинг тўпланиш нуқтаси

– مَحْرَقٌ куйдирадиган, ёқадиган жой; أَجْسَادِ الْمَوْتَى ~ ёки الْجُثَثِ крематорий

– مُحْرِقٌ 1) ёндирувчи, куйдирувчи; 2) ловуллатадиган, ачиштирадиган; 3) ўт қўювчи, олов ёқувчи; ёндирувчи; قُنْبُلَةٌ ~ـَةٌ ёндирувчи бомба; قَارُورَةٌ ~ـَةٌ ёндирувчи аралашма солинган бутилка (шиша идиш) (танкларга қарши)

– مُحَرَّقٌ пули йўқ, пулсиз, чўнтаги қуп-қуруқ

– مَحْرَقَةٌ кўп. ~ـَاتٌ — гулхан, аланга

– مُحْرَقَةٌ[1] = مُحْرِقٌ

– مُحْرَقَةٌ[2] кўп. ~ـَاتٌ — дин. батамом куйдирилган қурбонлик; ◊ كَبْشُ (تَيْسُ) الـ~ ҳамма балога сабабчи қилиб кўрсатиладиган ва жазоланадиган одам (сўзма-сўз: қурбонлик қўйи (эчкиси)

– مَحْرُوقٌ 1) куйдириладиган, куйдириб йўқ қилинган; ◊ خَطُّ الْأَرْضِ الـ~ـَةِ куйдирилган ер зонаси (майдони); 2) қийноқда қолган, азият чеккан; الْقَلْب ~ юрагида дарди бор, қалби қийноқда қолган; дили сиёҳ бўлган; ◊ يَا ~ـَا يَا ~ـَةُ лаънати!; قَلْبُهُ ~ مِنْهُمْ уларда ўчи (кеки) бор (сўзма-сўз: улардан дили куйган)

– مَحْرُوقَاتٌ кўп. ёқилғи, ёнилғи; جَامِدَةٌ ~ қаттиқ ёқилғи; سَائِلَةٌ ~ суюқ ёнилғи; صِنَاعَةُ الـ~ ёқилғи, ёнилғи ишлаб чиқариш

حَرْقَدَةٌ кўп. حَرَاقِدُ анат. кекирдак олмаси, кўштомоқ

حَرْقَفَةٌ кўп. حَرَاقِفُ қовурға, қовурға суяги

I حَرَكَ, حَرُكَ (у) حَرَكَةٌ ҳаракатланмоқ, ҳаракат қилмоқ, ҳаракатга келмоқ, қимирламоқ, жойидан жилмоқ; II حَرَّكَ 1) ҳаракатга келтирмоқ, ҳаракатлантирмоқ, жойидан жилитмоқ, жойидан силжитмоқ, жилдирмоқ, суриб қўймоқ; 2) силкитмоқ, чайқамоқ, қимирлатмоқ; 3) аралаштирмоқ, кавламоқ (овқат пиширганда); 4) қўзғамоқ, қўзғатмоқ, уйғотмоқ; الْعَوَاطِفَ ~ таъсир қилмоқ, ҳаяжонлантирмоқ, ҳиссиётни қўзғатмоқ; الشَّهِيَّةَ ~ иштаҳани очмоқ; 5) (бирор н. га) қизиқтирмоқ, қўзғатмоқ, ҳавасини келтирмоқ (إِلَى); 6) грам. (ҳарфларнинг) ҳаракатини қўймоқ; ◊ لَا يُحَرِّكُ سَاكِنًا у ҳеч бир иш қилмайди; унинг парвойи палак; у эътибор бермай ўтираверади; V تَحَرَّكَ 1) ҳаракатга келмоқ, жилмоқ, силжимоқ; ҳаракат қилмоқ, қимирламоқ; фаоллик кўрсатмоқ; 2) грам. (ҳарфларнинг) ҳаракати қўйилмоқ, ҳаракатли бўлмоқ (ҳарфлар ҳақида)

تَحَرُّكٌ кўп. ~ـَاتٌ 1) ҳаракат, қатнов, кўчиш, силжиш; жўнаш, жўнаб кетиш; إِدَارَةُ الـ~ـَاتِ кемалар қатнови хизмати (Сувайш каналида); رَئِيسُ الـ~ـَاتِ қатнов бошлиғи; 2) фаоллик, бирор мақсад йўлида қилинган ҳаракат; الـ~ الْيَمِينِيُّ сиёс. ўнг унсурларнинг фаоллиги, активлиги

– تَحْرِيكٌ 1) ҳаракатга келтириш; 2) қўзғаш, қўзғатиш, уйғотиш; 3) грам. (ҳарфларнинг) ҳаракатини қўйиш

– حَارِكٌ ёл (отларда)

– حَرَاكٌ ҳаракат; لَا يُبْدِي ~ـًا у қимирламаяпти, у ўрнидан силжимаяпти

– حَرِكٌ ҳаракатчан, серҳаракат, чаққон, эпчил, тетик

– حَرْكَرِكٌ 1. серҳаракат, серғайрат; қўзғаладиган, ҳаракатланадиган, юрувчи; 2) тектурмас одам, бесаранжом, жонсарак одам; ◊ وَصَلَ عَلَى الـ~ у ўз вақтида (роса пайтида) етиб келди

– حَرَكَةٌ кўп. ~ـَاتٌ — 1) ҳаракат; تَحْرِيرِيَّةٌ ~ ёки تَحَرُّرِيَّةٌ ~ озодлик ҳаракати; الـ~ الْعُمَّالِيَّةُ ёки الْعُمَّالِ ~ ишчилар ҳаракати; الـ~ النِّسَائِيَّةُ хотин-қизлар ҳаракати; الْمُرُورِ ~ шаҳар транспорти ҳаракати; السُّفُنِ ~ кемалар қатнови; ~ـَاتٌ دَانِمَرْكِيَّةٌ اخْتِيَارِيَّةٌ ёки ~ـَاتٌ спорт. асбобсиз бажариладиган эркин гимнастика машқлари; الـ~ عِلْمُ ёки عِلْمُ الـ~ الْمُجَرَّدَةِ физ. динамика; 2) иш, ҳаракат, динамика, амал; 3)

фаолият, хизмат, машғулот; кампания, маърака; اِنْتِخَابِيَّةٌ ~ сайлов кампанияси; عِلْمِيَّةٌ ~ илмий фаолият; 4) ўсиш, бориш, оқим; 5) гапирганда қўл ва бошқа аъзоларнинг ҳаракати; ثَقِيلُ الـ~ секинак, сусткаш, ланж, ивирсиган; خَفِيفُ الـ~ ҳаракатчан, серҳаракат, чаққон, тезов; 6) қилиқ, иш, ҳаракат; ~اتُهُ وَسَكَنَاتُهُ унинг барча ишлари, унинг қилаётган барча ишлари; 7) *грам.*(*ҳарфларнинг*) ҳаракати, қисқа унли

– حَرَكِيٌّ ҳаракатга оид; ҳаракатга келтирувчи; динамик; قِصَّةٌ ~ـةٌ сўзсиз, имо-ишоралар билан кўрсатиладиган тамоша, пантомима

– مُتَحَرِّكٌ 1. 1) ҳаракатланувчи, ҳаракатга келувчи; ўзи юрар; 2) серҳаракат, серғайрат; қўзғаладиган, ҳаракатланадиган, юрувчи; 2. *грам.* унли товуш

– مِحْرَاكٌ 1. ҳаракатга келтирувчи, ҳаракатлантирувчи; 2. 1) темир косов; 2), фитначи, ғаламис, иғвогар

– مَحْرَكٌ ҳаракат йўли, чизиғи; траектория

– مُحَرِّكٌ 1. 1) ҳаракатга келтирувчи, ҳаракатлантирувчи; الْقُوَّاتُ الـ~ـةُ ҳаракатга келтирувчи кучлар; 2) қўзғатувчи, уйғотувчи; 2. 1) *кўп.* اتٌ — двигатель, мотор; كَهْرَبَائِيٌّ ~ электромотор; 2) қўзғовчи, қўзғатадиган; 3) бирор ишни кўнгилга (*эсга*) солган нарса

حَرْكَثَ 1) ҳаракатга келтирмоқ, ҳаракатлантирмоқ; 2) силкимоқ, силкитмоқ, қоқмоқ; 3) титиб (титкилаб) чиқмоқ, кавлаб (кавлаштириб) ташламоқ (*бирор н. ни қидиришда*); 4) қўзғамоқ, уйғотмоқ, ҳаяжонга солмоқ; تَحَرْكَثَ *кўч.м.* (*бирор к. билан*) ёқалашмоқ, (*бирор к. га*) ёпишмоқ, муштлашишмоқ (بِ)

– حَرْكَثَةٌ 1)ҳаракатга келтириш, силжитиш; 2) силкиш, силкитиш, қоқиш; 3) қўзғаш, қўзғотиш, ҳаяжонга солиш

حَرْكَشَ 1) ҳаракатга келтирмоқ, ҳаракатлантирмоқ; 2) титиб (титкилаб) чиқмоқ, кавлаб-кавлаштириб ташламоқ (*бирор н. ни қидиришда*); 3)қўзғатмоқ, уйғотмоқ, ҳаяжонга солмоқ

– حَرْكَشَةٌ 1) ҳаракатга келтириш, силжитиш; 2) қўзғаш, қўзғотиш, ҳаяжонга солиш

I حَرُمَ (у) حُرْمٌ, حُرْمَةٌ (*бирор к. учун*) таъқиқланмоқ, ман этилмоқ, (*бирор к. учун*) муқаддас бўлмоқ (عَلَى); حَرَمَ (и) حِرْمَانٌ 1)маҳрум қилмоқ; مِنَ الإِرْثِ ~ меросдан маҳрум қилмоқ; 2) ман этмоқ, таъқиқламоқ; 3) (*бирор н. дан*) чиқармоқ, бурмоқ, четлаштирмоқ (مِنْ); II حَرَّمَ муқаддас деб эълон қилмоқ; 2) таъқиқламоқ, ман этмоқ; 3) ташламоқ, т арк этмоқ, тўхтатмоқ; عَلَى نَفْسِهِ التَّدْخِينَ ~ чекишни ташламоқ; IV أَحْرَمَ 1) чиқармоқ, бурмоқ, четлатмоқ; 2) (*ҳаж маросими пайтида ҳарамга киришдан олдин*) эҳром боғламоқ; V تَحَرَّمَ 1) таъқиқланмоқ, ман этилмоқ, ҳаром бўлмоқ; 2) муқаддаслашмоқ; VIII اِحْتَرَمَ ҳурматламоқ, ҳурмат қилмоқ; قَوَاعِدَ الْمُرُورِ ~ ҳаракат қоидасига риоя қилмоқ; X اِسْتَحْرَمَ 1) ман этилган деб ҳисобламоқ, ноқонуний деб ҳисобламоқ; ҳаром деб ҳисобламоқ; 2) овқатланаётган бўлмоқ (*ҳайвонлар ҳақида*); тутмоқ, боқмоқ, кўпайтирмоқ (*ҳайвонларни*)

– اِحْتِرَامٌ 1) ҳурмат, эҳтиром, иззат; عَلَى مَبْدَأ الـ~ الْمُتَبَادِلِ لِلسِّيَادَةِ وَالْمُسَاوَاةِ فِى الْحُقُوقِ وَ عَدَمِ التَّدَخُّلِ فِى الشُّؤُونِ الدَّاخِلِيَّةِ ўзаро ҳурмат, тенгҳуқуқлилик ва ички ишларга аралашмаслик принципи асосида; 2) дахлсизлик; الْمِلْكِيَّةِ ~ мулк дахлсизлиги, الْمَسْكَنِ ~ турар жой дахлсизлиги

– اِحْتِرَامَاتٌ *кўп.* ҳурмат белгилари, ҳурмат рамзлари: иззат-икром

– إِحْرَامٌ *дин.* ҳаж маросимида ҳарам ҳудудиға қадам босиш ва эҳром боғлаш; مَلَابِسُ الـ~ эҳром (*ҳарамга қадам босишда кийиладиган икки қисмдан иборат игна тегмаган оқ мато; унинг бири елкага ва бўйинга ташланади, иккинчиси белга ўралади*)

– تَحْرِيمٌ таъқиқлаш, ман этиш; التَّجَارِبِ النَّوَوِيَّةِ ~ ядро синовларини таъқиқлаш

– حَرَامٌ *кўп.* حُرُمٌ 1. 1) таъқиқланган, ман этилган; 2) ҳаром; مِنْطَقَةٌ ~ *ёки* شُقَّةٌ ~ таъқиқланган *ёки* нейтрал минтақа; 3) муқаддас; بَيْتُ الـ~ Каъба; بَيْتُ اللهِ الـ~ الشَّهْرُ الـ~ муҳаррам (*ойи*) (*қамарий тақвимнинг биринчи ойи, 30 кун*); 4) ноқонуний, ҳаром; بِالـ~ ноқонуний йўл билан, ҳаром йўл билан; اِبْنُ~ никоҳсиз туғилган ўғил, ҳароми; بِنْتُ ~ никоҳсиз туғилган ҳароми қиз; 2. гуноҳ; ~ عَلَيْكَ! уялинг!

– حِرَامٌ *кўп.* أَحْرِمَةٌ, حِرَامَاتٌ адёл, катта ва қалин жун рўмол

– حَرَامِيٌّ *кўп.* حَرَامِيَّةٌ ўғри; қароқчи

– حَرَمٌ *кўп.* أَحْرَامٌ 1) таъқиқланган, ман этилган жой, дахлсиз жой; 2) муқаддас жой, қадамжо, зиёратгоҳ; 3) муқаддас ҳудуд; الـ~ان *ик.с.* Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунаввара; ثَالِثُ الْحَرَمَيْنِ Қуддуси шариф; 4) муқаддаслик; қадамжо, зиёратгоҳ, энг муқаддас; 5) табу (таъқиқланган *бирор н.*); 6) рафиқа, хотин

– حِرْمٌ = إِحْرَامٌ

– حِرْمٌ *кўп.* حُرُومٌ рад қилиш, ҳайдаш; كَنَائِسِيٌّ ~ *дин.* черковдан ҳайдаш, черковдан четлатиш, лаънатлаб насроний диндан ихрож қилиш; بَابَوِيٌّ ~ папа томонидан диний маросимлардан четлатиш

– حِرْمَانٌ 1) маҳрум қилиш; الـ~ مِنَ الإِرْثِ меросдан маҳрум қилиш; 2) (*бирор н. дан*) чиқариш, четлаштириш

– حَرَمْلِكٌ ичкари, ҳовлининг аёллар учун ажратилган қисми

– حُرْمَةٌ *кўп.* حُرُمَاتٌ, حُرَمٌ 1) таъқиқланганлик, ман этилганлик, таъқиқланган, ман этилган нарса; 2) муқаддас нарса; 3) муқаддаслик, дахлсизлик; الشَّخْصِيَّةِ ~ шахс дахлсизлиги; 4) ҳурмат, иззат, эҳтиром; 5) рафиқа, хотин; аёл

– حِرْمَةٌ шаҳват, шаҳвоний нафс

– حَرِيمٌ *кўп.* حُرُمٌ, حَرِيمَاتٌ 1) рафиқа, хотин; (*бир кишининг*) хотинлари; 2; *шунингдек.* بَيْتُ الـ~ ҳарам; 3) ичкари, ҳовлининг аёллар учун ажратилган қисми; الْبِئْرِ ~ қудуқ атрофидаги унга тегишли бўлган ҳудуд (*территория*)

– حَرِيمِيٌّ аёлларга тегишли; الأَزْيَاءُ الـ~ـة аёлларнинг кийим-кечаги, аёллар модаси; الأَقْمِشَةُ الصُّوفِيَّةُ الـ~ـة аёлларнинг кийим-кечагига боп бўлган жун матолар

– مُحْتَرَمٌ муҳтарам, ҳурматли, эътиборли; кўп ҳурматли (*мактуб ёзишда*)

– مَحْرَمٌ *кўп.* مَحَارِمُ 1. 1) таъқиқланган, ман этилган; 2) ҳарамга киришга ҳуқуқи бор, маҳрам; 2. 1) ман этилган нарса, таъқиқланган нарса; 2) қариндош

– مَحْرَمَةٌ *ёки* مَحْرُمَةٌ = حُرْمَةٌ

– مُحْرِمٌ эҳром боғлаган ҳожи

– مُحَرَّمٌ 1. 1) ман этилган, таъқиқланган; 2) ҳаром; 2. муҳаррам (қамарий тақвимнинг биринчи ойи, 30 кун)

– مُحَرَّمَاتٌ *кўп.* 1) никоҳланиш таъқиқланган қариндошчилик; 2) ман этилган нарса, таъқиқ, ман, қатағон; حَلَّلَ جَمِيعَ الـ~ *ёки* ارْتَكَبَ الـ~ барча таъқиқларни бузмоқ

– مَحْرَمَةٌ *кўп.* مَحَارِمُ рўмолча, даструмол

– مَحْرُومٌ 1. 1) (*бирор н. дан*) маҳрум бўлган, маҳрум (مِنْ); 2) рад этилган, четлатилган; 3) бахтсиз, бадбахт; бечора; 2. омадсиз, омади йўқ одам, иши ўнгидан келмаган одам

حَرْمَلٌ *бот.* жанубда ўсадиган ўсимликлардан бири (*уруғи бўёқчиликда ишлатилади*)

– حَرَمْلَكٌ *қар.* حرم

– حَرْمَلَةٌ *кўп.* حَرَامِلُ, حَرْمَلَاتٌ калта чопон, елкага ташлаб юриладиган енгсиз кийим

I حَرَنَ[1] (у) حُرُونٌ 1) ўжарлик қилмоқ, қайсарлик қилмоқ (*от ҳақида*); 2) тўхтаб қолмоқ, бузилмоқ, юрмай қолмоқ (*машина ҳақида*); حَرُنَ[2] (у) حُرُونٌ = حَرَنَ

– حَرُونٌ *кўп.* حُرُنٌ қайсар, ўжар, асов, терс; ён бермайдиган, гапга кўнмайдиган

حَرْوَةٌ 1) зарда, жиғилдон қайнаш; 2) сассиқ ҳид, бадбўй ҳид

(حرى) V تَحَرَّى 1) ўрганмоқ, тадқиқ қилмоқ; 2) ҳар томонлама текширмоқ, текшириб кўрмоқ, қидирмоқ, қидирув ишлари олиб бормоқ, дастлабки тергов ишларини олиб бормоқ; 3) риоя қилмоқ, амал қилмоқ; ~ أَوَامِرَ الدِّينِ дин кўрсатмаларига амал қилмоқ

– أَحْرَى энг муносиб, энг мос, энг боп; ~ بِهِ أَنْ ... унинг учун энг яхшиси ...; بِالـ~ энг яхшиси, энг тўғриси; айниқса, хусусан, فَمَا أَحْرَانَا أَنْ ... энг яхшиси биз ...имиз керак эди; فَقَدْ كَانَ ~ بِهِ أَنْ يَقُولَ ... энг яхшиси у ... дейиши керак эди; إِنْ لَمْ تَفْهَمْ هَذَا أَنْتَ لَهُوَ ~ أَنْ لَا نَفْهَمَهُ نَحْنُ агар бу нарсани сен тушунмаган бўлсанг, бизнинг тушунишимиз анча мушкул

– تَحَرٍّ *кўп.* تَحَرِّيَاتٌ 1) қидириш, қидириб топиш, тадқиқот, тадқиқ қилиш; التَّحَرِّيَاتُ التَّارِيخِيَّةُ тарих соҳасидаги тадқиқотлар; 2) текширув, ҳар томонлама текшириб кўриш; қидирув иши, дастлабки тергов; رِجَالُ التَّحَرِّي махфий полиция агентлари; شُرْطَةُ التَّحَرِّي қидирув полицияси

– حِرَاءٌ Ҳиро (*Маккаи мукаррамадаги тоғ номи*)

– حَرِيٌّ (*бирор н. га*) муносиб, арзигулик (بِ); أَوْ بِالـ~ ундан яхшиси эса

I حَزَّ (а/у) حَزٌّ 1) кертиб белги қилмоқ, тилмоқ, чақмоқламоқ; 2) ярадор қилмоқ; ажратмоқ, кесмоқ, қирқмоқ; ◊ ~ أَلَمٌ فُؤَادَهُ оғриқ жонини қийнаб юборди; ~ هَذَا الْمَنْظَرُ فِي نَفْسِهِ (قَلْبِهِ) бу нарсага қараб туриш унинг учун жуда оғир (*сўзма-сўз:* бу манзара унинг дилини ўртаб юборди; ... فَكَمْ ~ فِي نَفْسِهِ ... عَجْزُهُ عَنْ ... қила олмаганлигидан у қанчалик азобланди (*сўзма-сўз:* ...дан ожизлиги уни қанчалик азобга қўйди); II حَزَّزَ кертик қилиб қўймоқ, кемтик қилмоқ; VIII احْتَزَّ ажратмоқ, кесмоқ, чопмоқ

– حَزٌّ[1] сал (бир оз) кесиш, андак кесиш, чақмоқлаш; 2) ярадор қилиш, яралаш

– حَزٌّ[2] *кўп.* حُزُوزٌ 1) кертиш, кесиш; кертик, белги, кесик; 2) яра; 3) керакли, зарур он (момент)

– حَزَازٌ *жам.* 1) бош кепаги, қазғоқ; 2) темиратки; 3) *бот.* Исландия йўсини

– حَزَازَةٌ[1] 1) бош кепаги, қазғоқ; 2) темиратки

– حَزَازَةٌ[2] *кўп.* ـَاتٌ 1) душманлик, адоват; ғазаб, қаҳр, аччиқ; нафрат; 2) эски (қадимий) хусумат; кўп низо, нифоқ, тортишув; ـَاتٌ قَبَلِيَّةٌ қабилавий (*қабилалараро*) низолар

– حَزَازَةٌ[3] юракдаги оғриқ

– حَزَّةٌ *кўп.* ـَاتٌ 1) кертиш, кесиш, кертик, белги, кесик; 2) керакли он (момент); 3) зарда, жиғилдон қайнаши; ~ حَسْرَةٌ оғриқ (юракдаги)

– حُزَّةٌ: ~ السَّرَاوِيلِ лозим *ёки* бошқа ички кийимнинг бел қисми; أَخَذَ بِـ~ـه *маж.* бўйнидан олмоқ (*сўзма-сўз:* белидан олмоқ)

– مَحَزٌّ 1) кертик, белги, кесик; 2) энг нозик, энг қалтис жой, ◊ أَصَابَ الـ~ мўлжалдаги жойга тегмоқ; нақ ўзига тегмоқ; الْيَوْمَ وَصَلَتِ السِّكِّينُ عَلَى الـ~ бугун пичоқ бориб, суякка тақалди (сўзма-сўз: бугун пичоқ энг нозик жойга етди)

I حَزَبَ (у) حَزْبٌ (*бирор к. га*) таъсир қилмоқ, (*бирор к. ни*) қаттиқ ранжитмоқ, ташвишга солмоқ (فِي); II حَزَّبَ (ўз атрофига одамларни) тўпламоқ, йиғмоқ (إِلَى); 2) партия ташкил этмоқ; ~ الأَحْزَابَ ضِدَّهُ (*бирор к. га қарши*) тиш қайрамоқ, ҳужум қилмоқ, жангга отланмоқ; III حَازَبَ 1) (*бирор к. билан*) бир партияга мансуб бўлмоқ; 2) (*бирор к. ни*) қўллаб-қувватламоқ; V تَحَزَّبَ 1) партия сафига кирмоқ, партия аъзоси бўлмоқ; 2) партия ташкил қилмоқ; 3) (*бирор к. нинг*) тарафида бўлмоқ (لِـ); 4) (*бирор к. га қарши*) отланиб чиқмоқ, ҳужум қилмоқ (ضِدَّ)

– حَازِبٌ *кўп.* حَوَازِبُ ташвишга соладиган нарса, фалокат; حَزَبَهُ ~ унга нимадир қаттиқ азоб бермоқда

– تَحَزُّبٌ 1)партиявийлик; 2) партиявийлик руҳи; 3) ғаразгўйлик билан қараш, тарафкашлик, ғараз; عَدَمُ الـ~ бетарафлик, холислик, беғаразлик

– تَحَزُّبِيٌّ ғаразгўй, тарафкаш

– حِزْبٌ, أَحْزَابٌ 1)партия (*сиёсий*); الأَحْزَابُ الْعُمَّالِيَّةُ ишчи партиялари; ~ الْعُمَّالِ лейбористлар партияси; الأَحْزَابُ *кўп. Қур.* Мадинаи мунаввара учун бўлган жангда Муҳаммад алайҳиссаломга қарши турган иттифоқдош қабилалар; 2) Қуръони каримнинг олтмишдан бир қисми; ~ النُّزُولِ қимматли қоғозлар баҳоси тушганда савдо қилувчилар (*биржада*)

– حِزْبِيٌّ 1. партияга оид; ~ لَا *ёки* ~ غَيْرُ партиясиз; 2. партия аъзоси

– حِزْبِيَّةٌ партияга мансублилик, партиявийлик; ~ اللا партиясизлик

– مُتَحَزِّبٌ 1) партия ҳисобидаги; 2) ўз қарашларида сабот билан турувчи

I حَزَرَ (*и, у*) حَزْرٌ 1) пайқаб билиб олмоқ, тахминан аниқламоқ, тахмин қилмоқ, белгиламоқ, аниқламоқ; 2) ўйлаб топмоқ, гумон қилмоқ

– حَزْرَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ الْمَالِ ~ мол-мулкнинг энг яхшиси

– حُزُورَةٌ *кўп.* حَزَازِيرُ топишмоқ; жумбоқ, чистон, муаммо

– مَحْزَرَةٌ 1) аниқлаш, белгилаш; 2) пайқаш, идрок, сезгирлик; фараз, гумон

I حَزَقَ (*и*) حَزْقٌ 1) босмоқ, сиқмоқ, эзмоқ, қисмоқ; қисиб (*сиқиб*) қўймоқ, тор келмоқ (*кўйлак, оёқ кийими ва ҳ.к. ҳақида*); 2) қидирмоқ, ахтармоқ; 3) *халқ.* кучаниб қақағламоқ (*тухум қилаётган товуқ ҳақида*); زَيِّ الْفَرَاخْ تَبِيض وَتحَزَق бошқалар учун ишламоқ (*сўзма-сўз:* товуқ каби сотувчи учун тухум қиласан ва кучаниб қақағлайсан); II حَزَّقَ торайтирмоқ, тор қилмоқ, тиғиз қилмоқ, зич қилмоқ; торайтмоқ (*мас., шимни*); VII اِنْحَزَقَ торайтмоқ

– حَازِقٌ туфлиси қисган, тор келган одам

– حَزُوقَةٌ, حَازُوقَةٌ ҳиқичоқ

– حَزْقٌ 1) босиш, сиқиш, эзиш, қисиш, қисиб қўйиш; 2) ҳиқичоқ тутиш; 3) *халқ.* кучаниб қақағлаш (*тухум қўяётган товуқ ҳақида*)

– حِزْقٌ гала, тўда, тўп

– حِزْقَةٌ = حِزْقٌ

– حَزِيقَةٌ *кўп.* حَزَائِقُ парча, лахтак, узуқ, бўлак

– مُحَزَّقٌ тор, сиқиқ (*кийим ҳақида*)

– مَحْزُوقٌ қийин вазиятга қўйилган, қийин вазиятда қолган; оғиз очолмайдиган бўлиб қолган, чурқ этолмайдиган

I حَزَمَ (حزم) (*и*) حَزْمٌ боғламоқ, тугмоқ, тугун тугмоқ; жойлаб саранжом қилмоқ, ўраб қўймоқ; 2) тасма тақмоқ, белбоғ боғламоқ, камар боғламоқ, белга ўрамоқ; حَزُمَ (*у*) حَزْمٌ, حَزَامَةٌ, حُزُومَةٌ 1) қатъиятли бўлмоқ, собитқадам бўлмоқ; 2) мулоҳазали бўлмоқ, доно бўлмоқ, тадбирли бўлмоқ; II حَزَّمَ 1) камар боғламоқ, белга ўрамоқ, белига белбоғ боғлаб қўймоқ; 2) боғ боғламоқ, бойламоқ, тугмоқ; V تَحَزَّمَ (*бирор н. билан*) белни боғламоқ, бойламоқ (بـ); 2) эҳтиётқорлик билан ҳаракат қилмоқ; (*бирор н. да*) қатъият кўрсатмоқ (فِي); VII اِنْحَزَمَ боғланмоқ, тугилмоқ, жойланиб саранжом қилинмоқ; VIII اِحْتَزَمَ белни боғламоқ, бойламоқ; (*бирор н. ни*) белга бойламоқ (بـ)

– أَحْزَمُ энг доно, энг тадбиркор, энг фаросатли; الـ~ أَنْ . . . энг маъқули шуки, ...

– حَازِمٌ *кўп.* حَزَمَةٌ 1) қатъий, саботли, узил-кесил; 2) доно, тадбиркор, фаросатли, маъқул; эҳтиётқор

– حِزَامٌ *кўп.* أَحْزِمَةٌ, حِزَامَاتٌ белбоғ, камар; ҳарбийлар камарининг елка тасмаси; (*шунингдек.* ~ لِلْفَتْقِ бандаж (*таннинг касал жойини танғиб қўядиган камар, белбоғ*), қуллоб; ~ السَّرْجِ қоринбоғ, айил (*от абзали*); ~ الأَمْنِ *ёки* ~ الأَمَانِ *ёки* ~ النَّجَاةِ эҳтиёт камари, сувга чўкиб кетмаслик учун белга боғланадиган камар; الـ~ الإِشْعَاعِيُّ مِنَ الأَرْضِ *физ.* Ернинг радиоактив минтақаси; شَدَّ ~ـهُ а) камарни қисиб бойламоқ, кам овқатланмоқ, ўзини қантармоқ; б) (*бирор н. га*) тайёрланмоқ, ҳозирлик кўрмоқ (لِـ); وَثَّقَ اللهُ ~ـهُ у тўқ, бадавлат яшайди

– حِزَامِيٌّ белга (камарга) оид; айланма, ҳалқасимон; خَطُّ الْمِتْرُو الـ~ метронинг айланма йўли

– حَزْمٌ 1 1) боғлаш, бойлаш, тугиш (*тугун қилиш*); жойлаб, саранжомлаб қўйиш, ўраб қўйиш; 2) қатъият, матонат, сабот; فِي ~ *ёки* بِـ~ қатъият билан; 3) мулоҳазалилик, тадбиркорлик, ақллилик; эҳтиётқорлик

– حَزْمٌ 2 *кўп.* حُزُومٌ кўтаринкилик, юксаклик, олижаноблик, юксалиш, мартабаси ошиш

– حُزْمَةٌ тугун; боғлам, даста, шода; той (*мас., пахта тойи*); маҳсулот жойланадиган, ўраладиган нарса; пакет, қоғоз халта; боғ, бойлам (*мас., ошкўк, редиска*); боғ (бойлам); تَأَلَّبُوا عَلَيْهِ ~ وَاحِدَةً улар ҳаммалари бир бўлиб унга қарши ҳужумга ўтдилар

– حَزِيمٌ *кўп.* حُزَمَاءُ қатъиятли, матонатли, собитқадам

– حَيْزُومٌ *кўп.* حَيَازِيمُ 1) кўкрак; ~ الصَّدْرِ *анат.* умуртқа билан кўкрак қафаси оралиғи; 2) кема тағёчининг кема тумшуғига ўтган томони; кеманинг олд қисми, тумшуғи; 3) фаришталар минадиган отлардан бирининг номи

– مِحْزَمٌ, مَحْزَمٌ, مِحْزَمَةٌ *кўп.* مَحَازِمُ 1)фартуқ; камар; 3) ўров, ўрам; ўраш; бандероль

I حَزَنَ (*у*) حُزْنٌ хафа қилмоқ, қайғуга солмоқ, ғамга солмоқ; حَزِنَ (*а*) حَزَنٌ (*бирор н. дан*) хафа бўлмоқ, ғам чекмоқ, қайғуда қолмоқ (لِـ, عَلَى); 2) (*бирор к. га*) аза очмоқ, мотам тутмоқ (عَلَى); II حَزَّنَ қайғуга солмоқ, ғамга қўймоқ, кулфат келтирмоқ; IV أَحْزَنَ хафа қилмоқ, қайғуга солмоқ; V تَحَزَّنَ ғамгин бўлмоқ, хафа бўлмоқ; VI تَحَازَنَ ўзини ғамгин қилиб кўрсатмоқ; VIII اِحْتَزَنَ = V

– تَحْزِينٌ: قَرَأَ بِالـ~ майин овоз билан ўқимоқ

– حَزَائِنِيٌّ, حَزَايِنِيٌّ 1) ғамгин, қайғули, ҳасратли, аянч; 2) матонатга оид; ~ قُمَاشٌ мотам матоси, азада кийиладиган мато

– حَزْنٌ кўп. حُزُونٌ нотекис қаттиқ тупроқ

– حَزَنٌ ғам, кулфат, хафалик

– حَزِنٌ ғамгин, қайғули, аянчли

– حُزْنٌ кўп. أَحْزَانٌ ғам, қайғу, ҳасрат; мотам, аза; زَادَهُ هٰذَا ~ًا عَلَى ~ бу уни яна баттар қайғуга солди

– حَزْنَانُ кўп. حَزَانَى 1) ғамгин, қайғули, аянчли; 2) мотамдор, азадор

– حُزُونَةٌ нотекислик (*тупроқдаги*)

– حَزِينٌ кўп. حِزَانٌ, حُزَنَاءُ 1) ғамдан ғангиб қолган, ғамгин, хафа, қайғули; ~ الْقَلْبِ ўксик қалбли, дили ўксик; الْجُمْعَةُ الْـ~ـةُ *қар.* جُمْعَةٌ 2) ачинарли, кишининг раҳмини келтирадиган; مَالِكُ الْـ~ *қар.* مَالِكٌ

– مُحْزِنٌ ғам-ғуссали, дард-аламли, юракни эзадиган, вазмин, фожиавий, фожиали, даҳшатли, ваҳимали; رِوَايَةٌ ~ـةٌ *ад.* фожиа, трагедия

– مَحْزَنَةٌ ғам, дард, алам, қайғу; мотам, аза

– مَحْزُونٌ ғамгин, қайғули, хафа, дардли

حَزَنْبَلٌ *бот.* дастарбош, бўймодарон (*ўсимлик*)

حَزْوَى Даҳно чўлидаги қумлоқ ер қисми

حَزِيرَانُ июнь

I حَسَّ[1] (*и/а*) حِسٌّ, حَسٌّ ҳис қилмоқ, сезмоқ, билмоқ; حَسَّ[2] (*и/и*) حَسٌّ (*бирор к. га нисбатан*) шафқат (меҳрибонлик) ҳис қилмоқ; (*бирор к. га*) ҳамдард бўлмоқ, раҳми келмоқ (لِـ); حَسَّ[3] (*а/у*) حُسٌّ 1) йўқ қилмоқ, йўқотмоқ; 2) тозаламоқ; ~ الْحِصَانَ بِالْمِحَسَّةِ қашлағич билан отни қашламоқ; ~ عَنْهُ الْغُبَارَ бирор нарсадаги чангни (ғуборни) артмоқ (кетказмоқ); II حَسَّسَ 1) пайпаслаб юрмоқ; 2) (*бирор н. ни*) пайпаслаб ушлаб кўрмоқ, тимирскиламоқ (عَلَى); اللِّي عَلَى رَأْسِهِ بَطْحَة يُحَسِّسْ عَلَيْهَا *халқ. мқл.* азага борган аёл ўз дардини айтиб йиғлайди (*сўзма-сўз*: бошида яраси бор одам доим ўшани пайпаслайди); IV أَحَسَّ ҳис қилмоқ, сезмоқ, туймоқ, эшитмоқ, эътибор бермоқ (بِ); V تَحَسَّسَ 1) дараклаб билмоқ, суриштириб билмоқ, сирдан бохабар бўлмоқ, разведка қилмоқ; 2) (*муҳаббат, хайрихоҳлик ва ҳ.к. ларни*) чуқур ҳис қилмоқ (بِ); 3) пайпаслаб ушлаб кўрмоқ, тимирскиламоқ, ушлаб кўриб билмоқ

– إِحْسَاسٌ кўп. ـاتٌ, أَحَاسِيسُ ҳис қилиш, сезиш, туйиш, ҳис; شَدِيدُ الْـ~ ўта сезгир, ўта сезувчан; عَدِيمُ (فَاقِدُ) الْـ~ ҳиссиз, туйғусиз; 2) кечинма, бошдан кечириш; 3) олдиндан сезиш, кўнгилга келиш

– حَاسَّةٌ кўп. حَوَاسُّ сезги; الْحَوَاسُّ الْخَمْسُ сезгининг беш тури; ~ الْبَصَرِ وَالسَّمْعِ وَالشَّمِّ وَالذَّوْقِ وَاللَّمْسِ кўриш, эшитиш, ҳид билиш, таъм билиш ва ушлаб билиш сезгиси

– حِسٌّ 1) ҳис, туйғу, идрок этиш; 2) шитирлаш; товуш; овоз; وَلَا ~ وَلَا خَبَرَ مِنْهُ ундан на хат, на хабар бор

– حُسَاسٌ *жам. майда балиқларнинг бир тури*

– حُسَاسَةٌ *майда балиқча*

– حَسَّاسٌ ҳассос, сезгир, бир нарсани ўзига тез оладиган; نُقْطَةٌ ~ـةٌ *кўч.м.* нозик, қалтис жой; مَسْأَلَةٌ ~ـةٌ нозик, қалтис масала

حَسَّاسَةٌ кўп. ـاتٌ 1) сезги аъзоси; 2) кармович, қисқич, мўйлаб (*айрим жониворларнинг сезиш, қисиш, овқатни қамраб олиш учун хизмат қиладиган аъзолари*)

– حَسَّاسِيَّةٌ сезгирлик, таъсирчанлик; شَدِيدُ الْـ~ ўта сезгир (*мас., асбоб*); مَرَضُ الْـ~ *мед.* аллергия

– حِسِّيٌّ 1) сезгига оид, сезиладиган, билинадиган, сезиб бўладиган; الْمَذْهَبُ الْـ~ *фалс.* сенсуализм (*билишнинг ягона манбаи ҳис деб ҳисобловчи таълимот*); 2) сезиларли, кўзга кўринарли; 3) моддий

– حَسِيسٌ 1. сезувчан, сезгир; 2. чирсиллаш, чарсиллаш; шитирлаш, шитирлаган овоз; ғовур-ғувур, енгилгина шовқин

– حِسِّيَّةٌ сезгирлик, таъсирчанлик

– مِحَسَّةٌ кўп. ـاتٌ қашлағич

– مَحْسُوسٌ 1. 1) сезги ёрдамида билинадиган; сезиларли, кўзга кўринарли, لَا ~ билиб бўлмайдиган; 2) сезувчан, сезгир, сезиларли; очиқ-ойдин, аниқ, равшан; غَيْرُ ~ ҳис қилиб бўлмайдиган, яширин; صَادِرَاتٌ غَيْرُ ~ـةٍ *савдо.* яширин экспорт; 2. кўп. ـاتٌ сезиладиган, ҳис қилинадиган нарсалар

I حَسَبَ (*у*) حِسَابٌ, حُسْبَانٌ 1) санамоқ; أَلْفَ حِسَابٍ ~ минг хил тахмин қилмоқ, бирор ниманинг асл моҳиятини пайқамай тараддудда қолмоқ (لِـ); ~ حِسَابًا لِـ... (*бирор к. билан*) ҳисоблашмоқ; لَا تَحْسُبْ حِسَابًا لِغَيْرِي! ҳисоб-китобни фақат мен билан қил!; ~ حِسَابَهُ (*бирор к. билан*) ҳисоблашмоқ; ~ لِلْعَاقِبَةِ حِسَابَهَا оқибатни ҳисобга олмоқ; (*бирор н. ни*) тушуниб олмоқ, (*бирор н. нинг*) фаҳмига етмоқ; 2) дебетга, кирим томонига ёзиб қўймоқ (عَلَى); кредитга, чиқим томонига қайд этмоқ (لِـ); 3) (*бирор к. билан*) ҳисоб-китоб қилмоқ, حَسِبَ (*а, и*) حِسْبَانٌ гумон қилмоқ, фараз қилмоқ, бирор фикрга келмоқ, ўйлаб кўрмоқ; حَسُبَ (*и*) حَسَبٌ аслзодалардан (оқсуяклардан) бўлмоқ; III حَاسَبَ 1) (*бирор к. билан*) ҳисоблашмоқ, ҳисоб-китоб қилишмоқ, орани очиқ қилмоқ; 2) ҳисоб бермоқ, ҳисобот бермоқ; 3) (*бирор к. дан бирор н. ҳақида*) ҳисобот талаб қилмоқ; 4) (*бирор масалада*) эҳтиёт бўлмоқ, сақланмоқ (عَلَى); حَاسِبْ عَلَى نَفْسِكَ эҳтиёт бўл, ўзингни эҳтиёт қил!; حَاسِبْ! етарли!, бўлади!; V تَحَسَّبَ 1) сўраб билмоқ, суриштириб билмоқ, сиридан бохабар бўлмоқ; 2)

огоҳлантирилмоқ, эҳтиёт бўлмоқ; VI تَحَاسَبَ бир-бирига ўзаро ҳисобот бермоқ; VII اِنْحَسَبَ саналмоқ, ҳисобланмоқ; VIII اِحْتَسَبَ 1) ҳисобланмоқ, саналмоқ, аниқланмоқ; 2) санамоқ, ҳисобламоқ; 3) (*қарзни, голни ва ҳ.к. ларни*) ҳисобга олмоқ, ҳисобламоқ, эътиборга олмоқ; ҳисобга ўтказмоқ; 4) (*бирор н. га. бирор н.* билан) қаноатланмоқ, чекланмоқ (بِ); 5) яқин кишининг вафотига (*ёки йўқотилганлигига*) сабр-тоқат билан чидамоқ; ~ عِنْدَ اللّٰهِ أَجْرًا (*бирор н. ни*) Оллоҳ йўлида қилмоқ (*бажармоқ*) (بِ)

– اِحْتِسَابٌ 1) санаш, саналиш, ҳисоблаш, ҳисобланиш; 2) қаноат; 3) сабр-тоқат қилиш

– أَحْسَبُ *мн.* حَسْبَاءُ *кўп.* حُسْبٌ альбинизмга мубтало бўлган, тук *ёки* терининг рангсизланиши (оқариб кетиши) касалига учраган

– حَاسِبٌ *кўп.* حَسَبَةٌ 1. ҳисобловчи; 2. ҳисобчи, счётчик; ~ الأَصْوَاتِ овозларни ҳисобловчи, саноқ комиссияси аъзоси (*сайлов ёки овоз беришда*)

– حَاسِبَةٌ 1. ҳисобловчи (*мн.*); ~ آلَةٌ ҳисоблаш машинаси; арифмометр 2. *кўп.* ـــَاتٌ ҳисоблаш машинаси; الـ~ الإِلِكْتِرُونِيَّةُ электрон-ҳисоблаш машинаси

– حِسَابٌ[1] *кўп.* ـــَاتٌ 1) ҳисоблаш; ~ التَّفَاضُلِ *мат.* дифференциал ҳисоблаш; ~ التَّمَامِ وَالتَّكَامُلِ *мат.* интеграл ҳисоблаш; ~ الْمُثَلَّثَاتِ тригонометрия; عِلْمُ الـ~ арифметика; ~ الْجُمَّلِ абжад ҳисоби; ~ شَرْقِيٌّ йилни ҳисоблашнинг эски усули; ~ غَرْبِيٌّ йилни ҳисоблашнинг янги усули; 2) ҳисоб, тўлов; ~ الأَرْبَاحِ وَالْخَسَائِرِ фойда ва зарарларнинг ҳисоби; ~ جَارٍ жорий ҳисоб; فَتَحَ ~ًا جَارِيًا жорий ҳисоб (счёт) очмоқ; عَلَى الـ~ қарзга; عَلَى ~ِهِ унинг ҳисобига, унинг мол-мулки ҳисобига; لِـ~ِهِ кимнингдир фойдасига; بِغَيْرِ (بِلَا) ~ беҳисоб, кўп; سَدَّدَ (دَفَعَ) الـ~ тўламоқ, ҳақ тўламоқ; سَوَّى الـ~ ҳисобни тартибга солмоқ, тўғриламоқ; أَسْقَطَهُ مِنَ الـ~ бирор нарсани эътибордан соқит қилмоқ; أَخَذَهُ بِالـ~ бирор нарсани эътиборга олмоқ, бирор нарса билан ҳисоблашмоқ; عَمِلَ أَلْفَ ~ (*бирор масалада*); жуда кўп ҳисоб-китоб қилмоқ (لِـ); 3) якун, якун ясаш, ҳисобот; رَئِيسُ الـ~َاتِ ҳисоботлар бошлиғи; ~ نِهَائِيٌّ сўнгги, охирги ҳисоб-китоб; ~ خِتَامِيٌّ йиллик ҳисобот; أَدَّى ~ًا عَنْ бирор масала бўйича ҳисоб бермоқ; يَوْمُ الـ~ *ёки* الـ~ *дин.* қиёмат, қиёмат куни; 4) мол олиш *ёки* жўнатиш ҳужжати

– حِسَابٌ[2] етарли, етарли миқдорда; عَطَاءٌ ~ етарли миқдорда берилган нарса

– حِسَابِيٌّ ҳисобга оид; арифметик, арифметикага оид; عَمَلِيَّةٌ ~ـَةٌ арифметик амал

– حَسَابَةٌ аслзодалик, оқсуяклик

– حَسْبٌ 1) ҳисоб санаш, санаб чиқиш, санаб кўриш, саноқ; 2) фикр, муҳокама, текшириш; 3) мўллик, кифоя қиларлик, етарлилик; فَحَسْبُ! шу холос!; لَا ... بَلْ ... فَـ~ *ёки* لَيْسَ ... فَحَسْبُ وَلَكِنْ ... ...гина эмас, балки ...; لَيْسَ مُهَنْدِسًا بَارِعًا فَـ~ وَلَكِنَّهُ خَطِيبٌ أَيْضًا у қобилиятли муҳандисгина эмас, балки аъло даражадаги нотиқ ҳамдир; ~ُكَ (بِـ~ِكَ) مَثَلًا أَنْ ... сенга ... мисол сифатида етарлидир; وَ~ُنَا أَنْ نَقُولَ إِنَّ ... шуни айтишимиз кифоя қиладики, ...; ~َمَا = حَسْبَمَا (*қар.* حَسَبٌ)

– حَسَبٌ *кўп.* أَحْسَابٌ 1) аслзодалик, оқсуяклик; الـ~ وَالنَّسَبُ аслзодалик, оқсуяклик, ذَوُو الأَحْسَابِ аслзодалар, оқсуяклар; 2) тақдирлашга арзийдиган иш, хизмат; ~ ... *ёки* ... بِـ~ ...га биноан, ...га мувофиқ; بِـ~ هَذَا шунга мувофиқ, шунга биноан, шунинг учун; عَلَى ~ ذَلِكَ ўшанга мувофиқ, ўша нарсага биноан; مِنْ كُلٍّ ~َ قُدْرَتِهِ (كَفَاءَتِهِ) وَلِكُلٍّ ~َ حَاجَتِهِ ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга эҳтиёжига яраша, مِنْ كُلٍّ ~َ قُدْرَتِهِ وَلِكُلٍّ ~َ مَا يُؤَدِّي مِنْ عَمَلٍ ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга меҳнатига яраша; ~َمَا ...га кўра, ...га мувофиқ; ~َمَا اتَّفَقَ палапартиш, чалакам-чатти, дуч келганича

– حُسْبَانٌ, حِسْبَانٌ 1) ҳисоб, мўлжал; هَذَا لَمْ يَكُنْ فِي الـ~ (بِالـ~) لَمْ يَدْخُلْ бу ҳисобга олинмаган эди, бу мўлжалда йўқ эди; هَذَا فِي ~ِهِ бу унинг мўлжалида йўқ эди; كَانَ فِي الـ~ أَنْ ... ҳисобда шу нарса бор эдики, ..., шу нарса мўлжалланмоқда эдики, ...; أَخَذَهُ فِي الـ~ бирор киши билан ҳисоблашмоқ; 2) гумон, фараз, тахмин

– حِسْبَةٌ *кўп.* حِسَبٌ 1) ҳисоб, саноқ; ҳисоб-китоб; 2) арифметик масала; 3) мукофот, илтифот, инъом; ~َ لِلّٰهِ Оллоҳ йўлида; 4) *тар.* тош-тарози назоратчиси мансаби

– حُسْبَةٌ *мед.* терида ранг берувчи модданинг етишмаслиги, альбинизм, оқариб кетиш

– حَسَبِيٌّ васийликка оид; ~ قَانُونٌ васийлик ҳақидаги қонун; الْمَجْلِسُ الـ~ васийлик (ҳомийлик) кенгаши

– حَسِيبٌ *кўп.* حُسَبَاءُ 1. оқсуяклар наслига мансуб; оқсуяк, аслзода 2. 1) ҳисобловчи, ҳисобчи; 2) ҳисобот қабул қилувчи; لَا رَقِيبَ عَلَيْهِ وَلَا ~ у ўз ихтиёрича иш тутади (*сўзма-сўз: унинг устида на назоратчи бор ва на ҳисобот кутувчи бор*)

– مُحَاسِبٌ, مُحَاسِبْجِيٌّ *кўп.* مُحَاسِبْجِيَّةٌ бухгалтер, ҳисоб-китоб юритувчи; ~ قَانُونِيٌّ ревизор, тафтишчи

– مُحَاسَبَةٌ 1) ҳисобот; текширув, тафтиш, назорат; 2) ҳисобчилик, бухгалтерия; ~ مُزْدَوِجَةُ الْقَيْدِ қаллоблик, ҳисобда қалбакилик; قِسْمُ الـ~ бухгалтерия бўлими; ~ تِجَارِيَّةٌ савдо-сотиқ ҳисобчилиги, тижорат ҳисобчилиги; 3) (*бирор к. га нисбатан*) эътибор, аҳамият (عَلَى); (*бирор н. ҳақида*)ғамхўрлик, ғамхўрлик

қилиш (عَلَى)

– مُحْتَسِبٌ *тар.* тош-тарози назоратчиси; инспектор

– مَحْسُوبٌ 1. саноқли, саналган, ҳисобланган; 2. *кўп.* مَحَاسِيبُ ҳимоя остидаги одам, эркатой, арзанда; مَحَاسِيبُكَ каминаи камтарин (*хат ёзишда*)

– مَحْسُوبِيَّةٌ ҳомийлик, ҳимоя қилиш; юқори мансабдаги кишининг севгилиси сўзи билан иш кўриши натижасида шаклланган тартиб-қоида, ошна оғайнигарчилик

(حسحس) تَحَسْحَسَ қўзғалмоқ, силжимоқ, қимирламоқ, жилмоқ

I حَسَدَ (у) حَسَدٌ 1) (*бирор н. га*) ҳасад қилмоқ, ҳасад кўзи билан қарамоқ (عَلَى); 2) суқи кирмоқ, кўзи тегмоқ, кўзиктирмоқ; VI تَحَاسَدَ ўзаро бир бирларини ҳасад қилишмоқ

– حَاسِدٌ *кўп.* حَسَدَةٌ, حُسَّادٌ ҳасадгўй, ҳасадчи, суқ

– حَسَّادٌ ҳасадчи, ҳасадгўй, суқ

– حَسَدٌ ҳасад

– حَسُودٌ ҳасадчи, ҳасадгўй

– مَحْسَدَةٌ ҳасад қилинган нарса; ~ الـ مَفْسَدَةٌ *мқл.* біровнинг молига кўз тиккан ўз молидан айрилар (*сўзма-сўз:* ҳасад қилинган нарса фасоддир)

– مَحْسُودٌ ҳасад қилинган киши ёки нарса

I حَسَرَ (у) حَسْرٌ 1) (*бирор н. ни*) очмоқ, яланғочланмоқ (عَنْ); ~ عَنْ رُؤُوسِهِمْ бошларини яланғочламоқ; 2) туширмоқ, ечмоқ, ечиб ташламоқ; ~ اللِّثَامَ ниқобни олиб ташламоқ; ... ~ الْقِنَاعَ عَنْ *кўч.м.* юзидаги ниқобни олиб ташламоқ, фош қилмоқ; حَسَرَ (у) حُسُورٌ 1) усти очиқ бўлмоқ; 2) чарчамоқ, толиқиб қолмоқ, ҳорғинлик сезмоқ (*мас., кўз*); حَسِرَ (а) حَسْرَةٌ (*бирор н. ҳақида*) қайғурмоқ, ғам емоқ, ич-этини емоқ (عَلَى); II حَسَّرَ 1) хафа қилмоқ, ҳасратга қўймоқ, ранжитмоқ, дилини сиёҳ қилмоқ; 2) туламоқ, пати тўкилмоқ (*қуш ҳақида*), V تَحَسَّرَ 1) (*бирор н.. ҳақида*) қайғурмоқ, ғам емоқ, ич-этини емоқ (عَلَى); 2) тўкилмоқ (*соч ҳақида*); патлари тўкилмоқ (*қуш ҳақида*); VII انْحَسَرَ 1) очилмоқ, яланғочланмоқ, яланғоч бўлмоқ; 2) (*бирор н. дан*) четлатилмоқ, узоқлаштирилмоқ (عَنْ); لَقَدْ ~ الْقِنَاعُ عَنْ ... юздаги ниқоб олиб ташланмоқ, фош бўлмоқ; 3) пасаймоқ, камаймоқ, тортилиб қолмоқ (*сув ҳақида*); X اسْتَحْسَرَ чарчамоқ, ҳолдан тоймоқ

– أَحْسَرُ *мн.* حَسْرَاءُ *кўп.* حُسْرٌ кўзи хира, хира кўзли; яқинни кўриб, узоқни кўролмайдиган, кўзи ўтмас; (*шунингдек.* ~ الْبَصَرِ)

– انْحِسَارٌ (*сувнинг*) камайиши, қайтиши; ~ الْمَدِّ сувнинг қайтиш пайтидаги озайиши

– تَحَسُّرٌ ғам, қайғу, қаттиқ ғам-ғусса

– حَاسِرٌ очиқ, яланғоч; ~ الرَّأْسِ очиқ бошли, бошига ҳеч нарса киймаган, бош яланг; ~ الْبَصَرِ кўзи хира, хира кўзли, яқинни кўриб, узоқни кўролмайдиган

– حَسَرٌ яқинни кўриб, узоқни кўролмаслик касали

– حَسَرٌ чарчоқ, ҳорғин

– حَسْرَانُ *мн.* حَسْرَى ғамгин, хафа, қайғудаги, маъюс

– حَسْرَةٌ *кўп.* حَسَرَاتٌ бало, кулфат, ҳасрат; зориқиш, зерикиш; يَا ~ ى ёки وَاحَسْرَتَاهُ воҳасратот!, э-воҳ, ҳайҳот!

– حُسُورٌ *мед.* узоқни яхши кўролмаслик касали, миопия

– حَسِيرٌ *кўп.* حَسْرَى 1) чарчоқ, ҳорғин; ~ الطَّرْفِ қарашлари ҳорғин; 2) кучсиз, заиф, бўш, нимжон; 3) *шунингдек.* ~ الْبَصَرِ кўзи хира, хира кўзли, яқинни кўриб, узоқни кўролмайдиган

– مَحْسَرٌ, مَحْسِرٌ *кўп.* مَحَاسِرُ 1) моҳият, асл маъно, мағиз; 2) яширин гўзаллик (*жозибадорлик*), латофат

حَسَكٌ *жам.* тикон, тиканак; ~ السُّنْبُلَةِ ғалла қилтириғи; ~ السَّمَكِ балиқ қилтириғи

– حَسَكَةٌ *кўп.* ~ اتٌ — *д.с.* тикон, тиканак; игна

– حَسَكِيٌّ тиконли

حَسَكْنِيتٌ тикон, тиканак

حِسْلٌ *кўп.* حُسُولٌ калтакесак боласи

I حَسَمَ (и) حَسْمٌ 1) кесмоқ, қирқмоқ, ажратмоқ, кесиб ажратмоқ; ~ الْعِرْقَ томирни қирқмоқ ва қон оқмаслиги учун уни куйдирмоқ; 2) тўғриламоқ, йўлга қўймоқ (*жанжални*) бартараф қилмоқ; 3) чиқармоқ, чегирмоқ, айирмоқ; VII انْحَسَمَ 1) тўғриланмоқ, бартараф бўлмоқ; 2) ажратилмоқ, кесилмоқ, қирқилмоқ

– حَاسِمٌ ҳал қилувчи, қатъий, узил-кесил, кескин

– حُسَامٌ қилич

– حَسْمٌ 1) кесиш, қирқиш, ажратиш; 2) бартараф этиш, тўғрилаш; 3) *кўп.* حُسُومَاتٌ чегирилган нарсалар, чиқарилган нарсалар; 4) қатъият, кескинлик; بِـ~ қатъият билан, узил-кесил

– حَسْمَى саҳродаги жой номи

– حُسُومٌ[1] баҳорги кеча-кундуз бараварлиги олдидан бўладиган бир неча кунлик совуқ ҳаво, (*қибтий тақвимдаги барамҳот ойининг биринчи етти куни*)

– حُسُومٌ[2] шумлик, бахти қаролик, машъумлик

I حَسُنَ (у) حُسْنٌ 1) яхшиланмоқ, яхши бўлмоқ; гўзаллашмоқ, гўзал бўлмоқ; إِذَا ~ هَذَا فِي عَيْنَيْهِ агар бу унга ёқса (*сўзма-сўз:* агар бу унинг кўзларида чиройли (яхши) бўлса); 2) ўринли бўлмоқ, жўяли бўлмоқ, ўрнида бўлмоқ; يَحْسُنُ بِي أَنْ ... менинг ...им ўринли бўлади; мен ...им керак; II حَسَّنَ 1) безамоқ; 2) яхшиламоқ, такомиллаштирмоқ; ~ لَهُ (*бирор н. га*) ҳавасини келтирмоқ, қизиқтирмоқ, (*бирор к. ни*) танлаб олмоқ; III حَاسَنَ яхшилик билан муомалада бўлмоқ, яхши муомала қилмоқ; IV أَحْسَنَ аъло қилиб бажармоқ, аъло даражада амалга оширмоқ; хайр-саховат қилмоқ;

(*бирор к. га*) яхшилик қилмоқ (إِلَى); ~ اِسْتِقْبَالِي мени яхши кутиб олди; ~ اللُّغَةَ الْعَرَبِيَّةَ араб тилини яхши билмоқ; ... ~ الظَّنَّ بِــــ ... ҳақида яхши фикрда бўлмоқ; أَحْسَنْتَ! офарин!, балли!; V تَحَسَّنَ 1) яхшиланмоқ; тузалмоқ, соғаймоқ; 2) дурустланмоқ, яхши бўлиб қолмоқ, дуруст бўлиб қолмоқ; X اسْتَحْسَنَ 1) ажойиб деб билмоқ, маъқулламоқ; 2) керакли, жўяли деб ҳисобламоқ; мақтамоқ

– إِحْسَانٌ *кўп.* ـــ اتٌ 1) эҳсон, хайр-саховат; хайр-эҳсон, мурувват; جَمْعِيَّةُ الْـ~ хайрия жамияти; صَاحِبُ الْـ~ мурувват кўрсатувчи, валийнеъмат, олийҳиммат, соҳиби эҳсон

– أَحْسَنُ *мн.* حُسْنَى *кўп.* أَحَاسِنُ энг яхши, энг гўзал, энг чиройли; الأَسْمَاءُ الْحُسْنَى *қар.* حُسْنَى; بِالْقُوَّةِ أَوْ بِالَّتِي هِيَ أَحْسَنَ мажбуран ёки ихтиёрий; لَنْ يَنْتَهِيَ الأَمْرُ بِالَّتِي هِيَ أَحْسَنَ! бу иш яхшилик билан тугамайди!

– اسْتِحْسَانٌ 1) маъқуллаш, мақтов; 2) *шар.* шариатга зид эмас деб эътироф этиш

– تَحَسُّنٌ яхшиланиш; ~ الطَّقْسِ об-ҳавонинг яхши бўлиши

– تَحْسِينٌ *кўп.* ـــ اتٌ 1) яхшилаш, такомиллаштириш; 2) тўғрилаш; التَّحْسِينَاتُ الْفَنِّيَّةُ техникавий такомиллаштиришлар

– حَسَّانٌ жуда чиройли, жуда гўзал

– حَسَنٌ *кўп.* حِسَانٌ 1. 1) чиройли, гўзал; ажойиб; 2) яхши, эзгу, пок; النِّيَّةُ الْـــــةُ эзгу ният; ~اً яхши (*равиш*); سَارَ مِنْ ~ إِلَى أَحْسَنَ аста-секин яхши бўлиб бормоқ; 2. *ат.от.* Ҳасан

– حُسْنٌ *кўп.* مَحَاسِنُ 1) ҳусн, чирой, кўрк, зийнат; 2) яхши сифат, яхши хусусият; ~ الأَدَبِ одоблилик, ахлоқлилик, хушхулқлик; فِي مِنْ ~ أَدَبٍ وَ حَفَاوَةٍ ғоят хушхулқ билан, хушхулқлик билан; ~ الْحَظِّ ёки لِـــ ~ الْحَظِّ *қар.* حَظٌّ; مِنْ ~ حَظِّي бахтимга (*кириш сўз*); ~ الْخُلُقِ одоб, ахлоқ, яхши характер; ~ الظَّنِّ а) хайрихоҳлик, илтифот; б) яхши фикр; ... ~ الْبَلاَءِ فِي ... борасидаги матонат; ~ النِّيَّةِ *қар.* نِيَّةٌ; بِــ~ النِّيَّةِ эзгу, пок ниятлар билан; عَنْ ~ النِّيَّةِ эзгу, пок ниятлардан келиб чиқиб; تَعَاوَنَ مَعَهُ عَنْ ~ نِيَّتِهِ эзгу ниятлардан келиб чиқиб, у билан ҳамкорлик қилмоқ; جَمِيلٌ ~ ютуқ; ~ السَّيْرِ وَالسُّلُوكِ яхши ахлоқ; ~ الْقَبُولِ яхши қабул; ~ الْمُعَامَلَةِ яхши муомала, муносабат

– حَسْنَاءُ *кўп.* حِسَانٌ гўзал аёл, барно аёл, нозанин

– حَسَنَةٌ *кўп.* ـــ اتٌ 1) яхши иш, хайрли иш; 2) хайр-садақа; 3) (*бирор н. нинг*) яхши томони; 4) хол

– حُسْنَى 1) хайрли иш, яхшилик, эзгулик; قَابَلَ الْـ~ بِالشَّرِّ яхшиликка ёмонлик қилмоқ; بِالْـ~ яхшиликча, аҳиллик билан; تَسْوِيَةُ الْخِلاَفَاتِ بِالْـ~ ихтилофларни яхшиликча бартараф этиш; الأَسْمَاءُ الْـ~ исми сифот (*Оллоҳ таолонинг* الْقَدِيرُ, الرَّحِيمُ, الْكَرِيمُ *каби 99 та исми сифоти*); 2) муваффақиятли оқибат, натижа

– حَسُّونٌ *кўп.* حَسَاسِينُ олифта

– حُسَيْنٌ *ат.от.* Ҳусайн

– حُسَيْنِيٌّ *халқ.* тулки

– مَحَاسِنُ *кўп.* 1) яхши сифатлар, қадр-қиймат; 2) гўзалликлар, латофат

– مُحَاسَنَةٌ яхши муомала

– مُحْسِنٌ 1. фойдали, шарофатли, нажотбахш; 2. мурувват кўрсатувчи, олийҳиммат; хайр-эҳсон қилувчи, сахий

– مُحَسِّنٌ зийнат берувчи; яхшиловчи, такомилга етказувчи

– مُحَسِّنَاتٌ *кўп.* безаклар

– مُسْتَحْسَنٌ маъқулланган; исталган, орзу этилган; ёқимли

حسو I حَسَا (у) حَسْوٌ майдалаб, қултумлаб ичмоқ; V تَحَسَّى қултумлаб ичмоқ, ҳўплаб ичмоқ; VIII احْتَسَى қултумлаб ичмоқ, ҳўплаб-ҳўплаб ичмоқ

– احْتِسَاءٌ қултумлаб ичиш, ҳўплаб-ҳўплаб ичиш

– حَسَاءٌ *кўп.* أَحْسِيَةٌ, أَحْسَاءٌ шўрва; ёвғон шўрва

– حَسْوٌ = حَسَاءٌ

– حُسْوَةٌ *кўп.* أَحْسِيَةٌ, حُسًى, حُسُوَاتٌ қултум, ҳўплам

– حِسْيٌ *кўп.* أَحْسَاءٌ, حِسَاءٌ қум қоплаган тошлоқ текислик жой

حشش I حَشَّ (*а/у*) حَشٌّ 1) ўрмоқ, ўриб олмоқ; 2) ўт емоқ; II حَشَّشَ ўрмоқ, ўриб олмоқ; 2) ўт емоқ; 3) наша чекмоқ; IV[1] أَحَشَّ: أَحَشَّتِ الْمَرْأَةُ ~ аёл қорнидаги ҳомиласи қуриб қолмоқ; IV[2] أَحَشَّ ўрмоқ, ўриб олмоқ; VIII احْتَشَّ ўтларни йиғиб-теришга уринмоқ

– إِحْشَاشٌ ўрим пайти, мавсуми; пичан ўриш пайти

– حَشٌّ[1] ўрим, ўриш, пичан ўрими

– حَشٌّ[2] *кўп.* حُشُوشٌ 1. боғ, бўстон; 2. *анат.* орқа тешик

– حُشَاشٌ, حُشَاشَةٌ сўнгги нафас, ўлим олди, ◊ حُشَاشَةُ قَلْبِهِ унинг энг азиз, энг қадрлиги

– حَشَّاشٌ 1) пичанфуруш, пичан сотувчи; 2) наша чекувчи, нашаванд

– حَشَّاشُونَ: الْـ~ *кўп.* *тар.* ҳашшошлар (*халқ*)

– حَشَّةٌ ўриш, ўрим

– حَشِيشٌ *жам.* *кўп.* حَشَائِشُ 1) ўт, ўлан, гиёҳ; ёввойи ўт; пичан, хашак; 2) наша; تَعَاطَى الْـ~ наша чекмоқ; صِينِيٌّ ~ *бот.* Хитой нашаси; 3) ўлик туғилган чақалоқ; 4) ҳашиш (*ун, гўшт ва хурмодан тайёрланадиган овқат*)

– حَشِيشَةٌ *кўп.* حَشَائِشُ 1) бир туп ўт, гиёҳ; 2) чўп, хас, майса; ~ الْبَحْرِ *бот.* Исландия йўсини; ~ الْبَرَاغِيثِ бурган; ~ الْجَبَلِ *бот.* тоғ бургани; ~ الدِّينَارِ *бот.* хмель, етимак; ~ الْقِطَّةِ ёки ~ الْهِرِّ *бот.* валериан ўсимлиги; ~ الْمَحْمُودِيَّةِ *бот.* лолагуллиларга мансуб манзарали ўсимлик; ~ الْهِرَّةِ *бот.* ялпизнинг бир тури

– حَشِيشِيٌّ оч яшил, оч зангор

– مَحَشٌّ ўтлоқ, ўтлоқзор

– مَحَشٌّ, مَحَشَّةٌ *кўп.* ـَاتٌ — ўроқ; чалғи, чалғи ўроқ, белўроқ

– مَحْشَشَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — مَحَاشِشُ, наша чекадиган жой, афюн чекадиган жой

I حَشَدَ (*и, у*) حَشْدٌ 1) тўпламоқ, жамламоқ, йиғмоқ; бир жойга тўпламоқ; ~ الْجَيْشَ қўшин йиғмоқ, қўшин тўпламоқ; 2) тўпланмоқ, жамланмоқ, бир жойга йиғилмоқ; II حَشَّدَ жуда кўп сонли қилиб йиғмоқ, тўпламоқ; (*қўшин*) йиғмоқ, тўпламоқ; V تَحَشَّدَ тўпланмоқ, жамланмоқ; бирлашмоқ; VIII احْتَشَدَ тўпланмоқ, жамланмоқ, бир жойга йиғилишмоқ, тўпланишмоқ

– احْتِشَادٌ тўпланиш, йиғилиш, жамланиш; (*қўшинларнинг*) тўпланиши

– حَاشِدٌ тўпланувчи, жамланувчи, йиғилувчи; кўп сонли, кўп кишилик, (*бирор н. га*) тўла (بِ); ~ جُمْهُورٌ оломон

– حَشْدٌ 1) йиғиш, жамлаш, тўплаш; 2) қабул қилиш; ~ الْجَيْشِ сафарбар қилиш, мобилизация

– حَشْدٌ жамлаш, тўплаш; 2) *кўп.* حُشُودٌ оломон

– مُحْتَشَدٌ *кўп.* ـَاتٌ — (*қўшин ёки бирор н. нинг*) тўпланиш жойи

I حَشَرَ (*и, у*) حَشْرٌ 1) бир жойга йиғмоқ, тўпламоқ; 2) лиқ тўлдирмоқ, лиммолим тўлдирмоқ; киргизмоқ, ниқталаб тиқмоқ, суқмоқ; ~ نَفْسَهُ а)орага тиқилмоқ, суқилиб кирмоқ (فِي, بَيْنَ); б) (*бирор н. га*) аралашмоқ, илашмоқ (فِي, بَيْنَ); ~ أَنْفَهُ فِي (بَيْنَ) ... га бурнини тиқмоқ; ~ مُحَدِّثَهُ فِي الزَّاوِيَةِ *кўч.м.* суҳбатдошини оғиз очолмайдиган қилиб қўймоқ (*сўзма-сўз: суҳбатдошини бурчакка тиқиб қўймоқ*); II حَشَّرَ қўшиб қўймоқ, устига қўшмоқ; V تَحَشَّرَ (*бирор н. га*) аралашмоқ, илашмоқ (فِي); VII انْحَشَرَ 1) қўшилмоқ, устига қўшиб қўйилмоқ, суқиб қўйилмоқ; 2) аралашмоқ, илашмоқ

– حَاشِرٌ[1] *кўп.* حُشَّارٌ 1) ўлпон (солиқ) йиғувчи; 2) гўрков

– حَاشِرٌ[2]: ~ الـ (Муҳаммад алайҳиссалом исмларидан бири (*у зотнинг бешта исмлари бор: Муҳаммад, Аҳмад, Ал-Моҳий, Ал-Ҳошир, Ал-Оқиб*)

– حَشْرٌ 1) йиғиш, тўплаш, йиғин, ~ يَوْمُ الـ *дин.* қиёмат; 2) киргизиш, ниқталаб тиқиш, суқиш

– حَشَرَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — ҳашорат; عِلْمُ الْحَشَرَاتِ энтомология; *кўп.* одамгарчиликдан чиққан кишилар, палидлар

– حَشَرِيٌّ ҳашоратларга оид, الْمُبِيدَاتُ الـ~ـَةُ зарарли ҳашаротларга қарши қўлланадиган кимёвий моддалар

– حِشْرِيٌّ, حَشَرِيٌّ 1. аралашқоқ, ... илашқоқ; шилқим, пашшахўрда; қизиқувчан; 2. олғир, лочин, суллоҳ

– مُتَحَشِّرٌ аралашқоқ, илашқоқ, ҳамма нарсага бурнини суқувчи; шилқим, пашшахўрда

– مَحْشَرٌ *кўп.* مَحَاشِرُ 1) тўпланиш жойи; 2) тўпланиш, йиғилиш; оломон

– مَحْشَرَةٌ *кўп.* مَحَاشِرُ ўриб олинган ўт ўрнига ўсиб чиққан янги ўт

حَشْرَجَ хирилламоқ, хиррак келмоқ (*ўлим олдидан*)

– حَشْرَجَةٌ ўлимолди хирраги

(حشف) V تَحَشَّفَ эскирган, тўзиган кийим киймоқ; пала-партиш кийинмоқ

– حَشَفٌ *жам.* паст навли хурмо; ◊ ~ كَالَ لَهُ شَيْئًا كَيْلَ الـ бирор нимани аямай, сахийлик билан бермоқ

– حَشَفَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — паст навли хурмо; ◊ ~ الْقَضِيبِ *анат.* жинсий олатнинг боши

– حَشِيفٌ эскирган, тўзиган кийим

– مُتَحَشِّفٌ пала-партиш кийинган одам, пала-партиш одам

I حَشَكَ (*и*) حَشْكٌ кўп сонда йиғилмоқ, тўпланмоқ; وَقَدْ ~ الْقَوْمُ فِي الْمَسْرَحِ театрда кўп одам тўпланди

حَشْكَلَةٌ *халқ.* тил ёғламалик, хушомад; ~ بَلَاشْ! тил ёғламалик қилманг!

I حَشَمَ (*и*) حَشْمٌ уялтирмоқ, ўсал қилмоқ, изо бермоқ; II حَشَّمَ = I; IV أَحْشَمَ 1) = I; 2) озор бермоқ, қийнамоқ; 3) аччиғини чиқармоқ, жаҳлини келтирмоқ, ғазаблантирмоқ; V تَحَشَّمَ (*бирор к. дан*) уялмоқ, изо бўлмоқ, номус қилмоқ; иймaнмоқ (مِنْ, عَنْ); уятчан бўлмоқ, тортинчоқ бўлмоқ; VIII احْتَشَمَ 1) уятчан бўлмоқ, тортинчоқ бўлмоқ; 2) одобли бўлмоқ, хушхулқ бўлмоқ; 3) ҳурмат қилмоқ, иззат қилмоқ, ҳурматламоқ

– احْتِشَامٌ 1) камтаринлик, уятчанлик, тортинчоқлик; ~ فِي غَيْرِ ҳеч бир уялмасдан; 2) одоблилик, хушахлоқлик; 3) ҳурмат, ҳурмат қилиш, ҳурмат кўрсатиш

– تَحَشُّمٌ камтаринлик, уятчанлик, тортинчоқлик

– حَشَمٌ мулозимлар, шотирлар, хизматкорлар

– حِشْمَةٌ 1) камтаринлик; уятчанлик, тортинчоқлик; 2) одоблилик, хушахлоқлик; 3) ҳурмат, ҳурмат қилиш, ҳурмат кўрсатиш

– حَشِيمٌ *кўп.* حُشَمَاءُ ҳурматли, ҳурматга сазовор, эътиборли

– حَشِيمٌ = مُحْتَشَمٌ

– مُحْتَشِمٌ камтарин; уятчан, тортинчоқ

– مَحْشَمٌ *кўп.* مَحَاشِمُ *анат.* мояк, тухум; *кўп.* уят жойлар (*аъзолар*)

I حَشَا (*у*) (حشو) حَشْوٌ 1) (*бирор н. билан*) тўлғазмоқ (بِ), (*бирор н. ни*) тиқиб солмоқ (بِ); 2) қийма солиб пиширмоқ; 3) (*милтиқни*) ўқламоқ, ўқ солмоқ; 4) пломба қўймоқ; II حَشَّى 1) роса тўлғазмоқ, тиқиб-тиқиб тўлғазмоқ; 2) (*матнга*) илова киритмоқ; (*қўлёзма ҳошиясида*) изоҳ бермоқ; ~ الْكِتَابَ китоб ҳошиясига мулоҳаза ёзиб қўймоқ; VII انْحَشَى тўлмоқ, тиқиб солинмоқ; VIII احْتَشَى (*бирор н. билан*) тўлғазилмоқ, тиқиб солинмоқ (بِ); ~ الْحَائِضُ بِالْكُرْسُفِ ҳайз кўрган аёл қон кетмаслиги учун пахта қўймоқ

– احْتِشَاءٌ тўлиш, лим-лим тўлиш; *мед.*(*қон томирларининг*) тиқилиб қолиши, инфаркт

– تَحْشِيَةٌ 1) илова; илова киритиш; 2) (*қўлёзма ҳошиясидаги*)

изоҳлар

– حَاشِيَةٌ *кўп.* حَوَاشٍ *шунингдек. қар.* حشى 1) (*китобнинг*) ҳошияси; 2) (*қўлёзма ҳошиясидаги*) луғат, эслатма ва изоҳлар; китоб четига ёзиб қўйилган нарса; хат охирига ёзиладиган қўшимча олдидан қўйиладиган шартли ишора; عَيْشٌ رَقِيقُ الْحَوَاشِي роҳат-фароғатдаги ҳаёт

– حَشًا *кўп.* أَحْشَاءُ ич, қорин, ичак-чавоқ; ичак; ◊ أَحْشَاءُ الأَرْضِ ер ости, замин; فِي أَحْشَائِهِ бирор нарсанинг ичида; يَأْكُلُ الْجُوعُ أَحْشَائَهُمْ уларни очлик қийнамоқда, улар оч қолмоқдалар (*сўзма-сўз:* очлик уларнинг ичакларини еяпти); أَنَا فِي حَشَاهُ у мен ҳақимда қайғурмоқда (*сўзма-сўз:* мен унинг ичидаман)

– حَشْوٌ 1) сомса *ёки* шунга ўхшашнинг ичига солинадиган нарса, қийма; 2) бирор нарсанинг ичига тиқилган нарса; 3) (*тишдаги*) пломба; 4) қўлёзмага киритилган илова; 5) ортиқча сўз; 6) (*милтиқни*) ўқлаш

– حَشْوَةٌ *кўп.* حَشَوَاتٌ 1) сомса *ёки* шунга ўхшашнинг ичига солинадиган нарса, қийма; 2) бирор нарсанинг ичига тиқилган нарса; 3) ўқ, заряд; 4) қаланғи-қасанғилар

– حُشْوَةٌ *ёки* حِشْوَةٌ; ~ الْبَطْنِ ичак-чавоқлар

– حَشًى ичак-чавоқ; ◊ مِنْ بَيْنِ الـ~ қалбнинг тўр-тўридаги, қалб қаъридаги

– حَشِيَّةٌ *кўп.* حَشَايَا 1) тўшак, кўрпа, матрас; 2) ич, ичкари томон, ичкари

– مَحْشُوٌّ 1) уриб тиқилган, тиқиб солинган; 2) қиймаланган; ичига бирор нарса солинган (ب); 3) ўқланган (*мас., милтиқ*)

– مَحْشِيٌّ *кўп.* ـَاتٌ, مَحَاشِيُّ маҳший (*майда қилиб тўғралган сабзавотдан тайёрланган овқат*)

I حَشِيَ (а) حَشًى 1) ҳансирамоқ, қийналиб нафас олмоқ; бўғилмоқ, бўғилиб қолмоқ, димиқмоқ, нафаси қисилмоқ; нафас бўғилиш касали билан оғримоқ; II حَشَّى 1) ҳошияламоқ, ҳошия солмоқ; жияк тутмоқ; 2) (*матонинг*) четини қайириб тикмоқ, босмоқ; III حَاشَى (*бирор н. нинг таркибидан*) чиқармоқ (مِنْ), V تَحَشَّى 1) узоқлашмоқ, четлашмоқ, қочмоқ; 2) (*бирор н. дан*) сақланмоқ, эҳтиёт бўлмоқ (مِنْ); VI تَحَاشَى (*бирор н. дан*) ўзини четга тортмоқ, ўзини эҳтиёт қилмоқ (عَنْ); (*бирор н. дан*) ўзини тиймоқ, нафсини тиймоқ, сақланмоқ (عَنْ); (*бирор н. дан*) ўзини эҳтиёт қилмоқ (عَنْ)

– تَحْشِيَةٌ *қар.* حشو

– حَاشَا, حَاشَى, حَاشَ ...дан ташқари, ...дан бўлак; ◊ ~ لَكَ أَنْ تَفْعَلَهُ! буни қилишдан ўзингни тий!; ~ لِلّٰهِ *ёки* حَاشَ لِلّٰهِ худо сақласин!

– حَاشِيَةٌ *кўп.* حَوَاشٍ (*шунингдек. қар.* حشو) 1) чекка, қирғоқ; 2) ҳошия; ён, қирра; мағиз, (*кийимнинг ёки ўрмоннинг*) чети, ёқаси, этаги; 3) мулозимлар, аъёнлар; رِقَّةُ الـ~ назокат; хушмуомалалик, эҳтиром; رَقِيقُ الـ~ *ёки* رَقِيقُ الْحَوَاشِي назокатли, хушмуомала, хушфеъл لَيِّنُ الـ~ юмшоқ табиатли, табиати юмшоқ; فِي حَوَاشِي الْجَمْعِ тўплангнлар орасида

– حَشًى қийналиб олинган нафас; تَأَمَّلْتُ فِي ~ ذَلِكَ اللَّهِيبِ الْعَظِيمِ бу улкан алангага нафасимни ичимга ютиб қараб турдим

– مُحَشٍّ *мн.* مُحَشِّيَّةٌ шарҳловчи (*китобнинг, қўлёзманинг ҳошиясига изоҳ ёзувчи*)

I حَصَّ (а/у) حَصٌّ чекига тушмоқ; II حَصْحَصَ аниқ бўлмоқ, очиқ-ойдин бўлмоқ; кўринмоқ, пайдо болмоқ; III حَاصَّ (*бирор к. билан*) бўлишиб олмоқ, тақсим қилмоқ, (*бирор к. га*) улуш бермоқ; IV أَحَصَّ қисмга ажратмоқ, улуш тақсимламоқ VI تَحَاصَّ улушларни бўлишиб олмоқ

– حُصَاصٌ кучли адоват; إِنَّ الشَّيْطَانَ إِذَا سَمِعَ الآذَانَ مَرَّ وَلَهُ ~ *ҳад.* Шайтон азон товушини эшитгач, кучли адоватни сақлаган ҳолда ўтиб кетади

– حِصَّةٌ 1) ҳисса, қисм, улуш; норма, квота; ~ الأَسَدِ энг катта улуш (*сўзма-сўз:* йўлбарснинг улуши); 2) ўқув соати; 3) (*шунингдек,* ~ الرِّبْحِ) акционерлик (*ҳиссадорлик*) жамиятида умумий фойдадан пайчиларга бўлиб бериш учун ажратилган улуш; фойданинг қисми

– مُحَاصِصٌ = مُحَاصٌّ

– مُحَاصِصٌ чоракор, коранда, ҳосилнинг бир қисмини бериш шарти билан ерни ижарага олувчи; ~ فَلَاحٌ чоракор деҳқон

– مُحَاصَصَةٌ, مُحَاصَّةٌ 1) тақсим қилиш, бўлиб бериш, бўлиш; 2) ҳамкорлик; *шунингдек.* نِظَامُ الـ~ чоракорлик, корандалик; اشْتَغَلَ بِالـ~ (فِي) *ёки* اشْتَغَلَ عَلَى أَسَاسِ الـ~ чоракорлик, корандалик асосида ишламоқ

حَصَالُبَانٌ *бот.* баргидан ва гулидан хушбўй мой олинадиган бута ўсимлиги, розмарин

I حَصَبَ (и, у) حَصْبٌ (*бирор н. ни*) ташламоқ, иргитмоқ ~ بِالْحِجَارَةِ (ب) тош иргитмоқ; ~ الأَرْضَ тош ётқизмоқ, тош термоқ, ~ بِاللَّعَنَاتِ وَالشَّتَائِمِ лаънатламоқ ва сўкмоқ; حَصِبَ (а) حَصَبٌ *шунингдек.* حَصْبٌ қизамиқ чиқмоқ, қизамиқ тошмоқ; II حَصَّبَ 1) *шунингдек.* حُصِّبَ қизамиқ чиқмоқ, қизамиқ тошмоқ; 2) тош ётқизмоқ, тош термоқ

– حَاصِبٌ қаттиқ бўрон, шиддатли шамол

– حَصَبٌ *жам.* майда тош; шағал

– حَصْبَاءُ майда тош; шағал

– حَصَبَةٌ *кўп.* ـَاتٌ майда тош, тошча

– حَصْبَةٌ *мед.* қизамиқ; ~ الْمَانِيَّةُ *мед.* қизилча, сувчечак (*болалар касаллиги*)

– حُصَيْبَةٌ *мед.* қизилча (*болалар касаллиги*)

– مَحْصُوبٌ қизамиқ тошган, қизамиқ билан оғриган

حَصْحَصَ 1) аниқ бўлмоқ, равшан бўлмоқ, очиқ-ойдин бўлмоқ; 2) пайдо бўлмоқ, кўринмоқ

– حَصْحَصَةٌ 1) аниқ бўлиш, равшан бўлиш, очиқ-ойдин бўлиш; 2) аниқлик, равшанлик, очиқ-ойдинлик

I حَصَدَ (у) حَصَادٌ ўрмоқ, уриб йиғиштирмоқ, ҳосилни йиғиштириб

олмоқ; IV أَحْصَدَ (йиғиштириб олиш учун) пишиб етилмоқ; X اسْتَحْصَدَ = VI

– حَاصِدٌ *кўп.* حُصَّادٌ ўроқчи, ўроқ ўрувчи

– حَاصِدَةٌ *кўп.* اتٌ — ўрим машинаси

– حَصَادٌ ўроқ (ўрим) маҳали, ўрим-йиғим пайти, йиғим-терим

– حَصَّادٌ ўроқчи, ўроқ ўрувчи

– حَصَّادَةٌ *кўп.* اتٌ — (*шунингдек* آلَةٌ ~) ўрим машинаси; (آلَةٌ) دِرَاسَةٌ ~ комбайн

– حَصْدٌ йиғим-терим, ҳосилни йиғиб олиш

– حَصِيدٌ, حَصِيدَةٌ *кўп.* حَصَائِدُ ҳосил, ўриб олинган буғдой; экини ўриб олинган ер; حَصَائِدُ الأَلْسِنَةِ ғийбат-бўҳтон гаплар

– مِحْصَدٌ *кўп.* مَحَاصِدُ ўроқ, чалғи, чалғи ўроқ, белўроқ

– مِحْصَدَةٌ *кўп.* مَحَاصِدُ терим машинаси, ўрим машинаси

– مُحْصَدٌ (*йиғиб-териш учун*) етилган, пишган; رَجُلٌ ~ الرَّأْيِ соғлом фикрли одам

– مَحْصُودٌ йиғиб-териб, ўриб олинган (*буғдой*)

I حَصَرَ (*у*) حَصْرٌ 1) ўраб сиқмоқ, ўраб сиқиб олмоқ; қамрамоқ, қамраб олмоқ, ўраб олмоқ; 2) чекламоқ, чек қўймоқ; тўхтатмоқ, тўхтатиб (*ушлаб*) қолмоқ; ... الْبَحْثَ عَلَى (فِي) ~ баҳсда (*бирор н. билан*) чекланмоқ; كَلِمَةً ~ сўзни қавс ичига олмоқ; ... اهْتِمَامَهُ ~ диққат-эътиборни ...га қаратмоқ ... جُودَهُ فِي ~ фақат ...га зўр бермоқ; ... التُّهْمَةَ فِي ~ фақат ...нинггина айби эканлигини билдирмоқ; 3) қисмоқ, қисиб қўймоқ, қамал қилмоқ, ўраб олмоқ; 4) (*озиқ-овқатда*) қонуний меъёр белгиламоқ, нормаламоқ, норма қўймоқ; حُصِرَ ичи қотиб қолмоқ, қабзият бўлмоқ; 5) аниқламоқ, ҳисоблаб чиқмоқ, эътиборга олмоқ; حَصِرَ (*а*) حَصَرٌ дудуқланмоқ, тили тутилмоқ, тили бирдан тутилиб қолмоқ; боши берк кўчага кириб қолмоқ, довдираб қолмоқ; нима дейишни билмай қолмоқ; ~ الصَّدْرُ юрак сиқилмоқ; III حَاصَرَ қамал қилмоқ, блокада қилмоқ; IV أَحْصَرَ: الْمَرَضُ ~ касаллик бирор ишни амалга оширишга имкон бермади; VII انْحَصَرَ 1) чекланмоқ, чекланган бўлмоқ, тор бўлмоқ, энсиз бўлмоқ, камбар бўлмоқ; 2) қаратилмоқ, тўпланмоқ, бир жойга тўпланмоқ; 3) оқибатда (*бирор н. га*) айланмоқ (فِي)

– انْحِصَارٌ 1) чекланиш; чекланганлик; 2) монополия (*Сурияда*)

– خَاصِرَةٌ *кўп.* خَوَاصِرُ қавс; هِلَالِيَّةٌ ~ кичик қавс (*эгма қавс*); ~ عِضَادَةٌ квадрат қавс (*ўрта қавс*);

– حِصَارٌ қамал; الْـ~ حَالَةُ қамал ҳолати (*вазияти*); بَحْرِيٌّ ~ денгиз томондан қуршов; اقْتِصَادِيٌّ ~ иқтисодий қамал, эмбарго; اقْتِصَادِيًّا ~ ضَرَبَ (فَرَضَ) (*бирор н. ни*) иқтисодий жиҳатдан қамал қилмоқ (عَلَى); الْـ~ رَفَعَ (فَكَّ) (*бирор н. ни*) қуршовдан бўшатмоқ, (عَنْ)

– حَصْرٌ ўраш, ўраб олиш, қамраб олиш, қамров; 2) норма белгилаш, чеклаш, чеклов; الْـ~ عَلَامَةُ а) қавс; б) қўштирноқ; بِالْـ~ الْمَعْنَى *еки* аниғини айтганда ...; 3) тутилиш, тўхтаб қолиш; الْبَوْلِ ~ *мед.* пешоб (сийдик) тўхталиши; 4) қуршов, қамал, ўраб олиш; بَحْرِيٌّ ~ денгиз томондан қилинган қамал; 5) ҳисоблаш, ҳисоб-китоб; рўйхат; لَا يَأْخُذُهُمْ ~ уларнинг сонини билиб бўлмайди; يَفُوقُ الْـ~ меъёрдан ошиқ; 6) монополия (*Сурияда*); ~ التَّبْغِ وَالتُّنْبَاكِ тамаки монополияси

– حَصَرٌ 1) дудуқлик, тили тутилиш, қийналиб гапириш; 2) юрак сиқилиши

– حُصْرٌ *мед.* ич қотиш, қабзият

– حُصْرِيٌّ *кўп.* حُصْرِيَّةٌ бўйрачи

– حَصِيرٌ 1 *кўп.* حُصْرٌ, حَصَائِرُ тўшама, тўшак, бўйра, бордон

– حَصِيرٌ 2 юраги тор, бахил

– حَصِيرٌ 3 қамоқ, қамоқхона

– حَصِيرَةٌ *кўп.* حَصَائِرُ бўйра, бордон; جَرَّارَةٌ ذَاتُ ~ занжирли трактор; الشُّبَّاكِ ~ бино ичига ёруғлик ва ҳаво ўтказиб турадиган панжарали дарпарда; الصَّيْفِ وَاسِعَةٌ ~ *мтл.* қиш ўчоғи тор, тур уйингга бор (*сўзма-сўз:* ёзнинг пардалари кенгдир)

– مُحَاصَرَةٌ қуршов, ўраб олиш, қамал

– مَحْصُورٌ 1) чекланган, чегараланган; аниқ, тор; 2) ич қотиш касалига мубтало; қабзиятли

حِصْرِمٌ *жам.* хом, пишмаган узум, ангур; الْـ~ يَأْكُلُونَ الآبَاءُ وَالأَبْنَاءُ يَضْرَسُونَ *мтл.* ҳолвани ҳоким, калтакни етим ейди (*сўзма-сўз:* пишмаган узумни оталар ейдилару, ўғилларнинг тиши қамашади); الْـ~ نَحْنُ نَأْكُلُ *маж.* биз панд еймиз; биз аҳмоқ бўлиб қоламиз

I حَصُفَ (*у*) حَصَافَةٌ соғлом фикрли бўлмоқ, соғлом фикрга эга бўлмоқ, тадбирли, мулоҳазали бўлмоқ; 2) эҳтиёткор бўлмоқ, эҳтиёт бўлмоқ; X اسْتَحْصَفَ (*ақлий қобилият соҳасида*) энг юқори чўққига чиқмоқ (етмоқ); етук бўлмоқ, етуклик даражасига чиқмоқ

– حَصَافَةٌ 1) соғ фикрлилик, тадбиркорлик, мулоҳаза билан иш тутиш; 2) эҳтиёткорлик

– حَصَفٌ *мед.* иссиқ (тропик) мамлакатларда бўладиган темиратки

– حَصِفٌ 1)соғ ақлли, тадбирли, мулоҳазали; зеҳни ўткир, зийрак; 2) эҳтиёткор

– حَصِيفٌ соғлом фикрли; тадбирли, мулоҳазали; зеҳни ўткир, зийрак

I حَصَلَ (*у*) حُصُولٌ 1) содир бўлмоқ, амалга ошмоқ; бўлиб ўтмоқ, содир бўлиб ўтмоқ; юз бермоқ, рўй бермоқ; (*бирор к. нинг*) бошидан ўтмоқ (لِـ); 2) (*бирор н. га*) эришмоқ, етишмоқ (عَلَى); (*бирор н. ни*)

олмоқ, (*бирор н. га*) эришмоқ, эга бўлмоқ (عَلَى); 3) натижада ... бўлиб қолмоқ; (*бирор н. дан*) келиб чиқмоқ (مِنْ); II حَصَّلَ 1) етишмоқ, эга бўлмоқ; 2; қидириб топмоқ, қўлга киритмоқ, олмоқ; 3) йиғмоқ, тўпламоқ; ундирмоқ, тўлатмоқ (*солиқни*); 4) ўрганмоқ, ўқимоқ, таҳсил кўрмоқ, таҳсил олмоқ; الْكَلَامَ ~ айтилганларга якун ясамоқ, хулоса қилмоқ; V تَحَصَّلَ 1) топилмоқ, ҳосил этилмоқ, ҳосил бўлмоқ, олинмоқ; (*бирор н. дан*) келиб чиқмоқ (مِنْ); 2) (*бирор н. ни*) қидириб топмоқ, ҳосил этмоқ, олмоқ (عَلَى); 3) тўланмоқ, тушмоқ (*солиқ*); X اسْتَحْصَلَ олмоқ; (*бирор н. га*) эришмоқ, етишмоқ

– تَحْصِيلٌ 1) етишиш; эга бўлиш; ҳосил этиш, қўлга киритиш; 2) йиғиш, тўплаш; олиш; 3) *шунингдек*: عِلْمِيٌّ ~ *ёки* الْعِلْمِ ~ ўқиш, ўрганиш, таҳсил олиш; سَنَوَاتُ الـــ~ ўқиш (таҳсил) йиллари

– تَحْصِيلْجِيٌّ *кўп.* تَحْصِيلْجِيَّةٌ солиқ йиғувчи, ўлпон йиғувчи

– حَاصِلٌ[1] *кўп.* حَاصِلَاتٌ, حَوَاصِلُ 1) натижа, оқибат; الضَّرْبِ ~ *мат.* кўпайтма; الْجَمْعِ ~ *мат.* йиғинди; تَحْصِيلُ الـــ~ жами, ҳаммаси бўлиб; الـــ~ *ёки* الْقَوْلِ ~ وَ бир сўз билан айтганда, хулоса қилиб айтганда; 2) моҳият, асл маъно; الْأَمْرِ ~ ишнинг моҳияти, гапнинг пўст калласи; 3) ҳосил; 4) маҳсул, маҳсулот, натижа, самара; 5) тушум, савдодан тушган пул; 6) омбор, сарой, омборхона; камера (*мас., омонат юкни қўйиш учун*)

– حَاصِلٌ[2] (*бирор н. ни*) олувчи, қабул қилувчи (عَلَى)

– حَصَّالَةٌ *кўп.* اتٌ — ақчадон (*чақа-танга йиғадиган қутича*)

– حُصَالَةٌ 1) қолдиқ, қолган-қутган, бирор нарсанинг қолдиғи; 2) тўпон, қипиқ

– حُصُولٌ 1) келиб чиқиш; 2) (*бирор н. га*) эришиш, етишиш (عَلَى)

– حَصِيلٌ олинган натижа

– حَصِيلَةٌ 1) даромад, кирим; келим; йиғим; савдодан тушган пул; 2) якун; النَّشَاطِ ~ фаолият якуни

– حَوْصَلٌ *алиф.б.қ*

– حُوَيْصِلَةٌ *алиф.б.қ.*

– مَحْصَلٌ натижа, якун

– مُحَصَّلٌ 1. олинган, етиштирилган, қўлга киритилган; 2. 1) натижа, якун; 2) маъно, мағиз, мазмун; ... أَنَّ ~ُهُ نَبَأٌ хабарнинг мазмуни шундан иборатки, ...

– مُحَصِّلٌ 1. 1) етиштирувчи, қўлга киритувчи, олувчи; 2) йиғувчи, йиғиштирувчи; 3) *тех.* тенг таъсир этувчи; الْقُوَّةُ الـــ~ـةُ тенг таъсир этувчи куч; 2. 1) ўлпон йиғиштирувчи; 2) кондуктор (*трамвай ёки автобусда*)

– مُحَصِّلَةٌ 1) *тех.* натижаловчи, якунловчи куч; натижалантирувчи, якунлантирувчи куч; السُّرْعَةُ ~ натижалантирувчи, якунлантирувчи тезлик; 2) *мат.* ҳосила

– مَحْصُولٌ *кўп.* مَحَاصِيلُ , اتٌ — 1) ҳосил, йиғим, тушум, йиғилган нарса; 2) маҳсулот; الْمَحْصُولَاتُ الزِّرَاعِيَّةُ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари; 3)натижа, якун, иш натижаси (ҳосили), ишлаб чиқарилган *ёки* тайёрланган маҳсулот; фойдали иш коэффициенти; الْكَلَامِ ~ гапнинг хулосаси, индаллоси, гапнинг пўсткалласи

I حَصُنَ (*у*) حَصَانَةٌ 1) мустаҳкам бўлмоқ, пишиқ бўлмоқ, маҳкам бўлмоқ, ёнига бориб бўлмайдиган бўлмоқ, эгаллаб бўлмайдиган бўлмоқ; 2) иффатли бўлмоқ, покиза бўлмоқ (*аёл ҳақида*); II حَصَّنَ 1) мустаҳкамламоқ, пишиқ қилмоқ, пишитмоқ; ёнига бориб бўлмайдиган қилмоқ, эгаллаб бўлмайдиган қилмоқ; 2) сунъий иммунитет ҳосил қилмоқ, организмни касал юқмайдиган, заҳар таъсир қилмайдиган қилмоқ; ضِدَّ الْحَصْبَةِ وَالْجُدَرِيِّ ~ қизамиқ ва чечакка қарши иммунитет ҳосил қилмоқ; IV أَحْصَنَ мустаҳкамламоқ, маҳкамламоқ; ҳимоя қилмоқ; эҳтиёт қилмоқ; 2) иффатли бўлмоқ, ўзига доғ туширмаслик, булғанмаслик (*аёл ҳақида*); уйланмоқ; الرَّجُلُ ~ одам уйланди; V تَحَصَّنَ маҳкамланмоқ мустаҳкамланмоқ; қалъа сифатида фойдаланмоқ; (*бирор н. ёрдамида*) ҳимояланмоқ (بِ)

– إِحْصَانٌ бокиралик, иффатлилик, беғуборлик, беайблик

– تَحْصِينٌ 1) мустаҳкамлаш, истеҳком барпо этиш; خَطُّ الـــ~ *ҳарб.* мустаҳкамланган линия, истеҳкомли линия; 2) сунъий иммунитет ҳосил қилиш; ضِدَّ الْفَيْرُوسَاتِ ~ вирусларга қарши иммунитет ҳосил қилиш; ضِدَّ الطَّاعُونِ الْبَقَرِيِّ ~ ўлатга қарши иммунитет ҳосил қилиш; بِالْمَصْلِ ~ махсус дориворлар билан эмлаш воситасида иммунитет ҳосил қилиш

– تَحْصِينَاتٌ *кўп. ҳарб.* истеҳкомлар

– حَصَانٌ *кўп.* حُصُنٌ , اتٌ — иффатли аёл, бокира аёл, ўзига доғ туширмаган аёл, шарм-ҳаёли аёл

– حِصَانٌ *кўп.* حُصُنٌ, أَحْصِنَةٌ 1) айғир, от; الْجَرِّ ~ аравага қўшиладиган от; الْحَمْلِ ~ юк ташувчи от; الْأَصِيلِ ~ зотдор (*зотли*) от; الرُّكُوبِ ~ миниладиган от; السِّبَاقِ ~ йўртиб чопадиган от; учқур от, чопқир от, арғумоқ; طَلُوقَةٌ ~ айғир; مَخْصِيٌّ~ ахта (бичилган) от; الْبَحْرِ ~ *зоол.* отбалиқ (*боши отнинг бошига ўхшаш балиқ*); طَرْوَادَةَ ~ *маж.* Троя оти (*миф. қадимги юнон афсоналарида айтилишича, Троя шаҳрини олиш учун ёғочдан ясалган от, одатда ҳийла қилиш маъносида қўлланади*); الطَّائِرُ الـــ~ а) *фолк.* учар от; б) (*чолғу асбобларидаги*) харак, эшак; 2) *тех.* от кучи; 3) *шунингдек*: الْوَثْبِ ~ *спорт.* от (*жиҳоз*) 4) *шахм.* от, асп

– حَصَانَةٌ 1) мустаҳкамлик; матонатлилик, дахлсизлилик; الْبَرْلَمَانِيَّةُ الـــ~ парламент дахлсизлиги; الدِّبْلُومَاسِيَّةُ الـــ~ дипломатларнинг дахлсизлиги; 2) иффатлилик, бокиралик, поклик; 3) касалга чалинмаслик, иммунитет

– حِصْنٌ *кўп.* حُصُونٌ қалъа, қўрғон, истеҳком; السِّلْمِ ~ тинчлик таянчи; الْحَصِينُ الـــ~ эгаллаб бўлмайдиган қалъа, енгиб (олиб) бўлмайдиган қўрғон

– حَصِينٌ 1) мустаҳкамланган; мустаҳкам; ўтиб бўлмайдиган, қўлга киритиб бўлмайдиган; 2) касалга чалинмайдиган, касалга

йўлиқавермайдиган (ضِدٌّ)

– حُصَيْنٌ *кўп.* اتٌ — қўрғонча, қалъача; ◊ أَبُو الْـ~ урғочи тулки

– مُحْصَنَةٌ *кўп.* اتٌ — иффатли аёл, ўзига доғ туширмаган аёл, шарм-ҳаёли аёл

حَصْوَةٌ *кўп.* حَصَوَاتٌ, حَصَاوَى 1) тош, майда тош; силлиқ думалоқ тош; 2) *мед.* ички аъзоларда ҳосил бўладиган тош

I حَصَى (и) حَصْيٌ тошлар ёғдирмоқ, тош иргитмоқ; حُصِيَ ички бирор аъзодаги тошдан касал бўлмоқ; IV أَحْصَى 1) санамоқ, ҳисобламоқ, ҳисоблаб чиқмоқ, ҳисоблаб чиқармоқ; (*номма-ном*) айтиб (санаб) чиқмоқ, йўқлама қилмоқ; لَا يُحْصِيهِ الْعَدُّ *ёки* لَا يُحْصَى сон-саноқсиз, сон-саноғи йўқ, беҳисоб, битмас-туганмас, يُحْصَى عَدَدُهُمْ عَلَى أَصَابِعِ الْيَدِ улар бармоқ билан санарли даражада, уларни бармоқ билан санаш мумкин; 2) рўйхатдан ўтказмоқ; X اِسْتَحْصَى ҳисоб-китоб қилмоқ

– إِحْصَاءٌ *кўп.* اتٌ — 1) ҳисоблаш, санаш; бирор ниманинг баҳосини ҳисоблаб чиқариш; ҳисоб; 2) статистика; *кўп.* статистик маълумотлар; 3) (*аҳолини*) рўйхатдан ўтказиш

– إِحْصَائِيٌّ 1. 1) ҳисоб-китобга тегишли, ҳисоб-китобга оид; 2) статистикага оид; 2. статист, статистика бўйича мутахассис

– إِحْصَائِيَّةٌ *кўп.* اتٌ — статистик ҳисоб-китоб; *кўп.* статистик маълумотлар, рақамлардан иборат бўлган маълумотлар

– حَصَاةٌ *кўп.* حَصَيَاتٌ 1) майда тошлар; шағал, майда тош; 2) *мед.* тошлар; ички бирор аъзодаги тош; ~ بَوْلِيَّةٌ қовуқдаги тош; ~ صَفْرَاوِيَّةٌ ўт пуфагидаги тош, ~ كَبِدِيَّةٌ жигардаги тош; ~ كِلْوِيَّةٌ буйракдаги тош

– حَصَوِيٌّ тошлоқ, тошга бой, тоши кўп (*мас., оқим, сой*)

– حَصًى *жам.* майда тош; силлиқ думалоқ тош, шағал; йирик қум; ضَرْبٌ بِالْـ~ тошга қараб фол очмоқ

– مَحْصًى тошлоқ; أَرْضٌ مَحْصَاةٌ тошлоқ ер

I حَضَّ (а/у) حَضٌّ (*бирор н. га*) ундамоқ, қизиқтирмоқ, (*қизиқиш*) қўзғатмоқ, ҳавасини келтирмоқ.(*бирор н. қилишга*) аврамоқ (عَلَى); II حَضَّضَ қаттиқ туриб ундамоқ, роса аврамоқ; III حَاضَّ = I

– حَضٌّ ундаш, қизиқтириш, ҳавасини келтириш, авраш

– حَضِيضٌ 1) чекка, ниҳоя, қирғоқ, чет; чегара; ~ الْفَاقَةِ وَالْفَقْرِ муҳтожлик ва қашшоқлик чегараси; 2) (*денгизнинг*) туби, қаъри; 3) (*тоғнинг*) этаги, таги; 4) жар, чуқур жар, тик жар; 5) *шунингдек.* الْـ~ الْقَمَرِيُّ *астр.* ой йўлининг Ерга энг яқин нуқтаси; الْـ~ الشَّمْسِيُّ *астр.* планета ва кометаларнинг қуёшга энг яқин нуқталари

I حَضَأَ (а) حَضْءٌ 1) ёқмоқ (*мас., олов*); келтириб чиқармоқ (*мас., уруш*); 2) аралаштирмоқ, титмоқ (*мас., ёниб турган кўмирни*)

I حَضَرَ (у) حُضُورٌ 1) келмоқ, етиб келмоқ, мавжуд бўлмоқ, ҳозир бўлмоқ; 2) тайёр бўлмоқ, ҳозир бўлмоқ; 3) ўтроқ бўлмоқ, шаҳарда яшамоқ; II حَضَّرَ 1) тайёрламоқ, ҳозирламоқ, ясамоқ, тайёрлаб қўймоқ; 2) ҳозир қилмоқ; етказиб олиб келмоқ; 3) маданиятли қилмоқ, маданиятга эриштирмоқ, ўтроқ ҳаётга ўтказмоқ; III حَاضَرَ 1) маъруза қилмоқ, лекция ўқимоқ; 2) (*бирор к. билан бирор жойда*) бирга бўлмоқ (عَلَى); IV أَحْضَرَ 1) тайёрламоқ, ҳозирламоқ, ясамоқ; 2) ҳозир қилмоқ; етказиб олиб келмоқ; олиб келмоқ; V تَحَضَّرَ 1) тайёр бўлмоқ, тайёрланган бўлмоқ; тайёрламоқ; 2) ўтроқ бўлиб яшамоқ; шаҳарда яшамоқ, шаҳарликка айланмоқ; 3) маданийлашмоқ, маданиятли бўлмоқ; маданиятга эришмоқ; VIII اِحْتَضَرَ ўлим олдида турмоқ, ўлимолди онларини бошдан кечирмоқ, ўлмоқ, вафот этмоқ; X اِسْتَحْضَرَ 1) (*бирор н. ни*) чақиртирмоқ; ~ الْأَرْوَاحَ руҳларни чорламоқ; ўлганларнинг руҳлари билан сўзлашмоқ; 2) (*бирор жойдан*) олиб келмоқ, етказиб келмоқ (مِنْ); 3) тайёрланмоқ, тайёр бўлмоқ, ҳозирланмоқ; 4)хаёлан тасаввур қилмоқ, эсга олиб такрорламоқ, эсламоқ, эсга келтирмоқ; ~ مَاضِيَهُ فِي مَشَقَّةٍ ўтмишни қийинчилик билан хотирламоқ

– اِحْتِضَارٌ ўлиш, жон бериш, вафот қилиш, сўниш, آلَامُ الْـ~ ўлимолди талвасаси

– إِحْضَارٌ (*судга*) чақирув; ~ مُذَكِّرَةُ судга чақирув қоғози

– اِسْتِحْضَارٌ чақириқ, чорлов; чақириш, чақиртириш; ~ الْأَرْوَاحِ руҳларни чақириш; ўлганларнинг руҳи билан сўзлашиш

– تَحَضُّرٌ шаҳар ҳаёти, шаҳарда яшаш; маданиятлилик, маданийлик

– تَحْضِيرٌ 1) тайёрлаш, ҳозирлаш, тайёрлаб қўйиш; ҳозирлаш; 2) тайёргарлик

– تَحْضِيرِيٌّ тайёрлашга оид

– حَاضِرٌ[1] *кўп.* حُضَّارٌ 1. ўтроқ; 2. шаҳарлик, шаҳарда яшовчи; ◊ صَارَ حَدِيثَ الْـ~ وَالْبَادِ ҳамма ёқда дув-дув гап бўлмоқ (*сўзма-сўз:* шаҳарликнинг ҳам, саҳройининг ҳам оғзига тушмоқ)

– حَاضِرٌ[2] *кўп.* حُضُورٌ 1) ҳозир бўлувчи, ҳозир бўлган, ҳозир; 2) ҳозирги (*замон*); ҳозирги вақтдаги, жорий; فِي الْـ~ ҳозирги вақт; فِي الْوَقْتِ الْـ~ *ёки* الْـ~ ҳозир; 3) тайёр, тахт, накд; ~! хўп, хўп бўлади!

– حَاضِرَةٌ *кўп.* حَوَاضِرُ 1) асосий шаҳар, пойтахт, марказ; الْبَادِيَةُ وَالْـ~ ўтроқлар ва кўчманчилар; 2) ўйингоҳ, стадион

– حَضَارَةٌ 1) ўтроқ ҳаёт, шаҳар ҳаёти; 2) маданиятлилик, маданият; 3) (моддий) маданият, цивилизация; ~ بَائِدَةٌ йўқ бўлиб кетган маданият, цивилизация

– حَضَارِيٌّ маданиятга оид, цивилизацияга оид; маданий; الْمُؤَرِّخُ الْـ~ маданиятлар тарихи бўйича мутахассис; الْقِيَمُ الْـ~ـةُ маданият бойликлари, маданий бойликлар; ~ تَطَوُّرٌ маданият тараққиёти; الْمُسْتَوَى الْـ~ маданият савияси, маданий савия

– حَضَرٌ 1) ўтроқ ҳаёт, шаҳар ҳаёти; 2) ўтроқ аҳоли, шаҳар аҳолиси; 3) маданият

– حَضْرَةٌ[1] 1) ҳозирлик, ҳузур; فِي ~ـهِ унинг ҳузурида; шаҳар (*Шимолий Африкада*); марказ; пойтахт; 3) *дин.* жума намозида иштирок этиш (*исломда*); ибодат йиғини (*христианларда*)

– حَضْرَةٌ 2 *кўп.* حَضَرَاتٌ жаноб, хоним; صَاحِبُ الْفَخَامَةِ رَئِيسُ ~ الْجُمْهُورِيَّةِ республика президенти жаноби олийлари; صَاحِبُ ~ الْفَضِيلَةِ مُفْتِي الدِّيَارِ الْمِصْرِيَّةِ Миср ўлкасининг муфтийси жаноби олийлари, صَاحِبَةُ الْعِصْمَةِ هُدَى هَانِم الشَّعْرَاوِيُّ ~ Ҳудо ҳоним жаноби олиялари

– حَضْرَةٌ *эск.* қурилиш материали; الْمَسْجِدِ ~ масжид қурилишига кетган материал

– حَضَرِيٌّ 1. маданиятга оид; маданиятли; مَطَالِبُ ~ـَةٌ маданий талаблар; امْرَأَةٌ ~ـَةٌ замонавий (маданий, илғор) аёл; 2. ўтроқ, шаҳарлик, шаҳар одами

– حُضُورٌ 1) ҳузур; فِي ~هِ унинг ҳузурида; عَدَمُ ~ йўқлик, мавжуд бўлмаслик, ҳозир бўлмаслик; الذِّهْنِ ~ ўзини йўқотмаслик, ўзини дадил тутиш; 2) келиш; ҳозир бўлиш, ҳозирлик

– حُضُورِيٌّ томонларнинг ҳозирлигида амалга ошган; ~اً юзма-юз, рўпарама-рўпара

– حَضِيرَةٌ *кўп.* حَضَائِرُ гуруҳ, группа; *ҳарб.* отряд

– مُتَحَضِّرٌ 1) ўтроқ ҳолатда яшовчи, шаҳарлик; 2) маданиятли, маданий

– مُحَاضِرٌ маърузачи, маъруза қилувчи; лектор

– مُحَاضَرَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — (*оммабоп*) маъруза; أَلْقَى ~ маъруза қилмоқ, лекция ўқимоқ

– مُحْتَضَرٌ 1) жин йўлиққан, жинларга дучор бўлган; 2) ўлим талвасасида турган, ўлим олдидаги

– مَحْضَرٌ *кўп.* مَحَاضِرُ 1) ҳозирлик, мавжудлик; 2) йиғилиш, мажлис; 3) жамият, жамоат; 4) акт, протокол, қайд

– مُحْضِرٌ 1) ҳозир қилувчи, етказувчи, тайёрловчи; 2) чорловчи, чақирувчи; الْمَحْكَمَةِ ~ суд ижрочиси

– مُحَضِّرٌ лаборант, ўқитувчи ёрдамчиси

– مَحْضُورٌ жин йўлиққан, жинларга дучор бўлган; жин урган

– مُسْتَحْضَرٌ *кўп.* ـَاتٌ — маҳсул, маҳсулот; *кимё. фарм.* дори, препарат

حَضْرَمِيٌّ *кўп.* حَضَارِمَةٌ ҳазрамавтлик, Ҳазрамавтда яшовчи

I حَضَنَ (у) حَضْنٌ, حِضَانَةٌ 1) кўкракка босмоқ, қучоқламоқ, оғушга олмоқ; 2) боқмоқ, ўстирмоқ, вояга етказмоқ, тарбияламоқ; 3) тухум босиб, бола очмоқ; VIII احْتَضَنَ 1) бағрига босмоқ, қучоқламоқ, кўкракка босмоқ, оғушига олмоқ; ўз ичига олмоқ; 2) боқмоқ, қарамоқ, парваришламоқ, парвариш қилмоқ, вояга етказмоқ, тарбияламоқ; 3) олмоқ; نَصِيبَهُ مِنْ هَذِهِ الْحَيَاةِ ~ ҳаётдан ўз насибасини териб емоқ, олмоқ

– حَاضِنٌ 1 *кўп.* حَضَنَةٌ, حُضَّانٌ тарбиячи, мураббий

– حَاضِنٌ 2 *кўп.* حَوَاضِنُ тўп ўрнатиладиган супача, лафет; ҳаракатчан, ўзи ҳаракат қиладиган таглик (*машиналар учун*)

– حَاضِنَةٌ *кўп.* حَوَاضِنُ энага

– حَضَّانٌ 1) қамраб олувчи; 2) мароқли, жозибали, қизиқарли, қизиқтирадиган

– حِضَانَةٌ 1) ўстириш, вояга етказиш, парваришлаш; тарбия; دَارُ الـ~ ясли; نَفَقَاتُ ~ الأَوْلَادِ болаларни тарбиялаш учун тўланадиган нафақа (алимент); 2) ғамхўрлик, назорат қилиш, қараб туриш, васийлик; 3) тухум босиб, бола очиб чиқиш; 4) *мед.* касалнинг пайдо бўлганидан биринчи аломатлари кўрингунча ўтган давр

– حَضْنٌ 1) қучоқлаш, бағрига босиш; 2) тухум босиб, бола очиш

– حِضْنٌ 1) кўкрак; 2) қучоқ, оғуш; ارْتَمَى فِي أَحْضَانِ ... ...нинг қучоғига ўзини отмоқ; أَخَذَهُ (قَبَّلَهُ) بالـ~ (*бирор к. ни*) қучоқ очиб кутиб олмоқ; فَتَحَ أَحْضَانَهُ لـ ... (*бирор н. га*) кўксини очмоқ

– حَضْنَةٌ она товуқ босадиган тухум

– مَحْضَنَةٌ *кўп.* مَحَاضِنُ ясли

I حَطَّ (а/у) حَطٌّ 1) қўймоқ, ўрнаштирмоқ, жойлаштирмоқ, солмоқ; 2) олмоқ, олиб қўймоқ, олиб ташламоқ; عَنْهُ الأَغْلَالَ ~ (*бирор к. ни*) кишандан бўшатмоқ; 3) тўхтамоқ; 4) қўнмоқ, тушмоқ, пастламоқ; ерга қўнмоқ (*самолёт ҳақида*); الرِّحَالَ ~ лагерь қурмоқ, лагерь бўлиб жойлашмоқ; (*бирор жойга*) кўчиб бориб жойлашмоқ (فِي); ~ رَحْلَهُ عِنْدَ (فِي) ... *қар.* رَحْلٌ 5) (*бирор н. ни*) камайтирмоқ, камайтириб кўрсатмоқ (مِنْ); مِنْ سُمْعَتِهِ ~ бирор кимни обрўсизлантирмоқ, эътиборини кетказмоқ; مِنْ قَدْرِهِ ~ бирор кимнинг қадр-қимматини ерга урмоқ; مِنْ قُوَاهُ ~ бирор кимни кучсизлантирмоқ; مِنْ قِيمَتِهِ ~ бирор нарсанинг баҳосини пасайтирмоқ; مِنْ كَرَامَتِهِ ~ бирор кимни ҳақорат қилмоқ, таҳқир этмоқ; 6) (*нархи*) тушмоқ, пасаймоқ; ◊ عَلَيْهِ ~ бирор кимга қарши туҳмат ёғдирмоқ; II حَطَّطَ ўзидан соқит қилмоқ (*юкни, оғирликни*); V تَحَطَّطَ (*бирор к. га*) қарши оёқлантирмоқ, гижгижламоқ; (*бирор к. дан*) жаҳли чиқмоқ (عَلَى); VII انْحَطَّ 1) пастламоқ, пастга қараб шўнғимоқ; 2) тушмоқ, пасаймоқ, (*мас., нарх-наво*); 3) таназзулга юз тутмоқ; 4) жойлаштирилмоқ; تَحْتَ الْمُلَاحَظَةِ ~ назорат остига олинди, у назорат остида турибди; 5) бошга тушмоқ (عَلَى - *мас., мусибат*); VIII احْتَطَّ бўшатмоқ, чиқармоқ, туширмоқ; қўймоқ, ўрнаштирмоқ, жойлаштирмоқ; X اسْتَحَطَّ арзонлаштиришни сўрамоқ

– أَحَطُّ энг паст, энг тубан, مِنْ ... ~ ...дан ҳам тубан

– انْحِطَاطٌ 1) пастлаш, пастга қараб шўнғиш; 2) таназзул; ёмонлашиш (*мас., соғлиқ*); 3) паст даража, номукаммаллик, нотекислик

– حِطَّةٌ 1) камайтириш, камайтириб кўрсатиш, пастлатиш; مَكَانَةٍ ~ бирор нарсанинг паст мавқеи; 2) ерга уриш; менсимаслик, назарга илмаслик, писанд қилмаслик; ҳақоратлаш

– حَطِيطَةٌ 1) (*қарз ҳужжатларининг*) ҳисоб-китоби; 2) скидка (*нархдан ёки оғирликдан ўтиб бериш*)

– مَحَطٌّ 1) тўхтаб туриш жойи; (*юкни ёки бирор н. ни*) қўйиш жойи; тўхташ (қўниш) жойи; станция, қўналға; الْبَضَائِعِ ~ юк (товар)

станцияси; لرحَالِ القَوَافِلِ ~ карвонларнинг қўниш жойи; 2) *муз.* каденция, хотима; ◊ آماله ~ кимларнингдир умид қилган нарсаси; ~ الأَنْظَارِ ҳамманинг эътибори қаратилган нарса

– مَحَطَّة *кўп.* ـــات, مَحَاطُّ тўхтаб ўтиш жойи; станция; бекат, қўналға; الوُصُولِ ~ бориб етиладиган станция; نَاظِرُ الـــ~ станция бошлиғи; الإذاعة ~ радио эшиттириш станцияси; الإِرْسَالِ ~ узатиш (тарқатиш) станцияси; ~ الاسْتِقْبَالِ қабул қилувчи радиостанция; ~ لا سِلْكِيَّة радиостанция; ~ تَحَكُّمٍ رَئِيسِيَّة (*энергия тизимининг*) бош диспетчерлик пункти, كَهْرَبَائِيَّة ~ электростанция; ~ كَهْرَذَرِّيَّة атом электростанцияси; الـــ~ الكَوْنِيَّة космик станция; ~ للأَرْصَادِ الجَوِّيَّة метеорологик станция; ~ المُحَوِّلَات трансформатор кичик станцияси; أَوْقَفَ التِّرَامَ بِلَا ~ трамвайни бекатдан ташқарида тўхтатмоқ

– مُنْحَطّ 1) паст, қадр-қиммати паст, эътибори йўқ, номукаммал; пасткаш, тубан; 2) таназзулга юз тутган

I حَطَأَ (а) حَطْء бирор кимнинг орқасига шапатилаб урмоқ

I حَطَبَ (и) حَطْبٌ ўтин термоқ, ўтин ёрмоқ; فِي حَبْلِه ~ бирор кимга ёрдам бермоқ; II حَطَّبَ = I; VIII احْتَطَبَ кесмоқ (*ёғочни*); ўтин ёрмоқ

– تَحْطِيبٌ 1) ўтин ёриш; 2) таёқлар билан олишиш (*Юқори Мисрдаги спорт ўйини*); رَقْصُ الـــ~ таёқ ўйини (*Юқори Мисрда таёқ ушлаб тушиладиган рақс*)

– حَطَّابٌ ўтин қилувчи, ўтинчи; дарахт кесувчи, ёғоч кесувчи, ёғоч тайёрловчи

– حَطَبٌ *кўп.* أَحْطَابٌ ўтин; ёқилғи; ◊ لِلْحَرْبِ ~ тўп еми (*қирғинга юбориладиган солдатлар*)

I حَطَمَ синдирмоқ, парчаламоқ; II حَطَّمَ бузмоқ, майдалаб синдирмоқ, синдириб майдаламоқ; майда қисмларга бўлмоқ; ~ الرَّقْمَ القِيَاسِيَّ рекорд ўрнатмоқ; إِرَادَةَ الشَّعْبِ ~ халқ иродасини букмоқ; V تَحَطَّمَ майда-майда бўлиб кетмоқ, чил-чил бўлмоқ; синмоқ, синдирилмоқ; VII انْحَطَمَ вайрон бўлмоқ, бузилмоқ, синмоқ, синдирилмоқ; мажақланмоқ

– تَحْطِيمٌ бузиш, вайрон қилиш, тор-мор қилиш; الذَّرَّة ~ *физ.* атомнинг парчаланиши

– حُطَامٌ синиқ, бўлак, парча, қолдиқ; السَّفِينَة ~ кема парчалари; الدُّنْيَا ~ а) дунёнинг ўткинчи ноз-неъматлари; б) обрў-эътибор, мол-мулк, бисот

– حُطَمَة: الـــ~ дўзах номларидан бири; رَجُلٌ ~ еб тўймас одам, серовқат одам

– حِطْمَةٌ *кўп.* حِطَمٌ синиқ, бўлак, парча, қолдиқ

– حَطِيمٌ[1] الـــ~ ал-Ҳатим (*Каъбатуллоҳ деворларидан бир қисмининг номи*)

– حَطِيمٌ[2] вайрон бўлган, тор-мор қилинган

– مُحَطِّمٌ бузувчи, синдирувчи; البَاخِرَةُ الـــ~ة الجَلِيد музёрар кема

حُظَّى бўш, заиф, нимжон; камбағал, қашшоқ, бечора

I حَظَّ (и/а) حَظٌّ 1)бахтли бўлмоқ, бахтиёр бўлмоқ, саодатга эришмоқ; 2) ризқи баланд бўлмоқ; IV أَحَظَّ = I

– حَظٌّ *кўп.* حُظُوظٌ улуш, насиба, тақдир, қисмат; бахт, саодат, омад; муваффақият, катта ютуқ; тўқлик, бадавлатлилик, мўллик; хурсандлик, мамнунлик, шодлик; роҳат, ҳузур-ҳаловат; سُوءُ الـــ~ муваффақиятсизлик, бахтсизлик, омадсизлик; لِسُوءِ الـــ~ *ёки* مِنْ سُوءِ الـــ~ бахтга қарши; لِحُسْنِ الـــ~ *ёки* مِنْ حُسْنِ الـــ~ хайрият, яхшики, яхшиямки; مِنْ ~ـه الحَسَن унинг бахтига; الـــ~ خَانَهُ ундан омад кетди; أَتَاحَ لَهُ الـــ~ أن ... унга ...иш муяссар бўлди; لَعَنَ الـــ~ тақдирга лаънат ўқимоқ, لَقَدْ أَسْعَدَنِي الـــ~ أن ... мен шундан бахтлиманки, ...

حَظِيظٌ бахтли, омадли, толеи ёр

– مَحْظُوظٌ 1. бахтиёр қилинган; бахтли, бахтиёр; шод, хуррам; 2. севикли, жонажон, азиз, манзур

مَحْظُوظِيَّة ҳузур-ҳаловат; шодлик, хуррамлик

I حَظَرَ (у) حَظْرٌ 1) қўрғон қилиб ўрамоқ, девор билан ўраб олмоқ; 2) (*бирор к. га*) ман этмоқ, тақиқламоқ (عَلَى); 3) молхонага (*қўрага*) жойламоқ (*ҳайвонларни*); II حَظَّرَ тамоман ман этмоқ, мутлақо тақиқламоқ, VIII احْتَظَرَ атрофини қўра қилиб ўраб олмоқ

– حِظَارٌ қўра, ғов, тўсиқ, девор

– حَظْرٌ тақиқ, тақиқлаш, ман этиш; عَلَى وَارِدَاتٍ ~ эмбарго, молни мамлакатга келтиришни тақиқлаш; التَّجَارِبِ النَّوَوِيَّة ~ ядро синовларини тақиқлаш

– حَظِيرَة *кўп.* حَظَائِرُ қўра, ғов, тўсиқ; молхона, қўйхона; البَهَائِم ~ оғилхона; الغَنَمِ ~ қўйхона, қўтон; لِتَرْبِيَةِ الدَّوَاجِنِ ~ паррандалар асрайдиган хона, товуқ катаги; المِنْطَاد ~ аэростатлар турадиган, қўнадиган жой; ◊ القُدْسِ ~; жаннат; دَخَلَ فِي ~ ... ...нинг таркибига кирмоқ

– مَحْظُورٌ 1. ман этилган, тақиқланган; 2. *кўп.* ـــات тақиқланган нарсалар; ـــات тақиқлар; الضَّرُورَاتُ تُبِيحُ الـــ~ات ضَرُورَةٌ *қар.*

I حَظِيَ (а) حَظْوَةٌ, حُظْوَةٌ, حِظَةٌ 1) роҳатланмоқ, мазза қилмоқ, завқланмоқ; фойдаланмоқ (*бирор н. қилиб*) ҳузур олмоқ, лаззатланмоқ (بِ); بِتَأْيِيدِه ~ қўллаб-қувватлашидан фойдаланмоқ; بِثِقَتِه ~ ишончидан фойдаланмоқ, баҳраманд бўлмоқ; بِشَرَفِ التَّعَرُّفِ بِه ~ у билан танишиш шарафига муяссар бўлмоқ; بِمُقَابَلَتِه ~ у билан бўлган учрашувдан баҳраманд бўлмоқ, у билан учрашиш

насиб бўлмоқ; 2) (*бирор н. ни*) олмоқ (بِ) ; 3) ҳурматли бўлмоқ, эътибор эгаси бўлмоқ; VIII اِحْتَظَى = I

— حُظْوَةٌ 1) юқори даража, имтиёзли даража; мурувват, лутф, эътибор; қулайлик туғдириш; маъқуллаш; ҳурмат қилиш; نَالَ ~ عِنْدَهُ унинг мурувватига сазовор бўлмоқ; 2) бахт, толе

— حَظِيٌّ обрў-эътиборли, юқори мартабали

— حَظِيَّةٌ *кўп.* حَظَايَا никоҳсиз хотин, ўйнаш

— حَظِيَّةٌ = ـَـــاتٌ *кўп.* مَحْظِيَّةٌ

I حَفَّ (*а/у*) حَفٌّ 1) (*бирор н. билан*) ўраб олмоқ (بِ); ~ بِالْمَخَاطِرِ хавф-хатарлар таҳдид қилмоқ; 2) (*бадандаги*) жунни қирмоқ; олдирмоқ (*мас., соқолни*); 3) қириб олмоқ, қиртишлаб ташламоқ; 4) бир нарсанинг ўзини жуда кўп емоқ; حَفَّ[1] (*и/у*) حُفُوفٌ қуримоқ; ~ تِ الأَرْضُ ердаги ҳамма нарса қуриди; حَفَّ[1] (*и/у*) حَفِيفٌ 1) шовқин солмоқ, шитирламоқ, шалдирамоқ, шилдирамоқ, шитир-шитир қилмоқ; 2) шир-шир қилмоқ (*арранинг овози ҳақида*); II حَفَّفَ 1) ўраб олмоқ; 2) (*бадандаги*) жунни қирмоқ, олмоқ; VIII اِحْتَفَّ (*бирор к. ни, бирор н. ни*) ўраб олмоқ; (*бирор н. атрофида*) жипслашмоқ

— حَافٌّ 1) ўраб олган, ўраб олувчи; 2) қўшиб ейдиган нарсаси йўқ (*мас., нон*)

— حَافَّةٌ *кўп.* حَوَافٌّ 1) чет, қирғоқ, тўсиқ; عَلَى ~ الْحَرْبِ уруш арафасида; 2) қирғоқ, соҳил; ~ الْقَارَّةِ океан, денгизнинг қитъага туташган қисми

— حِفَافٌ *кўп.* أَحِفَّةٌ чет, қирғоқ, ён, биқин

— حُفُوفٌ тукларни юлиш, олиш (*мас., юздаги*)

— حَفِيفٌ 1) шитирлаш, шалдираш, шилдираш; 2) шириллаш (*арра овози ҳақида*)

— مِحَفَّةٌ *кўп.* ـَـــاتٌ замбил; тахтиравон, моафа; касаллар аравачаси, коляска; касаллар замбили (носилкаси)

I حَفَدَ (*у*) حَفْدٌ, حَفَدَانٌ (*бирор н. ни*) тез бажармоқ; IV أَحْفَدَ тезлик билан кўтармоқ, тезда кўтармоқ

— حَافِدٌ *кўп.* حَفَدَةٌ хизматкор

— حَفْدٌ тезлик, суръат

— حَفِيدٌ *мн.* حُفَدَاءُ *кўп.* حَفَدَةٌ, أَحْفَادٌ набира, невара

— مَحْفِدٌ *кўп.* مَحَافِدُ насл, зурриёт, авлод

I حَفَرَ (*у*) حَفْرٌ 1) кавламоқ, кавлаб олмоқ, кавлаб чиқармоқ, кавлаб ташламоқ, кавлаб топмоқ; ~ حُفْرَةً чуқур кавламоқ; *кўч.м.* зимдан чоҳ қазмоқ; 2) маъдан, ёғоч *ёки* тошга ўйиб нақш солмоқ, ўйиб ишламоқ; ~ عَلَى الْخَشَبِ ёғочни ўйиб нақш солмоқ; ~ عَلَى الْعِظَامِ суякка нақш ишламоқ; ~ عَلَى الْمَعْدَنِ маъданни ўйиб нақш чизмоқ; 3) пармалаб кавламоқ, VIII اِحْتَفَرَ кавламоқ, қазмоқ, қазимоқ

— أُحْفُورٌ *кўп.* أَحَافِيرُ 1) кавлаб топилган нарса; археологик топилма; 2) қазилма

— أُحْفُورٌ = أُحْفُورَةٌ

— حَافِرٌ *кўп.* حَوَافِرُ туёқ; ~ وَ خُفٌّ туялар ва отлар; وَقَعَ الْـــ ~ عَلَى الْـــ ~ бир жуфт олмадек ўхшаш бўлмоқ; жуда тўғри, ҳеч нариберисиз йўқ

— حَافِرَةٌ[1] *кўп.* ـَـــاتٌ экскаватор; غُرْفَةُ الْـــ ~ экскаватор кабинаси

— حَافِرَةٌ[2] бидоя, ибтидо, бошланиш; رَجَعَ إِلَى ~ ـــهِ бошланғич ҳолатга қайтмоқ, аслига қайтмоқ; عِنْدَ الْـــ ~ бошланишида, дарҳол, ўша пайтнинг ўзида

— حَافِرِيٌّ 1) туёққа оид, туёқли; 2) туёқ шаклидаги

— حَفَّارٌ 1. қазувчи; ~ الْقُبُورِ гўрков; 2. 1) ер қазувчи; 2) ўймакорлик билан шуғулланувчи; 3) *зоол.* бузоқбоши

— حَفَّارَةٌ ер кавлайдиган машина; экскаватор

— حَفْرٌ 1) кавлаш, қазиш; ~ وَرْدُمٌ қазиш ишлари; 2) ўймакорлик, 3) *мед.* тиш касалланиши; тишда ҳосил бўладиган тош, дурда

— حَفَرٌ *мед.* тиш касалланиши

— حُفْرَةٌ *кўп.* حُفَرٌ чуқур, чоҳ

— حَفْرِيَّاتٌ *кўп.* 1) қазиб олиш, қазиб (кавлаб) чиқариш; عِلْمُ الْـــ ~ археология; қазиш пайтида топилган ашёлар

— حَفِيرٌ кавлаб олинган, қазиб чиқарилган

— حَفِيرَةٌ *кўп.* حَفَائِرُ 1) чуқур, чоҳ; хандақ, зовур; 2) қазиладиган жой; عُلَمَاءُ الْحَفَائِرِ археологлар

— مَحْفُورٌ 1) кавланган, кавлаб ташланган, қазилган; 2) ўйиб нақш ишланган; صُورَةٌ ~ ـةٌ ўйиб ишланган расм, гравюра

I حَفَزَ (*и*) حَفْزٌ 1) (*бирор н. қилишга*) ундамоқ, жалб қилмоқ, қизиқтирмоқ (عَلَى، إِلَى); 2) санчиб олмоқ, санчиб тешмоқ; V تَحَفَّزَ (*бирор н. га*) тайёр турмоқ, ҳозир турмоқ, бўлмоқ (لِـ); VIII اِحْتَفَزَ 1)= V; 2) тиззалаб *ёки* чўкка тушиб ўтирмоқ; ялпалмай, қисиниб ўтирмоқ

— حَافِزٌ *кўп.* حَوَافِزُ рағбатлантирувчи нарса, туртки, бирор ишни орзулашга бўлган сабаб

— حَفَّازٌ *кўп.* ـَـــاتٌ *кимё.* катализатор (*реакцияларни юзага келтирувчи ёки тезлатувчи модда*)

حَفْشٌ *зоол.* осётрлар оиласига мансуб балиқ тури; ~ كَبِيرٌ *ёки* ~ أَبْيَضُ катта оқ балиқ; ~ صَغِيرٌ осётрлар оиласига мансуб балиқ тури

— حِفْشٌ кичик уй, уйча

— حُفَيْشٌ осётр, бикри (*балиқнинг бир тури*)

I حَفِظَ (*а*) حِفْظٌ 1) асрамоқ, сақламоқ, авайламоқ, эҳтиёт қилмоқ; риоя қилмоқ; ғамхўрлик қилмоқ, жон куйдирмоқ; ҳимоя қилмоқ; ~ ـهُ حِفْظَ حَدَقَةِ الْعَيْنِ бирор нарсани кўз қорачиғидек сақламоқ; 2) ёддан билмоқ, ёдламоқ, ёд олмоқ, ёдлаб олмоқ, хотирда сақламоқ; 3) ғамлаб қўймоқ, ғамламоқ; консерва қилмоқ; ◊ ~ عَلَى ظَهْرِ قَلْبٍ ёдламоқ, يُحْفَظُ (بِالْبُوسْتَةِ) (بِالْبَرِيدِ) йўқлаб олинадиган хат;

ёдлаб олмоқ, ёддан билмоқ; II حَفَّظَ 1) (*Қуръони каримни*) ёдлаб олмоқ, ёдламоқ, хотирда сақламоқ; 2) ёдлатмоқ, ёд олишга ўргатмоқ; уқтирмоқ, тушунтирмоқ; 3) аччиғини келтирмоқ, жаҳлини чиқармоқ, ғазабини келтирмоқ, ғазаблантирмоқ; III حَافَظَ асрашга (сақлашга, эҳтиёт қилишга) уринмоқ (ҳаракат қилмоқ); риоя қилмоқ; (*бирор н. га*) ғамхўрлик қилмоқ, жон куйдирмоқ (عَلَى); ҳимоя қилмоқ, қўриқламоқ, мудофаа қилмоқ (عَلَى); IV أَحْفَظَ ғазабини қўзғамоқ, ғашига тегмоқ, аччиқлантирмоқ, жаҳлини чиқармоқ.(*бирор к.ни бошқа бирор к. га қарши*) нафратини қўзғамоқ, қаҳрлантирмоқ (عَلَى); V تَحَفَّظَ 1) эҳтиёт бўлмоқ, сақланмоқ; хушёр бўлмоқ, хушёр бўлиб турмоқ; 2) ўзини тута билмоқ, вазмин бўлмоқ, сипо бўлмоқ; 3) (*бирор н. ҳақида*) ғам емоқ, қайғурмоқ (بِ); 4) бирин-кетин ёд олмоқ; VIII احْتَفَظَ 1) ўзи учун асрамоқ (сақламоқ), тўхтатиб қолмоқ, тутиб қолмоқ (بِ); ўзида.сақлаб қолмоқ; حَقَّ الرَّدِّ فِيمَا بَعْدُ ~ ўзида жавоб қайтариш ҳуқуқини сақлаб қолмоқ; لِنَفْسِهِ بِحَقِّهِ ~ (*бирор н. қилиш*) ҳуқуқини ўзида сақлаб қолмоқ (فِي, عَلَى); بِرَأْيِهِ ~ ўз фикрида қолмоқ; 2) сақланмоқ, асралмоқ; 3) (*бирор н. га*) риоя қилмоқ (بِ); X اسْتَحْفَظَ (*бирор к. дан*) сақлашни (асрашни) илтимос қилмоқ (сўрамоқ)

– تَحَفُّظٌ *кўп.* ـَاتٌ — 1) эҳтиёткорлик, хушёр туришлик; вазминлик, сиполик; ضَحِكَ فِي غَيْرِ ~ ўзини тўхтатолмай кулмоқ; بِـ ~ вазминлик билан, ўзини босиб олган ҳолда; 2) консерватизм; 3) *кўп.* изоҳ, шарҳ; шарт, баҳона; دُونَ ـَاتٍ — сўзсиз, ҳеч бир шарт қўймасдан

– تَحَفُّظِيٌّ эҳтиёт шарт деб қилиб қўйилган, эҳтиёткорлик сифатидаги, олдини олиш сифатида амалга оширилган, олдиндан амалга оширилган; إِجْرَاءَاتٌ ~ ـَةٌ олдини олиш учун бажариладиган чоралар

– تَحْفِيظٌ ёд олиш, ёдлаш

– حَافِظٌ *кўп.* حُفَّاظٌ, حَفَظَةٌ 1. 1) авайлаб сақловчи, эҳтиёт қилувчи; 2) ёддан билувчи; 2. 1) сақловчи, қўриқловчи; 2) *кўп.* حَوَافِظُ сақлагич; 3) Қуръони каримни ёддан билувчи қори, ҳофиз

– حَافِظَةٌ[1] хотира, ҳофиза

– حَافِظَةٌ[2] *кўп.* حَوَافِظُ 1) рўйхат, хотира ёзуви; 2) ҳамён, кармон; сумка; الْكُتُبِ ~ жилд, сумка; الأَوْرَاقِ ~ *ёки* النُّقُودِ ~ ҳамён, кармон

– حِفَاظٌ[1] сақлаш, асраш, авайлаш; қўриқлаш, ҳимоя; الـ ~ عَلَى السِّلْمِ тинчликни ҳимоя қилиш

– حِفَاظٌ[2] *кўп.* ـَاتٌ — қуллоб (*тананинг касал жойини танғиб қўядиган камар, белбоғ*); бинт

– حِفْظٌ 1) асраш, сақлаш, қўриқлаш, ҳимоя; 2) ёдлаш, ёдда сақлаш, ёд олиш; 3) консервалаш, консерва қилиш; 4) риоя қилиш, амал қилиш

– حَفَظَةٌ *кўп.* одамларнинг номаи аъмолини битувчи фаришталар

– حَفِظَةٌ ғазаб, қаҳр, жаҳл, кек, адоват

– حَفِيظٌ 1. қўриқловчи, пойловчи, сақловчи; 2. пойлоқчи

– حَفِيظَةٌ *кўп.* حَفَائِظُ = حِفْظَةٌ; أَثَارَ ـَـهُ ~ бирор кимнинг ғазабини қўзғатмоқ, жаҳлини чиқармоқ

– مُتَحَفِّظٌ оғир табиатли, вазмин, сабготли; чидамли

– مُحَافِظٌ 1. 1) қўриқловчи, пойловчи; риоя қилувчи; عَلَى ~ الْمَوَاعِيدِ жуда аниқ, ўз вақтида бажарувчи; 2) консерватив, эскиликни сақлаб қолишга интилувчи; 2. 1) сақловчи, назоратчи; пойлоқчи; 2) консерватор; حِزْبُ الـ ~ ـِينَ консерваторлар партияси; 3) муҳофиз (*муҳофаза бошлиғи*), губернатор

– مُحَافَظَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — 1) риоя қилиш, сақлаш, асраш, авайлаш; أَتَعَهَّدُ بِالـ ~ عَلَيْهِ ~ ـِي عَلَى حَيَاتِي уни ўз ҳаётимдек асраш кафиллигини оламан; 2) муҳофаза (*муҳофиз бошқарадиган маъмурий-ҳудудий бирлик*)

– مِحْفَظَةٌ, مَحْفَظَةٌ *кўп.* مَحَافِظُ портфель, папка; نَقْدِيَّةٌ ~ *ёки* الْجَيْبِ ~ ҳамён, кармон; 2) ғилоф, жилд

– مَحْفُوظٌ сақланаётган, асралаётган, қўриқланаётган; بِالْبَرِيدِ ~ (بِالْبُوسْتَةِ) йўқлаб олинадиган хат; 2) ёдланган, эсда қолган; 2)консерваланган

– مَحْفُوظَاتٌ *кўп.* 1)архивдаги делолар, архив ҳужжатлари, архив; دَارُ الـ ~ архив (*идора, ташкилот*); 2) (*мактабларда*) ёд олинадиган материаллар

– مُسْتَحْفَظٌ *ҳарб.* захира, запас, резерв

I حَفَلَ (и) حَفْلٌ, حُفُولٌ 1) тўпланмоқ, жамланмоқ, йиғинмоқ; келиб тўпланмоқ, йиғилмоқ; 2) тўла бўлмоқ, тўлмоқ, (*бирор н. га ёки бирор н. билан*) тўлғазилмоқ (بِ); 3) (*бирор н. га*) эътибор бермоқ, диққатни қаратмоқ (بِ);(*бирор н. га*) аҳамият бермоқ (بِ); يُحْفَلُ بِهِ муҳим; II حَفَّلَ 1) (*бирор н. билан*) безамоқ, зийнат бермоқ (بِ); 2) йиғмоқ, тўпламоқ; النَّاقَةَ ~ сути елинда тўпланиши учун туяни соғмай турмоқ; VIII احْتَفَلَ 1) тўпланмоқ, йиғилишмоқ; тантана ташкил қилмоқ, байрам қилиб ўтказмоқ; (*бирор н. ни*) нишонламоқ (بِ); بِالذِّكْرَى الْخَمْسِينَ عَلَى مَوْلِدِهِ ~ бирор кимнинг эллик ёшини нишонламоқ; 2) (*бирор к. ни*) тантанали қабул қилмоқ, шарафламоқ (بِ); 3) (*бирор н. га*) эътиборни қаратмоқ; (*бирор н. ҳақида*) қайғурмоқ

– احْتِفَالٌ *кўп.* ـَاتٌ — 1) лиқ тўлганлик; 2) тантана, байрам; тантана маросими, расмий тантана тартиби; خِطَابِيٌّ ~ тантанали митинг; تَذْكَارِيٌّ ~ юбилей тантаналари; ... بِـ ~ ...ни байрам қила туриб, ...ни тантанали нишонлаган ҳолда

– حَافِلٌ 1) (*бирор н. га*) тўла, лиқ, кўп сонли, кўп одамли; جَمْعٌ ~ кўп сонли оломон; 2) тантанали

– حَافِلَةٌ *кўп.* حَوَافِلُ, ـَاتٌ — 1) вагон; 2) автобус; киракаш извош

– حُفَالَةٌ нишхўрт, бирор ниманинг яроқсиз қисми

– حَفْلٌ 1) оломон; йиғин, халойиқ, компания; 2)тантана, нишонлаш; افْتِتَاحُ الْمُؤْتَمَرِ ~ конференциянинг, конгресснинг

очилиш тантанаси

– حَفْلَةٌ, حَفَلاتٌ тантана, байрам қилиш, байрам; тантанали йиғилиш; тантана маросими; тамоша; меҳмонлар билан ўтказиладиган кеча; الاِسْتِقْبَالِ ~ қабул маросими (*мас. элчихонада*) اِفْتِتَاحِ الْمُؤْتَمَرِ ~ конференция, конгресснинг очилиши тантанаси; التَّأْبِينِ ~ мотам йиғилиши; خِطَابِيَّةٌ ~ митинг; الْعِرْسِ ~ *ёки* الزَّوَاجِ ~ *ёки* الزِّفَافِ никоҳ маросими, тўй, никоҳ тўйи; رَاقِصَةٌ ~ рақс кечаси; الشَّايِ ~ банкет, зиёфат, чойхўрлик; تَمْثِيلِيَّةٌ ~ спектакль; سِينَمَائِيَّةٌ ~ киносеанс; سَاهِرَةٌ ~ кеча базм, гап; ~ مُوسِيقِيَّةٌ концерт; لِمَوْلِدٍ ~ туғилган кун тантаналари; الدَّفْنِ ~ дафн маросими; التَّبَرُّكِ ~ фотиҳа олиш маросими (*сафар олдидан*)

– مُحْتَفَلٌ 1. بِهِ ~ қутланувчи, нишонланувчи; 2. тўпланиш жойи

– مَحْفِلٌ *кўп.* مَحَافِلُ 1) тўпланиш жойи; 2) ячейка (*масонлар ташкилотиники*); 3) йиғин, мажлис; 4) *кўп.* доиралар; الْمَحَافِلُ الرَّسْمِيَّةُ расмий доиралар; الْمَحَافِلُ السِّيَاسِيَّةُ сиёсий доиралар; الْمَحَافِلُ الْمُطَّلِعَةُ огоҳлантирилганлар; хабардор бўлганлар доираси

– مِحْفَلَةٌ *кўп.* ـَاتٌ замбил, носилка

حَفْلَطَ безамоқ, зийнатламоқ, ясатмоқ

– حَفْلَطَةٌ зийнат, безак

I حَفَنَ (حَفْنٌ) 1) (*бирор н. ни*) ҳовучлаб олмоқ; 2) оз миқдорда бермоқ

– حَفْنَةٌ, حُفْنَةٌ *кўп.* حَفَنَاتٌ, حُفُنَاتٌ, حُفَنٌ ҳовуч, сиқим, кафт, чимдим; مِنْ كِبَارِ الْمَالِيِّينَ ~ бир ҳовуч йирик банкирлар

حفو *қар.* حفى

I حَفِيَ [1] (*a*) حَفَاوَةٌ хурсандлик билан, қизғин кутиб олмоқ, (*бирор к. ни*) ҳурматини ўрнига қўйиб қабул қилмоқ (بِـ); حَفِيَ [2] (*a*) حَفًى, حَفًا 1) ялангоёқ юрмоқ; 2) юравериб оёғи оғримоқ; IV أَحْفَى 1) (*мўйловни*) яхшилаб қиртишламоқ; 2) суриштириб билмоқ, билишга уринмоқ; 3) ўрганмоқ; V تَحَفَّى (*бирор к. га*) иззат-икром кўрсатмоқ (بِـ); VIII اِحْتَفَى 1) (*бирор к. ни*) тантанали равишда кутиб олмоқ; хурсандлик билан қабул қилмоқ (بِـ); тантанали равишда кузатиб қўймоқ (بِـ); шарафламоқ; (*бирор к. ни*) зиёфат қилмоқ, сийламоқ, бавлимоқ; 2) (*бирор н. га нисбатан*) эътибор бермоқ, диққатини қаратмоқ (بِـ)

– اِحْتِفَاءٌ 1) тантанали кутиб олиш, шодиёна учрашув; илтифот; ҳурмат, эҳтиром

– حَافٍ *мн.* حَافِيَةٌ *кўп.* حُفَاةٌ ялангоёқ, оёқ яланг

– حَافِيَةٌ *қар.* حَافٍ

– حَفَاوَةٌ 1) тантанали кутиб олиш, шодиёна учрашув; 2) самимият, илтифот; сермулозаматлик, сертакаллуфлик; بِـ самимият билан, лутфан; 3) шодлик, хурсандлик

– حَفِيٌّ *кўп.* أَحْفِيَاءُ, حُفَوَاءُ 1. 1) яхши билувчи, хабардор; 2; илтифотли.(*бирор к. га*) ҳурмат, эътибор билан қаровчи (بِـ); لَقِيَ بِهِ ~اً бирор кимни ҳурмат-эҳтиром билан қабул қилмоқ (*қарши олмоқ*); 2. 1) билимдон, олим; 2) аъзо (*мас., араб тили академаясига*)

– مُحْتَفًى: بِهِ الـ~ шарафланувчи, қутланувчи

– مُحْفًى яхшилаб, қиртишлаб олинган (*мас., мўйлов*)

I حَقَّ (حَقٌّ) унинг ...и керак бўлмоқ (لَهُ, عَلَيْهِ), сенинг ...инг керак бўлмоқ (لَكَ, عَلَيْكَ), менинг ...им зарур бўлмоқ (لِي, عَلَيَّ); حُقَّ لَهُ унинг ...ишга ҳаққи бор, унинг ...иши керак; 2) ҳақиқий бўлмоқ, реал бўлмоқ, II حَقَّقَ амалга оширмоқ, ҳаётга татбиқ қилмоқ, татбиқ қилмоқ; бажармоқ; (*фаразни*) исбот қилмоқ; 2) тергамоқ, тергов қилмоқ (*жиноий иш*);(*бирор к. устидан*) тергов олиб бормоқ (مَعَ) 3) ўрганмоқ, тадқиқ қилмоқ 4) текширмоқ, текшириб чиқмоқ; тасдиқламоқ; الذَّاتِيَّةَ ~ шахсни тасдиқламоқ; 5) (*товушларни*) тўғри талаффуз қилмоқ; حُرُوفَ اللُّغَةِ الْعَرَبِيَّةِ ~ араб тили товушларини тўғри талаффуз қилмоқ; III حَاقَّ ўзаро ҳақиқатни даъво қилмоқ; IV أَحَقَّ (*бирор н. да*) ҳақ бўлмоқ (فِي); ◊ الْحَقَّ وَ ~ أَبْطَلَ الْبَاطِلَ ҳақиқатни аниқлаб, қаллобликни фош қилмоқ; V تَحَقَّقَ 1) амалга ошмоқ, бажарилмоқ, рўёбга чиқмоқ, тўғри бўлиб чиқмоқ (*олдиндан айтилган башорат*) 2) тасдиқланмоқ, (*бирор н. га*) ишонмоқ, ишонч ҳосил қилмоқ, (*бирор н. ни*) албатта билиб, ўрганиб олмоқ (*тушум келишигида ёки* مِنْ); 3) тергов қилинмоқ; VI تَحَاقَّ ўзаро жанжаллашмоқ; VIII اِحْتَقَّ хусумат қилмоқ, урушмоқ, жанжал бошламоқ; X اِسْتَحَقَّ 1) бирор нимага ҳақи бор бўлмоқ, бирор нимага ҳақдор бўлмоқ; қозонмоқ, лойиқ бўлмоқ, сазовор бўлмоқ, арзимоқ; يَسْتَحِقُّ الذِّكْرَ у хотирлашга арзийди; 2) (*бирор к. га*) тегишли бўлмоқ, тегиши лозим бўлмоқ (لِـ); келмоқ, яқинлашмоқ (*тўлов муддати ҳақида*); تَسْتَحِقُّ كَافَّةُ الدُّيُونِ барча қарзларнинг тўлов муддати яқинлашмоқда

– أَحَقُّ энг катта ҳуқуққа эга, энг ҳақдор; энг арзийдиган, энг сазовор

– أَحَقِّيَّةٌ 1) ҳақ, ҳақ-ҳуқуқ, ҳуқуқлилик; қонунийлик, (*талабнинг*) адолатлилиги; 2) имтиёзли ҳуқуқ

– اِسْتِحْقَاقٌ 1) сазоворлик; (*бирор н. га*) ҳақи борлик; مِيدَالِيَّةُ الـ~ алоҳида муваффақият медали; بِغَيْرِ (بِدُونِ) ~ ўринсиз ҳолда, нолойиқ равишда, асоссиз равишда; عَنْ ~ ўринли равишда, хизматига яраша; 2) тўлов муддатининг яқинлашиши; тўловнинг зарурлиги; يَوْمُ الـ~ тўлов муддати (*куни*) (*мас., векселларнинг*)

– اِسْتِحْقَاقَاتٌ *кўп.* мукофот, ажр, ҳақ, бадал

– تَحْقِيقٌ 1) амалга ошириш, бажариш, татбиқ қилиш; الذَّاتِ ~ *фалс.* ўзига борлиқнинг (*дунёнинг*) объективлигини рад этувчи субъект деб қараш; 2) текшириш; 3) ўрганиш, тадқиқ қилиш; 4) аниқлаш (*мас., ҳақиқатни*); тергов қилиш (*шунингдек*: قَضَائِيٌّ ~); дастлабки тергов, тергов олиб бориш; أَجْرَى ~اً тергов олиб

бормоқ; الـ~ُ مَعَ الْجَانِي жиноятчи устидан олиб борилган тергов; عَلَى وَجْهِ الـ~ *ёки* عَلَى الـ~ шахсни аниқлаш; ~ُ الشَّخْصِيَّة *ёки* ~ُ الذَّاتِيَّة аниқ, рост, тўғри; ~ًا ан иқ, рост

– حَاقَّة фалокат, офат, мусибат; الـ~ُ қиёмат

– حَقٌّ[1] ҳақиқий, чинакам; тўғри, адолатли (*мас., талаб, даъво*)

– حَقٌّ[2] *кўп.* حُقُوق ҳақ, ҳуқуқ; صَاحِبُ الـ~ِ ҳуқуқ эгаси, ҳуқуқи бор киши; الـ~ُ فِي (عَلَى) الْعَمَلِ (الرَّاحَة) меҳнат қилиш (дам олиш) ҳуқуқи; ~ُ الْمِلْكِيَّة мулкка эгалик ҳуқуқи; ~ُ الانْتِفَاع фойдаланиш ҳуқуқи; ~ُ الامْتِيَاز патент; ~ُ الْمُؤَلِّف муаллифлик (авторлик) ҳуқуқи; ~ُ النَّقْضِ وَالإِبْرَام вето ҳуқуқи; ~ُ الاتِّفَاق *юр.* бировнинг мулкидан маълум даражада фойдаланиш ҳуқуқи; الـ~ُ الدُّوَلِيُّ халқаро ҳуқуқ; ~ُ الشُّعُوبِ فِي تَقْرِيرِ مَصِيرِهَا халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи; حُقُوقُ الإِنْسَان инсон ҳуқуқлари; حُقُوقٌ مَدَنِيَّةٌ гражданлик ҳуқуқлари; حُقُوقٌ عَيْنِيَّةٌ кўчмас мулкка эга бўлиш ҳақ-ҳуқуқлари; عِلْمُ الْحُقُوق ҳуқуқшунослик, юриспруденция; مَجْلِسُ الْحُقُوق трибунал; كُلِّيَّةُ الْحُقُوق ҳуқуқ факультети, юридик факультет; عَنْ ~ *ёки* بِـ~ ҳақли равишда, асосли равишда; بِغَيْرِ ~ ҳақсиз равишда, асоссиз равишда; مِنْ ~ِهِمْ أَنْ يَفْتَخِرُوا улар фахрланишга ҳақлидирлар; مَلَكَ الـ~َ فِي أَنْ ... ...га ҳақи бор бўлмоқ; أَعْطَى الـ~َ لَهُ فِي أَنْ ... ...иш ҳуқуқини бермоқ; مِنْ ~ِنَا أَنْ نَقُولَ ... бизнинг ... дейишга ҳаққимиз бор; 2) адолат, одиллик, тўғрилик, ҳақиқат; الـ~ُ مَعَكَ! сен ҳақсан!; ~ُ هُوَ عَلَى у ҳақ!; الـ~ُ عَلَيْكَ сен ноҳақсан!; وَالـ~ُ يُقَالُ إِنَّ ... ростини айтганда ...; بِالـ~ِ وَبِالْبَاطِلِ اسْتَخْلَصَ مِنْهُ алдаб-сулдаб, авраб бировдан пул олмоқ; الْمَعْرِفَة ~ تَعَرَّفَ زَيْدًا Зайдни у яхши танийди; عَلِمَ زَيْدًا ~ الْعِلْمِ Зайдни етарли даражада билмоқ; ~ًّا *ёки* بِالـ~ِ ростдан, чиндан, ҳақиқатда, аслида; 3) ҳақ, тегиш, бажарилиши лозим нарса, мажбурият; ~ُ عَلَيْكُمْ لِلْعِلْمِ илм-фан йўлида сиз ...ишга мажбурсиз; ◊ الـ~ُ Оллоҳ; بِـ~ِهِ унга нисбатан, унга, унинг адресига, у ҳақда; حُرِّرَ بِـ~ِهِ مَحْضَرٌ у ҳақда протокол тузилган; قَدَّمْتُ بِـ~ِهِ (عَنْ ~ِهِ) تَقْرِيرًا мен у ҳақда баённома (доклад) тақдим этганман; جَرِيمَةٌ بِـ~ِ الشَّعْبِ халққа қарши қилинган жиноят

– حُقٌّ *кўп.* أَحْقَاق 1) қути, қутича; яшик, яшикча; ~ُ الإِبْرَة *ёки* ~ُ الْمَلَّاحِين компас; 2) банкача; 3) чуқурча, чўнқир, ботиқ ер, ўпирилиб кетган ер, камар, ўра, уя; *анат.* тизза кўзи, тизза қопқоғи; *анат.* кўз косаси

– حِقٌّ *мн.* حِقَّة уч ёшдаги туя

– حَقَّانِيٌّ 1) ҳуқуқшуносликка, юриспруденцияга оид; الـ~َة *ёки* وِزَارَةُ الـ~َة адлия вазирлиги; 2) адолатга оид; адолатли, одил

– حُقَّة *кўп.* حُقَق яшик, қути, ҳуққа; (*сол. шунингдек:* حُقٌّ)

– حُقُوقِيٌّ 1. ҳуқуқий, ҳақ-ҳуқуққа тегишли; 2. юрист

– حَقِيقٌ *кўп.* أَحِقَّاء (*бирор н. га*) арзигулик, сазовор, лойиқ (بِ); (*бирор н. га*) ҳақи бор (بِ)

– حَقِيقَة *кўп.* حَقَائِق 1) ҳақиқат, ҳақ, ҳаққоният; реаллик, ҳақиқийлик; ~ مَوْضُوعِيَّةٌ объектив ҳақиқат; ~ مُجَرَّدَةٌ мавҳум (абстракт) ҳақиқат; ~ سَاطِعَةٌ чин ҳақиқат; ~ وَاقِعَةٌ шубҳасиз (мутлақ) ҳақиқат; ~ *ёки* بِـ~ ҳақиқатда ҳам, аслини олганда, аслида; ~ُ الْحَالِ масаланинг асл моҳияти; قَلَبَ الـ~َ رَأْسًا عَلَى عَقِبٍ ҳақиқатни бузиб кўрсатмоқ; 2) моҳият, туб (асл) маъно, мағиз; فِي الـ~ِ ҳақиқатда, аслида; ~ُ الأَمْرِ масаланинг моҳияти; 3) асл қадрият

– حَقِيقِيٌّ ҳақиқий, чин, чинакам, реал; أَمْرٌ ~ амалга ошган факт, содир бўлган иш, ҳақиқий воқелик

– مُحِقٌّ ҳақ, ҳақли, тўғри, рост; 2. ҳақиқий одам, адолатли одам

– مُحَقَّقٌ 1) амалга ошган, бўлиб ўтган; 2) шак-шубҳасиз, муҳаққақ, аниқ, тўғри; فَوْزُهُ ~ унинг ғолиб келиши шак-шубҳасиз; أَنْقَذَهُ مِنَ الْمَوْتِ الـ~ бирор кимни нақд ўлимдан сақлаб қолмоқ

– مُحَقِّقٌ 1. 1) амалга оширувчи; 2) текширувчи, назорат қилувчи; 3) ўрганувчи, тадқиқ қилувчи, тадқиқот ишлари олиб борувчи; 2. 1)тадқиқотчи; ~ بَاحِثٌ фаҳм-фаросатли тадқиқотчи; 2) терговчи

– مَحْقُوقٌ 1) ноҳақ, ҳақсиз, адолатсиз; 2) (*бирор н. га*) арзигулик, лойиқ (لِـ, بِ); ◊ هُوَ ~ أَنْ يَفْعَلَ هَذَا у буни бажариши керак

– مُسْتَحَقٌّ *кўп.* ~ات тўланиши (олиниши, берилиши) лозим бўлган маблағ

– مُسْتَحِقٌّ 1) арзийдиган, лойиқ, муносиб; тўланиши (олиниши, берилиши) лозим бўлган; пули тўланадиган; الْمَبْلَغُ الـ~ُ لَكُمْ сиз тўлашингиз (олишингиз, беришингиз) керак бўлган маблағ

احْتَقَبَ VIII (حقب) 1) чемоданга, сумкага жойламоқ; 2) йиғмоқ, захира қилмоқ, асраб қўймоқ, ғамлаб қўймоқ

– حَقَبٌ *кўп.* حِقَابٌ аёллар белига боғлайдиган камар

– حَقَبٌ *кўп.* أَحْقَابٌ арқон, камар; қоринбоғ, айил (*от абзали*)

– حُقْبٌ *кўп.* أَحْقَابٌ, حِقَابٌ 70 билан 80 ёш ўртасидаги давр; аср; ◊ فِي سَالِفِ الأَحْقَابِ ўтмиш замонларда

– حُقُبٌ = حُقْبٌ

– حِقْبَة *кўп.* حِقَبٌ талайгина вақт, талай вақт; *геог.* эра; الـ~ُ الأَوَّلِيَّة палеозой эраси; الـ~ُ الثَّانَوِيَّة мезозой эраси

– حَقِيبَة *кўп.* حَقَائِب халта, қоп, сумка; чемодан, жомадон; ~ُ يَدٍ сумкача, қўл жомадони, чемоданча; ~ُ سَفَرٍ сафар жомадони,

саквояж; حَقَائِبُ الْمَالِ бойлик, давлат, капитал; حَقَائِبُ دِبْلُومَاسِيَّةٌ дипломатик режа-ниятлар; حَقَائِبُ وِزَارِيَّةٌ вазирлик лавозимлари (*портфеллари*)

حَقْحَقَةٌ белни қаттиқ қисиб турадиган камар, тасма

I حَقَدَ (и) حِقْدٌ (*бирор к. га нисбатан*) кек сақламоқ; (*бирор к.* ни) ёмон кўрмоқ (عَلَى); IV أَحْقَدَ нафрат қўзғатмоқ, нафратлантирмоқ; V تَحَقَّدَ (*бирор к. дан*) нафратланмоқ, кек сақламоқ (عَلَى); VI تَحَاقَدَ бир-бирлдан ўзаро нафратланмоқ, бир-бирини ёмон кўрмоқ

– حَاقِدٌ *кўп.* حَقَدَةٌ 1. ёмон кўрувчи, нафратланувчи; дарғазаб; ёмон, ёвуз; 2. душман, нафрат билан қаровчи

– حِقْدٌ *кўп.* حُقُودٌ, أَحْقَادٌ нафрат, ғазаб; кек; حَمَلَ ~ًا (*бирор к. га қарши*) ичида кеки бўлмоқ (لِـ); كَنَّ لَهُ الـ~َ الأَسْوَدَ бирор кимга қарши қаттиқ кек сақламоқ, ...أَعْمَاهُ ~ُهُ لِـ... ...га бўлган нафрати унинг ақлини хира қилиб қўйган

– حَقُودٌ кекчи; адоватчи, гинахон; ичиқора, бахил

– حَقِيدَةٌ *кўп.* حَقَائِدُ кек; нафрат

I حَقَرَ (и) حَقْرٌ жирканмоқ, ҳазар қилмоқ, ҳақорат назари билан қарамоқ; менсимай қарамоқ, эътиборсиз қарамоқ, бепарво қарамоқ, аҳамият бермай қўймоқ; حَقُرَ (у) حَقَارَةٌ манфур бўлмоқ, жирканч бўлмоқ, разил бўлмоқ; II حَقَّرَ қаттиқ ҳазар қилмоқ, қаттиқ жирканмоқ, ерга урмоқ; (*бирор к га*) менсимай қарамоқ, назарга илмай қарамоқ, илтифотсизлик қилмоқ; VIII احْتَقَرَ жиркимоқ, ҳазар қилмоқ, ҳақорат назари билан қарамоқ; (*бирор к. га*) ҳурматсизлик билан муносабатда бўлмоқ; X اسْتَحْقَرَ (*бирор к. ни*) манфур (жирканч, разил) деб билмоқ; жирканмоқ, ҳазар қилмоқ

– احْتِقَارٌ нафрат, жирканиш, ҳазар қилиш; ҳурматсизлик; менсимай қараш; بـ~ٍ *ёки* فِي ~ٍ нафрат билан, менсимай; نَظَرَ إِلَيْهِ بِعَيْنِ الـ~ِ *қар.* عَيْنٌ

– تَحْقِيرٌ ҳазар қилиш, жирканиш; менсимаслик

– حَقَارَةٌ пасткашлик, қабиҳлик, палидлик, ифлослик, ҳеч нарсага арзимаслик

– حَقِيرٌ пасткаш, қабиҳ, палид, ифлос, тубан, бечора, ҳеч нарсага арзимайдиган

– مُحْتَقَرٌ пасткаш, қабиҳ, тубан, палид

I حَقَفَ (у) حُقُوفٌ оёқ-қўлларини икки буклаб ётмоқ (*ҳайвонлар ҳақида*)

حِقْفٌ *кўп.* أَحْقَافٌ қум барханлари, қумдан иборат тепаликлар; Ал-Аҳқоф (*Ҳазрамавтнинг шимолидаги Ар-Рубъулхолий саҳросининг бир қисми*)

II (حقل) حَقَّلَ ерни қисмларга ажратмоқ; III حَاقَلَ ғаллани ўриб олинмаган ҳолда, кўклигича сотмоқ; IV أَحْقَلَ: الزَّرْعُ ~ экиннинг барги ёзилмоқ (*танаси қотмасдан илгари*); ـتِ الأَرْضُ ~ далага айланмоқ (*ер ҳақида*)

– حَقْلٌ [1] *кўп* حُقُولٌ 1) дала, шудгор, ҳайдалган ер; اشْتِرَاكِيٌّ ~ жамоа хўжалиги даласи; التَّجَارِبِ ~ тажриба майдони; حُقُولُ النَّفْطِ *ёки* الزَّيْتِ *ёки* الْبَتْرُولِ ~ нефть чиқадиган ер, нефтга бой ер; الأَلْغَامِ ~ *ҳарб.* мина қўйилган ер; إِلَاهُ الْحُقُولِ *миф.* дала ва ўрмонлар илоҳи; 2)соҳа; عَمَلٌ فِي ~ الْعُلُومِ وَالْفُنُونِ وَالآدَابِ фан, санъат ва адабиёт соҳасидаги фаолият; 3) стун (*газетадаги*)

– حَقْلٌ [2] барг ёзган, лекин танаси қотмаган экин

– حَقْلَةٌ *кўп.* أَحْقَالٌ шудгор, ҳайдалган ер; شَرْطٌ بِالـ~ِ وَلَا خِنَاقٌ بِالْبَيْدَرِ *мқл.* хирмонда бўғишгандан шудгор вақтида келишиб олган афзал

– حُقَيْلَةٌ *кўп.* ـاتٌ даланинг бир қисми

– مُحَاقَلَةٌ ғаллани ўриб олмай даланинг ўзида сотиш

I حَقَنَ (у) حَقْنٌ (*бирор н. билан*) эмламоқ (بِ); ~ـهُ إِبْرَةً *мед.* бирор кимга укол қилмоқ; 2) клизма қилмоқ; 3) ушлаб қолмоқ, сақлаб қолмоқ; دَمَهُ ~ *маж.* бирор кимни ўлимдан сақлаб қолмоқ; الدَّمَ ~ қон тўкилишига мойиллик қилмоқ; VIII احْتَقَنَ 1) эмланмоқ; 2) клизма қилмоқ; 3; қони кўпаймоқ, қони кўпайиб кетмоқ; وَجْهُهُ ~ унинг юзи қизариб кетди

– احْتِقَانٌ қон қуйилиши, қоннинг тўхтаб қолиши; *мед.* қон қуйилиши; دِمَاغِيٌّ ~ мияга қон қуйилиши; رِئَوِيٌّ ~ *мед.* пневмония, ўпка яллиғланиши, зотилжам; مِعَوِيٌّ ~ *мед.* ичак яллиғланиши

– حَاقِنٌ 1. 1) эмловчи; 2) (*сийдик*) тутадиган; 2. инжектор (*буғ қозонига сув чиқариб турадиган, конларни шамоллатадиган, кема трюмидан сувни чиқариб ташлайдиган асбоб*)

– حَقْنٌ 1) эмлаш; тери остига дори юбориш, инъекция; آلَةُ الـ~ِ шприц; 2) ичакларни ювиш, клизма; 3) ушлаб қолиш, тўхтатиб қолиш; الدِّمَاءِ ~ қон тўкишни тўхтатиб қолиш; ~ًا لِلدِّمَاءِ қон тўкмаслик мақсадида

– حُقْنَةٌ *кўп.* حُقَنٌ 1) эмлаш воситаси; 2) тери остига дори юбориш, инъекция; تَحْتَ الْجِلْدِ ~ *ёки* جِلْدِيَّةٌ ~ тери остига эмлаш; عَضَلِيَّةٌ ~ мушак ичига дори юбориш; فِي ~ *ёки* وَرِيدِيَّةٌ الْوَرِيدِ вена (қон томири) га дори юбориш; 3) *шунингдек*: شَرَجِيَّةٌ ~ клизма; 4) шприц, шприц игнаси

– حَقْوٌ *кўп.* حِقَاءٌ 1) бел; الْمَاءُ يَبْلُغُ ~ـهُ сув унинг белидан келади; 2) белдан пастга кийиладиган ички кийим

I حَكَّ (а/у) حَكٌّ 1) суртмоқ, ишқамоқ, ишқаб едирмоқ, ишқаламоқ, уқаламоқ; 2) қирмоқ, қиртишламоқ, тарашламоқ, қириб тозаламоқ; 3) қашимоқ, қашламоқ, тирнамоқ, тимдаламоқ, таталамоқ; 4) пробани аниқламоқ, тажриба ўтказмоқ; فِي ~ صَدْرِهِ бирор кимга таъсир қилмоқ, бирор кимнинг кўнглини юмшатмоқ; бирор кимнинг ҳиссиётига таъсир этмоқ; II حَكَّكَ 1)суртмоқ, ишқамоқ, ишқаб едирмоқ, ишқаламоқ; 2) (*қимматбаҳо тошга*) сайқал бермоқ, силлиқламоқ; IV أَحَكَّ 1)қичима (*қўтир*) касали билан оғримоқ; 2) қичимоқ, қичишмоқ (*тери*); V تَحَكَّكَ

(*бирор н. га*) ишқаланмоқ; (*бирор к. билан*) жанжални бошламоқ; VI تَحَاكَّ (*бирор к. билан*) тўқнашмоқ, тўқнашиб кетмоқ, бир-бирига тегмоқ, бир-бирига тегиб турмоқ (ب); VIII احْتَكَّ 1) (*бирор н. га*) суртанмоқ, ишқаланмоқ (ب); (*бирор к. билан*) тўқнашмоқ, тўқнашиб кетмоқ; бир-бирига тегмоқ, бир-бирига тегиб турмоқ (ب); X اسْتَحَكَّ 1) қичима бўлмоқ, қўтир бўлмоқ; 2) қичимоқ, қичишмоқ

– احْتِكَاكٌ 1) *физ.* ишқалиш, иш қаланиш; قَوَانِينُ الـ~ ишқалиш қонуни; 2) бир-бирига тегиш, тегиб туриш; 3) тўқнашув, учрашув

– احْتِكَاكِيٌّ ишқалишга, ишқаланишга оид; *фон.* сирғалувчи (*товуш*)

– حَكٌّ 1) ишқалаш, ишқаланиш; тирнаш, тимдалаш; 2; қириш, қиртишлаш, тарашлаш

– حُكٌّ компас

– حَكَّاكٌ 1) қирралаб силлиқловчи ишчи, сангтарош; 2) пробачи, проба олувчи (қўювчи); 3) қашлағич билан отларни қашловчи

– حَكَكٌ бўр, оқ бўр

– حَكَّةٌ *кўп.* ـاتٌ — суртиш, ишқалаш, уқалаш; عُودِ ثِقَابٍ ~ гугурт чақиш

– حِكَّةٌ *мед.* қичима, қўтир; қичиш

– مِحَكٌّ *кўп.* ـاتٌ — 1) олтин *ёки* кумушнинг софлик даражаси (*пробаси*) ни аниқлашда ишлатиладиган махсус тош; 2) мезон, критерий

– مِحَكَّةٌ *кўп.* ـاتٌ — қашлагич

حَكْحَكَ қаттиқ ишқамоқ, қаттиқ ишқаламоқ, роса ишқаб едирмоқ

– حَكْحَكَةٌ қаттиқ ишқаш, қаттиқ ишқалаш

I حَكَرَ (а) حَكْرٌ 1) ҳаммасини сотиб олмоқ, сотиб олиб йиғмоқ; 2) монополия қилиб олмоқ, у ёки бу нарсадан ёлғиз бир шахс ёки ҳукуматнинг ўзигина фойдаланмоқ; VIII احْتَكَرَ 1) ҳаммасини сотиб олмоқ, сотиб олиб йиғмоқ; 2) монополияга айлантирмоқ, монополия қилиб олмоқ; 3) чайқовчилик қилмоқ, чайқовчилик билан шуғулланмоқ; الطَّعَامَ ~ овқатнинг қайнашини кутиб турмоқ

– احْتِكَارٌ *кўп.* ـاتٌ — 1) сотиб олиш, сотиб олиб йиғиш; 2) монополия; أَرْبَابُ الـ~ монополистлар; التِّجَارَةِ الْخَارِجِيَّةِ ~ ташқи савдо монополияси; احْتِكَارَاتُ الْبِتْرُولِ нефть монополиялари; جَعَلَهُ ~ًا бирор нимани монополия қилмоқ, бирор нимани монополияга айлантирмоқ; 2) чайқовчилик билан шуғулланиш, чайқовчилик

– احْتِكَارِيٌّ 1. 1) монополияга оид; 2) монополистик; 2. монополист; الشَّكْلُ الـ~ لِلرَّأْسْمَالِيَّةِ капитализмнинг монополистик шакли

– احْتِكَارِيَّةٌ монополизм

– حَاكُورَةٌ *кўп.* حَوَاكِيرُ томорқа

– حِكْرٌ *кўп.* أَحْكَارٌ 1) ижарага бериладиган иморатлар, бинолар; 2) иморатлардан, бинолардан олинадиган ижара ҳақи

– حُكْرٌ, حَكَرٌ монополияга айлантирилган, монополия қилинган (*нарса*)

– حُكْرَةٌ монополия

– مُحْتَكِرٌ 1) монополист; 2; олибсотар, чайқовчи

حُكْلٌ майда ҳашарот; майда организм

I حَكَمَ (у) حُكْمٌ, حُكُومَةٌ 1) идора қилмоқ, бошқармоқ; 2) ҳукмронлик қилмоқ, ҳокимлик қилмоқ, ҳукмрон бўлмоқ, ҳукм сурмоқ; 3) суд қилмоқ, ишини судда кўрмоқ.(*бирор н. ҳақида*) ҳукм қилмоқ, ҳукм чиқармоқ (ب); (*бирор к. нинг*) фойдасига ҳукм қилмоқ (لـ); (*бирор к. ни бирор н. га*) ҳукм қилмоқ (ب عَلَى); عَلَيْهِ بِالْإِعْدَامِ ~ бирор кимни ўлимга ҳукм қилмоқ; بِإِدَانَتِهِ ~ бирор кимни айбдор деб топмоқ; بِبَرَاءَتِهِ ~ бирор кимни айбсиз деб топмоқ, оқламоқ; 4) ўзини тиймоқ, босмоқ, ўзини тутмоқ, тиймоқ; حَكُمَ (у) حِكْمَةٌ доно бўлмоқ, ҳаким бўлмоқ, донишманд бўлмоқ; II حَكَّمَ 1) 1) ҳакамлар судяси этиб сайламоқ; ҳоким қилиб тайинламоқ; 2) (*бирор н. ни*) ишлатишда чекланмаган ҳуқуқ бермоқ (فِي); 3) мустаҳкамламоқ, маҳкамламоқ, маҳкам қилмоқ; 4) даволамоқ, муолажа қилмоқ (*врач, табиб ҳақида*); ◊ عَقْلَهُ ~ мияни ишлатмоқ, ўйлаб кўрмоқ, ақл юритмоқ; III حَاكَمَ судлашмоқ, суд жараёнини бошқармоқ; 2) судга бермоқ, судга оширмоқ; IV أَحْكَمَ 1) мустаҳкамламоқ, маҳкамламоқ; 2) пишиқ иш қилмоқ, пухта иш қилмоқ, аниқ қилиб бажармоқ, яхшилаб бажармоқ; فَتْلَ الشَّارِبِ ~ мўйловни яхшилаб бурамоқ; إِغْلَاقَ الْخِزَانَةِ ~ шкафни маҳкам беркитмоқ; 3) мукаммал даражада билмоқ; V. تَحَكَّمَ ҳукмронлик қилмоқ, ҳокимлик қилмоқ, ҳукмрон бўлмоқ; хоҳлаганча иш тутмоқ, буйруқ бермоқ, буйруқ қилмоқ, хўжайинлик қилмоқ; ўзиники қилиб олмоқ; диктатор бўлмоқ, диктаторлик қилмоқ; VI تَحَاكَمَ судлашмоқ; (*бирор к. устидан*) судга мурожаат қилмоқ; VIII احْتَكَمَ 1) судлашмоқ; (*бирор к. га*) судяга қилгандек мурожаат қилмоқ (إِلَى); (*бирор к. га*) масалани ҳал этиш учун мурожаат қилмоқ (إِلَى)! 2) (*бирор к. ни*) ҳакамлар судьяси ўрнида қабул қилмоқ; 3) ҳукмронлик қилмоқ, ҳокимлик қилмоқ, ҳукмрон бўлмоқ; (*бирор н. ни*) бошқармоқ, ташкил қилмоқ, уюштирмоқ, бош бўлмоқ (فِي); (*бирор н. га*) эгалик қилмоқ, эга бўлмоқ (عَلَى); 4) (*бирор к. нинг*) устига юкламоқ.(*бирор к. га*) вазифа топширмоқ, буюрмоқ (إِلَى); 5) кўнглига келганини сўрамоқ; X اسْتَحْكَمَ 1) мустаҳкам бўлмоқ, пишиқ (пухта) бўлмоқ, истеҳкомли бўлмоқ; 2) маҳкамланмоқ, мустаҳкамланмоқ

– إِحْكَامٌ 1) мустаҳкамлаш, маҳкамлаш; 2) пишиқлик, пухталик, матонат; بِـ~ мустаҳкам ҳолатда, қаттиқ туриб, зич ёпилган вазиятда; 3) аниқлик, мукаммаллик, бекаму кўстлик; بِالدِّقَّةِ وَ الـ~ аниқлик ва мукаммаллик билан; 4) (*бирор н. ни*) аниқ қилиб бажариш; تَطْبِيقِ الْقَانُونِ ~ қонунни аниқ татбиқ этиш

– اسْتِحْكَامٌ *кўп.* ـاتٌ — *ҳарб.* истеҳком

– تَحَكُّمٌ 1) ҳукмронлик, ҳокимлик қилиш; хоҳлаганича иш тутиш, кескин буйруқ қилиш, қатъий амр бериш; مَحَطَّةٌ رَئِيسِيَّةٌ ~ *қар.*

مَحَطَّةٌ; 2) диктатура; جِهَازُ الـ~ диктатура аппарати

– تَحَكُّمِيٌّ хоҳлаганича иш тутадиган, ўзбошимчалик билан қилинган

– تَحْكِيمٌ 1) ҳакамлик; لَجْنَةُ الـ~ ҳакамлар ҳайъати, суд ҳайъати; 2) муолажа, даволаш

– تَحْكِيمَاتٌ *кўп. ҳарб.* истеҳкомлар

– تَحْكِيمِيٌّ ҳакамликка оид; اللَّجْنَةُ الـ~ـةُ ҳакамлар ҳайъати

– حَاكِمٌ 1. ҳоким, ҳукмрон, ҳукумат одами; ҳукуматга оид; الطَّبَقَةُ الـ~ـةُ ҳукмрон табақа; السُّلُطَاتُ الـ~ـةُ ҳукумат органлари, ҳокимият; 2. *кўп.* حُكَّامٌ 1) ҳоким; губернатор; бошлиқ; الـ~ الأَعْلَى олий ҳукмрон; الـ~ بِأَمْرِهِ тўла ҳуқуқли ҳукмрон, диктатор; ~ عَامٌّ генерал-губернатор; ~ وَ مَحْكُومٌ ҳоким ва маҳкум; бошлиқ ва тобе; 2) судя; ҳакам; ~ الصُّلْحِ чақана (*майда*) ишлар судьяси

– حَكَمٌ ҳакамлар судьяси, арбитр

– حُكْمٌ *кўп.* أَحْكَامٌ 1) ҳукмронлик; 2) ҳокимият, бошқарув, бошқариш; الـ~ الذَّاتِيُّ ўзини-ўзи бошқариш, автономия; الـ~ الثُّنَائِيُّ икки давлатнинг бирор ҳудуддан ўртада фойдаланиши; طَرِيقَةُ الـ~ бошқарув усули (услуби); كَرَاسِيُّ الـ~ ҳукумат мансаблари; قَدِمَ إِلَى الـ~ ҳокимият тепасига келмоқ; 3) тузум, режим; الـ~ الْقَائِمُ амалдаги тузум; الـ~ الْجُمْهُورِيُّ республика тузуми, الـ~ النِّيَابِيُّ парламентар тузум; الـ~ الْمَلَكِيُّ подшолик (монархия) тузуми; 4) қарор; ҳукм; буйруқ, амр, фармон; топшириқ, бурч; *юр.* норма; ~ الْقَانُونِ қонун ҳукми; نَائِبُ الْأَحْكَامِ прокурор; إِنَّ هٰذَا الْعَهْدَ لاَ يَنْسَحِبُ ~ـهُ عَلَى ... бу аҳдлашув (келишув) нинг ...га алоқаси (тааллуқи) йўқ; الْأَحْكَامُ الْعُرْفِيَّةُ уруш ҳолати қонунчилиги; уруш ҳолати; أَعْلَنَ الْأَحْكَامَ الْعُرْفِيَّةَ уруш ҳолати эълон қилмоқ; بِـ~ الْحَاجَةِ *ёки* بِـ~ الضَّرُورَةِ зарурат юзасидан; بِـ~ الْقَانُونِ қонунга кўра; بِـ~ الْحَوَادِثِ вазиятга қараб; الـ~ بِالْإِعْدَامِ ўлимга қилинган ҳукм, ўлим жазоси; ~ بِالسِّجْنِ қамоқ жазоси, ~ بِالْبَرَاءَةِ оқлов ҳукми, оқлаш ҳукми (عَلَى); أَصْدَرَ الـ~ بِحَقِّهِ бирор кимга нисбатан ҳукм чиқармоқ; ~ غِيَابِيٌّ *юр.* сиртдан чиқарилган ҳукм; ~ حُضُورِيٌّ *юр.* томонларнинг ҳозирлигида чиқарилган ҳукм; ~ قَرَاقُوشٍ адолатсиз ҳукм; 5) фикр, муҳокама, мулоҳаза; тушунча; таъриф; هُوَ فِي ~ الْمَفْقُودِ у бедарак йўқолган билан бир хилдир, у бедарак йўқолган ҳукмидадир; الدَّرَاوِيشُ وَ مَنْ فِي ~هِمْ дарвишлар ва уларга ўхшаш кишилар; كَانَ فِي ~ الْمُسْتَحِيلِ мумкин бўлмай қолмоқ, иложсиз даражага бориб қолмоқ

– حُكُمْدَارٌ *кўп.* حُكُمْدَارُونَ 1)полиция бошлиғи, миршаблар бошлиғи, полицеймейстер; 2) командир

– حُكُمْدَارِيَّةٌ *кўп.* ـَاتٌ — полиция бошқармаси, миршабхона

– حَكْمَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — сувлиқ (*югандаги*), сувлиқ

– حِكْمَةٌ *кўп.* حِكَمٌ 1) донолик, донишмандлик; фалсафа; الـ~ ضَالَّةُ ... أَلَيْسَ مِنَ الـ~ أَنْ ... *қар.* الضَّالَّةُ ... о қилона эмасми?; 2) ҳикматли сўз, чуқур маъноли гап; мақол, матал; 3) оқилона исботлаш, донишмандона асослаш; мазмун, мағиз; 4) табобатдан хабардорлик, табобат билан шуғулланиш

– حُكْمِيٌّ ҳуқуққа оид, юридик; شَخْصِيَّةٌ ~ـةٌ *юр.* юридик шахс

– حُكُومَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — 1) бошқарма; 2) ҳукумат; маҳкама, кабинет; ~ الْعُمَّالِ وَ الْفَلَّاحِينَ ишчи-деҳқонлар ҳукумати; 3) давлат

– حُكُومِيٌّ 1) ҳукуматга оид; 2) давлатга оид; الْمَسْرَحُ الـ~ давлат театри

– حُكُومِيَّةٌ давлатчилик

– حَكِيمٌ *кўп.* حُكَمَاءُ 1. доно, оқил, ақлли, фаросатли; 2. 1) донишманд;

2) файласуф; 3) табиб, ҳаким, врач, доктор; ~ الْأَسْنَانِ тиш доктори, дантист; ~ الْعُيُونِ кўз доктори, окулист; ~ بَاشِيٌّ бош табиб, бош врач

– مُحَاكَمَةٌ *юр.* судлашиш, даъволашиш; судда ишни кўриш; суд жараёни, процесс

– مُحْكَمٌ 1) яхшилаб бажарилган; мукаммал; маҳкам, пухта, пишиқ, мустаҳкам; 2) аниқ, тўғри, чин, ҳақиқий, чинакам; 3) дадил, қатъий, ишонарли (*ҳаракат*); 4) очиқ-ойдин, равшан, бешубҳа (*Қуръони карим оятлари ҳақида*)

– مُحَكِّمٌ ҳакамлар судьяси, ҳакам; هَيْأَةُ الـ~ينَ жюри, ҳайъат

– مَحْكَمَةٌ *кўп.* مَحَاكِمُ суд, трибунал; ~ ابْتِدَائِيَّةٌ биринчи босқич суди; ~ الْاِسْتِئْنَافِ шикоят (апелляцион) суди, қайта кўриб чиқувчи суд; ~ أَمْنِ الدَّوْلَةِ *ёки* الـ~ الْعُلْيَا Олий суд; ~ أَهْلِيَّةٌ халқ суди; ~ الْجِنَايَاتِ; جُزْئِيٌّ *қар.* جُزْئِيَّةٌ жиноятлар суди; ~ شَرْعِيَّةٌ шариат асосидаги суд, шаръий суд; الـ~ الدَّوْلِيَّةُ *ёки* ~ الْعَدْلِ الدَّوْلِيِّ халқаро суд; ~ عَسْكَرِيَّةٌ ҳарбий трибунал; ~ قُنْصُلِيَّةٌ консуллик суди; ~ مُخْتَلِطَةٌ аралаш суд; ~ مَدَنِيَّةٌ гражданлик суди; ~ النَّقْضِ وَ الْإِبْرَامِ кассацион суд, қуйи суд органларининг нотўғри ҳукмини бекор қилишга ҳақли бўлган юқори суд; مَحْكَمَةٌ! суд келяпти

– مَحْكُومٌ 1) عَلَيْهِ (*кўп.* عَلَيْهِمْ ~) а) кесилган, судланган; (*бирор н.га*) ҳукм этилган (بـ); الـ~ عَلَيْهِ بِالْأَشْغَالِ الشَّاقَّةِ каторга ишларига ҳукм қилинган; б) ҳалокатга маҳкум, ҳалокатга дучор бўлиши аниқ; 2) الـ~ لَهُ судда ғолиб чиққан; 3) الـ~ بِهِ судда кўриладиган иш

– مَحْكُومِيَّةٌ судланганлик, суд қилинганлик, судга тушганлик; عَدَمُ الـ~ судланмаганлик, судга тушмаганлик

– مُسْتَحْكِمٌ мустаҳкам, кучли, мустаҳкамланган, маҳкамланган; عَدَاءٌ ~ ашаддий адоват, ашаддий душманлик

– مُسْتَحْكَمَاتٌ *кўп.* اِسْتِحْكَامَاتٌ = اِسْتِحْكَامٌ *қар.*

I حَكَى (и) حِكَايَةٌ 1) ҳикоя қилмоқ, ҳикоя айтмоқ; тасвирламоқ, айтиб бермоқ, баён қилмоқ; гаплашмоқ; 2) ўхшамоқ, ўхшаш бўлмоқ; III حَاكَى 1) ўхшамоқ, ўхшаб кетмоқ; 2) тақлид қилмоқ; худди ўзига ўхшатмоқ, худди ўзи бўлмоқ; бирор нарсанинг аниқ нусхасини яратмоқ

– حَاكٍ *мн.* حَاكِيَةٌ *кўп.* حُكَاةٌ ҳикоя қилувчи, ҳикоя айтувчи; 2)граммофон; фонограф; إِبْرَةُ الحَاكِي граммофон игнаси

– حَكَّاءٌ ҳикоячи, ҳикоя қилувчи

– حِكَايَةٌ *кўп.* ـــاتٌ — 1) ҳикоя, қисса, воқеа; 2) *грам.* кўчирма гап; الـــُ عَلَى الله! ◊ нима бўлишини Оллоҳнинг ўзи билади!

– مُحَاكٍ *мн.* مُحَاكِيَةٌ 1) тақлид қилувчи, тақлидчи; 2) тақлидий, тақлиддан иборат бўлган

– مُحَاكَاةٌ тақлид қилиш, тақлидчилик; худди ўзига ўхшатиш, худди ўзи бўлиш, имитация

– مَحْكِيٌّ ҳикоя қилинган, баён этилган; اللُّغَةُ الْـــَـــةُ жонли сўзлашув тили

I حَلَّ[1] (а/у) حَلٌّ 1) ечмоқ, ёзмоқ, бўшатмоқ; ~ العُقْدَةَ тугунни ечмоқ,. тугунни ёзмоқ; ~ الظَّرْفَ конвертни очмоқ; ~ الفَدَّانَ ҳўкизларни омочдан бўшатмоқ; ~ البَرْدَعَةَ эгарини олиб қўймоқ; 2) бураб чиқармоқ, бураб чиқариб олмоқ; ~ الأَلْغَامَ миналарни зарарсизлантирмоқ; 3) (*бирор н. дан*) озод қилмоқ, бўшатмоқ (مِن); ~ مِنْ ذَنْبِهِ *дин.* гуноҳини кечмоқ, гуноҳидан ўтмоқ; 4) эритмоқ, аралаштирмоқ (*мас., сувда*); териб қўймоқ, ёйиб қўймоқ 5) тарқатмоқ, тарқатиб юбормоқ (*партияни, парламентни*); *ҳарб.* тугатмоқ, тарқатиб юбормоқ; ~ نَفْسَهُ بِنَفْسِهِ ўзидан-ўзи тарқалиб кетмоқ; 6) ечмоқ, ҳал қилмоқ (*масалани, мисолни*); шартли белгилар (шифрлар) билан ёзилган хатни ўқиб чиқармоқ; бўшатмоқ, бўшаштирмоқ; حَلَّ[2] (а/у); حُلُولٌ 1) (*муддатнинг, йил, фаслнинг*) вақти кирмоқ, пайти келмоқ; ~ الدَّيْنُ қарзни тўлаш пайти келди; لَقَدْ مَضَى دَوْرُ الْكَلَامِ وَ ~ دَوْرُ الْعَمَلِ сафсатабозликнинг вақти ўтиб, ишлаш навбати келди; 2) банд қилмоқ, эгалламоқ (*ўринни*); ўрнашмоқ, жойлашмоқ, кўчиб келиб ўрнашмоқ, тўхтаб ўтмоқ (ب, ف); ~ مَحَلَّهُ вазифани вақтинча бажармоқ; ўрнини эгалламоқ; ... ~ ضَيْفًا عَلَى ... ضَيْفٌ *қар.* 3) (*бирор к. бошига*) тушмоқ (*мас. фалокат*); юз бермоқ, рўй бермоқ (ب); ~ تْ بِهِ نَكْبَةٌ у бахтсизликка учраб қолди; ~ الفَزَعُ بِهِ уни ваҳимали қўрқинч чулғаб олди; 4) *дин.*(*бирор н. да*) намоён бўлмоқ, гавдаланмоқ, мужассам бўлмоқ (في); ~ اللَّوْنُ ◊ ранги ўчмоқ, хира тортмоқ, туси кетмоқ, ранги айнимоқ, حَلَّ (и/и) حِلٌّ، حَلَالٌ ҳалол бўлмоқ, рухсат берилмоқ, ижозат берилмоқ, йўл қўйилмоқ; қонуний бўлмоқ, қонунга мос бўлмоқ; II حَلَّلَ эритмоқ; ~ الوَرَمَ шишни қайтармоқ; ~ الذَّرَّةَ атомни парчаламоқ; 2) ҳал қилмоқ; таҳлил қилмоқ, анализ қилмоқ; 3) рухсат бермоқ, рухсат қилмоқ, йўл қўймоқ; 4) оқламоқ, ҳалол деб ҳисобламоқ; 5) ўзини озод қилмоқ (*мас., қасамдан*); IV أَحَلَّ 1) жойлаштирмоқ, ўрнаштирмоқ, кўчириб олиб жойламоқ; ўрнатмоқ, яратмоқ, амалга оширмоқ, барпо қилмоқ; киритмоқ; ~ بَدَلَهُ бирор кимни алмаштирмоқ; ~ مَحَلَّهُ бирор кимнинг ўрнига қўймоқ;: 2) ҳалол деб ҳисобламоқ, ижозат бермоқ, йўл қўймоқ.(*бирор к. га*) рухсат бермоқ (لـ); 3) *дин.* ҳаж маросими тугагандан сўнг одатдаги ҳаёт тарзига қайтмоқ; V تَحَلَّلَ 1) эримоқ, ёзилмоқ, очилмоқ, ечилмоқ, ёйиб қўйилмоқ; рухсат берилмоқ, йўл қўйилмоқ; 3) (*бирор н. дан*) озод бўлмоқ (مِن); ~ مِنَ القُيُودِ кишанлардан халос бўлмоқ; ~ مِن يَمِينِهِ қасамдан озод бўлмоқ; 4) бўшашмоқ, кучсизланмоқ, дармонсизланмоқ, сусаймоқ; VII انْحَلَّ 1) ечилмоқ, ёзилмоқ; (*бирор н. дан*) қутилмоқ, халос бўлмоқ (مِن); ~ تْ عُقْدَةُ لِسَانِهِ унинг жағи очилди, у гапга тушиб кетди; 2) эримоқ; тарқамоқ, тарқалмоқ; териб қўйилмоқ, ёйиб қўйилмоқ; яхши пишмоқ, ҳил-ҳил бўлиб пишмоқ (*овқат*); 3) тарқатилмоқ, тарқалиб кетмоқ; 4) ворисиз бўлмоқ, меросхўрсиз бўлмоқ; эгасиз қолмоқ (*мас., вафот этган одамнинг нафақаси*); 5) ечилмоқ, ҳал бўлмоқ (*мас., мисол ёки масала*); 6) бебош бўлмоқ, ахлоқсиз бўлмоқ, бузилмоқ; VIII احْتَلَّ эгалламоқ, эгаллаб олмоқ; босиб олмоқ, оккупация қилмоқ; ~ الْمَرْتَبَةَ الثَّانِيَةَ *спорт.* иккинчи ўринни эгалламоқ; X اسْتَحَلَّ ўзига эп кўрмоқ, ўзига раво кўрмоқ; ҳалол деб ҳисобламоқ, қонуний деб билмоқ; эгаллаб олмоқ, ўзиники қилиб олмоқ

– احْتِلَالٌ босиб олиш, оккупация; جَيْشُ (جُنُودُ) الـــ~ оккупацион қўшин

– احْتِلَالِيٌّ 1. оккупацияга оид; 2. оккупация қилувчи

– إِحْلِيلٌ *кўп.* أَحَالِيلُ *анат.* 1) пешоб йўлининг тешиги; 2) пешоб йўли; 3) кўкрак ёки елинининг сут чиқадиган жойи

– انْحِلَالٌ 1) бўлиниш, парчаланиш, йиқилиш, ағдарилиш, қулаш, бузилиш, тарқалиш; таназзул; الـــ~ الخُلُقِيُّ маънавий бузилиш; ~ النُّورِ ёруғликнинг тарқалиши; 2) қувватнинг пасайиши (кетиши); бўшашиш; ~ الظَّهْرِ жинсий заифлик; 3) тарқалиш

– انْحِلَالِيٌّ тушкунликка юз тутган, тушкунликдаги

– انْحِلَالِيَّةٌ тушкунлик, таназзул, тушкунликдаги ҳолат

– تَحِلَّةٌ 1) қасамдан ўзини озод этиш, назрни ўзидан соқит қилиш; 2) рухсат бериш, рухсат; *дин.* гуноҳларни кечиш

– تَحْلِيلٌ *кўп.* تَحَالِيلُ 1) тарқатиб юбориш; ~ الوَرَمِ шишни қайтариш; 2) таҳлил, анализ; ~ البَوْلِ (الدَّمِ) пешоб (қон) анализи; ~ طِبِّيٌّ тиббий анализ; ~ طَيْفِيٌّ спектрал анализ; ~ كَمِّيٌّ миқдорий таҳлил (анализ); ~ كَيْفِيٌّ сифат таҳлили (анализи); ~ نَفْسِيٌّ (نَفْسَانِيٌّ) психологик таҳлил (анализ); 3) ижозат бериш; йўл бериш; ~ حَرَامٍ ҳаром нарсага ижозат бериш; لَهُ حَقُّ الـــ~ وَالتَّحْرِيمِ унда ижозат беришга ҳам, ман этишга ҳам ҳуқуқ бор

– تَحْلِيلِيٌّ таҳлилий, аналитик; таҳлилга оид, анализга оид; هَنْدَسَةٌ ~ـــةٌ таҳлилий (аналитик) геометрия

– حَلٌّ[1] *кўп.* حُلُولٌ ечиш, ёзиш, бўшатиш; 2) озод қилиш; *дин.* гуноҳларни кечириш; 3) ҳал қилиш, ечиш (*мас., мисолни,*

масалани); шифрларни очиш, расшифровка қилиш; وَسْطِيّ ~ ёки أَصْحَابُ (أَهْلُ) الْحَلِّ وَ ~ الْوَسْطِ муросага келиш, компромисс; الْعَقْدِ ишни ҳал қилувчилар, эътиборли шахслар; 4) жойлаштириш, ўрнаштириш; 5) эриш; قَابِلُ الْـ~ эрувчан, эрийдиган; 6) тарқатиш, тарқатиб юбориш; *ҳарб.* тарқатиб юбориш; نَفْسَه بِنَفْسِه ~ ўзини-ўзи тарқатиш; 7) *ад.* ечим; ◊ الْـ~ وَ الرَّبْطُ тўла ҳокимият, тўла ҳукмронлик; صُحْبَتُهُ فِى ~ـه وَ تِرْحَالِه ҳеч бир ажрамай ҳамроҳлик қилмоқ; جَعَلَهُ بَيْنَ ~ وَ تِرْحَالٍ ҳар куйга солмоқ (*ҳаёт ҳақида*)

– حَلٌّ² кунжутдан олинган мой

– حِلٌّ 1. ижозат берилган, йўл берилган; أَنْتَ ~ لَهُ وَ هُوَ ~ لَكَ сен (*мн.*) ва у бир-бирингизга ҳалолсизлар, никоҳланишингиз мумкин; 2. 1) имкониятнинг мавжудлиги; إِنَّنَا فِى ~ مِنْ أَنْ نَتَحَدَّثَ бизнинг гапиришга ҳуқуқимиз бор; هُوَ فِى ~ مِنْ هَذَا унинг бунга алоқаси йўқ; أَصْبَحَ فِى ~ مِنْ ....га алоқаси йўқ бўлмоқ, ...дан озод бўлмоқ; 2) қонуний амал, қонун йўли билан бажарилган амал; 3) *кур.* яшовчи, истиқомат қилувчи

– حَلَالٌ 1. 1) ҳалол, рухсат берилган, ижозат қилинган, қонуний; اِبْنُ الْـ~ а) никоҳдан туғилган бола; б) инсофли одам, андишали одам; в) дурустгина кийинган одам; ~ الدَّمِ وَ الْمَالِ жазоланмасдан ўлдирилиши ва мол-мулкидан маҳрум қилиниши мумкин бўлган одам; 2) тўла, тўлиқлик; ажратиб бўлмайдиган, ажралмас, узвий; 2. қонуний ҳаракат; فَالطَّلَاقُ أَبْغَضُ الْحَلَالِ عِنْدَ اللهِ Оллоҳнинг наздида қонун йўли билан (қонуний) қилинган энг ёмон иш талоқдир

– حِلَالٌ 1) уй анжомлари; 2) аёллар араваси

– حَلَّالٌ ечувчи, ёзувчи, бўшатувчи; كُلُّ عُقْدَةٍ وَ لَهَا ~ *мн.* ҳар бир қулфнинг ўз калити бор (*сўзма-сўз:* ҳар бир тугуннинг ечувчиси бор); الْخَمْرُ خَيْرُ ~ لِعَقْدِ اللِّسَانِ *мтл.* тил тугунининг энг яхши ечувчиси шаробдир

– حُلَلٌ Ямандаги салқин ҳаво

– حَلَّةٌ *кўп.* حِلَلٌ қозон, кастрюлка

– حُلَّةٌ *кўп.* حُلَلٌ 1) кийиниш; кийим; кийим-бош; بَدَّلَ ~ـه кийимини алмаштирмоқ; اِرْتَدَتِ الْمَدِينَةُ ~ الْعِيدِ шаҳар байрам либосини кийган; 2) безаш; ~ الْمَجَلَّةِ журнални безаш

– حِلَّةٌ *кўп.* حِلَالٌ, خِلَاتٌ 1) манзил, манзилгоҳ; яшаш жойи, аҳоли яшайдиган пункт; 2) *дин.* назрдан ўзини озод этиш; гуноҳларни кечириш

– حُلُولٌ 1) манзил, манзилгоҳ, яшаш жойи; 2) (*бирор мавсумнинг*) кириб келиши; 3) *фалс.* зуҳур бўлиш, зоҳир бўлиш, тажассумлик; مَذْهَبُ الْـ~ *фалс.* табиат худонинг тажассумидир деб ҳисобловчи фалсафий таълимот, пантеизм

– حُلُولِيٌّ *фалс.* 1. пантеизмга оид, пантеистик; 2. пантеизм тарафдори, пантеист

– حَلِيلٌ *кўп.* أَحِلَّاءُ эр, қаллиқ

– حَلِيلَةٌ *кўп.* حَلَائِلُ хотин, қаллиқ

– مُحْتَلٌّ 1. 1) банд қилинган, босиб олинган, оккупация қилинган; أَرَاضٍ ~ـةٌ босиб олинган ерлар; 2) банд қилувчи, босиб олувчи; 2. оккупант

– مَحَلٌّ *кўп.* مَحَالُّ, ـــ اتٌ 1) жой, ўрин; ~ حُدُوثِ الْجَرِيمَةِ жиноят содир бўлган жой; فِى ~ـه а) ўз ўрнида, керак бўлган жойда; б) унинг ўрнига; فِى غَيْرِ ~ـه ўз ўрнида эмас; كَانَ فِى ~ـه а) ўринли бўлмоқ, жўяли бўлмоқ; б) асосли бўлмоқ, асосланилмоқ; كَانَ ~ بَحْثٍ ўрганилиш босқичида бўлмоқ; مَحَالُّ الْحَلْوَى وَ الْأَلْبَانِ қандолат ва сут маҳсулотлари сотиладиган жой; кафе; مَحَالُّ الْبِقَالَةِ баққоллик дўконлари, озиқ-овқат сотиладиган жойлар, резаворлар сотиладиган дўконлар; 2) ширкат, муассаса; ~ تِجَارِيٌّ тижорат фирмаси; 3) *грам.*(*сўзнинг*) синтактик вазифаси; ◊ هَذَا هُوَ ~ الْجَدَلِ мунозара мавзуи мана шу; ~ الْأَدَبِ ҳожатхона

– مَحِلٌّ муддат (*қарз тўлаш ёки мажбуриятни бажаришники*); ~ الدَّيْنِ ажал вақти

– مُحَلِّلٌ 1. 1) имкон берувчи, рухсат берувчи, ижозат берувчи; қонуний, қонунга мос қилиб берувчи; 2) эритувчи; 2. 1) эритувчи модда; анализатор; 2) *шар.* ҳалоллаб берувчи (*талоқ қилинган аёлнинг яна талоқ қилган эрга никоҳланиши учун вақтинчалик теккан иккинчи эри*)

– مَحَلَّةٌ *кўп.* ـــ اتٌ 1) лагерь; 2) маҳалла, квартал

– مَحْلُولٌ 1. 1) эритилган; 2) заиф, ожиз; ~ الظَّهْرِ жинсий алоқага ожиз; 3) винтларини бўшатиб, қисмларга ажратилган; 2. *кўп.* مَحَالِيلُ эритма; настойка

– مَحَلِّيٌّ маҳаллий; أَخْبَارٌ ~ـةٌ маҳаллий янгиликлар, хроника бўлими (*газетада*)

– مَحَلِّيَّاتٌ *кўп.* маҳаллий хроника бўлими (*газетада*)

– مُنْحَلٌّ ахлоқсиз, одобсиз, бузуқ, бузилган; 2) заиф

(حلأ) حَلَّأَ II бермоқ, тақдим қилмоқ

حَلَبَ I (у) حَلْبٌ соғмоқ; IV أَحْلَبَ соғишга ёрдам бермоқ; V تَحَلَّبَ 1) оқиб, томчилаб турмоқ, томиб турмоқ, сизиб ўтмоқ; оқмоқ; ~ اللُّعَابُ فِى فَمِى لِلَوْنِ الطَّعَامِ الشَّهِىِّ бу мазали таомдан оғзимдан сўлагим оқиб кетди; ~ عَرَقًا терга ботмоқ (чўмилмоқ); ~ بِقَطَرَاتِ الرُّطُوبَةِ захликдан томчи билан қопланмоқ, тер босмоқ; 2) оқизмоқ, томизмоқ, чиқармоқ (*мас., тер*); الدَّهْرَ أَشْطُرَهُ ~ شَطْرٌ *кар.*; VII انْحَلَبَ соғилмоқ, сут бермоқ; VIII احْتَلَبَ соғмоқ, сут соғмоқ; соғ бўлмоқ; X اسْتَحْلَبَ 1) соғиб олмоқ, соғиб сутини олмоқ; 2) сиқмоқ, сиқиб сувини олмоқ; 3) эмульсия ҳосил қилмоқ

– حَالِبٌ *кўп.* حَلَبَةٌ 1. соғувчи, сут соғувчи; 2. *анат.* буйракдан қовуққа пешоб келадиган йўл

– حَلَّابٌ сут соғувчи

– حَلَّابَةٌ сут соғувчи аёл; بَقَرَةٌ ~ соғин сигир

– حِلَابَةٌ сутчилик (*касби*)

– حَلْبٌ соғиш, соғиб бўлиш; النُّجُومَ ~ *фольк.* эрни хотинга иситадиган афсун

– حَلَبٌ сут

– حَلْبَةٌ[1] *кўп.* اتٌ — бир марта соғиш

– حَلْبَةٌ[2] *кўп.* حَلَبَاتٌ, حَلَائِبُ 1) пойга, от пойгаси; отчопар, ипподром; 2) майдон, соҳа

– حُلْبَةٌ *кўп.* حُلَبٌ *бот.* янтоқ (*ўсимлик*)

– حَلَبِيٌّ 1. Ҳалабга оид; قَرْحَةٌ ~ـــة *мед.* тери касалликларидан бир тури, лейшманиоз; حَبَّةٌ ~ـــة чипқон, йиринг бойлаган яра; 2. ҳалаблик киши

– حَلُوبٌ *кўп.* حُلُبٌ соғиладиган, соғин, сутли; بَقَرَةٌ ~ соғин сигир

– حَلُوبَةٌ *кўп.* حَلَائِبُ соғиб олинадиган

– حَلِيبٌ сут; مُجَفَّفٌ ~ қуруқ (қуритилган) сут; مَسْحُوبٌ ~ қаймоғи олинган сут; مُعَلَّبٌ ~ консерва қилинган (*банкадаги*) сут; مُكَثَّفٌ ~ қуюқлаштирилган сут; بَائِعُ ~ сут сотувчи, сутфуруш; ◊ أُمِّهِ عَلَى فَمِهِ ~ онасининг сути оғзидан кетмаган

– مِحْلَابٌ *кўп.* مَحَالِيبُ сигир соғадиган идиш

– مَحْلَبٌ 1)соғиш жойи (*Ироқда*); 2) сут сотиладиган жой; 3) *бот.* шумурт (*ўсимлик*)

– مَحْلَبٌ *кўп.* مَحَالِبُ = مِحْلَابٌ

– مُسْتَحْلَبٌ эмульсия; اللَّوْزِ ~ бодом сути

حُلْبُوبٌ қора ранг, қора тус

حَبْلَابٌ *бот.* қуёнкарам

– حَلَبْلَابٌ *бот.* печак ва чирмовиққа ўхшаб ўсадиган ўсимлик

– حِلْتِيتٌ *бот.* сассиқ елим тайёрланадиган ўсимлик, ҳилтит

I حَلَجَ (*u/y*) حَلْجٌ тозаламоқ, титмоқ, савамоқ (*пахтани*); VII اِنْحَلَجَ тозаланмоқ

– حَلَّاجٌ тозаловчи (*пахтани*)

– حَلِيجٌ, حَلْجٌ, حِلَاجَةٌ тозалаш

– مِحْلَاجٌ *кўп.* مَحَالِيجُ пахта тозалаш машинаси, жун машина

– مِحْلَجٌ *кўп.* مَحَالِجُ = مِحْلَاجٌ

– مَحْلَجَةٌ *кўп.* مَحَالِجُ пахта тозалаш заводи

حَلْحَلَ 1) силжитмоқ, қўзғатмоқ, сурмоқ, бошқа жойга кўчирмоқ; 2) узоқлаштирмоқ, йироқлатмоқ, йироқлаштирмоқ; تَحَلْحَلَ силжимоқ, қўзғалмоқ, сурилмоқ; силжитилмоқ, қўзғатилмоқ

– حُلَاحِلٌ *кўп.* حَلَاحِلُ ҳукмдор, подшоҳ, султон, ҳоким

– حَلْحَلَةٌ жилдириш, силжитиш, қўзғатиш, суриш, бошқа жойга кўчириш

– حُلَاحِلٌ = مُحَلْحَلٌ

– حَلَزُونٌ *кўп.* اتٌ — 1)*зоол.* шиллиқ қурт, чиғаноқ; 2)бурама сим, спираль

– حَلَزُونَةٌ бурама сим, спираль; *тех.* қўчқароқ, шестерня

– حَلَزُونِيٌّ спиралсимон; спиралга оид; винтсимон, винтга оид; *тех.* қўчқароққа (*шестерняга*) оид; سُلَّمٌ ~ айланма зина

I حَلَسَ (*a*) حَلْسٌ (*бирор жойда*) қолмоқ (بِ, فِي); 2) (*бирор н. га*) ёпишмоқ (بِ)

– حِلْسٌ *мн.* حُلَسَاءُ *кўп.* أَحْلَسُ 1) тўриқ; 2) сочи йўқ, сочсиз, кал

– حِلْسٌ *кўп.* أَحْلَاسٌ 1) ёпиқ (*от ёпиғи*), терлик (*тўқим тагига солинидиган намат*); тўшама, таглик, тагга солинадиган нарса; хонага тўшаладиган палос; 2) астойдил (берилиб) ишловчи

I حَلَفَ (*и*) حَلْفٌ, حِلْفٌ сўз бермоқ, қасам ичмоқ, (*бирор н. номи билан*) онт ичмоқ (بِ), (*бирор н. борасида*) қасам ичмоқ (عَلَى); қасамёд қилмоқ; عَلَى الْمُصْحَفِ ~ Қуръони карим билан қасам ичмоқ; الْيَمِينَ ~ қасам ичмоқ; الْيَمِينَ كَذِبًا ~ ёлғон қасам ичмоқ, ёлғондан қасам ичмоқ; II حَلَّفَ қасам ичирмоқ, қасам ичишга мажбур қилмоқ; ... أَنْ ... بِالْحُسَيْنِ ~نِي у мендан Ҳусайн номи билан қасам ичиб, илтимос қилдики, ...; III حَالَفَ иттифоқ тузмоқ, битим тузмоқ; иттифоқчи бўлмоқ, иттифоқ аъзоси бўлмоқ; ~نِي فِي الْقِرَاءَةِ мен каби у ҳам ўқиб чиқди (*сўзма-сўз:* ўқишда мен билан иттифоқ тузди); IV أَحْلَفَ қасамёд қилдирмоқ, қасам ичирмоқ; VI تَحَالَفَ ўзаро битим тузишмоқ, ўзаро иттифоққа аъзо бўлишмоқ; X اِسْتَحْلَفَ қасамёд қилишни, авраб афсунгарлик қилишни сўрамоқ; қасамёдга олиб келмоқ; عَلَى الْقُرْآنِ ~ Қуръони карим номи билан қасамёд қилишни сўрамоқ

– أُحْلُوفَةٌ (*даҳшатли*) қасам

– تَحَالُفٌ иттифоқ, битим, бирлашма, уюшма; سَبَبُ الـــ~ casus foederis (*халқаро ҳуқуқда*)

– تَحْلِيفٌ қасам ичдириш, қасамёд қилишга олиб келиш; أَعْضَاءُ لَجْنَةِ الـــ~ *юр.* суд маслаҳатчилари

– حَلْفٌ, حِلْفٌ қасам, онт, қасамёд; كَاذِبٌ ~ ёлғон қасам, қасамни бузиш, онтдан қайтиш, қасамига хилоф иш қилиш

– حِلْفٌ *кўп.* أَحْلَافٌ 1) иттифоқ, федерация; аҳдлашув, шартнома, пакт; وَارْسُو ~ *тар.* Варшава шартномаси; عَسْكَرِيٌّ ~ ҳарбий иттифоқ; الْأَطْلَنْطِيُّ ~ Шимолий Атлантика пакти, НАТО; 2) иттифоқчи; дўст; иштирокчи; ◊ أَحْلَافُ بُؤْسٍ وَ مَتْرَبَةٍ камбағал-қашшоқлар; نِسْوَةٍ ~ хотинларнинг кўнглини олувчи, хотинбоз, шилқим

– حَلْفَاءُ *жам. бот.* (х)алфа ўсимлиги

– حَلْفَانُ қасам, онт

حَلْفَايَةٌ кўп. ـَاتٌ — қамишнинг танаси

– حَلْفَاءُ = حَلْفَةٌ

– حَلُوفٌ кўп. حَلَالِيفُ ёввойи тўнғиз, қабон, чўчқа; مَخْصِيٌّ ~ ахта қилинган эркак чўчқа

– حَلِيفٌ кўп. حُلَفَاءُ 1. иттифоққа оид; 2. иттифоқдош, шерик, иттифоқчи; كَانَ النَّجَاحُ ~ يِ маж. омад менинг ҳамроҳим эди

– مُتَحَالِفٌ шартнома иштирокчиси, аҳдлашувчи

– مُحَالَفٌ 1) иттифоққа оид; 2) иттифоқдош, шерик, иттифоқчи

– مُحَالَفَةٌ 1) иттифоқ тузиш, битим тузиш; 2) кўп. ـَاتٌ — иттифоқ; битим, шартнома

– مُحَلَّفٌ 1. қасамёд қилишга олиб келинган; 2. суд маслаҳатчиси; هَيْأَةُ الْـ~ِينَ суд маслаҳатчилари ҳайъати; маслаҳатчилар

I حَلَقَ (у) حَلْقٌ қирмоқ, тарашламоқ, олдирмоқ, қирдирмоқ, олдириб ташламоқ (соч-соқолни); الْمَعْزَةَ ~ эчкининг жунини олмоқ; لَهُ عَلَى النَّاشِفِ ~ кўч.м. тескари гапирмоқ, тескарисини қилмоқ (сўзма-сўз: қуруқ ҳолида, сув тегизмай соқолини олмоқ); II حَلَّقَ 1) парвоз қилмоқ, қанотларини кериб учмоқ, учмоқ; 2) ҳалқа қилиб ўрамоқ; 3) ўраб олмоқ, атрофни ўраб турмоқ;(бирор к. нинг) йўлини тўсмоқ, йўлини беркитмоқ (عَلَى); V تَحَلَّقَ (бирор н. атрофига) қўнмоқ; ҳалқа ҳосил қилмоқ; ҳалқа қилиб атрофини ўраб олмоқ; VIII احْتَلَقَ соч-соқолини олдирмоқ

– تَحْلِيقٌ 1) парвоз, парвоз қилиш, учиш; 2) кўп. ـَاتٌ — (мас., самолётнинг) учиши; التَّحْلِيقَاتُ الْكَوْنِيَّةُ космик фазога парвозлар

– حَالِقٌ[1] баланд тоғ, баланд жой, тепалик; أَلْقَى شَيْئًا مِنْ ~ бирор нимани юқоридан ташламоқ, ташлаб юбормоқ

– حَالِقٌ[2] кўп. حَلَقَةٌ соч-соқолини олиб юрувчи

– حَلَّاقٌ сартарош; سَيِّدَاتٍ ~ аёллар сартароши; الصِّحَّةِ ~ ёки صِحِّيٌّ ~ сартарош

– حِلَاقَةٌ олиш, тарашлаш (соч-соқолни); آلَةُ الْـ~ِ соқол олиш асбоби; فُرْشَةُ الْـ~ِ кар. قَاعَةُ الْـ~ِ ёки صَالُونُ الْـ~ِ; сартарошхона, сартарошлик; أَجْرُ الْـ~ِ сартарош ҳақи

– حِلَاقَةٌ = حَلْقٌ[1]

– حَلْقٌ[2] кўп. حُلُوقٌ 1) ҳалқум, томоқ, бўғиз, жиғилдон; طَبِيبُ الْـ~ِ ларинголог (врач); قَالَ هٰذَا وَ الْغُصَّةُ فِي ~ِهِ томоғига бир нарса тиқилган ҳолда деди: كَشَوْكَةٍ فِي ~ِهِ маж. жонига тегиб, безор қилиб, жонидан тўйдириб (сўзма-сўз: томоққа санчилган қилтаноқдек) (шунингдек. кар. شَوْكَةٌ); 2) шунингдек. سَقْفُ الْـ~ِ танглай; ◊ الْبَابِ ~ эшик тепадори

– حَلَقٌ жам. балдоқ, исирға; узук, ҳалқа

– حَلْقَةٌ, حَلَقَةٌ кўп. حَلَقٌ, ـَاتٌ ҳалқа; ҳалқа шаклидаги узук; حَلَقٌ ёки جِهَازُ الْحَلَقِ гимнастика ҳалқаси; ضَرَبُوا حَوْلَهُ ~ атрофини ҳалқа қилиб ўраб олдилар; 2) спорт. ринг; لِلْمُلَاكَمَةِ ~ бокс ринги (майдони); 3) звено, ҳалқа (занжирдаги); الْاِنْتِقَالِ ~ ўтиш қисми; مُوَصِّلَةٌ ~ ёки الْاِتِّصَالِ ~ (икки нарса ўртасидаги) ўзаро бириктирувчи, боғловчи ҳалқа (بَيْنَ); الْـ~ فِي سِلْسِلَةٍ الْمَفْقُودَةُ етишмайдиган, етишмаётган қисм; ~ занжир ҳалқаси; حَلَقَاتُ دَوَرَانٍ роликли подшипниклар; 4) тўгарак, давра, гуруҳ, Ал-азҳарда устоз атрофида давра қуриб ўтирган талабалар гуруҳи; ذِكْرٌ кар. الذِّكْرِ ~; التَّعْبِيرِ ~ الذَّاتِيِّ ҳаваскорлик тўгараги; 5) бозор, раста; السَّمَكِ ~ балиқ бозори; الْقُطْنِ ~ пахта бозори; 6) ўн ёш; هُوَ فِي الْـ~ِ الْخَامِسَةِ مِنَ الْعُمْرِ унинг ёши қирқдан ошди; 7) облигация (давлат заёми серияси); ◊ مُفْرَغَةٌ ~ мушкул аҳвол, ноиложлик (сўзма-сўз: ичи бўш ҳалқа)

– حَلْقِيٌّ лингв. бўғизга оид; الْأَصْوَاتُ الْـ~ِيَّةُ бўғиз товушлари

– حَلَقِيٌّ ҳалқасимон, доирасимон, ҳалқасифат

– حَلَقِيَّةٌ кўп. ـَاتٌ — доира, давра, айлана

– حَلِيقٌ кўп. حَلْقَى, حِلَاقٌ (соч-соқоли) олинган, (соч-соқоли) қирдириб ташланган; الشَّارِبِ وَ اللِّحْيَةِ ~ соқол-мўйлови олинган

– مِحْلَاقٌ кўп. مَحَالِيقُ, مَحَالِقُ бот. жингалак, гажак (ўсимликларда)

– مِحْلَقٌ, مِحْلَقَةٌ кўп. مَحَالِقُ устара

– مُحَلِّقَةٌ кўп. ـَاتٌ — планёр, моторсиз учадиган аппарат

– حَلِيقٌ = مَحْلُوقٌ

حُلْقُومٌ кўп. حَلَاقِيمُ томоқ, бўғиз; ◊ رَاحَةُ الْـ~ِ роҳат-лукум

I حَلِكَ (а) حَلَكٌ, حُلُوكَةٌ 1) қоронғи бўлмоқ, қоронғилашмоқ, ғира-шира бўлмоқ; 2) сақичдек (зулукдек) қоп-қора бўлмоқ; XII احْلَوْلَكَ қоронғилашмоқ; الدُّنْيَا ~تِ қоронғи тушди

– حَالِكٌ шунингдек. السَّوَادِ ~ сақичдек (зулукдек) қоп-қора

– حَلَكٌ 1) қоронғулик, ғира-ширалик; 2) қоралик

– حَلِكٌ 1) қоронғу, ғира-шира; 2) қора, қоп-қора

– حُلْكَةٌ 1) зимистон, тим қоронғулик; 2) қоп қоралик

– حَلْكُوكٌ тим қора, тим қоронғу

– حُلُوكَةٌ қоронғулик, ғира-ширалик

I حَلَمَ (у) حُلْمٌ 1) туш кўрмоқ, тушида кўрмоқ; (бирор н. ни) орзу қилмоқ, хаёл қилмоқ, ният қилмоқ (عَنْ, بِ); 2) балоғат ёшига етмоқ, балоғатга етмоқ, бўйи етмоқ; حَلِمَ (у) حَلَمٌ безор бўлмоқ, юмшоқ бўлмоқ, ювош бўлмоқ, ҳалим бўлмоқ; V تَحَلَّمَ ювош

тортмоқ, беозор бўлиб қолмоқ, юмшамоқ; VI تَحَالَمَ ўзини туш кўраётганга солмоқ; VIII احْتَلَمَ балоғат ёшига етмоқ, бўйи етмоқ; *мед.* эҳтилом бўлмоқ, булғаниб қолмоқ, уйқуда эҳтиломланиб қолмоқ

– احْتِلاَمٌ етуклик, балоғат; *мед.* булғаниб қолиш, уйқуда эҳтиломланиб қолиш, эҳтилом

– حَالُومٌ ҳалум (*пишлоқ навларидан бири*)

– حُلْمٌ *кўп.* أَحْلاَمٌ 1) туш, туш кўриш; орзу, ният; عَالَمُ الْأَحْلاَمِ ширин хаёллар олами; أَضْغَاثُ أَحْلاَمٍ узуқ-юлуқ тушлар; 2) етуклик, балоғат, балоғат ёши; بَلَغَ الْـ~ балоғат ёшига етмоқ, балоғатга етмоқ, бўйи етмоқ

– حِلْمٌ 1) ювошлик, беозорлик; яхшилик, эзгулик, меҳрибонлик; 2) донолик, мулоҳазакорлик, оқиллик; خَرَجَ مِنْ ~ـه аччиқланмоқ, ғазабланмоқ; ғазабни босолмай қолмоқ

– حَلَمَةٌ[1] *кўп.* ~اتٌ — 1) эмчак учи, тугмачаси; елиннинг соғиладиган қисми; 2; *анат.* қулоқнинг гўшти, тугмачаси; 3) паразит; ғурра, шиш, ортиқ, дўмбоқ, бўртма, бадандаги бўртиб чиққан жой

– حَلَمَةٌ[2] *кўп.* حَلَمٌ кананинг каттаси

– حَلَمِيٌّ 1) эмчак учига оид; эмчаксимон; ~ وَرَمٌ эмчак учидаги шиш; 2) эмчаги бор, эмчакли; 3) паразитга тегишли; ~ نَبَاتٌ паразит ўсимлик

– حَلَمِيَّاتٌ *кўп.* паразитлар; дарахтдаги бутоқлар

– حَالُومٌ = حَلُومٌ

– حَلِيمٌ *кўп.* حُلَمَاءُ ювош, беозор, юмшоқ, ҳалим; бардошли, сабр-тоқатли

– مُحْتَلِمٌ етук, балоғатга етган, бўйга етган, катта ёшли

I (حلو) حَلاَ (у) حُلُوٌّ 1) ширин бўлмоқ, ёқимли, ёқимтой бўлмоқ; (*шўр эмас*) ширин (чучук) бўлмоқ (*сув ҳақида*); 2) чиройли бўлмоқ, кўркам (хушрўй, зебо, дилбар) бўлмоқ; 3) ёқмоқ, маъқул келмоқ,; حَلاَ = حَلاَوَةٌ (а) حَلِيَ у менга ёқди; ◊ مَا أَحْلاَكَ ~ فِي عَيْنَيَّ (بِعَيْنَيَّ) كَمَا فِي هَذِهِ الْمَلاَبِسِ! бу кийим-бошда сен қанчалик гўзалсан!; ... يَحْلُو لَهُ أَنْ ... хоҳлаганича ..., кўнглига маъқул келганича ...; II حَلَّى 1) ширин қилмоқ, қанд қўшмоқ, шакар солмоқ; 2) (*бирор н. билан*) безамоқ, зийнат бермоқ, чиройли қилиб кўрсатмоқ (بِ); 3) (*шўр сувни*) ичимлик (чучук) сувга айлантирмоқ; III حَالَى ширин муомала қилмоқ, ширин муомалада бўлмоқ; IV أَحْلَى ширин қилмоқ, ширинлигини оширмоқ; V تَحَلَّى 1) ширин таъмга кирмоқ, ширин бўлмоқ; 2) безанмоқ, ясанмоқ; VI تَحَالَى ўзига бино қўймоқ, ўзига-ўзи маҳлиё бўлмоқ; X اسْتَحْلَى 1) ширин деб билмоқ (ҳисобламоқ); ёқимли деб ҳисобламоқ; чиройли (хушрўй, зебо, дилбар) деб ҳисобламоқ; 3) (*бирор н. нина*) ширинлигидан татимоқ, татиб кўрмоқ, маза қилмоқ; XII احْلَوْلَى ширин таъмга кирмоқ, ширин бўлмоқ; 2) чиройли бўлиб кетмоқ, ёқимтой бўлиб кетмоқ

– تَحْلِيَةٌ 1) ширинлатиш, қанд қўшиш, шакар солиш; 2) безаш, ясатиш; 3) шўрини йўқотиб, сувни ичадиган ҳолга (чучук ҳолга) келтириш

– حَلاَوَاتٌ *кўп. анат.* ошқозон ости бези, қориности бези, панкреас

– حَلاَوَةٌ *кўп.* حَلاَوَى 1) ширинлик, лаззат, ёқимлилик, ёқимтойлик, кўркамлик, хушрўйлик, зеболик; нозиклик; ~ الْعِنَبِ حَبَّةٌ *мтл.* узумнинг лаззати донасидадир; 2) ширинлик, чучуклик, қанд-қурс, мева-чева; қанд, конфет; 3)инъом, эҳсон, чойчақа; тўлов, бадал; ◊ يُبَاعُ كَالْـ~ қўл-қўлга тегмай сотилмоқда (*сўзма-сўз: қанд-қурсга ўхшаб сотилмоқда*)

– حُلْوٌ 1) ширин, лаззатли; ёқимли, ёқимтой; ~ الْحَدِيثِ суҳбати жонон; 2) шўри кетказилган, чучуклаштирилган (сув); ~ زَيْتٌ пахта ёғи; 3) чиройли, гўзал, дилбар, хушрўй, зебо; ◊ الْغُدَّةُ الْـ~ةُ *анат.* қориности бези, панкреас

– حَلْوَاءُ 1) ширинлик, лаззат; 2) қанд-қурс, мева-чева; қандолатчилик маҳсулотлари; ҳолва

– حُلْوَانٌ *кўп.* ~اتٌ — совға, ҳадя; инъом, эҳсон; чойчақа

– حُلْوَانُ Ҳулвон (*Мисрдаги курортнинг номи*)

– حَلْوَانِيٌّ *кўп.* حَلْوَانِيَّةٌ *ёки* حَلْوَانِيٌّ *кўп.* حَلْوَانِيَّةٌ қандолатчи, қандфуруш, ҳолвафуруш; دُكَّانُ الْـ~ قандолатчилик дўкони, қанд дўкони

– حَلْوَجِيٌّ *кўп.* حَلْوَجِيَّةٌ қандолатчи

– حَلْوَى *кўп.* حَلاَوَى қанд-қурс, ҳолва, мева-чева; مُحِبُّ الْـ~ ширинхўр, ширинтомоқ

– حَلْوِيَّاتٌ, حَلَوِيَّاتٌ *кўп.* ширинликлар, қанд-қурс, мева-чева; қиёмга ботириб қуритилган мевалар; устига шакар сепилган мевалар

I (حلى) حَلَى (у) حَلْيٌ (*бирор н. билан*) безамоқ, зийнат бермоқ (بِ);

حَلِيَ (а) حَلْيٌ безанмоқ, зийнатланмоқ; II حَلَّى безамоқ, зийнат бермоқ; V تَحَلَّى 1) қимматбаҳо тақинчоқларни тақмоқ; (*бирор н. билан*) безатилмоқ, зийнат берилмоқ (بِ); 2) фарқ қилмоқ, ажралиб турмоқ.(*н. си биландир*) азалдан ажралиб турмоқ (بِ); X اسْتَحْلَى (*бирор н. билан*) безанмоқ, ясанмоқ, зийнатланмоқ

– تَحْلِيَةٌ безаш, зийнат бериш

– حَلْيٌ *кўп.* حُلِيٌّ зийнат асбоблари, қимматбаҳо ашё

– حِلْيَةٌ *кўп.* حِلًى зийнат асбоблари, қимматбаҳо ашё; безак; ~ الرَّجُلِ одамнинг сифати

– حَلْيُوَةٌ *халқ.* ажойиб, қизиқарли, чиройли, гўзал; жуда соз, боп

حمو حَمَاةٌ, حَمٌ *қар.*

I حَمَّ[1] (*u/a*) حَمٌّ 1) қайноқ бўлмоқ; 2; қораймоқ; حُمَّ 1)иситма тутмоқ, иситмаламоқ; 2) олдиндан ҳал бўлмоқ, (*муддат*) етиб

келмоқ; حَمَّ 2 (а/а) حُمُومٌ чўмилмоқ, ванна қабул қилмоқ; حَمَّ 3 (а/у) حَمٌّ иситмоқ, илитмоқ, қизитмоқ, ўтин ёқиб илитмоқ (*печкага*); II حَمَّمَ 1) иситмоқ, илитмоқ, қизитмоқ; 2) чўмилтирмоқ, сувда чайқамоқ; 3) қора рангга бўямоқ; *тар.* кўчаларда сазойи қилишдан олдин, юзига қоракуя чапламоқ; IV أَحَمَّ 1) иситмоқ, илитмоқ, қизитмоқ; 2) ҳаммомда ювинтирмоқ; V تَحَمَّمَ 1) чўмилмоқ, ванна қабул қилмоқ; 2) қораймоқ, қора тусга кирмоқ; X اسْتَحَمَّ чўмилмоқ, ванна қабул қилмоқ

– أَحَمُّ *мн.* حَمَّاءُ *кўп.* حُمٌّ қора

– اسْتِحْمَامٌ чўмилиш, ванна

– حَمٌ *қар.* حمو

– حَمٌّ иссиқ, ҳарорат; қаттиқ ҳарорат, саратон, иссиқ ҳаво

– حَمَامٌ *кўп.* حَمَائِمُ *жам.* каптар; الرَّسَائِلِيُّ ~ *ёки* الْمُرْسِلَةُ ~ *ёки* الزَّاجِلِ ~ *ёки* الْبَرِيدِ ~ *қар.* زَاجِلٌ; مُطَوَّقٌ ~ ўрмон ғурраги, тумшуғи узун ғуррак; سَاقُ الْـ~ а) *бот.* сариқ гулли аччиқ ўт; б) *бот.* тизим гул; в) *бот.* хўкизтил (*ўсимлик*)

– حَمَّامٌ *кўп.* اتٌ — ҳаммом; ванна, ваннахона; чўмиладиган жой; الْبَحْرِ ~ денгиз сувида қабул қилинадиган ванна; شَمْسِيٌّ ~ *ёки* الشَّمْسِ ~ қуёш ваннаси; السِّبَاحَةِ ~ чўмилиш бассейни; حَمَّامَاتٌ كِبْرِيتِيَّةٌ олтингугуртли ванна; أَخَذَ ~ا ванна қабул қилмоқ

– حِمَامٌ ўлим, вафот топиш, вафот этиш, ажал, қазо

– حَمَّامْجِيٌّ *кўп.* حَمَّامْجِيَّةٌ *ёки* حَمَّامِيٌّ *кўп.* حَمَّامِيَّةٌ ҳаммомчи, ҳаммомнинг эгаси, хўжайини

– حَمَامَةٌ *кўп.* اتٌ — каптар (*шунингдек:* ذَكَرٌ ~); урғочи каптар, мода каптар (*шунингдек:* أُنْثَى ~); السَّلَامِ ~ тинчлик кабутари

– حُمَمٌ *жам.* 1) кўмир; 2) кул; 3) вулқондан отилиб чиқадиган суюқ чўғ, ер остидаги суюқ чўғ, лава; مِنَ الْقَنَابِلِ ~ бомбалар уюми

– حُمَمَةٌ *д.с.* حُمَمٌ *дан*

– حَمَّةٌ *кўп.* حَمٌّ қайноқ булоқ; فَوَّارَةٌ ~ баъзан фонтан бўлиб отилиб чиқадиган қайнар булоқ, гейзер

– حَمَةٌ *қар.* حمى

– حُمَّةٌ 1) қоралик, қора ранг; 2) иситмадаги ҳарорат, иситма

– حِمَّةٌ *кўп.* حِمَمٌ ўлим, ўлиш, жон бериш, қазо қилиш

– حُمُومٌ чўмилиш, ванна олиш (қабул қилиш)

– حُمَّى *мн. кўп.* حُمَّيَاتٌ иситма; безгак; ҳарорат; التِيفُوسِ ~ *ёки* التِّيفُودِيَّةُ الْـ~ *ёки* الْمُحْرِقَةُ الْـ~ тепкили терлама, тошмали тиф; الْمِعَوِيَّةُ الْـ~ ич терлама; الرَّاجِعَةُ الْـ~ қайталама терлама; الرُّبْعِ ~ ҳар тўрт кунда қайтариладиган безгак; الصَّفْرَاءُ الْـ~ сариқ безгак; الْغِبِّ ~ ҳар уч кунда қайтариладиган безгак; الْفَحْمِيَّةُ الْـ~ *қар.* فَحْمِيٌّ; الْقِرْمِزِيَّةُ الْـ~ *қар.* قِرْمِزِيٌّ; الْقَشِّ ~ қоқшол; безгак; الْـ~ *қар.* الْقَلَاعِيَّةُ; قَلَاعِيٌّ; الْمُتَرَدِّدَةُ الْـ~ кун оралатиб тутадиган безгак; الْمُسْتَنْقَعَاتِ ~ الْمُخِّيَّةُ الشَّوْكِيَّةُ الْـ~ кенг тарқаладиган менингит; тўқай иситмаси (безгаги); الْمَلْطِيَّةُ الْـ~ бруцеллёз, оқсил касаллиги; النِّفَاسِيَّةُ الْـ~ *ёки* النِّفَاسِ ~ туғаётган хотинлардаги иситма; الْوِرْدِ ~ ҳар куни қайталайдиган безгак

– حُمِّيٌّ безгакка оид

– حَمِيمٌ 1 1. қайноқ, иссиқ; 2. 1) иссиқ сув; 2) тер (*бадандан чиқадиган*)

– حَمِيمٌ 2 *кўп.* أَحِمَّاءُ жонажон дўст

– مِحَمٌّ *кўп.* اتٌ — қозон, сув иситгич

– مَحْمُومٌ 1) безгакка оид; 2) безгак касалига мубтало

– مُسْتَحَمَّاتٌ *кўп.* чўмилиш жойлари (*денгиз қирғоғида*)

– يَحْمُومٌ 1) тутун; 2) *алиф.б.қ.*

I حَمَأَ (а) حَمْءٌ тозаламоқ (*канал ёки қудуқни*); حَمِئَ (а) 1) ифлосланмоқ, ифлос бўлмоқ; 2) (*бирор к. дан*) жаҳлланмоқ, ғазабланмоқ, хафа бўлмоқ (عَلَى)

حَمْءٌ эрнинг акаси ёки дадаси

– حَمْأَةٌ лой, балчиқ; *кўч.м.* ботқоқ; غَرِقَ فِي ~ *кўч.м.* (*бирор н. нинг*) ботқоғига ботмоқ

حَمْحَمَ 1 жазирама иссиқ бўлмоқ; الدُّنْيَا ~تِ ҳаво жазирама бўлиб кетди

حَمْحَمَ 2 кишнамоқ حَمْحَمَ = تَحَمْحَمَ

– حَمْحَمَةٌ кишнаш

I حَمِدَ (а) حَمْدٌ 1) мақтамоқ; (*бирор н. учун*) жуда мақтамоқ, мадҳ қилмоқ, мадҳия ўқимоқ (عَلَى); 2) (*бирор к. га*) ҳамд айтмоқ; II حَمَّدَ 1) қаттиқ мақтаб юбормоқ, мақтовини келтирмоқ, кўкка кўтармоқ; 2; اَلْحَمْدُ لِلّٰهِ Оллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин! иборасини талаффуз қилмоқ; IV أَحْمَدَ мақтовга сазовор деб билмоқ

– أَحْمَدُ 1. мақтовга энг сазовор, энг мақтовга арзийдиган; 2. *ат.от, мз.* Аҳмад

– أَحْمَدِيٌّ 1. мусулмонга оид, исломга алоқадор; الشَّرِيعَةُ الْـ~ـةُ дини ислом шариати; 2. мусулмон киши

– حَامِدٌ 1) мақтовчи, мадҳ айтувчи, мадҳ қилувчи; 2) ҳамд айтувчи

– حَمَّادٌ мақтовчи, кўкларга кўтарувчи, ҳамду сано ўқувчи

– حَمْدٌ 1) мақтов, мадҳ, мақташ, шарафлаш, улуғлаш, кўкларга кўтариш; 2) ҳамд, ҳамду сано, миннатдорлик; لِلّٰهِ الْـ~ *ёки* لِلّٰهِ ~ا Оллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин!

– حَمْدَانِيُّونَ: الْـ~ *тар.* ҳамадонийлар

– حَمَّدَةٌ: رَجُلٌ ~ мақтанчоқ одам

– حَمُودٌ 1) мақтовга сазовор, мақташга лойиқ; 2) миннатдор

– حَمِيدٌ 1) мақтовга сазовор, мақтаса арзийдиган; السُّمْعَة ~ обрў-эътиборли, яхши обрўга эга; 2) хатарсиз, хавфли эмас (*касаллик ҳақида*); зиёнсиз (*шиш*)

– مُحَمَّدٌ мақталган, мақтаб юборилган

– مَحْمَدَةٌ *кўп.* مَحَامِدُ яхши хусусият, фазилат, яхши сифат; мақталадиган фазилат, мақтовга сазовор томон; мақталадиган қилиқ, муомала

– مَحْمَدَةٌ мақтов, мадҳ, шараф

– مَحْمُودٌ мақталган, мадҳ этилган; мақтовга сазовор, мақташга арзигулик: السِّيرَة ~ ҳаёт тарзи мақтовга сазовор, мақташга арзийдиган ҳаёт тарзли (*инсон*); السُّمْعَة ~ яхши обрўли, обрўси яхши (*инсон*)

– مَحْمُودَةٌ *бот.* печак, ўт, печак гул, чирмовиқ

– مَحْمُودِيَّةٌ скаммоний (*ич бўшаштирадиган доривор*)

حَمْدَلَ "أَلْحَمْدُ لِلّه" Оллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин!" иборасини талаффуз қилмоқ

– حَمْدَلَةٌ "أَلْحَمْدُ لِلّه" Оллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин!"иборасини талаффуз қилиш

II حَمَّرَ (حمر) 1) қизил рангга бўямоқ; 2) қовурмоқ, куйдирмоқ, қиздирмоқ; V تَحَمَّرَ 1) қизил рангга бўялмоқ; 2) (*лабни*) бўямоқ; 3) қовурилмоқ, куймоқ; IX اِحْمَرَّ қизил тусга кирмоқ, қизармоқ; XI اِحْمَارَّ қизармоқ, қизил тус олмоқ

– أَحْمَرُ *мн.* حَمْرَاءُ *кўп.* حُمْرٌ қизил; الرَّايَةُ الْحَمْرَاءُ қизил байроқ; ~ (دُونَ) تَحْتَ инфрақизил; الْـ~ وَ الأَسْوَدُ а) араблар ва ҳабашлар; б) барча инсонлар; الْـ~ ёки الشِّفَاهِ ~ лабга суртиладиган ёғупа, الْخُدُودِ ~ яноқнинг қизиллиги; ~ مَوْتٌ *қар.* مَوْتٌ;سَنَةٌ حَمْرَاءُ қаттиқ (вазмин, оғир) келган йил; الْـ~انِ *ик.с. маж.* а) гўшт ва нон; б) гўшт ва шароб; в)олтин ва заъфарон

– اِحْمِرَارٌ қизариш; қизиллик

– حَمَّارٌ *кўп.* حَمَّارَةٌ эшак ҳайдовчи, эшакларни ҳайдаб борувчи

– حِمَارٌ *кўп.* حُمُرٌ, حَمِيرٌ эшак; الزَّرَدِ ~ зебра; الْوَحْشِ ~ ёввойи эшак; !~ يَا لَكَ مِنْ сен қанақа эшаксан ўзи!; ◊ خَشَبٍ ~ эшак, чорпоя, остлик, таглик, таг курси, поя

– حِمَارَةٌ *кўп.* حَمَائِرُ урғочи эшак

– حَمَّارَةٌ жазирама иссиқ; الْقَيْظِ ~ ёзнинг энг иссиқ пайти

– حُمَرٌ қизил лойтупроқ

– حُمَرٌ битум, асфальт; тоғ смоласи (елими)

– حُمْرَاءُ занг касали, хина касали (*бошоқли ўсимликларда*); ◊ الْـ~ а) Алҳамбра (*Гранададаги сарой номи*); б) Месопотамия

– حَمْرَاوِيٌّ *зоол.* ботқалдоқ, баликчи ўрдак

– حُمْرَةٌ 1) қизиллик; юзнинг қизили; 2) қисил ранг, тус; 3) қизил ёғупа; قَلَمٍ ~ лабга суртиладиган қизил ёғупа; 4) пишиқ ғишт кукуни; 5) *мед.* сарамас касаллиги; الْخَنَازِيرِ ~ *мед.* тепки (*қулоқости безларининг яллиғланиши*)

– حُمَيْرَاءُ *мед.* қизамиқ, қизилча (*болалар касаллиги*)

– حُمَيْرَةٌ *мед.* қизилча; қизамиқ

– مُحَمَّرٌ қовурилган, қовуриб қиздирилган

– يَحْمُورٌ 1) гемоглобин; 2) ёввойи эшак

حَمْرَقَ 1) (*бирор к. нинг*) умид-орзуларини йўққа чиқармоқ; 2) (*бирор н. да*) иштирок этишдан бош тортмоқ; сўзидан (*фикридан*) қайтмоқ, айнимоқ; 3; ёпишиб олмоқ, осилиб олмоқ, чатоқ чиқармоқ, инжиқлик қилмоқ

– حَمْرَقَةٌ 1) орзу-умидларни йўққа чиқариш; (*бирор н. да*) иштирок этишдан бош тортиш

I حَمَزَ (и)حَمْزٌ (*тилни*) ачиштирмоқ, ловуллатмоқ; حَمُزَ (у) حَمَازَةٌ куч-қувватга тўлмоқ, кучли бўлиб кетмоқ

– حَامِزٌ 1) нордон, аччиқ таъмли; 2) = حَمِيزٌ

– حَمِيزٌ : الْفُؤَادِ ~ қувноқ, хушчақчақ, ёқимтой

I حَمَسَ (у) حَمْسٌ қовурмоқ, қовуриб қизартирмоқ; حَمِسَ (у) حَمَاسَةٌ жасур бўлмоқ, жасоратли (*мард*) бўлмоқ, жасорат кўрсатмоқ; руҳланмоқ, ғайратланмоқ, жонланмох, илҳом олмоқ; حَمِسَ (а) حَمَسٌ = حَمُسَ; II حَمَّسَ 1) руҳлантирмоқ, ғайратлантирмоқ, жонлантирмоқ, илҳом бермоқ; 2; жуда қовуриб юбормоқ; V تَحَمَّسَ 1) руҳланмоқ, ғайратланмоқ, жонланмоқ, илҳомланмоқ; 2) ҳаяжонланмоқ, изтиробга тушмоқ, ҳовлиқмоқ; X اِسْتَحْمَسَ (*бирор н. га*) қизиқтирмоқ, ҳавасини келтирмоқ (عَلَى)

– أَحْمَسُ *мн.* حَمْسَاءُ *кўп.* حُمْسٌ 1) ғайратли, тиришқоқ, серҳафсала; сабот-матонатли, сўзини ўтказадиган; ғайрат-шижоатга тўла, ташаббускор

– تَحَمُّسٌ 1) руҳланиш, ғайратланиш; илҳомланиш, ғайрат-шижоат; 2) тиришқоқлик, ғайрат, ҳафсала; сабот-матонат

– حَمَاسٌ ғайрат, ғайрат-шижоат, завқ-шавқ, сурур; وَ دَبَّ الْـ~ بَيْنَهُمْ улар ғайратга тўлиб-тошиб кетдилар

– حَمَاسَةٌ 1) мардлик, жасурлик, жасорат; 2) ғайрат, ғайрат-шижоат, بِـ~ ғайрат билан, ғайрат-шижоат билан. الْـ~ Ҳамоса (*машҳур шеърлар тўпламининг номи*)

– حَمَاسِيٌّ оташин, астойдил, ғайрат-шижоатга тўла; завқ-шавқли, сурурли

– حَمِسٌ 1) ғайрат-шижоатга тўла; 2) ғайратли, тиришқоқ, серҳафсала

– مُتَحَمِّسٌ 1) ғайрати тўлиб-тошиб кетган; 2) ҳаяжонда қолган, изтробда қолган, ҳовлиққан

I حَمَشَ (у) حَمْشٌ хафа қилмоқ, жаҳлини чиқармоқ, қўзғатмоқ, безовта қилмоқ; таъсир қилмоқ, ҳаяжонлантирмоқ, асабийлаштирмоқ

– حَمِشٌ жаҳли чиққан, безовта; ҳаяжонланган, асабийлашган

II حَمَّصَ (حمص) қовурмоқ, қовуриб қизартирмоқ; пиширмоқ, ёпмоқ; ~ الْبُنَّ қаҳвани қовурмоқ; V تَحَمَّصَ қовурилмоқ, қовурилиб қизармоқ

– تَحْمِيصٌ 1) қовуриш, қовуриб қизартириш; 2) қизитиш, илитиш; الــ~ عَنْبَرُ тех. иситиш, қизитиш камераси

– حَمَّاصَةٌ кўп. ~َاتٌ — қовуриш учун тайёрланган мослама; ~ الْخُبْزِ тостер (қарсиллама нон тайёрланадиган мослама)

– حِمَّصٌ، حُمُّصٌ жам. турк (Миср) нўхоти

– حِمَّصَانِيٌّ - кўп. حِمَّصَانِيَّةٌ нўхотфуруш

– حُمُّصَةٌ кўп. ~َاتٌ — бир дона нўхот; анат. лиқилдоқ

– مِحْمَصَةٌ това, сковородка (қаҳва, нўхат ва ш. к. ларни қовуриш учун)

I حَمُضَ (у) حُمُوضَةٌ нордон бўлмоқ, кислотали бўлмоқ; II حَمَّضَ (бирор н. ни) нордон қилмоқ; кислотали қилмоқ; 2) кимё. оксидламоқ; кислота билан ишлов бермоқ, кислота билан заҳарламоқ; фото. плёнкани дорига солиб сувратини чиқармоқ, кўринадиган қилмоқ; 3) ачимоқ, ачиб қолмоқ (сут ҳақида)

– حَامِضٌ кўп. حَوَامِضُ 1. нордон, ачиган, кислотали; 2) 1) кимё. кислота; ~ الْبَوْلِ ёки ~ بَوْلِيٌّ ёки ~ الْبُولِيكِ сийдик кислотаси; ~ الْفِنِّيكِ карбол кислота; ~ كَاوٍ кумуш нитрати; ~ الْكِبْرِيتِ ёки ~ الْكِبْرِيتِيكِ сульфат кислотаси; ~ اللَّبَنِيكِ сут кислотаси; ~ النِّيتْرِيكِ азот кислотаси; 2) лимон

– حُمَّاضٌ бот. шавель

– حَمْضٌ кўп. أَحْمَاضٌ، حُمُوضٌ кимё. кислота; ~ الْأَزُوتِ ёки ~ الــ الْأَزُوتِيكُ азот кислотаси; ~ السِّلْفُورِ ёки ~ السِّلْفُورِيكِ сульфат кислотаси; ~ الْكِلُورِ қар. كِلُورٌ، ~ النَّمْلِ чумоли кислотаси; الْأَحْمَاضُ الْأَمِينِيَّةُ аминокислоталар

– حَمْضِيَّاتٌ кўп. цитрус мевалар

– حُمُوضَةٌ 1) кислота, нордон таъм; 2) кислота миқдори

– حُمَّاضٌ = حُمَيْضٌ

– مُحَمَّضٌ 1) нордон; 2) кимё. оксидланган

حَمَاطٌ (ўсимлик номи) ҳамот

– حَمَاطَةٌ томоқ (бўғиз) даги оғриқ

– حِمْطَاطٌ ўсимликлар ичида юрадиган устида нақши бор қурт

I حَمُقَ (у) حَمَاقَةٌ 1) аҳмоқ бўлмоқ, тентак бўлмоқ; 2) жаҳли чиқмоқ; II حَمَّقَ 1) аҳмоқ (тентак) деб ҳисобламоқ; 2) аҳмоқ деб атамоқ; 3) аҳмоқ қилмоқ, лақиллатмоқ, майна қилмоқ; IV أَحْمَقَ = II; VI تَحَامَقَ ўзини гўлликка солмоқ; VII انْحَمَقَ жаҳли чиқмоқ; қаттиқ ғазабланмоқ; X اسْتَحْمَقَ аҳмоқ (тентак) деб ҳисобламоқ

– أَحْمَقُ мн. حَمْقَاءُ кўп. حُمْقٌ، حَمْقَى 1. аҳмоқ, тентак; жаҳлдор, сержаҳл, баджаҳл; 2. аҳмоқ одам; ◊ بَقْلَةُ الْحَمْقَاءِ ёки الْبَقْلَةُ الْحَمْقَاءُ бот. қуёнқулоқ, семизўт, гулбеор

– حُمَاقٌ мед. сувчечак

– حَمَاقَةٌ 1) ҳамоқат, аҳмоқлик; ~ هَذِهِ لَيْسَ بَعْدَهَا бу ўтакетган аҳмоқликдир; ~ هَذِهِ دُونَهَا كُلُّ ~ қар. دُونَ: ... أَنَّ ~ مِنَ الــ шу нарса тентакликки, ; 2) ножўя қилиқ; ~ ارْتَكَبَ аҳмоқлик, тентаклик қилмоқ; 3) ғазаб, жаҳл

– حُمْقٌ 1) аҳмоқлик, тентаклик; 2) ғазаб, жаҳл

– حَمْقَانُ жаҳл чиққан; ғазабли; аччиқланган, асабийлашган, қони қайнаган, дарғазаб

– حَمَقِيٌّ серзарда, жиртаки, жиззаки

– مَحْمُوقٌ жаҳли чиққан; ғазабланган

I حَمَلَ (у) حَمْلٌ 1) олиб бормоқ, кўтариб олиб бормоқ, ташимоқ, элтмоқ; кўчирмоқ, ўтказмоқ; 2) олмоқ, кўтармоқ (юкни); (бирор н. ни) олиб ташламоқ, олиб қўймоқ, чиқариб олмоқ (عَنْ); ушлаб турмоқ, кўтариб турмоқ, тутиб турмоқ; 3) (бирор ҳиссиётга) эга бўлмоқ; ~ الْحِقْدَ لِـ... ёмон кўрмоқ, (бирор к. дан) нафратланмоқ; ~ فِكْرَةً طَيِّبَةً (бирор к. га нисбатан) яхши фикрда бўлмоқ (عَنْ); 4) ...да бор бўлмоқ, эга бўлмоқ; ~ الْمَقَالُ تَوْقِيعَهُ унинг имзоси бор бўлган мақола (сўзма-сўз: мақола унинг имзосига эга); ~ أَمْرَاضًا مُعْدِيَةً юқумли касалликларни тарқатмоқ, юқтирмоқ; ~ اسْمًا لَامِعًا ажойиб обрў-эътиборга эга бўлмоқ; ~ مُؤَهَّلًا аттестат соҳиби бўлмоқ; 5) сафарбар қилмоқ, оёққа турғизмоқ; (бирор н. га) қайрамоқ, ундамоқ, рағбатлантирмоқ, истак туғдирмоқ, қизиқтирмоқ, қўзғатмоқ (عَلَى); 6) (бирор н. га) ташланмоқ, ҳужум қилмоқ, атака қилмоқ (عَلَى); ~ عَلَيْهِ حَمْلَةً شَعْوَاءَ (бирор к. га қарши) кампания олиб бормоқ (عَلَى); бирор кимга қарши шиддатли атака олиб бормоқ; 7) ҳосил бермоқ (дарахт); 8) (бирор к. дан) ҳомиладор бўлмоқ (مِنْ); 9) (бирор н. ни бирор к. га) тааллуқли, мансуб деб ҳисобламоқ (عَلَى); ◊ ~ـهُ مَحْمَلَ حُسْنِ النِّيَّةِ бирор нимага хайрихоҳлик билан қарамоқ; II حَمَّلَ 1) олиб бордирмоқ, кўтартирмоқ, оғир иш юклаб қийнамоқ, оғир юк юкламоқ; юк ортмоқ, юкламоқ (кемага); юкламоқ (масъулият); ~ الْمَسْؤُولِيَّةَ бирор кимга масъулият юкламоқ; ◊ ~ـهُ الْخَسَائِرَ الْفَادِحَةَ унга жуда катта талофат етказмоқ; IV أَحْمَلَ кўтаришда ёрдам бермоқ, кўтаришмоқ; V تَحَمَّلَ 1) ўз устига юкламоқ; 2) ўз гарданига олмоқ (масъулиятни, сарф-харажатни); ~ الْمَسْؤُولِيَّةَ (бирор масалада) масъулиятни ўз елкасига олмоқ (عَنْ); 3) сабр, қилмоқ, бардош қилмоқ, чидамоқ, тоқат қилмоқ, сабр қилмоқ.. 4) узоқ вақт кийилмоқ (кийим); 5)жўнамоқ, жўнаб кетмоқ; IV تَحَامَلَ 1) (бирор н. ни) ўз оғирлиги билан босмоқ (عَلَى) 2) (бирор к. га) ҳужум қилмоқ (عَلَى); (бирор к. ни) таъқиб қилмоқ (عَلَى); 3) (бирор

к. га) нафрат, ғазаб кўзи билан қарамоқ (عَلَى) 4) хорламоқ, пастга урмоқ; 5) *(бирор н. да)* чўрткесар бўлмоқ (فِي); 6) *(бирор н. да)* қаттиқ турмоқ, сўзини ўтказмоқ (فِي) 7) *(бирор н. ни)* зўрға-зўрға бажармоқ, аранг амалга оширмоқ; оёқда зўрға турмоқ; صَارَ قَادِرًا أَنْ يَتَحَامَلَ عَلَى نَفْسِهِ بَعْدَ الْمَرَضِ касалликдан тузалгач, у ўзи оёқда тура оладиган бўлиб қолди; يَتَحَامَلُ عَلَى عُكَازَيْنِ у қўлтиқтаёқда аранг ҳаракат қилади; VII اِنْحَمَلَ кўтара оладиган бўлмоқ, таший оладиган бўлмоқ; VIII اِحْتَمَلَ 1) ўз зиммасига олмоқ, гарданига олмоқ; 2) чидамоқ, тоқат қилмоқ, бардош бермоқ; لَا يُحْتَمَلُ бардош қилиб бўлмайдиган, чидаб бўлмайдиган; لَا يَحْتَمِلُ هَذَا لَا يَحْتَمِلُ هَذَا شَكًّا تَأْوِيلَيْنِ буни икки хил тушунтириш мумкин эмас; бу ҳеч қандай шак-шубҳа туғдирмайди; 3) *шунингдек.* мажҳул нисбатда ҳам; мумкин бўлмоқ, эҳтимол, бор бўлмоқ; 4) узоқ вақт кийилмоқ *(кийим)*; X اِسْتَحْمَلَ 1) чидамоқ, бардош бермоқ, маҳкам турмоқ, тоқат қилмоқ; 2) узоқ вақт кийилмоқ *(кийим)*

– اِحْتِمَالٌ 1) чидаш, тоқат қилиш, бардош бериш; 2) *шунингдек.* قُوَّةُ الـ~ сабр-тоқат, чидам; شَدِيدُ الـ~ жуда бардошли, ғоят сабр-тоқатли; 3) эҳтимоллик, имконият; الْوُقُوعِ ~ содир бўлиш эҳтимоли бор; قَلِيلُ الـ~ эҳтимолдан узоқ, унча ишониб бўлмайдиган, д аргумон; نَظَرِيَّةُ الـ~ *мат.* эҳтимоллик назарияси; 4) чидамлилик, пишиқлик, мустаҳкамлик *(кийим ҳақида)*

– تَحَامُلٌ чидаб бўлмаслик, тоқат қилиб бўлмаслик, нотўғри тушунча, хато фикр, адолатсизлик билан қараш, ғаразгўйлик

– تَحَمُّلٌ 1) ўз зиммасига олиш, гарданига олиш *(бирор масъулиятни)*; 2) *(ғам)* чекиш, тортиш; 3) бардошлилик, сабр-тоқатлилик; 4) чидамлилик, пишиқлик, мустаҳкамлик *(кийим ҳақида)*

– تَحْمِيلٌ 1) оғир иш юклаб қийнаш, юк юклаш, машаққатга қўйиш *(бирор н. ни)*, гарданига юклаш, елкасига қўйиш; 2) юклаш, юкларни жойлаш; وَتَفْرِيغُ الْبَضَائِعِ ~ товарларни юклаш ва тушириш; ◊ ~ـةُ الْمَهْبِلِ *мед.* бачадон йўли

– حَامِلٌ[1] *кўп.* حَمَلَةٌ 1. 1) кўтариб борувчи, элтувчи, ташувчи; 2) молик; ...и (...си) бор, ...нинг эгаси, ...нинг соҳиби; حَمَلَةُ الْأَقْلَامِ *маж.* қалам аҳли (соҳиби), ёзувчилар; 2. 1) ташувчи одам, қимматли қоғозга эга бўлган киши; الْمَلَارِيَا ~ الْبَعُوضُ чивинлар безгак тарқатувчилардир; 2) тақдим қилувчи; هَذِهِ الْوَرَقَةِ ~ ушбу варақани тақдим этувчи; 3) учоёқ, сепоя *(рассомчиликда ишлатиладиган уч оёқли дастгоҳ)*; таглик, поя, тиргак; 4) кронштейн; 5) *бот.* гулўрин

– حَامِلٌ[2] *кўп.* حَوَامِلُ، حَامِلَاتٌ ҳомиладор, иккиқат; مَرْأَةٌ ~ ҳомиладор аёл

– حَامِلَةٌ *кўп.* ~َاتٌ 1) ташувчи, элтувчи, кўтарувчи; الطَّائِرَاتِ ~ самолётлар ташувчи катта кема, авианосец; 2) ҳомиладор, иккиқат

– حَامُولٌ ҳомил *(ёсмиқ ўсимлиги касаллиги)*; الْكَتَّانِ ~ *бот.* печак

– حُمْلٌ *кўп.* حُمُلٌ тўлов, ҳақ, бадал; жарима, штраф

– حَمَّالٌ ҳаммол, юккаш, юк ташувчи

– حِمَالٌ = حِمَالَةٌ

– حِمَالَةٌ[1] 1 ҳаммоллик касби

– حَمَّالَةٌ[2] *кўп.* 2 حَمَائِلُ 1) тасма, қайиш; портупея *(қилич ёки дала сумкасининг қайиши)*; 2) подтяжка *(икки елкадан тортиб қўйилган тасма)*; 3) тумор; حَمَائِلُ وَتَمَائِمُ туморлар

– حَمَّالَةٌ *кўп.* ~َاتٌ 1) замбил, носилка; 2) подтяжка *(бундан олдинги мақола;* لِلصَّدْرِ ~ сийнабанд, бюстгальтер; 3) таглик, тиргак, поя; кўприк устуни ёки тиргаги

– حَمْلٌ 1) ташиш, элтиш кўтариш; الْأَثْقَالِ ~ *спорт.* оғир атлетика; тош кўтариш; 2) ҳомиладор бўлиш, бўйида бўлиш; ҳомиладорлик; فِي دَوْرِ الـ~ ҳомиладорлик даврида; 4) ҳамл *(200 кг. га* أُقَّةٌ *ёки 249,6 кг. га тенг оғирлик ўлчови)*

– حَمَلٌ *кўп.* حُمْلَانٌ қўзичоқ; بُرْجُ الـ~ *астр.* Ҳамал буржи

– حِمْلٌ *кўп.* أَحْمَالٌ юк, вазмин, оғир юк, оғирлик; الْبَعِيرِ ~ туя кўтара оладиган энг оғир юк

– حَمْلَةٌ *кўп.* حَمَلَاتٌ 1) ҳамла, ҳужум, атака; شَعْوَاءُ ~ шиддатли ҳамла; 2) юриш, сафар, поход, экспедиция; кампания; انْتِخَابِيَّةٌ ~ сайлов кампанияси; عَسْكَرِيَّةٌ ~ ҳарбий экспедиция, ҳарбий юриш; 3) ҳамла *(60* أُقَّةٌ *ёки 74,88 кг га тенг бўлган оғирлик ўлчови)*

– حَمَلِيٌّ *кўп.* حَمَلِيَّةٌ сувфуруш, сув сотувчи *(бозорда)*

– حَمُولٌ[1] 1 бардошли, сабр-тоқатли, чидамли

– حَمُولٌ[2] сув билан оқиб келадиган оқинди; чўкинди, ўтринди *(шамол, сув ёки муз олиб келиб ҳосил қилган чўкинди жинслар қатлами)*

– حُمُولٌ тепасига тахтиравон юкланган, ўрнатилган туя

– حَمُولَةٌ юк ташийдиган ҳайвон *(туя, эшак ва ҳ.к.)*

– حُمُولَةٌ 1) юк, вазмин нарса, туя кўтариши мумкин бўлган оғирлик; 2) сиғим, сиғдира олишлик, юк кўтариш имконияти; кеманинг ҳажми; 3) юк кўтара олиш қуввати

– حَمِيلٌ 1. олиб бориладиган, кўтариб бориладиган; 2. пушт, ҳомила, она қорнидаги бола; қориндаги ҳомила

– حَمِيلَةٌ[1] 1 *кўп.* حَمَائِلُ 1) портупея *(қар.* حَمَّالَةٌ[2]); 2) *(бирор к. учун)* ортиқча юк (عَلَى); боқинди, нонхўр, бировнинг қарамоғида бўлган одам; *(бирор к. нинг)* қўлига қараган, измида бўлган шахс; كَانَ ~ عَلَى ... ...нинг қўлига қараб қолмоқ, ...нинг измида бўлмоқ

– حَمِيلَةٌ[2] *кўп.* حَمَائِلُ уруғ (қабила) жамоаси

– مُحْتَمَلٌ эҳтимоли бор; مِنَ الـ~ أَنْ ... эҳтимолки, ...; ...ш (...иш) эҳтимоли бор; مِنْ غَيْرِ الـ~ أَنْ ... мумкин эмишки, ...; ...ши (...иши) мумкин эмас

– مَحْمَلٌ، مِحْمَلٌ[1] *кўп.* مَحَامِلُ замбил, носилка, тахтиравон;

الـ~ الشَّرِيفُ маҳмали шариф (*Каъбатуллога каъбапўш ва б. ҳадялар билан тайёрланган тахтиравон*)

– مَحْمَلٌ[2] сифат; لَمْ آخُذْ شَكْوَاهُ عَلَى ~ الْجِدِّ (أَحْمِلْ) мен унинг шикоятига жиддий сифат деб қарамадим; حَمَلَهُ ~ الدَّعَابَةِ уни ҳазилсифат деб билмоқ; 2) баҳона, важ, сабаб; 3) асос, база; ~ كُرَيَّاتٍ шарикли подшипник

مُحَمَّلٌ- оғир юк юкланган; (*бирор н. нинг*) машаққати остида қолган, қийноғида қолган (بِ)

– مِحْمَلٌ қилич илиб қўйиладиган илгак

– مَحْمُولٌ *кўп.* ـاتٌ 1. 1) олиб бориладиган, кўтариб бориладиган, ташиладиган; 2)моторлаштирилган; 2. 1) юк, оғир нарса; 2) сиғим, сиғдира олишлик; юк кўтариш имконияти; 4) *мант.* муҳокама предметини (*субъектини*) аниқловчи мантиқий тушунча; ~ عَلَيْهِ субъект

حِمْلَاجٌ *кўп.* حَمَالِيجُ темирчилик босқони (*оловга дам бериб, уни кучайтирадиган мослама*); кавшарлашда, қалайлашда ишлатиладиган асбоб (трубка); труба (қувур) оғзига ўрнатиладиган конуссимон найча

حَمْلَقَ 1) бақрайиб қарамоқ, кўзини чақчайтириб қарамоқ; (*бирор н. га*) ҳайрон бўлиб қарамоқ (بِ، فِي), кўзини катта очмоқ; 2) *кўч. м.* анқайиб, безрайиб қараб турмоқ

– حِمْلَاقٌ *кўп.* حَمَالِيقُ кўз қовоғининг ички томони; *анат.* кўз жилди

– حَمْلَقَةٌ ҳайрон бўлиб ташланган назар (қараш)

– حَمْوٌ، حَمٌ[1] *кўп.* أَحْمَاءٌ қайнота, амаки; божа; حَمُوهُ (*бирор к.*) унинг қайнотаси; حَمِيهِ *қар. к.* унинг қайнотасининг; حَمَاهُ *туш. к.* унинг қайнотасини

– حَمَاةٌ *кўп.* حَمَوَاتٌ қайнона

– حَمَاوَةٌ 1) иссиқлик, ҳарорат; 2) ўткирлик (*тамаки ҳақида*)

– حَمْوٌ[2] иссиқ ҳарорат, жазирама иссиқ; ◊ ~ النِّيلِ *мед.* темиратки

– حُمُوَّةٌ чўғ, лахча чўғ, аланга

I حَمَى (حمى) (*u*) حِمَايَةٌ 1) ҳимоя қилмоқ, мудофаа қилмоқ, қўриқламоқ, асрамоқ; حَمَاهُ اللهُ مِنْ شَرِّ الْأَعْيُنِ! уни ёмон кўзлардан Оллоҳ асрасин!; 2) ёқламоқ, ҳомий бўлмоқ, қаноти остида сақламоқ; 3)парҳез қилдирмоқ, парҳез буюрмоқ; حَمِيَ (*a*) حُمُوٌّ 1) қизимоқ, исимоқ, иссиқ бўлмоқ, чўғ бўлмоқ, кескинлашмоқ, жиддий тус олмоқ; авжига чиқмоқ; ~تِ الْمَعْرَكَةُ жанг авжига чиқди; ~ وَطِيسٌ *қар.* الْوَطِيسُ; 2) (*бирор к. га нисбатан*) ғазаби тошмоқ (عَلَى); II حَمَّى 1) қизитмоқ, иситмоқ; кескинлатмоқ; 2) ювмоқ, чўмилтирмоқ; III حَامَى (*бирор к. ни*) ҳимоя қилмоқ, мудофаа қилмоқ, тарафини олмоқ (عَنْ); (*бирор к. ни*) қўллаб-қувватламоқ (عَنْ); IV أَحْمَى иситмоқ, илитмоқ, қизитмоқ, кескинлаштирмоқ; ~ الْمَكَانَ жойни дахлсиз қилмоқ; V تَحَمَّى парҳез қилмоқ, парҳезда бўлмоқ; VI تَحَامَى ўзини ҳимоя қилмоқ, ўзини эҳтиёт қилмоқ, ўзини четга тортмоқ, сақланмоқ; VIII احْتَمَى 1) ўзини ҳимоя қилмоқ; пана бўлмоқ, тўсилмоқ; яширинмоқ, ўзини панага олмоқ (فِي); 2) ҳимоя қилдирмоқ; (*бирор к. нинг*) паноҳига сиғинмоқ, ҳимоя талаб қилмоқ (مِنْ); 3) парҳез қилмоқ, парҳезда бўлмоқ

– إِحْمَاءٌ иситиш, қизитиш, илитиш, кескинлаштириш

– تَحَامٍ ўз-ўзини ҳимоя қилиш; ...تَحَامِيًا لِـ ...га йўл қўймаслик учун, ...нинг олдини олиш учун

– حَامٍ[1] *мн.* حَامِيَةٌ 1. 1) ҳимоя (мудофаа) қилувчи, ҳимоя қиладиган, ёқлайдиган; ҳомийлик кўрсатувчи, енгиллик туғдирадиган; ضَرِيبَةٌ حَامِيَةٌ енгиллик қилишни кўзлаб белгиланган бож; 2) иссиқ, қайноқ; حَامِي الْوَطِيسِ кучли, шиддатли, қизғин, қайноқ (*тортишув ҳақида*); حَامِي الطَّبْعِ сержаҳл, аччиғи тез, жиззаки, тажанг; 3) аччиқ, нордон (*овқат*); аччиқ, ўткир (*тамаки*); ◊ بِالْحَامِي وَ بِالْبَارِدِ ҳам эркалаб, ҳам дўқ-пўписа билан (*сўзма-сўз:* ҳам иссиқ билан, ҳам совуқ билан); 2. *кўп.* حُمَاةٌ ҳомий, ҳимоячи; حَامِي الْمَرْمَى *спорт.* дорвозабон; حَامِي الْمَعَارِفِ маърифат учун курашувчи

– حَامٍ[2] туянинг эркаги

– حَامِيَةٌ *кўп.* ـاتٌ — гарнизон; пикет (*кичкина соқчилар отряди*)

– حِمَايَةٌ 1. ҳимоя қилинувчи, ҳимоя остидаги; 2. 1) ҳимоя, мудофаа; қўриқлаш, пойлаш, ҳомийлик қилиш; ~ نَفْسِهِ ўз-ўзини ҳимоя қилиш, ўз-ўзини мудофаа қилиш; ~ الْأُمُومَةِ оналикни муҳофаза қилиш; الـ~ الْجُمْرُكِيَّةُ енгиллик қилишни кўзлаб белгиланган божлар; ~ حَقِّ الْمُؤَلِّفِ муаллифлик ҳуқуқи муҳофазаси; 2) ҳомийлик

– حُمَةٌ 1) найза, ниш (*чақадиган ҳашоратларда*); 2) заҳар

– حُمًّى *қар.* حمّ

– حِمًى дахлсиз нарса; заповедник

– حَمِيٌّ таъқиқланган, ман этилган, дахлсиз; эришиб бўлмайдиган, етишиб бўлмайдиган, ёнига йўлатмайдиган.

– حُمَيًّا 1) ғайрат, куч-қувват, интилиш; 2) шиддат

– حِمْيَةٌ парҳез

– حَمِيَّةٌ 1) ўт, олов, чўғ, ҳарорат, жиззакилик, жиртакилик, шиддат; 2) интилиш, тиришиш, энтузиазм; 3) димоғдорлик, такаббурлик, кеккайиш, гердайиш; нафрат, жирканиш

– مُحَامٍ *мн.* مُحَامِيَةٌ 1. ҳимоя қилувчи, мудофаа қилувчи; 2. ҳимоячи, адвокат, оқловчи

– مُحَامَاةٌ ҳимоя, ҳимоя қилиш, адвокатлик фаолияти, адвокатура

– مُحْتَمًى бошпана

– مَحْمِيٌّ 1. ҳимоя остига олинган, қўриқланадиган, пойланадиган; 2. ҳимояга олинган шахс, бировнинг қаноти остидаги одам

– مَحْمِيَّةٌ *кўп.* اتٌ — ҳомийлик, ҳимоя

حِمْيَرُ *тар.* Ҳимяр

– حِمْيَرِيٌّ ҳимярий, ҳимярга оид; الـ~ـــة ҳимяр тили; الفَهْمُ

الـ~ *маж.* тушунмаслик

I. حَنَّ[1] (*а, и*) حَنِينٌ 1) (*бирор н. ни*) жуда қаттиқ тусамоқ, (*бирор н. га*) интилмоқ (إِلَى); (*бирор н. ни*) соғинмоқ, (*бирор н. га*) муштоқ бўлмоқ (إِلَى); 2) ғамгин, мунгли овоз бермоқ (*чиқармоқ*); حَنَّ[2] (*а/и*) حَنَانٌ аямоқ, раҳм қилмоқ, раҳми келмоқ; (*бирор н. га*) ғамхўрлик, меҳрибонлик қилмоқ (عَلَى); II حَنَّنَ 1) гулламоқ (*дарахт*); 2) (*бирор к. га нисбатан*) раҳмини келтирмоқ (عَلَى); ◊ اللهُ يُحَنِّنُ عَلَيْكَ! сенга Оллоҳнинг раҳми келсин!; V تَحَنَّنَ раҳм қилмоқ, раҳми келмоқ, (*бирор к. га*) юраги ачишмоқ, ичи ачишмоқ (عَلَى)

– تَحْنَانٌ соғинч, муштоқлик

– تَحَنُّنٌ меҳрибонлик, раҳм-шафқат, ачиниш; فِي ~ раҳм-шафқат билан

– حِنٌّ *зоол.* тоғчумчуқ

– حَنَّاءٌ = حِنَّاءٌ *қар.* حنا

– حَنَانٌ раҳм-шафқат, меҳр, меҳрибонлик; ачиниш

– حَنَّانٌ меҳрибон, раҳмдил, раҳм-шафқатли

– حَنَّةٌ раҳм-шафқат, шафқат қилиш, ачиниш; ~ الرَّجُلِ эркакнинг хотини

– حِنَّةٌ *қар.* حَنَّا

– حَنُونٌ раҳм-шафқатли, меҳрибон; 2) ачинарли, кишининг раҳмини келтирадиган; 3) шафқатли, ёқимли; ◊ الأُمُّ الـ~ـــة мия қобиғи

– حَنِينٌ 1) муштоқлик, жўшқин иштиёқ; 2) соғинч, меҳр-шафқат; 3) фиғон, нола, оҳ тортиш.

– حُنَيْنٌ *am. om, мз.* Ҳунайн; ◊ رَجَعَ (عَادَ) بِخُفَّيْ ~ у қуп-қуруқ қайтиб келди (*сўзма-сўз:* у Ҳунайннинг туфлиси билан қайтиб келди)

– حَنِيَّةٌ меҳрибонлик, раҳм-шафқатлилик

حَنَّا *am. om, мн.* Ҳанно

(حنأ) II حَنَّأَ (*хина қўймоқ, хина билан бўямоқ*

– حِنَّاءٌ *жам.* حَنَّانٌ, حُنْآنٌ *бот.* хина; تَمْرُ ~ *хинанинг очилган гуллари;* ~ تَمْرُ إِفْرَنْكِيَّة *бот.* саёқгул; لَيْلَةُ الحِنَّاءِ (الحِنَّة) бўлажак келиннинг тўй олдидан соч ва тирноқларини бўяш муносабати билан бериладиган базми; ◊ أَبُو الـ~ *зоол.* тоғчумчуқ

– حِنَّاءَةٌ *кўп.* اتٌ — хина ўсимлиги

– حَنِيَّةٌ ёй, камон (*курол*)

حَنْبَلِيٌّ *кўп.* حَنَابِلَةٌ 1. ислом шариати кўрсатмаларига қаттиқ амал қилувчи одам; 2. *дин.* ҳанбалий (*имом ибн Ҳанбал мазҳабига мансуб*)

الـ~: حَنْبَلِيَّةٌ ислом шариатига имом ибн Ҳанбал таълимотига биноан амал қилиш, ҳанбалийлик

– حَنْبِيطٌ *кўп.* حَنَابِيطُ шавел (*кўкат - Сурияда*)

حَانُوتٌ *алиф. б. қар.*

– حَانُوتِيٌّ *алиф. б. қар.*

حَنْتَمٌ кўза

I حَنِثَ (*а*) حِنْثٌ хиёнаткор бўлмоқ, аҳдни бузмоқ; (*бирор н. га*) хилоф иш қилмоқ (فى, ب); فِي يَمِينِهِ ~ қасамини бузмоқ; ~ بِالوَعْدِ ваъдани бузмоқ; IV أَحْنَثَ: فِي اليَمِينِ ~ қасамдан қайтишга ундамоқ; V تَحَنَّثَ тақводорлик қилмоқ, художўйлик қилмоқ

– حَانِثٌ қасамни бузувчи, онтидан қайтган, хоин

– حِنْثٌ *кўп.* أَحْنَاثٌ 1) қасамни бузиш, онтдан қайтиш; 2) гуноҳ; بَلَغَ الـ~ итоат этмай қуймоқ, бўйсунмай қўймоқ

حَنْجَرَةٌ *кўп.* حَنَاجِرُ бўғиз, томоқ; طَبِيبُ الـ~ қулоқ, бурун, томоқ врачи, отоларинголог; الْتِهَابُ الـ~ *мед.* ларингит, томоқ яллиғланиши; مِنْظَارُ الـ~ *мед.* ларингоскоп (*томоқ ва ҳалқумни кўрадиган асбоб*)

– حَنْجَرِيٌّ томоққа, бўғизга оид

– حُنْجُورٌ *кўп.* حَنَاجِيرُ = حَنْجَرَةٌ

حَنْجَلَ тисарилиб орқа оёққа турмоқ (*от ҳақида*); гижингламоқ (*от ҳақида*); تَحَنْجَلَ сакрамоқ, сапчимоқ, ирғиб турмоқ, ўйноқламоқ, гижингламоқ (*от ҳақида*)

– حَنْجَلٌ *кўп.* حَنَاجِلُ денгиз қисқичбақаси, краб

– حَنْجَلَةٌ тисарилиб орқа оёқда туриш (*от ҳақида*), ўйноқлаш, сапчиш, гижинглаш (*от ҳақида*)

حِنْدِسٌ *кўп.* حَنَادِسُ қоронғулик, зулмат, зим-зиёлик, тим қоронғулик, тим қоронғу кеча

حَنْدَقُوقٌ, حَنْدَقُوقَى *бот.* 1) беда; 2) муаттар ҳидли ёввойи ўт

حَنْدَوِيلٌ *жам.* зоғора (*маккажўхори*) унидан тайёрланган бўлка нон

– حَنْدَوِيلَةٌ *кўп.* اتٌ — зоғора нон

I حَنَذَ (*и*) حَنْذٌ, تَحْنَاذٌ оловда куйдириб пиширмоқ (*гўштни*)

– حَنِيذٌ куйдириб пиширилган; لَحْمٌ ~ куйдириб пиширилган гўшт

(حنس) II حَنَّسَ ғашга тегмоқ, ғашини келтирмоқ, қитиқламоқ, қўзғатмоқ; гиж-гижламоқ, қутуртирмоқ

حَنَشٌ[1] *кўп.* أَحْنَاشٌ, حُنْشَانٌ илон, сув илон; ◊ أَبُو ~ лайлакка ўхшаш оёқлари узун-узун қуш

حَنَشٌ[2] ов қилинган қуш; тутиб олинган ҳашорот

(حنط) II حَنَّطَ 1) мўмиёламоқ; 2) препарат тайёрламоқ, тулум қилмоқ (*қушлардан*); V تَحَنَّطَ мўмиёланмоқ (*жасад ҳақида*)

– تَحْنِيطٌ 1) мўмиёлаш; мўмиё тайёрлаш; 2) яхшилаб зираворланган овқат

– حَنَّاطٌ ҳаннот, буғдойфуруш, буғдой олиб сотувчи

– حِنَاطَةٌ 1) мўмиёлаш маҳорати; 2) ҳаннотлик, буғдойфурушлик

– حِنْطَةٌ буғдой; الجُرْذَانِ ~ маккажўхори; سَوْدَاءُ ~ қора буғдой; رُومِيَّةٌ ~ полба (*буғдой навларидан бири*); بَرِّيَّةٌ ~ *бот.* қопчўп (*сўгалларни йўқотиш учун қўлланиладиган кўп йиллик ўсимлик*); ◊ لِرَحَى الحَرْبِ ~ тўп еми (*қирғинга юбориладиган аскарлар*)

– حِنْطِيٌّ буғдойранг, буғдойга оид

حَنْطُورٌ *кўп.* حَنَاطِيرُ (*шунингдек* عَرَبَةُ ~) усти очиқ арава; киракаш арава

– حَنْطُورَةٌ = حَنْطُورٌ

– حَنُوطٌ 1) атир навларидан бири; 2) жасад бузилмаслиги учун ишлатиладиган модда, мўмиё

حَنْظَلٌ *бот.* колоквинт, заққум (*ғоят аччиқ мевали ўсимлик*); أَمَرُّ مِنَ الـــ~ *мтл.* зиғирёғдан баттар (*сўзма-сўз: заққумдан ҳам аччиқ*)

I حَنَفَ (*u*) حَنْفٌ (*бирор н. га*) эгилмоқ, букилмоқ, энгашмоқ, оғмоқ (إِلَى); V تَحَنَّفَ 1) ислом дини ақидаларига мувофиқ иш тутмоқ; 2) хатна қилинмоқ; 3) бутлардан узоқлашмоқ

– أَحْنَفُ *мн.* حُنَفَاءُ *кўп.* حُنْفٌ оёғи қийшиқ, қийшиқоёқ; оёғи қайрилган; القَدَمَيْنِ ~ қийшиқоёқ

– حَنَفِيٌّ 1) ҳанафийликка оид; 2. *кўп.* حَنَفِيُّونَ, أَحْنَافٌ *дин.* ҳанафий, Абу Ҳанифа раҳматуллоҳ мазҳабига мансуб, Имом Аъзам раҳматуллоҳ мазҳабидаги киши

– حَنَفِيَّةٌ[1] الـــ~ *дин.* ҳанафийлик таълимоти (*имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳ мазҳаби*)

– حَنَفِيَّةٌ[2] *кўп.* اتٌ — жўмрак, сув жўмраги; бирор нарса чиқадиган туйнук; حَرِيقٍ ~ ўт ўчиришда сув олинадиган жўмрак

– حَنِيفٌ *кўп.* حُنَفَاءُ *дин.* ҳақиқий, чин, ҳаққоний; ягона Оллоҳга чин дилдан имон келтирувчи киши; الدِّينُ الـــ~ ислом дини, дини ислом; الدِّينِ ~ ҳақиқий мусулмон, чин мусулмон

– حَنِيفِيَّةٌ: الـــ~ ягона Оллоҳ таолога чин дилдан имон келтириш (*ислом дини*)

I حَنِقَ (*a*) حَنَقٌ 1) (*ғазабдан*) ўзини унутмоқ, ғазабдан тутоқиб кетмоқ; (*бирор к. дан*) жаҳли чиқмоқ (عَلَى); 2) (*бирор к. ни*) ёмон кўрмоқ (مِنْ) IV أَحْنَقَ 1) *ғазабини қўзғатмоқ, жаҳлини чиқармоқ; 2) (бирор к. га нисбатан)* ўз нафрати (ғазаби) ни ифода этмоқ; ғазабланмоқ, нафратланмоқ

– حَانِقٌ 1) дарғазаб бўлган, ғазабдан ўзини унутган; 2) ёмон кўрувчи; عَلَى النِّسَاءِ ~ хотин-қизларни ёқтирмайдиган одам, ўзини аёллардан олиб қочадиган киши; عَلَى الحَيَاةِ ~ ҳаётдан мамнун бўлмаган одам; яшаш жонига теккан одам

– حَنَقٌ қаттиқ ғазаб, қутурганлик; адоват, қаҳр

– حَنِقٌ дарғазаб; ғазабдан (жаҳлдан) тутуни чиққан

– مُحْتَنِقٌ сержаҳл, баджаҳл, ёвуз; жаҳли чиққан; ◊ الصَّدْرِ ~ ёвуз, баджаҳл

I حَنَكَ (*u*) حَنْكٌ тажриба ҳосил қилмоқ, ўргатмоқ (*ҳаёт ҳақида*); الفَرَسَ ~ отни нўхталамоқ; II حَنَّكَ = I; IV أَحْنَكَ = I; VIII احْتَنَكَ 1) нўхталамоқ; 2) еб тугатмоқ; الجَرَادُ الأَرْضَ ~ чигирткалар ер устидаги нарсаларни еб тугатди

– حَنَكٌ[1] *кўп.* أَحْنَاكٌ қаттиқ танглай; оғиз; йиртқич ҳайвоннинг оғзи; тумшуқ; أَسْوَدُ مِثْلُ ~ الغُرَابِ қарға тумшуғи каби қора

– حَنَكٌ[2] қора

– حُنْكٌ, حِنْكٌ, حُنْكَةٌ ҳаёт тажрибаси; тажрибалилик

– حَنَكِيٌّ *фон.* танглай товуши, палатал товуш

– مُحَنَّكٌ тажрибали, ҳаёт тажрибасига эга

حَنْكَلِيسٌ *зоол.* илон балиқ

حَنَمٌ *жам.* бойқуш, бойўғли

– حَنَمَةٌ *кўп.* اتٌ — бойқуш, бойўғли

I حَنَا[1] (حنو) (*у*) حَنْوٌ эгмоқ; букмоқ, букламоқ, энгаштирмоқ; حَنَا[2] (*у*) حُنُوٌّ (*бирор к. га*) юраги ачишмоқ, раҳми келмоқ (عَلَى); حَنَى (*у*) حَنْيٌ, حِنَايَةٌ 1) эгмоқ, букмоқ, қайирмоқ, энгаштирмоқ, мойил қилмоқ; لَهُ هَامَتَهُ ~ бирор ким олдида бош эгмоқ; 2) (*бирор к. устига*) энгашмоқ, букилмоқ (عَلَى); II حَنَّى 1) хина қўймоқ, хина билан бўямоқ; 2) бўямоқ, ранг бермоқ; بِدَمٍ ~ қон билан бўямоқ; IV أَحْنَى 1) эгмоқ, букмоқ; энгаштирмоқ, мойил қилмоқ; رَأْسَهُ أَمَامَ... бирор кимга бўйин эгмоқ; 2) раҳм-шафқат қилмоқ, юраги ачишмоқ; (*бирор к. га*) ачинмоқ, раҳми келмоқ (عَلَى); V تَحَنَّى 1) ўзига хина қўймоқ; 2) бўялмоқ; VII انْحَنَى 1) эгилмоқ, энгашмоқ, букилмоқ; (*бирор н. устига*) қуйи солинмоқ (عَلَى); 2) қайрилмоқ, буралиб-буралиб кетмоқ, эгри-бугри бўлмоқ (*сўқмоқ йўл ҳақида*); (*бирор н. дан*) оғишмоқ, тоймоқ, четга чиқмоқ (عَنْ); тазим қилмоқ, қуллуқ қилмоқ

– أَحْنَى *мн.* حَنْيَاءُ букилган, букчайган, эгилган; رَجُلٌ ~ الظَّهْرِ бели букчайган одам

– انْحِنَاءٌ 1) эгилиш, энгашиш, букилиш; қайрилиш, эгри-бугри бўлиш; оғишиш, тойиш, четга чиқиш; 2) эгри-бугрилик, қийшиқлик; 3) таъзим, қуллуқ

– حَانٍ *мн.* حَانِيَةٌ эгувчи, букувчи, энгаштирувчи; ~ى الرَّأْسِ боши қуйи тушган, бошини қуйи қилган (*мас. дафн маросимида*)

– حَنْوٌ 1) эгиш, букиш, буклаш; 2) майл, мойиллик, иштиёқ

– حُنُوٌّ ачиниш, раҳми келиш

– حِنْوٌ *кўп.* أَحْنَاءٌ иланг-биланг жой, илонизи (*йўл*)

– حَنْوٌ = حَنْيٌ

– حَنِيَّةٌ *кўп.* اتٌ — бурилиш, қайрилиш

– حَنِيَّةٌ *кўп.* حَنِيَّاتٌ, حَنَايَا 1) иланг-биланг жой, илонизи (*йўл*); бурилиш, қайрилиш; 2) *архит.* гумбаз, равоқ, қубба; صَدْرٍ ~ الْكَنِيسَةِ антик ёки христиан ибодатхоналаридаги яримдоиравий бўртма; الْقَنْطَرَةِ ~ кўприк арки; ◊ حَنَايَا الْقَلْبِ юракнинг тўр-тўри, ич-ичи, қаъри

– مَحْنِيٌّ эгик, букик, мойил

– مَحْنِيَّةٌ *кўп.* مَحَانٍ иланг-биланг жой, илонизи (*йўл*); бурилиш, қайрилиш

– مُنْحَنٍ 1) *мн.* مُنْحَنِيَةٌ 1) энгашувчи, букилувчи; нишаб, қия, ётиқ; 2) мойил, иштиёқи бор; майли, рағбати бор; 2. *кўп.* مُنْحَنِيَاتٌ *мат.* эгри (*чизиқ*)

– مُنْحَنًى *кўп.* مُنْحَنَيَاتٌ иланг-биланг жой, илонизи йўл; қинғир-қийшиқлик, эгри-бугрилик; дарё қайирмаси; бурилиш, қайрилиш, муйилиш

حَوَّاءُ *ат. от. мн.* Ҳавво, Момо Ҳавво; ◊ ابْنَةُ ~ ёки بِنْتُ ~ аёл, хотин киши; كُلُّ آدَمَ يَجِدُ ~ ҳар бир одам ўз Ҳаввосини топади, ҳар бир одам ўз тенгини топади

I (حوب) حَابَ (*у*) حَوْبٌ гуноҳ қилмоқ, айб иш қилмоқ, нотўғри қилиқ қилмоқ; ножўя иш қилмоқ; V تَحَوَّبَ гуноҳдан қочмоқ

– حَوْبٌ, حُوبٌ гуноҳ, ножўя иш, нотўғри қилиқ

– حَوْبَاءُ *кўп.* حَوْبَاوَاتٌ қалб, дил, жон

– حَوْبَةٌ, حُوبَةٌ = حُوبٌ: التَّوْبَةُ تَغْسِلُ الـ~ *мтл,* тавба билан гуноҳ ювилар (*сўзма-сўз:* тавба гуноҳни ювади)

حُوتٌ *кўп.* حِيتَانٌ 1) катта балиқ; 2) кит; سُلَيْمَانَ ~ гўшти қизил балиқ; بُرْجُ الـ~ *астр.* Ҳут буржи

(حوث) IV أَحَاثَ кавламоқ (*ерни*); X اِسْتَحَاثَ = IV

– إِحَاثَةٌ кавлаш, қазиш; الْأَرْضِ ~ палеонтология (*қадимда яшаган ҳайвон ва ўсимликларни уларнинг қолдиғи асосида ўрганувчи фан*)

حَيْثُ = حَوْثُ

I (حوج) حَاجَ (*у*) حَوْجٌ муҳтож бўлмоқ, эҳтиёж сезмоқ; II حَوَّجَ (*бирор н. га*) эҳтиёж туғдирмоқ, муҳтож қилмоқ (إِلَى); IV أَحْوَجَ 1) (*бирор н. га*) муҳтож бўлмоқ (إِلَى); 2) (*бирор н. га*) мажбур қилмоқ, муҳтож қилмоқ (إِلَى); 3) муҳтожликка олиб бормоқ, муҳтожликка олиб келмоқ; مَا ~ـهُ إِلَى ...! у ...га қанчалик муҳтож!; VIII اِحْتَاجَ (*бирор н. га*) муҳтож бўлмоқ, эҳтиёжи бор бўлмоқ, эҳтиёж сезмоқ, муҳтожлик сезмоқ (إِلَى)

– اِحْتِيَاجٌ *кўп.* ـاتٌ эҳтиёж, талаб

– حَاجَةٌ *кўп.* ـاتٌ, حَوَائِجُ 1) ҳожат, эҳтиёж, талаб; حَسَبَ الـ~ эҳтиёжга қараб, эҳтиёжга кўра; عِنْدَ الـ~ зарурат бўлганида; حَاجَاتُ الْحَيَاةِ тириклик учун керак бўладиган нарсалар; كَانَ فِي (بِـ) ~ إِلَى ... бирор нимага муҳтож бўлмоқ; هُوَ فِي أَشَدِّ ~ مَاسَّةٍ فِي ... унинг ... га эҳтиёжи жуда катта; وَ لَا ~ إِلَى الْقَوْلِ إِنَّ ... унинг учун энг кераги ...; إِلَى ~ الـ ... ни гапиришга ҳожат ҳам йўқ; 2) хоҳиш, истак; قَضَى ~ـهُ а) бирор кимнинг истагини бажо келтирмоқ; б) ўз хоҳишини қондирмоқ; 3) кераклилик, зарурат, даркорлик; فِي غَيْرِ ~ ҳеч бир заруратсиз; قَضَى الـ~ бўшанмоқ, ични бўшатмоқ, ошқозонни енгиллатмоқ; 4) керакли нарса; فَائِضٌ عَنِ الـ~ кераксиз, ортиқча, эҳтиёждан ташқари; 5) бирор нарса, бирор нима, нимадир; وَ ظَهَرَ أَنَّهُ لَيْسَ عَالِمًا وَ لَا ~ маълум бўлдики, у олим тугул, ҳеч нарса эмас; تُكْسِفُ وَ ~ تُقَرِّفُ ~ нимадир уятга қўяди, нимадир нафрат қўзғатади

– حَاجِيَّاتٌ *кўп.* 1) зарур эҳтиёжлар; 2) шунингдек: الـ~ الضَّرُورِيَّةُ энг керакли ашёлар

– حَوَائِجُ *кўп.* қақир-қуқир, кўч-кўрон, ашқал-дашқаллар; мулк

– حَوْجَاءُ ҳожат, эҳтиёж

– مُحْتَاجٌ муҳтож, эҳтиёжманд, (*бирор н. га*) эҳтиёж сезувчи (إِلَى)

– مُحْوِجٌ керакли, зарурий; талаб катта нарса

حَوْجَلَةٌ, حَوْجَلَّةٌ *кўп.* حَوَاجِلُ, حَوَاجِيلُ бутилка

I (حود) حَادَ (*у*) حَوْدٌ (*бирор н. дан*) оғишмоқ, тоймоқ, четга чиқмоқ (عَنْ); II حَوَّدَ бурмоқ, қайирмоқ; حَوِّدْ عَلَى يَمِينِكَ! ўнгга қайрил!

I (حوذ) حَاذَ (*у*) حَوْذٌ қувимоқ, қувмоқ, ҳайдамоқ, қадамини илдамлаштирмоқ; IV أَحْوَذَ = I; X اِسْتَحْوَذَ 1) чулғамоқ, қамрамоқ, қўлга киритмоқ, ўраб олмоқ; 2) (*мас. бозорини*) эгаллаб олмоқ (عَلَى)

– حَاذٌ 1. ўсимлик номи; 2. бел; ◊ خَفِيفُ الـ~ мол-мулки оз, камбағал, камбизоат (*сўзма-сўз:* бели енгил)

– حَوْذٌ қувлаш, қувлашиш, кимўзди

– حُوذِيٌّ *кўп.* حُوذِيَّةٌ аравакаш, кучер; الرُّكَّابِ ~ одам ташийдиган аравакаш; النَّقْلِ ~ юк ташийдиган аравакаш

I (حور) حَارَ (*у*) حَوْرٌ (*бирор н. га*) қайтмоқ (إِلَى); حَوِرَ (*а*) حَوَرٌ қора бўлмоқ (*кўз ҳақида*); II حَوَّرَ 1) ўз шаклини ўзгартирмоқ; 2) ёймоқ (*хамирни*); 3) оқламоқ, ошламоқ, оқартирмоқ (*газламани*); III حَاوَرَ 1) баҳслашмоқ, суҳбатлашмоқ, гаплашиб ўтирмоқ; 2) алдашга уринмоқ; نَفْسَهُ ~ ўзи билан ўзи гаплашмоқ; IV أَحَارَ: جَوَابًا ~ жавоб қилмоқ, жавоб қайтармоқ, эътироз билдирмоқ, сўз қайтармоқ; لَمْ يُحِرْ كَلَامًا у ҳеч нарса демади; V تَحَوَّرَ ўз шаклини ўзгартирмоқ, (*бирор н. га*) айланмоқ (إِلَى); VI تَحَاوَرَ ўзаро суҳбат қурмоқ

– أَحْوَرُ *мн.* حَوْرَاءُ *кўп.* حُورٌ қора кўз, кўзи қора

– تَحْوِيرٌ ўз шаклини ўзгартириш; (*бирор н. га*) айлантириш, ўзгартириш (إِلَى); الثِّيَابِ ~ кийимларни оқартириш

– حَارَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـَـ حَوَارَى маҳалла; тор кўча

– حَائِرٌ касодга учраган, ўтмай қолган

– حَوَارٌ، حِوَارٌ 1) жавоб, жавоб қайтариш; эътироз; 2) суҳбат; диалог; сўзлашув; 3) сценарий (*драматик асар режаси*)

– حُوَارٌ бўталоқ

– حُوَّارَةٌ، حُوَّارٌ бўр, оқ бўр (*бўяш учун*)

– حَوَارِيٌّ 1) оқартирувчи, оқловчи, бўёқчи; 2) издош, маслакдош, мурид, шогирд; *тар.* حَوَارِيُّونَ Исо алайҳиссалом қавмлари

– حُوَّارَى оқ навли ун

– حَوَارِيَّةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـَـ савол-жавоб шаклидаги адабий асар

– حَوَرٌ[1] кўзнинг қоралиги; қора кўздаги оқ қисмнинг аниқ ажралиб туриши

– حَوَرٌ[2] *кўп.* أَحْوَارٌ ишланган (ошланган) қўй териси

– حَوْرٌ *жам.* (*шунингдек* أَبْيَضُ ~) оқ терак; أَسْوَدُ ~ *ёки* ~ فَارِسِيٌّ қора терак; رُومِيٌّ ~ қайин; رَجْرَاجٌ ~ *қар.* رَجْرَاجٌ

– حَوْرَةٌ терак дарахти

– حُورِيَّةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـَـ 1) ҳур, пари; нимфа; الْمَاءِ ~ сув париси, русалка; 2) *кўп.* тухумдан янги чиққан ҳашоротлар; حُورِيَّاتُ الْجَرَادِ янги пайдо бўлган чигиртка

– مَحَارٌ *жам.* денгиз молюскаси; чиғаноқ

– مَحَارَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـَـ 1) чиғаноқ; الْأُذُنِ ~ қулоқ супраси; 2) мастерок (*сувоқчиликда ишлатиладиган асбоб*), куракча

– مُحَاوَرَةٌ баҳс, тортишув; суҳбат, сўзлашув

– مِحْوَرٌ *кўп.* مَحَاوِرُ 1) меҳвар, ўқ, вал, стержень, таёқча; الْأَرْضِ ~ ер ўқи (*меҳвари*); الدَّوَرَانِ ~ айланиш ўқи; التَّنَاظُرِ ~ симметрия ўқи; خَلْفِيٌّ ~ орқа ғилдирак ўқи; أَمَامِيٌّ ~ олдинги ғилдирак ўқи; الْـ ~ الْأُفُقِيُّ *ёки* ~ الْإِحْدَاثِيَّاتِ الْأُفُقِيَّةِ *ёки* السِّينَاتِ *мат.* абцисса ўқи; الْـ ~ الرَّأْسِيُّ *ёки* ~ الْإِحْدَاثِيَّاتِ الرَّأْسِيَّةِ *ёки* ~ الصَّادَاتِ *мат.* ордината ўқи; الْـ ~ السِّينِيُّ *мат.* икслар ўқи; الْـ ~ الصَّادُ *мат.* игреклар ўқи. الْـ ~ الْعَيْنِيُّ *мат.* зетлар ўқи; دُوَلُ الْـ ~ *тар.* ўзаро битимга келган давлатлар; مَحَاوِرُ بِعَجَلٍ роликли подшипниклар; مَحَاوِرُ بِلِيَّةٍ шарикли подшипниклар; 2) ўқлоқ, ўқлов, жўва, валик; 3) *тех.* шпиндель

– مِحْوَرِيٌّ ўққа (*валга, стерженга*) оид

I (حوز) حَازَ (ـُ) حَوْزٌ، حِيَازَةٌ эга бўлмоқ, молик бўлмоқ; қўлга киритмоқ, эгалламоқ; тасарруфига олмоқ, истило қилмоқ, олмоқ, қабул қилиб олмоқ, қидириб топмоқ, ҳосил этмоқ; V تَحَوَّزَ[1] кулча бўлиб олмоқ (*илон ҳақида*); V تَحَيَّزَ[2] 1) (*бирор к. томони га*) ўтмоқ, (*бирор к. га қўшил*моқ (إِلَى); (*бирор к. га*) қарашли бўлмоқ, мансуб бўлмоқ, тегишли бўлмоқ (إِلَى); 2) (*бирор к. дан*) нари кетмоқ, узоқлашмоқ (عَنْ, مِنْ); VIII اِحْتَازَ = I; X اِسْتَحْوَزَ (*бирор н. ни*) қўлга киритмоқ, эгаллаб олмоқ (عَلَى)

– أَحْوَازٌ *кўп.* الْمَدِينَةِ ~ шаҳар ҳудуди

– اِنْحِيَازٌ (*бирор к. томонга*) ўтиш; (*бирор к. га*) қўшилиш, бирикиш (إِلَى); سِيَاسَةُ عَدَمِ الْـ ~ (*блокларга*) қўшилмаслик сиёсати; دُوَلُ عَدَمِ الْـ ~ қўшилмайдиган давлатлар

– اِنْحِيَازِيٌّ 1) қўшилувчи, бирикувчи; 2) ғаразли, ғаразгўй, холис бўлмаган; سِيَاسَةٌ ~ ـَـةٌ холис бўлмаган (нохолис) сиёсат

– تَحَيُّزٌ 1) (*бирор к. ёки н. га қарши*) томонлардан бирини қўллаб-қувватлаш (ضِدَّ); 2) (*бирор партияга*) мансублик; 3) ғараз, нохолислик; دَرَسَهُ بِلَا ~ бирор нимани холислик билан (объектив) ўрганмоқ

– حَائِزٌ 1) эга, молик, соҳиб, нишондор, совриндор, лауреат; ~ عَلَى جَائِزَةِ نُوبِيلَ Нобель мукофоти соҳиби (лауреати)

– حَاوُوزٌ *кўп.* حَوَاوِيزُ ҳовуз, шлюз

– حَوْزٌ 1) (*бирор н. ни*) эгаллаш, қўлга киритиш; 2) олиш, қабул қилиб олиш

– حَوْزَةٌ 1) (*бирор н. ни*) эгаллаш, қўлга киритиш; هَذَا فِي ~ جَمِيعِ الشَّعْبِ бу барча халқнинг мулкидир; هَذَا فِي ~ ـِهِ бу нарса унинг қўлида; وَقَعَ فِي ~ ـِهِ бирор кимнинг тасарруфига тушиб қолмоқ; 2) томон, тараф

– حَوْزَةٌ = حِيَازَةٌ

– حَيِّزٌ 1) макон, холи жой, жой, бўшлиқ; ҳажм, кўлам; 2) соҳа, область; هَذَا فِي ~ الْإِمْكَانِ бу имконият доирасидаги нарсадир; هَذَا فِي ~ مِنْهَا бу нарса унинг ҳукми остидадир; اِحْتَلَّ ~ رَئِيسِيًّا مِنْ ... ...да асосий ўринни эгалламоқ; خَرَجَ إِلَى ~ الْوُجُودِ дунё юзини кўрмоқ (*мас., китоб*); دَخَلَ فِي ~ التَّنْفِيذِ кучга кирмоқ (*мас. қарор*) دَخَلَ ~ الْإِسْتِثْمَارِ ишга тушмоқ (*мас., завод*); نَقَلَ إِلَى ~ الْوَاقِعِ (*бирор н. ни*) ҳаётга татбиқ қилмоқ; وَضَعَ إِلَى ~ الْخِدْمَةِ ишга туширмоқ

– مُتَحَيِّزٌ ғаразли, ғаразгўй, нохолис; غَيْرُ ~ беғараз, холис, объектив

– مُنْحَازٌ (*бирор к. ёки н. га*) қўшилувчи, бирикувчи (إِلَى); الْبِلَادُ غَيْرُ الْـ ~ ـَةِ қўшилмайдиган мамлакатлар (давлатлар)

I (حوش) حَاشَ (ـُ) حَوْشٌ 1) ўраб олмоқ, қуршаб олмоқ, тутиб олмоқ, ов қилмоқ (*ҳайвонни*); الْإِبِلَ ~ туяларни тўплаб йўлга тушмоқ; 2) халал бермоқ, қаршилик қилмоқ; ушлаб қолмоқ, тўхтатиб қолмоқ, тутиб қолмоқ; 3) (*бирор к. нина*) йўлини

(*тарафини*) олмоқ, ҳимоя қилмоқ (عَنْ); II حَوَّشَ жамғармоқ, йиғмоқ, жамғармага қўймоқ; IV أَحَاشَ *ёки* أَحْوَشَ = I; VII انْحَاشَ (*бирор н. дан*) узоқлашмоқ (عَنْ); VIII احْتَوَشَ ов қилмоқ (*ҳайвонни*)

– تَحْوِيشٌ жамғариш, йиғиш, тортиш (*пулни*)

– تَحْوِيشَةٌ йиғилган, тўпланган жамғарма; ~ الْعُمْرِ умр бўйи тўпланган жамғарма

– حَاشٌ: صَلَوَاتُ الـ~ *дин.* христианларда: пасха ийдидан олдинги сўнгги ҳафтанинг жума кунидаги ибодат; أُسْبُوعُ الـ~ пасха ийдидан олдинги сўнгги ҳафта

– حُوَاشَةٌ бир пуштдан тарқамаган қариндошлик

– حَوْشٌ *кўп.* أَحْوَاشٌ, حِيشَانٌ тўсиқ, девор, ғов чегара; қўтон, молхона; ~ الدَّارِ ҳовли

– حَوْشٌ оломон, тумонат, йиғин; қаланғи-қасанғилар

– حَوْشَةٌ *кўп.* اتٌ — бир комплект балиқ тутиш асбоби

– حُوشِيٌّ 1) тушуниб бўлмайдиган, тушунарсиз; 2) ғайритабиий, одатдан ташқари, ғайриоддий; ~ مِنَ اللَّفْظِ эскирган сўз *ёки* ибора, архаизм; 3) паст, тубан; 4) ёввойи

I حَاصَ (حوص) (*у*) حَوْصٌ 1) наридан-бери тикмоқ, омонатгина тикмоқ, кўклаб тикмоқ; 2) (*бирор н. атрофида*) париллаб учмоқ, парвоз қилмоқ (حَوْلَ); II حَاوَصَ кўз қири билан қарамоқ, зимдан қарамоқ

– أَحْوَصُ *мн.* حَوْصَاءُ *кўп.* حُوصٌ, أَحَاوِصُ кўзи қийиқ, қийиқ кўзли

– حِيَاصَةٌ *кўп.* اتٌ — қоринбоғ, айил (*от абзали*)

– خَتَنٌ *кўп.* أَخْتَانٌ қайнота; куёв (*қайнотага нисбатан*)

– خُتُونٌ қуда (*куёв ёки келиннинг отаси*)

– خُتُونَةٌ қариндошлик, қуда-андачилик

– خَتِينٌ хатна қилинган, кестирилган, қўли ҳалолланган

– خَتَنَةٌ 1) қайнона; 2) келин (*қайнонага нисбатан*)

– مَخْتُونٌ хатна қилинган, кестирилган, қўли ҳалолланган

خُثٌّ торф (*ботқоқ ерлардаги ўсимликларнинг чиришидан ҳосил бўлган ёқилғи*)

– مَخَثَّةٌ *кўп.* مَخَاثٌّ торф қатлами, торф ботқоғи, торф кони

خَثَرَ I خَثَرَ (*а*) خُثُورٌ қуюқлашмоқ, ивимоқ, ачиб қолмоқ; II خَثَّرَ қуюлтирмоқ; ачитмоқ; ивитмоқ; кўпчитмоқ; оғиз (творог) қилмоқ; IV أَخْثَرَ = II; V تَخَثَّرَ қуюқлашмоқ, ивимоқ, ачиб қолмоқ

– تَخَثُّرٌ қуюқлашиш, коагуляция (*эритмалардаги модда зарраларининг қуюқлашиш жараёни*); ~ الدَّمِ فِي وِعَاءٍ دَمَوِيٍّ *мед.* тромбоз (*томирларда қоннинг ивиб қолиш жараёни*)

– تَخْثِيرٌ қуюлтириш; оғиз (творог) қилиш

– خَاثِرٌ ивиган, ивиб қолган; ачиган, ачиб қолган; ~ لَبَنٌ қатиқ; чучук қатиқ; 2) қуюлган, лахта (*қон ҳақида*)

– خَاثِرَةٌ қуюлиб (қотиб) қолган қон, тромб (*томирда ивиб қолган қон*)

– خُثَارٌ 1) чўкинди, қуйқум, қолдиқ, ташландиқ; 2) тромбоз

– خُثَارَةٌ чўкинди, қуйқум, қолдиқ, ташландиқ; ~ الْجُبْنِ зардоб

– خُثْرَةٌ *кўп.* خُثَرٌ қуюлиб (қотиб) қолган қон; ~ دَمَوِيَّةٌ тромб

– مُخَثِّرٌ = خَاثِرٌ

خَجِلَ I خَجِلَ (*а*) خَجَلٌ уялмоқ, ўсал (изза) бўлмоқ, хижолат тортмоқ (مِنْ); (*уятдан*) қизармоқ; уятчан, тортинчоқ бўлмоқ; ~ مِنْ نَفْسِهِ у хижолат бўлди, у уялди; II خَجَّلَ хижолат қилмоқ, уялтирмоқ; IV أَخْجَلَ = II; VI تَخَاجَلَ уялмоқ, қизармоқ, хижолат бўлмоқ

– خَجَلٌ уят, уятчанлик, ибо; тортинчоқлик; بِدُونِ إِحْسَاسٍ ~ بِالـ уялмай, уялмай-нетмай; يَا لَلْخَجَلِ! *ёки* وَا خَجَلَتَاهُ! қандай уят!, нақадар уят!, қандай шармандалик!

– خَجِلٌ 1 уятчан, иболи, ҳаёли; журъатсиз, тортинчоқ

– خَجِلٌ 2 ўтлоқ, ўт кўп ўсадиган жой

– خَجْلَانُ = خَجِلٌ

– خَجْلَةٌ уят, ибо, ҳаё

– خَجُولٌ *мн., мз.* уятчан, иболи, ҳаёли, тортинчоқ, журъатсиз

– مُخْجِلٌ иснодга қолдирадиган, уят келтирадиган, шармандали, одобдан ташқари, уят, нолойиқ; الْأَعْضَاءُ الـ~َةُ жинсий аъзолар

– مَخْجُولٌ ўсал (изза) бўлган, хижолат тортган

خَدَّ I خَدَّ (*а/у*) خَدٌّ 1) эгат (ариқ, жўяк) очмоқ; 2) ер ҳайдамоқ; II خَدَّدَ 1) уйдим-чуқур қилиб юбормоқ, из (ариқ) қилиб чиқмоқ; 2) ажин босмоқ (қопламоқ); V تَخَدَّدَ 1) ажин босган бўлмоқ; 2) буришмоқ, тиришмоқ

– أُخْدُودٌ *кўп.* أَخَادِيدُ 1) чуқур, чуқурлик, ўпирилган жой, ўйилган жой, ёриқ, тирқиш, ўйиқ; 2) хандақ, зовур, ариқ; 3) ажин, буришиқ

– خَدٌّ 1 *кўп.* خُدُودٌ юз, бет, чеҳра, ораз; صَعَّرَ خَدَّهُ صَعَّرَ *қар.*

– خَدٌّ 2 *кўп.* خِدَادٌ ажин

– خَدَّةٌ *кўп.* خُدَدٌ = خَدٌّ 2

– مِخَدَّةٌ *кўп.* مَخَادُّ، ~اتٌ — ёстиқ, болиш; كِيسُ (بَيْتُ) الـ~ ёстиқ жилди

خَدَجَ I خَدَجَ (*и*) муддатидан олдин туғмоқ, бола ташламоқ; IV أَخْدَجَ вақти-соати етган бўлса ҳам, нуқсонли бола туғмоқ

– خِدَاجٌ 1 вақтидан илгари туғиш

– خِدَاجٌ 2 нуқсонли, айби бор, камчилиги бор

– خَدِيجٌ، خِدْجٌ аборт қилиб олинган ҳомила; чала тушган бола

– خَدِيجَةُ *ат. от. мн.* Хадича

– مُخْدَجٌ вақти-соати етган бўлса ҳам, нуқсонли туғилган бола

خَدَرَ I (خدر) خَدَرَ (*у*) خَدْرٌ қулфланган жойда сақламоқ, устидан қулфлаб қўймоқ, (*қиз болани*) бегоналарнинг нигоҳидан яширмоқ (эҳтиёт қилмоқ); خَدِرَ (*а*) خدر увишмоқ, увишиб (қотиб) қолмоқ; (*дардни, оғриқни*) сезмайдиган, ҳис қилмайдиган бўлмоқ; заифлашмоқ, сусаймоқ, пасаймоқ (*оғриқ ҳақида*); II خَدَّرَ 1) гангитмоқ, мияни айнитмоқ; анестезия (беҳуш, оғриқ сезмайдиган) қилмоқ, (*наркоз бериб*) ухлатмоқ, хлороформ ёрдамида уйқуга кетказмоқ; ~هُ بِالْوُعُودِ кимнидир ваъдалар бериб хотиржам қилиб қўймоқ; ~ يَقْظَتَهُ кимнидир ғафлатда қолдирмоқ; 2) (*қиз болани*) қамалган ҳолда сақламоқ (кўчага чиқармаслик); IV أَخْدَرَ = II; V تَخَدَّرَ 1) увишган бўлмоқ (*баданнинг аъзолари ҳақида*); наркозланган (оғриқ сезмайдиган) ҳолатда бўлмоқ; 2) ҳеч қаёққа (уйдан эшикка) чиқармаслик (*қиз ҳақида*)

– تَخْدِيرٌ анестезия (беҳуш, оғриқни сезмайдиган) қилиш, (*наркоз билан*) ухлатиш; ~ عَامٌّ умумий анестезия; беҳуш қилиш; ~ مَوْضِعِيٌّ *ёки* ~ وَضْعِيٌّ *ёки* ~ مَحَلِّيٌّ этни ўлдириш, оғриқ сезмайдиган қилиш

– خَادِرٌ яширинган, беркинган; яширин, маҳфий, пинҳон (ий), сир тутилган; ичидаги; ◊ الـ~ шер, арслон

– خُدَارٌ увишганлик, дон қотиб қолиш, мурдадек қотиш

– خِدْرٌ *кўп.* خُدُورٌ، أَخْدَارٌ 1) парда, эшик пардаси, дарпарда (*одатда оғир, қалин матодан тикилади*); 2) аёллар учун махсус

хона (*жой*)

– خَدَرٌ 1) увишиш, ҳис қилмаслик, сезмаслик; эт (бадан) нинг жимирлашиши; الرِّجْلِ ~ оёқнинг увишиши; 2) анестезия (беҳушлик)

– خَدِرٌ увишган, ҳеч нарсани ҳис қилмайдиган (*мас., баданнинг қайсидир аъзоси ҳақида*)

– خُدْرَةٌ увишиш, ҳис қилмаслик; анестезия

– مُخَدَّرٌ 1) ухлатилган; маст, сархуш бўлган, гангиган; 2) ҳижобга ўралган, ниқобга ўралган

– مُخَدِّرٌ 1. сусайтирувчи, заифлаштирувчи; гангитувчи; ухлатувчи; 2. наркотик модда

– مُخَدِّرَاتٌ *кўп.* беҳуш қилувчи воситалар; наркотик моддалар; دَخْنُ الـ~ наркотик моддаларни чекмоқ; تُجَّارُ الـ~ наркотик моддалар билан савдо қилувчилар

– مُخَدَّرَةٌ *кўп.* اتٌ — кўчага чиқиши таъқиқланган, уйда ўтирадиган аёл

I خَدَشَ (и) خَدْشٌ 1) тимдаламоқ, тирнаб ўтмоқ, тирнаб (тилиб, шилиб, сидириб, қириб) юбормоқ, чақа қилмоқ; 2) тегиб кетмоқ; қаттиқ тегмоқ, хафа қилмоқ, таҳқир этмоқ, камситмоқ, нафсониятига тегмоқ; شَرَفَهُ ~ бировнинг иззат-нафсига тегмоқ; ~ الذَّوْقَ ножўя иш қилмоқ; سُمْعَتَهُ ~ бировнинг обрўсини тўкмоқ, қораламоқ, бадном қилмоқ; ◊ أُذُنَهُ ~ қулоққа малол келмоқ; II خَدَّشَ қаттиқ тирнамоқ, шилиб (сидириб) юбормоқ

– خَدْشٌ *кўп.* خُدُوشٌ тирналган, шилинган жой, чақа (*бадандаги*)

– خَدْشَةٌ *кўп.* خَدَشَاتٌ тирналган (тимдаланган) жой, тирноқ изи, чақа

I خَدَعَ (а) خَدْعٌ алдамоқ, ёлғон гапирмоқ; III خَادَعَ алдашга ҳаракат қилмоқ; VI تَخَادَعَ 1) бир-бирини алдамоқ; 2) ўзини алдаганга солмоқ; VII اِنْخَدَعَ алданган бўлмоқ; алданмоқ

– أَخْدَعُ *кўп.* أَخَادِعُ бўйиндаги кўктомир (*вена*); ~انِ *ик. с.* бўйиндаги кўктомирлар (*икки томондаги*); ◊ أَقَامَ أَخْدَعَيْهِ (*к. нингдир*) гопугини пасайтириб қўймоқ, ҳовридан туширмоқ

– أُخْدُوعَةٌ *кўп.* أَخَادِيعُ фириб (панд) бериш, алдамчилик, товламачилик, фирибгарлик; қўрқитиш ёки ўзини кўрсатиш учун ишлатилган уйдирма, ёлғон-яшиқ

– خَدَّاعٌ 1. 1) алдовчи; ўта ёлғончи; 2) кишини алдайдиган, чалғитадиган, шубҳали; 2. ёлғончи, фирибгар, муттаҳам, муғомбир, шум

– خِدَاعٌ алдов, янглишиш; алданиш; الْبَصَرِ ~ кўз алданиши, сароб; الْحَوَاسِّ ~ хом хаёл, пуч хаёл

– خِدَاعِيٌّ ишини чалғитадиган, шубҳали, сохта, хаёлий, пуч, ҳақиқатдан йироқ, туйғуларнинг хаёлийлиги

– خُدْعَةٌ кўп خُدُعَاتٌ, خُدَعٌ 1) кишини чалғитадиган, ҳақиқатдан йироқ; ҳийла, найранг, макр (қилиш, ишлатиш), лўттибозлик; ~ بَصَرِيَّةٌ кўз алданиши, сароб; 2) алданган, чув тушган

– خُدَعَةٌ ўта фирибгар, ўта ёлғончи

– خَدِيعَةٌ *кўп.* خَدَائِعُ алдамчилик, фирибгарлик, ғирромлик, тирриқлик; муғомбирлик

– خَيْدَعٌ қандайдир зоҳирий, ... бўлиб кўринадиган; сароб; хом хаёл

– مُخَادِعٌ алдамчи, фирибгар

– مُخْدَعٌ ёки مِخْدَعٌ жавон, шкаф

– مُخْدَعٌ, مِخْدَعٌ *кўп.* مَخَادِعُ хона

– مَخْدُوعٌ алданган, панд еган

I خَدِلَ (а) خَدَلٌ 1) увишган, қотиб қолган бўлмоқ; 2) чарчаган, толиққан бўлмоқ

– خَدْلاَنُ 1) ҳис-туйғусиз, беҳуш; 2) толиққан

I خَدَمَ (и) خِدْمَةٌ 1) хизмат қилмоқ, ишламоқ, хизматда бўлмоқ; 2) хизматкорлик қилмоқ; ◊ الْأَرْضَ ~ ерни (*экишга*) тайёрламоқ, ҳайдамоқ; II خَدَّمَ иш бермоқ; хизматкорликка олмоқ; IV أَخْدَمَ (*бирор к. ни*) хизматкор қилиб бермоқ; X اِسْتَخْدَمَ 1) хизматга, ишга олмоқ; 2) фойдаланмоқ, татбиқ қилмоқ, қўлламоқ, ишлатмоқ

– اِسْتِخْدَامٌ 1) ишга жалб қилиш, хизматга қабул қилиш; طَلَبُ الـ~ ишга қабул қилиш тўғрисида ариза; 2) фойдаланиш, қўллаш, ишлатиш; 3) иш, хизмат

– تَخْدِيمٌ иш бериш, ишга олиш; مَكَاتِبُ الـ~ ишга ёллашда воситачилик қиладиган идоралар

– خَادِمٌ *кўп.* خُدَّامٌ, خَدَمٌ 1. ходим, хизматчи; 2. хизматкор; خَدَمُ ~كُمُ الْمُطِيعُ الْمَنَازِلِ хизматкорлар; камина қулингиз (*мактубларда*)

– خَادِمَةٌ *кўп.* اتٌ — оқсоч, хизматкор аёл

– خَادِمِيَّةٌ хизматда бўлиш, хизматкорлик қилиш

– خَدَّامٌ хизматкор; хизмат қилувчи

– خَدَّامَةٌ *кўп.* اتٌ — оқсоч

– خَدَمَةٌ *жам.* хизматкорлар

– خِدْمَةٌ *кўп* خِدْمَاتٌ, خِدَمٌ 1) хизмат, иш; الْحُكُومَةِ ~ давлат хизмати; الـ~ الْإِجْبَارِيَّةُ мажбурий хизмат; أَدَّى الـ~ الْعَسْكَرِيَّةَ ҳарбий хизматни адо этмоқ, ўтамоқ; الـ~ الْعَامِلَةُ (الْعَسْكَرِيَّةُ) ҳақиқий (*ҳарбий*) хизмат; وَضَعَهُ فِي ~ـهِ хизмат қилдирмоқ, фойдаланмоқ, ишлатмоқ; وَضَعَ مَصْنَعًا مَوْضِعَ الـ~ заводни ишга туширмоқ; 2) хизматкорлик қилиш; 3) иш; вазифа, лавозим; 4) хизмат, ёрдам; فِي ~كُمْ! хизматингизга тайёрман!; هُوَ فِي ~كَ у сенинг хизматингга тайёр!; أَدَّى ~ бировга хизмат кўрсатмоқ, ёрдам қилмоқ (لِـ); ◊ الْأَرْضِ ~ ерни (*экишга*) тайёрлаш, ҳайдаш

– مُخَدِّمٌ иш берувчи; ишга жойлаш бўйича воситачи

– مَخْدُومٌ маҳдум, жаноб, хўжайин, ишга ёлловчи

– مَخْدُومَةٌ хоним, уй бекаси, уй эгасининг хотини

– مَخْدُومِيَّةٌ хўжайиннинг мавқеи (мартабаси, ўрни)

– مُسْتَخْدَمٌ 1. 1) фойдаланиладиган, қўлланиладиган, амалдаги; 2) хизматга олинган; 2. хизматчи

(خدن) III خَادَنَ (*к. биландир*) дўстлашмоқ

– خِدْنٌ *кўп.* أَخْدَانٌ дўст, ўртоқ

– خِدْنٌ = خَدِينٌ

خِدِيوٌ *тар.* хидив (*усмонийлар империяси давридаги Миср ҳукмдори мартабасининг номи*)

– خِدِيوٌ = خِدَيْوِيُونَ *кўп.* خُدَيْوِى, خِدَيْوِىٌّ

– خِدِيوِيٌّ хидивга оид

– خِدِيوِيَّةٌ *тар.* хидивлик мартабаси

I خَذِئَ (а) خَذَأٌ (*к. ғадир*) бўйсунмоқ, итоат қилмоқ (لِـ); X اِسْتَخْذَأَ = I

خُذْرُوفٌ *кўп.* خَذَارِيفُ пирилдоқ, пилдироқ, бизбизак, ғирғирак (*болалар ўйинчоғи*)

– خُذْرُوفِيٌّ шарсимон, соққасимон, думалоқ, юмалоқ

I خَذَلَ (у) خَذْلٌ خِذْلَانٌ 1) ёрдамсиз қолдирмоқ, қаровсиз (ўз ҳолига) ташлаб қўймоқ (*ташлаб кетмоқ*); ишламай қолмоқ (*киши баданининг аъзолари ҳақида*); ~تْهُ قُوَاهُ кучи кетди, кучдан қолди, дармони қуриди; 3) *мажҳ.* муваффақиятсизликка учрамоқ; қўллаб-қувватланмаслик (*мас., ҳукумат ҳақида*); II خَذَّلَ 1) эсанкиратиб (довдиратиб, гангитиб) қўймоқ, саросимага туширмоқ, 2) истакни қайтармоқ (йўқ қилмоқ), ҳафсалани пир қилмоқ; 3) қўллаб-қувватлашдан маҳрум қилмоқ (*мас., ҳукумат*); 4) ҳолдан тойдирмоқ, адо қилмоқ, кучдан кетказмоқ; III خَاذَلَ ёрдамсиз қолдирмоқ, қаровсиз (ўз ҳолига) ташлаб қўймоқ; VI تَخَاذَلَ 1) (*н. нидир*) қолдирмоқ, ташламоқ (عَنْ); 2) қайтмоқ (*кучлар ҳақида*); 3) ишламай қолмоқ (*киши баданининг аъзолари ҳақида*); 3) дармонсизланмоқ, бўшашмоқ, лоҳас бўлмоқ, заифлашмоқ, куч-қувватдан қолмоқ; 4) юраксиз, иродаси суст бўлмоқ; бўш келмоқ, ожизлик қилмоқ, (*бирор ишни*) қила олмаслик; VII اِنْخَذَلَ 1) муваффақиятсизликка учрамоқ; қўллаб-қувватланмаслик (*мас. ҳукумат ҳақида*); 2) ўзини ожиз деб ҳис қилмоқ; ожизлик қилмоқ

– اِنْخِذَالٌ мағлубият, ютқизиқ, муваффақиятсизлик

– تَخَاذُلٌ 1) ожизлик, кучсизлик; кучдан қолиш, мадорсизланиш;) иродаси сустлик, қўрқоқлик, юраксизлик

خِذْلَانٌ 1) ёрдамсиз қолдириш; 2) мағлубият, ютқизиқ;

أُصِيبَ (*н. дадир*) муваффақиятсизликка учрамоқ (فِى)

مُتَخَا 1) куч-қувватини йўқотган, мадорсизланган; 2)

, қўрқоқ, таслимчи, журъатсиз

ҳолига ташлаб қўйилган, ёрдамсиз қолдирилган

] тубанлашмоқ, пасткашлик қилмоқ; итоаткорлик

сунмоқ (لِـ)

а уриш, хушомадгўйлик, лаганбардорлик;

مُسْتَخْذِيَةٌ камситадиган, ҳақоратомуз, ерга урадиган; ~ًّا пасткашлик билан, тиз чўкиб

I (خر) خَرَّ[1] (а/у) خَرِيرٌ 1) шилдирамоқ, жилдирамоқ, қулқулламоқ, қулқ-қулқ қилмоқ; 2) хуррак отмоқ, хирилламоқ; خَرَّ[2] (а/и) خُرُورٌ 1) (*тиз*) чўкмоқ, (*оёғига*) йиқилмоқ; ~ صَرِيعًا беҳуш бўлиб (ҳушдан кетиб) йиқилмоқ, ер тишлаб қолмоқ; خَرُّوا صَرْعَى فِى الْجِهَادِ улар жангда қирилиб кетдилар; ~ بَيْنَ قَدَمَيْهِ кимнингдир оёғига йиқилмоқ; 2) томмоқ, оқмоқ, чакка ўтмоқ

– خَرَّارٌ шалдираган, жилдираган; عَيْنٌ ~ةٌ шилдираб турган булоқ

– خَرَّارَةٌ *кўп.* ـاتٌ — 1) дренаж (зовур) қувури; 2) ахлатхона, ахлат тўкиладиган ўра; 3) пирилдоқ, бизбизак

– خَرِيرٌ 1) шилдираш, қулқуллаш; 2) хуррак отиш

I خَرِئَ (а) خُرُوءٌ, خَرْءٌ ёзилмоқ, ични бўшатмоқ

– خُرْءٌ, خَرَاءٌ бавл, чиқаринди (*нажас, сийдик*), ахлат, тезак

– مَخْرَأٌ, مَخْرَأَةٌ *кўп.* مَخَارِئُ ҳожатхона, халожой

I (خرب) خَرَبَ (*и*) خَرْبٌ бузмоқ, вайрон (хароб) қилмоқ; қирғин қилмоқ (келтирмоқ), қириб ташламоқ, харобазорга айлантирмоқ; خَرِبَ (а) خَرَابٌ хароб (вайрон) бўлмоқ, харобазорга айланмоқ; ~ بَيْتِى! ҳаммаси адо бўлди! (тугади!) (*сўзма-сўз: уйим бузилди!*); II خَرَّبَ 1) бузмоқ, хароб (вайрон) қилмоқ, хонавайрон қилмоқ, қириб ташламоқ; 2) бузғунчилик қилмоқ, зарар келтирмоқ; IV أَخْرَبَ вайронага (*харобазорга*) айлантирмоқ, бузмоқ; V تَخَرَّبَ 1) бузилган (*хароба*) бўлмоқ; 2) бузилмоқ, қуламоқ

– تَخْرُوبٌ *кўп.* تَخَارِيبُ чуқурча, ўйиқ, тешик, катак, уя, хонача

– تَخْرِيبٌ 1) хароб қилиш, бузиш, вайрон қилиш, қириш; ~ الْآثَارِ الْقَدِيمَةِ вандализм (*маданий ёдгорликларни вайрон, оёқ ости қилиш, ваҳшиёна йўқотиш*); 2) бузилиш, айниш, ишдан чиқиш

– تَخْرِيبِيٌّ зараркунандаларга ва зараркунандаликка оид; الْحَرَكَاتُ الـ~ـةُ зараркунандаларча, бузғунчилик ҳаракатлари

– خَارِبٌ 1. хароб (вайрон) қилувчи, бузувчи; 2. бузғунчи

– خَرَابٌ *кўп.* أَخْرِبَةٌ 1) хароб қилиш, бузиш, қириш; 2) ҳалокат; 3) хароба, вайрона

– خَرَابَةٌ *кўп.* ـاتٌ — хароба, вайрона

– خَرْبٌ бузиш, вайрон қилиш, хароб қилиш

– خَرِبٌ 1) бузилган, хароб (вайрон) бўлган, қирилган; 2) тузалмайдиган, .. шикастланган, ишдан чиққан; ~ الذِّمَّةِ виждонсиз, номуссиз

– خُرْبٌ *кўп.* خُرُوبٌ 1) тешик (*игнадаги*); 2) тиззанинг кўзи, тизза косаси

– خَرْبَانٌ 1) бузилган, хароб (барбод) бўлган; 2) тузалмайдиган, шикастланган, ишдан чиққан

– خَرِبَةٌ *кўп.* خَرَائِبُ = خَرَابَةٌ

– خُرْبَةٌ кўп. خُرَبٌ = خُرْبٌ

– خِرْبَةٌ кўп. خِرَبٌ = خَرَابَةٌ

– خَرُّوبٌ 1) ловиясимонлар оиласига мансуб мевали ўсимлик; 2) унинг мевалари

– خَرُّوبَةٌ кўп. ـَـاتٌ 1) خَرُّوبٌ нинг меваси; 2) харруба (*1/16 га ёки 0, 129 л. га тенг ҳажм ўлчови*)

– مُخْرِبٌ 1. хароб (вайрон) қиладиган, емирадиган, хароб (вайрон) қилувчи, емирувчи; ҳалокатли; 2. бузувчи, хароб қилувчи

– مُخَرِّبٌ 1. хароб (вайрон) қиладиган, емирадиган; 2. зараркунанда

خَرْبَشَ 1) бузиб қўймоқ, ишдан чиқармоқ, ёмонлаштирмоқ, айнитмоқ; буриштирмоқ; расвосини чиқармоқ; 2) тирнамоқ, тимдаламоқ, юмдаламоқ; ноаниқ, тушуниб бўлмайдиган қилиб ёзмоқ

– خَرَابِيشُ *кўп.* тирналган (тимдаланган) жойлар, тирноқ излари, чақалар; 2) тирноқлар, чангаллар; 3) қингир-қийшиқ ёзув, ажи-бужи хат

– خَرْبَشَةٌ 1) бузилиш, айниш, ишдан чиқиш; 2) ноаниқ, тушуниб бўлмайдиган хат, ёзув

خَرْبَصَ чигаллаштирмоқ, чувалаштирмоқ, чалғитмоқ, янглиштирмоқ, адаштирмоқ

– خَرْبَصَةٌ чигаллаштириш, алкаш-чалкаш қилиб юбориш, айқаш-уйқаш қилиб юбориш

خَرْبَطَ 1) бузиб қўймоқ, ишдан чиқармоқ; 2) (*тартибни*) бузмоқ, тартибсизлик қилмоқ; تَخَرْبَطَ ишдан чиқмоқ, бузилмоқ, яроқсиз ҳолга келмоқ

– خَرْبَطَةٌ 1) бузилиш, айниш; яроқсизлик; 2) (*интизомни*) бузиш

خَرْبَقَ 1) бузмоқ; 2) тешмоқ, ўймоқ, санчиб тешмоқ

– خَرْبَقٌ *бот.* маралқулоқ (*илдизи йўғон, попукгулли кўп йиллик ўсимлик*)

– خَرْبَقَةٌ 1) бузилиш; айниш; 2) санчиб тешиш

I خَرَتَ (у) خَرْتٌ санчиб тешмоқ, тешик қилмоқ

– خَرْتٌ, خُرْتٌ *кўп.* أَخْرَاتٌ, خُرُوتٌ тешик; أَضْيَقُ مِنْ ~ الْإِبْرَةِ нинанинг тешигидан ҳам торроқ

– خِرِّيتٌ *кўп.* خَرَارِيتُ уста, моҳир, ишбилармон, уқувли, эпчил; тажрибакор, тажрибали; دَلِيلٌ ~ тажрибали йўл кўрсатувчи

– خَرْتِيتٌ каркидон

I خَرَجَ (у) خُرُوجٌ 1) (*қаердандир*) чиқмоқ (مِنْ); إِلَى الْوُجُودِ ~ пайдо бўлмоқ, туғилмоқ, вужудга (дунёга, юзага) келмоқ, рўй бермоқ; 2) (*н. -дандир*) оғмоқ, четга чиқмоқ (عَنْ); (*н. нингдир*) ташқарисида бўлмоқ (عَنْ); عَنِ الْخَطِّ ~ из (рельс) дан чиқиб кетмоқ (*поезд ҳақида*); عَنْ صَمْتِهِ ~ жимликни бузмоқ; عَنْ عَادَتِهِ ~ тарки одат қилмоқ; عَنِ الْمَوْضُوعِ ~ мавзудан четга чиқмоқ; مَا ~ عَنْ ... (*н. нидир*) давом эттирмаслик; (*н. биландир*) чегараланмоқ, кифояланмоқ; 3) натижаси чиқмоқ, ҳосил бўлмоқ; 4) (*н. нингдир*) чегарасидан чиқмоқ, ҳаддидан ошмоқ; 5) ташқи, хорижий, зоҳирий бўлмоқ; 6) (*к. нидир*) олиб чиқмоқ (بِ); 7) (*н. дандир*) тонмоқ, қайтмоқ. (*н. нидир*) рад қилмоқ, инкор қилмоқ (عَنْ); 8) кўтарилмоқ, бош кўтармоқ, (*к. гадир, н. гадир қарши*) қўзғолон кўтармоқ; (عَلَى) عَلَى قَوَاعِدَ ~ қоидаларни бузмоқ; 9) тозаламоқ, дистилламоқ, софламоқ (*мас., сувни*); ◊ يَخْرُجُ مِنْ يَدِهِ عَمَلُ الْحَلْقِ у (*соч-соқолни*) қиришни билади; لِأُمِّهِ ~ у онасининг ўзи бўлиб етишибди; II خَرَّجَ 1) чиқармоқ, чиқариб ташламоқ, ўчирмоқ, чиқариб юбормоқ, ҳайдамоқ; 2) тайёрламоқ, тарбияламоқ, етиштирмоқ, битиртириб чиқармоқ (*ўқувчи ҳақида*); 3) машқ қилдирмоқ, ўргатмоқ; 4) хулоса қилмоқ; 5) (*сўзнинг*) келиб чиқишини, этимологиясини аниқламоқ; IV أَخْرَجَ 1) чиқармоқ, тортиб олмоқ, суғуриб (чиқариб) олмоқ; لِسَانَهُ ~ тилини чиқармоқ; 2) кўтариб олиб чиқмоқ, олиб чиқиб қўймоқ; الْمَيِّتَ ~ маййит (ўлик) ни олиб чиқмоқ; 3) чиқармоқ (*мас. китобни*); رِيحًا ~ ел чиқармоқ; 4) ҳисобламоқ; билмоқ, қўймоқ, саҳналаштирмоқ (*мас., фильм, пьесаларни*); 5) яратмоқ, пайдо қилмоқ, юзага келтирмоқ; ~ الصَّوْتَ овоз чиқармоқ; الْحُرُوفَ مِنْ مَخَارِجِهَا ~ товушларни тўғри талаффуз қилмоқ; الصُّوَرَ ~ *фото.* олинган суратларни дори (проявител) га солиб кўринадиган қилмоқ; 6) чиқариб ташламоқ, ўчирмоқ, ҳайдамоқ, бўшатмоқ; مِنَ الْخِدْمَةِ ~ хизматдан (ишдан) бўшатмоқ; مِنْ جَدْوَلِ الْأَعْمَالِ ~ кун тартибидан чиқармоқ; V تَخَرَّجَ 1) (*ўқув юртини*) битирмоқ, тугатмоқ; (*курсни*) битирмоқ, тамомламоқ (فِي, مِنْ); 2) қандайдир бир курсни битиргандан кейин ихтисос, унвон олмоқ; VI تَخَارَجَ (*бойликни*) ўзаро бўлишмоқ; ўзаро алоқани узмоқ, ажралишмоқ (*шериклар ҳақида*); X اِسْتَخْرَجَ 1) тортиб (чиқариб, суғуриб) олмоқ, битта-битта олиб чиқмоқ; бирор ердаги нарсани олмоқ; топмоқ, излаб (ахтариб ёки бирор йўл билан) қўлга киритмоқ; (*қаердандир*) кўчириб олмоқ (مِنْ); ~ الْجِذْرَ *мат.* илдизни топмоқ; الْمَسْأَلَةَ ~ масалани ечмоқ; 2) дистилламоқ, тозаламоқ, софламоқ (*сув ҳақида*)

– إِخْرَاجٌ 1) чиқариб, суғуриб олиш; 2) олиб чиқиш; 3) чиқариб юбориш; ўчириш, (*ишдан*) ҳайдаш; (*душманни*) қувиб, суриб чиқариш; 4) режиссура, (*фильм, пьесаларнинг*) қўйилишига раҳбарлик қилиш; 5) яратиш, барпо этиш

– اِسْتِخْرَاجٌ 1) суғуриб, тортиб олиш; الْجِذْرِ ~ *мат.* илдизни топиш; 2) топиш, қўлга киритиш; 3) кўчириш, парча келтириш; 4) дистиллаш, тозалаш, софлаш (*сув ҳақида*)

– اِسْتِخْرَاجِيٌّ чиқаришга (қазиб олишга) оид; الصِّنَاعَةُ الـ ~ ـةُ ер-ости бойликларини қазиб олувчи саноат, кон саноати

– تَخَرُّجٌ курсни, ўқишни тугатиш

– تَخْرِيجٌ 1) чиқариб ташлаш, олиб ташлаш; маҳрум қилиш; 2) тайёрлаш, ўқитиш, тарбиялаш; 3) (*ўқув юртини*) битириш; 4) изоҳлаш, шарҳлаш

– خَارِجٌ 1) чиқувчи; 2) (*н. нингдир чегарасидан*) чиқадиган; 3) ташқи; الـ ~ чет эл; ـــهُ ~ ниманингдир ташқи томони; وَضَعَهُ ~ الْقَانُونِ кимнидир қонундан ташқари ҳолатга солиб қўймоқ; 2. 1) ташқи қисм, томон; ~ا ташқаридан; مِنَ الـ ~ а) хориждан, чет

элдан; б) ташқаридан; فِى الْـ~ а) чет элда; б) озодликда (қамоқда эмас); إِلَى الْـ~ а) чет элга; б) ташқарига; هَرَعَ إِلَى الْـ~ ташқарига югуриб чиқмоқ; 2) шунингдек: الْقِسْمَة~ бўлинма

– خَارِجِيٌّ[1] 1) хорижий, ташқи; 2) бегона, ёт; 3) чет элга оид: وِزَارَةُ الْـ~ـة ёки الْـ~ـة ташқи ишлар вазирлиги; السِّلْكُ الْـ~ дипломатия хизмати; ◊ تِلْمِيذٌ ~ қатнаб ўқийдиган ўқувчи; مُمَرِّضَةٌ ~ـة (касалхонага) қатнаб ишлайдиган ҳамшира

– خَارِجِيٌّ[2] кўп. خَوَارِجُ 1) бидъатчи; ихтилоф (нифоқ, низо) солувчи; 2) сепаратист, сепаратизм (ажралиб чиқишга қаратилган ҳаракат тарафдори); الْخَوَارِجُ тар. хорижийлар (оқим)

– خَرَاجٌ 1) ер солиғи; رَأْسِيٌّ ~ жон бошидан олинадиган солиқ; 2) мулклар, ер-сувлар (қишлоқлар, қўралар ва ҳ. к.)

– خُرَاجٌ кўп. أَخْرِجَةٌ ёки خُرَّاجٌ кўп. خَرَارِيجُ йирингли яра, чипқон; шиш, ғурра

– خَرَّاجٌ: وَلَّاجٌ ~ сувдан қуруқ чиқувчи; эпчил

– خَرَاجِيٌّ ер солиғи солинган

– خَرْجٌ кўп. أَخْرَاجٌ 1) харж, чиқим, сарф, буромад; 2) сарф-харажат учун ажратилган пул; 3) маълум вақтга мўлжалланган, ўлчанган миқдорда бериладиган озиқ-овқат (паёк); белгиланган, таъйинланган, тегишли, хизмат (меҳнат) қилиб эришилган; 4) солиқ, тўлов, ўлпон; 5) (кўйлакдаги) безак

– خُرْجٌ кўп. أَخْرَاجٌ, خِرَجَةٌ хуржун; ◊ (وَضَعَ) خَطَّ الْأَمْرِ إِلَى الْـ~ ишни хуржун қилмоқ

– خَرْجَةٌ кўп. خَرَجَاتٌ 1) чиқиш; 2) (жасадни, маййитни) олиб чиқиш, кўтариш; дафн маросими; 3) (бинодаги) туртиб чиққан жой

– خُرُوجٌ 1) чиқиш; الْإِنْسَانِ إِلَى الْفَضَاءِ الْكَوْنِيِّ ~ инсоннинг космосга чиқиши; عَنِ الطَّاعَةِ ~ гапга кирмаслик, қулоқсизлик, бўйсунмаслик; عَنِ الْخَطِّ ~ издан чиқиш; ҳалокат (мас. поезд); فَحْصُ الْـ~ организмдан ажралиб чиққан нарсаларни текшириш (сийдик, нажас, йиринг ва ҳ. к.); 2) киришиш, الْـ~ لِمُقَاتَلَةِ الْعَدُوِّ душман билан жангга киришиш; سِفْرُ الْـ~ дин. Исход (Қадимий аҳднинг иккинчи китоби христианларнинг муқаддас китобларидан); 3) кўп. ~ـاتٌ шахм. дебют (ўйиннинг бошланиши)

– خُرُوجَاتٌ кўп. 1) зийнат, безак, пардоз; 2) зарбоф, безакли, ялтироқ матолар

– خِرِّيجٌ курсни тугатган, бирор кимса ёки жой тарбиялаб етиштирган киши; ўқувчи, шогирд (мактабда); битирувчи, тарбияланган; ўқув даргоҳини тугатганлик тўғрисида ҳужжатга эга бўлган

– مُتَخَرِّجٌ ўқув юртини тугатган; шогирд (мактабда)

– مَخْرَجٌ кўп. مَخَارِجُ 1) чиқиш жойи; чиқиш йўли; илож; وَجَدَ ~ًا مِنْ أَزْمَةٍ оғир аҳволдан чиқиш йўлини топмоқ; 2) чора; 3) анат. орқа чиқариш тешиги; 4) линг. артикуляция (товушларнинг пайдо бўлиш) ўрни; 5) мат. махраж

– مُخْرِجٌ режиссёр; سِينَمَائِيٌّ ~ кинорежиссёр

– مُسْتَخْرَجٌ 1. қазиб олинган; қазилма; 2. кўп. ~ـاتٌ (ҳужжатдан) кўчирмалар (مِنْ); бироз ўхшаган; رَسْمِيٌّ مِنْ ~ شَهَادَةِ الْمِيلَادِ туғилганлик тўғрисидаги шаҳодатноманинг қисман (бир бўлаги) нусхаси (копияси)

– مُسْتَخْرَجَاتٌ кўп. 1) экстрактлар (кимёвий йўл билан органик тўқималардан олинган моддалар). 2) ишлаб чиқаришдаги қўшимча маҳсулотлар (мас. нефть); مَعْدَنِيَّةٌ ~ қазилмалар

خَرْخَرَ 1) хуррак отмоқ; хирилламоқ, хириллаб гапирмоқ; 2) шилдирамоқ, жилдирамоқ (сув ҳақида)

– خَرْخَرَةٌ 1) хуррак отиш, хуррак; ҳириллаш, хир-хир (мас. ўпкадаги); 2) шилдираш

خَرْخَشَ хирилламоқ, бўғилмоқ (касал ҳақида)

– خَرْخَشَةٌ хириллаш, ҳир-хир

I خَرِدَ (а) خَرَدٌ иффатли, бокира, эркак кишини кўрмаган бўлмоқ; сипо, боодоб, камсуқум (камтар) бўлмоқ

– خُرْدَجِيٌّ кўп. ...خُرْدَجِيَّةٌ аттор

– خُرْدَةٌ кўп. خُرْدَوَاتٌ 1) майда-чуйда; 2) майда моллар (товарлар): кўп. атторлик моллари; خُرْدَوَاتٌ مِنْ قُطْنٍ ип газламадан тайёрланган майда маҳсулотлар; دُكَّانُ الْخُرْدَوَاتِ атторлик дўкони; 3) ўз хизмат муддатини ўтаб бўлган нарсалар (касалхона ва бошқа муассасаларда сотиб юбориладиган); بِيعَتِ الْبَاخِرَةُ لِأَنَّهَا ~ ўз хизмат муддатини ўтаб бўлган пароход сотилди; الْحَدِيدُ الْـ~ темир-терсак

– خَرُودٌ 1. боодоб, камтар (қиз бола ҳақида). 2. бокира, иффатли, эркак кишини кўрмаган

– خَرِيدٌ бокира, иффатли, эркак кишини кўрмаган

– خَرِيدَةٌ кўп. خَرَائِدُ 1) бокира; 2) тешилмаган (ниш урилмаган) марварид, дур

خُرْدُقٌ жам. сочма ўқ, питра

– خُرْدُقَةٌ кўп. ~ـاتٌ (бир дона) питра (сочма ўқ)

خَرْدَلٌ 1) бот. горчица, хантал (ўсимлик); 2) хантал уруғлари; حَبَّةُ الْـ~ хантал дони (уруғи); غَازُ الْـ~ иприт (теккан ерни яра қиладиган ва умуман заҳарлайдиган рангсиз, мойсимон модда); لَزْقَةُ الْـ~ горчица қоғози, горчичник (компресс учун ишлатиладиган); ◊ لَا يَعْدِلُ هَذَا الْأَمْرُ حَبَّةَ الْـ~ бу бир пулга арзимайдиган иш

– خَرْدَلَةٌ кўп. ~ـاتٌ хантал дони (уруғи); ◊ لَا تَسْقُطُ ~ مِنْ يَدِهِ у ўтакетган хасис (қурумсоқ)

– خَرْدَلِيَّةٌ кўп. ~ـاتٌ хантaлдон, горчица идиши

I خَرَزَ (и, у) خَرْزٌ пармаламоқ, пармалаб тешмоқ; санчмоқ, санчиб тешмоқ

– خَرَزٌ жам. маржон, мунчоқ; дона (тасбеҳники); (марварид)

тоши; زُجَاج ~ шиша маржон

– خَرَزَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ бир дона маржон, мунчоқ; (*тасбеҳнинг*) бир донаси; (*марвариднинг*) битта тоши; ◊ الْبِئْرِ ~ ёғоч деворли қудуқ; الرَّقَبَةِ ~ қўштомоқ, кекирдак олмаси; الظَّهْرِ ~ умуртқа суяги, умуртқа поғонаси

– مِخْرَازٌ *кўп.* مَخَارِيزُ бигиз

– مِخْرَزٌ *кўп.* مَخَارِزُ = مِخْرَازٌ

I خَرِسَ (а) خَرَسٌ 1) соқов (гунг) бўлиб қолмоқ, тилдан қолмоқ; ~ عَنْ إِيضَاحِ الْمَسْأَلَةِ масаланинг изоҳи ҳақида лом-мим демади; 2) жим бўлмоқ, жимиб қолмоқ, тўхтаб қолмоқ; !اخْرَسْ жим бўл!; IV أَخْرَسَ 1) тилдан қолдирмоқ, овоздан маҳрум қилмоқ; жим қилмоқ, овозини ўчирмоқ; 2) жим бўлишга мажбур қилмоқ; مَاذَا ~كَ؟ нимага сен индамадинг?; لِسَانَهُ ~ кимнингдир овозини ўчирмоқ (гапиртирмаслик); ~هُ بِهٰذَا الْجَوَابِ ўз жавоби билан кимнидир миқ эткизмай қўймоқ; VI تَخَارَسَ ўзини соқовликка солмоқ

– أَخْرَسُ *мн.* خَرْسَاءُ *кўп.* خُرْسٌ, خُرْسَانٌ соқов; тилсиз, сўзлай олмайдиган, индамас, ювош

– خُرْسِيٌّ = خُرَاسَانِيٌّ *ёки* خُرَاسِيٌّ

– خَرَسٌ 1) гунглик, соқовлик; 2) сукунат, сукут сақлаш, жимжитлик; *мед.* афазия (*сўзлаш ва тушуниш қобилиятини йўқотиш*)

– خِرْسٌ ҳайдашга (деҳқончиликка) яроқсиз ер

– خَرْسَانُ *мн.* خَرْسَى = أَخْرَسُ

– خَرَسَانٌ бетон

– خَرَسَانَةٌ 1) бетон; الْـ~ الْمُسَلَّحَةُ темир-бетон, арматурали бетон; 2) черепица (*томга ёпиладиган сопол*)

– خَرَسَانِيٌّ бетондан ишланган, бетонли; أَعْمِدَةٌ ~ـَـةٌ бетондан ишланган устунлар

– خُرْسِيٌّ хуросонлик, Хуросонга оид

I خَرَشَ (и) خَرْشٌ тимдаламоқ, тирнаб олмоқ

خَرْشَنَةٌ денгиз қалдирғочи

خُرْشُوفٌ *жам. бот.* хуршуф (*ўтсимон ёввойи полиз ўсимлиги*)

– خُرْشُوفَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ хуршуф

خُرْشُومٌ *кўп.* خَرَاشِيمُ 1) чўққи; баланд тоғ; 2) бурчак

I خَرَصَ (у, и) خَرْصٌ 1) фараз қилмоқ, тахминламоқ, чамаламоқ; النَّخْلَ ~ хурмонинг мевасини чамалаб кўрмоқ; 2) алдамоқ, ёлғон гапирмоқ; V تَخَرَّصَ 1) гумон қилмоқ; ўйлаб чиқармоқ, тўқимоқ (*мас. бўлмағур гапларни*): 2) бўлмаган айбни қўймоқ, (*к. гадир*) туҳмат қилмоқ (عَلَى); алдамоқ; VIII اخْتَرَصَ (*к. гадир*) туҳмат қилмоқ (عَلَى)

– تَخَرُّصٌ *кўп.* اتٌ ـُـ 1) уйдирма; 2) ёлғон-яшиқ, тўқима гап

– خَرَّاصٌ ёлғончи; туҳматчи

– خُرْصٌ *кўп.* خُرْصَانٌ зирак, балдоқ, исирға; узук

خَارَصِينٌ = خَرْصِينٌ

I خَرَطَ (у) خَرْطٌ 1) (*токарлик дастгоҳида*) йўнмоқ, йўниб ясамоқ; 2) бўлакларга ажратмоқ, кесмоқ, қирқмоқ; 3) алдамоқ; мақтанмоқ, мақтаниб гапирмоқ; 4) (*чой*) дамламоқ; 5) япроқларни термоқ (*новдани қўлда ушлаб туриб*);الشَّجَرَةَ ~ дарахт баргларини сидириб олмоқ; II خَرَّطَ 1) майда қилиб қирқмоқ, тўғрамоқ, ушатмоқ, синдирмоқ; 2) (*ичакларни*) тозаламоқ (*дори ҳақида*); V تَخَرَّطَ тозаланмоқ (*ичаклар ҳақида*); VII انْخَرَطَ 1) йўнилган, йўниб ясалган бўлмоқ; 2) майда қилиб қирқилган, тўғралган бўлмоқ; 3) (*қаергадир*) кирмоқ (فِي); (*н. гадир*) аралашмоқ (فِي); فِي سِلْكِ ~ ... (*хизматга*) кирмоқ; فِي سِلْكِ الْوِزَارَةِ ~ вазирликка ишга кирмоқ (иш бошламоқ); فِي سِلْكِ الْقَضَاءِ ~ суд соҳасида иш бошламоқ; فِي سِلْكِهِمْ ~ у уларнинг тўдасига қўшилди; VIII اخْتَرَطَ (*қилични*) қиндан чиқармоқ; X اسْتَخْرَطَ: فِي الْبُكَاءِ ~ йиғлаб юбормоқ, хўнг-хўнг йиғламоқ

– خَارِطَةٌ *кўп.* خَوَارِطُ, اتٌ ـَـ харита, географик карта

– خَرَّاطٌ 1) токарь; 2) мақтанчоқ, ёлғончи

– خُرَاطَةٌ *кўп.* اتٌ ـُـ пичоқ

– خُرَاطَةٌ қипиқ, қиринди; пайраҳа

– خِرَاطَةٌ токарлик касби

– خَرْطٌ 1) йўниш; токарлик касби; 2) япроқларни юлиш (узиш); الشَّجَرَةِ ~ дарахт япроқларини буташ; 3) ёлғон-яшиқ; ◊ دُونَ ذٰلِكَ الْقَتَادِ ~ бу жуда қийин иш

– خُرْطَةٌ *кўп.* خُرَطٌ карж, тилимча; япроқча; бурда, паллача

– خَرِيطَةٌ *кўп.* خَرَائِطُ 1) харита, карта; الْأَرْصَادِ الْجَوِّيَّةِ ~ метеорологик харита; 2) теридан қилинган қоп; сафар халта

– مَخْرَطٌ *кўп.* مَخَارِطُ токарлик устахонаси

– مِخْرَطَةٌ *кўп.* مَخَارِطُ токарлик дастгоҳи

– مَخْرُوطٌ *кўп.* مَخَارِيطُ конус; قَطْعُ ~ *мат.* конус кесими; ~ـَـةٌ الْفَخَّارِ конус шаклидаги сопол идиш; اللِّحْيَةِ ~ эчки соқол; الْوَجْهِ ~ чўзиқ юз

– مَخْرُوطَةٌ махрувта (*таом номи*)

– مَخْرُوطِيٌّ конусга оид; конус шаклидаги; قَطْعٌ ~ *мат.* конус кесими

خَرْطَالٌ *бот.* ёввойи сули; сули

خَرْطُوشٌ *жам. кўп.* خَرَاطِيشُ ўқлар, патронлар; بَيْتُ الْـ~ патрон солинадиган сумка; الصَّيْدِ ~ ов патронлари; ◊ تِجَارِيٌّ ~ савдо ҳисоб-китоби дафтари

– خَرْطُوشَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ 1) патрон; حَيَّةٌ ~ жанговар патрон; خَرْسَاءُ ~ бўш патрон, пахтавон патрон; 2) жимжимадор лавҳа *ёки* рамка

خَرْتِيتٌ = خَرْطِيطٌ

خُرْطُمَانِيٌّ катта хартумли; бурни катта, катта бурунли

– خُرْطُومٌ кўп. خَرَاطِيمُ хартум; (чўчқанинг) тумшуғи; катта бурун; 2) *шунингдек*: الْمَاءِ ~ ичак, шланг, резина ичак

خُرْطُونٌ кўп. خَرَاطِينُ чувалчанг

I خَرُعَ (у) خُرُوعٌ ёки خَرِعَ (а) خَرَعٌ, خَرَاعَةٌ 1) қувватсиз, дармонсиз, заиф, нимжон бўлмоқ; 2) ақли кам (ақли паст) бўлмоқ; I خَرَعَ (а) خَرْعٌ ёрмоқ, бўлмоқ; VII انْخَرَعَ 1) заиф (нимжон) бўлмоқ; 2) ёрилмоқ, бўлинмоқ; VIII اخْتَرَعَ ихтиро этмоқ, кашф этмоқ; ўйлаб топмоқ

– اخْتِرَاعٌ кўп. ـَاتٌ — 1) топқирлик, ижодкорлик, тадбиркорлик; 2) ихтиро, кашфиёт

– خَرَّاعَةٌ қўриқчи

– خَرْعٌ ёриш, бўлиш

– خَرَعٌ ланжлик, сустлик

– خَرِعٌ ожиз, нимжон, камқувват

– خَرِيعٌ = خَرِعٌ

– مُخْتَرَعٌ 1. ўйлаб топилган (чиқарилган); ихтиро этилган; 2. кўп. ـَاتٌ — ихтиро, кашфиёт

– مُخْتَرِعٌ ихтирочи, кашфиётчи

خُرْعُوبَةٌ кўп. خَرَاعِيبُ ёш қиз

I خَرِفَ (а) خَرَفٌ 1) ақлдан озмоқ, эсини еб қўймоқ, болалиги тутмоқ, ёш боладай бўлиб қолмоқ; 2) сафсата сотмоқ, беҳуда гап қилмоқ; алаҳламоқ (*касал ҳақида*); خَرَفَ (у) خَرْفٌ термоқ, йиғмоқ; II خَرَّفَ = I; VIII اخْتَرَفَ терилмоқ, йиғиштирилмоқ, йиғиб-териб олинмоқ

– تَخْرِيفٌ кўп. ـَاتٌ — аҳмоқона сафсата, беҳуда гап; كُلُّهُ ~ فِي ~ буларнинг ҳаммаси қуруқ гап

– خُرَافَةٌ кўп. ـَاتٌ — 1) хурофот, ривоят, хурофий афсона; бидъат, таассуб; 2) эртак, чўпчак, масал, афсона; беҳуда гап, сафсата; кўп. уйдирмалар, тўқималар, ёлғон гаплар

– خُرَافِيٌّ 1) хурофий, ирим-сиримларга ишонадиган; 2) афсонавий, ҳад-ҳисобсиз, беқиёс, эртаклардагидек

– خَرَفٌ 1) ақли заифлик (*қарилик туфайли*): 2) хурофот

– خَرِفٌ, خَرْفَانٌ ақлдан озган, ёш болага ўхшаган

– خَرْفِيٌّ ёки خَرِيفِيٌّ =

– خَرُوفٌ кўп خِرْفَانٌ, خِرَافٌ қўзичоқ; الْمَحْشِيُّ ~ الـ қўзи қиймасидан тайёрланган (*овқат*); الْبَحْرِ ~ *зоол.* ламантин (*Африка қирғоқларига яқин сувларда яшовчи китсимонлар оиласига мансуб сув жонивори*)

– خَرِيفٌ куз

– خَرِيفِيٌّ кузги; кузда етиштирилган, кузда бўладиган

– مُخَرَّفٌ 1. ақлдан озган; 2. вайсақи

مُخَرْفَجٌ: عَيْشٌ ~ кенг, тўкин-сочин, ҳаёт; سِرْوَالٌ ~ оёқнинг бетига тушиб турадиган лозим, иштон

– مَخْرَفَةٌ йўл

خَرْفَشَ 1) аралаштирмоқ, қориштирмоқ; 2) чалкаш гапирмоқ; ноаниқ, тушуниб бўлмайдиган қилиб ёзмоқ; 3) қўпол, дағал, ғадир-будур, нотекис бўлмоқ

– خَرَافِيشُ кўп. шеваларга хос бўлган ифодалар

– خَرْفَشَةٌ 1) аралаштириш; 2) ноаниқ гап; 3) *радио.* шовқин, вағиллаган халақит берувчи товушлар

– خَرْفُوشٌ *жам. қарт.* майда қарталар

– خَرْفُوشَةٌ кўп. ـَاتٌ — *қарт.* майда қарта, ташланадиган қарта

I (خرق) خَرَقَ[1] (и, у) خَرْقٌ 1) тешик қилмоқ, тешмоқ; ўймоқ, тешик очмоқ; тешиб (еб) ташламоқ (*қурт-қумурсқалар ҳақида*); пармалаб (бурғулаб) тешмоқ; тешиб қўймоқ; қазимоқ, кавламоқ, ўймоқ; جَبْهَةَ الْعَدُوِّ ~ душман фронтини ёриб ўтмоқ; الْبِنْتَ ~ қизлигидан маҳрум қилмоқ; الْعَيْنَ ~ кўзга ташланмоқ, кўзга дангал ташланадиган (сезиларли) бўлмоқ; 2) кирмоқ, ичига кирмоқ, ичига ўтмоқ; 3) четга чиқмоқ, четлаб ўтмоқ (*мас. қонунни*); бузмоқ; أَدَبًا ~ тартиб-интизомни бузмоқ; الْأَمْنَ الْعَامَّ ~ жамоат хавфсизлигини бузмоқ; حُدُودَ الدَّوْلَةِ ~ давлат чегараларини бузмоқ; حُرْمَةَ الْمَعْهَدِ ~ *юр.* институт дахлсизлигини бузмоқ; الْمَدَى الْجَوِّيَّ ~ ҳаво чегараларини бузмоқ; خَرَقَ[2] (у) خُرُوقٌ уйда ўтирмоқ, уйдан кўчага чиқмаслик; خَرِقَ (у) خَرَاقَةٌ аҳмоқ (тентак, ақлсиз) бўлмоқ; II خَرَّقَ майдалаб йиртмоқ; илма-тешик қилиб юбормоқ; V تَخَرَّقَ қазиб ичига кирмоқ; кавланмоқ, ўйилмоқ; VII انْخَرَقَ илма-тешик бўлмоқ, йиртиқ бўлмоқ; VIII اخْتَرَقَ 1) кесиб (*ўртасидан*) ўтмоқ, босиб ўтмоқ; 2) кирмоқ, ичига кирмоқ; 3) бўлиб (кесиб) ўтмоқ; ич-ичига ўтиб кетмоқ, ичига кирмоқ (сингмоқ); (*фронтни*) ёриб ўтмоқ; тешиб ўтмоқ (*ўқ ҳақида*); XII اخْرَوْرَقَ = V

– اخْتِرَاقٌ 1) ўтказиш, ўзидан ўтказиш; *физ.* ўтказгичлилик қобилияти; 2) ичига кириш, ўтиш; 3) сингиш; (*фронтни*) ёриб ўтиш; тешиб ўтиш (*ўқ ҳақида*); الرِّيَاحِ ~ шамолнинг эсиши

– أَخْرَقُ *мн.* خَرْقَاءُ кўп. خُرْقٌ 1) аҳмоқ, тентак, уқувсиз, овсар; 2) ножўя, келишмаган; қўпол; бесўнақай

– خَارِقٌ[1] 1) тешувчи; бўлиб (кесиб) ўтувчи; ўювчи; 2) ажралиб турувчи; фавқулодда, одатдан ташқари; الْعَادَةِ ~ ғайриоддий, ўзгача; نَجَاحٌ ~ ўзгача муваффақият, الطَّبِيعَةِ ~ ғайритабиий, ақл бовар қилмайдиган; خَارِقٌ[2]. кўп. خَوَارِقُ ғайриоддий воқеа; мўъжиза, каромат.

– خَرْقٌ 1) тешиш, қазиш, кавлаш, ўйиш; 2) бузиш; 3) кўп. خُرُوقٌ узилган жой, ёриқ, дарз, кавак, тирқиш, тешик; الـ ~ أَكْبَرُ مِنْ إِبْرَةِ الرَّاتِقِ وَ أَطْوَلُ مِنْ خَيْطِهِ *маж.* бу ишни (нарсани) тузатиб бўлмайди;

~وَسَّعَ الـ а) тешикни кенгайтирмоқ; б) ишни мушкуллаштирмоқ; قَامَ بِـ~ أُذُنَيْهِ киминингдир қулоқларини (*балдоқ тақиш учун*) тешмоқ

– خُرْقٌ [illegible] тлик; 2) [illegible] келишмаганлик, бесўнақайлик

– خَرْقٌ *кўп.* أَخْرَاقٌ 1) олийжаноб, олийҳиммат; 2) сахий, саховатли

– خِرْقَةٌ[1] *кўп.* خِرَقٌ 1) латта; парча, лахтак, бўлак, қийқим; *кўп.* латта-путталар, эски-тускилар; خِرَقٌ بَالِيَةٌ латта-путталар; جَامِعُ الْخِرَقِ эскифуруш; 2) *тар.* суфийлар хирқаси (кийими); أَصْحَابُ الـ~ суфийлар

– خِرْقَةٌ[2] газлама; ~ مِنَ الْكَتَّانِ зиғир толасидан тўқилган мато

– مُخْتَرَقٌ *кўп.* اتٌ — йўл, ўтиш жойи

– مِخْرَاقٌ баданга ўраш учун эшилган рўмол

– مُخَرَّقٌ илма-тешик

– مَخْرَقَةٌ жонглёрлик; фокус кўрсатиш; *кўч. м.* фирибгарлик, найрангбозлик, лўттибозлик

I خَرَمَ (*и*) خَرْمٌ санчмоқ, тешмоқ, тешик қилмоқ; ◊ ~ قَوَاعِدَ النُّطْقِ талаффуз қоидасини бузмоқ; II خَرَّمَ 1) кўплаб тешик қилмоқ, кўп тешмоқ; 2) тикмоқ (*мас. гул*); тўр тўқимоқ; 3) (*қаергадир*) энг қисқа йўл билан бормоқ (عَلَى); 4) уриб синдирмоқ, бузмоқ, барбод қилмоқ; V تَخَرَّمَ ҳалок қилмоқ; ~ـهُ الدَّهْرُ у ҳалок бўлди, у вафот этди; VII انْخَرَمَ 1) санчилган, тешилган бўлмоқ; 2) бузилмоқ, барбод бўлмоқ; VIII اخْتَرَمَ 1) ўғирламоқ, ўғирлаб кетмоқ; 2) емирмоқ, кемирмоқ, қирқмоқ; бузмоқ, барбод қилмоқ; йўқ қилмоқ; ~ـهُ الدَّهْرُ *ёки* ~ـتْهُ الْمَنِيَّةُ у ўлди

– أَخْرَمُ *мн.* خَرْمَاءُ *кўп.* خُرْمٌ бурун каваклари орасида (*балдоқ тақиш учун*) тешиги бор

– انْخِرَامٌ бузилиш, ишдан чиқиш

– تَخْرِيمٌ 1) тешик очиш; آلَةُ الـ~ *ёки* عُدَّةُ الـ~ перфоратор (*тешик очадиган асбоб*); 2) кашта тикиш; 3) *кўп.* تَخَارِيمُ кашта, гул; тўр; تَخَارِيمُ الشُّرْفَةِ балкон панжараси

– تَخْرِيمَةٌ энг қисқа йўл

– خَرَّامٌ, خَرَّامَةٌ *кўп.* اتٌ — парма; дрель

– خَرْمٌ *кўп.* خُرُومٌ 1) чўққи, тоғ чўққиси; 2) бўш қолган жой, очиқ жой, оралиқ

– خُرْمٌ *кўп.* خُرُومٌ тешик, кавак; ~ الْإِبْرَةِ нинанинг тешиги

– خَرْمَانٌ тамаки тайёрлаш бўйича мутахассис

– خَرْمَنْجِيٌّ *кўп.* خَرْمَنْجِيَّةٌ = خَرْمَانٌ

– مُخَرَّمٌ 1) тешилган; 2) тикилган

– مُخَرَّمَاتٌ *кўп.* тўр

– مَخْرُومٌ тешиги бор; كَانَتْ أُذُنُهُ ~ـةً унинг қулоқлари (*балдоқ тақиш учун*) тешилган эди

خَرْمَشَ 1) тирнамоқ, тимдаламоқ (بِ); 2) бузмоқ, ишдан чиқармоқ

– خَرْمَشَةٌ 1) тимдалаш, чанг солиш; 2) бузилиш, айниш, ишдан чиқиш

خِرْنِقٌ *кўп.* خَرَانِقُ қуёнча

خَرُّوبٌ = خَرْنُوبٌ *қар.* خرب

خِرْوَعٌ *бот.* канакунжут; زَيْتُ الـ~ канакунжут мойи

I خَزَّ (*а/у*) خَزٌّ (*н. билан дир*) тешмоқ (بِ); VIII اخْتَزَّ = I

– خَزٌّ *кўп.* خُزُوزٌ ипак газлама, ипак; ипак ва жундан ёки ипакнинг ўзидан тўқилган мато

– خُزَزٌ *кўп.* خِزَازٌ, خِزَّانٌ қуён

I خَزَرَ (*у*) خَزْرٌ кўз қири билан қарамоқ

I خَزَعَ (*а*) خَزْعٌ қирқмоқ, кесмоқ

خُزَعْبِلٌ *жам.* ривоятлар, эртаклар, уйдирмалар

– خُزَعْبَلَةٌ *кўп.* اتٌ — уйдирма, тўқима; эртак

– خُزَعْبِلِيٌّ ақлга (ҳақиқатга) тўғри келмайдиган, эҳтимолдан узоқ

خَزَّافٌ 1) кулол; 2) сопол идишлар билан савдо қилувчи

– خِزَافَةٌ кулолчилик

– خَزَفٌ сопол идиш; фаянс (*ганч аралаш лой*) буюмлар; ~ صِينِيٌّ чинни; керамика

– خَزَفِيٌّ лойдан ясалган, сопол

I خَزَقَ (*и*) خَزْقٌ 1) санчмоқ, тешмоқ, суқмоқ, тиқмоқ, 2) йиртмоқ, кавлаб (ўйиб) ташламоқ, титиб ташламоқ; II خَزَّقَ озгина йиртмоқ, кавламоқ, титмоқ; V تَخَزَّقَ 1) тешилган бўлмоқ; 2) йиртилмоқ, кавланмоқ, титкиланмоқ; VII انْخَزَقَ = V

– خَازِقٌ найзанинг учи

– خَازُوقٌ *кўп.* خَوَازِيقُ қозиқ (*қатл қилиш асбоби*)

– خَزْقٌ *кўп.* خُزُوقٌ тешик

I خَزَلَ (*и*) خَزْلٌ кесмоқ, қирқмоқ; ажратмоқ, айирмоқ; кесиб қисқартмоқ, камайтирмоқ, калталатмоқ; VIII اخْتَزَلَ қисқартмоқ, қисқармоқ; ~ الْكُسُورَ *мат.* касрларни қисқартирмоқ; ◊ ~ بِرَأْيِهِ ўз фикрида қолмоқ

– اخْتِزَالٌ қисқартириш, қисқариш; كِتَابَةُ الـ~ стенография (*матнни шартли белгилар билан тез ёзиб олиш*); كَتَبَ بِالـ~ стенография йўли билан ёзиб олмоқ; كَاتِبُ الـ~ стенографист; ~ الْكُسُورِ *мат.* касрларни қисқартириш

– اخْتِزَالِيٌّ стенографияга оид

– اتٌ ~ *кўп.* مُخْتَزَلٌ – стенограмма (*стенографик матн*)

– مُخْتَزِلٌ стенографист

I خَزَمَ (*и*) خَزْمٌ тизмоқ, ўтказмоқ, тақмоқ, термоқ, шода қилмоқ (*мас., ипга*); الْأَنْفَ ~ бурунга ҳалқа тақмоқ; الْمَرِيضَ ~ касални даволаш мақсадида терисини кесиб, яра ҳосил қилмоқ; ◊ أَنْفَهُ ~ кимнидир хўрламоқ, камситмоқ, ерга урмоқ

– خُزَامٌ 1) сунбул; 2) саёқгул, оромгул, қалампиргул

– خُزَامٌ қалампиргул (*Сурияда*)

– خُزَامَى *жам.* 1) лаванда (*ҳаворанг ёки бинафшаранг гулли, хушбўй, доим яшил ўсимлик*); 2) қалампиргул; 3) лолалар

– خُزَامَاةٌ лавандалар; қалампиргуллар; лолалар

– خِزَامٌ, خِزَامَةٌ *кўп.* خَزَائِمُ 1) (*туянинг бурнига тақиладиган*) ҳалқа; 2) (*аёллар бурнига тақиладиган*) балдоқ; 3) касални даволаш мақсадида терини кесиб яра ҳосил қилиш

– مَخْزُومٌ 1) куш; 2) тешик

I خَزَنَ (*у*) خَزْنٌ 1) тахлаб (териб, жойлаб) қўймоқ, ғамламоқ, захира (кўр) қилиб тайёрлаб қўймоқ; тўпламоқ, йиғмоқ, жамғармоқ; 2) сақламоқ, тутмоқ, асрамоқ, қўриқламоқ; السِّرَّ ~ сир сақламоқ; ◊ الطَّرِيقَ ~ энг яқин йўл билан кетмоқ; II خَزَّنَ 1) ғамламоқ, захира (кўр) қилмоқ, жамғармоқ, орттирмоқ, тўпламоқ, йиғмоқ, жамламоқ; 2) сақламоқ, эҳтиёт қилмоқ; омборга жойламоқ, жойлаштирмоқ, омборда сақламоқ; الْقِطَارَ ~ поездни эҳтиёт (запасдаги) йўлга қўймоқ; VIII اخْتَزَنَ (*ўзи учун*) жамғармоқ, ғамламоқ, захира (кўр) қилмоқ; 2) сақламоқ, эҳтиёт қилмоқ; ◊ الطَّرِيقَ ~ энг яқин йўлдан кетмоқ

– تَخْزِينٌ 1) ғамлаш, захира қилиш; сақлаш; أُجْرَةُ الـ~ сақлаганлиги учун ҳақ (тўлов); سِكَكُ الـ~ эҳтиёт (запасдаги) йўллар

– خَازِنٌ *кўп.* خُزَّانٌ, خَزَنَةٌ 1) сақловчи, асровчи; қўриқчи, соқчи; омборчи; 2) хазиначи, ғазначи, кассир; 3) қизилиштон

– خَزَّانَةٌ *кўп.* خَزَّانَاتٌ, خَزَازِينُ 1) нарсалар сақланадиган жой; омбор; 2) сув омбори, ҳавза, ҳовуз, бассейн, сунъий ҳовуз; резервуар (*суюқлик ва газ сақланадиган катта идиш*); бак, цистерна; الْوَقُودِ ~ ёқилғи баки, ёқилғи қуйиладиган идиш; 3) тўғон, ғов

– خَزَّانَةٌ *кўп.* خَزَائِنُ кичкина хона, уйча, қазноқ (*деҳқон ҳовлисида*)

– خِزَانَةٌ *кўп.* خَزَائِنُ, خِزَانَاتٌ 1) хазина, ғазна; маблағ, мол-мулк; الـ~ الْعَامَّةُ *ёки* الـ~ الْحُكُومِيَّةُ давлатга қарашли мол-мулк; 2) шкаф, жавон; الثِّيَابِ ~ *ёки* الْمَلَابِسِ ~ кийим жавони; الْكُتُبِ ~ а) китоб жавони; б) китоб сақланадиган жой; кутубхона; السُّفْرَةِ ~ буфет (*озиқ-овқат жавони*); الـ~ الْحَدِيدِيَّةُ сейф, ёнмайдиган шкаф; 3) камера, хона, бўлма; الِاحْتِرَاقِ ~ *тех.* ёниш камераси

– خَزْنٌ сақлаш; أُجْرَةُ الـ~ сақланганлик учун тўлов

– خَزْنَدَارٌ *кўп.* خَزْنَدَارِيَّةٌ хазиначи, кассир

– خَزْنَةٌ *кўп.* خَزَنَاتٌ 1) хазина, ғазна; 2) жавон, шкаф; 3) омбор, қазноқ; 4) (*ўқ отувчи қуролнинг*) ўқ турадиган қутиси (*магазин*); 5) *шахм* рокировка; صَغِيرَةٌ ~ қисқа рокировка; كَبِيرَةٌ ~ катта (узун) рокировка

– خَزِينٌ 1. муҳофаза қилинаётган, сақланаётган, қўриқланаётган; 2. захира, кўр-кут, ғамлаб қўйилган нарса; حُجْرَةُ الـ~ омбор, омборхона

– خَزِينَةٌ *кўп.* خَزَائِنُ, خَزِينَاتٌ 1) хазина, дафина; 2) мол-мулк; الدَّوْلَةِ ~ давлат хазинаси; 3) молия муассасаси; 4) касса (*идора ёки муассаса қўлидаги тўпланган нақд пул*)

– مَخْزَنٌ *кўп.* مَخَازِنُ 1) омбор, қазноқ; 2) сарой, парк (*мас. автобуслар, троллейбуслар ва ҳ. к. парники*); 3) (*универсал*) магазин; 4) *ҳарб.* обойма (*отиш қуролларининг ўқ жойланадиган қисми*); 5) Махзан (*Марокашдаги ҳукумат*); ◊ مَخَازِنُ الطَّرِيقِ энг қисқа йўл

– مَخْزَنْجِيٌّ *кўп.* مَخْزَنْجِيَّةٌ хазиначи, омборчи, омбор мудири

– مَخْزَنِيَّةٌ омборда сақланганлик учун тўланадиган ҳақ

– مَخْزُونٌ 1.омборда сақланадиган; 2. 1) захира, бойлик; ~ النَّفْطِ فِي بُطُونِ الْأَرْضِ ер қаъридаги нефть бойликлари; 2) омбор

– مَخْزُونَاتٌ *кўп.* омборда сақланадиган моллар

I (خزى) خَزِيَ (*и*) خِزْيٌ уялтирмоқ; خَزِيَ (*а*) خَزًى, خَزَايَةٌ шарманда бўлмоқ, уялмоқ, хижолат бўлмоқ; IV أَخْزَى шарманда қилмоқ, уялтирмоқ; X اسْتَخْزَى уялмоқ, хижолат тортмоқ

– خِزْيٌ уят, шармандалик, иснод

– خَزْيَانُ *мн.* خَزْيَا *кўп.* خَزَايَا хижолат бўлувчи, шарманда (бўлувчи)

– خَزِيَّةٌ, خِزْيَةٌ *кўп.* خَزَايَاتٌ уят иш, иснод келтирадиган ҳатти-ҳаракат

– مُخْزٍ *мн.* مُخْزِيَةٌ 1. 1) уятсиз, шарманда; 2) уятга қолдирадиган, иснод келтирадиган; 2. *кўп.* مُخْزِيَاتٌ иснод келтирадиган ҳатти-ҳаракат

– مَخْزَاةٌ *кўп.* مَخَازٍ уят иш, уятсизларча муомала

– مَخْزِيٌّ 1. хижолатга қолган, шарманда (*бўлган*); 2.: الـ~ шайтон

I (خس) خَسَّ[1] (*и/а*) خِسَّةٌ, خَسَاسَةٌ 1) хасис (пасткаш) бўлмоқ; 2) оз бўлмоқ, озаймоқ, камаймоқ; خَسَّ[2] (*а/у*) خَسٌّ озайтирмоқ, камайтирмоқ; II خَسَّسَ = خَسَّ[2]; X اسْتَخَسَّ хасис (паст) ҳисобламоқ

– خَسٌّ сутчўп салати

– خَسَاسَةٌ 1) ерга уриш, таҳқирлаш; 2) пасткашлик, ярамаслик, палидлик, разиллик; 3) хасислик

– خِسَّةٌ пастлик, палидлик, разиллик; النَّفْسِ ~ маънавий тубанлик

– خَسِيسٌ *кўп.* أَخِسَّاءُ хасис, паст, пасткаш, тубан, қабиҳ, разил, ярамас, бузуқ

– خَسِيئَةٌ 1) озайиш, камайиш; 2) пастлик, разиллик, палидлик

I (خسأ) خَسَأَ[1] (а) خَسْءٌ ҳайдамоқ, ҳайдаб юбормоқ, қувмоқ (мас. итни); اخْسَأْ! йўқол!; خَسِئَ (а) خَسَأَ ҳайдалган (қувилган) бўлмоқ; فَلْيَخْسَأْ فلان بَا رَجُلُ (مَرْأَةُ) خَسِئْتَ (خَسِئْتِ) бор, кет!, бор, йўқол!; йўқолсин фалончи, яшасин фалончи!; فَلْيَحْيَ فُلَانٌ!

خَسَأَ[2] (а) خُسُوءٌ хиралашмоқ (кўз ҳақида); VII انْخَسَأَ =I

– خَاسِئٌ 1) ҳайдалган, қувилган; яқин йўлатилмаётган; 2) хиралашган (кўз ҳақида); ~ فَارْتَدَّ بَصَرُهُ унинг кўзи хиралашди

خَسْتَخَانَةٌ кўп. ـَاتٌ — хастахона, касалхона

خَسْتَكَ хаста (касал) бўлмоқ, мазаси қочиб (лоҳас бўлиб) турмоқ

– خَسْتَكَةٌ хасталик, касаллик, касал (бетоб) бўлиб туриш, мазаси қочиш

– مُخَسْتَكٌ носоғлом, касал, мазаси қочган, бетоб

I خَسِرَ (а) خُسْرٌ، خَسْرٌ 1) (н. нидир) йўқотмоқ; (н. нидир) бой бермоқ, қўлдан чиқармоқ (н. дандир) маҳрум бўлмоқ; зарар кўрмоқ; 2) (урушда, пулни) ютқазмоқ; 3) йўлни йўқотмоқ, адашмоқ; 4) ҳалок (нобуд) бўлмоқ; خَسَرَ (и) خَسْرٌ оз келмоқ, кам келмоқ (тарозида); II خَسَّرَ 1) зарар (зиён, камомад) келтирмоқ; 2) бузмоқ, нобуд қилмоқ, IV أَخْسَرَ = II; X اسْتَخْسَرَ (1) (н. гадир) ҳасад қилмоқ (فِي، عَلَى) 2) ёқимсиз (номақул) деб ҳисобламоқ; 3) зарар (зиён) деб ҳисобламоқ, аямоқ, эҳтиёт қилмоқ; ~ عَلَيْهِ الرَّصَاصَةَ маж. у унга ўқни ҳам раво кўрмади

-- تَخْسِيرٌ ҳалок этиш

– خَاسِرٌ 1) йўқотувчи, ютқазувчи; 2) зарар (зиён) кўрувчи; 3) йўқолган; ҳалокатга олиб борадиган, фалокатли, бўлмагур; دَافَعَ ~ عَنْ قَضِيَّةٍ бўлмагур ишни ҳимоя қилмоқ

– خَسَارٌ зарар, зиён, йўқотиш, талофат

– خَسَارَةٌ зарар, зиён, йўқотиш, талофат; ~ لَا تُعَوَّضُ оғир тиклаб (қоплаб) бўлмайдиган йўқотиш; 2) ҳалокат, нобудгарчилик; 3) ютқизиш, шикаст; خَسَائِرُ وَ أَرْبَاحٌ кирим ва чиқимлар, даромаду буромадлар; خَسَائِرُ فِي الْأَرْوَاحِ وَ الْأَمْوَالِ моддий ва жонли куч талофатлари; ~ يَا ! ◊ эсиз!, аттанг-а!

– خَسْرَانُ 1) йўқотадиган, зарар кўрадиган; 2) зарарланган, шикастланган; бузилган

– خُسْرَانٌ 1) йўқолган нарса; 2) талофат, нобудгарчилик; 3) зарар; зиён; وَقَعَ فِي الـــ~ зарар (зиён) кўрмоқ

– مُخَسِّرٌ зарар (зиён) етказувчи, шикаст етказувчи

I خَسَفَ (и) خُسُوفٌ 1) тушмоқ, кўнмоқ, пасаймоқ; чўкмоқ; йиқилиб тушмоқ, ўпирилмоқ; 2) хиралашмоқ, тутилмоқ (ой ҳақида); 3) (н. нидир) туширмоқ, пасайтирмоқ, йиқитмоқ, ўпирмоқ, чўктирмоқ (بِ); ~ اللهُ بِهِ الْأَرْضَ Оллоҳ унга ўлим берсин! (сўзма-сўз: Оллоҳ уни ерга тиқсин!) VII انْخَسَفَ 1) тутилмоқ (ой ҳақида); 2) йиқилмоқ, ўпирилмоқ, йўқолмоқ; انْخَسِفْ! йўқол!

– خَسْفٌ камситиш, хўрлаш, ерга уриш; سَامَهُ الـــ~ ёки а) хўрламоқ, камситмоқ, ... ерга урмоқ; б) кўнгилсизликка сабаб бўлмоқ

– خُسُوفٌ Ойнинг тутилиши; الـــ~ الْجُزْئِيُّ Ойнинг қисман тутилиши; الـــ~ الْكُلِّيُّ Ойнинг тўла тутилиши; الْكَوْكَبِ ~ Ойнинг юлдузларни тўсиб (беркитиб) қолиши

– خَسِيفٌ ~ الْعَقْلِ аҳмоқ, тентак, ақли паст

– مَخْسُوفٌ тутилган; الْبَدْرُ الـــ~ тутилган ой

I خَشَّ (а/у) خَشٌّ 1) кирмоқ; 2) (туянинг) бурнидан калтак ўтказмоқ; II خَشَّشَ 1) (к. нидир) киритмоқ; 2) (гуллар билан) безамоқ

– خُشَاشٌ، خِشَاشٌ، أَخِشَّةٌ кўп. судралиб юрувчилар: ҳашорат, қурт-қумурсқа

– خِشَاشَةٌ кўп. خَشَاشٌ (туянинг) бурнига ўтказиладиган калтак

– خَشِيشٌ[1] безак учун ишлатиладиган гуллар

– خَشِيشٌ[2] шитир-шитир (баргларники)

– مَخْشُوشٌ бурнига калтак ўтказилган (туя ҳақида); يَهِيجُ ~ كَالْجَمَلِ الـــ мтл. у бурнига калтак ўтказилган туя каби жиннилик қилаяпти

(خشب) II خَشَّبَ 1) ёғоч билан қопламоқ (ёпмоқ), фанер қопламоқ; 2) ёғоч каби қаттиқ бўлмоқ; V تَخَشَّبَ 1) ёғоч билан қопланган бўлмоқ, фанерланган бўлмоқ; 2) ёғоч бўлиб қолмоқ; ёғоч каби қаттиқ бўлмоқ; доңг қотиб (серрайиб) қолмоқ; 3) совуққа қотиб қолмоқ; XII اخْشَوْشَبَ дағаллашмоқ, қаттиқлашмоқ

– أَخْشَبُ улкан тоғ; الْأَخْشَبَانِ ик. с. Маккадаги икки тоғ; لَا تَزُولُ مَكَّةُ حَتَّى يَزُولَ أَخْشَبَاهَا ҳад. ундаги икки тоғ заволга учрамагунча, Маккаи мукаррама заволга юз тутмайди

– تَخَشُّبٌ ёғочдай қотиб қолиш; мед. каталепсия (қаттиқ ҳаяжон ва гипноз натижасида тахта бўлиб қотиб қолиш); қоқшол (одамни тириштириб қўядиган юқумли касаллик)

– تَخْشِيبٌ қоплаш, қоплама, ёғоч билан қоплаш, фанерлаш

– تَخْشِيبَةٌ кўп. ـَاتٌ — ёғочдан қилинган иморат

– خَشَّابٌ кўп. خَشَّابَةٌ ўтинчи, ўтинфуруш

– خَشَبٌ жам. кўп. أَخْشَابٌ ёғоч-тахта, юпқа тахта, ўтин; أَخْشَابُ الْحَرِيقِ ўтин; أَخْشَابُ الْعِمَارَةِ ёки الْبِنَاءِ қурилиш ёғоч-тахталари; ~ الْوَرْدِ атиргул ўсимлиги; ~ سُوَيْدَ ёки بَغْدَادِيٌّ юпқа тахтача; ~ مُعَشَّقٌ фанер; ~ مُعَاكِسٌ ёнида арикчасимон ўйиғи бор тахта; ~ الْبُنْدُقِيَّةِ (милтиқдаги) қўндоқ; ~ النَّبِيِّ ёки الْقِدِّيسِينَ ~ бот. темир дарахт, бакаут

– خَشِبٌ дағал, қаттиқ

– خَشَبَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ ~ ёғоч бўлаги, парчаси; ёғоч, хода; тахта; الْمَسْرَحِ ~ театр саҳнаси; тахтасупа, минбар, кат; الْمَيِّتِ ~ тобут

– خَشَبِيٌّ 1) ёғочга оид; ~ـَةٌ مَسَامِيرُ ~ ёғочлар; 2) дарахтга оид

– خُشَيْبِينَ ёғоч бўтқа (*қоғоз саноатида*), ёғоч

– خَشَبِيَّةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ *муз.* ксилофон (*ёғоч чанг*)

– خَشِيبٌ ғадир-будур, дағал

– مُتَخَشِّبٌ ёғочдай қаттиқ, қотиб қолган; музлаб қотиб қолган, совиб қолган

خُشْتٌ *кўп.* خُشُوتٌ найза

خُشْتَاشَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ оқсоч, чўри

خَشْتَقَ санчмоқ, санчиб тешмоқ

خَشْخَشَ 1) жаранглaмоқ, жиринглaмоқ; шовқинлaмоқ, шовқин-сурон кўтармоқ; 2) шитирлaмоқ, шилдирaмоқ, шалдирaмоқ

– خَشْخَاشٌ *жам. бот.* кўкнор уруғи

– خَشْخَاشَةٌ[1] *кўп.* اتٌ ـَـ бир дона кўкнор ўсимлиги

– خَشْخَاشَةٌ[2] *кўп.* اتٌ ـَـ ер остидаги сағана (дахма)

– خَشْخَشَةٌ 1) жаранг, жиринг, жаранглаган овоз, жиринглаш; шовқин-сурон; тарс-турс; чирс-чирс (*радиодаги*); 2) шитир-шитир, шалдир-шулдур (*кийимники*)

– خَشْخِيشَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ шақилдоқ (*болалар ўйинчоғи*)

خَشْخَنَ 1) ойнадай силлиқламоқ, сайқалламоқ; тарашлаб (силлиқламоқ) қирра чиқармоқ; 2) милтиқ стволи ичига винт айланадиган чизиқчага ўхшаш бурма ариқчалар (нарезка) ўтказмоқ

– خَشْخَانٌ 1) қирра, бирор нарсанинг тарашланган ёки чархланган қирраси; 2) эгатча, ариқча; рифеллар (*бирор нарса сиртидаги тарам-тарам ботиқ чизиқлар*)

– خَشْخَنَةٌ 1) силлиқлаш, сайқаллаш; тарашлаш, қирра чиқариш; 2) нарезка (*стволдаги*)

خُشَارٌ ёки خُشَارَةٌ (*овқат*) қолдиқлари

خَشْرَمٌ *кўп.* خَشَارِمَةٌ уя, ғуж, гала; асалари яшиги (уяси)

I خَشَعَ (а) خُشُوعٌ 1) итоат этмоқ, бўйсунмоқ; ювош, мўмин, тавозели бўлмоқ, ҳурмат (иззат) қиладиган, одобли бўлмоқ; 2) бош эгмоқ, таъзим қилмоқ, сажда қилмоқ, қойил қолмоқ; ◊ ~ بَصَرُهُ у ерга қаради; V تَخَشَّعَ итоат этмоқ, бош эгмоқ, иззат-ҳурмат қилмоқ; ортиқ даражада иззат-ҳурмат қилмоқ, эъзозламоқ; VIII اخْتَشَعَ = I

– خَاشِعٌ мўмин, итоаткор, иззат-икром қилувчи; خَاضِعًا ~ эҳтиром билан, эъзозлаб

– خُشْعَةٌ тепалик, дўнглик

– خُشُوعٌ итоаткорлик, ҳурмат, иззат; азиз кўриш

I خَشَفَ (у, и) خُشُوفٌ музлаб қолмоқ, муз билан қопланмоқ (*сув ҳақида*); II خَشَّفَ йўл кўрсатмоқ (*йўл бошловчи ҳақида*)

– خُشَافٌ шарбат; компот; بَلَحٍ ~ хурмо компоти; تِينٍ ~ анжир шарбати

– خُشَّافٌ *кўп.* خَشَاشِيفُ *зоол.* жарқалдирғоч, узунқанот; اللَّيْلِ ~ кўршапалак

– خَشَفٌ ёмғир аралаш қор, қор тугмачаси

– خِشْفٌ *кўп.* خُشُوفٌ, خِشَفَةٌ, خُشُوفٌ оҳу боласи

– خُشُوفٌ *кўп.* خُشُفٌ 1. хира, шилқим, елим; 2) олғир (доғули, суллоҳ, муттаҳам) одам

– خَشِيفٌ *кўп.* خُشُفٌ = خَشَفٌ

خُشْكَارٌ эланмаган ун

خُشْكَرِيشَةٌ (*тузалаётган жароҳатнинг*) кўчиб тушаётган териси

(خشم) II خَشَّمَ маст қилмоқ, бошини айлантирмоқ, гангитмоқ (*ичимлик ҳақида*)

أَخْشَمُ ҳид билмайдиган

– خَشْمٌ *кўп.* خُشُومٌ бурун

– خَشَمٌ *мед.* аносмия (*ҳид сезмаслик*)

– خَيْشُومٌ *кўп.* خَيَاشِيمُ бурун; бурун тешиги, каваги; خَيَاشِيمُ السَّمَكِ ойқулоқ

I خَشُنَ (у) خُشُونَةٌ қаҳри қаттиқ, шафқатсиз, қўпол, тўнг бўлмоқ; дағаллашмоқ, дийдаси қаттиқ бўлмоқ; II خَشَّنَ қаттиқ (дағал, қўпол) қилиб қўймоқ; III خَاشَنَ шафқатсиз, қўпол муомала қилмоқ; V تَخَشَّنَ 1) шафқатсиз (қўпол) бўлмоқ; 2) машаққатли, оғир ҳаёт кечирмоқ; XII اخْشَوْشَنَ 1) жуда ҳам қаҳри қаттиқ (қўпол, тўнг) бўлмоқ; 2) машаққатли (оғир) ҳаёт кечирмоқ

– أَخْشَنُ *мн.* خَشْنَاءُ *кўп.* خُشْنٌ қўпол, дағал, тўнг, хунук, шафқатсиз, жиддий оғир

– خَشَانَةٌ қўполлик, дағаллик, қаттиқлик, кескинлик

– خَشِنٌ 1) қаттиқ, дағал, қўпол, тўнг, хунук, ғадир-будир, қуруқшаган; 2) шафқатсиз, золим, қаҳри қаттиқ, раҳмсиз, оғир, машаққатли; الطِّبَاعِ ~ ёки الْأَخْلَاقِ ~ тарбиясиз, ахлоқсиз; الْجِنْسُ الْـ ~ кучли жинс, эркаклар; 3) йирик (*туз ҳақида*)

– خُشُونَةٌ қўполлик, дағаллик, қаттиқлик

I خَشِيَ (а) خَشْيَةٌ 1) қўрқмоқ, хавфсирамоқ, (*к. учундир*) қайғурмоқ; 2) билмоқ; وَقَدْ خَشِيتُ بِأَنَّ مَنْ تَبِعَ الْهُدَى سَكَنَ الْجِنَانَ مَعَ النَّبِيِّ مُحَمَّدٍ (عَلَى) ҳидоятга эришган киши пайғамбар Муҳаммад алайҳиссалом билан жаннатда яшаётганлиги менга маълум эди; II خَشَّى (*кўнгилга*) ваҳима, қўрқув солмоқ; V تَخَشَّى = I; VIII اخْتَشَى уялмоқ, тортинмоқ, хижолат бўлмоқ

– خَاشٍ *мн.* خَاشِيَةٌ қўрқувчи, қўрқоқ; юраксиз, ҳуркович, ҳуркак, тортинчоқ, журъатсиз

– خَشُوٌّ уятчанлик, номуслилик, ибо, ҳаё, юраксизлик, қўрқоқлик, журъатсизлик, тортинчоқлик

– خَشِيٌّ уятчан, иболи, ҳаёли, тортинчоқ, журъатсиз

– خَشْيَانُ *мн.* خَشَايَا *кўп.* خَاشٍ = خَشَايَا –

– خَشْيَةٌ хавфсираш, қўрқиш; ... مِنْ ~ ... ...дан қўрқиб, хавфсираб; хавотирланиб; ... أَنْ ~ ... бўлади деб қўрққанлиги учун

I خَصَّ (а/у) خَصٌّ, خُصُوصٌ 1) خَصَّ (*н. си биландир*) алоҳида, махсус белгиламоқ (بِ); ـــهُ ~ بِالذِّكْرِ махсус, алоҳида ажратмоқ, кимнидир махсус, алоҳида эсламоқ; ـــهَا ~ بعنايته у унинг учун махсус (алоҳида) ғамхўрлик қилди; ـــهُ ~ لِنَفْسِهِ ниманидир ўзи учун махсус (алоҳида) ажратмоқ; (*н. нидир*) эгаллаб (*ўзиники қилиб*) олмоқ; 2) улушга тўғри келмоқ; 3) (*н. биландир*) махсус боғлиқ бўлмоқ; (*н. гадир*) тааллуқли, алоқадор бўлмоқ (بِ); لَا يَخُصُّكَ هٰذَا бу сенга тааллуқли (алоқадор) эмас; II خَصَّصَ (*н. нидир*) таъйинламоқ, алоҳида атаб (тайинлаб, белгилаб) қўймоқ; (*н. учундир пулни*) ажратмоқ (لِـ); V تَخَصَّصَ бирор соҳа бўйича мутахассис бўлиб етишмоқ, ихтисос (мутахассислик) олмоқ; қайсидир соҳада мутахассис бўлмоқ (بِ, فِي); VIII اخْتَصَّ 1) (*н. биландир*) фарқланмоқ, бирор хусусияти билан ажралиб турмоқ (بِ); 2) (*н. биландир*) алоқадор бўлмоқ, (*н. гадир*) тааллуқли бўлмоқ (بِ); 3) (*н. гадир*) тегишли, хос бўлмоқ (بِ); (*к. нидир*) қарамоғига (*ихтиёрига*) кирмоқ (بِ); 4) (*н. нидир*) ўз мутахассислиги бўйича танланмоқ (بِ); (*н. биландир*) махсус шуғулланмоқ (بِ); қайсидир соҳа бўйича мутахассис бўлмоқ (بِ)

– اخْتِصَاصٌ *кўп.* ـــَاتٌ 1) вазифалар доираси; компетенция (*бирор к. яхши хабардор бўлган соҳа ёки масала*); юрисдикция (*суд қилиш ҳуқуқи*) عَدَمُ الـــ~ асоссизлик; ذُو ~ асосли, ваколатли; 2) ўзига хос хусусият; 3) вазифа; 4) ихтисослаштириш, махсус мақсад учун берилган, мослаш; соҳа, ихтисос, касб, ҳунар

– اخْتِصَاصِيٌّ мутахассис

– أَخَصُّ ўзига хос, алоҳида, бошқача; بِالـــ~ *ёки* عَلَى الـــ~ *ёки* عَلَى وَجْهِ ~ хусусан, энг аввал, алоҳида ҳолда, айниқса

– تَخَصُّصٌ ихтисосни (касб-ҳунарни) эгаллаш, ихтисослашиш

– تَخْصِيصٌ *кўп.* ـــَاتٌ 1) таъйинлаш, ажратиш; عَلَامَةُ الـــ~ қўштирноқ белгиси; 2) ажратилган, чиқарилган пул; 3) махсус мақсадлар учун ажратилган маблағ; 4) ихтисослашиш; بِالـــ~ махсус, алоҳида; ... عَلَى الـــ~ ... وَ عَلَى التَّعْمِيمِ қисман ... ва умуман ...

– خَاصٌّ 1) алоҳида, махсус; 2) айрим ҳолларда бўладиган; 2) шахсий, хусусий; الْحَيَاةُ الـــ~ـــةُ шахсий ҳаёт; السِّكْرِتِيرُ الـــ~ шахсий секретарь; الْمُلْكِيَّةُ الـــ~ـــةُ шахсий (хусусий) мулк; 3) (*н. гадир*) тааллуқли (بِ); عَرَفَ هٰذَا الـــ~ وَ الْعَامُّ бу ҳақда хосу ом (ҳамма) билди; عَيْشٌ ~ оқ нон

– خَاصَّةٌ *кўп.* خَوَاصُّ 1) ўзига хос фазилат, хусусият; хосса; وَ ~ ... عَامَّةً وَ ~ ... умуман ... ва хусусан ...; ~ *ёки* بِـــ~ айниқса, хусусан, аввало; فِي نَفْسِهِ ~ дилида, ўзича; 2) шифобахш таъсир, шифобахш куч (*мас., доридаги*); 3) шахсий (хусусий) мулк; 4) хослар, оқсуяклар, аслзодалар, зодагонлар

– خَاصِّيَّةٌ *кўп.* خَاصِّيَّاتٌ, خَصَائِصُ ўзига хос фазилат, хусусият

– خَصٌّ ўтсимон ўсимликдан тайёрланган коҳу (салат)

– خَصٌّ *кўп.* خِصَاصٌ, أَخْصَاصٌ кулба, хароба уй

– خَصَاصَةٌ[1] *кўп.* خَصَاصٌ тоғнинг ёрилган жойи, тор дара, жарлик; кавак, тирқиш, ёриқ

– خَصَاصَةٌ[2] муҳтожлик, камбағаллик

– خُصَاصَةٌ *кўп.* خُصَاصٌ кўп бўлмаган (оз) миқдор

– خُصُوصٌ 1) ўзига хос хусусият, фазилат; жузъий бир ҳол; بِـــ~ *ёки* عَلَى الـــ~ *ёки* عَلَى وَجْهِ الـــ~ хусусан, айниқса; 2) алоқа; فِي ـــهِ ~ *ёки* مِنْ ~ ـــهِ кимгадир, нимагадир нисбатан; مِنْ هٰذَا الـــ~ бу борада, бу хусусда

– خُصُوصِيٌّ 1) ўзига хос, ўзича, махсус; 2) хусусий, шахсий

– خُصُوصِيَّاتٌ *кўп.* 1) ўзига хос хусусиятлар, фазилатлар; عِلْمُ ~ الشُّعُوبِ этнография; 2) жузъий (алоҳида) бир ҳолатлар (ҳодисалар)

– خَصِيصٌ[1] (*н. гадир*) хос бўлган, одат бўлган (بِ); ـــًا ~ атайлаб, жўрттага, махсус

– خَصِيصٌ[2] *кўп.* أَخِصَّاءُ 1) (*қандайдир соҳада*) мутахассис (فِي); 2) яқин дўст, ўртоқ

– خَصِيصَةٌ *кўп.* خَصَائِصُ хусусият, хосса

– مُتَخَصِّصٌ мутахассис, (*қайсидир соҳада*) ихтисос олган (فِي)

– مُخْتَصٌّ мос, мувофиқ, тўғри келадиган, алоқадор, тегишли; الْهَيْئَاتُ الـــ~ـــةُ тегишли, алоқадор идоралар

– مُخَصَّصَاتٌ *кўп.* бирор мақсад учун ажратилган маблағлар; ~ الْمَلِكِ парламент томонидан подшо учун ажратилган маблағ

– مَخْصُوصٌ махсус, алоҳида; قِطَارٌ ~ махсус поезд

I خَصِبَ (а) خِصْبٌ серҳосил, унумдор бўлмоқ; сернатижа, сермаҳсул бўлмоқ; II خَصَّبَ 1) ҳосилдорликни оширишга ёрдам бермоқ; ҳосилдорликни оширмоқ; 2) ўғитламоқ, ўғит (гўнг) солмоқ; IV أَخْصَبَ 1) ҳосилдор, серунум бўлмоқ; 2) серҳосил қилмоқ; ўғитламоқ; 3) ижодий куч, ғайрат бағишламоқ, самарадор, унумли қилмоқ

– إِخْصَابٌ 1) самарадорлик, унумлилик, серҳосиллик; 2) маҳсулдор, самарали қилиш

– خَصِبٌ серҳосил, унумдор, самарали

– خِصْبٌ серҳосиллик, унумдорлик, мўл-кўллик; قَرْنُ الـــ~ сероблик, мўл-кўллик; آلِهَةُ الـــ~ мўл-кўллик илоҳаси

– خُصُوبَةٌ серҳосиллик, унумдорлик

– خَصِيبٌ = خَصِبٌ; الْهِلَالُ الـــ~ *тар.* Маҳсулдор ярим ой (*Ироқ, Сурия, Лубнонда*)

– مِخْصَابٌ серҳосил

– مُخْصِبٌ 1. 1) унумдор, серҳосил; 2) унумдорликка, ҳосилдорликка ёрдам қиладиган; 2. *кўп.* ـاتٌ — ўғит; مُخْصِبَاتٌ كِمْيَاوِيَّةٌ кимёвий ўғитлар

I خَصِرَ (*а*) خَصَرٌ совқотмоқ, жунжимоқ, совуқ урмоқ; II خَصَّرَ чиппа ёпишиб турмоқ (*кийим ҳақида*); III خَاصَرَ 1) белидан олмоқ (*мас., рақс тушаётган пайтда*); VI تَخَاصَرَ бир-бирини белидан ушламоқ; бир-бирини қучоқламоқ; VIII اِخْتَصَرَ 1) қисқартирмоқ; калта қилмоқ; озайтирмоқ; 2) мазмунини қисқача (конспект тарзида) ёзиб олмоқ

– اِخْتِصَارٌ 1) қисқартириш, қисқариш; 2) қисқалик, озлик, калталик, мухтасарлик; بِالْـ~ *ёки* بِـ~ а) қисқа қилиб, қисқача; б) қисқасини айтганда

– خَاصِرَةٌ *кўп.* خَوَاصِرُ бел; ён, биқин

– خَصْرٌ *кўп.* خُصُورٌ = خَاصِرَةٌ; دَقِيقُ الْـ~ хипча белли; ~ الْعَقْدِ *архит.* ярим қисми девор ичига жойлашган, ярми ташқарида бўлган устун, колонна, пилястра

– خَصَرٌ совуқ ҳаво

– مُخْتَصَرٌ 1. 1) қисқартирилган, калта, қисқа; 2) қисқа баён этилган (ёзилган), мухтасар; 2. *кўп.* ـاتٌ — конспект

– مُخَصَّرٌ ингичка, нозик

– خَصِرٌ совуқ (*сифат*)

– مِخْصَرَةٌ *кўп.* مَخَاصِرُ таёқча, дирижёрлик таёқчаси; асо, ҳасса; подшо салтанатининг ҳассаси (*скипетр*); ◊ مَخَاصِرُ الطَّرِيقِ энг қисқа йўл

I خَصَفَ (*и*) خَصْفٌ тузатмоқ, (*пойабзални*) таъмир қилмоқ (тикмоқ, ямамоқ)

– خَصَفَةٌ *кўп.* خَصَفٌ, خِصَافٌ (*хурмо солиш учун*) хурмо (пальма) толаларидан тўқилган сават

– مِخْصَفٌ *кўп.* مَخَاصِفُ бигиз

(خصل) VI تَخَاصَلَ ўқ узиб гаров ўйнамоқ

– خَصْلٌ келиши мумкин бўлган хавф (*урушда*)

– خَصْلَةٌ *кўп.* خِصَالٌ 1) хислат, хусусият, ўзига хос фазилат; 2) оқилона қоида

– خُصْلَةٌ *кўп.* خُصَلٌ, خُصُلَاتٌ 1) бир тутам соч; зулф, гажак; 2) бош (*узумники*)

I خَصَمَ (*и*) خَصْمٌ 1) ғолиб бўлмоқ; (*баҳсда*) баланд келмоқ, ютиб чиқмоқ; 2) (*н. дандир*) айирмоқ, айириб (чиқариб) ташламоқ, (*н. гадир*) енгиллик бермоқ (عَلَى); 3) векселлар (қарз ҳужжатлари) ни ҳисобга олмоқ; III خَاصَمَ 1) баҳслашмоқ, тортишмоқ, айтишмоқ, гап талашмоқ; 2) жанжаллашмоқ, урушмоқ; адоват сақламоқ, душман бўлмоқ; судлашмоқ, даъволашишмоқ; VI تَخَاصَمَ 1) бир-бири билан тортишмоқ; 2) адоват сақламоқ; (*к. биландир*) судлашмоқ (مَعَ); бир-бири билан даъволашмоқ; VII اِنْخَصَمَ айирилган, олиб ташланган бўлмоқ; VIII اِخْتَصَمَ 1) тортишишни, айтишишни бошламоқ; 2) жанжалашмоқ, адоват сақламоқ

– خِصَامٌ 1) баҳс, тортишув, мунозара; беҳуда тортишув; 2) уруш, жанжал, низо, араз; адоват, хусумат; айтишиш, довлашиш, даъволашиш

– خَصْمٌ[1] 1) айириш; енгиллик; 2) *мол.* (*вексалларни*) ҳисобга олиш; بَنْكُ الْـ~ ҳисоб-китоб банки; سِعْرُ الْـ~ ҳисоб фоизи (проценти); ◊ أُصُولٌ وَ خُصُومٌ актив ва пассив

– خَصْمٌ[2] *кўп.* خُصُومٌ, أَخْصَامٌ хасм, душман, ёв; рақиб; ёвлашаётган томон; ~ ثَالِثٌ *юр.* учинчи шахс

– خَصِمٌ қаттиқ хусуматли

– خُصُومَةٌ 1) тортишув, баҳс; 2) хусумат, адоват

– خَصِيمٌ *кўп.* خُصَمَاءُ, خُصْمَانٌ душман, ёв; рақиб

– مُخَاصِمٌ 1. даъволашувчи, довлашувчи, тортишувчи; 2) қарши томон (*судда*)

– مُخَاصَمَةٌ тортишув, мунозара; даъволашув, сўзлашув; судда иш кўрилиши, суд

I خَصَى (*и*) خَصْيٌ, خِصَاءٌ бичмоқ, ахта қилмоқ, бепушт қилмоқ (*ҳайвонлар ҳақида*); IV أَخْصَى (*илмнинг қайсидир соҳасини*) махсус ўрганмоқ; (*қайсидир соҳага*) ихтисослашмоқ (فِى); VII اِنْخَصَى бичилган, ахта қилинган бўлмоқ

– إِخْصَائِيٌّ мутахассис; ишнинг кўзини биладиган; ~ فِى أَمْرَاضِ الْعَيْنِ кўз касалликлари бўйича мутахассис

– إِخْصَائِيَّةٌ ихтисос; мутахассислик

– خِصَاءٌ ахта қилиш, бичиш (*ҳайвонлар ҳақида*)

– خَصِيٌّ *кўп.* خِصْيَانٌ 1. бичилган; 2) бепушт; ҳарам оғаси (бичилган қул)

– خُصْيَةٌ *и к. с.* خُصْيَتَانِ *кўп.* خُصًى *анат.* мояк, тухум; ◊ خُصَى الْكَلْبِ *ёки* خُصَى الثَّعْلَبِ *бот.* солиб, орхис (*илдизидан дори тайёрланадиган кўпйиллик ўт-алаф*)

– مَخْصِيٌّ ахта қилинган, бичилган; حِصَانٌ ~ ахта от

I خَضَّ (*а/у*) خَضٌّ 1) силкимоқ, қоқмоқ, силкитмоқ, қимирлатмоқ, силтамоқ; ирғитмоқ, отмоқ, ташламоқ; чайқатмоқ, чайқалтирмоқ, лойқалатмоқ; ~ اللَّبَنَ сутни кувлаб мой олмоқ; ~ الزُّجَاجَةَ шишадаги суюқликни чайқалтирмоқ; 2) қаттиқ койимоқ, қаттиқ танбиҳ бермоқ; қаттиқ қўрқитмоқ (чўчитмоқ); II خَضَّضَ сочмоқ, кўмиб юбормоқ, безамоқ, ясатмоқ (*ялтироқ тангачалар, зар иплар ҳақида*); VII اِنْخَضَّ 1) силкинган, қимирлатилган, қоқилган силтанган бўлмоқ; 2) чўчиган, қўрққан, ҳаяжонланган бўлмоқ

– خَضٌّ силкиш, қоқиш, қимирлатиш; ~ اللَّبَنِ кувлаш, сутдан мой олиш

– خَضَّةٌ *кўп.* ـاتٌ — 1) қаттиқ ҳаяжон, изтироб; ларза, тебраниш, титраш, ларзага келиш; 2) руҳий ларза, путур; қўрқув, ваҳима

– خَضِيضٌ кувланган, ёғи олинган сут (*Ироқда*)

I (خضب) خَضَبَ (и) خَضْبٌ бўямоқ; خَضَبَ (а) خُضُوبٌ зангори бўлмоқ, яшил бўлмоқ; II خَضَّبَ = I; VIII اِخْتَضَبَ бўялмоқ; XII اِخْضَوْضَبَ кўкармоқ, кўм-кўк (ям-яшил) бўлмоқ

– خِضَابٌ ранг, бўёқ модда

– خِضْبٌ 1) бўяш; 2) пигмент, ранг

– خَضِيبٌ бўялган, бўяб қўйилган

– مِخْضَبٌ тоғора, тос

خَضْخَضَ 1) силкимоқ, қоқмоқ, силкитмоқ, қимирлатмоқ, ирғитмоқ, отмоқ, ташламоқ; 2) шилдирамоқ, жилдирамоқ; 3) чайқамоқ, чайқаб ташламоқ, чаймоқ; تَخَضْخَضَ чайқалмоқ, тўлқинланмоқ

– خَضْخَضَةٌ 1) силкиш, қоқиш, силкитиш, қимирлатиш; ирғитиш, отиш, ташлаш; 2) шилдираш, жилдираш; 3) чайқаш, чайиш

I خَضَدَ (и) خَضْدٌ 1) синдирмоқ, парчаламоқ, бузмоқ; شَوْكَتَهُ ~ кимнингдир қудратини (*кучини*) синдирмоқ; 2) бутамоқ, кесмоқ; ~ الشَّجَرَ дарахтнинг шохларини кесмоқ

– خَضِيدٌ буталган, кесилган

– مَخْضُودٌ خَضِيدٌ –

I خَضِرَ (а) خَضَرٌ кўм-кўк, ям-яшил бўлмоқ, кўкараётган бўлмоқ; II خَضَّرَ ям-яшил қилмоқ; الْأَرْضَ ~ ерни экиб (сепиб) банд қилмоқ; IX اِخْضَرَّ 1) ям-яшил бўлмоқ, кўкармоқ; 2) кўкат (майса) билан қопланмоқ, кўм-кўк барг чиқармоқ; XII اِخْضَوْضَرَ яшил бўлмоқ

– أَخْضَرُ *мн.* خَضْرَاءُ *кўп.* خُضْرٌ 1) яшил, зангори, кўк; 2) хом, ғўр, думбул, етилиб пишмаган; 3) тиниқ, шаффоф, соф; янги, тоза; الْمَاءُ الْعَذْبُ الـ~ тоза чучук сув; ◊ الْخَضْرَاءُ осмон; خَضْرَاءُ الدِّمَنِ гўнгқўнғиз; الْأَخْضَرَانِ ик. с. ўтлар ва дарахтлар; اِكْتَسَحَ الـ~ وَ الْيَابِسَ ҳамма нарсани йўқ (яксон) қилмоқ (*довул, бўрон ҳақида*); أَتَى عَلَى الـ~ وَ الْيَابِسِ ҳамма нарсани бутунлай йўқ қилмоқ (*ёнғин ҳақида*)

– اِخْضِرَارٌ кўкариш, майса билан қопланиш; кўкат, майса

– خَضَارٌ 1) зангори, яшил, кўк ранг; кўкат; 2) полиз экинлари

– خَضَارٌ *кўп.* اتٌ — майса, ўт, ўсимликлар; барглар, полиз экинлари

– خَضَّارٌ кўкатфуруш; кўкат, полиз экинлари сотувчи

– خَضَارِيٌّ *кўп.* خَضَارِيُّ ёввойи ўрдак

– خَضَرٌ зангори, яшил ранг, кўкат

– خَضِرٌ кўкараётган, сабза ураётган; яшил ранг, кўк

– خَضِرٌ، خُضَرٌ، خُضْرٌ кўк резавор, сабзавот

– خِضْرٌ[1]: الـ~ Хизр алайҳиссалом

– خِضْرٌ[2]: ذَهَبَ دَمُهُ ~ ا مِضْرًا унинг қони бекордан-бекор тўкилди

– خُضْرَةٌ 1) яшил ранг; 2) майса, ўт-ўлан; 3) кулранг (*ҳайвонларга нисбатан*); буғдой ранг (*одамларга нисбатан*)

– خَضْرَوَاتٌ، خَضْرَاوَاتٌ *кўп.* кўкатлар, сабзавотлар

– خَضْرِيٌّ *кўп.* خَضْرِيَّةٌ = خَضَّارٌ

– خَضِيرٌ = خَضِرٌ

– خُضَيْرِيٌّ *зоол.* зангори чумчуқ; بَطٌّ ~ ёввойи ўрдак

– مُخَاضَرَةٌ мева пишиб етилмай туриб, хомлигича савдо қилиш

– مَخْضَرَةٌ 1) кўкат; чимзор; 2) ўтлоқ, яйлов

– مُخْضَوْضِرٌ яшил, кўм-кўк; الْأَوْدِيَةُ الـ~ـة кўм-кўк водийлар

– يَخْضُورٌ хлорофил (*ўсимликка яшил ранг бериб турувчи модда*)

– يَخْضُورِيٌّ: لَا ~ хлорофилсиз; النَّبَاتَاتُ اللَّا ~ـة хлорофилсиз ўсимликлар

(خضرم) تَخَضْرَمَ икки давр оралиғида яшамоқ; *фольк.* кўп даврларда яшамоқ

– خِضْرِمٌ *кўп.* خَضَارِمُ бой, сероб, мўл-кўл, саховатли

– مُخَضْرَمٌ 1) (*исломгача бўлган даврнинг охири ва исломнинг бошларида яшаган*) шоир; 2) синфида иккинчи йилга қолган ўқувчи

I خَضَعَ (а) خُضُوعٌ 1) (*к. гадир*) бўйсунмоқ, итоат этмоқ (لِـ); 2) қарам бўлмоқ, измида бўлмоқ, боғлиқ бўлмоқ; II خَضَّعَ қарам қилмоқ, бўйсундирмоқ; IV أَخْضَعَ қарам қилмоқ; бўйсундирмоқ, тинчитмоқ, тийиб қўймоқ; VI تَخَاضَعَ итоаткорлик қилмоқ; VII اِنْخَضَعَ бўйсунмоқ, итоат этмоқ

– إِخْضَاعٌ итоат эттириш, бўйсундириш

– خَاضِعٌ *кўп.* خُضَّاعٌ 1) итоаткор, гапга кирадиган; خَادِمُكُمُ الـ~ Сизнинг итоаткор қулингиз (*ёзишмаларда*); 2) (*к. нингдир*) қўл остидаги, қарамоғидаги (لِـ); 3) қарам, боғлиқ бўлган; الْأَقْطَارُ الـ~ـة қарам мамлакатлар

– خُضَعَةٌ сертакаллуф, сермулозамат

– خَضُوعٌ *кўп.* خُضُعٌ итоаткор, гапга кирадиган

– خُضُوعٌ 1) итоаткорлик; бўйсуниш, итоат этиш; 2) боғлиқлик

(خضل) II خَضَّلَ ҳўлламоқ, намламоқ, ивитмоқ; IV أَخْضَلَ = II; IX اِخْضَلَّ ҳўлланмоқ, ҳўл (*нам*) бўлмоқ; XII اِخْضَوْضَلَ = IX

– خَضِلٌ 1) нам, ҳўл; ивиган; 2) янги, тоза, сўлмаган, бокир, бикр

I خَضَمَ (и) خَضْمٌ иштаҳа билан емоқ

– خِضَمٌّ океан; денгиз; غَرِقَ فِي ~ الْكِفَاحِ *маж.* кураш тўлқини; مِنَ التَّفَاؤُلِ *маж.* ўта некбин (*оптимистик кайфиятда*) бўлмоқ

– خِضَمٌّ қўли очиқ, саҳий

I خَطٌّ (а/у) خَطٌّ 1) чизиқ чизмоқ; (*н. нингдир устига*) чизмоқ (عَلَى)؛ خَطًّا (السَّطْرِ) ~ تَحْتَ الْعِبَارَةِ иборанинг (*сатрнинг*) остига чизмоқ; 2) ёзиб, чизиб қўймоқ; (*режани*) белгилаб олмоқ; 3) ўсиб чиқмоқ (*мўйлов ҳақида*); ◊ ~ هُ الشَّيْبُ унинг соч-соқоли оқарди; II خَطَّطَ 1) чизмоқ, чизиқ чизмоқ; 2) чегараламоқ, марза олиб ажратмоқ; белги билан (қозиқ билан) белгиламоқ; 3) режалаштирмоқ, лойиҳалаштирмоқ; 4) эгат (жўяк, ариқ) очмоқ; 5) ола-була, йўл-йўл қилмоқ (*мас., газмолни*); 6) бўямоқ; ~ الْحَوَاجِبَ қошни бўямоқ; ~ الْوَجْهَ юзни бўямоқ; V تَخَطَّطَ бўямоқ (*қошни, юзни*); VII انْخَطَّ чизилган, ёзилган бўлмоқ; VIII اخْتَطَّ 1) (*н. нидир*) ўзи учун чизмоқ, белгиламоқ; 2) марза қилиб, чегаралаб ажратиб олмоқ; 3) ўзининг режасини (*ҳатти-ҳаракатини*) белгилаб олмоқ; ~ لِنَفْسِهِ قَاعِدَةً ўзи учун қоида белгилаб олмоқ; 4) режалаштирмоқ, режа тузмоқ; қурмоқ, асос солмоқ (*мас., шаҳарга*); 5) (*қайсидир*) чизиқда, қаторда жойлашган бўлмоқ (فِي); 6) соқол-мўйлови сабза урган бўлмоқ

– تَخْطِيطٌ 1) планга (режага) олиш, ўлчаш; марза тортиш; ~ الْبُلْدَانِ жўғрофия (география); ~ الْحُدُودِ чегарани аниқлаш, белгилаш, фарқлаш, ажратиш; 2) режалаштириш; лойиҳалаштириш; ~ الْاِقْتِصَادِ ёки الـ~ الْاِقْتِصَادِيُّ иқтисодни режалаштириш; ~ الْمُدُنِ шаҳарни лойиҳалаштириш; 3) эгат (жўяк) олиш; ариқ очиш; 4) *кўп.* ~ اتٌ — план, режа; лойиҳа; чизма; ◊ ~ الْحَوَاجِبِ қошни бўяш

– تَخْطِيطِيٌّ планга, лойиҳага тааллуқли; планли, лойиҳали

– خَطٌّ *кўп.* خُطُوطٌ 1) хат, чизиқ; الـ~ الْعَامُّ бош йўналиш (режа); الـ~ الْمُنَقَّطُ нуқтали чизиқ; الـ~ الْمُتَقَطِّعُ узуқ-узуқ чизиқ (*пунктир*); ~ الْحُدُودِ чегара чизиғи; ~ تِلِغْرَافِيٌّ телеграф линияси; خُطُوطُ نَقْلِ وَ تَوْزِيعِ الْكَهْرَبَاءِ электр узатиш линияси; الـ~ الْكَهْرَبَائِيُّ الْكَهْرَبَاءِ ذَاتُ الْجُهْدِ الْعَالِي юқори кучланишли токни узатиш линиялари; خُطُوطُ الْقُوَى (*магнит майдонининг*) куч чизиқлари; ~ التَّجْمِيعِ йиғиш линияси (*заводлардаги потокда*); (الْهَوَائِيُّ) الْخَارِجُ الـ~ ташқи антенна; الـ~ الْأَرْضِيُّ ерга уланган сим; الـ~ الْجَوِّيُّ ~ الْجَوِّيُّ (الْمُبَاشِرُ) إِلَى ... *ав.* ...га (тўғри) ҳаво йўли; ~ السَّيْرِ ёки ~ السَّفَرِ маршрут, босиб ўтиладиган йўналиш, йўналиш; ~ سِكَّةِ الْحَدِيدِ темир йўл; ~ رَئِيسِيٌّ магистраль (*катта асосий қатнов йўли*); ~ أَنَابِيبِ النَّفْطِ нефть қувури; ~ الْاِسْتِوَاءِ экватор, хатти устуво; ~ الْاِعْتِدَالِ тенгкунлик чизиғи; ~ الزَّوَالِ ёки ~ نِصْفِ النَّهَارِ ёки ~ الْهَاجِرَةِ меридиан; узунлик; ~ طُولِيٌّ (الطُّولِ) ёки ~ الْأَرْضِ параллел; кенглик; ~ مُسْتَقِيمٌ الْـ~ الْمُسْتَقِيمُ тўғри чизиқ; عَلَى ~ бутунлай, тўлалигича, мукаммал; عَلَى طُولِ الْـ~ барча йўналишлар бўйича; ~ الْهُجُومِ *спорт.* ҳужум чизиғи; ~ الْاِبْتِدَاءِ *спорт.* старт (*мусобақанинг бошланиш нуқтаси, пайти, чизиғи*); ~ النِّهَايَةِ *спорт.* финиш (*мусобақанинг тугаш нуқтаси, пайти, чизиғи*); ~ تَقْسِيمِ الْمِيَاهِ сув айиргич, элиш; ~ الْمَاءِ ёки ~ الْعَوْمِ ватерлиния (*кеманинг сувга ботиш чизиғи*); خُطُوطُ الْكَفِّ кафт чизиқлари; خُطُوطُ الْمُوَاصَلَاتِ алоқа (коммуникация) йўллари; الْخُطُوطُ الْبَرِّيَّةُ وَ الْبَحْرِيَّةُ وَ الْجَوِّيَّةُ қуруқлик, сув ва ҳаво йўллари; الْخُطُوطُ الْأَمَامِيَّةُ *ҳарб.* олдинги (жанг бораётган) чизиқлар; 2) йўл-йўл чизиқлар; из, йўл; эгат, жўяк; йўл, катта текис йўл; رَايَةُ الْخُطُوطِ وَ النُّجُومِ АҚШ давлат байроғи; 3) қатор; саф; 4) хат, ёзув, дастхат; шунингдек: عِلْمُ الْـ~ хаттотлик; ~ دَقِيقٌ майда ёзув; الْـ~ الْكُوفِيُّ куфий ёзуви, хати; الْـ~ الْإِسْفِينِيُّ ёки الْـ~ الْمِسْمَارِيُّ михxат; ~ الْمُؤَلِّفِ автограф, муаллифнинг ўз хати; زَادَ عَلَى هَذَا الْمَكْتُوبِ بِخَطِّ يَدِهِ مَا يَأْتِي ... бу мактубга у ўз қўли билан қўйидагиларни илова қилди; 5) хусусият, равиш; بِخُطُوطٍ قَصِيرَةٍ қисқа равишда баён қилганда, қисқа қилиб айтганда, қисқача баён қилганда ...

– خُطٌّ *кўп.* أَخْطَاطٌ квартал; район, ноҳия, шаҳарнинг бир қисми; маҳалла

– خَطَّاطٌ 1) хаттот; 2) хаттотлик (каллиграфия) ўқитувчиси

– خُطَّةٌ *кўп.* خُطَطٌ 1) ахлоқ доираси, ҳаракат тарзи, тактика; الْخُطَطُ الْحَرْبِيَّةُ *ҳарб.* тактика (*тайёргарлик кўриш ва жанг олиб бориш тарзи*); 2) режа, план; ~ الْعَمَلِ иш режаси; الْـ~ الْخُمَاسِيَّةُ (الْخَمْسِيَّةُ) беш йиллик режа خُطَطُ الدِّرَاسَةِ ёки خُطَطُ التَّعْلِيمِ ўқув режалари; 3) йўналиш; 4) усул, услуб

– خِطَّةٌ *кўп.* خِطَطٌ жой; ернинг бир қисми

– خُطَّةٌ *кўп.* ~ اتٌ — чизиқча, чизиқ

– خَطِّيٌّ 1) чизиқли; 2) хаттий, ёзма, қўлёзма; ~ بَيَانٌ ёзма баён, тушунтириш хати; ~ اً ёзма равишда

– مِخَطٌّ *кўп.* مَخَاطٌّ = مِخْطَاطٌ

– مِخْطَاطٌ *кўп.* مَخَاطِيطُ чизғич, жазбар

– مُخَطَّطٌ 1. 1) режали, планли; الْـ~ الْاِقْتِصَادُ режали (режалаштирилган) иқтисод; 2) расм солиб безатилган, безалган; ~ رَسْمٌ чизма, тарх, схема; 3) бўялган; 4) йўл-йўл, ола-була; 2. *кўп.* ~ اتٌ — чизма, тарх, схема, эскиз, хомаки нусха; хомқолип; хомаки режа, лойиҳа

– مُخَطِّطٌ режалаштирувчи

– مَخْطُوطٌ، مَخْطُوطَةٌ *кўп.* ~ اتٌ — қўлёзма

I خَطِئَ (а) خَطَأٌ، خِطْءٌ، خَطَاءٌ 1) хато қилмоқ, адашмоқ, хатога йўл қўймоқ, янглишмоқ; 2) гуноҳ (айб) иш қилмоқ; II خَطَّأَ хато (нотўғри) деб билмоқ; нотўғри деб айбламоқ; айбдор (гуноҳкор) деб билмоқ; IV أَخْطَأَ адашмоқ, хато қилмоқ, хатога (гуноҳга) йўл

қўймоқ; (*н. нидир*) нотўғри қилмоқ; الْاسْتِعْمَالَ ~ (*сўз ва б. ларни*) нотўғри ишлатмоқ; الْغَرَضَ ~ нишонга уролмаслик; الْفَهْمَ ~ нотўғри тушунмоқ; بَيْنَ الشَّيْئَيْنِ ~ бир нарсани бошқа нарса деб қабул қилмоқ; فِي الاسْتِنْتَاجِ ~ нотўғри хулоса қилмоқ; فِي التَّرْجَمَةِ (النَّقْلِ) ~ нотўғри таржима қилмоқ; فِي الْحِسَابِ ~ нотўғри ҳисобламоқ; V تَخَطَّأَ = IV

– خَاطِئٌ 1. 1) гуноҳ қилаётган, адашаётган; 2) хато; هَذَا ~ مِنَ الْأَسَاسِ бу асос эътибори билан нотўғри; 2. *кўп.* خُطَأَةٌ 1) гуноҳкор; 2) бузувчи, бузғунчи

– خَاطِئَةٌ 1. гуноҳ қилаётган (*аёл*); адашаётган (*аёл*); 2. *кўп.* خَوَاطِئُ гуноҳкор (*аёл*)

– خِطْءٌ гуноҳ

– خَطَاءٌ *кўп.* أَخْطِئَةٌ *ёки* خَطَأٌ *кўп.* أَخْطَاءٌ хато, гуноҳ, янглиш; تَافِهٌ ~ арзимас хато; جَسِيمٌ ~ қўпол хато; يَسِيرٌ ~ кичик хато; غَيْرُ مَقْصُودٍ ~ тасодифий хато; لَفْظِيٌّ ~ талаффуздаги хато; صَوَابٌ و ~ матбаа хатолари рўйхати; الطَّبْعِ ~ теришда, босишда йўл қўйилган хато; فِي الْحِسَابِ ~ ҳисобда янглишиш; بِالـ ~ *ёки* ~ янглишиб, хато қилган ҳолда

– خَطِيئَةٌ, خَطِيَّةٌ *кўп.* خَطَايَا айб; гуноҳ; مُمِيتَةٌ ~ кечирилмас гуноҳ; 2) жиноят; катта хато

– مُخْطِئٌ 1) янглишаётган, адашаётган; 2) хато, янглиш, нотўғри

I (خطب) خَطَبَ[1] (*у*) خُطْبَةٌ خَطَابَةٌ 1) нутқ сўзламоқ; 2) хутба ўқимоқ; خَطُبَ (*у*) خَطَابَةٌ хатиблик қилмоқ, хатиб бўлмоқ; خَطَبَ[2] (*у*) خِطْبَةٌ, خَطْبٌ совчи юбормоқ, қизни келинликка сўрамоқ; унашмоқ, нон ушатмоқ, фотиҳа қилмоқ, оқлик бермоқ (олмоқ); ◊ وُدَّهُ ~ кимнингдир дўстлигига (хайрхоҳлигига) эришмоқ; II خَطَّبَ 1) совчи юбормоқ; 2) эрга бермоқ; III خَاطَبَ 1) (*к. биландир*) гаплашмоқ, музокара олиб бормоқ; 2) (*к. гадир*) юзланмоқ, мурожаат қилмоқ; (*к. гадир*) ёзмоқ; VI تَخَاطَبَ 1) ўзаро гаплашмоқ, суҳбатлашмоқ; музокара олиб бормоқ; 2) бир-бири билан хат ёзишмоқ; VII اِنْخَطَبَ турмушга берилган (эрга берилган) бўлмоқ (*қиз ҳақида*); VIII اِخْتَطَبَ = I

– تَخَاطُبٌ суҳбат; музокаралар; لُغَةُ الـ ~ жонли тил

– خَاطِبٌ *кўп.* خُطَّابٌ 1. 1) гапирувчи, нутқ сўзловчи, сўзга чиққан; 2) (*аёлнинг*) кўнглини олувчи, хушторлик қилувчи; 2. 1) нотиқ, сўзамол; 2) куёв; 3) совчи, қуда

– خَاطِبَةٌ *кўп.* اتٌ — 1) келин; 2) совчи, қуда

– خِطَابٌ *кўп.* اتٌ — 1) нутқ; الْعَرْشِ ~ подшолик сўзи; 2) хат; ёзма хабар (ахборот); اعْتِمَادٍ ~ аккредитив; تِجَارِيٌّ ~ тижорий хат; تَوْصِيَةٍ ~ тавсиянома; دَوْرِيٌّ ~ циркуляр (*юқори ташкилотлардан қуйи ташкилотларга юборилган фармойиш, кўрсатма*); الضَّمَانِ ~ кафолатнома; مَفْتُوحٌ ~ очиқ хат; مُوصًى ~ عَلَيْهِ буюртма хат; ◊ فَصْلُ الْـ ~ сўнгги қарор

– خَطَابَةٌ 1) нутқ сўзлаш; 2) хутба ўқиш

– خِطَابَةٌ 1) имом-хатиблик; 2) *шунингдек* فَنُّ الْـ ~ нотиқлик санъати; нутқ; عِلْمِيَّةٌ ~ лекция, маъруза; دِينِيَّةٌ ~ хутба

– خِطَابِيٌّ нотиқликка оид; риторик; عِبَارَاتٌ ~ـةٌ риторик иборалар; حَفْلَةٌ ~ـةٌ митинг

– خَطَّابِيَّةٌ хитобийлар (*шиа мазҳабидаги оқимлардан бири*)

– خَطْبٌ *кўп.* خُطُوبٌ ғам, кулфат, бахтсизлик; ◊ مَا ~كَ? а) сенга нима қилди?; сен нима хоҳлайсан?; مَا ~ هَذَا التَّمْزِيقِ нимага бу узуқ-юлуқ?; бу узилиш қаердан пайдо бўлди?

– خِطْبٌ[1] *кўп.* أَخْطَابٌ куёв

– خَطْبٌ[2] нарса; جَلِيلٌ ~ هَذَا бу шарафли нарса

– خُطْبَةٌ *кўп.* خُطَبٌ 1) нутқ, сўз; عِلْمِيَّةٌ ~ лекция, маъруза; ~ خِتَامِيَّةٌ сўнгги (охирги) сўз; *шунингдек* دِينِيَّةٌ ~ хутба

– خِطْبَةٌ[1] келин

– خِطْبَةٌ[2] *кўп.* خِطَبٌ совчи қўйиш (*ёки*) совчи бўлиш; унаштириш; фотиҳа

– خُطُوبَةٌ = خِطْبَةٌ[2]

– خَطِيبٌ *кўп.* خُطَبَاءُ 1. унаштирилган; 2. 1) нотиқ; 2) имом-хатиб; 3) куёв

– خَطِيبَةٌ, خَطِيبَةٌ *кўп.* اتٌ — келин

– مُخَاطَبٌ 1) мурожаат қилинаётган киши; 2) *грам.* иккинчи шахс

– مُخَاطَبَةٌ *кўп.* اتٌ — суҳбат; музокаралар; بِالْكَافِ ~ (*к. гадир*) "сен" деб мурожаат қилиш

– مَخْطُوبٌ 1. унаштирилган, фотиҳа қилинган; 2. куёв

– مَخْطُوبَةٌ 1. унаштирилган, фотиҳа қилинган (*қиз*); 2. *кўп.* اتٌ — келин

I (خطر) خَطَرَ[1] (*у, и*) خَطَرَانٌ 1) (*н. биландир*) силкитмоқ, қоқмоқ, силтамоқ (ب); 2) силкинмоқ, тебранмоқ, чайқалмоқ, қимирламоқ; тебраниб кетмоқ; намойишкорона юрмоқ; у ёқ-бу ёққа юриб турмоқ; فِي الْغُرْفَةِ ~ хонада юрмоқ; 3) ўзини катта тутмоқ, гердаймоқ; خَطَرَ[2] (*у*) خُطُورٌ (*к. дир*) эсга, каллага келмоқ (لِـ); ~ بِبَالِهِ *ёки* فِي بَالِهِ ~ эсламоқ; ~تْ عَلَى ذِهْنِهِ هَذِهِ الْمُخَاطَرَةُ *ёки* ~تْ لَهُ بِبَالٍ هَذِهِ الْفِكْرَةُ бу фикр унинг миясига келди; لَمْ يَخْطُرْ بِالْبَالِ ақлга келмаган, кутилмаган, тасодифий; خَطُرَ (*у*) خُطُورَةٌ, خَطَرٌ 1) жиддий (муҳим, диққатга сазовор) бўлмоқ; 2) хатарли бўлмоқ; III خَاطَرَ 1) гаров ўйнамоқ, гаров боғлашмоқ, бас боғламоқ; 2) таваккал қилмоқ, (*н. нидир*) хавф остида қолдирмоқ, (*н. нидир*) қартага тикмоқ (ب); VI أَخْطَرَ хабар қилмоқ, билдирмоқ, огоҳ (воқиф) қилмоқ; огоҳлантирмоқ; V تَخَطَّرَ 1) виқор билан юрмоқ; 2)

кеккаймоқ, гердаймоқ; фахрланмоқ; 3) отни гижинглатиб юрмоқ; 4) қимирламоқ, силкинмоқ, тебранмоқ, титрамоқ; VI تَخَاطَرَ бир-бири билан гаров ўйнамоқ

– إِخْطَارٌ *кўп.* ~ اتٌ — хабар қилиш, огоҳлантириш

– تَخَطُّرٌ 1) виқор билан юриш; 2) кеккайиш; манманлик; 3) отни гижинглатиб юриш; 4) силкиниш, тебраниш

– خَاطِرٌ *кўп.* خَوَاطِرُ 1) фикр, ғоя; тушунча; تَوَارُدُ الْخَوَاطِرِ фикрларнинг мос келиши; سُرْعَةُ الْـ~ зеҳни ўткирлик, зийраклик, топқирлик; سَرِيعُ الْـ~ тез тушунадиган, зукко, идрокли; خَطَرَ لَهُ الْـ~ унинг миясига фикр келди; 2) ақл; *кўп.* ақлий қобилиятлар; لَمْ يَدُرْ بِـ~ى менинг ақлимга келмабди!, бу миямга ҳам келмабди!; 3) кўнгил, юрак; أَخَذَ بِـ~هِ кимнидир юпатмоқ, овутмоқ, кўнглига тасалли бермоқ; أَخَذَ عَلَى ~هِ хафа бўлмоқ, кўнглига олмоқ; كَدَّرَ ~هُ кимнидир хижолатга солмоқ, кўнглига ғулғула солмоқ; كَسَرَ ~هُ кимнингдир дилини оғритмоқ; عَنْ طِيبِ ~ *қар.* طِيبٌ; 4) хоҳиш, истак; عَلَى ~رِكَ сенинг хоҳишингга кўра; عَلَى غَيْرِ ~ хоҳламасдан, истамай; لِأَجْلِ ~ى мен учун; إِكْرَامًا لِـ~كَ ёки إِرْضَاءً لِـ~كَ сен учун, сенинг ҳурматинг учун, сени деб; 5) *халқ.* меҳмон; ◊ ~كَ! кўришгунча!

– خَاطِرَةٌ *кўп.* خَوَاطِرُ хотира, фикр, хаёл, ақл

– خَطَّارٌ[1] *кўп.* ~ اتٌ — 1) палахмон; сопқон; минжаниқ (*қадимий тош отиш қуроли*); 2) тебрангич, капгир, маятник (*соатдаги*)

– خَطَّارٌ[2] силкиниб турувчи; رُمْحٌ ~ чиқиб-тушиб турган найза; رَجُلٌ ~ بِالرُّمْحِ найза тиқувчи

– خَطَرٌ *кўп.* أَخْطَارٌ 1) хатар, хавф, қалтис иш; хавотирлик, ваҳима; الْحَرْبِ ~ уруш хавфи; الذَّرِّيُّ الْـ~ атом хавфи; مُحْدِقٌ ~ хавфли хатар; إِشَارَةُ الْـ~ хавф-хатар аломати; جَرَسُ الْـ~ бонг, жом, қўнғироқ; أَوْقَعَهُ فِي ~ кимнидир хатарга гирифтор қилмоқ; عَرَّضَهُ لِلْـ~ кимнидир хатарга дучор қилмоқ; شَكَّلَ أَكْبَرَ الْـ~ عَلَى ... учун катта хавф туғдирмоқ; 2) дов, (*қиморда*) тикилган пул; 3) муҳимлик, аҳамиятга моликлик, нуфуз; шараф, обрў, эътибор; ذُو ~ муҳим, эътиборга молик, нуфузли

– خَطِرٌ хавфли, хатарли; صِنَاعَةٌ ~ةٌ зарарли ишлаб чиқариш

– خَطَرَانٌ силкиниш, тебраниш

– خَطْرَةٌ *кўп.* خَطَرَاتٌ 1) лаҳза, он, пайт; гал, сафар, навбат, вақт; هٰذِهِ لَيْسَتْ أَوَّلَ ~ تَسْأَلُنِي فِيهَا هٰذَا السُّؤَالَ сен мендан бу саволни биринчи марта сўраётганинг йўқ; 2) фикрнинг ўзгариши; خَطَرَاتُ نَفْسِهِ кимнингдир ички ҳаяжони, изтироби; ◊ خَطَرَاتُ الرِّيحِ енгил шамол эсиши, шабада

– خُطْرِيٌّ *кўп.* خُطْرِيَّةٌ 1. (*н. нидир*) талабгор бўлиб, отилиб чиқиб қилувчи; 2. кўнгилли, ўз ихтиёри билан отилиб чиққан киши

– خُطُورَةٌ 1) муҳимлик, эътиборга моликлик; 2) хатарлилик

– خَطِيرٌ 1) муҳим, эътиборга лойиқ; الشَّأْنِ ~ муҳим; 2) юқори, шарафли, нуфузли

– مَخَاطِرُ *кўп.* хавф-хатар

– مُخَاطِرٌ 1) таваккал қилувчи, хатарга йўлиқувчи, таваккалчи; 2) таҳликали, қалтис

– مُخَاطَرَةٌ *кўп.* ~ اتٌ — хавф-хатар, қалтис иш; مُخَاطَرَاتٌ فِي الصَّيْدِ овдаги хавфли саргузаштлар

– مُخْطِرٌ = خَطِرٌ

خَطْرَفَ алаҳламоқ, босинқирамоқ

– خَطْرَفَةٌ алаҳлаш, босинқираш

I خَطَفَ (а) خَطْفٌ 1) ушлаб (тутиб, илиб, чангаллаб) олмоқ; 2) тортиб олмоқ, (*қўлидан*) юлиб олмоқ; 3) олиб кетмоқ; ўғирлаб кетмоқ, олиб қочмоқ; зўрлаб олиб кетиб қолмоқ; وَلَدًا ~ болани ўғирлаб олиб кетмоқ; 4) (*н. нидир*) тез қилмоқ ◊ الْبَصَرَ ~ (*ёрқин нур, шуъла билан*) кўзни олмоқ, қамаштирмоқ; V تَخَطَّفَ ушлаб олмоқ; VI تَخَاطَفَ кўтариб (*ушлаб*) олмоқ, ерга туширмай илиб олмоқ; талашиб сотиб олмоқ (*мас. сотилаётган газетани*); 2) бир-бирининг қўлидан юлиб олмоқ; VII انْخَطَفَ 1) тутилган (ушланган) бўлмоқ; 2) ўғирланган бўлмоқ; 3) завқланган, мафтун бўлган бўлмоқ, жазавага тушмоқ (*қаландарлар ҳақида*); VIII اخْتَطَفَ 1) ушлаб (тутиб) олмоқ; (*н. дандир*) тортиб (юлиб) олмоқ (مِنْ); 2) тортиб олмоқ, олиб қўймоқ; олиб қочмоқ; олиб кетмоқ; يَخْتَطِفُ هٰذَا الْمَرَضُ الْأُلُوفَ مِنَ الْأَرْوَاحِ бу касаллик минглаб жонларни олиб кетади; وَلَدًا ~ = خَطِفَ وَلَدًا ; ◊ الْبَصَرَ ~ = خَطِفَ الْبَصَرَ

– اخْتِطَافٌ 1) олиб қочиш; тортиб олиш; 2) юлиб олиш

– انْخِطَافٌ завқланиш, жазава (*қаландарларда*)

– خَاطِفٌ 1. 1) ушлаб (илиб) олувчи; 2) юлиб (тортиб) олувчи; 3) олиб (ўғирлаб) кетувчи; 4) қисқа, тез; шиддатли; الْحَرْبُ الْـ~ةُ шиддатли уруш; زِيَارَةٌ ~ةٌ оз муддатли (қисқа) сафар; صُورَةٌ ~ةٌ бир лаҳзада олиб бўлинадиган сурат; نَظْرَةٌ ~ةٌ назар ташлаш, бир қараб қўйиш; 2. ўғри, олибқочар

– خَطَّافٌ ўғри; босқинчи

– خُطَّافٌ *кўп.* خَطَاطِيفُ 1) илгак, чангак, чангал; السَّمَكِ ~ (*балиқ овлаш учун ишлатиладиган*) чангак, илмоқ; 2) лангарнинг оёқ кафтига ўхшаш қисми; лангар; كَانَتِ السَّفِينَةُ عَلَى الْـ~ кема лангарда турган эди; 3) тирноқ, чангал, чанг; 4) қалдирғоч; الْبَحْرِ ~ денгиз қалдирғочи; جَبَلِيٌّ ~ жарқалдирғоч, узунқанот; 5) шайтон

– خَطْفٌ 1) ўғирлаб кетиш, зўрлик билан олиб кетиш; 2) ушлаб олиш; رَفَعَ بِيَدَيْهِ ~ 90 كِيلُوغْرَامًا спорт. у бир силтаշда 90 кг. ни кўтарди; ~ًا тез

– خَطْفَةٌ кўп. خَطَفَاتٌ 1) ушлаб олиш, тез ушлаш, илиш; 2) шиддат, шижоат, тез ҳаракат فِي ~ البَرْقِ шиддат билан

– خَطِيفَةٌ кўп. خَطَائِفُ 1) тортиб олинган; ўғирланган; أَخَذَ الفَتَاةَ ~ келинни ўғирламоқ

– خُطَّافٌ кўп. مَخَاطِيفُ мخْطَافٌ лангар

– مَخْطُوفٌ 1) тутиб олинган, ушлаб олинган; 2) тез, қисқа муддатли

I خَطِلَ (а) خَطَلٌ 1) беҳуда гаплари вайсамоқ; 2) мақтанмоқ, катта гапирмоқ, гердаймоқ, неккаймоқ; IV أَخْطَلَ беҳуда гапларни вайсамоқ; V تَخَطَّلَ катта кетмоқ, неккаймоқ, ғоз юриш қилмоқ

– خَطَلٌ беҳуда гап, сафсата; أَنْ ... مِنَ الـ~ ... деб ўйлаш аҳмоқликдир

– خَطِلٌ аҳмоқона, беҳуда, бемаъни

I خَطَمَ (у) خَطْمٌ нўхта ёки бурундуқ тақмоқ; ◊ ~ بِالكَلَامِ жим бўлишга мажбур қилмоқ

– خِطَامٌ кўп. خُطُمٌ, أَخْطِمَةٌ нўхта, жилов, тизгин

– خَطْمٌ кўп. أَخْطَامٌ, خُطُومٌ тумшуқ (мас., итники)

– خِطْمِيٌّ, خِطْمِيَّةٌ бот. тугмачагул

– مِخْطَمٌ кўп. مَخَاطِمُ = خِطَامٌ

I خَطَا (خطو) (у) خَطْوٌ қадам ташламоқ, юрмоқ, қадам босмоқ, олдинга юрмоқ; ... خَطَوَاتٍ وَاسِعَةً فِي ~ ...да жадал қадамлар билан олға силжимоқ, ...да катта муваффақиятларга эришмоқ; V تَخَطَّى 1) у томонга ўтмоқ, қадам қўймоқ, қадам ташламоқ, ҳатлаб ўтмоқ; ~ عَتَبَةَ الدَّارِ уй остонасидан ҳатлаб ўтмоқ; ~ فِي الغُرْفَةِ хонада юрмоқ; 2) (қонундан) четга чиқмоқ; 3) (хизмат поғоналарида к. дандир) ўтиб кетмоқ; VIII اخْتَطَى юрмоқ, олға қадам ташламоқ

– خَطْوَةٌ кўп. خَطَوَاتٌ 1) қадам, одим; ~ إِلَى الأَمَامِ олдинга бир қадам; ~ إِلَى الوَرَاءِ орқага бир қадам; قَامَ بِـ~ حَاسِمَةٍ فِي ... ...да ҳал қилувчи қадамни қўйди; 2) шахм. юриш

– خُطْوَةٌ кўп. خُطًى, خُطُوَاتٌ = خَطْوَةٌ; اتَّخَذَ الخُطُوَاتِ الأُولَى ... فِي ...да биринчи қадамни қўйди; سَارَ بِخُطًى وَاسِعَةٍ (وَاثِقَةٍ), ثَابِتَةٍ (لِأَنْ (لِأَجْلِ ... ...га дадил (ишончли, мустаҳкам) одимлар билан бормоқ; سَارَ بِخُطًى وَئِيدَةٍ إِلَى ... хотиржамлик билан олдинга силжимоқ

خطأ خَطِيئَةٌ = خَطِيَّةٌ қар.

I خَفَّ (а/и) خِفَّةٌ, خَفٌّ 1) енгил, енгил вазнли бўлмоқ; اشْتَرَى مَا ~ حَمْلُهُ وَ غَلَا ثَمَنُهُ мтл. вазни енгилу, нархи баланд нарса сотиб олди; 2) озаймоқ, камаймоқ, сусаймоқ (мас., эпидемия ҳақида); сийраклашмоқ (тўда ҳақида); 3) тез, чаққон, шаҳдам бўлмоқ (кўзгалдир) юшимлмоқ (إِلَى); II خَفَّفَ (к нимадир) юкини енгиллатмоқ, озайтирмоқ (عَنْ); ~ هَذَا عَنَّا بَلْوَانَا бу бизнинг ташвишларимизни озайтирди; 2) кор қилмоқ, фойдаси (нафи ёрдами) тегмоқ (дори ҳақида); ~ عَنْ أَعْصَابِهِ ўз асабларини тинчлантирмоқ; 3) юмшатмоқ; ~ مِنْ صَرَامَتِهِ қаттиққўллиги сусайган бўлмоқ; 4) (н. нидир) пасайтирмоқ, озайтирмоқ, камайтирмоқ (туш. к. ёки مِنْ); 5) (к. гадир жазони) ўзгартирмоқ, алмаштирмоқ (بِـ); 6) суюлтирмоқ, сув қўшмоқ; ~ الحَلِيبَ بِالمَاءِ сутга сув қўшмоқ; 7) қ. -х. яганаламоқ, ўтоқ қилмоқ; 8) грам. ундошни ташдидсиз талаффуз қилмоқ; ◊ ~ عَنْهُ кимнидир руҳлантирмоқ, кўнглини кўтармоқ; V تَخَفَّفَ 1) ботинка киймоқ; 2) (бир қисмини бошқаларга берган ҳолда) ўз ташвишини енгиллаштирмоқ; 3) енгил бўлмоқ, енгил тортмоқ (мас., касал); 4) камайтирмоқ, сийраклаштирмоқ; ~ مِنْ ثِيَابِهِ кийимини бир оз (қия, жиндак) очмоқ (мас., иссиқда); X اسْتَخَفَّ 1) енгил, енгил вазнли, арзимас деб ҳисобламоқ; 2) қадрламаслик, эътиборсизлик билан қарамоқ, (к. гадир) назарга илмасдан, илтифотсизлик билан муомала қилмоқ, (н. гадир) беписанд, енгил қарамоқ (بِـ); 4) тўлқинлантирмоқ, қўзғамоқ, ҳаяжонлантирмоқ; ~ـهُ الطَّرَبُ мусиқа уни ҳаяжонлантириб юборди

– أَخَفُّ[1] ўта енгил, оз

– أَخَفُّ[2] мн. خُفٌّ كُلٌّ. أَخِفَّاءُ енгилтак, тентак

– اسْتِخْفَافٌ 1) енгилтакларча муносабат; 2) илтифотсизлик бепарволик, ҳурматсизлик; فِي ~ менсимай (камситиб)

– تَخْفِيفٌ 1) енгиллатиш; 2) юмшатиш; ~ مِنْ حِدَّةِ التَّوَتُّرِ بَيْنَ ... وَ بَيْنَ ... ва ... пар ўртасида кескинликни юмшатиш; 3) кичрайтириш, пасайтириш; 4) алмаштириш, ўзгартириш (мас., жазони); суюлтириш, чапиштириш, сув қўшиш

– تَخْفِيفَةٌ кўп. ـاتٌ енгил уй кўйлаги

– خُفٌّ кўп. أَخْفَافٌ, خِفَافٌ 1) оёқ, панжа (ҳайвонларда ва қушларда); товон; ботинка; туфли; ◊ رَجَعَ (عَادَ) بِخُفَّيْ حُنَيْنٍ қар. حُنَيْنٌ

– خُفَّانٌ, خُفَافٌ йўнгиртош

– خِفَّةٌ 1) енгиллик, енгилвазнлик; 2) шунингдек ~ العَقْلِ калтафаҳмлик; 3) тезлик, илдамлик, уддабурронлик; ~ اليَدِ қўлнинг чаққонлиги; أَلْعَابُ ~ اليَدِ фокуслар, кўзбойлағичлар; ~ الدَّمِ илтифот, марҳамат; ~ الحَرَكَةِ ҳаракатчанлик, қўзғалувчанлик; ~ الرُّوحِ қувноқлик, ҳаётдан мамнунлик

– خُفُوفٌ 1) тезлик; шошилинчлик; 2) шошилинч кетиш, жўнаш

– خَفِيفٌ кўп. أَخِفَّاءُ, خِفَافٌ 1) енгил, енгил вазнли; وَرَقٌ ~ папирос қоғози; ноёб, сийрак, суюқ; ~ الشَّعْرِ сочи сийрак, оз; لِحْيَةٌ ~ـةٌ сийрак соқол; 3) кучсиз (чой ва тамаки ҳақида); 4) беҳуда,

бефойда; 5) шунингдек ٱلْعَقْلِ ~ енгилтак; 6) чаққон, шаҳдам, илдам; қувноқ; ٱلْحَرَكَةِ ~ ҳаракатчан, қўзғалувчан; ٱلرُّوحِ ~ ... ٱلظِّلِّ ~ ...; мамнун; ёқимли, хушбўй; 7) хафиф (шеърий вазннинг номи); ◊ يَدُهُ ~ унинг қўли енгил; ذَاتُ ٱلْيَدِ ~ қўли қисқа, камбағал

– خَفِيفَةٌ кўп. خَفَائِفُ юпқа баргсимон тиллолардан ясалган тақинчоқ

– مُخَفَّفٌ енгиллашган; озайган; кичрайган; суюлтирилган

– مُخَفِّفٌ 1. 1) юмшатувчи; لِلْجَرِيمَةِ ~ ظَرْفٌ айбни енгиллаштирувчи ҳолат; 2) пасайтирувчи; 2) кўп. اتٌ — амортизатор

– مُسْتَخِفٌّ 1) жирканч, манфур, илтифотсиз, назар-писанд қилмайдиган; 2) енгилтак

I (خفت) خَفَتَ[1] (у) خُفُوتٌ тинч, сокин, осуда бўлмоқ, жим бўлмоқ, тиниб (ўчиб) қолмоқ (овоз ҳақида); خَفَتَ[2] (у) خَفْتٌ секин гапирмоқ III خَافَتَ (овозни) пасайтирмоқ (ب) IV أَخْفَتَ қулоқни кар қилмоқ, овозни босмоқ; (к. нидир) жим бўлишга мажбур қилмоқ; VI تَخَافَتَ аста-секин ўчмоқ, тинмоқ; пасаймоқ; VII اِنْخَفَتَ тинч, жим, ўчган бўлмоқ (товуш ҳақида); VIII اِخْتَفَتَ жимиб, тўхтаб, тинчиб қолмоқ

– خَافِتٌ 1) тинчиган, ўчган (товуш ҳақида); ٱلصَّوْتِ ~ паст овозли; 2) майин, тинч, текис, доим бир хил

– خُفُوتٌ радио. фединг (радио тўлқинларни қабул қилиш пайтида келаётган сигналларнинг вақти-вақти билан ёки бетартиб равишда ўзгариб туриши)

I (خفر) خَفَرَ (и) خَفْرٌ 1) қоравуллик (соқчилик, қўриқчилик) қилмоқ; қўриқламоқ; ҳимоя қилмоқ; 2) соқчилик қилиб (қўриқлаб, кузатиб) бормоқ; خَفِرَ (а) خَفَرٌ уятчан (тортинчоқ) бўлмоқ; II خَفَّرَ қўриқчилик қилмоқ, қўриқламоқ; IV أَخْفَرَ 1) ваъдани бузмоқ, ваъдага хилоф иш тутмоқ; 2) пойлоқчи қилиб тайинламоқ; V تَخَفَّرَ 1) уялмоқ, тортинмоқ; 2) (бирор к. дан) пойлоқчи бўлиб туришни илтимос қилмоқ (بِ)

– خَافِرَةٌ кўп. خَوَافِرُ қўриқчи кема

– خُفَارَةٌ қоравуллик учун тўлов (ҳақ)

– خِفَارَةٌ 1) қўриқлаш, соқчилик қилиш; ҳимоя қилиш; 2) қоравуллик касби

– خَفَرٌ[1] уятчанлик, тортинчоқлик

– خَفَرٌ[2] қўриқчилар, соқчилар; қоравуллар; қўриқлаб (кузатиб) борувчи соқчилар; бирор кимларни ёки нималарнидир кузатиб борувчи ҳарбий соқчилар

– خَفِرٌ уятчан, тортинчоқ

– خَفِيرٌ кўп. خُفَرَاءُ соқчи қоравул

– خَفَرٌ = مُتَخَفِّرٌ

– مَخْفَرٌ кўп. مَخَافِرُ 1) пост, кузатиш ёки назорат қилиш жойи; 2) қоравулхона

I (خفس) خَفَسَ (и) خَفْسٌ 1) масхара қилмоқ, мазах (майна) қилмоқ; калака қилмоқ, устидан кулмоқ; 2) бузмоқ (мас., қурилишни); VII اِنْخَفَسَ бузилган бўлмоқ; йўқ қилинган (вайрон қилинган) бўлмоқ; ◊ اِنْخَفِسْ! йўқол кўзимдан!

أَخْفَشُ мн. خَفْشَاءُ кўп. خُفْشٌ шабкўр

– خُفَّاشٌ кўп. خَفَافِيشُ кўршапалак

– خَفَشٌ шапкўрлик (касаллик)

I (خفض) خَفَضَ (и) خَفْضٌ 1) камайтирмоқ, пасайтирмоқ; ٱلْأَثْمَانَ ~ нархларни пасайтирмоқ; 2) хўрламоқ, камситмоқ; 3) ерга урмоқ; 4) туширмоқ; ٱلْبَصَرَ ~ кўзини ерга қаратмоқ; عَيْنَيْهِ ~ кўзларини пастга қаратмоқ; 5) грам. сўзни қаратқич келишигига қўймоқ; خَفُضَ (у) خَفْضٌ 1) тинч (хотиржам) бўлмоқ (яшаш тарзи тўғрисида); 2) секин (аста, зўрға) эшитиладиган бўлмоқ (мас., овоз); II خَفَّضَ пасайтирмоқ, озайтирмоқ; ◊ خَفِّضْ عَلَيْكَ! тинчлан!, ўзингни бос!; V تَخَفَّضَ озайтирилган, туширилган бўлмоқ; VII اِنْخَفَضَ пасаймоқ (сувнинг сатҳи ҳақида); 2) паст (арзон) бўлмоқ, тушмоқ (нарх ҳақида)

– اِنْخِفَاضٌ 1) паст кўрсаткич, қуйи даража; ٱلنِّيلِ ~ Нил сувининг қуйи даражаси; 2) пасайиш, тушиш, ٱلْحَرَارَةِ ~ ҳароратнинг пасайиши (тушиши); ٱلْقُدْرَةِ ٱلشِّرَائِيَّةِ ~ сотиб олиш имкониятининг камайиши; ٱلْـ~ ٱلْجَوِّيُّ метео. Атмосфера босими паст бўлган минтақа, барометрик дипрессия (зиқлик); циклон

– تَخْفِيضٌ пасайиш, озайиш, тушиш; ٱلسِّلَاحِ ~ қуролларни қисқартириш; قِيمَةِ ٱلْفَرَنْكِ ~ франк қийматининг пасайиши (девальвацияси)

– خَافِضٌ 1) пасаювчи; тушувчи; ٱلْبَصَرِ ~ ерга қараган ҳолда; ٱلْجَنَاحِ ~ камтар, сипо, хушхулқ

– خَفْضٌ пасайиш; 2) тушиш; 3) грам. сўзни қаратқич келишигида ишлатиш; ٱلْـ~ حَرْفُ грам. кўмакчи; ◊ هُوَ فِي ~ مِنَ ٱلْعَيْشِ у фаровон ҳаёт кечирмоқда

– خَفِيضٌ 1) қуйи, паст, тушган (мас., нарх); 2) майин, аста, секин (мас., овоз ҳақида); بِصَوْتٍ ~ паст овоз билан

– مُخَفَّضٌ пасайтирилган, туширилган; بِأَثْمَانٍ ~ـةٍ арзон нархда

– مُخَفِّضٌ 1. пасаювчи; 2. тех. редуктор (босимни пасайтирувчи асбоб)

– مَخْفُوضٌ 1) қуйи, паст, пасайтирилган; 2) грам. қаратқич келишигига қўйилган (сўз ҳақида)

– مُنْخَفَضٌ кўп. اتٌ — паст жой; пасттекислик; чуқур, ўпирилган жой; ٱلْـ~ ٱلْجَوِّيُّ метео. атмосфера босими паст бўлган минтақа

– مُنْخَفَضٌ 1) паст, қуйи; ~ مُسْتَوًى ثَقَافِيٌّ маданий даражаси паст; 2) пастликдаги, пасттекисликдаги

I (خفق) خَفَقَ[1] (и) خُفُوقٌ, خَفْقٌ, خَفَقَانٌ 1) тепмоқ, урмоқ (*юрак, томир ҳақида*); 2) у ёқ-бу ёққа секин ҳаракат қилмоқ; 3) ҳилпилламоқ, пирпирамоқ, тебранмоқ, қимирламоқ, дукулламоқ; 4) қанотини қоқмоқ (*қушлар ҳақида*); 5) чақнамоқ (*чақмоқ ҳақида*); خَفَقَ[2] (и) خَفْقٌ 1) (*н. билан дир*) урмоқ (بِ); 2) кўпиртириб *ёки* кувлаб олмоқ (*мас., қаймоқни*); эзиб қориштирмоқ; 3) тақиллатмоқ (*юрган пайтда этик билан*); خَفَقَ[3] (и) خُفُوقٌ ботмоқ (*ёритгичлар ҳақида*); ◊ ~ بِرَأْسِهِ бошини осилтириб мудрамоқ, пинакка кетмоқ; II خَفَّقَ сувамоқ, сувоқ қилмоқ; IV أَخْفَقَ 1) қанотини қоқмоқ (*қуш ҳақида*); 2) ҳилпилламоқ (*байроқ ҳақида*); 3) (*н. дадир*) муваффақиятсизликка учрамоқ (فِي); чиппакка чиқмоқ, барбод бўлмоқ (*иш ҳақида*); ◊ ~ بِرَأْسِهِ бошини осилтириб мудрамоқ, пинакка кетмоқ

– إِخْفَاقٌ муваффақиятсизлик, барбод бўлиш

– خَافِقٌ 1. ураётган, дукуллаётган; 2. *кўп.* ـاتٌ — байроқлар; ◊ الْخَافِقَانِ *ик. с.* ғарб ва шарқ; الْخَوَافِقُ *ёки* خَوَافِقُ السَّمَاءِ дунё томонлари, дунёнинг тўрт томони

– خَافِقِيٌّ увоқ қилиш

– خَفَّاقٌ қаттиқ ураётган, дукуллаётган (*юрак ҳақида*); ~ الْقَلْبِ қаттиқ ураётган юракли

– خَفَّاقَةٌ *кўп.* ـاتٌ — кув

– خَفْقٌ 1) уриш, дукуллаш (*юрак*); тақиллаш (*этик*), тақиллаш (*оёқ*); 2) кув қилиш

– خَفْقَةٌ *кўп.* خَفَقَاتٌ бир марта уриш, дукиллиш, тақиллаш

– مِخْفَقَةٌ *кўп.* ـاتٌ — чилчўп, куракча, пишкак

– مَخْفُوقٌ кув қилинган, кўпиртирилган; الْكَرِيمَةُ الـ~ـةُ кув қилиб олинган қаймоқ

(خفى) خَفِيَ (и) خَفِيٌّ яширмоқ, беркитмоқ, билдирмаслик, сездирмаслик; خَفِيَ[1] (а) خَفَاءٌ (*к. учундир*) (*сирли, номаълум*) бўлмоқ (عَلَى); لَا يَخْفَى عَلَى أَحَدٍ أَنَّ ... сир эмаски, ...; لَا يَخْفَى عَلَى الْعَيْنِ الْمُبْصِرَةِ أَنَّ ... кўздан шуни яшириб бўлмайдики, ...; خَفِيَ[2] (а) خِفْيَةٌ яширинмоқ, беркинмоқ; II خَفَّى яширмоқ, беркитмоқ, сир тутмоқ, билдирмаслик; IV أَخْفَى яширмоқ, беркитмоқ; (*к. дандир*) сир сақламоқ (عَنْ); *юр.* яширмоқ, беркитмоқ, яшириб сақламоқ; V تَخَفَّى 1) беркинмоқ, яширинмоқ; 2) (*ўз қиёфасини ўзгартириш мақсадида*) бошқача кийинмоқ; VIII اخْتَفَى 1) яширинмоқ, бекинмоқ, йўқолмоқ, ғойиб бўлмоқ; ~ مِنَ الْوُجُودِ йўқ бўлмоқ, ўлмоқ; ~ عَنِ الْأَنْظَارِ кўздан ғойиб бўлмоқ; 2) йўқ бўлмоқ, ҳозир бўлмаслик, кўринмаслик; X اسْتَخْفَى яширинмоқ, беркинмоқ

– اخْتِفَاءٌ йўқолиш, ғойиб бўлиш

– إِخْفَاءٌ яшириш, беркитиш; сездирмаслик, билдирмаслик; сир сақлаш; *юр.* яшириб сақлаш; ~ الْمُجْرِمِينَ жиноятчиларни яшириш; *астр.* Ой ортидаги юлдузларнинг яширинини (кўзга кўринмаслиги), юлдузларнинг Ой панасига ўтиши

– اسْتِخْفَاءٌ яшириш, (ўзини) пинҳон тутиш; لَعِبَ لُعْبَةَ الـ~ беркинмачоқ ўйнамоқ

– تَخَفٍّ (*ўз қиёфасини ўзгартириш мақсадида*) бошқача кийиниш

– تَخْفِيَةٌ яшириш, беркитиш

– خَافٍ *мн.* خَافِيَةٌ 1) яшираётган; 2) сирли, пинҳон; кўзга кўринмас; غَيْرُ ~ очиқ, равшан, яққол кўриниб турган; وَ غَيْرُ ~ أَنَّ ... эмаски, ...; وَ لَمْ يَعُدْ هَذَا سِرًّا خَافِيًا бу энди катта сир эмас; لَمْ يَعُدْ خَافِيًا عَلَى أَحَدٍ أَنَّ ... сир энди ҳеч кимга сир эмаски, ...

– خَافِيَةٌ *кўп.* خَوَافٍ сир; الْخَوَافِي *кўп.* қуш қанотлари остидаги патлар; لَا لَيْسَتْ بِـ~ عَلَى أَحَدٍ أَنَّ ... ҳеч кимга сир эмаски, ...; لَا تَخْفَى عَلَيْهِ ~ ундан ҳеч нарсани яшириб бўлмайди

– خَفَاءٌ 1) сирини ҳеч кимга айтмаслик, яширинлик; 2) сирлилик; 3) сир; فِي الـ~ сирли равишда, яширинча; تَحْتَ طَيِّ الـ~ яширинча; لَا ~ بِأَنَّ ... сир эмаски, ...

– خَفِيٌّ ширин, махфий, ҳали аниқланмаган, сирли; ажаб, ғалати; кўзга кўринмаган, кўз илғамаган; ~ اسْتِيرَادٌ яширин импорт; وَ غَيْرُ ~ أَنَّ ... сир эмаски, ...

– خَفِيَّةٌ *кўп.* خَفَايَا 1) сир; عَرَفَ خَفَايَا الْأُمُورِ ҳамма сирини билиб олмоқ; 2) махфий полиция айғоқчиси

– خِفْيَةٌ, خُفْيَةٌ 1) сирини ҳеч кимга айтмаслик, яширинлик; 2) сирлилик; مَلْبَسُ ~ маскарад кийими (костюми); ~ сирли равишда, яширинча, билдирмасдан; فِي ~ وَ حَذَرٍ билдирмасдан ва эҳтиёт бўлиб

– مُتَخَفٍّ *мн.* مُتَخَفِّيَةٌ кийинган (*ниқобланиш учун*)

– مُخْتَفٍ *мн.* مُخْتَفِيَةٌ 1) яширинаётган, беркинаётган; مُخْتَفِيًا تَحْتَ بُرْقُعِ امْتِيَازٍ صُحُفِيٍّ ... журналистлик имтиёзидан фойдаланган ҳолда; 2) талон-торож қилиш ниятида қабрни очувчи

– مُخْتَفًى *кўп.* مُخْتَفَيَاتٌ яширин (пинҳоний) бошпана

– مَخْفِيٌّ махфий; яширин

أُخْقُوقٌ *ёки* إِخْقِيقٌ *кўп.* أَخَاقِيقُ ердаги дарз, ёриқ

خَلَّ (а/у) خَلٌّ *қ-х.* яганаламоқ, сийраклаштирмоқ; II خَلَّلَ 1) нордон (ачитилган) бўлмоқ; 2) сиркага айлантирмоқ; 3) тузламоқ, ачитмоқ; 4) (*тишларни*) тозаламоқ; ◊ ~ لِحْيَتَهُ بِأَصَابِعِهِ бармоқлари билан соқолини таҳлил қилмоқ; III خَالَّ خَالَلَ дўстлашмоқ; маъшуқа сифатида олмоқ; IV أَخَلَّ 1) (*н. нидир*) бузмоқ, барбод қилмоқ (بِ); ~ بِالْآدَابِ тартиб-интизомни бузмоқ, одобсизлик

қилмоқ; بِالْأَمْنِ ~ омманинг тинчлигини бузмоқ; بِالْقَانُونِ ~ қонунга риоя қилмаслик; بِوَعْدِهِ ~ ўз ваъдасини бузмоқ; 2) (*н. нидир*) ишдан чиқармоқ, шикастламоқ, зарарлантирмоқ (بِ); V تَخَلَّلَ 1) ичига кирмоқ, ичига ўтмоқ; (*н. нидир*) ичидан ўтмоқ, ич-ичига кириб кетмоқ; 2) (*кўндаланг*) кесиб ўтмоқ; 3) (*н. нидир*) (*қандайдир вақт оралиғида*) қилмоқ; галма-гал (*навбати билан*) қилмоқ, (*нутқни ҳазил-мутойиба, кўчиримлар билан*) безаб (бежаб) гапирмоқ (بِ); لِقَاءٌ تَخَلَّلَتْهُ أَحَادِيثُ وَ مُنَاقَشَاتٌ учрашув пайтида суҳбатлар баҳс ва мунозаралар билан алмашиниб турди; 4) (*н. нингдир*) оралиғида (ўртасида) бўлмоқ; بَعْدَ الْأَكْلِ بِالْخِلَالِ ~ овқатдан сўнг чўтка билан тиш тозаламоқ; VIII اخْتَلَّ 1) бузилган, риоя этилмаган бўлмоқ, бузилмоқ; 2) бузилган бўлмоқ, ишламайдиган, ишдан чиққан бўлмоқ, ишдан чиқмоқ; 3) нормадан ташқари (одатдагидан ташқари, одатдагига тўғри келмайдиган) бўлмоқ; тартибсиз (пароканда) бўлмоқ; عَقْلُهُ ~ у ақлдан озди; 4) (*бирор н.* га) муҳтож бўлмоқ, эҳтиёж сезмоқ (إِلَى); ◊ جِسْمُهُ ~ у озиб қолди, у орқлади; 4) соқолни панжалар орасига киритиб ҳўлламоқ (*таҳоратда*)

– اخْتِلَالٌ 1) бузуқлик, ишламаслик; 2) парокандалик, тўс-тўполон; нормадан (одатдагидан) ташқарилик; тартибсизлик; ~ الْعَقْلِ ёки الْـــ ~ الْعَقْلِيُّ ақлдан озганлик

– إِخْلَالٌ 1) бузиш, риоя қилмаслик; бажармаслик; بِالْآدَابِ ~ тартиб-интизомни бузиш, одобсизлик қилиш; 2) ишдан чиқариш, зарар етказиш

– خَلٌّ сирка

– خِلٌّ, خُلٌّ *мн. мз. кўп.* أَخْلَالٌ дўст, ўрток; дугона; الْكِتَابُ هُوَ الْـــ ~ الْوَفِيُّ китоб-содиқ дўст

– خِلَالٌ[1] дўстлик

– خِلَالٌ[2] *кўп.* أَخِلَّةٌ 1) тиш тозалагич; 2) тўғноғич (*сочники*); 3) сих; 4) оралиқ; 5) ўрта, марказ; فِي ~ ـــهُ ёки ـــهُ ~ ниманингдир пайтида, ниманингдир оралиғида; مِنْ ~ ـــهِ орқали, орасида; مِنْ ~ الْكُتُبِ китоблар орасида; الْبَابِ ~ эшик орқали; مِنْ ~ الزُّجَاجِ ойна орасидан; فِي ~ ذَلِكَ бу орада; الصَّحْرَاءِ ~ саҳро орқали; فِي ~ الْيَوْمِ кун бўйи; فِي ~ الزِّيَارَةِ зиёрат пайтида

– خِلَالَةٌ *кўп.* أَخِلَّةٌ тиш тозалагич

– خُلَالَةٌ тишлар орасидаги овқат қолдиғи

– خَلَلٌ *кўп.* خِلَالٌ 1) бузиш, ишдан чиқариш, шикаст (зарар) етказиш; бузуқлик, ишламаслик; парокандалик (*мас., руҳий ҳолатдаги*); ғайритабиийлик; فِي الْعَقْلِ ~ ақлнинг хиралашуви; 3) нуқсон, иллат, камчилик; 4) хато; 5) ора, оралиқ; рахна, тешик; ёриқ, дарз; 6) тартибсизлик; ◊ مِنْ ~ ـــهِ ниманингдир пайтида, ичида; كَرَّرَ مِنْ ~ الدُّمُوعِ кўз ёши қилиб такрорлайвермоқ

– خَلَّةٌ[1] *кўп.* خِلَالٌ, خَلَّاتٌ ўзига хослик, сифат, хусусият; туғма (жибиллий) хусусият

– خَلَّةٌ[2] эҳтиёж, зарурат, етишмовчилик; ~ سَدَّ камчиликни тўлдирмоқ

– خَلَّةٌ, خُلَّةٌ, خَلَلٌ, خُلَلٌ *кўп.* *бот.* 1) шунингдек. شَيْطَانِيَّةٌ ~ ammi majus (*туяларнинг севимли емиши бўлган ўсимлик*); 2) ammi visnaga (*тиш тозалагич қилинадиган ўсимлик*)

– أُمُّ الْـــ ~: خُلُولٌ *зоол.* еса бўладиган чиғаноқча, мидия

– خَلِيلٌ *кўп.* خُلَّانٌ 1) ошиқ, маъшуқ, маҳбуб, севикли; хуштор; 2) дўст; اللهِ ~ *Қур.* Халилуллоҳ (*Иброҳим алайҳиссалом*)

– خَلِيلَةٌ *кўп.* ـــاتٌ, خَلَائِلُ маъшуқа; маҳбуба

– مُخَالَةٌ: дўстлик

– مُخْتَلٌّ 1) бузилган, бузуқ; 2) нормадан ташқари; الْعَقْلِ ~ ёки ~ الشُّعُورِ мияси айниган, ақлдан озган

– مُخِلٌّ бузувчи, риоя этмовчи; بِالْأَمْنِ الْعَامِّ ~ умумий хавфсизликни бузувчи

– مُخَلَّلٌ тузланган, шўрланган

– مُخَلَّلَاتٌ *кўп.* тузланган нарсалар (*озиқ-овқатлар*)

– مُخَلِّلَاتِيٌّ *кўп.* مُخَلِّلَاتِيَّةٌ тузланган нарсаларни сотувчи;

– مَخْلُولٌ *кўп.* مَخَالِيلُ 1) шикастланган, бузуқ; 2) ақлсиз, эси паст

I خَلَبَ (у, и) خَلْبٌ 1) чангалламоқ, чанг солмоқ; 2) (*н. биландир*) асир, мафтун қилмоқ (بِ) 3) ўзига мойил қилмоқ, йўлдан оздирмоқ; алдамоқ; аҳмоқ қилмоқ; III خَالَبَ алдамоқ; VIII اخْتَلَبَ 1) кимгадир мойил бўлмоқ; алданиб йўлдан озмоқ; 2) йўлдан оздирмоқ; асир қилмоқ, мафтун қилмоқ; X اسْتَخْلَبَ узмоқ, синдирмоқ

– خَالِبٌ йўлдан оздирувчи, асир этувчи; мафтункор

– خَلَّابٌ 1) алдоқчи; 2) мафтун (асир) этувчи; мафтункор, ажойиб, мақтовга лойиқ

– خَلَابَةٌ гўзаллик, мафтункорлик

– خِلْبٌ *кўп.* أَخْلَابٌ 1) чангал, тирноқ; 2) ток (узум) барги; 3) жигар пардаси, қорин пардаси; مَرَضُ الْـــ ~ *мед.* перитонит (*қорин пардасининг яллиғланиши*); ◊ النِّسَاءِ ~ хотинларни шайдо қилувчи (офатижон) йигит

– خُلَّبٌ ёлғондакам, хаёлий ◊ بَرْقٌ ~ ёмғирсиз чақмоқ (*ваъда қилиб, уни бажармайдиганлар тўғрисида айтилади*); سَحَابٌ ~ ёмғирсиз булут

– خَلَبُوتٌ ёлғончи, фирибгар

– خُلَّبِيٌّ ёлғондакам; طَلْقَةٌ ~ ـــةٌ пахтавон (*бўш*) ўқ (патрон)

– مِخْلَبٌ *кўп.* مَخَالِبُ, مَخَالِبٌ (тирноқли) оёқ (*қушлардаги*); тирноқ, панжа, чангал; فِي مَخَالِبِ الْمَوْتِ ўлим чангалида

خَلْبَصَ 1) қочиб кетмоқ; 2) шўхлик (тўполон) қилмоқ; 3) алдамоқ

– خَلْبُوصٌ *кўп.* خَلَابِيصُ шўх бола, тўполончи, зумраша

I خَلَجَ (и) خَلْجٌ (خلج) 1) қизиқтирмоқ, фикру хаёлини олмоқ, ҳаяжонлантирмоқ, ташвишга солмоқ; 2) ҳаракатга келтирмоқ, тараддудга солмоқ, қўзғатмоқ; خَلِجَ (а) خَلَجٌ чарчоқлик ҳис этмоқ;

III خَالَجَ 1) ташвишга (хавотирга) солмоқ; диққатни ўзига тортмоқ; 2) тушмоқ, пайдо бўлмоқ, туғилмоқ (*шубҳа ҳақида*); لَا يُخَالِجُهُ أَيُّ شَكٍّ بِأَنَّ ... у ... борасида ҳеч шубҳаланмаяпти; لَا يُخَالِجُهُ الضَّحِكُ унинг кулгиси қистади; 3) хос бўлмоқ (*н. нингдир хусусияти ҳақида*); V تَخَلَّجَ титрамоқ, титраб-қақшамоқ, қалтирамоқ; ҳайратда қолган, ҳаяжонланган бўлмоқ; VI تَخَالَجَ қамраб олмоқ (*шубҳа ҳақида*); فِي صَدْرِي مِنْهُ شَيْءٌ ~мен шубҳа остида қолдим; VIII اخْتَلَجَ титраб-қақшаб (бесарамжон равишда) сиқилмоқ, дард чекмоқ; тарадудланмоқ, қўзғалмоқ, титрамоқ, (бирор жойи) учмоқ; кичраймоқ (*кўз қорачиғи ҳақида*); ◊ ~ الْأَمْرُ فِي صَدْرِهِ ташвишга солмоқ, безовта қилмоқ

– إِخْتِلَاجٌ қалтираш, титраш; *мед.* атаксия

– إِخْتِلَاجَةٌ беихтиёр ҳаракат қилиш, (*бирор жойи учиш*)

– خَالِجَةٌ *кўп.* خَوَالِجُ ташвишли, ҳаяжонлантирувчи ҳиссиёт; ҳадик; ички изтироб; خَوَالِجُ نَفْسِهِ унинг руҳий (ички) изтироблари

– خَلْجَةٌ *кўп.* خَلَجَاتٌ ҳаяжон; خَلَجَاتُ نَفْسِهِ унинг руҳий ҳаяжони

– خَلِيجٌ *кўп.* خُلْجَانٌ, خُلُجٌ кўрфаз, қўлтиқ; канал

خَلْخَلَ 1) тебратмоқ, тебрантирмоқ; қимирлатмоқ, чайқалтирмоқ; титратмоқ, қалтиратмоқ; ~ ثِقَةَ الْجُمْهُورِ омма ишончига дарз кетказмоқ; 2) озайтирмоқ, (*газни*) сийраклаштирмоқ; تَخَلْخَلَ 1) тебранмоқ, қимирламоқ, чайқалмоқ, бўшашмоқ, сусаймоқ, пасаймоқ; сийрак экилган бўлмоқ; сийраклашган бўлмоқ (*газ ҳақида*)

– تَخَلْخُلٌ сийраклик

– خَلْخَالٌ *кўп.* خَلَاخِيلُ 1) халхол (*аёллар оёқларига тақадиган безак ҳалқа*); 2) тўпиқ, тўпиқ суяги

– خَلْخَلٌ *кўп.* خَلَاخِلُ = خَلْخَالٌ

– خَلْخَلَةٌ 1) тебратиш, қимирлатиш; лиқиллатиш, шалоқ қилиш; 2) сийраклаштириш (*газ ҳақида*)

– مُتَخَلْخِلٌ сийраклашган; غَازٌ ~ сийраклашган газ

– مُخَلْخَلٌ 1) сийраклашган (*газ ҳақида*); 2) путур етган, сусайган; лақиллаб қолган, бўшашган, шалоғи чиққан; مِشْيَةٌ ~ـةٌ лўкиллаб (лақиллаб) юриш

I خَلَدَ (у) خُلُودٌ 1) абадий бўлмоқ, абадий чўзилмоқ; 2) (*қаердадир*) бўлмоқ, турмоқ (ب); ◊ ~ لِلنَّوْمِ ухлашга ётмоқ; II خَلَّدَ 1) абадийлаштирмоқ; ~ ذِكْرَاهُ кимнингдир номини абадийлаштирмоқ; 2) (*қаердадир*) бўлмоқ, турмоқ (ب); 3) узоқ (узун) ёшга бормоқ; IV أَخْلَدَ 1) (*қаердадир*) қолмоқ, бўлмоқ, турмоқ (ب); 2) (*н. гадир*) таянмоқ, суянмоқ, эгилмоқ, (*н. гадир*) батамом берилиб (ишониб) кетмоқ (إِلَى); ~ إِلَى الْبِطَالَةِ ишёқмас (дангаса) бўла бошламоқ; ~ إِلَى الصَّمْتِ тинчланмоқ; ~ إِلَى السُّكُونِ жим бўлмоқ; ~ إِلَيْهِ بِثِقَتِهِ кимгадир тўла ишонмоқ; 3) абадийлаштирмоқ; V تَخَلَّدَ абадийлашмоқ; абадий, узоқ чўзилмоқ

– تَخْلِيدٌ абадийлаштириш; ~ لِـ... ...нинг шарафига, ...ни нишонлаш муносабати билан; ~ لِذِكْرَاهُ унинг хотирасини улуғлаш мақсадида

– خَالِدٌ абадий, ўлмас

– خَلَدٌ *кўп.* أَخْلَادٌ кўнгил; ақл; لَا يَدُورُ فِي ~ أَحَدٍ أَنَّ ... ҳеч кимнинг ақлига келмайдики, ...

– دُمَانٌ *қар.* دُومَانٌ

– دِمْنَةٌ олдинги яшаш жойи қолдиқлари

– مُدْمِنٌ (*бирор н. га*) ишқибоз, қизиқувчи, берилган; ~ التَّدْخِينِ ашаддий кашанда; ~ الْكُحُولِ ашаддий алькоголь, майпараст, ичувчи

I دَمِيَ (*а*) دَمًى қонаб турмоқ, қон кетмоқ; II دَمَّى қон кетишига сабаб бўлмоқ, қонатмоқ; IV أَدْمَى = II; ~ أَحَاسِيسَهُ الْوَطَنِيَّةَ кимнингдир ватанпарварлик туйғуларига тегиб кетмоқ (*жароҳатламоқ*)

– اِسْتِدْمَاءٌ қон пайдо бўлиш

– دَامٍ *мн.* دَامِيَةٌ 1) қонга оид, қонли; جُرْحٌ ~ қонли яра; الْإِرْهَابُ الدَّامِي қонли террор; 2) кўп қон тўкиладиган

– دَمٌ *кўп.* دِمَاءٌ қон; الـــ~ُ الْوَرِيدِيُّ ёки الـــ~ُ الْأَزْرَقُ ёки الـــ~ُ الْأَسْوَدُ вена (кўктомир) қони; الـــ~ُ الْأَحْمَرُ а) артерия қони; б) менструация (ҳайз) қони; الـــ~ُ الشِّرْيَانِيُّ артерия қони; ضَرْبَةُ الـــ~ِ апоплексия, сакта (*мияга қон қуйилиши ёки мия қон томирларининг беркилиши натижасида ҳушдан кетиш ёки фалаж бўлиш*); فَقْرُ الـــ~ِ анемия, камқонлилик; فَقِيرُ الـــ~ِ анемияга оид, камқонликка оид; مُعْطِي الـــ~ِ донор (*қон берувчи*); وَلِيُّ الـــ~ِ ўлдирилган кишининг энг яқин кишиси, қариндоши, хунталаб қасоскор; الْغَزَالِ ~ ёки الْأَخَوَيْنِ ~ а) илондарахт (*субтропик минтақаларда ўсадиган бутасимон ёки дарахтсимон қалин баргли доимий яшил ўсимлик*); б) илондарахт елими; شَجَرَةُ الـــ~ِ *бот.* қизил (чувалчангсимон) илдиз; حَجَرُ الـــ~ِ *мин.* гематит (*қизил темир рудаси*); ◊ خَفِيفُ الـــ~ِ а) қувноқ, серғайрат; б) илтифотли, назокатли; ёқимтой, хушбичим; ثَقِيلُ الـــ~ِ а) шалвираган, лапашанг; б) ёқимсиз, бадбўй

– دَمَوِيٌّ 1) қонли, қонга оид; الْمَجَارِي الـــ~ـَةُ қон томирлари; 2) қони оқиб турган; қонли (*жанг ҳақида*); غَيْرُ ~ қонсиз; اِنْقِلَابٌ غَيْرُ ~ қонсиз (қон тўкмасдан) амалга оширилган инқилоб; ◊ ~ الْمِزَاجِ а) сангвиник, қизиққон, питрак, серҳаракат, серғайрат; б) тез таъсирланадиган одам

– دَمَوِيَّةٌ апоплексия, сакта (*мияга қон қуйилиб, фалаж бўлиш*)

– دَمَوِيٌّ = دَمِيٌّ

– دُمْيَةٌ *кўп.* دُمًى ,ـــاتٌ — 1) тасвир, картина, расм, сурат; 2) санам, манот (*мажусийларда*), бут; 3) ҳайкал; صِنَاعَةُ الدُّمَى الشَّمْعِيَّةِ мумдан шакллар ишлаш саноати; 4) манекен (*кийимларни намойиш қилиш ёки ўлчаб кўриш учун гавда қолипи*); ~ رَجُلٍ одам манекени; 5) қўғирчоқ; шунингдек. الـــ~ُ الْمُتَحَرِّكَةُ ҳаракатланадиган (ўйинчи) қўғирчоқ; تِيَاتْرُو لِلدُّمَى қўғирчоқ театри; حُكُومَةُ الدُّمَى қўғирчоқ ҳукумат

دِمْيَاطِيٌّ *кўп.* دَمَايِطَةٌ 1. Думётга оид; 2. Думёт фуқароси

I دَنَّ (*а/у*) دَنٌّ, دَنِينٌ ғувилламоқ, ғўнғилламоқ, визилламоқ; II دَنَّنَ = I

– دَنٌّ *кўп.* دِنَانٌ 1) (*вино сақланадиган*) катта кўза (хум); 2) бочка

– دَنٌّ *халқ.* = تَنٌّ

I (دنأ) دَنَأَ (*а*) دَنَاءَةٌ пасткаш бўлмоқ, қабиҳ (ярамас) бўлмоқ; دَنُؤَ (*у*) دَنَأَ = دُنُوءَةٌ

– دَنَاءَةٌ пасткашлик, разиллик, қабиҳлик, ярамаслик

– دَنِيءٌ *кўп.* أَدْنِيَاءُ разил, пасткаш; қабиҳ; паст, тубан

دَنْتِلاً тўр (*матоларга солинган*), кружева

– مُدَنْتَلٌ тўр қилиб тикилган; тўр (*кружева*) га оид

دُنْجُلٌ *кўп.* دَنَاجِلُ ўқ (*мас., икки ғилдиракни бирлаштириб турадиган*): الدَّنَاجِلِ صَنَادِيقُ *т.-й.* вагон, локомотив ғилдиракларининг гупчаги; أَمَامِيٌّ ~ олдинги ўқ; خَلْفِيٌّ ~ орқа ўқ

دِنْجَى دِنْجَةٌ (*шунингдек:* حُمَّى الـــ~) данге (Африка) безгаги

– دِنْجٌ *шунингдек:* عِيْدُ الــ~ *дин.* чўқинтириш, христиан динига киритиш байрами

دَنْدٌ *зоол.* кротон (*ер остида яшайдиган сут эмизувчи жонивор*)

دُنْدُرْمَةٌ музқаймоқ, мороженое, дўндурма

دَنْدَش 1) жирингла03моқ, жарангламоқ; 2) қимматбаҳо шақилдоқлар билан безамоқ

– دَنْدَشَةٌ 1) жиринглаш, жаранглаш; 2) қимматбаҳо шақилдоқлар билан безаш

دَنْدَنَ 1) гувилламоқ, ғўнғилламоқ, визилламоқ; 2) паст овоз билан айтмоқ, ярим овоз билан айтмоқ, минғиллаб (паст овоз билан) айтмоқ; 3) тушуниб бўлмайдиган тарзда сўзламоқ

– دَنْدَنٌ гувиллаш, ғовур-ғувур (*овоз*)

– دَنْدَنَةٌ 1) ғувиллаш, гувиллаш, височиллаш; 2) паст овозда айтиш, минғиллаб айтиш

دَنْدُونٌ курка (*нари, хўрози*); لَحْمُ الـــ~ курка гўшти

دِنْدِيٌّ *кўп.* دَنَادِيُّ курка (*нари, хўрози*)

(دنر) II دَنَّرَ (*танга, пул*) зарб қилмоқ

– دِينَارٌ *кўп.* دَنَانِيرُ ـــاتٌ 1) динор (*а/ қадимги олтин танга; б/ Ироқ, Қувайт, Иордания, Тунис, Ливия мамлакатларининг асосий пул бирлиги*);2) *кўп.* пул, ақча; حَشِيشَةُ الـــ~ *бот.* қулмоқ, хмел (*тутгуллилар оиласига мансуб кўп йиллик чирмашиб ўсадиган ўсимлик*)

I دَنِسَ (*а*) دَنَسٌ 1) ифлосланган бўлмоқ, кир бўлмоқ; 2) таҳқирланган бўлмоқ, хор бўлмоқ; II دَنَّسَ 1) ифлос қилмоқ, булғамоқ, кир қилмоқ; 2) ҳаром қилмоқ, мурдор қилмоқ; таҳқирламоқ, хўрламоқ; الْعِرْضَ ~ шарманда қилмоқ, бадном қилмоқ, номини булғамоқ; V تَدَنَّسَ 1) ифлос бўлмоқ, булғанмоқ, кир бўлмоқ; 2) таҳқирланмоқ, хўрланмоқ

– تَدْنِيسٌ 1) ифлосланиш, булғаниш, кир бўлиш; 2) таҳқирланиш, хўрланиш; булғаш, бузиш, оёқости қилиш

– دَنَاسَةٌ 1) кир, ифлослик; 2) ифлосланганлик, булғанганлик

– دَنَسٌ *кўп.* أَدْنَاسٌ 1) ифлослик, разиллик, нопоклик; 2) ифлосланганлик, булғанганлик

– دَنِسٌ 1) ифлос, кир; 2) ҳаром қилинган, булғанган

I دَنِفَ (*а*) دَنَفٌ 1) қаттиқ (оғир) касал (бемор) бўлмоқ; 2) ботишга яқин бўлмоқ (*қуёш ҳақида*), 3) (*к. гадир, н. гадир*) яқинлашмоқ (مِنْ);

IV أَدْنَفَ оғир касал (бетоб) бўлмоқ

– دَنَفٌ *мед.* кахексия (*ҳаддан ташқари озғинлик, чўп-устухон бўлиб кетиш*)

– دَنِفٌ 1) *кўп.* أَدْنَافٌ оғир касал (бетоб); озиб-тўзиб кетган, ориқ, озғин; 2) тез ботадиган (*қуёш ҳақида*)

(دنق) II دَنَّقَ ўта хасис бўлмоқ

– دَانِقٌ *кўп.* دَوَانِقُ 1) доник (*а/ 1/144 фаддон ёки 29, 172 м2. га тенг бўлган юза (майдон) ўлчови: б/ 1/6 дирҳамга тенг бўлган пул бирлиги*); 2) майда пул (*танга*)

دَنَكٌ тўқмоқ, таёқ, сўйил

I (دنو) دَنَا (*у*) دُنُوٌّ яқин бўлмоқ, яқинлашмоқ, (*бирор к. ёки н. нинг*) яқинига, олдига келмоқ (لِ, مِنْ); دَنِيَ (*а*) دَنَايَةٌ (*сол.* دَنَأَ) паст бўлмоқ, пакана бўлмоқ; II دَنَّى яқинлаштирмоқ, олиб бормоқ ёки олиб келмоқ, яқинига келтирмоқ, ёнига келтирмоқ; III دَانَى 1) (*бирор н. га*) яқин бўлмоқ;2) яқинлаш (тир) ишга ҳаракат қилмоқ, яқинлаш (тир) моқ; 3) рақобат қилмоқ, баҳслашмоқ; тенглашмоқ; لاَ يُدَانَى энг биринчи, энг яхши, энг мукаммал, ҳеч ким (ҳеч нарса) олдига тушолмайдиган, тенг келолмайдиган; بَيْنَ و بَيْنَ ~ солиштирмоқ, тенглаштирмоқ; IV أَدْنَى 1) = II; 2) пастга туширмоқ; V تَدَنَّى 1) оҳиста (аста, секин) яқинлашмоқ; пасаймоқ, озаймоқ; тушмоқ (*нарх-наво ҳақида*); 3) (*маънавий*) тубанлашмоқ, разиллашмоқ; VI تَدَانَى 1) ўзаро (бир-бири билан) яқинлашмоқ; (*бирор к. га, н. га*) аста-секин яқинлашмоқ (مِنْ); 2) секин-аста озаймоқ; (*бирор н. олдида*) хира тортмоқ, хиралашмоқ (أَمَامَ); X اسْتَدْنَى 1) яқинлаштирмоқ; 2) яқинлашишни сўрамоқ, ўзига чорламоқ (чақирмоқ)

– أَدْنَى *кўп.* أَدَانٍ, أَدْنَوْنَ *мн.* دُنْيَا *кўп.* دُنْيَوَاتٌ, دُنًى 1) яқиндаги, яқин орадаги; مِنْ أَدْنَاهُ إِلَى أَقْصَاهُ бошидан охиригача (у бошдан бу бошгача) الشَّرْقُ الـــ~ Яқин Шарқ; الْمَغْرِبُ الـــ~ Жазоир; 2) кичкина, жажжи; энг кичик, энг оз, минимал; الْحَدُّ الـــ~ минимум, энг оз миқдор; لَمْ يَبْقَ ~ مُوجَبٌ أَنْ ... ...га ҳеч қандай сабаб (асос) қолмади; 3) тубан; الْحَيَوَانَاتُ الدُّنْيَا тубан ҳайвонлар; مَذْكُورٌ أَدْنَاهُ тубанда (қуйида) зикр этиладиган (айтиладиган); 4) паст, пасткаш, тубан, разил

– دَانٍ *мн.* دَانِيَةٌ *кўп.* دُنَاةٌ яқин, қадрдон; يَعْرِفُهُ الْقَاصِي وَ الدَّانِي уни ҳамма билади ва ҳаммага қадрдон

– دَنَاوَةٌ 1) яқинлик; 2) пасткашлик, тубанлик, қабиҳлик, разиллик

– دُنُوٌّ яқинлашиш; яқинлик

– دَنِيٌّ *кўп.* أَدْنِيَاءُ 1) яқин, яқин ўртадаги, яқиндаги; 2) паст, пасткаш, тубан, разил (*сол.* دَنِيءٌ)

– دُنْيَا *мн. кўп.* دُنْيَوَاتٌ, دُنًى 1) дунё; الْقَدِيمَةُ الـــ~ қадимги дунё; الْجَدِيدَةُ الـــ~ янги дунё; 2) кундалик ҳаёт; فَارَقَ الـــ~ ўлмоқ, вафот этмоқ, қазо қилмоқ, дунёдан ўтмоқ; 3) об-ҳаво; الـــ~ بَرْدٌ ҳаво совуқ; حَرٌّ الـــ~ ҳаво иссиқ; شَابُورَةٌ الـــ~ ҳаво туманли; الـــ~ شِتَاءٌ (*ташқарида*) қиш; عَتْمَةٌ الـــ~ (*ташқарида*) қоронғу; نُورٌ الـــ~

(ташқарида) ёруғ, ёруғлик; الـ~ غَيْمٌ ҳаво булутли; الـ~ مَطَرٌ ёки الـ~ تُشْتِي ёмғир ёғмоқда; وَ كَانَ الـ~ صَيْفًا бу ёзда бўлган эди; اسْوَدَّتْ (أَظْلَمَتْ) الـ~ فِي وَجْهِهِ ◊ унинг кўз олдида дунё қоронғулашди; تَدُورُ الـ~ بِهِ унинг боши айланди; ضَاقَتْ الـ~ فِي وَجْهِهِ унинг аҳволи мушкуллашди; لَمْ تَنْقَلِبِ الـ~ ҳеч нарса бўлгани йўқ, (сўзма-сўз: дунё ағдарилгани йўқ)

– دُنْيَاوِيٌّ 1) оламга, коинотга оид; 2) дунёвий; кундалик, ҳар кунги маиший; لَا ~ дунёвий бўлмаган, ғайри дунёвий

– دَنِيَّةٌ кўп. دَنَايَا ножўя ҳаракат, чакки иш, хунук қилиқ

– دُنْيَاوِيٌّ = دُنْيَوِيٌّ

– دُنْيَوِيَّةٌ 1) дунёвийлик, шу дунёга оид; 2) зодагонларга (аслзодаларга) хослик, зодагонларга (аслзодаларга) хос фазилат

I دَهَبَ (а) халқ. (кўйлакни) киявериб эскитмоқ

دَهْدَهَ 1) тебратмоқ, чайқатмоқ, силкитмоқ; 3) думалатмоқ, ғилдиратмоқ, сирпантирмоқ

– دَهْدَهَةٌ 1) тебратиш, чайқатиш, силкитиш; 2) думалатиш, ғилдиратиш, сирпантириш

دَهْرٌ кўп. أَدْهُرٌ, دُهُورٌ 1) даҳр, давр, замон, аср; геол. давр; الـ~ الثَّانِي палеозой даври; الـ~ الْأَوَّلُ инсон асри; الـ~ الْإِنْسَانِ мезазой даври; الـ~ الثَّالِثُ учламчи давр; الـ~ الرَّابِعُ тўртламчи давр; مَا كَذَبَ ~هُ у ҳеч қачон алдамаган; ~ ёки إِلَى ~ الدَّاهِرِينَ бир умрга, умрбод; عَلَى مَدَى الدُّهُورِ асрлар оша, абадий; 2) тақдир, қисмат, ёзмиш, пешонадаги; يَدُ الـ~ тақдир тақозоси; بَنَاتُ الـ~ маж. бахтсизлик, мусибат; تَصَارِيفُ الـ~ ёки تَصَرُّفَاتُ الـ~ ёки صُرُوفُ الـ~ тақдирнинг бевафолиги (буқаламунлиги); أَكَلَ عَلَيْهِ الـ~ وَ شَرِبَ маж. ҳаёт уни қаритди

– دَاهِرٌ узоқ давом этадиган; مُنْذُ الدَّهْرِ الـ~ қадимдан, азалдан, кўпдан бери, рўзи азалдан

– دَهْرِيٌّ 1. 1) асрга (даврга) оид; 2) даҳрий, шаккок; даҳрийларча, атеистларча; 2) 1) материалист, материализм тарафдори; 2) даҳрий, худосиз, атеист

– دُهْرِيٌّ 1. 1) жуда эски, азалий, қадимги, қадимий; 2) даҳрийларча, атеистик; ◊ الْعَالَمِ ~ узундан-узоқ; 2. даҳрий, худосиз, атеист

الـ~: دُهْرِيَّةٌ, دَهْرِيَّةٌ даҳрийлик, худосизлик, атеизм

I دَهَسَ (а) دَهْسٌ эзмоқ, эзиб юбормоқ, пачақ қилмоқ; (бирор к. ни) босиб кетмоқ (мас., трамвай ҳақида); VII انْدَهَسَ эзилган, пачақланган бўлмоқ; (мас., трамвай) остида қолмоқ

I دَهِشَ (а) دَهَشٌ ёки мажҳ. دُهِشَ ҳайрон қолган бўлмоқ, (н. дандир) лол қолган бўлмоқ (مِنْ); II دَهَّشَ ҳайрон қолдирмоқ, лол қолдирмоқ; IV أَدْهَشَ = II; VII انْدَهَشَ ҳайрон қолмоқ, маҳлиё бўлиб қолмоқ, лол қолмоқ; ҳайратда қолган бўлмоқ; боши қотган бўлмоқ

– انْدِهَاشٌ маҳлиё бўлиб қолиш, лол қолиш; ҳайрон қолиш, нима қилишни билмай қолиш

– دَهَشٌ ҳайрон (маҳлиё, қойил) бўлиш; فِي ~ ҳайрон қолиб, маҳлиё бўлиб, ҳайрат билан, ҳайратда

– دَهِشٌ ҳайрон (қойил, тонг) қолган, маҳлиё бўлган

– دَهْشَةٌ даҳшат, ҳайрат, ажабланиш, ҳайратда қолиш; ҳайронлик; إِنَّنِي فِي ~ مِنْ أَنْ ... мен шунга қаттиқ ҳайратландимки ...; اسْتَوْلَتْ عَلَيْهِ ~ بَالِغَةٌ уни ғоят даражадаги ҳайратланиш қамраб олди

– مُدْهِشٌ ажойиб, ҳайратланарли, ҳайрон (тонг) қолдирадиган

– مُدْهِشَاتٌ кўп. ажойиб нарсалар, мўъжизалар

– مَدْهُوشٌ ҳайрон қолган, маҳлиё (бўлган)

– مُنْدَهِشٌ ҳайрон қолган, нима қилишини билмай қолган, гаранг

I دَهَقَ (а) دَهْقٌ 1) қуймоқ, тўлдирмоқ, солмоқ, тўлатмоқ; 2) ҳаммасини бирданига тўкмоқ; IV أَدْهَقَ қирғоғигача тўлдирмоқ

– دِهَاقٌ тўла, лиммо-лим (коса ҳақида)

– دَهَقٌ ёточкишан, тахтакач (қийнаш қуроли)

– دِهْقَانٌ кўп. دَهَاقَنَةٌ, دَهَاقِينُ доҳий, пешво, йўлбошчи, раҳнамо; буюк одам; الْقَرْيَةِ ~ қишлоқ оқсоқоли

I دَهَكَ (а) دَهْكٌ туймоқ, (ун) тортмоқ; эзиб қориштирмоқ, пишитмоқ

– مَدْهُوكٌ пюре (гўштли овқатларга қўшиб тортиладиган сабзавот ёки мевадан тайёрланадиган бўтқа)

دَهْلَةٌ гувала

دِهْلِيزٌ кўп. دَهَالِيزُ даҳлиз, йўлак, коридор, галерея (хоналарни бирлаштирувчи узун тор йўлак), ◊ ابْنُ الـ~ ташландиқ бола, топиб олинган бола

I دَهَمَ (а) دَهْمٌ 1) кутилмаганда келмоқ, бехостан келиб қолмоқ; 2) (бирор к. га) ҳужум (ҳамла) қилмоқ; 3) (бирор к. ни) босиб кетмоқ (трамвай ҳақида); II دَهَّمَ қора қилмоқ, қурум билан қопланмоқ (мас., тутун ҳақида); III دَاهَمَ 1) кутилмаганда бостириб бормоқ, (к. гадир) ташланмоқ, ҳамла қилмоқ; 2) тўсатдан келиб қолмоқ, устига келиб қолмоқ; яқинлашмоқ (хавф-хатар ҳақида)

– أَدْهَمُ мн. دَهْمَاءُ кўп. دُهْمٌ қоп-қора; қоронғу; қора (от); دَاهِيَةٌ دَهْمَاءُ чексиз ғам-алам

– دَهْمَاءُ тим қора; الـ~ омма, оломон; таҳқ. қора халқ

– دُهْمَةٌ 1) қоралик; 2) қорамтир ранг

I دَهَنَ (у) دَهْنٌ 1) ёғламоқ, хушбўй моддалар (ёғлар) суртмоқ; 2) бўямоқ, бўёқ бермоқ; II دَهَّنَ ёғламоқ, мойламоқ, енгил-елпи ёғламоқ; III دَاهَنَ 1) тилёғламалик қилмоқ; 2) эркалатиб юбормоқ; V تَدَهَّنَ пардоз-андоз қилмоқ; ўзига (баданига) хушбўй ёғлар суртмоқ

– دَهَّانٌ 1) бўёқчи; 2) ёғ сотувчи

– دِهَانٌ[1] тилёғламачи, хушомадгўй, лаганбардор

– دِهَانٌ[2] кўп. اتٌ — 1) бўёқ; 2) ёғ, мой; 3) этикмой, вакса; 4) баданга суркаладиган мой (дори, малҳам); مِنَ الزِّنْكِ ~ рухли малҳам

– دُهْنٌ кўп. أدهان ёғ, мой; الـ~ الحُرُّ сариқ ёғ, сарёғ (*Ироқда*)

– دَهْنَاء саҳро; الـ~ Даҳно (*Ар-Рубъул-Холий саҳросининг бир қисми*)

– دُهْنِيٌّ ёғ (мой) га оид; ёғли, мойли, ёғ теккан, ёққа беланган; таркибида ёғ бўлган; ـــة~ غُدَّةٌ ёғ бези

– دُهْنِيَّاتٌ кўп. ёғлар, мойлар

– دَهِينَةٌ ёғупа, мой, помада

– مُدَاهِنٌ 1. тилёғламачи; 2. хушомадгўй одам, лаганбардор, ялтоқи

– مُدَاهَنَةٌ хушомад, тилёғлама мақтов; хушомадгўй қилиқ, ялтоқланиш, хушомадгўйлик

– مُدْهِنٌ 1) мой бўёқ билан ишланган; 2) ёғли, серёғ, ёғи кўп

دَهْنَجٌ малахит (*яшил рангли тош*)

دَهْوَرَ ташламоқ, ирғитмоқ; تَدَهْوَرَ 1) қуламоқ, йиқилмоқ, ағнамоқ, тушиб кетмоқ; бирданига пастламоқ; 2) таназзулга юз тутмоқ, заифлашмоқ

– تَدَهْوُرٌ 1) қулаш, йиқилиш, ағнаш, ағдарилиш; 2) заифлашиш, тушкунлик, инқироз

دَهْوَلَ эътиборсиз бўлмоқ, пала-партиш иш қилмоқ.

– دَهْوَلَةٌ беларволик, эътиборсизлик, совуққонлик

I (دهى) دَهَى (а) دَهْيٌ (*к. нингдир устига*) қуламоқ, ағдарилмоқ; шикастланмоқ; (*мас., касалга*) йўлиқмоқ, дучор бўлмоқ; دَهِيَ (а) دَهَاءٌ айёр (маккор, устамон) бўлмоқ, уддабурро (топқир) бўлмоқ; II دَهَّى = دَهَى I

– أَدْهَى мн. دَهْيَاءُ оғир (машаққатли), жуда қўрқинчли; жуда оғир, нобуд қилувчи, ҳалокатли (*бахтсизлик ҳақида*)

– دَاد мн. دَاهِيَةٌ кўп. دُهَاةٌ айёр, маккор, устамон, уддабурро, топқир

– دَاهِيَةٌ[1] кўп. دَوَاه бахтсизлик, кулфат, фалокат; دَهْيَاءُ ~ катта бахтсизлик, фалокат

– دَاهِيَةٌ[2] ақлли одам; доҳий, буюк одам; السِّيَاسَةِ ~ буюк сиёсатчи

– دَهَاءٌ ўткирлик, зийраклик, сезгирлик; идроки зўрлик; айёрлик; الثَّعْلَبِ ~ тулкининг айёрлиги

دُو икки (*нарда ўйинида*)

(دوأ) دَاءٌ кўп. أَدْوَاءٌ касаллик; لَا شِفَاءَ مِنْهُ ~ тузалмайдиган касаллик; الْأَغْنِيَاءِ ~ ёки الْمُلُوكِ ~ подагра (*модда алмашувининг бузилиши туфайли юз берадиган, бўғинларни зирқиратиб оғритадиган касаллик*), الثَّعْلَبِ ~ кар. ثَعْلَبٌ; الْجُمُودِ ~ каталепция (*асабий ёки қаттиқ ҳаяжон ёки гипноз натижасида тахта бўлиб қолиш*); қоқшол (*одамни тириштириб, қотириб қўядиган юқумли касаллик*); الْفِيلِ ~ филлашув, йириклашув (*тери ва териости ҳужайраларининг кескин қалинлашуви туфайли бирор аъзонинг, кўпинча оёқларнинг ғоят катта бўлиб кетиши касаллиги*); ~ الْكَلْبِ қутуриш (*касаллик*); الْمَفَاصِلِ ~ бод, ревматизм; أَدْوَاءُ الْعَصْرِ аср касалликлари

(دوب) دَابَ I (*сол.* ذَابَ) эримоқ; II دَوَّبَ 1) эритмоқ; 2) киявериб эскитмоқ; киявериб йиртмоқ

– دُوبُ: يَا~ *халқ.* а) деярли, қарийб; б) аранг, базўр, зўрға; энди, эндигина

دُوبَارَةٌ кар. دبر

دُوبِيَا шунингдек. الـ~ حِسَابُ 1. икки ёқлама ҳисоб-китоб (*корхонанинг даромад ва сарфларини ҳисобга олиш услуби*), 2. *кўч. м.* иккиюзламачилик, қинғирлик, тили бошқа, дили бошқалик

دُوتَا сеп, сеп-сидирға

دُوجٌ кўп. اتٌ — дож (*XVIII асргача бўлган Венеция ва Генуя республикалари бошлиғининг унвони*)

(دوح) I دَاحَ (у) دَوْحٌ катта (улкан) бўлмоқ (*мас., дарахт*); VII انْدَاحَ 1) чўзилмоқ, ёйилмоқ, тарқалмоқ; 2) катта бўлиб қолмоқ; тўкилиб кетмоқ (*суюқлик ҳақида*)

– دَوْحَةٌ кўп. أَدْوَاحٌ катта дарахт

(دوخ) I دَاخَ (у) دَوْخٌ 1) ўзига бўйсундирмоқ; 2) бўйсунмоқ, тобеъ бўлмоқ; ўзини хўрламоқ; 3) айланмоқ (*бош ҳақида*); бош айланишини ҳис қилмоқ; II دَوَّخَ 1) (*мамлакатни*) хароб қилмоқ; забт қилмоқ, ўзига бўйсундирмоқ; 2) бош айланишини келтириб чиқармоқ, денгиз касаллиги (*кемадаги кўнгил айниши*) келтириб чиқармоқ; الرَّأْسَ ~ а) бош айланишини келтириб чиқармоқ; б) *кўч. м.* аврамоқ, бошни айлантирмоқ, йўлдан урмоқ

– دَائِخٌ кўнгли айниётган, боши айланаётган, денгиз касалига йўлиққан

– دَوَخَانٌ бош айланиши; الْبَحْرِ ~ денгиз касаллиги

– دَوْخَةٌ бош айланиши; الْبَحْرِ ~ денгиз касаллиги; الْهَوَاءِ ~ (*самолётда*) учишдаги кўнгил айниш, учиш касаллиги (ҳаво касаллиги)

دَاوُدُ *ат.от. мз.* Довуд

(دود) II دَوَّدَ қуртлар билан тўлиб тошмоқ; қуртламоқ, қурт босмоқ

– دُودٌ *жам.* қуртлар; тухумдан чиққан қурт (*мас., капалак, чивин, чувалчанг ва б.*); الـ~ الْأَحْمَرُ чивин (пашша) ғумбаги (*балиқ озиқлантиришда берилади*); الْمَعْدَةِ ~ гижжа; ◊ عَلَى عُودٍ ~ қуруқ тери ва суяк, тери ва суякдан иборат

– دُودَةٌ кўп. اتٌ, دِيدَانٌ қурт, чувалчанг, тухумдан чиққан қурт (*мас., капалак, чивин, чувалчанг ва б. ларники*); الْأَرْضِ ~ ер чувалчанги; الْحَرِيرِ ~ ёки الْقَزِّ ~ ипак қурти; الْجُبْنِ ~ пишлоқ чивини қурти; الـ~ الْخَضْرَاءُ зангори қурт, пахта қурти; خَيْطِيَّةٌ ~ аскарида (*юмалоқ гижжа*); الشَّرِيطِ ~ ёки الـ~ الْوَحِيدَةُ тасмасимон гижжалар, солитёр; الْعَلَقِ ~ зулук; الـ~ الْقَارِضَةُ кемирувчи қурт (*пахта кушандаси*); قَرَنْفُلِيَّةٌ ~ пуштиранг қурт (*пахта*

кушандаси); الْقُطْنِ ~ пахта қурти; الْقِرْمِزِ ~ кошенил (*қизил бўёқ берадиган ҳашорот*); اللَّوْزِ ~ кўсак қурти (*пахтада*); مِعَوِيَّةٌ ~ гижжа

— دُودِيٌّ 1) чувалчангсимон; الزَّائِدَةُ الـ~ـةُ *анат:* кўричак ўсимтаси; аппендикс; اِلْتِهَابُ الزَّائِدَةِ الـ~ـةِ аппендицит, кўричак касаллиги; 2) *тех.* кўчқароққа (*червякка*) оид, червякли

— مُدَوَّدٌ، مَدُودٌ 1) қуртлаган, қурт босган; 2) қуртлар еб илма-тешик қилиб ташлаган

— مِذْوَدٌ *кўп.* مَذَاوِدُ тоғора, тегана, охур (*сол:* مِذْوَدٌ)

I دَارَ (دور) (у) دَوْرٌ، دَوَرَانٌ 1) айлантирмоқ, бурмоқ, бурилмоқ, ўгирилмоқ, айланмоқ; (*н. нингдир атрофида*) айланиб юрмоқ; دُرْ! "орқага бурил!" маъносидаги буйруқ; 2) (*бирор жойни*) (حَوْلَ) айланиб ўтмоқ, четлаб ўтмоқ; 3) айланиб юрмоқ; عَلَى أَلْسِنَةِ النَّاسِ ~ ҳамманинг оғзида бўлмоқ; 4) амалга ошмоқ; 5) ишламоқ, ҳаракат қилмоқ, ишлаб (юриб) турмоқ; 6) (*к. нидир*) айлантириб чиқмоқ (بِ); بِنَظَرَاتِهِ حَوْلَهُ ~ ўз атрофига қараб олмоқ; بَالُهُ إِلَى ... ~ диққатини ...га қаратмоқ; مَعَ الزَّمَنِ ~ шароитга мослашмоқ, ҳар нарсага тайёр турмоқ; رَأْسُهُ ~ унинг боши айланди; II دَوَّرَ 1) доира (айлана) қилмоқ; юмалоқламоқ; 2) ўгирмоқ, орқага бурилмоқ, айлантирмоқ; 3) ҳаракатга келтирмоқ; муомалага чиқармоқ (қўймоқ); السَّاعَةَ ~ соатни бурамоқ; 4) бош айланишини келтириб чиқармоқ; бошни айлантирмоқ; гангитмоқ; 5) (*н. нидир*) қидирмоқ (عَلَى); бухг. ўтказмоқ, кўчирмоқ; الْمَبْلَغَ لِلْعَامِ الْمُقْبِلِ ~ маблағни келаси йилга ўтказмоқ (кўчирмоқ); III دَاوَرَ 1) (*бирор н. устида*) ишламоқ, бош қотирмоқ, жон куйдирмоқ; 2) (*к. нингдир атрофида*) гирдикапалак бўлмоқ; (*к. билан*) ҳазиллашмоқ, ўйнашмоқ; муғамбирлик (айёрлик) қилмоқ, айёрлик билан ўз томонига оғдириб олмоқ; алдамоқ; фириб бермоқ; (*к. нидир*) йўлдан урмоқ, лақиллатмоқ; IV أَدَارَ 1) айлантирмоқ, бурамоқ, орқага бурмоқ, ўгирмоқ; الْحَدِيثَ حَوْلَ ... ~ ... ҳақида сўз юритмоқ; الرَّأْسَ ~ а) бош айланишни келтириб чиқармоқ; б) *кўч. м.* бошини айлантирмоқ, гангитмоқ; عَنْهُ وَجْهَهُ ~ бирор нарсадан юз ўгирмоқ; فِي ذِهْنِهِ ~ пухта ўйламоқ, чуқур мулоҳаза қилмоқ; 2) юргизмоқ, юритиб юбормоқ; الْمُحَرِّكَ ~ моторни юргизмоқ; 3) бошқармоқ, раҳбарлик қилмоқ; 4) (*к. нидир, н. дандир*) бенасиб қолдирмоқ, қатордан қолдирмоқ (عَلَى); V تَدَوَّرَ 1) юмалоқ, доира шаклида бўлмоқ; X اِسْتَدَارَ 1) доира шаклида, тегарак бўлмоқ; 2) (*бирор н.*) атрофида юрмоқ, давра айланмоқ; اِسْتَدَارُوا حَوْلَ الْمَائِدَةِ стол атрофида (га) ўтирдилар; 3) орқага қайтмоқ, қайтиб келмоқ; 4) бурилмоқ, айланмоқ; عَلَى عَقِبَيْهِ ~ у орқасига бурилди; ...لِـ ~ ...га ўгирилмоқ, қайрилмоқ, бурилмоқ; 5) (*н. нидир*) айлантирмоқ, ўгирмоқ (بِ)

— إِدَارَةٌ *кўп.* ـَاتٌ 1) идора; бошқарма; дирекция; مَرْكَزُ الـ~ бош (марказий) бошқарма; تَحْرِيرِ الْجَرِيدَةِ ~ газета таҳририяти; مَجْلِسُ ~ الْبَنْكِ банк бошқармаси; 2) ташкилот, муассаса

— إِدَارِيٌّ 1. идорага оид, идоравий; اً~ маъмурий йўл билан; 2. маъмурият бошлиғи, администратор

— أَدْوَرُ ҳаммадан кўпроқ айланиб турувчи (*муомаладаги*); عَلَى اللِّسَانِ ~ ҳаммадан кўра кўпроқ тилга тушиб кетган

— اِسْتِدَارَةٌ 1) доирасимонлик, думалоқлик, юмалоқлик; 2) *кўп.* ـَاتٌ айланиш, бурилиш

— دَائِرٌ 1) ўраб турувчи; 2) айланувчи; الْمَسْرَحُ الـ~ айланувчи саҳна; 3) ишлаб турувчи, ишдаги, ҳаракатдаги, ҳаракатланиш ҳолатидаги; 4) *мат.* даврий

— دَائِرَةٌ *кўп.* دَوَائِرُ 1) доира, айлана; مُحِيطُ الـ~ доиравийлик, тегаракиллик, атроф-муҳит; الطُّولِ ~ *геогр.* узунлик; الْعَرْضِ ~ *геогр.* кенглик; الْقُطْبِ ~ *ёки* الـ~ الْقُطْبِيَّةُ *геогр.* Қутб доираси; ~ كَهْرَبَائِيَّةٌ *радио.* электр занжири, контур; *эл.* занжир; الـ~ الْمُفْرَغَةُ бош-учи йўқ (чигал) калава, иложсиз аҳвол; 2) округ; ~ الْاِنْتِخَابِ *ёки* الـ~ الْاِنْتِخَابِيَّةُ сайлов округи; 3) доира, бўлим, соҳа; كُلٌّ فِي ~ عَمَلِهِ ҳар ким ўз фаолияти доирасида; الدَّوَائِرُ الرَّسْمِيَّةُ расмий доиралар; الدَّوَائِرُ الْمُطَّلِعَةُ хабардор доиралар; ~ الْمَعَارِفِ қомус, энциклопедия; ~ الْمَعَارِفِ الْإِسْلَامِيَّةِ Ислом қомуси (*энциклопедияси*); ~ الْمَعَارِفِ الْقَانُونِيَّةِ ҳуқуқ қомуси (юридик энциклопедия); 4) атроф, муҳит, доира; 5) сессия (*маълум бир вақтларда ўтказиладиган мажлислар*); الـ~ لِمَحْكَمَةِ أَمْنِ الدَّوْلَةِ давлат хавфсизлиги маҳкамасининг сессияси (мажлиси); 5) ташкилот; бошқарма; муассаса; ~ الْبُولِيسِ полиция бошқармаси; ~ الْحُكُومَةِ ҳукумат ташкилоти (муассасаси); الـ~ السَّنِيَّةُ давлат ер муассасаси; ~ الاسْتِخْبَارَاتِ الْمَرْكَزِيَّةِ الْأَمِيرِكِيَّةِ АҚШ нинг Марказий Разведка Бошқармаси (*МРБ*); 7) ер-мулк; 8) тақдир буқаламунлиги (бевафолиги), кулфат; تَرَبَّصَ بِهِ الدَّوَائِرَ а) кимгадир зарар етказиш учун қулай фурсатни кутмоқ; б) кимнингдир бошига кулфат тушишини кутмоқ; دَارَتْ عَلَيْهِ الـ~ унга бахт кулиб боқди

— دَائِرِيٌّ доиравий; айланадиган, айланма; ҳалқа; خَطُّ الْمِتْرُو الـ~ метронинг ҳалқаси; الطَّرِيقُ الـ~ айланма йўл, مَدَارٌ شِبْهُ ~ ҳалқа шаклига яқин орбита (*самовий жисмларнинг ҳаракат йўли*)

— دَارٌ *мн. кўп.* دِيَارٌ، دُورٌ 1) маскан; уй, бино, хона, иморат; ~ الْآثَارِ музей; ~ الْبَرِيدِ почтамт, почтахона; ~ التَّمْثِيلِ театр, тамошахона; ~ الْحَضَانَةِ ясли (*болалар учун*); دُورُ الْحُكُومَةِ ҳукумат бинолари; ~ الرَّاحَةِ وَ الاسْتِجْمَامِ дам олиш уйи; ~ الرِّئَاسَةِ бошқарув биноси, штаб; ~ السِّينَمَا *ёки* ~ الصُّوَرِ الْمُتَحَرِّكَةِ кинотеатр; ~ الصِّنَاعَةِ а) арсенал (*қурол-яроғ ва ўқ-дори ишлаб чиқарадиган ёки таъмирлайдиган корхона*), б) завод; фабрика; ~ الضَّرْبِ *ёки* ~ الْمَسْكُوكَاتِ зарбхона (*танга-чақа ва ш. к. лар зарб қилинадиган жой*), ~ الْعُلَمَاءِ академия; ~ الْعُلُومِ университет; ~ الْقَضَاءِ суд маҳкамаси (идораси); ~ الْكُتُبِ халқ кутубхонаси; ~ النَّدْوَةِ

парламент (*АҚШ да*); النَّشْرِ ~ нашриёт; 2) *кўп.* دِيَارٌ диёр, юрт, ўлка, мамлакат; الإِسْلَامِ ~ ислом давлатлари, мусулмон давлатлар; ~ الْحَرْبِ мусулмон бўлмаган давлатлар; الـــَانِ *ик. с.* а) мусулмон ва мусулмон бўлмаган давлатлар (*яъни* دَارُ الإِسْلَامِ *ва* دَارُ الْحَرْبِ); б) бу дунё ва нариги (у) дунё; اخْتِلَافُ الـــَيْنِ *шар.* яшаш жойига нисбатан ажратиш, фарқлаш (*мас., меросхўрлар тўғрисида гапирилганда, мусулмон ва мусулмон бўлмаган давлатлар деб ажратиш*); الصُّلْحِ ~ *тар.* мусулмон мамлакатларда яшайдиган мусулмон бўлмаган халқлар; 3) майдон (*мас., шахмат тахтасидаги*), الآخِرَةُ ~ الـــُ ёки الأُخْرَى ~ الـــُ *дин.* нариги (у) дунё; الْبَقَاءِ ~ ёки الـــُ الأُولَى ёки الـــُ الدُّنْيَا *дин.* дунё, ердаги ҳаёт; الـــُ الْبَاقِيَةُ нариги (у) дунё, дорилбақо; фалак, осмон; الـــُ الْبَيْضَاءُ Касабланка; السَّعَادَةِ ~ Доруссаодат (*Константинопол ш.нинг сифати, мажозий номи*); السَّلَامِ ~ Доруссалом (*Бағдод ш.нинг сифати, мажозий номи*), الْفِتَنِ ~ дунё; الْفَنَاءِ ~ *дин.* фоний дунё, бу дунё; الدِّيَارُ الْمِصْرِيَّةُ Миср, Миср диёри; دِيَارُنَا диёримиз, мамлакатимиз, ватанимиз; الْهِجْرَةِ ~ Мадина ш.; صِينِيٌّ ~ долчин

– دَارَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — 1) ёруғлик гардиши; ёруғлик берувчи доира, ореол, (*ёритқич атрофидаги чамбар*); 2) *радио.* контур, электр занжири; *эл.* занжир; 3) дашт (*Арабистон*)

– دَاوِرِيَّةٌ *кўп.* ـَاتٌ — назорат, патрул; пост (*кузатиш жойи*)

– دُوَارٌ бош айланиши; кўнгил айниши; الْبَحْرِ ~ денгиз касаллиги (*кемада кўнгил айниши*)

– دَوَّارٌ [1], دُوَّارٌ *кўп.* دَوَاوِيرُ қўра, қўтон, молхона, ферма; шаҳар типидаги қишлоқ, посёлка

– دَوَّارٌ [2] 1. 1) доимий айланувчи; الآلَةُ الـــَةُ центрифуга (*марказдан қочирма куч таъсирида қоришмани механик равишда ажратувчи аппарат*);2) айланадиган, айланма; айлантирувчи; 3) кезиб юрувчи, сайёр; بَائِعٌ ~ айланиб сотиб юрувчи, сайёр сотувчи; 2. *тех.* ротор (*машиналарнинг айланадиган қисми*); ◊ الشَّمْسِ ~ кунгабоқар

– دَوَّارَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — 1) пилдироқ, пирилдоқ, бизбизак, ғирғирак; الْمَاءِ ~ гирдоб; (الرِّيحِ) الْهَوَاءِ ~ флюгер (*шамолнинг йўналиши ва тезлигини аниқлайдиган асбоб*); меҳмондорчиликка боришни яхши кўрадиган аёл;3) паргар, циркул

– دَوْرٌ *кўп.* أَدْوَارٌ 1) айланиш; 2) давр; لَقَدْ مَضَى ~ الْكَلَامِ وَ حَلَّ ~ الْعَمَلِ сўздан ишга ўтиш вақти келди; 3) даврa; 4) *шахм.* партия; 5) ғалма-ғаллик; тутқаноқ (*бирор касалликнинг қаттиқ тутиб қолиши ёки хуруж қилиши*); 6) навбат; بِـــِهِ ўз навбатида; بِالـــِ навбати билан; 7) (*ишлаб чиқаришдаги*) смена, ўрин алмашиш; 8) сессия (*маълум вақтларда ўтказиладиган мажлислар*), انْعِقَادِ ~ الْبَرْلَمَانِ парламент сессияси; 9) цикл (*маълум давр ичида такрорланиб турадиган ҳаракатлар мажмуи*); 10) босқич, палла; 11) қават, этаж; 12) қўшиқ, ария (*бир овоз учун ёзилган мусиқа асари - опера, оратория, мусиқий драма ва ш.к. ларда*); (*концертдаги*) номер; 13) рол; . . . لَعِبَ ~ ا (كَبِيرًا) ...да (катта) рол ўйнамоқ; قَامَ بِـــِ حَاسِمٍ فِي . . . ...да ҳал қилувчи рол ўйнамоқ; أَعْجَبَهُ الْمُمَثِّلُ فِي ~ عُطَيْلٍ унга Отелло ролида ўйнаган артист жуда ёқди

– دَوَرَانٌ 1) айланма ҳаракат; айланиш; муомала; бурилиш, қайрилиш; 2) маросим

– دَوْرَةٌ *кўп.* دَوْرَاتٌ 1) айланиш; муомала, муносабат; رَأْسِ ~ الْمَالِ капитал обороти (айланиши); الـــُ الدَّمَوِيَّةُ қон айланиши; الـــُ الدَّمَوِيَّةُ الْكُبْرَى (الصُّغْرَى) катта (кичик) қон айланиш даврaси; 2) даврa; الـــُ الْجَلِيدِيَّةُ муз даври; 3) цикл; 4) навбат; 5) (*ишлаб чиқаришдаги*) смена, ўрин алмашиш; 6) сессия; اسْتِثْنَائِيَّةٌ ~ фавқулодда сессия; 7) алмашлаб экиш; ثُلَاثِيَّةٌ ~ уч далали алмашлаб экиш; رُبَاعِيَّةٌ ~ тўрт далали алмашлаб экиш; الْقُطْنِ ~ وَ دَائِمًا بَرْسِيمٌ пахтадан сўнг ҳар доим унинг ўрнига беда экилади; 8) курс (*баъзи ўқув муассасаларининг номи*); 9) макр, айёрлик; кутилмаган қилиқ; 10) *спорт.* даврa; раунд; الـــُ الأُولِمْبِيَّةُ олимпиада; ◊ الْمَاءِ (الْمِيَاهِ) ~ унитазли ҳожатхона; الـــُ الشَّهْرِيَّةُ ҳайз кўриш, ой кўриш, менструация

– دَوْرِيٌّ 1) даврий; نَشْرَةٌ ـــَةٌ вақтли матбуот (нашр); الرِّيحُ الـــَةُ муссон (*қишда денгиз томон, ёзда денгиздан эсадиган шамол*); الْحُمَّى الـــَةُ қурма-қур (такрорланиб турадиган) безгак; 2) циркулярга оид, циркуляр

– دُورِيٌّ *шунингдек.* عُصْفُورٌ ~ чумчуқ

– دَوْرِيَّةٌ *кўп.* ـَاتٌ — 1) кўриб чиқиш, кўрик, назорат, айланиб чиқиш 2) (*ишлаб чиқаришда*) смена алмашинуви

– دَيْرَةٌ яшаш жойи; келиш жойи

– مَدَارٌ *кўп.* ـَاتٌ — 1) ўзак, ўқ; الْخِصَامِ ~ баҳслашув предмети; الْمُفَاوَضَاتِ ~ музокаралар предмети; 2) муҳит, доира, соҳа; السَّرَطَانِ ~ *астр.* Саратон (*Рак*) доираси (тропиги); الْجَدْيِ ~ Жадий (Козерог) тропиги (*доираси*); 4) *астр.* орбита (*самовий жисмларнинг ҳаракат йўли*); الأَرْضِ ~ Ер орбитаси; الـــُ الْمَحْسُوبُ ҳисобланган (ҳисоблаб чиқилган) орбита; ◊ عَلَى ~ السَّنَةِ йил бўйи, йил давомида

– مَدَارِيٌّ орбитага оид; قَذَائِفُ ـــَةٌ орбитал снарядлар

– مُدَاوَرَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — алдов, фириб, панд; абжирлик (эпчиллик) билан қилинган ҳаракат; ҳийла, найранг; مُبَاشَرَةً أَوْ ~ тўғридан ёки айланма йўлдан

– مُدَوَّرٌ юмалоқ, думалоқ; юмалоқ шаклли

– مُدِيرٌ *кўп.* مُدَرَاءُ 1) мудир; бошқарувчи; директор; التَّشْرِيفَاتِ ~ протокол бўлимининг мудири; عَامٌّ ~ бош бошқарувчи, бош директор; الْجَوْقَةِ ~ капелмейстер, дирижёр (хор ёки оркестр раҳбари); 2) ректор (*олий ўқув юрти раҳбари*); 3) мудир (*чекка, пойтахтдан узоқ ерлардаги бошлиқ*)

– مُدِيرِيَّةٌ *кўп.* ـاتٌ — 1) мудирийя (*чекка, пойтахтдан узоқдаги ер*); 2) департамент, маъмурий-территориал округ, бошқарма (*Ироқда*); ~ التَّرْبِيَةِ وَ التَّعْلِيمِ таълим ва тарбия департаменти; ~ السُّجُونِ қамоқхона бошқармаси

– مُسْتَدَارٌ *кўп.* ـاتٌ — орбита (*самовий жисмларнинг ҳаракат йўли*)

– مُسْتَدِيرٌ юмалоқ, думалоқ; тухумсимон (овал) шаклдаги, чўзиқ

– مُسْتَدِيرَةٌ *кўп.* ـاتٌ — *муз.* бутун нота

دَوْرَقٌ *кўп.* دَوَارِقُ 1) графин; 2) ичимликни ўлчайдиган идиш

دَوْزَنَ (*асбобни*) созламоқ

– دَوْزَنَةٌ, دُوزَانٌ созлаш; ~ الـ شَوْكَة (مِفْتَاح) камертон (*мусиқий асбобларни созлашда ишлатиладиган овоз бериб турувчи асбоб*)

دُوزِينَةٌ (*сол.* دُزِّينَةٌ) *кўп.* ـاتٌ — дюжина, ўн икки дона

I (دوس) دَاسَ (у) دَوْسٌ, دِيَاسَةٌ 1) босмоқ, босиб эзмоқ, пайхон қилмоқ; оёқ қўймоқ; ~ بِالْأَقْدَامِ оёқ билан эзмоқ, пайхон қилмоқ, топтамоқ; 2) эзмоқ, босиб-янчиб кетмоқ; ~ رَأْسَ الأَفْعَى ўз *ва кўч. м.* заҳарли илоннинг бошини янчмоқ; 3) янчмоқ

– دَوَّاسٌ 1) қизил ғоз, фламинго (*бўйни ва оёқлари узун, оч пушти рангли сув қуши*); 2) шер, арслон

– دَوَّاسَةٌ *кўп.* ـاتٌ — тепки, педал

– دَوْسٌ 1) босиш, эзиш, пайхон қилиш; топташ, оёқ билан пайхон қилиш; 2) ялтираш, чақнаш; сайқаллаш; 3) янчиш

– دَوْسَةٌ давса (*Ливандаги рақс номи*); 2) *тар.* диний маросим (*Қоҳира ш. да*)

– دِيَاسَةٌ хирмон (ғалла янчиш) вақти, янчиш

– دِيسَةٌ *кўп.* دِيَسٌ чакалакзор, бутазор, қалин ўрмон

– مَدَاسٌ *кўп.* ـاتٌ —, أَمْدِسَةٌ 1) бошмоқ, ботинка; 2) оёқ қўйғич (*мас.. этик ёғловчида*)

– مُدَاسٌ 1) эзилган, янчилган; топталган; 2) босиб кетилган

– مِدْوَاسٌ *кўп.* مَدَاوِيسُ ёки مِدْوَسٌ *кўп.* مَدَاوِسُ 1) ғалла янчғич; 2) тепки, педал

– مَدُوسٌ = مُدَاسٌ

دُوسِنْطَارِيَا ичбуруғ, дизентерия

دُوسِيَّةٌ *кўп.* ـاتٌ —, دُوسِيهَاتٌ бирор иш (масала ёки шахс) га доир ҳужжатлар тўплами

دُوشٌ *кўп.* ـاتٌ — душ; أَخَذَ ~ًا بَارِدًا совуқ душга тушмоқ, совуқ душ қабул қилмоқ

I دَوَشَ *ҳалқ.* шовқин солмоқ; қулоқни битирмоқ, батанг қилмоқ

– دَوْشَةٌ шовқин-шурон; тартибсизлик, тўс-тўполон

مَدْوُوشٌ 1) шовқин-суронга тўлган; 2) қулоқни кар қиладиган

دُوطَةٌ сеп, сеп-сидирға

II (دوغ) دَوَّغَ тамғаламоқ, белги қўймоқ

– دَاغٌ *кўп.* ـاتٌ — тамға, белги

I (دوف) دَافَ (у) دَوْفٌ 1) урмоқ, тепмоқ, уриб чиқармоқ; (*дори ва ш. к. ларни*) тайёрламоқ; 2) ҳўлламоқ, намламоқ

I (دوق) دَاقَ (у) دَوْقٌ (*сол.* ذَوْقٌ); (*мазасини*) татиб кўрмоқ

– دَوْقٌ таъм, маза, тот, лаззат

دُوقٌ *кўп.* ـاتٌ — герцог (*ғарбий Оврупода: юқори табақа князларга ва дворянларга бериладиган унвон*)

– دُوقِيٌّ герцогларга оид

– دُوقِيَّةٌ герцоглик (*герцог бошчилигидаги давлат*)

I (دوك) دَاكَ (у) دَوْكٌ шовқин-сурон билан тортишмоқ, олишмоқ

– دَوْكَةٌ бетартиб ҳаракат, қий-чув, югур-югур, тўс-тўполон

دُولْ *халқ.* булар, мана булар

I (دول) دَالَ (у) دَوْلٌ, دَوْلَةٌ 1) ўтмоқ; 2) йўқ бўлмоқ, фаолиятини тугатмоқ; ~َتْ هَذِهِ الدَّوْلَةُ бу давлат йўқ бўлди (ўз фаолиятини тўхтатди); 3) алмашиниб турмоқ, навбатма-навбат бўлмоқ; ~َتْ لَهُ (عَلَيْهِ) الدَّوْلَةُ бахт унга кулиб боқди (бахт ундан юз ўгирди); 4) яқинлашмоқ, бошланмоқ; II دَوَّلَ 1) интернационаллаштирмоқ; халқаролик тусини бермоқ; 2) давлатлаштирмоқ; III دَاوَلَ 1) муҳокама қилмоқ; музокара олиб бормоқ; 2) алмаштирмоқ, айирбошламоқ; 3) галма-гал қилмоқ, алмашлаб турмоқ; ~ بَيْنَ . . . وَ . . . (*бирор н, ни бирор н. дан сўнг*) навбатма-навбат қилмоқ; ~ بَيْنَ يَدَيْهِ ~ـهُ бир қўлдан иккинчи қўлга олмоқ (қўймоқ); ~ أَصَابِعُهُ حَبَّاتِ السُّبْحَةِ тасбеҳ ўгирмоқ; IV أَدَالَ 1) (*к. ғадир бирор к. га. қарши*) куч-қувват бермоқ (бағишламоқ, ато қилмоқ) (مِنْ); (*бирор к. устидан*) ғалабани таъминламоқ (مِنْ); 2) (*қўлдан қўлга*) бермоқ; 3) (*н. нингдир*) фаолиятини тугатмоқ; 4) муомалага киритмоқ; VI تَدَاوَلَ 1) истеъмолда бўлмоқ, ишлатилмоқ (*пул ҳақида*); 2) фикр алмашмоқ; (*н. нидир*) муҳокама қилмоқ (فِي); (*к. билан дир*) музокаралар олиб бормоқ (مَعَ); ~ فِي مَشْرُوعِ قَانُونٍ қонун лойиҳасини муҳокама қилмоқ; 3) бир-бирига узатмоқ; 4) (*бирор н. ни*) навбати билан қилмоқ, галма-галдан қилмоқ; галма-гал дам у ишни, дам бу ишни қилмоқ; تَدَاوَلَتْهُ الأَيْدِي қўлдан қўлга ўтмоқ; تَدَاوَلَتْهُ الأَلْسُنُ оғиздан-оғизга ўтиб юрмоқ, тилдан-тилга кўчмоқ

– إِدَالَةٌ ғалаба, зафар, ютуқ

– تَدَاوُلٌ 1) ишлатилиш, муомалада бўлиш (*пул ҳақида*); 2) смена; ~ بِالـ навбатма-навбат, орқама-орқа, кетма-кет; бирин-кетин

– تَدْوِيلٌ 1) интернационаллаштириш, халқаролик миқёсини бериш; 2) давлатлаштириш

– دَوَالَيْكَ 1) навбати билан, галма-гал; 2) даврий, вақти-вақти билан (ўқтин-ўқтин) бўладиган; ~ وَ هَكَذَا ва ҳоказо, ва шу каби, ва шунга ўхшаш

– دَوْلٌ ўзгарувчанлик, ўзгариб туриш

– دَوْلَةٌ *кўп.* دُوَلٌ 1) давлат; империя (*йирик монархистик давлат*); ~ اِتِّحَادِيَّةٌ *ёки* ~ مُتَعَاهِدَةٌ *ёки* ~ تَعَاهُدِيَّةٌ федератив (*ўзаро иттифоқ тузиб бирлашган*) давлат; ~ (ضِمْنَ) دَاخِلَ ~ давлат ичидаги давлат; الدُّوَلُ غَيْرُ الْمُنْحَازَةِ қўшилмаслик сиёсатини юргизувчи давлатлар; الدُّوَلُ الْكُبْرَى (الْعُظْمَى) буюк давлатлар; الـ~ُ الْعَلِيَّةُ Истамбул; أَرْكَانُ الـ~ِ аркони давлатлар, давлат устунлари; رَجُلُ ~ давлат арбоби; صَاحِبُ الـ~ِ *тар.* соҳиби давлат (*бош министр-вазир унвони*); 2) ҳокимлик, ҳукмронлик; 3) сулола, династия; 4) бевафолик, буқаламунлик, ўзгарувчанлик (*тақдир ҳақида*); كَانَتِ الـ~ُ لَهُ бахт унга кулиб боқди; كَانَتِ الـ~ُ عَلَيْهِ бахт ундан юз ўгирди (омади кулиб боқмади); الْأَيَّامُ دُوَلٌ вақт ўзгармоқда

– دَوْلِيٌّ давлатга оид, давлатга тегишли (қарашли)

– دُوَلِيٌّ халқаро, интернационал

– دُوَلِيَّةٌ интернационализм; الـ~ُ интернационал (халқаро пролетариат гимни-нашидаси); الـ~ُ الثَّالِثَةُ учинчи интернационал

– دُوَيْلَةٌ *кўп.* ـَاتٌ кичик давлат, унча катта бўлмаган давлат

– مُتَدَاوَلٌ муомаладаги; ишлатиладиган

– مُدَاوَلَةٌ *кўп.* ـَاتٌ 1) муҳокама; мунозара; музокара; غُرْفَةُ الـ~ِ *юр.* кенгаш (маслаҳат) хонаси (*судда*); 2) смена, алмашиниш; ўзгариш

دُولَابٌ *кўп.* دَوَالِيبُ 1) машина; ғилдирак; ~ُ الْكَوْتْشُوكْ шина (*автомобилдаги*); ~ُ الْمَاءِ сув чархпалаги; 2) шкаф, буфет; жавон; ~ُ الْكُتُبِ китоб жавони; ~ُ الْمَلَابِسِ кийим жавони; 3) ҳийла, найранг; ҳазил, шўхлик; ◊ أَدْخَلَ الْمَصْنَعَ ~َ الْعَمَلِ заводни ишга туширмоқ; وَقَفَ (تَعَطَّلَ) ~ُ الْأَعْمَالِ иш тўхтади; وَضَعَ الْعَصَى فِي دَوَالِيبِ عَجَلَةِ ... *маж.* ...нинг ғилдирагига тўғаноқ қўймоқ (...га халақит бермоқ, тўсқинлик қилмоқ) وَ جَرَى ~ُ الزَّمَانِ аммо вақт ўтиб борарди

دُولَارٌ *кўп.* ـَاتٌ — доллар (*АҚШ ва б. айрим давлатларда пул бирлиги*)

دُولْمَةٌ дўлма (*овқат номи*)

دُولُومِيتٌ *мин.* доломит

I دَامَ (دوم) (у) دَوَامٌ, دَيْمُومَةٌ давом этмоқ, чўзилмоқ; مَا ~َ حَيًّا ҳозирча у тирик экан, ...; II دَوَّمَ 1) (*к. ёки н. нингдир устида*) айланмоқ;2) айлантирмоқ (فَوْقَ) ; III دَاوَمَ 1) давом этмоқ, чўзилмоқ; 2) (*н. дадир*) сабот (қатъият сабр-тоқат, қунт, матонат) кўрсатмоқ (عَلَى); 3) иложсиз, ҳеч қаерга чиқмай турмоқ, (*қаердадир*) вақт ўтказмоқ (فِي); IV أَدَامَ доимий (давом этадиган) қилмоқ, муддатини узайтирмоқ (чўзмоқ); ~ النَّظَرَ (*н. гадир*) узоқ қарамоқ (إِلَى); ~ اللّٰهُ بَقَاءَكُمْ! Оллоҳ умрингизни узоқ қилсин!; X اِسْتَدَامَ давом этмоқ, чўзилмоқ

– تَدْوِيمٌ айланиш; حَالَةُ الـ~ِ *ав. олий учиш санъатида:* самолётнинг пастга қараб буралиб шўнғиши

– دَائِمٌ доим; доимий; абадий; *бот.* кўпйиллик; عُمَّالٌ ~ُونَ доимий (вақтинча эмас) ишчилар; ~ًا доим, ҳар доим; ~ًا أَبَدًا ҳар доим, тўхтовсиз, бирдай; ◊ قَهْوَةٌ ~َةٌ! *қаҳва билан меҳмон қилинганда ташаккур сифатида айтилади*

– دَائِمِيٌّ доимий (*Ироқда*)

– دَوَامٌ 1) давом, давом этиш (чўзилиш) муддати, узунлик, узоқлик; узлуксиз, сурункали; доимийлик, ўзгармаслик; 2) ишда бўлиш вақти; دَفْتَرُ الـ~ِ ишга келиш-кетиш вақтини қайд қилиш дафтари; خَارِجَ أَوْقَاتِ الـ~ِ ишдан ташқари пайтда; أَضْرَبَ عَنِ الـ~ِ киришни (иштирок этишни) тўхтатмоқ (*мас., дарсларга, машғулотларга*); ◊ عَلَى الـ~ِ *ёки* ~ًا ҳар доим, ҳамма вақт, ҳамиша; يَا .... لِلّٰهِ الـ~ُ! фақат Оллоҳгина абадийдир! (*жон таслим қилаётган кишига айтиладиган таскин сўзи*)

– دَوَامَةٌ давомлилик, давом этиш вақти; вақтнинг ўтиши: فِي ~ِ الْمُنَاقَشَاتِ музокаралар вақтида

– دُوَّامَةٌ, دَوَّامَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — пирилдоқ, пилдироқ; الـ~ُ الْمَاءِ *ёки* الـ~ُ الْمَائِيَّةُ гирдоб; الـ~ُ الْهَوَائِيَّةُ қуюн, уюрма; ~ُ الذِّكْرِ зикрга тушаётганлар давраси (*қар.* ذِكْرٌ).

– 1 دَوْمٌ давомлилик; давом этиш вақти (муддати); доимийлик, ўзгармаслик; абадийлик, абадият, азалийлик, мангулик; ~ًا доимо, ҳамма вақт, ҳар доим, ҳамиша

– 2 دَوْمٌ *жам. бот.* 1) давм (*хурмонинг бир тури*); 2) давмнинг меваси

– دَوْمَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — 1) давм (*хурмо*); 2) давм меваси

– دِيمَةٌ *кўп.* دِيَمٌ узоқ муддат ёғадиган ёмғир

– 1 دَيْمُومَةٌ давом этиш муддати, давомлилик

– 2 دَيْمُومَةٌ *кўп.* دَيَامِيمُ саҳро

– مُدَامَةٌ, مُدَامٌ шароб, май, вино

– مُسْتَدِيمٌ 1) доимий, узоқ муддатли; 2) сурункали, тўхтамайдиган, хроник

دُومَانٌ рул; рул чамбараги

– دُومَانْجِيٌّ *кўп.* دُومَانْجِيَّةٌ рулни бошқарувчи; дарға

دُومِسٌ кеманинг сув остидаги қисми

دُومِنْيُونٌ *кўп.* ـَاتٌ — доминион (*1947 йилгача бўлган Британия империясига кирган, формал жиҳатдан мустақил бўлган давлатлар*)

دُومِينٌ давлат ери; давлат мулки

دُومِينُو домино (*ўйин*)

(دون) II دَوَّنَ ёзмоқ, ёзиб олмоқ, (*китобга*) қайд қилмоқ; регистрация қилмоқ, рўйхатга олмоқ, ёзиб бормоқ; ~ شَرْطًا шарт қўймоқ; V تَدَوَّنَ ёзилган бўлмоқ, (*китобга*) қайд қилинган (киритилган) бўлмоқ, рўйхатдан ўтган бўлмоқ

– تَدْوِينٌ ёзув, қайд, рўйхат қилиш, рўйхатдан ўтказиш

– دُونَ 1) олдида, олдига, тарафи, ёни; حَالَ ~ـهُ (*к. нингдир*) олдида турмоқ; (*к. гадир*) халақит бермоқ; قَامَ ~ـهُ (*к. нингдир*) ёнини олмоқ, ҳимоя қилмоқ; فَأَغْلَقَ ~ـهَا بَابَ الْعَفْوِ وَ الْغُفْرَانِ *маж.* у у қиз учун раҳм-шафқат эшигини беркитди; 2) қуйида, пастда, тубанда, остида, тагида; камроқ, озроқ, кам, оз; لَيْسَتِ الْمَرْأَةُ ~ الرَّجُلِ فِي الْكَفَاءَةِ аёллар ўз қобилиятига кўра эркаклардан кам эмас; لَمْ يَكُنْ ~هَا دَهْشًا لَدَى رُؤْيَةِ هٰذَا буни кўриб у у қиздан кам ҳайратга тушгани йўқ; هُوَ ~ عِشْرِينَ سَنَةً у ҳали йигирма ёшга ҳам кирган эмас; هٰذِهِ حَمَاقَةٌ ~هَا كُلُّ حَمَاقَةٍ бу жуда катта аҳмоқлик (*сўзма-сўз:* бу шундай аҳмоқликки, бунинг олдида барча аҳмоқликлар оз); الْأَشِعَّةُ ~ الْبَنَفْسَجِيَّةِ ультрабинафша нурлар; الْمَوْجَاتُ ~ الْقَصِيرَةِ ультрақисқа тўлқинлар, ўта қисқа тўлқинлар; 3) ёмонроқ, бадтарроқ, ярамас роқ; ёмон, бадтар, ярамас; إِنَّهُ ~نَا فِي أَكْثَرَ مِنْ نَاحِيَةٍ кўп жиҳатларда у биздан ёмонроқ; 4) мустасно, қилганда; ... дан ташқари ..., дан бошқа; йўқлик, камлик *каби маъноларни билдиради*; -сиз, но-; кам, йўқ; ~ أَدْنَى تَأْخِيرٍ ҳеч кечиктирмасдан; ~ أَيِّ اعْتِبَارٍ لِـ... ...га ҳеч эътибор бермасдан; ~ أَيِّ مُبَرِّرٍ ҳеч қандай баҳонани эътиборга олмай, ҳеч қандай баҳонасиз; ~ مِنْ ~ *ёки* بِـ ~ йўғида, йўқлигида, йўқ бўлганда, йўқ эканида, -сиз, -дан ташқари, -дан бошқа; أَنْ ~ بِـ ...нинг бўлмаслиги ...; شَكٍّ ~ بِـ шак-шубҳасиз; مَا ~ (*бирор н.*) – сиз; ~ كَ а) мана сенга!; ма, ол!; б) эҳтиёт бўл!; إِنَّ لَهُ ~ غَيْرِهِ التَّصَرُّفَ فِي هٰذَا бунга фақат угина эгалик қила олади, бошқа ҳеч ким эмас; يُتَكَشَّفُ هٰذَا بِالْقَلْبِ ~ الْعَقْلِ буни ақл билан эмас, фақат юрак билангина билиш мумкин; مَاتَ ~ أَنْ يَكْتُبَ الْوَصِيَّةَ васият ёзиб қолдирмай ўлиб кетди

– دُونٌ паст, тубан; қуйи; النَّاسُ الـ~ қуйи табақадан чиққан одамлар

– دُونِيَّةٌ ҳақ-ҳуқуқдан маҳрумлик ҳолати

– دِيوَانٌ[1] *кўп.* دَوَاوِينُ, دَيَاوِينُ 1) девон (*шеърлар тўплами*); مُوسِيقِيٌّ ~ *муз.* жуда паст йўғон товуш (овоз); 2) идора, канцелярия; давлат ташкилоти; маҳкама, бошқарма, муассаса; رَئِيسُ الـ~ канцелярия бошлиғи; الـ~ الْمَلَكِيُّ (*шимолий Африкада*) қирол канцелярияси; التَّفْتِيشِ ~ *тар.* инквизиция (*католик черкови асоратига қарши кишиларни таъқиб ва суд қилиш учун XIII-XIX асрларда таъсис этилган суд-полиция ташкилоти*)

– دِيوَانٌ[2] *кўп.* دَوَاوِينُ, ـَاتٌ 1) диван; 2) купе (*вагон хоналари*); الْحَرِيمِ ~ аёллар ҳарами, аёллар купеси

– دِيوَانَةٌ божхона

– دِيوَانِيٌّ девоний (*хат турларидан бири*)

– دِيوَانِيَّةٌ бюрократизм

– مُدَوَّنَاتٌ *кўп.* хотира дафтаридаги ёзувлар, хотиралар, эсдаликлар

دُونَانِمَةٌ *кўп.* ـَاتٌ флот (*маълум соҳа ёки жой ва ё мамлакатга тегишли кемалар мажмуи*)

دُونْكِيشُوتِيٌّ донкихотликка оид, донкихотларча (*испан ёзувчиси Сервантеснинг "Дон Кихот" романи қаҳрамони номидан*), хом хаёлликка оид

– دُونْكِيشُوتِيَّةٌ донкихотлик, хом хаёллик

دُونُمٌ *кўп.* ـَاتٌ дунум (*910 $м^2$ га тенг майдон ўлчови*)

دُونَانِمَةٌ = دُونَنْمَةٌ

I (دوى) دَوَى (*и*) دَوِيٌّ 1) гувулламоқ, ғувулламоқ; гулдирамоқ, гумбурламоқ; шовқин солмоқ; янграмоқ, эшитилмоқ; 2) (*н. биландир*) овоза бўлиб кетмоқ (بِـ); دَوِيَ (*а*) دَوًى оғримоқ, касал (бемор) бўлмоқ; II دَوَّى 1) увилламоқ, гувилламоқ; шовқин солмоқ; 2) жарангламоқ, янграмоқ; III دَاوَى даволамоқ; парвариш қилмоқ, касалга қарамоқ; IV أَدْوَى касал қилмоқ; VI تَدَاوَى даволанмоқ, дори ичмоқ

– دَاءٌ *қар.* دوأ

– دَاوٍ[1] *мн.* دَاوِيَةٌ шовқин-суронли; жуда қаттиқ, қулоқни битирадиган (*овоз ҳақида*)

– دَاوٍ[2] *кўп.* دَاوِيَةٌ *тар.* тамплиер (*1119 йилда Қуддусда ташкил этилган ўрта аср католик руҳонийлари ташкилоти аъзолари*)

– دَوٍ *мн.* دَوِيَّةٌ хатарли, ёмон (*касаллик ҳақида*); ёмон шиш, рак

– دَوٌّ чўл, саҳро

– دَوَاءٌ *кўп.* أَدْوِيَةٌ даво, дори, медикамент (дори-дармон); халқ тиббиётида қўлланадиган дори-дармон; مَوْضِعُ الْأَدْوِيَةِ дорихона

– دَوَائِيٌّ 1) даволашга оид; 2) дори-дармонга оид; صِنَاعَةٌ ~ـةٌ фармацевтика саноати

– دَوَاةٌ *кўп.* دَوَيَاتٌ давот, сиёҳдон; қалам-давот

– دَوَايَةٌ *кўп.* ـَاتٌ сиёҳдон, давот

– دَوًى касаллик

– دَوِيٌّ 1) шовқин-сурон, гумбурлаган овоз; 2) акс садо

– دَوٌّ = دَوِيَّةٌ

– دَوٌّ = دَوِيٌّ

– مُدَاوٍ *мн.* مُدَاوِيَةٌ 1. даволовчи; 2. врач, доктор, табиб

– مُدَاوَاةٌ даволаш; беморга қараш

مَدْوِيٌّ – қаттиқ, баланд (*овоз ҳақида*), янгроқ; التَّصْفِيقُ الـ~ гулдурос қарсаклар; شُهْرَةٌ ~ـَـةٌ юксак шон-шухрат, донг

دُوْنَجٌ *қар.* درج

دِيَالَكْتِيكٌ диалектика

– دِيَالَكْتِيكِيٌّ диалектикага оид, диалектик; الطَّرِيقَةُ الـ~ـِيَّـةُ диалектик метод; الْمَادِّيَّةُ الـ~ـَـةُ диалектик материализм

دِيَالُوجٌ *кўп.* ـَاتٌ — суҳбат, сўзлашув, диалог

دِبلُومَاسِيٌّ = دِيبْلُومَاسِيٌّ

– دِبلُومَاسِيَّةٌ = دِيبْلُومَاسِيَّةٌ

دُيُوثٌ даюс, қўшмачи, далли

دَيْجَاةٌ *кўп.* دَيَاجٍ тим қоронғулик, зимистон, зим-зиё (*сол. шунингдек:* دجو)

دَيْجُورٌ *кўп.* دَيَاجِيرُ зим-зиё қоронғулик, зимистон, зулмат

– دَيْجُورِيٌّ қоронғу, зулмат, зим-зиё

دَيْدَبَانٌ *кўп.* ـَاتٌ — соқчи; *спорт.* дарвозабон; ~ الْمَرْكَب лоцман (*кемаларга йўл кўрсатувчи мутахассис*)

– دَيْدَبَانِيَّةٌ соқчиликда туриш; вахта (*муҳим объектлардаги соқчилик, навбатчилик*)

دَيْدَنٌ، دَيْدَانٌ одат, ўрганиш, расм, урф

دَيْرٌ *кўп* دُيُورٌ، أَدْيِرَةٌ، دُيُورَةٌ، أَدْيَارٌ، دَيَارَاتٌ монастир; ~ الرُّهْبَان эркаклар монастири; ~ الرَّاهِبَاتِ аёллар монастири; رَئِيسُ الـ~ игумен (*эркаклар монастирининг бошлиғи*); رَئِيسَةُ الـ~ игуменья (*хотинлар монастирининг бошлиғи*)

– دَيَّارٌ 1) роҳиб, монах; монастирда яшовчи киши; 2) кимдир, аллаким

– دَيْرٌ *кўп.* أَدْيَارٌ роҳиблар яшайдиган макон (*насронийларда*)

– دَيْرَانِيٌّ[1] 1. монастирга оид; 2. 1) Дайрул-Камар фуқароси; 2) роҳиб, монах

– دَيْرَانِيٌّ[2] роҳиблар яшайдиган жойнинг эгаси

– دِيرَةٌ *қар.* دور

– دَيْرِيٌّ монастирга оид

– دِيرِكْسِيُونٌ *рул.* рул бошқаруви (*автомобилда*)

دِيزَلٌ дизел; مَرْكَبَةُ الـ~ автомотриса (*мустақил моторли т, -й, вагони*); مُحَرِّكُ الـ~ дизелли двигатель, дизел

دَيْسٌ *бот.* қамиш

دَيْسَمٌ *бот.* гул ҳусни Юсуф, гултожихўроз

دِيسَمْبَرُ декабрь

دِيكٌ *кўп.* دُيُوكٌ، دِيَكَةٌ хўроз; ~ بَرِّيٌّ қирғовул, тустовуқ; ~ حَبَشِيٌّ ёки ~ رُومِيٌّ ёки ~ هِنْدِيٌّ курка (*хўрози*); بَيْضَةُ الـ~ *қар.* بَيْضَة; وَزْنُ الـ~ *қар.* وزن

دِيكَارْتِيٌّ (файласуф) Декарт издошлари (тарафдорлари)

دِيكْتَاتُورِيَّةٌ диктатура; ~ الْبُرُولِيتَارِيَا пролетар диктатураси

دِيكْرِيتُو *кўп* دِيكْرِيتَاتٌ декрет (*қонун кучига эга бўлган қарор, фармойиш*)

دَيْكُورٌ *кўп.* ـَاتٌ — безак, декорация (*умумий кўриниш*); مُهَنْدِسُ ~ безакчи муҳандис, декоратор

دَيْمَى، دَيْمَا йўл-йўл мато

دَيْمَاغُوغِيٌّ 1. сафсатабозликдан (*демагогиядан*) иборат; 2. сафсатабоз, демагог

– دَيْمَاغُوجِيَّةٌ демагогика, сафсатабозлик

دَيْمَاغُوجِيٌّ = دَيْمَاغُوغِيٌّ

دَيْمَاسٌ *қар.* دمس

دَيْمُوطِيقِيٌّ демотикага оид, демотик; الْكِتَابَةُ الـ~ـَـةُ демотик ёзув

دِيمُوقْرَاطِيٌّ 1. демократияга оид, демократияга асосланган, демократик; لاَ ~ антидемократик, демократияга қарши; 2. демократ

– دِيمُوقْرَاطِيَّةٌ 1) демократия, халқ ҳокимияти; 2) демократизм (*демократия принципининг амалга ошуви*)

دَيْمُومَةٌ *қар.* دوم

دَانَ[1] I (دَيْنٌ) (*u*) دَيْنٌ (*к. гадир*) бўйсунмоқ, бўйин эгмоқ, итоат этмоқ (لـ); 2) (*пул*) қарз олмоқ; 3) қарзга бермоқ; 4) (*к. дандир*) қарздор бўлмоқ (لـ); دَانَ[2] (*u*) دَيْنٌ (*к. нидир*) айбламоқ; دَانَ[3] (*u*) دِيَانَةٌ (*қандайдир бирор динга*) эътиқод қилмоқ (بـ); ~ بِدِينِ الْإِسْلَامِ ислом динига эътиқод қилмоқ; I دَانَ[4] (*u*) دَيْنٌ қилган ишига яраша мукофотламоқ; كَمَا تَدِينُ تُدَانُ қилмишингга яраша жазо оласан; III دَايَنَ қарз бермоқ, қарз бериб турмоқ; IV أَدَانَ 1) айбламоқ, судга бермоқ; (*н. дадир*) айбдор деб ҳисобламоқ (فِى); айбламоқ; (*н. гадир*) ҳукм қилмоқ; (*н. гадир*) ҳукм чиқармоқ, мустаҳиқ қилмоқ (بـ); 2) қарзга (қарз) бермоқ; V تَدَيَّنَ 1) (*бирор динга*) эътиқод қилмоқ (بـ); тақводор бўлмоқ, диндор бўлмоқ; 2) қарзга ботмоқ; VI تَدَايَنَ бир-биридан (*пул*) қарз олмоқ, қарзга ботмоқ; VIII ادَّانَ қарз сўрамоқ, қарз кўтармоқ; X اسْتَدَانَ 1) (*пул*) қарз олмоқ; қарздор бўлмоқ; 2) қарзга сотиб олмоқ

– إِدَانَةٌ 1) айблаш, қоралаш; ҳукм қилиш, жазо бериш; (*н. гадир қилинган*) ҳукм (بـ); айбдорлик, гуноҳкорлик

– تَدَيُّنٌ диндорлик, художўйлик, тақводорлик; диёнат

– دَائِنٌ кредитор (*қарз берувчи*)

– دَائِنِيَّةٌ *бух.* кредит, қарз, насия

– دَيَّانٌ *дин.* дайён (*ҳисоб-китоб куни - қиёмат*)

– دِيَانَةٌ *кўп.* ــَاتٌ 1) диёнат; диний эътиқод; 2) диний таълимот, дин ақидалари; дин

– دَيْنٌ *кўп.* دُيُونٌ 1) қарз, بِالـ~ қарзга, кредитга; أَصْحَابُ الدُّيُونِ ёки أَرْبَابُ الدُّيُونِ қарз берувчилар, кредиторлар; قَضَى ~ـَهُ *маж.* қазоси етди, у ўлди; 2) заём; الـ~ الْمُوَحَّدُ давлат заёми; عَقَدَ ~ا заём чиқаомоқ

– دِينٌ[1] *кўп.* أَدْيَانٌ дин, имон; الـ~ الْحَنِيفُ ислом, أُصُولُ الـ~ катехизис (*диний ақидаларнинг савол-жавоб тарзида қисқача баёни*); رَجُلُ ~ ибодат қилувчи, диндор, руҳоний; ◊ يَوْمُ الـ~ *дин.* қиёмат куни

– دِينٌ[2] мукофот, қилинган ишга яраша берилган ҳақ (ажр)

– دَيِّنٌ диндор, руҳоний, тақводор

– دَيْنُونَةٌ *дин.* қиёмат, қиёмат куни

– دِينِيٌّ диний; динга оид; диндор, тақводор; لَا ~ а) диний бўлмаган; б) худосиз, даҳрий, худога ишонмайдиган, атеист; لَا ~ـَةٌ даҳрийлик, атеизм

– مُتَدَيِّنٌ = دَيِّنٌ; غَيْرُ ~ даҳрий, худосиз, динсиз

– مُدَانٌ ҳукм қилинган

– مُدَايِنٌ кредитор, қарз берувчи

مَدَنِيٌّ *қар.* مدن

– مَدِينٌ 1. (*к. дандир*) миннатдор (لِـ); دِي ~ـَةٌ لَهُ у қиз ундан миннатдор; 2. қарздор; 3. қул

– مَدِينَةٌ[1] ...

– مَدِينَةٌ[2] чори

– مَدِينٌ = مَدْيُونٌ

– مَدْيُونِيَّةٌ қарз; қарздорлик; *бухг.* дебит

دِينَارٌ *қар.* دنر

دِينَامُو динамо-машина, ўзгармас ток генератори

دِينَامِيتٌ динамит (*портловчи модда*)

دِينَامِيكَا динамика; الـ~ الْحَرَارِيَّةُ термодинамика (*физикада: иссиқликнинг бошқа хиллардаги энергияга айланишини ўрганувчи бўлим*); الـ~ الْمَائِيَّةُ гидродинамика (*гидромеханиканинг суюқликлар қонунлари ҳақидаги қисми*)

دِينَامِيكِيٌّ динамикага оид, динамик; الْكَهْرَبَائِيَّةُ الـ~ـَةُ *қар.* كَهْرَبَائِيَّةٌ

– دِينَامِيكِيَّةٌ динамиклик

– دِينَامِيَّةٌ динамика

دِيَةٌ *кўп.* دِيَاتٌ (*ўлдирилган учун*) товон, хун, ҳақ; *қар.* ودى

دِيُورِيتٌ *мин.* диорит

ذ

ذ (ذَالٌ) зол (*араб алифбосининг тўққизинчи ҳарфи, абжадда- 700*)

ذَا *мн.* تَا ёки ذِي *кўп.* أُولَاءِ бу, шу; مَا ~؟ нима ахир? لِمَا ~؟ нимага, нима сабабдан, нима учун?, مَنْ ~؟ ким ахир?; بِـ ~؟ ёки لِـ ~ шунинг учун, шу сабабдан; كَـ ~ шундай, шунақа, мана шунақа; كَـ ~ وَكَـ ~ ва ҳоказо, ва ҳоказо, у эди- бу эди, фалон-писмадон; анча-мунча; هَكَـ ~ шундай қилиб; هَا أَنَا ~! мана, мен!; هَا هُوَ ~! мана, у!; هَا هِيَ ذِي! мана у (*мн*)!; ~ كَ *мн.* تَاكَ *кўп.* أُولَئِكَ у, ўша, нариги; إِذْ ~ ...ган вақтда, ...ган пайтда; ذَلِكَ *мн.* تِلْكَ *кўп.* أُولَئِكَ у, ўша, нариги; بَعْدَ ذَلِكَ ундан кейин, ундан сўнг; مَعَ ذَلِكَ шу билан бирга, шунга қарамай; وَعَلَى ذَلِكَ шунинг учун; كَذَلِكَ шундай, шу каби, шунга ўхшаш; وَذَلِكَ أَنَّ ва хусусан; وَذَلِكَ لِأَنَّ ва бу шунинг учунки,...; هَـ ~ *мн.* هَذِهِ *кўп.* هَؤُلَاءِ бу, шу

ذُو *кўп.* ذَوَاتٌ (*қар.* ذو) 1) (*н. нингдир*) эгаси, соҳиби; 2) эгалик ...и нарса, эгалик қилинадиган нарса; 3) зот, шахс, киши, субъект; *шунингдек.* ذَوَاتٌ; ذَوَاتُ الْحَيْثِيَّةِ атоқли кишилар, номдор кишилар; اِبْنُ (بِنْتُ) الذَّوَاتِ атоқли кишиларнинг ўғли (қизи); أَوْلَادُ الذَّوَاتِ машҳур кишиларнинг фарзандлари (авлодлари); эркатойлар, арзандалар; 4) моҳият, туб мазмун, туб маъно, мағиз; 5) (*...нинг*) ўзи, ўз; ◊ ~ حُسْنٍ гўзал қиз, гўзал аёл; الْفَتَاةُ ~ الشَّعْرِ الرَّمَادِيِّ қўнғир сочли қиз; تَذْكِرَةٌ ~ الْقِرْشِ бир қиршли (пиастрли) патта; الْقِطْعَةُ ~ عَشَرَةِ قُرُوشٍ ўн қиршли танга, чақа; مَدْرَسَةٌ ~ فَصْلَيْنِ икки синфдан иборат мактаб; طَبَقَةٌ فِي ~ـِهَا *фалс.* синф ўзида; طَبَقَةٌ لِـ ~ـِهَا *фалс.* синф ўзи учун, ~ـُهُ ўзи, шахсан ўзи; بِـ ~ـِهِ а) ўзича, ўзини олганда; б) ўзи, шахсан ўзи; قَائِمٌ بِـ ~ـِهِ а) ўзига мустақил; б) ўзига хос бўлган; بِالـ~ а) хусусан; б) аслида; в) шахсан; ~ا шахсан; ~ مَرَّةٍ ёки ~ يَوْمٍ ёки فِي ~ يَوْمٍ кунлардан бир кун, бир куни, кунларнинг бирида; فِي ~ يَوْمٍ جَمِيلٍ бирда эмас бирда, кунлардан бир куни; ~ صَبَاحٍ бир кун эрталаб; ~ فَجْرٍ бир

кун тонгда; صَيْف ~ ёз кунларининг бирида; عَام ~ қайсидир бир йили; الْيَمِين ~ ўнгда, ўнг томонда; الشِّمَال ~ чапга, чап томонга, сўлга, сўл томонга; نُفُوس ~ *ёки* صُدُور ~ фикрлар, ўйлар, хаёллар; الْجَنْب ~ зотилжам, ўпка пардасининг яллиғланиши, плеврит; الرِّئَة ~ ўпканинг яллиғланиши; الْبَيْن ~ низо, нифоқ, душманлик; ихтилоф; الْيَد ~ бойлик, мол-мулк; الإِعْجَاب بالـ~ ўзига бино қўйиш, ўзини яхши кўриш, худбинлик; إِنْكَار الـ~ ўзини унутиб қўйиш, ўзини аямаслик, مَحَبَّة (حُبّ) الـ~ худбинлик, манманлик, эгоизм; الْحَيَوَانَاتُ ذَوَاتُ الْفَقَرَات умуртқали ҳайвонлар; ذَوَاتُ الأَرْبَع тўрт оёқлилар; فِي ~ الْمَكَان бـ~ ўша жойнинг ўзида; فِي ~ الْوَقْت ўша вақтнинг ўзида; ўша вақтда; الْيَوْم бـ~ ўша куни, ўша куннинг ўзида;

– ذَاتِيّ 1) шахсий, хусусий; الْحُكْم الـ~ автономия, ўзини ўзи бошқариш; 2) субъектив; اً~ а) шахсан; б) бир ёқлама, субъектив; 3) автоматик; التَّفْرِيغ ~ ўзи ағдарадиган; الْحَرَكَة ~ ўзи юрар

– ذَاتِيَّة 1) шахс, шахсият; ўзига хослик; تَحْقِيق الـ~ шахсини аниқлаш; 2) ўзига хослилик, мустақил ҳолда иш кўришлик; 3) субъективлик; 4) асллик, тўғрилик; 5) субъективизм

ذَاكَ *қар.* ذَا

I ذَأَبَ (а) ذَأْب қўрқитмоқ, хавф солмоқ; I ذَؤُبَ бўрига ўхшамоқ, бўри каби феълга эга бўлмоқ; X اسْتَذْأَبَ бўри каби ваҳшийлашмоқ, бўри каби иш тутмоқ

– ذُؤَابَة *кўп.* ذَوَائِب кокил, зулф; пешонадан қўйилган соч, ёл; الـ~ *ёки* بِرِنِيقِيَّة ~ *астр.* Бегемот (сув оти) ёли (*осмондаги чўзиқ излинг йўли*); ◊ ذَوَائِبُ الأَمْوَاج тўлқинлар ўркачи

– ذِئْب *кўп.* ذِئَاب бўри; الـ~ دَاء *мед.* тери сили; ◊ الْبَحْر ~ денгиз олабуғаси

– ذِئْبَة *кўп.* ات — урғочи бўри

– مَذْأَبَة бўри кўп учрайдиган жой

I ذَئِرَ (а) ذَأَر ўжарлик қилмоқ, қайсарлик қилмоқ, терслик қилмоқ

I ذَأَلَ (а) ذَأَلَان енгил қадам ташламоқ, юрмоқ

I ذَأَمَ (а) ذَأْم 1) гина қилмоқ, таъна қилмоқ, ўпкаламоқ; таҳқирламоқ; 2) ҳазар қилмоқ

– ذَأْم 1) камчилик, нуқсон; 2) шармандали (*уятли*) иш (*қилиқ*)

I ذَبَّ (а/у) ذَبّ 1) ҳайдамоқ, ҳайдаб чиқармоқ, қувламоқ; 2) (*к. кидир. н. кидир*) ҳимоя қилмоқ (عَن)

– ذُبَاب *кўп.* أَذِبَّة тиғ; устара; السَّيْف ~ қилич тиғи

– ذُبَاب² *жам. кўп.* ذِبَّان пашшалар; الْخَيْل ~ сўналар; مَرَض الـ~ *мед.* трипаносомоз

– ذُبَابَة *кўп.* ات — 1) пашша; الْخَيْل ~ сўна, сўна пашша; ~ ذَهَبِيَّة *зоол.* тилла қўнғизнинг бир тури; 2) тиғ (*қиличдаги*)

– مَذَبَّة пашша кўп бўлган жой

– مِذَبَّة *кўп.* مَذَابّ, ات — катта елпиғич; пашша қўриғич

ذُبَابَة, ذُبَانَة *кўп.* ات — 1) пашша; 2) мушка (*милтиқ ва ш.к. лардаги нишонга олишда фойдаланиладиган қисм*)

I ذَبَحَ (а) ذَبْح, ذِبَاح 1) ўлдирмоқ; бўғизламоқ; сўймоқ; 2) (*ҳайвонни*) қурбонликка сўймоқ, қурбонлик қилмоқ; II ذَبَّحَ жуда кўплаб сўймоқ, хунрезлик қилмоқ, қирғин қилмоқ; VI تَذَابَحَ бир-бирини сўйишмоқ, бўғизлашмоқ

– تَذَابُح бир-бирини сўйиш, қирғинлик, хунрезлик

– ذَبْحَة = ذُبَاح

– ذَبَّاح қассоб, ҳайвон сўювчи

– ذِبْح қурбонлик қилишга мўлжалланган ҳайвон

– ذُبْحَة, ذَبْحَة ангина, томоқ шамоллаши; صَدْرِيَّة ~ стенокардия, юрак касаллиги

– ذَبِيح 1) сўйилган, бўғизланган; сўйишга (бўғизлашга) мўлжалланган; حَيَوَانَات الـ~ сўйиладиган моллар (сўқимлар); 2) қурбон, қурбонлик, қурбон қилинган ҳайвон

– ذَبِيحَة *кўп.* ذَبَائِح қурбон, қурбонлик қилинган ҳайвон; қурбонликка тайёрланган ҳайвон

– مَذْبَح *кўп.* مَذَابِح 1) сўйиш, бўғизлаш; 2) қурбонлик қилинадиган жой; тахт; меҳроб

– مَذْبَحَة *кўп.* مَذَابِح катта жанг, қирғин уруш; қириб ташлаш, йўқ қилиб юбориш; сўйиш, пичоқбозлик

ذَبْذَبَ 1) тебратмоқ, дириллатмоқ, ҳилпиратмоқ; 2) тебранмоқ, дирилламоқ, ҳилпирамоқ; تَذَبْذَبَ 1) тебранмоқ, дирилламоқ, ҳилпирамоқ; титрамоқ; 2) қатъиятсизлик кўрсатмоқ, ботинолмай қолмоқ, иккиланмоқ

– ذَبْذَب эркакларнинг жинсий олати

– ذَبْذَبَة 1) тебраниш, титраш, дириллаш; ҳилпираш; 2) *кўп.* ذَبَاذِب попук, гажим; попукли жияк, шокила

– ذَبْذَبِيّ тебранма, тебранишга оид

– مُتَذَبْذِب тебранувчи, тебраниб турган, титраб турган; تَيَّار ~ *қар.* تَيَّار

– مُذَبْذَب иккиланувчи, иккиланиб турган (*бирор ишда*).

I ذَبَرَ (у) ذَبْر ёзмоқ; нуқталарини қўймоқ

I ذَبَلَ, ذَبُلَ (у) ذُبُول, ذَبْل сўлмоқ, сўлиб қолмоқ, шалпаймоқ, қовжирамоқ; қуриб қолмоқ

– ذَابِل *кўп.* ذُبَّل 1) сўлган, сўлиб қолган, қуриган, шалпайган; 2) беҳафсала; ўта кетган ланж, чарчаган, ҳориган

– ذَابُول зобул (*касаллик номи, қичимага ўхшаш касаллик*)

– ذُبَالَة *кўп.* ذُبَال пилик

– ذَبْل қалқон, тошбақанинг косаси; صِنَاعِيّ ~ сунъий тошбақа косаси; пластмасса

– ذُبُولٌ сўлиш, шалпайиш; مَرَضُ الـ~ الْمُتَأَخِّرِ *маккажўхори ва пахта таъсирида ҳосил бўладиган қичимага ўхшаш касаллик*

أَذْحَالٌ *кўп.* ذَحَلٌ *ёки* ذُحُولٌ, أَذْحَالٌ ذَحْلٌ *кўп.* 1) қасос, ўч, интиқом; 2) нафрат, ўч олиш иштиёқи

I ذَخَرَ (а) ذَخْرٌ жамғармоқ, йиғмоқ, тўпламоқ, йиғиб кўпайтирмоқ, жамлаб қўймоқ; II ذَخَّرَ жамғармоқ, йиғмоқ, тўпламоқ, ғамлаб қўймоқ; VIII اِذَّخَرَ *ёки* اِدَّخَرَ эҳтиёт қилмоқ, сақламоқ; жамлаб қўймоқ; مَا ~ جُهْدًا فِي سَبِيلِ ... *ёки* مَا ~ وُسْعًا فِي ... учун кучини аямай турмоқ

– اِذِّخَارٌ *ёки* اِدِّخَارٌ сақлаш, эҳтиёт қилиш; жамлаш

– إِذْخِرٌ *бот.* хушбўй қамиш

– ذُخْرٌ *кўп.* أَذْخَارٌ 1) жамғарма, эҳтиёт; 2) *кўч. м.* ҳисса; أَضَافَ بِهِ ~ًا جَدِيدًا إِلَى الْعِلْمِ бу билан у илм-фанга янги ҳисса қўшди

– ذَخِيرَةٌ *кўп.* ذَخَائِرُ 1) дурдона, бебаҳо нарса; ذَخَائِرُ الْأَدَبِ الْعَرَبِيِّ الْقَدِيمِ қадимги араб адабиёти дурдоналари; 2) табаррук саналган нарса; الـ~ الْمُقَدَّسَةُ *черк.* диний маросимлардан бирида истеъмол қилинадиган вино ва нон; 3) келажакда фойдаланиш учун жамланган нарса; озиқ-овқат; الـ~ اللُّغَوِيَّةُ луғат захираси, лексик запас; 4) *кўч.м.* ҳисса; 5) ўқ, патрон, снаряд; ўқ-дорилар; ~ حَيَّةٌ жанговар снарядлар

– مَذْخَرٌ *кўп.* مَذَاخِرُ омбор, омборхона

– مُذَخِّرٌ жамғарувчи, тўпловчи

– مُذَخَّرٌ (*шунингдек.* مُدَّخَرٌ) жамғарилган, тўпланган, ғамланган, эҳтиёт қилинган

– مُذَخَّرَاتٌ (*шунингдек.* مُدَّخَرَاتٌ) *кўп.* жамғарма нарсалар, жамғармалар

– مَذْخُورٌ захира, запас

I ذَرَّ (ذر) ذَرَّ[1] (а/у) ذَرٌّ сачратмоқ, пуркамоқ, сепмоқ; сочмоқ, сочиб ташламоқ; ~ الرَّمَادَ ... ~ الْخِلَافَ بَيْنَ ... орасига низо солмоқ; ~ التُّرَابَ فِي الْعُيُونِ *маж.* мақтаб алдамоқ; ذَرَّ[2] (а/у) ذَرٌّ, ذُرُورٌ 1) чиқмоқ, кўтарилмоқ (*қуёш ҳақида*); 2) пайдо бўлмоқ, кўринмоқ, туғилмоқ, бунёд бўлмоқ; ~ قَرْنُ الْخِلَافِ ихтилоф пайдо бўлмоқ; ~ قَرْنُ الْأَزْمَةِ الْاِقْتِصَادِيَّةِ иқтисодий кризис (бўҳрон) бошланди; 3) ўсиб чиқмоқ, ердан ниш урмоқ

– ذَرٌّ[1] *жам.* қумурсқалар

– ذَرٌّ[2] *жам.* чанг зарралари, гардлар

– ذَرَّةٌ[1] қумурсқа

– ذَرَّةٌ[2] *кўп.* ـات 1) зарра, заррача; ذَرَّاتُ الْعَرَقِ тер томчилари; 2) чанг зарраси, гард; 3) атом; بِنْيَةُ الـ~ атом тузилиши; حَرْبُ الـ~ атом уруши; مُحَطِّمَةُ الـ~ циклотрон; ◊ مِثْقَالُ ~ заррача, зарра миқдорича; жуда оз, озгина; қиттак; ◊ فَقَدَ كُلَّ ~ مِنَ الْحَيَاءِ у шарму ҳаёни бутқул унутган

– ذُرُورٌ 1) кукунланган, майда зарраларга айлантирилган; 2) *кўп.* أَذِرَّةٌ а) кукун, порошок; сепки, сепиладиган нарса; б) упа

– ذُرُورِيٌّ кукунсимон, кукунга ўхшаш

– ذَرِّيٌّ 1) атомга оид; радиоактив; خَطَرٌ ~ атом хавф-хатари; الطَّاقَةُ الـ~ـةُ атом энергияси; الرُّؤُوسُ الـ~ـةُ атом каллаклари; الْعَدَدُ الـ~ атом тартиб рақами; الْغُبَارُ الـ~ радиоактив чанг; الْقُنْبُلَةُ الـ~ـةُ атом бомбаси; النَّظَرِيَّةُ الـ~ـةُ атом назарияси; 2) атом билан шуғулланувчи олим, атомчи

– ذَرِّيَّةٌ элементнинг нечта атом билан қўшила олиши, атомлилик

– ذُرِّيَّةٌ *кўп.* ذَرَارِيُّ зурриёт, авлодлар

I ذَرَأَ (а) ذَرْءٌ яратмоқ, йўқдан бор қилмоқ, халқ қилмоқ

– ذَرْآنِيٌّ *ёки* ذَرْآنِيٌّ оппоқ, оқ рангдаги; مِلْحٌ ~ оқ (оппоқ) туз

I ذَرِبَ (а) ذَرَبٌ ўткир бўлмоқ; ~ لِسَانُهُ тили ўткир бўлмоқ, уятсиз гаплар гапирмоқ

– ذَرَبٌ 1) бедаво дард; 2) ич кетиш касали; 3) уятсиз гаплар

– ذَرِبٌ 1) ўткир; 2) заҳарли, аччиқ; ~ اللِّسَانِ уятсиз гапларни гапирувчи

ذُرَّاحٌ *кўп.* ذَرَارِيحُ *мед.* испанча зуррох (*даволаш учун баданга қўйиладиган малҳамли мато*)

I ذَرَعَ (ذرع) ذَرَعَ (а) ذَرْعٌ тирсак билан ўлчамоқ, тирсак билан газламоқ; ◊ ~ بِعَيْنِهِ *ёки* ~ بِنَظَرِهِ а) тикилиб қарамоқ, синчиклаб қарамоқ; б) кўз билан қидирмоқ; ~ الشَّوَارِعَ عَلَى قَدَمَيْهِ кўчаларда кезиб юрмоқ, кўчаларни кезмоқ; кўчаларда санғиб юрмоқ; ~ الْغُرْفَةَ ذَهَابًا وَ جِيئَةً хонада у ёқ-бу ёққа юрмоқ (бориб-келмоқ); ذَرِعَ (а) ذَرَعٌ (*к. гадир*) тавсия қилмоқ, (*к. нингдир олдида*) илтимос қилмоқ, сўрамоқ (إِلَى *ёки* عِنْدَ); V تَذَرَّعَ 1) (*н. нидир*) восита сифатида ишлатмоқ, (*н. нидир*) баҳона қилмоқ (بِ); ... بِحُجَّةِ أَنْ ... ~ ... ишдан далил сифатида фойдаланмоқ; 2) (*бирор н. билан*) қуролланмоқ (بِ); ~ بِالصَّبْرِ لِـ... ... учун сабр-тоқат (кунт) қилмоқ; 3) (*н. нидир*) ишга солмоқ (بِ); (*н. дандир*) фойдаланмоқ (بِ); 4) (*н. нидир*) баҳона қилиб ўзини бирор ишдан олиб қочмоқ (بِ); VII اِنْذَرَعَ олдинга интилмоқ, олға юрмоқ, олд томон юрмоқ

– أَذْرِعَاتٌ Шомдаги жой номи (*бу жой ўз шароби билан машҳур*)

– ذِرَاعٌ *мн.мз. кўп.* أَذْرُعٌ, ذُرْعَانٌ 1) қўл (*бармоқдан елкагача бўлган қисм*); тирсак, билак; (*ҳайвондаги*) қўл-оёқлар; билак суяги; وَاسِعُ الـ~ бир қўлли; ذُو ~ وَاحِدَةٍ заиф, лаёқатсиз; ضَيِّقُ الـ~ кучли; عَلَى ~ـهَا طِفْلٌ صَغِيرٌ унинг (*мн.*) қўлида имирғаси (гўдаги) бор; فَتَحَ (مَدَّ) ذِرَاعَيْهِ لِـ... ...га қучоғини очмоқ; 2) *тех.* даста, банд, тутқа; ричаг; стрела (*юк кўтарадиган кранларда*); ~ التَّوْصِيلِ шатун; ~ الْإِدَارَةِ кривошип; 3) чўзим, газ (*узунлик ўлчови*)

إِسْتَنْبُولِيٌّ 0,66 *м.га тенг узунлик ўлчови;* بَلَدِيٌّ ~ 0,58 *м.га тенг узунлик ўлчови (савдода);* مِعْمَارِيٌّ ~ 0,75 *м.га тенг узунлик ўлчови (архитектурада);* مِعْمَارِيٌّ مُرَبَّعٌ ~ 0,5625 $м^2$ *.га тенг юза ўлчови (қурилишда);* مِعْمَارِيٌّ مُكَعَّبٌ ~ 0,4218 $м^3$ *.га тенг ҳажм ўлчови;* هَاشِمِيٌّ ~ 0,64 *м.га тенг узунлик ўлчови;* هَنْدَسَةٌ ~ 0,65 *м.га тенг узунлик ўлчови*

– ذَرْعٌ 1) чўзилган қўлнинг узунлиги; 2) куч; ضَعِيفُ الـ~ камқувват, кучсиз; وَاسِعُ الـ~ кучли, бақувват; ضَاقَ ~اً кучсизланмоқ, қувватдан қолмоқ; ضَاقَ بِالْأَمْرِ ~اً а) у бунга чидаб туролмади; б) унинг бунга кучи етмади; لَقَدْ ذِقْتُ بِهِمْ ~اً улар менинг жонимга тегишди

– ذَرِيعٌ 1) тез, шошилинч; 2) муқаррар, бўлмасдан қолмайдиган, кутилиб бўлмайдиган, бўлмай иложи йўқ; خَطَرٌ ~ келиши муқаррар бўлган хавф; 3) воситачи, ўртада турувчи, битиштирувчи; 4) ҳимоячи, илтимос қилувчи

– ذَرِيعَةٌ *кўп.* ذَرَائِعُ баҳона, важ, рўкач; восита

– ذَرَائِعِيٌّ 1) бирор масала ёки назарияни ҳимоя қилувчи; 2) бирор масала ёки назарияни ҳимоя қилишга оид

I ذَرَفَ (и) ذُرُوفٌ 1) оқмоқ, оқиб тушмоқ (*кўз ёши ҳақида*); 2) тўкмоқ, оқизмоқ (*кўз ёши ҳақида*); кўз ёши қилмоқ; ~تْ عُيُونُهُ الدُّمُوعَ кўзларидан ёш қуйилиб кетди; II ذَرَّفَ 1) тўкмоқ, оқизмоқ (*кўз ёши ҳақида*); 2) (*н. нидир*) ошириб юбормоқ, ҳаддан оширмоқ (عَلَى); عَلَى الْخَمْسِينَ ~ у элликдан ошган; VII انْذَرَفَ оқмоқ, оқиб тушмоқ, қуйилмоқ (*кўз ёши ҳақида*)

I ذَرَقَ (и) ذَرْقٌ ахлат чиқармоқ, тезакламоқ (*қушлар ҳақида*); IV أَذْرَقَ = I

– ذَرْقٌ қушларнинг ахлати (гўнги); الطَّيْرِ ~ *бот.* ёввойи беда

– ذُرَقٌ *қар.* ذُرَقُ الطَّيْرِ = ذُرَقٌ

ذُرَةٌ маккажўхори, жўхори; عُوَيْجَةٌ ~ *ёки* رَفِيعٌ ~ *ёки* بَلَدِيٌّ ~ тариқ; бир йиллик донли ўсимлик, сорго; بَيْضَاءُ ~ тариқ; شَامِيٌّ ~ *ёки* شَامِيَّةٌ ~ *ёки* مِصْرِيَّةٌ ~ *ёки* صَفْرَاءُ ~ жўхори, маккажўхори

I ذَرَا (ذرو) (у) ذَرْوٌ 1) учириб кетмоқ (*шамол ҳақида*); тўзитиб юбормоқ, тўзғитиб юбормоқ; 2) шопирмоқ, елпиб тозаламоқ, эламоқ (*дон ҳақида*); ذَرَى (и) ذَرْيٌ = ذَرَا; II ذَرَّى = I; IV أَذْرَى 1) тўзитмоқ, тўзитиб юбормоқ, тўзғитмоқ; 2) ечиб ташламоқ, олиб улоқтириб ташламоқ; 3) ёш тўкмоқ, кўз ёши тўкмоқ; V تَذَرَّى 1) шопирилмоқ, елпиб тозаланмоқ (*дон ҳақида*); 2) (*чўққига*) кўтарилмоқ; 3) (*н. нингдир воситасида, н. биландир*) яширинмоқ, беркинмоқ, ҳимояланмоқ (بِـ); X اسْتَذْرَى ҳимоя изламоқ; ҳимоя қидирмоқ; بِظِلِّ الشَّجَرَةِ ~ дарахт соясига ўтмоқ

– تَذْرِيَةٌ *геол.* жинсларнинг емирилиши; абляция (*1. музлик массасининг эриш, буғланиш ва механик парчаланиш натижасида камайиши; 2. нураган тоғ жинсларининг оқар сув, муз ва шамол таъсирида кўчиши*)

– ذَارِيَاتٌ *кўп.* шамоллар

– ذَرَّايَةٌ *кўп.* ~اتٌ (*шунингдек.* آلَةٌ ~) шамол машина, дон совурадиган машина

– ذُرْوَةٌ, ذِرْوَةٌ *кўп.* ذُرًى 1) чўққи, уч, бош; 2) *кўч.м.* тепалик, юқори (юксак) даража; مُؤْتَمَرُ الـ~ *дип.* олий (юксак) даражадаги музокара; الـ~ (أَوْقَاتُ) فَتْرَةُ тиғиз пайт, пик; وَهِيَ فِي ~ جَمَالِهَا у (*мн.*) мисли кўрилмаган даражада гўзал; ... بَلَغَ الـ~ ...да юқори чўққига кўтарилмоқ; بَلَغَ الـ~ الْكُبْرَى فِي تَطَوُّرِهِ у ўз тараққиётида юқори чўққига эришди; ارْتَفَعَ إِلَى ~ سَامِقَةٍ بِبُطُولَتِهِ у ўзининг қаҳрамонлиги билан ажралиб турарди

– ذَرًى бошпана; ҳимоя

– مِذْرَى, مِذْرَاةٌ *кўп.* مَذَارٍ курак шаклидаги дон совургич

I ذَعَرَ (а) ذُعْرٌ 1) қўрқитмоқ, хавф солмоқ, даҳшат солмоқ, ваҳима солмоқ; 2) ذَعِرَ қўрқувга тушмоқ, ваҳимага тушмоқ; IV أَذْعَرَ қўрқитмоқ, ваҳимага солмоқ (қўймоқ); VII انْذَعَرَ ваҳимага тушмоқ, қўрқмоқ, даҳшатга тушмоқ

– ذُعْرٌ, ذَعَرٌ 1) хавф, хатар, даҳшат, ваҳима; 2) саросима

– ذُعَرَةٌ *зоол.* жиблажибон

– مَذْعُورٌ даҳшатда қолган, ваҳимага тушган

ذُعَافٌ *кўп.* ذُعُفٌ одамни ўлдирадиган заҳар; ◊ مَوْتٌ ~ кутилмаган (тўсатдан келган) ўлим

I ذَعَنَ (а) ذَعْنٌ (*к. гадир*) итоат қилмоқ, бўйсунмоқ (لِـ); IV أَذْعَنَ = I

– إِذْعَانٌ итоат қилиш, қулоқ солиш, мутеълик, итоатгўйлик, итоаткорлик

– مِذْعَانٌ итоатгўй, итоаткор, мутеъ

– مُذْعِنٌ итоат қилувчи, итоатгўй, итоаткор, мутеъ

ذَفَرٌ 1) кучли қўланса ҳид, сассиқ ҳид; 2) кучли ёқимли (хушбўй) ҳид

– ذَفِرٌ сассиқ, қўланса

ذَاقِنَةٌ *кўп.* ذَوَاقِنُ скрипканинг иякка қўйиладиган қисми

– ذَقَنٌ, ذِقْنٌ *кўп.* ذُقُونٌ, أَذْقَانٌ ияк, энгак; ◊ غَرِقَ حَتَّى الْأَذْقَانِ فِي ...га қаттиқ берилиб кетмоқ

– ذَقْنٌ *мн. кўп.* ذُقُونٌ соқол; التَّيْسِ ~ эчки соқол; ◊ ~ـهُ رَخْوَةٌ у бўшанг (ғайратсиз, ландавур, лапашанг); تَحْتَ ذُقُونِ فُلَانٍ фалончининг кўз ўлдида (тумшуғининг осткинасида); ضَحِكَ عَلَى (ذُقُونِهِمْ) (ذُقُونِهِ) ~ـهِ кимнингдир (*кимларнингдир*) устидан билдирмай кулмоқ

I ذَكَرَ (у) ذِكْرٌ, تِذْكَارٌ 1) эсламоқ, эслаб ўтмоқ, ҳикоя қилмоқ, гапириб бермоқ, сўзлаб бермоқ; хотирламоқ; عَدَدٌ يُذْكَرُ каттагина миқдор, талайгина сон (адад); وَهَذَا الْأَمْرُ لَا يُذْكَرُ а) бу айтишга

ҳам арзимайдиган ишдир; б) буни эслаб ўтиш жоиз эмас; الشَّيْءُ يُذْكَرُ بِالشَّيْءِ гапдан гап чиқади; بِالسُّوءِ ~ ёмонлаб эсга олмоқ, ғийбат қилмоқ; 2) зикр тушмоқ; 3) зикрда иштирок этмоқ (қатнашмоқ) (*қар.* ذِكْر); II ذَكَّرَ 1) эслатмоқ, эсга солмоқ; 2) ўргатмоқ, насиҳатомуз гап қилмоқ; 3) бойитмоқ; 4) *грам.* музаккарга айлантирмоқ (*сўз ҳақида*); III ذَاكَرَ 1) муҳокама қилмоқ; 2) (*дарсни*) ёд олмоқ, ёдламоқ; IV أَذْكَرَ эслатмоқ, эсга солмоқ; V تَذَكَّرَ эсламоқ; VI تَذَاكَرَ 1) биргалашиб муҳокама қилмоқ; 2) биргалашиб хотирламоқ; 3) биргалашиб ёд олмоқ, ёдламоқ; VIII اذْكَرَ *ёки* ادَّكَرَ эсламоқ, хотирламоқ, эсга олмоқ, хотирга келтирмоқ; X اسْتَذْكَرَ 1) эсламоқ, хотирламоқ, эсга туширишга уринмоқ, эслашга ҳаракат қилмоқ; 2) ёдламоқ, ёд олмоқ; эсда тутмоқ, хотирда сақламоқ; ~ دَرْسَهُ дарсни ёдламоқ, ёд олмоқ

– تَذْكَارٌ *кўп.* ـَـاتٌ 1) хотира; ~ًا لَهُ унинг хотираси сифатида; сувенир

– تَذْكَارِيٌّ хотирага бағишланган, эслашга бағишланган; эсдаликка оид; хотирага (ёдгорликка) оид; ~ احْتِفَالٌ юбилей; الطَّوَابِعُ الـ~ـَـةُ эсдалик маркалари; اللَّوْحَةُ الـ~ـَـةُ ёдгорлик тахтаси, ёдгорлик лавҳаси

– تَذْكَرْجِيٌّ *кўп.* تَذْكَرْجِيَّةٌ паттачи, патта сотувчи, кондуктор (*автобус, трамвай ва б. ларда*)

– تَذْكِرَةٌ *кўп.* تَذَاكِرُ 1) билдиришнома, хабарнома; 2) ўгит, панд-насиҳат; 3) патта, чипта, билет, карточка; ~ُ الْبَرِيدِ *ёки* ~ُ الْبُوسْتَةِ очиқ хат, откритка; ~ُ الدَّعْوَةِ таклифнома; ~ُ ذَهَابٍ وَ إِيَابٍ бориш ва келиш паттаси; ~ُ الرَّصِيفِ перронга, вокзалга кириш паттаси; ~ُ السَّفَرِ бирор транспортда юриш паттаси; ~ُ الْعِلَاجِ касалхона карточкаси; ~ُ الْمُرُورِ паспорт; кириш (ўтиш) учун рухсатнома; ~ُ النُّفُوسِ метрика; шахсни тасдиқловчи ҳужжат; ~ُ الْهُوِيَّةِ шахсни тасдиқловчи ҳужжат; شُبَّاكُ التَّذَاكِرِ паттахона, чиптахона, патта (чипта) сотиладиган жой (касса)

– تَذْكَرِيٌّ чипта (патта) фуруш, кондуктор (*автобус, трамвай ва б. ларда*)

– تَذْكِيرٌ 1) эслатиш; 2) бойитиш

– ذَاكِرَةٌ эс, хотира, ёд; سَيَبْقَى هٰذَا فِي ~ـهِ إِلَى الْأَبَدِ бу унинг хотирасида абадий қолади

– ذَكَرٌ[1] ўткир, кескир (*қилич ҳақида*)

– ذَكَرٌ[2] *кўп.* ذُكُورٌ, ذُكُورَةٌ а) эркак, нар; ~ُ النَّحْلِ эркак асалари; ~ وَ أُنْثَى *ёки халқ.* ذَكَرٌ وَ نَتَايَه а) эркак ва урғочи, нар ва мода; б) турум ва тирқиш; 2) эр киши, эркак; 3) *кўп.* ذُكُورٌ, مَذَاكِيرُ *анат.* эркакларнинг жинсий олати

– ذِكْرٌ *кўп.* أَذْكَارٌ 1) эслаш, хотирлаш; مُتَقَدِّمُ (سَالِفُ) الـ~ юқорида эслаб ўтилган (зикр қилинган); وَ عَلَى ~ هٰذَا الْعَمَلِ نَقُولُ ... бу иш юзасидан гапириб деймизки, ..., 2) хотира; 3) эслаш; طَيِّبُ الـ~ *ёки* سَعِيدُ الـ~ ёрқин хотира қолдирган (*вафот этган киши ҳақида*); 4) шон-шуҳрат; 5) зикр (*Аллоҳи Табораквнинг муборак исмини кўпчилик бўлиб такрорлашдан иборат бўлган ибодат*); حَلْقَةُ الـ~ зикр қатнашчилари ҳалқаси (даврасси); الـ~ الْحَكِيمُ Аз-Зикрул Ҳаким, яъни Қуръон

– ذُكْرَانِيٌّ эркакларга оид

– ذُكْرَةٌ ўткирлик, кескирлик; ذَهَبَتْ ~ السَّيْفِ қилич ўтмасланди; ذَهَبَتْ ~ الرَّجُلِ одам шаштидан қайтди (ҳовуридан тушди)

– ذِكْرَةٌ, ذُكْرَةٌ 1) эслаш, хотирлаш; 2) хотира; 3) шон-шуҳрат, машҳурлик

– ذُكْرَانِيٌّ = ذَكَرِيٌّ

– ذِكْرَى *мн. кўп.* ذِكْرَيَاتٌ хотира; ذِكْرَيَاتُ الْمَاضِي ўтмиш хотиралари; الـ~ الثَّالِثَةُ уч йиллик маросим; الـ~ الْمِئَوِيَّةُ юз йиллик юбилей; (*к. нингдир*) хотираси; إِحْيَاءُ ذِكْرَاهُ кимнингдир хотирасига бағишланган кеча ўтказиш

– ذُكُورَةٌ эркак жинсига мансублик; баҳодирлик, йигитлик

– مُذَاكَرَةٌ 1) музокара, муҳокама; суҳбат; 2) анжуман, конференция; 3) ёд олиш, ёдлаш

– مُذَكَّرٌ *грам.* музаккар, музаккар жинсдаги

– مُذَكِّرٌ кўндирувчи, панд-насиҳат қилувчи

– مُذَكِّرَاتٌ *кўп.* эсдаликлар, хотиралар, мемуарлар; кундалик (*мас., дафтар*)

– مُذَكِّرَةٌ *кўп.* ـَـاتٌ 1) ёзма изоҳ, ахборот, меморандум, нота; ~ شَفَهِيَّةٌ *дип.* оғзаки (имзосиз) нота; 2) ёзма доклад; 3) ён дафтар, блокнот; ◊ ~ التَّوْقِيفِ қамоққа олиш ҳақидаги буйруқ варақаси

– مَذْكُورٌ 1) эсланган, эслаб ўтилган, зикр этилган, мазкур бўлган; ~ أَدْنَاهُ қуйида кўрсатиб ўтиладиган (мазкур бўладиган); ~ أَعْلَاهُ юқорида эслатиб ўтилган (мазкур бўлган); 2) катта аҳамиятга эга бўлган

ذَكَا I (ذَكْو) ذُكُوٌّ (у) ловуллаб (алангаланиб) ёнмоқ; ذَكِيَ (а) ذَكَاءٌ заки бўлмоқ, зийрак (зеҳнли) бўлмоқ; II ذَكَّى 1) ловуллатмоқ, алангалатмоқ, кескинлаштирмоқ, жиддийлаштирмоқ; 2) (*қурбонликка мўлжалланган ҳайвонни*). сўймоқ; IV أَذْكَى 1) алангалатмоқ, ёқмоқ; ~ الْحَمَاسَ فِي النُّفُوسِ одамларда иштиёқ уйғотмоқ; ~ مُسَدَّسًا тўппончадан ўқ узмоқ; 2) ўткирлаштирмоқ, ривожлантирмоқ; X اسْتَذْكَى ловуллаб (алангаланиб) ёнмоқ

– ذَكَاءٌ 1) зеҳн, заковатлилик, зеҳни ўткирлик, заҳо; سُرْعَةُ الـ~ жуда зеҳни ўткирлик, ўта зийраклик

– ذَكِيٌّ[1] *кўп.* أَذْكِيَاءُ 1) ҳушёр, зийрак; 2) ақлли; қобилиятли; 3) хуштаъм, ширин, мазали

– ذَكِيٌّ[2] хушбўй; ~ُ الرَّائِحَةِ хушбўй

I ذَلَّ (a/u) ذُلٌّ манфур бўлмоқ, жирканч бўлмоқ; II ذَلَّلَ 1) кимнингдир қадрини ерга урмоқ, пасайтирмоқ; اَلْفَقْرُ يُذَلِّلُ كُلَّ جَبَّارٍ *мтл.* қашшоқлик ҳар қандай димоғдорнинг ҳам попугини пасайтиради; 2) енгиб ўтмоқ, бартараф этмоқ; уддасидан чиқмоқ, устун чиқмоқ, йиқитмоқ; ~ الصُّعُوبَاتِ қийинчиликларни енгиб ўтмоқ; 3) бўйсундирмоқ, тобе қилмоқ; 4) (*отни*) қўлга ўргатмоқ; IV أَذَلَّ 1) таҳқирламоқ, ерга урмоқ; 2) ғолиб келмоқ; 3) (*отни*) қўлга ўргатмоқ; V تَذَلَّلَ 1) хор бўлмоқ, таҳқирланмоқ; лаганбардорлик қилмоқ, хушомад қилмоқ, тилёғламалик қилмоқ; 2) тобе бўлмоқ, бўйсунмоқ, итоат этмоқ; X اِسْتَذَلَّ 1) обрўсини тўкмоқ, беобрў қилмоқ; разил ҳисобламоқ, жирканч деб ҳисобламоқ

– إِذْلَالٌ таҳқирлаш, ерга уриш

– تَذَلُّلٌ ўзини хўрлаш, тиз чўкиб сажда қилиш, хушомадгўйлик қилиш, ўта кетган лаганбардорлик

– تَذْلِيلٌ 1) таҳқирлаш, ерга уриш; 2) бўйсундириш, тобе қилиш; 3) енгиш, бартараф этиш

– ذُلٌّ 1) хорлик, хўрлик, камситилганлик, таҳқирланиш; 2) итоаткорлик, мутеълик, шикастанафслик; лаганбардорлик, хушомадгўйлик, кўр-кўрона сажда қилиш

– ذَلَالَةٌ 1) таҳқирланиш, хорлик; 2) пастлик, тубанлик, пасткашлик

– ذِلَّةٌ шармандалик, иснод, номус

– ذَلُولٌ *кўп.* ذُلُلٌ миниладиган туя

– ذَلِيلٌ *кўп.* أَذِلَّةٌ; أَذِلَّاءُ 1) таҳқирланган, хўрланган, хор бўлган; 2) итоатгўй, шикастанафс; 3) пасткаш, қабиҳ, разил; كَلْبٌ ~ *сўк.* ярамас ит

– مَذَلَّةٌ 1) хорлик, хўрланиш; уят, шармандалик; 2) пасткашлик, разиллик

I ذَلَقَ (у) ذَلْقٌ чархламоқ, ўткир қилмоқ, ўткирламоқ; ذَلِقَ (а) = ذَلُقَ; ذَلُقَ (у) = ذَلَقَ

– ذَلَاقَةٌ 1) равонлик, силлиқлик (*нутқ ҳақида*); حُرُوفُ الـ~ силлиқ, равон талаффуз қилинадиган ундошлар (ب, ر, ف, ل, م ن); 2) эпчиллик, ҳаракатчанлик; ~ اللِّسَانِ нутқнинг ўктамлиги

– ذَلْقٌ 1) ўткир, кесир; 2) равон, силлиқ (*нутқ ҳақида*); 3) ўктам, дадил, дангал (*нутқ*)

– ذَلْقٌ (*тилнинг*) учи; حُرُوفُ الـ~ *грам.* = حُرُوفُ الذَّلَاقَةِ *қар.* ذَلَاقَةٌ

– ذُلُقٌ = ذَلِيقٌ

– ذُلُقٌ = ذَوْلَقٌ

– ذَوْلَقِيٌّ тилга оид; *грам.* равон, силлиқ; الْحُرُوفُ الـ~ـةُ = حُرُوفُ الذَّلَاقَةِ *қар.* ذَلَاقَةٌ

ذُلْذُلٌ *кўп.* ذَلَاذِلُ (*кийимдаги*) этак, бар

ذَا ذَلِكَ *қар.*

I ذَمَّ (a/у) ذَمٌّ айбламоқ, ёмонламоқ, қораламоқ, ёмонга чиқармоқ; II ذَمَّمَ 1) қаттиқ қораламоқ, роса ёмонга чиқармоқ; сўкмоқ; 2) насияга сотмоқ; V تَذَمَّمَ жирканмоқ, ҳазар қилмоқ, ор қилмоқ, номус қилмоқ; VI تَذَامَّ бир-бирини ёмонламоқ; X اِسْتَذَمَّ бадном бўлиб келмоқ

– ذِمَامٌ *кўп.* ~اتٌ — 1) мажбурият; бурч; حُسْنُ الـ~ виждонлилик; 2) хизмат, лавозим

– ذَمٌّ *кўп.* ذُمُومٌ номаълум деб ҳисоблаш; таъна қилиш, таъна; гина

– ذِمَّةٌ *кўп.* ذِمَمٌ 1) кафиллик, кафолат, гарантия; الْبِنْتُ عَلَى ~ زَيْدٍ қиз Зайднинг кафолатидадир; 2) ҳимоя; 3) шартнома; 4) қарз; فِي ~ـهِ бўйнидаги, зиммасидаги (*қарз ҳақида.*); ... بَاعَهُ عَلَى ~ ниманидир ...нинг ҳисобидан сотмоқ; 5) виждон; عَدِيمُ الـ~ виждонсиз; فِي (عَلَى) ~ي! сўзимга ишон! чин сўзим!; 6) ҳалоллик, виждонлилик; 7) масъулият; 8) бирор киши яхши хабардор бўлган соҳа; ҳуқуқ ёки вазифа доираси; ◊ أَهْلُ الـ~ *тар.* мусулмонлар ҳимояси остидаги яҳудий ва насронийлар; بِالـ~ وَالصِّدْقِ виждонан ва чиндан; اِعْتُقِلَ عَلَى ~ التَّحْقِيقِ у тергов қилиш мақсадида ҳибсга олинган; أَصْبَحَ فِي ~ التَّارِيخِ тарихга айланмоқ, ўтмиш бўлиб қолмоқ; هُوَ عَلَى ~ التَّحْقِيقِ у тергов қилинмоқда; هُوَ فِي ~ الْمَنُونِ у вафот этган

– ذِمِّيٌّ *тар.* мусулмонлар ҳимояси остидаги

– ذَمِيمٌ шармандали; таъна остида қолган, таъна қилишга лойиқ; ярамас, бемаъни

– مَذَمَّةٌ *кўп.* مَذَامُّ 1) ярамас (салбий) хусусият; 2) бемаъни қилиқ

– مَذْمُومٌ таъна (мазаммат) остида қолган

ذَمَاءٌ сўйилган ҳайвоннинг танасида қолган жон

I ذَمَرَ (у) ذَمْرٌ бўкирмоқ, ўкирмоқ, наъра тортмоқ; V تَذَمَّرَ ҳасрат қилмоқ, нолимоқ, зорланмоқ, шикоят қилмоқ

– تَذَمُّرٌ ҳасрат, шикоят, нола, норозилик

– ذِمَارٌ 1) (*ҳимоя қилинадиган*) энг азиз нарса; 2) шараф, шаън, виждон

– مُتَذَمِّرٌ норози, норизо

ذَمِيلٌ туянинг секин юргалаши, секин юриш юсини

I ذَمِيَ (и) ذَمًى сўнгги нафасни олмоқ, жон чиқар пайти келмоқ

– ذَمَاءٌ сўнгги нафас, жон талвасаси, ўлим талвасаси

(ذنب) II ذَنَّبَ 1) жазоламоқ, жазо бермоқ; 2) дум уламоқ (*мас., варракка*); ~تِ الْبُسْرَةُ хурмонинг мевасига сув кира бошлади; IV أَذْنَبَ 1) гуноҳ қилмоқ, бирор айб иш қилмоқ; 2) хато иш қилиб қўймоқ, жиноят қилмоқ; X اِسْتَذْنَبَ 1) гуноҳкор ёки айбдор деб ҳисобламоқ; 2) бирор жиноят устида тутиб олмоқ, бировнинг айбини очмоқ

– تَذْنُوبٌ пишмаган хурмо

– ذَنْبٌ *кўп.* ذُنُوبٌ 1) гуноҳ; 2) айб, ёзиқ; وَ أَنَا مَا ~ ىَ؟ менинг эса айбим нима?; 3) хато, ножўя иш, ноўрин қилиқ; жиноят

– ذَنَبٌ *кўп.* أَذْنَابٌ 1) дум, қуйруқ; 2) ҳамтовоқ, тарафдор, шерик, малай; ◊ ~ الثَّعْلَبِ *бот.* тулкиқуйруқ (*бошоқлилар оиласига мансуб ўт*); ~ أَبُو *ёки* ~ نَجْمٌ ذُو думли (қуйруқли) юлдуз, комета

– ذَنَبِيٌّ думли, қуйруқли

– ذَنُوبٌ тўла суви бор челак

– ذُنَيْبٌ *бот.* баргнинг чўпи

– ذُنَيْبَةٌ зунайба (*тариқнинг бир тури*)

– مُذْنِبٌ 1) гуноҳкор; 2) айбдор

– مُذَنَّبٌ *кўп.* ـَاتٌ — думли (қуйруқли) юлдуз, комета; رَأْسُ الـــ~ комета ядроси (боши)

I ذَهَبَ (а) ذَهَابٌ, ذُهُوبٌ 1) юрмоқ; (*қаергадир*) жўнамоқ, йўл олмоқ, бормоқ, кетмоқ (إِلَى); ~ كَأَمْسِ الدَّابِرِ изсиз йўқолмоқ, бедарак кетмоқ; ~ مَعَ الرِّيحِ *маж.* йўққа чиқмоқ, йўқ бўлмоқ, ҳабада бўлмоқ; ~ أَبْعَدَ مِنْ ذَلِكَ янада узоқ кетмоқ; ~ إِلَى الْقَوْلِ гапиришга (дейишга) журъат этмоқ; ~ سُدًى *ёки* ~ عَبَثًا бекор кетмоқ, беҳуда кетмоқ; ~ أَدْرَاجَ الرِّيَاحِ *ёки* ~ مَعَ الرِّيَاحِ бефойда (беҳуда) кетмоқ; ~ مَذْهَبًا а) бирор таълимотга амал қилмоқ; б) ўзини тутмоқ, одоб сақламоқ; ~ الْعُلَمَاءُ فِي ذَلِكَ مَذَاهِبَ شَتَّى олимлар бу масалада турли хил фикрларни билдирдилар; 2) йўқ (ғойиб) бўлмоқ; ҳалок бўлмоқ; ~ ضَيَاعًا йўқолиб (йўқ бўлиб, ғойиб бўлиб) кетмоқ; ~ ضَحِيَّةَ الِانْفِجَارِ портлашнинг қурбони бўлмоқ; 3) олиб кетмоқ (بِ); 4) қириб ташламоқ, қириб юбормоқ (بِ); 5) ишонч билан гапирмоқ, (*н. нидир*) таъкидламоқ, тасдиқламоқ (إِلَى); II ذَهَّبَ олтин қоплатмоқ, олтин суви юритмоқ; IV أَذْهَبَ 1) бартараф қилмоқ, барҳам бермоқ, четлатмоқ; 2) олиб кетмоқ

– تَمَذْهُبٌ *қар.* مَذْهَبٌ

– ذَاهِبٌ кетувчи; йўқолувчи; ~ الصَّبْرِ сабр косаси тўлган, бардоши тугаган; ~ اللَّوْنِ ранги ўчган, оқариб кетган, бўзарган

– ذَهَابٌ жўнаш, кетиш, бориш; ~ وَإِيَابًا бориш-келиш, у ёққа ва бу ёққа

– ذَهَبٌ олтин, тилла; ~ خَالِصٌ соф олтин; ◊ الـــ~ الْأَسْوَدُ қора олтин (*кўмир ёки нефть*); الـــ~ الْأَبْيَضُ оқ олтин (*платина, пахта ёки каучук*); مَاءُ الـــ~ зарҳал, ҳал, югуртирилган олтин қатлами; الـــ~ الْمَيَّالُ нефть; وَقْتُهُ مِنْ ~ унинг вақти жуда қиммат (*сўзма-сўз: унинг вақти – олтиндандир*)

– ذَهَبِيٌّ 1) олтинга оид; 2) олтинсимон, олтинранг, тиллоранг, олтин тусли, олтиндан тайёрланган

– ذَهَبِيَّةٌ *кўп.* ـَاتٌ — даҳабийя (*Нил дарёсида яшаш учун мўлжаллаб ясалган кема*)

– مَذْهَبٌ *кўп.* مَذَاهِبُ 1) йўл; феъл-атвор, ҳатти-ҳаракат, тутган йўл, юриш-туриш; 2) мазҳаб, диний таълимот; маслак; 3) илмий *ёки* фалсафий назария, мафкура; назария; мактаб, йўналиш; الـــ~ الْعَقْلِيُّ рационализм; ~ الْفَرْدِيَّةِ индивидуализм; الـــ~ الْمِثَالِيُّ идеализм; ~ النِّسْبِيَّةِ нисбийлик назарияси; الـــ~ النَّقْدِيُّ التَّجْرِيبِيُّ эмпириокритицизм; الـــ~ الْوَاقِعِيُّ реалистик йўналиш

– مُذْهَبٌ олтиндан ишланган; олтин суви юритилган; ◊ الْمُعَلَّقَاتُ الـــ~ـَاتُ Заррин муаллақот (*исломдан олдин-жоҳилия даврида арабларда энг машҳур бўлган етти қасида*)

– مَذْهَبِيٌّ 1) мазҳабга оид, мазҳабий; диний маслакка оид; 2) назарияга, илмий ёки фалсафий мактабга оид; мафкуравий, ғоявий; الصِّرَاعُ الـــ~ ғоявий кураш

– مَذْهَبِيَّةٌ диний мазҳабларга бўлиниш, тарқалиш, келишмовчилик руҳи

– مَذْهُوبٌ ~ به эс-ҳушини йўқотган, ақлдан озган

I ذَهَلَ (ذهل) (а) ذُهُولٌ, ذَهْلٌ (*н. нидир*) унутмоқ, эсдан чиқармоқ (عَنْ); ذَهِلَ (а) ذُهُولٌ ўзини йўқотмоқ, эсанкирамоқ, шошиб қолмоқ, саросимага тушмоқ; IV أَذْهَلَ 1) таажжубга солмоқ, ҳайратда қолдирмоқ, қойил қолдирмоқ; ҳаяжонга солмоқ, ғулғула солмоқ; 2) (*н. нидир*) унуттирмоқ; VI تَذَاهَلَ ўзини (*н. нидир*) унутганга солмоқ (عَنْ); VII انْذَهَلَ ҳайратга тушмоқ, қойил қолмоқ; ўзини йўқотмоқ

– ذَاهِلٌ ўзини йўқотиб қўйган, эсанкираган, саросимага тушган

– ذَهْلَةٌ (*н. дир*) ёддан чиқиб турган дақиқа

– ذُهُولٌ эсанкираш, саросима; хаёл қочганлик, фикри тарқоқлик; донг (тонг) қолиш

– مُذْهِلٌ ҳайрон қолдирган, қойил қолдирган, ғайритабиий, камдан-кам учрайдиган, фавқулодда

– مُنْذَهِلٌ ўзини йўқотиб қўйган, саросимада қолган, довдираган

– ذِهْنٌ *кўп.* أَذْهَانٌ 1) зеҳн, ақл, идрок; حُضُورُ الـــ~ зеҳни ўткирлик, зийраклик; 2) эс, хотира; أَعَادَ إِلَى الْأَذْهَانِ эсга солмоқ; فَلَوْ عُدْنَا بِأَذْهَانِنَا إِلَى ... агар биз ...ни хотиримизга келтирганимизда эди, ...

– ذِهْنِيٌّ зеҳний, ақлий, зеҳнга (ақлга) оид

– ذِهْنِيَّةٌ 1) зеҳн (ақл) нинг хусусияти; фикр юритиш тарзи; 2) ақл савияси, ақлий савия, ақлий ўсиш

ذُو (*қар. к.* ذِى, *туш. к.* ذَا) *мн.* ذَاتٌ (*алиф. б. қар.*) *кўп.* ذَوُو (*қар. ва туш к.* ذَوِى) 1) эга, соҳиб, молик; ~ أَجْنِحَةٍ қанотли, қанот эгаси, қанотлари бор; ~ ضَمِيرٍ حَيٍّ виждонли, инсофли; ~ عَقْلٍ оқил, ақлли; ~ عَيْنَيْنِ кўзли, кўзи бор; رَجُلٌ ~ قَدَمٍ خَشَبِيَّةٍ ёғоч оёқли одам; ~ لِحْيَةٍ соқолли, соқоли бор; ~ مَالٍ бой, бадавлат; ~ الْمُحَرِّكُ

الْاِحْتِرَاقِ الدَّاخِلِيِّ ичдан ёнар двигатель; ~ مَعْرِفَةٍ билимдон, غَيْرُ ذِي مَعْرِفَةٍ билимсиз; ذَوُو الْإِقْطَاعِ феодаллар; ذَوُو السُّمْعَةِ السَّيِّئَةِ ёмонлик билан ном чиқарган одамлар; ذَوُو الشَّأْنِ манфаатдор шахслар; ذَوُو الْكَلِمَةِ нуфузли (эътиборли) одамлар; ~ الْقُرْبَى қариндош; ذَوُوهَا унинг (*мн.*) қариндошлари; مِنْ ذِي نَفْسِهِ ўз хоҳиши билан; وَادٍ غَيْرُ ذِي زَرْعٍ экин битмайдиган водий; وَاضِحٌ لِكُلِّ ذِي عَيْنَيْنِ *мтл.* бу нарса ҳар бир кўзи бор одам учун аниқ; 2) хўжайин

– أَذْوَاءٌ: ذُو *дан кўп. тар.* номлари ذو билан бошланган Яман подшолари

I ذَابَ (ذوب) (*у*) ذَوَبَانٌ эримоқ, эриб кетмоқ; суюқ ҳолатга келмоқ; ◊ ... يَذُوبُ قَلْبُهُ أَلَمًا لِرُؤْيَةِ ...ни кўрганда юраги тортиб кетади; يَذُوبُ لَهُ الْقَلْبُ مِنْ كَمَدٍ ғамдан унинг юраги эзилиб кетмоқда; ~ كَمَدًا ғам тортганидан озиб кетмоқ; II ذَوَّبَ 1) эритмоқ, суюқ ҳолатга келтирмоқ; 2) йўқ қилмоқ, йўққа чиқармоқ; IV أذاب эритмоқ, суюқ ҳолатга келтирмоқ; X اسْتَذَابَ эритма ҳосил қилмоқ

– إِذَابَةٌ эритиш, суюқ ҳолатга келтириш; эритма

– تَذْوِيبٌ 1) эритиш, эритма; ~ الْمَعَادِنِ металларни эритиш; 2) йўқ қилиш, бартараф этиш

– ذَائِبٌ 1) эритилган, эриган; 2) эриган масса

– ذَائِبِيَّةٌ эрувчанлик

– ذَوْبٌ суюқ асал

– ذَوَبَانٌ суюқ ҳолатга ўтиш, эриш; قَابِلٌ لِلْـ~ а) эрувчан; б) эрийдиган

– مُذَابٌ эритилган, эритиладиган

– مُذِيبٌ эритувчи

I ذَادَ (ذود) (*у*) ذَوْدٌ 1) (*бирор н. дан*) ҳайдамоқ, суриб чиқармоқ (عَنْ); 2) ҳимоя қилмоқ, мудофаа қилмоқ; ~ عَنْ حَوْضِهِ кимнидир ҳимоя қилмоқ

– ذَائِدٌ *кўп.* ذَادَةٌ ҳимоячи, ҳимоя, ҳимояга олувчи

– ذَوْدٌ[1] (*к. нидир*) ҳимоя қилиш (عَنْ)

– ذَوْدٌ[2] *мн. кўп.* أَذْوَادٌ учтадан ўнтагача туядан иборат бўлган пода; ◊ الـ~ إِلَى الـ~ إِبِلٌ *мқл.* тома-тома кўл бўлур (*сўзма-сўз:* оз туяга оз туя қўшилса, пода бўлади)

– ذَوْدٌ[1] = ذِيَادٌ

– مِذْوَدٌ *кўп.* مَذَاوِدُ охур, емохур

I ذَاقَ (ذوق) (*у*) ذَوْقٌ 1) татимоқ, татиб кўрмоқ; ~ طَعْمَهُ ниманингдир таъмини татиб кўрмоқ; ذُقْ تَشْتَهِ! татиб кўр, иштаҳанг очилади; 2) бошдан кечирмоқ, (*ҳаёт аччиқ-чучугини*) тотмоқ, тортмоқ; ~ الْأَمَرَّيْنِ жуда кўп ташвиш тортмоқ, кўп ғам чекмоқ; ~ حُلْوَ الْحَيَاةِ وَمُرَّهَا ҳаётнинг аччиқ-чучугини татимоқ; ~ مُرَّهُ وَحَنْظَلَهُ оғир кулфатларни бошдан кечирмоқ; 3) хабар бермоқ

– ذَائِقٌ татиб кўрувчи; мазасини тотувчи; كُلُّ نَفْسٍ ~ـةُ الْمَوْتِ ҳар бир жон ўлимни тотувчидир (*Қуръон*)

– ذَائِقَةٌ маза, таъм

– ذَوَاقٌ маза, таъм

– ذَوَّاقٌ таъмни яхши билувчи; ~ الْخُمُورِ шаробни татиб кўрувчи (дегустатор)

– ذَوَّاقَةٌ ширинтомоқ, мазахўрак, (*н. нингдир*) ишқибози

– ذَوْقٌ *кўп.* أَذْوَاقٌ 1) таъм (маза) ни сезиш, дид; الـ~ الْحَسَنُ яхши таъм; الـ~ السَّلِيمُ мазани тўғри сезиш; الـ~ الرَّفِيعُ нозик дид; حَاسَّةُ الـ~ таъм билиш сезгиси; كُلٌّ وَ ~ُهُ! ҳар кимнинг ўз диди бор!; 2) мойиллик, майли борлик; 3) назокат, хушмуомалалик, одамлар билан муомала қила билишлик; بِـ~ а) дид билан; б) назокат билан, хушмуомалалик билан; قِلَّةُ الـ~ одобсизлик; قَلِيلُ الـ~ одобсиз

– ذَوْقِيٌّ таъмга оид

– مُتَذَوِّقٌ маза қилувчи, роҳат қилувчи; مُتَذَوِّقُو الْآدَابِ адабиётдан завқ олувчилар

– مَذَاقٌ таъм, маза; حُلْوُ الـ~ мазаси ширин, ширин мазали, тотли; طَيِّبُ الـ~ таъми ёқимли

ذَوْلَقِيٌّ *қар.* ذلق

I ذَوِيَ (*а*) ذُوِيٌّ، ذَوِيٌّ сўлмоқ, сўлиб (қовжираб) қолмоқ, заифлашмоқ; қуримоқ, қуриб қолмоқ; IV أَذْوَى сўлитмоқ, қовжиратмоқ, сувини қочирмоқ

– ذَاوٍ *мн.* ذَاوِيَةٌ сўлган, қовжираган, қуриган

ذَيَّا ذَا *сўзидан, кичр.* бу, шу

ذَيَّاكَ ذَاكَ *сўзидан, кичр.* у, ўша

ذَيْتَ: ~ وَ ~ = كَيْتَ وَ كَيْتَ

I ذَاعَ (ذيع) (*и*) ذُيُوعٌ ёйилмоқ, тарқалмоқ, таралмоқ, маълум бўлмоқ, машҳур бўлмоқ, фош бўлмоқ (*сир ҳақида*); IV أَذَاعَ 1) (*мас., янгиликларни*) тарқатмоқ, ёймоқ; 2) (*мас., фармонни*) жўнатмоқ, юбормоқ, тарқатмоқ; 3) нашр қилмоқ, эълон қилмоқ, халққа билдирмоқ, босиб чиқармоқ; 4) (*сирни*) фош қилмоқ, ошкор қилмоқ; 5) тарқатмоқ, узатмоқ, эшиттирмоқ (*радиостанция ҳақида*)

– إِذَاعَةٌ 1) тарқатиш, ёйиш; ~ لَاسِلْكِيَّةٌ радиоэшиттириш; 2) халққа билдириш, халққа эълон қилиш

– إِذَاعِيٌّ 1) радиоэшиттиришга оид; الشَّبَكَةُ الـ~ـةُ радиоэшиттириш тармоғи; ~ خَبِيرٌ радиоэшиттириш мутахассиси; حَمْلَةٌ ~ـةٌ радио орқали олиб борилган компания; 2) радиожурналист; радиоэшиттириш ходими, ишчиси

– ذَائِعٌ 1) ёйилаётган, тарқалаётган, тарқатилаётган; 2) маълум, машҳур; ~ الصِّيتِ жуда машҳур, донгдор, атоқли, донги кетган

– مِذْيَاعٌ *кўп.* مَذَايِيعُ 1) одамга эл бўладиган, дилкаш; сергап, вайсақи, эзма; 2) *шунингдек* ~ كَهْرَبَائِيٌّ микрофон; 3) мегафон

– مُذِيعٌ диктор, радио орқали матн ўқувчи

(ذيل) II ذَيَّلَ 1) тугатмоқ, ниҳоясига етказмоқ; 2) (н. билан*дир*) тўлдирмоқ, тулғазмоқ (ب); (н. *нидир*) охирига илова қилмоқ, 3) қўймоқ (ب); (н. *нидир*) хулоса қилиб гапирмоқ (ب); IV أَذَالَ ерга урмоқ, таҳқирламоқ

– ذَيْلٌ *кўп.* ذُيُولٌ, أَذْيَالٌ 1) дум, қуйруқ; ~ الحِصَانِ а) отнинг думи; б) *кўчм.* аёлларнинг узун сочи; 2) ниҳоя; 3) этак, бар; аёллар кўйлагининг судралиб юрадиган этаги; 4) илова; 5) оқибат; فِي ~ـهِ бевосита шундан кейин; طَاهِرُ الـ~ доғ тушмаган, пок, соф; طَوِيلُ الـ~ бадавлат; أَذْيَالُ النَّاسِ қаланғи-қасанғилар; جَرَّ أَذْيَالَ الخَيْبَةِ кўнгли қолмоқ, ихлоси қайтмоқ; خَرَجَ مِنْهُ طَاهِرُ الـ~ сувдан қуруқ чиқмоқ; سَحَبَ أَذْيَالَ الخُيَلَاءِ а) таваккалчилик билан юрмоқ; б) ўзини катта олмоқ, гердаймоқ; لَاذَ بِأَذْيَالِ الفِرَارِ қочмоқ, қочиб қолмоқ; هَرَبَ يَجُرُّ أَذْيَالَ الخِزْيِ وَ العَارِ шармандаларча қочиб қолмоқ; ... حط ~ олди-орқасига қарамай қочмоқ

– تَذْيِيلٌ илова қилиш, илова, тўлдириш, тўлғазиш

– ذَيْلِيٌّ думга оид; думдаги

– مُذَيَّلٌ илова қилинган (*мас., китоб* – ب)

I (ذيم) ذَامَ (и) ذَيْمٌ танбеҳ бермоқ, койимоқ

– ذَيْمٌ айб, нуқсон

– ذَامٌ = ذَيْمٌ, لَا تَعْدَمُ الحَسْنَاءُ ~ًا *мқл.* гўзалларнинг айби бўлмайди

– مَذِيمٌ, مَذْيُومٌ танбеҳга муносиб, танбеҳ эшитган, койилган

ر

ر (رَاءٌ) ро (*араб алифбосининг ўнинчи ҳарфи; абжадда-200*)

رَاتِينَجٌ смола, дарахт елими

رَاجَا, *кўп.* رَاجَوَاتٌ рожа (*Ҳиндистондаги зодагонлар унвони*)

رَادَارٌ *радио* радар, радиолокацион қурилма

– رَادَارِيٌّ радиолокацияга оид

رَادِيَتْرٌ *кўп.* ـاتٌ — радиатор

رَادِيكَالِيٌّ 1) радикал; 2) радикал партия аъзоси

رَادِيُو 1) радио; الـ~ التِّلْفُونِيُّ радиотелефон; ~ تِلْفُونِيٌّ радиотелефонга оид; آلَاتُ الـ~ радиожиҳозлар; 2) *кўп.* رَادِيُوهَاتٌ радиоприёмник

رَادِيُومٌ *кимё.* радий; المُعَالَجَةُ بِالـ~ радиотерапия

– رَادِيُومِيٌّ радийга оид; الإِشْعَاعُ الـ~ радиоактивлик

رَاشِيتَةٌ *кўп.* ـاتٌ — рецепт

رَافِيَا рофиё (*хурмо навларидан бири*)

رَامِي ромий, хитой нашаси

رَهْنَامَجٌ = رَاهْنَامَجٌ

رَاوَنْدٌ ревант, ровоч

رَايٌ рой (*майда балиқ турларидан бири*)

I رَأَبَ (а) رَأْبٌ 1) тузатмоқ, таъмир қилмоқ, тўғриламоқ; 2) йўлга қўймоқ, келиштирмоқ

– مَرْأَبٌ *кўп.* مَرَائِبُ 1) таъмирлаш устахонаси, ремонтхона; 2) гараж

رَأْدٌ, رُؤْدٌ *кўп.* أَرْآدٌ бўйга етган қиз

رَأْرَأَ кўзларини ола-була қилмоқ, кўзларини пирпиратмоқ (بِعَيْنِهِ)

– رَأْرَأَةٌ 1) кўзларини ола-була қилиш, кўзларини пирпиратиш (بِعَيْنِهِ); 2) *мед.* нистагм (*кўз соққасининг айланиб туриш касаллиги*)

I رَأَسَ (а) رِيَاسَةٌ, رِئَاسَةٌ бошчилик қилмоқ; раислик қилмоқ; رَؤُسَ (у) رِئَاسَةٌ бош бўлмоқ; II رَأَّسَ бошлиқ (*раис*) қилиб тайинламоқ, бошчи қилиб қўймоқ; V تَرَأَّسَ бош бўлмоқ, бошчилик қилмоқ, бошқармоқ, раислик қилмоқ; VIII ارْتَأَسَ бош бўлиб турмоқ

– تَرْوِيسَةٌ *кўп.* تَرَاوِيسُ сарлавҳа

– رِيَاسَةٌ, رِءَاسَةٌ 1) бошчилик, бошчилик қилиш; раислик қилиш, президентлик; ~ الجُمْهُورِيَّةِ республика президенти; مَنْصِبُ الـ~ мансаби (лавозими); شَغَلَ كُرْسِيَّ الـ~ раис ўрнини эгалламоқ; 2) президиум

– رِئَاسِيٌّ раисликка оид; президентликка оид; المَقَرُّ الـ~ президент резиденцияси

– رَأْسٌ *мз. гоҳида мн. кўп.* رُؤُوسٌ, أَرْؤُسٌ 1) бош; جِلْدَةُ الـ~ бош териси; сочлари билан шилиб олинган бош териси; مَرْفُوعُ الـ~ боши кўтарилган; مُطْرَقُ الـ~ боши қуйи эгилган, боши қуйи солинган; مُنَكَّسُ الـ~ боши эгик; وَضَعَهُ عَلَى ~ـهِ кимгадир ҳурмат кўрсатмоқ, кимнидир бошга кўтармоқ; عِشْرُونَ ~ًا مِنَ الغَنَمِ йигирма бош қўй; 2) бошлиқ; عَلَى ~ ... ...нинг бошчилигида; 3) бошланиш; ~ الجِسْرِ *ҳарб.* а) кўприк олдидаги истеҳком; б) плацдарм; ~ السُّلَّمِ зина олдидаги очиқ жой; ~ السَّنَةِ янги йил; ~ الشَّهْرِ القَمَرِيِّ ой боши, янги ой, ҳилол; янги ой кўринган кун; ~ القَرْنِ аср боши; 4) баландлик, чўққи; бирор нарсанинг калласи

(боши); ~ الزَّاوِيَةِ *мат.* бурчакнинг баландлиги; ~ الْعَمُودِ *архит.* устун қоши, устуннинг шипга туташган қисми; 5) қирра, тиғ; ~ الْحَرْبَةِ найзанинг учи; 6) бурун, қурукликнинг денгизга учли бўлиб кирган жойи; ◊ ~ ا~ بـ а) бошма-бош, устига қўшмасдан; б) *спорт.* баравар, қатор, қолишмасдан; عَلَى رُؤُوسِ الْأَشْهَادِ гувоҳлар олдида, ҳамманинг кўз олдида; ҳаммага эшиттириб; очиқдан-очиқ; عَلَى الـ~ وَ الْعَيْنِ очиқдан-очиқ, ошкора; عَلَى الـ~ бажони бош устига!; عَلَى ~ي! жоним билан!; مِنَ الـ~ لِلْقَدَمِ бошдан оёқ; ا~ безосита, тўғридан тўғри; ا~ عَلَى عَقِبٍ а) думбалоқ ошириб, чирпирак қилиб, оёғини осмондан келтириб, остин-устун; б) тескарисига, чаппасига; أَسْوَدُ ~ ҳуснбузар, пўрсилдоқ (*юздаги*); ~ السُّكَّرِ бир калла қанд; ~ الْمَالِ (*кўп.* رُؤُوسُ الْأَمْوَالِ) капитал; ~ الْمَالِ الِاحْتِكَارِيُّ монополистик капитал; ~ الْمَالِ الْأَسَاسِيُّ асосий капитал; ~ الْمَالِ الْأَصْلِيُّ дастлабки капитал, бошланғич дастмоя; ~ الْمَالِ الثَّابِتُ доимий капитал; ~ الْمَالِ الصِّنَاعِيُّ (التِّجَارِيُّ) саноат (савдо) капитали; ~ الْمَالِ الْفَرْدِيُّ хусусий капитал; ~ الْمَالِ الْمَالِيُّ молиявий капитал; ~ الْمَالِ الْمُتَبَدِّلُ ўзгарувчан капитал; ~ الْمَالِ الْمُتَدَاوَلُ (الْمُتَحَرِّكُ) айланувчи (оборотдаги) капитал; ~ الْمَالِ الْمَصْرَفِيُّ банк капитали; ~ الْمَالِ النَّقْدِيُّ пул шаклидаги капитал; ~ الْمَالِ الْوَهْمِيُّ фиктив капитал

— رَءَّاسٌ каллафуруш

— رَأْسْمَالٌ = رَأْسُ الْمَالِ *қар.* رَأْسٌ

— رَأْسْمَالِيٌّ 1) капиталистик; الْمُجْتَمَعُ الـ~ капиталистик жамият; غَيْرُ ~ ёки لا ~ нокапиталистик; طَرِيقُ (غَيْرِ الـ~) التَّطَوُّرِ اللاَّ~ нокапиталистик тараққиёт йўли; 2) капиталист

— رَأْسْمَالِيَّةٌ капитализм

— رَأْسِيٌّ 1) бошга (каллага) оид; 2) тик, тикка, тикка кўтарилган, тикка тушган; вертикал; перпендикуляр; إِحْدَاثِيٌّ ~ *мат.* ордината

— رَأْسِيَّةٌ вертикаллик; перпендикулярлик

— رَئِيسٌ *кўп.* رُؤَسَاءُ 1) бошлиқ; 2) раҳбар, раис; бошқарувчи; *шунингдек,* رَيِّسٌ (*кемадаги*) капитан; *ҳарб.* капитан; ~ أَرْكَانِ الْحَرْبِ бош штаб бошлиғи; ~ أَوَّلُ майор; ~ الْبَلَدِيَّةِ ёки ~ مَجْلِسِ الْمَدِينَةِ шаҳар бошлиғи, мэр; ~ الْجُمْهُورِيَّةِ республика президенти; ~ التَّحْرِيرِ бош муҳаррир; ~ فَخْرِيٌّ фахрий раис; ~ عَامِلٌ амалдаги (ҳақиқий) раис; ~ اللَّجْنَةِ التَّنْفِيذِيَّةِ ижроия қўмитаси раиси; ~ الْوُزَرَاءِ ёки ~ مَجْلِسِ الْوُزَرَاءِ вазирлар маҳкамаси раиси, бош вазир, бош министр; ~ الْأَسَاقِفَةِ архиепископ; ~ الدَّيْرِ эркаклар монастирининг бошлиғи (*черковда*); رُؤَسَاءُ رُوحَانِيُّونَ диний арбоблар, дин пешволари; ~ الْمَلَائِكَةِ фаришталар мутасаддиси; ~ عِصَابَةٍ қотиллар ва босмачилар тўдаси бошлиғи

— رَئِيسِيٌّ 1) бошчилик қилувчи; 2) асосий, бош; الْأَعْضَاءُ الـ~ـةُ танининг энг муҳим аъзолари; مَقَالَةٌ ~ـةٌ бош мақола

— رِئَاسَةٌ = رِيَاسَةٌ

— رَئِيسٌ = رَيِّسٌ

— مَرْؤُوسٌ 1) қарам, қўл остидаги; 2) тобе; رَئِيسٌ وَ ~ раҳбар ва қўл остидаги одам

I رَأَفَ (а) رَأْفٌ، رَأْفَةٌ، رَآفَةٌ (*к. нидир*) аямоқ, (*к. гадир*) раҳми келмоқ (بـ); (*к. гадир*) раҳм қилмоқ, раҳми келмоқ (بـ); رَؤُفَ (у) رَأْفَةٌ، رَآفَةٌ = رَأَفَ I; V تَرَأَّفَ = I

— رَأْفَةٌ раҳми келиш, раҳм қилиш, ачиниш

— رَآفَةٌ = رَأْفَةٌ

— رَؤُوفٌ меҳрибон, раҳмдил

I رَئِمَ (а) رَأْمٌ، رِئْمَانٌ 1) (*боласини*) қизғанмоқ (*ҳайвонлар ҳақида*); 2) севмоқ, яхши кўрмоқ

— رِئْمٌ *кўп.* آرَامٌ، أَرْآمٌ оқ кийик

— رَؤُومٌ 1) сермеҳр, ишқ-муҳаббатда қайнаб-тошган; الْأُمُّ الـ~ меҳри дарё она; 2) қўлга ўрганган, қўлга ўргатилган

I رَأَى (а) (يَرَى) رَأْيٌ، رُؤْيَةٌ 1) кўрмоқ, кўриб қолмоқ; 2) *шунингдек* ~ فِي نَوْمِهِ тушида кўрмоқ; 3) зарур ёки мақсадга мувофиқ деб ҳисобламоқ; 4) эҳтиётлик билан қарамоқ, диққат қилиб боқмоқ; 5) бирор фикрда турмоқ; أَتُرَانِي نَسِيتُكَ؟ мени унутдинг деб ўйлайсанми?; نَرَى مِنَ الْوَاجِبِ أَنْ ... ...ни бурчимиз деб ҳисоблаймиз; لَا أَرَانِي أُفْشِي سِرًّا إِذَا قُلْتُ ... мен ... десам, сирни ошкор қилиб қўйидим деб ҳисобламайман; رَآهُ رَأْيَ الْعَيْنِ ёки رَآهُ بِعَيْنِهِ кимнидир ўз кўзи билан кўрмоқ; مَنْ يَعِشْ يَرَهُ ҳаёт бўлсак кўрармиз (*сўзма-сўз:* кимки яшаса, кўради); رُئِيَ أَنْ ... мақсадга мувофиқ деб топилди; ◊ ~ نُورَ الدُّنْيَا туғилмоқ, дунёга келмоқ; III رَاءَى 1) риёкорлик (иккиюзламалик) қилмоқ, мунофиқлик қилмоқ; муғомбирлик қилмоқ, ўзини бирор кўйга солмоқ; 2) (*н. нидир*) хўжакўрсинга қилмоқ; 3) бир-бири билан кўришмоқ; IV أَرَى 1) кўрсатмоқ; 2) أُرِيَ хаёл қилмоқ, гумон қилмоқ, ... деб ҳисобламоқ; تُرَى مَاذَا ... фَأَيْنَ هُوَ يَا تُرَى؟ айтинг-чи (жавоб беринг-чи) у қаерда?; يَا تُرَى ёки ... نَفْعَلُ بِـ... айтинг-чи, ...ни нима қиламиз?; (هَلْ) تُرَانَا билиб қўйиш қизиқ бўларди; ◊ أُرِيهِ نُجُومًا حَمْرَاءَ فِي عِزِّ الظُّهْرِ! мен унинг суробини тўғрилаб қўяй, унинг адабини бериб қўяман! (*сўзма-сўз:* куппа-кундузи унга қип-қизил юлдузларни

кўрсатаман!); V تَرَأَّى ҳисобламоқ, ўйламоқ, гумон қилмоқ; VI تَرَاءَى 1) бир-бири билан кўришмоқ; 2) кўринмоқ, намоён бўлмоқ, кўринарли бўлмоқ; 3) муайян кўринишга эга бўлмоқ, тус олмоқ; 4) риёкорлик (иккиюзламалик) қилмоқ; 5) ойна (кўзгу)га қарамоқ; VIII اِرْتَأَى 1) ўйламоқ; ўйлаб топмоқ; 2) ният қилмоқ, қасд қилмоқ; 3) мақсадга мувофиқ ҳисобламоқ; кимнингдир фикрига қўшилмоқ

– رَاءٍ *кўп.* رُوَّاةٌ 1) кўрувчи; فَإِذَا رَأَى ~ أَنَّ ... агар ...ни бирор киши кўрса; 2) томошабин; кузатувчи, назорат қилувчи

– رَائِيَةٌ *мн.* 1) кўрувчи аёл; 2) *кўп.* ـاتٌ — а) томошабин аёл; б) *фото.* суратга олинадиган кўринишни кичикроқ акс эттириб ростлайдиган асбоб

– رَأْيٌ[1] кўриш; رَأْيَ ~ الْعَيْنِ ўз кўзи билан кўрмоқ

– رَأْيٌ[2] *кўп.* آرَاءٌ 1) фикр; فِي ~ِي менимча, менинг фикримча; الـ~ الْعَامُّ жамоатчилик фикри; عَلَى ~ِ الْمَثَلِ мақолда айтилганидек; تَبَادُلُ الْآرَاءِ ўзаро фикр алмашиш; ذُو رَأْيَيْنِ иккиюзлама, мунофиқ; صُلْبُ الـ~ қайсар; ... أَنَّ ~ِهِ مِنْ у шундай фикрдаги, ...; وَ لَكِنْ ~ِهِ لَسْنَا مِنْ биз унинг фикрини қўллаб-қўлтиқламаймиз, лекин, ...; ... أَنَّ وَ هَلْ مِنْ رَأْيِكَ сен ... деб ўйлайсанми?; ... فِي ~ِهِ أَبْدَى ҳақида ўз фикрини баён (ифода) қилмоқ; 2) ақл, идрок, тафаккур; *шар.* мустақил фикр; أَصْحَابُ ~ ёки أَهْلُ الـ~ донишманд кишилар; 3) (*сайловдаги*) овоз; ~ اِسْتِشَارِيٌّ маслаҳат овози; إِبْدَاءُ الـ~ِ بِالنِّدَاءِ номма-ном овоз бериш (сайлаш); أَخَذَ الـ~ овоз бермоқ

– رَأْيَةٌ, رَايَةٌ *кўп.* ـاتٌ — байроқ

– رُؤْيَا *мн. кўп.* رُؤًى 1) кўриш; ~ إِلَاهِيَّةٌ илоҳий кашфиёт, илоҳий рўё; سِفْرُ الـ~ *дин.* Апокалипсис (*христианликдаги муқаддас китоблардан бири*), 2) туш, уйқуда кўриладиган туш

– رُؤْيَةٌ 1) рўё, кўриш, кўриниш; ~ الْقَاصِي телевидение; 2) кўриниш, кўз кўра оладиган нарса; تَعَذُّرُ الـ~ хира (ёмон) кўринишлик, яхши кўринмаслик

– رِئَاءٌ, رِيَاءٌ риё, риёкорлик, мунофиқлик; носамимийлик

– رِئَةٌ, رِيَةٌ *ик. с.* رِئَتَانِ *кўп.* رِئَاتٌ, رِئُونَ *анат.* ўпка; ذَاتُ الـ~ِ ёки الْتِهَابُ الـ~ ўпканинг яллиғланиши; طَاعُونُ الـ~ ўпка тоуни (ўлати)

– رِئَوِيٌّ ўпкага оид; ~ الْتِهَابُ ўпка яллиғланиши

– رَئِيٌّ шарпа, руҳ, рўё

– مُرَاءٍ мн مُرَائِيَةٌ мунофиқ, иккиюзламачи

– مُرَاءَاةٌ мунофиқлик, иккиюзламалик

– مَرْآةٌ чиройли кўриниш; اِمْرَأَةٌ حَسَنَةُ الـ~ гўзал юзли аёл; تُخْبِرُ عَنْ مَجْهُولِهِ ~ُهُ *мқл.* башарасидан тайин (*сўзма-сўз:* унинг номаълум томонини шакл-шамойили айтиб туради)

– مِرْآةٌ *кўп.* مَرَاءٍ, مَرَايَا ойна, кўзгу, миръот

– مِرْآيَةٌ *кўп.* ـاتٌ — ойна, кўзгу, миръот

– مَرْأًى *кўп.* مَرَاءٍ кўриниш, манзара; عَلَى ~ النَّاسِ одамларнинг кўзида, ҳамманинг олдида; عَلَى ~ مِنْهُ унинг кўз олдида

– مَرْئِيٌّ кўринадиган, назорат қилинадиган; غَيْرُ ~ ёки لَا ~ кўзга кўринмайдиган; الْجَانِبُ (الشَّطْرُ) غَيْرُ الـ~ِ مِنَ الْقَمَرِ Ойнинг кўринмас (орқа) томони

– مَرْئِيَّاتٌ *кўп.* кўз илғайдиган нарсалар, кўзга кўринадиган нарсалар; عِلْمُ الـ~ِ оптика

رَبَّ I (а/у) رَبٌّ 1) тарбияламоқ, тарбия бермоқ; 2) боқмоқ, семиртирмоқ, сўқимга боқмоқ; II رَبَّبَ =I; V تَرَبَّبَ =I

– رَابٌّ 1) тарбиячи, мураббий; 2) ўгай ота

– رَابَّةٌ *кўп.* ـاتٌ — 1) мураббия; 2) ўгай она, кичик она

– رَبٌّ *кўп.* أَرْبَابٌ 1): الـ~ тангри, парвардигор, худо; رَبَّاهُ! эй тангрим!; ~ الْجُنُودِ раббулжунуд (*миф. Саваоф номли худо*); ~ الْعَالَمِينَ барча борлиқ тангриси (*Оллоҳ*); 2) жаноб; 3) подшоҳ, шоҳ; 4) соҳиб, хўжайин, бошлиқ; ~ الْعَائِلَةِ оила бошлиғи; ~ الْعَمَلِ иш берувчи; أَرْبَابُ الْاِحْتِكَارَاتِ монополистлар; أَرْبَابُ الْأَقْلَامِ ёзувчилар, адиблар, қалам аҳллари; أَرْبَابُ الْأَمْلَاكِ мулкдорлар; أَرْبَابُ الْبُنُوكِ банк эгалари, банкирлар; أَرْبَابُ الْحَيْثِيَّاتِ юқори лавозимдаги одамлар; أَرْبَابُ الدُّيُونِ қарз берувчилар, кредиторлар; أَرْبَابُ الْمَالِ капиталистлар; أَرْبَابُ الْحِرَفِ ёки الصَّنَائِعِ ҳунармандлар; أَرْبَابُ الْمَصَانِعِ завод эгалари; أَرْبَابُ الْمَعَاشَاتِ пенсионерлар, нафақахўрлар; أَرْبَابُ الْمَعَامِلِ фабрика эгалари, фабрикантлар

– رُبٌّ кўп رُبُوبٌ мева қиёми, сироп; мураббо; ◊ ~ الْوَرَقِ қоғоз бўтқаси

– رُبَّ 1) тез-тез; ҳарчанд, бир неча бор; 2) эҳтимол, бўлиши мумкин; ~ مَا а) эҳтимол, бўлиши мумкин; б) баъзан, нариги сафар; ... إِنْ يَقُولُ قَائِلٍ ~ وَ эҳтимол, бирор киши ... дер; ◊ ~ ضَارَّةٍ نَافِعَةٌ ҳар бир ёмонликнинг яхши томони бор

– رَبَابٌ[1], رَبَابَةٌ *кўп.* ـاتٌ — рубоб (*камончали мусиқий асбоб*)

– رَبَابٌ[2] оқ булут, кўриниб турган булут

– رَبَابٌ[3] аёл, хотин киши

– رِبَابَةٌ ҳукмронлик

– رُبَّانٌ *кўп.* رَبَابِنَةٌ (*кемадаги*) капитан; дарға

– رَبَّانِيٌّ 1) соддадил, дарвешнамо; 2) илоҳий, динга оид, раббоний

– رَبَّةٌ *кўп.* ـاتٌ — 1) хоним, бека, ойим; ~ الْبَيْتِ уй бекаси;

уй соҳибаси; الشِّعْرِ ~ илҳом париси; 3) эга, соҳиба; (فِينُوس) الْجَمَالِ ~ гўзаллик илоҳаси (Венера); الْحُسْنِ ~ а) гўзал, чиройли; б) гўзал қиз (аёл)

– رِبَّةٌ *кўп.* رِبَبٌ 1) кўкат, майса; الْبِرْسِيمِ ~ беданинг иккинчи ўрилгани; 2) иссиқлик, тошма (*бадандаги қизил тошмалар*); 3) *кўп.* رِبَبٌ, أَرِبَّةٌ *бот.* рибаб ёки арибба (*ловиядошлар оиласига мансуб доимо кўкариб турадиган шохчасимон мевали дарахт*); 4) ўн минг

– رُبُوبٌ ўгай ўғил, ўгай бола

– رُبُوبَةٌ ҳукмронлик, раҳбарлик, бошлиқлик

– رُبُوبِيَّةٌ = رُبُوبَةٌ

– رِبِّيٌّ *кўп.* رِبِّيُّونَ *Қур.* жуда кўп одамлар

– رَبِيبٌ *кўп.* أَرِبَّاءُ 1) тарбияланувчи, биров боқиб ўстирган, асранди; 2) ўгай ўғил, ўгай бола; 3) ўгай ота

– رَبِيبَةٌ *кўп.* رَبَائِبُ тарбияланувчи қиз; 2) ўгай қиз; 3) ўгай она

– مُرَبًّى *кўп.* ـاتٌ мураббо; مَائِعَةٌ ~ мармелад

I رَبَأَ (а) رَبْءٌ (*яхшироқ кўриш учун*) бўйни чўзмоқ; 2) (*н. нидир*) кузатмоқ, кўздан кечирмоқ (ب); 3) (*н. нидир*) қидирмоқ, ахтармоқ (ب) 4) (*н. дандир*) баланд кўтарилмоқ, баланд турмоқ (عَنْ, عَلَى); 5) (*н. нидир*) тўғриламоқ (ب); 6) (*н. нидир*) кўтармоқ; 7) (*к. нидир, н. нидир*) қаттиқ ҳурмат қилмоқ, жуда қадрламоқ (ب); أَرْبَأُ بِنَفْسِي عَنْ عَمَلٍ كَذَا мен бу ишни ўзимга ор деб биламан; أَرْبَأُ بِنَفْسِكَ (بِكَ) مِنَ الْجَوْرِ сизни адолатсиз деб ўйлашдан мен ўзимни сақлайман (эҳтиёт қиламан); نَرْبَأُ بِأَنْفُسِنَا أَنْ نَرُدَّ عَلَيْهِ بِالْمِثْلِ биз унга ўшандай жавоб қайтаришдан ор қиламиз

– مَرْبَأٌ *кўп.* مَرَابِئُ кузатиш (назорат қилиш) нуқтаси

I رَبَتَ (и) رَبْتٌ урмоқ, зарба бермоқ; уриб-уриб қўймоқ, қоқиб-қоқиб қўймоқ; силаб қўймоқ, уқалаб қўймоқ; عَلَى الْكَتِفِ ~ елкага уриб-уриб қўймоқ; II رَبَّتَ =I

– رَبْتَةٌ уриб қўйиш, қоқиб қўйиш, силаш, уқалаш

I رَبَثَ (у) رَبْثٌ (*бирор н. дан*) қайтармоқ, ушлаб (тутиб) қолмоқ, тиймоқ (عَنْ)

– رَبِيثَةٌ *кўп.* رَبَائِثُ ушлаб қоладиган нарса, қайтарадиган нарса, тийиб қоладиган нарса

I رَبِحَ (а) رِبْحٌ 1) фойда чиқармоқ, даромад олмоқ, даромад қилмоқ; 2) ютмоқ, ютуққа эришмоқ; الْوَقْتَ ~ вақтдан ютмоқ; II رَبَّحَ 1) даромад олишга имкон бермоқ; 2) ютишга имконият яратмоқ; IV أَرْبَحَ =I

– اسْتِرْبَاحٌ *кўп.* ـاتٌ хари, тўсин

– رَابِحٌ 1) даромад келтирадиган, фойдали; صَفْقَةٌ ـــةٌ ~ фойда келтирадиган битим; 2) ютуққа эришувчи; الْأَرْقَامُ الـــةُ ~ ютуқ чиққан номерлар (*мас., лотереяда*)

– رَبَاحٌ ютуқ, даромад; وَ الصَّبَاحُ ~ ◊ ўшанда кўрамиз; тонг ишни ўнгидан келтиради

– رُبَّاحٌ *кўп.* رَبَابِيحُ *зоол.* руббоҳ (*маймун турларидан бири*); زُرَيْقَاءُ ~ *зоол.* йиртқич сут эмизувчиларнинг бир тури, генетта

– رِبْحٌ *кўп.* أَرْبَاحٌ 1) фойда, даромад; الصَّافِي الـــ~ соф даромад; الْمَالِ ~ الـــ сармоя (капитал) дан тушган фойда; الْمُرَكَّبُ ~ الـــ мураккаб фойда; الْبَسِيطُ ~ الـــ оддий фойда; ~ السَّهْمِ дивиденд (*олинган фойдадан пайчиларга уларнинг киритган маблағларига қараб бўлиб бериш учун ажратилган ҳисса;* الْأَرْبَاحُ الْأُسْطُورِيَّةُ ҳаддан ортиқ (ақлга сиғмайдиган) фойдалар; الْأَرْبَاحُ الْحَرَامُ ноқонуний (ҳаром) фойдалар; الْأَرْبَاحُ الْفَاحِشَةُ ҳаддан зиёд (ортиқ даражадаги) фойдалар; 2) ютуқ

– مُرَابَحَةٌ 1). мол ёки қимматбаҳо қоғозлар нархини сунъий равишда ошириш; 2) биржа чайқовчилиги (ўйини); олиб сотиш, чайқовчилик

– مَرْبَحٌ *кўп.* مَرَابِحُ ютуқ, даромад; фойда

– مُرْبِحٌ фойдали, даромадли, даромади бор

I رَبَدَ (у) رُبُودٌ (*қаердадир*) қолмоқ, турмоқ, бўлмоқ (بِ); V تَرَبَّدَ булут босиб қоронғулашмоқ (*осмон ҳақида*); 2) бадқовоқ бўлмоқ, қовоғини солмоқ; IX اِرْبَدَّ кулранг бўлмоқ

– أَرْبَدُ *мн.* رَبْدَاءُ *кўп.* رُبْدٌ кулранг

– رُبْدَةٌ кулранг.

– مُرْبَدٌ кулранг; السَّحْنَةِ ~ бадқовоқ, қовоғи солиқ

رَبْرَبٌ *кўп.* رَبَارِبُ (*ёввойи кийик ёки сигирларнинг*) подаси

I رَبَسَ (у) رَبْسٌ (*к. нидир*) қўл билан урмоқ; ~ ـــهُ بِيَدَيْهِ кимнидир уриб-уриб қўймоқ

I رَبَصَ (у) رَبْصٌ (*к. нидир*) пистирмада ётиб пойламоқ, пойлаб туриб қўлга туширмоқ (بِ); V تَرَبَّصَ (*к. нидир*) пистирмада туриб пойламоқ (بِ ,لِـ); بِهِ شَرًّا ~ кимгадир ёмонликни мақсад қилмоқ; بِهِ الدَّوَائِرَ ~ *қар.* دَائِرَةٌ

– مُتَرَبِّصٌ пойлаб ётувчи, пистирмада ётиб пойлаётган; كَانَ ـــًا ...لِـ ҳушёр бўлмоқ, ҳушёр бўлиб турмоқ

I رَبَضَ (и) رَبْضٌ, رُبُوضٌ 1) чўзилиб (узайиб) ётмоқ, ястанмоқ, ётмоқ; 2) пойлаб туриб қўлга туширмоқ; IV أَرْبَضَ: الدَّوَابَّ ~ ҳайвонларни қўрага қамамоқ

– رَبَضٌ *кўп.* أَرْبَاضٌ 1) қўра, оғил (*ҳайвонлар учун*); шаҳар атрофи, шаҳар ташқариси; أَرْبَاضُ الْقَرْيَةِ қишлоқ атрофи

– رُوَيْبِضَةٌ пасткаш, исқирт одам

– مَرْبِضٌ *кўп.* مَرَابِضُ 1) қўра, оғил; 2) ин, уя, ғор

I رَبَطَ (*и, у*) رَبْطٌ 1) бойламоқ, боғламоқ, тугмоқ, бириктирмоқ, маҳкамламоқ; (بِشَرْطٍ) بِقَيْدٍ ـــهُ ~ бирор чеклов (шарт) билан кимнидир тутиб турмоқ; لاَ يُرْبَطُ وَ لاَ يُحَلُّ унда ҳеч бир куч-қудрат, ҳокимият йўқ; جَأْشَهُ ~ ўзини оғир тутмоқ; لِسَانَهُ ~ кимнидир гапиртирмай қўймоқ; وَتَدْ .*қар* صَمَتُوا كَأَنَّ أَلْسِنَتَهُمْ رُبِطَتْ إِلَى أَوْتَادٍ 2)(*мас., ярани*) боғламоқ, бойламоқ; 3) (*маош, ойлик ёки бюджетдан маблағ*) ажратмоқ, белгиламоқ, тайинламоқ;4) (*мас., жарима*) солмоқ, (*к. нидир*) тўлашга мажбур қилмоқ (عَلَى); 5) (*лавозимни*) эгалламоқ, банд қилмоқ; 6) رُبِطَ (*сеҳргарлик оқибатида*) эркакликни йўқотмоқ; II رَبَّطَ 1) кўп жойдан тугмоқ, тугиб-тугиб ташламоқ; 2) (*ярани*) қайта боғламоқ; III رَابَطَ 1) *ҳарб.* жойлашмоқ, ўрнашмоқ; 2) (*пистирмада*) писиб ётмоқ; 3) матонатли, чидамли бўлмоқ, вазмин бўлмоқ, оғир бўлмоқ; VI تَرَابَطَ 1) ўзаро боғлиқ бўлмоқ; 2) (*к. биландир*) тил бириктирмоқ, ваъдалашмоқ, гапни бир жойга қўймоқ (مَعَ); VII اِنْرَبَطَ боғланмоқ, тугилмоқ; VIII اِرْتَبَطَ (*бирор н. билан*) боғланган бўлмоқ, бириктирилган бўлмоқ, боғлиқ бўлмоқ (بِ)

– اِرْتِبَاطٌ *кўп.* ـَاتٌ 1) боғлиқлик, алоқадорлик; алоқа; خَطُّ الـــ~ алоқа линияси; ضَابِطُ الـــ~ алоқа зобити (офицери); عَنِ الـــ~ *ёки* بِالـــ~ *юр.* (*жиноий ҳаракатларнинг*) ҳаммаси бўйича; 2) мажбурият

– تَرَابُطٌ 1) ўзаро алоқадорлик, боғлиқлик; жипслик; 2) ўзаро муносабат (алоқа)

– رَابِطٌ 1) боғловчи, бириктирувчи; الْجَأْشِ ~ босиқ, вазмин, оғир; 2) алоқа

– رَابِطَةٌ *кўп.* رَوَابِطُ 1) алоқа, муносабат; боғлаб турувчи нарса; تَضُمُّهُمْ ~ وَاحِدَةٌ уларни битта нарса боғлаб туради; 2) иттифоқ, уюшма, жамият; الشَّرْقِيَّةُ الـــ~ *тар.* Шарқий лига; 3) *кўп.* а) боғланиш; رَوَابِطُ لاَ تَنْفَصِمُ عُرَاهَا узилмайдиган яқинлик; رَوَابِطُ الصَّدَاقَةِ дўстлик риштлари; б) *анат.* пай, пайча

– رِبَاطٌ[1] *кўп.* رِبَاطَاتٌ, أَرْبِطَةٌ 1) алоқа; الزَّوْجِيَّةُ ~ эр-хотинлик муносабатлари; 2) чилвир, арқон; لِلأَحْذِيَةِ ~ туфлининг ипи (шнури), 3) қисқич, скрепка; 4) *шунингдек*. الرَّقَبَةِ ~ *ёки* الْعُنُقِ ~ галстук; 5) *шунингдек*. الْجَوَارِبِ ~ пайпоқбоғич;. 6) бинт; тананинг касал жойини таңиб қўядиган камар, бандаж

– رِبَاطٌ[2] *кўп.* رُبُطٌ, رِبَاطَاتٌ мискинлар уйи, ғарибхона; карвонсарой

– رِبَاطٌ[3] бешта от (*миниладиган*)

– رَبَاطَةٌ боғлиқлик; الْجَأْشِ ~ вазминлик, босиқлик, оғирлик, чидамлилик

– رَبْطٌ 1) боғлаш, тугиш, бириктириш; боғлам, даста, шода; بِالْفِيلِ الـــ~ *шахм.* фил билан боғлаб қўйиш; 2) тайинлаш, ажратиш, белгилаш الأُجْرَةِ ~ маош белгилаш; الأَمْوَالِ ~ солиқ солиш; الْمِيزَانِيَّةِ ~ бюджетдаги маблағни тармоқлар бўйича тақсимлаш; 3) *халқ.* эркакликни йўққа чиқарадиган афсунгарлик ҳаракатлари; ◊ وَ حَلٌّ ~ а) ман этиш ва рухсат бериш; б) ҳокимият; д) интизом

– رَبْطٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ (*шаҳардаги*) квартал, маҳалла; шаҳар атрофидаги яшаш жойи (*Тунисда*)

– رَبْطَةٌ *кўп.* رَبَطَاتٌ, رُبَطٌ 1) жойлаш, ўраш; 2) маҳсулот ўраладиган, жойланадиган нарса; тугун, тугунча, ўралган нарса; النُّقُودِ ~ ҳамён, кармон, катмон; 3) боғ (*белбоғ, пешонабоғ*); الرَّقَبَةِ ~ *ёки* الْعُنُقِ ~ галстук الْجَوَارِبِ пайпоқбоғич;

– مُتَرَابِطٌ 1) ўзаро боғлиқ бўлган; 2) бир-бирига боғланган равон

– مُرَابِطٌ 1) ҳимоя қилувчи, қўриқловчи, соқчиликда турган; الْجَيْشُ الـــ~ қарам бўлган жой халқидан тузилган армия; 2) муробит; ◊ الـــُونَ *тар.* муробитлар; دَوْلَةُ الـــِينَ муробитлар давлати

– مَرْبَطٌ *кўп.* مَرَابِطُ бойлаш (тугиш) жойи; молхона, оғилхона; отхона

– مَرْبُوطٌ 1) бойланган, тугилган; 2) бюджетда қайд қилинган маблағ маош; 3) *халқ.* афсунгарлик билан эркаклигини йўқотган одам

– مُرْتَبِطٌ (*н. биландир*) боғланган, бириктирилган (بِ)

I رَبَعَ (*а*) رَبْعٌ 1) (*баҳорда чиққан ўтлар билан*) ўтламоқ; 2) от йўрттириб юрмоқ; 3) тўртинчи бўлмоқ; 4) тўртдан бирини олмоқ; 5) уч кундан кейин қайтавурланмоқ (*безгак ҳақида*); 6) тўхтамоқ, тўхтаб ўтмоқ; турмоқ, яшамоқ; кутмоқ; 7) *спорт.* тош *ёки* штанга кўтармоқ; II رَبَّعَ 1) тўрт баравар оширмоқ, тўрт марта кўпайтирмоқ; 2) *мат.* квадратга кўтармоқ, соннинг квадратини чиқармоқ; 3) тўртбурчак ясамоқ; 4) тўрт букламоқ, тўрт қават қилмоқ; III رَابَعَ ҳосилнинг тўртдан бири учун меҳнат қилмоқ, чоракорлик қилмоқ; IV أَرْبَعَ 1) олдинги тишлар билан озиқ тиш ўртасидаги тиш тушмоқ (*ҳайвонларда*);2) إِبِلَهُ ~ туясини баҳорда ўтлатмоқ; V تَرَبَّعَ 1) (*н. нингдир устига*) ўтирмоқ, ўтириб олмоқ, ўрнашиб ўтириб олмоқ (عَلَى);عَلَى الْعَرْشِ ~ тахтга ўтирмоқ (чиқмоқ); فِي زَعَامَتِهِ ~ нимaнингдир устидан раҳбарлик қилишга етишмоқ; 2) оёқни чалиштириб ўтирмоқ; 3) баҳорги ўтлар билан ўтламоқ; VIII اِرْتَبَعَ 1) (*баҳорда чиққан ўтлар билан*) ўтламоқ; 2) (*қаердадир*) жойлашмоқ, ўрнашмоқ (فِي); 3) кўтармоқ (*мас., тошни*); 4) баҳор фаслини ўтказмоқ; اِرْتَبَعْنَا بِمَوْضِعِ كَذَا баҳорни фалон жойда ўтказдик; X اِسْتَرْبَعَ оёқни чалиштириб ўтирмоқ

– أَرْبَاعٌ *кўп.* النَّاسِ ~ оломон, тўда

– أَرْبَعٌ, أَرْبَعَةٌ тўрт; أَرْبَعَ عَشَرَ *ёки* أَرْبَعَةَ عَشْرَةَ ўн тўрт; ذَوَاتُ الـــ~ тўртоёқлилар; يَوْمُ الـــ~ чоршанба

– أَرْبَعَاءُ, أَرْبِعَاءُ يَوْمُ الـــ~ чоршанба

– أَرْبَعُونَ қирқ; الـــ~ а) қирқинчи; б) вафотдан кейинги

қирқинчи кун; حَفْلَةُ الْأَرْبَعِينَ вафотнинг қирқинчи куни ўтказиладиган маросим; عِيدُ الْأَرْبَعِينَ *дин.* (*христианларда*) Вознесение байрами; ◊ أُمُّ أَرْبَعٍ وَ أَرْبَعِينَ *зоол.* қирқоёқ

– أَرْبَعِينَاتٌ қирқинчи йиллар

– تَرْبِيعٌ 1) тўрт марта кўпайтириш; 2) *мат.* квадратга кўтариш, тўртга кўпайтириш; 3) *астр.* чорак (*Ой фазаси*)

– تَرْبِيعَةٌ ج. تَرَابِيعُ 1) квадрат; 2) кошин, нақшли (*рангли*) ғишт ..., кафел; 3) дераза ойнаси

– تَرْبِيعِيٌّ *мат.* квадратга оид; الْجَذْرُ الــــ ~ квадрат илдиз

– رَابِعٌ тўртинчи; عَشَرَ الــــ ~ ўн тўртинчи; ~ اً тўртинчидан

– رَبَاعٌ олдинги тишлар билан қозиқ тиши ўртасидаги тиши тушган (*ҳайвон*)

– رُبَاعَ тўрттадан; тўрт марта, тўрт карра

– رَبَّاعٌ оғир атлетикачи, штангист

– رِبَاعَةٌ йўртиш, йўртиб чопиш

– رُبَاعِيٌّ 1) тўртлик, тўрттадан иборат; الْأَحْرُفِ ~ тўрт ҳарфдан иборат; الْأَضْلَاعِ ~ *мат.* тўрттомонли; الْأَرْجُلِ ~ тўртоёқли; الْهَرَمُ الــــ ~ тўрт бурчакли пирамида; 2) *геол.* тўртламчи; الدَّوْرُ الــــ ~ тўртламчи давр; 3) *муз.* квартет; шеър, рубоий

– رَبَاعِيَةٌ *кўп.* ـَاتٌ 1) олдинги тиш, курак тиш; 2) олдинги тишлар билан озиқ тиш ўртасидаги тиш

– رُبَاعِيَّةٌ *кўп.* ـَاتٌ *муз.* квартет; шеър, рубоий; *мат.* кватернион (*комплекс сонларни умумлаштириш натижасида ҳосил бўлган сон*)

– رِبْعٌ тўрт кунлик давр; حُمَّى الــــ ~ кун оша тутадиган безгак

– رَبْعٌ[1] оғир атлетика билан шуғулланиш, оғир атлетикачининг машғулоти

– رَبْعٌ[2] *кўп.* رِبَاعٌ, رُبُوعٌ 1) яшаш жойи, қурилган уй-жой; 2) катта гуруҳ, компания; 3) *кўп.* ер, ҳудуд; رُبُوعُ الْبِلَادِ мамлакат ҳудуди; رُبُوعُ الْيَمَنِ Яман; رُبُوعُ الْعَالَمِ الْعَرَبِيِّ араб мамлакатлари ери (ҳудуди)

– رَبْعٌ[3] رَبْعَةٌ *шунингдек*: الْقَامَةِ ~ ўрта бўйли

– رُبْعٌ *кўп.* أَرْبَاعٌ 1) чорак, тўртдан бир; الدَّائِرَةِ ~ *астр. мат.* квадрант; 2) квартал (*йилнинг чораги*); سَنَوِيٌّ ~ кварталга оид, уч ойлик; руб (*4 қадаҳ ёки 8, 25 литрга тенг суюқлик ўлчов бирлиги*)

– رَبْعَةٌ[1] атторнинг халтачаси

– رَبْعَةٌ[2] ўрта бўйли; رَجُلٌ ~ ўрта бўйли одам

– رُبْعَةٌ *кўп.* رُبْعَاتٌ чорак, тўртдан бир; руба (*1/4* قَدَحٌ *ёки 0. 5l56 литрга тенг суюқлик ўлчов бирлиги*)

– رُبْعِيٌّ кварталга оид; مَجَلَّةٌ ~ ـَةٌ уч ойда бир чиқадиган журнал

– رِبْعِيٌّ баҳорги, баҳорий

– رَبِيعٌ *кўп.* رِبَاعٌ, أَرْبِعَةٌ 1) баҳор, баҳор пайти; الْأَوَّلُ ~ рабиул-аввал (*ҳижрий тақвимнинг учинчи ойи*): الثَّانِي ~ рабиу-ссоний (*ҳижрий тақвимнинг тўртинчи ойи*), أُمُّ الرَّبِيعَيْنِ Уммур-рабиайн (*Мосул шаҳри номларидан бири*); زَهْرَةُ الــــ ~ *бот.* наврўзгул; 2) ўт, майса; 3) ўртоқ, улфат; шерик, ҳамтовоқ

– رَبِيعَةٌ *кўп.* رَبَائِعُ динамометр

– رَبِيعِيٌّ баҳорги, баҳорий; الاعْتِدَالُ الــــ ~ баҳорги кеча-кундуз баравар пайт

– مُرَابِعٌ чоракор, ҳосилнинг чорагига ишловчи; فَلَّاحٌ ~ ҳосилнинг чорагини олиш шарти билан ишловчи деҳқон

– مُرَابَعَةٌ ҳосилнинг чораги учун ишланган иш, чоракорлик; نِظَامُ الــــ ~ чоракорлик тартиботи

– مِرْبَاعٌ тўртдан бир

– مَرْبَعٌ *кўп.* مَرَابِعُ 1) кўчманчиларнинг баҳорги кўчиб юрадиган ери, кўчманчилар баҳорда қўниб ўтадиган жой; الْوَطَنِ ~ жонажон тупроқ, жонажон (қадрдон) ерлар; 2) зал, жой, макон; 3) кўкаламзор, кўкаламайдон

– مُرَبَّعٌ 1) квадрат шаклидаги; тўртбурчакли; 5; *кўп.* ـَاتٌ квадрат; тўртбурчак; *шахм.* тахта; قَائِمُ الزَّاوِيَةِ ~ тўғрибурчак; شِبْهُ ~ трапецоид; مُنْحَرِفٌ ~ *мат.* трапеция; *полигр.* ҳарф ораларига қўйиб териладиган материал; ◊ سِحْرِيٌّ ~ сеҳрли (магияли) квадрат

– مُرَبَّعَةٌ *кўп.* ـَاتٌ (*шаҳардаги*) квартал, маҳалла

– مِرْبَعَةٌ *кўп.* ـَاتٌ 1) юк кўтарувчи кран; 2) *спорт.* штанга

– مَرْبُوعٌ *шунингдек*: الْقَامَةِ ~ ўрта бўйли

يَرْبُوعٌ *алиф. б. қар.*

I رَبَغَ (а) رَبْغٌ роҳат-фароғатда яшамоқ

– رَابِغٌ роҳат-фароғатли, омон-эсон; عَيْشٌ ~ бахтли ҳаёт

– رَبَاغَةٌ роҳат-фароғат, ҳузур, ҳузур-ҳаловат

I رَبَقَ (у) رَبْقٌ арқон (лассо) ташламоқ

– رِبْقٌ *кўп.* أَرْبَاقٌ, رِبَاقٌ арқон, арғамчи, лассо

– رِبْقَةٌ *кўп.* رِبَقٌ, رِبَاقٌ арқон, арғамчи, сиртмоқ, лассо; ◊ حَرَّرَ الاقْتِصَادَ مِنْ ~ الْقُيُودِ الاسْتِعْمَارِيَّةِ иқтисодий империализм кишанларидан озод этмоқ; خَلَعَ ~ الطَّاعَةِ لِــــ... кимгадир қарши қўзғолонга кўтарилмоқ; هُوَ فِي ~ الْحَيَاةِ у ҳали тирик

I رَبَكَ (ربك) (у) رَبْكٌ 1) мураккаблаштирмоқ, чалкаштирмоқ, қийинлаштирмоқ; 2) тинчини бузмоқ, нотинч қилмоқ; 3) мазасини кетказмоқ, мазасини қочирмоқ; رَبِكَ (а) رَبَكٌ 1) мураккаблашмоқ, чалкашмоқ; 2) тинчи бузилмоқ, нотинч бўлмоқ; IV أَرْبَكَ саросимага солмоқ, нотинч қилмоқ; VIII ارْتَبَكَ 1) чалкашиб кетмоқ, қийналмоқ; 2) тинчи бузилмоқ; саросимага тушмоқ; 3) барбод бўлмоқ, издан чиқмоқ

– ارْتِبَاكٌ 1) чалкашлик; мураккаблик, қийналиш; 2) нотинчлик;

саросима, ўзини йўқотиш; барбод бўлиш

– رَبْكٌ 1) қийинчилик; 2) саросимага солиш

– مُرْتَبِكٌ, رَبِكٌ 1) чалкашиб кетган; 2) саросимага тушган; қўрқоқ, юраксиз; 3) мазаси қочган

– رَبْكَةٌ саросима, барбодлик

رَبَالَةٌ тўлалик, барвасталик, норғиллик

– رَبْلٌ кўп. رُبُولٌ кўкат, майса, ўриб олинган ўт ўрнига ўсиб чиққан янги ўт

– رَبِلٌ тўла, барваста, норғул

– رَبْلَةٌ кўп. رَبَلَاتٌ болдир; сон (оёқдаги)

– رِبِّيلٌ тўла, барваста, норғил, семиз, миқти

رَبُّونٌ алиф. б. қар.

I (ربو) رَبَا (у) رُبُوٌّ ўсмоқ, улғаймоқ, ортмоқ, кўпаймоқ; (н. дандир) ошириб юбормоқ, орттириб юбормоқ, ошиб кетмоқ (عَلَى); رَبَا (у) رَبْوٌ ҳансираб нафас олмоқ; II رَبَّى 1) тарбияламоқ, тарбия бермоқ; 2) (мас., экинни, ҳайвонни) кўпайтирмоқ, ўстирмоқ; ◊ الْفَوَاكِهَ ~ بِالسُّكَّرِ мураббо тайёрламоқ; III رَابَى катта фоиз ҳисобига пул қарз бермоқ, судхўрлик қилмоқ; IV أَرْبَى кўпайтирмоқ, оширмоқ; (н. дандир) ошириб юбормоқ, орттириб юбормоқ (عَلَى); V تَرَبَّى 1) тарбияланмоқ, тарбия олмоқ; 2) кўпаймоқ, ошмоқ

– أُرْبِيَّةٌ алиф. б. қар.

– تَرْبَوِيٌّ тарбиявий, тарбияга оид

– تَرْبِيَةٌ 1) ўстириш, кўпайтириш; الزُّهُورِ ~ гулчилик; النَّبَاتَاتِ ~ ўсимликшунослик; الْمَوَاشِي ~ чорвадорлик; الدَّوَاجِنِ ~ паррандачилик; 2) ривожлантириш; الْبَدَنِيَّةُ الـ~ жисмоний тарбия, физкультура; 3) тарбия; таълим; عِلْمُ الـ~ педагогика; 4) тарбияланганлик; мулойимлик, одоблилик; قَلِيلُ الـ~ тарбиясиз, тарбияси ёмон

– تَرْبِيَوِيٌّ тарбиявий

– رَابٍ мн. رَابِيَةٌ баланд, катта

– رَابِيَةٌ кўп. رَوَابٍ тепалик, қир, баландлик

– رِبًا 1) порахўрлик; 2) судхўрлик; بِالـ~ التَّعَامُلُ судхўрлик билан шуғулланиш, судхўрлик қилиш

– رِبَاءٌ 1) порахўрлик; 2) судхўрлик; الْفَاحِشِ ~ ҳаддан зиёда фоизлар; بِالـ~ أَقْرَضَ النَّاسَ катта фоиз тўлаш шарти билан қарз бермоқ

– رَبَاوَةٌ кўп. اتٌ — баландлик, тепа, тепалик

– رَبْوٌ кўп. أَرْبَاءٌ 1) шунингдек: دَاءُ الـ~ мед. нафас қисилиш касали, астма; الشُّعَبِيُّ الـ~ бронхиал астма; الْخَرِيفِ ~ безгак; 2) ҳансираб олинган нафас

– رَبْوَةٌ, رُبْوَةٌ кўп. رُبًى тепалик, қир, адир

– رَبْوَةٌ кўп. رَبَوَاتٌ, رُبًى юз минг

– رِبَوِيٌّ 1) порага оид, порахўрликка оид; 2) судхўрликка оид

– مُرَابٍ мн. مُرَابِيَةٌ 1) порахўр; судхўр

– مُرَابَاةٌ судхўрлик

– مُرَبٍّ кўп. مُرَبُّونَ тарбиячи, мураббий, устоз, раҳбар

– مُرَبِّيَةٌ кўп. اتٌ — мураббия, устоз аёл

– مُرَبًّى кўп. مَرَابٍ кўчатзор, ниҳолхона, парваришхона; سَمَكِيٌّ ~ балиқ кўпайтиришга ихтисослашган парваришхона

– مُرَبًّى кўп. مُرَبَّيَاتٌ 1) мураббо, қиём; 2) мармелад (сол. шунингдек: مُرَبَّةٌ; қар. رب)

رِبُورْتَاجٌ кўп. اتٌ — репортаж

رُبُونٌ 1) қаров, кафиллик, кафолат; 2) заколат, аванс (сол. шунингдек: أُرْبُونٌ ва عُرْبُونٌ)

I رَتَّ (и/а) رَتَّتٌ тили тутилмоқ, дудуқланмоқ, соқовланмоқ

– أَرَتُّ мн. رُتٌّ кўп. رِتَاءٌ дудуқ, соқов

– رُتَّةٌ дудуқланиш, тутилиб гапириш

(رتب) II رَتَّبَ 1) тартибга келтирмоқ, тартибга солмоқ; тартиб билан қўймоқ; الْحُرُوفِ الْأَبْجَدِيَّةِ عَلَى ~ алифбо тартиби билан қўймоқ (жойлаштирмоқ); 2) яхши тайёрламоқ, яхши ҳозирламоқ; 3) тайин қилмоқ, тайинламоқ; الْمَسْؤُولِيَّةَ ~ масъулият юкламоқ, жавобгарликни бўйнига қўймоқ; 4) (н. ғадир) сабаб бўлмоқ (عَلَى); V تَرَتَّبَ 1) тартиб билан терилмоқ, яхши тайёрланмоқ; тартиб билан қўйилмоқ; صُفُوفًا ~ сафланмоқ, сафларга тизилмоқ; 2) (н. нингдир) натижаси бўлмоқ (عَلَى), (н. дандир) келиб чиқмоқ (عَلَى)

– تَرْتِيبٌ кўп. اتٌ — 1) тайёрлаш; ташкил этиш; 2) тартиб; жойлашиш; режа, план; بِالـ~ тартиб билан; عَلَى غَيْرِ ~ هِجَائِيٍّ алифбо тартибсиз ҳолда, тартибсиз равишда; ~ алифбо тартиби; عَدَمُ الـ~ тартибсизлик; ~ бетартиб; الَّذِي ... الـ~ الْتَزَمَ ...ган тартибга риоя қилмоқ; 3) кўп. а) жиҳозлаш, жиҳоз; б) чора, тадбир

– تَرْتِيبِيٌّ тартибли, тартибий; عَدَدٌ ~ грам. тартиб сон

– رَاتِبٌ [1] бир текис, бир ўлчовдаги, бир маромдаги; бир хил, бир турдаги

– رَاتِبٌ [2] 1) белгиланган, ўрнатилган: 2) кўп. رَوَاتِبُ белгиланган нарса; رَوَاتِبُ الْقُرْآنِ ёки الرَّوَاتِبُ Қуръони карим поралари; белгиланган кун ва соатда ўқиладиган намозлар; намозлар тўплами; 2) маош, ойлик, мояна, иш ҳақи; تَقَاعُدِيٌّ ~ нафақа, пенсия; إِمَامُ الـ~ доимий (штатли) имом; 3) маълум вақтга мўлжаллаб бериладиган озиқ-овқат

– رَتَابَةٌ 1) қотиб қолганлик, мутаассиблик, қолоқлик; 2) бир хиллик, бир тарзлик

– رَتْبَةٌ *кўп.* رُتَبٌ (*зина ёки нарвоннинг*) поғонаси

– رُتْبَةٌ *кўп.* رُتَبٌ 1) даража; الـ~ الْجَامِعِيَّةُ илмий даража; 2) қадр қиймат; унвон; мартаба; مَنْ نَالَ ~ تَغَيَّرَ سَرِيعًا *мтл.* мартабага эришган одам тез ўзгаради; 3) нав, сифат, сорт; 4) *мат.* хона; ~ الْعَشَرَاتِ ўнлар хонаси; ~ الْمِئَاتِ юзлар хонаси

– رَتَابَةٌ = رُتُوبَةٌ

– رَتِيبٌ 1) қотиб қолган, мутаассиб, қолоқ; 2) бир хил, бир тарздаги; бир текис, бир ўлчовдаги, бир маромдаги; عَيْشٌ ~ бир хил ўтаётган ҳаёт

– مُرَتَّبٌ 1) тайёрланган; тартибга келтирилган; 2) *кўп.* ــاتٌ маош, мояна, ойлик, иш ҳақи; ~ شَهْرِيٌّ لِلطَّالِبِ стипендия; تَقَاضَى الـ~ маош олмоқ, мояна олмоқ

– مَرْتَبَةٌ *кўп.* مَرَاتِبُ 1) даража; поғона; 2) *мат.* хона; ~ الْآحَادِ бирлар хонаси; ~ الْعَشَرَاتِ ўнлар хонаси; ~ الْمِئَاتِ юзлар хонаси; 3) қадр-қиймат; الـ~ الثَّالِثَةُ *тар.* учинчи табақа (сословие); 4) ўрин, мартаба, аҳвол; احْتَلَّ الـ~ الْأُولَى а) (*мас., сифат жиҳатидан*) биринчи даражали бўлмоқ (*товар ҳақида*); б) *спорт.* биринчи ўринни эгалламоқ; 5) матрас, кўрпа; 6) скамейка, ўриндиқ

I رَتَجَ (رتج) رَتْجٌ (*у*) (*эшикни*) ёпмоқ, беркитмоқ; رَتِجَ (*а*) қийналиб гапирмоқ, тутилиб гапирмоқ; дудуқланмоқ; ~ عَلَيْهِ الْأَمْرُ қийин вазиятда қолмоқ; IV أَرْتَجَ ёпмоқ, беркитмоқ; أُرْتِجَ عَلَيْهِ الْكَلَامُ қийналиб (тутилиб) гапирмоқ; أُرْتِجَ ~ عَلَى الْقِرَاءَةِ у ўқий олмади; VIII ارْتَتَجَ = IV

– رِتَاجٌ *кўп.* رُتُجٌ дарвоза, ёпиқ дарвоза

– رِتَاجٌ = رَتَجٌ

– مِرْتَاجٌ *кўп.* مَرَاتِيجُ ёғоч тамба, ёғоч лўкидон

I رَتَعَ (*а*) رُتُوعٌ 1) бемалол ўтлаб юрмоқ; 2) эркин яшамоқ; ҳузур қилмоқ; маза қилмоқ; ўйноқламоқ (*болалар ҳақида*)

– مَرْتَعٌ *кўп.* مَرَاتِعُ 1) яйлов, ўтлоқзор; 2) кенглик, яланглик, бепоёнлик; 3) *шунингдек:* ~ خَصْبٌ (*бирор н. учун*) замин, шароит (ـلـ)

I رَتَقَ (*и, у*) رَتْقٌ тузатмоқ, ямоқ қилмоқ, ямамоқ; тикмоқ, чокламоқ

– رَاتِقٌ 1) ямоқчи, ямоқ солувчи

– رَتْقٌ 1) тикилган, чокланган; 2) бир бутун, яхлит

I رَتَكَ (*у*) رَتْكٌ йўрғалаб чопмоқ

– مَرْتَكٌ *кимё.* қўрғошин оксиди; *тех.* глет (*қўрғошин оксидининг техникадаги номи*)

(رتل) II رَتَّلَ куйламоқ, ашула айтмоқ, (*Қуръони карим оятларини*) оҳангга солиб куйлагандек ёки қироат билан ўқимоқ

– تَرْتِيلٌ куйлаш

– تَرْتِيلَةٌ *кўп.* تَرَاتِيلُ ашула; гимн, нашида

– رَتَلٌ *кўп.* أَرْتَالٌ қатор, саф, қатор-қатор; ~ مِنَ الدَّبَّابَاتِ танклар колоннаси

– رُتَيْلَاءُ *кўп.* رُتَيْلَاوَاتٌ заҳарли ўргимчак; фаланга; ўргимчак бийи

– رُتَيْلَاءُ = رُتَيْلَى

– مُرَتِّلٌ куйловчи, хонанда, ҳофиз; сайроқи

I رَتَمَ (*и*) رَتْمٌ: ~ مَا ~ بِكَلِمَةٍ у бир сўз ҳам айтмади, у оғиз очмади

IV أَرْتَمَ бирор нарсани унутмаслик учун бармоққа ип ўраб олмоқ

– رَتَمٌ¹ *бот.* сариқ ёки оқ гуллайдиган ловиядошлар оиласига кирувчи бута

– رَتَمٌ² ратам (*сафар олдидаги одат. Қадимда сафар олдидан эркаклар бу бутанинг икки новдасини бир-бирига чирмаб кетар эканлар. Сафардан келганларида новдалар ўша ҳолатда турган бўлса, демак, аҳли аёли унга хиёнат қилмаган, акс ҳолда эса хиёнат қилган деб ҳисобланар экан*)

– رَتْمَةٌ *кўп.* رَتَمٌ ёки رَتِيمَةٌ *кўп.* رَتَائِمُ хотирадан чиқармаслик учун бармоққа ўралган ип

رُتُوشٌ туш билан сувратнинг кам-кўстини тўғрилаш, ~ بِلَا муболағасиз, гапга тўн кийгизмасдан

رُتَيْنَةٌ *кўп.* رُتَائِنُ *эл.* қизитиш сеткаси, чўғлаш сеткаси

I رَتَا (رتو) رَتْوٌ (*у*) қадам қўймоқ, қадам ташламоқ

– رَتْوَةٌ қадам

I رَثَّ (*и/а*) رَثَاثَةٌ эскимоқ, тўзимоқ, йиртилмоқ (*кийим ҳақида*); IV أَرَثَّ эскиртмоқ, эскитмоқ; VIII ارْتُثَّ ўлар ҳолатда жанг майдонидан олиб чиқилмоқ

– رَثٌّ эски, тўзиган, тулаган, эскирган; *шунингдек:* ~ الْهَيْأَةِ йиртиқ, жулдур

– رَثَاثَةٌ тўзиганлик, эскирганлик

– رِثَةٌ *қар.* ورث

– رِثَّةٌ *кўп.* رِثَاثٌ эскирган нарса, йиртилган нарса

– رَثَاثَةٌ = رُثُوثَةٌ

– رَثٌّ = رَثِيثٌ¹

– رَثِيثٌ² ярадор

I رَثَا (رثو) رَثْوٌ، رِثَاءٌ (*у*) ўлганга йиғламоқ; (*к. нидир*) аямоқ, (*к. гадир*) раҳм қилмоқ, шафқат қилмоқ (ـلـ); ~ الْمَيِّتَ ўлган одамга йиғламоқ; ~ هُ بِمَرْثَاةٍ мунгли шеър билан (*марсия билан*) кимнингдир ўлганига йиғламоқ; رِثَاءٌ (*и*) رَثَى ўлганга йиғламоқ; (*к. нидир*) аямоқ, (*к. гадир*) раҳм (шафқат) қилмоқ (ـلـ); فِي حَالٍ يُرْثَى لَهُ аянчли, ачинишга лойиқ ҳолатда

– رِثَاءٌ 1) ўлганга йиғлаш; 2) таъзиянома; 3) марсия

– رَثْيٌ ўлганга йиғлаш; 2) ачиниш

– رَثْيَةٌ *мед.* бўғин яллиғланиши, артрит; бўғин оғрийдиган касаллик, подагра

– مَرْثَاةٌ, مَرْثِيَةٌ *кўп.* مَرَاثٍ марсия; (*к. нидир деб*) йиғлаш

I رَجَّ (*а/у*) رَجٌّ силкитмоқ, қоқмоқ, силкимоқ, титратмоқ, чайқамоқ; رُجَّ титрамоқ, чайқалмоқ; VIII ارْتَجَّ 1) силкинмоқ, қоқилмоқ; қалтирамоқ; 2) тебранмоқ; чайқалмоқ, тўлқинланмоқ

– ارْتِجَاجٌ силкиниш, қалтираш, тебраниш; الـ~ الْمُخِيُّ ёки ~ الْمُخِّ *мед.* миянинг чайқалиб лат ейиши

– رَجَّاجٌ қалтироқ

– رَجَّةٌ *кўп.* ـَاتٌ ــ 1) зарба, зарб, уриш, урилиш; (*вагондаги*) силкиниш; 2) ларза, путур; 3) (*момақалдироқнинг*) гулдираши

– مُرْتَجٌّ силкинувчи, қалтироқ; ~ صَوْتٌ қалтироқ овоз

(رجأ) IV أَرْجَأَ (*бирор н. бўлгунча*) кечиктириб (*орқага суриб, қолдириб*) турмоқ, кечиктирмоқ (إِلَى)

– إِرْجَاءٌ орқага суриш, кечиктириш; الـ~ *тар.* Муржийлар таълимоти (*нажот учун эътиқоднинг ўзи кифоя, хайрли ишларни эса орқага суриб туриш мумкин*)

– مُرْجِئٌ орқага сурувчи, кечиктирувчи; الـ~ـَةُ *жам. тар.* мурджийлар

I رَجَبَ (*у*) رُجُوبٌ (*к. дандир, н. дандир*) қўрқмоқ (*туш. к. ёки مِنْ*); رَجِبَ (*а*) رَجَبٌ қўрқмоқ, ҳайиқмоқ

– رَاجِبَةٌ *кўп.* رَوَاجِبُ (*бармоқдаги*) бўғим

– رَجَبٌ ражаб (*қамарий тақвимнинг еттинчи ойи; 30 кун*); ~ ان ражаб ва шаъбон ойлари

I رَجَحَ (*а*) رُجُوحٌ 1) босиб кетмоқ, оғир келмоқ; 2) (*н. нингдир*) вазнини қўлда чамалаб кўрмоқ, тахмин қилмоқ (بِيَدِهِ); II رَجَّحَ 1) оғир келтимоқ; 2) тахмин қилмоқ; ўз тахминини айтмоқ; يُرَجِّحُ أَنَّ . . . . . бўлса керак, ... эҳтимол; 3) (*н. нидир*) афзал кўрмоқ (عَلَى); 4) (*болани*) тебратмоқ тебратиб ухлатмоқ; IV أَرْجَحَ тарози палласини босиб турмоқ; V تَرَجَّحَ 1) тебранмоқ, силкинмоқ, чайқалмоқ; 2) энг кўп эҳтимоли бор бўлмоқ; 3) (*бирор жойга*) зўрға айланиб қайтиб келмоқ (إِلَى); VIII ارْتَجَحَ тебранмоқ, силкинмоқ, гоҳ орқага, гоҳ олдинга бориб-келиб турмоқ; X اسْتَرْجَحَ тахминан (*н. нингдир даврига*) мансуб деб билмоқ (عَلَى)

– أَرْجَحُ оғир келадиган, вазмин келадиган, тош босадиган, энг яхши энг, қулай; энг мумкин бўладиган, энг эҳтимоли кўп: وَ~ الظَّنُّ أَنَّ . . . ... бўлса керак, ... эҳтимоли бор; وَالـ~ أَنَّ . . . энг эҳтимоли кўпи шуки, ...; عَلَى الـ~ бўлса керак, эҳтимол

– أَرْجَحِيَّةٌ тошнинг босиб кетиши, ортиқлик, кўплик, устунлик; афзаллик

– أُرْجُوحَةٌ *кўп.* أَرَاجِيحُ 1) арғимчоқ, ҳайинчалак; 3) бешик, беланчак; 3) *спорт.* икки учига арқон боғлаб осиб қўйилган темир таёқ, гимнастика асбоби

– تَرْجِيحٌ 1) афзал кўриш, устун кўриш; 2) эҳтимоллик

– رَاجِحٌ тош босадиган, ортиқ келувчи, афзал, имкони бор, эҳтимоли бор, الـ~ أَنَّ . . . وَ эҳтимолки, ...; عَقْلٌ ~ кучли ақл, катта ақл

– رَجَاحَةٌ беозорлик, мулойимлик; вазминлик, босиқлик; жиддийлик; ~ الْعَقْلِ мулоҳазалилик, бамаънилик

– رُجَّاحَةٌ 1) арғимчоқ, ҳайинчалак; 2) бешик; 3) дам олиш учун қилинган осма тўр беланчак, гамак

– رُجْحَانٌ вазмин келиш, тош босиш; устун келиш, афзал бўлиш

– رُجْحَانِيَّةٌ : الـ~ *фалс.* пробабилизм (*диний-фалсафий таълимот*)

– رَجِيحٌ аъло даражадаги, зўр, ҳаммадан устун келадиган; عَقْلٌ ~ соғлом ақл

– مُرَجِّحٌ тош босишига олиб келадиган, вазмин келтирадиган, оғир қиладиган; ~ صَوْتٌ ҳал қилувчи овоз

– رُجَّاحَةٌ = مَرَاجِيحُ *кўп.* مُرْجِيحَةٌ, مَرْجُوحَةٌ

I رَجَدَ (*у*) رَجَادٌ бойлам нарсаларни (боғламларни) хирмонга ташимоқ

رَجْرَجَ 1) титрамоқ, тебранмоқ; 2) тез ҳаракат қилмоқ; تَرَجْرَجَ титрамоқ, тебранмоқ; 2) ҳаракатланмоқ, қимирламоқ; келиб чиқмоқ

– رَجْرَاجٌ 1) қалтировчи, тебраниб турган; ~ حُورٌ тоғтерак; 2) ҳаракатланаётган, қимирлаётган; ~ بَحْرٌ тўлғаниб турган денгиз

– رَجْرَجَةٌ қалтираш, титраш; тебраниш

(رجز) III رَاجَزَ ражаз (*қар.* رَجَزٌ) вазнидаги шеър билан мушоира қилмоқ; VIII ارْتَجَزَ 1) ражаз вазнида шеър ўқимоқ *ёки* шеър хиргойи қилмоқ; 3) (*момақалдироқ*) гумбирламоқ

– أُرْجُوزَةٌ *кўп.* أَرَاجِيزُ ражаз вазнида ёзилган шеър

– رَجَزٌ ражаз (*шеър вазни номи*)

– رِجْزٌ, رُجْزٌ *кўп.* أَرْجَازٌ тангри томонидан юборилган жазо; 2) ифлослик, бузуқлик

I (رجس) رَجِسَ (*а*) رَجَسٌ *ёки* رَجُسَ (*у*) رَجَاسَةٌ ўзига доғ туширмоқ, ўзини бадном қилмоқ; ифлос бўлмоқ, мурдор бўлмоқ, ҳаром бўлмоқ; رَجَسَ (*у*) رَجْسٌ 1) ўкирмоқ, бўкирмоқ (*туя ҳақида*); 2) шовулламоқ, шалдирамоқ (*ёмғир ҳақида*); 3) гумбурламоқ (*момақалдироқ ҳақида*)

– رَجَّاسٌ ўкираётган; гумбурлаётган; шариллаётган

– رَجَسٌ ифлослик, бузуқлик; ҳаромлик, мурдорлик

– رِجْسٌ *кўп.* أَرْجَاسٌ 1) ифлослик; ифлос нарсалар, қабоҳат, мурдорлик, қабиҳ ҳаракат; аблаҳлар, ифлослар; 2) жиноят

– مِرْجَاسٌ *кўп.* مَرَاجِيسُ *ден.* лот (*денгиз чуқурлигини ўлчайдиган асбоб*)

I رَجَعَ (*и*) رُجُوعٌ 1) қайтмоқ, қайтиб келмоқ; ~ إِلَى صَوَابِهِ кўриб

хато йўлдан қайтмоқ; ~ بِخُفَّيْ حُنَيْنٍ икки қўлни бурунга тиқиб қайтмоқ (*сўзма-сўз:* Ҳунайннинг икки ботинкаси билан қайтмоқ); 2) (*н. нидир*) тикламоқ, янгиламоқ (إِلَى); (*н. нидир*) қайтармоқ, орқасига қайтармоқ (ب); 3)(*к. гадир. н. гадир*) мурожаат қилмоқ (إِلَى); (*н. нидир*) далил қилиб кўрсатмоқ (إِلَى); 4) (*н. гадир*) бориб тақалмоқ. мансуб бўлмоқ (إِلَى); 5) (*н. нидир*) тарк этмоқ, ташламоқ, ташлаб юбормоқ (عَنْ); ~ عَنْ عَزْمِهِ ўз қароридан қайтмоқ; ~ فِي ваъдага хилоф иш қилмоқ, гапирган гапидан қайтмоқ;(عَلَى عَقِبِهِ ~ (أَعْقَابِهِ *қар.* عَقِبٌ; 6) (*к. гадир*) яхши таъсир этмоқ (فِي); (*к. гадир*) даво бўлмоқ, фойдаси бўлмоқ (*дори ҳақида*) (فِي); II رَجَّعَ 1) қайтармоқ, қайтариб юбормоқ; 2) қайтармоқ, такрорламоқ; акс-садо бермоқ; 3) куйламоқ, жўр бўлиб ашула айтмоқ, ашулага қўшилмоқ; 4) мусибат тушганда إِنَّا لِلّٰهِ وَإِنَّا إِلَيْهِ رَاجِعُونَ иборасини айтмоқ; III رَاجَعَ 1) яна қайтмоқ; қайтармоқ, такрорламоқ; ~ دُرُوسَهُ дарсларни такрорламоқ; ~ سُؤَالَهُ بَيْنَهُ وَبَيْنَ نَفْسِهِ ўзига-ўзи савол бермоқ, ўзига савол бермоқ; 2) (*н. нидир*) яна қайтармоқ, қайтариб бермоқ; 3) (*к. гадир*) мурожаат қилмоқ; (*бирор н. ҳақида*) маслаҳат сўраб мурожаат қилмоқ (فِي); رَاجِعْ (шунингдек: يُرَاجَعُ) қаралсин (*бирор манбага мурожаат қилинганида*); 4) текширмоқ (*мас., бирор жойга кираётганда билетни*); солиштириб чиқмоқ; назорат қилмоқ, контрол қилмоқ; 5) (*справочникка*) қарамоқ; (*бирор н. ҳақида*) маълумот бермоқ (فِي); 6) қараб чиқмоқ, кўриб чиқмоқ, кўздан кечирмоқ (*цензура ҳақида*); 7) *юр.* ишни кўриб чиқмоқ; 3) акс-садо бермоқ; IV أَرْجَعَ 1) қайтармоқ, орқага қайтармоқ; ~ الشَّيْءَ إِلَى أُصُولِهِ таҳлил қилмоқ, анализ қилмоқ; 2) (*вақт нуқтаи назаридан бирор н. га*) мансуб деб билмоқ (إِلَى); 3) (*н. дандир*) қайтармоқ, қайтишга кўндирмоқ (عَنْ); ~ عَنْ قَرَارِهِ қароридан қайтармоқ; 4) ахлат чиқармоқ; VI تَرَاجَعَ 1) орқага қайтмоқ, чекинмоқ; 2) таназзулга (инқирозга) юз тутмоқ; VIII ارْتَجَعَ 1) орқага юрмоқ; (*н. дандир*) чекинмоқ (عَنْ); 2) орқага қайтармоқ; ўзига яна қайтармоқ, яна қайтариб олиб келмоқ; X اسْتَرْجَعَ 1) қайтаришни талаб қилмоқ; чақириб олмоқ; қайтармоқ, орқага қайтармоқ; ~ ذِكْرَيَاتٍ хотираларни тикламоқ; ~ عَافِيَتَهُ касалликдан сўнг тузалмоқ, ўзига келмоқ; ~ دُرُوسَهُ дарсларини қайтармоқ; 2) қайтариб олмоқ; ~ نَفْسَهُ (*қўрқувдан кейин*) ҳушига (ўзига) келмоқ; إِنَّا لِلّٰهِ إِنَّا إِلَيْهِ رَاجِعُونَ "биз Оллоҳга тегишлимиз ва унинг даргоҳига қайтамиз" иборасини талаффуз қилмоқ

– ارْتِجَاعٌ 1) орқага қайтиш; 2) *сиёс.* реакция

– ارْتِجَاعِيٌّ 1) реакцион; 2) реакционер

– اسْتِرْجَاعٌ (*н. нидир*) қайтиб беришни талаб қилиш; тортиб олиш

– تَرَاجُعٌ чекиниш, орқага қайтиш; ~ خَطُّ чекиниш чизиғи

– تَرْجِيعٌ 1) нақарот; 2) қайтариш, такрорлаш; 3) (*н. нидир*) қайтариш

– رَاجِعٌ 1) қайтувчи, қайтарилувчи; такрорланадиган, қайтарма; الْحُمَّى الـ~ـة такрорланиб турадиган безгак; 2) эри вафот этгач, қизликдаги уйига қайтган аёл

– رَجْعٌ[1] қайтиш, орқага қайтиш; ~ الصَّوْتِ акссадо; ◊ فِي ~ الْبَصَرِ кўз очиб-юмгунча, бир лаҳзада

– رَجْعٌ[2] ёмғир; وَالسَّمَاءِ ذَاتِ الـ~ *Қур.* ёмғир ёғаётган осмонга қасамки, ...

– رَجْعَةٌ 1) қайтиш, орқага қайтиш; لَا ~ لَهُ *ёки* بِلَا ~ *ёки* إِلَى غَيْرِ ~ қайтмайдиган бўлиб; 2) (*мас., қўшиннинг*) чекиниши; ~ خَطُّ чекиниш чизиғи; 3) *сиёс.* реакция; 4) *тилхат.* квитанция; 5) *биол.* атавизм, қадимги белгиларнинг кейинчалик яна пайдо бўлиши; 6) баъзи динларда: инсон ўлганидан кейин руҳ бошқа одамга ўтади деган таълимот

– رَجْعَةٌ *кўп.* رَجَعَاتٌ тилхат

– رُجْعَةٌ *шар.* талоқ қилинган хотин билан яна никоҳланиш

– رُجْعَى = رَجْعٌ

– رَجْعِيٌّ 1) орқага қайтувчи; регрессив; 2) *сиёс.* реакцион; 3) эълон этилмасдан олдинги ишларга жорий этиладиган (*қонун ҳақида*); ~ أَثَرٌ *юр.* эълон этилмасдан олдинги ишларга жорий этилиши; ~ قَانُونٌ ذُو أَثَرٍ эълон қилинишидан олдинги ишларга жорий этиладиган қонун;3) реакционер

– رَجْعِيَّةٌ 1) реакционлик; 2) *сиёс.* реакция; غُلَاةُ الـ~ ўта реакционерлар; 3) *юр.* эълон этилишидан олдинги ишларга жорий қилиниш

– رُجُوعٌ қайтиш, орқага қайтиш; (*бирор н. га*) мурожаат қилиш (إِلَى) ◊ ~ فَحْمٍ кул, хок, чиқит

– رَجِيعٌ 1) қайтарилган, қолдиқ бўлиб қолган; ~ فَحْمٍ кул, хок, чиқит; 2) ахлат, чиқинди, нажас, нажосат

– مُرَاجِعٌ ревизор; назоратчи

– مُرَاجَعَةٌ 1) муҳокама қилиш, кўриш; кўриб текшириб чиқиш; 2) солиштириш, солиштириб кўриш; 3) (*бирор н. га*) мурожаат қилиш; консультация; كِتَابُ الـ~ справочник, маълумотнома; 4) *юр.* (*ишни*) қайта кўриш; 5) назорат, контроль, ревизия

– مَرْجَعٌ *кўп.* مَرَاجِعُ 1) бир-бирига бўйсунадиган идора босқичи; مَرَاجِعُ الْاخْتِصَاصِ الْمَرَاجِعُ الرَّسْمِيَّةُ идораларнинг расмий босқичи; масалани ҳал қилишда тўла ҳуқуққа эга бўлган идоралар; 2) паноҳ, бошпана, бекиниш жойи; 3) эътиборли манба; қўлланма, справочник (*маълумотнома*); ~ فِي الْحِسَابِ арифметика бўйича қўлланма; ~ فِي الْجَبْرِ (الْهَنْدَسَةِ) алгебра (геомотрия) бўйича қўлланма; ◊ الـ~ الْأَخِيرُ (*кутилиш учун қўлланадиган*) сўнгги восита

I رَجَفَ (у) رَجْفٌ 1) силкитмоқ, тебратмоқ; 2) силкинмоқ, тебранмоқ; қалтирамоқ; IV أَرْجَفَ 1) ташвишли овозалар тарқатмоқ; ғулғула солмоқ;2) (*бирор н. га*) киришиб кетмоқ (فِي).

(*бирор н. га*) берилиб кетмоқ (فِى); VIII اِرْتَجَفَ силкинмоқ, тебранмоқ, титрамоқ, қалтирамоқ; ~ مِنَ الْبَرْدِ совуқдан қалтирамоқ

– إِرْجَافٌ[1] миш-мишлар тарқатиш

– إِرْجَافٌ[2] *кўп.* أَرَاجِيفُ миш-мишлар, ташвишли ёлғон-яшиқ гаплар, уйдирмалар

– رَاجِفٌ силкитувчи, қалтироқ солувчи; الْحُمَّى الـ~ـة қайталаниб турадиган безгак

– الـ~ رَاجِفَةٌ а) *дин.* (*қиёмат кунида*) сурнинг биринчи чалинган овози; б) *кўч. м.* ҳамманинг бошига тушган кулфат

– رَجَفَانٌ кучли силкиниш

– رَجْفَةٌ титраш, қалтираш; титроқ, ларза

– مُرْجِفٌ 1) миш-миш тарқатувчи; 2) ваҳимачи

I رَجِلَ (*a*) رَجَلٌ пиёда юрмоқ; II رَجَّلَ (*сочни*) тарамоқ, тараб силлиқламоқ; V تَرَجَّلَ 1) (*отдан*) тушиб пиёда юрмоқ; (*машинадан*) тушмоқ; 2) балоғатга етмоқ; 3) ўзини эркакча тутмоқ (*аёл ҳақида*); VIII اِرْتَجَلَ тайёргарликсиз гапирмоқ *ёки* шеър ўқимоқ; X اِسْتَرْجَلَ 1) балоғатга етмоқ, йигит ёшига етмоқ; 2) ўзини эркакча тутмоқ (*аёл ҳақида*)

– اِرْتِجَالٌ тайёргарликсиз гапириш *ёки* шеър ўқиш; ~ًا тайёргарликсиз, қуққисдан, тўғридан-тўғри

– أَرْجَلُ 1) оёғидан бирида оқ ёли бор от; 2) оёғи катта одам

– رَاجِلٌ 1) пиёда; ~ًا пиёда юриб; 2) *кўп.* رَجَّالَةٌ йўловчи

– رَوَاجِيلُ *кўп.* пиёда аскарлар

– رَجَالاَتٌ *кўп.* арбоблар

– رَجَّالَةٌ *кўп.* пиёдалар, йўловчилар

– رِجَالِيٌّ эркакларга оид (*кийим ҳақида*)

– رَجْلٌ[1] пиёда; *жам.* пиёдалар; 2) йўловчи; *жам.* йўловчилар

– رَجْلٌ[2], رَجِلٌ жингалак, тарам-тарам (*соч ҳақида*)

– رَجُلٌ *кўп.* رِجَالٌ 1) эркак киши; эр; 2) одам; الـ~ الْعَدْلُ содда одам; الـ~ الْقَوِىُّ кучли одам; الـ~ الْمَرِيضُ *эск.* касал одам (*эски Туркия ҳақида*); ~ دَوْلَةٍ давлат арбоби; رِجَالُ الْإِذَاعَةِ وَ السِّينَمَا وَ التِّلِفِزْيُونِ радио, кино ва телевидение ходимлари; رِجَالُ الْأَعْمَالِ савдогарлар, ишбилармонлар, бизнесменлар; رِجَالُ الْبُولِيسِ полиция; رِجَالُ التَّعْلِيمِ ўқитувчилар, педагоглар; رِجَالُ السُّلْطَةِ ҳокимият вакиллари; رِجَالُ السِّلْكِ الدِّبْلُومَاسِيِّ дипломатлар, дипломатик корпус; رِجَالُ السِّيَاسَةِ сиёсатдонлар, сиёсатшунослар; رِجَالُ الصَّحَافَةِ журналистлар; رِجَالاَتٌ *кўп.* арбоблар, ходимлар; رِجَالُ الْفِكْرِ وَ الْعِلْمِ وَ الْأَدَبِ мутафаккирлар, олимлар ва адиблар; رِجَالُ اللاَّهُوتِ дин арбоблари (пешволари); رِجَالٌ نُكَرَاتٌ номи чиқмаган одамлар; 3) *карт.* король; ◊ وَ جَمِيعُهُمْ عِنْدَ الشَّدَائِدِ ~ وَاحِدٌ قَلْبٌ وَاحِدٌ барчалари оғир кунда бир жон-бир тандирлар

– رِجْلٌ[1] *кўп.* أَرْجُلٌ оёқ; кейинги оёқ, орқа оёқ (*ҳайвонларда*); ~ الْبَنْطَلُونِ шимнинг почалари; ◊ ~ الْأَرْنَبِ *бот.* беда, йўнғич-қа; ~ الْجَوْزَاءِ *астр.* Жавзо (Регел); الدُّنْيَا وَاقِفَةٌ (قَائِمَةٌ) عَلَى ~ ҳамма оёққа турган; وَقَفَ عَلَى رِجْلَيْهِ *маж.* оёққа турмоқ, куч тўпламоқ, кучга кирмоқ; وَقَطَعَ ~ـهُ مِنْ بَيْتِهِمْ уларнинг уйидан оёғини тортди, уларникига бормай қўйди; ~ـهُ وَ الْقَبْرِ бир оёғи гўрда

– رِجْلٌ[2] *кўп.* أَرْجَالٌ 1) (*чигиртка*) галаси, тўдаси; 2) (*балиқлар*) тўдаси, галаси

– رَجْلاَنُ *кўп.* رَجْلَى пиёда, пиёда юрувчи

– رَجْلَةٌ аёл киши

– رِجْلَةٌ *бот.* семизўт, гулбеор; итқулоқ; ◊ هُوَ أَحْمَقُ مِنْ ~ у қип-қизил аҳмоқ (*сўзма-сўз:* у итқулоқ ўсимлигидан ҳам аҳмоқ)

– رُجُولِيَّةٌ, رُجُولَةٌ 1) эркаклик ғурури, йигитлик ҳамияти; 2) балоғатга етганлик, вояга етганлик; بَلَغَ دَرَجَةَ الـ~ йигит ёшига етмоқ, вояга етмоқ; 3) мардлик, жасурлик, ботирлик, мардонаворлик

– مُرْتَجَلٌ тайёргарликсиз, тайёргарлик кўрилмаган (*иш*)

– مِرْجَلٌ *кўп.* مَرَاجِلُ қозон; ~ كَهْرَبَائِيٌّ электр қозони; ~ لِلصَّهْرِ мартен печи; غُرْفَةُ الـ~ـةِ қозонхона; ◊ يَخْتَدِمُ ~ بَيْنَ يَغْلِي ~ـهُ *ёки* جَنْبَيْهِ у ғазабдан қайнаб тошмоқда

I رَجَمَ (*у*) رَجْمٌ 1) (*шайтонни, бузуқ аёлни*) тошбўрон қилмоқ; 2) лаънатламоқ; ◊ ~ بِالْغَيْبِ а) гумон қилмоқ, фараз қилмоқ; б) (*н. нидир*) таваккалига (ўйламасдан) қилмоқ; II رَجَّمَ 1) гумон (тахмин) қилмоқ, (*н. нидир*) чамалаб кўрмоқ (بِ); 2) тош тўплаб (*қабрни*) дўмса қилмоқ; VI تَرَاجَمَ ўзаро бир-бирига тош отишмоқ

– رَجْمٌ[1] тошбўрон қилиш; ◊ ~ بِالْغَيْبِ гумон (фараз) қилиш, гумон, фараз; ~ًا بِالْغَيْبِ ўйламасдан, таваккалига; قَذَفَ حُصَاةً ~ًا بِالْغَيْبِ тошларни мўлжалламай, таваккалига ирғитмоқ (отмоқ)

– رَجْمٌ[2] *кўп.* رُجُومٌ отиладиган (ирғитиладиган) снаряд

– رَجْمٌ[3] *кўп.* رُجُومٌ учар юлдуз, метеор

– رَجْمَةٌ тош зарбаси, тош билан уриш; ◊ ~ بِالْغَيْبِ ўйламасдан, таваккалига

– رَجْمَةٌ *кўп.* رِجَامٌ, رُجَمٌ 1) тош уюми; 2) қабр тоши

– رَجِيمٌ 1) тошбўрон қилинган; 2) лаънати. малъун (*шайтоннинг лақаби*); الشَّيْطَانُ الـ~ шайтони ражим, лаънати шайтон

– مُرَجَّمٌ шубҳали, амалга ошиш эҳтимоли оз бўлган; مُرَجَّمَاتٌ

الظُّنُونِ шубҳали тахминлар

رَجِيمٌ режим; парҳез

رَجِينَةٌ кўп. رَجَائِنُ дарахт елими, елим

– مَرْجُونَةٌ кўп. ـــَاتٌ, مَرَاجِينُ сават, кажава

I (رجو) رَجَا (у) رَجَاءٌ 1) умид қилмоқ, умид боғламоқ, умидвор бўлмоқ; 2) илтимос қилмоқ, ўтинмоқ, рижо этмоқ; يُرْجَى إِرْسَالُ الْمَوَادِّ إِلَى ... материалларни ...га жўнатиш сўралади; 3) (к. гадир) тиламоқ, хоҳламоқ (لـ); لَهُ خَيْرًا ~ (لـ) кимгадир эзгулик тиламоқ; 4) қўрқмоқ, ҳайиқмоқ; رَجِيَ (а) رَجًا овози ўчмоқ, гапдан тўхтамоқ; رَجِيَ عَلَيْهِ (الْكَلَامُ) у ортиқ гапира олмади; II رَجَّى = VIII; IV أَرْجَى кечга сурмоқ, кечиктирмоқ; V تَرَجَّى 1) умид қилмоқ, умид боғламоқ, умидвор бўлмоқ; 2) ўтинмоқ, илтимос қилмоқ; VIII ارْتَجَى (н. нидир к. дандир) олишга умид боғламоқ (مِن)

– رَاجٍ мн. رَاجِيَةٌ умид қилувчи, умидвор

– رَجًا кўп. أَرْجَاءٌ 1) томон, чекка тараф; 2) бурчак; وَاسِعُ الْأَرْجَاءِ кенг, белоён, поёни йўқ; فِي أَرْجَاءِ الْبِلَادِ бутун мамлакат бўйлаб, мамлакатнинг барча жойида

– رَجَاءٌ кўп. رَجَوَاتٌ 1) умид; قَطْعُ الـ~ умид узмоқ; 2) илтимос, рижо; ... الـ~ عَدَمُ التَّخَلُّفِ لِأَهَمِّيَّةِ ...ни эътиборга олиб ... ҳозирбўлиш сўралади; نَزَلَ عَلَى ~ـهِ кимнингдир илтимосига сабаб бўлмоқ

– رَجَاةٌ умид, умидворлик

– رَجْوٌ қўрқиш, ҳайиқиш

– رَجِيَّةٌ умид қилинган нарса, кутилган нарса

– رَجَاةٌ = مَرْجَاةٌ

– مَرْجُوٌّ 1) умид қилинаётган, кутилаётган; 2) илтимос қилинаётган; ... الـ~ أَنْ ... илтимос қилинмоқда; ... فِي ~نَا أَنْ ... умид қиламизки, ...

أَرَحُّ мн. رَحَّاءُ кўп. رُحٌّ оёғининг таги (кафти) ясси одам

I (رحب) رَحُبَ (у) رُحْبٌ ёки رَحِبَ (а) رَحَبٌ кенг бўлмоқ, кенгаймоқ, белоён бўлмоқ; II رَحَّبَ (к. нидир) табрикламоқ, олқишламоқ, (к. гадир) салом бермоқ (بـ); ~ بِالضُّيُوفِ بِلِسَانِ الشَّعْبِ меҳмонларни халқ номидан олқишламоқ, табрикламоқ; IV أَرْحَبَ кенгаймоқ, кенг бўлмоқ; V تَرَحَّبَ = II; VI تَرَاحَبَ аста-секин кенгаймоқ

– تَرْحِيبٌ, تَرْحَابٌ 1) олқиш, табрик; خِطَابُ الـ~ табрик нутқи; 2) хурсандлик; بِـ~ хурсандлик билан

– تَرْحِيبِيٌّ табрикка оид; خُطْبَةٌ ~ـةٌ табрик нутқи

– رَحَابَةٌ кенглик, белоёнлик, чексизлик; ... أَرْضِيَّةٌ ... сайҳон ер;

الصَّدْرِ бағри кенглик; хушмуомалалик, меҳрибонлик; очиқ кўнгиллик; ◊ عَلَى الـ~ وَ السَّعَةِ! хуш келибсиз!

– رَحْبٌ 1) кенг, белоён; 2) шунингдек: الْبَاعِ ~ сахий, қўли очиқ; шунингдек: الصَّدْرِ ~ а) бағри кенг, хушмуомала; б) сабр-тоқатли, бардошли; الذِّرَاعِ ~ а) сахий, қўли очиқ; б) сабр-тоқатли, бардошли

– رُحْبٌ = رَحْبٌ

– رُحْبٌ кенглик, белоёнлик; ◊ عَلَى الـ~ وَ السَّعَةِ! хуш келибсиз!; اسْتَقْبَلَهُ عَلَى ~ وَ سَعَةٍ кимнидир қучоқ очиб кутиб олмоқ, қабул қилмоқ

– رَحْبَةٌ кўп. ـــَاتٌ, رِحَابٌ 1) бўш жой, бўшлиқ, очиқлик, очиқ жой; رِحَابُ الْكَوْنِ (الْفَضَاءِ) олам бўшлиғи, космик фазо; 2) майдонча, майдон; (машиналар) парки (саройи); 3) (масжиддаги) саҳн, ҳовли; الْكَنِيسَةِ ~ черковнинг ўртаси, ўрта қисми; ◊ فُتِحَتْ لَهُ الرِّحَابُ الْفَسِيحَةُ унинг олдида кенг истиқболлар очилди

– رَحْبٌ = رَحِيبٌ

– مَرْحَبٌ кенглик, белоёнлик; ~ًا بِكَ! ёки أَهْلًا وَ سَهْلًا وَ ~ًا хуш келибсиз!; ~ًا بِالصَّدِيقِ! хуш келибсиз, биродар!

رَحْرَحَ ёймоқ, юпқалатмоқ, парашламоқ (хамирни); ◊ ~ بِالْكَلَامِ шама қилиб гапирмоқ, киноя қилиб гапирмоқ, қочирим қилиб гапирмоқ

– رَحْرَاحٌ 1) текис; нишаб, қиялаб борадиган (мас., қирғоқ); 3) хотиржам, дориломон (ҳаёт)

– رَحْرَحٌ = رَحْرَاحٌ

– رَحْرَحَةٌ 1) (мас., хамирни) ёйиш; 2) текислик, усти силлиқ текислик; ◊ بِالْكَلَامِ ~ кинояли гап, қочирим гап, тушуниб бўлмайдиган нутқ

– مُرَحْرَحٌ 1) силлиқ, текис, яланг; нишаб, қия; ~ بِتَاوٌ зоғора нон; 2) ингичка, нозик

I رَحَضَ (а) رَحْضٌ ювмоқ, чаймоқ, чайимоқ, чайқамоқ

– رَحِيضٌ ювилган, чайилган, чайқалган

– مِرْحَاضٌ кўп. مَرَاحِيضُ ҳожатхона

رَحِيقٌ, رُحَاقٌ 1) етилган, узоқ сақлаб чиниқтирилган шароб; 2) шунингдек: الزَّهْرِ ~ нектар, гулкосадаги ширин модда; ◊ امْتَصَّ ~ الْحَيَاةِ эзиб сувини ичмоқ

– رُحَاقِيٌّ шира йиғадиган (гул)

– رُحَاقٌ = رَحِيقٌ

– رُحَاقِيٌّ = رَحِيقِيٌّ

– مَرْحَقَةٌ бот. гулнинг шира (нектар) йиғадиган бези

I رَحَلَ (а) رَحِيلٌ (қаердандир) жўнамоқ, жўнаб кетмоқ, йўлга тушмоқ (عَنْ, مِنْ); ~ مِنَ (عَنِ) الْوَطَنِ чет мамлакатга кўчиб кетмоқ;

◊ عَنَّا رِحْلَةً مَنْ لاَ يَعُودُ ~ عَنْ هٰذَا الْعَالَمِ (الدُّنْيَا) *ёки* ~ вафот этмоқ; رَحَلَ (а) رَحْلٌ эгарламоқ; II رَحَّلَ 1) сафарга отлантирмоқ, жўнатмоқ; 2) кўчириб юбормоқ; 3) (*банкдаги маблағни*) кўчирмоқ, ўтказмоқ; IV أَرْحَلَ туя бермоқ, миниладиган туя тақдим қилмоқ; V تَرَحَّلَ (*бир жойдан бошқа жойга*) кўчиб юрмоқ, кўчманчилик қилмоқ; VIII ارْتَحَلَ 1) жўнамоқ, жўнаб кетмоқ; 2) чет мамлакатга кетмоқ; ◊ إِلَى رَحْمَةِ رَبِّهِ ~ вафот этмоқ

– ارْتِحَالٌ 1) жўнаш, жўнаб кетиш; 2) чет элга кўчиб кетиш

– تَرَاحِيلُ *кўп.* бир жойдан бошқа жойга кўчириш; أَعْمَالُ الـ~ чет элга кетиб бажариладиган ишлар; عُمَّالُ الـ~ бир иш жойидан бошқасига кўчирилиши мумкин бўлган ишчилар

– تَرْحَالٌ жўнаш, жўнаб кетиш; ◊ هٰذَا جَعَلَهُ بَيْنَ حَلٍّ وَ ~ бу нарса бир жойдан бошқасига кўчишга мажбур қилди

– تَرْحِيلٌ *кўп.* تَرَاحِيلُ жўнатиш; الْحِسَابَاتِ ~ *мол.* ҳисоб-китобларни ўтказиш

– رَاحِلٌ[1] 1) вафот этган, ўлган; 2) кетган, ўтиб кетган; 3) эмигрант

– رَاحِلٌ[2] *кўп.* رُحَّلٌ, رُحَّالٌ кўчманчи; الْعَرَبُ الرُّحَّالُ кўчманчи араблар

– رَاحِلَةٌ *кўп.* رَوَاحِلُ минишга ажратилган урғочи туя

– رَحَّالٌ *кўп.* رَحَّالَةٌ 1) кўчиб юрувчи; 2) кўчманчи; баҳорда ва кузда учиб келадиган ёки кетадиган (*қушлар*); 3) жуда кўп сафарда юрувчи; 4) сайёҳ

– رَحَّالَةٌ (*тадқиқотчи*) сайёҳ

– رَحْلٌ *кўп.* رِحَالٌ 1) эгар; شَدَّ ~ـهُ (رِحَالَهُ) (*бирор жойга*) жўнамоқ (إِلَى); ... حَطَّ ~ـهُ (رِحَالَهُ) қаергадир етиб келмоқ; حَطَّ ... عِنْدَ (رِحَالَهُ) ~ـهُ (أَلْقَى) (*қаердадир*) тўхтаб ўтмоқ, тўхтамоқ; 2) юк, багаж; 3) анжомли уй

– رَحْلَةٌ *кўп.* رَحَلاَتٌ парта (*Сурияда*)

– رُحْلَةٌ 1) сафардан кўзланган мақсад; 2) кўзланган мақсад

– رِحْلَةٌ *кўп.* ـاتٌ, رِحَلٌ саёҳат, сафар; бориш; *шунингдек.* ~ قَصِيرَةٌ экскурсия; ~ جَوِّيَّةٌ ҳавода (*мас., тайёра, дирижаблда*) саёҳат қилиш; учиш

– رَحِيلٌ 1) жўнаш; 2) *шунингдек.* عَنِ الْحَيَاةِ ~ ўлим, ўлиш

– مُرَحَّلٌ *мол.* қолдиқ (*бухгалтерияда*)

– مُرَحِّلٌ *кўп.* ـاتٌ реле

– مَرْحَلَةٌ *кўп.* مَرَاحِلُ 1) мархала, мароҳил, босқич, давр; 2) (*қурилиш*) навбати, босқичи; фаза; даража; صَارُوخٌ مُؤَلَّفٌ مِنْ أَرْبَعِ مَرَاحِلَ тўрт босқичли ракета; ◊ بِمَرَاحِلَ анча, бирталай, кўпгина

– مَرْحَلِيٌّ босқичли, навбатчи

I رَحِمَ (а) رَحْمَةٌ раҳм қилмоқ, ачинмоқ, шафқат қилмоқ; кечирмоқ; لاَ يَرْحَمُ қаҳри қаттиқ, тошбағир, бераҳм, бағри тош, қаҳрли; ~ـهُ اللهُ худо раҳмат қилсин!, худо раҳматига олсин!; II رَحَّمَ 1) меҳр-шафқат кўрсатмоқ; 2) (*к. ғадир*) раҳм қилишни сўраб ёлбормоқ (عَلَى); V تَرَحَّمَ (*к. нидир*) аямоқ, (*к. ғадир*) раҳми келмоқ (عَلَى); رَحْمَةُ اللهِ عَلَيْهِ! иборасини такрорлаб (*к. ғадир*) раҳмат тилаб ибодат қилмоқ; VI تَرَاحَمَ бир-бирига раҳм-шафоат қилмоқ; X اسْتَرْحَمَ раҳм-шафқат сўрамоқ; ялиниб-ёлбормоқ

– رَحِمٌ, رِحْمٌ, رَحْمٌ *мз. мн. кўп.* أَرْحَامٌ 1) *анат.* бачадон; عُنُقُ الـ~ бачадон бўғзи; حَمْلٌ خَارِجَ الـ~ бачадондан ташқаридаги ҳомиладорлик;2) қариндошлик; صِلَةُ الـ~ қон-қариндошлик; ذُو الـ~ (*она томондан*) қариндош; 3) (*н. нингдир*) ички қисми; *кўп.* ич, ичи, ўзак

– رُحْمٌ *ёки* رُحُمٌ раҳм-шафқат

– رَحْمٰنُ, رَحْمَانُ меҳрибон, раҳмдил (*Оллоҳ таоло исми сифатларидан бири*)

– رَحَمُوتٌ шафқат, раҳм-шафқат

– رَحْمَةٌ меҳрибонлик, ачиниш, қайғуриш; меҳр-шафқат; بِلاَ ~ وَلاَ شَفَقَةٍ раҳмсизларча; عَدِيمُ الـ~ бераҳм, бешафқат; هُوَ تَحْتَ ~ ... у ...нинг ҳукми остидадир, у ...га қарамдир; الْفَلاَّحُ تَحْتَ ~ السَّمَاءِ деҳқон об-ҳавога (*сўзма-сўз:* осмонга) қарамдир; تَرَكَهُمْ تَحْتَ ~ الْجُوعِ وَالْفَاقَةِ у уларни озиқ овқатсиз ва бошпанасиз ташлаб кетди; بِسَاطُ الـ~ тобут устига ёпилган мато

– رَحُومٌ меҳрибон, раҳмдил, шафқатли

– رَحِيمٌ 1) меҳрибон, раҳмдил, шафқатли; 2) марҳум, раҳматли

– مَرْحَمَةٌ *кўп.* مَرَاحِمُ меҳрибонлик, раҳмдиллик, раҳми келиш, ачиниш

– مَرْحُومٌ 1) раҳм-шафқат кўрсатилган киши; 2) марҳум, вафот этган

– رَحَايَةٌ *кўп.* ـاتٌ қўл тегирмон (*сол.* رَحًى)

– رَحًى *кўп.* أَرْحِيَةٌ 1) қўл тегирмон; حَجَرُ الـ~ тегирмон тоши; دَارَتْ ~ الْمَصْنَعِ *маж.* завод тўла ишга тушди; دَارَتْ ~ الْحَرْبِ уруш бошланиб кетди; 2) озиқ тиш; ◊ ~ الْقَوْمِ одамларнинг энг эътиборлиси, пешқадами; ~ الْحَرْبِ урушнинг энг шиддатли палласи

– رَحَوِيٌّ айлантирадиган, айлантирувчи (*куч*); айланиш йўли билан ишлайдиган, ротацион

– رَحَوِيَّةٌ *кўп.* ـاتٌ — *тех.* чиғир ғалтак, чархпалак

I رَخَّ (а/у) رَخٌّ сув қўшмоқ, сув аралаштирмоқ; ~تِ السَّمَاءُ шаррос ёмғир қуйди

– رُخٌّ *кўп.* رِخَاخٌ, رِخَخَةٌ 1) *шунингдек.* طَائِرُ الـ~ рух (*афсонавий қуш номи*); مِصْرِيٌّ ~ *зоол.* калхат, қорақуш; 2) *шахм.* рух

– رَخَاخٌ 1) қулай; эркин, озод, ҳур; 2) юмшоқ

– رَخَّةٌ *кўп.* اتٌ — жала, шаррос ёққан ёмғир

رَخْرَى, رَاخَرٌ, رَخَرٌ *мн.* رُخْرَى *халқ.* бошқа, ўзга; هُوَ رَاخَرٌ у ҳам; هِيَ رُخْرَى у (*мн.*) ҳам

رَخْرَخَ бўшаштирмоқ, бўш қўймоқ; تَرَخْرَخَ бўшашиб кетмоқ, бўшашмоқ

– رَخْرَخَةٌ бўшашиш

– مُرَخْرَخٌ бўш, таранг эмас, тортилмаган

I رَخُصَ (*у*) رُخْصٌ, رَخَاصَةٌ 1) арзон бўлмоқ, арзонламоқ, арзонлашмоқ; тушмоқ, тушиб кетмоқ (*нарх ҳақида*); 2) янги бўлмоқ, тоза бўлмоқ; 3) паст (сифатсиз) бўлмоқ; II رَخَّصَ 1) арзонлаштирмоқ, арзон қилмоқ; 2) рухсат бермоқ, ваколат бермоқ; (*к. гадир н. нидир қилишга*) рухсат (ижозат) бермоқ (فِي, بِ, لِـ);

IV أَرْخَصَ 1) арзонлаштирмоқ, нархни туширмоқ; 2) (*н. нидир*) аямоқ, қизғанмай қўймоқ; V تَرَخَّصَ 1) арзон бўлмоқ, арзонлашмоқ; 2) рухсат берилмоқ, имкон берилмоқ; 3) (*к. гадир н. дадир*) мурувват кўрсатмоқ, марҳамат қилмоқ; жоиз деб ҳисобламоқ, ўринли деб ҳисоблатмоқ; 4) (*н. нингдир*) баҳридан ўтмоқ, (*н. дандир*) воз кечмоқ (فِي), VIII اِرْتَخَصَ 1) арзонлашмоқ, арзон бўлмоқ; 2) арзон нархда сотиб олмоқ; X اِسْتَرْخَصَ 1) арзон деб ҳисобламоқ; ~ الْأَنْفُسَ وَ الْمَالَ فِي سَبِيلِهِ бирор нарса учун молининг ҳам, жонининг ҳам баҳридан ўтмоқ; 2) рухсат сўрамоқ, жавоб сўрамоқ

– تَرَخُّصٌ 1) арзонлик, арзонгарчилик; 2) такаллуфсизлик, муомалада эркинлик

– تَرْخِيصٌ 1) арзонлаштириш; 2) *кўп.* تَرَاخِيصُ рухсатнома, лицензия; ~ الْبِنَاءِ қурилиш қилиш учун рухсатнома

– رَخَاصَةٌ нозиклик, кўркамлик

– رَخْصٌ 1) тоза, янги (*мас., гўшт*); 2) нозик, назокатли

– رُخْصٌ 1) арзонлик, арзонгарчилик; 2) сифати пастлик, паст сифатлилик

– رُخْصَةٌ *кўп.* رُخَصٌ 1) рухсат, рухсат бериш; ~ الْقِيَادَةِ ҳайдовчилик рухсатномаси (гувоҳномаси); 2) рухсатнома; лицензия

– رَخَاصَةٌ = رُخُوصَةٌ

– رَخِيصٌ *кўп.* رِخَاصٌ 1) янги, тоза; 2) нозик, назокатли; 3) арзон, арзонбаҳо; паст навли; 4) сифати паст, паст сифатли; ~ رَجُلٌ пасткаш одам

– مُرْتَخِصٌ арзон, арзон нархдаги; بَذَلَ كُلَّ ~ وَ غَالٍ فِي سَبِيلِ شَيْءٍ *маж.* бирор нарсани деб бор-будини сарфламоқ

I رَخُمَ (رخم) (*у*) رَخَامَةٌ оҳангдор, ёқимли бўлмоқ, юмшоқ (майин) бўлмоқ (*овоз ҳақида*); رَخَمَ (*у*) رَخْمٌ (*тухум*) босиб жўжа очмоқ (*туш. к. ёки* عَلَى); II رَخَّمَ 1) (*овозни*) юмшоқ (майин) лаштирмоқ; бир пардадан бошқа пардага ўтмоқ (*муз.*); 2) *грам.* сўзнинг охирини қисқартирмоқ; 3) мармар қопламоқ, мармар қоплатмоқ

– تَرْخِيمٌ 1) овозни майин қилиш; 2) *грам.* (*сўзни*) қисқартириш; 3) мармар билан қоплаш, мармар қоплама

– رُخَامٌ мармар; ~ سُمَّاقِيٌّ *мин.* қурилишда ишлатиладиган тош жинси

– رُخَامَةٌ *кўп.* اتٌ — мармар тахта; мармар парчаси

– رَخَامَةٌ (*овознинг*) майинлиги, оҳангдорлиги

– رُخَامِيٌّ мармардан ишланган, мармарга оид

– رَخَمٌ *жам. зоол.* жўрчилар, йиртқич қушлар

– رَخَمَةٌ *кўп.* اتٌ — жўрчи, йиртқич қуш

– رَخِيمٌ майин, оҳангдор, юмшоқ (*овоз*)

I رَخُوَ (رخو) (*у*) رَخَاوَةٌ 1) сусаймоқ, ланж бўлмоқ, бўшашмоқ; 2) осилиб турмоқ, пастга қараб осилиб турмоқ; ◊ رَخُوَ (رَخَا) عَيْشُهُ бадавлат яшамоқ, фаровонликда яшамоқ; رَخِيَ (*а*) رَخًا, رَخَاءٌ = رَخُوَ; IV أَرْخَى 1) бўшаштирмоқ, ланж қилмоқ, сусайтирмоқ; 2) осилтирмоқ, пастлатмоқ, туширмоқ ~ اللَّيْلُ سُدُولَهُ عَلَى الْقَافِلَةِ *маж.* карвон тун қўйнига сингиб кетди; 3) (*соқол*) қўйиб юбормоқ, қўймоқ; VI تَرَاخَى 1) заифлашмоқ, ҳоли қуримоқ, нозиклашмоқ, эрка табиат бўлмоқ; бепарволик қилмоқ, совуққонлик қилмоқ; 2) (*н. дандир*) узоқлашмоқ, узоқда бўлмоқ (عَنْ); لَمْ يَتَرَاخَ أَمَدُهُ яқингинада, боягина; 3) пасаймоқ, тушмоқ (*нарх*); 4) (*н. дадир*) суст ҳаракат қилмоқ, шошилмай иш кўрмоқ (عَنْ); VIII اِرْتَخَى ҳоли қуримоқ, заифлашмоқ; ланж бўлмоқ; X اِسْتَرْخَى 1) ҳоли қуримоқ, беҳол бўлмоқ, бўшашмоқ; ўзини эркин (бўш) қўймоқ; 2) пўк бўлиб қолмоқ, уқаланадиган бўлиб қолмоқ

– اِرْتِخَاءٌ заифлик, ҳолсизлик; сустлик; беҳоллик; ~ الْعِظَامِ рахит; 2) кескинликнинг юмшаши

– اِرْتِخَاءٌ = اِسْتِرْخَاءٌ

– تَرَاخٍ 1) заифлик, ҳолсизлик; ўзини эркин қўйиш; чарчоқлик; дармонсизланиш, мадори қуриш, қувватнинг кетиши; 2) пўклик, уқаланишлик; 3) бепарволик, эътиборсизлик; 4) вақти ўтганлик, эскирганлик; عَلَى تَرَاخِي الزَّمَنِ (الْأَحْقَابِ) узоқ муддатдан кейин; بِتَرَاخِي الْعُصُورِ асрлар оша, асрлар ўтгач

– رَخَاءٌ 1) мўл-кўллик; 2) фаровонлик, фароғат; омад

– رُخَاءٌ шабада

– رَخَاوَةٌ 1) заифлик, сустлик, бўшашганлик; ~ الْعُودِ бўшанглик, ландовурлик; 2) пўклик, уқаланиб кетишлик, юмшоқлик; ~ الْأَرْضِ тупроқнинг юмшоқлиги, бўшлиги (*қурилиш қилишда*)

– رِخْوٌ, رُخْوٌ, رَخْوٌ 1) бўшашган, заиф; кучсиз; ~ رِيحٌ секин эсган (*кучсиз*) шамол, шабада; 2) пўк, уқаланиб кетадиган; 3) осилиб тушган, сангиллаган;4) *фон.* сирғалувчи

– رَخْوَةٌ, رُخْوَةٌ, رِخْوَةٌ=رَخَاوَةٌ. ~ حُرُوفُ الْـ *фон.* сирғалувчи ундошлар (ث, ح, خ, ذ, ز, س, ش, ظ, ص, ض, غ, ف, ه)

– رَخْوِيَّاتٌ *кўп.* моллюскалар (*юмшоқ танли умуртқасиз*

жонивор)

– رَخِيٌّ 1) заиф, ланж; 2) пўк, уқаланиб кетадиган, юмшоқ; 3) қулай, эркин, озод, ҳур; ~ عَيْشٌ фаровон (тўқ) ҳаёт; ~ُ الْبَالِ ғамсиз, қайғусиз

– مُتَرَاخٍ *мн.* مُتَرَاخِيَةٌ 1) заиф, беҳол, бедармон; суст; бўшашган; 2) бепарво, совуққон

I رَدَّ (а/u) رَدٌّ 1) қайтармоқ, орқага юргизмоқ; (*нур ёки овозни*) қайтармоқ; ~ الدَّيْنَ қарзни қайтармоқ; ~ الْاعْتِبَارَ оқламоқ, пок номини қайтармоқ; ~ الْعَدْلَ إِلَى نِصَابِهِ адолатни қайта тикламоқ, ҳақиқатни тикламоқ; مَا يَرُدُّ هٰذَا عَلَيْكَ شَيْئًا бу сенга ёрдам бермайди, бунинг сенга фойдаси йўқ; ~ الْبَابَ эшикни ёпмоқ; ~ النُّورَ нурни қайтармоқ; 2) итариб юбормоқ, итармоқ; рад қилмоқ, қайтармоқ; ~ُهُ عَنِ الْحُكْمِ فِي قَضِيَّةٍ кимнидир. суддан қайтариб олмоқ; ~ يَدَهُ عَنِ الْعَزْمِ кимнингдир қўлини қайтармоқ; (*бирор ишдан*) айнитмоқ, чалғитмоқ; 3) уриб қайтармоқ, даф қилмоқ, қайтармоқ; ~ُهُ عَلَى عَقِبِهِ (أَعْقَابِهِ) кимнидир қувиб ҳайдамоқ, қувмоқ; ~ الْعَدُوَّ إِلَى أَعْقَابِهِ душманни қувиб ҳайдамоқ; 4) эътироз билдирмоқ; 5) (*кимгадир*) жавоб қайтармоқ (عَلَى); ~ بِالْمِثْلِ ўша нарсанинг ўзи билан қайтармоқ, жавоб бермоқ; ~ السَّلَامَ саломга алик олмоқ; 6) (*н. нидир бошқа бир н. га*) нисбат бермоқ, мансуб деб ҳисобламоқ (إِلَى); 7) (*н. нидир*) рад қилмоқ, инкор қилмоқ (عَلَى); لَا يُرَدُّ рад этиб бўлмайдиган, инкор қилинмайдиган; II رَدَّدَ қайтармоқ, такрорламоқ; жўр бўлиб ашула айтмоқ, ашулага қўшилмоқ; ~ فِي سِرِّهِ ўзича такрорламоқ, ичида қайтармоқ; V تَرَدَّدَ 1) иккиланмоқ, тараддудга тушмоқ; 2) (*н. гадир*) шубҳа қилмоқ, шубҳа билан қарамоқ (فِي); 3) қайтмоқ (*акссадо ҳақида*); 4) галма-галдан бўлмоқ, навбатлашмоқ; 5) (*к. нингдир олдига*) қатнамоқ, бормоқ, зиёрат қилмоқ (إِلَى, عَلَى); 6) ўзгарувчан бўлмоқ, беқарор бўлмоқ (*тақдир ҳақида*); VIII ارْتَدَّ 1) қайтмоқ, қайтиб келмоқ; 2) шунингдек. عَلَى (إِلَى) أَعْقَابِهِ ~ орқага қайтмоқ, чекинмоқ; 3), (*н. дандир*) қайтмоқ, чекинмоқ (عَنْ); (*н. нидир*) тарк этмоқ, ташламоқ, ташлаб юбормоқ (عَنْ); 4) муртад бўлмоқ, қайтганлардан бўлмоқ, хоин бўлмоқ; 5) қайтарилмоқ, даф этилмоқ; 6) (*бирор жойдан*) келиб ирғиб қайтмоқ, сачраб қайтмоқ (*ўқ ҳақида*); X اسْتَرَدَّ 1) қайтиб олмоқ, қайтариб олмоқ; 2) уриб қайтармоқ, даф этмоқ; 3) қайтиб беришни сўрамоқ (талаб қилмоқ); ◊ ~ أَنْفَاسَهُ нафасни ростлаб олмоқ

– ارْتِدَادٌ 1) чекиниш; 2) бекорга чиқиш, пучга чиқиш, ҳабада бўлиш; 3) муртадлик, хоинлик, қайтганлик; ~ عَنِ الدِّينِ диндан қайтиш; 4) орқага қайтиш, регресс

– اسْتِرْدَادٌ 1) қайтиб олиш, тортиб олиш, қайтариб олиш; ~ رُسُومُ الـ қайтиб бериладиган божлар; 2) қайтаришни сўраш, қайтиб беришни талаб қилиш; دَعْوَى ~ الْحِيَازَةِ эгалик қилиш ҳуқуқини тиклаш ҳақидаги даъво

– تَرْدَادٌ 1) қайтариш, такрорлаш; 2) тез-тез зиёрат қилиш

– تَرَدُّدٌ 1) тараддуд, иккиланиш, қатъиятсизлик; беқарорлик, субутсизлик; فِي غَيْرِ ~ иккиланмасдан, қатъият билан; 2) такрорланиш; *тех.* частота; عَالِي الـ~ *эл.* юқори частотали (*ток ҳақида*)

– تَرْدِيدٌ 1) қайтариш, такрорлаш; 2) ашулага жўр бўлиш

– رَادٌّ даф этувчи, қайтарувчи; لَا ~ لَهُ олдини олиб бўлмайдиган, рад этиб бўлмайдиган, даф этиб бўлмайдиган

– رَادَّةٌ фойда, наф

I سَرَّ (*а/у*) سُرُورٌ 1) хурсанд қилмоқ, шод қилмоқ; вақтини чоғ қилмоқ, севинтирмоқ, овунтирмоқ, овунмоқ; ... يَسُرُّنِي أَنْ ...дан хурсандман; 2) سُرَّ (*бирор н. дан*) хурсанд бўлмоқ, шод бўлмоқ (بِ); 3) киндигини кесмоқ; الصَّبِيَّ ~ боланинг киндигини кесмоқ; II سَرَّرَ хурсанд (шод) қилмоқ; мамнун қилмоқ; III سَارَّ сирга ошно бўлмоқ, сирдан воқиф бўлмоқ; ҳеч кимга билдирмаслик шарти билан хабардор қилмоқ; IV أَسَرَّ 1) хурсанд (шод) қилмоқ; 2) сир сақламоқ, яширин ҳолда сақламоқ; 3) ҳеч кимга билдирмаслик шарти билан хабардор қилмоқ, (*бирор к. га*) шивирламоқ (إِلَى); 4) ичида ўқимоқ, шивирлаб ўқимоқ; V تَسَرَّرَ ўйнаш тутмоқ, ўйнаши бор бўлмоқ; VI تَسَارَّ ўзаро шивирлашмоқ, хуфя гаплашмоқ, бир-бирларининг сиридан воқиф қилишмоқ; X اسْتَسَرَّ 1) яширинмоқ, беркинмоқ; писиб юрмоқ, яширинган ҳолда мавжуд бўлмоқ; 2) ўйнаш тутмоқ, ўйнаши бор бўлмоқ

– سِرَارٌ *кўп. қар.* أَسَارِيرُ

اسْتِسْرَارٌ эркак билан аёлнинг ғайриқонуний бирга яшаши, никоҳсиз бирга яшаш

– اسْتِسْرَارٌ = تَسَرٌّ

– سَارٌّ хурсанд қилувчи, шодлантирувчи; хурсанд, шод

– سُرٌّ *кўп.* أَسِرَّةٌ киндик

– سِرٌّ[1] *кўп.* أَسْرَارٌ 1) асрор, сир, сир-асрор; الْمَصُونُ ~ الـ ёки اللَّيْلِ ~ ўта махфий тутилган сир; الْبَاتِعُ ~ كَلِمَةُ الـ ёки ўз одамларини таниб олиш учун олдиндан белгилаб қўйилган махфий сўз, пароль; ا~ ёки فِي الـ~ яширин ҳолатда, хуфёна, махфиёна; ظَلَّ ~ا مَكْتُومًا номаълумлигича қолмоқ; لَمْ يَبْقَ ~ا عَلَى أَحَدٍ أَنَّ ... ҳеч кимга сир эмаски, ...; تَلَا فِي ~هِ ичида тиловат қилмоқ, шивирлаб тиловат қилмоқ; لَعَنَهُ فِي ~هِ ичида бирор кимни лаънатламоқ; 2) (*авлиё*) қабри, мақбараси; قَدَّسَ اللّٰهُ ~هُ Оллоҳ Таоло унинг қабрини табаррук қилсин!, Оллоҳ Таоло унинг сирларини табаррук қилсин!; 3) кўнгил, қалб, юрак; أَتْبَعَ ~هُ бирор кимни ташвишга қўймоқ, хавотирга солмоқ, хавотирлантирмоқ; (بـ~هَا) وَ قَالَتْ فِي ~هَا у (*мн.*) ўзича деди ..., у (*мн.*) ўзича хаёл қилди; هٰذَا مَا جَالَ فِي ~هَا кўнглида (*мн.*) рўй берган нарса мана шу; 4) *шунингдек*: الْمُقَدَّسُ ~ الـ *дин.* диний маросимларнинг бирида истеъмол қилинадиган вино ва нон (*христианларда*); 5) сир тутилган нарсани билиш; ◊ كَاتِبُ الْأَسْرَارِ котиб, секретарь; بـ~كُمْ! соғлигингиз учун!; شَرِبَ ~هُ бирор кимнинг соғлиғи учун ичмоқ; الْوَلَدُ ~ أَبِيهِ бола отасининг худди ўзи

– سِرٌّ[2] *кўп.* أَسْرَارٌ, أَسَارِيرُ = سِرَارٌ

– سَرَّاءُ хурсандлик, хушчақчақлик; хушхабар; شَاطَرَهَا ~ عَيْشِهِ وَ ضَرَّاءَهُ у хурсандлик кунларини ҳам, аламли кунларини ҳам у (*мн.*) билан бирга ўтказди

– سِرَارٌ[1] *кўп.* أَسِرَّةٌ, أَسَارِيرُ 1) (*мас. қўлдаги, пешонадаги*) чизиқлар; أَسَارِيرُ الْوَجْهِ юз тузилиши, юз бичими; 2) (*мия*) бурмалари

– سِرَارٌ[2] = سَرَرٌ

– سَرَرٌ: الشَّهْرِ ~ ойнинг охирги туни

– سُرُرٌ (*мас., қўлдаги, пешонадаги*) чизиқ

– سُرَّةٌ *кўп.* سُرَرٌ 1) киндик; 2) марказий пункт, марказ; الْبَلَدِ ~ шаҳар маркази; 3) (*ғилдиракнинг*) гупчаги, ступицаси

– سُرُورٌ хурсандлик, шодлик, мамнунлик; بـ~ хурсандлик билан, мамнуният билан; وَجَدَ فِيهِ ~ا لَا يُعَادِلُهُ ~ бирор нимага жуда хурсанд бўлмоқ

– سُرِّيٌّ киндикка оид; الْحَبْلُ الـ~ киндик ичакчаси, кесилмаган киндик; الْفَتْقُ الـ~ *мед.* киндик даббаси

– سِرِّيٌّ 1) яширин, махфий; الْأَمْرَاضُ الـ~ةُ тан осил касалликлари; 2) сирли, тилсимли; بُولِيسٌ ~ изқувар, изтопар,

махфий агент; ~ حِبْرٌ қиздирганда ёки махсус модда билан ҳўллагандагина кўринадиган рангсиз сиёҳ; جَلْسَةٌ ~ــَةٌ яширин йиғилиш, ёпиқ мажлис; مُحَاكَمَةٌ ~ــَةٌ ёпиқ эшиклар ортидаги муҳокама (музокара)

– سَرِيرٌ *кўп.* أَسِرَّةٌ, سُرُرٌ каравот; (*касалхонадаги*) койка; ◊ ~ الْمُلْكِ тахт

– سَرِيرِيٌّ 1) каравотга оид; 2) клиникага оид, клиник

– سَرِيرَةٌ *кўп.* سَرَائِرُ 1) ақл; қалб, жон; طَيِّبُ الــ~ очиққўнгил, соддадил, софдил; فِي ~ نَفْسِهِ қалбининг тўр-тўрида; 2) махфий тутилган фикр, сир; 3) ернинг силлиқ устки қатлами

– سِرِّيَّةٌ 1) махфийлик, (*бирор н. нинг*) яширин характери; فِي ~ تَامَّةٍ мутлақо махфий ҳолда, ўта махфиёна; 2) сирлилик, махфийлик

– سُرِّيَّةٌ ўйнаш, никоҳсиз хотин

– مُسِرٌّ хурсанд қилувчи, хурсандлик олиб келувчи; хурсанд, хушчақчақ

– مَسَرَّةٌ *кўп.* ـَاتٌ — шодлик, хуррамлик, хурсандлик; мамнуният, мамнунлик; كَانَ هٰذَا ~ لِخَاطِرِهِ бу унинг учун катта хурсандлик эди

– مِسَرَّةٌ *кўп.* مَسَارُّ 1) овозни кучайтириб берувчи карнай; 2) телефон

– مَسْرُورٌ хурсанд бўлган, шод бўлган; шод, хуррам, хушчақчақ

سِرِطْرَاطٌ ун, сув ва асал қориб тайёрланган ширинлик

سِيرَامِيكٌ сопол, керамика

سَرَايٌ, سَرَايَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — сарой, қаср; ~ الثَّقَافَةِ فِي نَمَنْغَانَ Наманганда маданият саройи (уйи)

I سَرَأَ (а) سَرْءٌ уруғ сочмоқ, уруғ ташламоқ (*балиқ ҳақида*); тухум қўймоқ (*чигиртка ҳақида*); II سَرَّأَ = I

– سَرْءٌ *жам.* 1) икра (*балиқники*); 2) тухум (*чигирткани*)

– سِرْأَةٌ 1) икранинг бир донаси (*балиқники*); 2) бир дона тухум (*чигирткани*)

سِرْبٌ *жам.* серблар

– سِرْبِيٌّ серб миллатига мансуб киши; الــ~ــَةُ серб тили

I (سرب) سَرَبَ (у) سُرُوبٌ 1) очиқликда (кенгликда) ўтлаб юрмоқ; 2) оқмоқ, оқиб ўтмоқ; سَرِبَ (а) سَرَبٌ 1) оқмоқ, оқиб кетмоқ, сув ўтказиб юбормоқ; 2) ҳеч кимга билдирмай кетиб қолмоқ; II سَرَّبَ 1) ўтлатиш учун очиқликка олиб чиқмоқ; 2) ҳеч кимга билдирмай ичкарига ўтказиб юбормоқ; 3) ҳеч кимга билдирмай жўнатиб юбормоқ; V تَسَرَّبَ 1) сизиб кирмоқ, сизиб ўтмоқ, сизмоқ; 2) ҳеч кимга билдирмай кирмоқ; 3) адашмоқ, у ёқ-бу ёққа юрмоқ, адашиб тентирамоқ; VII اِنْسَرَبَ ҳеч кимга билдирмай кирмоқ, суқулиб кирмоқ, ўрмалаб кирмоқ, ўтиб олмоқ

– أُسْرُبٌ *алиф. б. қар.*

– تَسَرُّبٌ сизиш, сизиб оқиш, оқиб кетиш

– سَارِبٌ аниқ, равшан

– سَرَابٌ 1) сароб, хаёлий кўриниш; 2) шунингдек *кўп.* ـَاتٌ — ахлат, нажас, оқава сув, оқизиб юбориладиган сув

– سَرَابَاتِيٌّ *кўп.* سَرَابَاتِيَّةٌ 1) ахлат тозаловчи, ахлатларни тозалаб юрувчи; 2) ассенизатор

– سَرَبٌ[1] *кўп.* أَسْرَابٌ ер ости йўли, лаҳм; туннель

– سَرَبٌ[2] ер остидаги уй, хона

– سِرْبٌ *кўп.* أَسْرَابٌ 1) пода; гала; ғуж; 2) оломон, тўда; гуруҳ, группа; 3) флотилия; (الطَّيَّارَاتِ) ~ الطَّائِرَاتِ эскадрилья; 4) қалб, юрак, жон; آمِنُ الــ~ хотиржам, кўнгил таскин топган ҳолда; فِي ~ــِهِ ичида, ўзича

– سَرَبَاتِيٌّ *кўп.* سَرَبَاتِيَّةٌ = سَرَابَاتِيٌّ

– سُرْبَةٌ *кўп.* سُرَبٌ 1) пода; гала; ғуж; 2) диапазон, доира, минтақа

– مَسْرَبٌ *кўп.* مَسَارِبُ 1) йўл, йўлак, йўлка; مَسَارِبُ الْحَدِيقَةِ боғдаги ариқ, ўқариқ; 2) сув оқизиб (тўкиб) юборишга мўлжалланган қувур (труба)

سَرْبَعَ шошилмоқ, ҳовлиқмоқ

– سَرْبَعَةٌ шошилиш, шошилганлик

سَرْبَلَ киймоқ, кийим киймоқ; تَسَرْبَلَ (*бирор н.*) киймоқ (بِ), (*бирор н.*) кийиб ясанмоқ (بِ)

– سِرْبَالٌ *кўп.* سَرَابِيلُ кийим, кийим-бош, кўйлак

سَرْبَنْدٌ сарбанд, пешонабоғ, бош боғлайдиган матоҳ

I سَرَجَ (у) سَرْجٌ (*сочни*) ўрмоқ, ўриб қўймоқ; II سَرَّجَ 1) эгарламоқ, эгар урмоқ; 2) ўрмоқ, ўриб қўймоқ; 3) қавимоқ, сирмоқ, кўклаб қўймоқ, кўклаб чиқмоқ; IV أَسْرَجَ 1) эгарламоқ, эгар урмоқ; 2) ёқмоқ, олов ёқмоқ; ~ شَمْعَةً шам ёқмоқ

– سِرَاجٌ *кўп.* سُرُجٌ чироқ, лампа; ~ اللَّيْلِ *зоол.* ялтироқ қурт

– سَرَّاجٌ эгарчи, тўқимчи

– سِرَاجَةٌ 1) эгарчилик; 2) *вет.* манқа (*отларда бўладиган юқумли касаллик*)

– سَرْجٌ *кўп.* سُرُوجٌ эгар

– سُرُوجِيٌّ *кўп.* سُرُوجِيَّةٌ = سَرَّاجٌ

– سُرُوجِيَّةٌ эгарчилик

– سِيرَجٌ *алиф. б. қар.*

– مَسْرَجَةٌ *кўп.* مَسَارِجُ чироқни ўрнатишга мўлжалланган таглик, чироқпоя

– مِسْرَجَةٌ *кўп.* مَسَارِجُ = سِرَاجٌ

سَرْحَنَ ҳайдаб чиқармоқ, қувиб чиқармоқ; сургун қилмоқ, бадарға қилмоқ

– سِرْجِينٌ гўнг, ўғит

I (سرح) سَرَحَ (а) سُرُوحٌ, سَرْحٌ ўтламоқ, ўтлаб юрмоқ; 2) ўтлаш

سَرَدَ

учун қўйиб юбормоқ; 3) (*армияни*) тарқатиб юбормоқ; ◊ ~ بِالْبَصَرِ *ёки* ~ الْبَصَرَ қарамоқ, назар ташламоқ; ~ وَ فَرِحَ очиқ ҳавода бемалол сайр қилиб юрмоқ; ~ وَ مَرِحَ عَلَى هَوَاهُ ўз билганича (*ўзбилармонлик билан*) иш тутмоқ, хўжайинлик қилмоқ; ~ عَقْلُهُ ўйланиб қолмоқ, чуқур ўйга толмоқ; سَرِحَ (а) سَرَحٌ ўз иши билан машғул бўлмоқ, ўзининг ишини қилмоқ; II سَرَّحَ 1) ўтлаш учун қўйиб юбормоқ; 2) озодликка чиқармоқ, қутқазмоқ; тарқатиб юбормоқ; демобилизация қилмоқ; 3) эркинлик бермоқ, озодлик бермоқ; 4) талоқ қилмоқ; 5) (*бирор к. нинг ташвишини*) кетказмоқ, тарқатмоқ (عَنْ); 6) тарамоқ; ~ شَعْرَهُ сочини тарамоқ, таранмоқ; ◊ ~ الْبَصَرَ فِى ... *ёки* ~ الطَّرْفَ فِى ... (*бирор н. га*) бошдан-оёқ тикилиб қарамоқ; V تَسَرَّحَ таранмоқ, сочини тарамоқ; VII اِنْسَرَحَ 1) озодликка (эркинликка) чиқарилмоқ; 2) ўз оқими билан оқмоқ, қуйилмоқ; 3) бемалол ҳаракат қилмоқ; 4) (*бирор н. га*) чулғанмоқ, кўмилмоқ, берилиб кетмоқ (فِى); 5) бошламоқ; ~ يُفَكِّرُ у ўйлай бошлади, у ўйга толди; ~ به الْفِكْرُ فِى ... хаёлан у ...га бориб қолди, унинг хаёли ...ларда кеза бошлади

– تَسْرِحَةٌ *кўп.* اتٌ — 1) соч тараш, тараш, причёска; 2) пардоз буюмлари турадиган стол

– تَسْرِيحٌ *кўп.* اتٌ — 1) оммавий бўшатиш, оммавий озодликка чиқариш; *ҳарб.* тарқатиб юбориш; демобилизация; تَعْوِيضَاتُ الـ~ ишдан бўшаганда бериладиган ёрдам пули; 2) соч тараш; ~ عَادِمُ таранди, тараганда чиқадиган соч

– سَارِحٌ 1) ўтлатиб юрувчи; 2) ўтлаб юрган; ◊ ~ الْفِكْرِ ўйга толган, хаёли паришон, ўйчан

– سَرَاحٌ 1) озод қилиш, озодликка чиқариш; أَطْلَقَ ~ـهُ (*маҳбусни*) озод қилмоқ, очиқликка чиқармоқ; مُطْلَقُ الـ~ озод, эркин, ҳур; 2) талоқ қилинган хотинни онасиникига жўнатиб юбориш

– سَرْحٌ *кўп.* سُرُوحٌ ўтлаб юрган пода

– سَرْحَانٌ *шунингдек*: ~ الْفِكْرِ хаёлга ботган, хаёлга чўмган; орзуманд, ҳавасманд, орзу-ҳавас қилган

– سِرْحَانٌ *мн.* سِرْحَانَةٌ *кўп.* سَرَاحِينُ, سَرَاحٍ бўри

– سَرَحَانٌ хаёлга чўмиш, хаёлга толиш; орзу-ҳавас қилиш, орзумандлик, ҳавасмандлик

– سَرْحَةٌ[1] *кўп.* اتٌ — бўш жой, бўшлик; кенглик, бепоёнлик; ~ جَبِينٍ кенг пешона; пешона тарафдаги каллик (*соч тўкилган жой*)

– سَرْحَةٌ[2] *д. с.* катта дарахт, улкан дарахт

– سَرَحِيَّاتٌ *кўп.* хаёллар парвози

– سَرِيحٌ *кўп.* سَرِيحَةٌ 1) тарқатувчи, ташувчи; 2) *шунингдек*: ~ بَائِعٌ *кўп.* بَاعَةٌ ~ـةٌ кўтариб юриб сотувчи

– سَرِيحٌ 1) енгил; 2) тез, шошилинч

– مُسَرَّحٌ демобилизация қилинган (қўшинлар сафидан бўшатилган)

– مَسْرَحٌ *кўп.* مَسَارِحُ 1) *шунингдек*: ~ التَّمْثِيلِ театр; الـ~ الْخَيَالَاتِي соялар театри; 2) *шунингдек*: خَشَبَةُ الـ~ саҳна; الـ~ الدُّوَلِيُّ халқаро соҳа, халқаро ҳаракатлар майдони; 3) *шунингдек*: ~ الْأَحْدَاثِ воқеалар содир бўлган жой

– مَسْرَحِيٌّ 1) театрга оид; саҳнага оид, саҳнавий; 2) драматик; الـ~ التَّأْلِيفُ драматургия; ~ مُؤَلِّفٌ (كَاتِبٌ) драматург

– مَسْرَحِيَّةٌ *кўп.* اتٌ — драма, драматик асар, пьеса

– مُنْسَرِحٌ 1) эркин, озод, ҳур, ихтиёри чекланмаган; ~ خَيَالٌ эркин хаёл, эркин фантазия; ~ الْفِكْرِ хаёлга ботган, хаёлга чўмган; 2) тез, тезкор, шошилинч; 3) мунсариҳ (*шеърий вазн номи*); ◊ ~ الْقَامَةِ сарвиқомат, қадди-қомати келишган, хушбичим

سَارُوخٌ *алиф. б. қар.*

سَرَخْسٌ *бот.* папоротник

I سَرَدَ (у) سَرْدٌ 1) санчиб тешмоқ, тешиб ўтказмоқ; 2) (*терини*) тикмоқ; 3) санаб чиқмоқ, ҳисоблаб чиқмоқ; (*бирор к. нинг сўзини*) келтирмоқ, иқтибос (цитата) келтирмоқ; ~ الْحَدِيثَ ҳикоя қилишда давом этмоқ; ~ الصَّوْمَ рўза тутишда давом этмоқ; II سَرَّدَ 1) санчиб тешмоқ, тешиб ўтказмоқ; 2) (*терини*) тикмоқ; VII اِنْسَرَدَ иқтибос (цитата) олинмоқ, иқтибос (цитата) келтирилмоқ

– سَرْدٌ[1] иқтибос (цитата) олиш, иқтибос (цитата) келтириш, (*ҳикоя ва ҳ. к. ларни*) нақл қилиш

– سَرْدٌ[2] 1) тешик, ҳалқанинг тешиги; ◊ ~ ثَلَاثَةٌ урушиш ман қилинган уч ой (*зулқаъда, зулҳижжа ва муҳаррам ойлари*)

– مَسْرَدٌ *кўп.* مَسَارِدُ рўйхат, жадвал; сарлавҳа

– مَسْرُودَةٌ тешилган, тешик очилган

سُرَادِقٌ *кўп.* اتٌ — 1) чодир, ҳовли саҳни устига ёпиладиган пахтадан ишланган матоҳ; капа, палатка; 2) павильон, шийпон, айвон; 3) тахтиравон

– مُسَرْدَقٌ устига чодир тортилган

سِرْدَابٌ *кўп.* سَرَادِيبُ 1) ер ости йўли, туннель; 2) ертўла; ғор, ер остидаги уй; подвал

سِرْدَارٌ, سَرْدَارٌ сардор, бош қўмондан

– سَرْدَارِيَّةٌ 1) сардорлик унвони; 2) сардорлик (бош қўмондон) бошқармаси

سَرْدِينٌ *жам.* сардина (*сельдлар оиласига мансуб балиқ*)

سَرِيسٌ *бот.* сачратқи, талха

سَرْسَبَ сачратмоқ, сепмоқ, пуркамоқ

– سِرْسَابٌ руҳий эзилганлик, руҳий тушкунлик; касаллик васвасаси; тушкунлик, умидсизлик

– سَرْسَبَةٌ сачратиш, сепиш, пуркаш

سَرْسَعَ чирилламоқ (*қора чигиртка ҳақида*)

– سَرْسَعَةٌ чириллаш, чиғирлаш

سِرْسَامٌ *мед.* менингит, бош ва орқа мия қобиқларининг яллиғланиши

I سَرِطَ (а) سَرَطٌ ютмоқ, томоқдан ўтказмоқ, ютиб юбормоқ; VIII اِسْتَرَطَ = I

– صِرَاطٌ = سِرَاطٌ

– سَرَطَانٌ *кўп.* ـَاتٌ — қисқичбақа; *мед.* рак (*ўсимта касаллиги*); ~ краб (*денгиз қисқичбақаси*); بُرْجُ الـ~ *астр.* Саратон буржи; ~ بَحْرِيٌّ денгизда яшовчи катта қисқичбақа; ~ الدَّمِ қон раки, оққон касаллиги; ~ الْعِظَامِ суяк раки; إِخْصَائِيُّ الـ~ рак касаллиги бўйича мутахассис доктор (*онколог*); مَعْهَدُ الـ~ онкология институти; مَاتَ بِالـ~ ракдан вафот этмоқ

– سَرَطَانِيٌّ қисқичбақага оид; ракка оид; النُّمُوُّ الـ~ ракнинг катталашуви; خَلَايَا ~ـَةٌ рак ҳужайралари; ~ وَرَمٌ ракка оид ўсма (ўсимта)

I سَرُعَ (у) سُرْعَةٌ 1) тезлашмоқ, тез бўлмоқ, тезламоқ; 2) шошилмоқ; II سَرَّعَ тезлатмоқ, шошилтирмоқ, тез амалга оширмоқ; III سَارَعَ 1) шошилмоқ; 2) чопиш бўйича мусобақалашмоқ, ким ўзди ўйнамоқ; IV أَسْرَعَ 1) шошилмоқ; 2) шошилтирмоқ, тезлатмоқ; فَمَا ~ أَنْ أَتَى طَبِيبٌ ва тезда табиб (врач) етиб келди; V تَسَرَّعَ шошилмоқ; VI تَسَارَعَ 1) бошқалар билан биргаликда шошилмоқ; 2) тезлашмоқ, тезлашиб кетмоқ

– أُسْرُوعٌ *кўп.* أَسَارِيعُ *зоол.* капалак қурти

– تَسَارُعٌ *физ.* тезланиш

– تَسَرُّعٌ шошилганлик, ҳовлиққанлик, ҳовлиқмалик; шошилиш, шошиш, шошма-шошарлик

– تَسْرِيعٌ тезлатиш, шошилтириш; илдамлаштириш

– سُرْعٌ *кўп.* أَسْرَاعٌ тизгин, жилов

– سُرْعَانَ *ёки* سِرْعَانَ: ~ مَا тезда, бир зумда, ҳозироқ; ~ مَا تَغَيَّرَتِ الْحَالَةُ лекин бир зумда вазият ўзгарди

– سُرْعَةٌ 1) тезлик, суръат, илдамлик; الـ~ الْحَرِجَةُ хатарли тезлик, хавфли тезлик; ~ الزَّاوِيَةِ бурчак тезлиги; ~ الصَّوْتِ товуш тезлиги; الـ~ فَوْقَ الصَّوْتِيَّةِ товуш тезлигидан юқори тезлик; بِـ~ тезда, илдамлик билан; بِـ~ خَاطِفَةٍ *ёки* بِـ~ الْبَرْقِ яшин тезлигида; عَلَى وَجْهِ الـ~ жуда тез, жуда илдам; шошилишлик, шошма-шошарлик

– سَرِيعٌ *кўп.* سِرَاعٌ 1) тез, илдам; шошилган, шошма-шошар; ~ًا тезда, яқин кунларда; ~ الْأَثَرِ тез таъсир қилувчи, тез кор қилувчи (*мас., заҳар*); ~ التَّأَثُّرِ тез таъсирланувчи, таъсирга (таассуротга) тез берилувчи; ~ الْاِلْتِهَابِ тез ёниб кетадиган, тез алангаланадиган; ~ التَّصْدِيقِ тез ишонувчан, лақма; ~ الْعَطَبِ (التَّلَف) тез бузиладиган, тез айнийдиган; ~ الْخَاطِرِ топқир, зийрак, зукко; ~ الْغَضَبِ қизиққон, сержаҳл, баджаҳл; 2) сариъ (*шеър вазнларидан бирининг номи*)

– مُتَسَرِّعٌ шошилган, шошма-шошарлик қилган, ҳовлиққан

– مُسَارَعَةٌ шошилганлик, шошма-шошарлик, ҳовлиқмалик

– مُسْرِعٌ тез, тезкор, жадал; шошилган, шошма-шошарлик қилган, ҳовлиққан

– مِسْرَعٌ метроном (*ҳар тебранишида овоз чиқариб турадиган, музикачилар кўп ишлатадиган, тезлигини ўзгартириш мумкин бўлган механик асбоб*)

– مُسَرِّعٌ 1) тезлатувчи, илдамлатувчи; 2) *кўп.* ـَاتٌ — *физ.* тезлатгич, тезлатувчи, ускоритель; الـ~ الذَّرِّيُّ атом тезлатгичи, атом ядросини таркибий қисмларга ажратадиған қурилма, циклотрон,

(سرف) IV أَسْرَفَ 1) исроф қилмоқ, меъёридан ошиқ сарф қилмоқ; 2) (*бирор н. га*) ҳаддан ошмоқ (فِى), (*бирор н. ни*) ҳаддан оширмоқ (فِى); (*бирор н. ни*) жуда ошириб юбормоқ (فِى)

– إِسْرَافٌ 1) исрофгарчилик; исрофгарчилик қилиш; 2) (*бирор н. да*) меъёрдан ошиб кетиш (فِى); ҳаддан ошиш, ҳаддан ошиб кетиш, чегарадан чиқиб кетиш

– سَرَفٌ 1) ҳаддан ташқарилик, ортиқчалик; فِى غَيْرِ ~ меъёрида, меъёри билан, исроф қилмасдан; 2) қонхўрлик, ёвузлик

– سُرْفَةٌ *кўп.* سُرَفٌ *зоол.* 1) капалак, чивин ва ҳ. к. ларнинг тухумидан янги чиққан қурт; 2) қир чумоли, термит (*иссиқ мамлакатларда яшовчи зарарли ҳашарот*)

– سَرِيفٌ *кўп.* سَرَائِفُ лойдан қурилган кулба (*Ироқда*)

– مِسْرَافٌ беҳуда сарф қилувчи, исрофгар, нобудгар

– مُسْرِفٌ 1) исрофгар, нобудгар, исроф қилувчи; 2) меъёрдан чиқиб кетувчи, чегарадан ўтиб кетувчи; ~ فِى الدِّقَّةِ ўта нозик, ўта ингичка

I سَرَقَ (и) سَرِقَةٌ, سَرْقَةٌ ўғирламоқ, ўғирлик қилмоқ; ўғирлаб кетмоқ, ўғри уриб кетмоқ; олиб қочмоқ; يَسْرِقُ الْكُحْلَ مِنَ الْعَيْنِ *мтл.* оғзингдаги сақични ҳам ўғирлаб олади (*олғир ўғрилар ҳақида*) (*сўзма-сўз:* кўздаги сурмагача ўғирлайди); II سَرَّقَ ўғирликда айбламоқ; III سَارَقَ (*бирор н. ни*) яширинча бажармоқ; ~ـهُ النَّظَرَ *ёки* ~ النَّظَرَ إِلَيْهِ бирор кимга яширинча қарамоқ; ~ السَّمْعَ сездирмай (ўғринча) қулоқ солмоқ; VII انْسَرَقَ 1) заифлашмоқ, кучсизланмоқ, кучи кетмоқ; 2) ўғирланмоқ; йўқолмоқ; ~ فِى ... *ёки* ~ إِلَى ... (*бирор жойга*) ҳеч кимга билдирмай кирмоқ; VIII اسْتَرَقَ = III

– سَارِقٌ *кўп.* سُرَّاقٌ, سَرَقَةٌ ўғри; ~ الْمُؤَلَّفَاتِ кўчирмачи, адабий ўғри, плагиатор

– سَارِقَةٌ ўғри аёл (хотин)

– سَرَّاقٌ 1) қаллоб, фирибгар, қув, тирриқ, ғирром; 2) ўғри; 3) дастарра, қўларра

– سَرْقَةٌ = سَرِقَةٌ, سَرَقَةٌ

– سَرِقَةٌ кўп. اتٌ — ўғрилик, ўғирлик; ~ بِإِكْرَاهٍ талончилик, босқинчилик, талаш; ~ أَدَبِيَّةٌ адабий ўғирлик, кўчирмачилик, плагиаторлик; جُنُونُ الـ~ ўғирликка мойилликдан иборат руҳий касаллик

– سَرِيقَةٌ ўғирланган нарса

– مُسَارَقَةٌ: فِي ~ وَ تَلَصُّصٍ ҳеч кимга билдирмасдан, яширинча, ўғринча, ўғриларча, пинҳона

– مَسْرُوقَاتٌ кўп. ўғирланган нарсалар

– مُنْسَرِقٌ кучсизланган, ҳолдан тойган; ~ الْقُوَى кучдан қолган

سِرْقِينٌ гўнг, ўғит

سِرْكٌ кўп. أَسْرَاكٌ цирк

سَرْكَالٌ кўп. سَرَاكِيلُ ўнбоши, ишбоши, оқсоқол, бошлиқ, саркор (*Ироқда*)

سَرْكِيٌّ кўп. سَرَاكِيُّ 1) тўлов ҳақидаги фармон; 2) даллол хат ёзиб берган қоғозча; 3) ҳисоб-китоб дафтарчаси; ~ الْعَمَلِ бажарилган ишлар ҳисоб-китоби ёзилган дафтарча

سُرْمٌ кўп. أَسْرَامٌ *анат.* тўғри ичак; орқа чиқариш тешиги

سَرْمَدٌ, سَرْمَدِيٌّ абадий, абадулабад, умрбод, мангу

– سَرْمَدِيَّةٌ абадийлик, умрбодлик, мангулик

سِرِنْجَةٌ кўп. اتٌ — шприц

سَرْهَدَ боқмоқ, боқиб ўстирмоқ, боқиб катта қилмоқ, боқиб тарбияламоқ

– سَرْهَدَةٌ боқиш, ем бериб боқиш, овқат бериб боқиш

I (سرو) سَرَا (*у*) سَرْوٌ, سَرَاوَةٌ зоти улуғ бўлмоқ, мартабаси улуғ бўлмоқ, ҳурматли бўлмоқ, аслзодалардан бўлмоқ; I سَرُوَ (*у*) = سَرَا (*у*); II سَرَّى 1) (*ғам-ташвишни*) нарига кетказмоқ, (*ғамни*) узоқлаштирмоқ; 2) (*бирор к. га*) тасалли бермоқ; (*бирор к. ни*) кўнглини очмоқ, вақтини чоғ қилмоқ; سُرِّيَ عَنْهُ у ўзига келди, у ҳушига келди; унинг кўнгли таскин топди; унинг кўнгли тинчиди; ~ عَنْ نَفْسِهِ ... بِـ бирор нима билан овунмоқ, бирор нима билан вақтини чоғ қилмоқ; V تَسَرَّى ўйнаш тутмоқ, маъшуқаси бор бўлмоқ; VII اِنْسَرَى узоқлаштирилмоқ, четлаштирилмоқ; ~ عَنْهُ = سُرِّيَ عَنْهُ *қар.* سَرَّى

– تَسْرِيَةٌ тасалли бериш, кўнгилни очиш, вақтни чоғ қилиш; لِلتَّسْلِيَةِ وَ الـ~ роса вақтичоғлик қилиш учун; мазза қилиб, кўнгил очиш учун

– سَرَاةٌ кўп. سَرَوَاتٌ 1) орқа, елка; (*бирор н. нинг*) юқори қисми, тепаси; 2) ўрта қисм; 3) доҳий; ◊ ~ يَوْمِهِ кун бўйи

– سَرَاوَةٌ аслзодалик, мартабаси улуғлик, машҳурлик

– سَرْوٌ[1] *бот. жам.* сарв дарахтлари

– سَرْوٌ[2] саховат, сахийлик

سَرْوَةٌ кўп. سَرَوَاتٌ сарв дарахти

– سَرِيٌّ[1] кўп. أَسْرِيَاءُ, سُرَاةٌ 1) аслзода, мартабаси улуғ, машҳур, эътиборли; 2) оқсуяклар вакили, дворян

– سَرِيٌّ[2] жилға, ариқ, анҳорча

– سُرِّيَّةٌ *қар.* سُرّ

سَرْوَلَ лозим (иштон, шалвор) кийгизмоқ; تَسَرْوَلَ лозим (иштон, шалвор) киймоқ

– سِرْوَالٌ *мз. мн.* кўп. سَرَاوِيلُ, سَرَاوِيلَاتٌ лозим, иштон, шалвор, кальсон, панталон

– مُسَرْوَلٌ: حَمَامَةٌ ~ـةٌ оёғида пати бор каптар, пайпоқли каптар

I سَرَى (*и*) سُرًى, سَرَيَانٌ 1) тунда юрмоқ, кечаси йўл юрмоқ; 2) оқмоқ, айланмоқ (*мас., қон ҳақида*); 3) ҳаракатда бўлмоқ, мажбурий кучга эга бўлмоқ; (*бирор к. га*) тааллуқли бўлмоқ (عَلَى), (*бирор к. га*) татбиқ (жорий) қилинмоқ (عَلَى); يَسْرِي الْقَانُونُ عَلَى الْمَاضِي *юр.* қонун эълон қилинмасдан илгариги ишларга ҳам татбиқ (жорий) этилади; IV أَسْرَى 1) кечаси йўл юрмоқ, кечаси саёҳатга чиқмоқ, кечаси саёҳат қилмоқ; 2) (*бирор н. ни бирор томонга*) кечаси кўчирмоқ, олиб ўтмоқ (إِلَى, بِ)

– إِسْرَاءٌ тунги саёҳат; الـ~ исро (*Муҳаммад алайҳиссаломнинг Маккаи мукаррамадан Қуддуси шарифга қилган тунги сафарлари*)

– سَارٍ *мн.* سَارِيَةٌ кўп. سُرَاةٌ 1) сафар қилувчи, саёҳат қилувчи, юрувчи; 2) амалдаги, амалда қўлланадиган; سَارِي الْمَفْعُولِ *қар.* مَفْعُولٌ

– سَارِيَةٌ кўп. سَوَارٍ 1) тундаги булут, тун булути; 2) кемада елканларни осиб қўйиш учун қилинган устун, дор, мачта; ~ الْبَرْقِ радиомачта; 3) ёғоч устун, столб

– سُرًى *мн. мз.* тунги саёҳат, тунги сафар; عِنْدَ الصَّبَاحِ يَحْمَدُ الْقَوْمُ الـ~ *мқл.* кечаси ётиб ўйла-эртаси туриб сўйла (*сўзма-сўз:* тонг отгач, одамлар тунги саёҳатни мақтайдилар)

– سَرِيٌّ кўп. أَسْرِيَةٌ, سُرْيَانٌ сой, анҳор, жилға, ариқ

– سَرِيَّةٌ кўп. سَرَايَا 1) отряд; рота; 2) *шунингдек.* ~ الْخَيْلِ *ёки* ~ خَيَّالَةٌ отлиқ отряд, отлиқ эскадрон

– مَسْرًى 1) (*мас., қоннинг*) оқиши, юриши, айланиши; 2) тунги саёҳат, тунги сафар; ~ مُحَمَّدٍ *дин.* Муҳаммад алайҳиссаломнинг Маккаи мукаррамадан Қуддуси шарифга қилган тунги сафарлари (*сол.* إِسْرَاءٌ)

سُرْيَانٌ оссурийлар

سُرْيَانِيٌّ 1) оссурийларга (*сурёнийларга*) оид; الـ~ـةُ ўрта оссурий (сурёний) тили; 2) оссурий (сурёний) киши

أُسْطَبَةٌ алиф. б. қар.

مَسْطَبَةٌ кўп. مَسَاطِبُ 1) сабзавот экиш учун ажратилган ер майдони, томорқа; 2) мастаба, тошдан қилинган супа; уй деворига туташтириб тупроқдан қилинган супа

I سَطَحَ (а) سَطْحٌ 1) ёймоқ, ёзмоқ, ёзиб юбормоқ; 2) (хамирни) ёймоқ; 3) текисламоқ, бараварламоқ, тўғриламоқ; 4) тўшамоқ, қопламоқ, ётқизмоқ; 5) ерга қулатмоқ, ерга ағдармоқ, ерга йиқитмоқ; II سَطَّحَ тенглаштирмоқ, тенг қилмоқ; 2) текисламоқ, силлиқламоқ; 3) баравар қилиб қўймоқ, тўшамоқ, ётқизмоқ; тех. сатҳни текисламоқ; ◊ ~هُمْ عَلَى مُسْتَوًى وَاحِدٍ ҳаммани тенглаштириб қўймоқ, ҳаммани бир хил даражага келтирмоқ; V تَسَطَّحَ 1) тўшалмоқ, ёйилмоқ, ёзилмоқ; 2) ёйилиб кетмоқ; 3) текисланмоқ, бараварлашмоқ, тўғриланмоқ; 4) тепага қараб ётмоқ; VII اِنْسَطَحَ 1) текисланмоқ, тўғриланмоқ; 2) кенг ёзилмоқ, кенг ёйилмоқ; тепага қараб ётмоқ

– تَسْطِيحٌ 1) текислаш, тенглаштириш; 2) сатҳни текислаш; проекция

– سُطَّاحٌ ер бағирлаб ўсадиган ўсимлик

– سَطْحٌ кўп. سُطُوحٌ, أَسْطُحٌ 1) юза, уст, устки қисм; текислик, яссилик, ялпоқлик; ~ُ الْأَرْضِ ер юзаси, ернинг устки қисми; ~ُ الْبَحْرِ денгиз сатҳи, денгизнинг устки қисми; ~ُ الْبَاخِرَةِ палуба, пароход ёки кеманинг устки қисми (сатҳи); 2) шунингдек ~ُ الْبَيْتِ текис том, уйнинг текис томи; 3) терраса, текис жой; 4) мат. текислик; ~ مَائِلٌ қия текислик

– سَطْحِيٌّ 1) текис, текисликка (сатҳга) оид, сатҳий; 2) юзаки, саёз, чуқур бўлмаган; ~اً юзаки равишда

– سَطْحِيَّةٌ юзакилик, саёзлик, енгил-елпилик

– سَطِيحٌ 1) текис, ўнқир-чўнқир бўлмаган, силлиқ, кафтдек (текис); ясси, ялпоқ; 2) ястаниб ётган; 3) (касалликдан сўнг) нимжон заиф бўлиб қолган

– سَطِيحَةٌ (касалликдан сўнг) жуда нимжон бўлиб қолган

– مِسْطَاحٌ 1) хурмо мевалари ёйиб қўйилган очиқ текислик; 2) хурмо меваси сотиладиган бозор

– مَسْطَحٌ кўп. مَسَاطِحُ 1) юза, уст, устки қисм, сатҳ; 2) қуритиш учун хурмо ёйиладиган текис жой

– مُسَطَّحٌ 1) текисланган, силлиқланган; текис; عَرَبَةٌ ~ـَةٌ очиқ вагон, вагон-платформа; 2) кўп. ـَـاتٌ майдон, очиқлик, очиқ майдон; ◊ الْمِتْرُ الْـ~ квадрат метр

I سَطَرَ (у) سَطْرٌ 1) чизмоқ, чизиқ тортмоқ, чизиқ ўтказмоқ; 2) ёзмоқ, хат ёзмоқ; II سَطَّرَ 1) чизмоқ, чизиқ чизмоқ, чизиқ ўтказмоқ; 2) жуда кўп ёзмоқ, ёзавермоқ; тез ёзмоқ, апил-тапил ёзмоқ; V تَسَطَّرَ 1) чизилмоқ, чизиб ташланмоқ; 2) ёзилавериб ишдан чиқмоқ; VIII اِسْتَطَرَ = I

– أَسَاطِيرِيٌّ афсонавий, афсонага асосланган, эртаксимон, асотирий

– أُسْطُورَةٌ = إِسْطَارَةٌ

– أُسْطُورَةٌ кўп. أَسَاطِيرُ 1) нақл, ривоят, чўпчак; афсона, асотир, миф; 2) эртак; масал, ҳикоя, тарих

– أُسْطُورِيٌّ афсонавий, ақлга сиғмайдиган, мифга оид, мифологик, эртаксимон; ثَرَوَاتٌ ~ـَةٌ афсонавий бойлик

– سَاطُورٌ кўп. سَوَاطِيرُ катта пичоқ, ошпичоқ

– سَطْرٌ кўп. أَسْطُرٌ, سُطُورٌ 1) чизиқ, линия; 2) сатр; حَيَاةُ الْفَقِيدِ فِي سُطُورٍ марҳумнинг ҳаёти ҳақида икки оғиз сўз (сўзма-сўз: марҳумнинг ҳаёти сатрларда); ◊ فَهِمَ مِنْ بَيْنِ سُطُورٍ ёзилган нарсанинг асл маъносини тушуниб етмоқ

– مِسْطَارٌ[1] 1) куракча, белча, белкуракча, мастерок; 2) чизмачиликда туш ёки сиёҳ билан чизадиган асбоб

– مِسْطَارٌ[2] шаробнинг бир тури

– مُسَطَّرٌ чизиқ тортилган, тўғри чизиқли (дафтар)

– مِسْطَرَةٌ, مَسْطَرَةٌ кўп. مَسَاطِرُ 1) чизғич, линейка; ~ حَاسِبَةٌ логарифмик ҳисоб линейкаси; 2) намуна, нусха; 3) (мас., қўлёзмадаги) сатрлар сони

– مِسْطَارٌ = مَسْطَرِينٌ

شَطْرَنْجٌ = سَطْرَنْجٌ

I سَطَعَ (а) سُطُوعٌ 1) кучли ёритмоқ, қамашадиган тарзда ялтирамоқ; 2) кўтарилмоқ (мас., чанг); 3) тарқалмоқ, босмоқ (мас., ҳид); 4) аниқ бўлмоқ, равшан бўлмоқ

– سَاطِعٌ 1) ёруғ, кўзни қамаштирадиган; 2) жуда қаттиқ, жуда кучли, тешиб юборадиган; 3) аниқ, равшан

– سَطَعٌ 1) чапак чалиш, қарсак чалиш; 2) (тушиб кетган н. дан чиққан) товуш

– سُطُوعٌ ярқираш, ялтираш, равшанлик; بِـ~ равшан ҳолатда

I سَطَلَ (у) سَطْلٌ гангитмоқ, бошни айлантирмоқ, маст қилмоқ; VII اِنْسَطَلَ 1) гангимоқ, бош айланмоқ, маст бўлмоқ; 2) наша чекиб олмоқ, наша чекмоқ

– أُسْطُولٌ алиф. б. қар.

– سَطْلٌ кўп. أَسْطَالٌ, سُطُولٌ пақир, челак, қовға, ёғоч пақир; (экскаватор ва ҳ. к. нинг) чўмичи, ковш

– سَطْلَةٌ кўп. سَطْلٌ нашанинг ясси қилиб тайёрланган ҳабдориси

– مَسْطُولٌ кўп. مَسَاطِيلُ 1) ширакайф, сархуш; маст; наша ёки қорадори ичиб кайфи ошган

I سَطَمَ (у) سَطْمٌ 1) ёпмоқ, беркитмоқ; тиқмоқ, тиқиб бекитмоқ; 2) тўсмоқ, тўсиқ ҳосил қилмоқ; 3) سَطِمَ битиб қолган бўлмоқ (бурун ҳақида)

– سِطَامٌ[1] тиқин, тиқилинч; пўк (шишадаги)

– سِطَامٌ[2] қиличнинг тиғи (дами)

II (سطو) سَطَا (у) سَطْوٌ, سَطْوَةٌ бостирмоқ, бостириб кирмоқ, ҳужум қилмоқ, (бирор к. га) ташланмоқ (عَلَى, بِ); (бирор жойга)

зўрлик билан бостириб кирмоқ (عَلَى)

– سَطْوٌ 1) ҳужум, ҳужум қилиш, тажовуз, босқин; 2) куч, қувват; қудрат

– سَطْوَةٌ кўп. سَطَوَاتٌ 1) ҳужум, ҳужум қилиш, тажовуз, босқин; 2) куч, қувват; қудрат; 3) ҳукмронлик; таъсирлилик, эътиборлилик, мўътабарлик

زَعْتَرٌ = سَعْتَرٌ

I سَعِدَ (а) سَعَادَةٌ бахтли бўлмоқ, бахт-иқболли (саодатли) бўлмоқ; омади чопмоқ, муваффақият қозонмоқ, муваффақиятга эришмоқ; وَ لَقَدْ ~ تُ بِالْاِسْتِمَاعِ إِلَيْهِ мен шахсан уни эшитиш бахтига муяссар бўлганман; III سَاعَدَ ёрдам бермоқ, ёрдами тегмоқ, нафи тегмоқ; имкон бермоқ, имконият туғдирмоқ; қўллаб-қувватламоқ, қўлламоқ; IV أَسْعَدَ 1) бахтли (саодатли) қилмоқ, бахтиёр қилмоқ; وَ كَمْ يُسْعِدُنِي أَنْ أُصَرِّحَ ... ...ни маълум қилишдан қанчалар бахтлиман; 2) бойитмоқ; X اِسْتَسْعَدَ бахтли деб ҳисобламоқ

– إِسْعَادٌ ёрдам, кўмак, ҳамкорлик, ёрдамлашиш, кўмак бериш

– سَاعِدٌ кўп. سَوَاعِدُ қўл; билак; анат. билак суяги; ◊ اشْتَدَّ ~ هُ ўсиб катта бўлмоқ, кучга кирмоқ, кучли бўлиб етишмоқ; فَتَّ فِي ~ هِ қар. فَتَّ; ~ ا الطَّيْرِ қушнинг қанотлари

– سَاعِدَةٌ кўп. سَوَاعِدُ ирмоқ (*дарёдаги*)

– سَعَادَةٌ 1) бахт, саодат, иқбол; омад, ютуқ, муваффақият; دَارُ الـ~ Дорус-саодат (*Бахт уйи –Истамбул шаҳрининг фахрий номларидан бири*); 2) тар. жаноби олийлари (*Туркия ва Мисрдаги олий унвонли амалдорларга-пошоларга мурожаатда, уларга нисбатан ишлатилган*); صَاحِبُ الـ~ ҳазрати олийлари

– سَعْدَى, سُعْدُ бот. 1) қиёқ, барди; саломалайкум (ўт-алаф)

– سَعْدٌ кўп. سُعُودٌ бахт, саодат, иқбол; омад, ютуқ, зафар, муваффақият

– سَعْدَانٌ[1] кўп. سَعَادِينُ маймун

– سَعْدَانٌ[2] туялар яхши кўриб ейдиган ўсимлик

– سَعْدَانَةٌ кўп. اتٌ — 1) (*кўкракнинг*) тугмаси; 2) (*эшикнинг*) думалоқ тутқичи (дастаси, қабзаси)

– سَعْدَنَةٌ 1) кўр-кўрона тақлид қилиш, маймундек тақлид қилиш; 2) кўп. اتٌ — найранг, ҳийла, ҳийла-найранг; ҳазил

– سُعْدَى ат. от, мн. Суъдо

سَعُودِيٌّ - 1) Саудияга оид, саудий; 2) Саудия Арабистонида яшовчи

– سَعِيدٌ кўп. سُعَدَاءُ 1) бахтли, саодатли, иқболли, омадли; وَ إِنِّي لَسَعِيدٌ بِأَنْ أُقَدِّمَ لَكُمْ ... мен сизга ...ни тақдим этиш билан бахтиёрман; 2) соғ-саломат, бардам, бехатар; ◊ ~ حَادِثٌ кутилаётган чақалоқнинг туғилиши

– مُسَاعِدٌ 1) ёрдам берувчи, ёрдам кўрсатувчи, ёрдамчи; қулай, ўнғай; 2) бирга борадиган, ҳамроҳ; 3) иккинчи даражали; 3) ёрдамчи, ўринбосар; أُسْتَاذٌ ~ доцент, кичик илмий ходим, адъюнкт

– مُسَاعَدَةٌ 1) ёрдам, ёрдам кўрсатиш, қўллаб-қувватлаш; مَالِيَّةٌ ~ ёрдам учун бериладиган пул, молиявий ёрдам, субсидия; عِلْمِيَّةٌ ~ илм-фанни ривожлантириш учун бериладиган ёрдам, субсидия; مَدَّ يَدَ الـ~ ёрдам қўлини чўзмоқ; 2) ўзаро ёрдам, ҳамкорлик

– مُسْعَدٌ бахтли, саодатли, иқболли

– مَسْعُودٌ бахтиёр қилинган, бахтли қилинган; бахтли, бахтиёр, масъуд

I سَعَرَ (а) سَعْرٌ 1) ёндирмоқ, гуруллатиб ёқмоқ, алангасини осмонга чиқармоқ, ўт ёқмоқ; 2) سُعِرَ қутурмоқ (*ит ҳақида*); II سَعَّرَ 1) ўт ёқмоқ, олов ёқмоқ, гуруллатиб ёқмоқ, алангасини осмонга чиқармоқ; الْحَرْبَ الْبَارِدَةَ ~ совуқ урушни бошламоқ, совуқ урушни авж олдирмоқ; 2) баҳо қўймоқ, нарх белгиламоқ, нарх қўймоқ; *мол.* курсни белгиламоқ, чет эл пуллари ва ҳ. к. ларнинг биржадаги қийматини аниқламоқ; III سَاعَرَ савдолашмоқ, савдо-сотиқ қилмоқ; IV أَسْعَرَ (*олов*) ёқмоқ, ёндирмоқ; V تَسَعَّرَ 1) алангаланмоқ, ёнмоқ, ловилламоқ; 2) баҳоланмоқ, нархи қўйилмоқ, нархи белгиланмоқ; VII اِنْسَعَرَ қутурмоқ (*ит ҳақида*); VIII اِسْتَعَرَ ёнмоқ, ўт олмоқ, гуруллаб ёна бошламоқ; алангаланиб ёнмоқ

تَسْعِيرٌ - 1) ўт (олов)' ёқиш; 2) нарх белгилаш (қўйиш); *мол.* чет эл пулларининг биржадаги қийматини белгилаш

– تَسْعِيرَةٌ кўп. اتٌ — белгиланган нарх миқдори, тариф; нарх белгилаш, нарх, қиймат, такса

– سَعَّارٌ нарх белгиловчи

– سُعَارٌ 1) иликлик. иссиқлик; 2) ўта очлик, ўта қорни очлик; 3) қутуриш, қутурганлик

– سِعْرٌ кўп. أَسْعَارٌ нарх, баҳо, қиймат, курс; ... بِـ~ ... баҳосида, ... нархида; بِـ~ الْيَوْمِ бугунги нарх билан (нархда); ~ أَصْلِيٌّ ўз баҳоси, номинал баҳо; ~ الْبَيْعِ сотув нархи, сотувдаги нарх; ~ التَّعَادُلِ қимматбаҳо қоғозлар таннархининг биржадаги нарх-навога учма-уч тенг келиши; ~ التَّكْلِفَةِ таннарх, алпари курси; ~ ثَابِتٌ қатъий баҳо (нарх); ~ جَارٍ бозор нархи (баҳоси), прейскурант; ~ الْخَصْمِ *ёки* ~ الْقَطْعِ векселларнинг биржадаги қиймати; ҳисоб ставкаси; ~ الشِّرَاءِ сотиб олиш нархи (баҳоси); ~ الصَّرْفِ айирбош қилиш курси, алмаштириш курси; أَسْعَارُ الْعُمْلَةِ валюта қиймати; ~ الْفَائِدَةِ фойда қиймати; ~ الْمُبَادَلَةِ кундалик нарх (баҳо); أَسْعَارُ الْجُمْلَةِ улгуржи нархлар; أَسْعَارُ الْمُفَرَّقِ *ёки* أَسْعَارُ الْقَطَّاعِيِّ чакана нархлар; بَيَانُ الـ~ нарх-наво жадвали;. ~ الْبِضَاعَةِ بِمَا فِيهِ التَّأْمِينُ وَ النَّوْلُونُ *савдо.* сиф (*товарнинг суғурта пули қўшиб ҳисоблангандан кейинги нархи*); ~ الْكُمْبِيُو қар. كُمْبِيُو

– سَعِرٌ кўп. سَعْرَى ақлдан озган, тентак, телба, савдойи

– سُعْرٌ 1) қутурганлик; ақлдан озганлик, телбалик, савдойилик;

2) иссиқлик; 3) ўта қорин очлик; 4) *шунингдек*: حَرَارِيٌّ ~ *физ.* калория

– سَعْرَانُ қутурган, қутуриб қолган

– سُعْرَةٌ қутуриш, қутурганлик

– سُعْرَةٌ *кўп.* سُعَرٌ *физ.* калория (*Ироқда*)

– سُعْرِيَّةٌ калориялилик

– سَعِيرٌ *кўп.* سُعُرٌ олов, ўт, аланга; дўзах

– مُسْتَعِرٌ гуриллаб ёнаётган, алангаланаётган; حِقْدٌ ~ кучли нафрат

– مِسْعَارٌ *кўп.* مَسَاعِيرُ 1) темир косов; 2) ўт қўювчи, олов ёқувчи; васваса солувчи, иғвогар, фитначи; مَسَاعِيرُ الْحَرْبِ уруш оловини ёқувчилар

– مِسْعَرٌ *кўп.* مَسَاعِرُ = مِسْعَارٌ

– مُسَعِّرٌ 1) ўт қўювчи, олов ёқувчи; مُسَعِّرُو الْحَرْبِ уруш оловини ёқувчилар

سَعْرَانُ = مَسْعُورٌ

(سعط) IV أَسْعَطَ бурунга (*дори*) томизмоқ, бурунга (*дори*) қуймоқ; VIII اِسْتَعَطَ бурнаки тамаки чекмоқ, тамаки ҳидламоқ

– سَعُوطٌ бурнаки тамаки; عُلْبَةُ الـ~ тамакидон

– مِسْعَطٌ тамакидон

I سَعَفَ (*а*) سَعْفٌ ёрдам қилмоқ, ёрдам кўрсатмоқ, ёрдам қўлини чўзмоқ; қўлламоқ; III سَاعَفَ ёрдам қилмоқ, кўмаклашмоқ; IV أَسْعَفَ 1) ёрдам кўрсатмоқ, биринчи ёрдамни кўрсатмоқ

– إِسْعَافٌ ёрдам қилиш, ёрдам кўрсатиш; الـ~ الْأَوَّلُ биринчи ёрдам кўрсатиш; جَمْعِيَّةُ الـ~ тез ёрдам жамоаси; عَرَبَةُ الـ~ *ёки* سَيَّارَةُ الـ~ *ёки* مَرْكَبَةُ الـ~ тез ёрдам машинаси; رِجَالُ الـ~ (*тез ёрдам машинасидаги*) санитарлар

– إِسْعَافَاتٌ *кўп.* дори-дармонлар

– إِسْعَافِيٌّ санитар

– سَعْفٌ ёрдам

– سَعَفٌ *кўп.* سُعُوفٌ хурмо дарахтининг узун барглари; أَحَدُ الـ~ (*христианларда*) пасха ҳафтасидан олдинги якшанба куни бўладиган сайл, маросим

– سَعَفِيٌّ хурмо дарахтининг узун баргларидан ишланган

– سَعْفَةٌ (*чақалоқ бошидаги*) чақа, яра, қасмоқ, қора қўтир

– مُسْعِفٌ ишга ёрдам берадиган; фойдали, манфаатли

I سَعَلَ (*у*) سُعَالٌ йўталмоқ

– سُعَالٌ йўтал; الـ~ الدِّيكِيُّ *мед.* кўкйўтал; ◊ ~ الْخَيْلِ жўтқирув (*отларда бўладиган нафас қисилиши*); حَشِيشَةُ الـ~ *бот.* кўка, туятовон (*катта баргли ва сариқ гулли кўп йиллик ўсимлик*)

– سِعْلَاةٌ, سِعْلَاءٌ *кўп.* سَعَالٍ шаллақи хотин, манжалақи

– سَعْلَةٌ йўтал; حُبُوبُ الـ~ йўталга қарши ҳабдори, йўталдори

– سِعْلَاءٌ = سِعْلَى

سِعْنٌ *кўп.* أَسْعَانٌ, سِعْنَةٌ теридан ишланган идиш, саноч, меш; ◊ أَبُو ~ *зоол.* марабу (*лайлаксимонлар оиласига мансуб катта қуш*): ҳинд марабуси; жиғилдони катта ҳинд лайлаги

سَعَةٌ *қар.* وسع

I سَعَى (سعى) [1] (*а*) سَعْيٌ 1) интилмоқ, шитоб билан ёпирилмоқ, югурмоқ, чопмоқ; حَوْلَ الْكَعْبَةِ ~ *дин.* Каъба атрофида югурмоқ, саъй (тавоф) қилмоқ; بَيْنَ الصَّفَا وَ الْمَرْوَةِ ~ *дин.* (*ҳаж вақтида*) Сафо ва Марва тепаликлари ўртасида югурмоқ; 2) жўнамоқ, кетмоқ; عَلَى قَدَمَيْهِ ~ пиёда юрмоқ; بِخُطًى وَاسِعَةٍ ~ катта-катта қадам ташлаб юрмоқ; 3) (*бирор н. га*) интилмоқ (إِلَى); 4) ҳаракат қилмоқ, уринмоқ; (*бирор н. устида*) ишламоқ; (*бирор н. га*) эришмоқ, етишмоқ (فِي); جُهْدَهُ فِي ... ~ (*бирор н. га*) қаттиқ ҳаракат қилмоқ; 5) (*к. нингдир олдида к. учундир*) илтимос қилмоқ (لَدَى); 6) (*бирор к. га. қарши*) фитна (найранг) ишлари олиб бормоқ (عَلَى); سَعَى [2] (*а*) سِعَايَةٌ 1) (*бирор к. ҳақида*) чақимчилик қилмоқ (بِ); 2) (*бирор к. га*) туҳмат қилмоқ, бўҳтон қилмоқ, ғийбат қилмоқ (بِ)

– سَاعٍ *мн.* سَاعِيَةٌ *кўп.* سُعَاةٌ 1) чопар, хат олиб борувчи вакил, курьер; سَاعِي الْبَرِيدِ почтачи, почтальон; سَاعِي التِّلِغْرَافِ телеграммаларни тарқатувчи; 2) чақимчи, гап ташувчи; ғийбатчи

– سِعَايَةٌ 1) чақув, махфий маълумот; 2) ғийбат, туҳмат, бўҳтон

– سَعْيٌ 1) чопиш, югуриш; الـ~ *дин.* Сафо ва Марва тепаликлари орасида югуриш; 2) интилиш, уриниш, ҳаракат қилиш; 3) тиришиш, меҳнат; 4) кирдикор, фитна, макр, ҳийла-найранг

– مَسْعًى *кўп.* مَسَاعٍ тиришиш, ҳаракат қилиш, интилиш; ғайрат; *кўп.* кирдикорлар, ҳийла-найранглар

– مَسْعَاةٌ *кўп.* مَسَاعٍ мақтовга арзийдиган амал, мақтаса бўладиган иш

I سَغِبَ (*а*) سَغَبٌ оч қолмоқ, қорни очмоқ

– سَغَابَةٌ очлик, қорни очлик

– سَغِبٌ қорни очлик

– سَغْبَانُ *мн.* سَغْبَى *кўп.* سِغَابٌ оч, қорни оч

– سَغَابَةٌ = مَسْغَبَةٌ; دَفَعَ بِهِ الـ~ бирор нима билан очликни кетказмоқ

سَغْسَغَ 1) ёғ суртмоқ, ёғламоқ, ёғ чапламоқ; 2) ҳўлламоқ, сингдирмоқ, шимдирмоқ

– سَغْسَغَةٌ ёғ суртиш, ёғ чаплаш

I سَفَّ (*и/а*) سَفٌّ 1) (*дорини, талқондорини*) оғизга солмоқ (ютмоқ, қабул қилмоқ); 2) тўқимоқ, тўқиб ясамоқ; الْحَصِيرَ ~ бўйра тўқимоқ; IV أَسَفَّ 1) тикилмоқ, бақраймоқ; النَّظَرَ إِلَى ... ~ ...га

тикилиб қарамоқ, кўз тикмоқ; 2) пастлаб учмоқ, париллаб учмоқ (учиб ўтмоқ -*қуш ҳақида*); ер бағирлаб учмоқ (*самолёт ҳақида*); 3) ахлоқан тубанлашмоқ (пастлашмоқ); ~ إِلَى أَسْفَلِ دَرْكٍ مِنَ الرَّذِيلَةِ бузуқлик ботқоғига ботиб кетмоқ; 4) (*бирор н. ни*) юзаки, бачканалик билан бажармоқ; 5) (*мас., дорини*) ичиш учун тавсия қилмоқ, буюрмоқ; ~ـهُ السُّفُوفَ бирор кимга талқондори бермоқ; 6) тўқимоқ, тўқиб ясамоқ; ~ الْحَصِيرَ бўйра тўқимоқ; IV أَسِفَّ рanги ўзгармоқ; VIII اِسْتَفَّ = I 1)

– إِسْفَافٌ 1) юзакилик, бачканалик; 2) пастлаб учиш; ер бағирлаб учиш; 3) ахлоқий тубанлик, الشَّرَفُ لَا يُصَانُ بِالـ~ وَ الاِسْتِهَانَةِ пастлик ва тубанлик билан ор-номусни сақлаб бўлмайди

– سَفَّافٌ *халқ.* порахўр, пора олувчи

– سُفَّةٌ чангал, ҳовуч; ~ مِنَ الْقَمْحِ бир чангал буғдой

– سَفُوفٌ *жам.* кукун ҳолатидаги дори, талқондори, порошок

– سَفِيفٌ ориқ, қотма; ҳолсиз, нимжон, заиф, бедармон, ожиз

– سَفِيفَةٌ *кўп.* سَفَائِفُ хурмо дарахти барғидан тўқилган бўйра

سُفْتَجَةٌ *кўп.* سَفَاتِجُ қарз ҳужжати, вексель; чек

I سَفَحَ (*a*) سَفْحٌ (*кўз ёши. қон*) тўкмоқ, оқизмоқ; ~ سُمْعَتَهُ бирор кимнинг обрўсига доғ туширмоқ, бирор кимнинг обрўсини кетказмоқ; III سَافَحَ (*эр хотинига ёки хотин эрига*) хиёнат қилмоқ, бузуқлик қилмоқ, бузуқлик қилмоқ; VI تَسَافَحَ = III

– سَفَّاحٌ қонхўр, қон тўкувчи; الـ~ Ас-Саффоҳ (*Қонхўр*) (*халифалардан бирининг лақаби*)

– سِفَاحٌ зино (*эр хотинига ёки хотин эрига*) хиёнат қилиш, бузуқлик

وَلَدُ ~ *ёки* وَلَدٌ مِنَ الـ~ никоҳсиз туғилмоқ

– سَفْحٌ *кўп.* سُفُوحٌ қиялик, ёнбағир, нишаб; (*тоғнинг*) таги, этаги, пастки қисми

I سَفَدَ (*и*) سِفَادٌ 1) (*молни*) қочирмоқ, 2) сихга термоқ, сихга ўтказмоқ, сихга киритмоқ; II سَفَّدَ сихга термоқ, сихга ўтказмоқ, сихга киритмоқ; III سَافَدَ = I

– سِفَادٌ (*молни*) қочириш, чоптириш, буқага қўйиш

– سَفُّودٌ *кўп.* سَفَافِيدُ сих, кабоб сихи

I (سفر) [1] سَفَرَ (*и*) سَفْرٌ 1) йўлга тушмоқ, йўлга отланмоқ; 2) жўнатмоқ, юбормоқ; 3) ёзмоқ, хат битмоқ; 4) супурмоқ; ~ الْبَيْتَ уйни супурмоқ (*супуриб-сидирмоқ*); ◊ ~ بَيْنَهُ وَ بَيْنَهُ бирор кимни бошқа бирор ким билан яраштирмоқ; [2] سَفَرَ (*и*) سُفُورٌ 1) ниқобни олмоқ, юзини очмоқ (*аёллар ҳақида*), очиққа чиқмоқ (*аёллар ҳақида*); 2) порламоқ, ялт этмоқ, ялтираб чиқмоқ (*тонг ҳақида*); II سَفَّرَ (*бирор жойга*) жўнатмоқ, юбормоқ (إِلَى); III سَافَرَ (*бирор жойга*) жўнамоқ, бормоқ, сафар қилмоқ; саёҳат қилмоқ, кезмоқ; ~ بَحْرًا денгиз бўйлаб саёҳат қилмоқ; ~ بَرًّا қуруқлик жойларга сафар қилмоқ; ~ جَوًّا самолётда сафар қилмоқ; IV أَسْفَرَ 1) ярқирамоқ, ялтилламоқ, жимирламоқ; ~ الْفَجْرُ тонг отди; 2) юзини очмоқ, ниқобини олмоқ, ёпинчиғини олмоқ (*аёллар ҳақида*); 3) (*бирор н. ни*) очмоқ, кашф қилмоқ, кўрсатмоқ (عَنْ); 4) натижада (*бирор н.*) бермоқ, (*бирор хил*) натижа бермоқ, (*бирор н. билан*) тугамоқ (عَنْ); VII اِنْسَفَرَ очиқ бўлмоқ, очилиб қолмоқ, яланғоч бўлмоқ, яланг бўлмоқ

– تَسْفِيرَةٌ *кўп.* تَسَافِيرُ ـ اتٌ — медальон

– [1] سَافِرٌ 1) йўлга тушган, саёҳатга чиққан, саёҳат қилувчи; 2) ёзувчи, хат битувчи; 3) *кўп.* سَفْرٌ، سُفَّارٌ йўловчи, сафарчи, сайёҳ; 4) *кўп.* سَفَرَةٌ котиб, мирза, мунший

– [2] سَافِرٌ 1) очиқ, усти ёпилмаган; ~ةٌ مَرْأَةٌ (*кўп.* نِسَاءٌ سَوَافِرُ) очиққа чиққан аёл, чачвон тутмай, юзини очиб юрадиган аёл; 2) очиқ-ойдин, аниқ-равшан, кўриниб турган; ~ةً بِالْقُوَّةِ الـ очиқ-ойдин зўравонлик билан; ~ةً بِصِفَةٍ очиқ-ойдин тарзда, ошкора равишда

– سِفَارَةٌ، سَفَارَةٌ *кўп.* ـ اتٌ — 1) воситачилик, ўртачилик; 2) элчихона

– سَفْرٌ *кўп.* йўловчилар, сайёҳлар

– سَفَرٌ *кўп.* أَسْفَارٌ 1) сафар, саёҳат; бирор жойга бориш, бориб-келиш; نَفَقَاتُ الـ~ йўл харажатлари; 2) йўл юриш, рейс; 3) *ҳарб.* юриш; 4) тонг

– سِفْرٌ *кўп.* أَسْفَارٌ китоб; الأَسْفَارُ الْمُنَزَّلَةُ нозил бўлган муқаддас китоблар; أَسْفَارُ مُوسَى الْخَمْسَةُ беш муқаддас китоб (*сўзма-сўз:* Мусо алайҳиссаломнинг беш китоби)

سُفْرَجِيٌّ *кўп.* سُفْرَجِيَّةٌ - официант; ресторан хизматчиси

– سَفَرَةٌ *кўп.* котиблар, мирзалар, муншийлар

– سَفْرَةٌ *кўп.* سَفَرَاتٌ 1) саёҳат, сайр; бориб-келиш; 2) рейс

– سُفْرَةٌ *кўп.* سُفَرٌ 1) йўлда ейиш учун олинган озиқ-овқат; 2) овқатланиш столи (пешхони), дастурхон; رَئِيسُ الـ~ меҳмонхона ва ресторанларда бош официант; فِضِّيَّاتُ الـ~ кумуш идиш-товоқлар

– سَفَرِيٌّ 1) саёҳатга оид, йўлга чиқишга оид; йўлга оид; شِطْرَنْجُ ~ йўлда ўйнаб кетишга мўлжалланган шахмат; سَرِيرٌ ~ йўлда ётиб кетишга мўлжалланган каравот

– سَفَرِيَّةٌ *кўп.* ـ اتٌ — 1) бориб-келиш, саёҳат, сафар; экскурсия; 2) (*самолётнинг*) учиши; 3) маршрутдаги поезд

سُفُورٌ очиқ юзлар, ниқоби олинган юзлар; مَسْأَلَةُ ~ чачвонни ташлаш масаласи

– سَفِيرٌ *кўп.* سُفَرَاءُ 1) элчи, вакил; الـ~ الْبَابَوِيُّ Рим папасининг бирор давлатдаги элчиси; الـ~ فَوْقَ الْعَادَةِ وَ الْمُفَوَّضُ фавқулодда ва мухтор элчи; الـ~ الْمُتَنَقِّلُ *ёки* الـ~ الْمُتَجَوِّلُ сайёр элчи, юртма-юрт юрадиган элчи; 2) воситачи, ўртачи

– ~ سَفِير *мн.* кўк ёқут (*кўк тусли қимматбаҳо тош*)

– ~ مُسْفِر *кўп.* الْوَجْه ~ (*аёлларда*) юзнинг очиқ турадиган қисми

– مُسَافِر 1) сайёҳ, саёҳатчи, сафарда юрувчи, мусофир; 2) пассажир; 3) меҳмон

– مِسْفَرَة супурги

سَفَرْجَل *кўп.* سَفَارِج *бот. жам.* беҳи

– سَفَرْجَلَة *кўп.* ـات — беҳи (*меваси*)

سَفْسَطَائِيّ сафсатабоз, софизм тарафдори, софист

– سَفْسَطَة 1) сохта хулосаларга асосланиш, софистика, сафсата; 2) қуруқ гап, бекорчи гап

سَفْسَطِيّ 1) сохта хулосаларга асосланган; 2) софизм тарафдори, софист, сафсатабоз

– مُتَسَفْسِط софизм тарафдори, софист, сафсатабоз

سَفْسَاف ҳар бир нарсанинг энг ёмони

– سَفَاسِف *кўп.*: الْأُمُور ~ тентаклик, бемаънилик, бемазагарчилик; اشْتَغَلَ بِـ~ الْأُمُور бемаъни (бемаза) ишлар билан шуғулланмоқ

I سَفَطَ (*у*) سَفْط (*балиқни*) тозаламоқ

– سَفَط 1) (*балиқ*) тангачаси; 2) (*қаҳва донасининг*) чиқиндиси

– سَفَط *кўп.* أَسْفَاط 1) сават, саватча, корзинка; 2) қутича, нафис қилиб ишланган чиройли сандиқча

I سَفَعَ (*а*) سَفْع 1) урмоқ, саваламоқ, савамоқ; 2) куйдирмоқ, баданни офтобда қорайтирмоқ; بِالنَّاصِيَة ~ пешонадаги сочдан ушламоқ

– أَسْفَع *мн.* سَفْعَاء *кўп.* سُفْع қора, қора рангли; тўқ, тўқ рангли; офтобда қорайган

– سُفْعَة *кўп.* سُفَع доғ, хол, қашқа, тўқ рангли доғ

I سَفَقَ (*у*) سَفْق 1) урмоқ, саваламоқ, савамоқ; 2) (*мас., эшикни*) қаттиқ уриб ёпмоқ, қарсиллатиб ёпмоқ; II سَفَّقَ эсмоқ (*шамол ҳақида*). IV أَسْفَقَ туртмоқ, итармоқ; الْبَابَ ~ эшикни итармоқ; VII انْسَفَقَ итармоқ; الْبَابُ ~ эшик туртилди

– سَفِيق 1) қалин; ثَوْب ~ қалин қилиб тикилган кийим; 2) الْوَجْه сурбет, бети қаттиқ, бети қалин

I سَفَكَ (*и*) سَفْك тўкмоқ, оқизмоқ, тўкиб юбормоқ; VII انْسَفَكَ оқизилмоқ, тўкилмоқ; оқмоқ, тўкилиб кетмоқ

– سَفَّاك қонхўр, золим, ёвуз, қотил

– سَفْك оқизиш, тўкиш; الدِّمَاء ~ қон тўкиш, қон оқизиш

I سَفَلَ (*а*) سَفْل пасткаш бўлмоқ, паст бўлмоқ; разиллашмоқ; V تَسَفَّلَ 1) пасткашлик қилмоқ, разиллик қилмоқ; 2) туширилмоқ, паст қилинмоқ; разилона иш тутмоқ, ярамас иш қилмоқ

– أَسْفَل *мн.* سُفْلَى *кўп.* أَسَافِل 1) энг паст, жуда паст, ниҳоятда паст, тубан, энг тубан; 2) *шунингдек* السَّافِلِين ~ энг разил, энг тубан; 3) ост, туб, остки қисм, (*бирор н. нинг*) таги

– تَسَفُّل пастлик, пасткашлик, разиллик, тубанлик

– سَافِل *кўп.* سُفَّال، سَفَلَة 1) паст, пастдаги; пасткаш, разил

– تَسَفُّل = سَفَالَة

– سُفَالَة 1) ост, туб, таг, остки қисм; асос, пойдевор; 2) база, негиз

– سُفْل، سِفْل 1) таг, ост туб; асос, пойдевор, 2) пол билан девор орасига қоқиладиган ингичка узун тахта, плинтус; 3) тублик, чуқурлик

– سُفْلِيّ 1) пастки, остки; 2) пасткаш, разил; 3) дунёвий

– سَفِيل 1) пасткаш, разил; 2) *бот.* чирмовикгул

تَسَفْلَقَ (سفلق) паразит (текинхўр) бўлиб яшамоқ, (*бирор к. нинг*) ҳисобига кун кўрмоқ (عَلَى)

– تَسَفْلُق = سَفْلَقَة

– سَفْلَاق паразит, текинхўр, ҳаромтомоқ

– سَفْلَقَة текинхўрлик, ҳаромтомоқлик, паразитлик

I سَفَنَ (*и*) سَفْن арчмоқ, пўстини ажратмоқ, пўстини олмоқ. II سَفَّنَ пона тиқмоқ (қоқмоқ)

– إِسْفِين *кўп.* أَسَافِين пона دَقّ ~ا فِي (بَيْنَ ... و ...) *маж.* (*бирор н. га ёки бирор н. билан бошқа н. ўртасига*) пона қоқмоқ, (*к. ларни бир-биридан*) ажратмоқ

– سَفَّان 1) кемасоз, кема қурувчи, 2) кема эгаси (хўжайини, соҳиби)

– سِفَانَة кемасозлик

– سَفَن 1) жилвир, қайроқ қумли, наждак, жилвир қоғоз; 2) *зоол.* думи ингичка ялпоқ денгиз балиғи, скат

– سَفْنَة пўст, пўстлоқ, чулуқ, шелуха

– إِسْفِين = سَفِين

– سَفِينَة *кўп.* سُفُن، سَفَائِن، سَفِين кема; تِجَارِيَّة ~ савдо кемаси; حَامِلَة لِلطَّائِرَات ~ авианосец, самолётлар учиб қўнадиган кема; حَرْبِيَّة ~ ҳарбий кема; الشَّحْن ~ юк ташийдиган кема, юк кемаси; كَوْنِيَّة ~ ёки فَضَاء ~ космик кема, مُحَطَّمَةُ الْجَلِيد ~ музёрар кема; نُوح ~ Нуҳ алайҳиссалом кемалари; الْأَلْغَام رَاضِعَة ~ денгизда миналардан тўсиқ қўювчи ҳарбий кема; الـ~ جَوْفُ ёки الـ~ عَنْبَر кеманинг юк ортиладиган таг хонаси, трюм; الـ~ مُقَدَّم кеманинг олд қисми (бурни); الـ~ مُؤَخَّر кеманинг қуйруқ қисми (қуйруғи); الـ~ *астр.* Аргонавтлар кемаси; الْبَرّ سَفَائِن *маж.* саҳро кемалари (туялар); الدَّجَاجَة ◊ ~ туртиб чиққан кўкрак қафаси

– مَسْفَن *кўп.* مَسَافِن кемасозлик корхонаси

سَفَنَّج *зоол.* булут (*сув жониваори*)

إِسْفَنْط шароб турларидан бири

I سَفِهَ (а) سَفُهَ ёки سَفُهَ (у) سَفَاهَةٌ 1) аҳмоқ бўлмоқ, тентак бўлмоқ, бемаъни бўлмоқ; 2) қўпол (сурбет, безбет) бўлмоқ; 3) исрофгар бўлмоқ, исрофгарчилик қилмоқ; II سَفَّهَ аҳмоқ ҳисобламоқ, тентак ҳисобламоқ, бемаъни ҳисобламоқ; (*бирор н. ни*) тентаклик деб атамоқ; نَفْسَهُ ~ ўзини ўзи койимоқ, ўзига ўзи танбиҳ бермоқ; III سَافَهَ сўкишмоқ, сўкишишмоқ; V تَسَفَّهَ ўзини қўполликка солмоқ, ўзини қўпол кўрсатмоқ; VI تَسَافَهَ ўзини гўл-

ликка солмоқ, ўзини жинниликка олмоқ

– سَفَاهَةٌ 1) ақли пастлик, ақли заифлик, тентаклик, аҳмоқлик; 2) безбетлик, сурбетлик, қўполлик, уятсизлик, бетамизлик; 3) исрофгарчилик, исрофкунандалик

– سَفَاهَةٌ = سَفَهٌ

– سَفِيهٌ кўп. سُفَهَاءُ, سِفَاهٌ мн. سَفِيهَةٌ кўп. سَفَائِهُ, سُفَّهٌ 1) тентак, аҳмоқ, ақли паст, ақли заиф; 2) безбет, сурбет, бетамиз; 3) исрофгар; 4) паст навли, сифати паст, ёмон

سَفًا жам. (*ғалланинг*) қилтириқлари; сомон, тўпон, қипиқ

– سَفَاةٌ (*ғалланинг*) қилтириғи

I سَفَى (и) سَفْيٌ (*чанг-тўзон*) кўтармоқ (*шамол ҳақида*); IV أَسْفَى эсмоқ (*шамол ҳақида*)

– سَافِيَاءُ чанг-тўзон

– سَافِيَاتٌ кўп.: الرِّمَالِ ~ шамолда кўчиб юрган қум

– سَفِيٌّ тўзиган, тўзғиган (*мас., қум*)

سَقْبٌ кўп. سُقُوبٌ, سُقْبَانٌ бўталоқ, кичкина туя, туяча

– سَقَبٌ яқинлик, жипслик; الْجَارُ أَحَقُّ بِـــــَبِـــه ҳад. қўшни ўзининг яқинлиги билан ҳақдордир

سَقَرُ мн. дўзах, жаҳаннам, сақар

سَقْسَقَ 1) ивитмоқ, шимдирмоқ, (*бирор суюқликка*) ботирмоқ; 2) чириллламоқ, чирқилламоқ (*қушлар ҳақида*)

– سُقْسَاقَةٌ зоол. патлари сариқ, қорни қора қушча, сулихўр

– سَقْسَقَةٌ 1) ивитиш, шимдириш, ҳўллаш; 2) чириллаш, чирқиллаш

I سَقَطَ (у) سُقُوطٌ 1) тушмоқ, тушиб кетмоқ, тўкилмоқ, ағанаб (ағдарилиб) тушмоқ; 2) сусаймоқ, пасаймоқ (*мас., ҳарорат*); 3) узилмоқ, узилиб тушмоқ; тамом бўлмоқ, кетмоқ (*ҳуқуқ ҳақида*); кучини йўқотмоқ, бекор бўлмоқ, бекор қилинмоқ; 4) хато қилмоқ, адашмоқ, хатога йўл қўймоқ; 5) қолоқ бўлмоқ, орқада қолмоқ (*ўқувчи ҳақида*);6) тўкиб юбормоқ, тўкмоқ (*мевани*); ◊ لِيَسْقُطْ! йўқолсин!; ... رَأْسُهُ ~ ...да туғилди; فِي الْامْتِحَانِ ~ имтиҳонда йиқилмоқ; فِي قَبْضَتِهِ ~ бирор кимнинг қўлига тушиб қолмоқ; مِنْ ~ عَيْنِي мен уни ҳурмат қилмай қўйдим, у менинг назаримдан тушиб қолди; لِي كِتَابٌ نَادِرٌ ~ қўлимга ноёб китоб тушиб қолди; بِهِ ~ бирор нимани тушириб юбормоқ; سُقِطَ فِي يَدِهِ а) у нима қилишини билмай қолди; б) кўч. м. у оғиз очолмай қолди, у чурқ этолмай қолди; II سَقَّطَ 1) ташламоқ, ағдармоқ, тўкмоқ; 2) (*имтиҳонда*) йиқитмоқ; 3) бола туширмоқ, аборт қилмоқ; III سَاقَطَ устма-уст ташламоқ (*мас., дарахтдан хурмони*); الْحَدِيثَ ~ ـــهُ ғалма-ғал бир-бирига гапирмоқ; IV أَسْقَطَ 1) туширмоқ, тушириб юбормоқ; уриб туширмоқ; ағдармоқ, ташлаб юбормоқ; йиқитмоқ, ағнатмоқ, қулатмоқ; الْأَسْنَانَ ~ тишларни уриб синдирмоқ; طَائِرَةً ~ самолётни уриб туширмоқ; 2) (*ҳуқуқдан*) маҳрум бўлмоқ; 3) ҳисобдан (қатордан) чиқармоқ, ҳисобга олмай қўймоқ; чегирмоқ, чегириб чиқармоқ, айирмоқ; 4) (*мас., матндаги парчани*) тушириб қолдирмоқ; 5) бола туширмоқ, аборт қилдирмоқ; 6) (*меваларни*) тўкиб (тушириб) юбормоқ; ◊ حِصْنًا ~ қалъани қўлга киритмоқ, қўлга олмоқ; الدَّعْوَى ~ даъвони бас қилмоқ, даъво қилишни тўхтатмоқ (*мас., суд орқали*); عَنْهُ الْجِنْسِيَّةَ ~ фуқароликдан (гражданликдан) маҳрум қилмоқ; فِي قَوْلِهِ ~ хато гапирмоқ, гапда хатога йўл қўймоқ; أُسْقِطَ فِي يَدِهِ а) нима қилишни билмай қолмоқ; б) кўч. м. у оғиз очолмай қолди, у чурқ этолмай қолди; كَلَامُهُ ~ قَلْبِي بَيْنَ جَنْبَيَّ унинг гапларидан қўрққанимдан жоним чиқаёзди; V تَسَقَّطَ 1) бузилмоқ, айби бор бўлмоқ, нуқсонли бўлмоқ; 2) секин-аста (маълумот) йиғмоқ; VI تَسَاقَطَ 1) кўп миқдорда тушмоқ; бошқалар билан бирга тушмоқ; тушмоқ, тўкилмоқ (*соч ҳақида*); сочилмоқ, сочилиб кетмоқ; 2) бўлиниб кетмоқ, парчаланмоқ; ~ عَلَى نَفْسِهِ вайрон бўлмоқ, парчаланмоқ; таркибий қисмларга ажралмоқ; 3) ёмғир ёғиб ўтмоқ, ёмғир ёғмоқ; 4.) оқиб турмоқ, томиб турмоқ (*қон ҳақида*); X اسْتَسْقَطَ (*бирор к. нинг бошига*) бало (офат, касаллик) келтирмоқ (عَلَى رَأْسِهِ)

– إِسْقَاطٌ 1) чегириш, берилаётган пулдан ушлаб қолиш; нархдан ёки вазндан чегириш (камайтириш); مَعَ ~ (*бирор н. нинг*) чегирмаси билан; 2) ағдариш, қулатиш, ағанатиш; 3) аборт; 4) проекциялаш, ◊ عَنْهُ الْجِنْسِيَّةِ ~ бирор кимни фуқаролик (гражданлик) дан маҳрум қилиш

– تَسْقِيطٌ (*отлардаги*) қутуриш касаллиги

– سَاقِطٌ нуқсонли, нуқсони бор, камчилиги бор; الْخُلُقِ ~ хулқи бузуқ, ёмон хулқли, бадхулқ; مِنَ الْحُقُوقِ الْمَدَنِيَّةِ ~ фуқаролик (гражданлик) ҳуқуқларидан маҳрум бўлган; مَرْأَةٌ ~ـــةٌ бузуқ аёл, фоҳиша

– سُقَاطٌ тўкилма (*тоғ ёнбағирларидаги тоғ жинсларининг емирилмасидан ҳосил бўлган тош парчалари уюми*)

– سَقَّاطٌ қорин, ичак-чавоқларни сотувчи одам

– سَقَّاطَةٌ кўп. سَقَّاطَةٌ, ـــاتٌ лўкидон, эшик тамбаси; сурма зулфин; тех. вални тескари томонга айланишига йўл қўймайдиган механизм, храповик

– سَقَطٌ 1) нуқсонли, айбли, айби бор; яроқсиз; етарли эмас; 2) кўп. أَسْقَاطٌ а) нуқсон, айб; нуқсни бор (нуқсонли) маҳсулот, брак маҳсулот; أَسْقَاطُ الْمَخْطُوطِ қўлёзманинг тушиб қолган саҳифалари; б) ташландиқ, чиқит, чиқинди; الْأَثْمَارِ ~ бузилган (айниган) мевалар; الْكَلَامِ ~ ҳақорат, ҳақоратли сўзлар; 3) ичак-

чавоқ, калла-поча; خَسِرَ الْجِلْدَ وَ الْــ~ *мтл.* эски ҳаммом, эски тос (*сўзма-сўз:* теридан ҳам, калла-почадан ҳам айрилмоқ); 4) ёзиш ёки ҳисоб-китобда йўл қўйилган хато

– سَقْطٌ 1) ёғин-сочин; 2) учқун (*чақмоқтошдан чиқадиган*); 3) чала туғилган бола

– سَقْطٌ, سُقْطٌ *кўп.* أَسْقَاطٌ чала туғилган бола

– سَقْطَةٌ *кўп.* سَقَطَاتٌ 1) тушиш, тушиб кетиш; 2) хато

– سَقَطِيٌّ эскифуруш, эски-туски билан савдо қилувчи

– سُقُوطٌ 1) тушиш, тушиб кетиш; 2) ажралиб тушиш, узилиш; الْحَقِّ (بِمُضِيِّ الْمُدَّةِ) ~ (*муддати ўтганлиги сабабли*) ҳуқуқдан маҳрум бўлиш; الدَّعْوَى ~ (*даъвонинг тўхтатилиши (судда)*

– سَقِيطٌ 1) дўл; 2) қиров; қор

– مَسْقَطٌ, مَسْقِطٌ *кўп.* مَسَاقِطُ 1) тушиш жойи; الْمِيَاهِ ~ шалола, шаршара; 2) проекция, план; أُفُقِيٌّ ~ горизантал проекция; ~ جَانِبِيٌّ ён томон, ён томон сатҳи; رَأْسِيٌّ ~ олд томоннинг чизмаси; السَّمْتِيُّ الــ~ азимутал проекция; ◊ الرَّأْسِ ~ туғилган жой, ватан

– مُسْقِطٌ 1) тушириб юборувчи; 2) абортга оид

– مُسْقِطَاتٌ *кўп.* аборт қилишга керак бўладиган нарсалар

– مَسْقَطَةٌ: هٰذَا الْفِعْلُ ~ لِزَيْدٍ مِنْ أَعْيُنِ النَّاسِ бу ҳатти-ҳаракат Зайдни одамларнинг назаридан қолдиради

I سَقَعَ (*a*) سَقْعٌ урмоқ, шапалоқ солмоқ, шапати урмоқ, шапатиламоқ

– سُقْعٌ *кўп.* أَسْقَاعٌ жой, ўрин, макон

– مِسْقَعٌ гапга чечан (уста), чиройли гапирадиган

– مُسَقَّعَةٌ бақлажон ва гўштдан тайёрланган овқат

I (سقف) سَقَفَ (*у*) سَقْفٌ устини ёпмоқ, том ёпмоқ, том қилиб ёпмоқ; I سَقِفَ (*a*) سَقَفٌ узоқ энгашиб турмоқ; ~تِ الرَّجُلُ оёқ ўнг томонга энгашиб турди; II سَقَّفَ 1) томни ёпмоқ; 2) шифт қилмоқ; 3) чапак чалмоқ, чапак урмоқ

– أَسْقَفُ *мн.* سَقْفَاءُ *кўп.* سُقْفٌ энгашиб турган, эгилиб турган

– أُسْقُفٌ *алиф. б. қар.*

– تَسْقِيفَةٌ *кўп.* ـاتٌ айвон, шийпон; сарой, ёғоч уй

– سَقَّافٌ том ёпувчи уста, томга тунука қоқувчи

– سَقْفٌ *кўп.* أَسْقُفٌ, سُقُوفٌ 1) том; 2) шифт; ثُرَيَّا الــ~ шифтга осиладиган қандил; ◊ الْحَلْقِ ~ танглай

– سَقَفٌ энгашиб узоқ туриб қолиш, эгилиб узоқ вақт туриш

– سَقِيفَةٌ *кўп.* سَقَائِفُ, سَقِيفَاتٌ 1) айвон, шийпон; 2) қўра, молхона; ёпиқлик; 3) самолёт, дирижабль ва ҳ. к. лар турадиган махсус бино, ангар; 4) павильон

– مُسَقَّفٌ усти ёпилган, усти ёпиқ; سُوقٌ ~ усти ёпиқ бозор, тим

سَقَالَةٌ, سِقَالَةٌ *кўп.* سَقَائِلُ 1) осма кўприк; кичкина кўприк; тахта зина; тахта супа; сўри; 2) (*қурилишда ишлатиладиган*) ёғоч; 3) зина, пиллапоя (*сол.* صَقَالَةٌ)

سَقْلَبَ ағдармоқ, тўнтармоқ, тўнтариб юбормоқ

– سَقْلَبَةٌ ағдариш, тўнтариш

– سَقْلَبِيٌّ 1) славянга оид; 2) *кўп.* سَقَالِبَةٌ славян киши

I سَقِمَ (*a*) سَقَمٌ касал бўлмоқ, касалланмоқ, заифланмоқ, бемор бўлмоқ; озмоқ, озиб кетмоқ; II سَقَّمَ касал қилмоқ; IV أَسْقَمَ дармонсизликни келтириб чиқармоқ, лоҳас қилмоқ; ҳолдан тойдирмоқ, тинкани қуритмоқ, қаттиқ чарчатмоқ

– سَقَامٌ *кўп.* أَسْقَامٌ касаллик; беморлик, беҳоллик; оғриқ

– سَقَمٌ *кўп.* أَسْقَامٌ = سَقَامٌ

– سُقْمٌ *кўп.* أَسْقَامٌ 1) касаллик, беморлик; ҳолдан тойиш, қаттиқ чарчаш; заифлик, беҳоллик; ориқлик; 2) етишмовчилик, камлик; ~ الذَّوْقِ (*мас., бирор н. ни танлашдаги*) диднинг пастлиги

– سَقِيمٌ *кўп.* سِقَامٌ *мн.* سَقِيمَةٌ *кўп.* سُقَمَاءُ 1) бемор, касал, бетоб; заиф, беҳол; ориқ, озғин; 2) *кўп.* سُقْمٌ нотўғри (*ибора*)

– مِسْقَامٌ дардчил, касалманд, хаста, бемор

سُقُمْرِيٌّ денгиз балиғи, макрель, скумбрия

I سَقَى (*и*) سَقْيٌ 1) сув бермоқ, сув ичирмоқ; 2) суғормоқ, сув қуймоқ; اللّٰهُ ضَرِيحَهُ وَ نَوَّرَهُ ~ Оллоҳ унинг қабрини нурга тўлдирсин! (*сўзма-сўз: Оллоҳ унинг қабрини сув билан суғорсин ва уни мунаввар қилсин*) 3) (*пўлатни*) тобламоқ, пишитмоқ, (*пўлатга*) сув бермоқ; 4) қоринда сув тўпланмоқ; II سَقَّى ҳўлламоқ, намламоқ, ивитмоқ; III سَاقَى (*бирор к. билан*) биргаликда ичишмоқ; IV أَسْقَى 1) сув бермоқ, сув ичирмоқ; 2) суғормоқ, сув қуймоқ; VI تَسَاقَى бир-бирига сув бермоқ, бир-бири билан биргаликда ичишмоқ; VIII اِسْتَقَى 1) ботириб олмоқ, сузиб олмоқ; 2) олмоқ; X اِسْتَسْقَى 1) ёмғир сўраб ибодат қилмоқ, ёмғир тилаб намоз ўқимоқ; 2) бирор организмда сув тўпланмоқ

– اِسْتِسْقَاءٌ *мед.* бадандаги бўшлиқларга сариқ сув тўпланиш касаллиги, асцит

– اِسْتِسْقَائِيٌّ бадандаги бўшлиқларга сариқ сув тўпланиш касаллигига оид

– سَاقٍ *кўп.* سُقَاةٌ соқий, косагул, май қуйиб берувчи

– سَاقِيَةٌ 1) соқий (косагул) аёл; 2) *кўп.* سَوَاقٍ сув чиқарадиган чархпалак; 3) (*револьвердаги*) барабан; 3) ариқ, жилға; зовур

– سِقَاءٌ *кўп.* أَسْقِيَةٌ меш, мешкоп, саноч

– سَقَّاءٌ мешкопчи, сув ташиб тарқатувчи

– سَقَاوَةٌ: الرِّئَوِيَّةُ ~ الــ *вет.* манқа (*отларда бўладиган юқумли касаллик*); الْجِلْدِيَّةُ ~ الــ тери касаллиги

– سِقَايَةٌ 1) сув бериш, сув ичириш; 2) суғориш, сув қуйиш; ~ الْحَاجِّ ёки الــ~ *тар.* Маккада ҳожиларни сув билан таъминлашга

алоқадор бўлган фахрий мансаб

– سَقْيٌ 1) суғориш; сув қуйиш; 2) сунъий йўл билан суғориладиган ер; 3) (*пўлатни*) пишитиш, тоблаш, (*пўлатга*) сув бериш, сув югуртириш

– سِقْيٌ суғориш учун олинадиган сувнинг улуши (ҳиссаси)

– سُقْيَا ичиш; آنِيَةُ الـ~ ичимлик сув тўлдирилган идиш

– مَسْقَاةٌ ичиладиган жой

– مِسْقَاوِيٌّ، مِسْقَوِيٌّ сунъий йўл билан суғориладиган

– مَسْقِيٌّ 1) суғорилган, сув қуйилган; 2) тобланган, пишиган, сув югуртирилган (*пўлат ҳақида*)

– مِسْقًى *кўп.* مَسَاقٍ ариқ, зовур

I (سكّ) سَكَّ (*а/у*) سَكٌّ 1) беркитмоқ, ёпмоқ, қулфламоқ; 2) (*танга*) зарб қилмоқ; ◊ الْمَسَامِعَ ~ босиб кетмоқ (*шовқин ҳақида*); سَكِكَ (*а*) سَكَكٌ кар бўлмоқ, карқулоқ бўлмоқ; VII انْسَكَّ берк бўлмоқ, қулфланган бўлмоқ (*эшик ҳақида*); VIII اسْتَكَّ кар бўлиб қолмоқ, қулоғи битмоқ

– أَسَكُّ *мн.* سَكَّاءُ *кўп.* سُكٌّ кар, қулоғи битган

– سَكٌّ[1] зарб қилиш; دَارُ الـ~ зарбхона (*танга чиқариладиган жой*)

– سَكٌّ[2] *кўп.* سُكُوكٌ 1) мих, қозиқ; қаллоқчасиз мих, металл ўзакча; 2) илмоқ, илгак

– سُكٌّ атирнинг бир тури

– سُكَاكٌ атмосферанинг юқори қатлами, стратосфера

– سِكَّةٌ *кўп.* سِكَكٌ 1) танга; 2) йўл; زِرَاعِيَّةٌ ~ дала йўли; ~ سُلْطَانِيَّةٌ катта йўл, бош йўл; 3) кўча; ◊ الْفَلَّاحِ ~ *ёки* الْمِحْرَاثِ ~ омоч тиши; الْحَدِيدِ ~ *ёки* الْحَدِيدِيَّةُ الـ~ темир йўл; عَامِلُ ~ الْحَدِيدِ темирйўлчи; 4) тангага чекилган нақш; 5) омоч

– مَسْكُوكَاتٌ *кўп.* тангалар; ضَرْبُ الـ~ танга зарб қилиш; عِلْمُ الـ~ тангаларни ўрганадиган фан, нумизматика

I سَكَبَ (*у*) سَكْبٌ қуймоқ, оқизмоқ, тўкмоқ, тўкиб юбормоқ; ~ الْحَدِيدَ الصَّبَّ чўян қуймоқ; ◊ قَلْبَهُ ~ кўнглини ёзмоқ, дардини айтмоқ; VII انْسَكَبَ 1) қуйилмоқ, оқмоқ, тўкилмоқ; 2) ёмғир ёғмоқ

– أُسْكُوبٌ қуйилувчи, қуйилган; مَاءٌ ~ қуйилиб турган сув

– تَسْكَابٌ тўкиш, оқизиш

– سَاكِبٌ тўкувчи, қуювчи, оқизувчи; الْمَاءِ ~ *астр.* Қовға (Далв) юлдузлар туркуми

– أُسْكُوبٌ = سَكْبٌ

– سَكْبَةٌ *бот.* пуфанак (*оёқтовон гуллилар оиласига мансуб ўсимлик*)

– سَكِيبٌ тўкилган, оқизилган, қуйилган

– مَسْكَبَةٌ *кўп.* مَسَاكِبُ кўчатзор, ниҳолхона, парваришхона, питомник; жўяк; مَسَاكِبُ بَقْدُونِسٍ петрушка экилган жўяклар

سِكْبَاجٌ (*гўшт, сирка, пиёз, асал ва ҳ. к. лардан тайёрланган*) овқат, рагу

I سَكَتَ (*у*) سُكُوتٌ 1) жим турмоқ, гапирмай турмоқ, сукут сақламоқ, индамай турмоқ, сукут қилмоқ; 2) (*бирор н. тўғрисида*) индамай кетмоқ, айтмай ўтмоқ, оғиз очмай ўтирмоқ (عَنْ); 3) тинчланмоқ, тинмоқ, тинчимоқ; الْغَضَبُ عَنْهُ ~ у тинчиб қолди, у ҳовуридан тушди, у жаҳлидан тушди; 4) سُكِتَ жазаваси тутмоқ, талвасага тушмоқ, тўлиб-тошмоқ; мияга қон қуйилмоқ; II سَكَّتَ гапирмасликка мажбур қилмоқ, гапиртирмай қўймоқ; الطِّفْلَ ~ болани тинчлантирмоқ (тинчитмоқ); IV أَسْكَتَ 1) гапирмасликка мажбур қилмоқ, гапиртирмай қўймоқ; جَوْعَتَهُ بِقُضْمَةٍ ~ бир тишлам билан нафсини ўлдирмоқ; مِدْفَعِيَّةَ الْعَدُوِّ ~ душман артиллериясини даф қилмоқ; 2) жим бўлиб қолмоқ, тўхтамоқ, ўчмоқ

– إِسْكَاتٌ гапирмасликка мажбур қилиш, гапиртирмай қўйиш; (*артиллерия ўтини*) даф қилиш

– سَاكِتٌ 1) жим турувчи, сукут сақловчи; 2) камгап, оз гапирадиган; 3) тинч, ювош, индамас

– سِكِّيتٌ = سَاكُوتٌ

– سُكَاتٌ 1) жим туриш, гапирмай туриш, сукут сақлаш; 2) ювошлик, камгаплик

– سُكَاتَةٌ ишонарли жавоб

– سَكْتٌ жим туриш, гапирмай туриш, сукут сақлаш; عَلَى الـ~ индамай, жим туриб, жимлик билан

– سَكْتَةٌ 1) жим туриш, гапирмай туриш; пауза; 2) *мед.* касалликнинг қаттиқ тутиб қолиши, фалаж; قَلْبِيَّةٌ ~ юракнинг қаттиқ тутиб қолиши, юрак хуружи; دَارُ الـ~ мияга қон қуйилиши, апоплексия; الْمُخِّيَّةُ ~ *ёки* الدِّمَاغِيَّةُ الـ~ инсульт

– سُكْتَةٌ йиғлаётган чақалоқни тинчлантириш учун ишлатиладиган восита

– سُكُوتٌ 1) сукут қилиш, жим туриш, гапирмай туриш; الْتَزَمَ الـ~ تُجَاهَ ... ... масаласида индамай турмоқ; لَا تَتَحَمَّلُ الْحَالَةُ الـ~ бу вазият индамай туришни тақозо қилмайди, бу вазиятда индамай туриб бўлмайди; 2) ювошлик, камгаплик; بِـ~ индамай, жимлик билан, жим туриб

– سَكِيتٌ، سَكُوتٌ камгап, оз гапирадиган

– سِكِّيتٌ доим сукут сақловчи

– مُسْكِتٌ ишонарли (*жавоб*)

مُسَكَّجٌ *халқ.* қониқарли; ўрта, ўртача, чидаса бўладиган

I (سكر) سَكِرَ (*а*) سُكْرٌ ширакайф бўлмоқ, маст бўлмоқ; سَكَرَ (*у*) سَكْرٌ (*эшикни*) ёпмоқ, беркитмоқ; II سَكَّرَ (*мас., эшикни*) ёпмоқ, беркитмоқ; 2) ... الْمِيَاهَ فِي ~ (*бирор жойда*) водопровод сувини беркитмоқ; 2) маст қилмоқ; 3) шакар сепмоқ, шакар қўшмоқ; 4)

(*мевани*) қиёмда қайнатмоқ; 5) қумоқлашиб қолмоқ, шакар бойлаб қолмоқ; سُكِّرَ بَصَرُهُ рангларни бир-биридан фарқлолмай қолмоқ; қизил рангни фарқ қилолмай қолмоқ; кўриш қобилияти сусаймоқ; IV أَسْكَرَ маст қилмоқ; VI تَسَاكَرَ ўзини мастликка солмоқ

تَسْكِيرٌ - *мед.* қизил рангни фарқ қила олмаслик, қизил ва яшил рангларни ажратиш қобилиятини йўқотиш, дальтонизм

– سَكَاكِرُ *кўп.* ширинликлар, қандолатчилик маҳсулотлари; шаффоф конфет; қиёмда қайнатилган мевалар, устига шакар сепилган мевалар

– سَكَرٌ 1) маст қилувчи ичимлик; 2) хурмодан тайёрланадиган шароб

– سَكِرٌ маст, кайфи бор, кайфи ошган

– سُكْرٌ 1) маст бўлиш, мастлик, мастлик ҳолати; 2) ичкилик қилиш

– سُكَّرٌ шакар, оқ қанд; الـ~ الأَحْمَرُ сариқ шакар; ~ البَنْجَرِ лавлагидан олинган шакар; ~ الشَّعِيرِ ундирилган буғдой ва арпадан олинган шакар; ~ العِنَبِ глюкоза; ~ الفَاكِهَةِ мевадан олинган шакар, мева қанди; ~ القَصَبِ шакарқамишдан олинган шакар; ~ اللَّبَنِ сутдаги шакар моддаси, лактоза; الـ~ المُكَرَّرُ *ёки* الـ~ الأَبْيَضُ рафинад қанд; ~ نَاعِمٌ шакар; ~ نَبَاتٍ шаффоф конфет; ~ قَالِبُ الـ бир калла қанд; ~ قَصَبُ الـ шакарқамиш; الـ~ *шунингдек.* ~ مَرَضُ الـ қанд касали, диабет

– سِكْرٌ тўғон, дамба

– سَكْرَانُ *мн.* سَكْرَى *кўп.* سُكَارَى, سَكَارَى маст, кайфи ошган; ◊ طِينَةٌ ~ *қар.* طِينَةٌ

– سَيْكَرَانُ = سَكْرَانُ

– سَكْرَةٌ *кўп.* سَكَرَاتٌ 1) ичкиликка берилиб кетиш, ичкиликка мубтало бўлиш касали; ичкиликбозлик; 2) завқ, лаззат, роҳат; маст бўлиш, мастлик; ◊ ~ المَوْتِ жон талвасаси; ~ الشَّبَابِ ёшлик бебошликлари

– سُكَّرَةٌ *кўп.* ـَاتٌ бир чақмоқ қанд

– سِكِّيرٌ ичкиликбоз, пиёниста

– سُكَّرِيٌّ қандга оид; المَوَادُّ الـ~ـَةُ қанд моддалари; البَنْجَرُ الـ~ (الشَّوَنْدَرُ) қанд лавлаги; مَرَضُ البَوْلِ الـ~ِ қанд касали, диабет

– سُكَّرِيَّاتٌ *кўп.* ширинликлар, қандолатчилик маҳсулотлари

– سُكَّرِيَّةٌ *кўп.* ـَاتٌ қанддон, қанд солинадиган идиш

– سَكُورٌ ғирт маст

– سِكِّيرٌ маст, ичкиликбоз, пиёниста

– سَيْكَرَانُ *алиф. б. қар.*

– مَسْكَرٌ ичкилик, ичкиликбозлик

– مُسْكِرٌ маст қиладиган, кайф қиладиган; 2) *кўп.* ـَاتٌ спиртли ичимлик

– مُسَكَّرٌ қиёмда қайнатиб олинган, қиёмга ботириб олинган; فَوَاكِهُ ~ـَةٌ қиёмда қайнатилган мевалар

– مُسْكِرَاتٌ *кўп.* спиртли ичимликлар

– مِسْكِيرٌ кўп ичувчи, ичкиликбоз

سُكُرْتَاه суғурта, страхование

سِكْرِتَارِيَّةٌ 1) котибият, секретариат; 2) секретарлик, котиблик

– سِكْرِتِيرٌ секретарь, котиб; عَامٌّ ~ бош секретарь, бош котиб

سُكُرُّجَةٌ, سُكُرُّجَةٌ *кўп.* سَكَارِجُ лаган; ликопча, тарелка

سَكَرِينٌ сахарин (*қанд суррогати, ширин оқ порошок*)

سَكْسِيَّةٌ *кўп.* ـَاتٌ — *муз.* саксофон

تَسَكْسَكَ (سَكْسَكَ) итоаткор бўлмоқ, бўйсунмоқ, бўйин эгмоқ; ◊ ~ عَلَى أَقْدَامِهِمْ оёқлари тагида ўрмаламоқ, лаганбардорлик қилмоқ

– تَسَكْسُكٌ итоаткорлик, бўйсуниш, бўйин эгиш, хушомадгўйлик, лаганбардорлик

– سُكْسُكَةٌ *зоол.* амиркон товуқ, амиркон хўроз; қичитқи ўт капалаги

– سَكْسُوكَةٌ чўққи соқол

سَكْسُونِيٌّ 1) Саксонияга оид; 2) саксониялик

سَكَعَ I (а) سَكْعٌ 1) тентирамоқ, дайдимоқ; бирор мақсадсиз таваккалига (таваккал қилиб) юрмоқ; шапалоқ солмоқ, тарс-турс туширмоқ, тепмоқ; V تَسَكَّعَ 1) пайпаслаб юрмоқ, пайпасламоқ, пайпаслаб етиб олмоқ; 2) тентирамоқ, сандирақлаб юрмоқ

سَكَعْكَعٌ *зоол.* жиблажибон

إِسْكَافٌ, إِسْكَافِيٌّ *кўп.* أَسَاكِفَةٌ этикдўз

– أُسْكُفَّةٌ 1) *шунингдек.* ~ البَابِ остона; 2) *шунингдек.* ~ الشُّبَّاكِ дераза токчаси

– سَاكِفٌ *кўп.* سَوَاكِفُ тепадор, эшик тепадори; эшик *ёки* дераза ромининг тепа ёғочи

– سَكَّافٌ этикдўз

– سِكَافَةٌ этикдўзлик, этикдўзлик касби

سَكْلَارِيدِسُ сакелларидис (*пахта навининг номи*)

سَكَنَ[1] I (سكن) (у) سُكُونٌ 1) тинч бўлмоқ, тинчимоқ, беозор бўлмоқ, оғир-вазмин бўлмоқ; 2) тинчиб қолмоқ; الأَلَمُ ~ оғриқ тўхтади; غَضَبُهُ ~ жаҳлидан тушди; رِيحُهُ ~َتْ уни унутиб юбордилар, у эсдан чиқиб кетди; إِلَيْهِ ~ бирор кимга ишонмоқ, бирор кимга ишонч билдирмоқ; إِلَى الصَّمْتِ ~ жим бўлмоқ, жим турмоқ, гапирмай турмоқ; 3) *грам.* ҳаракатсиз (*зер-забарсиз*) бўлмоқ (*ҳарф ҳақида*); سَكَنَ[2] (у) سُكْنَى яшамоқ, ҳаёт кечирмоқ, истиқомат қилмоқ; обод қилмоқ, аҳоли яшайдиган жойга айлантирмоқ; II سَكَّنَ 1) тинчитмоқ, тинчлантирмоқ; юмшатмоқ; ~ جَأْشَهُ *ёки* رَوْعَهُ ~ *ёки* خَاطِرَهُ ~ бирор кимнинг кўнглига таскин

бермоқ, хотиржам қилмоқ; 2) *грам.* ҳаракатсиз (*зер-забарсиз*) қолдирмоқ, (*ҳарфдаги*) ҳаракатларни (*зер-забарларни*) олиб ташламоқ; сукун қўймоқ; 3) кўчириб жойлаштирмоқ, ўрнаштирмоқ; III سَاكَنَ (*бирор к. билан*) бирга яшамоқ, ҳамхона бўлмоқ; IV أَسْكَنَ кўчириб жойлаштирмоқ (ўрнаштирмоқ); *ҳарб.* жойлаштирмоқ; ~ ـهُ اللهُ فَسِيحَ جِنَانِهِ! Оллоҳ унга жаннатидан насиб этсин! (*вафот этган киши ҳақида*) V تَسَكَّنَ қашшоқлашмоқ, камбағаллашмоқ, мискинга айланмоқ; VI تَسَاكَنَ бирга яшамоқ, биргаликда яшамоқ; VIII اِسْتَكَنَ 1) (*бирор к. га*) тобе бўлмоқ, бўйсунмоқ, итоат этмоқ (لِـ); 2) тинчимоқ, тинчиб қолмоқ

– إِسْكَانٌ ўрнаштириш, кўчириб жойлаштириш, тураржой бериш; *ҳарб.* жойлаштириш; مُشْكِلَةُ الـ~ тураржой муаммоси

– تَسْكِينٌ 1) тинчитиш; юмшатиш; 2) *грам.* сукун ҳаракатини қўйиш

– سَاكِنٌ[1] 1) тинч, сокин; 2) ҳаракатсиз, беҳаракат, ҳаракат қилмайдиган; мувозанатдаги, тинч ҳолатдаги; 3) *грам.* ундош; ◊ لَا يُحَرِّكُ ~اً لِـ ... у ... учун ҳеч нарса қилмайди, у ... учун ҳеч бир ҳаракат қилмайди; 4) *кўп.* سُكَّانٌ *эл.* статор

– سَاكِنٌ[2] *кўп.* سُكَّانٌ, سَكَنَةٌ 1) яшовчи, истиқомат қилувчи; 2) аҳоли; كَثِيرُ السُّكَّانِ кўп аҳолили, аҳолиси кўп; سُكَّانُ الْمَدِينَةِ шаҳар аҳолиси; السُّكَّانُ الْمَدَنِيُّونَ ҳарбий бўлмаган аҳоли; السُّكَّانُ الْأَصْلِيُّونَ шу ерли аҳоли, тубжой кишилар; ◊ ~ُ الْجِنَانِ марҳум, раҳматли, худо раҳмати, вафот этган

– سَاكِنَةٌ *кўп.* سَوَاكِنُ истиқомат қилувчи аёл

– سَكَاكِينِيٌّ пичоқ ясайдиган уста, пичоқчи

– سَكَّانٌ = سَكَاكِينِيٌّ

– سُكَّانٌ *кўп.* ـَاتٌ — руль

– سُكَّانِيٌّ аҳолига оид; الـ~ـَةُ الْمُشْكِلَةُ аҳолига оид муаммо

– سَكْنٌ ҳовли аҳли, ҳовлида яшовчилар

– سَكَنٌ[1] 1) яшаш, истиқомат қилиш, 2) тураржой, яшаш жойи; بُيُوتُ الـ~ кишилар яшайдиган уй; أَزْمَةُ الـ~ тураржой кризиси; قَابِلُ الـ~ яшашга яроқли, яшаса бўладиган

– سَكَنٌ[2] олов, ўт, аланга

– سَكَنَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — ҳаракатсиз туриш, тўхтаб туриш, тўхташ

– سَكَنَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — тураржой, яшаш жойи

– سُكْنَى яшаш, истиқомат қилиш; مَحَلُّ الـ~ яшаш жойи

– سَكَنِيٌّ яшашга (истиқомат қилишга) мўлжалланган; مَنَاطِقُ ~ـَةٌ тураржой районлари (мавзелари); أَحْيَاءُ ~ـَةٌ маҳаллалар

– سُكُونٌ 1) жимжитлик, осойишталик, ором; тинчлик, сукунат; 2) *грам.* сукун, сокин

– سُكُونِيٌّ мувозанатдаги, статик

– سِكِّينٌ *мз. мн. кўп.* سَكَاكِينُ пичоқ; ~ُ الْمَطْبَخِ овқат тайёрлашда ишлатиладиган пичоқ, ошпичоқ

– سِكِّينَةٌ *кўп.* سَكَاكِينُ = سِكِّينٌ

– سَكِينَةٌ 1) хотиржамлик, осудалик; жимжитлик, сокинлик; فِي ~ٍ وَهُدُوءٍ астагина ва хотиржамлик билан; مَلَكَ ~ نَفْسِهِ хотиржамликни сақламоқ; 2) тинч ҳаво, шамолсиз вақт (*денгиз, дарё ва кўлларда*); 3) улуғлик, виқор, ҳайбат

– مَسْكَنٌ, مَسْكِنٌ *кўп.* مَسَاكِنُ тураржой, яшаш жойи; квартира

– مُسَكِّنٌ *кўп.* ـَاتٌ — *мед.* тинчлантирувчи, оғриқни қолдирувчи дори-дармонлар (препаратлар)

– مَسْكَنَةٌ камбағаллик, бечоралик, фақирлик

– مَسْكُونٌ 1) одам яшайдиган, одамзод турадиган; 2) жинни, тентак, эси паст; 3) жинлар кириб олган, ажиналар макон қилиб олган (*уй*)

– مَسْكُونَةٌ: الـ~ـَةُ ер, ер шари

– مَسْكُونِيٌّ *дин.* дунёдаги черковларнинг ҳаммасини бирлаштирадиган (*мас., қурултой, йиғин*); غِبْطَةُ (قَدَاسَةُ) الْبَطْرِيَرْكِ الـ~ дунёдаги черковларнинг ҳаммаси учун бўлган патриарх ҳазрати олийлари

– مِسْكِينٌ *кўп.* مَسَاكِينُ бечора, фақир, камбағал, мискин; бадбахт, бебахт

سَكَنْجَبِينٌ сирка ёрдамида аччиқтам қилинган асал (*ичимлик*)

سَكَنْدَرِيٌّ Искандария шаҳрида яшовчи, искандариялик

I سَلَّ (а/у) سَلٌّ 1) тортиб *ёки* судраб чиқармоқ; суғуриб олмоқ, тортиб олмоқ, чиқариб олмоқ; ташиб кетмоқ, ўғирламоқ, ўғирлаб кетмоқ; 2) суғуриб олмоқ (*тилни*); 3) سُلَّ сил бўлмоқ, сил касали билан оғримоқ; IV أَسَلَّ = I; V تَسَلَّلَ (*бирор ерга*) суқулиб кирмоқ (кириб олмоқ), билдирмай кириб олмоқ (إِلَى); сизиб кирмоқ, сизиб ўтмоқ; ~ مِنْ بَابٍ خَلْفِيٍّ (*бирор ерга*) орқа эшикдан кириб олмоқ (إِلَى); VII اِنْسَلَّ 1) (*бирор ерга*) кириб олмоқ, билдирмай кирмоқ (إِلَى); (*бирор ердан*) ҳеч кимга билдирмай кетиб қолмоқ (مِنْ); ~ مِنَ الْجَوَابِ жавоб беришдан ўзини олиб қочмоқ; 2) сил касали билан оғримоқ; VIII اِسْتَلَّ 1) чиқармоқ, суғуриб чиқармоқ, суғуриб тортмоқ; ~ سَيْفَهُ қиличини суғурмоқ (яланғочламоқ); 2) тортиб олмоқ, олиб қўймоқ; ~ الْمَرَضُ صِحَّتَهُ касаллик унинг соғлиғини олиб қўйди

– تَسَلُّلٌ 1) ҳеч кимга билдирмай кириб олиш; 2) *муз.* бир темани бир неча ижрочи томонидан ҳар хил овоз билан кетма-кет такрорлаш, фуга; 3) *спорт.* ўйиндан ташқарида, офсайд; 4) *мед.* яллиғланиш туфайли ҳужайраларда моддаларнинг тўпланиши, инфильтрация

– سِلٌّ, سُلٌّ *шунингдек.* سُلٌّ ~ تَدَرُّنِيٌّ сил; ~ رِئَوِيٌّ ўпка сили; ~ُ الْعِظَامِ суяк сили

– سَلٌّ *кўп.* سِلَالٌ унча катта бўлмаган сават

– سَلَّالٌ сават тўқийдиган уста, саватчи уста

– سُلَالَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ 1) авлод, насл, уруғ; 2) авлод, авлодлар; 3) оила, аймоқ, зурриёт, сулола; 4) зот, жинс; келиб чиқиш; عِلْمُ السُّلَالَاتِ الْبَشَرِيَّةِ этнология; 5) *биол.* штамм (*вакцина тайёрлаш учун бирор касал организмидан ажратиб олинган соф микроорганизм*)

– سُلَالِيٌّ 1) оилага (сулолага) оид; 2) этнологияга оид, этнологик

– سَلَّةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ سِلَالٌ, саватча, корзинка; كُرَةُ الـ~ баскетбол; الْمُهْمَلَاتِ ~ саватча (*қоғоз бурдаларини ташлайдиган*)

– سَلِيلٌ[1] 1) чиқариб олинган, тортиб чиқарилган, ажратиб олинган; 2') (*бирор к. дан*) ўз насл-насабини давом эттирувчи; 3) *кўп.* سُلَّالٌ ўғил фарзанд

– سَلِيلٌ[2] сил, сил касалига мубтало бўлган

– سَلِيلَةٌ 1) чиқариб олинган, тортиб чиқарилган, ажратиб олинган; 3) (*бирор к. дан*) ўз насл-насабини давом эттирувчи; 3) *кўп.* سَلَائِلُ қиз фарзанд

– مِسَلَّةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ, مَسَالُّ 1) жуволдиз; *архит.* гумбаз, минора устига ўрнатилган найза; 2) ёдгорлик, обелиск

– مَسْلُولٌ 1) чиқариб олинган, тортиб чиқарилган, ажратиб олинган; 2) силга (*сил касаллигига*) оид

I سَلَأَ (*а*) سَلْءٌ 1) (*мойни, ёғни*) эритмоқ, эритиб олмоқ; 2) тозаламоқ, оқламоқ; VIII اسْتَلَأَ = I

– سِلَاءٌ эритилган мой (ёғ)

– سُلَّاءٌ *жам.* (*хурмо дарахтининг*) тиканаклари

– سُلَّاءَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ, (سُلَّآتٌ) (*хурмо дарахтининг тиканаги;* ◊ خَيْرٌ لِي أَنْ أُخَيِّطَ ثَوْبِي وَ لَوْ بِـ~ яхшиси буни ўзим бажара қоламан (сўзма-сўз: кийимимни хурмо дарахтининг тикони билан бўлса ҳам ўзим тикканим яхши)

– سُلَّاءَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ *халқ.* = سُلَّايَةٌ

– سِلَاءٌ = مَسْلِيٌّ, مُسَلًّى

سِلَافٌ *жам.* славянлар

– سِلَافِيٌّ 1) славянларга оид; 2) славян киши

سَلْقُونٌ = سَلَاقُونٌ

سِلَاقِيٌّ този итга (овчи итга) оид

I (سلب) سَلَبَ (*у*) سَلْبٌ 1) талон-торож қилмоқ; тортиб олмоқ; маҳрум қилмоқ, ҳақсиз қилмоқ; الْجِنْسِيَّةَ عَنْهُ ~ бирор кимни фуқароликдан маҳрум қилмоқ; 2) (*ўлжани*) қўлга киритмоқ, босиб олмоқ; 3) инкор қилмоқ; ◊ الْعَقْلَ ~ ақлидан бегона қилмоқ, асир қилмоқ, мафтун қилмоқ; سَلِبَ (*а*) سَلَبٌ (*бирор к. га*) мотам тутмоқ (عَلَى); VII انْسَلَبَ талон-торож қилинмоқ, хонавайрон бўлмоқ; VIII اسْتَلَبَ талон-торож қилмоқ, хонавайрон қилмоқ; тортиб олмоқ, уриб олмоқ

– اسْتِلَابٌ талон-торож қилиш, хонавайрон қилиш

– أُسْلُوبٌ *кўп.* أَسَالِيبُ услуб, метод; ҳаракат ёки иш услуби, одат; форма, шакл; стил; اسْتَعْمَلَ أَسَالِيبَ الْإِبَادَةِ оммавий қирғин қилиш воситаларини ишга солмоқ

– سَالِبٌ манфий, салбий; 2) *фото.* негатив

– سِلَابٌ *кўп.* سُلُبٌ мотам либоси, мотамий либос; мотам

– سَلَّابٌ[1] арқон эшувчи, арқон тўқувчи

– سَلَّابٌ[2] босқинчи, ўғри, таловчи

– سَلَّابَةٌ босқинчи, ўғри, таловчи; босқинчи аёл, ўғри хотин, таловчи аёл

– سَلْبٌ 1) талон-торож, хонавайронлик, босқинчилик; 2) манфийлик, салбийлик; 3) инкор этиш; ~اً салбий равишда; عَلَامَةُ الـ~ *мат.* минус

– سَلَبٌ[1] *кўп.* أَسْلَابٌ талон-торож қилинган, таланган, ўлжа

– سَلَبٌ[2] *жам.* 1) йўғон арқонлар, сим арқонлар; (*хурмо толасидан эшилган*) арқонлар; 2) калла-поча (*сўйилган ҳайвонники*)

– سَلَبَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ йўғон арқон, сим арқон; (*хурмо толасидан эшилган*) арқон

– سَلْبِيٌّ 1) салбий, манфий; 2) негатив; 3) пассив, заиф; الْمُقَاوَمَةُ الـ~ـةُ пассив қаршилик, заиф қаршилик; 4) *кўп.* اتٌ ـَـ негатив томон; *фото.* негатив

– سَلْبِيَّةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ 1) салбийлик, манфийлик; 2) негативлик; 3) баъзи бир руҳий касалликлар аломатларидан бири, негативизм; 4) *фото.* негатив

– سَلِيبٌ 1) талон-торож қилинган, хонавайрон қилинган, таланган; 2) тортиб олинган, тортиб олиб қўйилган

– مَسْلُوبٌ 1) талон-торож қилинган, хонавайрон қилинган, таланган; 2) ақлдан озган; ◊ الْقُوَّةِ ~ заифлашган; заиф, нимжон

سَلْبَنْدٌ, سَلَبَنْدٌ отнинг бошини тўғри ушлаб туриш учун югандан айилгача тортиб қўйилган қайиш

I سَلَتَ (*и*) سَلْتٌ чиқариб олмоқ, тортиб чиқармоқ, суғуриб чиқармоқ; ечиб олмоқ, тортиб олмоқ; مَلَابِسَهُ ~ кийимларини ечиб ташламоқ; II سَلَّتَ (*бирор н. ни*) кўп марта чиқариб олмоқ, тортиб олмоқ; VII انْسَلَتَ 1) чиқариб олинмоқ, тортиб чиқарилмоқ, суғурилиб чиқмоқ; 2) яширинмоқ, яширинча кетмоқ, яширинча кетиб қолмоқ

– سُلْتٌ арпа навларидан бири (*бу навнинг устки пўстлоғи бўлмайди*)

– مَسْلُوتٌ қиртишланган; رَأْسٌ ~ сочи олинган бош

I سَلِجَ (*а*) سَلْجٌ, سَلَجَانٌ ютмоқ, томоқдан ўтказмоқ, ютиб юбормоқ

– سُلَّجٌ ич суриш хоссасига эга бўлган ўсимлик

سَلْجَمٌ *жам.* 1) шолғом; 2) ёввойи шолғом; рапс, уруғидан ёғ олинадиган ўсимлик; زَيْتُ الـ~ рапс ўсимлигидан олинган ёғ

– سَلْجَمَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — бир дона шолғом

سَلْجُوقِيٌّ *кўп.* سَلَاجِقَةٌ *тар.* салжуқий

I سَلَحَ (*а*) سَلْحٌ тезакламоқ (*қуш ҳақида*); II سَلَّحَ қуроллантирмоқ, қурол билан таъминламоқ; V تَسَلَّحَ (*бирор н. билан*) қуролланмоқ (بِ)

– تَسَلُّحٌ қуролланиш; سِبَاقُ التَّسَلُّحِ қуролланиш пойгаси

– تَسْلِيحٌ 1) қуроллантириш, қурол билан таъминлаш; 2) ҳарбийлаштириш

– سَالِحٌ қуролли; رَجُلٌ ~ қуролли одам

– سُلَاحٌ гўнг, ахлат

– سِلَاحٌ *мз. мн. кўп.* أَسْلِحَةٌ 1) қурол, аслаҳа; الـ~ الْأَبْيَضُ совуқ қурол; بِالـ~ الْأَبْيَضِ қўл яроғи билан, найзабозлик билан; الـ~ الْجُرْثُومِيُّ бактериологик қурол; ~ الدِّفَاعِ мудофаа қуроли; الـ~ الذَّرِّيُّ атом қуроли; الـ~ النَّارِيُّ ўт очиш қуроли; الـ~ النَّوَوِيُّ ядро қуроли; الـ~ الرُّوحِيُّ руҳий (маънавий) қурол; رَفِيقُ الـ~ қуролдош дўст, қуролдош ўртоқ; 2) қўшин тури; қуролли кучлар; الـ~ الْبَحْرِيُّ ҳарбий денгиз кучлари, الْجَوُّ ~ *ёки* الـ~ الْجَوِّيُّ ҳарбий ҳаво кучлари; ~ الطَّيَرَانِ авиация; ~ الْفُرْسَانِ кавалерия; ~ الْمُشَاةِ пиёдалар, пехота; ~ الصِّيَانَةِ *ҳарб.* таъмирлаш хизмати; 3) қуролланиш; تَخْفِيضُ الـ~ қуролларни қисқартириш; نَزْعُ الـ~ қуролсизланиш; ... أَمَامَهُ ~ ـَهُ *ёки* أَلْقَى ~ ـَهُ سَلَّمَ таслим бўлмоқ; 4) *шунингдек.* ~ الْمِحْرَاثِ плуг *ёки* омочнинг тиши; тиғ; ~ السِّكِّينِ пичоқнинг тиғи; ◊ تَحْتَ الـ~ ҳарбий хизматда, армия сафида

– سِلَاحْدَارٌ *кўп.* سِلَاحْدَارِيَّةٌ қурол-яроғни кўтариб юрувчи йигит, қуролбардор

– سِلَاحْلِيكٌ милтиқларни қўйиш учун ясалган эшак *ёки* чорпоя

– سِلَاحِيٌّ қурол ясовчи уста, қуролсоз

– سَلْحٌ гўнг, тезак (*қушники*)

– مُسَلَّحٌ қуролли, қуролланган; الـ~ ـَةُ بِالْقُوَّةِ қуролли куч ёрдамида; ◊ الـ~ الْأَسْمَنْتُ арматурали бетон, темирбетон

– سِلَاحِيٌّ = مُسَلَّحٌ

– مَسْلَحَةٌ *кўп.* مَسَالِحُ 1) аслаҳахона, қурол-яроғ омбори; 2) гарнизон, чегара қўшинлари; 3) қоравулхона, қоравулхона будкаси

سُلَحْفَاةٌ *кўп.* سَلَاحِفُ тошбақа; ~ الْبَحْرِ денгиз тошбақаси; سَارَ سَيْرَ الـ~ тошбақа юриш қилмоқ, имилламоқ; بِبُطْءِ الـ~ жуда секин, жуда секинлик билан

– سُلَحْفَائِيٌّ тошбақага оид; ◊ سُرْعَةٌ ~ ـَةٌ тошбақа тезлиги каби суръат

– سُلَحْفَائِيَّةٌ 1) тошбақа қадами билан юриш; 2) секин амалга ошадиган иш

I (سلخ) سَلَخَ (*а*) سَلْخٌ 1) терини шилмоқ, терини бадандан ажратмоқ, (*мас., оёқни*) шилиб юбормоқ, сидириб юбормоқ, чақа қилмоқ; ~ الثُّعْبَانُ илон пўст ташлади; 2) (*бирор ҳудудни*) ажратмоқ, тортиб олмоқ, зўрлик билан тортиб олмоқ, босиб олмоқ, зўрлик билан ажратиб олмоқ; (*бирор н. -дан*) ажратиб ташламоқ (مِنْ, عَنْ); 3) ўтмоқ, ўтиб кетмоқ (*вақт ҳақида*); 4) (*вақт*) ўтказмоқ; سَلُخَ (*у*) سَلَاخَةٌ мазасиз бўлмоқ, бемаза бўлмоқ; ◊ ~ فِي الْحُكْمِ ҳокимият тепасига биринчи марта чиқмоқ; V تَسَلَّخَ шилинмоқ, шилиниб тушмоқ, шўрлашмоқ, пўсти тушмоқ (*тери ҳақида*); 2) беихтиёр оғзидан чиқиб кетмоқ, ўйламасдан айтиб юбормоқ (*ҳайқириқ, қичқириқ ва ҳ. к.*مِنْ); VII انْسَلَخَ 1) пўст ташламоқ (*илон ҳақида*); 2) (*бирор н. дан*) ажралиб чиқмоқ, ажрамоқ (مِنْ, عَنْ); ~ الْجِلْدُ *мед.* шилинмоқ, шилиниб тушмоқ, пўсти тушмоқ (*тери ҳақида*);3) (*бирор н. дан*) келиб чиқмоқ, пайдо бўлмоқ (مِنْ); 4) тортиб олинмоқ, ажратиб олинмок (*ер ҳақида*); 5) ўтмоқ, ўтиб кетмоқ, тугамоқ (*вақт ҳақида*)

– تَسَلُّخٌ *кўп.* ـَاتٌ — шилинган жой, тимдаланган жой

– سَلَّاخٌ тери шилувчи

– سِلَاخَةٌ тери шилувчилик касби

– سَلَاخَةٌ бемазалик, мазанинг йўқлиги

– سَلْخٌ 1) терини шилиш; 2) *кўп.* أَسْلَاخٌ, سُلُوخٌ шилиб олинган тери; илоннинг ташлаган пўсти (териси)

– سِلْخٌ *кўп.* أَسْلَاخٌ, سُلُوخٌ шилиб олинган тери; илоннинг ташлаган пўсти (териси)

– سَلْخَانَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — кушхона

– سَلَخَانَةٌ = سَلْخَانَةٌ

– سَلْخَةٌ бир парча, бир бўлак (*ер*)

– سَلِيخٌ 1) шилинган, шилиниб тушган, шилиб олинган; 2) бемаза, мазасиз; 3) ишланмаган ер

– سَلِيخَةٌ 1) долчин; 2) мускат ёғи

– مِسْلَاخٌ *кўп.* مَسَالِيخُ 1) тери, бадан; 2) *кўч. м.* ниқоб, сохта қиёфа; مَلَكٌ فِي ~ إِنْسَانٍ *маж.* инсон қиёфасидаги фаришта

– مَسْلَخٌ *кўп.* مَسَالِخُ = سَلْخَانَةٌ

I سَلِسَ (*а*) سَلَسٌ 1) ювош бўлмоқ, итоатгўй бўлмоқ; 2) мулойим бўлмоқ, муомалага юрадиган бўлмоқ; II سَلَّسَ итоатгўй қилмоқ, ювош қилмоқ, муте қилмоқ; ~ اللُّغَةَ тилни яхши эгалламоқ; IV أَسْلَسَ 1) ювош қилмоқ, итоатгўй қилмоқ; ~ قِيَادَتَهُ бирор кимни мутлақ бўйсундирмоқ; ~ لَهُ قِيَادَهُ бирор кимга бўйсунмоқ) ~ الْعِنَانَ (*бирор к. га*) тобе бўлмоқ, бўйсунмоқ (لِـ);2) юмшоқ қилмоқ, юмшатмоқ, енгиллатмоқ

– سَلِسٌ *кўп.* سُلُسٌ *мн.* سَلْسَاءُ أَسْلَسُ 1) ювош, итоаткор; 2) муомалага юрадиган, гапга кўнадиган; 3) силлиқ, текис, оҳиста

– سَلَاسَةٌ 1) ювошлик, мутелик, итоаткорлик; 2) муомалага юрадиганлик; الْكَلَامِ ~ нутқнинг равонлиги

– سَلَسٌ[1] *мед.* пешобни (сийдикни) ушлаб туролмаслик

– سَلَسٌ[2] ювошлик, қобиллик, мўминлик

– سَلِسٌ 1) ювош; 2) юмшоқ; 3) равон (*нутқ ҳақида*)

سَلْسَبِيلٌ 1) *дин.* Салсабил (*жаннатдаги булоқнинг номи*); 2) *кўч. м.* жаннат ичимлиги, нектар

سَلْسَلَ 1) занжир қилиб боғламоқ, бириктирмоқ, уламоқ; 2) занжир билан боғламоқ, занжирбанд қилмоқ; ◊ النَّسَبَ ~ зотини аниқламоқ, зотини суриштирмоқ, келиб чиқишини аниқламоқ; ~ الْمَاءَ сув қуймоқ; تَسَلْسَلَ 1) тиркалмоқ, уланмоқ, маташмоқ; 2) тўхтовсиз орқама-орқа келмоқ; 3) (*бирор к. дан*) келиб чиқмоқ, тарқалмоқ (مِنْ); 4) оқмоқ, жилдираб оқмоқ, жилдирамоқ (*сув ҳақида*)

– تَسَلْسُلٌ 1) орқама-орқалик, кетма-кетлик, муттасиллик; изчиллик, пайдар-пайлик, тадрижийлик; ~ بِالـ *ёки* عَلَى سَبِيلِ الـ~ орқама-орқа, кетма-кет; الـ~ التَّارِيخِيُّ а) хронологик тартиб; مِنْ حَيْثُ الـ~ التَّارِيخِيِّ хронологик тартиб билан, хронологик тартибда; б) тарихий воқеа-ҳодисаларнинг кетма-кетлиги; сериялилик, серияларга бўлиш; حَسَبَ الـ~ الْهِجَائِيِّ алифбо тартиби бўйича; نُجُومُ الـ~ الْأَكْثَرِ бош изчил юлдузлар; 2) келиб чиқиш, зот

– تَسَلْسُلِيٌّ кетма-кет, орқама-орқа; серияли; بِشَكْلٍ ~ кетма-кет равишда, орқама-орқа, тартиб билан; الرَّقْمُ الـ~ серия номери

– سُلَاسِلٌ ширинлигидан томоқдан жуда осон ўтадиган

سَلْسَلٌ, سَلْسَالٌ муздек, салқин (*сув*)

– سِلْسِلَةٌ *кўп.* سَلَاسِلُ 1) занжир, цепочка; الدَّبَّابَةِ ~ танк занжири (гусеницаси); 2) тизма, қатор, сира; серия; الْمَقَالَاتِ ~ мақолалар серияси; الْجِبَالِ ~ тоғ тизмаси, тизма тоғлар; فِقْرِيَّةٌ ~ *ёки* الظَّهْرِ ~ умуртқа поғонаси; الْمَسَّاحِ ~ чегараларни белгилаш учун ишлатиладиган занжир; النَّسَبِ ~ насабнома, шажара, насл-насаб тарихи; الْأَكَاذِيبِ ~ найранглар занжири (силсиласи)

– مُتَسَلْسِلٌ 1) кетма-кет, орқама-орқа; بِصُورَةٍ ~ـةٍ кетма-кет равишда; التَّفَاعُلُ الـ~ *физ.* занжирли реакция; الْجَرَائِمُ الـ~ـةُ кетма-кет қилинган қатор жиноятлар; 2) тартибга оид; ~ رَقْمٌ *ёки* نُمْرَةٌ ~ـةٌ тартиб номери

– مُسَلْسَلٌ 1) занжирбанд қилинган, занжир билан боғланган; 2) орқама-орқа, кетма-кет; тартибга оид; الْأَرْقَامُ الـ~ـةُ тартиб номерлари; بِتَرْتِيبِ الْأَرْقَامِ الـ~ـةِ тартиб номери билан; رِوَايَةٌ ~ـةٌ матбуотнинг келгуси сонларида давоми мавжуд бўлган роман; ◊ الْمَرْأَةُ الـ~ـةُ *астр.* Андромеда

– مُسَلْسَلَةٌ *кўп.* ~ اتٌ — серия

I سَلُطَ *ёки* سَلِطَ (у, а) سَلَاطَةٌ гапга чечан бўлмоқ, гапга уста бўлмоқ, нотиқ бўлмоқ; тили заҳар бўлмоқ; II سَلَّطَ 1) эрк бермоқ, эркинлик бермоқ; (*бирор н. устидан*) ҳукмронлик қилиш ҳуқуқини бермоқ (عَلَى); حَرْبَةً عَلَيْهِ ~ *маж.* бирор кимга ҳужум қилмоқ; ~ الْأَضْوَاءَ ойдинлаштирмоқ, ёритмоқ, очиқ-ойдин қилиб қўймоқ (عَلَى); 2) (*бирор к. га қарши*) гиж-гижламоқ (عَلَى); الْكِلَابَ عَلَيْهِ ~ (*бирор к. га*) итларни қўйиб юбормоқ; V تَسَلَّطَ 1) (*бирор н. устидан*) ҳукмронликни қўлга киритмоқ; (*бирор н. ни*) эгаллаб олмоқ, эгалламоқ (عَلَى); 2) (*бирор н. устидан*) ҳукмронлик қилмоқ (عَلَى); буюрмоқ, буйруқ бермоқ, кўрсатма бермоқ

– تَسَلُّطٌ ҳокимият, ҳукмронлик; чекланмаган ҳокимият

– تَسَلُّطِيَّةٌ империализм

– تَسَلُّطِيٌّ империалистик

– سَلَاطَةٌ[1] ҳозиржавоблик, жавоб беришга тайёрлик; тилнинг заҳарлиги, тилнинг аччиқлиги; 2) андишасизлик, ҳаёсизлик, уятсизлик

– سَلَاطَةٌ[2] *кўп.* ~ اتٌ — салат, аччиқ-чучук

– سَلَاطَةٌ[3] бўйсундириш, тобе қилиш

– سَلَطَةٌ *кўп.* ~ اتٌ = سَلَاطَةٌ[2]

– سَلْطَةٌ *кўп.* سُلَطٌ куртка

– سُلْطَةٌ *кўп.* سُلَطٌ, سُلْطَاتٌ, سُلُطَاتٌ ҳукмронлик, ҳокимият; الـ~ الْأَبَوِيَّةُ ота ихтиёри; الـ~ التَّشْرِيعِيَّةُ қонун чиқарувчи ҳокимият; الـ~ التَّنْفِيذِيَّةُ ижро этувчи ҳокимият, ижроия ҳокимияти; الـ~ الْحَاكِمَةُ ҳукмронлик қилувчи ҳокимият; الـ~ الرُّوحِيَّةُ диний ҳокимият; الـ~ الْعُلْيَا олий ҳокимият; الـ~ الْقَضَائِيَّةُ суд органлари (ҳокимияти); الـ~ الْمُطْلَقَةُ мутлақ ҳокимият, мутлақ ҳукмронлик; السُّلُطَاتُ الْأَهْلِيَّةُ *ёки* السُّلُطَاتُ الْمَدَنِيَّةُ гражданлик (ҳарбий бўлмаган) ҳокимият; السُّلُطَاتُ الدِّينِيَّةُ диний ҳокимият органлари; السُّلُطَاتُ الزَّمَنِيَّةُ дунёвий ҳокимият органлари; السُّلُطَاتُ الْعَسْكَرِيَّةُ ҳарбийлар ҳукмронлиги; السُّلُطَاتُ الْمَحَلِّيَّةُ маҳаллий ҳокимият; السُّلُطَاتُ الْمَرْكَزِيَّةُ марказий ҳокимият органлари; عَصَا الـ~ асои салтанат (*подшолик салтанати аломати бўлган ҳасса*)

– سَلِيطٌ[1] 1) шиддатли, кучли, зўр; 2) топқир, хушёр, зийрак; заҳарли, аччиқ; اللِّسَانِ ~ тили заҳар, тили ўткир; 3) уятсиз, андишасиз, сурбет, безбет; مَرْأَةٌ ~ـةٌ бақироқ аёл, вайсақи хотин

– سَلِيطٌ[2] зайтун ёғи, зайтун мойи; кунжут ёғи (*Яманда*)

– مُتَسَلِّطٌ ҳукмрон, ҳокимият тепасидаги; буйруқ берувчи,

фармон берувчи

سَيخُكَ وَ سُلْطَيْحَةٌ, سَلْطُوحَة ҳеч нарса битмайдиган қаттиқ ер; الـ~ *мтл.* сих бор, ер бор, лекин кабоб қиладиган нарса йўқ

سَلْطَنَ султон (подшоҳ) деб эълон қилмоқ; تَسَلْطَنَ султон (подшоҳ) бўлмоқ; мутлақ ҳокимликни қўлга киритмоқ

– سُلْطَانٌ[1] ҳокимият, ҳукмронлик, салтанат

– سُلْطَانٌ[2] *кўп.* سَلَاطِينُ султон; подшоҳ, шоҳ; олий ҳукмрон; ◊ ~ إِبْرَاهِيمَ барабулка балиғи

– سُلْطَانٌ[3] ҳужжат, исбот, далил

– سُلْطَانِيٌّ 1) султонга (подшоҳга, шоҳга) оид; 2) ҳокимиятга (давлатга) оид; ◊ سِكَّةٌ ~ـَةٌ *ёки* طَرِيقٌ ~ тўппа-тўғри йўл, шоҳкўча

– سُلْطَانِيَّةٌ *кўп.* ـَاتٌ, سَلَاطِينُ коса, идиш; жом, жомча

– سَلْطَنَةٌ *кўп.* ـَاتٌ салтанат (давлат)

سَلْطَعُونٌ *кўп.* ـَاتٌ денгиз қисқичбақаси, краб

I سَلِعَ (а) سَلَعٌ 1) ёрилмоқ, ёрилиб кетмоқ (*қўл-оёқнинг териси ҳақида*); бўлиниб кетмоқ, бўлинмоқ; 2) мохов бўлмоқ, мохов касалига мубтало бўлмоқ; II سَلَّعَ бўлмоқ, бўлиб юбормоқ, кесиб бўлакламоқ, уриб ёрмоқ; VII اِنْسَلَعَ ёрилмоқ, бўлинмоқ, бўлиниб кетмоқ

– أَسْلَعُ *мн.* سَلْعَاءُ *кўп.* سُلْعٌ 1) (*оёғи, қўли*) ёрилиб кетган; 2) мохов

– سَلْعٌ *кўп.* سُلُوعٌ ёриқ, дарз; узун кавак

– سِلْعَةٌ *кўп.* سِلَعٌ 1) савдо-сотиқ предмети, товар; سِلَعُ الْاِسْتِهْلَاكِ *ёки* السِّلَعُ الْاِسْتِهْلَاكِيَّةُ кундалик эҳтиёж моллари; السِّلَعُ الْإِنْتَاجِيَّةُ ишлаб чиқарилган товарлар; ~ تُبَاعُ وَ تُشْتَرَى сотиш ва харид қилиш мумкин бўлган товар; السِّلَعُ الصِّنَاعِيَّةُ саноат моллари; السِّلَعُ الْكَمَالِيَّةُ зийнат буюмлари; تَحَوَّلَ إِلَى ~ تُبَاعُ وَ تُشْتَرَى бузилиб кетмоқ, бузуқ йўлга кирмоқ, номусини сотувчи одамга айланмоқ; 2) *мед.* без, ёғли ўсма, ёғ тўқимасидан иборат ўсма

– سِلَعِيٌّ товарга оид; صَادِرَاتٌ ~ـَةٌ экспорт қилинадиган товарлар

I سَلَفَ[1] (سلف) (у) سَلَفٌ, سُلُوفٌ (*бирор н. дан*) олдин бўлмоқ, олдинда бўлмоқ, ўтмишда бўлиб ўтмоқ; فِيمَا ~ ўтмишда, ўтган замонда; илгари; қачонлардир; سَلَفَ[2] (у) سَلْفٌ молаламоқ, мола босмоқ, мола бостирмоқ; ерни экишга тайёрламоқ; II سَلَّفَ бирор иш юзасидан олдиндан пул бериб қўймоқ, аванс тариқасида бирор нарса бермоқ; (*бирор н. га ишлатиш учун*) қарз бермоқ (عَلَى); IV أَسْلَفَ 1) (*бирор н. дан*) олдин қилмоқ; олдиндан айтиб ўтмоқ, кириш сўзи билан бошламоқ; юқорида келтириб ўтмоқ; 2) аванс, заколат, қарз сифатида бермоқ; 3) молаламоқ, мола босмоқ, мола бостирмоқ, ерни экишга тайёрламоқ; V تَسَلَّفَ қарз олмоқ, ссуда олмоқ, аванс олмоқ; VIII اِسْتَلَفَ қарз олмоқ; аванс сифатида олмоқ, (*гаров асосида*) ссуда олмоқ (عَلَى); X اِسْتَسْلَفَ (*бирор к. дан*) қарз сўрамоқ (مِنْ)

– تَسْلِيفٌ олдиндан пул бериб қўйиш; ссуда бериш; қарз бериш; بَنْكُ الـ~ عَلَى الزِّرَاعِيِّ ерни қарзга бериш банки; مَحَلُّ الـ~ الرُّهُونَاتِ ҳар хил нарсаларни гаровга олиб пул қарз берувчи жой (муассаса), ломбард

– سَالِفٌ олдинги, олдиндаги, муқаддам, ўтган замондаги; ~ الذِّكْرِ юқорида эслаб ўтилган; فِى ~ الزَّمَانِ эски вақтларда, қадимда; ~اً илгари, муқаддам; ◊ ~ الْعَرُوسِ *бот.* мачин, қизилқуйруқ, зулфи хубон, амарант; ~َانِ *ик. с.* икки чаккада ўсган соч

– سُلَافٌ, سُلَافَةٌ сулоф (*олий навли шароб*); узумнинг эзмасдан олдинги чиққан шарбати (*суви*)

– سِلَافٌ *жам.* славянлар

– سَلَفٌ *кўп.* أَسْلَافٌ 1) ота-боболар, аждодлар; илгари яшаган одамлар, ~اً илгари, олдин, олдиндан; 2) ссуда, қарз, аванс; ~ عَلَى الْأُجْرَةِ ойлик устидан олинган аванс

– سَلْفٌ = سَلَفٌ

– سِلْفٌ *кўп.* أَسْلَافٌ қайноға, қайни; божа

– سِلْفَةٌ *кўп.* سَلَائِفُ келин; қайинсингил; куёвнинг қайинсинглиси

– سُلْفَةٌ *кўп.* سُلَفٌ, سُلُفَاتٌ 1) аванс; ссуда, қарз; 2) патак

– سَلَفِيٌّ аждодлар анъанасига содиқ, аждодлар анъанасини давом эттирувчи

– سَلَفِيَّةٌ *кўп.* ـَاتٌ аванс, заколат; ссуда, қарз

– سَلِيفٌ *кўп.* سُلَفَاءُ ўтмишдош, илгари ўтган

– مِسْلَفَةٌ *кўп.* ـَاتٌ борона, мола; أَسْنَانُ الـ~ борона тишлари

سُلْفَاتٌ *кимё.* сульфат; ~ الْحَدِيدِ темир купороси; ~ الرَّصَاصِ қўрғошин купороси, сульфат кислотали қўрғошин, англезит; ~ الزِّنْكِ рух купороси, оқ купорос; ~ الصُّودَا натрий сульфат, глаубер тузи; ~ الْمَانِيزِ *ёки* الْمَانِيزِيَا (الْمَغْنِيسِيَا) сульфат кислотали магний, аччиқ туз; ~ النُّحَاسِ мис купороси, кўк купорос; ~ النِّشَادِرِ сульфат кислотали аммоний

سَلْفَتَ асфальт қилмоқ (ётқизмоқ), асфальтламоқ

– سَلْفَتَةٌ асфальт қилиш (ётқизиш), асфальтлаш

– مُسَلْفَتٌ асфальт қилинган (ётқизилган), асфальтланган; طَرِيقٌ ~ асфальт йўл

– سُلْفِيدٌ *кимё.* сульфид

I سَلَقَ (у) سَلْقٌ 1) қайнатмоқ, қайнатиб пиширмоқ; қайноқ сув билан ювмоқ; 2) ранжитмоқ, дилини оғритмоқ, ёмонлик қилмоқ, ҳақорат қилмоқ; 2) *кўч. м.* қизимоқ, қизиб кетмоқ (*жанжал ҳақида*); ◊ ~ الْحَرُّ النَّبَاتَ иссиқ ўсимликларни куйдириб юборди;

انتخابات сайлов ўтказмоқ, сайлов ўйлаб топмоқ; V تَسَلَّقَ чиқмоқ, кўтарилмоқ, ўрмалаб (эмаклаб, тирмашиб) чиқмоқ, юқориламоқ, юқорига интилмоқ; чирмашмоқ (*ўсимлик ҳақида*); VII اِنْسَلَقَ қайнамоқ, қайнаб пишмоқ

– تَسَلُّقٌ кўтарилиш, юқорига чиқиш; ~ الْجِبَالِ альпинизм

– سُلاَقٌ *мед.* қовоқларнинг яллиғланиши

– سَلاَّقٌ қайнатувчи, ошпаз

– سُلاَقٌ *дин.* الـ~ Исо алайҳиссаломнинг кўкка кўтарилиши билан боғлиқ бўлган байрам (*христианларда*)

– سَلاَقَةٌ 1) нутқнинг кескирлиги; 2) ҳаёсизлик, бетамизлик, сурбетлик

– سَلاَقِيٌّ този ит, овчи ит, ов ити

– سَلْقٌ[1] қайнатиш, қайнаш

– سِلْقٌ[2] سِلْقٌ 1) қанд лавлаги; 2) хашаки шолғом, эркак шолғом (*ҳайвонларга овқат учун экилади*)

– سَلَقٌ *кўп.* أَسْلاَقٌ، سُلْقَانٌ текислик, текис ер

– سَلاَقِيٌّ = سَلُوقِيٌّ، سُلُوقِيٌّ

– سُلُوقِيَّةٌ капитан кўприкчаси (*кема палубасида капитан кемани бошқариб бориши учун ажратилган баланд жой*)

– سَلِيقٌ қайнатилган, қайнатиб пиширилган

– سَلِيقَةٌ[1] қайнатма шўрва, қайнатиб пиширилган овқат

– سَلِيقَةٌ[2] *кўп.* سَلاَئِقُ 1) табиат; мойиллик; туғма ақл; خَطِيبٌ بالـ~ туғма нотиқ; 2) фаҳм, фаросат; зийраклик, сезги, туйғу

– سَلِيقِيٌّ туғма, табиатан; ~ خَطِيبٌ туғма нотиқ

– مُتَسَلِّقٌ 1) юқорига кўтарилувчи, тепага чиқувчи; 2) юқорида ишловчи (*ишчи, учувчи ва ҳ. к.*)

– مَسْلُوقٌ қайнатилган, қайнатиб олинган; الْفَوَاكِهُ الـ~ـة компот

– مَسْلُوقَةٌ қайнатиб пиширилган гўшт

سَلَقُونٌ қўрғошинли сурик, қўрғошинли симоб, сульфиддан тайёрланган бўёқ

I سَلَكَ (у) سُلُوكٌ، سَلْكٌ 1) йўлдан бормоқ, издан бормоқ; ~ ... سِيَاسَةَ сиёсатини олиб бормоқ; 2) кирмоқ, киришмоқ, бошламоқ, қадам қўймоқ, қадам босмоқ; 3) ўзини тутмоқ, амал қилмоқ, иш кўрмоқ; 4) ўтказмоқ, тизмоқ, ипга ўтказмоқ; ўрамоқ, калава қилмоқ; II سَلَّكَ 1) тозаламоқ, тоза қилмоқ (*йўлакни, йўлни*); ~ الْأَسْنَانَ тишларни тозаламоқ; ~ صَوْتَهُ томоқни қирмоқ; 2) (*ипнинг, масаланинг*) чигалини ёзмоқ, ечмоқ; 3) (*бирор н. ни*) ўтказмоқ, тақмоқ, киргизмоқ (*туш. к. ёки* بِ); IV أَسْلَكَ киргизмоқ, ўтказмоқ, тақмоқ, ўтказиб чиқармоқ; VII اِنْسَلَكَ (*бирор н. га*) кирмоқ (فِي); (*бирор н. нинг тешигидан*) ўтмоқ (*мас., игнанинг*)

– تَسْلِيكٌ 1) тозалаш, тозалов; 2) киргизиш, ўтказиш

– سَالِكٌ 1) борувчи, юрувчи; 2) очиқ, эркин ҳаракат қиладиган (*йўл*); қатналадиган (из тушган) (*йўл*); 3) солик (*суфийликда-учинчи мақомга етган киши*)

– سَلاَّكَةٌ *кўп.* ـاتٌ ~ الْأَسْنَانِ тиш тозалагич, мисвок

– سَلْكٌ қатнов, қатнаш, ҳаракат; ~ الْبَحْرِ денгиз қатнови; ~ الْهَوَاءِ ҳаво орқали қатнов

– سِلْكٌ *кўп.* أَسْلاَكٌ، سُلُوكٌ 1) ип; 2) сим; ~ كَهْرَبَائِيٌّ электр сими; أَسْلاَكٌ شَائِكَةٌ тиконли сим; أَسْلاَكٌ مَفْتُولَةٌ кабель; ~ بَحْرِيٌّ сув остидан ўтган кабель; الـ~ الْأَرْضِيُّ ... ~ بَرْقِيٌّ телеграф линияси; ~ هَوَائِيٌّ *радио.* ерга уланган сим; антенна; 3) шахсий состав, персонал; الـ~ التَّعْلِيمِيُّ ўқитувчилар состави; 4) вазифа; الـ~ الدِّبْلُومَاسِيُّ *ёки* الـ~ السِّيَاسِيُّ дипломатик вазифа; رِجَالُ الـ~ السِّيَاسِيِّ (الدِّبْلُومَاسِيِّ) дипломатлар, дипломатик корпус; ~ الدَّرْكِ (الشُّرْطَةِ) миршаблар корпуси, жандармерия корпуси; اِنْتَظَمَ فِي ~ الْوِزَارَةِ вазирликка ишга кирмоқ, вазирликда ишламоқ; 5) қўшинлар тури; الضُّبَّاطُ مِنْ أَيِّ ~ كَانُوا يَجِبُ عَلَيْهِمْ أَنْ ... қайси қўшин турига мансуб бўлишларидан қатъий назар, зобит (офицер)лар ... қилишлари керак; الْأُدَبَاءُ وَالشُّعَرَاءُ وَمَنْ يَنْخَرِطُ فِي ~هِمْ адиблар, шоирлар ва шу кабилар; 6) *бот. зоол.* чирмовиқларнинг томири (*шохларга ўраладиган томири*); мўйловча (*бўғим-оёқлилар турига кирувчи жониворларнинг мўйлови*); ўқиш пайти

– سِلْكَةٌ *кўп.* سِلَكٌ، سُلُوكٌ ип; шнур

– سِلْكِيٌّ 1) симли, симдан ишланган; لاَ ~ симсиз; رِسَالَةٌ لاَ ~ـةٌ радиограмма; 2) радио; 3) *шунингдек*: عَامِلُ لاَ ~ радист

– سُلُوكٌ 1) *шунингдек*: السَّيْرُ وَالسُّلُوكُ ҳаёт тарзи, турмуш тарзи, ахлоқ, одоб, иш-ҳаракат услуби; قَوَاعِدُ الـ~ ахлоқ қоидалари; حُسْنُ الـ~ яхши хулқ; ذُو الـ~ حَسَنُ الـ~ *ёки* الْحَسَنِ яхши хулқли, яхши хулқ эгаси; хушмуомала, андишали; سَيِّئُ الـ~ ёмон хулқ; ذُو الـ~ السَّيِّئِ *ёки* سُوءُ الـ~ ёмон хулқли, ёмон хулқ эгаси; 2) ўзни тута билиш; 3) ахлоқ, одоб; آدَابُ الـ~ мулозамат-муомала

– سُلُوكِيٌّ 1) ҳаёт тарзига оид, ахлоққа оид; النَّظَرِيَّةُ الـ~ـةُ *ёки* الْمَذْهَبُ الـ~ бихевиоризм (*ахлоқ ҳақидаги назариялардан бири*); 2) бихевиорист, бихевиоризм тарафдори

– سُلُوكِيَّةٌ الـ~ бихевиоризм

– مَسْلَكٌ *кўп.* مَسَالِكُ 1) йўл; бориш йўли, борадиган йўл, маршрут; الْمَسَالِكُ الْبَوْلِيَّةُ сийдик йўли; 2) иш-ҳаракат услуби, ахлоқ; سَلَكَ ~ـهُ бирор кимнинг изидан бормоқ, бирор кимга тақлид қилмоқ

– مُسَلِّكٌ *кўп.* مُسَلِّكَاتٌ، مُسَلِّكَاتِيَّةٌ труба (мўри) тозаловчи, най ёки чилим найининг ичини тозаловчи

– مِسْلَكَةٌ йиғирилган ипни ўрайдиган асбоб, ғалтак

سِلْكَا *кимё.* кремнекислота (*кремний билан кислороднинг кўпгина минерал ва тоғ жинслари билан таркибига кирадиган бирикмаси*)

– سَلِيكَا кремний

– سَلِيكُونٌ = سَلِيكَا

I سَلِمَ (*а*) سَلَامَةٌ 1) соғ-саломат бўлмоқ, бехатар бўлмоқ, безарар (бешикаст) қолмоқ; сақланмоқ, асранмоқ;2) қутулмоқ, қутулиб қолмоқ, жон сақламоқ; (*бирор н. дан*) халос бўлмоқ, нажот топмоқ (مِنْ); 3) (*бирор н. дан*) озод бўлмоқ, эркин бўлмоқ (عَنْ); II سَلَّمَ 1) (*бирор к. ни*) олқишламоқ (عَلَى); (*бирор к. га.*) салом бермоқ (عَلَى; *қар.* صلو); 2) (*бирор к. га*) узатмоқ, топширмоқ, тақдим қилмоқ (إِلَى); أَمْرَهُ إِلَى اللهِ ~ Оллоҳ ихтиёрига ўзини топширмоқ; !سَلِّمْ لِي عَلَيْهِ мендан унга салом айтинг!; نَفْسَهُ الْأَخِيرَ ~ жон таслим қилмоқ, вафот этмоқ; نَفْسَهُ إِلَيْهِ ~ бирор кимнинг қўлига тушмоқ, бирор кимга таслим бўлмоқ; سِلَاحَهُ ~ қурол-яроғни топширмоқ, таслим бўлмоқ; 3) етказиб бермоқ; 4) (*жиноятчини*) тутиб бермоқ; 5) (*бирор н. ни*) тан олмоқ, фараз этмоқ, эҳтимол тутмоқ, гумон қилмоқ (ب *қар.* جَدَلٌ); (*бирор н. га*) кўнмоқ, унамоқ, рози бўлмоқ (ب); لَهُ ~ бирор кимга (*бирор н. га*) ён бермоқ (فِي); بِالْقَضَاءِ وَ الْقَدَرِ ~ қазойи-қадарга тан бермоқ, қазойи-қадарга рози бўлмоқ; 6) (*бирор н. дан*) халос (озод) қилмоқ, қутқазмоқ (مِنْ); ◊ فَطَارَ يُسَلِّمُ لِلرِّيحِ سَاقَيْهِ орқа-олдига қарамай қочмоқ, жони борича югурмоқ; III سَالَمَ ярашмоқ, сулҳ тузмоқ; 2) бир-бири билан ўзаро тинч яшамоқ; IV أَسْلَمَ 1) бўйсунмоқ, тобе бўлмоқ, қарам бўлмоқ; رَأْسَهُ إِلَى رُكْبَتَيْهِ ~ бошини тиззалари орасига қўймоқ; نَفْسَهُ إِلَى مَقْعَدٍ ~ у беҳолгина ўриндиққа чўкди; أَسْلَمُوا عُيُونَهُمْ لِلنَّوْمِ улар уйқуга чўмишди; 2) (*асирларни, жиноятчиларни*) топширмоқ, элтиб бермоқ, қўлга бермоқ; тутиб бермоқ, тутиб топширмоқ; ўз ҳолига ташлаб қўймоқ, қаровсиз ташлаб қўймоқ; 3) ислом динини қабул қилмоқ, исломга кирмоқ, мусулмон бўлмоқ; 4) (*бирор к. ни бирор н. олдига*) олиб бормоқ, олиб келмоқ (إِلَى, بِ); ◊ النَّفْسَ ~ *ёки* الرُّوحَ ~ жон таслим қилмоқ; فِي الطَّعَامِ ~ овқатланишга бошқалардан олдин киришмоқ; V تَسَلَّمَ олмоқ, қабул қилмоқ, қабул қилиб олмоқ; مَقَالِيدَ الْحُكْمِ ~ ҳокимиятни идора қилиш ишини ўз қўлига олмоқ; VI تَسَالَمَ бир-бири билан ўзаро ярашмоқ; VIII اسْتَلَمَ 1) олмоқ, қабул қилмоқ, қабул қилиб олмоқ (*шунингдек: радио орқали ҳам*); 2) ўпмоқ, бўса олмоқ; (*бирор табаррук н. ни*) ҳурмат юзасидан ўпиб қўймоқ; X اسْتَسْلَمَ таслим бўлмоқ, тан бермоқ, енгилганликни бўйинга олмоқ; (*бирор к. га ёки бирор н. га*) тобе бўлмоқ (бўйсунмоқ) (لِ); أَمَامَ الْمَصَاعِبِ ~ қийинчиликлар олдида чий деди (таслим бўлди); لِلْغَضَبِ ~ ғазаби қайнамоқ, ғазабланмоқ, жаҳли чиқмоқ

– اسْتِسْلَامٌ 1) таслим бўлиш, енгилганликни бўйинга олиш, капитуляция; 2) тобелик, бўйсуниш; بِـ~ итоаткорона, ожизона, итоаткорлик билан

– اسْتِسْلَامِيٌّ 1) капитуляцияга оид; капитуляция қилувчи

– اسْتِسْلَامِيَّةٌ капитуляция қилиш

– اسْتِلَامٌ 1) олиш, қабул қилиш, қабул; 2) ўпиш, (*бирор табаррук н. ни*) ўпиш

– إِسْلَامٌ 1) ўзини тангри ихтиёрига топшириш; итоаткорлик, мутелик; ислом динини қабул қилиш, мусулмон бўлиш; 2) الـ~ ислом дини; 3) мусулмонлар; دِينُ الـ~ ислом дини, мусулмонлик

– إِسْلَامِيٌّ 1) исломий, исломга оид; 2) мусулмонликка оид; الْأُمَّةُ الـ~ـةُ мусулмон уммати, аҳли ислом; التَّشْرِيعُ الـ~ мусулмон қонуншунослиги, ислом шариати; الدِّينُ الـ~ ислом дини, дини ислом; 3) исломий даврга (мусулмонлик даврига) оид

– إِسْلَامِيَّةٌ 1) мусулмонлик; ислом; 2) мусулмонликка хос хусусият (*мас., архитектурада*); 3) ислом даври

– تَسَلُّمٌ олиш, қабул қилиш

– تَسْلِيمٌ 1) олқишлаш, салом бериш; 2) ён бериш; 3) тақдим этиш, топшириш; бериб юбориш, жўнатиб юбориш; 4) (*жиноятчиларни*) тутиб бериш; 5) таслим бўлиш, капитуляция; 6) (*бирор н. ни*) тан олиш (بِ); 7) етказиб бериш, таъминлаш; وَ ~ اسْتِلَامٌ *савдо.* бериш ва олиш; مِينَاءِ الْوُصُولِ ~ *савдо.* сиф (*портгача келтириб бериш шарти билан товар сотиш*); ظَهْرِ ~ الْبَاخِرَةِ (السَّفِينَةِ) *савдо.* фоб (*кемага келтириб бериш шарти билан қилинган савдо*): تَسْلِيمُ رَصِيفِ مِينَاءِ التَّصْدِيرِ ~ *савдо.* фас; مَوَانِئِ بَيْرُوتَ ~ *савдо.* франко-Байрут (*Француз портидан Байрутга келтириб бериш шарти билан қилинган савдо*); ◊ الـ~ *дин.* таслим (*азондан кейинги чорлов, такбир*)

– سَالِمٌ 1) бутун, бус-бутун; جَمْعٌ ~ *грам.* тўғри кўплик; 2) соғлом, нормадаги; فِعْلٌ ~ *грам.* солим феъл; 3) хавфсиз, бехатар, соғ-саломат, тинч, эсон-омон; ~اً эсон-омонлик билан, тўлалигича, бус-бутун ҳолда; غَانِمًا ~اً соғ-саломат ва тирик вазиятда

– سَلَامٌ *кўп.* ـاتٌ — 1) тинчлик хавфсизлик; эсон-омонлик; بِـ~ эсон-омонликда, эсон-омонлик билан; الْعَامُّ الـ~ умумий хавфсизлик; رُسُلُ الـ~ тинчлик элчилари; مَدِينَةُ الـ~ тинчлик шаҳри (*Бағдод шаҳрининг фахрий номларидан бири*); !عَلَيْهِ الـ~ унга тинчлик-омонлик бўлсин!, у тинч-омон бўлсин!, унга саломлар бўлсин, алайҳиссалом; عَلَيْكُمْ الـ~ сизга тинчлик бўлсин!; وَ عَلَيْكُمُ الـ~ сизга ҳам тинчлик бўлсин!; 2) салом, саломлашув; بَلَّغَ الـ~ (*бирор к. га*) салом айтмоқ, салом демоқ (إِلَى); عَسْكَرِيٌّ ~ честь, ҳарбийларча саломлашув; أَدَّى ~اً عَسْكَرِيًّا честь бермоқ; 3) нашида, гимн; الْمِصْرِيُّ الـ~ Мисрнинг миллий нашидаси; 4) поклик, айб ва нуқсонлардан холилик; ◊ يَا ~! қандай мўъжиза!; ёпирай; воажаб; ажабо!; يَا ~ عَلَيْهِ қандай ажойиб одам-а!; وَ الـ~ вассалом, иш тамом; хайр, кўришгунча; دُورْ ~ *ҳарб.* (*милтиқни маълум вазиятда тутиб табриклаш учун бериладиган команда*); دَارُ الـ~ жаннат; осмон; نَهْرُ الـ~ Дажла дарёси

– سَلَامْلِكٌ меҳмонхона. меҳмон қабул қилинадиган хона; ~ التَّشْرِيفَاتِ қабулхона

– سَلَامَةٌ[1] 1) хавфсизлик; бутунлик; омадлилик. соғ-саломатлик; عَلَى الـ~ соғ-саломатликда, соғ-саломатлик билан; 2) нажот, қутулиш, халос бўлиш; 3) ақллилик, зеҳнлилик; ~ العَقْلِ ақли расолик; ~ القَلْبِ самимийлик, қалби поклик; ~ الذَّوْقِ яхши дид; ~ النِّيَّةِ а) пок ният, оқ ният; б) макрсизлик, софдиллик; ◊ مَعَ الـ~! оқ йўл!, хайр!, кўришгунча!

– سَلَامَةٌ[2] салома (*колбасанинг бир тури*)

– سُلَامَى *кўп.* سُلَامِيَاتٌ, سُلَامِيَّةٌ *анат.* бармоқдаги бўғим, бармоқ суяги

– سَلَامِيٌّ тинчликка оид

– سَلَمٌ[1] = سَلَفٌ

– سَلَمٌ[2] олхўрига ўхшаш мевали дарахт

– سَلْمٌ, سِلْمٌ[1] тинчлик, омонлик; أَنْصَارُ الـ~ тинчлик тарафдорлари; حَالَةُ اللاَّ سِلْمٍ وَ اللاَّ حَرْبٍ на уруш, на тинчлик бўлмаган вазият

– سِلْمٌ[2] бошқалар билан аҳилликда яшовчи

– سُلَّمٌ *кўп.* سَلَالِمُ, سَلَالِيمُ 1) зина, пилапоя; поғона; даража, палла; ~ العَرَبَةِ вагон *ёки* араванинг зинапояси; ~ لَوْلَبِيٌّ бурама зина, айланма зина; ~ نَقَّالٌ нарвон, шоти, кўчма зина; икки оёқли нарвон; ~ مِيكَانِيكِيٌّ *ёки* ~ مُتَحَرِّكٌ эскалатор; صَدَقَةُ الـ~ зинапоя супачаси, шикан; الـ~ المُوسِيقِيُّ *муз.* бир-бирига нисбатан оҳангдош бўлган товушлар мажмуи, гамма; الـ~ الرَّخْوُ энгармоник гамма; الـ~ القَوِيُّ *муз.* бутун ва ярим тонлардан иборат тадрижий овозлар сираси, диатоник гамма; الـ~ المُلَوَّنُ хроматик гамма (тизма); 2) *кўч. м.* (*бирор н. га етишдаги*) восита, қурол; اِسْتَعْمَلَ هَذَا كَـ~ لِلْوُصُولِ إِلَى ... бундан у ...га етишиш воситаси сифатида фойдаланди

– سُلَّمَةٌ *кўп.* سُلَّمٌ зина, зинапоя. поғона

– سِلْمِيٌّ 1) тинчликка оид; بِالطُّرُقِ الـ~ـةِ тинч йўл билан; 2) ҳар қандай урушга қарши чиқувчи киши, пацифист

– سِلْمِيَّةٌ ҳар қандай урушга қарши чиқувчи ҳаракат

– سَلِيمٌ *кўп.* سُلَمَاءُ 1) соғ, соғлом, саломат; меъёрдаги, нормал; бус-бутун, камчиликдан холи; العَقْلُ الـ~ُ فِي الجِسْمِ الـ~ِ соғ [...]нда соғ ақл; 2) ҳақиқий, чин, қалбаки эмас; соғ, соғлом; (*бирор н.* [...]) холи, озод (مِنْ); бенуқсон, ҳалол, қораланмаган; ~ القَلْبِ [...]алби пок; ~ النِّيَّةِ пок ниятли, софдил, макрсиз; 3) илон [...]он чаққан (*киши*); оғир ярадор, яраси оғир

[...]т., *мз.* Сулаймон, Соломон; ◊ أُمُّ ~ *зоол.* [...]рувчи кичик йиртқич ҳайвон; ~ حُوتٌ *қар.* حُوتٌ

– سُلَيْمَانِيٌّ *химё.* симоб хлориди, ниҳоятда заҳарли оқ порошок, сулема

– مُتَسَلِّمٌ 1) олувчи, қабул қилувчи, қабул қилиб олувчи; 2) *тар.* ҳоким; ~ البَصْرَةِ *тар.* Басра ҳокими

– مُسَالِمٌ 1) тинч, тинчликка оид; المُدُنُ وَ القُرَى الـ~ـةُ тинч шаҳар ва қишлоқлар; غَيْرُ ~ муросасиз, муросага келмайдиган, яраштириб бўлмайдиган; 2) илтифотли, мурувватли, ўзганинг раъйига юрадиган; 3) муросачи, келишувчи

– مُسَالَمَةٌ тинчлик, ярашиш, келишиш; عَدَمُ ~ муросасизлик, келишиб бўлмаслик

– مُسْتَلِمٌ 1) олувчи, қабул қилувчи, адресат

– مُسْلِمٌ 1) ислом динини қабул қилган (*киши*), муслим бўлган; 2) мусулмон киши, муслим

– مُسَلَّمٌ[1] *тар.* солиқдан озод бўлгани учун қўшинда хизмат қилишга мажбур бўлган деҳқон аскар

– مُسَلَّمٌ[2]: ~ بِهِ имкони бор бўлган, мумкин бўлган, иложи бор бўлган; مِنَ الـ~ بِهِ أَنَّ ... ...нинг жуда иложи бор; وَ مِنْ غَيْرِ الـ~ بِهِ أَنَّ ... ...нинг бўлиши мумкин эмас

– مُسَلَّمَةٌ *кўп.* ـاتٌ — дастлабки шарт-шароит, замин; *маж. фалс.* исботсиз асос қилиб олинадиган қоида, постулат

سَلْمَنٌ гўшти қизил балиқнинг бир тури, лосось

– سَلْمُونٌ 1) гўшти қизил балиқнинг бир тури, лосось; ~ أَحْدَبُ лосось оиласига мансуб балиқ, ~ سِيبِيرِيَا лосослар оиласига мансуб балиқ, кета; ~ مُرَقَّطٌ хонбалиқ, форель; 2) лосось балиғининг гўшти

سِلِنْدَرٌ *кўп.* ـاتٌ — цилиндр

سَلْهَبٌ *кўп.* سَلَاهِبُ, سَلَاهِبَةٌ баланд, баланд бўйли, қомати келишган

I سَلَا (سَلْو) (у) سُلْوَانٌ юпанмоқ, овунмоқ, тасалли топмоқ, таскин топмоқ, тинчиб қолмоқ; (*бирор н. ни*) унутмоқ, эсидан чиқармоқ (عَنْ); سَلِيَ (а) سُلِيٌّ = سَلَا; II سَلَّى юпатмоқ, овутмоқ, тасалли бермоқ, таскин бермоқ; кўнглини ёзмоқ, юракнинг чигилини ёзмоқ; завқлантирмоқ, хурсанд қилмоқ, кулдирмоқ; IV أَسْلَى = II; V تَسَلَّى тинчланмоқ, хотиржам бўлмоқ; тасалли топмоқ; юракнинг чигили ёзилмоқ, завқланмоқ; VI تَسَالَى кўплашиб хурсандчилик қилмоқ, кўнгилларни ёзишмоқ

– تَسَلِّيَاتٌ *кўп.* тасалли, эрмак, кўнгил очадиган нарса, сайр-томоша

– تَسْلِيَةٌ *кўп.* تَسَالٍ вақтичоғлик қилиш, томоша қилдириш, ўйнатиш, овутиш

– سَالٍ *мн.* سَالِيَةٌ юпанувчи, овинувчи, тасалли топувчи

– سُلْوَانٌ[1] тасалли, эрмак, таскин; نَسْأَلُ لِعَائِلَةِ الفَقِيدِ الصَّبْرَ وَ الـ~ марҳумнинг оиласига сабр-тоқат тилаймиз (*христианларда таъзия ифодаси*)

– سُلْوَانٌ[2] 1) маржон ёки мунчоқ донасига ёққан ёмғир суви (*бу сувни ошиқ ичса, кўнгли таскин топар эмиш*); 2) ғамгин одам ичса, ғами тарқайдиган дори

– سُلْوَانَةٌ маржон ёки мунчоқ донаси (*бу дона устига ёққан ёмғир сувини ошиқ ичса, кўнгли таскин топар эмиш*)

– سُلْوَادٌ бедана

– سَلْوَةٌ, سُلْوَةٌ тасалли, эрмак, овунчоқ; вақтичоғлик; طَلَبَ الـ~ فِي قِرَاءَةِ الْكُتُبِ китоблар ўқишдан ўзига тасалли қидирмоқ

– سُلْوَى[1] тасалли, овунчоқ; بَحَثَ عَنِ الـ~ (*бирор н.* дан) ўзига тасалли қидирмоқ (فِي)

– سُلْوَى[2] *жам. кўп.* سَلاَوَى бедана

– سُلْوَى[3] асал

– سَلًى *кўп.* أَسْلاَءٌ *анат.* қоғоноқ (*она қорнидаги болани ўраб олган парда*); ◊ انْقَطَعَ الـ~ فِي الْبَطْنِ! ҳамма нарса барбод бўлди!

– مَسْلاَةٌ *кўп.* مَسَالٍ хурсандчилик қиладиган жой

– مِسْلاَةٌ ўйинчоқ

– مَسْلِيٌّ - эритилган ёғ

سم *қисқ. с.* سَنْتِيمِتْرٌ дан сантиметр

I سَمَّ (а/у) سَمٌّ заҳарламоқ, заҳар солмоқ; II سَمَّمَ заҳарламоқ, заҳар солмоқ, (*бирор жойга*) заҳар қўймоқ; V تَسَمَّمَ (*бирор н.* дан) заҳарланмоқ (بِ); VII انْسَمَّ 1) заҳарланмоқ; 2) аччиқланмоқ, ғазаби қайнамоқ, асабийлашмоқ, қони қайнамоқ

– تَسَمُّمٌ юқиш; заҳарланиш; الـ~ الدَّمَوِيُّ қоннинг заҳарланиши; الـ~ الْبَوْلِيُّ *мед.* буйракнинг касалланиши орқасида организмда тўпланиб қолган моддалар таъсири билан организмнинг заҳарланиши, уремия

– سَامٌّ заҳарли, заҳарловчи; ◊ أَبْرَصُ ~ *зоол.* чекко (*калтакесак*)

– سَامَّةٌ хослик, хусусийлик, махсуслик

– سَمٌّ, سُمٌّ, سِمٌّ *кўп.* سُمُومٌ 1) заҳар; الْفَأْرِ ~ маргимуш; 2) (*игнанинг*) тешиги

– سَمُومٌ *кўп.* سَمَائِمُ самум (*иссиқ шамолнинг номи*); ◊ تَحْتَرِقُ سَمَائِمُ سُخْطِهِ у ғазабдан ёнаяпти

– سَمِّيٌّ заҳарли; مَوَادُّ ـــةٌ заҳарли моддалар

– سَمِّيَّاتٌ *кўп.* заҳарли моддалар, заҳарлар

– سَمِّيَّةٌ заҳарлилик

– مَسَامٌّ *жам.* 1) *анат.* тешикчалар (*теридаги тер безларининг майда тешикчалари*); 2) *физ.* модда заррачалари орасидаги кавакчалар

– مَسَامِّيٌّ кавак-кавак, кавакчалари кўп, ғовак, илма-тешик; الْأَحْجَارُ الـ~ـةُ ғовак, серғовак, серкавак тошлар

– مَسَامِّيَّةٌ ғоваклик, илма-тешиклик, каваклик

– مُسِمٌّ заҳарловчи, заҳардек таъсир қилувчи

– مَسْمُومٌ заҳарланган

– سَمَافُورٌ *кўп.* ـَاتٌ — семафор

– سَمَاوَرٌ *кўп.* ـَاتٌ — самовар; شَخِيرُ الـ~ самоварнинг вишиллаб қайнаши

سِمْبَتَاوِيٌّ, سِمْبَطَاوِيٌّ, سِمْبَاتَوِيٌّ симпатик, симпатияга оид; الْأَعْصَابُ الـ~ـةُ нафас олиш, овқат ҳазм қилиш ва қон айланиш жараёнини бошқарадиган асаблар

(سمت) II سَمَّتَ 1) (*бирор н. устида*) Оллоҳ Таоло номини зикр этмоқ (عَلَى); ◊ لِلْعَاطِسِ ~ аксирган одамга يَرْحَمُكَ اللهُ иборасини демоқ; III سَامَتَ 1) осмоннинг энг юқори нуқтасида бўлмоқ, бош устида бўлмоқ (*қуёш ҳақида*); 2) параллель бўлмоқ, параллель юрмоқ

– تَسَامُتٌ азимут

– تَسَامُتِيٌّ азимутга оид; خَرِيطَةٌ ~ـةٌ азимутли карта

– سَمْتٌ *кўп.* سُمُوتٌ 1) йўналиш; йўл; мақсад, ният; أَخَذَ ~ـهُ إِلَى ... (اتَّخَذَ ~ـهُ)(*бирор томонга*) йўл олмоқ, жўнамоқ; السُّمُوتُ ёки الـ~ *астр.* азимут; الْقَدَمِ ~ نَظِيرُ الـ~ ёки *астр.* надир (*зенитга диаметрал қарама-қарши вертикал чизиқнинг горизонтдан пастда осмон сферасии билан кесишган нуқтаси*); الرَّأْسِ ~ зенит; الْاِعْتِدَالِ ~ тенгкунлилик доираси; الْاِنْقِلاَبِ ~ қуёш туриши колюри (доираси); 2) қиёфа; хушбичимлилик, истараси иссиқлик, салобат; رَزِينُ الـ~ хотиржам, табиати яхши, хулқи яхши; هُوَ مِنْ ذَوِي الـ~ـ وَ السِّنِّ وَ الْوَقَارِ у истараси иссиқ, салобатли, кўркам муйсафиддир

– مُسَامَتَةٌ қуёшнинг зенитда туриши ҳолати

I سَمُجَ (у) سُمُوجَةٌ, سَمَاجَةٌ 1) қўпол бўлмоқ; бадбашара бўлмоқ, ярамас (жирканч) бўлмоқ, қабиҳ бўлмоқ; X اسْتَسْمَجَ 1) қўпол деб ҳисобламоқ; 2) бадбашара (ярамас, жирканч) ҳисобламоқ

– سَمَاجَةٌ 1) қўполлик; бемаънилик, ярамаслик, жирканчлик; 3) ёқимсизлик, бемазалик, ёмонлик

– سَمِيجٌ, سَمْجٌ 1) қўпол; 2) бадбашара, ярамас, жирканч; 3) ёқимсиз, бемаза, ёмон

I (سمح) سَمُحَ (у) سَمَاحَةٌ саҳий (қўли очиқ, саховатли, бағри кенг) бўлмоқ; سَمَحَ (а) سَمَاحٌ (*бирор н. га*) руҳсат бермоқ, имкон бермоқ (بِ); йўл қўймоқ, бепарво қарамоқ; لِنَفْسِهِ أَنْ ... ~ ...ни ўзига эп кўрмоқ, ...ни ўзига раво кўрмоқ; ◊ لاَ ~ اللهُ! Худо кўрсатмасин!; III سَامَحَ кечирмоқ, афв этмоқ, гуноҳидан ўтмоқ, илтифот кўрсатмоқ, мурувват қилмоқ; ~ـهُ اللهُ! уни Оллоҳ ўзи кечирсин!; IV أَسْمَحَ = سَمُحَ; VI تَسَامَحَ 1) (*бирор к. га нисбатан бирор н. да*) мурувватли бўлмоқ, илтифот кўрсатмоқ (فِي, مَعَ); йўл қўймоқ, бепарво бўлмоқ, бепарво қарамоқ; 2) эҳтиёткор бўлмоқ; X اسْتَسْمَحَ 1) узр сўрамоқ, кечирим сўрамоқ; 2) руҳсат (изн) сўрамоқ

– إِسْمَاحٌ бағри кенглик, яхшилик

– أَسْمَحُ *мн.* سَمْحَاءُ *кўп.* سَمْحٌ сахий, саховатли, бағри кенг, яхши, кўнгли очиқ; الشَّرِيعَةُ السَّمْحَاءُ = الشَّرِيعَةُ الْغَرَّاءُ; الْمِلَّةُ السَّمْحَاءُ мусулмонлар

– تَسَامُحٌ 1) мурувват, шафқат; илтифот, риоя, риоягарчилик; йўл қўйиб бериш, бепарволик; الـ~ الدِّينِيُّ дин эркинлиги, дин эркинлигини эътироф этиш; 2) *тех.* машина қисмларини тайёрлашда йўл қўйиладиган ўлчамлар айирмаси, қўйим

– تَسَامُحِيَّةٌ мурасасозлик, келишувчилик

– سَمَاحٌ сахийлик, саховат, яхшилик, бағри кенглик; 2) кечиришлик; 3) рухсат бериш, изн бериш, илтифот кўрсатиш, мурувват; عَدَمُ ~ ман этиш; أَيَّامُ الـ~ қарздор кишига қарзини қайтариш учун берилган муддат кунлари

– سَمَاحَةٌ 1) сахийлик, саховат, қўли очиқлик, бағри кенглик; 2) олийлик, улуғлик; 3) ҳазрати олийлари (*унвон, мас.*, الْمُفْتِي ~ *ёки* صَاحِبُ ~ الْمُفْتِي *муфтий ҳазрати олийлари*); 4) чидамлилик, бардошлилик

– سَمْحٌ *кўп.* سُمَحَاءُ 1) қўли очиқ, сахий, саховатли, бағри кенг, яхши; 2) юқори, кучли, пок (*эътиқод*);2. 1) сахийлик, саховат, бағри кенглик; 2) чидамлилик, бардошлилик

– سَمْحَةٌ *кўп.* سِمَاحٌ *мн.* سَمْحٌ *нинг* 1. 2) *дан*; الـ~ الشَّرِيعَةُ = الشَّرِيعَةُ الْغَرَّاءُ *қар.* شرع

– سَمُوحَاتٌ *кўп.* солиқдан озод қилинган товарлар (моллар)

– سَمِيحٌ *кўп.* سُمَحَاءُ сахий, саховатли, қўли очиқ, бағри кенг

– مُسَامَحَةٌ 1) кечириш, афв этиш; 2) илтифот

– مُسَامَحَاتٌ *кўп.*: أَيَّامُ الـ~ байрам кунлари, таътил; таътил кунлари

– مِسْمَاحٌ сахий, саховатли, қўли очиқ, бағри кенг

– مَسْمُوحٌ рухсат берилган, имкон берилган, рухсати бор, рухсатли

– مَسْمُوحَاتٌ *кўп.* = سَمُوحَاتٌ

سِمْحَاقٌ *кўп.* سَمَاحِيقُ *биол.* тўқима; الْعِظَامِ ~ суяк пардаси, суяк устидаги парда

– سَمَاحِيقُ *кўп.* патсимон булутлар, барра булутлар

I سَمَدَ (*у*) سُمُودٌ бошни мағрур кўтармоқ; II سَمَّدَ (*ерни*) ўғитламоқ, (*ерга*) ўғит солмоқ; V تَسَمَّدَ ўғитланмоқ, ўғит тушмоқ

– تَسْمِيدٌ ўғит солиш, ўғитлаш

– سَامِدٌ *шунингдек*. الرَّأْسِ ~ бошини мағрур кўтарган

– سَمَادٌ *кўп.* أَسْمِدَةٌ ўғит; صِنَاعِيٌّ ~ сунъий йўл билан ҳосил қилинган ўғит; عُضْوِيٌّ ~ органик ўғит; الْأَسْمِدَةُ الْآزُوتِيَّةُ азотли ўғитлар; الْأَسْمِدَةُ الْفُوسْفَاتِيَّةُ фосфатли ўғитлар; الْأَسْمِدَةُ الْمَعْدَنِيَّةُ минерал ўғитлар

– سَمِيدٌ *ёки* سَمِيذٌ *жам.* 1) оқ ун; 2) тешик кулча, ўрама нон, калава нон (*сол.* سَمِيطٌ)

سَمَيْدَعٌ *кўп.* سَمَادِعُ жаноб; обрў-эътиборли; баҳодир

I (سمر) سَمُرَ (*у*) سُمْرَةٌ тўқ бўлмоқ, жигарранг бўлмоқ, қорача рангда бўлмоқ, буғдойранг бўлмоқ; سَمَرَ (*у*) سَمْرٌ, سُمُورٌ 1) кечқурун гурунглашиб ўтирмоқ, кечқурунги пайтни гурунглашиб ўтказмоқ; кечаси бедор бўлмоқ, туни билан ухламай чиқмоқ; 2) мих қоқмоқ, михламоқ; II سَمَّرَ 1) михлаб бекитмоқ, михлаб ташламоқ; مِسْمَارًا ~ мих қоқмоқ; 2) қоқиб ёпиштирмоқ, қоқиб уламоқ, михлаб ташламоқ; عَيْنَهُ بِهِ ~ бирор нимага тикилиб қарамоқ; لَمْ يَتَحَرَّكْ كَأَنَّ قَدَمَيْهِ سُمِّرَتَا إِلَى الْأَرْضِ *маж.* у ўрнидан жилмади; у михлаб қўйилгандек қимирламай турди; 3) жўнатмоқ, юбормоқ; السَّهْمَ ~ ёйдан ўқ узмоқ; III سَامَرَ ўзаро суҳбатлашмоқ, ўзаро гаплашмоқ (гурунглашмоқ); V تَسَمَّرَ 1) михлаб ташланмоқ, қоқиб ташланмоқ; 2) михлаб қўйилмоқ; VI تَسَامَرَ ўзаро суҳбатлашмоқ (суҳбатлашиб ўтирмоқ); IX اِسْمَرَّ тўқ бўлмоқ, буғдойранг бўлмоқ, тўқлашмоқ; офтобда қораймоқ; XI اِسْمَارَّ = IX

– أَسْمَرُ *мн.* سَمْرَاءُ *кўп.* سُمْرٌ тўқ; буғдойранг; жигарранг; الْجِلْدِ ~ қора танли, буғдойранг; ~انِ *ик. с.* сув ва буғдой *ёки* сув ва шамол

– سَامِرٌ[1] гап, гап-гаштак; ўйин-кулги кечаси; أَحْيَا الـ~ гап бермоқ, гурунг ташкил этмоқ, гап-гаштак қилиб ўтказмоқ

– سَامِرٌ[2] *кўп.* سُمَّارٌ 1) гап-гаштак қатнашчиси, ҳамсуҳбат; 2) қаҳвахонага кечаси келувчи, қаҳвахонанинг тунги мижози; 3) қўшиқчи, хонанда; الـ~ الشَّعْبِيُّ халқ ҳофизи

– سَامِرِيَّةٌ *алиф. б. қар.*

– سَمَارٌ[1] тўқ ранг, қорамтир ранг; қорачалик, қорача рангда

– سَمَارٌ[2] қамиш; الْحُصُرِ ~ кўлда ўсадиган қамиш

– سَمَرٌ *кўп.* أَسْمَارٌ 1) гап, гап-гаштак, йиғин; أَقَامَ حَفْلَةَ ~ гап-гаштак бермоқ, йиғин ўтказмоқ; 2) (*кечқурунги*) суҳбат, гаплашиб ўтириш; 3) тунги зулмат

– سَمُرٌ акас дарахтлари турларидан бири

– سَمْرَاءُ буғдой

– سُمْرَةٌ тўқ ранг, қорамтир ранг; қорачалик, қорача рангда бўлиш

– سَمُّورٌ *кўп.* سَمَامِيرُ *зоол.* сувсар; فَرْوُ ~ сувсар мўйнаси

– سَمِيرٌ *кўп.* سُمَرَاءُ ҳамсуҳбат; ҳикоя айтувчи

– سُمَيْرِيَّةٌ кема турларидан бири

– مُسَامِرٌ ҳамсуҳбат, суҳбатдош

– مُسَامَرَةٌ – *кўп.* اتٌ — 1) суҳбат; суҳбатлашиш; кечки (оқшомги) йиғин (йиғилиш); 2) оммабоп маъруза

– مِسْمَارٌ *кўп.* مَسَامِيرُ мих, қозиқ; بِطَاسَةٍ ~ катта қалпоқли мих; الْبَرْشَمَةِ ~ михпарчин, чега; بِصَامُولَةٍ ~ гайкали болт; الْفَلَنْكَاتِ ~ *т. й.* рельсни шпалга маҳкамлайдиган Т шаклли мих; قُبَاقِيبِيٌّ ~ кнопка; لَوْلَبِيٌّ ~ винт; مَقْلُوظٌ ~ винт, шуруп; ◊ الْقَدَمِ ~ қадоқ,

оёқдаги қадоқ; اَللَّبَنِ ~ оғизсут; جُحَا ~ Жуҳо латифаларининг энг муҳим жойи (мағзи, ўзаги) (*Жуҳо-араб латифаларининг қаҳрамони; сол. туркий халқлардаги Насриддин афанди каби*); لَيْسَ لَهُ شَيْءٌ (*тез-тез кириб келиш учун ишлатиладиган*) бахона; حَتَّى وَ لَا ~ جُحَا (*мас., бирор кимникига бориш учун*) унда ҳеч қандай бахона йўқ

– مِسْمَارِيٌّ 1) мих шаклидаги, михсимон; 2) пона шаклидаги; الْكِتَابَةُ الـ~ـة миххат

– مُسَمَّرٌ 1) михлаб ташланган, михлар қоқиб ташланган; 2) михи чиқиб кетган (*оёқ кийими*)

سَمَرْمَرٌ *зоол.* тўққизил чуғурчиқ

سَمْسَرَ даллоллик қилмоқ, ўртачилик қилмоқ, ўртада турмоқ

– سِمْسَارٌ *кўп.* سَمَاسِرَةٌ даллол; айғоқчи, агент; комиссионер; ◊ سَمَاسِرَةُ السُّوءِ ёвузлик тарқатувчилар

– سَمْسَرَةٌ 1) даллоллик, ўртачилик; 2) даллоллик учун тўланган ҳақ, даллолга тўланган ҳақ, ширинкома

سِمْسِمٌ *жам.* кунжут; симсим (*эртакларда: тилсимли хазина*); زَيْتُ الـ~ кунжут ёғи; ◊ اِفْتَحْ يَا ~! *фольк.* симсим, очил!

I سَمَطَ[1] (سمط) (у) سَمْطٌ 1) қайноқ сувга ботириб олмоқ, қайноқ сув билан ювмоқ, қайноқ сув билан чаймоқ; қайнатмоқ; 2) ~ الْجَدْيَ эчки боласи устидан иссиқ сув қуйиб жунини олмоқ; سَمَطَ[2] (у) سُمُوطٌ жим турмоқ, сукут сақламоқ; II سَمَّطَ эгар устидаги қайишга осиб қўймоқ (илиб қўймоқ)

– سِمَاطٌ *кўп.* أَسْمِطَةٌ, سُمُطٌ 1) дастурхон; 2) стол; 3) дастурхон ёзилган хон

– سِمْطٌ *кўп.* سُمُوطٌ маржон ёки марварид шодаси; 2) мунчоқ ёки маржон ўтказилган ип; 3) *кўп.* سُيُوطٌ эгардан осилиб тушган чарм камар

– مُسَمَّطٌ = سِمْطِيٌّ

– سَمِيطٌ[1] *жам.* тешик кулча, ўрама нон, калава нон

– سَمِيطٌ[2] устидан иссиқ сув қуйиб жуни олинган (*ҳайвон*)

– سُمَيْطٌ *кўп.* ـاتٌ дастурхонча, кичкина дастурхон

– سَمِيطَةٌ тешик кулча, ўрама нон, калава нон

– مَسْمَطٌ *кўп.* مَسَامِطُ қўйнинг калла-почаси сотиладиган жой (бозор)

– مُسَمَّطٌ: شِعْرٌ ~ аруз вазнидаги қофияланиши ўзига хос шеър жанри

– سَمِيطٌ = مَسْمُوطٌ

I سَمِعَ (а) سَمْعٌ, سَمَاعٌ эшитмоқ, қулоғига кирмоқ, қулоқ солмоқ; كَانَ يَسْمَعُ وَ يَسْمَعُوا بِآذَانِهِمْ (кўп.) بِأُذُنَيْهِ ~ ўз қулоги билан эшитмоқ; لَمْ يَسْمَعْ بِهِ у ҳақда эшитиларди, лекин кўрилган эмас; لَا يُرَى қулоқ эшитмаган; وَ لَيْسَ مَنْ ~ كَمَنْ رَأَى *мтл.* юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал (*сўзма-сўз: эшитган кўргандек бўлмас*); 2) қулоқ солмоқ, итоат қилмоқ, бўйин эгмоқ, сўзига кирмоқ; II سَمَّعَ 1) эшиттирмоқ, ҳикоя қилмоқ, гапириб бермоқ; (*маъруза*) ўқимоқ, декламация қилмоқ; 2) (*бирор к. нинг*) обрўсини туширмоқ, (*бирор к. га*) доғ туширмоқ, (*бирор к. ни*) бадном қилмоқ, беобрў қилмоқ, (*бирор к. га*) иснод келтирмоқ (بِ); IV أَسْمَعَ 1) эшиттирмоқ. 2) гапирмоқ, гапириб бермоқ, хабар бермоқ, (*радиодан*) эшиттирмоқ; أُغْنِيَةً ~ ашула ижро этмоқ; ـهُ مُرَّ الْكَلَامِ ~ бемаъни гапларни гапириб жаврамоқ; دَرْسَهُ ~ а) дарсда жавоб бермоқ; б) дарсни ёд олмоқ, ёдла-моқ; V تَسَمَّعَ ёки اِسْتَمَعَ қулоқ солмоқ; охиригача қулоқ солмоқ, (*бирор н. га диққат билан қулоқ солмоқ*) (لِـ, عَلَى, إِلَى); VI تَسَامَعَ бир-биридан эшитмоқ, орқаворотдан эшитмоқ; (*бирор н. ҳақида*) гап-сўздан билиб қолмоқ (بِ); (*бирор н. ни*) бир-бирига билдирмоқ (بِ); VIII اِسْتَمَعَ қулоқ солмоқ; эшитмоқ; (*бирор н. ни*) билдирмай эшитиб олмоқ

– اِسْتِمَاعٌ қулоқ солиш; тинглаш, эшитиш; قَاعَةُ الـ~ аудитория

– تَسْمِيعٌ 1) айтиб бериш, ҳикоя қилиш; (*маъруза*) ўқиш; шеър ўқиш; ا~ оғзаки; 2) обрўни тўкиш, таҳқирлаш

– تَسَمُّعٌ 1) қулоқ солиш; тинглаш, эшитиш; 2) *мед.* аускультация (*тиббий текшириш усули, бунда ўпка, юрак товушларини бевосита ёки бавосита эшитиш*)

– سَامِعٌ эшитувчи, тингловчи, қулоқ солувчи; ◊ الـ~ان қулоқлар

– سَمَاعٌ 1) қулоқ солиш, тинглаш; سَمَاعِ! қулоқ сол!, эшит!; 2) ҳамоҳанглик, оҳангдошлик, хушовозлик, хушнаволик; عِلْمُ الـ~ акустика; 3) жонли нутқ (*лексикани ўрганишнинг манбаи сифатида*)

– سَمَّاعَةٌ *кўп.* ـاتٌ 1) телефон трубкаси (гўшаги); эшитиш трубкаси; *радио.* қулоққа тутиб эшитиладиган асбоб, наушник; 2) *мед.* стетоскоп (*юрак ва ўпкани эшитиш учун ишлатиладиган асбоб*); ◊ الْبَابِ ~ эшикка ўрнатилган болғача (*эшикни тақиллатиш учун*)

– سَمَاعِيٌّ 1) *грам.* амалиётда, нутқ жараёнида қонунийлашган (*сўз, ибора, шакл*), ёзма нутқда учрамайдиган, оғзаки; 2) *юр.* тўла кучга эга бўлмаган (*гувоҳ ёки гувоҳлик*); شَاهِدٌ ~ гувоҳлиги тўлиқ исбот сифатида ўтмайдиган, билвосита исбот ҳисобланадиган гувоҳ

– سَمَاعِيَّاتٌ *кўп.* акустика

– سَمْعٌ *кўп.* أَسْمَاعٌ 1) эшитиш, қулоқ солиш, тинглаш; بِالـ~ овоз чиқариб, эшитиладиган қилиб; حَاسَّةُ الـ~ эшитиш сезгиси; ثَقِيلُ الـ~ қулоғи вазмин, қулоғи оғир; جِهَازُ الـ~ эшитиш асбоби; بَلَغَ الْخَبَرُ أَسْمَاعَهُ бу хабар унгача етиб борди; تَحْتَ ~ـهِ وَ بَصَرِهِ ёки تَحْتَ أَسْمَاعِهِ وَ أَبْصَارِهِ бирор кимнинг қулоғи ва кўзи ўнгида; 2) қулоқ; 3) ашула айтиш, сайраш; ◊ ~ا وَ طَاعَةً хўп бўлади, жоним билан, бош устига; كَانَ الْحَدِيثُ فِي ~ـهِ суҳбат у бор вақтда (унинг иштирокида) бўлган эди

– سِمْعٌ бўри билан сиртлоннинг чатишмаси

– سُمْعَةٌ шуҳрат, обрў, эътибор, донг, ном; حَمِيدَةٌ ~ яхши ном, яхши обрў; رَدِيئَةٌ ~ ёмон ном; حَسَنُ الـ~ эътиборли, ном қозонган, яхши деб ном чиқарган; فَعَلَ الشَّيْءَ ~ бирор нимани одамлар эшитсин учун қилмоқ

– سَمْعِيٌّ 1) қулоқ билан эшитиладиган; ~ـَة صَدْمَةٌ эшитиш аъзоларининг шикастланиши, қулоқнинг шикастланиши; 2) акустикага оид, акустик

– سَمْعِيَّاتٌ кўп. سَمَاعِيَّاتٌ; عِلْمُ الـ~ акустика (*физиканинг бир бўлими*)

– سَمِيعٌ кўп. سُمَعَاءُ эшитувчи, тингловчи; الـ~ ҳамма нарсани эшитувчи (*Оллоҳ Таолонинг сифатларидан бири*)

– مُسْتَمِعٌ тингловчи, эшитувчи

– مِسْمَاعٌ кўп. مَسَامِيعُ мед. юракнинг уришини, ўпкани эшитиб кўриш учун ишлатиладиган асбоб, стетоскоп

– مَسْمَعٌ овоз етадиган жой; эшитиш мумкин бўлган жой; سَأَلَهُ عَلَى ~ مِنِّي ёки سَأَلَهُ بِـ~ مِنِّي менга овози етадиган жойдан туриб уни сўради

– مُسْمِعٌ хонанда, ашулачи

– مِسْمَعٌ кўп. مَسَامِعُ эшитиш аъзоси, қулоқ

– مَسْمُوعٌ эшитилган; эшитиш мумкин бўлган, равшан, очиқ-ойдин; غَيْرُ ~ эшитиб бўлмайдиган; الْكَلِمَةِ ~ эътиборли, обрўли

– مَسْمُوعَاتٌ кўп. қулоққа чалинган гаплар

– مَسْمُوعِيَّةٌ эшитиш мумкинлик, эшитишлик

سِمْفُونِيَا симфония

I سَمَقَ (у) سَمْقٌ, سُمُوقٌ баланд бўлмоқ, баландда бўлмоқ; новча бўлмоқ, бўйи узун (баланд) бўлмоқ; VI تَسَامَقَ кўтарилмоқ, юқориламоқ, чўққига кўтарилмоқ

– سَامِقٌ новча, найнов, баланд, бўйи узун

– سُمَّاقٌ бот. сумоқ (*тери ошлашда ишлатиладиган модда берувчи ўсимлик*)

– سُمَّاقِيٌّ: حَجَرٌ ~ ёки رُخَامٌ ~ порфир (*минерал*)

– سَمْقٌ новча, найнов, баланд, бўйи узун

I سَمَكَ (у) (سمك) سَمْكٌ, سُمُوكٌ 1) баланд бўлмоқ, новча бўлмоқ; 2) семиз (йўғон) бўлмоқ; سَمَكَ (у) سَمْكٌ кўтармоқ, юқорига кўтармоқ; II سَمَّكَ семиртирмоқ, йўғонлаштирмоқ

– سِمَاكٌ: السِّمَاكُ الرَّامِحُ ёки الـ~ астр. Арктур (*Ҳўкизбоқар юлдузлар туркумида*); الـ~ الْأَعْزَلُ астр. Спика (*Дева юлдузлар туркумида*); الـ~انِ ик. с. Арктур ва Спика; رَفَعَهُ إِلَى الـ~يْنِ маж. бирор кимни етишиш мумкин бўлмаган чўққига кўтармоқ; رَفَعَ اسْمَهُ ~ الـ маж. бирор кимнинг номини осмонга кўтармоқ

– سَمَّاكٌ 1) балиқчи, балиқфуруш, балиқ сотувчи; 2) балиқ тутувчи

– سَمَاكَةٌ 1) баландлик, тепалик; (*қатламнинг*) қалинлиги; 2) қалинлик, зичлик

– سِمَاكَةٌ балиқчилик, балиқ овлашлик

– سُمْكٌ, سَمْكٌ 1) баландлик, тепалик; қалинлик; чуқурлик; 2) шифт

– سَمَكٌ жам. кўп. أَسْمَاكٌ балиқ; بَحْرِيٌّ ~ денгиз балиғи; نَهْرِيٌّ ~ дарё балиғи; الْأَمِيرِ ~ хонбалиқ, форель; الثُّعْبَانِ ~ зоол. илон балиқ; قَدِيدٌ ~ қизил балиқнинг тузланган ва қоқиланган орқа гўшти; مُوسَى ~ камбала (*балиқ тури*); الْأَسْمَاكُ الطَّازَجَةُ янги тутилган балиқ; الْأَسْمَاكُ الْمُجَفَّفَةُ қуритилган балиқ; الْأَسْمَاكُ الْمُجَمَّدَةُ музлатилган балиқ; الْأَسْمَاكُ الْمَحْفُوظَةُ (الْمُعَلَّبَةُ) балиқ консерваси; الْأَسْمَاكُ الْمُمَلَّحَةُ шўр балиқ; تَرْبِيَةُ الـ~ балиқчилик; صَيَّادُ الـ~ балиқчи; صَيْدُ الـ~ балиқ тутиш; كَـ~ غَاضَ بَحْرُهُ мтл. сувсиз балиқ каби; اشْتَرَى ~ا فِي الْبَحْرِ (الْمَاءِ) маж. тишини кўрмай от олмоқ (*сўзма-сўз:* денгиздаги (сувдаги) балиқни сотиб олмоқ)

– سَمَكَةٌ кўп. ـَاتٌ — балиқ, бир дона балиқ; ~ أَبْرِيلَ биринчи апрель хазили; الـ~ الذَّهَبِيَّةُ фольк. олтин балиқ; الـ~ астр. Ҳут юлдузлар туркуми

– سَمَكِيٌّ балиққа оид, балиқдан қилинган; ثَرْوَةٌ ~ـَةٌ балиқ захираси, балиқ бойлиги

– سَمِيكٌ 1) баланд, юқори; 2) семиз, бақалоқ; қалин

– مَسْمَكَةٌ кўп. ـَاتٌ — сувнинг балиқ овлаш учун қулай, кенг ва тинч жойи; 2) аквариум

– سَمْكَرِيٌّ кўп. سَمْكَرِيَّةٌ тунукачи, тунукасоз; металлардан ясалган буюмлар сиртига қалай югуртириб оқартирувчи мисгар уста; مِكْوَاةُ الـ~ кавшарлагич; қалайлаш (кавшарлаш) асбоби

– سَمْكَرِيَّةٌ, سَمْكَرَةٌ тунукасозлик, тунукачилик

I (سمل) سَمَلَ (у) سَمْلٌ (*кўзни*) ўйиб олмоқ; سَمُلَ (у) سُمُولٌ эскирмоқ, тўзимоқ, увадага айланмоқ; IV أَسْمَلَ эскирмоқ, йиртилмоқ; VIII اسْتَمَلَ = I

– سَمْلٌ ўйиш, ўйиб олиш; الْعَيْنِ ~ кўзни н. билан дир ўйиб олиш

– سَمَلٌ кўп. أَسْمَالٌ 1) йиртиқ кийим-бош, увада; 2) қолдиқ

I سَمَنَ (у) سَمْنٌ ёғ билан аралаштирмоқ, ёғ (мой) қўшиб қоримоқ (аралаштирмоқ, қориштирмоқ)

– سِمَنٌ семизлик, тўлалик, барвасталик, норғиллик

– سُمَانَى = سُمَّنٌ

– سَمْنَانٌ семиз, тўла, барваста, норгил, ёғли

– سُمْنَةٌ[1] кўп. سُمَّانٌ сайроқи майна

– سُمْنَةٌ[2] семиртирадиган дори

— سُمْنَةٌ *кўп.* سُمُنٌ, سَمَائِنُ = شُمْنَةٌ

— سَمْنِيٌّ = سِمْنَةٌ

— سُمَنِيَّةٌ бутга чўқинувчиларнинг бир тоифаси

— سَمْنَانُ = سِمْيَانٌ *кўп.* سَمِينٌ —

— مُسْمَّنٌ ёғли, сёрёғ; боқиб семиртирилган, бўрдоқига боқилган

— مُسَمُّونٌ ёғ (мой) қўшилган, ёғ (мой) қўшиб қорилган; طَعَامٌ ~ ёғ (мой) қўшиб тайёрланган овқат

سَمَنْتُو ,سَمَنْت цемент

سَمَنْجُونِيٌّ мовий, ҳаворанг, ложувард, осмоний ранг

سَمَنْدَرٌ *зоол.* самандар (*ҳам қуруқликда, ҳам сувда яшайдиган калтакесакка ўхшаш жонивор*), саламандра; الْمَاءِ ~ *зоол.* сувда яшайдиган калтакесак

سَمَنْدَلٌ = سَمَنْدَرٌ

سَمْهَرِيٌّ қаттиқ, пишиқ, мустаҳкам

— سَمْهَرِيَّةٌ пишиқ, қаттиқ ишланган найза

سِمَةٌ *қар.* وسم

I سَمَا (سَمُوّ) (у) سُمُوٌّ 1) баланд бўлмоқ, юқорига кўтарилмоқ; (*бирор н. дан*) юқори бўлмоқ (عَنْ); (*бирор н. гача*) кўтарилмоқ (إِلَى); 2) (*бирор н. ни*) зўр бериб олишга интилмоқ, зўр бериб талаб қилмоқ (إِلَى); 3) (*бирор н. ни*) кўтармоқ (بِ); بِنَظْرِهِ ~ (*бирор к. га*) қарамоқ, кўз ташламоқ (إِلَى); 4) بِسْمِ اللهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ иборасини айтмоқ; II سَمَّى 1) (*бирор н. ни деб*) атамоқ (*туш. к. ёки* بِ); كَمَا يُسَمُّونَهُ سَمَّاهُ مُحَمَّدًا (بِمُحَمَّد) уни у Муҳаммад деб атади; بِـ... مَا يُسَمَّى деб аталадиган; III سَامَى шон-шуҳратда, кўлда тутиб турган мавқеда ким ўзарлик қилмоқ, ўзиб кетишга интилмоқ; (*бирор к. билан*.) тенглашишга интилмоқ; IV أَسْمَى 1) (*бирор н. деб*) атамоқ, ном бермоқ, исм қўймоқ (*туш. к. ёки* بِ); 2) юқорига кўтармоқ; V تَسَمَّى (*деб*) аталмоқ, (*қандайдир*) номга эга бўлмоқ (بِ); VI تَسَامَى 1) юқорига кўтарилмоқ, баланд парвоз қилмоқ; 2) шон-шуҳратда ким ўзди ўйнамоқ, мақтанмоқ, ўзини юқори ҳисобламоқ, ўзини баланд олмоқ; 3) (*бирор н. ни*) кўтармоқ

— اِسْمٌ *кўп.* أَسْمَاءٌ, أَسَامٍ 1) ном, исм, атама; فُلَانٍ ~ بِـ фалон киши номидан; الشَّخْصِ ~ исм, ном, от; الْعَائِلَةِ ~ фамилия; سِرِّيٌّ ~ ёки مُسْتَعَارٌ ~ ўйлаб топилган исм, тахаллус, лақаб; مُنْتَحَلٌ лақаб; بِا~ ном билан, номда; б) номигагина, фақат қоғозда; كَانَ ~ اِ عُرِفَ بِالـ~ فَقَط номи бору ўзи йўқ бўлмоқ; مِنْ غَيْرِ مُسَمًّى номигина маълум бўлмоқ; الْأَسْمَاءُ الْحُسْنَى ёки أَسْمَاءُ اللهِ الْحُسْنَى *дин.* Оллоҳ Таолонинг 99 та исми сифати (*сўзма-сўз:* Оллоҳнинг гўзал исмлари); ~ اللهِ بِـ Оллоҳ номи билан; ~ اللهِ عَلَيْهِ! уни Оллоҳ ўзи асрасин!; ~ اللهِ عَلَيْكَ! уялсанг-чи!; 2) обрў, донг, ном; 3) (*мас., китобнинг*) номи, сарлавҳаси; 4) *грам.* от; عَلَمٍ ~ атоқли от; الْعَيْنِ ~ конкрет от; الْمَعْنَى ~ мавҳум от, абстракт от; الْفَاعِلِ ~ аниқ нисбат сифатдоши; الْمَفْعُولِ ~ мажҳул нисбат сифатдоши

— أَسْمَى энг юқори, энг олий, энг баланд

— اِسْمِيٌّ 1) отга оид; ~ جُمْلَةٌ *грам.* от кесимли гап; ~ عِيدٌ исм байрами (*христианларда*); 2) исми бору, ўзи йўқ; номи бору, ўзи йўқ; турдош

— اِسْمِيَّةٌ 1) *грам.* отнинг отлик хусусияти, отлик; 2) *фалс.* номинализм (*ўрта аср ғарб фалсафаси. Унга кўра оламда фақат якка нарсалар, предметлар мавжуд, умумий тушунчалар эса фақат нарсаларнинг номларидангина иборат*)

— تَسْمِيَةٌ *кўп.* ـاتٌ аташ, номлаш; ном, исм; تَسْمِيَاتٌ اِصْطِلَاحِيَّةٌ номенклатура

— سَامٍ *мн.* سَامِيَةٌ *кўп.* سُمَاةٌ 1) баланд, юқори; улуғ, улуғ даражали; 2) олий, энг олий; الْمَنْدُوبُ السَّامِي олий комиссар; الْأَمْرُ السَّامِي фармон, олий фармон

— سُمًا шон-шуҳрат, донг, яхши ном

— سَمَاءٌ *мн. кўп.* سَمَاوَاتٌ, سَمَوَاتٌ 1) осмон, самовот; أُمُّ الـ~ *астр.* Сомон Йўли; صُبَّتِ (هَطَلَتِ) الـ~ الْمَاءَ بِالدِّلَاءِ пақирлаб қуйгандек ёмғир ёғмоқ; تُمْطِرُ الـ~ ёмғир ёғаяпти; تُمْطِرُ الـ~ بَرَدًا дўл ёғаяпти; 2) уйнинг шифти; 3) ёмғир

— سَمَائِيٌّ 1) осмонга (самога) оид; самовий; 2) ҳаворанг, мовий

— سَمَاوَةٌ саҳронинг шаҳарга туташган, яқин қисми

— سَمَاوِيٌّ 1) осмонга (самога) оид, самовий; الْأَجْرَامُ الـ~ـة осмон жисмлари; 2) ҳаворанг, мовий; 3) очиқликда турган, осмон тагида турган; 4) осмондан нозил бўлган, илоҳий; كِتَابٌ ~ илоҳий китоб; الشَّرَائِعُ الـ~ـة *қар.* شَرِيعَة

— سُمُوٌّ 1) баландлик; 2) олийлик; 3) аълоҳазрат; صَاحِبُ الـ~ жаноби олийлари

— سَمِيٌّ[1] баланд, юқори

— سَمِيٌّ[2] адаш, отдош, исми бир-бирига ўхшаган

— مُسَامَاةٌ эгаллаб турган амал билан ёки шон-шуҳрат билан ким ўзиш ўйнаш, ўзиб кетишга интилиш

— مُسَمًّى 1) аталган. ном берилган, ном қўйилган; كَثْرَةُ الْأَسْمَاءِ تَدُلُّ عَلَى شَرَفِ الـ~ отнинг кўплиги унинг аслзодалигидан далолат беради; 2) маълум; غَيْرُ ~ أَجَلٌ номаълум муддат; 3) *кўп.* مُسَمَّيَاتٌ а) ном қўйилган предмет; الـ~ وَ اِسْمُهُ предмет ва унинг номи; б) ном, исм; سَمَّى أَشْيَاءَ بِمُسَمَّيَاتِهِ нарсаларни ўз номи билан атамоқ; ظَلَّ (أَصْبَحَ) اِسْمًا بِلَا ~ қоғозда (оғизда) қолиб кетмоқ; 4) тушунча; مُسَمَّيَاتٌ عِلْمِيَّةٌ илмий тушунчалар

سَمُوكِنْ қайтарма ёқали узун қора мовут пиджак, смокинг

سَمَيْدَعٌ 1) саҳий, саховатли, қўли очиқ; 2) *кўп.* سَمَادِعَةٌ жасур, баҳодир, ботир, мард

I سَنَّ (а/у) سَنًّ 1) ўткирламоқ, ўткир қилмоқ; ~ عَيْنَيْهِ диққат билан қарамоқ, тикилиб қарамоқ; 2) (қонун) чиқармоқ, жорий қилмоқ; (қоида) чиқармоқ; II سَنَّنَ 1) ўткирламоқ, ўткир қилмоқ, чархламоқ; 2) қараб туриб ёшни айтиб бермоқ; ◊ ~ الْوَلَدُ чақалоқнинг тиши чиқди; IV أَسَنَّ кекса ёшли бўлмоқ, кексаймоқ; ~ الْوَلَدُ = سَنَّنَ الْوَلَدَ; ... لِأَنْ ... ~ أَنْيَابَهُ учун тиш қайрамоқ; VIII اسْتَنَّ 1) қонунлаштирмоқ, қонун тусига киритмоқ; (қонун) чиқармоқ, (қоида) жорий қилмоқ; (одат) тусига киритмоқ; ~ بِالسُّنَّةِ суннага мувофиқ иш тутмоқ; 2) тишни тозаламоқ, мисвок қилмоқ

– أَسْنَانِيٌّ фон. тиш (товуши); ~ شَفَوِيٌّ лаб-тиш (товуши) (ذ, ظ, ث)

– تَسْنِينٌ 1) тиш чиқиши, тиш пайдо бўлиши; 2) қараб туриб ёшни айтиб бериш

– سَنٌّ (қонунлар) чиқариш; ~ الشَّرَائِعِ ёки ~ الْقَوَانِينِ қонунлар чиқариш

– سِنٌّ[1] мн. кўп. أَسْنَانٌ 1) ёш (яшалган умрнинг йилдаги ҳисоби); طَاعِنٌ فِي ~ الرُّشْدِ балоғат ёши; ~ حَدِيثُ الـ ~ ёш (кексанинг акси); كَبِيرُ الـ ~ ёши ўтган, кексайган; ~ صَغِيرُ الـ ~ кичик ёшли; кекса; ~ مُتَقَدِّمُ الـ ~ ёши ўтган, мўйсафид

– سِنٌّ[2] мн. кўп. أَسْنَانٌ, أَسِنَّةٌ 1) тиш; ~ طَاحِنَةٌ озиқ тиш; ~ قَاطِعَةٌ олдинги тиш, курак тиш; ~ الْفِيلِ а) фил тиши; б) фил суяги; طَاقِمُ أَسْنَانٍ صِنَاعِيَّةٍ сунъий тиш, протез; طَبِيبُ الْأَسْنَانِ тиш табиби, дантист, стоматолог; فُرْشَةُ الْأَسْنَانِ тиш чўткаси; ~ الْكَلْبِ а) қозиқ тиш, ит тиш; б) архит. ганжбанд безак; 2) архит. дентикула (тишлатиб бириктириш); 3) тиш; ~ الْمِسْلَفَةِ омоч (борона) тиши; ~ الْمِنْشَارِ арра тиши; ~ الثُّومِ саримсоқпиёзнинг бир парраги (тиши); 4) ўткир қирра, ўткир уч; ~ الْقَلَمِ қаламнинг (ўткир) учи; 5) қўзоқ, пўчоқ; ~ الْفُولِ фўл (ловия) қўзоқлари; ~ الْعَدَسِ ёсмиқ қўзоқлари; ◊ هُمْ كَأَسْنَانِ الْمُشْطِ улар ўзаро иноқдирлар, аҳилдирлар (сўзма-сўз: улар тароқнинг тишлари кабидирлар); السِّنُّ بِالسِّنِّ وَ الْعَيْنُ بِالْعَيْنِ қонга қон, жонга жон (сўзма-сўз: тишга тиш, кўзга кўз); ~ الْمِنْجَلِ момақаймоқ, қоқи ўт; ~ الْأَسَدِ читтак; ~ عَيْشٍ иккинчи нав нон; ~ ذَاتُ الـ муз. (нотада) саккиздан бир; رُبَاعِيَّةُ الْأَسْنَانِ муз. (нотада) ўн олтидан бир; ثُنَائِيَّةُ الْأَسْنَانِ муз. (нотада) ўттиз иккидан бир

– سِنَانٌ[1] кўп. أَسِنَّةٌ тиғ, (бирор н. нинг) тиғи, дами; (бирор н. нинг) учи

– سِنَانٌ[2] тиғни ўткирлайдиган тош, қайроқ тош

– سَنَّانٌ қайровчи, чархчи

– سَنَنٌ услуб, йўл, метод

– سُنَّةٌ кўп. سُنَنٌ 1) одат, урф-одат; амалиёт, практика; 2) ривоят; ~ الـ ёки ~ الرَّسُولِ ёки ~ النَّبَوِيَّةُ الـ сунна (ҳазрати Муҳаммад алайҳиссаломнинг айтган сўзлари ва бажарган ишлари ҳақидаги ҳадислар мажмуаси); ~ أَهْلُ الـ суннийлар; 3) қонун; ~ الطَّبِيعَةِ табиат қонуни

– سَنَّةٌ 1) туғ; 2) архит. дентикула (тишлатиб бириктириш)

– سَنُونٌ тиш порошоги

– سُنِّيٌّ 1) сунний; الْمُسْلِمُونَ السُّنِّيُّونَ сунний мусулмонлар; сунний ислом

– سُنِّيَّةٌ сунний ислом, суннийлик, суннизм

– مِسَنٌّ кўп. ~ اتٌ чарх, катта қайроқтош, қайроқ, қумқайроқ; ~ الْمُوسَى қайроқ, қайроқтош

– مُسِنٌّ мн. مَسَانٌ ; الْمَسَانُ ёши ўтган, кексайиб қолган, кексайган; кўп. ~ مِنَ الْإِبِلِ қари туялар

– مُسَنَّنٌ кунгирали (девор)

– مُسَنَّنَةٌ кўп. ~ اتٌ тишли ғилдирак, шестерня

– مَسْنُونٌ[1] 1) чархланган, ўткирланган; ўткир; 2) силлиқ, текис

– مَسْنُونٌ[2] сассиқ, қўланса ҳидли; ~ حَمَأٌ сассиқ ҳидли балчиқ

سِنَّارَةٌ кўп. سَنَانِيرُ, سِنَّارَاتٌ, سِنَّارَةٌ илмоқ, илгак; қармоқ; ~ شُغْلُ الـ ~ وَ الْإِبْرَةِ тўқиш, тўқилган нарса; трикотаж

سَنَامَكِيٌّ бот. санойи макка, сурги дори

سَنَامُورَةٌ 1) жам. Ўрта ва Қора денгизларда яшайдиган майда балиқлар; 2) шўр сув, намакоб

سُنْبَاذَجٌ мин. жилвиртош, жилвир, қайроқ қуми

سُنْبَاذَجٌ = سُنْبَاذَجٌ

سُنْبُكٌ кўп. سَنَابِكُ қайиқча, кичкина қайиқ

– سُنْبُكٌ кўп. سَنَابِكُ 1) туёқнинг олдинги қисми, туёқнинг учи; 2) металл, девор ва шу кабиларни тешадиган асбоб, парма; 3) қайиқча

سَنْبَلَ бошоқламоқ, бошоқ чиқармоқ, бошоқ олмоқ

– سُنْبُلٌ жам. кўп. سَنَابِلُ 1) бошоқлар; 2) лолалар; ~ بَرِّيٌّ бот. сунбул; ~ هِنْدِيٌّ нард, нардин (хушбўй ўсимлик)

– سُنْبُلَةٌ кўп. ~ اتٌ 1) бошоқ; 2) лола; ~ بَرِّيَّةٌ бот. сунбул; بُرْجُ ~ الـ астр. Сунбула буржи

– سُنْبُلِيٌّ бошоқ шаклидаги, бошоқсимон

سَنْبُوسَكٌ жам. сомсалар

– سَنْبُوسَكَةٌ кўп. ~ اتٌ сомса

سُنْبُوقٌ, سُنْبُوقٌ кўп. سَنَابِيقُ қайиқча, кичкина қайиқ

سُنْبُوقٌ = سُنْبُكٌ = سَنَابِيكُ кўп. سُنْبُوكٌ

(سنت) IV أَسْنَتَ қурғоқчиликни (хазонрезгиликни) бошдан кечирмоқ

سَنْتٌ цент (долларнинг юздан бири)

سِنْتْرَالٌ марказ. централ; ~ التِّلِفُونِ الْأُوتُومَاتِيكِيِّ марказий

автоматик телефон станцияси

سنتو: ~ الْحِلْفُ الْأَطْلَسِيُّ = حِلْفُ الـ

سَنْتِي *қисқ.* сантиметр

سَنْتِيجْرَادٌ юз градусли (*термометр*); ~ مِقْيَاسُ Цельсий термометри

سَنْتِيغْرَامٌ *кўп.* ـَاتٌ — сантиграм

سَنْتِيمِتْرٌ *кўп.* ـَاتٌ — сантиметр

سِنَاجٌ қурум, қоракуя

– سَنْجَةٌ *кўп.* سَنَجٌ, سِنَجٌ 1) кўтарадиган тош; 2) найза

– سِنْجَةٌ *кўп.* سِنَجٌ 1) найза; 2) трамвайнинг юқоридаги симдан ток оладиган қисми, ток қабул қилгич, токоприёмник

سِنْجَابٌ *кўп.* سَنَاجِيبُ, سَنَاجِبُ олмахон

– سِنْجَابِيٌّ 1) олмахонга оид; 2) кулранг

سَنْجَقٌ *кўп.* سَنَاجِقُ 1) байроқ; 2) санжақ (*Туркиядаги маъмурий бирлик*)

I سَنَحَ (*а*) سُنُوحٌ 1) (*к. нингдир*) эсига тушмоқ (لـِ), (*к. нингдир*) хаёлига келмоқ (لـِ), миясига келмоқ (لـِ); 2) пайти келмоқ; ◊ ~ عَنْ رَأْيِهِ бирор кишини бир ишдан қайтармоқ, айнитмоқ; عِنْدَ سُنُوحِ الْفُرْصَةِ пайти келганида, қулай фурсат келганида; II سَنَّحَ (*бирор н. да*) ўзини катта олмоқ (لـِ); (*н. дадир*) эътиборсиз бўлмоқ (عَنْ)

– سَانِحَةٌ *кўп.* ـَاتٌ, سَوَانِحُ — қулай фурсат; ~ الْفُرْصَةُ الـ ўзи келган қулай фурсат; سَوَانِحُ الظُّرُوفِ қулай шарт-шароит; 2) тасодифан мияга келган фикр

I سَنِخَ (*а*) سَنَاخَةٌ, سَنَخٌ аччиқтам бўлмоқ, тахир бўлмоқ (*ёғ ҳақида*)

– سَنَاخَةٌ, سَنَخٌ (*ёғнинг*) тахирлиги, аччиқлиги

– سَنِخٌ тахир (*ёғ*)

– سِنْخٌ *кўп.* سُنُوخٌ 1) илдиз; асос, пойдевор; 2) *анат.* кавак, катак, тиш жойлашган кавакча

– سِنْخِيٌّ *мед. линг.* алвеоляр (*тиш жойлашган катакчага оид*)

I سَنَدَ (*у*) سُنُودٌ 1) (*к. гадир. н. гадир*) суянмоқ, тиралмоқ (إِلَى); 2) (*н. нидир*) қўллаб-қувватламоқ (بـِ), тираб қўймоқ, тиргак қўйиб мустаҳкамламоқ (بـِ); 3) ёрдам бермоқ; ~ إِلَى الْخَمْسِينَ яқинда у элликка киради; II سَنَّدَ қўллаб-қувватламоқ, тирамоқ, тираб қўймоқ; III سَانَدَ қўллаб-қувватламоқ, ёрдам бермоқ; IV أَسْنَدَ 1) қўллаб-қувватламоқ, тираб қўймоқ; ~ ظَهْرَهُ (*н. гадир*) суянмоқ (إِلَى); 2) (*к. гадир*) мансуб деб билмоқ, тўнкамоқ, нисбат бермоқ; 3) (*мас., к. гадир иш*) тақдим қилмоқ (إِلَى); 4) (*к. нингдир*) гарданига юкламоқ (إِلَى); 5) *шар.* ҳадиси шарифларда нақл қилувчиларнинг биринчисигача олиб бормоқ; VI تَسَانَدَ 1) бир-бирини қўллаб-қувватламоқ; (*н. гадир*) биргалашиб суянмоқ (عَلَى); 2) бир-бирига ёрдам бермоқ; VIII اسْتَنَدَ 1) (*н. гадир*) суянмоқ, таянмоқ (عَلَى);(*н. гадир*) суяниб турмоқ (إِلَى); 2) (*к. гадир. н. гадир*) ишонмоқ (عَلَى), (*к. нидир, н. нидир*) орқа қилмоқ (عَلَى)

– إِسْنَادٌ *кўп.* أَسَانِيدُ 1) тиргак, суянчиқ; 2) тиргович, тамба; 3) исбот; 4) (*мас., адабий*) манба; 5) *шар.* ҳадиси шарифни ривоят қилувчиларнинг силсиласи; 6) *грам.* эга-кесим муносабати, эга-кесимлик, предикатив боғланиш

– اسْتِنَادٌ қўллаб-қувватлаш, тиргак, таянч, суянч; ~ إِلَى بِالـ ...га асосланган ҳолда

– إِسْنَادِيٌّ *грам.* эга-кесим муносабатига оид, предикатив; ~ الْمُرَكَّبُ الـ предикатив бирикма, гап

– تَسَانُدٌ бир-бирини қўллаб-қувватлаш

– سَانِدَةٌ *кўп.* سَوَانِدُ тиргак, тамба

– سِنَادٌ (*скамейка*) суянчиғи

– سِنَادَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — таянч, суянч, тирговуч

– سَنَدٌ[1] *кўп.* أَسْنَادٌ таянч, суянч, 2) тиргак, тамба; 3) тоғ ёнбағри

– سَنَدٌ[2] *кўп.* ـَاتٌ — 1) тилхат; ҳужжат; вексель; пул тилхати; ~ إِذْنِيٌّ оддий вексель; ~ لِحَامِلِهِ тақдим қилувчига берилган вексель; 2) облигация; *кўп.* қимматбаҳо қоғозлар

– سَنِيدٌ таянч, суянч, тирговуч

– مُسْتَنَدٌ 1) (*н. гадир*) суяниб, тиралиб турувчи; 2) (*к. гадир, н. гадир*) ишонувчи

– مُسْتَنَدٌ *кўп.* ـَاتٌ — 1) таянч, суянч, тирговуч; 2) тилхат; ҳужжат; 3) манба

– مُسْتَنَدِيٌّ ҳужжатли, ҳужжат асосида; ~ اعْتِمَادٌ ёки ~ تَسْلِيفٌ *савдо.* ҳужжат асосидаги қарз, ҳужжат асосидаги кредит

– مَسْنَدٌ *кўп.* مَسَانِدُ ўриндиқ, кресло; ~ الْخَدِيوِيَّةِ хедив (*турк султонининг Мисрдаги ҳокими*) тахти; مَسَانِدُ الدِّيوَانِ диваннинг тирсак қўядиган ёндори

– مُسْنَدٌ 1) суяниладиган нарса; тиргак, суянч, тирговуч; 2) *грам.* от кесим; ~ إِلَيْهِ от кесимли гапнинг эгаси; ~ الْحِمْيَرِيُّ الـ *тар.* муснад (*ҳимярий ёзув*)

– مِسْنَدٌ *кўп.* مَسَانِدُ 1) ёстиқ; 2) (*ўриндиқнинг*) тирсак қўядиган жойи; (*стулнинг*) суянадиган қисми

سِنْدَالٌ *кўп.* سَنَادِيلُ сандон

سِنْدَانٌ *кўп.* سَنَادِينُ 1) сандон; 2) *анат.* қулоқнинг ўрта қисмидаги суяклардан бири

سَنْدَرُوسٌ 1) *бот.* сандарак (*игнабарглилар оиласига кирувчи ўсимлик бутаси*); 2) лок ишлаб чиқаришда ишлатиладиган хушбўй модда

سَنْدِرِيلا *фольк.* исқирт қиз, золушка (*мас., русларда*)

سُنْدُسٌ шойи, нафис ипак газлама

– سُنْدُسِيٌّ нафис ипак газламадан тикилган; بِسَاطُ الْأَرْضِ

السـ ~ *маж.* ўт-ўлан, майса

سِنْدِيَانٌ *жам. бот.* синдиён (*тикон баргли, заҳарли дағаги бор доимий кўкариб турувчи бута*)

سِنْدِيكَالِيزْمٌ синдикализм; الـ ~ الْفَوْضَوِيُّ анархосиндикализм

سَنْسْكْرِيتِيَّةٌ шунингдек الـ ~ اللُّغَةُ санскрит (*Ҳиндистондаги қадимий ўлик тил*)

سِنَاطٌ ёки سُنَاطٌ соқоли йўқ ёки юзида туки кам бўлган одам

– سَنْطٌ *бот.* Нил акас дарахти

– سَنْطَاوِيٌّ *жам.* сантовий (*қовун навларидан бири*)

– سَنْطَةٌ *кўп.* اتٌ — сўгал, ортиқ

= سِنَاطٌ = سِنْتُوطِيٌّ ёки سِنُّوطٌ

سَنْطُورٌ ,سَنْطُورٌ ,سِنْطُورٌ ,سِنْطِيرٌ сантур (*қонунга ўхшаш чолғу асбоби*)

I سَنُعَ (у) سَنَاعَةٌ ,سُنُوعٌ чиройли бўлмоқ, гўзал бўлмоқ, чирой очмоқ

– سَانِعٌ чиройли, гўзал

– سَنِيعٌ = سَانِعٌ

سِنْفٌ *жам.* пўст, қипиқ, кепак

– سِنْفَةٌ *кўп.* سُنُوفٌ пўст, донннинг устидаги қипиғи, кепак

سَنْفَرَ жилвирламоқ, жилвир билан тозаламоқ, сайқал (жило) бермоқ

– سَنْفَرَةٌ жилвирлаш; ~ وَرَقُ жилвир, жилвир қоғоз

سِنْكْرُوفَازُوتْرُونٌ синхрофазотрон

سَنْكَرِيٌّ *кўп.* سَنْكَرِيَّةٌ тунукасоз, тунукачи; мисгар уста

سِنْكْسَارٌ *черк.* азиз-авлиёларнинг черковда ўқиладиган таржимаи ҳоли мажмуаси

سِنْكَةٌ *кўп.* سِنَكٌ 1) найза; 2) ток қабул қилувчи, трамвайдаги ток қабул қилгич, токоприёмник

– سُنْكِيٌّ ,سِنْكِيٌّ найза

I سَنِمَ (а) سَنَمٌ букри бўлмоқ, букчаймоқ; II سَنَّمَ: الْقَبْرَ ~ қабрни дўмса қилмоқ; V تَسَنَّمَ 1) чиқмоқ, кўтарилмоқ; الْعَرْشَ ~ тахтга чиқмоқ, тахтни эгалламоқ; 2) (*мансабни*) эгалламоқ

تَسْنِيمٌ 1) жаннатда оқадиган сувнинг номи; الْقَبْرِ ~ қабрни дўмса қилиш

– تَسْنِيمَةٌ икки томонга нишаб томнинг тепадаги қиррасига қўйилган сарроф (хари)

– سَنَامٌ *кўп.* أَسْنِمَةٌ ўркач

سِينِمَا кино

سِنِمَّارُ *ат. от, мз.* Синиммар; ◊ ~ جَزَاءُ яхшиликка ёмонлик

سِنَامَكِيٌّ = سِنَمَكِيٌّ

سِنَامُورَةٌ = سِنَمُورَةٌ

I سَنِهَ (а) سَنَهٌ айнимоқ, ўзгармоқ, бузилмоқ (*мас., овқат*); V تَسَنَّهَ пўпанак босмоқ, пўпанакламоқ

وسِنٌ *қар.* سِنَةٌ

سَنَةٌ *кўп.* سَنَوَاتٌ ,سِنُونَ йил; دِرَاسِيَّةٌ ~ ўқув йили; شَمْسِيَّةٌ ~ куёш йили; قَمَرِيَّةٌ ~ ой йили; كَبِيسَةٌ ~ кабиса йили; مَالِيَّةٌ ~ молия йили; مِيلَادِيَّةٌ ~ мелодий йил; هِجْرِيَّةٌ ~ ҳижрий йил; رَأْسُ الـ ~ а) йилнинг бошланиши; б) янги йил; بَعْدَ ~ ёки بَعْدَ أُخْرَى ~ ёки مِنْ ~ إِلَى أُخْرَى ҳар йили, йилдан йилга

– سَنَوِيٌّ йиллик, йилга оид; ~ ا а) ҳар йил; б) йилига

I سَنَا (سنو) سَنًا (у) سَنَاءٌ ярқирамоқ, ялтирамоқ, ярақламоқ; سَنِيَ (а) سَنَاءٌ олий мартабали бўлмоқ, улуғвор бўлмоқ, дабдабали бўлмоқ, савлатли бўлмоқ, савлати зўр бўлмоқ; II سَنَّى 1) енгиллаштирмоқ, енгиллатмоқ; 2) юқорига кўтармоқ; IV أَسْنَى 1) юқори кўтармоқ, юқорига олмоқ; 2) бир жойда бир йил қолиб кетмоқ, бир жойда йиллаб яшамоқ; V تَسَنَّى 1) енгиллашмоқ, енгил бўлмоқ; (*к. гадир*) муяссар бўлмоқ (لـ); 2) юқорига кўтарилмоқ; 3) ўзгармоқ

– سَانِيَةٌ[1] *кўп.* سَوَانٍ мевали боғ (*Тунисда*)

– سَانِيَةٌ[2] *кўп.* سَوَانٍ қудуқдан сув тортадиган туя

– سَنًا шуъла, товланиш, жилва; ◊ مَكِّيٌّ ~ ёки حِجَازِيٌّ ~ *бот.* кассия (*ловиядошлар оиласига кирувчи бута*)

– سَنَاءٌ шуъла, товланиш, жилға; 2) ҳашамат, дабдаба, улуғлик, юксаклик

– سَنِيٌّ 1) баланд, юқори, тепа; 2) ҳашаматли, дабдабали, улуғ; 3) энг олий мартабали

– مُسَنَّاةٌ *кўп.* مُسَنَّوَاتٌ ,مُسَنَّيَاتٌ тўғон, дамба, ғов

سِنُودُسٌ синод

سِنَّوْرٌ *кўп.* سَنَانِيرُ мушук

سَنُوسِيٌّ 1) санусий; الطَّرِيقَةُ الـ ~ ـةُ санусийлик тариқати; الـ ~ ـةُ *жам.* санусийлар

سُنُونُو *жам.* қалдирғочлар

– سُنُونَةٌ *кўп.* اتٌ — қалдирғоч

سِنْيُورٌ сеньор (жаноб)

(سهب) IV أَسْهَبَ маҳмадоналик қилмоқ, кўп гапирмоқ; (*н. нимадир*) икир-чикиригача таърифламоқ (فِي)

– إِسْهَابٌ нутқнинг тўлалиги (*муфассаллиги*), сергаплик; بـ ~ батафсил

– سَهْبٌ чўл, саҳро

– سَهْبٌ *кўп.* سُهُوبٌ кенг текис йўл, катта текислик

– مُسْهَبٌ[1] кенг, чўзилган, чўзилиб кетган; муфассал

– مُسْهِبٌ[2] сергап, кўп гапирадиган, майдагап, вайсақи

I سَهِدَ (а) سَهَدٌ бедор бўлмоқ, уйқуси қочмоқ, уйқусизлик

касалига учрамоқ; II سَهَّدَ уйқуни қочирмоқ, уйқудан қолдирмоқ; IV أَسْهَدَ = II; V تَسَهَّدَ = I

– سَاهِدٌ уйқуси қочган, ухламаган

– سُهَادٌ уйқусизлик, бедорлик

– سُهَادٌ = سُهْدٌ

I سَهِرَ (а) سَهَرٌ 1) уйғоқ турмоқ, уйғоқ бўлмоқ, уйқуни тарк этмоқ; ... اللَّيَالِي فِي قِرَاءَةِ ... ...ни ўқиб кечалари ухламай чиқмоқ; 2) қўриқламоқ, посбонлик қилмоқ, ҳимоя қилмоқ; 3) (н. нидир) сақламоқ, (н. гадир) риоя қилмоқ (عَلَى); (н. нидир) кузатиб юрмоқ; عَلَى الْأَمْنِ الْعَامِّ ~ жамоат хавфсизлигини сақламоқ; 4) (қаердадир, бирор к. никида) йиғин ўтказмоқ (عِنْدَ, فِي); عِنْدَهُ ~ бирор кишиникида ўйин-кулги ташкил этмоқ; اللَّيْلَةَ فِي الْقَهْوَةِ ~ қаҳвахонада хурсандчилик қилиб кечани ўтказмоқ; II سَهَّرَ ухлатмай қўймоқ; IV أَسْهَرَ = II

– سَاهِرٌ кўп. سُهَّارٌ 1) бедор, уйқуни тарк этган; 2) ҳушёр

– سَاهِرَةٌ ер юзи, ернинг устки қисми

– سُهَّارٌ бедорлик, уйқусизлик

– سَهَّارٌ туни билан ухламай чиқувчи

– سَهَّارَةٌ кўп. ـاتٌ — тунда ёқиб ётиладиган чироқ

– سَهَّارِيٌّ тонггача очиқ турадиган қаҳвахона; ◊ مِصْبَاحٌ ~ тунда ёқиб ётиладиган чироқ

– سَهَرٌ бедорлик, тунни бедор ўтказиш; уйқусизлик; فِي الـ~ الْقَهْوَةِ қаҳвахонада ўйин-кулги ўтказиш

– سَهْرَانٌ = سَاهِرٌ

– سَهْرَةٌ кўп. سَهَرَاتٌ базм, гап, гап-гаштак; меҳмонларга махсус бериладиган базм; لِبَاسُ الـ~ ثِيَابُ الـ~ ёки базм ва тантаналарда кийиладиган либос

– سُهَرَةٌ тунда кўп бедор бўладиган; رَجُلٌ ~ тунни бедор ўтказадиган одам

– مَسْهَرٌ кўп. مَسَاهِرُ оқшомда ўйин-кулги қилинадиган жой; қаҳвахона

I سَهِفَ (а) سَهَفٌ қаттиқ чанқамоқ, ташна бўлмоқ

– سُهَافٌ қаттиқ чанқаш, ташналик

I سَهُلَ (у) سُهُولَةٌ 1) осон бўлмоқ, осонлашмоқ; 2) текис бўлмоқ, силлиқ бўлмоқ; II سَهَّلَ 1) осонлаштирмоқ, осон қилмоқ, енгиллаштирмоқ, енгил қилмоқ; 2) текисламоқ, ростламоқ, тўғриламоқ; 3) "أَهْلاً وَ سَهْلاً وَ مَرْحَبًا" ("хуш келибсиз") сўзлари билан саломлашмоқ; 4) фон. (бирор сўзни) ҳамзасиз ўқимоқ; الْهَمْزَةَ ~ фон. ҳамза товушини билинар-билинмас талаффуз қилмоқ; III سَاهَلَ илтифот кўрсатмоқ, мурувватли бўлмоқ; IV أَسْهَلَ 1) ич сурмоқ, ични кетказмоқ; 2) чўлга отланмоқ, чўл томонга кетмоқ; أُسْهِلَ ичи кетмоқ; V تَسَهَّلَ енгил бўлмоқ, осон бўлмоқ, енгиллашмоқ; VI تَسَاهَلَ 1) (н. нидир к. гадир) осонлаштирмоқ, енгил (осон) қилиб бермоқ (مَعَ); 2) илтифот кўрсатмоқ, мурувватли бўлмоқ; ён бермоқ; 3) қобил (ройишли) бўлмоқ, гапга кўнмоқ; VII انْسَهَلَ ич кетиш касали билан оғримоқ; X اسْتَسْهَلَ 1) осон ҳисобламоқ, енгил ҳисобламоқ, арзимас ҳисобламоқ; 2) (бирор н. га) ножиддий муносабатда бўлмоқ

– إِسْهَالٌ ич кетиш

– تَسَاهُلٌ 1) илтифот кўрсатиш, ён бериш; دُونَ ~ أَوْ لِينٍ шафқатсизларча; 2) беларволик, беларво қарашлик ортиқча риоя қилиш, йўл қўйиш; 3) чидаб туриш; 4) ён бериш, ён босиш

– تَسَاهُلِيٌّ муросачига оид, келишувчиликка оид

– تَسْهِيلَاتٌ кўп. 1) (бирор н. ни) енгиллаштириш (осонлаштириш) чоралари; 2) нафақа; имтиёз

– سَهْلٌ[1] кўп. سُهُولٌ 1) пасттекислик, текис жой; 2) харобазор жой, бўш ётган жой

– سَهْلٌ[2] 1) осон, енгил; الْاِسْتِعْمَالِ ~ осон ишлатиладиган, қулай; الْهَضْمِ ~ осон ҳазм бўладиган (овқат); مِنَ الـ~ أَنْ ... ...иш қийин эмас, ...иш осон; لَيْسَ مِنَ الـ~ عَلَيْهِ أَنْ ... унинг ...(и)ши осон эмас; 2) юмшоқ, майин (тупроқ); 3) текис, силлиқ; ◊ الْجَانِبِ ~ хушмуомала; أَهْلاً وَ ~! хуш келибсиз!, марҳабо!

– سَهْلَةٌ кўп. سَهْلَاتٌ полигр. тахтакач (босмахонада терилган ҳарфларни текислайдиган тахтача)

– سَهْلِيٌّ чўлга оид, саҳровий

– سَهُولٌ 1) ич сурадиган; 2) ич сурадиган дори

– سُهُولَةٌ осонлик, енгиллик; الْخُلُقِ ~ юмшоқ феъллилик; بِـ~ осонлик билан, осонгина

– سُهَيْلٌ астр. Суҳайл (Канопус); أَنَّى يَلْتَقِي ~ بِالسُّهَى! маж. туянинг думи ерга текканда (сўзма-сўз: Суҳайл Суҳо билан қайдан учрашсин! - иложи йўқ нарсага нисбатан айтилади; қар. سُهًا).

– مُتَسَاهِلٌ 1) мурувватли, илтифотли; ён берувчи; 2) чидамли

– مُسْهَلٌ ичи кетган

– مُسْهِلٌ кўп. ـاتٌ ич сурадиган дори

– مُسَهَّلٌ 1) енгиллаштирилган; 2) имтиёзли

– مَسْهُولٌ = مُسْهَلٌ الْبَطْنِ ~ шунингдек

I سَهُمَ (у) سُهُومٌ, سُهُومَةٌ 1) ранги бўзармоқ, ранги оқармоқ, ҳолдан тоймоқ, ҳолдан кетмоқ; 2) жиддийлашмоқ, жиддий бўлмоқ; ўйчан бўлиб қолмоқ, хафа бўлмоқ, дили қоронғи бўлмоқ; 3) ўйга толмоқ; III سَاهَمَ 1) ҳиссадор бўлмоқ; 2) (н. гадир) ўз ҳиссасини қўшмоқ (فِي); فِي تَنْظِيمِ الْحِزْبِ ~ партияни ташкил этишда ўз ҳиссасини қўшмоқ; VI تَسَاهَمَ биргалашиб қуръа ташламоқ; VIII اسْتَهَمَ (н. дадир) иштирок этмоқ (فِي), (н. дадир) ўз ҳиссасига эга бўлмоқ (فِي).

– إِسْهَامٌ ҳисса қўшиш; أَسْهَمَ بِهِ إِسْهَامًا مَرْمُوقًا فِي ... бу билан у ...га катта ҳисса қўшди

– سَاهِمٌ: الْوَجْهِ ~ юзи бўзарган, юзи оқарган; عَيْنَاهَا سَاهِمَتَانِ унинг (мн.) кўзлари ўйчан

– سَهْمٌ[1] кўп. سِهَامٌ, أَسْهُمٌ 1) ўқ; انْطَلَقَ كَالـ~ ўқдек учиб кетди; طَاشَ ~ـهُ хато қилмоқ, ўқи хато кетмоқ; ارْتَفَعَ ~ـهُ маж. (н. дадир) таъсирчан бўлмоқ, эътиборли бўлмоқ (فِي); ~ الرَّامِي астр. Қавс (юлдузлар туркуми); 2) кўрсаткич, стрелка; 3) мат. косинус; 4) кўп. أَسْهُمٌ мушак, мушакбозлик; أَطْلَقَ الْأَسْهُمَ النَّارِيَّةَ мушак отмоқ, мушакбозлик қилмоқ; ◊ نَفَذَ الـ~! вассалом, тамом, масала ҳал!

– سَهْمٌ[2] кўп. أَسْهُمٌ 1) ҳисса, улуш; ضَرَبَ بِـ~ وَافِرٍ فِي ... (н. гадир) катта улуш қўшмоқ; 2) ҳиссадорлик жамияти чиқарган пай қоғози; حَمَلَةُ الْأَسْهُمِ ҳиссадорлар, акционерлар; 3) саҳм (1/24 қирот ёки 7. 293 м2 га тенг бўлган майдон ўлчови бирлиги)

– سَهْمِيٌّ ўқсимон, ўққа ўхшаган

– مُسَاهِمٌ 1) ҳиссадорликка оид; شَرِكَةٌ ~ـةٌ ҳиссадорлик уюшмаси; 2) ҳиссадор, акционер

– مُسَاهَمَةٌ иштирок, иштирок этиш; شَرِكَةُ الـ~ ҳиссадорлик уюшмаси

– مُسَهَّمٌ йўл-йўл матодан тикилган устки кийим

I (سهو) سَهَا (у) سَهْوٌ унутмоқ, эсдан чиқармоқ; бепарво бўлмоқ; хатога йўл қўймоқ, хато қилмоқ; кўрмай қолмоқ, пайқамай қолмоқ, эътибор бермай қўймоқ; (н. нидир) қасддан (атайлаб) эътиборсиз қолдирмоқ (عَنْ); III سَاهَى (к. нингдир) хатосидан фойдаланиб қолмоқ

– سَاهٍ мн. سَاهِيَةٌ (н. нидир) эътиборсиз қолдирувчи; бепарво, хаёли паришон, эътиборсиз

– سُهًا ёки ~: الـ سُهَى Суҳо (Катта айиқ туркумидаги энг хира юлдуз); ◊ فَوْقَ الـ~ وَ الثُّرَيَّا жуда баландда, етиб бўлмас баландликда; أَنَّى بِالـ~ سُهَيْلٌ يَلْتَقِي سُهَيْلٌ қар.

– سَهْوٌ эътиборсизлик, хаёли паришонлик; хатога йўл қўйишлик; яхшилаб қарамаслик; хато; ~ًا а) эътиборсизлик билан; б) хатога йўл қўйиб; ~ًا وَ لَهْوًا ўйлаб кўрмасдан, шошқалоқлик билан, шоша-пиша

– سَهْوَانُ = سَاهٍ

I (سوء) سَاءَ (у) سُوءٌ 1) ёмон бўлмоқ, ёқимсиз бўлмоқ, бемаъни бўлмоқ; ёмонлашмоқ; 2) ёвуз бўлмоқ, ёвузлашмоқ; бахтсиз (бадбахт) бўлмоқ; кўргиликка сабаб бўлмоқ; хафа қилмоқ; ◊ ~ ظَنًّا (бирор к. ҳақида) ёмон фикрда бўлмоқ (بِ); يَسُوءُنِي أَنْ أَقُولَ ... ...ни дейиш менинг учун жуда оғир; II سَوَّأَ (к. нидир) койимоқ (عَلَى), (к. гадир) танбеҳ бермоқ (عَلَى); IV أَسَاءَ 1) бузмоқ, ёмонлаштирмоқ; 2) (к. гадир) ёмонлик қилмоқ (إِلَى); 3) хафа қилмоқ, ҳақорат қилмоқ, таҳқирламоқ; 4) (н. нидир) хато қилмоқ, нотўғри қилмоқ; ~ الاسْتِعْمَالَ а) нотўғри истеъмол қилмоқ, нотўғри ишлатмоқ; б) суиистеъмол қилмоқ; ~ الظَّنَّ а) (бирор к. ҳақида) ёмон фикрга бормоқ (بِ); б) (к. гадир) ишончсизлик билдирмоқ (بِ); ~ الْفَهْمَ нотўғри тушунмоқ; ~ مُعَامَلَتَهُ бирор ким билан ёмон муомалада бўлмоқ; V تَسَوَّأَ ёмонлашмоқ; бузилмоқ, айнимоқ; VIII اسْتَاءَ (н. дандир) хафа бўлмоқ. (к. дандир) аччиқланмоқ (مِنْ); 2) (к. дандир) кўнгли қолмоқ (مِنْ), (к. дир томонидан) таҳқирланмоқ (مِنْ).

– إِسَاءَةٌ кўп. إِسَاءَاتٌ, إِسَاآتٌ 1) ёмонлаштириш, бузиш; 2) ёмонлик қилиш; قَابَلَ الـ~ بِالـ~ ёмонликка ёмонлик қилмоқ; 3) хафа қилиш; 4) нотўғри амалга ошириш; ~ الاسْتِعْمَالِ а) нотўғри истеъмол қилиш; б) суиистеъмол қилиш

– اسْتِيَاءٌ кўнгил қолиш, кўнгли тўлмаслик, аччиқланиш, норозилик; أَثَارَ الـ~ ғазаблантирмоқ, аччиғини келтирмоқ

– أَسْوَأُ энг ёмон, энг расво; تَطَوَّرَتِ الْحَالَةُ مِنْ سَيِّئٍ إِلَى ~ вазият баттар ёмонлашди

– سُوءٌ кўп. أَسْوَاءٌ 1) ёмонлик; хафалик, хафа қилиш; 3) шунингдек: لِـ~ الْحَظِّ ёки ~ الْحَظِّ бахтсизлик, офат, фалокат; مِنْ ~ الْحَظِّ أَنْ ... бахтга қарши ...; ◊ ~ الْإِدَارَةِ ёмон идора қилиш (бошқариш); ~ الاسْتِعْمَالِ а) нотўғри фойдаланиш; б) суиистеъмол, (суиистеъмол) қилиш; ~ اسْتِعْمَالِ الْحَقِّ ҳақ-ҳуқуқни суиистеъмол қилиш; ~ الْحَالِ бахтсизлик, муваффақиятсизлик, машъумлик; ~ الْبَخْتِ бахти қоралик, шўр пешоналик; ~ التَّغْذِيَةِ қорин тўйиб овқат емаслик; ~ التَّفَاهُمِ бир-бирини тушуниб етмаслик; англашилмовчилик; ~ التَّقْدِيرِ камситиш, етарли баҳо бермаслик, қадрига етмаслик; ~ حَالَةِ الرُّؤْيَةِ кўриш қийинлашган ҳолат; ~ السُّلُوكِ ~ الْخُلُقِ ёмон хулқлилик, бадхулқлилик; одобсизлик, ахлоқсизлик; ~ الظَّنِّ а) ёмон фикр; б) ишончсизлик; ~ الْقَصْدِ ёмон оқибат (натижа); ~ الْفَهْمِ нотўғри тушуниш; ~ الْعَاقِبَةِ ёвуз ният; ~ الْمَصِيرِ қора тақдир, шум тақдир; ~ الْمُعَامَلَةِ ёмон муносабат (муомала); ~ الْهَضْمِ овқатнинг ҳазм бўлмаслиги; أَهْلُ الـ~ ёмон (ёвуз) одамлар; رُفَقَاءُ الـ~ ёмон дўстлар; زَادَهُ ~ًا ниманидир баттар қилмоқ, ниманидир ёмонлаштирмоқ; ازْدَادَ ~ًا عَلَى ~ баттар ёмонлашмоқ

– سَوْأَةٌ кўп. سَوْءَاتٌ 1) ярамас қилиқ, жирканч қилиқ, аблаҳлик, разиллик, қабиҳлик; 2) жинсий аъзолар; ◊ وَا سَوْأَتَاهُ! қандай уят!, оҳ, шармандалик!

– سُوءَى 1) энг ёмон, энг ёвуз; 2) Қур. дўзах; олов

– سَيِّءٌ، سَيٌّ 1) ёмон, бемаъни; ~ُ التَّرْبِيَةِ тарбиясиз, тарбия кўрмаган; ~ُ الْخُلُقِ ахлоқсиз, хулқи бузуқ, бадахлоқ; ~ُ السُّمْعَةِ ёмон номли, ёмон отли; ~ُ الطَّالِعِ ёки ~ُ الْحَظِّ бахтсиз, бадбахт; ~ُ النِّيَّةِ ёмон ниятли, нияти бузуқ, бадният; سَارَ مِنْ ~ إِلَى أَسْوَأَ тинмай ёмонлашавермоқ, дамбадам баттар бўлмоқ; 2) кўпол (*мас.*, *хато*)

– سَيِّئَةٌ *кўп.* ~َاتٌ ёмон қилиқ (иш); гуноҳ, айб; ёмон хусусият, камчилик

– مَسَاءَةٌ *кўп.* مَسَاوِئُ 1) ёмон (қабиҳ) иш; 2) ҳақорат қилиш, таҳқирлаш; 3) суиистеъмол қилиш; 4) ёмонлик, ёқимсизлик; 5) офат, фалокат; 6) *кўп.* камчиликлар, айблар, нуқсонлар

– مُسْتَاءٌ (*н. дандир*) хафа бўлган (مِنْ)

– مُسِيءٌ 1) ёмонликка олиб келувчи, ёмон ишга сабаб бўлувчи; 2) жиноятчи, ярамас

سُوتْيَانٌ сийнабанд, кўкракбоғич, бюстгальтер

سَاجٌ *кўп.* سِيجَانٌ 1) дарахтнинг бир тури; 2) яшил рангдаги устки кийим

I (سوح) سَاحَ (*у*) саёҳат қилмоқ, кезмоқ, сафар қилмоқ; V تَسَوَّحَ = I

– سَاحَةٌ *кўп.* سَاحَاتٌ، سَاحٌ، سُوحٌ 1) очиқлик жой; белоён кенгликлар; 2) ҳовли; 3) майдон; ~ُ الْاِسْتِقْلَالِ Мустақиллик майдони; ~ُ الشُّهَدَاءِ Шаҳидлар майдони (*Дамашқда*); ~ُ الْأَلْعَابِ الرِّيَاضِيَّةِ спорт майдони (*аренаси*); ~ُ الْقِتَالِ ёки ~ُ الْوَغَى ёки الْمَعْرَكَةِ жанг майдони; قَمْ~ُ بَرَّأَتِ الْمَحْكَمَةُ суд уларни оқлади; الـ~ بَرِيءُ айбсиз, гуноҳсиз, бегуноҳ

– سَوَّاحٌ сайёҳ, саёҳатчи, турист

– سَوَّاحٌ = مُتَسَوِّحٌ

I (سوخ) سَاخَ (*у*) سَوْخٌ، سُوخَانٌ 1) ботмоқ, чўкмоқ, чўммоқ, чўкиб кетмоқ; 2) *шунингдек*: سَاخَتْ رُوحُهُ ҳушидан кетмоқ, беҳуш бўлмоқ, ҳушидан айрилмоқ

I (سود) سَادَ (*у*) سِيَادَةٌ 1) бош бўлмоқ, бошлиқ бўлмоқ, бошқармоқ, бошқариб турмоқ, раҳбар бўлмоқ; 2) ҳукмронлик қилмоқ; ҳокимият тепасига чиқмоқ; فَرِّقْ تَسُدْ! парчалаб ташла, ҳукмронлик қил!; 3) *кўч. м.* سَوِدَ (*а*) سَوَدٌ қора бўлмоқ, қораймоқ; II سَوَّدَ 1) (*к. нидир*) бош қилмоқ, (*к. нингдир устидан*) бошлиқ қилиб қўймоқ (عَلَى); 2) қора қилмоқ, қорайтирмоқ; لَمْ تُسَوِّدْ صَفْحَتَهُ نُقْطَةٌ وَاحِدَةٌ *маж.* унинг номи ҳеч бир қора бўлмаган (*сўзма-сўз:* унинг саҳифасини бирор нуқта ҳам қора қилмаган); 3) қорада ёзмоқ, қораламада ёзмоқ; 4) қора чапламоқ, бўҳтон қилмоқ; IX اِسْوَدَّ қораймоқ, қора тусга кирмоқ; XI اِسْوَادَّ = IX

– أَسْوَدُ[1] *мн.* سَوْدَاءُ *кўп.* سُودٌ қора; тўқ ранг, хира ранг; مَآرِبُ سُودٌ қора ниятлар; فَاحِمٌ ~ сақичдек қоп-қора, қозонкуядек қоп-қора; السُّودُ *шахм.* қора доналар; ◊ الْأَسْوَدَانِ *ик. с.* *қар.* حَبَّةٌ: الْحَبَّةُ السَّوْدَاءُ *маж.* а) хурмо ва сув; б) илон ва чаён; الْأَرَاضِي السَّوْدَاءُ қоратупроқли ер; ~ُ حِقْدٌ қаттиқ нафрат тутақтирадиган нафрат; الرُّؤُوسُ السُّودُ (*юздаги*) ҳуснбузар, пўрсилдоқ; (سَوْدَاءُ) ~ سُوقٌ қора бозор, чайқов бозор; ~ُ عَدُوٌّ ашаддий душман; ~ُ فَقْرٌ ўта қашшоқлик, гадолик; الـ~ُ اللَّوْحُ синф доскаси (тахтаси); ~ُ مُسْتَقْبَلٌ номаълум (қоронғи, бадбахт) келажак (истиқбол); أَظْهَرَ الـ~َ عَلَى أَنَّهُ أَبْيَضُ қорани оқ демоқ

– أَسْوَدُ[2]: مِنْ ... ~ ...дан шавкатлироқ (шуҳратлироқ)

– أَسْوَدُ[3] катта илон

– أُسَيِّدٌ ёки أُسَيْوِدٌ қорамтир, қора рангга яқин

– تَسْوِيدَةٌ *кўп.* تَسَاوِيدُ 1) хомаки текст, оққа кўчирилмаган матн; 2) *полигр.* хатоларни тузатиш учун бостирилган нусха

– سَائِدٌ 1) ҳукмрон; 2) устунлик қилувчи, устун бўлган; 3) *кўп.* سَادَةٌ 1) бошлиқ; 2) жаноб

– سَوَادٌ *кўп.* أَسْوِدَةٌ 1) қоралик; 2) қора кийим; 3) қора (*узоқдаги н.*); кўпчилик; الـ~ُ الْأَعْظَمُ жуда кўпчилик; 5) оломон; ~ُ النَّاسِ ёки ~ُ الشَّعْبِ авом, авом халқ; ◊ ~ُ الْعَيْنِ кўзнинг қорачиғи; ~ُ الْمَدِينَةِ шаҳар чеккаси, шаҳар атрофи; ~ُ الْوَجْهِ уят, шарманда; بَقِيَ ~ًا عَلَى بَيَاضٍ қоғозда қолиб кетмоқ (*сўзма-сўз:* оқ устида қора бўлиб қолиб кетмоқ); ~ُ الْأَمِيرِ амирнинг қимматбоҳо нарсалари; ~ُ الْبَصْرَةِ وَالْكُوفَةِ Басра ва Куфа атрофидаги қишлоқлар

– سَوْدَاءُ 1) қора жигар, ўт; 2) руҳий сиқилиш, ғамгинлик, меланхолия; 3) *муз.* чорак такт (*нотада*)

– سُودَانٌ қора одамлар, негрлар

– سُودَانِيٌّ 1) суданлик; Суданга оид; ◊ ~ فُولٌ ёки ~ ер ёнғоқ

– سَوْدَاوِيٌّ 1) руҳий сиқилишга оид, меланхолияга оид; 2) руҳий сиқилувчи, ғамгин

– سُؤْدُدٌ 1) раҳбарлик, раҳбарлик қилиш; 2) бошчилик, ҳукмронлик

– سُوَيْدَاءُ 1) қора жигар; 2) руҳий сиқилиш, ғамгинлик; ◊ ~ُ الْقَلْبِ кўнгил хилватгоҳи

– سُوَيْدِيٌّ 1) Швецияга оид; 2) швед, швециялик киши; الـ~َـةُ швед тили

I (ضيف) ضَافَ (и) ضَيْفٌ 1) меҳмон бўлмоқ, меҳмонга бормоқ; 2) зиёфат қилмоқ, зиёфат бермоқ; 3) қўшмоқ, қўшиб қўймоқ; II ضَيَّفَ 1) меҳмон деб кутиб олмоқ; 2) зиёфат қилмоқ; IV أَضَافَ 1) (*н. гадир*) қўшиб қўймоқ (إِلَى); ~ جَدِيدًا إِلَى التُّرَاثِ الْعِلْمِيِّ илмий меросга янгилик қўшмоқ (киритмоқ); أَضِفْ إِلَى ذَلِكَ бундан ташқари (*сўзма-сўз: шунга қўшиб қўй*); 2) (*к. гадир*) тааллуқ деб билмоқ (إِلَى); 3) меҳмондўстлик, меҳмоннавозлик кўрсатмоқ, мезбонлик қилмоқ; зиёфат бермоқ; 4) *грам.* аниқловчи қўшмоқ (*қаратқич келишигидаги от, мас.*, جَزِيرَةُ الْعَرَبِ); V تَضَيَّفَ меҳмон бўлмоқ; ◊ ~تِ الشَّمْسُ қуёш бота бошлади; VII اِنْضَافَ 1) қўшиб қўйилмоқ, бирлаштирилмоқ, қўшилмоқ; 2) меҳмон деб ўйлаб қабул қилинмоқ; X اِسْتَضَافَ 1) (*к. нидир*) меҳмон сифатида қабул қилмоқ, меҳмонга чорламоқ, меҳмондорчиликка таклиф қилмоқ; 2) меҳмоннавоз (мезбон) бўлишни сўрамоқ; меҳмон бўлмоқ, меҳмоннавозликдан фойдаланмоқ; 3) кўпроқ нарса сўрамоқ; (*бирор н.*) қўшиб қўйишни сўрамоқ (илтимос қилмоқ)

اِسْتِضَافَةٌ (*к. нидир*) меҳмон сифатида қабул қилиш

– إِضَافَةٌ 1) қўшиб қўйиш; тўлдириш, қўшимча қилиш; بِالـ~ إِلَى ёки ~ إِلَى ذَلِكَ ذَلِكَ айтилганларга қўшимча қилиб, унинг устига; 2) *грам.* status constructus, изофа (изофат) (*қаратқич келишигидаги аниқловчи ва аниқланмишнинг бирикиб келиши*)

– إِضَافِيٌّ қўшиб қўйиладиган, тўлдириладиган, қўшимча қилинадиган, қўшимча

– ضِيَافَةٌ 1) зиёфат; 2) меҳмоннавозлик, мезбонлик, шодлик, хурсандлик; حُسْنُ الـ~ яхши (чиройли) қабул (меҳмоннавозлик)

– ضَيْفٌ *кўп.* أَضْيَافٌ, ضُيُوفٌ, ضِيفَانٌ меҳмон; келувчи киши; ~ الشَّرَفِ ҳурматли (фахрий) меҳмон; حَلَّ ~ًا (*к. никидадир*) меҳмон бўлмоқ

– مُضَافٌ 1. қўшиб қўйилган, бирлаштирилган, тўлдирилган; (*бирор н. га*) ёндошган, ёпишган, жапс (بِ); 2. 1) *кўп.* ـــاتٌ қўшилма, қўшимча; 2) *грам.* музоф (*қаратқичли аниқловчининг аниқланиши*); ~ إِلَيْهِ қаратқич келишигидаги аниқловчи

– مَضَافَةٌ (*хонадондаги*) меҳмонхона

– مِضْيَافٌ меҳмоннавоз, шод, хуррам

– ضَائِفٌ = مُضِيفٌ

– مُضِيفَةٌ 1. меҳмон қилувчи аёл; 2. бека; الـ~ الطَّائِرَةِ ёки الْجَوِّيَّةُ стюардесса, тайёра (ҳаво) бекаси

– مَضِيفَةٌ *кўп.* مَضَايِفُ (*хонадондаги*) меҳмонхона

I (ضيق) ضَاقَ (и) ضِيقٌ 1) тор, танг, ингичка бўлмоқ; (*н. гадир*) етарли бўлмаслик (عَنْ); (*н. биландир*) тўлиб-тошиб кетган бўлмоқ, тиқиб ташланган бўлмоқ (بِ); ~تِ الدُّنْيَا فِي وَجْهِهِ унинг аҳволи чорасиз бўлиб қолди; ~تِ الدُّنْيَا فِي هَذِهِ الْمَدِينَةِ унинг учун бу шаҳарда яшаш оғир (қийин) бўлиб қолди; ~تْ بِهِ الْحَالُ унинг аҳволи ғоят оғирлашиб қолди; ~تْ بِهِ السُّبُلُ боши берк кўчага тушиб қолмоқ, чорасиз (нима қилишни билмайдиган) бўлиб қолмоқ; ~ بِهِ ذَرْعًا бу унинг жонига тегиб кетди, у бунга (сира) чидамасди; ~ ذَرْعًا عَنْ ... (*к. дандир н. дандир*) қийнамоқ, сиқмоқ, танг аҳволга туширилмоқ; (*н. нидир*) қила олмаслик; ~تْ بِهِ صَدْرُهُ у у (аёл) нинг жонига тегди (зериктирди); ~ بِهِ قَلْبُهُ бунда унинг юраги сиқилиб кетди; ~تْ أَخْلَاقُهُ ўзини унутмоқ, ўзини жиловлай олмаслик; ~ صَبْرًا сабру тоқатни йўқотмоқ; ~ عَنْ احْتِمَالِهِ у бунга чидай олмади; ~ الْوَقْتُ عَنْ طَهْيِ شَيْءٍ бирор нарса тайёрлашга (пиширишга) вақт йўқ эди; ~ الْمُتْحَفُ بِالْآثَارِ музей қадимий ёдгорликлар билан тўлиб-тошиб кетган эди; 2) (*бирор н. дан*) хафа бўлмоқ (بِ); 3) бахил бўлмоқ, бахиллик қилмоқ, заранг бўлмоқ; II ضَيَّقَ 1) тор қилмоқ, қисмоқ; ~ عَيْنَيْهِ кўз қисмоқ (сузмоқ); 2) босмоқ; сиқиб қўймоқ; 3) (*к. нидир*) сиқмоқ, қисмоқ (عَلَى); ~ عَلَى نَفْسِهِ ўзини маҳрум қилмоқ, тиймоқ; ~ عَلَى الْخِنَاقِ *кўч. м.* (*к. нингдир*) бўғзидан тутмоқ; III ضَايَقَ 1) қисиб (сиқиб) қўймоқ; 2) жонга тегмоқ, зериктирмоқ; шилқимлик қилмоқ, тазйиқ ўтказмоқ (*аёл кишига*); IV أَضَاقَ давлати (*мол-мулки*) қўлдан кетмоқ; VI تَضَايَقَ 1) сиқилиш, хафалик ҳис қилмоқ; ~ مَالِيًّا у пулдан қийналиб қолган; 2) (*к. дандир, н. дандир*) хафа бўлмоқ (مِنْ)

– تَضْيِيقٌ 1) торайтириш; 2) сиқиш, тазйиқ ўтказиш.

– ضَائِقَةٌ оғир, сиқилган аҳвол; ~ الْوُقُودِ ёнилғи етишмаслиги; ~ مَالِيَّةٌ пул етишмаслиги (кризиси)

– ضِيقٌ 1) торайиш; торлик; ~ الْأُفُقِ савиянинг пастлиги (торлиги), тор (паст) савия; 2) савия; 2) сиқилиш; 3) оғир аҳвол, камбағаллик, етишмовчилик, қашшоқлик, фақирлик; ~ ذَاتِ الْيَدِ ёки ~ الْيَدِ қўл калта (қисқа) лиги, камбағаллик; بِـ~ الْوَقْتِ вақт йўқлиги учун (*сабабли*); بِـ~ الْمَكَانِ (الْمَقَامِ) жой йўқлиги учун (*сабабли*); لَوْ لَا ~ الْمَكَانِ لَـ ... агар жой етишмаган бўлмаганда, у ҳолда ...; ~ النَّفَسِ *мед.* астма (*нафас қисиш касаллиги*)

– ضَيِّقٌ 1) тор; танг, إِنَّ الْوَقْتَ ~ وَ ... вақт оз (танг), аммо, ...; ~ خُلُقُهُ у чидамсиз (тоқатсиз); الْحِيلَةِ ~ айёрлик, (ҳийла) ни билмайдиган; الصَّدْرِ ~ ҳафсаласи пир бўлган, рози бўлмаган; хафа бўлган; 2) (*бирор н. дан*) қисилиб (ийманиб) турган, хижолат чеккан (ب); 3) камбар (*темир йўлга оид*)

– ضِيقَةٌ оғир аҳвол, қашшоқлик, камбағаллик, фақирлик

– مُضَايِقٌ 1) хижолат чекувчи, ийманувчи; 2) хижолат чекадиган, ийманадиган; 3) жонга тегадиган, безор қиладиган

– مُضَايَقَةٌ *кўп.* ـَات ـــ 1) қисилиш, сиқилиш; босди-босди; тиқилинч; 2) жонга тегиш, зериктириш, шилқимлик қилиш; (*аёлга*) тазйиқ қилиш

– مَضِيقٌ *кўп.* مَضَايِقُ 1) бўғоз; 2) тор тоғ оралиғи, тоғ дараси; довон

I ضَامَ (ضيم) (a) ضَيْمٌ адолатсизлик қилмоқ, зулм (сиқув) қилмоқ, хафа қилмоқ, таҳқирламоқ; X اِسْتَضَامَ = I

– ضَيْمٌ *кўп.* ضُيُومٌ адолатсизлик; зулм (сиқув); хафа қилиш, таҳқирлаш, ҳақорат; رِجَالٌ أُبَاةُ الــ~ адолатсизлик билан келиша олмайдиган одамлар; لاَ يَنَامُونَ (لاَ يُقِيمُونَ) عَلَى الــ~ улар ҳақоратни унута олмайдилар; لاَ يَصْبِرُ عَلَى ~ у таҳқирга тоқат қилолмайди (чидамайди); ◊ سَكَتَ عَلَى ~ иложсизликдан сукут сақламоқ

ضَيْوَنٌ *кўп.* ضَيَاوِنُ ёввойи мушук

ط

ط (طَاءٌ) то (итқи) (*араб алифбосининг ўн олтинчи ҳарфи; абжадда-9*)

ط қيرَاط сўзининг қисқартмаси

طَابٌ тоб (*ўйин номи*)

طَابَاقٌ *қар.* طبق

طَابَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ــ 1) *мед.* тахтакач; 2) тоб ўйинида ишлатиладиган ёғоч буюм; *қар.* طَابٌ

طَابَرَ ерларни рўйхатга олиш

طَابُورٌ *кўп.* طَوَابِيرُ 1) текширув, кўрик; (*қаторда турганларни*) рўйхат бўйича текшириб чиқиш; كَأَنَّهُ فِي ~ у гўё қаторда қотгандай (*"смирно" ҳолатида*) турибди; الصَّبَاحِ ~ рўйхат бўйича эрталабки саноқ (текширув); 2) батальон; الــ~ الْخَامِسُ *сиёс.* бешинчи колонна (*бошқа мамлакатга юборилган жосуслар, қўпорувчилар*); 3) шеренга; кутиб турувчилар навбати; *ҳарб.* қатор чизиғи; أَوْقَفَهُ ~ I кимнидир навбатга қўймоқ

طَابُوقٌ *қар.* طبق

طَابُونَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ, طَوَابِينُ = طَبُّونَةٌ *қар.* طبن

طَابِيَةٌ *кўп.* طَوَابِي 1) истеҳком; мустаҳкамланган жой, форт; 2) *шах.* рух

طَارٌ *қар.* طور

طَارَ *қар.* طير

طَازَجٌ, طَازِجٌ янгигина (ҳозиргина) тайёрланган

طَازَة янгигина; ◊ زُبْدَةٌ ~ сариёғ

طَاسٌ, طَاسَةٌ *қар.* طوس

طَاغُوتٌ *қар.* طغو

طَاقَمٌ *қар.* طقم

طَالُوتُ *ат.от.мз.* Толут (Соул)

طَامِيِس *миф.* Фемида (*одил суд маъбудаси*)

طُومَارٌ = طَامُورٌ

طَاوِلَةٌ *қар.* طول

طَاوُوسٌ *қар.* طوس

طَأْطَأَ қуйига туширмоқ, пастга эндирмоқ; эгмоқ, энгаштирмоқ; ~ رَأْسَهُ а) бош эгмоқ; б) бўйсинмоқ

– طَأْطَأَةٌ эгилиш, букилиш

– مُطَأْطِئٌ эгган, буккан; الرَّأْسِ ~ боши эгик, боши эгилган

طَامَنَ *қар.* طمأن

I طَبَّ (a/y) طَبٌّ 1) даволамоқ; 2) оғмоқ, пастга тушмоқ, энмоқ (*мас., тарози палласи*); 3) кутилмаганда, тўсатдан (*к. нингдир олдига*) келиб қолмоқ (عَلَى); طَبَّبَ 1) даволамоқ; тиббий ёрдам кўрсатмоқ; тиббий фаолият билан шуғулланмоқ; 2) йиқитмоқ, йиқилишга (*ағанаб кетишга*) мажбур қилмоқ; V تَطَبَّبَ 1) даволанмоқ, даволаниш даврини ўтмоқ; 2) тиббиёт билан шуғулланмоқ; X اِسْتَطَبَّ 1) табиблардан маслаҳат сўрамоқ; 2.) (*бирор н.* билан) даволанмоқ (ب); لِكُلِّ دَاءٍ دَوَاءٌ يُسْتَطَبُّ بِهِ إِلاَّ الْحَمَاقَةَ *мкл.* буни гўр тузатади (*сўзма-сўз:* аҳмоқликдан бошқа ҳамма касалнинг давоси бор)

– تَطْبِيبٌ даволаш, табиблик қилиш

– طَبٌّ эплай олувчи, қила олувчи, билувчи; (*бирор н.* да)

моҳир (ب)

– طِبٌّ 1) даволаш; ~ الْأَسْنَانِ тишларни даволаш; суф-куф қилиб даволаш; 2) *шунингдек.* عِلْمُ الـــ~ тиббиёт; медицина; ~ الْآذَانِ отиатрия (*қулоқ касалликларини даволаш ҳақидаги фан*); ~ أَمْرَاضِ النَّفْسِ *ёки* الـــ~ النَّفْسَانِيُّ психиатрия (*руҳий касалликларни даволаш ҳақидаги фан*); ~ الْأَمْرَاضِ الْجِلْدِيَّةِ дерматология (*тери касалликларини даволаш ҳақидаги фан*); الـــ~ الْبَشَرِيُّ аллопатия (*даволаш усулларидан бири, немис врачи С. Ҳанеман (1755-1840) жорий этган*); ~ بَيْطَرِيٌّ *қар.* الـــ~ الْبَيْطَرِيُّ; ~ الْفَضَاءِ космик тиббиёт; ~ الْعُيُونِ офтальмология (*кўз касалликлари ҳақидаги фан*); ~ قَضَائِيٌّ (شَرْعِيٌّ) суд медицинаси (тиббиёти); كُلِّيَّةُ الـــ~ тиббиёт куллиёти, медицина факультети; مَدْرَسَةُ الـــ~ тиббиёт мактаби; медицина ўқув юрти; أَخَذَ الـــ~ тиббиётни ўрганмоқ

– طِبَابَةٌ 1.) табиблик (табобат, врачлик) касби; 2. табиблик қилиш, даволаш, табобат (табиблик) билан шуғулланиш

– طَبَّةٌ [1] *кўп.* ـَاتٌ — йиқилиш, пасайиш

– طَبَّةٌ [2] *кўп.* ـَاتٌ — 1) ёстиқ; 2) тиқин, пробка

– طِبِّيٌّ 1) тиббий; санитарияга оид; 2) табибликка оид; 3) доривор (*ўсимлик*); نَبَاتَاتٌ ـــةٌ доривор ўсимликлар

– طَبِيبٌ *кўп.* أَطِبَّاءُ, أَطِبَّةٌ табиб, врач, доктор, медик; الـــ~ الْمُدَاوِيُّ даволовчи табиб (врач); ~ الْآذَانِ қулоқ касалликлари табиби, отиатр; ~ الْأَنْفِ وَ الْأُذُنِ وَ الْحَنْجَرَةِ қулоқ, томоқ ва бурун касалликлари табиби (врачи), отоларинголог; ~ الْأَسْنَانِ тиш доктори, дантист; الـــ~ الْبَشَرِيُّ *ёки* ~ الْأَمْرَاضِ الْجِلْدِيَّةِ тери касалликлари табиби, дерматолог; ~ الْعُيُونِ кўз касалликлари табиби, офтальмолог; ~ الْأَمْرَاضِ الْعَقْلِيَّةِ *ёки* ~ الْأَمْرَاضِ النَّفْسِيَّةِ *ёки* ~ نَفْسَانِيٌّ психиатр; ~ الْأَمْرَاضِ الْأَعْصَابِيَّةِ (الْعَصَبِيَّةِ) асаб касалликлари табиби, невропатолог; ~ الْأَمْرَاضِ النِّسَائِيَّةِ аёллар касалликлари бўйича табиб, гинеколог; ~ فِي الْأَمْرَاضِ الزُّهْرِيَّةِ венеролог; ~ بَيْطَرِيٌّ *қар.* بَيْطَرِيٌّ; ~ شَرْعِيٌّ суд табиби (врачи)

– طَبِيبَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — табиб аёл, табиба

– مَطَبٌّ *кўп.* ـَاتٌ — 1) чуқурлик; ~ هَوَائِيٌّ *ав.* ҳаводаги бўшлиқ; ~ دِبْلُومَاسِيٌّ дипломатик хижолатпазлик, хато; 2) туртки, чалақлаш

– مُطَبِّبٌ табобатчи, медик

طُبْجِيٌّ *кўп.* طُبْجِيَّةٌ тўпчи, артиллерист, артиллериячи

I طَبَخَ (a/у) 1) пиширмоқ, (*овқат*) тайёрламоқ; 2) ясамоқ, тайёрламоқ; 3) *кўч.м.* ташкил этмоқ, (*бирор ишни*) тайёрламоқ; VII اِنْطَبَخَ қайнаб пишмоқ; пишиб тайёр бўлмоқ; VIII اِطَّبَخَ овқат пиширмоқ (тайёрламоқ)

– طَبَّاخٌ ошпаз, пазанда; رَئِيسُ الـــ~ِينَ бош ошпаз (*пазанда*); ◊ ~ كَازٍ примус

– طَبَّاخَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — 1) ошпаз (*пазанда*) аёл, ошхонада ишловчи аёл; 2) газ плитаси (ўчоғи)

– طِبَاخَةٌ 1) ошпазлик (пазандалик) касби; 2) кулинария

– طَبْخٌ 1) қайнатиш, овқат тайёрлаш; 2) қайнатиб пиширилган овқат; 3) целлулоид

– طَبْخَةٌ пиширилган овқат, таом; *кўч.м.* бирор нарсани бичиб тўқиш; *мажс.* مَنْ طَبَخَ هٰذِهِ الـــ~؟ бу машмаша кимнинг иши?; ◊ طَبَخَ الـــ~ اِسْتَوَتْ! бу машмашаларни унга кўрсатиб қўйди; لَهُ الـــ~ иш боплаб қўйилди, иш пишди!

– طَبِيخٌ пиширилган овқат (таом)

– مَطْبَخٌ *кўп.* مَطَابِخُ ошхона, овқат тайёрланадиган хона

– مُطَبَّخٌ пишган, пиширилган; чиниққан, пишиқ; هٰذَا ~ الْقَوْمِ бу одамларнинг чиниққани

– مِطْبَخٌ *кўп.* مَطَابِخُ ошхона ўчоғи (плитаси)

– مَطْبُوخٌ 1) қайнатилган, қайнатиб пиширилган; *шунингдек.* *кўч.м.* боплаб қўйилган иш; 2) тайёрлаб қўйилган, етилган (*иш ёки масала ҳақида*)

طَبَرٌ болта; *халқ.* чўқмор

– طَابُورٌ *алиф.б.қар.*

طَبَرْزَذٌ *ёки* طَبَرْزَلٌ *ёки* سُكَّرٌ ~ طَبَرْزَذٌ оқ қанд.

طَبَّشَ (طبش) чайқалмоқ, сочилмоқ (*сув ҳақида* - فِي الْمَاءِ)

طَبَاشِيرُ = طَبَاشُورَةٌ

طَبَاشِيرُ бўр

– طَبَاشِيرَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — бўр парчаси

– طَبَاشِيرِيٌّ бўрга оид, бўрдан ясалган (қилинган)

– طَبَاشِيرُ = طَبْشِيرٌ

طَبْطَبَ 1) жилдирамоқ (*сув ҳақида*); 2) эркалатмоқ, силаб-сийпамоқ (*мас., отни* عَلَى)

– طَبْطَابٌ тибтоб (*пиво нави*); ◊ جَاءَ عَلَى الـــ~ *халқ.* унга худди шу нарса керак эди!

– طَبْطَابَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — ракетка (*теннис ўйинидаги курол*)

– طَبْطَبَةٌ 1) жилдираш; 2) силаб-сийпаш (*отни*)

I طَبَعَ (a) طَبْعٌ 1) муҳр (*штемпель*) босмоқ, муҳрламоқ; ~ـــهُ بِطَابِعِهِ бирор нарсага муҳр босмоқ; 2) босмоқ; ~ الْقُمَاشَ мато босмоқ; ~ النَّقْدَ танга (пул) зарб этмоқ; 2) муҳрланиб қолмоқ; 4) татбиқ қилмоқ; 5) *мажҳ.* табиатан (*қандайдир сифатга эга*) бўлмоқ, табиатан (*н. ғадир*) мойил бўлмоқ (عَلَى); طُبِعَ عَلَى الشَّرِّ *мажҳ.* табиатан ёмонликка мойил бўлмоқ; ~ جَرَّةً مِنَ الطِّينِ лойдан кўза ясамоқ; II طَبَّعَ ўргатмоқ, машқ қилдирмоқ, отни минишга

ўргатмоқ; V تَطَبَّعَ ўзганинг феъл-атворини қабул қилмоқ; босилган нусха олмоқ; VII اِنْطَبَعَ 1) штемпелланган бўлмоқ; 2) босилган (таб этилган) бўлмоқ; بِطَابِعِهِ ~ кимнингдир феълини қабул қилмоқ (ўзлаштирмоқ); 3) муҳрланиб қолмоқ, (қаердадир) қолмоқ (فِى); 4) нусха олиб юрмоқ, нусхага эга бўлмоқ

– اِنْطِبَاعٌ *кўп.* اتٌ — таассурот; تَرَكَ ~ا لَدَى ... بِأَنْ ... кимдадир таассурот қолдирмоқ

– اِنْطِبَاعِيَّةٌ импрессионизм (XIX *асрнинг 2- ярми ва XX аср бошлари адабиёти ва санъатидаги оқим*)

– طَابَعٌ узук

– طَابِعٌ[1] 1. босувчи; 2. 1) босувчи одам; 2) *кўп.* طَوَابِعُ муҳр, штемпель; 3) *кўп.* طَوَابِعُ босиб олинган нусха, қолдирилган из; ~ الْأَصَابِعِ бармоқларнинг изи; 4) *кўп.* طَوَابِعُ марка; ~ الْبَرِيدِ почта маркаси

– طَابِعٌ[2] феъл-атвор; اِرْتَدَى (اِتَّخَذَ) ~ًا مَشْؤُومًا шум феъл - атворни қабул қилмоқ; اِتَّخَذَتِ الْقَضِيَّةُ ~ًا آخَرَ иш бошқача бўлиб кетди

– طَبَّاعٌ босувчи (*босмахонадаги*)

– طِبَاعٌ (طَبْعٌ *дан*) *кўп.* феъл-атвор, хулқ, туғма хусусият; ~ـهُ جَمِيلَةٌ унинг феъл-атвори ғоят гўзал

– طِبَاعَةٌ босиш, китоб босиш, босмачилик фаолияти; ~ الْحَجَرِ литография (тошбосма); آلَةُ الـ~ـِ الدَّوَّارَةِ ротацион (нусха кўпайтирувчи) босув машинаси

– طَبْعٌ[1] *кўп.* طِبَاعٌ табиат, табиий ҳолат, феъл-атвор; حَادُّ الـ~ـِ қизиққон хулқли; بِالـ~ـِ табиий(ки), албатта; ~ًا табиий, ўз-ўзидан маълум(*ки*); ~ًا كَلَّا! албатта, йўқ!

– طَبْعٌ[2] 1) босиш, китоб босиш; إِعَادَةُ الـ~ـِ қайтадан босиш; تَحْتَ الـ~ـِ (босилиш жараёнида) турмоқ; ~ الْحَجَرِ литография (тошбосма); مُسَوَّدَةُ الـ~ـِ ~ الْحُرُوفِ босмахонада босиб чиқариш; мусаҳҳиҳлик варағи (саҳифаси); وَرَقُ الـ~ـِ босиш учун чиқарилган қоғоз; 2) муҳрланиб қолиш; 3) татбиқ қилиш, жорий қилиш; татбиқ (жорий) қилиниш

– طَبْعَةٌ *кўп.* طَبَعَاتٌ (*китобни*) нашр этиш; الـ~ـُ الثَّانِيَةُ иккинчи нашр

– طَبِيعَةٌ *кўп.* طَبَائِعُ табиат; عِلْمُ الـ~ـِ физика; عِلْمُ ~ الْأَرْضِ геофизика; عِلْمُ الـ~ الْحَيَوِيَّةِ биофизика; مَا وَرَاءَ (بَعْدُ) الـ~ـِ метафизика; ~ صَامِتَةٌ натюрморт; بِـ~ـِ الْحَالِ табиийки, ўз-ўзидан маълумки; فَوْقَ الـ~ـِ а) ғайритабиий; б) метафизик; 2) феъл-атвор; табиий хусусият (сифат); الـ~ـُ الْبَشَرِيَّةُ инсон табиати; الطَّبَائِعُ الْأَرْبَعُ *тар.*(*инсон феъл-атворини белгиловчи*) тўрт унсур: (الْحَرَارَةُ وَ الْبُرُودَةُ وَ الرُّطُوبَةُ وَ الْيُبُوسَةُ) *иссиқлик, совуқлик, намлик, қуруқлик*)

– طَبِيعِيٌّ 1. 1) табиий; нормадаги, нормал; غَيْرُ ~ ғайритабиий, ғайринормал; الْحَيَاةُ الـ~ـَةُ табиий (*нормал*) ҳаёт; الْعُلُومُ الـ~ـَةُ табиий фанлар; الْمَذْهَبُ الـ~ـُ натурализм; مِنَ الـ~ أَنْ ... табиийки, ...; 2) физикага оид, физик; الْجُغْرَافِيَّةُ الـ~ـَةُ табиий география; شَخْصِيَّةٌ ~ـَةٌ ёки شَخْصٌ ~ юр. хусусий (*физик*) шахс; 2. 1) физик (*олим*); 2) табиатшунос, натуралист; التَّارِيخُ الـ~ табиатшунослик дарслиги

– طَبِيعِيَّاتٌ *кўп.* 1) табиат ҳодисалари; 2) табиий фанлар; عُلَمَاءُ الـ~ физик олимлар

– طَبِيعِيَّةٌ 1) табиийлик; 2) натурализм (XIX *аср ўрталарида пайдо бўлган адабиёт ва санъатдаги оқим*)

– مَطْبَعَةٌ = مَطْبَعٌ

– مَطْبَعْجِيٌّ *кўп.* مَطْبَعْجِيَّةٌ босмахонада босувчи уста

– مِطْبَعَةٌ *кўп.* اتٌ — матбаа машинаси, босув машинаси

– مَطْبَعَةٌ *кўп.* مَطَابِعُ босмахона, типография; ~ حَجَرِيَّةٌ литография (тошбосма)

– مَطْبَعِيٌّ босмахонага оид, типографик; غَلَطٌ (خَطَأٌ) ~ хато босилган (*сўз ёки бошқа нарса*), босмахона хатоси

– مَطْبُوعٌ 1. 1) босилган; 2) табиий, табиатан; ~ عَلَى الشَّرِّ табиатан ёмонликка мойил; 3) табиий, натурал; 4) табиатан иқтидорли, табиий иқтидор (талант) эгаси; شَاعِرٌ ~ туғма шоир; 5) табиатан гўзал, чиройли; 6) мато (газлама); الْقُطْنُ الـ~ пахтадан тайёрланган мато; 2. бланк (*иш қоғози бланки*)

– مَطْبُوعَاتٌ *кўп.* босилиб чиққан асарлар, нашрлар; матбуот; ~ دَوْرِيَّةٌ вақтли матбуот (нашрлар); قَانُونُ الـ~ матбуот ҳақида қонун; قَلَمُ الـ~ пресбюро; مُرَاقِبُ الـ~ цензор, матбуотда давлат сирлари чиқиб кетмаслигини назорат қилувчи шахс; نَاظِرُ الـ~ матбуот ишлари бўйича нозир (инспектор)

– مَطْبُوعَةٌ (*китоб*) нашри

I طَبَقَ (طبق) (*u*) طَبْقٌ беркитмоқ, ўрамоқ, ўраб қўймоқ; ◊ ~ يَعْمَلُ (*бирор н.*) қилишни бошламоқ; طَبِقَ (*a*) طَبَقٌ 1) мос келмоқ, тўғри келмоқ; 2) ёпиқ бўлмоқ; II طَبَّقَ 1) ёпмоқ, тусиб қўймоқ; (*бир-бирининг устига*) тахлаб қўймоқ; 2) ёпмоқ, беркитмоқ, ўрамоқ, ўраб қўймоқ, тахламоқ, букмоқ, букламоқ; 3) ҳар томонга тарқалиб кетмоқ, тарқамоқ, тарқалмоқ; ذِكْرُهُمْ ~ الْآفَاقَ улар машҳур бўлиб кетишди; صِيتُهُمْ ~ الْخَافِقَيْنِ уларнинг шуҳрати бутун оламга тарқалиб кетди; ~ـتْ شُهْرَتُهُ الْآفَاقَ ёки ~ـتْ شُهْرَتُهُ آفَاقَ الْمَغَارِبِ وَ الْمَشَارِقِ унинг шуҳрати мағрибдан машриққача тарқалиб кетди; 4) татбиқ қилмоқ, мосламоқ; 5) (*отни*) тақаламоқ; III طَابَقَ ўхшамоқ, мос келмоқ, айнанликка эга бўлмоқ; 2) (*н. нидир н. биландир*) қиёсламоқ, солиштирмоқ (بَيْنَ وَ بَيْنَ); 3) жорий қилмоқ, татбиқ қилмоқ, мослаштирмоқ; IV أَطْبَقَ 1) беркитмоқ, ёпмоқ; ~ يَدَهُ عَلَى

. . . (*н. гадир*) кўл урмоқ, (*н. нидир*) кўл билан беркитмоқ, тўсмоқ; عَيْنَيْهِ إِطْبَاقَةَ الْأَبَدِ ~ ўлмоқ, вафот топмоқ, ҳаётдан кўз юммоқ; 2) (*қовоқларни*) юммоқ; 3) (*н. нингдир атрофида*) қаттиқ қисилиб турмоқ (حَوْلَ); 4) бошқаларнинг фикрига қўшилмоқ, (*н. дадир*) бошқалар билан якдил бўлмоқ (عَلَى); 5) (*мас., кийимни*) тахлаб (ўраб) қўймоқ; 6) *ҳарб.*(*к. нидир, н. нидир*) қуршамоқ, ҳамма томондан ўраб (қуршаб) олмоқ (عَلَى); ◊ بَيْنَهُمْ صَمْتٌ ~ улар жимиб қолдилар; V تَطَبَّقَ 1) ичкаридан беркитиб олмоқ; 2) татбиқ этилмоқ; 3) бузилмоқ, емирилмоқ; الْبِنَاءُ ~ бино емирилиб тушди; VI تَطَابَقَ 1) ўхшаш (айнан) бўлмоқ; 2) мос келмоқ, бир-бирига ўхшамоқ; VII اِنْطَبَقَ 1) ичкаридан беркитиб олмоқ, яқинлашмоқ, юмилмоқ (*қовоқлар ҳақида*); 2) ясси бўлмоқ (*кўкрак ҳақида*); 3) мос келмоқ (*н. гадир*), айнан бўлмоқ; (*н, га дир*) ўхшаш бўлмоқ (عَلَى); 4) татбиқ этилмоқ; (*н. гадир*) мослашмоқ (عَلَى); 5) ёпиштирилган бўлмоқ, жипс қилиб қўйилмоқ; عَلَى الْجِسْمِ ~ жисмга ёпишиб турмоқ; 6) (*н. гадир*) татбиқ этилмоқ (عَلَى -*мақол ҳақида*)

– إِطْبَاقٌ 1) веляризация (*товушларнинг махсус равишда талаффуз этилиши*); حُرُوفُ الـ~ – ص, ض, ط, ظ ҳарфлари билан ифодаланувчи товушлар; 2) *ҳарб.* қуршов, қамал, ўраб олиш

– تَطَابُقٌ 1) мослик, мос келиш; 2) ўхшашлик, айнанлик

– تَطْبِيقٌ 1.) татбиқ этилиш, қўлланиш; بِالـ~ عَلَى ... шунга кўра, шунга мувофиқ ҳолда; ...~ًا لـ... ...дан келиб чиқиб, ...га мувофиқ равишда; 2) ўралиш; 3) амалиёт; 4) (грамматик) машқ; намознинг рукуъ қисмида икки қўлни тиззага тираб туриш

– تَطْبِيقَةٌ *кўп.* تَطَابِيقُ тақа

– تَطْبِيقِيٌّ 1) амалий; 2) татбиқий; الْفُنُونُ الـ~ـة татбиқий фанлар

– طَابَاقٌ *кўп.* طَوَابِيقُ ғишт

– طَابَاقَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — бир дона ғишт

– طَابَقٌ, طَابِقٌ *кўп.* طَوَابِقُ 1) қават; الـ~ الْأَرْضِيُّ биринчи қават; خَادِمُ الـ~ йўлакда хизмат қилувчи ходим (*меҳмонхонада*); 2) қопқоқ; 3) (*мас., бахши атрофида ўтириб, унинг айтаётганларини*) тингловчи одамлар тўдаси; 4) *шахм.* ўйин; الـ~ الْهَادِئُ италянча ўйин (*giuoco piano*)

– طَابَاقٌ = طَابُوقٌ

– طَابَاقَةٌ = طَابُوقَةٌ

– طُبَّاقٌ тамаки

– طَبَاقٌ = طُبَّاقٌ

– طِبَاقٌ 1) мос келиш; 2) солиштириш, қиёслаш; 3) антитеза

– طَبَقٌ *кўп.* أَطْبَاقٌ 1) қопқоқ; 2) товоқ, тарелка, патнус; أَطْبَاقٌ طَائِرَةٌ "учиб юрувчи тарелкалар"; 3) ҳол, ҳолат, вазият

– طَبَقٌ ёпиқ

– طِبْقٌ аслига тўғрилик, аслига мос келиш; الْأَصْلِ ~ а) аслига тўғри; б) аниқ нусха; الْمَرَامِ ~ маромида; шундай бўлиши лозим; ...~ًا لـ... билан келишилган ҳолда, ...га мувофиқ равишда

– طَبَقَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — طِبَاقٌ 1) қават; қатлам, пласт; عِلْمُ طَبَقَاتِ الْأَرْضِ стратиграфия (*геологиянинг геологик жисмлар шаклланишининг изчиллигини ва уларнинг дастлабки муносабатларини ўрганадиган бўлими*); الـ~ الطُّخْرُورِيَّةُ стратосфера (*Ер юзасидан 8-16 км. дан 45-55 км. баландликкача бўлган атмосфера қатлами*); الطَّبَقَاتُ الْعُلْيَا (السُّفْلَى) مِنَ السُّكَّانِ аҳолининг юқори (қуйи) табақалари; 2) қатор; *муз.* октава; 3) қават; 4) (*ордендаги*) даража; 5) разряд; 6) синф; الْعُمَّالِ ~ ишчилар синфи; الـ~ الْمُتَفَكِّرَةُ *ёки* الـ~ الْمُتَعَلِّمَةُ маълумотли кишилар доираси, зиёлилар; الـ~ الدُّنْيَا оддий (авом) халқ; نِضَالُ الطَّبَقَاتِ синфий кураш

– طَبَقِيٌّ синфий; الْمُجْتَمَعُ الـ~ синфий жамият; لَا ~ синфсиз

– طَبَقِيَّةٌ синфийлик

– طَبِيقٌ мос, мувофиқ, тегишли

– مُطَابِقٌ мос, мувофиқ, (*н. гадир*) мувофиқ; ўхшаш; айнан; غَيْرُ ~ мос келмайдиган, ғайри мувофиқ; ўхшамайдиган

– مُطَابَقَةٌ 1) мос (мувофиқ) келиш; айнанлик; 2) розилик, мувофиқлик; 3) симметрия; 4) аккомодация (*кўзнинг турли масофадаги нарсаларни аниқ-равшан кўришга мослашуви*); *мат.* конгуентлик (*бир фигуранинг бошқа бир фигура ҳаракати натижасида ҳосил қилиниши*)

– مُطَبَّقٌ *шунингдек:* خُضَارٌ ~ гўштли карам шўрва, гўшт билан пиширилган сабзавотлар

– مُطْبَقٌ 1) қопланган, ўралган, ёпилган; 2) *ҳарб.* ўраб олинган, қуршаб олинган; 3) *грам.* веляризацияланган; الْحُرُوفُ الـ~ـة веляризацияланган ундошлар (*қар.* إِطْبَاقٌ)

– مُطْبِقٌ[1] 1. тўла, мутлақо, бутунлай; جُنُونٌ ~ тўла (бутунлай) ақлдан озиш; جَهْلٌ ~ мутлақ жаҳолат; سِجْنٌ ~ зиндон; صَمْتٌ ~ мутлақ сукунат; 2. зиндон

– مُطْبِقٌ[2]: حُمَّى ~ـة сурункали безгак

I طَبَلَ (*у*) طَبْلٌ ноғора (табл) чалмоқ; II طَبَّلَ ноғора чалмоқ; ~ وَ زَمَّرَ لِشَيْءٍ *кўч.м.* бирор нарса тўғрисида шов-шув кўтармоқ (овоза қилмоқ); طَبِّلْ لِي وَ أَنَا أُزَمِّرُ لَكَ *мқл. сўзма-сўз:* мени деб ноғора чал, сени деб сурнай чаламан; V تَطَبَّلَ қаппаймоқ (*қорин ҳақида*)

– طَبَّالٌ ноғорачи, таблчи

– طَبْلٌ *кўп.* أَطْبَالٌ, طُبُولٌ ноғора, табл; تُدَقُّ الطُّبُولُ ноғоралар чалинмоқда; 2) ноғора товуши

– طَبْلَةٌ[1] *кўп.* ـَاتٌ — ноғора, табл; الْأُذُنِ ~ *анат.* қулоқ пардаси;

اِخْتَرَقَ هَذَا الْحِوَارُ ~ أُذُنَيْهِ кутилмаганда шундай гапни эшитиб қолди

– طَبْلَةٌ [2] кўп. طُبَلٌ осма қулф

– طَبْلِيَّةٌ кўп. طَبَالِيُّ, ـَاتٌ 1) кичик пешхон, столча; 2) махсус тоғора, ёғочдан ясалган катта товоқ, патнус; *т.-й.* қайтиладиган айлана; 4) *архит.* абака (*устуннинг энг юқори шипга тегиб турадиган қисми*)

I (طبن) طَبَنَ (*и*) طَبْنٌ ўтни (оловни) кўммоқ, устини ёпмоқ; طَبِنَ (*а*) طَبَنٌ фаҳмламоқ, билмоқ, эпламоқ

– طَبَّانٌ, طَبَّانٌ кўп. ـَاتٌ — шина, покришка (*автомобилларда*)

– طَبِنٌ билувчи, эплай олувчи

– طَبُونَةٌ кўп. طَوَابِينُ, ـَاتٌ 1) (*шаҳардаги*) ўчоқ; 2) новвойхона

طَبَنْجَةٌ кўп. ـَاتٌ — тўппонча, револьвер

طُبُوغْرَافِيَّةٌ топография

طُبْيٌ, طَبْيٌ кўп. أَطْبَاءٌ елин, ҳайвон елини

مطّة кўп. ـَاتٌ — *спорт.* диск

I طَجَنَ (*у*) طَجْنٌ қовурмоқ

– طَاجِنٌ кўп. طَوَاجِنُ 1) това; 2) кўза, тувак, сополдан ясалган тувак

I طَحَّ (*а/у*) طَحٌّ текисламоқ

– طَحَّانٌ текис ер

طَحْطَحَ синдирмоқ, синдириб майдаламоқ; бузмоқ, йўқ қилмоқ; تَطَحْطَحَ синиб қолмоқ

– طَحْطَحَةٌ синиш, парчаланиш

أَطْحَلُ мн. طَحْلَاءُ кўп. طُحْلٌ тўқ кулранг

– طِحَالٌ, طُحَالٌ кўп. ـَاتٌ — *анат.* талоқ

– طُحَالٌ талоқ шамоллаши

– طِحَالِيٌّ талоққа оид

– طُحْلٌ чўкма, қуйқа, қолдиқ

طَحْلَبَ мох пайдо бўлмоқ, сув устини йўсин босмоқ; ~ الْمَاءَ сув устини йўсин босди

– طُحْلُبٌ, طِحْلِبٌ кўп. طَحَالِبُ мох, йўсин; сувдаги зангор рангли майда ўсимлик

– مُطَحْلِبٌ мох, йўсин билан қопланган; ~ ـَةٌ йўсин босган булоқ

I طَحَنَ (*а*) طَحْنٌ ун қилмоқ, майдаламоқ; ◊ ~ تْهُ الْأَيَّامُ вақт унинг саломатлигини адо қилди; VI تَطَاحَنَ ёвлашмоқ, жон-жаҳд билан муштлашмоқ, уришмоқ; VII اِنْطَحَنَ майдаланиб кетмоқ, талқон бўлиб кетмоқ

– تَطَاحُنٌ ўзаро ёвлик (душманлик); аёвсиз кураш; ўзаро бир-бирини қириб ташлаш

– طَاحِنٌ 1) майдаловчи; 2) қириб ташловчи; бераҳм, шафқатсиз; حَرْبٌ ~ ـَةٌ даҳшатли уруш

– طَاحِنَةٌ кўп. طَوَاحِنُ озиқ тиш

– طَاحُونٌ кўп. طَوَاحِينُ тегирмон; ~ الْمُهِمُّ الْوُصُولُ إِلَى الـ *мтл.* энг муҳими мақсадга эришмоқ

– طَاحُونَةٌ кўп. طَوَاحِينُ тегирмон; ~ الْبُنِّ қаҳва майдаловчи асбоб; ~ الْمَاءِ сув тегирмон; ~ الْهَوَاءِ (الرِّيَاحِ) шамол тегирмон; دُولَابُ ~ الْمَاءِ сувда айланадиган ғилдирак, чархпалак; حَمَلَ الْمَاءَ إِلَى ~ ـِهِ кимнингдир тегирмонига сув қуймоқ

– طَحَّانٌ тегирмончи

– طِحَانَةٌ тегирмончилик касби

– طِحْنٌ ун; أَسْمَعُ جَعْجَعَةً وَ لَا أَرَى ~ اً *қар.* جَعْجَعَةٌ

– طَحِينٌ ун

– طَحِينَةٌ кунжут уруғининг тўпони, кунжут тўпони (қайласи)

– طَحِينِيٌّ 1) унли, ундан тайёрланган; 2) кунжут тўпонидан тайёрланган; حَلَاوَةٌ ~ ـَةٌ кунжут тўпонидан тайёрланган ҳолва

– مَطْحَنٌ кўп. مَطَاحِنُ = طَاحُونٌ

– مَطْحَنَةٌ кўп. مَطَاحِنُ 1) тегирмон; 2) завод

I (طحو) طَحَا (*у*) طَحْوٌ текисламоқ, силлиқламоқ

I طَخَّ (*а/у*) طَخٌّ 1) урмоқ; 2) ўқ отмоқ

طُخْرُورِيٌّ *қар.* طَبَقَةٌ

I طَرَّ (*а/у*) طَرٌّ, طُرُورٌ қайрамоқ, ўткирламоқ; 2) ўсмоқ, чиқмоқ, ёриб чиқмоқ (*ўсимлик ва соқол-мўйлов ҳақида*); 3) тўпламоқ, ҳайдамоқ (*подани*)

– طُرًّا: ~ اً бутунича, тўлалигича, битта ҳам қўймай

– طَرَّارٌ киссавур, чўнтаккесар

– طُرَّةٌ кўп. طُرَرٌ, طُرٌّ пешона; 2) зулф, гажак; 3) бош варақ (*китобнинг сарлавҳаси, номи ёзилган варақ*); 4) герб; монограмма (*кишининг исми, отасининг исми ва фамилиясининг бош ҳарфларидан безакли қилиб тузилган шартли белги*); тангaнинг орқа (тамғали) томони; 5) (*болалар ўйинида*) буклаб қўйилган рўмолча; 6) кийимнинг ҳошияси ёки жияги йўқ қирғоғи; ~ النَّهْرِ дарё қирғоғи; 7) пешонадан қўйилган соч

– طَرِيرٌ эндигина чиқа бошлаган мўйлов; ~ شَابٌّ мўйлови эндигина чиқа бошлаган йигит

طَرَابِزُونٌ 1) кўприк ва зинапоя ёнларига ўрнатилган ёғоч суянчиқ (панжара); 2) безакли панжара

– طَرَابِيزَةٌ кўп. ـَاتٌ — пешхон, стол

I طَرَأَ (*а*) طَرْءٌ, طُرُوءٌ ҳайрон қолдирмоқ, кутилмаганда бўлиб ўтмоқ, бостириб келмоқ; (*к. нингдир олдига*) келмоқ (عَلَى), (*к. нингдир бошига бирор*) иш тушмоқ (عَلَى); IV أَطْرَأَ (*к. нидир*) мақтамоқ (عَلَى)

– طَارِئٌ 1. кутилмаган, тўсатдан воқе бўлган; тасодифий;

фавқулодда; ~ اجْتِمَاعٌ шошилинч мажлис; الدَّوْرَةُ الــــَةُ фавқулодда сессия; ~ خَبَرٌ шошилинч ахборот; الْأَحْوَالُ الــــَةُ фавқулодда шароитлар; الْمَصَارِيفُ الــــَةُ 1. кутилмаган (кўзда тутилмаган) сарфлар; 2. бахтсиз ҳодиса; ~ الْعَمَلِ ишхонада юз берган бахтсиз ҳодиса

– طَارِئَةٌ 1. *мн.* طَارِئٌ *сўзидан* 1; 2. *кўп.* طَوَارِئُ ,ـــ اتٌ 1) кутилмаганлик, назарда тутилмаган тасодиф (ҳодиса); 2) фалокат, бахтсизлик; طَوَارِئُ جَوِّيَّةٌ стихияли атмосфера ҳодисалари; حَالَةُ الطَّوَارِئِ фавқулодда ҳолат; قَانُونُ الطَّوَارِئِ фавқулодда қонун

– طُرْآنِيٌّ 1) авлод-аждоди номаълум, ёввойи; 2) қўпол; адабсиз; андишасиз

– طَرَاءَةٌ янгилик (*қар.* طرو)

– طَرِيءٌ янги

I طَرِبَ (а) طَرَبٌ жонланмоқ; ҳаяжонга келмоқ, (*бирор н. дан*) таъсирланмоқ; завқ-шавқ олмоқ, хурсанд бўлмоқ; طَرَّبَ 1) таъсир қилмоқ; хурсанд қилмоқ, қойил қолдирмоқ, завқ бермоқ (*музика, қўшиқ ҳақида*); 2) ашула (қўшиқ) айтмоқ; IV أَطْرَبَ = II; VII انْطَرَبَ завқланган бўлмоқ

– طَرَبٌ 1) завқланиш, ҳаяжонланиш; хурсандлик, шодлик; 2) музика; آلَةُ الـــ~ музика асбоби

– طَرِبٌ завқ олган, хурсанд бўлган

– طَرْبَةٌ тўрва, қоп

– طُرْبِيٌّ қоравул (*қабристондаги*)

– طَرُوبٌ ғайратли, хушчақчақ; ~ النَّفْسِ хурсанд; завқ-шавқдаги

– مِطْرَابٌ ҳаяжонга келтирувчи, тўлқинлантирувчи

– مُطْرِبٌ 1. завқ берувчи, ҳаяжонлантирувчи, хурсанд қилувчи; 2. 1) қўшиқчи, ашулачи; 2) музикачи, музикант

(طربش) تَطَرْبَشَ тарбуш (ҳожидўппи) киймоқ

– طَرَابِيشِيٌّ *кўп.* طَرَابِيشِيَّةٌ тарбуш сотувчи, ҳожидўппи сотувчи

– طَرْبُوشٌ *кўп.* طَرَابِيشُ 1) тарбуш; 2) тиш қопламаси

– مُطَرْبَشٌ тарбуш кийиб юрувчи киши

طَرْبَقَ 1) йиқитиб (ағдариб) юбормоқ; 2) вайрон қилмоқ

– طَرْبَقَةٌ 1) йиқитиб (ағдариб) юбориш; 2) вайрон қилиш, синдириш

طَرْبَالٌ *кўп.* طَرَابِيلُ 1) кўзга дангал ташланиб турувчи катта нарса; (*бирор н.*) турган жойни, йўналишни кўрсатувчи белги (*нишон*); 2) катта бино

طُرْبِيَّةٌ *кўп.* ـــ اتٌ торпеда; سَفِينَةُ الـــ~ миноносец (*кема*)

طُرْبِيلٌ *кўп.* ـــ اتٌ торпеда

طَرْجَهَالَةٌ ёки طَرْجَهَارَةٌ кичкина пиёла

I طَرَحَ (а) طَرْحٌ итқитмоқ, отиб юбормоқ; (*бирор н. ни*) ташлаб юбормоқ (بِ);(*қаердандир*) отиб юбормоқ, итқитиб юбормоқ (عَنْ); ~ الْمَسْؤُولِيَّةَ عَنْ عَاتِقِهِ ўз устидан масъулиятни соқит қилмоқ; ~ الثَّوْبَ (*к. нингдир устига*) кийим ташламоқ (عَلَى); ~ جَانِبًا (*бирор томонга*) отиб юбормоқ; ~ لِلْمُنَاقَصَةِ تَوْرِيدَهُ бирор нарсани савдога қўйишни бошқага топширмоқ; 2) қўймоқ, баён қилмоқ, (*к. гадир*) тушунтирмоқ (عَلَى); ~ مُهِمَّةً فِي ... (*қандайдир*) масалани қўймоқ; ~ الْمَسْأَلَةَ لِلاقْتِرَاعِ *ёки* ~ الْمَسْأَلَةَ لِأَخْذِ الرَّأْيِ عَلَيْهَا масалани овозга қўймоқ; 3) (*к. дандир савол*) сўрамоқ (عَلَى); 4) (*н. дандир*) олмоқ, айирмоқ (مِنْ); *мат.* айириш амалини бажармоқ; 5) вақтидан олдин туғмоқ, (*бола*) ташламоқ; 6) *шахм.* юриш қилмоқ; II طَرَّحَ 1) чойшаб билан ёпмоқ, ёпинчиқ билан ёпмоқ; 2) вақтидан олдин туғишни ташкил қилмоқ; III طَارَحَ савол-жавоб қилишмоқ, (*бир-бирига*) савол бермоқ; ~ الْغَرَامَ (الْحُبَّ) ўзганинг муҳаббатига муҳаббат билан жавоб бермоқ, бир-бирини севмоқ; ~ـــهُ الْكَلَامَ ким биландир мусоҳабада бўлмоқ, гап отишмоқ; IV أَطْرَحَ ташламоқ, итқитиб ташламоқ; V تَطَرَّحَ чойшаб (ёпинчиқ) билан ўралиб олмоқ; VI تَطَارَحَ бир-бирига отмоқ, отишмоқ, итқитмоқ, итқитишмоқ; бир-бирига (*гап*) отмоқ; ~ أَطْرَافَ الْحَدِيثِ *маж.* суҳбатлашмоқ, сўзлашиб турмоқ; VII انْطَرَحَ 1) чўзилмоқ; ётмоқ; 2) йиқилмоқ, қуламоқ; (*н. гадир*) ташланмоқ (عَلَى); ~ أَرْضًا ерга ташланмоқ; 3) ҳурматли бўлмоқ; 4) берилган бўлмоқ (*мас., савол*); VIII اطَّرَحَ 1) ташланмоқ, итқитмоқ; 2) рад қилмоқ

– أُطْرُوحَةٌ *кўп.* أَطَارِيحُ 1) тезис; 2) тадқиқот, диссертация

– طَرَّاحٌ кўрпа тайёрловчи уста

– طَرَّاحَةٌ *кўп.* ـــ اتٌ, طَرَارِيحُ кўрпа

– طَرْحٌ 1) ташлаш; итқитиш, итқитиб юбориш; 2) айириш, олиб ташлаш; 3) вақтидан олдин туғиш, бола ташлаш; 4) *халқ.* мевалар; 5) *кўп.* أَطْرَاحٌ *шахм.* а) юриш; б) ўйин (*Тунисда*); الـــ~ الْإِيطَالِيُّ италянча ўйин; الـــ~ الْإِسْبَانِيُّ испанча ўйин; ◊ ~ الْبَحْرِ суви қочган ер; чўкинди тупроқ

– طِرْحٌ вақтидан эрта ўлик туғилган бола

– طَرْحَةٌ *кўп.* طُرَحٌ 1) ёпинчиқ; чиммат; عَقَدَتْ ~ـــهَا у (аёл) ўз ёпинчиғининг учини тугиб қўйди (*ёрдам сўраш ниятида шундай қилинади ва бирор киши ёрдам кўрсатмоқчи бўлса, у ўша тугунни ечиб қўяди*); 2) идиш, тара

– طَرْحِيَّةٌ *кўп.* طَرَاحِي *халқ.* қоғоз варағи

– طَرِيحٌ *кўп.* طَرْحَى 1) ташланган; 2) ётган; ~ الْفِرَاشِ кўрпага ётиб олган (*касал*)

– طَرِيحَةٌ: بِالـــ~ соатбай; ишбай

– مَطْرَحٌ *кўп.* مَطَارِحُ 1) ўрин, жой; 2) кўрпа (*Шимолий Африкада*)

– مَطْرُوحٌ 1. 1) ташландиқ; 2) айириб (чиқариб) ташланган; 2. *мат.* айириш; ~ مِنْهُ камаювчи (*сон*)

طَرْخُونٌ *бот.* тархун (*кўпйиллик ўт; эрманнинг бир тури*)

I طَرَدَ (*у*) طَرْدٌ чиқармоқ, йўқотмоқ, ҳайдаб чиқармоқ; ~هُ مِنَ الْخِدْمَةِ ишдан бўшатмоқ; يَطْرُدُ الْقَمْحُ السَّنَابِلَ буғдой бош чиқармоқда; II طَرَّدَ ҳайдаб юбормоқ; қувғин қилмоқ; III طَارَدَ қувмоқ, орқасидан қувиб бормоқ; ҳужум қилмоқ; IV أَطْرَدَ юртидан бадарға қилмоқ; VII اِنْطَرَدَ қувғин бўлмоқ, қувғин қилинмоқ; VIII اِطَّرَدَ доимий бўлмоқ, изчил бўлмоқ; X اِسْتَطْرَدَ 1) (*н. нидир*) давом эттирмоқ (فِي); (*н. дандир* مِنْ *н. гадир*) ўтмоқ (إِلَى); 2) (*н. гадир*) киришмоқ, бошламоқ (إِلَى); (*адабий асарда*) мавзудан чекинмоқ, четга чиқмоқ

– اِسْتِطْرَادٌ *кўп.* ـَاتٌ 1) (*мавзудан*) четга чиқиш, чекиниш; 2) сергаплик, эзмалик, мағиқлик

– اِطِّرَادٌ доимийлик; изчиллик; بِـ~ доимо, сўзсиз

– طَارِدٌ ҳайдаб (қувиб) юборувчи; الْقُوَّةُ الْمَرْكَزِيَّةُ الـ~ةُ *физ.* марказдан қочма куч

– طِرَادٌ 1) қувиш, отлиқ ҳужум

– طَرَّادٌ[1] *кўп.* ـَاتٌ крейсер

– طَرَّادٌ[2] тўғон

– طَرَّادَةٌ = طَرَّادٌ[1]

– طَرْدٌ[1] қувғин қилиш, ҳайдаш; қувиш; ~اً وَعَكْساً ҳам энига, ҳам бўйига, ипидан игнасигача; тўғрисига ва тескарисига

– طَرْدٌ[2] *кўп.* طُرُودٌ 1) тугун, ўралган нарса; 2) *шунингдек:* ~ بَرِيدِيٌّ (*почта орқали юборилган*) жўнатма, посилка; 3) нарса, буюм, ашё (*юк, багаж ҳақида*)

– طَرْدِيٌّ тўғри; التَّنَاسُبُ الـ~ тўғри пропорционаллик

– طَرِيدٌ 1. қувғин қилинган; 2. қувғинди; қочқин; ◊ الـ~انِ *ик.с.* кун ва тун

– طَرِيدَةٌ қувиб борилаётган ов (сайд)

– مُطَارَدَةٌ қувиш; қувиш мусобақаси; طَائِرَةُ الـ~ *ҳарб.* қирувчи самолёт

– مُطَارِدَةٌ *кўп.* ـَاتٌ *ҳарб.* қирувчи самолёт

– مُطَّرِدٌ 1) узлуксиз, доимий; изчил; النَّسَقِ ~ бир хил кўринишдаги; النَّغَمِ ~ бир хил овозли; ҳамиша бир хил; зерикарли; 2) ҳеч қандай гап-сўзсиз; 3) умумий; قَاعِدَةٌ ~ةٌ умумий қоида

(طرز) طَرَّزَ кашта тикмоқ; безатмоқ

– تَطْرِيزٌ кашта тикиш, кашта; безак

– طِرَازٌ[1] *кўп.* طُرُزٌ, أَطْرِزَةٌ 1) намуна, марка, тип, система (*машина ҳақида*); أَوَّلِيٌّ ~ прототип (*бадиий асардаги образ учун асос бўлган ҳаётдаги реал шахс*); عَلَى أَحْدَثِ ~ сўнгги нусха асосида; 2) мода, нусха; مِنْ ~ حَدِيثٍ янги (сўнгги) нусхадаги (модадаги); مِنْ ~ قَدِيمٍ эски нусхадаги (модадаги); 3) *архит.* услуб, стил; 4) кийим этикеткаси

– طِرَازٌ[2] = طِرْزٌ

– طِرَازَةٌ каштачилик (*касби*)

– طِرْزٌ *кўп.* طُرُوزٌ 1) тарз, усул; 2) намуна, нусха, марка, тип, система (*машиналар ҳақида*); 2) модель

– طِرْزٌ ташқи қиёфа, тарз

– مُطَرِّزٌ каштачи, кашта тикувчи (*эркак*)

I طَرَسَ (*и*) طَرْسٌ ювмоқ; кетказмоқ

– طِرْسٌ *кўп.* طُرُوسٌ варақ; саҳифа; ўчириб яна битилган ёзув

(طرش) طَرِشَ (*а*) طَرَشٌ кар бўлмоқ, эшитолмайдиган бўлмоқ; طَرَشَ (*у*) طَرْشٌ (*овқатни*) қайт қилмоқ; ◊ ~ بِالْجِيرِ (*деворни*) оқламоқ; II طَرَّشَ 1) кар қилмоқ; 2) қусқи келтириб чиқармоқ; VI تَطَارَشَ ўзини кар қилиб кўрсатмоқ, карман деб алдамоқ

– أَطْرَشُ *мн.* طُرْشٌ, طُرْشَانٌ *кўп.* طَرْشَاءُ кар; أَسَكُّ ~ мутлақо кар

– طَرَشٌ, طُرَاشٌ карлик, эшитмаслик

– طُرْشَجِيٌّ *кўп.* طُرْشَجِيَّةٌ тузланган бодринг ва тузланган нарсалар билан савдо қилувчи киши

– طُرَاشٌ = طُرْشَةٌ

– طَرْشٌ *кўп.* طُرُوشٌ уй ҳайвони, уйда боқиладиган ҳайвон

– طُرْشِيٌّ тузланган бодринглар; тузланган нарсалар; маринад

– مُطَرِّشٌ қусқи келтирадиган, кўнгил айнитадиган

طَرْشَقَ синмоқ, ёрилмоқ, дарз кетмоқ

طَرْطَبَ эчкини соғиш учун чақирмоқ

– طُرْطُبٌ елиннинг соғиладиган узунчоқ қисми

طَرْطَرَ 1) мақтанмоқ, кеккаймоқ; ўзини катта (такаббурона) тутмоқ; 2) (*бирор н. нинг*) тепасида (устида) турмоқ

– طُرْطُرٌ *зоол.* қурт

– طَرْطَرَةٌ 1) мақтанчоқлик; 2) юксак мавқе; يُحِبُّ الـ~ وَلَوْ عَلَى خَازُوقٍ *мкл.* қозиқ устида бўлса-да, баланд мавқени эгаллашни истайди

– طَرْطِيرٌ: حَامِضُ ~ табиий вино ачитқиси (кислотаси)

– طُرْطُورٌ *кўп.* طَرَاطِيرُ 1) узун қалпоқ; қалпоқ; капюшон (*устки кийим ёқасига бириктириб тикиладиган қайтарма қалпоқ*); 2) баланд бўйли одам, найнов; 3) *кўч.м.* япалоққуш; 4) статист (*саҳнада иштирок этса-да, сўзлаши лозим бўлмаган актёр*), асли бошқа одам бўлган (*ўзини бошқа одам деб кўрсатадиган*) киши; манекен, қўғирчоқ, тулум (*терисига сомон тиқиб қўйилган ҳайвон ёки қуш*); дала (полиз) қўриқчиси

– طَرْطِيرٌ а) узум виноси сақланадиган бочка деворларига ўрнашиб қолган қуйқум; б) тишларда пайдо бўладиган тош; ~ الأَسْنَانِ тишдаги тош; مِلْحُ الـ~ вино қуйқаси, тишдаги тош

– طَرْطِيرَةٌ *кўп.* ـَاتٌ мотороллер (*Сурияда*)

طَرْطَشَ 1) (*сувни*) сочмоқ, сачратмоқ; тўкиб юбормоқ; ~ الْحَائِطَ нотекис (қўпол) сувамоқ

– طَرْطَشَةٌ 1) сочилиш, сачраш; тўкилиш, чайқалиш (*сув ҳақида*); 2) сочилган томчилар

طَرْطُوفَةٌ *кўп.* طَرَاطِيفُ 1) (*бирор н. нинг*) учи; مَشَى عَلَى طَرَاطِيفِ أَصَابِعِهِ оёқ учида юрмоқ; 2) *бот.* артишок (*ўтсимон полиз ўсимлиги*)

طَرْطَقَ 1) андак кўтармоқ, кўтариб қўймоқ, (*қулоқни*) динг қилмоқ; 2) гижирламоқ, тақилламоқ, қоқмоқ (*мас., эшикни*) .

I طَرَفَ (طرف) (*и*) طَرْفٌ 1) зарар (зиён) келтирмоқ, шикастламоқ, (*кўзни*) яраламоқ; 2) (*кўзни*) пирпиратмоқ, қисмоқ; قَبْلَ أَنْ تَطْرِفَ الْعَيْنُ жуда тез, зудлик билан, кўз юмиб-очгунча; جُنُودٌ يَقِفُونَ لَا تُطْرَفُ لَهُمْ عَيْنٌ *маж.* солдатлар қотиб ("*смирно*" *ҳолатида*) турибдилар; طَرُفَ (*у*) طَرَافَةٌ 1) янги бўлмоқ; 2) қизиқ (қизиқарли) бўлмоқ; II طَرَّفَ 1) (*бирор н. нинг*) охирига (четига) қўймоқ; 2) бармоқ учларини бўямоқ; ~ الْأَظَافِرَ маникюр қилмоқ; IV أَطْرَفَ 1) бирор янги нарсани айтиб бермоқ; (*ҳикоя билан*) вақтни банд қилмоқ; 2) (*бирор н. ни*) совға қилмоқ (بِ); V تَطَرَّفَ 1) имконият чегарасига етмоқ, (*бирор н. да*) чегарани билмаслик, чегарадан чиқиб кетмоқ (فِي); 2) қатъий эътиқодли бўлмоқ; X اِسْتَطْرَفَ янги (*қизиқарли*) деб ҳисобламоқ

– أُطْرُوفَةٌ *кўп.* أَطَارِيفُ ажойиб (қизиқ) воқеа (ҳодиса); ўткир фикр, закий сўз

– تَطَرُّفٌ меъёрни билмаслик; кескинлик; экстремизм; сўллик

– طَارِفٌ 1. янги; оригинал; 2. яқинда олинган (*н.*); الـ~ وَ التِّلَادُ *қар.* تلاد

– طَرَافَةٌ янгилик; оригиналлик; қизиқарлилик

– طَرْفٌ янгилик, янги пайдо бўлган нарса

– طَرْفٌ *кўп.* أَطْرَافٌ 1) қараш, назар; كَارْتِدَادِ الـ~ кўз юмиб очгунча; مِنْ ~ خَفِيٍّ яширин, хуфёна, ҳеч кимга билдирмай; عَلَانِيَةً أَوْ مِنْ ~ خَفِيٍّ очиқ ёки яширин; رَمَى بِـ~ـهِ فِيمَا حَوْلَهُ ўз атрофига назар ташламоқ; 2) кўз; 3) интиҳо, чет; (*бирор н. нинг*) учи; عَلَى ~ لِسَانِهِ *кўч.м.* тил учида

– طَرَفٌ *кўп.* أَطْرَافٌ 1) интиҳо, чет; (*бирор н. нинг*) учи; خَرَجَ عَلَى أَطْرَافِ أَصَابِعِهِ (*қаердандир*) оёқ учида чиқмоқ (مِنْ); مَيْدَانُ الـ~ الْأَغَرِّ (*Лондондаги*) Трафалгар майдони; 2) энг четдаги жой (пункт) 3) чет; أَطْرَافُ الْمَدِينَةِ шаҳар четлари (атрофлари); أَطْرَافُ الْبِلَادِ периферия (*мамлакатнинг марказдан йироқ бўлган жойлари*); 4) ён тараф, томон; الـ~ُ الثَّانِي ёки الـ~ُ الْآخَرُ *юр.*(*судланувчи*) қарши томон; وَحِيدُ الـ~ бир томонли; مُتَعَدِّدُ الْأَطْرَافِ кўп томонли; مِنْ ~ِي мен томондан, мендан; لِي بِـ~ فُلَانٍ фалончи мендан қарздор; الطَّرَفَانِ الْمُتَعَاقِدَانِ шартнома тузувчи томонлар; طَرَفَا الْمُعَامَلَةِ муомала битимини тузувчи томонлар; طَرَفَا نَقِيضٍ икки қарама-қарши томон; طَرَفَا النَّهَارِ эрта ва оқшом; مُتَرَامِي الْأَطْرَافِ кенг, катта, белоён, улкан; أَخْلَى ~ـهُ а) кимнидир қўйиб юбормоқ, озод қилмоқ, оқлаб юбормоқ; б) кимнидир ишдан бўшатмоқ; أَخَذَ بِأَطْرَافِ الْحَدِيثِ ёки تَجَاذَبَ (جَاذَبَ) أَطْرَافَ الْحَدِيثِ суҳбат олиб бормоқ, (*вақтни*) чўзмоқ, суҳбатлашмоқ; مِنْ قِبَلِ ... مِنْ ~ ... *грам.* мажҳул нисбатдаги феълларда иш ҳаракатини бажарувчи шахсни кўрсатиш учун ишлатилади; 5) *анат.* оёқ; أَطْرَافُ الْبَدَنِ оёқлар; أَطْرَافٌ صِنَاعِيَّةٌ сунъий оёқлар, протез; حَدَّثَنِي ~ًا مِمَّا وَقَعَ لَهُ бошидан ўтган айрим нарсаларни менга гапириб берди

– طَرْفٌ асл наслли от

– طَرْفَاءُ *бот.* юлғун

– طَرْفَةٌ 1) лаҳза, зум, он; فِي ~ عَيْنٍ кўз очиб юмгунча; 2) зарба таъсирида кўзда пайдо бўладиган қизиллик; ◊ شَجَرَةُ الـ~ *бот.* юлғун

– طُرْفَةٌ *кўп.* طُرَفٌ янгилик; камёб нарса; 2) совға, туҳфа; 3) зарофат билан айтилган сўз, ўткир сўз

– طَرِيفٌ 1) янги; оригинал; 2) қизиқ, ғалати, ажойиб; турфа; مِنَ الـ~ أَنْ... шуниси қизиқки, ...; 3) *дин.* (*яҳудийларда*) ҳаром деб ҳисобланган нарсалар

– طَرِيفَةٌ *кўп.* طَرَائِفُ камёб нарса, нодир нарса, раритет

– مُتَطَرِّفٌ 1) ўтиш чегараси; 2) ғоят, энг, жуда; энг сўл эътиқод эгаси, экстремист

– مَطَارِفُ *кўп.* مِطْرَفٌ, مُطْرَفٌ ёпинчиқ, тиззани беркитиб турадиган қалин жун рўмол

– مُطَرِّفٌ тирноқларини парвариш қилиб юрувчи

I طَرَقَ (*у*) طَرْقٌ 1) тақиллатмоқ, зарба бермоқ, урмоқ, уриб туширмоқ; болға билан синдирмоқ; 2) (*темирни*) болғаламоқ; 3) йўл чиқармоқ; 4) юрмоқ, (*қаергадир*) кирмоқ; 5) тунда келмоқ; ◊ ~ بِالْبَالِ ақлини топиб олмоқ; هَلْ ~ هٰذَا آذَانَكُمْ؟ сиз бу ҳақда эшитганмидингиз?; ~ سَمْعَهُ эшитмоқ; ~ الطَّرِيقَ (*бирор н.*) йўлига кирмоқ; ~ مَوْضُوعًا мавзуни тилга олмоқ; II طَرَّقَ (*темирни*) болғаламоқ; IV أَطْرَقَ 1) ерга қарамоқ, кўзни ерга қаратмоқ; ~ رَأْسَهُ ёки بِرَأْسِهِ бошни эгмоқ, бошни ерга энгаштирмоқ; 2) жим бўлмоқ; V تَطَرَّقَ 1) йўлни топмоқ; йўл топиб кирмоқ, (*қаергадир*) яшириниб кирмоқ (إِلَى); لَا يَتَطَرَّقُ إِلَيْهِ الشَّكُّ бу шубҳасиздир, бу ерда шубҳага ўрин йўқ; 2) айрилмоқ (*йўл ҳақида*) (مِنْ); 3) йўл-йўлакай (*н. тўғрисидадир*) гапирмоқ, (*бирор н. га*) тил тегизиб ўтмоқ (إِلَى); ~ فِي الْحَدِيثِ гаплашишга тушиб кетмоқ; ~ إِلَى الْكَلَامِ (*фалон н.*) ҳақида гаплашишга ўтмоқ; ~ إِلَيْهِ الْعَطَبُ... у ҳалок бўлди; VII اِنْطَرَقَ болғаланган бўлмоқ, болғаланмоқ; X اِسْتَطْرَقَ 1) яшириниб кирмоқ, ичкарига кирмоқ, (*қаергадир*) келмоқ (إِلَى); 2) (*қаергадир*) олиб бормоқ (إِلَى *йўл ҳақида*)

– اِنْطِرَاقٌ болғаланганлик

– طَارِقٌ *кўп.* طُرَّاقٌ 1. тақиллатувчи; 2. 1) кеч келувчи, кеч ташриф буюрувчи; тунги меҳмон; 2) милтиқ затворининг ўққа уриладиган қисми; 3) тонг юлдузи

– طَارِقَةٌ *кўп.* طَوَارِقُ бахтсизлик, бало-офат

– طِرَاقٌ *кўп.* طُرُقٌ патак

– طَرْقٌ[1] 1) тақиллатиш; 2) болғалаш; 3) тош ёрдамида фол очиш

– طَرْقٌ[2] туя ахлати билан ифлосланган ёмғир суви

– طَرْقَةٌ *кўп.* طَرَقَاتٌ 1) зарба; тақиллаш; 2) марта; ~أو طَرْقَتَيْنِ бир ёки икки марта

– طُرْقَةٌ *кўп.* طُرَقٌ, طُرُقَاتٌ 1) йўлак, ўтиш жойи; 2) кўча

– طُرُقِيٌّ диний тариқат аъзоси, бирор тариқатга мансуб киши

– طَرُوقٌ болғаланган

– طَرِيقٌ *мз., мн.кўп.* طُرُقَاتٌ, طُرُقٌ 1) йўл, кўча; عُمُومِيَّةٌ ~ катта йўл; مَسْدُودٌ ~ боши берк кўча; طُرُقُ الْمُوَاصَلَاتِ алоқа йўллари; коммуникация; بِـ~ الْجَوِّ بِـ~ الْبَرِّ қуруқликдаги йўл орқали; ҳаво йўли орқали; عَنْ (مِنْ) ~ орқали, йўли билан, воситасида; عَنْ ~ الْإِسْكَنْدَرِيَّةِ (مِنْ) ~ Искандария (Александрия) ш. орқали; عَنْ ~ الصَّحَافَةِ матбуот воситасида; عَنْ ~ التَّأْمِيمِ миллийлаштириш йўли билан (орқали); عَنْ ~ الْعُنْفِ وَ التَّعَسُّفِ зулм ва истибдод билан; عَنْ ~ الْقُوَّةِ куч йўли билан; الـ~ اللَّبَنِيَّةُ Сомон йўли; قَاطِعُ الطُّرُقِ йўлтўсар, қароқчи; ابْنُ ~ ўғри; عَابِرُ الـ~ мусофир, ўткинчи; إِنَّهُ الـ~ الْوَحِيدُ لاَ ~ غَيْرَهُ! бу ягона йўл, бошқа йўл йўқ!; أَخَذَ ~ـهُ (қаергадир) жўнамоқ (إِلَى); 2) усул, метод; بِالطُّرُقِ السِّلْمِيَّةِ тинч йўл билан

– طَرِيقَةٌ *кўп.* طَرَائِقُ 1) йўл; 2) усул, метод, восита; ~ الْاِسْتِعْمَالِ истеъмол қилиш усули (йўли); الـ~ الْمُسْتَقِيمَةُ (ўқитишнинг) тўғри йўли (усули); الـ~ الْعَشْرِيَّةُ *мат.* ўнлик система; الـ~ (الْهِجَائِيَّةُ) الْجَبْرِيَّةُ *шахм.* алгабраик (алифболи) ёзув (нотация); الـ~ الْوَصْفِيَّةُ *шахм.* баёний ёзув (нотация); "اخْدِمْ نَفْسَكَ بِنَفْسِكَ" ~ ўз-ўзига хизмат қилиш усули; اعْلَمْهُ بِـ~ أَوْ بِأُخْرَى! буни қандай йўл билан бўлса ҳам билиб ол!; 3) диний таълимот, тариқат; الطَّرَائِقُ الصُّوفِيَّةُ суфийлик тариқати; طَرَائِقُ الْقَوْمِ элнинг обрўли одамлари

– مُطْرِقٌ сукут қилувчи; сукут сақловчи

– مِطْرَقٌ, مِطْرَقَةٌ *кўп.* مَطَارِقُ болғача, болға; ёғоч тўқмоқ; шақилдоқ; *анат.* қулоқ болғачаси; الـ~ُ وَ الْمِنْجَلُ ўроқ ва болға; كَانَ بَيْنَ الـ~ وَ السِّنْدَانِ ўт билан сув ўртасида қолмоқ (сўзма-сўз: болға билан сандон ўртасида бўлмоқ)

– مَطْرُوقٌ 1) болғаланган; 2) юрилган, юриб очиб қўйилган, юриб текисланган (йўл ҳақида); 3) энди эскириб қолган; қўлланиб бўлинган (усул, метод ҳақида); 4) тентакнамо, ўз ақли бўлмаган, ақлдан бегона

– مَطْرُوقَاتٌ *кўп.* прокат (метал ҳақида); مَصْنَعُ الـ~ прокат заводи

– مَطْرُوقِيَّةٌ болғаланганлик

– طَرْقَعَ 1) қарсиллатмоқ (қамчинни); уриб қўймоқ, тапиллатмоқ, шапиллатмоқ; (юрганда) пошнани тақиллатмоқ; 2) гумбурламоқ, тарақламоқ; 3) (тишларни) ғижирлатмоқ

– طَرْقَعَةٌ қарсиллатиш, уриб қўйиш; пошна тақиллатиш; 2) визиллаш (ўқлар ҳақида); 3) ғижирлаш

(طرم) طَرَّمَ тишни олиб ташламоқ; V تَطَرَّمَ олиб ташланмоқ, суғуриб олиб ташланмоқ

– طَارِمَةٌ *кўп.* طَوَارِمُ, ـــاتٌ 1) шийпонча; 2) будка; 3) каюта (кемада)

طَرْمَذَ кеккаймоқ, мақтанмоқ

– طَرْمَذَةٌ кеккайиш, мақтаниш

– طِرْمَاذٌ мақтанчоқ

– طُرُمْبَةٌ *кўп.* ـــاتٌ 1) насос, помпа; 2) шприц

طُرْمُوسٌ чўғга кўмиб пиширилган нон

I (طرو) طَرُوَ (у) طَرَاوَةٌ 1) янги бўлмоқ, ширадор бўлмоқ, серсув бўлмоқ; 2) юмшоқ (мулойим) бўлмоқ; طَرِيَ (а) طَرًى ;طَرُوَ 1) янгиламоқ, (мева ва б.н.ларга) ширадорлик (бикрлик) бермоқ; 2) хўлламоқ, сувламоқ; 3) юмшоқ (мулойим) қилмоқ; юмшатмоқ; IV أَطْرَى мақтамоқ, кўкка кўтармоқ; юксакка кўтармоқ; V تَطَرَّى мулойимлашган бўлмоқ

– إِطْرَاءٌ кўкка кўтариб мақташ; мақтов

– إِطْرِيَّةٌ вермишель

– طَرَاوَةٌ *ёки* طَرَاءَةٌ 1) мулойимлик; юмшоқлик; тароват; ~ الْإِهَابِ ёшлик; 2) тароватли, салқин (ҳаво, жой); 3) намлик

– طَرِيٌّ 1) мулойим; юмшоқ; 2) тароватли, салқин; нам

طِزْ *ёки* طُظْ *халқ.* туф!; бемаъни гап!; ифлос!; ёлғон!; шайтон олсин! (назар-писанд қилмаслик, масхаралаш, таҳқирлаш ва б. ларни ифодалаш учун ишлатиладиган ундов сўз); مَا يَعْرِفْشِ ~ مِنْ унинг ҳеч нарсага ақли етмайди; سُبْحَانَ اللهِ ~ مِنْ فُلَانٍ фалончи қандай ёмон одам-а; فِي ~ !... ...га тупурдим!

طَازِجٌ, طَازَجٌ алиф.б.қар.

– طَزَاجَةٌ янгилик, ҳозиргина тайёрланган (узилган) бўлиш, янгигиналик, таровати кетмаганлик

طُزْلُقٌ *кўп.* طَزَالِقُ гамаш (болдирдан товонгача қоплаб турадиган, оёқ кийим устидан тушириб қўйиладиган иссиқ пайпоқ), гетр

طَسْتٌ, طَشْتٌ *мз.мн.кўп.* طُسُوتٌ тоғора; إِبْرِيقٌ وَ ~ (ювиниш учун) кўза ва тоғора

طَسُّوجٌ *кўп.* طَسَاسِيجُ *тар.* тассуж (دَانِقٌ нинг 1/4 қисмига тенг бўлган оғирлик ва пул бирлиги)

طَسْمٌ *тар.* тасм (Арабистондаги қадимий халқ номи)

طَشٌّ майда ёмғир

– طَشَاشٌ кўришнинг кучсизлиги (хиралиги)

طَشْتٌ، طِشْتٌ *кўп.* طُشُوتٌ = طَسْتٌ; ~ الْأَيْدِي ювиниш тоғораси

طَشْطَشَ (*товада*) жазилламоқ, вашилламоқ

– طَشْطَشَةٌ жазиллаш, вашиллаш

طَصْلَقَ юзаки (шунчаки) қилмоқ, шошма-шошарлик билан қилмоқ (бажармоқ)

– طَصْلَقَةٌ шошма-шошарлик билан қилинган иш

طَطْلِي ширинликлар

طَظّ *қар.* طُزّ

I طَعِمَ (*а*) طَعْمٌ 1) емоқ; 2) оз-оз емоқ; татиб кўрмоқ (*мазасини, таъмини билиш учун*); II طَعَّمَ 1) пайванд қилмоқ, пайвандламоқ; уламоқ; эмламоқ; ~ بِلِقَاحِ الْجُدَرِيِّ чечакка қарши эмламоқ; 2) (*орасига, ичига*) ўрнатмоқ, жойламоқ; мозаика ишларини бажармоқ; ~ صِنَّارَةً қармоққа хўрак жойлаштирмоқ; IV أَطْعَمَ 1) овқатлантирмоқ, едирмоқ; 2) пишмоқ, етилмоқ; ~تِ النَّخْلَةُ хурмо етилиб қолди; V تَطَعَّمَ 1) пайвандланмоқ (*бирор н. билан*) пайвандланиб (уланиб) қолмоқ (بِ); 2) татиб кўрмоқ; X اِسْتَطْعَمَ 1) татимли (таъмли, ёқимли) деб ҳисобламоқ; татиб кўрмоқ; 2) овқатлантиришни сўрамоқ (илтимос қилмоқ)

– تَطْعِيمٌ 1) пайванд; 2) қадама нақш, мозаика

– طَعَامٌ *кўп.* أَطْعِمَةٌ таом; овқат, емаклик; ~ الْمَرِيضِ парҳез таоми; أَضْرَبَ عَنِ الـ~ очлик эълон қилмоқ; تَنَاوَلَ الـ~ овқатланмоқ, овқат емоқ; ◊ ~ لِلْمَدَافِعِ тўп еми (*уруш вақтларида беҳуда ҳалок бўладиган бегуноҳ одамлар*)

– طَعَامِيٌّ таомга (озиқ-овқатга) оид

– طَعْمٌ 1) таъм, маза; لَا ~ لَهُ таъмсиз, мазасиз, бемаза; 2) ёқимли ҳис-туйғу, ёқимлиликни ҳис қилиш; ذَاقَ مِنَ الْعَيْشِ ~يْهِ الْحُلْوَ وَ الْمُرَّ ҳаётнинг аччиқ-чучугини бошдан кечирмоқ

– طَعِمٌ таъмли, мазали, татимли

– طُعْمٌ *кўп.* طُعُومٌ 1) қармоқ учига илинтириб қўйилган хўрак; 2) пора, ришва, совға; 3) вакцина; эмлаш; الـ~ الْمُضَادُّ لِلْحَصْبَةِ қизамиққа қарши вакцина; الـ~ السَّامُّ заҳар; 4) пайвандланаётган калтак; زَيْدٌ قَلَّ ~هُ Зайднинг овқат ейиши камайди

– طُعْمَةٌ *кўп.* طُعَمٌ таом, овқат, емак; ◊ ~ لِلْمَدَافِعِ тўп еми; جَعَلْتُ هَذِهِ الضَّيْعَةَ ~ لِزَيْدٍ мен бу йўқотишни Зайдга емиш қилиб бердим; رَجُلٌ عَفِيفُ الـ~ ҳалол топиб ейдиган одам; رَجُلٌ خَبِيثُ الـ~ ҳаром топиб ейдиган одам

– طَعْمِيَّةٌ таъмия (*майдаланган ловиядан ёғда пиширилиб, устига пиёз, саримсоқ ва б. турли кўкатлар қўйиб тортиладиган овқат*)

– مِطْعَامٌ меҳмондўст, меҳмоннавоз

– مَطْعَمٌ *кўп.* مَطَاعِمُ ошхона, ресторан; кают-компания (*кемалардаги ошхона*)

– مِطْعَمٌ тез ёки кўп овқат ейдиган

– مُطَعَّمٌ 1) қадама нақш (мозаика) билан безатилган; 2) пайвандланган

I طَعَنَ (*а/у*) طَعْنٌ 1) санчмоқ, тешмоқ, (*пичоқ*) урмоқ (بِ); ~هُ مِنَ الْخَلْفِ ёки ~هُ فِي الظَّهْرِ кимнингдир орқасидан зарба бермоқ; 2) айбни очмоқ, ёмонламоқ, таҳқирламоқ, мазах қилмоқ, сўкмоқ, (*к. нидир н. нидир*) обрўсизлантирмоқ (فِي, عَلَى); ~ فِي الْحُكْمِ ҳукмдан норози бўлиб шикоят ёзмоқ; 3) рад этмоқ, (*кўргазмаларни, далилларни*) қабул этмаслик, рад қилмоқ, тан олмаслик (عَلَى); 4) *мажҳ.* ўлат билан касалланмоқ; ◊ ~ فِي السِّنِّ кекса ёшда бўлмоқ; III طَاعَنَ (*найза тутиб*) урушмоқ; VI تَطَاعَنَ курашмоқ, урушмоқ

– طَاعِنٌ 1) (*найза билан*) зарба берувчи, санчувчи; 2) таҳқирловчи, ҳақорат қилувчи, танбеҳ берувчи; ◊ ~ فِي السِّنِّ кекса, ёши улуғ

– طَاعُونٌ *кўп.* طَوَاعِينُ *мед.* тоун, ўлат; الـ~ الدُّمَّلِيُّ ёки الـ~ الْأَسْوَدُ ёки الـ~ الْبَشَرِيُّ *мед.* қора ўлат; الـ~ الْمَوَاشِي ёки الـ~ الْبَقَرِيُّ қора моллар ўлати

– طَعْنٌ *кўп.* طُعُونٌ 1) норозилик; ҳукм устидан шикоят; 2) рад этиш; لَجْنَةُ الطُّعُونِ текширувчи комиссия; мандат комиссияси

– طَعْنَةٌ *кўп.* طَعَنَاتٌ санчиш, (*найза ёки пичоқ билан*) уриш зарба бериш

– طَعِينٌ 1) (*найзадан*) зарба еган; 2) бахтсиз, бадбахт

– مَطَاعِنُ *кўп.* сўкишишлар

– مَطْعَنٌ нозик жой, заиф жой, қалтис жой

– مَطْعُونٌ 1) (*найзадан*) зарба еган; ўлат билан касалланган; !~ ўлат!, вабо! (*сўкиш*)

طُغْرَاءُ *кўп.* طُغْرَاءَاتٌ، طُغْرَيَاتٌ туғро, тамға, герб

– طُغْرَاءُ = طُغْرَى

طَغَامٌ оддий одамлар, авом, омма

– طُغْمَةٌ *кўп.* طُغَمٌ، ~اتٌ — тўда, гуруҳ, шайка, нияти бузуқлар тўдаси; الـ~ الْمَالِيَّةُ молиявий тўда (гуруҳ)

I طَغَا (طغو) (*у/а*) طُغْيَانٌ 1) қирғоқлардан тошмоқ (*дарё ҳақида*); қутурмоқ, туғёнга келмоқ (*денгиз ҳақида*); 2) чегарадан чиқмоқ, ҳаддан ошмоқ, тўлиб-тошмоқ, туғёнга келмоқ (*туйғу ҳақида*); 3) адолатсизлик қилмоқ, зулм қилмоқ; 4) ахлоқий жиҳатдан бузилмоқ; طَغَى (*а*) طَغَا; طَغَى ~ الْمَاءُ عَلَيْهَا ؛ у (аёлни) сув босиб кетди

– طَاغٍ *мн.* طَاغِيَةٌ 1. 1) қирғоқлардан тошиб кетувчи (*дарё ҳақида*); қутурувчи, кучли; رَغْبَةٌ ~يَةٌ енгиб бўлмас истак; 2) қонунсизлик (адолатсизлик) қилувчи; 2. *кўп.* طُغَاةٌ мустабид, золим, зувчи;. طُغَاةُ النِّفْطِ нефть магнатлари (*йирик нефть саноатчилари*)

– طَاغُوتٌ *кўп.* طَوَاغِيتُ 1) шайтон; 2) санам, бут; ◊ طَوَاغِيتُ الْمَالِ капитал магнатлари; طَوَاغِيتُ الْاحْتِكَارَاتِ монополия бошлиқлари

– طَاغِيَةٌ[1] *кўп.* طَوَاغٍ эзувчи, мустабид

– طَاغِيَةٌ[2] момақалдироқ

– طُغْيَانٌ = طَغْوَى

– طَغْيٌ (*дарё*) тошқини

– طُغْيَانٌ 1) тошқин, туғён; 2) адолатсизлик, қонунсизлик; истибдод; 3) зулм билан келган ҳокимият

I طَاقَ (طوق) (у) طَوْقٌ тоқат қилмоқ, чидаб келмоқ, чидаб ўтказмоқ, чидамоқ; لَا يُطَاقُ тоқат қилиб (чидаб) бўлмайдиган; II طَوَّقَ 1) айлантириб ўраб қўймоқ; тўсиб қўймоқ; девор айлантирмоқ; *ҳарб.* атрофга бирор нарса уймоқ, мусоҳара (блокада) қилмоқ, ўраб (қуршаб) олмоқ; 2) маржон (шода) тақмоқ; 3) (*бирор н., мас., вафот этган киши сурати*) атрофини лента, ҳошия билан ўрамоқ; ~ خَصْرَهُ *ёки* ~هُ بِذِرَاعَيْهِ кимнидир қучмоқ, қучоқламоқ; ~ الْبَرَامِيلَ бочкага гардиш қоқмоқ; ~ الطُّيُورَ қушларни ҳалқаламоқ; ~ عُنُقَهُ *маж.*(*к. нидир н. гадир*) масъул этмоқ (بِ); إِنَّ جَمِيلَكَ يُطَوِّقُ عُنُقِي *маж.* сенинг илтифот (марҳамат) ларинг менинг зиммамга кўп масъулият юклайди; 4) (*кумуш идишни*) сочиқ билан артмоқ (لِـ); IV أَطَاقَ 1) эпламоқ, эплай олмоқ, қўлдан келмоқ; مَا ~ صَبْرًا عَلَى ... тоқат қилолмаслик, (*н. гадир*) чидай олмаслик; 2) тоқат қилмоқ, чидам билан ўтказмоқ; V تَطَوَّقَ 1) ўзига маржон (шода) тақмоқ, ёқа тақмоқ; ~ بِحَلْقَةِ الْمَطَّاطِ (*сувда сузаётган пайтда*) белга резина чамбарак кийиб олмоқ; 2) юмалоқ (чамбарак) бўлиб олмоқ (*илон ҳақида*); VII انْطَاقَ бошқалар тоқат қила оладиган (чидай биладиган, бирга бўла оладиган) бўлмоқ; مَا يَنْطَاقُ тоқат қилиб бўлмайдиган, чидаб бўлмайдиган, бирга туриб бўлмайдиган

– إِطَاقَةٌ (*бирор н. қилишга*) етадиган куч, малака; тоқат, чидам

– تَطْوِيقٌ ўраб олиш, мусоҳара (блокада)

– طَاقٌ *кўп.* طِيقَانٌ, ـَاتٌ — 1) тоқ, арка; 2) қатлам, қават, тахлам; 3) дафъа, марта

– طَاقَةٌ[1] *кўп.* طِيقَانٌ, ـَاتٌ — дераза; *ҳарб.* амбразура; ~ الْأَنْفِ *ёки* ~ الْعِرْنِينِ бурун каваги, тешиги

– طَاقَةٌ[2] *кўп.* ـَاتٌ — 1) куч, қувват; қувватлилик; энергия; الـ~ ~ُ الْحَرَكَةِ кинетик энергия; الـ~ُ الْإِنْتَاجِيَّةُ لِلْمَصْنَعِ заводнинг ишлаб чиқариш қуввати; الـ~ُ الْكَهْرَبَائِيَّةُ электр энергияси; الـ~ُ الذَّرِّيَّةُ атом энергияси; الـ~ُ الْمُخْتَزِنَةُ فِي النَّوَاةِ ички ядро энергияси; الـ~ُ الْمَائِيَّةُ сув энергияси; الـ~ُ النَّوَوِيَّةُ ядро энергияси; أَدَّى وَاجِبَهُ إِلَى أَقْصَى ~ـهِ ўз бурчини ғайрат билан бажармоқ; 2) малака; 3) тоқат, чидам; ◊ ~ الـ~ عَلَى قَدْرِ الـ~ *ёки* قَدْرَ الـ~ куч-қувват етганича, имконият борича; لَا ~ لِي менинг куч-қувватим йўқ; عَمِلَ جُهْدَ ~ـهِ мумкин бўлган ҳамма ишни қилмоқ; ~ الـ~ جُهْدَ *қар.* جُهْدٌ

– طَاقَةٌ[3] *кўп.* ـَاتٌ — 1) даста (*мас., гул дастаси*), букет; 2) (*мато*) донаси; ўрам (рулон)

– طَاقِيٌّ энергетик; الصِّنَاعَةُ الـ~ـةُ энергетика саноати

– طَاقِيَّةٌ *кўп.* طَوَاقِيُّ тақия, дўппи

– طَوْقٌ[1] = إِطَاقَةٌ; لَمْ يَعُدْ لَهَا بِاحْتِمَالِهِ ~ у (аёл) энди бунга тоқат қила олмас эди

– طَوْقٌ[2] *кўп.* أَطْوَاقٌ 1) маржон, шода; 2) ёқа; бўйин, гардан; عَظْمَةُ الـ~ бўйин (гардан) суяги; 3) бўйинбоғ (*мас., итдаги*); فَكَّ ~ الْعُزْلَةِ *маж.* (*н. нидир*) узлатдан чиқармоқ (қутқармоқ, бўшатмоқ (عَنْ); 4) ҳалқа; الـ~ُ الْبُولِيسِيُّ полиция ҳалқаси; 5) (*бочка*) чамбараги; 6) чамбарак; ~ النَّجَاةِ қутқарув чамбараги; 7) гуруҳ, (одамлар) доираси; 8) *полигр.* рама (*терилган ҳарфларни сиқиб жойлаштириб турадиган жиҳоз*); ◊ فِي ~نَا أَنْ ... биз ...га мажбурмиз, биз ...ни қилишимиз керак (лозим)

– طَوْقِيٌّ ҳалқасимон; маржон (шода) ға ўхшаш

– مُطَاقٌ тоқат қилса (чидаса) бўладиган; غَيْرُ ~ тоқат қилиб бўлмайдиган, чидаб бўлмайдиган, тоқатдан ташқари

– مُطَوَّقٌ 1) ўраб олинган; 2) маржон (шода) таққан; ◊ ~ حَمَامٌ *қар.* حَمَامٌ

I طَالَ (طول) (у) طُولٌ 1) давомли, узун муддатли бўлмоқ, чўзилмоқ, давом этмоқ; مَا ~ анча, анчадан, буён (бери), аллақачондан бери (буён), узоқ, тез-тез; ~ عَلَيْنَا الْوَقْتُ! кутиш вақти биз учун жуда чўзилиб кетди!; وَلَمْ يَطُلِ الِانْتِظَارُ кўп (узоқ) кутишга тўғри келмади; لَمْ يَطُلْ عَلَيْهِ مَطَالٌ حَتَّى تُوُفِّيَ у кўпга чидамади ва тезда вафот этди; سَيَنْجَحُ ~ الزَّمَنُ أَوْ قَصُرَ эртами-кечми у муваффақиятга эришади; 2) узун, чўзиқ; новча, найнов,

дароз) бўлмоқ; مَنْ تُطَالُهُ الْيَدُ ким қўлга тушса; II طَوَّلَ 1) чўзмоқ, узун қилмоқ; لِسَانَهُ ~ тилини узун қилмоқ; 2) (*бирор н. ни*) узоқ муддатда бажармоқ (*чўзиб юрмоқ; чўзиб юбормоқ (мас., бирор воқеа ҳақидаги ҳикояни*); 3) муддатни кечиктирмоқ; طَوِّلْ بَالَكَ عَلَيَّ чида!, тоқат қил!, чидаб тур!; III طَاوَلَ 1) новча (найнов, дароз) бўлишга интилмоқ, бўй бўйлашмоқ; куч синашмоқ; 2) (*к. гадир*) баланддан келиб муомала қилмоқ (عَلَى); 3) орқага суришга (кечиктиришга, чўзишга) ҳаракат қилмоқ; بَالَهُ ~ чидамли (сабрли, тоқатли) бўлмоқ; 4) (*бирор н. устида*) узоқ вақт (муддат) ўтирмоқ, (*н. нидир*) узоқ вақт (муддат) да бажармоқ; IV أَطَالَ 1) узайтирмоқ, чўзмоқ; اللهُ فِي عُمْرِهِ ~ *ёки* اللهُ بَقَاءَهُ! ~ Оллоҳ унга умр берсин (умрини узун қилсин)!; التَّفْكِيرَ ~ (*н. ҳақидадир*) узоқ фикр қилмоқ; النَّظَرَ إِلَى ... ~ ...га узоқ тикилмоқ, назар солиб турмоқ; (فِي) 2) чўзмоқ; 3) (*н. нидир*) узоқ муддатда (узоқ вақт) қилмоқ; ~تِ الْمَرْأَةُ аёл узун бўйли бола туғди; V تَطَوَّلَ 1) узаймоқ; 2) чўзилмоқ; VI تَطَاوَلَ 1) чўзилишга ҳаракат қилмоқ, оёқ устида турмоқ; (*қаергадир*) чўзилмоқ (إِلَى); 2) (*бирор н. га*) чўзилмоқ, интилмоқ (إِلَى); أَعْنَاقُهُمْ إِلَى ... ~ (*бирор н. ни*) хиралик билан (қўярда-қўймай) талаб қилмоқ; الْعَهْدُ ~ кўп вақт (замон) ўтиб кетди; 3) қасд қилмоқ, ташланмоқ, ҳужум қилмоқ, кимгадир қарши бормоқ (عَلَى); 4) қўрс (қўпол, дағал) бўлмоқ; بِالْكَلَامِ ~ (*к. нидир*) сўкмоқ, ҳақорат қилмоқ (عَلَى); بِالضَّرْبِ (بِالشَّتْمِ) ~ (*к. гадир*) мушт билан (сўкиниш билан) таҳдид қилмоқ (عَلَى); VII انْطَالَ бирор киши *ёки* нарса таъсирида тез ўзгарадиган бўлмоқ; алданмоқ, илинмоқ, тушиб (илиниб) қолмоқ; عَلَى حِيلَتِهِ ~ кимнингдир ҳийласига алданмоқ, кимнингдир тузоғига илинмоқ (тушмоқ); X اسْتَطَالَ 1) новча (дароз, найнов) бўлмоқ, узаймоқ; чўзилмоқ (*мас., нохуш хабар эшитган вақтдаги юз ҳақида*); 2) новча (дароз, найнов) деб ҳисобламоқ; 3) (*бирор н. ни*) узоқ вақт бажармоқ (عَلَى); 4) (*к. билан дир*) такаббурона (мутакаббирлик билан, кеккайиб) муомала қилмоқ (عَلَى); صَالَ وَ ~ жанжал-тўполон қилмоқ ва зулм ўтказмоқ

– اسْتِطَالَةٌ 1) чўзинчоқроқлик, новчароқлик; 2) узунлик; 3) такаббурлик, мутакаббирлик, кеккайиш, димоғдорлик, калондимоғлик

– إِطَالَةٌ 1) чўзиш, чўзилтириш, узайиш, узайтириш; الْعُمْرِ ~ умрни узайтириш; 2) узунлилик; чўзилганлик, тафсилот

– أَطْوَلُ *кўп.* أَطَاوِلُ *мн.* طُولَى *кўп.* طُوَلٌ энг узун; السَّبْعُ الطُّوَلُ = السَّبْعُ الطِّوَالُ (*қар.* طَوِيلٌ)

– تَطَاوُلٌ узунлик; масофа; الْعَهْدِ (الزَّمَنِ) ~ узоқ ўтмиш

– تَطْوِيلٌ узунлик, чўзиқлик; тафсилот; فِي هَذَا الْكِتَابِ ~ бу китобда тафсилотлар кўп; دُونَ ~ وَ لَا إِيجَازٍ! узун ҳам, қисқа ҳам эмас!

– طَائِلٌ[1] катта, ғоят кўп (*пул ҳақида*)

– طَائِلٌ[2] 1) фойда, даромад; عَلَى غَيْرِ ~ бефойда, фойдасиз; مُنَاقَشَةٌ لَا ~ تَحْتَهَا бефойда тортишувлар (мунозаша); 2) куч, қувват

– طَائِلَةٌ 1) ҳокимият; куч, (*конун*) таъсири; 2) душманлик

– طَاوِلَةٌ *кўп.* ~ اتٌ — 1) пешхон, хонтахта, стол; 2) *шунингдек.* الزَّهْرِ ~ нард; لُعْبَةُ الـ~ нард; حِجَارَةُ الـ~ шашка, дамка; 3) отхона

– طَوَالٌ, طِوَالٌ давомлилик, давом этиш вақти (муддати); طَوَالَ الْوَقْتِ ~ ... *ёки* ... طَوَالَ ...нинг давомида, ...нинг вақтида; الْوَقْتِ ~ доимо, ҳамма вақт; الطَّرِيقِ ~ бутун йўл давомида; اللَّيْلِ (النَّهَارِ) ~ бутун тун (бутун кун) бўйи; هَذِهِ الْمُدَّةِ ~ шу муддат ичида; عَقْدٍ ~ مِنَ السِّنِينَ ўнлаб йиллар давомида; لَا رَأَيْتُهُ ~ الدَّهْرِ уни ҳеч қачон кўрмасликка ҳаракат қиламан

– طَوَّالَةٌ тоғора; охур; оғилхона

– طَوَّالَةٌ ёғочоёқ

– طُوَّالِيٌّ чўзилган; тўғри; الْخَطُّ الـ~ *т.-й.* магистрал; قِطَارٌ ~ тўппа-тўғри борадиган поезд

– طَوْلٌ қувват, куч, қудрат; أُولُوا الـ~ وَ الْحَوْلِ анча қудратли одамлар; لَا حَوْلَ لَهُ وَ لَا ~ кучсиз, қувватсиз

– طُولٌ *кўп.* أَطْوَالٌ 1) давом этиш вақти, давом этиш муддати; الْوَقْتِ ~ муддат; الْبَالِ ~ *ёки* الْأَنَاةِ ~ узоқ чидамлилик; الْعُمْرِ ~ узоқ умр; وَ لَكُمْ ~ الْبَقَاءِ! сизга узоқ умр тилайман!; تَقَهْقُرٌ عَلَى ~ الْخَطِّ бутун линия (фронт) бўйлаб чекиниш; 2) масофа; баланд бўй; *геогр.* узунлик; مُتَوَسِّطُ الـ~ ўрта бўйли; اللِّسَانِ ~ *кўч.м.* а) узунтил; б) қўрслик, дағаллик, қўполлик; ضَاعَ عَقْلُهُ فِي ~هِ *мқл.* Худо бўй берибди-ю, ақл бермабди (*сўзма-сўз: унинг ақли ҳам бўйига кириб кетган*); فِي ~ الْبِلَادِ وَ عَرْضِهَا бутун мамлакат бўйлаб (бўйича); ~اً وَ عَرْضاً эни ва чуқурлигига, эни ва бўйига; عَلَى الـ~ тўппа-тўғри, бевосита; عَلَى ~ *ёки* ~اً энига, кўндалангига; عَلَى ~ الشَّاطِئِ қирғоқ (соҳил) бўйлаб

– طُولَ вақтида, давомида, муддатида, мобайнида; أَشْهُرٍ ~ السَّنَةِ ой-йил давомида, бутун йил бўйи; السَّنَةِ ~ бутун йил давомида; عُمْرِهِ ~ бутун умри давомида; مَا ~ *халқ.* ҳозирча, кўришгунча (хайр)

– طُوَّلٌ *зоол.* акатка

– طِوَالٌ уй ҳайвони боғланадиган арқон (арғамчи)

– طُولَانِيٌّ узунликка оид; энга оид; узунлик (масофа) ўлчовига оид; الْخَطُّ الـ~ *геогр.* узунлик; الْمِتْرُ الـ~ узунлик метри; قِطَاعٌ ~ энига қирқилган

– طَوِيلٌ *кўп.* طِوَالٌ 1. 1) узоқ; الْأَنَاةِ ~ *ёки* الرُّوحِ ~ узоқ чидай оладиган; الْعُمْرِ ~ узоқ умр кўрган, умри узоқ; ~اً узоқ вақт

давомида, узоқ; 2) узун, баланд бўйли, новча, дароз, найнов; ~ الْأَجَلِ узоқ муддатли; ~ الْبَاعِ лаёқатли; кучли; ~ الْعُمْرِ узоқ умр кўрган, умри узоқ; ~ الْقَامَةِ қомати баланд, узун, баланд бўйли, новча, дароз; ~ اللِّسَانِ *кўч.м.* а) узун тилли, тили узун; б) қўрс, дағал, қўпол; ~ الْيَدِ *кўч.м.* қўли қинғир; السَّبْعُ الطِّوَالُ *дин.* Қуръони каримнинг етти узун сураси (*II-VIII суралар*); 2. тавил (*аруз баҳрларидан бири*)

– طَوِيلَةٌ узун қасида

– طِيلَةٌ давомат; вақт, муддат; ~ مُدَّةَ الْحَرْبِ уруш давомида, уруш бораётган вақтда; ~ نِصْفِ قَرْنٍ ярим аср давомида (мобайнида)

– مُسْتَطِيلٌ 1. узун бўйлироқ; узун қилинган, узунлаштирилган; 2. тўғри бурчак

– مِطَالٌ чўзилиш; طَالَ بِهِمْ ~ الْحَدِيثِ уларнинг суҳбати узоқ чўзилди (чўзилиб кетди)

– مُطَاوِلٌ чўзилган; узунбўйлироқ, новчароқ, найновроқ

– مُطَاوَلَةٌ 1) чўзилиш, чўзиш; الـ~ وَ الصَّبْرُ узоқ вақт чидаш, узоқ вақтли чидам (сабр-тоқат) ўзини тута билиш; 2) таҳдид, таҳдид қилиш; 3) қўполлик, қўрслик, ҳақорат, таҳқир; 4) дўқ, пўписа, қўрқитиш

– مُطَوَّلٌ 1) узоқ; 2) узун; чўзилган; 3) муфассал, тафсилотли; мукаммал, кенг, атрофлича; بِشَكْلٍ ~ муфассал (равишда), атрофлича

– مُطَوَّلَةٌ *кўп.* ـاتٌ — қасида

طُومَارٌ *кўп.* طَوَامِيرُ *қар.* طمر

طَوَانٌ *кўп.* ـاتٌ — шип, уйнинг тепаси

I (طوى) طَوَى (*и*) طَيٌّ 1) тахламоқ, букмоқ; ўрамоқ; ўраб қўймоқ; ўраб-чулғамоқ; ~ الْبِئْرَ بِالْحِجَارَةِ қудуқ атрофини тош (ғишт) билан ўраб қўймоқ; 2) (*вақт*) ўтказмоқ, йўқотмоқ; 3) (*қандайдир масофани*) тез босиб ўтмоқ; تَطْوِي السَّيَّارَةُ طَيًّا *мажз.* автомобиль йўлнинг танобини тортиб қўяди (*сўзма-сўз:* автомобиль йўлни ейди); 4) пинҳон (яширин) тутмоқ, яширмоқ ~ كَشْحَهُ عَلَى ... *қар.* كَشْح; ~ كَشْحَهُ عَنْ ... *қар.* كَشْح; يَطْوِي اللَّيْلُ النَّهَارَ кундан сўнг тун келади; طُوِيَتْ هَذِهِ الصَّحِيفَةُ عَلَى الْكِتْمَانِ *мажз.* бу саҳифа унутилишга маҳкум этилди; هَلْ طُوِيَتْ صَفْحَتُهُ *мажз.* наҳотки (чиндан ҳам) бу унутилишга маҳкум этилган бўлса?!; طَوَاهُ الزَّمَنُ бу унутилиб кетди; طَوِيَ (*а*) طَوًى оч бўлмоқ, оч қолмоқ; IV أَطْوَى оч юрмоқ; V تَطَوَّى чамбарак бўлиб ўралиб олмоқ (*илон ҳақида*); VII انْطَوَى 1) ўралмоқ, букланмоқ; 2) ўтмоқ (*вақт ҳақида*); чўзилиб кетмоқ (*масофа ҳақида*); 3) таркибида (*н. дир*) яширмоқ, (*н. гадир*) эга бўлмоқ (عَلَى); 4) одамови (*бошқаларга аралашмайдиган*) бўлмоқ, бировдан сирини яширадиган (дамдуз) бўлмоқ; ~ عَلَى نَفْسِهِ мутлақо одамови бўлиб қолмоқ, ўзи билан ўзи бўлмоқ; 5) (*н. гадир*) йўналтирилган бўлмоқ (عَلَى)

– انْطِوَاءٌ 1) ўзи билан ўзи бўлиш; одамовилик; الـ~ عَلَى الذَّاتِ *ёки* الـ~ الذَّاتِيُّ (النَّفْسِ) одамови бўлиш, ўзи билан ўзи бўлиш; 2) эгилувчанлик, букилувчанлик, қайишқоқлик (пластиклик)

– انْطِوَائِيٌّ одамови, дамдуз

– انْطِوَائِيَّةٌ 1) одамовилик, дамдузлик; букилувчанлик, букилувчанлик хусусиятига эга бўлиш, қайишқоқлик, пластиклик

– طَاوٍ *мн.* طَاوِيَةٌ 1) оч, очиққан, оч қолган; орик; ~ ي الْحَشَى (الْبَطْنِ) қорнида ҳеч вақо йўқ, оч, очиққан; 2) ўралиб оладиган (қоладиган), букиладиган

– طَاوِيَةٌ *кўп.* ـاتٌ — това

– طَوَوِيَّةٌ букилувчанлик, қайишқоқлик, пластиклик

– طَوًى[1] очлик; الـ~ عَلَى тўяр-тўймас, очин-тўқин

– طَوًى[2] *кўп.* أَطْوَاءٌ бурилиш, муюлиш, бурилган жой, эгри-бугри илонизи; ◊ فِي أَطْوَاءِ النَّفْسِ *ёки* فِي أَطْوَائِهِ юрак тўрида, дил қаърида

– طَوِيَّةٌ *кўп.* طَوَايَا 1) (*яширин, пинҳоний*) ният, мақсад; 2) юрак, дил, кўнгил, қалб; виждон; حُسْنُ الـ~ яхши ният; صِدْقُ الـ~ сидқидиллик, оқ кўнгиллилик, самимийлик; سَلِيمُ الـ~ содда, соддадил; 3) тахлаш, тахланиш; йиғилиш, йиғиштириш, йиғиштирилиш

– طَيٌّ тахланиш, ўралиб олиш (қолиш); ◊ طَيَّهُ *ёки* فِي طَيِّهِ *ёки* ~ هَذَا шу билан бирга, айни вақтда, айни заманда; تَحْتَ ~ الْكِتْمَانِ яширин равишда, пинҳоний; بَقِيَ فِي ~ الْكِتْمَانِ номаълум бўлиб турмоқ (қолмоқ); яширин (пинҳон) бўлиб қолмоқ; حَمَلَ فِي ~ هِ таркибида (*н. нидир*) яширмоқ, (*н. дир*) бор бўлмоқ

– طَيَّانُ = طَاوٍ

– طَيَّةٌ *кўп.* ـاتٌ — тахлаш, тахланиш; ~ مُحَدَّبَةٌ *геол.* қавариқ томони юқорига қараган тоғ жинслари бурмаси, антиклинал; ~ مُقَعَّرَةٌ *геол.* қавариқ томони пастга қараган тоғ жинслари бурмаси, синклинал; ◊ حَمَلَ فِي طَيَّاتِهِ ўзида (*н. нидир*) яширмоқ, (*таркибида н. дир*) бор бўлмоқ; لَا نَعْرِفُ مَا يَطْوِيهِ الْمُسْتَقْبَلُ بَيْنَ طَيَّاتِهِ истиқболда (келгусида) буни нима кутаётганини билмаймиз

– طِيَّةٌ *кўп.* ـاتٌ — мақсад, ният; иш, амал; مَضَى لِـ~ـهِ (*қаергадир*) ўз мақсадини амалга ошириш учун жўнамоқ

– مِطْوَاةٌ *кўп.* مَطَاوٍ қаламтарош, пакки (қайирма пичоқча)

– مَطْوًى *кўп.* مَطَاوٍ букилган жой; бурилиш, муюлиш; ◊ فِي مَطَاوِيهِ (*н. нингдир*) ичида; قَرَأَ فِي مَطَاوِي سُطُورِ الْكِتَابِ ёзилган сатрларнинг яширин (асл) маъносини тушунмоқ (*сўзма-сўз:* сатрлар ичида ёзилган нарсани ўқимоқ)

– مِطْوَاةٌ = مَطْوًى

– مَطْوِيٌّ 1) букланган; тахланган, тахлаб қўйилган; خَيْمَةٌ ~ـَةٌ букланадиган (тахланадиган) чодир; 2) яширинган; сирли, махфий; номаълум

– مُنْطَوٍ *мн.* مُنْطَوِيَةٌ ўралиб олган, ўраб қўйилган; ~ عَلَى نَفْسِهِ одамови, дамдуз

I طَابَ (*и*) طِيبٌ، طِيبَةٌ (طيب) 1) яхши (ёқимли) бўлмоқ; ёқмоқ ~ عَنْهُ نَفْسًا хурсанд (қониққан, бахтли) бўлмоқ; ~ نَفْسًا ниманидир ташламоқ, нимадандир воз кечмоқ, ниманидир тарк этмоқ (рад этмоқ); ... فَلَا يَطِيبُ لَهُ عَيْشٌ إِلَّا إِذَا ... бўлмаса, унинг учун яшашнинг маъноси йўқ; ... يَطِيبُ لِي أَنْ أُحَدِّثَكُمْ أَنْ сизга шуни айтиш мени хурсанд қиладики, ...; ~ مَسَاؤُكُمْ! хайрли оқшом!, оқшомингиз хайрли бўлсин!; ~ تْ لَيْلَتُكَ! хайрли тун!, тунингиз хайрли бўлсин!; ~ يَوْمُكَ! хайрли кун!, кунингиз хайрли бўлсин!; 2) соғаймоқ, (*касалдан*) тузалмоқ; 3) пишиб етилмоқ; II طَيَّبَ 1) яхши қилмоқ, ёқимли қилмоқ, яхшиламоқ; ~ خَاطِرَهُ кимнидир тинчлантирмоқ (юпатмоқ); ~ لِخَاطِرِهِ кимгадир ёқадиган (манзур бўладиган) иш қилмоқ, яхшилик қилмоқ; ~ الطَّعَامَ овқатга қайла солмоқ; 2) (*атир*) сепмоқ; 3) даволамоқ, тузатмоқ; III طَايَبَ (*бирор к. билан*) муомалада хушхулқ (ёқимли) бўлмоқ; вақтини чоғ қилмоқ, ўйнатмоқ, хурсанд қилмоқ; ~ هُ بِنَوَادِرَ латифалар билан кимнингдир вақтини чоғ қилмоқ (кулдирмоқ); IV أَطَابَ яхши (ёқимли) қилмоқ; яхшиламоқ; IV أَطْيَبَ (*бирор н. ни*) яхши (ёқимли) деб ҳисобламоқ; مَا ~ هُ! қандай ёқимли!, қандай яхши!; V تَطَيَّبَ ўзига атир сепмоқ; X اسْتَطَابَ *ёки* اسْتَطْيَبَ 1) (*н. нидир*) яхши (ёқимли) деб ҳисобламоқ; роҳат қилмоқ, ҳузур қилмоқ, лаззат олмоқ, мазза қилмоқ; 2) истинжо қилмоқ (*Наманган шевасида:* мустаҳаб қилмоқ)

– أَطْيَبُ *мн.* طُوبَى *кўп.* أَطَايِبُ 1) энг яхши; энг ёқимли; 2) энг мазали; أَطَايِبُ الْأَشْيَاءِ танқис таомлар, нозик таъб билан тайёрланган таомлар

– طَابٌ *алиф.б.қар.*

– طَابَةٌ *алиф.б.қар.*

– طُوبَاوِيٌّ، طُوبَانِيٌّ 1. хаёлий, утопик; 2. хаёлпараст, утопия тарафдори

– طُوبَى 1) яхшилик, эзгулик; бахт-саодат, ҳузур-ҳаловат, роҳат-фароғат, бахтиёрлик; طُوبَاكَ! а) сен бахтлисан!; б) ош бўлсин!; 2) тубо (*жаннатдаги дарахтнинг номи*)

– طَيَابٌ шимол шамоли

– طِيبٌ 1) ёқимлилик; ёқимли бўй (ҳид), муаттар бўй; 2) атир, хушбўй модда, муаттар нарса, тутатқи; ◊ جَوْزَةُ الـ~ мускат ёнғоғи (*қар.* جَوْزَةٌ); عَنْ ~ خَاطِرٍ ўз ихтиёри билан, чин дилдан

– طَيِّبٌ 1) яхши, ёқимли, мазали; ~! яхши!, қандай яхши!, бунча яхши!; ~ الْخُلُقِ марҳаматли, раҳмдил, меҳрибон, мунис, яхши; хушхулқ, мулойим, кўнгилчан; ~ الذِّكْرِ яхши сўзлар билан хотирланадиган, (эсга олинадиган); ~ النَّفْسِ мамнун, мамнуният ҳосил қилган, хурсанд бўлган, қониққан; أَشَارَ إِلَيْهِ بِكَلِمَةٍ ~ ةٍ кимнидир яхши сўзлар билан хотирламоқ (хотирга олмоқ); 2) соғ-саломат юриш; ◊ كُلُّ سَنَةٍ وَ أَنْتَ ~! янги йилингиз қутлуғ (муборак) бўлсин!

– طِيبَةٌ 1) ёқимлилик; 2) олийжаноблик, марҳаматлилик; فِي ~ *ёки* بِـ~ хайрихоҳлик билан, яхшилик истаб; ◊ عَنْ ~ خَاطِرٍ чин дилдан, катта истак (хоҳиш) билан, жон-жон деб

– طَيِّبَةٌ *кўп.* атир; хушбўй моддалар, муаттар нарсалар, тутатқилар

– مُسْتَطَابٌ яхши, ёқимли, гўзал; ~ ثَنَاءٌ юксак мақтов

– مُطَيِّبَاتِيٌّ *кўп.* مُطَيِّبَاتِيَّةٌ клакёр (*ёлланма олқишчи ёки ёлланма хуштакбоз*)

– مُطَيِّبٌ ютуққа (муваффақиятга) эришишда ёрдам берувчи (қўллаб-қувватловчи, ҳамкор бўлувчи)

I طَاحَ (*и*) طَيْحٌ (طيح) йўқолмоқ, ҳалок бўлмоқ; ~ رَأْسُهُ у бошини йўқотиб қўйди (қўйибди); у эсини йўқотган одамдай юрибди; II طَيَّحَ 1) йўлдан адаштирмоқ; 2) йўқотмоқ

I طَارَ (*и*) طَيَرَانٌ، مَطَارٌ (طير) 1) учмоқ; ~ بِالطَّائِرَةِ самолётда учмоқ; 2) (*н. билан*дир) учиб кетмоқ (بِ); (*н. нидир*) тез олиб кетмоқ (بِ); (*к. нингдир* олдига боришга) шошмоқ, шошилмоқ (إِلَى); ◊ ~ (ذَاعَ) ذِكْرُهُ فِي كُلِّ مَكَانٍ ؛ صِيتُهَا ~ *қар.* унинг шуҳрати ҳамма жойга тарқалиб кетди; ~ عَقْلُهُ ақлдан озмоқ; ~ قَلْبُهُ қаттиқ қўрқмоқ; ~ لُبُّهُ ақлдан айрилмоқ; ~ تْ نَفْسُهُ شَعَاعًا *қар.* شَعَاعٌ; قَلْبُهُ شَعَاعًا *қар.* شَعَاعٌ; ~ مِنَ الْفَرَحِ шодликдан ўзини унутмоқ; ~ سُرُورًا шодликдан ирғишламоқ; II طَيَّرَ учишга мажбур қилмоқ *ёки* учирмоқ; (*қушларни*) ҳайдамоқ, ҳайдаб (қувлаб) юбормоқ; тез (зудлик билан) жўнатмоқ; ~ حَمَامَاتٍ кабутарларни учирмоқ, учириб (қўйиб) юбормоқ; ~ الطَّيَّارَةَ варрак (варварак, бодпарак) учирмоқ; ~ الْبَرْقِيَّةَ (*к. гадир*) телеграмма жўнатмоқ (إِلَى); ~ الْخَبَرَ хабар тарқатмоқ; ~ رَأْسَهُ бошини олмоқ (кесмоқ); IV أَطَارَ учишга мажбур қилмоқ; ~ مِنْ يَدِهِ қўлдан уриб туширмоқ; ~ رَأْسَهُ бошни олмоқ; 2) ҳайдаб чиқармоқ, ҳайдаб юбормоқ; ~ النَّوْمَ مِنْ عَيْنَيْهِ *ёки* ~ نَوْمَهُ уйқуни қочирмоқ (учирмоқ); V تَطَيَّرَ ярамас (ёмон) деб қарамоқ (*н. нидир*) ёмон аломат деб ҳисобламоқ (بِ، مِنْ); VI تَطَايَرَ бошқалар билан бирга учмоқ; сочилиб кетмоқ, тўкилиб кетмоқ (*қум ҳақида*); учиб кетмоқ (*эфир мойи ҳақида*); йўқолмоқ, буғланиб кетмоқ (*шудринг ҳақида*); X اسْتَطَارَ 1) ҳар томонга учиб (тарқалиб) кетмоқ; ~ تْ شُهْرَتُهُ у жуда тез шуҳрат тутди; 2) тез чиқариб олмоқ, қўлга туширмоқ; 3) қўрқитиб юбормоқ (*мас., қушни*); *мажҳ.* қўрқмоқ, даҳшатга тушмоқ; ~ قَلْبِي مِنْ أَجْلِكَ сени деб (сен учун) қўрқдим (қўрқиб кетдим)

– اسْتِطَارَةٌ сочилиш, тарқалиш, тарқаш

– طَائِرٌ[1] учиб борувчи, учиб бораётган; إِشَارَةٌ ~ ةٌ бир лаҳзали

ишора; ◊ الصِّيتِ ~ атоқли, машҳур, шуҳратли; سَاكِنُ (هَادِئُ) الـ~ оғир, вазмин, ювош, беозор; مَيْمُونُ الـ~ бахтли, бахтиёр; عَلَى الـ~ الْمَيْمُونِ! ёки الْمَيْمُونِ! سِرْ عَلَى الـ~ саёҳатингизга оқ йўл тилайман!, оқ йўл!; أَكَلَ شَيْئًا عَلَى الـ~ бирор нарса еб олмоқ, енгилгина овқатланмоқ; طَارَ ~ـهُ аччиқланмоқ; هَدَّأَ ~ـهُ кимнидир тинчлантирмоқ

– طَائِرٌ[2] кўп. طُيُورٌ, طَيْرٌ қуш; الـ~ астр. Алтоир (*юлдузлар туркуми*); الْإِنْسَانِ ~ инсоннинг бу дунёда қилган ишлари (амаллари)

– طَائِرَةٌ кўп. ـاتٌ самолёт, тайёра; الْاِسْتِكْشَافِ ~ разведкачи самолёт; الْإِنْقِضَاضِ ~ шўнғиб учувчи бомбардимончи самолёт; ~ بَحْرِيَّةٌ денгиз авицияси самолёти; بِدُونِ طَيَّارٍ ~ радио орқали бошқариладиган самолёт; الرُّكَّابِ ~ حَرْبِيَّةٌ ~ ҳарбий самолёт; пассажир самолёти; شِرَاعِيَّةٌ (سَحَّابَةٌ) ~ планёр; حَوَّامَةٌ ~ ёки عَمُودِيَّةٌ ~ вертолёт, геликоптёр; قَاذِفَةُ الْقَنَابِلِ الـ~ бомбардимончи (самолёт); مَائِيَّةٌ ~ гидросамолёт; مَدَنِيَّةٌ ~ граждан (фуқаро) самолёти; الْمُطَارِدَةِ (الْمُقَاتِلَةِ, الْقِتَالِ) ~ қирувчи (самолёт); نَاقِلَةُ الْجُنُودِ ~ ҳарбий транспорт (нақлиёт) самолёти; النَّقْلِ ~ транспорт (нақлиёт) самолёти; حَامِلَةُ الطَّائِرَاتِ авианосец

– طَيَّارٌ 1. 1) учадиган, учувчи; 2) учиб кетадиган, буғ бўлиб кетадиган; 2. учувчи, самолётни бошқарувчи, авиация ходими (хизматчиси); ◊ الْجَرَادُ الـ~ бир жойдан иккинчи жойга учиб ўтиб юрадиган чигиртка

– طَيَّارَةٌ кўп. ـاتٌ 1) учувчи аёл; 2) самолёт, тайёра; ~ ذَاتُ سَطْحٍ وَاحِدٍ моноплан (*бир қават қанотли самолёт*); ~ ذَاتُ سَطْحَيْنِ биплан (*икки қават - устма-уст қанотли самолёт*); مَائِيَّةٌ ~ гидроплан; شِرَاعِيَّةٌ (سَحَّابَةٌ) ~ планёр; الضَّرْبِ ~ бомбардимончи (самолёт); عَلَى مَتْنِ الـ~ самолётда, самолёт бортида; 3) *шунингдек*: الصِّبْيَانِ ~ болалар варраги (бодпараги)

– طَيَّارِيٌّ вақтинча, мунтазам бўлмаган

– طَيْرٌ жам. кўп. طُيُورٌ, أَطْيَارٌ қушлар, қуш; عِلْمُ الطُّيُورِ орнитология (*қушлар ҳақидаги фан*); الطُّيُورُ الْمُغَرِّدَةُ сайроқи қушлар; الطُّيُورُ الْجَارِحَةُ йиртқич қушлар; طُيُورٌ مَكْسُورَةُ الْأَجْنِحَةِ қаноти қирқилган (қисқартирилган) қушлар; كَأَنَّ عَلَى رُؤُوسِهِمُ الـ~ маж. улар қоқиб қўйилгандай туриб қолишди (тек туриб қолишди)

– طَيَرَانٌ учиш, учишлик; ҳавода сузиш (учиш); учиш амалиёти ёки назарияси; авиация; الْبَهْلَوَانِيُّ الـ~ олий учиш санъати; الشِّرَاعِيُّ الـ~ планеризм; الْكَوْنِيُّ الْجَمَاعِيُّ الـ~ космос (кайвон) да гуруҳ бўлиб учиш; سِلَاحُ الـ~ (*қуролнинг тури сифатидаги*) авиация; قُوَّاتُ الـ~ ҳаво кучлари, ҳаво флоти; الْبَحْرِيُّ الـ~ денгиз авиацияси; الْمَدَنِيُّ الـ~ граждан (фуқаро) авицияси; عِلْمُ الـ~ аэронавтика (*учиш амалиёти ва назарияси ҳақидаги фан*)

– طِيَرَةٌ[1] кўп. ـاتٌ 1) қуш; 2) пашша

– طِيرَةٌ[2] енгил табиатлилик; الْغَضَبِ ~ ғазабнинг чиқиши (оловланиши)

– طِيَرَةٌ, طِيْرَةٌ ёмонлик аломатлари

– مُسْتَطِيرٌ 1. 1) сочилиб кетган, тарқалиб кетган; شَرٌّ ~ муқаррар келадиган ёмонлик; 2) ярамас (ёмон) деб қарайдиган; 2. пессимист, бадбин

– مَطَارٌ учишлик, учиш; ◊ طَارَ صِيتُهُ كُلَّ ~ унинг шуҳрати ҳамма ёққа тарқалиб кетди

– مَطَارٌ кўп. ـاتٌ аэродром, аэропорт, тайёрагоҳ; كَوْنِيٌّ ~ космодром

مَطَارٌ[2] = مَطِيرٌ

– مُطَيِّرٌ қушларни (*мас., кабутарларни*) ҳайдаётган киши

– مُطْيُورٌ енгилтак

طِيزٌ кўп. أَطْيَازٌ думба, кет

I طَاشَ (يَ) طَيْشٌ (طَيْش) енгилтак бўлмоқ, нодон (аҳмоқ) бўлмоқ; 2) (*бирор н. га*) тушиб қолмаслик, (*бирор н. нинг ёнидан*) учиб ўтиб кетмоқ (عَنْ); IV أَطَاشَ нишонга тегмай ёнидан ўткизиб юбормоқ

– أَطْيَشُ 1. енгилтак, нодон, аҳмоқ; 2. зоол. 1) уруғхўр сайроқи қуш (*Мисрда*); 2) қорабузовлар оиласига кирувчи қуш; денгизларда яшовчи сув қуши

– طَائِشٌ 1) енгилтак, нодон; 2) маъносиз, бемаъни; 3) қовушмаган (*зарба, уриш ҳақида*); 4) янглишиб (адашиб) кетган (*ўқ ҳақида*)

– طَائِشٌ = طَيَّاشٌ

– طَيْشٌ, طَيْشَانٌ енгилтаклик, нодонлик

– طَيْطٌ: آخِرُ الزَّمْرِ сурнайнинг охири-ҳуштак (*қандайдир бефойда н. ҳақида шундай дейилади*); أَبُو ~ зоол. қизқуш (*балиқчилар туркумига мансуб бир қуш*)

طِيطَوَى зоол. балиқчи қуш

I طَافَ (يَ) طَيْفٌ (طيف) тушга кирмоқ, тушда кўринмоқ

– طَائِفٌ шарпа, тушдаги босинқираш

– طَيْفٌ кўп. أَطْيَافٌ 1) шарпа, тушдаги босинқираш; 2) физ. спектр (*физик катталик қабул қилиши мумкин бўлган турли қийматлар мажмуи*); الشَّمْسِيُّ الـ~ қуёш спектри; حَلَّ الـ~ спектрни ажратмоқ

– طَيْفِيٌّ 1) шарпага оид; 2) физ. спектрал, спектрга оид; بَحْثٌ (تَحْلِيلٌ) ~ спектрал анализ; الْمِرْقَبُ الـ~ спектроскоп (*спектр ўлчовчи асбоб*)

– مِطْيَافٌ спектроскоп; الرَّسَّامُ الـ~ спектрограф (*спектрни ёзиб олувчи асбоб*)

طُول طِيلَةَ қар.

طَيْلَسَانٌ *кўп.* طَيَالِسَةٌ 1) яшил ридо; тўн; 2) бўйинни қуёш нуридан асраш мақсадида салла устидан ташлаб ёпиндиган рўмол; 3) *архит.* ярим доирали фриз (*бино ва девор тепасидаги чақшли ҳошия*)

(طين) طَيَّنَ II беркитмоқ, лой билан сувамоқ; сувамоқ

– طَيَّانٌ лой олиб келиб турувчи ишчи; ғишт қуювчи ишчи

– طِينٌ *кўп.* أَطْيَانٌ 1) лой, балчиқ; 2) гил; الـ~ الأَرْمَنِي болюс, арманий гил (*бўёқ сифатида ишлатиладиган гил тури*); الـ~ الحَزَفِي коалин (*сопол гили*); الـ~ الصَّفَحِي сланец (*тоғ жинси*) гили; الـ~ النَّضِيجُ терракота (*куйдирилган қизғиш-жигарранг гил*); 3) ер, кимгадир қарашли ер, ер майдони; أَصْحَابُ الأَطْيَانِ ер эгалари, заминдорлар; ◊ جَعَلَ أُذُنًا مِنْ ~ وَأُخْرَى مِنْ عَجِينٍ қулоқ солмаслик, гапга эътибор бермаслик; زَادَ فِي الـ~ بَلَّةً ўтга ёғ қуймоқ

– طِينَةٌ 1) лой гувалаги; 2) (*бирор н. нинг*) табиати, хусусияти; إِنَّهُ يَبِسَ مِنْ جِلْدَتِهِمْ وَ ~ـتِهِمْ у ҳам ўшалардақа (ўшаларнинг ўзи); الـ~ سَكْرَانٌ гапга кўнмайдиган, келиша олмайдиган; ғирт (ўлгудай) маст

– طِينِيٌّ 1) лойли, тупроқли; الأَرْضُ الـ~ـيَّةُ қумоқ тупроқли ер; 2) сополга оид

طَيْهُوجٌ *зоол.* булдурук (қуш)

ظ

ظ (ظَاءٌ) зо (изғи) (*араб алифбосининг ўн еттинчи ҳарфи; абжадда -900*)

ظِئْرٌ *кўп.* أَظْآرٌ, ظُؤُورٌ, ظُؤَارٌ энага, боқувчи, эмизиб боқувчи

ظَاطَ I (а) ظَيْطٌ қичқирмоқ, бақирмоқ

ظَأْطَنَ шовқинламоқ, шовқин солмоқ, бақир-чақир қилмоқ

– ظَأْطَنَةٌ шовқин, шовқин-сурон, бақир-чақир

ظَأْظَنَ ғудурламоқ, тушунарсиз гапирмоқ, дудуқланмоқ

– ظَأْظَنَةٌ ғудурлаш, тушунарсиз гапириш, дудуқланиш

ضَابِطٌ = ظَابِطٌ

ظُبَةٌ *кўп.* ~اتٌ ўткир уч (*найзадаги, қиличдаги*)

ظَبْيٌ *мн.* ظَبْيَةٌ *кўп.* ظِبَاءٌ кийик, оҳу

ظِرٌّ *кўп.* ظِرَّانٌ чақмоқ тош; ўткир қиррали тош

ظَرْبَانٌ *кўп.* ظَرَابِينُ қундуз

ضَرَطَ = ظَرَطَ

ظَرُفَ I (у) ظَرَافَةٌ 1) сўзга уста (чечан) бўлмоқ, зарофатли сўзламоқ; уста бўлмоқ; устамон бўлмоқ; 2) чиройли бўлмоқ; ярашимли бўлмоқ; II ظَرَّفَ безатмоқ; ярашимли қилмоқ; 3) солмоқ, жойламоқ, конвертга жойламоқ; V تَظَرَّفَ ярашимли бўлмоқ; VI تَظَارَفَ 1) сўзга чечан бўлишга интилмоқ; 2) ярашимли бўлишга уринмоқ X اِسْتَظْرَفَ 1) зарофатли деб ҳисобламоқ; 2) гўзал деб ҳисобламоқ; ярашимли деб ҳисобламоқ; ... ~نَا أَنْ бизга шуниси ёқадики, ...

– ظَرَافَةٌ 1) чечан сўзлилик, сўзамоллик; зарофат; 2) гўзаллик; оройиш, ярашимлилик, чиройлилик

ظَرَافَةٌ = [1]ظَرْفٌ –

– [2]ظَرْفٌ *кўп.* ظُرُوفٌ, أَظْرُفٌ идиш; 2) конверт; 3) милтиқ ўқи; ~ فَارِغٌ гильза; 4) соатнинг гардиши; 5) ҳолат; шароит; الظُّرُوفُ الحَيَاتِيَّةُ турмуш (яшаш) шароити, маиший турмуш, тирикчилик; الظُّرُوفُ الحَاضِرَةُ ҳозирги (шу кундаги) шароитлар (ҳолатлар); ~ السَّاعَةِ ҳозирги вақтда вужудга келган вазият; لَا يَبْنِي مُوَافَقَةً تَبَعًا لِظُرُوفِ السَّاعَةِ у ўз позициясини жорий ҳолатга мослолмайди; حَسَبَ الظُّرُوفِ ёки بِحَسَبِ الظُّرُوفِ вазиятга кўра; вазиятни ҳисобга олиб; (بِـ) ~ فِي الأُسْبُوعِ ҳафта мобайнида, ҳафта ичида; ظُرُوفٌ مُخَفِّفَةٌ енгиллаштирувчи ҳолатлар; ظُرُوفٌ مُشَدِّدَةٌ оғирлаштирувчи ҳолатлар; الظُّرُوفُ الجَوِّيَّةُ атмосфера (об-ҳаво) шароитлари; الظُّرُوفُ الطَّبِيعِيَّةُ المُعَقَّدَةُ мураккаб (оғир) табиий шароитлар; الظُّرُوفُ القَاهِرَةُ енгиб бўлмас (оғир) шарт- шароитлар, force mageure; 6) *грам.* равиш; ҳолни ифодаловчи сўз; ~ـُ; ◊ حَمَلَ وَجْهَهُ ~ا كَثِيرًا الْمَكَانِ ўрин ҳоли; афт-башараси ўзгариб кетди (оқариб, бўзариб кетди, ранги учиб кетди)

– ظَرْفِيٌّ ҳолатий, ҳолатга (вазиятга) оид; ~ـةٌ بَيِّنَةٌ ёки ~ دَلِيلٌ юр. билвосита асосга эга бўлган далил

– ظَرْفِيَّةٌ *грам.* ҳолат ифодаси, ҳолат маъноси

– ظَرِيفٌ *кўп.* ظِرَافٌ, ظُرَفَاءُ 1) чиройли; ярашимли; зариф; бежирим; 2) ўткир ақллилик, топқирлик; 3) ғайри одатий; ғайритабиий, ғалати, ажиб, қизиқ, таажжубона

– ظَرِيفَةٌ *кўп.* ظَرَائِفُ ажойиб (ўткир) фикр; ҳазил; ўрнида топиб айтилган чиройли сўз

– مُتَظَرِّفٌ ярашимли, чиройли, бежирим

– مَظْرُوفٌ *кўп.* مَظَارِيفُ 1) конверт; 2) милтиқ ўқи

I ظَعَنَ (а) ظَعْنٌ кетмоқ, жўнамоқ, йўлга чиқмоқ

– ظَعِينَةٌ кўп ظَعَائِنُ 1) тахтиравон; 2) тахтиравондаги аёл

I ظَفِرَ (а) ظَفَرٌ зафар қозонмоқ, ғалабага эришмоқ; (бирор н. ни) олмоқ; (бирор н. ни) эгалламоқ; (бирор н. га) эришмоқ (عَلَى، بِ); ~ بِبُغْيَتِهِ (بِمَطْلُوبِهِ) орзу этилган нарсага эришмоқ; ~ بِالْجَائِزَةِ الْأُولَى биринчи мукофотни олмоқ; ~ بِالْجَوَابِ жавоб олишга эришмоқ; ~ بِنَصِيبِ الْأَسَدِ жуда катта насиба (ҳисса) олмоқ; ~تِ الْعَيْنُ кўзни парда босмоқ; II ظَفَّرَ 1) зафар келтирмоқ; 2) (олмага) тирноқни тиқиб кўрмоқ; IV أَظْفَرَ = II; VI تَظَافَرَ (к. гадир) қарши бирлашмоқ (عَلَى); VIII اظَّفَرَ ғалабага эришмоқ, ғалаба қилмоқ, зафар топмоқ

– أَظْفَرُ: رَجُلٌ ~ тирноғи ўсган одам

– أُظْفُورٌ кўп. أَظَافِيرُ 1) тирноқ; 2) бот. чирмовиқ

– تَظْفِيرٌ олма ёки шунга ўхшаш нарсага тирноқни тиқиб кўриш

– ظَافِرٌ 1) ғолиб келувчи; ғалаба келтирувчи; 2) ғолиб музаффар

– ظَفَرٌ зафар, ғалаба, ютуқ, муваффақият

– ظَفِرٌ зафар (ғалаба) келтирувчи

– ظُفْرٌ кўп. أَظْفَارٌ، أَظَافِرُ тирноқ; تَقْلِيمُ الْأَظَافِرِ маникюр; тирноқларни бўяш; مِبْرَدٌ لِلْأَظْفَارِ тирноқ тозаловчи кичик эгов; ◊ نَاعِمُ الـ~ ёш

– ظَفَرَةٌ кўзда пайдо бўлган парда

– ظَفِرٌ = مُظَفَّرٌ

I ظَلَّ (u/a) ظُلُولٌ 1) (бирор жойда) қолмоқ, (бирор жойда) бўлмоқ; 2) давом эттиравермоқ; ~ يَكْتُبُ у тинмай ёзаверяпти-ёзаверяпти; ~ صَامِتًا ҳамон жим; ~ يُعَانِدُ у қаршилик (қайсарлик) қилишни давом эттирди; II ظَلَّلَ 1) қоронғилатмоқ, соя солмоқ; офтобни тўсмоқ, соя билан тўсмоқ; 2) (кўзни қуёшдан тўсмоқ учун) қўлни кўз устига қўймоқ; 3) (к. нидир) ҳимоя қилмоқ (عَلَى); IV أَظَلَّ соя ташламоқ, соя билан тўсмоқ; соя солмоқ; ◊ ~كَ زَيْدٌ Зайд сенга яқин келди, Зайд сенга яқинлашди; V تَظَلَّلَ сояга беркинмоқ (ўзини олмоқ); X اسْتَظَلَّ ~ ظِلِّ الدَّوْلَةِ давлат соясида (ҳимоясида) бўлмоқ; 1) сояда турмоқ; қуёшдан сақланиш учун соя қидирмоқ; 2) (бирор н. остида) турмоқ (بِ); ~ بِالْحِمَايَةِ бошқа мамлакат ҳимоясида (протекторатида) турмоқ; ~ بِظِلَالِ دَوْحَتِهِ الْخَضْرَاءِ маж. кимнингдир соясидан (ҳимоясидан) фойдаланмоқ

– ظِلٌّ кўп. ظِلَالٌ 1) соя; خَيَالُ الـ~ соялар театри; فِي ~ حُكْمِهِ унинг ҳукмронлиги даврида; أَلْقَى ~ًا مِنَ الشَّكِّ (н. гадир) шак келтирмоқ, шубҳа билан қарамоқ (عَلَى); عَاشَ تَحْتَ ~ الْقَانُونِ қонун соясида (ҳимоясида) яшамоқ; مُلَاعِبُ ~ِهِ зоол. жиблажибон; 2) қўшимча маъно; ظِلَالُ مَعَانِي الْكَلِمَةِ сўзнинг қўшимча маънолари; 3) ҳомийлик; 4) мат. тангенс; ~ تَمَامِ الزَّاوِيَةِ котангенс; ◊ خَفِيفُ الـ~ юмшоқ хулқлилик, меҳрибонлик; خَفِيفُ الـ~ юмшоқ кўнгил, ёқимли меҳрибон (мас., киши); ثَقِيلُ الـ~ феъл-атвори оғир, бошқаларда нафрат уйғотувчи (киши); نُكْتَةٌ ثَقِيلَةُ الـ~ хунук ҳазил; لَا ~ لَهُ مِنَ الْحَقِيقَةِ бунда заррача ҳам ҳақиқат йўқ; (انْحَسَرَ) تَقَلَّصَ ~ُهُ илгариги куч-қуввати (қудрати) ни йўқотмоқ; куч-қувватдан кетмоқ, к учсизланмоқ; таназзулга учрамоқ, тушкунликка дучор бўлмоқ; ~ اللَّيْلِ тун қоронғулиги

– ظُلَالٌ қуёшни тўсиб турган булут

– ظُلَّةٌ кўп. ظُلَلٌ 1) соябон, суҳбатлашиб ўтириладиган жой; хонача (чўмиладиган жой-пляжларда); қуёшни тўсувчи булут; 2 омборхона; бошпана

– ظَلِّيٌّ соя-салқин; دَوْحَةٌ ~َةٌ соя-салқин дарахт

– ظَلِيلٌ соя-салқин; بُسْتَانٌ ~ соя-салқин боғ; ظِلٌّ ~ қуюқ соя

– ظَلِيلٌ = مُظَلَّلٌ

– ظَلِيلٌ = مُظِلٌّ

– مِظَلَّةٌ кўп. مَظَالُّ ،ـاتٌ 1) шамсия, зонт; ~ لِلْمَطَرِ ёмғир ёққанда тутиладиган зонт; عِيدُ الـ~ яҳудийларнинг диний байрами, 2) шунингдек. وَاقِيَةٌ ~ النَّجَاةِ ёки ~ جَوِّيَّةٌ ёки парашют; بُرْجٌ لِلْقَفْزِ بِالْمِظَلَّاتِ ҳарб. парашютчилар; جُنُودُ الْمِظَلَّاتِ парашютдан ташлаб машқ қилинадиган минора; 3) бостирма; айвон

– مِظَلِّيٌّ парашютчи; فِرْقَةُ الْمِظَلِّيِّينَ парашютчилар дивизияси; десантчилар дивизияси; парашютчилар отряди; парашютчилар десанти

ظَلْطٌ тош; силлиқланган тош (сол. زَلَطٌ); وَابُورُ الـ~ тех. пар билан ишлайдиган ер текислагич

I ظَلَعَ (а) ظَلْعٌ оқсоқланмоқ, чўлоқланмоқ

– ظَلْعٌ 1) оқсоқлик, чўлоқлик; майиблик; 2) камчилик; ◊ رَبَعَ عَلَى ~ِهِ тинчланмоқ, бирор нарсадан (мас., йиғидан, шўхликдан) тўхтамоқ

ظِلْفٌ кўп. ظُلُوفٌ، أَظْلَافٌ 1) жуфт туёқ; حَيَوَانَاتٌ ذَوَاتُ الْأَظْلَافِ жуфт туёқлилар; أَبُو أَظْلَافٍ зоол. чумолихўр; 2) от (ҳайвон)

– ظِلْفِيٌّ туёқли

– ظِلْفِيَّاتٌ кўп. туёқлилар

I ظَلَمَ (ظلم) (и) ظُلْمٌ адолатсизлик қилмоқ; зулм қилмоқ; қистиқафас қилмоқ; хафа қилмоқ; ظَلِمَ (а) ظَلْمٌ қоронғи бўлмоқ; қоронғилик тушмоқ; IV أَظْلَمَ қоронғи бўлмоқ, қоронғи бўла бошламоқ; ~تِ الدُّنْيَا қоронғи бўлди; қоронғи туша бошлади; ~تِ الدُّنْيَا فِي عَيْنَيْهِ (وَجْهِهِ) унинг кўз олди қоронғилашиб (қорайиб)

кетди; V تَظَلَّمَ шикоят қилмоқ, (*к. нингдир устидан*) шикоят ёзиб бермоқ (مِنْ); VI تَظَالَمَ зулм қилмоқ, хафа қилмоқ (*бир-бирини*); VII انْظَلَمَ ранжимоқ, хафа бўлмоқ, қисти-қафас қилинмоқ; адолатсизлик кўрмоқ; VIII اظَّلَمَ = VII

– إِظْلاَمٌ қоронғилик

– تَظَلُّمٌ *кўп.* ـــ اتٌ шикоят

– ظَالِمٌ 1. адолатсиз; золим; 2. *кўп.* ظَلَمَةٌ, ظُلاَّمٌ золим, мустабид

– ظَلاَّمٌ золим; мустабид; ваҳший, бағри қора, ёмонлик қилувчи

– ظَلاَمٌ қоронғилик, зим-зиё кеча (тун); تَحْتَ سِتَارِ الـــ~ қоронғиликдан фойдаланиб

– ظُلاَمَةٌ 1) золимлик, зулм қилиш; 2) шикоят ёзиш; ёзма шикоят

– ظَلاَمِيٌّ зиё душмани, жаҳолатчи, жоҳил, обескурант

– ظُلاَمِيٌّ мустабидлик қилувчи, адолатсиз; الْقِوَى الـــ~ـــةُ қора кучлар

– ظَلاَمِيَّةٌ зулмкорлик; жаҳолат

– ظُلاَمِيَّةٌ мустабидлик; жаҳолат

– ظَلْمٌ *кўп.* ظُلُومٌ тишларнинг ярақлаши

– ظُلْمٌ зулм; золимлик; мустабидлик; адолатсизлик; ~اً адолатсизлик билан; ~اً وَعُدْوَانًا куч ишлатиб, тазйиқ ўтказиб

– ظَلْمَاءُ[1] қоронғилик

– ظَلْمَاءُ[2] *мн.* қоронғи; لَيْلَةٌ ~ қоронғи кеча (тун)

– ظُلْمَةٌ *кўп.* ظُلُمَاتٌ қоронғилик; ظُلُمَاتٌ بَهِيمِيَّةٌ даҳшатли тун

– ظَلُومٌ 1. адолатсиз; золим, зулм қилувчи; 2. эзувчи

– ظُلُومَةٌ адолатсизлик; эзиш; мустабидлик

– ظَلِيمٌ[1] *кўп.* ظِلْمَانٌ, ظُلْمَانٌ туяқуш (*эркаги*)

– ظَلِيمٌ[2] эзилувчи; зулм кўрган (кўрувчи)

– ظِلِّيمٌ ўта зулмкор

– مُظْلِمٌ қоронғи, қоронғиликка чўмган

– مَظْلَمَةٌ *кўп.* مَظَالِمُ 1) эзиш; таҳқирлаш, адолатсизлик; 2) шикоят

– مَظْلُومٌ мазлум, эзилган, таҳқирланган; адолатсизлик чекувчи; أَنَا ~ мен мазлумман (таҳқирланганман)

I ظَمِئَ (а) ظَمَأً, ظَمَاءً, ظَمَاءَةً ташна бўлмоқ, чанқамоқ, сув ичмоқни ҳоҳламоқ

– ظَامِئٌ ташна, чанқоқ, сув ичишни хоҳловчи

– ظَمَاءٌ чанқоқлик, ташналик; رَوَّى ~ـــهُ чанқоқлик (ташналик)-ни босмоқ

– ظِمْءٌ *кўп.* أَظْمَاءٌ чанқоқлик, ташналик; қаттиқ истак, кучли хоҳиш

– ظَمْآنُ *мн.* ظَمْأَى *кўп.* ظِمَاءٌ ташна, чанқоқ

– مَظْمَأٌ *кўп.* مَظَامِئُ ёғингарчилик бўлмагани учун қақшаб (қақраб) қолган ер

I ظَمِيَ (а) ظَمًى (ظمى) буғдойранг тус олмоқ

– أَظْمَى *мн.* ظَمْيَاءُ *кўп.* ظُمْيٌ буғдойранг; شَفَةٌ ظَمْيَاءُ қорамтир лаб; عَيْنٌ ظَمْيَاءُ қовоқлари нозик кўз; لِثَةٌ ظَمْيَاءُ қони қочган милк, қонсиз милк; سَاقٌ ظَمْيَاءُ ориқ (гўштсиз) болдир

I ظَنَّ (а/у) ظَنٌّ 1) ... деб ўйламоқ (ҳисобламоқ); ... деб тахмин қилмоқ; 2) (*к. дандир*) шубҳа қилмоқ (بِ); ~ بِهِ الظُّنُونَ кимнингдир ҳақида турли-туман тахминларга бормоқ; IV أَظَنَّ шубҳа қилмоқ; V تَظَنَّنَ ёки تَظَنَّى ...деб ўйламоқ (ҳисобламоқ); VIII اظَّنَّ ёки اطَّنَّ айбламоқ, қораламоқ, айбдор деб топмоқ

– ظَانٌّ ... деб ўйловчи (ҳисобловчи); ... وَقَدْ يَظُنُّ ~ أَنَّ ... балки бирор киши ... деб ўйлар

– ظَنٌّ *кўп.* ظُنُونٌ, أَظَانِينُ тахмин; фикр; ўй; حُسْنُ الـــ~ яхши фикр; سُوءُ الـــ~ ёмон фикр, ишончсизлик; فِي ~نَا أَنَّ ... биз ўйлаймизки, ...; وَ~ي أَنَّ ... мен ўйлайманки, ...; خَابَ ~ي менинг фикрим пучга чиқди; أَكْبَرُ ~ي أَنَّ ... менимча, шуниси эҳтимолки, ...; ~ا مِنْهُ أَنَّ ... деб ўйлаб

– ظِنَّةٌ *кўп.* ظِنَنٌ 1) шубҳа, гумон, эҳтимол, тахмин; 2) айб, айблаш, қоралаш

– ظَنِّيٌّ эҳтимолга асосланган, эҳтимол тутилган, тахмин қилинган; قَرَارٌ ~ эҳтимолга асосланган қарор; шундай бўлади деб ҳисобланган қарор

– ظَنُونٌ шубҳали; ишончсиз

– ظَنِينٌ 1) шубҳали; шубҳа остига олинган; ишончсиз; 2) айбдор; гумон остидаги

– مَظِنَّةٌ *кўп.* مَظَانُّ 1) тахмин; 2) шубҳа; 3) бирор нарсанинг манбаи (*мас., адабий манба*); 4) тахмин қилинаётган нарса, шубҳа қилинаётган нарса; (*у ёки бу одамнинг*) қаердалиги тахмин қилинаётган жой; مَظَانُّ الثَّعَابِينِ илонлар бор деб тахмин қилинадиган жойлар

– مَظْنُونٌ тахмин қилинадиган; وَالـــ~ُ أَنَّ ... олдиндан шундай деб ўйлаш мумкинки, ...

ظُنْبُوبٌ *кўп.* ظَنَابِيبُ *анат.* болдир (илик) суяги

I ظَهَرَ (а) ظُهُورٌ 1) кўринмоқ; учрамоқ; ~ إِلَى عَالَمِ النُّورِ ёки ~ إِلَى الْوُجُودِ дунёга келмоқ, вужудга келмоқ; 2) аниқ бўлмоқ; кўринмоқ, аниқ кўриниб турмоқ; يَظْهَرُ أَنَّ ... аниқ бўлиб турибдики, ..., очиқ кўриниб турибдики, ...; عَلَى مَا يَظْهَرُ кўриниб турибдики, ...; маълум бўлишича; 3) пайдо бўлмоқ; дуч келиб қолмоқ; келиб чиқмоқ (*мас. юқумли касалликлар*); 4) туюлмоқ; бўлиб туюлмоқ; 5) ёрдам бермоқ; 6) (*н. ҳақдадир бирор н. ни*) (عَلَى) билиб олмоқ (عَلَى); 7) (*к. дандир*) баланд келмоқ (عَلَى); (*к. дандир*) ғолиб келмоқ; 8) кўтарилмоқ, юқорига чиқмоқ (*мас., тоққа* – عَلَى الْجَبَلِ); II ظَهَّرَ *мол.* (*вексел*) устига пул ўтказиш ҳақида ёзиб қўймоқ; III ظَاهَرَ ёрдам бермоқ, қўллаб-қувватламоқ; ўз хотинига أَنْتِ عَلَيَّ كَظَهْرِ أُمِّي

иборасини айтмоқ (مِنْ); IV أَظْهَرَ 1) топмоқ; кўрсатмоқ; зоҳир қилмоқ; фоторасмни дорида кўринадиган қилмоқ; اهْتِمَامًا ~ (н. гадир) қизиқмоқ (بِ); إِرَادَتَهُ ~ (н. дадир) ирода кўрсатмоқ (فِى); 2) таърифлаб таништирмоқ; ... فِى مَظْهَرِ ~ (к. нидир) ... деб таърифлаб таништирмоқ; نَفْسَهُ بِمَظْهَرِ الصَّدِيقِ ~ ўзини ёлғондан дўст деб кўрсатмоқ; 3) (н. нидир) тушунтирмоқ; (н. биландир) таништирмоқ (عَلَى); ~ هُ عَلَى السِّرِّ кимгадир сир очмоқ; 4) ёрдам бермоқ; 5) ёд тутмоқ, ёд олмоқ, ёддан ҳикоя қилмоқ (айтиб бермоқ); 6) ассимиляция (*ундошларни иккилантириб талаффуз этиш*) га риоя қилмай ўқимоқ; 7) пешин пайтида йўлга чиқмоқ, пешин вақтида кетмоқ; V تَظَهَّرَ ўз хотинига أَنْتِ عَلَىَّ كَظَهْرِ أُمِّى иборасини айтмоқ (مِنْ); VI تَظَاهَرَ (н. нидир) кўрсатаётгандай бўлмоқ (بِ); ёлғондан ўзини ниманидир қилаётгандай этиб кўрсатмоқ; بِالْبُكَاءِ ~ ёлғондан йиғламоқ, ёлғон йиғи қилмоқ; ~ بِالتَّقْوَى ёлғондан ўзини тақводор этиб кўрсатмоқ; 2) (к. гадир) қарши ضِدَّ) намойиш ташкил қилмоқ; намойиш уюштирмоқ; 3) бир-бирига ёрдам бермоқ; 4) пайдо бўлмоқ, топилмоқ, намоён этилмоқ; X اسْتَظْهَرَ 1) ёдламоқ, эслаб қолмоқ; 2) топмоқ; ойдинлаштирмоқ, аниқламоқ; 3) *фото.* суҳратни дорига солиб кўринадиган қилмоқ; 4) (к. нингдир) ёрдамидан фойдаланмоқ (بِ); 5) ўзини эҳтиёт қилмоқ, ўзини ҳимоя қилмоқ; 6) (н. нидир) енгиб ўтмоқ, (к. нингдир устидан) зафар қозонмоқ, (к. дандир) устун келмоқ (عَلَى); ◊ بِالرُّسُومِ ~ суҳратлар билан безамоқ

– إِظْهَارٌ 1) топилиш, аниқланиш; 2) кўрсатилиш; 3) *фото.* суҳратларни дорига солиб кўринадиган қилиш

– إِظْهَارِىٌّ кўриниб турадиган жиҳат

– تَظَاهُرٌ 1) ташқи кўриниш;- кўриниш; 2) *сиёс.* намойиш

– تَظَاهُرَةٌ *сиёс.* намойиш

– ظَاهِرٌ 1. 1) очиқ; аниқ; кўзга кўриниб турган; зоҳир бўлиб турган; ... فَالـ~ أَنَّ ва аниқ кўриниб турибдики, ...; فِى الـ~ афтидан кўриниб турибдики, ...; ا~ аниқ; 2) ташқи, зоҳирий; ~ الْبَلَدِ чорбоғлар; шаҳар чети; 2. 1) ташқи (зоҳирий) томон; فِى الـ~ зоҳирдан; 2) ташқи тараф; шаҳар чети; فِى ~ الْبَلَدِ шаҳар ташқарисида, шаҳардан ташқарида; ~هُ бирор нарсанинг ташқи томонида бирор нарсадан ташқарида; ~ الْبَلَدِ шаҳар ташқарисида

– ظَاهِرَةٌ *кўп.* ظَوَاهِرُ ташқи (зоҳирий) томон; 2) камёб ҳодиса, ҳодиса; الظَّوَاهِرُ الْجَوِّيَّةُ об-ҳаво (атмосфера) ҳодисалари; عِلْمُ الظَّوَاهِرِ الْجَوِّيَّةِ метеорология; مَذْهَبُ الظَّوَاهِرِ *фалс.* феноменализм

– ظَاهِرِىٌّ зоҳирий

– ظِهَارٌ ўз хотинига أَنْتِ عَلَىَّ كَظَهْرِ أُمِّى дейиш

– ظِهَارَةٌ *кўп.* ظَهَائِرُ 1) (*кийимнинг*) авраси; 2) ҳаммолнинг ортига жойлаштирилган юмшоқ ёстиқ; эгар тагига босилган юмшоқ мато; 3) мантия (*мас., медузада*); 4) *анат., биол.* эпителий

– ظَهْرٌ[1] *кўп.* ظُهُورٌ, أَظْهُرٌ, ظُهْرَانٌ орқа, уча; بِـ~ الصَّحِيفَةِ варақнинг орқа томонида (*орқасида*); ~ الْيَدِ қўлнинг орқа томони; ا~ لِبَطْنٍ остин-устун, бош-оёқ, телба-тескари; مِنْ وَرَاءِ ~هِ بِـ бировнинг панасида, яширинча; 2) тоғ тизмаси; тоғ; 3) юза, сатҳ; 4) палуба, кема саҳни; عَلَى ~ السَّفِينَةِ кема (пароход) бортида; 5) *шунингдек.* الـ~ الْحَدِيدُ чўян; ~كَ! = эҳтиёт бўл!; ثَقِيلُ الـ~ кўп болали одам; خَفِيفُ الـ~ озболали одам; بَيْنَ أَظْهُرِنَا *ёки* بَيْنَ ظَهْرَيْنَا *ёки* ظَهْرَانَيْنَا орамизда; حَفِظَ عَلَى ~ قَلْبٍ ёд олмоқ, қалбга муҳрламоқ; لَهُ ~ *халқ.* унинг қўлловчиси бор; قَلَبَ لَهُمْ ~ الْمِجَنِّ у уларга хиёнат қилди; يَأْكُلُ عَلَى ~ يَدِى у менинг ҳисобимдан тирикчилик қилади; سَافَرَ عَلَى ~ النِّيلِ Нил бўйлаб сузмоқ; قَتَلَهُ ~ا кимнидир хиёнаткорона ўлдирмоқ

– ظَهْرٌ[2] юк ташувчи туя; қуруқликдаги йўл

– ظُهْرٌ *кўп.* ظُهُورٌ туш пайти; بَعْدَ الـ~ тушдан кейин; قَبْلَ الـ~ тушгача, тушдан олдин; سَأُرِيكَ نُجُومَ الـ~ *мтл.* мен онангни Учқўрғондан кўрсатиб қўяман (*сўзма-сўз*: мен сенга туш пайтида юлдузларни кўрсатиб қўяман)

– ظِهْرِىٌّ орқага ташлаб юборилган, итқитилган; نَبَذُوا هٰذِهِ الْأَحْكَامَ ~ا улар бу моддаларни рад қилдилар (*қабул қилмадилар*)

– ظُهُورٌ кўринмоқ, чиқмоқ, зоҳир бўлмоқ; عِيدُ الـ~ *дин.* христианлардаги диний байрам; ◊ حُبُّ الـ~ ўзини катта тутиш; мақтанчоқлик

– ظُهُورَاتٌ *кўп.* мувақҳат, омонат; штатдан ташқари

– ظَهِيرٌ[1] *кўп.* ظُهَرَاءُ 1) ёрдамчи, шерик; 2) *спорт.* ярим ҳимоячи

– ظَهِيرٌ[2] *кўп.* ~َاتٌ — фармон (*Марокашда*)

– ظَهِيرَةٌ туш пайти, туш

– مُتَظَاهِرٌ намойиш иштирокчиси

– مُظَاهَرَةٌ 1) *кўп.* ~َاتٌ — намойиш, манифестация; ~ سِلْمِيَّةٌ тинч намойиш; ~ مُسَلَّحَةٌ қуролли намойиш; نَظَّمَ ~ً намойиш уюштирмоқ; 2) ёрдам, кўмак, қўллаб-қувватлаш

– مُظَهِّرٌ *савдо. мол.* индоссант (*векселни бировга бериш учун унинг устига ёзиб берувчи одам*); لَهُ ~ индоссат (*векселни олган одам*)

– مَظْهَرٌ *кўп.* مَظَاهِرُ 1) кўриниш, зоҳирлик; аспект; مَظَاهِرُ الْحَيَاةِ ҳаёт кўринишлари (воқеликлари); مَظَاهِرُ الْإِكْبَارِ وَ الْإِجْلَالِ ҳурмат ва эҳтиром аломатлари (белгилари); 2) ташқи, кўриниш, кўриниш; ظَهَرَ فِى الـ~ التَّقَدُّمِى илғор одам бўлиб кўринмоқ

– مَظْهَرِىٌّ 1) зоҳирий; 2) шаклан, формал

– مَظْهَرِيَّةٌ зоҳир бўлиш; кўриниш; لَهُ ~ النُّبُوغِ у зоҳирдан (кўринишдан) иқтидорли кишига ўхшайди, у афтидан иқтидорли одам шекилли

ع

ع (عَيْنٌ) айн (*араб алифбосининг ўн саккизинчи ҳарфи; абжадда-70*)

ع 1) عَيْنٌ *кўп.* عَيْنَاتٌ *сўзининг қисқартмаси, мат.* зет (з); 2) عَدَدٌ *сўзининг қисқартмаси*, адад, сон, номер; 3) عَامُودٌ *сўзининг қисқартмаси*, устун (*мас., газетадаги*)

عال *қар.* علو

I عَبَّ (а/у) عَبٌّ катта-катта ҳўплаб ичмоқ, сипқармоқ, бир ичиб тугатмоқ; нафас олмай ичмоқ

– عَبٌّ нафас олмай ичиш; الْكُبَادُ مِنَ الـ~ *ҳад.* жигар касали сувни нафас олмай ичишдан ҳосил (пайдо) бўлади

– عُبٌّ, عِبٌّ *кўп.* عِبَابٌ, أَعْبَابٌ 1) қўйиш; 2) қўлтиқ; ◊ فَتَحَ لَهُ ~ـهُ кимгадир ўз кўнглини ёрмоқ (сирларини айтмоқ); ضَحِكَ فِي ~ـهِ (*бирор к. устидан*) яширинча кулмоқ (عَلَى); секин (*бировга билинтирмай*) кулмоқ

– عُبَابٌ гирдоб; қатлам (*мас., сув ёки ҳавоники*); مَخَرَ فِي ~ الْبَحْرِ тўлқинлар устида учиб юрмоқ (*кема ҳақида*); شَقَّ ~ الْجَوِّ ҳавода сузиб юрмоқ (учиб юрмоқ).(*тайёра-самолёт ҳақида*); ◊ خَاضَ ~ ... عَنْ الْبَحْثِ (*бирор н. ни*) тадқиқ қилиш билан шуғулланмоқ; يَخُوضُونَ ~ الْكُتُبِ улар кўп ўқийдилар

– يَعْبُوبٌ *кўп.* يَعَابِيبُ кучли оқим

I عَبَأَ (а) عَبْءٌ 1) (*к. гадир, н. гадир*) эътибор бермоқ (بِ); لاَ يُعْبَأُ بِهِ *мажҳ.* аҳамиятсиз, муҳим бўлмаган; 2) тайёрламоқ, ҳозирламоқ;

II عَبَّأَ 1) тайёрламоқ; 2) ҳозирламоқ, уюштирмоқ (*мас., экспедицияни*); 3) тўлдирмоқ, қопламоқ, (*қопга*) солмоқ, (*қопни*) тўлдирмоқ; жойламоқ; 4) тўлдирмоқ, эгаллатмоқ (*мас., бўш ўринларни*); 5) бурамоқ (*мас., патефон қулоғини*); 6) сафарбар қилмоқ; 7) *шахм.*(*доналарни*) термоқ

– تَعْبِئَةٌ 1) тўлдириш; қоплаш, (*қопни*) тўлдириш; жойлаштириш; 2) бураш (*мас., патефон қулоғини*); 3) *ҳарб.* сафарбарлик; أَعْلَنَ الـ~ الْعَامَّةَ оммавий сафарбарлик эълон қилмоқ; 4) *шахм.* доналарни териб қўйиш

– تَعْبَوِيٌّ 1) сафарбар қилинган; 2) тактикага оид, тактик

– عَبَاءٌ, عَبَاءَةٌ *кўп.* أَعْبِئَةٌ, عَبَاءَاتٌ або (*чопонга ўхшаш жундан тикилган кийим*)

– عَبَايَةٌ *кўп.* ـَاتٌ = عَبَاءٌ

– عِبْءٌ *кўп.* أَعْبَاءٌ юк, оғирлик; қийинчилик; الضَّرَائِبِ ~ солиқлар оғирлиги (қийинчилиги, машаққати); أَلْقَى ~ الْمَصَارِيفِ عَلَى كَاهِلِهِ сарфлар юкини кимнингдир елкасига ортмоқ

I عَبَثَ (и) عَبْثٌ (عبث) аралаштирмоқ, аралаштириб юбормоқ

عَبِثَ (а) عَبَثٌ 1) (*н. биландир*) ўйнамоқ (بِ); (*бирор н. га*) ўйинчоқдай муносабатда бўлмоқ (بِ); 2) (*н. нидир*) оёқ ости қилмоқ, бузмоқ, босиб ўтмоқ (بِ); ~ بِالْأَمْنِ الْعَامِّ омма тинчлигини бузмоқ; 3) (*н. нидир*) бузмоқ, (*н. га дир*) зарар етказмоқ (بِ); ~ بِهِ الدَّهْرُ зарар етказмоқ, бузмоқ; ◊ ~ النَّوْمُ بِأَجْفَانِهِ у мудраб қолди, у ухлаб қолди; ~ بِالْعُقُولِ ақлдан оздирмоқ (*бегона қилмоқ*); ~ـَتْ بِهِ يَدُ الْبِلَى эскирган (титилган) ҳолга келмоқ; III عَابَثَ 1) (*к. биландир*) ўйнамоқ, ҳазиллашмоқ; 2) дилхуш қилмоқ; ~ الْجَمِيعَ بِمَزَاحِهِ ҳаммани ўз ҳазиллари билан дилхуш қилмоқ

– أُعْبُوثَةٌ *кўп.* أَعَابِيثُ ҳазил, мутойиба

– عَابِثٌ ҳазилкаш

– عَبَثٌ 1) ўйин, дилхушлик; 2) (*н. нидир*) оёқ ости қилиш, бузиш (بِ); ◊ مِنَ الـ~ беҳуда; ~ًا беҳуда, бекорга, ҳабада; ذَهَبَتْ ~ًا كُلُّ مُحَاوَلاَتِهِ унинг ҳамма ҳаракатлари беҳуда кетди; رَأَى مِنَ الـ~ أَنْ ... у ...ни бефойда (беҳуда) деб ҳисоблади

– مَعْبَثٌ *кўп.* مَعَابِثُ ҳазил-мутойибалар, дилхушликлар

I عَبَدَ (у) عِبَادَةٌ (عبد) 1) ибодат қилмоқ, сиғинмоқ; 2) тиз чўкмоқ, илоҳийлаштирмоқ; عَبِدَ (а) عَبَدٌ ғазабланмоқ, ёмон кўрмоқ, ҳазар қилмоқ; II عَبَّدَ 1) қул қилмоқ; 2) (*йўлга*) тош термоқ; *махс.* тош ётқизмоқ; V تَعَبَّدَ 1) динга эътиқод қилмоқ; диндор (художўй) бўлмоқ; худога ибодат қилмоқ; 2) қул сифатида қабул қилмоқ, қул деб ҳисобламоқ; 3) қаландарона ҳаёт кечирмоқ; VIII اعْتَبَدَ = X; X اسْتَعْبَدَ қул қилмоқ, қулга айлантирмоқ

– اسْتِعْبَادٌ 1) қул қилиш; 2) қуллик

– اعْتِبَادٌ = اسْتِعْبَادٌ

– تَعَبُّدٌ художўйлик, диндорлик; худога ибодат қилиш; ~ بِضَخَامَةِ الْأَلْقَابِ юксак даражалиларга тиз букиш

– عَابِدٌ *кўп.* عُبَّادٌ, عَبَدَةٌ 1. обид, ибодат қилувчи; 2.1) хизматкор; 2) чўқинувчи; عَبَدَةُ النَّارِ ўтга чўқинувчилар

– عَبَّادٌ чўқинувчи; ◊ ~ الشَّمْسِ кунгабоқар (*ўсимлик*)

– عِبَادٌ 1) *дин.* худонинг бандалари (қуллари); الـ~ одамлар, одамзот; 2) гуруҳ, тўп, тўда, жамоа; فَادْخُلِي فِي ~ِي *қур.* гуруҳимга киргин

– عِبَادَةٌ *кўп.* ـَاتٌ 1) илоҳийлаштириш, тиз чўкиш; 2) хизмат қилиш, чўқиниш; сиғиниш; ~ الْأَصْنَامِ (الْأَوْثَانِ) бутпарастлик; ~ الْحَيَوَانَاتِ ҳайвонларга чўқиниш, ~ الْمَجُوسِ мажусийлик;

هذا ~ шунга кўра, шу нуқтаи назардан; مِنْ جَمِيعِ الْاِعْتِبَارَاتِ ҳамма жиҳатдан, ҳар томондан; ◊ أَعَادَ لَهُ ~ هُ кимнингдир ҳуқуқини тикламоқ, оқламоқ; إِعَادَةُ (رَدُّ) الْ~ لِلْمَحْكُومِ ҳукм қилинган кишининг ҳуқуқларини тиклаш, маҳкумни оқлаш; юр. реституция, оқлаш; ... بِـ~ أَنْ шу асосдаги, ..., ...га асосланиб, ...ни эътиборга олиб; чунки...; ... بِـ~ هِ رَجُلًا شَرِيفًا унинг софдил одамлигини эътиборга олиб ...; قَدَّمَهُ إِلَى ... عَلَى~ هِ عَالِمًا кимнидир (к. гадир) олим сифатида таништирмоқ; ... ا~ مِنَ الْيَوْمِ (фалон) кундан эътиборан; يَسْتَحِقُّ الْ~ а) ҳурматга сазовор; эътиборли; б) эътиборга (диққатга) сазовор; аҳамиятли, муҳим

– اِعْتِبَارِيٌّ 1) нисбий; шахсий баҳога асосланган; 2) ақлий муҳокамага (назарияга) асосланган; شَخْصِيَّةٌ ~ ـَةٌ ёки شَخْصٌ ~ юридик шахс

– تَعْبِيرٌ кўп. تَعَابِيرُ 1) таъбир, таъбир қилиш; 2) ифода, таъбир; السَّائِرُ الْ~ эл орасида юрган ифода (таъбир); تَعَابِيرُ لُغَوِيَّةٌ лингв. идиомалар; بِـ~ آخَرَ бошқача қилиб айтганда; بِـ~ أَدَقَّ аниқроқ қилиб айтганда; بِـ~ أَصَحَّ тўғрироқ қилиб айтганда; إِنْ صَحَّ الْ~ агар шундай деб айтиб бўлса; ... وَجَدَ ~ هُ فِي ...да ўз ифодасини топмоқ; عَلَى حَدِّ ~ ـهِ унинг айтишига кўра; لَا يُمْكِنُ الْ~ عَنْهُ тушунарсиз, ноаниқ

– تَعْبِيرِيٌّ 1. (бирор н. ни) ифодалаш учун фойдаланиладиган; ифодали, ифодага оид, таъсирчан, экспрессив; 2. экспрессионист (Оврупода XX асрнинг биринчи ярмида санъат ва адабиётда пайдо бўлган оқим тарафдори)

– تَعْبِيرِيَّةٌ экспрессионизм (юқоридаги мақолага қар.)

– عَابِرٌ 1) кесиб ўтувчи, кесувчи; ўтувчи; ~ لِلْقَارَّاتِ трансконтинентал, қитъалараро; (السَّبِيلِ) الطَّرِيقِ ~ ўтиб кетаётган, ўткинчи; 2) вақтинчалик, бир онлик; 3) транзит, тўхтаб, яна йўлда давом этувчи

– عِبَارَةٌ кўп. اتٌ ـَ 1) таъбир, тушунтириш, изоҳлаш; 2) ифода, ибора; دَخَلَتْ عَلَيْهِ الْ~ بِالتُّرْكِيِّ маж. у ҳеч нарса тушунмади; 3) мат. ифода; ◊ هُوَ ~ عَنْ ... у ...нинг ифодасидир; у ...ни билдиради; هٰذَا ~ عَنْ ... у аллақандай ...дир; у ...дир; بِـ~ أُخْرَى бошқача (қилиб) айтганда; بِـ~ أَدَقَّ аниқроқ қилиб айтганда; بِـ~ أَبْسَطَ соддароқ қилиб айтганда

– عَبَّارَةٌ кўп. اتٌ ـَ (т.-й. остидаги сувлар оқизиб юбориладиган қувур)

– عِبْرٌ, عُبْرٌ [1] النَّهْرِ ~ дарёнинг қирғоғи

– عُبْرٌ [2] ўтиладиган (сузиб ўтиладиган) жой; ~ الْمُحِيطِ ~ орқали; океан орқали

– عَبْرَانُ йиғлаётган, кўз ёши тўкаётган

– عِبْرَانِيٌّ 1. қадимги яҳудийларга оид; الْ~ ـَةُ ёки الْ~ қадимги яҳудий тили; 2. яҳудий

النَّارِ ~ ҳайвонпарастлик; الشَّمْسِ ~ қуёшга чўқиниш (сиғиниш); ўтга чўқиниш (сиғиниш); النُّجُومِ ~ юлдузларга чўқиниш (сиғиниш); الشَّخْصِيَّةِ (الْفَرْدِ) ~ шахсга сиғиниш

– عَبْدٌ кўп. عَبِيدٌ, عُبْدَانٌ 1) қул; ғулом, хизматкор; ~ عَبِيدُ الْأَرْضِ крепостной деҳқонлар; 2) кўп. عِبَادٌ дин. худонинг бандаси (қули); ~ اللهِ ат.от, мз. Абдуллоҳ; кўп. عَبَادِلَةٌ абдуллоҳлар (Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Умар, Абдуллоҳ ибн Амр ибнул Ос); ~ الْإِلٰهِ ёки ~ الْإِلَاهِ ат.от, мз. Абдулилоҳ; ... ~ كُمْ сизнинг қулингиз ...; ◊ ~ اللَّاوِيّ абдуллавий (қовун нави)

– عَبْدَةٌ кўп. اتٌ ـَ қул аёл, чўри, оқсоч

– عُبُودَةٌ = عُبُودِيَّةٌ

– عُبُودِيَّةٌ 1) қуллик, қулчилик; 2) бандалик, хизматкорлик; 3) садоқатлилик

– عَبِيدٌ кўп. қуллар, негрлар

– مُتَعَبِّدٌ сиғинувчи, чўқинувчи; художўй, диндор

– مُسْتَعْبَدٌ қул қилинган

– مَعْبَدٌ кўп. مَعَابِدُ ибодатхона

– مُعَبَّدٌ депсалган, босилган, кўп юрилган (йўл ҳақида); махс. тош ётқизилган; ~ طَرِيقٌ шоссе, йўл (тош, асфалт, бетон ва ҳ.к. ётқизилган)

– مَعْبُودٌ маъбуд, сиғиниладиган, чўқиниладиган нарса; худо; бут; ~ الشَّعْبِ халқ учун буюк бирор киши ёки нарса

– مَعْبُودَةٌ кўп. اتٌ ـَ илоҳа (суюкли аёл ҳақида)

– عَقِبٌ, عَقْبٌ кўп. أَعْقَابٌ 1) оёқ кафти (ости); 2) ўғил; авлод; ◊

البَابِ ~ эшик ошиқ-маъшуғи; البُنْدُقِيَّةِ ~ милтиқнинг елкага тираладиган жойи (қўндоқ); عَقِبَ (عَقْبَ) ذٰلِكَ ундан кейин; رَأْسًا عَلَى ~ бош-оёқ, остин-устун; فِي أَعْقَابِ هٰذَا الْحَادِثِ бу ҳодисадан кейинок; رَجَعَ عَلَى عَقِبَيْهِ (رَجَعُوا عَلَى أَعْقَابِهِمْ) орқага, кетга қайтмоқ; رَدَّهُ عَلَى عَقِبَيْهِ (رَدَّهُمْ عَلَى أَعْقَابِهِمْ) бирор кишини ҳайдамоқ (ҳайдаб юбормоқ); кимнидир чекинтирмоқ, чекинишга мажбур қилмоқ

– عُقْبٌ кўп. أَعْقَابٌ 1) охир-оқибат, натижа; 2) қолдиқ; السِّجَارَةِ ~ (папирос, сигарета) қолдиғи; الشَّمْعَةِ ~ шам қолдиғи; قَلَمِ ~ الرَّصَاصِ қалам қолдиғи, калта қалам; 3) нимхат, корешок (*мас., квитанциянинг йиртиб берилган қисми*); جِئْتُ فِي ~ شَهْرِ رَمَضَانَ мен рамазон ойи ўтганидан кейин келдим

– عَقَبَةٌ[1] кўп. ـَاتٌ — 1) тўсиқ, тўғаноқ; أَزَاحَ عَقَبَاتٍ тўсиқни йўқ қилмоқ; 2) қийинчилик

– عَقَبَةٌ[2] кўп. عِقَابٌ, ـَاتٌ — тоғдаги ўтиш йўли, тоғ йўли, тор дара; тик кўтарилиш

– عُقْبَةٌ кўп. عُقَبٌ 1) натижа, охир, оқибат; 2) десерт (*овқатдан кейин ейиладиган мева*); 3) навбат

– عُقْبَى 1) оқибат, охир; وَقَعَ مَا لاَ تُحْمَدُ عُقْبَاهُ охирида ёмон оқибатлар пайдо бўладиган воқеа юз берди; 2) қилинган ишларга яраша олинган мукофот

– عُقُوبَةٌ кўп. ـَاتٌ — 1) жазо; ўч; азоб; قَانُونُ الْعُقُوبَاتِ жиноятлар ҳақида қонун; ... أَوْقَعَ الـ~ عَلَى ...ни жазога тортмоқ; فَرَضَ ~ مَالِيَّةً (*к. гадир*) жарима солмоқ (عَلَى); 2) таъқиқлар, жазолар; عُقُوبَاتٌ اقْتِصَادِيَّةٌ иқтисодий таъқиқлар, жазолар, санкциялар

– عُقُوبِيٌّ жиноий; жазолашга (жазога) оид

– عَقِيبٌ (*к. ёки н. нингдир*) ортидан келадиган (бериладиган); الطَّعَامِ ~ овқатдан кейин

– عُقَيِّبٌ бургут боласи

– مُتَعَاقِبٌ 1) кетма-кет келувчи, бир-бири билан алмашиниб турувчи; الأَجْيَالُ الـ~ـَةُ кетма-кет келувчи авлодлар; 2) тўхтовсиз; доимий келиб турадиган

– مُعَاقَبٌ 1) таъқиб қилинувчи; 2) жазоланадиган, жазоланувчи; الأَعْمَالُ الـ~ عَلَيْهَا قَانُونًا қонунга асосан жазоланадиган ҳаракатлар (қилмишлар)

– مُعَاقِبٌ жазоловчи, жазолайдиган

– مُعَاقَبَةٌ 1) таъқиб, таъқиб қилиш; 2) жазо; 3) алмашиниш

– مُعَقَّبٌ пойгирли, пойгири бор; صَفَحَاتُ الْمَخْطُوطِ الـ~ـَةُ қўлёзманинг пойгирли саҳифалари (*қўлёзмаларда кўпинча навбатдаги саҳифадаги биринчи сўз ундан олдинги саҳифанинг энг остига ёзиб қўйилади. Шу пойгир дейилади*)

– مُعَقِّبٌ шарҳчи, обзорчи

– مُعَقِّبَاتٌ кўп. кунда ва тунда алмашиб турадиган фаришталар

– يَعْقُوبٌ кўп. يَعَاقِيبُ каклик

– يَعْقُوبُ *ат.от. мз.* Яъқуб; Яков; *библ.* Иаков

– يَعْقُوبِيٌّ кўп. يَعَاقِبَةٌ 1.1) Яъқубга оид, яъқубий; 2) *дин.* كَانَ نَفْسُهُ ~ًا унинг авлодлари Яъқубники каби; 2) *дин.* яковийлик; 3) *тар.* якобинчилик; 2.1) *дин.* яковийчи; 2) *тар.* якобинчи

يَعْقُوبِيَّةٌ 1) *дин.* яковийчилик; 2) *тар.* якобинчилик

عُقْبَالُ *халқ.* مَبْرُوكْ وَ ~ مِئَةِ شَمْعَة! муборакбод қиламан ва юз йил умр тилайман! (*туғилган кунда айтилади*)

– عُقْبُولٌ кўп. عَقَابِيلُ 1) (*муҳаббатнинг*) сўнгги учқунлари; (*касалдан қолган*) асоратлар; 2) кўп. асоратлар; оқибатлар; ташвишлар, балолар; عَقَابِيلُ الْحُمَّى безгак (иситма) асоратлари; عَقَابِيلُ الْحَادِثِ воқеа-ҳодиса оқибатлари (натижалари)

I (عقد) عَقَدَ (u) عَقْدٌ 1) боғламоқ, алоқа қилмоқ; عَلاَقَاتٍ ~ دِبْلُومَاسِيَّةً (*к. билан дир*) дипломатик муносабатлар боғламоқ (ўрнатмоқ) (مَعَ); مُحَادَثَةً ~ (*к. билан дир*) суҳбат бошламоқ (مَعَ); ~َتْ رَأْسَهَا بِشَالِهَا бошига шол рўмол ўраб олди; الْخَوْفُ لِسَانَهُ ~ қўрқувдан тили тутилиб қолди; ~َتْ لِسَانَهُ الدَّهْشَةُ ҳайратдан гапиролмай қолди; يَدَيْهِ عَلَى صَدْرِهِ ~ қўлларни кўкракка чалмаштириб қўймоқ; يَدَيْهِ عَلَى ظَهْرِهِ ~ қўлларни орқага чалмаштириб қўймоқ; 2) (*битим*) тузмоқ; الصُّلْحَ ~ тинчлик битими тузмоқ; قَرْضًا ~ қарз ҳақида битим тузмоқ; صَفْقَةً ~ ўзаро савдо битими тузмоқ; مُعَاهَدَةً ~ шартнома тузмоқ; عَلَى مَرْأَةٍ ~ никоҳ шартномаси тузмоқ; эрга бермоқ; الْمَأْذُونُ الْقِرَانَ ~ қози ёрдамчиси никоҳ маросимини ўтказди; 3) (*мажлис*) тўпламоқ, (*съезд*) чақирмоқ; مُؤْتَمَرًا صُحُفِيًّا ~ матбуот конференцияси ташкил қилмоқ (ўтказмоқ); سُوقًا ~ бозор (ярмарка) ташкил қилмоқ; 4) *архит.* гумбаз қилмоқ; 5) *мажҳ.* бўлиб ўтмоқ, ташкил қилинмоқ (*мажлис, съезд ҳақида*); ўтказилмоқ, чақирилмоқ (*съезд ҳақида*); عُقِدَ الاِمْتِحَانُ имтиҳон ўтказилди; عُقِدَ لَهُ عَلَيْهَا *мажҳ.* у (*аёл*) унга эрга берилди; ◊ ... النِّيَّةَ عَلَى ~ ...га ният қилмоқ; ...га қарор қилмоқ; ... بِهِ (عَلَيْهِ) آمَالاً ~ ёки ... رَجَاءً عَلَى ~ ...га умид боғламоқ; ... الْعَزْمَ عَلَى ~ (*бирор н. қилишга*) қатъий бел боғламоқ; نَاصِيَتَهُ (جَبِينَهُ) ~ қош чимирмоқ, қовоқ солмоқ; فَصْلاً ~ бобни ёзиб бўлмоқ; عُقِدَ لِوَاءُ النَّصْرِ فِي بَرْلِينَ ғалаба байроғи Берлинга ўрнатилди; عُقِدَ لِوَاءُ الْحَمْلَةِ لَهُ (*ҳарбий*) юришга раҳбар этиб тайинланди; عُقِدَ لَهُ لِوَاءُ الأَوَّلِيَّةِ унга биринчи ўрин берилди; (a) عَقَدَ; خِنْصِرٌ *қар.* عَقَدَ خِنْصِرَهُ بِخِنْصِرِهَا ёки عَقَدَ الْخَنَاصِرَ عَلَى ...; لِسَانُهُ ~ عَقَدٌ қотмоқ, қотиб қолмоқ, қуйилиб (қуюқ бўлиб) қолмоқ; унинг тили қотиб қолди, у гапиролмай қолди; II عَقَّدَ 1) қаттиқ ўраб боғлаб қўймоқ, кўп марта ўрамоқ; 2) мураккаблаштирмоқ; чигаллаштирмоқ; كَلاَمَهُ ~ чигал (тушунмайдиган қилиб) гапирмоқ; 3) қуюқлаштирмоқ; الْعَسَلَ ~ асални қуюқлаштирмоқ; IV أَعْقَدَ

қуюқлаштирмоқ; V تَعَقَّدَ 1) мураккаб (чалкаш, ноаниқ) бўлмоқ; мураккаблашмоқ; 2) қуюқлашмоқ, қалин бўлмоқ; тўпланмоқ (*булут*); 3) *кимё.* боғланган (боғлиқ) бўлмоқ; VI تَعَاقَدَ шартлашилмоқ; (*к. биландир н. ҳақдадир*) битим (шартнома) тузмоқ (عَلَى، مَعَ); VII اِنْعَقَدَ 1) боғланган бўлмоқ; 2) тузилган бўлмоқ (*битим ҳақида*); 3) чақирилган (йиғилган) бўлмоқ (*съезд ҳақида*); бўлмоқ, бўлиб ўтмоқ (*суд ҳақида*); 4) қотмоқ, қотиб қолмоқ; қуюқлашмоқ; 5) тутилиб қолмоқ (*тил ҳақида*); 6) тинмоқ, чўкмоқ; VIII اِعْتَقَدَ (*бирор н. га*) эътиқод қилмоқ; қаттиқ ишонмоқ

– اِعْتِقَادٌ *кўп.* اتٌ — эътиқод; имон; ишонч; فِي ~ى أَنَّهُ ... мен ишонаманки, у ...; بِالْخُرَافَاتِ ~ хурофотга ишониш

– أَعْقَدُ энг чигал, энг чигаллашган, энг мураккаб; сертугун; الْمَسْأَلَةُ ~ مِنْ ذَنَبِ الضَّبِّ *маж.* жуда мураккаб масала (*сўзма-сўз:* калтакесак думидан ҳам сертугунроқ)

– اِنْعِقَادٌ мажлис; чақириқ; دَوْرُ ~ِ الْبَرْلَمَانِ парламент сессияси; يَوْمُ ~ السُّوقِ бозор куни, бозор бўладиган кун

– تَعَاقُدٌ шартнома, битим

– تَعْقِيدٌ *кўп.* اتٌ — чигаллик, мураккаблик; ноаниқлик; اِزْدَادَ ~ًا чигаллашмоқ, мураккаблашмоқ

– عَقَّادٌ уқачи, уқа тикувчи

– عِقَادَةٌ уқа билан совдо қилиш, уқа савдоси

– عَقَائِدِيٌّ ғоявийлик, ғояга оид; ~ًا ғоявий жиҳатдан; الصِّرَاعُ الـ~ ғоявий кураш, ғоялар кураши

– عَقْدٌ[1] 1) боғланиш, боғлаш; 2) (*битим*) тузиш; 3) (*мажлис*) чақириш; ◊ صَاحِبُ الـ~ِ وَ الْحَلِّ тўла ҳокимлик ҳуқуқи эгаси, бошлиқ

– عَقْدٌ[2] *кўп.* عُقُودٌ 1) шартнома, битим; контракт; ~ جَمَاعِيٌّ коллектив шартнома; ~ُ الْعَمَلِ الْجَمَاعِيِّ коллектив меҳнат шартномаси; ~ بَيْعٍ *савдо.* олди-сотди шартномаси; ~ُ الزَّوَاجِ никоҳ шартномаси; ~ إِكْلِيلٍ никоҳ маросими; 2) гумбаз, тоқ; 3) тугун; 4) ўнлик, ўн йил; هُوَ فِي الـ~ الثَّالِثِ مِنْ عُمْرِهِ у учинчи ўн йилликни бошлади (*яъни: у 2І билан 30 ёш орасида яшамоқда*); ◊ اِكْتَمَلَ ~هُمْ уларнинг ҳаммаси йиғилди

– عِقْدٌ *кўп.* عُقُودٌ маржон, шода; وَاسِطَةُ الـ~ шода ўртасидаги марварид (дур, инжу); гулчамбар

– عُقْدَةٌ *кўп.* عُقَدٌ 1) тугун; ~ُ الشَّاغُولِ ечиб бўлмайдиган тугун; ~ شِرَاعِيَّةٌ елкан тугуни; ~ سَائِبَةٌ силжиб турувчи тугун; ~ مُنْفَرِجَةٌ бўшатилувчи тугун; ~ مُنْزَلِقَةٌ сурилувчи тугун; ~ُ الْعُنُقِ галстук; 2) узел (*кема ҳаракати тезлиги ўлчови*); 3) *анат.* тугун, узел (*танадаги айрим ҳужайраларнинг йиғилган-тўпланган жойи*); 4) *адаб.* тугун; 5) қийинчилик, муаммо; топишмоқ; ~ُ الْعُقَدِ энг қийин масала (муаммо); 6) васваса; ~ُ الاِضْطِهَادِ таъқиб васвасаси; ~ُ الاِسْتِعْلَاءِ улуғлик васвасаси (*ўзини улуғ одам деб ҳисоблаш васвасаси*); 7) бирор нарса экиладиган ёки ўсадиган катта ер, плантация; 8) *бот.* зирк (*ўсимлиги ва меваси*); ◊ الـ~ُ الْجُورْدِيَّةُ Годей тугуни (*миф. ҳеч ким ечолмаган, аммо Искандар қилич билан бир зарбада кесиб ташлаган тугун*), *кўч.м.* ечилиши мумкин бўлмаган муаммо; ~ُ النِّكَاحِ никоҳга кириш; اِنْفَكَّتْ ~ لِسَانِهِ унинг жағи очилиб кетди, у кўп гапира бошлади

– عَقِيدٌ[1] 1.1) боғланган, боғлиқ бўлган; 2) қотиб қолган; 2.1) иттифоқчи, тарафдор; 2) концентрат; ~ُ الطَّمَاطِمِ томат (помидор) бўтқаси (пастаси)

– عَقِيدٌ[2] *кўп.* عُقَدَاءُ 1) етакчи, бошчи, доҳий; 2) полковник

– عَقِيدَةٌ *кўп.* عَقَائِدُ 1) эътиқод, ишонч; қараш, кредо, нуқтаи назар; ~ رَاسِخَةٌ чуқур эътиқод (ишонч); ~ سِيَاسِيَّةٌ сиёсий эътиқод; 2) доктрина, назария; 3) ақида, догма; *кўп.* ғоя, идеология

– عُقَيْدَةٌ *кўп.* اتٌ — тугунча, кичик тугун

– مُتَعَاقِدٌ битим (шартнома) тузадиган; الـ~َانِ *икс.* битим тузувчи томонлар

– مُعْتَقَدٌ *кўп.* اتٌ — 1) эътиқод, ишонч, принцип, кредо; хурофотга ишониш (эътиқод); 2) таълимот

– مُعْتَقِدٌ қаттиқ эът иқод қўйган (ишонган); ~ بِالْخُرَافَاتِ хурофотга ишонувчи (эътиқод қилувчи, хурофотчи)

– مَعْقِدٌ *кўп.* مَعَاقِدُ 1) (*бирор н. га алоқадор, муносабати бор*) деб ҳисобланадиган) жой; ~ُ الرَّجَاءِ *ёки* ~ُ الْآمَالِ умид қилинадиган нарса; 2) тугун; 3) *архит.* устун қоши (*устуннинг шипга тегиб турадиган қисми*)

– مُعَقَّدٌ 1) тугунсимон; 2) мураккаб, чалкаш, ноаниқ; қийин; 2) комплекс равишда, ҳамма томони ҳисобга олинган

– مَعْقُودٌ 1) боғлиқ, боғлиқ бўлган; ~ اللِّسَانِ тили тутилган; وَ الْأَمَلُ ~ عَلَى ... ...га умид қилинади, умид ...дандир; 2) тузилган (*битим ҳақида*); 3) қотган, қуюқлашган; 4) қубба, гумбаз шаклидаги, қуббасимон, гумбазсимон

I عَقَرَ (عقر) (*и*) عَقْرٌ 1) ярадор қилмоқ; إِبِلًا ~ туялар пайини қирқиб қўймоқ; ظَهْرَ الْبَعِيرِ ~ туянинг тепасини ярадор (яғир) қилмоқ (*мас., эгар*); 2) (*қон чиққунча*) ишқамоқ; 3) тишламоқ; 4) наслсиз (бепушт) бўлмоқ (*одамлар ҳақида*); عَقِرَ (*а*) عَقَرٌ қўрқув ёки даҳшатдан оёғи қалтирамоқ; عَقُرَ (*у*) عُقْرٌ наслсиз (бепушт) бўлмоқ (*одамлар ҳақида*); II عَقَّرَ кўп жароҳатламоқ; қаттиқ ярадор қилмоқ; III عَاقَرَ (*бирор н. га*) берилмоқ; الْخَمْرَ ~ ичишга берилмоқ; IV أَعْقَرَ 1) ҳайрон қолдирмоқ, қойил қолдирмоқ; 2) катта ер-мулкка эга бўлмоқ; VII اِنْعَقَرَ 1) кўп жойдан яраланган бўлмоқ; 2) ишқаланган бўлмоқ; 3) тишланган (чақилган) бўлмоқ; VIII اِعْتَقَرَ яра-чақа бўлиб кетмоқ, чақа бўлиб кетмоқ

– عَاقِرٌ наслсиз (бепушт) эр (*кўп.* عُقَّرٌ); наслсиз (бепушт) аёл (*кўп.* عَوَاقِرُ، عُقَّرٌ)

– عَقَارٌ *кўп.* اتٌ — 1) кўчмас мулк (*иморатлар, қурилишлар ва б. лар*); 2) ер-мулк

– عَقَّارٌ *кўп.* عَقَاقِيرُ ўт-ўланлардан тайёрланган доривор, дори; доривор ўт-ўлан

– عُقَارٌ шароб, май, ичимлик

– عَقَارَةٌ наслсизлик, бепуштлик

– عَقَارِيٌّ 1) кўчмас мулкка оид; مِلْكٌ ~ кўчмас мулк; مُلاَّكٌ ~ амлокдор, кўчмас мулк эгаси; 2) ерга оид 3) апотекага оид (кўчмас мулкни гаровга олиб қарз берувчи банк ҳақида)

– عَقَاقِيرِيٌّ дорихона эгаси, аптекачи, аптекарь

– عَقْرٌ тишлаш, чақиш

– عَقَرٌ қўрқув ёки даҳшатдан оёқларнинг қалтираши

– عُقْرٌ[1] наслсизлик, бепуштлик

– عُقْرٌ[2] (уйнинг) ички томони, ичи; فِي ~ دَارِهِ унинг уйи ичида, унинг ўз уйи ичида

– عُقْرٌ[3] бир ёшдан озгина ўтган ўсимлик

– عَقْرَةٌ кўп. عَقَرَاتٌ тишлаш, чақиш

– عَقُورٌ қопоғич, тишлайдиган, серҷаҳл

– عَقِيرٌ кўп. عَقْرَى тишлоғич

– عَقِيرَةٌ овоз; رَفَعَ ~ـهُ овозни баландлатмоқ (кўтармоқ)

– مُعَاقِرٌ (бирор н. га) бериладиган, берилиб кетадиган; ~ الشَّرَابِ ичишга берилган, ичувчи, майхўр

– مَعْقَرٌ кўп. مَعَاقِرُ кўчмас мулк, амлок

– مُعْقِرٌ ер-мулки кўп, кўп ер-мулкка эга

– مَعْقُورٌ тишланган; тишлаб ташланган

– عَقْرَبٌ кўп عَقَارِبُ 1) чаён, ақраб; 2) мил (мас., соатдаги); ~ الثَّوَانِي секунд мили; ~ الدَّقَائِقِ минут мили; ~ السَّاعَةِ ёки ~ السَّاعَاتِ соат мили; 3) кўп. а) туҳматдан иборат гап-сўзлар; б) ташвишлар, бало-офатлар; ◊ بُرْجُ الـ~ астр. Ақраб юлдузлар туркуми (буржи); فَصْلُ الـ~ Ақраб фасли (тақвим бўйича)

– مُعَقْرَبٌ қийшиқ, қингир

I عَقَصَ (и) عَقْصٌ 1) (соч) ўрмоқ; ~ ظَهْرَهُ إِلَى الْوَرَاءِ (ўтирган ҳолда) орқага ташланмоқ; 2) тишламоқ, чақмоқ (ит, чаён ҳақида); II عَقَّصَ (сочларни) ўрмоқ

– عَاقُوصٌ кўп عَوَاقِيصُ найза, ниш

– عَقِيصَةٌ кўп. عَقَائِصُ 1) кокил, соч ўрими; 2) зулф, гажак

عَقْعَقٌ кўп. عَقَاعِقُ загизгон (ҳакка)

– عَقْعَقَةٌ ҳакка (загизгон)нинг сайраши

I عَقَفَ (и) عَقْفٌ эгмоқ, букмоқ; II عَقَّفَ = I.

– أَعْقَفُ мн. عُقْفَاءُ кўп. عُقْفٌ қингир, эгилган, букилган; қирғий бурун

– عُقَّافَةٌ кўп. ـاتٌ илмоқли қозиқ, илмоқ, илгак

– عَقَفٌ қингирлик, эгилганлик

– عُقَّفَةٌ кўп. عُقَّفَاتٌ эгик, букик жой; илмоқли қозиқ, илмоқ, илгак

– مُعَقَّفَتَانِ, مُعَقَّفَانِ икк. 1) қавс; بَيْنَ الْمُعَقَّفَيْنِ қавс ичида; 2) қўштирноқ

– مَعْقُوفٌ эгик, букилган; عَصًا ~ـةٌ дастаси эгик ҳасса; صَلِيبٌ ~ свастика (фашистлар герби)

I عَقَلَ (и) عَقْلٌ 1) ақлли бўлмоқ, англамоқ, тушунмоқ, идрок этмоқ; هَلْ يُعْقَلُ أَنْ... мажх. ...са, ақлли иш бўладими?; 2) боғламоқ, тутмоқ, тутилмоқ; عُقِلَ لِسَانُهُ мажх. унинг тили тутилди; 3) тушовламоқ, оёқларини боғлаб қўймоқ (мас., ҳайвонларни); оёқда чалиб йиқитмоқ; 5) ични қотирмоқ; 6) ~ الْقَتِيلَ ўлдирилган одамнинг хунини тўламоқ; 7) ~ عَنْ زَيْدٍ Зайднинг қилган жиноятига жарима тўламоқ; II عَقَّلَ ақлли қилмоқ, ўргатмоқ, тушунтирмоқ; III عَاقَلَ ақл жиҳатидан (ақлан) устун келмоқ; V تَعَقَّلَ 1) ақлли бўлиб қолмоқ, ақл кирмоқ; 2) ақл ишлатмоқ, ўйламоқ, фикр қилмоқ; VI تَعَاقَلَ ўзини ақлли қилиб кўрсатмоқ; VIII اِعْتَقَلَ 1) ҳибсга олмоқ, қамоққа олмоқ, қамаб қўймоқ; 2) қуролсизлантирмоқ; ~ بُنْدُقِيَّةً елкага милтиқ осмоқ; اُعْتُقِلَ لِسَانُهُ مِنَ الْكَلاَمِ لِشِدَّةِ خَوْفِهِ мажх. қаттиқ қўрқувдан унинг тили тутилиб қолди; X اِسْتَعْقَلَ ақлли (фаросатли, фикрли) деб ҳисобламоқ

– اِعْتِقَالٌ 1) ҳибсга (қамоққа) олиш, қамаш; арест; 2) қуролсизлантириш; مُعَسْكَرُ الـ~ концентрацион лагерь, ҳарбий асирлар лагери; 3) қийинчилик, тутилганлик, эркин эмаслик (нутқ ҳақида)

– تَعَقُّلٌ ақллилик, фаросатлилик, ақлга тўғри келишлик

– عَاقِلٌ кўп. عُقَلاَءُ оқил, ақлли, фаросатли; ◊ ~ حَيَوَانٌ одам

– عَاقِلَةٌ ~ الرَّجُلِ одамнинг ота томондан қариндошлари

– عَاقُولٌ кўп. عَوَاقِيلُ бот. янтоқ

– عِقَالٌ кўп. عُقُلٌ занжир, кишан; ~ اِنْطَلَقَ (اِنْفَلَتَ) مِنَ الـ ~ а) кишандан озод бўлмоқ; 5) кўч м. ўзини тутолмаслик

– عِقَالٌ[2] кўп. عُقُلٌ, ـاتٌ عِقَالاَتٌ 1) уқол (бадавийларнинг бош кийими); 2) (куфийя боғланадиган) ип, шовун (қар. كُوفِيَّةٌ)

– عِقَالٌ[3] йилда бир марта бериладиган садақа

– عَقْلٌ[1] боғлаш, чирмаштириш

– عَقْلٌ[2] кўп. عُقُولٌ 1) ақл, фикр, дониш, интеллект; тушуниш, фаҳмлаш; соғлом фикр; اِخْتِلاَلُ الـ~ қарор; ~ ذُو اِخْتِلاَلٍ ақлини; سَلِيمُ الـ~ соғлом фикр; الـ~ السَّلِيمُ соғлом фикрли. тийран ақл эгаси; مُصَابٌ فِي ~ـهِ ақли паст, эси паст, овсар; مُخْتَلُّ الـ~ гентақ, ақлидан ажралган, жинни; أَصْحَابُ الْعُقُولِ ақл эгалари; أَعَادَ ~ طِفْلٍ فِي ~ـهِ إِلَى رَأْسِهِ кимнингдир ақлини киргизиб қўймоқ; جِسْمُ جَمَلٍ мтл. бўй берибди-ю, ақл бермабди (сўзма-сўз: туядай танада гўдакнинг ақли); ضَاعَ ~ـهُ فِي طُولِهِ мтл. унинг ақли ўсиб кетяпти; 2) донишмандлик, ақллилик, донолик

– عَقْلٌ[3] ўлдирилган учун олинадиган мукофот (*товон*)

– عَقْلَانِيٌّ оқилона; рационал; рационалистик; قِسْمَةُ الْعَمَلِ الـ~ـة меҳнатни рационал тақсимлаш

– عَقْلَانِيَّةٌ рационализм; рационаллик, оқилоналик

– عَقْلَانِيَّاتٌ *кўп.* фикр қилиш, тафаккур

– عُقْلَةٌ[1] *кўп.* عُقَلٌ 1) сиртмоқ, тушов; 2) бўғин, сустав; ~ الْإِصْبَعِ бармоқ бўғинлари (сустави); 3) кўчат; калитак; новда; ~ عِنَبٍ узум (*ток*) новдаси

– عُقْلَةٌ[2] *спорт.* турник; трапеция; لُعْبَةُ حَرَكَاتٍ عَلَى الـ~ турникдаги машқлар

– عَقْلِيٌّ 1.1) ақлий; интеллектуал, ақлга оид; الْاِخْتِلَالُ الـ~ ақлдан озиш; 2) руҳий; الْأَمْرَاضُ الـ~ـة руҳий касалликлар; 3) рационалистик; ақл ишлатишга оид; 2. *кўп.* عَقْلِيُّونَ рационалист; ~ الْمَذْهَبُ الـ~ *ёки* مَذْهَبُ الـ~ـين рационализм, рационализм таълимоти

– عَقْلِيَّاتٌ *кўп.* ақл ишлатиб тушуниладиган нарсалар

– عَقْلِيَّةٌ *кўп.* ـات 1) ақлий камолот; ақллилик даражаси; 2) ақл тарзи (хусусияти); 3) ақл (*манфаатлар*) нинг йўналиши, умумий кайфият

– عَقُولٌ[1] 1) жуда ақлли (фаросатли); 2) *мед.* ични қотирадиган.

– عَقُولٌ[2] = عَاقُولٌ

– عَقِيلَةٌ *кўп.* ـات, عَقَائِلُ 1) хотин; 2) хоним, хонима; ~ كُلِّ شَيْءٍ ҳар бир нарсанинг энг эътиборлиси (яхшиси)

– مُتَعَقِّلٌ ақлли, фаросатли; соғлом ақл юритувчи

– مُعْتَقَلٌ 1. қамоққа (*ҳибсга*) олинган, маҳбус; ~ سِيَاسِيٌّ сиёсий маҳбус; 2. *кўп.* ـات концентрацион лагерь; 2) қамоқхона

– مَعْقِلٌ *кўп.* مَعَاقِلُ 1) боғлаб қўйиладиган жой (*мас., отни*); 2) мустаҳкамланган жой; қалъа

– مَعْقُلَةٌ *кўп.* مَعَاقِلُ товон, хун

– مَعْقُولٌ 1) маъқул; мантиқий; тушунарли; ~ وَ هَذَا бу энди тушунарли; ~ غَيْرُ *ёки* ~ لَا номаъқул; тушунарсиз; 2) рационал, ақлга мос

– مَعْقُولِيَّةٌ 1) маъқуллик; тушунарлилик; اللا مَعْقُولِيَّةُ номаъқуллик; тушунарсизлик; беақллик; 2) тушуниш

I عَقُمَ (عقم) عَقِمَ (у) عُقْمٌ пуштсиз (боласиз) бўлмоқ; عَقِمَتْ مَفَاصِلُ يَدَيْهِ وَ رِجْلَيْهِ қўллари ва оёқларининг бўғимлари қуриб қолди عَقَمَ (у) عُقْمٌ пуштсиз қилмоқ; II عَقَّمَ 1) пуштсиз қилмоқ; 2) стерилизация (*дезинфекция*) қилмоқ; зарарсизлантирмоқ; IV أَعْقَمَ пуштсиз қилмоқ; V تَعَقَّمَ стерилланган (дезинфекцияланган, зарарсизлантирилган) бўлмоқ

– تَعْقِيمٌ стерилизация; дезинфекция

– عَقَامٌ = 1) عَقِيمٌ; 2) бедаво дард

– عُقْمَةٌ, عُقْمٌ, عَقَمٌ 1) пуштсизлик; 2) беҳосиллик, унумсизлик

– عَقِيمٌ[1] *кўп.* عُقَمَاءُ 1) пуштсиз, боласиз; 2) беҳосил, унумсиз; ~ يَوْمٌ қиёмат

– عَقِيمٌ[2] *кўп.* عَقَائِمُ пуштсиз (*аёл ҳақида*)

– مُعَقَّمٌ зарарсизлантирилган, стерилланган

– مُعَقِّمٌ стерилизатор

– مَعْقُومٌ: رَحِمٌ ~ـة ҳомила бўлмайдиган бачадон

(عقی) IV أَعْقَى (*бирор н ни*) аччиқлигидан оғиздан олиб ташламоқ; لَا تَكُنْ حُلْوًا فَتُسْتَرَطَ وَ لَا مُرًّا فَتُعْقَى *мқл.* ширин бўлма-ютилиб кетасан, аччиқ бўлма-оғиздан чиқариб (олиб) ташлайдилар

– عِقْيَانٌ соф олтин

I عَكَّ (а/у, и) عَكٌّ дим (иссиқ) бўлмоқ

– عَكٌّ дим, иссиқ

– عَكِيكٌ = عَكَّةٌ[1], عَكَّةٌ

– عُكَّةٌ[2] *кўп.* عُكَكٌ *ёки* عِكَاكٌ ёғ идиши, ёғ солинадиган идиш

– عَكِيكٌ димлик, иссиқлик

عَكُّوبٌ *бот.* испан артишоги (*ўсимлон полиз ўсимлиги*)

– عَكُوبٌ = عَكُّوبٌ

I عَكِرَ (а) عَكَرٌ 1) лойқа бўлмоқ, ифлосланган бўлмоқ; 2) қуйқа йиғилиб қолмоқ, қуйқум тўпланиб қолмоқ; II عَكَّرَ 1) лойқаламоқ, хиралатмоқ; 2) хижолат қилмоқ, дилни хира қилмоқ; IV أَعْكَرَ лойқалатмоқ; V تَعَكَّرَ 1) лойқа (ифлос) бўлмоқ; хиралашмоқ; 2) дилхира бўлмоқ; VIII اِعْتَكَرَ = V

– عُكَارَةٌ лойқа чўкинди, қуйқа, қолдиқ, ювинди

– عَكَرٌ 1) хиралик; 2) лойқа; чўкинди

– عَكِرٌ лойқа; اِصْطَادَ فِي الْمَاءِ الـ~ *мтл.* сув лойқалатиб балиқ овламоқ

– عَكْرَةٌ атака, ҳужум

– مُعَكَّرٌ 1) хира, лойқа, ифлос; 2) дили хира

عَكْرَتَ қўшмачилик қилмоқ

– عَكْرَتَةٌ қўшмачилик

– عَكْرُوتٌ *кўп.* عَكَارِيتُ қўшмачи (*эркак*)

عَكْرَشٌ *бот.* чалпак буғдойиқ

– عَكْرَشَةٌ *кўп.* ـات урғочи қуён

I عَكَزَ (у) عَكْزٌ (*бирор н. га*) таянмоқ, суянмоқ (عَلَى); V تَعَكَّزَ 1) (*н. гадир*) суянмоқ (عَلَى); 2) қўлтиқтаёқда юрмоқ

– عُكَّازٌ *кўп.* عَكَاكِيزُ қўлтиқтаёқ, ҳасса

– عُكَّازَةٌ *кўп.* عَكَاكِيزُ, ـــ اتٌ 1) калтак; ҳасса; 2) жезл

– عُكَّوْزٌ қўлтиқтаёқ, боши эгик (эгри) ҳасса

I عَكَسَ (*и*) عَكْسٌ 1) айлантирмоқ, орқасини (тескарисини) ўгирмоқ; ағдармоқ; 2) акслантирмоқ, қайтармоқ (*мас., нурни, иссиқликни ва ҳ.к.*); 3) (*бирор н. дан*) қайтармоқ (عَنْ); 4) бошланиш жойига қайтармоқ; III عَاكَسَ 1) тўсқинлик (қаршилик) қилмоқ; ~ الْعُكُوسَ қарама-қарши бормоқ; 2) қарама-қарши бўлмоқ; 3) зериктирмоқ, жонга тегмоқ; ғашига тегмоқ; 4) қаршидан эсмоқ; 5) (*аёл кишига*) тил тегизмоқ, шилқимлик қилмоқ; VI تَعَاكَسَ 1) акси бўлмоқ; бир-бирига қарши бўлмоқ; зид келмоқ (*манфаатлар ҳақида*); 2) аксланмоқ, қайтарилмоқ (*нур, иссиқлик ва б. лар ҳақида*); VII انْعَكَسَ 1) тескари (*акс*) бўлмоқ; 2) акс этмоқ, синмоқ (*нур ҳақида*)

– انْعِكَاسٌ[1] 1) рефлексия; 2) инъикос, акс этиш, синиш; زَاوِيَةُ الْـ~ *физ.* синиш бурчаги

– انْعِكَاسٌ[2] *кўп.* ـــ اتٌ *физиол.* рефлекс; الْاِنْعِكَاسَاتُ الْمَوْزُونَةُ шартли рефлекслар; الْاِنْعِكَاسَاتُ الْمَوْرُوثَةُ туғма рефлекслар

– انْعِكَاسِيٌّ рефлекторга оид, рефлективликка оид, الْفِعْلُ الْـ~ الْمَشْرُوطُ шартли рефлектор ҳаракат

– عَاكِسٌ 1. акслантирувчи, қайтарувчи; ағдарувчи; ~ التَّيَّارِ коммутатор (*қар.* مُبَدِّلٌ); 2. *кўп.* عَاكِسَاتٌ қайтаргич, рефлектор

– عَاكِسَةٌ *кўп.* ـــ اتٌ қайтаргич, рефлектор

– عَكْسٌ *кўп.* عُكُوسٌ 1) орқа томон; 2) қарши томонлилик; зиддият; ـــهُ~ бирор нарсанинг акси (тескариси); بِـ~ مُشْرِفِهِ ўз устозига зид равишда; عَلَى الْـ~ ёки بِالْـ~ аксинча; الْقَضِيَّةُ عَلَى ~ مَا يُصَوِّرُهُ ... муаммою тасаввур айтилганининг аксичадир; ~ ...нинг тесича, тескарисича; سَارَ ~ الرِّيحِ шамолга қарши бормоқ; كَانَ عَلَى الْـ~ ; طَرْدٌ[1] *қар* طَرْدًا وَ ~ا ва аксинча; بِالْـ~ وَ الْـ~ (*бирор н. га*) қаршилик қилмоқ (مِنْ)

– عَكْسِيٌّ 1) тескари; التَّنَاسُبُ الْـ~ *маж.* тескари пропорционаллик; حَالَةٌ *қар.* فِي الْحَالَةِ الْـ~ـةِ; 2) рефлективликка оид, рефлекторга оид; ғайриихтиёрий; بِحَرَكَةٍ ~ـةٍ ғайриихтиёрий равишда; 3) рефлекторга оид

– عَكِيسٌ *бот.* кўчириб ўтказилган кўчат, палғари, пархиш (*ўсимликнинг бирор новдасини кўмиб, ҳосил қилинган янги туп*)

– مُعَاكِسٌ 1) қаршилик қилувчи; (*бирор н. нинг*) зидди; контр-қарши; اقْتِرَاحٌ ~ қарши таклиф; ثَوْرَةٌ ~ـةٌ контрреволюция; هُجُومٌ ~ контратака, қарши ҳужум; чапарастага оид; ◊ خَشَبٌ ~ фанер

– مُعَاكَسَةٌ 1) зид ҳаракат, қаршилик; 2) (*аёл кишига*) шилқимлик, хиралик

– مُنْعَكِسٌ 1) ағдарилган, тўнтарилган; 2) тескари акс; جَاءَ هٰذَا بِنَتَائِجَ ~ـةٍ бу тескари натижалар берди; 3) акс этган, аксланган

– مُنْعَكِسٌ 1) рефлектив, рефлекторга оид; أَفْعَالٌ ~ـةٌ рефлекторли фаолият; الْأَفْعَالُ الْـ~ـةُ الشَّرْطِيَّةُ шартли рефлекслар; 2) акс этган, аксланган; صُورَةٌ ~ـةٌ акс тасвир, тескари тасвир (*мас., кўзгудаги каби*)

I عَكِشَ (*а*) عَكَشٌ тўзимоқ, тўзғимоқ; чигаллашиб кетмоқ, айқаш-уйқаш бўлиб кетмоқ (*мас., соч, соқол ҳақида*)

– عَكَاشَةٌ эпсизлик, иш билмаслик, ландавурлик

– عُكَّاشَةٌ ўргимчак уяси

– عُكَاشَةٌ = عُكَّاشَةٌ

– عَكِشٌ тўзиган, тўзғиган; чигаллашиб кетган

(عكظ) VI تَعَاكَظَ мусобақа қилмоқ, беллашмоқ (*мас., шеъриятда, нотиқликда*)

– عُكَاظٌ *тар.* Укоз (*исломгача яшаган шоирлар мушоира ўтказишадиган Маккаи мукаррамага яқин жойда ташкил этиладиган бозор номи*)

I عَكَفَ (*у, и*) عُكُوفٌ 1) (*бирор н. устида*) ғайрат билан ишламоқ, бош кўтармай ишламоқ, қаттиқ шуғулланмоқ (عَلَى); (*бирор н. га*) берилмоқ (عَلَى); ... يَصِفُ ~ у ...ни ғайрат билан тавсифлай бошлади; ... عَلَى الذُّبَابُ ~ га пашшалар ўтирган эди; 2) чиқмаслик; доимо (*қаердадир*) турмоқ (فِي); فِي الْمَسْجِدِ ~ ўз вақтини доимо масжидда ўтказмоқ; 3) (*н. дандир*) тўхтатиб қолмоқ (عَنْ); II عَكَّفَ 1) эгмоқ, букмоқ; الشَّعْرَ ~ сочни жингалак қилмоқ; 2) (*н. дандир*) тўхтатиб қолмоқ (عَنْ); V تَعَكَّفَ ёлғизликда яшамоқ; VII انْعَكَفَ = V; VIII اعْتَكَفَ 1) уйда ўтирмоқ, уйдан чиқмаслик (*мас., касаллик сабабли*); مُدَّةَ ثَلَاثَةِ أَيَّامٍ ~ у уйдан уч кун чиқмади; 2) (*бирор н. га*) бутунлай берилиб кетмоқ (إِلَى); 3) фаолият кўрсатмоқ; 4) (*н. дандир*) воз кечмоқ (عَنْ)

– عَاكِفٌ *кўп.* عُكُوفٌ, عُكَّفٌ 1) (*н. гадир*) берилиб кетадиган, (*н. биландир*) машғул бўладиган (عَلَى); 2) ёлғиз, узлатда яшовчи; 3) турғун, бир жойда яшайдиган, ўтроқ ҳолда яшайдиган

– عَكْفَاءُ *мн.* қайрилган эгри чизиқ

I عَكَمَ (*и*) عَكْمٌ 1) тугмоқ, тугиб (жойлаб) қўймоқ; 2) бир жойга тўпламоқ, тўп қилмоқ; йиғмоқ, захира қилиб тўпламоқ; 3) (*н. дандир*) ўзини тиймоқ (عَنْ)

– عَكَّامٌ туя ҳайдовчи, туякаш

– عِكَامٌ мато боғлайдиган чилвир (арғамчи, арқон)

– عِكْمٌ *кўп.* أَعْكَامٌ тугун, боғлам; бўхча, той (*мас., пахта тойи*); хуржун

عُكْنَةٌ *кўп.* عُكَنٌ ёки أَعْكَانٌ семизликдан қоринда пайдо бўладиган ёғ қатламлари

عَكَّنَ 1) бахтсиз қилмоқ; (*к. нидир*) хафа қилмоқ, дилини

оғритмоқ (عَلَى); تَعَكَّنَ 1) хафа бўлмоқ; 2) жаҳлланмоқ

– عَكَنَّةٌ 1) хафачилик, нохушлик; 2) норозилик, кўнгил тўлмаслик; الرَّأْيِ العَامِّ ~ омма норозилиги

عَلُ *қар.* علو

I(عل) عَلَّ (а/и) عَلٌّ 1) عُلَّ *мажҳ.* касалланмоқ; 2) (*бирор н. ни*) иккинчи марта ичмоқ; 3) иккинчи марта суғормоқ; 4) хотин устига иккинчи хотин олмоқ; II عَلَّلَ 1) тушунтирмоқ, изоҳламоқ, сабабини кўрсатмоқ, асосламоқ; 2) (*н. биландир*) овунтирмоқ, кўнглини очмоқ (بِ) نَفْسَهُ بِآمَالٍ ~ ўзини умид билан овунтирмоқ; IV أَعَلَّ бемор (касал) қилмоқ; V تَعَلَّلَ 1) (*бирор н. ни*) рўкач қилмоқ (بِ); 2) (*н. биландир*) овунмоқ, дилни хуш қилмоқ (بِ); дилхушлик қилмоқ; VIII اعْتَلَّ 1) касал бўлмоқ; 2) камчиликли (айбли) бўлмоқ; 3) (*бирор н. ни*) рўкач қилмоқ (بِ), (*н. нидир*) сабаб қилиб кўрсатмоқ (بِ); 4) ҳарфи иллатли бўлмоқ (*феъл ҳақида*)

– اعْتِلَالٌ 1) касалланиш; الصِّحَّةِ ~ бетоблик; 2) *грам.* (*феълда*) ҳарфи иллатнинг борлиги

– تَعِلَّةٌ *кўп.* اتٌ — баҳона

– تَعْلِيلٌ *кўп.* اتٌ — 1) сабабларни тушунтириш (изоҳлаш); асослаш; لَا يُمْكِنُ ~ـهُ тушунтириш (изоҳлаш) мумкин бўлмаган; *мед.* этиология (*касалликнинг келиб чиқиши сабаблари ҳақидаги фан*); 2) баҳона

– عَلَّ балки, эҳтимол, афтидан, кўринишича (*шунингдек: қар* لَعَلَّ)

– عُلَالَةٌ овунчоқ; дилхушлик, кўнгил очиш

– عَلَلٌ иккинчи марта ичиш

– عَلَّةٌ *кўп.* اتٌ — хотинлардан биттаси (*мусулмонларда*); بَنُو عَلَّاتٍ турли хотинлардан туғилган болалар

– عِلَّةٌ *кўп.* عِلَلٌ, اتٌ — 1) касаллик, бетоблик; дармонсизлик; 2) иллат, камчилик; четга чиқиш (*мас., нормал ҳолдан*); حُرُوفُ الـ~ ёки أَحْرُفُ الـ~ ёки الْعِلَلِ ~ *грам.* ҳарфи иллатлар; 3) сабаб, асос; الـ~ُ الأُولَى бош сабаб, энг биринчи сабаб; ~ وَ مَعْلُولٌ сабаб ва натижа; 4) асос; баҳона; ◊ عَلَى ~ـهِ нима бўлса ҳам; қандай бўлмасин, ҳар қандай айби бўлса ҳам; لَمْ يَقْبَلْ هٰذَا بِـ~ـهِ у буни ишониб (*яъни текшириб ўтирмай*) қабул қилди; رَأَى الْأَشْيَاءَ عَلَى ~ـهَا бор нарсаларга очиқ (ҳушёр) кўз билан қарамоқ; رَوَيْتُ الْخَبَرَ عَلَى ~ـهِ мен нарсани ўшандай гапирдим; حَبَّهُ بِـ~ـهِ у (*аёл*) уни барча иллатлари билан бирга северди

– عَلِيلٌ 1.) *кўп.* أَعِلَّاءُ касалланган; 2) ёқимли, муздаккина, намли (*шамол ҳақида*)

– عِلِّيَّةٌ[1] сабаблилик

– عِلِّيَّةٌ[2] *кўп.* عَلَالِيُّ хона

– مُعْتَلٌّ 1) касал, бемор; الصِّحَّةِ ~ доимо бетоб бўлиб юрувчи; 2) *грам.* ҳарфи иллати бор, ҳарфи иллатли (*феъл ҳақида*)

– مُعِلٌّ касал, бемор, бетоб

– مُعَلِّلٌ баҳорда қайтиб келадиган совуқ кун

– مَعْلُولٌ 1.1) касалланган, бемор бўлган; 2; иллатли, айбли; 3) боғлиқ бўлган, натижа бўлган; 2. *кўп.* اتٌ — натижа, оқибат; عِلَلٌ وَ مَعْلُولَاتٌ сабаблар ва натижалар

I عَلَبَ (у) عَلْبٌ белги (чизиқ) қўймоқ; тамға қўймоқ, тамғаламоқ; II عَلَّبَ 1) (*маҳсулотни*) қадоқлаб қути ёки банкада чиқармоқ; 2) = I

– تَعْلِيبٌ консерва чиқариш; الْخَضْرَوَاتِ وَ ~ مَصْنَعُ (مَعْمَلُ) الْفَوَاكِهِ وَ اللُّحُومِ сабзавот, мева ва гўшт консервалари заводи

– عَلْبٌ: فِي ~ اللَّيْلِ ярим кечада

– عُلْبَةٌ *кўп.* عُلَبٌ 1) қути, коробка, яшиқ; кутича; التُّرُوسِ ~ *тех.* узатиш қутиси (коробкаси); الصَّفِيحِ ~ тунука қути; السَّجَائِرِ ~ папирос (сигарета) қутиси; бир қути папирос (сигарета); الْكِبْرِيتِ ~ гугурт қутиси; бир қути гугурт; اللَّبَنِ ~ сут бидони, бир бидон сут; النُّشُوقِ ~ тамаки қутиси; 2) кессон (*сувости ишларини бажариш учун сув тубига тушириладиган махсус қути-камера*); 3) банка (*мас., консерваники*); сут соғадиган идиш; سَرْدِينٍ ~ сардина (балиғи) банкаси; ◊ الصَّدْرِيَّةُ ~ الـ *анат.* кўкрак қафаси

– مُعَلَّبٌ консерва қилинган; لُحُومٌ ~ـةٌ гўшт консерваси

– مُعَلَّبَاتٌ *кўп.* консервалар

(علج) III عَالَجَ 1) даволамоқ; 2) (*ёдгорликни*) қайта тикламоқ, таъмирламоқ, тузатмоқ; 3) (*иш*) юритмоқ, олиб бормоқ; 4) (*бирор н. устида*) ушламоқ; (*бирор н. билан*) шуғулланмоқ, машғул бўлмоқ; 5) (*масалани*) кўриб чиқмоқ, изоҳламоқ, текширмоқ, ўрганмоқ; ҳал қилишга (иложини топишга) ҳаракат қилмоқ; 6) *кимё.* (*н. биландир*) ишлов бермоқ (بِ); 7) (*бошдан*) кечирмоқ, ўтказмоқ; ◊ سَكَرَاتِ الْمَوْتِ ~ ўлим талвасасида бўлмоқ; كَسْرَ ... ~ ...ни синдиришга уринмоқ; الْفُولَاذَ ~ пўлат бермоқ; VI تَعَالَجَ даволанмоқ, даволанилмоқ; VIII اعْتَلَجَ 1) урилишмоқ, кўтарилмоқ ва тушмоқ, ўзаро тўқнаш келмоқ (*денгиз тўлқинлари ҳақида*); 2) курашмоқ (*ички туйғулар ҳақида*)

– عِلَاجٌ 1) муолажа, даволаш; كَهْرَبَائِيٌّ ~ электр билан даволаш; مَائِيٌّ ~ сув билан даволаш; 2) тўғрилаш (*мас., хатони*); 3) қайта тиклаш, реставрация, тузатиш; ... لِهٰذَا ~ وَ ва буни тузатиш учун *кўп.* اتٌ — дори, дори-дармон; وَقْتِيٌّ ~ паллиатив (*беморга вақтинча енгиллик берувчи дори ёки восита*)

– عِلَاجِيٌّ даволашга (муолажага) оид; الْمُؤَسَّسَاتُ الـ~ـةُ даволаш муассасалари; الْخِدْمَاتُ الـ~ـةُ даволаш (муолажа) хизматлари

– عِلْجٌ *кўп.* عُلُوجٌ, أَعْلَاجٌ 1) ишонмайдиган; 2) саводсиз, ўқимаган, маданиятсиз, қўпол одам; *таҳқ.* олчоқ, малай, қўлидан

ҳар қандай ёмонлик келадиган одам

– مُعَالِجٌ 1. даволовчи; الطَّبِيبُ الـ~ даволовчи табиб (врач); 2. табиб

– مُعَالَجَةٌ 1) муолажа, даволаш; 2) тўғрилаш; 3) изоҳлаш, тушунтириш; таҳлил этиш, ҳал қилиш, ишлаб чиқиш; 4) ишлов бериш; ~ الْمَعَادِنِ маъдан (металл) ларга ишлов бериш

عَلَسٌ алас (*Арабистондаги буғдой нави номи*)

عَلُوشٌ *кўп.* عَلَالِيشُ қўзи, қўзичоқ (*Тунисда*)

I عَلَفَ (u) عَلْفٌ 1) боқмоқ, озуқа бермоқ (*ҳайвонларга*); 2) боқмоқ семиртирмоқ; VII اِنْعَلَفَ боқилмоқ; VIII اِعْتَلَفَ озуқа (*ем, хашак*) емоқ

– عَلَّافٌ емфуруш, хашакфуруш, озуқафуруш

– عَلَفٌ *кўп.* أَعْلَافٌ пичан; озуқа; ем; ~ أَخْضَرُ кўк озуқа; ~ جَافٌّ қуруқ озуқа; ~ مُرَكَّبٌ комбикорм, аралаш озуқа

– عَلَفِيٌّ озуқага оид; الْفُولُ الـ~ озуқа ловияси

– عَلُوفَةٌ[1] *кўп.* عُلُفٌ озуқа; ем

– عَلُوفَةٌ[2] *кўп.* عَلَائِفُ боқилаётган (семиртирилаётган) ҳайвон

– عَلِيفٌ боқилган, семиртирилган

– عَلُوفَةٌ = عَلِيفَةٌ

– مَعْلَفٌ *кўп.* مَعَالِفُ охур

– مَعْلَفٌ *кўп.* مَعَالِفُ молхона, оғилхона, ҳайвон боқиладиган жой

– مَعْلُوفٌ боқилган, семиз

I عَلِقَ (a) عَلَقٌ، عَلَاقَةٌ، عُلُوقٌ (علق) 1) осилиб турмоқ; 2) (*бирор н. га*) ёпишиб турмоқ (ب); (*н. гадир*) осилиб олмоқ, қаттиқ ёпишиб олмоқ (ب); ~ بِالْحِبَالَةِ тўр (тузоқ) га илинмоқ (тушиб қолмоқ); 3) (*бирор н. га*) муҳаббат қўймоқ, боғланиб қолмоқ (ب); ~ بَصَرِي ...بـ менинг кўзим ...га тикилган эди; 4) (*к. дандир*) ҳомиладор бўлмоқ (مِنْ); 5) (*н. нидир*) қила бошламоқ; ~ يَقْرَأُ ўқий бошлади; عَلَقَ (u) عَلْقٌ емоқ, тановул қилмоқ, донламоқ; II عَلَّقَ 1) осиб қўймоқ, осмоқ, осилтирмоқ; боғламоқ; 2) (*н. нидир н. гадир*) боғлиқ қилиб қўймоқ (عَلَى، ب); (*н. билан дир*) боғлиқ, алоқадор қилмоқ (عَلَى، ب); 3) кечиктирмоқ, чўзиб юрмоқ (*мас., бирор масалани ҳал этишни*); 4) (*н. нидир*) шарҳламоқ (عَلَى); 5) (*бирор н. га*) шарҳ ёзмоқ (*ҳошияга* – عَلَى); ~ فِي تَفْكِرَتِهِ ён дафтарчага ёзиб қўймоқ; ~ أَهَمِّيَّةً (*бирор н. га*) аҳамият бермоқ (عَلَى); ~ الْآمَالَ بِهِ бирор ким-бирор нимага умид боғламоқ; ~ لِلْحِمَارِ эшакка озуқа бермоқ; IV أَعْلَقَ 1) осмоқ, осиб қўймоқ, улаб қўймоқ; 2) зулук қўймоқ; V تَعَلَّقَ 1) осилиб турмоқ; ~تِ الْأَنْفَاسُ *қар.* تَنَفَّسَ; 2) (*н. гадир*) боғлиқ (алоқадор) бўлмоқ (ب); 3) (*бирор н. да*) осилиб турмоқ, (*бирор н. га*) осилиб олмоқ (ب); 4) (*бирор к.-н. га*) меҳр ҳис қилмоқ, (*к.-н. нидир*) севмоқ, яхши кўрмоқ (ب); ~تْ بِهِ نَفْسُهُ ким ёки нимагадир бутун юракдан боғланиб қолмоқ, ким ёки нима ҳақидадир доимо ўйлаб юрмоқ; 5) (*н. гадир*) тааллуқли бўлмоқ (ب); فِيمَا يَتَعَلَّقُ بـ... ...га келганда эса; VIII اِعْتَلَقَ яхши кўрмоқ, севмоқ

– أَعْلَقُ 1) янада тааллуқлироқ; 2) янада қимматлироқ; هَذَا أَهَمُّ وَ ~ مِنْ ...га қараганда бу муҳим ва қимматлироқ

– تَعَلُّقٌ 1) алоқа, муносабат, тааллуқлилик; 2) боғланиб қолишлик; (*к. ёки н. гадир*) муҳаббат (ب); 3) қарашлилик, тааллуқ бўлган нарсалар; хусусий мулк, мулк

– تَعْلِيقٌ *кўп.* تَعَالِيقُ، ~اتٌ 1) изоҳ, тушунтириш; 2) шарҳ; (*ҳошиялардаги*) изоҳотлар; 2) кечиктириш, орқага суриш, кейинга қолдиришлик; тўхтатиб қўйиш; ~ الْحُكْمِ ҳукмни тўхтатиш (*бекор қилиш*); 4) таълиқ (*ҳуснихат турларидан бири*)

– تَعْلِيقَةٌ изоҳ, шарҳ

– عَلَاقَةٌ *кўп.* عَلَائِقُ، ~اتٌ 1) алоқа, муносабат; عَلَاقَاتٌ ثَقَافِيَّةٌ маданий алоқалар; عَلَاقَاتٌ تِجَارِيَّةٌ савдо алоқалари (муносабатлари); عَلَاقَاتٌ دِبْلُومَاسِيَّةٌ (سِيَاسِيَّةٌ) дипломатик (сиёсий) муносабатлар (алоқалар); عَلَاقَاتٌ سَبَبِيَّةٌ сабабий боғлиқлик, сабабийлик; سُوءُ الْعَلَاقَاتِ ёмон муносабатлар; عَلَائِقُ الْإِنْتَاجِ ишлаб чиқариш муносабатлари; تَوَتُّرُ الْعَلَاقَاتِ муносабатлардаги таранглик (кескинлик); قَطْعُ الْعَلَاقَاتِ (الْعَلَائِقِ) алоқа (*муносабат*) ларнинг узилиши; الدُّوَلُ ذَاتُ الْعَلَاقَاتِ (*қандайдир масалага*) алоқаси бор давлатлар, манфаатдор давлатлар; أَقَامَ عَلَاقَاتِ حُسْنِ الْجِوَارِ яхши қўшничилик алоқаларини ўрнатмоқ; كَانَ هَذَا ~ بـ... عَلَى бу ...нинг муносабати билан бўлган эди; 2) боғланиб қолганлик, муҳаббат; 3) муҳаббат муносабатлари (алоқалари); هُوَ عَلَى ~ بِهَا (*эл*) билан унинг ишқий алоқалари бор

– عِلَاقَةٌ *кўп.* عَلَائِقُ арқон, арғамчи (*бирор н. ни осиб қўйиш мумкин бўлган ҳамма н.*)

– عِلَاقَةٌ *кўп.* ~اتٌ — костюм осиб қўйиладиган, кифтиккор, вешалка

– عِلْقٌ[1] *кўп.* أَعْلَاقٌ қимматбаҳо нарса; الْكُتُبُ هِيَ ~ـهُ китоблар унинг учун энг қимматбаҳо нарсадир

– عِلْقٌ[2] *кўп.* أَعْلَاقٌ، عُلُوقٌ 1) ёлғончи, алдамчи; 2) бесоқол

– عَلَقٌ[1] *жам.* зулуклар

– عَلَقٌ[2] қуюлиб, қуюқлашиб қолган қон

– عَلَقَةٌ[1] *кўп.* зулук

– عَلَقَةٌ[2] қоннинг қуюғи

– عَلْقَةٌ 1) калтаклаб (уриб) жазолаш; ~ ضَرْبَةٍ ёки ~ أَعْطَاهُ кимнидир дўппосламоқ; 2) экзекуция (*жисмоний жазо, мас., калтаклаш, қўл-оёқларни кесиб ташлаш, одам танимайдиган даражага келтириб ўлдириш ва ҳ.к.*)

– عُلْقَةٌ[1] боғланиб қолиш, алоқа, муносабат

– عُلْقَةٌ[2] (*эшак, буқа ва б. учун*) унча кўп бўлмаган озуқа

– عَلُوقٌ боласини эмизгани қўймайдиган мода туя

– عَلِيقٌ *кўп.* عَلَائِقُ 1) озуқа миқдори; 2) озуқа; ем; نَبَاتَاتُ الـ~ озуқабоп ўт-алафлар

– عَلِيقَةٌ озуқа; جَافَّةٌ ~ қуруқ озуқа

– عُلَّيْقٌ *жам.* наъматак; терновник (*меваси олхўрига ўхшаш ўсимлик*); маймунжон, пармачак; *шунингдек*: تُوتُ ~ хўжағат (малина)

– عُلَّيْقَةٌ *кўп.* ـاتٌ — наъматак (терновник) бутаси; ◊ مُوسَى ~ *библ.* б окира Мария Иисус Христосга ҳомиладор бўлган кун. Ҳар йили 25-мартда нишонланади.

– عَوَالِقُ *кўп.* плонктон (*денгиз ва дарёларда яшайдиган ҳайвонлар ва ўсимликлардан иборат организмлар олами*)

– مُتَعَلِّقٌ (*н. гадир*) боғлиқ бўлган (بِ); тааллуқли бўлган (بِ); алоқадор бўлган (بِ)

– مُتَعَلِّقَاتٌ *кўп.* буюмлар, жиҳозлар, анжомлар; الْبَيْتِ ~ уй анжомлари

– مِعْلَاقٌ[1] *кўп.* مَعَالِيقُ 1) тил (*оғиздаги*); 2) ичак-чавоқ, калла-поча; хом тери

– مِعْلَاقٌ[2] гўшт *ёки* узум осадиган илмоқ

– مُعَلَّقٌ 1) кечиктирилган; ҳал қилинмаган, муаллақ қолган, бир ёқлик қилинмаган (*масала ҳақида*); 2) (*н. гадир*) боғлиқ бўлган (بِ); 3) бириктириб (боғлаб) қўйилган; осиб қўйилган; муаллақ турган; ~ جِسْرٌ осилиб турувчи кўприк, осма кўприк; ◊ عَلَيهِ ~ шарҳланган, шарҳли, изоҳли; إِنْسَانَةٌ ـَـةٌ فِى الْحَيَاةِ эри алоқа ҳам қилмайдиган, талоқ ҳам бермайдиган аёл

– مُعَلِّقٌ обзорчи, шарҳловчи; الـ~ الْإِذَاعِيُّ радиошарҳловчи; الـ~ الصُّحُفِيُّ; الـ~ السِّيَاسِيُّ (الدِّبْلُومَاسِيُّ) сиёсий шарҳловчи; газета шарҳловчиси

– مُعَلَّقَةٌ[1] *кўп.* ـاتٌ — муаллақа (*қадимий араблардаги еттита энг яхши шеърий асарлар* (*қасидалардан бирининг номи*)

– مُعَلَّقَةٌ[2] эри йўқолган хотин

– مِعْلَقَةٌ *кўп.* مَعَالِقُ қошиқ (*сол.* مِلْعَقَةٌ)

– مِعْلَاقٌ = مُعْلُوقٌ[2]

عَلْقَمٌ *кўп.* عَلَاقِمُ *бож.* коллоквинт (*ўсимлик*); صَارِحْ بِالْحَقِيقَةِ وَ لَوْ كَانَتْ فِى مَرَارَةِ الـ~ *маж.* қанчалик аччиқ бўлса ҳам ҳақиқатни гапирмоқ

I عَلَكَ (*у*) عَلْكٌ 1) чайнамоқ, ғажимоқ; 2) вайсаб ўтирмоқ, эзмалик қилмоқ, чайналмоқ, бемаъни гапларни гапирмоқ

– عَلَّاكٌ 1) чайналадиган резенка (*резинка сақич*) сотувчи; 2) вайсақи

– عَلْكٌ вайсақилик, бекорчи гаплар

– عِلْكٌ *кўп.* أَعْلَاكٌ, عُلُوكٌ қора сақич

– عِلْكَةٌ чайналадиган резенка, резинка сақич, жевачка

(1 عَلِمَ (*а*) عِلْمٌ ;(عَلَى) I (عِلْم) عَلِمَ (*у*) عَلْمٌ (*бирор н. га*) белги қўймоқ (عَلَى); (*н. нидир*) билмоқ; (*бирор н. нинг*) билувчиси (хабардори) бўлмоқ (*туш.к. ёки* بِ); وَ لِيَعْلَمَ مَنْ لَمْ يَعْلَمْ مَا حَدَثَ билмаганлар нима бўлганини билиб қўйишсин; يَعْلَمُ اللهُ أَيْنَ هِىَ (أَيْنَهَا) الْآنَ у (аёл) нинг ҳозир қаердалигидан Оллоҳ хабардор; 2) (*н. нидир*) тушунмоқ (*туш.к. ёки* بِ); عُلِمَ أَنَّ ... маълум бўлдики, ...; II عَلَّمَ 1) ўргатмоқ, ўқитмоқ; 2) кўрсатма (йўлланма) бермоқ, инструкция бермоқ; ~ـنَهُ دَرْسًا لَنْ يَنْسَاهُ (аёл) унинг шундай бопладики, буни у ҳеч қачон эсидан чиқармайдиган бўлди; 3) (*бирор н. га*) белги қўймоқ (عَلَى); IV أَعْلَمَ (*бирор н. ҳақида*) хабар бермоқ, хабардор қилмоқ, билдириш бермоқ (*туш.к. ёки* بِ); (*н. нидир*) эълон қилмоқ (بِ); 2) бичмоқ (*кийимни*); الْفَارِسُ ~ чавандоз ўзини мард қилиб кўрсатди; V تَعَلَّمَ ўқимоқ, билиб олмоқ, ўрганмоқ; اللُّغَةَ الْعَرَبِيَّةَ ~ араб тилини ўрганмоқ; VI تَعَالَمَ ўзини биладиган (билағон, олим) қилиб кўрсатмоқ; X اِسْتَعْلَمَ (*н. нидир*) суриштирмоқ, билишга ҳаракат қилмоқ (عَنْ)

– اِسْتِعْلَامٌ *кўп.* ـاتٌ — маълумот; قَلَمُ (مَكْتَبُ) الْاِسْتِعْلَامَاتِ маълумот (справка) бюроси

– إِعْلَامٌ *кўп.* ـاتٌ — билдириш, хабарнома; маълумот, ахборот, информация; وِزَارَةُ الـ~ ахборот вазирлиги; أَجْهِزَةُ الـ~ ахборот идоралари; شَرْعِيٌّ ~ *юр.* қарор, ҳукм

– إِعْلَامِيٌّ хабар (маълумот) га оид, информацион

– أَعْلَمُ ҳаммадан (энг) яхши биладиган; ◊ وَ اللهُ ~ Оллоҳ яхши билувчидир! (*айтилаётган н. нинг ишончли экани шубҳали бўлган ҳолларда дейилади*)

– أُعْلُومَةٌ *кўп.* أَعَالِيمُ йўл белгилари, кўрсаткич устун

– تَعْلَامَةٌ катта (буюк) олим

– تَعَلُّمٌ ўқиш, ўрганиш, таълим олиш, илм олиш

– تَعْلِيمٌ *кўп.* تَعَالِيمُ 1) таълим, ўқиш, ўқитиш, маърифат, маориф; الـ~ الْعَامُّ халқ таълими (маорифи); الـ~ الْحُرُّ хусусий мактабларда таълим олиш; رِجَالُ الـ~ ўқитувчилар, таълим берувчилар, педагоглар; فَنُّ الـ~ падагогика; الـ~ الْإِلْزَامِيُّ мажбурий таълим; رُسُومُ الـ~ ўқитиш ҳуқуқи учун тўлов; 2) маълумот; الـ~ الْعَالِى олий маълумот; ذُو الـ~ الْعَالِى олий маълумот эгаси, олий маълумотли; 3) машқ; 4) таълимот, назария, доктрина

– تَعْلِيمَاتٌ *кўп.* кўрсатма, йўлланма, инструкция; фармойиш, буйруқ, йўл-йўриқ, дастур, директивалар

– تَعْلِيمَجِيٌّ *кўп.* تَعْلِيمَجِيَّةٌ 1. ўргатувчи; 2. инструктор

– تَعْلِيمِيٌّ 1) таълимий; педагогик, педагогикага оид; الْقِسْمُ الـ~ ўқув бўлими; 2) таълим-тарбия берадиган, дидактик

– عَالَمٌ *кўп.* عَوَالِمُ, عَالَمُونَ олам; 2) (*табиат*) олами, дунёси;

الـ~ العَرَبِيّ араб дунёси (олами); бутун дунёдаги араблар; ~ الحَيَوَان ҳайвонлар олами; ~ النَّبَات ўсимликлар олами (дунёси); ~ المَعَادِن ёки الجَمَاد қазилма бойликлар олами; الـ~ الجَدِيدُ Янги дунё (Америка); الـ~ القَدِيم Эски дунё (Оврупо, Осиё, Африка); ~ مُتَمَدِّن маданий дунё; الـ~ الثَّالِث учинчи дунё; ~ الذَّرَّة атом олами; ~ الصَّغَائِر микромир; ~ الخَيَال хаёл (орзу) лар дунёси; 3) халқ, омма; عَالَمُون кўп. яратилмиш махлуқотнинг турлари

– عَالِمٌ 1. билувчи, биладиган, хабардор; 2. кўп. عُلَمَاء 1) олим; ~ بِالآثَارِ المِصْرِيَّة мисршунос, египтолог; ~ المُسْتَشْرِقِيَّات шарқшунос олим; 2) олим (*мусулмон ҳуқуқи билимдони*)

– عَالِمَةٌ кўп. عَوَالِمُ 1) олима; 2) қўшиқчи аёл

– عَالَمِيٌّ 1) дунё (олам, жаҳон) га оид, дунёвий, жаҳоний; الحَرْبُ الـ~ـة жаҳон уруши; شُهْرَةٌ ~ـة жаҳонга таниқлилик; 2) дунёвий

– عَالَمِيَّةٌ дунёвийликка оид, дунёвийлик

– عَالِمِيَّةٌ 1) олимлик; 2) олимлик унвони (қар. عَالِم 2)); حَصَلَ عَلَى ~ الأَزْهَر ал-Азҳарда олимлик унвонини олмоқ

– عَلَامِ (عَلَى + مَا) қар. عَلَى

– عَلَّامٌ яхши билувчи; ҳамма нарсадан хабардор бўлган

– عَلَامَةٌ кўп. ـَات , عَلَائِمُ 1) аломат, белги; *геод.* репер (*ўлчов ишларида қўлланадиган асбоб*); عَلَامَاتُ الحُدُود чегарадаги худудий белгилар; ~ الإِرْشَاد ориентир (*турган жойни, йўналишни кўрсатувчи белги, нишон*); ~ الاِسْتِفْهَام савол (сўроқ) аломати; ~ التَّنْصِيص ; ~ الحَذْف кўп нуқта; ~ التَّعَجُّب (التَّأَثُّر) ундов белгиси; қўштирноқ; عَلَامَاتٌ مُمَيِّزَةٌ *ҳарб.* фарқлаш белгилари (*мас., погонлар каби*); 2; белги; 3) марка; ~ تِجَارِيَّة ёки ~ مُسَجَّلَة фабрика (фирма) маркаси (белгиси); 4) значёк; 5) баҳо, балл

– عَلَّامَةٌ аллома; энг буюк олим

– عَلَمٌ кўп. أَعْلَامٌ 1) байроқ, туғ, алам; вимпел; 2) йўл белгиси, устун; 3) белги, аломат; 4) тоғ; 5) буюк одам, ўз даврининг устуни; даҳо; ~ مِنْ أَعْلَامِ السِّيَاسَة буюк сиёсий арбоб; أَعْلَامُ اللُّغَة буюк (улкан) тилшунос, тил илми алломаси; 6) диққатга сазовор жойлар (нарсалар); 7) *шунингдек.* ~ الشَّخْص ёки اِسْمُ ~ *грам.* атоқли от; ~ الجِنْس турдош от; ~ الثَّوْب кийимнинг бичиғи; ◊ أَشْهَرُ مِنْ نَارٍ عَلَى ~ кенг шуҳрат тутган, анча машҳур бўлган

– عِلْمٌ[1] кўп. عُلُومٌ 1) илм, билим; ~ عَلِمَ تَمَامَ الـ~ (*бирор н. ни*) чуқур билмоқ; وَ~ ذَلِكَ عِنْدَ الكَاتِبِ وَحْدَهُ буни фақат муаллиф (*автор*)нинг ўзи билади; أَخَذَ الـ~ عَنْ ... (*к. дадир*) ўқимоқ, илм олмоқ; أَخَذَ ~ا بِـ... бирор нарсани маълумот учун қабул қилмоқ; بِـ~ـه бирор киши хабардор бўлган ҳолда; عَلَى غَيْرِ ~ ёки بِدُونِ ~ـه ҳеч кимни хабардор қилмаган ҳолда; عَنْ ~ مِنْهُ билиб туриб, онгли равишда, ишнинг кўзини билиб; ~ اليَقِين ишончли билимлар; وَصَلَ إِلَى ~ـه унга маълум бўлди, у билди; هُوَ عَلَى ~ бирор нарсадан бохабар бўлиб турмоқ; عَلَى ~ بِـ... у бу ишдан хабардор, у буни билади; 2) фан, назария; أَهْلُ الـ~ илм –фан аҳли, олимлар; طَالِبُ الـ~ толиби илм, студент; ~ الأَرْض геология; ~ الاِجْتِمَاع жамиятшунослик; ~ الأَخْلَاق ахлоқ илми, этика; ~ الجَرَاثِيم бактериология; ~ الحَيَوَان зоология; ~ الأَحْيَاء биология; ~ الأَنْسَاب генеология; ~ الإِنْسَان антропология; ~ المَعَادِن ~ الدِّرَاسَاتِ المِصْرِيَّةِ القَدِيمَة мисршунослик; минералогия; ~ النَّبَات ботаника; ~ اللُّغَة тилшунослик; ~ مَخَارِج الحُرُوف ёки ~ الأَصْوَات фонетика; ~ الشَّعْب фольклор; ~ الكُتُب библиография; العُلُومُ العَسْكَرِيَّة ҳарбий илмлар (фанлар); العُلُوم البَشَرِيَّة гуманитар фанлар (илмлар); العُلُومُ الخَفِيَّة ғайритабиий кучлар тўғрисидаги фанлар; عُلُوم العَرَبِيَّة араб тили ҳақидаги фанлар (*морфология, синтаксис, стилистика, поэтика, риторика, нотиқлик санъати*); ~ا وَعَمَلًا назарий ва амалий (*жиҳатдан*); ◊ ~ الرَّمْل қумда фол очиш

– عِلْمٌ[2] кўп. أَعْلَامٌ 1) хабар, хабардорлик, билдириш; طَلَبَ ~ хабарнома, чақириқ қоғози; ~ التَّسْلِيم (*бирор н.*) етказиб бериш ҳақида хабарнома; 2) ёзув, белги, тилхат; ~ الوُصُول олингани ҳақида тилхат; ~ خَبَر тилхат

– عَلْمَانِيٌّ 1.1) фуқароликка (табааликка) оид; 2) дунёвийликка оид; 2.1) дин хизматида бўлмаган (дунёвий) одам; 2) дунёвий одам

– عِلْمِيٌّ 1) илмий; ўқиган, билимли; غَيْرُ ~ ғайриилмий, илмий бўлмаган; الجَمْعِيَّةُ الـ~ـة илмий жамият; مُؤَهِّلَاتٌ ~ـة а) маълумоти ҳақида ҳужжатлар; б) илмий даража (квалификация); 2) назарий

– عِلْمِيَّةٌ илмийлик; لَا ~ ғайриилмийлик

– عَلِيمٌ 1) билувчи, хабардор; хабари бор; 2) донишманд; ҳамма нарсадан хабардор (*Оллоҳ ҳақида*)

– مُتَعَلِّمٌ 1. ўқувчи; ўқиган; ўрганган; тарбияланган, тарбия олган; маълумотли; ~ كُلِّ حَاجَة ҳамма нарсани билувчи, ҳамма нарсадан воқиф; 2. шогирд; الـ~ـون зиёлилар, интеллигенция

– مَعْلَمٌ кўп. مَعَالِمُ 1) белги; 2) аломат, нишон; وَاضِحُ المَعَالِم аниқ, ифодали; 3) йўл кўрсатувчи устун; 4) из; مَعَالِمُ الجِنَايَة жиноят излари; қиёфа; феъл-атвор, характер, характерли хусусиятлар; диққатга сазовор жойлар (жиҳатлар)

– مُعَلَّمٌ 1) тамғаланган, белги қўйилган, белгиланган; 2) ўрганган, ўргатилган; маълумотли

– مُعَلِّمٌ 1. муаллим, ўргатувчи; 2.1) ўқитувчи; مَدْرَسَةُ الـ~ين ўқитувчилар семинарияси; 2) уста, мастер; 3) хўжайин

– مُعَلِّمَةٌ кўп. ـاتٌ — муаллима, ўқитувчи аёл; مَدْرَسَةُ الْمُعَلِّمَات муаллималар семинарияси

مَعْلَمَةٌ кўп. ـاتٌ — энциклопедия

– مَعْلَمِيٌّ 1. энсиклопедик, энциклопедияга оид; 2. энциклопедист

– مَعْلَمِيَّةٌ маҳорат

– مَعْلُومٌ 1 1. маълум; ... أنَّ ~ مِنَ الـ маълумки, ...; الـ~ а) шунингдек; صِيغَةُ الـ~ грам. аниқлик нисбати; б) мат. маълум катталик; 2. халқ. албатта, ўз-ўзидан маълум

– مَعْلُومٌ 2 кўп. مَعَالِيمُ иш ҳақи; гонорар (қалам ҳақи)

– مَعْلُومَةٌ кўп. ـاتٌ — маълумот, информация; أَيَّامٌ ـات зулҳижжа ойининг ўн куни

– مَعْلُومِيَّةٌ билишлик, маълумот олиш, хабардорлик; أَذْكُرُهُ لِلـ~ мен буни маълумот (билиб қўйишингиз) учун хабар қиляпман

I عَلَنَ (у) عَلَانِيَةٌ, عَلَنٌ ёки عَلِنَ (а) عُلُونٌ 1) очиқ, (кўриниб турган) бўлмоқ; 2) маълум бўлмоқ; 3) оммавий бўлмоқ; III عَالَنَ маълум қилмоқ, хабардор қилмоқ, эълон қилмоқ; IV أَعْلَنَ 1) эълон қилмоқ, халққа билдирмоқ; (н. ҳақдадир) босиб чиқармоқ, нашр қилмоқ (عَنْ); حَالَةَ الطَّوَارِئِ ~ фавқулодда ҳолат эълон қилмоқ; التَّعْبِئَةَ ~ сафарбарлик эълон қилмоқ; الْحَرْبَ ~ (к.. гадир) уруш эълон қилмоқ (عَلَى); 2; судга чақирмоқ; X اِسْتَعْلَنَ 1) эълон қилинган (очилган) бўлмоқ; 2) маълум бўлмоқ

إِعْلَانٌ кўп. ـاتٌ — 1) эълон қилиш, нашр этиш; 2) эълон, билдириш; الْحَرْبِ ~ уруш эълон қилиш; الْمَحْكَمَةِ ~ судга чақириш қоғози; 3) афиша, плакат, эълон; لَوْحَةُ عَرْضِ الْإِعْلَانَاتِ эълонлар тахтаси

– عَلَانِيَةٌ 1) очиқлик, аниқ кўриниб турганлик; 2) оммавийлик; ~ ёки فِي ~ оммавий равишда, очиқ, очиқ-ойдин равишда

– عَلَانٌ қар. عُلَانٌ

– عَلَنٌ 1) очиқлик, аниқ кўриниб турганлик; ا~ очиқ (очиқ-ойдин) равишда; 2) оммавийлик

– عَلِنٌ очиқ, очиқ-ойдин, оммавий

– عُلَنَةٌ (сирни) очувчи, фош қилувчи

– عَلَنِيٌّ 1) оммавий, очиқ; جَلْسَةٌ ـة очиқ мажлис; الْمَزَادُ الـ~ кимошди савдоси; 2) очиқдаги, легал; بِصُورَةٍ ـة очиқ (легал) ҳолда

– عَلَنِيَّةٌ оммавийлик, ошкоралик; ~ оммавий равишда, очиқ-ойдин

– مُعْلِنٌ эълон қилувчи

عَلْهَبٌ зоол. буғи (эркаги)

I عَلَا (у) عُلُوٌّ (علا) 1) юксак бўлмоқ, юксалмоқ, кўтарилмоқ, юқорилламоқ; ўзини баланд деб ҳисобламоқ (بِ), ниманидир юқориламоқ; ўзини юқори деб ҳисобламоқ, ниманидир қилиш ўз қилишдан ўзини юқори деб ҳисобламоқ (عَنْ); 2) баланд бўлмоқ (овоз шаънидан паст деб ҳисобламоқ (عَنْ); 2) баланд бўлмоқ (овоз ҳақида); 3) (куч, қувват жиҳатидан) баланд (юқори) бўлмоқ; (к. нидир) енгмоқ (عَلَى); 4) кўтарилмоқ, юқориламоқ; 5) (бирор н. -ни) босмоқ, ёпмоқ, (бирор н. устига) ўтирмоқ, (бирор н. устида) пайдо бўлмоқ; صَامُولَةَ الصَّدَأُ ~ гайкани занг босди; وَعَلَتْ عَلَى وَجْهِهَا عَلَائِمُ الدَّهْشَةِ унинг юзида ҳайрат ифодаси пайдо бўлди; ◊ عَلَتْ سِنُّهُ ёши фалон бўлмоқ, катта бўлмоқ; زَيْدًا بِالسَّيْفِ ~ Зайдни қилич билан урмоқ; فِي الْأَرْضِ ~ кеккаймоқ, такаббурлик қилмоқ; II عَلَّى عَلِيَ (а) عَلَاءٌ баланд (юксак) бўлмоқ; юксалиб турмоқ; II عَلَّى кўтармоқ, юксалтирмоқ; III عَالَى баландлатмоқ (овоз ҳақида); IV أَعْلَى кўтармоқ, юксалтирмоқ; V تَعَلَّى 1) баланд (юксак) бўлмоқ; баландламоқ, юксалмоқ; гердаймоқ; VI تَعَالَى баланд бўлмоқ, баландламоқ, тепа бўлмоқ; қаттиқ эшитилмоқ (овоз ҳақида); кўтарилмоқ, улуғланмоқ, улуғ бўлмоқ; !~ اللهُ Оллоҳ таоло; 2) фахрланмоқ, кеккаймоқ; عَنْ قَبُولِ شَيْءٍ ~ бирор нарсани кериклик қилиб қабул этмаслик; تَعَلَّتِ الْمَرْأَةُ مِنْ نِفَاسِهَا аёл ҳомиладор бўлиб, асл ҳолатига қайтиб тузалди; ◊ تَعَالَ! мн. تَعَالَى кел!, яқин кел!; تَعَالَوْا نُفَكِّرْ! келинг, ўйлаб кўрайлик!; VIII اِعْتَلَى 1) (бирор н. тепасига) чиқмоқ, кўтарилмоқ;^2) ўтирмоқ, жойни банд қилмоқ; ~ الْكُرْسِيَّ курси (кресло) ларни банд الْعَرْشَ тахтга ўтирмоқ; қилмоқ; 3) (н. нидир) кўтармоқ (بِ); بِرَأْسِهِ ~ бошни кўтармоқ; X اِسْتَعْلَى 1) кўтарилмоқ, баландламоқ; баланд (юксак, қўл етмайдиган) бўлмоқ; 2) гердаймоқ, кеккаймоқ, ифтихор қилмоқ; (к. дандир) устун бўлмоқ (عَلَى); 3) баланд деб ҳисобламоқ; 4) юксак мавқе эгалламоқ

اِسْتِعْلَاءٌ 1) юксаклик, улуғлик; устунлик; 2) кеккайиш, гердайиш; 3) фон. веляризация (ظ, ط, ض, ص товушларини талаффуз қилган вақтда тил орқасининг кўтарилиши)

– أَعَالٍ кўп. 1) (дарёнинг) юқориси, боши; 2)$_1$(тоғ) чўққилари

– اِعْتِلَاءٌ чиқиш, кўтарилиш (мас., тахтга); (жойни) банд қилиш

– إِعْلَاءٌ кўтарилиш, юксалиш; кимё. сублимация

– أَعْلَى мн. عُلْيَا кўп. أَعَالٍ 1) энг юксак, энг баланд; أَعْلَاهُ баландроқ; مَذْكُورٌ أَعْلَاهُ юқорида мазкур бўлган (айтилган, зикр қилинган); أَعَالِي النَّهْرِ дарёнинг юқори оқими; أَعَالِي الْبِلَادِ мамлакатнинг баланд жойлари; 2) олий; الْقَائِدُ الـ~ олий бош қўмондон; الْقِيَادَةُ الْعُلْيَا олий қўмондонлик; الْمَحْكَمَةُ الْعُلْيَا олий суд; إِلَى أَسْفَلِ ~ مِنْ юқоридан қуйигача; 3) энг баланд (овоз ҳақида); بِـ~ صَوْتٍ жуда баланд (қаттиқ) овоз билан

– تَعَالٍ 1) баландлик, юксаклик; 2) ифтихор, кеккайиш; عَامِلَة

~ـــ: ким билиндир назарга илмай (кеккайиб) муносабатда бўлмоқ

— تَعْلِيَة кўтарилиш, кўтариш

— عَالٍ *халқ.* юксак, буюк, ғоят соз, жуда яхши; ~ الـ ~ энг яхши, аъло; ~ الـ ~ مِزَاجُهُ кайфияти аъло

— عَالٍ *мн.* عَالِيَة 1) баланд, юксак; юқори; سَدُّ أَسْوَانَ الْعَالِي Баланд Асвон тўғони; بِعَالِيَة баландроқ, юксакроқ; الْبَابُ الْعَالِي *тар.* Туркия ва унинг ҳукумати; 2) таниқли, машҳур, буюк; 3) *шунингдек:* عَالِي الْكَعْب зодагонларга мансуб бўлган; 4) баланд, қаттиқ (*овоз, товуш ҳақида*); عَالِيًا *ёки* ~ بِصَوْت бор овоз билан, ҳаммага эшиттириб; جَعَلَ عَالِيَهُ سَافِلَهُ ағдар-тўнтар қилмоқ

— عَالِيَة: ~ الـ ~ Нажднинг юқори қисмидан Тиҳомагача ва Маккаи мукаррамагача бўлган ҳудуд

— عَلٍ (*бирор н. нинг*) усти, устки (*тепа*) томони; مِنْ عَلٍ тепадан, уст томондан; ... نَظَرَ مِنْ ~ إِلَى ...га назарга илмай қарамоқ; هَوَى مِنْ ~ баландликдан (юқоридан) тушиб кетмоқ

— عَلَاء юксаклик, баландлик; баланд (юксак) мавқе; نَظَرَ مِنْ ~ إِلَى ...га назарга илмай қарамоқ

— عَلَاة *кўп.* عَلَوَات сандон

— عِلَاوَة *кўп.* عَلَاوَى ،اتٌ — илова, қўшимча; ~ عَلَى ذَلِكَ бунга илова (қўшимча) қилиб, бунинг устига

— عُلُوّ *ёки* عِلْوُ: الدَّار ~ ҳовлининг *ёки* уйнинг тўри

— عُلُوّ юксаклик; энг олий даража (нуқта, чегара); ~ الْكَعْب а) зодагонлик, юксак (олий) мавқе; шон-шуҳрат, шавкат; б) иқтидор, лаёқат; талант

— عَلَوِيّ 1.1) осмонга, самога оид; осмоний, самовий; 2) *тар.* Муҳаммад Алига тааллуқли; الْعَائِلَةُ الـ~ـة Муҳаммад Али авлодлари, шажараси; 2. Али тарафдори, шиалар тарафдори; عَلَوِيُّون *кўп.* нусайрийлар (*Суриядаги мазҳаб*)

— عُلْوِيّ баланддаги, осмондаги, кўкдаги, самодаги; юксак, олий, баланд

— عَلَى 1) ...га; ...да; ...дан; устида; ~ ظَهْرِ الْفَرَس отга миниб, от устида; ~ ظَهْرِ الْبَاخِرَة кема бортида (кема устида, ичида); ~ مَتْنِ الطَّائِرَة тайёра (самолёт) да; عَزَفَ ~ الْكَمَانِ ғижжак (скрипка) да (бирор куйни) ижро этмоқ, чалмоқ; قَامَ مِنْ ~ كُرْسِيِّه курси (стул) дан турмоқ; عَادَ ~ قِطَارِ الْمَسَاء кечки поездда қайтмоқ; ~ هُوَ قِسْمَيْنِ у икки қисмдан иборат, у икки қисмга ажралади (бўлинади); ~ كِيسِه унинг пулига, унинг ҳисобидан; عَلَيْه *бухг.* кирим, дебет; السَّلَامُ عَلَيْكُمْ! ассалому алайкум!; 2) ...га; остида; رَقَصَ ~ الْمُوسِيقَى музикага рақс тушмоқ; ... تَسْلِيفٌ عَلَى ...га (*мас., гаровга ишониб*) аванс (қарз); бериш; 3) ...нинг олдига; دَخَلَ عَلَيْهِمْ у уларнинг олдига кирди; 4) қарши; عَاوَنَهُمْ ~ هَذَا الرَّجُل у уларга бу одамга қарши курашда ёрдам берди; خَرَجُوا عَلَيْه улар унга қарши чиқдилар; مَنْ لَيْسَ مَعَنَا فَهُوَ عَلَيْنَا ким биз билан бўлмаса, у бизга қаршидир; الْحَقُّ عَلَيْكَ сен ҳақ эмассан; 5) ёнида, олдида, яқинида; جَلَسُوا ~ النَّار улар олов яқинида (олдида) ўтирардилар; 6) ...га кўра, ...га мувофиқ равишда; бўйича; ~ الْقِيَاس ўлчовга кўра, ўлчов бўйича; ~ إِرَادَتِه унинг истагига кўра; ~ عَادَتِه ўз одатига кўра (мувофиқ равишда); ... وَ عَلَيْه ва шунга кўра ...; ~ ... النَّحْوِ الَّذِي шунга кўра (*асосан*), шунинг учун; ~ هَذِه الطَّرِيقَة шу ҳолда, шу йўл билан; بِنَاءً عَلَيْه шунга биноан, шунга кўра; ~ ... حَسَب шуни ҳисобга олиб (олган ҳолда); ~ مَا يُقَال айтганларидек, одамлар айтганидек; ~ مَا نَعْلَم биздаги маълумотларга кўра, бизнинг билишимизча; ~ مَا يَبْدُو (يَظْهَر) кўринишича, афтидан; 7) учун; ҳақида, тўғрисида; ~ أَنْ يَعُودَ қайтиш учун; وَ لَا شُكْرَ ~ الْوَاجِب арзимайди! (*ташаккурга жавоб тариқасида айтилади*); حَدِّثْنِي عَلَيْه! у ҳақда менга гапириб бер!; الْكَلَامُ ~ الْفِعْل гап феъл ҳақида бўлади; ~ مَا (عَلَام) нима учун?, нима сабабли?; 8) орқали, ёрдамида; ~ يَدِه у орқали, унинг ёрдамида; 9) ...га қарамай, ... бўлса-да; ~ اخْتِلَافِ أَنْوَاعِهَا уларнинг турли хил бўлишига қарамай; هَاجَرَ مَوْطِنَهُ ~ حُبِّه у ватанини севганига қарамай уни тарк этди; ~ ضَعْفِي заифлигимга қарамай; 10) вақтида, давомида, жараёнида; ~ الْعِيد байрам (ийд) вақтида; ~ عَهْدِه унинг даврида, унинг вақтида; ~ حِينِ غَفْلَة ғафлат вақтида, ғафлат босган вақтда, кутилмаганда, тўсатдан; ~ وَشْكِ الذَّهَاب кетиш олдида (арафасида, вақтида, пайтида); 11) ...ган вақтдан буён; مَضَى عَامَانِ ~ ذَلِكَ النَّذْر унинг ваъда берган вақтидан буён икки йил ўтиб кетди; 12) ...ли; شَابٌّ ~ خُلُقٍ كَرِيم яхши хулқли йигит; 13) сифатида, шароитида; ~ ضَوْءِ هَذِه الْحَوَادِث бу воқеалар шароитида; ~ سَبِيلِ الْمَثَل мисол тариқасида (сифатида); мисол учун; ◊ أَنْ ~ ...ш (-иш) учун; ~ أَنَّ *ёки* أَنَّهُ аммо, лекин, бироқ, ҳар ҳолда; عَلَيَّ بِه! менга уни кўрсатиб қўйинг!, олиб келинг-чи олдимга!; عَلَيْكَ بِالتَّوَاضُع! сен камтар (тавозели) бўлишинг керак!; ... عَلَيْهِ أَنْ у қилиши керак, унинг вазифаси ...дир; ... عَلَيَّ أَنْ менинг вазифам ...дир; وَ مَا عَلَيْكَ إِلَّا الطَّاعَة сен фақат итоат қилишинг керак; عَلَيْكَ بِالْغَسِيل сен кир ювиш билан шуғулланишинг керак; عَلَيْهِ لِي خَمْسَةُ جُنَيْهَات мендан беш фунт қарздор; لَا بَأْسَ عَلَيْكَ! қўрқма!; ~ مَا هُوَ عَلَيْه қандай бўлса,

ўшандай; هُوَ ~ شَيْءٍ مِنَ الْقَلَقِ қар. شَيْءٌ ؛ ~ عَجَلٍ тез, шошилинч равишда; ~ مَهْلٍ секин, аста, шошмай, шошилмасдан; ~ اسْتِحْيَاءٍ وَ صَمْتٍ уялиб ва сукут сақлаб; ~ الْعَكْسِ аксинча; (وَجْهِ) ~ الْعُمُومِ умуман; (وَجْهِ) ~ الْخُصُوصِ хусусан, айниқса; ~ التَّقْرِيبِ тақрибан, тахминан; ~ غَيْرِ انْتِظَارٍ кутмаганда, кутилмаганда, тўсатдан, бирданига, фавқулодда; ~ لِسَانِ أَحَدٍ مِنَ الْفَلَّاحِينَ деҳқонларнинг бири номидан; كَانَ ~ بَيِّنَةٍ عَلَى حَقِيقَةِ الْحَالِ ҳақиқий аҳволдан хабардор бўлиб турмоқ; كَانَ ~ حَقٍّ ҳақ бўлмоқ; كَانَ ~ خَطَأٍ хато қилмоқ, ноҳақ бўлмоқ; هُوَ ~ دِينِ الْإِسْلَامِ у ислом динига эътиқод қилади; لَا عَلَيْكَ! овора бўлма(нг)!, безовта бўлма(нг)!; لَا عَلَيْكَ إِنْ عُدْتَ بِسُرْعَةٍ! агар тезроқ қайтиб келганингда, ёмон бўлмасди!; لَا عَلَيْكَ مِنْ هَذَا! бунинг сенга ҳеч қандай зарари йўқ; مَا عَلَيْهِش! халқ. ҳеч қиси йўқ!, бўлаверади!

– عُلًى улуғворлик; қадр-қиймат; обрў-эътибор; шуҳрат, шоън-шавкат

– عَلِيٌّ[1] 1. юксак, улуғвор; буюк; 2. кўп. عِلْيَةٌ олий (энг яхши) нарса; ~ الْقَوْمِ энг яхши одамлар; жамият гуллари

– عَلِيٌّ[2] ат.от.мз. Алий; أَبُو ~ сахий, саховатли одам

عَلْيَاءُ 1) осмон, само, кўк; дин. эмпирей, арши аъло (*қадимги юнонлар тасаввурида осмоннинг худолар турадиган энг юқори қисми*); 2) баландлик

– عُلِّيَّةٌ, عِلِّيَّةٌ кўп. عَلَالِيُّ қия шипли болохона; ◊ بَنَى الْعَلَالِيَّ وَ الْقُصُورَ хом хаёлларга берилмоқ

– عِلِّيُّونَ дин. эмпирей, арши аъло (қар. عَلْيَاءُ)

– مُتَعَالٍ мн. مُتَعَالِيَةٌ кўтарилаётган, юқорилаётган, баландлаётган; юксак, улуғвор, баланд

– مُسْتَعْلٍ фон. веляризациялашган (қар. اسْتِعْلَاءٌ)

– مُسْتَعْلٍ мн. مُسْتَعْلِيَةٌ юксак, қўлетмас, баланд

– مَعْلَاةٌ кўп. مَعَالٍ улуғсифатлик; қадр-қиммат; хизматлар; صَاحِبُ الْمَعَالِي жаноблари (*бош вазирдан бошқа барча вазирларга нисбатан ишлатилади*)

– مُعَلًّى юксак, улуғвор; ◊ الْقَدْحُ الْـ~ а) (*майсир ўйинида энг катта ютуқ келтирувчи кўрсаткич*); б) биринчи ўрин

عَلْوَنَ 1) сарлавҳа қўймоқ; 2) адрес ёзмоқ (сол. عَنْوَنَ)

عُلْوَانٌ кўп. عَلَاوِينُ 1) адрес; 2) (*китобнинг*) сарлавҳаси; ~ الْكِتَابِ китобнинг номи

عَمٌ мн. عَمِيَ қар. وَعَمَ

عم عَلَيْهِ السَّلَامُ! сўзининг қисқартмаси: унга салом бўлсин!

عَمَّ (عَنْ + مَ) = عَمَّا қар. عَنْ

I عَمَّ (а/у) عُمُومٌ умумий бўлмоқ, тарқалган (оммалашган) бўлмоқ, оммавий бўлмоқ, ҳаммага тааллуқли бўлмоқ, ҳаммани қамраб олмоқ; ~ السُّكُونُ сукут ҳоким (ҳукмрон) эди; ~تْ بِهِ الْبَلْوَى умумий ҳодиса бўлмоқ; II عَمَّمَ 1) умумийлаштирмоқ, умумлаштирмоқ; ҳамма ерда жорий қилдирмоқ; 2) оммалаштирмоқ, (*матбуотда*) эълон қилдирмоқ; ҳамманинг эътиборига етказдирмоқ; II عُمِّمَ бош (пешқадам) бўлмоқ; 3) (*к. гадир*) салла ўратмоқ; V تَعَمَّمَ 1) умумийлашган бўлмоқ; 2) тарқатилмоқ, (*матбуотда*) эълон қилинмоқ; 3) салла ўрамоқ, салла ўраб юрмоқ; 4) амаки деб чақирмоқ, амакилаб гапирмоқ; VIII اعْتَمَّ салла ўрамоқ, салла ўраб юрмоқ; X اسْتَعَمَّ амаки деб қабул қилмоқ (ҳисобламоқ)

– أَعَمُّ ғоят умумий; فِي الْـ~ الْأَغْلَبِ аксар ҳолларда, кўпинча

تَعْمِيمٌ[1] 1) ҳамма фойдаланадиган бўлиш, умумлашиш, оммалашиш; ҳамма ерда (*бирор н. нинг*) жорий бўлиши; ~ الْكَهْرَبَاءِ оммавий электрлаштириш; 2) тарқалиш, (*матбуотда*) эълон қилиниш; оммалашиш, ҳамманинг диққат-эътиборига етиб бориш

– تَعْمِيمٌ[2] кўп. ـاتٌ — йўл-йўриқ, циркуляр; أَصْدَرَ ~اً йўл-йўриқ (циркуляр) чиқармоқ

– عَامٌّ 1) умумий, умумхалқ; الْمُؤْتَمَرُ الْـ~ الْعَرَبِيُّ умумараб конгресси; الْقَاعِدَةُ الْـ~ـةُ умумий қоида; يَعْلَمُهُ الْـ~ وَ الْخَاصُّ буни шоҳу гадо – ҳамма билади; الْمَصْلَحَةُ الْـ~ـةُ ёки الصَّالِحُ الْـ~ умум яхшилиги, умумий яхшилик; 2) ижтимоий, жамоатга оид; الْأَعْمَالُ الْـ~ـةُ ижтимоий ишлар, жамоат ишлари; الْأَمْنُ الْـ~ ижтимоий хавфсизлик, жамоат хавфсизлиги; النِّظَامُ الْـ~ жамоат тартиби; الرَّأْيُ الْـ~ жамоатчилик фикри; 3) тарқалган, тарқатилган; 4) бош ...; الْأَمِينُ الْـ~ бош котиб (секретарь); الْقُنْصُلُ الْـ~ бош консул; الْمُدِيرُ الْـ~ бош бошқарувчи; اللَّجْنَةُ الْـ~ـةُ бутунича комиссия, комиссия пленуми!; الْقِيَادَةُ الْـ~ـةُ олий бош қўмондон; 5) давлатга оид; الْقَانُونُ الْـ~ юр. давлат ҳуқуқи; النِّظَامُ الْـ~ давлат низоми (тартиби); الدَّيْنُ الْـ~ давлат қарзи; الْمَدْرَسَةُ الْـ~ـةُ давлат мактаби; الضَّرِيبَةُ الْـ~ـةُ давлат солиғи

– عَامَّةٌ кўп. عَوَامُّ 1) умумга тегишлилик; مَجْلِسُ الْعَوَامِّ умум палатаси; 2) авом, оддий одамлар; الْـ~ وَ الْخَاصَّةُ а) хосу ом; б) авом ва айрим шахслар; ~ النَّاسِ авомуннос, оддий одамлар; ◊ ~ً умуман; ... ~ً ... وَ خَاصَّةً умуман ва хусусан; ~ الْيَوْمِ кун давомида, кун бўйи

– عَامِّيٌّ 1. 1) халққа оид; اللُّغَةُ الْـ~ـةُ халқ тили, шева; 2) оммавий; 3) вульгар, уятли; 4) оддий, содда; 2 оддий (содда) одам

– عَامِّيَّةٌ вульгаризм, уят сўзлар; الْـ~ халқ тили, шева

– عَمٌّ кўп. أَعْمَامٌ, عُمُومَةٌ 1) амаки (*отанинг ака ёки укаси*); ابْنُ الْـ~ а) амакивачча; б) эр; بِنْتُ الْـ~ а) амакининг қизи, амакивачча қиз (*аёл*); б) хотин; 2) қайнота; زَوْجَةُ الْـ~ хола,

амма; (الأُمِّ) الأَب ~ амакининг дадаси

– عَمَّا (عَنْ+مَا) *қар.* عَنْ

– عِمَامَةٌ *кўп.* عَمَائِمُ салла, амома

– عَمَّنْ (عَنْ + مَنْ) *қар.* عَنْ

– عَمَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــ амма (*отанинг опаси ёки синглиси*); ابْنُ الــ~ аммазода; ابْنَةُ الــ~ амманинг қизи; زَوْجُ الــ~ амманинг эри

– عِمَّةٌ *кўп.* عِمَمٌ салла, амома

– عُمُومٌ 1.1) умумийлик; 2) универсаллик; 2. ҳамма нарса; ◊ مَجْلِسُ الــ~ умум палата; حُكُومَةُ ~ فِلَسْطِين умумфаластин ҳукумати; الــ~ омма; عَلَى الــ~ *ёки* ~ا умуман, умуман олганда

– عُمُومَةٌ амаки даражасидаги қариндошлик

– عُمُومِيٌّ 1) умумий, умумга оид; جَمْعِيَّةٌ ~ـــة а) умумий мажлис; б) пленар йиғилиш; 2) универсал; 3) халққа (*умумга*) оид; دَارُ الْكُتُبِ الــ~ халқ кутубхонаси, оммавий кутубхона; 4) ижтимоий, жамоатчиликка оид; أَشْغَالٌ ~ـــة ижтимоий ишлар, жамоат ишлари

– عُمُومِيَّاتٌ *кўп.* умум аҳамиятига эга бўлган масалалар

– عُمُومِيَّةٌ амаки томонидан қариндошлик

– عُمِّيٌّ омий одам, халқ ичидан чиққан одам, одми одам

– عَمِيمٌ 1) умумий; устун (ортиқ, афзал) келадиган; 2) универсал

– مُعَمَّمٌ салла кийган, саллали одам

– عَوَامٌّ *кўп.* авом, оддий одамлар

I عَمَدَ (и) عَمْدٌ 1) суямоқ, қўллаб-қувватламоқ; 2) (*қаергадир*) жўнамоқ (إِلَى); 3) ният қилмоқ, азм қилмоқ; (*н. гадир*) интилмоқ (إِلَى); 4) (*н. гадир*) таянмоқ, ишонмоқ, (*н. дандир*) фойдаланмоқ (إِلَى); 5) (*н. гадир*) киришмоқ, (*н. нидир*) бажаришни бошламоқ (إِلَى); 6) чўқинтирмоқ (*болани тоғорадаги сувга ботириб чўқинтириш-христианларда*); II عَمَّدَ чўқинтирмоқ (*бола ҳақида-христианларда*); IV أَعْمَدَ суямоқ, қўллаб-қувватламоқ; V تَعَمَّدَ 1) атайлаб, бирор ният билан қилмоқ; 2) (бирор) мақсадни кўзламоқ; бирор ният қилмоқ; 3) чўқинтирилган бўлмоқ, (*чўмилиб*) чўқинтирилмоқ; VII اِنْعَمَدَ бирор нарсага тиралиб турмоқ; бирор нарсага суяниб турмоқ; VIII اِعْتَمَدَ 1) (*н. гадир*) ишонмоқ, (*к. гадир*) эътимод қилмоқ, ишонмоқ (*туш.к. ёки* عَلَى); عَلَى الذَّاتِ ~ ўзига ишонмоқ; 2) (*бирор н. га*) қарор (*азм*) қилмоқ (عَلَى); 3) (*бирор н. ни*) асос қилиб олмоқ, (*бирор н. га*) таянмоқ (عَلَى); (*н. гадир*) амал қилмоқ (عَلَى); 4) (*н. нидир*) тасдиқламоқ, (*н. гадир*) рухсат бермоқ (عَلَى):(*имзо қўйиб*) тасдиқламоқ; *дип.* ваколат бермоқ (عَلَى); 5) (*бирор н. учун*) маблағ бермоқ, нисоб очмоқ (لِـ); 6) чўқинмоқ (*чўмилиб*)

– اِعْتِمَادٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) ишонч, ишониш, эътимод қилиш; عَدَمُ الــ~ ишончсизлик, ишонмаслик; وَثَائِقُ الــ~ мандатлар, ишонч қоғозлари; أَوْرَاقُ الــ~ ишонч ёрлиқлари; الــ~ عَلَى الذَّاتِ *ёки* الــ~ عَلَى النَّفْسِ ўзига бўлган ишонч; الــ~ عَلَى الْغَيْرِ ўзгаларга бўлган ишонч, эътимод; 2) таянч, суянчиқ; ~ا عَلَى ... ...га таянган ҳолда, ...га ишониб; 3) тасдиқ, санкция (рухсат); 4) маблағ ўтказиш (бериш); кредит; فَتْحُ ~ا кредит очмоқ; اِعْتِمَادَاتٌ ذَاتُ الْآجَالِ الطَّوِيلَةِ (الْقَصِيرَةِ) узун (қисқа) муддатли кредитлар; ~ إِضَافِيٌّ қўшимча кредит; 5) *шунингдек* الــ~ (كِتَابُ) خِطَابُ *мол.* аккредитив; ~ قَائِمٌ لَا يَقْبَلُ الْإِلْغَاءَ қайтиб олинмайдиган аккредитив; ~ مُسْتَنَدٌ тасдиқланган аккредитив

– تَعَمُّدٌ қасд, қасд қилиш; بِــ~ қасддан, атайлаб

– تَعَمُّدِيٌّ қасд қилишга оид, олдиндан ўйлаб қилинган

– عَامُودٌ *кўп.* عَوَامِيدُ = عَمُودٌ

– عَامُودِيٌّ = عَمُودِيٌّ

– عِمَادٌ[1] чўқинтириш (чўмилтириб)

– عِمَادٌ[2] *кўп.* عُمُدٌ 1) устун; таянч; 2) мачта; 3) устунлар колоннаси

– عِمَادَةٌ 1) имода (*қишлоқ оқсоқолининг унвони*); 2) имода (*декан унвони*); 3) деканат; كُلِّيَّةُ الْآدَابِ ~ филология факультети деканати

– عَمْدٌ[1] қасд, қасд қилиш; عَنْ ~ *ёки* ~ا қасддан, атайлаб; عَلَى غَيْرِ ~ бехосдан, билмаган ҳолда, атайлаб эмас

– عَمْدٌ[2] қасддан қилинган, олдиндан ният қилинган

– عُمْدَةٌ[1] асос, замин, база

– عُمْدَةٌ[2] *кўп.* عُمَدٌ 1) умда (*қишлоқ оқсоқоли*); الْمَدِينَةِ ~ шаҳар бошлиғи, бургомистр; 2) шаҳар маслаҳат мажлиси аъзоси

– عَمْدِيٌّ қасддан қилинган, олдиндан ният қилинган

– عُمْدِيَّةٌ 1) умдийя (*қишлоқ оқсоқоли унвони*); 2) умдийят (*умдага бўйсунадиган ҳудуд*)

– عَمُودٌ *кўп.* أَعْمِدَةٌ ,عُمْدَانٌ 1) устун; جَامِدٌ كَــ~ التِّلِغْرَافِ *маж.* қоққан қозиқдай қаққайиб турган (*сўзма-сўз:* телеграф устунидай қаққайиб турган); 2) хода; мачта; 3) устунлар колоннаси (қатори); (تَاجُ) رَأْسُ الــ~ устунларнинг тожи (*шипга тегиб турган жойи*); بَدَنُ الــ~ устун танаси; قَاعِدَةُ الــ~ устун асоси; 4) устун (*газетадаги*); أَعْمِدَةُ الْجَرَائِدِ газета устунлари; 5) вертикал, тик; *мат.* перпендикуляр; أَنْزَلَ ~ا перпендикуляр туширмоқ; 6) (*бирор н. нинг*) бош қисми; 7) оқсоқол, бошлиқ; ◊ الــ~ الْفِقْرِيُّ умуртқа; الــ~ الشَّوْكِيُّ умуртқа поғонаси; الصُّبْحِ ~ тонг нури

– عَمُودِيٌّ устунсимон; вертикал, тик; перпендикуляр; ◊ طَائِرَةٌ ~ـــة вертолёт, геликоптёр

– عَمُودِيَّةٌ *мат.* ордината

– عُمْدِيَّةٌ = عَمُودِيَّةٌ

– عَمِيدٌ *кўп.* عُمَدَاءُ 1) бошлиқ, раҳбар, етакчи; الْهَيْئَةِ السِّيَاسِيَّةِ ~ дипломатик ҳайъат раҳбари; الْمُرَاسِلِينَ ~ мухбирлар бошлиғи; 2) *шунингдек:* الْكُلِّيَّةِ ~ декан; *шунингдек:* الْجَامِعَةِ ~ ректор; 3) *ҳарб.* бригадир; 3-ранг капитани; генерал (Ироқда)

– مُتَعَمَّدٌ қасддан қилинган, олдиндан ўйланган

– مُعْتَمَدٌ 1.1) ишончли, суянса бўладиган (عَلَيْهِ); тасдиқланган (*ҳужжат ҳақида*); ишонч ваколатини олган; 2) элчихонага ишончли вакил қилинган; 2. вакил, делегат; سِيَاسِيٌّ ~ дипломатик вакил

– مُعْتَمِدٌ (*бирор н. га*) асосланувчи (عَلَى); (*н. гадир*) боғлиқ бўлган (عَلَى)

– مُعْتَمَدِيَّةٌ *кўп.* اتٌ — ваколатхона

– مَعْمَدَانٌ чўқинтирувчи; يُوحَنَّا الـ~ чўқинтирувчи Иоанн

– مَعْمُودِيَّةٌ чўқинтириш (*маросим*)

عَمَرَ I (*у*) عُمْرَانٌ ,عِمَارَةٌ (1) (*к. томонидандир*) эгалланган бўлмоқ (بِ); (*н. билан дир*) тўлдирмоқ (بِ); 2) эгалламоқ, яшамоқ, турмоқ; 3) яшнамоқ, гулламоқ; 4) иморат қурмоқ (солмоқ); 5) узоқ умр кўрмоқ, узоқ яшамоқ; II عَمَّرَ 1) эгалламоқ, босиб олмоқ, мустамлакага айлантирмоқ; 2) (*ерларни*) ўзлаштирмоқ, ишламоқ; 3) қайта тикламоқ, таъмир қилмоқ, таъмирламоқ; 4) (*шаҳар*) қурмоқ; 5) маданиятлаштирмоқ, маданийлаштирмоқ; 6) тўлғазмоқ, тўлдирмоқ; الْمِصْبَاحَ ~ чироқни (*ёғга*) тўлдирмоқ; 7) (*милтиқни*) ўқламоқ; (*трубкага*) тамаки жойламоқ; 8; узоқ умр бермоқ (*Оллоҳ ҳақида*); *мажҳ.* умри узун бўлмоқ, узоқ яшамоқ; عُمِّرَ إِلَى التِّسْعِينَ *мажҳ.* у тўқсон ёш яшади, у тўқсон йил умр кўрди; IV أَعْمَرَ 1) эгалламоқ, мустамлака қилмоқ; 2) тикламоқ, қайта тикламоқ (*бино ҳақида*); 3) умр бўйи эгалик қилиш учун бирор нарсани бошқа одамга бермоқ; V تَعَمَّرَ гуллаб-яшнамоқ, узоқ умр кўрмоқ; VIII اعْتَمَرَ 1) умра қилмоқ, умрага бориб келмоқ (*қар.* عُمْرَةٌ); 2) бошни (*н. билан дир*) ёпмоқ; боғламоқ (بِ); بِالْكُوفِيَّةِ ~ ўз бошини куфия билан ўрамоқ (*қар.* كُوفِيَّةٌ); بِعِمَامَةٍ ~ салла ўрамоқ; 3) келмоқ, бормоқ; X اسْتَعْمَرَ (*қаергадир*) жойлаштирмоқ (فِي); эгаллаб олмоқ, мустамлакага айлантирмоқ, мустамлакалаштирмоқ

– اسْتِعْمَارٌ 1) эгаллаб олиш, мустамлакага айлантириш; мустамлакачилик; الْجَدِيدُ الـ~ неоколониализм; 2) империализм; سِيَاسَةُ الـ~ империалистик сиёсат; عَصْرُ الـ~ империализм даври (асри)

اسْتِعْمَارِيٌّ 1.1) мустамлакачиликка оид; 2) империализмга оид; 2. империалист

– تَعْمِيرٌ 1) ўзлаштириш, ўстириш (*мас., пахта*); الصَّحَارَى ~ саҳроларни ўзлаштириш; 2) қуриш, қурилиш; الْمَدِينَةِ ~ إِعَادَةُ шаҳарни қайта тиклаш; بَنْكُ الـ~ وَ الْإِنْشَاءِ الدُّوَلِيُّ қайта тиклаш ва реконструкция қилиш халқаро банки; 3) (*милтиқни*) ўқлаш, (*трубкага тамаки*) жойлаш

– تَعْمِيرَةٌ *кўп.* اتٌ — 1) ўқ, ўқ-дори; 2) (*трубкага тамаки*) жойлаштириш; 3) тамаки жойлаштирилган трубка

– عَامِرٌ[1] эгалланган, ҳаёт қайнаб турган; (*бирор н. билан*) тўлиб-тошган (بِ); الْجَيْبِ ~ *кўч.м.* бой, серпул, чўнтаги семиз; 2) ишланаётган; гуллаб-яшнаётган; 3) аъло, энг яхши, энг афзал

– عَامِرٌ[2] *кўп.* عُمَّارٌ *мн.* عَامِرَةٌ *кўп.* عَوَامِرُ жин, ажина (*уйда яшар эмиш*); عُمَّارُ الْبُيُوتِ уйларда юрадиган жинлар; ◊ الْبَيْتِ ~ уйда яшайдиган илон; أُمُّ ~ чиябўри, шоқол, шакал

– عَمَارٌ[1] 1) ишлатилаётган (деҳқончилик қилинаётган) ер; устига бинолар қурилган ер; 2) қурилиш; 3) ҳаёт белгилари; هُنَاكَ خَرَابٌ لَا ~ فِيهِ у ернинг ҳамма ёғи вайрона, ҳеч қандай ҳаёт белгилари (аломатлари) йўқ; 4) маданият

– عَمَارٌ[2] салом-алик; لَيْسَ بَيْنَهُمْ ~ уларнинг салом-алиги йўқ, уларнинг ораси бузуқ

– عَمَّارٌ умрага борган киши (*қар.* عُمْرَةٌ)

– عِمَارَةٌ *кўп.* عَمَائِرُ эскадра

– عِمَارَةٌ *кўп.* اتٌ —، عَمَائِرُ 1) эгалланганлик; 2) деҳқончилик қилинадиган, ўзлаштирилган ер; 3) қурилиш; فَنُّ (صِنَاعَةُ) الـ~ архитектура, бинокорлик санъати; قِسْمُ الـ~ қурилиш бўлими; 4) қурилган бино; 5) қабила, уруғ

– عُمْرٌ، عَمْرٌ *кўп.* أَعْمَارٌ 1) умр; لَـ~ي! ўз умрим билан қасамёд қиламан!, умрим ҳаққи!; لَعَمْرُكَ! сенинг умринг ҳаққи қасамёд қиламан, умринг ҳаққи!; ! لَـ~ اللّٰهِ Оллоҳ ҳаққи қасам ичаман!, Оллоҳ ҳаққи!; 2) ёш, умр

– عَمْرٌ (*аёллар*) рўмоли

– عُمْرٌ *кўп.* أَعْمَارٌ 1) умр; 2) ёш; ◊ ذَوَاتُ الـ~يْنِ амфибиялар (*сувда ҳам, қуруқда ҳам яшайверадиган, мас., қурбақа, каби, жониворлар*); نِصْفُ ~ ишлатилган, ярим умри ўтган, ярим яроқли; كَمْ سَنَةً ~كَ؟ ёшинг нечада?, неча ёшдасан?; اللّٰهُ يُطَوِّلُ ~كَ! Оллоҳ умрингни узун қилсин!, Оллоҳ узоқ умр берсин! (*гадоннинг миннатдорлик сўзлари*); أَعْطَاكَ ~ًا! у сенга узоқ умр кўришни тилади!, у сенга узоқ яшашни буюрди!

– عُمَرُ *ат.от.мз.* Умар; عُمَرَانِ *ик.с.* Абу Бакр ва Умар (*Худо улардан рози бўлсин!*)

– عُمْرَانٌ 1) ишлаш, етиштириш; 2) эгалланганлик; 3) цивилизация, маданият

– عُمْرَانِيٌّ маданий; маданий ишларга мўлжалланган

– عَمْرَةٌ[1] бош кийими; салла

– عَمْرَةٌ[2] таъмирлаш, ремонт; جَسِيمَةٌ ~ капитал ремонт (таъмир)

– عُمْرَةٌ *кўп.* عُمَرٌ умра (*зулҳижжа ойининг 8-, 9- ва 10-кунларидан- ҳажж мавсумидан бошқа вақтларда Маккаи мукаррама зиёрати*); اعْتَمَرَ الـ~ умра қилмоқ

– عَمْرٌو *ат.от.мз.* Амр; ◊ ~ دُوَ كَوَاوِ ортиқча юк, кераксиз нарса, қозоннинг бешинчи қулоғи

– عُمْرَى *юр.-шар.* абадий эгалик ҳуқуқини бериш

– عَمُورٌ аҳолиси ғоят кўп (зич)

– عَمِيرٌ одам яшайдиган; ~ مَكَانٌ одам яшайдиган макон (жой)

– عَمِيرَةٌ қўл (билак); ◊ ~ جَلْدُ الْـ *қар.* جَلْدٌ[1]

– مُسْتَعْمِرٌ 1.1) мустамлака қилувчи; 2) империалистик; 2.1) мустамлакачи; 2) империалист

– مُسْتَعْمَرَةٌ *кўп.* اتٌ — мустамлака, колония; وِزَارَةُ الْمُسْتَعْمَرَاتِ мустамлакалар вазирлиги

– مِعْمَارٌ меъмор, қурувчи; архитектор; فَنُّ الْـ~ меъморчилик (архитектура) санъати

– مِعْمَارِيٌّ 1. қурилишга оид; архитектурага оид; ~ رَسْمٌ архитектура чизмаси; ~ ذِرَاعٌ *қар.* ذِرَاعٌ; 2. қурувчи; ~ مُهَنْدِسٌ қурилиш муҳандиси (инженери); архитектор

– مُعَمَّرٌ 1) узоқ яшаган; умри узун; жуда қари; 2) қайта тикланган, таъмирланган, тузатилган

– مُعَمِّرٌ мустамлакачи

– مَعْمُورٌ 1) ишлов берилган (экишга яроқли қилинган) (*ер ҳақида*); 2) аҳоли жойлашган; الْـ~ *ёки* الْـ~ةُ ер, ер шари, дунё

I عَمِشَ (а) عَمَشٌ 1) кучсиз бўлмоқ (*кўриш ҳақида*); 2) ёшланмоқ (*кўз ҳақида*)

– أَعْمَشُ *мн.* عَمْشَاءُ *кўп.* عُمْشٌ кучсиз, ёмонроқ кўрадиган

– عَمَشٌ кўздан ёш оққани учун кўришнинг заифланиши

(عمص) II عَمَّصَ шилпиқ бўлмоқ (*кўз ҳақида*)

– أَعْمَصُ *мн.* عَمْصَاءُ *кўп.* عُمْصٌ шилпиқ кўзли, кўзи шилпиқ

– عُمَاصٌ кўздан оқадиган шилпиқ суви

I عَمُقَ (у) عُمْقٌ чуқур бўлмоқ; II عَمَّقَ чуқурлатмоқ, чуқурлаттирмоқ; ◊ اللهُ قَبْرَهُ! ~ Оллоҳ унинг қабрини мунаввар қилсин! (*сўзма-сўз:* Оллоҳ унинг қабрини чуқур қилсин!); IV أَعْمَقَ = II; V تَعَمَّقَ чуқурлашмоқ, чуқур кириб бормоқ; ~ فِى الْكَلَامِ инжиқлик қилмоқ, нозиклик қилмоқ

– عَمَاقَةٌ чуқурлик

– عُمْقٌ *кўп.* أَعْمَاقٌ 1) чуқурлик; قَلِيلُ الْـ~ саёз, унча чуқур бўлмаган; 2) ост (чуқурликнинг ости), туб; ◊ مِنْ أَعْمَاقِ الْقَلْبِ астойдил, чин юракдан

– عَمِيقٌ чуқур

– مِعْمَاقٌ *кўп.* مَعَامِيقُ батометр (*денгиз, кўл, дарёларнинг турли чуқурлигидан сув намунаси оладиган асбоб*)

I عَمِلَ (а) عَمَلٌ ишламоқ, меҳнат қилмоқ; 2) қилмоқ, тайёрламоқ, бажармоқ; 3) киришмоқ, ҳаракат қилмоқ; 4) ҳукмронлик қилмоқ, ҳоким бўлмоқ; 5) (*бирор к.*) бўлмоқ; 6) (*к. гадир*) тўламоқ, (*пул*) бермоқ (لِـ); 7) (*бирор н. устида*) ишламоқ (عَلَى); 8) *грам.* бошқармоқ; 9) (*к. гадир*) гиж-гижламоқ (عَلَى); ◊ رُوحَهُ ~ ўзини бирор ҳолга солмоқ, муғомбирлик (айёрлик) қилмоқ; عُمِلَ بِهِ *мажҳ.* амал қилинадиган бўлмоқ, кучида турмоқ (*мас., қонун моддалари ҳақида*); II عَمَّلَ 1) ҳоким қилиб таъйинламоқ; 2) йирингламоқ (*жароҳат ҳақида*); III عَامَلَ 1) (*к. гадир*) муносабатда бўлмоқ; ~ـهُ بِالْأُصُولِ кимгадир одат доирасида муносабатда бўлмоқ; ~ـهُ بِالْمِثْلِ қилмишига яраша жавоб қилмоқ; 2) (*к. билан дир*) алоқада (муносабатда) бўлмоқ; 3) (*н. биландир*) ишлов бермоқ (بِ); عُومِلَتِ الْأَرْضُ بِمُبِيدَاتِ الْحَشَائِشِ الضَّارَّةِ *мажҳ.* зарарли ўт-ўланлардан тозалайдиган воситалар билан ерга ишлов берилди; IV أَعْمَلَ 1) ишлатмоқ, ишга солмоқ; الْهِمَّةَ ~ (*н. дадир*) ғайрат қилмоқ (فِى); فِكْرَهُ (ذِهْنَهُ) ~ (*бирор н. ҳақида*) фикр қилмоқ, зеҳнни ишлатмоқ (فِى); V تَعَمَّلَ ҳаракат қилмоқ, меҳнат қилмоқ; VI تَعَامَلَ биргалашиб иш олиб бормоқ, амалий муомалада бўлмоқ, ҳамкорлик қилмоқ; ўзаро алоқа-муносабатда бўлмоқ; VII انْعَمَلَ қилинган (ишланган) бўлмоқ; VIII اعْتَمَلَ 1) фаолият кўрсатмоқ; жумбўшга кирмоқ (*туйғулар ҳақида*); қилинмоқ, вужудга келмоқ, юз бермоқ; 2) фойдаланилмоқ, ишлатилмоқ; 3) ўзи учун тайёрламоқ, ясамоқ; X اسْتَعْمَلَ 1) ишлатмоқ, фойдаланмоқ; 2) йўлга қўймоқ, жорий қилмоқ, амалга оширмоқ; 3) (*н. дандир*) тайёрламоқ, ясамоқ, ишламоқ (مِنْ); 4) (*н. нингдир устидан*) ҳоким (бошлиқ) қилиб тайинламоқ (عَلَى)

– اسْتِعْمَالٌ 1) истеъмол, истеъмол қилиш, фойдаланиш; жорий қилиш; بَطَلَ ~ـهُ бу истеъмолдан чиқиб кетди; 2) амалиёт, практика; سُوءُ الْـ~ *қар.* سُوءٌ ;إِسَاءَةُ الْـ~ *қар.* إِسَاءَةٌ

– تَعَامُلٌ 1) ўзаро ҳамкорлик (муносабат); الـ~ الدُّوَلِيُّ халқаро ҳамкорлик; عَدَمُ الـ~ ҳамкорликдан воз кечиш, ҳамкорликни рад этиш; 2) амалий муносабатлар; الـ~ التِّجَارِيُّ савдо муносабатлари

– تَعَمُّلٌ сунъийлик, ғайритабиийлик

– عَامِلٌ[1] 1.1) ишловчи, ишлаб турган; الطَّبَقَةُ الْـ~ـةُ ишчилар синфи, меҳнаткашлар; 2) ҳаракатдаги (*армия ҳақида*); ҳақиқий (*ҳарбий хизмат ҳақида*); الْخِدْمَةُ الْعَسْكَرِيَّةُ الْـ~ـةُ ҳақиқий ҳарбий хизмат; عَسْكَرِيٌّ ~ ҳарбий, ҳарбий хизматни бажараётган; 3) ҳақиқий (*жамият аъзоси ҳақида*); 2. *кўп.* عَمَلَةٌ, عُمَّالٌ 1) ишчи; меҳнаткаш; хизматчи; اللَّاسِلْكِيِّ ~ радиооператор; التِّلِغْرَافِ ~ телеграфчи, телеграфист; التِّلِيفُونِ ~ـةُ телефонист аёл, телефонистка; زِرَاعِيٌّ ~ қишлоқ хўжалиги ишчиси, деҳқон; طَبَقَةُ الْعُمَّالِ ишчилар синфи; حَرَكَةُ الْعُمَّالِ ишчилар ҳаракати; حِزْبُ الْعُمَّالِ ишчилар партияси; лейбористлар партияси; 2) агент; 3) ҳоким; губернатор (*Шимолий Африкада*); 4) *мат.* кўпайтувчи

– عَامِلٌ[2] *кўп.* عَوَامِلُ 1) омил, фактор; сабаб, ҳаракатга келтирувчи куч; جَاسِمٌ ~ ҳал қилувчи омил; الزَّمَنِ ~ вақт омили (фактори); 2) *грам.* бошқарув юкламаси; бошқарувчи сўз; الرُّمْحِ ~ найзанинг учидан юқори (ўрта) қисми

– عَمَّالٌ 1. доимо ишлаб турадиган; 2. ишчи

– عَمَّالٌ *халқ.*: يَاكُلْ ~ у ҳозир овқатланаётир; ~ـَـةٌ تَاكُلُ у (аёл); ҳозир овқатланаётир

– عُمَالَةٌ *кўп.* ـاتٌ — хизмат ҳақи, маош; воситачиликдан тушган (пул), *комиссион*

– عِمَالَةٌ[1] *кўп.* ـاتٌ — ҳокимлик (*ҳудуд маъносида*) административ округ, губернаторлик (*Шимолий Африкада*)

– عِمَالَةٌ[2] 1) ишчилик касби; 2) ишда банд бўлиш; أَيَّامُ الــ~ иш кунлари, иш билан банд бўлган кунлар

– عُمَّالِيٌّ 1. ишчига оид; лейбористларга оид; الْحَرَكَةُ الـ~ـَـةُ ишчилар ҳаракати; 2. лейборист

– عَمَلٌ *кўп.* أَعْمَالٌ 1) иш, меҳнат; الـ~ُ الْمَأْجُورُ ёлланма меҳнат; مَكْتَبُ الـ~ِ иш куни; الـ~ُ الْيَدَوِيُّ қўл меҳнати; يَوْمُ الـ~ِ ~ (الدُّوَلِيُّ) (халқаро) меҳнат бюроси; وَزِيرُ الـ~ِ ~ меҳнат вазири (министри); صَاحِبُ الـ~ِ ~ иш берувчи, иш билан таъмин этувчи; 2) ҳаракат, аъмол; 3) машғулот, иш; رَجُلُ ~ ишбилармон одам; بِالـ~ِ وَ لَا بِالْقَوْلِ гапда эмас, амалда; 4) қилмиш; 5) амалиёт, практика; 6) ижод қилинган (яратилган) нарса, асар, ижод маҳсули; 7) вилоят, провинция; 8) *кўп.* фаолият; меҳнат, иш; أَعْمَالُ التَّعْدِينِ фойдали қазилмалар чиқариш; أَعْمَالُ الْمِثْقَابِ пармалаш ишлари; пармалаш; أَعْمَالُ الْمِقْشَطَةِ рандалаш ишлари, рандалаш; الْأَعْمَالُ الْمَجِيدَةُ жасорат; الْأَعْمَالُ الْمَنْزِلِيَّةُ хонадон хўжалиги; ◊ ~ً ... بِـ... (*н. нидир*) амалга ошира бориб, (*н. гадир*) амал қилган ҳолда

– عَمُولٌ = عَمِلٌ

– عَمْلَةٌ *кўп.* عَمَلَاتٌ, عَمَائِلُ бемаъни, (ёмон) иш (қилиқ, қилғилик); عَمِلَ ~ فِي الْمَدْرَسَةِ мактабда шумлик (шўхлик) қилмоқ (бебошлик қилмоқ, ҳунар кўрсатмоқ); ◊ بِـ~ـهِ жиноят устида (пайтида)

– عُمْلَةٌ *кўп.* عُمُلَاتٌ 1) чақа (майда пул); وَجْهُ الـ~ِ чақанинг юз (бет) томони; قَفَا الـ~ِ чақанинг орқа томони; 2) пул, валюта; سِعْرُ الـ~ِ пулнинг курси; أَجْنَبِيَّةٌ ~ чет эл валютаси, ажнабий валюта; مَعْدِنِيَّةٌ ~ металдан ишланган пул, танга, чақа; وَرَقٌ ~ *ёки* وَرَقِيَّةٌ ~ қоғоз пуллар, банкнотлар, кредит билетлари; نَادِرَةٌ ~ *ёки* صَعْبَةٌ ~ қатъий валюта; زَائِفَةٌ ~ сохта пуллар; 3) маош, иш ҳақи

– عَمَلِيٌّ амалий; ~ًا амалда

– عَمَلِيَّاتٌ *кўп.* амалий масалалар, амалиёт, практика

– عَمَلِيَّةٌ *кўп.* ـاتٌ — 1) амалда бажариш; ишлаб чиқариш; 2) операция (*турли маъноларда*); تِجَارِيَّةٌ ~ савдо (тижорат, коммерция) операцияси; جِرَاحِيَّةٌ ~ жарроҳлик операцияси; ~ عَسْكَرِيَّةٌ ҳарбий операция; مَالِيَّةٌ ~ молиявий операция; ~ مَصْرِفِيَّةٌ банк (касса) операцияси; 3) аъмол; жараён; الْإِزْهَارِ ~ гуллаш жараёни; الْعَمَلِيَّاتُ الْأَرْبَعُ الْحِسَابِيَّةُ тўрт арифметик амал (+, -, x, :)

– عَمُولٌ ишлаётган, фаолият кўрсатаётган

– عُمُولَةٌ *кўп.* ـاتٌ — воситачилик (комиссион) тўлови; маош, иш ҳақи

– عَمِيلٌ *кўп.* عُمَلَاءُ 1) агент; воситачи; контрагент; 2) харидор; буюртмачи; мижоз; 3) *кўп.* агентура

– عُمَيْلَةٌ *кўп.* ـاتٌ — *эл.* эрг (*СГС бирликлар системасида иш, иссиқлик миқдори ва энергия бирлиги*)

– مُسْتَعْمَلٌ ишлатилган, эскирган; ◊ الْمَرْكَبِ ~ (*кемани*) бошқарувчи

– مُسْتَعْمَلَةٌ *кўп.* ـاتٌ — (*тунги*) тувак

– مُعَامِلٌ *кўп.* ـاتٌ — коэффициент; индекс

– مُعَامَلَةٌ *кўп.* ـاتٌ — 1) алоқа, муносабат, муомала; شَهَادَةُ الـ~ِ ҳарбий хизматдан озод этилганлик ҳақида гувоҳнома *ёки* ҳарбий хизматни ўтаганлиги ҳақида гувоҳнома; 2) муносабат; حُسْنُ الـ~ِ яхши муносабат; الـ~ُ السَّيِّئَةُ *ёки* سُوءُ الـ~ِ ёмон муносабат; الـ~ُ بِالْمِثْلِ ўзаро алоқадорлик; 3) иш, муомала; савдо; تَفْضِيلِيَّةٌ ~ *дип.* энг яхши савдо муносабатлари режимини қўллаш; 4) илтимос, илтимоснома (*Сурияда*)

– مَعْمَلٌ *кўп.* مَعَامِلُ 1) завод, фабрика; تَعْلِيبِ الْأَسْمَاكِ ~ балиқ консерваси заводи; لِتَصْلِيحِ السَّيَّارَاتِ ~ авторемонт заводи; ~ لِلْخُبْزِ нон заводи; لِصُنْعِ الْأَسْلِحَةِ ~ қурол-аслаҳа (қуролсозлик) заводи; 2) лаборатория

– مَعْمَلِيٌّ лабораторияга оид; تَجَارِبُ ~ـَـةٌ лаборатория тажрибалари

– مَعْمُولٌ 1. қилинган; тайёрланган; عَامِلٌ وَ ~ *грам.* бошқарувчи ва бошқариладиган сўз; 2. маъмул (*пирожний тури*); ◊ بِهِ ~ жорий бўлиб турган, истеъмолда бўлган, юриб турган; б) жорий (*қонунлар, расму русумлар ҳақида*)

عَمْلَقَ (*бирор н. ни*) жуда катта ҳажмда қилмоқ (бажармоқ, амалга оширмоқ); تَعَمْلَقَ 1) бекиёс катта ҳажмда амалга оширмоқ; 2) улкан (гигант) бўлмоқ; 3) ўзини улкан (гигант) деб ҳисобламоқ

– عَمَالِيقُ *ёки* عَمَالِقَةٌ *кўп.* Нуҳ алайҳиссаломнинг чевараси Имлиқнинг фарзандларидан тарқалган элат

– عِمْلَاقٌ *кўп.* ـاتٌ, عَمَالِقَةٌ, عَمَالِيقُ — баҳайбат, улкан, гигант, титан

– عِمْلَاقِيٌّ улканликка оид, улкан; خَطَا خُطًى ~ـَـةً (*н. дадир*) улкан қадамлар қўймоқ (فِي)

– عِمْلِيقٌ Нуҳ алайҳиссаломнинг чевараси исми (*ўртада Сом, Ирам ва Ловаз мавжуд*)

I عَمَّهُ (*а*) عَمَّةٌ, عُمُوهَةٌ *ёки* عَمِهَ (*а*) عَمَهٌ, عُمُودٌ 1; адашмоқ, адашиб юрмоқ; 2) хижолат бўлмоқ, ўзини йўқотиб қўймоқ

– عَامَّة *кўп.* عُمَّة ҳайрон бўлиб (иккиланиб, тараддудланиб) турган

– عَامَّة = عَمَة

I عَمِيَ (а) عَمًى 1) кўр бўлмоқ; кўриш қобилиятини йўқотмоқ, кўр бўлиб қолмоқ; 2) (*н. нидир*) курмаслик, эътибор бермаслик (عَنْ); 3) (*к. учундир*) ноаниқ (қоронғи) бўлмоқ (عَلَى); ~ عَلَيْهِ الْأَمْرُ бу иш унинг учун ноаниқ (қоронғи) эди; II عَمَّى 1) кўп қилмоқ; 2) яширмоқ, ноаниқ қилмоқ; عُمِّيَ عَلَيْهِ الْأَمْرُ *мажҳ.* бу иш унинг учун ноаниқ эди; 3) туманли (*имо-ишоралар билан, ноаниқ*) қилиб гапирмоқ; IV أَعْمَى кўр қилмоқ, кўздан қолдирмоқ; V تَعَمَّى кўр бўлиб қолмоқ; VI تَعَامَى 1) ўзини кўрликка солмоқ, кўр қилиб кўрсатмоқ; 2) (*бирор н. дан*) кўз юммоқ, (*бирор н. ни*) эътиборга олмасликка ҳаракат қилмоқ (عَنْ)

– أَعْمَى *мн.* عُمْيَان، عُمْي *кўп.* عَمْيَاء 1. кўр-кўрона, кўрларча; طَاعَة عَمْيَاء кўр-кўрона итоат қилиш; ثِقَة عَمْيَاء кўр-кўрона ишонч; سَارَ عَلَى الْعَمْيَاء кўр-кўрона (таваккалига) юрмоқ (бормоқ); أَبُو ~ *зоол.* кўрсичқон; 2. кўр, сўқир; ◊ الْأَعْمَيَان *ик.с.* а) ёнғин ва тун; б) сел ва ўт (олов)

– تَعَامٍ 1) ёлғон кўрлик; 2) (*бирор н. дан; атайлаб кўз юмиш, кўриб кўрмаганга солиш* (عَلَى)

– تَعْمِيَة кўз қамаштириш; (*турли н. ларни ҳарбий мақсадларда*) ола-була қилиб бўяш

– عَم *мн.* عَمِيَة *кўп.* عَمُون адашадиган, янглишадиган; رَجُلٌ عَمِي الْقَلْب жоҳил одам

– عَمَارَة، عَمَاة 1) кўрлик, сўқирлик; ~ الْقَلْب саводсизлик, жоҳиллик, нодонлик; 2) аралаш-қуралашлик; 3) булут

– عَمَايَة 1) кўрлик, сўқирлик; 2) ғира-ширалик, ғира-шира пайт; ~ الصَّبَاح тонгдаги ғира-ширалик; 3) янглишиш, адашиш; 4) нодонлик

– عَمًى кўрлик; ~ اللَّوْن ёки الـ~ اللَّوْنِي *мед.* дальтонизм (*оқ ва қора рангдан бошқасини ажратолмаслик касаллиги*); ~ اللَّيْل ёки الـ~ اللَّيْلِي шапкўрлик, кечаси кўрмаслик; عَلَى الـ~ кўр-кўрона, таваккалига, таваккал қилиб, ўйлаб ўтирмай

– عُمْيَان кўр, сўқир

– عُمْيَانِي кўр-кўрона қилинган; ўйлаб кўрилмаган; عَلَى الـ~ кўр- кўрона, таваккалига, ўйламай, ўйлаб ўтирмай; أَطْلَقَ النَّارَ عَلَى الـ~ мўлжалга олмай ўқ отмоқ

– عَمِيَّة нодонлик; кам ўйлик

– مُعَمًّى 1. ғалати, муаммоли, сирли; 2. *кўп.* مُعَمَّيَات муаммо, топишмоқ, бошқотирма

– مُعَمَّاة *кўп.* مُعَمَّيَات муаммо, топишмоқ, бошқотирма; мавҳум (ноаниқ) нутқ (гап)

1 عَنْ 1) .. дан; (*к. нингдир*) айтишига кўра; ...нинг номидан; مُمَثِّل عَنْ ... ...дан вакил бўлиб келган, ...дан вакил; لَجْنَة ... ~ ...нинг комиссияси номидан; رَوَى عَنْهُ кимнингдир сўзларига кўра (асосан) гапирмоқ; قَامَ بِهِ عَنْ خَوْف у буни қўрққанидан қилди; 2) ...ганидан; ...гани учун, ...нинг натижасида; عَنْ اضْطِرَار мажбур бўлгани учун; 3) ...нинг ўрнига; جَزَاهُ عَنِ الْحَسَنَةِ بِالسَّيِّئَة у яхшилик қилишнинг ўрнига ёмонлик қилди;4) ҳақида, тўғрисида, борасида; حَدِّثْ عَنْ هٰذِهِ الْحَوَادِث! бу воқеалар ҳақида гапириб бер!; 5) кейин, ...дан кейин (сўнг), ўтгандан кейин; عَنْ قَلِيل (عَمَّا) бир оз вақтдан кейин; عَنْ شَهْر يُولِيُو июль ойи учун (*тўлов ҳақида*); ◊ عَنْ يَمِينِه ўнг томондан, ўнгдан; مَاتَ عَنْ وَلَد у боласини қолдириб ўлиб кетди; تُوُفِّيَ عَنْ ٧٥ عَامًا у 75 ёшда ўлди; ~ آخِرِهِم охиригача; ~ ظَهْر قَلْب ёддан; خِبْرَة وَ مَعْرِفَة ~ тажрибаси ва билимига кўра; ~ جَهْل билмаслиги орқасида (натижасида); ~ عِلْم وَ بَصِيرَة билиб туриб, онгли равишда, кўриб туриб; ~ كَرَم وَ سَخَاء сахийлик (саховат) билан; عَمَّا ... (عَنْ+مَا) шу ҳақдаги, ...; шунинг учунки, ...; ~ عَمَّنْ (عَنْ+ مَنْ) ...ган киши ҳақида; دَافَعَ عَنْهُ кимнидир ҳимоя қилмоқ; رَغِبَ عَنْهُ бирор нарсани хоҳламаслик (истамаслик); تَعَامَى عَنْهُ бирор нарсага атайлаб эътибор бермаслик; عَنْكَ يَا ...! бўлди!, етар!, тўхтат!

I عَنَّ (а/, и, у) عَنّ тўғри келмоқ; пайдо бўлмоқ, кўринмоқ, намоён бўлмоқ, келмоқ; لِي أَنْ ... ~ менинг ақлимга шу нарса келдики, ...; عَنَّتْ لَهُ فُرْصَة унга фурсат тўғри келиб қолди; 2) тизгинламоқ; ~ الْفَرَس отни тизгинламоқ (юганламоқ); II عَنَّن = عَنَّى

– عَنَان *жам.* булут; ~ السَّمَاء ёки شَقَّ الـ~ осмонга кўтарилмоқ (*шовқин-сурон ҳақида*)

– عِنَان *кўп.* أَعِنَّة жилов, юган, тизгин; أَطْلَقَ (أَرْخَى، تَرَكَ) الـ~ لِلْخَيَال *маж.* у хаёл тизгинини (жиловини) қўйиб юборди, у хаёлига эрк берди; أَرْخَى لِلْفِكْرِ الْأَعِنَّة чуқур ўйга толмоқ; أَلْقَتْ إِلَيْهِ اللُّغَةُ الْعَرَبِيَّةُ أَعِنَّتَهَا *маж.* у араб тилини яхши билади (араб тилини у жиловлаб олган); شَرِكَة الـ~ ҳеч нарсани аралаштирмай, бирор нарсада тенг иштирок этиш

– عِنَانَة жинсий заифлик, импотенция

– عِنَانَة = عُنَّة

– عِنِّين 1. заиф; 2. импотент

– عُنَّة = عِنِّينَة

II عَنَّبَ (عنب) узум етиштирмоқ (*узум новдаси ҳақида*)

– عُنَّاب *жам бот.* унноб (*ўсимлик*)

– عُنَّابَةٌ *бот.* унноб дарахти

– عِنَبٌ *жам. кўп.* أَعْنَابٌ узум; رُومِيٌّ ~ қора кишмиш нави; عُنْقُودُ الـــ~ узум боши; الثَّعْلَبِ ~ а) *шунингдек* النَّصَارَى ~ қизил қорағат (смородина); б) *шунингдек* الذِّئْبِ ~ қора итузум (*шимолий Африкада*); в) *шунингдек* الشَّمَالِ ~ крижовник (*итузумга ўхшаш ўсимлик*); سُكَّرُ الـــ~ глюкоза

– عَنْبَا *бот.* манго, анбаҳ (*иссиқ мамлакатларда ўсадиган дарахт ва унинг меваси*)

عِنَبٌ = عِنَبَاء

– عِنَبَةٌ *кўп.* اتٌ — 1) узум донаси, 2) *мед.* стафилома

– عَنْبَرٌ[1] анбар (*муаттар бўйли модда*)

– عَنْبَرٌ[2] *кўп.* عَنَابِرُ 1) омбор; 2) палата, хона (*шифохонадаги*), хобхона, ухланадиган хона (*интернатда*); 3) *т.-й.* таъмирхона, депо; 4) кемадаги хона; 5) *авиа.* ангар (*самолёт, вертолёт кабиларни таъмир қиладиган устахона*); الْمَصْنَعِ ~ завод цехи; 6) кашалот (*тиши ўткир йиртқич кит*)

– عَنْبَرَةٌ қиш совуғи (*аёзи*)

– عَنْبَرِيٌّ 1. анбардан тайёрланган, анбарий; 2. ликёр (*хушбўй вино*)

I عَنِتَ (а) عَنَتٌ 1) қийин (оғир) аҳволга тушиб қолган бўлмоқ (тушиб қолмоқ), балога гирифтор бўлмоқ; 2) фаҳший гуноҳ қилмоқ; II عَنَّتَ куч ишлатиб мажбур қилмоқ; қўпол муомалада бўлмоқ; қўполлик қилмоқ; IV أَعْنَتَ 1) оғир аҳволга солиб қўймоқ; балога гирифтор қилмоқ; 2) аччиқлантирмоқ, жонга тегмоқ; V تَعَنَّتَ 1) тўсқинлик қилмоқ; 2) (*к. гадир*) инжиқлик қилмоқ, ёпишиб олмоқ, ортиқ даражада талабчан бўлмоқ (عَلَى); 3) қайсарлик қилмоқ; сабот кўрсатмоқ

– تَعَنُّتٌ 1) қайсарлик; саботлилик; 2) ёпишиб олиш; инжиқлик

– عَنَتٌ 1) жаҳллилик; 2) таъқиб; инжиқлик, ортиқча талабчанлик; 3) қийинчилик, машаққат; азоб-уқубат, оғирлик; ёқимсизлик, дилсиёҳлик; 4) фаҳш

– مُتَعَنِّتٌ 1) инжиқ, ортиқча талабчан; 2) ашаддий; 3) қайсар

عَنْتَرَ (*н. дадир*) жасорат (мардлик, қаҳрамонлик) кўрсатмоқ (فِي) 2) (*к. гадир қарши*) гиж-гижламоқ (عَلَى)

– عَنْتَرَةٌ, عَنْتَرُ 1) *ат.от.мз.* Антара (*араб фольклори қаҳрамони, исломгача яшаган шоир*); لَا ~ بِلَا عَبْلَةَ *мтл.* ҳар Мажнуннинг ўз Лайлоси бўлади (*сўзма-сўз:* Абласиз Антара бўлмайди); 2) қаҳрамон; شَجَاعَةُ ~ *маж.* беқиёс шижоат (қаҳрамонлик, жасорат, мардлик)

– عَنْتَرَةٌ жасорат, мардлик, қаҳрамонлик

– عَنْتَرِيٌّ[1] *кўп.* عَنَاتِرَةٌ сийнабанд, лифчик

– عَنْتَرِيٌّ[2] мард, жасур, қаҳрамон, қўрқмас

– عَنْتَرِيَّةٌ чексиз мардлик (жасорат, қаҳрамонлик)

عَنْتَبِيلٌ 1. инжиқ; 2 кеккайган

عَنْقَرِيبٌ = عَنْجَرِيبٌ

(عنجه) تَعَنْجَهَ кеккаймоқ, мағрурланмоқ

– عَنْجَهِيٌّ такаббур, кеккайган, мағрур

– عَنْجَهِيَّةٌ такаббурлик, кеккайиш, мағрурлик

عَنْجِيلٌ: مَرَضُ الـــ~ *мед.* денге безгаги

I عَنَدَ (и, у) عُنُودٌ 1) қайсарлик қилмоқ, қаршилик қилмоқ; 2) (*н. дандир*) бўйин товламоқ (عَنْ); 3) билиб туриб ҳақиқатга қарши чиқмоқ; II عَنَّدَ кучли саботлилик қилмоқ, қайсарлик қилмоқ; III عَانَدَ қаршилик (қайсарлик) қилмоқ; VI تَعَانَدَ ўзаро қаршилик қилишмоқ; X اسْتَعْنَدَ қайсарлик қилмоқ

– تَعَنُّدٌ қайсарлик; бўйсунмаслик, ўзбилармонлик

– عَانِدٌ *кўп.* عَنَدَةٌ қайсар; бўйсунмас, ўзбилармон

– عِنَادٌ 1) саботлилик, собитлик, қайсарлик; 2) қаршилик

– عِنْدَ олдида, ёнида, қошида; яқинида, ёнида; ўша вақтда; ...-ганда; ذَلِكَ ~ шу билан бирга, ўша вақтда, ўшанда; اللُّزُومِ ~ зарур (лозим) бўлганда; الْمَغْرِبِ ~ қуёш ботаётган вақтда, оқшом пайтида, кун ботарда; الْبَيْتِ ~ уй ёнида; الظُّهْرِ ~ кун ярмида, туш вақтида; (ى~) менда бор; б) менимча, фикримча; مَا ~ қачонки ...; إِذٍ ~ ўшанда, ўша вақтда; ...-ган вақтда, ...-ганда; هَا ~ ўшанда, ўша вақтда; шу билан бирга; لِي ~ هُ ◊ у мендан қарздор, ذَهَبَ إِلَى ~هِ у унинг олдига жўнади; أَتَى مِنْ ~هِ у унинг олдидан келди; ~كَ! *халқ.* тўхта!

– عِنْدِيَّاتٌ *кўп.* ўзидан қўшилганлик; ўзбилармонлик

– عَنِيدٌ саботли, собит, қайсар; қатъиятли

– مُعَانِدٌ собит, қайсар, қатъиятли

– عِنَادٌ = مُعَانَدَةٌ

عَنْدَلَ овоз чиқармоқ, сайрамоқ

– عَنْدَلٌ булбул

عَنْدَلِيبٌ *кўп.* عَنَادِلُ булбул, андалиб

عَنْدَمٌ 1) елим, смола; 2) каучук дарахти

– عَنْدَمِيٌّ қизил рангли

عَنْزٌ[1] лайлак; أَبْيَضُ ~ оқ лайлак; الْمَاءِ ~ қора лайлак

– عَنْزٌ[2] *кўп.* عُنُوزٌ, أَعْنُزٌ *жам.* эчкилар

– عَنْزَةٌ *кўп.* عَنَزَاتٌ эчки; وَلَوْ طَارَتْ! ~ *мтл.* гарчи учса ҳам, бу эчкида! (*ўта бемаъни н. ни гапираётган одам ҳақида*)

– عَنَزَةٌ *кўп.* عَنَزٌ *ёки* اتٌ — ҳассадан узун, найзадан калтароқ

учига металл ўрнатилган таёқ; الْفَأْسِ ~ болтанинг тиғи

I عَنَسَ (а) عَنْسٌ، عُنُوسٌ қари қиз бўлиб қолмоқ; II عَنَّسَ қизни эрга бермай узоқ вақт олиб ўтирмоқ

– عَانِسٌ кўп. عَوَانِسُ қари қиз; 2) кўп. عُنْسٌ، عُنَّسٌ ёши ўтган бўлса ҳам уйланмаган одам

– عَانِسَةٌ кўп. عَوَانِسُ = عَانِسٌ

أَعْنَشُ мн. عَنْشَاءُ кўп. عُنْشٌ олти бармоқли, бармоғи олтита

عُنْصُرٌ кўп. عَنَاصِرُ 1) кимё., физ. 1) элемент, модда; унсур; 2) таркибий қисм; таркибий элемент (модда, унсур); 3) зот, табиат; كَرِيمُ الْـ~ зоти олижаноб бўлган, олижаноб зотли, зодагонлардан бўлган; 4) ирқ; 5) кўп. миллатлар

– عَنْصَرَةٌ: الْـ~ ёки عِيدُ الْـ~ ёки أَحَدُ الْـ~ дин. учлик (христианларда: худонинг уч унсурда намоён бўлиши)

– عُنْصُرِيٌّ 1.1) элемантар, унсурий; 2) ирқий; التَّفْرِقَةُ الْـ~ـة ирқий камситиш; 3) ирқчиликка оид; 4) миллатчиликка оид; 2. миллатчи

– عُنْصُرِيَّةٌ ирқчилик

عُنْصُلٌ бот. денгиз пиёзи; 2) ёввойи пиёз

عَنْطَزَ، تَعَنْطَزَ кеккаймоқ, мағрурланмоқ

– عَنْطَزَةٌ кеккайиш, мағрурланиш, мағрурлик

عَنْعَنَ 1) (бир неча одамлардан эшитганларни عَنْ فُلَانٍ عَنْ فُلَانٍ) гапирмоқ, айтиб бермоқ; 2) ўзининг келиб чиқиши ҳақида фахрланиб гапирмоқ; 3) фон. сўз бошидаги ҳамзани Е каби талаффуз қилмоқ

– عَنْعَنَةٌ кўп. ~اتٌ (бир неча шахсдан эшитганлар асосида) сўзлаб (гапириб) бериш; 2) ўз келиб чиқиши билан анъанали равишда фахрланиш; 3) фон. сўз бошидаги ҳамзани ع каби талаффуз қилиш; 4) кўп. мутаассиблик; الْعَنْعَنَاتُ الدِّينِيَّةُ وَ الْعُنْصُرِيَّةُ ирқий ва диний мутаассиблик

I عَنُفَ (у) عُنْفٌ (к. гадир) қаттиққўллик қилмоқ, шафқатсиз муносабатда бўлмоқ (عَلَى, بِ); II عَنَّفَ 1) уришмоқ, сўкмоқ; 2) қўпол муносабатда бўлмоқ; IV أَعْنَفَ қўполлик қилмоқ, қўпол муносабатда бўлмоқ

– تَعْنِيفٌ ғадаблаш, ҳайфсан

– عَنَفٌ، عُنْفٌ 1) қаттиққўллик, қаҳрлилик; қўполлик; بِـ~ қўполлик билан; 2) (қўпол, дағал) куч, жабр, зулм; أَعْمَالُ الْـ~ зулм, истибдод

– عَنَفَةٌ кўп. ~اتٌ — паррак, қанот; турбина; ~ بُخَارِيَّةٌ буғ турбинаси

– عُنْفَةٌ яна, тағин

عُنْفُوَانٌ[1] гуллаган пайт; қизиган пайт (мас., жангдаги); ~ الشَّبَابِ ёшликнинг гуллаган пайти

– عُنْفُوَانٌ[2]: ~ الشَّيْءِ ҳар нарсанинг аввали (бошланиши)

– عُنْفِيٌّ зўрлик билан қилинган

– عَنِيفٌ даҳшатли, қаттиқ, ғазабли; қўпол, қаттиққўл; мард; кучли; مَوْتٌ ~ қотиллик

عُنْفُقَةٌ кўп. عَنَافِقُ қисқа қирқилган чўққи соқол

(عنق) II عَنَّقَ бўйиндан олмоқ, бўйиндан тутмоқ; III عَانَقَ қучмоқ, қучоқламоқ; VI تَعَانَقَ қучоқлашмоқ, бир-бирини қучоқламоқ; VIII اعْتَنَقَ 1) қучоқламоқ; 2) қабул қилмоқ (мас., динни)

– أَعْنَقُ мн. عَنْقَاءُ кўп. عُنُقٌ узун бўйинли

– عِنَاقٌ қучоқ; تَقَابَلَ الْأَصْدِقَاءُ بِالْـ~ дўстлар бир-бирларини қучоқ очиб кутиб олдилар

– عُنْقٌ، عُنُقٌ мз. (оз ҳолда мн) кўп. أَعْنَاقٌ бўйин; ◊ مَدْقُوقُ الْـ~ِ зулм остида тутиб туриладиган, мазлум, зулм қилинадиган; فِي أَعْنَاقِهَا حَيَاةُ أَرْبَعَةِ أَشْخَاصٍ тўрт одамнинг ҳаёти учун биз масъулмиз; فِي ~ـه أَرْبَعَةُ أَطْفَالٍ وَ زَوْجَةٌ тўрт фарзанди ва хотинини боқиши керак; ... وَاجِبٌ مُقَدَّسٌ فِي ~ِي أَنْ أُصَرِّحَ بِأَنْ менинг муқаддас бурчим шуни айтишки, ...; فِي ~ـه مِنَّةٌ لَهَا у (аёл) дан миннатдор бўлиши керак; فِي أَعْنَاقِهِمْ حَقٌّ لِـ... ...га нисбатан улар масъулдир, ...учун улар масъулдирлар; حَنَى ~ـهُ لِـ... бирор киши олдида бўйин эгмоқ

– عَنْقَاءُ шунингдек: مُغْرِبٌ ~ ёки مُغْرِبٌ ~ миф. анқо (афсонавий қуш); ثَلَاثَةٌ مُسْتَحِيلَاتٌ: الْـ~ وَ الْغُولُ وَ الْخِلُّ الْوَفِيُّ бўлиши мумкин бўлмаган уч нарса: анқо, (чолдаги) дев ва содиқ дўст (шунингдек: қар. مُسْتَحِيلَاتٌ)

– مُعَانَقَةٌ қучиш, қучоқлаш

(عنقد) تَعَنْقَدَ 1) бош-бош бўлиб (узумга ўхшаб) осилиб турмоқ; 2) тўп-тўп бўлиб йиғилмоқ

– عُنْقُودٌ кўп. عَنَاقِيدُ шингил; (узум) боши; ~ الْعِنَبِ токнинг шохга ёки бошқа бирор нарсага ўраладиган (чирмашадиган) ингичка қисми

عَنْقَرِيبٌ (сол. عَنْجَرِيبٌ) кат, калавот, кроват (Суданда)

عَنْفَشَ 1) (н. гадир) ёпишиб олмоқ, осилиб олмоқ (بِ); 2) тарқатиб (кўтариб юриб) савдо қилмоқ

– عَنْفَاشٌ кўтариб юриб савдо қилувчи (сотувчи)

عَنْكَبُوتٌ кўп. عَنَاكِبُ، ~اتٌ — ўргимчак; الْـ~ُ الْأَحْمَرُ ўргимчаккана (пахта зараркунандаси); نَسِيجُ (بَيْتُ) الْـ~ِ ўргимчак толаси (ипи, уяси, ини); زَهْرَةُ الْـ~ِ бот. чирмовиқ

(عنم) II عَنَّمَ тирноқларни қизилга бўямоқ (мевадан тайёрланган бўёқ билан)

– تَعْنِيمٌ тирноқни бўяш, маникюр

– عَنَمٌ бот. 1) риша, илдиз иплари; 2) анор (ўсимлиги); 3) новдалари юмшоқ дарахт

– عَنَمَةٌ риша, илдиз ипи

I(عنو) عَنَا[1] (у) عُنُوٌّ 1) (к. гадир) бўйсунмоқ (لِـ); 2) асир бўлмоқ; عَنَا[2] (у) عَنْوَةٌ куч билан (куч ишлатиб, зўрлик билан) олмоқ

– عَانٍ мн عَانِيَةٌ бўйсунган, бўйсундирилган, ювош; асир олинган (қилинган)

– عَنْوَةٌ зулм, жабр; куч; ~ً куч ишлатиб, мажбуран

عَنْوَنَ 1) (к. нингдир) адресига мўлжалламоқ (юбормоқ - إِلَى); 2) (н. биландир, н. дир деб) номламоқ (بِ)

– عُنْوَانٌ кўп. عَنَاوِينُ، ـَـاتٌ 1) адрес, унвон (хатдаги); الـ~ُ البَرْقِيُّ (التِّلِغْرَافِيُّ) телеграмма (телеграф) адреси; 2) сарлавҳа, унвон, ном; الـ~ُ الأَصْلِيُّ асосий сарлавҳа; الـ~ُ الفَرْعِيُّ кичик сарлавҳа; صَحِيفَةُ الـ~ِ титул (унвон) варағи; مَقَالَةٌ تَحْتَ ~ ... ...сарлавҳали мақола; 3) нишон, белги; إِنَّهُ ~ُ الكَرَمِ у саховат нишонасидир

I عَنَى (عنى) 1 عَنَى (и) عَنْيٌ 1) назарда тутмоқ; أَعْنِي ... мен ...ни назарда тутяпман; 2) англатмоқ, билдирмоқ, далолат бермоқ, маънога эга бўлмоқ; ◊ يَعْنِي яъни; 2 عَنَى (и) عِنَايَةٌ 1) кўнгилга ўрнашмоқ, қизиқтирмоқ; هَذَا لاَ يَعْنِيهِ бу уни қизиқтирмайди, бунинг унга алоқаси йўқ; 2) мажҳ. (н. биландир) шуғулланмоқ (بِ); عَنِيَ (а) عَنَاءٌ чарчоқлик (оғирлик) ҳис қилмоқ; қийинчилик (азоб) чекмоқ; II عَنَّى қийнатмоқ; азоб бермоқ; III عَانَى 1) азоб-уқубатларни бошдан ўтказмоқ, азоб чекмоқ; ~ أَشَدَّ المَصَاعِبِ энг оғир кунларни бошдан кечирмоқ; 2) ғайрат кўрсатмоқ, ҳаракат қилмоқ; V تَعَنَّى 1) машаққат чекмоқ, ўзини қийнамоқ; азобланмоқ; ғайрат кўрсатмоқ; 2) машаққат билан (қийнаб) ишлатмоқ, чарчатмоқ, ҳолдан кетказмоқ; VIII اعْتَنَى ғамхўрлик қилмоқ; (н. гадир) эътибор билан қараб турмоқ (بِ); X اسْتَعْنَى эътибор бермоқ; ғамхўрлик қилмоқ

– اعْتِنَاءٌ ғамхўрлик; (к. гадир, н. гадир) қараб туриш (بِ); парвариш қилиш

– تَعَنٍّ 1) меҳнат, машаққат; ғайрат;2) бавлнинг қийинчилик билан келиши, азобли ич келиш

– تَعْنِيَةٌ 1) азоб; 2) мед. азобли ич келиш

– عَانٍ мн. عَانِيَةٌ азоб (машаққат) чекувчи

– عَنَاءٌ 1) меҳнат, машаққат; чарчоқлик, оғирлик; қийинчилик; فِي غَيْرِ ~ осон, қийинчиликсиз, машаққатсиз, меҳнатсиз; كَفَانِي ~ الرَّدِّ у мени жавоб бериш меҳнатидан (заруратидан) қутқарди; 2) хавотирлик, ҳаяжон; азоб, ғам, ғам-ташвиш

– عِنَايَةٌ меҳрибонлик, иноят; диққат-эътибор; парвариш; أَوْلَى ~ً خَاصَّةً (к. гадир, н. гадир) махсус эътибор бермоқ (لِـ); ~ُ اللهِ ёки الـ~ُ السَّمَاوِيَّةُ дин. Оллоҳ иноят, самовий иноят; илоҳий башорат; самовий башорат

– عِنْيَةٌ ният, мақсад; بِالـ~ِ атайлаб, бирор мақсадни кўзлаб

– مُعَانَاةٌ 1) тоқат (мас., бирор к. ўлганда); сабр, бардош; изтироб; 2) ғайрат, ҳаракат кўрсатиш

– مُعْتَنٍ мн. مُعْتَنِيَةٌ меҳрибон, ғамхўр, эътиборли

– مَعْنَوِيٌّ 1) маънога оид, маънавий; إِضَافَةٌ ~َةٌ грам. маънавий изофа, маънавий status construktus (*аниқловчининг қаратқич келишигидаги аниқланмиш билан маъно жиҳатдан бирикуви*); 2) абстракт, мавҳум; الاسْمُ الـ~ُ грам. мавҳум от; 3) ақлга оид, ақлий; 4) маънавий, ахлоқий; مَادِّيًّا وَ ~ًّا моддий ва маънавий; الرُّوحُ الـ~َةُ маънавий руҳ; 5) юридик ҳуқуқли (жисмоний шахс ҳақида); شَخْصِيَّةٌ ~َةٌ юр. юридик шахс

– مَعْنَوِيَّةٌ маънавият, руҳий ҳолат (қўшин, армияники)

– مَعْنَوِيَّاتٌ кўп. маънавиятга оид барча нарса; руҳий ҳолат (қўшинники); رَفْعُ الـ~ِ руҳий ҳолатни яхшилаш (кўтариш, юксалтириш)

– مَعْنًى кўп. مَعَانٍ маъно, мазмун; тушунча, ғоя, моҳият; ~ً وَ مَبْنًى шакл ва моҳият жиҳатдан, шаклан ва моҳиятан; لاَ ~ لَهُ аҳамиятсиз, аҳамияти йўқ; بِـ~ أَنَّ ... шу маънодаки, ...; بِالـ~ِ الصَّحِيحِ асл маънода; بِمَعْنَاهُ الدَّقِيقِ тўла (аниқ) маънода; بِالـ~ِ الكَامِلِ لِلْكَلِمَةِ ёки بِكُلِّ ~ الكَلِمَةِ сўзнинг тўла маъносида; тўла (том) маънода; مَعَانِي الإِنْسَانِ ёки المَعَانِي одамнинг яхши сифатлари; ذُو ~ тагдор маъноли; وَهُوَ لاَ يَفْقَهُ لَهُ ~ унинг бу масалада ҳеч нарсага ақли етмайди; اللاَّ~ маъносизлик; اسْمُ الـ~ грам. мавҳум (абстракт) от; عِلْمُ المَعَانِي риторика, нотиқлик (البَيَانُ وَالمَعَانِي وَالبَدِيعُ)

– مَعْنِيٌّ 1) кўрсатилган, берилган; назарда тутилаётган; 2.) (н. биландир) шуғулланаётган, банд бўлган (بِ); هُوَ ~ بِالْبَحْثِ عَنِ الحَقِيقَةِ у ҳақиқат қидириш (излаш) билан банд; 3) (н. дандир) манфаатдор бўлган (بِ); الأَطْرَافُ الـ~َةُ манфаатдор томонлар

I عَهِدَ (а) عَهْدٌ 1) (бирор н. билан) таниш бўлмоқ (туш.к. ёки بِ); 2) (к. гадир) топширмоқ, ишониб бермоқ (إِلَى); ~ إِلَيْهِ بِالأَمْرِ ишни кимгадир топширмоқ; ~ الحُرْمَةَ ҳурмат (иззат) кўрсатмоқ; ~ الوَعْدَ ваъда (аҳд) га вафодор бўлмоқ; 3) учратмоқ, учратиб қолмоқ; III عَاهَدَ аҳдлашмоқ, мажбурият олмоқ, шартнома (аҳд) тузмоқ; V تَعَهَّدَ 1) мажбурият олмоқ, (н. нидир) ўз устига олмоқ (بِ); 2) (к. ёки н. гадир) қарамоқ, эргашмоқ, ғамхўрлик қилмоқ; 3) кўриб келмоқ; VI تَعَاهَدَ ўзаро аҳдлашмоқ, аҳд боғлашмоқ; X اسْتَعْهَدَ (к. дандир) мажбурият олмоқ (عَنْ); (к. биландир) аҳдлашмоқ (مِنْ); ~ مِنْ نَفْسِهِ кимнингдир ҳаётини суғурта қилмоқ

– اسْتِعْهَادٌ аҳдлашув; суғурта

– تَعَاهُدٌ 1) ўзаро аҳдлашув, шартнома; 2) федерация

– تَعَاهُدِيٌّ 1) аҳдга (шартномага) оид;2), федерацияга оид; федератив; دَوْلَةٌ ~َةٌ федератив давлат

– تَعَهُّدٌ кўп. ـَـاتٌ 1) аҳдлашув, контракт; كِتَابِيٌّ ~ ёзма шартнома (аҳднома, мажбурият); 2) (к. ёки н. гадир) қараб туриш, ғамхўрлик қилиш; васийлик, ғамхўрлик

– عَهْدٌ *кўп.* عُهُودٌ 1) аҳд, ваъда; ~ قَطَعَ عَلَى ~ ا ваъда бермоқ; ~ ا نَفْسِهِ ўз устига мажбурият олмоқ; ...بَقِيَ عَلَى ~ دِ لِـ кимгадир содиқ (садоқатли) бўлмоқ; خَانَتْ ~ هُ у (аёл) унга хиёнат қилди; الْجَدِيدُ ~ الْـ *дин.* Аҳдул жадид (*Янги аҳд–насороларнинг муқаддас китобларидан бири*); الْقَدِيمُ ~ الْـ Аҳдул қадим (*Қадимий аҳд – насороларнинг муқаддас китобларидан бири*); 2) аҳдлашув, аҳд, шартнома; устав; مِنَ الْإِيمَانِ ~ إِنَّ كَرَمَ الْـ *ҳад.* ваъдага вафо иймондандир; 3) билим, (*к. ёки н. билан*дир) танишув (ب); كَانَ مُحَمَّدٌ كَـ ~ ى بِهِ فَلَمْ يَتَغَيَّرْ Муҳаммад мен таниганимда қандай бўлса ўшандай (ўзгармаган); 4) давр, замон, вақт, аср; ~ الْفَرَاعِنَةِ фиръавнлар даври (замонаси); الْجَلِيدِ ~ муз асри; ~ الْحَيَاةِ *геол.* азой эраси (даври); ئِذٍ ~ у даврда; فِي ~ هِ унинг даврида; مُتَقَادِمُ الْـ ~ қадимий, қадимга оид; طَالَ بِهِ الْـ ~ бу қадимдан бор (яшаб келади); قَرِيبٍ ~ إِلَى яқин вақтларгача; مِنْ ~ قَرِيبٍ яқин вақтлардан бери, яқиндан; حَدِيثُ الْـ ~ яқингинадаги; حَدِيثُ الْـ ~ بِالْاِسْتِقْلَالِ яқиндагина мустақилликка эришган; بِالْوِلَادَةِ яқиндагина пайдо бўлган, янги туғилган; وَلِيُّ الْـ ~ валиаҳд, тахт вориси (меросхўри); 5) фармон; ◊ عَلَيَّ ~ اللّٰهِ لَأَفْعَلَنَّ هٰذَا Оллоҳ номи билан қасам ичаманки, албатта буни бажараман

– عُهْدَةٌ 1) мажбурият, масъулият; ـتُهُ عَلَيْهَا ~ у (аёл) бунга масъул; 2) кафолат, кафиллик, гарантия; ◊ وَ الْـ ~ عَلَى الرَّاوِي тўғри (рост) эканлигига кафолат бер(ол)майман

– عَهْدِيٌّ аҳдлашувга оид, шартнома (битим) га оид; عَلَاقَاتٌ ~ ـةٌ аҳдлашув алоқалари (муносабатлари)

– عَهِيدٌ жуда эски (қадимий); ~ ا وَ ظَلُّوا عَلَى ذَالِكَ عَهْدًا улар шу ҳолатда жуда узоқ вақт қолиб кетишди; 2. иттифоқчи

– مُتَعَاهِدٌ шартнома тузувчи томон; الْـ ~ انِ шартнома тузувчи иккала томон

– مُتَعَهِّدٌ пудратчи, таъминотчи; ~ فَنِّيٌّ театр томошаларини ташкил этувчи, импресарио

– مُعَاهِدٌ 1) аҳдлашувчи томон; шартнома бўйича иттифоқчи; 2) *тар.* муоҳид (*мусулмон мамлакатларида шартнома асосида жон пули тўлаб яшовчи мусулмонликни қабул қилмаган киши*)

– مُعَاهَدَةٌ *кўп.* ـاتٌ — аҳдлашув, шартнома; ~ الْأَمَانِ وَ التَّحْكِيمِ хавфсизлик ва арбитраж ҳақида аҳдлашув; ~ التِّجَارَةِ савдо шартномаси; ~ التَّحَالُفِ иттифоқ ҳақида шартнома; ~ جَمَاعِيَّةٌ жамоат шартномаси (ижтимоий, коллектив шартнома); ~ حُسْنِ الْجِوَارِ тинч-тотув яшаш ҳақида шартнома; ~ الصَّدَاقَةِ дўстлик ҳақида шартнома; ~ الصُّلْحِ (السَّلَامِ) тинчлик шартномаси; ~ عَدَمِ الِاعْتِدَاءِ ўзаро ҳужум қилмаслик ҳақида шартнома; ~ مُتَكَافِئَةٌ тенг ҳуқуқли шартнома; ~ مَفْتُوحَةٌ очиқ шартнома

– مَعْهَدٌ *кўп.* مَعَاهِدُ 1) ташкилот, институт; ~ الْأَبْحَاثِ тадқиқот институти; ~ الْاِسْتِشْرَاقِ шарқшунослик институти; الْـ ~ الْعَالِي لِلْمُوسِيقَى консерватория, олий музика билим юрти; 2) келишилган жой, учрашув жойи

– مَعْهُودٌ маълум, таниқли; ~ إِلَيْهِ (*н дир*) ишониб топшириб қўйилган киши (ب)

I عَهِرَ (а) عَهْرٌ бузуқ бўлмоқ, фоҳишабоз бўлмоқ; III عَاهَرَ фоҳишалик (фоҳишабозлик) қилмоқ

– عَاهِرٌ *кўп.* عُهَّارٌ фоҳишабоз, хотинбоз

– عَاهِرَةٌ *кўп.* ـاتٌ, — عَوَاهِرُ фоҳиша

– عَهْرٌ, عُهْرٌ, عَهَارَةٌ бузуқлик, фаҳш ишлар билан шуғулланиш

– عَهِرٌ = عَاهِرٌ

عَاهِلٌ *кўп.* عَوَاهِلُ ҳоким, ҳукмдор, подшо

عِهْنٌ тук

– عَاهِنٌ *кўп.* عَوَاهِنُ 1) шох, новда; 2; (*тана*) аъзоси; رَمَى (أَلْقَى) الْكَلَامَ عَلَى عَوَاهِنِهِ овора бўлиб гапирмоқ

I عَاجَ (عوج) (у) عَوْجٌ 1) босиб ўтмоқ (*мас. чўлни*); 2) (*қаердадир*) бўлмоқ (فِي, بِ); (*қаергадир*) йўл-йўлакай кириб ўтмоқ (عَلَى); عَوِجَ (а) عَوَجٌ қингир бўлмоқ, қийшиқ бўлмоқ; II عَوَّجَ қийшайтирмоқ; эгмоқ; ◊ ~ شِدْقَيْهِ лаб бурмоқ, лабни қийшайтирмоқ; V تَعَوَّجَ қийшаймоқ; эгилмоқ; IX اعْوَجَّ эгилмоқ, қийшаймоқ

– أَعْوَجُ[1] *мн.* عَوْجَاءُ *кўп.* عُوجٌ 1) қингир, қийшиқ; эгилган, букилган; ~ لَا يَسْتَقِيمُ الظِّلُّ وَ الْعُودُ *мқл.* ўзи эгрининг сўзи эгри (*сўзма-сўз:* танаси эгрининг сояси ҳам эгри бўлади); 2) айланма (*йўл ҳақида*)

– أَعْوَجُ[2] арабларда энг кўп тарқалган ва энг машҳур бўлган отнинг насли

– اعْوِجَاجٌ қийшайиш, эгилиш, эгиклик; ~ الْعِظَامِ рахит (*касаллик*)

– عَاجٌ фил суяги

– عَاجِيٌّ 1) фил суягидан ясалган; الْبُرْجُ الْـ ~ фил суягидан ясалган минора; 2) фил суягидай оқ

– عَوَّاجَةٌ чўлоқ, майиб

– عِوَجٌ 1) эгиклик, қийшайиш; 2) нотўғрилик

– عُوَيْجَةٌ: ذُرَةٌ ~ тариқ

– مُعْوَجٌّ эгик, букик, эгилган, букилган, қийшайган; قَوَّمَ ~ ا (*бирор*) эгри нарсани тўғриламоқ; *маж.* тартибга келтирмоқ

I عَادَ[1] (عود) (у) عِيَادَةٌ (*беморни*) бориб кўрмоқ; عَادَ[2] (у) عَوْدٌ, عَوْدَةٌ 1) қайтиб келмоқ; янгиланмоқ; ~ إِلَى الْوَرَاءِ *ёки* ~ أَدْرَاجَهُ орқага қайтмоқ, орқага чекинмоқ; ~ فَتَحَسَّنَ الْحَالُ аҳвол яна яхшиланди; أَعُودُ وَ أَقُولُ إِنَّ ... яна такрор айтаманки, ...; ـتِ الْمِيَاهُ إِلَى

مَجَارِيهَا *маж.* ҳамма нарса ўз жойига тушди, إِلَى نَفْسِهِ ~ ўзига (ҳушига) келмоқ; إِلَى الصَّمْتِ ~ гапдан тўхтамоқ, жим қолмоқ (бўлмоқ); 2) (*н. нидир*) қайтармоқ, қайтариб бермоқ (بِ); (بِالْفَائِدَةِ ~ بِالنَّفْعِ (*к. гадир*) наф (фойда) келтирмоқ (عَلَى); بِالضَّرَرِ ~ (*к. гадир*) зарар етказмоқ (عَلَى); 3) бўлмоқ, қилинмоқ; شَيْخًا ~ у чол бўлиб қолди; فَقِيرًا ~ у камбағал бўлиб қолди; لاَ يَعُودُ يُحِسُّ بِالْبَرْدِ у энди совуқни сезмайдиган бўлиб қолди; لَمْ أَعُدْ طِفْلاً мен энди бола эмасман; وَ لَمْ يَعُدْ أَمَامِي إِلاَّ أَنْ ... мен учун ...дан бошқа илож (*чора*) қолмади; 4) иккинчи марта қилмоқ, такрорламоқ, қайтармоқ; 5) (*н. гадир*) бориб тақалмоқ, (*н. гадир*) тааллуқли бўлмоқ (إِلَى); يَعُودُ الْفَضْلُ فِي... (*бирор н. даги*) хизмат (*к. гад ир*) тааллуқлидир (لِـ); 6) (*бирор н. нинг*) сабаб бўлмоғи (إِلَى); 7) байрам қилмоқ; II عَوَّدَ[1] (*н. гадир*) ўргатмоқ (عَلَى); II عَيَّدَ[2] 1) байрам қилмоқ; 2) (*к. нидир*) байрам билан табрикламоқ (عَلَى); III عَاوَدَ[1] 1) такрорламоқ, янгиламоқ; 2) (*бирор н. қилишга*) одатланмоқ, одатланган бўлмоқ; 3) қайтмоқ, яна қайтиб келмоқ; ذِكْرَى ~ تْهُ у ...ни яна эслади (*қайтадан эслади*), яна эслаб қолди; تْهُ ... ~ هَذِهِ الْفِكْرَةُ фикр унинг миясига яна келди; III عَايَدَ[2] байрам билан табрикламоқ; IV أَعَادَ 1) қайтармоқ; 2) қайта тикламоқ; 3) такрорламоқ; نَفْسَهُ ~ такрорланмоқ; إِنَّ التَّارِيخَ لاَ يُعِيدُ نَفْسَهُ тарих такрорланмайди; أَعِدْ! яна бўлсин!, такрорлансин!, бис! (*концерт вақтида айтилади*); الإِنْشَاءَ ~ реконструкция қилмоқ; الطَّبْعَ ~ қайта босмоқ (*чоп қилмоқ*); النَّظَرَ ~ (*н. нидир*) қайта назардан ўтказмоқ, қайта кўриб чиқмоқ (فِي); V تَعَوَّدَ ўрганмоқ, ўрганиб қолмоқ; عَادَاتِ أَهْلِ الْبَلَدِ ~ ерли халқ одатларини қабул қилмоқ; VI تَعَايَدَ байрам билан ўзаро табриклашмоқ; VII اِنْعَادَ қайтарилган (қайтариб юборилган) бўлмоқ; VIII اِعْتَادَ 1) ўрганиб қолмоқ, ўрганмоқ; 2) (*бирор н. қилиш*) одатига эга бўлмоқ; أَنْ تَسْتَيْقِظَ ~ تْ فِي هَذَا الْوَقْتِ одатда у (аёл) шу вақтда уйғонади, у аёл шу вақтда уйғонишга одатланган; X اِسْتَعَادَ 1) қайтариб юбормоқ, янгиламоқ; سُكُوتَهُ ~ у яна жим қолди; جِلْسَتَهُ ~ у яна ўз ўрнига ўтирди; عَافِيَتَهُ ~ ўз саломатлигини тикламоқ; 2) тикламоқ; إِلَى الأَذْهَانِ ~ хотирда тикламоқ; 3) қайта тикламоқ; 4) қайтаришни *ёки* такрорлашни сўрамоқ

– اِسْتِعَادَةٌ қайтариш, қайтариб олиш; қайта тиклаш, тиклаш

– إِعَادَةٌ 1) қайтариш, қайтариб бериш; 2) такрорлаш;3) қайта тиклаш; 4) қайта ...; الاِنْتِخَابِ ~ қайта сайлов; التَّنْظِيمِ ~ реорганизация; النَّظَرِ ~ (*н. нидир*) қайта кўриш (فِي); الطَّبْعِ ~ а) қайта босиш (чоп этиш); б) янги (қайта) нашр; بَيْعٍ ~ қайта сотиш

– اِعْتِيَادٌ одат, табиат; إِلَى الأَجْرَامِ ~ рецидивизм, ашаддий жиноятчилик

– اِعْتِيَادِيٌّ одатдаги, одатланиб қолинган, одатий; содда, оддий; كَسْرٌ ~ оддий каср; ~ اً одатда, кўпинча, одатга кўра; غَيْرُ ~ ғайриоддий

– أَعْوَدُ фойдалироқ, жуда фойдали

– عَائِدٌ[1] 1. қайтадиган; ضَمِيرٌ ~ *грам.* қайтувчи олмош; 2. *кўп.* عُوَّادٌ мижоз, меҳмон

– عَائِدٌ[2] *кўп.* ـَاتٌ ~ наф, фойда, кирим; *кўп.* пул киримлари, навбатдаги бадаллар; фойдалар

– عَائِدَةٌ[1] *кўп.* عَوَائِدُ фойда, наф; *кўп.* солиқлар, йиғим; тақдирлаш; عَوَائِدُ الأَمْلاَكِ мол-мулк солиғи; عَوَائِدُ الْبَلَدِيَّةِ шаҳар солиғи; عَوَائِدُ التَّبْلِيطِ кўприк солиғи; الْعَوَائِدُ الْجُمْرُكِيَّةُ божхона солиғи; عَوَائِدُ الدَّلاَلَةِ комиссион йиғим (тўлов); عَوَائِدُ الرَّصِيفِ порт солиғи

– عَائِدَةٌ[2] *ат.от, мн.* Оида, Аида

– عَادٌ *Қур.* Од, *қар.* ثَمُودُ

– عَادَةٌ *кўп.* عَادٌ, ـَاتٌ, عَوَائِدُ 1) одат, расм, русум; مَرْعِيَّةٌ ~ жорий одат (расм, русум); سِرِّيَّةٌ ~ онанизм; جَرَتْ بِهِ الْـ~ одатий, одатдаги; عَلَى مَأْلُوفِ ~ ـِهِ ... одатдагидай, у ...; فِي الْـ~ одатда, кўпинча; ~ ً одатда; خَارِقٌ (فَوْقَ) الْـ~ фавқулодда; الْمَنْدُوبُ فَوْقَ الْـ~ фавқулодда элчи; بِخِلاَفِ الْـ~ одатга хилоф равишда; كَـ~ ـِهِ ўз одатига кўра; 2) *шунингдек:* شَهْرِيَّةٌ ~ ҳайз, менструация

– عَادِيٌّ[1] оддий, одатдаги; кўникиб қолинган, одми, нормал; الْعَامِلُ الْـ~ оддий ишчи; النَّاسُ الْعَادِيُّونَ оддий одамлар; غَيْرُ ~ ғайриоддий, одатдан ташқари, навбатдан ташқари

– عَادِيٌّ[2] қадимги, эски, антик

– عَادِيَّاتٌ *кўп.* қадимий ёдгорликлар, осори атиқалар, عِلْمُ الآثَارِ وَ الْعَادِيَّاتِ археология; تَاجِرُ الْعَادِيَّاتِ антиквар, қадимий нарсалар билан савдо қилувчи

– عَادِيَّةٌ одатдагилик

– عَوَّادٌ уд (*музика асбоби*) чалувчи

– عَوَّادَةٌ уд чалувчи аёл

– عَوْدٌ қайтиш; الْعَمَلِ ~ ишни қайта бошлаш; رَجَعَ ~ اً عَلَى بَدْءٍ *ёки* رَجَعَ عَوْدُهُ عَلَى بَدْئِهِ у ўзи бошлаган жойига қайтди, қаердан бошлаган бўлса, ўша ердан яна бошлади

– عُودٌ *кўп.* أَعْوَادٌ, عِيدَانٌ 1) дарахт; тана; шох; новда; الْقُطْنِ ~ пахта (*ғўза*) тупи; 2) калтак, ҳасса; 3) (*чекадиган*) трубка; 4) сабур (*алоэ*); 5) уд (*музика асбоби*); 6) қад, қомат; نَاحِلُ الْـ~ нозикбадан, озғин; طَرِيءُ الْـ~ ёш, ғўр; ◊ الثِّقَابِ ~ *ёки* كِبْرِيتٍ ~ гугурт донаси; الصَّلِيبِ ~ *ёки* الرِّيحِ ~ *бот.* саллагул, пион; الأَنْبِيَاءِ ~ *бот.* темир дарахт, бакаут (*пишиқ мебеллар ясалади*);

صَلَابَةُ الـ~ шакар қамиш; ~ رَخَاوَةُ الـ кучсиз иродалилик; ~ الْقَصَبِ қатъиятлилик, саботлилик, собитлик; ~ صَلْبُ الـ қатъиятли, кучли, иродали, саботли; ~ صَلَّبَ ~ هُ мустаҳкамланмоқ, кучаймоқ; саботли (қатъиятли) бўлмоқ; ~ عَجَمَ ~ هُ кимнингдир кучини синаб кўрмоқ; ~ كَسَرَ ~ هُ кимнингдир қаршилигини синдирмоқ

– عَوْدَةٌ 1) қайтиш; тикланиш; 2) такрорлаш, такрорланиш; ~ الْعَلَاقَاتِ الدِّبْلُومَاسِيَّةِ (*қандайдир мамлакат билан*) дипломатик алоқаларни тиклаш; ~ غَيْرِ (عَلَى) إِلَى қайтмас бўлиб, қайтмайдиган бўлиб, бутунлай, абадий

– عِيَادٌ қайтариш, такрорлаш; янгилаш, янгиланиш

– عِيَادَةٌ *кўп.* ـاتٌ ـــ 1) келиш, бориш; 2) қабулхона, врач хонаси; 3) врачнинг қабул соатлари; 4) клиника

– عِيدٌ *кўп.* أَعْيَادٌ ийд, ҳайит, байрам; ~ سَنَوِيٌّ (*бирор н. нинг*) йиллик байрами, йиллиги; ~ مِئَوِيٌّ юз йиллик юбилей (байрам); ~ الْأَضْحَى *ёки* ~ الْكَبِيرُ الـ *дин.* қурбон байрами (*зул-ҳижжа ойининг 10-куни*); ~ الْفِطْرُ الْمُبَارَكُ *ёки* ~ الصَّغِيرُ الـ *дин.* рамазон ҳайити; ~ الْقِيَامَةِ *дин.* пасха (*христианларда*); ~ الْمَوْلِدِ النَّبَوِيِّ *дин.* мавлиди набавий байрами (*Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам туғилган кунлари*); ~ الْمِيلَادِ *дин.* рождество (*Исо алайҳиссаломнинг туғилган кунлари байрами*); ~ رَأْسِ السَّنَةِ янги йил байрами; ~ مُبَارَكٌ عَلَيْكَ! байрамингиз (ийдингиз) муборак бўлсин!; أَيَّامُ الْأَعْيَادِ байрам кунлари; ~ أَبُو الـ *зоол.* хонқизи, тугмача қўнғиз

– عِيدِيَّةٌ *кўп.* ـاتٌ ـــ ҳайитлик, байрамлик, байрам совғаси; ~ رَأْسِ السَّنَةِ янги йил совғаси

– مَعَادٌ 1) қайтиб келинадиган жой; 2) қайтиш, қайтиб келиш; 3) тақдир, қисмат; 4) *дин.* у дунё, у дунёдаги ҳаёт; ◊ ~ أَرْضُ الـ жаннат, жаннатосо жой

– مُعَايَدَةٌ оддий, одатий, одми; ~ كَالـ одатдагидай; ◊ ~ عَلَى الْأَجْرَامِ ашаддий жиноятчи, рецидивист

– مُعَوَّدٌ (*бирор н. га*) ўргатилган, одатлантирилган (عَلَى); одатланиб (ўрганиб) қолган

– مُعِيدٌ 1.1) қайтарувчи, қайтариб берадиган; ~ الْمُبْدِئُ وَ الـ Оллоҳ сифатларидан бири, Оллоҳ; 2) такрорловчи; 2. репетитор; (*профессор*) ассистенти (ёрдамчиси)

I عَاذَ (عوذ) (*у*) عَوْذٌ, مَعَاذٌ 1) (*к. гадир, н. гадир қарши курашда н. гадир*) таянмоқ (مِنْ, بِ); 2) ёрдам сўрамоқ, илтимос қилмоқ; ◊ أَعُوذُ بِاللهِ! Оллоҳ, ўзинг асра!; Оллоҳ, ўзингдан ёрдам сўрайман!; II عَوَّذَ (*мас., болага кўз тегмаслиги учун тумор осиб*) асрамоқ, аврамоқ, сеҳрламоқ; 2) (*к. нидир к. дандир*) ҳимоя қидиртирмоқ (مِنْ, بِ); IV أَعَاذَ *ёки* أَعْوَذَ 1) (*н. дандир*) аврамоқ (مِنْ); 2) (*н. дандир*) қутқармоқ (مِنْ); бошпана бермоқ; 3) (*к. нидир*) тумор ёрдамида асрамоқ; ~ هُ بِاللهِ кимнидир асрамоқни Оллоҳдан сўрамоқ; V تَعَوَّذَ (*бирор н ёрдамига*) мурожаат қилмоқ, суянмоқ (بِ); 2) أَعُوذُ بِاللهِ Оллоҳ, ўзинг асра! сўзларини айтмоқ; X اسْتَعَاذَ = V; ~ بِالصَّمْتِ сукут сақламоқ

– اسْتِعَاذَةٌ 1) ёрдам сўраш; أَعُوذُ بِاللهِ! Оллоҳ, ўзинг асра! сўзларини айтиш

– تَعْوِيذٌ *кўп.* تَعَاوِيذُ 1) афсун, авраш, сеҳр; 2) тумор

– تَعْوِيذَةٌ тумор

– عُوذَنِيَّةٌ: ~ طَائِفَةُ الـ ўзини мусулмон деб кўрсатувчи туркиялик яҳудийлар

– عُوذَةٌ *кўп.* عُوَذٌ 1) афсун, сеҳр; 2) тумор

– عِيَاذٌ ҳимоя, бошпана; ~ الـ بِاللهِ! Оллоҳ, ўзинг сақла!

– مَعَاذٌ ҳимоя, бошпана; ~ اللهِ! Оллоҳ, ўзинг сақла!

I عَارَ (عور) (*у*) عَوْرٌ йўқ қилмоқ, ҳалок қилмоқ; عَوِرَ (*а*) عَوَرٌ ғилай (*ёки бир кўзли*) бўлмоқ; II عَوَّرَ 1) бир кўзидан ажратмоқ; 2) зарар етказмоқ, мажруҳ қилмоқ; III عَاوَرَ (*бирор н. ни*) бериб турмоқ, қарз бериб турмоқ; ~ الْمَكَايِيلَ тарозини ростламоқ; IV أَعَارَ 1) бериб турмоқ, маблағ бериб турмоқ; (*бирор н. ни*) қарзга бериб турмоқ; 2) эътибор бермоқ; ~ أَهَمِّيَّةً (*н. гадир*) аҳамият (эътибор) бермоқ (لِـ); ~ اهْتِمَامًا қизиқмоқ, қизиқиш кўрсатмоқ; ◊ أَعِرْنِي سَمْعَكَ! (*ёки туш.к.*); (диққат билан) эшит!; 3) бир кўздан жудо қилмоқ; V تَعَوَّرَ мажруҳ (ярадор) бўлган бўлмоқ; ~ الْعَارِيَّةَ берилган қарзни талаб қилмоқ; VI تَعَاوَرَ 1) (*бирор н. ни*) бир-бирига беришиб турмоқ; 2) кетма-кет (*бирор н. га*) дучор бўлмоқ (*мас., касаллик ва б. лар ҳақида*); ~ تْهُ الْعِلَلُ у кетма-кет ҳар хил касалликларга дучор бўлди; ~ الشُّرَّاحُ الْقَصِيدَةَ بِالشَّرْحِ бу қасидани шарҳловчилар кетма-кет шарҳладилар; VIII اعْتَوَرَ (*бирор н. ни*) изчил тушунмоқ, эгаллаб олмоқ; IX اعْوَرَّ бир кўздан ажрамоқ; ғилай бўлмоқ, бир кўзли бўлмоқ; X اسْتَعَارَ 1) олиб турмоқ, олмоқ, қарз олмоқ; ~ الْكُتُبَ مِنَ الْمَكْتَبَةِ китобларни кутубхонадан олмоқ (олиб турмоқ); 2) (*сўзни*) кўчма маънода ишлатмоқ, истиора қилмоқ

– اسْتِعَارَةٌ *кўп.* ـاتٌ ـــ 1) қарз олиш; ~ اسْتِمَارَةُ الـ кутубхонанинг аъзолик бланкаси; 2) истиора

– اسْتِعَارِيٌّ истиоравий, истиорага оид

– إِعَارَةٌ қарз бериш; маблағ билан таъминлаш; ~ قَانُونُ الـ وَ التَّأْجِيرِ ленд-лиз (*қарз бериш – иккинчи жаҳон уруши даврида – 1939-45 йилларда АҚШ нинг Германияга қарши иттифоқчи мамлакатларга қурол-аслаҳа, ҳарбий анжомлар ва б. ларни қарзга ёки ижарага бериш системаси*)

– أَعْوَرُ *мн.* عَوْرَاءُ *кўп.* عُورٌ 1.1) ғилай, бир кўзли; ~ الـ *ёки* الْمِعَى *анат.* кўр ичак; ~ الـ بَيْنَ الْعُمْيَانِ سُلْطَانٌ *мқл.* ғилай кўрлар ичида султондир; 2) шубҳали; 3) қарға

– عَارَةٌ[1] қарз, бериб турилган маблағ

– عَارَةٌ[2] = عَارِيَّةٌ

– عَارِيَّةٌ кўп. عَوَارِ (шунингдек, қар. عُرْىٌ) 1) фоизсиз қарз; 2) қарзга берилган ёки олинган нарса

– عَارِيَةٌ кўп. عَوَارِىُّ = عَارِيَّةٌ

– عَوَارٌ, عَوَارٌ, عُوَارٌ камчилик, айб

– عُوَّارٌ кўп. عَوَارِيرُ зоол. жарқалдирғоч

– عَوْرَةٌ кўп. ـَاتٌ 1) бўш жой, айб камчилик; 2) бўш (нозик, ҳимоясиз) жой; 3) жинсий аъзолар

– عِيرَةٌ 1) қарз олинган, олинган; 2) сохта; ~ شَعْرٌ сунъий (улама) соч, парик; ~ شَنَبٌ сохта мўйлов

– مُسْتَعَارٌ 1) қарзга (ижарага) олинган; 2) сохта; ~ اسْمٌ сохта исм, тахаллус; 3) истиоравий, истиорага оид

مُسْتَعِيرٌ 1) қарз олувчи; 2) (кутубхона) аъзоси (китобхони)

– مُعَارٌ қарзга олинган

– مُعِيرٌ қарз берувчи, кредитор

I (عوز) عَازَ (у) عَوْزٌ 1) етмай (етишмай) қолмоқ, яна керак бўлмоқ; 2) зарурат бўлмоқ; يَعُوزُهُ унга керак (зарур); عَوِزَ (а) عَوَزٌ камбағал бўлмоқ, муҳтож бўлмоқ IV أَعْوَزَ керак бўлмоқ, зарур бўлмоқ, зарурат келтириб чиқармоқ (إِلَى); ... унга ... керак эди, у ...га ҳожатманд эди; VIII اعْتَازَ ҳожатманд бўлмоқ

– إِعْوَازٌ ҳожатмандлик, муҳтожлик, камбағаллик

– عَائِزٌ (бирор н: га) муҳтож (ҳожатманд) бўлиш; қашшоқ, камбағал

– عَازَةٌ 1) ҳожат, эҳтиёж, зарурат, талаб; 2) қашшоқлик, камбағаллик; ҳожатмандлик; ◊ عِنْدَ الـ~ зарур бўлиб қолган тақдирда

– عَاوِزٌ ёки عَايِزٌ халқ. (бирор н. га) эҳтиёжли, зарурат ҳис қилувчи; أَيه ~ сенга нима керак?

عَوْزٌ етишмаслик, талаб, эҳтиёж

– عَوَزٌ зарурат; камбағаллик

– عَوِزٌ ҳожатманд; камбағал

– مُعْوِزٌ ҳожатманд; камбағал

عَوْسَجٌ кўп. عَوَاسِجُ тиконли бута

I عَوِصَ (а) عَوَصٌ 1) қоронғи (ноаниқ, тушунарсиз, чигал) бўлмоқ; 2) қийин (оғир, машаққатли) бўлмоқ; IV أَعْوَصَ тушунилиши қийин бўлган нарсани сўзламоқ; VIII اعْتَاصَ 1) қоронғилашмоқ; чигаллашмоқ (бирор иш ҳақида); ноаниқ (тушунарсиз) бўлмоқ (сўз ҳақида); 2) қийин (оғир, машаққатли) бўлмоқ

– اعْتِيَاصٌ ноаниқлик, тушуниб бўлмаслик

– أَعْوَصُ мн. عَوْصَاءُ кўп. عُوصٌ ноаниқ, қоронғи, тушунарсиз

– عَوِيصٌ ноаниқ, қоронғи, тушунарсиз, чигал

I (عوض) عَاضَ (у) عَوْضٌ, عِيَاضٌ алмаштирмоқ, (бирор н. нинг) ўрнига бермоқ (بِ, عَنْ, مِنْ); II عَوَّضَ (н. нингдир) эвазига (ўрнига) бермоқ (عَنْ); (н. учундир) тақдирламоқ (عَنْ); لاَ يُعَوَّضُ ўрнини тўлдидиб бўлмайдиган; тўғрилаб (тиклаб) бўлмайдиган, бой берилган; فُرْصَةٌ لاَ تُعَوَّضُ бой берилган фурсат (имконият); III عَاوَضَ эвазига (бирор н.) бермоқ, (бирор н. га) алмаштирмоқ (بِ); IV أَعَاضَ (бирор н.) ўрнига (эвазига) бермоқ (مِنْ); 2) (н. биландир) алмаштирмоқ (مِنْ); V تَعَوَّضَ 1) тўлдирилмоқ, тўланмоқ; эвазига олмоқ; эваз олмоқ; VIII اعْتَاضَ 1) (н. учундир) эваз олмоқ (عَنْ); 2) (к: нидир к. биландир) алмаштирмоқ (عَنْ, بِ); X اسْتَعَاضَ 1) (н. нидир к. биландир) алмаштирмоқ (туш.к. ёки عَنْ, مِنْ, بِ); 2) бирор нарсани алиштиришни сўрамоқ (талаб қилмоқ)

– اعْتِيَاضٌ алмаштириш, алиштириш

– تَعْوِيضٌ кўп. ـَاتٌ эваз, тўлдириш; тақдирлаш; ~ نَقْدِيٌّ эвазига пул бериш; ~ عَيْنِيٌّ эвазига айни ўшандай нарса бериш ёки натура бериш; تَعْوِيضَاتُ الْحَرْبِ уруш товонлари, репарациялар

– عِوَضٌ кўп. أَعْوَاضٌ 1) ўрнини босувчи, эквивалент; ~ُ الصَّابُونِ совун ўрнини босувчи; أَعْوَاضُ النَّفْطِ нефть ўрнини босувчи (маҳсулотлар); 2) эваз; ~ًا مِنْ (عَنْ) (бирор н. нинг) ўрнига

– عِيَاضٌ алмаштириш, алиштириш

– مُعَاوَضَةٌ 1) тўлдириш, ўрнини босиш; 2) алмаштириш, алиштириш

(عوط) VIII اعْتَاطَ бир неча йил боласи бўлмай туриб қолмоқ (туя ҳақида)

I (عوق) عَاقَ (у) عَوْقٌ, عَيْقٌ (н. гадир) халақит бермоқ, тўсқинлик қилмоқ, йўлини тўсмоқ (عَنْ); II عَوَّقَ 1) секинлатмоқ, тўхтатиб қолмоқ; 2) тўсқинлик қилмоқ; IV أَعَاقَ (н. гадир) халақит бермоқ, тўсқинлик қилмоқ (عَنْ); V تَعَوَّقَ 1) қийинлашган бўлмоқ; 2) кечикмоқ; VIII اعْتَاقَ = IV

– إِعَاقَةٌ тўхтаб қолиш, секинлаб қолиш; тўсқинлик, халақит бериш

– عَائِقٌ[1] кўп. عَوَائِقُ тўсиқ, халақит, қийинчилик

– عَائِقٌ[2] кўп. عُيَّاقٌ олифта

– عَائِقَةٌ кўп. عَوَائِقُ тўсиқ

– عَاقَةٌ тўхтаб қолиш, халақит

عَايِقَةٌ кўп. ـَاتٌ фоҳишахона бекаси

– عَوَّاقَةٌ кўп. ـَاتٌ тормозловчи вагон

– عَوْقٌ кўп. أَعْوَاقٌ тўсиқ, халақит

– عَيُّوقٌ Сомон йўли туркумидаги юлдузнинг номи

– مُتَعَوِّقَةٌ ҳамма боласи ўлаверадиган аёл

– مُتَعَوِّقَاتٌ *кўп.* тўсқинликлар, қийинчиликлар

– عَوَقٌ олифталик

– يَعُوقُ Нуҳ алайҳиссалом даврларидаги маъжусийлар бутларидан бирининг номи

عَوْكَرَ лойқалатмоқ, лой қилмоқ, ифлос қилмоқ

– عَوْكَرَةٌ лойқалатиш, лойлаш, ифлос қилиш

I (عول) عَالَ (у) عَوْلٌ 1) боқмоқ, едириб-ичирмоқ (*мас., оилани*); 2) касални парваришламоқ; 3) безовта қилмоқ, ташвишлантирмоқ, қийнамоқ; 4) тўғри йўлдан чиқмоқ, адолатсиз бўлмоқ; الْمِيزَانُ ~ тарозида кам келмоқ; ~ـتِ الْفَرِيضَةُ фарз амалнинг аҳамияти кучаймоқ; زَيْدٌ الْفَرَائِضَ ~ Зайд фарз амалларга катта аҳамият берди; عِيلَ صَبْرُهُ *мажҳ.* унинг тоқати тугади; II عَوَّلَ 1) (*к. гадир, н. гадир*) таянмоқ, суянмоқ, ишонмоқ (عَلَى); (*н. гадир*) ишонмоқ (عَلَى); (*н. гадир*) азму қарор қилмоқ (عَلَى); 2) оҳ-воҳ қилмоқ, бақирмоқ, қичқирмоқ; улимоқ; IV أَعَالَ 1) таъминламоқ, едириб-ичирмоқ (*мас., оилани*); 2) катта оилали бўлмоқ; IV أَعْوَلَ оҳ-воҳ қилмоқ, бақирмоқ; бақириб йиғламоқ, ҳўнграмоқ, улимоқ

– إِعَالَةٌ боқиш, едириб-ичириш (*мас., оилани*)

– عَائِلٌ боқувчи (*мас., оилани*)

– عَائِلَةٌ *қар.* عيل

– عَالَةٌ[1] *қар.* عيل

– عَالَةٌ[2] 1) ёмғирдан сақловчи бошпана (капа); 2) шамсия, зонтик

– عَوْلٌ 1) адолатсизлик; 2) едириб-ичириш, боқиш (*мас., оилани*); 3) боқувчи; 4) оҳ-воҳ, йиғи

– عَوَلٌ суянчиқ, таянч, умид

– عَوِيلٌ[1] оҳ-воҳ, йиғи

– عَوِيلٌ[2] 1.1) кучсиз, бемадор; 2) бировнинг ҳисобига тирикчилик қилувчи (яшовчи); 2.1) сиғинди (*бировнинг илтифоти билан унинг уйида яшовчи камбағал киши*); 2) қўлда ясалган пилик (*мас., пахтага ўхшаш нарсалардан ясалган*)

– عِيَالَةٌ қўллаб (қувватлаб) туриш (*мас., оилани. сол.* عيل)

– مِعْوَلٌ *кўп.* مَعَاوِلُ 1) дастаки сўқа, чўқмор; 2) мисранг, лўм

– مُعَوَّلٌ умид, суянчиқ; لَيْسَ عَلَيْهِ ~ унга суяниш мумкин эмас, ундан умид қилиш мумкин эмас

– مُعِيلٌ боқувчи, едириб-ичирувчи

I (عوم) عَامَ (у) عَوْمٌ сузмоқ; сув устида турмоқ, чўкиб кетмаслик; II عَوَّمَ 1) юзага сузиб чиқмоқ; 2) (*чўккан кемани*) сув остидан чиқармоқ; 3) (*кемани*) сувга туширмоқ; 4) оқизмоқ (*мас., кесилган ёғочларни*); 5) сувга тўлдирмоқ; 6) ўлчов идишини тўлғазмоқ; III عَاوَمَ 1) бир йилга ёлламоқ; 2) бир йилга шартнома (контракт) тузмоқ

– تَعْوِيمٌ 1) юзага сузиб (қалқиб) чиқиш; 2) сув остидан чиқариш (*чўккан кема ҳақида*); 3) (*кемани*) сувга тушириш; 4) (*кесилган ёғочларни*) оқизиш

– عَائِمٌ сузувчи; عَائِمَاتُ الْجَلِيدِ айсберг (муз тоғ) лар; сузувчи док (*кема тузатадиган корхона*)

– عَائِمَةٌ *кўп.* ـاتٌ — 1) баржа (*шатакка олиб юриладиган ёки ўзиюрар ясси юк кемаси*); 2) сузиб юрувчи уй

– عَامٌ *кўп.* أَعْوَامٌ йил; مَدْرَسِيٌّ ~ ўқув йили; ~ـئِذٍ ўша йилда; ~ا كُلَّ ёки كُلَّ ~ ҳар йили; ~ا بَعْدَ ~ ёки مِنْ ~ لِآخَرَ йилдан йилга; ◊ وَأَنْتَ بِخَيْرٍ ! ~ وَأَنْتَ طَيِّبٌ ! янги йилингиз қутлуғ бўлсин!

– عَامِيٌّ йиллик, йилга оид

– عَامِيَّةٌ (*бирор к. ёки н. нинг*) йиллиги

– عَوَّامٌ 1. яхши сузувчи; 2. сузувчи; فَرْخُ الْبَطِّ ~ بَطٌّ *қар.*

– عَوَّامَةٌ *кўп.* ـاتٌ — 1) пўкак, қалқи; буй (*кема йўлларида саёзлик ва ҳ.к. ларни кўрсатиб турадиган қалқович белги*); 2) понтон (*дарёда қайиқлар устига қуриладиган муваққат кўприк*); 3) сузувчи пуфак (*балиқларда*); 4) дарёда қозиқлар устига қурилган уй

– عَوْمٌ туянинг ёки кеманинг ҳаракати

– مُعَاوَمَةٌ йиллик шартнома (контракт)

(عون) عَوَّنَ ёрдамлашмоқ, ёрдам кўрсатмоқ; III عَاوَنَ қўлламоқ, кўмаклашмоқ, ёрдам бермоқ; IV أَعَانَ 1) (*н. дадир н. биландир*) ёрдам бермоқ (عَلَى ,بِ); қўллаб-қувватламоқ; 2) (*н. дандир*) қутқармоқ (مِنْ); 3) ёрдам пули (иона) бермоқ; VI تَعَاوَنَ ҳамкорлик қилмоқ; бир-бирига ёрдамлашмоқ; (*бирор н. устида*) биргалашиб (ҳамкорлик қилиб) ишламоқ (عَلَى); бир-бирини қўлламоқ; VIII اِعْتَوَنَ = VI; X اِسْتَعَانَ 1) (*к. нидир*) ёрдамга чақирмоқ (*туш.к. ёки* بِ); (*к. гадир*) ёрдам сўраб мурожаат қилмоқ (بِ); 2) (*н. дандир*) фойдаланмоқ (بِ)

– اِسْتِعَانَةٌ ёрдам (кўмак) сўраш

– إِعَانَةٌ *кўп.* ـاتٌ — 1) ёрдам, кўмак, мадад; 2) иона; مَالِيَّةٌ ~ пул билан берилган иона; دِرَاسِيَّةٌ ~ стипендия

– تَعَاوُنٌ 1) ҳамкорлик, ўзаро ёрдам; бир-бирига ёрдамлашиш; الـ~ الْاِقْتِصَادِيُّ иқтисодий ҳамкорлик; الـ~ الْعِلْمِيُّ وَ الْفَنِّيُّ илмий-техник ҳамкорлик; بِالـ~ مَعَ ... ...билан ҳамкорликда; 2) ҳамкорлик қилиш; 3) ҳамкорлик (кооперация); الـ~ الْعُمَّالُ ишчи кооперацияси; الـ~ الزِّرَاعِيُّ қишлоқ хўжалиги кооперацияси; شَرِكَةُ الـ~ кооператив ширкат.

– تَعَاوُنِيٌّ кооперативга оид; جَمْعِيَّةٌ ~ـةٌ (اِسْتِهْلَاكِيَّةٌ) кооператив (матлубот) жамияти

– تَعَاوُنِيَّةٌ *шунингдек.* فِي الزِّرَاعَةِ ~ кооператив хўжалик

– عَانَةٌ *кўп.* عُونٌ ,ـاتٌ — *анат.* 1) қов суначаси; 2) қов суначасидаги жунлар

– عَانَةٌ Евфрат дарёси қирғоғидаги қишлоқнинг номи

عَوَانٌ[1] *кўп.* عُونٌ ўрта яшар (*аёл*); إِنَّ الـ~ لاَ تُعَلَّمُ الْخِمْرَةَ *мқл.* олимга ўргатиш – уни бузиш (*сўзма-сўз: қари аёлга рўмол ўрашни ўргатилмайди*); ◊ حَرْبٌ ~ қонли уруш

– عَوَانٌ[2] орқама-орқа мағлубият содир бўлган уруш; حَرْبٌ ~ қирғинбарот (қонли) уруш

– عَوْنٌ[1] ёрдам, кўмак, мадад, қўллаб-қувватлаш; بِـ~ اللهِ تَعَالَى Оллоҳ таоло ёрдами билан; مَدَّ يَدَ الْـ~ ёрдам қўлини чўзмоқ

– عَوْنٌ[2] *кўп.* أَعْوَانٌ ёрдамчи, кўмакчи, мададкор

– عُونَةٌ, عَوْنَةٌ 1) ёзма ёки оғзаки буйруқ (наряд) асосидаги иш; 2) иш ҳақисиз (мажбурий) меҳнат

– مُعَاوِنٌ муовин, ёрдамчи; مُهَنْدِسٌ ~ муҳандис муовини (ёрдамчиси)

– مُعَاوَنَةٌ ёрдам, кўмак, мадад, қўллаб-қувватлаш

– مِعْوَانٌ *кўп.* مَعَاوِينُ 1. яхши ёрдам берувчи; 2. ёрдамчи

– مَعُونَةٌ ёрдам, кўмак, мадад

– مِعْوَانٌ = مُعِينٌ

(عوه) I عَاهَ عِيهَةً зарар етмоқ; الزَّرْعُ ~ экинга зарар етди; II عَوَّهَ 1) (*ўсимликка*) зарар етказмоқ, (*уни*) йўқ қилмоқ (*касалликлар ҳақида*); 2) майиб қилмоқ

– عَاهَةٌ *кўп.* ـاتٌ 1) касаллик, бузилиш (*ўсимликдаги*); 2) майиблик; жисмоний камчилик; ذُو الْـ~ чўлоқ, майиб; 2) беморлик, касаллик

I عَوَى (*и*) عُوَاءٌ улимоқ, вовулламоқ; II عَوَّى қаттиқ улимоқ; қаттиқ вовулламоқ; III عَاوَى: الْكِلاَبَ ~ итларни чақирмоқ; VII انْعَوَى эгилмоқ, букилмоқ

– عُوَاءٌ улиш; вовуллаш

– عَوَّاءٌ қаттиқ вовулловчи; ◊ الْـ~ *астр.* Ҳўкизбоқар юлдузлар туркуми

– عَوِيٌّ улиш; вовуллаш

– مُعَاوِيَةٌ 1) тулки боласи; 2) урғочи ит; ◊ أَبُو ~ гепард, чита (*йиртқич ҳайвон*)

عُوَيْسِيَّةٌ *кўп.* ـاتٌ қаламтарош, пакки (*қайирма пичоқча*)

(عيي) I عَيَّ (*а/а*) عِيٌّ кучсиз (кучсизланган) бўлмоқ; бетоб бўлмоқ; 2) *шунингдек*: فِي الْكَلاَمِ ~ дудуқланмоқ, тутилиб гапирмоқ; поймапой гапирмоқ; لِسَانُهُ بِالْكَلاَمِ ~ тили гапга келмай қолди; 3) касал бўлмоқ; عَيَّ = عَيِيَ; IV أَعْيَى 1) кучсизлантирмоқ, чарчатмоқ, ҳолдан тойдирмоқ; لاَ يُعْيِيهِ أَنْ... унинг ...га кучи етади; у ...ни эплайди; 2) (*врачни*) боши берк кўчага киритиб қўймоқ (*касаллик ҳақида*); 3) қийин, (*оғир*) бўлмоқ; 4) чарчамоқ, ҳормоқ

إِعْيَاءٌ чарчоқлик, ҳолсизлик; ўта кучсизлик, ҳолдан тойиш; كَادَ يَقَعُ ~ у ҳолсизликдан йиқилай деб турибди

– عِيٌّ[1] чарчоқлик, ҳорғанлик, кучсизлик

– عَيٌّ[2] *кўп.* أَعْيَاءٌ 1. кучсиз, иродасиз; 2. дудуқ

– عِيٌّ тил фалажлиги; тутилиш, дудуқланиш

– عَيَاءٌ 1) чарчоқлик, ҳолдан тойганлик; бемадорлик; 2) касаллик; دَاءٌ ~ бедаво касаллик

– عَيَّانٌ 1) чарчоқ, ҳолдан тойган; 2) *халқ.* касал

– عَيِيٌّ *кўп.* أَعْيِيَاءُ дудуқ

– مُعْيٍ чарчаган, ҳолдан тойган

– مُعْيَى чарчаган, ҳолдан тойган

I (عيب) عَابَ (*и*) عَيْبٌ 1) танбеҳ бермоқ, айбдор қилмоқ, қораламоқ, ёмонламоқ; فِي حَقِّهِ ~ кимнидир ҳақоратламоқ (сўкмоқ); 2) бузмоқ, зарар етказмоқ; 3) камчилиги (айби) бор бўлмоқ, айбли бўлмоқ; II عَيَّبَ 1) танбеҳ бермоқ, айбдор қилмоқ, сўкмоқ; 2) (*к. нингдир*) устидан кулмоқ (عَلَى)

– عَيْبٌ = عَابٌ

– عَيَّابٌ 1. танбеҳ берувчи, 2. ёмонловчи

– عَيْبٌ *кўп.* عُيُوبٌ 1) танбеҳ; فِي حَقِّهِ ~ кимнидир ҳақорат қилиш; 2) айб, нуқсон, иллат, камчилик; قَلْبِيٌّ ~ *мед.* юрак иллати (*порок касаллик*); عُيُوبٌ بَارِزَةٌ وَ خَفِيَّةٌ яширин ва кўриниб турган нуқсонлар (камчиликлар); ◊ يَا لَهُ ~ الشُّومِ! *халқ.* узр!, кечирасиз!; يَا ~ الشُّومِ عَلَى شَوَارِبِكَ! қандай шармандалик! (уят!); مِنْ ~! уялмайсанми, ахир кап-катта бўлиб қолдинг! (*сўзма-сўз:* уял, ахир мўйловинг бор!) عَلَيْكَ! ~ сен уялишинг керак!; уялмайсанми ахир!; أَنْ تَطْلُبَ مِنِّي ذَلِكَ ~ мендан бу нарсаларни сўрагани уял (майсанми?)!

– عَيْبَةٌ[1] 1) таҳқирлаш; 2) айб, нуқсон, иллат, камчилик

– عَيْبَةٌ[2] *кўп.* ـاتٌ, عِيَابٌ 1) чарм сумка; жомадон (чемодан); 3) *кўч.м.* сирларни сақловчи (ишончли) шахс, васий

– مَعَابٌ, مَعَابَةٌ айб, нуқсон, камчилик; *кўч.м.* доғ

– مَعِيبٌ камчиликли, иллатли, нуқсонли; нуқсони (камчилиги) бор

– مُعِيبٌ шармандали, уятли

– مُعَيِّبٌ 1. танбеҳ берувчи; 2. ёмонловчи

– مَعْيُوبٌ айблари (нуқсонлари) бор; иллатли, камчилиги бор, нуқсонли; سِلَعٌ ~ـةٌ иллатли деб топилган (брак қилинган) моллар

I (عيث) عَاثَ (*и*) عَيْثٌ, عُيُوثٌ 1) қутурмоқ, ғазабланмоқ; ўзбошимчалик (бебошлик) қилмоқ; فَسَادًا ~ фасод уруғини сепмоқ; فِي مَالِهِ ~ ўз пулларини совурмоқ; 2) бузмоқ; 3) қуритмоқ, битирмоқ; кўп ва ютоқиб емоқ, дастурхонни қуритмоқ; الذِّئْبُ فِي الْغَنَمِ ~ бўри қўйларга зарар етказди; II عَيَّثَ 1) пайпасламоқ; 2) қоронғи тунда пайпаслаб юрмоқ (бормоқ)

عود *қар.* عيد

I (عير) غَارَ (и) غَيْرٌ адашиб юрмоқ, тентираб (кезиб) юрмоқ; II عَيَّرَ сўкмоқ, таъна қилмоқ, танбеҳ бермоқ; уялтирмоқ; жиғига тегмоқ, ғашига тегмоқ; III عَايَرَ 1) текширмоқ, синаб кўрмоқ, ўлчамоқ, тарозига солиб кўрмоқ; 2) идишга (*яшиқ ва б. ларга*) жойламоқ; 3) бошқармоқ, бошқариб турмоқ; 4) мақтанмоқ, керилмоқ; 5) *халқ* танбеҳ бермоқ, койимоқ, таъна қилмоқ; IV أَعَارَ у ёқ-бу ёққа олиб юрмоқ, сайр қилдирмоқ

– عَائِرٌ 1) кўчиб юрувчи, дайдиб юрувчи; 2) адашган (*ўқ ҳақида*)

– عَارٌ *кўп.* أَعْيَارٌ шармандалик, уят; ◊ يَا عَلَيْكَ! ~ уят сенга!; لَلْـ~ қандай шармандалик!; مَحَا الْـ~ шармандаликни ювмоқ; جَلَّ جَلَّلَهُ بَالْـ~ *қар.*

– عِيَارٌ[1] *кўп.* ـاتٌ 1) ўлчов, ўлчам, меёр, стандарт, эталон; ~ الذَّهَبِ олтин (энг яхши) меёр; 2) калибр (*тўп, ўқ ва б. ларда*); 3) проба (*металлар софлиги даражасини кўрсатувчи ўлчам*); 4) тарози тоши

– عِيَارٌ[2] *кўп.* أَعْيِرَةٌ *шунингдек:* نَارِيٌّ ~ ўқ отиш

– عَيَّارٌ[1] 1. айёр, алдамчи; 2. ялангоёқ, дайди, бекорчи

– عَيَّارٌ[2] *кўп.* ـاتٌ — *тех.* кўтарма кран, лебёдка

– عَيَّارٌ[3] арслон, шер

– عَيْرٌ[1] *кўп.* عُيُورٌ, أَعْيَارٌ 1) ёввойи эшак, гур; хонаки эшак

– عَيْرٌ[2] Мадинаи мунаввaрадаги тоғнинг номи

– عِيرٌ *кўп.* ـاتٌ 1) карвон; ◊ لَا (لَيْسَ) فِي الْـ~ وَ لَا فِي النَّفِيرِ *мтл.* на ошқатиқ, на бошқатиқ; 2) озиқ-овқат ташийдиган туя

– عِيرَةٌ *қар.* عور

– عُيَيْرٌ *ёки* عُيَيْرُ وَحْدِهِ: زَيْدٌ ~ Зайд шуҳратпарастдир (кеккайгандир)

– مَعَايِرُ *кўп* камчиликлар, айблар, етишмовчиликлар

– مُعَايَرَةٌ 1) (*ўлчовларни*) меёрлаш, стандартизация қилиш; 2) танбеҳ бериш, уялтириш

– مِعْيَارٌ *кўп* مَعَايِيرُ ўлчов, ўлчам, меёр, эталон; норма

أَعْيَسُ *мн.* عَيْسَاءُ *кўп.* عِيسٌ 1. қорамтир, қўнғир (*туянинг сифати*); 2. (*зотли*) туя

– عِيسٌ у ер-бу-ерида оласи бор оқ рангдаги туя

عَيْسَلَانُ *бот.* сунбул, сумбул, гиасинт

عِيسُو *библ* Ийсав

عِيسَى *ат.от мз.* Ийсо алайҳиссалом, Иисус

– عِيسَوِيٌّ ийсавий, христиан динидаги киши

I (عيش) عَاشَ (и) عَيْشٌ, مَعِيشَةٌ 1) яшамоқ, умр ўтказмоқ; تَعِيشُ أَنْتَ! у сенга узоқ яшашни буюрди!; مَنْ يَعِشْ يَرَ! *мтл* омон бўлсак, кўрармиз!; !... ~ (لِيَعِشْ) яшасин ...!; بِالْقُرُوضِ ~ қарз ҳисобига яшамоқ; عَلَى (مِنَ) الْمَعَاشِ ~ пенсия ҳисобига яшамоқ, 2) узоқ вақт кийилмоқ (*кийим, пойабзал ва б. лар ҳақида*); II عَيَّشَ 1) яшаш учун имкон бермоқ; عِشْ وَ عَيِّشْ! ўзинг ҳам яша, бошқага ҳам яшаш учун имкон бер!; 2) яшаш учун моддий маблағ бермоқ; 3) боқмоқ, қарамоқ, едириб-ичирмоқ; III عَايَشَ 1) (*к. биландир*) бирга яшамоқ; 2) (*к. биландир*) биргалашиб бошдан кечирмоқ (*мас., ғам-аламни*); 3) тинч-тотув яшамоқ; IV أَعَاشَ 1) (*оилани*) боқмоқ; едириб-ичирмоқ; семиртирмоқ, парваришламоқ (*мас., ерни*); 2) озиқ-овқат билан таъминламоқ; V تَعَيَّشَ яшаш учун маблағ топмоқ; (*н. нингдир ҳисобига*) яшамоқ (مِنْ); VI تَعَايَشَ 1) бошқалар билан биргаликда яшамоқ; 2) тинч-тотув яшамоқ; VIII اِعْتَاشَ (*н. нингдир ҳисобига*) яшамоқ (مِنْ)

– إِعَاشَةٌ 1) боқиш, қараш; 2) озиқ-овқат билан таъминлаш; قِسْمُ الْـ~ озиқ-овқат таъминоти бўлими; بِطَاقَةُ الْـ~ озиқ-овқат паттаси (*карточкаси*)

– تَعَايُشٌ биргаликда яшаш; الْـ~ السِّلْمِيُّ тинч-тотув яшаш

– عَائِشٌ яшовчи; (ҳозир) ҳаёт; فِي خَفْضٍ مِنَ الْعَيْشِ ~ бой-бадавлат яшовчи

– عَائِشَةُ *ат.от.мн.* Оиша

– عَيَّاشٌ 1) нонфуруш; 2) маишатпараст, ишратпараст, дилхушликни яхши кўрадиган одам

– عَيْشٌ 1) ҳаёт кечириш, яшаш; مُسْتَوَى الْـ~ яшаш даражаси; 2) нон, озиқ-овқат; بَايِتٌ ~ қотган нон; وَ مِلْحٌ ~ нон-туз; ◊ ~ الرِّيفِ заҳарли қўзиқоринлар; السَّرَايَةِ ~ ширинликлар; الْغُرَابِ маккажўхори

– عِيشَةٌ яшаш тарзи; яшаш, ҳаёт кечириш; رَاضِيَةٌ ~ бой-бадавлат яшаш, ҳаётдан мамнун бўлиб яшаш

– عَيُوشٌ тўлақонли ҳаёт кечираётган

– مَعَاشٌ *кўп.* ـاتٌ 1) ҳаёт; الْـ~ وَ الْمَعَادُ *дин.* бу дунё ва у дунёдаги ҳаёт; 2) ҳаёт учун зарур маблағлар; غَلَاءُ الْـ~ ҳаёт кечиришнинг қийматлиги (оғирлиги); 3) парвариш, мояна бериш; пенсия, нафақа; أَحَالَ عَلَى الْـ~ пенсия (нафақа) га чиқармоқ; أَرْبَابُ الْمَعَاشَاتِ пенсионер (нафақахўр) лар; الْـ~ التَّقَاعُدِيُّ *ёки* ~ التَّقَاعُدِ пенсия (нафақа), пенсия (нафақа) таъминоти

– مُعَاشٌ озиқ-овқат билан таъминланган; الْحَيَاةُ الْـ~ـةُ яхши таъминланган ҳаёт

– مَعَاشِيٌّ маиший; яшашга оид, турмуш кечиришга оид; الْمُسْتَوَى الْـ~ яшаш даражаси; صُعُوبَاتٌ ~ـةٌ яшаш (*турмуш*) қийинчиликлари, маиший қийинчиликлар; الْأَوْضَاعُ الْـ~ـةُ *ёки* الْأَحْوَالُ الْـ~ـةُ яшаш шароитлари

– مُعَايَشَةٌ бирга яшаш

– مَعِيشَةٌ *кўп.* مَعَايِشُ 1) ҳаёт кечириш, яшаш; 2) яшаш, ҳаёт кечириш воситалари, озиқ-овқат; боқиш, қараш; نَفَقَاتُ (تَكَالِيفُ)

الـ~ яшаш харажатлари (сарфлари); ~ الْحَدُّ الْأَدْنَى لِلْـ яшаш минимуми

– مَعِيشِيٌّ маиший, яшашга оид; الْمُسْتَوَى الْـ~ яшаш даражаси

(عيط) II عَيَّطَ йиғламоқ, қичқирмоқ, бақирмоқ; (*к. нидир*) чақирмоқ (عَلَى); VI تَعَايَطَ бошқалар билан бирга қичқирмоқ, бақирмоқ

– عِيَاطٌ йиғи; қичқириқ, бақириқ

I (عيف) عَافَ (*а, и*) عَيْفٌ 1) (*бирор н. га*) нафрат (ёмон кўз) билан қарамоқ, (*бирор н. ни*) ёмон кўрмоқ; يَعَافُ النَّظَرَ إِلَى ... га қарашдан у нафратланади; عَافَتْ نَفْسُهُ الْكُتُبَ китоблар уни зериктирди; تَعَافُهُ النَّفْسُ бу унинг нафратини қўзғайди, бу унинг кўнглини айнитади; 2) (*юлдузларнинг учишига қараб*) фол очмоқ, фолбинлик қилмоқ; 3) (*бирор н. устида*) қанот қоқиб турмоқ (عَلَى - *қуш ҳақида*)

– عَائِفٌ 1) (*қушларнинг учишига қараб*) фол. очувчи, фолбинлик қилувчи; 2) ёмон кўрувчи, нафратланувчи

– عِيَافَةٌ қушларнинг учишига қараб фол очиш

– عَيْفٌ, عَيَفَانٌ нафрат, ёмон кўриш, антипатия

– عَيُوفٌ жирканувчи, ҳазар қилувчи

(عيق) VI تَعَايَقَ олифта (пўрим) бўлиб юрмоқ; мақтанмоқ, фахр қилмоқ, мағрурланмоқ, гердаймоқ

– عَايِقٌ олифта, пўрим

– عِيَاقَةٌ олифталик, пўримлик

– عَيُوقٌ безанган, ясан-тусан қилган, олифталарча кийинган; ◊ الْـ~ *астр.* Капелла

– مُتَعَايِقٌ олифта, пўрим

I (عيل) عَالَ (*и*) عَيْلَةٌ камбағал (ночор) бўлмоқ; II عَيَّلَ 1) кўп сонли оилали бўлмоқ; 2) (*оилани*) боқмоқ, таъминламоқ; IV أَعْيَلَ = *ёки* أَعَالَ = I

– عَائِلٌ *кўп.* عَالَةٌ, عُيَّلٌ камбағал, ночор, бечора

– عَائِلَةٌ *кўп.* عَوَائِلُ, ـــاتٌ оила

– عَائِلِيٌّ оилавий, оилага оид, шу оилага хос

– عَالَةٌ *кўп.* عُيَّلٌ *дан*; 1) боқиндилар, боқиладиганлар, 2) юк, бировга юк бўлганлик; كَانَ ~ عَلَى ... га юк бўлиб (боғланиб) қолган бўлмоқ; عَاشَ ~ عَلَى ... бирор нарса ҳисобига яшамоқ; اعْتَبَرَهَا ~ عَلَيْهِ у (аёл) ни ўзига юк деб ҳисоблади; 3) фақирлик, бечоралик

– عِيَالَةٌ (*оилани*) боқиш, парваришлаш

– عَيِّلٌ *кўп.* عِيَالٌ, عَالَةٌ бола, фарзанд; ◊ هُوَ عِيَالٌ عَلَيْهِ а) улар ҳаммаси унга боғланганлар; б) уларнинг ҳаммаси унинг ҳисобига яшайдилар

– عَيْلَةٌ[1] оила, оила аъзолари, уйдагилар

– عَيْلَةٌ[2] фақирлик, бечоралик

– مُعِيلٌ, مُعَيَّلٌ кўп силали

(عيم) I عَامَ (*а, и*) сут ичгиси келмоқ; IV أَعَامَ сутсиз қолдирмоқ

– عَيْمَةٌ сут ичишга бўлган иштиёқ

– عَيْمَانٌ *мн.* عَيَامَى сут ичгиси келган киши

(عين) I عَانَ (*и*) عَيْنٌ булоқни топмоқ, булоққа рўпара келмоқ (бўлмоқ); II عَيَّنَ 1) таъйинламоқ, жорий қилмоқ, аниқламоқ, белгиламоқ (*муддат, чегара ва ҳ.к. лар ҳақида*); ~ الْحُدُودَ чегараламоқ, ~ الْهَدَفَ нишонни кўрсатмоқ (белгиламоқ); ~ السَّبَبَ сабабини кўрсатмоқ (тушунтирмоқ, изоҳламоқ); 2) (*вазифага*) таъйинламоқ (فِي); 3) ажратмоқ, мўлжалламоқ; 4) тешмоқ, тешик очмоқ; III عَايَنَ 1) қараб чиқмоқ, шаҳодат бермоқ; 2) ўз кўзи билан кўрмоқ; 3) шоҳид (гувоҳ)лик бермоқ; V تَعَيَّنَ 1) таъйинланмоқ; 2) аниқланмоқ; 3) (*к. учундир*) мажбурий (шарт) бўлмоқ (عَلَى); 4) кўзи тегмоқ; VIII اعْتَانَ насияга мол сотиб олмоқ

– أَعْيَانٌ *кўп.* аъёнлар, таниқли одамлар, зодагонлар; مَجْلِسُ الْـ~ сенат; بَنُو الْـ~ бир ота-онадан туғилган ака-укалар

– أَعْيَنُ *мн.* عَيْنَاءُ *кўп.* عِينٌ кўзи катта, катта кўзли

– تَعْيِينٌ *кўп.* ـــاتٌ 1) таъйинлаш; 2) маълум муддатга берилган белгили миқдордаги озиқ-овқат (*паёк*); ~ نَاشِفٌ қуруқ паёк

– عُوَيْنَاتٌ *кўп.* кўзойнак

– عَيَّانٌ *халқ.* бемор (касал) одам (*сол.* عَيٌّ)

– عِيَانٌ ўз кўзи билан кўриш; لَيْسَ الْخَبَرُ كَالْـ~ (كَالْمُعَايَنَةِ) эшитиш бошқа, кўриш бошқа; ~ شَاهِدُ ўз кўзи билан кўрган, بَادٍ لِلْـ~ кўзга кўриниб турган, очиқ-ойдин

– عِيَانِيٌّ кўриниб турган, очиқ-ойдин; ~ شَاهِدٌ ўз кўзи билан кўрган, гувоҳ бўлган

– عَيْنٌ[1] *кўп.* ـــاتٌ 1) Е ҳарфи; 2) *мат.* Зет (з); مِحْوَرُ الْعَيْنَاتِ зет (з) ўқи

– عَيْنٌ[2] *кўп.* عُيُونٌ, أَعْيُنٌ кўз; ~ كَهْرَنُورِيَّةٌ фотоэлемент, ~ اللهِ عَلَيْهِ! Оллоҳ сақласин уни!; عَلَى مَدَى الْـ~ кўз етгунга қадар; بِأُمِّ الْـ~ ўз кўзи билан; رَآهُ رَأْيَ الْـ~ يَنِهِ; رَآهُ بِـ~ ىْ رَأْسِهِ *ёки* бирор нарсани ўз кўзи билан кўрмоқ; ... ظَهَرَ لِكُلِّ ذِي ~ يْنِ أَنَّ ... ҳар бир кўзи бор одамга аниқки, ..; كَانَتْ ~ هُ سَاهِرَةً ҳушёр бўлмоқ; ... جَرَى بِـ~ يْهِ عَلَى (*бирор н. га*) кўз югуртириб чиқмоқ; اخْتَفَى مِنْ أَمَامِ ~ يْهِمْ у уларнинг кўзидан йўқолди (яширинди); نَظَرَ إِلَيْهِ بِـ~ الرِّضَى кимгадир яхши кўз билан қарамоқ; نَظَرَ إِلَيْهَا بِـ~ الْجِدِّ у унга (аёлга) жиддий назар ташлади; نَظَرَ بِـ~ الْانْتِبَاهِ (*н. гадир*)

диққат билан қарамоқ (إِلَى); بـ~ الْاحْتِقَارِ نَظَرَ (к. ғадир, н. ғадир) нафрат билан қарамоқ (إِلَى); بـ~ بَصِيرَةٍ نَظَرَ (н. ғадир) ақл кўзи билан қарамоқ (إِلَى); 2) *шунингдек.* تَأْثِيرُ الْـ~ ёмон кўз, кўз тегиш, суқ; الرُّكْبَةِ ~ тиззанинг кўзи; الشَّمْسِ ~ қуёшнинг кўзни қамаштирадиган нури; الْبَقَرِ ~ Шомда ўсадиган узум нави; فِي الْمِيزَانِ ~ тарозининг паллалари тенг эмас; صَاحِبُ الْـ~ унинг кўзи бор; هَذَا يَمْنَعُ الْـ~ бу кўз тегишдан сақлайди; 3) жосус, айғоқчи; 4) тешик, кўз; (*тўрнинг*) кўзи; الْقَنْطَرَةِ ~ шлюз (*сув сатҳи турли бўлган бир жойдан иккинчи жойга кемаларни ўтказиш учун хизмат қилувчи гидротехник иншоот*); السَّاقِيَةِ ~ (*тўппонча барабанидаги*) ўқдон; 5) *шунингдек.* الْمَاءِ ~ булоқ; 6) (*вагонлардаги*) купе; 7) новда, калтак; 8) нарса, ашё (*мол-мулк сифатида*), мол-мулк; مَا أَلْفَى ~ا وَلَا أَثَرًا ҳеч нарсанинг изини ҳам тополмаслик; 9) нақд пул; 10) моҳият, мағиз; 11) (*бирор н. нинг*) энг яхшиси, аълоси; تُعَدُّ هَذِهِ الْقَصِيدَةُ مِنْ عُيُونِ شِعْرِهِ бу қасида унинг шеъриятидаги гавҳар ҳисобланади; 12) *кўп.* أَعْيَانٌ аъён, шахс; таниқли (ҳурматли) киши; كَانَ مَجْهُولَ الْـ~ وَالْأَثَرِ мутлақо номаълум (ҳеч ким танимайдиган) бўлмоқ; 2. ўшанинг ўзи; وَلِهَذَا السَّبَبِ عَيْنِهِ худди ўша сабаб билан; فَأَجَبْتُهُ بِـ~ الْجَوَابِ мен унга худди ўша жавобни бердим; ◊ هُوَ بِـ~ـهِ унинг ўзи; بِـ~ مُجَرَّدَةٍ оддий кўз билан (*мас., дурбинсиз*); الشَّمْسِ ~ а) қуёш гардиши; б) *бот.* гулҳамишабаҳор; الْحَمَلِ ~ а) ёнғоқ; б) ширинлик; в) *бот.* айиқтовон; صَفْرَاءُ ~ *бот.* гулҳамишабаҳор; الْقِطِّ ~ мойчечак; ~ الْمُسْكَةِ қадоқ, қабариқ; عَلَى الرَّأْسِ وَالْـ~! бош устига, жон деб!, бажонудил; ~ بِـ~ وَسِنٌّ ◊ يَا ~ الْعَمِّ! эй азизим!, эй қадрдон!; بِسِنٍّ! қонга қон, жонга жон!; أَصْبَحَ أَثَرًا بَعْدَ ~ фақат хотирдагина қолмоқ, изсиз йўқолмоқ; دَفَعَ ~ًا натура билан ҳақ тўламоқ; نَزَلَ

بـ~ـي у менинг назаримдан қолди; مَلَأَ الْـ~ ёқмоқ, ёқиб қолмоқ; أَصَابَتْهُ ~ـهَا у қаттиқ ҳаракат қилди (ғайрат қилди); خَرَجَتْ ~ـهُ унга у (аёл)нинг кўзи тегди; ضَاعَ أَمَامَ ~ـهِ кимнингдир кўз олдида йўқ бўлмоқ

— عَيْنٌ йиғлоқи

— عِينَةٌ қарзга сотиш ёки олиш

— عَيِّنَةٌ *кўп.* ـاتٌ — намуна; синов

— عَيْنِيٌّ 1) кўзга (кўришга) оид; 2) натура билан тўланадиган; ашёвий; الْمُقَايَضَةُ الْـ~ـةُ мол алмаштириш, айрибошлаш савдоси (бартер); الْمَظْهَرُ الْـ~ لِلْعَلَاقَاتِ الْإِنْتَاجِيَّةِ ишлаб чиқариш муносабатларининг ашёвий ифодаси (натижаси); *юр.* мулкий (*ҳуқуқ ҳақида*); حُقُوقٌ ~ـةٌ мулкий ҳуқуқ; مُلْكٌ ~ амлок; الْأَمْلَاكُ الْـ~ـةُ кўчмас мулк, амлок; 4) *мат.* Зет (*з*) катталигига оид; الْمِحْوَرُ الْـ~ зет (*з*) ўқи

— عَيْنِيَّةٌ *кўп.* ـاتٌ — окуляр (*оптик асбобнинг кўзга тутиб қараладиган томондаги шишаси*)

— عُيَيْنَةٌ *кўп.* ـاتٌ — тешикча, тирқиш

— مُعَايِنٌ 1) кузатувчи, қаровчи; 2. 1) нозир; 2) томошабин; ўз кўзи билан кўрган

— مُعَايَنَةٌ 1) кузатиш, гувоҳлик бериш; 2) назорат; 3) цензура

— مَعِينٌ 1) булоқ, манба; 2) суқланган (кўз теккан) одам

مُعَيَّنٌ муайян, белгиланган; فِي أَوْقَاتٍ ~ـةٍ муайян вақтга; لِمُدَّةٍ ~ـةٍ муайян муддатга

— مُعَيَّنٌ *кўп.* ـاتٌ — *мат.* ромб; شَبِيهٌ بِالْـ~ ромбоид; مُنْحَرِفٌ ~ *мат.* трапеция

— مَعِينٌ = مَعْيُونٌ

عَيّ عِيّ *қар.*

غ

غ (غَيْنٌ) ғайн (*араб алифбосининг ўн тўққизинчи ҳарфи; абжадда - 1000*)

غَابٌ *қар.* غيب

غَارٌ дафна (*дарахт*); أَوْرَاقُ الْـ~ дафна япроғи; ◊ الْفَوْزِ وَ ~ الظَّفَرِ зафар (ғалаба) чамбари (*ғолиблар бўйнига солинадиган дафна дарахти баргларидан ясалган чамбар*); إِكْلِيلُ الْـ~ дафна чамбари; لَمْ يَأْتِهِ بِأَكَالِيلِ الْـ~ бу унга обрў-эътибор келтирмади

غَارُوقَةٌ узун муддатли ижара, (*бирор н. дан*) узоқ йиллар давомида фойдаланиш; تَأْجِيرٌ بِالْـ~ узун муддатга ижарага бериш (*сол.* غَرُوقَة)

غَازٌ[1] газ, ҳарир газлама, ҳил-ҳила

— غَازٌ[2] *кўп.* ـاتٌ — 1) газ (*модда*); طَبِيعِيٌّ ~ табиий газ; الْـ~ خَرْدَلٌ *қар.* الْخَرْدَلِ ~; الْإِسْتِصْبَاحِ ~ ёритувчи газ чироғи; الضَّحَّاكُ ~ кулдирувчи (хурсанд қилувчи) газ; الْغَازَاتُ السَّامَّةُ заҳарли

газлар; الْغَازَاتُ الْخَانِقَةُ ёки الْغَازَاتُ الْمُخَنِّقَةُ бўғувчи газлар; الْغَازَاتُ الْمُسَيِّلَةُ لِلدُّمُوعِ қар. مُسَيِّلٌ 2) керосин; الــ~ الْوَسِخُ тозаланмаган керосин

– غَازُوزَةٌ газ сув

– غَازِيٌّ 1) газга оид; газли; ~ مِصْبَاحٌ газ чироқ, газ билан ёнадиган чироқ; ~ مَشْرُوبَاتٌ (مِيَاهٌ) ~ـةٌ газли ичимликлар; 2) газсимон, газга ўхшаш

غَازُولِين газолин (*нефтдан олинадиган ёқилғи тури*)

غَازِيتَةٌ кўп. ~ اتٌ — газета

غَاغَةٌ 1) шовқин-сурон, бақир-чақир; 2) шовқин-суронли оламон; 3) *бот.* ялпиз

غَاقٌ *зоол.* қоравой, қорабузов (*қуш*)

غَالٌ кўп. ~ اتٌ — эшик қулфи

غَلْيُونٌ = غَالْيُونٌ кўп. غَلَايِينُ

غَانْجُو қайрилма қозиқ, илмоқ, чангак, илгак

غَايَةٌ қар. غي

I غَبَّ (а/у) غِبٌّ 1) (*кун оша*) келмоқ, келиб турмоқ; 2) ютмоқ, ичмоқ (*сол.* عَبَّ); IV أَغَبَّ 1) (*к. дадир*) вақти-вақти билан янгиланиб (қайталаб) турмоқ (*туш.к.* ёки عَلَى *безгак ҳақида*); 2) кун оша ёки ҳар куни келмоқ; V تَغَبَّبَ оқибатлар (натижалар) кутмоқ

– غُبٌّ кўп. أَغْبَابٌ, غُبُوبٌ 1) бухта, қўлтиқ (*денгизда*); 2) жар, жарлик

– غِبٌّ[1] 1) вақти-вақти билан келиб туриш; ~ا вақти-вақти билан, ўқтин-ўқтин, баъзан, камдан-кам; زَارَهُ ~ا кимнингдир олдига вақти-вақти билан келиб турмоқ; زُرْ ~ا تَزْدَدْ حُبًّا *мқл.* ҳалвонинг ози ширин (*сўзмасўз:* меҳмонга кам-кам борсанг, азиз бўласан) 2) оқибат, натижа; ◊ حُمَّى الـــ~ ўқтин-ўқтин тутадиган безгак (*уч кунлик*)

– غِبٌّ[2] кейин, сўнг; الْمَطَرِ ~ ёмғирдан кейин (сўнг)

– غَبَبٌ кўп. أَغْبَابٌ бағбаға, ғабғаб

– غُبَّةٌ кўп. ~ اتٌ — ютум, ҳўплам

– غَبِيبٌ эскириб қолган, қаттиқ, қотиб қолган (*гўшт, нон ҳақида*)

– مَغَبَّةٌ кўп. ~ اتٌ — оқибат, натижа

I غَبَرَ (и) غُبُورٌ 1) ўтмоқ, ўтиб бормоқ, ўтиб кетмоқ (*вақт ҳақида*); 2) қолмоқ; II غَبَّرَ 1) чанг чиқармоқ, чанг кўтармоқ; 2) чанг билан қопламоқ, чангитмоқ; 3) (*к. нидир*) қораламоқ, айбламоқ (عَلَى); ◊ ~ الطَّعَامَ بِفُلْفُلٍ овқатга қалампир сепмоқ (солмоқ); ~ فِي وَجْهِهِ кимнидир қувиб ўтмоқ; IV أَغْبَرَ чанг билан қопламоқ; ~ الْجَوُّ ҳавода кўп чанг учиб юрибди; V تَغَبَّرَ чанг босмоқ, чанг билан қопланмоқ; IX اغْبَرَّ чанг рангида бўлмоқ, кулранг бўлмоқ

– أَغْبَرُ *мн.* غَبْرَاءُ *кўп.* غُبْرٌ 1) чанг рангида, кулранг; 2) чанг босган, ғуборли; 3) ўтиб кетувчи, ўткинчи; ◊ الْغَبْرَاءُ ер, замин; افْتَرَشَ الْغَبْرَاءَ وَالْتَحَفَ السَّمَاءَ очиқ жойда зах ерда ухламоқ; ابْنُ غَبْرَاءَ камбағал, қашшоқ

– غَابِرٌ ўтган, ўтган замондаги; فِي الْعَهْدِ الـــ~ қадимги замонларда, узоқ ўтмишда; مِنَ ~ الْأَزْمَانِ қадимдан бери, ўтган замонлардан бери; ◊ صَارَ كَأَمْسِ الـــ~ абадий йўқолмоқ, абадий йўқ бўлмоқ

– غُبَارٌ 1) ғубор, чанг, тупроқ; الـــ~ الذَّرِّيُّ атом чанги; نَفَضَ عَنْ نَفْسِهِ ~ السُّكُونِ *маж.* уйғонмоқ (*сўзма-сўз:* ўз устидан сокинлик тупроғини қоқиб ташламоқ); ... نَفَضَ الـــ~ عَنْ مَلَفِّ مَشْرُوعٍ *маж.* чанг босиб ётган проект папкасини ёруғ дунёга яна олиб чиқмоқ; أَثَارَ الـــ~ فِي وَجْهِهِ а) *шунингдек*: أَثَارَ ~ الشَّكِّ حَوْلَهُ кимгадир нисбатан шак-шубҳа уйғотмоқ (туғдирмоқ); б) кимнидир қувиб ўтмоқ; 2) *бот.* (*гулдаги*) чанг; ◊ لَا ~ عَلَيْهِ у бекаму кўст, беғубор; لَا ~ عَلَى هٰذِهِ النَّظَرِيَّةِ бу назарияга нисбатан ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ; ... لَا يُشَقُّ لَهُ ~ فِي қар. شَقَّ

– غُبَارِيٌّ: الْأَرْقَامُ الـــ~ـةُ араб рақамлари

– غُبَارِيَّةٌ *мед.* пневмокониоз (*ўпканинг сурункали яллиғланиши*)

– غَبَرٌ чанг, ғубор

– غَبْرٌ яна очилаётган (*яра ҳақида*)

– غِبْرٌ нафрат

– غَبَرَةٌ чанг, ғубор; чанглар тўзони; عَلَى وَجْهِهَا ~ الْغَضَبِ *маж.* у (аёл) нинг юзида ғазаб аломатлари (ғубори) (кўринди)

– غُبْرَةٌ 1) кулранг, кулранг бўёқ, кулрангга бўялиш; 2) чанг, ғубор

– غُبُورٌ = غَبْرِيَال

– غُبَيْرَاءُ 1) *бот.* четан (*рябина ўсимлиги ва меваси*); 2) ҳабашлар маккажўхоридан тайёрлайдиган ичимлик номи

– غُبَيْرَةٌ кўп. ~ اتٌ — спора (*гулсиз ўсимликларнинг ва баъзи бир ҳужайрали жониворларнинг урчиш органи*)

– مُغَبَّرٌ чанг билан қопланган, чанг (ғубор) босган

غَبْرِيَال *ат.от.мз.* Гавриил

I غَبَسَ (у) غَبْسٌ ёки غَبِسَ (а) غَبَسٌ 1) зим-зиё қоронғи бўлмоқ (*тун ҳақида*); 2) думи ва ёли қора рангда бўлмоқ (*от ҳақида*)

– أَغْبَسُ *мн.* غَبْسَاءُ *кўп.* غُبْسٌ 1) қоронғи; 2) думи ва ёли қора рангдаги

– غَبَسٌ қоронғилик

I غَبِشَ (а) غَبَشٌ қоронғи бўлмоқ, тамом бўлмоқ (*тун ҳақида*); II غَبَّشَ 1) қоронғи қилмоқ, қоронғилаштирмоқ; хиралаштирмоқ; 2) ноаниқ (хира) кўрмоқ (*кўз ҳақида*); IV أَغْبَشَ қоронғи бўлмоқ; тамом бўлмоқ (*тун ҳақида*); V تَغَبَّشَ хиралашмоқ, хираланмоқ (*кўзгу ҳақида*)

– أَغْبَشُ *мн.* غَبْشَاءُ *кўп.* غُبْشٌ 1) қоронғи; 2) хира (*кўзгу ҳақида*)

– غَبَاشَةٌ 1) хиралик; қоронғилик; 2) *мед.* кўзнинг хиралашуви

– غَبَشٌ қоронғилик, ғира-ширалик (*тонг отиш олдида*)

– غَبِشٌ қоронғи, хира

– غُبْشَةٌ тонготардаги қоронғилик, тонготар

– مُغَبَّشٌ қоронғи

I غَبَطَ (и) غَبْطٌ ҳавас қилмоқ; II غَبَّطَ бахтли (ҳавас қилса арзийдиган) деб ҳисобламоқ; VIII اغْتَبَطَ (*н. дандир*) роҳатланмоқ, (*н. учундир*) хурсанд бўлмоқ (لِـ); шодланмоқ

– اغْتِبَاطٌ роҳат, лаззатланиш, шодлик, шодланиш

– غَبْطٌ ҳавас, ҳавас қилиш

– غِبْطَةٌ 1) ҳавас; 2) роҳат, лаззат; шодлик, хурсандлик; бахт, фароғат; رَقَّ قَلْبُهُ رَفِيفَ الـ~ унинг юраги хурсандликдан ўйнаб кетди; رَأَى بِعَيْنِ الـ~ роҳат қилиб (мазза қилиб) томоша кўрмоқ; 3) жаноблари (*христианларда юқори мартабали диний амалдорга мурожаат қилинганда*)

– غَبِيطٌ *кўп.* غُبُطٌ 1) туя эгари (*аёллар учун*); 2) қоп; سَمَادٍ ~ бир қоп ўғит

– مَغْبُوطٌ 1) ҳавас қилишга арзийдиган; хурсанд, бахтли; роҳат-фароғатдаги; 2) ёрқин хотира қолдирган

– مُغْتَبِطٌ мамнун, хурсанд бўлган

– غَبْغَبٌ *кўп.* غَبَاغِبُ ғабғаб, бағбаға

I غَبَقَ (غبق) (у, и) غَبْقٌ кечқурун сув ичирмоқ, кечқурун суғормоқ; VIII اغْتَبَقَ (*бирор н. ни*) кечқурун ичмоқ

– غَبُوقٌ кечқурунги суғориш, кечқурунги сув бериш

I غَبَنَ (и) غَبْنٌ 1) алдамоқ; тарозидан уриб қолмоқ; 2) адолатсиз баҳоламоқ; (*фазилатини*) ерга урмоқ, пасайтирмоқ; (*ҳақ-ҳуқуқларни*) бузмоқ, қисқартирмоқ; 4) қаторда камситмоқ, улушидан маҳрум қилмоқ; 5) (*кийимни*) қисқартиб ёки торайтириб тикмоқ; غَبِنَ (а) غَبَانَةٌ، غَبْنٌ رَأْيُهُ ~ зеҳни паст бўлмоқ; ақли заиф бўлмоқ; VI تَغَابَنَ бир-бирини алдамоқ; ўзаро алдашмоқ; VII انْغَبَنَ алданган (камситилган) бўлмоқ, улушидан маҳрум қилинган бўлмоқ

– تَغَابُنٌ бир-бирини ўзаро алдаш; ◊ يَوْمُ الـ~ *дин.* ўлганлар тириладиган кун, қиёмат

– غَبَانَةٌ нодонлик, калтабинлик

– غَبَانِيٌّ кашмири (*жун газлама*)

– غَبْنٌ[1] 1) алдаш; ҳақдан (пулдан) уриб қолиш; тарозидан уриб қолиш; 2) холис (адолатли) баҳо бермаслик, (*фазилатни*) камситиш; 3) ҳуқуқларни камситиш, уларга дахл қилиш; 4) зарар етказиш

– غَبْنٌ[2] 1) хафа қилиш; адолатсизлик; 2) (*к. гадир*) зарар етказиш (عَلَى)

– غَبْنَةٌ қат, бурма (*кийимда*)

– غَبِينٌ зеҳни паст, ақли заиф

– غَبِينَةٌ алдаш

– مَغْبُونٌ қаторда камситилган, хафа қилинган; رَجَعَ بِصَفْقَةِ الـ~ у қоқ-қуруқ қайтиб келди ёки у туз ҳам татимай қайтиб келди ёки у икки қўлини бурнига тиққанича қайтиб келди

غُبُونٌ *зоол.* гиббон (*маймуннинг бир тури*)

I غَبِيَ (а) غَبَاوَةٌ 1) нодон (узоқни кўра олмайдиган) бўлмоқ; саводсиз (жаҳолатда) бўлмоқ; (*н. н идир*) тушунмайдиган бўлмоқ, тушунмаслик (عَنْ); 3) *мажҳ.* эсни йўқотмоқ, беҳуш бўлиб йиқилмоқ; VI تَغَابَى 1) ёлғондан ўзини нодон қилиб кўрсатмоқ, ўзини нодонликка солмоқ; 2) тентаклик қилмоқ, ўзини ножиддий (бачкана) тутмоқ; X اسْتَغْبَى нодон (беақл) деб ҳисобламоқ

– أَغْبَى энг нодон (беақл)

– غَبَاءٌ нодонлик, аҳмоқлик, беақллилик; عَنْ ~ беақллилик натижасида, нодонлик қилиб

– غَبَاوَةٌ калтафаҳмлик, аҳмоқлик, беақллилик, фаросатсизлик; الفَهْمِ ~ бефаҳмлилик

– غَبِيٌّ *кўп.* أَغْبِيَاءُ 1. аҳмоқ, нодон, беақл; 2. жаҳолатдаги одам, нодон одам, бефаросат одам

I غَتَّ (а/у) غَتٌّ 1) босиб (тўхтатиб) турмоқ; الضَّحِكَ ~ кулгини босиб турмоқ; 2) ботирмоқ, чўктирмоқ

أَغْتَمُ *мн.* غَتْمَاءُ *кўп.* غُتْمٌ гапини тушуниб бўлмайдиган, фикрини тўла ифодалай олмайдиган

– غُتْمَةٌ ғўлдираб гапиришлик, фикрни тўла ифодалай олмаслик

– غُتْمِيٌّ، غُتْمِيٌّ = أَغْتَمُ

I غَثَّ[1] (а/и) غَثَاثَةٌ ориқ (чўпдай) бўлмоқ; غَثَّ[2] (а/и) غَثِيثٌ، غُثُوثَةٌ، غَثَاثَةٌ йиринг чиқармоқ, йирингламоқ (*яра ҳақида*); غَثَّ[3] (и) ёқимсиз бўлмоқ, фисқ-фасодли бўлмоқ (*суҳбат ҳақида*)

– غَثٌّ[1] йиринг чиқариш (*яра ҳақида*)

– غَثٌّ[2] ориқ, озғин; ◊ ـهَا وَ سَمِينُهَا~ а) яхши ва ёмон; б) арзон ва қиммат; в) майда ва катта; لاَ يُمَيِّزُ الـ~ مِنَ السَّمِينِ ёки لاَ يُمَيِّزُ بَيْنَ الـ~ وَ السَّمِينِ (*бирор н. ни*) ёмон билмоқ, яхши ёки ёмонлигини билмаслик

– غَثٌّ[3] 1) ориқ гўшт; 2) ёқимсиз ғийбатга тўла суҳбат

– غُثُوثَةٌ، غَثَاثَةٌ ориқлик, озғинлик; чўплик

– غَثِيثٌ = غَثٌّ[1][2]

– غَثِيثٌ[2] йиринг

– غَثِيثٌ = غَثٌّ[3][3]

غَاثِرٌ қуюқ, тўла, атрофлича; مُطْبِقٌ ~ صَمْتٌ мутлақ (тўла) сукунат, жимлик

I غَثَى (и) غَثَيَانٌ кўнгил айнимоқ; غُثِيَتْ نَفْسُهُ *мажҳ.* ёки غَثَتْ نَفْسُهُ унинг кўнгли айниди

– غُثَاءٌ ифлослик, лойқа (*селда*)

– غُثَاءٌ = غُثَّاءٌ

– غَثَيَانٌ, غَثْيٌ кўнгил айниш

(غجر) II غَجَّرَ сўкмоқ

– غَجَرِيٌّ *кўп.* غَجَرٌ лўли

غَدٌ *қар.* غدو

غَدًا *қар.* غدو

غُدَّةٌ *анат.* без, ғудда

– غُدَدِيٌّ безга оид, безли

– غُدَّةٌ *кўп.* غُدَدٌ *анат.* без, ғудда; اَلْغُدَدُ ذَاتُ الْإِفْرَازِ الدَّاخِلِيِّ *ёки* اَلْغُدَدُ الصُّمُّ (الصَّمَّاءُ) *ёки* اَلْغُدَدُ اللاَّ قَنَوِيَّةُ ички секреция безлари, эндокрин безлари; الــ ~ التِّيمُوسِيَّةُ бўқоқ бези; الــ ~ الدَّرَقِيَّةُ *қар.* اَلْغُدَدُ الْجِنْسِيَّةُ ; اَلْغُدَدُ جَارَةُ الدَّرَقِيَّةِ : دَرَقِيٌّ парақалқонсимон безлар; жинсий безлар; الــ ~ الصَّنَوْبَرِيَّةُ ғуддасимон без; ~ مَاءِ التَّذْكِيرِ уруғ бези (*эркак балиқларда*); الــ ~ النُّخَامِيَّةُ гипофиз (*мия остидаги ўсишга таъсир кўрсатувчи ички секреция бези*); الــ ~ التَّكَفِيَّةُ *қар.*; عِلْمُ الْغُدَدِ الصُّمِّ (الصَّمَّاءِ) نَكَفِيٌّ эндокринология (*ички секреция безларининг тузилиши ва фаолиятини ўрганадиган медицина соҳаси*)

I غَدَرَ (и) غَدْرٌ 1) хиёнаткорона иш қилмоқ; сотмоқ, алдамоқ; (*к. гадир*) хоинлик (хиёнат) қилмоқ (*туш.к. ёки* بِ); 2) (*н. дандир*) чекинмоқ, воз кечмоқ (عَلَى); II غَدَّرَ воз кечишга (чекинишга) мажбур қилмоқ; чекинтирмоқ; III غَادَرَ ташлаб қўймоқ, ташлаб кетмоқ; ташламоқ; (*қаерга*др) кетмоқ, жўнаб кетмоқ ~ مِصْرَ إِلَى الْإِسْكَنْدَرِيَّةِ؛ (إِلَى) у Қоҳирадан Ал-Искандарияга жўнаб кетди; ~ الدُّنْيَا у дунёни тарк этди (ўлди); IV أَغْدَرَ = I; VII اِنْغَدَرَ алданган бўлмоқ

– غَادِرٌ ғаддор, хиёнатчи, хоин, алдамчи, алдоқчи, сотқин, ишончсиз

– غَدَّارٌ 1. ғаддор, хиёнатчи, хоин, алдамчи, алдоқчи, сотқин, ишончсиз; 2. хоин, хиёнаткор одам

– غَدَّارَةٌ *кўп.* ~ اتٌ — тўппонча, пистолет, револьвер

– غَدْرٌ 1) ғаддорлик, хоинлик, сотқинлик; ~اً хиёнаткорона, хоинларча; 2) макр, маккорлик

– غَادِرٌ = غَدَرٌ

– غَدُورٌ хоин, хиёнаткор

– غَدِيرٌ *кўп.* غُدُرٌ, غُدْرَانٌ 1) кўлмак, кўлоб; 2) унча катта бўлмаган ҳовуз ёки кўл; ариқ

– غَدِيرَةٌ *кўп.* غَدَائِرُ 1) кокил; зулф, гажак; 2) соч ўрими

– مَغْدُورٌ алданган, лақиллатилган

– مَغْدُورِيَّةٌ адолатсизлик

(غدف) IV أَغْدَفَ ташламоқ, солмоқ; ~ الصَّيَّادُ الشَّبَكَةَ عَلَى الصَّيْدِ овчи ўлжага тўр ташлади

– غُدَافٌ *кўп.* غِدْفَانٌ ғунгқарға

– غَدَفٌ бойлик, фаровонлик, сероблик, етарлилик

– غُدْفَةٌ *кўп.* غُدَفٌ (*бадавий аёлларнинг бошига ўраладиган*) рўмол

I غَدِقَ (а) غَدَقٌ шариллаб ёғмоқ, қуймоқ (*ёмғир ҳақида*); нам (намхуш) бўлмоқ (*тупроқ ҳақида*); IV أَغْدَقَ шариллаб ёғмоқ, қуймоқ (*ёмғир ҳақида*); 2) (*к. нидир*) совғаларга кўмиб юбормоқ; (*н. нидир*) мўл-кўл миқдорда (*к. гадир*) бермоқ (عَلَى); ~ الْوُعُودَ عَلَيْهِ بِأَنْ ... кимгадир ... ҳақида кўпдан-кўп ваъдалар бермоқ; ~ الْعَطْفَ عَلَيْهِ кимгадир бўлган меҳру муҳаббатини ҳаддан ортиқ баён қилмоқ, кимгадир ортиқ даражада меҳрибон бўлмоқ

– غَدِقٌ сероб (*сувга*); сернам (*ўт-ўлан, ўсимликлар ҳақида*); серҳосил (*ер ҳақида*); кучли (*ёмғир ҳақида*)

– غَدِقٌ = مُغْدِقٌ

غَدَانٌ кийим осиб қўйиладиган илгак, вешалка

– غَدَنٌ кучсизлик, бемадорлик, бўшашганлик, чарчоқлик

I (غدو) غَدَا *кам ҳолларда:* غَدِيَ (у) غُدُوٌّ 1) эрталаб жўнамоқ, кетмоқ; 2) бўлмоқ, қилинмоқ; 3) (*бирор н. ни қила*) бошламоқ; ◊ ~ وَرَاحَ у ёқ-бу ёққа юрмоқ; ~ بِلاَ مُعِينٍ وَ لاَ نَصِيرٍ ҳеч қандай ёрдамсиз қолмоқ; غَدِيَ (а) غَدًى нонушта қилмоқ; II غَدَّى нонушта бермоқ; III غَادَى эрталаб бормоқ, эрталаб бирор киши олдига бормоқ; ◊ ~ وَرَاحَ у ёқ-бу ёққа юрмоқ; V تَغَدَّى 1) овқатланмоқ; 2) нонушта қилмоқ; VIII اِغْتَدَى 1) эрталаб жўнамоқ, кетмоқ; 2) бўлмоқ, қилинмоқ

– اِغْتِدَاءٌ эрталаб жўнаш, бомдод намозидан қуёш чиққунча бўлган пайтда йўлга тушиш

– غَادٍ *мн.* غَادِيَةٌ 1) эрталаб бораётган; 2) (*бирор ёққа*) жўнаётган; ◊ ~ وَ كُلُّ رَائِحٍ ҳар бир дуч келган, ҳар бир қаланғи-қасанғи

– غَادِيَةٌ *кўп.* ~ اتٌ — эрталабки булут

– غَلْبَاوِيَّةٌ *кўп.* غَلْبَاوِيَّةٌ сергап, вайсақи

– غَلَبَةٌ 1) ғалаба, зафар; 2) сергаплик, вайсақилик; 3) шов қин, шовқин-сурон

– غُلُبَّةٌ, غَلَبَّةٌ мажбурлаш, зўрлик

– مُتَغَلِّبٌ 1. ғалаба келтирувчи, музаффар; 2. зўрловчи

– مُغَالَبَةٌ 1) кураш; яккама-якка кураш; 2) тортишув

– مُغَلَّبٌ бир неча бор мағлубиятга учраган

– مَغْلُوبٌ мағлуб, енгилган; عَلَى أَمْرِهِ ~ мустақиллигидан ажралган; бўйсунувчи; бекувват, камқувват, кучсиз

I غَلَتَ (а) غَلْتٌ (*ҳисобда*) хато (ғалат) қилмоқ (янглишмоқ)

II غَلَّسَ (غلس) (*н. нидир*) тонг қоронғисида бажармоқ; الصَّلَاةَ ~ тонг қоронғисида намоз ўқимоқ; الْمَاءَ ~ тонг қоронғисида сувга етиб келмоқ

– تَغْلِيسٌ тонг қоронғисидаги юриш

– غَلَسٌ тонготар олдидаги ғира-ширалик; ا~ а) қоронғиликда; б) билинтирмай, сездирмай

غَلْصَمَةٌ *кўп.* غَلَاصِمُ *анат.* кичик тил, тилча, лаклук

I غَلِطَ (а) غَلَطٌ хато (ғалат) қилмоқ, янглишмоқ, адашмоқ, нотўғри йўл тутмоқ; II غَلَّطَ 1) хато (ғалат) қилдирмоқ, хато сабабчиси бўлмоқ; хато деб тан олмоқ; хато қилишда айбламоқ; III غَالَطَ янглиштирмоқ, хатога бошламоқ; алдамоқ, фириб бермоқ; ~ بِالْكَلَامِ тагдор қилиб гапирмоқ; IV أَغْلَطَ янглиштирмоқ, хато қилдирмоқ; X اسْتَغْلَطَ хато деб ҳисобламоқ

– أُغْلُوطَةٌ *кўп.* أَغَالِيطُ 1) чалкаш (илмоқли) савол; 2) хатолик; янглишиш, адашиш; 3) софизм (*қадимги юнон фалсафаси*)

– غَالِطٌ 1) хато қилувчи; 2) хато, ғалат

– غَلَطٌ *кўп.* أَغْلَاطٌ 1) хато, ғалат, камчилик, хатолик, янглишиш, адашиш; 2) янглиш

– غَلْطَانُ *мн.* غَلْطَى *кўп.* غُلُطٌ 1) хато қиладиган; 2) хато; нотўғри, янглиш, ғалат

– غَلْطَةٌ *кўп.* غَلَطَاتٌ хато, ғалат; مَطْبَعِيَّةٌ ~ босмада ўтиб кетган хато; كِتَابِيَّةٌ ~ қўлёзмадаги хато; ارْتَكَبَ ~ فَاحِشَةً қўпол хато қилмоқ (қилиб қўймоқ); أَصْلَحَ ~ـَهُ ўз хатосини тузатмоқ, тўғриламоқ

– مُغَالَطَةٌ 1) хатога бошлаш; ёлғон, алдов; 2) нотўғри хулоса; софистика

– مَغْلَطَةٌ *кўп.* مَغَالِطُ 1) тагдор (чалкаш, илмоқли) савол; 2) софизм (*қадимги юнон фалсафаси*)

– مَغْلُوطٌ хато, ғалат, нотўғри, янглиш

I غَلَظَ ёки غَلُظَ (у) غِلَظٌ, غِلْظَةٌ, غِلَاظَةٌ 1) қалин бўлмоқ; қўпол бўлмоқ; катта (улкан) бўлмоқ; لَهُ فِي الْقَوْلِ ~ кимгадир қўпол гап қилмоқ; 2) қотмоқ, қуюқлашмоқ, совумоқ (*суюқлик ва ш.к. лар ҳақида*); II غَلَّظَ 1) (*бирор н. ни*) қалин (қўпол) қилиб ясамоқ; (*к. гадир*) қўпол муносабатда бўлмоқ (لِـ); 2) қуюлтирмоқ, қуюқроқ қилмоқ; катталаштирмоқ, ўстирмоқ, кучайтирмоқ; ◊ الْعُقُوبَةَ ~ жазони кучайтирмоқ; ◊ الْيَمِينَ ~ қаттиқ (даҳшатли) онт ичмоқ; III غَالَظَ ўзаро дағал (қўпол) гапириш моқ; IV أَغْلَظَ (*к. биландир н. ҳақдадир*) қўпол (адабсиа) гаплашмоқ (لِـ, فِي): لِي فِي الْقَوْلِ ~ у мен билан қўпол гаплашди; X اسْتَغْلَظَ 1) қалин (дағал) бўлиб қолмоқ; 2) қотмоқ, қуюлмоқ, совумоқ (*суюқлик ва ш.к. лар ҳақида*); 3) қалин (катта, улкан) деб ҳисобламоқ; қуюқ деб ҳисобламоқ; ◊ الثَّوْبَ ~ кийимни қўпол ёки катта деб ҳисоблаб сотиб олишдан айнимоқ

– غِلَاظَةٌ 1) қалинлик; катталик, улканлик; 2) зичлик, қуюқлик; 3) қўполлик, қаттиққўллилик; 4) адабсизлик, яхши муносабатда бўлмаслик

– غِلْظَةٌ 1) қалинлик; 2) қўполлик, қаттиққўллилик; بِـ~ ёки فِي ~ қўпол равишда

– غَلِيظٌ *кўп.* غِلَاظٌ 1) қалин, семиз; катта, улкан; الرَّقَبَةِ ~ қайсар; الْمِعَى ~ *анат.* йўғон ичак; 2) қўпол, қаттиққўл; 3) қуюқ, зич; ◊ يَمِينٌ ~ـَةٌ даҳшатли қасам

– مُغَلَّظٌ даҳшатли, қаттиқ (*қасам ҳақида*)

غَلْغَلَ кирмоқ, тарқалмоқ; аралашиб (бирлашиб) кетмоқ

تَغَلْغَلَ 1) кирмоқ; 2) (*қаердадир*) йўқ бўлиб (йўқолиб) кетмоқ (بَيْنَ)

I غَلَفَ (и) غَلْفٌ 1) жойламоқ, ичига қўймоқ; 2) суртамоқ, суркамоқ; II غَلَّفَ 1) жойламоқ, конвертга солмоқ; 2) ғилофламоқ; ўрамоқ; ўраб боғламоқ (*устки қават ҳақида*); التَّمْرَ ~ хурмони жойламоқ (*мас., коробкага*); IV أَغْلَفَ 1) бирор нарсага ғилоф ясамоқ; 2) бирор нарсани ғилофга солмоқ; V تَغَلَّفَ ичга жойламоқ; ичга жойланмоқ, солинган бўлмоқ; بِالْغَالِيَةِ ~ соқолига хушбўй моддалар суркамоқ

– أَغْلَفُ *мн.* غَلْفَاءُ *кўп.* غُلْفٌ 1) кесилмаган; 2) ғилофга (қинга) солинган; سَيْفٌ ~ қиндаги қилич; قَوْسٌ غَلْفَاءُ қиндаги камон; ◊ الْعَقْلِ ~ ақли калта; бефаросат; قَلْبٌ ~ тошюрак; رَجُلٌ ~ жинсий олати катта бўлган одам

– تَغْلِيفٌ 1) конвертга солиш (жойлаш); 2) ўраш, боғлаш

– غِلَافٌ *кўп.* غُلُفٌ, ـــاتٌ, أَغْلِفَةٌ 1) конверт; 2) покришка, ўрам; 3) ғилоф; пўст; (جَوِّيٌّ) هَوَائِيٌّ ~ ҳаво қатлами (*ер шари атрофидаги*); الْكِتَابِ ~ муқова, китоб муқоваси; ~ الطَّلْقَةِ ўқ гильзаси; 4) ғилоф, футляр

– غُلْفَةٌ *кўп.* غُلَفٌ *анат.* эркаклар жинсий аъзосининг учи

– مُغَلَّفٌ 1. конвертга солинган (жойланган); 2. *кўп.* ـاتٌ — конверт

I غَلَقَ (и) غَلْقٌ (غلق) беркитмоқ; ёпмоқ; охири бўлмоқ, охирида бормоқ; غَلِقَ (а) غَلَقٌ: الرَّهْنُ ~ гаровга олинган нарса шартлашилган муддатда хуни тўланмасдан гаровга олган томоннинг мулкига айланмоқ; II غَلَّقَ 1) тез-тез (кўп марта) ёпиб қўймоқ; 2) ноаниқ (тушунарсиз) гапирмоқ; IV أَغْلَقَ 1) ёпмоқ; беркитмоқ; الرَّهْنَ ~ гаровни ўзида тутиб турмоқ (*қарзни тўлишнинг муддати ўтиб кетгани сабабли*); الْأَزْرَارَ ~ тугмани қадаб олмоқ; الطَّوْقَ ~ бўйинбоғни қадамоқ; 2) *мажҳ.* қоронғи (ноаниқ, тушунарсиз) бўлмоқ; VII انْغَلَقَ 1) ёпиқ (берк) бўлмоқ; ёпилган бўлмоқ; ёпилмоқ, беркитилмоқ; охирида бўлмоқ; 2) одамови (ичимдан топ) бўлмоқ; عَلَى نَفْسِهِ ~ ичимдан топ бўлиб қолмоқ; 3) яширинган (ноаниқ, тушунарсиз) бўлмоқ (*мас., маъно-мазмун ҳақида*); X اسْتَغْلَقَ 1) қоронғи (тушунарсиз) деб ҳисобламоқ;

2) тушунарсиз (ноаниқ, мураккаб, чалкаш, қийин) бўлмоқ; ~ عَلَيْهِ الْكَلَامُ у бир оғиз ҳам гапиролмай қолди, унинг тили тутилиб қолди

– اِنْغِلَاقٌ 1) ичимдан топлик, дамдузлик; ~ عَلَى نَفْسِهِ ичимдан топ (дамдуз) бўлиб қолишлик; 2) ноаниқлик, тушунарсизлик

– إِغْلَاقٌ 1) ёпилиш, беркилиш; 2) *шунингдек:* ~ الْمَصْنَعِ локаут (*корхонани ёпиб қўйиш*); ~ الرَّهْنِ вақти ўтиб кетганлиги сабабли гаровга олиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш

– غَلَاقٌ, غَلَاقَةٌ *бухг.* баланс, сальдо

– غَلَقٌ[1] *кўп.* أَغْلَاقٌ 1) затвор, лўкидон, қулф; 2) *архит.* гумбаз қулф-калити

– غَلَقٌ[2] *кўп.* غُلْقَانٌ корзинка, сават

– غَلِقٌ 1) ёпиқ; ёпиб қўйилган, беркитиб қўйилган; 2) тушунарсиз, ноаниқ

– غَلْقٌ ёпилиш; беркилиш, беркитиш; ~ الْحُدُودِ чегараларни беркитиш

– مُسْتَغْلَقٌ тушунарсиз, мужмал, қоронғи

– مِغْلَاقٌ *кўп.* مَغَالِيقُ қулф; ~ الْبُنْدُقِيَّةِ милтиқ затвори; فَتَحَ مَغَالِيقَ قَلْبِهِ *маж.* ўз юрагини очмоқ, ичидаги гапларни айтмоқ, қулфи дилини очмоқ

– مَغْلَقٌ *кўп.* مَغَالِقُ фойда келтирадиган корхона

– مُغْلَقٌ 1. 1) ёпиқ, ёпилган; бекик, беркитилган; الِاجْتِمَاعُ الـــ~ ёпиқ мажлис; 2) ноаниқ, тушунарсиз; 2. *кўп.* ـــ اتٌ, مَغَالِقُ сир; مُغْلَقَاتُ النَّفْسِ қалб (юрак) нинг тўри, ич-ичкариси

– مَغْلُوقٌ ёпиқ, ёпилган; бекик, беркитилган

I غَلِمَ (а) غُلْمٌ шаҳватпараст (суқ, очкўз) бўлмоқ; VIII اِغْتَلَمَ шаҳвониятни қўзғамоқ, шаҳватпараст (суқ) бўлиб қолмоқ

– غُلَامٌ *кўп.* غِلْمَانٌ 1) бола; ўспирин, йигит; 2) хизматкор, ғулом, дастёр, югурдак бола; 3) *шахм.* пиёда

– غُلَامِيَّةٌ ўспиринлик, йигитлик ёши

– غَلِمٌ шаҳватпараст, суқ, очкўз

– غُلْمَةٌ шаҳватпарастлик, суқлик

– غُلُومَةٌ 1) ўспиринлик; йигитлик; 2) шаҳватпарастлик

– غَلِيمٌ = غَلِمٌ

I غَلَا[1] (غلو) (у) غَلَاءٌ қимматбаҳо бўлмоқ; қимматлашмоқ, нархи (баҳоси) ошмоқ; ◊ ~ بِالسَّهْمِ камоннинг ўқини жуда узоққа етказиб отмоқ; غَلَا[2] (у) غُلُوٌّ оширмоқ, баландлатмоқ; (*н. дадир*) ҳаддан ошмоқ, чегарадан чиқмоқ (بِ, فِي); II غَلَّى нархни (баҳони) кўтармоқ, юқорилатмоқ, оширмоқ; III غَالَى 1) ошириб юбормоқ; (*н. дадир*) чегарадан чиқмоқ (فِي); 2) (*н. гадир*) баланд баҳо (нарх) белгиламоқ (*қўймоқ*); ~ اللَّحْمَ гўштни қиммат нархда сотиб олмоқ; IV أَغْلَى 1) нарх (баҳо)ни кўтармоқ; 2) қиммат (нархи, баҳоси) баланд деб ҳисобламоқ; VI تَغَالَى (н. *дадир*) ортиқ даражада жон куйдирмоқ (فِي); X اِسْتَغْلَى нархи (баҳоси) қиммат деб ҳисобламоқ

– غَالٍ[1] *мн.* غَالِيَةٌ 1) қиммат, нархи баланд; 2) қадрли, қимматбаҳо, суюкли; الْأُمْنِيَّةُ الْغَالِيَةُ энг катта орзу; بَذَلَ الْغَالِيَ وَ بَذَلَ الرَّخِيصَ لِـــ... *қар.* ...

– غَالٍ *мн.* غَالِيَةٌ *кўп.* غُلَاةٌ 1. ашаддий, ультра; غُلَاةُ الْاِسْتِعْمَارِ ашаддий колониалистлар; غُلَاةُ الرَّجْعِيِّينَ ашаддий (ўта) реакционерлар; غُلَاةُ الْمُتَصَوِّفَةِ ашаддий (сўл) суфийлар; 2. ўта берилган, фанатик; *тар.* ашаддий шиа (шиачилик тарафдори)

– غَلَاءٌ қимматчилик; баланд нарх-наво; ~ الْمَعِيشَةِ ҳаёт кечиришнинг қимматлиги

– غُلُوٌّ 1) муболаға, ҳаддан ортиқлик, ғулув; 2) интилиш, ғайрат; 3) қимматчилик

– غُلَوَاءُ, غُلْوَاءُ 1) ҳаддан ортиқлик; 2) ўзини тутолмаслик, эҳтирос; 3) бебошлик

– غَلْوَةٌ *кўп.* غَلَوَاتٌ камон ўқи масофаси; ~ بَعِيدُ قَيْدِ камон ўқи масофасида (*турии ҳақида*)

– مُغَالَاةٌ ошириб юбориш, ҳаддан оширилганлик; بِلَا ~ وَ إِغْرَاقٍ орттириб юборилди демай, ошириб юборилди демай

I غَلَى (и) غَلْيٌ, غَلَيَانٌ 1) қайнамоқ; 2) қайнатмоқ, пиширмоқ; ◊ ~ مِنَ الْغَضَبِ ғазабдан ўзини унутмоқ; II غَلَّى қайнаттирмоқ, пиширтирмоқ; IV أَغْلَى = II; VII اِنْغَلَى қайнатилган бўлмоқ; қайнамоқ

– غَالٍ *мн.* غَالِيَةٌ (*шунингдек: қар.* غلو) қайнаётган

– غَالِيَةٌ *кўп.* غَوَالٍ муаттар бўй (ҳид); муаттар бўйли суртма

– غَلَّايَةٌ *кўп.* ـــ اتٌ — қозон; декча; сув қайнатадиган идиш; титан; марказлашган иситиш системасидаги сув иситувчи қурилма

– غَلَيَانٌ қайнаш; نُقْطَةُ الـــ~ қайнаш нуқтаси; ~ يَغْلِي الْعَالَمُ الْمِرْجَلِ عَلَى النَّارِ *маж.* бутун дунё алғов-далғов бўлиб турибди (*сўзма-сўз:* бутун дунё қозондек қайнаб турибди); ~ الْعَالَمُ فِي *маж.* бутун дунё қайнаб турибди

– مَغْلِيٌّ қайнатилган; الْمَاءُ الـــ~ қайнатилган сув

– مَغْلِيَاتٌ *кўп.* шифобахш ўтлардан тайёрланган қайнатмалар

غْلِيسِرِينٌ глицерин

غَلِينَةٌ денгиздаги сокинлик, штиль

غَلْيُونٌ *кўп.* غَلَايِينُ 1) най, чилим найи; трубка; 2) *тар. денг.* галиот (*елканли кема*)

I غَمَّ (а/у) غَمٌّ 1) яширмоқ, беркитмоқ; 2) хафа хилмоқ; ғамга солмоқ; 3) қизимоқ, жазирама бўлмоқ; ~ يَوْمُنَا бизда бугун жуда исиб кетди; 4) *мажҳ.* а) яширинган (беркитилган) бўлмоқ; б) қоронғи (ноаниқ) бўлмоқ; غُمَّ عَلَيْهِ الْأَمْرُ иш унинг учун ноаниқ эди; тушуниб бўлмайдиган бўлмоқ, номаълум бўлмоқ; غُمَّ عَلَيْهِ الْخَبَرُ у бехабар қолди; в) кўринмай қолмоқ; غُمَّ الْهِلَالُ عَلَى النَّاسِ ой

одамларга кўринмай қолди (*булут, тутун ва ҳ.к. лар сабабли*); II غَمَّمَ яширмоқ, беркитмоқ; عَيْنَيْهِ ~ кимнингдир кўзини боғламоқ; IV أَغَمَّ 1) ғамга солмоқ, хафа қилмоқ; 2) булут билан қопланмоқ (*осмон ҳақида*); ~َتِ الدُّنْيَا осмонни булутлар қоплаб олди; 3) қизимоқ, жазирама бўлмоқ; VII انْغَمَّ 1) қайғуда (хафагарчиликда) бўлмоқ; 2) ўранмоқ, бурканмоқ; VIII اغْتَمَّ ғамга тушмоқ, хафа бўлмоқ; куймоқ, аза тутмоқ

– اغْتِمَامٌ ғам, хафагарчилик

– أَغَمُّ *мн.* غَمَّاءُ *кўп.* غُمٌّ қоронғи, зим-зиё

– غَامٌّ 1) ғамли, хафа қилувчи; 2) иссиқ, ҳароратли, нафсни бўғувчи, дим

– غَمٌّ *кўп.* غُمُومٌ 1) ғам, алам, аза; 2) иссиқлик, ҳарорат, димлик

– غَمَامٌ *жам.* булут; حَبُّ الْـ~ дўл

– غَمَامَةٌ *кўп.* غَمَائِمُ кўз устига боғланган нарса; الْخَيْلِ ~ кўз усти боғламаси

– غُمَّةٌ¹ *кўп.* غُمَمٌ 1) ғам, алам; аза; 2) ташвишли вақт (замон); 3) ғамли воқеа (ҳодиса)

– غُمَّةٌ² ноаниқ, гумонли, шубҳали; أَمْرٌ ~ шубҳали иш

– مُغِمٌّ 1) ғамли, аламли; 2) булутли, қовоғи солиқ (*об-ҳаво ҳақида*)

مَغْمُومٌ 1) ғамдаги, аламдаги; 2) булут босган (*осмон ҳақида*); 3) қоронғи, ноаниқ

I غَمَدَ (и) غَمْدٌ 1) қинга солмоқ (жойламоқ); 2) тиқмоқ, санчмоқ (*ханжарни*); 3) (*н. билан дир*) ёпмоқ, (*н. гадир*) ўрамоқ (بِ); II غَمَّدَ яширмоқ, беркитмоқ; IV أَغْمَدَ 1) қинга солиб қўймоқ; 2) тиқмоқ, санчмоқ (*ханжарни*); V تَغَمَّدَ (*н. биландир*) ёпмоқ, (*н. гадир*) ўрамоқ (); اللهُ الْفَقِيدَ بِرَحْمَتِهِ! ~ Оллоҳ уни раҳмат қилсин! (*вафот этган одам ҳақида айтилади*)

– غِمْدٌ *кўп.* أَغْمَادٌ, غُمُودٌ қин

– مَغْمُودٌ қинга солинган, қинига тушган

I (غمر) غَمَرَ (у) غَمْرٌ 1) кўмиб юбормоқ (*мас., совғалар билан*-بِ); 2) (*н. биландир*) кўмиб (бостириб) юбормоқ (بِ); الْمَاءُ قَرْيَةً ~ сув қишлоқни босиб кетди; 3) кўммоқ, босмоқ (*қум ҳақида*); 4) эгаллаб олмоқ (*ҳис. туйғу ҳақида*); غَمُرَ (у) غَمَارَةٌ мўл (сероб) бўлмоқ (*сув ҳақида*); II غَمَّرَ юзни бўямоқ, бетга ранг суртамоқ; III غَامَرَ 1) сув бостирмоқ, сув остида қолдирмоқ; 3) ўзини хавф-хатар остида қолдирмоқ; (*бирор к. ни*) хавф-хатар остида қолдирмоқ (بِ); ~ بِحَيَاتِهِ ўз ҳаётини хавф-хатар остида қолдирмоқ; V تَغَمَّرَ = II; VII انْغَمَرَ 1) (*сув*) остида қолган бўлмоқ; *кўч.м.* (*бирор н. билан*) тўла банд бўлмоқ (فِى); فِى تَحْقِيقِ أَهْدَافِهِ ~ ўз мақсадларини амалга ошириш учун тўла банд бўлмоқ; 2) (*қум*) остида қолмоқ, (*қумга*) кўмилиб кетмоқ; 3) унутилиб (бутунлай эсдан чиқиб) кетмоқ

– غَامِرٌ 1) қирғоқлардан тошиб турган; мўл-кўл; 2) чўллаб (қақраб) ётган, ишланмаган (*ер ҳақида*); 3) сув босиб кетган; қум остида қолган

– غَمَارٌ, غُمَارٌ оламон

– غَمَارَةٌ тажрибасизлик, уқувсизлик

– غَمْرٌ¹ *кўп.* غِمَارٌ денгиз гирдоби (камари); сел, босқин, тўфон

– غَمْرٌ² 1) сахий, саховатли, қўли очиқ, олийжаноб; 2) кўп, сероб

– غُمْرٌ *кўп.* أَغْمَارٌ бир қучоқ (*мас., ўтин*); боғ, боғлам

– غَمْرٌ, غُمْرٌ *кўп.* أَغْمَارٌ тажрибасиз; ғўр, уқувсиз; хом

– غَمْرَةٌ *кўп.* غَمَرَاتٌ, غِمَارٌ 1) мўл-кўл сув, денгиз гирдоби (камари); *кўчм.м.* қизиган пайт (*мас., жанг, курашда*); الْكِفَاحِ ~ الْحَرْبِ ~ (النِّضَالِ) курашнинг қизиган (қайнаб турган) пайти; غَمَرَاتُ الْحَيَاةِ урушнинг даҳшатли воқеалари; ҳаёт (умр) сўқмоқлари; نُورِ الْقَمَرِ ~ ой нури дастаси; النَّوْمِ ~ чуқур (қаттиқ) уйқу; الصَّمْتِ ~ чуқур сукут (сукунат); فِى ~ مِنَ الْحَيْرَةِ وَ الذُّهُولِ қаттиқ хижолатлик ва саросималикда; غَمَرَاتُ الْمَوْتِ ўлим олди (жон) талвасаси; خَاضَ غَمَرَاتِ الْعِلْمِ илмнинг тубига етмоқ; 2) туйғулар тошқини; وَ فِى ~ يَأْسِى كَتَبْتُ إِلَيْكَ чорасизлик авжига чиққанда сенга ёздим; 3) ғам, бало, офат; فَقَدِ انْجَلَتْ عَنْهُ الْـ~ унинг бошидаги бало ўтиб кетди; الْغَمَرَاتُ ثُمَّ يَنْجَلِينَ *мқл.* балолар келади-ю кетади (бу кунлар ўтиб кетади)

– غُمْرَةٌ «memecylon.tenctorium» дарахтидан олинадиган бўёқ

– مُغَامِرٌ 1. 1) хавф-хатар остида қолдирувчи, хавф-хатарга ўзини урувчи; таваккалчи; 2) таваккалга (авантюрага) оид; 2. таваккалчи, авантюрист

– مُغَامَرَةٌ *кўп.* اتٌ — 1) хавф-хатарли иш, авантюра; 2) саргузашт; رَكِبَ الْمُغَامَرَاتِ *маж.* турли саргузаштларни кечирмоқ

– مَغْمُورٌ 1) босган, босиб кетган; بِالْمَاءِ ~ сув босган; الدَّيْنِ ~ *маж.* қулоғигача қарзга ботган; 2) унутилган, унутиб юборилган, дом дараксиз, номаълум

I غَمَزَ (и) غَمْزٌ 1) пайпасламоқ, қўлда ушлаб кўрмоқ; قَنَاتَهُ ~ кимнидир синаб кўрмоқ, ичига қўл солиб кўрмоқ; 2) қўлда қисмоқ, босмоқ (*мас., милтиқ тепкисини*); زِرَّ الْجَرَسِ ~ қўнғироқ тугмасини босмоқ; 3) кўз қисмоқ; кўз билан имо-ишора қилмоқ (بِالْعَيْنِ); 4) (*к. нидир*) ғийбат қилмоқ (بِ); (*к. гадир*) туҳмат қилмоқ (عَلَى); ◊ فِى مَشْيِهِ ~ оқсаб (чўлоқланиб) юрмоқ, оқсамоқ; III غَامَزَ кўз қисишмоқ; кўз билан имо-ишора қилмоқ; 2) (*к. гадир қарши*) яширин тил бириктирмоқ (عَلَى); VI تَغَامَزَ ўзаро бир-бирига имо қилишмоқ; VIII اغْتَمَزَ ёмонламоқ, бемаъни миш-мишлар тарқатмоқ

– غَمَّازٌ 1. кўз қисувчи; 2. тепки (*милтиқдаги*); 3. пўкак, қалқи (*қармоқдаги*)

– غَمْزَةٌ *кўп.* غَمَزَاتٌ (*кўз билан қилинган*) имо-ишора; кўз қисиш; الْعَاقِلُ مِنْ ~ وَ الْجَاهِلُ مِنْ رَفْسَةٍ *мқл* оқилга ишора, жоҳилга тепки

– غَمَزَاتٌ *кўп.* (*к. нидир*) булғайдиган, обрўсизлантирадиган

маълумотлар

– غَمِيزَةٌ 1) туҳмат учун баҳона, сабаб; 2) камчилик, айб

مَغْمَزٌ камчилик, айб

I غَمَسَ (и) غَمْسٌ чўмдирмоқ, туширмоқ, ботирмоқ; ~ يَدَيْهِ فِي دِمَاءِ الْأَبْرِيَاءِ ўз қўлини гуноҳсизларнинг қони билан бўямоқ; II غَمَّسَ туширмоқ, ботирмоқ; VII اِنْغَمَسَ 1) тушмоқ, ботирилмоқ; 2) ботиб қолмоқ; VIII اِغْتَمَسَ = VII

– غَمَّاسَةٌ кўп. ~اتٌ — зоол. ботқалдоқ, балиқчи ўрдак

– غَمُوسٌ ўгир; машаққатли; ҳалокатли; ◊ يَمِينٌ ~ ёлгон қасам

غُمُوسٌ халқ. нонга қўшиб ейиладиган нарса, нонхўрак (мас., гўшт, туз ва ҳ.к.)

I غَمَصَ (غمص) (и) غَمْصٌ нафратланмоқ, ёмон кўрмоқ; ~ النِّعْمَةَ нонкўрлик қилмоқ, ношукурлик қилмоқ; غَمِصَ (а) غَمَصٌ : غَمِصَتْ عَيْنُهُ унинг кўзи йиринглашди

– أَغْمَصُ мн. غَمْصَاءُ кўп. غُمْصٌ шилпиқ кўзли, кўзи шилпиқ

– غَمَصٌ кўздаги йиринг

– غُمَيْصَاءُ астр. Кичик ит юлдузлар туркуми

I غَمَضَ, غَمُضَ, غَمِضَ (у) غُمُوضٌ қоронғи (ноаниқ, чигал) бўлмоқ; II غَمَّضَ 1) (кўзни) юммоқ; 2) (бирор н. ни) туманли (ноаниқ) қилмоқ; ~ الْكَلَامَ ноаниқ гапирмоқ; 3) (к. нингдир) олди-сотдисини енгиллаштирмоқ (عَنْ); IV أَغْمَضَ 1) (кўзни) юммоқ; 2) (бирор н. ни) сезмасликка ҳаракат қилмоқ; (бирор н. га) панжа орасидан қарамоқ (عَنْ); يُغْمِضُونَ الْعُيُونَ عَنْ ... улар ...га панжа орасидан қарайдилар; 3) (к. нингдир) олди-сотдисини енгиллаштирмоқ (عَنْ); VI تَغَامَضَ бекилмоқ, юмилмоқ (қовоқлар ҳақида): юмилмоқ (кўзлар ҳақида); VII اِنْغَمَضَ 1) юмилган бўлмоқ (кўзлар ҳақида); 2) ухламоқ; VIII اِغْتَمَضَ = VII

– غَامِضٌ 1) қоронғи, туманли, ноаниқ; чалкаш; 2) яширин, сирли; ~ سِرٌّ чуқур сир

– غَامِضَةٌ кўп غَوَامِضُ сир, асрор; топишмоқ, муаммо, бошқотирма

– غِمَاضٌ 1) кўзнинг юмилиши; 2) уйқу

– غُمَاضٌ = غِمَاضٌ

– غَمْضَةٌ кўз қисиш, пирпиратиш; ◊ فِي ~ عَيْنٍ кўз юмиб-очгунча

– غُمُوضٌ қоронғилик; тушунарсизлик, ноаниқлик

– غُمُوضَةٌ ноаниқлик, чигаллик

– غُمَيْضَاءُ кўз қисиш ўйнаш, беркинмачоқ

– غُمَيْضَى 1. юмуқ кўз билан; 2. кўзни юмган ҳолда

– مُغْمَضٌ 1) ёпиқ, юмуқ; 2) қоронғи, туманли, ноаниқ

I غَمَطَ (и) غَمْطٌ 1) эътиборсизлик қилмоқ, ҳурматини жойига қўймаслик; 2) номини (ҳурмат билан) тилга олмаслик; ◊ ~ الْحُقُوقَ ҳуқуқини кесмоқ, озайтирмоқ; ~ النِّعْمَةَ нонтепкилик (ношукурлик) қилмоқ

غَمْغَمَ тушунарсиз (минғиллаб) гапирмоқ

– غَمْغَمَةٌ ноаниқ (тушунарсиз) нутқ, гап; мингиллаш; шивирлаш

I غَمُقَ (а) غُمْقٌ 1) чуқур бўлмоқ; 2) ҳўл (нам) бўлмоқ; II غَمَّقَ чуқурлаштирмоқ; 2) қора қилмоқ, қорайтирмоқ; IX اِغْمَقَّ қораймоқ, қора бўлмоқ

– غَامِقٌ тўқ (ранг ҳақида); ғоят; ~ أَحْمَرُ тўқ қизил; ~ صَوْتٌ ғоят тинчлик, сокинлик; чуқур сукунат

– غَمِقٌ ҳўл, намли

– غُمْقٌ чуқурлик

– غُمُوقِيَّةٌ тўқ ранг

– غَمِيقٌ чуқур; тўқ (ранг ҳақида)

غَمْلَجٌ, غُمْلَاجٌ субутсиз, ўзгариб турувчи

I غَمِيَ (а) غَمْيٌ ёпмоқ; том ёпмоқ; ◊ غُمِيَ عَلَيْهِ мажҳ. у ҳушдан кетиб йиқилди; II غَمَّى кўзни боғламоқ, кўзни боғлаб қўймоқ; IV أَغْمَى : أُغْمِيَ عَلَيْهِ мажҳ. у ҳушсизланди; أُغْمِيَ عَلَيْهِ الْخَبَرُ у бехабар қолди; V تَغَمَّى кўзи боғлиқ бўлмоқ

– اِسْتِغْمَايَةٌ бекинмачоқ; لَعِبَ الْـ~ еки لَعِبَ لُعْبَةَ الْـ~ مَعَ ... ... билан бекинмачоқ ўйнамоқ

– إِغْمَاءٌ кўп. ~اتٌ — ҳушдан кетиш, ҳушдан кетгандаги ҳолат

– غَمًى, غَمْيٌ шунингдек. لَيْلَةُ الْـ~ ой кўринмайдиган тун

– غَمْيٌ ҳушдан кетиш, ҳушни йўқотиш

– غَمْيَانٌ ҳушдан кетган ҳолда турган, ҳушини йўқотган

– مَغْمِيٌّ ёпилган; ◊ ~ عَلَيْهِ ҳеч нарса сезмайдиган бўлиб қолган, ҳушини йўқотган

I غَنَّ (и, а) غُنَّةٌ димоғда гапирмоқ, пинғилламоқ; фон. ғунналаштирмоқ, назализациялаштирмоқ

– أَغَنُّ мн. غَنَّاءُ кўп. غُنٌّ 1) димоғда гапирувчи, минғилловчи; 2) қалин (ўсимликлар ҳақида); قَرْيَةٌ غَنَّاءُ а) аҳолиси қалин қишлоқ; б) сердарахт қишлоқ

– غَنٌّ димоғда гапириш

– غُنَّةٌ димоғда гапиришлик; фон. ғунналаш, назализация; حَرْفَا الْـ~ иккита ғунналий ундош (ن, م)

– مُغِنٌّ пашшаси кўп, серпашша, пашша босган; ~ وَادٍ пашшаси кўп (серпашша) водий

غُنْبَازٌ кўп. غَنَابِيزُ ғунбоз (чакмон-кийим)

I غَنِجَ (а) غَنَجٌ ноз-карашма (ғамза, ишва, қичиқ, таннозлик) қилмоқ; V تَغَنَّجَ = I; VI تَغَانَجَ ёлғон ноз-карашма (ғамза, ишва, қичиқ,

таннозлик) қилмоқ

– تَغَنُّجٌ таннозлик

– غَنَاجَةٌ кўп. ـَاتٌ — ишвагар (танноз) аёл

– غُنْجٌ таннозлик, қичиқлилик

– غَنْجَةٌ кўп. غَنَجَاتٌ қичиқ қилиқ

– غَنِجَةٌ кўп. ـَاتٌ — = غَنَّاجَةٌ

– مِغْنَاجٌ танноз, қилиқли (эркак)

غَنْجُو илмоқ; *т.-й.* (*паровоз ва вагонларни бир-бирига улайдиган*) илмоқ

(غندر) تَغَنْدَرَ безанмоқ; ясанмоқ, ўзига оро бермоқ; олифта бўлмоқ, олифталарча кийинмоқ

– غَنْدَرَةٌ олифталик

– غَنْدُورٌ кўп. غَنَادِرَةٌ олифта

غُنْدَاقٌ қўндоқ (*милтиқдаги*); лафет (*замбаракда*); أَرْجُلُ الْـ~ жилдириладиган (суриладиган) қўндоқ, лафет

– غُنْدَقْجِيٌّ кўп. غُنْدَقْجِيَّةٌ қуролсоз, қурол ясовчи уста

غَنْدُولٌ гондола (1. қайиқ; 2. ҳаво шари кажаваси)

غَنْغَرِينَةٌ *мед.* гангрена

I غَنِمَ (a) غُنْمٌ ўлжа қилиб қўлга киритмоқ; ўлжа қилмоқ; الْفُرْصَةَ ~ *маж.* фурсатни ғанимат билмоқ; фурсатдан фойдаланиб олмоқ; II غَنَّمَ 1) бермоқ; совға қилмоқ; 2) улушни кўпайтириб бермоқ, улушига қўшиб бермоқ; IV أَغْنَمَ = II; V تَغَنَّمَ ўлжа ҳисобламоқ, ўлжа деб ўйламоқ; VIII اِغْتَنَمَ (*н. дандир*) фойдаланмоқ; ишлатмоқ (*туш.к. ёки* بِ); الْفُرْصَةَ ~ қулай фурсатдан фойдаланмоқ; X اِسْتَغْنَمَ 1) фойдаланмоқ, ишлатмоқ; 2) ўлжа ҳисобламоқ, ўлжа деб ўйламоқ

– غَانِمٌ муваффақият келтирган; муваффақиятли; عَادَ سَالِمًا ~ًا у соғ-омон ва тўла муваффақият билан қайтиб келди

– غَنَّامٌ қўйчивон, қўйбоқар, чўпон

– غَنَمٌ *жам.* кўп. أَغْنَامٌ қўйлар

– غُنْمٌ кўп. غُنُومٌ қўлга киритилган нарса; ўлжа, ғанимат

– غَنَمَةٌ кўп. ـَاتٌ — қўй

– غَنِيمَةٌ кўп. غَنَائِمُ ўлжа, ғанимат; بَارِدَةٌ ~ осон қўлга кирган ўлжа; نَرْضَى لَكَ مِنَ الْـ~ بِالْإِيَاب *мқл.* семирмасанг ҳам тирик бўлсанг, бўлгани (*сўзма-сўз*: ўлжасиз бўлсанг ҳам, тирик қайтишингни тилаймиз)

– غُنَيْمَةٌ қўзичоқ

– مَغْنَمٌ кўп. مَغَانِمُ (қўлга киритилган) бойлик, ўлжа, кирим; кўп. ўлжалар; طُلَّابُ الْمَغَانِمِ бойлик қидирувчилар

I غَنِيَ (a) غِنًى 1) бой бўлмоқ, ғаний бўлмоқ; (*н. гадир*) эҳтиёжсиз бўлмоқ (عَنْ); 2) (*қаердадир*) бўлмоқ, турмоқ, яшамоқ (فِي, بِ); 3) уйланмоқ, хотин олмоқ; II غَنَّى 1) қўшиқ айтмоқ; 2) (*к. нидир*) мақтаб куйламоқ (بِ); 3) бой қилмоқ, бойитмоқ; IV أَغْنَى 1) (*бирор к. ни н. биландир*) бойитмоқ (بِ); ғаний қилмоқ; لاَ يُغْنِى شَيْءٌ مِنَ الْمَالِ *мтл.* танга-чақа бой қилмайди; إِنَّهَا أَقْوَالٌ فَارِغَةٌ لاَ تُغْنِى وَلاَ تُسْمِنُ مِنْ جُوعٍ бу қуруқ гап, ундан фойда йўқ; 2) (*н. дандир*) қутқармоқ, бўшатмоқ, озод қилмоқ (عَنْ); 3) (*к. гадир*) фойдали бўлмоқ (عَنْ); V تَغَنَّى 1) бой бўлмоқ; 2) қўшиқ айтмоқ; 3) (*к. нидир*) мақтаб куйламоқ (بِ); 4) турмушга чиқмоқ, эрга тегмоқ; VIII اِغْتَنَى бой бўлмоқ, бойимоқ; مِنْ مَصَائِبِ الْغَيْرِ ~ бошқалар ҳисобига бойимоқ; X اِسْتَغْنَى 1) бойимоқ; 2) (*бирор н.-сиз ҳам*) кун ўтказавермоқ, (*бирор н. га*) ҳожатсиз бўлмоқ (عَنْ); لاَ يُسْتَغْنَى عَنْهُ *мажҳ.* шубҳасиз, мажбурий; 3) (*к. нидир*) қисқартирмоқ, бўшатмоқ (عَنْ)

– إِغْنَاءٌ бойиш; مَصْنَعُ الْـ~ бойитиш фабрикаси

– أَغْنَى 1) энг бой; 2) жуда яхши куйловчи (*овоз ҳақида*)

– أُغْنِيَّةٌ кўп. ـَاتٌ, أَغَانٍ — қўшиқ, ашула; الْمَهْدِ ~ алла

– تَغَنٍّ қўшиқ (ашула) айтиш, куйлаш

– غَانٍ *мн.* غَانِيَةٌ бой, бадавлат

– غَانِيَةٌ кўп. غَوَانٍ, ـَاتٌ — 1) гўзал (чиройли) аёл; ثَلْجِيَّةٌ ~ қорқиз; 2) жувон, турмушга чиққан аёл

– غَنَاءٌ 1) бойлик, бадавлатлилик; 2) етарлилик, мўл-кўллик; إِنَّهَا لاَ ~ لَهَا وَحْدَهَا бу нарсаларнинг ўзи етарли эмас; وَلاَ ~ لَهُ عَنْ ... унга жуда зарур; وَفِيهِ الْـ~ шунинг ўзи етарли; 3) иқтидор, малака; яроқлилик

– غِنَاءٌ куйлаш, қўшиқ (ашула) айтиш

– غِنَائِيٌّ 1) вокал (яккахон); الْمُوسِيقَى الْـ~ـَةُ вокал музика; التَّأْلِيفُ الْـ~ وَ вокал музика асари; الْحَفْلَةُ الْـ~ـَةُ вокал кечаси, вокал концерт; 2) лирик; الشِّعْرُ الْـ~ лирик шеърият

– غِنْوَةٌ кўп. غِنَوَاتٌ қўшиқ, ашула

– غِنًى бойлик, бадавлатлилик; حَدِيثُ الْـ~ чайқовчилик билан бирданига бой бўлиб кетган киши; حَسْبُكَ مِنْ ~ شِبَعٌ وَرِيٌّ сенинг еб-ичиб юрганинг ўзи ғанимат; ◊ نَحْنُ فِي ~ عَنْ وَصْفِهِ буни таърифлаб ўтиришимизга ҳожат йўқ; أَنَا فِي ~ أَنْ أَصِفَ ... ...ни таърифлаб ўтиришим ортиқча; لاَ ~ لَهُ عَنْهُ ким учундир зарур (керакли)

– غَنِيٌّ кўп. أَغْنِيَاءُ 1. бой, бадавлат; الْحَرْبِ ~ урушда (ўлжа олиб) бой бўлган; 2. бой (одам); ◊ عَنِ الْبَيَانِ أَنْ ... ~ шуни тушунтириб ўтириш ортиқчаки, ...

– غُنْيَةٌ етарлилик; وَفِيهِ ~ шуниси ҳам етарли; هُوَ فِي ~ عَنْ ... унинг ...га ҳожати (эҳтиёжи) йўқ

– غُنَيَّةٌ кўп. غُنَانِيُّ кичик қўшиқ

– مُسْتَغْنًى : عَنْهُ ~ ортиқча, кераксиз

– مُغَنٍّ қўшиқчи, муғанний

– مَغْنَاوِي *халқ.* қўшиқчи, ашулачи

– مَغْنًى *кўп.* مَغَانٍ 1) уй-жой, яшаш жойи, бошпана; 2) дала ҳовли, вилла

– مُغَنِّيَةٌ *кўп.* ـاتٌ қўшиқчи (ашулачи), аёл

I غَهِبَ (а) غَهَبٌ (*н. нидир*) қолдирмоқ, қолдириб кетмоқ; (*н. гадир*) эътиборсизлик қилмоқ, беэътибор бўлмоқ (عَنْ)

– غَهَبٌ бепарволик, ғофиллик; бехослик; ا~ бехосдан, билмасдан, жўрттага эмас

– غَيْهَبٌ[1] *кўп.* غَيَاهِبُ қоронғилик, зим-зиё қоронғилик; زُجَّ بِهِ فِي غَيَاهِبِ السُّجُونِ уни зим-зиё қоронғи зиндонга ташлашди; فَرَسٌ ~ тим қора от

– غَيْهَبٌ[2] бепарво, тепса тебранмас

I غَاثَ (у) غَوْثٌ (غوث) ёрдам бермоқ; қутилтирмоқ, сақлаб қолмоқ; II غَوَّثَ ёрдам сўраб чақирмоқ; وَاغَوْثَاهُ деб бақирмоқ; IV أَغَاثَ = I; X اسْتَغَاثَ (*к. нидир к. дандир ҳимоя қилиш ичун*) ёрдамга чақирмоқ (مِنْ, بِ); ёрдам сўрамоқ

– اسْتِغَاثَةٌ *кўп.* ـاتٌ — ёрдам сўраб чақириш (бақириш)

– إِغَاثَةٌ ёрдам; кўмак; қутқариш, сақлаб қолиш

– غَوْثٌ ёрдам; الْـ~ ! SOS!; وَاغَوْثَاهُ! ёрдам беринглар!

– غِيَاثٌ ёрдам; қутилиш; қутқариш; сақлаб қолиш; сақланиш

– مُغِيثٌ 1. ёрдам берувчи; қутқарувчи; 2. қутқарган одам, сақлаб қолган одам; ◊ الْـ~ худо

– يَغُوثُ Нуҳ алайҳиссалом қавмларидан бири сиғинган бут номи

I غَارَ (у) غَوْرٌ (غور) чўкмоқ, тушиб кетмоқ; ~ عَنْ وَجْهِهِ кимнингдир кўз олдидан йўқолмоқ; غُرْ مِنْ وَجْهِي! йўқол!, йўқол кўзимдан! 2) сингиб кетмоқ (*сув ҳақида*); 3) киртаймоқ (*кўз ҳақида*); 4) ботмоқ (*ой, юлдуз ва ҳ.к. лар ҳақида*); II غَوَّرَ 1) чўкмоқ, тушиб кетмоқ; ичига кирмоқ; 2) ичкарига сингдирмоқ (*сув ҳақида*); IV أَغَارَ босмоқ, босқин қилмоқ, бостириб бормоқ

– إِغَارَةٌ бостириб бориш, босқинчилик; ҳужум, ҳужум қилиш, босқин қилиш

– تَغْوِيرٌ *фон.* палатализация (*ундошларнинг юмшоқ талаффуз этилиши*)

– غَائِرٌ 1) киртайиб кетган, ичига ботиб кетган (*кўз ҳақида*); 2) чуқур; الْحِرَاثَةُ الْـ~ـةُ чуқур ҳайдов, чуқур шудгорлаш; الْحَفْرُ الْـ~ чуқур ўйма (нақш)

– غَارٌ[1] *кўп.* غِيرَانٌ, أَغْوَارٌ 1) ғор; 2) *мед.* каверна (*кавак, мас., ўпкадаги*)

– غَارٌ *алиф.б.қар.*

– غَارَةٌ *кўп.* ـاتٌ — ғорат, босқин, ҳужум, босқинчилик; الْجَرَادِ ~ чигиртка ҳужуми (босқини); جَوِّيَّةٌ ~ ҳаво ҳужуми; شَنَّ الْـ~ عَلَى ... ...га босқин (ҳужум) қилмоқ

– غَوْرٌ *кўп.* أَغْوَارٌ тублик, чуқурлик; (*бирор н. нинг*) пастки қисми; туб, ост; الْأَرَاضِي ~ ер қаъри; أَغْوَارُ الظَّلَامِ зим-зиё қоронғилик; قَرِيبُ الْـ~ саёз (*дарё ҳақида*); بَعِيدُ الْـ~ ёки عَمِيقُ الْـ~ чуқур; سَبَرَ ~هُ а) чуқурликни текшириб кўрмоқ; б) (*к. нидир*) синамоқ; الْـ~ Тиҳомадан Ямангача бўлган ҳудуд

– مَغَارٌ *кўп* مَغَائِرُ ғор

– مَغَارَةٌ *кўп.* مَغَائِرُ ғор; ер ости

– مَغَاوِيرُ *кўп.* партизан отрядлари

– مِغْوَارٌ *кўп.* مَغَاوِيرُ 1) босқин қилувчи; 2) қўрқмас, мард; 3) саркаш (*от ҳақида*)

– مُغِيرٌ 1. ҳужум (босқин) қилувчи; 2. ҳужумкор томон

غُورِلَّا, غُورِلِي горилла (*маймун тури*)

I غَازَ (у) غَوْزٌ (غوز) жўнамоқ, йўл олмоқ; II غَوَّزَ[1] غَازٌ *дан, алиф.б.қар.*) газга айлантирмоқ; V تَغَوَّزَ газга айланмоқ

غُوَيْشَةٌ *кўп.* ـاتٌ —, غَوَايِشُ шишадан ясалган безаклар (*тақинчоқлар*) (*мунчоқ ва ҳ.к. лар*)

I غَاصَ (у) غَوْصٌ (غوص) 1) сув остига тушмоқ; (*н. учундир*) сувга шўнғимоқ (عَلَى); 2) (*шахта ичига*) тушмоқ; 3) сингиб кетмоқ (*мас., сув ёки қумга*); فِي الْأَرْتِبَاكِ ~ хижолатга тушмоқ; قَلْبُهُ ~ унинг юраги (*қўрқувдан*) орқасига тортиб кетди; II غَوَّصَ тез-тез сув остига тушиб турмоқ; тез-тез шўнғимоқ

– غَوَّاصٌ 1. тез-тез сув остига тушиб турувчи, тез-тез шўнғиб турувчи; 2. 1) ғаввос; шўнғувчи; 2) *зоол.* гагара (*сув қуши*)

– غَوَّاصَةٌ *кўп.* ـاتٌ — сувости кемаси; الْأَعْمَاقِ ~ жуда чуқурда юрадиган сувости кемаси

– غَوْصٌ 1) сув остига тушиш, шўнғиш 2) (*самолётнинг*) тушиб кетиши

– غَوِيصٌ 1) чуқур; 2) чигал, чалкаш, мураккаб

– غِيَاصَةٌ 1) шўнғиш, 2) ғаввослик касби; ғаввослик

– مَغَاصٌ *кўп.* ـاتٌ — сув остига тушиладиган (шўнғиладиган жой); مَغَاصَاتُ اللُّؤْلُؤِ марварид қидириладиган жойлар

غَوَّطَ II (غوط) чуқурлатмоқ, чуқурроқ кавламоқ (*мас., қудуқни*); V تَغَوَّطَ йўғон ичакни бўшатмоқ, бўшанмоқ

– غَائِطٌ[1] *кўп.* غِيطَانٌ 1) пастлик; 2) дала; чакалакзор; боғ

– غَائِطٌ[2] нажосат, бўшанганда чиққан нарса, кал

– غَوْطٌ *кўп.* أَغْوَاطٌ, غِيَاطٌ 1) чуқурлик; чуқурлашиш; жарлик, жар

غُوطَةٌ: الْـ~ـةُ Ал-Ғувта (*Дамашқ шаҳри атрофидаги водий*)

– غُوطِيٌّ 1) готларга оид; 2) الْـ~ـةُ гот тили; 3) готик; الْخَطُّ

الـ~ готик шрифт (ҳарф); ~ عَقْدٌ *архит* найзасимон гумбаз (қубба)

– غَوِيطٌ чуқур (*сиф.*)

– غَوْغَاءُ 1) оламон, оми халқ; 2) ғовға, шов-шув, бақириқ-чақириқ (*сол.* غَاغَةٌ)

– غَوْغَائِيٌّ ғовға кўтарувчи, шовқин-суронли

– غَوْغَائِيَّةٌ шов-шув

I (غول) غَالَ (у) غَوْلٌ 1) кутилмаганда (тусатдан) ҳужум қилмоқ; 2) ҳалок қилмоқ, ўлдирмоқ; II غَوَّلَ дев сингари ҳаракат қилмоқ; V تَغَوَّلَ ўз ташқи қиёфасини ўзгартирмоқ; VIII اغْتَالَ 1) хоинлик билан ваҳшийларча ўлдирмоқ; 2) олиб кетмоқ, ўғирламоқ; ~ـتْهُ الْمَنُونُ у ўлди

– اغْتِيَالٌ *кўп.* اتٌ — ваҳшийларча, хоинона ўлдииш

– غَائِلٌ даҳшатли махлуқ; هُوَ ~ الْأَنَانِيَّةِ у жуда-жуда худбин

– غَائِلَةٌ *кўп.* غَوَائِلُ ёмонлик; бахтсизлик, фалокат, бало, офат; (*бирор н. нинг*) даҳшати, ваҳимаси

– غُولٌ *кўп.* غِيلَانٌ, أَغْيَالٌ, أَغْوَالٌ 1) иблис, шайтон, чўл биёбон иблиси; даҳшатли махлуқ; ~ الطَّائِفِيَّةِ диний тоифалар орасига душманлик ёювчи иблис; يَأْكُلُ مِثْلَ الْـ~ жуда-жуда овқатхўр; у балодай мечкай; 2) ажина; ◊ الْـ~ *астр.* Алғул (Персей юлдузлар туркумидаги)

– غَوْلٌ[2] алкоголь; الْـ~ الْمُخَلَّصُ тозаланган алкоголь

– غُولَةٌ 1) ажина; 2) эридан жудо бўлган (айрилган) аёл

– غِيلَةٌ *кўп.* اتٌ — хиёнаткорона қотиллик; مَاتَ ~ биров томонидан ўлдирилмоқ; قُتِلَ ~ *мажҳ.* у хиёнаткорона ўлдирилди

– مُغْتَالٌ қотил, ўлдирувчи

– مِغْوَلٌ *кўп.* مَغَاوِلُ рапира (*қиличсимон қурол*)

I (غوى) غَوَى (и) غَيٌّ 1) адашмоқ, йўлдан адашмоқ; 2) янглишмоқ, адашмоқ; 3) қизиқмоқ, қизиқиши бўлмоқ; бирор нарсага қизиқиши (машғулоти) бўлмоқ; 4) (*бирор н. билан*) қизиқтирмоқ, йўлдан урмоқ (); 5) адаштирмоқ, янглиштирмоқ; غَوِيَ (а) غَوًى қаттиқ (жуда-жуда) хоҳламоқ; II غَوَّى қизиқтирмоқ, йўлдан урмоқ; IV أَغْوَى 1) янглиш (хато) йўлга солмоқ; 2) қизиқтирмоқ, эритмоқ, йўлдан урмоқ; X اسْتَغْوَى 1) қизиқтирмоқ; эгиб олмоқ; ўз тарафига оғдирмоқ; 2) адаштирмоқ, янглиштирмоқ

– إِغْوَاءٌ 1) иғво; 2) қизиқиш; эриб кетиш

– أُغْوِيَّةٌ *кўп.* أَغَاوِيُّ бўри тутиш учун кавланган чуқурлик, тузоқ

– غَاوٍ *мн.* غَاوِيَةٌ *кўп.* غَاوُونَ, غُوَاةٌ 1) қизиқтирувчи, эритиб юборувчи; 2) мухлис, тарафдор, ишқибоз; غُوَاةُ الْعَادِيَّاتِ осори атиқалар ишқибозлари; غُوَاةُ الرَّادِيُو радио ҳаваскорлари

– غَوَايَةٌ 1) адашиб юриш; 2) адашиш, хато; гуноҳ; 3) йўлдан урадиган нарса; 4) қизиқиш, ишқибозлик

– غَوِيٌّ адашиб юрган

– غِوَيَّةٌ (*бирор н. билан*) қизиқиш, севимли машғулот; ҳобби (*асосий ишдан ташқариги қизиқилган машғулот*)

– غَيٌّ 1) адашиш, хато; гуноҳ; 2) йўлдан урадиган нарса, қизиқтирадиган нарса; 3) (*бирор к. ёки н. билан*) қизиқиш; 4) ғалати қилиқ, тантиқлик, ўй-хаёл; ارْعَوَى عَنْ ~ـهِ эси жойига тушмоқ, тўғри йўлга тушиб қолмоқ

– غَيَّةٌ адашиш, хато; гуноҳ; وَلَدُ ~ никоҳсиз туғилган бола

– غِيَّةٌ *кўп.* اتٌ — 1) (*бирор н. билан*) қизиқиш; суюкли машғулот; ҳобби; 2) инжиқлик, ғалати қилиқ; 3) васваса, савдойилик

– مَغْوَاةٌ *кўп.* مَغَاوٍ = أُغْوِيَّةٌ

– مُغَوَّاةٌ *кўп.* مُغَوَّيَاتٌ = أُغْوِيَّةٌ

~ الْغَايَةِ: أَغْيَا II (غى) غَيَّا кўтармоқ, ўрнатмоқ (*байроқни*); IV мақсадни белгилаб олмоқ

– غَائِيٌّ охирги мақсад деб билинган; мақсаддаги; *фалс.* телеологик (*қар.* غَائِيَّةٌ); الْعِلَّةُ الْـ~ـةُ охирги сабаб

– غَائِيَّةٌ охирги мақсад; *фалс.* финализм, телеология (*табиатда ҳамма нарса олдиндан белгиланган мақсадга мувофиқ қилиб яратилган деб ҳисобловчи фалсафа*)

– غَايَةٌ *кўп.* اتٌ — 1) чек; чегара; охир; فِي ~ الْأَهَمِّيَّةِ ғоят аҳамиятли, аҳамияти катта; فِي ~ الْاخْتِصَارِ ғоят қисқа; 2) мақсад, интилиш; ~ الْغَايَاتِ олий мақсад; 3) ният; 4) байроқ; ◊ فِي ~ الصِّحَّةِ мутлақо соғлом; فِي ~ الْيَأْسِ ғоят умидсиз ҳолда; الْـ~ إِلَى آخِرِ يَوْمٍ مِنَ الدَّوْرَةِ مَعَ دُخُولِ сессиянинг охирги кунигача; لِـ~ الْبَيْتِ уйгача; لِـ~ الْآنَ ҳозиргача, шу кунгача; بِـ~ الدِّقَّةِ махсус диққат (эътибор) билан; لِلْـ~ فَوْقَ العادة... фавқулодда; مُهِمٌّ لِلْـ~ ғоят муҳим; تَعَجَّبَ ~ التَّعَجُّبِ у ғоят таажжубга тушди

I (غيب) غَابَ (и) غَيْبٌ, غَيْبَةٌ, غِيَابٌ, غُيُوبٌ 1) (*қаердадир*) йўқ бўлмоқ (عَنْ); ~ عَنِ الْوُجُودِ номавжуд бўлмоқ; 2) яширинган бўлмоқ, ғойиб бўлмоқ, яширинмоқ, йўқолмоқ; ~ـتْ عَنْهُ مَعْرِفَتُهُ у буни билмас эди; ~ عَنِ النَّظَرِ *ёки* عَنِ الْعَيْنِ кўздан ғойиб бўлмоқ; ~ عَنْ رُشْدِهِ *ёки* عَنِ الصَّوَابِ *ёки* عَنِ الْوَعْيِ *ёки* عَنْ وَعْيِهِ а) ҳушни йўқотмоқ; б) ақлни йўқотмоқ, ақлдан айрилмоқ; لَا يَجِبُ أَنْ يَغِيبَ عَنِ الْبَالِ кўздан қочирмаслик керак; كَيْفَ ~ عَنِّي ذَلِكَ؟ қандай қилиб бунга эътибор бермабман?; 3) ботмоқ (*қуёш ҳақида*); 4) айбламоқ; II غَيَّبَ 1) кўринмайдиган қилмоқ; узоқлаштирмоқ, яширмоқ; غَيَّبُوهُ فِي بَاطِنِ الْأَرْضِ уни ерга кўмдилар; ~ـهُ الْمَوْتُ уни ўлим олиб кетди; 2) (*н. дандир*) узоқлашмоқ, йироқлашмоқ; (*н. дандир*) ажралмоқ, айрилмоқ (عَنْ); 3) ёд олмоқ; V تَغَيَّبَ 1) (*қаердадир*) кўринмай қолмоқ, йўқ бўлмоқ (عَنْ); 2) (*қаердандир*) кетмоқ (عَنْ); VIII اغْتَابَ иғво қилмоқ, туҳмат қилмоқ; (*к. нидир*)

ёмонламоқ

– تَغَيُّبٌ 1) бўлмаслик, йўқ бўлиш; 2) (*қаердандир*) кетиш (عَنْ)

– غَائِبٌ 1. 1) қатнашмаётган, (*ҳозир*) йўқ бўлган; 2) яширин, кўринмас, кўринмайдиган; ғойиб бўлган; 2. *грам.* учинчи шахс; رَوَى ~ عَنِ بِلِسَانِ الـ~ учинчи шахс тилидан (номидан) ҳикоя қилмоқ; ~ عَنِ الْوُجُودِ беҳуш ётган; ~ عَنِ الْوَعْيِ беҳуш ҳолдаги (ҳолатдаги); صَلَاةُ الـ~ *дин.* ўлган одам ҳаққига қилинган дуо

– غَابٌ[1] *жам.* қамиш; هِنْدِيٌّ ~ бамбур (*Ҳиндистонда ўсадиган қамиш ўсимлиги*)

– غَابٌ[2] *жам.* дарахтзор, ўрмон; ◊ إِنْسَانُ الـ~ орангутанг (*маймун тури*); شَرِيعَةُ الـ~ *ёки* نِظَامُ الـ~ *ёки* قَانُونُ الـ~ ёввойилар (ваҳшийлар) қонуни

– غَابَةٌ[1] *кўп.* ـَاتٌ — бир дона қамиш

– غَابَةٌ[2] *кўп.* ـَاتٌ — ўрмон, чакалакзор

– غَابِيٌّ 1) ўрмонли, дарахтлари кўп; 2) ўрмонга оид

– غِيَابٌ 1) йўқ бўлиш (бор бўлмаслик); қатнашмаган бўлиш; 2) ботиш (*қуёш ҳақида*)

– غَيَابَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — чуқурлик, ост

غِيَابِيٌّ сиртқи; ~ حُكْمٌ сиртқи (сиртдан қилинган) ҳукм; ~اً сиртдан

– غَيْبٌ 1) йўқ бўлиш (бор бўлмаслик); 2) *кўп.* غُيُوبٌ кўзга кўринмайдиган ҳамма нарса; 3) бўлажак, келажак; ◊ ~اً ёддан (*мас., ўқимоқ ҳақида*); ~اً وَ مُشَاهَدَةً қатнашиб ва сиртдан; اِسْتَطْلَعَ الـ~ فِي الْأَفْلَاكِ وَ النُّجُومِ ёритгич ва юлдузларга қараб фол очиш (*фирибгарлар ҳақида*); عَالَمُ الـ~ а) сирли олам; б) *дин.* у дунё; в) номаълумлик; عَالِمُ (عَلَّامُ) الـ~ ҳамма нарсани билувчи (*Оллоҳ сифатларидан*)

– غَيْبَةٌ йўқ бўлиш (бор бўлмаслик); кетиб қолган бўлиш; ~ فِي الْبَرْلَمَانِ парламент таътили вақтида

– غِيبَةٌ ғийбат

– غَيْبُوبَةٌ беҳуш, ҳушсиз, ўзидан кетган ҳолат; ~ الْمَوْتِ оғир беҳушлик ҳолати; شِبْهُ الـ~ ярим ҳушсизлик; أَخَذَتْهُ الـ~ у беҳуш бўлиб қолди

– غَيْبِيٌّ 1. 1) яширинган, қалб тўридаги; 2) у дунёдаги, у дунёдан; *кўп.* ـَاتٌ — у дунёдаги ҳодисалар; قَارِئُ الْغَيْبِيَّاتِ келажакни айтиб берувчи; ғойибдан хабар берувчи; 2. метафизик

– مُغْتَابٌ ғийбатчи, туҳматчи; ёмонотлиқ қилувчи

– مَغِيبٌ 1) йўқ бўлиш (бор бўлмаслик); 2) қуёшнинг ботиш пайти

– مَغِيبَةٌ = مُغِيبٌ

– مُغَيَّبٌ 1) кўринмайдиган, яширин, ғойиб; 2) номаълум

– مُغَيَّبَاتٌ *кўп.* номаълумликлар олами (дунёси)

– مُغَيِّبَاتٌ *кўп.* наркотик моддалар

– مُغِيبَةٌ эридан вақтинча айрилиқда бўлган аёл

غِيتُو гетто (*ирқий, миллий ёки диний жиҳатдан камситилганлар учун ажратилган яшаш жойи*)

I غَاثَ (غيث) (и) غَيْثٌ ёмғир ёғдирмоқ (*Оллоҳ ҳақида*)

– غَيْثٌ *кўп.* غُيُوثٌ ёмғир; أَوَّلُ الـ~ قَطْرٌ ثُمَّ يَنْهَمِلُ 1. ёмғирнинг боши-томчи, кейин пақирдан қуйгандай бўлиб кетади, бармоғини киритиб олса бўлди, кейин билагини ҳам тиқади; ◊ جَادَ الـ~ ثَرَاهُ! жойи жаннатда бўлсин!

– مَغِيثٌ ёмғир ёққан, ёмғир тушган; أَرْضٌ ~ـةٌ ёмғир ёғиб ўтган ҳудуд

– مَغِيثٌ = مَغْيُوثٌ

غَيْثَرَةٌ *кўп.* тубан одамлар, пасткашлар

I غَيِدَ (а) غَيَدٌ ингичка (қайишқоқ, эгилиб-букилувчан) бўлмоқ; нозик бўлмоқ; VI تَغَايَدَ нозокат билан тебранмоқ (*юриш пайтида* فِي الْمِشْيَةِ)

– أَغْيَدُ[1] *мн.* غَيْدَاءُ *кўп.* غِيدٌ ёш; ўспирин, назокатли

– أَغْيَدُ[2] *мн.* غَيْدَاءُ *кўп.* غِيدٌ бошини осилтириб (бўйнини эгиб) ухлаётган

– غَادَةٌ *кўп.* ـَاتٌ, غِيدٌ — 1) ёш қиз; 2) гўзал, нозанин; هَيْفَاءُ ~ нозанин, қадди-басти келишган қиз

– غَيَدٌ назокатлилик; бокиралик, янгилик

I غَارَ (غير) (а) غَيْرٌ рашк қилмоқ (*к. нидир к. дандир*) (مِنْ); жонсарак (ҳаракатчан) бўлмоқ (عَلَى); 2) (*қ. гадир*) ҳавас (ҳасад) қилмоқ (مِنْ); II غَيَّرَ алмаштирмоқ, ўзгартирмоқ, бошқасини қўймоқ; ~ عَلَى الْجُرْحِ жароҳатни қайтадан боғламоқ, боғлаб қўймоқ; ~ فِكْرَهُ ўз фикридан қайтмоқ; ~ مَلَابِسَهُ кийимни ўзгартирмоқ, бошқача кийинмоқ; III غَايَرَ 1) ажралиб (фарқланиб) турмоқ; бошқаларга ўхшамаган бўлмоқ; 2) (*к. билан дир*) алмашинмоқ; IV أَغَارَ рашклантирмоқ, рашкини чиқармоқ, ғаюрлантирмоқ; V تَغَيَّرَ ўзгармоқ, ўзгариб қолмоқ; бошқача кўринишли бўлиб қолмоқ, бошқача бўлиб қолмоқ; لَا يَتَغَيَّرُ ўзгармайдиган; доимий; ~ مِنَ الْأَسَاسِ асос эътибори билан ўзгармоқ; VI تَغَايَرَ фарқланмоқ, бир-биридан фарқли бўлмоқ; турли-туман бўлмоқ; X اِسْتَغَارَ ўзгартирмоқ, алмаштирмоқ

– تَغَايُرٌ фарқ, бир хил бўлмаслик; *фон.* диссимиляция

– تَغَيُّرٌ *кўп.* ـَاتٌ — 1) ўзгариш, бошқача бўлиш; 2) ўзгарувчанлик; عَدَمُ الـ~ ўзгарувчансизлик

– تَغْيِيرٌ ўзгариш, ўзгартириш, алмаштириш; قِطْعَةُ الـ~ эҳтиёт қисм

– تَغْيِيرَةٌ ўзгартириш, алмаштириш (*кийим-кечак ва ш.к. парни*)

– غَيَّارٌ кўп. اتٌ — 1) алмаштириш; ~ الْـ أَدَاةُ ёки ~ الْـ قِطْعَةُ ёки ~ الْـ جُزْءُ эҳтиёт қисм; 2) (*жароҳат учун*) боғлама; ~اً وَضَعَ (*бирор н. га*) боғлама қўймоқ (عَلَى)

– غَيْرٌ 1) бошқа, бўлак, ўзга; керак бўлмаган дарс; ~هُمْ бошқалар; ~ُهُ وَ ёки ~ ذَلِكَ وَ ва ҳоказо; ва шу кабилар; ~ هَذَا فِي بошқа жойда, الْمَكَانِ إِنَّ الظُّرُوفَ الْيَوْمَ ~هَا بِالْأَمْسِ бугунги шароит кечаги сингари эмас (яъни бошқача); حُزْنُ الرِّجَالِ ~ حُزْنِ النِّسَاءِ эркак кишининг ғами хотин кишининг ғамидан бошқача; أَنْتَ قَرَأْتَ هَذَا عَلَى ~ مَا يَقْرَؤُهُ الْآخَرُونَ сен буни бошқаларга қараганда бўлакча ўқидинг; 2) бўлак, ташқари; وَ مَنْ ~ِي يُفَاتِحُهُ мендан бўлак ким у билан гаплашади?; ... غَيْرُ ... (لَا) مَا фақат, фақатгина; مَا رَأَيْتُ هُنَاكَ ~َكَ у ерда мен фақатгина сени кўрдим; 3) ғайри ..., но..., бе...; ~ رَسْمِيٌّ ғайрирасмий; ~ مَشْرُوعٍ ғайриқонуний, ноқонуний; ~ مُفِيدٍ бефойда; ~ ذِي مَعْرِفَةٍ бехабар; ~ وَاحِدٍ бир эмас; ~ مَرَّةٍ кўп марта; إِلَى ~ نِهَايَةٍ бениҳоя; مَضَى إِلَى ~ رَجْعَةٍ ёки لِـ ~ عَوْدَةٍ қайтмайдиган бўлиб ўтмоқ; مِنْ ~ وَ أَنْ ... масдан, ...май туриб; (مَا) مِنْ ~ ёки (مَا) بِـ~ ...сиз; ... مِنْ ~ مَا مُنَاسَبَةٍ ҳеч қандай сабабсиз; فِي (بِ) ~ (مَا) قَلِيلٍ مِنَ الْمَرَارَةِ афсус қилмасдан, афсусланмай, алам чекмасдан; فِي ~ الْكُلْفَةِ бемалоллик билан, бемалол; عَلَى ~ الْعَادَةِ ғайриодатий, ғайритабиий равишда; عَلَى ~ رَغْبَةٍ مِنْهُ рағбатсиз, ғайриихтиёрий; عَلَى ~ أَسَاسٍ асоссиз равишда; لَا ~ бошқача эмас, худди шундай; ~ وَاحِدٍ бир эмас, кўп; 4) الْـ~ бошқалар, ўзгалар; أَفْكَارُ الْـ~ ўзгалар фикрлари; أَرْضُ الْـ~ бошқанинг ери; يَعْمَلُ فِي أَرْضِ ~ِهِ бошқаларнинг ерида ишлайди; ◊ ... أَنَّ ~ аммоки, ...ки, ...

– غِيَرٌ кўп. ўзгаришлар; ~ الدَّهْرِ дунёнинг буқаламунлиги (бевафолиги, беқарорлиги, ўзгариб туриши)

– غَيْرَانُ мн. غَيْرَى кўп. غَيَارَى серғайрат, ҳаракатчан

– غَيْرَةٌ 1) ғайрат; 2) ҳаракатчанлик, қизғинлик

– غِيرَةٌ кўп. غِيَرٌ ўзгариш; غِيَرُ الدَّهْرِ дунёнинг буқаламунлиги (бевафолиги, беқарорлиги)

– غَيْرِيٌّ альтруист (*ўз манфаатларидан воз кечиб, бошқаларга ғамхўрлик қилувчи киши*)

– غَيْرِيَّةٌ альтруизм (*қар.* غَيْرِيٌّ)

– غَيُورٌ 1. 1) рашкчи, ғаюр; 2) серғайрат, серҳаракат; 3) мутаассиб (*киши*); 2. жонкуяр, ўта ғамхўр

– مُتَغَايِرٌ бир-биридан фарқ қилувчи, бир хил бўлмаган; ҳар хил; турли жинсли

– مُتَغَيِّرٌ ўзгариб турувчи, ўзгарувчан; التَّيَّارُ الْـ~ ўзгарувчан ток

– مُغَايِرٌ фарқланувчи, фарқ қилиб (ажралиб) турувчи; ҳар хил, бошқага ўхшамайдиган, бошқача; бир хил бўлмаган, турли жинсдаги

– مُغَايَرَةٌ фарқ, ажратиб турувчи белги; ҳар хиллилик

– مِغْيَارٌ *физ.* вариометр (*индуктивликни ўзгартирувчи асбоб*)

غَيْسَرٌ кўп. غَيَاسِرُ гейзер (*ўқтин-ўқтин отилиб турадиган иссиқ булоқ*)

I (غيض) غَاضَ (и) غَيْضٌ, مَغَاضٌ 1) қочмоқ, йўқолмоқ (*суюқ нарсалар ҳақида*); ~َتِ الدِّمَاءُ مِنْ وَجْهِهَا унинг юзидан нам қочди; 2) камаймоқ, озаймоқ (*сув ҳақида*); кичраймоқ (*ўлчов ҳақида*); пасаймоқ (*нарх-наво ҳақида*); ◊ ~ لَوْنُهُ унинг юзи ўзгариб кетди; II غَيَّضَ йўқотмоқ, оқизиб юбормоқ (*сув ҳақида*); IV أَغَاضَ = II; VII انْغَاضَ = I

– غَيْضٌ 1) ташланган (муддатидан илгари) бола, чала туғилган бола; 2) унча катта бўлмаган миқдор; ~ مِنْ فَيْضٍ *маж.* денгиздан томчи; أَعْطَاهُ ~اً مِنْ فَيْضٍ у унга жуда оз берди; هَا كُمُ الْوَقَائِعَ وَ هِيَ ~ مِنْ فَيْضٍ мана сизга далиллар, аммо булар денгиздан томчи холос

– غَيْضَةٌ кўп. غِيَاضٌ ўрмон чакалакзори

– مَغَائِضُ кўп. чакалакзор

غَيْطٌ кўп. غِيطَانٌ дала; 2) боғ

– غَيْطَانِيٌّ фермер

I (غيظ) غَاظَ (и) غَيْظٌ аччиқлантирмоқ, жаҳлини чиқармоқ; II غَيَّظَ аччиғини чиқартирмоқ, жаҳлини қўзғатмоқ; IV أَغَاظَ = II; V تَغَيَّظَ аччиқланмоқ, жаҳлланмоқ; VIII اغْتَاظَ = V.

– غَيْظٌ ғазаб, аччиқланиш; нафрат

– مَغِيظٌ аччиқланган, ғазабланган

غَاقٌ *зоол.* баклан, қорабузов (*қуш*)

I (غيل) غَالَ (и) غَيْلٌ ҳомиладор вақтида болани эмизмоқ; IV أَغَالَ ва أَغْيَلَ = I; أَغْيَلَتِ الْغَنَمُ қўй бир йилда икки марта туғди

– غَالٌ кўп. اتٌ — *алиф.б.қар.*

– غَائِلَةٌ ёмонлик, ёвузлик

– غَيْلٌ[1] ҳомиладор аёлнинг сути

– غَيْلٌ[2] ер устида (арикда) оқаётган сув

– غِيلٌ[1] кўп. أَغْيَالٌ ўрмон чакалакзори

– غِيلٌ[2] кўп. غُيُولٌ 1) йўлбарс яшайдиган ўрмон; 2) барглари қалин ва зич дарахт

– أُمُّ ~: غَيْلَانَ меваси олхўрига ўхшаш бута ўсимлик

– غَائِلَةٌ = مَغَالَةٌ

I (غيم) غَامَ (и) غَيْمٌ 1) булут босган бўлмоқ; булутли бўлмоқ; ~َتِ

الشَّمْسُ بِضْعَ سَاعَاتٍ қуёш бир неча соат булут ортига яширинди; 2) тунд бўлмоқ (*юз ҳақида*); ~َتِ الدُّنْيَا أَمَامَ عَيْنَيْهِ унинг кўзлари қорайиб кетди; II غَيَّمَ булутга тўлган (булут босган) бўлмоқ (*осмон ҳақида*); IV أَغْيَمَ = II; V تَغَيَّمَ булутлар билан қопланмоқ

– غَائِمٌ булутлар билан қопланган (*осмон ҳақида*), булутли

– غَيْمٌ *жам. кўп.* غُيُومٌ булут

– غَيْمَاءُ *мн.* غُيْمَى *кўп.* غِيَمٌ ташна, чанқоқ

– غَيْمَةٌ булут

– غَيُومٌ булутли, булут билан қопланган

– مُتَغَيِّمٌ булутли, булут билан қопланган

I غَيِنَ *мажҳ.* ўраб олинмоқ, қамраб олинмоқ; ~ عَلَى الْقَلْبِ юракни истак ўртаб юборди

– أَغْيَنُ *мн.* غَيْنَاءُ *кўп.* غِينٌ яшил, зангор; شَجَرَةٌ غَيْنَاءُ тарвақайлаган ям-яшил дарахт

غَيَابَةٌ 1) туб, чуқурлик; ~ُ الْبِئْرِ қудуқнинг таги (туби); 2) бошга соя ташлаши мумкин бўлган барча нарсалар

– غَيْنَةٌ тарвақайлаб кетган ям-яшил дарахт

غِينِيٌّ 1. Гвинеяга оид; ~ خِنْزِيرٌ денгиз чўчқаси; 2. гвинеялик

غَيْهَبٌ *кўп.* غَيَاهِبُ *қар.* غهب

ف

ف (فَاءٌ) фо (*араб алифбосининг йигирманчи ҳарфи, абжадда-80*)

ف *қисқартма сўз* فَدَّانٌ *дан*

ف: فَــ... 1) кейин, сўнг, ва; كَتَبَ مَكْتُوبًا فَأَرْسَلَهُ у хат ёзди ва жўнатиб юборди; 2) ...га келсак; أَمَّا ... فَــ... ...га келсак, у ...; ... бўлса, у ...; 3) ...иш (...*ш*) учун; اِقْتَرِبْ مِنِّي فَأُكَافِئَكَ! сени мукофотлашим учун яқинроқ кел!; 4): فَلْــ... (فَــ + لِــ) майли, ...син; فَلْيَكْتُبْ майли, у ёзсин; ◊ فَإِنْ чунки, шунинг учунки; يَوْمًا فَيَوْمًا кундан кунга; شَيْئًا فَشَيْئًا оз-оздан; فَوَا خَوْفَاهُ! қандай даҳшат, о, даҳшат-ку!

فَا *қар.* فُوهٌ[2]

فَائِظٌ *кўп.* فَوَائِظُ ортиқ даражадаги фоизлар (процентлар)

فَابْرِيقَةٌ *кўп.* فَبَارِيقُ, —َاتٌ фабрика

فَابْرِيقَةٌ = فَابْرِيكَةٌ

فَاتُورَةٌ *кўп.* فَوَاتِيرُ, —َاتٌ 1) юкка (товарга) қўшиб юбориладиган ҳужжат (накладной, фактура); *шунингдек*: ~ُ الْحِسَابِ ҳисоб (*варақаси*); ~ُ الْكَهْرَبَاءِ электр учун тўлов варақаси (счёти); 2) намуна (*учун қилинган бирор н.*)

الــ~: فَاتِيكَانُ Ватикан

– فَاتِيكَانِيٌّ Ватиканга оид

فَاخُورَةٌ *қар.* فخر

فَارُوزٌ фируза

فَازِلِينٌ вазелин

فَازَةٌ *кўп.* —َاتٌ ваза (*идиш*)

فَاسٌ *савдо.* фас, қадоқланган нарса

فَاشٌ (*қушлардаги*) паразит

فَاشِزْمٌ фашизм

فَاشِيٌّ 1. фашистликка оид; 2. фашист, фашизм тарафдори

فَاشِزْمٌ = فَاشِيسْتِيَّةٌ

فَصُولِيَا ловия, фасол

فَالُوذَةٌ, فَلُوذَجٌ қиём (*мевадан шакар қўшиб тайёрлангани*), желе (*сол.* بَالُوظَةٌ)

فَانِلاَّ фланель (*ипдан ёки жундан тўқилган енгил мато*)

– فَانِلَّةٌ *кўп.* —َاتٌ 1) фланел; 2) фуфайка; футбол ўйинида кийиладиган майка; 3) *кўп.* фланелдан тайёрланган нарсалар (*мас., ички кийимлар*)

فَانُوسٌ *кўп.* فَوَانِيسُ фонус, фонар, чироқ; الــ~ُ السِّحْرِيُّ проекцион фонар

فَانِيلِيَا ваниль (*хушбўй мевали тропик ўсимлик*)

فَابْرِيقَةٌ = فَاوْرِيقَةٌ

فَايِظٌ *кўп.* فَوَايِظُ фоизлар, процентлар (*маблағдан олинадиган*)

– فَايِظْجِيٌّ *кўп.* فَايِظْجِيَّةٌ судхўр, фоизчи

(فَاتَ) VIII اِفْتَاتَ 1) (*ёмон бир*) ният қилмоқ; 2) (*к. гадир*) туҳмат қилмоқ, айб қадамоқ (عَلَى); ~ عَلَى الْحُقُوقِ ҳуқуқларни бузмоқ (топтамоқ); ~ بِرَأْيِهِ ўз билганича иш тутмоқ

– اِفْتِيَاتٌ туҳмат, ёлғон, бўҳтон; ёлғон айб ёпиштириш

I فَادَ (*а*) فَأْدٌ 1) юракни ишдан чиқармоқ, ишдан чиқармоқ (*касаллик ҳақида*); ўраб олмоқ, босмоқ; ~َهُ الْخَوْفُ уни қўрқув ўраб олди, уни қўрқув босди; ~َهُ الدَّاءُ уни касаллик ишдан чиқарди; 2) қовурмоқ, пиширмоқ; ~ اللَّحْمَ гўшт пиширмоқ (*сихда*); VIII اِفْتَأَدَ

(*ўт. олов*) ёқмоқ

– فُؤَادٌ *кўп* أَفْئِدَةٌ 1) юрак, қалб; 2) ақл, дониш; ◊ مِنْ صَمِيمِ الـ~ чин юракдан, самимий

– مِفْأَدٌ *кўп.* مَفَائِدُ *ёки* مِفْأَدٌ *кўп.* مَفَائِدُ (*кабоб пишириладиган*) сих

– مَفْؤُودٌ юраги ишдан чиққан; 2) юрак касаллиги билан оғриган

فَأْرٌ *жам кўп.* فِئْرَانٌ 1) сичқонлар; الْبَيْتِ ~ уй сичқонлари; التَّجَارِبِ ~ тажриба сичқонлари; الْجَبَلِ ~ *зоол.* суғур; الْغَيْطِ ~ дала сичқонлари; الْخَيْلِ ~ сассиққўзан; آذَانُ الـ~ *қар.* أُذُنُ الـ~ ; بَصَلُ الـ~ *бот.* денгиз пиёзи; 2) каламушлар; سَمُّ الـ~ маргимуш; الـ~ بَدَأَ يَلْعَبُ فِي عُبِّهِ унинг ичини ит таталаяпти

– فَأْرَةٌ *кўп.* ـَاتٌ 1) сичқон; عَمْيَاءُ ~ *зоол.* кўрсичқон; 2) каламуш; الْمِسْكِ ~ а) ондатра; б) кабарга (*кийиклар оиласига мансуб жонивор*); ◊ النَّجَّارِ ~ ранда; الْكَشْفِ ~ тахтаранда; سِلَاحُ الـ~ (كَسْتِيرُ) рандaнинг тиғи

فَأْسٌ *мн. кўп.* فُؤُوسٌ 1) болта; 2) омоч; кетмон; اللِّجَامِ ~ юган сувлиғи

فَأْفَأَ дудуқланмоқ

– فَأْفَاءٌ дудуқ

– فَأْفَأَةٌ дудуқланиш

(فأل) V تَفَأَّلَ (*н. дадир*) яхши фолни кўрмоқ (بِ); VI تَفَاءَلَ 1) яхши фол, яхши аломат деб ҳисобламоқ; яхшиликка йўймоқ; ~ مِنْهُ خَيْرًا у бунда яхши аломатни кўрди, у буни яхшиликка йўйди; 2) некбин, оптимист бўлмоқ; VIII اِفْتَأَلَ = VI

– تَفَاؤُلٌ 1) некбинлик, оптимизм; وَ الـ~ يَمْلَأُ الْقُلُوبَ ҳамма келажакка ишонч (оптимизм) билан тўлиб-тошган эди; تَسُودُ رُوحُ الـ~ الْجَمِيعَ улар орасида некбинлик руҳи ҳоким эди; 2) яхши фол; 3) (*бирор н. да*) яхшилик аломатини кўриш

– تَفَاؤُلِيٌّ некбиний, оптимистик, некбинликка (*оптимизмга*) оид

– فَأْلٌ *кўп.* فُؤُولٌ яхши фол, яхши аломат; وَ مِنَ الـ~ الْجَمِيلِ ... أَنْ ... لِـ ... учун яхши аломат (фол) шу нарса бўлиб ҳисобланадики, ...; وَ لَكِنْ خَابَ ~هُمْ! лекин уларнинг яхшиликка бўлган умидлари пучга чиқди; خَيْرٌ ~ *ёки* حَسَنٌ ~ хайрли фол, яхши аломат; شَرٌّ ~ ёмон фол, ёмон аломат

– مُتَفَائِلٌ 1) некбинликка (оптимизмга) оид; 2. некбин, оптимист

– مُتَفَائِلِيٌّ некбинликка оид, оптимистик

فِئَةٌ *кўп.* ـَاتٌ 1) қисм, бўлим; 2) тур, класс; السُّفُنِ ~ кемалар тури; 3) (*аҳоли*) табақаси; الْمُوَظَّفِينَ ~ амалдорлар; 4) тўда, гуруҳ; 5) серия (*облигация, лотереяларда*); пул *ёки* облигацияларнинг айрим ... д онаси! (*купюра*); 6) нарх, баҳо, қиммат; ◊ الدَّمِ ~ қон гуруҳи (группаси)

– فِئَوِيٌّ бирор гуруҳга мансуб бўлган; (*бирор*) сериядаги

– فِئَةٌ *кўп* ـَاتٌ — баҳо, нарх

فِبْرَايِرُ февраль (*ой*)

فَبْرَكَ тўқиб чиқармоқ, ўйлаб чиқармоқ (*мас., миш-миш ва ҳ.к.*)

– فَبْرَكَةٌ тўқиб чиқарилган нарсалар (*мас., миш-миш*)

I فَتَّ (*а/и*) فَتٌّ майдаламоқ, парча-парча қилиб ташламоқ; ~ فِي سَاعِدِهِ *ёки* ~ فِي عَضُدِهِ *ёки* ~ فِي أَعْضَادِهِمْ кучсизлантирмоқ; кимнидир кучдан қолдирмоқ, кимларнингдир кучини заифлаштирмоқ; ◊ ~ وَرَقَ اللَّعِبِ (*ўйнайдиган*) карта бермоқ, тарқатмоқ; II فَتَّتَ 1) майдаламоқ, парчаламоқ; الصَّخْرَ ~ музни синдирмоқ (*парчаламоқ* (*сўзма-сўз:* қояни парчаламоқ, ~ بَدَدًا майда-майда қилмоқ; الذَّرَّةَ ~ атомни парчаламоқ; 2) эзмоқ, парчаламоқ (*юракни*); يُفَتِّتُ هَذَا كَبِدِي бу менинг юрагимни эзиб юборди; V تَفَتَّتَ 1) майдаламоқ; парчаламоқ; майда-майда қилиб бўлмоқ; парчаламоқ (*атом ҳақида*); 2 эзилмоқ, парчаланмоқ, пора-пора бўлмоқ (*юрак ҳақида*); يَتَفَتَّتُ مِنْهُ الْكَبِدُ бундан жигар эзилиб кетади; VII اِنْفَتَّ майдаланган (парчаланган, майда-майда қилинган) бўлмоқ

– تَفْتِيتٌ майдаланиш, парчаланиш; الذَّرَّةِ ~ атом парчаланиши

– فَتٌّ фатт (*сув, квас кабиларга тўғралган пиёз ва нонли овқат номи*); هَذَا كَالـ~ لِلْأَهْتَمِ *мтл.* бу тишсизнинг об-ёвғони бўлибди

– فُتَاتٌ майда бўлаклар; бўлакчалар; зарралар, заррачалар

– فَتَّةٌ шўрвага, сутга тўғралган нон бурдалари

– فَتِيتٌ = فَتُوتٌ

– فَتِيتٌ 1) майдаланган, тўғралган; 2. 1) фатт (*қар.* فَتٌّ); 2) нон тўғрами (тўғрамчиси); 3) парча-бурон, узуқ-юлуқ (*мас., пахта, чим*)

– فَتِيتَةٌ *кўп.* فَتَائِتُ 1) майда-чуйда; 2) бурда, бўлак

I فَتِئَ (*а*) فَتْءٌ тўхтамоқ, тўхтатмоқ; مَا ~ يَكْتُبُ у ёзишни тўхтатмади, у тўхтамай ёзаверди; تَنْتَأُ هَذِهِ الْأَوْهَامُ رَبِّي فِي أَعْشَاشِهَا ё худо, бу ҳали ҳам айланиб юрибди (*сўзма-сўз:* ўз уяларида ўтирибди) (*ҳозирги-келаси-замон феълидан ва қасамни ифодоловчи сўзлардан олдин У инкор юкламаси ишлатилмайди, лекин бор деб тасаввур қилинади*); IV أَفْتَأَ = I

– قَتْلٌ қатл қилиш, қатл; الذَّاتِ (نَفْسِهِ) ~ ўзини-ўзи ўлдириш; قُتِلَ ~ا у ўлдирилди

– قِتْلٌ кўп. أَقْتَالٌ ашаддий душман

– قَتْلَةٌ ўлдириш, қатл қилиш

– قِتْلَةٌ ўлдириш услуби

– قَتُولٌ ўлимга олиб келадиган, ҳалокатли

– قَتِيلٌ кўп. قَتْلَى 1) қатл этилган, ўлдирилган, жангда ўлган; 2) (жиноят) қурбони; قَتَلَ ~ا у киши одам ўлдирди

– مُسْتَقْتِلٌ ўз жонини ҳам аямайдиган; жасорат билан жанг қилувчи, таптортмас.

– مُقَاتِلٌ 1) жангчи; 2) жанг қатнашчиси; аскар

– مُقَاتَلَةٌ кўп. ـَاتٌ — жанг, кураш, олишув

– مُقَاتِلَةٌ кўп. ـَاتٌ — қирувчи самолёт

– مُقْتَتَلٌ жанг майдони

– مَقْتَلٌ кўп. مَقَاتِلُ 1) қотиллик; 2) тананинг урса ўладиган жойи; أَصَابَ ~ا ўлим зарбаси бермоқ; الْإِنْسَانِ بَيْنَ فَكَّيْهِ ~ инсоннинг ўлимига сабаб бўладиган нарса унинг тилидир

– مُقَتَّلٌ тажрибали

– مَقْتَلَةٌ хунрезлик, қирғин-барот

– مَقْتُولٌ 1) қатл этилган, ўлдирилган; 2) қурбон

I قَتَمَ (у) قَتْمٌ кўтарилмоқ (тутун, чанг ҳақида); II قَتَّمَ қоронғи қилмоқ, қоронғилатмоқ, қоронғилаштирмоқ; IX اِقْتَمَّ қораймоқ, қора рангга кирмоқ, тўқланмоқ

– قَاتِمٌ тўқ, тўқ рангда; қора; أَسْوَدُ ~ тим қора, қопқора; ظَلَامٌ ~ тим қоронғилик

– قَتَامَةٌ, قَتَامٌ қора ранг, қоралик; қоронғилик

– قَتَامٌ = قَتَمَةٌ, قُتْمَةٌ

I قَثَّ (а/у) قَثٌّ илдизи билан суғурмоқ, таг-туби билан суғуриб ташламоқ; VIII اِقْتَثَّ = I

– قِثَّاءٌ жам. тарралар

– قِثَّايَةٌ кўп. ـَاتٌ — тарра

– مَقْثَأَةٌ томорқа; тарра экилган полиз

قَثَدٌ таррага ўхшаш полиз маҳсулоти

قَثْطَرَةٌ кўп. قَثَاطِرُ мед. қовуқни бўшатиш ёки қовуққа дори юбориш учун ишлатиладиган асбоб, катетер

I قَحَّ (قحّ) (а/у) قُحُوحَةٌ, قَحَاحَةٌ 1) соф бўлмоқ, тоза бўлмоқ; насли тоза бўлмоқ, насаби тоза бўлмоқ, зотли бўлмоқ; 2) йўталмоқ

– قُحٌّ кўп. أَقْحَاحٌ ҳақиқий, тоза, соф, асил; насл-насаби улуғ, зотдор

– قُحَّةٌ йўтал

– قَحَّةٌ қар. وقح

I قَحَبَ (у) قَحْبٌ 1) одобсизлик қилмоқ, уят иш қилмоқ; 2) йўталмоқ (туя, от ҳақида)

– قَحْبَةٌ кўп. قِحَابٌ фоҳиша, бузуқи, ғар

I قَحَطَ (قحط) (у) قَحْطٌ арчимоқ, қирмоқ, артмоқ, тозаламоқ; قَحِطَ (а) قَحْطٌ қурғоқчилик бўлмоқ, қуруқ келмоқ, ёмғирсиз бўлмоқ (йил ҳақида); الْمَطَرُ ~ ёғин бўлмади, ёғингарчилик бўлмади; II قَحَّطَ 1) арчимоқ, қирмоқ, артмоқ, тозаламоқ; 2) ўсимликни чанглатмоқ; IV قَحَطَ = أَقْحَطَ

– قَاحِطٌ[1] қуруқ, қурғоқ, қурғоқчил, ёмғирсиз

– قَاحِطٌ[2] кўп. قَوَاحِطُ бульдозер

– قَحْطٌ 1) қурғоқчилик, ёмғирсизлик; كَأَنَّهُ مَطَرٌ بَعْدَ الـ~ қурғоқчиликдан кейинги ёмғирдек; 2) очлик

– قَحْطَانُ *am. эm. мз.* Қаҳтон (жанубий арабларнинг стаси); بَنُو ~ жанубий араблар; لُغَةُ ~ жанубий араб тили

– قَحْطَانٌ оч қолган, қорни оч; очкўз, мечкай, суқ

قَحْطَانِيٌّ жанубий араблар вакили

I قَحَفَ (а) قَحْفٌ 1) бошга урмоқ, бошга савалмоқ; 2) бирратўла ичмоқ, бир нафасда ичмоқ, сипқармоқ, қоқламоқ; 3) ўзи билан суқизиб кетмоқ, ювиб кетмоқ (*сел ҳақида*)

– قُحَافٌ *кўп.* قَحْفٌ шиддатли оқим

– قُحُوفٌ *кўп.* قَحْفٌ 1) бир бош хурмоси бор бўлган шох; 2) қўпол одам, тарбия кўрмаган, қўпол

– قَحْفٌ *кўп.* قُحُوفٌ, أَقْحَافٌ, قِحَفَةٌ 1) бош суяги, бош косаси, бош суягининг (*саккиздан бири*); 2) ёғочдан ишланган идиш

I قَحَلَ (а) قَحْلٌ *ёки* قَحِلَ (а) قُحُولٌ қуруқ бўлмоқ, қуримоқ, қақшамоқ; ~ الشَّيْخُ чолнинг эти суягига ёпишиб қолди; IV أَقْحَلَ 1) қуритмоқ, сувини қочирмоқ; 2) чўлга айланмоқ, сувсизликдан ҳаёт асари тугамоқ; V تَقَحَّلَ = I

– إِنْقَحَلٌ қари, жуда кекса

– قَحِلٌ, قَاحِلٌ қуриган, қуруқ, қақшаган; унумсиз, ҳосил бермайдиган

– قَحْلٌ: ~ شَيْخٌ жуда кекса одам

– قَحَلٌ қуруқлик, сувсизлик; ҳосилсизлик, унумдорликнинг йўқлиги

– قَحْلَاءُ *мн* қуриган, қақшаган; ~ أَرْضٌ унумсиз ер

– قُحُولَةٌ = قَحَلٌ

I قَحَمَ (у) قُحُومٌ бостириб бормоқ, тўппа-тўғри бормоқ, мардларча ташланмоқ, сапчимоқ, ҳамла қилмоқ, ташланмоқ; II قَحَّمَ ташлатмоқ, ҳамла қилдирмоқ, мардларча от солмоқ; IV أَقْحَمَ 1) (*н нимадир қаергадир*) киритмоқ, сукмоқ, тиқмоқ (فِي ,عَلَى); (*бирор н га*) тортмоқ, жалб қилмоқ (فِي), қўшмоқ, аралаштирмоқ; 2) (*н. нимадир к. гадир*) боғламоқ, ўраб-чирмамоқ, тақмоқ (عَلَى); ~ نَفْسَهُ إِلَى ... (*қаергадир*) бурнини тиқмоқ; V تَقَحَّمَ (*бирор ерга*) мардларча ташланмоқ (فِي); VII اِنْقَحَمَ жасорат билан олдинга ташланмоқ; VIII اِقْتَحَمَ 1) (*к. нимагадир, н. нимагадир устига*) мардона ташланмоқ; (*к. нимагадир н. нимагадир устига*) ўйлаб ўтирмасдан ташланмоқ; 2) (*тўсиқни*) босиб ўтмоқ, эгалламоқ; ўлим хавфи бўлса ҳам (*н. нимадир*) орасидан ўтмоқ, ёриб ўтмоқ; ҳарб. жанг билан енгмоқ, штурм қилмоқ; ~ الْأَخْطَارَ хавф-хатарни енгмоқ, хавф-хатарга назарписанд қилмай қарамоқ; ~ الْجَوَّ *ав.* ҳавони (баландликни) бўйсундирмоқ; ~ الدَّارَ (الْحُجْرَةَ) ҳовли (хона)га бостириб кирмоқ; ~ الْعِقَابَاتِ тўсиқларни енгиб ўтмоқ; 3) синдирмоқ, бузмоқ, бузиб ташламоқ; ~ أَبْوَابَ الْغُرْفَةِ хона эшикларини бузмоқ; ~ أَبْوَابًا مَفْتُوحَةً *маж.* ҳаммага маълум нарсани ҳадеб маъқулламоқ (*сўзма-сўз:* очиқ эшикни итармоқ); 4) ҳазар қилмоқ, нафратланмоқ; تَقْتَحِمُهُ الْعَيْنُ (*к. гадир*) қарашга жиркнади киши

– إِقْتِحَامٌ 1) мардлик, жасорат, баҳодирлик; 2) штурм, ҳужум, атака; 3) ҳиловланмаганлик; 4) эҳтиётсизлик, бемаънилик

– قُحَمٌ *кўп.* قُحْمَةٌ хавфли иш, хавфли ўйин; қийинлик, қийинчилик

– مِقْحَامٌ *кўп.* مَقَاحِيمُ жасур, баҳодир, мард, қўрқмас

– مُقْحَمَاتٌ *кўп.* қўшиб қўйилган элементлар, қўшимча нарсалар

قُحَةٌ *қар.* وَقِحَ

– أَقَاحٍ *кўп.* أُقْحُوَانٌ *жам.* 1) шунингдек, ~ أَصْفَرُ мойчечак; 2) дасторгул; 3) хризантема

قَدْ 1) (*ўтган замон феъли олдида*), шунингдек ~ لَـ *ёки* ~ فَـ энди, аллақачон; 2) (*ҳозирги-келаси замон олдида*) баъзан, гоҳо, эҳтимол, мумкин; бироз, бирмунча; ~ يَتَأَخَّرُ هَذَا الْعَمَلُ бу иш бирмунча сурилади шекилли

I قَدَّ (а/у) قَدٌّ 1) кесмоқ, кесиб майдаламоқ, тилим-тилим қилиб кесмоқ; (*мас., мармардан*) ўйиб нақш солмоқ; йиртмоқ, йиртиб ташламоқ; ~ الدُّنْيَا а) дунёни кезмоқ; б) тажрибали бўлмоқ; II قَدَّدَ (*қуритиш учун*) тилим-тилим қилиб кесмоқ (*гўштни, балиқни*) қуритмоқ, консерва қилмоқ; V تَقَدَّدَ майда-майда қилиб кесилмоқ; 2) йиртилмоқ, йиртиқ бўлмоқ; 3) қуримоқ; VII اِنْقَدَّ йиртилиб кетмоқ, VIII اِقْتَدَّ майда бўлакларга бўлмоқ, кесмоқ

– قَدٌّ *кўп.* قُدُودٌ 1) комат, қад, гавда; 2) ўлчов, меъёр, миқдор; ~ عَلَى унинг размерида, унга мос келадиган, унга рост; ~ مَا қанчалик, нечоғлик

– قَدْ *халқ.* миқдор, меъёр; ~ عَلَى لِحَافِكَ (بِسَاطِكَ) مُدَّ رِجْلَيْكَ *мқл.* кўрпангга қараб оёқ узат; ~ إِيشْ *ёки* ~ إِيهْ *халқ.* қанча, ~ ... *халқ.* унга ўхшаб, у каби

– قُدٌّ *шунингдек* ~ سَمَكُ балиқ турларидан бири, треска

– قِدٌّ *кўп.* أَقُدٌّ камар, тасма; қамчин

– قِدَّةٌ *кўп.* قِدَدٌ 1) камар, тасма; 2) тахтача, планка; *мед.* тахтакач; 3) бўлак, бурда, тилим; 4) турли дунёқарашдаги одамлар гуруҳи; 5) йўналиш, маршрут

– قَدِيدٌ бўлиб-бўлиб қуритилган гўшт; حَصَّلَ بِشِقِّ الْأَنْفُسِ عَلَى الْـ~ катта қийинчилик билан тирикчилик қилмоқ (*сўзма-сўз:* жонни қийнаб-қийнаб қуриган гўштга эга бўлмоқ)

– مُقَدَّدٌ қуритилган; الـ~ اللُّحُومِ гўшт консервалари; ~ خُبْزٌ (عَيْشٌ) бўғирсоқ

– مُقَدَّدَاتٌ *кўп.* гўшт ёки балиқ консерваси

I قَدَحَ (а) قَدْحٌ 1) чақмоқлаб ёндирмоқ; ~ تْ عَيْنَاهُ الشَّرَرَ *кўч. м.* кўзларидан ўт чақнаб кетди; ~ زِنَادَ فِكْرِهِ *маж.* бутун диққат-эътиборини қаратмоқ; 2) (*к. нимадир*) таҳқирламоқ, ҳақорат қилмоқ, ёмонламоқ (فِي), обрў-эътиборини пасайтирмоқ (فِي); 3) еб илма-тешик қилмоқ, еб ташламоқ (*қурт ҳақида*); 4) қиздирмоқ, эритмоқ, ~ السَّمْنَ (*товада*) ёғни қиздирмоқ (эритмоқ); VII اِنْقَدَحَ учқун

чиқмоқ; VIII اِقْتَدَحَ олов ёндирмоқ, учқун чиқармоқ; الْأَمْرَ ~ *маж.* масалани яхшилаб фикрламоқ

– قَادِحٌ 1) чақмоқ тош билан ўт чиқарувчи, учқун чиқарувчи; قِصَّةٌ ~ـةٌ *маж.* қизиқарли қисса; 2) отиш қуролларида тепкининг пистон чақадиган учи, найзаси, боёк

– قَادِحَةٌ *кўп.* قَوَادِحُ қурт

– قَدَّاحٌ 1) чақмоқтош; кремен; 2) тошга ишқаб учқун чиқарувчи

– قَدَّاحَةٌ *кўп.* ـاتٌ 1) зажигалка; 2) милтиқ чақмоғи

– قَدْحٌ ёмонлаш, ҳақоратлаш, ҳақорат, таҳқир

– قَدَحٌ *кўп.* أَقْدَاحٌ 1) стакан; 2) қадаҳ, бокал, рюмка; 3) қадаҳ (*1/96 ардаб, қар* أَرْدَبٌّ) *ёки 2,0625 литрга тенг бўлган ҳажм ўлчов бирлиги*; نِصْفُ الـ~ 1/2 қадаҳ (قَدَحٌ) *ёки* 1, 0312 *литрга тенг ҳажм ўлчов бирлиги*)

– قِدْحٌ *кўп.* قِدَاحٌ, أَقْدُحٌ 1) ўқ (*камондаги – ўйин учун*); ضَرَبَ الـ~ُ الْمُعَلَّى الْقِدَاحَ ўққа қараб фол очиш; 2) ютуқнинг улуши; الْمُعَلَّى ютуқнинг энг катта улуши; биринчи ўрин, биринчи мукофот; صَاحِبُ الـ~ِ الْمُعَلَّى *ёки* ذُو الـ~ِ الْمُعَلَّى биринчи ўрин соҳиби; لَهُ الـ~ُ الْمُعَلَّى فِي هٰذَا الْعَمَلِ *маж.* бирор ишда бош бўлмоқ, бошчилик қилмоқ

– قَدْحَةٌ ёғда қовурилган саримсоқ, лози

– قُدَيْحٌ *бот.* косача (*мас., гулдаги*)

– مِقْدَحَةٌ *кўп.* مَقَادِحُ зажигалка; حَجَرُ الـ~ِ зажигалкадаги чақмоқтош

قَدَرَ I (*u*) قَدْرٌ, قُدْرَةٌ 1) (*н. дир қилиш*) қўлидан келмоқ, (*н. нидир қилишга*) кучи етмоқ (عَلَى); يَقْدِرُ عَلَى أَنْ يُمَيِّزَ الْغَثَّ مِنَ السَّمِينِ яхши-ёмоннинг фарқига дурустгина етади; 2) (*к. гадир*) ўлчаб кўрмоқ; ~تُ عَلَيْهِ الثَّوْبَ унга кийимни ўлчаб кўрдим; ◊ إِذَا غُمَّ عَلَيْكُمُ الْهِلَالُ فَاقْدُرُوا لَهُ *ҳад.* агар тугаётган ойни булут босган бўлса (ва уни кўришга имкон бўлмаса), ўттизинчи кунни ҳам эътиборга олинглар (*рамазон ойида*); ~ عَلَى الْعِيَالِ аҳли аёлларига муносабатда хасис бўлмоқ; II قَدَّرَ 1) аниқламоқ, ҳисоблаб чиқмоқ; ҳажмини ўлчаб кўрмоқ; миқдорини айтиб бермоқ; 2) баҳоламоқ, баҳо қўймоқ, нарх белгиламоқ; тақдир этмоқ, тан бермоқ; لَا يُقَدَّرُ бебаҳо; ~هُ حَقَّ قَدْرِهِ кимгадир тўғри баҳо бермоқ; ~ الضَّرَائِبَ солиқлар миқдорини аниқламоқ; 3) (*к. нидир бирор н. билан*) тақдирламоқ; 4) тахмин қилмоқ, гумон қилмоқ; фаҳмламоқ, кўзда тутмоқ; 5) (*жамоатчилик фикрини*) ҳосил қилмоқ (шакллантирмоқ); 6) тақдирни олдиндан белгиламоқ, аниқламоқ; قَدَّرَ لَهُ أَنْ ... унинг пешонасига ...иш насиб қилган; مَا قُدِّرَ يَكُونُ пешонага ёзилгани бўлади; لَا ~ اللّٰهُ! худо кўрсатмасин!, худо асрасин!; IV أَقْدَرَ 1) олдиндан белгиламоқ, пешонага ёзмоқ; 2) (*к. нингдир*) қобилиятини (*бирор томонга*) ривожлантирмоқ (عَلَى); 3) (*к. гадир н. нидир қилишга*) имкон бермоқ, имконият яратмоқ (عَلَى); V تَقَدَّرَ 1) аниқланмоқ, белгиланмоқ; 2) тайёрламоқ, ҳозирламоқ; VII اِنْقَدَرَ рост келмоқ, мос келмоқ, тўғри келмоқ (*мас., кийим*) VIII اِقْتَدَرَ қўлидан келмоқ, кучи етмоқ; ~ عَلَى نَفْسِهِ кучга кирмоқ, куч йиғмоқ; X اِسْتَقْدَرَ ~ اللّٰهَ خَيْرًا Аллоҳдан эзгуликларни насиб этишни сўрамоқ; اِسْتَقْدِرِ اللّٰهَ خَيْرًا! Аллоҳдан эзгуликлар сўранг!

– اِقْتِدَارٌ 1) куч, ғайрат; 2) иқтидор, талант; بِـ~ маҳорат билан; 3) қодирлик, қурби етиш

– أَقْدَرُ энг кучли, энг қудратли; энг иқтидорли, энг моҳир

– تَقْدِيرٌ *кўп.* تَقَادِيرُ 1) меъёрни аниқлаш (ҳисоблаш); 2) (*хизматни*) тақдирлаш; баҳо бериш; ~ًا لِفَضْلِهِ унинг хизматини тақдирлаш сифатида; ~ُ الْمَوْقِفِ вазиятни аниқлаш, вазиятга баҳо бериш; 3) тахмин, фараз, тахмин қилиш; ~ًا тахминан; 4) *грам.* сўз тартиби; 5) *линг.* сўзнинг тушиб қолиши; ◊ عَلَى أَقَلِّ الـ~ِ ақалли, лоақал, ҳеч бўлмаса

– تَقْدِيرَاتٌ *кўп.* смета

– تَقْدِيرِيٌّ тақдирлашга оид; جَائِزَةٌ ~ـةٌ тақдирлаш мукофоти

– قَادِرٌ 1) кучли қудратли; 2) (*бирор н. га*) қобилиятли (عَلَى); غَيْرُ ~ٍ а) кучсиз, қувватсиз; б) қобилиятсиз; ◊ بِقُدْرَةِ ~ жуда катта куч билан

– قَدْرٌ *кўп.* أَقْدَارٌ 1) миқдор, ҳажм, меъёр; даража; қадр-қиммат; ҳад; عَلَى ~ِ *ёки* عَلَى ~ِ ... миқдорича; مَدَّ رِجْلَيْهِ عَلَى ~ِ الْكِسَاءِ кўрпага қараб оёқ узатмоқ; 2) тақдир, қадар, қисмат; سُورَةُ الـ~ِ *Қур.* Қадр сураси (*97-сура*); لَيْلَةُ الـ~ِ Лайлату-л-қадр, Қадр кечаси (*рамазон ойининг 27-кечаси*); عَلَى ~ِ الْحَاجَةِ керак бўлган миқдорда, керак бўлганича; عَلَى ~ِ الْإِمْكَانِيَّةِ *ёки* عَلَى ~ِ الْإِمْكَانِ *ёки* عَلَى ~ِ الطَّاقَةِ куч етганича, имкон борича; ... بِـ~ِ ... مَا بِـ~ِ бўлишига қараб, ...га мувофиқ равишда; мумкин қадар, мумкин бўлганича; بِـ~ِ مَا رَخُصَ إِنْتَاجُ الطَّاقَةِ الذَّرِّيَّةِ بِـ~ِ مَا يَتَّسِعُ بِنَاءُ الْمَحَطَّاتِ الْكَهْرَذَرِّيَّةِ атом энергияси ишлаб чиқаришнинг арзонлашишига мувофиқ равишда атом электростанцияларини қуриш кенгая боради; ~ مَا *ёки* بِـ~ِ مَا تَسْتَطِيعُ *ёки* عَلَى ~ِ مَا اسْتَطَاعَ *ёки* اسْتَطَاعَ кучи етганича; بِـ~ِ اسْتِطَاعَتِكَ кучинг етганича

– قَدَرٌ *кўп.* أَقْدَارٌ тақдир, қадар; الـ~ُ الْمَحْتُومُ қочиб қутилиб бўлмайдиган ниҳоя, ўлим; الـ~ُ وَالْقَضَاءُ *ёки* قَضَاءٌ وَ~ًا ўз-ўзидан, тасодифан; тақдир тақозоси билан; الْاِعْتِقَادُ بِالْقَضَاءِ وَالـ~ِ фатализм

– قِدْرٌ *мз. мн. кўп.* قُدُورٌ тувак, қозон, қозонча

– قِدْرَةٌ *кўп.* قِدَرٌ тувак; қозонча; кўза

– قُدَيْرَةٌ кўзача

– قُدْرَةٌ *кўп.* ــــ اتٌ 1) куч, қувват, қудрат; ~ الْمَصْنَعِ завод қуввати; 2) қобилият; ~ عَلَى الْعَمَلِ ишга яроқлилик; عَدَمُ ~ عَلَى الْعَمَلِ ишга яроқсизлик; ~ الدَّوْلَةِ عَلَى الدِّفَاعِ мамлакатнинг ўзини мудофаа қила олишлиги; دِفَاعِيَّةٌ ~ мудофаа қобилияти; ~ قِتَالِيَّةٌ жанговарлик, жанг қилиш қобилияти; ~ عَلَى الشِّرَاءِ ёки شِرَائِيَّةٌ ~ харид қилиш қобилияти

– قَدَرِيٌّ *кўп.* قَدَرِيَّةٌ 1) *тар.* қадарий (*исломдаги инсон эркини ҳимоя қилувчи оқим тарафдори*); 2) *фалс.* детерминист

– قَدَرِيَّةٌ: الْـــ ~ а) *тар.* Қадарийя, қадарийлик (*исломдаги инсон эркини ҳимоя қилувчи оқим; сол.* الْجَبْرِيَّةُ); б) *фалс.* детерминизм

– قَدِيرٌ 1) қудратли, кучли; ҳамма нарсага қодир (*Аллоҳ*); 2) қобилиятли, қўлидан келадиган

– مُقْتَدِرٌ 1) қудратли, кучли; 2) қобилиятли, қўлидан келадиган; ~ عَلَى الْعَمَلِ меҳнатга лаёқатли; 3) ўзига тўқ, давлатманд, бадавлат

– مِقْدَارٌ *кўп.* مَقَادِيرُ 1) миқдор, сон; ~ سَاعَةٍ бир соатча; لَنْ يُؤَثِّرَ هٰذَا ~ ذَرَّةٍ عَلَى (فِي) ... бу ...га заррача таъсир қилмайди; 2) *мат.* миқдор; ◊ بِـــ ~ مَا а) ... миқдорича, ... миқдорида; б) ...нинг боришига қараб, ...га мувофиқ равишда; بِهٰذَا الْـــ ~ шу миқдорда

– مُقَدِّرٌ 1) аниқловчи, белгиловчи; ~ الْمَسَافَةِ узоқликни ўлчовчи, дальнометр

– مُقَدَّرٌ 1) аниқланган, белгиланган; нархи белгиланган; 2) назарда тутилган, фараз қилинган; 3) олдиндан аниқлаб қўйилган, олдиндан ҳал қилинган; الْعَدَدُ الْـــ ~ тасдиқланган (зарур бўлган) миқдор; ... مِنَ الْـــ ~ أَنْ шу нарса олдиндан ҳал этиб қўйилганки...

– مُقَدَّرَاتٌ *кўп.* қадриятлар; ~ الْأُمَّةِ халқ қадриятлари

– مَقْدُرَةٌ, مَقْدَرَةٌ, مَقْدِرَةٌ 1) куч, қудрат; 2) (*қўшин*) сони, адади, потенциал; 3) қобилият; ~ الدَّوْلَةِ عَلَى الدِّفَاعِ мамлакатнинг мудофаа қобилияти; ◊ مَالِيَّةٌ ~ моддий бойлик, бойлик, мол-мулк

– مَقْدُورٌ 1) олдиндан белгилаб (аниқлаб) қўйилган; 2) имкони бор, мумкин; ... كَانَ فِي ~ هِ أَنْ ...га имкони бор эди, ...(*и*)ши мумкин эди; ... لَيْسَ فِي ~ أَحَدٍ أَنْ ҳеч кимнинг ...га имкони йўқ, ҳеч ким ...ни қила олмайди; 3) *кўп.* مَقَادِيرُ тақдир

I قَدُسَ (*у*) قَدَاسَةٌ муқаддас бўлмоқ, муқаддаслашмоқ; II قَدَّسَ 1) муқаддас ҳисобламоқ, муқаддас деб билмоқ; муқаддас деб эълон қилмоқ; 2) бағишламоқ, табаррук қилмоқ; اللّٰهُ سِرَّهُ ~ унинг тупроғи табаррук бўлсин! (*бирор вафот этган авлиё ёки тақводор одамга нисбатан айтилади*); V تَقَدَّسَ 1) муқаддас билиб ҳурматланмоқ; 2) муқаддасланмоқ

– تَقْدِيسٌ 1) буюк ҳурмат, улуғлаш; муқаддаслаш; 2) бағишлаш; 3) қадрлаш, табаррук ҳисоблаш; 4) поклаш, покизалаш

– قَادُوسٌ *алиф.б.қ.*

– قُدَّاسٌ *кўп.* قَدَادِيسُ, ــــ اتٌ — ибодат (*христианларда*); ~ الْمَيِّتِ ўлганга жаноза ўқиш

– قَدَاسَةٌ 1) муқаддаслик; 2) ҳазрат, жаноб (*христиан руҳонийлари исми олдига қўшиб айтиладиган сўз*); صَاحِبُ الْـــ ~ الْبَطْرِيرْكُ патриарх жаноблари; ~ الْمَطْرَانُ митрополит ҳазратлари; ~ الْبَابَا папа жаноблари (*Рим папаси*)

– قُدْسٌ муқаддаслик, бенуқсонлик, беқусурлик; ◊ ~ الْأَقْدَاسِ муқаддасларнинг муқаддаси; بَدْلَةُ الْـــ ~ *черк.* ибодат пайтида христиан руҳонийлари киядиган либос; الْـــ ~ Қуддуси шариф; حَظِيرَةُ الْـــ ~ жаннат

– قُدُسٌ муқаддаслик; رُوحُ الْـــ ~ а) муқаддас руҳ (*христианларда*); б) Жаброил алайҳиссалом (*ислом динида*)

– قُدْسِيَّةٌ муқаддаслик

– قُدُّوسٌ муқаддас, авлиё; 2) пок, покиза; Аллоҳ таолонинг исми-шарифларидан бири

– قِدِّيسٌ муқаддас; авлиёларнинг исмига қўшиб айтиладиган сўз (*христианларда*)

– مُتَقَدِّسٌ муқаддас, муқаддаслашган

– مَقْدِسٌ *кўп.* مَقَادِسُ қадамжо, зиёратгоҳ; ибодатхона; بَيْتُ الْـــ ~ Қуддуси шариф

– مُقَدَّسٌ 1) муқаддас, авлиё; дахлсиз; الْكِتَابُ الْـــ ~ *черк.* Муқаддас китоб; ◊ الْأَرْضُ الْـــ ~ ـةُ Фаластин (*сўзма-сўз:* Муқаддас Ер); الْأَرَاضِي الْـــ ~ ـةُ Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунаввара; الْبَيْتُ الْـــ ~ Қуддуси шариф; 2) *кўп.* ــــ اتٌ — азиз авлиёлар ўтган жой, қадамжо

– مُقَدِّسٌ Қуддуси шарифга келган зиёратчи

– مَقْدِسِيٌّ 1) Қуддус шаҳрига оид; 2) қуддуслик киши

I قَدَعَ (*а*) قَدْعٌ (*н. дандир*) ушлаб қолмоқ, тўхтатиб қолмоқ (عَنْ); VI تَقَادَعَ ёпирилмоқ, ташланмоқ

I قَدَفَ (*и*) قَدْفٌ (*сол.* قَذَفَ) 1) отмоқ, иргитмоқ, отиб юбормоқ; 2) эшкак билан эшмоқ; II قَدَّفَ = I 2)

I قَدِمَ (*а*) قُدُومٌ, مَقْدَمٌ (قدم) 1) (*бирор жойга*) келмоқ, етиб келмоқ (إِلَى); 2) (*бирор н. га*) журъат этмоқ, ботинмоқ, жасорат қилмоқ, бормоқ (عَلَى); قَدَمَ (*у*) قَدْمٌ олдинда бормоқ; олдинда бўлмоқ; олдинламоқ; قَدُمَ (*у*) قِدَمٌ эски бўлмоқ, қадимги бўлмоқ; II قَدَّمَ 1) муқаддима қилмоқ, кириш сўзи билан бошламоқ; ~ لِلْكِتَابِ ёки ~ الْكِتَابَ китобга кириш сўзи ёзмоқ; 2) (*н. дандир*) олдин бажармоқ (عَلَى); كَمَا ~ نَا سَابِقًا олдин айтиб ўтганимиздек; 3) олдинга сурмоқ; ~ رِجْلًا وَ أَخَّرَ أُخْرَى а) оёқни зўрға кўтариб босмоқ; б) қатъиятсизлик кўрсатмоқ; ~ الثَّمَنَ олдиндан тўлаб қўймоқ; ~ السَّاعَةَ عِشْرِينَ دَقِيقَةً соатни йигирма минут олдинга суриб қўймоқ;

السَّاعَةَ ~ت ... соат олдинлаб кетибди; مُرَشَّحًا ~ (к. нидир) номзод қилиб кўрсатмоқ; 4) ривожлантирмоқ, ўстирмоқ, кўтармоқ; 5) тақдим қилмоқ; ... أَوْرَاقَ اعْتِمَادِهِ إِلَى ~ ишонч ёрлиғини топширмоқ (тақдим этмоқ); اسْتِقَالَتَهُ ~ истеъфо бермоқ; خِدْمَةً ~ хизмат кўрсатмоқ, ёрдам қилмоқ; الشَّكْوَى ~ шикоят қилмоқ; لِلْمُحَاكَمَةِ ~ судга бермоқ; 6) тортиқ қилмоқ; مُسَاعَدَةً ~ (к. гадир) ёрдам қилмоқ (لـِ); 7) таклиф қилмоқ; ثَمَنًا ~ баҳо (нарх) таклиф қилмоқ; 8) (к. нидир к. гадир) таништирмоқ (لـِ ёки إِلَى ёки عَلَى); ... نَفْسَهُ إِلَى ~ а) кимнингдир ихтиёрига келмоқ; б) кимгадир ўзини танитмоқ; 9) (к. дандир) афзал (ортиқ) кўрмоқ (عَلَى); 10) бош қилиб қўймоқ, бошлиқ қилмоқ; IV أَقْدَمَ олдинга чиқмоқ; (н. нидир) олдинга сурмоқ (بِ); 2) (бирор н. га) киришмоқ (عَلَى); (бирор н. га) журъат этмоқ, журъат кўрсатмоқ (عَلَى); (бирор н га) жасорат билан ташланмоқ (عَلَى); (к. нидир к. нингдир олдига) олиб келмоқ (إِلَى); V تَقَدَّمَ 1) олдинга чиқмоқ (сурилмоқ); 2) биринчи ўринда юрмоқ; олдинда юрмоқ (бўлмоқ); ~ت بِهِ السِّنُّ ёши ўтмоқ, қаримоқ; 3) олдинга ҳаракат қилмоқ, ривожланмоқ, прогрессив бўлмоқ; كَمًّا وَ كَيْفًا ~ миқдор ва сифат жиҳатидан ривожланмоқ; 4) (бирор к. ёки н. нинг) олдига яқин келмоқ, яқинлашмоқ (إِلَى ,مِنْ); بَيْنَ يَدَيْهِ ~ кимнингдир олдида ҳозир бўлмоқ; 5) (к. гадир бирор масалада) мурожаат қилмоқ (بِ, إِلَى); بِاقْتِرَاحٍ ~ таклиф киритмоқ; 6) (к. гадир) тушмоқ, келмоқ (қоғоз, шикоят ҳақида – إِلَى); 7) тақдим (таклиф) қилмоқ; ◊ كَمَا ~ илгари айтилганидек; مَا ~ ўтган, ўтиб кетган; VI تَقَادَمَ эски бўлмоқ, қадимги бўлмоқ, эскирмоқ; الْعَهْدُ عَلَيْهِ ~ у қариб қолди; X اسْتَقْدَمَ 1) келишни сўрамоқ, илтимос қилмоқ; 2) чақирмоқ, таклиф қилмоқ, талаб қилмоқ (مِنْ)

– إِقْدَامٌ 1) (н. нидир бажаришга) киришиш (عَلَى); كَانَ بَيْنَ ~ وَ إِحْجَامٍ (бирор масалада) иккиланмоқ, қатъиятсиз бўлмоқ (مِنْ); 2) жасорат, ботирлик, мардлик

– أَقْدَمُ энг қадимги, энг эски

– أَقْدَمُونَ кўп. الـ~ қадимги халқлар

– أَقْدَمِيَّةٌ 1) катталик, юқорилик, биринчилик; 2) стаж

– تَقَادُمٌ шунингдек: الزَّمَنِ ~ қадимийлик; الْعَهْدِ ~ а) қадимийлик; б) кексалик; بِالـ~ юр. вақт ўтганлиги (эскирганлиги) сабабли

– تَقَادُمِيٌّ юр. вақт ўтганлигига асосланган

– تَقَدُّمٌ 1) олдинга ҳаракат қилиш; силжиш, ҳаракат қилиш; олдинга ўтиш, олдинлаш; 2) тараққиёт, прогресс; 3) катталик, улуғлик; биринчилик, биринчи ўрин; فِي السِّنِّ ~ кексалик, ёши улуғлик

– تَقْدِمَةٌ кўп. تَقَادِمُ, ـاتٌ — тортиқ, ҳадя; 2) қурбон; 3) муқаддима, сўзбоши

– تَقَدُّمِيٌّ 1) олдинги, илғор, прогрессив; الْإِنْسَانِيَّةُ الـ~ـة илғор инсоният; 2) илғор фикрли одам

– تَقَدُّمِيَّةٌ прогрессивлик

– تَقْدِيمٌ 1) олдинга суриш, олдинга чиқариш; 2) (мас., таклиф) киритиш; 3) тақдим этиш, тақдим; 4) (к. нидир к. гадир) таништириш (لـِ ёки عَلَى); 5) тортиқ қилиш, тортиқ; 6) сўз боши, муқаддима; ◊ بَعْدَ شَهْرَيْنِ بِلَا ~ وَ لَا تَأْخِيرٍ эрта ҳам эмас, кеч ҳам эмас – икки ойдан кейин

– قَادِمٌ келаётган, кириб келаётган, олдинда турган, навбатдаги; бўлажак, келгуси; فِي الشَّهْرِ الـ~ келаси ойда; الْأَجْيَالُ الـ~ـة келгуси авлодлар

– قَادِمَةٌ кўп. قَوَادِمُ 1) олдинги қисм; 2) кўп. (қуш қанотининг) олдинги патлари

– قُدَّامُ олд, олд томон, олдинги қисм; ~ـهُ унинг олдида

– قُدَّامَانِيٌّ олдинги, олдинда турган

– قَدَمٌ мн, мз. кўп. أَقْدَامٌ 1) оёқ таги, оёқ кафти; оёқ; طِبُّ الْأَقْدَامِ оёқ қадоқларини кесиш, педикюр; 2) қадам; سَمْتُ الـ~ қар. سَمْتٌ; 3) фут (узунлик ўлчови, тахминан 30 см. га тенг); مُرَبَّعَةٌ ~ квадрат фут; ◊ عَلَى الْأَقْدَامِ ёки عَلَى قَدَمَيْهِ пиёда; مَشَى ~ًا لِـ~ (бирор киши билан) қадам бақадам юрмоқ (مَعَ); عَلَى أَطْرَافِ قَدَمَيْهِ оёқ учида; وَقَفَ عَلَى ~ الْاسْتِعْدَادِ тайёр бўлмоқ, шайланиб турмоқ; عَلَى ~ وَسَاقٍ тез суръат билан; لَهُ ~ رَاسِخٌ فِي الطِّبِّ у тиббиётнинг катта билимдонидир; عَلَى ~ الْمُسَاوَاةِ тенглик асосида; وَضَعَهُ مَعَ ... عَلَى ~ الْمُسَاوَاةِ кимнидир ким билан тенглаштирмоқ; وَضَعَهُ وَ إِيَّاهُ عَلَى ~ الْمُسَاوَاةِ біровни биров билан тенглаштирмоқ

– قُدُمٌ тўғри чизиқ бўйлаб ҳаракат қилиш; ~ًا тўғрига, олдинга; سَارَ (مَضَى) ~ًا فِي ... (бирор масалада) олдинга ҳаракат қилмоқ (силжимоқ)

– قِدْمٌ қадим замон; ~ًا қадим замонда

– قِدَمٌ 1) қадим замон; 2) абадийлик; 3) муддат, муҳлат; катталик, юқорилик, стаж; 4) эскирганлик; ◊ مُنْذُ الـ~ ёки مِنَ الـ~ узоқ замондан

– قَدَمَةٌ 1) подaнинг олдида юрадиган қўй; 2) арх. бино деворининг пастки қисми, сокол; пойдевор

قَدُومٌ[1], قَدُّومٌ кўп. قَوَادِيمُ 1) болға; 2) ўроқранда, теша (сол. قَادُومٌ алиф.б.қар)

– قَدُومٌ[2] кўп. قُدُمٌ жасур, мард, қўрқмас

– قُدُومٌ етиб келиш; келиш, кириб келиш; пайдо бўлиш

– قُدُومِيَّةٌ[1] кўп. ـاتٌ — сўқмоқ йўл, тоғдаги ёлғизоёқ йўл

– قُدُومِيَّةٌ[2] пешқадамлик, биринчилик

– قَدِيمٌ кўп. قُدَمَاءُ, قُدَامَى 1) эски, кўҳна, қадимги; الْمِصْرِيُّونَ الْقُدَمَاءُ қадимги мисрликлар; الْمُحَارِبُونَ الْقُدَامَى қадимги халқлар;

الْعُمَّالُ الْقُدَمَاءُ ёки قُدَامَى الْمُحَارِبِينَ الْقُدَمَاءُ уруш фахрийлари; меҳнат фахрийлари; 2) қадимдан қолган, антик; 3) тўзиган, эскирган; ◊ الضُّبَّاطُ الْقُدَامَى катта командирлар состави; مُنْذُ الـــ~ ёки مِنَ الـــ~ узоқ вақтдан буён; فِي الـــ~ ёки ~اً илгари, қадимда; الْعَهْدُ الـــ~ Таврот; الـــ~ абадий, мангу (*Аллоҳ сифатларидан бири*)

– قَيْدُومٌ 1) олдинда турган, олдинги; 2) раҳбар, йўлбошчи; 3) олдинги қисм; ~ السَّفِينَةِ кеманинг олд қисми

– مُتَقَادِمٌ эски; ~ الْعَهْدِ қадимги

– مُتَقَدِّمٌ 1) олдинда борувчи; 2) бундан олдинги; 3) олдинлаб кетувчи; ривожланувчи, илғор; 4) бўшаб қолган мансабга (амалга) даъвогар; 5) бошлиқ; ~ فِي السِّنِّ (الْعُمْرِ) ёши ўтиб қолган, ёши бир жойга борган; الـــ~ ذِكْرُهُ юқорида эслаб ўтилган

– مِقْدَامٌ *кўп.* مَقَادِيمُ мард, жасур, қўрқмас

– مَقْدَمٌ = قُدُومٌ

– مُقَدَّمٌ (*кеманинг*) олд қисми

– مُقْدِمٌ: ~ الْعَيْنِ кўзнинг бурунга яқин қисми

– مُقَدَّمٌ 1) олдинга қўйилган; 2) закалат (аванс) сифатида тўланган; ~ الْمَصْدَاقِ қалиннинг биринчи қисми; ~اً олдиндан, аванс сифатида, закалат сифатида; 3) (*кеманинг*) олдинги қисми; 4) бошлиқ, раҳбар, йўлбошчи; 5) *ҳарб.* подполковник; майор (*Ливанда*); 6) *грам.* антецедент; ◊ وَضَعَ مَسْأَلَةً فِي الـــ~ масалани олдинга қўймоқ

– مُقَدِّمٌ 1) тақдим қилувчи, узатувчи; ~ الطَّلَبِ ариза берувчи; ~ بَرْنَامَجٍ (*кечани, концертни*) олиб борувчи, конферансье; مُقَدِّمُوهُ فُلَانٌ وَ عَلَانٌ وَ تَلَانٌ نُعْرِضُ لَكُمْ مَا يَلِي мазкурни тақдим қилувчи фалончи, писмадончи ва бошқалар сизга шуни маълум қиламизки, ...

– مُقَدِّمَةٌ *кўп.* ـــاتٌ 1) (*кема, поезд ва ҳ. к. ларнинг*) олдинги қисми; 2) эшик олди, кираверишда; муқаддима, кириш, дебоча; 3) (*битимнинг*) кириш қисми; 4) хулоса асоси; الـــ~ وَ النَّتِيجَةُ *фалс.* асос ва хулоса; 5) *мат.* теорема; 6) авангард, олдинги қисм

قَدَى I (قدو) قَدَا (*у*) قَدْوٌ ширин таъмли бўлмоқ, таъми ширин бўлмоқ; (*а*) قَدَاوَةٌ = قَدَا; II قَدَّى етмоқ, етарли бўлмоқ, кифоя қилмоқ; VIII اِقْتَدَى (*к. нингдир*) орқасидан (изидан) бормоқ, орқасида бўлмоқ (بِـ); (*к. гадир*) тақлид қилмоқ (بِـ); иқтидо қилмоқ (بِـ)

– اِقْتِدَاءٌ тақлид қилиш, изидан бориш (بِـ)

– قُدْوَةٌ, قِدْوَةٌ, قِدَةٌ тақлид қилиш объекти, тақлид қилинадиган нарса

– قَدِيٌّ мазали, тотли, ширин, таъми ширин

قَذَرٌ (قذر) I قَذِرَ (*а*) قَذَرَ (*у*) قَذَارَةٌ ифлос бўлмоқ, ифлосланмоқ; ёмон кўрмоқ, жирканмоқ; II قَذَّرَ ифлос қилмоқ, ифлослантирмоқ; V تَقَذَّرَ ёмон кўрмоқ, жирканмоқ; X اِسْتَقْذَرَ ҳаром (ифлос, мурдор) ҳисобламоқ

– قَاذُورَاتٌ *кўп.* чиқинди, ахлат, нажас

– قَاذُورَةٌ *кўп.* ـــاتٌ ярамас иш, бемаъни қилиқ

– قَذَارَةٌ ифлослик, нопоклик

– قَذَرٌ *кўп.* أَقْذَارٌ = قَذَارَةٌ

– قَذِرٌ ифлос, кир, ҳаром; الْحَرْبُ الـــ~ةُ жирканч уруш

– قَذُورَاتٌ *кўп.* = قَاذُورَاتٌ

– مَقَاذِرُ *кўп.* = قَاذُورَاتٌ

قَذَعَ I قَذَعَ (*а*) قَذْعٌ сўкмоқ, уришмоқ, коймоқ; III قَاذَعَ ўзаро уришишмоқ, сўкишишмоқ; жанжаллашмоқ; IV أَقْذَعَ (*к. нидир*) сўкмоқ, уришмоқ, таҳқирламоқ (*туш. к. ёки* لِـ)

– قَذِيعَةٌ сўкиш, таҳқирлаш

– مُقْذِعٌ сўкувчи, уришувчи, таҳқирловчи; كَلِمَاتٌ ~ـــةٌ ҳақоратомуз сўзлар; сўкиш сўз

– مُقْذِعَاتٌ *кўп.* таҳқирлаш, сўкиш

قَذَفَ I قَذَفَ (*и*) قَذْفٌ 1) (*н. нидир*) ирғитмоқ, отмоқ, иткитмоқ, улоқтирмоқ (*туш. к. ёки* بِـ); 2) ташламоқ, ташлаб юбормоқ; ~ بِالْقَنَابِلِ бомбардимон қилмоқ, бомба ташламоқ; ~ بِهِ إِلَى (فِي) الشَّارِعِ кимнидир кўчага ҳайдамоқ, кўчага улоқтирмоқ (*уй соҳиби ҳақида*); 3) қўпормоқ, қўпориб олмоқ; 4) (*к. нидир*) айбламоқ, ёмонламоқ, ёмонга чиқармоқ (فِي); (*к. гадир*) бўҳтон қилмоқ (فِي); ~ فِي حَقِّهِ عَلَنًا кимнидир ошкора бадном қилмоқ, иснод қилмоқ; 5) эшкак эшмоқ; ◊ ~ الْمَحَجَّةَ فِي قَلْبِهِ кимнингдир юрагига ўт ташламоқ; ~ فِي قَلْبِهِ الرُّعْبَ кимнингдир юрагига хавф солмоқ; II قَذَّفَ эшкак эшмоқ; VI تَقَاذَفَ 1) (*н. нидир*) бир-бирига ўзаро отишмоқ (بِـ); ~تْهُ الْأَمْوَاجُ тўлқинлар уни ҳар томонга тортиб кетди; 2) бир-бири билан айтишмоқ, сўкишмоқ; VII اِنْقَذَفَ (*бирор томонга*) ирғитилмоқ, отилмоқ, суриб юборилмоқ

– تَقْذِيفٌ эшкак эшиш

– قَاذِفٌ 1) ирғитувчи, отувчи; قَاذِفَاتُ اللَّهَبِ *ҳарб.* ўтсочар, огнемёт; 2) ташловчи, ташлаб юборувчи; قَاذِفَاتُ الْقَنَابِلِ бомбардимончи (*самолётлар ҳақида*); قَاذِفَاتُ الْأَلْغَامِ миномёт; 3) сўкувчи, таҳқирловчи

– قَاذِفَةٌ *кўп.* ـــاتٌ бомбардимончи

– قَاذُوفٌ 1) ёй; 2) камонга ўхшаш қадимий қурол, арбалет

– قَذَّافٌ отувчи, ирғитувчи, ташловчи

– قَذْفٌ 1) ирғитиш, отиш, улоқтириш; ~ الْجُلَّةِ *спорт.* ядро ирғитиш; الـــ~ بِالْقَنَابِلِ бомбардимон қилиш; 2) таҳқирлаш, бўҳтон қилиш, ҳақоратлаш

– قُذْفَةٌ *кўп.* قُذَفٌ, قُذُفَاتٌ, قِذَافٌ балкон, айвон

– قَذْفِيٌّ бўҳтоннамо, таҳқирли

– قَذِيفَةٌ *кўп.* قَذَائِفُ тўп ўқи, замбарак ўқи; отилган снаряд; ракета; قَذَائِفُ مُوَجَّهَةٌ (مُسَيَّرَةٌ) ~ خَارِقَةُ الدُّرُوعِ бронтешар снаряд; бошқариладиган снарядлар; كَوْنِيَّةٌ مُوَجَّهَةٌ ~ бошқариладиган космик ракета; انْطَلَقَ كَـ~ *маж.* ўқдек учиб кетмоқ

– مِقْذَافٌ *кўп.* مَقَاذِيفُ эшкак; ◊ بَيْتُ الْـ~ эшкак қулоғи (*қайиқ ёнига эшкак ўрнатиладиган айри*)

– مِقْذَفٌ *кўп.* مَقَاذِفُ эшкак

– مَقْذُوفٌ 1) ташланадиган; 2) ташлаб юбориладиган, ирғитиладиган; улоқтириладиган; 3) (*гильзасиз*) снаряд, бомба; ~ نَارِيٌّ отиладиган снаряд; ўқ; سَهْمِيٌّ ~ стабилизаторли снаряд

– مَقْذُوفَاتٌ *кўп.* (*заҳарли моддалар ва ҳ. к. лар билан тўлдирилган*) снарядлар, бомбалар

قَذَالٌ *кўп.* قُذُلٌ, أَقْذِلَةٌ энса, гардан

– قَذَالِيٌّ энсага, гарданга оид

– قَذَلٌ нуқсон, камчилик, айб

I قَذِيَ (а) قَذًى чўп тушмоқ, чанг тушмоқ; ~تِ الْعَيْنُ кўзга бир нарса тушди; II قَذَّى кўзга ниманидир туширмоқ, кўзни ифлос қилмоқ; 2) (*кўздаги ёки сувдаги*) гардни олиб ташламоқ; IV أَقْذَى = II 1); 2) чанг туширмоқ, гард туширмоқ, чўп туширмоқ

– قَذَاةٌ *кўп.* قَذًى (*кўзга тушган*) гард; رَأَى الْـ~ فِي عَيْنِ أَخِيهِ وَ نَسِيَ الْجِذْعَ فِي عَيْنِهِ *қар.* جِذْعٌ; فِي الْعَيْنِ ~ *кўч. м.* ошга тушган пашша

– قَذًى *жам. кўп.* أَقْذَاءٌ, أَقْذِيَةٌ чўп, хас, гард; أَغْضَى عَلَى الْـ~ хафачиликни яширмоқ (*сўзма-сўз:* хас тушган кўзни юммоқ)

– قَذِيٌّ гард тушган, хас тушган; رَجُلٌ ~ُ الْعَيْنِ кўзига бирор нарса кирган одам

I قَرَّ[1] (قر) (а/и) قَرَارٌ 1) қолмоқ, қарор топмоқ; (*қаергадир*) кўчиб келмоқ, турғун бўлиб қолмоқ (فِي, ب); 2) тўхтамоқ, тинмоқ, босилмоқ, тинчиб қолмоқ; ~ لَهُ قَرَارٌ у тинчиди; 3) дам олмоқ; 4) иқрор бўлиб, бўйнига олмоқ, эътироф қилмоқ; 5) хирилламоқ, хур-хур қилмоқ, ғулдирамоқ, қулдирамоқ; ~تْ بَطْنُهُ унинг қорни қулдирамоқда; ◊ ~ رَأْيُهُ عَلَى ... у шундай хулосага келдики, ...;

قَرَّ[2] (и/а, и) قَرٌّ 1) совуқ бўлмоқ, совимоқ, салқин бўлмоқ; 2) мусаффо бўлмоқ, тозаланмоқ; ◊ ~تْ عَيْنُهُ ёки عَيْنًا ~ у (*н. дандир*) мамнун (ب); II قَرَّرَ 1) қарор қилмоқ, ҳал қилмоқ, келишмоқ; *юр.* муҳокамага қўймоқ, тавсия қилмоқ; 2) аниқламоқ, белгиламоқ; يُقَرِّرُ الشَّعْبُ مَصِيرَهُ халқ ўз тақдирини ўзи белгилайди; 3) тасдиқламоқ, тасдиқлаб бермоқ; 4) қайд қилмоқ, таъкидламоқ; ~ الْوَاقِعَ фактни қайд қилмоқ; 5) тайинламоқ, жорий қилмоқ; 6) доклад қилмоқ; ҳисобот тақдим қилмоқ; 7) гувоҳлик бермоқ (*судда-гувоҳ ҳақида*); бўйнига қўймоқ, тан олдирмоқ; 8) жойлаштирмоқ; 9) совутмоқ, салқин қилмоқ; III قَارَّ ҳаракатсиз бўлмоқ, турғун бўлмоқ, ҳаракатсиз ўтириб қолмоқ; IV أَقَرَّ 1) ўрнатмоқ, қўймоқ; 2) (*к. нидир қаергадир*) жойлаштирмоқ, ўрнаштирмоқ (فِي); 3) (*қарорни*) тасдиқламоқ; 4) (*н. нидир*) бўйнига олмоқ, тан олмоқ (ب), (*н. нидир*) эътироф қилмоқ (ب); بِالْحَقِّ ~ ҳақиқатни тан олмоқ; بِالْجَمِيلِ ~ кимгадир миннатдорлик изҳор қилмоқ; 5) тозаламоқ, янгиламоқ; (*к. нидир*) хурсанд (мамнун) қилмоқ; عَيْنَهُ ~ кўзни қувонтирмоқ; V تَقَرَّرَ 1) ўрнатилмоқ, барқарор бўлмоқ; 2) қарор қилинмоқ, ҳал қилинмоқ; X اسْتَقَرَّ 1) тасдиқ бўлмоқ, тасдиқланмоқ; قَرَارٌ ~ қарор қатъийлашди, қатъий тусга кирди; مَعْنَى شَيْءٍ ~ ниманингдир маъносини аниқламоқ; 2) (*қаергадир*) жойлашмоқ, ўрнашмоқ (فِي); فِي مَكَانِهِ ~ жойлашиб ўтириб олмоқ; 3) мустаҳкам (барқарор) бўлмоқ, стабиллашмоқ; 4) хотиржам бўлмоқ, кўнгли жойига тушмоқ; 5) ҳаракатсиз бўлмоқ; 6) кўчмас бўлмоқ (*мулк ҳақида*)

– اسْتِقْرَارٌ 1) ҳаракатсизлик; 2) барқарорлик; стабиллик, мустаҳкамлик; عَدَمُ ~ беқарорлик, чидамсизлик; ~ُ الْأَحْوَالِ вазиятнинг барқарорлашиши

– إِقْرَارٌ 1) йўл қўйиш, рухсат бериш; 2) ўрнатиш, жорий қилиш; ~ُ السَّكِينَةِ тинчитиш, яраштириш, битиштириш; ~ُ السَّلَامِ тинчликни барқарорлаштириш; 3) тан олиш, эътироф қилиш; السُّكُوتُ مِنَ الْـ~ сукут – аломати ризо (*сўзма-сўз:* сукут сақлаш эътироф қилишдандир); جُمْرُكِيٌّ ~ *савдо.* божхонада бож олиниши керак бўлган моллар декларацияси; 4) жойлаштириш, ўрнаштириш; 5) иқрор қилиш

– تَقْرِيرٌ *кўп.* ـاتٌ, تَقَارِيرُ 1) қарор; 2) доклад, ҳисобот; ~ُ الْمَصْرِفِ банк ҳисоботи; سَنَوِيٌّ ~ йиллик ҳисобот; 3) билдириш, билдиришнома; قَدَّمَ ~ًا (*бирор н. ҳақида*) рапорт тақдим қилмоқ (عَنْ); ◊ ~ُ الْمَصِيرِ а) тақдирни аниқлаш; б) ўз тақдирини ўзи белгилаш

– قَارٌّ 1) совуқ, салқин; 2) ҳаракатсиз, турғун

– قَارَّةٌ *кўп.* ـاتٌ қитъа, материк; الْـ~ السَّوْدَاءُ Африка; الْقَارَّاتُ الْخَمْسُ дунёнинг беш қитъаси; الْـ~ السَّادِسَةُ олтинчи қитъа (Антарктида); حَافَّةُ الْـ~ қитъанинг сув чегараси

– قَارِّيٌّ қитъа (материк) га оид; جَرْفُ الْـ~ *қар.* جَرْفٌ; النِّظَامُ الْـ~ *тар.* континентал система

– قَارُورَةٌ *кўп.* قَوَارِيرُ 1) бутилка; 2) *кўч. м.* аёл киши; رِفْقًا بِالْقَوَارِيرِ *кўч. м.* аёлларга муносабатда юмшоқ бўлайлик!

– قُرٌّ[1] совуқ; салқин

– قُرٌّ[2]: يَوْمُ الْـ~ қурбонликдан кейинги кун

– قُرٌّ совуқлик, салқинлик

– قَرَار *кўп.* اتٌ — 1) қарор, резолюция; *юр.* ҳукм, ҳукмнома; اِتَّخَذَ ~ا қарор қабул қилмоқ; الـ~ الظَّنِّيُّ *ёки* ~ الاِتِّهَام *юр.* айбнома; 2) қаър, чуқурлик, чуқур; остки қисм, туб; لَا ~ لَهُ тубсиз; 3) тинчлик, осойишталик; لَا يَهْدَأُ لَهُ ~ *ёки* لَا يَسْتَقِرُّ لَهُ ~ у тиниб-тинчимайди, у тинч (хотиржам) ўтирмайди; لَا يَسْتَقِرُّ لَهُ ~ حَتَّى ... у ...гунча кўнгли жойига тушмайди; 4) манзилгоҳ, қароргоҳ; 5) турар-жой; 6) *муз.* нақарот; ◊ دَارُ الـ~ нариги дунё

– قَرَارَة *кўп.* قَرَار 1) чуқурликдаги водий; 2) чуқурлик, туб, қаър; فِي ~ النَّفْسِ кўнгилнинг тўр-тўрида

– قَرَارِيٌّ 1) моҳир уста, моҳир ҳунарманд; 2) моҳир ғишт терувчи

– قُرَّة бақа боласи, курбақача, бақача

– قُرَّة 1) салқинлик, сўлимлик; 2) *бот.* сувда ўсадиган крес (*газак қилинадиган ўсимлик*) ◊ ~ العَيْنِ а) шодлик, хурсандлик; б) кўз қорачиғи

– قُرّ = قُرَّة

– قَرِير салқин, сўлим; ◊ ~ العَيْنِ хурсанд; мамнун

– مُسْتَقَرّ 1) келиб тушилган жой, масқан

– مُسْتَقِرّ мустаҳкам, барқарор, маҳкам; саботли, чидамли, тугун; غَيْر ~ субутсиз, беқарор, чидамсиз

– مَقَرّ *кўп.* اتٌ —, مَقَارّ келиб тушилган жой, турган жойи (*ўрни*), қароргоҳ, резиденция; ~ الحُكُومَةِ ҳукумат резиденцияси; ~ (مُنَظَّمَة) الأُمَمِ المُتَّحِدَةِ БМТ қароргоҳи (*штаб-квартираси*); ~ عَمَلِهِ кимнингдир доимий иш жойи; ~ النُّحَاسِ мис кони; ~ الوَظِيفَةِ хизмат жойи; ◊ ~ القِيَادَةِ штаб; ~ السُّلْطَةِ пойтахт; الـ~ الأَخِير гўр, қабр

– مُقَرِّر докладчи, маърузачи

– مُقَرَّر 1) аниқ, аниқланган; белгиланган, ўрнатилган, қайд этилган; ҳал қилинган, келишилган; ... مِنَ الـ~ أَنْ ...га қарор қилинган; ... ҳал бўлган; أَسْعَارٌ ~ة қатъий белгиланган нархлар; 2) солиқ; الأَمْوَالُ الـ~ة бевосита солиқлар; غَيْرُ الـ~ة бевосита солиқлар; خَارِجَ الـ~ дастурдан ташқари, программага киритилмаган (кирмаган)

– مُقَرَّرَات *кўп.* 1) қарорлар; 2) (*имтиҳон топшириш учун*) дастурий талаблар

– مَقْرُور совуқда қолган, совуқда қотган; совқотган, музлаб қолган

قَرَابَاذِين дори тайёрлаш (*сақлаш, касалларга ёзиб бериш*) га оид қўлланма, фармакология

قَرَاجُوز *қар.* قَرَه كُوز

قَرَاقُوش 1) бургут; 2) *фольклордаги ат.* *от.* Қорақуш (*ўзбеклардаги бойқушга мос*); *кўч.* *м.* адолатсиз қози (*судя*)

– قَرَاقُوشِيّ адолатсиз, ноодил; حُكْم ~ адолатсиз ҳукм

قَرَأَ I (قرأ) (а) قِرَاءَة 1) ўқимоқ, ўқиб чиқмоқ; ~ بِصَوْتٍ مَسْمُوعٍ *ёки* ~ جَهْرًا овоз чиқариб ўқимоқ; ~ سِرًّا ичида ўқимоқ, овоз чиқармай ўқимоқ; ~ فِي الكِتَابِ китобдан ўқимоқ; ~ الفَاتِحَةَ Қуръоннинг 1-сураси "Ал-Фотиҳа"ни ўқимоқ (*ютуқ, омад, бахт рамзи сифатида*); ~ الغَيْبَ башорат қилмоқ, олдиндан айтмоқ; 2) ўрганмоқ; (*к. нингдир олдида н. нидир*) ўрганмоқ (عَلَى); قَرَأَ (а) قُرْآن, قَرْء жамламоқ; бир-бирига қўшмоқ; ◊ ~ هُ السَّلَامَ кимгадир салом бермоқ; II قَرَّأَ ўқитмоқ, зўрлаб ўқитмоқ; 2) ўқишни ўргатмоқ; IV أَقْرَأَ 1) ўқитмоқ, зўрлаб ўқитмоқ; ~ هُ القُرْآنَ кимгадир Қуръон ўқишни ўргатмоқ; 2) ўқишга имкон бермоқ; ◊ ~ هُ السَّلَامَ кимгадир салом айтмоқ; VII اِنْقَرَأَ ўқилмоқ; X اِسْتَقْرَأَ 1) ўқиб чиқишни илтимос қилмоқ; 2) ўрганмоқ, тадқиқ қилмоқ

– اِسْتِقْرَاء (*шунингдек, қар.* قرو) 1) ўқиб беришни илтимос қилиш; 2) тадқиқ қилиш, ўрганиш; 3) *фалс.* айрим фактлардан умумий хулосага келиш, индукция

– قَارِئ *кўп.* قُرَّاء, قَرَأَة 1) (*н. нидир*) ўқувчи; қори, Қуръон ўқувчи; 2) китобхон; قُرَّاءُ العَرَبِيَّةِ а) арабча ўқийдиганлар; б) арабийхонлар; نَضَعُ هَذِهِ المَقَالَةَ بَيْنَ أَيْدِي قُرَّاءِ العَرَبِيَّةِ бу мақолани арабийхонларга ҳавола қиламиз; ◊ ~ البَخْتِ фолбин, ромчи; ~ الكَفِّ кафтдаги чизиқларга қараб фол очувчи

– قُرَّاء *кўп.* قَرَائِيّ, قُرَّاؤُونَ таркидунё қилган одам, ибодат билангина яшайдиган одам

– قِرَاءَة 1) ўқиш, Қуръони карим қироати; الـ~ وَالكِتَابَةُ ўқиш ва ёзиш; 2) (*мас., термометр ёки барометрнинг*) кўрсатиши; ◊ ~ البَخْتِ фол очиш, фолбинлик; ~ الكَفِّ кафтдаги чизиқларга қараб фол очиш

– قَرْء[1] ой кўриш, ҳайз

– قَرْء[2] пок бўлиш, покизаланиш

– قَرْء *кўп.* أَقْرَاء 1) *шеър.* вазн, ўлчов, ритм; 2) (*аёллардаги*) ой кўриш

– قُرْآن ўқиш, қироат қилиш; الـ~ الكَرِيمُ, الشَّرِيفُ Қуръони карим

– قُرْآنِيّ Қуръони каримга оид, қуръоний; الآيَاتُ الـ~ة Қуръони карим оятлари

– مَقْرَأ, مَقْرَأَة *кўп.* مَقَارِئُ ибодатхона; Қуръони карим тиловат қилиш жойи

– مِقْرَأ китоб қўйиладиган қия мослама

– مَقْرُوء 1) ўқилган, ўқиладиган; 2) ўқишга қулай, осон; غَيْر ~ ўқилиши қийин

– مَقْرُوءَات *кўп.* ўқиб чиқиладиган нарсалар

– مُقْرِئ 1) қори, тиловат қилувчи; 2) Қуръони карим тиловатини ўргатувчи устоз

– مَقْرُوءٌ = مَقْرِيٌّ

I قَرُبَ (у) قُرْبٌ ёки قُرْب (а) قُرْبَانٌ 1) яқин бўлмоқ, яқинлашмоқ; اِنْتَظَرَ مَا يَقْرُبُ مِنَ السَّاعَةِ у бир соат чамаси кутди; 2) (*к. гадир*) яқин келмоқ (مِنْ إِلَى); кириб келмоқ, бўлмоқ (*вақт ҳақида*) II قَرَّبَ (*бирор н. га*) яқинлаштирмоқ, яқин қўймоқ (مِنْ); (*к. нидир к. биландир*) ёнма-ён қўймоқ, тенглаштирмоқ (بَيْنَ وَ بَيْنَ); 2) қурбонлик қилмоқ, қурбон қилмоқ; ~ الْقَرَابِينَ (*к. учундир*) қурбонликлар қилмоқ (إِلَى); 3) яқин бўлмоқ, яқинлашмоқ; 4) қинга жойламоқ; солмоқ; III قَارَبَ 1) яқин келмоқ, яқинлашмоқ; 2) (*бирор н. га ҳозирги-келаси замон феъли билан*) тайёр турмоқ; 3) (*к. нидир к. биландир*) ёнма-ён қўймоқ, тенглаштирмоқ (بَيْنَ وَ); яқинлашмоқ, тенглашмоқ, ўхшамоқ; IV أَقْرَبَتْ ой-куни яқинлашмоқ, бошланиш арафасида бўлмоқ; V تَقَرَّبَ (*к. гадир, н. гадир*) яқин келмоқ, яқинлашмоқ (إِلَى); 2) (*к. гадир*) яқин муносабатда бўлишнинг йўлини қидирмоқ (إِلَى) VI تَقَارَبَ ўзаро яқинлашмоқ; бир-бирига яқинлашмоқ; VIII اِقْتَرَبَ (*к. гадир, н. гадир*) яқинлашмоқ, яқин бўлмоқ (مِنْ); X اِسْتَقْرَبَ 1) яқин ҳисобламоқ; 2) энг яқин йўлни танламоқ

– أَقَارِبُ *кўп.* қариндош-уруғлар, қариндошлар

– اِقْتِرَابٌ 1) яқинлашиш, яқин бўлиш; 2) яқинлик

– أَقْرَبُ энг яқин; ~ الْمُقَرَّبِينَ (*к. гадир*) энг яқин (إِلَى); فِي ~ وَقْتٍ энг яқин фурсатларда, яқин ўртада; بِأَقْرَبِ مَا يُمْكِنُ иложи бор энг яқин фурсатда

– تَقَارُبٌ 1) ўзаро яқинлашиш; 2) яқинлик; *мат. биол.* турли организмларда бир хил ташқи муҳит таъсирида ўхшаш белгиларнинг пайдо бўлиши, конвергенция

– تَقْرِيبٌ яқинлаштириш; ◊ ~ًا ёки بِالـ~ ёки عَلَى الـ~ ёки عَلَى وَجْهِ الـ~ ёки بِوَجْهِ الـ~ тахминан, тақрибан, деярли

– تَقْرِيبِيٌّ тахминий, тақрибий; بِصُورَةٍ ~ـةٍ тахминан, тақрибан

– قَارِبٌ *кўп.* قَوَارِبُ қайиқ; *спорт.* пойга қайиғи; ~ُ النَّجَاةِ қутқарув қайиғи; ~ مَطْوِيٌّ йиғиладиган қайиқ, йиғма қийиқ; ~ بِمُحَرِّكٍ ёки ~ نَارِيٌّ моторли қайиқ; ~ سَرِيعٌ тезюрар қайиқ, катер; ~ بُخَارِيٌّ буғ билан юрадиган катер; ◊ ~ُ الصَّلْصَةِ зиравор қайла идиши, қайладон; ~ُ الزُّبْدَةِ мой идиш

– قِرَابٌ *кўп.* ~ اتٌ, قُرُبٌ 1) қин, ғилоф; 2) тўппонча ғилофи, кобура

– قَرَابَةٌ 1) яқинлик, қариндошлик; ذُو ~ қариндош; ~ بَيْنَهُمَا у иккиси қариндошлардир; دَرَجَةُ الـ~ қариндошлик даражаси; ~ُ رَحِمٍ она томонидан қариндошлик; ~ُ عَصَبٍ *қар.* عَصَبٌ

– قُرَابَةٌ 1) тахминийлик, тақрибийлик; ◊ ~ тахминан, тақрибан; مُنْذُ ~ عِشْرِينَ عَامًا тахминан йигирма йиллар илгари

– قُرْبٌ 1) қариндошлик; 2) яқинлик; ~ُ الْمَسَافَةِ масофанинг яқинлиги; بِـ~ـهِ унинг яқинида; بِالـ~ مِنْ ... ...нинг ёнгинасида; عَنْ ~ яқинида; ~ тахминан, чамаси; ёнида; ~ كَذَا шулар атрофида; ~ عَامَيْنِ икки йиллар чамаси; 3) қўшнилик

– قُرْبَانٌ *кўп.* قَرَابِينُ 1) қурбон; قَدَّمَ الـ~ қурбон қилмоқ; 2) Аллоҳ таолога яқинлашиш воситаси

– قُرْبَةٌ = قُرْبَانٌ 3)

– قِرْبَةٌ *кўп.* قِرَبٌ 1) меш, сув сақланадиган тери халта; 2) *шунингдек.* مِزْمَارُ الـ~ *муз.* дам билан чалинадиган чолғу асбоби; مَقْطُوعَةٍ ~ نَفَخَ فِي *мқл.* ўғирчада сув туймоқ (*сўзма-сўз:* тешик асбобни пуфлаб чалмоқ); ◊ هَطَلَ الْمَطَرُ كَأَفْوَاهِ الْقِرَبِ ёмғир пақирлаб қуйди

– قُرْبَى 1) яқинлик; қариндошлик, қариндош-уруғлик; 2) ذَوُو الـ~ қариндошлик; 3) худо йўлига қилинган хайрли иш

– قَرَبِيٌّ *кўп.* قَرَبِيَّةٌ меш тайёрлайдиган уста; мешфуруш

– قَرَبِينَةٌ *кўп.* ~ اتٌ карабин

– قَرِيبٌ[1] *кўп.* أَقْرِبَاءُ қариндош, қариндош-уруғ

– قَرِيبٌ[2] яқин, узоқ бўлмаган; ~ُ الْعَهْدِ яқингинада бўлиб ўтган, кечагина; فِي الـ~ الْعَاجِلِ яқин кунларда, яқин келажакда; عَنْ ~ ёки عَمَّا ~ ёки ~ًا тез кунда, яқин кунларда; لَا يَتَعَلَّقُ هٰذَا بِهِ مِنْ ~ أَوْ بَعِيدٍ бунинг унга ҳеч бир алоқаси йўқ; لَا يُمَثِّلُ الشَّرِكَةَ مِنْ ~ وَلَا عَنْ بَعِيدٍ у киши фирманинг ҳеч бир ваколатига эга эмас

– قَرِيبٌ[3] масофа

– مُتَقَارِبٌ мутақориб (*аруз вазни баҳрларидан бирининг номи*)

– مُتَقَرِّبٌ яқинлашган, яқин

– مُقَارِبٌ 1) (*бирор н. га*) яқинлашиб келаётган (إِلَى); яқин; 2) ўртача, ўртамиёна

– مُقَارَبَةٌ яқинлик; яқин келажак; أَفْعَالُ الـ~ *грам.* иш-ҳаракатнинг яқин келажакда амалга ошишини билдирувчи феъллар (كَادَ *ва ҳ.к.*)

– مُقَرَّبٌ 1) яқинлашган, яқин; 2) яқин одам; эркатой, арзанда

– مَقْرَبٌ *кўп.* مَقَارِبُ энг яқин йўл

– مَقْرَبَةٌ яқинлик; عَلَى ~ مِنْ ... ...нинг яқинида

قَرَبُوسٌ ёки قَرْبُوسٌ *кўп.* قَرَابِيسُ эгарнинг қоши; ~ أَمَامِيٌّ эгарнинг олдинги қоши; ~ خَلْفِيٌّ эгарнинг орқа қоши

قَرَبُوسٌ = قَرْبُوصٌ *кўп.* قَرَابِيصُ

قَرْبَطَ 1) хасис бўлмоқ, хасисланмоқ, бахил бўлмоқ; 2) тежамоқ

– قَرْبَطَةٌ 1) хасислик, пишиқлик; 2) тежаш, тежаб-тергаш, экономия

قَرْبَعَ бир симиришда ичиб юбормоқ, сипқармоқ

– قَرْبَعَةٌ бир симиришда (нафас олмасдан) ичиб юбориш, сипқариш

I قَرَتَ (у) قُرُوتٌ қуюлиб қолмоқ, ивиб қолмоқ (*қон ҳақида*)

– قَرِتٌ қуюлган (ивиган) қон

I قَرَحَ (а) قَرْحٌ (قَرِحَ) (а) قَرْحٌ ярадор қилмоқ, жароҳатламоқ; قَرِحَ (а) яра (чақа) тошмоқ; قَرَحَ (а) قُرُوحٌ, قِرَاحٌ беш ёшли бўлмоқ (*ҳайвонлар ҳақида*); II قَرَّحَ яра-чақа тошишига сабаб бўлмоқ; IV أَقْرَحَ = I; V تَقَرَّحَ яра тошмоқ, илинмоқ, сидирилмоқ; VIII اِقْتَرَحَ 1) (*к. гадир*) таклиф қилмоқ, таклиф билан чиқмоқ, қарорни таклиф қилмоқ (عَلَى); 2) қонун асосидаги ташаббус билан (*қонун лойиҳасини*) таклиф қилмоқ; 3) олдиндан тайёргарликсиз гапирмоқ; 4) (*к. дандир н. нидир*) талаб қилмоқ (عَلَى, *туш, к. ёки* بِ); ўйлаб чиқармоқ, кашф (ихтиро) этмоқ

– اِقْتِرَاحٌ *кўп.* ـاتٌ — 1) таклиф; ~ مُعَاكِسٌ қарши таклиф, муқобил таклиф; 2) қарор, резолюция; 3) қонун асосидаги ташаббус билан таклиф қилиш (*қонун лойиҳасини*); حَقُّ ~ القَوَانِينِ қонун асосидаги ташаббускорлик ҳуқуқи

– قَارِحٌ[1] *кўп.* قَوَارِحُ 1) катта бўлган, етилган (*ҳайвон*); 2) беш ёшли (*ҳайвон ҳақида*); 3) тиши чиқа бошлаган (*от*)

– قَارِحٌ[2] 1) тажрибали; 2) қув, айёр, билағон, эпчил, уддабурон, ўткир; ~ النَّفْسِ жасур, довюрак; ◊ ~! қандай суллоҳ!

– قَرَاحٌ 1) соф, бирор нарса аралашмаган; الْمَاءُ الْـ~ тоза, тиниқ сув; 2) на иморат, на бирор дарахт йўқ бўлган экинзор

– قَرِحٌ яра-чақа тошган; яра-чақа босган

– قَرْحٌ, قُرْحٌ *кўп.* قُرُوحٌ яра, чақа; шилинган, сидирилган жой; ~ الْفِرَاشِ ётаверишдан увишиб жонсиз бўлиб қолган жой; ◊ عُودُ الْـ~ пиретрум (*тоғ мойчечагидан тайёрланадиган яра-чақага қарши ишлатиладиган упасимон модда*)

– قُرْحٌ яранинг оғриғи, жароҳат азоби

– قُرْحَانُ чечак тошган одам; ~ بَعِيرٌ ҳали кўтир бўлмаган туя

– قُرْحَةٌ *кўп.* ـاتٌ, قُرَحٌ — яра, чақа, йиринг; ~ الأُنْثَى عَشَرَ ўн икки бармоқли ичак яраси; ~ فِي الْمَعِدَةِ ошқозон яраси; الْـ~ الْخَبِيثَةُ хатарли (саратонли) яра; الْـ~ الشَّرْقِيَّةُ тери лейшманиози (*касаллик*); الْـ~ الزُّهْرِيَّةُ захм касали, сифилис; الْـ~ الزُّهْرِيَّةُ الرِّخْوَةُ юмшоқ захм (*захм касаллигининг бошланиши*); الْـ~ الصُّلْبَةُ қаттиқ захм (*захм касаллигининг давоми*)

– قَرِيحٌ *кўп.* قَرْحَى 1) ярадор; 2) тоза, соф (*сув ҳақида*); ~ مَاءٌ булоқ суви

– قَرِيحَةٌ[1] *кўп.* قَرَائِحُ туғма қобилият; ақл; талант эгаси; доҳий

– قَرِيحَةٌ[2] қудуқдан олинган дастлабки сув

– مُتَقَرِّحٌ яра-чақа тошиб кетган

– مُقْتَرَحٌ *кўп.* ـاتٌ — таклиф, қарор

– مُقَرَّحٌ яра-чақа тошиб кетган

II قَرَّدَ (قرد) 1) (*ҳайвондаги*) каналарни йўқотмоқ; 2) алдамоқ, ёлғон гапирмоқ; IV أَقْرَدَ каналарга ем бўлмоқ

– قُرَادٌ *жам. кўп.* قِرْدَانٌ *зоол.* кана; أَبُو قِرْدَانٍ оқ кўтон; أَبُو قِرْدَانِ مِصْرَ лайлакка ўхшаш узуноёқ қуш

– قَرَّادٌ 1) маймун ўйнатувчи; 2) маймунлар бошлиғи

– قَرَّادٌ = قُرَدَاتِيٌّ, قُرَادَاتِيٌّ

– قُرَادَةٌ *кўп.* ـاتٌ — кана

– قَرَّادٌ = قُرَدَاتِيَّةٌ *кўп.* قُرَدَانِيٌّ

– قِرْدٌ *кўп.* قُرُودٌ, قِرَدَةٌ (*думсиз*) маймун; ~ مُذَنَّبٌ *ёки* ~ طَوِيلُ الذَّنَبِ узун думли кичик маймун, мартишка; ~ إِنْسَانِيٌّ одамсимон маймун, петикантроп; ~ مَدَغَشْقَرَ ярим маймун, лемур; الْـ~ فِي عَيْنِ أُمِّهِ غَزَالٌ *мқл.* боласини қўнғиз ҳам оппоғим дер, типратикан силлиғим (юмшоғим) дер (*сўзма-сўз:* маймун онасининг кўзида оҳудир)

– قُرَادٌ = قُرْدٌ

– قُرَادَةٌ = قُرَدَاتٌ *кўп.* قُرْدَةٌ

قَرْدَاحِيٌّ *кўп.* قَرَادِحَةٌ қурол-аслаҳа ясовчи уста

– قُرْدُحَةٌ кекирдак олмаси, кўштомоқ

– قُرْدُوحٌ бабуин (*маймун жинси*)

قُرَيْدِسٌ *жам.* майда қисқичбақалар (*Сурияда*)

I قَرِسَ (а) قَرَسٌ *ёки* قَرَسَ (у) قَرْسٌ музламоқ, яхламоқ, музга айланмоқ; қаҳратон совуқ бўлмоқ; II قَرَّسَ 1) совутмоқ, музлатмоқ; 2) музлатиб қўймоқ, тўнглатиб юбормоқ; IV أَقْرَسَ = I

– قَارِسٌ жуда совуқ, қаҳратон

– قَارُوسٌ денгиз оладуғаси (*балиқ*)

– قَرَاسِيَا қора олхўри

– قَرْسٌ кучли совуқ, қаҳратон

– قَارُوسٌ = قَرُوسٌ

– قَرِيسٌ қотган, қотиб қолган; ~ جُبْنٌ қотган пишлоқ

I قَرَشَ (у) قَرْشٌ 1) чақмоқ, қарс-қурс қилиб чақмоқ, чақиб емоқ (*мас., бодомни*); 2) (*бирор к. учун*) топмоқ, қўлга киритмоқ (لِـ); II قَرَّشَ топмоқ, қўлга киритмоқ; III قَارَشَ аралашмоқ, суқилмоқ; IV أَقْرَشَ бой бўлмоқ, бойимоқ; VI تَقَارَشَ (*бирор н. га*) аралашмоқ, суқилмоқ; VIII اِقْتَرَشَ топмоқ, қўлга киритмоқ, олмоқ, эгалик қилмоқ

– قَرْشٌ ишлаб топиш, ишлаб ҳақ олиш

– قِرْشٌ[1] *кўп.* قُرُوشٌ қирш, пиастр; ~ صَاغٌ катта қирш; ~ تَعْرِيفَةٌ кичик қирш, ярим қирш

– قِرْش[2] кўп قُرُوش акула; الـ~ أَبُو مِنْشَار аррабалиқ

– قُرَيْشِيّ = قُرَشِيّ

– قَرِيش: الْجُبْن الـ~ янги пишлоқ

– قِرْش[2] = قُرَيْش

– قُرَيْش қурайшийлар, қурайш қабиласига мансуб одамлар

– قَرِيشَة 1) сузма, творог; 2) қариша (*пишлоқ турларидан бири*)

– قُرَيْشِيّ қурайший; لُغَة ~ ــيَّة қурайшийлар тили

– مُقَرِّش бойиб кетган, бой, давлатманд, бадавлат

I قَرَصَ (у) قَرْص 1) чимчиламоқ, чимдиламоқ; чақмоқ, чақиб олмоқ; قَرَصَتْهُ الْحَاجَة ~ *маж.* ўта мўҳтож бўлмоқ; 2) азобламоқ, алам ўтказмоқ; 3) (*обиноннинг хамирини*) ёймоқ, расламоқ (*Наманган шеваси*); زَهْرَ النَّرْد ~ нард ўйинида тошлар билан фирибгарлик қилмоқ; II قَرَّصَ 1) чимчиламоқ, чимдиламоқ; чақавермоқ, кўп марта чақмоқ; 2) обинон емоқ; VII انْقَرَصَ чақилмоқ, чақилиб ташламоқ (*чивин ёки ари томонидан*)

– قَارِص 1) чимчиб оладиган, чимдилайдиган; чақувчи, чақиб олувчи; 2) азоб берувчи, қийнайдиган; ◊ قَوَارِصُ الْكَلَام қўпол (дағал) гаплар

– قُرَّاص *жам.* қичитқи ўт, газанда ўт

– قُرَّاصَة кўп. ـات қичитқи ўтнинг танаси

– قَرَّاصَة омбир; кана

– قَرَاصِيَة = قَرَاسِيَا *қар.* قرس

– قُرْص кўп. أَقْرَاص 1) лаппак, тўгарак, диск; التِّلِيفُون ~ телефон лаппаги (диски); الْجُبْنَة ~ бир думалоқ (лаппак) пишлоқ; الشَّمْس ~ қуёш гардиши; رَمْيُ (قَذْفُ) الـ~ *спорт.* диск иргитиш; 2) граммофон пластинкаси (лаппаги); أَقْرَاص مُسَجَّلَة патефон пластинкалари (лаппаклари); 3) таблетка, ҳаб дори; أَقْرَاص ضِدَّ السُّعَال йўтал дори; 4) олтин гардиш (*аёллар бош безаги*); ◊ ~ الْعَسَل мумкатак (*асали билан*)

– قَرْصَة 1) чимчилаш, чимчилаб олиш; чақиш, чақиб олиш; 2) чимчилашдан ҳосил бўлган мўматалоқ; 3) лом (*асбоб*)

– قُرْصَة кўп. قُرَص обинон

– قُرْصِيّ гардишли, диск шаклидаги; مِحْرَاث ~ диск шаклидаги плуг (омоч); الشَّكْل ~ дисксимон

– قُرَّاص = قُرَيْص: الدُّجَاج ~ *бот.* айиқтовон (*Сурияда*)

– قُرَيْصَة кўп. ـات 1) обиноннинг кичиги, кулча; 2) ҳабдори, юмалоқ дори

– مِقْرَاص кўп. مَقَارِيص 1) омбир, қисқич; 2) эгри пичоқ

قُرْصَان кўп. قَرَاصِين, قَرَاصِنَة қароқчи, денгиз қароқчиси; قَرَاصِنَة الْبِحَار денгиз қароқчилари

– قُرْصَانِيّ қароқчиликка оид

– قَرْصَنَة қароқчилик, денгиз қароқчилари; أَعْمَالُ الـ~ қароқчилик ҳатти-ҳаракатлари

– قَرْصَنِيّ қароқчиликка оид

I قَرَضَ (и) قَرْض 1) чақмоқ, чақиб олмоқ; кемирмоқ; 2) ўймоқ, ўйиб ташламоқ, еб ўймоқ; 3) олдини олмоқ, барҳам бермоқ; 4) кесмоқ, қирқмоқ, қирқиб ташламоқ; (*кийимни*) бичмоқ 5) (*шеър*) битмоқ, тўқимоқ; ◊ رِبَاطُهُ ~ у вафот этди; عَلَى أَسْنَانِهِ فِي النَّوْم ~ уйқуда тишини ғирчиллатди; II قَرَّضَ 1) чақмоқ, чақиб олмоқ; кемирмоқ; 2) ўймоқ, ўйиб ташламоқ; III قَارَضَ 1) ўзаро бир-бирига қарз бермоқ; 2) тижорат иши учун (*к. гадир*) пул бериб турмоқ; IV أَقْرَضَ қарз бермоқ, қарздор қилмоқ; кредит бермоқ; (*н. нидир*) олдидан ўтказиб қўймоқ; أَقْرِضُوا اللّٰهَ قَرْضًا حَسَنًا *қур.* эзгуликларни олдиндан Оллоҳ таолога ўтказиб қўйинглар! VI تَقَارَضَ бир-бирига қарз бермоқ, ўзаро айирбошламоқ; نَظَرَات ~ бир-бирига назар солмоқ; الثَّنَاء ~ бир-бирини мақтамоқ; VII انْقَرَضَ 1) узилиб қолмоқ, узилмоқ, бўлинмоқ; 2) қирилиб кетмоқ, тухуми қуримоқ, қирилиб битмоқ; йўқ бўлиб кетмоқ; VIII اقْتَرَضَ қарз олмоқ; заём чиқармоқ (*ҳукумат ҳақида*); X اسْتَقْرَضَ қарз сўрамоқ; заём чиқармоқ (*ҳукумат ҳақида*)

– اقْتِرَاض заём

– إِقْرَاض 1) қарз, ссуда, қарз бериш; 2) кредит бериш

– انْقِرَاض тўхташ; 2) қирилиш, тухуми қуриш; йўқ бўлиш

– قَارِض 1) чақувчи, чақиб олувчи; حَيَوَان ~ *зоол.* кемирувчи; 2) кўп. قَوَارِض *зоол.* кемирувчилар

– قَرَّاض темир йўл назоратчиси

– قَرَّاضَة 1) куя (*ҳашарот*); 2) компостёр

– قُرَاضَة қиринди, резги; қипиқ; الْحَدِيد ~ темир қириндиси

– قَرْض кўп. قُرُوض қарз, заём, ссуда; أَسْهُمُ الـ~ заём облигациялари; دَاخِلِيّ ~ ички, заём; طَوِيلُ الأَمَد ~ узоқ муддатли заём

– قَرَض араб акацияси пўстлоғи (*сол.* قَرَظ)

– قُرْضَة кесилган бир бурда нон

– قَرِيض шеърият, поэзия; шеърлар

– مِقْرَاض кўп. مَقَارِيض қайчи

– مِقْرَض кўп. مَقَارِض қайчи; التَّذَاكِر ~ контролёр қайчиси; ◊ ابْنُ ~ *зоол.* сассиққўзан

الصُّوف ~ жун қирқадиган қайчи

– مُقْرِض қарз берувчи, кредит берувчи, кредитор

– مُنْقَرِض 1) инқирозга учровчи; 2) йўқ бўлиб кетган

قِرْضَاب кўп. قَرَاضِبَة қилич

I قَرَطَ (у) قَرْط майдаламоқ, майда бўлакларга бўлмоқ; II قَرَّطَ 1) зирак (*исирға*) тақмоқ; 2) майдаламоқ; 3) (*к. нидир*) уйғотмоқ,

уйғотиб қўймоқ (عَلَى); 4) (*бирор к. га нисбатан*) қаттиққўл (бахил) бўлмоқ (عَلَى); 5) (*мас., галстукни*) боғламоқ; V تَقَرَّطَ зирак тақмоқ, исирға тақиб олмоқ; ◊ الشَّمْعَةَ ~ шамни тўғриламоқ; ~تْ بَطْنُهُ унинг қорни санчиб оғрияпти; X اِسْتَقْرَطَ аристократ (оқсуяк, аслзода) бўлмоқ

– أَقْرَطُ *мн.* قَرْطَاءُ *кўп.* قُرْطٌ 1) "р" ёки "л" товушини чучук талаффуз қиладиган; тутилиб гапирадиган, соқовланадиган

– تَقْرِيطٌ санчиқ, санчиб оғриш

– أَقْصَى мн. قُصْوَى кўп. أَقَاصٍ 1) энг узоқ, энг йироқ; الشَّرْقُ الْـ~ Узоқ Шарқ; أَقَاصِي الْأَرْضِ ер юзининг энг узоқ бурчаклари; 2) охирги, энг чегарадаги; максимал; الضَّرُورَةُ الْقُصْوَى ўта зарурият; ◊ الْجَامِعُ الْـ~ Ал-Ақсо масжиди (*Қуддуси шарифда*); مِنْ أَقْصَاهَا إِلَى أَقْصَاهَا (*ўлканинг*) у четидан бу четига, у томонидан бу томонига

– تَقَصٍّ ўрганиш, чуқур таҳлил қилиш

– قَاصٍ мн. قَاصِيَةٌ узоқдаги, йироқдаги; ◊ الْقَاصِي وَ الدَّانِي ёппасига, ялписига, истисносиз (*сўзма- сўз:* узоқдаги ва яқиндаги)

– قَصَاءٌ узоқ масофа, узоқлик, узоқ ер

– قَصْوَاءُ мн. 1) қулоғи қирқилган; شَاةٌ ~ қулоғи қирқилган қўй; 2) Муҳаммад алайҳиссаломнинг туялари номи

– قَصِيٌّ кўп. أَقْصَاءٌ = قَاصٍ

– مَقْصُوٌّ қулоғи кесилган; جَمَلٌ ~ қулоғи кесилган туя

– مَقْصِيٌّ = مَقْصُوٌّ

قَصْوَلَ кийим тикилаётган газламадан уриб қолмоқ, ўғирлаб олиб қолмоқ (*чевар ҳақида*)

قَضَّ[1] (قضّ) I (*а/у*) قَضٌّ 1) тешмоқ, тешиб ўтмоқ, ўймоқ; 2) бузмоқ, бузиб ташламоқ; 3) юлиб олмоқ, суғуриб олмоқ; قَضَّ[2] (*u/a*) قَضَضٌ қаттиқ бўлмоқ (*мас., ўриндиқ ҳақида*); IV أَقَضَّ 1) қаттиқ бўлмоқ (*мас., ўриндиқ ҳақида*); 2) қаттиқ қилмоқ, ноқулай қилиб қўймоқ (*мас., ўриндиқни*); ~ مَضْجَعَهُ (*ётган одамни*) безовта қилмоқ; هَذَا ~ الْكَابُوسُ مَضْجَعِي бу чивин менга уйқу бермади; VII اِنْقَضَّ (*к. нингдир устига*) ағдарилмоқ, ўпирилиб тушмоқ, қулаб тушмоқ (عَلَى); (*н. нингдир устига*) тик чизиқ бўйлаб шўнғимоқ (عَلَى); 2) бузилмоқ, вайрон бўлмоқ, ағанай-ағанай деб турмоқ (*мас., девор*); X اِسْتَقَضَّ қаттиқ деб билмоқ; الْمَضْجَعَ ~ тўшакни қаттиқ деб билмоқ

– اِنْقِضَاضٌ тепадан ҳужум қилиш, тик чизиқ бўйлаб шўнғиш; طَائِرَةُ الْـ~ тик чизиқ бўйлаб шўнғувчи самолёт; زَاوِيَةُ الْـ~ шўнғиш бурчаги; ~ الْكَوَاكِبِ юлдузларнинг учиши

– قَضٌّ шағал, майда тошлар; ~ وَ قَضِيضٌ *маж.* анжом, лаш-луш, қақир-қуқир, кўч-кўрон; اِنْتَقَلَ إِلَيْهِ بِـ~ـهِ وَ قَضِيضِهِ уникига барча лаш-лушлари билан кўчиб келди

– قَضَضٌ = قَضٌّ

– قَضِيضٌ = قَضٌّ; جَاؤُوا بِـ~ـهِمْ улар битта, ҳам қолмай ҳаммалари келишди

قَضَبَ I (*u*) قَضْبٌ 1) кесмоқ, қирқмоқ, ичини қирқиб ташламоқ; 2) жазоламоқ, жазо бермоқ; хивич билан саваламоқ; ◊ ~ـتُ النَّاقَةَ туяга миндим; II قَضَّبَ қирқмоқ, учини қирқиб ташламоқ; VII اِنْقَضَبَ қирқилмоқ, кесилмоқ; VIII اِقْتَضَبَ 1) тагини қирқмоқ; 2) қирқиб ташламоқ, қисқартирмоқ; 3) оғизга келганини гапирмоқ, гап тўқимоқ, тайёргарликсиз гапга чиқмоқ

– اِقْتِضَابٌ 1) қисқартиш; қисқалик; بِـ~ қисқа қилиб; 2) гап тўқиш, тайёргарликсиз гап гапириш

– قُضَابَةٌ қийқим, қийқинди, резги; тараша, пайраҳа

– قَضْبٌ *бот.* беда, йўнғичқа

– قَضْبَةٌ = قَضْبٌ

– قَضِيبٌ кўп. قُضُبٌ, قُضْبَانٌ 1) новда, шохча, буток; 2) гаврон, савағич; 3) хивчин, чивиқ; 4) асо, ҳасса, таёқ; 5) чорқирра ёғоч, тўсинбоп ёғоч; темир йўл рельси; قُضْبَانُ سِكَّةِ الْحَدِيدِ темир йўл рельслари; 6) эркакларнинг жинсий олати

– مُقْتَضَبٌ 1) қисқартирилган; қисқа; 2) биринчи марта айтилган, ҳикоя қилинган; тўқиб чиқарилган; خَبَرٌ ~ кутилмаган янгилик; 3) янги; теша тегмаган, оригинал; 4) муқтазаб (*аруз баҳрларидан бири*)

– مُقْتَضَبَاتٌ кўп. янгиликлар

– مِقْضَبٌ кўп. مَقَاضِبُ 1) пичоқ; 2) гулқайчи

– مَقْضَبَةٌ бедапоя, бедазор

قَضَعَ I (а) قَضْعٌ тиймоқ, босмоқ, попугини пасайтирмоқ

– قُضَاعٌ, قَضْعٌ қориндаги санчиқ, оғриқ

قَضُفَ I (у) قَضَافَةٌ, قَضَفٌ 1) хушқомат бўлмоқ, хурсанд бўлмоқ; 2) ориқ бўлмоқ, озмоқ, ориқламоқ

– قَضِيفٌ кўп. قُضَفَاءُ, قِضَافٌ 1) хушқомат, қадди-қомати келишган; 2) ориқ, озғин

قَضْقَضَ 1) қарсиллатиб синдирмоқ; тишда чақмоқ; 2) тақилламоқ (*тиш ҳақида*)

قَضَمَ (قضم) I (*u*) قَضْمٌ майда-майда қилиб тишлаб ташламоқ, кемирмоқ, ғажимоқ, ямламоқ, тишда чақмоқ; ~ إِصْبَعَ النَّدَمِ *маж.* пушаймон қилмоқ (*сўзма-сўз:* надомат бармоғини тишламоқ); قَضِمَ (а) قَضَمٌ 1) учи синмоқ (*тиш ҳақида*); 2) тиши синмоқ; قَضِمَ I (а) قَضْمٌ 1) арпа емоқ, арпа билан боқилмоқ; IV أَقْضَمَ арпа едирмоқ; ~ الدَّابَّةَ ҳайвонни арпа бериб боқмоқ

– أَقْضَمُ мн. قَضْمَاءُ кўп. قُضْمٌ тиши синиқ, синиқ тишли

– قُضَامَةٌ қовурилган нўхот

– قَضَمٌ 1) жасур, қўрқмас, баҳодир; 2) қилич

– قُضْمَةٌ бир тишлам нарса; أَسْكَتَ جَوْعَتَهُ ~ бир тишлам тишлаш билан у очлигини бостирди

– قَضِيمٌ[1] кўп. قُضُمٌ ўтмас, тиғи (дами) қайтган (*қилич ҳақида*)

– قَضِيمٌ[2] кўп. قُضُمٌ 1) сув (нам) ўтказмайдиган қилиб ишланган қоғоз (пергамент); 2) арпа

قَضَى I (*u*) قَضَاءٌ 1) ҳукм қилмоқ, муҳокама қилмоқ, ажрим қилмоқ, қозилик қилмоқ, суд қилмоқ, ишни судда кўрмоқ; 2) (*к. гадир бирор н.*

ни) белгиламоқ, беришга қарор қилмоқ (ب, عَلَى); (*бирор н. га*) дучор қилмоқ (إِلَى); 3) (*н. нингдир*) фойдасига ҳукм чиқармоқ (لـ); 4) (*к. дандир н. нидир*) талаб қилмоқ (ب, عَلَى); 5) ўтказмоқ; ~ الْوَقْتَ вақт ўтказмоқ; ~ وَقْتَ فَرَاغِهِ بِلَعْبِ الشَّطْرَنْجِ бўш вақтини шахмат ўйнаб ўтказмоқ; ~ إِجَازَتَهُ فِي ... таътилни ...да ўтказмоқ; 6) бажармоқ, амалга оширмоқ, адо этмоқ, ижро этмоқ; ~ الدَّيْنَ қарзни тўламоқ; ~ الصَّلَاةَ намоз ўқимоқ; ~ الضَّرُورَةَ *ёки* ~ الْحَاجَةَ ҳожатга бориб келмоқ, бўшанмоқ; ~ الْوَاجِبَ бурчни бажармоқ; وَ قُضِيَ أَمْرُهُ! тамом, вассалом!; масала ҳал! لَكِنْ قُضِيَ الْأَمْرُ! суви тугади, жон таслим қилди; 7) (*н. нидир*) йўқ қилмоқ, бартараф этмоқ (عَلَى); (*к. нидир*) ҳалок қилмоқ, ўлдирмоқ (عَلَى); ~ عَلَى حَيَاتِهِ кимнидир ҳаётдан маҳрум қилмоқ; ~ عَلَى آخِرِهِمْ ҳаммани битта қолдирмай йўқ қилмоқ; ~ عَلَى شَيْءٍ مِنْ جُذُورِهِ ниманидир таг-туги билан йўқ қилмоқ; 8) *шунингдек*, ~ نَحْبَهُ *ёки* ~ أَجَلَهُ вафот этмоқ, ўлмоқ; ~ فِي زَهْرَةِ عُمْرِهِ у қирчиллама ёшида вафот этди; قَضَتْ زَوْجَتُهُ унинг рафиқаси қазо қилди; ◊ ~ مِنْهُ وَطَرَهُ кимдандир кўзлаган нарсасини олмоқ; ~ مِنْهُ الْعَجَبَ таажжубда қолмоқ, ҳайрон бўлиб қолмоқ; II قَضَّى 1) умр ўтказмоқ, умргузаронлик қилмоқ; 2) бажармоқ, адо (ижро) қилмоқ 3) етарли бўлмоқ, кифоя қилмоқ; 4) қозиликка тайин қилмоқ, судья этиб тайинламоқ; III قَاضَى 1) суд қилмоқ, суд жараёнини олиб бормоқ; 2) судга бермоқ, суд жавобгарлигига тортмоқ; V تَقَضَّى 1) ўтмоқ, ўтиб кетмоқ (*вақт ҳақида*); 2) ниҳоясига етмоқ, тугамоқ; VI تَقَاضَى 1) мурожаат қилмоқ; (*к. нидир*) суд жавобгарлигига тортмоқ (أَمَامَ); 2) маош (иш ҳақи) олмоқ; 3) (*тўлашни*) талаб қилмоқ; VII اِنْقَضَى 1) ниҳоясига етмоқ, тугамоқ; 2) ўтиб кетмоқ, ўтмоқ (*вақт ҳақида*); ~ أَجَلُهُ у қазо қилди; VIII اِقْتَضَى тақозо қилмоқ, талаб қилмоқ (*мас., вазият*); X اِسْتَقْضَى 1) ажрим қилишни сўрамоқ, ишни бир ёқли этишни илтимос қилмоқ; судя (қози) этиб тайинламоқ; 2) (*н. нидир бажаришни*) талаб қилмоқ; ~ الدَّيْنَ қарзни сўраб келмоқ, қарзни тўлашни талаб қилмоқ; 3) қўлга киритмоқ; 4) ишлатмоқ, фойдаланмоқ; اُسْتُقْضِيَ қози (судя) этиб тайинланмоқ

– اِسْتِقْضَاءٌ 1) қози (судя) этиб тайинлаш; 2) (*н. нидир бажаришни*) талаб этиш; ~ الدَّفْعِ тўлашни талаб этиш; 3) қўлга киритиш

– اِقْتِضَاءٌ 1) талаб, зарурат, зарурият, эҳтиёж; عِنْدَ الـ~ тақозо қилганида, керак бўлса; 2) тўлатиш, ундириш

– اِنْقِضَاءٌ (*муҳлатнинг*) тугаши; тамом; ~ التَّعَهُّدَاتِ тилхат (мажбурият)нинг ўз кучини йўқотиши

– قَاضٍ *мн.* قَاضِيَةٌ 1) суд қилувчи, ҳукм чиқарувчи; 2) ҳал қилувчи, ниҳоий; ўлдирувчи, йўқ қилувчи; السُّمُّ الْقَاضِي заҳри қотил; الضَّرْبَةُ الْقَاضِيَةُ ўлим зарбаси; 4) *кўп.* قُضَاةٌ а) судя, қози; ~ شَرْعِيٌّ шариат асосида ҳукм чиқарувчи қози; قَاضِي الْإِحَالَةِ кўриладиган масалани бошқа судга ошириш *ёки* уни ёпиш ҳақида ҳукм чиқарувчи судя; رَئِيسُ الْقُضَاةِ *ёки* قَاضِي الْقُضَاةِ бош шаръий қози; قَاضِي التَّحْقِيقِ суд терговчиси; قَاضِي الصُّلْحِ *ёки* قَاضِي الْمَوَادِّ الْجُزْئِيَّةِ чакана ишлар судяси; الْقَاضِي الْعُرْفِيُّ ҳакамлар суди, арбитр; 6) *кўч. м.* пул. قَاضِي الْحَاجَاتِ ҳожат чиқарувчи, ҳожатбарор (*Оллоҳга нисбатан айтилади*); حَاسَبَ الْقَاضِيَ ҳожатга бориб келмоқ, бўшанмоқ

– قَضَاءٌ[1] *кўп.* أَقْضِيَةٌ, قَضَاوَاتٌ 1) қазо (*уездга ўхшаш маъмурий бирлик*); 2) вилоят (*Ироқда*)

– قَضَاءٌ[2] 1) ҳуқуқшунослик, ҳуқуқ; 2) адлия, судчилик; ~ شَرْعِيٌّ шариат асосидаги судчилик; دَارُ الـ~ суд, трибунал; الـ~ وَالْإِدَارَةُ суд ҳокимияти ва маъмурий ҳокимият; كُرْسِيُّ الـ~ суд ўтирадиган стул; 3) суд идораси; 4) бажариш, адо этиш; ўтказиш; ~ الْوَقْتِ вақт ўтказиш; 5) қазо, ҳукм; *дин.* Аллоҳнинг шак-шубҳасиз ҳукми; ~ اللهِ *ёки* الـ~ الْمَحْتُومُ ўлим; ~ لَا يُرَدُّ бошга тушиши муқаррар бўлган тақдир; بِالـ~ وَالْقَدَرِ *ёки* ~ وَقَدَرًا тақдир тақозоси билан, тасодифан; الْاِعْتِقَادُ (الْعَقِيدَةُ) بِالـ~ وَالْقَدَرِ тақдирга, Аллоҳнинг иродасига ишониш, фатализм; حَمَّ الـ~ *қар.* حَمَّ[1]; نَزَلَ ~ اللهِ فِيهِ у вафот этди; 6) (*н. нидир*) бартараф этиш, йўқ қилиш (عَلَى); الـ~ عَلَى الْأُمِّيَّةِ саводсизликни тугатиш

– قَضَائِيٌّ 1) судга оид; الـ~ التَّحْقِيقُ суд тергови; الْحَارِسُ الـ~ суд секвестратори (*бойлик ва мол-мулкдан фойдаланишни вақтинча тўхтатиб турувчи ходим*); 2) юридик; الْمُسْتَشَارُ الـ~ юридик маслаҳатчи; юрисконсультант

– قَضًى 1) суд; 2) ҳукм, қарор; 3) ҳуқуқ, ҳуқуқшунослик

– قَضِيَّةٌ *кўп.* قَضَايَا 1) масала, муаммо; ~ حَيَاةٍ أَوْ مَمَاتٍ ҳаёт ёки ўлим масаласи; 2) иш, ҳодиса; ~ نَزْعِ السِّلَاحِ الْعَامِّ وَالتَّامِّ ялпи ва тамомила қуролсизланиш иши; 3) *юр.* дело; даъво; суд жараёни; الـ~ الْجِنَائِيَّةُ жиноий иш, жиноий дело; الـ~ الْمَدَنِيَّةُ гражданлик иши; الـ~ السِّيَاسِيَّةُ сиёсий иш; مَصَارِفُ الـ~ суд харажатлари; أَعَادَ النَّظَرَ فِي الـ~ ишни қайта кўриб чиқмоқ; أَقَامَ الـ~ عَلَى... (*к. гадир қарши*) иш қўзғатмоқ; 4) *мат.* теорема; ~ عَارِضَةٌ *мат.* бошқа теоремани исбот қилиш учунгина керак бўладиган ёрдамчи теорема, лемма; 5) асосий фикр, мазмун; тезис; асос, далил (*мантиқда*); الـ~ الْمُسَلَّمُ بِهَا (*кўп.* الْقَضَايَا الْمُسَلَّمُ بِهَا) *ёки* الـ~ الْبَدِيهِيَّةُ *мат.* аксиома

– مُتَقَاضٍ *мн.* مُتَقَاضِيَةٌ 1) судланувчи; 2) *юр.* томон; مُتَقَاضِيَانِ *ик. с.* судланувчи икки томон

– مُتَقَاضُونَ *кўп. юр.* томонлар

– مُقَاضَاةٌ 1) судланиш, даъволашиш, судлашиш жараёни; ишни судда кўриш; 2) судга чақириш, судга жалб қилиш

– مُقْتَضًى 1) зарурий, керакли, тақозо қилинган; 2) маъно; عَلَى مُقْتَضَى ...га музофиқ, ...га биноан; ~ الْحَال вазиятга мувофиқ равишда

– مُقْتَضَيَات кўп. зарурат, эҳтиёж, талаб

– مُقْتَضًى 1) олдиндан ҳал қилинган, аниқлаб қўйилган; 2) бажарилган, охирига етказилган; الْأَمْرُ الـ~ амалга ошган факт; ~ عَلَيْهِ ҳукм чиқарилган, кесилган

– مُنْقَضٍ мн. مُنْقَضِيَة ўтган, ўтиб кетган; فِي الْأُسْبُوعِ الْمُنْقَضِي ўтган ҳафтада

I قَطَّ (قَطّ) (э/у) قَطٌّ 1) (мас., тирноқни) олмоқ, кесмоқ, қирқмоқ; (қаламнинг) учини чиқармоқ; 2) ўймоқ, ўйиб нақш солмоқ (ўймакор ҳақида); 3) кўндалэнг кесмоқ, энига кесмоқ; قَطِطَ а) قَطَط калта ва жингалак бўлмоқ (соч ҳақида); II قَطَّطَ тарашлаб (эговлаб, чархлаб) силлиқламоқ (токарь ҳақида); VII اِنْقَطَّ кесилмоқ, қирқилмоқ, қирқилган бўлмоқ; VIII اِقْتَطَّ кесмоқ, қирқмоқ, учини чиқармоқ

– قَطْ етарли, кифоя; ~نِي менга кифоя, ~كَ сенга етарли

◊ فَـ~ фақат

– قَطُّ ўтган замон маъносидаги феъл билан ишлатилади; مَا ~ ... ёки لَمْ ... ~ мутлақо, ҳеч қачон + феълнинг бўлишсиз шакли; مَا رَأَيْتُهُ ~ мен уни мутлақо кўрмадим

– قَطٌّ[1] жингалак, қўнғироқ (соч)

– قَطٌّ[2] қиммат, қимматбаҳо, нархи баланд

– قِطٌّ кўп. قِطَاط, قِطَطَة мушук; أُنْثَى الـ~ ангор мушуги; الـ~ الْبَرِّيّ ёввойи мушук; الـ~ الزَّبَاد ~ ипор ҳид чиқарадиган йиртқич сут эмизувчиларнинг бир тури; حَشِيشَةُ الـ~ бот валерян ўсимлиги; غَابَ الـ~ فَلْعَبِ ёки إِنْ غَابَ الـ~ الْعَبْ يَا فَأْرُ мқл. Сулаймон ўлиб, девлар қутулди (сўзма-сўз: мушук йўқолди, ўйнайвер, сичқон! ёки мушук йўқолди ва сичқонлар ўйнай бошлашди)

– قِطٌّ[2] китоб; мукофотлаш ҳужжати; عَجِّلْ لَنَا ~نَا қур мукофотимиз ҳужжатини олдиндан бериб қўй!

– قَطَّاط 1) токарь; 2) ўймакор

– قِطَاط кўп. أَقِطَّة модель, андоза, намуна

– قُطَيْطَة кўп. ~ات мушукча

I قَطَبَ (и) قَطْب, قُطُوب 1) шунингдек حَاجِبَيْهِ ~ қовоғини солмоқ, ҳўмраймоқ; 2) йиғмоқ, жамламоқ; 3) тикмоқ, чатмоқ, чокламоқ; четини қайириб тикмоқ; II قَطَّبَ башарани бужмайтирмоқ, қовоқни солмоқ, ҳўмраймоқ; وَجْهَهُ ~ афтни бужмайтирмоқ; جَبِينَهُ ~ пешонасини тириштирмоқ; 2) тикмоқ, чокламоқ, чатмоқ; V تَقَطَّبَ бадқовоқ бўлмоқ (юз ҳақида); X اِسْتَقْطَبَ 1) ўзига жалб қилмоқ, ўз атрофига тўпламоқ; 2) физ. қутблаштирмоқ

– اِسْتِقْطَاب физ. қутблаштириш

– تَقْطِيب 1) ҳўмрайиш, ҳўмрайган кўриниш; 2) физ. қутблаштириш

– تَقْطِيبَة кўп. ~ات ажин, буришган жой, буруқ

– قَاطِب қовоғи солиқ, ҳўмрайган

– قَاطِبَة умумий миқдор; ~ бутунлай, ҳаммаси бўлиб, жами

– قُطْب, قُطُب, قَطْب: الرَّحَى ~ тегирмон тошини айлантирадиган ўқ; رَحَى الْحَرْبِ ~ армиядаги бош қўмондон

– قُطْب кўп. أَقْطَاب 1) қутб (шунингдек эл. да ҳам); دَائِرَةُ الـ~ қутб доираси; نَجْمُ الـ~ астр. Қутб юлдузи; الـ~ الْجَنُوبِيّ Жанубий қутб; الـ~ الشَّمَالِيّ Шимолий қутб; النِّسْبِيّ الـ~ нисбий етишиб бўлмаслик қутби; ~ سَالِب эл. манфий қутб; ~ مُوجَب эл. мусбат қутб; 2) ўқ; 3) атоқли, машҳур шахс; أَقْطَاب السِّيَاسَة машҳур сиёсий арбоблар; مُؤْتَمَرُ الْأَقْطَاب олий даражадаги анжуман

– قُطْبَة кўп. قُطَب чокнинг бир бахяси

– قُطْبِيّ қутб, қутбга оид; الشَّفَقُ الـ~ қутб шафағи

– قُطْبِيَّة физ. қутбийлик

– مُقَطِّب қовоғи солиқ, ҳўмрайган

I قَطَرَ (у) قَطْر, قُطُور, قَطَرَان 1) томмоқ, томиб турмоқ, томчилаб турмоқ; ~ دَمًا қон оқиб турмоқ, қон кетмоқ; 2) (мас., дорини) томизмоқ; 3) бир қатор қилиб тизмоқ, термоқ (вагонларни) бир-бирига уламоқ; 4) (отчни) тортмоқ, ташимоқ, судрамоқ; 5) шатакка олмоқ; 6) турнақатор бўлиб юрмоқ; ◊ الْبَعِيرَ ~ туянинг терисига суюқ модда (қар. قَطِرَان) суртмоқ, чапламоқ; II قَطَّرَ 1) тортмоқ, ҳайдамоқ, дистилламоқ (сувни); фильтрламоқ; 2) (дорини) томизмоқ, томчилатиб ҳайдамоқ; ~ الْمَعْلُومَاتِ إِلَى رَأْسِ الطِّفْلِ маж. (таълимлаш мақсадида) боланинг онгига ҳар хил маълумотларни оз-оздан сингдирмоқ; 3) бир қатор қилиб тизмоқ, уламоқ (вагонларни) бир-бирига уламоқ; ◊ قَطَرَ الْبَعِيرَ = الْبَعِيرَ ~; V تَقَطَّرَ 1) ҳайдалмоқ, дистилланмоқ (сув ҳақида); тозаланмоқ, фильтрланмоқ; 2) (к. нингдир адресига) табрик ёки совға-салом келмоқ, келиб тушмоқ; VI تَقَاطَرَ 1) муттасил оқиб турмоқ, томчилаб тушмоқ (мас., кўз ёши); 2) (к. нингдир олдига) тўпланмоқ, оқиб келмоқ, қўшилмоқ, шошилмоқ (عَلَى, إِلَى); VII اِنْقَطَرَ 1) бир қатор бўлиб тизилмоқ, сафланмоқ; 2) шатакка олинмоқ; X اِسْتَقْطَرَ 1) буғлаб ажратмоқ; 2) дистилламоқ

– اِسْتِقْطَار дистиллаш

– تَقْطِير ҳайдаш, дистиллаш; фильтрлаш, тозалаш; الْكُحُول ~ спирт ҳайдаш

– قَاطِر шатакка олувчи; الْبَاخِرَةُ الـ~ шатакка олувчи кема

– قَاطِرَة кўп. قَوَاطِر, ~ات 1) моторли вагон, паровоз, локомотив; كَهْرَبَائِيَّة ~ электровоз; моторли вагон; 2) шатакка олувчи кема, буксир

– قِطَارٌ *кўп* قُطُرٌ، ـــ اتٌ، قَطَرَاتٌ 1) турнақатор туялар, 2) поезд; ~ البَاطِنِيُّ метро; الـ~ البُخَارِيُّ буғ билан юрадиган поезд. ~ الدِّيزِل дизел поезд; ~ الْكَهْرَبَاء электр билан юрадиган поезд, электровоз; ~ خَاصٌّ махсус поезд; ~ سَرِيعٌ тезюрар поезд; ~ طُوَالِيٌّ тўғри борадиган поезд; ~ الرُّكَّاب пассажир поезди, ~ الْبَضَائِع юк ташувчи поезд; ~ مُصَفَّحٌ зирҳли поезд, бронепоезд; ~ التِّرَام трамвай вагони; 3) *ҳарб.* саф, қатор, шеренга

– قَطَّارَةٌ *кўп.* ـــ اتٌ — томизғич, пипетка

– قُطْرٌ *кўп.* أَقْطَارٌ 1) мамлакат, ўлка; دَاخِلَ الـ~ мамлакат ичида; خَارِجَ الـ~ мамлакат ташқарисида; الـ~ الْمِصْرِيُّ Миср; الـ~ الشَّمَالِيُّ Сурия; 2) область, ер; 3) томон, тараф; биқин, ён; أَرْبَعَةُ أَقْطَارِ الْمَعْمُورِ дунёнинг тўрт томони; ◊ ~ الدَّائِرَةِ ёки ~ الْمُحِيط диаметр; نِصْفُ ~ الدَّائِرَةِ *мат* квадратнинг диагонали; ~ الْمُرَبَّع радиус; بِكُلِّ أَقْطَارِ النَّفْسِ ич-ичидан, бутун вужуди билан

– قَطْرٌ[1] *кўп* قِطَارٌ 1) томиш, томчилаш; 2) *жам.* томчилар; ёмғир; 3) бириктириш, қўшиш; 4) шатакка олиш; وَابُورُ الـ~ буксир, шатакка олувчи кема

– قَطْرٌ[2] *кўп.* قُطُورَاتٌ поезд; ~ الْبَضَائِع юк ташувчи поезд; الـ~ الْكَهْرَبَائِيُّ трамвай

– قَطْرٌ[3] қанд ёки шакар қиёми

– قُطْرٌ алоэ ўсимлиги (*тутатқи учун*)

– قِطْرٌ мис

– قُطْرُجِيٌّ *кўп* قُطْرُجِيَّةٌ вагонларни бир-бирига уловчи

– قَطْرَةٌ *кўп* قَطْرٌ، قَطَرَاتٌ 1) томчи, қатра; الـ~ الْعَيْنِ кўз ёши; ~ مِنَ الْبَحْرِ *маж* денгиздан томчи; الَّتِي تَمْرِي الإِنَاء косани тўлдирган сўнгги томчи; 2) *шунингдек* ~ لِلْعَيْنِ кўзга томизиладиган дори

– غَطْرَةٌ = قُطْرَةٌ

– قُطْرِيٌّ 1) диагоналга оид, диагонал шаклида; диаметрга оид, радиус бўйлаб тарқалган, шуъласимон; الـ~ خَطُّ الْمِتْرُو метронинг радиус бўйлаб кетган йўли; 2) регионал, маҳаллий

– قُطَيْرَةٌ *кўп.* قُطَائِرُ *денг.* порт ҳудудида ишлатиладиган юк ташувчи кема, лихтер; шатакка олиб юриладиган юк кемаси, баржа

– قُطَيْرَةٌ *кўп* ـــ اتٌ — 1) кичкина томчи, 2) *кўч. м.* бўлмағур гап, беҳуда гап

– مُسْتَقْطَرٌ дистиллаган; ~ مَاءٌ дистилланган сув

– مُسْتَقْطَرٌ = مُقْطَرٌ

– مُقْطِرٌ *кўп.* ـــ اتٌ — дистилловчи асбоб, дистиллятор

– مِقْطَرٌ исирикдон

– مِقْطَرَةٌ *кўп.* مَقَاطِرُ 1) исирикдон, 2) маҳбусларнинг оёғига уриладиган тахтакач, кунда

– مَقْطُورٌ шатакка олинган; тиркама, тиркаладиган, уланадиган; ~ بَعِيرٌ устига бўёқ чапланган туя

– مَقْطُورَةٌ *кўп.* مَقَاطِيرُ، ـــ اتٌ 1) прицеп; 2) бузуқ, бузуқи, фоҳиша

– قُطْرُبٌ *кўп* قَطَارِبُ 1) жин, дев, иблис, жодугар; 2) эпчил ўғри, учига чиққан ўғри; 3) ялтироқ қурт

– قَطْرَمِيزٌ *кўп* ـــ اتٌ — катта бутилка, шиша

قَطْرَنَ суюқ модда чапламоқ, сурмоқ, суртмоқ, гудрон суртмоқ

– قَطْرَانٌ، قِطْرَانٌ терига суртиладиган суюқ модда, гудрон; ~ مَعْدَنِيٌّ минерал гудрон; ~ نَبَاتِيٌّ ўсимликдан олинган гудрон

– مُقَطْرَنٌ = مَقْطُورٌ

قُطَاسٌ *зоол.* қўтос

– قَطُوسٌ *кўп.* قَطَاطِيسُ мушук (*Шимолий Африкада*)

– قَطُوسَةٌ мушукнинг урғочиси

I قَطَشَ (у) قَطْشٌ (*бирор н. дан*) бир парчани кўчириб олмоқ; (*н. нидир*) учини қирқмоқ; II قَطَّشَ = I

I قَطَعَ (а) قَطْعٌ 1) кесмоқ, қирқмоқ, (*н. дандир*) ушатиб олмоқ, узиб олмоқ (مِنْ); бирор аъзони жарроҳлик йўли билан кесиб ташламоқ, ~ الرَّأْسَ бошини қирқмоқ; ~هُ مِنَ الْبِلَادِ кимнидир мамлакат ичкарисига киритмай қўймоқ; لَا يَقْطَعُ خَيْطَ قُطْنٍ إِلَّا بِإِشَارَتِهِ ҳамма нарсани унинг кўрсатмаси билан қилади (*сўзма-сўз*: унинг кўрсатмасисиз пахта толасини ҳам узмайди); 2) кесиб олмоқ, жароҳатламоқ; 3) (*ўтин*) ёрмоқ; 4) тўсмоқ, тўсиб қўймоқ; ~ الطَّرِيقَ (*к. нингдир*) йўлини тўсмоқ (عَلَى); ~ الْمُوَاصَلَاتِ *ҳарб.* алоқа йўлларини тўсмоқ (кесмоқ); 5) (*мас., токни*) узиб қўймоқ; ~ مِيَاهَ الشَّفَةِ عَنِ الْقَرْيَةِ қишлоққа келадиган водопровод сувини беркитиб қўймоқ; 6) тўхтатмоқ, кесиб қўймоқ; ~ الْعَلَاقَاتِ алоқани узмоқ, олди-бердини бас қилмоқ; ~ الصَّدِيقَ дўстдан алоқани узмоқ; ~ الْمُنَاقَشَةَ музокарани тўхтатмоқ; ~ الْمُسَاعَدَةَ عَنْهُ унга ёрдамни тўхтатмоқ; 7) (*мас., кишанни, занжирни*) парчалаб ташламоқ; 8) (*маълум масофани*) босиб ўтмоқ; 9) кесиб ўтмоқ; 10) (*товарни*) истеъмол қилмоқ; 11) қишлаш учун учиб кетмоқ (*қушлар ҳақида*); 12) *шунингдек* ~ فِي الْقَوْلِ сўзида қаттиқ турмоқ; ~ بِرَأْيِهِ а) сўзида қаттиқ турмоқ; б) кимнингдир раъйига қараб иш тутмоқ; ~هُ بِالْحُجَّةِ кимнидир ишонтирмоқ, 13) (*к. нингдир гапини*) бўлмоқ; ◊ ... إِنْ ... أَقْطَعُ ذِرَاعِي агар ...са, калламни (*сўзма-сўз*: қўлимни) кесиб ташлайман; ~ رِجْلَهُ مِنْ بَيْتِهِمْ уларнинг уйидан қадамини узди; ~ الْكَلَامُ فِيهِ бу гап унга таъсир қилди; ~ الْخَطَرَ хавф-хатарни орқада қолдирмоқ; ~ لِسَانَهُ кимнидир тилини тийишга мажбур қилмоқ; ~ فِي ... شَوْطًا كَبِيرًا (بَعِيدًا) ...да катта ютуқларга эришмоқ; ~ الْكَمْبِيَالَةَ векселни ўз ҳисобига олмоқ; ~ (*н. нидир*) илдизи

билан йўқотмоқ; دَابِرَ الْعُدْوَانِ ~ агрессияни таг-томири билан йўқотмоқ; الرَّجَاءَ ~ умидни узмоқ; الطَّرِيقَ ~ қароқчилик қилмоқ, йўлтўсарлик қилмоқ; تَذْكِرَةً ~ чипта олмоқ; الثَّمَنَ ~ нархни келишмоқ; عَهْدًا عَلَى نَفْسِهِ ~ ваъда бермоқ, ўзига мажбурият олмоқ; الْوَعْدَ لَهُ ~ кимгадир ваъда бермоқ; ... النَّظَرَ عَنْ ~ ...дан кўзини юммоқ, ...га эътибор бермай қўймоқ; الْوَقْتَ ~ вақт ўтказмоқ; الْوَرَقَ ~ *карт.* карталар олмоқ; هٰذَا شَيْءٌ يَقْطَعُ الْعَقْلَ бу мумкин бўлмаган ишдир; فِي مَسْأَلَةٍ ~ масалани ҳал қилмоқ; اللَّبَنَ ~ қатиқ ивиди; II قَطَّعَ 1) майда бўлакларга бўлмоқ; 2) кесиб ташламоқ, кўп жойидан ярадор қилмоқ; 3) астойдил кесмоқ, қирқмоқ; الْأَشْجَارَ ~ дарахтларни кесиб ташламоқ; 4) бўлак-бўлак қилиб ташламоқ; الْقَلْبَ ~ юрагини эзмоқ, юрагига ўт солмоқ; خَبَرٌ يُقَطِّعُ الْقَلْبَ юракни ўртагувчи хабар; ◊ الشِّعْرَ ~ замзама билан шеър ўқимоқ; III قَاطَعَ 1) (*к. биландир*) алоқани узмоқ; 2) кесмоқ, бўлмоқ; 3) бойкут (байкот) қилмоқ, бойкут эълон қилмоқ; IV أَقْطَعَ 1) тақдим қилмоқ, бағишламоқ, инъом қилмоқ; ـهُ الْأَرْضَ~ кимгадир ер ажратиб бермоқ; ـهُ النَّهْرَ~ кимгадир дарёни кесиб ўтишга рухсат бермоқ; ـهُ مَعَاشًا~ кимгадир нафақа таъйин қилмоқ; 2) кесишга (бўлишга) рухсат бермоқ, кестирмоқ; 3) (*к. биландир*) алоқани узмоқ (عَنْ); V تَقَطَّعَ 1) узилмоқ, парчаланмоқ; 2) кесилмоқ, бўлинмоқ; VI تَقَاطَعَ 1) (*н. нидир*) ўзаро узишмоқ, тўхтатишмоқ; 2) ўзаро бойкут қилишмоқ; 3) кесишиб ўтмоқ (*чизиқлар ҳақида*); VII انْقَطَعَ 1) кесилган бўлмоқ, узилган бўлмоқ, қирқилган бўлмоқ, ажралиб қолмоқ, ажралган бўлмоқ; عَنِ الْعَالَمِ ~ дунёдан воз кечмоқ; 2) тўхтатилмоқ, бас қилинмоқ; الْمَطَرُ ~ ёмғир тўхтади; 4) (*мас., чекишни*) ташламоқ, тарк этмоқ (عَنْ); 5) (*бирор н. га*) ўзини бағишламоқ (لِـ, إِلَى); 6) (*н. нидир қилишга*) киришмоқ (إِلَى); VIII اقْتَطَعَ 1) ўзи учун кесиб олмоқ; 2) (*бирор бўлакни*) ажратиб қўймоқ; ўзидан ажратмоқ; ... وَ قَدِ ~ اللُّقْمَةَ مِنْ فِيهِ لِأَنْ ... (и)ш мақсадида оғзидаги луқмасини илинмоқ (*оғзидаги луқмасидан воз кечмоқ*); 3) ажратмоқ; 4) кесмоқ, кесиб олмоқ; الْأَحْجَارَ ~ тошларни кесмоқ; X اسْتَقْطَعَ 1) узиб олмоқ, тортиб олмоқ; صَحِيفَةً مِنَ الْكِتَابِ ~ китобдан бир варақни йиртиб олмоқ; اللُّقْمَةَ مِنْ فِيهِ ~ *кўч. м.* оғзидаги луқмани (оғзидагини) тортиб олмоқ; 2) ушлаб қолмоқ, чегириб қолмоқ; مِنَ الْأُجْرَةِ ~ маошдан чегириб қолмоқ; 3) фойдаланиб туриш учун ер сўрамоқ

– اسْتِقْطَاعٌ *кўп.* اتٌ ― чегириш, ушлаб қолиш

– إِقْطَاعٌ, إِقْطَاعَةٌ *кўп.* اتٌ ― 1) чек ер, ота-бободан мерос қолган ер; 2) мукофотга бериладиган ер; латифундия; حُكْمُ الْإِقْطَاعَاتِ феодал тузуми

– إِقْطَاعِيٌّ феодал, феодалга оид; النِّظَامُ الـ~ феодал система, феодал тизим

– إِقْطَاعِيَّةٌ[1] *кўп.* اتٌ ― помешчикнинг мулки, ери

– إِقْطَاعِيَّةٌ феодализм

– أَقْطَعُ[1] энг қатъий, энг узил-кесил, энг ишончли

– أَقْطَعُ[2] *мн.* قَطْعَاءُ *кўп.* قُطْعٌ қўли қирқилган (кесилган)

– انْقِطَاعٌ тўхташ, тўхталиш; بِدُونِ (بِلَا) ~ тўхтовсиз, муттасил, тўхтамасдан; الْبَوْلِ ~ *мед.* сийдик тутилиш; 2) йўқлик, мавжуд эмаслик; الْمَطَرِ ~ ёмғирсизлик, ёғиннинг йўқлиги, қурғоқчилик

– تَقَاطُعٌ 1) кесиб ўтиш, кесишиш; نُقْطَةُ الـ~ а) кесишиш нуқтаси; б) *т. –й.* йўлларнинг кесишган (туташган) жойи; الطُّرُقِ ~ чорраҳа; 2) (*алоқанинг*) узилиши

– تَقْطِيعٌ *кўп.* تَقَاطِيعُ 1) кесиш, чопиш; 2) (*қориндаги*) қаттиқ оғриқ; 3) қад-қомат, сумбат, гавда; ◊ تَقَاطِيعُ الْوَجْهِ юз тузилиши, юз бичими

– قَاطِعٌ 1) кесувчи, қирқувчи; кесиб ўтувчи; سِنٌّ ~ـَةٌ олдинги тиш, курак тиш; التَّذَاكِرِ ~ чипта сотувчи, кондуктор (*трамвай ва ҳ. к. ларда*); الْجَلِيدِ ~ музёрар; الْخَشَبِ ~ ўтин ёрувчи; ~ *мат.* айланани кесиб ўтувчи; 2) узувчи, ажратувчи; 3) ўткир, кескир (*мас., пичоқ*); 4) қатъий, ҳал қилувчи, ишончли (*далил*); بِصُورَةٍ ~ـَةٍ қатъиян, қатъий равишда; 5) учиб ўтувчи (*қуш*); الطُّيُورُ الْقَوَاطِعُ баҳорда ва кузда учиб ўтувчи қушлар; 6) аччиқ, қуюқ, ўткир (*ичимлик*); 7) ивиган (*сут*); 8) *кўп.* قُطَّاعٌ ғов бўлувчи, тўсувчи; ~ الطَّرِيقِ йўлтўсар, қароқчи; бандит; 9) *кўп.* اتٌ ― *тех.* кесиш асбоби, кескич; الْمَعْدَنِ ~ металлни кесадиган асбоб; 10) *кўп.* قَوَاطِعُ а) олдинги тиш; б) электр токини узадиган асбоб, узгич; в) пардадевор; ~ طَعَامٍ гўштсиз овқат

– قَاطُوعٌ *кўп.* قَوَاطِيعُ 1) пардадевор; 2) ғов, тўсиқ

– قِطَاعٌ, قُطَاعٌ *кўп.* اتٌ ― 1) кесишиш, кесик, бир нарсанинг кесилган кўриниши; السَّدِّ ~ тўғоннинг кесими (*чизмада*); الـ~ الْعَرْضِيُّ кўндаланг кесим; الـ~ الطُّولِيُّ бўйлама кесим; 2) қисм, бўлим, сектор; الـ~ الْعَامُّ давлат сектори; الـ~ الْخَاصُّ хусусий сектор; الـ~ الصِّنَاعِيُّ саноат сектори; الـ~ الدَّائِرِيُّ *ёки* الـ~ الْكُرَوِيُّ *мат.* шар сектори; الدَّائِرَةِ ~ *мат.* доира сектори

– قَطَّاعٌ 1) ўткир, кескир; 2) кесишувчи; 3) тоштарош, тош йўнувчи; ◊ الطَّرِيقِ ~ қароқчи, йўлтўсар

– قَطَّاعَةٌ *кўп.* اتٌ ― кирка; الْبُقُولِ (الْخُضَرِ) ~ сабзавот тўғрайдиган асбоб

– قُطَاعَةٌ 1) қийқим, қийқинди, резги; 2) ғўла, ғўлача

– قَطَّاعِيٌّ чакана; تَاجِرٌ ~ чакана савдогар, чаканафуруш; بِالـ~ чаканалаб

– قَطْعٌ[1] кесиш; қирқиш; кесиб ташлаш; الرَّأْسِ ~ бошни олиш, бошни кесиш; مَجْرَى النِّيلِ ~ Нил оқимини тўсиш; 2) узиб қўйиш, ўчириш (*мас., токни*); 3) узиш; (الْعَلاقَاتِ (الْعَلائِقِ ~ алоқани узиш; 4) узилиш, тўхталиш; ~الـ هَمْزَةُ *қар.*; 5) (*вексел*) ҳисоби; سِعْرُ ~الـ ҳисобдаги фоиз (процент); 6) пул, валюта (*Сурияда*); ~ أَجْنَبِيٌّ хорижий валюта; ◊ الأَخْشَابِ ~ а) ўрмонни кесиш; б) ўрмончилик; الطُّرُقِ ~ қароқчилик, бандитлик; عَلَى سَبِيلِ الـ~ وَ ~ا لتَّحْتِيمِ мутлақо, катъиян; ~ا шубҳасиз, албатта; بِـ~ النَّظَرِ عَنْ ... ...дан катъий назар

– قَطْعٌ[2] *кўп.* قُطُوعٌ 1) кесиш, кесиб олиш, ярадор қилиш; 2) размер, миқёс, формат, ҳажм; الرُّبْعِ ~ *полигр.* тўртдан бир формат, чорак формат; *мат.* кесишиш; الْمَخْرُوطِ ~ *ёки* مَخْرُوطِيٌّ ~ копия кесими; زَائِدٌ ~ *мат.* гипербола; مُكَافِئٌ ~ *мат.* парабола; ~ نَاقِصٌ *ёки* إِهْلِيلَجِيٌّ ~ *мат* эллипс

– قِطْعٌ[1] *кўп.* أَقْطَاعٌ кесиб олинган бўлак, кесма, қисм

– قِطْعٌ[2] тун охиридаги қоронғулик

– قَطَعَةٌ *кўп.* قَطَعَاتٌ ғўла, ғўлача, тахта ёки металл кесиги

– قِطْعَةٌ *кўп.* قِطَعٌ 1) бўлак, қисм, парча; مِنَ الْقُمَاشِ ~ бир кийим газлама; 2) асосий қисм, асосни ташкил этувчи қисм; 3) ҳарбий қисм; ҳарбий кема; 4) бир плитка (*шоколад*); 5) парча; 6) *муз.* пьеса, мусиқали пьеса; мусиқий асар, ижод; ижод этиладиган номер (*концертда*); 7) танга, чақа; 8) *шах.* тош, фигура; الْقِطَعُ الثَّقِيلَةُ кучли фигуралар; الْقِطَعُ الْخَفِيفَةُ енгил фигуралар; ◊ الدَّائِرِيَّةُ ~الـ *ёки* الدَّائِرَةِ ~ *мат.* сегмент; الْكُرَوِيَّةُ ~الـ шар сегменти; (عَمَلٌ) شُغْلٌ بِالـ~ *ёки* شُغْلٌ (عَمَلٌ) عَلَى أَسَاسِ الـ~ ишбай меҳнат

– قُطْعَةٌ *кўп.* قُطَعٌ 1) ер бўлаги, ер участкаси; 2) ғўла, ғўлача; 3) *фон.* қутъа (*сўздаги охирги ундошнинг талаффузда тушиб қолиши, мас.*, (يَا أَبَا الْحَسَنِ! ўрнига يَا أَبَا الْحَسَا!

– قَطْعِيٌّ қатъий, узил-кесил; сўнгги, охирги; جَوَابٌ ~ қатъий жавоб; ~ا тамомила, қатъиян, узил-кесил равишда

– قَطْعِيَّةٌ қатъийлик, узил-кесиллик, субут

– قَطُوعٌ *кўп.* قَوَاطِيعُ деворпарда, тўсиқ, ғов

– قُطُوعٌ офат, бало, фалокат, хатар

– قُطُوعَاتٌ *кўп.* ўйдим-чуқурлик, ўнғир-чўнқирлик

– قَطِيعٌ[1] қирқилган, кесилган, ажратилган

– قَطِيعٌ[2] *кўп.* قُطْعَانٌ 1) пода; 2) *кўч. м.* оломон, гала, тўда

– قَطِيعَةٌ 1) оиладан узоқлашиш, четлашиш; 2) ихтилоф, (*к. биландир*) узилиш (عَنْ); 3) чек ер, бўлиб берилган ер

– مُتَقَطِّعٌ узуқ-юлуқ, узилиб турадиган; تَيَّارٌ ~ *физ.* ўзгарувчан ток

– مُقَاطَعَةٌ[1] 1) ажралиш, айрилиш; (*алоқанинг*) узилиши; 2) бойкўт (байкот); 3) (*нутқни ёки гапни*) бўлиш; عَنْ طَرِيقِ الـ~ *ёки* بِالـ~ ишбай (*ҳақ тўлаш*); بَلاشْ ~ *халқ.* олдиндан мақтанма

– مُقَاطَعَةٌ[2] *кўп.* اتٌ — 1) вилоят, область; 2) заминдорларга қарашли катта ер-мулк (*Ироқда*)

– مَقْطَعٌ *кўп.* مَقَاطِعُ 1) тош кони; 2) кечиб ўтиш жойи, кесув жойи; 3) қисм, парча, бўлак; مَقَاطِعُ مِنَ الْخِطَابِ докладдан (нутқдан) олинган парчалар; 4) бир кийимлик (*газлама*); 5) формат, размер, ҳажм; سَجَّادٌ صَغِيرُ الـ~ унча катта бўлмаган жойнамоз; 6) *шунингдек.* صَوْتِيٌّ ~ *грам.* бўғин; مَفْتُوحٌ ~ очиқ бўғин; مُغْلَقٌ ~ ёпиқ бўғин

– مُقْطَعٌ қарам, вассал

– مُقْطِعٌ вассаллар, қарамлар устида турган ҳоким

– مِقْطَعٌ қирқиш асбоби; وَرَقٍ ~ қоғоз қирқадиган дастгоҳ; ~ الرُّؤُوسِ одамларнинг бошини қирқадиган машина (гильотина)

– مُقَطَّعٌ қирқилган, кесилган, парчаланган, парча-бурдаланган

– مَقْطَعِيٌّ урғуга оид; الْكِتَابَةُ الـ~ـةُ бўғинлаб ёзиш

– مَقْطُوعٌ қирқилган, кесилган; ◊ بِهِ ~ а) умидсизликда қолган, ноумид; б) ҳал қилинган, ечилган (*масала ва ҳ. к.*); رَجُلٌ ~ насл-насабсиз одам, беватан одам; الأَمَلِ ~ умиди узилган; عَمَلٌ بِالـ~ ишбай асосида бажариладиган иш

– مَقْطُوعَةٌ *кўп.* اتٌ — 1) (*адабий асар*) парчаси; 2) кичик ҳажмдаги; 3) мусиқий асар; فَرْدِيَّةٌ ~ якка киши ижро этадиган асар (соло); ثُنَائِيَّةٌ ~ икки киши ижро этадиган асар (дуэт)

– مَقْطُوعِيَّةٌ 1) истеъмол қилиш; 2) ишлаш, ишлаб чиқариш; ◊ فِي سَاعَاتِ الـ~ тиғиз пайтда

– مُنْقَطَعٌ *кўп.* اتٌ — кесишиш ўрни; الطَّرِيقِ ~ чорраҳа

– مُنْقَطِعٌ 1) кесилган, қирқилган; 2) орқада қолган, қолиб кетган, ажралиб қолган; 3) (*бирор н. га*) берилган (لِـ); 4) ёлғиз ажралган; يَتِيمٌ ~ ота-онасиз етим; ◊ غَيْرُ ~ узлуксиз; الْقَرِينِ ~ *ёки* النَّظِيرِ ~ ўхшаши йўқ, беназир

I قَطَفَ (قطف) (и) قُطُوفٌ (*гул ёки меваларни*) узмоқ, тўпламоқ, жамламоқ; قَطَفَ (и) قَطْفٌ тимдалаб ташламоқ, тилиб юбормоқ; II قَطَّفَ 1) кўп миқдорда узмоқ, йиғмоқ, тўпламоқ; 2) (*мас., гулларни*) битта-биттадан узмоқ; ◊ الدَّقِيقَ ~ ун эламоқ, унни элакдан ўтказмоқ; IV أَقْطَفَ (*ҳосилни*) узиш, териш вақти яқинлашмоқ; VII اِنْقَطَفَ узилмоқ, терилмоқ (*мевалар ҳақида*); VIII اِقْتَطَفَ 1) (*меваларни*)узмоқ, термоқ; 2) (*қаердандир*) ўзлаштирмоқ, олиб ишлатмоқ, олиб чиқмоқ (مِنْ)

– قَاطِفَةٌ *кўп* ـاتٌ — терим машинаси; ~ الْكَتَّانِ каноп йиғадиган машина; ~ الْقُطْنِ пахта териш машинаси

– قِطَافٌ 1) (*ҳосилни*) йиғиш-териш; ~ الْقُطْنِ пахта йиғим-терими. ~ الْقُطْنِ مَاكِنَةُ пахта териш машинаси; 2) ҳосилни узиш, териш пайти

– قِطْفٌ *кўп* قُطُوفٌ 1) тимдаланган, тирналган жой; 2) бош, шингил (*мас. узум*) тўлдириб қўйиладиган тепаси баланд сават

– مِقْطَفٌ *кўп.* مَقَاطِفُ 1) пичоқ; 2) гулқайчи

قَطْقَاطٌ 1) чаққон, эпчил, илдам, шахдам; 2) *зоол.* пати сариқ, қорни қора қушча

I قَطَلَ (у) قَطْلٌ кесмоқ, қирқмоқ, узиб ташламоқ; ~ عُنُقَهُ бўйнини кесмоқ; II قَطَّلَ = I

– قَطِيلَةٌ сочиқ

I قَطَمَ (и) قَطْمٌ 1) тишламоқ, чангалламоқ, чанг солмоқ; 2) тишлаб узиб олмоқ; 3) (*шох-шаббани*) бутамоқ; 4) гўштни яхши кўрмоқ; ◊ ~ رَقَبَتَهُ (*к. нингдир*) бўйнини қайирмоқ; VII اِنْقَطَمَ тиш билан узиб олмоқ

– قَطَامِ аёлларнинг исми

– قَطِمٌ гўштхўр одам

– قَطْمَةٌ *кўп.* قَطَمَاتٌ тишлаш, қопиш; 2) бўлак, парча

– مُقَطَّمٌ ~ الْـ ал-Муқаттам (*Қоҳира четидаги тоғнинг номи*)

– مِقْطَمٌ *кўп.* مَقَاطِمُ тирноқ, панжа, чангал

قِطْمِيرٌ, قِطْمَارٌ 1) хурмо мевасини данагидан ажратиб турувчи парда; 2) арзимаган нарса; مَا أَصَبْتُ مِنْهُ ~ا мен ундан ҳеч нарса олмадим; 3) *қур.* Қитмир (*итнинг номи*)

I قَطَنَ (у) قُطُونٌ (*қаердадир*) яшамоқ, умргузаронлик қилмоқ (فِي, بِ); II قَطَّنَ жойлаштирмоқ, жой бермоқ (*яшаш учун*)

– قَاطِنٌ *кўп.* قُطَّانٌ, قَطِينٌ яшовчи, яшаётган

– قُطَانٌ *мед.* белоғриқ, бел санчиғи

– قَطَّانٌ пахтафуруш

– قَطَنٌ бел

– قُطْنٌ *кўп.* أَقْطَانٌ 1) пахта; ~ الزَّهْرِ тозаланган пахта; ~ الْخَامُ ёки ~ الْغُفْلُ пахта хомашёси; ~ بِذْرَةُ الْـ чигит; ~ خَلْقَةُ الْـ пахта бозори; ~ دُودَةُ الْـ пахта қурти; ~ شَجَرَةُ الْـ ғўза; ~ آلَةُ جَمْعِ الْـ пахта териш комбайни; ~ مَحْلَجُ الْـ пахта тозалаш заводи; ~ الْبَارُودِ ёки ~ الْمُفَرْقِعِ ёки ~ الْمُلْتَهِبُ ёки ~ الْانْفِجَارِ кучли портловчи модда, пироксилин; 2) чигити тозаланган пахта, момиқ, тола; ~ مُعَقَّمٌ ёки ~ طِبِّيٌّ стерилланган пахта; ~ حَرِيرٍ цейба дарахтидан олинадиган момиқ

– قُطْنِيٌّ 1) пахтага оид; 2) пахтадан ишланган

– قَطَنِيٌّ белга оид

– قُطْنِيَّاتٌ *кўп.* пахтадан ишланадиган ва олинадиган нарсалар

– قُطْنِيَّةٌ[1] кутнийя (*пахтадан тўқилган йўл-йўл газлама*)

– قُطْنِيَّةٌ[2] *кўп.* قَطَانِيُّ 1) ловиясимон ёки қўзоқли ўсимлик; 2) қўзоқ, пўчоқ

– قَطِينٌ (*шунингдек:* قَاطِنٌ) *кўп* قُطْنٌ қул, хизматкор, малай

– قَيْطَانٌ *алиф.б.қ.*

– قَيْطُونٌ хона, бўлма

– مَقْطَنَةٌ пахтазор

– يَقْطِينٌ *алиф.б.қ.*

I قَطَا (قطو) (у) قَطْوٌ судралмоқ, каловланиб юрмоқ, оёқни аранг судраб юрмоқ

– قَطًا *жам. зоол.* қато (*какликнинг бир тури*); ғуррак; طَارَ عَلَى أَجْنِحَةِ الْـ~ қуш бўлиб учмоқ; ~ حَسَا حَسْوَ الْـ ютоқиб ичмоқ

– قَطَاةٌ *кўп.* قَطَيَاتٌ, قَطَوَاتٌ *зоол.* қато (*какликнинг бир тури*); ғуррак

– قَطَوَانٌ каловланиб юрувчи, оёқни зўрға-зўрға босиб юрувчи

I قَعَّ (а/у) قَعٌّ қайт қилгиси келмоқ, қусқиси келмоқ

– قُعَاعٌ, قُعٌّ шўр, аччиқ (*сув*)

قَعْبٌ *кўп.* قِعَابٌ коса, қадаҳ

I قَعَدَ (у) قُعُودٌ 1) ўтирмоқ; ~ لِمُصَوِّرٍ لِرَسْمِ صُورَتِهِ расмга тушиш учун гавдани маълум вазиятда тутмоқ; 2) (*к. ғадир қарши*) пистирмада ўтирмоқ; 3) (*уйда*) қолиб кетмоқ, ўтириб қолмоқ; 4) (*н. дандир*) воз кечмоқ, (*н. нидир*) рад этмоқ (عَنْ); 5) (*к. нидир*) ўтқизмоқ, ўтирғизиб қўймоқ (بِ); 6) дармонни қуритмоқ, заифлаштирмоқ; ~ بِهِ الْإِعْيَاءُ ҳолсизлик уни қулатди; 7) (*н. нидир қилишни*) бас қилмоқ, тўхтатмоқ (عَنْ); 8) (*к. нидир н. дандир*) ушлаб (тўхтатиб) қолмоқ (عَنْ, بِ); 9) (*к. нидир*) лаққиллатмоқ, алдамоқ (بِ); (*н. нидир к. учундир*) қилишдан қайтмоқ, воз кечмоқ (بِ); 10) бошламоқ; ~ يَتَكَلَّمُ у гапира бошлади; قَامَتْ لِهٰذَا الْأَمْرِ الْمَدِينَةُ وَ~ تْ бу ишдан бутун шаҳар нотинч бўлди; ~ الطَّعَامُ عَلَى الْمَعِدَةِ овқат ошқозонга оғирлик қилди; ~ عَلَى الْبَيْضِ тухум босмоқ, тухум босиб бола очмоқ; II قَعَّدَ 1) ўтқизмоқ, ўтирғизмоқ; 2) (*бирор н. дан*) тўхтатиб қолмоқ, ушлаб қолмоқ (عَنْ); 3) рухсат (ижозат) бермоқ; тасдиқламоқ, мустаҳкамламоқ; IV أَقْعَدَ 1) ўтқизмоқ, ўтирғизмоқ; 2) (*н. дир қилишдан*) маҳрум қилмоқ (عَنْ); ~هُ عَنِ الْكَسْبِ пул ишлашга имкон бермай қўймоқ; ~هُ الْهَلَعُ عَنِ الْفِرَارِ у қўрққанидан қочолмай қолди; ◊ ~هُ الْفِرَاشَ кимнидир йиқитиб қўймоқ, тўшакка михлаб қўймоқ (*касаллик ҳақида*); أَقَامَ هٰذَا الْخَبَرُ الْمَدِينَةَ وَ~ هَا бу хабар бутун шаҳарни оёққа турғазди; IV أُقْعِدَ ўтириб қолмоқ, юролмай қолмоқ; V تَقَعَّدَ (*н. дандир*) қайтмоқ, (*н. нидир*) рад этмоқ

(عَنْ); 2) нафақага чиқмоқ, нафақахўр бўлмоқ; VI تَقَاعَدَ 1) (*н. дандир*) қайтмоқ, (*н. нидир*) рад этмоқ (عَنْ); 2) истеъфога чиқмоқ, нафақага чиқмоқ; VIII اقْتَعَدَ 1) (*жойни*) эгалламоқ, жойлашиб ўтириб олмоқ; 2) الدَّابَّةَ ~ ҳайвонни одамларни миндириш учун ишлатмоқ

– تَقَاعُدٌ 1) (*н. дандир*) қайтиш (عَنْ); 2) истеъфо, хизматдан бўшаш; ~ الـ مَعَاشُ нафақа, пенсия; ~ أَحَالَ إِلَى الـ истеъфога чиқармоқ

– تَقَاعُدِيٌّ истеъфога оид; ~ الـ الْمَعَاشُ нафақа, пенсия

– تَقْعِيدٌ система (тартиб)га солиш, тизимга солиш; кодлаштириш

– قَاعِدٌ[1] *кўп.* قُعُودٌ, قُعَّادٌ ўтирувчи; ~ الْهِمَّةِ ҳаракатсиз, дангаса, тепса-тебранмас

– قَاعِدٌ[2] *кўп.* قَوَاعِدُ туғишдан қолган аёл

– قَاعِدَةٌ *кўп.* قَوَاعِدُ 1) база, омбор; ~ جَوِّيَّةٌ عَسْكَرِيَّةٌ ҳарбий ҳаво базаси; ~ بَحْرِيَّةٌ ҳарбий-денгиз базаси; ~ بَرِّيَّةٌ қуруқликдаги ҳарбий база; ~ الْحَرْبِ *ёки* ~ حَرْبِيَّةٌ ҳарбий база; ~ الـ الْإِسْتِرَاتِيجِيَّةُ الذَّرِّيَّةُ стратегик атом базаси; ~ الـ الْعَائِمَةُ сузиб юрувчи база; ~ الـ الْمَادِّيَّةُ التِّكْنِيكِيَّةُ моддий-техник база; 2) тагкурси, ҳайкал ўрнатиладиган супа (*ча*); 3) *тех.* айланадиган қисмда ишланадиган нарсани тутиб турувчи қисқич; ~ الْمَلَفِّ ғалтакни ушлаб турадиган қисм; ~ الصِّمَامِ радиолампа патрони; 4) асос; *мат.* асос; пойдевор, фундамент; ~ الـ الذَّهَبِيَّةُ *ёки* ~ الذَّهَبِ *мол.* олтин асос, олтин стандарт; 5) туб, чиқурлик, ост; ~ الشَّعْبِ مِنَ الـ авомдан тортиб юқори табақагача барча халқ, омдан хосгача ҳамма; 6) қоида, норма, модда, принцип, тамойил; ~ الـ الثُّلَاثِيَّةُ *мат.* учлик қоида (*берилган уч сондан пропорционал сонни топиш қоидаси*); قَوَاعِدُ ~ السُّلُوكِ ахлоқ-одоб қоидалари; ~ مُرَاعَاةٌ *қар.* أُولَى الدُّوَلِ بِالْمُرَاعَاةِ; ~ الْقَانُونِ الدُّوَلِيِّ халқаро ҳуқуқ нормалари; 7) намуна, андоза; ◊ ~ الْبِلَادِ пойтахт; ~ الْجَبْهَةِ وَ الـ фронт ва фронт орқаси

– قَاعِدِيٌّ базага оид, қуйи; асосни ташкил этадиган

– قُعَادٌ умр йўлдоши, хотин

– قَعَّادَةٌ *кўп.* اتٌ — тунда ишлатиладиган тувак

– قَعَدٌ 1) уруш вақтида уйда қоладиган одамлар; 2) *тар.* хорижийлар

– قَعْدَةٌ 1) ўтириш ҳаракати; 2) вазият, гавда (тана)нинг вазияти; 3) қуймуч, думба; ◊ ~ ذُو الـ зулқаъда (*ҳижрий тақвимнинг 11-ойи-30 кун*)

– قُعْدَةٌ 1) дангаса, тепса-тебранмас; 2) танбал одам

– قِعْدَةٌ гавданинг вазияти, ҳолати

– قُعَدَةٌ = قُعْدِيٌّ

– قَعُودٌ *кўп.* أَقْعِدَةٌ, قِعْدَانٌ ёш туя, икки ёшли туя, минса бўладиган туя

– قُعُودٌ 1) ўтириш ҳаракати; 2) (*н. нидир*) рад этиш, (*н. дандир*) қайтиш (عَنْ)

– قَعِيدٌ *кўп.* قَعَائِدُ 1) (*к. биландир*) ўтирган; ~ الْمَرَضِ тўшакка михланиб қолган (*бемор*); 2) асровчи, сақловчи

– قَعِيدَةٌ *кўп.* قَعَائِدُ умр йўлдоши, хотин

– مُتَقَاعِدٌ 1) истеъфодаги; 2) нафақахўр, пенсионер

– مَقْعَدٌ *кўп.* مَقَاعِدُ 1) ўриндиқ, стул, скамейка; 2) кресло; ~ خَلْفِيٌّ (أَمَامِيٌّ) орқа (олдинги) ўриндиқ (*машинада*); 2) (*парламентдаги*) ўрин; 3) извошчи ўтирадиган жой (*извошда*)

– مُقْعَدٌ 1) ҳаракат қилиш имкониятидан маҳрум бўлган, ўтириб қолган; паралич бўлиб қолган; 2) ногирон, инвалид

– مَقْعَدَةٌ *кўп.* مَقَاعِدُ 1) думба, қуймуч; 2) пастки қисм, паст, ост

I (قعر) قَعَرَ (*а*) قَعْرٌ 1) кавламоқ, чуқур қилмоқ, чуқурлаштирмоқ; 2) суғурмоқ, қўпормоқ; ~ الشَّجَرَةَ дарахтни илдизи билан қўпормоқ; قَعُرَ (*у*) قَعَارَةٌ чуқур бўлмоқ; II قَعَّرَ 1) чуқурлаштирмоқ; 2) ботиқ қилмоқ, бир томонни ботиқ қилмоқ; 3) қичқирмоқ, бақирмоқ; IV أَقْعَرَ чуқурлаштирмоқ, чуқур қилмоқ; V تَقَعَّرَ 1) чуқурлашмоқ, чуқур бўлмоқ; 2) (*н. гадир*) ботиб қолмоқ, ботиб кетмоқ; 3) майдакаш бўлмоқ, ўта расмиятчи бўлмоқ; 4) *грам.* ق ўрнига ء талаффуз қилмоқ; VII انْقَعَرَ суғурилиб чиқмоқ, суғурилмоқ (*мас., дарахт*)

– تَقَعُّرٌ ботиқ юза, ботиқлик; ~ الـ مُفْرَدُ ясси-ботиқ

– قَعْرٌ *кўп.* قُعُورٌ 1) чуқурлик, чуқурлашиш; 2) туб, ост, таг

– قَعَرٌ зийраклик, зеҳни ўткирлик

– قَعْرَةٌ чуқурлашиш; чуқурлик

– قَعِيرٌ, قَعُورٌ чуқур

– مُقَعَّرٌ 1) чуқур; 2) ботиқ; чўкик, чўккан, киртайган; ~ الْوَجْهَيْنِ икки томони ботиқ; ~ مُحَدَّبٌ қабариқ-ботиқ; 3) жимжимадор, бежама, дабдабали (*ибора*)

– مُنْقَعِرٌ қўпорилган, тортиб суғурилган

I (قعس) قَعَسَ (*а*) قَعْسٌ кўкрак қафаси олдинга туртиб чиққан бўлмоқ; قَعِسَ (*у*) قَعَسٌ кўкрак кериб юрмоқ; ~ رَأْسَهُ إِلَى الْوَرَاءِ бошни орқага ташламоқ; VI تَقَاعَسَ 1) (*бирор н. дан*) воз кечмоқ, (*н. нидир*) рад этмоқ (عَنْ); (*н. дандир*) четлашмоқ, ўзини олиб қочмоқ (عَنْ); 2) (*бирор масалада*) имиллимоқ, секин ҳаракат қилмоқ, бепарво бўлмоқ (عَنْ); (*бирор масалада*) бефарқ қарамоқ, қизиқсинмай қарамоқ (عَنْ); XIV اقْعَنْسَسَ = قَعِسَ

– أَقْعَسُ *мн.* قَعْسَاءُ *кўп.* قُعْسٌ кўкрак қафаси олдинга туртиб чиққан

– تَقَاعُسٌ 1) рад этиш, ўзини тийиш; ~ أَعْطَى فِي غَيْرِ хеч бир айнмасдан бермоқ; 2) шошилмаслик, секинлик; ~ دُونَ шошилинч, чарчамасдан, ҳормай-толмай; 3) бепарволик, бефарқлик

I قَعَصَ (а) قَعْصٌ ўрнида ўлдирмоқ (зарба ёки ўқ ҳақида); IV أَقْعَصَ = I

– قُعَاصٌ қўйларда учрайдиган касаллик (бу касалликка учраган қўйни даволаб бўлмайди)

– قَعْصٌ: مَاتَ زَيْدٌ ~ًا Зайд отилган ўқ зарбидан ўрнида вафот этди

(قعط) VIII اِقْتَعَطَ: ~ العِمَامَةَ саллани бошга танғиб ўрамоқ

قَعْقَعَ гумбурламоқ; қарсилламоқ; чисирламоқ; дангиллатмоқ, жангиллатмоқ; жирингламоқ; (بِالأَسْلِحَةِ) بِالسِّلَاحِ ~ қилич яланғочлатмоқ, қурол билан дўқ қилмоқ; بِضَحْكَةٍ ~ хохолаб кулиб юбормоқ, қаҳ-қаҳ уриб кулмоқ

– قَعْقَعٌ, قُعْقُعٌ ҳакка, зағизғон

– قَعْقَعَةٌ *кўп.* قَعَاقِعُ 1) тарақлаш, тарақ-туруқ; тасир-тусур, тақир-туқур; даранглаш, дангиллаш; жаранг-журунг; قَعَاقِعُ الرَّعْدِ момақалдироқнинг гумбур-гумбури; 2) дабдабали нутқ

I قَعِيَ (а) قَعًا пучуқ бўлмоқ, бурнининг учи қайрилган бўлмоқ; IV أَقْعَى икки орқа оёғи устида ўтирмоқ (*ит ёки мушук ҳақида*)

– إِقْعَاءٌ 1) икки сажда ўртасида (*намозда*) икки товоннинг устига ўтириш (*шариатшунослар изоҳи*); 2) икки болдирни ерга тираган ҳолда тик қўйиб, ерга ўтириш (*тилшунослар изоҳи*)

– أَقْعَى *мн.* قَعْوَاءُ *кўп.* قُعْوٌ пучуқ

I قَفَّ (а/и) قُفُوفٌ 1) қуримоқ, қоқи бўлмоқ, нами қочмоқ; 2) тик бўлмоқ, тикка бўлмоқ (*соч ҳақида*); V تَقَفَّفَ (*мас., совуқдан*) қалтирамоқ, титрамоқ

– قُفٌّ *кўп.* قِفَافٌ *геол.* музликлар билан бирга кўчиб келган тоғ жинслари уюмлари, мореналар

– قَفَّةٌ (*безгакдан*) қалтираш, титраш

– قُفَّةٌ *кўп.* قُفَفٌ, قِفَافٌ 1) карзина, сават; 2) қайиқ (*Ироқда*); 3) қуриган дарахт; 4) қуриган ошқовоқ (*меваси*); 5) хурмо дарахти баргидан қовоқ шаклида тўқилган ва аёллар пахта-пилтасини соладиган идиш

I قَفَرَ (у) قَفْرٌ изма-из бормоқ, орқадан бормоқ; أَثَرَهُ ~ кимнингдир изидан бормоқ; IV أَقْفَرَ 1) одам йўқлигидан ҳувиллаб қолмоқ, хилват бўлмоқ; 2) бўшатмоқ; العَظْمَ ~ суякни тозаламоқ, ғажимоқ; VIII اِقْتَفَرَ = I

– إِقْفَارٌ 1) ҳувиллаб қолиш, бўшаб қолиш; 2) хилватлик, бўм-бўшлик, одамнинг йўқлиги

– قَفَارٌ: خُبْزٌ ~ қуп-қуруқ нон, ноннинг ўзи

– قَفْرٌ[1] одам йўқ, одамсиз, хилват; ◊ خُبْزٌ ~ қуп-қуруқ нон, ноннинг ўзи

– قَفْرٌ[2] *кўп.* قِفَارٌ саҳро; يَبَابٌ ~ бўм-бўш саҳро, қип-қизил саҳро

– قَفْرَاءُ саҳро

– قَفْرَةٌ *кўп.* قَفَرَاتٌ саҳро, чўл зонаси

– قُفَيْرٌ *кўп.* قُفْرَانٌ асалари яшиғи, асалари уяси

– قَفْرٌ[1] = مِقْفَارٌ

– مُقْفِرٌ бўм-бўш, одамсиз, хилват

I قَفَزَ (и) قَفْزٌ, قَفَزَانٌ сакрамоқ, иргимоқ; قَفْزَةً كُبْرَى ~ катта сакраш қилмоқ; فَوْقَهُ ~ ниманингдир устидан сакраб ўтмоқ; بِنَا ~ ... الحَدِيثُ إِلَى суҳбатимиз ...га томон кўчди; II قَفَّزَ 1) (*к. гадир*) қўлқоп кийгизмоқ; 2) сакрашга мажбур қилмоқ, сакратмоқ; V تَقَفَّزَ 1) қўлқоп киймоқ; 2) қўлга хина қўймоқ; VI تَقَافَزَ биргалашиб сакрашмоқ

– قَافِزٌ сакровчи

– قَافِزَةٌ *кўп.* قَوَافِزُ 1) сакровчи аёл; 2) қурбақа, бақа; 3) ҳашарот (*пахта зараркунандаси*)

– قُفَّازٌ *кўп.* قَفَافِيزُ қўлқоп; ~َانِ *ик.с.* бир жуфт қўлқоп

– قَفْزٌ сакраш; مُثَلَّثٌ ~ *спорт.* уч сакраш; بِالزَّانَةِ الـ~ лангарчўп билан сакраш; عَالٍ ~ баландликка сакраш; طَوِيلٌ ~ узунликка сакраш

– قَفْزَةٌ *кўп.* قَفَزَاتٌ, أَقْفِزَةٌ сакраш, иргиш; الـ~ُ الثُّلَاثِيَّةُ *спорт.* уч сакраш

– قَفِيزٌ *кўп.* ~َاتٌ — ҳалқа, қисқич; лўкидон, исканжа, қисқич; қафас; а) 14,5 أُوقَّةٌ *га тенг бўлган сочилувчан моддалар учун ўлчов бирлиги*; б) 144 ذِرَاعٌ *га тенг бўлган узунлик ўлчови бирлиги*

– قُفَيْزَى *спорт.* козёл, эчки, эшак (*гимнастика қурилмаси*)

I قَفَشَ (и) قَفْشٌ 1) йиғмоқ, жамламоқ, тўпламоқ; 2) тутмоқ, тутиб олмоқ, чанг солиб олмоқ; 3) кўққисдан босиб олмоқ, тутиб олмоқ; II قَفَّشَ чанг солмоқ, ушлаб олмоқ; VII اِنْقَفَشَ ушланмоқ, тутилмоқ, қўлга тушмоқ

– قَفْشٌ чанг солиш, ушлаб олиш; ◊ كَلَامٌ ~ а) бўлмағур гап, сафсата; б) ҳазил, ҳазил-мутойиба

– قَفْشَةٌ *кўп.* قَفَشَاتٌ қизиқчилик, ҳазил-мутойиба

قَفَّاصٌ қафасфуруш, қафас ясовчи

– تَقْفِيصَةٌ *кўп.* ~َاتٌ — товуқ катаги

– قَفَصٌ *кўп.* أَقْفَاصٌ 1) қафас; فِي ~ حَبَسَ қафасга қамамоқ; 2) тўқилган сават ёки сумка; 3) *шунингдек,* الـ~ُ الصَّدْرِ ёки ~ُ الصَّدْرِيُّ ёки ~ кўкрак қафаси; ◊ ~ُ الاِتِّهَامِ ёки ~ُ المُجْرِمِينَ ёки ~ المَحْكَمَةِ судланувчилар ўтирадиган ўриндиқ

قُفْطَانٌ куптон, чакмон, қаптон

I قَفَعَ (а) قَفْعٌ қовжирамоқ, бужмаймоқ, тиришмоқ, тортишмоқ; II قَفَّعَ қовжиратмоқ, бужмайтирмоқ, тириштирмоқ; V تَقَفَّعَ = I

– قَفْعٌ *тар ҳарб.* черепаха, тошбақа (*ҳарбий мослама*)

– قَفْعَةٌ *кўп.* قَفَعَاتٌ, قِفَاعٌ хурмо дарахти баргидан туби кенг ва оғзи тор қилиб тўқилган сават

– مُقَفَّعٌ 1) бужмайган, қовжираган; 2) ориқ, озғин (*одам ҳақида*)

قَفْقَفَ (*совуқдан, безгакдан*) қалтирамоқ (مِنْ); قَفْقَفَ = تَقَفْقَفَ

– قَفْقَفَةٌ қалтираш, титраш, қалтироқ

I قَفَلَ (قفل) قُفُولٌ (*u,y*) (*шунингдек:* رَاجِعًا ~) (*қаердандир*) қайтиб келмоқ, қайтмоқ, келмоқ (مِنْ); قَفَلَ (*u*) قَفْلٌ 1) ёпмоқ, беркитмоқ; ~ النُّورَ чироқни ўчирмоқ; 2) жамламоқ, жамғармоқ, йиғмоқ; II قَفَّلَ қулфламоқ, қулф билан беркитмоқ; IV أَقْفَلَ = II ~ الْمُنَاقَشَةَ муҳокамани тўхтатмоқ; ~ النُّورَ чироқни ўчирмоқ; VII اِنْقَفَلَ берк (ёпиқ) бўлмоқ; ўчиқ бўлмоқ, ўчирилмоқ

– تَقْفِيلَةٌ *муз.* асарнинг хотима қисми, савти

– قَافِلٌ 1) қайтувчи, қайтиб келувчи; 2) беркитувчи, ёпувчи

– قَافِلَةٌ *кўп.* قَوَافِلُ 1) карвон; 2) (*намойишчилар*) колоннаси; 3) қўриқлаб борувчи соқчи кемалар

– قَفَّالٌ слесарь

– قُفْلٌ *кўп.* قُفُولٌ, أَقْفَالٌ қулф, осиб қўйиладиган қулф; тамба, тиргак, лўкидон

– قَفْلَةٌ[1] энса, гардан; ~ الْـ مَانْشِيتُ مِنَ الْمَانْشِيتِ إِلَى *кар.*

– قَفْلَةٌ[2] *кўп.* قَفْلٌ қафла (أُوقِيَّة*нинг 1/10 ига ёки 3, 744 гр.га тенг бўлган оғирлик ўлчови*)

– قِيفَالٌ билакдаги қон томири

– مُقْفَلٌ ёпиқ, берк; ~ الْاِجْتِمَاعُ الْـ ёпиқ йиғилиш; ◊ ~ الْيَدَيْنِ хасис, бахил

قَفِينَةٌ орқа томонидан (гарданидан) сўйилган қўй

قَفَنْدَرٌ *зоол.* палтус (*шимолда яшовчи балиқ турларидан бири*)

I قَفَا (قفو) قَفْوٌ (*y*) 1) قَفْوٌ (*к. нингдир*) ивидан бормоқ, орқасидан кетмоқ; ~ أَثَرَهُ кимнингдир орқасидан бормоқ; 2) туҳмат қилмоқ, ноҳақ айбламоқ; II قَفَّى 1) (*к. нингдир*) орқасидан жўнатмоқ (بِ); 2) (*сўзларни*) қофияламоқ, қофияга солмоқ; V تَقَفَّى изидан бормоқ; VIII اِقْتَفَى 1) орқадан бормоқ; 2) издан бормоқ; ~ الْمَثَلَ ўрнак олиб эргашмоқ; 3) таъқиб қилмоқ; ~ أَثَرَهُ а) изидан бормоқ, кимнингдир таъқиб қилмоқ; б) кимгадир тақлид қилмоқ, кимгадир ўхшатиб иш тутмоқ

– تَقْفِيَةٌ қофиялаш, қофияланиш

– قَافِيَةٌ *кўп.* قَوَافٍ 1) қофия, ҳамоҳанглик, оҳангдошлик; 2) сўз ўйини; ҳазил, ҳазил- мутойиба; 3) икки маънолилик; 4) энса, гардан; ◊ ~ بِلَا беҳазил, киноясиз, шама қилмасдан

– قَفًا *кўп.* أَقْفَاءٌ, قُفِيٌّ *мз. мн.* энса, гардан; ~هُ فِي عَيْنَاهُ *маж.* у жуда ҳушёр (*сўзма-сўз:* унинг икки кўзи гарданида); رَجَعَ كَمَا جَاءَ وَ~هُ вَجْهُهُ مِثْلَ ~هُ кўп-қуруқ қайтмоқ, икки қўлини бурнига тиқиб қайтмоқ (*сўзма-сўз:* юзи энсасига ўхшаб қайтмоқ); 2) орқа томон, терс, тескари томон; ◊ ~ مِنْ орқа томондан; ичкаридан, фронт орқасида

– قَفَاءٌ *кўп.* أَقْفَاءٌ, أَقْفِيَةٌ = قَفًا

– مُقَفًّى ҳамоҳанг, оҳангдош, қофиядош

I قَلَّ[1] (قلّ) (*a/u*) قِلَّةٌ 1) оз бўлмоқ, арзимаган миқдорда бўлмоқ, озаймоқ, оз сонли бўлмоқ; 2) камёб бўлмоқ; кам учрамоқ; ~ مَا гоҳо, гоҳ-гоҳ; ~ مَا يَكْتُبُ إِلَيَّ у менга гоҳ-гоҳ хат ёзади; 3) (*н. дандир*) оз бўлмоқ (عَنْ) 4) озаймоқ, камаймоқ; ◊ ~ مَا وَ دَلَّ қисқа, лекин аниқ-равшан; قَلَّ[2] (*a/u*) قَلٌّ 1) кўтармоқ, юқорига олмоқ; 2) ташимоқ, олиб бормоқ; II قَلَّلَ 1) озайтирмоқ, камайтирмоқ, чекламоқ; IV أَقَلَّ 1) кўтармоқ, юқорига чиқармоқ, ~ الْجَرَّةَ кўзани кўтара олмоқ; 2) ташимоқ, элтмоқ; (*қаергадир*) олиб бормоқ, кўчирмоқ, етказмоқ (إِلَى); 3) (*қаердандир*) кетмоқ, жўнаб кетмоқ (مِنْ); 4) (*н. нидир*) оз миқдорда бажармоқ; 5) озайтирмоқ, камайтирмоқ; 6) фақир (камхарж, камбағал) бўлмоқ; X اِسْتَقَلَّ 1) мустақил бўлмоқ, истиқлолга эришмоқ; якка ҳолда ҳаракат қилмоқ, (*н. нидир*) битта ўзи бажармоқ (بِ); 2) оз, оз миқдорда деб ҳисобламоқ; (*қаёққадир*) йўл олмоқ, жўнамоқ, бормоқ (إِلَى); 4) (*бирор транспорт воситасига*) ўтирмоқ; ~ الْبَاخِرَةَ пароходга ўтирмоқ; ~ الْقِطَارَ поездга ўтирмоқ; ~ السَّيَّارَةَ автомобилга ўтирмоқ; ~ الطَّائِرَةَ самолётга ўтирмоқ; ~ الْحِمَارَ эшакка минмоқ; 5) (*юқорига*) кўтарилмоқ

– اِسْتِقْلَالٌ истиқлол, мустақиллик; ~ ذَاتِيٌّ ўз-ўзини бошқариш, автономия

– اِسْتِقْلَالِيٌّ 1) истиқлолга оид; мустақилликка оид, ~ـة شِعَارَاتٌ мустақиллик талаб қилувчи шиорлар 2) истиқлол курашчиси

– اِسْتِقْلَالِيَّةٌ автономия

– أَقَلُّ энг оз, жуда оз; ~ الْـ минимум; ~ مَا يُقَالُ عَنْهُ (فيه) هُوَ أَنَّهُ ... у ҳақда айтиш мумкин бўлган гапларнинг энг нодири шуки, у ...; ◊ ~ عَلَى الْـ ақалли, ҳеч бўлмаганда

– أَقَلِّيَّةٌ 1) озчилик; 2) майда миллат

– قُلٌّ = قِلَّةٌ الْحَمْدُ لِلّٰهِ عَلَى الْـ~ وَ الْكُثْرِ Оллоҳ берганининг озига ҳам, кўпига ҳам шукурлар бўлсин!

– قُلٌّ[1] *ёки* قِلٌّ озлик, оз миқдордалик; озгина, оз сондаги, оз миқдордаги

– قُلٌّ[2] қалтираш, титраш, қалтироқ

– قَلَّايَةٌ *кўп.* قَلَالِيُّ, ـــ اتٌ 1) ҳужра, хона; 2) қибтий патриархнинг эгаллайдиган жойи

– قُلَلِيٌّ *кўп.* قُلَلِيَّةٌ кўзагар, кулол, кўзачи уста

– قِلَّةٌ *кўп.* قِلَلٌ 1) озлик, оз, оз миқдорда; ~ الْـ الْمُمْتَازَةُ имтиёзга эга бўлган озчилик; ~ الْعَدَدِ оз сонлилик; ~ جَمْعُ الْـ *грам.* оз миқдордаги кўпликни ифодаловчи кўплик; 2) етишмовчилик, етишмаслик; 3) камчилик, камёблик; ~ الْأَدَبِ адабсизлик, ҳурматсизлик; ~ الْحَيَاءِ уятсизлик; ~ الْعَقْلِ ақлсизлик; ~ الْحَرَكَةِ камҳаракатлилик

– قَلَّةٌ 1) тузалиш, соғайиш; 2) тикланиш, омаднинг қайтиб келиши

– قُلَّةٌ *кўп* قُلَلٌ, قِلَالٌ кўза; ~ كَسَّرُوا وَرَاءَهُ орқасидан тош отдилар (*сўзма-сўз:* орқасидан кўза синдирдилар-*хуш кўрилмаган меҳмон кетгандан кейин*); 2) (*тоғ*) чўққиси; миянинг қоқ тепаси; 3) туянинг юмшоқ танглайи; 4) ҳар бир нарсанинг юқори (тепа) қисми

– قَلِيلٌ *кўп.* قَلَائِلُ 1) оз, озгина, кўп бўлмаган; ~ غَيْرُ *кўп.* оз бўлмаган; ~ الْأَدَبِ адабсиз, беҳурмат; ~ الْاِخْتِبَارِ (التَّجْرِبَةِ) тажрибаси оз; ~ الْبِضَاعَةِ *кўч. м.* билими оз, билим даражаси паст; ~ الْحَيَاءِ уятсиз, сурбет; ~ الصَّبْرِ бесабр, бетоқат; ~ الْعَقْلِ ақлсиз, тентак; ~ الْمَالِ камбағал; ~ الْمَعْرِفَةِ жоҳил, оми, маърифатсиз; ~ الْوُجُودِ камёб, ноёб; بَعْدَ أَيَّامٍ قَلَائِلَ яқин кунларда; ~اً оз миқдорда, озгина; аҳёнда; ~ الْعَدَدِ оз миқдорда; кам учрайдиган; 3) орик, озғин; ◊ ~ أَوْ كَثِيرٍ فِي *ёки* فِي ~ وَ لَا كَثِيرٍ сира, ҳеч, мутлақо; هٰذَا ~ مِنْ كَثِيرٍ مِمَّا ... ...дан озгинаси мана шу; ~ عَمَّا тез кунда, тезда; ~اً ~اً оз-оздан; ~ بَعْدَ *ёки* بِـ~ بَعْدَ ذٰلِكَ бир оз вақтдан кейин, бироз вақт ўтгач; ~ مُنْذُ оз вақт илгари

– قِلِّيَّةٌ *кўп.* قَلَالِيُّ хона, бўлма; ◊ بِـ~ـهِ ҳаммаси, бутунлай, тўлалигича

– مُسْتَقِلٌّ 1) мустақил; 2) автоном

– مُقِلٌّ 1) оз иш қилувчи; ~ كَاتِبٌ оз асар ёзадиган ёзувчи; 2) камбағал, фақир; 3) хасис, бахил; 4) қурумсоқ, қоқбош

قَلَاوُوظٌ *қар.* قَلَاوُظٌ

I قَلَبَ (*и*) قَلْبٌ 1) айлантирмоқ; 2 ағдармоқ, тўнтармоқ; ~ـهُ قَلْبًا ниманидир тўнтармоқ; ~ الصَّفْحَةَ янги варақни (саҳифани) очмоқ; ~ـهُ عَلَى قَفَاهُ бирор нарсани бошқа томонга ағдармоқ; 3) ўнгини тескарисига ағдармоқ, ичини ағдармоқ; ~ بَاطِنَهُ إِلَى ظَاهِرِهِ бирор нарсанинг тесини, астарини ағдармоқ; ~ الْحَدِيثَ ظَهْرًا لِبَطْنٍ ғийбат қилмоқ, фисқи-фасод қилиш билан шуғулланмоқ; 4) ағдариб тикмоқ, ағдарма қилмоқ; 5) ўзгартирмоқ; айлантирмоқ, айлантириб юбормоқ; 6) (*ҳукуматни*) йиқитмоқ, ағдармоқ; ◊ ~ الدُّنْيَا а) ҳаммани оёққа турғизмоқ; б) ҳамма имкониятларни ишга солмоқ; ~ النَّخْلَةَ хурмо дарахтини суғурмоқ; ~ الْحَقَائِقَ ҳақиқатни бузмоқ; ~ هٰذَا رَأْسًا عَلَى عَقِبٍ остин-устун қилмоқ; ~ ظَهْرَ الْمِجَنِّ *қар.* مِجَنٌّ; ~تَ نَفْسِي الدُّنْيَا عَلَيْهِ ҳаммани бу нарса унга қарши қилиб қўйди; кўнглим айнияпти; II قَلَّبَ 1) ҳар томонга ўгириб кўрмоқ; 2) варақламоқ; 3) айлантирмоқ, тўзитмоқ; ◊ ~ الْأَمْرَ بِعَقْلِهِ ниманидир яхшилаб ўйлаб кўрмоқ; ~ الرَّأْيَ فِي ... *ёки* ~ أَوْجُهَ الرَّأْيِ فِي ... ниманидир обдон ўйлаб кўрмоқ; ~ الطَّرْفَ у ёқ-бу ёққа алангламоқ; ~ عَيْنَيْهِ فِي ... атрофга кўз ташламоқ; ~ النَّظَرَ فِي ... (*н. нингдир устида*) мияни ишлатмоқ; V تَقَلَّبَ 1) (*тўшакда*) у ёқ-бу ёққа ағдарилмоқ; тўнтарилиб қолмоқ; 2) ўзгариб турмоқ, чиқиб-тушиб турмоқ (*нарх ҳақида*); 3) ўзгарувчан бўлмоқ, омонат бўлмоқ; ~ فِي الْمَنَاصِبِ навбати билан ҳамма мансабларни эгаллаб чиқмоқ; ◊ ~ فِي النَّعْمَاءِ ҳузур-ҳаловатда яшамоқ; VII اِنْقَلَبَ 1) ағдарилмоқ, тўнтарилмоқ, ағанамоқ (*мас., қайиқ*); ~ الْحَالُ *маж.* иш бошқача тус олди; 2) ағдар-тўнтар бўлмоқ; 3) (*бирор н.-га*) айланмоқ, ўзгармоқ (*туш. к. ёки* إِلَى); ~ إِلَى الْهُجُومِ ҳужумга ўтмоқ; 4) (*к. гадир қарши*) кўтарилмоқ, чиқмоқ (عَلَى); 5) (*ҳаергадир*) қайтмоқ, қайтиб келмоқ; ~ مِنْ دَارٍ إِلَى دَارٍ уйма-уй юрмоқ

– اِنْقِلَابٌ *кўп.* اتٌ — 1) ўзгариш; 2) тўнтариш, исён; *сиёс. эск.* революция; ~ عَسْكَرِيٌّ ҳарбий тўнтариш; ~ الْقَصْرِ сарой тўнтариши; 3) *шунингдек* الـ~ الشَّمْسِيُّ Қуёш туриши (*Қуёшнинг экватордан энг узоқ нуқтадан ўтиши*); الـ~ الشِّتَائِيُّ қишки Қуёш туриши; الـ~ الصَّيْفِيُّ ёзги Қуёш туриши; دَائِرَةُ الـ~ *астр.* мадор, тропик; دَائِرَةُ الـ~ الشَّتَوِيِّ Жад мадори (*тропиги*); دَائِرَةُ الـ~ الصَّيْفِيِّ Саратон мадори (*тропиги*)

– اِنْقِلَابِيٌّ 1) инқилобга оид; 2) тўнтариш қатнашчиси, исёнкор

– تَقَلُّبٌ *кўп.* اتٌ — 1) ўзгарувчанлик; سَرِيعُ الـ~ тез ўзгарувчан, турғун эмас; 2) ўзгариш, ўзгарилиш; иккиланиш; ~ الْأَسْعَارِ нарх-навонинг ўзгариб туриши; تَقَلُّبَاتُ الْجَوِّ об-ҳавонинг ўзгариши; تَقَلُّبَاتُ الطَّقْسِ об-ҳаводаги кескин ўзгаришлар; تَقَلُّبَاتُ الدَّهْرِ *ёки* تَقَلُّبَاتُ الزَّمَنِ *ёки* تَقَلُّبَاتُ الْأَحْوَالِ турмушдаги кутилмаган ўзгаришлар, ҳаётда юз берадиган мушкулликлар; تَقَلُّبَاتُ الْأَفْكَارِ қатъиятсизлик; كُتْلَةُ الـ~ *физ.* критик ҳолат (*мас., плутонийники*)

– قَالَبٌ, قَالِبٌ *кўп.* قَوَالِبُ 1) қолип; модель; *полигр.* матрица; 2) қолип, шон (*этикдўзларда*); ◊ ~ الْجُبْنَةِ бир думалоқ пишлоқ; ~ السُّكَّرِ бир калла қанд; ~ الصَّابُونِ бир бўлак совун; ~ الطُّوبِ ғишт; ~اً وَ قَلْبًا бор вужуди билан

– قُلَابٌ юрак касаллиги

– قَلَّابٌ 1) ағдариладиган, ағдарма; ~ عَرَبَةٌ а) ағдарма тележка; б) самосвал; с) *т.-й.* думпкар (*вагон ағдарадиган мослама*); 2) нотурғун, қўнимсиз, буқаламун; 3) *кўп.* اتٌ — (*шунингдек:* سَيَّارَةٌ ~ة) самосвал

– قَلَّابَةٌ *кўп.* اتٌ — қайтарма, қайтариб (букиб) қўйиладиган жой, қайтарма ёқа, чўнтак қопқоғи; قَلَّابَةُ الْجُيُوبِ чўнтак қопқоқлари

– [1]قَلْبٌ 1) айланиш; 2) ағдарилиш; 3) ўзгариш, бузиб кўрсатиш, нотўғри талқин қилиш; ~ لِلْمَفَاهِيمِ وَ مَنْطِقِ الْأَشْيَاءِ тушунчалар ва мантиқийликни бузиб кўрсатиш; 4) (*ҳокимиятни*) тўнтариш; 5) *фон* сўзда товушларнинг ўрни алмашиши

– [2]قَلْبٌ *кўп.* قُلُوبٌ 1) юрак, қалб; قُلُوبٌ غُلْفٌ ҳиссиётсиз, тош юраклар; ضَعِيفُ الـ~ иродаси суст; قَاسِي الـ~ берахм, бағри

тош; قَوِيُّ الــ~ кучли, бақувват; довюрак, жасур; أَمْسَكَ ~ـهُ فِي
يَدِهِ ботинмоқ, журъат этмоқ; حَدَّثَهُ حَدِيثَ الــ~ إِلَى الــ~ ким
биландир дўстона суҳбат қилмоқ; ~ِ قَالِبًا وَ بор вужуди билан; فَتَحَ
... مِنْ كُلِّ ~ـهِ لِـــ (к. гадир) юрагини ёзмоқ, дилидагини айтмоқ,
~ـه жон-дили билан; تَوَقَّفَ عَنِ الْخَفَقَانِ ~ـهُ вафот этмоқ; 2)
ақл; 3) мағиз, ядро; уруғ, дон; 4) ўрта, марказ; (мас., уйнинг)
ичкараси; الشِّتَاءِ ~ қишнинг авжи; الْوَادِي ~ водий ўртаси; الدِّفَاعِ ~
спорт. ҳимоя маркази; فِي ~ الْعَاصِمَةِ пойтахт марказида; فِي ~ بَيْتِهِ
ўз уйида; 5) бирор нарса тўпланган жой; الظَّلَامِ ~ қоронғилик
қуюқлашган жой; 6) медальон; 7) халқ. (мас., ғилдирак) ўқи; 8) халқ.
қорин, ошқозон; ◊ أَسْوَدُ الــ~ ёвуз; нияти ёвуз; أَبْيَضُ الــ~
раҳмдил, меҳрибон, оқ кўнгил; عَلَى ظَهْرِ الــ~ ёки عَنْ ظَهْرِ الــ~
ёддан; الْحِنْطَةِ ~ буғдойнинг мағзидан тайёрланган ёрма; أَفْعَالُ
الْقُلُوبِ грам. "ўйламоқ", "гумон қилмоқ" каби гумонни билдирувчи
феъллар категорияси (ظَنَّ وَ أَخَوَاتُهَا); انْخَلَعَ ~ـهُ қўрқиб кетмоқ,
сапчиб тушмоқ; سَقَطَ ~ـهُ بَيْنَ قَدَمَيْهِ ёки أَصْبَحَ ~ـهُ بَيْنَ رِجْلَيْهِ ёки
أَصْبَحَ ~ـهُ فِي أَطْرَافِ قَدَمَيْهِ қўрққанидан жони чиқаёзди; مَزَّقَ
(كَسَّرَ) ~ـهُ юрагини эзмоқ, жонини ачитмоқ; يَتَقَطَّعُ الــ~ لِمُجَرَّدِ
سَمَاعِ هٰذِهِ الْأَنْبَاءِ бу хабарни эшитибоқ юрак ларзага келади;
يَعِيشُونَ هُنَاكَ وَ أَيْدِيهِمْ عَلَى قُلُوبِهِمْ улар юракларини ҳовучлаб
яшашмоқда

– قَلْبٌ[3], قُلْبٌ хурмо дарахтининг ёғочи

– قُلْبٌ 1) кичикина билакузук; 2) хурмо дарахтининг ёғочи; 3)
заҳарли илон

– قُلَّبٌ ўзгарувчан, буқаламун, ўзгариб турадиган

– قُلَابٌ юрак касаллиги

– قَلْبَةٌ кўп. قَلَبَاتٌ 1) қайрилган, букланган жой, қайирма ёқа; енг учидаги қайтариб тикилган жой; 2) зинанинг икки супа ўртасидаги қисми

– قَلْبِيٌّ 1) юракка оид; الشَّكْلِ ~ юрак шаклидаги; 2) самимий; ~ًا чин юракдан, самимият билан

– قُلُوبٌ беқарор, нотурғун, ўзгарувчан

– قَلِيبٌ мз. мн. кўп. قُلُبٌ, قُلْبَانٌ 1) қудуқ; 2) гардишга тош териб кўтарилмаган қудуқ

– مُتَقَلِّبٌ ўзгариб турадиган; беқарор, нотурғун, турланиб турадиган, айниб турадиган; الْأَمْيَالِ ~ нозик, инжиқ

– مَقْلَبٌ кўп مَقَالِبُ ахлат уюми; 2) ҳазил, ҳазил-мутойиба фириб, тузоқ; دَبَّرَ لَهُ ~ًا кимгадир тузоқ қўймоқ; 3) астр. осмон жисмларининг меридиандан ўтиш пайти

– مِقْلَبٌ кетмон, мотига

– مَقْلُوبٌ 1) ағдарилган, тўнтарилган; الصُّورَةُ الــ~ـةُ ойнадаги акс, тасвир; السَّحْنَةُ الــ~ـةُ юздаги табъи хиралик; 2) эгилган, букилган; теси ағдарилган; ◊ بِالــ~ а) чаппасига, тескарисига; б) терс томондан, тескаридан; в) аксинча

– مُنْقَلَبٌ 1) қайтиш жойи; 2) натижа; 3) Қуёшнинг экватордан энг узоқ нуқтадан ўтиши; شَتْوِيٌّ ~ Жад мадори (тропиги); صَيْفِيٌّ ~ Саратон мадори (тропиги); 4) = انْقِلَابٌ

قَلْبَقٌ кўп. قَلَابِقُ қалпоқ, шапка

قَلَتَ I قَلَتَ (а) ҳалок бўлмоқ, ҳалокатга учрамоқ

– قَلْتٌ кўп. قِلَاتٌ чуқурлик, чуқур, чўнқир, ўра

– قُلْتٌ бот. пўсти очиқ арпа

– مَقْلَتَةٌ ҳалокат

قَلَحٌ мн. кўп. قَلْحَاءُ أَقْلَحُ тиши остида сариқ тош бор одам

– قَلَحٌ, قُلَاحٌ тишдаги сариқ тош

– قَوْلَحَةٌ кўп. قَوَالِحُ, قَوَالِحَةٌ карам ўзаги; сўта (донсиз)

قَلْخَفَ қуриб-қотиб кетмоқ, тошдай қотиб кетмоқ

– قَلْخَفَةٌ қуриб-қотишлик, қаттиқлик, тошдек қотишлик

قَلَدَ I قَلَدَ (и) قَلْدٌ ўрмоқ, эшмоқ, йигирмоқ; бурмоқ; II قَلَّدَ 1) (к. гадир) маржон ёки орден тақиб қўймоқ; السَّيْفَ ~هُ кимнингдир белига қилич осмоқ; الْبَدَنَةَ ~ қурбонликка ажратилганлиги биланиб турсин учун ҳайвоннинг бўйнига бирор нарса осиб қўймоқ; 2) ҳокимиятга эга қилмоқ, мансабга таъйин қилмоқ, мажбурият юкламоқ; قُلِّدَ وِزَارَةَ الْخَارِجِيَّةِ у ташқи ишлар вазири этиб таъйинланди; 3) тақлид қилмоқ, ўхшатмоқ; 4) сохталаштирмоқ, қалбакилаштирмоқ; 5) бировни масхара қилиб тақлид қилмоқ; V تَقَلَّدَ 1) ўзига (маржон, орден ва ҳ. к. ларни) тақмоқ; بُنْدُقِيَّةً ~ милтиқни бошидан ўтказиб елкасига илиб олмоқ; 2) ҳокимиятга эга бўлмоқ, мансабни эгалламоқ; мажбурият қабул қилмоқ, мажбуриятни адо этмоқ; ~ وِزَارَةَ الدَّاخِلِيَّةِ ички ишлар вазири мансабини эгалламоқ; الْأَمْرَ ~ ҳокимиятни ўз қўлига олмоқ; 3) (к. гадир) тақлид қилмоқ (بِ); ~ جَمِيعَ شَارَاتِهِ وَ أَوْسِمَتِهِ барча даража ва орденларга эга бўлмоқ

– إِقْلِيدٌ кўп. أَقَالِيدُ калит, очқич

– تَقْلِيدٌ кўп. تَقَالِيدُ, ــاتٌ 1) (ҳокимиятга) эга қилиш; 2) (мансабга) таъйин қилиш; 3) тақлид қилиш; الْأَعْمَى الــ~ кўр-кўрона тақлид қилиш; 4) имитация; сохталаштириш, қалбакилаштириш; 5) афсона, эртак; 5) анъана

– تَقْلِيدِيٌّ 1) анъанавий, одатдаги; тақлидий; طُرُقٌ ~ـةٌ анъанавий услублар (йўллар); 2) анъаналарга риоя қиладиган одам

– تَقْلِيدِيَّةٌ анъаналарга риоя қилишлик, содиқ қолишлик, традиционализм

– قِلَادَةٌ кўп قَلَائِدُ марварид ёки маржон шодаси; шода; النِّيلِ ~ Нил шодаси (Миср Араб Республикаси ордени номи); قَلَائِدُ الشِّعْرِ маж. шеърият дурдоналари

– قَلِيدٌ эшилган, буралган, йигирилган

– مُتَقَلِّدٌ киювчи, ўзига тақувчи, илувчи

– مِقْلَادٌ *кўп.* مَقَالِيدُ калит; ◊ مَقَالِيدُ الْأُمُورِ ҳокимият жилови, бошқариш йўллари; مَقَالِيدُ الرِّئَاسَةِ вазирлар маҳкамаси раисининг ваколатлари; تَسَلَّمَ مَقَالِيدَ الْحُكْمِ *ёки* اسْتَوْلَى عَلَى مَقَالِيدِ الْحُكْمِ ҳокимият тепасига чиқмоқ; أَلْقَى إِلَيْهِ مَقَالِيدَ الْأُمُورِ ишларни бошқаришни кимгадир топширмоқ

– مُقَلَّدٌ сохта, қалбаки

– مُقَلِّدٌ 1) тақлид қилувчи; 2) имитатор; 3) сохтакор, фирибгар, қалбаки ишлар қилувчи

– مِقْلَدٌ *кўп.* مَقَالِدُ калит

– قَلِيدٌ = مِقْلُودٌ

قَلَاوُظٌ، قَلَاوُوظٌ = قَلَاوُوزٌ

قُلُزٌّ، قِلِزٌّ бронза

I قَلَسَ (и) قَلْسٌ 1) кекирмоқ; 2) ўйинга (*рақсга*) тушмоқ; 3) еган *ёки* ичгани қайтиб оғзига келмоқ (*сол.* قَاءَ (у) قَيْءٌ қусмоқ, қайт қилмоқ); II قَلَّسَ 1) (*к. нингдир*) устидан кулмоқ, мазаҳ қилмоқ, (*к. гадир*) ҳазил қилмоқ (عَلَى); 2) (*к. нингдир олдида*) эгилиб букулмоқ (لِـ); тиз бикиб таъзим қилмоқ (*аёллар ҳақида*); 3) (*к. гадир*) қалпоқ (*шапка*) кийдирмоқ

– قَلْسٌ *кўп.* قُلُوسٌ йўғон арқон, трос; *денг.* кемани боғлаб қўйиладиган йўғон арқон

– قَلُوسَةٌ *кўп.* قَلَالِيسُ қалпоқ

قَلْنَسَى кимгадир дўппи (*қар.* قَلَنْسُوَةٌ) кийгизмоқ; تَقَلْنَسَ *ёки* تَقَلْسَى *ёки* تَقَلَّسَ дўппи (*қар.* قَلَنْسُوَةٌ) киймоқ

(قلش) II قَلَّشَ туламоқ, пўст ташламоқ, юнги тўкилмоқ

– تَقْلِيشٌ тулаш, юнг тўкилиши

– قَالُوشٌ *алиф.б.қ.*

قَلْشِينٌ *кўп.* قَلَاشِينُ болдирга ўрайдиган махсус ўрама

I قَلَصَ (и) قُلُوصٌ 1) қисқармоқ, озаймоқ; ~ ظِلُّهُ унинг куч-қудрати пасайди; 2) бужмаймоқ, қисилмоқ, ғижимланмоқ, кирмоқ, киришмоқ (*мато ҳақида*); 3) кўтарилмоқ, сакрамоқ; ~تِ الشَّفَةُ лаб чўччайди; II قَلَّصَ 1) қисқартмоқ, озайтирмоқ; енгни шимармоқ; (*этакни*) йиғиштирмоқ; 3) ғижимламоқ, сиқмоқ, қисмоқ; V تَقَلَّصَ 1) қисқармоқ; ~ ظِلُّهُ = قَلَصَ ظِلُّهُ *қар.* قَلَصَ; 2) қисилмоқ, сиқилмоқ, жунжаймоқ, ғужанак бўлмоқ; 3) (*б. н. дан*) узоқлашмоқ

– تَقَلُّصٌ размернинг кичрайиши (*кириши*); қисилиш, сиқилиш; киришиш, киришиб кетиш (*мато ҳақида*); *мед.* спазм; ~ فِي جُمُودٌ وَ *ёки* حَرَكَةُ الْبَيْعِ وَالشِّرَاءِ *савдо.* савдо-сотиқнинг қисқариши

– قَلُوصٌ 1) ёш қиз; 2) *кўп.* قُلُصٌ، قِلَاصٌ، قَلَائِصُ، قُلْصَانٌ оёқлари узун урғочи туя; 3) янги минила бошланган урғочи туя

– مُتَقَلِّصٌ 1) қисқарувчи; 2) қисқарган; қимтилган (*лаб*)

(قلط) II قَلَّطَ бўшанмоқ, ичини бўшатмоқ

– قَلَطٌ даббалик

– قُلُوطٌ *кўп.* قَلَالِيطُ тезак, таппи

– قَلِيطٌ даббаси бор одам

– قَلِيطٌ даббалик

– قَلِيطَةٌ *мед.* мояк халтасига сув тўпланиш касаллиги

– قَلِيطٌ = قِيلِيطٌ

– مُقَلَّطٌ моягига сув тўпланган киши

I قَلَعَ (а) قَلْعٌ 1) суғурмоқ, суғуриб чиқармоқ; бузиб чиқармоқ, синдириб олмоқ; ~ الشَّمَنْدَرَ қизилчани қазиб (кавлаб) олмоқ; 2) (*мас., кийимни*) ечмоқ; II قَلَّعَ 1) битта-битталаб илдизи билан суғурмоқ (*ўсимликни*); суғуриб чиқармоқ; 2) суриб кетмоқ, ҳайдаб юбормоқ; IV أَقْلَعَ (*қаердандир*) жўнаб кетмоқ, сузиб кетмоқ (*кема ҳақида* مِنْ); учиб кетмоқ, ҳавога кўтарилмоқ (*самолёт ҳақида*); 2) (*н. дандир*) чекинмоқ, (*н. нидир*) рад этмоқ, тарк этмоқ (عَنْ); ~ عَنِ التَّدْخِينِ чекишни ташламоқ; V تَقَلَّعَ илдизи билан суғурилмоқ; VII انْقَلَعَ ажралмоқ, айрилмоқ, бўлинмоқ; 2) суғуриб олинмоқ; узоқлаштирилмоқ; 3) кетмоқ, жўнамоқ; VIII اقْتَلَعَ (*ўсимликни*) юлмоқ, суғурмоқ; (*тиш*) суғуртирмоқ

– قَلْعٌ = اقْتِلَاعٌ

– تَقْلِيعَةٌ *кўп.* تَقَالِيعُ 1) янгилик; янги киритилган тартиб, янги усуллар; آخِرُ تَقَالِيعِ الْمُوضَةِ энг сўнгги мода; 2) ғалатилик, инжиқлик, ғалати қилиқ

– قَلَّاعٌ миршаб, полиция

– قُلَاعٌ[1] ҳайвондаги оқсим касаллиги

– قُلَاعٌ[2] қуриганда ёрилиб кетадиган лой

– قَلَّاعَةٌ палахмонга солиб отиладиган тош ёки кесак

– قُلَاعِيٌّ оқсим касаллигига оид; الْحُمَّى الـ~ـة оқсим касаллигидаги иситма

– قَلْعٌ[1] суғуриш, тортиб чиқариш, чиқариб олиш; чиқариб ташлаш, ажратиб олиш

– قَلَعٌ[2] олий навли қўрғошин

– قِلْعٌ *кўп.* قِلَاعٌ، قُلُوعٌ елкан

– قَلْعَةٌ *кўп.* قِلَاعٌ 1) қалъа, қўрғон; الـ~ الْحَصِينَةُ ёв ололмайдиган қалъа; ~ لِلسِّلْمِ وَالتَّقَدُّمِ тинчлик ва тараққиёт таянчи; الـ~ الطَّائِرَةُ *ав.* учар қалъа; إِنَّ ~ـهُمْ فِي هٰذَا الْأَمْرِ مَنِيعَةٌ *мaж.* улар бу масалада қатъий позицияда турибдилар (*сўзма-сўз:* бу масалада уларнинг қўрғонлари мустаҳкам); ~ صَاحِبُ صَنْعَةٍ مَالِكٌ *мтл.* ҳунари бор-омонликда (*сўзма-сўз:* ҳунари бор-қўрғон эгасидир); 2) *шахм.* рух; 3) тоғ устига қурилган қалъа

– قَلْعَةٌ *кўп.* улкан тош, харсанг

– قَلْعَةٌ қарзга олинган бойлик, эрати бойлик; бировнинг бойлиги;

◊ الدُّنْيَا دَارُ الـــ~ бу дунё вақтинчалик макондир

– قُلَيْعَةٌ кичкина қалъа, қалъача

– مِقْلاَعٌ *кўп.* مَقَالِيعُ сопқон, палахмон; *эск.* манжаниқ

– مِقْلَعٌ *кўп.* مَقَالِعُ *шунингдек.* الْحِجَارَةِ ~ тош кони

– مُقْلَعٌ елканли; سُفُنٌ مُقْلَعَاتٌ елканли кемалар

قَلْعَطَ ифлос қилмоқ, кир қилмоқ; اقْلَعَطَّ қўнғироқ бўлмоқ, жингалакланмоқ (*соч ҳақида*)

– قَلْعَطَةٌ[1] ифлос қилиш, кир қилиш

– قَلْعَطَةٌ[2] қўнғироқлик, жингалаклик

I قَلَفَ (и) قَلْفٌ (*мас., пўстини*) олмоқ, артмоқ, сидирмоқ; 2) хатна қилмоқ; 3) (*кемани*) сув кирмайдиган қилиб тиришларини беркитмоқ; II قَلَّفَ (*кемани*) ёғламоқ, мойламоқ

– أَقْلَفُ *мн.* قُلْفَاءُ *кўп.* قُلْفٌ хатна қилинмаган

– قُلاَفَةٌ пўст, тери, устки қават

– قِلاَفَةٌ (*кеманинг*) тирқишларини беркитиш

– قُلْفَةٌ, قَلَفَةٌ *кўп.* قُلَفٌ *анат.* эркаклар олатининг учи

– قِلْفٌ *бот.* пўстлоқ, пўст, юпқа тери

قَلْفَا гуруҳ оқсоқоли, ўқитувчининг ёрдамчиси, халфа (*мактабда*)

قَلْفَطَ 1) кемага смола суртмоқ (*сув кирмаслиги учун*); 2) ишни чала-чулпа (пала-партиш) бажармоқ

– قِلْفَاطٌ, قُلْفَاطٌ кеманинг тирқишларини сув кирмаслиги учун беркитиш

– قَلْفَطَةٌ 1) (*кемани*) смолалаш, тирқишларини беркитиш; 2) чала-чулпа қилинган иш

– قَلْفَطِيٌّ *кўп.* قِلْفَاطٌ = قَلَفْطِيَّةٌ

قَلْفُونِيَّةٌ дарахт ширасидан олинадиган модда, канифол, смола, елим

I قَلِقَ (а) قَلَقٌ 1) хавотирланмоқ, безовталанмоқ; 2) уйқусизлик касаллигига учрамоқ, ухламай чиқмоқ; IV أَقْلَقَ 1) хавотир қилмоқ, безовта қилмоқ, тинчлик бермай қўймоқ; الرَّاحَةَ الْعَامَّةَ ~ жамоатчилик осойишталигини бузмоқ; بَالَهُ ~ кимнидир безовта қилмоқ, хавотир қилмоқ; بَالَ الرَّأْيِ الْعَامِّ ~ жамоатчилик фикрини чалғитмоқ; نَفْسَهُ ~ хавотирланмоқ; 2) уйқудан маҳрум қилмоқ; V تَقَلَّقَ = I

– قَلَقٌ 1) хавотирланиш, хавотирлик; ташвиш, қўрқинч; الْفِكْرِ ~ қайғуриш; чўчиш, ҳадиксираш; هُوَ عَلَى مِثْلِ الْجَمْرِ مِنَ الـــ~ у типирчилаб турибди, у бетоқат бўлиб турибди (*сўзма-сўз:* у хавотирликдан чўғ устида тургандек; أَثَارَ الـــ~ لَدَيْهِ кимнидир хавотирга қўймоқ; ... أَعْرَبَ عَنْ ~ـهِ تُجَاهَ ... масаласида ўз ташвишини изҳор қилмоқ; ... بَدَّدَ الـــ~ فِي ...лардаги ташвишни орадан кўтармоқ; 2) уйқусизлик; 3) *физ.* электр ёки магнит майдонида электр ёки магнитнинг ҳосил бўлиши

– قَلِقٌ 1) хавотирланувчи, ташвишда қолган; ҳаяжонланган; 2) *физ.* электр ёки магнит таъсирига учраган

– قَلْقَانُ 1) хавотирда қолган, ташвишланувчи; ҳаяжонланган; 2) уйқусизликка учраган киши

– قَلُوقٌ хавотирда қолган

– مُقْلِقٌ ташвишга қўядиган, хавотирлантирадиган; إِشَاعَاتٌ ~ـةٌ ташвишли овозлар

قُلْقَاسٌ *жам. бот.* қулқос (*картошканинг бир тури, Фарғона водийсида "мартишка" дейилади*), Миср картошкаси; إِفْرَنْجِيٌّ ~ картошка; رُومِيٌّ ~ ер ноки, топинамбур; هِنْدِيٌّ ~ *ёки* يَمَنِيٌّ ~ ширин (ҳиндий, яманий) картошка

– قُلْقَاسَةٌ *кўп.* اتٌ — *бот.* мартишка (*қар.* قُلْقَاس)

قَلْقَلَ 1) тебратмоқ, қимирлатмоқ, силкитмоқ; 2) тўлқинлантирмоқ, ҳаяжонга солмоқ; 3) шовқин чиқармоқ, жаранглатмоқ; تَقَلْقَلَ ҳаракат қилмоқ, иккиланмоқ, тебранмоқ, силжимоқ, қимирламоқ, чайқалмоқ

– قَلْقَلَةٌ *кўп.* قَلاَقِلُ 1) ҳаракат, ҳаракатланиш; тараддудланиш, иккиланиш; тебраниш, силкиниш, чайқалиш; 2) тўлқинланиш; хавотирланиш; тартибсизлик; 3) овоз, жаранг, шалдираш; الْقُيُودِ ~ кишанларнинг шалдир-шулдури; حُرُوفُ الـــ~ *фон.* жарангли портловчи ундошлар категорияси (قطب جد)

– قُلاَقِيلُ *кўп.* гувалалар

– قُلَيْقِلَةٌ *кўп.* اتٌ — тупроқ гуваласи

– مُقَلْقَلٌ, مُتَقَلْقِلٌ 1) тараддудланувчи, иккиланувчи, дудмал; силкинувчи; 2) тутуриқсиз, саботсиз, оғмачи бўлмайдиган; مَرْكَزٌ ~ беқарор (дудмал) позиция

I قَلَمَ (и) قَلْمٌ кесмоқ, қирқиб калта қилмоқ, қирқиб ташламоқ; II قَلَّمَ (*мас., тирноқни*) олмоқ, кесмоқ; (*шох-шаббани*) бутамоқ; (ظُفْرَهَا) ~ أَظْفَارَهَا а) кимнингдир тирноғига пардоз бермоқ; б) *кўч. м.* кимнингдир қанотларини қайирмоқ, кимнидир буткул кучсизлантирмоқ; 2) шапатиламоқ, тарсаки солмоқ; 3) (*газламани*) йўл-йўл қилмоқ; IV أَقْلَمَ иқлимга мослаштирмоқ

– إِقْلِيمٌ *алиф.б.қ.*

– تَقْلِيمٌ тирноқларни олиш; (*шох-шаббани*) буташ, қирқиш; الأَظْفَارِ ~ тирноқларга пардоз бериш; مِقَصُّ الـــ~ гулқайчи

– قُلاَمَةٌ кесилган нарсалар, кесинди; олинган тирноқ

– قَلَمٌ *кўп.* أَقْلاَمٌ 1) қалам; қамиш қалам; رَصَاصٍ ~ қалам; الرَّسْمِ ~ *ёки* الْمُصَوِّرِ ~ расм чизишга мўлжалланган қалам; شَعْرٍ لِلرَّسْمِ ~ мўйқалам; تَلْوِينٍ ~ бўёқ қалам, рангли қалам; الْحِبْرِ (الْمِدَادِ) ~ ручка, авторучка; шарикли ручка; الأَحْمَرُ الـــ~ *ёки* حُمْرَةٍ ~ *ёки* الأَسْوَدُ الـــ~ лаббўёқ, помада; الْحَوَاجِبِ ~ қошқалам; رُوجٍ ~ қора

бўёқ, қошбўёқ; ~ حَجَرٍ ёки ~ أَرْدُوَازٍ тош қалам, грифел; ~ زَلَّةُ ёзувдаги хато; ~ أَهْلُ الــ ёки ~ أَرْبَابُ الــ ёки حَمَلَةُ الْأَقْلَامِ ёки أَصْحَابُ الْأَقْلَامِ адиблар, ёзувчилар, қалам аҳллари; ~ بِــ الْكَاتِبِ кимдир томонидан ёзилган, кимнингдир қаламига мансуб; 2) услуб, дастхат; 3) параграф, банд; ёзув, ёзиш; رُؤُوسُ أَقْلَامٍ тезислар; 4) бўлим, қисм; бюро; ~ الاسْتِعْلَامَاتِ маълумотлар бериш бўлиими, справкалар бюроси; ~ التَّحْرِيرِ таҳририят, редакция; ~ التَّرْجَمَةِ таржималар бўлими, таржима бюроси; ~ الْحِسَابَاتِ ҳисобхона бўлими, бухгалтерия бўлими; ~ الدَّمْغَةِ олтин ёки кумушнинг пробасини аниқлайдиган бўлим; ~ التَّشْرِيفَاتِ қайдномалар бўлими; 5) чизиқ, йўл; 6) тарсаки, шапати, шапалоқ; 7) (*камоннинг*) ўқи (*фол очиш учун*); بِالــ~ الْعَرِيضِ ростини айтганда; ~ أَبُو:

– قَلَمُونٌ қалами матодан тикилган кийим (*румликларнинг турли рангда товланадиган кийими*)

– قَلَمِيٌّ қаламга оид, ёзма; ~ مَعْرَكَةٌ ــةٌ матбуотдаги мунозара

– مُقَلَّمٌ 1) кесилган, кесиб ташланган, буталган; 2) йўл-йўл

– مُقَلِّمٌ кесувчи, қирқувчи, бутовчи; ~ ــةُ الْأَظَافِرِ тирноқларга пардоз берувчи аёл, маникюрчи аёл

– مِقْلَمَةٌ *кўп.* مَقَالِمُ қаламдон

– مَقْلُومٌ 1) кесилган, кесиб ташланган; 2) йўл-йўл

(قلنس) تَقَلْنَسَ бош кийими киймоқ

– قَلَنْسُوَةٌ *кўп.* قَلَانِسُ, قَلَانِيسُ бош кийими, дўппи, шапка; қалпоқ; тор дўппи; капюшон; ◊ ~ أَبُو *зоол.* мойқут (*қуш*)

– قُلَنْسِيَةٌ *кўп.* قَلَانِسُ = قَلَنْسُوَةٌ

I (قلو) قَلَا (*у*) قَلْوٌ қовурмоқ, қовурдоқ қилмоқ; قَلَا (*у*) قَلَاءٌ ёмон кўрмоқ, нафратланмоқ

– قَلَاءٌ ёмон кўриш, нафрат

– قِلْوٌ *кимё.* ишқор

– قِلْوِيٌّ ишқорга оид, ишқорий, ишқорли; ~ شِبْهٌ (*кўп.* شِبْهُ قِلْوِيَّاتٍ) *кимё.* алколоид

– قِلْوِيَّةٌ ишқорлилик

– مَقْلُوٌّ қовурилган (*қар.* مَقْلِيٌّ)

قَلْوَزَ резба чиқармоқ

قَلْوَظَ 1) бурамоқ, винтламоқ, бураб қотирмоқ; 2) винт билан маҳкамламоқ; 3) резба чиқармоқ

– قَلَاوُظٌ винт

– قَلَاوُوظٌ 1) лоцман (*денгиз, дарё чуқурлигини аниқлаб, кема бошқарувчисига йўл кўрсатувчи хизматчи*); 2) винт; ~ مِسْمَارُ бурама мих, шруп

– قَلْوَظَةٌ бураб киритиш, бураб қотириш

– مُقَلْوَظٌ 1) бураб киритилган; ~ عِمَامَةٌ ــةٌ винт, резба шаклида ўралган салла; 2) резбали, резба чиқарилган (*н.*)

I (قلى) قَلَى (*и*) قَلْيٌ (*ёгда*) қовурмоқ; قَلَى (*и*) قِلًى ёмон кўрмоқ, нафратланмоқ; II قَلَّى қовуриб пиширмоқ; V تَقَلَّى қовурилмоқ; VI تَقَالَى бир бирини ёмон кўрмоқ, бир-биридан нафратланмоқ; VII انْقَلَى = V

– تَقْلِيَةٌ қовурилган пиёз (*қайладаги*)

– قَلَاءٌ = قِلًى

– قَلَّاءٌ қовурувчи одам

– قَلَّايَةٌ *қар.* قلل

– قَلْيٌ қовуриш, қовуриб пишириш

– قِلًى нафрат; ёмон кўриш

– قِلْيٌ = قِلْوٌ *қар.* قلو

– قِلْيَةٌ *қар.* قلل

– مِقْلَاةٌ, مِقْلًى *кўп.* مَقَالٍ това, сковородка

– مَقْلِيٌّ қовурилган, қовуриб пиширилган

I قَمَّ (*а/у*) قَمٌّ 1) супурмоқ, супуриб ташламоқ; 2) овқатланмоқ, овқат қилиб олмоқ; II قَمَّمَ қуритмоқ, қоқи қилмоқ; V تَقَمَّمَ 1) ахлат титкиламоқ; 2) дастурхондаги тўкилганларни териб емоқ

– قُمَامَةٌ[1] *кўп.* ـــ اتٌ ахлат; ~ صُنْدُوقُ الــ ахлат яшиги

– قُمَامَةٌ[2] одамлар гуруҳи

– قِمَّةٌ *кўп.* قِمَمٌ 1) юқори, юқори қисм; чўққи; ~ الرَّأْسِ бошнинг тепа қисми; ~ اجْتِمَاعُ الــ олий даражадаги учрашув; ~ مُؤْتَمَرُ الــ олий даражадаги йиғилиш; 2) бўй-баст, қомат; ~ حَسَنُ الــ бўй-басти келишган; 3) одамлар гуруҳи; بَلَغَ الــ~ فِي الصَّلَفِ *маж.* ўта даражада мақтанмоқ

– مِقَمَّةٌ *кўп.* مَقَامُّ супурги

I (قمأ) قَمَأَ (*а*) قُمُوءٌ, قَمَاءٌ паст бўйли бўлмоқ, пакана бўлмоқ; قَمُؤَ (*у*) قَمَاءَةٌ, قُمَاءَةٌ 1) пастак бўлмоқ; 2) пасткаш бўлмоқ, паст бўлмоқ; VI تَقَامَأَ бўйи паст бўлмоқ

– قَمَاءَةٌ, قُمَاءَةٌ 1) паст бўйлилик, бўйи пастлик, паканалик; 2) пастлик, пасткашлик

– قَمِيءٌ *кўп.* قِمَاءٌ 1) бўйи паст, паст бўйли, пакана; ~ بَشَرِيٌّ жуссаси кичкина одам; 2) паст, пасткаш, тубан

قَنْبَرَ = قَمْبَرَ

(قمح) II قَمَّحَ бўлиб-бўлиб бермоқ; бўлиб-бўлиб тўламоқ; IV أَقْمَحَ 1) пишмоқ, етилмоқ (*бошоқ ҳақида*); 2) бошни кўтармоқ; ~ بِأَنْفِهِ бурунни кўтармоқ, неккаймоқ; 3) бошни орқага ташлаб кўзни юммоқ

– قَمَّاحٌ буғдойфуруш

– قَمْحٌ *жам* буғдой, ғалла

– قَمْحَةٌ *кўп.* ـــ اتٌ 1) буғдой дони, донаси; ~ لَمْ تَكُنْ فِي عَيْنَيْهِ وَاحِدَةٌ مِنَ النَّوْمِ *маж.* у бир дам ҳам кўз юммади (*сўзма-сўз:*

кўзларида бир дона буғдойча ҳам уйқу бўлмади); 2) қамҳа (*қимматбаҳо тошлар учун оғирлик ўлчови*); 3) гран (*1/4*) *қарат ёки* 0,04875 *гр.га тенг бўлган аптека ўлчови бирлиги*)

— قُمْحِيٌّ буғдой рангидаги

— قُمْحِيَّةٌ буғдойнинг ранги

I قَمَرَ (قمر) (*у,и*) قَمْرٌ (1 1) қимор ўйнамоқ; қиморда ютмоқ, ғолиб келмоқ; قَامَرَ زَيْدًا فَـ~ـهُ у Зайд билан қимор ўйнаб, уни ютиб олди; قَمِرَ қиморда ютқазмоқ; قَمِرَ (*а*) قَمَرٌ (*қорнинг оппоқлигидан*) кўз қамашмоқ; II قَمَّرَ (*нонни*) қизартириб пиширмоқ; III قَامَرَ (*н. нидир*) тикиб қимор ўйнамоқ; (*бирор н. га*) пул тикмоқ (عَلَى); таваккал қилмоқ, гардкам қилмоқ; IV أَقْمَرَ ойдин бўлмоқ (*тун ҳақида*); ◊ ~نَا бизга ойнинг нури тушди; V تَقَمَّرَ қовурилмоқ; VI تَقَامَرَ биргалашиб қимор ўйнамоқ

— أَقْمَرُ *мн.* قَمْرَاءُ *кўп.* قُمْرٌ 1) ойдин, ойнинг нури тушиб турган (*мас., кеча*); 2) оқ, оппоқ

— قَمَارٌ Ҳиндистондаги жой номи

— قِمَارٌ қимор, қимор ўйини; ~ نَوَادِي الْـ қимор ўйнайдиган жой, қиморхона

— قِمَارَاتِيٌّ *кўп.* قِمَارَاتِيَّةٌ ойначи, ойна солувчи

— قُمَارِيٌّ *кўп.* قُمَارِيَّةٌ қиморбоз

— قَمَرٌ[1] оқ рангдан кўзнинг қамашиши

— قَمَرٌ[2] *кўп.* أَقْمَارٌ 1) Ой (*Ернинг табиий йўлдоши*); уч кунликдан кейинги ой; ~انِ الْـ Қуёш ва Ой; 2) *астр.* йўлдош; ~ إِطْلَاقُ الْـ الْاصْطِنَاعِيِّ сунъий йўлдошни учириш; ~ كَاذِبٌ параселена, сохта ой; ◊ ~ الدِّينِ а) ўрик қоқи, туршак, қуриган ўрик; б) ўрик қиёми; ~ حَجَرُ الْـ *мин.* сарғиш пуштиранг гипс, селенит

— قَمْرَاءُ, قَمْرَةٌ ой нури

— قَمِرٌ ойдин; ~ةٌ لَيْلَةٌ ойдин тун

— قِمْرَاتِيٌّ *кўп.* قِمْرَاتِيَّةٌ ойначи, ойна солувчи

— قَمَرَةٌ *кўп.* ~اتٌ 1) каюта; (*мас., космик кеманинг*) бўлмаси, хонаси, 2) чердак туйнуги, эшиги; 3) *фото.* камера

— قُمْرِيٌّ *жам. кўп.* قَمَارِيُّ қумри

— قَمَرِيٌّ 1) ойга оид, қамарий; ~ شَهْرٌ қамарий ой; ~ـةٌ سَنَةٌ қамарий йил; 2) ойга ўхшаш, ойбек; ~ـةٌ حُرُوفٌ *грам.* қамарий ҳарфлар

— قَمَرِيَّةٌ *кўп.* ~اتٌ шийпон, айвон; 2) чердак туйнуги

— قَمِيرٌ *кўп.* أَقْمَارٌ қимор ўйинидаги шерик

— قِمَارَتِيٌّ = مُقَامِرٌ

— قُمَارِتِيٌّ = مُقَامِرٌ

— مُقَامَرَةٌ ўйин, қимор ўйини

— مَقْمَرٌ, مَقْمَرَةٌ *кўп.* مَقَامِرُ қиморхона

— مُقَمَّرٌ қизартириб пиширилган (*нон*); ~ خُبْزٌ ёғда қовурилган нон, бўғирсоқ

— مُقَمَّرٌ = أَقْمَرُ

I قَمَزَ (*и,у*) قَمْزٌ 1) бармоқлар учи билан қимчиб олмоқ; 2) панжалари билан тутиб олмоқ (*қисқичбақа ҳақида*); 3) сакрамоқ, ирғишламоқ; V تَقَمَّزَ сакраб-сакраб юрмоқ (فِي الْمَشْيَةِ)

— قَمْزَةٌ *кўп.* قَمَزَاتٌ сакраш, ирғишлаш

I قَمَسَ (*и,у*) قَمْسٌ ботирмоқ, шўнғитмоқ

— قَامُوسٌ *кўп.* قَوَامِيسُ 1) океан; 2) луғат, қомус; ~ الْبَحْرِ денгизнинг ўртаси

— قُمُسٌ *кўп.* قَمَامِسَةٌ 1) зодагон, аслзода; 2) князь

I قَمَشَ (*у*) قَمْشٌ (*чиқиндиларни*) термоқ, териб олмоқ, йиғиштирмоқ; II قَمَّشَ = I; V تَقَمَّشَ кийинмоқ

— قُمَاشٌ *кўп.* أَقْمِشَةٌ газлама, газмол, материал; أَقْمِشَةٌ صُوفِيَّةٌ жундан тўқилган газламалар; أَقْمِشَةٌ قُطْنِيَّةٌ пахтадан тўқилган газламалар; أَقْمِشَةٌ بِلَاسْتِيك сунъий газламалар; ~ تِيلِيٌّ пахта толасидан тўқилган газлама; ~ شُغْلِ الصِّنَّارَةِ трикотаж газлама; 2) (*мусаввирнинг*) бўзи, полотноси; ~ اللَّوْحَةِ сурат ишланган бўз, полотно; 3) ахлат, чиқинди, ташландиқлар; 4) асбоб-анжом, лаш-луш; ~ الْبَيْتِ рўзғор асбоб-анжомлари; ◊ ~ النَّاسِ қаланғи-қасанғилар

— قَمَّاشٌ газламафуруш

— قُمَاشَةٌ бир бўлак газлама

— قَمْشَةٌ *кўп.* ~اتٌ хивич, хивчин

I قَمَصَ (*и,у*) قَمْصٌ, قِمَاصٌ 1) сакрамоқ, сакраб чопмоқ; 2) тепмоқ, тепинмоқ (*от ҳақида*); II قَمَّصَ 1) сакрамоқ, отни сакратиб чоптирмоқ; 2) тепмоқ, тепинмоқ (*от ҳақида*); 3) (*к. гадир*) кўйлак кийдирмоқ; V تَقَمَّصَ 1) кўйлак киймоқ; 2) *дин.* (*к. гадир*) кўчиб ўтмоқ (*руҳ ҳақида* فِي); 3) (*н. дадир*) гавдаланмоқ, мужассам бўлмоқ, (*н. дадир*) ифодаланмоқ (إِلَى); (*бир н. дан бошқа н. га*) айланмоқ (إِلَى, مِنْ)

— تَقَمُّصٌ 1) ўтиш, кўчиш; ~ الْأَرْوَاحِ *дин.* руҳнинг кўчиб ўтиши, метемпсихоз; 2) бошқа нарсага айланиш, ўзгариш

— تَقْمِيصٌ 1) тепиш, тепиниш; ~ كَثْرُ التَّنْخِيسِ يُعَلِّمُ الْحِمَارَ الـ *мкл.* болани сўксанг бети қотади, урсанг эти қотади (*сўзма-сўз:* эшакни ниқталайвериш уни тепағичликка ўргатади); 2) (*бирор к. га*) кўйлак кийдириш

— قَمْصٌ, قُمَاصٌ отнинг сакраб юриши

— قُمُّصٌ *кўп.* قَمَامِصَةٌ олий мансабли поп

— قُمْصَانْجِيٌّ *кўп.* قُمْصَانْجِيَّةٌ эркаклар кўйлаги тикиб сотувчи

— قَمِيصٌ *кўп.* أَقْمِصَةٌ, قُمُصٌ, قُمْصَانٌ 1) эркаклар кўйлаги, сорочка; ~ النِّسَاءِ аёллар сорочкаси; ~ النَّوْمِ тунги сорочка; ~ عُثْمَانَ

ҳазрати Усмон кўйлаклари (*кураш рамзи*); اِتَّخَذَ مِنْ شَيْءٍ ~ عُثْمَانَ
нимандир اسْتَخْدَمَ شَيْئًا لـ~ عُثْمَانَ بِقَصْدِ ... *ёки* بِقَصْدِ ...
кураш байроғи сифатида ишлатмоқ; 2) қобиқ; الْقَلْبِ ~ *анат.* юрак халтаси

I قَمَطَ (*и, у*) قَمْطٌ 1) (*чақалоқни*) йўргакламоқ, йўргаклаб боғламоқ; 2) бинт билан ўрамоқ; 3) сўйиш учун қўйнинг оёқларини боғламоқ; II قَمَّطَ 1) йўргакламоқ; 2) бинт билан боғламоқ, бинтламоқ, қайта бинтлаб боғламоқ; V تَقَمَّطَ йўргакланмоқ

– قِمَاطٌ, قُمُطٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ أَقْمِطَةٌ 1) йўргак; йўргакбоғ; 2) қўй сўйилганда оёғига боғланадиган арқон

– قَمَّاتَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ қаммота (*жисмоний жазо учун мослама*)

– قَمْطٌ капа *ёки* чодир тортиб қўйиладиган арқон

– قَمْطَةٌ 1) рўмол, бошга ўрайдиган рўмол; салла; 2) *тех.* қисқич, клемма

– مُقَمَّطٌ 1) йўргакланган; 2) бинт билан ўралган

قِمَطْرٌ[1] *кўп.* قَمَاطِرُ сафархалта; елкахалта, рюкзак

– قِمَطْرٌ[2], قِمَطْرَةٌ китоблар сақланадиган жавон

– قَمْطَرِيرٌ қаттиқ, қийин; يَوْمٌ ~ қийин кун

I قَمَعَ (*а*) قَمْعٌ (*мас., қўзғолонни*) бостирмоқ; ـــهُ فِي مَهْدِهِ ~ бирор нарсани бошданоқ бостириб йўқ қилмоқ; 2) (*ёнғинни*) ўчирмоқ; 3) филнинг бошига урмоқ, саваламоқ; IV أَقْمَعَ = I; VII انْقَمَعَ бостирилмоқ, тинчитилмоқ

– قَمْعٌ 1) (*мас., қўзғолонни*) бостириш; репрессия; 2) (*ёнғинни*) ўчириш

– قَمْعٌ қуруқ олифта

– قِمْعٌ, قِمَعٌ, قَمَعٌ *кўп.* أَقْمَاعٌ, قُمُوعٌ 1) воронка; 2) *бот.* коса, гул косаси; чўп, банд, поя, қаламча; 3) чекиб ташланган сигарет; ◊ الْخِيَاطَةِ ~ ангишвона; السُّكَّرِ ~ бир калла қанд

– قَمْعِيٌّ репрессияга оид; ـــَةُ الـــ التَّدَابِيرُ репрессия чоралари (*тадбирлари*)

– مِقْمَعَةٌ *кўп.* مَقَامِعُ 1) гурзи, чўқмор; узун калтак; 2) филнинг бошига уриш учун мосланган темир таёқ

قَمْقَمَ шикоят қилмоқ, зорланмоқ, нолимоқ, норозилик билдирмоқ; قَمْقَمَ = تَقَمْقَمَ

– قُمْقُمٌ *кўп.* قَمَاقِمُ 1) атир шишаси; бутилка; 2) *архит.* гумбаз *ёки* минора устига ўрнатилган найза

– قَمْقَمَةٌ норозилик, шикоят, зорланиш

– قُمْقُمَةٌ мисдан ишланган икки бандли идиш

I قَمِلَ (*а*) قَمَلٌ бит босмоқ, битли бўлмоқ; II قَمَّلَ = I

– تَقَمُّلٌ битлилик

– قَمْلٌ *жам.* битлар; النَّبَاتِ ~ шира (*ҳашарот*)

– تَقَمُّلٌ = قَمَلٌ

– قَمِلٌ битли

– قَمْلَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ бит; الدُّرْفِيلِ ~ майда қисқичбақанинг бир тури

– قَمِلٌ = مُقْمِلٌ

(قمن) V تَقَمَّنَ (*бирор н. сўпиини*) ният қилмоқ, мўлжалламоқ

– قَمِنٌ арзигулик, арзийдиган, лойиқ; هٰذَا الْمَنْزِلُ لَكَ مَوْطِنٌ ~ бу уй муносиб ошёндир

– قَمِنٌ 1) (*бирор н. га*) арзийдиган (بِ); 2) (*қандайдир*) хусусиятга эга

– قَمِينٌ[1] 1) (*бирор н. га*) арзийдиган (بِ); 2) (*н. гадир*) ярайдиган, яроқли (بِ); 3) ўзига хос, хос бўлган

– قَمِينٌ[2] *кўп.* ـَاتٌ ـــ, قُمُنٌ (*н. нидир*) куйдириб пишириладиган ўчоқ, печ; الذَّرِّيُّ الـــ~ атом қозони; الطُّوبِ ~ ғиштхумдон, ғишт пишириладиган печ

– قَمِينَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ, قَمَائِنُ = قَمِينٌ[2]

– مَقْمَنٌ (*бирор н. га*) мос, ўринли

(قنّ) II قَنَّنَ 1) (*қонун*) чиқармоқ; 2) қонун билан чекламоқ; (*мол сотишни*) нормалаштирмоқ, нормага солмоқ; 2) моғорламоқ; пўпанак босмоқ; чиримоқ, чириб сасимоқ; ачимоқ, ачиб қолмоқ (*ёғ ҳақида*)

– تَقْنِينٌ 1) қонунлар чиқариш ва нашр этиш; қонунлар мажмуасини тузиш; 2) (*мол сотишни*) нормаллаштириш, нормага солиш

– قَانُونٌ[1] *кўп.* قَوَانِينُ қонун, асосий қонун; ҳуқуқ; кодекс; қоида; ~ أَسَاسِيٌّ (نِظَامِيٌّ) асосий қонун, дастур, конституция; مَجْلِسُ شُورَى الْقَوَانِينِ қонун чиқарувчи орган; قَوَانِينُ تَطَوُّرِ الْمُجْتَمَعِ ижтимоий тараққиёт қонунлари; خَاضِعٌ لِلْـ~ қонунга бўйсинувчи; қонуннинг таъсир доирасидаги кучи; رِجَالُ الْـ~ ҳуқуқшунослар, юристлар; ~ الْأَنْتِخَابِ сайлов ҳақидаги қонун; الْأَحْوَالِ الشَّخْصِيَّةِ ~ гражданлик ҳолати ҳақидаги қонун; الْإِدَارِيُّ الْـ~ маъмурий ҳуқуқ; الْـ~ التِّجَارِيُّ савдо (тижорат) ҳуқуқи; الدُّوَلِيُّ الْـ~ халқаро ҳуқуқ; الْـ~ الدُّوَلِيُّ الْعَامُّ халқаро махсус ҳуқуқ; الدُّوَلِيُّ الْخَاصُّ الْـ~ халқаро ҳуқуқ; الرُّومَانِيُّ الْـ~ Рим ҳуқуқи; الْعَامُّ الْـ~ умумий ҳуқуқ; الْـ~ الْبَحْرِيُّ *ёки* الْمِلَاحَةِ ~ сув транспорти ҳуқуқи; الْجِنَائِيُّ الْـ~ жиноят кодекси; (الْجَزَاءِ) الْعُقُوبَاتِ ~ жиноятга оид қонунлар тўплами; الْمَدَنِيُّ الْـ~ гражданлик кодекси; الْعُرْفِ ~ урф-одатларга асосланган ҳуқуқ; الْمُرَافَعَاتِ ~ процессуал кодекс; التِّجَارَةِ ~ савдо-сотиқ ҳақидаги қонун; الْأَحْكَامِ الْعَسْكَرِيَّةِ ~ ҳарбий хизматга алоқадор қонун; الدِّفَاعِ الْوَطَنِيِّ ~ ватан мудофааси ҳақидаги қонун; الْإِيجَارَاتِ ~ (*квартирадан олинадиган*) ижара ҳақи ҳақидаги қонун; الْعِلِّيَّةِ ~ сабабият қонуни; الْاحْتِمَالَاتِ ~ эҳтимоллар назарияси қонунияти; بَقَاءِ الطَّاقَةِ ~ энергиянинг сақланиш қонуни; بَقَاءِ ~

الْكُتْلَةِ *физ* массанинг сақланиш қонуни; الـ~ الْوَضْعِيُّ позитив ҳуқуқ; ~ مَشْرُوعُ қонун лойиҳаси; ا~ қонун бўйича, қонун асосида

– قَانُونٌ қонун (*музика асбоби*)

– قَانُونْجِيٌّ *кўп.* قَانُونْجِيَّةٌ қонун чалувчи

– قَانُونِيٌّ 1) қонуний, қонун билан белгилаб қўйилган; ~ حَقٌّ қонуний ҳуқуқ; ~ غَيْرُ *ёки* ~ لَا ноқонуний; الْإِجْرَاءَاتُ الـ~ـةُ қонуний тадбир-чоралар; 2) ҳуқуқий; 3) юридик; الْمُسْتَشَارُ الـ~ юрисконсульт; 4) ошкор, очиқ-ойдин; 5) қонуншунос, юрист

– قَانُونِيَّةٌ 1) қонуният, қонуниятлик; ~ عَدَمُ *ёки* ~ لَا ноқонунийлик; 2) (*масаланинг*) юридик томони

– قِنٌّ[1] *кўп.* قِنَانٌ товуқхона, товуқ катаги

– قِنٌّ[2] *кўп.* قِنَانٌ кўйлак енгининг манжети

– قِنٌّ *кўп.* أَقْنَانٌ, أَقِنَّةٌ 1) қул; 2) *шунингдек,* ~ الْأَرْضِ крепостной деҳқон; ~ نِظَامُ الـ крепостной ҳуқуқ

– قِنَانَةٌ қуллик, қулдорлик

– قُنَّةٌ *кўп.* قُنَنٌ, قِنَانٌ тоғ чўққиси; юқори қатлам, юқори табақа

– قُنُونَةٌ = قِنَانَةٌ

– قِنِّينَةٌ *кўп.* قَنَانٍ, ـَـاتٌ, قَنَانِيُّ бутилка; шиша идиш

– مُقَنَّنٌ 1) нормалаштирилган; 2) белгиланган норма

– مُقَنِّنٌ қонун чиқарувчи, қонун юритувчи

قَانِئٌ оч-қизил; ~ أَحْمَرُ оч-қизил, қирмизи

– قِنَائِيٌّ 1) Қано музофотига оид (*Мисрда*); 2) қанолик киши

قِنَابٌ *ёки* قِنَابَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — *бот.* пўст, пўстлоқ; гулнинг таккинасидан чиққан кичкина барг

– قُنْبٌ, قِنْبٌ *кўп.* قُنُوبٌ *бот.* коса, гулкоса

– قِنَّبٌ, قُنَّبٌ каноп ўсимлиги; ~ خَيْطُ чилвир, канопдан эшилган ип; ~ هِنْدِيٌّ ҳинд канопи; жут

– قِنَّبِيٌّ канопга оид

– مِقْنَبٌ *кўп.* مَقَانِبُ чавандозлар гуруҳи

قَنْبَرَ 1) (*н. нидир*) тепага жойламоқ; 2) (*к. нидир*) жуда мақтаб юбормоқ

– قُنْبُرٌ *жам. кўп.* قَنَابِرُ тўрғайлар, сўпитўрғайлар

قُنْبُرَةٌ[1] *кўп.* قَنَابِرُ тўрғай, сўпитўрғай

– قُنْبُرَةٌ[2] (*сол.* قُنْبُلَةٌ) 1) бомба; 2) снаряд, ядро

– قُنْبُرَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — айрим қушлардаги попукча

– قُنْبُورٌ букур; ◊ ~ أَبُو букри одам

قُنْبَازٌ *кўп.* قَنَابِيزُ қунбоз (*эркаклар кийими*); кафтан

قُنْبُسٌ канопдан тўқилган дағал мато

قُنْبِيطٌ = قُرْنَبِيطٌ

قُنْبُعٌ, قُنْبُعَةٌ *бот.* коса, косача

قَنْبَلَ бомба ташламоқ

– قُنْبُلٌ, قُنْبُلَةٌ *кўп.* قَنَابِلُ отлиқлар ёки пиёдалар гуруҳи

– قَنْبَلَةٌ бомба ташлаш

– قُنْبُلَةٌ *кўп.* قَنَابِلُ 1) тўпдан отилган снаряд, ядро; 2) бомба; ~ هِيدْرُوجِينِيَّةٌ *ёки* إِيدْرُوجِينِيَّةٌ водород бомбаси; ~ النَّابَالْمِ напалм бомбаси; ~ هَدَّامَةٌ *ёки* ~ التَّخْرِيبِ وَ التَّدْمِيرِ портловчи бомба; ~ إِضَاءَةٍ ёритувчи бомба; ~ مَائِيَّةٌ сувости минаси; ~ الدُّخَانِ тутайдиган бомба; ~ خَارِقَةٌ *ёки* مُحْرِقَةٌ ~ ёндирадиган бомба; ~ ذَرِّيَّةٌ атом бомбаси; ~ زَمَنِيَّةٌ маълум вақт ўтгандан кейин ишга тушадиган бомба; الـ~ الطَّائِرَةُ самолёт-снаряд; ~ الْكُوبَالْتِ *мед.* Кобальт пўшкаси; 3) граната; ~ الْيَدِ *ёки* ~ يَدَوِيَّةٌ қўлда отиладиган граната; ~ مُسِيلَةٌ لِلدُّمُوعِ кўздан ёш оқизадиган газли граната

– مُقَنْبِلٌ бомба ташловчи; طَائِرَةٌ ~ـةٌ бомбардимончи самолёт

قُنَّبِيطٌ гулкарам

I قَنَتَ (*у*) قُنُوتٌ 1) тобе бўлмоқ, бўйсунмоқ; (*к. гадир*) итоат қилмоқ, муте бўлмоқ; 2) вақтни намоз ўқиб ўтказмоқ; астойдил намоз ўқимоқ

– قَانِتٌ *кўп.* قُنَّتٌ художўй

– قُنُوتٌ 1) художўйлик; 2) намозда қоим туришлик, намозда тик туришлик; أَفْضَلُ الصَّلَاةِ طُولُ الـ~ *ҳад.* намознинг энг яхшиси узоқ тик туришликдир

قُنْجَةٌ *кўп.* قُنَجٌ, ـَاتٌ Нилдаги кема

قَنْدٌ *кўп.* قُنُودٌ новвот

– مَقْنُودٌ = مُقَنَّدٌ

– مَقْنُودٌ қанд қўшилган; ~ سَوِيقٌ қанд қўшилган шавла; ~ كَلَامٌ қанд қўшилгандек ширин сўз

قُنْدَاقٌ *кўп.* قَنَادِيقُ ложа; милтиқнинг қўндоғи; тўп ўрнатиладиган станок, лафет

– قُنْدَاقْجِيٌّ *кўп.* قُنْدَاقْجِيَّةٌ қуролсоз, милтиқсоз

قُنْدُوزٌ қундуз; ~ الْمِسْكِ қора кузан

قُنْدُزٌ = قُنْدُسٌ

قَنْدَلَفْتٌ *кўп.* قَنْدَلَفْتِيَّةٌ 1) черковда унвонга эга бўлмаган руҳоний; 2) черков ходими

قِنْدِيلٌ *кўп.* قَنَادِيلُ 1) лампа, чироқ; 2) қоғоз ва ойнадан ясалган фонусча; фонус; 3) қандиль. люстра; ~ الْبَحْرِ медуза

– قَنْدِيلْجِيٌّ *кўп.* قَنْدِيلْجِيَّةٌ фонусчи, фонус ясовчи

– مُقَنْدَلٌ ёмон, бахтсиз, бадбахт; ~ بَخْتُهُ у бахти қора одамдир; ~ـةٌ عِيشَتُهُ унинг туриш-турмуши яхши эмас

تَقَنْزَحَ ўзини кўрсатишга уринмоқ, ўзини кўз-кўз қилмоқ; تَقَنْزَحَ = قَنْزَحَ

قُنْزُعَةٌ, قُنْزَعَةٌ, قِنْزَعَةٌ, قَنْزَعَةٌ *кўп.* قَنَازِعُ бир тутам соч; кокил, пешонада ҳурпайиб турадиган соч

قِنَّسْرِينُ, قِنَّسْرُونَ Шом ўлкасидаги шаҳарнинг номи

I قَنَصَ (*и*) قَنْصٌ овламоқ, ов қилмоқ, овга чиқмоқ; V تَقَنَّصَ = VIII; VIII اِقْتَنَصَ овламоқ, ов қилмоқ, овга чиқмоқ, овда қўлга туширмоқ; ~ الْفُرْصَةَ *маж.* фурсатдан фойдаланмоқ; ~ نَظَرَهُ кўзидан билиб олмоқ, қарашидан фаҳмлаб олмоқ

– قَانِصٌ, قَنِيصٌ, قَنَّاصٌ *кўп.* قُنَّاصٌ овчи

– قَانِصَةٌ (*сол.* قَوْنَصَةٌ) *кўп.* قَوَانِصُ пўтака, жиғилдон (*қушларда*)

– قَنَّاصٌ *кўп.* قَنَّاصَةٌ 1) овчи; 2) мерган; снайпер

– قَنَصٌ, قَنِيصٌ ўлжа, овланадиган парранда

قُنْصُلٌ *кўп.* قَنَاصِلُ консул; ~ عَامٌّ *ёки* ~ جِنِرَالٌ бош консул, генерал консул; ~ نَائِبُ الْـ *ёки* ~ وَكِيلُ الْـ вице-консул

– قُنْصُلَاتُو *кўп.* قُنْصُلَاتَاتٌ консуллик

– قُنْصُلِيٌّ консулга оид

– قُنْصُلِيَّةٌ = قُنْصُلَاتُو; ~ عَامَّةٌ бош консуллик

I قَنَطَ (*у*) قُنُوطٌ *ёки* قَنِطَ (*а*) قَنَاطَةٌ умидни узмоқ, умидсизланмоқ, ноумид бўлмоқ; II قَنَّطَ эсанкиратмоқ, довдиратиб қўймоқ, саросимага солмоқ; ноумид қилмоқ; IV أَقْنَطَ = II

– قَانِطٌ умидсизликка тушган; маъюс, ғамгин, хафа

– قَنَاطَةٌ умидсизлик

– قَنَاطَةٌ *халқ.* 1) инжиқлик, нозик табиатлилик; 2) манманлик, тумтароқлик, ҳашаматлилик

– قَنَطٌ умидсизлик, ноумидлик

– قَنِطٌ = قَانِطٌ

– قَنِطٌ *халқ.* 1) инжиқ, табиати нозик; 2) тумтароқ, ҳашаматли, гердайган

– قَنُوطٌ = قَانِطٌ

– قُنُوطٌ умидсизликка тушиш

– قَنِيطَةٌ кемада ишлатиш учун махсус тайёрланган қаттиқ нон

قَنْطَرَ 1) (*н. нидир*) гумбаз (равоқ) қилиб қурмоқ; 2) жамламоқ, жамғармоқ; 3) катта бойликка эга бўлмоқ; تَقَنْطَرَ 1) гумбазли, равоқли қилиб қурилмоқ; 2) тўпланмоқ, жамғарилмоқ

– قِنْطَارٌ *кўп.* قَنَاطِيرُ қинтор (*36 уққа* (أُوقَّةٌ), *ёки* 100 Миср ратли (رَطْلٌ), *ёки* 44, 928 кг, га тенг бўлган оғирлик ўлчови); ~ إِسْكَنْدَرَانِيٌّ Искандария цен-тнери (*112 уққа* (أُوقَّةٌ), *ёки* 139, 776 *кг.га тенг бўлган оғирлик ўлчови*)

– قِنْطَارِيٌّ бениҳоя кўп бойлик эгаси

– قَنْطَرَةٌ *кўп.* قَنَاطِرُ 1) кўприк; йўл устидан кесиб ўтган кўприк, виадук; кўприк шаклида қурилган осма сув қувури, акведук; 2) тўғон; الْقَنَاطِرُ الْخَيْرِيَّةُ Нил тўғони; ~ عَيْنُ (بَابُ) الْـ шлюз; 3) гумбаз, равоқ; قَنَاطِرُ الْبِنَاءِ *архит.* кетма-кет қурилган пештоқлар

– قِنْطَرِيُونُ, قَنْطَرِيُونُ *бот.* сариқ карнайгул

– مُقَنْطَرٌ 1) аркли, гумбазли қилиб ишланган; 2) жуда кўп миқдорда йиғилган; الْقَنَاطِيرُ الْـ~ةُ مِنَ الذَّهَبِ беҳисоб бойлик

قَرْطَمَةٌ = قَنْطَرَمَةٌ

I قَنِعَ (*а*) قَنَاعَةٌ 1) қаноатли бўлмоқ, озга қаноат қилмоқ; (*н. дандир*) қониқмоқ (بِـ); 2) ишонмоқ, ишонч ҳосил қилмоқ; قَنَعَ (*а*) قُنُوعٌ ялиниб сўрамоқ; II قَنَّعَ 1) қониқтирмоқ; 2) ишонтирмоқ; 3) юзга ниқоб тортмоқ (*аёллар ҳақида*); 4) (*к. ғадир*) маска кийдирмоқ; IV أَقْنَعَ 1) ишонтирмоқ, кўндирмоқ, унатмоқ; 2) кўтармоқ, баландлатмоқ; ~ الرَّأْسَ бошини кўтармоқ; ~ الصَّوْتَ овозини кўтармоқ; V تَقَنَّعَ 1) юзига ниқоб тортмоқ, ҳижоб киймоқ (*аёллар ҳақида*); (*н. биландир*) ниқобланмоқ, (*бирор н. га*) бурканмоқ (بِـ); ~ بِقِنَاعٍ أَسْوَدَ қора ниқоб киймоқ; ~ بِقِنَاعِ الدِّيمُوقْرَاطِيَّةِ *маж.* ўзини демократ қилиб кўрсатмоқ; ~ بِمَظَاهِرَ مُخْتَلِفَةٍ *маж.* турли хил қиёфага кирмоқ; 2) *ҳарб.* душман кўзидан яширинмоқ, маскировка қилинмоқ; VIII اِقْتَنَعَ 1) (*бирор н. дан*) қаноат ҳосил қилмоқ; 3) келишишмоқ

– اِقْتِنَاعٌ 1) ишонишлик; 2) ишонч; 3) қаноатланишлик; хурсандлик, мамнунлик

– قَانِعٌ[1] 1) қаноатли, озга қаноат қилувчи, камсуқум; 2) қаноатланган; (*н. дандир*) мамнун, хурсанд (بِـ)

– قَانِعٌ[2] 1) ялиниб сўровчи; 2) берилган нарсани қабул қилиб олувчи

– قِنَاعٌ *кўп.* أَقْنِعَةٌ, ـاتٌ 1) ёпинчиқ; тўр, ўртик; 2) ниқоб, маска; ~ الْـ الْوَاقِي ҳимоя маскаси; 3) ниқоб, қиёфа; ~ التَّنَكُّرِ маскарадда кийиладиган маска; ~ كَشَفَ الْـ фош қилмоқ, башарани очмоқ; تَلَبَّسَ أَقْنِعَةً مُتَنَوِّعَةً ҳар хил йўллар билан ниқобланмоқ, турли қиёфага кирмоқ; 4) *анат.* юрак халтаси

– قَنَاعَةٌ 1) қаноат, озга қаноат қилиш; камсуқумлик; 2) ишонч; ـاتٌ; ~ عَلَى ... تَامَّةٌ بِأَنَّ ... га тўла ишонч ҳосил қилмоқ

– قَنَعٌ камсуқумлик

– قَنِعٌ камсуқум, озга қаноат қилувчи

– قَنِعٌ *кўп.* قُنُعٌ, قِنَاعٌ қурол

– قَنُوعٌ озга қаноат қилувчи, камсуқум; эви билан иш тутувчи

– مَقْنَعٌ *кўп.* مَقَانِعُ етарлилик; қаноатланганлилик; ~ فِي هٰذَا бу тўла кифоя қилади

– مُقْنِعٌ 1) қаноатлантирувчи; етарли, қаноатланарли; 2) ишонарли, ишонтирадиган; ~ جَوَابٌ қониқарли жавоб

– مُقَنَّعٌ ниқобга кирган, ниқобланган, маска кийган; الْأَعْدَاءُ السَّافِرُونَ وَ الْـ~ُونَ очиқ-ойдин ва ниқоб кийган (яширин) душманлар

– مِقْنَعٌ аёллар бошини тўсиб юрадиган ёпинчиқ

– مِقْنَعٌ = مِقْنَعَةٌ

قُنْفُذٌ кўп. قَنَافِذُ 1) типратикон, кирпи; ~ الْبَحْرِ денгиз кирписи; 2) *шунингдек.* ~ كَبِيرٌ ёввойи, бесўнақай одам

قُنْفُدٌ кўп. قَنَافِدُ = قُنْفُذٌ

قَنْفَشَ пала-партиш бўлмоқ, пийпуқ бўлмоқ; сочи пахмоқ бўлмоқ, пахмоқ сочли бўлмоқ

قُنَاقٌ қаср, сарой; ҳукумат биноси

قِنْقِنٌ кўп. قَنَاقِنُ қаерда ерости суви борлигини биладиган одам

قَنَالٌ кўп. ~َاتٌ — канал.

I قَنِمَ (а) قَنَمٌ ачимоқ, ачиб қолмоқ (*ёғ ҳақида*)

– أُقْنُومٌ[1] кўп. أَقَانِيمُ алиф.б.қ.

– أُقْنُومٌ[2] ўзак, илдиз

– قُنُّومَةٌ mormyrus (*Нилда учрайдиган балиқ номи*)

I (قنو) قَنَا (у) قُنُوٌّ, قُنْوَةٌ, قِنْوَةٌ 1) эга бўлмоқ, топмоқ, етишмоқ; 2) олмоқ; قَنِيَ (а) قَنًا қийғирнинг бурнига ўхшамоқ (*бурун ҳақида*); II قَنَّى (*канал*) қазимоқ, кавламоқ; VIII اِقْتَنَى = قَنَا

– أَقْنَى мн. قَنْوَاءُ кўп. قُنْوٌ қийғирнинг бурнига ўхшаган (*бурун ҳақида*); ~ الْأَنْفِ қирғийбурун

– اِقْتِنَاءٌ эга бўлиш, етишиш

– اِقْتِنَائِيٌّ эга бўлишга оид

– تِقْنِيٌّ техник

– تَقْنِيَةٌ каналлар қазиш, кавлаш

– تِقْنِيَّةٌ алиф.б.қ.

– قَانٍ[1] мн. قَانِيَةٌ 1) эга бўлувчи, етишувчи; 2) хўжайин, соҳиб

– قَانٍ[2] мн. قَانِيَةٌ оч (*ранг*); ~ أَحْمَرُ оч қизил

– قَنَاةٌ кўп. قَنَوَاتٌ 1) канал; ирмоқ; ~ السُّوَيْسِ Сувайш канали; ~ التَّحْوِيلِ бошқа томонга бурадиган канал; الْـ~ الْبَوْلِيَّةُ сийдик йўли; الْـ~ الدَّمْعِيَّةُ кўз ёши йўли; الْـ~ الْهَضْمِيَّةُ овқат ҳазм қилиш канали; الْـ~ الْمَنَوِيَّةُ сперматазоид (маний, уруғ) йўли; 2) труба; 3) сувни оқизиб юборадиган канал; клоака; 4) найза; ◊ صُلْبُ الْـ~ мустаҳкам, пишиқ, мустаҳкам иродали; لَا تَلِينُ الْحَوَادِثُ ~َـةَ у сўзидан қайтмас одамдир (*сўзма-сўз; ҳодисалар унинг найзасини эголмайди*); لَانَتْ ~ الشَّيْخِ қариянинг кўнгли юмшади

– قَنَايَةٌ кўп. ~َاتٌ — ариқ, катта ариқ

– قَنَوِيٌّ каналга оид; оқизиб юбориладиган ирмоғи бор бўлган; غُدَدٌ кар. الْغُدَدُ الْـ~َـةُ

– قُنْوٌ эга бўлиш, эгалик қилиш

– قِنْوٌ кўп. أَقْنَاءٌ хурмо мевасининг боши (*сол. узум боши*).

– قُنْوَةٌ, قِنْوَةٌ эгалик қилиш, эга бўлиш; мулк, мол-мулк, шахсий мулк

– قُنْيَةٌ кўп. ~َاتٌ — ариқ, катта ариқ

– مُقْتَنًى кўп. مُقْتَنَيَاتٌ орттирилган бойлик, мол-мулк; буюмлар; ~ بِالْحَرَامِ ношаръий (ҳаром) йўллар билан топилган мулк; مُقْتَنَيَاتُ الْمَتْحَفِ музейга олинган нарсалар

(قني) I قَنَى (и) قُنِيٌّ 1) эга бўлмоқ, етишмоқ; 2) (*чорва*) боқмоқ, кўпайтирмоқ; I قَنِيَ (а) قِنًا бой бўлмоқ, бойимоқ; IV أَقْنَى бойитмоқ, бой қилмоқ; أَقْنَاهُ اللهُ! Оллоҳ уни пешона терига топгани билан бой қилсин!

– قِنْيٌ[1] кўп. قِنْيَانٌ, أَقْنَاءٌ бир бош хурмо

– قِنًى[2] розилик, мамнунлик

– قُنْيَةٌ, قِنْيَةٌ = قُنْوَةٌ, قِنْوَةٌ кар. قنو

– قَنَاوَشَقٌ бот. қановашақ (*Дорема ўсимлиги*)

I قَهْقَهَ = قَهَّ

I قَهَرَ (а) قَهْرٌ 1) тизгинламоқ, бўйсундирмоқ, ғолиб келмоқ; қаршиликни енгмоқ; لَا يُقْهَرُ енгилмас, ўзиб бўлмайдиган; 2) (*бирор н. га*) мажбур қилмоқ, мажбурламоқ (عَلَى, إِلَى); 3) жонга тегмоқ, безор қилмоқ; 4) хафа қилмоқ, озор бермоқ; VII اِنْقَهَرَ 1) тобеъ бўлмоқ, бўйсунмоқ; 2) ранжимоқ, хафа бўлмоқ

– قَاهِرٌ 1) енгувчи, ғолиб келувчи; لَا يَقْهَرُهُ ~ а) ундан ҳеч ким ғолиб келолмайди; б) енгиб бўлмас, енгиб бўлмайдиган; 2) мажбур қилувчи; 3) кучли, қудратли, енгилмас; قُوَّةٌ ~َةٌ а) енгилмас куч; б) қўпол куч

– قَاهِرِيٌّ 1) Қоҳирага оид; қоҳиралик киши

– قَهَّارٌ 1) қудратли, азим, кучли; 2) Қаҳҳор (*Оллоҳ таолонинг исми сифатларидан бири*)

– قَهْرٌ 1) бўйсундириш, тобеъ қилиш; 2) мажбурлаш; куч ишлатиш; وَسَائِلُ الْـ~ зўрлик қилиш воситалари; ~ًا куч ишлатиш йўли билан, зўрлик билан; 3) хўрлик, хафалик

– قَهْرَانُ 1) хафа қилиб қўйилган; 2) ғамгин, маюс

– قَهْرَةٌ[1] мажбурлаш, мажбур қилиш

– قَهْرَةٌ[2] сариқ ёки қизил тусли минерал бўёқ

– قَهْرِيٌّ 1) куч ишлатиш йўли билан қилинадиган, мажбур қилиш йўли билан қилинадиган; 2) (*к. нингдир хоҳиш иродасига*) боғлиқ

бўлмаган; السَّبَبُ الـــ ~ содир бўлиши муқаррар бўлган зарурият; الظُرُوفِ ~ ـــة албатта юз берадиган вазият сабабли; 3) табиий, стихияли; طَوارِئُ ~ ـــة табиий офатлар

– مَقْهُورٌ 1) тизгинларга тобе қилинган, бўйсундирилган; 2) мажбурий; 3) хафа қилинган, озор берилган; 4) ранжиган, хафа бўлган

قَهْرَمانٌ кўп. قَهارِمَةٌ бошқарувчи, иқтисодчи

– قَهْرَمانَةٌ кўп. ـــ اتٌ 1) иқтисодчи аёл; 2) чет элдан чақирилган мураббия, тарбиячи аёл

قَهْقَرَ 1) чекинмоқ, орқага қараб юрмоқ; 2) пасаймоқ, тушмоқ (*нарх ҳақида*) تَقَهْقَرَ чекинмоқ, орқага қараб юрмоқ; 3) орқада қолмоқ

– تَقَهْقُرٌ орқага юриш, чекиниш; орқада қолиш, регресс

– قَهْقَرَةٌ 1) орқага юриш, чекиниш; 2) тушкунлик, инқироз, завол, регресс

– قَهْقَرَى чекиниш, орқага юриш; رَجَعَ ~ тисланмоқ, тисарилмоқ

قَهْقَهَ қаҳқаҳа уриб кулмоқ, қаттиқ кулмоқ

– قَهْقَهَةٌ қаҳқаҳа, қаҳқаҳа отиш, қаттиқ кулиш

(قهو) IV أَقْهَى кўп. қаҳва ичмоқ

– قَهْوَجِيٌّ кўп. قَهْوَجِيَّةٌ қаҳвахона эгаси (хўжайини)

– قَهْوَةٌ[1] 1) қаҳва дони, янчилмаган қаҳва; 2) қаҳва (*ичимлик*); ~ سادَةٌ қандсиз тайёрланган қаҳва; ~ زِيادَةٌ кўп қанд қўшиб тайёрланган қаҳва; تَنَكَةُ الْـــ ~ қаҳва қайнатадиган идиш; 3) шароб, вино

– قَهْوَةٌ[2] кўп. قَهَواتٌ, قَهاوٍ қаҳвахона, кафе

– مَقْهًى кўп. مَقاهٍ = قَهْوَةٌ[2]; رَجُلُ الْـــ ~ ҳар доим қаҳвахонадан топиладиган (*кунда-шунда*) одам

I قَهِيَ (а) قَهًى (*мас., ейишни, ичишни*) хоҳламай қолмоқ (عَنْ); يَقْهَى عَنِ الطَّعامِ وَعَنِ الشَّرابِ у ейишни ҳам, ичишни ҳам хоҳламаяпти; IV أَقْهَى иштаҳаси пасаймоқ; عَنِ الطَّعامِ ~ овқатга иштаҳаси сусаймоқ

I (قوب) قابَ (у) قَوْبٌ 1) ўйиб кавак қилмоқ, чуқурча қилмоқ; 2) тухумни ёриб чиқмоқ (*жўжа ҳақида*); II قَوَّبَ кавламоқ, кавлаб чиқармоқ, қазимоқ; V تَقَوَّبَ ёрилмоқ (*тухум ҳақида*); VII انْقابَ = I

– قابٌ қисқа масофа; قَوْسٍ ~ камон ўқи отилган масофада; *маж.* жуда яқиндан; قَوْسَيْنِ ~ ёки هٰذا عَلَى ~ قَوْسَيْنِ бу жуда яқинда турибди; أَصْبَحَ عَلَى ~ قَوْسَيْنِ مِنَ الْمَوْتِ ўлишига қилча қолди; قَوْسَيْنِ أَوْ أَدْنَى مِنْ ... ...дан қилча нарида турибди, ...га қилча қолди

– قُوبٌ ўйиб олинган жой, кавланган жой

– قُوبٌ кўп. أَقْوابٌ жўжа

– قُوبَاءُ ёки قُوباءُ кўп. قُوَبٌ *мед.* 1) қирма темиратки; кал, ялтирбош; 1) экзема

– قُوبَةٌ кўп. ـــ اتٌ *мед.* қирма темиратки

I (قوت) قاتَ (у) قُوتٌ боқмоқ, овқатлантирмоқ, озиқлантирмоқ; II قَوَّتَ 1) озиқ-овқат билан таъминламоқ; 2) тутмоқ, боқмоқ; IV أَقاتَ 1) = I; 2) еб-ичишга қодир бўлмоқ; V تَقَوَّتَ (*н. нидир*) емоқ, (*н. биландир*) боқилмоқ (ب); VIII اقْتاتَ = V; X اسْتَقاتَ овқат сўрамоқ

– إِقاتَةٌ боқиш, овқатлантириш

– قاتٌ *бот.* қот (*яманда барги чайналадиган ва кайф қиладиган ўсимлик*); مَضَغَ الْـــ ~ қот чайнамоқ

– قُوتٌ кўп. أَقْواتٌ овқат, емак, озиқ-овқат; ем; أَقْواتٌ озиқ-овқатлар; قُوتُ الْيَوْمِ ~ ризқ-рўз, қути лоямут, кунлик овқат; بَحَثَ عَنِ الْـــ ~ емиш қидирмоқ; عَمِلَ فِي سَبِيلِ الْـــ ~ қоринни деб ишламоқ

– مُقِيتٌ овқатлантирувчи; тўқ тутадиган, бақувват; الْـــ ~ ризқ берувчи (*Оллоҳ таолонинг исми сифати*)

I (قوح) قاحَ (у) قَوْحٌ супурмоқ, супуриб ташламоқ; 2) йирингламоқ (*яра ҳақида*); II قَوَّحَ = I; III قاوَحَ арзимаган нарсага бахслашмоқ; талашмоқ, мунозара қилмоқ; V تَقَوَّحَ йирингламоқ (*яра ҳақида*)

I (قود) قادَ (у) قَوْدٌ, قِيادَةٌ, مَقادَةٌ, قَيْدُودَةٌ 1) бошқармоқ, идора қилмоқ; ~ طائِرَةً самолётни ~ сَيّارَةً автомобилни бошқармоқ (ҳайдамоқ); الْأُورْكِسْتْرا ~ оркестрга дирижёрлик қилмоқ; бошқармоқ; 2) бошчилик қилмоқ, йўлбошчилик қилмоқ; командирлик қилмоқ; II قَوَّدَ жуда кўп бошқармоқ, ҳайдамоқ (*машина ва ҳ. к. ларни*); IV أَقادَ : ~ الْقاتِلَ بِالْقَتِيلِ одам ўлдирганлиги учун қасос сифатида қотилни ўлдирмоқ; VII انْقادَ 1) ўзини етаклатмоқ, олиб борилмоқ, обо́рилмоқ, юргизилмоқ; 2) (*к. гадир*) бўйсунмоқ (لِـ); ўз жиловини (*к. нингдир*) қўлига бериб қўймоқ; 3) (*бирор н. га*) берилмоқ, берилиб кетмоқ; (*тузоққа*) тушмоқ, илинмоқ; VIII اقْتادَ (*қаергадир*) олиб бормоқ, етакламоқ; X اسْتَقادَ 1) (*к. гадир*) бутунлай бўйсунмоқ (لِـ); 2) қасос сифатида қотилни ўлдиришни талаб қилмоқ

– انْقِيادٌ 1) издан бориш; 2) тобелик, бўйсунишлик

– قائِدٌ кўп. قادَةٌ, قُوّادٌ 1) доҳий, раҳбар; قُوّادُ الثَّوْرَةِ инқилоб раҳбарлари; قادَةُ الْفِكْرِ мутафаккирлар, фан ёки санъат арбоблари; الْأُورْكِسْتْرا ~ дирижёр; 2) қўмондон; йўлбошчи; бошлиқ; الْـــ ~ُ الْأَعْلَى لِلْقُوّاتِ الْمُسَلَّحَةِ қуролли кучлар олий бош қўмондони; الْـــ ~ُ الْعامُّ бош қўмондон; الْجَيْشِ ~ُ армия қўмондони; الْأُسْطُولِ ~ флот қўмондони; السِّلاحِ الْجَوِّيِّ ~ُ ҳарбий-ҳаво кучлари қўмондони; 3) ҳайдовчи; الْقاطِرَةِ ~ паровоз машинисти; 4) пилот; ◊ الْـــ ~ُ *астр.* Катта айиқ туркумида энг чеккадаги юлдузнинг номи

– قَوّادٌ қўшмачи; عَمَلُ الْـــ ~ қўшмачилик

– قَوّادَةٌ қўшмачи аёл

– قَوْوَدٌ ювош, гапга кирадиган, қобил

– قَوْدٌ 1) ҳайдаш, бошқариш; 2) қўшмачилик

– قَوَدٌ қасос, ўч, хун ҳақи, товон

– قِيَادٌ жилов, боғлов, ... الـ~ أَرْخَى الـ~ жиловни бўш қўймоқ; الـ~ سَلِسُ осон бошқариладиган, итоаткор; الـ~ صَعْبُ қийин бошқариладиган, қулоқсиз, итоатсиз; الـ~ مُطْلَقُ эркин, озод, жилови қўйиб юборилган

– قِيَادَةٌ кўп. اتٌ — 1) қўмондонлик; бошқарма, идора; الـ~ الْعُلْيَا олий қўмондонлик; 2) бошқариш; السَّيَّارَةِ ~ автомобилни бошқариш (ҳайдаш) 3) қўшмачилик

– قِيَادِيٌّ раҳбарликка оид; ~ مَرْكَزٌ бошқариш маркази; مُنَظَّمَاتٌ ~ةٌ раҳбар ташкилотлар

– قَيْدٌ ювош (от ҳақида)

– قَيْدَة халқ. бошлиқ, раҳбар, йўлбошчи

– مَقَادَةٌ 1) бошқариб бориш; 2) раҳбарлик, бошчилик; ◊ عَصَىٰ ~تَهُ عَلَى الرَّاكِبِ эгарга ўтирганда бўйсунмай турмоқ

– مِقْوَدٌ кўп. مَقَاوِدُ жилов, арқон, тизгин; ◊ السَّيَّارَةِ ~ автомобил рули, автомобил рули чамбараги

– مُنْقَادٌ 1) етаклаб юрилган; 2) итоаткор, ювош

I قَارَ (قور) (у) قَوْرٌ оёқ учида юрмоқ; II قَوَّرَ 1) тешмоқ, ўймоқ, ўйиб тешмоқ; ичини ковак қилмоқ; 2) думалоқ тешик қилиб тешмоқ; ёқа тешмоқ (кўйлакдан); 3) смола (елим) суртмоқ; ◊ الْعَيْنَ ~ кўзни ўйиб олмоқ; V تَقَوَّرَ кулча бўлиб олмоқ (илон ҳақида); 2) тешилган бўлмоқ

– أَقْوَرُ мн. قَوْرَاءُ кўп. قُورٌ 1) кенг, сиғимли, кўп элтадиган (сиғадиган); 2) бир кўзи кўр, бир кўзли

– تَقْوِيرٌ 1) чуқурлаштириш; 2) ўйиш, ковлаб ўйиш; архит. қисқа тарнов

– تَقْوِيرَةٌ кўп. تَقَاوِيرُ 1) кавак, ўйилган жой, кемтик жой; 2) кўйлакнинг ёқаси, ўйиб олинган жойи

– قَارٌ минерал смола, битум, асфальт, сақич

– قَارَةٌ кўп. اتٌ —, قِيرَانٌ, قُورٌ дўнг, тепалик, қир, адир

– قَارِيٌّ смолали, елимли, серелим

– قُوَارَةٌ кўп. اتٌ — 1) сопол ёки чинни синиғи; 2) ўйиб тешилган нарса, ўйиб олинган нарса

– مُقْوَرَّةٌ = قُوَارَةٌ

– قُورَةٌ кўп. قُوَرٌ пешона

– مُقَوَّرٌ 1) ўйиб тешилган, қириб текисланган; 2) кўкраги очиқ (кўйлак ҳақида); 3) смола суртилган (чапланган)

– مِقْوَرَةٌ кўп. مَقَاوِرُ 1) ярим ой шаклидаги искана; 2) мева-сабзавотларни артишга мўлжалланган пичоқ

قَاوُورْمَةٌ = قَوْرْمَةٌ

قُوزَاقٌ казаклар

قُوزِيٌّ (сол. أُوزِيٌّ) бузоқ, қўзичоқ

I قَوِسَ (а) قَوَسٌ эгилган бўлмоқ, букчаймоқ; II قَوَّسَ 1) отмоқ, ўқ узмоқ; ҳарб. (икки томонлама) нишонга олмоқ; 2) эгмоқ; пештоқ шаклли қилмоқ; V تَقَوَّسَ эгилмоқ, букчаймоқ (бел ҳақида); анордек дўппайиб турмоқ (қизларнинг кўйлагидаги кўкрак); يَتَقَوَّسُ الشَّيْخُ қария букчайиб қолапти

– تَقْوِيسٌ 1) отиш, ўқ узиш; ҳарб. икки томонлама (мўлжалга) олиш; 2) эгрилик, қайрилганлик; архит. пештоқ шаклидаги эгма

– قَوَّاسٌ кўп. قَوَّاسَةٌ 1) ёйчи, ёй отар; мерган; 2) овчи, сайёд; 2) қаввос (қуролланган хизматкор)

– قَوْسٌ мн. мз. кўп. أَقْوَاسٌ, قِسِيٌّ 1) ёй, камон; الـ~ وَ النُّشَّابُ ёй ва ўқ; رَمَى مِنْ ~ وَاحِدَةٍ маж. бир манбадан келиб чиққан бўлмоқ (сўзма-сўз: битта ёйдан отилмоқ); رَمَوْهُ مِنْ ~ وَاحِدَةٍ маж. кимгадир қарши биргалашиб ҳаракат қилмоқ; 2) тоқ, пештоқ; النَّصْرِ ~ зафар арки, ғалаба арки; 3) кўприкнинг тирагич устунлари оралиғи; 4) ёй (доира ёки бошқа эгри чизиқнинг бир бўлаги); النَّدْفِ ~ пахта тарашлайдиган тароқ; 5) муз. камонча; 6) қавс; الـ~انِ ик. с. иккита қавс, қўшқавс; الـ~ الْمَعْقُوفُ квадрат қавс ([ ]); الـ~ الْمُزْدَوِجُ фигурали қавс ({ }); 7) ҳарб. вилка (икки томонлама нишонга олиш); ◊ النَّبِيِّ ~ ёки قُزَحَ ~ ёки السَّمَاءِ ~ камалак; الْمِحْرَاثِ ~ омочнинг тутқичи; بُرْجُ الـ~ وَ الرَّامِي Қавс (юлдузлар туркуми); الْغَمَامِ ~ бот. Флорен ириси (гул)

قُوَيْسَةٌ[1], قُوَيْسٌ 1) ёйча, камонча

– قُوَيْسَةٌ[2] 2) бот. ўрмон шалфейи (ўсимлик)

– مِقْوَسٌ кўп. مَقَاوِسُ спорт. старт бериш паккаси

– مُقَوَّسٌ эгилган, букилган, букчайган; أَنْفٌ ~ қирғий бурун

قَائِشٌ кўп. قَوَائِشُ қайиш (устара ишқаланадиган, қайраладиган)

– قَاوُوشٌ кўп. قَوَاوِيشُ қамоқ камераси

– قَايِشٌ кўп. قَوَايِشُ қайиш (устара ишқаланадиган, қайраладиган); тасма, камар

– قُوشٌ кўп. أَقْوَاشٌ 1) камар, тасма; 2) қуюшқон

قَوْصَرَةٌ, قَوْصَرَّةٌ, قَوْصَرَةٌ хурмо сақлаш учун қамишдан тўқилган идиш

I قَاضَ (قوض) (у) قَوْضٌ бузмоқ, вайрон қилмоқ, хароб қилмоқ; II قَوَّضَ = бузмоқ, вайрон қилмоқ, хароб қилмоқ; III قَاوَضَ = I; V تَقَوَّضَ бузилмоқ, вайрон бўлмоқ, хароб бўлмоқ; VII اِنْقَاضَ бузилмоқ, вайрон бўлмоқ, хароб бўлмоқ

(قوط) II قَوَّطَ (к. нидир) алдамоқ (عَلَى)

– قَوْطٌ кўп. أَقْوَاطٌ қўй подаси

– قَوْطَةٌ кўп. قَوْطٌ сават (мева солинадиган)

– قُوطَةٌ памилдори, помидор, томат

قُوطٌ: الـ~ тар. 1) готлар; الـ~ الْغَرْبِيُّونَ ғарбий готлар, вестготлар

– قُوطِيٌّ *тар* 1) готларга оид; 2) готлик; 3) гот (*қадимги герман қабилаларига мансуб киши*)

– قَاعٌ *кўп.* أَقْوَاعٌ, قِيعَانٌ 1) пастқам ер, жарлик, пастлик, текислик; 2) (*дарё, денгизнинг*) таги, туби; ~ الْمَرْكَبِ кеманинг остки қисмини тутиб турувчи тагёғоч, кил; ~ النَّهْرِ дарё ўзани; ~ التُّرْعَةِ канал ўзани; 4) пол, ер; ~ الْغُرْفَةِ хона ери

– قَاعَةٌ *кўп.* ـَـاتٌ 1) зал, катта хона; ~ الْاجْتِمَاعَاتِ الْاحْتِفَالِيَّةِ конференс-зал; ~ الطَّعَامِ ошхона, емакхона; ~ الْمُحَاضَرَاتِ аудитория, маърузалар зали; ~ الْمُطَالَعَةِ ўқув зали, қироатхона; 2) палата (*касалхонада*); ~ الدَّارِ ҳовлининг саҳни

I (قوف) قَافَ (*у*) قَوْفٌ 1) фол (ром) очмоқ, башорат қилмоқ, олдиндан айтмоқ; 2) сиртига қараб ҳукм чиқармоқ

– قَائِفٌ фолбин, ромчи

– قَافٌ: ~ جَبَلُ *дин.* кўҳи Қоф (*ер атрофини ўраб турган тоғ номи*); عَاشَ وَرَاءَ جَبَلِ ~ *мақ.* ҳеч кимга аралашмай яшамоқ (*сўзма-сўз: кўҳи Қофнинг орқасида яшамоқ*)

– قُوفِيَّةٌ = كُوفِيَّةٌ

I (قوق) قَاقَ (*у*) قَوْقٌ қағ-қағламоқ, қуриламоқ; ғоқ-ғоқламоқ (*ғоз ҳақида*); II قَوَّقَ = I

– قَاقٌ *кўп.* قِيقَانٌ 1) қарға (*Сурияда*); 2) *шунингдек:* ~ الْمَاءِ қорабузов

– قَاوُوقٌ *алиф.б.қ.*

– قُوقٌ = 1) قَاقٌ; 2) оққуш

– قُوقَةٌ бойўғли

– قُوَيْقٌ: أُمُّ الـ~ бойўғли

قَوْقَأَ қағ-қағламоқ, қурулламоқ

– قَوْقَأَةٌ қағ-қағлаш, қуруллаш

مُقَوْقِسٌ *тар.* муқавқис (*жоҳилия давридаги Қоҳира ҳокимининг лақаби*)

(قوقع) تَقَوْقَعَ 1) ўзи билан ўзи овора бўлиб қолмоқ; ўз қобиғи ичида яшамоқ; 2) илдиз отмоқ, томир ёймоқ; 3) ҳеч кимга билдирмасдан (*қаергадир*) кирмоқ (دَاخِلَ)

– قَوْقَعٌ чиғаноқ; шиллиқ қурт

– قَوْقَعَةٌ *кўп.* قَوَاقِعُ, ـَـاتٌ чиғаноқ, ракушка; шиллиққурт

– قَوْقَعِيٌّ чиғаноқсимон, чиғаноққа ўхшаш; ~ زُخْرُفٌ чиғаноқ шаклидаги нақш

قَوْقَى қақилламоқ, қақағламоқ (*товуқ ҳақида*)

– قَوْقَاةٌ, قِيقَاءٌ қақиллаш, қақағлаш (*товуқ ҳақида*)

I (قول) قَالَ (*у*) قَوْلٌ, قَوْلَةٌ, مَقَالٌ, مَقَالَةٌ 1) гапирмоқ, демоқ (*бирор н. ҳақида*) гапириб бермоқ فِي; (*к. дандир*) нақл қилмоқ (عَنْ); ~ بَيْنَهُ وَ بَيْنَ نَفْسِهِ ўзига ўзи гапирмоқ, гапирмоқ, ўзича ўйламоқ; ~ لَهُ فِيمَا وَ قِيلَ айтилди, айтилган; إِنَّ ~ ... жумладан унга айтдики, ...; أَوْ قُلْ ... ёки яхшиси айтганки, ... الْحَقَّ يُقَالُ ростини айтганда; ...; 2) (*к. нингдир устидан*) бўҳтон қилмоқ (عَلَى *ёки* ضِدَّ); 3) (*н. нидир*) баён қилмоқ, тасдиқламоқ (بِ); عَلَى مَا يُقَالُ айтадилар; يُقَالُ айтадиларки, айтишларича; مُجَرَّدُ كَلَامٍ يُقَالُ қуруқ гапнинг ўзи; ◊ ~ وَ قِيلَ беҳуда гаплар, миш-миш хабарлар; II قَوَّلَ 1) жуда кўп гапирмоқ; ҳикоя қилиб бермоқ; 2) сўзларни (*к. ғадир*) мансуб деб ҳисобламоқ, (*к. дир*) айтди демоқ; III قَاوَلَ 1) тортишмоқ, баҳслашмоқ, мунозара қилмоқ; 2) савдолашмоқ; 3) шартнома тузмоқ, иттифоқ тузмоқ; IV أَقْوَلَ сўзларни (*к. ғадир*) мансуб деб ҳисобламоқ, (*к. дир*) айтди демоқ; V تَقَوَّلَ (*бирор к. ёки бирор н. ҳақида*) беҳуда гапларни гапирмоқ; 2) (*бирор к. ёки бирор н. ҳақида*) миш-миш тарқатмоқ (عَلَى); 3) тахмин қилиб гапирмоқ, тахминан демоқ; VI تَقَاوَلَ музокара олиб бормоқ; VIII اقْتَالَ 1) (*к. нингдир устидан*) ҳукмронлик қилмоқ (عَلَى); 2) демоқ, айтмоқ

– أَقَاوِيلُ *кўп.* миш-мишлар, беҳуда гаплар

– تَقَوُّلَاتٌ *кўп.* олди-қочди гаплар, овозалар

– قَائِلٌ *кўп.* قُوَّلٌ гапирувчи, деювчи, нақл қилувчи; وَ قَدْ يَقُولُ ~ *ёки* وَ رُبَّمَا ~ يَقُولُ эҳтимол кимдир айтар; قَالَ ~ مِنْهُمْ ... улардан кимдир дедики, ...

– قَالٌ: ~ وَ قِيلٌ *ёки* الْقَالُ وَ الْقِيلُ беҳуда (бўлмағур) гаплар., миш-мишлар; ابْتَعَدَ عَنِ الـ~ وَ الْقِيلِ ғиди-биди гаплардан қочиб кетди

– قَالَةٌ гаплар, сўзлар, нутқлар; سُوءُ الـ~ ғийбат, фисқ-фасод

– قَوَّالٌ 1) сергап, маҳмадана; 2) халқ орасидаги шоир

– قَوْلٌ *кўп.* أَقْوَالٌ сўз, гап; мулоҳаза, фикр; صِحَّةُ الـ~ сўзларнинг (фикрларнинг) тўғрилиги; شَرَفُ ~ чин (рост) сўз; الـ~ الْفَصْلُ ҳал қилувчи сўз; الـ~ الْمَأْثُورُ ҳикматли сўз, афоризм; لَا يُرِيدُ أَقْوَالًا بَلْ يُرِيدُ أَفْعَالًا унга қуруқ гап эмас, иш керак; ◊ جُمْلَةُ الـ~ бир сўз билан айтганда; قُصَارَى الـ~ қисқа қилиб айтганда, гапнинг қисқаси; بِالـ~ وَ بِالْفِعْلِ ҳам оғизда, ҳам қўлда; ҳам гап билан, ҳам иш билан; عَلَى أَقْوَالِ الْعُلَمَاءِ олимларнинг гапига кўра; أَقْوَالُ الشَّاهِدِ гувоҳнинг берган гувоҳлиги; أَخَذَ أَقْوَالَ الْجَانِي жиноятчининг айтганларини ёзиб олмоқ

– قَوْلٌ *кўп.* ـَـاتٌ *ҳарб.* отряд; саф, колонна; ~ السَّيْرِ юриш учун сафланган колонна; مَرَّ بِـ~ أَرْبَعَاتٍ тўрт кишидан колонна бўлиб ўтмоқ; مَرَّ بِـ~ بِلَاتُونَاتٍ взвод-взвод бўлиб ўтмоқ

– قَوْلَةٌ 1) ибора; 2) фикр, мулоҳаза; ~ مَأْثُورَةٌ ҳикматли сўз

– قَوَّالٌ, مِقْوَالٌ, مِقْوَلٌ, قُوَلَةٌ сўзчан, сўзамол

– قَوُولٌ *кўп.* قُوُلٌ гапирадиган; ~ رَجُلٌ сергап одам

– قِيلٌ *кўп* أَقْيَالٌ, أَقْوَالٌ *қар.* قَيْلٌ

– قِيلٌ[1] нутқ, гап

– قِيلٌ[2] – قالٌ و ~ الْقالُ و الـ~ ёки قالٌ و قِيلٌ қар. قال

– مَقالٌ кўп. اتٌ — мақола

– مَقالَةٌ кўп. اتٌ — 1) нутқ; 2) мақола; унча катта бўлмаган иншо; адабий лавҳа; افْتِتاحِيَّةٌ ~ бош мақола

– مُقاوِلٌ пудратчи

– مُقاوَلَةٌ 1) баҳс, жанжал; 2) шартнома, иттифоқ, келишув, пудрат; بالـ~ ишбай

– مَقُولٌ[1] айтилган, дейилган; ... إنَّ الآنَ ~ و الـ энди айтадиларки, ...

– مَقُولٌ[2], مَقُولَةٌ кўп. اتٌ — фикр, мулоҳаза; ◊ الْمَقُولاتُ الْعَشْرُ фалс. ўн категория

– مِقْوَلٌ кўп. مَقاوِلُ телефон, микрофон

قَوْلَبَ бир хил шаклга келтирмоқ; бир хил андазага солмоқ; ◊ ~ نُكْتَةً ҳазил гап айтиб қўймоқ

– قَوْلَبَةٌ бир хил формага солиш; шаблонлаштириш; ~ الأَفْكار фикр бирхиллиги; زُخْرُفِيَّةٌ ~ ганчбанд нақшлар

– قَوْلَحَةٌ қар. قلح

قُولَنْجٌ, قُولَنْجٌ қориндаги санчиқ; мед. йўғон ичакнинг яллиғланиши; ич буруғи, колит

قُولُونٌ анат. йўғон ичакнинг кўр ичакдан тўғри ичакка қадар бўлган қисми, қарта; تَقَيُّحُ الـ~ мед. йўғон ичакнинг яллиғланиши

I قامَ (قوم) (у) قِيامٌ, قَوْمَةٌ 1) турмоқ, ўриндан кўтарилмоқ; тик турмоқ; ~ مِنْ نَوْمِهِ ўриндан турмоқ; ~تِ الدُّنْيا و قَعَدَتْ ҳамма ёқ алғов-далғов бўлиб кетди; 1) кўтарилмоқ, қўзғалмоқ; ~تِ الزَّوْبَعَةُ чанг-тўзон кўтарилди; 3) тирилмоқ, ўлгандан сўнг тирилмоқ; 4) пайдо бўлмоқ, келмоқ; ~تِ الْفِكْرَةُ каллага бир фикр келди; 5) мавжуд бўлмоқ, содир бўлмоқ, амалга ошмоқ; 6) ҳавога кўтарилмоқ (тайёра ҳақида); (қаердандир) жўнамоқ, жўнаб кетмоқ, ўриндан силжимоқ (поезд, пароход ҳақида– مِنْ); 7) (қаергадир) жўнамоқ (إلى); 8) (к. гадир қарши) кўтарилмоқ, қўзғалмоқ (ضِدَّ, عَلَى); 9) асосланмоқ, таянмоқ (عَلَى); 10) (н. нидир) кўтармоқ (ب); ~ بِالْمَصارِيفِ харажатларни кўтармоқ; 11) (н. нидир) бажармоқ, амалга оширмоқ, қилмоқ, ижро этмоқ (ب); ~ بِدَوْرٍ рол ўйнамоқ; ~ بِمُظاهَرَةٍ намойиш уюштирмоқ; ~ بِالْواجِبِ бурчни бажармоқ; ~ بِوَعْدِهِ ваъданинг устидан чиқмоқ; 12) (ишни) олиб бормоқ), (н. нидир) бошқариб бормоқ (ب); 13) турмоқ, қила бошламоқ, бажара бошламоқ (ҳоз. -кел. замон феъли билан бирга); ~ يَطْلُبُ талаб қила бошлади; ~ قالَ халқ. айтди - қўйди; 14) (к. ларнингдир ўртасида) кетмоқ, бормоқ (жанг ҳақида بَيْنَ); 15) (к. ларнингдир орасида) пайдо бўлмоқ (بَيْنَ); ◊ ~ الْعَجِينُ хамир кўпди (етилди); ~ الْحَقُّ ҳақиқат ғалаба қилди; ~ مَقامَهُ кимнингдир ўрнини алмаштирмоқ; ~ دُونَهُ кимнидир ҳимоя қилмоқ, тарафини олмоқ; ~ عَلَى عائِلَتِهِ оиласи ҳақида ғамхўрлик қилмоқ; ~تِ السُّوقُ бозор бошланди, бозорда савдо-сотиқ бўлиб турибти; ~تْ لَهُ قائِمَةٌ тиргакка эга бўлмоқ, асосли бўлмоқ; ~تِ الْماءُ сув музлади, сув қотди; II قَوَّمَ[1] 1) турғизмоқ, кўтармоқ; ~ مِنَ النَّوْمِ уйғотмоқ; 2) тўғриламоқ, тўғри қилмоқ; ~ أَوَدَهُ ёки ~ عِوَجَهُ ёки ~ اعْوِجاجَهُ ниманидир тўғриламоқ, ниманингдир эгри жойини тўғрилаб текисламоқ; ~ الأَسْنانَ тишларни протез қилмоқ; 3) нарх қўймоқ, нарх белгиламоқ; لا يُقَوَّمُ بِثَمَنٍ бебаҳо, баҳоси йўқ; 4) физ. ўзгарувчан токни ўзгармас токка айлантирмоқ; ◊ ~ عِيالَهُ оиласи ҳақида ғамхўрлик қилмоқ; II قَيَّمَ[2] нарх белгиламоқ, нарх қўймоқ; III قاوَمَ қаршилик кўрсатмоқ, қарши ҳаракат қилмоқ; курашмоқ; IV أَقامَ 1) тўғриламоқ текисламоқ; 2) тикламоқ, қурмоқ, ўрнатмоқ; (н. гадир) асос солмоқ, асос қўймоқ (عَلَى); ~ الأُسُسَ (бирор н. га) асос солмоқ (لـ); 3) ўрнатмоқ, белгиламоқ, тикламоқ; ~ عَلاقاتٍ وُدِّيَّةً (к. биландир) дўстона муносабатлар ўрнатмоқ (مَعَ); ~ زَيْدًا الرَّئِيسَ مَقامَهُ бошлиқ ўз ўрнига Зайдни қўйди; 4) ташкил этмоқ (қилмоқ); ~ حَفْلَ تَكْرِيمٍ (к. гадир) тантанали маросим ташкил этмоқ (لـ); ~ الْمَعْرِضَ кўргазма уюштирмоқ; ~ الْفاتِحَةَ عَلَى رُوحِ زَيْدٍ Зайднинг руҳига бағишлаб Фотиҳа сурасини тиловат қилмоқ; ~ مَأْدُبَةَ (عَشاءٍ) غَداءٍ تَكْرِيمًا لـ ... ...нинг шарафига тантанали (кечки) тушлик зиёфат бермоқ; 5) жўнатмоқ, юбормоқ; бажо келтирмоқ, адо этмоқ; ~ الْحُدُودَ ёки ~ حُدُودَ اللهِ шариат асосида суд қилмоқ; ~ الصَّلاةَ намозни адо этмоқ; ~ شَعائِرَ الدِّينِ диний урф-одатларга амал қилмоқ; 6) яшамоқ, умргузаронлик қилмоқ; (қаердадир) истиқомат қилмоқ (فِي, ب); ◊ ~ الْحُجَّةَ далил келтирмоқ, ҳужжат билан исботламоқ; ~ الْحَقَّ ҳақиқатни тикламоқ; ~ الدَّعْوَى юр. (к. гадир қарши) даъво билан судга мурожаат қилмоқ (عَلَى); ~ قَضِيَّةً (к. гадир қарши) иш қўзғатмоқ (عَلَى); ~ الدَّلِيلَ далил (ҳужжат) келтирмоқ; ~ وَزْنًا (бирор н. га) аҳамият билан қарамоқ, эътибор бермоқ (لـ); ~ عَلَى الْعَهْدِ шартномани бажармоқ; ~ الْمَيِّتَ ўлганни тирилтирмоқ; ~ الدُّنْيا و أَقْعَدَها ҳамма ёқни ағдар-тўнтар (алғов-далғов, остин-устун) қилмоқ; ~ عامُودًا عَلَى ... мат. ...га перпендикуляр чизиқ тушмоқ; V تَقَوَّمَ 1) тўғриланмоқ, текисланмоқ; тузалмоқ; 2) баҳоланмоқ; VI تَقاوَمَ бир-бирига қарши оёққа турмоқ; VII انْقامَ 1) кўтарилмоқ; 2) тикланмоқ, барпо қилмоқ; X اسْتَقامَ 1) ростгўй (ҳалол, тўғри, адолатли) бўлмоқ; 2) рост (тўғри) бўлмоқ; 3) кўтарилмоқ, тўғриланмоқ; 4) сақланмоқ, узоқ турмоқ; истиқомат қилмоқ

– اِسْتِقَامَةٌ 1) тўғрилик, одиллик, ҳалоллик, поклик; بِـــ ~ рости билан; 2) тўғрилик (*ҳамоли эмас*)

– اِقَامَةٌ 1) кўтариш; 2) қуриш, тиклаш, ўрнатиш, 3) тайинлаш, белгилаш; 4) йўлга қўйиш, тартибга солиш; амалга ошириш, жўнатиш; ~ الْحَدِّ (*к. гадир*) шариат ҳукмини татбиққилиш (فِى, عَلَى); ~ الصَّلَاةِ намозни адо этиш; ~ الْعَدْلِ одил судлов ўтказиш; ~ شَعَائِرِ الدِّينِ диний урф-одатларни бажо келтириш; 5) истиқомат қилиш, яшаш; حَقُّ الْـ ~ الْحُرَّةِ эркин яшаш ҳуқуқи; مَحَلُّ الْـ ~ ёки دَارُ الْـ ~ яшаш жойи. مُعَاهَدَةُ الْـ ~ яшаш, истиқомат қилиш ҳақида шартнома; الْـ ~ الْعَامَّةُ бош резидентура (*Марокашда*); 6) такбир (*намозда азондан кейин ўқиладиган қисм*); такбир айтиш; 7) ўтроқлик; ◊ ~ الْمَيِّتِ ўликни тирилтириш

– أَقْوَمُ энг тўғри, тўппа-тўғри

– تَقْوِيمٌ 1) тўғрилаш, тузатиш; 2) ўзгарувчан токни ўзгармас токка айлантириш; جِهَازُ ~ التَّيَّارِ *радио.* ўзгарувчан токни ўзгармас токка айлантирувчи асбоб; 3) нарх, қиймат; تَجِلُّ قِيمَتُهُ عَنِ الْـ ~ бунинг қийматини аниқлаб бўлмайди; 4) *кўп.* تَقَاوِيمُ (*шунингдек* ~ السَّنَةِ) тақвим, календарь, солнома; الْـ ~ الْهِجْرِىُّ ҳижрий тақвим; الْـ ~ الْجِرِيجُورِىُّ милодий календар; ~ الْبُلْدَانِ географик маълумотлар (справочник)

– تَقْيِيمٌ нарх белгилаш

– قَائِمٌ 1) тик турувчи; кўтарилган; ўрнидан турган; 2) мавжуд бўлиб турган; 3) тик турган, тик кўтарилган, вертикал; *мат.* перпендикуляр; 4) тўғри; زَاوِيَةٌ ~ ـــةٌ *мат.* тўғри бурчак; ~ الزَّاوِيَةِ тўғри бурчакли; 5) брутто; الْوَزْنُ الْـ ~ бирор нарсанинг идиши билан биргаликдаги вазни; 6) тирговуч, тиргак, устун; ёндор, кесаки; ~ السَّيْفِ қиличнинг сопи (тутқичи); ◊ ~ بِالْأَعْمَالِ (*к. нингдир*) вазифасини бажарувчи; الْـ ~ بِالْأَعْمَالِ إِصَالَةً *дип.* ишончли вакил; الْـ ~ بِالْأَعْمَالِ وَكَالَةً (بِالنِّيَابَةِ) муваққат ишончли вакил; ~ مَقَامٍ ёки قَائِمَّقَامٌ а) ўринбосар, муовин; б) бошлиқ; в) подполковник; بِذَاتِهِ ўзига мустақил

– قَائِمَةٌ *кўп.* قَوَائِمُ 1) қозиқ; тиргович, тиргак, устун; узун таёқ, столб; мачта; قَوَائِمُ الْخِيَامِ чодир қозиқлари; ~ الدَّرَابْزِينِ нақшли жимжимадор устунчалар; 2) (*мебелнинг*) оёғи; 3) (*ҳайвоннинг*) оёғи; 4) рўйхат, ведомость, реестр; ~ الْجَرْدِ рўйхат; ~ الْمَزَادِ ким ошди савдосида сотиладиган буюмлар рўйхати; ~ الْمَوْجُودَاتِ ашё ва анжомлар (инвентар) рўйхати; 5) жадвал; ~ الْأَسْعَارِ ёки ~ أَصْنَافِ الْبُيُوعِ нархлар кўрсаткичи, прейскурант; каталог; ~ الطَّعَامِ ёки الْمَأْكُولَاتِ овқатлар рўйхати; (меню); 6) қилич дастасидаги ярим доира металл қалқонча; гарда; ◊ الْـ ~ التَّنْفِيذِيَّةُ ижро варақаси; الْـ ~ السَّوْدَاءُ қора рўйхат; ~ السَّيْفِ қилич дастаси (сопи)

– قَامَةٌ *кўп.* ـــ اتٌ 1) қад, қомат, гавда; طَوِيلُ الْـ ~ баланд қоматли; 2) бел; қад-қомат; 3) қулоч (*1,38 см.га тенг бўлган узунлик ўлчови*); ~ الْمُهَنْدِسِ ернинг паст-баландини ўлчайдиган асбобга тегишли даражаларга бўлинган тахта; 4) катта пичоқ (*Ироқда*)

– قَوَّامٌ 1) доим тик турувчи; 2) (*н. нидир қилишга*) тайёр; 3) бошқарувчи, юргизувчи; 4) бошлиқ, раҳбар; (*н. нидир*) сақловчи (عَلَى); (*н. нингдир*) чўққиси, тепаси (عَلَى)

– قَوَامْ *халқ.* тез, тезгина, тезда

– قَوَامٌ[1] 1) тўғрилик, бехатарлик, мувофиқлик, мутаносиблик; 2) қад-қомат, бичим, гавда; ҳаётга чидамлилик, сабот, бардош, чидам; 2) адолат, одиллик

– قِوَامٌ[1] , قَوَامٌ 1) қўллаш, қўллаб-қувватлаш; 2) асос, тиргак; яшаш воситаси, кут; қути лоямут; 3) миқдор, ҳисоб, шахсий состав; ~ الْبَعْثَةِ вакиллар сони; 4) моҳият, маъно, мазмун; ◊ ~ الْعَائِلَةِ оила бошлиғи, оила боқувчиси

– قِوَامَةٌ 1) васийлик; 2) ғамхўрлик, (*к. гадир*) қараб турувчилик (عَلَى)

– قَوْمٌ *кўп.* أَقْوَامٌ 1) халқ, миллат, қавм; 2) одамлар; قَدْ يَقُولُ ~ إِنَّ . . . эҳтимол ... дерлар; 3) қабила

– قَوْمَةٌ 1) туриш, кўтарилиш, қўзғолиш; тик туриш; قَامُوا ~ وَاحِدَةً ҳаммалари бирданига тенг туришди; 2) қўзғолон

– قَوْمِى 1) халққа оид, миллий; لَا ~ ғайримиллий, миллийликка хилоф; الْعِيدُ الْـ ~ миллий байрам; 2) миллатчи, миллатчиликка оид

– قَوْمِيَّةٌ *кўп.* ـــ اتٌ 1) халқ, миллат; الدَّوْلَةُ الْمُتَعَدِّدَةُ الْقَوْمِيَّاتِ кўпмиллатли давлат; 2) миллатчилик

– قَوِيمٌ 1) тўғри, тўппа-тўғри; 2) тўғри, қонуний, мунтазам, ҳақиқий; ~ السِّيرَةِ тўғри турмуш тарзи; ~ الدِّينِ мўъмин, эътиқодли, диндор; 3) мустаҳкам, пишиқ, метиндек

– قَيَّامٌ: الْـ ~ абадий мавжуд, мангу барҳаёт (*Оллоҳ таолонинг исмларидан бири*)

– قِيَامٌ 1) тик туриш; 2) ўриндан туриш; ~ مِنَ النَّوْمِ уйғониш, уйқудан туриш;! ~ тур, туринглар! 3) (*мас., поезднинг қаердандир*) жўнаши (مِنْ); (*тайёранинг*) учиб кетиши; 4) мавжудлик, борлик; 5) (*н. нидир*) бажариш, адо этиш (بِ); فَرَأَيْنَا ~ ا بِالْوَاجِبِ أَنْ . . . бурчимизни бажарган ҳолда шуни зарур ҳисоблаймизки, ...; 6) (*тўқилаётган газламанинг*) ўриши; ◊ ~ أَهْلِ بَيْتِهِ оила бошлиғи

– قِيَامَةٌ 1) *дин.* қиёмат; يَوْمُ الْـ ~ қиёмат куни; 2) васийлик; 3) *маж* тўпалон, қий-чув, шовқин-сурон, қиёмат-қойим; قَامَتِ الْـ ~ тўс-тўполон бошланди

– قَيِّمٌ[1] 1) ишончли вакил, ваколатли шахс, назоратчи; 2) (*к. нингдир*) васийси (عَلَى)

– قَيِّمٌ[2] 1) ҳақиқий, тўғри, рости; 2) қиммат, қимматбаҳо; 3) фойдали, мазмунли, мазмундор

– قِيمَةٌ кўп. قِيَمٌ 1) бойлик, қиммат нарса; (الْمَادِّيَّةُ) الْقِيَمُ الرُّوحِيَّةُ маънавий (моддий) бойликлар; ذو ~ қимматбаҳо; لا ~ لَهُ а) бебаҳо; б) ҳеч нарсага арзимайдиган; الْقِيَمُ الثَّقَافِيَّةُ маданий бойликлар; الـ~ُ الْعِلْمِيَّةُ илмий бойлик, илмий аҳамиятга молик нарса; الْخِطَابَاتُ ذَاتُ الْـ~ِ الْمُقَرَّرَةِ нархи кўрсатиб қўйилган мактублар; 2) нарх, баҳо; ицт. қиймат; الـ~ُ الزَّائِدَةُ қўшимча қиймат; ~ اسْمِيَّةٌ номинал қиймат; 3) қадр, қадр-қиймат, шаън, фазилат

– قَيْمُومَةٌ васийлик

– قِيمِيٌّ фазилатга қараб берилган, нархига кўра баҳоланган

– قَيُّومٌ: الـ~ُ абадий барҳаёт, мангу тирик (Оллоҳ таолонинг исми сифотларидан бири)

– مُسْتَقِيمٌ 1) тўғри, тўппа-тўғри (эгри эмас); текис, силлиқ; عَلَى ~ خَطٍّ қар. خَطٌّ; 2) тик (тўхтаб) турган; 3) ҳаққоний, чинрост, софдил; 4) анат. тўғри ичак; تَحْمِيلَةٌ الـ~ِ мед. суппозиторий; 5) мат. тўғри чизиқ

– مُسْتَقِيمِيٌّ тўғри ичакка оид

– مَقَامٌ[1] келиш, туриш

– مَقَامٌ[2] кўп. ـَاتٌ — 1) вазият, мақом, позиция; 2) ўрин; فِي الـ~ِ الْأَوَّلِ биринчи навбатда; يَضِيقُ بِنَا الـ~ُ عَنْ أَنْ ...ни бажариш учун бизга жой етишмаётир; 3) фазилат, эътибор, аҳамият; 4) даража, мақом; صَاحِبُ الـ~ِ الْجَلِيلِ шарафли, мақом соҳиби (олий қўмондоннинг исмига қўшиб айтиладиган сўз); صَاحِبُ الـ~ِ الرَّفِيعِ юқори мақом эгаси (бош вазир исмига қўшиб айтиладиган сўз); 5) авлиёнинг қабри; мақбара, қадамжой; мавзолей; 6) мат. махраж; 7) муз. парда; دَلِيلُ الـ~ِ созлаш калити

– مُقَامٌ келиш, туриш, келиш жойи

– مَقَامَةٌ кўп. ـَاتٌ — 1) доира, муҳит; الْمَقَامَاتُ التِّجَارِيَّةُ тижорат доиралари, тижоратга алоқадор одамлар гуруҳи; الْمَقَامَاتُ السِّيَاسِيَّةُ сиёсий доиралар; 2) адаб. мақома (наср жанри)

– مُقَاوِمٌ қаршилик кўрсатувчи, қарши турувчи, анти ...; ~ لِلْاسْتِعْمَارِ антиимпериалистик; 2) душман

– مُقَاوَمَةٌ 1) қаршилик кўрсатиш, қарши туриш; (к. гадир қарши) кураш; الـ~ُ الْجَوِّيَّةُ ёки ~ الْهَوَاءِ ҳаво қаршилиги; ~ُ الْمَوَادِّ тех. материаллар қаршилиги; عَدَمُ ~ الشَّرِّ ёвузликка қаршилик қилмаслик; 2) кўп. ـَاتٌ — эл., радио. қаршилик; ◊ ~ُ السَّامِيِّينَ антисемитизм

– مِقْوَمٌ кўп. مَقَاوِمُ тутқич, банд, даста

– مُقَوِّمٌ[1] 1) нарх қўйувчи, баҳо белгиловчи; 2) қадрловчи

– مُقَوِّمٌ[2] кўп. ـَاتٌ — 1) физ. ўзгарувчан токни ўзгармас токка айлантирувчи асбоб; (н. нингдир) асосини ташкил этувчи, асосий қисм, асос; омил, фактор; مُقَوِّمَاتُ الْحَيَاةِ яшаш учун зарурий маблағ, восита; مُقَوِّمَاتُ الْحَرْبِ урушни келтириб чиқарувчи омиллар

– مُقَوَّمٌ 1) баҳоланган, нарх белгиланган; 2) қимматбаҳо

– مُقَوَّمَاتٌ кўп. бойликлар; الـ~ُ الثَّقَافِيَّةُ маданий бойликлар; ~ النَّجَاحِ муваффақиятни таъмин этувчи асослар

– مُقِيمٌ 1) яшовчи, яшаб турувчи; 2) резидент; الْـ~ُ الْعَامُّ бош резидент (Марокашда)

– مُقِيمِيٌّ резидентга оид

– مُقِيمِيَّةٌ резиденция

قُومِسْيُونٌ кўп. ـَاتٌ — комиссия

– قُومِسْيُونْجِيٌّ кўп. قُومِسْيُونْجِيَّةٌ комиссия агенти, комиссионер

قُومَنْدَانٌ кўп. ـَاتٌ — 1) командир, қўмондон; ~ الْبَارِجَةِ ҳарбий кема командири; ~ قُوَّةِ مَصْلَحَةِ الْحُدُودِ чегарани қўриқлаш отряди командири; ~ لِوَاءِ الْمُشَاةِ пиёдалар бригадаси командири; 2) комендант; ~ الْبُولِيسِ полиция бошлиғи

قُومِيسَيْرٌ комиссар; ~ الشَّعْبِ тар. халқ комиссари

– قُومِيسَيْرِيَّةٌ комиссариат

قَاوُونٌ хушбўй қовун (сол. قَاوُونٌ)

قُونْتَرَاتُو контракт

قَانِصَةٌ = قُونْصَةٌ қар. قنص

قُونَةٌ кўп. قُوَنٌ икона, бут, худо (суврати)

(قود) II قَوَّدَ қичқирмоқ, бақирмоқ, инграмоқ

– قُوهِيٌّ оқ рангли кийим

I (قوى) قَوِيَ[1] (а) قُوَّةٌ 1) кучли бўлмоқ, кучаймоқ; 2) (н. нидир қилишга) кучи етмоқ, қодир бўлмоқ, қурби етмоқ (عَلَى); 3) (н. дандир) устун келмоқ, (н. нидир) енгиб чиқмоқ (عَلَى); قَوِيَ[2] (а) قَوَايَةٌ бўш бўлмоқ, холи бўлмоқ, овлоқ бўлмоқ; قَوِيَ[3] (а) قَوًى 1) қорни очмоқ, оч қолмоқ; 2) қурғоқчилик бўлмоқ, ёмғир ёғмай қўймоқ; II قَوَّى 1) кучайтирмоқ, мустаҳкамламоқ; قَوُّوا تَنْظِيمَ صُفُوفِكُمْ сафларингизни мустаҳкамлангиз!; 2) қўллаб-қувватламоқ, қувват бермоқ; ~ الْعَزْمَ тетикланмоқ, тетик қилмоқ; 3) қўзғотмоқ; 4) эл. (токнинг) кучланишини оширмоқ; III قَاوَى беллашмоқ, куч синашмоқ, курашмоқ; IV أَقْوَى 1) ташландиқ бўлмоқ, бўш бўлмоқ, бўш қолмоқ; одам келмайдиган бўлмоқ; 2) камбағаллашмоқ, қашшоқ бўлмоқ; V تَقَوَّى 1) кучаймоқ, куч йиғмоқ, мустаҳкам бўлмоқ; 2) тетилмоқ, тетик бўлмоқ; X اسْتَقْوَى (н. нингдир воситасида) кучаймоқ, бардам бўлмоқ (بِ)

– إِقْوَاءٌ 1) ташландиқ ҳолда бўлиш; 2) тўла бўлмаган (оч) қофия

– أَقْوَى энг кучли

– تَقَاوٍ، تَقَاوِى *жам.* уруғлар

– تَقْوَى *қар.* وقى

– تَقْوِيَةٌ 1) кучайтириш, мустаҳкамлаш; جِهَازُ الـ~ *радио.* кучайтиргич; 2) ёрдам, мадад, қўллаб-қўлтиқлаш; 3) қўзғотиш, рағбатлантириш; 4) туртки

– قَوَاءٌ[1] очлик; مَنْزِلٌ ~ сирдош йўқ бўлган уй

– قَوَاءٌ[2]، قِوَاءٌ чўл, саҳро

– قُوَّةٌ *кўп.* قُوًى، قِوًى، ـَاتٌ 1) куч; қудрат, энергия; الـ~ الذَّرِّيَّةُ атом энергияси; ~ الرِّيَاحِ шамол кучи; ~ الشَّلَّالَاتِ *ёки* ~ الْأَنْهَارِ сув кучи; الـ~ الْأَبْدَانِ *ёки* ~ بَدَنِيَّةٌ *ёки* ~ جَسَدِيَّةٌ жисмоний куч; الـ~ الْعَامِلَةُ ишчи кучи; ~ الْقَانُونِ қонун кучи; ~ قَاهِرَةٌ а) енгиб бўлмас куч; б) қўпол куч; ~ مَعْنَوِيَّةٌ маънавий қудрат; بِالـ~ الْجَبْرِيَّةِ зўрлик ишлатиш йўли билан; بِـ~ ҳаракатчанлик билан; بِالـ~ а) куч ишлатиб, куч воситасида; б) *шунингдек.* بِالـ~ الْكَامِنَةِ яширин, аммо юзага чиқиши мумкин бўлган куч билан; الْقُوَى الدَّافِعَةُ ҳаракатга келтирувчи куч; الْقُوَى الْمُنْتِجَةُ *ёки* الْقُوَى الْإِنْتَاجِيَّةُ ишлаб-чиқариш кучлари; قُوَى الطَّبِيعَةِ الْعَمْيَاءُ табиатнинг тасодифий кучлари; ~ الْمَصْنَعِ заводнинг ишлаб чиқариш қуввати; ~ الْإِرَادَةِ ирода кучи; ~ الْخُلُقِ характер кучи; ~ الْعَادَةِ одат кучи; ~ حَافِظَةٌ хотира, хотира (ҳофиза) қуввати; ~ عَاقِلَةٌ ақл, фаҳм-фаросат; ~ الْقَلْبِ жасурлик, баҳодирлик; ~ جَوِّيَّةٌ ҳарбий ҳаво кучи; авиацион отряд; قُوَّاتٌ عَسْكَرِيَّةٌ *ёки* قُوَّاتٌ مُسَلَّحَةٌ қуролли кучлар, армия; قُوَّاتٌ بَرِّيَّةٌ وَ بَحْرِيَّةٌ қуруқликдаги, ҳарбий денгиз ва ҳарбий ҳаво кучлари; ~ الْاِسْتِمْرَارِ *физ.* инерция кучи, инерция; ~ الْجَذْبِ *ёки* الـ~ الْجَاذِبِيَّةُ *физ.* тортиш кучи; ~ الْحِصَانِ *физ.* от кучи; ~ الدَّفْعِ *физ.* الـ~ الطَّارِدَةُ عَنِ الْمَرْكَزِ *ёки* الـ~ الْمَرْكَزِيَّةُ الطَّارِدَةُ *ёки* марказдан қочма куч; الـ~ الْجَاذِبَةُ إِلَى الْمَرْكَزِ *ёки* الـ~ الْمَرْكَزِيَّةُ الْجَاذِبَةُ *физ.* марказга интилма куч; ~ الْكَهْرَبَاءِ электр энергияси, электроэнергия, электр; الـ~ الْكَامِنَةُ яширин, аммо юзага чиқиши мумкин бўлган куч; الـ~ وَالْفِعْلُ имконият ва воқелик, имконият ва реаллик; 2) қобилият, иқтидор; ~ الشِّرَاءِ *ёки* الـ~ الشِّرَائِيَّةُ сотиб олиш имконияти; الْقُوَى الْعَقْلِيَّةُ ақлий қобилият; 3) отряд, наряд, полиция корпуси; полиция; 4) *мат.* даража; دَلِيلُ الـ~ даража кўрсаткичи

– قَوًى 1) очлик; 2) саҳро, чўл

– قَوِيٌّ *кўп.* أَقْوِيَاءُ 1) кучли, қудратли, қувватли; الرَّجُلُ الـ~ бақувват одам, сўзи ўтадиган одам; الـ~ ҳамма нарсага қудрати етадиган (*Оллоҳ таолонинг исми сифотларидан бири*); ~ الْأَثَرِ кучли таъсир қиладиган, таъсири кучли (*дори ҳақида*); ~ الذِّرَاعِ кучли, қувватли (*одам ҳақида*); 2) ҳаракатчан; 3) кучли, аччиқ (*ичимлик ҳақида*); 4) *халқ.* жуда

– قِيٌّ саҳро, чўл

– مُقْوٍ камхарж, бебизоат, тирикчилиги ўтмайдиган

– مُقَوٍّ *мн.* مُقَوِّيَةٌ 1) кучайтирувчи, мадад берувчи, мустаҳкамловчи; 2) қўзғотувчи; тетиклантирувчи; 3) *радио.* кучайтирувчи

– مُقَوًّى кучайтирилган, мустаҳкамланган; وَرَقٌ ~ картон; елим, гипс ва бўр аралаштирилган қоғоз масса, папье-маше

– مُقَوِّيَاتٌ *кўп. мед.* организмга қувват берувчи, тетиклантирувчи дори-дармонлар

I قَاءَ (قيأ) (*и*) قَيْءٌ қусмоқ, қайт қилмоқ; II قَيَّأَ кўнгилни айнитмоқ, қусқини келтирмоқ; IV أَقَاءَ = II; V تَقَيَّأَ қайт қилмоқ, қусмоқ; VI تَقَايَأَ = V

– قَيْءٌ، قُيَاءٌ 1) қусиш, қайт қилиш; 2) қусқи, қусиқ; جَوْزُ الْقَيْءِ *бот.* кучала (*қусқи келтириш учун ишлатиладиган ўсимлик*)

– مُقَيِّئَاتٌ *кўп. мед.* қустирувчи, қайт қилдирувчи воситалар

قِيتَارٌ *кўп.* قَيَاتِيرُ 1) гитара; 2) лира

قِيثَارٌ *кўп.* قَيَاثِيرُ 1) гитара; 2) лира; 3) арфа

– قِيثَارَةٌ *кўп.* قَيَاثِيرُ 1) гитара; 2) лира, кифара

I قَاحَ (قيح) (*и*) قَيْحٌ йирингламоқ, йиринг бойламоқ; II قَيَّحَ йиринг кўпайиб кетмоқ; V تَقَيَّحَ = I

– تَقَيُّحٌ йирингланиш; ~ اللِّثَةِ *мед.* милкнинг яллиғланиши, йиринглашиши; ~ الدَّمِ *мед.* қонга йирингнинг ўтиб кетиши; қоннинг йиринглаши, пиемия

– تَقَيُّحِيٌّ 1) йирингланган, йиринг бойлаган; 2) йирингли

– قَيْحٌ йиринг

– تَقَيُّحِيٌّ = مُتَقَيِّحٌ

(قيد) II قَيَّدَ 1) (*ҳайвонни бирор н. билан*) боғламоқ, кишанламоқ (بـ); 2) (*н. билан...*) боғлаб қўймоқ, бўғмоқ (بـ); ~ نَفْسَهُ (*бирор н. билан*) ўзини боғламоқ (بـ); 3) (*қаергадир*) ёзиб қўймоқ, қайд этмоқ, тиркаб қўймоқ (فى); (*қаергадир*) рўйхатга тиркамоқ (فى); ~ عَلَيْهِ даромад (кирим) хонасига ёзиб қўймоқ; ~ لَهُ чиқимлар, унадиган пуллар томонига ёзмоқ; V تَقَيَّدَ 1) (*н. билан...*) чекланмоқ (بـ); (*бирор н. да*) ҳаддан ошмасликка қаттиқ эътибор бермоқ; (*бирор н. га*) қаттиқ амал қилмоқ, риоя қилмоқ (بـ); (*бирор н. билан*) ўзини боғлаб бермоқ (بـ); 2) ёзилган бўлмоқ, рўйхатдан ўтган бўлмоқ

– تَقَيُّدٌ боғлиқлик, ўз-ўзини тийиш; (*бирор н. га*) қаттиқ риоя этиш (بـ); إِفْرَاطٌ فِى الـ~ بِحُرُوفِ اللَّوَائِحِ وَ الْقَانُونِ қонун ва кўрсатманинг барча моддаларига қаттиқ риоя этиш; ~ عَادَةً (*бирор*

н. га) амал қилмаслик, риоя қилмаслик (ب); ~ دُونَ (*н. нидир*) ҳисобга олмасдан, (*н. биландир*) ҳисоблашмасдан (ب)

– تَقْيِيدٌ 1) (*ҳайвонни*) бойлаш, жиловлаш; боғлаш; 2) ёзиш, рўйхат қилиш, рўйхатдан ўтказиш, مُضَاعَفٌ ~ ҳисобда қалбакилик, қаллоблик; 3) чеклаш; بِغَيْرِ الـ~ ҳеч бир чеклашларсиз; حُرِّيَّةِ ~ الصَّحَافَةِ матбуот эркинлигини чеклаш; النَّسْلِ ~ мальтусчилик

– تَقْيِيدِيٌّ чекловга оид

– قَادٌ масофа; بَيْنَهُمَا ~ رُمْحٍ оралари найза бўйи келади

– قِيَادٌ *қар.* қуд

– قِيَادَةٌ *қар.* қуд

– قَيْدَ ...да, босқичида, даврида, (*н. нингдир*) объекти сифатида; الطَّلَبِ ~ йўқлама, йўқлаб олинадиган; كَانَ ~ التَّحْقِيقِ у терговда эди; هُوَ ~ الْمُعَالَجَةِ فِي الْمُسْتَشْفَى у шифохонада даволанмоқда; لاَ يَزَالُ الْكِتَابُ ~ الطَّبْعِ китоб ҳали ҳам нашрда турибди; لاَ تَزَالُ الْمَسْأَلَةُ ~ الْبَحْثِ وَ النَّظَرِ бу масала ҳали ҳам ўрганиш объекти бўлиб турибди; لاَ تَزَالُ هَذِهِ الْمُعَاهَدَةُ ~ الْمُفَاوَضَاتِ бу шартнома ҳали ҳам музокаралар мавзуси бўлиб турибди; الْمَصْنَعُ ~ الْإِنْشَاءِ завод қурилишда давом этмоқда; دَخَلَ الْمَصْنَعُ ~ الْخِدْمَةِ завод ишлаётган корхоналар сафига кирди; وَضَعَ ~ الْخِدْمَةِ (*корхонани*) ишга туширмоқ

– قَيْدٌ[1] *кўп.* قُيُودٌ 1) кишан, занжир, гул; لِلْيَدَيْنِ ~ қўл кишан, қўлга солинадиган кишан; 2) (*арқон ёки ипдан*) тугун; 3) боғлов; 4) *анат.* пой, патча; 5) чеклов, чеклаш, шарт; فَرَضَ قُيُودًا عَلَى الْاِسْتِيرَادِ импортга чеклов белгиламоқ; التَّأْدِيبَاتِ الشَّدِيدَةِ ~ مَنَعَهُ بِـ (*н. дир қилишни*) қаттиқ жазолаш, дўқ-пўписа билан ман қилмоқ (مِن); دُونَ ~ وَ شَرْطٍ ҳеч бир шарт қўймасдан, эътироз билдирмасдан; هُوَ عَلَى ~ ٥ طَلِيقٌ مِنْ كُلِّ ~ ҳар қандай чеклашлардан холи, озод; الْحَيَاةِ у ҳали тирик, ҳаёт; أَعَادَهُ إِلَى ~ الْحَيَاةِ кимнидир ҳаётга қайтармоқ, тирилтирмоқ; الْأَسْنَانِ ~ милк

– قِيدٌ[2] ёки قَيْدٌ ҳажм, размер; масофа; عَلَى ~ شَعْرَةٍ مِنْ ... ...га қилча қолди; لَمْ يَخْرُجُوا ~ شَعْرَةٍ улар бир қадам ҳам орқага чекинишмади; ... عَلَى ~ خَطْوَةٍ (خَطَوَاتٍ) ...дан бир (*бир неча*) қадам нарида

– قَيْدٌ[3] рўйхат, рўйхат қилиш, регистрация; رَقْمُ الـ~ кирим қоғозларининг номери, регистрация рақами

– قَادٌ = قِيدٌ

– قَيْدَةٌ *қар.* қуд

– قَيْدِيٌّ рўйхатга, регистрацияга оид

– قُيُودَاتٌ *кўп.* чекловлар, чеклашлар

– مُقَيَّدٌ 1) боғланган, жиловланган (*ҳайвон ҳақида*); 2) боғлиқ, чекланган; غَيْرُ ~ чекланмаган; 3) рўйхатга олинган, регистрация қилинган

– مُقَيَّدَاتٌ *кўп.* ёзилган, қайд қилинган нарсалар

(قير) قَيَّرَ II смола ётқизмоқ, смола чапламоқ

– قَارٌ, قِيرٌ минерал смола, битум, асфальт

قِيرَاطٌ *қар.* قرط

قَيْرَوَانٌ *кўп.* اتٌ — карвон

I (قيس) قَاسَ (и) قِيَاسٌ 1) ўлчамоқ, ўлчаб кўрмоқ; кийиб кўрмоқ; ~ الثَّوْبَ кийимни кийиб кўрмоқ; 2) (*бирор н. билан*) қиёсламоқ, қиёслаб кўрмоқ (ب); قِسْ عَلَيْهِ وَ قِسْ عَلَى ذَلِكَ ёки ва ҳ. к. (*сўзма-сўз:* ва бунга солиштир); 3) кўз билан чамаламоқ; ~ـهُ مِنْ فَوْقُ لِتَحْتَ а) кимгадир бошдан-оёқ разм солмоқ; б) гердаймоқ, фахрланмоқ; II قَيَّسَ 1) ўлчатмоқ; 2) стандартга солмоқ, туширмоқ; III قَايَسَ (*бирор н.* билан) қиёсламоқ, солиштирмоқ (ب); таққосламоқ; ~ بَيْنَ شَيْئَيْنِ икки нарсани ўзаро қиёсламоқ; VII اِنْقَاسَ ўлчанмоқ; VIII اِقْتَاسَ 1) ўлчамоқ, ўлчаб чиқмоқ, ўлчовини олмоқ, андаза олмоқ; 2) (*к. гадир қараб*) текисланмоқ, сафланмоқ, (*к. гадир*) тақлид қилмоқ (ب)

– قَاسٌ масофа; بَيْنَهُمَا ~ رُمْحٍ оралари найза бўйи келади

– قِيَاسٌ[1] ўлчаш; қиёслаш; солиштириш

– قِيَاسٌ[2] *кўп.* اتٌ, أَقْيِسَةٌ — 1) стандарт, намуна; меъёр; норма; مَنْطِقِيٌّ ~ икки фикрни таққослаб, мантиқан уларнинг натижаси бўлган учинчи бир фикрни чиқариш, силлогизм; فَاسِدٌ ~ силлогизмдаги хатолик; нотўғри хулоса чиқариш; 2) масштаб; 3) размер, андоза; أَخَذَ ~ـهُ кимнингдир размерини ўлчаб олмоқ, кимдандир андаза олмоқ; عَلَى الـ~ а) таққослаш асосида; б) андаза асосида; ... إِلَى ~ بِالـ ...га қиёсан; ... عَلَى ~ا ... таққослаб

– قَيَّاسٌ 1) Нил дарёсида сувнинг кўтарилишини кузатиб турувчи назоратчи; ўлчов асбоблари кўрсаткичларини кузатиб турувчи; 2) ўлчовчи; ер ўлчовчи, танобчи

– قَيَّاسَةٌ *кўп.* اتٌ — порт ҳудудида ишлатиладиган баржасимон юк ташувчи кема

– قِيَاسِيٌّ 1) тўғри, нормал; *грам.* қиёсан шаклланган; 2) қиёсий, солиштирма; ~ا а) нормал равишда; б) қиёсий равишда; 3) энг кўп, катта, энг юқори; رَقْمٌ ~ рекорд; 4) мантиқий

– قَاسٌ = قِيسٌ

– مِقْيَاسٌ *кўп.* اتٌ — размер, ўлчов, андаза; مَقَاسَاتٌ *кўп.* а) (*бирор н. нинг*) ўлчамлари, размери; б) (*бирор асбобнинг*) кўрсатиб турган маълумотлари; صُورَةٌ شَمْسِيَّةٌ ~ 6х4 4х6 ҳажмдаги фотосурат; عَلَى ~ الْمَرْكَبِ кема тоннажи (*ўзи ва юки оғирлиги*); عَلَى ~ андазага қараб; أَخَذَ ~ـهُ кимнидир ўлчаб олмоқ, кимдандир андаза олмоқ

– مُقَايَسَةٌ *кўп.* ـــَـاتٌ 1) муқояса, қиёслаш, солиштириш; 2) баҳолаш; 3) тавсифлаш, тафсилотлар; смета

– مِقْيَاسٌ *кўп.* مَقَايِيسُ 1) миқёс, ўлчов; меъзон, критерий; ўлчаш; ~ لِلطُّولِ узунлик ўлчови; 2) ўлчаш асбоби, ўлчовчи; قِرَاءَةُ الْـــ~ асбобнинг кўрсаткичи; ~ التَّيَّارِ الْوُلْطِيُّ вольтметр; ~ الْحَرَارَةِ термометр; ~ الزَّلَازِلِ сейсмограф; ~ الزَّوَايَا бурчак ўлчовчи, транспортир; гониометр; ~ السُّرْعَةِ спидометр; ~ الضَّغْطِ манометр; ~ الضَّغْطِ الْجَوِّيِّ *қар.* ضَغْطٌ; ~ الْإِرْتِفَاعِ алтиметр; ~ الْمِئَوِيُّ ёки سِنْتِغْرَادَ сельсий термометри; ~ الْفَهْرِنْهِيتِ Фаренгет термометри; ~ الْمَطَرِ ёмғир ўлчагич; ~ الْمِيَاهِ сув ўлчагич; ~ النِّيلِ Нил дарёсида сувнинг даражасини ўлчайдиган асбоб, ниломер; ~ الْوَطِيُّ ваттметр; 3) масштаб; миқдор, сон; ~ الْخَرِيطَةِ харита масштаби; عَلَى ~ عَالَمِيٍّ дунё миқёсида; مَقَايِيسُ *кўп.* ўлчовлар; нормалар; مَقَايِيسُ الطُّولِ узунлик ўлчовлари; مَقَايِيسُ الْحَجْمِ ҳажм ўлчовлари; مَقَايِيسُ الْكَيْلِ сочилувчан моддалар ўлчовлари; مَقَايِيسُ الْمُسَطَّحَاتِ квадрат ўлчовлар

قَيْسَرِيٌّ *кўп.* قَيَاسِرَةٌ катта, улкан

– قَيْسَارِيَّةٌ وَ قَيْسَرِيَّةٌ 1) катта бинога туташтириб солинган колонналли пешайвон, портик; 2) усти ёпиқ бозор, раста

قَيْسُونِيٌّ шўртанг, шўррок

(قيش) II قَيَّشَ (*устарани*) қайрамоқ, чархламоқ, ўткирламоқ

– قَائِشٌ *қар.* قوش

– قَايِشٌ *қар.* قوش

قِيشَانِيٌّ 1) чинни идиш-товоқ, фаянс; 2) сир бериб бўялган кошинлар

قَيْسَارِيَّةٌ = قَيْصَارِيَّةٌ

قَيْصَرٌ *кўп.* قَيَاصِرَةٌ император, подшоҳ, шоҳ

– قَيْصَرِيٌّ императорга оид, шоҳона, подшолардай; الْعَمَلِيَّةُ الْـــ~ـــةُ *мед.* бола кўндаланг келиб қолганда онанинг қорнини ёриб болани олиш; تَوْلِيدٌ بِالْعَمَلِيَّةِ الْـــ~ـــةِ шу усул билан болани туғдириб олиш

– قَيْصَرِيَّةٌ царизм

قَيْصُومٌ қайсум (*дори сифатида ишлатиладиган хушбўй ўсимлик*)

(قيص) VII انْقَاصَ нурамоқ, емирилмоқ, бузилмоқ; ~تِ الْبِئْرُ суви қочиб қудуқ емирилай деди

– مُنْقَاصٌ узунасига ёрилган (*дарз кетган*) (*мас., тиш ҳақида*)

قَيْصَانٌ *жам., зоол.* ойбалиқ

(قيض) I قَاضَ (*и*) قَيْضٌ 1) (*бирор н. га*) алиштирмоқ, алмаштирмоқ (مِنْ); 2) бузмоқ, бузиб ташламоқ, хароб қилмоқ; 3) бузилмоқ, бузиб ташланмоқ; II قَيَّضَ 1) (*к. гадир*) мўлжаллаб қўймоқ, бағишлаб қўймоқ, олдиндан белгиламоқ (لِـــ); لَوْ قَيَّضَ لَهُ لَـــ... агар унинг пешонасига ёзилган бўлса, ...; 2) (*к. нингдир*) пешонасига ёзмоқ, (*к. гадир*) тақдиротда битмоқ (لِـــ) (*Оллоҳ таоло ҳақида*); III قَايَضَ (*бирор н. га*) алиштирмоқ, алмаштирмоқ (بِ); V تَقَيَّضَ бузилмоқ, вайрон бўлмоқ; VI تَقَايَضَ ўзаро (*н. нидир*) алмаштирмоқ; VII انْقَاضَ бузилмоқ, вайрон бўлмоқ; бузилиб кетмоқ

– قَائِضٌ = قَائِظٌ *қар.* قيظ

– قِيَاضٌ[1] бир хил, тенг қийматли

– قِيَاضٌ[2] алмашиш, алмаштириш

– قَيْضٌ[1] 1) бир хил, тенг қийматли; 2) алмашиш

– قَيْضٌ[2] тухум пўчоғи

– مُقَايَضَةٌ алмашиш, алмаштириш; айирбошлаш савдоси, бартер

– مَقِيضٌ = مُقَايَضَةٌ

قَيْطَانٌ *кўп.* قَيَاطِينُ 1) эшилган чилвир, арқон; чилвир; 2) ҳарбийларнинг елкасига зийнат учун осиб қўйиладиган попукли шнур

– قَيْطُونٌ хона, бўлма (*мисрликларда*)

قَيْطَسٌ кит; عَظْمُ (فَكُّ) الْـــ~ китнинг мўйлови; صُورَةُ الْـــ~ *астр.* Ҳут юлдузлар туркуми

(قيظ) I قَاظَ (*и*) قَيْظٌ 1) жазирама бўлмоқ, исиб кетмоқ; қурғоқчилик бўлмоқ; 2) (*бирор жойда*) ёзнинг иссиқ кунларини ўтказмоқ (بِ); V تَقَيَّظَ = I

– قَيْظٌ *кўп.* أَقْيَاظٌ жазирама иссиқ, ёз жазирамаси; ضَرْبَةُ الْـــ~ офтоб уриши; 2) қурғоқчилик; غُرَابُ الْـــ~ гўнгқарға, қора ялоқ

– قَائِظٌ жазирама, иссиқ; қуруқ, қурғоқ

(قيف) II قَيَّفَ 1) издан бориб топмоқ, издан бормоқ; 2) танқид қилмоқ

– قَيَّافٌ издан қидириб топа оладиган одам; изқувар

– قِيَافَةٌ 1) қиёфа, ташқи кўриниш; бичим, жусса, қад-қомат, ўзини тутиш усули; 2) кийим, безакли кийим-бош, чиройли кийим-кечак; 3) (*к. нингдир*) изидан бориш, (*к. нидир*) изидан бориб топиш

قِيقٌ *зоол.* ўрмон тўрғайи

قَيْقَبٌ заранг (*дарахт*)

(قيل) I قَالَ (*и*) قَيْلُولَةٌ дам олмоқ, дам олиш учун тўхтамоқ; II قَيَّلَ 1) кундузи ухлаб олмоқ, дам олмоқ; 2) пешинда ниманидир ичишни таклиф қилмоқ; IV أَقَالَ 1) (*ишдан*) бўшатмоқ (مِنْ); истеъфога чиқармоқ, истеъфога бўшатмоқ; ~ مِنَ الْوَظِيفَةِ мансабдан бўшатмоқ; 2) (*битимни, байни*) бекор қилмоқ; 3) (*к. нидр, н. нидир*) кечирмоқ (*туш. к. ёки* مِنْ); اللهُ ~ عَثْرَتَهُ ёки اللهُ ~ مِنْ عَثْرَتِهِ Оллоҳ унинг қилган хатоларини кечирсин!; V تَقَيَّلَ 1) = II; 2) кун ярмида ниманидир ичмоқ; X اسْتَقَالَ 1) бўшатишларини сўрамоқ, бўшамоқ ҳақида ариза бермоқ; ~ مِنَ الْخِدْمَةِ ишдан (хизматдан)

бўшатишларини сўрамоқ; 2) (*битимни, байни*) бекор қилишларини сўрамоқ

– اِسْتِقَالَةٌ *кўп.* اتٌ — 1) ишдан (хизматдан) бўшатишларини сўраш; قَدَّمَ ~ـهُ ишдан (хизматдан) бўшатишларини сўраб ариза бермоқ; 2) ишдан (хизматдан) бўшаш

– إِقَالَةٌ 1) ишдан (хизматдан) бўшатиш; 2) (*битимни, байни*) бекор қилиш

– قَائِلَةٌ 1) пешиндаги дам олиш, пешиндаги уйқу; 2) пешин пайти, туш пайти

– قَيَالَةٌ пешин пайтидаги жазирама иссиқ

– قَيْلٌ *кўп.* أَقْوَالٌ, أَقْيَالٌ 1) бек, князь; *тар.* ҳимярийлар подшоҳи; ~ الْهِنْدِ маҳарожа; 2) бошлиқ, раҳбар, доҳий

– قِيلَةٌ: مَائِيَّةٌ ~ *мед.* жинсий халтадаги шиш

– قَائِلَةٌ = قَيْلُولَةٌ

– مَقِيلٌ дам олиш жойи

– تَقْيِيمٌ *қар.* قوم

– قَيِّمٌ *қар.* قوم

– قِيمَةٌ *қар.* قوم

I قَانَ (قين) (*и*) قَيْنٌ болғалаб ясамоқ, чўкичламоқ; II قَيَّنَ безамоқ, безатмоқ, яхшиламоқ; чиройли қилиб (*аёлни*) тараб қўймоқ

– قَايِنُ *алиф.б.қ.*

– قَيْنٌ[1] *кўп.* قُيُونٌ темирчи, оҳангар

– قَيْنٌ[2] қул, банда

– قَيْنَةٌ *кўп.* قِيَانٌ, اتٌ — 1) ашулачи аёл, яллачи; 2) чўри, оқсоч аёл; 3) сартарош аёл; 4) ашулачи-чўри

– مُقَيِّنَةٌ *кўп.* اتٌ — 1) чўри аёл, оқсоч аёл; 2) сартарош аёл

ك

ك (كَافٌ) коф (*араб алифбосининг йигирма иккинчи ҳарфи, абжадда-20*)

ك 1) كِيلُوغْرَامٌ *сўзининг қисқартмаси*; 2) كِيلُومِتْرٌ مُرَبَّعٌ *сўзининг қисқартмаси*; 3) ك 1 كَانُونُ الْأَوَّلُ *сўзининг қисқартмаси*; 4) ك 2 كَانُونُ الثَّانِي *сўзининг қисқартмаси*

كَ[1] *мн.* كِ 1) II *шахс бирлик қўшилувчи олмош*; ...-нг, ...-инг; сеники; كِتَابُكَ сенинг китобинг, китоб сеники; 2) сени; هَنَّأَكَ у сени қутлади

كَ[2] ...га ўхшаш, ... сингари, ... каби, ...дай, ...дек; كَإِيَّايَ *ёки* كَيِ мендай, мен каби; كَكَ *ёки* كَإِيَّاكَ сендай, сен каби; كَالْعَادَةِ одатдагидай; كَالْأَوَّلِ олдиндагидай, аввал қилингани каби; فَأَرَى لِزَامًا عَلَيَّ كَصَدِيقٍ لَكَ أَنْ ... дўст сифатида лозим деб биламанки ..., كَمَا *алиф. б. қар.*; كَذَا *қар.* ذَا; كَهَذَا шундай; كَهَذِهِ шундай (*мн*) كَذَا وَ كَذَا шундай-шундай; шунча-шунча; كَذَالِكَ шунинг каби, шунга баробар равишда; كَأَنَّ гўё, гўёки, эмишки; كَأَنِّي بِهِمْ يُرِيدُونَ ... уларнинг хоҳлаган нарсалари қаерда-ю ... كَأَيِّنْ қанча?, нечта?

كَابٌ коб (*устки кийим*), плашч

كَابَارِيه *кўп.* كَابَارِيهَاتٌ кабаре (*эстрадали кафе ёки кичик ресторан*)

كَابِلٌ *кўп.* اتٌ —, كَوَابِلُ кабель; أَرْضِيٌّ ~ ерости кабели; ~ بَحْرِيٌّ сувости кабели

كَابُلِيٌّ[1] *бот.* қизил дарахт. кобулий

كَابُلِيٌّ[2] 1. Кобул шаҳрига оид; 2. кобуллик

كَابُوسٌ *қар.* كبس

كَابُوكٌ кобук (*дарахтдан олинадиган тивит, тола*)

كَابُولٌ *кўп.* كَوَابِيلُ планка, узун тахтача

– كَابُولِيٌّ *архит.* кронштейн, консол (*девор ёки бошқа н. га маҳкамланган токча, таянч*)

كَبِينَةٌ = كَبَائِنُ *кўп.* كَابِينَةٌ, كَابِينٌ

كَاتِدْرَائِيَّةٌ *кўп.* اتٌ — (*христианларда*) кафедрали собор–ибодатхона

كَاتُو ичига гўшт солиб пиширилган нон, пирожний

كَاثُولِيكٌ, كَاتُولِيكٌ католиклар

– كَاثُولِيكِيٌّ, كَاتُولِيكِيٌّ 1) католикларга, католикка оид; 2. католик

كَاخِيَةٌ *кўп.* كَوَاخٍ 1) уй бошқарувчиси; ~ الْبَلَدِيَّةِ мэр, шаҳар бошлиғи, ҳокими; 2) бошлиқ ёки ҳокимнинг котиби

كَادٌ 1) *бот.* катеху (*акас дарахтининг бир жинси*); 2) шу дарахтдан олинадиган экстракт, суюқлик

كَادِرٌ *кўп.* كَوَادِرُ, اتٌ — кадрлар; доимий таркиб (*мас., хизматчиларнинг*)

كَادْمِيُومٌ *кимё.* кадмий

كَارٌ *кўп.* اتٌ — иш, машғулот, машғуллик, шуғулланиш; ~ الْفِلَاحَةِ деҳқончилик билан шуғулланиш; ابْنُ ~ уста; أَرْبَابُ الْكَارَاتِ усталар; омилкорлар; صَاحِبُ ~ مَتِينٍ доимий ишга эга бўлган киши; أَصْحَابُ ~ қўли гуллар, усталар, омилкорлар

كَارْتٌ карточка, визит (ташриф) карточкаси

كَارَةٌ *кўп.* اتٌ — икки ғилдиракли арава; замбилғалтак

كَارُو шунингдек. ~ (عَرَبَةُ) مَرْكَبَةُ икки ғилдиракли арава; ~ مَرْكَبَاتُ (عَرَبَاتُ) кареталар (соябонли аравалар)

كَارُوزٌ қар. كرز

كَارِيكَاتِيرٌ, كَارِيكَاتُورٌ карикатура

كَازٌ керосин (сол. جَازٌ)

كَازُوزَةٌ газ сув, газли сув

كَازِينُو кўп. كَزِينُوهَاتٌ казино (қиморхона)

كَاسِكِتَّةٌ кўп. ـَاتٌ — казкетка

كَاسَةٌ кўп. ـَاتٌ — ـَ 1) коса, қадаҳ (сол. كَأْسٌ); 2) ҳарф охиридаги ғажаксимон чизиқ

كَاشُيُو кошю (Ҳиндистондаги ёнғоқ нави)

كَاغَدٌ қоғоз

كَافٌ коф (ك ҳарфи номи); ~ الْخِطَابِ II шахс бирлик қўшилувчи олмоши ك

كَافَةٌ қўшин қўмондони

كَافُورٌ 1) кофур, камфара; 2) бот. кофур (камфара) дарахти; زَيْتُ ~ الــ кофур (камфара) мойи

— كَافُورِيَّةٌ 1) доривор мойчечак; 2) мойчечак ўти

كَافِيَارٌ икра, балиқ уруғи; ~ أَحْمَرُ қизил икра; ~ أَسْوَدُ (مُكَبَّسٌ) қора икра; ~ أَسْوَدُ مُحَبَّبٌ қора донадор икра

كَافِيتِيرِيَا кафетерий, тамаддихона

كَافِيِينٌ; كَافِئِينٌ кофеин

كَاكَاو 1) бот. какао (дарахти); 2) какао (порошоги, ичимлиги)

كَاكَنْجٌ бот. можжуха

كَاكُولَةٌ кўп. ـَاتٌ — ـَ кокула (жубба кийимининг бир хили; қар. جُبَّةٌ)

كَاكِي 1) коки; 2) бот. чинний хурмо, хитой хурмоси

كَالُّو, كَالُّو кўп. كَالُّوهَاتٌ (оёқдаги) қадоқ, қавариқ

كَالُوشٌ кўп. ـَاتٌ — ـَ галош, калош, калиш

كَالُومْبَا бот. сувйиғар ўт (семизўтга ўхшаш ўт)

كَالُومِيلٌ мед. каломель (оқ порошок ҳолидаги симобли сурги)

كَالُونٌ кўп. كَوَالِينُ қулф

كَامْبِيتٌ кўп. ـَاتٌ — шахм. гамбит; ~ الْوَسَطِ марказий гамбит

كَامْبِيُو 1) пул айрибошлаш, пул майдалаш; 2) биржа; سِعْرُ الــ~ биржадаги пул курси; валюта курси

كَامِيرَا кўп. كَامِيرَاتٌ = كَمَرَةٌ

كَامِيلْيَا камелия (доим яшил бута ёки дарахт ва унинг оқ ёки қизил йирик, хушбўй гули)

كَانْتُو аукцион, кимошди савдоси

كَانَةٌ болт; ~ مُشَرْشَرَةٌ بِصَمُولَةٍ тех. юмалоқ симчўтка

كَانُونٌ қар. كن

كَانِي مَانِي халқ. ~ قَالَ у тушуниб бўлмайдиган бир нима деди

كَاوُتْشُوكٌ, كَاوُتْشُو, كَاوُتْشٌ каучук; ~ عَجَلَةُ покришка, шина (машина-механизмлардаги)

I كَئِبَ (а) كَآبَةٌ ғамгин (кайфияти бузуқ, тушкунликка учраган) бўлмоқ; IV أَكْأَبَ кайфиятини бузмоқ, ғамгин қилмоқ; VIII اكْتَأَبَ 1) кайфияти бузуқ (тушкунликка учраган) бўлмоқ; ғам чекмоқ, хафа бўлмоқ; қовоғи осилган бўлмоқ; 2) қоратуруқ (қорамтир) бўлмоқ

— اكْتِئَابٌ ғамгинлик, тушкунлик, умидсизлик; بـ~ ғамгин, умидсизликка тушиб

— كَأْبَةٌ, كَأْبٌ, كَآبَةٌ ғамгинлик, тушкунлик, умидсизлик; соғинч, сиқилиш; алам чекиш

— كَئِيبٌ, كَئِبٌ ғамгин, аламли, тушкун

— مُكْتَئِبٌ эзилган, ғамгин, хафа, қовоғи осилган; ~ اللَّوْنِ қорамтир рангдаги

(كأد) VI تَكَاءَدَ қийнамоқ, ҳолдан кетказмоқ, азоб бермоқ, азобламоқ; VIII اكْتَأَدَ тўсиқ бўлмоқ

— كَأْدَاءُ алам, ғам; ~ عَقَبَةٌ енгиб бўлмас қийинчилик

— كَؤُودٌ оғир, қийин (ўриндан қўзғалиш тўғрисида); ~ الْعَقَبَةُ الــ қийинчилик билан енгиш мумкин бўлган тўсиқ

كَأْسٌ мн. кўп. كُؤُوسٌ, ـَاتٌ — 1) коса, қадаҳ, кубок; ичида шароби бор бўлган қадаҳ; черк. потир (диний маросимларда ишлатиладиган идиш); ~ الْحِجَامَةِ мед. банка; ~ الْمَنِيَّةِ маж. мамот жоми; ... ~ عَلَى مُبَارَاةٌ (مُسَابَقَةٌ) ...нинг кубоги учун спорт мусобақалари; رَفَعَ ~ـهُ қадаҳ кўтармоқ; 2) бот. гулкоса

(كَأْكَأَ) تَكَأْكَأَ тўпланмоқ, йиғилмоқ

كُؤُولٌ алкоголь

I كَبَّ (а/у) كَبٌّ 1) ағдармоқ, тўнтармоқ; ~ عَلَى وَجْهِهِ уни шундай туртдики, у юзи билан ерга йиқилди; (бирор суюқ н. ни) тўкмоқ, тўкиб ташламоқ; (бирор қумсимон н. ни) сочмоқ, тўкмоқ; II كَبَّبَ 1) (курутга ўхшатиб) юмалоқламоқ; тўпча қилмоқ; 2) кабоб тайёрламоқ; IV أَكَبَّ 1) ағдариб ташламоқ; 2) эгилмоқ, букилмоқ; (бирор н. устига) энгашмоқ (عَلَى); ~ إِلَى يَدِهَا у унинг (мн.) қўлини лабига босди; 3) (бирор н. га) берилиб кетмоқ (عَلَى); (бирор н. устида) қаттиқ ишламоқ (عَلَى); (бирор н. га) киришмоқ (عَلَى); ~ عَلَى الْبَحْثِ (бирор н. ни) ўрганишга бутунлай берилмоқ; V تَكَبَّبَ коптокка ўхшаб ўралмоқ, юмалоқланмоқ; VII انْكَبَّ 1) ағдарилган, тўнтарилган бўлмоқ; ағдарилмоқ, тўнтарилмоқ; ~ عَلَى وَجْهِهِ юзтубан йиқилмоқ; 2) тўкилмоқ (сув, қумсимон н. лар ҳақида); 3) (бирор н. устига) эгилмоқ, энгашмоқ (عَلَى); 4) (бирор н. га) бутунлай берилиб кетмоқ, шўнғиб кетмоқ (عَلَى)

— كَبَابٌ кабоб

– كَبَابْجِيٌّ кўп كَبَابْجِيَّةٌ кабобчи, кабоблаз, кабобфуруш

– كَبَابَةٌ бот. кубоба (қалампирнинг бир нави); ~ صِينِيَّةٌ хитой қалампири

– كُبَّايَةٌ кўп اتٌ — стакан

– كَبٌّ 1) ағдариш, тўнтариш; ағдарилиш, тўнтарилиш; ~ عَلَى وَجْهِهِ юз тубан йиқилиш; 2) қиялик, яндамалик

– كُبَّةٌ кўп. كُبَبٌ 1) соққача, шарча; (болалар ўйнайдиган) соққа; 2) тўпча; ~ الْغَزْلِ ~ калава тўпчаси; 3) кубба (қиймаланган гўшт, буғдой ёки гуруч ёрмаси, ун ва зираворлардан тайёрланган овқат); ~ جُرْنُ الْـ (гўшт қиймаланадиган) кунда; 4) мед. бубон (лимфа безларининг шишуви – қўлтиққа, чов орасига без келиши); вабо, ўлат

– كُبَيْبَةٌ кўп. اتٌ — 1) хичкина шарча, соққа; 2) кубайба (қар. كُبَّةٌ)

– مَكَبٌّ кўп. اتٌ — 1) (ип ўрайдиган) ғалтак; 2) тўпча (ип ёки калавада)

– مِكَبَّةٌ кўп. اتٌ — қопқоқ

I كَبَتَ (и) كَبْتٌ 1) (душманни) тор-мор қилмоқ, енгмоқ; 2) омбурдагидай қисмоқ; 3) босмоқ, эзмоқ; كُبِتَ لِهَذَا الْخَبَرِ мажҳ. у бу хабардан эзилиб кетди; ~ صَوْتَهُ кимнингдир овозини бўғмоқ; ~ غَيْظَهُ ғазабини босмоқ

– كَبُوتٌ кўп. كَبَابِيتُ 1) капюшонли (бош кийимли) ёмғир пўш (плаш) ёки пальто; шинель; 2) тех. капот; 3) презерватив

كَبْتُولَةٌ кўп اتٌ — 1) палахса, катта бўлак; гувала; 2) шарча, соққача; тугмача дори

I كَبَحَ (а) كَبْحٌ тўхтатмоқ, тутиб турмоқ; босиб турмоқ (мас, туйғуларни); ~ الْحِصَانَ بِاللِّجَامِ айғирни жиловидан тортиб тўхтатмоқ; ◊ ~ جِمَاحَهُ қар. جِمَاحٌ

– كَابِحٌ тўхтатиб турувчи; тўхтатадиган; ~ بِلَا тўхтовсиз

– كَبَّاحَةٌ кўп. اتٌ — тормоз (мас., автомашинадаги)

– كَبْحٌ тўхтатиш; тормозлаш

– مِكْبَحٌ кўп. مَكَابِحُ тормоз

I كَبَدَ (и, у) كَبْدٌ қийинчиликка солмоқ, ташвишга қўймоқ, ҳолдан тойдирмоқ; чарчатмоқ; ~ نَفْسَهُ مَشَقَّةً ўзини машаққатга (қийинчиликка) солмоқ; II كَبَّدَ чидаттирмоқ, чидашга мажбур қилмоқ; (бирор) зарар етказмоқ; ~هُ الْخَسَائِرَ кимгадир зарар етказмоқ; ~هُ هَذَا أُلُوفًا مِنَ اللِّيرَاتِ бу унга кўп минг лирага тушди; III كَابَدَ кўрмоқ, тортмоқ; топмоқ (зарарлар ҳақида); ~ الْأَهْوَالَ даҳшатга тушмоқ, оғир ҳолни кечирмоқ; V تَكَبَّدَ 1) қийинчиликни ўз устига олмоқ, (бирор н.) юкини ўз елкасига олмоқ, ўзини (бирор н.) машаққатига, қийинчилигига солмоқ; 2) кўрмоқ, тортмоқ (зарарлар ҳақида); ~ مَشَقَّةَ السَّفَرِ сафар қийинчиликларини тортмоқ, 3) ўотани эгалламоқ, ўртага чиқмоқ; 4) кульминацияга кўтарилмоқ, меридианда бўлмоқ (Қуёш ҳақида)

– كُبَادٌ мед. жигар касаллиги

– كُبَّادٌ жам. лимонлар (навларидан бири)

– كُبَّادَةٌ кўп. اتٌ — лимон

– كَبْدٌ، كَبِدٌ، كِبْدٌ мн. мз. кўп. أَكْبَادٌ 1) жигар; ~ أَحَرُّ الـ жигар касаллигига дучор бўлган; ~ أَسْوَدُ الْـ ичи қора, ўзгага ёмонлик қилувчи, бошқани кўролмовчи; ~ غَلِيظُ الْـ ҳис-туйғусиз, бефарқ; عَجِينَةُ الْأَكْبَادِ жигардан тайёрланган қийма; أَفْلَاذُ أَكْبَادِ الْوَالِدَيْنِ қар. فِلْذَةٌ; مَزَّقَ الْأَكْبَادَ жигари эзилмоқ; أَحْرَقَ الْغَيْظُ أَكْبَادَهُمْ ғазаб уларнинг ич-этини (жигарини) кемирмоқда

– [2]كَبْدٌ، كَبِدٌ 1) ўрта, марказ; ~ الظُّلُمَاتِ маж. тим қоронғи, зим-зиё зулмат; أَصَابَ ~ الْوَاقِعِ ҳақиқатга яқин бўлмоқ, айни ҳақиқатни айтмоқ; 2) зенит; ~ السَّمَاءِ меридиан; 3) қийинчилик, машаққат; لَقَدْ خَلَقْنَا الْإِنْسَانَ فِي كَبَدٍ қур. биз инсонни меҳнат-машаққатга яратдик

– كُبَيْدَاءُ меридиан

– كَبُّودٌ кўп. كَبَابِيدُ = كَبُّوتٌ қар. كبت

كَبَارِيَّه кўп. كَبَارِيهَاتٌ = كَبَارِيه алиф. б. қар.

I كَبُرَ (у) كِبَرٌ (كبر) (к. дандир) каттароқ бўлмоқ; ~هُ فِي السِّنِّ بِعَامَيْنِ кимдандир икки ёш катта бўлмоқ; كَبُرَ (у) كُبْرٌ 1) катта, улкан бўлмоқ; 2) улуғ, буюк бўлмоқ; 3) муҳим, аҳамиятли бўлмоқ; 4) (к. учундир) оғир, ёқимсиз бўлмоқ (عَلَى); كَبِرَ (а) كِبَرٌ қариган, кекса ёшга борган бўлмоқ; ~ فِي السِّنِّ кексайган бўлмоқ; II كَبَّرَ 1) катталаштирмоқ, кенгайтирмоқ, кучайтирмоқ; 2) ошириб, кўпайтириб кўрсатмоқ; ~ مَسْأَلَةً масалани шишириб, ошириб юбормоқ; 3) улуғламоқ, юксалтирмоқ, мақтамоқ; шарафламоқ; 4) "Оллоҳу акбар" (اللهُ أَكْبَرُ) сўзларини айтмоқ; III كَابَرَ 1) кибрланмоқ; (к. гадир) такаббурона муносабатда бўлмоқ; 2) қайсарлик, ўзбилармонлик қилмоқ, ў сўзида туриб олмоқ; 3) ўзгалар фикрини рад қилмоқ, ўзгалар фикрига қўшилмаслик; қарши чиқмоқ; IV أَكْبَرَ 1) катта муҳим, жиддий деб ҳисобламоқ; оғир, қийин деб ҳисобламоқ; 2) улуғ деб ҳисобламоқ; улуғламоқ, ҳурматламоқ, эҳтиром кўрсатмоқ; шарафламоқ; мақтамоқ; 3) оғир, ваҳимали, қийин, одамлар айблайдиган, ғайритабиий деб ҳисобламоқ, V تَكَبَّرَ 1) такаббурлик қилмоқ; 2) (бирор к. га) такаббурона мурожаат қилмоқ (عَلَى); VI تَكَابَرَ кеккаймоқ, кибрланмоқ, ўзи ҳақда баланд фикрда бўлмоқ; X اسْتَكْبَرَ 1) кибрланмоқ, фахрланмоқ; 2) катта, улкан деб ҳисобламоқ; 3) муҳим, аҳамиятли деб ҳисобламоқ

– إِكْبَارٌ улуғлаш, шарафлаш; мақташ; эҳтиром, ҳурмат; نَظَرَ إِلَيْهِ ~ بِعَيْنِ الْـ кимгадир ҳурмат билан қарамоқ

– أَكْبَرُ кўп أَكَابِرُ, أَكْبَرُونَ мн كُبْرَى кўп. كُبَرٌ, كُبْرَيَاتٌ 1) энг катта, энг улуғ; буюк; ~ إِسْكَنْدَرُ الْـ Буюк Искандар (Искандар Зулқарнайн); كُبْرَيَاتُ الْجَرَائِدِ энг катта газеталар; الْأَكَابِرُ وَالْأَعْيَانُ акобирлар ва аъёнлар; اللهُ أَكْبَرُ! дин Оллоҳу акбар! (Оллоҳ

улуғдир!); 2) энг муҳим, энг аҳамиятли; 3) катта; الأَخُ الـــ~ катта ини, ака

– تَكَبُّرٌ такаббурлик, манманлик, кибр

– تَكَابُرٌ 1) катталашиш, енгайиш; кучайиш; 2) улуғланиш, шарафланиш, мақталиш; "Оллоҳу акбар!" (اللهُ أَكْبَرُ) деб такбир айтиш

– كَابِرٌ катта; كَابِرًا عَنْ ~ وَرِثَ катта сифатида каттадан мерос олмоқ

– كُبَّارٌ، كُبَارٌ жуда катта, ғоят улкан, баҳайбат

– كُبَارَاتٌ *кўп.* улуғ кишилар

– كَبَرٌ 1) *бот.* кавар, ковул дарахти; 2) *кўп.* كِبَارٌ кавар, ковул дарахти меваси

– كُبْرٌ 1) катталилик, баҳайбатлилик, катта бичим, размер; 2) шон-шараф, шуҳрат, улуғлик; 3) энг асосий

– كِبْرٌ 1) кибр, кеккайиш; 2) улканлик, баҳайбатлик, катта бичим, ҳажм

– كِبَرٌ 1) улканлик, баҳайбатлик, катта бичим, катта ҳажм; 2) қарилик, кексалик ёши

– كَبْرَةٌ қарилик, кексалик

– كُبْرِيٌّ *кўп.* كَبَارٍ 1) кўприк; عَائِمٌ ~ *ёки* عَوَّامٌ ~ понтонли кўприк; رَأْسُ الـــ~ кўприкбоши истеҳкомлари; 2) палуба

– كِبْرِيَاءُ *мн.* кибрлилик, такаббурлик

كَلَخٌ 1) аммониак; 2) бот. аммонийли дорема (ўсимлик)

كَلْدَانُ жам. тар. халдейлар (мелоддан аввалги VII асрда Янги Бобил давлатини ташкил этган сомийлар қабиласи)

– كَلْدَانِيٌّ 1. халдейларга оид; ـَةُ ~ الـ اللُّغَةُ халдей тили; 2. халдей, халдей кишиси

كَلَارٌ кўп. اتٌ — омбор

– كَلَارْجِيٌّ кўп. كَلَارْجِيَّةٌ омборчи

كِلَاسِيكِيٌّ 1. классик, мумтоз; 2. классик, мумтоз адабиёт вакили

– كِلَاسِيكِيَّةٌ классицизм (санъат ва адабиётдаги ижодий метод)

كَلَاكْسٌ، كَلَاكْسُونٌ кўп. اتٌ — автомобиль ва б. ларда механик сигнал тури

(كلس) II كَلَّسَ 1) сувамоқ, оҳак билан қопламоқ, бекитмоқ, оқламоқ; 2) калийлаштирмоқ; оҳакка айлантирмоқ; V تَكَلَّسَ 1) оҳакка айлантирмоқ; 2) сувалган бўлмоқ

– كَلَّاسٌ оҳак тайёрлайдиган уста

– كَلَّاسَةٌ кўп. اتٌ — оҳак пиширадиган хумдон, оҳак хумдони

– كِلْسٌ оҳак; حَيٌّ ~ сўндирилмаган оҳак; مُطْفَأٌ ~ сўндирилган (ўлган) оҳак; ~ الـ لَبَنُ суюлтирилган оҳак; الْمُتَبَلْوِرِ ~ الـ كَرْبُونَاتُ кальцит, оҳак шпати; ~ الـ حَجَرُ оҳактош

– كَلْسَةٌ кўп. اتٌ — пайпоқ

– كِلْسِيٌّ оҳакка оид; ~ حَجَرٌ оҳактош

كَلْسِيُومٌ кимё. кальций; ~ الـ أُكْسِيدُ сўндирилган оҳак, кальций оксиди

I (كلف) كَلَفَ (а) كَلْفٌ боқмоқ (ҳайвонни), қарамоқ (ҳайвонга); كَلِفَ (а) كَلَفٌ 1) сепкилли бўлмоқ (юз ҳақида); 2) (к. нидир) севмоқ, (к. гадир) боғланиб қолмоқ (بِ ёки туш. к.); (к. ёки н. билан)

қизиқмоқ, ишқибозлик қилмоқ (ب); II كَلَّفَ 1) масъул қилмоқ, масъулият юкламоқ; (*н. нидир*) топширмоқ (ب) خاطِرَهُ ~ а) кимнидир безовта қилмоқ; б) ўзини қийнамоқ, безовта қилмоқ; ... ~ نَفْسَهُ الْعَناءَ (الْمَؤُونَةَ) ...нинг машаққатини ўз устига олмоқ; 2) (*солиқ*) солмоқ; 3) (*н. билан дир кўйилакка*) ишлов бермоқ (ب) 4) тушмоқ; مَهْما ~ـهُ هٰذا غالِيًا! *кўч. ва ўз м.* бу унга қимматга тушди; الْأَمْرُ ~ а) қанчага тушмасин, неча пул бўлса ҳам; б) нима бўлса ҳам; ◊ عَلَى الْخِزانَةِ ~ хазинага қийинчилик (оғирлик) келтирмоқ; ~ اسْمَهُ أَرْضًا (مُلْكًا) кимнингдир номига ер (мулк)ни рўйхатдан ўтказмоқ; V تَكَلَّفَ (*бирор иш*) машаққатини ўз устига олмоқ; (*н. билан дир*) ўзини қийнамоқ (ب); 2) қийинчилик, оғирлик тортмоқ; لَمْ يَتَكَلَّفْ جُهْدًا у ҳеч қандай қийинчилик тортмади; 3) турмоқ (*мас., неча пул туради*); 4) ўзини ... қилиб кўрсатмоқ, (*бирор н. да*) ғайритабиий тус олмоқ; الْاِبْتِسامَةَ ~ сохта, ёлғондакам жилмаймоқ; 5) қисинмоқ, уялмоқ; VI تَكالَفَ биргалашиб уринмоқ; (*бирор н. учун*) жипслашмоқ, бирлашмоқ (عَلَى); X اسْتَكْلَفَ қийинчилик деб ҳисобламоқ (билмоқ)

– كَلَفٌ *кўп.* كُلْفٌ *мн.* كَلْفاءُ, أَكْلَفُ сепкилли, сепкил тошган; сепкил босган; чўтир

– تَكالِيفُ *кўп.* 1) баҳо, нарх; 2) сафлар; الْاِنْتاجِ ~ ишлабчиқариш шарт-шароитлари; الْمَعِيشَةِ ~ ҳаёт кечириш учун қилинадиган сарфлар; 3) солиқлар

– تَكَلُّفٌ *кўп.* اتٌ — 1) такаллуф, ғайритабиийлик, сохталик; تَكَلُّفاتٌ بادِيَةٌ ғайритабиий такаллуф; 2) уялиш, хижолат тортиш; بِدُونِ ~ уялмай, тортинмай; хижолат тортмай; адабсизлик бўлади деб ўтирмай

– تَكْلِفَةٌ 1) меҳнат сарфлаш; 2) баҳо, нарх; ~ الْـ سِعْرُ (ثَمَنُ) таннарх; ~ الْاِنْتاجِ ишлаб чиқариш сарфлари; ~ الْـ سِعْرُ (ثَمَنُ) الْأَساسِيُّ (الْأَوَّلِيُّ) *ёки* таннарх

– تَكْلِيفٌ *кўп.* تَكالِيفُ 1) топшириқ, (*бирор к елкасига*) юклаш; 2) (*солиқ*) солиш; 3) мажбурият; хизмат; سِنُّ الْـ~ ёши етиш (*диний мажбуриятларни бажарадиган ёшга етиш*); 4) меҳнат; расмий маросимлар, расмиятчиликлар; بِلا ~ ҳеч қандай меҳнатсиз; расмиятчиликсиз; لا ~ بَيْنَ الْأَصْدِقاءِ! дўстлар ўртасида расмиятчилик йўқ!

– كَلّافٌ молбоқар; мол ҳайдовчи; чўпон, подачи

– كُلْفٌ[1] *кўп.* أَكْلافٌ нарх, баҳо; أَكْلافُ الْمَعِيشَةِ яшаш қиймати

– كُلْفٌ[2] сепкиллар; доғ; қора билан қизил ўртасидаги бўғиқ ранг (*бетда пайдо бўладиган*); الْـ~ عَلَى وَجْهِ الشَّمْسِ Қуёш юзидаги доғлар

– كُلْفَةٌ *кўп.* كُلَفٌ 1) оғирлик, меҳнат; 2) сунъийлик, ясамалик, зўракилик; ғайритабиийлик, расмиятчилик; بِلا ~ бемалол, ўзини эркин тутиб; 3) нарх, баҳо; سِعْرُ الْـ~ таннарх; الْاِنْتاجِ الْمُقارَنَةُ ~ ишлаб чиқаришнинг нисбий қиймати; الْحَياةِ ~ ҳаёт қиймати; 4) безак (*кўйлакдаги*); 5) буғдойранг, буғдойранглилик

– مُتَكَلَّفٌ сунъийлик, ясамалилик, зўракилик, сохтакорлик; جِدٌّ ~ сунъий жиддийлик, ёлғон жиддийлик

– مُكَلَّفٌ 1. 1) (*солиқ*) тўлайдиган; 2) етук, ёши етган, тўла ҳуқуқли; масъул; ҳарбий хизматга мажбур, (*ҳарбийга*) чақирилувчи; غَيْرُ ~ ҳарбий хизмат мажбуриятидан озод қилинган; 3) қиммат, қимматбаҳо; 2. (*солиқ*) тўловчи; ◊ عَلَى اسْمِهِ (بِاسْمِهِ) ~ бирор киши номига рўйхатдан ўтказилган (*мулк ҳақида*)

– مُكَلَّفَةٌ *кўп.* اتٌ — ерлар рўйхатга олинган дафтар (китоб)

كَلْفَنَ гальванизациялаштирмоқ

– كَلْفانِيٌّ[1] гальваник; بَطّارِيَّةٌ ~ـةٌ гальваник батарея

– كَلْفانِيٌّ[2] *тар.* 1. кальвинизмга оид, 2. кальвинист

– كَلْفانِيَّةٌ кальвинизм

كَلْفَتَ 1) яширмоқ, бекитмоқ; 2) (*н. нидир*) қўл ичида қилмоқ

– كَلْفَتَةٌ 1) яшириш, бекитиш; 2) қўл учида қилинган иш

كَلَكٌ *кўп.* أَكْلاكٌ, اتٌ — барка (*юк ташийдиган ясси кема*); сол, паром (*Ироқда*)

كَلْكَلَ қадоқли бўлмоқ (*қўллар ҳақида*)

– كَلْكَلٌ = كَلْكالٌ

– كَلْكَلٌ *кўп.* كَلاكِلُ кўкракнинг юқори қисми; ◊ ... عَلَى ... بِـ~ـهِ (أَناخَ) نَزَلَ оғирлигини солмоқ, устига ётиб олиб зўр бермоқ; ...нинг устига оғирлигини ташламоқ; سَحَقَ بِـ~ـهِ ўз оғирлиги билан босиб кетмоқ, босиб ўлдирмоқ

– مُكَلْكَلٌ қадоқли (*қўл ҳақида*)

كلم *қисқ.* كِيلُومِتْرٌ *дан.*

I كَلَمَ (*и*) كَلْمٌ 1) ярадор қилмоқ; 2) хафа қилмоқ; II كَلَّمَ (*к. билан дир*) гаплаша, бошламоқ, гаплашишга уринмоқ; гапирмоқ; сўзлашмоқ; بِالتِّلِيفُونِ ~ـهُ ким билан дир телефонда сўзлашмоқ; 2) ярадор қилмоқ; 3) жароҳатламоқ, яраламоқ; III كالَمَ суҳбатлашмоқ, сўзлашмоқ; V تَكَلَّمَ (*қандайдир тилда*) гапирмоқ (*туш к. ёки* ب); (*к. билан дир н. ҳақдадир*) гаплашмоқ, суҳбатлашмоқ (فِي, عَنْ, مَعَ); بِاللُّغَةِ الْعَرَبِيَّةِ ~ араб тилида гаплашмоқ; VI تَكالَمَ = III

– تِكْلامٌ, تِكْلامَةٌ 1. сўзга уста; сўзамол; 2. нотиқ, маҳмадона, қизилсўз

– تَكَلُّمٌ гапириш, сўзлашиш; гап, нутқ, сўзлашув

– كَلامٌ (*ўзаро боғланган*) сўзлар; гап, фраза; нутқ, суҳбат, сўзлашув, тил; جَمِيلٌ ~ (*н. ҳақдадир айтилган*) чиройли сўзлар (عَنْ); فارِغٌ ~ бемаънилик, бемаъни гап-сўз; абсурд; كَثِيرُ الْـ~ сергап, вайсақи; بِالْـ~ а) сўз билан; б) гапда (*ишда эмас*); بِـ~

آخَر бошқача айтганда; ... أَوْضَح ~ وَ بـ~ аниқроқ қилиб айтганда; بَيْنَنَا الـ~ ўзаро айтганда; لَيْسَ بَيْنَهُ وَ بَيْنِي ~ أَوْ سَلَامٌ мен билан унинг ўртасида ҳеч қандай умумийлик йўқ; ◊ عِلْمُ الـ~ илми калом; أَهْلُ الـ~ аҳли калом, илми калом фалсафасининг вакили

– كَلَامِيٌّ 1) сўздаги, сўз билан ифодаланган; حَرْبٌ ~ـة даҳанаки (оғзаки) жанг; الْفَنُّ الـ~ сўз санъати; 2) *юр. – шар.* калом илмига оид; 3) каломий; الْمَسَائِلُ الـ~ـة калом илмига оид масалалар

– كَلْمٌ *кўп.* كُلُومٌ, كِلَامٌ яра, яраланиш, жароҳат олиш

– تِكْلَامٌ = كِلْمَانِيٌّ

– كَلِمَةٌ, كِلْمَةٌ *кўп.* ـاتٌ — *жам.* كَلِمٌ 1) сўз, калима; السِّرُّ ~ *кар.* (الْمُرُورِ) سِرٌّ : (النَّافِذَةُ) لَهُ الـ~ الْفَاصِلَةُ ҳал қилувчи сўзни у айтди; ~ ~ *сўзма-сўз*, айнан; 2) айтилган сўзлар, ҳикмат даражасидаги сўз; أُخْرَى بـ~ бошқача қилиб, бошқа сўзлар билан айтганда; 3) қисқа нутқ; أَلْقَى ~ қисқача нутқ сўзламоқ; 4) қасида, шеър; ◊ اتِّحَادُ الـ~ ҳамфикрлик, ҳамкорлик, сўзи бир хил бўлиш; تَقْسِيمُ الـ~ ўзаро келишмовчилик, жанжал; الْكَلِمَاتُ الْمُتَقَاطِعَةُ кроссворд (бошқотирма); الْعِلْمِ الْحَاسِمَةُ ~ фаннинг сўнгги ютуғи; لَمْ يَعْرِفِ الْعِلْمُ الـ~ الْأَخِيرَةَ фан ҳали ўзининг сўнгги хулосасини айтгани йўқ; ذُو الـ~ эътборли одам; مَسْمُوعَةٌ ~ обрў, эътибор; الْكَلِمَاتُ الْعَشْرُ *дин.* ўн амр (*христианларда*); اللّٰه ~ Қуръони карим, Каломуллоҳ.

– كَلِيمٌ *кўп.* كُلَمَاءُ 1. (*к. биландир*) сўзлашувчи; 2. суҳбатдош; *кўч. м.* карнай, рупор; ◊ اللّٰه ~ калимуллоҳ (Мусо алайҳиссалом)

– كَلِيمٌ *кўп.* أَكْلِمَةٌ гилам

– مُتَكَلَّمٌ гаплашадиган жой

– مُتَكَلِّمٌ 1. гапирувчи, суҳбатлашувчи; 2. 1) *грам.* I шахс; 2) илми калом мутахассиси; теолог; 3) (*к. ёки н. номидандир гапирувчи*) вакил; *кўч. м.* карнай, рупор

– مُكَالَمَةٌ суҳбат, сўзлашув; تِلِيفُونِيَّةٌ ~ телефон орқали сўзлашув

– مِكْلَمَانِيٌّ вайсақи, сергап

– مَكْلُومٌ 1) ярадор; 2) хафа бўлган; ◊ فُؤَادٌ ~ азоб, изтироб чекаётган юрак

كَلْفَانِيٌّ = كَلْوَانِيٌّ

كُلُور, كُلُورِين *кимё.* хлор; حَمْضُ الـ~ хлор кислотаси

كُلُورَات *кимё.* хлорат

كُلُورُور (*сол.* كُلُورِيد) *кимё.* хлорид бирикмаси, хлорид; الْبُوتَاسِيُوم ~ калий хлориди (*ўғит*); (الْكِلْس) الجير ~ хлорли оҳак; الزِّئْبَق ~ симоб хлориди, сулема; الصُّودِيُوم ~ натрий хлориди, ош тузи; الْأَمُونِيُوم ~ хлорли аммоний, навшадил (*нашатир*)

كُلُورُوفُورْم *кимё.* хлороформ

كُلُورُوفِيل хлорофил

كُلُورُور = كُلُورِيد

كُلُومِل *кимё.* каломель, хлорли симоб (*сол.* كَالُومِيل)

كَالُون = كُلُون

كُلَى (*а*) كَلِيَ буйракда оғриқ сезмоқ

– كُلْوَة *ик. с.* كُلْيَتَان *кўп.* كُلًى, كَلَاوَى *анат.* буйрак; حَصًى (رَمْل) الـ~ буйракдаги тошлар; الْغُدَّةُ فَوْقَ الـ~ буйракусти бези; الْتِهَابُ الْكُلَى *мед.* нефрит, буйрак шамоллаши

– كُلَوِيٌّ буйракка оид; الْالْتِهَابُ الـ~ *мед.* нефрит, буйрак шамоллаши; الْغُدَّةُ فَوْقَ الـ~ـة буйракусти бези

– كُلْوَة = كُلَى *кўп.* كُلْيَة

كِلِيسِرِين глицерин

كِلِيشَيْه, كِلِيشَه *кўп.* كِلِيشَيْهَات клише (*босмахоналарда сурват босадиган муҳрсимон жиҳоз*)

كَلِينِيٌّ калин (*эшик, деразалардаги*)

I كَمَّ (*а/у*) كَمٌّ тумшуқбанд осмоқ, тақмоқ; (أَفْوَاهَهُمْ) فَاهُ ~ кимнингдир оғзини ёпмоқ, овозини ўчирмоқ, кимнидир жим туришга мажбур қилмоқ; II كَمَّمَ 1) тумшуқбанд осдирмоқ, тақдирмоқ; 2) бўғмоқ (*мас., танқидни*); 3) енгни улаб тикмоқ; 4) гулламоқ, гул чиқармоқ; النَّخْلَةُ ت~ хурмо дарахти гуллади; IV أَكَمَّ 1) енгни улаб тикмоқ; 2) гулламоқ, гул чиқармоқ; النَّخْلَةُ ت~ хурмо дарахти гуллади; 3) қўйлакка енг қадамоқ

– كُمٌّ *кўп.* أَكْمَام, كِمَمَة енг; қадама енг

– كِمٌّ *кўп.* كِمَام, أَكْمَام *бот.* гулкосача

– كِمَام *кўп.* أَكِمَّة 1) тумшуқбанд; 2) тўрва, халта; тўрвахалта

– كِمَامَة *кўп.* كَمَائِم 1) тумшуқбанд; ниқоб; الْغَاز ~ газ ниқоби (противогаз); 2) тишламаслиги ёки овоз чиқармаслиги учун оғизга тиқиб қўйиладиган латта ёки ёғоч; 3) *бот.* гулкосача

– كُمَّة қалпоқ; абажур; الرَّأْس ~ берет (*қалпоқнинг бир тури*)

كَمْ 1) неча?; қанча?; қандай кўп!; السَّاعَةُ ~? соат неча бўлди?; بـ~? неча пул?; неча сўм (пул) дан?; مِنْ مَرَّةٍ أَيَّدَنِي! ~ у мени қанчалар қўллаб-қувватлаган-а!; ... وَ ~ كَانَ يَقُولُ لِي у менга неча марталаб деган эдики, ...; 2) қандай, қанчалик!; ~ أَنَا ذَا أَهْوَاكِ! мен сени қандай (*қанчалар*) севаман!; وَ ~ كُنْتُ أَتَمَنَّى أَنْ ... мен шундай истайманки, ...; وَ ~ هُوَ جَمِيلٌ! у қандай гўзал!; لِـ~ كَانَتْ دَهْشَتُنَا عَظِيمَةً عِنْدَمَا ... ...ни кўриб, шундай ҳайратга тушдикки!; وَ لِـ~ هُوَ مُحْزِنٌ у қанчалар хафа-я!; يَسُرُّ أَنْ ... ~ ...дан қанчалар хурсанд!

– كَمٌّ 1) миқдор; مِنْ ~ًا وَ كَيْفًا миқдор ва сифат жиҳатидан; حَيْثُ الـ~ миқдоран, миқдор жиҳатидан; 2) кўп. كُمُومٌ физ. квант; نَظَرِيَّةُ الـ~ квант назарияси

– كَمِّيٌّ миқдорий, миқдорга оид; التَّحْلِيلُ الـ~ киме. миқдорий анализ; التَّرَاكُمُ الـ~ миқдорий ўсиш; ~ًا миқдоран; ~ًا وَ نَوْعِيًّا миқдори ва нави жиҳатидан; هٰذَا لَا يَكْفِي لَا ~ًا وَ لَا كَيْفِيًّا бу на миқдори жиҳатидан, на сифат жиҳатидан етарли эмас

– كَمِّيَّةٌ кўп. ـاتٌ 1) миқдор; تَحَوُّلُ الـ~ إِلَى الْكَيْفِيَّةِ миқдорнинг сифатга ўтиши; 2) савдо. бирор мақсад учун белгиланган энг кўп миқдор, контингент

كَمْ ик. с. كُمَا мн. كُنَّ бирикма олмош; 1) сизники; كِتَابُكُمْ китобингиз (яъни, китоб сизники); 2) сизни; أَكْرَمَكُمْ у сизни кўрди

كَمَا (كَـ+مَا) ...га ўхшаб, бўлганидай; ...нинг сингари; ...дай, ...дек; каби; ~ ذُكِرَ юқорида зикр қилинганидай; ~ مَرَّ юқорида айтилгандек; ~ لَوْ كَانَ حَاضِرًا у ҳозир бўлган каби; ~ هُوَ худди ўшандай; ~ هِيَ حَالَتُهُ унинг ҳолати ўшандай, унинг аҳволи ўзгармагандай; ~ هِيَ الْحَالُ ҳолат ўшандай; ~ تَشَاءُ сен хоҳлагандай; ~ يَبْدُو кўриниб турганидай; ~ يَنْبَغِي талаб қилингандай; ~ قَالَ أَوْ... ёки у айтгандай

– كَمْءٌ жам. кўп. كَمْأَةٌ, أَكْمُؤٌ қўзиқоринлар (ер остида ўсадиган)

– كَمْأَةٌ қўзиқорин (ер остида ўсадиган)

كَمْبَرِيتٌ батист (мато)

كَمْبُوشَةٌ: ~ الْمُلَقِّنِ суфлёр будкаси

– كَمْبِيَالَةٌ кўп. ـاتٌ — вексель, тратта; қарз тилхати; ~ تِجَارِيَّةٌ тижорат вексели; ~ طَوِيلَةُ الْأَجَلِ узоқ муддатли вексель; ~ قَصِيرَةُ الْأَجَلِ қисқа муддатли вексель

كُمْبِينَةٌ комбинат

كَامْبِيُو = كَمْبِيُو

كُمْبِيُوتَر электрон ҳисоблаш қурилмаси, компьютер

I كَمَتَ (у) كَمْتٌ босмоқ, тўхтатмоқ (ғазабни)

– كُمَيْتٌ тўриқ (от)

كُمَّثْرَى жам. ноклар, нашватилар, олмурутлар

– كُمَّثْرَاةٌ кўп. كُمَّثْرَيَاتٌ нок, нашвати, олмурут

– كُمَّثْرَايَةٌ кўп. كُمَّثْرَايَاتٌ = كُمَّثْرَاةٌ

I كَمَحَ (а) كَمْحٌ нўхтасидан тутиб турмоқ (мас., отни); IV أَكْمَحَ = I

– كَمَاحَةٌ тормоз

I كَمَخَ (а) كَمْخٌ кеккайган бўлмоқ; ~ بِأَنْفِهِ бурун кўтармоқ; IV أَكْمَخَ = I

– كَامَخٌ¹ кўп. كَوَامِخُ тузланган нарсалар (озиқ-овқатлар)

– كَامِخٌ² кеккайган, бурни кўтарилган, кибрли

– كُمَاخٌ кеккайиш, кибрлилик, такаббурлик

– كَمْخَةٌ, كَمْخَا кимхоб (мато)

I كَمِدَ (а) كَمَدٌ, كُمْدَةٌ 1) мотам тутмоқ, ғам чекмоқ; юраги эзилмоқ; 2) оқариб, ранги ўчиб кетмоқ, бўзармоқ (бўёқ ҳақида); II كَمَّدَ компресс билан иситмоқ, компресс қўймоқ; IV أَكْمَدَ 1) хафа қилмоқ, ғамга солмоқ; 2) компресс қўймоқ; VII اِنْكَمَدَ хафаланган бўлмоқ, ғамга қолган бўлмоқ; IX اِكْمَدَّ ранги ўчмоқ, бўзариб кетмоқ, ўчиб кетмоқ (ранга ҳақида)

– أَكْمَدُ ранги ўчиб кетган; қорайиб кетган

– تَكْمِيدٌ компресс қўйиш

– كَمَدٌ ғам, хафалик, мотам; азоб, алам

– كَامِدٌ 1) ғамгин, мотамсаро; 2) бўзарган, қорайган

– كُمْدَةٌ 1) бўзариш, рангнинг ўчиб кетиши; 2) бўғдойранглилик

– كَمِيدٌ ғамгин, ғам остида қоган

– مِكْمَدَةٌ, مُكَمِّدٌ кўп. ـاتٌ — компресс

كَمَرٌ кўп. أَكْمَارٌ, ـاتٌ — белбоғ

– كَمَرَةٌ¹ кўп. ـاتٌ — тўсин, балка; ~ حَدِيدٍ темир тўсин, балка

– كَمَرَةٌ² фото. камера

– مَكْمُورَاتٌ кўп. омборхоналар

كُمْرُكٌ кўп. كَمَارِكُ божхона (сол. جُمْرُكٌ)

– كُمْرُكِجِيٌّ кўп. كُمْرُكْجِيَّةٌ божхона хизматчиси

– كُمْرُكِيٌّ божхонага оид

كُمْسَارِيٌّ кўп. كُمْسَارِيَّةٌ 1) кондуктор; 2) почта (хатлар) ташийдиган курьер (хизматчи)

I كَمَشَ (كمش) (у) كَمْشٌ чангаллаб олмоқ; (қўлда) қисмоқ; қисилмоқ; كَمِشَ (а) كَمَشٌ 1) тириштирилмоқ, қисқарилмоқ; ўтириб (қисқариб) қолмоқ (мато ҳақида); 2) воз кечмоқ (ўз сўзидан ва ҳ. к.); II كَمَّشَ қайириб, кўтариб қўймоқ (юбкани), кўтармоқ (этак пастини); V تَكَمَّشَ тиришмоқ, ғижимланмоқ; VII اِنْكَمَشَ қисилмоқ, кичраймоқ, қисқармоқ; ◊ ~ فِي جِلْدِهِ одамови, дамдуз, ичимдагини топ бўлмоқ

– اِنْكِمَاشٌ қисилиш, торайиш, қисқариш; мол. дефляция (муомаладаги пул миқдорини камайтириш); ~ السُّوقِ савдо. бозорнинг қисқариши, торайиши; ◊ ~ فِي جِلْدِهِ одамовилик, одамдузлик

– كَمَّاشَةٌ кўп. ـاتٌ — омбур; қисқич

– كَمْشَةٌ сиқим (*мас.* бир сиқим)

– كَمِيشٌ، كَمِشٌ чаққон, эпчил; الإِزَارِ ~ *маж.* ғайратли, ишлармон

I كَمَعَ (а) كَمْعٌ қирқиб, ажратиб қўймоқ; III كَامَعَ 1) ёнма-ён, бирга ётмоқ; 2) қучмоқ, қучоқламоқ

– كَمِيعٌ (*к. биландир бирга*) ётувчи

I كَمُلَ (у) كَمَالٌ тўлиқ, етилган, тугалланган бўлмоқ; II كَمَّلَ 1) тўлдирмоқ, камини тўлғазмоқ; тамомламоқ, битирмоқ; 3) мукаммаллаштирмоқ; 4) (*к. нидир*) ўлдирмоқ (عَلَيْهِ); IV أَكْمَلَ (*камини*) тўлдирмоқ; 2) тамом қилмоқ, охирига етказмоқ; أَعْمَالَهُ ~ ўз ишларини тамомламоқ; 3) мукаммал ҳолга етказмоқ; V تَكَمَّلَ такомиллашган бўлмоқ; VI تَكَامَلَ 1) аста-секин камолга етмоқ; 2) тўла йиғилмоқ; وَ إِذَا لَمْ يَتَكَامَلِ الْعَدَدُ الْقَانُونِيُّ يَكُونُ الاجْتِمَاعُ فِي حَالَةِ عَدَمِ تَكَامُلِ الْعَدَدِ الْقَانُونِيِّ кворум бўлмаган (*ҳамма қатнашиши шарт бўлганлар келмаган тақдирда*) ҳам ҳар ҳолда мажлис бўлади; VIII اكْتَمَلَ 1) тўла, тугалланган бўлмоқ; 2) тугалланмоқ; камолотга, тўла етукликка эришмоқ; камолга етмоқ; X اسْتَكْمَلَ 1) тўлдирмоқ, тўлғазмоқ; 2) бажармоқ, тугалламоқ, охирлатмоқ; 3) тўла қониқтирмоқ ёки мос келмоқ (*мас., талабларга* — لـ); (*н. ғадир*) тўла эга бўлмоқ (لـ); تَسْتَكْمِلُ الْغُرْفَةُ لِكُلِّ وَسَائِلِ الرَّاحَةِ хонада барча қулайликлар мавжуд

– اسْتِكْمَالٌ 1) тўлалик, тўлиқлик; 2) тугалланиш, охирига етиш; لـ ... ~ ا ...нинг устига; 3) (*бирор н.* ға) тўла мос келиш, (*талабни*) тўла қондириш (لـ)

– اكْتِمَالٌ 1) тўлалик, тўлиқлик, тамомланганлик, тугалланганлик; камолот, мукаммаллик; جُسْمَانِيٌّ ~ жисмоний баркамоллик; 2) етуклик, комиллик

– إِكْمَالٌ тамом битиш, тугалланиш; камолот, комиллик; لِفَائِدَةٍ ~ ا кўпроқ фойда бўлсин (олиш) учун

– أَكْمَلُ янада етукроқ; янада тўлиқроқ; بِـ ~ ـهِ бутунлай; فِي ~ وَجْهٍ ёки عَلَى ~ صُورَةٍ ёки عَلَى الْوَجْهِ الْـ ~ энг юксак даражада (ҳолда)

– تَكَامُلٌ 1) такомиллик, комиллик, тўлалик, бутунлик; الْعَدَدِ الْقَانُونِيِّ ~ ёки النِّصَابِ ~ кворум (*қатнашиши лозим бўлган одамларнинг тўла келганлиги*); عَدَمُ ~ الْعَدَدِ الْقَانُونِيِّ кворумнинг йўқлиги; 2) интеграция, бир бутун ҳолда бирлаштириш; الْـ ~ الاقْتِصَادِيُّ иқтисодий интеграция; حِسَابُ الْـ ~ *мат.* интеграллаш

– تَكَامُلِيٌّ бутунликни тўлдирувчи, интеграл, интегралга оид

– تَكْمِلَةٌ тўлдириш; тўлиш

– تَكْمِيلٌ тўлдириш, тўлиш; битиш, тамомланиш

– تَكْمِيلِيٌّ 1) қўшимча; 2) қисман, бир оз

– كَامِلٌ 1. 1) тўла, тўлиқ; بِالْـ ~ тўлалигича; بِـ ~ ـهِ бутунлай; لَبَنٌ ~ қаймоғи олинмаган сут; الْعَدَدِ ~ тўла таркибда (составда); اجْتِمَاعٌ ~ ялпи (*пленар*) йиғилиш; 2) комил, камолотга эришган; тўла етилган; 2. 1) *адаб.* комил (*шеърий вазн*); 2) *кўп.* كَمَلَةٌ комил инсон

– كَمَالٌ тўлалик, тўлиқлик, комиллик

– كَمَالَةٌ 1) тўлдириш, тўлдирилиш; 2) қўшимча; *шунингдек.* وَزْنٍ ~ қўшимча вазн, тарозига яна солиш (қўшиш); 3) қайтим (*пул*)

– كَمَالِيٌّ ҳашам, зийнат нарсалари бўлган; سِلَعٌ ~ ـةٌ وَ نِصْفُ ~ ـةٍ зеб-зийнат моллари ва қимматли камроқ товарлар.

– كَمَالِيَّاتٌ *кўп.* ҳашам; зеб-зийнат предмет (нарса)лари

– مُكَمَّلٌ мукаммал; тўлдирилган, тўла, тўлиқ

– مُكَمِّلٌ тўлдириладиган; қўшимча; كَلِمَاتٌ ~ ـةٌ *грам.* гапнинг иккинчи даражали бўлаклари

I كَمَنَ (كمن) (у) كُمُونٌ 1) яширинган бўлмоқ; яширинмоқ, беркинмоқ; مَاذَا يَكْمُنُ وَرَاءَهُ؟ бунинг ортида нима яширинган?; 2) пистирмада ўтирмоқ; (*к. нидир*) пойламоқ (لـ); كَمِنَ (а) كُمُونٌ яширинган бўлмоқ; яширин-у, аммо юзага чиқиши мумкин бўлмоқ; IV أَكْمَنَ яширинмоқ, бекинмоқ; كَمِينًا ~ пистирма қўймоқ; V تَكَمَّنَ пистирмада ўтирмоқ; (*к. нидир*) пойламоқ (لـ); VIII اكْتَمَنَ яшириб юрмоқ, сир қилиб сақламоқ, бекитмоқ; X اسْتَكْمَنَ яширинмоқ; беркинмоқ, бекиниб олмоқ

– كَامِنٌ 1) пистирмада турувчи; яширинган, бекиниб олган; كَانَ ~ ا فِي ... ...га бекиниб олмоқ, яширинмоқ; 2) яширин, потенциал; طَاقَةٌ ~ ـةٌ потенциал (яширинган) энергия; 3) *фалс.* имманент, ички (*бирор ҳодисанинг ички хусусиятига хос бўлган, унинг табиатидан келиб чиқадиган*)

– كَمَانٌ 1) *тар.* камон (*торли музика асбоби*); 2) скрипка; الْـ ~ الأَجْهَرُ виола; الْـ ~ الْجَهْرُ виолончель; الْـ ~ الأَوْسَطُ контрабас

– كَمَانٌ *халқ.* шунингдек, яна, тағин

– كَمَانِيٌّ 1) камончи; 2) скрипкачи

– كَمَنْجَةٌ، كَمَنْجَا *кўп.* ـاتٌ 1) камонча (*торли музика асбоби*); 2) скрипка; قَوْسُ الْـ ~ скрипка камони, камончаси

– كُمْنَةٌ кўришнинг заифлиги; очиқ кўр

– كُمُونٌ 1) пистирмада туриш (пойлаш); 2) яширин ҳолатда бўлиш (туриш)

– كَمُّونٌ *бот.* зира; أَبْيَضُ ~ оқ зира; أَرْمَنِيٌّ ~ дала зираси; كِرْمَانِيٌّ ~ ёки أَسْوَدُ ~ қора зира; حَبَشِيٌّ ~ ҳинд зираси; بَرِّيٌّ ~ ёввойи зира; حُلْوٌ ~ арпабодиён, анис

– كَمُّونِيٌّ 1) зира рангидаги; 2) зирага оид; зираланган, зира солинган

– اللَّحْم كَمُونِيَّة ~ зираланган гўшт

– كَمِين 1. кўп. كُمَنَاء яширинган; пистирмада турувчи; 2. кўп. كَمَائِن пистирма; яширинадиган жой; نَصَبَ ~ ا (к. гадир қарши) пистирма қўймоқ (لـ); أَقَامَ كَمَائِن (к. гадир қарши) пистирма ташкил қилмоқ (ضِدَّ)

– مَكْمَن 1. кўп. مَكَامِن 1) пистирма жойи; яширинадиган жой; пистирма; 2) яширин тураржой; مَكَامِنُ الْغَاز ер остидаги газ захиралари; مَكَامِنُ النَّفْط мис рудаси қатламлари; مَكَامِنُ فِلِزِّ نُحَاس нефть бор жойлар; (الْبِتْرُول) مَكَامِنُ الْأُورَانِيُوم уран конлари

I كَمِهَ (а) كَمَهٌ кўр бўлмоқ, кўрмай қолмоқ

– أَكْمَهُ мн. كَمْهَاء кўп. كُمْهٌ кўр, туғма кўр

– كَمَهٌ кўрлик

كَمِيّ кўп. كُمَاةٌ паҳлавон, жанчи

كَمْيُون кўп ات — юк автомобили

كَمْ кар. كُنْ

I كَنَّ (а/у) كُنُون, كَنٌّ 1) (ёмонлик, нафратни) яширмоқ, сақламоқ; (к. гадир бирор туйғуни) ҳис қилмоқ (لـ ёки إِزَاءَ); ~ مَشَاعِرَ الصَّدَاقَةِ إِزَاءَهُ кимгадир дўстлик туйғуларини ҳис қилмоқ; 2) пасаймоқ, тинчланмоқ (шамол ҳақида); ◊ رِحْلَةً ~ оёқни йиғиб олмоқ; II كَنَّنَ яширмоқ, бекитмоқ; 2) тинчлантирмоқ, пасайтирмоқ; IV أَكَنَّ (туйғуларни) яширмоқ, сақламоқ, ҳис қилмоқ; حُبًّا ~ (كَرَاهِيَةً) (к. гадир) дўстлик (нафрат) туйғуларини ҳис қилмоқ (لـ); VIII اِكْتَنَّ яшириниб олмоқ, бекиниб олмоқ; اِسْتَكَنَّ 1) яширинмоқ, бекинмоқ; 2) уя қуриб олмоқ, қулай жойлашиб олмоқ, ёпишиб олмоқ; 3) тинчланмоқ

– كَانُون кўп. كَوَانِين печ, ўчоқ; ◊ الْأَوَّل ~ декабрь; الثَّانِي ~ (الْآخَر) январь

– كِنّ кўп. أَكْنَان 1) бошпана, ёпиқ жой; النَّبَات ~ оранжерея, ёпиқ гулхона; 2) уя; ин; бошпана; الدَّجَاج ~ товуқхона; 3) (боғдаги) айвонча, шийпонча

– كِنَان кўп. أَكِنَّة 1) айвон, ёпиқ; 2) (боғдаги) айвонча, шийпонча; 3) парда, ҳижоб, тўсиқ; وَجَعَلْنَا عَلَى قُلُوبِهِمْ أَكِنَّةً қур. уларнинг қалбларини тўсиқлар билан тўсганмиз

– كِنَانَة кўп. كَنَائِن ўқдон, садоқ; صَفْوَةُ الـ ~ маж. ҳар нарсанинг танлангани, олийси, гули; الـ ~ ёки أَرْضُ الـ ~ маж. Миср

– كَنَّة[1], كِنَّة кўп. كَنَائِن келин, қайинсингил

– كِنَّة[2] 1) айвон, ёпиқ жой; 2) (боғдаги) айвонча, шийпонча

– كَنِين яширин, бекитилган

– مُسْتَكَنّ уя, ин

– مَكْنُون 1. яширин, яширинган, бекитилган; 2) кўп ات — энг яширин сир, яширинган маъно; яширин мазмун, фикр; مَكْنُونَات النَّفْس яширин ниятлар, яширин фикрлар; أَنْتَ أَدْرَى بِـ ~ قَلْبِي қалбимда нималар яширинганлигини сен яхши биласан

I كَنِبَ (а) كَنَبٌ қадоқли (қадоқ босган) бўлмоқ (қўллар ҳақида)

– كَنَبٌ қадоқлилик; (терининг) қаттиқлиги

– كَنِبٌ қадоқли

– كَنَبَة кўп. ات — кенг юмшоқ диван, диван

كَنْبُوش кўп. كَنَابِيش чепрак, вальтрап (от ёпиғи)

كُنْت кексалик, қарилик

– كُنْتِيّ кўп. كُنْتِيُّون кекса, қари

– كُنْتِيّ = كُنْتِيّ кўп. كُنْتِيُّون

كُنْتُرَاتُو кўп. كُنْتُرَاتَات контракт

كَنْتِين кўп. كَنَاتِين дўконча (ошхоналар, ҳарбий қисмлар қошидаги)

كَنْجَة кўп. ات — қаҳва қайнатадиган идиш (сол. كَنْكَة)

كَنْجَرُو кенгуру (ҳайвон)

I كَنَدَ (у) كُنُود ношукур (кўрнамак) бўлмоқ; النِّعْمَة ~ ношукур бўлиб чиқмоқ, куфри неъмат бўлмоқ

– كَنَّاد жуда, ғоят ношукур

– كَنُود ношукур, нонтепки, кўрнамак

كَنَدِيّ 1. Канадага оид; 1. канадалик

كُنْدُر бот. босвеллия, ладан (христианларнинг диний маросимларида тутатиладиган хушбўй смола берадиган исириқсимон ўсимлик); олибанум

كُنْدُرَة этик

– كُنْدُرْجِيّ кўп. كُنْدُرْجِيَّة этикдўз, этикчи

كُنْدُوز кундуз (сол. قُنْدُز ва قُنْدُس)

كُنْدُش[1] олақарға, зағизғон

– كُنْدُش[2] доринниг номи

كُنْدُنْسَة кўп. ات — эл. конденсатор

كُنْدُور зоол. кондор (Жанубий Америкада яшайдиган ўлимтикхўр йирик йиртқич қуш)

كَنَار 1) чекка, чек; القُمَاش ~ ҳошия, жияк, мағиз; 2) қирғоқ, соҳил

– كُنَار ёввойи юйба (ўсимлик) меваси

– كَنَّارَة куп. كَنَانِير 1) каннара (гитаранинг бир тури); 2) арфа (чертиб чалинадиган катта музика асбоби)

– كَنَارِيّ, كَنَارِيًّا кўп. كَنَارِيَات канарейка (қуш)

I كَنَزَ (и) كَنْز 1) (нақдина, хазинани) кўммоқ, ер остига кўмиб яширмоқ; 2) (бойлик) тўпламоқ, йиғмоқ, жамғармоқ; VII اِنْكَنَزَ тўпланган, жамлаган, йиғилган бўлмоқ; VIII اِكْتَنَزَ 1) тўпламоқ, йиғмоқ, жамламоқ; (банкда) капиталнни марказлаштирмоқ,

жамғармоқ. ~ هُ فِي الذَّاكِرَةِ бирор нарсани хотирда сақламоқ; 2) хасислик (*зиқналик, қурумсоқлик*) қилмоқ; 3) тўлмоқ, тўлишмоқ; (*н. биландир*) тўлиб-тошмоқ (بِ)

– اِكْتِنَازٌ 1) тўпланиш, жамғарилиш; ~ الْمَالِ капиталнинг жамғарилиши; 2) тўлалик, семизлик

– كِنَازٌ *мз.мн.* серғўшт, семиз

– كَنْزٌ *кўп.* كُنُوزٌ хазина, бойлик; нақдина

– كَنْزٌ, كَنْزٌ тор (*мас., шим*)

– كَنْزَةٌ жемпер

– كُنْزِيٌّ хасис; қурумсоқ

– كَنْزِيَّةٌ *кўп.* اتٌ — ғаладон, ақчадон (*чақа, танга йиғиладиган қутича*), копилка

– كَنِيزٌ тўла, семиз

– مُكْتَنِزٌ тўла, семиз; серғўшт; ~ اللَّحْمِ серғўшт, семиз, миққи

– مَكْنُوزٌ 1) яширин; 2) тўпланган, жамғарилган, йиғилган

I (كنس) كَنَسَ (*у*) كَنْسٌ 1) супурмоқ, супуриб-сидирмоқ, супуриб ташламоқ; 2) трал (*катта қопсимон тўр*) билан балиқ овламоқ, денгизни миналардан тозаламоқ, денгиз тубини тозаламоқ; كَنَسَ (*и*) كُنُوسٌ ўз инига яширинмоқ (*оҳу, кийик ҳақида*); II كَنَّسَ 1) супуртирмоқ, супуришга мажбур қилмоқ; 2) тозалаб супуриб ташламоқ; V تَكَنَّسَ инига кириб яширинмоқ (*кийик ҳақида*); VII اِنْكَنَسَ супуриб ташланган бўлмоқ

– كَانِسٌ *кўп.* كُنَّسٌ 1) ўз инида яшириниб ётган (турган); الْجَوَارِ الْكُنَّسِ сайёралар: الْمِرِّيخُ, زُحَلُ, عُطَارِدُ, الزُّهَرَةُ, الْمُشْتَرِي; 2) кийик, оҳу

– كَانِسَةٌ 1. супурувчи аёл; 2. *шунингдек*: ~ الْأَلْغَامِ тралчи (*қар.* كَنَسَ).

– كِنَاسٌ *кўп.* كُنُسٌ ин, уя (*кийик, оҳу кабиларники*)

– كَنَّاسٌ супурувчи; ахлат, супринди йиғувчи; ~ الطَّرِيقِ кўча тозаловчи, фаррош

– كَنَّاسَةٌ *кўп.* اتٌ — супурувчи, тозаловчи (*фаррош*) аёл; ◊ ~ كَهْرَبَائِيَّةٌ чангсўрғич (*пылесос*)

– كُنَاسَةٌ *кўп.* اتٌ — ахлат, супринди

كَنَسِيٌّ, كَنَائِسِيٌّ - черковга (канисага) оид

– كَنْسٌ 1) супуриш; 2) траллаш (*қар.* كَنَسَ); 3) *радио.* развёртка (*тасвирни ёйиб берувчи қурилма – ТВ да*)

– كَنِيسٌ[1] тўрва

– كَنِيسٌ[2] синагог (*яҳудийлар ибодатхонаси*)

– كَنِيسْت кнессет (*Исроил парламенти*); Исроил кнессети

– كَنِيسَةٌ *кўп.* كَنَائِسُ каниса, черков, ибодатхона

– مِكْنَسَةٌ *кўп.* مَكَانِسُ супурги; ~ آلِيَّةٌ *ёки* ~ كَهْرَبَائِيَّةٌ чангсўрғич (*пылесос*)

– مَكْنُوسٌ супурилган

كُنَّاشَةٌ *кўп.* اتٌ — 1) тўнка; тана; 2) ёзув дафтарчаси; 3) тўплам

كُنْصُولٌ *кўп.* اتٌ — *архит.* консоль (*тўсиннинг девордан чиқиб, бирор н. га таянч вазифаси ўтайдиган қисми*)

كَنْعَانِيٌّ 1. Канъонга оид, канъоний; الـ~ـة канъон тили; 2. канъон, канъонлик киши

I كَنَفَ (*у*) كَنْفٌ 1) ўраб олмоқ, ўрамоқ, иҳота қилмоқ; 2) ҳимоя қилмоқ, эҳтиётламоқ, ғамхўрлик қилмоқ; II كَنَّفَ = VIII; III كَانَفَ ёрдам бермоқ, кўмаклашмоқ; IV أَكْنَفَ = III; V تَكَنَّفَ = VIII; VIII اِكْتَنَفَ ўраб олмоқ, ўрамоқ, иҳота қилмоқ

– كُنَافَةٌ кунофа (*бодом ва ёнғоқдан уграга ўхшатиб тайёрланган ширин овқат*)

– كَنَفٌ *кўп.* أَكْنَافٌ 1) қанот (*қушники*); 2) томон, тараф, ён; юрт, мамлакат; ўлка; أَكْنَافُ الْأَرْضِ дунё мамлакатлари; ضَرَبَ فِي أَكْنَافِ الْأَرْضِ ер юзи бўйлаб кезмоқ; 3) кўкрак; 4) соя (*мас., сояи давлат*); ҳимоя; васийлик, ғамхўрлик; هُوَ فِي ~ أَبِيهِ у отаси қарамоғида; عَاشَ فِي ~ـه кимнингдир қарамоғида яшамоқ

– كِنْفٌ подачининг тўрваси

– كَنِيفٌ *кўп.* اتٌ, كُنُفٌ — 1) тўсиқ; ҳожатхона

– مُكَانَفَةٌ ёрдам, кўмак, мадад

كَنْكَنَ 1) хонанишин бўлмоқ; 2) уя қуриб олмоқ

كَنَكَةٌ *кўп.* اتٌ — (*шунингдек:* ~ الْقَهْوَةِ) қаҳва пишириладиган идиш

(كنه) VIII اِكْتَنَهَ моҳиятни очмоқ, билмоқ; тадқиқ қилмоқ, текширмоқ; (*бирор н.* ни) чуқур англамоқ, тушунмоқ; X اِسْتَكْنَهَ чуқур ўрганмоқ, текширмоқ, тадқиқ қилмоқ

– كُنْهٌ 1) моҳият; муҳимлик, чуқурлик; لَا يُدْرَكُ ~ـهُ *маж.* тушуниб, англаб бўлмайдиган; 2) ниҳоя, охир; ◊ أَعْرِفُهُ ~ الْمَعْرِفَةِ мен уни жуда яхши танийман

كَنَهْوَرٌ тўп-тўп булутлар

I كَنَى (*и*) كِنَايَةٌ *ёки* كَنَا (*у*) كِنَايَةٌ 1) лақаб бермоқ; 1) белгиламоқ *ёки* бирор белги билан ишора қилмоқ; қочирим қилмоқ; II كَنَّى (*бирор н. билан*) лақабламоқ, атамоқ (بِ); V تَكَنَّى лақаб билан аталмоқ, (*бирор лақаб билан*) таниш, машҳур бўлмоқ (بِ); VIII اِكْتَنَى лақабланмоқ

– كِنَايَةٌ 1) белги, қочирим, киноя; هُوَ ~ عَنْ ... у ...дан иборатдир; ~ عَنْ (*бирор н. ни*) назарда тутиб; гўёки; ўрнида; 2) *адаб.* киноя, истиора, метонимия

– كُنْيَةٌ *кўп.* كُنًى куня, лақаб (*одатда* أَبُو, أُمُّ, ابْنُ, بِنْتُ *сўзларидан кейин келади, мас,* (أَبُو الْغَازِي)

– مُكَنًّى лақабли, аталган

– مُكَنًّى лақабланадиган, аталадиган; عَنْهُ ~ киноя қилиб кўрсатилган (айтилган)

أَكْهَبُ *мн* كَهْبَاءُ *кўп* كُهْبٌ тўқ кўк; الـ~ الْيَاقُوتُ *мин.* гиасинт

كَهَرَ (а) كَهْرٌ 1) = قَهَرَ (а) قَهْرٌ; 2) (*к. нидир*) бадқовоқлик билан кутиб олмоқ

كَهْرَبَ 1) электрламоқ, электр билан зарядламоқ; 2) электрлаштирмоқ; تَكَهْرَبَ 1) электрланмоқ, электр билан зарядланмоқ; 2) электрлаштирилмоқ

– كَهْرَبٌ *кўп.* كَهَارِبُ электр заррачаси; электрон; مُتَعَادِلٌ ~ нейтрон

– كَهْرَبَاءُ, كَهْرَبَا 1) электр; طَلْيٌ بِالـ~ гальваник йўл билан металга қоплама бериш; مِقْيَاسُ الـ~ электрометр; تَيَّارٌ ~ электр токи; مُهَنْدِسُ ~ электрик-инженер; الْعِلَاجُ بِالـ~ электротерапия; 2) қаҳрабо

– كَهْرَبَا қаҳрабо

– كَهْرَبَائِيٌّ 1. электрик, электрга оид; نُورٌ ~ электр нури; الطَّاقَةُ الـ~ـةُ электр энергияси; آلَاتٌ ~ـةٌ электр асбоблари; مَائِيٌّ ~ гидроэлектрик; 2. электрчи, электротехник; الْمَصَاعِدِ ~ электротехник, лифтлар бўйича мутахассис

– كَهْرَبَائِيَّةٌ электр; الـ~ الدِّينَامِيكِيَّةُ динамик электр; الـ~ السَّاكِنَةُ статик электр; مِكْشَافُ (كَشَّافُ) الـ~ электроскоп

– كَهْرَبَةٌ 1) электрлашиш; 2) электрлаштириш

– كَهْرَبِيٌّ электрик; الـ~ التَّحْلِيلُ электролиз; الـ~ التَّيَّارُ электр токи; الـ~ـةُ السَّعَةُ электр сиғими; الـ~ـةُ الشُّحْنَةُ электр заряди; الـ~ الْعَازِلُ диэлектрик; الـ~ـةُ الْقَاطِرَةُ электровоз; الـ~ـةُ الْكِيمِيَاءُ электрокимё; الـ~ الْمِثْقَبُ электробур (ер кавлайдиган қурилма); الـ~ الْمُجَمِّعُ *ел.* аккумулятор; الْمُحَرِّكُ الـ~ электромотор; الـ~ـةُ الْمِرْوَحَةُ электр вентилятори (елпиғич); الـ~ الْمِصْبَاحُ электр чироғи; الـ~ الْإِعْدَامُ электр курсисидаги қатл

– كَهْرَبِيَّةٌ электр; الـ~ الْإِيجَابِيَّةُ мусбат электр; الـ~ السَّلْبِيَّةُ манфий электр

– كُهَيْرِبٌ *кўп.* ـَاتٌ — *қар.* كَهْرَبٌ

– مُكَهْرَبٌ электрланган, электрик заряд олган; الْحَالَةُ الـ~ـةُ *кўч. м.* чирсиллаб турган шароит, портлаш олдида турган ҳолат

كَهْرَحَرَارِيٌّ электротермик; مَحَطَّةٌ ~ـةٌ иссиқлик электр станцияси

كَهْرَذَرِّيٌّ электроатомга оид; الْمَحَطَّةُ الـ~ـةُ атом электр станцияси

كَهْرَطِيسٌ электромагнит

– كَهْرَطِيسِيٌّ электромагнитга оид; الْأَمْوَاجُ الـ~ـةُ электромагнит тўлқинлари

– كَهْرَطِيسِيَّةٌ электромагнитизм

كَهْرَمَائِيٌّ гидроэлектрик; مَحَطَّةٌ ~ـةٌ гидроэлектростанция

كَهْرَمَانٌ қаҳрабо; الـ~ الْأَسْوَدُ қора қаҳрабо, гагат

كَهْرَمَغْنَاطِيسِيٌّ электромагнитга оид

– كَهْفٌ *кўп.* كُهُوفٌ ғор, чуқурлик; رِئَوِيٌّ ~ *мед.* каверна (*бирор ички аъзодаги, мас., ўпкадаги, тешик*); ◊ أَصْحَابُ الـ~ *ёки* أَهْلُ الـ~ *қур.* аҳлул-каҳф (*ғорга яширинган етти художўй*)

I كَهَلَ (у) كُهُولَةٌ катта бўлмоқ, етук ёшга чиқмоқ; III كَاهَلَ = I; VIII اِكْتَهَلَ етуклик ёшига бормоқ

– كَاهِلٌ *кўп.* كَوَاهِلُ елка; гардан; ◊ ثَقَّلَ ~ـهُ بِالْمَسَائِلِ кимнидир саволлар билан қийнамоқ, безовта қилмоқ; أَلْقَى (نَفَضَ) عَنْ ~ـهِ الْقُيُودَ ўз елкасидан кишанларни олиб ташламоқ

– كَهْلٌ *кўп.* كُهُولٌ, كُهْلَانٌ етук ёшга борган; ўрта яшар (*30 дан 50 гача*)

– كُهُولِيَّةٌ, كُهُولَةٌ етуклик, етук ёш

كَهَامٌ 1) чарчаган, ҳорган; 2) кучсиз, мадорсиз, мўнкиллаб қолган; 3) бечора, одамнинг раҳми келадиган; 4) ўтмас (*мас., қилич*)

– كَهَامَةٌ 1) кучсизлик, ҳорғанлик, чарчоқлик; 2) ўтмаслик

I كَهَنَ (а) كَهُنَ (كَهِنَ) كَهَانَةٌ башорат қилмоқ, олдиндан айтмоқ; كَهُنَ (у) كَهَانَةٌ коҳин, руҳоний бўлмоқ; V تَكَهَّنَ 1) коҳин, руҳоний бўлиб олмоқ; 2) башорат қилмоқ, (*н. нидир*) олдиндан айтмоқ, олдиндан кўрмоқ (ب)

– كَاهِنٌ *кўп.* كَهَنَةٌ, كُهَّانٌ 1) коҳин, руҳоний; кашиш; رَئِيسُ الْكَهَنَةِ *библ.* бош коҳин, бош руҳоний; الْمُتَقَدِّمُ فِي الْكَهَنَةِ протопресвитер (*христианларда юқори мансабдаги руҳоний*); 2) башоратчи, олдиндан айтувчи, келажакдан хабар берувчи

– كِهَانَةٌ башорат қилиш, олдиндан айтиш, келажакдан хабар бериш

– كَهَانَةٌ коҳинлик

– كُهُنْجِيٌّ *кўп.* كُهُنْجِيَّةٌ эскифуруш, эски-туски билан савдо қилувчи

– كُهْنَةٌ 1. эскирган, кийилган; 2. эски-туски нарсалар

– كَهَنُوتٌ = كِهَانَةٌ; رِجَالُ الـ~ руҳоний кишилар

– كَهَنُوتِيٌّ коҳинликка оид; руҳонийликка оид

– كَهِينٌ айёр, қув, муғомбир, ҳийлагар, маккор, фирибгар, устамон

كَوَافِيرُ аёллар сартароши

كُوبٌ *кўп.* أَكْوَابٌ стакан; қадаҳ; пиёла; حَامِلُ الـ~ стакандон

– كُوبَةٌ 1) стакан, пиёла; 2) кели (ўғир) дастаси; кичкина келидаста; 3) шахмат; 4) карт. таппон

كُوبَلْتٌ = كُوبَالْتٌ

كُوَيْرَتَه = كُوبْرَتَا

كُبْرِي = كُوبْرِي

كُوبْس *эл.* эрийдиган сақлагич, плавка

كُوبَلْت *кимё.* кобальт

كُوبُون *кўп* ~ات — купон; ~ الْأَقْمِشَة мато парчаси, қирқим, қийқим

كُوبِيَا нусха, копия; ~ حِبْرُ الـ нусха кўчирадиган сиёҳ

كُوت қирғоқ (соҳил) даги қишлоқ

كُوتْشِينَة (*ўйналадиган*) карта

كُوَيْتِيٌّ 1. Кувайтга оид; ~ـة اللَّهْجَةُ الْـ Кувайт лаҳжаси, шеваси; ~ الدِّينَارُ الْـ Кувайт динори; 2. кувайтлик одам

كَوْثَرٌ[1] 1. сероб, мўл-кўл, маъмур; ~ الْـ *қур.* Ал-Кавсар (*жаннатдаги дарё*); 2. сероблик, мўл-кўллик; ~ لَمْ يَرْوِ ظَمْأَهُ مِنْ الْحَنَان у она эркалатишини билмади (кўрмади)

– كَوْثَرٌ[2] бағри кенг улуғ одам

كَوْثَل ем-хашак, емиш

كَوْثَة 1) ҳосил; 2) мўллик, мўл-кўллик, маъмурлик, сероблик

كُوخ *кўп.* أَكْوَاخ кулба, каталак

(كوح) III كَاوَحَ сўкишмоқ, бақиришмоқ, қаттиқ овоз билан муомала қилмоқ; VI تَكَاوَحَ бир-бирига ёмонлик қилмоқ, ўзаро адоватда бўлмоқ

I (كود) كَادَ (а) كَوْدٌ яқин бўлмоқ; бирор нарса арафасида турмоқ (*нақ бўлмаса, деярли* (*сўзлари маъносини ифодалайди*); ~ يَمُوتُ у нақ бўлмаса ўлаёзган эди; فَمَا ~ يَبْتَعِدُ عَنْ ... حَتَّى у ...дан уни деярли узоқлаштирганда, бирдан ...; ~ كَمَا ذَاعَ أَوْ деярли ҳамма ёққа тарқалган каби; II كَوَّدَ устма-уст қалаштирмоқ, тўпламоқ

– كَادٌ: بِالْـ~ деярли

– كَوْدَة тўп, тўппак

كَوْدَن *кўп.* كَوَادِن арғумоқ; зотли учар от

(كور) I كَارَ (у) كَوْرٌ ўрамоқ, айлантирмоқ; ~ الْعِمَامَة саллани ўрамоқ; II كَوَّرَ 1) юмалоқламоқ, юмалоқ, шарсимон шакл бермоқ; 2) ўрамоқ, айлантириб ўрамоқ; ~ الْعِمَامَة салла ўрамоқ; كُوِّرَ ўралмоқ, туғилмоқ; إِذَا الشَّمْسُ كُوِّرَتْ *қур.* агар қуёш нур сочишдан тўхтаса, ...; V تَكَوَّرَ 1) юмалоқланмоқ, шарсимон шаклга кирмоқ; 2) ўралмоқ, айланиб ўралмоқ; تَكَوَّرَتِ الْعَاصِفَةُ فَوْقَ رَأْسِهِ *маж.* унинг бошига булутлар тўпланди

– كَارَة тугун; боғлам

– كُوَارَة *кўп.* ~ات, كَوَائِر ари уяси, ини

– كُوَارَة: ~ النَّحْلِ асал муми

– كَوْر *кўп.* أَكْوَار салланинг бошдаги бир айланиши

– كُور *кўп* أَكْوَار, كِيرَان 1) темирчилик ўчоғи; дам босқон; 2) туя эгари

– كُورَة *кўп* كُوَر 1) туман, район; округ, вилоят (область); 2) шар

– مِكْوَار *кўп.* مَكَاوِير таёқ, сўйил, тўқмоқ, гаврон (*Ироқда*)

– مُكَوَّرَة салла

كُورَال хор, хорал (*кўп овоз бўлиб айтиладиган қўшиқ ва шу шаклдаги мусиқа асари*)

كُورَجَة *ёки* كُورْجَة: بِالْـ~ умуман, бутунлай; бир бутунҳолда

كُورْدُون *кўп.* ~ات — 1) тасма; лента; 2) кордон (гурух); ~ صِحِّيّ саломатик (санитар) кордони (гуруҳи)

كُورَس хор

كُورْسِيه *кўп.* كُورْسِيهَات корсет, белдамча, қуллоб

كُورَنْتِينَا, كُورَنْتِينَة карантин (*касаллик тарқалмаслиги учун вақтинча ажратиб қўйиш*)

كُورْنُو *муз* карнай

كُورْنِيش 1) карниз; 2) соҳил

كُولِيرَة *халқ.* вабо, ўлат, холера

كُورِيك курак, белча

كُوز *кўп.* أَكْوَاز, كِيزَان кўза; ◊ ~ الذُّرَة маккажўхори сўтаси; ~ الصَّنَوْبَر арча (санобар) ғуддаси

– مُكَوَّز узунбўй, дароз, новча, узун, найнов .

(كوس) II كَوَّسَ ағдармоқ, тўнтармоқ, тес томонини ўгирмоқ

– كُوس *кўп.* ~ات — 1) ноғора; 2) *тех.* учбурчак (*ром, эшик кабиларнинг бурчагига қоқиладиган темир*)

كُوسَا, كُوسَى, *шунингдек.* كُوسَة كَبِيرَة *жам. бот.* салла ошқовоқ; қовоқча (*кабачка – ошқовоқнинг чўзинчоқ майда бир тури*)

– كُوسَايَة *кўп.* ~ات — салла ошқовоқ, қовоқча

كَوْسَج қилич балиқ

كُوسْمُوبُولِيتِيّ 1. космополитик; 2. космополит

كُوسْمُوبُولِيتِيَّة: الْـ~ — космополитизм

كُوشَة[1] *кўп.* ~ات — 1. кат, калавот; 2. никоҳга кираётганлар учун мўлжалланган тахт (*христианларда*); 3. гўшанга

– كُوشَة[2] *кўп.* كُوَش хумдон, печ (*мас., оҳак пиширадиган*)

(كوع) II كَوَّعَ тирсакка таяниб ётмоқ

– كُوع *кўп.* أَكْوَاع, كِيعَان 1) тирсак; 2) букилма; чағаноқ (*трубадаги*); 3) *анат.* билакнинг панжага бирлашадиган жойи

I (كوف) كَافَ яқин бўлмоқ, бирор нарса арафасида бўлмоқ (*деярли, зўрға, нақ бўлмаса каби сўзлар маъносини билдиради*); ~ لَا يَجْرُؤُ النَّظَرَ عَلَيْهَا у унга (*мн.*) қарашга зўрға юрак қилади; V تَكَوَّفَ тўпланмоқ, тўп, тўппак ҳосил қилмоқ

– كُوفَة қизил қум

– كُوفِيٌّ 1. куфий, الْخَطُّ الـــ~ куфий хати, куфий ёзуви; 2. *тар.* грамматикларнинг куфий мактаби вакили

– كُوفِيَّةٌ *кўп.* اتٌ — 1) ипак рўмол (*уқол – қар.* عُقَالٌ *ёрдамида бошни бекитадиган*); 2) (*атрофига салла ўраладиган*) сўпи дўппи

كُوكْ *шунингдек.* فَحْمُ ~ кокс; مَصْنَعُ الـــ~ кокс заводи

كُوكَايِينٌ кокаин

كَوْكَبٌ *кўп.* كَوَاكِبُ 1) ёритқич, юлдуз; сайёра; الْكَوَاكِبُ الثَّابِتَةُ кўчмас юлдузлар; الْكَوَاكِبُ السَّيَّارَةُ сайёралар; نِظَامُ الْكَوَاكِبِ юлдузлар системаси; الـــ~ الْأَرْضِيُّ Ер; ~ الْمَسَاءِ (الصُّبْحِ) *астр.* Зуҳра (Венера); 2) оқ (*кўздаги*); 3) нур, ёғду; ~ الرَّوْضَةِ жаннатнинг нури; ~ الْأَرْضِ талк (*оқ ёки кўкиш рангли минерал*); ~ الشَّيْءِ нарсаларнинг энг каттаси

– كَوْكَبَةٌ *кўп.* اتٌ — 1) юлдуз; юлдузлар туркуми; 2) отряд, эскорт; бўлинма; *ҳарб.* эскадрон; ~ الْاسْتِشْرَاقِ шарқшунослар плеядаси

– كَوْكَبِيٌّ 1. 1) юлдузларга оид, кавкабий; ~ بَيْنَ юлдузлараро; 2) космополитик; 2. космополит

كُولْ ёқа; ~ قَلاَبَةٌ қайирма ёқа

كَوْلاَنٌ, كُولاَنٌ *бот.* 1) попишак; 2) қамиш

كُولْخُوزٌ *кўп.* اتٌ — колхоз

– كُولْخُوزِيٌّ 1. колхозга оид; 2. колхозчи

كُولِيسْتِرِينٌ холестерин

كَيْلُونٌ = كُولُونٌ

كُولُونِيَا *шунингдек.* ~ مَاءُ одеколон

كُولُونِيَالِيَّةٌ: الـــ~ колониализм; الـــ~ الْجَدِيدَةُ неоколониализм, янги колониализм

كُولُونِيلٌ *кўп.* اتٌ — полковник

كُولِيرَا холера (вабо, ўлат)

كُولِيسٌ *кўп.* كَوَالِيسُ кулиса (*саҳна орқаси*); ~ الـــ (وَرَاءَ) خَلْفَ саҳна орқасида; *кўч. м.* махфий, яширин

(كوم) II كَوَّمَ йиғмоқ, бир жойга тўп қилмоқ; бир-бирининг устига ташламоқ; тўплак қилиб йиғмоқ; V تَكَوَّمَ 1) тўп бўлиб йиғилмоқ, устма-уст бўлиб ташланмоқ; 2) ўралиб, жипсланиб, юмалоқ бўлиб тўпланмоқ

– كَوْمٌ *кўп.* أَكْوَامٌ тўп, тўппак; بَاعَ بِالـــ~ тўп-тўп қилиб сотмоқ

– كَوْمَةٌ, كُومَةٌ *кўп.* كُوَمٌ, أَكْوَامٌ, كِيمَانٌ тўп; ~ مِنْ جِلْدٍ وَ عَظْمٍ қоқ тери ва суяк

– كُوَيْمَةٌ кичикина тўппак

كُومْبِينَةٌ *кўп.* اتٌ — комбинат; ~ التَّعْدِينِ металлургия комбинати

كُومْسَارِيٌّ *кўп.* كُومْسَارِيَّةٌ кондуктор

كُومْسُومُولٌ: الـــ~ *тар.* комсомол

– كُومْسُومُولِيٌّ *тар.* 1. комсомолга оид; 2. комсомол аъзоси

كُومِسْيُونٌ (*сол.* قُومِسْيُونٌ), *кўп.* اتٌ — комиссия

كُومَانْدَانٌ *кўп.* اتٌ — комендант; қўмондон

كُومْنُولْثٌ: الـــ~ Британия ҳамдўстлиги

كُومُودٌ комод (*кийим-кечак турадиган яшикли жавон*)

– كُومُودِينُو кичкина комод, тумбочка

كُومُونَةٌ *кўп.* اتٌ — коммуна; ~ بَارِيسَ *тар.* Париж коммунаси

كُومِيدِيٌّ комедияга оид, комик, комедиявий

– كُومِيدِيَا комедия

كُومِينْتِرْنُ: الـــ~ Коминтерн, Коммунистик Интернационал

(كون) كَانَ (у) كَوْنٌ I 1) бўлмоқ, мавжуд бўлмоқ; (*к. дадир*) бор бўлмоқ (لِـــ); ~ أَيُّ مَنْ ким бўлса ҳам; كَمَا لَوْ ~ هُنَا гўё у бу ерда бўлгандай; ... مَنْ تَكُونُ أَنْتَ حَتَّى сен кимсанки, ..., сен қандай одамсанки, ...; وَ لْيَكُنْ بَعْدَ ذَلِكَ مَا يَكُونُ! бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар!; ~ أَصْبَحَ فِي خَبَرِ *қар.* خَبَرٌ; وَ ~ لَهُ مَا أَرَادَ у хоҳлаган нарсасини олди; وَ ~ مِنْ أَمْرِهِ مَا мана ундан нима келиб чиқди; *халқ.* бир бор экан, бир йўқ экан (*эртакларнинг анъанавий бошланмаси*); ... مَا يَكُونُ ...нинг бўлиши мумкин бўлган ҳолдаёқ; وَ هُوَ أَشَدُّ مَا يَكُونُ حَذَرًا у ғоят эҳтиёткор; هَذَا أَبْعَدُ مَا يَكُونُ عَنِ الصِّحَّةِ бу ҳақиқатдан жуда узоқ; وَ نَحْنُ أَحْوَجُ مَا يَكُونُ إِلَيْكَ бизнинг ҳаммадан ҳам сенга эҳтиёжимиз бор; لَمْ يَقَعْ فِي يَدِهِ كِتَابٌ قَطُّ إِلاَّ اسْتَوْفَى قِرَاءَتَهُ كَائِنًا مَا ~ унинг қўлига китоб тушган ҳамоноқ, унинг қандай бўлишидан қатъий назар, уни тўла ўқиб чиқарди; 2) бўлиб ўтмоқ; فَمَا ~ لَهُ إِلاَّ أَنْ جَلَسَ унинг ўтиришдан бошқа иложи қолмади; 3) *турли замонларни кўрсатишда ёрдамчи феъл вазифасини бажаради*: ~ يَكْتُبُ у (*олдин*) ёзарди (*давом феъли ўтган замон*); ~ كَتَبَ у ёзиб бўлганди (*узоқ ўтган замон*); ◊ يَكُونُ якун; II كَوَّنَ яратмоқ, ташкил қилмоқ; тузмоқ; V تَكَوَّنَ яралмоқ, ташкил қилинмоқ, тузилмоқ; пайдо бўлмоқ, юзага чиқмоқ, (*н. дандир*) иборат бўлмоқ (مِنْ); X اسْتَكَانَ (*к. гадир*) бўйсунмоқ, таслим бўлмоқ (لِـــ)

– اسْتِكَانَةٌ бўйсуниш, бўйсунганлик, ювошлик

– تَكَوُّنٌ пайдо бўлиш, шаклланиш

– تَكْوِينٌ 1) яратиш, ижод қилиш; 2) шакл; *шунингдек.* الـــ~ الْجُسْمَانِيُّ тан тузилиши; الـــ~ جَمِيلُ келишган, чиройли; ~ نَحِيفُ ~ جَمَلٍ орик; 3) *кўп.* اتٌ —, تَكَاوِينُ тузилиш, структура; الـــ~ *грам.* гап тузилиши (*структураси*); التَّكَاوِينُ الْجِيُولُوجِيَّةُ геологик структуралар; التَّكْوِينَاتُ الْجَبَلِيَّةُ тоғликлар, тоғлик жойлар; ◊ سِفْرُ الـــ~ *библ.* Борлиқ Китоби (*Мосейга нисбат бериладиган беш китобнинг биринчиси*)

– كَائِنٌ[1] мавжуд бўлган, бор бўлган; ~ مِنْ كَانَ ~ қандай (ким) бўлишига қарамай; ~ مَا كَانَ ~ нима бўлишидан қатъий назар

– كَائِنٌ[2] *кўп.* ~ اتٌ — борлиқ, хилқат; حَيٌّ ~ жонивор, жонли хилқат; الـ~ الْبَشَرِيُّ одамзот; *кўп.* ҳамма борлиқ, барча мавжудот, бутун олам

– كَوْنٌ 1) бор бўлиш, мавжуд бўлиш, мавжудлик; ҳолат; وَ لَنْ أُخْفِيَ عَلَيْكُمْ حَقِيقَةَ ~ِي عَسْكَرِيًّا ва мен сиздан ҳарбий киши эканлигимни яширмайман; 2) *кўп.* أَكْوَانٌ олам, коинот, космос; الـ~ космос; ◊ مَعَ ~ِهِ فَقِيرًا ، لِـ~ِهِ فَقِيرًا чунки у камбағал; у камбағал бўлишига қарамай, камбағал бўлса-да; يُحْظَى هَذَا الرَّجُلُ بِرِضَاءِ لِـ~ِهِ يُحَقِّقُ لَهُ أَهْدَافَهُ бу одам унинг меҳрини қозонган, чунки у унинг мақсадларини амалга ошириб юради

– كَوْنِيٌّ борлиққа, мавжудотга, коинотга оид; космик; الْأَشِعَّةُ الـ~ـةُ космик нурлар; رَائِدٌ ~ *ёки* طَيَّارٌ ~ космонавт, фазогир; الْأَرْقَامُ الـ~ـةُ ; فَضَاءٌ *қар.* الْفَضَاءُ الـ~ астрономик рақамлар (*ҳаддан ташқари катта рақамлар*)

– كِيَانٌ 1) бор бўлиш, мавжуд бўлиш; 2) таъб, табиат

– كَيْنُونَةٌ бор бўлиш, мавжуд бўлиш

– مَكَانٌ *кўп.* أَمْكِنَةٌ, أَمَاكِنُ 1) жой, ўрин, ер, макон; الْحَادِثِ ~ ҳодиса рўй берган жой; أَمَاكِنُ عُمُومِيَّةٌ жамоат жойлари; فِي كُلِّ ~ ҳамма жой (*ер*) да; ~ـهُ унинг ўрнига; قَامَ ~ـهُ кимнидир алмаштирмоқ; لَوْ كُنْتُ ~ـكَ ... агар мен сенинг ўрнингда бўлганимда, ...; ~ـكَ يَا ... тўхта!, кутиб тур!; 2) даража, аҳамият; إِنَّ هَذَا بِـ~ مِنَ الْغَرَابَةِ бу ғоят даражада ғаройиб (ажойиб, ғалати) 4; هَذَا الْعَمَلُ بِـ~ مِنَ الْأَهَمِّيَّةِ бу иш жуда аҳамиятли, муҳим; 3) минтақа; 4) тутган ўрин, вазифа; шаън, қадр-қиймат; هُوَ رَفِيعُ الـ~ юксак ўрин тутмоқда, у юксак вазифани эгаллаётир; 5) борилган жой, турилган жой, яшайдиган жой

– مَكَانَةٌ 1) жой, ўрин, макон; 2) эгаллаб турилган ўрин, мавқе; аҳамият

– مَكَانِيٌّ маҳаллий, локал

– مُكَوَّنٌ, مُتَكَوِّنٌ шакллантирилган, тузилган; (*бирор н. дан*) иборат бўлган (مِنْ)

– مُكَوِّنٌ 1) ижодкор, яратувчи; 2) *кўп.* ~ اتٌ — компонент, таркибий қисм, таркибий элемент, ингредиент

كُونْتٌ *кўп.* ~ اتٌ — граф

– كُونْتِسَةٌ *кўп.* ~ اتٌ — граф аёл, графиня

كُونْتَرَاتُو контракт, битим

كُونْسْتَابِلٌ *кўп.* ~ اتٌ — констебль, полиция амалдори

كُونْسِرْفَاتُوَارٌ консерватория

كُونْسِرْوَة консерва

كُونْسُولْتُو консилиум; مِنْ أَطِبَّاءَ ~ врачлар консилиуми

كُونْشِرْتُو концерт; ~ الْبِيَانُو وَ الْأُورْكِسْتِرَا фортепьиано ва оркестр учун концерт

كُونْصُولٌ *кўп.* ~ اتٌ — *архит.* консоль, кронштейн, тўсиннинг девордан чиқиб турган қисми

كُونْكُورْدَاتُو битим, шартнома (*бой бўлмаган қарздор билан қарз берувчи ўртасида тузилган*)

كُونْيَاكٌ коньяк (*спиртли ичимлик*)

كَوَّةٌ *кўп.* ~ اتٌ, كُوًى кичкина деразa; иллюминатор (*самолёт, кемалар ойнаси*); ~ فِي السَّقْفِ юқоридан тушадиган ёруғлик; люк; ~ حَرْبِيَّةٌ туйнук (*истеҳкомлардаги*)

I كَوَى (и) كَيٌّ 1) куйдирмоқ, ёндирмоқ; *мед.* ўткир дори суртиб куйдирмоқ; 2) (*куйдириб*) тамға босмоқ; 3) дазмолламоқ; 4) чақмоқ (*мас., ари ҳақида*); 5) еб ташламоқ (*мас., кислота ҳақида*); ◊ هَذَا ~ قَلْبَهُ бу унинг юрагини кемириб (еб) ташлади; VII انْكَوَى 1) куйдирилган бўлмоқ; 2) дазмолланган бўлмоқ; VIII اكْتَوَى 1) ўзини дори суртиб (*ёки б. йўл билан*) куйдирмоқ; ўзини куйдириб олмоқ; 2) куйиб қолмоқ; 3) дазмолланган бўлмоқ; ◊ ~ بِنَارِ الْغَلَاءِ қимматчиликдан азоб чекмоқ (қийналмоқ)

– كَاوٍ *мн.* كَاوِيَةٌ куйдирадиган, куйдирувчи; صُودَا كَاوِيَةٌ *қар.* صُودَا

– كَوَّاءٌ 1) дазмолловчи; 2) ғийбатчи

– كَوَّايَةٌ 1) дазмолловчи аёл; 2) ғийбатчи аёл

– كَوَّةٌ *кўп.* كِوَاءٌ деворнинг тешиги

– كَوْيٌ 1) куйдириш; 2) дазмоллаш

– كَيٌّ 1) дазмол босиш, дазмоллаш; 2) тамға; 3) куйдириш; حَجَرُ الـ~ ляпис, кумуш нитрати; оловда, чўғда куйдириш; آخِرُ الدَّوَاءِ ~ *қар.* مِكْوَاةٌ

– كَيَّةٌ 1) бир марталик куйдириш; 2) куйдириладиган жой

– مِكْوَاةٌ *кўп.* مِكْوَايَاتٌ, مَكَاوٍ 1) дазмол; الـ~ الْكَهْرَبَائِيَّةُ электр дазмол; 2) пекелен (*куйдириш учун суртиладиган нарса*); ~ الشَّعْرِ (*сочларни жингалак қилишда ишлатиладиган*) қисқичлар; ~ السَّمْكَرِيِّ *ёки* اللَّحَامِ паяльник (*кавшарлашда ишлатиладиган асбоб*); ◊ آخِرُ الدَّوَاءِ الـ~! энг сўнгги воситани синаб кўриш керак!

– مَكْوَجِيٌّ *кўп.* مَكْوَجِيَّةٌ дазмолловчи (*кир ювадиган корхонада*)

– مَكْوَى *халқ.* = مَكْوَة

– مَكْوَى *кўп.* مَكَاوٍ дазмол

– مَكْوِيٌّ 1) куйдирилган; 2) дазмолланган

كُوَيْرْتَه *халқ.* палуба

كَيْ учун. ...син деб; ~ ـــ ...иши учун; كَيْلَا ёки لِكَيْلَا ...масин учун. ...маслиги учун, ...масин деб; كَيْمَا ёки لِكَيْمَا ...син учун, .. син деб

(كيت) II كَيَّتَ (асбоб-ускунани) ҳозирламоқ, ростламоқ, созламоқ

– كَيْتَ ёки كَيْتَ وَ ~: ~ шундай-шундай; ундоқ-бундоқ

I (كيد) كَادَ (и) كَيْدٌ 1) алдамоқ, фириб бермоқ, панд бермоқ, доғда қолдирмоқ; 2) ёмон мақсад (ният) қилмоқ; (к. ғадир) макр-ҳийла тузоғини қўймоқ (لِـ); 3) жонга тегмоқ, асабни қўзғатмоқ; III كَايَدَ алдамоқ, панд бермоқ, доғда қолдирмоқ

– كَيْدٌ 1) кўп. كُيُودٌ ёлғон; макр-ҳийла; фириб; 2) жонга тегиш, асабни қўзғаш

– كَيْدِيٌّ маккор; دَعْوَى ~ـَـة юр. маккорона даъво (қонуний асоси бўлмаган, аммо қарши томонга ёмонлик қилиш мақсадидаги даъво)

– مَكِيدَةٌ кўп. مَكَائِدُ ёмон мақсад (ният) лар, макр-ҳийлалар; фирибгарликлар; фитна-фасодлар; دَبَّرَ الْمَكَائِدَ макр-ҳийлалар тузоғини қўймоқ

كَيْذُبَانٌ, كَيْذَبَانٌ қар. كذب

كِيرٌ кўп. أَكْيَارٌ темирчи босқони

كِيرُوسِين керосин

I (كيس) كَاسَ (и) كِيَاسَةٌ 1) зийрак (зеҳнли, айёр) бўлмоқ; 2) чиройли (келишган) бўлмоқ; II كَيَّسَ 1) чиройли (келишган, гўзал) қилмоқ; 2) (ҳаммомда) хизмигарлик қилмоқ; V تَكَيَّسَ хадми қилдирмоқ

– أَكْيَسُ 1) энг чиройли, энг гўзал, энг келишган; 2) зийракроқ, зеҳнлироқ

– كُوَيِّسٌ 1. ёқимли, ширингина, чиройлигина; 2. яхши, аъло

– كِيَاسَةٌ 1) зийраклик; зеҳнлилик, топқирлик; чаққонлик, айёрлик; 2) чирой, гўзаллик; келишганлик

– كِيسٌ мз. мн. кўп. أَكْيَاسٌ, كِيسَةٌ 1) халта, қопча; чўнтак; ~ الوِسَادَةِ (الْمِخَدَّةِ) ~ ёстиқ жилди; ~ التَّبْغِ тамакидон; ~ الدَّرَاهِمِ катмон; عَلَى ~ـِهِ а) ўз ҳисобидан; б) унинг ҳисобидан; 2) хадмигар қўлқопи (ҳаммомда); 3) шунингдек ~ الْخُصْيَتَيْنِ анат. мояк халтаси; ~ الْـ الأَمْنِيُونِيُّ анат. ҳомила пўсти (қопламаси); ~ الصَّفْرَاءِ сафро пуфаги; ~ الـ الكُرِيُونِيُّ уруғланган, тухумланган ташқи қобиғи; 4) мед. киста (сариқ сув олган шиш, ўсимта); ~ شَحْمِيٌّ ёғ бези, липома; 5) шунингдек ~ كَامِلٌ тар. жами 500 пиастр бўлган пул

– كَيِّسٌ 1) чаққон, топқир, айёр; 2) чиройли, гўзал; келишган

– كَيِّسٌ = مُكَيِّسٌ

– مُكَيِّسٌ хадмигар, ҳаммомчи

– مُكَيِّسَاتِيٌّ кўп. مُكَيِّسَاتِيَّةٌ хадмигар (ҳаммомдаги)

(كيع) I كَاعَ (у, а) كَيْعٌ = كَعَّ; II كَيَّعَ қийнамоқ, жондан безор қилмоқ

(كيف) II كَيَّفَ 1) (кўринишини) ўзгартирмоқ; (қандайдир бирор) шакл бермоқ; шакллантирмоқ; ишлов бермоқ; ~ الْهَوَاءَ ҳавони тозаламоқ (кондициялаштирмоқ); 2) (бирор н. га) мосламоқ (لِـ); ~ نَفْسَهُ (бирор н. га) ўзини мосламоқ, мосланмоқ, мослашмоқ; 3) роҳатлантирмоқ, хурсанд, шод қилмоқ; 4) маст, кайф қилмоқ (наркотик моддалар ҳақида); V تَكَيَّفَ 1) (кўриниши) ўзгарилмоқ; шаклланмоқ; ~ الْهَوَاءُ тозаланган, кондицияланган бўлмоқ (ҳаво ҳақида); 2) (бирор н. га) мосланмоқ (لِـ, مَعَ); 3) (н. дадир) ўзбошимчалик қилмоқ, (н. нидир) ўз билганича қилмоқ (فِي); 4) роҳатланмоқ, тинч ётиб роҳат-фароғат қилмоқ, кайф қилмоқ; 5) маст бўлмоқ (наркотик билан)

– تَكْيِيفٌ 1) кўринишни ўзгартириш, бирор шакл бериш; ~ صِنَاعَةِ الْمَعَادِنِ металлни қайта ишлаш саноати; 2) мослашиш, адаптация; جِهَازُ الْـ ~ الذَّاتِيُّ ёки جِهَازُ ~ الْهَوَاءِ الذَّاتِيُّ ҳавони кондициялайдиган автоматик қурилма (жиҳоз)

– كَيْفَ қандай?, қанқай қилиб?, ~ حَالُكَ? аҳволингиз қандай?, қандай яшаяпсан?, нечуксан?; ~ يَكْتُبُ يَعْرِفُ у қандай ёзишни билади; ~ يَهْتَمُّ بِالْـ قَبْلَ الْكَمِّ у энг аввало миқдор билан эмас, сифат билан қизиқади; ~ مِنْ حَيْثُ الْـ сифат нуқтаи назаридан; ~ مَسْأَلَةُ الْـ сифат масаласи; ... ~ـمَا қандай ...ганда ҳам; ~ـمَا كَانَ нима қилиб бўлса ҳам; нима бўлганда ҳам; ҳамма ҳолда ҳам; ~ـمَا عَالَجْنَا الْمَسْأَلَةَ نَرَى أَنَّ ... биз бу масалага қандай ёндошмайлик, кўрамизки, ...; ~ـمَا اتَّفَقَ қандай тўғри келса, ўнг келганича; қўл учида, наридан-бери

– [1]كَيْفٌ 1) фароғат, роҳат, кайф, кайфу сафо; роҳатланиш, қониқиш; ~ بَطْنٌ مَلْآنٌ تَمَامٌ халқ мтли. тўқ қорин-тўла фароғат; عَلَى ~كَ сенга ёққанидай бўлсин, сенингча бўлсин; ~ لَعِبَ عَلَى الْـ ўз хоҳишича ўйнамоқ (мас. футболчи ҳақида); 2) кўтаринки кайфият

– [2]كَيْفٌ кўп. كُيُوفٌ наркотик, банг; ◊ ~ ابْنُ наркотик модда истеъмол қилувчи, наркоман, банги, гиёҳванд

– كَيْفِيٌّ 1) ихтиёрий; ~ـَـة بِصُورَةٍ ихтиёрий сувратда; 2) сифатли; ~ تَحْلِيلٌ сифатли таҳлил, анализ

– كَيْفِيَّةٌ 1) равиш, усул; кўриниш, шакл; ~ بِـ غَرِيبَةٍ ғалати равишда (кўринишда); ~ بِـ سَاطِعَةٍ ёрқин; қойил мақом; ~ بِـ طَوْرِيَّةٍ вақти-вақти билан; 2) сифат; ишнинг ҳолати, аҳволи; ~ مَسْأَلَةُ الْعَمَلِ қандай ҳаракат (иш) қилиш ҳақидаги масала

– كَيِّفٌ билағон, уста, билимдон

– مُكَيِّفٌ 1) кўринишни ўзгартирувчи; ~ الْهَوَاءِ ёки ~ـَـةُ الْهَوَاءِ ҳавони кондицияловчи қурилма, кондиционер; 2) кайф қиладиган (қилдирадиган)

– مُكَيِّفَاتٌ кўп. наркотик моддалар; тетиклантирувчи воситалар (мас., кофеин, теин ва б. лар)

كَيْهَاكُ = كِيَاكُ

كَيْكَةٌ кўп. كَيَاكِي тухум

كِيكَةٌ бекинмачоқ (болалар ўйини)

I لَكَّ (а/у) لَكٌّ 1) урмоқ, муштламоқ; 2) гап сотиб ўтирмоқ; VIII الْتَكَّ қисилган бўлмоқ, жипс, сиқилиб ўтирмоқ; ◊ ~ فِي كَلَامِهِ гапда хато қилмоқ, янглишмоқ

– لَكٌّ[1] күп. لُكُوكٌ, أَلْكَاكٌ 1) юз минг (рупия); 2) ҳинд лаки (пул ҳақида)

– لَكٌّ[2] 1) қизил елим; 2) лак, лок (бўёқ)

– لَكَّةٌ[1] күп. ـَاتٌ — мушт тушириш

– لَكَّةٌ[2] күп. ـَاتٌ — қора доғ

I لَكَأَ (а) لَكْءٌ урмоқ, зарба бермоқ, муштламоқ; لَكِئَ (а) (қаердадир) қолмоқ, бўлмоқ (بِ); V تَلَكَّأَ секинаклик қилмоқ, шошмаслик

– لُكَأَةٌ секинак одам

لَكْتَاتٌ лактат, сут тузи

I لَكَزَ (у) لَكْزٌ 1) урмоқ, мушт билан урмоқ; (бирор н. билан) туртмоқ, урмоқ (بِ); ~ بِكُوعِهِ кимнидир тирсак билан туртмоқ; 2) кўкракка муштламоқ; V تَلَكَّزَ важ-корсон, баҳона қилмоқ, ўзини

оқламоқ, олиб қочмоқ

– لَكَّازٌ пона

– لُكَزٌ қизғанчиқ, хасис, зиқна

– لَكْزَةٌ *кўп.* لَكَزَاتٌ уриш, зарба, мушт

I لَكَعَ (у) *ёки* لَكِعَ (а) لَكَاعَةٌ, لَكَعٌ паст (тубан, аблаҳ) бўлмоқ; V تَلَكَّعَ секинлик қилмоқ, кечикиб қилмоқ

– لَكِيعٌ = لُكَعٌ *кўп.* لُكَعَاءُ *мн.* أَلْكَعُ

– لَكَاعَةٌ 1) секинаклик, шошмаслик; 2) тубанлик, пасткашлик, аблаҳлик

– لُكَعٌ[1] тубан, пасткаш; !~ يَا о, аблаҳ!, эҳ, пасткаш!

– لُكَعٌ[2] кичкина бола, болакай

– لَكِعٌ секинак

– لَكِيعٌ *кўп.* لُكَعَاءُ тубан, пасткаш, аблаҳ

لَكْلَكَ (*бирор н. ни*) қўл учида қилмоқ; *кўч. м.* эплаб-сеплаб овқат тайёрламоқ

– لَكْلَكَةٌ қўл учида қилинган иш, эплаб-сеплаб овқат тайёрлаш

I لَكَمَ (у) لَكْمٌ дўппосламоқ, урмоқ, мушт билан уриб дўппосламоқ; III لَاكَمَ мушт ишлатиб уришмоқ; бокс тушмоқ

– لُكَامٌ: الـ~ Шомдаги тоғнинг номи

– لَكْمَةٌ *кўп.* لَكَمَاتٌ мушт уриш

– لُكْمِيَّةٌ *кўп.* ـاتٌ 1) мушт; 2) мушт уриш

– مُلَاكِمٌ боксчи

– مُلَاكَمَةٌ муштлашиб уришиш; бокс

– مَلْكَمَةٌ *спорт.* пенчингбол, боксчи машқ қиладиган теридан ясалган тўп

– مِلْكَمَةٌ 1) боксчи қўлқопи; 2) кастет (*тўрт бармоқни ўтказиб ушламоқ учун тўртта тешиги бўлган ясси металл асбоб, муштлашиш қуроли*)

I لَكِنَ (а) لُكُونَةٌ, لَكَنٌ тутилиб-тутилиб гапирмоқ, минғилламоқ

– أَلْكَنُ *мн.* لُكْنٌ *кўп.* لُكَنَاءُ тутилиб-тутилиб гапирувчи

– لَكَنٌ *кўп* أَلْكَانٌ мис тоғора

– لٰكِنْ *ёки* لٰكِنَّ *ёки* لٰكِنَّمَا аммо, лекин, бироқ

– لُكْنَةٌ 1) тутилиб-тутилиб гапириш; 2) ёмон талаффуз; акцент (*ўзига хос талаффуз*)

لِكَيْ ...син учун, ... бўлсин учун; ~ـمَا син учун; ~ـلَا ...масин учун, ... бўлмасин учун لَمْ мади; ... لَمْ يَقُلْ у демади; ... ~ إِنْ агар маса, ...маганда; ~ مَا агар ... бўлмаганда, ҳозирча ...маганда; ... بَعْدُ ... ~ ҳозирча ...мади; ... ~ أَ *ёки* أَفَـ~ ... *ёки* ... ~ أَوَ ахир ...масмиди; إِلَّا ... ~ фақат ..., ... холос

لِمَ (*сўрашда*) *шунингдек* لِمَا нима учун?

I لَمَّ (а/у) لَمٌّ 1) топмоқ, йиғмоқ, бирлаштирмоқ; شَعْثَهُمْ ~ *ёки* ~ شَتَاتَهُمْ у уларни бир жойга тўплади; 2) йиғмоқ, йиғиштирмоқ (*мас. елкани*); 2) (*қаергадир*) келмоқ (بِ); بِدَارِ أَبِيهِ ~ у отасининг уйига келди; 4) *мажҳ.* оз-моз ақлдан озган бўлмоқ, жинни башара бўлмоқ; IV أَلَمَّ 1) келмоқ, босмоқ (*бало, офат ҳақида*); босмоқ (*қўрқув ҳақида*); (*к. гадир*) юқмоқ (*касаллик ҳақида* بِ); بِهِ مَرَضٌ ~ у касал бўлиб қолди, касалланди; 2) хабардор бўлмоқ; (*н. нидир*) яхши билмоқ, тушунмоқ (بِ); بِاللُّغَةِ الْعَرَبِيَّةِ ~ араб тилини яхши эгалламоқ, яхши билмоқ; 3) (*к. биландир*) боғланмоқ, учрашиб турмоқ (بِ); (*к. биландир*) алоқа қилмоқ (بِ); 4) (*қаергадир*) келмоқ (بِ); (*к. нидир*) кўргани келмоқ (بِ), (*к. никигадир*) ташриф буюрмоқ (عَلَى); (عَلَى الْأَقْرِبَاءِ) بِالْأَقْرِبَاءِ~ қариндошлариникига келмоқ; 5) (*н. нидир*) ўтказмоқ, ташкил қилмоқ (بِ); بِالْجَرِيمَةِ ~ жиноят қилмоқ; بِالذَّنْبِ ~ гуноҳ иш қилмоқ; 6) яқинлашмоқ, яқин қолмоқ; بِالْمَوْضُوعِ ~ мавзуни бир оз ёритмоқ, мавзуга бир оз тил тегизиб ўтмоқ; بِالطَّعَامِ ~ оз-моз таом емоқ; بِهِ لَمَمٌ ~ у бир оз ақлдан озиб қолди; يَعْمَلُ هٰذَا ~ у буни нақ бўлмаса қилиб қўяй деди; VIII اِلْتَمَّ 1) тўпланмоқ, йиғилмоқ, бирлашмоқ; 2) (*кўргани*) келмоқ, бормоқ

– إِلْمَامٌ билиш, танишиш; كَانَ عَلَى ~ بِـ (*бирор н. ни*) билиб турмоқ, хабардор бўлиб турмоқ; بِالْقِرَاءَةِ وَالْكِتَابَةِ ~ ёзиш ва ўқишни билмоқ, саводхон бўлмоқ

– لَامَّةٌ суқ, суқли кўз, тегадиган кўз, кинна

– لَمٌّ кўп нарсаларни тўплаш, жамлаш, ғамлаш

– لِمَامٌ: ~ـًا кам ҳолларда, баъзан, баъзи-баъзида, гоҳ-гоҳ, вақти-вақти билан

– لَمَّامٌ 1) бошоқ терувчи (йиғувчи), бошоқчи; 2) коллекционер; 3) *бот.* қора ялпиз

– لُمَامَةٌ қолдиқлар, қолган нарсалар

– لَمَمٌ 1) ақлдан бегона бўлиш, ақлдан озиш; ақли калталик; 2) унча катта бўлмаган, кичик гуноҳлар

– لَمَّةٌ *кўп.* لِمَمٌ, لِمَامٌ, ـاتٌ 1) йиғилган, тўпланган нарсалар, коллекция; 2) оломон, тўп-тўп одам; 3) *кўп.* ـاتٌ — *физ.* даста (*мас. протонлар дастаси*); 4) бало, офат, бахтсизлик; مِنَ الْجُنُونِ ~ асабнинг бузилиши, ақлдан озиш

– لِمَّةٌ *кўп.* لِمَمٌ, لِمَامٌ 1) бир тутам соч, кокил; 2) қулоқнинг юмшоқ жойигача ўсиб тушган соч; ◊ هُوَ يَزُورُنَا لِمَامًا у бизникига аҳён-аҳёндагина келади

– لُمَّةٌ 1) ҳамроҳлар, йўлдошлар; 2) компания, гуруҳ, тўп

– مَلَمٌّ эшкаклар

– مُلِمٌّ[1] (*н. нидир*) билувчи, (*н. нидир*) яхши эгаллаган, ўрганган (بِ)

– مُلِمٌّ[2] балоғатга етаётган; غُلَامٌ ~ балоғатга етай деган ўспирин

مُلِمَّةٌ *кўп.* ـَاتٌ — бало; офат; бахтсизлик;

– مُلَمْلَمٌ 1) тўпланган, йиғилган, чақирилган (*мажлис ҳақида*); 2) бир оз ақлдан озган; 3) қисилган (*оғиз ҳақида*)

لَمَّا *қар.* مَ ва لِمَ

لَمَّا[1] қачонки, ...ганда, ...ган вақтда, ...дан (...гандан) сўнг (*кейин*)

لَمَّا[2] ...мағунча, ... бўлмағунча, ҳозирча, ҳалигача; وَ ~ تَنْتَهِ التَّحْقِيقَاتُ терговг ҳозирча тугагани йўқ; ~ يَبْلُغِ الْحُلُمَ у ҳозирча вояга етгани йўқ; ~ يَبْلُغْ عِشْرِينَ عَامًا у ҳали йигирмаға етгани йўқ

لُمْبَاغُو *мед.* люмбаго, белоғриқ, бел санчиғи, беланги

لَمْبَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — лампа чироқ; ~ الْغَازِ газ чироғи; ~ الْكَهْرَبَائِيَّةُ электр лампочкаси

I لَمَجَ (у) لَمْجٌ оз-моз емоқ, еб олмоқ; V تَلَمَّجَ оз-моз овқат еб олмоқ, нафсни (ошқозонни) тинчлантириб турмоқ

– لُمْجَةٌ *кўп.* لُمَجٌ яхна овқат, егулик

I لَمَحَ (а) لَمْحٌ 1) қараб қўймоқ, назар ташламоқ, эътибор бермоқ, кўриб қўймоқ; 2) йилт этмоқ, йилтирамоқ; ~ فِى فِكْرِهِ أَنْ ... унинг миясига йилт этиб шундай фикр келдики, ...; II لَمَّحَ 1) ишорат қилмоқ, эътибор қилдирмоқ, (*бирор н. га*) эътиборини тортмоқ (إِلَى); 2) меҳр кўзи билан қарамоқ, кўз билан гаплашмоқ; III لَامَحَ (*к. гадир*) яширин, ер остидан, билинтирмай қарамоқ; IV أَلْمَحَ (*н. гадир*) эътибор қилдирмоқ, (*н. нидир*) кўрсатмоқ (إِلَى); 2) қараб қўймоқ, назар ташламоқ; VI تَلَامَحَ кўришмоқ, кўринадиган бўлмоқ; VIII اِلْتَمَحَ ялтилламоқ, ялтираб турмоқ

– تَلْمِيحٌ *кўп.* ـَاتٌ — имо-ишора, ишора; ~ ـًا имо-ишора қилиб, имо-ишора билан

لَمَّاحٌ ялтилловчи, ялтираб турувчи

– لَمْحٌ 1) назар, қараш; 2) он, вақт, пайт; ◊ فِى (مِثْلِ) ~ الْبَصَرِ ёки كَـ ~ الْبَصَرِ кўз очиб-юмгунча

– لَمْحَةٌ *кўп.* لَمَحَاتٌ 1) назар, қараш, 2) он, пайт, вақт; 3) (*юз*) тузилиши; ~ مِنْ أَبِيهِ فِيهِ у отасига ўхшайди; 4) *муз.* (*нотанинг*) ўн олтидан бир қисми; ◊ ~ الْبَرْقِ чақмоқ ялт-юлти

– مَلَامِحُ *кўп. шунингдек.* ~ الْوَجْهِ (*юз*) тузилиши, ифодаси; عَقَدَ ~ ـَهُ жиддий тусга кирмоқ, жиддийлашмоқ, қовоғини осмоқ; فِيهِ ~ مِنْ أَبِيهِ = فِيهِ لَمْحَةٌ مِنْ أَبِيهِ (*қар.* لَمْحَةٌ)

I لَمَزَ (у, и) لَمْزٌ бировнинг устидан кулмоқ, камчилик қидирмоқ, ёмонламоқ, ғийбат қилмоқ; ~ بِالْعَيْنِ кўз қисмоқ

– لَمَّازٌ бировнинг устидан кулувчи, ғийбат қилувчи

– لَمْزٌ 1) ғийбат, ёмонлаш; 2) айб, нуқсон

– لُمَزَةٌ туз, бирор фикр (гап)нинг тузи; махсус маъно берувчи нарса

لَمَّازٌ = لُمَزَةٌ

I لَمَسَ (у, и) لَمْسٌ 1) тегмоқ, қўл теккизмоқ, ушлаб кўрмоқ, ҳидлаб кўрмоқ, ҳис қилмоқ; ~ بِالْيَدِ у қўли билан ҳис қилмоқ; 2) кўрмоқ, эътибор бермоқ; 3) истамоқ, изламоқ; III لَامَسَ алоқадор бўлмоқ, алоқа қилмоқ; V تَلَمَّسَ пайпасламоқ, пайпаслаб кўрмоқ; истамоқ, изламоқ, истаб топмоқ; ~ عُذْرًا узр сўзларини пичирлаб айтмоқ; VI تَلَامَسَ 1) ўзаро тегиб, туташиб турмоқ, яқин бўлмоқ; VIII اِلْتَمَسَ 1) истамоқ, изламоқ; 2) илтимос қилмоқ, илтимоснома бермоқ

– اِلْتِمَاسٌ *кўп.* ـَاتٌ — илтимос; ~ إِعَادَةِ النَّظَرِ فِى الْحُكْمِ ёки دَعْوَى ~ الْ *юр.* (*суд ҳукмини қайта кўриб чиқиш учун*) берилган ариза, апелляция

– تَلَامُسٌ бир-бирига тегиб туриш, туташ бўлиш; алоқа, муомалада бўлиш; манфаатларнинг умумийлиги

– لَامِسٌ пайпаслагич, шуп (*автомобиллардаги моторда ёғ бор ёки йўқлигини билиш учун ишлатиладиган асбоб*)

– لَمْسٌ 1) тегизиш, тегизиб туриш; 2) сезиш, ҳис қилиш; حَاسَّةُ ~ الْ сезиш ҳисси

– لَمْسَةٌ *кўп.* لَمَسَاتٌ 1) бир марта тегиш, тегизиш, тегиб кетиш; 2) чизиқ, ингичка чизиқ; 3) *мaж.* бир оз, кўп бўлмаган нарса; السَّمَاءُ صَافِيَةٌ لَيْسَتْ فِيهَا ~ مِنْ سَحَابٍ осмон беғубор, унда битта ҳам булут йўқ

– لَمْسِيٌّ сезадиган, сезиш учун хизмат қиладиган

– لَمِيسٌ нозик, назокатли, юмшоққўнгил

– مُلَامَسَةٌ тегиш, алоқа-муносабатда бўлиш; بَيْعُ ~ الْ «товарни ушлаб кўрдингми-сотиб олишинг керак" қабилидаги олди-сотди

– مُلْتَمَسٌ *кўп.* ـَاتٌ — илтимос, ариза; *юр.* апелляциянинг мазмуни

– مُلْتَمِسٌ илтимоснома ёзувчи; *юр.* апелляция берувчи

– مَلْمَسٌ[1] 1) тегиш, тегиб туриш; نَاعِمُ ~ الْ юмшоқ, нозик (*пайпаслагандаги*); 2) тегиб турган жой, контакт; 3) клавиш

– مَلْمَسٌ[2] *кўп.* مَلَامِسُ *зоол.* пайпаслағич, мўйлов

– مَلْمَسِيٌّ ҳис қиладиган, сезадиган

– مَلْمُوسٌ 1) сезиладиган, ҳис қилинадиган, пайпаслаганда қўлга илинадиган; 2) аниқ, конкрет

– مَلْمُوسَاتٌ *кўп.* предметлар, нарсалар; *физ.* жисм

– مَلْمُوسِيَّةٌ аниқлик, конкретлик

I لَمَصَ (у) لَمْصٌ (*к. гадир*) юз буриштирмоқ (عَلَى)

I لَمَظَ (и) لَمْظٌ мазза қилиб тотмоқ, тилда яламоқ, яланмоқ; V تَلَمَّظَ 1) мазза қилмоқ; 2) (*бирор к. ҳақида*) ёмон фикр билдирмоқ,

бемаъни гап қилмоқ (بِذِكْرِهِ)

– لُمْظَةٌ отнинг пастки лабидаги оқ ранг

I لَمَعَ (а) لَمْعٌ, لَمَعَانٌ 1) ярқламоқ, ялтилламоқ; нур сочмоқ; 2) (н. нидир) силкитмоқ, силтамоқ (بِ); ~ بِيَدِهِ кўп силтамоқ, қўлни қилич-қилич қилмоқ; 3) (бирор н. ни) олиб кетмоқ (بِ); II لَمَّعَ 1) тозаламоқ, жилоламоқ, ялтиллатиб тозаламоқ; силлиқламоқ, жилвирламоқ; ~ الْحِذَاءَ оёқ кийимини ялтиллатиб тозаламоқ; 2) доғ қилмоқ; турли рангга бўямоқ; ~ الأَظْفَارَ بِالأَصْبَاغِ тирноқларни бўямоқ; ~ الْكِتَابَ китобни турли рангдаги расмлар билан безамоқ; IV أَلْمَعَ (киноя, имо-ишоралар билан) билдирмоқ, сездирмоқ; (н. нидир) имо-ишора қилмоқ (عَنْ، إِلَى); ~ بِكَلِمَةٍ إِلَى ...га сўз билан имо-ишора қилмоқ; ~ بِيَدِهِ қўлни қимирлатиб, қилич- қилич қилиб гапирмоқ; V تَلَمَّعَ ялтилламоқ, ялтирамоқ, нур таратмоқ; 2) хол-хол бўлмоқ, ола-була бўлмоқ, турли рангга бўялган бўлмоқ; VIII اِلْتَمَعَ ярқирамоқ, ялтилламоқ

– إِلْمَاعَةٌ кўрсатма, имо-ишора

– أَلْمَعُ фаросатли, фаҳмли, нозик ақл эгаси

– أَلْمَعِيٌّ 1) фаросатли, фаҳмли; 2) ёрқин

– أَلْمَعِيَّةٌ фаросатлилик, ўткир зеҳнлилик

– لَامِعٌ ялтироқ, нур сочиб турувчи

– لَامِعَةٌ 1) ялтираш, нур сочиш; 2) *анат.* лиқилдоқ, тепабош (*чақалоқ боши тепасидаги қотмаган жой*)

– لَمَّاعٌ ялтироқ, нур сочиб турувчи; жило берилган; локланган; ~ جِلْدٌ локланган тери

– لَمْعٌ, لَمَعَانٌ 1) ялтираш, нурланиш, нур сочиб туриш; жило

– لَمْعَةٌ *кўп.* لَمَعَاتٌ 1) ялтираш, ярақлаш, нур сочиш, аланга олиш; 2) ялтироқлик, жило; 3) обзор (*қисқача умумлаштирувчи маълумот*); очерк

– لُمْعَةٌ *кўп.* لُمَعٌ 1) ялт этиб кўринган ёруғлик, нур; 2) *маж.* (*бирор н. нинг*) оз миқдори, томчи

– لَمْعِيَّةٌ ярақлаш, шуъла, ярақлаб турган тозалик

– لَمِيعٌ ярақлаган, ярқираб турган, нур сочиб турган, жило бериб турган

– مُلَمَّعٌ 1) ҳар хил рангда бўялган; 2) терисининг айрим қисми бошқа қисмларнинг рангидан фарқ қиладиган от

لِمْفَاوِيٌّ лимфатик (*касалманд, бўшашган одам*)

لَمْلَمَ термоқ, териб олмоқ; ~ غَضَبَهُ ғазабни тўхтатмоқ

أَلَمْلَمُ *ёки* يَلَمْلَمُ ямонликлар учун миқот (*қар.* مِيقَاتٌ) ҳисобланган жой

– لَمْلَمَةٌ териш, териб олиш

– مُلَمْلَمٌ терилган, териб олинган; қисқа, сиқиқ (*услуб, стил ҳақида*) ~ صَخْرَةٌ қаттиқ думалоқ тош

– مُلَمْلَمَةٌ *кўп.* ~اتٌ — фил хартуми

لَيْمُونٌ = لَمُونٌ

I لَمِيَ (*и*) لَمًى *ёки* لَمِيَ (а) لَمًى лаби қораймоқ, лабида қора доғ бўлмоқ (*арабларда бу яхши хусусият ҳисобланади*)

– أَلْمَى *мн.* لَمْيَاءُ *кўп.* لُمْيٌ лаби қора, лабида қора доғи бор; رَجُلٌ ~ лабида қора доғи бор одам

– لِمَةٌ тенгдош, тенг; لِيَتَزَوَّجِ الرَّجُلُ ~تَهُ *ҳад.* ҳар бир эр тенгига уйлансин

– لَمًى лабдаги қора ранг *ёки* қора доғ

لَنْ ҳеч қачон, ҳеч маҳал; ~ يَنْجَحَ الْكَسْلَانُ *мтл.* дангаса ҳеч қачон муваффақиятга эришаолмайди

لَنْج ~ جَدِيدٌ мутлақо янги, ҳозиргина тикилган

لَنْش *кўп.* ~اتٌ — катер, моторли қайиқ; ~ الصَّوَارِيخِ ракетаносец, ракета билан қуролланган кема; ~ الطُّورْبِيدُو миноносец, мина отувчи қуролли кема

لِينْشَاج линчлаш (*АҚШда мутаассиблар томонидан негрларни жазолаш*)

أَللِّينِينِزْم *шунингдек* تَعَالِيمُ لِينِين ленинизм, Ленин таълимоти

– لِينِينِيٌّ Ленинча; الـ~ـيَّةُ ленинизм

I لَهِبَ (а) لَهَبٌ 1) ёнмоқ, алангаланмоқ; 2) (*истак ўтида*) ёнмоқ, қаттиқ орзу қилмоқ; II لَهَّبَ ёндирмоқ, аланга олдирмоқ, алангалатмоқ; ~ ظَهْرَ الْجَمَلِ بِسَوْطٍ туяни қаттиқ қамчиламоқ; أَلْهَبُ بَدَنَكَ! мен сени калтаклайман!; IV أَلْهَبَ ёндирмоқ, алангалатмоқ; ~ دِمَاغَهُ بِالرَّصَاصِ ўз пешонасидан отиб ташламоқ; ~ ظَهْرَ الْجَوَادِ بِسَوْطٍ отни қамчиламоқ, қамчи билан саваламоқ; V تَلَهَّبَ ёнмоқ, алангаланмоқ; ~ جُوعًا أَوْ عَطَشًا очлик *ёки* чанқоқлик азобини чекмоқ; ~ غَيْظًا ғазабланмоқ, дарғазаб бўлмоқ, ғазаб ўтида ёнмоқ; VIII اِلْتَهَبَ 1) ёниб кетмоқ, алангаланиб кетмоқ; 2) (*истак ўтида*) ёнмоқ

– اِلْتِهَابٌ 1) алангаланиш, аланга олиш; قَابِلُ الـ~ аланга олувчи, ёниб кетадиган; 2) *мед.* шамоллаш; ~ الأَدَمَةِ дерматит, тери шамоллаши; ~ الأُذُنِ отит, қулоқ шамоллаши; ~ الأَمْعَاءِ энтероколит; ~ بِطَانَةِ الْقَلْبِ эндокардит; ~ التَّامُورِ перикардит; ~ الْجُفُونِ الْمُلْتَحِمَةِ конъюктивит; ~ الدِّمَاغِ энцефалит; ~ الرِّئَتَيْنِ ўпка шамоллаши; ~ الزَّائِدَةِ الدُّودِيَّةِ аппендицит; ~ الشُّعَبِ бронхит; ~ الْعَصَبِ неврит; ~ الْكُلَى нефрит; ~ اللَّوْزَتَيْنِ бодомсимон безларнинг шамоллаши; ~ الْمَعِدَةِ гастрит

– اِلْتِهَابِيٌّ шамоллашга оид

– إِلْهَابٌ алангаланиш, ўт олиш

– لَاهِبٌ 1) ёнаётган, алангаланаётган; 2) алангали; أَشِعَّةُ الشَّمْسِ

الـ~ـــة قуёшнинг куйдирувчи нурлари

– لُهَاب 1) аланга, чўғ; 2) қаттиқ ташналик

– لَهَب 1) аланга, чўғ; ~ الـ حُرُوق куйган жойлар (*мас. бадандаги*); ~ الـ قَاذِفَة огнемёт (*ўт пуркочи замбарак*); أَبُو ~ зоол фламинго, қизил ғоз

– لَهَبَان = لُهَاب

– لَهْبَان *мн.* لَهْبَى *кўп.* لِهَاب ташналик азобини тортаётган

– لَهْبَة аланга

– لَهِيب аланга, ўт

– مُلْتَهِب 1) ёнаётган, алангаланаётган; ~ الـ قُطْن пироксилин (*портловчи модда*); 2) алангали, қизғин (*туйғу ҳақида*)

– مُلْهِبَات *кўп.* баданни уйғотувчи дори-дармонлар

لَاهُوت *алиф. б. қар.*

(لهث) I لَهَثَ (а) لَهْث 1) тез-тез, оғир нафас олмоқ, қийинчилик билан нафас олмоқ, бўғилмоқ, ҳансирамоқ (*мас, югурганда*); тилни осилтирмоқ (*мас, ит ҳақида*); لَهِثَ (а) لَهَاث, لُهَاث, لَهْث чанқамоқ, ташна бўлмоқ

– لَاهِث нафаси бўғилаётган, ҳансираётган; اِسْتَمَعَ إِلَى ... ~ بِقَلْب бирор нарсани нафас олмай тингламоқ

– لُهَاث тез-тез, қийналиб олинган нафас; قَاسَى ~ الْمَوْت ўлим олди азобларини тортмоқ

– لَهْثَان *мн.* 1) لَهْثَى = لَاهِث; 2) чанқоқ, ташна

I لَهِجَ (а) لَهَج 1) қайсарлик қилмоқ, (*хатосида*) қатъий турмоқ (ب); 2) (*н. нидир*) одатда қилмоқ (ب); (*н. ғадир*) берилмоқ, (*н. ғадир*) қизиқмоқ (ب) 3) (*н. нидир*) доим айтиб, ғапириб юрмоқ, (*н. нидир*) жаврайвермоқ (ب); ~ بِذِكْرِهِ нима ҳақдадир ҳамма вақт ғапиравермоқ; ~ بِالثَّنَاءِ عَلَيْهِ кимгадир мадҳу сано ўқимоқ; ~ بِشُكْرِهِ мўл-кўл ташаккур айтмоқ; لَهِجَتْ أَلْسِنَةٌ بِأَنَّ ... *маж.* ҳамма шу ҳақда ғапираяптики, ...; 4) (*к. ғадир*) ёлғон ғапирмоқ, (*к. нидир*) алдамоқ (عَلَى) IV أَلْهَجَ ғапиришга мажбур қилмоқ, ғапиртирмоқ; XI اِلْهَاجّ ачиб қолмоқ (*мас. сут ҳақида*)

– لَهْجَاوِيَّة *кўп.* لَهْجَاوِيّ ёлғончи, мақтанчоқ

– لَهْجَة кўп لَهَجَات 1) тил учи; 2) она тили; лаҳжа; шева; диалект; عِلْمُ اللَّهَجَاتِ диалектология, тилшуносликнинг шеваларни ўрганувчи бўлими; 3) оҳанг, акцент, талаффуз; قَالَ ~ بِـ مِلْؤُهَا الْجِدُّ ... у жуда жиддий ғапирди; قَالَ بِـ~ الْآمِرِ у буйруқ оҳангида ғапирди

– لَهَجَة = لَهْجَة

– لُهْنَة олдин еб олинадиган озгина овқат

I لَهَدَ (а) لَهْد 1) зўрға нафас олмоқ, тез-тез (оғир) нафас олмоқ, ҳансирамоқ (*югурганда*); 2) чарчатмоқ, ҳолдан кетказмоқ

لَهْذَم яхши кесадиган, ўткир

لَهْذَمَ кесмоқ, қирқмоқ

I لَهَزَ (и) لَهْز урмоқ, итармоқ, сурмоқ

I لَهَطَ (а) لَهْط 1) тарсаки солмоқ, шапалоқламоқ; 2) ютоқиб, очкўзлик билан емоқ, тез ютмоқ

(لهف) I لَهِفَ (а) لَهَف (*н. нидир деб*) оҳ тортмоқ, хўрсинмоқ (عَلَى); (*н. дир*) соғинмоқ (عَلَى); (*н. нидир деб*) ғам чекмоқ, алам тортмоқ (عَلَى) (*н. дандир*) хафа бўлмоқ (عَلَى); لَهَفَ (а) қўлга олмоқ, олиб кетмоқ; II لَهَّفَ кучли истак пайдо қилмоқ; V تَلَهَّفَ 1) (*к. нидир, н. нидир деб*) оҳ тортмоқ, хўрсинмоқ (عَلَى); 2) (*н. дир*) қаттиқ истамоқ, хоҳламоқ (عَلَى); (*н. нидир қўлга киритиш*) орзусида ёнмоқ (إِلَى, عَلَى); 3) (*н. дандир*) ғам чекмоқ, изтиробга тушмоқ (عَلَى); 4) (*н. нидир деб*) ҳаяжонланмоқ, ташвишланмоқ (عَلَى)

– تَلَهُّف оловли истак; بِـ~ жуда бетоқатлик билан

– لَاهِف ғам чекаётган, алам тортаётган, изтиробдаги, афсусланаётган

– لَهْف ғам, алам; يَا ~ـاهُ ёки يَا ~ي ёки يَا ~ афсус, э, афсус

– لَهْفَان *мн.* لَهْفَى *кўп.* لُهُف 1) ғамли, аламли; 2) қаттиқ афсусланадиган; 3) бетоқат, чидамсиз, қаттиқ интизорлик тортаётган; 4) ҳайратга тушган, ҳайрон қолган, ҳайратланувчи

– لَهْفَة 1) ғайрат, иштиёқ; 2) интилиш; 3) бетоқатлик; بِـ~ бетоқатлик билан; 4) ташвиш, изтироб, ҳаяжон; соғинч

– لَهِيف 1) бетоқат, чидамсиз; 2) ғамгин

– مَلْهُوف 1) соғинаётган, изтироб (алам) чекаётган; фалокат остида қолган; 2) бетоқат, чидамсиз, қаттиқ интизорлик тортаётган

I لَهِقَ (а) لَهَق бўздек оқ бўлмоқ

– لَهِق бўздек оқ

لَهْلَبَ ёқмоқ, ёндирмоқ, алангалатмоқ; ◊ ~ـهُ بِعَلْقَة кимнингдир адабини бермоқ

– لَهْلَبَة ёниб кетиш, алангаланиш

– لَهْلُوبَة аланга

لَهْلَقَ тилни чиқармоқ (*чанқоқликдан*)

I لَهِمَ (а) لَهْم емоқ, ютмоқ, еб қўймоқ; истеъмол қилмоқ; IV أَلْهَمَ 1) илҳом бермоқ; 2) юттирмоқ; V تَلَهَّمَ ютиб юбормоқ, ютмоқ; VIII اِلْتَهَمَ емоқ, ютмоқ, еб қўймоқ; йўқ қилмоқ (*олов ҳақида*); X اِسْتَلْهَمَ 1) илҳом қидирмоқ; илҳом олмоқ, илҳомланмоқ; 2) (*н. дандир*) олмоқ (مِنْ); ~ الْعِبَرَ وَالدُّرُوسَ (*н. дандир*) сабоқ олмоқ (مِنْ); ~ اللّٰهَ الصَّبْرَ Оллоҳдан сабр беришни сўрамоқ

– إِلْهَام (*осмондан келган*) таъсир, илҳом

– لَهِم, لَهُوم овқатхўр, хўра, қизғончиқ

– مُلْهَم илҳомланган, илҳом олган

لَقَنْدُ (сайёҳ олиб келган) қанд

I (لهو) لَهَا (у) لَهْوٌ 1) (н. биландир) ўйнамоқ, овунмоқ, дилхушлик қилмоқ, кўнгил очмоқ (بِ); 2) (н. нидир) севмоқ, яхши кўрмоқ; (н. гадир) қизиқмоқ, кўнгил бермоқ (بِ); لَهِيَ (а) لَهًا 1) (к. гадир, н. гадир) беэътибор бўлмоқ, диққат қилмаслик; (к. гадир, н. гадир) эътиборсизлик қилмоқ (عَنْ); 2) (н. нидир) севмоқ, яхши кўрмоқ; (н. биландир) қизиқмоқ (بِ); III لاَهَى (н. нидир) қизиқтирмоқ, банд қилмоқ; 2) яқинлашмоқ; IV أَلْهَى (н. биландир) дилхушлик қилмоқ, қизиқмоқ, банд қилмоқ (بِ); (н. дандир) эътиборни четга тортмоқ (عَنْ); V تَلَهَّى (н. биландир) дилхушлик қилмоқ, кўнгил очмоқ, овунмоқ (بِ); (н. дандир) ўз эътиборини четга тортмоқ (عَنْ); VI تَلاَهَى (н. биландир) дилхушлик қилмоқ, кўнгил очмоқ (بِ); VIII الْتَهَى (н. биландир) ўйнамоқ, банд бўлмоқ; кўнгил очмоқ, дилхушлик қилмоқ

– إِلْهَاءٌ (н. биландир) банд қилиш (بِ); (н. биландир) эътиборни четга тортиш (عَنْ); (н. гадир) зимдан қаршилик кўрсатиш, қаршилик қилиш, путур етказиш (عَنْ) عَمَلِيَّاتُ الـ~ четга тортиш, дилхиралик қилиш, путур етказиш учун қилинган ҳаракатлар, ишлар; зимдан қаршилик қилиш, путур етказиш

– إِلْهَائِيٌّ четга тортувчи; четга тортадиган; الْعَمَلُ الـ~ саботаж, зимдан қилинган қаршилик, қаршилик, путур етказиш

– أُلْهُوَّةٌ, أُلْهِيَّةٌ овунчоқ, дилхушлик, кўнгил очиш; ўйинчоқ

– تَلْهِيَةٌ овунчоқ, дилхушлик, кўнгил очиш

– لاَهٍ мн. لاَهِيَةٌ эътибор қилмайдиган; беэътибор, қўл учида, юзаки иш қиладиган

– لَهَاةٌ кўп. لَهَوَاتٌ, لَهَيَاتٌ, لَهًا, لَهَاءٌ анат. кичик тил, тилча

– لَهْوٌ дилхушлик, хурсандчилик, овуниш; ўйин; أَمَاكِنُ الـ~ дилхушлик қиладиган, кўнгил очадиган жойлар; آلاَتُ الـ~ мусиқа асбоблари

– لُهْوَةٌ, لَهْوَةٌ кўп. لُهًا, لُهًى 1) қимматбаҳо совға; 2) ҳовуч

– لَهَوِيٌّ 1) анат. кичик тил (тилча) га оид; 2) лингв. тилга оид, увуляр (юмшоқ танглай ва кичик тил иштирокида талаффуз қилинадиган товуш)

– مُلْهٍ мн. مُلْهِيَةٌ кўнгил очадиган; хурсандлик берадиган; дилхуш қиладиган, қизиқ, ғалати

– مَلْهًى кўп. مَلاَهٍ 1) дилхушлик, кўнгил очиш; роҳат, фароғат; 2) кўнгил очиладиган, дилхушлик қиладиган жой; 3) театр

– مَلْهًى кўп. مَلاَهٍ 1) ўйинчоқ, овунчоқ, кўнгил очиш; 2) мусиқа асбоби; آلاَتُ الْمَلاَهِي мусиқа асбоблари

– مَلْهَاةٌ 1) кулги қистатадиган нарса; 2) кўп. مَلاَهٍ адаб. комедия

– مِلْهَاةٌ ўйинчоқ, овунчоқ

– مُلْهِيَاتٌ кўп. кўнгилочар нарсалар

لَهْوَجَ шошмоқ, шошилмоқ; тез, қўл учида қилмоқ

– لَهْوَجَةٌ 1) шошқалоқлик, шошма-шошарлик; 2) шошқалоқлик билан, қўл учида қилинган иш

لَهْوَقَ тилёғламалик (лаганбардорлик) қилмоқ

لَوْ агар, агарда ... لَمْ ~ агар ...маганда; وَ ~ лоақал ...ганда ҳам; гарчи ...са-да; ... أَنَّهُ ~ وَ агар у фақат ...ганда; كَمَا ~ أَنَّ ... гўё, гўёки; ...га ўхшаш, ...сингари, ... каби; وَ إِنِّي لَأَذْكُرُ ذَلِكَ الْيَوْمَ كَمَا ~ أَنَّهُ حَدَثَ الْبَارِحَةَ мен у кунни худди кеча бўлган каби эслайман; لَوْلاَهُ (لاَيَ) لـ.... агар у (мен) бўлмаганда эди, у ҳолда ...

I (لوب) لاَبَ (у) لَوْبٌ 1) чанқамоқ, ташна бўлмоқ; 2) ташналик азобини чекиб кезиб юрмоқ; 2) айланмоқ, тентирамоқ

– لُوبَةٌ, لاَبَةٌ 1) тошли, шағалли тупроқ (ер); 2) лава (вулқонлардан отилиб чиқадиган суюқ чўғ модда); لاَبَتَا الْمَدِينَةِ Мадинаи мунавварани ўраб турган икки тошлоқ жой

– مَلاَبٌ ёқимли бўй, ҳид

– لُوبِيٌّ қора, қора рангли

لُوبِيَةٌ لُوبِيَا ловия

I (لوت) لاَتَ бўлмаслик, йўқ бўлмоқ, эга бўлмаслик; ~ حِينَ مَنَاصٍ кеч бўлди!, вақт ўтиб кетди!

لُوتَارِيَّةٌ лотерея

I (لوث) لَوِثَ (а) لَوَثٌ (бирор н. да) секинаклик кўрсатмоқ (فِي); لاَثَ (у) لَوْثٌ (н. биландир) ифлос қилмоқ (بِ) II لَوَّثَ 1) (н. биландир) доғ қилмоқ, ифлос қилмоқ, кир қилмоқ (بِ); 2) қораламоқ; ~ الْعِمَامَةَ عَلَى رَأْسِهِ бошга салла ўрамоқ; V تَلَوَّثَ ифлосланмоқ, кирланмоқ, доғ бўлмоқ; VIII الْتَاثَ 1) аралаш-қуралаш бўлиб кетмоқ, ноаниқ (тушунарсиз) бўлиб қолмоқ; ~ عَلَيْهِ الْأَمْرُ бу иш унга ноаниқ туюлди; 2) қоронғилашмоқ, ноаниқ бўлиб қолмоқ

– تَلَوُّثٌ ифлосланиш, кирланиш; ~ الْجَوِّ(الْهَوَاءِ) атмосферанинг (ҳавонинг) ифлосланиши; ~ مِيَاهِ الْبَحْرِ денгиз сувининг ифлосланиши

– لَوْثٌ кўп. أَلْوَاثٌ лой, ифлос нарса, кир

– لَوْثَةٌ ифлос доғ

– لُوثَةٌ бўшанглик, кучсизлик, дармонсизлик; ◊ ~ عِنْدَهُ бир қайнови ичида, ақли пастроқ, довдирроқ, ақли кирди-чиқди

– مُلْتَاثٌ 1) аралаш-қуралаш, ноаниқ, мужмал; 2) ақлдан озган, айниб қолган; ~ الْعَقْلِ ақлдан озган, мияси айниб қолган

لُوجٌ кўп. أَلْوَاجٌ, ـاتٌ — театр. ложа (ҳурмат-эътиборли кишилар, меҳмонлар ўтирадиган жой); ~ مَاسُونِيٌّ масон ложаси (айрим мамлакатлардаги сиёсий-диний ташкилот)

I (لوح) لاَحَ (у) لَوْحٌ туюлмоқ, сезилмоқ; ... يَلُوحُ لِي أَنْ менга

шундай туюляптики, ...: عَلَى مَا يَلُوحُ кўринишича, сезишимча; 2) (қаердадир) кўринадиган бўлмоқ, кўринмоқ, пайдо бўлмоқ (عَلَى); бошланмоқ (тонг ҳақида); 3) ярақламоқ, ялтилламоқ; 4) (терини) қорайтирмоқ (қуёш ҳақида); II لَوَّحَ 1) (н. нидир) силкитмоқ, қоқмоқ (بِ ёки туш. к.); 2) (к. гадир) имо-ишора қилмоқ, фаҳмламоқ, сигнал бермоқ (إِلَى); 3) (терини) куйдирмоқ, қорайтирмоқ (қуёш ҳақида); ~ـهُ بِالنَّارِ бирор нарсани қовурмоқ; 4) (хона остига) тахта қоқмоқ; ◊ ~ الشَّيْبُ رَأْسَهُ унинг бошини оқ сочлар қоплади; IV أَلَاحَ 1) силкитмоқ, қоқмоқ; 2) кўринмоқ, пайдо бўлмоқ; 3) ялтирамоқ, ярақламоқ, чақнамоқ

– تَلْوِيحٌ силкитиш, қоқиш; сигнал бериш

– تَلْوِيحَةٌ кўп. ـَاتٌ — эслатма, (ҳошиядаги) қисқача белгилар

– لَائِحٌ 1) аниқ, очиқ, кўриниб турган; 2) ёқимли

– لَائِحَةٌ кўп. لَوَائِحُ 1) (ёзувли) карточка; рўйхат, таблица; ~ الْأَطْعِمَةِ меню, таомлар рўйхати; الـ~ السَّوْدَاءُ қора рўйхат; 2) устав, тартиб, қоида; режа, лойиҳа; программа, барномаж; жадвал; инструкция, йўл-йўриқ; мажбурий қарор, топшириқ, кўрсатма; الـ~ الدَّاخِلِيَّةُ ички тартиблар қоидалари; ~ الْمُحَامَاةِ адвокатура устави; ~ الْقَانُونِ қонун лойиҳаси; 3) зоҳирлик, кўриниш, ташқи кўриниш; لَوَائِحُ التَّعَبِ чарчоқликнинг ташқи белгилари

– لَوْحٌ кўп. أَلْوَاحٌ 1) лавҳа, доска; плита, тахта; ~ الِاتِّسَاعِ (столнинг) жиладиган тахтаси; الـ~ الْحَجَرِيُّ ёки ~ الْأَرْدُوَازِ тошқалам доскаси; ~ الشِّطْرَنْجِ шахмат тахтаси; ~ الْكِتَابَةِ синф доскаси; الـ~ الْأَسْوَدُ (синфдаги) қора доска حَدِيدُ ~ тахталанган темир; 2) (муз) бўлаги; 3) шунингдек ~ الِاسْمِ (эшик устига исм-фамилия ва касбни кўрсатиб ёзиб қўйилган) табличка, тахтача; 4) фото. пластинка; 5) (дераза) ойнаси; 6) транспарант, плакат; 7) анат. курак; ◊ رَجُلٌ ~ халқ. аҳмоқ, нодон

– لُوحٌ атмосфера

– لَوْحَةٌ кўп. ـَاتٌ, أَلْوَاحٌ — 1) тахта; шит; ~ التَّوْزِيعِ эл. тақсимловчи шит; ~ الْمُرَاقَبَةِ эл. контрол қилувчи шит; ~ الْإِعْلَانَاتِ эълонлар тахтаси; ~ الْأَلْوَانِ расм чизиш учун бўёқ қориладиган тахтача; ~ الرَّسْمِ чертёж (чизмачилик) доскаси ~ الشِّطْرَنْجِ шахмат тахтаси; ~ الدَّامَا дамка (шашка) тахтаси; 2) (эшик устига исм-фамилия ва касб ёзиб қўйиладиган) тахтача; вивеска (пешлавҳа); 3) плитка; 4) (катта) расм; ~ زَيْتِيَّةٌ мойбўёқ билан ишланган расм, ~ مَائِيَّةٌ акварель (сув бўёқ) билан ишланган расм; 5) экран; ~ السِّينَمَا кино экрани; الـ~ الصَّمَامِ радио. анод

– لُوحِيٌّ атмосферага оид

– لِيَاحٌ 1. оқ; 2. тонг шафағи; эрта тонг

– مُلْتَاحٌ (офтобда) қорайган

– مُلَوِّحَةٌ кўп. ـَاتٌ — сигнал; семафор

لَوْدَنُومٌ афюн эритмаси

I (لوذ) لَاذَ (у) لَوْذٌ, لِوَاذٌ, لِيَاذٌ 1) (қаердадир) яширинмоқ, бошпана қидирмоқ, қутулиб қолмоқ (بِ); ~ بِالْفِرَارِ ёки ~ بِأَذْيَالِ الْفِرَارِ қочиб қолмоқ, тум-тарақай бўлмоқ; ~ بِالْكُهُوفِ ғорга яширинмоқ; 2) (к. гадир, н. гадир) суянмоқ, таянмоқ; берилмоқ (بِ); ~ بِالصَّمْتِ сукутга берилмоқ, сукут сақламоқ, жим қолмоқ; III لَاوَذَ бир-биридан бошпана топмоқ, бир-биридан бошпана сўрамоқ

– لَائِذٌ 1. бошпана қидирувчи; 2. қочқин

– مَلَاذٌ кўп. مَلَاوِذُ бошпана, бекинадиган жой

لَوْذَعٌ, لَوْذَعِيٌّ[1] ўткир ақлли, топқир; иқтидорли

– لَوْذَعِيٌّ[2] баджаҳл, жаҳли тез

– لَوْذَعِيَّةٌ ўткир ақллилик, топқирлик; иқтидорлик

لُورْدٌ кўп. ـَاتٌ — лорд; مَجْلِسُ اللُّورْدَاتِ лордлар палатаси (Англияда қонун чиқарувчи орган)

لُورِيٌّ кўп. لَوَارِيُّ, ـَاتٌ — юк автомабили

I (لوز) لَازَ (у) لَوْزٌ 1) (н. дандир) қочмоқ, кетмоқ (مِنْ); 2) (н. дадир) нажот изламоқ (إِلَى); 3) (к. гадир, н. гадир) таянмоқ суянмоқ, (к. дандир, н. дандир) фойдаланмоқ (إِلَى); ~ إِلَى الْكَذِبِ ёлғондан фойдаланмоқ; II لَوَّزَ 1) қўшмоқ, ёнғоқ қўшиб қийма қилмоқ; 2) уруғлик бермоқ, очмоқ (пахта кўсаги ҳақида)

– لَوَّازٌ бодомфуруш

– لَوْزٌ жам. бодом; زَيْتُ الـ~ бодом ёғи; شَجَرَةُ الـ~ бодом дарахти; 2) бот. уруғли кўсак; دُودَةُ الـ~ кўсак қурти

– لَوْزَةٌ кўп. ـَاتٌ — 1) бодом; 2) бот. уруғли кўсак; ~ الْقُطْنِ пахтанинг уруғли кўсаги; 3) анат. бодомсимон без; لَوْزَتَانِ ик. с. томоқдаги бодомсимон безлар; اِلْتِهَابُ اللَّوْزَتَيْنِ الْبَسِيطُ мед. тонзиллит; اِلْتِهَابُ اللَّوْزَتَيْنِ التَّقَيُّحِيُّ ангина, йирингли тонзиллит

– لَوْزِيٌّ 1) бодомли, бодомга оид; 2) бодомсимон

– لَوْزِيَّةٌ кўп. ـَاتٌ — бодомли пирожний

– لُوَيْزَةٌ кўп. ـَاتٌ — уруғли, уруғ берадиган кўсак

I (لوس) لَاسَ (у) لَوْسٌ татиб кўрмоқ

لُوسِيُونٌ пардоз суви, лосьон

I (لوش) لَاشَ (у) لَوْشٌ чақмоқ, тишламоқ; II لَوَّشَ тутмоқ, тутиб олмоқ

– لَوَّاشَةٌ кўп. ـَاتٌ — тишламаслиги ёки бақирмаслиги учун оғизга тутиб қўйиладиган латта, ёғоч бурағич

– لَوْشَةٌ чақиш, тишлаш (мас., илон, ит)

I (لوص) لَاصَ (у) لَوْصٌ 1) зимдан қарамоқ, зимдан кузатмоқ; 2) бетоқат бўлмоқ; 3) (н. дандир) афсусланмоқ, норози бўлмоқ (مِنْ); II لَوَّصَ зериктирмоқ, жонга тегмоқ, бетоқат қилмоқ; III لَاوَصَ 1) зимдан қарамоқ, зимдан кузатмоқ; 2) тикилиб қарамоқ, кузатмоқ; 3) алдамоқ, фириб бермоқ; IV أَلَاصَ ўраб олмоқ, айлантириб ўрамоқ, ўраб айлантирмоқ

– لَوْصِيَّةٌ довдираш, ўзини йўқотиш, хижолатчилик, афсус

– مُلَاوِصٌ айёр, қув, муғомбир

I (لوط) لَاطَ (у) لَوْطٌ 1) баччавозлик гуноҳини қилмоқ; 2) (бирор н. га) ёпишмоқ, сувалмоқ (بِ); الْحَائِطَ بِالطِّينِ ~ деворни лой билан сувамоқ; VIII الْتَاطَ 1) ёпишиб олмоқ; 2) (к. гадир) лаганбардорлик қилмоқ (بِ); X اسْتَلَاطَ ўзиники бўлмаган болага оталик даъво қилмоқ

– لِوَاطٌ, لَوْطَةٌ ҳезлик, баччалик, бесоқоллик

– لُوطٌ дин. Лут алайҳиссалом

– لُوطِيٌّ ҳез, бачча, бесоқол

لُوطَسٌ бот. Миср нилуфари

I (لوع) لَاعَ (у) لَوْعٌ 1) азобланмоқ, касал бўлмоқ, изтироб чекмоқ; 2) қорайтирмоқ (қуёш ҳақида); لَاعَتْهُ الشَّمْسُ у қуёшда қорайди; 3) азобламоқ (севги ҳақида); II لَوَّعَ 1) азобламоқ, азобга гирифтор қилмоқ; жонга тегмоқ; 2) тажрибадан сабоқ бермоқ, тажрибали қилмоқ; III لَاوَعَ алдамоқ, янглиштирмоқ, адаштирмоқ; V تَلَوَّعَ азоб чекмоқ, ташвиш тортмоқ; VIII الْتَاعَ қаттиқ изтиробга тушмоқ, ҳаяжонланмоқ, ёнмоқ (севги ҳақида)

– الْتِيَاعٌ ташвиш, ҳаяжон; севги азоблари

– تَلْوِيعٌ кўп. تَلَاوِيعُ изтироб, азоб

– لَوْعَةٌ 1) изтироб, азоб; الْحُبِّ ~ севги азоблари; 2) азоб берувчи нарса, предмет, сабаб

– مُلَاوِعٌ = مُلَاوِصٌ кар. لوص

– مُلَوَّعٌ азоб берувчи; حُبٌّ ~ бахтсиз севги

لُوغَارِذْمَةٌ, لُوغَارِيثْمَةٌ, لُوغَارِثْمَا кўп. ـــاتٌ логарифмлар; جَدْوَلُ اللُّوغَارِيثْمَاتِ логарифмлар жадвали; أَسَاسُ الـــ~ логарифм асоси

– لُوغَارِيثْمِيٌّ логарифмик, логарифмга оид

I (لوف) لَافَ (у) لَوْفٌ 1) чайнамоқ, емоқ; 2) (к. биландир) муомалада бўлмоқ, дўстлашмоқ, алоқа қилмоқ (عَلَى)

– لُوفٌ бот. люфа

I (لوق) لَاقَ (у) لَوْقٌ юмшатмоқ, мулойим қилмоқ; II لَوَّقَ 1) юмшатмоқ; 2) (овқатга) ёғ қўшмоқ; 3) (ерни) текисламоқ

– مِلْوَقٌ кўп. مَلَاوِقُ (аптекада ишлатиладиган) қошиқча

لُوقَا ат. ст, мз. Лука

I (لوك) لَاكَ (у) لَوْكٌ чайнамоқ, кавшанмоқ; الْفَرَسُ اللِّجَامَ ~ от юганини чайнайди; بَيْنَ شِدْقَيْهِ كَلِمَاتٍ ~ тишни ғижирлатиб бир неча сўз демоқ

لُوكَنْدَةٌ, لُوكَانْدَةٌ кўп. ـــاتٌ 1) меҳмонхона; 2) шунингдек ~ الْأَكْلِ ресторан

– لُوكَنْدَجِيٌّ кўп. لُوكَنْدَجِيَّةٌ меҳмонхона эгаси

لَوْلَبٌ кўп. لَوَالِبُ 1) бурама мих, винт; 2) спирал; 3) пружина; 4) пропеллер (паррак, ҳаво парраги)

– لَوْلَبِيٌّ 1) спиралга оид; زُنْبُرُكٌ ~ спирал пружина; مِسْمَارٌ ~ бурама мих; سُدُمٌ ~ـةٌ астр. спиралсимон туманликлар; 2) винтли, винтга оид; دَرَجٌ ~ айланма шоти

لُولَةٌ халқ. дур, инжу, марварид

I (لوم) لَامَ (у) لَوْمٌ танбеҳ бермоқ, коймоқ; (н. учундир) гина қилмоқ, таъна қилмоқ; ёзғирмоқ (عَلَى); II لَوَّمَ қаттиқ айбламоқ; ҳайфсан бермоқ; IV أَلَامَ 1) танбеҳ бермоқ, коймоқ; 2) танбеҳга сазовор бўлмоқ; V تَلَوَّمَ кутмоқ; секинаклик қилмоқ, чўзмоқ; VI تَلَاوَمَ ўзаро танбеҳ беришмоқ, койинишмоқ; VIII الْتَامَ койилмоқ, танбеҳ олмоқ; X اسْتَلَامَ танбеҳга лойиқ, муносиб бўлмоқ

– تَلْوِيمٌ танбеҳ бериш, қоралаш; ҳайфсан

– لَائِمٌ кўп. لُوَّمٌ 1. танбеҳ берувчи; таъна қилувчи, ёзғирувчи; 2. ғийбатчи, қораловчи

– لَائِمَةٌ кўп. لَوَائِمُ гина, танбеҳ, таъна; لَا لَوْمَ فِيهِ وَلَا ~ мутлоқ айбсиз, камчиликсиз

– لَوَّامٌ 1. таъна (гина қилувчи, қораловчи); 2. ғийбатчи, қораловчи

– لَوْمٌ 1) таъна, танбеҳ; 2) гина; أَلْقَى الـــ~ عَلَيْهِ кимдандир гина қилмоқ; وَلَا ~ عَلَيَّ мендан гина қилишга ўрин йўқ!

– لَوْمَةٌ таъна, гина; لَا يَخْشَى ~ لَائِمٍ у ҳечқандай таъна, гинадан қўрқмайди

– لُومَةٌ маломатга қолган; رَجُلٌ ~ одамларнинг маломатига қолган киши

– لُوَمَةٌ кўп таъна қиладиган киши

– لَوْمَةٌ = مَلَاوِمُ кўп مَلَامٌ

– مُلَامٌ таъна қилинувчи

– مَلَامَةٌ кўп. ـــاتٌ, مَلَاوِمُ = لَوْمَةٌ

– مَلُومٌ, مُلِيمٌ таъна эшитаётган, таънага сазовор

لُومَانٌ сургун (каторга) даги қамоқ; каторга ишлари

– لُومَانْجِيٌّ кўп. لُومَانْجِيَّةٌ сургун (каторга) даги одам

لُومْبَاغُو мед. люмбаго, беланги, бел оғриғи, бел санчиғи

(لون) II لَوَّنَ бўямоқ, ранг бермоқ; ранг-баранг қилиб бўямоқ, ялтиллатиб бўялмоқ; الْبُسْرُ ~ хурмога ранг кира бошлади; V تَلَوَّنَ 1) бўялмоқ, ранг-баранг этиб бўямоқ; 2) ранг-баранг, турли-туман бўлмоқ; 3) ўз рангини ўзгартирмоқ, тусини ўзгартирмоқ

ўзгарувчан бўлмоқ, ўзгариб турмоқ; 5) пинжига кирмоқ, хушомад қилмоқ; فِي أَقْوَالِهِ ~ (*сўроқ вақтида*) берган кўрсатмаларини ўзгартирмоқ

– تَلْوِينٌ бўяш, ранг-баранг қилиб бўяш; бўёқ, ранг, тус

– لَوْنٌ *кўп.* أَلْوَانٌ 1) ранг, тус, рангдаги нозик фарқ; отнинг туси, ранги; زَاهٍ ~ ёрқин ранг; فَاتِحٌ ~ оч ранг; قَاتِمٌ ~ тўқ ранг; مُخْتَلِفُ الأَلْوَانِ ҳар хил рангдаги; турли-туман; لاَ ~ لَهُ рангсиз; 2) бўёқ أَلْوَانٌ بِالزَّيْتِ لِلرَّسْمِ, الأَلْوَانُ الزَّيْتِيَّةُ *ёки* мой бўёқлар; الصِّبَاغَةُ бўёқлари; الأَلْوَانُ الْمَائِيَّةُ акварель (сувли) бўёқлар; لَوْحَةُ الأَلْوَانِ *қар.* لَوْحَةٌ; أَلْوَانٌ أَتْرِبَةٌ ун (порошок) қилинган бўёқлар; 3) овқат, таом; أَلْوَانُ الطَّعَامِ турли-туман таомлар; قَائِمَةُ أَلْوَانِ الطَّعَامِ а) меню; 4) *адаб.* жанр; 5) нав, сорт, жинс; فِيهِ أَلْوَانٌ مِنَ الْقُصُورِ унинг турли-туман (ҳар хил) камчиликлари бор

– لَوْنِيٌّ рангга оид, рангли; الْعَمَى الـ~ дальтонизм (*рангларни ажрата олмаслик*)

– مُتَلَوِّنٌ 1) ҳар хил рангга бўялган; турли-туман рангли; турли рангда товланадиган; 2) ўзгарувчи, доимий бўлмаган, муқим бўлмаган

– مُلَوَّنٌ 1) бўялган; 2) турли, ҳар хил рангга бўялган; турли-туман рангли; рангли; الْمَعَادِنُ الـ~َةُ рангли металлар; فِلْمٌ ~ рангли фильм; الْمُلَوَّنَاتُ рангли, рангли одамлар

– مُلَوِّنٌ 1. бўёвчи; 2. *кўп.* ~َاتٌ — бўяйдиган, ранг берадиган; الْمُلَوِّنَاتُ ранг берувчи моддалар

– لَوْنْجِيَّةٌ *кўп.* ~َاتٌ — мехмонхона хизматчиси (бекаси), уй ишларини юритувчи аёл

لَوَنْدَة, لَوَنْدَا *бот.* лаванда (*гул*); مَاءُ الـ~ِ лаванда суви (муаттар сув)

لُونِيكٌ *кўп.* ~َاتٌ — лунник

I لَوَى (لوى) (*и*) لَيٌّ 1) боғламоқ, эшмоқ, ўрамоқ; 2) уя қўймоқ; ~ الْحَبْلَ арғамчи эшмоқ; 3) букмоқ, эгмоқ, қийшайтирмоқ; 4) (*к. гадир*) бурилмоқ, бурилиб қарамоқ (عَلَى); هَرَبَ لاَ يَلْوِي عَلَى شَيْءٍ у орқа-олдига қарамай югурарди; 5) бурмоқ; (*н. дандир*) бошқа ёққа бурмоқ (عَنْ); عُنُقَهُ ~ (*н. дандир*) юз ўгирмоқ, бурмоқ (عَنْ); 6) (*к. нидир*) кутмоқ, (*к. гадир нисбатан*) меҳр пайдо бўлмоқ (عَلَى); ◊ ~ لِسَانَهُ بِالتُّرْكِيَّةِ бузилган турк тилида гапирмоқ; لَوَاهُ دَيْنَهُ (بِدَيْنِهِ) кимгадир қарзни қайтаришни чўзиб юрмоқ; سِرَّهُ ~ сир яширмоқ; ~ يَدَهُ қўл чигалини ёзмоқ; لَوِيَ (*а*) لَوًى қингир- қийшиқ бўлмоқ, буралмоқ, ҳалқа бўлмоқ; ~َتِ الْحَيَّةُ илон ҳалқа бўлиб олди; ~َتْ مَعِدَتُهُ унинг қорни бураб оғриди, унинг қорни оғриб қолди;

II لَوَّى 1) қаттиқ бурамоқ, эшмоқ; 2) бурмоқ, бурамоқ; 3) (*ишни*) чигаллаштирмоқ; ◊ ذَيْلَهُ ~ думни ликиллатмоқ; IV أَلْوَى 1) (*қўл билан*) имо-ишора қилмоқ; 2) (*байроқни*) кўтармоқ; 3) (*н. нидир, мас., қўлни*) чиқармоқ (بِ); بِالرَّأْسِ ~ а) юз ўгирмоқ; б) бошини бурмоқ; أَلْوَتْ بِهِ عَنْقَاءُ مُغْرِبٌ бурмоқ; بِحَقِّ زَيْدٍ ~ Зайднинг ҳуқуқини инкор этмоқ; *маж.* йўқ бўлмоқ, йўқ бўлиб кетмоқ; V تَلَوَّى 1) буралмоқ, эшилмоқ; 2) эгилмоқ, букилмоқ; бужмаймоқ; 3) иланг-биланг бўлмоқ, ҳалқа бўлмоқ (*илон ҳақида*); 4) (*оғриқдан*) тиришиб типирчиламоқ; VI تَلاَوَى (*н. гадир*) рози бўлмоқ, (*н. ҳақдадир*) шартлашмоқ, келишиб олмоқ (عَلَى); VIII اِلْتَوَى 1) бужмаймоқ, иланг-биланг бўлмоқ; ҳалқа бўлмоқ; 2) эгилмоқ, энгашмоқ, букилмоқ; 3) чиқиб қолмоқ; اِلْتَوَتْ رُكْبَتُهُ унинг оёғи тиззасидан чиқиб қолди; 4) (*к. учундир*) чигал, мужмал, қоронғи бўлмоқ (عَلَى- *иш ҳақида*)

– اِلْتِوَاءٌ *кўп.* ~َاتٌ — 1) бурилган, эгилган жой, бужмайиш, четга чиқиш, оғиш; لاَ ~ فِيهِ оғишмай, гапни айлантирмай; тўғридан-тўғри; الأَرْضِ ~ ернинг нотекис жойлари; الأَمْعَاءِ ~ ичакларнинг буралиб қолиши; الظَّهْرِ ~ умуртқа суякнинг эгри бўлиб қолиши; فِي ~ الْتِوَاءَاتُ الْحَيَاةِ ҳаёт сўқмоқлари, машаққатлари; 2) эгилиш; الْمِيزَانِ (*тарози палласининг*) босиши, эгилиши; 3) бужмайиш, бужмайтириш, афтни бузиш; بِعَيْنِ الْهَوَانِ وَالـ~ кулиб, масхараомуз; 4) *мед.* чиқиш, чиқиб қолиш, пайларнинг чўзилиши.

– لاَوٍ *мн.* لاَوِيَةٌ *кўп.* لُوَاةٌ орқага буриладиган, қарайдиган; ◊ غَيْرُ ~ عَلَى شَيْءٍ орқа-олдига қарамай, ҳеч нарсага эътибор бермай

– لاَوِيٌّ 1. *дин.* Левитга оид; 2. *библ.* Левит; سِفْرُ اللاَّوِيِّينَ Левит (*Қадимий аҳднинг учинчи китоби*); ◊ عَبْدُ الـ~ қовун

– لِوَاءٌ[1] *кўп.* أَلْوِيَةٌ, أَلْوِيَاتٌ 1) байроқ; قَاتَلَ تَحْتَ لِوَائِهِ кимнингдир байроғи остида жанг қилмоқ; 2) Ливо (*маъмурий бирлик*); провинция (*Ироқда маъмурий бирлик*); نَشَرَ أَلْوِيَةَ الْعُلُومِ илм бермоқ, илм тарқатмоқ; نَشَرَ الأَمَانُ أَلْوِيَتَهُ сукунат, омонлик пайдо бўлди, юзага келди; ◊ نَشَرَ السَّلاَمُ لِوَاءَهُ тинчлик келди, ўрнатилди; عَقَدَ ~ الْحَمْلَةِ لَهُ ... кимнидир экспедиция бошлиғи қилиб тайинламоқ; رَفَعَ ~ الْعِصْيَانِ (*к. гадир қарши*) исён байроғини кўтармоқ (عَلَى)

– لِوَاءٌ[2] *кўп.* ~َاتٌ — *ҳарб.* 1) бригада; الْمُشَاةِ الثَّالِثُ ~ *ёки* ~ الْبِيَادَةِ الثَّالِثُ учинчи пиёдалар бригадаси; آلِيٌّ ~ моторлаштирилган пиёдалар биригадаси; 2) бригада қўмондони, бригада генерали

– لَوًى *кўп.* أَلْوَاءٌ 1) санчиқ, қориндаги оғриқ; 2) умуртқа суягининг эгилиши

– لَوْيٌ эшилиш; букилиш

– لِوًى الرَّمْلِ ~ қумлоқ ер, қумлоқ қаттиқ ер

– لَوْيَةٌ 1) бурилиш, қайрилиш; 2) ёмон кайфият

– لَيٌّ эшиш, эшилиш, букиш, букилиш

– لَيَّةٌ бурилиш, қайрилиш

– لِيَّةٌ қўйининг думи; думба (*қўйиники*); қуйруқ

– الدُّرُوب: مَلاَوِى ~ а) бурилишлар, йўл (кўча) қайрилишлар; اِخْتَفَتِ السَّيَّارَةُ فِى ~ الطَّرِيقِ автомашина йўл бурилишидан кейин кўздан ғойиб бўлди; б) эгри-бугри кўчалар

– مُلْتَوٍ *мн.* مُلْتَوِيَةٌ 1) эгилган, букилган; қингир, қингир-қийшиқ; 2) мужмал (*мас. жавоб ҳақида*)

– مُلْتَوًى 1. қингир-қийшиқ қилинган, букилган; 2. *кўп.* مُلْتَوَيَاتٌ (йўл) қайрилиши, бурилиши

– مِلْوَاةٌ *кўп.* مَلاَوٍ чиғир (*юқорига юк кўтарадиган оддий мослама*)

– مِلْوًى *кўп* مَلاَوِى 1) гайка бурайдиган калит, ключ; 2) қулоқ (*музика асбобидаги*); بَيْتُ الْمَلاَوِى *муз.* қулоқ ўрнатилган жой; 3) кабестан (*порт ва т. -й. ларда ишлатиладиган вертикал чиғир*); денг. (*кема лангарларини тушириш ва чиқариш учун ишлатиладиган*) чиғир, шпиль

– مَلْوِىٌّ эшилган, ўралган, чайир қилинган; эгилган букилган; қингир -қийшиқ

لِيبْرَا *кўп.* لِيبْرَاتٌ фунт

لِيبرَالِىٌّ 1. либерализмга, либералга оид; 2. либерал

– لِيبرَالِيَّةٌ либерализм

(ليت) IV أَلاَتَ камайтирмоқ, қисқартирмоқ; ~ زَيْدًا حَقَّهُ Зайднинг ҳуқуқини чекламоқ

– لِيتٌ *кўп.* أَلْيَاتٌ бўйин атрофлари

– لَيْتَ *шунингдек.* ~ يَا ... бўлганда эди!, о, кошки!, кошки шундай бўлса!; يَا ~ الأَمْرَ وَقَفَ عِنْدَ هٰذَا الْحَدِّ о, шунинг ўзи бўлса кошкийди!; يَا ~ شِعْرِى о, кошки уни мен билган бўлсам!; ~ ـنِى كُنْتُ أَقْدِرُ о, қудратим етганда эди!; ~ وَلَعَلَّ ... ундоқ бўлса-бундоқ бўлса, ... (*баҳона қилган одам ҳақида*)

(ليتن) تَلَيْتَنَ католик (лотин) динини қабул қилмоқ

– لاَتِينٌ: الـ~ лотинлар (*Сурияда*)

لَيْثٌ *кўп.* لُيُوثٌ шер

لِيثْيُومٌ *кимё.* литий

لِيجْنِيتٌ лигнит (*паст навли қўнғир тошкўмир*)

لِيرَا, لِيرَةٌ *кўп* اتٌ ــــ лира (*пул бирлиги*); ~ إِسْتِرْلِينِيَّةٌ фунт-стерлинг; ~ إِنْكِلِيزِيَّةٌ инглиз фунти; ~ إِيطَالِيَّةٌ италян лираси; ~ سُورِيَّةٌ Сурия лираси; ~ لُبْنَانِيَّةٌ Ливан лираси

لَيْزَرٌ лазер; ~ أَشِعَّةُ лазер нурлари

لَيْسَ 1) йўқ (*бор эмас*); هُوَ ~ بِعَالِمٍ *ёки* هُوَ عَالِمًا у олим эмас; ~ بَيْنَ أَيْدِينَا ... бизда йўқ; لَسْتُ أَدْرِى мен билмайман; ~ يَدْرِى у билмайди; ... ~ مِنْ بَابِ الصُّدْفَةِ أَنْ ... шу нарса тасодиф эмаски, ...; ~ عَجِيبًا أَنْ ... шу нарса ажабланарли эмаски, ...; ~ لَهُ أَنْ ... مِنْ شَكٍّ أَنْ ... шунга ҳеч қандай шак-шубҳа йўқки, ...; ~ لَهُ أَنْ يَقُولَ унинг гапиришга ҳаққи йўқ, у гапирмаслиги керак; أَلَسْتَ مَعِى فِى أَنْ ... ...нинг эканлиги ҳақидаги фикримга қўшиласанми?; ~ فَحَسْبُ ... بَلْ ... *ёки* ~ ... إِنَّمَا ... *ёки* ... وَلٰكِنْ ... нафақат ..., балки ...; 2) ...дан бошқа, ...дан ташқари; جَاءَ جَمِيعُ النَّاسِ ~ عُمَرَ Умардан бошқа ҳамма келди; ◊ فَشَلٌ ~ بَعْدَهُ فَشَلٌ тўла муваффақиятсизлик; ~ إِلاَّ бошқача эмас, фақат шундай!

I لَيِسَ (а) لَيَسٌ мард, довюрак бўлмоқ; II لَيَّسَ сувамоқ (*девордаги тешикни*) ямамоқ, беркитмоқ

– أَلْيَسُ *мн.* لِيسَاءُ *кўп.* لِيسٌ мард, довюрак

– لِيسَانْسٌ лиценциат (*илмий унвон*); الـ~ فِى الْقَانُونِ қонуншунослик лиценциати; ظَفِرَ بِإِجَازَةِ الـ~ лиценциат унвонини олмоқ

لَيْش (لِأَىِّ+ شَىْءٍ) *халқ.* нима учун?

لِيطٌ табиий хусусият

– لِيطَةٌ *кўп.* لِيطٌ қамишнинг устки қавати

– لِيَاطٌ оҳак; сувоқ

(ليف) II لَيَّفَ ювмоқ, хурмо толаси билан артмоқ; V تَلَيَّفَ тола ҳосил қилмоқ

– تَلَيُّفٌ тола ҳосил бўлиш; ~ الْكَبِدِ *ёки* ~ فِى الْكَبِدِ *мед.* жигар циррози

– لِيفٌ *кўп* أَلْيَافٌ ўсимлик толаси; الـ~ الْهِنْدِىُّ жут, Ҳиндистон канопи (*тола берадиган ўсимлик*); الأَلْيَافُ الصِّنَاعِيَّةُ (الاِصْطِنَاعِيَّةُ) сунъий тола

– لِيفَةٌ *кўп* اتٌ ــــ тола; пай толаси; булут (*мочалка сифатида ишлатиладиган нарса*)

– لِيفِىٌّ толага оид; النَّبَاتَاتُ الـ~ ـةُ толали ўсимликлар

I. (ليق) لاَقَ (لِيق) (*u*) لِيَاقَةٌ 1) лойиқ бўлмоқ, ярашмоқ, мос, ярашган бўлмоқ; (*бирор н.* га) муносиб бўлмоқ (بـ); 2) сиёҳдонни хат ёзишга тайёрламоқ; II لَيَّقَ 1) замазка (*тешик-ёриқларни, тирқишларни беркитишда ишлатиладиган қотишма*) билан сувамоқ; 2) сиёҳдон ичига хом ипак толаси жойламоқ (*қар.* لِيقَةٌ); юмшатмоқ; IV أَلاَقَ = II 2)

– لاَئِقٌ 1) лойиқ; мос; ярашган; тўғри келадиган; غَيْرُ ~ нолойиқ, ярашмаган; أَخَذَ مَكَانًا ~ ـا муносиб ўрин эгалламоқ

– لاَئِقَةٌ 1) лойиқлик; мослик; ярашганлик; 2) яхши хусусият

– لِيَاقَةٌ 1) лойиқлик; мослик; ярашганлик; ўрни бўлишлик; одоб; عَدَمُ ~ нолойиқлик; мос эмаслик; яроқсизлик; ўрни бўлмаслик; مُخِلٌّ بِالـ~ одобни бузувчи; 2) яхши хусусият; қадр-қиммат; 3) *шунингдек.* ~ بَدَنِيَّةٌ *спорт.* форма, яхши ҳолат; نَاقِصُ الـ~ яхши ҳолатда эмас

– لَيَقَانٌ одоб, тартиб; лойиқлик, муносиблик

– لِيقَةٌ *кўп* لِيَقٌ 1) хом ипак (*уни сиёҳдон ичига солиб қўйилади*); 2) дераза замазкаси

– مَلِيقَةٌ ёзишга тайёрлаб қўйилган (*сиёҳдон ҳақида*)

لِيكَنٌ лишайник (*сув ўтлари билан ягона организм бўлиб яшайдиган замбуруғ*), мох

(ليل) III لَايَلَ бир кечага ижарага олмоқ

لَيْلٌ *мн.* لَيَالٍ أَلْيَالٌ ~ لَيْلَاءُ тим қоронғи тунлар; لَيْلَةٌ لَيْلَاءُ зулумот тун

– لَيْلٌ *кўп.* لَيَالٍ тун; оқшом; ~ـا *ёки* بِالـ~ тунда, кечаси; ~ نَهَارَ кечаси ва кундузи; أَلْيَلُ ~ тим қоронғи кеча, тун; لَيَالِي الْأُنْسِ وَ السَّمَرِ кечалар, кечки (оқшомдаги) суҳбатлар; الـ~ الْقُطْبِيُّ қутб тунлари; ◊ لَا أُوَافِقُ عَلَى هَذَا مَا اخْتَلَفَ الـ~ وَالنَّهَارُ мен ҳеч қачон бунга рози бўлмайман

– لَيْلَةٌ (бир) кеча, тун; (бир) оқшом; اللَّيْلَةَ бугун кечаси (тунда); لَيْلَتَئِذٍ ўша кечаси (тунда); ўша оқшомда; ~ خَيْرِيَّةٌ хайрия кечаси (оқшом); ~ ذَاتَ бир куни кечаси, кечаларнинг бирида; الـ~ اللَّيْلَاءُ тим қоронғи тун; ~ بَيْنَ وَضُحَاهَا жуда қисқа муддатда, қисқа муддат мобайнида; бирданига; أَلْفُ ~ وَلَيْلَةٌ "Минг бир кеча" (*бадиий асар номи*); ~ الْإِسْرَاءِ *ёки* ~ الْمِعْرَاجِ *дин.* меърож туни (*Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламнинг меърожлари ҳақида – ражаб ойининг 27- туни*); ~ الْمَوْلِدِ النَّبَوِيِّ *дин.* Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламнинг таваллуд топган тунлари (*рабиъул-аввал ойининг 12-туни*); ~ الْقَدْرِ *қур.* лайлатур-қадр (*рамазон ойининг 27-туни*); ~ حَمْرَاءُ қонли тун, Варфоломей кечаси; ◊ ~ بِنْتُ الـ фоҳиша (*сўзма-сўз: тун қизи*)

– لَيْلَى *ат.от,мн.* Лайло; كُلٌّ يُغَنِّي عَلَى لَيْلَاهُ *мтл.* ҳар ким ўз Лайлосини куйлайди, ҳар кимнинг ўз Лайлоси бор

– لَيْلِيٌّ тунги, кечки, оқшомги; ~ـَةٌ مَدْرَسَةٌ кечки мактаб; ~ النَّشَاطِ тунги, тундаги (*мас.* бойўғли, кўршапалак *ва б.* лар ҳақида)

لَيْلَاكٌ, لَيْلَاجٌ сирень (*гул*)

لَيْمٌ ўхшашлик (*бир одамнинг бошқа одамга*)

لِيمَانٌ[1] *кўп.* ~ اتٌ — қўлтиқ; гаван, порт

لِيمَانٌ[2] = لُومَانٌ

لِيمُورٌ *зоол.* лемур. (*ярим маймун*)

لَيْمُونٌ *жам.* лимон; الـ~ الْحُلْوُ ширин лимонлар; الـ~ الْحَامِضُ *ёки* الـ~ الْمَالِحُ шўр лимонлар; الـ~ الْهِنْدِيُّ *бот.* грейпфрут (*апельсинсимон мевали дарахт ва унинг меваси*); ~ عَصِيرُ الـ лимон шарбати; ~ شَرَابُ الـ лимонад; ~ حَامِضُ الـ лимон кислотаси

– لَيْمُونَادَةٌ лимонад

– لَيْمُونِيٌّ лимонли, лимонга оид, лимонранг

(لين) (*u*) لَانَ لِيَانٌ, لِينٌ юмшоқ, нозик бўлмоқ, юмшоқ, пластик, эгилиб-букилувчан бўлмоқ; لَا يَلِينُ букилмас, букилмайдиган; ~ـتْ لَهُ قَنَاةٌ унинг иродаси букилди; ~ـتْ قَنَاتُهُ у юмшади, эн берди; مَا ~ـتْ قَنَاتُهُ у шижоатини йўқотмади; II لَيَّنَ юмшатмоқ, мулойим қилмоқ; ~ الْبَطْنَ қоринни бўшатмоқ; III لَايَنَ (*к. ға.*) дўстона, меҳрибонлик билан муносабатда бўлмоқ, мурожаат қилмоқ; IV أَلَانَ ва أَلْيَنَ юмшатмоқ, мулойимлаштирмоқ; V تَلَيَّنَ юмшамоқ, мулойимлашмоқ; X اسْتَلَانَ 1) мулойим, юмшоқ қўлишга эришмоқ; 2) юмшоқ, мулойим деб ҳисобламоқ; юмшамоқ, мулойимлашмоқ

– تَلَيُّنٌ мулойимлашиш, юмшаш; ~ الدِّمَاغِ *мед.* миянинг эриши

– لَيِّنٌ 1) юмшоқ, мулойим, нозик; ~ هُبُوطٌ юмшоқ қўниш (*космик кема ҳақида*); 2) эгилиб-букилувчан; ишловга келадиган; ~ الْقِنَاةِ *ёки* ~ الْعَرِيكَةِ гапга унайдиган, кўнадиган, юмшоқ феълли, кўнгилчан

– لِينٌ 1) бўшанглик, мулойимлик; юмшоқ кўнгиллилик, кўнадиган, унайдиган бўлмоқлик; ~ الْعِظَامِ суякларнинг юмшаб қолиши; остеомаляция; ~ الْجَانِبِ ройишлилик, кўнгилчанлик, гапга кўнадиган бўлишлик; 2) бўшаниш (*қорин ҳақида*); حُرُوفُ الـ~ *грам.* ا, و, ى ҳарфлари; أَصْوَاتُ الـ~ *грам.* أَصْوَاتُ الـ~ الطَّوِيلَةُ (الْقَصِيرَةُ) унли (*товуш*) лар, чўзиқ (*қисқа*) унли (товуш) лар

– لَيِّنَاتٌ *тех.* (*мослаб турадиган*) қистирма (*икки нарса орасига қистириб қўйилган нарса, прокладка*)

– لَيِّنَةٌ *кўп.* ~ اتٌ — юмшоқ болиш, ёстиқ

– لِينَةٌ[1] хурмо навларидан бири

– لِينَةٌ[2] мулойимлик, юмшоқлик, кўнгилчанлик

– لُيُونَةٌ мулойимлик, юмшоқлик

– مُلَايَنَةٌ мулойим мурожаат, муносабат

– مُلَيِّنٌ 1) юмшатувчи, мулойимлаштирувчи; 2) бўшатувчи

– مُلَيِّنَاتٌ *кўп.* ич сурадиган, ич бўшаштирадиган дорилар

لِينِينِيٌّ ленинча; الـ~ـيَّةُ ленинизм; الـ~ـيَّةُ الْمَارْكْسِيَّةُ марксизм-ленинизм

لِيَاءٌ нўхот шаклидаги тиниқ оқ рангли сабзавот (*Ҳижозда ўсади*)

لية *қар.* لوى

I (ليه) لَاهَ (*u*) لَيْهٌ 1) яширинмоқ, ниқобланмоқ, ниқобга кирмоқ; 2) баланд бўлмоқ, кўтарилмоқ

لِيهْ *халқ.* нима учун?

م (ميم) мим (*араб алифбосининг йигирма тўртинчи ҳарфи. абжадда - 40*)

م 1) *қисқ.* سَنَةٌ مِيلَادِيَّةٌ милодий йил; 2) *қисқ.* مَلِّيمٌ миллим (*Миср фунтининг 1/1000 қисмига тенг чақа танга*); 3) *қисқ.* مُحَرَّمٌ муҳаррам (*ой номи*); 4) *қисқ.* تَمَّ (*китоб*) тугади; 5) ب م *қисқ.* بَعْدَ الْمِيلَادِ бизнинг эрамиз; 6) ق م *қисқ.* قَبْلَ الْمِيلَادِ эрамиздан илгари; 7) م أ خ *қисқ.* مُرَاسِلُ الْأَهْرَامِ الْخَاصُّ "Ал-Аҳром" газетасининг махсус мухбири; 8) م/م *қисқ.* مِيلِيمِتْرٌ миллиметр

مَ (مَا) нима?; لِمَ؟ нима учун?; بِمَ؟ = بِمَا؟; فِيمَ؟ нимада?; إِلَامَ؟ = إِلَى مَا؟; حَتَّامَ؟ = حَتَّى مَا؟; عَلَامَ؟ = عَلَى مَا؟

مَا 1) нима? مَاذَا؟ нима ахир?; مَاذَا جَرَى؟ нима бўлди?, нима воқеа юз берди?; مَالَكَ؟ а) сенга нима бўлди? б) сенинг нима ишинг бор?; وَ أَنَا مَا لِي؟ бунинг менга нима дахли (алоқаси) бор?; менинг нима ишим бор?; مَا لَكَ زَعْلَانُ؟ нега (сен) бунчалик жаҳлланасан?; مَا تَفْعَلُ؟ сен нима қиляпсан?; مَاذَا تَكُونُ أَنْتَ ... لَوْ يَكُونُ агар ... бўлганда, нима бўларди?; مَا لَكَ وَلِهَذَا مِنْ هَذِهِ الْمَرْأَةِ؟ сен бу аёлнинг кими бўласан?; مَا لَكَ وَالرَّجُلِ؟ бу одам билан нима ишинг бор?; مَا الْخَبَرُ؟ нима гап?, қандай янгиликлар бор?; مَا الْعَمَلُ؟ нима қилиш керак?; مَا أَجْمَلَهَا! у (аёл) қандай гўзал!; مَا أَجْمَلَ الصَّبَاحَ! тонг қандай гўзал!; مَا أَسْرَعَ مَا مَاتَ! у қандай тез ўлди-я!; لِمَا (ذَا)؟ нима учун?; 2) бу, шуки, ...; қайсики; وَصَفَ مَا حَدَثَ у бўлиб ўтган воқеаларни баён қилди (*сўзма-сўз:* нима содир бўлган бўлса, ўшани баён қилди); مَا لَهُ وَ مَا عَلَيْهِ *кар.* وَرَائِيٌّ; مَا وَرَائِيٌّ ҳуқуқ ва бурчлар; مَا يَأْتِي ва шу кабилар ва ҳоказо; وَ مَا شَاكَلَ ذَلِكَ қуйида келтирилади (баён қилинади, айтилади); مَا شَاءَ اللهُ! ғоят соз! жуда яхши! (*сўзма-сўз:* Оллоҳ хоҳлагани бўлади!); عَلَى مَا يُقَالُ айтишларича, одамлар айтганидек; عَالَمُ مَا بَعْدَ الْحَرْبِ урушдан кейинги дунё; بِمَا أَنَّ ... ...ганлиги сабабли, ...га кўра; ...гани учун, шунинг учун; لِمَا ... ...ганлиги учун, ... сабабли; 3) ...ган вақтда; ...ган жойда; يَوْمَ مَا رَأَيْتُهُ мен уни кўрган кунда; مَطْرَحَ مَا لَقِيتُهُ мен уни учратган жой; 4) -ма (*бўлишсизлик юкламаси*); مَا قَرَأَ у ўқимади; إِلَّا ... مَا фақат ... ; مَا هِيَ إِلَّا لَحْظَةٌ حَتَّى رَأَيْتُهَا орадан фақат бир дақиқа ўтди-ю, мен у (аёл)ни кўрдим; وَ مَا هِيَ إِلَّا أَنْ ذَهَبَ у ўша ондаёқ кетди; مَا إِنْ ... حَتَّى ... إِنِ اقْتَرَبَ مِنْهَا حَتَّى ذَاتَ ... у (аёл)га яқинлашиши биланоқ, у (аёл) дедики, ...; وَ مَا كَانَ لَهُ أَنْ ... унга ...дан бошқа чора қолмаган эди; وَ مَا لَنَا ... نَذْهَبُ بَعِيدًا ...учун узоққа боришимизнинг ҳожати йўқ; 5) эмас, йўқ, ...мас; مَا هُوَ بِعَدُوٍّ ёки وَ مَا هُوَ عَدُوًّا у душман эмас; وَ مَا فِي رَيْبٍ فِي أَنَّ ... эканлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ; مَا مِنْ أَحَدٍ فَسَّرَ لَنَا ... бизга тушунтириб берадиган ҳеч ким йўқ; مَا عَلَيْهِ شَيْءٌ! *глк.* майли!, бўлаверади!, ҳеч қиси йўқ!; أَثَارَ هَذَا ضَجَّةً مَا بَعْدَهَا ضَجَّةٌ бу шундай шов-шув келтириб чиқардики, уни хаёлга келтириш ҳам мумкин эмас; 6) қандайдир, аллақандай; كِتَابٌ مَا аллақандай (қандайдир) китоб; مَهْمَا ... нима бўлганда ҳам, қандай бўлганда ҳам; حَيْثُمَا ... бўлган жойда, қаерда бўлса (бўлганда) ҳам, қаерда бўлмасин; إِلَى حَدٍّ مَا лоақал бир қадар; 7) ҳозирча, то; مَا دُمْتُ حَيًّا ... ҳозирча (то) тирик эканман, то мен ҳаёт эканман; لَا أُوَافِقُ عَلَى هَذَا مَا اخْتَلَفَ اللَّيْلُ وَ النَّهَارُ *маж.* мен бунга ҳеч қачон рози бўлмайман, мен бу билан ҳеч қачон келиша олмайман; مَا لَمْ ...магунча, ...маса; 8) ...микин; إِنَّمَا لَا تَدْرِي مَاذَا كَانَ يَفْهَمُهَا ... مَا إِذَا у (аёл) ўзини у тушунармиканлигини билмасди; ◊ مَا عَدَا бундан ташқари, буни ҳисобга олмай; كَمَا шунингдек, ...ни ҳам; ...га ўхшаб, ... сингари; قَلَّمَا камдан-кам, кам ҳолларда; طَالَمَا узоқ вақт давомида; رُبَّمَا ... эҳтимолки, ..., балки шундайдирки, ...; مَا

جَرَيَاتٌ саргузашт, можаро, воқеа, ҳодиса, (воқеаларнинг) бориши, жараёни; مَا بَيْنَ а) остона, бирор нарсанинг арафаси; б) сарой аъёнлари; الْمَابَيْنُ (*султон*) саройи

مَاجِسْتِرٌ، مَاجِسْتِيرٌ магистр (*илмий даража*)

مَا جُورٌ *кўп* مَوَاجِيرُ тувак, сопол коса; ~ الْعَجِينِ хамир қорадиган катта идиш, тоғора, хамиртоғора

– مُمَارَسَةٌ 1) амалга ошириш, юзага чиқариш; (*ишни*) бажариш; машғулот; машқ; 2) тажрибалилик; ◊ ~ بَيْعٌ بِالْـ дўстона келишувга асосан сотиш; ~ شِرَاءٌ بِالْـ дўстона келишувга асосан сотиб олиш

مَرْسِينٌ *бот.* мирт (*доимо яшил, хушбўй бута*)

I مَرَشَ (у) مَرْشٌ тимдаламоқ

مَرْشَالٌ *кўп.* ـَاتٌ — маршал

مَرْشَبٌ биринж, бронза

I مَرِضَ (а) مَرَضٌ касал (бемор) бўлмоқ, касалланмоқ; II مَرَّضَ 1) касал боқмоқ, касалга қарамоқ, касални кўргани бормоқ; 2) касаллантирмоқ; IV أَمْرَضَ касаллантирмоқ; V تَمَرَّضَ кучсиз бўлмоқ; касалванд бўлмоқ; касалга чалинмоқ; VI تَمَارَضَ ёлғондан ўзини касал деб кўрсатмоқ, ўзини касалликка солмоқ; ёлғонкасал бўлмоқ; X اسْتَمْرَضَ = VI

– تَمَارُضٌ ёлғон касаллик

– تَمْرِيضٌ касал (бемор) ларга қараш, касал боқиш; ~ مَدْرَسَةُ الـ фельдшерлик мактаби; тиббиёт ҳамширалари мактаби

– مُتَمَرِّضٌ кучсиз, камқувват, касалванд

– مَرَضٌ *кўп.* أَمْرَاضٌ касаллик, беморлик; ~ مُعْدٍ юқумли касаллик; ~ وَبَائِيٌّ эпидемик касаллик; أَمْرَاضٌ بَاطِنِيَّةٌ ички касалликлар; أَمْرَاضُ الْعَيْنِ кўз касалликлари; أَمْرَاضُ الْقَلْبِ юрак касалликлари; أَمْرَاضُ النِّسَاءِ аёллар касалликлари; أَمْرَاضٌ سِرِّيَّةٌ венерик (таносил) касалликлари; أَمْرَاضٌ عَصَبِيَّةٌ асаб касалликлари; أَمْرَاضٌ مِهَنِيَّةٌ касб касалликлари

– مَرِضٌ *кўп.* مِرَاضٌ касал, бемор

– مُرْضٍ *қар.* رضى

– مَرْضَانٌ 1) касал, бемор; 2) бечора, бечораҳол

– مَرَضِيٌّ касалликка оид; ~ـَةٌ إِجَازَةٌ касаллик сабаби билан берилган таътил

– مَرِيضٌ *кўп.* مَرْضَى 1. касал, бемор одам; ~ الْحُبِّ севги, муҳаббат азобини тортаётган; ~ نَفْسِيٌّ психик касал, бемор; 2. мижоз, пациент

– مِمْرَاضٌ тез-тез касалланиб турадиган, касалванд

– مُمَرِّضٌ фельдшер, санитар

– مُمَرِّضَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — оғир беморга қаровчи аёл; ҳамшира; санитарка

– مُسْتَمْرِضٌ касалванд, камқувват, қувватдан кетган

I مَرَطَ (у) مَرْطٌ юлмоқ, юлиб олмоқ; II مَرَّطَ 1) кўп миқдорда юлмоқ; 2) узмоқ (*мас, баргларни*); V تَمَرَّطَ тушмоқ, тушиб кетмоқ (*соч ҳақида*)

– أَمْرَطُ *мн* مَرْطَاءُ *кўп* مُرْطٌ жуни (туки) йўқ, туксиз, жунсиз

– مِرْطٌ *кўп* مُرُوطٌ чопон, ёмғирпўш (*аёлларники*)

– مَرِيطٌ = أَمْرَطُ

– مُرَيْطَاءُ *мн. анат* киндикдан қовуққача бўлган қисм

مَرْطَبَانٌ *кўп.* ـَاتٌ — кўза

I مَرَغَ (а) مَرْغٌ 1) бўямоқ, сувамоқ (*н. нидир*) суртмоқ (بـ); 2) эркалатмоқ, (*тарбияни*) бузмоқ, 3) йиртмоқ, йиртиб ташламоқ; مَرَغَ (у) مَرَاغَةٌ ўт-ўланга сероб бўлмоқ, кўкаламзор бўлмоқ; IV أَمْرَغَ ўсимликлар билан қалин қопланган бўлмоқ; VII انْمَرَغَ йиртилган, йиртиб ташланган бўлмоқ

– مَرْغٌ *кўп.* أَمْرَاغٌ яйлов

– مَرْغَةٌ ёғ, мой

– مَرْعًى *қар.* رعى

– مَرِيعٌ 1) ёғли, мойли; ёғга, мойга оид; 2) ўсимликларга бой (*жой*)

– مَرِيغٌ = مُمْرِغٌ

– مَمْرُوغٌ кеккайган, такаббур, бурни кўтарилган

II مَرَّغَ (مرغ) 1) қолмоқ, ётмоқ (*чанг, тупроқда*); ~ هَيْبَتَهُ кимнингдир обрў-эътиборини оёқости қилмоқ, топтамоқ, ерга урмоқ; 2) ифлос қилмоқ, чапламоқ, доғ қилмоқ, доғ қилдирмоқ; ~ رَأْسَهُ бошга ёғ (мой) суртмоқ, чапламоқ; 3) чўзмоқ, кечиктирмоқ, кейинга қолдирмоқ; IV أَمْرَغَ чапламоқ, доғ қилмоқ, доғ қолдирмоқ; V تَمَرَّغَ ағнаб ётмоқ, юрмоқ (*чангда, тупроқда*); ◊ ~ فِي التَّرَفِ وَالْبَذَخِ дабдабали, ҳашамда тўлиб-тошиб яшамоқ

– مُتَمَرِّغٌ чангга ботган, тупроққа беланган

– مُتَمَرَّغٌ = مَرَاغٌ

– مَرَاغٌ = مَرَاغَةٌ

مَرْغَرِينٌ маргарин

مَرْقَعِينٌ *зоол.* сиртлон, ёлдор бўри (*Суданда*)

مُرْفِينٌ морфий

I مَرَقَ (у) مُرُوقٌ 1) тешмоқ, тешиб ўтмоқ; ~ السَّهْمُ مِنَ الرَّمِيَّةِ камоннинг ўқи ҳайвонни тешиб, нариги томонидан чиқди; 2) лип этиб ўтиб кетмоқ, елиб ўтиб кетмоқ; ◊ ~ مِنَ (عَنِ) الدِّينِ диндан қайтмоқ, динга хиёнат қилмоқ; مَرَقَ (у) مَرْقٌ: ~ الْقِدْرَ қозонда қайнаётган сувни кўпайтирмоқ; II مَرَّقَ 1) куйламоқ, қўшиқ (ашула) айтмоқ; 2) (*хамирга*) сув қўшмоқ; 3) ўтказиб юбормоқ, ўтишга рухсат бермоқ; IV أَمْرَقَ: ~ الْقِدْرَ қозонда қайнаётган сувни кўпайтирмоқ

– مَارِقٌ *кўп.* مُرَّاقٌ ,مَرَقَةٌ 1. (*шунингдек:* ~ عَنِ الدِّينِ) тўғри йўлдан четга чиқувчи, тўғри йўлдан адашувчи; диндан қайтувчи; 2. 1) динсиз, радди мардум, радди маърака, якка мохов; 2) хоин, муртад

– مَارِقَةٌ *кўп тар.* хорижийлар

– مَرَقٌ 1) гўштли, қайнатилган шўрва, бульон; 2) қайла, соус

– مَرِقٌ юмшоқ; нозик, эрка, нозиктабиат

– مَرَقَةٌ 1) қайла, соус; 2) гўштли қайнатилган шўрва, бульон

– مُرُوقٌ четга чиқиш, диндан четга чиқиш; диндан қайтиш; динсизлик, куфр

مُرْقُصُ، مُرْقُسُ *ат. от. мз.* Марк; الكِرَازَةُ الـــيَّة қибт патриархининг патриархияси (*унга қарашли ер-мулк, диний жамоалар*)

مَرْقَعَ، تَمَرْقَعَ 1) нозиклик, эркалик, нозиктабиатлилик қилмоқ; 2) нозик, эрка, нозиктабиат бўлмоқ; назокатли бўлмоқ; аёллик назокати эгаси бўлмоқ

– مَرْقَعَانٌ нодонтабиат, нодонсифат, нодонроқ, ақлсизроқ, жиннибашара

– مَرْقَعَةٌ 1) назокат, эркалик, нозиктабиатлилик; 2) аёллар назокати эгаси бўлиш

مَرْكَزَ марказлаштирмоқ; марказга қўймоқ (жойламоқ); бир ерга тўпламоқ; تَمَرْكَزَ марказлашмоқ; марказга қўйилмоқ, жойлашмоқ, ерга тўпланмоқ

– تَمَرْكُزٌ марказлашиш; бир ерга тўпланиш

– مَرْكِيزٌ маркиз

تَمَرْكَسَ марксист (марксчи) бўлмоқ

مَرَّكُشِيٌّ 1. Марокашга оид; 2. марокашлик

مَرْمَتُونٌ *кўп.* اتٌ — ошпаз бола, ошпазнинг шогирди

مَرْمَرَ 1. 1) аччиқланмоқ, хафа бўлмоқ; 2) аччиқ бўлмоқ; 3) заҳарламоқ (*мас, ҳаётни*); تَمَرْمَرَ 1) тўлқинсимон бўлиб кўтарилмоқ, жилмоқ, кўчмоқ (*қум ҳақида*); 2. нолимоқ, зўрланмоқ, ҳасрат (шикоят) қилмоқ

– مَرْمَرٌ 1) алебастр; 2) мармар

– مَرْمَرِيٌّ мармарга оид; تِمْثَالٌ ~ мармар ҳайкал

مَرْمَطَ ифлос қилмоқ, чапламоқ, кир қилмоқ, булғамоқ

– مَرْمَطَةٌ ифлос қилиш, чаплаш, кир қилиш, булғаш

– مُمَرْمَطٌ ифлос, кир бўлган, булғанган; بَدْلَةٌ ~ـــةٌ кир костюм

مَرْمَتُونٌ = مَرْمَطُونٌ

مَرْمُوطٌ *зоол.* суғур (*ҳайвон*)

مَرْمَغَ ағнатмоқ, судрамоқ (*чангда, тупроқда*); *кўч.м.* тупроққа белаб ташламоқ, оёқ ости қилмоқ

مَرْمَلَادٌ мармелад (*ширинлик*)

مَرْمِيسٌ каркидон

I مَرَنَ (*у*) مُرُونَةٌ، مَرَانَةٌ 1) эгилиб, букилувчан (эластик) бўлмоқ; 2) (*н. гадир*) ўрганиб колмоқ (عَلَى); 3) учиб ўтмоқ, ўтиб кетмоқ, ёнгинадан чопиб ўтмоқ; II مَرَّنَ 1) ўқитмоқ, (*н. гадир*) ўргатмоқ (عَلَى); 2) машқ килдирмоқ; 3) эгилувчан қилмоқ; V تَمَرَّنَ 1) амалиёт (практика) ўтказмоқ, стажировкадан ўтмоқ; 2) (*н. гадир*) ўрганиб колмоқ (عَلَى); 3) машқ қилмоқ, гимнастика қилмоқ

– تَمَرُّنٌ 1) амалиёт, практика, стажировка; 2) ўқиш, ўрганиш

– تَمْرِينٌ *кўп* تَمَارِينُ، ـــاتٌ 1) амалиёт, практика; تَحْتَ الـــ~ амалиётда ўрганаётган, стажёр; 2) машқ; تَمْرِينَاتٌ رِيَاضِيَّةٌ гимнастика машқлари

– مَارِنٌ буруннинг юмшоқ қисми

– مُتَمَرِّنٌ 1) амалиёт ўтказаётган; 2. амалиётчи, практикант

– مِرَانٌ амалиёт, практика

– مَرَانَةٌ 1) амалиёт, практика; 2 эгилиб-букилувчанлик, эластиклик

– مُرَّانٌ *кўп.* مُرَّانَةٌ найза

– مَرِنٌ юмшоқ, эгилиб-букилувчи, эластик; صَمْغٌ ~ каучук

– مُرُونَةٌ юмшоқлик, эгилиб-букилувчанлик, эластиклик; 2) *ҳарб.* маневр қила олишлик

– مُمَرَّنٌ 1) ўрганган, тажрибали; 2) машқ қилган, машқдан ўтган, машқини олган

– مُمَرِّنٌ тренер, инструктор, машқ қилдирувчи, ўргатувчи

مَرْوٌ *жам.* 1) *ге ол.* кремень (*чақмоқтош*), кварц; 2) *бот.* Миср майорани (*қар* مَرْدَقُوشٌ)

– مَرْوَةٌ кремень, парчаси, кварц парчаси.

مرأ *қар* مُرُوءَةٌ، مُرُوَّةٌ

مَرْوِيٌّ، مَرْوَزِيٌّ Марв шаҳрида яшовчи киши, марвлик

I مَرَى (*и*) مِرْيٌ тан олмаслик, танимаслик; баҳслашмоқ, курашмоқ, талашмоқ; حَقَّهُ ~ кимнингдир ҳуқуқини тан олмаслик; III مَارَى 1) (*н. гадир*) шубҳа билан қарамоқ (بِ); 2) баҳслашмоқ, курашмоқ, талашмоқ; 3) баҳслашмоқ, жанжаллашмоқ; VI تَمَارَى ўзаро баҳслашишмоқ; VIII امْتَرَى 1) (*н. дандир*) шубҳаланмоқ (فِي); 2) чиқариб олмоқ; 3) соғиб олмоқ

– امْتِرَاءٌ (*бирор н. га*) шубҳаланиб, шубҳа билан қараш (فِي)

– امْتِرَاءٌ = تَمَارٍ

– مِرَاءٌ шак, шубҳа; لَا ~ فِيهَا حَقِيقَةٌ шак-шубҳасиз ҳақиқат. لَا جِدَالَ فِيهِ وَلَا ~ فِي أَنَّ ... шу нарсага шак-шубҳа йўқки. ... бу мутлақо шак-шубҳасиздир; مَا فِي ذَلِكَ ~ وَلَا شَكٌّ бунга ҳеч шак-шубҳа йўқ

– مِرَاءٌ = مِرْيَةٌ

– مُمَارَاةٌ 1) шак, шубҳа; 2) тан олмаслик, баҳслашиш, талашиш

مَرْيَمُ *ат. от. мн.* Марям; الْعَذْرَاءُ ~ Бокира Марям, Бокира Мария; الْمَجْدَلِيَّةُ ~ Мария Магдолина; بَخُورُ ~ ◊ *бот.* цикламен (*Алп бинафшаси*)

مَرْيَمِيَّةٌ *бот.* шалфей, доривор маврак, мармарак

مَرِينُو، مَرِينُوس زоол. меринос (*майин жунли қўй, унинг жуни ва ундан тўқилган мато*); أَغْنَامُ الْــ~ меринос қўйлар

I مَزَّ (مَزَّ) 1 (u/a) مُزُوزَةٌ، مَزَازَةٌ 1) нордон (нордонсифат, нордон-ширин) бўлмоқ; 2) мазасиз бўлмоқ, таъмсиз (бемаза) бўлмоқ; 2 مَزَّ (a/y) مَزٌّ эммоқ, сўрмоқ; хўплаб ичмоқ

– مَزٌّ، مُزٌّ нордонсифат, нордон-ширин

– مُزَّةٌ кўп. ات — нордон, шўртак, тузланган, газак (*мас, пивога*)

I مَزَجَ (у) مَزْجٌ аралаштирмоқ, аралаштириб юбормоқ, (*н. нидир н. биландир*) бирлаштирмоқ; III مَازَجَ 1) аралаштирмоқ, аралаш-қуралаш қилмоқ; аралаштириб қўймоқ; النَّهَارَ بِاللَّيْلِ ~ маж. кечаси-ю кундузи ишламоқ, меҳнат қилмоқ; тиним билмаслик; 2) қурамоқ, бир-бирига мосламоқ (*рангларни*); 3) (*одамлар билан*) муомала-муносабатда бўлмоқ; 4) банд қилиб турмоқ, кўнгил олиб турмоқ; VI تَمَازَجَ 1) аралашиб кетмоқ, ўзаро аралаш-қуралаш бўлиб кетмоқ; 2) ўзаро мос келмоқ (*мас. кийимларнинг ранги ҳақида*); VIII امْتَزَجَ (*н. биландир*) аралашиб кетмоқ, бирлашиб қўшилиб кетмоқ (بِ); X اسْتَمْزَجَ суриштириб билмоқ; аниқлаб билиб олмоқ; суриштирмоқ; ~ رَأْيَهُ кимнингдир раъйини (фикрини) суриштирмоқ, кимнингдир юрагига қўл солиб кўрмоқ

– امْتِزَاجٌ аралашиш, бирлашиш, аралашма

– تَمَازُجٌ 1) аралашиб кетиш, бирлашиб, қўшилиб кетиш; 2) ўзаро мос келиш (*мас, кийим ҳақида*)

– مِزَاجٌ кўп. أَمْزِجَةٌ 1) мижоз, темперамент, хулқ, атвор, табиат; ~ دَمَوِيٌّ сангвиник мижоз; سَوْدَاوِيٌّ ~ меланхолик мижоз; ~ صَفْرَاوِيٌّ холерик мижоз; لِمْفَاوِيٌّ ёки بَلْغَمِيٌّ ~ флегматик мижоз; حِدَّةُ الْــ~ жаҳлдорлик; 2) кайфият, ҳолат, руҳий ҳолат; ~ مُعَكَّرُ الْــ кайфияти йўқ (ёмон, бузуқ); مُنْحَرِفُ الْــ~ ёмон кайфиятда; ўзининг касал эканини сезаётган; عَصَبِيُّ الْــ~ асабий, асабга оид; 3) тан тузилиши, конституция; 4) мижоз; الْبَدَنِ ~ организм мижози

– مِزَاجِيٌّ рўмол, аёллар бошга ўрайдиган рўмол

– مَزْجٌ силжиш, жилиш, жойдан қўзғалиш; حِسَابُ الْــ~ وَ الْخَلْطِ мат. силжитиш қоидалари

– مَزْجِيٌّ силжишга оид; қўшилган, қўшилиб кетган; التَّرْكِيبُ الْــ~ ёки الْمُرَكَّبُ الْــ~ грам. икки сўзнинг бир маъно берадиган бўлиб қўшилиши, қўшма сўз (*мас,* أَلِفْبَاء *алифбо*)

– مَزِيجٌ 1) силжиган, жилган; 2. 1) таркиб; 2) аралашма; 3) аралаштириб эритилган

I مَزَحَ (а) مَزْحٌ ҳазиллашмоқ, ҳазил-мазах қилмоқ; III مَازَحَ (*к. биландир*) ҳазиллашмоқ, ҳазиллашишмоқ; أَنَا لَا أُمَازِحُكَ! мен ҳазиллашаётганим йўқ!; VI تَمَازَحَ ҳазиллашмоқ, ўзаро ҳазил қилишмоқ, ҳазиллашишмоқ

– مَازِحٌ 1. ҳазил-мазах қилувчи; ҳазилга оид; 2. ҳазилкаш

– مَزَّاحٌ катта (уста) ҳазилкаш, аскиячи, чечан

– مُزَاحٌ، مُزَاحَةٌ ҳазил, мазах

– مَزْحَةٌ ҳазил (мазахли) сўз

الْــ~ مَزْدَكِيَّةٌ: маздакийлик, маздакизм

I مَزَرَ (у) مَزْرٌ (мазасини, таъмини билиш учун) ичиб кўрмоқ

– مَازُورٌ зоол. куктўрғоқ (*қуш*)

– مِزْرٌ мизр (*пиво нави*)

– مَزِيرَةٌ аёл қиёфасидаги жин, ажина (*сол.* عِفْرِيتَةٌ)

I مَزَعَ (а) مَزْعٌ 1) тез юрмоқ, ҳаракат қилмоқ; 2) узмоқ, йиртмоқ, йиртиб, майдалаб ташламоқ; 3) ёлғон гапирмоқ, мақтамоқ; II مَزَّعَ 1) майдалаб йиртиб ташламоқ, парчалаб ташламоқ; 2) титмоқ (*мас. пахтани, жунни*); V تَمَزَّعَ йиртилмоқ, майдаланмоқ

– مَزْعٌ ёлғончилик, мақтанчоқлик

– مُزْعَةٌ، مِزْعَةٌ кўп. مُزَعٌ бурда, парча

I مَزَقَ (и) مَزْقٌ йиртмоқ, йиртиб ташламоқ; II مَزَّقَ йиртиб ташламоқ, парчаламоқ, парчалаб ташламоқ, бурдалаб ташламоқ; عِرْضَهُمْ ~-таҳқирламоқ, ҳақорат қилмоқ; شَرَّ مُمَزَّقٍ ~ бурдалаб ташламоқ; бутунлай йўқ қилмоқ, тор-мор келтирмоқ (*қўшинни*); إِرْبًا إِرْبًا ~ парча-бурон қилмоқ; شَمْلَهُمْ ~ тарқатиб юбормоқ, қувиб юбормоқ; الْقِنَاعَ عَنْ وَجْهِهِ ~ (*к. нингдир*) ниқобини йиртиб ташламоқ; V تَمَزَّقَ парча-парча қилиб ташланмоқ; йиртиб ташланмоқ; حِقْدًا وَ قَلَقًا ~ (*н. дандир*) қаттиқ ғазаб ва ҳаяжонга тушмоқ (مِنْ)

– تَمَزُّقٌ йиртилганлик, парча-парча бўлганлик; узилиш, чўзилиш; الْعَضَلِيُّ الْــ~ пайларнинг чўзилиши

– تَمْزِيقٌ узилиш, узилиб кетиш; الْعَضَلِيُّ الْــ~ пайларнинг чўзилиши

– مَزْقٌ 1) узилиш, йиртилиш; 2) тешик, йиртиқ

– مِزْقَةٌ кўп. مِزَقٌ парча; مِزَقٌ مُشَتَّتَةٌ сочилиб кетган, сочиб юборилган парчалар

– مُمَزَّقٌ 1. парчалаб ташланган; йиртиб ташланган; 2. узилиш, йиртилиш

مَزْلَقَانٌ кўп. اتٌ — 1) тўғон, тўсиқ, дамба; 2) қиялик, яндама, ёнбағир; 3) темир йўлни кесиб ўтган йўл, темир йўлдан ўтиш жойи

مَزْمَزَ 1) кичик-кичик хўплаб ичмоқ; 2) қимирлатмоқ, лиқиллатмоқ

– مَزْمَزَةٌ 1) кичик-кичик хўплаб ичиш; 2) қимирлатиш, лиқиллатиш

مُزْنٌ жам. ёмғирли булутлар; ◊ حَبُّ الْــ~ дўл

– مُزْنَةٌ кўп مُزَنٌ 1) ёмғирли булут; 2) ёмғир; жала, қаттиқ ёмғир

— مَازِنَةٌ *кўп.* ـاتٌ ـَـ = مَزِيَّةٌ

— مَزِيَّةٌ *кўп.* مَزَايَا 1) ортиқлик, имтиёз, фавқулодда ҳуқуқ; 2) хусусият, хос хусусият; 3) фазилат, кўрсатилган хизмат; ◊ الـ~ *хор.* елимшак

I مَسَّ (у, а) مَسٌّ 1) тегмоқ, тегиб кетмоқ, суртинмоқ; 2) тушмоқ (*бало-офат., ёмон кун ҳақида*); ~ـهُ سُوءٌ унинг бошига ёмон кун тушди; 3) (*бирор н га*) тегиб кетмоқ, тегиб ўтмоқ (بِ); (*бирор н. ни*) тилга олмоқ, зикр қилмоқ (بِ); ~ بِالْحُرِّيَّاتِ ҳурлик (эрк) ка дахл қилмоқ; 4) (*н. дир қилиб*) таҳқирламоқ, иззат-нафсига тегмоқ; 5) қатъий талаб қилмоқ; (*н. гадир*) мажбур қилмоқ (*шароит ҳақида*); ◊ ~ الْمَرْأَةَ аёлни жимо қилмоқ, аёл билан жинсий алоқа қилмоқ; ~هُ بِسُوءٍ (بِأَذًى) кимгадир дилозорлик, ёмонлик қилмоқ; III مَاسَّ тегишиб кетмоқ, ўзаро тегишиб кетмоқ; VI تَمَاسَّ ўзаро тегишиб турмоқ, алоқа (контакт) да бўлмоқ

— أَمَسُّ энг кечиктириб бўлмайдиган; (*н. гадир*) ортиқ даражада зарурат сезувчи (إِلَى); هُوَ فِي ~ الْحَاجَةِ إِلَى ... у ...га жуда-жуда ҳожатманд, унга ... жуда ҳам зарур

— تَمَاسٌّ 1) тегиб кетиш; 2) ўзаро тегиб туриш, алоқа (контакт)

— مَاسٌّ 1) тегиб турувчи, алоқадаги; كَهْرَبَائِيٌّ ~ *эл.* қисқа туташув; بَيْنَهُمَا رَحِمٌ ~ـةٌ у иккиси жуда яқин қариндошдир; 2) кечиктириб бўлмайдиган, қатъиятли; حَاجَةٌ ~ـةٌ ўта зарурат, катта эҳтиёж

— مَسٌّ 1) тегиб туриш, тегиш; كَهْرَبَائِيٌّ ~ *эл.* қисқа туташув; 2) ақлдан озиш, телбалик, жиннилик

— مِسَّاسٌ қўлида учи найзали калтак тутган пода ҳайдовчи

— مِسَاسٌ 1) тегиб туриш, тегиш; 2) ҳожат, зарурат; عِنْدَ ~ الْحَاجَةِ ҳожат (зарурат) бўлиб қолганда

— مَسَّةٌ *кўп.* ـاتٌ ـَـ (*бир марта*) тегиб кетиш

— مَسِيسٌ тегиш, тегиб туриш

— مَمْسُوسٌ ақлдан озган, тентак

مِسْتَرٌ мистер, жаноб

مُسْتَرْدَةٌ *халқ.* хантал, горчица

مُسْتَكَةٌ 1) мастика (*мумсимон модда*); 2) мастика эритмаси; 3) *бот.* мастика дарахти (*мумсимон бўёқ, замазка кабилар тайёрланадиган модда берувчи дарахт*)

مَسْتَلَةٌ *кўп.* ـاتٌ — ёғочдан ясалган тик бочкасимон идиш

I مَسَحَ (а) مَسْحٌ 1) (*н. биландир*) бўямоқ, суртамоқ, ёғламоқ (بِ); ~ جِرَاحَ الْحَرْبِ *маж.* уруш яраларини даволамоқ; 2) *черк.* ёғ суртиш маросимини ўтказмоқ (*одатда пешонага бут шаклида зайтун ёғи суртилади*); ~ الْمَرِيضَ بِالْمَسْحَةِ *черк.* ўлаётган ёки оғир касал ётган одам баданини зайтун ёғи билан мойламоқ; 3) тозаламоқ, мойламоқ (*этикни*); ~ أَحْذِيَتَهُ *кўч.м.* кимнингдир олдида ялоқилик қилмоқ, хушомад, лаганбардорлик, тилёғламалик қилмоқ; 4) (*қўлда*) артмоқ (*мас, кўз ёшини*); ~ نَظَّارَتَهُ кўзойнакни артмоқ; 5) (*н. дандир*) ювиб ташламоқ, артиб ташламоқ (عَنْ); тахтани рандаламоқ; ~ بِالسَّيْفِ қилич солмоқ, қиличдан ўтказмоқ; ◊ فُلَانٌ رَقْمَ الْعَالَمِ ~ пalonчи жаҳон рекордини ўрнатди; ~ الدَّرَبُكَّةَ тамбурин (*ноғорага ўхшаш музика асбоби*) чалмоқ; ~ لِحْيَتَهُ соқолни силамоқ, текисламоқ; ~ الْأَرْضَ а) ерни ўлчамоқ, топографик жадвал (съёмка) қилмоқ; б) *шунингдек* ~ الْبَلَاطَ пол ювмоқ; ~تْ بِزَوْجِهَا الْبَلَاطَ *маж.* ўз эрига зулм қилмоқ, ўз эрини хўрламоқ, оёқости қилмоқ; ~ رَأْسَهُ бошни силамоқ, кўнгилга қарамоқ, айтганини қилмоқ, эркалатиб юбормоқ; ~ النِّيلَ (*чўкиб кетганларни топиш мақсадида*) Нилни кавлаштирмоқ; ~ كُلَّ شِبْرٍ فِي مَكَانِ الْحَادِثِ воқеа-ҳодиса юз берган жойнинг ҳар қаричини (*қаттиқ синчиклаб*) текшириб чиқмоқ; II مَسَّحَ яхшилаб артмоқ, тозаламоқ; V تَمَسَّحَ 1) (*н. биландир*) артинмоқ (بِ); 2) (*н. гадир, мас, мушукка*) сурканмоқ (بِ); ◊ ~ لِلصَّلَاةِ таҳорат олмоқ; ~ بِالْأَرْضِ (بِالرَّمْلِ) тупроқ (*қум*) билан таяммум қилмоқ; ~ بِالْمَاءِ ювинмоқ; ~ بِأَذْيَالِهِ *ёки* بِالْأَعْتَابِ وَ الْأَقْدَامِ (*бирор к. олдида*) эмакламоқ, хушомад қилмоқ; VIII اِمْتَسَحَ 1) артилган, тозаланган бўлмоқ; 2) чиқармоқ, чиқариб олмоқ, ажратиб олмоқ

— أَمْسَحُ *мн.* مَسْحَاءُ *кўп.* مُسْحٌ силлиқ, текис, ясқи; لَوْحَةٌ مَسْحَاءُ tabula rasa-текис (силлиқ) тахта (*эмиш: инсон янги туғилганда, текис, силлиқ тахта каби бўлар, кейинчалик у ифлосланар, яъни гуноҳкор бўлар экан*)

— تِمْسَاحٌ *кўп.* تَمَاسِيحُ тимсоҳ; ~ أَمِيرِكَا аллигатор (*йиртқич тимсоҳ*); ◊ دُمُوعُ التَّمَاسِيحِ ёлғон йиғи

— مَاسِحٌ 1. 1) ёғловчи, ёғлаб турувчи; 2) тозаловчи, артувчи; ~ الْأَحْذِيَةِ *маж.* лаганбардор, хушомадгўй; 2. мойловчи; ~ الْجُوخِ пойабзал мойловчи

— مَسَّاحَةٌ *кўп.* ـاتٌ — ўчирғич, резинка

— مِسَاحَةٌ 1) топографик жадвал (съёмка); ~ تَثْلِيثِيَّةٌ тригонометрик съёмка; مَصْلَحَةُ الـ~ топографик бошқарма; عِلْمُ الـ~ топография; 2) *кўп.* ـاتٌ — кенглик, майдон, ҳудуд; масофа; 3) *шунингдек* ~ الْخَشَبِ қиринди, пайраҳа

— مَسْحٌ 1) ёғлаш; 2) *черк.* ёғ суртиш маросими (*қар.* مَسَحَ 2); 3) кир ювиш, тозалаш, артиш; 4) *кўп.* مُسُوحٌ ўлчаш; топографик жадвал (съёмка); الـ~ الْجِيُولُوجِيُّ геологик жадвал (съёмка)

— مِسْحٌ *кўп.* أَمْسَاحٌ, مُسُوحٌ 1) дағал мато, дағал каноп мато; 2) роҳиб (монах)лар кийими

— مَسْحَةٌ 1. 1) рангдаги нозик фарқ, асар, из, аломат; عَلَيْهَا ~ مِنَ الْجَمَالِ у (*аёл*) деярли гўзалдир; 2) мўйқалам билан берилган бўёқ; 3) *черк.* мой суртиш маросими; 2) оз-моз

— مَسِيحٌ 1) бўялган, суртилган; 2) черк. мой суртиш маросимидан ўтган; ~الـ Масиҳ, عِيسَى الـ~ Исо Масиҳ алайҳиссалом; قَبْلَ الـ~ милоддан аввал; بَعْدَ الـ~ милоддан кейин; الـ~ الدَّجَّالُ дажжол, иблис; 3) сийқа (танга, чақа ҳақида)

— مَسِيحِيٌّ 1. масиҳий, христианликка оид; الدِّينُ الـ~ масиҳийлик, христианлик; 2. христиан динидаги киши

— مَسِيحِيَّةٌ الـ~ масиҳийлик, христианлик

— مِمْسَحٌ، مِمْسَحَةٌ кўп. مَمَاسِحُ 1) полювғич (ёғочдан қилинган асбоб); швабра; 2) латта; ~ الْأَرْجُلِ дағал пойандоз, оёқарткич

— مَمْسُوحٌ 1) бўялган, ёғланган; 2) сийқа (танга, чақа ҳақида); ўчиб кетган; ~ مِنَ الْمَعْنَى бемаъни, маъносиз; 3) силлиқ, рандаланган (тахта ҳақида)

I (مسخ) مَسَخَ (а) مَسْخٌ 1) таниб бўлмайдиган қилмоқ, бузмоқ, бузиб кўрсатмоқ, қоронғи (туманли) қилмоқ (маъно, фикр ҳақида); ~ الطَّعَامَ овқатни бемаза тайёрламоқ; 2) фольк. ўзгартирмоқ, айлантирмоқ (қандайдир бир ҳайвонга); ~هُ اللّٰهُ قِرْدًا Оллоҳ уни маймунга айлантирсин!; مُسِخَ мажҳ. мазасиз, бемаза қилиб тайёрланмоқ (овқат ҳақида); مَسُخَ (у) مَسَاخَةٌ мазасиз, бемаза бўлмоқ (овқат ҳақида); VII اِنْمَسَخَ 1) таниб бўлмайдиган, бузилган бўлмоқ; қоронғи, туманли бўлмоқ (маъно, фикр ҳақида); 2) ўзгармоқ, айланмоқ (мас., қандайдир бирон ҳайвонга)

— أَمْسَخُ жуда бемаза; ~ مِنَ الطَّبِيخِ الشَّايِطِ қар. شيط

— مَاسِخٌ[1] кўп. مُسَّاخٌ 1. бузадиган; 2. бузувчи

— مَاسِخٌ[2] мазасиз, бемаза

— مَسَاخَةٌ дидсизлик

— مَسْخٌ 1) бузиш; майиб қилиш; 2) ўзгариш, айланиш, бошқа шаклга кириш, метаморфоза; 3) дин. жон (руҳ) ларнинг кўчиши.

— مِسْخٌ кўп. مُسُوخٌ фольк. 1. (бирор ҳайвонга) айланган; 2. 1) майиб, бадбашара; 2) тусини ўзгартирувчи, иккиюзламачи, мунофиқ

— مُسْخَةٌ масхара, масхарабоз

— مَسِيخٌ 1) бузилган, ўзгартирилган; الـ~ـةُ الْفَرَنْسَوِيَّةُ бузилган француз тили

— مَمْسُوخٌ 1) бузилган, бузиб кўрсатилган; майиб (мажруҳ) қилинган; 2) бадбашара; 3) ориқ (от ҳақида)

مَسْخَرَ (к. нидир, н. нидир.) масхара қилмоқ, устидан кулмоқ; تَمَسْخَرَ (к. нингдир) устидан кулиб, масхара қилмоқ (عَلَى)

— مَسْخَرَةٌ кўп مَسَاخِرُ 1) масхара қилинаётган нарса, устидан кулиш; 2) масхарабозлик; 3) маскарад

I (مسد) مَسَدَ (у) مَسْدٌ эшмоқ, ўрмоқ; ~ الْحَبْلَ арқон эшмоқ; II مَسَّدَ ишқамоқ, ишқаламоқ, силамоқ (массаж қилмоқ); ◊ ~ الشَّعْرَ сочларни силамоқ, текисламоқ; V تَمَسَّدَ ишқаланмоқ, массаж қилинмоқ

— تَمْسِيدٌ массаж, силаш, ишқалаш

— مَسَدٌ кўп أَمْسَادٌ 1) ювинғич (мочалка); 2) хурмо толаси; арғамчи, арқон (хурмо толасидан ясалгани); 3) туянинг жунидан тўқилган арқон; ~ شَدَّهُ إِلَى ... بِحِبَالٍ مِنْ ...га арқон билан қаттиқ боғлаб қўймоқ

مِسْرَى мисро (қибт тақвимининг 12-ойи)

I مَسَطَ (у) مَسْطٌ бармоқлар билан эзиб чиқармоқ (мас., мева ширасини, сувини); сиқмоқ (ювилган кийим-кечакни)

مُسْطَرِينٌ қар. سطر

I مَسَكَ (и) مَسْكٌ 1) (н. нидир) олмоқ, ушлаб турмоқ (بِ); 2) тутиб олмоқ, тутмоқ; 3) мажҳ. тутилган бўлмоқ; 4) (бирор н. ни) тутиб, уни ушлаб турмоқ (мас., йиқилиб кетмаслиги учун بِ—); 5) мед. қабзият келтириб чиқармоқ; ◊ ~ الْحِسَابَ ҳисоб юритмоқ; ~تِ النَّارُ بِالْبَيْتِ олов уйни ўраб олди, уй олов ичида қолди; ~ لِسَانَهُ жим турмоқ, тилни тиймоқ; ~ يَدَهُ қизғончилик қилмоқ, қурумсоқлик қилмоқ; II مَسَّكَ 1) бермоқ ёки ушлаб (тутиб) туришга мажбур қилмоқ; 2) мушк сепмоқ; IV أَمْسَكَ 1) олмоқ, ушлаб (тутиб) турмоқ; ушлаб (тутиб, илиб, чанғаллаб) олмоқ; (н. нидир) суяб, кўтариб турмоқ (туш. к. ёки بِ); ~ زِمَامَ نَفْسِهِ маж. ўзини тутиб олмоқ, ўзини қўлга олмоқ; ~ بِهِ الرَّمَقَ ёки ~ بِهِ نَفْسَهُ бирор нарса ёрдамида ҳаётини сақлаб қолмоқ; ~ عَلَيْهِ الْأَوَدَ кимнидир (моддий томондан) қувватламоқ; 2) (н. нидир) тутиб турмоқ, (н. нидир) қайтармаслик, қайтариб бермаслик; 3) (н. дандир) ўзини тиймоқ, воз кечмоқ (عَنْ); 4) (н. нидир) тўхтатмоқ, бас қилмоқ (عَنْ); ~ عَنِ الْكَلَامِ гапирмаслик, жим турмоқ; ~ عَنِ الْبُكَاءِ йиғлашдан тўхтамоқ; ~ عَنِ التَّصْوِيتِ овоз беришдан ўзини тўхтатмоқ, овоз бермаслик; ◊ ~ الدَّفَاتِرَ ҳисобчилик дафтарини юритмоқ, бухгалтерия ҳисобини юритмоқ; ~ـهُ فِي سِينٍ وَجِيمٍ кимнидир сўроқ қилмоқ; V تَمَسَّكَ 1) (н. гадир) амал қилмоқ, суянмоқ; (н. гадир) тарафдор бўлмоқ (بِ); (н. гадир) эргашмоқ (بِ); 2) (н. нидир) қаттиқ тутмоқ (بِ); (н. гадир) ёпишиб олмоқ (بِ); (н. нидир) қатъий талаб қилмоқ (بِ) VI تَمَاسَكَ бир-бирига суянмоқ; бирлашган, жипслашган бўлмоқ; ўзаро боғлиқ бўлмоқ; 2) ўзини тутмоқ, ўзини тутиб тура олмоқ; ◊ مَا ~ عَنْ أَنْ ...ни қилмасликдан ўзини тутиб тура олмади; VII اِنْمَسَكَ 1) (к. нингдир) қўлларида бўлмоқ; 2) тутилган, қўлга туширилган бўлмоқ, X اِسْتَمْسَكَ 1) (к. гадир, н. гадир) таянмоқ, қаттиқ амал қилмоқ (بِ); 2) (н. нидир) ушлаб турмоқ, сақлаб турмоқ (بِ); 3) (н. дандир) ўзини тутмоқ, тийиб турмоқ (عَنْ، مِنْ); ◊ اِسْتَمْسَكَ بَوْلُهُ унинг сийдиги тутилиб қолган

— إِمْسَاكٌ 1) қизғончиқлик; 2) иқтисод; рад этиш, тийилиш; 3) дин. рамазон ойида рўзанинг бошланиши; 4) мед. қабзият; الـ~ الْمُزْمِنُ сурункали қабзият; ◊ ~ الدَّفَاتِرِ ҳисоб-китоб дафтари юритиш, бухгалтерия ҳисобини юритиш

– إِمْسَاكِيَّةٌ (*рамазон ойида қачон оғиз ёпиш, қачон оғиз очиш соатлари кунма-кун кўрсатиб қўйилган*) календарь, тақвим

– تَمَاسُكٌ 1) бирлашганлик, боғлиқлик, жипслашув; уланганлик, уланиш; قُوَّةُ الـ~ уланиш қуввати, кучи; 2) бутунлик, компактлилик; 3) йиғинчоқлик, ўзини тута билиш; руҳий мувозанат

– تَمَسُّكٌ 1) тарафдорлик, издошлик; 2) доимийлик (*баҳо, нарх ҳақида*)

– مَاسِكٌ 1. 1) ушлаб турган; тутиб олган, тутиб олаётган; 2) қаттиқ; 2. (*бирор н. га*) эга, қўлида тутиб турувчи; ◊ ~ـة اليَدِ у қизғончиқроқ; ~ الدَّفَاتِرِ ҳисобчи, бухгалтер

– مُتَمَاسِكٌ 1) бирлашган, жипслашган; 2) (*қаттиқ*) жипслашган; ~ـة بَيَادِقُ *шахм.* маташган пиёдалар; 3) ихчам, ўзини тутиб олган

– مَسَاكٌ *кўп.* ـاتٌ — тўғон, дамба

– مِسَاكٌ 1) бирикиш, жипслашиш кучи; 2) қисқич, бириктиргич

– مَسَاكَةٌ 1) қизғончиқлик, зиқна, хасис; 2) ҳеч нарсани (*мас., нурни, товушни*) ўтказмаслик

– مَسَّاكَةٌ *кўп.* ـاتٌ — қисқич (скрепка)

– مَسْكٌ 1) тутиш, қўлга тушириш, қўлга олиш; 2) юритиш (*ҳисоб-китобни*): ~ الدَّفَاتِرِ التِّجَارِيَّةِ бухгалтерия, ҳисоб-китоб; ~ الحِسَابَاتِ ҳисоб-китоб юритиш, ҳисобчилик

– مُسُكٌ қизғанчиқроқ, зиқнароқ, хасисроқ

– مِسْكٌ мушк; ~ رُومِيٌّ *бот.* тубероза, табаргул (*хушбўй оқ гулли ўсимлик*); غَزَالُ الـ~ *зоол.* Хитой (Чин) кийиги (*одатда унинг киндиги ёнидан мушк олинади*); فَأْرَةُ الـ~ ондатра; قُنْدُسُ الـ~ *ёки* نِمْسُ الـ~ қоракўзан

– مُسْكَانِيٌّ *бот.* мускат (*узум нави*)

– مُسْكَانٌ *кўп.* مَسَاكِينُ бай пули, бўнак, заколат

– مَسَكَةٌ *кўп.* ـاتٌ — қоплама, покришка (*автомобиль ғилдирагида*)

– مَسَكَةٌ, مُسْكَةٌ *кўп.* مُسَكٌ 1) ручка, даста; ~ الرِّيشَةِ (пероли) ручка; 2) таянч, суянчиқ; 3) шиқ-шиқ қулф, лўкидон, зашёлка; ◊ لَيْسَ لَهُ وَلَوْ ~ مِنَ الْعَقْلِ унинг бир томчи (зиғирча) ҳам ақли йўқ; 4) қолдиқ; 5) тош, гиря (*машқ қилиш учун ишлатиладиган 5кг. лиги*)

– مُسْكَةٌ 1) қизғанчиқ, мумсик, зиқна, хасис; 2) чаққон, тутсакесар, саботли

– مَسَاكَةٌ = مُسْكَةٌ

– مُسْكَةٌ[1] гўнг, тезак

– مُسْكَةٌ[2] *кўп.* مُسَكٌ мушк парчаси

– مِسْكِيٌّ мушкли, мушкка оид

– مِسْكِيَّةٌ мушк бўйи, ҳиди

– مَسِيكٌ 1) қаттиқ ушлаб турган; 2) қизғанчиқ, мумсик, зиқна, хасис; 3) сув ўтказмайдиган, нам тортмайдиган

– مُمْسِكٌ 1) ушлаб, тутиб турадиган; 2) ғоят тежамкор, тежаб-терговчи; мумсик, хасис, қизғанчиқ, зиқна

– مُمَسَّكٌ мушк сўртилган; мушк бўйи таратаётган; صَابُونٌ ~ атр совун

مَسْكَنَةٌ қашшоқлик, камбағаллик, гадолик

– مِسْكِينٌ *кўп.* مَسَاكِينُ мискин, камбағал; бебахт, бечора

مَسْمَرَ михламоқ; تَمَسْمَرَ 1) михланган бўлмоқ; 2) *кўч.м.* михланиб қўйилмоқ; ◊ ~تِ البَدْلَةُ عَلَى جِسْمِهِ унга костюм қуйиб қўйгандай тушди

– مِسْمَارٌ *кўп.* مَسَامِيرُ سمر *қар.*

(مسى) II مَسَّى хайрли оқшом тиламоқ; مَسَّاكُمُ اللهُ بِالْخَيْرِ! оқшомингиз хайрли бўлсин!; III مَاسَى (*бирор н. ни*) кечқурун, оқшомда кутиб олмоқ; IV أَمْسَى 1) оқшом тушмоқ; 2) бўлмоқ, қилинмоқ; 3) кечқурун, оқшомда (*бирор жойда*) бўлмоқ

– أُمْسِيَّةٌ *кўп.* ـاتٌ, أَمَاسِيُّ — кечки пайт, оқшом

– مَسَاءٌ *кўп.* أَمْسِيَةٌ, أَمْسَاءٌ оқшом; الـ~ «ал- Масо» (*Қоҳира газеталаридан бирининг номи*); ~ кечқурун, оқшомда; أَمْسِ ~ кеча кечқурун, кеча оқшомда; مَسَاؤُكُمْ بِالْخَيْرِ! *ёки* ~ الْخَيْرِ! оқшомингиз хайрли бўлсин!; صَبَاحَ ~ صَبَاحٌ *қар.*

– مَسَائِيٌّ кечки, оқшомги; الصُّحُفُ الـ~ـة кечки газеталар; الْجَامِعَةُ الـ~ـة кечки университет

– مُمْسًى оқшом пайти, кеч, кечқурун; قَضَى مُصْبَحَهُ وَمُمْسَاهُ (*бирор н. устида*) эрта-ю кеч ўтирмоқ (ишламоқ)

مُسْيُو мосье, жаноб

مُشْ *халқ* ...мас, эмас, йўқ; ~ مُمْكِنٌ мумкинмас, мумкин эмас, имкони йўқ

I مَشَّ (*а/у*) مَشٌّ 1) сўрмоқ (*суяк ичидаги иликни*); 2) ҳўлламоқ, намламоқ; II مَشْمَشَ сўриб олмоқ (*суяк ичидаги иликни*); 1) ачиган, бузилган бўлмоқ (*тухум ҳақида*)

– مِشٌّ зардоб (*сутники*); خَارِقٌ زَيُّ الـ~ *халқ.* зардобдай шўр

– مَشُوشٌ сочиқча, сочиқ

I مَشَجَ (*у*) مَشْجٌ аралаштирмоқ, қўшиб аралаштирмоқ

– مَشْجٌ *кўп.* أَمْشَاجٌ аралашма; ~ مِنَ الأَلْوَانِ бўёқлар аралашмаси

– مَشِيجٌ *биол.* гамета (*ирсий ҳужайра*)

I مَشَحَ (*а*) مَشْحٌ *дин.* оғир касал ёки ўлган одам баданига зайтун мойи суртмоқ

– مَشْحَةٌ *дин.* оғир касал ёки ўлган одам баданига зайтун мойи суртиш маросими

(مشدق) تَمَشْدَقَ 1) тушунарсиз (узуқ-юлуқ, секин) гапирмоқ, 2) мақтамоқ, йўқ хусусиятларни топмоқ, ёпиштирмоқ

مُشَارَةٌ мушора (*Ироқда ер ўлчови бирлиги, 2500 кв. м га тенг*)

I مَشَطَ (*у*) مَشْطٌ тарамоқ, тароқламоқ (*сочни*); II مَشَّطَ титмоқ,

тароқламоқ (*жунни*); тарамоқ (*сочни*); (*шунингдек, кўч.м.*) тарамоқ; ~ قَاعَ الْبَحْرِ денгиз остини текширмоқ, тарошламоқ (*мас, чўкиб кетган кемаларни ахтариб*); V تَمَشَّطَ таранмоқ; VIII اِمْتَشَطَ = V

– تَمْشِيطٌ тараш, тароқлаш; (*кўч.м*) тараш; титиш; آلَةُ الـ~ титиш машинаси

– مَاشِطٌ 1. (*сочни*) тараётган; 2. сартарош

– مَاشِطَةٌ *кўп.* اتٌ — меҳмонхона ходимаси

– مُشَاطَةٌ таранди (*тараганда чиқадиган тук*)

– مَشَّاطَةٌ *кўп.* اتٌ — титиш машинаси

– مُشْطٌ, مِشْطٌ *кўп.* أَمْشَاطٌ тароқ; بُسْتَانِيٌّ ~ хаскаш, боғ хаскаши; ~ التَّذْيِيلِ *полигр.* китоб ва унинг бўлимлари охиридаги безак, лавҳа; ~ الرِّجْلِ *анат.* оёқ кафти (*товон билан бармоқлар ораси*); ~ الْيَدِ панжа ўзаги, кафт орқаси; ~ الْكَتِفِ елкадаги кенг суяк, курак; ғижжак, скрипка хараги, эшаги; هُمْ كَأَسْنَانِ الـ~ *маж.* уларнинг ҳаммаси бир гўр (*сўзма-сўз: уларнинг ҳаммаси тароқнинг тиши каби*); ◊ عَلَى أَمْشَاطِ الْأَقْدَامِ оёқ учида

– مِشْطَةٌ (*жун, каноп кабилар толасини титиш, тозалашда ишлатиладиган*) тароқ

– مُشْطِيٌّ тароқсимон, тароққа ўхшаш

– مَشِيطٌ таралган

– مُمَشَّطٌ таралган; الصُّوفُ الـ~ таралган майин жун

I مَشَعَ (и) مَشْعٌ 1) (*пахтани*) титмоқ; 2) чапиллатмоқ, қаттиқ овоз чиқариб чайнамоқ, кавшамоқ; 3) ўғирламоқ, олиб кетмоқ, гум қилмоқ

I مَشَقَ (у) مَشْقٌ 1) (*пахтани, жунни*) титмоқ; 2) чўзмоқ, узайтирмоқ (*канопни*); 3) узмоқ, узиб ташламоқ; 4) қамчиламоқ, қамчи билан урмоқ; 5) тез бажармоқ, тез амалга оширмоқ; IV أَمْشَقَ қамчиламоқ, қамчи билан урмоқ; V تَمَشَّقَ узилмоқ, узилиб кетмоқ; VIII اِمْتَشَقَ тутмоқ, қўлга олмоқ, қўлга туширмоқ; ~ السَّيْفَ қиличини (*қиндан*) чиқармоқ; ~ السِّلَاحَ (*қўлга*) қурол олмоқ

– مُشَاقٌ, مُشَاقَةٌ тараганда тушадиган жунлар, чиқинди, чиқит; зиғир, канопнинг техникада ишлатиладиган дағал толаси, пакля

– مَشْقٌ[1] қизил, куюнди рангли охра (*бўёқ*)

– مَشْقٌ[2] ҳуснихат; намуналар (*ҳуснихат, рассомлик к. ларда*)

– مَشِيقٌ = مَشْقٌ

– مُشَاقٌ = مُشَاقَةٌ

– مَشِيقٌ қадди-басти расо, келишган, хушбичим, латиф, хиромон

– مِمْشَقَةٌ *кўп.* مَمَاشِقُ тароқ (*каноп, жун ва б. лар учун*)

– مَمْشُوقٌ қадди-басти келишган, расо, хушбичим; ~ الْقَدِّ қадди расо

مُشْتَقِيَّةٌ *кўп.* اتٌ — *тех.* шпиндель; ~ الْمِخْرَطَةِ токарлик дастгоҳи шпиндели

مِشْلُوزٌ мағзи ширин ўрик

مِشْمِشٌ *жам.* ўриклар; لَوْزِيٌّ ~ *ёки* حَمَوِيٌّ ~ мағзи ширин ўриклар; كَلَابِيٌّ ~ аччиқ мағизли ўриклар; بُكْرَةٌ فِي الـ~ *мқл.* туянинг думи ерга текканда

– مِشْمِشَةٌ *кўп.* اتٌ — ўрик (*меваси ва дарахти*)

مُشْمُلَةٌ, مُشْمُلاً *бот.* мушмула (*жанубий мамлакатларда ўсадиган тиканли бута*)

مِشَانٌ, مُشَانٌ хурмо навларидан бири

(مشو) IV أَمْشَى ични юмшатмоқ (*дори-дармон ҳақида*); X اِسْتَمْشَى ични юмшатадиган дори ичмоқ

– مَشُوٌّ ични юмшатувчи

مَشْوَرَ юришга, айланиб юришга, сайр этишга мажбур қилмоқ

– مِشْوَارٌ *кўп.* مَشَاوِيرُ 1) юриш; 2) бирор жойга бориш, сайру тамошо; ~ فِي اِسْتَصْحَبَهُ مَعَهُ кимнидир ўзи билан сайру тамошога олиб кетмоқ; 3) дам олмай югуриб ўтиш мумкин бўлган масофа, йўл; 4) хизмат сафари, топшириқ, хизмат; عَلَيَّ ضَرُورِيٌّ ~ мен иш (хизмат) юзасидан боришим керак; 5) ҳаракат (*поршенники*)

– مَشْوَرَةٌ[1] сайр, сайру тамошо

– مَشْوَرَةٌ[2] *кўп.* اتٌ — *қар.* شور

I مَشَى (и) مَشْيٌ 1) юрмоқ, ҳаракат қилмоқ; ~ عَلَى الْأَقْدَامِ пиёда юрмоқ; ~ عَلَى قَدَمَيْنِ икки оёқда юрмоқ (*эмаклаб эмас*); 2) марш қилиб (*ҳарбийча қадам ташлаб*) юрмоқ; 3) юрмоқ, ҳаракат қилмоқ (*машина ҳақида*); ◊ بَطْنُهُ ~ унинг қорни оғрияпти, ичи кетяпти; II مَشَّى 1) юришга (*боришга*) мажбур қилмоқ; ўтишга мажбур қилмоқ, жорий қилмоқ; مَشْرُوعَهُ ~ ўз режасини ўтказмоқ, жорий қилмоқ; 2) ҳаракатга келтирмоқ; الْأُمُورَ ~ ишни бажармоқ; 3) бўшашмоқ (*ич ҳақида*); III مَاشَى (*к. билан дир*) ёнма-ён, бирга-бирга, тенг юрмоқ; IV أَمْشَى 1) боришга, юришга мажбур қилмоқ; 2) бўшашмоқ (*ич ҳақида*); V تَمَشَّى 1) юрмоқ, бормоқ, ҳаракат қилмоқ; 2) (*н, билан дир*) тенг бўлмоқ (مَعَ); (*н.-гадир*) мос келмоқ (مَعَ); 3) (*н, гадир мос равишда*) ҳаракат қилмоқ; (*н. нингдир*) изидан бормоқ (عَلَى); 4) сайр қилмоқ, тамошо қилиб юрмоқ, ўйнаб юрмоқ; 5) (*н. гадир*) тарқалмоқ (عَلَى); VI تَمَاشَى 1) биргалашиб юрмоқ, бормоқ; 2) (*н. гадир*) эргашмоқ (عَلَى)

– تَمَاشٍ ҳаракат, эргашиш, ортидан бориш; تَمَاشِيًا مَعَ سِيَاسَةِ ... فِي الْاِقْتِصَادِ ... даги иқтисод сиёсатига мос ҳолда

– مَاشٍ *мн.* مَاشِيَةٌ *кўп.* مُشَاةٌ 1. пиёда юраётган (бораётган); пиёда; عَلَى الْمَاشِي оёқда юриб, юриб бора туриб (*мас., емоқ*); 2. пиёда, пиёда юрувчи; *кўп.* пиёдалар (пехота); مُشَاةُ الْبَحْرِيَّةِ

денгиз пиёдалари; ◊ لاَ يَزَالُ عَلَى الْمَاشِي у шу вақтгача ишсиздир

– مَاشِيَةٌ кўп. مَوَاشٍ ҳайвонлар, чорва; الْمَوَاشِي الْحَيَّةُ тирик ҳайвонлар, тирик чорва

– مَشَّاءٌ 1) пиёда юрувчи одам, пиёда; 2) фалс. перипатетик, перипатетизм тарафдори

– مَشَّائِيَّةٌ: الـ~ фалс. перипатетизм (*Арасту томонидан асос солинган фалсафий оқим*)

– مَشَّايَةٌ кўп ~اتٌ — 1) болалар аравачаси (*юришга ўргатиш учун*); 2) оралиқ, ўтиш жойи (*мас., қаторлар орасидаги*); 3) йўлак, коридор; 4) тахта зина (пиллапоя), кўприкча; 5) гилам пояндоз

– مَشْيٌ 1) пиёда юриш, ҳаракат, марш; 2) ҳарбийларча юриш (маршировка); ~ا عَلَى الْأَقْدَامِ пиёдалаб

– مَشَيَانٌ 1) пиёда юриш; 2) ичбуруғ

– مِشْيَةٌ оёқ олиш, қадам ташлаш

– مَشِيَّةٌ = مَشِيئَةٌ қар. شيأ

– مَمْشًى кўп. مَمَاشٍ 1) ўтиш жойи, оралиқ; 2) йўлак, коридор; икки бинони бир-бирига улаб турувчи йўлак; 3) тахта зина (пиллапоя); 4) хиёбон; йўлка

تَمَشْيَخَ ўзини қари, кекса деб кўрсатмоқ

مَشِيمَةٌ қар. شيم

I مَصَّ (а/у) ёки مَصَّ (у/а) مَصٌّ 1) сўрмоқ, эммоқ; ~ الثَّدْيَ кўкрак эммоқ; ~ الْقَصَبَ а) шакарқамишни шиммоқ; б) аламларни бошдан кечирмоқ; 2) сўриб олмоқ; ютиб, сингитиб юбормоқ; V تَمَصَّصَ суюқ нарсани сўриб ичмоқ; кичик ҳўпламлар билан ичмоқ; VIII امْتَصَّ 1) эммоқ, сўрмоқ; 2) сўрмоқ, шиммоқ, ютиб (ҳазм қилиб) юбормоқ; сингдирмоқ

– امْتِصَاصٌ 1) сўриш, емиш; 2) сўриш, шимиш, ютиб (ҳазм қилиб) юбориш; сингдириш

– امْتِصَاصِيَّةٌ сўрилиш, ютилиш, шимилиш хусусияти

– مَاصٌّ 1) сўрувчи, эмувчи, шимувчи, ютувчи; ~ لِلصَّوْتِ овоз ютувчи; 2) шимувчи, сўрувчи

– مَاصَّةٌ кўп. مَوَاصُّ, ~اتٌ — 1) сўрувчи насос; 2) пипетка (*кўзга, бурунга ва б. ларга суюқ дори қуюувчи шиша асбоб*)

– مَصٌّ 1) сўриш, эмиш; 2) шимиш; ◊ قَصَبُ الـ~ шакарқамиш

– مَصَّاصٌ 1. сўрувчи, шимувчи, ютиб (ҳазм қилиб) юборувчи; ~ دِمَاءِ الْبَشَرِ ёки الدِّمَاءِ қонхўр (*тамаъгир, юлғич, товламачилар ҳақида*) 2. 1) даволаш учун банка қўйган киши; 2) тех. шимиш ҳаракатини юзага чиқарувчи модда; 3) қон сўрувчи афсонавий жонвор, вампир

– مَصَّاصَةٌ кўп. ~اتٌ — 1) ёш бойўғли; 2) сифон (*юқоридаги идишдан қуйироқдаги идишга сув ўтказадиган шиша найча*); 3) чўпакка ўрнатилган (*хўрозқанд сингари*) сўрма қанд

– مُصَاصَةٌ сўриш, шимиш мумкин бўлган ҳар нарса; ~ الْقَصَبِ шакарқамиш кунжараси

– مَصَّاصِيَّةٌ шимиш, шимилиш хусусияти

– مُصَّانٌ шакарқамиш

– مَصَّةٌ кўп. ~اتٌ — 1) сўриш, сўрилиш; ичга тортиш; 2) ютим

– مَصُوصٌ овқат

– مَصِيصٌ нам, рутубатли

– مَصِّيصٌ 1) гипс; 2) сувоқ; ◊ خَيْطُ ~ чизимча, каноп ип

– مَصِّيصَةُ Шом ўлкасидаги шаҳарт номи

– مُمْتَصٌّ 1) сўрувчи, эмувчи; 2) шимувчи, ютувчи

– مِمَصٌّ кўп. ~اتٌ — сифон, сифон найчаси

– مَمْصُوصٌ 1) сўрилган, шимилган; 2) ориқ, силласи қуриган

(مصر) II مَصَّرَ 1) одам кўчириб келиб жойламоқ, колонияга айлантирмоқ (*жой, ҳудуд ҳақида*); ~ الْأَمْصَارَ шаҳарлар қурмоқ; 2) Миср фуқаролигига қабул килмоқ, мисрлаштирмоқ; V تَمَصَّرَ 1) кўчириб келтирилган одамлар билан жойлаштирилган бўлмоқ, колонияга айланган бўлмоқ; 2) Миср фуқаролигига қабул қилинган бўлмоқ; мисрлашган бўлмоқ; X اسْتَمْصَرَ мисрлаштирилмоқ

– مِصْرٌ кўп. أَمْصَارٌ шаҳар; пойтахт; ◊ الـ~انِ ик.с. Куфа ва Басра шаҳарлари; فِي كُلِّ عَصْرٍ وَ~ ҳамма вақт ва ҳамма жойда (*сўзма-сўз: ҳамма асрларда ва ҳамма шаҳарларда*)

– مِصْرُ Миср; Қоҳира шаҳри

– مُصْرَانٌ кўп. مَصَارِينُ ичак-чавоқ

– مِصْرُولُوجِيٌّ мисршунос

– مِصْرُولُوجِيَّةٌ мисршунослик

– مِصْرِيٌّ 1. Мисрга оид; 2. мисрлик киши; Қоҳира шаҳрида яшовчи киши; الْقُطْرُ الـ~ Миср; الـ~ونَ الْقُدَمَاءُ қадимий мисрликлар

– مِصْرِيَّاتٌ кўп. Миср янгиликлари (*газетадаги бўлим*); Миср билан алоқадор ҳамма нарса; عَالِمُ الـ~ мисршунос

– مِصْرِيَّةٌ[1] кўп. ~اتٌ — мисрлик аёл; Қоҳира шаҳрида яшовчи аёл

– مِصْرِيَّةٌ[2] келиб чиқиши мисрлик бўлган; Мисрга оид; Миср фуқаролиги

– مِصْرِيَّةٌ[3] кўп. مَصَارِيُّ майда чақа-танга; кўп. пул

– مَصِيرٌ[1] кўп. مُصْرَانٌ анат. ичак

– مَصِيرٌ[2] қар. صير

مَصْطَبَةٌ кўп. مَصَاطِبُ 1) тош супа; мастаба; 2) кўтарма, супача (*уй пойдеворининг ташқи томони бўйлаб тупроқдан кўтарилган супача*)

مَصْطَكَى، مُصْطَكَى، مِصْطَكَا، مُصْطَكَا (сол. مَسْتَكَةٌ) елим дарахтининг елими; شَجَرَةُ الـ~ елим (мастика) дарахти

I. مَصَلَ (у) مَصْلٌ 1) ивиб қолмоқ (*сут, қон ҳақида*); 2) сузмоқ, докадан ўтказмоқ (*сутни*)

– مُصَالَةٌ сузмадан оққан зардоб

– مَصْلٌ кўп. مُصُولٌ، أَمْصِلَةٌ зардоб, вакцина; الـ~ الْمُضَادُّ

لِلْجُدَرِيِّ чечакка қарши вакцина; ... الْـ~ الْوَاقِي مِنَ ... ...га қарши вакцина; ~ اللَّبَنِ сут (қатиқ) зардоби; ~ الدَّمِ қоннинг суюқ қисми, плазма, қон зардоби

— مَصْلِيٌّ зардобга оид

— مَصْلِيَّةٌ серозлилик, серозга оид

مَصْمَصَ 1) яламоқ, чапиллатмоқ, чапиллатиб қўймоқ; емоқ, сўрмоқ; ~ شَفَتَيْهِ лабларни яламоқ; ~ الْعَظْمَ а) суяк илигини сўрмоқ; б) суяк ғажимоқ; 2) (оғизни) чаймоқ تَمَصْمَصَ (оғизни) чайқамоқ

— مَصْمَصَةٌ 1) яланиш, чапиллатиш; сўриш, эмиш; ~ الْإِعْجَابِ ғоят хурсанд бўлганидан оғиз чапиллатиш; 2) чайқаш, чайиш (оғизни)

I (مضّ) مَضَّ[1] (а/у) مَضٌّ, مَضِيضٌ азоб бермоқ, изтиробга солмоқ, азобламоқ; الْكُحْلُ يَمُضُّ الْعَيْنَ сурма кўзни ачиштириб куйдиради; مَضِضَ[2] (у/а) مَضَضٌ, مَضَاضَةٌ (н. дандир) азоб чекмоқ (тортмоқ), изтироб тортмоқ (مِنْ); IV أَمَضَّ = I

— مَضٌّ азобловчи, азоб берувчи, азоблайдиган, оғритадиган, изтиробга соладиган

— مُضَاضٌ тузли сув, шўр сув, намакоб

— مَضَاضَةٌ азоб, изтироб; хафагарчилик

— مَضَضٌ 1) азоб, уқубат, изтироб; قَاسَى ~ الْمَجَاعَةِ очлик азобини тортмоқ; ~ فِرَاقِهِ кимдандир айрилиш азоби; عَلَى ~ مِنْهُ хоҳламаган ҳолда, ўз истагига зид равишда, астойдил истамай, юрак ютиб; 2) қатиқ; ◊ هُوَ عَلَى ~ у бесаранжом (нотинч, хавф-хатарда, хавотирда, чўғ устида ўтиргандай)

— مَضِيضٌ азоб, уқубат, изтироб

— مُمِضٌّ азобли, уқубатли, оғир

I (مضر) مَضَرَ (у) مَضْرٌ, مُضُورٌ *ёки* مَضِرَ (а) مَضَرٌ ачиб қолмоқ (*сут ҳақида*); II مَضَّرَ Музар (مُضَرُ) қабиласига мансуб ҳисобламоқ; ~ اللهُ مُضَرَ فِي النَّارِ! Оллоҳ Музарни дўзахда куйдирсин!

— مَضِرٌ ачиган (*сут ҳақида*)

— مُضَرُ *ат. от, мз.* Музар (*шимолий араблар аждодининг бошлаб берувчиси*); بَنُو ~ шимолий араблар; لُغَةُ ~ классик (мумтоз) араб тили

— مَضِيرَةٌ қатиқ қўшиб тайёрланган овқат

I مَضَغَ (а, у) مَضْغٌ чайнамоқ, кавшамоқ; ◊ ~ الْحِقْدَ нафрат, кек сақламоқ, нафрат (*кек*)ни яшириб юрмоқ; ~ الصَّمْتَ жим турмоқ, индамаслик; ~ الْكَلَامَ чайналмоқ, тушунарсиз гапирмоқ

— مَاضِغٌ чайнаётган, кавшаётган; ~انِ *ик.с.* (устки ва остки) жағлар; مَوَاضِغُ *кўп* тишлар

— مُضَاغَةٌ 1) чайналаётган; 2) сақич, чайналадиган резинка

— مُضْغَةٌ *кўп.* مُضَغٌ 1) чайналаётган нарсанинг кичик бир бўлаги (*мас. чайналадиган тамаки, сақич, резинка ва б. лар*), сақич; أَصْبَحَتْ هٰذِهِ الْأَحَادِيثُ ~ فِي الْأَفْوَاهِ бу гап-сўзлар жонга тегди; صَارَ ~ فِي أَفْوَاهِ النَّاسِ тилларда достон бўлмоқ, оғизга тушиб кетмоқ; ~ طَيِّبَةٌ (*бирор н. нинг*) яхши жойи; 2) гўштнинг, овқатнинг бўлаги, қисми; 3) *қур.* лахта қон (*янги пайдо бўлган ҳомила, эмбрион*); قَلْبُ الْإِنْسَانِ ~ مِنْ جَسَدِهِ юрак инсон жасадининг бир қисмидир

مَضْمَضَ (*оғизни*) чаймоқ, ювмоқ; ~ الثَّوْبَ кийим-кечакни ювмоқ; تَمَضْمَضَ (*таҳоратда*) оғизга сув олиб чаймоқ

— مَضْمَضَةٌ (*оғизни*) чайқаш, ювиш

I (مضى) مَضَى[1] (и) مُضِيٌّ, مُضُوٌّ 1) ўтмоқ, ўтиб кетмоқ; (*н. нидир*) олиб кетмоқ (بِ); ўтмоқ, ўтиб кетмоқ (*вақт ҳақида*); ~ عَلَى ذٰلِكَ سِنُونَ ундан кейин кўп йиллар ўтиб кетди; فِيمَا ~ ўтган замонларда, ўтмишда; 2) (*к. нидир*) бошламоқ, етакламоқ (بِ); 3) (*н. нидир*) давом эттирмоқ, янада илгарилаб кетмоқ (بِ, فِي, *шунингдек бошқа феълнинг ҳозирги-келаси замон шакли олдида*); ~ فِي قِرَاءَةِ كِتَابٍ *ёки* ~ يَقْرَأُ كِتَابًا у китоб ўқишда давом этаверди; ~ عَلَى الْأَمْرِ ишни битирмоқ, тамомламоқ; 4) имзо чекмоқ; ◊ ~ إِلَى رَبِّهِ ўлмоқ, вафот этмоқ; ~ سَبِيلَهُ (بِسَبِيلِهِ) ўлмоқ, ўлаётган бўлмоқ; مَضِيَ[2] (и) مَضَاءٌ кескир, ўткир бўлмоқ (*қилич ҳақида*); II مَضَّى 1) (*вақт*) ўтказмоқ; 2) (*жазони*) ўтамоқ; 3) имзо чекишга мажбур қилмоқ; IV أَمْضَى (*вақт*) ўтказмоқ, сарф қилмоқ; ~ إِجَازَتَهُ меҳнат таътилини ўтказмоқ; 2) тамомламоқ, тугалламоқ, битирмоқ; ~ الْاِخْتِبَارَاتِ тажриба, синовлар ўтказмоқ; 3) имзоламоқ, имзо чекмоқ, имзо қўймоқ; V تَمَضَّى тамомланган, бажарилган бўлмоқ

— أَمْضَى энг ўткир, энг кескир

— إِمْضَاءٌ *кўп.* ~اتٌ имзо; ~ مُسْتَعَارٌ тахаллус; إِمْضَاءَاتٌ تَحْتَ النِّدَاءِ чақириқ остидаги имзолар; صَاحِبُ الْـ~ имзо эгаси, имзо чеккан, имзолаган

— تَمْضِيَةٌ ўтказиш; ~ الْوَقْتِ вақт ўтказиш

— مَاضٍ *мн.* مَاضِيَةٌ 1. 1) мозийдаги, ўтмишдаги; الْمَاضِي мозий, ўтмиш; فِي الْمَاضِي мозийда, ўтмишда; الشَّهْرُ الْمَاضِي ўтган ой; 2) ўткир, кескир (*мас.*, пичоқ); مَاضِي الْعَزِيمَةِ қатъий қарор қилган; 2. الْمَاضِي *ёки* الزَّمَنُ الْمَاضِي *грам.* ўтган замон; الْفِعْلُ الْمَاضِي ўтган замондаги феъл

— مَضَاءٌ ўткирлик, кескирлик (*мас.*, пичоқ ҳақида); ~ الْعَزِيمَةِ қатъий қарор қилганлик

— مُضِيٌّ 1) кетиш; 2) ўтиб кетиш (*вақт, муддат ҳақида*); ~ الْمُدَّةِ الطَّوِيلَةِ *юр.* муддат ўтиб кетганлик; بَعْدَ ~ يَوْمَيْنِ икки кун ўтгач, икки кундан кейин; بِـ~ الْأَيَّامِ вақт ўтиши билан, вақт

ўтган сайин; 3) (*н. нингдир*) давоми, давом этиши (ب ، في)

– مُمْضٍ *мн.* مُمْضِيَةٌ имзо чекувчи

– مُمْضًى имзоланган, имзо чекилган

I مَطَّ (*а/у*) مَطٌّ чўзмоқ; узайтирмоқ; чўзилтирмоқ; тортмоқ; ~ شَفَتَيْهِ лабларни таҳқирона чўзмоқ, қийшайтирмоқ, чўччайтирмоқ; II مَطَّطَ 1) (*бирор н. ни бажаришни*) чўзиб юбормоқ; 2) сўкмоқ, ҳақоратламоқ; V تَمَطَّطَ 1) чўзилувчан, ёпишқоқ бўлмоқ; 2) чўзилмоқ; ~ فِي الْكَلَامِ чўзилтириб, кенгайтириб, батафсил гапирмоқ

– مَطَّاطٌ 1. чўзилувчи, чўзиладиган; ёпишқоқ, елимшак; чўзилувчан; 2. 1) резина, каучук; 2) шина, резина ғилдирак (*автомобиль ва б.ларда*); ~ تَرْكِيبِيٌّ (طَبِيعِيٌّ) сунъий (табиий) каучук

– مَطَّاطِيٌّ каучукка оид; الْبَضَائِعُ الـ~ـة каучукдан ясалган моллар

– مُطَيْطَاءُ қўлни орқа-олдинга силтаб мағрурона юриш

I مَطَرَ (*у*) مَطْرٌ 1) ёғмоқ (*ёмғир ҳақида*); ~تِ السَّمَاءُ ёмғир ёға бошлади; 2) тез югурмоқ; қочмоқ; IV أَمْطَرَ 1) қуймоқ (*ёмғир ҳақида*); ~تِ السَّمَاءُ ёмғир қуя бошлади; 2) (*дўқ-пўписа*) ёғдирмоқ ◊ ~هُ وَابِلاً مِنَ الشَّكَاوِي кимнидир шикоятлар билан кўмиб юбормоқ; X اِسْتَمْطَرَ 1) ёмғир сўрамоқ, тиламоқ; 2) (*к. нингдир бошига бало, офат ва б.лар келишини*) тиламоқ, сўрамоқ; (*к. гадир*) ялиниб-ёлвориб тиламоқ (عَلَى); ~ عَلَيْهِ اللَّعَنَاتِ унга лаънатлар бўлишини тиламоқ; 3) (*к.дандир*) яхшилик, олижаноблик қилишни сўрамоқ (*туш. к. ёки* مِنْ)

– مَاطِرٌ ёмғирли, рутубатли (*кун ҳақида*)

– مَطَرٌ *кўп.* أَمْطَارٌ ёмғир; خَفِيفٌ ~ майда ёмғир; غَزِيرٌ ~ кучли ёмғир, жала; مَاءُ الـ~ ёмғир суви; مِقْيَاسُ الـ~ ёмғир ўлчагич

– مَطِرٌ ёмғирли

– مَطْرَةٌ[1], مَطْرَةٌ *кўп.* مَطْرَاتٌ жала, кучли ёмғир

– مَطَرَةٌ[2] фляга (*сув қуйиб олиб юриладиган идиш*), кичик фляга (темир кўзача)

– مِطْرِيَّةٌ *кўп.* ـاتٌ — шамсия, соябон, зонтик (*ёмғир пайтида ишлатиладигани*)

– مَطِيرٌ = مَطِرٌ; مَوْسِمٌ ~ ёмғирлар мавсуми

– مُمْطِرٌ = مَطِرٌ

– مِمْطَرٌ, مِمْطَرَةٌ *кўп.* مَمَاطِرُ сув ўтказмайдиган кийим, ёмғирпўш, плашч

مِطْرَانٌ, مُطْرَانٌ *кўп.* مَطَارِنَةٌ, مَطَارِينُ митрополит (*христианлик-да епископларнинг олий унвони ва шу унвон эгаси*); архиепископ

– مِطْرَانْخَانَةٌ, مُطْرَانْخَانَةٌ *кўп.* ـاتٌ — митрополит, архиепископ ҳовлиси

– مِطْرَانِيَّةٌ, مُطْرَانِيَّةٌ митрополия (*митрополит қўл остидаги диний округ ва унинг маркази*)

I مَطَعَ (*а*) مَطْعٌ, مُطُوعٌ қочмоқ, қочиб қолмоқ; кўздан гум (ғойиб) бўлмоқ; V تَمَطَّعَ керишмоқ, узанмоқ, чўзилмоқ

V تَمَطَّقَ (مطق) 1) (*н. нидир*) мазза қилиб емоқ (ичмоқ) (ب), (*қандайдир овқатдан*) роҳат олмоқ, лаззатланмоқ, роҳатланмоқ (ب); 2) (*к. гадир*) мақтаб, таҳсин айтиб, маъқуллаб қичқирмоқ; (*н. нидир*) шодлик, хурсандлик билан қутламоқ

I مَطَلَ (*у*) مَطْلٌ 1) чўзмоқ, узайтирмоқ, тортмоқ; 2) (*арғамчи*) чўзмоқ, тортмоқ, тортиб қўймоқ; 3) қуймоқ, қолипга қуймоқ; (*темирни*) болғаламоқ, болғалаб шакл бермоқ; ~ حَقَّهُ ёки ~ بِحَقِّهِ ҳақини беришни орқага сурмоқ; III مَاطَلَ (*тўловни*) кечиктирмоқ, чўзиб юбормоқ; (*бирор н. да*) сансоларлик қилмоқ (في); VIII اِمْتَطَلَ чўзилмоқ, узунлашмоқ, ўсиб кетмоқ

– مَطَّالٌ прокатчи (*металл ёювси, чўзилтирувчи ишчи*)

– مِطَالَةٌ (*темирни*) чўзиш, ёйиш (*ҳунар сифатида*)

– مَطْلٌ 1) чўзиш, сансоларлик; بِلَا ~ وَلَا تَسْوِيفٍ чўзиб ва кечиктириб ўтирмасдан; 2) (*темирни*) чўзиш, болғалаш; خَاصَّةُ الـ~ чўзилувчанлик хоссаси; يَقْبَلُ الـ~ чўзиладиган, болғаланадиган (*темир ҳақида*)

– مَطُولٌ (*бирор н. ни бажариш ёки қарзни узишни*) пайсалга солаётган (чўзиб юраётган) киши

– مَطِيلٌ болғаланган, чўзилган, ёйилган

– مَطِيلَةٌ *кўп.* مَطَائِلُ тахталаб ёйилган темир, тунука

– مُمَاطَلَةٌ пайсалга солиш, сансоларлик

– مَمْطُولٌ 1) пайсалга солинган, кечиктирилган; 2) болғаланган, чўзилган, ёйилган, яссиланган

– مَمْطُولِيَّةٌ болғаланганлик, чўзилганлик, ёйилганлик

I مَطَا (مطو) (*у*) مَطْوٌ тез юрмоқ, шошмоқ, шошилмоқ; IV أَمْطَى (*от, эшакка*) минмоқ; V تَمَطَّى 1) керишмоқ; 2) кеккайиб, гердайиб қадам ташламоқ (юрмоқ); VIII اِمْتَطَى 1) (*от, эшакка*) минмоқ; 2) (*автомабиль, кема ва б. ларга*) чиқмоқ, ўтирмоқ

– مَطًا орқа бел

– مِطْوَاةٌ *қар.* طوى

– مَطْوَدٌ *кўп.* مَطَاوِدُ 1) пайт; маҳал, вақт, соат; 2) пичоқча, қаламтарош, пакки

– مَطِيَّةٌ *кўп.* مَطَايَا, مَطِيٌّ миниладиган ёки юк ташиладиган ҳайвон; اِتَّخَذَهُ ~ الأُمْنِيَةِ *кўч. м.* у уни эшак қилиб олган (*яъни эшакдай ишлатади*); جَعَلَ مِنْهُ ~ لِـ ... кимнидир ... учун қирол қилиб олмоқ

مَاطِيَّةٌ желе (*мева суви, шакар ва желатиндан тайёрланадиган ширин дириддоқ овқат*)

مَعَ билан, билан бирга, ёнида, олдида, биргаликда; مَعَهُ كِتَابٌ унда (*унинг олдида*) китоб бор; ذَهَبَ مَعِي у мен билан кетди; مَعَ الْوَقْتِ вақт ўтиши билан; الْحَقُّ مَعَكَ! сен ҳақсан!; مَعَ الصَّبَاحِ эрталаб, эрта билан; ذَهَبَ مَعَ الصَّبَاحِ у эрталаб (эрта билан) кетди; 2) ...га қарамай; مَعَ ذَلِكَ шу билан бирга, шунга қарамай;

مَعَ أَنَّ ... гарчи ...са ҳам; ... مَعَ كَوْنِهِ ضَعِيفًا у заиф бўлишига қарамай, ...; 3) учун; مَعَ الْاِقْتِرَاحِ ٢٠ 20 (*киши*) таклиф учун (овоз бердилар); كَانَ مَعَهُ кимнингдир тарафида бўлмоқ, кимнидир ҳимоя қилмоқ; ким билан бир хил фикрда бўлмоқ; أَنَا مَعَهُ мен унга қўшиламан, у билан бир хил фикрдаман; إِنِّي مَعَكَ قَلْبًا وَ قَالِبًا мен бутун жисму жоним билан сен томондаман (сен билан биргаман); 4) усти, устида, устидан, ...да; التَّحْقِيقُ مَعَ الْجَانِي жиноятчи устидан олиб борилаётган суриштирув; ◊ مَعَ الْمُؤْتَمَرِ الْآسِيَوِيِّ الْاَفْرِيقِيِّ Осиё ва Африка (*давлатлари*) конгрессида (*газета сарлавҳаси*); مَعَ الْبَاعَةِ وَ الْمَكْتَبَاتِ (*босилиб чиққан китоб*) киоскачилар томонидан ва китоб магазинларида (*сотилади*)

– مَعًا бирга, бирга ҳолда; бирга-бирга, бир вақтда

– مَعِيَّةٌ 1) шериклар, ширкат, компания; 2) аъёнлар, сарой аъёнлари

I مَعَجَ (а) مَعْجٌ тўлқинланмоқ (*денгиз ҳақида*); V تَمَعَّجَ эгилиб буралмоқ, эгри-бугри бўлмоқ, эгри-бугри қилмоқ

– مُتَمَعِّجٌ эгилиб бураладиган, эгри-бугри

I (معد) مُعِدَ *мажҳ.* қорин оғриғидан азоб тортмоқ (чекмоқ); ошқозон оғримоқ

– مَعَدٌّ *ат. от, мз.* Маад (*шимолий араб қабилаларининг асосчиси*)

– مَعْدٌ *мн.* مَعْدِيَّةٌ *қар.* عدو

– مَعِدَةٌ = مَعْدَةٌ; اِلْتِهَابُ الْـ~ *мед.* гастрит (*ошқозон яллиғланиши*)

– مَعِدَةٌ *кўп.* مِعَدٌ меъда, ошқозон; اِنْتَابَتْهُ آلَامُ الْـ~ унинг меъдаси (ошқозони) оғриб қолди

– مَعِدِيٌّ 1) ошқозон (меъда)га оид; الْعَصِيرُ الْـ~ ошқозон шираси; الْحُمَّى الْـ~ـةُ *мед.* ошқозон безгаги; الْأَمْرَاضُ الْـ~ـةُ ошқозон касалликлари; 2) ошқозон учун фойдали (*доривор воситалар ҳақида*)

– مُعَيْدِيٌّ муъайдий (*Ироқнинг жанубий ноҳияларида яшовчи* الْمَعْدَانُ *қабиласига мансуб одам; шунингдек: доимо машмаша, жанжал-тўполон қиладиган одам*)

– مَمْعُودٌ ошқозони касалланган бемор

I (معر) مَعِرَ (а) مَعَرٌ тушмоқ, тушиб кетмоқ, тўкилмоқ (*соч ҳақида*); مَعَرَ (а) مَعْرٌ мақтанмоқ; алдамоқ, шамғалат қилмоқ; ёлғонламоқ; IV أَمْعَرَ камбағаллашмоқ, қашшоқлашмоқ, тўкилмоқ; V تَمَعَّرَ тўкилиб кетмоқ (*соч ҳақида*), кал бўлмоқ

– أَمْعَرُ *мн.* مَعْرَاءُ *кўп.* مُعْرٌ 1) кал бўлаётган; 2) сочи (туки) жуда оз бўлган

– مَعَّارٌ мақтанчоқ

مَعْزٌ = أُمْعُوزٌ

– مَاعِزٌ *кўп.* مَوَاعِزُ эчки, эркак эчки (مَعْزٌ *ёки* مَعِيزٌ *дан*)

– مَاعِزَةٌ *кўп.* مَوَاعِزُ эчки

– مَعَّازٌ эчкибоқар чўпон

– أَمْعُزٌ, مَعِيزٌ, مَعْزٌ *жам. кўп.* эчкилар

– مَعْزَةٌ *кўп.* مَعِيزٌ эчки

– مَعْزَى = مَعْزٌ

– مَعْزِيٌّ эчкига оид

I مَعَسَ (а) مَعْسٌ босиб олмоқ, эзмоқ, майдалаб ташламоқ

I مَعِصَ (а) مَعَصٌ оёқ пайлари чўзилиб қолмоқ

I مَعِضَ (а) مَعَضٌ (*к. дандир*) хафа бўлмоқ, ғазабланмоқ; (*к. ғадир*) ғазаб қилмоқ (مِنْ); VIII اِمْتَعَضَ хафа бўлмоқ, (*к. дандир*) норози бўлмоқ, ғазабланмоқ (مِنْ)

– اِمْتِعَاضٌ хафа бўлиш, норозилик, ғазаб

I (معط) مَعَطَ (а) مَعْطٌ узмоқ, юлмоқ, юлиб ташламоқ (*соч, жун, патлар ҳақида*); مَعِطَ (а) مَعَطٌ тўламоқ, туки тўкилмоқ; V تَمَعَّطَ (*касаллик ёки бошқа сабабдан*) сочи тўкилиб кетмоқ; VII اِنْمَعَطَ = V; VIII اِمْتَعَطَ = V

– أَمْعَطُ *мн.* مَعْطَاءُ *кўп.* مُعْطٌ сочсиз, кал

– أَمْعَطُ = مَعِطٌ

I مَعَكَ (а) مَعْكٌ 1) ишқамоқ, ишқаламоқ, силамоқ; 2) чўзмоқ, орқага сурмоқ; بِدَيْنٍ ~ қарзни тўламай чўзиб юрмоқ; V تَمَعَّكَ 1) тупроққа ағанамоқ (*ҳайвон ҳақида*); 2) оғзидан сўлаги оқмоқ (*ҳайвон ҳақида*)

– مَعْكَرُونَةٌ макарон

مَعْلَش (مَا+ عَلَيْهِ+ شَيْءٌ) *ёки* مَعْلِيهِش *халқ.* ҳеч қиси йўқ, бўлаверади!

مَعْمَعَانٌ 1) апогей, энг олий (юқори) чегара, авж; 2) қизиган вақт; жуда иссиқ, қайноқ; يَوْمٌ ~ жуда иссиқ кун; الْعَمَلِ ~ ишнинг қизиган вақти; فِي ~ الْمَعْرَكَةِ الْاِنْتِخَابِيَّةِ сайлов кампаниясининг қизиган даврида; الصَّيْفِ ~ ёзнинг ўртаси, ёз энг кучайган вақт, ёз чилласи, ёзнинг авжи

– مَعْمَعَةٌ *кўп.* مَعَامِعُ 1) тўс-тўполон; 2) кураш, жанг; 3) уриш; ур-йиқит; 4) авж олиш, авжига чиқиш, ғазабга миниш (*ўт кетиш, бўрон ва б. ҳақида*); 5) авж, қизиган, кучайган вақт; ◊ حَيَوِيَّةٌ ~ ҳаёт қийинчиликлари

– مَعْمَعِيٌّ 1) шамолга қараб оғадиган, мослашиб олувчи, дарров мослашадиган; 2) мустақил фикри йўқ, мустақил фикр юрита олмайдиган

(معن) IV أَمْعَنَ (*бирор н. ни*) диққат, ҳафсала билан қилмоқ; ~ النَّظَرَ فِي ... (*бирор н. га*) диққат-эътибор билан қарамоқ, назар ташламоқ; ◊ فِي الْهَرَبِ ~ тез югурмоқ, югуришни тезлатмоқ; V تَمَعَّنَ (*бирор н. ни*) диққат-эътибор билан қилмоқ; (*н. ғадир*) чуқурроқ кирмоқ (فِي)

– إِمْعَانٌ диққат, эътибор; эътиборлилик; чуқурлилик; فِي ~

الْعَمَل ғайрат, ишдаги ҳаракатчанлик; ~ـ диққат билан, диққат-эътибор билан

تَمَعُّنٌ – диққат-эътиборли муносабат, диққат-эътиборлилик, ҳафсалалилик; بـ~ ҳафсала билан, майда-чуйдаларигача ҳисобга олиб

نَدَا I (ندو) (у) نَدْوٌ 1) жамланмоқ, тўпланмоқ, йиғилишмоқ, йиғинга бормоқ; 2) сахий (қўли очиқ) бўлмоқ; نَدِيَ (а) نَدًى ، نَدًا 1) нам бўлмоқ, хўлланмоқ, ивимоқ, ивиб кетмоқ; 2) баланд бўлмоқ (овоз ҳақида); ◊ يَنْدَى لَهُ جَبِينُهَا خِزْيًا у (аёл) бундан уяляпти; II نَدَّى хўлламоқ, намламоқ; III نَادَى 1) қичқирмоқ, чақирмоқ, чорламоқ; ~ الْأَسْمَاءَ фамилия билан чақирмоқ, йўқлама қилмоқ; 2) (гувоҳни судга) чақирмоқ (عَلَى); (радио орқали) чақирмоқ, даъват қилмоқ; 3) (к. ҳақдадир) эълон қилмоқ, жарчи солиб хабар қилмоқ (بِ); نُودِيَ بِهِ مَلِكًا у қирол деб эълон қилинди; 4) (к. биландир) клубда бирга ўтиришмоқ; ◊ ... نَادَاهُ بِكَلِمَةِ السَّيِّدِ кимгадир "саййид" ёки "жаноб" деб мурожаат этмоқ; ~ بِالْوَيْلِ وَ الثُّبُورِ عِظَامَ الْأُمُورِ жанжал кўтармоқ; IV أَنْدَى 1) тўполон кўтармоқ; хўлламоқ, намламоқ; 2) сахий бўлмоқ, бағри кенг бўлмоқ; V تَنَدَّى 1) хўл бўлиб қолмоқ, нам бўлмоқ, суғорилмоқ, намиқиб қолмоқ, нам тортмоқ; 2) сахий бўлмоқ; VI تَنَادَى 1) (клубда) тўпланмоқ, йиғилишмоқ; 2) (н. гадир) бир-бирини ўзаро чорламоқ, даъват этмоқ (إِلَى); 3) биргалашиб эълон қилмоқ, хабар бермоқ; 4) (қандайдир ном билан) аталмоқ (بِ); VIII اِنْتَدَى 1) шамолланмоқ, янгиланмоқ, салқин бўлмоқ; 2) (клубда) тўпланмоқ, йиғилишмоқ;

– تَنَادٍ даъват, чорлов. чақириқ (қар. VI تَنَادَى) ◊ يَوْمُ التَّنَادِ қиёмат куни, сўроқ-жавоб куни

– تَنْدِيَةٌ хўллаш, намлаш

– مُنَادٍ мн. مُنَادِيَةٌ 1) жарчи, хабарчи; 2) Нил дарёсида сув тошқини ҳақида хабар берувчи одам

– مُنَادَاةٌ 1) эълон қилиш, хабар бериш; 2) чақириш, чақирув (мас, радио орқали ёки гувоҳни судга ва ҳ. к.)

– مُنَادًى грам. ундалмада мурожаат қаратилган шахс

– مُنْتَدًى кўп. مُنْتَدَيَاتٌ клуб

— مُنَدَّ *мн.* مُنَدِّيَة ҳўлловчи, намловчи; ◊ الصُّوَرُ الْمُنَدِّيَةُ لِلْجَبِينِ беҳаё суратлар, уятсиз суратлар, парнографик суратлар

— مُنَدًّى ҳўлланган, намланган, ҳўл, нам

— مُنْدِيَةٌ *кўп* ـــ اتٌ уятсиз, беҳаё сўз ёки иш

— نَادٍ[1] *кўп* أَنْدِيَةٌ, نَوَادٍ клуб; йиғин, мажлис, ◊ فِي كُلِّ ~ وَوَادٍ ҳамма жойда, ҳамма ерда

— نَادٍ[2] шерик, улфат, ҳамнишин

— نَدٌ *мн.* نَدِيَّةٌ нам, ҳўл, зах

— نَدًا[1] шудринг, шабнам

— نَدًا[2] товушнинг етиб бориш масофаси

— نِدَاءٌ *кўп.* ـــ اتٌ хитоб, мурожаат; нидо, наъра, ҳайқириқ, даъват, чақириқ, шиор; تَوَجَّهَ بـــ~ (*к. гадир*) хитоб қилмоқ, мурожаат қилмоқ (إِلَى); حَرْفُ ~ *грам.* ундалма юкламаси

— نَدَاوَةٌ, نُدُوَّةٌ намлик, ҳўллик, захлик

— نَدْوَةٌ *кўп.* نَدَوَاتٌ 1) йиғин ўтказиладиган жой; форум; анжуман, симпозиум; الـــ~ الشَّبَابِ الْعَالَمِيَّةُ жаҳон ёшлари анжумани; الـــ~ الْعِلْمِيَّةُ илмий анжуман, илмий симпозиум; 2) клуб; الـــ~ الْأَدَبِيَّةُ адабиёт клуби, адабий клуб; 3) жамият, йиғин; دَارُ الـــ~ парламент; ◊ الـــ~ الْعَسَلِيَّةُ шира (*ўсимликлардаги касаллик*); دُودَةُ الـــ~ الْعَسَلِيَّةِ шира, ўсимлик бити

— نَدًى *кўп.* أَنْدَاءٌ 1) намлик, ҳўллик, захлик; 2) шудринг, шабнам; 3) саховат, бағри кенглик

— نَدِيٌّ 1) ҳўл, нам, зах; 2) хотин-қизларнинг энг баланд овози, сопрано; 3) овоз кучайтирувчи карнай; 4) клуб; 5) одамлар йиғини; ◊ ~ الْكَفِّ сахий, саховатли; ~ الصَّوْتِ а) овози баланд, баланд овозли; б) овоз кучайтирувчи карнай, мегафон

— نَدْمَانُ 1) ҳўл, нам, зах; 2) сувли, серсув (*мевалар ҳақида*)

I نَذَرَ (ندر) (*u, у*) نَذْرٌ, نُذُورٌ тантанали равишда сўз бермоқ, назр атамоқ; نَذْرًا لِلّٰهِ ~ Аллоҳ йўлида назр атамоқ; نَفْسَهُ ~ (*н. гадир*) ўзини бағишламоқ, бахшида қилмоқ; نَذِرَ (а) نَذَرٌ (*бирор н. ҳақида*) огоҳлантирилмоқ (بِ); IV أَنْذَرَ 1) кўндирмоқ, унатмоқ, ишонтирмоқ, огоҳлантирмоқ, эҳтиёт қилмоқ, хабар қилмоқ, билдирмоқ, дарак бермоқ; 2) олдиндан хабар бериб қўймоқ, олдиндан огоҳлантирмоқ; بِالْخَطَرِ ~ хавф-хатар ҳақида олдиндан хабар бермоқ; VI تَنَاذَرَ бир-бирини огоҳлантирмоқ, бир-бирига хабар бермоқ; VIII اِنْتَذَرَ назр қилишни ўзига вожиб кўрмоқ

— اِنْذَارٌ *кўп* ـــ اتٌ 1) кўндириш, унатиш; огоҳлантириш; نِهَائِيٌّ ~ таҳдид билан қилинган, талаб, ультиматум; دُونَ سَابِقٍ ~ ҳеч қандай огоҳлантиришсиз; 2) тревога; النَّارِ ~ ёнғин тревогаси; أَجْرَاسُ الـــ~ одам тўплаш учун уриладиган қўнғироқ; صَفَّارَاتُ الـــ~ ҳаво тревогаси

— مُنْذِرٌ 1) кўндирувчи, унатувчи; огоҳлантирувчи; сигнал бериш асбоби; 2) اِبْنُ الـــ~ *тар.* Ибн ал-Мунзир (*араб подшоларидан бирининг номи*); الْمَنَاذِرَةُ *кўп.* Ибн ал-Мунзир асос солган шажара (династия)

— مَنْذُورٌ назр қилинган; (*Оллоҳга*) аталган, бахш этилган (لِلّٰهِ)

— نَاذِرٌ назр қилувчи

— نَذْرٌ *кўп.* نُذُورٌ 1) назр қилиш, назр; أَوْفَى الـــ~ ният қилган назрини адо этмоқ, бажармоқ; 2) назр қилинган, аталган нарса

— نُذْرٌ огоҳлантириш, хабар бериш, билдириш

— إِنْذَارٌ = نُذُرٌ

— نَذِيرٌ кўндирувчи, унатувчи; 2) даракчи, олдиндан хабар берувчи

— نَذِيرَةٌ *кўп.* نَذَائِرُ назр қилинган нарса

I نَذُلَ (у) نُذُولَةٌ, نَذَالَةٌ 1) пасткаш (разил. аблаҳ) бўлмоқ; 2) қўрқоқ бўлмоқ

— نَذَالَةٌ 1) пасткашлик, разиллик, аблаҳлик; 2) қўрқоқлик

— نَذْلٌ *кўп.* أَنْذَالٌ 1) пасткаш, разил, аблаҳ; 2) қўрқоқ

— نَذَالَةٌ = نُذُلَةٌ

— نَذِيلٌ *кўп.* نُذَلَاءُ = نَذْلٌ

نَرْبِيجٌ *кўп.* نَرَابِيجُ 1) шланг, резина ичак; ~ السَّقَايَةِ сув сепадиган шланг (*Сурияда*); 2) чилимнинг оғизга олиб ичга тортиладиган ичаги

نَرْبِيجٌ = نَرَابِيشُ *кўп.* نَرْبِيشٌ

نَرْجِسٌ, نِرْجِسٌ *бот.* наргиз (*гул*)

— نَرْجِسِيَّةٌ, نِرْجِسِيَّةٌ *шунингдек.* ~ الذَّاتِ ўзига бино қўйишлик ўзини яхши кўришлик

نَارَجِيلَةٌ[2], نَرْجِيلَةٌ *кўп.* نَرَاجِيلُ чилим (*сол.*)

نَرْدٌ *жам.* 1) олти қиррали ўйин тоши, соққа; لُعْبَةُ الـــ~ нард ўйини; 2) нард

نَارْدِينٌ = نَرْدِينٌ

— نَارْدِينِيٌّ = نَرْدِينِيٌّ

نَرْفَزَ асабийлаштирмоқ, асабига тегмоқ, аччиғини чиқармоқ

— نَرْفَزَةٌ асабийлантириш, асабийлик, тажанглик; فِي ~ асабий ҳолатда, тажанглик билан

نَرْجِيلَةٌ = نَرَاكِيلُ *кўп.* نَرْكِيلَةٌ

نَرَنْج *жам.* нордон апельсинлар

نَرْوِيجِيٌّ, نُرُوجِيٌّ 1) Норвегияга оид; الـــ~ـــةُ норвегияликлар тили; 2) норвегиялик

نَرْوَزَةٌ асабийлик, тажанглик

نَرْوَل *зоол.* нарвал, яккашох (*тумшуғида битта шохсимон аъзоси бор ҳайвон*)

I نَزَّ (a/u) نَزٌّ, نُزُوزٌ 1) томчилаб турмоқ, томиб турмоқ, сизиб ўтмоқ, тошмоқ, чиқиб кетмоқ (*сув ҳақида*); 2) тебранмоқ,

дирилламоқ, титрамоқ (*тор ҳақида*); ◊ عَلَيْهِ اللُّومْبَاغُو فَجْأَةً ~ белида бирдан оғриқ пайдо бўлди; IV أَنَزَّ = I

– نَزٌّ 1) жонсарак, ҳаракатчан, серҳаракат; 2) сизиб турган (томиб турган) сув

– نَزَازَةٌ = نَزٌّ

– نُزَازَةٌ сизиб турган, томиб турган сув

– نُزَازَةٌ = نَزٌّ

– نَزَّةٌ сезгирлик, жинсий майл, ҳирс, эҳтирос

– نَزِيزٌ 1) жонсарак, ҳаракатчан, серҳаракат; сезгир, ҳирсий, эҳтиросли

– مِنَزٌّ бешик

I نَزَحَ (*а, и*) نُزُوحٌ, نَزْحٌ 1) узоқ бўлмоқ, узоқда бўлмоқ, узоқлаштирмоқ; 2) сувини олиб ташлаб, қуритиб тозаламоқ (*қудуқни*); لَا يُنْزَحُ битмас-туганмас; الْمِيَاهَ ~ (*қаердадир*) сувни кетказмоқ (مِنْ); 3) (*қаердандир, қаергадир*) кўчиб ўтмоқ, кўчиб кетмоқ, ўтиб олмоқ (إِلَى، عَنْ); (*қаердандир, қаергадир*) кўчиб кетмоқ, эмиграция қилмоқ (إِلَى، عَنْ) (*шунингдек;* نُزِحَ بِهِ (*қаергадир*) ўтмоқ, ўтиб кетмоқ (*мас, олтин ҳақида*); IV أَنْزَحَ (*қудуқни*) қуритмоқ, тозаламоқ; (*мас, қайиқдан*) сувни чиқазиб ташламоқ, олиб ташламоқ (مِنْ); VIII انْتَزَحَ 1) олиб ташланмоқ, тозаланмоқ; 2) (*қаердандир*) узоқлашмоқ, кўчиб кетмоқ (عَنْ)

– نَازِحٌ 1) узоқ, узоқдаги, узоқлашган; 2) тозаловчи, сувини қуритувчи; الْمَاءِ ~ а) қайиқдаги сувни олиб ташловчи; б) *денг.* буғ кучи билан ишлайдиган насос; الْمَجَارِيرِ ~ ахлатларни (нажасларни) тозаловчи одам; 2) эмигрант

– نَزَّاحٌ ахлатларни (нажасларни) тозаловчи одам

– نَزَحٌ *кўп.* أَنْزَاحٌ лойқа сув

– نَزِيحٌ، نَزُوحٌ узоқ, узоқдаги, узоқлашган

– نُزُوحٌ (*қаердандир, қаергадир*) кетиш, жўнаш, эмиграция; (*мас, олтиннинг*) ўтиб кетиб қолиши

I نَزُرَ (*у*) نَزْرٌ кам учрамоқ, кам топилмоқ, камёб бўлмоқ, оз бўлмоқ, оз сонли бўлмоқ

– مَنْزُورٌ оз миқдордаги, оз

– نَزْرٌ، نَزِيرٌ 1) оз сонли; оз миқдордаги; يَسِيرٌ ~ а) оз миқдордаги; б) оз, озгина; 2) оз миқдор, оз сон

I نَزَعَ¹ (نزع) (*и*) نَزْعٌ 1) узоқлаштирмоқ, четлатмоқ; ишдан олмоқ, амалдан бўшатмоқ; نُزِعَ عَنْ وَظِيفَتِهِ уни амалдан бўшатдилар; 2) суғуриб олмоқ, ажратиб олмоқ, йиртиб олмоқ, суғуриб чиқармоқ; يَدَهُ مِنَ الطَّاعَةِ ~ *маж.* кимгадир бўйсунмай қўймоқ; 3) (*н. дандир*) маҳрум қилмоқ, айирмоқ (مِنْ); (*к. дандир*) тортиб олмоқ, олиб қўймоқ, зўрлик билан тортиб олмоқ, зўрлик билан ажратиб олмоқ (مِنْ); مِنْهُ حَقَّهُ ~ кимнидир ҳуқуқидан маҳрум қилмоқ; السِّلَاحَ (التَّسْلِيحَ) ~ қуролсизлантирмоқ; مِلْكِيَّةً ~ мол-мулкини тортиб олиб қўймоқ; الرُّتْبَةَ ~ *ҳарб.* унвонини пасайтирмоқ; 4) (*кийимни*) ечмоқ; الْقِنَاعَ ~ *кўч.м.* ниқобни олмоқ, ниқобни олиб ташламоқ; ثِيَابَهُ ~ ечинмоқ; الثِّيَابَ عَنْهُ ~ *ёки* عَنْ غَيْرِهِ ثِيَابَهُ ~ кимнидир ечинтирмоқ; 5) (*терини*) шилмоқ, шилиб олмоқ; 6) (*қайсидир ишни*) бажаришдан тўхтамоқ (عَنْ); 7) *мед.* жон талашмоқ, ўлим талвасасида бўлмоқ; نَزَعَ² (*и*) نُزُوعٌ 1) (*н. нидир*) хоҳламоқ, истамоқ; (*н. гадир*) интилмоқ, ҳаракат қилмоқ (إِلَى); (*қандайдир*) тамойилда (тенденцияда) бўлмоқ, (*н. дир қилишни*) ўз олдига мақсад қилиб қўймоқ (إِلَى); (*н. нидир*) кўзламоқ (إِلَى), (*н. гадир*) қараб бормоқ (إِلَى); 2) (*н. нидир*) йўналтирмоқ, отмоқ, жўнатмоқ (بِ); بِالسَّهْمِ ~ (*ёйдан*) ўқ отмоқ; 3) (*к. гадир*) ўхшамоқ (*туш.к. ёки* إِلَى); ◊ الْفُرْصَةَ ~ фурсатдан фойдаланмоқ; II نَزَّعَ узоқлаштирмоқ, четлатмоқ, тортиб олмоқ, тортиб олиб қўймоқ; III نَازَعَ 1) бошлашмоқ, талашмоқ, эътибор билдирмоқ, қарши чиқмоқ, олишмоқ, довлашмоқ; 2) курашмоқ, жанг қилмоқ; тортиб олишга интилмоқ; 3) *мед.* жон талашмоқ, жон талвасасида бўлмоқ; ~ـتِ النَّفْسُ إِلَى شَيْءٍ бирор нарсани соғинмоқ; VI تَنَازَعَ 1) баҳслашмоқ, олишмоқ, довлашмоқ; 2) бир-бири билан жанг қилмоқ, олишмоқ; VIII انْتَزَعَ 1) тортиб олиб қўймоқ; маҳрум бўлмоқ; 2) четлатилмоқ, олиб ташланмоқ; 3) узоқлаштирмоқ; суғурмоқ, суғуриб чиқармоқ; узиб ташламоқ, йиртмоқ; ◊ الْفُرْصَةَ ~ фурсатдан фойдаланмоқ

– انْتِزَاعٌ тортиб олиш, маҳрум бўлиш; узоқлашиш

– أَنْزَعُ *мн.* نَزْعَاءُ *кўп.* نُزْعٌ: رَجُلٌ ~ пешонасининг икки томонидан сочи тўкилган одам

– تَنَازُعٌ 1) баҳс, жанжал; 2) кураш; الْبَقَاءِ ~ *биол.* яшаш учун кураш

مُتَنَازَعٌ: عَلَيْهِ (فِيهِ) ~ баҳсга мавзу бўлган, талашилган, тортишилган

– مُنَازَعٌ: عَلَيْهِ (فِيهِ) ~ а) жанжалли, баҳсли; б) довлашиш, олишишга сабаб бўлган нарса

– مُنَازِعٌ 1) курашувчи, олишувчи, бахслашувчи; بِلَا ~ шак-шубҳасиз; 2) жон талвасига олиб келувчи

– مُنَازَعَةٌ *кўп.* ـاتٌ — 1) баҳс, жанжал, зиддият; 2) кураш, олишиш, довлашиш; 3) *мед.* жон талвасаси

– مَنْزَعٌ *кўп.* مَنَازِعُ 1) мақсад, интилиш; 2) йўналиш, оқим; ◊ لَمْ يَعُدْ لِلصَّبْرِ ~ ортиқча тоқат қилиб бўлмайди

– مِنْزَعٌ ўқ (*ёйники*)

– مَنْزُوعٌ 1) тортиб олинган, олиб қўйилган; 2) (*н. дандир*) маҳрум бўлган, маҳрум қилинган;

مَنْطِقَةٌ ~ـةُ السِّلَاحِ истеҳкомлар қуриш ва аскар сақлаш таъқиқланган жой (ер)

– نَازِعٌ *кўп.* نُزَّاعٌ، نَزَعَةٌ 1) бегона; 2) тортиб олувчи, суғуриб олувчи

– نَازِعَةٌ *кўп.* نَوَازِعُ интилиш, майл, эҳтирос, ҳавас; نَوَازِعُ نَفْسِيَّةٌ самимий истаклар, самимий тилаклар

– نَزَّاعٌ (*н. гадир*) интилувчи (إِلَى); (*н. гадир*) мойил (إِلَى)

– نِزَاعٌ *кўп.* اتٌ — 1) баҳс, жанжал, зиддият; لاَ ~ шак-шубҳасиз; قَضَائِيٌّ~ суд орқали олишув, тортишув; لاَ ~ عَلَيْهِ (فِيهِ) шубҳасиз, эътироз қилинмайдиган;; ~ عَلَيْهِ (فِيهِ) жанжалли, ҳал қилинмаган, ихтилофли; مَثَارُ الـــ~ мунозарага сабаб бўлган мавзу; 2) кураш; الطَّبَقَاتِ ~ синфий кураш; 3) *мед.* жон талвасаси, ўлим олдидаги талваса

– نَزَاعَةٌ жанжал, тортишиш

– نِزَاعِيٌّ жанжал (тортишув, мунозара) га оид

– نَزْعٌ 1) узоқлаштириш, четлатиш; олиб ташлаш; 2) тортиб олиш, маҳрум қилиш; السِّلاَحِ ~ қуролсизланиш; السِّلاَحِ الْعَامُّ ~ умумий қуролсизланиш; السِّلاَحِ التَّامُّ (الشَّامِلُ) ~ مُؤْتَمَرُ қуролсизланиш бўйича конференция; الْمُلْكِيَّةِ ~ мол-мулкни тортиб олиш; الثِّقَةِ ~ ишончсизлик билдириш; 3) *мед.* жон талвасаси, ўлим олдидаги талваса

– نَزْعَةٌ *кўп.* نَزَعَاتٌ 1) ўзига хос хусусият, ўзига хослик; 2) интилиш, мақсад; 3) (*мас; адабиётдаги*) йўналиш, оқим; тенденция; 4) хусусият; мойиллик; дид; фикр, ишонч; الْجُمُودِ ~ الْعَقَائِدِيَّ догматизм; الشُّوفِينِيَّةُ الـــ~ шовинизм; الذَّاتِيَّةُ الـــ~ *фалс.* субъективизм; الرُّوسِيَّةِ ~ ذُو الـــ русофил (*русларга оид ҳар нарсани улуғловчи, унга тиз чўкувчи*)

– نَزَعَةٌ *ик. с.* نَزَعَتَانِ пешонанинг соч тўкилиши мумкин бўлган қисми

– نُزُوعٌ (*н. гадир*) интилиш, хоҳиш, тортилиш

– نَزِيعٌ *кўп.* نُزَّاعٌ бегона, ёт, чет киши

I نَزَغَ (*а*) نَزْغٌ (*к. ларнингдир орасига*) адоват солмоқ (بَيْنَ); (*к. нидир н. гадир*) васваса қилмоқ, қизиқтирмоқ (*тўш.к.* إِلَى)

– نَزْغَةٌ *кўп.* نَزَغَاتٌ 1) ёмон ният, бемаъни ният; نَزَغَاتُ السُّوءِ ёмон фикр-хаёллар; 2) қизиқтириш, мафтун қилиш, васваса қилиш, йўлдан оздириш; نَزَغَاتُ الشَّيْطَانِ шайтон васвасаси

I نَزَفَ (*и*) نَزْفٌ 1) қориқ билан қон олмоқ; 2) (*қудуқнинг*) сувини олиб тугатмоқ; 3) кўп қон кетмоқ, кўп қон йўқотмоқ; IV أَنْزَفَ 1) қориқ билан қон олмоқ; 2) сувсиз қолмоқ, сув қуриб қолмоқ, X اسْتَنْزَفَ 1) сарфламоқ, тамом қилмоқ, тугатмоқ; 2) чўмичлаб олиб сувини тугатмоқ; эмиб ёки шимиб битирмоқ

– اسْتِنْزَافٌ тамом қилиш, тугатиш; (*мас. ресурсларни*) ишлатиб тугатиш

– اسْتِنْزَافِيٌّ тамом қилувчи, тугатувчи; حَرْبٌ ـــةٌ тинкани қуритувчи уруш

– مِنْزَفَةٌ садуф (*қудуқдан сув чиқариш учун мослама*)

– مَنْزُوفٌ тинкаси қуриган, мадорсиз; кўп қон йўқотиб ҳолдан кетган; الطَّاقَةِ ~ ҳолсиз, мадорсиз

– نُزَافٌ *мед.* қон кетиш касали

– نَزْفٌ қувватнинг кетиши, мадорсизлик; қон кетгандан кейинги ҳолсизлик; الدَّمِ ~ қон кетиш

– نُزْفَةٌ *кўп.* نُزَفٌ озгина миқдор; مِنَ الْمَاءِ ~ озгина сув

– نَزِيفٌ[1] қон қуйилиши; فِي الْمُخِّ الـــ~ *ёки* الْمُخِّيُّ الـــ~ мияга қон қуйилиши

– نَزِيفٌ[2] = مَنْزُوفٌ

I نَزِقَ (*а*) نَزَقٌ 1) енгилтак бўлмоқ, тентакланмоқ, бемулоҳаза бўлмоқ; 2) сержаҳл (жиззаки) бўлмоқ

– نَزَقٌ 1) енгилтаклик, бемулоҳазалик, тадбирсизлик; 2) сержаҳллик, жиззакилик; 3) қизғинлик, ошиқиш, ҳовлиқиш, шиддат

– نَزِقٌ 1) енгилтак, бемулоҳаза, тадбирсиз; 2) сержаҳл, жиззаки

I نَزَكَ (*у*) نَزْكٌ санчмоқ, суқмоқ, санчиб тешмоқ, санчиб ўтказмоқ

– نَيْزَكٌ *алиф. б. қар.*

I نَزَلَ (نزل) (*и*) نُزُولٌ 1) (*н. дандир*) тушмоқ, пастламоқ (مِنْ); етган жойга бориб тушмоқ; *дин.* нозил бўлмоқ (*Қуръони Карим ҳақида*); 2) (*к. нидир*) туширмоқ, пастлатмоқ, етган жойга туширмоқ (بِ); 3) пасаймоқ, тушмоқ (*нарх ҳақида*); босилмоқ, сусаймоқ, тинчиб қолмоқ (*вабо ва ш. к. лар ҳақида*); 4) ёғмоқ (*ёмғир ҳақида*); 5) (*меҳмонхонага*) тушмоқ, қўнмоқ, жойлашмоқ (فِي, بِ); 6) (*бирор н. га*) қўнмоқ (*қуш, самолёт ҳақида*); 7) (*бирор н. га*) марҳамат қилмоқ, илтифот кўрсатмоқ (عِنْدَ); عِنْدَ مَصْلَحَتِهِ (رَغْبَتِهِ) ~ кимнингдир талабини (хоҳишини) қондирмоқ; 8) (*н. гадир*) қўшилмоқ (عَلَى); عَلَى حُكْمِهِ (رَأْيِهِ) ~ кимнингдир қарорига (фикрига) қўшилмоқ; 9) дучор бўлмоқ, йўлиқмоқ, бошга тушмоқ (*фалокат ҳақида*, بِ); 10) (*н. нидир*) рад қилмоқ, қайтармоқ (مِنْ, بِ); (*н. дандир*) қайтмоқ (مِنْ, عَنْ), (*н. дир к. нингдир фойдасига*) ўтиб бермоқ, камитмоқ, чегирмоқ (لِـــ, عَنْ); 11) (*к. гадир*) ташланмоқ (عَلَى); 12) (*қаергадир*) кирмоқ; ضَيْفًا ~ (*к. никигадир*) меҳмон бўлиб келмоқ (عَلَى); ~تْ فَاطِمَةُ مِنْهُ مَنْزِلاً حَسَنًا Фотима унда яхши таассурот қолдирди; نَزِلَ (*а*) نَزْلَةٌ шамолламоқ, шамоллаб қолмоқ; пилла чиқмоқ (тиш милки йиринглаб, газак олмоқ) II نَزَّلَ (*тўлов миқдорини*) туширмоқ, пайсайтирмоқ, (*нархни*) арзонлаштирмоқ; (*нархни ёки оғирликни*) пайсайтирмоқ, скидка қилмоқ; 2) *мат.* айирмоқ, олмоқ; 3) туширмоқ, пасайтирмоқ; 4) (*меҳмонни*) жойлаштирмоқ, жойламоқ; 5) (*бирор н. қадаб*) нақш солмоқ (بِ); олтин қадаб нақш солмоқ; 6) *дин.* (*бирор н*) нозил қилмоқ; ◊ مِنَ الْعَرْشِ ~ тахтдан туширмоқ; دَرَجَتَهُ ~ мансаб ёки унвонни пасайтирмоқ; ذَقْنَهُ ~ соқол қўймоқ; آيَاتِ السُّخْطِ عَلَى ~ (*бирор к. га нисбатан*) ғазаб қўзғатмоқ; III نَازَلَ (*к. билан*дир) олишмоқ, курашмоқ, уришмоқ; IV أَنْزَلَ 1) (*мас., кемадан*) тушмоқ (مِنْ); الْجُيُوشَ ~ қўшин, десант туширмоқ; 2) туширмоқ, пастлатмоқ; байроқни туширмоқ; 3) (*қаергадир*) жойлаштирмоқ, жойламоқ (بِ); 4) пастлатмоқ; السِّعْرَ ~ нархни туширмоқ; ~

الضَّابِطَ عَلَى الْعَسْكَرِيِّ зобит (офицер) ни оддий солдатликка тушириб қўймоқ; 5) *дин.* (*бирор н.*) нозил қилмоқ; ◊ ~ به الْخَسَارَةَ кимгадир зарар келтирмоқ; ... ~ ضَرْبَةً قَاصِيَةً فِي ...га қақшатқич зарба бермоқ; ~ به عِقَابًا кимгадир жазо бермоқ; V تَنَزَّلَ (*н. дадир*) ён бермоқ, тан бермоқ, (*н. гадир*) кўнмоқ, рози бўлмоқ; (*н. дандир*) қайтмоқ, орқага қайтмоқ, чекинмоқ (عَنْ); 2) секин-аста пастламоқ, пастга тушмоқ; *кўч.м.* (*...гача*) пастламоқ, тушмоқ (إِلَى); VI تَنَازَلَ 1) (*н. билан дир*) марҳамат қилмоқ, илтифот қилмоқ (بِ); (*н. гадир*) ён бермоқ, (*н. гадир*) кўнмоқ, рози бўлмоқ; тан бермоқ, (*н. гадир*) кўнмоқ, рози бўлмоқ; (*н. дандир*) қайтмоқ, орқага қайтмоқ, чекинмоқ (عَنْ); ~ عَنِ الْعَرْشِ тахтдан воз кечмоқ; 2) курашмоқ, жанг олиб бормоқ; ◊ فَتَنَازَلْ بِالْبَحْثِ! марҳамат қилиб қидиринг!; X اِسْتَنْزَلَ 1) тушишни илтимос қилмоқ (сўрамоқ); ~ اللَّعَنَاتِ лаънат ёғдирмоқ, қарғамоқ; ~ الْأَرْوَاحَ руҳларни чорламоқ; 2) (*н. нидир*) юқоридан ташламоқ, туширмоқ; 3) (*н. нидир*) юқоридан, тепадан олмоқ; 4) *мат.* айирмоқ, олмоқ; 5) اِسْتَنْزَلَ мансаби ёки унвони пастлатилмоқ

– إِنْزَالٌ 1) тушириш; *ҳарб.* (*қўшин*) тушириш; десант; 2) жойлаштириш; жой бериш; 3) *дин.* нозил қилиш

– تَنَازُلٌ (*н. дандир*) қайтиш, чекиниш (عَنْ); ён бериш, тан бериш, кўниш, рози бўлиш; ўтказиш; 3) марҳамат қилиш, илтифот; 4) кураш, жанг

– تَنَازُلِيٌّ аста-секин пастловчи; ضَرِيبَةٌ ~ـَةٌ муносиб равишда пасайиб борувчи солиқ

– تَنْزِيلٌ 1) тушириш, пастлатиш; 2) тушириш, пастлатиш; ~ الْأَثْمَانِ нархларни тушириш; ~ الْمَقَامِ мансаб ёки унвонни пастлатиш; 3) чегириш, айириб қолиш; 4) *мат.* айирув, олув; 5) нақш бериш, зеб бериш; 6) *дин.* нозил қилиш, нозил қилинган нарса; الـ~ الْعَزِيزُ Қуръони Карим

– مُتَنَازِلٌ узатилган, тан берилган, ён босилган; ~ إِلَيْهِ (*н. дир*) узатилган киши; ваколатли шахс, ишончли одам

– مُتَنَازِلٌ 1) (*н. дандир*) қайтувчи (عَنْ), (*н. нидир*) рад этувчи (عَنْ); 2) ён босувчи, тан берувчи, кўринувчи, рози бўлувчи; 3) ишонч билдирган шахс

– مُنْزَلٌ *дин.* нозил бўлган,нозил қилинган; الْكَلَامُ الـ~ ёки الْكِتَابُ الـ~ Қуръони Карим; الْكُتُبُ الـ~ـَةُ нозил бўлган муқаддас китоблар

– مَنْزِلٌ *кўп.* مَنَازِلُ 1) турар жой; квартира; хонадон; уй; صَاحِبُ الـ~ уй соҳиби (эгаси); أَهْلُ الـ~ оила; عِلْمُ تَدْبِيرِ الـ~ уй ишларини юритиш билимлари; 2) *астр.* ойнинг ҳолати; 3) ҳайвон ва қушлар сув ичадиган жой

– مَنْزِلَةٌ *кўп.* مَنَازِلُ 1) даража, унвон; 2) (*ижтимоий*) ҳолат; обрў, ҳурмат, эътибор

– مَنْزِلِيٌّ уйга оид; التَّدْبِيرُ الـ~ уй хўжалиги

– مَنْزُولٌ *кўп.* مَنَازِيلُ 1) наркотик модда (*афюннинг бошқа наркотик моддалар билан қоришмаси*); 2) фоҳишахона, исловатхона (*Ироқда*)

– مَنْزُولِيٌّ наркотик модда истеъмол қилувчи, гиёҳванд

– نَازِلٌ *кўп.* نُزَّالٌ 1) (*қаердандир*) тушувчи, тушиб келувчи; 2) турар жойни ижарага олувчи; ҳамхона

– نَازِلَةٌ *кўп.* نَوَازِلُ фалокат, бало, офат; ~ نَزَلَتْ بِهَا унинг бошига фалокат тушди; الـ~ الْمَالِيَّةُ молиявий кризис

– نَزَالِ пастга тушинг!

– نِزَالٌ жанг, кураш, олишув

– نَزَالَةٌ бадарға, сургун; колония; эммигрантлар, чет элдан келиб яшовчилар

– نَزْلٌ *кўп.* أَنْزَالٌ саховат, яхшилик, фазилат; رَجُلٌ كَثِيرُ الـ~ қўли очиқ одам

– نُزْلٌ[1], نُزُلٌ *кўп.* أَنْزَالٌ меҳмонхона, карвонсарой, қовоқхона

– نُزْلٌ[2] (*н. нингдир*) энг олди, энг яхшиси

– نُزُلٌ *кўп.* أَنْزَالٌ 1) меҳмон учун ҳозирланган зиёфат; 2) озиқ-овқат

– نَزْلَةٌ *кўп.* نَزَلَاتٌ 1) тушиш, пастлашиш; келиш, етиб келиш; ~ الْحَجِّ *дин.* Маккаи мукаррамадан маҳмалнинг (*қар.* مَحْمَلٌ[1]) Қоҳирага етиб келишига бағишланган тантанали маросим; 2) пастлик, қиялик, нишаб; ~ لِكُلِّ طَلْعَةٍ وَ لَهَا *мкл.* ҳар бир тепаликнинг пастлиги ҳам бўлади (ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғдир); 3) шамоллаш; яллиғланиш, катар; ~ الْبَرْدِ тумов; الـ~ الْوَافِدَةُ грипп; الـ~ الصَّدْرِيَّةُ бронхит; الـ~ ёки الشُّعَبِيَّةُ الْمَعِدِيَّةُ ошқозон яллиғланиши, гастрит; 4) марта, бор, сафар, гал; ~ أُخْرَى бошқа гал, нариги сафарда

– نُزْلَةٌ зиёфат, меҳмоннавозлик

– نُزُولٌ 1) чиқиш, келиш; тушиш; ~ عِنْدَ (عَلَى) رَغْبَتِهِ унинг хоҳишига қараб; فَعَلَ هَذَا ~ عَلَى مَشِيئَتِهِ у бу ишни унинг раъйига қараб қилди; ~ الْأَمْطَارِ ёмғир ёғиши, ёғингарчилик; 2) (*самолётнинг*) қўниши, келиши; ~ إِجْبَارِيٌّ (اِضْطِرَارِيٌّ) ноилојликдан қўниш; 3) (*нархнинг*) тушиши; مُضَارِبٌ عَلَى الـ~ чайқовчи, олибсотар; 4) яшаш, турар жойда яшаш; أُجْرَةُ الـ~ яшаш учун тўланадиган тўлов, квартира ҳақи; 5) шамоллаш, яллиғланиш; نَزَلَ عَلَيْهِ الـ~ унинг мазаси қочиб қолди

– نُزُولِيٌّ = مُضَارِبٌ عَلَى النُّزُولِ *қар.* نُزُولٌ

– نَزِيلٌ *кўп.* نُزَلَاءُ 1) меҳмон; 2) ҳамхона, яшовчи; Мисрда яшовчи; ~ الْمُسْتَشْفَى касалхонада даволанувчи бемор

نَزْنَزَ гўдак болани қўлда аллаламоқ (*она ҳақида*); парвариш қилмоқ, тарбияламоқ

– نَزْنَزَةٌ тарбиялаш, парваришлаб вояга етказиш

I نَزُهَ (у) نَزِهَ (а) نَزَاهَةٌ 1) (*ҳаво, иқлим ёки бирор жой*) тоза бўлмоқ, мусаффо бўлмоқ; 2) софдил (тўғри, ҳалол) бўлмоқ; бенуқсон (тўкис, бежирим) бўлмоқ, алоқаси (иштироки) йўқ бўлмоқ; порага учмайдиган бўлмоқ, сотилмайдиган бўлмоқ; 3) (*ёмон н. лардан*) узоқ (холи) бўлмоқ, пок бўлмоқ (عَنْ); نَزِهَتِ الْأَرْضُ ер ўт-ўланлар

билан безанди; II نَزَّهَ 1) тозаламоқ, мусаффо қилмоқ, тузатмоқ; 2) (*н. дандир*) узоқлаштирмоқ, озод (холи) қилмоқ, диққатини бошқа ёққа бурмоқ (عَنْ); الْوَلَدَ عَنِ الْمَدْرَسَةِ ~ болани мактабга бермай қўймоқ, болани мактабда ўқитмай қўймоқ; 3) сайр қилдирмоқ, ўйнатиб келмоқ; кўнглини очмоқ, хурсанд қилмоқ; 4) мавҳумлаштирмоқ; V تَنَزَّهَ 1) сайр қилмоқ, ўйнаб келмоқ; 2) (*н. дандир*) узоқда бўлмоқ, узоқлашмоқ (عَنْ); (*н. дандир*) ўзини тиймоқ (عَنْ); (*н. нидир*) рад этмоқ (عَنْ); (*н. дандир*) қайтмоқ (عَنْ); 3) кўнгилхушлик қилмоқ, хурсандчилик қилмоқ; 4) мавҳумлашмоқ

– تَنْزِيهٌ 1) (*барча ёмон н. лардан*) узоқлаштириш; 2) тозалаш, озода қилиш; 3) сайр қилдириш, хурсанд қилиш, кўнглини очиш; 4) мавҳумлаштириш

– تَنَزُّهٌ *кўп.* اتٌ ـــ сайр қилиш, ўйнаб келиш; дилхушлик қилиш

– مُتَنَزَّهٌ *кўп.* اتٌ ـــَ 1) бирор ўйин ўйнаш учун ажратилган майдонча; сайр қиладиган жой; 2) шоҳ кўча, проспект; 3) истироҳат боғи, парк

– مُتَنَزِّهٌ сайр қилувчи, ўйнаб юрувчи

– مُنْتَزَهٌ *кўп.* اتٌ ـــَ бирор ўйин ўйнаш учун ажратилган майдонча; сайргоҳ, сайлгоҳ; боғ, парк

– مَنْزَهٌ сайргоҳ, сайлгоҳ; боғ, парк

– مُنَزَّهٌ 1) мусаффоланган, тозаланган, тоза; 2) (*н. дандир*) холи (مِنْ,عَنْ); عَنِ الْخَطَأِ ~ гуноҳдан пок

– نَزَاهَةٌ ҳимматлилик, саховатлилик, поклик, виждонлилик, порага учмаслик, сотилмаслик; бетарафлик, холислик, беғаразлик; فِي ~ виждонан

– نَزَاهَةٌ = نَزَهٌ

– نَزِهٌ *кўп.* نَزِهُونَ ҳимматли, саховатли; пок, виждонли, порага учмайдиган, сотилмайдиган; бетараф, холис, беғараз

– نُزْهَةٌ *кўп.* نُزَهٌ 1) сайр, сайл, саёҳат, экскурсия; дилхушлик, хурсандчилик; مَوَاضِعُ (أَمَاكِنُ) الـ~ кўнгилхушлик (дилхушлик) қиладиган жойлар; 2) қувонч, севинч, шодлик; 3) узоқдалик; هُوَ بِـ~ عَنْ كُلِّ مَا قِيلَ بِحَقِّهِ у ўзига нисбатан айтилган нарсаларнинг барчасидан узоқдадир

– نُزْهِيٌّ *кўп.* نُزْهِيَّةٌ 1) ўз роҳатинигина кўзлаб яшовчи; 2) исрофгар, исрофчи

– نَزِيهٌ[1] *кўп.* نُزَهَاءُ = نَزِهٌ

– نَزِيهٌ[2] холи, ҳеч ким мавжуд бўлмаган; مَكَانٌ ~ холи жой

I نَزَا (نزو) (*у*) نَزْوٌ، نُزُوٌّ، نَزَوَانٌ 1) сакрамоқ, иргимоқ; 2) (*урғочи ҳайвонни*) қочирмоқ (عَلَى); الْفَحْلُ ~ айғир сакради (иргиди, чопди), қочирди; 3) (*к. нидир*) қизиқтирмоқ (بِ); بِهِ قَلْبُهُ ~ (*к. гадир томон*) интилмоқ (إِلَى); 4) (*к. дандир, н дандир*) қочмоқ, қочиб қутилмоқ, жўнаб қолмоқ (إِلَى); IV أَنْزَى қочирмоқ, чотирмоқ (*ҳайвонлар ҳақида*); V تَنَزَّى 1) ўйноқламоқ, сакраб кетмоқ, безангламоқ; 2) урмоқ, тепмоқ (*юрак ҳақида*); кўтарилмоқ (*кўкрак ҳақида*)

– نِزَاءٌ (*урғочи ҳайвонни*) қочириш

– نَزْوٌ (*урғочи ҳайвонни*) қочириш; 2) урғочи ҳайвонларнинг куйикиш даври

– نَزَوَانٌ 1) сакраш, чопиш; иргиш, сапчиш; 2) шиддат, тутақиш, ўртаниш

– نَزْوَةٌ *кўп.* نَزَوَاتٌ 1) иргиш, сапчиш; 2) шиддат, тутақиш, ўртаниш; 3) инжиқлик, қайсарлик; фантазия, тантиқлик, ғалатилик

– نَازِيٌّ 1) национал-социалистик; شَارَةُ ~ـــةِ учлари қайрилган салб, свастика, фашистлар рамзи; 2) национал-социалист, нацист

– نَازِيَّةٌ: الـ~ нацизм

I نَسَأَ (*а*) نَسْءٌ 1) орқага сурмоқ, кейинга қолдирмоқ, муддатни чўзмоқ (узайтирмоқ); 2) қарзга (насияга) мол сотмоқ IV أَنْسَأَ насияга (кредитга) мол сотмоқ

– مِنْسَأَةٌ ҳасса, асо, чўпонлар калтаги

– نَسَاءٌ 1) узоқ умр кўришлик, узоқ яшашлик; 2) = نَسِيئَةٌ

– نِسَاءٌ аёллар, хотин-қизлар (*қар.* نسو)

– نَسْأَةٌ 1) муддатни чўзиш, узайтириш; 2) насия, кредит

– نَسِيئَةٌ 1) муддатни чўзиш, узайтириш; 2) насия, кредит; الْبَيْعُ بِالـ~ насияга, кредитга мол сотиш; қарзга, насияга

I نَسَبَ (*и*) نَسَبٌ 1) келиб чиқишини, насл-насабини (*н. гадир*) мансуб деб ҳисобламоқ (إِلَى); 2) (*н. гадир*) мансуб ҳисобламоқ (إِلَى); (*н. биландир*) боғлиқ деб билмоқ (إِلَى); 3) (*аёлларни*) куйламоқ, шеър билан мақтамоқ (بِ); III نَاسَبَ 1) бир хил уруғдан (бир хил авлоддан) келиб чиқмоқ; 2) муносиб бўлмоқ, мос (мувофиқ) келмоқ; 3) (*никоҳ йўли билан*) чатишиб кетмоқ, қариндош бўлиб кетмоқ; VI تَنَاسَبَ 1) қариндош бўлмоқ, жигар бўлмоқ; 2) ўзаро мос (мувофиқ) келмоқ; 3) симметрик бўлмоқ, пропорционал (мутаносиб) бўлмоқ; VIII اِنْتَسَبَ 1) (*н. биландир*) ўхшаш бўлмоқ (إِلَى); 2) (*н. гадир*) мансуб бўлмоқ (إِلَى); 3) (*н. биландир*) боғланмоқ, алоқада бўлмоқ (إِلَى); кирмоқ, қабул қилинмоқ (إِلَى); X اِسْتَنْسَبَ 1) насл-насабини аниқлаб беришни сўрамоқ; насл- насабини текшириб кўрмоқ; 2) мувофиқ, мос деб билмоқ; маъқулламоқ

– اِنْتِسَابٌ 1) қариндошлик; 2) (*н. биландир*) муносабат, (*н. гадир*) мансублик, боғлиқлик; (إِلَى); 3) қўшилиш, кириш, аъзо бўлиш; طَلَبَ الـ~ فِي عُضْوِيَّةِ ... ...га қабул қилишларини сўраб ариза бермоқ

– أَنْسَبُ энг муносиб, энг мос, энг мувофиқ; بِـ~ الأَسْعَارِ арзон нархда, кармон кўтарадиган нархда

– تَنَاسُبٌ 1) муносабат, қуда-андачилик, қуда-андачилик томонидан қариндошлик, қариндошлик, ўзаро алоқа; 2) ўзаро нисбат, мослик, мувофиқлик; ўхшашлик; عَدَمُ الـ~ номувофиқлик, номуносиблик; الْقُوَى ~ кучлар нисбати; 3) симметрия; бараварлик, баббараварлик; пропорционаллик, мутаносиблик; *мат.* пропорция; الـ~ الْبَسِيطُ оддий пропорция; الـ~ الْمُتَّصِلُ

доимий пропорция; طَرَفَا الـــ~ пропорциянинг четкадаги ҳадлари; وَسَطَا الـــ~ пропорциянинг ўрта ҳадлари; الـــ~ُ الطَّرْدِيُّ тўғри пропорционаллик; الـــ~ُ الْعَكْسِيُّ тескари пропорционаллик

– تَنَاسُبِيٌّ пропорционал, пропорцияга оид

– مُتَنَاسِبٌ мутаносиб, симметрик, мос; пропорционал; ~ُ الْأَعْضَاءِ келишган, қомати келишган; غَيْرُ ~ нопропорционал; ~ طَرْدًا (عَكْسِيًّا) *мат.* тўғри (тескари) пропорционал

– مُنَاسِبٌ 1) муносиб, мос, мувофиқ; فِي الْوَقْتِ الْـــ~ِ қулай вақтда; غَيْرُ ~ номувофиқ, мос келмаган, тўғри келмаган, тўғри келмайдиган; 2) *мат.* пропорционал; ~ طَرْدًا (عَكْسِيًّا) тўғри (тескари) пропорционал; 3) *мат.* пропорция; الْـــ~ُ الْبَسِيطُ оддий пропорция; الْـــ~ُ الْمُتَّصِلُ доимий пропорция; طَرَفَا الْـــ~ِ пропорциянинг четкадаги ҳадлари; الْـــ~ُ الْوَسَطُ ўрта пропорционал; وَسَطَا الْـــ~ِ пропорциянинг ўрта ҳадлари

– مُنَاسَبَةٌ 1) мослик, мувофиқлик; яроқлилик; 2) муносиблик; 3) қариндошлик, алоқа, муносабат; بِهَذِهِ الْـــ~ِ бу билан боғлиқ ҳолда, шу муносабат билан; مِنْ غَيْرِ مَا ~ ҳеч бир сабабсиз, ҳеч бир баҳонасиз; بِالْـــ~ِ *ёки* لِلْـــ~ِ айтгандек, айтганча, айтмоқчи (*кириш сўз*); بِـــ~ٍ وَبِغَيْرِ ~ бирор баҳонада ва ҳеч бир баҳонасиз; اِسْتَعْمَلَ هَذِهِ الْـــ~َ لِحِسَابِهِ бу имкониятни ўз фойдасига ишлатмоқ

– مُنْتَسِبٌ: طَالِبٌ ~ эркин тингловчи

– مِنْسَابٌ *кўп.* مَنَاسِيبُ пропорционал поргор (циркул)

– مَنْسُوبٌ 1) (*н. гадир*) мансуб, тегишли, оид; الاسْمُ الْـــ~ُ *грам.* нисбий сифат; 2) насл-насаби машҳур; 3) аъло, жуда зўр

– مَنْسُوبٌ *кўп.* مَنَاسِيبُ сувнинг кўтарилиш даражаси; ~ُ الْبَحْرِ денгиз сатҳи

– مَنْسُوبِيَّةٌ қариндошлик, қариндош-уруғчилик, ошна-оғайнигарчилик, непотизм (*хизмат соҳасида ўз қариндош-уруғларига яхши шароитлар яратиб бериш*).

– نَسَّابٌ, نَسَّابَةٌ насл-насаб билан шуғулланувчи олим

– نَسَّابَةٌ қариндошлик

– نَسَبٌ *кўп.* أَنْسَابٌ 1) қариндошлик, насаб; شَجَرَةُ الْـــ~ِ *ёки* سِلْسِلَةُ الْـــ~ِ шажара, насл-насаб шажараси, генеалогия; دَعْوَى ~ِ الْوَلَدِ боланинг отаси бўлиш даъвоси; الْحَسَبُ وَالْـــ~ُ аслзодалик, оқсуяклик; عَرِيقُ الْـــ~ِ аслзода, оқсуяк; رَفَعَ ~َهُ إِلَى ... ўзининг келиб чиқишини ...га тақамоқ; 2) алоқа, муносабат; ~ رِيَاضِيٌّ *мат.* логарифм; أَسَاسُ الْـــ~ِ *мат.* логарифм асоси

– نِسْبَةٌ *кўп.* نِسَبٌ 1) алоқа, муносабат; (*никоҳ асосидаги*) қариндошлик, куда-андачилик; келиб чиқиши; بِالْـــ~ِ ... *ёки* بِالْـــ~ِ إِلَى ...га нисбатан, ...га қиёсан; 2) ўзаро нисбат, ўзаро муносабат, пропорция; ~ مِئَوِيَّةٌ процент ҳисоби; 3) меъёр, размер, сон, миқдор; ~ُ الْوَفَيَاتِ ўлим сони, ўлим миқдори; 4) *мат.* прогрессия; ~ حِسَابِيَّةٌ арифметик прогрессия; ~ هَنْدَسِيَّةٌ геометрик прогрессия; الْـــ~ُ الرُّبَاعِيَّةُ учлик қоида (*берилган уч сондан тўртинчиси пропорционал сонни топиш усули*); حُدُودُ الْـــ~ِ пропорция ҳадлари; عِلْمُ ~ِ الْأَعْدَادِ логарифмлар; ◊ اِسْمُ الْـــ~ِ *грам.* нисбий сифат

– نِسْبِيٌّ нисбий; мутаносиб, пропорционал; النِّيَابَةُ الْـــ~َّةُ *сиёс.* пропорционал вакиллик

– نِسْبِيَّةٌ нисбийлик; نَظَرِيَّةُ الْـــ~ِ *физ.* нисбийлик назарияси; مَذْهَبُ الْـــ~ِ а) *физ.* нисбийлик назарияси; б) *фалс.* релятивизм

– نَسِيبٌ[1] *шеър.* насиб, аёлларни мадҳ этиш, улуғлаш; қадимги араб қасидаларининг кириш қисми

– نَسِيبٌ[2] *кўп.* أَنْسِبَاءُ 1) туғишган, яқин қариндош; 2) аслзода, оқсуяк; 3) қариндош; 4) куёв, почча

نَاسُوتٌ *алиф. б. қар.*

I نَسَجَ (*у, и*) نَسْجٌ тўқимоқ; ◊ ~ الْأَخِيلَةَ حَوْلَ ... ... ҳақида бўлмағур хаёлларга бормоқ; ~ عَلَى مِنْوَالِهِ *ёки* ~ نَسْجَهُ кимгадир тақлид қилмоқ; ~ خُيُوطَ الْمُؤَامَرَةِ суиқасд (фитна) уюштирмоқ; VIII اِنْتَسَجَ тўқилмоқ

– مَنْسَجٌ *кўп.* مَنَاسِجُ тўқувчилик ишхонаси, фабрика

– مِنْسَجٌ *кўп.* مَنَاسِجُ 1) тўқув дастгоҳи; 2) *шунингдек* ~ُ التَّطْرِيزِ чамбарак, керги

– مَنْسُوجٌ тўқилган, тўқиб тайёрланган

– مَنْسُوجَاتٌ *кўп.* газламалар, газмоллар, текстил саноати маҳсулотлари

– نَسَّاجٌ тўқувчи

– نِسَاجَةٌ тўқувчилик

– نَسْجٌ 1) тўқиш; 2) газлама, газмол

– نَسِيجٌ *кўп.* أَنْسِجَةٌ 1) газлама, газмол, текстил; الْـــ~ُ الْمُوصِلِيُّ юпқа газлама; مَعْمَلُ الْـــ~ِ тўқимачилик фабрикаси; 2) *анат.* тўқима; ◊ ~ الْعَنْكَبُوتِ ўргимчак уяси толаси; هُوَ ~ُ وَحْدِهِ у бемислдир, унинг мисли йўқдир; هَذَا مِنْ ~ِهِ бу унинг иши, бу ишни у қилган

I نَسَخَ (*а*) نَسْخٌ 1) кўчирмоқ, нусха олмоқ; ~ بِالْيَدِ қўлда кўчирмоқ; 2) тақлид қилмоқ; 3) бекор қилмоқ, йўқотмоқ, йўқ қилмоқ; ~ بِهِ الرَّقْمَ (الْقِيَاسِيَّ) бу билан у рекорд қўйди; II نَسَّخَ кўчиртирмоқ, кўчиришга мажбур қилмоқ; III نَاسَخَ сиқиб чиқармоқ, кўчириб юбормоқ, сиқиб чиқариб ўрнини эгалламоқ; VI تَنَاسَخَ 1) олдин-кейин келмоқ, бир-бирининг орқасидан келмоқ; 2) олдин-кейин

ўрин алмашмоқ (*вақт, аср ва ҳ. к. ҳақида*); 3) *дин.* кўчиб ўтмоқ (*жонлар ҳақида*); VIII اِنْتَسَخَ 1) ўзи учун кўчириб олмоқ; 2) бекор қилмоқ, йўқ қилмоқ; X اِسْتَنْسَخَ 1) (*н. нидир*) кўчиришга эришмоқ; 2) кўпайтирмоқ, кўпайтириб тарқатмоқ

– تَنَاسُخٌ 1) кетма-кет, бирин-кетин ўтиш; الْأَرْوَاحِ ~ жон (рух) ларнинг кўчиб ўтиши, метемпсихоз; 2) вақтнинг олдин-кетин алмашиши

– تَنَاسُخِيَّةٌ الـ~ метемпсихоз оқими

– مُنْتَسَخٌ 1) кўчириб олинган, нусха олинган; 2) рад этилган, бекор қилинган, йўқ қилинган

– مِنْسَاخٌ *кўп.* مَنَاسِيخُ нусха кўчирадиган асбоб

– مُنْتَسَخٌ = مَنْسُوخٌ

– نَاسِخٌ[1] бекор қилувчи, рад этувчи

– نَاسِخٌ[2] *кўп* نُسَّاخٌ кўчириб ёзувчи; нусха кўчирувчи

– نَسَّاخٌ кўчириб ёзувчи; нусха кўчирувчи

– نَسَّاخَةٌ 1) кўчириб ёзувчи аёл; нусха кўчирувчи аёл; 2) нусха кўчирадиган аппарат

– نَسْخٌ 1) кўчириб ёзиш; قَلَمُ ~ الْوَثَائِقِ ҳужжатлардан нусха кўпайтириш бюроси; 2) бекор қилиш, йўқ қилиш; 3) *шунингдек.* خَطُّ ~ хатти насх (*араб ёзуви турларидан бири*)

– نُسْخَةٌ *кўп.* نُسَخٌ 1) нусха; طِبْقَ الْأَصْلِ ~ аниқ олинган нусха; 2) кўчирма; أَصْلِيَّةٌ (أَسَاسِيَّةٌ) ~ асл нусха; ثَانِيَةٌ ~ бир нарсанинг иккинчи нусхаси, дублет; خَطِّيَّةٌ ~ қўлёзма; 3) рецепт

– نَسْخِيٌّ *шунингдек.* الْخَطُّ الـ~ хатти насх (*араб ёзуви турларидан бири*)

I نَسَرَ (*у*) نَسْرٌ 1) чўқиб узиб олмоқ; 2) шилиб олмоқ, ситиб олмоқ, юлиб олмоқ; II نَسَّرَ чўқиб узиб олмоқ; V تَنَسَّرَ чўқилмоқ, чўқиб узиб олинмоқ; ёрилмоқ, ёрилиб кетмоқ (*яра ҳақида*); йиртилмоқ, эскимоқ, тўзимоқ (*кийим ҳақида*); X اِسْتَنْسَرَ *фольк.* бургутга айланмоқ

– مَنْسَرٌ *кўп.* مَنَاسِرُ тўда, шайка

– مَنْسَرٌ, مِنْسَرٌ *кўп.* مَنَاسِرُ (*ёввойи қушларнинг*) тумшуғи

– نَاسُورٌ 1) *қар.* نوسر; 2) кўздан тинмай ёш оқиш касаллиги

– نُسَارِيَّةٌ *кўп.* اتٌ — бургут

– نَسْرٌ *кўп* أَنْسُرٌ, نُسُورٌ бургут; الْفَحَّاحُ الـ~ Жанубий Америкада яшайдиган катта йиртқич қуш, кондор; ◊ الْحَافِرِ ~ от туёғи ичидаги гўшт; الطَّائِرُ الـ~ *астр.* Алтаир (*Бургут юлдузлар туркумининг алфа б- си*); الْوَاقِعُ الـ~ *астр.* Вега (*Лира юлдузлар туркумининг алфа б-и*); ~ *ёки* الـ~ ан-Наср (*Нуҳ алайҳиссалом давридаги бутнинг номи*)

– نُسْرَةٌ 1) (*дарахт*) бўлаги, парчаси; тараша; 2) (*гўшт*) тилими

– نَسْرِينٌ *бот. жам.* 1) наргисга ўхшаш гул; хушбўй оқ атиргул

نَوْسَرٌ *алиф. б. қар.*

نَسْطُورِيٌّ *кўп.* نَسَاطِرَةٌ *тар. дин.* несторианлик тарафдори; الـ~ـةُ несторианлик

نِسْعٌ[1] *кўп.* نُسُوعٌ, أَنْسَاعٌ камар, тасма, айил, қоринбоғ; الْيَدِ ~ *анат.* билак

نِسْعٌ[2] шимолдан эсадиган шамол

– نِسْعٌ[2] = مِنْسَعٌ

نُسْغٌ ўсимликдан олинган сув, сок (*латекс*)

I نَسَفَ (*и*) نَسْفٌ 1) йўқ қилмоқ, тугатмоқ, қирмоқ, вайрон қилмоқ, хароб қилмоқ; 2) портлатмоқ, ўпирмоқ, қўпормоқ; مِنَ الْأَسَاسِ ~ـهُ ниманидир таг-туги билан қўпормоқ; бирор нарсага торпедо билан атака қилмоқ; 3) (*донни*) шопирмоқ, елпиб тозаламоқ, эламоқ; (*чангни*) тўзитмоқ, тарқатмоқ; IV أَنْسَفَ тўзитмоқ, тарқатмоқ, сочиб юбормоқ; VIII اِنْتَسَفَ 1) йўқ қилмоқ, тугатмоқ, қирмоқ; 2) портлатмоқ, ўпирмоқ, қўпормоқ; ◊ الْكَلَامَ ~ шивирлаб гапирмоқ

– مِنْسَفٌ *кўп.* مَنَاسِفُ 1) ғалвир, сим ғалвир; 2) иморатларни бузиш учун ясалган мослама

– نَاسِفٌ портлатувчи, қўпорувчи, ўпирувчи

– نَاسِفَةٌ динамит

– نَسَّافٌ портлатиш ишлари бўйича мутахассис, сапёр

– نُسَّافٌ *кўп.* نَسَاسِيفُ *зоол.* тумшуғи шохга ўхшаш жонивор

– نَسَّافَةٌ *кўп.* اتٌ — торпедалар билан қуролланган ҳарбий кема; миноносец; торпеда катери

– نُسَافَةٌ тўпон, қипиқ, сомон; кепак, элаганда чиққан чиқит

– نَسْفٌ портлаш, қўпориш, бузиш, вайрон қилиш

– نَسَفٌ *мин. жам.* вулқонлардан чиққан қаттиқ шишасимон тоғ жинси, базальт

– نَسَفَةٌ *кўп.* نِسَافٌ, نُسَفٌ бир бўлак базальт

نَسِيفَةٌ *кўп.* نَسَائِفُ торпеда

I نَسَقَ (*у*) نَسْقٌ (*марваридни*) ипга тизмоқ, ўтказмоқ; II نَسَّقَ 1) (*марваридни*) ипга тизмоқ, ўтказмоқ; 2) тартиб билан териб (тизиб) қўймоқ; 3) тартибга келтирмоқ, тартибга солмоқ; мослаштирмоқ, ўзаро бир хил қилмоқ; мувофиқлаштирмоқ; саранжом-саришта қилмоқ, яхши ташкил этмоқ; 4) (*ишни*) тақсим қилмоқ; 5) (*штатларни*) қисқартирмоқ; 6) идиш-товоқларни чиройли териб дастурхон ясатмоқ; V تَنَسَّقَ ўзаро симметрик тарзда териб қўйилмоқ, тизилмоқ; 2) тартибга келтирилмоқ, обод бўлмоқ; VI تَنَاسَقَ 1) симметрик тарзда жойлашмоқ; 2) ўзаро уйғунлашмоқ, бир-бирига хил тушмоқ; мос тушмоқ, мослашмоқ; 3) ўзаро муносабатда бўлмоқ; VIII اِنْتَسَقَ симметрик тарзда жойлашмоқ

– تَنَاسُقٌ 1) симметриклик, симметрия; عَدَمُ الـ~ ассимметрия, симметриясизлик; عَدِيمُ الـ~ ассимметрик, симметрик бўлмаган, симметрик эмас; 2) уйғунлик, ҳамоҳанглик, оҳангдошлик; мослик, мувофиқлик, бир-бирига уйғунлик; 3) иш, ҳаракат ва фаолиятларни бир-бирига мувофиқлаш, мослаш, тўғрилаш, уйғунлаш, координация; 4) ўзаро алоқа, ўзаро муносабат

– تَنَسُّقٌ хушбичимлик; ўлчовда (миқдорда, меъёрда) бир-бирига мувофиқлик

– تَنْسِيقٌ (марваридни) ипга ўтказиш; 2) тартибга солиш, тартибга келтириш; 3) тузилиш, механизм; الـ~ الدَّاخِلِيُّ ички тузилиш; 4) мослаштириш, координация; 5) (штатларни) қисқартириш; 6) ҳарб. эшелонларга бўлиш (ажратиш)

– مُتَنَاسِقٌ симметрик; ~ الأَعْضَاءِ хушбичим; ~ التَّقَاطِيعِ юз тузилиши (бичими) келишган аёл

– مُنَسَّقٌ 1) тартиб билан жойлашган; 2) батартиб, саранжом-саришта; 3) мутаносиб, симметрик; хушбичим, уйғун, мос; 4) (штатларни қисқариши билан) ишдан бўшатилган

– نَسَقٌ 1) олий даражадаги тартиб, тур, услуб, система; қатор, орқа-олдинлик, олдин-кейинлик; عَلَى ~ وَاحِدٍ бир хил равишда; حُرُوفُ الـ~ грам. боғловчилар; I كَانَ ~ (к. билан‌дир) уйғун бўлмоқ, мос келмоқ (مَعَ); 2) ҳарб. эшолон; ثَغْرٌ ~ бир хил шаклдаги олдинги тишлар

– نَسِيقٌ симметрик, хушбичим, уйғун, мувофиқ, мос

I (نسك) نَسَكَ (у) نَسْكٌ, نُسُكٌ, نُسْكٌ, نِسْكٌ тақводор бўлмоқ, художўй бўлмоқ, диёнатли бўлмоқ; ~ لِلّٰهِ Оллоҳ таоло йўлида қурбонлик қилмоқ; نَسُكَ (у) نَسَاكَةٌ қаландар (дарвеш) бўлмоқ, тарки дунё қилмоқ; V تَنَسَّكَ 1) ишламоқ, фаолият кўрсатмоқ; 2) қаландарона ҳаёт кечирмоқ

– مَنْسَكٌ[1] кўп. مَنَاسِكُ диний расм-русумларни бажарадиган жой; 2) қаландарлар кулбаси; 3) урф-одат, маросим, расм-русум; مَنَاسِكُ الْحَجِّ ҳаж маросимлари

– مَنْسَكٌ, مِنْسِكٌ[1] қурбонлик сўйиладиган жой

– نَاسِكٌ кўп. نُسَّاكٌ қаландар, таркидунё қилган киши

– نُسْكٌ, نِسْكٌ, نَسْكٌ, نُسُكٌ художўйлик, тақводорлик, худога ибодат қилиш; зоҳидлик, дин йўлида риёзат чекишлик, қаландарлик; مَعْهَدُ الـ~ қаландарнинг келиб тушган жойи

– نَسِيكَةٌ кўп. نَسَائِكُ, نُسُكٌ қурбонлик қилинган (сўйилган) ҳайвон

I (نسل) نَسَلَ (у) نَسْلٌ 1) болаламоқ, урчимоқ, кўпаймоқ, дунёга келтирмоқ, насл қолдирмоқ, туғмоқ, туғдирмоқ (туш.к. ёки ب) 2) (газламани) ип қилиб чувимоқ; 3) туламоқ, пўст ташламоқ (қушлар, ҳайвонлар ҳақида); 4) (қаердандир) суғуриб олмоқ, тортиб олмоқ (مِنْ); نَسَلَ (у) نُسُولٌ 1) (тулаганда) пати, жуни тўкилмоқ; 2) елкадан тушмоқ, тушиб кетмоқ (кийим ҳақида); 3) сизилмоқ, йиртилмоқ (ситилиб) кетмоқ, сўкилиб кетмоқ (газлама ҳақида); نَسَلَ (у) نَسْلٌ, نَسَلٌ шошилмоқ; II نَسَّلَ 1) (газламани) ип қилиб чувимоқ; 2) туламоқ, пўст ташламоқ (қушлар, ҳайвонлар ҳақида); IV أَنْسَلَ 1) болаламоқ, урчимоқ, насл қолдирмоқ; 2) туламоқ, пўст ташламоқ (қушлар, ҳайвонлар ҳақида); VI تَنَاسَلَ урчимоқ, кўпаймоқ, болалаб кетмоқ, кўпайишмоқ; 2) (к. дандир) дунёга келмоқ (عَنْ); 3) аста-секинлик билан ситилмоқ, тўзимоқ (газлама ҳақида)

– تَنَاسُلٌ кўпайиш; أَعْضَاءُ الـ~ болалаш, туғиш аъзолари, жинсий аъзолар; تَأَصَّلَ بالـ~ урчиш йўли билан мустаҳкамланмоқ (навнинг сифати ҳақида)

– تَنَاسُلِيٌّ таносил, жинсий; جِهَازٌ ~ таносил аъзолари; الأَمْرَاضُ الـ~ةُ жинсий аъзолар касалликлари; الغُدَدُ الـ~ةُ жинсий безлар

– نَاسِلٌ 1) келтириб чиқарувчи, кўпайтирувчи; 2) ситилган, титилган (газлама ҳақида)

– نُسَالٌ тулаганда тушиб кетадиган пат ёки жун

– نُسَالَةٌ 1) тулаганда тушиб кетадиган пат ёки жун; 2) газламадан суғуриб олинадиган иплар; 3) шунингдек. ~ الكَتَّانِ зиғирпоянинг дағал толаси, латтадан титиб олинган ип

– نَسْلٌ кўп. أَنْسَالٌ 1) насл, болалар, авлод; (ҳайвоннинг) боласи; (асаларининг) янги авлоди; إِصْلَاحُ الـ~ одам наслини биологик жиҳатдан яхшилаш ҳақидаги назария; انْقِرَاضُ الـ~ наслнинг қирилиб кетиши; تَحْدِيدُ الـ~ туғишни чеклаш; الْحَرْثُ وَالـ~ жонли ва жонсиз инвентар; هُوَ مِنْ ~ ... у...дан дунёга келган; 2) (газламадан) титиб, суғуриб олинган иплар

– نَسْلٌ бот. сут шираси, латекс

– نُسُولٌ тулаш, пўст ташлаш

– نَسُولَةٌ зотли, наслдор ҳайвон

– نُسَالٌ = نَسِيلٌ

I (نسم) نَسَمَ (и) نَسْمٌ 1) эсмоқ, оҳиста эсмоқ, елпимоқ; 2) бузилмоқ, айнимоқ, ўзгармоқ; نَسِمَ (а) نَسَمٌ бузилмоқ, айнимоқ, ўзгармоқ; II نَسَّمَ 1) эсмоқ (шабада ҳақида); 2) жонлантирмоқ; 3) (н. нидир) бошламоқ (فِي); ~ فِي الأَمْرِ ишни бошламоқ; V تَنَسَّمَ 1) нафас олмоқ, ҳаво олмоқ; (тоза ҳаводан) нафас олмоқ; 2) (н. нингдир) ҳиди келмоқ (ب); أَخْبَارَهُ ~ ёки خَبَرَهُ ~ (к. нингдир ҳақида) маълумот билишга уринмоқ

– مَنْسِمٌ кўп. مَنَاسِمُ 1) туя оёғининг кафти; 2) туяқушнинг товони

– نَسَمٌ кўп. أَنْسَامٌ нафас олиш, эсиш

– نَسَمٌ бошланиш қисм, бошланиш пайт; ~ الرِّيحِ шамол бошланиши олдидаги ёқимли шабада, насим.

– نَسْمَةٌ эсиш, билинар-билинмас эсиш

– نَسَمَةٌ кўп. نَسَمَاتٌ, نَسَمٌ 1) нафас олиш; حَتَّى آخِرِ ~ مِنْ حَيَاتِهِ сўнгги нафасигача; 2) жон, одам, киши (саноқда) 2) эсиш, шабада

– نَسِيمٌ кўп. نَسَائِمُ, أَنْسِمَةٌ шабада, насим, сабо; ~ الْبَحْرِ денгиздан эсадиган шабада; شَمُّ الـ~ қар. عِيدُ شَمِّ...

نَسْنَاسٌ кўп. نَسَانِيسُ 1) фолк. наснос (бир оёқли одам); 2) маймун

– نَسًا кўп. أَنْسَاءٌ ик. с. نَسَوَانِ анат. қуймуч нерви; عِرْقُ الـ~ ёки مَرَضُ عِرْقِ الـ~ мед. қуёнчиқ касали, ишиас

نِسَاءٌ (امْرَأَةٌ сўзидан кўп.) аёллар, хотин-қизлар; كَارِهُ الـ~ хотин-

қизларни ёқтирмайдиган одам; عُمُومِيَّاتٌ ~ фоҳишалар, бузуқ аёллар

– نِسَائِيٌّ 1) аёлларга, хотин-қизларга оид; الْحَرَكَةُ الـ~ـةُ (النِّسْوِيَّةُ) хотин-қизлар ҳаракати; 2) нозик, танноз, мулойим

– نِسَائِيَّاتٌ *кўп.* хотин-қизларга тааллуқли ишлар, муаммолар ва ҳ. к.

– نِسَاءٌ = نِسْوَانٌ

– نِسَاءٌ = نِسْوَةٌ

– نِسْوِيٌّ хотин-қизларга оид

I نَسِيَ (а) نَسْيٌ эсдан (ёддан) чиқармоқ, унутмоқ; لَمْ أَنْسَهُ وَ لَنْ أَنْسَاهُ! мен уни мутлақ унутмаганман ва унутмайман ҳам!; قَبْلَ أَنْ أَنْسَى айтганча, айтмоқчи, айтгандай (*кириш сўз*); وَ إِنْ أَنْسَ لاَ أَنْسَى مَا فَعَلَهُ унинг қилган ишини ҳеч унута олмайман; زَهْرَةٌ لاَ تُنْسَى *бот.* бўтакўз; II نَسَّى унуттирмоқ, унутишга мажбур қилмоқ, калладан чиқариб юбормоқ; IV أَنْسَى = II; VI تَنَاسَى ўзини унутганга солмоқ, ўзини эсломасликка солмоқ; 2) унутишга ҳаракат қилмоқ; бир-бирини унутишмоқ; 3) эътиборсиз қарамоқ, бепарво қарамоқ, кўз юммоқ, инкор этмоқ

– مِنْسَاةٌ ҳасса, асо

– مَنْسِيٌّ 1) унутилган, унутиб юборилган; أَصْبَحَ نَسْيًا ~ًا афсонага айланмоқ, чўпчакка айланмоқ; 2) *кўп.* ~ـاتٌ хотирадан кўтарилган (*мас. мавзулар*)

– نَسَّاءٌ хотираси заиф, эси кирди-чиқди

– نَسْيٌ 1) унутиш, эсдан (ёддан) чиқариш; 2) унутилган нарса; ◊ أَيَّامُ الـ~ ортиқча кунлар (*қибтий тақвим бўйича йил охиридаги 5 ёки 6 кун*)

– نِسْيٌ 1) эсдан чиқарилган, унутилган, ёддан чиққан; унутилиши керак бўлган нарса; يَعِيشُ وَحْدَهُ ~ًا مَنْسِيًّا у мутлақо унутилгани ҳолда ёлғиз яшайди; 2) кўчманчилар кўчаётганида қолдириб кетган ашё

– نَسِيٌّ унутувчи, эсдан чиқарувчи, хотири паришон, эси кирди-чиқди

– نَسْيَانٌ хотири паришон, эси кирди-чиқди, эътиборсиз

– نِسْيَانٌ 1) унутиш, эсдан чиқариш; унутувчанлик, фаромушхотирлик; унутилиш, ёддан кўтарилиш; *мед.* хотиранинг йўқолиши; أَصْبَحَ (انْطَوَى) فِي زَوَايَا الـ~ унутилиб кетмоқ, унутилмоқ; دَفَعَهُ إِلَى زَوَايَا الـ~ ниманидир унутиб юбормоқ; آفَةُ الْعِلْمِ الـ~ُ *мқл.* илмнинг офати унутишдир; 2) тарк этиш, ташлаб қўйиш

I نَشَّ (نش) [1] نَشٌّ (а/у) (*пашшаларни*) ҳайдамоқ; [2] نَشَّ (а/и) نَشِيشٌ 1) қуримоқ, суви қочмоқ, нами кетмоқ; 2) намни сўриб олмоқ, ўзига тортиб олмоқ; 3) жизилламоқ, жазилламоқ (*мас. қовурдоқ*); қайнамоқ, булуқламоқ, қулқулламоқ; 4) сув оқмоқ (*идишдан*)

– مِنَشَّةٌ елпиғич, пашша ҳайдагич

– نَشٌّ [1] наш (*20 дирҳам (қар.* دِرْهَمٌ*) ёки 18,7 гр га тенг бўлган оғирлик ўлчови)*

– نَشٌّ [2] қуруқ, нами йўқ

– نِشٌّ узоқ сақлаб турилган пишлоқ

– نَشَّاشٌ ўзига сингдирувчи, шимувчи, ютувчи; وَرَقٌ ~ босма қоғоз (*ортиқча сиёҳни шимиб олувчи қоғоз*); ◊ ~ الذُّبَّانِ *бот.* бурган

– نَشِيشٌ жизиллаш, жазиллаш, қулқуллаш, булуқлаш

I نَشَأَ (а) نَشْءٌ, نُشُوءٌ ўсмоқ, катта бўлмоқ, ривожланмоқ; (*н. дандир*) пайдо бўлмоқ, келиб чиқмоқ (مِنْ); II نَشَّأَ ўстирмоқ, парвариш қилмоқ; етиштирмоқ, тарбияламоқ, тарбия қилмоқ; IV أَنْشَأَ 1) тикламоқ, солмоқ, қурмоқ, бино қилмоқ, барпо қилмоқ; 2) асос солмоқ, асосламоқ, таъсис этмоқ, ўрнатмоқ, яратмоқ, ташкил этмоқ; عَلاَقَاتٍ دِبْلُومَاسِيَّةً ~ дипломатик алоқа ўрнатмоқ; 3) тузмоқ,битмоқ, иншо ёзмоқ, (*мақола*) ёзмоқ; 4) таҳрир қилмоқ; 5) ўстирмоқ, кўкартирмоқ; 6) яратмоқ, ҳал қилмоқ; ◊ يَقُولُ ~ у гапира бошлади, гапира кетди; V تَنَشَّأَ ўсмоқ, ривожланмоқ, пайдо бўлмоқ; يَتَنَشَّأُ الْوَلَدُ فِي بَطْنِ أُمِّهِ бола онасининг қорнида ривожланади; X اسْتَنْشَأَ (*янгиликларни*) пайқаб билиб олмоқ

– اِنْشَاءٌ 1) таъсис қилиш, асос солиш, асослаш; 2) яратиш, қуриш; إِعَادَةُ الْـ~ қайта қуриш, реконструкция; 3) тузиш, иншо ёзиш, ижод қилиш, баён ёзиш (*шунингдек: мактабдаги*); دِيوَانُ الْـ~ девонхона, канцелярия; 4) таҳрир қилиш; 5) *ад.* услуб, ёзиш услуби, стил; асар қурилиши, композиция

– إِنْشَائِيٌّ 1) қурилишга оид; الْمَوَادُّ الْـ~ـةُ қурилиш материаллари; 2) ижодий, ижодга оид, конструктив; الْعَمَلُ الْـ~ яратувчилик меҳнати, ижодий меҳнат; 3) таҳририй; مَقَالَةٌ ~ـةٌ редакцион мақола; 4) услубга оид, услубий, классик (*нутқ*); مَوْضُوعٌ ~ иншо мавзуси; الْأَلْفَاظُ الْـ~ـةُ ёки الْعِبَارَاتُ الْـ~ـةُ нутқни безаб, чиройли кўрсатувчи сўзлар, услубий иборалар; النَّمَطُ الْـ~ услуб, стил; الْجُمْلَةُ الْـ~ـةُ *грам.* буйруқ, илтимос, сўроқ, манъ этиш маъноларини ифодаловчи гап; 5) услуб билан шуғулланувчи, стилист

– تَنْشِئَةٌ ўстириш, кўкартириш, ривожлантириш, тарбиялаш

– مَنْشَأٌ 1) пайдо бўлиш жойи, келиб чиқиш; الْـ~ُ الْإِجْتِمَاعِيُّ ижтимоий келиб чиқиш; بَصْرِيُّ الْـ~ Басрада туғилган; ~ُ الْأَوْبِئَةِ вабо ўчоғи (манбаи), вабо пайдо бўлган жой; 2) сабаб

– مُنْشَأٌ асос солинган, таъсис этилган; 2) қурилган, бино қурилган, барпо этилган

– مُنْشَآتٌ *кўп.* елканлари кўтарилган кема

– مُنْشَأَةٌ *кўп.* مُنْشَآتٌ 1) қурилиш, иншоот, иморат; муассаса; ташкилот; تِجَارِيٌّ ~ савдо муассасаси; صِنَاعِيَّةٌ ~ саноат муассасаси; 2) устқурма; الْأَسَاسُ وَ الْـ~ُ базис ва устқурма

– مُنْشِئٌ 1) асосчи, асос солувчи, муассис; 2) қурувчи; 3) муаллиф, автор, тузувчи; 4) муҳаррир, редактор; услубчи, стилист

– نَاشِئٌ 1) (*н. дандир*) кўтарилиб келувчи, ўсувчи, пайдо бўлувчи (مِنْ); ёш, янги; 2) бошловчи; 3) ёш тажрибасиз одам

– نَاشِئَةٌ ёшлар, ёш авлод; اللَّيْلِ ~ туннинг бошланиш вақти

– نَشَاءٌ *қар.* نشو

– نَشْأَةٌ = نَشَاءَةٌ

– نَشْءٌ 1) ўсиш, пайдо бўлиш, ривожланиш; 2) *кўп.* نَشَأٌ ёш авлод, насл, бола-чақа

– نَشَأَةٌ = نَشْأَةٌ

– نَشْأَةٌ 1) пайдо бўлиш, вужудга келиш; 2) ўспиринлар, ёшлар; الـ~ الْحَدِيثَةُ ёш авлод

– نُشُوءٌ пайдо бўлиш, бунёдга келиш, бунёд бўлиш; ўсиш, ривожланиш; مَذْهَبُ الـ~ *ёки* نَظَرِيَّةُ الـ~ эволюцион назария

– نُشُوئِيُّونَ: الـ эволюциончилар

I نَشَبَ (а) نُشُوبٌ, نَشَبٌ 1) санчилмоқ, сурилмоқ, қадалмоқ (*вахший қушларнинг тирноғи, чангали ҳақида* – فِى); (*этга*) ўсиб ботиб кетмоқ (*тирноқ ҳақида*– فِى); (*томоққа*) тиқилиб қолмоқ, тиқилмоқ (*суяк ҳақида* – فِى); 2) (*н. гадир*) ўралиб қолмоқ, илиниб қолмоқ (فِى, ب); بِالشَّرَاكِ ~ тўрга тушиб қолмоқ; مَا ~ أَنْ قَالَ тез-орада у деди, кечиктирмай у деди; (*ўт*) кетмоқ, (*ёнғин*) чиқмоқ; чиқмоқ, бошланмоқ (*уруш ҳақида*); II نَشَّبَ 1) санчмоқ, суқмоқ, қадамоқ; III نَاشَبَ: الْحَرْبَ ~ (*уруш*) бошланмоқ, олиб бормоқ; IV أَنْشَبَ (*тирноқни*) суқмоқ, тиқмоқ; 2) бошламоқ; مَعْرَكَةً ~ жанг бошламоқ; V تَنَشَّبَ санчилмоқ, кирмоқ

– نَاشِبٌ камон ўқи эгаси

– نَشَّابٌ ёйчи, камончи, ёйотар

– نُشَّابٌ *жам.* (*ёйнинг*) ўқлари

– نُشَابٌ = نُشَّابٌ

– نُشَّابَةٌ[1] *кўп.* اتٌ, نَشَاشِيبُ (*ёйнинг*) ўқи; صَيْدِ الْحِيتَانِ ~ денгизда катта ҳайвонларни овлаш учун арқонга боғлаб ташланадиган найза

– نُشَّابَةٌ узун стрелка; عَجَلَةٍ ~ аравага қўшилган икки от ўртасидаги шоти

– نَشَبٌ бойлик, мол-мулк; وَلَمْ يُدْنِهِمْ مِنِّى ~ وَلَا نَسَبٌ улар менга на бойлик, на қариндошлик яқинлаштира олмади

– نُشُوبٌ (*ёнғин ёки урушнинг*) чиқиши, бошланиши

I نَشَجَ (и) نَشِيجٌ ҳўнграб йиғламоқ

– نَشِيجٌ ҳўнграш, ҳўнграб йиғлаш

I نَشَدَ (у) نَشْدٌ 1) ашула айтмоқ, куйламоқ, қўшиқ айтмоқ; 2) қидирмоқ, изламоқ, сўрамоқ, кутиштирмоқ; 3) (*бирср мақсадни*) кўзламоқ, (*н. гадир*) интилмоқ, ҳаракат қилмоқ; орзу қилмоқ, ҳавас қилмоқ, эзгу тилак қилмоқ; 4) қасам ичиб илтимос қилмоқ, ёлбормоқ, ялинмоқ, ўтинмоқ; III نَاشَدَ 1) (*н. гадир*) даъват қилмоқ, ундамоқ; 2) қасам ичиб илтимос қилмоқ, ёлбормоқ, ялинмоқ, ўтинмоқ; 3) (*н. нидир*) хоҳламоқ, истамоқ; IV أَنْشَدَ 1) (*н. нидир*) таъсирли қилиб ўқиб бермоқ, декламация қилмоқ; 2) ашула айтмоқ, қўшиқ айтмоқ; 3) қидирмоқ изламоқ; VI تَنَاشَدَ ўзаро декламация қилишмоқ; 4) билдирмоқ, танитмоқ; таъсирли қилиб ўқишда кимўзар ўйнамоқ; X اسْتَنْشَدَ 1) (*н. нидир*) таъсирли қилиб ўқиб беришни илтимос қилмоқ; 2) қидиришни илтимос қилмоқ

– أُنْشُودَةٌ *кўп.* أَنَاشِيدُ қўшиқ, ашула, қасида, мадҳия, нашида, гимн

– مُنْشِدٌ 1) декламация қилмоқ, (*н. нидир*) таъсирли қилиб ўқувчи; 2) ҳонанда, қўшиқчи; диний қўшиқчилар ижроси

– مَنْشُودٌ изланган, қидирилган; кўнгилдаги, орзу қилинган нарса

– نَشْدٌ, نِشْدَانٌ қидириш, излаш, ахтариш

– نَشِيدٌ 1) қасида, поэма; 2) ашула, қўшиқ, мадҳия, нашида, гимн; وَطَنِيٌّ ~ миллий гимн, қасида; الْمَوْتِ ~ дафн марши; ◊ الْأَنَاشِيدِ ~ шоҳ асар, адабий ижоднинг дурдонаси

– نَشِيدَةٌ *кўп.* نَشَائِدُ ашула, қўшиқ, мадҳия, нашида; гимн

نُشَادِرٌ *киме.* аммиак; غَازُ الـ~ *шунингдек:* غَازُ الـ~ اللَّامَائِيُّ сувсиз аммиак; سُلْفَاتُ الـ~ сульфат аммоний; نِتْرَاتُ الـ~ нитрат аммоний, азоткислотали аммоний, аммиакли селитра; مِلْحُ الـ~ нашатир, хлорли аммоний, хлорид аммоний; رُوحُ الـ~ *ёки* مَحْلُولُ الـ~ *ёки* مَاءُ الـ~ нашатирли спирт, аммиакли сув

– نُشَادِرِيٌّ аммиакли; صَمْغٌ ~ аммониак (*аммиакли елим*)

I نَشَرَ[1] (у) نَشْرٌ (نشر) 1) халққа эълон қилмоқ, нашр қилмоқ, босиб чиқармоқ; (*янгиликни*) тарқатмоқ; 2) (*ҳид*) чиқармоқ; нур чиқармоқ, нурлантирмоқ; 3) (*мас., газетани*) ёзмоқ, ёймоқ, солмоқ, тўшамоқ; (*ювилган кирни*) осмоқ, ёймоқ; الْعَلَمَ ~ байроқ осмоқ, байроқ ўрнатмоқ; 4 (*мас., гўнгни*) сочиб юбормоқ; тарқатмоқ, таратмоқ; ~ يَدَيْهِ فِى الْهَوَاءِ қўлларини ҳавода силкитмоқ; 5) арраламоқ; نَشَرَ[2] (у) نُشُورٌ тирилтирмоқ, жон киргизмоқ; II نَشَّرَ 1) тарқатмоқ; ёймоқ, сочмоқ; 2) ёзмоқ, ёймоқ, тўшамоқ; (*ювилган кирларни*) дорга ёймоқ; IV أَنْشَرَ жонлантирмоқ, жон киритмоқ; V تَنَشَّرَ 1) тарқатмоқ, ёйилмоқ, таралмоқ; 2) ёзилмоқ, тўшалмоқ, солинмоқ; 3) сочилмоқ, сочилиб кетмоқ; VIII انْتَشَرَ 1) тарқалмоқ, таралмоқ; 2) сочилиб кетмоқ; ёйилмоқ, очилиб (ёзилиб) кетмоқ; *шахм.* ривожланмоқ; 3) нашр қилмоқ, босиб чиқарилмоқ; 4) солинмоқ, ёйилмоқ, ёзилмоқ; 5) ҳавога тўлмоқ, шишмоқ, дўмбира бўлмоқ

– انْتِشَارٌ 1) тарқалиш, ёйилиш; 2) машҳурлик; 3) *шахм.* ривожланиш

– انْتِشَارِيٌّ 1) тарқалишга, ёйилишга оид; 2) *шахм.* ривожланиш; نَقْلَةٌ ~ ривожланувчи юриш

– مُنْتَشِرٌ 1) кенг тарқалган, халққа эълон қилинган; 2) кўп учрайдиган; ҳаммага маълум

– مِنْشَارٌ *кўп.* مَنَاشِيرُ арра; تِمْسَاحٍ ~ шадабур арра (*тахта тиладиган арра*); حِيلَةٍ ~ лобзик; شَرْجٍ ~ камалак ғўлаша; ~

شَرِيط лентасимон арра; كَهْرَبَائِيٌّ ~ электр арра; ◊ أَبُو ~ зоол. аррабалиқ

– مَنْشَرٌ кўп. مَنَاشِرُ кир қуритадиган жой

– مَنْشَرَةٌ кўп. ـَاتٌ тахта тиладиган устахона, пилорама

– مَنْشُورٌ 1) халққа эълон қилинган, нашр қилинган, тарқатилган, босиб чиқарилган; 2) арраланган; الأَخْشَابُ الـ~ـَةُ арраланадиган, тилинадиган бинокорлик материаллари; 2) кўп. مَنَاشِيرُ, ـَاتٌ а) (ташкилотдаги) буйруқлар; юқори органлардан қуйи ташкилотларга юбориладиган фармойиш; б) манифест, ташвиқот мақсадида тарқатиладиган ғайрирасмий варақа; варақа; в) мат. призма

– مَنْشُورِيٌّ призма шаклидаги, призматик

– نَاشِرٌ 1) тарқатувчи, эълон қилувчи, нашр қилувчи; 2) а) ношир; б) кўзойнакли илон, кобра; ◊ امْرَأَةٌ ~ـَةٌ жанжалкаш, мингир-мингир аёл

– نَشَّارٌ арракаш

– نُشَارَةٌ қиринди, тўпон; الْخَشَبِ ~ ёғочдан чиққан чиқинди

– نِشَارَةٌ арракашлик касби, арракашлик

– نَشْرٌ 1) тарқатиш, ёйиш; الدَّعْوَةِ ~ ташвиқот олиб бориш; 2) нашр қилиш, босиб чиқариш; دَارُ الـ~ нашриёт; 3) (ўтин) арралаш; 4) тирилиш; يَوْمُ الـ~ дин. қиёмат куни, қиёмат; 5) хушбўй ҳид

– نَشْرَةٌ кўп. نَشَرَاتٌ матбуот органи, бюллетень; الأَخْبَارِ ~ (радио, телевидениеда) сўнгги ахборот; أُسْبُوعِيَّةٌ ~ ҳафта хабарлари; بِبْلِيُوجْرَافِيَّةٌ ~ ёки لِلْمَطْبُوعَاتِ ~ библиографик бюллетень; جَوِّيَّةٌ ~ об-ҳаво бюросининг бюллетени; رَسْمِيَّةٌ ~ расмий бюллетень; شَهْرِيَّةٌ ~ ойлик хабарлар, ойнома; طِبِّيَّةٌ ~ (мас. газетада босилган) касаллик ҳақидаги маълумот

– نَشُورٌ кўп. نُشُرٌ хушбўй

– نُشُورٌ тирилиш; يَوْمُ الـ~ дин. қиёмат, қиёмат куни

– نَشِيرٌ 1) = مَنْشُورٌ 1); 2) халат, уй кийими

I (نشز) نَشَزَ[1] (и,у) نَشْزٌ 1) туртиб чиқиб турмоқ, ғўдайиб чиқиб турмоқ, кўтарилиб турмоқ; 2) муз. оҳангдошликни бузмоқ, уйғунсизлаштирмоқ; نَشَزَ[2] (и) نُشُوزٌ (ўз эрига) бўйсунмай қўймоқ; (ўз эрини) ёмон кўрмоқ (ب, عَلَى, مِنْ); (ўз хотинига) қўпол муносабатда бўлмоқ (عَلَى, مِنْ); IV أَنْشَزَ; الْعِظَامَ ~ суякларни бир-бирига киритиб жойламоқ

– نَاشِزٌ 1) кўтариб турган, кўтарилаётган; диккайиб турган (соч); баланд, юқори; 2) бўйсунмас, жанжалкаш, мингир-мингир; زَوْجَةٌ ~ (ـَةٌ) ўжар (қайсар, қийиқ) хотин; 3) муз. оҳангдошликни бузадиган; уйғунсизлаштирадиган; نَغَمَاتٌ ~ـَةٌ бузуқ куй, бузуқ музика

– نَاشِزَةٌ кўп. نَوَاشِزُ жанжалкаш, ўжар, қайсар, қийиқ хотин

– نَشَازٌ 1) тепалик; кўтарилиш; 2) муз. оҳангдошликнинг бузилиши, диссонанс

– نَشْزٌ 1) тепалик, тепалик жой; 2) муз. оҳангдошликнинг бузилиши, диссонанс; غَنَّى بِصَوْتٍ ~ ашулани бузиб куйламоқ, ашулани бузмоқ

– نَشَزٌ кўп. أَنْشَازٌ тепалик жой

– نُشُوزٌ 1) бўйсунмаслик, ўжарлик, қайсарлик; 2) хусумат, ғараз, ёқтирмаслик, жирканиш; 3) ажралиш, тарқалиш; муз. оҳангдошликнинг бузилиши, диссонанс

I (نشط) نَشِطَ (а) نَشَاطٌ 1) ҳаракатчан бўлмоқ, серҳаракат бўлмоқ; қувноқ бўлмоқ, жонли бўлмоқ, жонланмоқ; 2) фаол бўлмоқ, актив бўлмоқ; نَشَطَ (у) نَشْطٌ тугмоқ, тугун тугмоқ; II نَشَّطَ 1) жонлантирмоқ, руҳлантирмоқ, далда бермоқ; фаоллаштирмоқ; ҳаракат қилишга ундамоқ; 2) рағбатлантирмоқ, қўзғамоқ; қизиқтирмоқ; 3) тугмоқ, тугун тугмоқ; IV أَنْشَطَ 1) жонлантирмоқ, руҳлантирмоқ, далда бермоқ; 2) рағбатлантирмоқ, қизиқтирмоқ; V تَنَشَّطَ жонланмоқ; руҳланмоқ, дадилланмоқ; X اسْتَنْشَطَ жонланмоқ, актив бўлмоқ, фаоллашмоқ

– أُنْشُوطَةٌ кўп. أَنَاشِيطُ тугун, банд; сирилувчи тугун; арқон, арғамчи

– تَنْشِيطٌ 1) жонлантириш, далда бериш, руҳлантириш; 2) қизиқтириш, рағбатлантириш; активлаштириш

– مُتَنَشِّطٌ жонли; жонлантирилган, қизиққан

– مُنَشِّطَاتٌ кўп. кучайтирувчи, тезлатувчи, стимул берувчи воситалар

– نَاشِطٌ 1) жонли, тетик; 2) фаол, актив, серҳаракат, ҳаракатчан; ثَوْرٌ ~ ёввойи ҳўкиз

– نَشَاطٌ кўп. أَنْشِطَةٌ, ـَاتٌ 1) эпчиллик, чаққонлик, тетиклик; жонланиш, қизиш; дадиллик, қувноқлик; 2) фаолият, фаоллик, активлик, жаҳд, энергия; بِـ~ ғайрат билан, қизғин равишда, кескин; الْعَصَبِيُّ الْعُلْوِيُّ الـ~ олий асаб системаси фаолияти; التَّخْرِيبِيُّ الـ~ қўпорувчилик ишлари; الإِشْعَاعِيُّ الـ~ радиоактивлик

– نَشْطَةٌ жонланиш, қизиш; эпчиллик, чаққонлик, тетиклик; дадиллик, қувноқлик

– نَشِيطٌ кўп. نُشَطَاءُ, نِشَاطٌ 1) фаол, актив, ғайратли, тиришқоқ; 2) жонли, тетик, серҳаракат, ҳаракатчан; жонланган; хурсанд, қувноқ; 3) активист

I (نشع) نَشَعَ[1] (а) نَشْعٌ чиқиб кетмоқ, тошмоқ, тошиб кетмоқ (сув ҳақида); نَشَعَ[2] (а) نَشْعٌ юлиб олмоқ, суғуриб олмоқ; II نَشَّعَ (сувни) тақсимлаб бермоқ, бўлиб бермоқ

– مُنَشَّعٌ намиққан, сувни ўзига шимиб олган; ҳўл, нам, ивиган

– نَشَعٌ тошиб чиққан сув, тошиб кетган сув

– نُشُوعٌ бурнаки қилинадиган тамаки

I (نشف) نَشِفَ (а) نُشُوفَةٌ қуримоқ, нами кетмоқ; қақраб (қовжираб) қолмоқ; суви қуриб қолмоқ (қудуқ ҳақида); نَشَفَ (у) نَشْفٌ қуритмоқ, сувини қочирмоқ; артмоқ; 2) (босма қоғоз билан) қуритмоқ; 3) шиммоқ, намни ўзига тортмоқ, ютмоқ; II نَشَّفَ 1) сингдирмоқ,

шиммоқ; 2) қуритмоқ, сувни кетказмоқ; артмоқ; ~ رِيقَهُ *маж.* (*к. нидир*) безор қилмоқ, (*к. нингдир*) жонига тегмоқ; V تَنَشَّفَ артинмоқ

– تَنْشِيفٌ қуритиш; (*ҳўл н. ни*) артиш; ~ وَرَقُ босма қоғоз, сиёҳ шимдириладиган қоғоз

– مِنْشَفٌ *кўп.* مَنَاشِفُ сочиқ, салфетка

– مِنْشَفَةٌ *кўп.* مَنَاشِفُ = مِنْشَفٌ

– نَاشِفٌ 1) қуруқ, қуриган; 2) қаттиқ; 3) хулқи ёмон, ёмон хулқли; ~ رَجُلٌ хасис одам

– نَشَّافٌ намни ўзига тортувчи, қуритувчи; ~ وَرَقٌ босма қоғоз, сиёҳ шимдириладиган қоғоз

– نَشَّافَةٌ *кўп.* ـاتٌ 1) сочиқ; 2) кирювгич, губка; ~ الْحِبْرِ босма; ◊ ~ الْحُبُوبِ донқуритқич

– نَشَفٌ[1] қуруқлик

– نَشَفٌ[2] *жам. мин.* қаттиқ шинасимон тоғ жинси., базальт

– نَشِفٌ намни ўзига тортувчи; ~ـةٌ أَرْضٌ қуруқ ер

– نَشَفَانٌ 1) ориқлик, беҳоллик, камқувватлик; 2) ақли заифлик

– نُشُوفَاتٌ *кўп.* қуритилган мевалар

– نُشُوفَةٌ қуруқлик

– نُشُوفِيَّةٌ қуруқлик, қурғоқчилик

I نَشِقَ (*а*) نَشْقٌ 1) бурун билан нафас олмоқ, бурунга тортмоқ; 2) ҳидламоқ, искамоқ, ҳид (ис) сезмоқ; II نَشَّقَ (*тамаки, дори ва ш. к. ларни*) ҳидлатмоқ, искатмоқ; IV أَنْشَقَ = II; V تَنَشَّقَ 1) ҳидламоқ, бурунга тортмоқ, нафас олмоқ; 2) (*янгиликларни*) суриштириб билмоқ; X اسْتَنْشَقَ 1) (*мас. кокаинни*) ҳидламоқ, ичига тортмоқ; 2) (*янгиликларни*) суруштириб билмоқ, пайқамоқ

– تَنْشِيقَةٌ бир чимдим бурнаки тамаки

– مَنْشَقَةٌ тамакидон, тамаки қутиси

– نَشْقٌ ичига тортиш; ҳидлаш, искаш

– نَشُوقٌ, نُشُوقٌ бурнаки тамаки

I نَشَلَ (*у*) نَشْلٌ 1) тортиб олмоқ, суғуриб олмоқ, тортиб кетмоқ; 2) ўғирламоқ, ўғирлаб чиқмоқ, ўғирлаб олмоқ; 3) (*к. нидир*) олиб кетмоқ (*ўлим ҳақида*); VIII انْتَشَلَ (*қудуқдан сув*) чиқармоқ, олмоқ; (*қаердандир*) олиб чиқмоқ, тортиб чиқмоқ (مِنْ); 2) (*балодан*) қутқармоқ, халос этмоқ (مِنْ)

– مَنْشَلَةٌ жимжилоқнинг узук тақиладиган жойи

– نَشَّالٌ киссавур

– نَشْلٌ киссавурлик

(نشم) II نَشَّمَ 1) ҳидланмоқ, ҳидланиб қолмоқ, сасимоқ, ҳиди келмоқ (*гўшт ҳақида*); 2) (*н. нидир*) бошламоқ (فِى); V تَنَشَّمَ (*н. нидир*) бошламоқ (فِى)

– نَشَمٌ: الـ~ الْأَسْوَدُ *бот.* элма (*қайрағочнинг бир тури*)

(نشن) II نَشَّنَ 1) (*н. нидир*) нишонга олмоқ, мўлжалга олмоқ (عَلَى); 2) белгиламоқ, белги қўймоқ; ~ الْبَضَائِعَ товарларга белги қўймоқ; маркаламоқ, марка босмоқ

– تَنْشِينٌ 1) нишонга олиш, мўлжалга олиш; 2) тамға босиш, белги қўйиш; ~ الْبَضَائِعِ товарларга белги қўйиш; маркалаш, марка босиш

– مُنَشِّنٌ *ҳарб.* нишонга олувчи, мўлжалга олувчи, наводкачи

– نِشَانٌ *кўп.* ـاتٌ 1. нишон, мўлжал; 2) нишон, орден; босиш, фарқлаш учун қўйилган белги

– نِشَانْجِيٌّ *кўп.* نِشَانْجِيَّةٌ моҳир ўқчи, моҳир мерган

– نِشَنْكَاهٌ мўлжал, (*ўқли қуроллардан нишонга олиш жиҳози*); ~ أَمَامِيٌّ милтиқ нишони (қоровули); ~ خَلْفِيٌّ мўлжал рамкаси

– نِشَانٌ = نِيشَانٌ.

نَشْنَشَ 1) чаққон бўлмоқ, эпчил бўлмоқ, тезкор бўлмоқ; 2) жазилламоқ, вашилламоқ, вишилламоқ; تَنَشْنَشَ тирилмоқ, жон бермоқ

– نَشْنَاشٌ жонли, эпчил, чаққон, уддабурон, абжир; оёқ-қўли чаққон

– نَشْنَشَةٌ 1) эпчиллик, чаққонлик,; 2) шақиллаш, вашиллаш, вишиллаш

I (نشو) نَشِيَ (*а*) نَشْوٌ маст бўлмоқ, кайфи ошмоқ, сархуш бўлмоқ; II نَشَّى крахмалламоқ; VIII انْتَشَى 1) маст бўлмоқ, кайфи ошмоқ; 2) крахмалланмоқ; X اسْتَنْشَى 1) ҳидламоқ, искамоқ; 2) (*н. нидир ичиб*) маст бўлмоқ (فِى, مِنْ)

– انْتِشَاءٌ маст бўлиш, кайфи ошиб қолиш

– مُنَشًّى крахмалланган

– نَشًا 1) *шунингдек*, ~ الْحُبُوبِ крахмал; ~ الْبَطَاطِسِ картошка уни; الـ~ يَاقَاتُ крахмалланган ёқалар; 2) ҳид, бўй, ис; 3) *бот.* бута

– نَشَاءٌ крахмал

– نَشْوٌ маст бўлиш, кайфи ошиш

– نَشْوَانُ *мн.* نَشْوَى *кўп.* نَشَاوَى 1) маст, кайфи бор; 2) ичиб маст бўлган; шод, хурсанд

– نَشْوَةٌ *кўп.* نَشَوَاتٌ маст бўлиш, кайфи ошиб қолиш; 2) *шунингдек*. ~ الطَّرَبِ хуш кайфият, хурсандлик, завқланиш, қувонч, сурур, кайф; 3) хушбўй, хушбўй ҳид, муаттар ҳид

– نَشْوِيٌّ маст қилувчи, кайфни оширувчи (*ичимлик*)

– نَشَوِيٌّ. крахмалли; الْمَوَادُّ الـ~ـةُ *ёки* النَّشَوِيَّاتُ крахмалли моддалар

– نَشْيَانٌ миш-мишларни ва янгиликларни тарқатувчи

I نَصَّ (а/у) نَصٌّ 1) (*текстда н. ҳақидадир*) дейилмоқ (عَنْ); 2) (*н. нидир*) аниқламоқ, (*н. гадир*) ишора қилмоқ (عَنْ); 3) (*н. нингдир*) матнини тузмоқ; баён қилмоқ; كَلَامَ الرِّسَالَةِ ~ хатнинг матнини тузмоқ; 4) (*бир н. ни иккинчи н. устига*) жойлаштирмоқ, тахламоқ; 5) (*туяларни*) бор кучи билан ҳайдамоқ; 6) (*ҳикояни к. гадир*) тақамоқ, нисбат бермоқ, мансуб деб билмоқ (إِلَى); 7) кўтармоқ; II نَصَّصَ 1) тахламоқ, жойламоқ; 2) (*н. нингдир*) матнини тузмоқ, баён қилмоқ; 3) (*к. нингдир*) сўзини келтирмоқ, цитата (иқтибос) келтирмоқ

– تَنْصِيصٌ цитата (иқтибос) келтириш; ~ عَلَامَةُ الــ *грам.* қавс

– مِنَصَّةٌ *кўп.* مَنَاصٌّ ўриндиқ, кресло; минбар, кафедра; ~ الْقَضَاءِ судья креслоси; ~ الْخِطَابَةِ нотиқнинг минбари; ~ التَّصْوِيرِ рассомликда ишлатиладиган учоёқли дастгоҳ, мольберт; ~ الْعَرُوسِ келин ўтирадиган ўриндиқ

– مَنْصُوصٌ عَلَيْهِ ~ матнда ифодаланган нарса

– نَصٌّ *кўп.* نُصُوصٌ матн, текст; баён, аниқ маъно; الــ~ الْمُعْتَمَدُ *дип.* асл нусхага мос, мувофиқ бўлган матн; ◊ بِــ~ـهِ وَ فَصِّهِ тўла-тўкис, ҳеч бир ўзгаришсиз, ўша сўзларнинг ўзи ёрдамида

– نُصٌّ *халқ.* ярим; ~ (و) ~ *ёки* ~ عَلَى ~ ўртача, ўрта, у ёқ ҳам эмас, бу ёқ ҳам эмас; ~ (و) ~ فِيلْمٌ ўртача фильм

– نُصَّةٌ *кўп.* ~ات мода чумчуқ

– نُصَّةٌ *кўп.* نُصَصٌ кокил, зулф, гажак

– نَصِّيٌّ матн (текст) га оид

I (نَصْبٌ) نَصَبَ (и) نَصْبٌ 1) тик қилиб қўймоқ, ўрнатмоқ, тикламоқ, тиккайтирмоқ; (*байроқни*) баландликка ўрнатмоқ, ўрнатиб мустаҳкамлаб қўймоқ, тикмоқ; (*тузоқ, тўр*) қўймоқ, ўрнатмоқ; ~ كَمِينًا пистирма ташкил қилмоқ; ~ الْخَيْمَةَ чодир ўрнатмоқ, тикмоқ; ~ لَهُ الشَّرَّ кимгадир ёвузликни ният қилмоқ; ~ لَهُ الْحَرْبَ кимгадир қарши уруш очмоқ; ~ـهُ هَدَفًا (*бирор н. учун*) ниманидир мақсад қилиб қўймоқ (لِـ); ~ نَفْسَهُ خَبِيرًا ўзини мутахассис қилиб кўрсатмоқ; 2) (*бирор мансабга*) тайин қилмоқ; 3) (*дарахт*) ўтқазмоқ; 4) (*к. нидир*) алдамоқ, товламоқ (عَلَى); 5) қийнамоқ, ҳолдан тойдирмоқ, тинкани қуритмоқ, ориқлатмоқ, оздирмоқ (*касаллик ҳақида*); 6) *грам.* отни тушум келишигида келтирмоқ; феълни истак майлига солмоқ; نَصِبَ (а) نَصَبٌ 1) чарчоқ сезмоқ, чарчамоқ, толиқмоқ; 2) чиранмоқ, кучаймоқ, зўриқмоқ; II نَصَّبَ (*бирор мансабга, ўринга*) қўймоқ, тайин қилмоқ; ~ـهُ حَاكِمًا فِي ... кимнидир кафедрага қўймоқ; ~ـهُ فِي كُرْسِي кимнидир ҳоким қилиб тайинламоқ; ◊ ~ أُذُنَيْهِ қулоқни диккайтирмоқ, диққат билан қулоқ солмоқ; III نَاصَبَ адоват қилмоқ, душманлик қилмоқ; ~ـهُ الْعَدَاءَ кимгадир душманлик қилмоқ; ~ـهُ الْحَرْبَ кимгадир қарши уруш эълон қилмоқ; IV أَنْصَبَ 1) толиқтирмоқ, ҳолдан тойдирмоқ, чарчатмоқ; 2) улушини, ҳиссасини тақсимлаб бермоқ; V تَنَصَّبَ тайинланмоқ, тайин қилинмоқ; VIII اِنْتَصَبَ тик турмоқ, тўғри турмоқ; 2) кўтарилмоқ; ~ وَاقِفًا тўғриланмоқ, ростланмоқ, қаддини тикламоқ; сакраб ўрнидан турмоқ; 3) қўйилмоқ, ўрнатилмоқ; 4) тайинланмоқ, тайин қилинмоқ; ~ لِلْحُكْمِ (*судда*) ҳукм эълон қилиниши учун ўриндан турмоқ

– اِنْتِصَابٌ 1) туриш, тик туриш; 2) кўтариш, тиклаш; 3) эрекция (*эркаклар жинсий олатининг кўтарилиши*); ~ عَدَمُ الــ жинсий ожизлик

– تَنْصِيبٌ (*мансабга, лавозимга*) тайинлаш, тайин қилиш

– مُنْتَصِبٌ қадалган, ўрнатилган, кўтарилган, тикланган

– مَنْصِبٌ *кўп.* مَنَاصِبُ 1) мансаб, лавозим; мавқе, вазият; أَصْحَابُ (أَرْبَابُ) الْمَنَاصِبِ юқори лавозимдаги шахслар; ~ الْوِزَارَةِ вазирлик лавозими; 2) асос, бошланиш жойи

– مِنْصَبٌ *кўп.* مَنَاصِبُ 1) ўчоқ; 2) *шунингдек* ~ ثُلَاثِيٌّ уч оёқли темир таглик, уч оёқли столча

– مَنْصُوبٌ 1) тик қилиб қадалган; 2) тайин қилинган; 2) тайинланган, қўйилган; *грам.* тушум келишигида келган *ёки* истак майлида келган

– مَنْصُوبَةٌ *кўп.* ~ات — *шахм.* доналарнинг вазияти

– نَاصِبٌ[1] ҳолдан тойдирадиган, ҳолни қуритадиган; толиқтирувчи

– نَاصِبٌ[2] *кўп.* نَوَاصِبُ *грам.* отни тушум келишигида *ёки* феълни истак майлида бошқарувчи юклама

– نِصَابٌ *кўп.* نُصُبٌ، أَنْصِبَةٌ 1) бошланиш, бошланғич нуқта, асос; أَعَادَ (رَدَّ) النِّظَامَ إِلَى ~ـهِ тартиб ўрнатмоқ, тартиб жорий қилмоқ; رَدَّ الْعَدْلَ إِلَى ~ـهِ адолатни қайта тикламоқ; وَضَعَ الْأُمُورَ فِي ~ـهَا ҳамма нарсани жой-жойига қўймоқ; 2) соп, банд, даста, тутқа; 3) *у ёки бу ишда қатнашиш ҳуқуқини чеклайдиган молиявий шартлар*, мулк цензи (нисоби): чеклайдиган молиявий шартлар, الــ~ الْقَانُونِيُّ لِـ... ...да қатнашиш учун қонунда кўрсатилган ценз (нисоб); 4) кворум; الــ~ مَفْقُودٌ! кворум йўқ!; اِكْتَمَلَ الــ~ الْقَانُونِيُّ кворум бор

– نَصَّابٌ алдоқчи, фирибгар, аферист, ўғри, қароқчи

– نَصْبٌ[1] 1) ўрнатиш; тиклаш, қадаш, тик қилиш; 2) тайин қилиш, тайинлаш; 3) фирибгарлик, ҳийлагарлик; алдов, ёлғончилик; ~ عِصَابَةُ фирибгарлар тўдаси; 4) ўрнатилган, тикланган, барпо қилинган (*нарса*); ҳайкал, монумент; 5) касаллик; 6) *грам.* тушум келишиги; истак майли

– نَصْبٌ[2] *жам. кўп.* نُصُوبٌ кўчатлар, ниҳоллар

– نَصَبٌ[1] 1) оғир меҳнат, вазмин иш; оғирлик, қийинлик; 2) чарчаш, толиқиш, ҳолдан кетиш; 3) уқубат, кулфат, заҳмат

– نَصَبٌ[2] *кўп.* أَنْصَابٌ кўтарилган, ўрнатилган байроқ

– نُصْبٌ[1]، نُصُبٌ *кўп.* أَنْصَابٌ 1) ҳайкал, монумент; ~ تِذْكَارِيٌّ ҳайкал; 2) бут, санам

– نُصْبٌ[2] бало, офат, ёмонлик, ёвузлик

– نُصْبَ олдида, عَيْنَيَّ ~ кўзларим олдида; وَضَعَهُ ~ عَيْنَيْهِ ўз олдига бирор мақсад қўймоқ; бирор нарса ҳақида қайғурмоқ; нимандир доим назарда тутмоқ

– نُصْبَةٌ[1] *кўп.* ـاتٌ — 1) ёш кўчат, ёш ниҳол; 2) *шунингдек:* ~ الطَّبْخِ ўчоқ

– نُصْبَةٌ[2] 1) ҳийла, найранг, алдов; 2) *грам.* фатҳа

– نُصْبَةٌ 1) устун, столб; ~ الْأَمْيَالِ ҳар чақиримда ўрнатилган устун; сим тортиш *ёки* бошқа мақсадлар учун қилинган баланд минорасимон қурилма, мачта

– نَصِيبٌ *кўп.* أَنْصِبَاءُ, أَنْصِبَةٌ, نُصُبٌ 1) ҳисса, улуш, насиба; كَانَ مِنْ ~ـه ... унинг қисмати ...дан иборат эди; لَيْسَ لِهٰذَا الْخَبَرِ أَدْنَى ~ مِنَ الصِّحَّةِ бу хабарда заррача ҳам ҳақиқат йўқ; 2) тақдир, қисмат, толе, пешона; омад, ютуқ; يَا ~ лотерея; ◊ ~ الْأَسَدِ энг кўпи, энг кўп қисми

I نَصَتَ (*u*) نَصْتٌ 1) индамай турмоқ, сукут қилмоқ, жим қолмоқ; тинглаш учун жим бўлмоқ; 2) (*н. нидир*) тингламоқ, охиригача қулоқ солмоқ (لِـ); IV أَنْصَتَ (*н. ғадир*) қулоқ солмоқ, эшитмоқ (لِـ); V تَنَصَّتَ билдирмай эшитиб олмоқ; диққат билан тингламоқ

– تَنَصُّتٌ билдирмай эшитиб олиш

– مُتَنَصِّتٌ билдирмай эшитиб олувчи

– نَصْتٌ тинглаш, эшитиш, диққат билан эшитиш

– نُصْتَةٌ жим туриш, тик туриш

I نَصَحَ (*a*) نَصْحٌ, نُصُوحٌ, نَصَاحَةٌ 1) маслаҳат бермоқ, насиҳат қилмоқ; тавсия қилмоқ; 2) самимий бўлмоқ, чин кўнгилдан муносабатда бўлмоқ; 3) тўғри бўлмоқ (*фикр ҳақида*); ◊ ~تِ الْإِبِلُ الشُّرْبَ туя қониб сув ичди; ~ الثَّوْبَ кийим тикмоқ; III نَاصَحَ самимият билдирилмоқ; дўстона маслаҳат бермоқ; IV أَنْصَحَ суғормоқ, сув бермоқ, сув ичирмоқ; V تَنَصَّحَ насиҳатгўйларга тақлид қилмоқ; VIII انْتَصَحَ маслаҳатга қулоқ солмоқ, сабоқ олмоқ, ибрат олмоқ; ~ بِالنَّصِيحَةِ маслаҳатга қараб иш тутмоқ; X اسْتَنْصَحَ 1) маслаҳат сўрамоқ, консультация олмоқ; 2) насиҳатгўй ҳисобламоқ

– أَنْصَحُ энг самимий, энг садоқатли

– نَاصِحٌ 1) насиҳат қилувчи; самимий муносабатда бўлувчи; 2) маслаҳатгўй, ақл ўргатувчи; 3) тикувчи, мошиначи; ~ الْجَيْبِ покдил, оқ кўнгил; رَجُلٌ ~ الْجَيْبِ оқ кўнгил одам

– نِصَاحٌ 1) ип; 2) сим

– نُصْحٌ 1) муносабатларнинг самимийлиги; 2) насиҳат

– نَصُوحٌ самимий, чин юракдан қилинган

– نَصِيحٌ = نَاصِحٌ

– نَصِيحَةٌ *кўп.* نَصَائِحُ 1) чин кўнгилдан берилган маслаҳат, яхши насиҳат; 2) самимийлик, харихоҳлик

I نَصَرَ (*у*) نَصْرٌ 1) ёрдам бермоқ, ёрдам кўрсатмоқ; 2) ғалаба келтирмоқ, ғалабага олиб келмоқ; 3) (*н. дандир*) ҳимоя қилмоқ, халос қилмоқ, қутултирмоқ (عَنْ, مِنْ); II نَصَّرَ 1) христиан динига киритмоқ, насронийга айлантирмоқ; 2) чақалоқни тоғорада чўмилтириб чўқинтирмоқ (*христиан динида*); III نَاصَرَ 1) ҳимоя қилмоқ, тарафини олмоқ; 2) қўллаб-қувватламоқ, ёрдам бермоқ, ёрдамлашмоқ; шерик бўлмоқ, ҳамроҳ бўлмоқ, тарафдор бўлмоқ; V تَنَصَّرَ 1) христиан динини қабул қилмоқ; 2) тоғорада чўмилтириб чўқинтирилмоқ (*бола ҳақида*); 3) (*к. нидир*) ёнини олмоқ, тарафини олмоқ (لِـ); VI تَنَاصَرَ ўзаро бир-бирига ёрдам бермоқ; VIII انْتَصَرَ (*к. нингдир устидан*) ғалаба қилмоқ, устун келмоқ (عَلَى); ғалабани тантана қилмоқ; 2) (*н. нидир*) қўлламоқ, ҳимоя килмоқ (لِـ); (*н. нингдир*) тарафдори бўлмоқ, ҳимоячиси бўлмоқ (لِـ); 3) (*к. дандир*) ўч олмоқ, қасдини олмоқ (مِنْ); X اسْتَنْصَرَ ёрдам сўрамоқ, ёрдамга чақирмоқ

– انْتِصَارٌ *кўп.* ـاتٌ — ғалаба, зафар, зафар тантанаси; ~ فِرْسِيٌّ Пирр ғалабаси (*жуда қимматга тушган ғалаба*)

– تَنْصِيرٌ чўқинтириш (*христиан динида*)

– مُنَاصِرٌ 1) (*к. нидир, н. нидир*) қўллаб-қувватловчи (لِـ); 2) (*к. нингдир, н. нингдир*) тарафдори (لِـ)

– مُنْتَصِرٌ ғалабага олиб борувчи, зафарли, музаффар

– مَنْصَرٌ *кўп.* مَنَاصِرُ тўда, гуруҳ, шайка

– مَنْصُورٌ 1) зафарли, музаффар, ғалабани тантана қилувчи; ғолиб, ғалабага эришган; 3) ат. от, *мз.* Мансур

– نَاصِرٌ *кўп.* أَنْصَارٌ 1) ёрдам берувчи, ёрдамчи; 2) тарафдор, мухлис, мурид; أَنْصَارُ السِّلْمِ тинчлик тарафдорлари; أَنْصَارُ الْقَدِيمِ (الْحَدِيثِ) эскилик (янгилик) тарафдорлари; أَنْصَارُ مَاخٍ *фалс.* махистлар; الْأَنْصَارُ (*бир. с.* الْأَنْصَارِيُّ) Муҳаммад алайҳиссаломнинг Мадинаи мунавварадаги сафдошлари, ансорлар; أَخَذَ بِـ~ـيَدِ кимгадир ёрдам қилмоқ; 2) *кўп.* партизанлар; حَرَكَةُ الْأَنْصَارِ партизанлар ҳаракати

– نَاصِرِيٌّ 1) *дин.* Назаретга оид; 2) Назарет тарафдори; الـ~ Христос

– نَاصُورٌ *кўп.* نَوَاصِيرُ = نَاسُورٌ *қар.* نوسر

– نَصْرٌ 1) ёрдам; 2) ғалаба, зафар; أَحْرَزَ ~ا ғалаба қилмоқ, ғолиб келмоқ; عُقِدَ لَهُ الـ~ унга ғолиб бўлиш насиб этди

– نَصْرَانِيٌّ *кўп.* نَصَارَى 1) христиан динига оид, насроний; христиан динидаги киши; الـ~ـةُ христианлик, христиан дини, насронийлик, насроний дини

– نُصْرَةٌ = نَصْرٌ

– نَصِيرٌ *кўп.* نُصَرَاءُ ҳомий, ҳимоячи, тарафдор; ёрдамчи; шерик, ҳамкор; ~ الْحُرِّيَّةِ озодлик тарафдори

– نُصَيْرِيٌّ *кўп.* نُصَيْرِيَّةٌ нусайрий (*христиан динидаги оқимлардан бирининг вакили*); الـ~ـــة нусайрийлар оқими

I نَصَعَ (*а*) نُصُوعٌ 1) тиниқ оқ рангли бўлмоқ, қордек оппоқ бўлмоқ; ярқироқ рангли бўлмоқ, очиқ рангли бўлмоқ; 2) тоза бўлмоқ, покиза бўлмоқ; 3) ойдек равшан бўлмоқ (*ҳақиқат ҳақида*); IV أَنْصَعَ (*ҳақиқатни, қарзни ва ҳ. к. ни*) тан олмоқ (بـ)

– مَنْصَعٌ *кўп.* مَنَاصِعُ 1) жамоат жойидаги ҳожатхона

– نَاصِعٌ оппоқ, қордек оқ; очиқ рангли, ярқироқ; ~ الْبَيَاضِ қордек оқ; 2) аниқ, равшан; шубҳасиз; ~ دَلِيلٌ аниқ, равшан исбот (далил); ~ أَبْيَضُ тиниқ оқ, оппоқ; ~ أَصْفَرُ сап-сариқ

– نَصَاعَةٌ 1) оқлик; ярқироқлик, очиқлик (*ранг ҳақида*); 2) тоза, покизалик; 3) аниқлик, равшанлик

– نُصُوعٌ оқлик

– نَصِيعٌ 1) тоза, покиза; 2) аниқ, равшан

I نَصَفَ (*у*) نَصْفٌ 1) тенг иккига бўлмоқ, тенг икки қисмга бўлмоқ; 2) (*н. нингдир*) ярмини олмоқ; 3) (*н. нингдир*) ярмига етмоқ; 4) инсоф билан иш қилмоқ; 5) хизмат қилмоқ; II نَصَّفَ 1) тенг икки қисмга бўлмоқ; 2) (*н. нингдир*) ярмига етмоқ; ~ الْبُسْرُ хурмолар ярим пишди; III نَاصَفَ (*к. билан дир*) тенг бўлишиб олмоқ; ярмини қайтиб бермоқ; IV أَنْصَفَ инсоф қилмоқ, инсоф билан иш тутмоқ; бетараф бўлмоқ, холис бўлмоқ; 2) хизмат қилмоқ; ~ النَّهَارُ кун ярмига етди; V تَنَصَّفَ 1) хизмат қилмоқ; 2) инсоф талаб қилмоқ, адолат талаб қилмоқ; (*к. дандир*) ўч олмоқ; 3) (*н. нингдир*) ярмига етмоқ; VI تَنَاصَفَ бир-бирига инсоф қилишмоқ; VIII اِنْتَصَفَ 1) (*н. нингдир*) ярмига етмоқ, ярмида бўлмоқ; ~ اللَّيْلُ тун ярим бўлди; 2) (*к. дандир аллакимга*) адолат талаб қилмоқ, инсоф сўрамоқ (لـِ , فِي); 3) теппа-тенг бўлишиб олмоқ; X اِسْتَنْصَفَ инсоф (*адолат*) қидирмоқ

– إِنْصَافٌ адолат, инсоф; холислик, бетарафлик; بـ~ инсоф билан ... لـ~ ...ا (*к. гадир*) адолат юзасидан; ~ طَلَبَ الـ~ وَ ... الْقِسْطَاسَ тўла адолат ва инсоф тиламоқ; ... لَيْسَ مِنَ الـ~ أَنْ ... инсофдан эмас

– تَنْصِيفٌ тенг иккига бўлиш

– مُنَاصَفَةٌ тенг иккига бўлиш, тенг икки бўлакка ажратиш; بالـ~ теппа-тенг, тенг шерикка, нисфикорликка; ~ тенг ярмидан, теппа-тенгдан

– مُنْتَصَفٌ ярим; ~ اللَّيْلِ ярим кеча

– مُنْصَفٌ йўлнинг ярми

– مُنْصِفٌ адолатли, инсофли; холис, бетараф

– مِنْصَفٌ *кўп.* مَنَاصِفُ хизматкор

– نَاصِفٌ *кўп.* نُصَّافٌ хизматкор

– نِصْفٌ[1] *кўп* أَنْصَافٌ ярим; ўрта; ~ الدَّائِرَةِ яримдоира; ~ الْكُرَةِ яримшар; ~ الْقُطْرِ радиус; ~ اللَّيْلِ ярим кеча; ~ النَّهَارِ пешин; ~ سَنَوِيٌّ яримйиллик, олти ойлик; ~ شَهْرِيٌّ ярим ойли, икки ҳафтали; ~ فَرَنْسِيٌّ ярим француз; أَنْصَافُ الْحُلُولِ дудмал қарор; ~ عَارٍ (*кўп.* ~ عُرَاةٌ *ёки* ~ عَرَايَا) ярим ялонғоч; ~ الشِّتَاءِ *астр.* қишки қуёш туриши; ~ الصَّيْفِ *астр.* ёзги қуёш туриши

– نَصَفٌ[2] نَصَفٌ 1) ўрта ёшлардаги; ~ أَرْمَلَةٌ ўрта ёшлардаги тул хотин; 2) ўртача ўлчовдаги (размердаги)

– نَصَفٌ, نَصَفَةٌ инсоф, адолат

– نِصْفِيٌّ яримга оид; ~ تِمْثَالٌ бюст; ~ صُورَةٌ ـــة белгача олинган сурат

– نَصِيفٌ 1) бош кийими (*салла, рўмол*); 2) = نِصْفٌ

I نَصَلَ (*у*) نُصُولٌ кўздан ғойиб бўлмоқ, йўқ бўлмоқ; йўқолмоқ, қўлдан кетмоқ; ранги ўчмоқ, ўчиб кетмоқ (*ранг ҳақида*); бўёғи кетиб қолмоқ (*мас, соч ва ш.. к.*); ~ خِضَابُ اللَّيْلِ الْأَسْوَدِ тунги қоронғулик тарқалди; ~ السَّهْمُ а) (*камон*) ўқининг учидаги темири чиқиб кетмоқ; б) (*камон*) ўқи учидаги темири (*бирор н. га*) кириб санчилмоқ; II نَصَّلَ (*камон*) ўқи учига темир учлик киргизмоқ (ўрнатмоқ); V تَنَصَّلَ (*н. дандир*) ажрамоқ, бўлинмоқ, ажралиб чиқмоқ (مِنْ); 2) (*н. дандир*) озод бўлмоқ, қутулмоқ (مِنْ); ~ زَيْدٌ مِنْ ذَنْبِهِ Зайд гуноҳдан фориғ (*пок*) бўлди; 3) (*н. дадир*) манфаатсиз бўлмоқ; (*н. дандир*) четда турмоқ, бетараф қолмоқ (مِنْ); ~ مِنْ كُلِّ تَبِعَةٍ (مَسْؤُولِيَّةٍ) ҳар қадай масъулиятни ўзидан соқит қилмоқ

– مِنْصَالٌ *кўп.* مَنَاصِيلُ ўғир (*кели*) дастаси

– مُنْصَلٌ, مُنْصُلٌ *кўп.* مَنَاصِلُ қилич

– نَاصِلٌ ўз рангини йўқотган, бўзрайган; ранги ўчган, ранги ўчиб кетган

– نَصْلٌ *кўп.* نِصَالٌ тиғ, дам, қирра; қилич; ~ السَّيْفِ қиличнинг дами; ~ السِّكِّينِ пичоқнинг тиғи; ~ وَقَعَ الـ~ عَلَى الـ~ қилич устига қилич тушди, жанг бошланди

– نَصْمَةٌ бут, санам

نَصْنَصَ ҳаракатлантирмоқ, қимирлатмоқ, жилдирмоқ

(نصو) VI تَنَاصَى 1) бир-бирининг пешонасидаги сочидан ушлаб тортишмоқ; 2) бирлашмоқ, маташмоқ

– نَاصِيَةٌ *кўп.* نَوَاصٍ, ـــ ات 1) пешонадан ўстирилган кокил; نَوَاصِي النَّاسِ *маж.* атоқли кишилар; 2) (*уйнинг, кўчанинг*) муюлиши, бурилиш жойи; ~ حَجَرُ الـ~ бурчакдаги тош; 3) отнинг тўпиғидаги кокили; النَّوَاصِي *маж.* отлар, тулпорлар; ◊ ~ الْأُمُورِ вазиятдан чиқишнинг калити; قَبَضَ عَلَى (امْتَلَكَ) ~ الْحَالِ ўзиники қилиб олмоқ; قَبَضَ عَلَى ~ الطَّائِرَةِ самолётни моҳирлик билан бошқармоқ; قَبَضَ عَلَى ~ اللُّغَةِ тилни яхши ўрганиб (ўзлаштириб) олмоқ; وَقَعَتْ

الْمَسْؤُولِيَّةُ عَلى أُمِّ ~ـه жавобгарлик унинг елкасига тушди

I نَضَّ (а/и) نَضٌّ، نَضِيضٌ оқмоқ, оқиб ўтмоқ, оқиб кирмоқ; II نَضَّضَ силкитмоқ, силкимоқ, қоқмоқ; X اسْتَنَضَّ: حَقَّهُ ~ ҳақини оз-оздан қилиб ундириб олмоқ

– نَاضٌّ танга пул; دَرَاهِمُ ~ـةٌ нақд пул

– نَضٌّ нақд пул; танга пул; ا~ танга пул билан

I نَضَبَ (у) نُضُوبٌ 1) тугамоқ, тамом бўлмоқ; لاَ يَنْضَبُ тугамайдиган, тамом бўлмайдиган; 2) (сигирнинг сути) тугамоқ; сутдан чиқмоқ (сигир ҳақида); 3) ерга сингиб кетмоқ (сув ҳақида); 4) вафот этмоқ, ўлмоқ; ◊ مَاءَ وَجْهِهِ ~ уятни (шарм-ҳаёни) йиғиштирмоқ

– نَاضِبٌ 1) туганган, тамом бўлган, қуриган; 2) унумсиз

– نُضُوبٌ тугаш, тамом бўлиш

I نَضِجَ (а) نَضْجٌ 1) пишмоқ, пишиб етилмоқ; 2) пишмоқ (овқат ҳақида); IV أَنْضَجَ пишириб етилтирмоқ; 2) қайнатмоқ, пиширмоқ (овқатни)

– نَاضِجٌ 1) пишиб етилган; 2) қайнаб (қовурилиб) пишган

– نُضْجٌ، نَضْجٌ пишганлик, етилганлик; етуклик; الـ~ السِّيَاسِيُّ сиёсий етуклик

– نَضِيجٌ = نَاضِجٌ 1); طِينٌ ~ қизғиш сариқ рангли куйдирилган балчиқ; 2) رَجُلٌ ~ الرَّأْيِ фикри лишган (мустаҳкам) одам

I نَضَحَ (а) نَضْحٌ 1) (сув) тўкмоқ, сепмоқ; (н. билан дир) сепмоқ, суғормоқ (بـ): بِضَوْءِ الضُّحَى ~ тонг нурини сочмоқ (тўкмоқ, сочмоқ) (қуёш ҳақида); الزَّرْعَ ~ экинни суғормоқ; الشِّوَاءَ بِالدُّهْنِ ~ қовурма устига ёғ солмоқ, сепмоқ; الْعَطَشَ ~ чанқоқликни қондирмоқ; 2) (идишдан) оқмоқ, сизмоқ; 3) суюқлик, нам ажратиб чиқармоқ; терламоқ; VIII انْتَضَحَ суғорилмоқ, сув сепилмоқ, сув тутилмоқ

– تَنَاضُحٌ физ. осмос (аралашмаларнинг органик тўсиқлар орасидан секин-аста сизиб чиқиш ҳодисаси)

– تَنَاضُحِيٌّ осмосга оид (юқоридаги моддага қар.)

– مِنْضَحٌ душ

– مِنْضَحَةٌ кўп مَنَاضِحُ гулларга сув сепиш учун ишлатиладиган тешик-тешик жўмракли челак (лейка); шундай челакнинг жўмраги

– نَاضِحٌ суғорилаётган туя

– نَضَّاحَةٌ кўп. ـاتٌ — сув пуркагич, сув сепадиган челак (лейка)нинг жўмраги

– نَضْحَةٌ тизиллаб оқиш

I نَضَخَ (а) نَضْخٌ (н. билан дир) намламоқ, ҳўлламоқ, суғормоқ (بـ)

– مِنْضَخَةٌ кўп. مَنَاضِخُ пульверизатор

– نَضَّاخٌ шариллаган, шариллаб оққан; غَيْثٌ ~ жала, қаттиқ ёмғир, шаррос

I نَضَدَ (и) نَضْدٌ бир-бирининг устига қўймоқ, тахламоқ; ёнма-ён, тартиб билан қўймоқ; II نَضَّدَ ёнма-ён, тартиб билан қўймоқ; полигр. ҳарф термоқ; V تَنَضَّدَ тартиб билан териб қўйилмоқ; қат-қат бўлиб жойлашмоқ (тоғ жинслари ҳақида)

– مِنْضَدَةٌ кўп. ـاتٌ، مَنَاضِدُ — 1) стол, столча; тумбочка; الْكُتُبِ ~ этажерка, китоб тахлайдиган тахмон; 2) кроват, калавот

– نَضَدٌ кўп. أَنْضَادٌ кароват, калавот, тўшак, ўрин

– نَضِيدٌ устма-уст қўйилган, тахланган

– نَضِيدَةٌ кўп. نَضَائِدُ 1) тўшак, матрас, кўрпа; 2) ёстиқ, болиш

I نَضُرَ (у) نُضُورٌ، نَضَارَةٌ، نَضْرَةٌ ёки نَضَرَ (у) نَضْرٌ ёки نَضِرَ (а) نَضَرٌ 1) яшнамоқ, гулгун бўлмоқ, бақувват бўлмоқ, ғайратли бўлмоқ (ёшлик ҳақида); 2) гўзал бўлмоқ, гўзаллашмоқ; 3) кўм-кўк турмоқ, кўкариб турмоқ (ўсимлик ҳақида); 4) очиқ бўлмоқ (ранг ҳақида); II نَضَّرَ яшнатмоқ, янгиламоқ; IV أَنْضَرَ 1) яшнатмоқ, гулгун бўлмоқ, бақувват бўлмоқ, ғайратли бўлмоқ; 2) = II

– نَاضِرٌ 1) гулгун яшнаб турган; 2) гўзал; لَوْنٌ ~ очиқ ранг (қар. فَاقِعٌ ва نَاصِعٌ)

– نُضَارٌ соф олтин, тоза олтин; سَلِيمٌ ~ соф ҳолда топилган олтин

– نَضَارَةٌ 1) гулгунлик, яшнаб турганлик; юзга югурадиган қизиллик; қон талашган соғлом юз; الشَّبَابِ ~ қирчиллама ёшлик; 2) гўзаллик, чирой, яшнаб туришлик

– نُضَارٌ = نَضْرٌ

– نَضِرٌ 1) яшнаб турган, ял-ял ёниб турган, гуллаган; 2) ажойиб, гўзал, чиройли; 3) кўм-кўк, яшил

– نَضْرَةٌ 1) ёрқинлик, тиниқлик; қизиллик, ял-ял ёнишлик; 2) шуъла, товланиш, ялтираш

– نَضِيرٌ 1) гуллаб-яшнаб турган, яшнаган; 2) гўзал, чиройли; 2) олтин, тилла

I نَضَفَ (и) نَضْفٌ сут эммоқ (ҳайвон боласи ҳақида); VIII انْتَضَفَ = I

– نَضَافَةٌ халқ. тозалик, поклик (сол. نَظَافَةٌ)

– نَضَفٌ бот. жам. ёввойи майоран (ёқимли ҳид таратадиган ўт, алаф)

– نَضِفٌ ифлос, тоза эмас

– نَضِيفٌ ифлос, тоза эмас

– نَضِيفٌ халқ. тоза, покиза (сол. نَظِيفٌ); زَيِّ الصِّينِي بَعْدَ غَسِيلِه ~ халқ. мтл. ювилган патнисдай топ-тоза

I نَضَلَ (у) نَضْلٌ (к. дан дир) устун келмоқ; (к. нингдир устидан) ғолиб бўлмоқ; III نَاضَلَ (н. учун дир) курашмоқ, кураш олиб бормоқ (مِنْ أَجْلِ); (н. нидир) ҳимоя қилмоқ, мудофаа қилмоқ (عَنْ); VI تَنَاضَلَ курашмоқ, урушмоқ, бир-бири билан солишмоқ; VIII انْتَضَلَ 1) жанг қилмоқ; 2) ким ўзарга отишмоқ

– مُنَاضِلٌ курашчи, жангчи, ҳимоячи

– مُنَاضَلَةٌ кураш

– نِضَالٌ *кўп* اتٌ — кураш; الـــُ~ الطَّبَقِيُّ синфий кураш; الــ~ فِي سَبِيلِ السَّلْمِ тинчлик учун кураш

– نِضَالِيٌّ жанговар; تَحِيَّةٌ ~ـــةٌ (*к. гадир*) жанговар салом

– نِضَالِيَّةٌ курашга олишлик, жасурлик, ботирлик, енгилмаслик

نَضْنَضَ 1) қимирлатмоқ, ҳаракатга келтирмоқ, силкитмоқ; 2) тилини чиқариб қимирлатмоқ (*илон ҳақида*)

– نَضْنَاضٌ 1) қимирлайдиган, ҳаракатдаги; 2) тилини чиқараётган (*илон ҳақида*); 3) *шунингдек*: اللِّسَانِ ~ *кўч.м.* сергап, сўзамол, кўп гапирадиган

– نَضْنَضَةٌ 1) қимирлатиш, ҳаракатга келтириш; 2) тилини чиқариш (*илон ҳақида*)

I (نضو) نَضَا (*у*) نَضْوٌ 1) (*кийимни*) ечмоқ, ечиб ташламоқ; ~ هُ مِنْ ثَوْبِهِ *ёки* عَنْهُ ثَوْبَهُ ~ кимнидир ечинтирмоқ, кимнингдир кийимини ечмоқ; ثَوْبَهُ عَنْ نَفْسِهِ ~ ечинмоқ; 2) тортиб чиқармоқ, судраб чиқармоқ, суғуриб чиқармоқ; 3) ранги ўчмоқ, рангини йўқотмоқ, ўчиб кетмоқ; IV أَنْضَى ҳолдан тойдирмоқ, тинкасини қуритмоқ, мадорини қуритмоқ; الثَّوْبَ ~ кийимини эскитмоқ; VIII اِنْتَضَى (*мас. қиличини*) чиқармоқ, суғурмоқ; الثَّوْبَ ~ кийимини эскитмоқ

– نِضْوٌ[1] *кўп.* أَنْضَاءٌ ориқ, ҳолдан тойган, тинкаси қуриган

– نِضْوٌ[2] *кўп.* أَنْضَاءٌ 1) эски, тўзиган кийим; 2) ориқ туя

– نَضْوَةٌ тақа, нағал

I نَضِيَ (*и*) نَضْيٌ = نَضَا *қар.* نضو

I نَطَّ (*а/и*) نَطٌّ 1) сакрамоқ, сакраб ўтмоқ, ҳатлаб ўтмоқ; السُّدُودَ ~ тўсиқлардан ўтмоқ; الْحَبْلَ ~ арғамчидан сакраб ўтмоқ (*болалар ҳақида*); 2) (*урғочи ҳайвонни*) қочирмоқ (عَلَى); II نَطَّطَ 1) сакратмоқ, ҳатлатмоқ; 2) (*ҳайвонларни*) жуфтламоқ, қочирмоқ, чоптирмоқ; V تَنَطَّطَ сакратмоқ, ҳатлатмоқ

– نَطٌّ сакраш, ҳатлаш; حَبْلُ الــ~ болалар сакрайдиган арғамчи

– نَطَّاطٌ сакровчи; جَرَادٌ ~ *қар.* جَرَادٌ

– نَطَّةٌ *кўп.* اتٌ — сакраш, сакраб ўйнаш; لُعْبَةُ الــ~ тўнка-тўнка ўйини (*бир-бирининг устидан сакраб ўтиш ўйини*)

– نَطِيطٌ сакраш; ◊ أَبُو ~ сўзанак, ниначи

I نَطَحَ (*а*) نَطْحٌ (*шох билан*) сузмоқ, сузишмоқ; III نَاطَحَ бир-бирини сузишмоқ; 2) тақалмоқ, тақалиб қолмоқ, тегмоқ; V تَنَطَّحَ жасорат йиғмоқ, журъат тўпламоқ, журъат қилмоқ; VI تَنَاطَحَ бир-бирини сузишмоқ; бир-бирига пешонасини тақамоқ; VIII اِنْتَطَحَ сузишмоқ, шохларини уриштирмоқ; أَمْرٌ لَا يَنْتَطِحُ فِيهِ عَنْزَانِ (كَبْشَانِ) *мқл.* мутлақо ҳал бўлган масала (*сўзма-сўз*: икки эчки (қўй) ўзаро сузишмайдиган масала)

– مَنْطُوحٌ сузиб ўлдирилган *ёки* ярадор қилинган

– نَاطِحٌ 1) (*шохи билан*) сузувчи; 2) пешонаси билан сузувчи

– نَاطِحَةٌ *кўп* نَوَاطِحُ (*шунингдек*: السَّحَابِ ~) осмонўпар иморат

– نَطَّاحٌ сузувчи, сузағич

– نَطْحَةٌ *кўп* اتٌ — (*шох ёки бош билан*) сузиш

– مَنْطُوحٌ = نَطِيحٌ

I نَطَرَ (*у*) نَطْرٌ 1) пойламоқ, қўриқламоқ, соқчилик қилмоқ; 2) *халқ* ёмғир ёғмоқ; السَّمَاءُ ~تْ ёмғир ёғди

– نَاطِرٌ *кўп.* نُطَّارٌ, نُطَرَاءُ 1) қўриқчи, пойлоқчи; қоровул; 2) узумзор қоровули

– نَاطُورٌ *кўп.* نَوَاطِيرُ қоровул

– نُطَّارٌ полизга ўрнатилган қўриқчи

– نِطَارَةٌ қоровуллик касби

نَطْرُونٌ *кимё.* натр, сода, карбон оксидли натрий

I نَطَسَ (*а*) نَطْسٌ олим бўлмоқ, илмли бўлмоқ; моҳир бўлмоқ, уста бўлмоқ; V تَنَطَّسَ 1) (*бирор масалада*) талабчан бўлмоқ (فِي); 2) интизомли (сўзининг устидан чиқадиган) бўлмоқ

– نِطَاسِيٌّ *кўп.* نُطُسٌ олим, ҳурматга сазовор, обрўли, моҳир (*табибга, врачга бериладиган ном*)

– نَطِسٌ билимдон, билимли; обрўли, эътиборли

I نُطِعَ ранги ўзгармоқ, оқариб кетмоқ, бўзармоқ; V تَنَطَّعَ инжиқ (нозик табиатли) бўлмоқ, синчков бўлмоқ, дидли бўлмоқ; (*бирор масалада*) ўта талабчанлик қилмоқ, қаттиққўллик қилмоқ (فِي); VIII اِنْتَطَعَ ўзгармоқ, ўзгариб кетмоқ (*ранг ҳақида*)

– نَطْعٌ *кўп.* نُطُوعَةٌ 1) қўпол; 2) қўпол одам

– نِطْعٌ[1], نَطْعٌ[2], نَطَعٌ *кўп.* نُطُوعٌ кунда, зеркунда; қатл қилишда тагга тўшаладиган чарм тўшама

– نِطْعٌ[2] *кўп.* نُطُوعٌ танглайнинг олдинги қисми

– نِطْعِيٌّ: الْحُرُوفُ الـــ~ـــةُ тиш (танглайолди) ундош товушлари (ت, د, ط)

– نُطُوعِيَّةٌ қўполлик

– نَطَفَ (*и*) نَطْفٌ 1) томмоқ, томчиламоқ; секин оқмоқ, жилдираб оқмоқ; 2) эриб тушмоқ, эриб оқиб тушмоқ (*шам ҳақида*); 3) кўз ёши тўкмоқ, йиғламоқ

– نَاطِفٌ 1) шакарқиём, қиём; 2) ширинликлар

– نَطَفَانٌ оқиш; الْمَاءِ ~ сувнинг оқиши

– نُطْفَةٌ *кўп.* نِطَافٌ 1) тоза тиниқ сув; 2) *мас.*, сувнинг бир томчиси; 3) *кўп.* نُطَفٌ *биол.* уруғ, маний, сперма

I نَطَقَ (*и*) نُطْقٌ (*н. нидир*) гапирмоқ, баён қилмоқ (بِ); талаффуз қилмоқ; нутқ товушларини ҳосил қилмоқ; بِالضَّادِ ~ *қар.* ضَادٌ; ~ بِالْحُكْمِ ҳукм қилмоқ, ҳукмни эълон қилмоқ; ~ الْقَافَ جِيمًا (هَمْزَةً) қофни жим деб (ҳамза деб) талаффуз қилмоқ; ~ بِاسْمِ فُلَانٍ *ёки* ~ фалон киши номидан сўзга чиқмоқ (гапирмоқ); لَمْ يَنْطِقْ بِلِسَانِهِ

... بِكَلِمَةٍ عَنْ ... ҳақида у ҳеч нарса демади; بِالشَّهَادَةِ ~ қаттиқ қўрққанидан калимаи шаҳодатни (*қар.* تَشَهَّدَ *ва* شَهَادَةٌ) такрорламоқ, ўқимоқ; II نَطَقَ 1) белбоғ боғламоқ, камар боғламоқ, белга ўрамоқ; 2) гапиртирмоқ, гапиришга ундамоқ; IV أَنْطَقَ 1) гапиртирмоқ, гапиришга ундамоқ; 2) (*к. гадир*) сўз санъатини (сўзлаш санъатини) инъом қилмоқ; V تَنَطَّقَ ўз белига белбоғ боғламоқ, белига ўраб олмоқ, камар тақмоқ; VIII اِنْتَطَقَ (*н. нидир*) белига ўраб олмоқ, боғлаб олмоқ (ب); X اِسْتَنْطَقَ 1) берилган гувоҳликни ёзиб олмоқ, сўроқ қилмоқ; 2) қайт қилмоқ, қусмоқ, рад қилмоқ

– اِسْتِنْطَاقٌ 1) сўроқ қилиш, сўроқ қилиб билиш; 2) қусиш, қайт қилиш, рад қилиш

– مُسْتَنْطِقٌ 1) сўроқ қилувчи; 2) терговчи

– مَنْطِقٌ 1) нутқ, тил; 2) *шунингдек*: عِلْمُ الـ~ илми мантиқ, мантиқ, логика; صَاحِبُ الـ~ *маж.* Арасту (Аристотель); الْأَشْيَاءِ ~ мантиқийлик, мантиқий жиҳатдан мувофиқлик; لَيْسَ مِنَ الـ~ أَنْ ... ишда ҳеч бир мантиқ йўқ, ...иш ҳеч бир мантиқдан эмас

– مِنْطَقٌ *кўп.* مَنَاطِقُ камар, белбоғ

– مِنْطَقَةٌ *кўп.* مَنَاطِقُ 1) камар, белбоғ; النَّجَاةِ ~ сувга чўкмаслик учун белга боғланадиган камар; الْجَبَّارِ ~ *астр.* Орион юлдузлар туркуми пояси; 2) иқлимий минтақа, район, ҳудуд, зона; الـ~ الْاِسْتِوَائِيَّةُ (الْحَارَّةُ) экватор минтақаси; тропик минтақа; الـ~ الْمُتَجَمِّدَةُ Арктика минтақаси; الْقُطْبِ الشَّمَالِيِّ ~ Арктика; الـ~ الْمُعْتَدِلَةُ ўртача минтақа, мўътадил минтақа; (مُحَرَّمَةٌ) مَمْنُوعَةٌ ~ ўтиш ман этилган минтақа (зона); حَرَامٍ ~ а) нейтрал зона; б) ўтиш, юриш ман этилган зона; مُحَايِدَةٌ ~ нейтрал зона; مَنَاطِقُ خَالِيَةٌ مِنَ الْأَسْلِحَةِ النَّوَوِيَّةِ ~ ядровий қуроллардан холи минтақалар; مُجَرَّدَةٌ مِنَ السِّلَاحِ ~ қуролсизлантирилган минтақа; 3) округ; عَسْكَرِيَّةٌ ~ ҳарбий округ; الـ~ الدُّوَلِيَّةُ шаҳарнинг маҳаллий маъмуриятга бўйсунмайдиган ва халқаро табақалар яшайдиган қисми; 4) доира, зона; نُفُوذٍ ~ таъсир доираси

– مِنْطَقِيٌّ минтақавий, минтақа (зона) га оид

– مَنْطِقِيٌّ 1) мантиқий; 2) диалектик; 3) *кўп.* مَنَاطِقَةٌ а) логик; б) диалектик

– مَنْطِقِيَّةٌ 1) мантиқийлик; 2) диалектика; الـ~ الْمَادِّيَّةُ материалистик диалектика

– مَنْطُوقٌ 1) баён қилинган, ифодаланган, талаффуз қилинган; 2) маъно, мазмун; الْكَلِمَةِ ~ сўз маъноси; النَّصِّ ~ матн мазмуни; اللَّوَائِحِ ~ кўрсатма *ёки* инструкциянинг матни, мазмуни; الْحُكْمِ ~ ҳукм матни; بِالـ~ сўзма-сўз

– مِنْطِيقٌ мантиққа мувофиқ, мантиқан тўғри; гапга чечан, гапга уста, нотиқ

– نَاطِقٌ 1) нотиқ, гапирувчи; بِالضَّادِ ~ *қар.* ضَادٌ; السِّينَمَا الـ~ـةُ овозли кино; غَيْرُ ~ сўзсиз; رَسْمِيٌّ ~ қандайдир баёнот билан сўзга чиқувчи расмий шахс; жарчи, ёювчи; بِلِسَانِ وِزَارَةٍ ~ бирор вазирлик номидан сўзга чиқувчи; 2) фикр юритувчи, ақли бор, ақлли; حَيَوَانٌ ~ инсон (*сўзма-сўз: фикр юритувчи ҳайвон*); 3) (*кинода*) диктор; ◊ مَا لَهُ ~ وَلَا صَامِتٌ у одамнинг ҳеч вақоси йўқ

– نِطَاقٌ *кўп.* نُطُقٌ, أَنْطِقَةٌ 1) белбоғ, камар, тасма; 2) ноҳия, минтақа, зона; ضَرَبَ ~ًا مِنَ الصَّمْتِ حَوْلَهُ ниманидир қаттиқ сукунат билан ўрамоқ; 3) (*н. ниңгдир*) чегараси, ҳадди, доираси; миқёс; ҳажм; عَلَى الـ~ кенг кўламда, кенг миқёсда; عَلَى ~ وَاسِعٍ жаҳон миқёсида; الْعَالَمِيِّ ~ وَاسِعُ الـ~ кенг, кенг кўламдаги; الْحَجْرِ الصِّحِّيِّ ~ *ёки* الـ~ الصِّحِّيُّ вазифалар доираси; التَّبِعَاتِ касалликнинг тарқалишига йўл қўймаслик учун бирор жойни ўраб олиш, санитария кордони; 4) аёллар кийимининг бир тури

– نُطْقٌ 1) нутқ, нутқ қобилияти; فَاقِدُ الـ~ гапириш қобилиятини йўқотган; 2) товуш талаффузи, артикуляция

– نُطْقِيٌّ нутқий, нутққа оид, талаффузга оид, фонетик, фонетикага оид

– نُطْقِيَّاتٌ *кўп.* фонология, тилшуносликнинг фонемалар ҳақидаги соҳаси

I نَطَلَ (у) نَطْلٌ 1) оғриқ *ёки* касал жойга иссиқ дори-дармон босмоқ, припарка босмоқ; 2) чўмичлаб (*қар.* نَطَّالٌ) сув олмоқ; الْمَاءَ ~ суғориш учун сув чиқармоқ, тортмоқ; 3) (*мас., узумни*) сиқмоқ, эзмоқ; II نَطَّلَ = I

– مِنْطَلٌ душ

– نَطَّالٌ наттол, чўмич (*суғориш учун сув тортадиган, чиқарадиган чўмич*)

– نَطَّالَةٌ = نَطَّالٌ

– نَطُولٌ оғриқ *ёки* касал жойга босиладиган *ёки* қўйиладиган дори-дармон

(نطو) IV أَنْطَى бермоқ, ато этмоқ; X اِسْتَنْطَى *фон.* طِغْ товуш бирикмасидаги ع товушини ن деб талаффуз қилиш

– اِسْتِنْطَاءٌ *фон.* طِغْ товуш бирикмасидаги ع товушини ن сифатида талаффуз қилиш

I نَظَرَ (у) نَظَرٌ 1) кўрмоқ, томоша қилмоқ, кузатмоқ, кузатиб турмоқ; (*к. гадир*) қарамоқ; مِنْ عَلٍ إِلَيْهِ ~ кимгадир назар-писанд қилмай қарамоқ; إِلَيْهِ شَزْرًا ~ кимгадир кўз қири билан қарамоқ, зимдан қарамоқ; إِلَيْهِ نَظْرَةَ الْمَهَابَةِ وَالْإِكْبَارِ ~ кимгадир катта ҳурмат ва эътибор билан қарамоқ; إِلَيْهِ بِعَيْنِ الْاِعْتِبَارِ ~ кимгадир ҳурмат билан қарамоқ; بِعَيْنِ الْفَهْمِ إِلَيْهِ ~ кимгадир уни тушунган ҳолда муносабатда бўлмоқ; إِلَى الْحَقِيقَةِ عَيْنًا بِعَيْنٍ ~ ҳақиқатга тик (тўппа-тўғри) қарамоқ; 2) (*н. нидир*) кўрмоқ, кўриб чиқмоқ,

муҳокама қилмоқ (فى)؛ ~ فى الْقَضِيَّةِ муаммони кўриб чиқмоқ; ~ فى الْأَكْتَافِ фол очмоқ; ~ فى خُطُوطِ الْكَفِّ *ёки* ~ فى أَسْرَارِ الْكَفِّ кафтдаги чизиқларга қараб фол очмоқ; 3) (*кимнингдир орқасидан*) кузатиб юрмоқ, (*бирор к. ҳақида*) ғамхўрлик қилмоқ, қайғурмоқ (لِـ); 4) икки томоннинг гапини эшитиб ажрим қилмоқ, жанжал мазмунига қулоқ солиб ҳукм чиқармоқ (بَيْنَ وَ بَيْنَ); II نَظَّرَ 1) тўлов муддатини узайтирмоқ; 2) насияга, кредитга мол сотмоқ; 3) (*к. нидир к. биландир*) қиёсламоқ, солиштирмоқ (بَيْنَ وَ بَيْنَ); III نَاظَرَ 1) (*бирор н. ҳақида*) мунозара олиб бормоқ, тортишмоқ (فى); 2) (*н. нидир*) бошқармоқ, идора қилмоқ; 3) ўхшамоқ, ўхшаш бўлмоқ; 4) рақобатлашмоқ, ким ошди ўйнамоқ, ким ўзди ўйнамоқ; 5) (*бир н. ни бошқа н. билан*) қиёсламоқ (بِ); IV أَنْظَرَ муддатни чўзмоқ, кутмоқ; V تَنَظَّرَ 1) яхшилаб кўздан кечирмоқ, кўриқдан ўтказмоқ; тикилиб қарамоқ, тикилмоқ; 2) бардош билан кутмоқ; VI تَنَاظَرَ 1) бир-бирига қарамоқ; 2) бир-бирига тўпарама-рўпара турмоқ, жойлашмоқ; симметрик бўлмоқ; 3) ўзаро баҳслашмоқ, мунозара олиб бормоқ, муҳокама қилмоқ, савол-жавоб қилишмоқ; 4) ўзаро рақобатлашмоқ, беллашмоқ; VIII اِنْتَظَرَ 1) кутмоқ, кутиб турмоқ, интизор бўлмоқ, мунтазир бўлмоқ; 2) муддатни чўзмоқ; X اِسْتَنْظَرَ 1) кутмоқ, кутиб турмоқ; 2) муддатни чўзишни илтимос қилмоқ (сўрамоқ)

— اِنْتِظَارٌ 1) кутиш, кутиб туриш; ~ عَلَى غَيْرِ кутилмаганда, куққисдан, тўсатдан; الـ~ أَشَدُّ مِنَ النَّارِ *мқл.* кутиш дўзахдан ҳам ёмондир; 2) муддатни чўзиш

— اِنْتِظَارِىٌّ кутишга (интизорликка) оид

— تَنَاظُرٌ 1) ўзаро рўпарама-рўпара туриш; 2) симметрия; اللا~ симметриянинг йўқлиги, асимметрия; 3) мунозара, муҳокама, мубоҳаса, баҳс

— مُتَنَاظِرٌ 1) бир хил, баравар, тенг, ўхшаш, каби, сингари, монанд; 2) бошқарувчи, идора қилувчи; 3) рақиб, рақобатчи, қарши тараф

— مُنَاظَرَةٌ 1) мунозара, мубоҳаса, баҳс; муҳокама, дискуссия; 2) қаров, назорат, назорат қилиш; *мед.* кўрик

— مُنْتَظَرٌ кутилган, кутиб турган; ~ غَيْرُ кутилмаган

— مُنْتَظِرٌ кутувчи, кутиб турувчи

— مِنْظَارٌ *кўп.* مَنَاظِيرُ 1) телескоп, узоқни кўрсатадиган махсус дурбин; ~ الْغَوَّاصَةِ сув ости кемасининг дурбини, перископ; ~ طَيْفِىٌّ спектроскоп, спектрларни кузатиш асбоби; 2) дурбин, бинокль; кўзойнак, лорнет; 3) *шунингдек.* ~ طِبِّىٌّ *мед.* тиббий кўзгу

— مَنْظَرٌ *кўп.* مَنَاظِرُ кузатиш трубаси (*узоқни кузатадиган махсус дурбин*)

— مَنْظَرٌ *кўп.* مَنَاظِرُ 1) манзара, кўриниш, картина, панорама; ~ مِنْ عَلٍ *ёки* ~ مِنَ الْجَوِّ жуда баланддан, осмондан кўринган манзара; 2) *театр.* саҳна безаги, декорация; 3) кузатиш нуқтаси (пункти)

— مَنْظَرَةٌ 1) меҳмонлар қабул қилинадиган хона, меҳмонхона; 2) томошабинлар

— مَنْظُورٌ 1) эътиборга олинган, кўринган, кўрилган, кўриб чиқиладиган; ~ أَدَوَاتٌ кўргазмали қуроллар; ~ دَعْوَى кўрилаётган, кўриб чиқилаётган иш, даъво; 2) кўзда тутилган, олдиндан эътиборга олинган; ~ مَصْرُوفَاتٌ олдиндан кўзда тутилган харажатлар, مَصْرُوفَاتٌ غَيْرُ ~ кўзда тутилмаган харажатлар; ~ غَيْرُ а) кўринмас, кўринмаган; б) олдиндан эътиборга олинмаган; 3) кутилган; مِنَ الـ~ أَنْ ...-ши (-иши) кутилмоқда; 4) олдда кўринган манзара

— نَاظِرٌ *кўп.* نُظَّارٌ 1) назорат қилувчи, назоратчи, нозир; 2) идора қилувчи, бошқарувчи; 3) томошабин; 4) қараб турувчи, нозир, инспектор; бошлиқ; ~ الْمَحَطَّةِ станция бошлиғи; ~ الْمِيرَاثِ меросни сақлаб берувчи, васий; ~ الْوَقْفِ *шар.* вақф қилинган нарсаларни сақловчи; 5) *тар.* вазир, министр; 6) кўз; ~ان *ик. с.* икки кўз, кўзлар; أَلْقَى بِنَاظِرَيْهِ إِلَى ... ...-га назар ташламоқ, қарамоқ; اِخْتَفَى عَنْ نَاظِرَيْهِ кўздан ғойиб бўлмоқ

— نَاظِرَةٌ *кўп.* نَوَاظِرُ 1) кузатиб турувчи аёл, назоратчи аёл; 2) бошқарувчи аёл, мудира; 3) томошабин аёл; 4) директор аёл; 5) кўз

— نَاظُورٌ дала дурбини

— نَظَّارٌ кўзи ўткир, ўткир кўзли

— نَظَّارَاتِىٌّ *кўп.* نَظَّارَاتِيَّةٌ оптика мутахассиси, оптика маҳсулотлари билан савдо қилувчи

— نَظَّارَةٌ[1] томошабинлар

— نَظَّارَةٌ[2] *кўп.* ـاتٌ — 1) кўзойнак; ~ الْأَنْفِ бурун тепасига қистириб олинадиган кўзойнак; ~ شَمْسِيَّةٌ қуёшдан тўсадиган (қора) кўзойнак; ~ الْخَيْلِ (الْحِصَانِ) кўзпана (*ҳурковуч отнинг кўзига тутиладиган кўзлик*); بُوزُ الـ~ пуштбурун (*юганнинг бурунлигидан манглайчасига қараб тик кўтарилган ўрта қайиш*); زِنَاقُ الـ~ юганнинг бўйинга тақилган қисми; ذُو الـ~ *ёки* أَبُو الـ~ кўзойнакли киши; 2) дурбин, бинокль; الـ~ الْحَرْبِيَّةُ дала дурбини; ~ الْمَسَارِحِ театр дурбини; ~ لِعَيْنٍ وَاحِدَةٍ *ёки* ~ مُنْفَرِدَةٌ бир кўз учун ишланган кўзойнак; ~ مُعَظِّمَةٌ катта қилиб кўрсатадиган ойна, лупа; ~ مُكَبِّرَةٌ микроскоп; ~ مُقَرِّبَةٌ узоқни кўрсатадиган дурбин; ~ الرَّصْدِ الْفَلَكِىِّ телескоп

— نَظَّارَةٌ[3] ҳибсга олинганлар учун махсус хона (*полицияда*)

— نِظَارَةٌ *кўп.* ـاتٌ — 1) бошқариш, идора қилиш; 2) *тар.* вазирлик, нозирлик

— نَظَرٌ *кўп.* أَنْظَارٌ 1) кўриш, назар; بَعِيدُ الـ~ *ёки* طَوِيلُ الـ~ а) узоқни кўрувчи; б) узоқ келажакни кўра оладиган; قَصِيرُ الـ~ а) яқинни кўрувчи; б) узоқ келажакни кўра олмайдиган; 2) қараш, назар; ~ ثَاقِبٌ сезгир кўз, сезгир назар; بِصَرْفِ الـ~ عَنْ ... ...га қарамасдан, ...га қарамай; فى ~ الْعَالَمِ бутун дунё назидида, бутун дунё назарида; أَمَامَ ~هِمْ уларнинг кўз олдида; أَلْفَتَ (شَدَّ) هٰذَا

وَقَعَ ~ أَنْظَارَ الْعُلَمَاءِ бу нарса олимларнинг эътиборини ўзига тортди; ~هُ عَلَى ... унинг назари ...га тушди; 3) ёмон кўз, суқ; 4) хаёлда кўзга кўринган нарса; ~ إِلَى ... ёки بِالـ~ إِلَى ... ёки لِـ~ ... ни назарда тутиб, ...нинг бўлиши сабабли; 5) (бирор ишни) муҳокама қилиш (فِى); ~ فِى هَذَا الْأَمْرِ бу иш жанжалли, ҳал этилмаган; الْقَضِيَّةُ تَحْتَ الـ~ муаммони ҳал этиш давом этмоқда; الـ~ فِى الْقَضِيَّةِ муаммони муҳокама этиш; إِعَادَةُ الـ~ қайта кўриш; أَعَادَ الـ~ فِى ... (н. нидир) қайта кўриб чиқмоқ; 6) фикр, тасаввур, тушунча; فِى ~ى фикримча, менимча; فِى ~نَا бизнинг фикримизча, бизнингча; أَهْلُ الـ~ оқиллар, ақлли кишилар

– نَظْرَةٌ кейинга суриш, муддатни узайтириш

– نَظْرَةٌ *кўп.* نَظَرَاتٌ назар, қараш; *ад.* қисқача обзор; ~ لِأَوَّلِ бир қарашдаёқ, бир қарашданоқ; أَلْقَى ~ عَلَى ... *ёки* أَرْسَلَ ~ عَلَى ... ...га назар ташламоқ; عَرَفَهُ مِنَ الـ~ الْأُولَى кимнидир бир кўришдаёқ танимоқ

– نَظَرِىٌّ 1) кўришга оид; 2) оптикага оид; 3) назарий; ~ًا назарий жиҳатдан; 4) назариётчи

– نَظَرِيَّةٌ 1) назария; ~ الْمَعْرِفَةِ *фалс.* билиш назарияси; ~ الْكَمِّ (الْكُوَانْتَا) *физ.* квант назарияси; ~ الْقِيمَةِ *иқт.* қиймат назарияси; ~ النِّسْبِيَّةِ الْعَامَّةِ *физ.* умумий нисбийлик назарияси; ~ النِّسْبِيَّةِ الْخَاصَّةِ *физ.* жузъий нисбийлик назарияси; الـ~ وَالْعَمَلِيَّةُ *ёки* الـ~ وَالتَّطْبِيقِيَّةُ *ёки* الـ~ وَالتَّطْبِيقُ назария ва амалиёт; دَمْجُ الـ~ بِالتَّطْبِيقِ назарияни амалиёт билан қўшиб олиб бориш.; 2) таълимот, доктрина; 3) *мат.* қоида; теорема

– نَظِيرٌ *кўп.* نُظَرَاءُ 1) тенг, бир хил; муносиб, ўхшаш, каби, сингари; مُنْقَطِعُ الـ~ ўхшаши йўқ, мисли йўқ, беназир, бемисл, беқиёс; لَيْسَ لَهُ ~ а) унга тенг келадигани йўқ; б) ўхшаши йўқ, мисли йўқ, нодир, ноёб; 2) (*курашда*) рақиб; ◊ ~ السَّمْتِ *ёки* الـ~ *астр.* надир (*осмон сферасининг горизонтда ерга туташ нуқтаси, зенитнинг акси*) ~هُ *ёки* فِى ~هِ а) ниманингдир ўрнига, ниманингдир эвазига; б) ниманингдир мукофоти учун

نَظِيرَةٌ *кўп.* نَظَائِرُ 1) ўхшашлик; 2) нусха, копия; 3) намуна, мисол; 4) *ад.* назира (*шеърий шакл*); 5) *физ.* изотоп; النَّظَائِرُ الْمُشِعَّةُ радиоактив изотоплар

I نَظُفَ (у) نَظَافَةٌ тоза бўлмоқ, покиза бўлмоқ; II نَظَّفَ тозаламоқ, покиза қилмоқ, озода қилмоқ; ~ الْجُرْحَ ярани тозаламоқ; V تَنَظَّفَ тоза қилинмоқ, покиза қилинмоқ

– تَنْظِيفٌ тозалаш, покиза қилиш; ~ الْبَيْتِ уй тозалаш

– مُنَظِّفٌ тозаловчи, озода қилувчи

– مُنَظِّفَاتٌ *кўп.* тозалайдиган воситалар, тозалаш воситалари; ~ كِيمَائِيَّةٌ кимёвий тозалаш воситалари

– نَظَافَةٌ тозалик, озодалик, покизалик

– نَظِيفٌ *кўп.* نُظَفَاءُ тоза, озода, покиза; ~ الْأَخْلَاقِ аъло хулқли, хулқи хуш

نَظْلِىٌّ нозик, латиф, мулойим

I نَظَمَ (*и*) نَظْمٌ 1) (*марваридни*) ипга ўтказмоқ, тизмоқ; 2) тартибга солмоқ, тартибга келтирмоқ; ташкил қилмоқ, уюштирмоқ; ~ الشِّعْرَ *ёки* ~ الْقَرِيضَ шеър ёзмоқ (битмоқ); II نَظَّمَ тартибга солмоқ, тартибга келтирмоқ; ташкил қилмоқ, уюштирмоқ; регулировка қилмоқ; *муз.* созламоқ; ~ اللُّؤْلُؤَ فِى خَيْطٍ марваридни ипга ўтказмоқ (тизмоқ); ~ الشِّعْرَ шеър тўқимоқ; V تَنَظَّمَ ташкил бўлмоқ, ташкил қилинмоқ, регулировка қилинмоқ; VI تَنَاظَمَ йўлга солинмоқ, тўғриланмоқ, ташкил этилмоқ; тизилмоқ, терилмоқ (*мас, марварид ҳақида*); VIII اِنْتَظَمَ 1) тартибга тушмоқ, тўғрланмоқ, регулировка бўлмоқ; *муз.* созланмоқ; 2) тўғри бўлмоқ, мунтазам бўлмоқ; 3) тизилмоқ, терилмоқ; 4) (*н. нингдир*) сафига қўшилмоқ, (*н. нингдир*) таркибига кирмоқ (فِى سِلْكٍ); (فِى) ~ فِى الصُّفُوفِ сафларда турмоқ, сафланмоқ (*ўқувчилар ҳақида*); ~ فِى سِلْكِ الْوِزَارَةِ вазирликка ишга кирмоқ; ~ فِى سِلْكِ الدِّرَاسَةِ فِى مَعْهَدِ ... ...институтига ўқишга кирмоқ; ~ فِى الدِّرَاسَةِ (*танаффусдан сўнг*) дарсга кирмоқ; ~ فِى هَيْئَةِ ... ...таркибига кирмоқ; 5) эгаллаб олмоқ; ўз ичига олмоқ; ~تْ جِسْمَهُ الرِّعْدَةُ унинг бутун танасини қалтироқ босди

– اِنْتِظَامٌ 1) интизом, тартиб; 2) мунтазамлик, тўғрилик; عَدَمُ ~ тартибсизлик, интизомнинг йўқлиги, мунтазамсизлик; فِى ~ *ёки* بِـ~ мунтазам равишда, муттасил; فِى غَيْرِ ~ тартибсизлик билан, тартибсиз равишда

– تَنْظِيمٌ 1) тартибга келтириш, тартибга солиш; тўғрилаш, регулировка қилиш; ташкил этиш, ташкил қилиш, уюштириш; *муз.* созлаш; إِعَادَةُ الـ~ қайта ташкил қилиш; مَصْلَحَةُ الـ~ ободонлаштириш бўлими; خَطُّ الـ~ *ҳарб.* саф; 2) уюшқоқлик, ҳамжиҳатлик; 3) *кўп.* ~اتٌ – ташкилот, муассаса; الـ~ السِّرِّىُّ махфий ташкилот

– مُنْتَظِمٌ мунтазам, тўғри; баббаравар, бир меъёрда; муттасил; غَيْرُ ~ тартибсиз, нотекис, бир меъёрда бўлмаган

– مُنَظَّمٌ тартибли, ободон, ободонлаштирилган; ташкил этилган, уюштирилган; 2) тўғри, бир меъёрдаги

– مُنَظِّمٌ 1) ташкилотчи, ташкил қилувчи, уюштирувчи; 2) хусусий театр ёки цирк эгаси

– مُنَظَّمَةٌ кўп ~اتٌ ташкилот; ~ سِرِّيَّةٌ яширин ташкилот; ~ الْأُمَمِ الْمُتَّحِدَةِ *қар.* أُمَّةٌ

– مَنْظُومٌ 1) ташкил этилган, уюштирилган; 2) шеър, шеърият

– مَنْظُومَةٌ *кўп.* ~اتٌ 1) шеър, шеърият, манзума; 2) система, тизим; الـ~ الشَّمْسِيَّةُ *астр.* Қуёш системаси

– نَاظِمٌ ташкил қилувчи, уюштирувчи; тўғриловчи, регулятор; 3) шеър битувчи, шеър ёзувчи, нозим

– نِظَامٌ[1] кўп. ـَـاتٌ ,نُظُمٌ ,أَنْظِمَةٌ 1) тартиб, тизим, система; الـ~ُ الْعَامُّ жамоат тартиби; الـ~ُ الْمَصْرِفِيُّ банк тизими, банк системаси; الـ~ُ الشَّمْسِيُّ астр. Куёш системаси; 2) тизим, режим; ~ الْحُكْمِ идора усули; الـ~ُ الْاِجْتِمَاعِيُّ ижтимоий тузум, формация; الـ~ُ الْاِشْتِرَاكِيُّ социалистик тузум; الـ~ُ الرَّأْسَمَالِيُّ капиталистик тузум; الـ~ُ النَّقْدِيُّ пул тизими, пул системаси; ~ الرِّقِّ қулдорлик тузуми; الـ~ُ الْإِقْطَاعِيُّ феодал тузум; الـ~ُ الْمَلَكِيُّ монархия тузуми; الـ~ُ الْجُمْهُورِيُّ республика тузуми; الـ~ُ السَّارِي ҳозирги тузум; 3) идоранинг иш тартиби, регламент; 4) низом, ички тартиб қоидалар; асосий қонун; ~ دَاخِلِيٌّ ёки ~ أَسَاسِيٌّ ички тартиб-қоида, ички устав; 5) интизом; الـ~ُ الْعَسْكَرِيُّ ҳарбий интизом

– نِظَامٌ[2] марварид тизилган (ўтказилган) ип

– نِظَامْنَامَةٌ устав, асосий қонун

– نِظَامِيٌّ 1) тузумга, тартиб-қоидага оид; ~ قَانُونٌ асосий қонун; конституция; 2) мунтазам; ~ جَيْشٌ мунтазам армия; عَسْكَرِيٌّ ~ (جُنْدِيٌّ) мунтазам армия аскари ёки хизматдаги аскар

– نَظْمٌ 1) (марваридни) ипга ўтказиш (териш, тизиш); 2) шеър ёзиш, шеър битиш; 3) назм, шеърият, поэзия

نَعٌّ заиф, касалманд

– نَعَّةٌ серхархаша (бола)

I نَعَبَ (а) نَعِيبٌ ,نُعَابٌ қағилламоқ, сайрамоқ (гўнгқарға, бойқуш ҳақида); қағилламоқ; валдирамоқ, ёмон нафас қилмоқ, фалокатдан дарак бермоқ

– نَعَّابٌ 1) қорақарға, гўнгқарға; 2) вайсақи, жангари

– نَعْبٌ қағиллаш, валдираш, ёмон нафас қилиш

– نَعْبٌ = نَعِيبٌ

I نَعَتَ (а) نَعْتٌ таъриф бермоқ, тасвирламоқ, тавсифламоқ, баҳо бермоқ; ~ـهُ بِأَشْنَعِ الْأَلْفَاظِ кимнидир энг ярамас сўзлар билан ҳақоратламоқ

– نَعْتٌ кўп. نُعُوتٌ тавсифлаш, таърифлаш, баҳо бериш; сифат; 2) номга (исмга) қўшиб айтиладиган сўз; أَطْلَقَ عَلَيْهِ أَقْسَى النُّعُوتِ кимнидир ярамас сўзлар билан сўкмоқ; кимнидир роса ҳақоратламоқ; 3) грам. сифат; аниқловчи; الـ~ُ الْحَقِيقِيُّ аслий сифат (мас. الرَّجُلُ كَرِيمٌ одам фазилатлидир); الـ~ُ السَّبَبِيُّ сабабий сифат (сифатланмиш от билан мослашган от кесимли гапдан ифодаланган сифат; мас. الرَّجُلُ الْكَرِيمُ أَبُوهُ отаси фазилатли бўлган инсон; رَأَيْتُ الرَّجُلَ الْكَرِيمَ أَبُوهُ отаси фазилатли бўлган инсонни кўрдим; تَعَجَّبْتُ مِنَ الرَّجُلِ الْكَرِيمِ أَبُوهُ отаси фазилатли бўлган инсондан таажжубландим)

– نَعْتِيٌّ ифодаловчи, тасвирловчи, сифатини характерловчи

– نَاقِرَةٌ *кўп.* نَوَاقِرُ 1) тортишув, мунозара; даҳанаки жанг, уришиш, сўкишиш; 2) фалокат, офат

– نَاقُورٌ *кўп.* نَوَاقِيرُ *қур.* карнай; نَقَرَ فِي الـ~ карнай чалмоқ, жар солмоқ, овоза қилмоқ

– نِقَارٌ тортишув, мунозара, баҳс, жанжал

– نَقَّارٌ 1) қидирувчи, тадқиқотчи; 2) ўйиб нақш солувчи; 3) бурғи, тоғпарма; ◊ ~ الْخَشَبِ қизилиштон (*қуш*)

– نَقَّارَةٌ унча катта бўлмаган қўшноғора

– نَقَّارِيَّةٌ *кўп.* اتٌ — қўшноғора

– نَقْرٌ[1] 1) ўйиб нақш қилиш; (*тошга*) ўйилган нақш; 2) чўқиш; 3) (*ноғора*) чалиш, (*ноғоранинг*) тарақлаши; آلاتُ الـ~ *муз.* уриб чалинадиган чолғу асбоблари; ~ الْأَصَابِعِ бармоқларни қарсиллатиш

– نَقْرٌ[2], نُقْرٌ 1) тешикча; 2) чуқурлик, чуқурча; ёриқ, тирқиш; ёғочнинг учи кириб турадиган тешик (*икки ёғоч қисмни бириктириш учун*); لِسَانٌ (خَشَبِيٌّ) وَ ~ тиқин ва тешик

– نَقِرٌ ғазабланган, аччиқланган

– نَقْرَةٌ *кўп.* نَقَرَاتٌ 1) зарба; чўқиш, тумшуқ билан уриш; 2) тақиллаш; телеграф аппаратининг тақиллаши

– نُقْرَةٌ *кўп.* نُقَرٌ 1) ўйилган жой, чуқур, чуқурча; кемтик; ~ الْعَيْنِ *анат.* кўз косаси, кўз чаноғи; 2) қуйилган нарса, қуйма нарса

– نَاقِرَةٌ *қар.* نَقْرَةٌ

– نَقْوَارٌ ҳазилкаш, қизиқчи, масхарабоз; тўғри-нотўғрисини суриштирмай танқид қилаверувчи

– نُقْوَرَةٌ тўғри-нотўғрисини суриштирмай танқид қилиш, калака қилиш

– نَقِيرٌ 1) хурмо данагидагиариқча; 2) *маж.* арзимас бирор нарса; لَا يَمْلِكُ شَرْوَى ~ ёнида ҳемири йўқ; لَا يُسَاوِي ~ا ҳеч нарсага арзимайди; 3) зот, нав, насл-насаб; كَرِيمُ الـ~ оқсуяклардан, аслзодалардан; وَ لَا يُظْلَمُونَ ~ا *қур.* улар заррача ҳам (зиғирча ҳам) зулм кўрмайдилар

– نَقِيرَةٌ *кўп.* نَقَائِرُ кемача, кичик кема

– نُقَيْرَةٌ = نُقَارِيَّةٌ

نَقْرَزَانٌ унча катта бўлмаган қўшноғора; ноғорача

نِقْرِسٌ *мед.* бўғин ва оёқ бармоқлари оғриғи; бўғин яллиғланиши

– نِقْرِيسٌ тажрибали, малакали, билимдон (*мас, врач*)

نَقَزَ I (*у*) نَقْزٌ, نَقَزَانٌ 1) сакрамоқ, ирғимоқ; 2) қалтирамоқ, титрамоқ; II نَقَّزَ (*гўдакни*) тебратмоқ

نَقْزٌ *кўп.* نُقُوزٌ барглари тўкилган шох

– نَقْزَةٌ *кўп.* نَقَزَاتٌ 1) сакраш, ирғишлаш; 2) титраш, қалтираш

– نَقِيزٌ оғриқ (*мас, тишники*)

نَقَسَ I (*у*) نَقْسٌ (نَقَسَ) (*қўнғироқ*) чалмоқ (النَّاقُوسَ); نَقَسَ (*а*) نَقْسٌ (*к. нимадир устидан*) кулмоқ; II الدَّوَاةَ ~ نَقَّسَ сиёҳдонга сиёҳ қуймоқ; VIII اِنْتَقَسَ = نَقَسَ

نَاقُوسٌ *кўп.* نَوَاقِيسُ қўнғироқ, сигнал учун ишлатиладиган занг, *муз.* зарб уриб чалинадиган лаппаксимон музика асбоби; ◊ قَرَعَ (دَقَّ) ~ الْخَطَرِ бонг урмоқ, сурон солмоқ, тревога кўтармоқ

– نَاقُوسِيٌّ қўнғироққа оид; ~ الشَّكْلِ қўнғироқсимон

– نِقْسٌ *кўп.* أَنْقَاسٌ, أَنْقُسٌ сиёҳ

نَقَشَ I (*у*) نَقْشٌ 1) нақш солмоқ; ~ الْفَصَّ (*узукка ўйиб*) нақш чизмоқ; ~ التِّمْثَالَ ҳайкал тарошламоқ; 2) тасвирламоқ, 3) ранг бермоқ, нақшламоқ; 4) зирапчани олиб ташламоқ; (*сочни ёки жунни*) юлиб олмоқ; ~ الشَّوْكَةَ مِنْ رِجْلِهِ оёғидаги тиконни олиб ташламоқ; II نَقَّشَ нақшламоқ; III نَاقَشَ муҳокама қилмоқ; фикр олишмоқ; музокара олиб бормоқ; баҳслашмоқ; نُوقِشَتِ الرَّسَائِلُ الْجَامِعِيَّةُ диссертациялар муҳокама қилинди; ~ـهُ الْحِسَابَ кимдандир ҳисобот талаб қилмоқ; VI تَنَاقَشَ бир-бири билан баҳслашмоқ, биргалашиб муҳокама қилмоқ; VIII اِنْتَقَشَ 1) нақш солинмоқ; 2) тасвирланмоқ; 3) (*зирапча ва ҳ.к. ларни*) чиқармоқ

– مُنَاقِشٌ музокарада иштирок этувчи

– مُنَاقَشَةٌ *кўп.* اتٌ — муҳокама, дискуссия; музокара; ~ بَرْلَمَانِيَّةٌ парламентдаги муҳокама; فَتَحَ بَابَ الـ~ музокарани очмоқ (бошламоқ)

– مِنْقَاشٌ *кўп.* مَنَاقِيشُ 1) ўймакорнинг қалами, наққошнинг қалами; (*бўёқчининг*) мўйқалами; 2) мўйчинак

مِنْقَشٌ *кўп.* مَنَاقِشُ = مِنْقَاشٌ

– مَنْقُوشٌ 1) нақшланган, нақш туширилган; 2) бўяб гул солинган; ранг-баранг, турли рангдаги

– مَنْقُوشَةٌ 1) сўзининг муаннаси; 2) пирожний навларидан бири

– نِقَاشٌ баҳс, тортишув, музокара; وَضَعَ الْقَضِيَّةَ عَلَى بِسَاطِ الـ~ масалани муҳокамага қўймоқ

– نَقَّاشٌ 1) наққош, ўйиб нақш солувчи; ~ التَّمَاثِيلِ ҳайкалтарош, скульптор; 2) бўёқчи

– نِقَاشَةٌ 1) наққошлик касби; 2) бўёқчилик касби

– نَقْشٌ *кўп.* نُقُوشٌ 1) нақш, безак; نُقُوشٌ تَزْيِينِيَّةٌ газламадаги гуллар; 2) ўйиб солинган нақш

– نُقُوشَاتٌ *кўп.* ўйма нақшлар

I نَقَصَ (*у*) نَقْصٌ، نُقْصَانٌ 1) эга бўлмай қолмоқ; кам бўлмоқ, етмай қолмоқ; لاَ يَنْقُصُهُ شَيْءٌ ... لاَ يَنْقُصُهُ إلاَّ унга ...гина етишмайди; унинг ҳамма нарсаси бор; 2) озаймоқ, қисқармоқ; пасаймоқ, тушмоқ (*сув ҳақида*); 3) озайтирмоқ, пасайтирмоқ; (*обрўни*) тўкмоқ, туширмоқ; II نَقَّصَ озайтирмоқ, қисқартмоқ; пас айтирмоқ, туширмоқ; ~ الثَّمَنَ нархни туширмоқ; III نَاقَصَ савдо белгиламоқ, савдо эълон қилмоқ; IV أَنْقَصَ озайтирмоқ, қисқартирмоқ; VI تَنَاقَصَ аста-секин озаймоқ, секинлик билан қисқармоқ, камаймоқ; ~ الْقَمَرُ охирги фазага етмоқ (*ой ҳақида*); VIII انْتَقَصَ 1) озаймоқ, камаймоқ, қисқармоқ; 2) озайтирмоқ, қисқартирмоқ, камайтирмоқ; 3) (*обрўни*) тўкмоқ, туширмоқ; (*к. нидир*) бадном қилмоқ, ёмонотлиқ қилмоқ; ~ مِنْ قَدْرِهِ кимнингдир обрўсини тўкмоқ; X اسْتَنْقَصَ 1) (*н. нидир*) озайтиришни сўрамоқ; 2) оз, кам, етарли эмас деб ҳисобламоқ

– انْتِقَاصٌ озайтириш, камайтириш; ~ مِنَ الْقَدْرِ обрўни тўкиш

– إِنْقَاصٌ озайтириш, камайтириш, пасайтириш

– أَنْقَصُ энг оз, энг тақчил, энг кам; ~ مِنْ ... дан оз

– إِنْقَاصٌ = تَنْقِيصٌ

– مُتَنَاقِصٌ аста-секин озаювчи, пастловчи, тушувчи

– مُنَاقَصَةٌ *кўп.* ـَاتٌ савдо-сотиқ

– مَنْقَصَةٌ *кўп.* مَنَاقِصُ нуқсон, айб, иллат, камчилик

– مَنْقُوصٌ 1) озайтирилган, камайтирилган; кам, етарли эмас; 2) мукаммал эмас, нуқсонли, номукаммал

– نَاقِصٌ 1) озайтирилган, етарли эмас; номукаммал, ноқис, камчил, тақчил; ~ غَيْرُ тўла, мукаммал; صُورَةٌ ~ ـَةٌ охирига етказилмаган картина; ~ فِعْلٌ *грам.* ноқис феъл; 2) нуқсонли, иллатли; ~ الْعَقْلِ беақл, ақлсиз, ноқисулақл; 3) номукаммал, тўла эмас; ~ مَخْرُوطٌ *мат.* кесик конус; ~ هَرَمٌ *мат.* кесик пирамида; 4) чегириб ташланган; 5) *мат.* минус (-)

– نَاقِصَةٌ *кўп.* نَوَاقِصُ камчилик, иллат; صَحَّحَ نَوَاقِصَهُ кимнингдир камчилигини тузатмоқ

– نَقْصٌ 1) камчилик, етишмовчилик, кам чиқиш, кам келиш, етмай қолиш; 2) камайиш, озайиш, пасайиш; 3) нуқсон, айб; أَمْرَاضُ الـ ~ *мед.* авитаминоз (*витамин етишмаслиги*) касалликлари (*синга, зангла, пеллагра, рахит ва ҳ.к.*)

– نُقْصَانٌ 1) камайиш, озайиш; 2) нуқсон, айб, камчилик

– نَقِيصَةٌ *кўп.* نَقَائِصُ = مَنْقَصَةٌ

I نَقَضَ (*у*) نَقْضٌ 1) (*мас, шартномани*) бекор қилмоқ, бузмоқ, тўхтатиб қўймоқ; (*ваъдага*) хилоф иш тутмоқ, (*қонундан*) четга чиқмоқ; 2) (*иморатни*) бузмоқ, бузиб ташламоқ; 3) (*дарду ғамдан*) сочларини еймоқ (*аёллар ҳақида*); 4) (*мас, калавани*) чувамоқ, ёзмоқ; 5) (*айбни*) рад қилмоқ, йўққа чиқармоқ; لاَ يُنْقَضُ рад этиб бўлмайдиган; 6) (*суд қарорини*) бекор қилмоқ, нотўғри деб топмоқ; 7) йўққа чиқармоқ; ҳақиқий эмас деб эълон қилмоқ, бекор қилмоқ; ~ وُضُوءَهُ *шар.* таҳоратни яроқсизга чиқармоқ; ◊ ~ الْوَلاَءَ бўйсунишни бас қилмоқ, итоат этмай қўймоқ; III نَاقَضَ зид бўлмоқ, ихтилофда бўлмоқ; ~ الْعَقْلَ السَّلِيمَ соғлом ақлга тўғри келмай қолмоқ, зид келмоқ; IV أَنْقَضَ оғир иш юклаб қийнамоқ; ~ الظَّهْرَ елкага вазминлик қилмоқ (*юк ҳақида*); ◊ ~ الأَصَابِعَ бармоқларни қисирлатмоқ; ~ الْعِلْكَ сақични қарсиллатмоқ V تَنَقَّضَ 1) бузиб ташламоқ, текислаб ташламоқ (*иморат ҳақида*); 2) рад этилмоқ, бекор қилинмоқ; 3) чувалмоқ, чўзилмоқ; VI تَنَاقَضَ 1) бир-бирига зид келмоқ; бир-бири билан келишмай қолмоқ; 2) фарқ қилмоқ, кўзга ташланадиган даражада фарқ қилмоқ; VIII انْتَقَضَ 1) бекор қилинмоқ, бузилмоқ (*мас, шартнома ҳақида*); 2) риоя қилинмай қолмоқ; 3) бузиб ташланмоқ, вайрон бўлмоқ; 4) (*к. ёки н. ғадир қарши*) қўзғалмоқ, кўтарилмоқ (عَلَى); 5) рад этилмоқ, бекор қилинмоқ; 6) чувалмоқ, ёзилмоқ, чўзилмоқ

– انْتِقَاضٌ 1) (*мас. шартноманинг*) бекор қилиниши, бузилиши; 2) қулаш, ағдарилиш, ўпирилиш; 3) қўзғолон, исён; 4) катаболизм

– أَنْقَاضٌ *кўп.* харобазорлар, вайроналар

– تَنَاقُضٌ *кўп.* ـَاتٌ 1) ўзаро зиддият, ихтилоф, мослашмаганлик, номувофиқлик; وَقَعَ فِي الـ ~ зиддиятга учрамоқ; 2) фарқ, кўзга яққол кўриниб турадиган фарқ, тўғри келмаслик; ~ ظَاهِرِيٌّ умум қоидаларга мувофиқ келмайдиган ғалати фикр, парадокс

– مُتَنَاقِضٌ 1) ўзаро қарама-қарши, зиддиятли; (*к. ёки н. ғадир*) мос келмайдиган, номувофиқ; ~ الظَّاهِرِ умум қоидага мувофиқ келмайдиган, парадоксал; 2) тескари, зид, бошқача

– مُتَنَاقِضَاتٌ *кўп.* 1) қарама-қаршиликлар; 2) зиддиятлар

– مُنَاقِضٌ қарама-қарши; номувофиқ, мос келмаган; ~ ذَاتِهِ ўзига ўзи қарши чиқувчи

– مُنَاقَضَةٌ *кўп.* ـَاتٌ зиддият, номувофиқлик, мослашмаганлик

– مَنْقُوضٌ 1) бузилган, синдирилган, вайрон қилинган; 2) чувалган, ёзилган (*калава ҳақида*); 3) риоя қилинмаган

– نَاقِضٌ *кўп.* نَوَاقِضُ *юр.* ниманингдир кучини йўқотувчи, бекор қилувчи нарса

– نُقَاضَةٌ 1) шағал; 2) ўралган сочнинг ёзилиб кетган қисми

– نَقْضٌ 1) йўқ қилиш, бузиш, вайрон қилиш; 2) (*қонунни*) поймол қилиш, оёқости қилиш; 4) рад этиш; الـ ~ وَ الإِبْرَامِ مَحْكَمَةُ суднинг ҳукмини бекор қилишга ҳақли бўлган юқори суд; ~ حَقُّ الـ вето

– نِقْضٌ، نُقْضٌ *кўп.* أَنْقَاضٌ 1) синган, синиб тушган нарса; парча, бўлак, синиқ; 2) чақилган тош, майдаланган тош

– نَقِيضٌ 1) (*бирор. н га*) тескари, зид; қарама-қарши; 2) қарама-қаршилик, фарқ; ~ طَرَفَا икки бир-бирига тескари томон; عَلَى طَرَفَيْ ~ бутунлай қарма-қарши; هُمَا عَلَى طَرَفَيْ ~ у иккиси бутунлай бир-бирининг тескариси; تَحَوَّلَ لِـ ~ نَفْسِهِ ўзининг тескариси бўлиб қолмоқ; وَ عَلَى الـ ~ مِنْ ذَلِكَ бунга қарама-қарши равишда

…; 3) туя устидаги тахтиравоннинг ёки эгарнинг ғирчиллаган овози

— نَقِيضَةٌ *кўп.* نَقَائِضُ 1) қарама-қаршилик, зиддият, фарқ, контраст; ~ الْأَخْلَاقِ турли-туман характерлар; 2) *тар.* бошқа шоирнинг шеърини рад қилувчи шеър; 3) *фалс.* зиддият, антиномия

I نَقَطَ (у) نَقْطٌ 1) нуқта қўймоқ (*шунингдек; диакритик нуқталарни ҳам*); 2) томмоқ, томчиламоқ; II نَقَّطَ 1) нуқталар қўймоқ (*шунингдек; диакритик нуқталарни ҳам*); пунктир чизиқ чизмоқ; 2) томчиламоқ, томчилаб турмоқ; доғ қилмоқ, доғ туширмоқ; 3) (*мас, дорини*) томизмоқ; 4) (*янги келин-куёвга*) совға тутмоқ; (*янги келин-куёв олдига*) тангалар сочмоқ; 5) томмоқ, томчилаб оқмоқ

— مُنَقَّطٌ нуқталар билан қопланган; доғи бор, доғли; ~ بِسَوَادٍ қора нуқталар билан қопланган

— مَنْقُوطٌ 1) хол-хол, холдор; доғи бор, доғли; 2) нуқтали (*мас, ҳарф*) الْفَصْلَةُ (الشَّوْلَةُ) الـ ~ *грам.* нуқтали вергул (;)

— نَقَّاطَةٌ *кўп.* ـاتٌ — томизадиган найча

— نُقَطٌ *зоол.* хонбалиқ

— نُقْطَةٌ *кўп.* نُقُوطٌ 1) янги келин-куёвга қилинган совға; 2) чойчақа; итга, ҳайвонга бериладиган луқма, бурда

— نُقْطَةٌ[2] *кўп.* نِقَاطٌ ,نُقَطٌ 1) нуқта, пункт; ~ الْاِتِّصَالِ алоқа пункти, туташ жой, туташган жой; ~ الْاِرْتِكَازِ таяниш нуқтаси; таянч пункти; ~ التَّجَمُّدِ *физ.* музлаш нуқтаси; ~ الْغَلَيَانِ *физ.* қайнаш нуқтаси; ~ الْاِنْطِلَاقِ ёки الـ ~ الْاِنْطِلَاقِيَّةُ ёки ~ الْبِدَايَةِ ёки ~ الْبَدْءِ ёки ~ الْاِبْتِدَاءِ бошланиш нуқтаси, старт; жўнаш нуқтаси; ~ النِّهَايَةِ финиш; ~ الْاِرْشَادِ йўлни, томонни кўрсатувчи белги, ориентир; ~ الْحُدُودِ чегара нуқтаси (пункти); ~ جَذْبٍ لِـ … …га тортувчи нуқта; ~ جَوْهَرِيَّةٌ муҳим нуқта, аҳамиятли нуқта; ~ الْخِلَافِ ихтилофлар, зиддиятлар нуқтаси; ~ الضَّعْفِ заиф нуқта; ~ الْوُصُولِ бориш жойи, бориладиган жой; ~ الدَّائِرَةِ *мат.* айлана маркази; ~ (الرَّأْسِ) الذَّنَبِ *астр.* бирор планета ёки комета йўлининг Қуёшдан энг узоқ (яқин) нуқтаси; ~ النَّظَرِ нуқтаи назар; 2) соқчилик вазифасини бажарадиган жой, пост; ~ أَمَامِيَّةٌ олдинги пост; ~ الْبُولِيسِ полиция пости; ~ الْحِرَاسَةِ соқчилик пости; 3) *грам.* диакритик нуқта; الـ ~ تَانِ *ик.с.* икки нуқта (:) 4) томчи; نُقَطٌ لِلْأَنْفِ бурунга томизиладиган томчи; 5) *спорт.* очко; تَغَلَّبَ عَلَيْهِ بِالنُّقَطِ кимнингдир устидан очколар йиғиндиси бўйича ғолиб келмоқ; 6) *шунингдек:* دَاءُ الـ ~ *мед.* мияга қон қуйилиши; 7) бир оз, озгина, жиндай; 8) *кўч.м.* туз; ◊ ~ عَنْبَرٍ хол; الـ ~ السَّوْدَاءُ шармандалик доғи; ~ الْعَيْنِ кўзга тушган оқ, оқ тушган кўз; النُّقَطُ الْأَرْبَعُ дунёнинг тўрт томони (*Шимол, Жануб, Шарқ, Ғарб*); وَضَعَ النُّقَطَ عَلَى الْحُرُوفِ 1) ҳеч бир ноаниқ ерни қолдирмай изоҳлаб бермоқ; 2) охирига етказмоқ, яна у масалага қайтмайдиган қилмоқ; ~ وَهٰذِهِ мِنْ بَحْرٍ бу денгиздан томчи холос

— نُقْطِيٌّ нуқтага оид; لَا نُقْطِيَّةٌ *мед.* кўзнинг равшан кўрмаслик ҳолатларидан бири, астигматизм

— نُقَيْطَةٌ *кўп.* ـاتٌ — кичик бир томчи

I نَقَعَ (а) نَقْعٌ 1) ҳўлламоқ, намламоқ, ивитмоқ, бўктирмоқ; ~ بِالْمَاءِ чанқоғи босилмоқ; тўйиб сув ичмоқ; 2) (*ўт-ўланлардан*) ичимлик (настойка) тайёрламоқ; 3) бузилмоқ, айнимоқ (*сув ҳақида*); ◊ ~ الْغُلَّةَ ёки ~ الْعَطَشَ ёки ~ الْغَلِيلَ чанқоқни босмоқ, ташналикни қондирмоқ; *кўч.м.* (*мас, истакни*) бажо келтирмоқ, қониқтирмоқ; ~ غُلَّةَ قَلْبِهِ ғазабини тўкиб солмоқ; IV أَنْقَعَ = I; VIII اِنْتَقَعَ ёки اِمْتَقَعَ: اِنْتَقَعَ لَوْنُهُ ранги ўзгармоқ; X اِسْتَنْقَعَ туриб қолмоқ, кўлмак бўлиб қолмоқ (*сув ҳақида*); ботқоққа айланмоқ

— أَنْقَعُ: ~ الرَّشْفُ *мтл.* қимирлаган қир ошар (*сузма-суз:* секин-секин ичиш чанқоқни тез қондиради)

— مُسْتَنْقَعٌ *кўп.* ـاتٌ — ботқоқ, ботқоқлик, сизот; حُمَّى الْمُسْتَنْقَعَاتِ тўқай иситмаси, безгак; غَازُ الْمُسْتَنْقَعَاتِ ботқоқ гази

— مَنْقَعٌ *кўп.* مَنَاقِعُ ботқоқлик, ботқоқлик жой

— مُنَقَّعٌ қуриган, қуритилган мевалар

— مَنْقُوعٌ ивитма, настой

— نَاقِعٌ 1) ивитувчи, ҳўлловчи, намловчи; 2) кучли, ўлдирадиган (*заҳар ҳақида*); 3) куч-қувват бахш этадиган (*ичимлик ҳақида*); مَاءٌ ~ чанқоқ босадиган сув

— نُقَاعَةٌ *кўп.* ـاتٌ = مَنْقُوعٌ

— نُقَاعِيٌّ микроскопик; الْحَيَوَانُ الـ ~ микроорганизм

— نُقَاعِيَّاتٌ *кўп.* фақат микроскопда кўринадиган бир ҳужайрали кичик жонивор

— نَقْعٌ[1] 1) ивитиш, бўктириш; 2) ивитма (настой) тайёрлаш

— نَقْعٌ[2] *кўп.* نُقُوعٌ ,نِقَاعٌ 1) чанг, гард; 2) *кўп.* أَنْقُعٌ ,نِقَاعٌ туриб қолган сув, кўлмак; 3) қудуққа тўпланган сув

— نُقُوعٌ қуриган, қуритилган мевалар

— نَقِيعٌ қуриган мевалардан тайёрланган ивитма (настой)

I نَقَفَ (у) نَقْفٌ 1) урмоқ, шикастламоқ, майиб қилмоқ; зарба бермоқ; ~ ـهُ بِالْإِصْبَعِ кимнидир чертмоқ; 2) тухумдан чиқмоқ

— نِقْفٌ *кўп.* أَنْقَافٌ эндигина тухумдан чиққан жўжа

I نَقَلَ (у) نَقْلٌ 1) кўчирмоқ, ўтказмоқ, ташимоқ, бир жойдан бошқа жойга элтиб қўймоқ; олиб ўтмоқ; ~ الْحِسَابَ *бухг.* ҳисобга ёзиб қўймоқ, тиркаб қўймоқ; ~ الزَّرْعَ экилган нарсани кўчириб ўтказмоқ; ~ الْمَرَضَ (*к. ғадир*) касалликни юқтирмоқ (إِلَى); 2) иш жойини ўзгартирмоқ; 3) (*бир тилдан бошқа тилга*) ўгирмоқ, таржима қилмоқ; 4) кўчириб ёзмоқ; 5) нақл қилмоқ, ҳикоя қилмоқ; ~ الْحَدِيثَ (*кимнингдир тилидан*) ҳадисни нақл қилмоқ (عَنْ); ~ مِلْكِيَّةَ الْأَشْيَاءِ

(*к. гадир*) нарсаларни мулк қилиб бермоқ (إِلَى); 6) иқтибос (цитата) келтирмоқ,айнан ўзини айтмоқ; (*қаердандир*) ўзлаштирмоқ, қабул қилмоқ (عَنْ); 7) (*қаердандир*) кўчиб кетмоқ (إِلَى); II نَقَّلَ 1) кўчирмоқ, ўтказмоқ, ўрнини ўзгартирмоқ; кўп марталаб ташимоқ; ~ طَرْفَهُ بَيْنَ . . . . و . . . гоҳ унга, гоҳ бунга қарамоқ; ~ الْأَشْيَاءَ нарсаларни бир жойдан бошқа жойга кўчирмоқ; ~ حَبَّاتِ السُّبْحَةِ тасбеҳ ўгирмоқ; 2) узатмоқ, узатиб бермоқ; 3) диктовка қилмоқ; 4) *шахм.* юрмоқ; III نَاقَلَ бир-бирига узатмоқ; (*н. нидир*) ўзаро алмаштирмоқ; 2) ўзаро бир-бирига ташишмоқ; V تَنَقَّلَ 1) кўчмоқ, ўрин алмашмоқ; кўчиб юрмоқ; бир жойдан бошқа жойга кўчмоқ; 2) нақл қилинмоқ, эълон қилинмоқ (*янгиликлар, миш-мишлар ҳақида*); VI تَنَاقَلَ бир-бирига ҳикоя қилишмоқ, нақл қилишмоқ, алиштиришмоқ; ~تْهُ الْأَلْسُنُ у оғиздан-оғизга кўчиб юрибди; ~تْهُ الْأَيْدِي у қўлдан-қўлга ўтиб юрибди; ~تْ إِلَيْنَا الْأَنْبَاءُ бу хабарлар бизга етиб келди; VIII انْتَقَلَ 1) кўчиб ўтмоқ, кўчиб юрмоқ; (*қаеққадир*) кўчиб ўтмоқ (إِلَى); 2) (*қаеққадир*) жўнамоқ, жўнаб кетмоқ; 3) (*к. гадир*) ўтмоқ (*мас, мерос* إِلَى); бир қўлдан бошқа қўлга ўтмоқ (*мулк ҳақида*); 4) (*н. гадир*) ўтмоқ (إِلَى); ~ إِلَى الْهُجُومِ ҳужумга ўтмоқ; ~ إِلَى الدِّفَاعِ ҳимояга (мудофаага) ўтмоқ; ◊ ~ إِلَى جِوَارِ رَبِّهِ *ёки* ~ إِلَى الرَّفِيقِ الْأَعْلَى *ёки* ~ إِلَى رَحْمَةِ اللهِ *ёки* ~ إِلَى دَارِ الْآخِرَةِ вафот этмоқ, куни битмоқ

– انْتِقَالٌ 1) (*қаердандир қаергадир*) ўтиш, кўчиб ўтиш (إِلَى, مِنْ); 2) бериш, узатиш; 3) жўнаб кетиш, жўнаш; 5) вафот этиш

– إِنْتِقَالِيٌّ ўтишга оид; ~ عَهْدٌ ўтиш даври; حُكُومَةٌ ~ـةٌ муваққат ҳукумат

– تَنَقُّلٌ *кўп.* ~اتٌ ўтиш, кўчиб ўтиш; ўрин алмаштириш; حُرِّيَّةُ الـ~ *дип.* кўчиб ўтиш эркинлиги

– مُتَنَقِّلٌ 1) кўчиб юрувчи, кўчиб ўтувчи; 2) кўчма, сайёр, юртма-юрт юрадиган, кўчманчи, саёқ; الْمَسْرَحُ الـ~ сайёр театр

– مُنْتَقِلٌ 1) кўчма, кўчиб юрадиган, сайёр; 2) юқумли; 3) ҳаракатланадиган, силжима

– مَنْقَلٌ *кўп.* مَنَاقِلُ 1) кўчма ўчоқ, манқал; 2) эскирган оёқ кийими

– مَنْقَلَةٌ 1) ўтиладиган жой; (*йўлнинг*) бир этапи; 2) манқала (*ўйин номи*)

– مِنْقَلَةٌ *кўп.* مَنَاقِلُ транспортир

– مَنْقُولٌ 1) нақл қилинадиган, ўтказиладиган; 2) кўчириладиган; ташиб юриладиган; 3) кўчма, ҳаракатдаги (*мулк ҳақида*); ~ غَيْرُ кўчмас; أَمْوَالٌ ~ـةٌ *ёки* ~ مُلْكٌ уй анжомлари (*ташиб юриш мумкин бўлган мулк*); ~ مُلْكٌ غَيْرُ кўчмас мулк; 4) (*қаердандир*) ўзлаштирилган, қабул қилинган (عَنْ); 5) кўчирилган, кўчириб ёзилган

– مَنْقُولَاتٌ *кўп.* уй анжомлари (*ташиб юриш мумкин бўлган мулк*); مَنْزِلِيَّةٌ ~ *ёки* الْمَنْزِلِ ~ уй анжомлари

– مَنْقُولِيَّةٌ ташиш, узатиш, ўтказиш имконияти

– نَاقِلٌ *кўп.* نَقَلَةٌ, نُقَّالٌ 1) нақл қилувчи, узатувчи; الْحَرَكَةِ ~ узатмалар қутиси; 2) элтувчи, ташувчи; 3) тилмоч таржимон; 4) *эл.* ўзидан электр токи ўтказувчи, *радио.* сигналларни узатувчи, тарқатувчи; الصَّوْتِ ~ микрофон; 5) кўчириб ёзувчи, нусха кўчирувчи

– نَاقِلَةٌ *кўп.* ~اتٌ — 1) узатувчи, нақл қилувчи; 2) элтувчи, ташувчи; مُتَحَرِّكَةٌ ~ конвейер; 3) транспорт, транспорт кемаси; ~ الْبَتْرُولِ (النَّفْطِ) нефть ташувчи танкер; ~ الْجُنُودِ қўшинлар ташиладиган транспорт

– نَاقِلِيَّةٌ 1) юк ташиш ҳақи, кира ҳақи; 2) *эл.* ток ўтказувчанлик

– نَقَّالٌ беморларни ташувчи (санитар)

– نَقَّالَةٌ *кўп.* ~اتٌ — 1) беморларни ташишга мўлжалланган замбил, носилка; 2) беморларни ташийдиган арава; 3) транспорт кемаси

– نَقَّالِيٌّ ҳаракатчан, кўчма, кўчиб юрувчи

نَقْلٌ *кўп.* نُقُولٌ бир жойдан бошқа жойга кўчиш; бир жойдан бошқа жойга ўтиш; олиб ўтиш; ташиш; 2) транспорт; النَّهْرِيُّ ~الـ дарё транспорти; الْجَوِّيُّ ~الـ ҳаво транспорти; مَصَارِيفُ الـ~ транспорт харажати; وَسَائِلُ الـ~ транспорт воситалари; سَيَّارَةُ الـ~ юк автомобили; مَرْكَبُ ~ транспорт, транспорт кемаси; 3) кўчириш, узатиш; جِهَازُ ~ الْحَرَكَةِ *тех.* трансмиссия; 4) ўзлаштириш; ~اً عَنْ . . . (*к. нингдир*) гапига кўра ...; 6) кўчириб ёзиш, нусха олиш; 7) копия, нусха, кўчириб олинган нақш; 8) анъана, традиция; ◊ ~ الدَّمِ қон қуйиш; عَمَلِيَّةُ ~ الْكُلَى *мед.* буйракни кўчириб ўтказиш операцияси (амалиёти)

– نَقَلٌ майдаланган тош, шағал

– نُقْلٌ *жам. кўп.* نُقُولٌ 1) ёнғоқлар; كَسَّارَةُ الـ~ ёнғоқ чақадиган омбир; 2) қуруқ, қуритилган мевалар; 3) ширинликлар; десерт

– نَقْلَةٌ *кўп.* ~اتٌ — *шахм.* юриш

– نَقْلَةٌ[1] *кўп.* ~اتٌ — 1) бир жойдан бошқа жойга кўчиш, кўчиб ўтиш; 2) *шахм.* юриш

– نُقْلَةٌ[2] *кўп.* қўл билан кўчирилган (ёзилган) қисм

– نُقْلَةٌ[3] *кўп.* نُقَلٌ бўҳтон, чақимчилик, ғийбат, фисқ-фасод

– نُقْلِيٌّ *кўп.* نُقْلِيَّةٌ ёнғоқфуруш, қуруқ меваларни сотувчи

– نَقْلِيٌّ 1) анъанавий, традицион; 2) транспортга оид

– نَقْلِيَّةٌ 1) транспорт; 2) қовурилган саримсоқ пиёз (*таом*)

– نَقْلِيَّاتٌ *кўп.* 1) анъанавий фанлар, традицияга асосланган фан соҳалари; 2) транспорт

– نَقِيلَةٌ *кўп.* نَقَائِلُ оёқ кийимига солинадиган ямоқ

I نَقَمَ (*и*) نَقْمٌ (*к. нидир*) айбламоқ, (*к. дандир*) гина қилмоқ (عَلَى); 2) (*к. дандир*) қасос олмоқ (عَلَى, مِنْ); 3) (*к. гадир*) кек сақламоқ, (*к. гадир қарши*) тиш қайрамоқ (مِنْ); II نَقَّمَ (*к. дандир*) қасос олмоқ

(عَلَى); VIII اِنْتَقَمَ (*к. дандир*) қасос олмоқ (مِنْ); (*бирор н. учун*) қасос олмоқ (لِـ)

– اِنْتِقَامٌ интиқом, қасос, ўч; қасос олиш, ўч олиш; қаримта қайтариш, реванш

– اِنْتِقَامِيٌّ 1) қаримта қайтариш (*реванш*) га оид; 2) қаримта қайтарувчи, реваншист

– اِنْتِقَامِيَّةٌ реваншизм

– مُنْتَقِمٌ интиқом (қасос., ўч) олувчи, қасоскор

– نَاقِمٌ 1) қасос олувчи, қасоскор; 2) (*к. дандир*) норози; (*к. дандир*) аччиқланган (عَلَى) كَانَ ~ًا عَلَى زَيْدٍ у Зайддан аччиқланиб юрибди; 3) қасоскор

– نَقْمٌ қасос, ўч, кек, адоват; صَبَّ الـ~ عَلَى ... ғазабини ...га тўкиб солмоқ (...га сочмоқ)

– نِقْمَةٌ *кўп.* نِقَمٌ *ёки* نَقْمَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — 1) қасос, ўч; 2) кек, адоват, қаҳр, ғазаб, хусумат, ғараз; норозилик; нафрат; 3) жазо, азоб; 4) офат, бало

– نَقِيمَةٌ: ~ مَيْمُونُ الـ~ *қар.* نَقِيبَةٌ مَيْمُونُ النَّقِيبَةِ =

نَقْنَقَ 1) вақвақламоқ, вақилламоқ; 2) иштаҳа йўқлигидан хоҳламай оз-оздан чимчилаб овқат емоқ

– نَقَانِقُ колбаса,сосиска

– نَقْنَقَةٌ 1) вақвақлаш, вақиллаш; 2) иштаҳасизлик билан овқатланиш

I نَقِهَ (*а*) نَقَهٌ соғаймоқ, тузалмоқ; زَيْدٌ لَا يَفْقَهُ وَ لَا يَنْقَهُ Зайд ҳеч нарсани тушунмайди; IV أَنْقَهَ даволамоқ, шифо бермоқ, тузатмоқ; VIII اِنْتَقَهَ = I

– نَاقِهٌ соғаювчи, тузалувчи

– نَقَاهَةٌ соғайиш, тузалиш

– نَقَاهَةٌ = نَقَهٌ

– نَقَاهَةٌ = نُقُوهٌ

نَقْوَارٌ масхарабоз, қизиқчи

– نَقْوَرَةٌ 1) масхара қилиш, мазах қилиш, калака қилиш; 2) ғийбат, гап-сўз, ғиди-биди, миш-миш

I نَقِيَ (*а*) نَقَاءٌ, نَقَاوَةٌ, نُقَاوَةٌ тоза бўлмоқ, покиза бўлмоқ; II نَقَّى 1) тозаламоқ, пўстини олмоқ, оқламоқ, арчмоқ; 2) ажратмоқ, навларга ажратмоқ; IV أَنْقَى тозаламоқ, артмоқ; أَنْقَتِ الْإِبِلُ ◊ туя симирди; V تَنَقَّى тозаланмоқ, артилмоқ; VIII اِنْتَقَى 1) танлаб олмоқ, танламоқ, сараламоқ; 2) *биол.* танламоқ, ҳайвон *ёки* ўсимликнинг навини яхшилаш чорасини кўрмоқ

– اِنْتِقَاءٌ 1) саралаш, танлаш; 2) *биол.* селекция

– تَنْقِيَةٌ 1) оқлаш, тозалаш, пўстини олиш; 2) танлаш

– مُنْتَقًى *мн.* مُنْتَقَاةٌ танланган, сараланган

– نَقَاوَةٌ = نَقَاءٌ

– نُقَاوَةٌ, نَقَاوَةٌ 1) тозалик, поклик; 2) энг яхши, сараланган, танлаб олинган

– نَقَائِيَّةٌ ахлоқни пок ва қаттиқ сақлашга уриниш, пуризм

– نُقَايَةٌ *кўп.* نُقَاءٌ, نَقَايَا 1) танлаш, саралаш; 2) (*меванинг*) данаги, уруғи

– نِقْيٌ *кўп.* أَنْقَاءٌ илик, суяк илиги

– نَقِيٌّ тоза, покиза, доғ тушмаган, ҳеч нарса аралашмаган

– نَقِيٌّ = نَقِيٌّ

I نَكَأَ (*а*) نَكْءٌ 1) йиринг бойлаган ярани тешмоқ; 2) ярага тегиб оғритмоқ, ярани оғритмоқ; 3) зарба бермоқ

I نَكَبَ (*у*) نَكْبٌ (نكب) 1) бошга тушмоқ, йўлиқмоқ (*офат, бахтсизлик ҳақида* -بِ); оғритмоқ, азоб бермоқ; ~ـهُ الدَّهْرُ у тақдир кулфатини татиб кўрган; 2) (*йўлдан*) тойдирмоқ (عَنْ); نَكَبَ (*у*) نُكُوبٌ, نَكْبٌ 1) ўз йўналишини ўзгартирмоқ (*шамол ҳақида*); 2) (*бирор н. дан*) юз ўгирмоқ, бурилмоқ (عَنْ); 3) نُكِبَ кулфатни бошдан ўтказмоқ; (*н. дандир*) жафо чекмоқ (بِ); (*н. биландир*) заҳарланмоқ, шикастланмоқ; نُكِبَ الْبَلَدُ بِالْاِحْتِلَالِ ўлка оккупациядан азоб чекарди; II نَكَّبَ 1) четга чиқмоқ, четга бурилмоқ; (*н. дандир*) чиқиб кетмоқ (عَنْ); 2) четлатмоқ, узоқлаштирмоқ; V تَنَكَّبَ 1) (*н. дандир*) ўзини четга олмоқ, ўзини тортмоқ, ўзини олиб қочмоқ (عَنْ); (*н. дандир*) четга чиқмоқ, четга бурилмоқ (عَنْ); ~ عَنْ جَادَّةِ الصَّوَابِ тўғри йўлдан адашмоқ; ~ عَنْ طَرِيقِ الْمَعَاصِي осийлик йўлидан чиқмоқ; ~ بِهِ عَنْ ... кимнидир ...дан қайтармоқ; ~ الشَّارِعَ إِلَى ... кўчадан ...га томон бурилди; مَا تَنَكَّبَ أَنْ ... у ... (и) шни унутмади; 2) елкага олмоқ, елкада кўтариб бормоқ; ~ السِّلَاحَ қуролни елкага олмоқ

– مَنْكِبٌ *кўп.* مَنَاكِبُ 1) елка; عَرِيضُ الْمَنْكِبَيْنِ кенг елкали, елкаси кенг; 2) қўл ва елкани ташкил этувчи суяклар мажмуи; 3) тараф, томон; هُوَ فِي السَّعْيِ الْمُسْتَمِرِّ فِي مَنَاكِبِ الْأَرْضِ у бутун жаҳонни кезиб юрибди; 3) тепалик

– مَنْكُوبٌ 1) жабрланган, жафо кўрган, азоб тортган; 2) (*ҳалокат*) қурбони; *кўп.* مَنْكُوبُونَ жабрланганлар, жафо тортганлар

– نَكْبٌ *кўп.* نُكُوبٌ фалокат, ҳалокат, бахтсизлик

– نَكْبَةٌ *кўп.* نَكَبَاتٌ бахтсизлик, офат, фалокат, ҳалокат, катастрофа

I نَكَتَ (*у*) نَكْتٌ 1) ағдармоқ, йиқитмоқ, қулатмоқ; тўкмоқ, бўшатмоқ; холи қилмоқ; 2) ерни титиб ташламоқ, тупроқни сочиб ташламоқ (*хўроз ҳақида*); II نَكَّتَ пичинг қилмоқ, аския қилмоқ, киноя қилмоқ, ҳазил қилмоқ; (*к. нингдир устидан*) кулмоқ (عَلَى); ~ فِي كَلَامِهِ ҳадеб пичинг қилавермоқ; VIII اِنْتَكَتَ ағдарилмоқ, тўнтарилмоқ, қуламоқ

– تَنْكِيتٌ 1) масхара қилиш, мазах қилиб кулиш; 2) ҳазил, пичинг; аскияомиз ибора; 3) нуқталар *ёки* пунктир чизиқлар билан расм чизиш

– مُنَكِّتٌ ҳазилкаш, масхарабоз, мазаҳчи

– نَكَّاتٌ 1) аскиячи, аскиябоз, қизиқчи; 2) ҳазилкаш, масхарабоз, аямай танқид қилувчи

– نُكْتَةٌ *кўп.* نِكَاتٌ، نُكَتٌ 1) аскияомиз ибора, пичинг, киноя; ҳазил, латифа; تَبَادَلَ النُّكَتَ бир-бирига ўзаро ҳазил қилишмоқ; 2) кулгилилик, ўткирлик, қизиқлик, ғалатилик; 3) кичкина доғ, хол, зирахол

– نُكَتِيٌّ ғалати, ҳазиломиз, ўткир

I نَكَثَ (*у*) نَكْثٌ (*мас. ваъдага*) хилоф иш қилмоқ; (*берилган сўзга*) амал қилмай юрмоқ; (*шартномани*) бекор қилмоқ; الْحَبْلَ ~ чилвирни узмоқ; VIII اِنْتَكَثَ риоя қилмай қўймоқ, бузилмоқ

– نَاكِثٌ 1) риоя қилмай қўйган; 2) аҳдини бузувчи, ўз сўзида турмайдиган

– نَكْثٌ риоя қилмаслик; الْعَهْدِ ~ ваъдани (келишувни) бузиш

– نَكِيثَةٌ *кўп.* نَكَائِثُ 1) риоя қилмаслик; 2) кучи етганича тиришиш; 3) табиат, феъл-атвор; 4) қийинчилик, қийин иш

I نَكَحَ (*а,и*) نِكَاحٌ 1) никоҳланмоқ, уйланмоқ, турмушга чиқмоқ; 2) қовушмоқ, жинсий алоқа қилмоқ; IV أَنْكَحَ уйлантирмоқ; турмушга бермоқ

– مَنَاكِحُ *кўп.* аёллар

– نِكَاحٌ *кўп.* أَنْكِحَةٌ 1) никоҳ; 2) қўшилиш, жинсий алоқа қилиш

I نَكِدَ (*а*) نَكَدٌ 1) қийин бўлмоқ, вазмин бўлмоқ (*ҳаёт ҳақида*); 2) бахтсиз бўлмоқ, бадбахт бўлмоқ; II نَكَّدَ 1) қийнамоқ, вазмин қилмоқ, қийинлаштирмоқ; 2) (*к. нидир*) бадбахт қилмоқ (عَلَى); III نَاكَدَ машаққатга қўймоқ, машаққатга солмоқ; жонга тегмоқ, безор қилмоқ, дилни сиёҳ қилмоқ, қасдма-қасдга бирор иш қилмоқ; V تَنَكَّدَ 1) қийин бўлмоқ, вазмин бўлмоқ; 2) бахтсиз бўлмоқ, бадбахт бўлмоқ; VI تَنَاكَدَ бир-бирига ёмонлик қилмоқ

– أَنْكَدُ *мн.* نَكْدَاءُ *кўп.* نُكْدٌ 1) бахти қора, пешонаси шўр; الْعَيْشُ الـ~ бахтсиз ҳаёт; 2) яхшилик қилмайдиган, яхшилик қилишни ўйламайдиган

– مُنَاكَدَةٌ *кўп.* اتٌ ~ машаққатга қўйиш; жонга тегиш, безор бўлиш; кўнгилсиз воқеа, ноxуш воқеа

– مُنَكَّدٌ бахтсиз, бадбахт

– مَنْكُودٌ жуда хафа бўлган, ранжиган; бахтсиз, бадбахт; الْحَظِّ ~ бахти қора

– نَكَدٌ 1) оғирлик, вазминлик; омадсизлик, муваффақиятсизлик; бахтсизлик; ... أَنْ الطَّالِعِ ~ وَمِنْ бахтга қарши, ...

– نَكِدٌ *кўп.* مَنَاكِيدُ، أَنْكَادٌ 1) оғир, вазмин; 2) серзарда, жиртаки, жиззаки; ўжар, қайсар, терс; 3) яхшилик қилмайдиган; رَجُلٌ ~ яхшилик қилишни ўйламайдиган одам

I نَكِرَ (*а*) نَكَرٌ، نُكْرٌ، نَكِيرٌ 1) билмай қолмоқ; 2) танимай қолмоқ; 3) тан олмай турмоқ, инкор қилмоқ; لِلْجَمِيلِ ~ яхшиликни билмайдиган бўлмоқ, қадр-қимматга етмайдиган бўлмоқ; 4) маъқулламай турмоқ; II نَكَّرَ 1) таниб бўлмайдиган даражага келтирмоқ; яширмоқ, ниқобламоқ; 2) *грам.* отни ноаниқ ҳолатга ўзгартирмоқ; III نَاكَرَ 1) курашмоқ; 2) маъқулламай турмоқ, салбий муносабатда бўлмоқ; IV أَنْكَرَ тан олмай қўймоқ, танимай қолмоқ; инкор этмоқ; рад этмоқ, қайтармоқ, тонмоқ, қайтмоқ; ابْنَهُ ~ ўз ўғлидан воз кечмоқ; 2) (*к. гадир*) танбеҳ бермоқ (عَلَى); 3) маъқулламай қўймоқ, (*н. нидир*) ўзига номуносиб ҳисобламоқ; ~ لَمْ يُنْكِرْ شَيْئًا جَهَامَةً مِنْ أُمِّهِ онасининг юзидаги тундлик унга ёқмади; وَأَوَّلَ الْأَمْرِ аввалига у ўзи учун ҳеч қандай ёмон нарса кўрмади; ... يُنْكِرُهُ النَّاسُ ... تُنْكِرُ عَيْنَيْكَ حِينَ ...ганда кўзларингга ишонмайсан; у одамларнинг аксидир; V تَنَكَّرَ (*к. дир*) таний олмайдиган бўлиб кетмоқ (لِـ); 2) ўзини таниб бўлмайдиган қилиб олмоқ; кийимни ўзартирмоқ, ниқобланмоқ; تَنَكَّرَتْ فِي مَلَابِسِ الرِّجَالِ у (аёл) эркаклар кийимини кийиб олди; 3) яширинмоқ; 4) тахаллус билан нашр эттирмоқ; 5) *грам.* ноаниқ ҳолатда бўлмоқ; 6) (*бирор к. ёки н. га нисбатан*) салбий муносабатда бўлмоқ (لِـ); (*н. дандир*) тонмоқ, қайтмоқ (لِـ); 7) (*бирор к. билан*) ихтилофда бўлмоқ, (*к. гадир*) зид бўлмоқ (لِـ); يَتَنَكَّرُ هَذَا لِكُلِّ حَقِيقَةٍ مَوْضُوعِيَّةٍ бу ҳар қандай объектив ҳақиқатга зиддир; 8) (*к. дандир*) четлашмоқ, ўзини четга тортмоқ (لِـ); 9) (*к. дандир*) жаҳли чиқмоқ, ғазабланмоқ, дарғазаб бўлмоқ, аччиқланмоқ (لِـ); لَهُمُ الدَّهْرُ ~ қисматнинг зулмини улар кўп кўришган; VI تَنَاكَرَ 1) бир-бири билан зиддиятда бўлмоқ; 2) ўзини билмасликка, танимасликка солмоқ; 3) инкор қилмоқ, бекор қилмоқ; X اِسْتَنْكَرَ 1) салбий, бемаъни деб билмоқ; инкор қилмоқ; 2) тан олмай қўймоқ, эътиборсиз қолдирмоқ, аҳамият бермай қўймоқ; 3) билмай қолмоқ

– اِسْتِنْكَارٌ инкор қилиш, маъқулламаслик

– إِنْكَارٌ инкор қилиш, тан олмаслик; الْجَمِيلِ ~ яхшиликни билмаслик; الذَّاتِ ~ ўз манфаатидан кечиш, ўзидан (ўз жонидан) кечиш, фидокорлик, жонбозлик

– أَنْكَرُ *мн.* نَكْرَاءُ 1) ярамас, хунук, жирканч, чиркин; 2) катта, улкан (*офат ҳақида*); نَكْبَةٌ نَكْرَاءُ катта бахтсизлик

– تَنْكَارٌ маъқулламаслик, танбеҳ бериш

– تَنَكُّرٌ 1) яшириниш; кийимни ўзгартириш, ниқобланиш; حَفْلَةُ الـ~ маскарад, маскараддагидек кийим кийиб ўтказиладиган тантана; قِنَاعُ الـ~ маскарадда кийиладиган ниқоб; لِبَاسُ الـ~ маскарад кийими; 2) *грам.* ноаниқлик, ноаниқ ҳолат (*отларда*)

– تَنَكُّرِيٌّ кийим алмаштиришга оид; ниқобли, ниқобланган; حَفْلَةٌ ~ة رَقْصٌ ~ ниқоб кийиб ўтказиладиган кеча, маскарад

– تَنْكِيرٌ 1) бекитиш, яшириш; 2) ниқоблаш, ниқоб тортиш, ниқоб кийиш; 3) *грам.* отни ноаниқ ҳолатга келтириш

– مُتَنَكِّرٌ 1) кийимни ўзгартирган; 2) ниқоб тортилган, ниқобли; 3) грим қилинган, гримли; ◊ ~ اِ ўзини билдирмаслик учун бошқа фамилия билан юрувчи шахс

– مُسْتَنْكَرٌ 1) маъқулланмаган, танбеҳ берилган; номувофиқ; 2) ярамас, хунук, жирканч; бемаъни

– مُسْتَنْكِرٌ маъқулламовчи, қораловчи

– مُنَكَّرٌ грам. ноаниқ ҳолатдаги

– مُنْكَرٌ 1) танбеҳ олишга лойиқ; номуносиб, тўғри келмайдиган; 2) ярамас, бемаъни, жирканч, гуноҳкор, айбли, нахс, иллатли, уятли; 3) инкор этиладиган; 4) дин. Мункар (ўлим фариштасининг номи); ~ وَ نَكِيرٌ Мункар ва Накир (қабрга қўйилган кишини сўроққа тутадиган икки фариштанинг исмлари)

– مُنْكَرَاتٌ кўп. бемаъни қилиқлар, адабсизлик, ахлоқсизлик, қабиҳлик, разолат

– مَنْكُورٌ 1) номаълум, ноаниқ; ~ غَيْرُ яшириб бўлмайдиган, очиқ-ойдин; 2) инкор этиладиган; ~ فَضْلٌ غَيْرُ инкор этиб бўлмайдиган фазилат

– نَاكِرٌ тан олмовчи, инкор қилувчи; ~ الْجَمِيلِ яхшиликни билмайдиган

– نُكْرٌ 1) инкор этиш, тан олмаслик; 2) нохушлик; 3) қулоқ эшитмаган бемаъниликר; الْعُرْفُ وَ الـ~ яхшилик ва ёмонлик

– نُكْرَانٌ инкор этиш; ... أَنْ ~ لَا... шуни инкор этиб бўлмайдики, ..., ... ни инкор қилиб бўлмайди; الْمَعْرُوفِ ~ ёки ~ الْجَمِيلِ яхшиликни билмаслик; الذَّاتِ ~ ўз манфаатидан кечиш, ўз жонидан кечиш, фидокорлик, жонбозлик; الذَّاتِ ~بـ жонбозлик билан

– نَكِرَةٌ 1) номаълум, ноаниқ; 2) кўп. ~اتٌ (~ـنـ 1) номаълум шахс; кўп сўзламай бажариладиган иккинчи даражали ролни ижро этувчи артистлар; 3) грам. ноаниқ ҳолатдаги от

– نَكِيرٌ 1) инкор қилинган; 2) номаълум; 3) танбеҳ остида қолган, ёмон; 4) инкор, инкор қилиш; тан олмаслик; شَدَّدَ عَلَيْهِ الـ~ кимнидир қаттиқ таъқиб қилмоқ; أَقَامَ عَلَيْهِ الـ~ кимнидир таъқиб қила бошламоқ; 5) Накир (фаришталардан бирининг номи; қар. مُنْكَرٌ)

نَكْرَزَ ҳазил қилмоқ, ҳазиллашмоқ

– تَنَكْرُزٌ = نَكْرَزَةٌ[2]؛ انْسِدَادِيٌّ ~ мед. инфаркт

– نَكْرَزَةٌ[1] 1) ҳазиллашиш, ҳазил қилиш; 2) ҳазил

– نَكْرَزَةٌ[2] мед. айрим тўқима ёки суякларнинг ўлик ҳолга келиши, некроз

I نَكَزَ (у) نَكْزٌ найзали нағал билан ҳайдамоқ, тезлатмоқ (мас, отни ниқтаганда), санчимоқ, найза суқмоқ; чақмоқ (илон ҳақида)

– نَكَّازٌ кўп. نَكَاكِيزُ қумда ёки чўлда яшайдиган бўғма илон

I نَكَسَ (у) نَكْسٌ 1) ағдармоқ, тўнтармоқ; 2) энгаштирмоқ, эгмоқ; الرَّأْسَ (رَأْسَهُ) ~ (мас. уятдан) бошини қуйи солмоқ; 3) касалликни қўзғатмоқ, қўзитмоқ; 4) نُكِسَ а) касали қайталанмоқ; б) оёғи билан (боши билан эмас) туғилмоқ (бола ҳақда); 5) (н. нидир) тескари тартиб билан бажармоқ; II نَكَّسَ 1) ағдармоқ, тўнтармоқ; 2) энгаштирмоқ, қуйи солмоқ; رَأْسَهُ ~ бошни қуйи солмоқ; الْعَلَمَ ~ байроқни энгаштириб қўймоқ; 3) (н. нингдир) тартибини ўзгартирмоқ; V تَنَكَّسَ 1) қуйи туширилмоқ; 2) насли бузилмоқ, нави (сорти) айнимоқ; VIII اِنْتَكَسَ 1) тўнтарилмоқ, ағдарилмоқ; бош билан тушмоқ; 2) касал қайтарилмоқ, янгидан касал бўлмоқ; 3) орқага юрмоқ; 4) насли бузилмоқ, нави (сорти) айнимоқ

– اِنْتِكَاسٌ 1) бирор нарсанинг такрорланиши; 2) наслнинг бузилиши, навнинг айниши; биол. бирор катталашган одам аъзосининг асл ҳолига қайтиши, инволюция

– اِنْتِكَاسَةٌ кўп. ~اتٌ бирор нарсанинг такрорланиш ҳодисаси

اِنْتِكَاسِيٌّ наслнинг, навнинг бузилишига оид

– تَنَكُّسٌ наслнинг бузилиши, дегенерация

– مُتَنَكِّسٌ 1) ағдарилган, тўнтарилган; 2) насли бузилган, айниган

– مِنْكَسٌ насли айниган, бузилган киши

– مَنْكُوسٌ 1) ағдарилган, тўнтарилган; ~اً орқа томон билан, нариги томондан; орқа билан; тескари томондан; 2) такрорий, қайталанган

– نَاكِسٌ 1) орқага қайтаётган; 2) қайталанган (касаллик ҳақида); الْحُمَّى الـ~ـة мед. кун оралатиб, кун ошиб тутадиган безгак; 3) қуйи солинган, осилтириб қўйилган; الرَّأْسِ ~ боши қуйи солинган (киши)

– نَكْسٌ ағдариш, тўнтариш; ◊ تَعْسًا لَهُ وَ ~اً! ҳад. йўқ бўлсин!

– نُكْسٌ касалликнинг қайталаниши

– نَكْسَةٌ кўп. نَكَسَاتٌ 1) ағдариш, тўнтариш; 2) қайталаниш, қўзиш, касалликнинг қайталаниши; 3) омадсизлик, мағлубият; مُنِيَ هَذَا الشَّعْبُ بِـ~ бу халқ мағлуб бўлди; كَانَ هَذَا ~ قَاسِيَةً бу ...га тушган қаттиқ зарба бўлди; 4) турғунлик, касодлик, орқага қайтиш, кейинга кетиш, инқироз, таназзул; تُعَانِي الْبِلَادُ ~ اقْتِصَادِيَّةً мамлакат иқтисодий турғунликни бошдан кечирмоқда

I نَكَشَ (и/у) نَكْشٌ 1) (сочни) тўзитмоқ, пахмайтирмоқ, хурпайтирмоқ; 2) (н. ларни) сочиб ташламоқ, титиб ташламоқ, титкилаб ташламоқ, қоқмоқ, силкитмоқ; 3) (бирор н. билан) тозаламоқ, тозалаб чиқмоқ (ب); أُذُنَهُ بِعُودٍ ~ қулоқни гугурт донаси билан тозаламоқ; VIII اِنْتَكَشَ (мас., қудуқни) тозаламоқ

– مِنْكَاشٌ кўп. مَنَاكِيشُ тозалаш қуроли; الْأَسْنَانِ ~ тиш тозалагич; النَّارِ ~ косов

– مَنْكُوشٌ пахмайган, хурпайган, бетартиб; الشَّعْرِ ~ сочи пахмоқ, пахмоқ сочли

I نَكَصَ (и) نَكْصٌ, نُكُوصٌ 1) (қаердандир) чекинмоқ (عَنْ); 2) тисланмоқ, тисарилмоқ, орқага юрмоқ, кетга кетмоқ (юрмоқ); ~ عَلَى عَقِبَيْهِ ёки عَلَى الْأَعْقَابِ орқага тисартирмоқ, сўзидан

қайтмоқ, фикридан қайтмоқ; II نَكَّصَ орқага қайтармоқ, тисарилмоқ; VIII اِنْتَكَصَ тисарилмоқ, тисланмоқ, чекинмоқ; ~ عَلَى عَقِبَيْهِ тисарилиб орқа оёқда турмоқ (*от ҳақида*)

– نُكُوصٌ 1) чекиниш; 2) орқага қайтиш, кетга кетиш

I نَكَفَ (у) نَكْفٌ 1) ушлаб қолмоқ, тўхтатиб турмоқ, тўхтатмоқ, бас қилмоқ; غَيْثٌ لاَ يُنْكَفُ тўхтамай ёғаётган ёмғир; 2) илтифотсизлик билан рад қилмоқ, қайтармоқ; (*н. дандир*) ўзини тортмоқ, четлашмоқ (مِنْ, عَنْ); 3) четланмоқ, ўзини четга олмоқ, ўзини тиймоқ; بَحْرٌ لاَ يُنْكَفُ тубсиз денгиз; جَيْشٌ لاَ يُنْكَفُ сон-саноқсиз қўшин; II نَاكَفَ 1) баҳслашмоқ, айтишмоқ, гап қайтармоқ, эътироз билдирмоқ, даъвони рад қилмоқ; 2) *шунингдек* ~ فِي الشِّرَاءِ нархда талашиб-тортишмоқ, савдолашмоқ (*олди-сотдида*); 2) безор қилмоқ, жонга тегмоқ; VI تَنَاكَفَ баҳслашмоқ; X اِسْتَنْكَفَ 1) ҳазар қилмоқ, жирканмоқ; уят ҳисобламоқ; 2) ўзини тортмоқ, четлашмоқ; (*н. нидир*) хушламай қўймоқ, яхши кўрмай қолмоқ (مِنْ); 3) кеккаймоқ, гердаймоқ

– اِسْتِنْكَافٌ 1) илтифотсизлик, эътиборсизлик; 2) кеккайиш, гердайиш

– مُنَاكَفَةٌ 1) гап қайтариш, айтишиш, ўзаро низо, жанжал; 2) савдолашиш, нархни талашиш

– نَكَفٌ = نُكَافٌ

– نُكَفٌ *мед.* қулоқости безларининг яллиғланиши, паротит

– نَكَفَةٌ *кўп.* نَكَفٌ *анат.* қулоқости безлари

– نَكَفِيٌّ қулоқ остига оид; الْغُدَّةُ الــ~ـــةُ қулоқости безлари

– نِكْفِيٌّ инжиқ одам, тирноқ остидан кир қидирадиган одам

I نَكَلَ (нкл) نَكَلَ[1] (у) نُكُولٌ *ёки* نَكِلَ (а) نَكَلٌ 1) (*қўрқиб ёки хавфсираб бирор н. дан*) воз кечмоқ, кечмоқ (عَنْ, مِنْ); ~ بِوَعْدِهِ ваъданинг устидан чиқмай қўймоқ; 2) (*к. нидир*) бошқаларга ибрат қилиб кўрсатмоқ (بِ); 3) қўрқоқ бўлмоқ, қўрқоқлик қилмоқ; نَكَلَ[2] (у) نُكْلَةٌ (*к. нидир*) ибрат бўлсин учун жазоламоқ (بِ); (*к. нидир*) жазоламоқ, (*к. гадир*) жазо бермоқ (بِ); II نَكَّلَ[1] (*к. нидир*) қаттиқ жазоламоқ, қийнамоқ, эзмоқ (بِ); نَكَّلَ[2] никелламоқ, никель юргизмоқ; IV أَنْكَلَ (*н. дандир*) қайтармоқ, тиймоқ (عَنْ)

– تَنْكِيلٌ[1] намуна сифатида жазо бериш, қаттиқ жазоламоқ; қийнаш, эзиш, қаттиқ азоб бериш; репрессия

– تَنْكِيلٌ[2] никеллаш, никель билан қоплаш; الــ~ الْكَهْرَبَائِيُّ электролиз йўли билан никеллаш

– تَنْكِيلِيٌّ жазога оид; репрессив

– نَكَالٌ намуна сифатида берилган жазо; أَذَاقَ الــ~ намуна сифатида жазоламоқ

– نِكْلٌ[1] *кўп.* أَنْكَالٌ 1) кишан, банд, занжир; 2) юган сувлиғи

– نِكْلٌ[2] никель

– نِكْلَةٌ икки миллим қийматга эга бўлган танга

– نِيكَلٌ никель

I نَكَهَ (а) نَكْهٌ 1) (*к. нингдир бурни олдида*) нафас чиқармоқ (عَلَى, لِــ); 2) ниманингдир ҳидини сезмоқ; نُكِهَ сассиққекирдак бўлмоқ, овқат ҳазм бўлмаганидан оғизда ҳид ўзгармоқ; X اِسْتَنْكَهَ 1) кимнингдир оғзини ҳидламоқ; 2) ичган-ичмаганлигини билиш учун оғзини ҳидлаб кўришни буюрмоқ

– نَكْهَةٌ 1) оғиздан келадиган ҳид; 2) ҳид, хушбўй ҳид; 3) ширин таъм

I نَكَى (и) نِكَايَةٌ 1) (*душманни*) тор-мор қилмоқ, мағлубиятга учратмоқ; 2) (*к. нидир*) қириб ташламоқ, қийратмоқ, нобуд қилмоқ; (*к. гадир*) қасдма-қасдга иш қилмоқ; VIII اِنْتَكَى ғижинмоқ, жаҳли чиқмоқ, қони қайнаб кетмоқ, чегарадан чиқмоқ

– أَنْكَى энг қаттиқ, энг оғир, энг ёмон; وَ الــ~ مِنْ ذَالِكَ бундан ҳам ёмони ...

– نَاكِيَةٌ *мн.* نَاكٍ қийнайдиган, оғир, вазмин, мусибатли

– نِكَايَةٌ қасос, ўч; ~ بِهِ *ёки* مِنْ بَابِ الــ~ بِهِ кимдандир қасос олиш учун; 2) ёмонлик, ёвузлик; кек сақлашлик, ўч олишлик; لِلــ~ *ёки* ~ (*к. гадир*) қасдма-қасд

I نَمَّ (а/и, у) نَمٌّ 1) бўҳтон қилмоқ (*к. нидир*) чақмоқ, чақиштирмоқ (عَلَى); 2) (*к. ларнингдир орасига*) низо (нифоқ) солмоқ (بَيْنَ); 3) (*н. гадир*) ишора қилмоқ, (*н. гадир*) шоҳид бўлмоқ, гувоҳ бўлмоқ (عَنْ, عَلَى)

– نَمَاةٌ 1) ҳаракат; 2) ҳаёт

– نَمٌّ 1) бўҳтон; 2) *кўп.* أَنْمَاءٌ, نَمُّونَ иғвогар, чақимчи

– نَمَّامٌ 1) иғвогар, чақимчи, ғийбатчи; 2) *бот.* жамбил; 3) *бот.* сув ялпизи

– نَمَّةٌ *кўп.* ـاتٌ иғвогар аёл, ғийбатчи аёл

– نَمَّةٌ 1) чумоли; 2) бит

– نُمِّيٌّ *жам.* мис тангалар, чақа тангалар

– نُمِّيَّةٌ *кўп.* نَمَامِيٌّ, ـاتٌ мис танга, чақа

– نَمِيمَةٌ *кўп.* نَمَائِمُ бўҳтон, иғво, ғийбат

– نَمُوذَجٌ, نُمُوذَجٌ *кўп.* نَمَاذِجُ, ـاتٌ 1) намуна, андаза, қолип; 2) макет, модель; نَمَاذِجُ الطَّائِرَاتِ тайёралар моделлари

– نَمُوذَجِيٌّ, نُمُوذَجِيٌّ намунали, ўрнак бўладиган, ибратли, кўрик учун ўтказилган

I نَمِرَ (а) نَمَرٌ 1) ғазабланмоқ, жаҳли чиқмоқ; 2) йўл-йўл; тарғил бўлмоқ; II نَمَّرَ[1] ғазабланмоқ, жаҳли чиқмоқ; نَمَّرَ[2] номерламоқ, номер қўймоқ, рақамламоқ; V تَنَمَّرَ[1] йўлбарс каби ҳаракат қилмоқ (*к. дандир*) жаҳли чиқмоқ (عَلَى); تَنَمَّرَ[2] номерланмоқ, номер қўйилмоқ, рақамланмоқ

– نُمْرٌ кўп. نَمْرَاءُ мн. أَنْمَرُ 1) йўл-йўл, тарғил; 2) хол-хол, олачипор

– تَنْمِيرٌ 1) номерлаш, номер қўйиш; 2) номерация

– مُنَمَّرٌ1 1) йўл-йўл, тарғил; 2) хол-хол, олачипор

– مُنَمَّرٌ2 номерланган, рақамланган

– نَمَّارَةٌ кўп. ـَاتٌ — билет ва ҳ. к. ларга номер урадиган машина

– نَمِرٌ саломатлик учун фойдали, тоза (*сув ҳақида*)

– نَمِرٌ, نِمْرٌ кўп. نُمُورٌ, أَنْمَارٌ 1) *шунингдек* الـ~ المُخَطَّطُ йўлбарс; 2) *шунингдек*, الـ~ الأَبْرَدُ *ёки* الـ~ الأَرْقَطُ қоплон; ~ الصَّيْدِ ов арслони; ~ أَمْرِيكَا йўлбарссимон йиртқич ҳайвон

– نَمِرَةٌ қадимда араблар кийган жундан тўқилган кийим

– نُمْرَةٌ кўп. نُمَرٌ 1) рақам, номер; الـ~ الرَّابِحَةُ ютуқ чиққан номер (*мас, лотереяда*); ~ وَاحِدْ *халқ.* биринчи нав, олдинги сорт; 2) номер (*мас, концертда*); ~ رَاقِصَةٌ рақс номери; 3) доғ, қашқа

– نُمَيْرٌ = نَمِرٌ

نُمْرُسِيٌّ кўп. نَمَارِسَةٌ идиш-товоқ билан савдо қилувчи

نُمْرُقٌ, نُمْرُقَةٌ кўп. نَمَارِقُ унча катта бўлмаган ёстиқ, болиш

I نَمَسَ (и) نَمْسٌ ҳеч кимга айтмаслик шарти билан гапирмоқ; نَمِسَ (а) نَمَسٌ: السَّمْنُ ~ ёғ айниди, бузилди; III نَامَسَ (*к. гадир*) сирни очмоқ, ошкор қилмоқ

– نَامُوسٌ *алиф. б. қар.*

– نِمْسٌ кўп. نُمُوسٌ *зоол* нимс (ихневмон) (*Шимолий Африка ва Олд Осиё минтақаларида тарқалган узун думли, каламушларга қирғин келтирувчи жонивор*); مِسْكِيٌّ ~ қора кузан

نِمْسَاوِيٌّ Австрияга оид; 2) австриялик

I نَمِشَ (а) نَمَشٌ сепкилли бўлмоқ, сепкилдор бўлмоқ; II نَمَّشَ 1) ясатмоқ, безатмоқ, безамоқ; 2) нуқталар билан расм чизмоқ

– أَنْمَشُ мн. نَمْشَاءُ кўп. نُمْشٌ сепкилли, сепқилдор

– نَمَشٌ *жам.* сепкиллар; الظُّفُرِ ~ тирноққа тушадиган оқ доғ; ~ الحِجَارَةِ الكَرِيمَةِ қимматбаҳо тошлар устидаги доғлар

– نَمِشٌ сепкилли, сепкилдор

نَمَطٌ кўп. أَنْمَاطٌ, نِمَاطٌ 1) услуб, иш услуби, усул; عَلَى ~ وَاحِدٍ бир мақомда, бир услубда; عَلَى هٰذَا الـ~ шундай қилиб; ~ العَمَلِ иш услуби; عَلَى ~ وَاسِعٍ кенг миқёсда; هُمْ أُنَاسٌ عَلَى ~ وَاحِدٍ уларнинг феъл-атворлари бир хил; 3) андоза, қолип, стандарт; الـ~ حَدِيثُ янги хилдаги, янги модадаги, янги тилдаги; عَتِيقُ الـ~ эски типдаги, эски модадаги; وَحَّدَ الـ~ бир қолипга солмоқ, бир андозада тайёрламоқ; 4) касби кори, манфаати умумий бўлган одамлар жамоаси

– ـيٌّ стандартдаги, бир қолипдаги, стандартга оид

– ـيَّةٌ бир андозадалилик, бир шаклда бўлишлик

– نَمِيطٌ пахта заараркунандаси

I نَمَقَ (у) نَمْقٌ ёзмоқ, битмоқ, чизмоқ; II نَمَّقَ 1) безатмоқ, безак бермоқ, безамоқ, бир оз зийнат бермоқ, гул солиб безамоқ, нақшламоқ; 2) чиройли ёзмоқ, чизмоқ

– تَنْمِيقٌ безаш, зийнат бериш, безатиш; بِلَا ~ муболағасиз, лоф-қоф қилмасдан

– مُنَمَّقٌ безатилган, зийнатланган, зийнатли, нақшинкор қилиб гул солинган; كَلَامٌ ~ бежама нутқ

– نَمِيقَةٌ кўп. نَمَائِقُ хат, чизув

نَمَكٌ маҳбусларга бериладиган овқат

– نِمَكِيٌّ эпчил, чаққон, қизиқувчан

I نَمِلَ (а) نَمَلٌ увишиб қолмоқ, қотиб қолмоқ, ухлаб қолмоқ (*тана аъзолари ҳақида*); ~َتْ رِجْلُهُ унинг оёғи увишиб қолди, унинг оёғи ухлаб қолди; II نَمَّلَ шишмоқ, солқимоқ, солқиб қолмоқ, жонсиз бўлиб қолмоқ, шол бўлиб қолмоқ (*тана аъзолари ҳақида*); V تَنَمَّلَ = II

– أُنْمُلَةٌ, أَنْمُلَةٌ кўп. أَنَامِلُ бармоқ учи; قِيدَ ~ озгина, жиндай, мошдай (*сўзма-сўз: бармоқ учича*); كَانَ بَيْنَهُ وَ بَيْنَ الْبُطُولَةِ قِيدَ ~ унинг чемпион бўлишига озгина қолди

– تَنْمِيلٌ увишиш, карахт бўлиш; жимирлаш

– مَنْمُولٌ чумолига тўла

– نَمَّالٌ игвогар, бўхтончи, чақимчи

– نَمَلٌ увишиш, карахт бўлиш; жимирлаш; الرِّجْلِ ~ оёқнинг жимирлаши

– نَمِلٌ 1) бадани увишган, бадани карахт бўлган, жимирлашган; 2) чумолига тўла; 3) серҳаракат, ҳаракатчан

– نَمْلٌ *жам.* чумолилар; الـ~ الأَبْيَضُ қир чумолилари; بَيْتُ الـ~ *ёки* قَرْيَةُ الـ~ *ёки* عُشُّ الـ~ чумолилар уяси; آكِلُ الـ~ чумолихўр

– نَمْلَةٌ кўп. نَمْلَاتٌ чумоли

– نَمْلِيٌّ чумолига оид; الحَامِضُ الـ~ чумоли кислотаси

– نَمْلِيَّةٌ кўп. ـَاتٌ, نَمَالِيُّ озиқ-овқат жавони

نَمْنَمَ 1) безамоқ, безатмоқ, бир оз безатмоқ; 2) қумнинг устида нақш ҳосил қилмоқ (*шамол ҳақида*)

– مُنَمْنَمٌ 1) нақш солинган, безатилган, безалган; 2) кичкина, майда; خَطٌّ ~ майда хат

– مُنَمْنَمَةٌ кўп. ـَاتٌ — жуда кичик ҳажмдаги нарса

– نُمْنُمٌ бит уруғи, сирка

– نِمْنِمٌ (*шамолда ҳосил бўлган*) қум устидаги нақш, чизиқлар

– نَمْنَمَةٌ кўп. ـَاتٌ — 1) безак, зийнат, нақш; 2) жуда кичик ҳажмдаги нарса

– نُمْنُمَةٌ бит уруғи, сирка

– نُمْنُمَةٌ *зоол.* 1) амиркон товуқ, амиркон хўроз; 2) қичитқи ўт босган ер

– نُمْنُمِيٌّ одамхўр, қонхўр, золим

I (نمو) نَمَا (*у*) نُمُوٌّ ўсмоқ, кўкармоқ, ўсиб чиқмоқ, унмоқ; ривожланмоқ; ◊ ~ الْخَبَرُ إِلَيْهِ у хабардор бўлди, унга хабар етиб келди; نَمَى (*и*) نَمَاءٌ 1) ўсмоқ, ривожланмоқ; 2) катталашмоқ, кўпаймоқ; ~ الْحَدِيثَ إِلَى زَيْدٍ суҳбатни Зайдга келтириб тақамоқ; ~ الرَّجُلَ إِلَى أَبِيهِ одамни отасига боғлиқ ҳисобламоқ; II نَمَّى 1) ўстирмоқ, етиштирмоқ; 2) (*к. гадир*) мансуб деб билмоқ, (*к. гадир*) тегишли деб ҳисобламоқ (إِلَى); IV أَنْمَى 1) ўстирмоқ, етиштирмоқ; 2) ривожлантирмоқ; 3) кўпайтирмоқ, кенгайтирмоқ, олдирмоқ (*пайванд ҳақида*); туттирмоқ (*пайванд ҳақида*); ~ الصَّيْدَ қўлга тушган овни яна ташлаб (қўйиб) юбормоқ; VI تَنَامَى мунтазам кўпаймоқ, кенгаймоқ; VIII اِنْتَمَى (*к. гадир*) ўзини мансуб деб билмоқ (إِلَى); (*н. гадир*) оид, тегишли бўлмоқ, қарашли бўлмоқ (إِلَى); (*н. нингдир*) таркибига кирмоқ (إِلَى); 2) ривожланмоқ, ўсмоқ; кўпаймоқ, кенгаймоқ

– اِنْتِمَاءٌ *кўп.* ـاتٌ 1) (*бирор н га*) мансублик; (*н. нингдир*) таркибига киришлик (إِلَى); 2) ривожланиш, ўсиш, кенгайиш

– اِنْتِمَائِيٌّ ривожланишга оид, ривожланаётган; ўсиб келаётган

– إِنْمَاءٌ 1) кўпайтириш, қўшиб кўпайтириш, ўстириш; 2) ривожлантириш; الْـ~ الْاِقْتِصَادِيُّ иқтисодий ривожлантириш

– إِنْمَائِيٌّ кўпайтиришга оид; ривожлантирувчи

– تَنْمِيَةٌ 1 ўстириш, етиштириш; 2) ривожлантириш, кенгайтириш

– نَامٍ *мн.* نَامِيَةٌ 1) ўсувчи, кўпаювчи; 2) кенгаювчи; 3) олдинга босувчи, тараққий этувчи, ривожланаётган; الْبِلَادُ النَّامِيَةُ ривожланаётган мамлакатлар

– نَامِيَاتٌ *мед.* бурун-томоқ зонасидаги лимфатик безлар, аденоидлар

– نَامِيَةٌ *кўп.* نَوَامٍ 1) ўсимлик; 2) ғурра, шиш, ортиқ, дўмбоқ; الْـ~ السَّرَطَانِيَّةُ *мед.* рак (саратон) шиши; 3) ўсиш қобилияти

– نَمَاءٌ 1) ўсиш, кўкариш; 2) ўсиш, тараққий қилиш

– نَمَاةٌ *кўп.* نَمًى 1) майда чумоли, қумурсқа; 2) бит уруғи, сирка

– نُمُوٌّ, نَمِيٌّ ўсиш, ривожланиш; مَتَاعِبُ الْـ~ ривожланишдаги қийинчиликлар

I نَهَبَ (*а, у*) نَهْبٌ 1) толон-торож қилмоқ, таламоқ; 2) елдек учирмоқ, елдек учириб олиб бормоқ; ~ نَهْبًا елдек учиб бормоқ, жуда тез бормоқ; ~ الْأَرْضَ نَهْبًا *ёки* ~ الْمَسَافَةَ نَهْبًا жуда тез босиб ўтмоқ; III نَاهَبَ = II; IV أَنْهَبَ талон-торож қилишга қўйиб бермоқ; VI تَنَاهَبَ 1) биргалашиб талон-торож қилмоқ; ёппасига таламоқ; 2) жуда тез босиб ўтмоқ (*масофани*); VIII اِنْتَهَبَ ўғирламоқ, таламоқ, босиб олмоқ, тортиб олмоқ, тортиб олиб қўймоқ; ~ الطَّرِيقَ *маж.* масофани тез босиб ўтмоқ (*автомашина ҳақида*)

– تَنَاهُبٌ ёппасига қилинган талон-торож

– مَنْهُوبٌ таланган, талон-торож этилган

– مَنْهُوبَاتٌ кўп талаб тортиб олган нарсалар

– نَهَّابٌ босқинчи; талон-торож қилувчи

– نَهْبٌ талаш, талон-торож қилиш; السَّلْبُ وَ الْـ~ талаш, талаб кетиш; سَلْبًا وَ ~ًا босқинчилик билан, талончилик билан; 2) *кўп.* نِهَابٌ босиб, талаб олинган нарса; كَانَ ~ًا مُقَسَّمًا *маж.* (*ташвишдан*) эсанкираб қолмоқ; كَانَ ~ًا لِلدَّهْشَةِ وَ الاِسْتِغْرَابِ *маж.* у жуда ҳайратда қолди, ҳайратдан у қотиб қолди; 3) отнинг сакраб чопиши

– نُهْبَةٌ 1) талон-торож; 2) ўлжа, талаб олинган нарса

– نُهْبَى ўлжа, ғанимат

– نَهِيبَةٌ ўлжа, талаб олиб қўйилган нарса

نُهْبُرَةٌ *кўп.* نَهَابِرُ чуқурлик; жар, тик жар

– نُهْبُرَةٌ = نَهَابِيرُ *кўп.* نُهْبُورٌ

I نَهَتَ (*а*) نَهِيتٌ, نُهَاتٌ бўкирмоқ, ўкирмоқ, ҳайқирмоқ, наъра тортмоқ

I (نهج) نَهَجَ (*а*) نَهْجٌ 1) (*йўл бўйлаб*) юрмоқ, (*н. нингдир*) изи бўйлаб бормоқ (عَلَى *ёки туш. к.*); 2) тушунтирмоқ, очиқ-сидин қилмоқ; ~ الطَّرِيقَ йўлни тушунтириб бермоқ, йўлга солмоқ (*тўғри маънода*); 3) (*йўлни, масалани*) равшанлаштирмоқ; نَهِجَ (*а*) نَهَجٌ ҳансирамоқ, зўрға нафас олмоқ, бўғилмоқ; II نَهَّجَ ҳарсиллашга олиб келмоқ, нафас сиқилишга олиб келмоқ; IV أَنْهَجَ 1) (*йўл*) танламоқ, (*йўлдан*) бормоқ; 2) чарчатмоқ, толиқтирмоқ, толдирмоқ; ҳансиратмоқ, нафасини қисиб қўймоқ; 3) (*н. нидир*) аниқ-равшан қилиб қўймоқ; VIII اِنْتَهَجَ (*йўлдан*) бормоқ, (*йўл бўйлаб*) бормоқ, йўл танламоқ, йўлга тушмоқ; ~ نَهْجَهُ (سَبِيلَهُ) кимнингдир йўлидан бормоқ; ◊ ~ سِيَاسَةً مُوْجَبَةً ижобий сиёсат олиб бормоқ; ~ سِيَاسَةً سَلْبِيَّةً салбий сиёсат олиб бормоқ; X اِسْتَنْهَجَ: ~ سَبِيلَهُ кимнингдир йўлидан бормоқ

– مِنْهَاجٌ *кўп.* مَنَاهِيجُ 1) йўл; 2)) (*мас. машғулотнинг*) режаси, плани, программаси

– مِنْهَاجِيٌّ режадаги, режа асосидаги, программавий; الْاِقْتِصَادُ الْـ~ планли хўжалик

– مَنْهَجٌ *кўп.* مَناهِجُ 1) йўл; 2) метод, услуб; مَنَاهِجُ التَّعْلِيمِ ўқитиш услублари; مَنَاهِجُ بَحْثٍ методология; 3) программа, режа, план; ~ تَدْرِيسِ اللُّغَةِ الْعَرَبِيَّةِ араб тили ўқитиш программаси

– نَاهِجٌ йўл, усул аниқ-равшан йўл

– نَهْجٌ кўп. نُهُوجٌ، أَنْهُجٌ، نَهْجٌ 1) қатнов йўли, қатналадиган кенг йўл; 2) кўча (*Тунисда*); 3) усул, услуб, метод; йўналиш, сиёсат; ~ عُدْوَانِيٌّ агрессив сиёсат; ~ لا غَالِبٌ وَ لا مَغْلُوبٌ енгувчи ҳам, енгилувчи ҳам бўлмайдиган мақсадни кўзловчи сиёсат

– نَهِيجٌ = نَهْجٌ

– نَهَجَانٌ нафас бўғилиши, нафас сиқилиши, ҳарсиллаш

– نَهِيجٌ оғир нафас олиш, ҳансираб нафас олиш, ҳансираш

نَهَدَ I (а) نُهُودٌ، نَهْدٌ 1) кўтарилмоқ, кўтарилиб кетмоқ; 2) думалоқ шаклга кирмоқ, дўппайиб қолмоқ (*қизларнинг кўкраги ҳақида*); 3) (*н. гадир*) интилмоқ, етишмоқ (إِلَى); III نَاهَدَ 1) баҳслашмоқ, гап айтишмоқ; 2) курашмоқ, жанг олиб бормоқ; V تَنَهَّدَ ҳансирамоқ, ҳансираб нафас олмоқ; VI تَنَاهَدَ 1) харажатни ўзаро тақсим қилиб олмоқ, ўртада пул тўплаб, ҳарифона (*бирор н.*) қилмоқ; 2) ўзаро баҳслашмоқ

– تَنَهُّدٌ оҳ тортиш, уҳ тортиш; оху афғон, оҳ-воҳ

– تَنَهُّدَةٌ хўрсиниш

– تَنْهِيدَةٌ кўп. ـَاتٌ хўрсиниш

– مُنَاهَدَةٌ 1) баҳс; 2) кураш, жанжал

– مِنْهَدَةٌ аёлларнинг сийнабанди, бюстгальтер

– نَاهِدٌ думалоқ, диркиллаган (*қизларнинг кўкраги ҳақида*); ◊ ~ غُلَامٌ ёш йигит

– نَاهِدَةٌ кўп. نَوَاهِدُ ёш қиз

– نَهْدٌ кўп. نُهُودٌ 1) (*қизларнинг*) кўкраги; 2) тепалик, қирлик, қир

– نِهْدٌ ҳарифона йиғилган нарсанинг бир улуши

– نَهْدَانُ тўла, тўлдирилган

– نَهِيدٌ 1) қаймоқ; 2) янги олинган ёғ; 3) хомашё

نَهَرَ I (а) نَهْرٌ 1) тирқираб оқмоқ, тизилиб оқмоқ, қуйилмоқ, ер устида оқиб, йўл қилиб олмоқ, йўл топиб олмоқ (*сув ҳақида*); ~ النَّهْرَ дарёни кавламоқ; 2) (*к. гадир*) бақирмоқ, бақириб ҳайдамоқ; IV أَنْهَرَ الدَّمَ ~ 1) қон оқизмоқ, қон тўкмоқ; 2) кундузи кирмоқ; VIII اِنْتَهَرَ 1) сўкмоқ, ҳақоратламоқ; 2) бақириб, ўдағайлаб тўхтатмоқ; X اِسْتَنْهَرَ 1) кенгаймоқ, катталашмоқ (*мас. кийимдаги йиртиқ ҳақида*); 2) = I 1).

– اِنْتِهَارٌ 1) сўкиниш; 2) ўдағайлаш, жеркиб бериш

– أَنْهَرُ энг ёруғ; ~ نَهَارٌ қар. نَهَارٌ

– نَهَارٌ кўп. نُهُرٌ кун, кундузги кун; ~ا кундузи; ~ا و لَيْلًا куну тун; ~ أَنْهَرُ очиқ, чарақлаб турган кун; لَيْلٌ و ~ кун ва тун; طُلُوعُ الـ~ тонг; ضَوْءُ الـ~ кундузги ёруғлик; مُنْتَصَفُ الـ~ пешин, туш, қиём, чошгоҳ; فِي رَابِعَةِ الـ~ қуппа-кундузи; ◊ شَبُّ الـ~ *бот.* чирмовиқ

– نَهَارِيٌّ кундузги

– نَهَرٌ 1) кенглик, мўл-кўллик; 2) дарё

نَهْرٌ 1 кўп. أَنْهُرٌ، أَنْهَارٌ، نُهُورٌ 1) дарё; الـ~ الجَلِيدِيُّ музтоғ, музхарсанг; ~ المَجَرَّةِ қар. ~ اللَّبَنِ؛ فَرَسُ الـ~ ёки ~ *астр.* Сомон йўли; ~ السَّلَامِ Дажла дарёси; ~ الشَّرِيعَةِ Иордан дарёси; مَا بَيْنَ النَّهْرَيْنِ Икки дарё оралиғи, Месопотамия; مَا وَرَاءَ النَّهْرِ ~ дарёнинг орқасидаги; Мовароуннаҳр, Трансокеания; 2) (*мас, газета*) устуни

– نَهْرٌ 2 бақириқ-чақириқ, ўдағайлаш, жеркиш

– نَهْرَةٌ ўдағайлаш, жеркиб бериш

– نَهْرِيٌّ дарёга оид; الْمَرْفَأُ الـ~ дарёнинг кемалар тўхтайдиган махсус жойи; النَّقْلُ الـ~ дарё транспорти; السَّمَكُ الـ~ дарё балиғи; النَّبَاتُ الـ~ сув ўти

– نَهِرٌ мўл-кўл, кўп сонли

– نُهَيْرٌ кўп. ـَاتٌ 1) кичик дарё; 2) ирмоқ

نَهَزَ I (а) نَهْزٌ туртмоқ, итармоқ, итариб юбормоқ; III نَاهَزَ 1) (*бирор н. га*) яқин келмоқ, яқинлашмоқ; етишмоқ, етмоқ, эришмоқ; ~ الأَرْبَعِينَ у қирк ёшга яқинлашиб қолди; ~ البُلُوغَ у балоғат ёшига яқинлашиб қолди; 2) (*фурсатдан*) фойдаланмоқ; VIII اِنْتَهَزَ фойдаланмоқ, фойдаланиб қолмоқ; ~ الفُرْصَةَ (السَّانِحَةَ) (*берилган*) фурсатдан фойдаланиб қолмоқ; фурсатини топмоқ, қулай фурсатни кутмоқ; ~ أَوَّلَ فُرْصَةٍ (*бирор н. қилиш учун*) биринчи қулай фурсатдан фойдаланмоқ

– اِنْتِهَازٌ 1) фойдаланиш, ишлатиш; ~ الفُرْصَةِ қулай фурсатдан фойдаланиш

– اِنْتِهَازِيٌّ 1) оппортунистик; 2) оппортунист

– اِنْتِهَازِيَّةٌ оппортунизм

– نَهَّازٌ ~ الفُرَصِ қулай пайтни топувчи; замонасоз, мунофиқлик билан шароитга мослашувчи

– نُهْزَةٌ кўп. نُهَزٌ қулай пайт, қулай момент

نَهَسَ I (а) نَهْسٌ = نَهَشَ (а) نَهْشٌ

نَهَشَ I (а) نَهْشٌ 1) тишламоқ, тишлаб узиб олмоқ; 2) чақмоқ (*мас. илон ҳақида*); 3) парчаламоқ, парча-бурда қилмоқ, тилка-пора қилмоқ; ◊ يَنْهَشُ الحِقْدُ صَدْرَهُ қаҳр-ғазаб унинг ичини кемирмоқда; يَنْهَشُهُ الغَيْظُ унинг ғазаби ошмоқда; ~ العِرْضَ бадном қилмоқ, обрўсини тўкмоқ

– نَهَّاشٌ чақувчи

نَهَضَ I (а) نُهُوضٌ 1) ўриндан турмоқ, уйғонмоқ; ~ وَاثِبًا сакраб ўриндан турмоқ; يَنْهَضُ سُؤَالٌ (*бирор н. ҳақидаги*) масала кўндаланг бўлиб турибди; 2) жонланмоқ, кучаймоқ, ривожланмоқ, яна ривожга кирмоқ; 3) (*н. нидир*) кўтариб бормоқ, ташимоқ (بِ); 4) (*н. нидир*) жонлантирмоқ, кучайтирмоқ (بِ); (*н. нидир*)

ривожлантирмоқ; 5) (*н. гадир*) тайёрланмоқ (لِـ); (*бирор н. га*) киришмоқ (فى); 6) кўтарилмоқ, учиб кетмоқ (*мас., тайёра ҳақида*); 7) (*к. гадир қарши*) исён кўтармоқ (عَلَى); III نَاهَضَ 1) қаршилик кўрсатмоқ, курашмоқ, жанг қилмоқ, 2) рақобатлашмоқ, мусобақалашмоқ; 3) (*қаергадир*) интилмоқ, жуда тез етиб бормоқ (إِلَى); IV أَنْهَضَ 1) турғизмоқ, ўриндан турғизмоқ; 2) уйғотмоқ; 3) (*бирор н. га*) ундамоқ, қўзғамоқ, истак туғдирмоқ (لِـ); 4) (*к. гадир*) душман қилиб қўймоқ, душманчилик туғдирмоқ (عَلَى); VIII انْتَهَضَ кўтарилмоқ, ўриндан турмоқ; X اسْتَنْهَضَ 1) туришга мажбур қилмоқ; турғизмоқ; уйғотмоқ; 2) ундамоқ, қўзғатмоқ, мажбурламоқ; 3) яна қайта ривожлантирмоқ, жонлантирмоқ, тикламоқ

– مُنَاهَضَةٌ қаршилик, қаршилик кўсатиш, қарши иш қилиш

– نَاهِضٌ 1) кўтарилувчи, қўзғолувчи, ривожланувчи; 2) қайта тикланувчи, олдинда борувчи; 3) фаол, актив, ҳаракатчан

– نَهْضٌ уйғониш, ўриндан туриш

– نَهْضَةٌ *кўп.* نَهَضَاتٌ 1) кўтарилиш, уйғониш; الـ~ الْوَطَنِيَّةُ миллий уйғониш; الـ~ الْعِلْمِيَّةُ илмий кўтарилиш; عَصْرُ الـ~ *тар.* уйғониш даври; 2) қобилият; 3) наҳда (*Мисрдаги пахта навларидан бири*)

– نُهُوضٌ 1) туриш, кўтарилиш, уйғониш; 2) қайта ривожланиш; 3) (*н. нидир*) кўтариш, тиклаш (بِـ)

نَهْفَةٌ жозиба, назокат

I (نهق) نَهَقَ (а) نَهِيقٌ ёки نَهَقَ (а) ҳанграмоқ

– نُهَاقٌ ҳанграш

– نَهَقٌ *кўп.* ёввойи хантал

– نُهَاقٌ = نَهَقٌ

– نَهْقَةٌ *кўп.* نَهَقَاتٌ (*эшакнинг*) ҳанграши

– نُهَاقٌ = نَهِيقٌ

I (نهك) نَهَكَ (а) نَهَاكَةٌ, نَهْكٌ 1) тинкасини қуритмоқ, ҳолдан тойдирмоқ, дармонсизлантирмоқ, ориқлатмоқ; 2) кийиб эскитмоқ,кийиб йиртмоқ; 3) نُهِكَ а) тинкаси қуримоқ, ҳолдан тоймоқ, дармонсизланмоқ; б) эскирмоқ, эскиб йиртилмоқ; ◊ ~ عِرْضَهُ кимнидир обрўсизлантирмоқ, обрўсини кетказмоқ; نَهِكَ (а) نَهْكٌ, نَهْكَةٌ 1) ҳолдан кетказмоқ, мадорини қуритмоқ (*касаллик ҳақида*); 2) қаттиқ жазоламоқ; IV أَنْهَكَ 1) тинкасини қуритмоқ, ҳолдан тойдирмоқ,дармонсизлантирмоқ, ориқлатмоқ; 2) қаттиқ жазоламоқ; VIII انْتَهَكَ 1) тинкасини қуритмоқ, ҳолдан тойдирмоқ, ориқлатмоқ; 2) (*мас., қонунга*) риоя қилмай қўймоқ, (*мас., қонунни*) бузмоқ; لاَ يُنْتَهَكُ дахлсиз; الْهُدْنَةَ ~ яраш аҳдига риоя қилмай қўймоқ; 3) зўрламоқ; обрўсини кетказмоқ; шарманда қилмоқ, ҳақоратламоқ, таҳқирламоқ; كَرَامَتَهُ ~ кимнидир беҳурмат қилмоқ, кимнингдир обрўсини кетказмоқ; حُرْمَةَ مَرْأَةٍ ~ аёлнинг номусига тажовуз қилмоқ, номусига тегмоқ; 4) *дин.* ҳаром қилмоқ, мурдор қилмоқ; беҳурмат қилмоқ, таҳқирламоқ

– انْتِهَاكٌ 1) тинкасини қуритиш, ҳолдан кетказиш; 2) (*мас., қонунга*) риоя қилмаслик; 3) зўрлик, зўравонлик; ~ حُرْمَةِ مَرْأَةٍ аёлнинг номусига тегиш, зўрлаш; 4) таҳқирлаш, сўкиш, ёмонлаш; 5) *дин.* ҳаром қилиш; ~ حُرْمَةِ [illegible] куфрлик, шаккоклик, мункирлик

– مُنْهِكٌ ҳолдан тойдирадиган, мадорсизлантирадиган

– مَنْهُوكٌ тинкаси қуриган, ҳолдан тойган, ориқлаб кетган; ~ الْقِوَى кучдан қолган

– انْتِهَاكٌ = نَهْكٌ

– نَهْكَةٌ 1) бўшашиш, ҳолдан тойиш, мадорсизланиш; заифлик, кучсизлик; 2) ориқлик

– نُهُوكٌ 1) бўшашиш, ҳолдан тойиш; ~ الْقِوَى дармонсизлик

I نَهِلَ (а) نَهَلَ (*биринчи марта*) ичмоқ, биринчи қултумни ичмоқ, чанқоқни қондирмоқ; ◊ (الْمَعْرِفَةَ) الْعُلُومَ ~ билим олмоқ, илм олмоқ

– مَنَاهِلُ *кўп.* саҳрода сайёҳларнинг қўниб ўтадиган жойи

– مَنْهَلٌ *кўп.* مَنَاهِلُ молларни суғорадиган ёки қушлар сув ичадиган жой; булоқ

– نَاهِلٌ 1) чанқоқ, ташна; 2) сувга тўйган, сувга қонган

– نَهْلَةٌ = نَهَلٌ

– نَهْلَةٌ биринчи қултум

نِهِلِسْتِيٌّ, نِهِلِسْتِيٌّ 1) нигилистик; 2) нигилист

– نِهِلِسْتِيَّةٌ, نِهِلِسْتِيَّةٌ нигилизм

I نَهِمَ (а) نَهَمٌ 1) очкўз бўлмоқ, (*н. дадир*) очкўзлик қилмоқ, баднафслик қилмоқ (فى); 2) (*н. нидир бажаришга*) рағбати ошмоқ (فى); نَهَمَ (а,и) نَهْمٌ, نَهْمَةٌ тез юриш учун бақириб олдинга ҳайдамоқ (*туяни, отни ва ҳ.к.*)

– مَنْهُومٌ 1) еб тўймас, очкўз, очофат; 2) (*бирор н. га*) қаттиқ қизиққан (بِـ); ~انِ لاَ يَشْبَعَانِ ~ بِالْمَالِ وَ ~ بِالْعِلْمِ *ҳад.* икки нарсага қизиққан киши тўймайди; молга қизиққан ва илмга қизиққан

– نَهَمٌ очкўзлик, баднафслик; بِـ~ очкўзлик билан, баднафслик билан

– مَنْهُومٌ = نَهِمٌ

– نَهْمَةٌ 1) орзу, ҳавас, армон; أَشْبَعَ ~ـهُ кимнингдир армонини ушатмоқ; 2) тўймаслик, очкўзлик

– نَهِمٌ = نَهِيمٌ

نَهْنَهَ (*н. нидир*) чекламоқ, тиймоқ, тийиб қўймоқ (مِنْ); 2) (*к. нидир ёки н. нидир*) ушлаб турмоқ, тўхтатмоқ (عَنْ); 3) (бақириб) ҳайдаб чиқармоқ, ҳайдамоқ; 4) чарчатмоқ, ҳолдан тойдирмоқ; тинкасини қуритмоқ; 5) ҳўнграмоқ, ҳўнграб йиғламоқ

– نَهْنَهَةٌ 1) (*н. нидир*) чеклаш, тийиш (مِنْ); 2) (*н. дандир*) ушлаб туриш, тўхтатиб қолиш (عَنْ); 3) қийнаш, ҳолдан тойдириш; 4) ҳўнграш, ҳўнграб йиғлаш

I (نهو) نَهَا (у) نَهْوٌ (*н. нидир*) ман қилмоқ, таъқиқламоқ,таъқиқлаб қўймоқ (عَنْ); نَهُوَ (у) نَهَاوَةٌ ақлли бўлмоқ, доно бўлмоқ, мулоҳазали бўлмоқ; نَهَى (а) نَهْيٌ 1) (*н. нидир*) ман қилмоқ, таъқиқламоқ (عَنْ); 2) тугатмоқ, ниҳоясига етказмоқ; 3) (*к. гадир, н. гадир*) етмоқ, етиб бормоқ (إِلَى); ~ إِلَيْهِ الْخَبَرُ أَنْ ... у билдики, ...; 4) (*бирор н. га*) олиб келмоқ (إِلَى); II نَهَّى (*к. гадир*) етказмоқ, етказиб бормоқ (إِلَى); ~ الْخَبَرَ маълум қилмоқ, билдирмоқ, хабар бермоқ; IV أَنْهَى 1) тугатмоқ; ~ مَدْرَسَةً мактабни тугатмоқ; ~ أَعْمَالَهُ ўз ишларини тугатмоқ; 2) (*н. нидир*) ниҳоясига етказмоқ; бажармоқ (بِ); бас қилмоқ, тўхтатмоқ; ~ الْحَرْبَ урушни тўхтатмоқ; ◊ ~ الْخَبَرَ إِلَى ... (*к. нидир*) хабардор қилмоқ, (*к. гадир*) хабар бермоқ; أُنْهِيَ إِلَيْهِ الْخَبَرُ أَنْ ... у билдики, ...; VI تَنَاهَى 1) охирига етмоқ, тугамоқ, максимум даражага чиқмоқ; 2) (*н. дадир*) ҳаддан ошмоқ (فِي); ~ فِي الْبُعْدِ жуда узоқ бўлмоқ; ~ الْمَاءُ сув тошмоқ (*дарёда, ҳовузда*); 3) (*к. гадир*) етказмоқ, хабар бермоқ (إِلَى); эшитилмоқ (*овоз ҳақида*); 4) (*н. дандир*) воз кечмоқ, (*н. нидир*) рад этмоқ (عَنْ); ~ إِلَى سَمْعِهِ أَنْ ... унинг қулоғига етиб бордики, ...; 5) (*бирор н. ни бажаришни*) ташламоқ, тўхтатмоқ, бас қилмоқ (عَنْ); تَنَاهَوْا عَنِ الْمُنْكَرِ ўзаро бир-бирига ниманидир ман қилмоқ; VIII اِنْتَهَى 1) тугамоқ, тамом бўлмоқ (*муддат ҳақида*); (*н. биландир*) тугамоқ, тамом бўлмоқ, охирига етмоқ (بِ); لَا يَنْتَهِي туганмас; 2) (*к. гадир*) қолмоқ, ўтмоқ (إِلَى - *мерос ҳақида*); 3) (*н. нидир*) тугатмоқ, тамом қилмоқ (مِنْ); 4) етиб келмоқ, етиб бормоқ; ~ إِلَيْهِ الْخَبَرُ бу хабар унга етиб борди, бу хабарни у билди

– اِنْتِهَاءٌ тугаш; ниҳоясига етиш; ◊ ~ الْأَجَلِ ўлим

– إِنْهَاءٌ тугатиш, охирига етказиш; тўхтатиш; ~ الْحَرْبِ урушни тугатиш

– تَنَاهٍ сўнгги чек, охирги чек; чегара

– مُتَنَاهٍ *мн.* مُتَنَاهِيَةٌ 1) ҳаддига етиб борувчи, энг чеккадаги; ~ فِي الصِّغَرِ зиғирдак, ғоят кичкина; مُتَنَاهِيَةٌ فِي الْجَمَالِ жуда гўзал, ғоят чиройли; ~ لَا *ёки* ~ غَيْرُ чеки йўқ, чексиз, беҳад; كَمِّيَّاتٌ غَيْرُ مُتَنَاهِيَةٍ *мат.* чексиз кичик миқдорлар; 2) энг юксак, ниҳоятда; بِدِقَّةٍ مُتَنَاهِيَةٍ ниҳоятда аниқлик билан

– مُنْتَهٍ *мн.* مُنْتَهِيَةٌ тугаётган (*муддат ҳақида*); ~ لَا чексиз, ниҳояси йўқ

– مُنْتَهًى 1) ниҳоя; 2) чек, ҳад, чегара; بِـ~ الدِّقَّةِ жуда-жуда аниқлик билан; بِـ~ الْوُضُوحِ жуда аниқ қилиб; بِـ~ الْقُوَّةِ жуда катта куч билан; إِنَّ هٰذَا لَـ~ الْجُرْأَةِ бу баҳодирликнинг энг юксаги; بَلَغَ مُنْتَهَاهُ ниманингдир энг юқори нуқтасига етмоқ, ниманингдир чегарасига етмоқ

– مَنْهِيٌّ *мн.* مَنْهِيَّةٌ тугатилган, тамомланган; ◊ ~ عَنْهُ ман қилинган, таъқиқланган

– نَاهٍ *мн.* نَاهِيَةٌ таъқиқловчи, ман қилувчи; ◊ نَاهِيكَ مِنْ ... а) сенинг учун шу кифояки, ...; б) ... уёқда турсин; в) мисол учун олайлик ...; г) қандай ажойиб!; هٰذَا الرَّجُلُ نَاهِيكَ مِنْ رَجُلٍ бу одам қандай ажойиб одам!; هٰذِهِ الْمَرْأَةُ نَاهِيكَ مِنْ مَرْأَةٍ! бу аёл қандай ажойиб аёл!

– نَاهِيَةٌ *кўп.* نَوَاهٍ бирор нарсани таъқиқловчи фармон, таъқиқлаш; амр, топшириқ; الْأَوَامِرُ وَ النَّوَاهِي фармонлар ва таъқиқлар

– نُهَاءٌ шиша; тоғ биллури

– نُهَاءٌ[1] ниҳоя, охир

– نُهَاءٌ[2] алебастр, гипс

– نِهَايَةٌ 1) ниҳоя; ~ لِكُلِّ شَيْءٍ ҳар бир нарсанинг ниҳояси бор; عُطْلَةُ ~ الْأُسْبُوعِ *кар.* خَطُّ الـ~ *ёки* عَلَامَةُ الـ~ *спорт.* финиш; الـ~ الْقُصْوَى ◊ *ёки* عُطْلَةٌ ~ عِلَاجٌ сўнгги восита; 2) чек, чегара; الـ~ الْعُظْمَى *ёки* الـ~ الْكُبْرَى максимум; الـ~ الصُّغْرَى минимум; إِلَى الـ~ ниҳоятда, жуда, ҳаддан зиёд; لَا ~ لَهُ бениҳоя, ниҳоясиз; فِي الـ~ охиригача; إِلَى مَا لَا ~ *ёки* إِلَى غَيْرِ ~ чексизликка қадар; ~ فِي الـ~ *ёки* فِي ~ الْأَمْرِ *ёки* فِي ~ الْمَطَافِ ниҳоят, ва ниҳоят; ~ الْمَطَافِ пировардида, оқибатда

– نِهَائِيٌّ 1) сўнгги, охирги; مَحَطَّةٌ ~ـَةٌ охирги бекат; 2) тамомила, узил-кесил; ~ إِنْذَارٌ *ёки* ~ بَلَاغٌ ультиматум; ~ حُكْمٌ охирги ҳукм; الْخَلَاصُ الـ~ مِنْ ... ...дан узил-кесил қутулиш; الدَّوْرُ الـ~ *ёки* الْمُبَارَاةُ الـ~ـَةُ финал мусобақаси, финал; ~ *ёки* بِصُورَةٍ ~ـَةٍ тамоман, узил-кесил; لَا ~ бениҳоя, ниҳоясиз

– نِهَائِيَّةٌ охиргилик, чегаралик; لَا ~ бениҳоялик, ниҳоясизлик, чексизлик

– نَهْوٌ 1) тугатиш; 2) (*н. нидир*) таъқиқлаш (عَنْ)

– نَهْيٌ таъқиқлаш, ман этиш; الْأَمْرُ وَ الـ~ буюриш ва ман этиш; ҳокимият

– نُهًى ақл, идрок, зеҳн; фаҳм, фаросат, мулоҳаза; ذُو ~ وَ عَقْلٍ мулоҳазали, ақлли, фаросатли

– نُهَاءٌ = نُهًى

– نُهْيَةٌ *кўп.* نُهًى ақл, фаҳм, идрок

– نَهِيٌّ ман қилувчи, таъқиқловчи; ман этилган

I نَاءَ (у) نَوْءٌ (نوأ) 1) азоб чекмоқ, қийналмоқ, толиқмоқ, чарчамоқ; оғир юкдан қадди букчаймоқ; ~ بِالْحِمْلِ а) юкнинг оғирлигидан букилмоқ; б) юк кўтарган ҳолда ўрнидан турмоқ; 2) (*к. нидир*) босмоқ, эзмоқ, юк остида қолдирмоқ (بِ); 3) узоқда бўлмоқ, узоқ бўлмоқ (*қар.* نَأَى); III نَاوَأَ 1) тўсқинлик қилмоқ, қаршилик қилмоқ; қаршилик кўрсатмоқ; курашмоқ, урушмоқ; 2) тортишмоқ олишмоқ;

3) (*к. гадир қарши*) душманлик компаниясини олиб бормоқ; IV أَنْأَى қийинлаштирмоқ, қийин қилмоқ, эзмоқ; VI تَنَاوَأَ бир-биридан узоқда бўлмоқ; тарқалашиб кетмоқ

– مُنَاوَأَةٌ 1) қаршилик, тўсқинлик, тўсқинлик қилиш; кураш; 2) тортишиш, олишиш; ◊ ~ الثَّوْرَةِ контрреволюция

– مُنَاوِئٌ 1) қаршилик қилувчи, тўсқинлик қилувчи; 2) қарама-қарши, тескари; رِيحٌ ~ـَةٌ қарши томондан эсадиган шамол; 3) рақобатчи, рақиб

– مِنْوَأَةٌ метеорограф (*ҳаво босими, ҳарорати ва намлигини ҳамда шамолнинг кучи ва йўналишини ўзи ўлчаб берадиган асбоб*)

– مِنْوَئِيٌّ метеорографик

– مُنَاوَأَةٌ = نَوَاءٌ

– نَوْءٌ[1] *кўп.* أَنْوَاءٌ бўрон, қаттиқ шамол; ёмғир; *кўп.* метеорологик шароитлар; ◊ طَائِرُ الـ~ *зоол.* бўрон қуши

– نَوْءٌ[2] *кўп.* نُوآنٌ, أَنْوَاءٌ ҳар тунда бир юлдузнинг ғарб томондан ботиб, шарқ томондан бошқасининг чиқиши (*бу юлдузлар 13 кунда алмашади ва бир йилда 28 ўринда ботади ва чиқади*)

I (نوب) نَابَ[1] (у) نَوْبٌ, نِيَابَةٌ бировнинг вазифасини бажармоқ, (*к. нингдир*) вакили бўлмоқ (عَنْ); (*к. нингдир*) номидан сўзга чиқмоқ (عَنْ); نَابَ[2] (у) نَوْبَةٌ 1) содир бўлмоқ, юз бермоқ (*бахтсизлик ҳақида*); 2) келмоқ, зиёрат қилмоқ; 3) (*к. гадир*) тўғри келмоқ (*улуш, ҳисса ҳақида*); II نَوَّبَ вакил қилмоқ, ваколат бермоқ; III نَاوَبَ (*к. биландир*) навбатлашмоқ, навбатма-навбат иш қилмоқ, (*н. нидир*) навбати билан бажармоқ; 2) навбатчи бўлмоқ; IV أَنَابَ вакил қилмоқ, (*к. нидир*) ўз ўрнига жўнатмоқ (عَنْ); 2) кечирим сўраб ёлбормоқ; إِلَى اللهِ ~ Оллоҳга тавба қилмоқ; 3) қайтмоқ, қайтиб келмоқ; VI تَنَاوَبَ навбат билан алмаштирмоқ, бир-бирини алмаштирмоқ, бир-бирининг ўрнига турмоқ, алмашинмоқ; ~ عَلَى الْعَمَلِ ёки الْعَمَلَ ~ ғалма-ғалдан ишламоқ, навбати билан ишламоқ; يَتَنَاوَبُونَ الْعَمَلَ улар ғалма-ғал ишламоқдалар; ~تْهُ الْأَمْرَاضُ уни ҳар хил касалликлар навбати билан ўраб олди; VIII انْتَابَ 1) бошга тушмоқ; ~ـهُ الْيَأْسُ у умидсизликка тушди; ~تْهَا أَفْكَارٌ كَثِيرَةٌ ҳар хил фикрлар унинг кўнглини ғаш қилди; 2) вақти-вақти билан қайталанмоқ (*касаллик, тутқаноқ ҳақида*); ~تْهُ آلَامُ الْمِعْدَةِ унинг қорни қайтадан оғриб қолди; 3) вақти-вақти билан келиб кетмоқ, зиёрат қилмоқ; X اسْتَنَابَ 1) 1) (*к. нидир*) ўзининг вакили қилиб жўнатмоқ; 2) (*к. нидир*) ўзининг муовини қилиб таъйинламоқ

– اسْتِنَابَةٌ ваколат, вакиллик ҳуқуқи

– إِنَابَةٌ вакил қилиш, ваколат бериш; делагат қилиб жўнатиш *ёки* таъйинлаш

– تَنَاوُبٌ 1) алмашиш, алмашиниш; 2) галма-галлик, навбатма-навбатлик; بالـ~ *ёки* عَلَى الـ~ галма-гал, навбат билан; سِبَاقُ الـ~ *қар.* سِبَاقٌ

– مُتَنَاوِبٌ алмашинувчи, алмашиниб турувчи; даврий; ўзгарувчан; تَيَّارٌ ~ *эл.* ўзгарувчан ток

– مَنَابٌ 1) ўрин алмашиниш, ўрин босиш; نَابَ ~ـهُ кимнингдир вазифасини вақтинча бажармоқ; 2) улуш, ҳисса

– مُنَاوِبٌ 1 навбатчилик қилувчи; صَيْدَلِيَّةٌ ~ـَةٌ навбатчи дорихона; طَبِيبٌ ~ навбатчи доктор; 2) навбатчи

– مُنَاوَبَةٌ 1) алмашиниш, ўрин алмашиш; بالْـ~ *ёки* ~ навбати билан, галма-галдан; 2) навбатчилик; 3) даврийлик; 4) доира бўйлаб айланиш, доира шаклида айланиш; زِرَاعِيَّةٌ ~ алмашлаб экиш

– مُنَوِّبٌ вакил қилувчи, ваколат берувчи

– مُنِيبٌ қайтувчи, қайтиб келувчи; إِلَى اللهِ ~ Оллоҳга тавба қилувчи

– نَائِبٌ[1] *кўп.* نُوَّابٌ 1) бирор вазифани вақтинча бажариб турувчи; 2) ноиб, ўринбосар; муовин, ёрдамчи; ~ الرَّئِيسِ раис ўринбосари; ~ الْمَلِكِ подшоҳ ўринбосари; ~ الْقُنْصُلِ консул ўринбосари; ~ الْقَاضِي судя муовини; ~ ضَابِطٍ унтер-офицер; ~ عَرِيفٍ кичик сержант; ~ الْفَاعِلِ *грам.* кесими мажҳул нисбатдаги феълдан ифодаланган гапнинг эгаси; 2) депутат, ноиб; مَجْلِسُ النُّوَّابِ депутатлар палатаси; ◊ ~ عَامٌّ генерал прокурор, бош прокурор; ~ عُمُومِيٌّ *ёки* ~ الْأَحْكَامِ прокурор; الْحُمَّى الـ~ـَةُ ҳар куни қайтариладиган безгак

– نَائِبٌ[2], نَايِبٌ *халқ.* улуш, ҳисса, бирор нарсанинг муайян миқдори

– نَائِبَةٌ *кўп.* نَوَائِبُ 1) тақдир бевафоликлари, фалокат, офат, ҳалокат; نَوَائِبُ الدَّهْرِ *ёки* نَوَائِبُ الْأَيَّامِ тақдир зарбалари, офат фалокат; 2) солиқ

– نَوْبٌ *кўп.* أَنْوَابٌ ҳодиса, воқеа

– نَوْبَةٌ *кўп.* نُوَبٌ, ـَاتٌ 1) навбат; بالـ~ навбати билан, галма-галдан; زِرَاعِيَّةٌ ~ алмашлаб экиш; جَاءَتْ ~ـُهُ унинг навбати келди; 2) навбатчилик; вахта; صَاحِبُ الـ~ навбатчи; قَامَ بِـ~ـهِ навбатчилик қилмоқ; 3) тутқаноқ, кучайиш, зўриқиш, хуруж, касалликнинг вақти-вақти билан тутиб қолиши; ~ الْحُمَّى безгакнинг хуруж қилиши; قَلْبِيَّةٌ ~ юрак хуружи; ~ جُنُونٍ жинниликнинг тутиб қолиши; 4) концерт номери; 5) карнай чалиш; карнайдан берилган сигнал; تَمَامٌ ~ *ҳарб.* ҳарбийларни тўплаш учун казармаларда бериладиган кечки сигнал; 6) қулай фурсат, қулай имконият; 7) ноғора овози, ноғора қоқиш

– نُوبَةٌ *кўп.* نُوَبٌ бахтсизлик, фалокат, офат

– نَوْبَتْجِيٌّ *кўп.* نَوْبَتْجِيَّةٌ навбатчи; навбатчига оид, қоровул

– نَوْبَتْجِيَّةٌ 1) навбатчилик; вахта; قَامَ بِـ~ـهِ навбатчилик қилмоқ, навбатчи бўлмоқ; 2) қўриқлаш, ҳимоя қилиш, қоровуллик хизмати

– نُوبِيٌّ 1) Нубияга оид, 2) нубиялик

– نِيَابَةٌ 1) (*к. нингдир*) вазифасини бажариб туриш (عَنْ); 2) (*к. нингдир*) вакили бўлиш (عَنْ); 3) депутат унвони; ◊ الـ~ العُمُومِيَّةُ прокуратура; الـ~ العَسْكَرِيَّةُ ҳарбий прокуратура; ~ أَمْنِ الدَّوْلَةِ العُلْيَا олий суд прокуратураси; بالـ~ عَنْ ... ниманингдир номидан, кимнингдир берган ваколати асосида; بالأَصَالَةِ عَنْ نَفْسِي وَ بالـ~ عَنْهُ أَرْجُو ... *қар.* أَصَالَةٌ; بالـ~ ... вазифасини бажара туриб; رَئِيسٌ بالـ~ раис вазифасини бажарувчи; ~ عَنْ ... (*к. нингдир*) ўрнига, бадалига, эвазига, бараварига

– نِيَابِيٌّ 1) *сиёс.* вакилликка оид; المَجْلِسُ الـ~ парламент; 2) парламентга оид; الانْتِخَابَاتُ الـ~ـةُ парламент сайловлари

I (نوت) نَاتَ (*у*) نَوْتٌ (*нимжонликдан*) каловланмоқ, гандираклармоқ

– نُوتٌ қайд, ёзув, ёзиб қўйиш; ~ المُحَاضَرَاتِ лекцияларни қайд этиш

– نُوتَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — 1) нота, меморандум; 2) *муз.* нота; وَضَعَ ~ أَخِيرَةً فِي المَعْزُوفَةِ а) мусиқий асарнинг охирги нотасини ёзмоқ; б) *кўч. м.* бирор масалада қатъий хулосага келмоқ; 3) ёзув дафтарчаси

– نُوتِيٌّ *кўп.* نُوتِيَّةٌ, نَوَاتِيُّ денгизчи, матрос; نَوَاتِيُّ السَّفِينَةِ кема экипажи, командаси

I (نوح) نَاحَ (*у*) نَوْحٌ, نُوَاحٌ, نِيَاحَةٌ 1) йиғламоқ, ўлганга йиғламоқ; ((ўлган одамга) уввос тортиб йиғламоқ, айтиб йиғламоқ (عَلَى); 2) ғув-ғувлашмоқ, ғувилламоқ; II نَوَّحَ ўлганга йиғламоқ; III نَاوَحَ 1) (*к. нингдир, н. нингдир*) рўпарасида турмоқ; 2) рўпарада турмоқ; V تَنَوَّحَ силкинмоқ, тебранмоқ, чайқалмоқ; VI تَنَاوَحَ 1) бир-бирига рўпарама-рўпара турмоқ; 2) бир-бирига қарши турмоқ, бир-бирига қаршилик қилмоқ; 3) кучли эсмоқ, қаттиқ эсмоқ (*шамол ҳақида*); ғалма-ғалдан ҳар томондан эсмоқ (*шамол ҳақида*)

– مَنَاحَةٌ ўлганга йиғлаш, йиғи

– نَائِحٌ йиғичи, гирянда (*азада ёлланиб йиғловчи киши*)

– نَائِحَةٌ *кўп.* نَوَائِحُ, ـَاتٌ, نَوْحٌ, أَنْوَاحٌ, نُوَّحٌ йиғичи аёл, гирянда аёл (*азада ёлланиб йиғловчи аёл*)

– نَائِحٌ = نَوَّاحٌ

– نَوَّاحَةٌ *кўп.* ـَاتٌ = نَائِحَةٌ

– نُوَاحٌ ўлганга йиғлаш

– نُوَاحٌ = نَوْحٌ

– نُوحٌ Нуҳ (*алайҳиссалом*); سَفِينَةُ ~ *ёки* فُلْكُ ~ Нуҳ алайҳиссаломнинг кемаси

– نَوْحَةٌ навҳа, дод-вой, фарёд, ўкириб йиғлаш, бақириқ

– نِيَاحٌ, نِيَاحَةٌ ўлганга йиғлаш, дод-вой, фарёд, ўкириб йиғлаш (*шунингдек, қар.* نيح)

(نوخ) II نَوَّخَ янги иқлимга мослаштирмоқ; IV أَنَاخَ 1) (*туяни*) чўкка туширмоқ, чўккалатмоқ; 2) (*қаердадир*) тўхтамоқ, яшамоқ, турғун бўлиб қолмоқ (ب); ◊ ~ عَلَيْهِ الدَّهْرُ ҳаёт унинг қаддини букиб қўйди; X اِسْتَنَاخَ чўкка тушмоқ, чўккаламоқ (*туя ҳақида*)

– مَنَاخٌ, مُنَاخٌ *кўп.* ـَاتٌ — 1) тўхтаб ўтиш жойи; лагерь; 2) иқлим, климат; الـ~ القَارِّيُّ континентал иқлим; الـ~ الدُّوَلِيُّ халқаро иқлим (вазият)

– مَنَاخَةٌ тўхтаб ўтиладиган жой

– مَنَاخِيٌّ, مُنَاخِيٌّ иқлимга оид; الظُّرُوفُ الـ~ـةُ المُلَائِمَةُ қулай иқлимий шарт-шароит

نُوخُذَا капитан (*кемадаги*)

نَوْخَذَةٌ *кўп.* نَوَاخِذَةٌ кема тортувчи

I (نود) نَادَ (*у*) نَوْدٌ, نُوَادٌ, نَوَدَانٌ эгилмоқ, букилмоқ; мудрамоқ, пинакка кетмоқ; V تَنَوَّدَ 1) тебранмоқ, силкинмоқ; 2) мудрамоқ; пинакка кетмоқ

I (نور) نَارَ (*у*) نَوْرٌ нур сочмоқ, ёритиб турмоқ, чақнамоқ, чарақлаб турмоқ; II نَوَّرَ 1) ёритиб турмоқ, ёритмоқ; чароғон қилмоқ, чироқлар билан безамоқ; 2) (*чироқни*) ёқмоқ; ~ المِصْبَاحَ чироқни ёқмоқ; 3) гулламоқ (*дарахтлар ҳақида*); III نَاوَرَ 1) маневр қилмоқ; 2) ҳийлагарлик қилмоқ, ҳийла-найранг ишлатмоқ; ~ وَ دَاوَرَ لِكَيْ ... (*и*) ш учун у роса ҳийла-найранг ишлатди; IV[1] أَنَارَ 1) ёритмоқ; 2) ~ العَقْلَ маърифат тарқатмоқ; ~ المَسْأَلَةَ масалани тушунтирмоқ; 2) нур чиқармоқ, ёритмоқ; IV[2] أَنْوَرَ топилмоқ, кашф этилмоқ, чиқмоқ, чиқиб қолмоқ; V تَنَوَّرَ 1) ёритилмоқ, ёруғ бўлмоқ; 2) маърифатли бўлмоқ; 3) бадандаги тукларни кетказиш учун дори ишлатмоқ; ~ النَّارَ узоқдан олов кўриб қолмоқ; VI تَنَاوَرَ маневр қилмоқ; X اِسْتَنَارَ (*бирор н. билан*) ёритилмоқ; 2) маърифатли бўлмоқ; билим олмоқ

– إِنَارَةٌ 1) ёритиш; 2) маърифатли қилиш

– تَنَاوُرٌ маневр қилиш

– تَنْوِيرٌ 1) ёритиш; 2) маърифатли қилиш; 3) гуллаш

– مُتَنَوِّرٌ маърифатли; الـ~ونَ зиёлилар

– مُسْتَنِيرٌ маърифатли, маълумотли, билимдон, маданиятли

– مَنَارٌ 1) ёруғлик манбаи турган жой; 2) *кўп.* مَنَاوِرُ, مَنَائِرُ маёқ

– مَنَارَةٌ *кўп.* مَنَاوِرُ, مَنَائِرُ 1) маёқ; ~ لَا سِلْكِيَّةٌ радиомаяк; رُسُومُ المَنَائِرِ маёқ солиғи; 2) (*маёқ ўрнатилган*) минора; 3) чироқ таглиги, чироқ ўрнатилган таглик

– مُنَاوَرَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — 1) маневр; *кўп. ҳарб.т.-й.* усталик билан ҳаракат қилиш, чаққонлик билан иш кўриш; وَابُورُ الـ~ маневр

паровози; عَامِلُ الـ~ поезд тузувчи; مُنَاوَرَاتٌ حَرْبِيَّةٌ ҳарбий маневрлар; 2) чаққон ҳаракат; ҳийла-найранг, найрангбозлик, махинация

– مَنْوَارٌ *кўп.* مَنَاوِيرُ 1) кўчага ўрнатиладиган фонар; 2) прожектор

– مَنْوَرٌ *кўп.* مَنَاوِرُ туйнук; ҳаво йўли, ҳаво тортадиган тешик, туйнук

– مُنَوَّرٌ ёритилган, ёритиб турилган; ёруғ; мунаввар; الْمَدِينَةُ الـ~ Мадинаи мунаввара

– مُنِيرٌ нур сочиб турувчи, ёритувчи; ёруғ, ярқироқ, ялтираб турган; ◊ ~ جِسْمٌ *астр.* осмон ёритқичи

– نَائِرَةٌ *кўп.* نَوَائِرُ нафрат, ёвузлик, ёмонлик; ~ الْحَرْبِ уруш олови

– نَارٌ *мн. кўп.* أَنْوُرٌ, نُورٌ, نِيرَانٌ 1) ўт, олов, аланга; بَابُ النَّارِ ўтхона эшиги; عِبَادَةُ الـ~ ўтга чўқиниш; شَرِيطُ النَّارِ ўтни илаштирадиган шнур; 2) ёнғин; 3) *ҳарб.* ўт очиш, отиш, отишма; ~ الْمَدَافِعِ тўпдан отилган ўқ, замбарақдан отилган ўқ; الـ~ الْيُونَانِيَّةُ юнон ўти (*селитра, олтингугурт, елим ва ёниши осон ёғлардан тайёрланиб, қадимда урушларда қўлланилган ёндирувчи аралашма*); إِطْلَاقُ الـ~ ўқ узиш, ўқ отиш; وَقْفُ إِطْلَاقِ الـ~ ўқ отишни тўхтатиш; أَطْلَقَ الـ~ عَلَى الْعُمْيَانِ *қар.* عُمْيَانٌ; الـ~ وَ لَا الْعَارُ *мқл.* шарманда бўлгандан ўлган яхши (*сўзма-сўз: шармандаликдан дўзах яхши*); ◊ الـ~ дўзах; أَهْلُ الـ~ дўзахийлар, дўзахга тушувчилар; جَبَلُ الـ~ вулқон; حَجَرُ الـ~ *мин.* олтингугурт ва темирдан иборат минерал; بَيْنَ ~يْنِ وَ بَيْنَ икки ўт орасида; الـ~! *ҳарб.* ўт оч; ўқ узилсин!; قَعَدَ عَلَى ~ чўғ устида ўтиргандек бўлмоқ; أَوْقَدَ ~ الْحَرْبِ уруш оловини ёқмоқ; لَعِبَ بِالـ~ ўт билан ўйнашмоқ

– نَارِيٌّ 1) оловли, оловга оид; 2) вулқонга оид; 3) ўқ отадиган; سِلَاحٌ ~ ўқ отадиган қурол; 4) ўтга чидамли; طُوبٌ ~ ўтга чидамли ғишт; ◊ أَلْعَابٌ ~ـةٌ *ёки* أَسْهُمٌ ~ـةٌ мушакбозлик, фейерверк; خِطَابٌ ~ алангали нутқ

– نُوَّارٌ *жам. кўп.* نَوَاوِيرُ гуллар; ~ اللَّيْلِ *бот.* намозшомгул

– نُوَّارَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — гул

– نُوَّارٌ *жам. кўп.* أَنْوَارٌ = نَوْرٌ

– نَوَرٌ *жам.* 1) лўлилар; 2) дайдилар, саёқлар

– نُورٌ *кўп.* أَنْوَارٌ нур; ~ الشَّمْسِ қуёш нури; ~ الْقَمَرِ ой нури; ~ كَهْرَبَائِيٌّ электр нури; سُرْعَةُ الـ~ ёруғлик тезлиги; أَلْقَى ~اً عَلَى ... ...ни ойдинлаштирмоқ, равшанлаштирмоқ; خَرَجَ إِلَى الـ~ босилиб чиқмоқ (*китоб ҳақида*); ◊ ~ الْعُيُونِ (*кўзнинг*) кўриши; عَلَيْكَ ~! офарин!; يَا ~ عَيْنِي азизим, кўзимнинг нури!; سَبْتُ الـ~ *дин.* (*христианларда*) байрам олдидаги шанба; الـ~ الْأَخْضَرُ яшил чироқ (*транспортнинг ҳаракати учун*)

– نُورَانِيٌّ нур сочиб турган, ёритиб турган; ярақлаб турган, порлаб турган, нуроний; الْآيَاتُ الـ~ـةُ Қуръони каримнинг порлаб турган оятлари (نُور *сўзи қўшилиб келган оятлари*)

– نُورَانِيَّةٌ нурланиш, ёруғлик сочиш; ярақлаш, ялтираш; шуъла, товланиш; ёруғлик

– نُوَارَةٌ = نُورَةٌ *кўп.* ـَاتٌ —

– نُورَةٌ 1) оҳак; 2) бадандаги тукларни тўкадиган дори

– نُورِيٌّ, نَوَرِيٌّ [1] 1) лўли; 2) дайди, саёқ

– نُورِيٌّ ёруғликка оид; سَنَةٌ ~ـةٌ *астр.* ёруғлик йили (*нурнинг бир йил ичида босиб ўтадиган йўли*); ~ (جِرْمٌ) جِسْمٌ *астр.* осмон ёритгичи

– نَيِّرٌ 1) нур сочувчи; ёруғ, товланувчи, порловчи; عَقْلٌ ~ ажойиб ақл; 2) шаффоф; 3) маърифатли; 4) *кўп.* ـَاتٌ — ёритгич; الـ~َانِ *ик. с.* Қуёш ва Ой; الـ~ الْأَعْظَمُ Қуёш

نَوْرَجٌ *кўп.* نَوَارِجُ навраж (*ғаллани янчиш қуроли*)

نَوْرَسٌ, نُورَسٌ денгиз (оқ чорлоғи) чайкаси (*балиқчи қуш*)

نُورَسْتِنِيَا *мед.* чарчаш ва озиш натижасида пайдо бўладиган асабий касаллик, неврастения

– نَوْرُوزٌ наврўз (*шарқ мамлакатларида янги йил бошланадиган кун*); عِيدُ الـ~ янги йил байрами

I (نوس) نَاسَ (у) نَوْسٌ, نَوَسَانٌ осилмоқ, осилиб турмоқ, чайқалиб, силкиниб турмоқ, тебраниб турмоқ; IV أَنَاسَ тебратмоқ, чайқатмоқ, силкитмоқ; V تَنَوَّسَ = I

– نَاسٌ *ёки* أُنَاسٌ (*аниқ ҳолатда фақат* النَّاسُ; *қар.* إِنْسَانٌ) одамлар; كَلَامُ الـ~ одамлар нутқи; كُنْ مِثْلَ الـ~! одамга ўхшагин!; ◊ ابْنُ الـ~ яхши оилада тарбия кўрган бола

– نَاسُوتٌ *кўп.* نَوَاسِيتُ *алиф. б. қар.*

– نَاسُوتِيَّةٌ *алиф. б. қар.*

– نَاوُوسٌ *алиф. б. қар.*

– نَوَّاسٌ осилиб турган кокил

– نَوَّاسٌ силкиниб турган, чайқалиб турган, тебраниб турган

نَوْسَرَ оқмоқ, оқиб тешик ҳосил қилмоқ (*яра ҳақида*)

– نَاسُورٌ *кўп.* نَوَاسِيرُ жароҳатнинг кўзи, оқма яра (*сол.* بَاسُورٌ)

I (نوش) نَاشَ (у) نَوْشٌ 1) ушламоқ, ушлаб олмоқ; 2) қамраб олмоқ, ўраб олмоқ (*ҳиссиёт ҳақида*); безовта қилмоқ, ножам қилмоқ; III نَاوَشَ 1) тўқнашмоқ, олишмоқ, урушмоқ; VI تَنَاوَشَ 1) душман билан тўқнашмоқ, жангни бошламоқ; 2) олмоқ, ушламоқ, қўлга киритмоқ; VIII انْتَاشَ 1) олмоқ, қабул қилмоқ; 2) олиб чиқмоқ, судраб

чиқармоқ; ~ـهُ مِنَ الْهَلَاكِ кимнидир ҳалокатдан қутқармоқ

– مُنَاوَشَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — тўқнашиш, олишув, тўқиниш, жанг

– مُنَاوِشِيٌّ қизғиш-гунафша рангли

– نَوْشَةٌ، نُوْشَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — ичак терлама касаллиги

نُشَادِرٌ = نُوشَادِرٌ

I (نوص) نَاصَ (у) نَوْصٌ 1) (*н. дандир*) ўзини олиб қочмоқ, (*н. дандир*) бош тортмоқ; бўйин товламоқ (عَنْ); 2) пасаймоқ, хиралашмоқ (*мас, лампанинг ёруғи*); VIII انْتَاصَ пасаймоқ, хиралашмоқ (*мас, лампанинг ёруғи*); (*н. дандир*) кечикмоқ

– مَنِيصٌ، مَنَاصٌ 1) бош тортиш, бўйин товлаш; 2) қочиб борадиган жой, бошпана; لَا ~ مِنْهُ муқаррар, қочиб қутилиб бўлмайдиган; لَمْ يَجِدْ ~ًا مِنْ у ...дан қочиб қутилмайди

– نَوَّاصَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — тунда ёқиб қўйиладиган кичик чироқ

– نَوْصٌ *зоол.* ёввойи эшак

I (نوط) نَاطَ (у) نَوْطٌ 1) осиб қўймоқ, илиб қўймоқ; 2) (*н. нид ир*) ишониб топширмоқ (بِ); نِيطَ بِهِ бирор нарсага оид бўлмоқ; نِيطَ عَلَيْهِ унга ишониб топширилган эди; II نَوَّطَ 1) осиб қўймоқ, илиб қўймоқ; 2) (*бирор н. га*) тобе қилиб қўймоқ, (*бирор н. билан*) боғлиқ қилиб қўймоқ (بِ); 3) (*н. нидир*) топширмоқ, буюрмоқ, вазифа қилиб топширмоқ (بِ); IV أَنَاطَ = II

– تَنَوُّطٌ *жам. зоол.* тўқимачи (*қуш*)

– مَنَاطٌ 1) илиб ёки осиб қўйиладиган жой; 2) умид қилинган ёки севиладиган нарса; ~ُ الْآمَالِ орзу қилинган нарса; ~ُ الْفَزَعِ хавф-хатар манбаи; هُوَ بَعِيدٌ مِنِّي ~َ الثُّرَيَّا *маж.* у мендан жуда-жуда узоқда; عُدَّ ~َ الْآمَالِ ундан умидлар жуда катта

– مَنُوطٌ (*бирор н. га*) тобе, (*н. билан дир*) боғлиқ (بِ)

– نَوْطٌ *кўп.* أَنْوَاطٌ 1) осиш, тортиш; 2) медальон; 3) алоҳида ютуқ белгиси (*шунингдек:* ~ُ الِامْتِيَازِ ёки ~ُ الْجَدَارَةِ); медаль, орден; ~ُ الْوَاجِبِ الْعَسْكَرِيِّ "Ҳарбий соҳадаги ютуқлари учун" медали (*Миср Араб Республикаси*); 4) брелок (*калитлар ҳалқаси*)

– نُوطَاتٌ *кўп.* ёзма ҳабар ёки маълумот, ёзув-чизув

– نِيَاطٌ *анат.* сотомир, аорта; ~ الْقَلْبِ بِـ *маж.* ич-ичидан, юрак-юрагидан

(نوع) II نَوَّعَ 1) турли шаклга солмоқ, кўринишини ўзгартирмоқ; 2) сараламоқ, хилламоқ; туркумламоқ, туркумларга ажратмоқ; V تَنَوَّعَ 1) турли-туман бўлмоқ, ҳар хил бўлмоқ; 2) турли навларда бўлмоқ; 3) ўз шаклини ўзгартирмоқ

– تَنَوُّعٌ ҳар хиллилик, ҳар хил навда бўлишлик

– تَنْوِيعَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — *шахм.* вариант

– مُتَنَوِّعٌ ҳар хил, турли шаклдаги

– مُنَوَّعٌ ҳар хил, турли хил

– مُنَوَّعَاتٌ *кўп.* турли-туман хабарлар (*газета рубрикаси*)

– نَوْعٌ *кўп.* أَنْوَاعٌ 1) нав, турли навлар; сорт; категория; عَلَى اخْتِلَافِ أَنْوَاعِهِمْ ҳар хил навдаги; 2) сифат; ◊ الـ~ الْإِنْسَانِيُّ инсон насли; ~ًا مَا маълум даражада; ... مِنْ ~ ...га ўхшаш бирон нарса; بِـ~ خَاصٍّ хусусан

– نَوْعِيٌّ 1) турга оид; 2) сифатга оид; ~ًّا сифат нуқтаи назаридан; ◊ ~ ثِقَلٌ *физ.* солиштирма оғирлик

– نَوْعِيَّةٌ 1) сифат; 2) ҳар хиллилик, ҳар хил навда бўлишлик; 3) усул, восита

– نَوْعِيَّاتٌ *кўп.* хилма-хилликлар

– نُوَيْعٌ *кўп.* ـَاتٌ — кенжа тур

I (نوف) نَافَ (у) نَوْفٌ 1) юқори бўлмоқ, баланд бўлмоқ; 2) (*н. дандир*) орттириб юбормоқ, ошмоқ (عَلَى); II نَيَّفَ (*н. дандир*) ошиб кетмоқ, аъло бўлмоқ (عَلَى); IV أَنَافَ (*н. нингдир устида*) юксак бўлиб турмоқ (عَلَى); 2) (*н. дандир*) устун бўлмоқ, ошиб кетмоқ (عَلَى)

– نِيَافَةٌ = إِنَافَةٌ

– مُنِيفٌ баланд, юқори

– نَافٌ *кўп.* ـَاتٌ — бўйинтуруқ

– نِيَافٌ баланд, юқори; қомати келишган, ҳушбичим

– نِيَافَةٌ ҳазрат (*олий даражадаги дин пешволарига мурожаат қилинганда ишлатилади*)

– نَيِّفٌ ортиқча, ошиқча; عَشَرَةٌ وَ ~ ўндан ортиқ; مَا يَـ~ عَلَى ... ...дан ортиқ

نَوْفَرٌ *бот.* = نِيلُوفَرٌ

نَوْفَرَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — фонтан, фаввора

نُوفَمْبِرُ ноябрь

(نوق) V^1 تَنَوَّقَ (*н. дадир*) назокат, нафосат изҳор қилмоқ; ораста бўлмоқ; V^2 تَنَوَّقَ = تَنَيَّقَ; X اِسْتَنْوَقَ урғочи туяга ўхшаб қолмоқ, урғочи туя каби бўлмоқ; *маж.* илгариги куч-қудратдан қолмоқ; ~ الْجَمَلُ *маж.* у илгариги шон-шавкатини ва мол-дунёсини қўлдан бой берди; قَدْ يَسْتَأْسِدُ وَ يَتَنَمَّرُ جَبَانٌ يُوَاجِهُ النَّاسَ الْمُسَالِمِينَ وَ لَكِنَّهُ يَسْتَنْعِجُ وَ يَسْتَنْوِقُ أَمَامَ الْأَقْوِيَاءِ юввош одамлар орасида у ўзини шер ва йўлбарсдек тутади, бақувват одамлар олдида эса қўйга ёки урғочи туяга айланади

– نَاقَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — نُوقٌ، نِيَاقٌ، أَنْوُقٌ، أَوْنُقٌ، أَيْنُقٌ урғочи туя; لَيْسَ لَهُمْ فِي الْأَمْرِ جَمَلٌ وَ لَا ~ *қар.* جَمَلٌ; ~ُ الْبَحْرِ *зоол.* дюгонь (*ҳайвон*)

– نَيِّقٌ 1) нафис, нозик, кўркам, ораста, зебо; 2) аниқ, равшан, очиқ, тушунарли

I (نول) نَالَ (у) نَوْلٌ (*к. га дир н. нид ир*) бермоқ, ато этмоқ, ҳадя қилмоқ (ب، عَلَى *ёки туш. к.*); II نَوَّلَ бермоқ узатмоқ, узатиб юбормоқ; III نَاوَلَ 1) топширмоқ, бермоқ; 2) *спорт.* узатмоқ, қўлдан-қўлга бермоқ; IV أَنَالَ бермоқ, тақдим қилмоқ; VI تَنَاوَلَ 1) ўз ичига олмоқ, қамраб олмоқ, тўхтаб олмоқ (*бирор масала ҳақида*), алоқадор бўлмоқ; بِالنَّقْدِ ~ танқидга дучор қилмоқ, танқид қилдирмоқ; 2) олмоқ, қабул қилмоқ; 3) емоқ, овқатланмоқ; طَعَامَهُ ~ овқат емоқ; الْغَدَاءَ ~ тушлик қилмоқ; 5) (*дори-дармон*) қабул қилмоқ; 6) (*чой, қаҳвани*) ичмоқ

– مُتَنَاوَلٌ етишиш даражасидаги; هٰذَا فِي ~ يَدِنَا бу қўлимиз остида турибди; سَهْلُ الْـ~ етишиш осон бўлган ◊ فَوْقَ ~ الظُّنُونِ وَالشُّبُهَاتِ ҳар қандай шак-шубҳадан ташқари

– مُنَاوِلٌ кучни ғилдирак ва тасмалар орқали иш машиналарига узатувчи вал

– مُنَاوَلَةٌ 1) топшириш, тақдим қилиш; 2) *спорт.* узатиш, қўлма-қўл қилиш

– مِنْوَالٌ *кўп.* مَنَاوِيلُ 1) тарз, тариқа, сифат; عَلَى ~ـهِ нимадир каби, нимагадир ўхшаш; عَلَى هٰذَا الْـ~ шу тариқа, шу йўл билан; عَلَى ~ وَاحِدٍ бир усулда, бир хил йўл билан; نَسَجَ عَلَى ~ـهِ *маж.* кимгадир тақлид қилмоқ; هُمْ عَلَى ~ وَاحِدٍ улар мутлақо бир хилдир; 2) тўқув дастгоҳи, тўқув дўкони; ◊ ~ـكَ أَلاَّ تَفْعَلَ هٰكَذَا! сен бундай қилмаслигинг керак!

– مِنْوَالٌ *кўп.* مَنَاوِلُ тўқув дастгоҳи, тўқув дўкони

– نَوَالٌ 1) ато, ҳадя, хайр-эҳсон, инъом; 2) олиш, қабул қилиш, эга бўлиш, эришиш, топиш, ютуқ, ютуққа эришиш; ◊ ~ـكَ أَنْ ... сен ...(и)шинг керак

– نَوْلٌ *кўп.* أَنْوَالٌ = مِنْوَلٌ; مَا ~ـكَ (وَ لاَ ~ـكَ) أَنْ تَفْعَلَ كَذَا сен бундай қилишинг керак эмас

نَوْلُونٌ юк ташиш ҳақи, кира пули

I (نوم) نَامَ (а) نَوْمٌ 1) ухламоқ, ухлаш учун ётмоқ, уйқуга кетмоқ, тинч ётмоқ; نِمْتَ وَ أَدْلَجَ النَّاسُ сен ухлаб қолдинг; 2) тинчимоқ, тўхтамоқ (*денгиз, шамол ҳақида*); очмоқ (*олов ҳақида*); сусаймоқ, юришмай қилмоқ (*савдо ҳақида*); 3) донг қолмоқ, эсанкираб қолмоқ, қотиб қолмоқ; 4) (*н. нидир*) кўрмай қолмоқ, (*н. гадир*) эътибор бермай қўймоқ, (*бирор н. га нисбатан*) бепарво бўлмоқ (عَنْ); 5) (*к. гадир*) итоат қилмоқ, бўйсунмоқ (إِلَى); 6) (*к. гадир*) ишонмоқ, суянмоқ, орқа қилмоқ, умид боғламоқ (إِلَى); ◊ ~ عَلَى مِلْءِ أَكَالِيلِ النَّصْرِ эришилган ғалаба билан хотиржам бўлмоқ; ~ عَلَى أُذُنَيْهِ *кар.* أُذُنِ حَفْنَيْهِ жуда қаттиқ ухламоқ, қотиб ухламоқ; II نَوَّمَ 1) ётқизмоқ, ухлатмоқ; ухлатиб қўймоқ; ~ بِالْكْلُورُوفُرْمِ хлороформ ёрдамида ухлатмоқ (*беҳуш қилмоқ*); 2) гипноз қилмоқ; IV أَنَامَ 1) ухлатмоқ; 2) ухлатиб қўймоқ; V تَنَوَّمَ уйқуда эҳтилом бўлмоқ, уйқуда булғаланиб қолмоқ; VI تَنَاوَمَ 1) ўзини ухлаганга солмоқ, ўзини ухлаган қилиб кўрсатмоқ; 2) (*бирор н. га*) ишонмоқ, орқа қилмоқ, умид боғламоқ (إِلَى); X[1] اِسْتَنَامَ 1) (*к. гадир*) ишонмоқ, орқа қилмоқ, умид боғламоқ (إِلَى); ~ إِلَى الصُّدْفَةِ тасодифга умид боғламоқ; 2) (*бирор н. га*) қаттиқ берилмоқ, кунт билан киришмоқ (إِلَى); ~ إِلَى اللَّعِبِ ўйинга берилиб кетмоқ; ~ إِلَى الْحَدِيثِ суҳбатга берилиб кетмоқ 3) (*бирор н. га*) кўнмоқ тан бермоқ (لِـ); 4) ухлаб қолмоқ, эътиборсизлик қилмоқ; X[2] اِسْتَنْوَمَ уйқуда эҳтилом бўлмоқ, уйқуда булғаланиб қолмоқ

– إِنَامَةٌ 1) ухлашга ётқизиш; 2) ухлатиш; ~ يَقْظَةٌ ғафлатда қолдириш

– تَنْوِيمٌ 1) ухлашга ётқизиш; 2) ухлатиш; ◊ ~ مَغْنَطِيسِيٌّ гипноз

– مَنَامٌ *кўп.* ـاتٌ 1) уйқу; 2) туш кўриш; 3) ухлаш хонаси, хобгоҳ; мактаблар хузуридаги ётоқхона

– مَنَامَةٌ 1) тунги куйлак, пижама; 2) ичида ухлайдиган қоп

– مُنَوِّمٌ ухлатувчи, уйқуга ётқизувчи, уйқу келтирадиган; دَوَاءٌ ~ уйқу дори; الْحُبُوبُ الْـ~ـةُ уйқу ҳапдориси

– مُنَوِّمَاتٌ ухлатадиган воситалар

– مُنَوِّمَةٌ ухлатадиган нарса

– مُنِيمٌ *кўп.* مَنَائِمُ *тех.* таглик, бирор нарсанинг остига қўядиган таглик; бирор нарсанинг устига қўйиладиган устлик

– نَائِمٌ *кўп.* نُوَّامٌ, نِيَامٌ 1) ухловчи, ухлаётган, уйқудаги; 2) карахт бўлган, қотиб қолган; لَيْلٌ ~ ҳамма ухлаб ётган тун

– نَؤُومٌ 1) уйқули; 2) уйқучи одам

– نُوَامٌ 1) ўта уйқучилик, жуда кўп ухлашлик; 2) уйқу касали; узоқ ухлаб қолишлик касали, летаргия

– نَوَّامٌ уйқучи одам

– نَوْمٌ уйқу; أَهْلُ الْكَهْفِ ~ *маж.* қаттиқ уйқу, узоқ уйқу (*қар.* كَهْفٌ); قِلَّةُ الْـ~ уйқусизлик, бедорлик, камуйқулик; قَمِيصُ الْـ~ тунда кийиладиган кийим; غُرْفَةُ الْـ~ ухлаш хонаси, хобгоҳ, хобхона; مَرَضُ الْـ~ енгил уйқу касали; мудроқлик, уйқучилик; ◊ ~ مَغْنَطِيسِيٌّ гипноз; أَبُو الْـ~ *бот.* кўкнор

– نَوْمَانُ: يَا ~! ҳой, уйқучи одам!, эй, серуйқу одам!

– نَوْمَةٌ *кўп.* ـاتٌ 1) қисқа муддатли уйқу; 2) уйқу характери; نَامَ ~ أَهْلِ الْكَهْفِ *маж.* жуда қаттиқ ухламоқ (*қар.* كَهْفٌ)

– نُوَمَةٌ уйқучи одам

– نَوْمِيٌّ уйқуга оид, уйқули; الْيَقْظَةُ الْـ~ـةُ *мед.* уйқуда юриш, уйқуда беихтиёр турли ишлар қилиш

– مَنَامَةٌ = نِيمٌ

(نون) II نَوَّنَ *грам.* танвин ҳаракатини қўймоқ

– تَنْوِينٌ *грам.* танвин ҳаракати

– نُونٌ *кўп.* أَنْوَانٌ, نِينَانٌ 1) катта балиқ; 2) кит; 3) *кўп.* نُونَاتٌ, أَنْوَانٌ нун (ن) ҳарфи; ◊ ذُو الْـ~ Зуннун

– نُونَةٌ юздаги кулдиргич

– نُونِيٌّ нун (ن) ҳарфига ўхшаш, нун (ن) каби

نُونُو миёвламоқ

– نُونُو гўдак, чақалоқ

– نُونُوَةٌ миёвлаш

نَوْدٌ (у) نَادَ I (نود) кўтарилмоқ, бош кўтармоқ; النَّبَاتُ ~ ўсимлик бош кўтарди; II نَوَّدَ (1 (бирор н. га) ишора қилмоқ (ب); (н. нидир) эсламоқ, эслаб ўтмоқ, кўрсатиб ўтмоқ, эслатиб ўтмоқ (ب); 2) (бирор н. га) имо-ишора қилмоқ, шама қилмоқ (ب); 3) (к. ни дир)) мақтамоқ, мадҳ қилмоқ (ب)

– تَنْوِيهٌ 1) эслатиб ўтиш, кўрсатиб ўтиш; имо-ишора, шама; 2) мақташ, мақтов, мадҳ

– مُنَوَّدٌ (бирор к. томонидан) кўрсатиб ўтилган, эслатиб ўтилган (ب); عَنْهُ ~ ◊ шама, имо-ишорага сабаб бўлган нарса

I نَوَى (и) نِيَّةٌ 1) ният қилмоқ, бел боғламоқ; (бирор н. га) қасд қилмоқ, қаттиқ уринмоқ; 2) узоқлашмоқ; (н. дандир) узоқда бўлмоқ, узоқ бўлмоқ (عَنْ); II نَوَّى 1) ядро ташкил этмоқ; 2) миёвламоқ; III نَاوَى душманлик қилмоқ, душман бўлмоқ; VIII اِنْتَوَى ният қилмоқ, қарор қилмоқ

– اِنْتِوَاءٌ ният, ният қилиш, маҳкам бел боғлаш, кескин қарор бериш

– نَوَاةٌ[1] кўп. نَوًى 1) данак, (меванинг) уруғи; ядро; ذَرِّيَّةٌ ~ физ. атом ядроси; تَحْطِيمُ ~ الذَّرَّةِ атом ядросини парчалаш; 2) тех. ўзак, ўқ

– نَوَاةٌ[2] набот (5 дирҳамга тенг оғирлик ўлчови)

– نُوَايَةٌ кўп. اتٌ — (меванинг) данаги, уруғи

– نَوَوِيٌّ ядрога оид; الْفِزْيَاءُ الـ~ ядро физикаси; الْمُفَاعِلُ الـ~ ядро реактори; التَّفَاعُلاَتُ الـ~ـةُ ядро реакциялари; الاِنْدِمَاجُ الـ~ ядро синтези; الأَبْحَاثُ الـ~ـةُ ядровий тадқиқотлар; غِشَاءٌ الـ~ ядро қобиғи; جِبْلَةٌ ~ـةٌ ядро плазмаси; الطَّاقَةُ الـ~ـةُ ядро энергияси; الْقُوَى الـ~ـةُ ядро таркибидаги кучлар; السِّلاَحُ الـ~ ядро қуроли; الرُّؤُوسُ الـ~ـةُ ядровий каллаклар

– نَوًى 1) олислик, узоқлик, йироқлик; 2) (саёҳатдан кўзланган) ният, мақсад

– نُوَيَّةٌ кўп. اتٌ — ядроча

– نِيَّةٌ кўп. نَوَايَا، ـاتٌ ният, мақсад, фикр; حُسْنُ الـ~ эзгу ният, беғаразлик; عَنْ حُسْنِ الـ~ эзгу ният билан, яхши мақсад йўлида; سُوءُ الـ~ ғаразгўйлик, ёмонлик; عَقَدَ الـ~ عَلَى ... ...ни ният қилмоқ; صَحَّتِ الـ~ عَلَى ... ...(и)ш яхши нияти бор эди; بَيَّتَ الـ~ عَلَى فِعْلِ شَيْءٍ ◊ سَلاَمَةُ ниманидир қилишни ният этмоқ; الـ~ соддалик, оддийлик, табиийлик; عَلَى نِيَّاتِهِ а) содда, оқ кўнгил, ишонувчан; رَجُلٌ عَلَى نِيَّاتِهِ оқ кўнгил одам; б) тажрибасиз, гўр

I (نيأ) نَاءَ (и) نَيْءٌ хом бўлмоқ; II نَيَّأَ 1) хом қўймоқ, хомлигича қолдирмоқ; 2) (ишни) чала (охирига етказмай) ташлаб қўймоқ

– نِيءٌ، نِيٌّ 1) пишмаган, хом, пишиб етилмаган; 2) охирига етказилмаган, чала, охиригача ишланмаган

I (نيب) نَابَ (у) نَيْبٌ қозиқ тишига зарар етказмоқ; II نَيَّبَ тишламоқ, тиши билан илиб олмоқ

– نَابٌ кўп. أَنْيَابٌ، نُيُوبٌ қозиқ тиш; الْجَمَلِ ~ ◊ бот. бўтакўз; كَشَّرَ عَنْ أَنْيَابِهِ тишларини иржайтирмоқ, тиржайтирмоқ; أَزْرَقُ الـ~ـهِ у ёмон одам, у нияти бузуқ одам; قَارَعَ بِالظُّفْرِ وَ الـ~ бор кучи билан олишмоқ, урушмоқ

نِبْتُونُ астр. Нептун

نَتْرَاتٌ = نِتْرَاتٌ

نِيتْرُوجِينُ киме. азот

نِيتْرُونٌ кўп. اتٌ — нейтрон

نِيتْرِيكٌ азотли, азотга оид; حَمْضُ ~ азот кислотаси

(نيح) II نَيَّحَ ўлим бермоқ, ўлдирмоқ (Оллоҳ ҳақида); V تَنَيَّحَ вафот этмоқ, ўлмоқ

– مُتَنَيِّحٌ ўлган, вафот этган

– تَنَيُّحٌ ўлим, вафот этиш; (христианларда) ўлим (шунингдек, қар. النوح)

نِيرٌ кўп. أَنْيَارٌ зулм, истибдод; تَخَلَّصَ مِنْ ~ الاِسْتِعْمَارِ وَ الاِسْتِغْلاَلِ империализм ва эксплуатация зулмидан қутулмоқ

نِيرَةٌ милк, тиш милки

نَوْرُوزٌ = نَيْرُوزٌ

نَيْزَكٌ кўп. نَيَازِكُ 1) найза; 2) астр. учар юлдуз; метеор

– نَيْزَكِيٌّ метеорга оид

نَيْسَانُ найсон, апрель; كِذْبَةُ ~ биринчи апрель ҳазили

نَشَانٌ = نِيشَانٌ кўп. نَيَاشِينُ

نِيصٌ зоол. жайра

نِيطٌ қар. نوط

نِيفٌ қар. نوف

نَيْفَقٌ السِّرْوَالِ ~ шалвор ёки иштоннинг кенг қисми

– نِيفَةٌ қовурма гўшт

نِيقٌ қар. نوق

(نيق) V تَنَيَّقَ (шунингдек, қар. تَنَوَّقَ) (н. дадир) синчков бўлмоқ (فِي); табъи нозик бўлмоқ, диди нозик бўлмоқ (فِي)

I (نيك) نَاكَ (и) نَيْكٌ жинсий алоқа қилмоқ

– مَنْيُوكَةٌ кўп. اتٌ — бузуқ аёл, ғар, фоҳиша

نِيكَل никель

– مُنَكَّل никелланган

نِيكُوتِين никотин

I نَالَ (نيل) (а) نَيْل 1) олмоқ, қабул қилмоқ, эга бўлмоқ, касб этмоқ; эришмоқ, етишмоқ; (ўйинда) ютмоқ, ғолиб бўлмоқ, қўли баланд келмоқ; ~ بُغْيَتَهُ ниятига етмоқ, орзу қилган нарсасига етишмоқ; ~ حُظْوَةً (к. нингдир) марҳаматига сазовор бўлмоқ (لَدَيْه); ~ جَائِزَةً мукофот олмоқ; ~ حَقَّهُ ўз ҳуқуқини қўлга киритмоқ; ~ حُرِّيَّتَهُ озодликка эришмоқ; ~ دَرَجَةَ الدُّكْتُورَاه доктор даражасини олмоқ; ~ رِضَاهُ кимнингдир илтифотига сазовор бўлмоқ; ~ عَطْفَهُ (к.нингдир) меҳрига сазовор бўлмоқ; ~ نَجَاحًا فِى ... (н. дадир) ютуққа эришмоқ; 2) бошига тушмоқ (мас., бахтсизлик); ~ ـــهُ الْفَقْرُ وَ الْجُوعُ унинг бошига қашшоқлик ва очлик тушди; ~ ـــهُ التَّغَيُّرُ у ўзгариб кетди; 3) (к. гадир) тегишли бўлмоқ; 4) (н. нидир) озайтирмоқ, камайтирмоқ (مِنْ); 5) (к. нидир) хафа қилмоқ, ранжитмоқ, сўкмоқ, ҳақоратламоқ (مِنْ); (к. гадир) ёмонлик қилмоқ, зарар келтирмоқ (туш. к ёки مِنْ); ~ مِنْ عِرْضِهِ кимнидир бадном қилмоқ, қораламоқ; ~ ـــهُ بِسُوءٍ кимгадир зарар келтирмоқ, ёмонлик қилмоқ; 6) (бирор н. га) кўз олайтирмоқ, тажовуз қилмоқ; ◊ ~ مِنْ نَفْسِي هَذَا الْحَدِيثُ бу суҳбат менда таассурот қолдирди; ~ مِنْهُ الشَّيْبُ унинг соч-соқоли оқарди; II نَيَّلَ 1) Нил бўёғи билан бўямоқ; 2) (ерни) Нил дарёси суви билан суғормоқ; IV أَنَالَ 1) бермоқ, тақдим қилмоқ; 2) бировнинг қўлини баланд қилмоқ, бировнинг ютишига имкон яратмоқ; V تَنَيَّلَ Нил бўёғи билан бўянмоқ

– تَنْيِيلٌ (ерни) Нил дарёси суви билан суғориш

– مَنَالٌ олиш, қўлга киритиш, етиштириш; ~ عَسِيرُ ёки صَعْبُ الْـــ етишиш қийин бўлган, қўлга киритиш мушкул бўлган (н.); ~ سَهْلُ الْـــ етишиш осон бўлган, қўлга киритиш осон бўлган (н.); ~ قَرِيبُ الْـــ эришиладиган, эришилиши осон бўлган; ~ بَعِيدُ الْـــ етишиб бўлмайдиган, етиб бўлмайдиган

– مِنْيَلٌ Нил дарёси сувини ўлчайдиган асбоб

– نَائِلٌ 1) олувчи, қабул қилувчи, қабул қилиб олувчи; 2) совға, ҳадя; 3) ютуқ, фойда; ~ لَمْ يَظْفَرْ بِـــ у ҳеч бир фойда олмади

– نَيْلٌ 1) олиш, қабул қилиш, қабул қилиб олиш; етишиш, эришиш; 2) имтиёз, фойда; 3) ғалаба, муваффақият

– نِيلٌ Нил бўёғи

– نِيلٌ ёки نَهْرُ الـــ~ Нил дарёси; ◊ بَنُو الـــ~ мисрликлар; عَرُوسُ الـــ~ қар. عَرَائِسُ

– نِيلَةٌ Нил бўёғи; زَهْرَةُ الـــ~ очкўк бўёқ, синька

– نِيلِيٌّ[1] кўк, мовий

– نِيلِيٌّ[2] 1) Нил дарёсига оид; ~ سَمَكٌ Нил балиғи; 2) Нил дарёсининг тошишига оид; ◊ ~ ذُرَةُ الـــ бот. дурра (жўхорининг бир нави)

نِيلَج 1) тери остига нақш (татуировка) чизиладиган бўёқ; 2) Нил бўёғи

نِيلُوفَر бот. нилуфар

نَيْلُون нейлон; ~ جَوَارِبُ الـــ нейлон пайпоқ

نِيم қар. نوم

نِيمْبِرِشْت халқ. чала пиширилган (тухум)

نِينَة она

نِيَّة қар. نوى

نِيُوبِيُم кимё. ниобий

نِيُوتْرُون физ. нейтрон

نِيُون неон; ~ أَضْوَاءُ الـــ неон нурлари; ~ أَنَابِيبُ الـــ неон найчалари (рекламалардаги)

– نِيُونِيٌّ неонга оид; ~ الأَضْوَاءُ الـــة неон нурлари

ه

ه (هَاءٌ) ҳо (араб алифбосининг йигирма олтинчи ҳарфи; абжадда - 5)

ـهـ қисқ. (سَنَةٌ) هِجْرِيَّةٌ дан ҳижрий (йил)

ـــهُ ... III- шахс бирикма олмоши; унинг (мз.); كِتَابُهُ унинг китоби; 2) кишилик олмоши, III- шахс, туш.к. қўшимчаси; أَخَذْنَاهُ биз уни олдик

ـهَا ... унинг (мн); уни (мн), уларни (жонсиз предметлар ҳақида); كِتَابُهَا унинг (мн.) китоби; أَخَذْنَاهَا уни (мн.) олдик; биз уларни (мас. китобларни) олдик.

هَا мана; هَا هُوَ мана у; هَا أَنَا ذَا мана мен; هَا أَنَا قَائِمٌ وَ мана мен ҳам; هَا هُنَا мана бу ерда; وَ هَاكَ مِثْلاً آخَرَ мана сенга бошқа бир мисол; إِذَا شِئْتَ دَلِيلاً فَهَاكَهُ агар далил хоҳласанг, мана у

هَذَا (هَا+ذَا) бу (мз.)

هَذِهِ бу (мн.)

هٰؤُلَاءِ булар

هٰكَذَا хуллас, шундай қилиб

هَابِيلُ *Қур., ат. от, мз.* Ҳобил; *библ.* Авель

هَاتِ *мн.* هَاتِي бер!; هَاتُوا *мн.* هَاتِينَ беринглар!

هَاتُور 1) Ҳотир (*Қадимги мисрликлар* илоҳаси) 2) Ҳотир (*қибт тақвимининг учинчи ойи*)

هَاجَرُ *қур., ат. от. мн.* Ҳожар, *библ.* Агарь

هَارْمُونِي гармония, ҳар томонлама мутаносиблик, мослик

هَارُونُ *ат. от. мз.* Ҳорун, ~ أَبُو булбул

هَالٌ *бот.* ҳил, кардамон (*занжабилгуллилар оиласига мансуб ўтсимон доривор ўсимлик*), حَبُّ الـــ ~ حَبٌّ *қар.*

هَالُوكٌ *бот.* Шумғия, шумгиёҳ

هَالِيُومٌ *кимё.* гелий

هَامُوشٌ *жам.* майда чивинлар

هَامُوشَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — майда чивин

هَانِمٌ *кўп.* هَوَانِمُ хоним, аёл

هَاوُسَا الــ~ ҳовус тили

هَاوُونٌ *кўп.* هَوَاوِينُ *қар.* هون

هَأْهَأَ ҳоҳоламоқ, қаттиқ кулмоқ

— هَأْهَأَةٌ ҳоҳолаш, қаттиқ кулиш

هَبْ *қар.* وهب

I (هب) هَبَّ[1] (*а/и*) هَبِيبٌ, هُبُوبٌ 1) қутурмоқ, эсмоқ (*шамол ҳақида*) 2) чиқмоқ (*ёнгин, уруш ва б.лар ҳақида*) ~ـتِ النَّارُ ёнгин чиқди. ~ـتِ الْعَاصِفَةُ бўрон бошланиб кетди 3) уйғонмоқ, уйқудан турмоқ, ~ مِنْ نَوْمِهِ уйқудан турмоқ, уйқудан уйғонмоқ. هَبَّ[2] (*а/и*) هَبٌّ 1) (*к. дир қарши*) кўтарилмоқ (فِي) (*к. гадир*) хужум қилмоқ, ташланмоқ ~ فِيهِ الْكَلْبُ (فِي) унга ит ташланди. ~ وَاقِفًا ирғиб туриб кетмоқ. ~ فِي وَجْهِهِ الْمُعَارِضُونَ унга оппозициячилар қарши чиқдилар; 2) (*бирор н. га*) киришмоқ, (*бирор н. ни*) бошламоқ (إِلَى); ~ يَكْتُبُ у ёза бошлади, ёзишга киришди; 3) тез юрмоқ. (*қаергадир*) шошмоқ (إِلَى); كُلُّ مَنْ ~ وَدَبَّ *маж.* ҳар бир одам, ким бўлса ҳам, исталган бир одам. هَلْ هٰذَا مُبَاحٌ لِكُلِّ مَنْ ~ وَدَبَّ؟ ҳар бир дуч келган одам бу ишни қилаверадими? ~ لِلْحَرْبِ қўлга қурол олмоқ. فِي الْحَرْبِ ~ енгилмоқ, мағлуб бўлмоқ II هَبَّبَ 1) суғурмоқ, олмоқ, олиб ташламоқ, узмоқ, йиртмоқ 2) шошиб қилмоқ, қўл учида қилмоқ. 3) қурум (куя) суртмоқ, қора қилиб қўймоқ, қора қилмоқ. IV أَهَبَّ уйғотмоқ V تَهَبَّبَ 1) йиртилиб - титилиб кетмоқ; эскирмоқ (*кўйлак ҳақида*); 2) қурум (куя) суртилган бўлмоқ

— مَهَبٌّ, مَهَبَّةٌ *кўп.* مَهَابُّ шамолли томон, шамол уриб турган жой؟ مِنْ أَيِّ مَهَبَّةٍ جَاءَتِ الْعَاصِفَةُ бўрон қайси тарафдан келди?

— مُهَبَّبٌ қурум (куя) билан қопланган. ~ نَهَارٌ қора (бадбахт) кун

— هُبَابٌ жуда майда чанг

— هِبَابٌ қурум, куя. ~ الْمِصْبَاحِ чироқ куруми. ~ الرَّجُلِ эркаклар жинсий аъзоси, олати; ~ الْمَرْأَةِ аёллар жинсий аъзоси

— هَبَّةٌ *кўп.* ـَاتٌ — шамол шиддати, енгил шамол эсиши

— هِبَةٌ *қар.* وهب

— هِبَّةٌ эркак ҳайвоннинг мастлиги, кўзининг қонга тўлиши

— هَبُوبٌ қум ва чанг тўзитадиған кучли шамол; чанг-тўзонли бўрон

— هُبُوبٌ шамолнинг увиллаши, чийиллаши

— هَبُوبٌ = هَبُوبَةٌ

I هَبَتَ (*и*) هَبْتٌ 1) (*бирор н. билан*) қаттиқ зарба бермоқ, қаттиқ урмоқ (بِ); 2) ерга йиқитмоқ, ташламоқ, урмоқ; 3) *мажҳ.* а) аҳмоқ, нодон бўлмоқ; б) қўрқоқ, юраксиз бўлмоқ

— هَبِيتٌ 1) нодон, аҳмоқ; 2) қўрқоқ, юраксиз

I هَبَجَ (*а*) هَبْجٌ (*н. биландир*) урмоқ, зарба бермоқ (بِ): ~ـهُ بِالْعَصَا кимнидир ҳсса билан урмоқ

— مِهْبَجٌ *кўп.* مَهَابِجُ оғир (кели) дастаси (сопи)

— هَبَجٌ туя елинида учрайдиган шиш

I هَبَدَ (*и*) هَبْدٌ 1) (*бирор нарса билан*) урмоқ (بِ): 2) пастга ташламоқ, тушириб юбормоқ; VII اِنْهَبَدَ 1) зарба емоқ; 2) ташлаб юборилган, туширилган бўлмоқ

— هَبْدَةٌ 1) (*бирор нарса тушиб кетганда, йиқилганида чиқадиган*) бўғиқ овоз; 2) оғир йиқилиш

I (هبر) هَبَرَ[1] (*у*) هَبْرٌ катта-катта бўлакларга ажратмоқ (*мас., гўштни*) هَبَرَ[2] (*у*) هَبْرٌ (*к. гадир*) ҳужум қилмоқ, ташланмоқ (فِي)

— هُبَارِيَةٌ соч кепаги

— هَبَارِيَّةٌ: ~ رِيحٌ чангли шамол

— هَبْرٌ талиқ, ёғсиз гўшт, қора кесак (гўшт)

— هَبْرَةٌ 1 *кўп.* هَبَرَاتٌ гўшт парчаси

— هَبْرَةٌ 2 ҳужум, ташланиш

— هُبَارِيَةٌ = هِبْرِيَةٌ

— هُبَيْرَةٌ *зоол.* сиртлон, ёлдор бўри; ◊ ~ أَبُو қурбақа (*эркаги*); ~ أُمُّ қурбақа (*урғочиси*)

I هَبَشَ (*и*) هَبْشٌ 1) тез юрмоқ, тўпламоқ; 2) (*қўлда, тирноқли чангалда*) тутмоқ, қаттиқ қисиб олмоқ; II هَبَّشَ эҳтиёткорлик билан йиғмоқ, тўпламоқ; ~ الْأَرُزَّ шоли оқламоқ; V تَهَبَّشَ 1) тўпламоқ 2) тўпланмоқ, жамламоқ

– مُهَبَّشٌ оқланган: الأَرُزُّ الـ~ оқланган шоли

– هَابُوشٌ *жам.* майда чивинлар

– هَابُوشَةٌ *кўп.* ـاتٌ чивин

– هَبَّاشٌ осонлик билан жамлаб, эгалик қилувчи

هَبْصَةٌ бир тўп пул, кўпгина пул

I (هبط) هَبَطَ[1] (*у, и*) هُبُوطٌ 1) тушмоқ, пастга тушмоқ; пастламоқ, қўнмоқ (*қуш ҳақида*); пасаймоқ, ерга қўнмоқ (*самоёт хаҳида*); ~ السُّلَّمَ шоти (нарвон) дан пастга тушмоқ; بِالْمَظَلَّةِ ~ парашютда тушмоқ; 2) пасаймоқ, тушмоқ (*нарх-наво хақида*); пасаймоқ (*сатҳ ҳақида*); 3) пасаймоқ, тушмоқ (*шамол ҳақида*); 4) (*н. нидир*) пастга туширмоқ (بِ); 5) тушиб кетмоқ (*мас., уй томи*); йиқилмоқ (*девор ҳақида*); 6) (*бирор жойдан*) келмоқ; 7) (*қаергадир*) жўнамоқ (إِلَى); ~ إِلَيْهِ الْوَحْيُ *унинг илҳоми келди;* جِسْمُهُ مِنَ الْمَرَضِ ~ у касалликдан озиб кетди; إِلَى قَاعِ الْهَوَانِ ~ маънавий жиҳатдан тубанлашмоқ; هَبَطَ[2] (*у*) هَبْطٌ 1) туширмоқ, пасайтирмоқ; 2) мадордан, қувватдан кетказмоқ (*касаллик ҳақида*); IV أَهْبَطَ 1) тушишга мажбур қилмоқ, туширмоқ; 2) туширмоқ, пасайтирмоқ (*нарх-наво ҳақида*); X اِسْتَهْبَطَ чорламоқ, чақирмоқ, келтирмоқ (*илҳомни*)

– أَهَابِيطُ *кўп.* парашютчилар

– إِهْبَاطٌ пасайтириш

– مَهْبِطٌ[1] пасайиш, қўниш

مَهْبِطٌ[2]، مَهْبَطٌ *кўп.* مَهَابِطُ 1) (*бирор н. нинг*) пайдо бўлиш жойи, ўрни; 2) манба; 3) *кўч.м.* бешик, ватан; 4) қўнадиган жой, қўниш майдони; 5) одамлар зиёрат қиладиган, кўриб кетадиган жой; هُوَ ~ السُّيَّاحِ مِنْ جَمِيعِ أَنْحَاءِ الْعَالَمِ бу шундай жойки, бу ерда оламнинг ҳамма жойидан саёҳатчилар келадилар; 6) *эл.* катод; مَصْعَدٌ وَ ~ анод ва катод; أَشِعَّةُ الْـ~ катод нурлари; ◊ مُنْذُ طَلْعَةِ الصُّبْحِ حَتَّى ~ اللَّيْلِ эрта тонгдан қоронғи кечгача

– مِهْبَطَةٌ *кўп.* مَهَابِطُ парашют

– مَهْبُوطٌ ҳолдан тойган; ориқ, озғин

– هَابِطٌ 1. 1) пастга тушиб кетаётган, пастлаётган; بِالْمَظَلَّةِ ~ парашютчи; 2) ҳолдан тойган; ориқ, озғин; 2. *кўп.* هَوَابِطُ *геол.* сталактит (*ғор шипида ҳосил бўлиб, осилиб турадиган сумалаксимон оҳак-томчи ҳосилалар*)

– هَابِطَةٌ *кўп.* هَوَابِطُ = مِهْبَطَةٌ

– هَبْطٌ 1) камайиш, озайиш; пасайиш; 2) пастлик, жарлик, жар

– هَبُوطٌ яндама, қиялик

– هُبُوطٌ 1) пасайиш, тушиш, қўниш (*самолёт ҳақида*); ~ اضْطِرَارِيٌّ ғайриихтиёрий, мажбурий қўниш; بِرِفْقٍ ~ юмшоқ қўниш (*космик кема ҳақида*); 2) пасайиш (*нарх-наво ҳақида*); тушиш, пасайиш, озайиш; الدُّولَارِ ~ доллар курсининг пасайиши; 3) келиш; 4) зиёрат қилиш, визит; 5) *мед.* а) коллапс (*юрак фаолиятининг кескин пасайиши, ҳолдан кетиш*); б) пролапс (*шу касалликнинг бошланиш нуқтаси*); в) пастга тушиб қолиш (*бачадон*)

– مَهْبُوطٌ = هَبِيطٌ

I (هبل) هَبَلَ (*у*) هَبْلٌ нодон, аҳмоқ қилмоқ; هَبُلَ (*у*) هَبَالَةٌ аҳмоқ, нодон бўлмоқ; هَبِلَ (*а*) هَبَلٌ (*болани*) йўқотиб қўймоқ (*она ҳақида*); ◊ ـه ~ أُمُّهُ у қандай ақлли; II هَبَّلَ 1) ишлаб топмоқ, қўлга киритмоқ; 2) калта фаҳм, бефаросат, аҳмоқ қилмоқ; 3) буғламоқ, буғда пиширмоқ; 4) гўштдор бўлмоқ, мускуллари қават-қават бўлмоқ; V تَهَبَّلَ 1) ишлаб топмоқ, қўлга киритмоқ; 2) ваннада чўмилмоқ, ванна қабул қилмоқ; шунингдек: بِالْبُخَارِ ~ буғланмоқ; VII انْهَبَلَ аҳмоқ бўлмоқ; VIII اهْتَبَلَ 1) (*к. ўчундир*) ишлаб топмоқ, қўлга киритмоқ (لِ); 2) (*к. ғадир*) ғамхўрлик қилмоқ (بِ); 3) (*ёвни*) алдамоқ, (*унга*) чап бермоқ; ◊ الْفُرْصَةَ ~ фурсатдан фойдаланиб қолмоқ; ~ كَ қар. هَبَلٌ

– أَهْبَلُ мн. هَبْلَاءُ *кўп.* هُبْلٌ 1. аҳмоқ, бефаросат, нодон; 2) овсар, эси паст, каллаварам

– مِهْبَلٌ енгил, ҳаракатчан

– مَهْبِلٌ *кўп.* مَهَابِلُ *анат.* мойлиқ, ҳазна, қин

– مُهَبَّلٌ жуссали, норғил, гавдаси катта

– مَهْبِلِيٌّ қинга оид

– وُحْدَانِيَّةٌ 1) ваҳдоният, яккалик, ягоналик; 2) якка-ю-ёлғизлик; бошқа учрамайдиганлик; 3) ёлғизлик, яккалик; 4) *дин.*монотеизм, яккахудолилик

– وَحْدَةٌ *кўп.* ـَاتٌ 1) бирлик, وَاحِدَةٌ ~ *ёки* مُتَكَامِلَةٌ ~ бир бутун; الـ~ السَّكَنِيَّةُ турар жой комплекси; ~ الزَّوَاجِ моногамия, якка никоҳлилик; الـ~ الْعَرَبِيَّةُ араблар бирлиги, иттифоқи; ~ الْمُحْتَوَى وَ الشَّكْلِ *фалс.* мазмун ва шакл бирлиги; مَذْهَبُ ~ الْوُجُودِ *фалс.* пантеизм (*табиат, худонинг зуҳуридир деб ҳисоблайдиган таълимот*); 2) (*ўлчов*) бирлиги; ~ الْقِيَاسِ ўлчов бирлиги; ~ الزَّمَنِ вақт ўлчови бирлиги; 3) *шунингдек:* ~ الْجَيْشِ *харб.* ҳарбий қўшилма *ёки* қисм; 4) ёлғизлик, яккалик

– وَحْدَوِيٌّ 1. бирлаштирувчи, иттифоқлаштирувчи; 2. бирлик, бирлаштириш тарафдори

– وَحْدَوِيَّةٌ бирлик

– وَحِيدٌ ёлғиз, якка-ёлғиз; الـ~ الاِبْنُ ёлғиз ўғил; ~ الطَّرَفِ (الْجَانِبِ) бир томонлама, бир ёқли; ~ الْخَلِيَّةِ бир ҳужайрали; ~ الْقَرْنِ а) бир шохли; б) *зоол.* яккашох, нарвал (*тумшуғида шохсимон тиши бўлган денгиз ҳайвони*); ~ النَّمَطِ ўхшаш, бир хил; 2) ёлғиз, якка

وَحَرٌ ғазаб

I وَحَسَ (а) وَحْسٌ хижолат қилмоқ, чорасиз қолмоқ

وَحْسَةٌ чорасиз ҳолат

I وَحُشَ (وحش) *ёки* وَحِشَ (يَوْحَشُ) وَحْشَةٌ ваҳший, ёввойи бўлмоқ; وَحِشَ (يَحِشُ) 1) (*к .нингдир*) олдига узоқ вақт келмаслик; соғинтирмоқ; أَنْتَ ~ْتَنَا = أَنْتَ أَوْحَشْتَنَا *қар.* IV; 2) (*н. нидир*) ташламоқ, ташлаб юбормоқ (بِ); II وَحَّشَ 1) ваҳшийлаштирмоқ, ваҳший қилмоқ; 2) шип-шийдам қилмоқ, ҳеч нарса қолдирмаслик; 3) етиб олишларидан қўрқиб кийим ва қуролларини ташлаб қочмоқ; IV أَوْحَشَ 1) ҳеч нарса, ҳеч ким йўқ жойга айлантирмоқ; 2) соғинишга мажбур қилмоқ, соғинтирмоқ; أَنْتَ ~ْتَنَا сен бизни бутунлай унутиб юбординг, сени кўришдан хурсандмиз; биз сени соғинганмиз; V تَوَحَّشَ 1) ёввойилашмоқ, ваҳшийлашмоқ; қўполлашмоқ; 2) шип-шийдам, ҳеч ким яшамайдиган бўлмоқ; X اسْتَوْحَشَ 1) ётсирамоқ, ўзини ёлғиз, якка ҳис қилмоқ; 2) (*к. гадир, н. гадир*) нафратли, жирканч муносабатда бўлмоқ (مِنْ); 3) ёввойи, шип-шийдам, одам яшамайдиган бўлиб қолмоқ; 4) (*к. нидир*) соғинмоқ (لِـ)

– إِيحَاشٌ ташландиқлик, шип-шийдамлик

– تَوَحُّشٌ 1) ёввойилик, ёввойига айланиш, ваҳшийлашиш; 2) қўполлашиш, қўполлик

– مُتَوَحِّشٌ 1.1) ёввойи, ваҳшийлашган; 2) қўпол; 2.ёввойи одам, ёввойи

– مُسْتَوْحِشٌ 1) ёввойи, ёввойилашган; 2) якка, ёлғиз

– مُوحِشٌ ҳеч ким яшамайдиган, шип-шийдам; 2) ғамгин, тушкун, қовоғи олинган

– مَوْحُوشٌ : أَرْضٌ ~َةٌ ваҳший ҳайвонлар кўп бўлган ер

– وَحَاشَةٌ хунуклик, бадбашаралик

– وَحْشٌ[1] *кўп.* وُحُوشٌ 1) вахший, ёввойи ҳайвон; الْوُحُوشُ الضَّارِيَةُ қонхўр ёввойи ҳайвонлар; اِنْقَلَبُوا إِلَى وُحُوشٍ مَسْعُورَةٍ *маж.* улар қутурган вахшийларга айланиб қолдилар; 2) (*афсонавий*) баҳайбат махлуқ; 3) *хақ.* ҳайвон

– وَحْشٌ[2] 1) вахшийлик, ёввойилик; حِمَارٌ ~ ёввойи эшак, гур; 2) шип-шийдамлик; مَكَانٌ ~ шип-шийдам, бўм-бўш жой, макон

– وَحِشٌ *халқ.* аҳмоқона, ёмон, хунук, бадбашара

– وَحْشَةٌ 1) ёлғизлик, яккалик; 2) одам яшамаслик, бўм-бўшлик; 3) ётлик, хуш кўрмаслик; одамовилик; 4) хафалик, ғамгинлик; умидсизлик; 5) хавотирлик, жонсараклик

– وَحْشِيٌّ 1) вахший, ёввойи; الْحِمَارُ الـ~ ёввойи эшак, гер; 2) ёввойиларча, ғазабли, ғазабнок; вахшиёна, ёвузларча; 3) ташқи, сиртқи; 4) эскирган, архаик (*гап ҳақида*)

– وَحْشِيَّةٌ 1) вахшийлик, ёввойилик; 2) ҳайвонлик; ғазаблилик, ғазабноклик

– وَحْشِيَّاتٌ *кўп.* вахшийликлар, ёвузликлар

I وَحُفَ (يَوْحُفُ) وَحَافَةٌ 1) қалин бўлмоқ (*ўт-алаф ҳақида*); 2) қуюқ, қалин бўлмоқ (*соч ҳақида*)

– وَحْفٌ қалин, қуюқ

I وَحِلَ (يَوْحَلُ) وَحَلٌ، مَوْحَلٌ 1) ботқоққа (лойга) тушиб қолмоқ, ботқоққа (лойга) ботиб қолмоқ; 2) *кўч.м.* чорасиз қолмоқ, ботқоққа ботмоқ; وَحَلَ (*и*) وَحْلٌ 1) ботқоққа (лойга) ботирмоқ; 2) *кўч.м.* чорасиз қолдирмоқ, ботқоққа ботирмоқ; II وَحَّلَ 1) лой суртмоқ, чапламоқ; 2) лой суртилган бўлмоқ, ифлос бўлмоқ; ~ـتِ الْأَرْضُ пилчиллаб, балчиқ бўлиб кетди (*ёмғирдан кейинги йўл ҳақида*); ~ـتِ الدُّنْيَا ҳамма ёқ лой, балчиқ; IV أَوْحَلَ ботқоққа, лойга ботирмоқ; V تَوَحَّلَ лойга ботмоқ, лойга ботган, ифлосланган бўлмоқ; ~ الْمَكَانُ бу жой ботқоқлик, лойли; X اِسْتَوْحَلَ ифлос, лойланган бўлмоқ

– مُتَوَحِّلٌ лойли, балчиқли; ифлос

– مَوْحَلٌ *кўп.* مَوَاحِلُ балчиқли жой

– مُوحَلٌ лойли, балчиқли, ифлос

– مُوَحَّلٌ лойга ботган, лой суртилган, чапланган

وَحَلٌ، وَحْلٌ *кўп.* وُحُولٌ، أَوْحَالٌ лой, балчиқ; ◊ الدُّنْيَا أَوْحَالٌ ҳамма ёқ лой, дунёни лой босган

– مُوحِلٌ = وَحِلٌ

– وَحْلَانُ 1) қийин аҳволга солиб қўйилган; 2) *кўч.м.* лойга (ботқоққа) ботиб қолган, чорасиз қолган

– وَحْلِيٌّ лойли, балчиқли

I وَحِمَ (تَوْحَمُ) وَحَمٌ бошқоронғи бўлмоқ (*ҳомиладор аёл ҳақида*); II وَحَّمَ 1) бошқоронғи бўлган нарсани топиб едирмоқ; V تَوَحَّمَ нозиктабиат, инжиқ бўлмоқ (*ҳомиладор аёл ҳақида*); 2) (*н. нидир*) қаттиқ хоҳламоқ (عَلَى)

– وَاحِمٌ ўткир, қаттиқ (*оғриқ ҳақида*)

– وَحَمٌ، وِحَامٌ، وَحَامٌ бошқоронғилик (*ҳомиладор аёллар ҳақида*)

– وَحْمَةٌ хол

– وَحْمَى *кўп.* وَحَامَى، وِحَامٌ инжиқлик қилиш (*ҳомиладор аёллар ҳақида*)

وَحْوَحَ 1) қақшамоқ, титрамоқ (*оғриқдан*); титрамоқ (*совуқдан*); 2) (*иситиш учун*) қўлга пуфламоқ, ухламоқ

– وَحْوَحَةٌ 1) қақшаш; титроқ; 2) пуфлаб, ухлаб қўл иситиш

I وَحَى (*и*) وَحْيٌ 1) (*к. гадир*) ваҳий келмоқ, (*к. нингдир*) кўнглига солмоқ (إِلَى); 2) (*к. гадир*) сирларни айтмоқ, очмоқ (إِلَى، لِـ); 3) *дин.* ваҳий юбормоқ; 4) (*бирор н. ни*) тез қилмоқ; II وَحَّى тезлаштирмоқ, тезлатмоқ, шошилтирмоқ; IV أَوْحَى 1) илҳомлантирмоқ, таъсир қилмоқ; 2) (*к. гадир*) сир айтмоқ, сирни маълум қилмоқ (إِلَى، لِـ); 3) яширинча кўнгилга солмоқ; V تَوَحَّى шошилмоқ, шошмоқ; X اِسْتَوْحَى 1) илҳом қидирмоқ, илҳомланмоқ; 2) юқоридан кўрсатма изламоқ, олмоқ; (*бирор н. ни*) йўлланма қилиб олмоқ (مِنْ)

– اِسْتِيحَاءٌ кўрсатма, йўлланма, илҳом олиш

– أَوْحَى тезроқ, энг тез, тезюрар

– إِيحَاءٌ илҳом, таъсир; ذَاتِيٌّ ~ ўзига ўзи таъсир; بِـ~ (*к. нингдир*) таъсири билан (مِنْ)

– إِيحَائِيٌّ таъсирли, ўзида таъсирни жамлаган, таъсири бор

– إِيحَائِيَّةٌ таъсирчанлик

– مُوحٍ *мн.* مُوحِيَةٌ илҳомлантирувчи, таъсир қилувчи, таъсирчан

– مُوحًى بِهِ ~ таъсирланган

– وَاحٍ *мн.* وَاحِيَةٌ 1. таъсир қилувчи, таъсирчан; 2. симсиз телеграф станцияси

– الْوَحَا الْوَحَا: وَحًا тезроқ, тез-тез ("*шошилинг*" *маъносида*) *сол.* بِدَارِ

– وَحْيٌ *кўп.* وُحِيٌّ илҳом, таъсир; *дин.* ваҳй

– وَحِيٌّ тез, кутилмаган, тўсатдан бўлган; مَوْتٌ ~ тўсатдан келган ўлим

– وَحْيِيٌّ илҳомга, таъсирга оид

وَخْرِي *халқ.* кеч, муайян вақтнинг охирида

I وَخَزَ (*и*) وَخْزٌ 1) санчиб оғримоқ, қаттиқ оғриқ бермоқ; 2) (*нина, тўғнағич*) тиқмоқ; 3) азоб бермоқ, қийнамоқ (*виждон ҳақида*)

– وَخَّازٌ санчадиган, санчувчи; ўткир, кучли, қаттиқ; أَلَمٌ ~ қаттиқ оғриқ хуружи

– وَخْزٌ санчиш, санчиб оғриш; санчиқлар; الضَّمِيرِ ~ виждон оғриғи; سِيَاسَةُ ~ الْإِبَرِ нина тўғнағич санчиш сиёсати; بِالْإِبَرِ ~ *мед.* игнатерапия (игна билан даволаш); 2) қаттиқ оғриқ, санчиқ; 3) ўткирлик, заҳарлик, аччиқлик

– وَخْزَة ҳуқна, укол, укол йўли билан дори юбориш

I وَخُشَ (у) وَخَاشَة, وُخُوشَة ярамас бўлмоқ, разил бўлмоқ

– وَخْش кўп. أَوْخَاش паст, разил, тубан, пасткаш

I وَخَطَ (и) وَخْطًا (бирор н билан) урмоқ; ◊ ~ـهُ الشَّيْبُ эки

~ الشَّيْبُ رَأْسَهُ унинг боши (сочи) оқариб кетди

I وَخَفَ (и) وَخْفٌ (теридан) ёғни, елимни ювиб ташламоқ, кетказмоқ

I وَخُمَ (وخم) وَخَامَة (يَوْخُمُ) 1) соғлиққа зарарли бўлмоқ (иқлим, шароит, ҳудуд ҳақида); 2) ҳазми қийин бўлмоқ (овқат ҳақида); وَخِمَ (يَوْخَمُ) وَخَمٌ ҳазм қилмайдиган ошқозони бор бўлмоқ (сол. تَخِمَ); II وَخَّمَ ухлашни хоҳламоқ; мудрамоқ; V تَوَخَّمَ ёқмай қолмоқ, маъқул келмай қолмоқ; VIII اِتَّخَمَ = وَخِمَ; X اِسْتَوْخَمَ 1) соғлиққа зарарли деб билмоқ (иқлим, шароит, ҳудуд ва б. ҳақида); 2) ҳазми қийин деб ҳисобламоқ (овқат ҳақида)

– أَوْخَمُ энг зарарли

– تُخَمَة кўп. تُخَمٌ жуда тўйиш, тўйиб кетиш; ошқозоннинг ҳазм қилмаслиги

– مُوَخَّمٌ чалауйқу, мудраётган

– وَخَامَة (соғлиқ учун) зарарли, зарарли шароитлар (жой ҳақида)

– وَخْمٌ = وَخِمٌ

– وَخْمٌ 1) серуйқулик; 2) апатия (ҳамма н. га бефарқлик)

– وَخِمٌ 1) зарарли, оғир (овқат ҳақида); 2) зарарли (соғлиқ учун); 3) ифлос, кир

– مُوخَمٌ = وَخْمَان

– وَخَامَة = وَخُومَة

– وَخِيمٌ 1) зарарли, ҳалок қилувчи, оғир, ҳазми оғир, қийин (овқат ҳақида); 2) хавфли, хавф-хатарли; ~ الْعَوَاقِبِ ёмон (хавфли) натижаларга олиб келувчи

I وَخَى (и) وَخْيٌ (бирор) мақсадга эга бўлмоқ, мақсадни кўзламоқ; II وَخَّى = I; III وَاخَى биродарлашмоқ (сол. آخَى); V تَوَخَّى 1) бирор нарса қилмоқчи бўлмоқ, мақсадни кўзламоқ (қаергадир) йўл олмоқ; (н. гадир) интилмоқ; 2) (бирор н. га) амал қилмоқ; 3) амалга оширмоқ; 4) билдирмоқ, намоён қилмоқ (ҳис-туйғулар ҳақида); X اِسْتَوْخَى сўрамоқ, сўраб-суриштирмоқ

– مُوَاخَاة биродарлашиш, ака-ука тутиниш

– وَخْيٌ = وَخَى

– وَخْيٌ кўп. وُخِيٌّ, وُخِيٌّ ният, мақсад, мўлжал

I وَدَّ (и/а) وُدٌّ 1) севмоқ, яхши кўрмоқ; 2) хоҳламоқ, истамоқ; وَدِدْتُ لَوْ شَهِدْتُهُ سَعِيدًا! мен унинг бахтли бўлишини жуда-жуда истайман!; III وَادَّ севмоқ, дўстлашмоқ, дўст тутмоқ; V تَوَدَّدَ (к. гадир) севги, муҳаббат, симпатиясини ошкор (намоён) қилмоқ, билдирмоқ (إِلَى); 2) (к. нингдир) муҳаббатини қозонишга интилмоқ, хушомадгўйлик қилмоқ; дўстлашмоқ; VI تَوَادَّ севишишмоқ; яхши (дўстона) муносабатларда бўлмоқ

– أَوَدُّ энг севимли; ~ مَا عَلَيَّ! менга бундан яхшиси (ортиғи) йўқ!, мен учун энг яхшиси шу!

– تَوَادٌّ севги, муҳаббат, дўстона муносабатлар

– تَوَدُّدٌ севги, муҳаббатга сазовор бўлиш; хушомадгўйлик

– مَوَدَّةٌ 1) севги, муҳаббат; яқинлик, меҳр; симпатия; أَوَاصِرُ ~ الـ муҳаббат, севги риштлари; истак, хоҳиш, майл

– وُدٌّ, وِدٌّ, وَدٌّ 1. севувчи, садоқатли; дўстона; 2. 1) севги; ~ خَطْبَ кимларнингдир дўстлик; мойиллик, меҳр, симпатия; بِـ~ي (шу сўздан халқ) мен хоҳлайман; بـ~ـي меҳрини қозонмоқ; كَانَ بِـ~ي لَوْ ... мен хоҳлардимки, ...; 2) истак, хоҳиш, майл; 3) қозиқ (Нажда); 4) Нуҳ алайҳиссалом қавмларидан бири топинган бут

– وِدَادٌ, وَدَادٌ, وُدَادٌ севги, муҳаббат; меҳр, симпатия

– وُدَادِيٌّ, وِدَادِيٌّ, وَدَادِيٌّ севгига, дўстликка оид

– وَدِيدٌ, وَدُودٌ кўп. أَوِدَّاء 1) севувчи; 2) ёқимли, истараси иссиқ

– وُدِّيٌّ, وِدِّيٌّ, وَدِّيٌّ севгига, дўстликка оид; عَلَاقَات ~ـة дўстлик алоқалари; تَبَادُل ~ لِلْآرَاءِ дўстона фикр олишув

– وَدَجٌ кўп. أَوْدَاجٌ бўйиндаги кўк томир; ◊ نَفَخَ أَوْدَاجَهُ кеккаймоқ; нафахат أَوْدَاجُهُ غُرُورًا қар. فَخرланмоқ; ифтихор қилмоқ

– وَدَجٌ = وِدَاجٌ

– وِدَاجِيٌّ бўйинга оид

– وِدَاجِيٌّ = وَدَجِيٌّ

(ودر) II وَدَّرَ 1) исроф қилмоқ; ~ الْمَالَ пулни исроф қилмоқ; 2) хавф-хатарга йўлиқтирмоқ

I (ودع) وَدَعَ (يَدَعُ) وَدْعٌ 1) қолдирмоқ; مَا ~ مَجَالاً لِلشَّكِّ шак-шубҳага ўрин қолдирмаслик; 2) имкон бермоқ, йўл қўймоқ; марҳамат қилмоқ; دَعْ! марҳамат қилиб бер!; دَعْهُ يَكْتُبْ у ёзсин; دَعْهُ يَلْعَبْ у ўйнасин; لِنَدَعْ لَهُ الْقَوْلَ унга сўз навбатини берайлик, унга сўз берайлик!; دَعْنَا نَرَى مَا فِيهِ! қани кўрайлик-чи, унда нима бор экан!; دَعُونَا نَتَكَلَّمْ بِصَرَاحَةٍ! келинг, очиқчасига гаплашайлик; لَمْ يَدَعْ أَنْ يُعَاتِبَهُ у уни ғадаблаш, сўкиш имкониятини қўлдан бермасди; فَلْنَدَعْ لَهُمُ الْأَمْرَ ... уларга бу ишни топшириб қўяйлик-чи; ~ مَالَهُ فِي الْمَصْرِفِ пулни банкка қўймоқ; ~ الْبَضَائِعَ فِي الْمَخْزَنِ товарларни сақлаш учун омборга топширмоқ; 3) (пул) қўймоқ; сақлаш учун қўймоқ; ишониб топширмоқ; ◊ دَعْ عَنْكَ! бас қил! тўхта!; وَدُعَ (يَوْدُعُ) وَدَاعَة 1) беозор, мулойим, ювош бўлмоқ; 2) оддий, содда, камтар бўлмоқ; II وَدَّعَ 1) хайрлашмоқ, видолашмоқ, кузатмоқ; ~ـه الْوَدَاعَ الْأَخِيرَ кимнидир сўнгги йўлга кузатмоқ; 2) қолдирмоқ, ташлаб кетмоқ; ~ـنَاكُمْ! алвидо!, хайр!; III وَادَعَ

ярашмоқ, душманлик ҳаракатларини тўхтатмоқ; IV أَوْدَعَ 1) (*пулни*) қўймоқ; сақлаш учун бермоқ, ишониб топширмоқ, топширмоқ; ~ السِّرَّ кимгадир сирни ишонмоқ, ишониб айтмоқ; ~ كِتَابَهُ شَيْئًا ўз китобига бирор нарсани ёзиб қўймоқ; ~ وَثِيقَةً فِي الْمَحْفُوظَاتِ ҳужжатларни архивга топширмоқ; 2) қамаб қўймоқ, жойламоқ, етқизмоқ; солмоқ (*мас, қамоққа, жиннихонага*); ~ الْجُثَّةَ الْقَبْرَ майийтни қабрга қўймоқ; IV تَوَادَعَ 1) ярашишмоқ, ўзаро ярашмоқ; 2) хайрлашишмоқ; X اسْتَوْدَعَ (*бирор н ни*) сақлашни сўрамоқ; сақлашга бермоқ; ишониб топширмоқ, топшириқ бермоқ; ~ السِّرَّ (*к. гадир*) сирни (ишониб) айтмоқ; 2) *мажҳ. ҳарб.* ярим ҳақ олмоқ; 3) сақлаш учун бермоқ, (*пул*) қўймоқ; نَسْتَوْدِعُكُمُ اللّٰهَ! хайр, сизни Оллоҳга топширдим!

— اسْتِيدَاعٌ *ҳарб.* 1) захира, запас; ضَابِطُ (جُنْدِيُّ) الـ~ захира (запас)даги офицер (солдат); أَحَالَهُ إِلَى الـ~ кимнидир захира (запас) га чиқармоқ; مَخْزَنُ الـ~ а) товар омбори; б) божхона омбори, пакгауз; 2) *ҳарб.* ярим ойлик (маош) олиш; فِي الـ~ ярим ойлик (маош) оладиган

— إِيدَاعٌ 1) қўйиш; сақлаш учун топшириш; دَفْتَرُ الـ~ (*омонатчининг*) омонат дафтарчаси; 2) (*қаергадир*) жойлаш, қамаб қўйиш; 2) *кўп.* إِيدَاعَاتٌ омонат (*пул*)

— تَوْدِيعٌ видолашиш, хайрлашиш, кузатиш

— دَعَةٌ 1) юмшоқлик, беозорлик; 2) хотиржамлик, сокинлик, ҳордиқ чиқариш, дам олиш; ~ الْعَيْشِ (*яшаш учун*) қулайликлар

— مُسْتَوْدَعٌ[1] *кўп.* ـــاتٌ 1) омбор, омборхона; ~ الْأَرْزَاقِ озиқ-овқат омбори; ~ الْأَسْلِحَةِ (الذَّخِيرَةِ) қурол-аслаҳа (ўқ-дори) омбори; ~ الْحُبُوبِ ғалла омбори, элеватор; ~ النَّفْطِ нефть омбори; مُسْتَوْدَعَاتُ التَّبْرِيدِ совутгичлар, холодилниклар; 2) бак (*суюқлик идиши*), резервуар; 3) (*машиналар турадиган*) сарой, депо, парк

— مُسْتَوْدَعٌ[2] *ҳарб.* ярим ойлик (маош) оладиган

— مُسْتَوْدِعٌ омонатчи, ишонч қоғози берувчи

— مُودَعٌ омонат қўйиладиган, ишониб топшириладиган; ~ لَدَيْهِ ёки ~ إِلَيْهِ ишониб пул топшириладиган шахс; сақлаб берувчи, депозитарий

— مُودِعٌ омонатчи, омонат қўювчи

— مُوَدِّعٌ видолашувчи, хайрлашувчи

— مِيدَعٌ, مِيدَعَةٌ *кўп.* مَوَادِعُ 1) пешпарда, ошхона пешпардаси, фартук; 2) ҳар куни кийиладиган (байрамларда эмас) кийим, кундалик кийим; иш кийим

— وَادِعٌ[1] камгап, беозор, мулойим, камтар; оддий, содда

— وَادِعٌ[2] 1) сақлаш учун берувчи, топширувчи; 2) омонатчи депонент

— وَدَاعٌ, وِدَاعٌ видолашиш, видолашув, хайрлашув, кузатиш; الـ~ الْأَخِيرُ сўнгги, охирги видолашув; حَفْلَةُ الـ~ тантанали видолашув; خُطْبَةُ الـ~ видолашув нутқи, хутбаси; زِيَارَةُ الـ~ видолашув учун келиш; نَظْرَةُ الـ~ видоли қараш, боқиш; الـ~! алвидо!

— وَدَاعَةٌ беозорлик, мулойимлик; оддийлик, соддалик камтарлик; بـ~ мулойимлик билан, беозорлик билан

— وَدَاعِيٌّ, وِدَاعِيٌّ видога оид, видолашувга оид

— وَدْعٌ[1] 1) омонат қўйиш, сақлаш учун бериш; 2) сақлаш учун топшириш; 3) рухсат бериш, йўл қўйиш; 4) қолдириш

— وَدْعٌ, وَدَعٌ[2] *жам.* денгиз чиғаноқлари; ضَرَّابُ الـ~ чиғаноқларда фол кўрувчи; ضَرَبَ الـ~ وَالرَّمْلَ чиғаноқ ва қумда фол кўрмоқ

— وَدَعَةٌ *кўп.* ـــاتٌ чиғаноқ

— وَدِيعٌ[1] 1) беозор, гапга кирувчи; мулойим; ~ الْأَخْلَاقِ мулойим хулқли; 2) содда, оддий, камтар

— وَدِيعٌ[2] *кўп.* وُدَعَاءُ омонат ишониб топшириладиган одам, депозитарий

— وَدِيعَةٌ *кўп.* وَدَائِعُ сақлаш учун қолдирилган омонат; омонат; депозит; وَدَائِعُ التَّوْفِيرِ сақлаш учун қўйилган пуллар; وَدَائِعُ تَحْتَ الطَّلَبِ талаб қилиб (сўраб) олинадиган омонатлар; وَدَائِعُ ثَابِتَةٌ ёки وَدَائِعُ لِأَجَلٍ муддатли омонатлар; وَدَائِعُ جَارِيَةٌ жорий ҳисобга қўйилган омонатлар; صَاحِبُ الـ~ омонат эгаси; أَصْحَابُ الْوَدَائِعِ омонат эгалари, омонатчилар

وَدْقٌ ёмғир

— وَدِيقَةٌ *кўп.* وَدَائِقُ кичик ўтзор, ўтлоқ, майсазор

I (ودك) وَدِكَ (يَوْدَكُ) وَدُكَ (يَوْدُكُ) ёки وَدَكٌ وَدَاكَةٌ ёғли бўлмоқ; II وَدَّكَ 1) ёғ солмоқ, мой қуймоқ; мой, ёғ қўшмоқ; 2) ўргатмоқ, ўқитмоқ; машқ қилдирмоқ

— وَادِكٌ ёғли, мойли

— وَدَكٌ *кўп.* أَوْدَاكٌ ёғ, думба ёғи

— وَدِكٌ = وَادِكٌ

— وَدُوكٌ = وَادِكٌ

— وَدِيكٌ = وَادِكٌ

(ودن) II وَدَّنَ мулойим, юмшоқ қилмоқ юмшатмоқ

— وَدَّانٌ ёввойи қўй

— وِدْنٌ *кўп* وِدَانٌ, أَوْدَانٌ *халқ.* қулоқ; (*бирор н. нинг*) қулоғи, банди (*мас. қозоннинг, қадаҳнинг*); ◊ ~ الْأَرْنَبِ *бот.* қуёнқулоқ (*қаллоқсимонлилар оиласига мансуб ўсимлик*); بَيْتُهُ جَنْبَ الـ~ унинг уйи яқингина жойда, у тумшуғимиз тагида яшайди; نَامَ عَلَى وِدَانِهِ донг қотиб (ўликдай) ухламоқ

— وِدْنَةٌ *бот* 1) тошўт (*илдизбаргли ўт*); 2) тугмагулли ўт

I وَدَى (и) وَدْيٌ (*ўлдирилган одам учун*) хун, товон тўламоқ; II

وَدَى (*сол* أَدَّى) 1) етаклаб бормоқ; 2) тўламоқ; IV أَوْدَى 1) ўлмоқ, ҳалок бўлмоқ; 2) (*к. нидир*) ҳалок қилмоқ (بـ); (*к. нидир*) олиб кетмоқ (*ажал. ўлим ҳақида* بـ); ~ بِهِ الْمَوْتُ уни ажал олиб кетди; ~ بِهِ إِلَى الدَّمَارِ кимнидир ҳалокатга маҳкум қилмоқ; ~ بِحَيَاتِهِ кимнидир ҳаётдан маҳрум қилмоқ; ~ بِصِحَّتِهِ кимнидир соғлиғидан ажратмоқ; ~ بِمَالِهِ мол-дунёни, пулни йўқ қилмоқ; VIII اتَّدَى тўланган хунни олмоқ

– دِيَةٌ *кўп* ات — хун, товон, хун ҳақи, ўлдирилган одам учун тўланадиган товон

– وَادٍ *кўп.* أَوْدِيَةٌ, وِدْيَانٌ 1) водий; وَادِي النِّيلِ Нил водийси; خَطُّ الْوَادِي водий туби, энг паст ери; 2) қуриб қолган дарё изи; 3) *шунингдек*: ~ ضَيِّقٌ дара; ◊ فِي كُلِّ ~ ҳамма ерда, ҳамма жойда; ~ كِتَابُهُ فِي ~ وَ كِتَابُ التَّارِيخِ فِي унинг китоби бошқа-ю, тарих китоби бутунлай бошқа; ذَهَبَتْ هَذِهِ مِنْ ~ وَاحِدٍ бир гўр, бир хил; ~ الْمُلَاحَظَةُ كَصَرْخَةٍ فِي ~ أَوْ نَفْخَةٍ فِي رَمَادٍ бу мулоҳазага ҳеч ким қулоқ солмади; ~ ذَهَبَتْ كَلِمَتُهُ بِـ ~ غَيْرِ ذِي زَرْعٍ унинг сўзлари ҳосилсиз ерга тушгандай бўлди, унинг сўзлари беҳуда кетди

– وَدِيٌّ *кўп.* وَدِيَّةٌ хурмо дарахтининг ёнидан чиқиб кўклаган шох (*уни кесиб олиб ўтқазиш мумкин*)

I وَذَرَ (يَذَرُ) وَذْرٌ (*тинч*) қўймоқ, ташлаб кетмоқ; النَّارُ لَا تُبْقِي وَ لَا تَذَرُ ўт (олов) ҳеч нарсани аямайди

وَذَمَةٌ *кўп.* وِذَامٌ қорин ва ичак-чавоқ

وَرَائِي *халқ.* орқага оид

I وَرَبَ (يَرِبُ) وَرْبٌ (*u*) (*бирор н. ни*) қийшайтириб термоқ, жойламоқ, қийшайтирмоқ; ~ الْبَابَ эшикни қия очмоқ; وَرِبَ (يَوْرَبُ) وَرَبٌ бузилмоқ; II وَرَّبَ ҳар хил тушунадиган қилиб гапирмоқ, (*бирор н. га*) тўғри жавоб беришдан бўйин тортмоқ (عَنْ); III وَارَبَ 1) *бирор н.* ни) қия, қийшиқ жойлаштирмоқ, ўрнатмоқ; 2) тўғри жавобдан бўйин товламоқ; имо-ишоралар билан гапирмоқ; 3) алдамоқ, фириб бермоқ

– تَوْرِيبٌ тўғри жавобдан бўйин товлаш

– مُوَارَبَةٌ 1) тўғри жавобдан бўйин товлаш; 2) имо-ишоралилик; *ёки* بِلَا ~ وَلَا مُدَارَاةٍ وَ لَا ~ فِي غَيْرِ مُدَارَاةٍ яширмай, очиқ-ойдин; 3) ёлғон, алдов, фириб

– مُوَرُوبٌ 1) қия, қийшиқ жойлаштирилган, ўрнатилган; 2) қия, қийшиқ; 3) қия очилган (*эшик ҳақида*)

– وَارِبٌ қингир, қийшиқ, қия кетаётган, йўналган; بِالْـ ~ қиялатиб, қийшайтириб

– وَرْبٌ, وِرَابٌ қиялик; қия йўналиш; بِالْـ ~ қингир, қийшиқ, қия

I وَرِثَ (*u*) وِرَاثَةٌ (*н. нидир к. дандир*) мерос қилиб олмоқ (عَنْ); II وَرَّثَ васият қилиб қолдирмоқ; кимнидир ворис қилиб таъйинламоқ; ~ بِوَصِيَّةٍ (*н. нидир*) васият қилиб қолдирмоқ; 2) (*таъсир*) кўрсатмоқ, пайдо қилмоқ, юзага чиқармоқ; VI تَوَارَثَ 1) мерос бўлиб ўтмоқ; 2) бир-биридан мерос бўлиб қолмоқ

– إِرْثٌ мерос, мерос бўлиб қолган нарса

– تُرَاثٌ = إِرْثٌ; الْـ ~ الثَّقَافِيُّ маданий мерос; الْـ ~ الْفِكْرِيُّ ғоявий мерос

– تَوَارُثٌ мерос бўлиб ўтиш

– مُوَرَّثٌ мерос қилиб олинган

– مُوَرِّثٌ васият қилувчи, мерос қолдирувчи

– مُوَرِّثَةٌ васият қилувчи аёл, мерос қолдирувчи аёл

– مُوَرِّثَاتٌ *кўп. биол.* генлар

– مَوْرُوثٌ мерос қилиб олинган

– مِيرَاثٌ *кўп.* مَوَارِيثُ мерос

– وَارِثٌ *кўп.* وُرَّاثٌ, وَرَثَةٌ 1. мерос олувчи; 2) ворис, меросхўр; ~ شَرْعِيٌّ қонуний ворис, меросхўр

– وَارِثَةٌ *кўп.* ات — ворис, меросхўр аёл

– وِرَاثَةٌ 1) мерос олиш; 2) ирсийлик

– وِرَاثِيٌّ ирсий; أَمْرَاضٌ ~ ـةٌ ирсий касалликлар

– وِرَاثِيَّةٌ ирсийлик

– وِرْثٌ = إِرْثٌ

– وِرْثَةٌ 1) мерос; 2) *биол.* ген

– وَرِيثٌ *кўп.* وُرَثَاءُ ворис, меросхўр

– وَرِيثَةٌ ворис аёл, меросхўр аёл

I وَرَدَ (*u*) وُرُودٌ 1) келмоқ, етиб келмоқ, тушмоқ (*фойда ҳақида*); 2) (*к. нингдир*) олдига келмоқ (عَلَى); ~نِي مِنْهُ الْمَكْتُوبُ мен ундан хат олдим; 3) бор бўлмоқ, учрамоқ, ёзилмоқ (*мас, текстда* فِي); 4) (*бирор н. дан*) олмоқ (مِنْ); 5) *мажҳ.* ўқтин-ўқтин тутадиган безгак билан касалланмоқ; II وَرَّدَ 1) (*товар*) етказиб бермоқ; 2) (*пул*) бермоқ, топширмоқ; 3) (*юзни*) қизартирмоқ; 4) гулламоқ (*дарахт ҳақида*); 5) ёзиб қўймоқ (*мас., кирим-чиқимлар дафтарига*); IV أَوْرَدَ 2) олиб бормоқ, етказиб бермоқ; 2) (*фойда*) етказмоқ, келтирмоқ; 3) иқтибос (цитата) келтирмоқ; V تَوَرَّدَ 1) етказиб берилмоқ; 2) қизармоқ, қизариб кетмоқ; 3) бўялмоқ; VI تَوَارَدَ 1) бошқалар билан биргалашиб бўлмоқ; 2) кетма-кет, бирин-кетин юрмоқ; 3) мос келмоқ, ўхшаш бўлмоқ (*фикр ҳақида*); X اسْتَوْرَدَ (*қаердандир*) олиб келмоқ, келтирмоқ, импорт қилмоқ (مِنْ); (*қаердандир*) ёздириб (*товар*) олмоқ (مِنْ); 2) (*қаердандир*) олмоқ (مِنْ).

– اسْتِيرَادٌ олиб келиш, келтириш, импорт; إِجَازَةُ (تَرْخِيصُ، إِذْنُ) الْـ ~ импорт лицензияси

– إِيرَادٌ *кўп.* ات — 1) фойда, кирим; 2) иқтибос олиш, цитата олиш

– اِيرَادجيّ кўп. اِيرَادجيَّة 1. фойда ҳисобига яшовчи; 2. судхўр

– تَوَارُدٌ 1) биргалашиб ёки бир вақтда келиш; 2) тўғри келиб қолиш; ~ الْخَوَاطِر фикрларнинг мос, тўғри келиши

– تَوْرِيدٌ 1) олиб келиш, етказиб бериш; 2) импорт

– تَوْرِيدَاتٌ кўп. етказиб берилган (*товарлар*)

– مُتَوَرِّدٌ қизил югурган, қизариб кетган, қизариб кўринган

– مُسْتَوْرِدٌ 1. олиб келувчи, етказиб келувчи; 2. импортёр

– مُسْتَوْرَدٌ олиб келинадиган, импорт қилинадиган; الْبَضَائِعُ الـ~ةُ импорт қилинган моллар

– مَوْرِدٌ кўп. مَوَارِدُ 1) манба, ресурслар; مَوَارِدُ طَبِيعِيَّةٌ табиий ресурслар; لَيْسَ لَهُ ~ الرِّزْق унинг яшаш учун манбалари йўқ; 2) фойда, маблағ; 3) йўл

– مُوَرَّدٌ қизил, ол; қип-қизил

– مُوَرِّدٌ 1. олиб келувчи; 2) етказиб берувчи, келтирувчи

– مَوْرِدَةٌ 1) (*лода*) сув ичадиган жой; 2) паромни қирғоққа боғлайдиган жой

– وَارِدٌ[1] олиб келинаётган, келаётган

– وَارِدٌ[2] йўл

– وَارِدَاتٌ кўп. 1) олиб келинган моллар, импорт; الـ~ وَ الصَّادِرَاتُ импорт ва экспорт; 2) фойдалар, киримлар

– وِرْدٌ кўп. أَوْرَادٌ 1) манба; 2) (*ҳайвон*) суғориладиган жой; كَرِيهُ الـ~ وَ الصَّدَرِ ичишга яроқсиз (*сув ҳақида*); 3) туннинг ибодатга мўлжалланган қисми; 4) Қуръони Каримнинг тунда ўқиладиган қисми; қисқа ибодат; 5) тилхат ёки солиқ тўланганини ҳақида ҳужжат; ◊ حُمَّى الـ~ *мед.* ўқтин-ўқтин тутадиган безгак

– وَرْدٌ 1) *жам.* атиргуллар; خَشَبُ الـ~ атиргул дарахти; مَاءُ الـ~ атиргулли сув; ~ الْحُبِّ *бот.* Осиё айиқтовони (*заҳарли ўт*); ~ الْحِمَارِ *бот.* самбитгул; ~ اللَّيْلِ *бот.* намозшомгул; ~ النِّيلِ *бот.* синил (*гул*); جَبَلِيٌّ ~ *ёки* بَرِّيٌّ ~ *бот.* наъматак, итбурун; 2) тўриқ от; 3) йўлбарс

– وَرْدَانٌ: ~ بِنْتُ (ابْنُ) ~ кўп. بَنَاتُ (أَبْنَاءُ) ~ суварак, қизғиш суварак

– وَرْدَةٌ[1] кўп. ـاتٌ — атиргул; ~ الرِّيَاحِ *метео.* муайян бир жойда эсувчи шамоллар йўналишини кўрсатадиган тасвир

– وَرْدَةٌ[2] кўп. وِرَدٌ шайба, винт ва болт ўртасига қўйиладиган мослама

– وَرْدَةٌ атиргул ранги

– وَرْدِيٌّ атиргул рангли; қизил; الطَّفْحُ الـ~ *қар.* طَفْحٌ

– وَرْدِيَّاتٌ кўп. *бот.* атиргулга оид; атиргулдошлар; فَصِيلَةُ الـ~ атиргулбошлар оиласи

– وَرْدِيَانٌ кўп. وَرْدِيَّاتٌ 1) тунги соқчи, қоровул; 2) маёқ қоровули (соқчиси)

– وَرْدِيَّةٌ кўп. ـاتٌ — 1) вахта, навбатчилик; смена, навбат (*ишчиларга оид*); қўриқлаш, соқчилик; ~ عَلَى а) соқчиликда; б) навбатчиликда; хизмат вазифасини бажараётган вақтда; تَعْمَلُ الْمَصَانِعُ فِي ثَلَاثِ وَرْدِيَّاتٍ бу заводлар уч сменада ишлайди; 2) *мед.* розеола (*терида баъзи касалликлар вақтида пайдо бўладиган тўқ қизил рангли хол*)

– وُرُودٌ 1) келиш, етиб келиш; ~ الدَّمِ қон қуйилиш; 2) (*ҳайвонлар*) сув ичадиган жой

– وَرِيدٌ кўп. أَوْرِدَةٌ вена томири; حَبْلُ الـ~ бўйиндаги вена томири; الـ~ الْبَابِيُّ катта вена (*барча ошқозон-ичак системасидаги қонни тўплаб жигарга юборувчи вена*); بَاتَ هَذَا الْحَادِثُ مِنَّا بِقُرْبِ حَبْلِ الـ~ *маж.* бу ҳодиса тумшуқ тагида турибди, яъни яқин-орада бўлади

– وَرِيدِيٌّ вена томирига оид; الدَّمُ الـ~ вена томиридаги қон; الاِلْتِهَابُ الـ~ *мед.* вена томирининг шамоллаши, флебит

وَرْدَلٌ бахя (*оёқ кийимида*)

(ورس) وَرَّسَ II (*сариқ дарахт-Memeceylon tinctorium-дан олинган ранг ёрдамида матони*) сариқ рангга бўямоқ (*қар.* وَرْسٌ); IV أَوْرَسَ: ~ الْمَكَانُ сариқ дарахт кўпайиб кетмоқ

– وَرْسٌ *бот.* сариқ дарахт (*Memeceylon tinctorium*)

– وَرْسِيٌّ сариқ

– وَرِيسٌ сариқ рангга бўялган

(ورش) وَرَشَ I (*и*) وَرْشٌ (*к. нингдир олдига*) чақирилмасдан келмоқ, таклифсиз кирмоқ (عَلَى); ◊ لَا تَرِشْ عَلَيَّ! гапимни бўлма! (бўлмай тур!); وَرِشَ (يَوْرَشُ) وَرَشٌ ғайратли, шўх бўлмоқ; II وَرَّشَ (*к. нингдир ўртасига*) душманлик солмоқ (بَيْنَ);

– وَارِشٌ чақирилмаган меҳмон

– وَرَشٌ ғайратлилик, шўхлик

– وَرِشٌ ғайратли, жонли, хушчақчақ, шўх; نَوْمٌ ~ нотинч уйқу

– وَرَشَانٌ кўп. وَرَاشِينُ, وِرْشَانٌ говкаптар, ёввойи каптар

– وَرْشَةٌ кўп. ـاتٌ, أَوْرَاشٌ, وِرَشٌ, وُرَشٌ — 1) устахона (*мас, чилангар, рассомники*); 2) фабрика цехи; ~ إِصْلَاحِ السَّيَّارَاتِ авторемонт устахонаси; ~ الْحَرَكَةِ ҳаракатлантирувчи қисмлар цехи; ~ الْخَرَّاطِينَ токарлик цехи; ~ الْعُدَدِ асбобсозлик цехи; ~ الْعَرَبَاتِ вагон цехи; ~ الْمَرَمَّاتِ (الْإِصْلَاحِ) таъмирлаш цехи; 3) фабрика, кичик завод

(ورط) وَرَّطَ II (*бемаъни, ёмон ишга*) қўшмоқ, тортмоқ, аралаштирмоқ (فِي); оғир аҳволга солиб қўймоқ; ~ نَفْسَهُ ёмон ишга аралашиб қолмоқ; IV أَوْرَطَ = II; V تَوَرَّطَ оғир аҳволга тушиб қолмоқ; (*бирор н. га*) кўмиб қўймоқ, ботириб қўймоқ (فِي); (*бирор н.*

га) аралашиб, боғланиб қолмоқ (فى); فى الاِسْتِدَانَةِ ~ қарзга ботмоқ; فى الخَطَأِ ~ хато қилмоқ; فى الشَّرِّ ~ камчиликларга кўмилиб кетмоқ; X اِسْتَوْرَطَ = V

— مُوَرَّطٌ , مُوَرُوطٌ хижолатли, оғир аҳволга тушиб қолган; бемаъни ишларга аралашиб қолган

— وَرْطَةٌ ; ـــَاتٌ *кўп.* وِرَاطٌ , қийин, оғир аҳвол; бало-офат, кўнгилсизлик; أَوْقَعَهُ فى ~ кимнидир бемаъни ишга аралаштирмоқ

I وَرَغَ (ورع) وَرِعَ (يَرِعُ, يَوْرَعُ) وَرُعَ *ёки* وَرُعَ (يَوْرُعُ), وُرُوعٌ художўй бўлмоқ; V تَوَرَّعَ қўрқмоқ, виждонли бўлмоқ, (*н. нидир*) қилишдан ҳайиқмоқ (عَن); диёнатли бўлмоқ

— وَرَعٌ художўйлик, диёнатлилик; بِلاَ ~ وَ لاَ حَيَاءٍ диёнатсизлик ва беҳаёлик билан

— وَرِعٌ *кўп.* أَوْرَاعٌ художўй, диёнатли

I وَرَفَ (*и*) وَرْفٌ 1) яшил бўлмоқ; қуюқ, сербарг бўлмоқ (*дарахт ҳақида*); 2) узун, чўзилган бўлмоқ (*соя ҳақида*); II وَرَّفَ = I; IV أَوْرَفَ = I

— وَارِفٌ 1) яшил, гуллаётган, сербарг, қуюқ бўлган (*дарахт ҳақида*); 2) узун; чўзиқ; الظِّلِّ الـ~ узун, чўзиқ соя

I وَرَقَ (*и*) وَرْقٌ 1) барглар билан қопланмоқ (*дарахт ҳақида*); 2) баргларни узмоқ, юлмоқ; الشَّجَرَةَ ~ дарахтлар баргини юлмоқ, узмоқ; II وَرَّقَ 1) барглар билан қопланмоқ (*дарахт ҳақида*); 2) баргларни узмоқ, юлмоқ; الشَّجَرَةَ ~ дарахт баргини узмоқ; 3) қоғоз, обой билан қопламоқ; IV أَوْرَقَ 1) барглар билан қопланмоқ; 2) бой бўлмоқ; 3) имтиҳонда йиқилмоқ; V تَوَرَّقَ қоғоз билан елимланмоқ

— أَوْرَقُ *мн.* وَرْقَاءُ *кўп.* وُرْقٌ кулранг

— رِقَةٌ чекилган тангалар

— مُوَرِّقٌ 1) ёзув қоғозлари билан савдо қилувчи киши; *шунингдек*, الجُدْرَانِ (الحِيطَانِ) ~ деворга обой ёпиштирувчи (қопловчи) уста

— مُورِقٌ барглар билан қопланган (*дарахт ҳақида*)

— وَارِقٌ барглар билан қопланган (*дарахт ҳақида*); яшил

— وَرَّاقٌ 1) қоғозфуруш; девонхона (канцелярия) ёзув-чизув асбоблари билан савдо қилувчи киши; 2) букинист (*эски камёб китоблар йиғувчи, сотувчи*); 3) котиб, (*қўлёзмаларни*) кўчирувчи; 4) тангаси кўп, кўп тангали; رَجُلٌ ~ тангаси кўп одам

— وِرَاقَةٌ 1) қоғоз ишлаб чиқариш; 2) қоғоз савдоси; девонхона (канцелярия) ёзув-чизув асбоблари савдоси

— وَرَقٌ *кўп.* أَوْرَاقٌ 1) барглар; تِبْغٍ الـ~ баргли тамаки; سَقَطَ الخَرِيفِ كَـ~ *маж.* муваффақиятсизликка учрамоқ, ўнгидан келмаслик; 2) қоғоз; أَبْيَضُ ~ оқ қоғоз; التَّمْغَةِ ~ гербли (тамғали) қоғоз; لِتَغْطِيَةِ الحِيطَانِ ~ *ёки* الجُدْرَانِ (الحِيطَانِ) ~ обойлар; الذُّبَّانِ ~ пашша тутадиган елимли қоғоз; الرَّسْمِ ~ расм чизиладиган қоғоз; السَّجَائِرِ ~ папирос қоғози; شَفَّافٌ ~ шаффоф қоғоз, калка қоғоз; الطَّبْعِ ~ босмахона қоғози; عَبَّادِ الشَّمْسِ ~ *кимё.* лакмус қоғози; الكِتَابَةِ ~ ёзув қоғози; الشَّاهِدَةِ ~ *ёки* الكَرْبُونِ ~ қора қоғоз *ёки* нусха кўчиришда ишлатиладиган қоғоз; لِلْحَزْمِ وَ الرَّبْطِ ~ ўрайдиган (упаковка қиладиган) қоғоз; لِلَّفِّ ~ (*бирор н.*) ўраб бериладиган қоғоз; مُرَمَّلٌ ~ *ёки* الصَّنْفَرَةِ ~ эговлаш (наждак) қоғози; المُسْتَرَاحِ ~ туалет қоғози; مُسَطَّرٌ ~ чизиқли, чизиқ тортилган қоғоз; مُشَمَّعٌ ~ мумли қоғоз (*нусха кўчириш аппаратларида ишлатилади*); مَضْغُوطٌ ~ папье-маше; مُفَضَّضٌ ~ станиолл (*қалайдан ясалган зар қоғоз*), фольга; مُقَوًّى ~ картон, муқова қоғози; المُوسِيقَى ~ нота (музика ёзуви) қоғози; نَشَّافٌ ~ (نَشَّاشٌ) босма, сиёҳ шимадиган қоғоз; اليَانَصِيبِ ~ лотерея билетлари; الأَوْرَاقُ النَّقْدِيَّةُ қоғоз пуллар; кредит билетлари; الأَوْرَاقُ المَالِيَّةُ қимматбаҳо қоғозлар; أَوْرَاقُ الاِنْتِخَابِ овоз бериш бюллетени; أَوْرَاقُ الاِعْتِمَادِ ишонч ёрлиқлари; أَوْرَاقُ البُرُوفَاتِ корректура; أَوْرَاقُ اللَّعِبِ *ёки* أَوْرَاقُ الشِّدَّةِ карталар (*ўйнайдиган*); ظَلَّ حِبْرًا عَلَى الـ~ қоғоздагина бор холос; كَشَفَ عَنْ جَمِيعِ أَوْرَاقِهِ ҳамма режа, ниятларни очмоқ, маълум қилмоқ; 3) кумуш тангалар, пул; 4) давлат, бойлик

— وَرَقٌ , وَرْقٌ , وِرْقٌ , وَرِقٌ кумуш, кумуш тангалар

— وِرَاقٌ , أَوْرَاقٌ *кўп.* وَارِقٌ ; 2) = وَرَقٌ 1) чекилган тангалар

— وَرْقَاءُ *кўп.* وُرْقٌ каптар

— وَرَقَةٌ ـــَاتٌ *кўп.* 1) *бот.* барг, баргча; التُّوَيْجِ ~ гулбарг; التِّينِ ~ анжир барги; 3) қоғоз варағи; билет; карта; الاِمْتِحَانِ ~ имтиҳон билети; البَرِيدِ ~ почта картаси; دَعْوَةٍ ~ таклифнома; اللَّعِبِ ~ ўйналадиган карта; رَابِحَةٌ ~ кузир (*карта ўйинида*); اليَانَصِيبِ ~ лотерея белети; ... إِنَّهَا مُهِمَّةٌ فِى ~ *кўч. м.* бу ...дагиларнинг нуфузлиларидан; 3) қоғоз, ҳужжат; البَنْكِ ~ банкнот (пул); مَالِيَّةٌ ~ а) кредит билети; б) қимматбаҳо қоғоз; الاِتِّهَامِ ~ айблов ҳужжати; مُرُورٍ ~ пропуск, кириш учун рухсатнома; 4) пластинка; مَعْدَنِيَّةٌ ~ металл пластинка; 5) кичкина газета, газетача

— وَرَقِيٌّ 1) қоғозга оид; ـــَةٌ نُقُودٌ қоғоз пуллар; ـــَةٌ عُمْلَةٌ қоғоз валюта; ـــَةٌ فُوطَةٌ қоғоз даструмол, салфетка; 2) баргли; نَبَاتٌ ~ баргли ўсимлик

— وَرِيقٌ сербарг, барги кўп

— وُرَيْقَةٌ ـــَاتٌ *кўп.* кичкина газета, газетача

(ورك) V تَوَرَّكَ думбани (*қаергадир*) қўймоқ; عَلَى اليُمْنَى ~ думбани ўнг оёқ устига қўймоқ, ўнг оёқ устида ўтирмоқ (*намозда*);

عَلَى الدَّابَّة ~ бир ённи эгарга қўйиб, оёқни букламоқ (*от устида*)

– وَرْكٌ، وِرْكٌ *мн. кўп.* أَوْرَاكٌ сон, ёнбош

وَرَلٌ *кўп.* أَوْرَالٌ، وِرْلَانٌ *зоол.* эчкизмар; النِّيل ~ Нил эчкизмари; ~ الْأَرْض (*фақат қуруқликдагина яшайдиган*) эчкизмар

I وَرِمَ (يَرِمُ) وَرَمٌ шишган, шишиб кетган бўлмоқ; ◊ أَنْفُهُ ~ аччиқланмоқ; II وَرَّمَ шиширмоқ, шиш ҳосил қилмоқ; ◊ بِأَنْفِهِ ~ кеккаймоқ, керилмоқ; أَنْفَهُ ~ кимнидир аччиқлантирмоқ, хафа қилмоқ; V تَوَرَّمَ шишмоқ, шишиб кетмоқ; аланга олдирмоқ

– مُوَرَّمٌ шишган, шишиб кетган; الْأَقْدَام ~ оёқлари шишиб кетган

– وَارِمٌ шишган, шишиб кетган

– وَرَمٌ *кўп.* أَوْرَامٌ шиш, ғурра, ўсма; سَلِيمٌ ~ *ёки* حَمِيدٌ ~ зарарсиз шиш; خَبِيثٌ ~ ҳалокатли шиш; سَرَطَانِيٌّ ~ саратон (рак) шиши; ~ شَحْمِيٌّ *ёки* دُهْنِيٌّ ~ липома, ёғлиқ шиш, ёғ тўқималаридан иборат ўсма; عَظْمِيٌّ ~ остеома; غُدِّيٌّ ~ *ёки* غُدَدِيٌّ ~ аденома; لَحْمِيٌّ ~ саркома; لِيفِيٌّ ~ фиброма; وِعَائِيٌّ ~ ангиома

وِرْلَان *жам. зоол.* эчкизмарлар

– وَرَلَة *кўп.* ~ ات эчкизмар

وَرْنَشَ локламоқ, лок билан бўямоқ

– وَرْنِيش локлаш, лок; أَحْذِيَة ~ этик мойи, гуталин; ~ دَهَنَ بِالـ локламоқ, лок билан бўямоқ

وَرْنَك *зоол.* скат (*думи ингичка ялпоқ денгиз балиғи*)

وَرْنِيَة *тех.* верньер

I وَرِهَ (يَوْرَهُ) وَرَهٌ аҳмоқ (нодон, ақли калта) бўлмоқ

– أَوْرَهُ *мн.* وَرْهَاءُ *кўп.* وُرْهٌ аҳмоқ, нодон, ақли калта, ақлсиз

– وَرَهٌ аҳмоқлик, нодонлик, ақлсизлик

I وَرَى (يَرِي) وَرْيٌ 1) учқун чиқармоқ (*чақмоқтош ҳақида*); 2) яра босмоқ, жароҳат тошмоқ; الْقَيْحُ جَوْفَهُ ~ унга бутунлай яра тошиб кетди; II وَرَّى 1) (*н. нидир*) яширмоқ, пинҳон тутмоқ, беркитмоқ (*туш. к ёки* ب); 2) (*н. ҳақидадир*) ноаниқ, имо-ишоралар, шама, қочиримлар билан гапирмоқ (فى); 3) (*одамлар диққатини асосий мақсаддан четга тортиш ниятида н. нидир*) ёлғондан қилмоқ, қилаётганга солмоқ (عن، ب); 4) учқун, ўт чиқармоқ; 5) *халқ.* кўрсатмоқ; وَرِّينِي! кўрсат менга!; III وَارَى пинҳон тутмоқ, яширмоқ; التُّرَاب الْمَيِّتَ ~ майитни тупроққа топширмоқ; الْمَيِّتَ فِي مَقَرِّهِ ~ майитни дафн этмоқ; الْجُثْمَانَ الثَّرَى الْأَخِير ~ (*майит*) танасини (*қаердадир*) тупроққа топширмоқ (فى); IV أَوْرَى 1) ўт, учқун чиқармоқ; 2) *халқ.* кўрсатмоқ; V تَوَرَّى 1) яширинмоқ, яшириниб юрмоқ; йўқолмоқ, кўздан пинҳон бўлмоқ; عَنِ الْأَبْصَارِ (الْأَنْظَارِ) ~ кўздан яширинмоқ, кўзга кўринмаслик; X اسْتَوْرَى ўт, учқун чиқармоқ; ◊ زِنَادَ غَيْظِهِ ~ кимнингдир ғазабини қўзғамоқ

– تَوْرَاةٌ Таврот; أَهْلُ الـ ~ яҳудийлар

– تَوْرِيَةٌ 1) яшириш, пинҳон тутиш, беркитиш; муғомбирлик, айёрлик, ёлғондакамлик; 2) иккиюзламачилик, мунофиқлик, фирибгарлик; 3) имо-ишора, шама; сўз ўйини; بالـ ~ имо ишора билан, шама қилиб; 5) *халқ.* кўрсатиш, кўрсатиб туриш

– مُوَارَاةٌ яшириш, беркитиш, пинҳон тутиш; بِلَا ~ яширмай, очиқчасига

– مُورٍ *мн.* مُورِيَةٌ ўт, чақмоқ чиқарувчи

– وَرَاءَ орқз. орқа томон; هُ ~ кимнингдир, ниманингдир томонидан; ظَهْرِهِ ~ مِنْ кимнингдир орқасидан, кимнидир орқа қилиб; الْبِحَار ~ денгизлар ортидан; الطَّبِيعَة ~ مَا а) қандайдир ғайритабиий нарса; б) метафизика; إِلَى الـ ~ орқага; تَرَكَ هُ ~ ўзидан кейин қолдирмоқ; ذَلِكَ ~ وَقَفَ бу нарсанинг ортида (*яширин туртки бериб*) турувчи бўлмоқ; إِنَّهُ هُوَ ~ هَذِهِ الْحَوَادِث бу ҳодисаларнинг ортида мана ким турган экан; أَصَابِعُهُمْ ~ هَذَا الْأَمْر бу ишга улар ҳам аралашганлар; ◊ ~ ~ аста-секин; مِنْ ~ هَذَا ... ذَرِيعَةَ الدِّفَاع ...ни ҳимоя қилиш баҳонаси билан; قَدْ أَنْفَقَتْ أَنْ ~ أَكَمَةٍ مَا ~ هَا فَوَاد бунга унинг қуввати етмайди; *қар.* أَكَمَة; الْغَرَضُ مِنْ ~ ذَلِكَ ... унинг мақсади шуки ...; حَتَّى مِنْ ~ ذَلِكَ ... бунинг натижасида у ...ни олди; سَعَى ~ ...га интилмоқ; صَدَاقَتِهِ ~ سَعَى кимнингдир дўстлигига эришмоқ

– وَرَائِيٌّ орқада турувчи, орқадаги; مَا ~ нариги тарафдаги, у дунёдаги

– وَرَى الـ: одамлар, одам зоти

I وَزَّ (а/у) وَزٌّ (*к. гадир қарши*) гижгижламоқ (عَلَى)

– وَزٌّ، إِوَزٌّ *жам.* ғозлар; عِرَاقِيٌّ ~ оққушлар; ◊ رِجْلُ الـ ~ олабута, шўра

– وَزَّةٌ *кўп.* ~ ات ғоз; فَرْخُ الـ ~ ғоз боласи, жўжа ғоз, ғозча

I وَزَبَ (и) وُزُوبٌ оқмоқ, оқиб турмоқ, оқиб тушиб кетмоқ (*сол.* أَزَبَ)

– مِيزَابٌ *кўп.* مَيَازِيبُ 1) нов, тарнов; 2) (*милтиқ стволи ичидаги*) чизиқ чуқурча; ◊ انْفَتَحَتْ مَيَازِيبُ السَّمَاء осмоннинг тағи тешилди, ёмғир шаррос (челаклаб) қуяпти

I وَزَرَ (и) وِزْرٌ، وَزْرٌ 1) оғир юкни, оғирликни ташимоқ, олиб юрмоқ; 2) гуноҳ, айб қилмоқ; وَزِرَ (يَوْزَرُ) وِزْرٌ، وَزْرٌ، وِزْرَةٌ гуноҳ қилмоқ, ёмон иш қилиб қўймоқ; II وَزَّرَ вазир (министр) этиб тайинламоқ; III وَازَرَ ёрдамлашмоқ, кўмаклашмоқ (*сол.* أَزَرَ); هُ ~ فِي ... муносабати билан кимгадир ҳамдардлик қилмоқ; V تَوَزَّرَ

вазир (министр) бўлмоқ; VIII اِتَّزَرَ 1) гуноҳ, айб қилиб қўймоқ; (*н. биландир*) ўзига боғлаб, тангиб олмоқ (بِ); пешбанд боғлаб олмоқ (وِزْرَةً *сол.* أَزَرَ); X اِسْتَوْزَرَ 1) вазир этиб тайинламоқ; 2) вазирликка эришмоқ; 3) вазир бўлмоқ

— اِسْتِيزَارٌ вазир этиб таъйинланиш (таъйинлаш)

— وِزَارَةٌ *кўп.* اتٌ — вазирлик, вазорат; ~ الْأَشْغَالِ الْعُمُومِيَّةِ ижтимоий ишлар вазирлиги; ~ الْأَوْقَافِ вақфлар вазирлиги; ~ الْبَحْرِيَّةِ денгиз флоти вазирлиги; ~ التِّجَارَةِ савдо вазирлиги; ~ التَّموينِ таъминот вазирлиги; ~ الْخَارِجِيَّةِ ташқи ишлар вазирлиги; ~ الدَّاخِلِيَّةِ ички ишлар вазирлиги; ~ الزِّرَاعَةِ қишлоқ хўжалиги вазирлиги; ~ الْحَقَّانِيَّةِ ёки ~ الْعَدْلِ; ~ الْحَرْبِيَّةِ ҳарбий вазирлик; адлия вазирлиги; ~ الْمَالِيَّةِ молия вазирлиги; ~ التَّرْبِيَةِ وَ التَّعْلِيمِ ёки ~ الْمَعَارِفِ маориф вазирлиги; ~ الصِّحَّةِ الْعُمُومِيَّةِ соғлиқни сақлаш вазирлиги; ~ الْمُوَاصَلَاتِ алоқа йўллари вазирлиги; 2) вазирлар маҳкамаси (кабинети); رَئِيسُ الـ~ вазирлар маҳкамаси (кабинети) раиси; ~ وَكِيلُ الـ~ вазир ўринбосари (ёрдамчиси); وَكِيلُ ~ الْخَارِجِيَّةِ ташқи ишлар вазири ўринбосари

— وِزَارِيٌّ вазирликка оид; لَجْنَةٌ ~ةٌ вазирлик комиссияси

— وَزَرٌ 1) тоғ; 2) бошпана, кўчиб бориладиган жой

— وِزْرٌ *кўп.* أَوْزَارٌ 1) оғирлик, юк; وَضَعَتِ الْحَرْبُ أَوْزَارَهَا *маж.* уруш тамом бўлди; 2) гуноҳ, гунох қилиш; 3) масъулият; الـ~ عَلَيْكَ إِذَا ... агар ... бўлса, сен масъул бўласан (жавобгар бўласан); حَمَّلَهَا ~ هٰذَا الْعَمَلِ у бу ишнинг масъулиятини у (*аёл*) елкасига юклади

— وِزْرَةٌ *кўп.* اتٌ — (*девор*) рахи

— وِزْرَةٌ *кўп.* وِزَرَاتٌ белбоғ, пешбанд

— وَزِيرٌ *кўп.* وُزَرَاءُ 1) вазир, министр; ~ الْخَارِجِيَّةِ ташқи ишлар вазири; ~ الدِّفَاعِ мудофаа вазири; الـ~ الْمُفَوَّضُ мухтор вазир; مَجْلِسُ الْوُزَرَاءِ вазирлар мажлиси (совети); ~ بِلَا وِزَارَةٍ портфел (амал)сиз вазир; الـ~ الْأَعْظَمُ *тар.* вазири аъзам; 2) шахм. фарзин

— وَزِيرِيٌّ вазирга қарашли (оид)

I وَزَعَ (*а*) وَزْعٌ 1) тутиб турмоқ, тўхтатиб қолмоқ, жиловламоқ; 2) (*н. ғадир*) интилтирмоқ, йўлламоқ, чорламоқ (بِ); II وَزَّعَ 1) (*к. нингдир ўртасида*) тақсимламоқ, бўлмоқ, (*к. ғадир*) бўлиб бермоқ, тарқатмоқ (عَلَى); ~ الْأَدْوَارَ (*...лар ўртасида*) ролларни тақсимламоқ (فِيمَا بَيْنَ ...); 2) тарқатмоқ; (*низом, йўл-йўриқларни*) жўнатмоқ; (*хатларни хонадонларга*) тарқармоқ (*почтачи ҳақида*); ~ مَنْشُورَاتٍ варақа (прокламация)лар тарқатмоқ; 3) жойлаштирмоқ, ўринлаштирмоқ; *ҳарб.* (*қўшинларни*) жойлаштирмоқ; дислокация қилмоқ; 4) *муз.* оркестрлаштирмоқ; IV أَوْزَعَ 1) кўнгилга солмоқ (*Оллоҳ ҳақида*); 2) (*н. ғадир*) йўналтирмоқ, йўлламоқ (بِ); V تَوَزَّعَ 1) тақсимланмоқ, бўлинмоқ; 2) тарқатилмоқ (*мас, прокламация*); жўнатилмоқ, юборилмоқ; (*турли жойларга*) юборилмоқ, тарқатилмоқ; 3) жойлашмоқ, ўринлашмоқ; *ҳарб.* дислокация қилинмоқ, жойлашмоқ (*қўшин ҳақида*); 4) қийнамоқ, куйдирмоқ (*туйғулар, ҳислар ҳақида*); VI تَوَازَعَ ўзаро тақсимламоқ, ўзаро бўлиб олмоқ; VIII اِتَّزَعَ жиловланмоқ, ушланиб турмоқ, ушланиб қолмоқ; X اِسْتَوْزَعَ: ~ اللّٰهَ شُكْرَهُ Оллоҳдан ўзига шукроналик сўрамоқ

— أَوْزَاعٌ аралашма, конгломерат (*хилма-хил н. ларнинг тасодифий аралашмаси*)

— تَوَزُّعٌ тақсим, тақсимланиш; жойлашиш, жой-жойига қўйиш; ~ الْقُوَى кучларни жой-жойига қўйиш, жойлаштириш

— تَوْزِيعٌ 1) тақсимлаш, бўлиш, тарқатиш; ~ الْأَرْبَاحِ фойдаларни (девидентларни) тақсимлаш; ~ الْجَوَائِزِ мукофотларни тарқатиш; ~ الضَّرَائِبِ солиқлар улуши; سُوءُ الـ~ ёмон тақсим, нотўғри тақсимлаш; لَوْحَةُ الـ~ *эл.* тақсимловчи асбоб ўрнатилган тахта; 2) жўнатиш, элтиб (етказиб) бериш (*хат, телеграмма ҳақида*); 3) *ҳарб.* жойлашиш, жойлаштириш, дислокация; 4) оркестрлаштириш, оркестрга мослаш; 5) *кўп.* اتٌ — *спорт.* комбинация (*ҳаракат ёки юришлар мажмуи*); حَضَّرَ بَعْضَ التَّوْزِيعَاتِ комбинациялардан бирини тайёрламоқ

— مُتَوَزِّعٌ бўлинувчи, тақсимланувчи, тақсимланадиган; азоб чекаётган (*ҳис, туйғулардан*); كَانَ قَلْبُهَا ~ا بَيْنَ سَعَادَةٍ وَ خَوْفٍ у (*аёл*) нинг қалбини гоҳ шодлик, гоҳ қўрқув пармаларди

— مُوَزِّعٌ 1) тақсимловчи, бўлувчи; 2) юборувчи, жўнатувчи, элтиб, етказиб берувчи; ~ الْبَرِيدِ почтачи, почтальон

— وَازِعٌ 1) ўзини тутиб туриш манбаи; 2) бирор нарсага ундовчи сабаб, стимул, манфаат; بِـ~ نَفْسِهِ ўз ихтиёри билан, ўз истаги билан; 3) ибратли мисол; 4) *кўп.* وَزَعَةٌ сафни тўғрилаб тартибга солувчи (*армияда*)

— وَزِيعَةٌ *кўп.* وَزَائِعُ улуш, бўлак

وَزَغَةٌ *кўп.* وَزَغٌ, أَوْزَاغٌ, وِزْغَانٌ курт турларидан бири

I وَزَفَ (*и*) وَزِيفٌ шошилмоқ, тезлашмоқ

— وَزِيفٌ тез юриш, шошилиб юриш

وَزَّالٌ *бот.* сариқ гулли, дуккакли чўл ўсимлиги

— وَزَّالٌ = وَزَلٌ

I وَزَنَ (*и*) وَزْنٌ, زِنَةٌ 1) тортмоқ, оғирлигини ўлчаб, тортиб кўрмоқ; (*к. ғадир*) тортиб бермоқ, вазнига қараб сотмоқ (لِـ); 2) *бухг.* балансламоқ, кирим-чиқимларни балансга келтирмоқ; 3) *адаб.* шеърни вазнга мос қилиб ўқимоқ (*мас, арузда*); ◊ ~ الْمَسْأَلَةَ بِمُخْتَلِفِ الْمَوَازِينِ масалани ҳар томонлама ўйлаб кўрмоқ (тарозига солмоқ); ~ الْحَائِطَ деворни адилак (шоқул) асбоблари ёрдамида

тўғрилаб урмоқ (тикламоқ); وَزَانَةٌ (يَوْزُنُ) وَزُنَ 1) совуққон, жиддий бўлмоқ; соғлом фикр эгаси бўлмоқ; 2) вазни оғир бўлмоқ; III وَازَنَ 1) (*н. ни н. биландир*) солиштирмоқ, қиёсламоқ; (*н. нинг н. дандир*) фарқини аниқламоқ (بَيْنَ ... و...); 2) вазни (оғирлиги) бир хил бўлмоқ; тенг қилмоқ; 3) бошқармоқ; 4) *бухг.* балансласhтирмоқ; VI تَوَازَنَ тенг қилмоқ; тенг, баробар бўлмоқ; VIII اِتَّزَنَ 1) тенг бўлмоқ, тенглашмоқ; 2) мувозанатини сақламоқ; 3) бир текисда, доимий бўлмоқ

– اِتِّزَانٌ 1) мувозанат; حَفِظَ الـ~ мувозанатни сақламоқ; 2) ўзини босиб олмоқлик, босиқлик; ~ الْعَقْلِ босиқлик, совуққонлик; 3) бир текислик, мунтазамлик; بِـ ~ رَتِيبٍ а) бир текисда; б) мунтазам

– تَوَازُنٌ мувозанат, тенглик; ~ الْقُوَى الدُّوَلِيَّةِ *ёки* الـ~ الدُّوَلِيُّ *ёки* الـ~ السِّيَاسِيُّ сиёсий мувозанат; ~ الْقُوَى *физ.* кучлар мувозанати; عِلْمُ ~ الْقُوَى статика (*механиканинг жисмлар мувозанати ҳақидаги бўлими*); عِلْمُ ~ الْمَوَائِعِ (السَّوَائِلِ) гидростатика

– زِنَةٌ 1) (*тарозида*) тортиш; 2) оғирлик, вазн

– مُتَّزِنٌ 1) бир текисда, бир ўлчовда, тенг миқдорда, тенг; 2) босиқ, совуққон

– مُوَازِنٌ 1. босиқ, совуққон қиладиган, тенг ўлчовли; (*бирор н. билан*) тенглашадиган, баробарлашадиган, тенг; 2. стабилизатор

– مُوَازَنَةٌ 1) қиёслаш, солиштириш; 2) босиқлик, совуққонлик; 3) мувозанат; 4) баланс чиқариш, баланс; 5) посанги

– مَوْزُونٌ 1) ўйлаб қурилган; 2) ҳар томонлама, чуқур ўйланган; 3) арзирли, арзийдиган; 4) босиқ, совуққон; 5) бир текисда, оҳангдор талаффуз; سَارَ بِخُطًى ~ـة бир текисда қадам ташлаб бормоқ; 6) маст бўлган, маст

– مِيزَانٌ *кўп.* مَوَازِينُ, مَيَازِينُ 1) тарози; ~ طَبْلِيَّة платформа-тарози; ~ الدَّيْنُونَةِ *дин.* ҳақиқат тарозиси; 2) ўлчов; ~ الثِّقْلِ النَّوْعِيِّ للسَّوَائِلِ ареометр; ~ ثِقْلِ الْهَوَاءِ барометр; ~ الْحَرَارَةِ термометр; ~ ضَغْطِ الْبُخَارِ манометр; ~ الْقُوَّةِ динамометр; ~ الْحَائِطِ *ёки* ~ الْبِنَاءِ шоқул; ~ الْمَاءِ шайтон, сув сатҳини ўлчаш асбоби; ватерпас; 3) баланс; الـ~ الْحِسَابِيُّ (التِّجَارِيُّ) ҳисоб (савдо) баланси; ~ الْمَدْفُوعَاتِ тўлов баланси; 4) адолат, одиллик, холислик; 5) *муз.* *адаб.* ўлчов, вазн; الْمَوَازِينُ الثُّنَائِيَّةُ *муз.* 1/2 ўлчов; الْمَوَازِينُ الثُّلَاثِيَّةُ *мз.* 3/4 ўлчов; ◊ بُرْجُ الـ~ *астр.* Мезон буржи

– مِيزَانِيَّةٌ *кўп.* ـات 1) бюджет; ~ الْحُكُومَةِ давлат бюджети; أَبْوَابُ الـ~ бюджет моддалари (боблари); 2) тенглик, мувозанат; ◊ ~ الْحِسَابَاتِ баланс; ~ الْأَرَاضِي нивелирлаш (*ер сатҳининг паст-баландлигини ўлчаш*)

– وَازِنٌ 1. тортувчи, ўлчовчи; 2) тарозидор; 3) тош босадиган; ~ دِرْهَمٌ соф, қадрли танга

– وَزَانٌ *грам.* ... билан мос, ... парадигмасига (шаклига) мувофиқ; رَسُولٌ ~ الْأُتُونُ :وَ أُتُونٌ сўзи رَسُولٌ шаклига мувофиқ (мос равишда) тузилган

– وِزَانَةٌ тарозибонлик касби

– وَزَّانٌ тарозибон

– وَزْنٌ[1] (*тарозида*) тортиш

– وَزْنٌ[2] *кўп.* أَوْزَانٌ 1) вазн, оғирлик; اِنْعِدَامُ الـ~ вазнсизлик; الـ~ النَّوْعِيُّ *ёки* الـ~ الْجَوْهَرِيُّ солиштирма оғирлик; الـ~ الذَّرِّيُّ *физ.* атом оғирлиги; الـ~ الصَّافِي соф оғирлик (нетто); الـ~ الْقَائِمُ идиш билан биргаликдаги оғирлик (брутто); *ёки* الـ~ الْفَارِغُ الـ~ الْمَطْرُوحُ идиш, тара; الـ~ الْخَفِيفُ *спорт.* енгил вазн; الـ~ الثَّقِيلُ *спорт.* оғир вазн; الـ~ الْمُتَوَسِّطُ *спорт.* ўрта вазн; نِصْفُ الْمُتَوَسِّطِ *спорт.* ярим ўрта вазн; ~ الْوَرَقَةِ *спорт.* варақ вазни; ~ الرِّيشَةِ *спорт.* пат вазни; ~ الدِّيكِ *спорт.* хўроз вазни; ~ الذُّبَابَةِ *спорт.* пашша вазни; 2) аҳамият; أَقَامَ لَهُ ~ًا مَا бирор нарсага қандайдир аҳамияти бор деб қарамоқ; لَهُ ~ а) салмоқли; б) аҳамиятли, муҳим; عَدِيمُ الـ~ а) салмоқсиз; б) аҳамиятсиз, муҳим бўлмаган; لَا ~ لَهُ бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ; 3) *муз.* ўлчов; 4) *грам.* парадигма, шакл, сўз ясаш қолипи; 5) *адаб.* вазн, шеърий ўлчов

– وَزْنَةٌ *кўп.* وَزَنَاتٌ 1) тарози тош, қадоқ тоши; 2) *тар.* талант (*Юнонистон ва Сурияда пул ва оғирлик ўлчов бирлиги*)

– وَزِينٌ тоши оғир, ишонтирадиган (*мас, сабаб*); ◊ ~ الْخُطَى савлатли, басавлат, обрў-эътиборли; ~ الرَّأْسِ босиқ, совуққон; ~ الرَّأْيِ соғлом (*мас, фикр, муҳокама*)

I وَزَى (и) وَزْيٌ тораймоқ, қисқармоқ, буришиб қолмоқ, тортилмоқ (*мас, ювилгандаги мато*); III وَازَى 1) мос, мувофиқ келмоқ; ўхшамоқ; 2) параллел юрмоқ, параллел бўлмоқ; 3) (*бирор н. нинг*) қаршисида, рўпарасида бўлмоқ, турмоқ; VI تَوَازَى параллел бормоқ, параллел бўлмоқ

– تَوَازٍ параллеллик, параллелизм; تَوَازِي الْقُوَى *мат.* кучлар параллеллограми

– تَوَازِيَةٌ параллелизм

– مُتَوَازٍ *мн.* مُتَوَازِيَةٌ параллел; (الشَّكْلُ) الْمُتَوَازِي الْأَضْلَاعِ параллелограм; (الْجِسْمُ) الْمُتَوَازِي السُّطُوحِ параллелепипед; خُطُوطٌ مُتَوَازِيَةٌ параллел чизиқлар; الْمُتَوَازِيَانِ *икки. с. спорт.* параллел бруслар (*гимнастика жиҳози*); الْمُسْتَقِيمَانِ الْمُتَوَازِيَانِ икки параллел тўғри чизиқ

– مُتَوَازِيَاتٌ *кўп. геогр.* параллеллар

– مُوَازٍ *мн.* مُوَازِيَةٌ параллелга оид, параллел (*равишдаги*)

– مُوَازَاةٌ параллеллик; عَلَى ~ параллел равишда (ҳолда)

وَسِخَ (يَوْسَخُ) وَسَخ I ифлос, лой чапланган бўлмоқ; II وَسَّخَ ифлос қилмоқ, лой чапланган бўлмоқ; ◊ ~ اسْمَهُ кимнингдир номусини булғаламоқ, номига доғ туширмоқ, обрў-эътиборини булғаламоқ; IV أَوْسَخَ = II; V تَوَسَّخَ булғанмоқ, ифлос бўлмоқ, лой чапланган бўлмоқ; VIII اتَّسَخَ = V

– اتِّسَاخ ифлосланганлик, булғанганлик, лой чапланганлик

– مُتَّسِخ ифлос, булғанган, лой чапланган

– وَسَاخَة булғанғанлик; исқиртлик, пала-партишлик; وَسَائِخ кўп. лой, ифлослик, кир-чир

– وَسَخ кўп. أَوْسَاخ ифлослик, кир-чир; ~ الأُذُن қулоқ кири

– وَسِخ исқирт, пала-партиш; ифлос, булғанган, кирланган

(وسد) II وَسَّدَ 1) бош остига (бирор н.) қўймоқ; 2) (ухлашга) ётқизмоқ; 3) (к. гадир) юкламоқ, топширмоқ (عَلَى); ~ الوَظِيفَةَ (к. гадир) лавозим, мансаб бермоқ (إِلَى); V تَوَسَّدَ ўз боши остига (бирор н.) қўймоқ; ◊ ~ الثَّرَى ўлмоқ, вафот этмоқ, тупроққа бош қўймоқ

– مُوَسَّد текисланган, текис

– وِسَاد кўп. وُسُد, وُسُدٌ ёстиқ, болиш

– وِسَادَة, وُسَادَة, وَسَادَة кўп. ـَات — ёки وَسَائِدُ болиш, ёстиқ; ~ هَوَائِيَّة ҳаво ёстиғи (техникада)

وَسَطَ (и) وَسْط, وَسَط I ўртада, марказда турмоқ (бўлмоқ); II وَسَّطَ 1) ўртага, марказга ўтқизмоқ, жойламоқ; 2) (к. нидир) даллол қилмоқ, ўртачи, воситачи қилмоқ; 3) (н. нидир) тенг иккига бўлмоқ; V تَوَسَّطَ ўртани, марказни эгалламоқ; ўртада, марказда турмоқ, бўлмоқ; (бирор н да) ўртача йўл тутмоқ (فِي); 2) (к. ларнингдир ўртасида) даллол, воситачи бўлмоқ (بَيْنَ, لـ); (н. дадир) воситачилик қилмоқ (فِي); VI تَوَاسَطَ марказга, ўртага етиб бормоқ, аста-секин ўртани эгалламоқ; ўртада бўлмоқ

– أَوْسَطُ кўп. أَوَاسِطُ мн. وُسْطَى, وُسُطٌ кўп. 1. ўртадаги, ўртада жойлашган; ўрта; أَوَاسِطُ الشَّهْرِ ой ўртаси; أَوَاسِطُ إِفْرِيقِيَا Африканинг марказий вилоятлари; الطَّبَقَةُ الوُسْطَى ўрта табақа; القُرُونُ الوُسْطَى ёки العُصُورُ الوُسْطَى ўрта асрлар; الوُسْطَى ўрта бармоқ; 2. муз. терсия

– تَوَسُّط 1) марказлилик, ўртача ҳолат; 2) даллоллик, воситачилик; 3) ўрта-миёналик, одамийлик

– مُتَوَسِّط 1. 1) ўртани, марказни эгаллаб турган; 2) ўрта; المَوْجَاتُ الـ~ـة радио. ўрта тўлқинлар; ~ الحَجْم ўрта ҳажмдаги, ўлчовдаги; ~ القَامَة ўрта бўйли; ~ النَّوْع ўртача навли, иккинчи нав (сорт)ли; الأَصْوَاتُ الـ~ـة фон ўрта ундошлар (ر, ل, م, ن); 3) даллоллик қилувчи, воситачилик қилувчи; 2. 1) ўртаҳол (деҳқон ҳақида); 2) ўртача катталик; ўртача даража; мат. ўрта арифметик; 3) даллол, воситачи

– وَاسِط Восит (Куфа билан Басра ўртасидаги қишлоқ номи)

– وَاسِطَة кўп. وَسَائِطُ 1) восита; ёрдам, усул, йўл; بِـ~ ... (бирор н.) воситасида, ёрдамида; بِهٰذِهِ الـ~ шунинг ёрдамида, шунинг учун; اتَّخَذَ الوَسَائِطَ اللازِمَةَ зарур чораларни кўрмоқ; ~ النَّقْل транспорт воситаси; 2) (шода) ўртасидаги энг йирик марказий гавҳар; ◊ هُوَ ~ قِلادَتِهِم ёки هُوَ ~ عِقْدِهِم улар орасида у энг эътиборли шахсдир

– وَسَاطَة, وِسَاطَة воситачилик; (ҳимоя қилиб) ўртага тушиш, илтимос, илтимос билан мурожаат этиш; بِـ~ـه бирор нарса воситаси билан, воситасида; قَدَّمَ ~ـه (к. гад ир) ўз воситачилигини таклиф қилмоқ (لِـ)

– وَسْطَ ўрта; جَلَسَ وَسْطَهُم у улар орасида ўтирарди

– وَسَط кўп. أَوْسَاط 1) ўрта, марказ; ~ الشِّتَاء қиш ўртаси; فِي ~ الطَّرِيق йўл ўртаси; فِي ~ اللَّيْل тун ўртасида, ярим кечада; فِي ~ المَدِينَة шаҳар марказида; 2) шароит, соҳа, доир; فِي ~ـنَا орамизда, бизнинг шароитимизда; الأَوْسَاطُ الدِّبْلُومَاسِيَّة дипломатик доиралар; الأَوْسَاطُ التِّجَارِيَّة савдо (тижорат) доиралари; 3) ўртача сон; الـ~ الحِسَابِيّ ўртача арифметик (сон); الـ~ الهَنْدَسِيّ ўртача геометрик (сон); الـ~ المُتَنَاسِب ўртача пропорционал; 4) (изоҳловчи вазифасида) ўрта; الحَلّ الـ~ компромис, ўртадаги (ўзаро) келишув; الأَمِيرِكِيّ الـ~ ўртаҳол америкалик; السَّبِيل الـ~ ўрта йўл, ўрта чизиқ; الأَشْيَاء الـ~ ўртамиёна, одми нарсалар

– وَسْطَانِيّ ўрта, ўртадаги

– وَسَطِيّ ўрта; حَلّ ~ компромис; ~ـًا ўрта ҳисобда, ўртача

– وَسِيط 1. ўрта; العُمْر الـ~ ўртача ёш, ўртача умр; 2. кўп. وُسَطَاء 1) даллол, ўртачи; воситачи; 2) ҳомий, илтимосчи, орага тушувчи; 3) савдо. маклёр, комиссионер (воситачи); 4) медиум (спиритларуу - дунёдаги ўлганлар руҳи билан сўзлашамиз дегувчилар фаолиятида)

وَسْطَنَ ўртага, марказга қўймоқ, ўтқазмоқ; تَوَسْطَنَ ўртага, марказга ўтирмоқ; ўрта (марказий) ўринни эгалламоқ

(وسع) وَسُعَ (يَوْسُعُ) وَسَاعَة, سَعَة I кенг, кенгу мўл бўлмоқ; وَسِعَ (يَسَعُ) وُسْع 1) кенг, кенгу мўл бўлмоқ; кўп нарса сиғадиган бўлмоқ; сиғдирмоқ, эгалламоқ; 2) имкон берилган, имконли бўлмоқ; لا تَسَعُ الدُّنْيَا فَرْحَةً унинг хурсандлиги бутун дунёга сиғмасди; لا يَسَعُكَ أَنْ تَفْعَلَ هٰذَا а) буни қилолмайсан; б) сен буни қилмаслигинг керак; يَسَعُنِي ... мен қила оламан, менинг кучим етади; لا يَسَعُنَا ... биз ...ни қила олмаймиз; لا يَسَعُنَا إِلاَّ أَنْ نَقُولَ ... биз фақат айтишимиз мумкинки ...; فَتَحَ عَيْنَيْهِ مَا ~ أَنْ يَفْتَحَهُمَا у имкони борича кўзини очди; II وَسَّعَ 1) кенгайтирмоқ; ~ الخَرْق ҳарб. ёриб ўтишни кенгайтирмоқ; 2) (к. гадир) жой бермоқ, бўшатмоқ (لِـ); IV

